930.
03
У-34



ЎЗБЕКИСТОН ССР НАШРИЁТ, ПОЛИГРАФИЯ
ВА КИТОБ САВДОСИ ИШЛАРИ ДАВЛАТ КОМИТЕТИ
ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ

ЎЗБЕК СОВЕТ ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ БОШ РЕДАКЦИЯСИ

ЎЗБЕК СОВЕТ ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ

12

ФАЗО — ШАШКА

ТОШКЕНТ — 1979


03
У-37

БОШ МУҲАРРИР
ЎзССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИНИНГ
АКАДЕМИГИ ЗУФАРОВ К. А.

БОШ ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ АЪЗОЛАРИ

АБДУЛЛАЕВ В. А., АБДУЛЛАЕВ Ф. А., АБДУРАҲМОНОВ Ғ. А., АБДУШУКУРОВ Р. Ҳ., АЗИМЖОНОВА С. А., АЗИМОВ С. А., АКРАМОВ З. М., АКРАМХЎЖАЕВ О. М., АЛИМОВ Р. А., АМИНОВ О. М., АМИНОВА Р. Х., АРЖАНИХ И. С., АСҚАРОВ А. А., АШРАФОВ А. Б., АЪЗАМХЎЖАЕВ А. А., АҲМЕДОВ К. С., БАРАТОВ М. Б., БЕДРИНЦЕВ К. Н., БЕКЖОНОВ Р. Б., БОБОЕВ Б. Д., БОЙМУҲАМЕДОВ Ҳ. Н., ВАЛИЕВ А. Қ., ВАҲОБОВ М. Ғ., ВОҲИДОВ Ҳ. Ф., ГРАНИТОВ И. И., ДАДАБОЕВ А. Д., ЕСЕНБОЕВ З. И., ЖИТОВ К. Е., ЗИЕДУЛЛАЕВ С. К., ЗОКИРОВ Қ. З., ЗОҲИДОВ В. И., ЗОҲИДОВ Т. З., ИМОМАЛИЕВ А. И., ИНОЯТОВ Ҳ. Ш., ИСАМУҲАМЕДОВ Э. М., ИСКАНДАРОВ И. И., ИСМОИЛОВ Б. И., ИУЛДОШЕВ М. Н., КАРИМОВ У. И., КАРОМАТОВ Ф. М., КОРЖАВИН Б. Д., ЛУНИН Б. В., МАВЛОНОВ Ғ. О., МИРБОБОЕВ Д. А. (масъул секретарь), МУЗАФФАРОВ А. М., МУСАБОЕВ И. К., МУҲАММАДЖОНОВ М. В., МУҲАММАДИЕВ А. М., НАБИЕВ М. Н., НАЗАРОВ М. Х., НОРХЎЖАЕВ Ф. Х., НУРМУҲАМЕДОВ М. К., НУРИДДИНОВ З. Р., НЎЪМОНОВ К. Н. (ЯШИН), ОЛИМЖОНОВ Р. А., ОРТИҚОВ А. О., ОХУНОВА М. О., ПЎЛАТОВ Ҳ. П., РАЖАБОВ И. Р., РАЖАБОВ С. Р., РАШИДОВ Т. Р., РАШИДОВ Ғ. Р., РАҲМОНОВ М. Р., РИЖОВ С. Н., РУСАНОВ Ф. Н., РУСТАМОВ Ҳ. Р., САИДОВ Ж. К., САЛОҲИДДИНОВ М. С., САРИМСОҚОВ Т. А., СИРОЖИДДИНОВ С. Ҳ., СОДИҚОВ О. С., СОДИҚОВ С. С., СУЛАЙМОНОВ Ҳ. С., СУЛТОНОВ А. С., СУЛТОНОВ И. О., СУЛТОНОВ М. А., ТУРСУНОВ Ҳ. Т., ТЎЛАГАНОВ А. Т., ТЎРАҚУЛОВ Е. Х., УМРЗОҚОВА О. П., УСМОНОВ Ҳ. У., УСМОНХЎЖАЕВ Ҳ. Ҳ., ФАЙЗУЛЛАЕВ О. Ф., ФОЗИЛОВ Ҳ. Ф., ХАЙРУЛЛАЕВ М. М., ХОНАЗАРОВ Қ. Ҳ., ШОЛАБДУРАҲМОНОВ Ш. Ш., ШОРАҲМЕДОВ Д. А. (Бош муҳаррир ўринбосари), ШЧЕГЛОВ В. П., ЭРГАШЕВ Э. Ҳ., ЭШОНОВ О. Э., ЮНУСОВ С. Ю., ЮСУПОВ Э. Ю., УЛМАСОВ А. У., УРАЗАЕВ Ш. З., ҚОБУЛОВ В. К., ҚОРИЕВ М. К., ҒУЛОМОВ У. Ғ., ҲАМИДОВ Ж. Ҳ., ҲАМРОБОЕВ И. Ҳ., ҲАСАНОВ Ҳ. Ҳ., ҲОЖИНОВА М. А.

500636



Ф

ФАЗО (математикада) — мантиқий фикрланувчи шакл (ёки структура). Фазо бошқа шакллар ёки бирор конструкциялар амалга ошириладиган муҳит бўлиб хизмат қилади. Мас., элементар геометрияда текислик ёки фазо турли шакллар ясаладиган муҳит бўлади. Ф. даги ўзаро боғловчи муносабатлар ички тузилиши (структураси) жиҳатидан одатдаги фазовий муносабатларга ўхшаш. Тарихий нуқтаи назардан математик Ф. реал Ф. нинг тақрибий абстракт образини ифодаловчи уч ўлчовли Евклид Ф. сидир. Математика, механика физиканинг ривожланиб бориши б-н Евклид Ф. си геометриясининг тушунчаларини секин-аста умумлаштириш ва ўзгартириш натижасида «Ф.» нинг ҳозирги умумий тушунчаси вужудга келди. 19- асрнинг 1- ярмида яратилган Лобачевский Ф. си, *n* ўлчовли Евклид Ф. си тушунчалари Евклиднинг уч ўлчовли Ф. сидан анча фарқ қилади.

Математик Ф. тўғрисидаги умумий тушунчани 1854 йилда Б. *Риман* олға сурган. Бу тушунча кейинчалик кенгайтирилиб, унга аниқликлар киритилди. Натижада вектор Ф., *Гильберт фазоси, Риман фазоси*; функционал Ф., топологик Ф. вужудга келди. Математикада Ф. сифатида объектларнинг узлуксиз (туташ) тўплами қаралади. Бу объектлар сифатида геометрик фигуралар, функциялар, физик системаларнинг турли ҳолатларини олиш мумкин. Улар шу Ф. нинг «нуқталари» деб ҳисобланади.

Нуқталарнинг ҳар қандай тўплами эса Ф. даги фигура деб қаралади. Мас., 1) *метрик Ф.* ларда нуқталар орасидаги масофалар тушунчаси тегишли равишда таърифланган, мас., бирор $[a, b]$ кесмадаги [шу кесмада узлуксиз бўлган $f(x)$ функция нуқталар вазифасини бажаради] узлуксиз функциялар Ф. сида $f_1(x)$ б-н $f_2(x)$ орасидаги масофа уларнинг фарки модулининг максимуми $r=max\ |f_1(x)-f_2(x)|$ сифатида аниқланади; 2) *нисбийлик назариясида* муҳим роль ўйнайдиган «ҳодисалар Ф. си» — учта x, y, z координата ва t вақт б-н аниқланади, яъни ҳар қандай ҳодисалар тўпламини тўрт ўлчовлидир.


Математик Ф. ларининг қайси бири реал Ф. ни яхшироқ акс эттириши тажрибадан аниқланади. Мас., ҳозир реал Ф. хоссалари Риман геометриясида Евклид геометриясига нисбатан аниқроқ акс этиши тўла-тўкис исбот этилган (яна қ. *Геометрия, Математика, Кўп ўлчовли фазо*).

ФАЗО ВА ВАҚТ, макон ва замон — *материя* мавжудлигининг умумий шакллари. Ф. ва в. тушунчаси объектив дунёнинг ажралмас қисми бўлганлиги учун аввало философиянинг объекти ҳисобланади. *Табиатшунослик*, аввалambor *физика*нинг ривожланиши б-н Ф. ва в. ҳақидаги таълимот чуқурлашиб ва такомиллашиб боради. Ф. ва в. ҳақидаги таълимотни ривожлантиришда *астрономия*, айниқса *космология* муҳим роль ўйнайди.


Ф. ва в. ҳақидаги илмий тасаввурлар *материя, ҳаракат, ўзаро таъсир* тушунчалари б-н боғлиқ ҳолда ривожланди. Диалектик материализм Ф. ва в. нинг объективлигини таъкидлаб, улардан ташқари реалликни инкор этади. Ф. ва в. материядан ажралмасдир. «Оламда ҳаракат қилувчи материядан бошқа ҳеч бир нарса йўқдир, ҳаракат қилувчи материя эса фақат макон ва вақтда ҳаракат қилади» (В. И. Ленин, Тўла асарлар тўплами, 18- том, 203- бет).

Диалектик материализмнинг Ф. ва в. ҳақидаги таълимотига асосланган ҳолда уларнинг ҳар бирига хос хусусиятларини таъкидлаш мумкин. Фазо (макон) бир вақтда мавжуд бўлган объектларнинг жойлашиш тартибини ифодалайди. Бир объектнинг бошқа объектга, яъни «боғланган» саноқ ўқларига нисбатан ҳолати координаталар орқали ифодаланади. Агар объект моддий нуқта бўлмай жисм бўлса, бурчак координаталари ҳам эътиборга олинади (муайян ҳолда фазо битта оралиқ ёки битта бурчак б-н ифодаланади). Ф. уч ўлчамга (бўйи, эни, баландлигига) эга. Вақт (замон) икки маънода ишлатилади: он (момент, пайт; мас., соат 12) ва интервал (12 соат давомида). Умуман вақт бир-бирини алмаштириб турадиган ҳодисалар мавжудлигининг изчиллигини ифодалайди. Бир ўлчамли, яъни орқага қайтмайди, ўтмишдан келажакка қараб ривожланади. Ф. ва в. нинг бу хоссалари миқдорий ўлчамга эга. Булардан ташқари топологик характеристикалари ҳам бор. Улар: объектларнинг тегиб туришлари, йўналишлар сонидир.

Қадимги замон натурфилософлари (*Демокрит, Эпикур* ва б.) атомистик қарашларига (қ. *Атомизм*) мувофиқ, табиатшунослар то 20- асрга қадар фазони бўшлиқ сифатида қараб, уни мутлақ, ҳамиша ва ҳамма жойда бирдай турувчи ва ҳаракатсиз, деб ҳисоблардилар. Вақтни эса бир маромда ўтиб борадиган нарса деб қарардилар. 17—19- асрларда Ф. ва в. хусусида асосан *Ньютон* қарашлари ҳукмронлик қилди. Ньютон ўз механикасида Ф. ва в. нинг объективлигини илгари сурган бўлса-да, уларни бир-биридан ажралган, материя ва ҳаракатга боғлиқ бўлмаган мустақил объектлар сифатида қарарди. Ньютон таълимотидаги энг муҳим зиддият абсолют Ф. ва в. ни тажриба йўли б-н билиб бўлмайди, деб қарашдадир. Бундай қарашлар ўз даври фанига мувофиқ келган, жумладан Евклид геометрияси, классик механика ва классик тортиш назариясига хизмат қилган. Ньютон механика қонунлари фақат *инерциал саноқ системалари* учунгина тўғри эканлиги кейинчалик маълум бўлди. Классик механикадаги *Галилей нисбийлик принципи*га биноан барча инерциал саноқ системалари баббаравар ҳуқуқли бўлганликлари учун система абсолют фазога нисбатан ҳаракат қилаяпти деган зиддиятлар 18—19- асрларда Ф. ва в. ҳақидаги ёки йўқми, буни аниқлаб бўлмасди. Шу каби



Кривошип-коромислоли фазовий механизм: *1* — қўзғалмас звено; *2* — кривошип; *3* — шатун; *4* — коромисло.



а

б

Фазовий системалар: *а* — ферма (стерженли тузилиш схемаси); *б* — рама.

идеалистик қарашларнинг ривожланишига олиб келди. Идеалист философлар Ф. ва в. нинг объектив характерини инкор этиб, уларни индивидуал онгнинг мазмунига қарам қилиб қўядилар (*Беркли, Юм, Мах*), уларга ҳиссий мушоҳаданинг априор формалари (*Кант*) ёки абсолют руҳнинг категориялари (*Гегель*) деб қарайдилар. Ф. ва в. ҳақидаги субъектив қарашларга В. И. Ленин «*Материализм ва эмпириокритицизм*» асарида қаттиқ зарба берди.

19- аср охири — 20- аср бошларида Ф. ва в. тушунчаларида кескин ўзгаришлар бўлди: материя ҳақида янги тасаввурлар вужудга келди; ҳаракат мезонларидан энергиянинг янги шакллари кашф этилди; жисм қисмлари, элементар зарралар орасидаги боғланишнинг моддий воситаси сифатида *физик майдонлар* борлиги аниқланди. Майдон бўшлиқдан моддийлиги, заррадан заррага таъсир ўтказишда восита бўлишлиги б-н фарқ қилади. Кейинроқ Х. *Лоренц* ва б. нинг тадқиқоти шуни кўрсатдики, жисмнинг тезлиги катта бўлса (ёруғлик тезлигига яқинлашган сари), майдонинг ўзгаришига олиб келади, бу эса ўз навбатида жисмнинг Ф. ва в. хоссаларини ўзгартиради. Бунинг натижасида жисм узунлиги ҳаракат йўналишида қисқаради, вақт интервали эса секинроқ оқади; фазонинг ҳам, вақтнинг ҳам ўзгариш қонуниятлари умумийдир.

А. *Эйнштейн*нинг нисбийлик назарияси Ф. ва в. таълимотида янги физикавий назария бўлди. Бу назария 2 принципга; инерциал системаларда физикавий ҳодисаларнинг бир хилда рўй бериши (нисбийлик принципи) ва ёруғлик тезлигининг доимийлиги (доимийлик принципи)га асосланиб, Ф. ва в. бир-бири б-н универсал алоқадорликда бўлишларини кўрсатиб берди (қ. *Нисбийлик назарияси*). Бу б-н фазони бўш жой деб, вақтни бутун бенихоя коинот учун ягона деб қаровчи эски тасаввурларни йўққа чиқарди. Кейинчалик фан вақтнинг ўтиши ва жисмларнинг кўлами мазкур жисмларнинг ҳаракат тезлигига боғлиқлигини, тўғт ўлчовли континуумнинг тузилиши ва геометрик хоссалари (фазо-вақт) модда массаларининг тўпланишига ва улар вужудга келтирадиган тортилиш майдонига қараб ўзгариб туришлиги ва ш. к. ни аниқлади (қ. *Тортишиш*). Ҳозирги замон физикасида Ф. ва в. ни квантлаш назарияси асосий принциплардан биридир (қ. *Квант механика*).

Фазо-вақт муносабатлари б-н сақланиш қонунлари (қ. *Масса*) узвий боғлиқ. Импульснинг сақланиш қонуни фазонинг бир жинслилигига тўғри келади, фазонинг изотроплилигига — ҳаракат миқдори моментининг сақланиш қонуни, вақтнинг бир жинслилигига — энергиянинг сақланиш қонуни мосдир.

Умуман, ҳозирги замон табиий фанларининг ривожланиши Ф. ва в. ҳақидаги диалектик таълимотнинг тўғрилигини тасдиқламоқда.

Ад.: Энгельс Ф., Диалектика природы, Маркс К., Энгельс Ф., Соч., 2 изд., т. 20; Энгельс Ф., Анти-Дюринг, Т., 1957; Ленин В. И., Материализм ва эмпириокритицизм, Тўла асарлар тўплами, 18- т.; Свидерский В. И., Пространство и время, М., 1958; Штейнман Р. Я., Пространство и время, М., 1962; Мостепаненко А. М., Пространство и время в макро-, мега-и микромире, М., 1974.

ФАЗОВИЙ ЗАРЯД, *ҳажмий заряд* — маълум ҳажм бўйича тақсимланган электр заряди. Ф. з. *электр потенциал* ва *электр майдон кучланганлиги*нинг фазовий тақсимланишини аниқлайди. Ф. з. ҳосил бўлиши учун мусбат ва манфий заряд ташувчи (мас., *плазма*да ион ва электрон) лар концентрацияси тенг бўлмаслиги керак. Ф.з. зичлиги $\rho = e\sum_i Z_i n_i$, бу ерда n_i — концентрация; Z_i — i хил заряд ташувчилар заряди; e — электрон заряди. Ф. з. электр токи ўтиши б-н боғлиқ, у электролитдан ток ўтаётганида электродлар яқинида, турли (электрон ва ковак) ўтказувчанликка эга бўлган икки *яримўтказгичлар* чегарасида, вакуумда, электрон эмиссия ва *ион эмиссия* жараёнида, газларда *электр разряд*да вужудга келади.

ФАЗОВИЙ МЕХАНИЗМ — звеноларининг нуқталари нотекис траектория чизувчи ёки траекторияси кесишган текисликларда ётувчи механизм (расмга қ.). Техникада звено нуқталарининг траекториялари концентрик сфераларда бўладиган сферик механизмлар кенг тарқалган. Бундай механизмлар кесишувчи ўқлар орасидаги айланма ҳаракатларни узатиш (*тишли узатмалар, карданли узатма*, радиолокатор механизми ва б.)да қўлланилади. Айқаш ўқлар орасидаги айланма ҳаракатларни узатишда фазовий тишли механизмлар (*червякли узатма*, гипоид узатма ва б.) қўлланилади. Ф. м. енгил ва озиқ-овқат саноати машина-автоматларида айланма ҳаракатларни узатибгина қолмай фазовий траекториялар ҳосил қилишда (мас., тикув машинаси) ҳам хизмат қилади. Ф. м. космик техника қурилмаларида, қ. х. да ва б. да кенг фойдаланилади.

ФАЗОВИЙ СИСТЕМА (қурилиш механикасида) — юк кўтарувчи конструкция системаси (ёки уни ҳисоблаш схемаси); элементларида кучланишнинг фазовий тақсимланиши б-н фарқ қилади. Ф. с. оғир (тўғонлар, асослар, машина ва б. нинг станиналари), юпқа деворли (пластина ва қобиқ шаклидаги конструкциялар), стерженли (кўприкларнинг фермалари), фазовий каркасли (асосан устун ва стержень ҳамда балкалардан тузилган) ва комбинациялаштирилган хилларга бўлинади.

Кўп ҳолларда Ф. с. нинг геометрик ўзгармас бўлиши ва статик ноаниқлик даражаси катталиги унинг текис системага нисбатан эффективлигини таъминлайди, аммо ҳисоби мураккаб бўлади.

ФАЗОВИЙ ЭГРИ ЧИЗИҚ — ҳамма нуқталари б-н бир текисликда ётмайдиган эгри чизиқ. Ф. э. ч. *декарт координаталар системасида* қуйидаги кўринишларда берилиши мумкин: $F(x, y, z)=0$, $\Phi(x, y, z)=0$ (икки сиртнинг кесишиши); $x=\varphi(t)$, $y=\varphi(t)$, $z=\chi(t)$, $t \in (0,1)$ (параметрик шакли). *Винт чизиғи* ҳам Ф. э. ч.дир.

ФАЗОИНВЕРТОР (*фаза* ва лат. inverto — ўзгартираман) — кириш кучланишини фаза бўйича бир-биридан 180° га силжиган иккита кучланишга айлантириб берувчи электр қурилма. Энг содда Ф. симметрик иккиламчи чулғамли, ўрта нуқтасида чиқиш клеммаси бўлган электр *трансформатор*дир. Кўпинча, Ф. сифатида тебраниш контури (индуктив ғалтакнинг ўрта нуқтасидан ёки иккита кетма-кет уланган конденсаторнинг умумий нуқтасидан чиқиш клеммаси қилиниган) қўлланилади (расмга қ.). Радиотехник қурилмаларда лампали, кейинчалик транзисторли Ф. лар ишлатила бошланди. Бунда анод (коллектор) ва катод (эммитер)дан чиққан сигналлар турли қутбли (180° га силжиган) бўлади. Ф., асосан, электр кучайтиргич, ўлчаш аппаратлари, ҳисоблаш техникаси ва б. ларда ишлатилади.

ФАЗОКОМПЕНСАТОР (*фаза* ва лат. compenso — тенглайман) — электр тармоғининг маълум тугунига ёки кучланиш ва ток орасидаги фаза силжишини компенсацияловчи нагрузка клеммаларига бевосита уланадиган коллекторли ўзгарувчан ток электр машинаси. Ф. тармоқдаги кучланишни бошқариш, электр энергия исрофини камайтириш ва электр коммуникацияларида ўтказувчанликни оширишга имкон беради. Бошқариладиган ва бошқарилмайдиган турларга бўлинади. Бошқариладиган Ф. шароит ўзгариши б-н тармоқдаги реактив қувват (сиғимли ёки индуктивли) характерини, берилган иш режимини сақлашга мувофиқ ҳолда ўзгартиради. Айланувчи ва статик хиллари мавжуд. Синхрон компенсаторлар — айланувчи, электрик конденсаторлар эса статик бошқариладиган Ф. сифатида ишлатилади. Бунда ростланадиган элемент бошқарилувчи ток тўғрилагичдан иборат.


Бошқарилмайдиган Ф. статик ва конденсатор типида бўлиб, қўшимча ҳолда нагрузкани симметрияловчи қурилма вазифасини ҳам бажаради.

Ад.: Мамошин Р. Р., Повышение качества энергии на тяговых подстанциях дорог переменного тока, М., 1973.


ФАЗОМЕТР (*фаза* ва юнон. metréo — ўлчайман) — электр занжиридаги саноат частотали ўзгарувчан ток б-н кучланиши орасидаги фаза силжиш косинус бурчагини ёки электр сигналлар фаза айирмасини ўлчайдиган асбоб. Саноат частоталарида фаза силжиш косинус бурчагини электромеханик усулда — *логометр* (электродинамик, ферродинамик, электромагнит ёки индукцион) б-н ўлчанади. Логометр қўзғалувчан қисмининг оғиши кучланиш б-н токнинг ўзаро нисбатдаги фаза силжишига боғлиқ. Частотанинг кенг диапазонида электрон-счётчик Ф. лар қўлланилади. Ф. лар ишлатилиш жойларига кўра бир неча хилларга бўлинади. Электромеханик ўлчашда хатолик 1—3°, электрон ўлчашда 0,05—0,1°. Расмда бир фазали фазометр схемаси кўрсатилган.

Ад.: Вишенчук И. М., Котюк А. Ф., Мизюк Л. Я., Электромеханические и электронные фазометры, М.—Л., 1962; Кушнир Ф. В., Радиотехнические измерения, 3 изд., М., 1975.

ФАЗОТРОН [*фаза* ва (элек) трон сўзларидан] — оғир зарра (протон, дейтрон ва б.)ларни тезлаштирувчи циклик резонанс тезлаткич. Ф. да зарралар доимий магнит майдонида спираль бўйича ҳаракатланиб, частотаси аста-секин ўзгарувчи юқори частотали электр майдонида тезлашади. Ф. нинг асосий қисмини доимий электромагнит ташкил этади. Магнит қутблари орасига тезлаштирувчи электрод (дуант) ўрнатилган вакуум камера жойлашган. Дуантга тезлаштирувчи юқори кучланиш (15000—20000 *в*) берилади. Вакуум камера марказида зарядланган зарралар манбаи жойлашган. Бу манбадан чиқаётган зарядланган зарралар кучланганлиги 10000—15000 *эрстед*га тенг бўлган доимий магнит майдони таъсирида ҳар бир айланишда қўшимча энергия олади. Зарралар тезлиги ошиши б-н массаси ортади ва натижада уларнинг айланиш даври катталашади. Шунинг учун электродлар орасидан зарралар ўтганида уларнинг тезланиш олиши давом этиши учун тезлаштирувчи электр майдон частотасини камайтира бориш зарур. Зарралар тезлатиш натижасида вакуум камеранинг четига яқинлашади ва улар махсус қурилма ёрдамида ташқарига чиқади. Ф. импульсли режимда ишлайди. Узгарувчан тезлатувчи майдоннинг ошиб бораётган даврида зарралар тезланиш олади, циклнинг қолган қисмида, яъни майдоннинг камайиш даврида тезланиш олмайди. Тезлатувчи майдоннинг бошланғич частотаси 10—30 *Мгц*, ҳар бир тезлатиш циклининг охирида тахм. 30% га камаяди. Тезлатилган зарраларнинг максимал энергияси 1000 *Мэв* гача етади. Бундан юқори энергиягача тезлатиш учун *синхрофазотрон* типидаги тезлаткич қўлланилади. Ҳозирги вақтда энг катта Ф. лардан бири Дубна шаҳридаги Ядро тадқиқотлари бирлашган ин-тида ишлаб турибди (расмга қ.). Бу Ф. магнитининг оғирлиги 7000 *т*, диаметри эса 6 *м* га тенг. Ундаги тезлатилган протонларнинг максимал энергияси 680 *Мэв*. Ф. тезлатгичлар орасида ядро физикасининг ривожланишига катта ҳисса қўшган қурилмадир.



Фазоинвертор.




Бир фазали фазометр схемаси: U — манба кучланиши; K_1, K_2, K_3, K_4 — ғалтаклар; R — қаршилик; X — индуктивлик; I — ток.


ФАЙБУШЕВИЧ Вениамин Михайлович (1898. 19. 2, Красноярск ш.—1971, июль, Тошкент) — физиотерапевт ва курортолог. УзССРда хизмат кўрсатган фан арбоби (1958), медицина фанлари д-ри (1940), проф. (1947). Томск Давлат ун-ти медицина ф-тини тугатган (1925). Петропавловск-Камчатский (1925), Ишим (1926), Ленинград (1928) ва Москва (1928—29) шаҳарларида врач, Узбекистон Соғлиқни сақлаш министрлигининг Н. А. *Семашко* номидаги Физиотерапия ва курортология илмий тадқиқот ин-тида ординатор (1929—30), ассистент (1931—33), доцент (1934), ин-т директори (1934—41). Улуғ Ватан уруши қатнашчиси (1941—45), яна шу ин-т директори ўринбосари (1945—58), Узбекистон Соғлиқни сақлашни ташкил этиш илмий тадқиқот ин-тида бўлим мудири (1958—71), Тошкент шаҳар тез медицина ёрдами станциясида консультант (1968—71). «Бруцеллёзда орқа мия суюқлиги» мавзуида д-рлик диссертацияси ёқлаган. Илмий ишлари невропатология, патофизиология масалаларига, шунингдек гемато-энцефалик барьер (тўсиқ)га физик ва курортологик омилларнинг таъсирини ўрганиш ва б. масалаларга қаратилган. 2- даража Ватан уруши ордени, Қизил Юлдуз ордени ва медаллар б-н мукофотланган.

Ас.: Гидроаэроионизация и ее лечебное применение, Т., 1955; Минеральные воды и их лечебное применение, Т., 1959.

ФАЙЗ Аҳмад Файз (1911. 13. 2, Сиалкот) — Покистон шоири, танқидчи ва жамоат арбоби. Урду ва панжоб тилларида ёзади. Сиалкот ва Амритсар колледжларида таҳсил олган. Иккинчи жаҳон уруши даврида инглиз ва урду тилларида чиқадиган «Пакистан таймс», «Имроз» газеталарининг бош муҳаррири бўлган. 1950 йилда Жаҳон тинчлик кенгашининг аъзолигига сайланган ва шу йили «Равалпин-



Фазотроннинг умумий кўриниши.



Файзиев А.



Файзиев Л.



Файзиев Т.

ди фитнаси» иштирокчиси сифатида айбланиб, қамоққа олинган. 1955 йилда озод қилинган.

Ф. лирикасида инсоний ҳис-туйғулар, чуқур фалсафий мушоҳадалар ҳамда сиёсий масалалар муҳим ўрин тутади. У шеъриятнинг ғазал, қасида, марсия ва б. жанрларида ижод қилади.

Ф. «Ғамгинлар» (1941), «Шамол қўли» (1952), «Зиндоннома» (1957), «Тош остида қолган қўл» (1963), «Синай водийси» (1971) шеър тўпламлари, қамоқда ёзилган хатлардан иборат «Панжарали туйнук» (1971) китоби ва б. асарлар муаллифи. Деҳлида ўтган Осиё ёзувчилари 1-конференцияси (1956), Осиё ва Африка ёзувчиларининг Тошкент (1958) ҳамда Олмаота (1973) конференциялари қатнашчиси. 1972 йилдан Покистон санъати миллий кенгашининг раиси. Ф. «Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун» Халқаро Ленин мукофоти (1962), «Нилуфар» мукофоти (1975) лауреати. Баъзи асарлари ўзбек тилига таржима қилинган.

ФАЙЗИ (тахаллуси; фамилияси — Файзуллин) Мирҳайдар Мустафович [1891. 19 (31). 10, ҳозирги Оренбург обл. Кукшелово қишлоғи — 1928. 9. 7, Бошқирдистон АССР Боймоқ ш.]— татар совет драматурги. Татар совет адабиётининг асосчиларидан бири. Деҳқон оиласида туғилган. Дастлаб Орск (1902—05), сўнгра Оренбург (1906) мадрасаларида ўқиган. 1918—26 йилларда татар ва бошқирд қишлоқларида маданий-оқартув ишларини олиб борган. Ижоди 1905 йилдан бошланган. Илк тўплами «Менинг шеърларим» 1912 йили нашр қилинган. «Икки Ҳасан» комедияси (1909) рус драматургияси таъсирида ёзилган. Унинг «Ёшлар алдатмайдилар» комедияси (1911) кенг шуҳрат қозонган. Ф. «Қизғанчиқ» (1913), «Урал дарёси бўйида» (1919), «Оқ қалпоқ» (1922—23) каби бир қанча романтик пьесалар ёзган. «Галиябону» реалистик драмаси (1922) татар драматургияси тараққиётига катта таъсир кўрсатди. «Қизил Юлдуз» пьесаси (1921—23) совет воқелигида янги инсоний муносабатларнинг туғилишини тасвирлашга бағишланган. Ф. фольклорга оид материалларни йиғди, ўрганди. Халқ қўшиқлари тўпламини яратди.

Ас.: Сайланма әсәрләр, т. 1—2, Казан, 1957; Галиябану. Пьесалар, Казан, 1962; Драмы, М., 1961.
Ад.: История татарской советской лит-ры, М., 1965; Нуруллин И., XX йез башы татар әдәбияты, Казан, 1966.

ФАЙЗИЕВ Аҳмад (1910. 10. 5, Қўқон)— ўзбек совет актёри. ЎзССР халқ артисти (1956). 1951 йилдан КПСС аъзоси. Бухоро Давлат педагогика ин-тини тугатган (1940). 1925—30-йиллар Бухоро обл. Қоракўл р-н болалар уйи бюросида мураббий ва бадиий ҳаваскорлик труппасининг раҳбари. 1930 йилдан Бухоро театрининг актёри. Асосан, комик ва ҳажвий роллар устаси сифатида танилган. Қўқимбой (Д. Фурманов, «Исён»), Мадазим (К. Яшин, «Тор-мор»), Вурм (Ф. Шиллер, «Макр ва муҳаббат»), Коршунов (А. Островский, «Камбағаллик айб эмас»), Холмат (Ҳамза, «Бой ила хизматчи»), Мажидиддин (Уйғун, И. Султон, «Алишер Навоий»), Полоний (В. Шекспир, «Ҳамлет»), Мўмин (Э. Воҳидов, «Олтин девор»), Добчинский, Подколёсин (Н. Гоголь, «Ревизор», «Уйланиш») каби образларда Ф. актёрлик маҳоратининг ўзига хос томонлари яққол кўринди. Актёр ўзининг ижрочилик фаолиятида қадимий қизиқчилар санъати, совет комедиографиясига хос энг яхши анъаналарини уйғунлаштирган.

ФАЙЗИЕВ Латиф Обидович (1929. 2. 1, Тошкент)— ўзбек кинорежиссёри. ЎзССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1964). 1953 йилдан КПСС аъзоси. Бутуниттифоқ Давлат Кинематография ин-тини тамомлаган (1951). 1941—45 йиллар Ёш томошабинлар театрида актёр, 1951 йилдан «Ўзбекфильм» киностудиясида режиссёр. 20 га яқин ҳужжатли-хроникаль фильм-журнал, «Амударё» номли уч қисмли ҳужжатли фильм яратган. «Бой ила хизматчи» (1953) Ф. нинг биринчи бадиий фильмидир. «Амирликнинг емирилиши» (1955, В. П. Басов б-н ҳамкорликда), «Қутлуғ қон» (1957), «Ленин йўлланмаси билан» (1958), «Синчалак» (1961), «Наташахоним» (1966), «Улуғбек юлдузи» (1965), «Ватан ўғлонлари» (1968) каби фильмлари ўзбек киносининг ривожига муносиб ҳисса бўлиб қўшилди. Ўзбек киносида балет-фильм жанрига асос солганлардан. «Темур Малик» (1970), «Мовий сарой ошиқлари» (1971). «Тожикфильм»да «Уч пальма дарахти», «Жонланган миниатюралар», «Ганг узра тонг» (ҳинд кинематографчилари б-н ҳамкорликда) каби фильмларни экранлаштирган. 1958—67 йилларда ЎзССР Кинематографчилар союзи биринчи секретари. «Ҳурмат Белгиси» ордени ва медаллар б-н мукофотланган.

ФАЙЗИЕВ Турсун (1929. 15. 3, Самарқанд обл. ҳозирги Нурота р-ни)— пахтакор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони (1957). 1957 йилдан КПСС аъзоси. Нурота р-нидаги «Ўрта Осиё тилла қидирув бошқармаси»да ишчи (1943—1949), Тошкент обл. Бекобод р-нидаги «Чаноқ» (Ойбек номли) с-зида ишчи (1949—52), бригадир (1952—69), Ленинград с-зида бригада бошлиғи (1969—70). 1971 йилдан бўлим бошқарувчиси. Ф. бошлиқ бригадада 65 *га* майдоннинг гектаридан 39,5 *ц* пахта етиштирилган (1956). Ленин ордени ва медаллар б-н мукофотланган.

ФАЙЗИЕВ Ҳамидулла Файзиевич (1929. 25. 4, Тошкент)— рентгенолог, медицина фанлари д-ри (1970). ТошМИ ни тугатгач (1949), Ангрен ш. касалхонасида врач-ординатор (1949—51), ЎзССР Ички ишлар министрлигига қарашли ташкилотлардан бирида санитария қисми бошлиғи (1951—53). ТошМИнинг нормал ва топография анатомия кафедрасида ассистент (1953—57), Тошкент Врачлар малакасини ошириш ин-тининг рентгенология кафедрасида аспирант (1957—60), ЎзССР Онкология ва радиология илмий тадқиқот ин-тида кичик илмий ходим (1960—62), катта илмий ходим (1962—1973). 1973 йилдан Ўзбекистон Ортопедия ва травматология илмий-тадқиқот ин-тида рентгенология бўлими бошлиғи. «Умуртқа поғонасининг остеохондроз касаллигида комплекс рентгенологик текшириш ўтказиш» мавзуида д-рлик диссертацияси ёқлаган. Илмий ишлари ўпка ўсмаси, кўкрак қафаси, суяк ва бўғим касалликларини рентгенологик текширишга оид

Ас.: Коленный сустав в топографическом изображении, Т., 1963; Импортные лекарственные препараты, Т., 1969.

ФАЙЗИЕВ Ҳотам Холматович (1937. 10. 5, Тошкент)— ўзбек совет оператори. ЎзССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1969). Бутуниттифоқ Давлат кинематография ин-ти (ВГИК) ни тугатган (1958). 1958—59 йиллар «Ўзбекфильм»да оператор ассистенти, 1959 йилдан оператор. Биринчи мустақил иши —«Беш оғаини» (1960) фильмидир. «Сен етим эмассан», «Тошкент—нон шаҳри», «Абу Райҳон Беруний, «Фавқулодда комиссар», «Дилором» ва б. бадиий, «Тошкент зилзиласи», «Самарқанд доим мен билан», «Навоий шаҳри» каби ҳужжатли ва илмий-оммабоп фильмларда ўзига хос, ёркин операторлик санъати намоён бўлди. ЎзССР Ҳамза мукофоти лауреати (1971).

ФАЙЗИОБОД — Андижон обл. Ленин р-ни Илғор қ. С. даги қишлоқ. Ленин номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 14 *км*, яқин т. й. станцияси — Асака (18 *км*). Аҳолиси 636 киши (1976); пахтачилик, чорвачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Қанда ариғидан сув ичади. Бошлангич мактаб бор.

ФАЙЗИОБОД — Наманган обл. Тўрақўрғон р-ни Ахса қ. С. даги қишлоқ. Киров номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 16 *км*, яқин т. й. станцияси—Тўрақўрғон (28 *км*). Аҳолиси 1870 киши (1976); пахтачилик, чорвачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Шимолий Фарғона каналидан сув ичади.

ФАЙЗИОБОД — Наманган обл. Уйчи р-ни Ёрқатой қ. С. даги қишлоқ. Свердлов номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 5 *км*, яқин т. й. станцияси — Чортоқ (11 *км*). Аҳолиси 3273 киши (1976); пахтачилик, пиллачилик, боғдорчилик, сабзавотчилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Норин дарёсидан сув ичади. Касалхона, дорихона, ўрта мактаб, клуб, болалар боғчаси, алоқа бўлими, маиший хизмат кўрсатиш пунктлари бор.

ФАЙЗИОБОД — Самарқанд обл. Самарқанд р-ни Жумабозор қ. С. даги қишлоқ. «Ленинизм» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 28 *км*, яқин т. й. станцияси — Самарқанд (32 *км*). Аҳолиси 576 киши (1976); тамакичилик, пиллачилик, боғдорчилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Дарғом каналидан сув ичади.

ФАЙЗИОБОД — Фарғона обл. Олтиариқ р-ни Файзобод қ. С. даги қишлоқ. «Ленинград» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 12 *км*, яқин т. й. станцияси — Олтиариқ (12 *км*). Аҳолиси 6223 киши (1976); пахтачилик, пиллачилик, боғдорчилик б-н шуғулланади. Зилха ариғи ва Файзободсойдан сув ичади. Қурилиш материаллари з-ди, клуб, ўрта мактаб, болалар боғчаси, медпункт, дорихона, алоқа бўлими, ремонт устахонаси, маиший хизмат кўрсатиш пунктлари, савдо маркази, касалхона, мактаб-интернат, пахта пункти бор.

ФАЙЗИОБОД — Қашқадарё обл. Қарши р-ни Дашт қ. С. даги қишлоқ. «Коммунизм» к-зи терр-ясида. Р-н маркази ва яқин т. й. станцияси — Қарши (19 *км*). Аҳолиси 1439 киши (1974); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик, боғдорчилик б-н шуғулланади. Қашқадарёдан сув ичади. Ўрта мактаб, медпункт, дорихона, савдо тармоқлари, кутубхона, маиший хизмат кўрсатиш пунктлари бор.

ФАЙЗОБОД — Афғонистоннинг шимоли-шарқий қисмидаги шаҳар. Кўкча дарёси бўйида. Бадахшон вилоятининг маъмурий маркази. Аҳолиси 60 минг киши (1966). Савдо маркази. Озиқ-овқат корхоналари бор. Ҳунармандчиликда чарм ва жундан турли буюмлар тайёрланади. Шаҳардан жануброқда лазурит қазиб олинади.

ФАЙЗОБОД — Ҳиндистоннинг шимолий қисмидаги шаҳар. Уттар-Прадеш штатида. Аҳолиси 183 минг киши (1969). Т. й. ва шоссе йўллар узели, савдо маркази. Ҳунармандчиликда ип газлама, шойи тўқилади, металл, ёғоч ва суякдан бадиий буюмлар тайёрланади.

ФАЙЗОБОД ХОНАҚОҲИ — Бухородаги архитектура ёдгорлиги. 1598—99 йилларда қурилган. Гумбаз б-н қопланган кенг зал бир қаватли ҳужралар б-н ўралган, залнинг шарқ томонида улкан пештоқ бор. Бинонинг ён фасадлари иқлимни ҳисобга олиб ишланган галереялар б-н чиройли қиёфага киритилган. Зал гумбазининг ички томони қирма усулидаги ислимий нақш б-н нафис безатилган (кул ранг ва сариқ ганчдан ўйиб ислимий нақш ишланган). Бино ва унинг безаклари меъмор ва наққошларнинг улкан истеъдодидан дарак беради.

ФАЙЗОБОДСОЙ — Фарғона областидаги сой. Қуйи қисмида Файзобод ариғи деб аталади. Узунлиги Марғилонсой б-н кесишган жойдан 29,2 *км*. Исфайрамсойдан бошланган «18-партсъезд»каналидан ва Марғилонсойдан сув олади. Ф. га Олтиариқсойнинг тошқин ва ташлама сувлари ҳам қўшилади. Фарғона ва Олтиариқ р-нларидан ўтиб Қатта Фарғона каналигача етиб боради. Сув ўтказиш қобилияти 6 $м^3/сек$. 4 минг *га* ерни суғоради.

ФАЙЗУЛЛА ХЎЖАЕВ— қ. *Хўжаев Файзулла.*

ФАЙЗУЛЛАЕВ Жорулла Файзуллаевич (1924, Тошкент)— гидромеханик, техника фанлари д-ри (1971), проф. (1971). ЎзССР ФА мухбир аъзоси (1974). САГУнинг физика-математика ф-тини битирган (1948). Тошкент тўқимачилик техникумида ўқитувчи (1947—53), Тошкент Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти (ТИИМСХ)нинг математика кафедрасида ассистент (1953—60). Механика ва иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлиги институти катта илмий ходими (1960). 1961 йилдан ҳозиргача ўзи ташкил этган гидродинамика лабораторияси бошлиғи, шу ин-т директори (1962—63), илмий ишлар бўйича директор ўринбосари (1966—70). «Трубаларда ҳаракатланувчи аралашмалар гидравликаси масалалари» мавзуида д-рлик диссертацияси ёқлаган. Х. А. *Раҳматулин*нинг кўп фазали муҳитлар ўзаро киришма ҳаракати моделига асосланиб, Ф. аралашмалар ҳаракатига оид бир қанча масалаларни назарий ва экспериментал ҳал қилди. Реологик хусусиятлари ҳар хил бўлган фазалардан ташкил топган аралашмалар гидродинамикасига оид адабиётларга Раҳматулин-Файзуллаев модели термини киритилди. Ф. бир фазали гидродинамик моделларда *ньютон суюқлиги* ва ундан бошқа суюқликлар ҳаракатига оид қатор масалаларни, ёпишқоқ ва ёпишқоқ пластик суюқликлар (сув, нефть)нинг трубалардаги оқимига бўлган қаршиликларни камайтириш тадбирларини асослаб берди. Ф. нефть чиқариш қувурларини цементлаш гидродинамикасини ишлаб чиқди. Ф. нинг биомеханиканинг актуал масаласи — қон ҳаракати назарияси соҳасидаги ишлари ҳам диққатга сазовордир. Ф. ва унинг шогирдлари илмий ишлари натижасида гидродинамиканинг Ўзбекистонда илмий мактаби вужудга келди.




Файзиев Ҳ. Ф.



Файзиев Ҳ. Х.



Файзуллаев Ж. Ф.




Файзобод хонақоҳи.



Файзуллаев Омонулла.



Файзуллаев О.



О. Файзуллаев. Егоч устун (Тошкент, «Мовий гумбазлар» чойхонаси).

Ас.: Ламинарное движение многофазных сред в трубопроводах, Т., 1966; Элементы гидравлики смесей, Т., 1970 (Р. С. Гурбанов, Я. М. Расизаде б-н биргаликда); Гидромеханические модели движения смесей, Т., 1972; Последовательные движения жидкостей, Т., 1976 (К. В Мукук б-н биргаликда).

ФАЙЗУЛЛАЕВ Омонулла (1921. 5. 4, Тошкент) — фалсафа фанлари д-ри (1973), проф. (1977). 1956 йилдан КПСС аъзоси. САГУнинг физика-математика ф-тини тугатган (1949). Улуғ Ватан уруши қатнашчиси (1942—45). «Қизил Ўзбекистон» газетасида адабий ходим, ЎзССР Сиёсий ва илмий билимлар таркатувчи жамиятда муҳаррир (1946—49), ЎзССР ФА Шарқшунослик ин-тида аспирант (1949—52). Тошкент Темир йўл транспорти инженерлари ин-ти назарий механика кафедрасида катта ўқитувчи (1952—57), Республика Илмий-техника информацияси ва пропагандаси ин-ти директори (1957—59). 1959 йилдан ЎзССР ФА Философия ва ҳуқуқ ин-тида катта илмий ходим, 1967 йилдан сектор мудири. Айни вақтда (1958—73) ТошДУда ўқитувчи; 1973 йилдан Республика раҳбар ходимлари малакасини ошириш ин-тида кафедра мудири.

Ф. «Ўрта Осиё фани тарихида диалектик зиддият проблемасига доир» мавзуида д-рлик диссертацияси ёқлаган. Илмий фаолияти, асосан, материя ҳаракати устворлигининг инерцияси, диалектик зиддиятнинг ҳар хил намоён бўлиш проблемаси, алгоритм тушунчасининг ривожланишига бағишланган.

Бир неча китобларнинг масъул муҳаррири, таржимони. ЎзСЭ Бош таҳрир ҳайъати аъзоси. Бир қанча халқаро конгресслар иштирокчиси.

Ас.: Проблемы противоречия в трудах классиков естествознания и философии Средней Азии, Т., 1974; Аль-Хоразми, алгоритм и развитие кибернетики (В. К. Кобулов б-н биргаликда), в кн: Труды XIII международного конгресса по истории науки, серии 3 и 4, М., 1974; Вопросы противоречия диалектической системы «человек — природа», в кн: «Будущее наука. Естествознания и экология». Дубно, 1974.

ФАЙЗУЛЛАЕВ Ортиқ (1933, Тошкент) — ёғоч ва суяк ўймакори, Тошкент ўймакорлигининг йирик вакили. Тошкентдаги П. Беньков номидаги бадиий билим юртини (1957), Тошкент Педагогика ин-тининг расм-чизма бўлимини (1969) битирган. Мақсуд *Қосимов*нинг шогирди. 3, 6, 8 бурчакли курси, стол, хонтахталарга ўйиб ишлаган нақшлари, панжара, панноли бежиримлиги б-н турли кўргазмаларда диққатга сазовор бўлган (Туркия, ГДР, Япония, Польшадаги халқаро кўргазмаларда, Бутунитифоқ ва республика кўргазмаларида). ЎзССР халқлари тарихи, санъат, адабиёт музейларини, В. И. Ленин марказий музейининг Тошкент филиалини, Тошкентдаги санъат саройи, «Мовий гумбазлар» чойхона ва кафесини, «Узбекистон» теплоходининг кафесини безашда қатнашган. 1962 йилдан П. Беньков номидаги бадиий билим юртида ўқитувчи.

ФАЙСАЛ ибн Абдул-Азиз ал-Саъуд (1906. 27. 11 — 1975. 25. 3, Ар-Риёд) — Саудия Арабистони қироли. 1926—31 йилларда Ҳижоз вилоятининг вице-қироли. 1931—53 йиллари Ташқи ишлар министри. 1953—60 йиллари Саудия Арабистони Бош министри, 1962—64 йиллари Ташқи ишлар министри. 1964 йил 2 ноябрдан қирол (айни вақтда Бош министр ва Ташқи ишлар министри). Мавжуд тузумни сақлаб қолиш мақсадида айрим ички ислоҳлар ўтказди (қулчилик бекор қилинди; экономикани мустаҳкамлаш тўғрисида фармонлар берилди ва ш. к.). Фитна натижасида ўлдирилган.

ФАЙЮМ, Ал-Файюм, Мадинат ал-Файюм — Мисрдаги шаҳар. Ливия чўлининг шимоли-шарқий қисмидаги Файюм воҳасида. Файюм муҳофазасининг маъмурий маркази. Аҳолиси 150,9 минг киши (1970). Т. й. станцияси, автомобиль йўллари узели. Қ. х. р-нининг йирик савдо-транзит маркази. Пахта тозалаш, ип газлама, мовут, кўн ва тамаки корхоналари бор.

ФАЙЮМ ПОРТРЕТЛАРИ — Қадимги Мисрда мато ва тахтага бўяб ишланган ва мумиёларнинг юзларига қўйилган портретлар. *Энкаустика* ёки *темпера* б-н кўпинча рассомлик санъатининг шу ҳар иккала техникаси ҳам қўлланилиб яратилган. 1887 йилда Мисрнинг Файюм воҳасида топилгани учун шу ном б-н аталади. Дастғоҳли рассомликнинг бизга маълум бўлган энг қадимги намунаси (1—4- асрлар). Портретлар ҳаётийлиги б-н (кишиларнинг боши кўкраккача, баъзан белгача акс эттирилган) ўша даврларда Римда ишланган фреска, деворий портретларга яқин. Дунёнинг бошқа ерларидан бу типдаги портретлар топилганича йўқ. Файюм воҳасида ўша даврларда юнон, македониялик, римлик, сурияликлар яшаган. Қадимги мисрликлар марҳумларни дафн этганларида мумиё юзига марҳумнинг қиёфаси ифодаланган ниқоб қўйганлар, саркофагларда ҳам марҳумнинг қиёфаси акс эттирилган, баъзан унинг ҳайкали ҳам қўшиб дафн этилган. Мумиё юзига қўйилган Ф. п. маҳаллий халқларнинг ана шу қадимий диний урф-одатларга риоя қилганликларини кўрсатади. Қадимги мисрликларнинг одати эллинизм маданияти таъсирида ривожлантирилган. Умуман, Ф. п. ҳаётийлиги б-н муҳим бўлиб, Мисрнинг жаҳон маданиятига қўшган катта ҳиссаларидан бири ҳисобланади.

ФАКТ (лат. factum — бажарилган, бўлиб ўтган)—1) ҳақиқатлиги исботланган билим; 2) логика ва фан методологиясида эмпирик билимни ифодаловчи алоҳида гап тури.

ФАКТОР (лат. factor — бажарувчи, ишлаб чиқарувчи, омил) — бирор процесс ёки ҳодисани юзага келтирувчи, ҳаракатга солувчи ва унинг характерини ёки айрим хусусиятларини белгиловчи куч, сабаб.

ФАКТОРИАЛ (инг.л. factor — кўпайтувчи) — 1 дан бирор *n* сонгача бўлган кетма-кет натурал сонлар кўпайтмаси. Ф. *n*! каби белгиланиб: «эн факториал» деб ўқилади. Мас., 1!=1; 2!=1·2==2; 3!=1·2·3=6. Умуман, *n*! 1·2·3...*n* *n* та элементдан тузилган ўрин алмаштиришлар сонига тенг (яна қ. *Гамма-функция*).

ФАКТОРЛАР НАЗАРИЯСИ — ижтимоий жараённинг ягона асосини рад этувчи ҳамда тенг ҳуқуқли ижтимоий факторларнинг механик тарзда ўзаро таъсирини тан олувчи буржуа таълимоти. Бу назария 19- асрнинг охирларида *позитивизм* ғояларининг социологиядаги ифодаси тарзида пайдо бўлди. Ф. н. ўз моҳияти б-н тарихни материалистик асосда тушунишга қарши қаратилган. Унинг вакиллари фикрича, ижтимоий ҳаёт соҳасидаги турли-туман ҳодисалар бир хил даражада муҳим эмиш, тарихни материалистик асосда тушуниш гўё бир ёқлама бўлиб, ижтимоий ҳаётнинг мураккаб бутунлигини ҳисобга олмас эмиш. Ана шунинг учун ҳам улар социологиянинг вазифаси жамият ҳаётини очиб бериш эмас, балки айрим, тенг қимматли факторларни якка-якка ҳолда. таҳлил қилишдан ёки уларнинг ўзаро алоқаларини кузатиб боришдан иборат деб биладилар.

Ф. н. асосида эклектик ғоя яширинган. Унинг айрим вакиллари руҳий факторларни очиқдан-очиқ афзал қилиб қўядилар ва жамият моддий асосларини тадқиқ қилишдан бош тортиб ижтимоий муносабатларни кишилар фаолиятининг руҳий факторларидан иборат деб қарайдилар.

Марксча-ленинча философия ижтимоий ҳаётдаги турли факторларнинг бир-бирига таъсир қилишини инкор этмайди. Бироқ мазкур факторларнинг ижтимоий тараққиётда белгиловчи таъсир кўрсатадиганларини ажратиб олиш зарурлигини уқтиради. Бу қоида ижтимоий жараённи яхлит, бирлик ҳолатида тушунишга имкон беради.

ФАКТУРА (лат. factura — ишлов, тузилиш)—1) тасвирий санъатда—бадиий асар сиртининг ишланиш ёки тузилиш хусусияти. Бадиий таъсирчанликка эришиш (бўяш характери, рассомлик асарида бўёқ қатлами, ҳайкалтарошлик асарларида полировка ёки ғадир-будурлик, умуман ҳайкалнинг сиртига берилган ишлов). Бадиий моҳирликнинг ўзига хослиги ҳам, фойдаланилган материал сиртининг табиий хусусиятлари ҳам Ф. деб юритилади;

2) музикада — асарнинг техник хусусиятларини ташкил қилувчи баён воситалари (куй, аккордлар, полифоник овозлар, фигурация, орнаментика ва ҳ. к.) мажмуи. Ф. асар мазмуни, жанри, композиция принципи (мас., *гомофония, полифония*), шунингдек музика асбоблари ёки хонанда овозининг имкониятлари ва б. б-н боғлиқ.

ФАКУЛЬТАТИВ КУРС, ихтиёрий курс — ССРда мажбурий бўлмаган ўқув курси. Ф. к. предметини олий ўқув юртлари студентлари, ўрта махсус ва профессионал-техника ўқув юртлари ҳамда умумий таълим мактаблари (юқори синфлар) ўқувчилари илмий ва амалий билимларини кенгайтириш ҳамда чуқурлаштириш мақсадида ўрганадилар. Ф к. лар фан, техника ва маданиятнинг энг янги проблемалари, шунингдек бирор ўқув предметини ўрганиш жараёнида студент (ўқувчи)ларни қизиқтириб қолган мавзу бўйича ташкил этилади. Тавсия этилаётган Ф. к. ларнинг тахминий рўйхати одатда ҳаракатдаги ўқув планларида акс этади. Олий ўқув юрт (ф-т) ларининг кенгашлари, ўрта махсус ва профессионал-техника ўқув юртлари ҳамда умумий таълим мактаблари педагогика кенгашларига Ф. к. ларни студент (ўқувчи)ларнинг қизиқишлари б-н боғлаган ҳолда ташкил этиш ҳуқуқи берилган. Факультатив практикум, семинар, лаборатория машғулоти ва ш. к. ҳам мавжуд. Ўрта ўқув юртларида факультатив машғулотларни ўтказишга олий мактаб ва илмий тадқиқот муассасаларининг ходимлари, шунингдек халқ хўжалиги ва маданият мутахассислари жалб этилади.

ФАКУЛЬТЕТ (лат. facultas — имконият, қобилият)—олий ўқув юртининг ўқув-илмий ва маъмурий бўлинмаси. Бир ёки бир неча яқин ихтисосликлар бўйича студент ва аспирантлар тайёрлайди, халқ хўжалиги ва маданиятнинг муайян соҳалари бўйича мутахассислар малакасини оширади, шунингдек ўз ихтиёридаги кафедраларнинг илмий тадқиқот фаолиятига раҳбарлик қилади.

Ўқув юртларини Ф. ларга бўлиш ўрта аср ун-тларида жорий этилган. 18—19- асрларда фанларнинг бўлиниши ва саноат тараққиёти б-н Ф. лар сони кўпайган. 19- ва 20- аср бошларида техника олий ўқув юртларидаги Ф. типидаги бўлинмалар кўпинча бўлим деб юритилди. Ҳозирги баъзи мамлакатлар олий мактабларида департамент, ин-т, колледж деб ҳам юритилади. Кўпгина олий ўқув юртларида мустақил сиртқи ва кечки, чет эл гражданлари учун тайёрлов, мутахассислар малакасини ошириш Ф. лари мавжуд.

СССРда сиртқи студентларнинг умумилмий ва умуминженерлик тайёргарлиги учун ўқув марказларини студентларнинг иш ва турар жойига яқинлаштириш мақсадида олий ўқув юртларида умумтехник Ф. лар ташкил этилади, улар кечки ва сиртқи ўқув системаси бўйича ишлайди ва бошланғич 3 курсга мўлжалланган ўқув плани асосида иш олиб боради. Умумтехник Ф. ни тугатгач, студентлар муайян Ф. да таплаган ихтисосликлари бўйича ўқишни давом эттирадилар.

Ихтисосликлар ёки таълим турлари бўйича ўқув ишларини уюштириш учун Ф. таркибида бўлимлар ташкил этилади. Ф. ишига декан раҳбарлик қилади. Ф. фаолиятидаги асосий масалаларни кўриб чиқиш учун деканат ҳузурида Ф. кенгаши ташкил этилади.



Файюм портретларидан: 1. Аёл портрети. 3- аср (ёғоч, энкаустика, темпера). 2. Эркак портрети. 2- аср (ёғоч, энкаустика, темпера). 3. Ёш жувон портрети. 2- аср (ёғоч, энкаустика). Учласи А. Пушкин номидаги тасвирий санъат музейида (Москва).

ФАЛАЖ (юнон. paralysis — бўшашиш)— бош ва орқа мия ҳаракат марказлари, марказий ёки периферик нерв системалари ўтказувчи йўлларининг зарарланишидан ихтиёрий ҳаракатларнинг йўқолиши. Сабаблари қон айланишининг бузилиши, яллиғланишлар, шикастланишлар, нерв системасининг ўсмалари ва ш. к. дир. Мушаклар яллиғланганда, суяк-бўғим аппарати шикастланганда ҳаракатларнинг механик тарзда чекланишини ҳаракатларнинг Ф. даги бузилишидан фарқлаш лозим. Бир мушак, бир қўл ёки оёқ (моноплегия), гавданинг бир томонидаги қўл ва оёқ (гемиплегия), иккала қўл ёки иккала оёқ (параплегия) ва б. Ф. бўлиши мумкин.

Аъзонинг қайси қисми зарарланганига қараб периферик (суст) Ф. ва марказий (спастик) Ф. га бўлинади. Периферик Ф. орқа миянинг ҳаракатлантирувчи ҳужайралари, унинг олд пўстлоқлари, периферик нервлар, бош мия нервларининг тугунлари ёки ядролари, марказий Ф. эса марказий ҳаракатлантирувчи *нейрон*ларнинг зарарланишидан пайдо бўлади. Периферик Ф. да ҳаракат бутунлай йўқолади, мушаклар таранглиги сусаяди, рефлекслар сўнади. Марказий Ф. да ҳаракат функциялари бутунлай йўқолмайди, балки уларнинг бири йўқолади, иккинчиси кучаяди. Ҳаракат йўқолганда мушаклар таранглиги, пай рефлекслари ошади, патологик рефлекслар пайдо бўлади ва ҳ. к. Марказий Ф. да синкинезия ҳодисаси содир бўлади, яъни соғлом аъзо ҳаракатланганда Ф. аъзо ҳам бенихтиёр ҳаракатланишга интилади, шунингдек, унинг сезувчанлиги ўзгаради. Миянинг пўстлоқ ости структураси зарарланганда экстра-

пирамидал Ф. юзага келади, бунда синкинезия ва автомат ҳаракатлар йўқолади.

Давоси: Ф. га сабаб бўлган асосий касалликка қараб белгиланади, шунингдек, Ф га қарши махсус даво усуллари (массаж, шифобахш физкультура, физиотерапия) қўлланилади.

ФАЛАКИЁТ (араб. فلكيات) — *астрономия*нинг 40-йилларгача ўзбек тилида ишлатилиб келган эски номи. Ҳозир ҳам айрим Шарқ халқлари тилларида қўлланади.

ФАЛАНГА (юнон. phalanx) — Қадимги Юнонистонда оғир қуролланган пиёда аскарларнинг жипс сафга тизилган кўп қаторли жанговар тартиби. Ф. да аскарлар орасидаги дистанция 0,5—1 *м* бўлган. 16—18 минг кишилик қўшин 24 қатор (баъзан ундан ҳам ортиқ) бўлиб саф тортишган ва 1 *км* гача фронтга чўзилган. Ф. кучли зарба бериш ва мустаҳкам мудофаа қилиш қобилиятига эга бўлса-да, унинг *манёвр* қилиш имконияти нисбатан чекланган. Агар саф бузилса, Ф. ни тиклаш қийин бўлган.

ФАЛАНГАЛАР (юнон. phalanx — бўғим) — бармоқнинг бир бўлаги, бир бўғими; умуртқали ҳайвонларда оёқ, одамларда эса қўл ва оёқ *бармоқ* скелетини ташкил этувчи найсимон майда суяклар номи.

ФАЛАСТИН (юнон. Palaistine) — Яқин Шарқ (Олд Осиё) даги тарихий обл. Ўрта денгизнинг шарқий қирғоғида (Иордан дарёси ва Ўлик денгиз ҳавзаси, Водий Араб б-н бирга). Майдони тахм. 26 минг *км*². Ҳозир Ф. нинг асосий қисми Исроил ва Иордания терр-ясида.

Ф. тўғрисидаги қадимий археологик маълумотлар мил. ав. 10—8-минг йилликка онд. Ф. терр-ясида шу даврга мансуб *натуф маданияти* ёдгорликлари топилган. Мил. ав. 4-минг йилликда Ф. га семий қабилалари кириб келди. Мил. ав 3—2 мингинчи йилларда Ф. да канъонликларнинг дастлабки синфий шаҳар-давлатлари вужудга келган (қ. *Канъон*); жанубда кўчманчи қабилалар яшаган. Мил. ав. 16—13-асрларда Ф. Миср га тобе бўлган. Мил. ав. 13-асрда денгиз бўйида филистимликлар ҳукмронлиги ўрнатилган; шундан 2 аср кейин мамлакатнинг кўп қисмини қадимги яҳудий қабилалари босиб олиб, Исроил-Яҳудий подшолигини тузганлар. Кейинчалик у икки давлатга — Исроил (шимолий Ф.) ва Яҳудий (жанубий Ф.) подшоликларига ажралиб кетган (мил. ав. 928) Мил. ав. 8-аср охирида Исроил подшолиги Осурия, Яҳудий подшолиги Бобил давлатига (мил. ав. 6-а.), кейинчалик Ахоманийлар давлатига (мил. ав. 539), сўнгра Александр Македонский империясига (мил. ав. 332) қўшиб олинган. Мил. ав. 3—2-асрларда Ф. птолемейларга (мил. ав. 301 йилдан) ва салавкийлар (мил. ав. 200 йилдан) га тобе бўлган. Мил. ав. 63 йили Ф. ни Рим эгаллаган ва ўз провинциясига айлантирган. 1-асрда Ф. да христианлик вужудга келган. 395 йилдан Византияга тобе бўлиб қолган. Византия ҳукмронлиги даврида Ф. да феодал муносабатлар пайдо бўлди.

640 йили Ф. ни араблар эгаллаб, Араб халифалиги таркибига қўшиб олдилар. *Аббосийлар* даврида Ф. да *иқтоъ* жорий қилинди; аҳоли ўртасида ислом дини тарқалди, христианлар ҳуқуқлари чекланди. Натижада бир неча қўзғолонлар кўтарилди. Аббосийлар халифалиги парчаланиб кетгач, у ерда Тулунийлар, Ихшидийлар, Фотимийлар ҳукмронлик қилди. 9—11-асрларда Ф. нинг иқтисоди анча ривожланди. Деҳқончилик учун катта-катта ерлар очилди. Қуддус йирик шаҳарлардан бирига айланди. Акка, Кесария, Аскалон ва Ғиза шаҳарларида савдо-сотиқ ривожланди. 1099 йили Ф. ни салибчилар босиб олиб, Қуддус қироллигини туздилар. 1187 йили Хаттинда Миср ҳукмдори *Салоҳиддин* армияси салибчилар устидан ғалаба қозониб, Қуддусни эгаллади ва уни Мисрга қўшиб олди. 1516 йили Усмонли турклар эгаллагунга қадар Ф. мамлуклар қўл остида бўлди. 17-аср охиридан бошлаб Ф. да туркларнинг бебошлиги ошди, солиқлар кўпайди, иқтисод тушкунликка учради.

19-асрда турклар ҳукмронлигига қарши озодлик ҳаракати авж олди (1825 йили Қуддус, Наблус, Байт ул-Лаҳмдаги, 1830 йили Наблусдаги қўзғолонлар). 1832 йили Ф. ни Миср пошшоси *Муҳаммад Али* босиб олди. Мамлакатни бошқаришнинг марказлашуви, феодаллар бебошлиги ва бадавийлар босқинчилигининг камайиши натижасида Ф. иқтисодининг ривожланишига қулайроқ шароит яратилди. 19-асрнинг 40-йилларидан бошлаб, Ф. га европаликларнинг кириб келиши кучайди. Сувайш каналининг очилиши (1866) б-н Ф. нинг стратегик ва иқтисодий мавқеи ошди.

19-аср охири ва 20-аср бошларида империалистик давлатлар Ф. ни босиб олиш учун реакцион шовинистик идеология — *сионизм*дан фойдаландилар. Сионизмнинг асосий мақсадларидан бири Ф. да яҳудий давлатини тузиш ва унга бошқа мамлакатлардан яҳудийларни кўчириб келтириш эди. Биринчи жаҳон уруши даврида Ф. ни Англия босиб олди. Англия империалистлари Ф. даги ўз мавқеларини мустаҳкамлаш мақсадида турли мамлакатлардаги яҳудийларнинг реакцион миллий ҳаракатини қўллаб-қувватладилар. 1920 йил апрелда Сан-Ремо конференциясида инглизлар тазйиқи остида Ф. Англия мандатлигига ўтди. Миллатлар иттифоқи бу мандатни тасдиқлади (1922). Англия мамлакатнинг иқтисоди ва энг муҳим позицияларини ўз қўлига олиб, Ф. га яҳудийлар иммиграциясини кучайтирди (1919—32 йиллар ичида Ф. га 1194 минг иммигрант кўчиб келди), Сионистик ташкилотлар турли концессиялар олди. Араб феодалларидан энг яхши ерларни сотиб олиб, кейинчалик у ерлардан фаллоҳларни кўчириб юбордилар.

Мамлакатдаги бутун ҳокимият инглиз олий комиссари қўлида бўлиб, инглиз амалдорларидан иборат «Фаластин ҳукумати» тузилган эди. Инглизлар 1929 йили «Яҳудий агентлиги»ни тузишга розилик бердилар. У саноат, савдо, иммиграция ишлари б-н шуғулланди. Мамлакатни бошқаришда араб аҳолиси қатнаштирилмади. Бунга қарши араб меҳнаткашлари қуролли қўзғолонлар кўтардилар (1922, 1929, 1933, 1936—37). 1919 йили Ф. Социалистик ишчи партияси тузилди (1921 йили Ф. компартиясига айлантирилди), у Ф. ни инглизлар ҳукмронлигидан озод қилиш, икки миллатли (араб-яҳудий) мустақил давлат тузилишини талаб қилди. Ф. арабларининг миллий озодлик ҳаракатини сусайтириш ва Ф. даги сионизм сиёсати устидан назоратни қўлдан чиқармаслик мақсадида инглиз ҳукумати яҳудийлар иммиграциясини дастлаб чеклаш, кейинчалик бутунлай тўхтатиш ниятида эканлигини билдирди. Бу эса инглиз ҳукумати б-н сионистлар ўртасида можарога сабаб бўлди. Шу вақтдан бошлаб инглизлар араб феодаллари б-н алоқани кучайтирдилар, сионистлар эса АҚШ монополистларига таяндилар ва улар ёрдамида ўз мавқеларини мустаҳкамлаш ва Ф. да инглизларни сиқиб чиқаришга уриндилар.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг Ф. халқининг инглиз ҳукмронлигига қарши кураши кучайди. 1947 йили Англия Ф. масаласининг БМТ да ҳал қилинишига розилик берди. 1947 йил 29 ноябрда БМТ Бош Ассамблеяси Британия мандатлигини бекор қилиш, Ф дан инглиз ҳарбий кучларини чиқариб юбориш ва мустақил демократик яҳудий ва араб давлатларини тузиш, Қуддусни эса алоҳида халқаро режимга эга бўлган мустақил маъмурий бирлик сифатида ажратиш тўғрисида қарор қабул қилди. 1948 йил 14 майда яҳудий сионистик ташкилотлари Исроил давлати тузилганлигини эълон қилдилар. Араблар эса ўз давлатини тузиш ҳуқуқидан фойдалана олмадилар, чунки сионистлар, империалистик давлатлар ва араб мамлакатларидаги реакцион кучлар 1948 йил 15 майда араб-исроил урушини бошлаб юбордилар (қ. *Араб-исроил низолари*). Уруш даврида Исроил армияси БМТ қарорига мувофиқ ажратилган, Араб давлати учун мўлжалланган терр-янинг ярмидан кўпини ва Қуддуснинг ғарбий қисмини босиб олди; Исроил қуролли кучлари босиб олинган терр-ядан 900 мингдан ортиқ арабларни қўшни араб давлатларига қувғин қилди. Шарқий Ф., Қуддуснинг шарқий қисми 1950 йили Иордания таркибига киритилди. Ғаза р-ни эса Миср назоратига ўтди. 1949 йили Исроил б-н Араб давлатлари (Миср, Сурия, Ливан, Иордания) ўртасида демаркация чизиғи ўрнатилди. Фаластинлик арабларнинг қонуний ҳуқуқларини амалга ошириш мақсадида 1964 йили *Фаластин Озодлик ташкилоти* тузилди. 1967 йили Исроил қўшни араб мамлакатларига яна агрессия уюштириб (қ. *Исроилнинг араб давлатларига қарши агрессияси*, 1967), Ф. нинг қолган терр-ялари б-н Миснинг Синай я. о. ва Суриянинг Голан тепаликларини босиб олди. Ф. қочоқлари масаласи янада кескинлашди. БМТнинг маълумотига кўра, қочоқларнинг сони 1974 йилга келиб 1,5 млн. дан ошди. 1974 йили БМТ Бош Ассамблеясида Фаластин масаласи кўрилиб, унда фаластинлик арабларнинг ягона қонуний вакили бўлган Фаластин Озодлик ташкилотига БМТ Бош Ассамблеяси ишида, Бош Ассамблея ҳомийлигида чақириладиган конференцияларда кузатувчи сифатида иштирок этиш ҳуқуқи берилди.

1977 йил охирида АҚШ империализми ҳомийлигида Миср президентининг Исроил давлати раҳбарлари б-н бошлаган сепарат музокоралари Ф. масаласини адолатли ҳал қилиш ишига, фаластинлик арабларнинг ўз давлатини тузиш ҳуқуқи учун курашига кескин зарба бўлди. Лекин Ф. араб халқи Ф. Озодлик ташкилоти раҳбарлигида империализм, сионизм ва реакцияга қаршилик кўрсатиш ҳаракатини давом эттирмоқда.

ФАЛАСТИН ОЗОДЛИК ТАШКИЛОТИ (Муназзам ат-таҳрир ал-Филастиния) — фаластинлик арабларнинг қонуний ҳуқуқларини амалга ошириш учун курашувчи кўпчилик қаршилик кўрсатиш ҳаракати ташкилотларини бирлаштиради. 1964 йили тузилган. Араб давлатлари бошлиқларининг Жазоирда (1973 йил ноябрь) ва Работда (1974 йил октябрь) бўлган кенгашлари, Мусулмон мамлакатларининг Лоҳурда бўлган (1974 йил март) конференциясида Ф. О. т. Фаластин араб халқининг ягона, қонуний вакили деб тан олинди.

Ф. О. т. 1974 йилдан БМТ Бош Ассамблеяси ишида, БМТ ҳомийлигида чақириладиган халқаро конференцияларда кузатувчи сифатида қатнашиш ҳуқуқига эга. Барча араб давлатларида Ф. О. т. нинг расмий ваколатхоналари мавжуд, *Араб давлатлари иттифоқи* кенгашларида қатнашади. Европа ва Осиёнинг бир қанча давлатларида Ф. О. т. нинг бюролари бор.

Ф. О. т. социалистик давлатлар, айниқса, СССР б-н ўзаро муносабатларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш йўлидан бормоқда.

Фаластин қаршилик кўрсатиш ҳаракатининг қуролли кучлари бўлиб, Ливан, Сурия ва б. бир неча араб мамлакатларида жойлаштирилган.

Ф. О. т. нинг олий органи Фаластин Миллий кенгаши бўлиб, ҳар йили 1 марта чақирилади. Унинг сессияларида Ф. О. т. нинг ижроия комитети сайланади. 1969 йил февралдан Ясир Арафат — Ижроия комитети раиси. Ф. О. т. нинг асосий ахборот органлари Фаластин ахборот агентлиги (ВАФА) ва «Фаластин ас-Саура» («Революцион Фаластин») ҳафталик газетасидир.

ФАЛЕРИСТИКА (юнон. falerae — ҳарбий нишон ўрнида ишлатиладиган металл безак) — тарихнинг орден, медаль, нишонларни ўрганувчи соҳаси. *Нумизматика*ни ҳам ўз ичига олади. Кўкрак значоклари ва нишонларини, шунингдек *жетон*ларни коллекция қилиш ҳам кенг маънода Ф. деб аталади. Халқаро алоқаларнинг кенгайиши, туризмнинг ривожланиши ва умумдавлат, шунингдек маҳаллий корхоналар (капиталистик мамлакатларда хусусий йўл б-н ҳам) томонидан турли эсдалик, ёдгорлик ва б. значокларнинг ишлаб чиқарилиши (СССРда йилига 1,5 мингга яқин тури) натижасида коллекция йиғиш турларидан бири сифатида 20-асрнинг 1-ярмида (СССРда 50-йилларнинг охиридан) кенг тарқалди. Одатда тематик характерга эга бўлади (геральдика, портретистика, тарих, спорт, транспорт, архитектура ва б.). *Филателия*, филокартия, филофониядан фарқ қилиб, қатъий системага асосланмайди, яъни халқаро ёки миллий каталог тузишларга бўйсунмайди. СССРда Ф. материаллари «Советский коллекционер» тўплами ва «Филателия СССР» бюллетенида чиқади.

Ад.: Ильинский В. Н., Значки и их коллекционирование, М., 1974

ФАЛЕС (тахм. мил. ав. 624—547) — қадимги юнон файласуфи, антик фалсафа ва фаннинг илк намояндаси, *милет мактаби*нинг асосчиси. Баъзи маълумотларга кўра, Ф. Шарқ мамлакатларида бўлган ва у ердаги билимлар б-н танишган. Асарлари бизгача етиб келмаган. Ф. таълимотича, ҳамма нарса сувдан келиб чиқади ва оқибатда яна сувга айланади. Ф дунёни жонли ва илоҳийлиги тўғрисидаги фикрни илгари сурган. Жонни нозик модда (эфир) дан иборат деб билган. Ф. қадимги Шарқ фанининг ютуқларидан (арифметика, геометрия ва б.) фойдаланиб, астрономияга онд кашфиётлар яратган; хусусан мил. ав. 585 йилда Юнонистонда содир бўлган Қуёш тутилишини, бир йил 365 кундан иборат эканини айтган.

Ад.: Бобоев Ж., Материализм билан идеализм курашининг асосий даврлари, Т., 1972.

ФАЛЛОПИЙ НАЙИ, бачадон найлари, тухум йўллари — аёлларнинг найсимон жуфт органи. Итальян анатоми Фаллопий номидан олинган. Тухумдонда етилган тухум ҳужайра шу найлардан бачадонга ўтади. Ф. н. лари бир учи б-н бачадонга туташса, иккинчи



Э. М. Фальконе. Ленинграддаги Пётр I ҳайкали. 1766—82.

учи тухумдон ёнида қорин бўшлиғига очилади ва шу тариқа тухумдоннинг чиқариш йўли бўлиб ҳисобланади. Ф. н. нинг узунлиги 6—20 *см*, кўпинча 10—12 *см* бўлади.

ФАЛСАФА (араб. فلسفة; юнон. philosophia — доноликни севаман сўзидан) — к. *Философия.*

ФАЛЬКОНЕ Этьенн Морис (1716. 1. 12— Париж — 1791. 24. 1)—француз ҳайкалтароши. Илк *классицизм*нинг йирик вакилларидан. Мифологик мазмундаги ҳайкаллари б-н машҳур («Чўмилаётган аёл», 1751, «Пигмалион», 1763, Лувр: «Қиш», 1771, Эрмитаж, ҳаммаси ҳам мармар). 1757—66 йилларда Париж яқинидаги Севр чинни мануфактурасида ҳайкалтарошлик устахонасига бошчилик қилган, чинни ҳайкалчалар, бадиий буюмлар учун кўп сонли моделлар тайёрлаб берган. 1766—78 йилларда Петербургда яшаб, Петр I нинг машҳур ҳайкалини яратган (1766—82). Гранит қоя устида Сенат майдонида ўрнатилган чавандоз — Буюк Петр образида рус давлатининг қудратини. Петрнинг кучли иродасини реалистик таъсирчан гавдалантирган.

ФАЛЬСИФИКАЦИЯ (лат. falso — сохта ва facio — қиламан), с о х т а л а ш т и р и ш — 1) ҳ у қ у қ д а — жамият учун ишлатиладиган буюмлар тури ёки хусусиятини ғаразли мақсадда қалбаки йўл б-н ўзгартириш, қалбакилаш. СССРда Ф. б-н шуғулланувчи шахс жиноий жавобгарликка тортилади (ЎзССР ЖК, 155-модда); 2) фан ва п у б л и ц и с т и к а д а — ҳақиқатни (мас., тарихий маълумотларни) ғаразли мақсадда қасддан бузиб кўрсатиш.

ФАЛЬЦЕТ (лат. falso — сохта) — хонанда (асосан эркаклар) овози регистрларидан бири. Унда овоз махсус услубда чиқарилади. Ф. ўзига хос тембрга эга бўлиб, асосан, баланд регистрлардаги товушлар ижросида қўлланилади. Баъзан ф и с т у л а деб ҳам юритилади.


ФАЛЬЦОВКА (нем. falzen — тахламоқ, эгмоқ) — 1) металл лист (тунука)лар заготовкасини бўлама қулф — ф а л ь ц б-н бириктириб улаш. Томларни ёпиш ва тунукасозликда қўлланилади; 2) п о л и г р а ф и я д а босмадан чиққан китоб, журнал ва б. листини дафтар кўринишига келтириш учун уни 1, 2, 3 ёки 4 марта кетма-кет буклаш. Фальцовкалаш машиналарида ёки ротацион босма машиналарнинг фальцовкалаш аппаратларида бажарилади. Ф. аппаратлари пичоқли ва кассетали бўлади (1- ва 2-расмларга қ.).

ФАЛЬЯ Мануэль де (1876. 23. 11, Кадис—1946. 14. 11, Аргентина, Альта-Грасия) — испан композитори, пианиночи, дирижёр. 20- аср Европа музикасининг йирик намояндаси. Х. Траго (фортепьяно), Ф. Педрель (композиция)дан таълим олган. 1907—14 йиллар Парижда, 1939 йилдан Аргентинада яшаган. «Қисқа умр» (1905) лирик операси б-н танилган. Опера, балет-пантомима ва қўғирчоқ театри хусусиятларини умумлаштирган «Сеҳргар муҳаббат», «Учбурчак» ва б. балетлари диққатга сазовор. Ф. вокал ва чолғу асарлар муаллифи ҳамдир.

Ас.: Статьи о музыке и музыкантах, М., 1971 (рус ча таржимада).

Ад.: К р е й н Ю., Мануэль де Фалья, М., 1960.

ФАМ ВАН ДОНГ (1906. 1. 3, Вьетнамнинг Куангнам вилояти) — Вьетнам давлат ва сиёсий арбоби. Деҳқон оиласида туғилган. Ханой колледжида ўқиган. Ёшлигидан революцион курашда қатнашган. 1925 йилдан Вьетнам Революцион ёшлари биродарлиги ташкилоти, 1930 йилдан Вьетнам Коммунистик партияси аъзоси.



Пичоқли фальцовка аппарати (1- расм): *1* — лист; *2* ва *5* — валлар; *3* ва *4* — пичоқлар; *6* — фальцовкаланган лист.

1929 йили революцион фаолияти учун француз мустамлакачилари томонидан 10 йилга қамалган. 1936 йили Францияда ҳокимият халқ фронти қўлига ўтгач, Ф. В. Д. озод қилинган. Вьетминь ташкилотини тузишда (1941), Шимолий Вьетнамда революцион база ташкил этишда (1941—45) қатнашди. Вьетнамни озод этиш миллий комитет аъзоси (1945). Август рев-ясидан сўнг ВДР Муваққат ҳукуматида министр. ВДР ҳукумати ва партия МҚнинг Марказий Вьетнамдаги махсус вакили (1946—49). ВДР бош министр ўринбосари (1949—55), айни вақтда 1954 йилдан ВДР Ташқи ишлар министри.

1955 йил сентябрдан Бош министр ва айни вақтда (1961 йилгача) Ташқи ишлар министри 1976 йил июлдан Вьетнам Социалистик Республикаси Бош министри. Вьетнам меҳнаткашлари партияси МК (1951 йилдан), Вьетнам Коммунистик партияси МК Сиёсий бюроси аъзоси (1976 йилдан).

ФАМАГУСТА. А м о х о с т о с — Кипр Республикасидаги шаҳар. Кипр оролининг шарқий соҳилидаги порт (юк обороти 1973 йилда 1,5 млн. т). Аҳолиси 42,5 минг киши (1970). Тўқимачилик, совунгарлик, коньяк корхоналари бор. Денгиздан балиқ овланади. Цитрус мевалар, узум, вино, зайтун, тамаки б-н савдо қилинади. Шаҳарга мил. ав. 3- асрда асос солинган ва у ўша даврда А р с и н о я деб аталган. 13—16-асрлар арх. ёдгорликларидан шаҳар девори, собор, Петр ва Павел черкови (14- аср) — ҳозир масжиди, саройлар сақланган. Археология музейи бор.

ФАМИЛИЯ (лат. familia — оила) — шахснинг қайси уруғ, оила, наслга мансублигини қайд этиш учун болага туғилганда бериладиган ном. Ф. нинг дастлаб пайдо бўлиши шахсларни ўзаро фарқлаш, бир оила ёки авлодга мансуб кишилар яқинлигини таъкидлаш эҳтиёжи б-н боғлиқ. Ф. Қадимий Римда шахснинг наслий номини, шунингдек оила, уруғ номини англатган; фақат қариндошларини эмас, балки шахсга қарам бўлган қулларни ҳам умумлаштирибатовчи хўжалик-юридик ном сифатида қўлланган. Илк Ф. лар шахс туғилган ёки унинг «наслий мероси» жойлашган жой номига нисбат бериш орқали ясалган.

Ғарбий Европада Ф. қўллаш 15- асрдан одат тусига кирди ва, асосан, юқори табақа орасида тарқалди. Россияда Ф. махсус қонун б-н 16- асрда дастлаб князлар, боёнлар, кейинчалик дворян ва машҳур савдогарлар орасида жорий қилинди.

Ўзбекларда ўтмишда ҳозирги маънодаги Ф. бўлган эмас. Лекин Ф. ва отанинг номи (отчество) функциясига яқин вазифада қўлланган воситалар қадимдан мавжуд эди. 6—7- асрлардан ота исмидан кейин «ўғли», «қизи» сўзларини келтириш орқали (мас., Байна Сангинўғли), кейинроқ айниқ вақтда араблар таъсирида ибн (ўғли) (мас., Аҳмад ибн Муҳаммад), «бинт» («қизи») каби арабча сўзлар ёрдамида номлашлар бўлган. Лекин кейинги воситалар, асосан, юқори табақа вакиллари, ул)молар, шунингдек расмий доираларда қўлланиб, ҳозирги Ф. системаси каби оммавий-номинацион функцияни бажарган эмас. Қишилар кўпроқ ёлғиз исми ёки исм б-н бирга келувчи лақаблар б-н аталган. Русча услубда —-ов, -ев (эркаклар учун), -ова, -ева (аёллар учун) суффикслари ёрдамида ясалган Ф. намуналари ўзбекларда 19- аср охири — 20- аср бошларида дастлаб юқори табақа вакиллари орасида юзага келди ва рев-ядан кейин, 30—40- йиллар ўртасида кенг тарқалди.

Совет ҳуқукига кўра, болалар Ф. си ота-оналар Ф. си б-н белгиланади. Ота-оналар Ф. си турлича бўлса, уларнинг келишуви б-н отанинг ёки онанинг Ф. си болага қўйилади. Болалар фарзандликка олинаётганда фарзандликка олувчининг илтимоси б-н унинг Ф. си берилади (фарзандликка олинувчи 10 ёшга тўлган бўлса, унинг розилиги олинади). Никоҳ қайд қилинаётганда никоҳланувчилар эр ёки хотинининг Ф. сига ўтиши, ёхуд уларнинг ҳар бири никоҳгача бўлган Ф. сини сақлаб қолиши мумкин. Айрим иттифоқдош республикаларда эр-хотининнинг Ф. сини қўшалоқ ҳолда сақлаб қолишга рухсат этилган. Ўзбек антропонимикасида она номидан Ф. ясаш, қўшалоқ Ф. ларга эга бўлиш характерли эмас.

Ф. ни ўзгартиш шарти ва тартиблари никоҳ ва оила қонунлари б-н, бошқа ҳолларда эса СССР Олий Совети Президиумининг «СССР гражданлари томонидан фамилия, исм ва отасининг исмини алмаштириш тартиби тўғрисида»ги 1971 йил 26 март фармони ва СССР Министрлар Совети тасдиқлаган «СССР гражданларининг фамилия, исм ва отасининг исмини алмаштириш тўғрисидаги илтимосларини кўриш тартиби ҳақидаги низом» (1971, 20 август) б-н тартибга солинади.

Ад.: Т р о п и н Г. В., Русские имена, отчество и фамилии, Иркутск, 1961; Б е г м а т о в Э., Ўзбек фамилиялари «Қишн номлари имлоси» китобида, Т., 1970.

ФАН — дунё ҳақидаги объектив билимлар системаси; ижтимоий онг шаклларидан бири. Тарихий тараққиёт жараёнида, айниқса илмий-техника рев-яси даврида Ф. жамиятнинг ишлаб чиқарувчи кучларига айланиб боради. Ф. табиат, жамият ва тафаккур ҳақида янги билимлар ҳосил қилишдан то уларни татбиқ қилишгача бўлган фаолиятни ўз ичига олади. Қиши организми, атроф-муҳит, бепоён олам сирлари ва ривожланиш механизмларини ўрганиб, улардан кишилик жамиятининг равнақи учун фойдаланиш илм-фаннинг бевосита мақсадидир; кенг маънода воқеликни назарий акс эттиришдир.


Ф. б-н санъат, дин, ахлоқ ўртасида муайян муносабат мавжуд. Мас., Ф.— динга қарамақарши. Ф. объектив воқеликни ўрганади, дин ғайри табиий, хаёлий заминга ишонади. Аммо ҳозирги даврда Ф. улкан ютуқларга эришган шароитда дин Ф. натижалари б-н келишишга мажбур. Санъат б-н ахлоқ эса Ф. га ижобий ёндашади.

Ф. б-н философия ўртасидаги ўзаро боғланиш мураккаб муносабатга эга. Философия озми-кўпми даражада Ф. методологияси вазифасини бажаради; философия ва Ф. ютуқлари биргаликда илмий дунёқарашни ифодалайди.

Ф. нинг илк куртаклари кишилик жамиятининг пайдо бўлиши б-н боғлиқ ҳолда майдонга келди. Дастлабки билимлар амалий характерга эга бўлган. Тафаккур системасининг куртаклари *мифология* сифатида Қадимги Шарқ ва Юнонистонда пайдо бўла бошлади. Мифология Ф. га ўтиш бўсағасида маълум босқич ролини ўйнаган. Ривожланиш давом этиши б-н мифология ўрнини натурфилософия эгаллади *Зенон, Демокрит, Аристотель* ва б. қадимги замон мутафаккирлари табиат, жамият ва тафаккурни гоҳо биргаликда, гоҳо айрим-айрим равишда баён этишга урина бошладилар. Дунёни бир бутун, деб ифодаловчи тушунчалар, исботлаш усули пайдо бўлди. Эллинизм даврида *Евклид, Архимед*, Птолемей томонидан геометрия, механика, астрономия соҳасида дастлабки назарий системалар яратилди. Ўрта асрларда Ф. ривожига араб, Шарқ ва Ўрта Осиё олимлари улкан ҳисса қўшдилар. Улар қадимги Ф. ютуқларини, илмий асарларни сақлаш, таржима қилиш ва уларни тарқатиш масаласига катта эътибор бердилар. Шунингдек, улар Ф. ни янги ютуқлар б-н бойитдилар, янги кашфиётлар қилдилар.

Ўрта Осиёнинг буюк олимлари илм-фаннинг янги тармоқларини яратдилар ва янги қонуниятларни кашф этдилар. Муҳаммад Хоразмий тенгламалар ҳақидаги фан сифатида алгебра ва тўғри алгоритмларни кашф этди. *Аҳмад Фарғоний* астрономияга система тарзини берди. Аҳмад *Марвазий* тригонометрияни бойитди (9- аср). Абу Наср *Форобий* фалсафий фикрни юксалтирди, музиканинг математик назариясини яратди. Ҳамид Хўжандий куб тенгламалар назариясини чуқурлаштирди (10- аср). *Маҳмуд Кошғарий* ўз даврининг энциклопедияси бўлган «*Девону луғотит турк*»ни яратди. *Абу Райҳон Беруний* геодезия, минералогия, фармакогнозияни яратувчилардан бири бўлди. *Абу Али Ибн Сино* медицинанинг илмий заминини қўйди (11- аср). *Улуғбек*, Ғиёсиддин Қоший, *Али Қушчи* сонлар назариясига муҳим ҳисса қўшдилар ва кузатиш астрономиясини юқори поғонага кўтардилар (15- аср). Лекин Улуғбек қора гуруҳлар ва диндорлар томонидан вахшийларча ўлдирилди, обсерватория ҳамда кутубхоналар вайрон қилинди, илм аҳллари тарқатиб юборилди. Улуғбекнинг илмий ғоялари бошқа мамлакатлар (Мас., Туркия, Ҳиндистон)да қисман давом эттирилди. Европада Уйғониш даври илм-фанга ижобий таъсир кўрсатди. 12- асрнинг бошларидан Хоразмий, Ибн Сино, *Ал-Киндий, Ибн Рушд* ва б. нинг асарлари латин тилига таржима қилина бошлади. *Леонардо да Винчи*, Р. *Бэкон*, Т. *Гоббс*, Н. *Коперник*, Ж. *Бруно*, Г. *Галилей*, И. *Кеплер*, Р. *Декарт* каби олимлар табиётни ва материалистик дунёқарашни ривожлантирдилар. Астрология ўрнини астрономия, алкимё ўрнини кимё эгаллади. Илм б-н дин орасидаги кескин курашда Ф. нинг устунлиги ошиб борди.

Янги даврда Ф. нинг ижтимоий роли янада ошди. У маданиятнинг муҳим тармоғига айланди. 16—17- асрларда классик физиканинг пойдевори қурилди. Ф. нинг назария даражасига кўтарилганлиги фикрнинг индуктив ва дедуктив ривожланишига йўл очиб берди. Мавжуд илмий фактлар И. *Ньютон* томонидан динамиканинг асосий қонуни сифатида таърифланди. Бу умумлаштирилган қонундан 17—19- асрларда хусусий қонуниятлар кашф этилди. Ж. *Лагранж*, С. *Ковалевская* ва б. ижоди механиканн



2- расм. Кассетали фальцовка аппарати: *1* — харакатлантириш ролиги; *2* — узатиш ролиги; *3* — қоғоз лист; *4* — қисиш ролиги; *5* — тирак; *6* — кассета; *7* — қисиб фальцовкалаш ролиги.

моддий нуқталар системаси тарзида шаклланишга олиб келди. Оламнинг механистик картинаси илмий тус ола бошлаши б-н янги илмий далиллар оламга диалектик қарашни тақозо қилди. И. *Кант*, П. *Лаплас* ва б. табиат тўғрисида диалектик ғояларни баён қилдилар. М. В. *Ломоносов* модданинг сақланиш қонунини кашф этди. 19-асрда табиат қонунларидан бири — энергиянинг сақланиши ва шаклининг ўзгариши ҳақидаги қонун кашф этилиши (Р. Майер, Ж. Жоуль, Г. *Гельмгольц*) физика ва кимёнинг барча соҳаларини умумий асосга келтиришга сабаб бўлди. Ҳужайра назариясининг бунёдга келиши (Т. Шванн, М. Шлейден) барча жонли организмларнинг структураси бир хил эканлигини кўрсатди. Ч. *Дарвин*нинг биологиядаги эволюцион таълимоти жонли табиатга ривожланиш ғоясини олиб кирди. Геометрия соҳасида революцион таълимот яратилди: асрлар давомида ҳукм суриб келаётган Евклид геометрияси ягона эмаслиги, балки ноевклид геометриялар ҳам борлиги Н. *Лобачевский* томонидан баён этилди ва у кейинчалик исботланди. Д. И. *Менделеев*нинг даврий системаси ҳар хил кимёвий элементлар орасидаги ички диалектик боғланишни ифодалади.

19-аср ўрталарида Ф. нинг энг умумий шакли ва методологияси бўлган философияда революцион ўзгаришлар содир бўлди. К. *Маркс* ва Ф. *Энгельс* диалектик ва *тарихий материализм*ни яратиб, ижтимоий Ф. лар тараққиётида бурилиш ясадилар (қ. *Диалектик материализм*). Жамият тўғрисида Ф. тарихидаги муҳим босқич янги тарихий даврда марксизмнинг барча тармоқларини изчиллик б-н чуқур ривожлантирган В. И. *Ленин* номи б-н боғлиқ.

Илмий тафаккур замонидаги йирик ўзгаришлар ва янги кашфиётлар 20-аср бўсағасида янги давр классик Ф. ини кризис ҳолатига ва аввало унинг фалсафий методологик асоси—механистик дунёқарашни ҳалокатга олиб келди. Бу кризис моҳияти В. И. Ленининг «*Материализм ва эмпириокритицизм*» асарида кўрсатиб берилди. Ўша даврда кашф этилган электрон материя тушунчасига кескин янгилик киритди, радиоактивлик ҳодисаси эса энергиянинг сақланиш қонунига янги тус берди. *Нисбийлик назарияси* (А. *Эйнштейн*) ғояларининг юзага чиқиши табиётдаги бу янги рев-яннинг янада чуқурлашганидан ва соҳаларни қамраб олаётганидан дарак берди.

20-аср ўрталарига келиб Ф. нинг ижтимоий ҳаётдаги роли мисли сиз даражада ошди. Ф. даги рев-яннинг характери ўзгарди: илмий рев-ялар техника рев-ялари б-н органик равишда бирлашиб, ягона *илмий-техника революциясини* юзага келтирди. 40-йилларнинг охирларида бошланган илмий-техника рев-яси Ф. нинг бевосита ишлаб чиқариш кучларига тез фурсатда айланиши натижасида Ф. нинг ўзида ва айни пайтда техника ҳамда ишлаб чиқаришда катта сифат ўзгаришларга олиб келди. Ҳар 10—15 йилда илмий фаолият ҳажми икки марта ошмоқда. 70-йиллардаги олим ва илмий ходимлар сони бутун Ф. тарихида яшаган олимлар сонининг 90% дан кўпрогини ташкил қилди. Жаҳон миқёсида илмий ходимларнинг ўсиш проценти аҳолининг ўсиш процентига қараганда бир неча марта ортиқ. Ф. социал-иқтисодий потенциалнинг муҳим факторига айланди.

Ф нинг социал моҳияти муҳим аҳамият касб этиб, уни бошқариш проблемаси туғилмоқда. Ф. ривожи бошқаришга боғлиқ. Фундамental ва татбиқий фанлар орасидаги оптимал муносабатни аниқлаш, илмий ходимлар ва ташкилотларни рационал тақсимлаш ва жойлаштириш, давр тақозо қилаётган соҳаларга кўпроқ аҳамият бериш, Ф. ютуқларини амалий ишларга унумлироқ жорий этиш, Ф. ни кишилик жамиятининг равнақи учун йўналтириш, объектив дунё ривожининг келажагини аниқлаш масалалари Ф. ни бошқариш проблемаси мундарижасига киради.

Ўрта асрлардан бошлаб Европада ун-тлар Ф.ни ривожлантиришда муҳим роль ўйнади. Ўрта Осиёда вужудга келган мадрасаларда асосан диний билимлар ўқитилган бўлса-да, баъзан илғор мударрислар томонидан дунёвий Ф. лар, чунончи, математика, астрономия, география, тиббиёт элементларидан ҳам таълим берилган. Академия тарзидаги муассаса ва жамиятлар Шарқ мамлакатларида 8—9-асрларда таркиб топа бошлаган. Европада бундай жамиятлар 15—16-асрлардан бошлаб ташкил қилинган (қ. *Академия*).

Ф. нинг ривожланиши учун имкон яратиш ва уни бошқариш муҳим аҳамиятга эга. Илмий муассасаларни бир ерга жамлаш ва марказлаштириш умуммиллий ҳамда халқаро илмий ташкилот, марказларнинг пайдо бўлишига олиб келди. 20-асрда ихтисослаштирилган тадқиқот муассасалари кенг тараққий этди; Ф. соҳалари бўйича ва комплекс характердаги илмий марказлар ташкил этилди. Проблема принципи бўйича тузилган тадқиқот бўлимлари вужудга келди. Конкрет илмий масалаларни ҳал қилиш учун махсус ижодий коллективлар тузилди. Йирик илмий муассаса ва лабораториялар илмий фаолиятни индустриал меҳнат шаклига яқинлаштириш омилларидан бўлди. Буларнинг ҳаммаси Ф. соҳаларини ривожлантиришда катта роль ўйнади. Жумладан, УзССРда математик статистика ва функционал анализ, дифференциал ва интеграл тенгламалар, сонлар назарияси ва ҳисоблаш математикаси соҳаларида катта ютуқлар қўлга киритилди. Эҳтимоллик назарияси бўйича «Тошкент мактаби» деб ном олган илмий йўналиш оламга машҳур. Ядро физикаси ва геофизика, гелиотехника ва электроника, аэрогидромеханика ва газ динамикаси ютуқлари халқ хўжалигининг турли соҳаларига татбиқ қилинмоқда. Биоорганик ва физик кимё, ўсимлик моддалари ва юқори молекулали бирикмалар кимёси кўплаб табиий ва сунъий кимёвий моддаларни олиш имконини берди. Ботаника ва селекция, зоология ва медицина, биохимия, биофизика ва геохимия, геология ва сейсмология йирик муваффақиятларга эришди. Философия ва ҳуқуқ, тил ва адабиёт, тарих ва шарқшунослик соҳаларида йирик илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бутуниттифоқ пахтачилик илмий тадқиқот ин-ти (СоюзНИХИ), Марказий пахтачилик саноати илмий тадқиқот ин-ти, қоракўлчилик ва иттифоқ миқёсидаги шу каби ин-тларнинг Ўзбекистонда жойлашиши, шунингдек СССР ФАнинг Сибирь бўлими, Узоқ Шарқ филиали каби илмий штабларнинг кўпайиб бориши Ф. ривожининг шакл ва йўллари хилма-хиллигини, Ф. нинг марказлашуви, айни вақтда Ф. «география»сининг кенгайиб бораётганини кўрсатмоқда.

Ф. ўзининг ички ривожланиш қонуниятига ҳам бўйсунади. Ф. даги ҳар бир янгилик аввалги ютуқни бутунлай инкор этмай, унга янги шакл ва ифода берган ҳолда ривожланишни таъминлайди. Ф. ривожи илгарилама ҳаракатга эга. Билишнинг эмпирик даражасида таққослаш, ўлчаш, анализ, синтез, *индукция, дедукция* ва б. кенг қўлланилади. Назарий даражаси учун билишнинг *гипотеза, моделлаш*, идеаллаштириш, абстракция, умумлаштириш, хаёлий эксперимент каби усуллари характерли. Ф. даги турли соҳаларнинг ўзаро алоқадорлигини муайян принциплар асосида ёритиш ва уларни маълум тартиб б-н мантиқий асосланган ҳолда жойлаштириш проблемаси қадим замонлардан бери олимларни қизиқтириб келган. Ф. ларнинг ўзаро алоқадорлиги Ф. предмети ва унинг турли соҳалари ўртасидаги объектив муносабатлар орқали белгиланади. Гносеологик нуқтаи назардан Ф. классификацияси принциплари объектив (Ф. ларнинг ўзаро алоқадорлиги тадқиқот объектлари алоқадорлигидан келтириб чиқарилади) ва субъектив (Ф. классификацияси асосини субъект хусусиятлари ташкил этади) характерга эга. Методологик жиҳатдан Ф. классификацияси принциплари ташқи (Ф. ларнинг муайян тартибда ёнма-ён қўйилиши) ёки ички (муайян шароит тақозоси б-н бири иккинчисига боғлиқ ҳолда) классификацияга бўлинади. Мантиқий нуқтаи назардан Ф. классификациясининг асосини Ф. лар орасидаги умумий алоқадорликнинг турли томонлари ташкил этади.

Ф. лар икки принцип таркибида жойлашади: камайиб борувчи умумийлик (умумийликдан хусусийликка) ва ўсиб борувчи конкретлик (абстрактликдан конкретликка). Субординация принципига мувофиқ Ф. лар оддийдан мураккабга, қуйидан юқорига ривожланиш тартибида қўйилади. Марксизм асосчилари томонидан берилган классификация Ф. классификацияси тарихининг юксак босқичини ташкил этади.

К. Маркс ва Ф. Энгельс Ф. классификацияси тўғрисидаги масалада ўзлари яратган диалектик-материалистик методга таяниб, янги принципларни ишлаб чиқдилар. В. И. Ленин томонидан марксистик диалектик логика принципларининг ишлаб чиқилиши ҳам Ф. классификацияси масалаларига бевосита тааллуқлидир.

Ҳозирги Ф. ларнинг умумий классификацияси илмий билимнинг уч асосий қисми — табиатшунослик, ижтимоий (социал) Ф. лар ва философиянинг ўзаро алоқадорлигини очиб беришга асосланган. Буларнинг ҳар бири бутун группа (комплекс)ни ташкил этади. Ф. нинг уч асосий қисмидан ташқари, унинг бошқа йирик қисмлари ҳам мавжуд; улар асосий қисмлар ўртасида туради ва бутунича бу қисмларнинг ҳеч бирига кирмайди. Мас., табиий ва социал Ф. лар ўртасида техника Ф. лари (шунингдек қ. х. ва медицина Ф. лари), табиатшунослик (асосан физика) б-н философия (асосан логика) ўртасида математика Ф. лари туради. Барча уч асосий қисмлар ўртасида мустақил Ф. сифатида табиий-тарихий ва ижтимоий жиҳатдан инсон психик фаолиятини ўрганувчи психология туради. Ф. ларнинг умумий классификациясида тарих (асосан маданият тарихи) ва табиатшунослик ўртасида турувчи Ф. лар алоҳида ўрин эгаллайди. Булар табиий Ф. лар тарихидир. Айни вақтда ҳам ижтимоий-тарихий Ф., ҳам табиий Ф. ҳисобланган Ф. лар философия б-н боғлиқ.

Ф. системадир. Бу система, йўналишига кўра, фундаментал ва амалий Ф. ларга ажратилади. Фундаментал Ф. табиат, жамият ва тафаккур қонуниятларини ўрганса, амалий Ф. фундаментал Ф. натижаларини фақат билиш жараёнига татбиқ этиб қолмай, балки ижтимоий-амалий масалаларни ҳал этишга ҳам татбиқ этади. Фундаментал Ф. лар амалий Ф. лардан аввалроқ ҳаракатда бўлиб, уларга назарий имкон яратади. Умуман Ф. ни 3 катта группа (кичик системалар)га ажратиш мумкин: табиий Ф. лар, ижтимоий Ф. лар ва техника Ф. лари. Улар ўз предметлари ва тадқиқот методлари б-н бир-биридан фарқ қилади. Бу группалар ўртасида қатъий чегара йўқ; айрим фанлар икки группа ўртасида бўлади. Мас., бионика, техник эстетика, иқтисодий география шу жумладандир. Ф. лар синтези эса ҳозирги замонда мураккаб система сифатида қарашни тақозо қилмоқда. Мас., экологик проблема биология, география, медицина, экономика, техника, кимё, кибернетика объектларини ва методларини ўз ичига қамраб олмоқда.

Диалектик материализм — Ф. тармоқларини синтез қилишнинг фундаментал назариясидир. Философия, сиёсий иқтисод ва илмий коммунизмнинг мужассами марксизм-ленинизм Ф. идир.

Ҳозирги замон фани юксак даражага кўтарилмоқда. Элементар зарралар дунёси, молекула биологияси дунёси, галактикалар, квазарлар, пульсарлар ва б. Ф. нинг объекти бўлган материянинг янги кўринишларидир. Ф. нинг кибернетика, атом ва ядро энергетикаси, космонавтика, электроника, яримўтказгичлар физикаси, генетик код назарияси, социал психология, математик лингвистика каби нисбатан янги соҳаларида совет олимларининг ҳиссаси катта.

Ад.: Энгельс Ф., Диалектика природы, М., 1955; Ленин В. И., Материализм ва эмпириокритицизм, Тўла асарлар тўплами, 18-т.; КПСС XXV съезди материаллари, Т., 1976; Карпов М. М., Наука и развитие общества, М., 1961; Кедров Б. М., Классификация наук, кн. 1—2, М., 1961—65; Добров Г. М., Наука о науке, Киев, 1966; Волков Г. Н., Социология науки, М., 1968; Очерки истории и теории науки, М., 1969; Философия и наука, М., 1972; Человек-наука-техника, М., 1973; Семенов Н. Н., Наука и общество, М., 1973; Будущее науки. Международный ежегодник, М., 1968; Наука в Узбекистане, ч. I., Естественные науки, ч. II., Общественные науки, Т., 1974.

«ФАН»— УзССР даги илмий нашриёт. 1937 йили Тошкентда *Фан комитети* ҳузурида бўлим сифатида ташкил этилган. УзССР ФА ташкил топиши б-н (1943) махсус нашриётга айлантирилди. 1963 йилга қадар УзССР ФА нашриёти деб аталиб, асосан, УзССР ФА илмий тадқиқот ин-тлари илмий асарларини, шунингдек академия системасидаги олимларнинг илмий асарларини нашр этган. 1963 йилдан «Ф.» деб номланиб, УзССР ФА Президиуми ва Узбекистон ССР Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитетига бўйсунадиган бўлди. 1965 йилдан бошлаб нашриёт республиканинг бошқа илмий тадқиқот муассасалари ва олий ўқув юртлари олимларининг асарларини ҳам нашр этади.

Нашриётнинг физика-математика ва кимё технологияси фанлари, Ер ҳақидаги фанлар, биология фанлари, экономика, тарих, философия ва ҳуқуқ фанлари, шарқшунослик, филология ва археология фанлари, қ. х. фанлари, ўзбек филологияси, асарлар тўплами ва ил-

Центральная научная БИБЛИОТЕКА 500636

мий-оммабоп адабиётлар, ротопринт нашрлар редакциялари, шунингдек, алоҳида босмахонаси бор. Нашриёт ҳозирги замон билимларининг деярли барча соҳаларидан китоблар нашр этади. Нашриётнинг тематик плани монографиялар, кўп томлик нашрлар, тўпламлар ва илмий-оммабоп брошюраларни ўз ичига олади. 1977 йили нашриёт 420 номда 31 млн. 120 минг босма лист-оттиск ҳажмида (умумий тиражи 7 млн. нусха) маҳсулот чиқарди.

«Ф.» нашриётида *«Гелиотехника»*, *«Химия природных соединений»* («Табиий бирикмалар химияси»), «ЎзССР Фанлар Академияси ахбороти» («Известия Академии наук УзССР») (2 серияда: физика-математика фанлари, техника фанлари сериялари да), «Ўзбекистон геология журнали» («Узбекский геологический журнал»), «Ўзбекистон химия журнали» («Узбекский химический журнал»), «Ўзбекистон биология журнали» («Узбекский биологический журнал»), «Ўзбекистонда ижтимоий фанлар» («Общественные науки в Узбекистане»), «ЎзССР Фанлар академияси докладлари» («Доклады Академии наук УзССР»), *«Ўзбек тили ва адабиёти»* илмий журналлари, *«Фан ва турмуш»* илмий-оммабоп журнали нашр этилади.

«ФАН ВА ТУРМУШ» — ЎзССР ФАнинг ойлик илмий-оммабоп журнали. Тошкентда нашр этилади. Биринчи сони 1933 йили «Социалистик илм ва техника» номи б-н ЎзССР Фан комитети ва ЎзССР Давлат план комиссиясининг органи сифатида нашр этилган. Кейинчалик «Социалистик фан ва техника» (1935 йилдан), «Социалистик фан ва турмуш» (1939 йилдан) номларида чиққан. 1942—56 йилларда журнал нашр этилмаган. 1957 йил мартдан «Ф. ва т.» номида чиқади. Журналнинг 1957 йили қайта тикланишида ва кенг оммалашувида республикада фан тарғиботининг асосчиларидан бири, узоқ йиллар давомида журналнинг масъул котиби бўлиб ишлаган журналист А. *Ёқубов*нинг хизмати катта.



«Фан ва турмуш» журналининг турли даврларда чиққан сонлари.

Журнал совет илм-фанининг тараққиёти, омма умумий маданий савиясининг ошиши, республика маданий ҳаётида рўй бераётган муҳим воқеалар, совет, жумладан ўзбек олимлари олиб бораётган тадқиқотлар, янги кашфиёт ва ихтиролар ҳамда чет эл фани ва техникасидаги янгиликлар тўғрисида ҳикоя қилади, илмий-бадиий ва илмий-фантастик асарларга ва, умуман, коммунизм кишисини тарбиялаш ва б. муҳим масалаларга алоҳида ўрин беради.

«Ф. ва т.» саҳифаларида О. Ҳошимов, И. *Мўминов*, М. *Ҳомидхонов*, М. *Урозбоев*, У. *Орифов*, Я. *Ғуломов* ва б. фаол қатнашган. О. *Содиқов*, С. *Юнусов*, Ҳ. *Усмонов*, С. *Зиёдуллаев*, О. *Акрамхўжаев*, Т. *Зоҳидов*, В. *Қобулов* ва б. олимлар журнал фаолиятида мунтазам иштирок этадилар.

1938—70 йилларда журналга Т. Н. *Қори-Ниёзий* муҳаррирлик қилган; 1974 йилдан муҳаррири — Ё. *Тўрақулов*. «Ф. ва т.» 1975 йилдан кенг форматда ботиқ босма усулида нашр этилади. Унда турли хил расмлар ва фотосуратлар берилади. Тиражи 500 минг (1978).

ФАН ДОКТОРИ — илмий даража. Биринчи марта 1130 йили *Болонья университети* томонидан берилган. Россияда Ф. д. даражаси ун-тларда 1819 йилдан жорий этилди; магистр даражасини олган ва д-рлик диссертациясини ёқлаган шахсларга берилган.

СССРда Ф. д. даражаси илмий ходимларга 1934 йилдан бошлаб берилмоқда. У олий ўқув юрти ёки илмий тадқиқот муассасаси (илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси) ҳузуридаги ихтисослашган кенгаш таклифига биноан СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси (ВАК) Президиуми қарори б-н фан кандидати илмий даражаси ёки профессор илмий унвонига эга бўлган, йирик илмий асарлари босилиб чиққан, д-рлик диссертациясини ҳимоя қилган шахсларга берилади.

Диссертация фан ва амалиётга муҳим ҳисса бўлиб қўшилувчи, илмий масалаларни назарий умумлаштирувчи ва ҳал қилувчи мустақил илмий тадқиқот иши бўлиши керак. Диссертация сифатида олий ўқув юртлари учун дарслик, тадқиқотчининг мустақил илмий ёки илмий-методик иши тақдим қилиниши мумкин. Ф. д. даражаси қуйидаги фанлар: физика-математика, кимё, биология, геология-минералогия, техника, қ. х., тарих, иқтисод, философия, филология, география, ҳуқуқ, педагогика, медицина, фармацевтика, ветеринария, ҳарбий иш, ҳарбий-денгиз иши, шунингдек, санъатшунослик, архитектура ва психология бўйича берилади. 1976 йили СССРда 34 минг 600, жумладан ЎзССР да 830 Ф. д. бўлган.

Ф. д. илмий даражаси кўпгина мамлакатларда мавжуд. АҚШ, Буюк Британия, Франция ва б. мамлакатларда д-рлик диссертацияларига қўйилган талаб СССР да кандидатлик, айрим ҳоллардагина д-рлик диссертацияларига қўйиладиган талабга тенг.

ФАН КАНДИДАТИ — СССРда биринчи илмий даража. Кандидатлик имтиҳонларини муваффақиятли топширган ва кандидатлик диссертациясини ҳимоя қилган олий маълумотли шахсларга берилади. 1934 йили таъсис этилган. Ф. к. даражаси олий ўқув юрти ёки илмий тадқиқот муассасаси (илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси)нинг ихтисослашган кенгаши томонидан берилади. СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси (ВАК) назорат тариқасида кандидатлик диссертацияларини кўриб чиқади. 1976 йил охирида СССРда 345 минг 400, жумладан ЎзССР да 11 минг 340 Ф. к. бўлган (яна қ. *Диссертация*). Ф. к. олий ўқув юрти ёки илмий тадқиқот ин-тида доцент, катта илмий ходим, кафедра, лаборатория мудири лавозимини эгаллаш учун конкурсда қатнашиш ва фан д-ри илмий даражасини олиш учун диссертация ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга. Ф. к. даражаси АҚШ, Буюк Британия ва б. мамлакатларда мавжуд философия доктори даражасига тенг келади.

ФАН КОМИТЕТИ, ЎзССР Халқ Комиссарлари Совети ҳузуридаги Фан комитети — 30-йилларда Ўзбекистонда Фан штаби вазифасини бажарган илмий ташкилот. Ўзбекистон КП(б) МҚ 5-пленуми (1932) резолюцияси асосида ЎзССР МИҚ Президиуми қарори б-н 1932 йил октябрда ЎзССР МИҚ ҳузурида ташкил этилди. Унинг таркибида геология ва минерал ресурслар группаси ҳамда кабинети, гидрогеология ва инженерлик геологияси группаси, энергетиклар группаси, ўсимлик ресурслари группаси ва кабинети, агролесомелиорация группаси, картография бўлимлари ҳамда группалар қошида тупроқшунослик, гидрология ва б. секторлар бўлган.

Ф. к. зиммасига зарур лаборатория ва ин-тлар ташкил этиш ҳамда уларни жиҳозлаш, илмий кадрлар тайёрлаш вазифаси юклатилган эди.

1934 йил 1 июлдан Ф. к. ЎзССР ХҚС ихтиёрига ўтказилди. 1935 йили Ф. к. системасида 12 илмий тадқиқот муассасаси, 2 кутубхона ва «Социалистик фан ва техника» журнали редакцияси бўлган. Шу йили Ф. к. таркибида янги бўлим, группа, лаборатория ва секторлар ташкил этилди. Уларнинг фаолияти халқ хўжалигининг айрим соҳалари учун амалий аҳамиятга эга бўлган илмий масалаларни ҳал этишга қаратилди. Республика ишлаб чиқариш кучларини ўрганувчи бўлимнинг ташкил топиши ҳам Ф. к. фаолиятида катта роль ўйнади.

1937 йили Ф. к. фаолияти тубдан ўзгартирилди; структураси СССР ФА структурасига яқинлаштирилди. Ф. к. таркибида табиёт ва физика-математика, ижтимоий, техника фанлари бўлимлари тузилди; бўлим сифатида нашриёт ҳам ташкил этилди. Ф. к. фаолиятида кимё, физика, математика, гидроэнергетика, геология, адабиёт ва тил фанлари етакчи илмий йўналишларга айланди. Ф. к. муассасалари ЎзССР флора ва фаунаси, тупроқ ва геологияси, ер юзаси ва ер ости сувлари, энергетика ресурсларини ўрганиш ва улардан фойдаланиш йўллари, минерал ёқилғи запаслари, нефть қатламлари ва б. масалалар хусусида илмий тадқиқотлар олиб борди. Ижтимоий фан соҳалари — ЎзССР экономикаси, ўзбек тили ва адабиёти, моддий маданият ёдгорликларини ўрганиш ва муҳофаза қилиш бўйича тадқиқотлар авж олди. 1938 йили Ф. к. ва унинг илмий муассасаларида 83 малакали илмий ходим, жумладан 7 фан д-ри ва 5 проф., 3 ЎзССРда хизмат кўрсатган фан арбоби ишлади. Фан тараққиёти натижасида Ф. к. таркибида янги илмий тадқиқот ин-тлари: Геология (1937) ва Ботаника (1939) ин-тлари ташкил топди. Марксизм-ленинизм классиклари асарларини ўзбек тилига таржима қилиш бўйича ишлар авж олдирилди. Таржима ишларида Ф. к. раиси адабиётшунос О. Ҳошимов ва Ф. к. га қарашли Тарих, тил ва адабиёт ин-ти илмий ходимларининг ҳиссаси катта бўлди. Ф. к. га турли даврларда О. Ҳошимов, Т. Н. Қори-Ниёзий, И. И. Исломов раҳбарлик қилди. 3,5 мингга яқин илмий ходим бор эди. Ф. к. нинг негизида 1940 йил январида СССР ФА нинг Ўзбекистон филиали (ЎзФАН), 1943 йил ноябрда *Ўзбекистон ССР Фанлар академияси* ташкил топди.

ФАНАТИЗМ — (лат. fanum — қурбонгоҳ, ибодатхона), мутаассиблик — қандайдир эътиқодга ёки дунёқарашга ўта даражада берилганлик, бошқа ҳар қандай қарашларга тоқат қила олмаслик (мас., диний Ф.).

ФАН БОЙ ТЯУ (1867. 26. 12, Намдан уезди, Нгеан провинцияси — 1940. 29. 10, Хюэ) — вьетнам адиби ва сиёсий арбоби. Камбагал қишлоқ ўқитувчиси оиласида туғилган. Мустамлакачиликка қарши курашгани ва Вьетнамни янгилаш жамиятини тузгани (1904) учун француз маъмурлари таъқибига учраган, Японияга кетиб, у ерда революцион лагердаги хитойлик муҳожирлар, жумладан, Сунь Ят-сен б-н яқин алоқада бўлган, Вьетнам ёшларининг Японияга бориб ўқишини ташкил этган. Сўнг Хитойга ўтиб, у ерда Вьетнам уйғониш жамиятига (1912—24) асос солган ва унинг Бош секретари бўлган. *Конфуцийлик* қарашларидан воз кечиб, буржуа-демократик позицияга ўтган, илмий социализм ва В. И. Ленин фаолияти б-н қизиққан. 1920 йили Хитойда Советлар вакили б-н учрашган. 1925 йил июнда Француз полицияси Шанхайда уни ушлаб, Ханойга келтирган ва умрбод қамоққа ҳукм қилинган, бироқ жамоатчилик тазйиқи остида 1925 йил декабрда озод қилинган.

«Денгиз ортида қон б-н ёзилган мактуб» (1906), «Ҳалок бўлган Ханой қаҳрамонлари ҳақида ҳикоя» (1913), «Чуиг Куангнинг ҳақиқий тарихи» (1921), «Қамбағаллар учун доридармон» (1927) ва б. асарларида халқ ҳаётини ҳаққоний тасвирлайди. Уз ҳаёти ва ижодий йўлини «Фан Бой Тяунинг ҳаёт йўллари» (1939) хотира китобида якунлаган.

Ад.: Мхитарян С. А., Рабочий класс и национально-освободительное движение во Вьетнаме, М., 1967.

ФАНДИ ҚЎЛТИҒИ — Атлантика океанининг Шимолий Америка қирғоқларидаги қўлтиғи. Узунлиги 300 *км*. Кенглиги 90 *км* гача. Энг чуқур жойи кираверишқисмида 208 *м*. Сув кўтарилиши ҳар ярим суткада такрорланиб, баландлиги 18 *м* га етади. Ф. қ. Дунё океанининг суви энг баланд кўтариладиган қисми. Энг катта порти — Сент-Жон.

ФАНЕР (франц. faurnir — таъминламоқ, устига қўймоқ) — дарахт ғўлаларидан пўстлоқ-пўстлоқ қилиб сидириб олиниб, устма-уст кўндалангига икки ва ундан ортиқ қаватлаб, елимлаб тайёрланган ёғоч материал. Ф. қайин, қандағоч, қарағай, қорақайин ва б. дан тайёрланади. Металлаштирилган, армирланган ва ўтга чидамли хиллари бўлади. Намликнинг таъсир этиш қаршилигига қараб сувга чидамли, ўртача ва чидамлилиги чегараланган бўлиб, 1—19 *мм* қалинликда ишлаб чиқарилади. Эни ва бўйи 725—2440 *мм*. 12 *мм* дан қалин Ф. фанер плита деб аталади. Ф. қурилишда, автомобилсозлик, вагонсозлик, кемасозлик, самолётсозликда, мебель тайёрлаш ва б. да қўлланилади.

ФАНТАЗИЯ (юнон. phantasia), х а ё л — ҳаётда инсон томонидан идрок этилмаган тасаввур ҳамда хаёлий ситуацияларнинг вужудга келишидан таркиб топган психик фаолият. Ф. муайян ҳиссий образларга ёки борлиқнинг аниқ моделларига таянади; бу жиҳатдан у тафаккур жараёнига ўхшаб, умумлашган билиш хусусиятларига эга. Ф. нинг характерли хусусияти шундан иборатки, у бевосита вазиятдан «ажралиб» чиқа олади ва макон ҳамда замон жиҳатидан ҳозирги вазиятдан узоқлашган янги вазиятга ўта олади.

Ф. инсон психик фаолиятининг ўзига хос шакли ҳисобланади. Меҳнат жараёни ва ижтимоий муносабатларнинг мураккаблашуви б-н бирга Ф. ривожланиб, инсон онги ва фаолиятининг асосий элементи бўлиб қолади. Инсон онгидаги Ф. нинг асосий функцияси реал амалга ошгунча бўлган фаолият натижасининг идеал тасаввуридан иборат. Қашфиётга олиб келувчи гумон, фараз ва *интуиция* ҳам Ф. сиз бўлмайди. Ф. объектив воқеаликни айрим реал, эмпирик кўринишларда эмас, балки моҳиятига кўра умумлашган ҳолда идрок этиш ҳодисасидир. Қадимий, ибтидоий даврда одамлар объектив борлиқдаги воқеа, ҳодисаларнинг келиб чиқиши ва ўзаро алоқадорлигини фантастик, хаёлий ассоциациялар орқали тушунишга интилганлар. Улар табиат ҳодисаларининг қудратини эътироф этиб, қуёш, сув, олов каби буюк кучларни Ф. ёрдамида инсонлар, ҳайвонлар, қушлар қиёфасида тасаввур

қилганлар. Мавжуд фантастик тушунчаларни, хаёлий образларни бутунлай асоссиз, ёки иррационал, ёхуд ҳақиқатга хилоф дейиш мумкин эмас. Чунки қадимдан то ҳозиргача инсон Ф. ёрдамида реал воқеликнинг турли қирраларини ўрганишга интилади. Ф. оламни билишнинг, айниқса воқеа-ҳодисаларнинг ташқи қиёфасинигина эмас, балки моҳиятини, ички хусусиятларини ўрганишнинг кучли қуролидир. Ф. инсонга реал ҳаёт ҳодисалари заминидаги моҳиятни, ички алоқадорликни тушунишга, келажакни олдиндан кўришга, юксак идеаллар учун курашишга ҳамда эҳтимол тутилган фалокатларнинг олдини олишга ёрдам беради, реал заминдан, реал шароитдан ажралган, шунингдек, юксак идеалларга хизмат қилмайдиган Ф. эса инсонни янглиштириши, тўғри йўлдан чалғитиши мумкин (айрим реакцион руҳдаги, диний-мистик Ф. лар). Кўп ҳолларда Ф. инсонни ҳаётнинг эмпирик икир-чикирларидан юқори туришга, илмий, фалсафий юксакликка кўтарилишга, воқеликнинг муҳим қирраларини тушунишга, тараққиёт тенденцияларини умумлаштиришга ва шу асосда юксак гуманистик идеаллар учун курашишга ёрдам беради. В. И. Ленин Ф. ҳақида қуйидагиларни ёзган: «Бу қобилият фақат шоирга керак, деб беҳуда ўйлайдилар. Бу аҳмоқона — хурофот. Бу фантазия ҳатто математикада ҳам керак, фантазиясиз ҳатто дифференциал ва интеграл ҳисоблашни кашф этиш ҳам мумкин бўлмаган бўлур эди» (Асарлар, 33-том, 326-бет).

Ф. тасаввур ва ижодий Ф. ларга бўлинади. Тасаввур Ф. си илгари идрок қилинмаган нарса ва ҳодисалар тўғрисида образлар яратишдан иборат. Ижодий Ф. эса тажрибада бўлмаган ва воқеликнинг ўзида ҳам учрамаган нарса ва ҳодисалар ҳақида янги образлар яратишдан иборат. У илмий ва техник прогрессининг психологик омилларидан бири ҳисобланади ва айниқса бадиий ижодда яққол намоён бўлади. Ижодий Ф. шаклларидан бири орзу бўлиб, у кўнглимизга ёқадиган истиқбол образларини яратишдир.

Ф. фаолияти ихтиёрийликнинг турли даражасида, болалар Ф. сидан тортиб то кашфиётчиларнинг бирор мақсадни кўзлаб узоқ муддатли изланишларигача бўлган фаолиятни ўз ичига олиши мумкин. Ф. нинг ихтиёрсиз фаолиятига туш кўриш киради; лекин у бедор юрган пайтдаги мақсаднинг оқибати ҳам бўлиши мумкин.

Ф. ижтимоий эҳтиёж таъсирида ижодий фаолият жараёнида тараққий этади. Турли-туман ҳаётий тажриба орттириш, билим олиш ва эътиқодни шакллантириш Ф. учун зарур манба ҳисобланади.

Ад.: Беркниблит М., Петровский А., Фантазия и реальность, М., 1968; Розов А. И., Фантазия и творчество, «Вопросы философии», 1966, № 9 Маҳмудов М., Талант ва ижод фалсафаси, Т., 1976.

ФАНТАЗИЯ (музикада) — эркин шаклли, кўпинча виртуоз характердаги музикавий пьеса. 16-асрда орган, клавир, лютня учун полифония рондо услубида ёзилган. 17-асрда Ф. концерт, симфония, увертюра, соната таъсирига учраган. 17—18-асрлардан *фуга*дан олдин ижро қилинувчи (кенг ривожлантирилган прелюдиялар кўринишидаги) Ф. лар, асосан, бадиҳа услубида яратилган. Мас., И. Бахнинг орган учун соль-минор «Фантазия ва фуга»си. Айрим *соната*лар (мас., В. Моцартнинг 14-до-минор сонатаси) Ф. б-н бошланади.

Аксар Ф. лар бир қисмли бўлиб, баъзан ўзига шаклан яқин жанрлар б-н боғлиқ ҳолда келади (П. Чайковскийнинг «Ромео ва Жульетта», «Франческа да Римини» увертюра-Ф. лари). Л. Бетховен фортепьяно, хор ва оркестр учун Ф. ёзган. 19-асрдан кўп Ф. лар халқ куйлари (Н. Римский-Корсаковнинг «Серб куйларига фантазия»си) ёки бирор композиторнинг қўшиқ, опера, балет ва б. асарлари мавзуларига (В. Моцартнинг «Дон Жуан» операси куйларида Ф. Лист яратган фортепьяно Ф. си) асосланади. Шунингдек муайян программани ифодалайдиган (М. Мусоргскийнинг «Лисая тоғидаги тун», С. Рахманиновнинг «Қоя», А. Глазуновнинг «Ўрмон» ва б.) Ф. лар ҳам учрайди.

Ўзбекистон композиторларидан С. Юдаковнинг фортепьяно триоси учун Ф. си, Б. Гиенконинг «Тоғли Бадахшон куйларига Ф.», «Ҳамза куйларига Ф.» лари танилган.

ФАНТАСТИКА (юнон. phantastike — хаёл қилиш санъати) — бадиий адабиёт тури. Илмий тафаккур юзага келмаган жуда қадим замонларда Ф. афсоналар (мифлар), табиат кучлари ва одамлар ҳақидаги диний тушунчалар тарзида намоён бўлган. Ф. бадиий адабиётда ҳаётни акс эттиришнинг ўзига хос формаси бўлиб, унда реалистик элементлар хаёлий, ғайри табиий, мўъжизали элементлар б-н қўшилиб кетади. Инсон тасаввурида, хаёлида пайдо бўладиган ажойиботлар олами, ақлни ҳайрон қолдирадиган хаёлий образлар ва ҳодисалар бадиий асарда воқеликка, ҳаёт ҳақиқатига қарама-қарши қўйиб тасвирланади. Ф. нинг адабиётнинг бошқа тур ва жанрларидан фарқи шундаки, унинг тасвир соҳаси амалда мавжуд бўлган ҳаёт эмас, балки турмуш ҳақидаги умумий тасаввурдан келиб чиқадиган ҳаётдир. Шунинг учун унда ҳамма нарса жиддий ўзгарган, бўрттирилган, таажжублантирадиган даражада бўлади.


Октябрь инқилобидан кейин СССРда Ф. кўпроқ болалар адабиёти йўли б-н ривожлана бошлади, шунингдек, соф илмий-фалсафий фантастик асарлар ҳам яратилди. А. *Толстой*нинг «Олтин калитча», «Инженер Гариннинг гиперболоиди» (ёшлар ва катталар учун), К. Чуковскийнинг ажойиб эртаклари, А. Казанцевнинг «Ёнувчи орол», А. Грининг «Алвон элканлар» ва б. асарлари шулар жумласига киради. Ҳозирги замон чет эл бадиий Ф. сининг улкан намоёндалари сифатида америкалик Айзек Азимовни, польшалик Станислав Лем, япониялик Кобо Абэ ва б. ни кўрсатиш мумкин.

Сўнгги йилларда ўзбек совет адабиётида ҳам Ф. вужудга келиб, ривожлана бошлади. Ҳ. Шайховнинг «Рене жумбоғи», Т. Ҳабиловнинг «Ойга сафар», Т. Маликнинг «Ҳикмат афандининг ўлими», М. Маҳмудовнинг «Менмен эмасман» каби повесть ва ҳикоялари илмий-бадиий Ф. намуналаридан ҳисобланади. Саргузашт-фантастик асарлар қаторида Х. *Тўхтабоев*нинг «Сариқ девни миниб», «Сариқ девнинг ўлими», Э. Раимовнинг «Меҳрибонлар» типидаги китобларини кўрсатиш мумкин. Бадиий Ф. нинг асосий мақсади фақат турли хил ғаройиботларнигина эмас, аввало инсонни, унинг эзгу орзуларини акс эттиришдан иборатдир.

Совет ва прогрессив жаҳон Ф. си ана шу йўлдан ривожланмоқда (яна қ. *Илмий-фантастик адабиёт*).

Ад.: Иленков Э. В., Об эстетической природе фантазии, в сб.:Вопросы эстетики, вып. 6, М., 1964; Кагарлицкий Ю., Что такое фантастика?, М., 1974.

ФАНФАРА (франц. fanfare) — 1) пуфлама мис соз, вентилсиз *труба*нинг узайтирилган тури. Натурал товушқаторга эга. Турли (мас., пионер, ҳарбий) сигналлар бериш учун қўлланилади; 2) тантанали ёки ҳарбий характердаги труба сигнали. Кўпроқ мажор учтовушлигига асосланган Ф. лар тарқалган. Улар вентилсиз мис пуфлама созларда ёки вентилли созларда вентиль ёрдамисиз чалинади. Икки овозли Ф. да секста, квинта ва терция интерваллари бўйлаб юқорига (пастга ҳаракат қилганда тескари тартибда) навбатланади. Ф. характеридаги мавзулар кўпроқ пионер ва ҳарбий марш-ларда, шунингдек қўшиқ, опера, симфоник ва б. асарларда қўлланилади.



Фанфара.

ФАНШУНОСЛИК — *фан* функцияси ва тараққиёти қонуниятлари, илмий фаолият структураси ва динамикаси, фаннинг бошқа социал омиллар ва жамиятнинг моддий ҳамда маънавий ҳаёт соҳаси б-н боғлиқлигини ўрганувчи тадқиқот тармоғи.

Ф. нинг айрим элементлари (фанлар классификацияси ва илмий ижод масалалари) қадимдан философия ва хусусий фанлар томонидан ўрганилган. Аристотель ўз асарларининг номини «Физика», «Метафизика», «Аналитика» деб қўйиши фан классификацияси соҳасида дастлабки ғоялардандир. Ал-Хоразмий илмий ижод кашфиёт, илмдаги қийинчиликни енгиллаштириш, хатоларни тўғрилаб кетишдан иборат деб билган. Форобий ва Ибн Сино фанлар классификацияси тўғрисида қизиқарли фикрлар айтишган. Беруний-нинг илмий тадқиқот методлари, жумладан тарихий ахборотлар табиати эксперимент ва кузатишдан қай йўсинда фарқ қилиши ҳақидаги мулоҳазалари, Маҳмуд Кошғарийнинг фан асосларини мужассамлаштирувчи *«Девону луғатит турк»* асари катта аҳамиятга эга.

И. Ньютоннинг 17-асрда яратган «Табиий фалсафанинг математик принциплари» асари фаннинг ички мантиқига ижобий таъсир кўрсатди. 18-асрда М. В. Ломоносов, Ж. Л. Лагранж, Л. Эйлернинг фан асосларига янгича муносабатлари, 19-асрда Г. Гельмгольц, Т. Гексли, Н. И. Лобачевскийларнинг ўзларидан аввал ўтган олимларнинг фаолияти ҳақидаги илмий фикрлари Ф. нинг айрим масалаларини ёритди.

Марксизм-ленинизм классикларининг асарлари Ф. нинг энг тўғри методологиясидир. 20-асрнинг 1-ярмида Ф. нинг баъзи соҳалари, чунончи фаннинг ривожланиш программасини яратиш, илмий фаолиятнинг социал ва психологик томонларини ўрганиш ривожланди. Илмий-техника рев-яси даврида, хусусан 60-йиллардан бошлаб СССР, ПХР, БХР, ГДР, ЧССР, ВХР, АҚШ, Англия, Франция ва б. мамлакатларда Ф. тадқиқотнинг мустақил тармоғи сифатида шаклланди.

Бу даврда Ф. предмети ва вазифаларини ифодаловчи тушунчалар ҳамда Ф. проблемаларини ўрганувчи илмий коллективлар вужудга келди. Ф. нинг фан экономикаси, фан психологияси, фан социологияси каби тармоқлари ривожланди. Тадқиқотларнинг аналитик ва норматив йўналишлари пайдо бўлди. Фан тараққиётининг ички қонуниятлари, билимлар системасининг генезиси, фан тармоқларининг структурасини ўрганиш аналитик йўналишнинг мақсадини ташкил қилади. Фаннинг аналитик ўрганиш натижаларига Ф. нинг норматив тадқиқотлари асосланади. Ф. нинг тадқиқот методи фан тармоқларининг барча методларидан диалектик равишда фойдаланишдан иборатдир.

Айниқса, тарихий ўзгарувчан система бўлган фанни ифодаловчи ҳар хил компонентларнинг ўзаро таъсир муносабати система назариясини қўллаш имконини бермоқда.

Илмий-техника рев-яси даврида йирик комплекс тадқиқот бирлашмалари ва марказлари ташкил топмоқда. Космос, Жаҳон океани, экология проблемалари информация хизматини кенг миқёсда такомиллаштиришни, кадрларни тайёрлаш ва улар орасидаги муносабатларни комплекс тадқиқотга жавоб бера олиш талаблари асосида социологик ва психологик жиҳатдан ўрганиш масаласини қўймоқда. Фан объектларининг глобал характери халқаро илмий муносабатларни ўрнатиш ва ривожлантириш лозимлигини тақозо қилади.

СССРда Ф. масалалари б-н СССР ФАнинг Табииёт ва техника тарихи ин-ти, УССР ФА нинг Кибернетика ин-ти, СССР ФАнинг иқтисод (Москва, Новосибирск), Марказий иқтисодий математика, Философия, Бошқариш проблемалари ин-тлари, СССР ФА Сибирь бўлимининг Тоғ-кон ишлари ин-ти, УзССРда УзССР ФА Фалсафа ва ҳуқуқ ин-тининг фанлар методологияси сектори шуғулланади. Фан тадқиқотининг умумназарий ва фалсафий масалалари Ростов-Дон, Томск, Донецк ва б. шаҳарлардаги олий ўқув юртларида ўрганилмоқда. Совет олимлари Б. М. Кедров, С. Р. Микулинский, М. М. Карпов, УзССРдан Т. Н. *Қори-Ниёзий*, Ҳ. М. *Абдуллаев*, О. С. *Содиқов*, О. *Файзуллаев* ва б. Ф. ка катта ҳисса қўшдилар.

Ф. ка онд ишларни социалистик мамлакатлардан Польшада Польша ФАнинг Ф. бўйича комитети, Болгарияда Болгария ФА Президиуми Ф. бўйича маркази, ГДРда ГДР ФА нинг Фан назарияси ва уни уюштириш ин-ти координация қилиб туради. Ф. масалалари б-н Чехословакия ФАнинг Философия ва социология ин-ти ҳамда Венгрия ФАнинг Социология ин-ти ҳам шуғулланади. Социалистик мамлакатларнинг Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши доирасида фаншунос тадқиқотчиларнинг халқаро ҳамкорлиги жадал равишда мустаҳкамланмоқда.

1970 йилдан Варшавада йилига 1 марта Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг «Проблемы науковедения» («Фаншунослик масалалари») халқаро тўплами нашр этилмоқда.

Ф. бўйича назарий ва эмпирик тадқиқотлар АҚШ, Швеция, Буюк Британияда ҳам олиб борилмоқда.

Ад.: Добров Г. М., Наука о науке, Киев, 1966; Социология науки, Ростов-Дон, 1968; Лахтин Г. А., Тактика науки, Новосибирск, 1969.

ФАОЛИЯТ — атрофдаги оламга нисбатан инсоннинг ўзига хос актив муносабати шакли. Оламни мақсадга мувофиқ ва қайта ўзгартириш унинг мазмунини ташкил қилади. Ф. объекти ва субъекти муайян қарама-қарши қўйилиши б-н инсон фаолияти ҳайвон хатти-ҳаракатидан фарқ қилади: инсон ўзини фаол субъектга, ўзи ўзлаштираётган табиат ҳодисаларини эса ўз Ф. ининг объектига айлантиради.

Ҳар қандай Ф. мақсад, усул, натижа ва жараёнлардан иборат бўлади. Ф. нинг онгли равишда амалга оширилиши унинг ажралмас



Фарадей М.

хусусиятидир. Ф. ижтимоий прогресснинг реал ҳаракатлантирувчи кучи ва жамиятнинг яшаш шарти ҳисобланади. Лекин, шу б-н бирга, маданият тарихи кўрсатаётганидек, Ф. инсоният мавжудлигининг тўла асоси бўла олмайди. Агар Ф. асосида онгли шаклланаётган мақсад ётса, мақсад асосининг ўзи эса Ф. дан ташқарида, инсон идеалларидадир.

Ф. ни маънавий ва моддий, ишлаб чиқариш, меҳнат, меҳнатсиз Ф. ва б. турларга ажратиш мумкин.


Ф. тушунчаси билиш тарихида икки томонлама: бир томондан, дунёқарашлик принципи сифатида, иккинчи томондан, бир неча ижтимоий фанларга асос солган методологик негиз сифатида роль ўйнаган ва ўйнамоқда.


Ф. тушунчаси дунёқарашлик принципи сифатида немис классик философияси давридан бошлаб қарор топди. Бу даврда Европа маданиятида шахснинг ақл-идрок б-н иш кўриши, активлиги ва ташаббускорлигининг кўп қиррали йўналишига хос бўлган янги концепция вужудга келиб, Ф. ни ҳамма маданиятларнинг асоси ва принципи деб қараш учун шароит яратилди. Бундай қарашни дастлаб *Кант* бошлаб берди. У ўзининг гносеологиясида субъектга ташқи воқеликнинг оддий кузатувчиси сифатида эмас, балки унинг предметлик шаклининг яратувчиси сифатида қаради. *Гегель* эса объектив идеализм позициясидан туриб Ф. ни абсолют руҳнинг ҳамма нарсага сингиб кетиши деб билди. 19—20- асрларда Ғарб философиясида Ф. ни инсон моҳияти ва маданиятининг ягона асоси сифатида қарашдан воз кечиш тенденцияси кучайди.

Марксистик философия ўзининг Ф. ҳақидаги талқинида Ф. ни тор рационалистик ва идеалистик тушунишга барҳам берди. У Ф. ни яхлит тушунишда унинг ҳиссий-амалий ва назарий шаклларининг органик бирлигидан келиб чиқади. Бу бирлик инсоннинг кўп қиррали актив ҳаракатини ўз ичига олган *практика*нинг марксистик тушунчасида мужассамланган бўлиб, унда Ф. нинг олий шакли сифатида *меҳнат* тушунилади. Инсон Ф. нинг моҳияти ҳақида марксистик концепция бир неча ижтимоий фанлар учун бошлангич методологик асос бўлиб хизмат қилади.

Ад.: Маркс К., Фейербах тўғрисида тезислар, Ф. Энгельснинг «Людвиг Фейербах ва немис классик философиясининг охири» китобида, Т., 1965; Батищев Г. С., Деятельностная сущность человека, как философский принцип, «Проблема человека в современной философии» китобида, М., 1969.

ФАРА (франц. phare — маяк) — иш жойини, транспорт ва иш машиналари (автомобиль, тепловоз) йўлини ёритадиган электр фонарь. Ф. нинг оптик элементи икки толали ва икки контактли лампа (узоқ ва яқинни ёритадиган), ёруғлик сочгич шиша ҳамда рефлектор-қайтаргичдан иборат. Ёруғлик нурининг йўналишини махсус ростлагич б-н ўзгартириш мумкин. Замонавий автомобилларда узоқ ва яқинни ёритадиган, шунингдек туманга қарши алоҳида Ф. лар бўлади. Тракторларга, баъзи автомобилларга орқасига ҳаракатланганда автоматик ёнадиган орқа Ф. ҳам ўрнатилади.





Фара схемаси: *а* — умумий кўриниши; *б* — ёритиш лампа; *1* — нур сочгич; *2* — резина қистирма; *3* — металл қайтаргич; *4* — лампа; *5* — қайтаргич втулкаси; *6* — ҳимоя экрани; *7* ва *8* — чўғланма спираллар (*7* — яқинни ёритадиган спираль); *9* — маҳкамлаш фланеци.

ФАРАДА — бирликларнинг МКСА системаси ва халқаро системасида электр сиғим бирлиги. *F* ёки *ф* б-н белгиланади. Утказгичдан 1 *к* электр заряди ўтганда унинг потенциали 1 *в* га ошса, ўтказгичнинг электр сиғими 1 *Ф.* га тенг бўлади. 1 $ф = (1\ к):(1\ в)$, $[ф] = м^{-2} \cdot кг^{-1} \cdot сек^4 \cdot а^2$. Амалда Ф. нинг улушлари ишлатилади: 1 *мкф* $= 10^{-6}$ *ф* ва 1 *пф* $= 10^{-12}$ *ф*. $1ф = 9 \cdot 10^{11}$ *см* (бирликларнинг СГС системасида электр сиғим бирлиги).

ФАРАДЕЙ Майкл (1791. 22. 9—Лондон—1867. 25. 8) — инглиз физиги, химиги, *электромагнит майдони* таълимоти асосчиси.[1] Лондон Қироллик жамияти аъзоси (1824). 1813 йилдан Қироллик жамияти ин-тининг Г. *Дэви* лабораториясида ишлаган, шу ин-т лабораториясининг директори (1825), кимё бўйича проф. (1827).

Ф. қатор йирик кашфиётлар қилган: *электромагнит индукция* ҳодисаси (1831), электролиз қонунлари *(Фарадей қонунлари)* (1833—34), *парамагнетизм* ва *диамагнетизм* ҳодисаси (1845), ёруғлик қутбланиш текислигининг магнит майдонида бурилиши *(Фарадей эффекти,* 1845) ва б. Ф. электр зарядлари маълум масофадан туриб таъсир кўрсатади, деган фикрни инкор этиб, бу таъсирлар моддий муҳит орқали узатилишини исботлади.

Ас.: Экспериментальные исследования по электричеству, т. 1—3, М., 1947—59.

Ад.: Радовский М. И., Михаил Фарадей, Биографический очерк, М.—Л., 1946.

ФАРАДЕЙ — ўлчов системасига кирмаган электр миқдори. Электрохимияда қўлланади. М. *Фарадей* шарафига қўйилган. 1 Ф. $= (9{,}6484... \pm 0{,}000027) \cdot 10^4 к$, яъни миқдоран *Фарадей сони (F)* га тўғри келади.

ФАРАДЕЙ СОНИ, Фарадей доимийси (F) — физик доимий, электролитдан ток ўтганда ҳар бир электродда бир грамм-эквивалент модда ажратадиган электр миқдори. М. *Фарадей* шарафига қўйилган. Ф. с. *Авогадро сони* N_A нинг электрон заряд *е* кўпайтмасига тенг: $F = N_A \cdot e = (9{,}6484... \pm 0{,}00002) \cdot 10^4$ *к·моль*$^{-1}$ Ф. с. электр-кимёвий ҳисоблашларда кенг қўлланилади.

ФАРАДЕЙ ЭФФЕКТИ — *магнитооптика* эффектларидан бири; магнит майдонидаги моддадан ушбу майдоннинг куч чизиқлари бўйича электромагнит нурланиши (мас., ёруғлик) тарқалганда шу нурланиш қутбланиш текислигининг бурилиши. 1845 йилда М. *Фарадей* очган. Ф. э. магнетизм ва ёруғлик орасида ўзаро боғланиш борлигини ифодалайди. Қутбланиш текислигининг бурилиш бурчаги φ магнит майдони кучланганлиги *H* ва ёруғликнинг магнит майдонида ўтган йўли *l* га пропорционал: $φ = VlH$, бу ерда — *V* — Верде доимийси, у модданинг хоссаларига, ёруғлик частотасига ва муҳит т-расига боғлиқ. φ ишораси *H* ишорасига қараб ўзгаради. Ф. э. электромагнит тўлқинларнинг ҳамма соҳасида кузатилади ва амалий аҳамиятга эга.

ФАРАДЕЙ ҚОНУНЛАРИ — *электролиз*нинг миқдорий қонунлари. М. *Фарадей* очган (1833—34). Электролитдан ўтган электр миқдорининг электродда ажралган модданинг табиати ва миқдорига боғлиқлигини ифодалайди. Фарадейнинг биринчи қонуни электродда ажралган модда массаси *m* электролитдан ўтган электр миқдори *q* га тўғри пропорционал эканлигини, иккинчи қонуни электролитдан бир хил электр миқдори ўтганда электродда ажралган ҳар хил модда массасининг нисбати бу моддаларнинг кимёвий эквивалентлари нисбатига тенглигини билдиради. Иккала қонунни қуйидаги формула б-н ифодалаш мумкин:

$$m = it\,M/F = q\,M/F = qN,$$

бу ерда *m* — электролитдан *t* вақтда *i* ток ўтганда электродда ажралган модда массаси, *q=it* — электр миқдори, *M* ва *N* — модданинг кимёвий ва электрокимёвий эквиваленти, *F* — *Фарадей сони.*

Ад.: Фарадей М., Экспериментальные исследования по электричеству, Пер. с англ., т. 1, М., 1947; Фриш С. Э., Тиморева А. В., Умумий физика курси, 2- т., Т., 1972.

ФАРАДИЗАЦИЯ — ассиметрик ўзгарувчан (яъни фарадик) паст (30—150 *гц*) частоталн токдан даво ёки диагностика мақсадида фойдаланиш. М. *Фарадей* номидан олинган. Ф. ўрнида медицина практикасида импульсли токлар воситасида *электродиагностика* ва *электр билан даволаш* каби эффектив методлар қўлланилмоқда.

ФАРАДОМЕТР *(фарада* ва юнон. metreo — ўлчайман) — электротехника воситалари (конденсатор, кабель ва б.) нинг электр сиғимини ўлчайдиган асбоб. Ф. да электромагнитли (расмга қ.), электродинамик ёки ферродинамик *логометр* ўлчаш механизми ҳисобланади. Ф. шкаласи *мкф* ва *пф* бўйича даражаланган.

ФАРД (араб. فرد — якка, ёлғиз) — классик лирикаининг энг кичик жанри, бир байтдангина иборат мустақил шеър. Ф. тугал бир мазмунни ифодалайди. Унинг ҳар иккала мисраси ўзаро қофиядош бўлиши керак.

Ўзбек адабиётида Ф. нинг кўп намуналарини Навоий яратган. Ундан бизгача етиб келган 86 Ф. нинг ҳаммаси шаклан ва мазмунан мукаммал, афоризмлар даражасидаги асарлардир.

Кишининг айбига кулмагин эзиҳор,
Сенинг айбингга ҳам кулгувчилар бор.

Навоий форс-тожик ва ўзбек тилларида муаммо шаклидаги муфрадат-Ф. лар ҳам яратди:

Бу гулшан ичраки, йўқтур бақо гулига сабот,
Ажаб саодат эрур, чиқса яхшилик била от.

Шу хилдаги Ф. лар Огаҳий лирикасида ҳам учрайди. Бобир ижодида Ф. нинг янги тури — тажнисли Ф. лар пайдо бўлди. Бундай Ф. ларда бир-бирига айнан ўхшаш, жинсдор сўзлар қофия сифатида турли маъноларда қўлланилади. Тажнис санъати ёрдамида гўзал Ф. лар яратиш Бобир, Увайсий, Анбар отин каби шоирлар ижодига хос хусусиятдир.

Дилрабо, ўлтир бошингдан айланай,
Пандим ол, ўлсам сўнгоким айла, най.

(Увайсий)

Қадимги шоирлар Ф. яратишни юксак санъат деб, маънолар хазинасидан гавҳар сочиш деб билганлар.

Ад.: Фильштинский И. М., Арабская классическая лит-ра, М., 1965; Фарҳанги истилоҳати адабиётшуноси, Душанбе, 1966; Серикова Л., Навоий фардларининг структураси, «Ўзбек тили ва адабиёти», 1975, № 1.

ФАРАНГЕЙТ ШКАЛАСИ — *температура шкаласи.* Нормал атмосфера босимида музнинг эриш нуқтаси б-н сувнинг қайнаш нуқтаси орасида т-ра интервали 180 бўлакка — Фарангейт градуси (°F) га бўлинган. Музнинг эриш нуқтаси Ф. ш. да 32°F, сувнинг қайнаш нуқтаси 212°F деб олинган. 1724 йилда немис физиги Д. Г. Фаренгейт (1686—1736) таклиф қилган. Англия ва АҚШда ишлатилади. Т-ра Ф. ш. ($t_ф$) дан цельсий шкаласи (t) га қуйидаги формула бўйича ўтказилади:

$$t = \frac{5}{9}(t_ф - 32°\text{F}).$$

ФАРЕР ОРОЛЛАРИ — Атлантика океанининг шимоли-шарқий қисмидаги архипелаг. Жами

20 вулкан оролидан иборат. Дания таркибида. Майдони 1,4 минг *км*^{2}. Аҳолиси 40 минг киши (1975). Ороллариниг ер юзаси зинапоясимон платодан иборат. Энг баланд жойи 882 *м*. Базальт лавалари ва туфлардан тузилган. Қирғоқлари тик, чуқур фьорллар кўп. Иқлими субарктика денгиз иқлими. Февралда ўртача т-ра 4°, июлда 11°. Йиллик ёғин 1500 *мм*. Ўтлоқлар, торфли ботқоқликлар, верескзорлар бор. Ҳар хил парранда кўп. Балиқ овланади, қайта ишланади ва четга чиқарилади, қўй боқилади. Маъмурий маркази — Торсхавн. Ф. о. да 7—9- асрларда кельт қабилалари яшаган. 9- асрдан оролларга норвеглар кўчиб кела бошлади. Иккинчи жаҳон уруши (1939—45) гача турли давлатлар таркибида бўлиб келган.


ФАРЕРЛАР — халқ, Фарер о. лари аҳолисининг кўпчилик қисмини ташкил этади. Сони 35 минг киши (1975). 5 мингга яқин Ф. Данияннинг бошқа областларида яшайди. Фарер тилида гаплашади. Диндорлари *лютеранлик*ка эътиқод қилади. Ф.— норманларнинг авлоди; улар 9—10- асрларда Ғарбий Норвегиядан келиб жойлашган. Балиқчилик (экспортининг 90% ини ташкил этади), кўпчилик қисман деҳқончилик, қуш, кит ови б-н шуғулланади.

ФАРЗ (араб. فرض — бурч, мажбурият) — шариатда ҳамма мусулмонлар бажариши шарт бўлган қатъий талаблар ва нормаларни англатувчи диний-ҳуқуқий категория. Қуръонда кўрсатилган (ислом нуқтаи назарида Оллоҳ кўрсатмалари деб ҳисобланган) диний эътиқод, маросим, урф-одат талаблари, ахлоқий ва ҳуқуқий нормалар Ф. категориясига киритилган [мас., 7 та ақидани эътироф этиш (қ. *Диний ақидалар*), 5 та рукини (қ. *Ислом*) бажариш ва ҳ. к.]. Ф. ни бажармаганлар исломдан чиққан деб ҳисобланиб, шариат судлари орқали қаттиқ жазоланганлар. Ф. асрлар давомида меҳнаткашларни итоаткорликда сақлашга, ислом идеологиясини мустаҳкамлашга хизмат қилган.

ФАРЗАНДЛИККА ОЛИШ — болаларни тарбияга олишда тузиладиган юридик акт. Унда фарзандликка олувчилар б-н фарзандликка олинувчилар ўртасида ота-оналар б-н болалар ўртасидаги ҳуқуқий (шахсий ва мулкий) муносабатлар ўрнатилади. Ф. о. ота-онасиз ёки қаровсиз қолган болаларни оила шароитида тарбиялаш имкониятини беради.

СССРда Ф. о. ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг никоҳ ва оила тўғрисидаги қонун асослари (1968) ва иттифоқдош республикаларнинг никоҳ ва оила кодекси (1969) б-н тартибга солинади. Фақат вояга етмаган болаларни ва уларнинг манфаатларини кўзлаб Ф. о. га йўл қўйилади. У р-н (шаҳар) Совети ижроия комитетида расмийлаштирилади ва ЗАГС органларида қайд этилади. 10 ёшга етган болаларни Ф. о. да уларнинг розилигини олиш зарур. Ота-онаси ҳаёт бўлган болаларни Ф. о. да ота-оналарининг розилиги талаб қилинади (ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилганлар, муомалага лаёқатсизлиги ёки бедарак кетганлиги қонун тартибида белгиланганлар, шунингдек, болани тарбиялашдан бош тортганлар бундан мустасно). Фарзандликка бола олувчилар вояга етган ҳар икки жинсдан бўлиши мумкин. Ф. о. ни сир сақлаш қонун б-н ҳимоя қилинади.

Фарзандликка олинганлар ва уларнинг авлодлари фарзандликка олган шахсларга ва



Электромагнитли фарадометр схемаси: *V* — манба кучланиши; F_1, F_2 — ферромагнит ўзаклар; C_n — намуна сиғим; C_x — ўлчанаётган сиғим.

уларнинг қариндошларига нисбатан, фарзандликка бола олган шахслар ва уларнинг қариндошлари эса фарзандликка олинганлар ва уларнинг авлодларига нисбатан шахсий ва мулкий ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлар жиҳатидан қариндошларга тенглаштирилади. Фарзандликка олинганлар ўз ота-оналарига ва уларнинг қариндошларига нисбатан шахсий ва мулкий ҳуқуқларини йўқотадилар ва турли мажбуриятлардан озод қилинадилар. Қонунда белгиланган тартиб бузилган ҳолда (мас., сохта Ф. о. да) Ф. о. суд йўли б-н бекор қилиниши мумкин.

ФАРИДИДДИН АТТОР (тахаллуси; аслида Муҳаммад ибн Абубакр бинни Иброҳим, тахм. 1148/51, Нишопур яқинидаги Хадкана қишлоғи—1219/21)— форс-тожик мутафаккири, шоир. *Суфизм* шеърияти намояндаларидан бири (қ. *Диний-мистик адабиёт*). Шеърларида дарвешлик ва тасаввуфни тарғиб қилган, суфизмнинг машҳур намояндаларидан Ҳусайн ибн Мансур ал-Халлож (858—922), Боязид Бистомий (875 йили вафот этган) таълимотидаги илғор ғояларни давом эттирган. Асарларида суфизм моҳияти, табиат ва инсон хусусида баҳс юритади. Ф. А. нинг инсон организмидаги 4 унсур (тупроқ, сув, олов, ҳаво) нинг ўзаро боғлиқлиги ҳақидаги таълимоти ислом ақидаларидан фарқ қилади. У инсон продасини ҳар қандай ташқи кучлар тазйиқидан холи ҳисоблаб, яхшилик ва ёмонлик замири инсоннинг ўз табиатида мавжуд, дейди. Инсондаги такаббурлик, худбинликни қатъий қоралаб, вафодорлик, олижаноблик, сахийлик, дўстлик каби фазилатларни улуғлайди. Ф. А. таълимоти зиддиятли ва чекланган: у ўз давридаги ижтимоий иллатларни аёвсиз фош қилиб, инсонни илоҳийлаштириш даражасида мадҳ этади-ю, лекин худони барча моддий мавжудотдан, инсондан юқори қўяди. Ф. А. нинг муҳим асарларидан бири «Мантиқ ут-тайр» (1175) тасаввуф адабиётининг йирик намуналаридан саналади. Достон катта шуҳрат қозонган ҳамда *Жалолиддин Румий* (1207—1273), Маҳмуд Шабустарий (1320 йили вафот этган) каби кўплаб шоирларга илҳом берган. *Алишер Навоий*нинг «Лисон ут-тайр» асари ҳам «Мантиқ ут-тайр»га жавоб тарзида ёзилган.

Ф. А. асарларида халқ ҳикматларидан унумли фойдаланган. Баъзи манбаларда Ф. А. 190, баъзиларида 114, яна бошқаларида 40 асар ёзган деб кўрсатилади. Ф. А. нинг ўзи таъкидлашича, «Мухторнома», «Хусравнома», «Асрорнома», «Мусибатнома», «Илоҳийнома», «Меърожнома», «Тазкират ул-авлиё», шунингдек қасида ва ғазаллардан иборат девон ҳамда бизгача етиб келмаган «Жавоҳирнома», «Шарҳул-қалб» ва б. асарлар унинг қаламига мансуб.

Ад.: Бертельс Е. Э., Навои и Аттар. «Мир-Али-Шир» китобида, Л., 1968; Бертельс Е. Э., Суфизм и суфийская литература, М., 1965.

ФАРИНГИТ (юнон. pharyngos — ҳалқум) — ҳалқум шиллиқ пардасининг яллиғланиши. Ф. кечишига қараб ўткир ва хроник бўлади. Ўткир Ф. да кўпинча ҳалқум б-н бирга юқори нафас йўлининг шиллиқ қавати ҳам яллиғланиб, бунга *аденовируслар*, турли микроблар (стрептококк, стафилококк, пневмококклар) ва бактериялар сабабчи бўлади. Белгиси: ҳалқум қуриб, ютинганда, айниқса «қуруқ ютинганда» оғриқ пайдо бўлади, гавда т-раси нормал туради, баъзан 37,5° гача кўтарилади. Хроник Ф. да ҳалқумнинг алоҳида қисмлари яллиғланиб, бунга бурун, муртак ёки чириган тишлардаги ҳар хил микроблар, чекиш, спиртли ичимликлар ичиш, жуда чанг ҳаводан, газлар бугидан нафас олиш ва б. сабаб бўлади. Хроник Ф. нинг катарал (оддий), гипертрофик (бўртган ёки қалинлашган) ҳамда атрофик (юпқалашган) хиллари бор.

Олдини олиш: шамоллатувчи факторлар таъсиридан сақлаш.

Даволаш: касалликни қўзғатувчи омиллар йўқотилади. Оғизни ишқорий эритмалар б-н чайиш (ингаляция), ҳалқумнинг орқа деворига люголнинг глицериндаги эритмасини суртиш, иссиқ ичимлик, парҳез буюрилади.

Ҳайвонларда ҳам касаллик ўткир ва хроник кечиб, терлаб турган ҳайвонни тез совитиш, қиров ҳамда қор босган яйловларда боқиш, иссиқ ёки чириган озуқа бериш, ҳайвоннинг иссиқ газ, буғ, заҳарли моддалар (хлор, фосген, хлорпикрин) б-н нафас олиши; ҳалқумининг механик зарарланиши ва б. сабаб бўлади.

Касаллик ривожланганда ҳайвон оғриқдан озуқани ютишга қийналади, бўйнини чўзади. Оғир формаларида оғиздаги сув ва озуқа зарралари бурнидан қайтиб тушади. Ташқи томондан ҳалқум атрофи бир оз шишади, оғрийди; ҳайвон баъзан иситмалайди. Катарал Ф. да ҳайвон 7—14 суткада соғаяди. Зардоб йиғиб яллиғланиш кўпроқ чўчқа болаларида учраб, оғир ўтади, улар кўпинча касалликнинг 3—5 суткасида ўлади.

Олдини олиш: молларни боқиш ва асраш қоидаларига риоя қилиш.

Даволаш: ҳайвонларни иссиқ тутиш, ичиришга сульфаниламид препаратлар ва антибиотиклар буюрилади.

ФАРИНГОСКОПИЯ (юнон. pharyngos — ҳалқум ва *...скопия*) — фарингоскоп ёрдамида ҳалқумни кўриб, текшириш методи. Одатда шпатель, ҳалқум ойнаси, манглай рефлектори ва б. медицина асбоблари ёрдамида сунъий ёритиш йўли б-н амалга оширилади. Ҳалқумнинг қайси қисмини текширишга қараб, эпифарингоскопия (юқори), мезофарингоскопия (ўрта) ва гипофарингоскопия (пастки) ажратилади.

ФАРИШТА (форс-тож. فرشته) — иудаизм, христианлик, ислом диний ривоятларига кўра, худонинг амрини бажарувчи ғайри табиий мавжудотлар. Ф. лар сон-саноқсиз бўлиб, ҳар бири маълум вазифани бажарар эмиш. Мас., исломда ҳар бир одамнинг савоб ва гуноҳ ишларини ҳисобга олиб юрувчи Ф. лар, жаннат ва дўзахда дарвозабонлик қилувчи, одамларни қабрда сўроқ қилувчи, Оллоҳ тахтини осмонда кўтариб юрувчи ва б. хизматларни бажарувчи Ф. лар ҳақидаги тасаввурлар мавжуд бўлиб, бу тасаввурлар Қуръон ривоятларига асосланган. Исломда Ф. лардан 4 таси: *Азроил, Жаброил, Исрофил, Микоил* бош Ф. ҳисобланади. Ф. ларга ишониш табиат ҳодисаларини инсонлар томонидан илоҳийлаштириш, ёвуз ва раҳмдил руҳларга эътиқод қилишдан келиб чиққан.

ФАРМАКОГНОЗИЯ (юнон. pharmakon — дори ва gnosis — ўрганиш) — *фармация*нинг бир бўлими. Усимликлар, ҳайвонлардан олинадиган доривор маҳсулотлар, уларни бирламчи қайта ишлашдан ҳосил бўладиган баъзи моддаларни (эфир мойлар, смолалар, сут ширалар, дарахт елимлари ва б. ни) ўрганади.

Асосий вазифаси доривор хом ашёларни тадқиқ этиш, улардаги таъсиркор моддаларни аниқлаш усулларини ишлаб чиқиш, шунингдек бу моддаларнинг ўсимлик, ҳайвонлар орган ва тўқималарида жойлашган ўринини ўрганишдан иборат. Бундан ташқари, ёввойи доривор ўсимликларнинг ўсиш жойи ва запасини аниқлаш, уларни йиғиш, қуритиш, сортларга ажратиш, қайтадан ишлаш, сақлаш ва ҳ. к. б-н ҳам шуғулланади. Ф.— фармациянинг қадимий соҳаларидан бўлиб, юнон олими Диоскорид унга асос солди. *Гален* ва Парацельс эса Ф. ни янги йўналишга солиб юбордилар. Ўрта асрларда, айниқса, *Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино* ва Шарқнинг бошқа олимлари Ф. ривожига улкан ҳисса қўшдилар (қ. *Медицина*), 18- асрда Россияда Ф. соҳасида доривор ўсимликларнинг қўлланиши ҳақида справочник ва қўлланмалар пайдо бўлди. 1778 йилда биринчи рус *фармакопея*си босилиб чиқди.

Россияда акушерлик, ботаника ва фитотерапия (доривор ўсимликларни даволаш мақсадида қўллаш)нинг асосчиларидан бири Н. М. Амбодик-Максимович (1744—1812) нинг кўп томлик «Врачебное веществословие...» («Доривор моддалар ҳақида...») номли қўлланмаси чоп этилди. А. П. Нелюбин, Ю. К. Трапп, В. А. Тихомиров ва б. Россияда Ф. тараққиётига ўз ҳиссасини қўшди. Ф. ботаника, физика, кимё, фармакология, фармацевтика фанлари ва б. б-н чамбарчас боғлиқ. СССРда 1926 йилдан бошлаб доривор ўсимликлар хом ашёсини нормалаш тадбирлари ўтказилади. Ф. масалалари Бутуниттифоқ доривор ўсимликлар илмий тадқиқот ин-ти (Москва), Харьков кимё-фармацевтика илмий тадқиқот ин-ти, Тбилисидаги фармацевтика-кимё ин-ти ва б. фармацевтика илмий тадқиқот ин-тлари ва ф-тлари кафедраларида ҳал этилади. Ф. фармацевтика таълими системасига киритилиб, олий ва махсус ўрта фармацевтика билим юртларида ўқитилади.

Ад.: Гаммерман А. Ф., Курс фармакогнозии, Л., 1967; Холмагов Х., Ҳабибов З., Фармакогнозия, Т., 1967.

ФАРМАКОЛОГИЯ (юнон. pharmakon — дори ва ... *логия*) — дори моддалар ва уларнинг организмга таъсирини ўрганувчи медицина-биология соҳаси. Ф. бир неча йўналишни ўз ичига олади: фармако-динамика — дори-дармонларнинг организмга таъсирини, фармакон-кинетика — дори-дармонларнинг организмга сўрилиши ва унда тарқалиши, биотрансформациясини, молекуляр Ф.— дориларнинг биохимик таъсири механизмларини ўрганади. Дори препаратларни клиник практикада ўрганиш клиник Ф. нинг вазифасидир.

Умумий ва хусусий Ф. бўлади. Умумий Ф. дориларнинг таъсир этиш механизми (яъни бирламчи фармакологик реакцияси, ферментларга таъсири ва ҳ. к.) б-н шуғулланади. Шунингдек, организмда тарқалишига кўра дори моддалар таъсирининг умумий қонуниятларни ва биотрансформацияси (оксидланиш, гидролиз ва б.) ни, дориларни организмга юбориш йўлларини (ичириш, тери остига, венага юбориш ёки ингаляция ҳолида бериш), организмдан (буйраклар ёки ичак орқали) ажралишини ўрганади. Умумий Ф. дори-дармонларнинг таъсир этиш принциплари (маҳаллий, рефлектор ва б.), организмга таъсирини белгилайдиган шартлари (кимёвий тузилиши, физик-кимёвий хусусиятлари, миқдори ва концентрацияси, таъсир этиш вақти, организмнинг функционал ҳолати, генетик хусусиятлари), комбинациялашган препаратлар б-н даволаш принциплари, доривор моддаларни стандартлаш, классификациялаш ва қидириш каби жуда кўп проблемали масалаларни қамрайди.

Хусусий Ф. нинг вазифаси — асосий таъсир кучига кўра системалашган дори моддалар, яъни оғриқсизлантирувчи, ухлатувчи, нейролептик дори-дармонлар, юрак-томир дорилари ва ҳ. к. ни ўрганиш. Хусусий Ф. фармацевтик кимё, *фармакогнозия* ва *фармация, токсикология, биология,* биохимия каби фанлар б-н бевосита боғлиқ, экспериментал методи жиҳатидан *физиология*га яқин.

Ф. қадимий фанлардан бўлиб, юнон олими *Гиппократ* асарларида 300 га яқин дори ҳақида маълумот берилган. Диоскориднинг «Доривор моддалар ҳақида» асари 19- асргача Ф. соҳасида асосий қўлланма бўлиб келди.

Ўрта Осиёда *Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино*нинг дорилар ҳақидаги асарлари (қ. *Медицина*) Ф. тараққиётига муҳим ҳисса бўлиб қўшилди. Замонавий экспериментал Ф. га (19- аср) эстон олими Р. Бухгейм асос солди. Россияда 16—18- асрларда доривор ўсимликлар ҳақида маълумотлар пайдо бўла бошлади. 1778 йилда биринчи марта рус *фармакопея*си босилиб чиқди.

СССРда Ф. соҳасидаги илмий тадқиқот ишлари СССР Медицина ФА Фармакология ин-ти, С. Оржоникидзе номли (Москва) Бутуниттифоқ кимё-фармацевтика илмий тадқиқот ин-ти ва фармацевтика ин-тларида олиб борилади.

Узбекистонда Ф. Улуғ Октябрь социалистик рев-ясидан сўнг ривожлана бошлади. 1920 йили Туркистон Давлат ун-ти (ҳозирги ТошДУ) медицина ф-ти қошида Ф. кафедраси ташкил этилди. Кейинчалик Самарқанд Медицина ин-ти (1932), Андижон Медицина ин-ти (1957) ва Ўрта Осиё Медицина педиатрия ин-ти (1971) да Ф. кафедралари очилди. Республикада 4 Ф. кафедраси ва 3 илмий тадқиқот лабораторияси мавжуд, буларда 10 дан зиёд фан доктори, 50 дан ортиқ фан кандидати ишламоқда (1978). Республика фармакологлари И. К. Комилов, М. С. Султонов ва б. доривор ўсимликлардан 10 дан кўп шифобахш моддалар ажратиб олдилар (мас., метилапогалантамин, Туркистон адонизи, андрозамин, винканин ва б.) ҳамда бир қатор янги препаратларни синтез йўли б-н тайёрладилар (мас., кобальт ва темир препаратлари. Со-25, Со-35 ва б.)

Ветеринария Ф. си. Доривор моддалар ҳар хил ҳайвонга турлича таъсир кўрсатади. Ҳайвонларнинг муайян турларигагина хос касалликлар борки, уларга қарши курашиш учун махсус препаратлар ишлатилади. Инфекцион, паразитар, юқумсиз касалликларнинг олдини олишдаги бирдан-бир метод — фармакопрофилактика тез ривожланмоқда. Ветеринария Ф. си ҳайвонларнинг ўсишини тезлатишда, маҳсулдорлигини оширишда, уларни боқишда турли витаминлар, ферментлар, антибиотиклар ва б. дан фойдаланиш масалаларини ҳам ўрганади. Ветеринария фармакологияси фани ветеринария ва қ. х. ин-тларининг Ф. кафедраларида ўқитилади.

Ад.: Закусов В. В., Фармакология, Т., 1966; Машковский М. Д., Лекарственные средства, 7 изд., ч. 1—2, М., 1972; Червяков Д. К., Евдокимов П. Д., Вишкер А. С., Лекарственные средства в ветеринарии, М., 1970; Мозгов И. Е., Фармакология, М., 1974.



Фармонов Ш. Қ.



Фармонов Қосим.

ФАРМАКОПЕЯ (юнон. pharmakon — дори ва poieo — тайёрлайман) — дорилар сифатини белгиловчи стандартлар ва қонун-қоидалар мажмуи. Ф. да дори моддаларини кимёвий, физик ва биологик анализ қилиш усуллари, заҳарли ва кучли таъсир этадиган дорилар рўйхати, болалар ва катталар учун дориларнинг бир ичишлик ва суткалик дозалари жадвали ёритилади. Хитойда 502 йилда чиқарилган «Минибе-лу» китоби, Европада 1130 йилда чоп этилган «Антидоторий» тўпламлари биринчи расмий Ф. ҳужжатларидир. Биринчи Ф. 1498 йилда Флоренцияда «Ricettario Fiopentino» номи б-н босилиб чиқди. Россияда Ф. 1778 йилда нашр этилди. Ҳозир СССРда Ф. нинг 1968 йилда босилган 10-нашридан фойдаланилмоқда. СССРда Ф. ни қайтадан тузиш, янгидан нашр этиш б-н Ф. комитети шуғулланади. Ҳозирги вақтда деярли ҳамма давлатларнинг Ф. си бор.

ФАРМАКОТЕРАПИЯ (юнон. pharmakon — дори ва *терапия*), дори терапияси — дори-дармон б-н даволаш. Этиотроп Ф. да дори-дармонлар касаллик қўзғатувчиларга таъсир этади (мас., инфекцион касалликларни антибиотиклар б-н, заҳарланишни эса антидонтлар б-н даволашда). Этиотроп Ф. га яқин бўлган ўрин босувчи Ф. да организмга юборилган дорилар физиологик актив моддалар ўрнини босади (мас., ички секреция безлари етишмовчилигида гормонал препаратлар қўлланади). Патогенетик Ф. да дори-дармон касалликнинг *патогенези*га таъсир этади (мас., адреналин бронхиал астмага, нитроглицерин стенокардияга, глюкозидлар юрак етишмовчилигида қўлланилади). Агар препаратлар касалликнинг фақат айрим белгилари (симптоми) га таъсир этса (мас., огриқ ёки йўтал қолдирувчи дорилар), бундай Ф. симптоматик терапия дейилади. Ф. да турли хил дори-дармонлардан фойдаланилади.

Инфекцион касалликлар ва ўсмалар химиотерапияси — Ф. нинг асосий йўналишидир. Химотерапевтик моддалар касаллик қўзғатувчилар тури — микроблар, вирусларга қараб специфик таъсир этади. Бундай таъсир этиш инфекцион агент ёки ўсма ҳужайрасининг физиологик, биокимёвий ва б. хоссалари б-н боғлиқ. Препаратлар таъсири уларнинг организмга қандай усулда юборилишига, тўқималарда сўрилишига ва б. га боғлиқ. Айрим ҳолларда организмда дори-дармонларга чидамли микроорганизмлар ёки ўсма ҳужайралари пайдо бўлиши ва кўпайиши мумкин. Шунинг учун кўпинча антимикроб ва ўсмаларга таъсир этадиган бир қанча дориларни организмга қўшиб юборилади (мас., пенициллин б-н стрептомицин бирга қўлланилади).

ФАРМАЦЕВТ (юнон. pharmakentes — дори тайёрловчи) — олий (*провизор*) ёки ўрта фармацевтик маълумотга эга бўлган мутахассис. Ф. дорихона, контроль-аналитик ва суд кимёси лабораторияларида, галенофармацевтика муассасаларида, фармацевтика з-дларида хизмат қилади.

ФАРМАЦЕВТИКА — қ. *Фармация.*

ФАРМАЦИЯ (юнон. pharmakeia — дори; дори ишлатиш) — дори моддаларни излаш, топиш, ўрганиш, синтез қилиш, йиғиш, тайёрлаш, қайтадан ишлаш, сақлаш ва даволаш муассасаларига етказиб бериш масалаларини ўрганадиган илмий-амалий фанлар мажмуи. Ф. *фармакология* б-н бирга доривор моддалар ҳақидаги фанни ташкил этади. Ф. га фармацевтик кимё, дори формалари ва фармацевтик препаратлар технологияси, суд кимёси, *фармакогнозия,* Ф. ни ташкил этиш ва унинг экономикаси киради. Ф. нинг дорилар таъсирини, уларни қўллаш формалари ва тайёрлаш технологияси хусусиятларига боғлиқлигини биофармация ўрганади. Ф. соҳасида ишлайдиган мутахассислар *фармацевт*лар дейилади. Фармацевтика муассасаларига илмий текшириш ин-тлари, дори тайёрлайдиган лаборатория ва корхоналар, доривор ўсимликларни йиғиш ва қайта ишлаш б-н шуғулланувчи ташкилотлар (аптека, склад, аналитик лаборатория) ва б. киради.

ФАРМОЙИШ — СССРда давлатни бошқариш ҳужжатлари турларидан бири. Ф. СССР Министрлар Совети, иттифоқдош ва автоном республикалар Министрлар Советлари, халқ депутатлари маҳаллий Советлари ижроия комитетлари томонидан ўз компетенциялари доирасида қонунда белгиланган тартибда чиқарилади.

Ф. ўз мазмунига кўра аксарият ҳолларда конкрет масалани ҳал этишга қаратилади ва фақат айрим ҳоллардагина норматив характерга эга бўлади. Ф. барча ҳолда ҳам Совет давлатининг қонунларига ва давлат органларининг коллегиал тарзда чиқарган қарорларига асосланган ва уларга мувофиқ бўлиши керак.

ФАРМОН — давлат бошлиғи томонидан чиқариладиган ҳужжат. Норматив (қонуннинг янги нормаларини белгилайдиган) ва норматив бўлмаслиги (қонун нормаларини конкрет ҳолларда қўллайдиган) ҳам мумкин.

СССРда Ф. ни СССР, иттифоқдош ва автоном республикалар Олий Советлари Президиумлари чиқаради. СССРда Ф. давлат органларининг барча ҳуқуқий фаолиятларида СССР қонунлари б-н бир қаторда юридик манба ролини ўтайди. Одатда, Олий Совет сессиялари ўртасида амалдаги қонунга ўзгартиш ёки қўшимча киритиш лозим бўлганда берилади. Бундай Ф. лар Олий Советнинг навбатдаги сессияларида тасдиқланиб олиниши шарт, сессияда тасдиқлангандан кейингина *қонун* кучига эга бўлади. Министр ва уларга тенглаштирилган шахсларни ишга тайинлаш ёки ишдан бўшатиш тўғрисидаги Ф. лар ҳам Олий Совет сессияларида тасдиқланади. Ф. Олий Совет Президиуми раиси ва секретарининг имзоси б-н Олий Совет Ведомостлари ва б. да нашр этилади.

ФАРМОНОВ Шокир Қосимович (1941. 20. 2, Фарғона обл. Фрунзе р-ни Данғара қишлоғи) — математик, физика-математика фанлари д-ри (1973), проф. (1977). ТошДУнинг механика-математика ф-тини тугатган (1963). Совет Армияси сафида (1964—65), ЎзССР ФА Математика ин-тида кичик, сўнгра катта илмий ходим (1965—1976). 1976 йилдан шу ин-т эҳтимоллар назарияси бўлими мудири. «Марков занжири бўйича боғланган тасодифий миқдорлар ва векторлар учун лимит теоремалар» мавзуида д-рлик диссертацияси ёқлаган. Илмий ишлари эҳтимоллар назарияси ва математик статистикага оид. «Эҳтимоллар назарияси лимит теоремалари» бўйича бажарилган цикл иши учун Беруний номидаги ЎзССР Давлат мукофотига сазовор бўлган (1973).

Ас.: Предельные теории для случайных величин и векторов, связанных в цепь Маркова (С. Х. Сирожиддинов б-н биргаликда), Т., 1979.

ФАРМОНОВ Қосим (1930. 10. 3, Бекобод ш.) — машинист, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони (1966). 1958 йилдан КПСС аъзоси. 1946 йилдан Бекобод цемент к-тида ишчи, машинист ёрдамчиси (1949), машинист (1950). 1950—53 йиллар Совет Армияси сафида. 1953 йилдан куйдириш печи машинисти, 1972 йилдан эса айланма печнинг катта машинисти. Етти йиллик планни ортиғи б-н бажарган. 2 марта Ленин ордени ва медаллар б-н мукофотланган.

ФАРРОҲРУД — Афғонистоннинг жануби-ғарбий қисмидаги дарё. Узунлиги 580 *км.* Ҳавзасининг майдони 33 минг *км*². Банди-Баён тизмасининг жанубий тизмаларидан бошланади. Юқори ва ўрта оқими Ўрта Афғонистон тоғларидан, қуйи оқими Сейистон текислигидан ўтади. Ҳомун оқмас кўлларига қуйилади. Баҳорда серсув; кузги ёмғиргарчилик мавсумида тошади, ёзда эса қуйи қисми қуриб қолади. Ф. дан воҳаларни суғоришда фойдаланилади. Ф. водийсида Фарроҳ ш. бор.

ФАРСАХ, фарсанг (араб. فرسخ) — Шарқда, жумладан Ўрта Осиёда қадимдан ишлатилиб келган масофа ўлчов бирлиги. Ф. 9—12 минг қадамга ёки 6—8 *км* (чақирим)га тенг бўлган.

ФАРҒОНА (1907 йилгача — Янги Марғилон, 1907—1924 йилларда Скобелев) — шаҳар, Фарғона областининг маъмурий, иқтисодий ва маданий маркази, республиканинг йирик индустриал шаҳарларидан бири. Ф. Фарғона водийсининг жанубий қисмида, Олай тоғларининг этагида, денгиз сатҳидан 580 *м* баландда, Марғилонсойнинг ҳар икки соҳилида жойлашган. Т. й. станцияси. Аэропорт. Аҳолиси 135 минг киши (1977). Иқлими континентал. Январнинг ўртача т-раси —2,7°, минимал т-ра —27°, июль ойиники 26,4°, максимал т-ра 42°. Йиллик ёғин миқдори 174 *мм.* Ғарбдан баъзан қаттиқ шамол ва гармсел келади. Олай тоғи (Шоҳимардонсой) томонидан тоғ-водий шамоли эсади. Ёғинининг кўп қисми қиш ва баҳор фаслларида ёғади.

Ф. сўзининг келиб чиқиши ҳақида турли фикрлар мавжуд. Олимлар «Ф.» сўзининг бундан 13 аср илгари суғд ёзувларида «Парғана», «Праґана» шаклларида ёзилганлигини ҳамда ҳинд-санскрит тилида кичик вилоят, форс тилида тоғ оралиғидаги водий, атрофи берк сойлик деган маъноларга эга бўлганлигини таъкидлайдилар.


1876 йили чор ҳукумати Қўқон хонлигини истило қилиб, унинг терр-ясида Ф. областини тузгач, маъмурий марказ қуриш учун Марғилондан 10 *км* жанубда жойлашган Ермозор ва собиқ Сим қишлоқлари ўрни танланди. Шаҳар қурилиши ҳарбий инженер И. У. Жилин лойиҳаси бўйича 1877 йил июнь ойида бошланди. Қурилиш харажатлари асосан меҳнаткашлар зиммасига юкланди (солиқ солинди).

Ф. да меҳнаткашларнинг дастлабки революцион чиқишлари 1905—07 йиллар рев-яси даврида бошланди. 1905 йили биринчи социал-демократик ташкилот тузилди. Россиядаги «қонли якшанба» Ф. меҳнаткашларини қаттиқ газаблантирди. Улар «Битсин самодержавие!» шиори остида митинг ва намойишлар ўтказдилар. Ф. меҳнаткашлари сиёсий онгининг ўсишида Петербургдан келган студентлар ҳамда илғор рус зиёлиларининг роли жуда катта бўлди. 1905 йил 21 октябрида социал-демократлар маҳаллий меҳнаткашлар иштирокида революцион митинг уюштирдилар. 1906 йил июнида Ф. да ишчилар стачка комитети тузилди. Маҳаллий меҳнаткашлар революцион ҳаракатда тобора активроқ қатнаша бошладилар. Бу, айниқса, мардикорликка олиш даврида яққол намоён бўлди. 1916 йили «Ишчи мусулмонлар Совети» ва «Меҳнаткаш мусулмонлар иттифоқи» тузилди. 1917 йил 23 июнида ишчи жамиятлари вужудга келди. Меҳнаткаш аҳоли орасида Ленин ғояларини тарғиб қилишда большевиклардан Г. Е. Гордеев, С. П. Вершинин, Г. И. Захаров, П. Е. Сазонов, С. Е. Конев, Г. И. Жуков, И. Шишкин ва б. фаол қатнашдилар. 1917 йил 7 декабрда Ф. да Советлар ғалаба қозонди. Шаҳар большевиклар группаси .шаҳар Совети составига кириб, 6—7 декабрда ўтказилган мажлисда ҳокимиятни Ишчи ва солдат депутатлари Совети қўлига бериш тўғрисида қарор қабул қилди. Ф. да Советлар ҳокимиятини қуриш ва уни мустаҳкамлаш учун олиб борилган курашларда маҳаллий меҳнаткашлардан И. Охунбобоев, Т. Урозбоев, С. Орифбоев, Т. Оқбўтаев, Н. Хўжаев ва б. фидойилик кўрсатдилар. Фарғоналиклар Улуғ Ватан уруши йилларида барча совет халқи б-н бир сафда туриб немис-фашист босқинчиларга қарши курашди. Шаҳарга кўчириб келтирилган саноат тармоқлари қисқа муддат ичида ишга туширилиб, Ватан мудофааси учун маҳсулот бера бошлади.

Рев-ядан олдин шаҳар жуда секин ўсди: 1913 йилда унинг аҳолиси 13,2 минг киши эди. Асосий саноат корхоналари пахта тозалайдиган тўртта кичик з-д, пилла қуритиш з-ди, тегирмон, тўртта вино-спирт ва пиво тайёрлаш корхонаси, кустарь типидаги учта пилла қурти уруғи тайёрлайдиган корхонадан иборат эди. Шаҳардаги ишчиларнинг умумий сони 700 киши чамасида эди. Совет ҳокимияти йилларида Ф. шаҳри ҳар томонлама тез ривожланди ва республиканинг йирик саноат марказларидан бирига айланди. Саноат аҳамияти жиҳатидан республикада учинчи ўринда (Тошкент ва Самарқанддан кейин) туради. Баъзи эски саноат корхоналари реконструкция қилинди, янги йирик саноат корхоналари барпо этилди. 1930 йилда Фарғона иссиқлик электр станцияси — ТЭЦ қурилди, республика ип газлама саноатининг тўнғичи — Фарғона йигирув-тўқув ф-каси ишга туширилди. Кейинчалик бу ф-ка Дзержинский номидаги йирик тўқимачилик к-тига айлантирилди. Бу к-т таркибида йигирув, тўқув ф-калари, кирза ф-каси, пойабзал



Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлган фарғоналикларга ўрнатилган монумент.




Фарғона шаҳридаги китоб магазини.



Марғилон «Атлас» фирмасининг намуналар хонасида.

учун махсус газлама, тасма ва б. ишлаб чиқарадиган ф-калар бор. Урушдан аввалги беш йилликлар даврида йирик пиллакашлик ф-каси қурилди. Урушдан кейинги йилларда гидролиз з-ди ишга туширилди. Бу з-дда пахта шелухаси, ғўзапоя, чаноқ, шолипоя, ёғоч чиқиндилари ва б. дан этил спирти, фурфурол, озуқа ачитқиси, озиқ-овқат глюкозаси, кўп атомли спиртлар, органик кислоталар ва б. ишлаб чиқарилади. 1958 йилда нефтни қайта ишлаш з-ди ишга туширилди (бензин, керосин ва дизель ёқилғиси ишлаб чиқаради). Саккизинчи беш йилликда Ф. шаҳрида темир-бетон буюмлари з-ди, шифер-гишт з-ди, 2 ТЭЦ қурилди. Маҳаллий хом ашёдан кимёвий тола (ацетат ипаги) ишлаб чиқарадиган з-д (1969), азот ўғитлари з-ди, мой к-ти, совун з-ди, газ аппаратлари з-ди, консерва з-ди, сут к-ти, трикотаж, пиллакашлик, пойабзал ф-калари, уйсозлик к-ти (1961) ва б. корхоналар ишлаб турибди. Урушдан кейинги йилларда Хўжобод-Фарғона, Шимолий Сўх-Фарғона-Қувасой газ қувурлари қурилди. 1963 йил охирида Ховос-Ленинобод-Фарғона газ қувурлари қуриб битказилди. Бу Ф. ни Бухоро яқинидан бошланган ягона газ қувурлари системаси б-н боғлади.

Ф. республиканинг йирик илм ва маданият марказларидан биридир. Ф. Узбекистоннинг чиройли боғ шаҳарларидан бўлиб, кўчалари кенг, тўғри, уларнинг икки томонида замонавий кўп (асосан 3—5) қаватли бинолар қурилган. Янги турар жойлар йирик кварталлар — микрорайонлар тарзида бунёд этилган. Ҳар бир микрорайонда мактаб, болалар боғча-яслилари, маиший хизмат кўрсатиш пунктлари, хиёбон, проспект, спорт иншоотлари мавжуд. Нефтчилар посёлкаси, тўқимачилар шаҳарчасининг ёнида дарахтзор, боғчалари бўлган коттежлар турар жойларнинг асосий қисмини ташкил қилади. Шаҳар терр-яси жануб, жануби-шарқ ва шимолга томон кенгайиб бормоқда. 60—70-йилларда шаҳарнинг қиёфаси янги жамоат бинолари, йирик савдо тармоқлари (шу жумладан марказий универмаг), маъмурий бинолар ҳисобига янада кўркамлашди. Ф. дан 52 *км* жанубда Ҳамзаобод (собиқ Шоҳимардон) курорти, Ф. дан 32 *км* нарида Олтиариқ водийсининг ўртасидаги хушманзара жойда Ўрта Осиёнинг 2 йирик шифохонаси жойлашган. 1899 йилда ташкил этилган шаҳар кутубхонаси (200 минг китоб, 1975 йил), ўша йили очилган область ўлкашунослик музейи (38 минг экспонат), 1930 йилда ишга туширилган Педагогика ин-ти (8 минг студент), Политехника ин-ти, ўқитувчилар малакасини ошириш ин-ти, Ўрта Осиё ипакчилик илмий тадқиқот ин-ти, савдо-кооператив техникуми, музика билим юрти ва б. енгил саноат кечки техникуми, кечки нефть техникуми, индустриал, политехникум, кўпгина махсус ўрта таълим ўқув юртлари, Горький номли область музикали драма театри, 2 спорт стадиони, болалар спорт комплекси, абадий шон-шараф мемориал ёдгорлиги, Горький номли маданият ва истироҳат боғи, 10 кинотеатр, комсомол кўли ва б. бор. 1913 йилда шаҳарда 1 врач бўлган. Ҳозир 300 дан ортиқ врач ва 1000 дан ортиқ ўрта медицина ходими ишламоқда (1978). Ф. р-н марказлари, шаҳар ва посёлкалар б-н автобус маршрутлари орқали боғланган. Ҳаво транспорти орқали республика ва иттифоқ шаҳарлари б-н алоқа қилинади.



Фарғона азотли ўғитлар заводи.

ФАРҒОНА — Сирдарё обл. Оқолтин р-ни Фарғона қ. С. даги қишлоқ. «Фарғона» с-зи терр-ясида. Р-н марказидан 7 *км*, яқин т. й. станцияси — Ержар (14 *км*). Аҳолиси 5000 киши (1978); пахтачилик, пиллачилик, полизчилик, боғдорчилик б-н шуғулланади. Саркисов номли Жанубий Мирзачўл каналидан сув ичади. Машина-трактор парки, ўрта мактаб, кутубхона, клуб, болалар боғчаси, медпункт, қ. С. идораси, дорихона, алоқа бўлими бор.

«ФАРҒОНА» — Фарғонада 1922 йилдан 1926 йил 22 октябргача чиққан газета (қ. *«Коммуна»*).

ФАРҒОНА АЗОТЛИ ЎҒИТЛАР ЗАВОДИ, ВЛКСМ 50 йиллиги номидаги Фарғона азотли ўғитлар заводи — кимё саноатининг йирик корхоналаридан бири. З-д синтетик аммиак, аммиак селитраси, магний хлорат дефолианти, қуруқ муз, карбонат ангидрид, техник кислород, аммиак суви ва б. ишлаб чиқаради. 1962 йил августида ишга туширилган. 1964 йилда з-д ўзининг биринчи аммиак маҳсулотини ишлаб чиқарди. 1965 йилдан бошлаб з-д аммиак суви ва техник кислород, магний хлорат дефолианти тайёрлай бошлади. 1967 йилда аммиак ишлаб чиқариш анча кўпайди, кучсиз азот кислотаси ишлаб чиқарила бошлади. 1968 йилда з-днинг иккинчи навбати ишга туширилди. 1970 йилдан з-дда қуруқ муз ва суюқ углекислота ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. З-д ташкил этилганидан 1978 йилгача қарийб 9 млн. *т* азотли ўғит ишлаб чиқарди. Унинг маҳсулотлари Ўрта Осиё республикалари ва ҚозССР, Оренбург, Челябинск, Ульяновск обл. ларига юборилмоқда. 1969 йилдан з-д «ВЛКСМ 50 йиллиги номидаги Фарғона азотли ўғитлар заводи» номи б-н юритилади.

ФАРҒОНА ВОДИЙСИ, Фарғона сойлиги, Фарғона — Ўрта Осиёдаги тоғлар орасида жойлашган водий. Шимолда Тяньшань ва жанубда Ҳисор-Олай тоғ тизмалари б-н ўралган. Асосан, Узбекистон ССР, қисман ҚирғССР ва ТожССР терр-ясида. Кенг қисми Туркистон ва Олай тизмаларининг шимолий ён бағирларига бориб тақаладиган учбурчак шаклида бўлиб, шимоли-ғарбдан Қурама ва Чатқол тизмалари, шимоли-шарқдан Фарғона тизмаси б-н ўралган. Ғарбда тор йўлак орқали Мирзачўл текислиги б-н қўшилган. Узунлиги 300 *км*, энг кенг жойи 170 *км*, майдони 22 минг *км*². Ф. в. ер юзаси тўртламчи даврнинг аллювиал ва пролювиал-аллювиал чўкиндилари б-н тўлган. Сойлик тошкўмир даврида эгилма шаклида бўлган, ўрта тошкўмир даврида қалин қумтош — лойли чўкиндилар б-н қопланган.

Бўр даврида саёз денгиз бўлган. Палеоген даврининг охирига келиб батамом қуруқликка айланган. Сойлик атрофидаги тоғ тизмалари альп бурмаланишида кескин кўтарила бошлаган, лекин денудация жараёнида қайтадан емирилган. Водий тубидаги денгиз ётқизиқлари устини континентал ётқизиқлар қоплаган (қалинлиги 300—400 *м*). Ф. в. да турли геологик даврларда нефть, кўмир, табиий газ, гипс, темир, мис рудалари, симоб, оҳактош, олтингугурт, мум, туз, полиметалл рудалар, сурма, минерал сув каби фойдали қазилмалар ҳосил бўлган.

Ф. в. ер юзасининг тузилишини бир неча поғона (зона)га бўлиш мумкин. Рельефининг биринчи поғонаси сойликнинг марказий қисмини ва Сирдарёнинг ҳозирги ўзанигача бўлган 300—400 *м* абсолют баландликдаги ерларни эгаллаган. Бу терр-яда 200 *км* масофадаги нишаблик шарқ, жануби-шарқ ва жанубдан ғарбга томон 80 *м* га тенг. Бу майдонда денгиз ётқизиқлари устида аккумулятив жинслар, кейинги даврларнинг кўл ётқизиқлари, шамол олиб келган жинслар кенг тарқалган. Бу поғонада шўрхоклар, кўлларнинг ўрни, қум тепаликлар учрайди.

Сойликнинг иккинчи поғонаси дарё ва сойларнинг кенг ёйилмаларини эгаллаган тош-шағалли майдонлардан иборат (400—600 *м*). Бу ерда тўртламчи давр аллювиал ётқизиқлари кенг тарқалган бўлиб, улар сойлик атрофини ҳалқа каби ўраб олган.

Рельефининг учинчи поғонасини баландлиги 600—1200 *м* бўлган адирлар зонаси ташкил қилади. Ф. в. жанубдан ўраб турган Қоníбодом, Шўрсув, Риштон, Чимён, Аввал, Муян адирлари тош-шағаллардан иборат ётқизиқлардан, Навкат ва шарқий адирлари лёсс ва лёсслашган гил жинслардан тузилган; катта-катта қоясимон жарликлар, қуламалар бу ер рельефи учун характерлидир. Шимолий Фарғонадаги Наманган, Чуст, Поп адирларининг жанубий ён бағирлари Сирдарё водийси томон тик қоялар ҳосил қилиб тушган. Адирлар тектоник ҳаракатлар оқибатида кўтарилишда давом этмоқда. Адирлар ортидаги текисликлар аллювиал жинслар б-н қопланган. Водийни ўраб турган тоғлар ана шу аккумулятив текисликлардан бошланади.

Ф. в. нинг иқлими континентал иқлим. Сойлик иқлимининг шаклланишида ғарбий шамолларнинг роли катта. Ғарбий шамоллар баҳор фаслида тез-тез эсиб, баъзан нам ҳаво келтирса, баъзан қуруқ ҳаво келтиради. Ёзда (июлда) ўртача т-ра Фарғона, Андижонда 27°, Наманганда 26,3°, Қўқонда 26,8°, максимал т-ра айнан шу жойларда 40—42°. Январнинг ўртача т-раси Фарғонада —3°, Наманганда —2,3°, минимум т-ра —23—26°. Вегетация даври 210 кун. Ёғин миқдори ғарбида 80—100 *мм*, шарқида 150—200 *мм*, жануби-ғарбида 74 *мм*, шарқи ва шимолида 200—300 *мм*. Ёғинининг кўп қисми баҳор ойларида ёғади, ёзда ёғин деярли ёғмайди.

Ф. в. да оқар сувлар кўп. Тоғлардан дарё ва сойлар оқиб тушади (Норин, Қорадарё, Сўх, Исфара, Шоҳимардонсой, Оқбура, Ғовасой, Чодаксой). Дарёлар, асосан, қор, ёмғир сувларидан тўйинади. Ф. в. ер ости сувларига ҳам бой. Сойлик атрофидаги тош-шағалли ёйилмаларда ер ости сувининг сатҳи октябрь-ноябрь ойларида кўтарилади, май-июнда пасаяди; сув юзасининг йиллик тебраниши 1—3 *м*. Текислик қисмида ер ости суви 2 *м* чуқурликда, баъзан ер юзасига чиқиб қолади. Грунт сувидан ташқари 400 *м* чуқурликда учта сувли қатлам жойлашган. Бу қатламлардаги сувлар артезиан қудуқлар орқали олинади. Ф. в. да Катта Фарғона, Жанубий Фарғона, Катта Андижон каналлари, Сирдарёда Қайроққум сув омбори қурилган.



Фарғона водийси. Каркидон сув омбори.


Ф. в. нинг тупроғи хилма-хил. Сирдарё соҳили қайир усти террасаларида (кўҳна қайир) ва 400 *м* баландликкача ўтлоқи, ўтлоқи-ботқоқ, турли даражада шўрланган шўрхок тупроқлар тарқалган. 400 *м* дан 800 *м* гача бўлган баландликдаги текисликлар, сой ёйилмаларида бўз ва сур-қўнғир тупроқлар, 800—1200 *м* баландликда оч бўз тупроқ, тўқ бўз ва типик бўз тупроқлар тарқалган. Уларнинг таркибида 4% гача чиринди бор. Сойликнинг сернам ва ботқоқлашган паст жойларида тол, ёввойи жийда, тўранғил, қамиш, қиёқ, қумликларда черкез, қандим, қуёнсуяк, жийда, адирларда изен, шувоқ, эфемер ва эфемероидлардан қоробош, қўнғирбош, бойчечак, чучмўмалар, водийларда кичик-кичик тўқайзорлар учрайди; Фарғона ва Чатқол тоғ тизмалари ён бағирларида ёнғоқ, олма, олча ўрмонлари тарқалган. Ҳайвонлардан ёввойи чўчқа, бўри, тулки, қуён; қушлардан ўрдак, тустовуқ; юмронқозиқ, сичқон каби кемирувчилар, турли заҳарли илонлар учрайди. Сув омборлари, суғорий кўллар ва дарёларда балиқ турлари кўп. Кейинги вақтларда суғориладиган ерлардаги коллектор-зовурларда ондатра кўпайтирилмоқда.

Ф. в. йирик пахтачилик, ипакчилик, узумчилик р-ни. Воҳада пахта, баъзи жойларда шоли экилади, боғлар, узумзорлар, полизлар бор. Ф. в. марказидаги қўриқ чўл ерлари ўзлаштирилмоқда. Чўл ерлари йил давомида, адирлар баҳорда яйлов хизматини ўтайди. Ф. в. Ўрта Осиёда аҳоли энг зич жойлашган р-лардан, бу ерда Ленинобод, Қўқон, Фарғона, Андижон, Наманган, Ўш, Жалолобод шаҳарлари жойлашган. Ф. в. — Узбекистондаги туризм марказларидан.

Ад.: Акрамов З., Жемчужина Средней Азии, М., 1960; Ферганская долина, т. 1, Т., 1954; Марказий Фарғона истиқболи, Т., 1967

ФАРҒОНА ИССИҚЛИК ЭЛЕКТР МАРКАЗИ(ТЭЦ), В. И. Ленин номидаги Фарғона иссиқлик электр маркази — Фарғона ш. да қурилган. Электр қуввати 230 минг *квт*, иссиқлик қуввати эса 683 *Гкал*. ТЭЦ 1952 йилда қурила бошлаган. 1956 йил октябрида 25 минг *квт* қувватли биринчи турбоагрегати, 1968 йилда ТЭЦ тўла ишга туширилган.

Таркибида 5 та турбоагрегат ва 9 та қозон-агрегат мавжуд. 90 *атм.* босимда ишлашга



Фарғона ТЭЦи.

мўлжалланган қозонлар учун кўмирдан, 130 *атм.* босимда ишлашга мўлжалланган қозонлар учун эса мазутдан фойдаланилади. Эҳтиёт ва буфер ёқилғи сифатида табиий газ ишлатилади.

Электр станциядаги технологик ускуналарни тартибга солиб туриш ва улар устидан назорат ўрнатишда электрон автоматик бошқариш воситалари жорий қилинган. Электр маркази Ўрта Осиё бирлашган энергетика системасига уланган.

ФАРҒОНА НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ — нефтни қайта ишлаш саноати корхонаси. Автомобиль бензини, керосин, дизель ёнилғиси, турли ассортиментларда сурков мойлари, парафин, турли хил битум ва б. ишлаб чиқаради. 3-дининг биринчи навбати 1959 йил 27 январида ишга туширилган. 1961 йилда сурков мойлари тайёрловчи технологик қурилма ишга туширилиб, Ўрта Осиёда биринчи марта маҳсулот ишлаб чиқарди.

Нефтни қайта ишлаш, сурков мойлари, битум ишлаб чиқариш учун кучли қурилмалар ўрнатилиши натижасида 1965 йилда з-д қувати тўлиқ ўзлаштирилди. 1966 йилда з-дининг иккинчи навбати қурила бошлади. Саккизинчи беш йилликда нефтни қайта ишлаш жараёнлари кучайтирилди. 1970 йилдан з-д А-72 маркали ва октан сони ундан юқори бўлган сифатли бензин ишлаб чиқара бошлади. Тўққизинчи беш йилликда кўпчилик технология қурилмалари реконструкция қилинди, технологик жараёнларни бошқариш учун автоматлашган система жорий қилинди. Турбина, трансформатор, АУ маркали урчуқ мойлари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 1,5 баравар ошди.

1976 йилда бу з-дга Олтиариқ нефтни қайта ишлаш з-ди бирлаштирилди. Ҳозир (1978) з-дда 35 хил маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Корхонада 32 миллат вакили меҳнат қилмоқда (1978).

ФАРҒОНА ОБЛАСТИ — ЎзССР таркибидаги область. 1938 йил 15 январда ташкил этилган. Республиканинг шарқида, Фарғона водийсининг жанубида жойлашган. Шимолдан Наманган, шарқдан Андижон областлари, жанубдан КирғССР, ғарбдан ТожССР б-н чегарадош. Майдони 7,1 минг $км^2$. Аҳолиси 1639,1 минг киши (1977). Таркибида 12 р-н, 8 шаҳар, 6 шаҳар посёлкаси бор. Маркази — Фарғона ш. Обл. Ленин ордени б-н мукофотланган (1964 йил 12 декабрь).

Табиати. Ф. о. Фарғона водийсининг бир қисмини ишғол қилади. Ф. о. терр-ясининг рельефи текисликдан иборат бўлиб, шарқдан (денгиз сатҳидан 500 *м* баланд) ғарбга томон пасайиб боради (350 *м*). Адирлар ва Олай тоғлари ён бағрида абсолют баландлик 1000—1200 *м* гача етади. Обл. нинг шимолий қисмида Қорақалпоқ ва Ёзёвон (Марказий Фарғона) чўллари жойлашган. Булар дўнг қумлар, шўрхок ерлардан иборат. Тошкент — Андижон т. й. дан жанубда кўчма қумлар ҳам учрайди. Қолган терр-яларда аллювиал, бўз ва гилли тупроқлар тарқалган. Сирдарёнинг чап соҳилида (Киров р-ни терр-ясида) мис, нефть (Чимёнда), олтингугурт (Шўрсувда), минерал сув манбалари (Олтиариқ районида) мавжуд.

Иқлими континентал. Қиш бирмунча юмшоқ, баъзан ҳаво жуда совиб кетади. Январь ойининг ўртача т-раси —3,2°, июль ойиники 28°. Минимал т-ра —29°, максимал т-ра 40,4°. Водийнинг ғарбида эсадиган кучли «Қўқон шамоли» иқлимга салбий таъсир кўрсатади. Бу шамол тупроқ эрозияси, ғўза ва б. экинлар илдизининг очилиб қолишига, тупроқда намнинг камайишига олиб келади. Шамолнинг тезлиги секундига баъзан 30—35 *м* га етади. Бундай шамоллар бир йилда ўртача 42 кун эсади. Ғарбий шамол шарққа борган сари кучсизланади. Ёзда обл. нинг ғарбий қисмида гармсел ҳам эсади. Ўртача ёғин миқдори 200—270 *мм*, тоғ этакларида 450 *мм*. Шарқида ва тоғ ён бағирларида ёғин миқдори ортиб боради (447 *мм*). Ёғининг кўп қисми қиш ва баҳор фаслларига тўғри келади. Вегетация даври 220 кун.

Обл. терр-яси орқали тоғлардан оқиб тушадиган кўпгина дарё, сойлар ўтади: Сирдарё, Олай тоғидан тушадиган Исфара, Сўх, Шоҳимардонсой, Исфайрамсой ва б. Дарёларнинг суви ёз пайтида кўпаяди. Обл. терр-яси орқали ўтказилган Катта Фарғона канали, Жанубий Фарғона канали, Катта Андижон канали ва б. ирригация магистраллари асосан Норин дарёси системасидан бошланади. Сирдарё соҳилидаги Фрунзе ва Абдусамат насос станциялари обл. терр-ясидаги барча ерларни сув б-н таъминлаш имконини бермоқда.

Тупроқлари, асосан, бўз, ўтлоқи-бўз, гил, қумоқ, Қорақалпоқ чўлида ўтлоқи, ўтлоқи-ботқоқ, баъзи жойларда шўрхок, Сирдарё водийсида аллювиал-ўтлоқ тупроқлардан иборат. Баъзи ерларда шўрхоклар, дарё бўйларида қўнғир-ўтлоқи тупроқлар ҳам бор. Ёввойи ўсимликлар дунёси жуда бой ва хилма-хилдир, Марказий Фарғонанинг ер ости сувлари юза бўлган жойларда, дарё бўйларида тўқай ўсимликлари ўсади. Қумли жойларда юлғун, саксовул ва б., текисликларда (гил тупроқларда) шувоқ, шўра, янтоқ ва б. кенг тарқалган. Ёввойи ҳайвонлардан Сирдарё бўйидаги тўқайларда ёввойи чўчқа, Олай тоғлари этакларида чия бўри, бўри, қирғовул, ўрдак, адирлар ва тоғ ён бағирларида бўрсиқ, жайра, типратикан, турли хил судралувчилар бор. Қумли ерларда гекконлар калтакесаги, қум бўғма илони, тошбақа, воҳаларда кўршапалак, чипор илон, сувларда сувилон, қурбақа, ҳар хил балиқлар (тангабалиқ, зоғорабалиқ, лаққабалиқ ва б.) кўп. Қушлардан чумчуқ, кўк қарға, булбул, тоғ олди р-ларидаги тошлоқларда каклик, тўргай, бургут, калхат ва б., ўргимчаксимонлардан қорақурт, чаён ва б. бор.

Аҳолиси, асосан, ўзбеклар (75%); руслар (9,4%), тожиклар (5%), татарлар (4,1%), қирғизлар (2,3%) ва б. ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 $км^2$ га 225 киши (1977). Шаҳарларда аҳолининг 35% яшайди. Шаҳарлари: Фарғона, Марғилон, Қўқон, Қувасой, Қува, Риштон, Ҳамза, Яйпан.



Ҳамзаобод қишлоғи. Қўлиқуббон.

Этник таркиби 1920 йил маълумотига кўра, Ф. о. аҳолисининг миллий таркибини асосан ўзбеклар (аҳолининг 78% ини), шунингдек, тожиклар (11,7%), қирғизлар (9%), руслар (0,7%) ташкил этган.

Ўзбеклар Ф. о. нинг туб аҳолиси ҳисобланиб, бошқа халқлар (тожиклар, қорақалпоқлар, қипчоқлар, уйғурлар) б-н аралаш яшаган. 1926 йилги аҳоли рўйхатига мувофиқ, ўзбеклар 543 минг киши бўлган. Ўзбеклар Риштон, Қува, Қувасой, Сўх сойининг ўрта қисмида тожиклар б-н (63,5 минг киши, 1926), Охунбобоев ва Қувасой р-ларида *қипчоқлар* (4,5 минг киши, 1926 й.) б-н, Қўқон атрофида Ўзбекистон, Бувайда ва Қува р-лари ҳамда Марғилон атрофларидаги қишлоқларда турк группаси халқлари (2 минг киши, 1926) б-н аралаш яшаган. Улуғ Октябрь рев-ясига қадар қипчоқлар ва турк группалари ўз қабила ва уруғ номларини сақлаб қолган бўлсалар-да, моддий ва маънавий маданияти ўзбеклар б-н сингишиб кетган. Фақат қипчоқларнинг тилида қисман фарқ бўлган (ўзбек тилининг «жловчи» қипчоқ лаҳжасида гаплашган). Уйғурлар (2 мингга яқин киши, 1926) асосан Ф. о. нинг шарқий қисми (Қува ва Қувасой р-лари)да, бир қисми Марғилон, Қўқон ва Фарғона ш. ларида яшаб, бу ерларга 18—19- асрлар давомида келиб жойлашган. Уйғурлар ўзбеклар б-н аралаш яшаб, хўжалиги ва маданиятига кўра яқин бўлса-да, айрим томонлари (кийими, уйининг тузилиши ва б.) б-н фарқланади.

Қирғизлар (12,6 минг киши, 1926), Ф. о. нинг Қирғизистон б-н чегарадош бўлган тоғ ва тоғ олди р-лари (Қува, Қувасой, Ёзёвон, Сўх атрофлари)да яшаб, чорвачилик, шунингдек ҳунармандчилик (гилам тўқиш ва б.) б-н шуғулланганлар. Рев-яга қадар Ф. о. да яшаган қирғизларнинг айрим группалари ўзбеклар таъсирида ўтроқлашиб, деҳқончилик б-н шуғулланганлар. Обл. чегарасида яшаб келаётган қирғизлар ўз миллий хусусиятларини сақлаб қолган бўлсалар-да, моддий ва маънавий ҳаётида ўзбекларнинг таъсири бўлган.

Совет ҳокимияти йилларида Ф. о. даги социалистик ўзгаришлар аҳолининг этник таркибига ҳам ижобий таъсир кўрсатди. Кўпгина майда халқлар ва элатлар ўзбек социалистик миллати таркибига сингиб кетган.



19-аср ОХИРИ—20-аср БОШЛАРИДА ҲОЗИРГИ ФАРҒОНА ОБЛАСТИ ТЕРР-ЯСИДА ЯШАГАН АҲОЛИНИНГ ЭТНИК ТАРКИБИ

Карта муаллифи К. Шониёзов.

Археологияси. Ф. о.— турли даврларга оид археологик ёдгорликларга бой қадимги маданият ўчоқларидан бири. Кейинги йилларда топилган тош даври манзилгоҳлари ва қоя тошларга солинган суратлар водийда одамлар энг қадимги даврлардан бери яшаб келганликларидан дарак беради. Ф. о. нинг тош даври ёдгорликларини 1954 йили А. П. *Окладников* раҳбарлигидаги археология отряди ўрганган. Археологлар водийнинг шарқий қисмида қидирув ишларини олиб бориб, *Қайроққум, Хўжағор* ва Учқўрғон маконларидан *мустье даврига* оид тош қуроллар топдилар. ЎзССР ФА нинг Археология институти илмий ходимлари водийнинг ғарбий қисмидаги қадимий тош даври маданиятига оид манзилгоҳларни, мустье давридаги Қалъача, Жарқўтон ва Қапчиғай тош қуроллар ишлаш устахоналарини ўргандилар. 1958 йили биринчи марта Марказий Фарғонадан *мезолит* даврига оид микролит тош қуроллар топдилар. Шунингдек Марказий Фарғонадаги Узун кўл ва Тайпоқ кўл атрофларидан мезолит ва *неолит* даврларига оид 24 та манзилгоҳ борлигини аниқладилар (1965). Сўх воҳасидаги 28 ғор ва унгурлар (Сел Унгур, Эшма, *Обишир*, Сур, Бел, Зим, Овикамбар, Боғишим ва б.) рўйхатга олинди. Обишир ғорларидаги маданий қатлам яхши сақланган. Ғорларни қазиш жараёнида мезолит даврига оид тош қуроллар, ҳайвон суяклари топилган. Булар ўша давр қабилаларининг турмушини ўрганиш имконини беради.

1967 ва 1969—70 йилларда *Эрмитаж* ходимлари мезолит ва неолит даврларига оид 35 та манзилгоҳ топдилар. Ф. о. терр-ясидан топилган манзилгоҳлар икки даврга — мезолит ва неолит даврларига мансублиги аниқланди.

Ф. о. нинг археологик ёдгорликларини ўрганишда Катта Фарғона каналининг қазилиши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Канални қазиш жараёнида бронза даври, қулдорлик ва феодализм жамиятларига оид ёдгорликлар топилди ва текширилди. Қува ва Тошлоқ р-лари ўртасидаги *Акбаробод* қишлоғида *бронза даврига* оид манзилгоҳ қолдиқлари топилган. Марғилонсойнинг чап қирғоғида бронза даврига оид Оқтом қабристони бўлганлиги аниқ-



Катта Фарғона каналига сув келди. 1939 йил 31 декабрь.



Карта муаллифи Н. Г. Горбунова

ланган. Ф. о. нинг Қува р-нида қулдорлик даврига оид Тахёнтепа, Фарғона шаҳрида Симтепа каби ёдгорликлар топиб ўрганилган. Айниқса Қува ш. даги ўрта аср бошларига оид ёдгорликлар яхши текширилган. 10—11-асрларга оид тарихий манбаларда бу шаҳар ободлиги ва катталиги жиҳатидан водийда *Ахсикат*дан сўнг энг йирик шаҳар деб қайд қилинган. Археологик материаллар Марғилон шаҳри 10-асрда катта қишлоқ бўлиб, 11—12-асрларда шаҳарга айланганлигини, Риштон эса 10-асрда катта шаҳар бўлса ҳам, 11—12-асрларга келиб қишлоқ қиёфасига кириб қолганлигини исботлайди. 10—11-асрларда Фарғона ҳунармандчилиги ривожланган катта шаҳар ҳисобланган, чақа тангалар зарб этилган. Қўқон ҳам қадимги шаҳарлардан ҳисобланади. Бироқ Қўқон археологик жиҳатдан ҳали яхши ўрганилмаган.

Утроқ деҳқончилик, чорвачилик б-н шуғулланган *Чуст маданияти*га оид манзилгоҳлардан топилган ёдгорликлар Фарғона водийси археологиясини ўрганишда муҳим ўрин тутади.



Кекса кулол Мўминжон Тошматов ишлаган лаганлар.

У ерда ишлаб чиқариш кучлари ва хўжалигининг тараққиёти бронза даврининг охирида деҳқончилик қабилаларининг ижтимоий тузумида ўзгариш юз беришига, натижада ибтидоий тартиблар тугаб, синфлар пайдо бўлишига олиб келган. Рўзғор анжомларида хусусий мулкчилик куртаклари кўзга ташланади. Археологик текширишлар натижаси Ф. о. да қадимдан одамлар яшаб, овчилик, деҳқончилик, чорвачилик б-н шуғулланганлигидан, кишилик жамиятининг кейинги босқичларида эса маданият ривожлана бошлаганлигидан далолат беради.

Хўжалиги. Ф. о. республиканинг саноати ва қ. х. энг яхши ривожланган областларидандир, асосий пахтачилик, пиллачилик марказларидан биридир. У республиканинг 11,3% пахтасини ва 21,2% пилласини етиштириб беради. Пахта толаси, ипак, шойи газламалар, трикотаж, пайпоқ, ўсимлик мойи, совун ишлаб чиқаришда биринчи ўринда, оҳак, цемент, ғишт ишлаб чиқаришда иккинчи ўринда, электр энергия, ип газлама, пойабзал, консервалар, табиий газ ишлаб чиқариш бўйича учинчи ўринда туради, яъни республикада ишлаб чиқариладиган саноат маҳсулотининг 16% дан ортиқроғини беради (1978).

Октябрь социалистик рев-ясидан олдин Ф. о. феодал муносабатлар ҳукм сурган қолоқ ўлка эди. Аҳолининг асосий машғулоти деҳқончилик ва чорвачиликдан иборат бўлган. Саноатини қ. х. маҳсулотларига дастлабки ишлов берадиган майда корхоналар ташкил этар эди. Мануфактура ишлаб чиқариши энди-гина бошланган эди. Оддий дағал газламамато ва бўз тўқилар эди. Бир нечта ибтидоий мой ишлаб чиқариш, пахта тозалаш, вино ва чарм з-длари бўлган. Нефтни оддий усулда қайта ишлаш ва озокерит қазиб олиш ишлари б-н шуғулланилар эди. Бир нечта кичик электр станциялари қурилган эди. Совет ҳокимияти йилларида юзлаб йирик корхоналар бунёд этилди, саноатнинг янги тармоқлари барпо қилинди.

Саноати. 50 йил ичида (1925—1975) саноат ишлаб чиқариш 68 марта ортди. Ялпи саноат маҳсулотининг $^2/_3$ қисми енгил ва озиқ-овқат, $^1/_3$ қисми оғир саноатга тўғри келади. Тўқимачилик (пахта толаси, ип ва шойи газлама), ипакчилик, мой ишлаб чиқариш, химия, нефтни қайта ишлаш ва қурилиш материаллари ишлаб чиқариш саноати айниқса ривожланган. Энергетика хўжалиги газ, нефть ва ҚирғССР дан келтириладиган кўмирга таянади. Обл. да республиканинг 5,2% электр энергияси ишлаб чиқарилади (1975). Энергетика базаси, асосан, иссиқлик электр станцияларидан иборат. Улардан энг йириклари: Қувасой ГРЭС, Фарғона ТЭЦ-1, Фарғона ТЭЦ-2, Қўқон ТЭЦ ва б. Барча электр станциялари Ўрта Осиёнинг ягона энергетика системасига бирлаштирилган.

Нефть ва газ Чимён ва Шимолий Сўх конларидан олинади. Хўжаобод-Фарғона-Қувасой, Шимолий Сўх-Фарғона, Шимолий Сўх-Қўқон газ қувурлари қурилди. 1963 йил охирида Ховос-Ленинобод-Фарғона газ қувури битказилди. Бу газ қувури Ф. о. даги газ қувурларини Бухородан бошланадиган ягона газ қувурлари системаси б-н боғлади. Олтингугурт қазиб чиқарилади (Шўрсув).

Обл. да 2 та нефтни қайта ишлаш з-ди (Фарғона, Олтиариқ) ишлаб турибди. Бу з-дларда Узбекистон нефть конлари б-н бирга ТуркмССР ва ҚирғССРдаги нефть конларидан келтирилган маҳсулотлар ҳам қайта ишланади. Химия саноати жадал суръатда ривожланмоқда. Минерал ўғитлар ишлаб чиқарадиган суперфосфат з-ди, сульфат кислота ва заҳарли химикатлар з-ди (Қўқон), азот ўғитлари з-ди, химиявий тола з-ди, шулха ва ғўзапоядан спирт ва б. ишлаб чиқарадиган гидролиз з-ди (Фарғона) бор. Қурилиш (бинокорлик) материаллари саноати яхши ривожланган. Қувасой цемент з-ди республикада ишлаб чиқариладиган цементнинг $^1/_4$ дан кўпроғини беради. Темир-бетон, шифер, ғишт ва б. материаллар ҳам ишлаб чиқарилади. Уйсозлик з-длари (Фарғона, Қўқон) ишлаб турибди. Металлсозлик корхоналари, пахта тозалаш, нефтни қайта ишлаш ва тоғ-кон саноати учун асбоб-ускуналар, қ. х. ва тўқимачилик машиналари учун эҳтиёт қисмлар, газ плиталари ишлаб чиқаради (Қўқондаги «Большевик», «Электромаш», «Текстильмаш» з-длари, Фарғонадаги «Газаппарат» ва б. з-длар). Фарғона, Қўқон, Қува, Тошлоқ, Яйпан шаҳарларида пахта тозалаш з-длари, Фарғонада Дзержинский номли тўқимачилик к-ти ва пиллакашлик ф-каси, Марғилон шаҳрида шойи к-ти, «Атлас» фирмаси маҳсулоти республикадан ташқарида ҳам машҳур. Ф. о. УзССРнинг 64% пилласини, 45% шойи газламаларини беради. Қўқондаги пайпоқ-йигирув к-ти республикадаги пайпоқ буюмларининг 99,5% ини ишлаб чиқаради. Қўқон ва Фарғонадаги пойабзал ф-калари республика маҳсулотининг 28,8% ини бермоқда. Бу шаҳарларда тикувчилик корхоналари ҳам мавжуд. Озиқ-овқат саноати корхоналари мой, консерва, вино, кондитер буюмлари ва б. маҳсулотлар ишлаб чиқармоқда. Обл. республиканинг 22,8% ўсимлик мойи, 12,3% консервалари, 12% кондитер маҳсулотларини бермоқда (Қўқон, Фарғона).

Қишлоқ хўжалиги. Фойдаланиладиган 504,9 минг *га* ернинг 284 минг гектари ҳайдалади, 209,2 минг *га* ер ўтлоқ ва яйловлардан иборат (1977). Обл. да 86 к-з ва 38 с-з бор (1977). Ҳайдаладиган ерларда асосан обикор деҳқончилик б-н шуғулланилади. Бу ерларнинг 67% га пахта экилади. 24,9 минг *га* ер дон экинлари (бугдой, шоли, маккажўхори, арпа), 17,7 минг *га* ер боғ ва токзор б-н банд. Картошка, сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштиришда Ф. о. республикада учинчи ўринда (Тошкент ва Самарқанд областларидан кейин) туради. Боғларда кўпроқ ўрик ўстирилади. Анор, анжир, олма ҳам кўп. Токзорларда юқори сортли ширин-шакар узумлар етиштирилади. Пахтанинг ялпи ҳосили жиҳатидан республикада Андижон областидан кейин иккинчи ўринда бормоқда. Обл. бўйича ўртача ҳосилдорлик гектаридан 31,9 *ц* ни ташкил этади (1977). Обл. да чорвачилик ҳам яхши ривожланган. Обл. хўжаликларида 142,2 минг қорамол, 262,9 минг қўй ва эчки, 661,5 минг парранда, 3,5 минг чўчқа бор (1977). Давлатга 595 минг *т* пахта (1977), 8,2 минг *т* буғдой ва арпа, 551,9 минг *т* пилла, 82923 минг дона тухум, 12210 *ц* жун, 12772 *т* гўшт (тирик вазнда) сотилади.

Область қ. х. ни ривожлантириш сув учун кураш б-н чамбарчас боғлиқдир. 1925—27 йилларда Узбекистон ҳукумати суғориш шохобчаларини ишга туширишга 8 млн. сўм ажратган эди. Бу маблағнинг ярмидан кўпроғи Фарғона областидаги суғориш ишларига сарф қилинди. Қ. х. ни коллективлаштириш даврида эски суғориш иншоотлари тикланди ва тартибга солинди. 1939 йилдан бошлаб ирригация каналлари қуриш авж олиб кетди. 17 кун ичида қурилган 32 *км* узунликдаги Лоғон канали Исфайрамсой ва Шоҳимардонсой сувларини бирлаштирди. Ўша йилнинг ўзида 45 кун ичида 270 *км* узунликдаги Катта Фарғона канали қурилди. Шундан кейин Шимолий Фарғона ва Жанубий Фарғона каналлари қурилди. Урушдан кейин Сарисув коллектори (120 *км*), Бағдод коллектор системаси (108 *км*), Сўх-Исфара коллектори ва б. барпо этилди. 1965 йилда Қувасойда Қаркидон сув омбори қурилди (110 млн. $м^3$). 1966—70 йилларда 102 *км* узунликдаги Катта Андижон канали қуриб битказилди. Норин дарёсида қурилган (ҚирғССР) Тўқтағул ва Фарғона водийсининг шарқида қурилаётган Андижон сув омборлари бутун водийнинг, шу жумладан Ф. о. нинг ҳам сув таъминотига барҳам беради. Юқоридаги ирригация иншоотларининг ишга туширилиши Марказий Фарғонадаги бўз ерларнинг ўзлаштирилишига имкон берди.



Фарғона область рус драма театрининг «София қўшиғи» (Р. Хубецов, Г. Хучаев) спектаклидан кўриниш.

Транспорти. Т. й. узунлиги 228 *км*. Обл. терр-яси орқали водийни айланиб ўтадиган Қўқон-Марғилон-Андижон-Наманган-Қўқон т. й. ҳалқаси ўтган. Унинг бир тармоғи Марғилондан Қизилқияга боради. Бу йўл обл. шаҳарлари ва посёлкаларини Ховос орқали Тошкент ва республиканинг жанубий б-н боғлайди. Марғилон-Фарғона-Қизилқия т. й. тармоғи ҳам бор. Автомобиль йўлларининг узунлиги 2648 *км* (1976). Бош автомагистраль — Фарғона водийсининг ҳалқасимон йўли ва Фарғона-Қўқон-Ленинобод-Тошкент, Қўқон-Ангрен-Тошкент (Қамчик довони орқали) йўлидир. Бу йўл водийнинг йирик шаҳарларини Тошкент ва Ленинобод (ТожССР) б-н боғлайди. Ф. о. ҳаво йўллари орқали Тошкент, Москва ва б. шаҳарлар б-н боғланган.

Маданий қурилиши ва соғлиқни сақлаш. Обл. да 685 умумий таълим мактаби (447,9 минг бола), 22 махсус ўрта таълим билим юрти ва техникум (27,8 минг киши), 4 олий ўқув юрти (18 минг студент) бор (1977—1978). 866 мактабгача тарбия муассасаларида 90,4 минг бола тарбияланмоқда (1978). Обл. да Ўзбекистон Ипак саноати илмий-тадқиқот ин-ти (Марғилон), Ўрта Осиё Ипакчилик илмий тадқиқот ин-ти (Фарғона), 776 кутубхона, 464 клуб, 613 киноустановка, М. Горький номли музикали драма театри (Фарғона), Ҳамза номли драма театри (Қўқон), халқ театри (Марғилон), обл. ўлкашунослик музейи ва унинг 2 та филиали (Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Қаптархонада Усмон Юсупов мемориал музейлари), адабиёт музейи (Қўқон), Муқимийнинг уй-музейи, 18-асрда қурилган мадраса биноси бор. Обл. да 17,3 минг ўринга эга бўлган 108 касалхона, 450 фельдшер-акушерлик пункти, 66 аёллар ва болалар консультациялари ҳамда поликлиникалар ишлаб турибди. Ҳар ўн минг кишига 16,2 тадан врач тўғри келади. Шоҳимардон, Қаркидон соҳиллари ва б. хушманзара жойларда санаторийлар, дам олиш уйлари, туристик базалар бор. 2 та обл. газетаси («Қоммуна», 1917 йилдан, ўзбек тилида ва «Ферганская правда», 1917 йилдан) чиқиб турибди (33-бетдаги картага, 48-бетдаги вклейкага қ.).

Ад.: Маҳмудов А., Фарғона области, Т., 1974; Акрамов З. М., Фарғона водийси, Т., 1957; Народное хозяйство УзССР за 50 лет (Юбилейный статистический ежегодник), Т., 1974; Наливкин В. П., Краткая история Кокандского ханства, Казань, 1886; Окладников А. П., Палеолит и мезолит Средней Азии, «Средняя Азия в эпоху камня и бронзы» китобида: М.—Л., 1966.

ФАРҒОНА ОБЛАСТЬ РУС ДРАМА ТЕАТРИ, М. Горький номидаги Фарғона обл. Давлат рус драма театри — Узбекистондаги йирик театрлардан. Дастлаб, ёш томошабинлар театри сифатида 1934 йили ташкил топган. «Серёжа Стрельцов» (В. Любимова), «Фриц Бауэр» (Н. Сац, В. Селихова), «Шоҳ Салтан ҳақида эртак» (А. Пушкин), «Платон Кречет» (А. Корнейчук) каби дастлабки спектакллари болалар ва ўсмирларга бағишланган. Драма театрига айлантирилгач, 1938 йилдан «Чапаев» (Д. Фурманов, С. Поливанов), «Икки бойга бир малай» (К. Голь-

дони), «Ревизор» (Н. Гоголь) ва б. асарлар саҳналаштирилди. Ўзбекистонда Ленин образи (Н. Погодин, «Милтиқли киши», 1940) илк бор шу театр саҳнасида яратилди. «Рус масаласи» (К. Симонов), «Палата» (С. Алёшин), «Иркутск воқеаси» (А. Арбузов), «Майсаранинг иши» (Ҳамза), «Ҳаёт қўшиғи» (Уйғун), «Юрак сирлари» (Б. Раҳмонов), «Янги ер» (А. Қаҳҳор) ва б. спектакллар 40—50- йилларда саҳналаштирилди. Театр репертуари «Айбсиз айбдорлар», «Сепсиз қиз», «Кечиккан севги» (А. Островский), «Ваня тоға» (А. Чехов), «Телба кун ёки Фигаронинг уйланиши» (П. Бомарше), «Мешчанлар», «Тубанликда», «Егор Буличёв ва бошқалар», «Васса Железнова» (ҳаммаси М. Горькийники) ва б. классик асарлар ҳисобига ҳам бойиб бормоқда. Сўнгги йилларда театрда «Трибунал» (А. Макаенко), «Солдат беваси» (Н. Анкилов), «Валентин ва Валентина» (М. Рошчин), «Тўрт томчи» (В. Розов), «Революция номи билан» (М. Шатров), «Жалалар орасида» (А. Штейн) каби спектакллар қўйилди.

ЎзССРда хизмат кўрсатган артистлар В. Решетнев, Т. Шляпникова, В. Шчукарева ва б. театрнинг етакчи санъаткорларидир.

ФАРҒОНА ОБЛАСТЬ УЛКАШУНОСЛИК МУЗЕЙИ — Фарғона шаҳридаги музей. 1899 йил 26 майда очилган. Музей ташкил топишида Фарғонадаги биринчи қ. х. ва саноат кўргазмаси (1894) экспонатлари асос бўлган. Музейда табиат бўлими, рев-ягача бўлган давр ва совет даври бўлимлари, кутубхона (6100 асар) бор (1976). Унда Фарғона водийси тарихи, флора ва фаунаси, археология ва этнографияси, халқнинг моддий ва маънавий ҳаётини акс эттирувчи қарийб 32 минг экспонат сақланади. Музей қошидаги кўчма музей қишлоқ аҳолисига хизмат қилади. Ҳамзаобод лосёлкасидаги Ҳ. Ҳ. Ниёзий ҳамда Фарғона р-нининг Каптархона қишлоғидаги У. Юсупов мемориал музейлари Ф. о. ў. м. нинг филиалларидир. Музей ходимлари илмий тадқиқот ишлари б-н ҳам шуғулланади. Музей ва унинг филиалларини йилига 113 мингдан ортиқ киши кириб кўради (1978).

Ад.: Глясс Ю. И., Ланда Л. М., Музеи Узбекистана, Т., 1961.


ФАРҒОНА ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ, Улуғбек номидаги Фарғона Давлат педагогика институти — педагог кадрлар тайёрлайдиган олий ўқув юрти. 1930 йили Фарғона педагогика техникуми асосида ташкил этилган. Дастлабки йили ижтимоий, адабиёт ва физика-математика ф-тлари бўлиб, 120 студент таълим олган, 18 ўқитувчи ишлаган. 1976 йили 8 ф-т (физика-техника, математика, табиёт-география, ўзбек тили ва адабиёти, рус тили ва адабиёти, чет тиллар, тарих-педагогика ва музика, жисмоний тарбия)да 14 ихтисосликдан кадрлар тайёрланди; 1976/77 ўқув йили ин-тда 7000 дан ортиқ студент ўқиди. 38 кафедрасида 352 ўқитувчи, жумладан 1 ЎзССР ФА академиги, 3 фан д-ри ва проф., 130 фан кандидати ва доцент ишлади. Ин-тда 26 кабинет, 13 лаборатория, 6 устахона, кутубхона (450 мингдан зиёд асар) мавжуд. Ташкил этилганидан буён ин-т 35 мингдан ортиқ мутахассис тайёрлади (1977).


ФАРҒОНА ПОЙАБЗАЛ ФАБРИКАСИ — пойабзал саноатининг йирик корхоналаридан бири. Қўнжли ва қўнжсиз ботинка, ўғил болалар ва эркаклар сандалетлари, аёллар туфлиси ишлаб чиқаради. 1928 йилда тузилган «Красный Восток» артели негизида 1960 йили 1-Фарғона пойабзал ф-каси номи б-н ташкил этилган. 1962 йилда «Фарғона» чарм-пойабзал фирмасининг филиалига, 1966 йилдан яна ф-кага айлантирилди. 1969 йили ф-ка биносини янгидан қуриб фойдаланишга топширилиши муносабати б-н унинг ишлаб чиқариш қуввати тубдан оширилди. У замонавий асбоб-ускуналар б-н жиҳозланган. Ф-када ўғил болалар пойабзали тайёрловчи 2 та ПЛҚ-0-2 ярим автомат линияси ўрнатилган (1977). 1976 йили ф-када 1969 йилдаги 423 минг жуфт ўрнига 4810 минг жуфт (яъни 11 баравар ортиқ) пойабзал ишлаб чиқарилди.

ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ — инженер-кадрлар тайёрлайдиган олий ўқув юрти. 1967 йилда Тошкент Политехника ин-тининг Фарғона шаҳридаги умумтехника ф-ти асосида ташкил этилган. Ин-т нефть ва газ қудуқларини пармалаш, машинасозлик технологияси ва металл қирқиш станоклари, қурилиш материаллари, конструкциялари ва ишлаб чиқариш корхоналарининг ускуналари, енгил саноат машиналари ва аппаратлари, маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ишларини ташкил қилиш ва унинг экономикаси, бухгалтерия ҳисоби, полиграфия ишлаб чиқариш технологияси бўйича мутахассислар тайёрлайди.

Ин-тда қурилиш-геология, механика, энергетика ва маиший хизмат технологияси ф-тлари, Қўқондаги умумтехника ф-ти кечки ва сиртқи бўлимларида 35 кафедра, кутубхона (120 минг асар), геология музейи бор. 1977/78 ўқув йили ин-тнинг кундузги бўлимида 3439, кечки ва сиртқи бўлимларида 2498 студент таълим олди, 381 ўқитувчи ишлади. 1977 йилда 1071 киши ин-тни тамомлади. Ин-т 1969 йилдан бошлаб «Серия геология», «Серия механика», «Серия химия». «Қурилиш ва архитектура» тўпламлари ва илмий ишлар тўпламини нашр этмоқда.

ФАРҒОНА РАЙОНИ — Фарғона областидаги р-н. 1926 й. 29 сентябрда ташкил топган. 1962 й. 24 декабрда Қува р-нига қўшиб юборилган эди. 1964 й. 22 февралда қайтадан тузилди. Шимолдан Марғилон ш. ва Фарғона ш. нинг Қирғули р-ни, шарқдан Қува р-ни ва Қувасой ш., жануби-шарқ ва жанубдан ҚирғССР, шимоли-ғарбдан Олтиариқ р-ни б-н чегарадош. Майдони 0,68 минг *км*². Аҳолиси 116,2 минг киши (1978). Р-нда 11 қ. С. (Аввал, Бешбола, Водил, Логон, Ленинобод, Миндон, Усмон Юсупов, Чекшўра, Чимён, Қўрғонтепа, Ҳамзаобод) ва 1 посёлка Совети (Чимён) бор. Р-н маркази — Водил қишлоғи.





Фарғона пойабзал фабрикаси. 1. Заготовка цехи, 2. Пойабзал тикув потоги.



Табиати. Р-н терр-яси областнинг жанубий қисмида, Помир-Олай тоғларининг этакларида жойлашган. Рельефи жанубда қир-адирлар (Хонтахт, Сариқчума, Каттакам, Қичиккам, Номозгуй, Хирмонжой) б-н банд. Тоғлардан Шоҳимардонсой, Исфайрамсой, Марғилонсой, Олтиариқсой, Файзободсой, Чимёнсой оқиб тушади. Шимоли, асосан, текисликдан иборат. Фойдали қазилмалардан нефть, табиий газ, оҳактош, мармар бор, минерал булоқлар кўп. Иқлими континентал. Январнинг ўртача т-раси —2,7°, минимал т-ра —27°. Июлнинг ўртача т-раси 26,4°, максимал т-ра 42°. Йиллик ёғин миқдори 174 *мм*. Вегетация даври 240 кун.

Тупроқлари, асосан, ўтлоқи-бўз тупроқ. Ёввойи ўсимликлардан шувоқ, янтоқ, ковул, ялпиз, чангал, лола-қизғалдоқ, бангидевона, ажриқ, итузум, итқўноқ, бурган, бўзтикан, отқулоқ, айиқтовон, қўзға, қамиш, дўлана, шўра ва б. ўсади. Ёввойи ҳайвонлардан бўри, чиябўри, тулки, суғур, қуён, жайран, ёввойи чўчқа, жайра, юмронқозиқ, каламуш, ҳар хил илонлар, эчкемар, сичқон; қушлардан каклик, бедана, булбул, ўрдак, ғоз, каптар, лайлак, мусича, чумчуқ, қалдирғоч, майна, загизғон, олақарға, сор, қирғий, қизилиштон, тўрғай, зарғалдоқ, қарқуноқ, бойўғли ва б. қушлар бор.

Аҳолиси, асосан, ўзбеклар; тожиклар, руслар, татарлар, қирғизлар ва б. ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 *км*² га 164,6 киши.

Хўжалиги. Р-нда ремонт-механика з-ди (Чимён), маиший хизмат кўрсатиш корхоналари бор. Қ. х. пахтачилик, сабзавотчилик, полизчилик, боғдорчилик, чорвачилик ва пилла-чиликка ихтисослашган. 11 та к-з ва 5 та с-з бор. Р-н хўжаликларида 13870 *га* ерга пахта, 1783 *га* ерга сабзавот, 1305 *га* ерга маккажўхори, 862 *га* ерга дон экинлари экилади (1978). К-з ва с-ларда 15511 қорамол (шундан 3815 сигир), 34515 қўй ва эчки, 63756 парранда бор (1978). Давлатга 34,76 минг *т* пахта, 3,0 минг *т* ғалла, 2,9 минг *т* картошка, 32,94 минг *т* сабзавот, 2,1 минг *т* чорва ва парранда гўшти (тирик вазнда), 7,32 минг *т* сут, 9 млн. дона тухум, 467 *ц* жун, 350 *т* пилла сотилди (1978).

Р-ндаги 58 умумий таълим мактабида 32,5 минг бола ўқимоқда. Маиший хизмат кўрсатиш техникуми (5500 студент), 2 та қишлоқ ҳунар-техника билим юрти (Аввал ва Миндон қишлоқларида) ҳам бор. 55 кутубхона (235512 китоб), 3 кинотеатр, 29 киноустановка, мадаият уйи, 11 клуб, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ва Усмон Юсупов музейлари ишлаб турибди (1976). Р-н «Шонли меҳнат» газетаси 1932 йилдан бери чиқади (тиражи 9098 нусха).

800 ўринли 8 касалхона, туғруқхона, поликлиника ва медпунктларда 93 врач ҳамда 465 ўрта медицина ходими ишламоқда (1978).

Совет Иттифоқи Қаҳрамони Т. Назаров, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари М. Ражабов, Х. Нишонов, М. Каримова, Т. Худойназарова, Т. Бойдадаевалар шу р-ниндир.

ФАРҒОНА СОЙЛИГИ, Фарғона котловинаси — Тяньшань тоғлари орасида жойлашган сойлик (қ. *Фарғона водийси*).


ФАРҒОНА ТЕАТРИ, Максим Горький номидаги Фарғона обл. музыкали драма ва комедия театри — Ўзбекистондаги дастлабки театрлардан бири. 1931 йили К. Яшиннинг «Икки коммунист» спектакли б-н очилган. 1933 йилда Марғилон Давлат шаҳар театри б-н қўшилган. М. Ҳайдаров, С. *Аҳмедов*, Б. Пўлатов, М. Олимова, О. *Жалилов*, М. Қориева, С. Қосимов, М. Тожизода, Л. *Саримсоқова*, С. Саидова, А. Раҳмонов, Я. *Маматхонов* кабилар — театрнинг дастлабки ижодкорлари. 40- йилларда театр коллективига З. *Мадалиев*, А. Маткаримов, Э. Қўзибоева, Қ. Хатамова, С. Аҳмедова, З. Собиров, Ғ. Хатамов, И. Қўзибоев, У. Мадраҳимов, Э. Мирмаҳмудова, М. Алиев ва б. келиб қўшилди. Ф. т. ижодида замонавий мавзу етакчи йўналишлардан бўлган.

30—40- йилларда К. Яшиннинг «Ўртоқлар», «Ёндирамиз», «Номус ва муҳаббат», У. Исмоиловнинг «Пахта шумғиялари», «Рустам» асарлари саҳналаштирилди. Уша йилларда театр репертуари «Синиш» (Б. Лавренёв), «Платон Кречет» (А. Корнейчук), «Чегарачилар» (В. Билль-Белоцерковский) каби таржима асарлари б-н ҳам бойиди. 1939 йили саҳналаштирилган «Тоҳир ва Зуҳра» (С. Абдулла ва Т. Жалилов) асари театрда қўйилган биринчи музикали драмадир. Уруш йиллари саҳналаштирилган «Қурбон Умаров» (С. Абдулла, Чустий ва Т. Жалилов, Г. Шперлинг), «Кўққор Турдиев» (С. Абдулла, Чустий ва Ю. Ражабий), «Даврон ота» (С. Абдулла, Чустий, К. Яшин ва Т. Содиқов, А. Козловский), «Қасос» (Ш. Туйғун, А. Умарий ва Ю. Ражабий, Б. Надеждин), «Фронт» (А. Корнейчук) сингари спектакларда душманга қарши аёвсиз кураш, нафрат ва қаҳрамонликлар ифодаланди.

«Алишер Навоий» (Уйғун, И. Султон), «Нурхон» (К. Яшин ва Т. Жалилов, Г. Собитов), «Шоҳи сўзана» (А. Қаҳҳор), «Ҳамза» (А. Умарий, К. Яшин), «Айбсиз айбдорлар»



Ҳамзаобод қишлоғида Совет ҳокимиятини ўрнатиш учун курашда ҳалок бўлган қизил аскарлар хотирасига ўрнатилган ёдгорлик.



Фарғона райони. Шоҳимардонсой.



Фарғона театри. 1. «Лўлини алдаш қийин» (Р. Бобожон; реж. С. Аҳмедов, 1964) ва 2. «Қилтис ҳазил» (Уйғун; реж. З. Мадалиев, 1972) спектакларидан кўриниш.

(А. Островский), «Уйланиш» (Н. Гоголь), «Макр ва муҳаббат» (Ф. Шиллер), «Революция номи билан» (М. Шатров) ва б. театрда 50—60-йиллар саҳналаштирилган энг яхши спектакллардир. 60—70-йиллар театр ҳаётида янги ривожланиш даври бўлди. Театр турли мавзуларга мурожаат этди. «Ревизор» (Н. Гоголь), «Аяжонларим» (А. Қаҳҳор), «Ой тутилган тунда» (М. Карим), «Қотил», «Парвона», «Парвоз» (Уйғун), «Инсоф» (П. Қодиров), «Ўжарлар» (Ж. Жабборов ва И. Акбаров) каби спектакллар театрнинг сўнгги йиллардаги ижодидан намуналардир.

УзССР халқ артистлари *М. Аҳмедов*, *Я. Маматхонов*, *З. Мадалиев* УзССРда хизмат кўрсатган артистлар Ж. Охунов, С. Саидова, Т. Қодиров ва б. театрнинг етакчи актёрларидир. Театрнинг бош режиссёри — Н. Отабоев, бош дирижёр — УзССРда хизмат кўрсатган артист Д. Жалилов (1978).

ФАРҒОНА ТИЗМАСИ — Марказий Тяншандаги тоғ тизмаси (КиргССР). Фарғона водийсини Ички Тяншандан ажратиб туради. Шимоли-ғарбда Исфанжобдон-Бойбошота тоғ тугунидан бошланиб, Кичик Олай тизмасининг шарқида Тузбел довонида (3934 *м*) тугайди. Узунлиги 225 *км*, энг кенг жойи 90 *км*. Энг баланд нуқтаси 4692 *м*, ўртача баландлиги 3000 *м*. Замини палеозой оҳактошлари, қумтошлар, конгломерат ва сланецлардан ҳамда габбро, диабаз интрузияларидан иборат. Кўндаланг профили асимметрик: жанубий-ғарбий ён бағри узун ва қия, шимоли-шарқий ён бағри калта ва тик. Ғарбий ён бағрида Узган ва Кучари сойликлари, шарқий ён бағрида Кўкирим, Арпа сойликлари бор. Ф. т. дан Қорадарё, Ясси, Кучари, Қоратунгур, Қоракулжа, Олабуқа ва б. дарёлар оқиб тушади. Умумий майдони 125 км² бўлган музликлар бор.

Ф. т. нинг иқлими мўътадил. Ғарбий ён бағридаги 1000—1600 *м* баландликда январнинг ўртача т-раси —3°, июль ойининг ўртача т-раси 25—27°, 1200—1400 *м* баландликда 42—47°. Йиллик ёғин 700—1000 *мм*. Карбонатли жигар ранг тупроқ, тор-ўрмон қўнғир тупроқ, тог-ўтлоқи, дашт, субальп ва альп тупроқлари учрайди. Ф. т. да табиий мевали ўрмонлар кўп. Енгоқ, ёввойи олма, нок, ғайноли, заранг, писта дарахтлари, буталардан зирк, наъматак ўсади. Ҳайвонлардан қизил бўри, барс, тог эчкиси ва қўйи, хилма-хил қушлар, судралувчилар учрайди. Кўмир, тог олдида нефть конлари бор.

Ад.: Природа Киргизии, Фрунзе, 1972.

ФАРҒОНА ТЎҚИМАЧИЛИК КОМБИНАТИ, Ф. Э. Дзержинский номидаги Фарғона тўқимачилик комбинати — Узбекистонда тўқимачилик саноатининг тўнғич корхонаси. Фарғона ип газламалари ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош корхонаси (1976). Ип газлама ва техник газлама, калава ип ишлаб чиқаради. 1930 йил 1 майда ишга туширилган. 1930—75 йиллар ичида к-т 3 млрд. *м* га яқин дагал ва техник газлама, 372 минг *т* калава ип ишлаб чиқарди, маҳсулот ассортименти 5,5 баравар кенгайди.


8—9-беш йилликларда ф-ка тубдан реконструкция қилинди. Жумладан, ип жараёнларини комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш ишлари амалга оширилди. К-тда лаштириш ишлари амалга оширилди, натижада 96 минг урчуқ қувватига эга бўлган йигириш ишлари йўлга қўйилди ва тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш икки баравардан кўпроқ ортди. К-тда жами узунлиги 5 *км* бўлган 16 конвейер линияси мавжуд бўлиб, маҳсулотларни ишлаб чиқаришлараро ташийди. Бу ерда 1976 йили 17956 *т* калава ип ва 78690 минг *м* ип газлама ишлаб чиқарилди.

Меҳнат Қизил Байроқ ордени 6-н мукофотланган (1976).

ФАРҒОНА ФРОНТИ — Туркистонда Граждандар уруши даврида Фарғона водийсидаги контрреволюцион кучларни тор-мор этиш, *босмачиликни* тугатиш мақсадида ташкил этилган фронт. 1919 йил 25 февралда Туркистон МИҚ нинг қарорига мувофиқ тузилган. Фронт қўшинлари қўмондони этиб М. В. *Сафронов*, штаб раиси этиб Д. И. Спасибов тайинланган.

1918 йил охири — 1919 йил бошида Фарғона водийсидаги контрреволюцион кучлар чет эл империалистлари мадади 6-н босмачилар сонини 25 минг кишн (10 минг отлиқ аскар ва 15 минг пиёда аскар)га етказишни мўлжаллади. Уларнинг чет эллардаги ҳомийлари 26 минг милтиқ, 2 млн ўқ, 40 пулемёт, 16 тўп ва 6 млн. сўм пул беришни ваъда қилдилар. Бунинг учун оқ гвардиячилар Актюбинск ва *Закаспий фронтида* ҳужумга ўтиб, совет қўшинларини тор-мор келтириши, Закаспийдаги инглиз қўшинлари 6-н қўшилиши зарур эди. Бу режани амалга ошириш мақсадида Фарғона босмачиларига оқ гвардиячи офицерлар ёрдамга келишди. Мас., фақат *Мадаминбек* тўдасида 90 та оқ гвардиячи офицер бор эди. Бу офицерлар босмачи тўдаларида ҳарбий маслаҳатчи вазифасини бажаришган. Руҳонийлар ҳам босмачилик ҳаракатини ташкил қилишни анж олдириб юборди. 1919 йил март-апрель ойларида Фарғонада босмачилик ҳаракати кучайди.

Ф. ф. қумондонлиги контрреволюцион кучларга қарши кескин кураш олиб бориш учун



Фарғона тўқимачилик комбинати: 1. Тўқимачилик цехи. 2. Йигириш бўлими.

жадал куч тўплашга киришди. Шу мақсадда 1919 йил 23 апрелда Туркистон ҳукумати К. Сорокин, А. П. Соколов, Т. Р. Рисқулов, Билик, Лантимижский, Аббосхўжаев ва С. Турсунхўжаевлардан иборат Фавқулодда комиссия тузиб, Фарғонага юборди. Бу комиссия меҳнаткашларга босмачиликнинг синфий моҳиятини тушунтириб, уларни босмачиларга, контрреволюцион кучларга қарши курашга жалб этди. Деҳқонларга кўрсатилган иқтисодий ёрдамлар, изчил олиб борилган ташвиқотлар натижасида кўнгиллилардан отрядлар тузилди, баъзи босмачи отрядлари советлар томонига ўтиб, босмачиларга қарши курашди. 1919 йил июль ойида Фарғонада Қизил Армиянинг 4623 пиёда аскар, 630 отлиқ аскар, 76 тўпдан иборат кучи тўпланди, булардан ташқари, бу ерга 5217 кишилик Қизил қўшин келтирилди (улар 3310 милтиқ ва 30 тўп 6-н қуролланган эди). Лекин Фарғона водийсидаги босмачи ва оқ гвардиячиларнинг тарқоқ жойлашганлиги, уларнинг доимо бир жойдан бошқа жойга кўчиб юриши сабабли изчил фронт чизиги йўқ эди, одатда жанглар тўсатдан бошланиб, тез тугарди. Шунга кўра Ф. ф. қўшинлари ҳам отрядларга бўлиниб ҳаракат қилар эди.

1919 йилнинг кузига келиб Фарғона водийсидаги босмачилар ва оқ гвардиячилар анча жадал ҳаракат қила бошладилар. 1918 йилнинг охирларида *«Деҳқон армияси»* тузилди. 1919 йил 1 сентябрда Монстров 6-н Мадаминбек ўртасида Совет ҳокимиятига қарши биргаликда курашиш ҳақида шартнома тузилди. Қўшма кучлар (20 мингга яқин киши, 2 тўп, 13 станокли ва 11 қўл пулемёти)га Монстров қўмондон, Мадаминбек унга ўринбосар бўлди. 7 сентябрда Монстров ва Мадаминбек отрядлари кенг фронт бўйлаб ҳужумга ўтиб, Ўш, Жалолободни ишғол қилди ва Андижонни қўлга киритишга тайёрлана бошлади. 17 сентябрда Монстров 6400 босмачи ва оқ гвардиячилар 6-н шаҳарни штурм қилишга ўтди. Ўша вақтда Андижон гарнизонида ҳаммаси бўлиб 1300 га яқин киши бор эди. Шаҳар мудофаасига Андижон уезд-шаҳар партия комитетининг раиси Г. М. Бильдин раҳбарлик қилди. Мудофаачилар 4 кун давомида душманнинг шиддатли ҳужумларини қайтариб турдилар. Г. М. Бильдин ва фронтнинг Революцион Ҳарбий Совети раиси Д. И. Спасибов ҳалок бўлди. Андижонликларга М. В. Сафонов, И. П. Шишканов, Э. Ф. *Кужело* отрядлари ва А. П. Соколов командирлик қилган А. Г. Гинцбург номидаги Қозон ўқчи полки ёрдамга етиб келди. Ф. ф. қўшинлари (унга А. П. Соколов қўмондонлик қила бошлади) 24 сентябрда ҳужумга ўтди. Душман мингга яқин кишидан ажралиб, тоғли районларга чекинди. 26 сентябрда Ўш, 30 сентябрда Жалолобод совет қўшинлари томонидан олод қилинди. Шундан сўнг Мадаминбек босмачиларни тўртта бирмунча йирик гуруҳга бирлаштирди. Унинг ўзи раҳбарлик қилган гуруҳ Жалолобод атрофида, Холҳўжа гуруҳи Ўш атрофида, Кўршермат Шермуҳаммад ғози гуруҳи Марғилон атрофида, Эргаш гуруҳи Қўқон атрофида ҳаракат қила бошлади. Вужудга келган вазиятни ва фронт талабларини ҳисобга олиб, Ф. ф. қўмондонлиги қўшинларни қайта тузиш, уларни жамлаш ва мустаҳкамлаш тадбирларини амалга оширди. 1919 йил октябрда Наманган, Қўқон, Андижон қўшин группалари тузилди, Фарғона 2-Туркистон ўқчи дивизияси (дивизия бошлиғи Н. А. *Веревкин-Рахальский*) тузила бошлади. 22 ноябрда Ф. ф. расман тугатилди. Лекин Фарғона водийсидаги босмачилар ва оқ гвардиячиларнинг қолган кучларига қарши курашиш 2-Туркистон ўқчи дивизияси (бу Фарғона дивизияси деб ҳам юритилган) Қозон полки ва кейинчалик Фарғонага келган «Қизил командирлар» бригадаси (комбриг Ф. Ф. Карпов) зиммасига юклатилди. 1919 йил декабрда барча отлиқ қисмлар Фарғона кавалерия бригадасига бирлаштирилди. 1920 йил июнида бригададаги 1-Қорақиргиз полки (командири С. Ю. Кучуков) ҳам қўшилди.

1920 йилнинг 2-ярмида Фарғона водийсида босмачилар Совет ҳокимиятига хавф соладиган йирик куч сифатида барҳам топди (яна қ. *Босмачилик*).

Ад.: Қўқонбоев А., Фарғонада Совет ҳокимиятини ўрнатиш ва мустаҳкамлаш учун кураш, Т., 1958; Шамагдиев Ш. А., Очерки истории гражданской войны в Ферганской долине, Т., 1961; За Советский Туркестан (Сборник воспоминаний), Т., 1963; История гражданской войны в Узбекистане, т. 1—2, Т., 1964—70; Краснознаменный Туркестанский, М., 1976.

ФАРҒОНА ФУРАН БИРИКМАЛАРИ КИМЁ ЗАВОДИ — гидролиз саноатининг йирик корхоналаридан бири. Урта Осиё «Средазбиохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош корхонаси. Ем ачитқиси, фурфурол, ксилит, ксилитан, фурил ва тетрагидрофурил спирти, синтетик смола ва б. маҳсулотлар ишлаб чиқаради. Гидролиз з-ди сифатида ташкил этилиб, унинг биринчи навбати 1946 йил декабрда ишга туширилган ва этил спирти ишлаб чиқара бошлаган. 1947 йилдан фурфурол, 1950 йилдан ксилитан, 1954 йилдан лимон кислотаси ўрнига ишлатиладиган триоксиглутар кислота (1963 йилгача) ишлаб чиқарила бошлади. 1955 йилда карбонат ангидрид цехи, 1956 йилда ксилитан олишда фойдаланиладиган никель катализатори ишлаб чиқариш цехи, 1962 йили коллектив цехи, 1964—70 йилларда эса тетрагидрофурил спирти, ем ачитқиси, смола, лак ҳамда катализатор ишлаб чиқариш, тетрагидрофуран ва унинг асосида сополимер тайёрлаш ва водород цехлари ишга туширилди. 1963 йилдан бери з-д ҳозирги номи 6-н аталади.

1976 йилда 22 млн. сўмлик маҳсулот тайёрланди. Ҳозир з-дда 22 миллат вакили меҳнат қилмоқда (1978).


«Ҳурмат Белгиси» ордени 6-н мукофотланган (1971).

ФАРҒОНИЙ — қ. *Аҳмад Фарғоний*.

ФАРҲОД — Шарқ халқлари оғзаки ижодиёти ва ёзма адабиётида кенг тарқалган образ. Тарихий хроникалар, афсона ҳамда ривоятлар ёзма адабиётда ҳам 9—10-асрлардан бошлаб Ф. образининг юзага келишига замин бўлган.

Бадиий адабиётда Ф. дастлаб форс-тожик шоири Огоҳий (10—11-асрлар) шеърларида тилга олинган. *Балъамийнинг* «Тарихи Табарий», Абу Дулафнинг «Рисолаи сония» асарларида у *Ширин* 6-н боғлиқ қаҳрамон сифатида қаламга олинган.

Ф. образи Шарқ адабиётида биринчи марта Низомий Ганжавийнинг «Хусрав ва Ширин» достонида кенг эпик планда тасвирланган. Бироқ у достонда бош қаҳрамон даражасига кўтарила олмаган. Ориф Ардабелий (14-аср)нинг «Фарҳоднома» (1369) достонидан бошлаб Ф. марказий қаҳрамон сифатида тасвирланган. Ф. нинг мукаммал эпик образи илк дафъа



Фасллар. Йил фаслларининг алмашиниши.

*Алишер Навоий*нинг «Фарҳод ва Ширин» достонида яратилган ва у асарда асосий қаҳрамонлардан бири сифатида гавдаланган. Ф. образи орқали шоир ўзининг энг юксак гуманистик ғояларини илгари сурган. Инсоний фазилатларни улуғлаган.

Ҳозирги замон саҳна асарларида, роман ва достон (Хуршид, «Фарҳод ва Ширин»; Самад Вургун, «Фарҳод ва Ширин»; Нозим Ҳикмат, «Севги ҳақида қисса»; П. Г. Скосирев, «Фарҳод»; «Ҳабибий, «Замон Фарҳодлари»)ларда ҳам Ф. образи яратилган.


Ад.: «Фарҳод ва Ширин» мақоласидаги библиографияга қ.

ФАРҲОД — кечпишар, хўраки шафтоли нави. Дарахти 5—6 *м*, шох-шаббаси кенг (пирамидасимон ёки шарсимон). Барги йирик, гули пушти. Узидан чангланади. Кўчати ўтқазилгач, 3-йили ҳосилга киради. Меваси сентябрнинг биринчи ярмида пишади, йирик (150—180 *г*), думалоқ тухумсимон ёки думалоқ, тукли, заргалдоқ сариқ. Пўсти осон арчилади. Эти майин, сариқ, данак атрофи қизғиш, ширин ва сал нордон, мазаси яхши. Данаги этидан яхши ажралади. Ҳосилга кирган дарахти 50—70 *кг* мева беради. Хўллигича ейилади, қоқи ва консерва қилинади. Узбекистоннинг ҳамма областлари учун районлаштирилган.

ФАРҲОД — Сирдарё обл. Ховос р-ни Фарҳод қ. С. даги қишлоқ. «Фарҳод» с-зи терр-ясида. Р-н марказидан 12 *км*, яқин т. й. станцияси — Фарҳод (9 *км*). Аҳолиси 2570 киши (1978); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик, боғдорчилик б-н шуғулланади. Сирдарёдан сув ичади. Саккиз йиллик мактаб, ферма, машина-трактор парки бор.

«ФАРҲОД ВА ШИРИН» (ёки «Хусрав ва Ширин») — Шарқ халқлари оғзаки ижодиёти ва ёзма адабиётида кенг тарқалган достон. «Ф. ва Ш.» даги бош қаҳрамонларнинг прототиплари, асосан тарихий шахслардир. Эронда ҳукмронлик қилган Хусрав II Парвиз (591—628) ҳамда унинг хотини *Ширин* кўпгина тарихий солномаларда ҳам зикр этилади. *Фирдавсий*нинг *«Шоҳнома»*сида Хусрав б-н Ширинниг муҳаббати ва ҳалокати ҳикоя қилинади, аммо Фарҳод ҳақида гапирилмайди. «Ф. ва Ш.» достонини ёзган (1181) озарбайжон шоири *Низомий Ганжавий* достонда Ширинни марказий образ, Фарҳодни эса иккинчи даражали персонаж сифатида гавдалантирди. *Алишер Навоий* ўзининг «Ф. ва Ш.» достонида Фарҳодни энг мукаммал ва идеал шахс сифатида тасвирлаб, асарнинг марказий образи қилиб олди (яна қ. *Фарҳод.*)

Ад.: Шарафиддинов О., Алишер Навоий, Т., 1948; Алиев Г., Легенда о Хосрове и Ширине в литературах Востока, М., 1960; Эркинов С., Навоий «Фарҳод ва Ширин»и ва унинг сиёсий таҳлили, Т., 1971.



Фарҳод ГЭСи.

ФАРҲОД ГИДРОУЗЕЛИ — Сирдарё ўзанига қурилган (1943—48) гидротехника иншооти. ЎзССР Тошкент обл. терр-ясида. Ф. г. таркибига тўғон, сув омбори ва Фарҳод ГЭС киради. Тўғон бетонли оқова тўғон ва тупроқли тўғондан иборат. Бетонли оқова тўғонининг узунлиги 120 *м*, баландлиги 28,5 *м*. Унга ҳар бирининг эни 10 *м* бўлган 8 та дарвоза ўрнатилган. Максимал сув сарфи 4430 *м³/сек*. Ўнг қисмига Далварзин канали ростлагичи қурилган, ростлагичнинг сув сарфи 69 *м³/сек*. Тупроқли тўғонининг узунлиги 28 *м*, юқори қисмининг эни 16,5 *м*, устига автомобиль йўли қурилган. Чап қисмига деривация канали ростлагичи қурилган. Ростлагич ҳар бирининг эни 10 *м* бўлган 7 та дарвозадан иборат. Ростлагичнинг максимал сув сарфи 470 *м³/сек*. Тўғон қурилиши Сирдарё сув сатҳини 23,6 *м* га кўтарган ва Фарҳод сув омбори ҳосил бўлишига имкон берган. Сув омборининг узунлиги 28 *км*, эни 250—3000 *м*, сув сиғими 330 млн. *м³*, ўртача чуқурлиги 7,2 *м*, сув сатҳи юзи 46 *км²*. Ф. г. га *Фарҳод ГЭС* қурилган. Ф. г. дан *Киров номли канал* ва *Жанубий Мирзачўл канали* ажралиб чиқади.

ФАРҲОД ГЭСи — ЎзССРнинг Сирдарё обл. да, *Сирдарё*нинг ўрта оқимида қурилган гидроэлектр станция. Лойиҳа қуввати 126 минг *квт*, ўртача йиллик электр энергия ҳосил қилиши 825 млн. *квт/с*. ГЭС биносида қуввати 33 минг *квт* ва қуввати 30 минг *квт* бўлган 2 тадан гидроагрегат ўрнатилган. Турбиналар тик ўрнатилган бўлиб, иккитаси радиал-ўқли ва иккитаси бурилма-парраклидир. Қурилиши 1943 йилда бошланган. 1948 йилда биринчи гидроагрегати ишга туширилган. 1949 йил июнь ойидан бошлаб станция тўла қувват б-н ишлай бошлаган.

ГЭС гидроузелининг таркибига баландлиги 28,5 *м*, узунлиги 101 *м* ли оқова бетон тўғон, унинг эни 10 *м*, баландлиги 11 *м* бўлган 8 та туйнуги (оқова сув чиқариш учун), узунлиги 500 *м*, баландлиги 27,5 *м* бўлган уйилма тупроқ тўғон ҳамда дарё ўзанининг унга ёндош ростлагичи ва б. киради. Ўрта Осиё бирлашган энергетика системасига уланган.

ФАСАД (итал. facciata) (архитектурада) — бино, иншоотнинг ташқи (олд, орқа, ён, ҳовли, боғ, кўча) томондан кўриниши. Шакли, пропорцияси, қисмлари бино, иншоотнинг қандай мақсадга хизмат қилишига, атрофидаги муҳит, бино, ансамблга мувофиқ бўлишига, конструктив хусусиятларига қараб белгиланади.

ФАСЛЛАР, йил фасллари (баҳор, ёз, куз, қиш) — Қуёшнинг осмондаги кўринма ҳаракати ҳамда табиатдаги мавсумий ўзгаришларга қараб йилнинг қадимдан даврларга бўлиниши. Ернинг айланиш ўқи Ер орбитаси текислигига (66°33′) қия бўлганлигидан Ф. келиб чиқади. Ер Қуёш атрофида айланганда унинг ўқи ўзига деярли параллел ҳаракатланади. Шунинг учун ҳам йил давомида Ер баъзан шимолий томони (Ернинг шимолий қутби), баъзан жанубий томони (Ернинг жанубий қутби) б-н Қуёшга қия қараган бўлади. Бунда Қуёш баъзан Шимолий яримшарни кўпроқ иситиб, кўпроқ ёритса, баъзан Жанубий яримшарни кўпроқ иситиб, кўпроқ ёритади. Оқибатда Шимолий яримшарда ёз бўлса, Жанубий яримшарда қиш бўлади.

Астрономияда ҳар бир фаслнинг бошланиши осмон сферасида Қуёшнинг кўринма ҳаракатига қараб аниқланади. Шимолий ярим шарда

баҳор 20 ёки 21 мартда бошланади, шу куни Қуёш маркази эклиптика бўйлаб ҳаракатланаётганда Жанубий яримшардан Шимолий яримшарга ўтаётиб, баҳорги кун-тун тенглиги нуқтасида осмон экваторини кесиб ўтади. Шу пайтда бутун Ер шарида (қутбларининг атрофлари бундан мустасно дир) кун-тунга тенг бўлади, экваторда Қуёш туш пайтида зенитда туради. Ернинг Шимолий қутбидан чиқиб, Жанубий қутбида ботади. Шимолий яримшарда ёз 21 ёки 22 июнда бошланади. Шу куни Қуёш эклиптиканинг энг шимолий нуқтасидан (ёзги Қуёш тураши нуқтасидан) ўтади. Шу пайтда Шимолий яримшарда кун энг узун, Жанубий яримшарда тун энг узун бўлади. Шимолий яримшарда куз 23 сентябрдан бошланади, шу пайтда Қуёш Шимолий яримшардан Жанубий яримшарга ўтаётиб, кузги кун-тун тенглиги нуқтасида экваторни 2-марта кесиб ўтади. Шу куни бутун Ер шарида яна кун б-н тун тенг бўлади. Шимолий яримшарда қиш 21 ёки 22 декабрда бошланади. Шу куни Қуёш эклиптиканинг энг жанубий нуқтасидан (қишки Қуёш тураши нуқтасидан) ўтади. Шу пайтда Шимолий яримшарда кун энг қисқа, Жанубий яримшарда эса тун энг қисқа бўлади. Шу куни Жанубий тропикда Қуёш туш пайтида зенитда туради. Шимолий қутбий доирада умуман Қуёш чиқмайди, Жанубий қутбий доирада эса умуман ботмайди ва ярим кечада уфққа бош қўяди. Шимолий қутбий доира ичида қутб туни, Жанубий қутбий доира ичида эса қутб куни бўлади.

Қуёшнинг йиллик кўринма ҳаракатига қараб иқлим кўрсаткичлари ва табиатдаги мавсумий ҳодисалар алмашиб туради. Шимолий яримшарнинг ўртача кенгликларида 4 фасл мавжуд.

Фаслларнинг астрономик даврларидан ташқари, фенологик белгилари ҳам бор. Мас., ҳавонинг суткалик т-раси 0° дан паст бўлиб турган давр қиш ҳисобланади. Ҳавонинг суткалик ўртача т-раси 0° дан юқори давр бошланиши б-н баҳор киради, сутка давомидаги ўртача т-ра ёздаги энг иссиқ ой т-расининг 70% ига етган даврдан эътиборан ёз кирган бўлади. Ёз бошидан ҳисобланганда вегетация давринг 60% и ўтган кундан куз киради. Жадвалда турли пунктларда йил фаслларининг аслида қачон бошланиб, қанча вақт давом этиши кўрсатилган.

ФАСОД — қ. *Йиринг.*

ФАСОҲАТ (فصاحت — равонлик) — классик *услубшунослик*нинг бир тармоғи. Баёнда гапнинг равон ва нафис бўлишини тақозо этади.

Ф. талабига кўра, гап дағал бўлмаслиги, тингловчининг таъбини хира қилмаслиги, яъни такрорларнинг йўқлиги ва синтактик жиҳатдан ҳам, фикрнинг аниқ ифодаси ва самимийлиги жиҳатидан ҳам ҳар қандай нуқсонлардан холи бўлиши шарт (яна қ. *Стилистика*).

ФАСТОВ — УССР Киев областидаги шаҳар (1938 йилдан). Т. й. узели. Қимё машинасозлиги, электротермик жиҳозлар з-длари, мебель, тикувчилик ф-калари, т. й. транспорти корхоналарига хизмат қиладиган корхоналар, озиқ-овқат саноати корхоналари бор. Қурилиш материаллари ишлаб чиқарилади. Шаҳар тарихи музейи бор. Ф. 1390 йилдан маълум. 1941 йил 22 июлдан 1943 йил 7 ноябргача Ф. ни немис-фашист босқинчилари оккупация қилган. Ф. атрофида партизанлар отряди, т. й. узелида комсомол диверсион гуруҳлар иш олиб борган.

ФАСЦИОЛЁЗ — одам ва ҳайвонларнинг гижжа касаллиги. *Трематодалар* синфига мансуб фасциолалар қўзғатади. Улар тухумини одам ва ўтхўр ҳайвонлар жигари, ўт йўллари, ўт пуфагига қўяди, ташқарига ахлат орқали чиқади. Касаллик қўзғатувчисининг кейинги ривожланиш даври сувли муҳитда ва оралиқ хўжайин организми — моллюскаларда ўтади. Личинка моллюска танасида бир неча босқичда туллаб ривожланади. Фасциолалар личинкаси бўлган сув ёки ўсимлик истеъмол қилинганда Ф. рўй беради. Касаллик ўткир ва сурункали давом этади. Ф. нинг қўзғатувчиси организмга кириб, орадан 2—4 ҳафта ўтгач, бемор иситмалайди, тошма тошиб, йўтал пайдо бўлади. Жигар катталашади ва ушлаб кўрилганда оғрийди, бадан сарғаяди, Ф. сурункали кечганда меъда-ичак фаолияти бузилади, овқат яхши ҳазм бўлмайди, гоҳо кўнгли айниб, бемор қайт қилади, жигар катталашади ва атрофида оғриқ сезилади, иштаҳа яхши бўлишига қарамай, бемор озиб кетади, дармон қурийди. Касаллик СССРнинг жанубий р-нларида, Узбекистонда (Қорақалпоғистон АССР ва Хоразм областида) учрайди.

Ф. одам ва ҳайвоннинг ахлати ва қусуғини текшириб аниқланади. Ҳайвонларда касаллик ўткир ва сурункали давом этиб, жигарнинг ўт халтаси ва ўт йўллари яллиғланади. Ҳайвон умумий заҳарланади, моддалар алмашинуви бузилади. Ф. б-н, асосан, қўй, эчки ва қорамол касалланади.

Даволаш: одамларга хлоксил ёки эметин, ҳайвонларга углерод тетрахлорид, гетол, гексахлорпараксилол, фреон препаратлари берилади.

Шимолий яримшарнинг турли пунктларида йил фасларининг бошланиши (ўртача) ва давом этиши (сутка ҳисобида).

Географик пункт	Тошкент	Львов	Ростов-Дон	Саратов	Минск	Москва	Ленинград	Свердловск	Красноярск	Владивосток	Кола	Дудинка	Виннипег (Канада)	Чикаго (АҚШ)	Шпицберген
Шимолий кенглик	41°	50°	47°	52°	54°	56°	60°	57°	56°	43°	69°	69°	50°	42°	79°
Қиш															
Бошланиши	30. XII	2. XII	25. XI	6. XI	14. XI	4. XI	12. XI	20. X	21. X	11. XI	15. X	22. IX	3. XI	8. XI	16. IX
Давом этиши	35	94	111	146	133	150	143	168	166	137	195	254	156	119	262
Баҳор															
Бошланиши	2. II	6. III	16. III	1. IV	27. III	3. IV	3. IV	6. IV	5. IV	28. III	29. V	3. VI	7. IV	6. III	5. VI
Давом этиши	95	65	59	48	51	51	48	50	57	83	97	67	51	79	54
Ёз															
Бошланиши	8. V	10. V	14. V	19. V	17. V	24. V	21. V	26. V	1. V	19. VI	—	—	28. V	24. V	—
Давом этиши	158	129	128	112	112	105	104	97	95	116	—	—	107	139	—
Куз															
Бошланиши	13. X	16. IX	19. IX	8. IX	6. IX	6. IX	3. IX	31. III	4. IX	13. X	4. VIII	—	13. IX	11. X	29. VII
Давом этиши	77	77	67	59	69	59	70	50	47	29	73		51	28	49



Фатхуллаев И.

Олдини олиш: сувни қайнатиб ичиш, касаллик майбан бўлган яйловларни аниқлаш ва зарарсизлантириш, фасциолалар тухумини тарқатувчи моллюскаларни битинол ва б. препаратлар ёрдамида зарарсизлантириш, яйловларни алмаштириш ва б.

ФАСЦИОЛИДАЛАР (Fasciolida) — *трематодалар* синфининг бир туркуми. 12 кенжа туркуми бор. Еввойи ва уй ҳайвонлари, шунингдек одам паразити. Турли шаклдаги танаси бир неча *мм* дан бир неча *см* гача. Баъзиларининг *кутикула*сида учи қайрилган майда тиканаклари бор. Оғиз тешиги бош сўрғичда жойлашган. Айримларининг бош сўрғичи тиканаклар ва мускулли «ёқа» б-н ўралган. Қорин сўрғичи ҳам мавжуд. Кўпчилиги гермафродит (қ. *Гермафродитизм*), баъзилари айрим жинсли. Ф. нинг типик вакили *жигар қурти*.

ФАСЦИЯЛАР (лат. fascia — боғлов) — бириктирувчи тўқимадан иборат парда. Одам ва ҳайвонларининг органлари, нерв, қон томирларини ўраб, мускуллар учун фасциал ғилоф ҳосил қилади. Таянч ва трофик вазифаларни бажаради. Ф. бир мускулни иккинчи мускулдан ажратиб, ҳар қайси мускулнинг алоҳида қисқаришини таъминлайди. Чуқур, ўрта ва юза (тери ости) Ф. бор. Юза ёки тери ости Ф. тери ости ёғ қаватида жойлашиб, одамларда қўл-оёқ кафт терисининг остида, бошнинг сочли қисмида апоневроз ҳосил қилади. Ф. қон томирлари ва нервларга бой.

ФАТАЛИЗМ (лат. fatalis — тақдирга онд, машъум) — ҳар бир ҳодиса ҳамда инсоннинг барча хатти-ҳаракатларини *тақдир*га боғлиқ деб қаровчи дунёқараш. Философия тарихида Ф. ни ирода эркинлиги қандай ҳал қилинганлигига қараб уч асосий турга ажратиш мумкин: м и ф о л о г и к Ф. — ибтидоий жамоа даврида кенг тарқалган. Ф. нинг бу тури табиат ва жамият ҳодисаларини сеҳрли кучларга ишонишдан келиб чиққан. Ф. нинг бу тури ибтидоий одамларнинг табиат ва жамият ҳодисаларини ўзларига бўйсундира олмаслигидан келиб чиққан; т е о л о г и к Ф. — тақдир худо қудратига боғлиқ, инсон туғилишидан олдин унинг ким бўлиши, нималар қилиши пешанасига ёзиб қўйилган дейилади. Бу назария хусусан исломнинг ва унинг теологияси — *калом*нинг энг муҳим ақидаларидан ҳисобланади, у ўрта аср айрим христиан ересларида, *кальвинизм* ва янсенизмда ўзининг изчил ифодасини топган; р а ц и о н а л и с т и к Ф. (механистик *детерминизм* б-н қўшилувчи) — тасодифни ва инсон иродасини азалий тақдирнинг зарур шарти деб қарайди. Унинг намояндалари (пифагорчилар, *Демокрит*, Ницше ва б.) доираий айланишнинг муайян даврасида воқеалар абсолют такрорланишини таъкидлайди.

Ф. умуман олганда, тарихда реакцион роль ўйнаган. Марксизм Ф. нинг барча формаларини инкор этиб, ижтимоий-тарихий жараёнларда зарурият ва тасодиф, эркинлик ва зарурият диалектикаси ҳақидаги таълимотларни уларга қарама-қарши қўяди.

ФАТВО (араб. فتوى — қарор) — исломда *муфтий* ёки *уламо*лар кенгаши томонидан диний, ҳуқуқий, сиёсий ҳамда ижтимоий масалаларда бериладиган қарор, ҳукм ёки изоҳ. Ф. диний жамоалар, муассасалар ва мусулмонлар томонидан бажарилиши мажбурийдир. Ф. Қуръон ҳадислар ва шариатга ёки илгари берилган Ф. ларга асосланиши керак. Кейинги вақтларда мусулмон руҳонийлари Ф. чиқаришда ҳозирги замон фан-техникаси, ижтимоий ва маънавий тараққиёт хулосаларини, диндорларнинг савиясини ҳисобга олишга мажбур бўлмоқдалар.

ФАТЬЯНОВО МАДАНИЯТИ — бронза даврига онд маданият (мил. ав. 2- минг йилликнинг 1- ярми). Ярославль обл. Данилов р-нидаги Фатьяново қ. яқинидан топилган қабристон номи б-н аталган. Ф. м. Юқори Волга, Москва-Клязьма, Ўрта Волга ва б. маҳаллий вариантларга бўлинади. 16 та қабристон ўрганилган. Қабрлар турли шакл (кўпроқ юмалоқ ва тўғри тўртбурчак)да бўлган. Жасадлар қабрларга букилган ҳолда, эркакларнинг боши ғарб томонга қаратилиб, ўнг ёнбоши б-н, аёллар эса боши шарқ томонга қаратилиб чап ёнбоши б-н қўйилган. Жасадлар б-н қўшиб кўмилган буюмлар орасида кўпроқ юмалоқ, нақшсиз идишлар, бурғиланган тош болталар, турли шаклдаги болғалар; чақмоқтошдан ясалган пайконлар, найзалар, пичоқлар, парраклар; суякдан ясалган бигиз ва тўғнағичлар; йиртқич ҳайвон тишлари, чиғаноқ ва қаҳрабодан ишланган тақинчоқлар бор. Фатьяноволиклар чорвачилик (чўчқа, қўй, қорамол, йилқи), деҳқончилик, овчилик (балиқ ва б.) б-н шуғулланганлар. Антропологик типи жиҳатдан европеоидларга мансуб.

Ад.: Арциховский А. В., Археология асослари, Т., 1970; Крайнов Д. А., Памятники фатьяновской культуры. Московская группа, М., 1963.

ФАТҲА — қ. *Забар*.

ФАТҲАЛИ ҚОЖОР, Фатҳ-али ибн Қалб Али ибн Муршид Қулий ибн Фатҳ Қожор Қазвиний (19- аср, Қазвин) — тилшунос олим. «Луғат ат-тарокия» луғатининг муаллифи. Луғат эски ўзбекча-форсча бўлиб, у Навоийнинг 21 асари бўйича тузилган ва ўз ичига 7574 сўзни олган. Сўзлар араб алифбоси тартибида жойлаштирилган. Аввал сўз, сўзнинг фонетик характеристикаси, сўнг унинг маъноси форс тилида келтирилади. Луғат эски ўзбек тилини, хусусан Навоий асарлари лексикасини ўрганишда муҳим манбадир. Луғатнинг икки қўл ёзма нусхаси етиб келган. Ф. Қ. ҳаёти ва ижодининг айрим лавҳалари шу қўл ёзмалар орқалигина маълум.

Ад.: Ромаскевич А. А., Новый чагатайско-персидский словарь, «Мир-Али-Шир» тўпламида, Л., 1928.

ФАТХУЛЛАЕВ Исматулла (1923. 2. 10, Тошкент) — терапевт, медицина фанлари д-ри (1969), проф. (1972). ТошМИни тугатгач (1948), шу ин-т фармакология кафедрасида аспирант (1948—51), ассистент (1951—59), Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш министрлигининг Ўлка медицинаси ин-ти клиник фармакотерапия лабораториясида катта илмий ходим (1959—67), лаборатория мудири (1967—71). Андижон Медицина ин-ти ички касалликлар кафедрасининг мудири (1971—75). 1975 йилдан Ўлка медицинаси ин-ти ташкилий методик бўлими мудири. «Юракнинг янги гликозидларини экспериментал ва клиник ўрганиш материаллари» мавзуида д-рлик диссертацияси ёқлаган. Илмий ишлари юрак ва қон томир касалликларини ўрганиш, уларни даволаш масалаларига бағишланган.

Ас.: Рецептурадан қисқача справочник, Т., 1965; Фармакотерапиядан справочник, Т., 1972; Гипертоническая болезнь и состояние свертывания крови, Т., 1974.

ФАУНА (лат. fauna) — маълум терр-я ёки *акватория*да яшовчи ҳайвон турлари мажмуи. Ф. ҳайвонларнинг турли группасидан ташкил топган у ёки бу регион-фаунистик комплекснинг тарихий ривожланиши жараёнида вужудга келади. Тундра, тайга, ўрмон, дашт, чалачўл, чўл, пантропик ва б. фаунистик комплекслар бор. Маълум Ф. ни ташкил этган фаунистик комплекслар миқдори турлича бўлиши мумкин. Ҳар бир регионнинг ўз *автохтонлари* ва *иммигрант*лари бор. Ф. таркибини ўрганиш натижасида ундаги турлар бойлиги аниқланади ва шунга кўра бутун ер шари ёки унинг айрим регионлари фаунистик районлаштирилади (*зоогеография*). Фанда турли систематик категориялардаги (мас., у ёки бу терр-ядаги қушлар Ф. си, қўнғизлар Ф. си ва ҳ. к.), маълум даврга онд (мас., миоцен даври Ф. си ва б.) ё маълум геологик қатламга мансуб ҳайвонларни ифодалаш учун «Ф.» терминидан фойдаланилади. Шунингдек, ҳайвонот дунёсининг систематик таркиби тўғрисидаги йирик асарлар ҳам «Ф.» деб аталади (мас., СССР Ф. си, Ўзбекистон Ф. си ва б.).

Ад.: Воронов А. Г., Биогеография, М., 1963; Дарлингтон Ф., Зоогеография, Пер. с англ., М., 1966.

ФАХР СЕКСТАНТИ — *секстант*нинг меридианда Қуёш баландлигини аниқлайдиган тури. Бу асбобни 992 йилда Абу Маҳмуд ал-Хўжандий ихтиро қилган ва Рай ҳокими Фахр ад-давла шарафига унинг номи б-н атаган. Секстант 40 *м* га яқин радиусли 60° га тенг ёй бўлиб, маълум схема бўйича қоронғи бино ичига ясалган. Бу ёйнинг марказида, яъни бинонинг тепа бурчагида диоптр (тирқиш) очилган бўлиб, тирқиш орқали ўтган Қуёш нурлари ёйда унинг тасвирини ҳосил қилган (расмга қ.). Ёй бўйлаб оддий мосламалар ёрдамида Қуёш маркази тасвирининг ўрни катта аниқликда ҳисобланиши мумкин: тирқиш диаметрига темир ўқ қўйилиб, унга мис қопланган эгилмайдиган ёғоч найза ўрнатилган; бу найза секстант ёйининг р а д и у с и д и р. Тинч ҳолатда найзанинг учи 90° ни кўрсатган. Тахтадан қилиниб, устига юпқа мис қопланган ёй эса градусларга, ҳар бир градус ўз навбатида 360 қисмга бўлинган. Ўлчаш аниқ бўлиши учун ёй сиртида ҳосил бўлган Қуёш тасвири катталигида ҳалқа тайёрланиб, бу ҳалқанинг ўзаро перпендикуляр икки диаметри кесишган нуқтаси мазкур ҳалқа марказини аниқ кўрсатган. Туш пайтида Қуёш тасвирининг маркази б-н ҳалқа маркази тўғри келган градус ва унинг бўлаги Қуёшнинг шу пайтда горизонтдан баландлигини аниқлаб беради. Кузатиш натижаларидан эклиптиканинг экваторга оғиши, географик кенглик, йилнинг давомийлиги ва ш. к. бошқа астрономик катталикларни аниқлаш учун фойдаланилади. Ф. с. Самарқанддаги *Улуғбек расадхонаси*нинг улкан секстанти учун намуна бўлиб хизмат қилган.

Ад.: Булгаков П. Г., Фахриев секстант в «геодезии» Бируни, «Общественные науки в Узбекистане», 1963, № 6.

ФАХРИ РУМОНИЙ (тахаллуси; асл номи Саид Акрам Саид Ҳофиз ўғли, 1840— Хўжанд яқинидаги Қўлангир қишлоғи —1914) — шоир. Ўзбек ва тожик тилларида ёзган. Косиб оиласида туғилган. Тўқувчилик ва деҳқончилик б-н шуғулланган. Классик адабиётнинг ғазал, маснавий, рубоий, чистон, мусаддас, муаммо ва б. жанрларида ижод қилган. Навоий ғазалларига мухаммас, Юсуф Сарёмий мухаммасларига мусаббалар боғлаган. Шеърларида меҳнаткашларнинг оғир ҳаёти тасвирланган, адолатсизлик, феодал турмуши иллатлари, тенгсизлик қораланган. У ширу шакар услубида ҳам асарлар яратган. Узи кўчириб тартиб берган икки қўл ёзма баёзи бор.

Ад.: Шодиев Э., Ўзбек-тожик адабий алоқалари тарихидан, Т., 1973.

ФАХРИ ҲИРОТИЙ (15- аср охири — Ҳирот — 16- аср ўрталари) — шоир, адабиётшунос, тазкиранавис ва таржимон. Алишер Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» асарини «Латойифнома» номи б-н 1511—22 йилларда форс тилига таржима қилган. Асарнинг муқаддимаси ва охирги бобини қисқартириб, унга 189 шоир, жумладан Навоийнинг ўзи ҳақида ҳам маълумот берувчи алоҳида 9- боб (мажлис)ни илова қилган. Тазкирачиликда Навоий анъанасини давом эттирган. 1540—41 йилларда шоиралар ҳақида «Жавоҳир ул-ажойиб» ва форсча рафикли ғазаллардан иборат «Радойиф ул-ашъор» номли тазкиралар ёзган. «Бўстони хаёл», «Туҳфат ул-ҳабиб» каби иккита девон тузган.


ФАХРИДДИН РОЗИЙ МАҚБАРАСИ — *Кўҳна Урганч* (ТуркмССР Тошҳовуз обл.)даги архитектура ёдгорлиги. Фахриддин Розий деган олим (12- аср) аслида Ҳиротда дафн этилган, лекин мазкур мақбара халқ орасида унинг номи б-н машҳур (у Ҳоразм ҳукмдорларидан 1128—56 йилларда ҳукмронлик қилган Отсиз ёки 1156—72 йилларда ҳукмронлик қилган Эларслон учун қурилган бўлиши керак). Кубсимон бино усти 12 қиррали барабан орқали пирамидасимон гумбаз б-н қопланган. Бош фасад нафис безатилган (ғишт хомлигида ўйиб нақшланган, сўнг қиздирилган). Ўйиб жозибадор ишланган нақш кулолларнинг катта маҳоратидан дарак беради. Барабаннинг юқори қисмидаги фриз сақланмаган. Гумбазда ғишт қалаб нақш ҳосил қилинган. Мақбара 12-асрнинг 2- ярмида бунёд этилган (расмини *Кўҳна Урганч* мақоласига берилган расмдан кўринг).



Фахриддинов С.

ФАХРИДДИНОВ Муҳаммадамин (1894—Тошкент —1941) — ўзбек маърифатпарвари, педагог. Тошкентдаги мадрасалардан бири ва 2 босқичли рус-тузем мактабини тугатган. 1913—17 йилларда Тошкентдаги рус-тузем мактабларидан бирида ўқитувчи. Октябрь рев-ясидан сўнг ўзбек совет мактабларида ўқитувчилик қилган. Ф. янги усул мактаблари учун ўзбек тили дарслиги («Туркча қонда»), алифбе китоби («Раҳбари аввал»), географиядан қўлланма («Жуғрофияи риёзий»)лар ёзган. «Туркча қонда» (1913, Тошкент) ўзбек тилида биринчи марта ёзилган мактаб дарслиги бўлиб, бошланғич синф ўқувчилари учун мўлжалланган. Унда ўзбек тили грамматикаси, имло ва тиниш белгилари ҳақида дастлабки назарий маълумотлар, машқлар берилган. «Раҳбари аввал» (1917, Тошкент) усули маддия (ҳарфларнинг номига унли товушлар қўшиб, чўзиб бўғин ҳосил қилиш)даги биринчи расмли ўзбек алифбосидир. Дарсликда оригинал текстлар б-н бир қаторда К. Д. Ушинский, Л. Н. Толстой ва б. рус педагогларининг болаларга мўлжалланган асарлари ҳам бор.

ФАХРИДДИНОВ Сайфиддин (1932. 8. 5, Тошкент) — врач фармаколог, медицина фанлари д-ри (1972). 1965 йилдан КПСС аъзоси. ТошМИни тугатган (1957), УзССР ФАнинг Ўлка медицинаси ҳамда Усимлик моддалари кимёси ин-тида аспирант (1958—60), кичик илмий ходим (1961—62), катта илмий ходим (1963—70). ТошДУда (1971—73), УзССР ФА Кибернетика ин-тининг медицина бўлимида (1973—75) катта илмий ходим, айни вақтда УзССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг Ҳисоблаш марказида бўлим мудири (1974—75).



Фахр секстанти схемаси.

Тошкент Фармацевтика ин-ти проблемалар лабораторияси медицина-биология бўлимининг мудири (1975—77). 1977 йилдан Ўзбекистон Эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий тадқиқот ин-тида катта илмий ходим. «Апорфин, наркотин, хинолин ва хинолон типидаги алкалоидлар ва уларнинг баъзи ҳосилаларини фармакологик текшириш» мавзуида д-рлик диссертацияси ёқлаган. Илмий ишлари янги табиий ва синтетик бирикмаларнинг (экспериментал ҳайвонлар ва одам организмига) фармокологик таъсирини ўрганишга оид.

ФАХРИЙ ЕРЛИҚ — социалистик мамлакатларда меҳнаткашлар ва уларнинг коллективларини маънавий рағбатлантириш шаклларидан бири. СССРда Ф. ё. б-н иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Олий Советлари Президиумлари, ВЦСПС, министрликлар, маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари, корхона ва муассасаларнинг маъмурияти мукофотлайди. Ф. ё. б-н мукофотлаш тартиби улар ҳақидаги низомларда берилган. Мас., ЎзССР Олий Совети Президиумининг Ф. ё. ҳақидаги низоми ЎзССР Олий Совети Президиумининг 1960 йил 13 апрелдаги фармони б-н тасдиқланган. Низомга кўра, ЎзССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи б-н давлат планларини бажаришда юксак кўрсаткичларга эришган, ишлаб чиқариш, илмий, ижтимоий-сиёсий фаолиятда ўзини кўрсатган, хўжалик ва маданий қурилишларда хизматлари б-н ўрнак бўлган ишчи, колхозчи, хизматчилар, инженер-техник ходимлар, фан, адабиёт ва санъат намояндалари, жамоат арбоблари, шунингдек давлат ва кооператив ташкилотлари, муассасалари мукофотланади. Мукофот ЎзССР Олий Совети Президиумининг фармони б-н берилади.

ВЦСПС Фахрий ёрлиғи 1960 йил 28 октябрда таъсис этилган. Бу ёрлиқ б-н илғор коллективлар, планни бажаришда ташаббус кўрсатган, социалистик мусобақаларни ривожлантирган, тарбиявий ишларни яхши ташкил этган, меҳнаткашларга намунали маданий-маиший хизмат кўрсатган ишчи, инженер, техник, хизматчилар, касаба союзлари ташкилотларининг активлари ва ходимлари мукофотланади. Мукофот касаба союзларининг Советлари ва Марказий комитетлари тавсиясига кўра, ВЦСПС Президиуми томонидан берилади. Рағбатлантириш мақсадида бериладиган Ф. ё. лар Ички меҳнат тартиби намунавий қоидалари, шунингдек, Меҳнат тўғрисидаги қонунлар асослари (1970) да кўзда тутилган.

Жамоат ишларида фаол қатнашган шахслар партия, комсомол ва б. жамоат ташкилотларининг қарорига мувофиқ ҳам Ф. ё. б-н мукофотланади.

ФАХРИЙ РЕВОЛЮЦИОН ҚИЗИЛ БАЙРОҚ — ҳарбий мукофот. Ҳарбий ишлар Халқ Комиссарлигининг 1918 йил 3 август буйруғи (1920 йил 18 мартда бу буйруқ Бутун Россия МИҚ томонидан тасдиқланди ва мазкур мукофот б-н тақдирлаш ҳуқуқи ҳам унга ўтди)га мувофиқ Қизил Армиянинг жангларда қаҳрамонлик кўрсатган қисм ва қўшилмалари Ф. р. Қ. Б. б-н мукофотланган. Бу мукофот биринчи марта 1918 йил 20 августда 5-Земгаль латиш ўқчи полкига берилган. 1932 йил 27 ноябрда СССР МИК Ф. р. Қ. Б. ҳақида янги қарор чиқарди. Унга биноан социалистик Ватанининг душманларига қарши курашда кўрсатган қаҳрамонлик ва жасоратлари учун ёки тинчлик даврида жанговар тайёргарликда эришган муваффақиятлари учун қисм ва қўшилмалар Ф. р. Қ. Б. б-н мукофотланадиган бўлди. Ҳарбий кема ва кемалар қўшилмаси учун бундай ҳарбий мукофот Ҳарбий-Денгиз Фахрий Байроғидир.

ФАХРИЙ РЕВОЛЮЦИОН ҚУРОЛ — СССР Қуролли Кучларида 1919—30 йиллардаги олий ҳарбий мукофот. Қизил Армиянинг олий командирлар составидаги шахслар «алоҳида жанговар хизматлари учун» Ф. р. қ. б-н мукофотланган. Бутун Россия МИҚнинг Ф. р. қ. ни таъсис этиш ҳақидаги декрети 1920 йил 8 апрелда чиқди (лекин Ф. р. қ. б-н мукофотлаш 1919 йилдаёқ бошланган эди). 1924 йил 12 декабрда СССР МИҚ «Ишчи-Деҳқон Қизил Армияси ва Флотининг олий командирлар составини Ф. р. қ. б-н мукофотлаш ҳақида» низом қабул қилди. Ф. р. қ. сифатида дастасига Қизил Байроқ орденининг тасвири солинган қилич ёки револьвер қўлланилган. Ф. р. қ. б-н жами 21 киши мукофотланган.

ФАХРИЙ УНВОНЛАР — СССРда граждан ва коллективларнинг катта хизматларини давлат ва жамоатчилик томонидан эътироф этиб бериладиган *унвонлар*. Совет конституцияларига кўра, Ф. у. ни СССР, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Олий Советлари Президиумлари таъсис этади ва беради. СССР Олий Совети Президиуми қуйидаги Ф. у. ни таъсис этган: *Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Қаҳрамон шаҳарлар,* Қаҳрамон қалъа, *СССР Космонавт-учувчиси* (1961, 14 апрель), *Қаҳрамон она* (1944, 8 июль), СССР халқ артисти (1936, 6 сентябрь), СССР халқ архитектори (1967, 12 август), СССР халқ рассоми (1943, 16 июль), СССР халқ врачи (1977, 25 октябрь), СССР халқ ўқитувчиси (1977, 30 декабрь), СССРда хизмат кўрсатган ҳарбий учувчи (1965, 26 январь), СССРда хизмат кўрсатган ҳарбий штурман (1965, 26 январь), СССРда хизмат кўрсатган синовчи-учувчи (1958, 14 август), СССРда хизмат кўрсатган синовчи-штурман (1958, 14 август), СССРда хизмат кўрсатган учувчи (1965, 30 сентябрь), СССРда хизмат кўрсатган штурман (1965, 30 сентябрь). Ленин мукофотлари ёки СССР Давлат мукофотларини олишга сазовор бўлган шахсларга ҳам муайян мукофотларнинг лауреати деган унвон берилади. СССР Қуролли Кучларида Ф. у. сифатида гвардия унвонлари ва ҳарбий фахрий номлар берилади.

Халқ хўжалигининг бир қанча тармоқларида яхши ишлаб, бошқаларга ўрнак кўрсатаётган ходимларни рағбатлантириш учун касаба союзлари МҚ б-н биргаликда тегишли министрликлар томонидан ҳам Ф. у. (мас., Фахрли кончи, Фахрли металлург, Фахрли шахтёр ва б.) берилиши мумкин. К-з намунали уставида (1969) к-зларда Хизмат кўрсатган колхозчи ва Фахрли колхозчи унвонлари таъсис этиш кўзда тутилган. СССР Маданият министрлиги театр ва бадиий коллективларига «академик» фахрий унвони, СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Физкультура ва спорт комитети СССРда хизмат кўрсатган спорт мастери (1934, 27 май) ва СССРда хизмат кўрсатган тренер (1956, 24 март) Ф. у. ини беради.

ЎзССРда 32 та фахрий унвон таъсис этилган (1978): ЎзССР халқ артисти (1940, 16 февраль), ЎзССР халқ рассоми (1944, 15 январь), ЎзССР халқ ёзувчиси (шоири) (1976, 23 июнь; 1963, 3 майдан ЎзССР халқ ёзувчиси ва ЎзССР халқ шоири унвонлари бўлган), ЎзССРда хизмат кўрсатган врач (1940, 16 февраль), ЎзССРда хизмат кўрсатган артист (1940, 16 февраль), ЎзССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи (1940, 16 февраль), ЎзССРда хизмат кўрсатган ирригатор (1948, 19 апрель), ЎзССРда хизмат кўрсатган қурувчи (1957, 9 август), ЎзССРда хизмат кўрсатган ихтирочи (1959, 8 декабрь), ЎзССРда хизмат кўрсатган рационализатор (1959, 8 декабрь), ЎзССРда хизмат кўрсатган чорвачилик ходими (1960, 23 март), ЎзССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1961, 28 июнь), ЎзССРда хизмат кўрсатган пахтакор (1963, 24 декабрь), ЎзССРда хизмат кўрсатган фан арбоби (1964, 29 февраль), ЎзССРда хизмат кўрсатган геолог (1965, 23 декабрь), ЎзССРда хизмат кўрсатган юрист (1966, 28 январь), ЎзССРда хизмат кўрсатган алоқачи (1966, 27 сентябрь), ЎзССР да хизмат кўрсатган инженер (1966, 27 сентябрь), ЎзССРда хизмат кўрсатган маданият ходими (1966, 27 сентябрь), ЎзССРда хизмат кўрсатган савдо ходими (1966, 27 сентябрь), ЎзССР қишлоқ хўжалигида хизмат кўрсатган механизатор (1966, 27 сентябрь), ЎзССРда хизмат кўрсатган экономист (1967, 20 март), ЎзССРда хизмат кўрсатган ўрмон ходими (1970, 15 сентябрь), ЎзССРда хизмат кўрсатган энергетик (1970, 17 декабрь), ЎзССРда хизмат кўрсатган архитектор (1971, 12 март), ЎзССРда хизмат кўрсатган физкультура ва спорт ходими (1975, 10 сентябрь), ЎзССРда хизмат кўрсатган саноат ходими (1976, 23 июнь), ЎзССР да хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими (1976, 23 июнь), ЎзССРда хизмат кўрсатган халқ маорифи ходими (1976, 23 июнь), ЎзССР да хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими (1976, 23 июнь), ЎзССРда хизмат кўрсатган коммунал-маиший хизмат ходими (1976, 23 июнь), ЎзССРда хизмат кўрсатган транспорт ходими (1976, 23 июнь).

Санъатни ривожлантиришда кўрсатган ғоят катта хизматлари учун музика, хор, ўйин ва б. ижрочилик коллективларига ЎзССРда хизмат кўрсатган ансамбль, ЎзССРда хизмат кўрсатган ижрочи коллектив, ЎзССРда хизмат кўрсатган оркестр фахрий унвонлари таъсис этилган (1977, 27 октябрь). Фахрий унвонни олишга сазовор бўлган ижрочи коллективга ЎзССР Олий Совети Президиуми ёрлиғи берилади.

ЎзССРда, булардан ташқари, қуйидаги Ф. у. бўлган: ЎзССР халқ ҳофизи (1940, 16 февраль—1960, 23 март), ЎзССРда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби (1940, 16 февраль—1976, 23 июнь), ЎзССРда хизмат кўрсатган агроном (1948, 19 апрель—1976, 23 июнь), ЎзССРда хизмат кўрсатган ер тузувчи (1952, 16 апрель—1976, 23 июнь), ЎзССР газ саноатининг хизмат кўрсатган ходими (1964, 24 июнь—1976, 23 июнь), ЎзССРда хизмат кўрсатган нефтчи (1964, 24 июнь—1976, 23 июнь), ЎзССРда хизмат кўрсатган механизатор (1951, 6 август—1966, 27 сентябрь), ЎзССРда хизмат кўрсатган автотранспортчи (1966, 27 сентябрь—1976, 23 июнь), ЎзССРда хизмат кўрсатган фармацевт (1968, 27 сентябрь—1976, 23 июнь), ЎзССРда хизмат кўрсатган ветеринария врачи (1971, 18 март—1976, 23 июнь), ЎзССРда хизмат кўрсатган зоотехник (1971, 18 март—1976, 23 июнь).

Ф. у. б-н мукофотланган шахсларга кўкракка тақиладиган нишон ва гувоҳнома берилади.

Ф. у. дан фақат уларни тақдим этган СССР ва ЎзССР Олий Совети Президиумигина маҳрум эта олади.

ФАХРИЯ — ўзбек классик шеъриятидаги бадиий-тасвирий воситалардан бири. Ф. намуналари кўпчилик классик шоирлар ижодида учрайди. Ф. га мурожаат этган шоир ўз адабий истеъдодининг юксаклиги, ўз шеъриятининг нафис ва бадиий баркамоллиги б-н фахрланади, яъни Ф.— шоирнинг ўз ижоди б-н фахрланиб айтган сўзлари. Ўзбек классик адабиётида Ф. нинг, асосан, уч хилини учратиш мумкин: ҳаққоний, тенденциоз ва адолатсиз Ф. лар. Ҳаққоний Ф. ларда шоир ўз истеъдодига, муболағалироқ бўлса-да, ҳаққоний баҳо беришга уринади:

Гар ўқур мажлисда хонанда Атоий шеърини,
Зуҳра чанг қўбсор, қилур шамсу қамар завқу жароҳ.
(Атоий.)

Тенденциоз Ф. ларда шоир ўзини бошқа бир шоирдан устун қўяди:

Навоий назм аро тиғи забонин ўйла сурдиким,
Пичоқ топмас уяттин ўзни ўлдурмакка Саккокий.
(Навоий.)

ФАЦИЯ (лат. facies — кўриниш, қиёфа) (геологияда)— бир стратиграфик горизонтда тарқалган тоғ жинсларининг литологик таркиби ва уларда сақланган органик қолдиқларнинг ўзгаришини ифодалайдиган тушунча. 19-асрда вужудга келган. «Ф.» терминини фанга Швейцария геологи А. Гресли киритган (1838—41). Рус геологик адабиётида бу терминни Н. А. Головкинский чўкинди ётқизиқларнинг ўзгаришини ифодалаш учун қўллаган (1868). Литологияда Ф. тушунчаси 2 хил маънода ишлатилади: 1) Ф.— муайян шароитда ҳосил бўлган чўкинди тоғ жинслари ёки минераллар ассоциацияси; 2) Ф.— чўкинди ёки жинсда моддийлашган (ҳозирги ёки қадимги) чўкинди ҳосил бўлган шароит (ҳолат). Ф. тушунчасининг ҳар иккала варианти ўзаро яқин бўлиб, бир-бирини тўлдиради.

Чўкиш жараёни (литогенез)нинг турли босқичларидаги шароитларни ҳам Ф. деб атайдилар. Мас., нураш босқичлари текширилаётганда «нураш пўсти Ф. си», чўкиндининг жинсга айланиш босқичини ўрганаётганда «диагенез Ф. си», шаклланиб бўлган чўкинди жинсларининг кейинги ўзгаришларини ўрганаётганда «эпигенез Ф. си» тушунчалари қўлланилади.

Фин геологи П. Эскола эса метаморфик жинсларга татбиқан «метаморфизм Ф. си» тушунчасини киритди. «Ф.» терминни чўкинди ҳосил бўладиган ҳозирги ва қадимги муҳитнинг махсус белгиларини ифодалашда кенг қўлланилади.

1933 йили Л. В. Пустовалов жинслар ҳосил бўлиш жараёнида пайдо бўлган бир хил геохимик белгиларга эга қатлам ёки қатлам свитасини ифодалайдиган «қазилма геохимик «Ф.» тушунчасини киритди. «Геохимик Ф.» термини айниқса нефтчи геологлар орасида кенг қўлланилади, чунки у нефть ҳосил бўлишида асос бўлган органик модданинг тўпланишида муҳим аҳамиятга эга чўкинди ҳосил бўлиш ва диагенез муҳитининг геохимик хоссаларини кўрсатади.

Америка геологлари (Ф. Петтиджон, Л. Слоос, У. Крумбейн) «литологик Ф. лар»

(ёки литофациялар) тушунчасини киритдилар; бу тушунча муайян жойдаги стратиграфик горизонт жинсларининг литологик таркибини билдиради (мас., қум Ф. си, гил Ф. си); жинсларнинг минералогик таркиби, структураси ёки текстурасига кўра ажратилиши ҳам шу тушунчага киради; бу тушунча айниқса нефть геологияси ишларида кўп ишлатилади. «Биологик Ф. лар» (биофациялар) ҳам бўлиб, организмлар қолдиқларига асосланиб тикланган қазилма биоценозларни билдиради (мас., маржонполип Ф., граптолит Ф. ва ҳ. к.).

Шундай қилиб, Ф. асосан чўкинди ҳосил бўладиган шарт-шароит, чўкинди таркиби, жинсларнинг ўзгариш босқичлари, органик қолдиқларига қараб (баъзан бошқа белгиларига кўра) ажратилади.

Пайдо бўлиш шароитлари ва таркиби жиҳатидан фарқланадиган ёнма-ён жойлашган ётқизиқлар ҳам Ф. деб тушунилади (Н. С. Шатский, 1955; Г. Ф. Крашенинников, 1971; Г. П. Леонов, 1974). Бунда Ф. бир хил ёшдаги ётқизиқлардан таркиби ва пайдо бўлиш шароитига кўра фарқланадиган геологик жисм сифатида қаралади.

Геологиянинг чўкинди тоғ жинслари табиий-географик шароитларини ўрганадиган бўлими фациялар ҳақидаги таълимот деб аталади (Д. В. Наливкин). Ер тарихининг қадимги даврлари учун бу шароитларни реконструкция қилиш усуллари эса, фациал анализ дейилади (Ю. А. Жемчужников ва б.) ва *тарихий геология*нинг асосий методларидан ҳисобланади.

Ад.: Наливкин Д. В., Учение о фациях, т. 1—2, М.—Л., 1955—56; Крашенинников Г. Ф., Учение о фациях, М., 1971.

ФАШИЗМ (итал. fascio — тўда, бирлашиш) — капиталистик мамлакатларда капитализмнинг умумий кризиси даврида пайдо бўлган ва империалистик буржуазиянинг энг реакцион, агрессив кучлари манфаатини ифодалайдиган сиёсий оқим. Ф. ҳокимияти — террористик диктатура монополистик капиталнинг энг реакцион кучи бўлиб, капиталистик тузумни сақлаб қолишга интилади. Барча демократик эркинликни йўқ қилиш, ўтакетган шовинизм, антикоммунизм, босқинчилик сиёсатини олиб бориш, *ирқчилик*ни пропаганда қилиш ва ш. к. Ф. га хос хусусиятлардир.

Ф. ўзининг ижтимоий асосини яратиши учун курашда ўзидан олдинги реакцион таълимот ва назариялар (Ф. *Ницше*, Шпенглер таълимотлари, *антисемитизм*, *геополитика* ва б.) га таянди.

Ф. революцион кўтарилиш даврида реакция сифатида пайдо бўлди, бутун прогрессив инсоният, энг аввало халқаро революцион ишчилар ҳаракатининг ашаддий ва хавфли душманига айланди. Биринчи фашистик ташкилот 1919 йил баҳорида Италияда вужудга келди, 1922 йилда Б. *Муссолини* бошлиқ фашистлар ҳокимиятни қўлга олдилар. Фашистлар Италияси Эфиопияни босиб олгандан сўнг (1936), Испанияга қарши интервенцияга қатнашди (1936—39), 1939 йил Албанияни босиб олиб, 1940 йил октябрида Грецияга ҳужум қилди; шу йил июнида Францияга уруш эълон қилди. Шу тарзда *иккинчи жаҳон уруши*га кирди. Бу уруш давомида Италиядаги фашистик режим барбод бўлди (1943).

1919 йилда Германияда фашистик партия — Германия национал-социалистик партияси пайдо бўлди. 1933 йилда, сиёсий кризислар кучайган бир пайтда фашистларнинг «доҳий»си («фюрер») *Гитлер* бошчилигидаги бу партия йирик монополистлар ва ҳарбийлар кўмагида Германияда ҳокимиятни қўлга олиб, қонли террористик диктатура тузумини ўрнатди. Гитлер ҳукумати коммунистларга қарши игволар уюштирди (қ. *Лейпциг процесси*). Коммунистик партия б-н бир қаторда Социал-демократик ва барча традицион буржуа партияларини тақиқлади. Ҳамма жамоат ташкилотлари тарқатилди, демократик кучларга қарши террористик ҳаракат авж олди. Мамлакат экономикаси ҳарбийлаштиришга қаратилди. 1936—39 йилларда Германия Италия б-н биргаликда Испанияга қарши интервенцияда қатнашди. 1938 йилда Австрия Германияга қўшиб олинди, 1938—39 йиллари Чехословакия босиб олиниб, бўлиб ташланди. 1939 йил сентябрда Польшага ҳужум қилиб, Германия Иккинчи жаҳон урушини бошлаб юборди.

Италия ва Германияда вужудга келган фашистик ҳокимият бошқа мамлакатлардаги фашистик ва ярим фашистик ташкилотларга ҳомийлик қила бошлади. Икки жаҳон урушлари ўртасидаги даврда Шарқий ва Марказий Европадаги бир қанча давлатларда — Австрия, Венгрия, Польша, Руминия, Болтиқбўйи давлатларида ва б. да Ф. типидаги тузум ўрнатилди.

Италия ва Германия интервентларининг ҳарбий ва сиёсий ёрдами б-н Испанияда Франко фашистик диктатураси барпо этилди. Олдинроқ Португалияда Салазар фашистик диктатураси ўрнатилди.

30-йилларнинг ўрталарига бориб Ф. фақат айрим давлатлардаги ишчи ва демократик ҳаракатлар учунгина эмас, балки бутун инсониятнинг ҳаёти учун хавф туғдира бошлади. Шунинг учун ҳам Ф. га қарши барча прогрессив кучларни бирлаштирган кенг антифашист ҳаракати вужудга келди. Бу ҳаракатни ташкил топишида коммунистик партиялар катта роль ўйнади. Улар Коминтерн 7-конгрессининг *халқ фронти* ҳақидаги қароридан келиб чиққани ҳолда ҳар бир мамлакатнинг ўзига хос шароитини ҳисобга олиб, антифашист ҳаракатини кучайтирдилар (қ. *Коммунистик интернационал, Антифашист ҳаракати*). Иккинчи жаҳон уруши йилларида фашист босқинчиларни босиб олган терр-яларида аҳолини ёппасига қириб ташлаш системасини қўлладилар. *Концентрацион лагерь* ва ўлим лагерларига Европа давлатларидаги турли халқлардан тахм. 18 млн. киши олиб келинган. Улардан 11 млн. киши ваҳшийларча ўлдирилган. Ф. нинг инсонга хос бўлмаган хатти-ҳаракати бутун дунё халқларининг нафратини орттирди. Фашист давлатининг ичида ва босиб олинган терр-яларда *Қаршилик кўрсатиш ҳаракати* пайдо бўлди.

1945 йилда Германия ва унинг иттифоқчилари устидан СССР ва барча антигитлер коалиция кучларининг ғалабаси Ф. га қаттиқ зарба берди. Урушда Ф. нинг енгилиши фашистлар қўлида эзилиб келган мамлакатларда миллий озодлик ва революцион ҳаракат кучайишига қулай шарт-шароит яратиб, Европа ва Осиёдаги бир қанча мамлакатларда халқ демократияси типидаги тузум ўрнатилишига олиб келди. Бироқ айрим капиталистик мамлакатлар (Испания, Португалия)да ҳукмрон синфлар урушдан кейинги йиллари ҳам Ф. типидаги диктаторлик режимини сақлаб қола олди. Фашистик иттифоқ бошчилик қилган мамлакатларда Ф. илдизи бутунлай тугатилмай қолди. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг бошланган «совуқ уруш» сиёсати илгари антигитлер коалициясига кирган мамлакатларда ҳам реакцион кучларнинг жумладан фашистик элементларнинг жонланишига олиб келди. Ф. ни вужудга келтирган ва уни маълум тарихий босқичда таъсирли кучга айлантирган социал ва сиёсий жараёнлар ҳозирги замон капиталистик жамиятда ҳам пайдо бўлмоқда. Кўп капиталистик мамлакатлар ҳукмрон доиралари ўзларининг мавқеларини сақлаб қолиш учун айрим ҳолларда очиқдан-очиқ Ф. ёки ярим Ф. методини тутмоқдалар.

Баъзи ҳолларда фашистик ва ярим фашистик элементлар милитаристик кучлар б-н бирликда ҳарбий тўнтариш йўли б-н ҳукмрон позицияларни эгаллашга ҳаракат қилаётирлар. Мас., 1967 йил апрелда Грецияда, 1973 йил сентябрда Чилида давлат тўнтариши бўлиб, терроризмга асосланган ҳарбий-фашистик диктатура ўрнатилди. Илгарироқ (1954) Парагвайда террористик диктатура барпо этилди. Латин Америкасидаги бир неча мамлакатларнинг ташқи ва ички сиёсатига ҳам реакцион ҳарбийлар катта таъсир ўтказмоқда.

Табиийки, янги шарт-шароитда фашистик кучлар илгариги жирканч хатти-ҳаракатларини ниқоблаш учун янги қиёфага кирмоқдалар. Шунинг учун ҳозирги кунда Ф. ўрнида кўпроқ неофашизм термини ишлатилмоқда. Неофашизмга ҳам ашаддий антикоммунизм, антисоветизм, ўта миллатчилик, ирқчилик хос бўлиб, у буржуазиянинг реакцион элементлари кайфияти ва манфаатини ифодалайди. Неофашистик ҳаракат ва неофашизм идеологиясининг таъсир даражаси ҳукмрон лагердаги сиёсий кучларнинг жойлашиши, муайян капиталистик мамлакатлардаги ижтимоий-сиёсий кризиснинг кескинлиги, неофашизмга қарши турган сиёсий кучларнинг кураш мақсади ва ш. к. га боғлиқ. Капитализмнинг умумий кризиси кескинлашган шароитда неофашист кучлар кўпроқ террористик ва б. қўпорувчилик акцияларини ташкил этмоқдалар. Умуман олганда Ф. позицияси иккинчи жаҳон урушидан кейин анча сусайди. Португалияда (1974 йил апрель), Грецияда (1974 йил июль) Ф. нинг агдарилиши, шунингдек Испанияда франкизмнинг емирилиши ҳозирги замон фашист тузуми мавқеи пасайганлигидан далолат бермоқда. Бироқ неофашизм жаҳон империализмидаги реакцион кучларни бирлаштирувчи оқим сифатида социал ва сиёсий тараққиётнинг прогрессив йўналишига ҳамон хавф туғдирмоқда. Шунинг учун ҳам демократия ва прогресс тарафдорларининг мустаҳкам бирлигини вужудга келтириш Ф. га, унинг ҳозирги даврдаги кўринишн бўлган неофашизмга қарши курашнинг муҳим шартидир.

Ад.: Нюрнбергский процесс над главными немецкими военными преступниками. Сб. материалов, т. 1—7, М., 1957—61; Алатри П., Происхождение фашизма, Пер. с итал., М., 1961; Бланк А. С., Коммунистическая партия Германии в борьбе против фашистской диктатуры (1933—1945), М., 1964; Лопухов Б. Р., Фашизм и рабочее движение в Италии 1919—1929, М., 1968; Галкин А. А., Социология неофашизма, М., 1971; VII Конгрес Коммунистического Интернационала и борьба против фашизма и войны, М., 1975.

ФАЭТОН, файтон (юнон. phaéton — юнон мифологиясидаги Қуёш худоси, яъни Гелиоснинг ўғли Фаэтоннинг номидан) — 1) усти осон очиладиган автомобиль кузовининг номи. Бундай кузовли автомобилда 2 ёки 3 қатор ўриндиқ, 2 ёки 4 эшик бўлади (қ. *Енгил автомобиллар*); 2) соябонли тўрт ғилдиракли экипаж.



Фаэтон.

ФАЭТОНЛАР, файтонлар (Phaethontidae) — курак оёқли қушлар туркумининг бир оиласи. 3 тури бирлаштирган бир уруғи маълум. Танаси 30—45 *см*, оғирлиги 0,9—1,4 *кг*. Ним пушти рангда, қора холлари бор. Думи жуда узун. Оёғи қисқа, нозик бўлгани учун қуруқликда қийинчилик б-н юради. Ёмон сузади, бироқ яхши учади. Ф. моногам қуш. 6—12 қуш группа бўлиб яшайди. Сув ҳавзаларининг хилват оролларидаги тик қояларга уя ясайди. Битта тухум қўяди, нари ҳамда модаси 41—45 кун навбат б-н босади. Ф. Ҳинд, Атлантика ва Тинч океанларнинг тропик қисмида тарқалган. Балиқлар, кальмарлар, қисқичбақасимонлар б-н овқатланади.

ФАҚИРИЙ (тахаллуси; асл номи Абдураззоқ Абдужаббор ўғли; 1880 — Хива яқинидаги Бузхона қишлоғи — 1925) — ўзбек шоири, хаттот ва наққош. Деҳқон оиласида туғилган. Хивадаги Қутлуғ Мурод Иноқ ва Араб Муҳаммад мадрасаларида таҳсил кўрган. *Худойберган Девон*дан хаттотликни ўрганган. Егоч ва ганчга нақш ўйишда ҳам моҳир бўлган. Ижоди 1900 йилдан бошланган. Шоирнинг «Муллалар», «Хива шаҳри ичра бир банги», «Тавсифи Тоғой сўфи», «Савдогарбачча ҳажви» каби шеърларида инқилобгача бўлган Хоразмдаги ҳоким табақа вакиллари, дин арбоблари ва амалдорлар қаттиқ хажв остига олинган. «Эй палид» манзумасида *Асфандиёрхон*нинг халқ бошига солган қайғу-кулфати, жабр-зулми, унинг ахлоқий бузуқлиги фош қилинган. Ф. 1916 йилда халқ қўзғолони муносабати б-н ёзган «Эй сипоҳий» шеърида озод ва бахтиёр кунларнинг келишига ишонч билдирган.

Ф. Октябрь рев-ясини мамнуният б-н қарши олди, Коммунистик партия сафига кириб, революцион руҳдаги шеърлари б-н янги замон ғояларини тараннум этди. У «Мухаммаси замона» (1921), «Пайёми Ленин» (1922), «Мадҳи Ленин» (1923), «Марсияи вафоти Ленин» (1924) каби шеърларида доҳий Ленин образини яратди. Шоир ўзининг кўпгина асарларини «Девони Фақирий» китобига жамлаган (ЎзССР ФА Шарқшунослик ин-ти, № 7693). Ҳасан Мурод Қори (Лаффасий) нинг «Тазкираи шуаро» асарида Ф. ҳақида маълумот берилган.

ФАҲЕД (асл номи Юсуф Салмон Юсуф, 1901. 19. 7 — Бағдод — 1949. 14. 2) — Ироқ ишчи ва коммунистик ҳаракати арбоби. Ишчи оиласида туғилган. Ёшлигидан революцион курашда иштирок этган. 1932 йили Ф. тузган коммунистик группа марксистик адабиётларни араб тилига таржима қилган ва коммунистик варақалар тарқатган. 1934 йилдан Ироқ Коммунистик партияси (ИКП) МК аъзоси. 1935 йили Ф. Коминтернинг 7-конгрессида ИКП вакили бўлган. Москвада Шарқ меҳнаткашлари коммунистик ун-тида ўқиган. 1938 йили Ироққа қайтган. 1940 йилдан ИКП Бош секретари. 1947 йили Ф. қамоққа олинган ва қирол суди томонидан ўлимга ҳукм қилинган. Ироқ ва жаҳон жамоатчилиги талаби б-н ўлим жазоси 20 йил қамоқ б-н алмаштирилган бўлса-да, 1949 йили ҳарбий трибунал ҳукми б-н қатл қилинган.


ИЗВѢСТІЯ
ПЕТРОГРАДСКАГО СОВѢТА
Рабочихъ депутатовъ.

Петроград ишчи депутатларининг 1917 йил 28 февраль ахбороти.

ФЕВА — *Сатурн*нинг 10 та йўлдошидан бири. Сатурн атрофидан тескари томонга 550 сутқада бир марта айланиб чиқади. Уртача юлдуз катталиги 14,5. 1898 йили америкалик астроном У. Пиккеринг томонидан кашф қилинган (қ. *Сайёралар йўлдошлари*).

ФЕВРАЛЬ (лат. Februarius — ҳалолланиш ойи) — *календарь* йилнинг иккинчи ойи (28 кун, *кабиса йил*да эса 29 кун). Номи қадимги римликларнинг ҳар йили 15 февралда ўтказилган ҳалолланиш маросими б-н боғлиқ.

ФЕВРАЛЬ БУРЖУА-ДЕМОКРАТИК РЕВОЛЮЦИЯСИ (1917) — Россияда самодержавиени ағдариб ташлаган ва социалистик рев-я қилиш учун шароит яратган иккинчи рус рев-яси.

Февраль рев-яси Россиядаги 1905—07 йиллар рев-яси каби илгаригидек ижтимоий иқтисодий қарама-қаршиликлар асосида туғилди. Унинг олдида демократик республика ўрнатиш, помешчиклар ер эгалиги ва миллий зулмни тугатиш вазифаси турар эди. 1905—07 йиллар рев-яси ҳал этмаган масалалар Биринчи жаҳон уруши (1914—18) натижасида янада кескинлашди. Уруш революцион ва подшо ҳукуматига қарши оппозицион кучлар фронтини кенгайтирди ҳамда улкан революцион портлаш учун шароит вужудга келтирди. Чор Россиясининг экономикаси ва унинг бюрократик аппарати огир, узоқ давом этадиган урушга тайёр эмас эди. Уруш йиллари Россиянинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти б-н унинг эскирган ижтимоий-сиёсий системаси ўртасидаги зиддият кескинлашди. 1915 йил ёзида вужудга келган революцион вазият 1916 йил охирида янада кучайди.

1916 йил октябрда Петроград ишчилари бир неча марта йирик иш ташлаш уюштирдилар. 1917 йил бошида мамлакатда иш ташлаш ҳаракати ялпи тус олиб, у йирик сиёсий намойишлар б-н ўтди.

1917 йил 9 январда 145 мингга яқин Петроград ишчилари, Москвадаги барча ишчиларнинг $^1/_3$ қисми иш ташлади; Харьков, Боку ва Нижний Новгородда ҳам иш ташлаш ҳамда митинглар бўлиб ўтди. 9 январь воқеалари оммавий-сиёсий намойишларга ўтишнинг бошланиши бўлди. Февраль ўрталарида 60 та з-д ишчилари иш ташладилар. Петроградда «Нон!», «Йўқолсин уруш!», «Яшасин республика!» шиори остида ишчилар намойишлари бўлиб ўтди. Петроградда революцион ҳаракат ўсиб борди.

23 февраль (8 март) воқеаларнинг ривожланишида бурилиш куни, Ф. б.-д. р. нинг биринчи куни бўлди. 50 корхона (128 мингга яқин ишчи) иш ташлади. Иш ташловчилар ва Петроград кўчасига чиққанлар орасида ишчи хотин-қизлар кўп эди. 24 февралда Петроградда 214 мингга яқин ишчи иш ташлади. 25 февралда иш ташлаш оммавий-сиёсий тус олди. Петроград большевиклари солдатларни рев-я томон оғдиришни энг муҳим вазифа сифатида илгари сурдилар. Шу куни РСДРП Петербург комитети солдатларни ишчиларга қўшилишга чақириб, варақа чиқарди; полиция эса турли жамоат ташкилотлари ва сиёсий партияларда оммавий қамоққа олишни бошлади. 26 февралга ўтар кечаси РСДРП Петербург комитетининг 3 аъзоси қамоққа олинди. МҚ Рус бюросининг топшириғига биноан Выборг р-н комитети вақтинча Петербург комитети функциясини бажариб турди.

Петроград пролетариати солдатлар ўртасида пропаганда ишларини олиб бориб, уларни подшо ҳукуматига қарши қатъий курашга чақирди. 27 февраль эрталаб Волинь (Волинск) полки, кейин Преображенский ва Литва полки солдатлари қўзғолон бошладилар. 27 февраль эрталаб қўзғолонни 10 минг солдат бошлаган бўлса, кечқурун уларнинг сони 67 мингга етди. Ишчи ва солдатлар 28 февралда Адмиралтейство ҳамда ҳукумат қўшинларининг қолдиқлари яширинган Қишки саройни эгалладилар, Петропавловск қалъасини қўлга киритдилар. Пойтахтга Петергоф ва Стрельнадан революцион қисмлар кела бошлади. Николай II кўрсатмаси бўйича, Ставка шошилинч равишда жазо отрядини тузди. Аммо у солдатлар пойтахтга яқинлашиши б-н революцион қўшинлар томонига ўтди. Охирги подшо ҳукуматининг министрлари ҳибсга олиниб, Петропавловск қалъасига қамаб қўйилди. Петроградда рев-я ғалаба қилди.

Қуролли қўзғолон пайтида Петроград революцион пролетариати ишчи депутатлари Советини тузишга киришди. Советларга сайловлар шаҳар корхоналарида 24—25 февралдаёқ бошланган эди. Большевиклар Советларни тузиш ҳаракатига бошчилик қилдилар.

27 февралда большевиклар Манифест чиқариб, ишчиларни самодержавиега қарши курашни охирига етказиш, демократик республика эълон қилиш, Муваққат революцион ҳукумат тузиш, 8 соатлик иш кунига эришиш, помешчиклар ерларини мусодара қилиш, дарҳол империалистик урушни тўхтатишга чақирдилар.

27 февраль кечқурун Петроград ишчи ва солдат депутатлари советининг биринчи йиғилиши бўлди. Совет революцион халқ продасини бажариб, дастлабки ҳужжатлари б-н ўзини пролетариат ва деҳқонларнинг революцион демократик диктатураси жанговар органи сифатида (расман бўлмаса ҳам) намоён этди. Аммо меньшевик ва эсерлар Советнинг революцион фаолиятига тўсқинлик қилдилар.

Рев-я жуда кенг майда буржуа оммасининг сиёсий фаолиятига йўл очиб берди. Бу ҳол рев-яниг юксалишига олиб келиши б-н бирга майда буржуа кайфияти ёйилишига ҳам сабаб бўлди. Қудратли майда буржуа тўлқинлари туфайли қалқиб чиққан меньшевик ва эсерлар Советлардаги раҳбарликни эгаллаб олиб, унинг фаолиятини либерал буржуазия б-н келишиш ва бўйсуниш йўлидан боришга йўналтирдилар. 27 февраль тунида Давлат думасининг Вақтли Комитети тузилганлиги расман эълон қилинди. Бу комитет ҳокимият-


МАНИФЕСТЪ
Россійской Соціалъ-Демократической Рабочей Партіи
Ко всѣмъ гражданамъ Россіи.
Пролетаріи всѣхъ странъ соединяйтесь!


РСДРП МҚнинг «Россиянинг барча граждонларига» манифести, 1917 йил 27 февраль.

ни ўз қўлига олишга, рев-яни тўхтатиш ва монархияни сақлаб қолишга ҳаракат қилди. 1 мартда Петроград Совети Ижроия Комитети большевикларнинг норозилигига қарамай, Вақтли Комитетга ҳукумат тузишни топширди. Шу куни князь Г. С. Львов бошчилигида буржуа *Муваққат ҳукумати* тузилди. Натижада *қўш ҳокимиятчилик* вужудга келди.

Петроград қўзғолони тўғрисидаги хабар Москвага етиб келгач, 27 февраль кечқурун РСДРП(б) МҚ Москва обл. бюроси ва Москва комитети большевикларининг умумий иш ташлаш ва намойишлар, Советларга сайловлар ўтказишга қарор қилган йиғилиши бўлди. 28 февраль Москвадаги рев-яниинг биринчи куни бўлди. 1 мартда ишчи ва солдатлар ҳукуматнинг барча муассасалари, почта, телеграф, вокзаллар, банкни эгалладилар, турмаларни қўлга киритиб, сиёсий маҳбусларни озод этдилар. Москвада ишчи депутатлар Советига сайловлар 28 февраль ва 1 мартда ўтди. 1 мартда ишчи депутатлар Советининг биринчи йиғилиши бўлди.

Буржуа-демократик рев-я мартнинг биринчи кунларида кўпгина шаҳарларда ғалабага эришди. Бу рев-я мамлакатда, айниқса Финляндия, Болтиқбўйи, Украинада миллий ҳаракатларнинг ўсишига сабаб бўлди. Закавказье ва Туркистонда ҳам меҳнаткашларнинг революцион ҳаракатлари кучайди.

Туркистонда Ф. б.-д. р. икки муҳим воқеа — *сапёрлар қўзғолони* ҳамда *Урта Осиё қўзғолони* (1916) б-н чамбарчас боғлиқдир. 1916 йил қўзғолони бостирилгандан кейин ҳам маҳаллий аҳоли ўртасидаги ғалаёнлар тўхтамади. Рус ишчилар синфининг революцион кураши таъсири остида *мардикорлик*ка олинган ишчилар революцион ҳаракатда яна ҳам фаолроқ иштирок эта бошладилар. Туркистонда умумий қолоқлик ва саноат пролетариатининг кам сонлилиги, ҳали мустаҳкам большевистик ташкилотлар ташкил топмаганлиги, ишчилар орасида оппортунистик, шунингдек панисломизм ва пантуркизм элементларининг каттагина таъсири сақланиб қолганлиги сабабли революцион ҳаракат бир қадар кечикиб ривожланди. Петроградда Февраль рев-яси ғалаба қилганлиги ҳақидаги хабар Тошкентга 1 мартда етиб келди. Айни вақтда *Туркистон генерал-губернаторлиги*нинг обл. марказлари рев-я амалга ошганлиги тўғрисидаги телеграммаларни олдилар. Монархия яна тикланади деб умид қилган ва революцион ҳамда озодлик ҳаракатининг янгидан юксалишидан қўрққан А. Н. *Куропаткин* ва унинг фармойишига биноан облластлардаги подшо амалдорлари революцион тўнтариш ҳақидаги дастлабки хабарларни яширишга уриндилар (фақат 3 мартдагина газеталарда Петроградан телеграф орқали олинган хабарлар эълон қилинди). Бироқ темир йўл ишчилари, улар орқали бутун меҳнаткаш халқ бу қувончли воқеадан воқиф бўлдилар. 2 мартдаёқ Урта Осиё т. й. Бош устахоналари ишчиларининг ташаббуси б-н Тошкентда митинг ташкил этилиб, унда 12 ишчидан иборат бўлган Урта Осиёда биринчи Ишчи депутатлари Совети сайланди. Кейинги кунларда йирик шаҳарлар [Тошкент, Андижон, Ашхобод, Қўқон, Скобелев (Фарғона), Самарқанд ва б.]да Ишчи депутатлари Советлари б-н бир қаторда, Солдат депутатлари Советлари ҳам ташкил қилиниб, улар кўп вақт ўтмай Ишчи ва солдат депутатлари Советларига бирлашдилар. Депутатлар меньшевиклар, эсерлар ва большевиклар партиялари кўрсатган номзодлардан сайланар эди. Дастлабки пайтда Советлар составида меньшевиклар ва эсерлар кўпчилик бўлиб, большевиклар депутатларининг учдан бир қисмини ташкил қилган. Туркистонда оппортунистик партияларнинг таъсири маҳаллий миллий буржуазия ва реакцион руҳонийларнинг таъсири б-н чуқурлашган эди. Февраль рев-ясининг дастлабки кунларида қишлоқ ва овулларга, шаҳарларнинг маҳаллий аҳоли яшайдиган қисм («Эски шаҳар»)ларига подшо амалдорлари, маҳаллий бойлар ва руҳонийлар атайлаб тўқиган уйдирма гаплар, иғволар тарқатилди. Оғир озиқ-овқат танглиги шароитида «энди нон бўлмас эмиш», «ҳамма нарсага руслар ва революция айбдор» деб рус ишчиларига, илғор зиёлиларига маҳаллий аҳолини қарши қилиб қўйишга интилдилар. Лекин Тошкентнинг эски шаҳар қисмида 5 мартдаёқ халқ вакиллари Февраль рев-ясининг моҳиятини маҳаллий аҳолига тушунтириш учун махсус комитет ташкил қилдилар. Кейинги кунларда шу хилдаги комитетлар бошқа ерларда ҳам барпо қилинди. Унинг аъзолари меҳнаткаш халқ орасида сиёсий тарғибот ишларини олиб бориб, оммани ўз иқтисодий ва сиёсий ҳуқуқлари учун уюшқоқлик б-н курашишга чақирдилар. 6 мартда Тошкент шаҳар думасининг ташаббуси б-н уюштирилган турли жамоат ташкилотларининг йиғилишида 19 кишидан иборат Муваққат ижроия комитети сайланди. Унга, асосан, буржуа зиёлилари ва амалдорларининг вакиллари, Ишчи депутатлари Советидан эса фақат 5 киши кирди. Жамоат ташкилотларининг Тошкент ижроия комитети «ижроия ҳокимиятини ва Тошкент шаҳрининг барча ҳукумат муассасалари устидан назорат» қилиш ҳуқуқини талаб қилди. Шундан сўнг айрим шаҳар ва волостларда ижроия комитетлар


В. П. Ногин Қизил майдондаги тарих музейи биноси олдида ишчилар орасида нутқ сўзламоқда. 1917 йил 28 февраль.


Аёллар намойиши. 1917 йил февраль.



Федин К. А.

сайланди, қишлоқларда эса энг разил оқсоқоллар ўрнига янгилари қўйилди. Бироқ ижроия комитетлари аъзоларининг қўлидан иш келмаслиги туфайли кўп вақт ўтмай тарқаб кетди: Тошкент комитети — апрелда, бошқа комитетлар июлда барҳам топди. Фақат большевиклар бўлган Советларгина кундан-кунга мустаҳкамланиб, ҳақиқатан ҳам меҳнаткашларнинг ҳокимият органлари бўлиб бордилар. Март охирида Тошкент ишчи депутатлари Совети б-н солдат депутатлари Совети бирлашди. Тошкент депутатлари Советининг ташаббуси б-н 30 мартда чақирилган Ишчи ва солдат депутатлари Совети, жамоат ташкилотлари Ижрокоми, деҳқонлар союзи ва мусулмон депутатлари Совети вакилларининг қўшма мажлиси Куропаткинни ишдан олиш тўғрисидаги масалани муҳокама қилди. Қўшма мажлис генерал-губернатор ва Туркистон ҳарбий округи қўшинларининг қўмондони генерал Куропаткинни, унинг ёрдамчиси генерал Ерофеевни, округ штабининг бошлиғи генерал Сиверсни ишдан четлатишга ва «Муваққат ҳукуматнинг фармойиши чиққунга қадар уларни ўз уйларида ҳибсда тутишга» қарор қилди. 31 март эрталаб соат 10 да қамоққа олиш тўғрисидаги қарор ижро этилди. Шундай қилиб, Туркистонда ишчилар синфи раҳбарлигида, маҳаллий меҳнаткашларнинг кенг иштирокида монархиянинг маҳаллий ҳокимияти ағдарилди.

Февраль рев-ясининг ғалабаси бутун Россия миқёсида оммага сиёсий ҳуқуқлардан кенг фойдаланиш учун қулай имконият яратди, бир қанча эркинликлар берди. Подпольедан чиққан большевистик партия оммани майда буржуазия таъсиридан қутқариш ва уни социалистик рев-я томонига ўтказиш йўлида катта ишлар олиб борди. 5 (18) мартда «Правда» газетаси яна чиқа бошлади. Касаба союзлар тузиш оммавий тус олди, фабрика-завод комитетлари вужудга келди. Ҳамма ерда жанговар дружиналар, ишчи милицияси, қизил гвардиянинг дастлабки отрядлари тузилди.

Мамлакат ва жаҳонда вужудга келган вазият, февраль рев-яси олдига қўйилган, лекин охиригача ҳал қилинмаган вазифалар рев-яни бундан буён ҳам ривожлантиришни талаб этди. Чунки буржуа муваққат ҳукумати халққа на тинчлик, на ер, на чинакам озодлик бера олмади.

В. И. Ленин раҳбарлик қилган большевиклар партияси буржуа-демократик рев-яниинг социалистик рев-яга ўсиб ўтиши учун, пролетариат диктатураси учун курашни авж олдириб юборди. Буржуазия ҳокимияти *Улуғ Октябрь социалистик революцияси* томонидан ағдариб ташланди.

Ад.: Ленин В. И., Пироқдан хатлар, Ас., 23-т.; Ленин В. И., Россиядаги революция ва бутун дунё ишчиларининг вазифалари, Ас., 23-т.; Ленин В. И., Икки ҳокимиятчилик ҳақида, Ас., 24-т; Черменский Е. Д., Февральская буржуазно-демократическая революция 1917 г. в России, М., 1959; Бурджалов Э. Н., Вторая русская революция. Восстание в Петрограде, М., 1967; Миниц И. И., История Великого Октября, т. 1 — Свержение самодержавия, М., 1967; Партия большевиков в февральской революции 1917 г., М., 1971; Ковалёв П. А., Революционная ситуация 1915—1917 гг. и её проявление в Туркестане, Т., 1971; Манжара Д. И., Революционное движение в Средней Азии 1905—1920 гг., Т., 1934; Узбекистон ССР тарихи, 2-т., Т., 1971; Совет Иттифоқи Коммунистик партияси тарихи, Т., 1972.

ФЕДЕРАЛИЗМ (лат. foedus — иттифоқ) — 1) *федерация* принципига асосланган давлат тузуми; 2) шундай тузум ўрнатилишини талаб қилувчи сиёсий оқим.

ФЕДЕРАТИВ РЕСПУБЛИКА — қ. *Давлат, Федерация.*

ФЕДЕРАЦИЯ (лат. foedus — иттифоқ) — 1) давлат тузуми формаси. Унда юридик жиҳатдан муайян сиёсий мустақилликка эга бўлган бир нечта давлатлардан ягона иттифоқ давлати тузилади. Буржуазия Ф. си тарихида АҚШ биринчи Ф. дир. ГФР, Швейцария, Австрия, Канада, Бразилия, Мексика, Аргентина, Венесуэла, Ҳиндистон, Покистон, Бирма, Малайзия, Австралия, Нигерия федератив давлатлардир. Социалистик Ф. га СССР, ЮСФР, ЧССР киради.

Ф. га хос белгилар: 1) Ф. терр-яси унинг субъектлари (штатлар, кантонлар, иттифоқдош республикалар ва б.) га тегишли терр-ялардан иборат бўлади; 2) Ф. субъектлари, одатда, таъсис ҳокимиятига, яъни ўз конституциясини қабул қилиш ҳуқуқига эгадир; 3) Ф. ва унинг субъектлари компетенциялари ўртасидаги чегара иттифоқ конституцияси б-н белгиланади; 4) ҳар бир Ф. субъекти ўзининг ҳуқуқ ва суд системасига эга бўлади; 5) кўпгина Ф. да айни вақтда ягона иттифоқ граждanлиги ва иттифоқ бирлиги гражданлиги мавжуд.


Бир қанча Ф. лар иттифоқ парламентида Ф. аъзолари манфаатларини кўзда тутадиган палаталар мавжуд (қ. *СССР Олий Совети, Парламент*).

Социалистик Ф. буржуа Ф. сидан тубдан фарқ қилади. СССР ва б. социалистик мамлакатлардаги Ф. тарихда биринчи марта *миллий масалани* ҳал этган давлат шаклидир. Социалистик Ф. миллий-территориал принципга, ўз эркн б-н иттифоқдан чиқиш ҳуқуқига эга бўлган суверен ва тенг ҳуқуқли Ф. аъзоларининг ихтиёрий бирлашувига асосланади. Социалистик мамлакатлар, айниқса СССР нинг тарихий тажрибалари мустамлака асоратидан қутилган мамлакатларнинг миллий-давлат қурилиши ишида катта таъсир кўрсатди. Бу мамлакатларнинг айримлари (мас., Бирма, Ҳиндистон) да миллий тузилиши ҳисобга олингани ҳолда Ф. лар юзага келди.

2) Айрим жамият, ташкилотларнинг иттифоқи, бирлашмаси (мас., *Жаҳон касаба союзлари федерацияси*).

ФЕДИН Константин Александрович [1892. 12 (24). 2, Саратов — 1977. 15. 7, Москва] — рус совет ёзувчиси ва жамоат арбоби. СССР ФА акад. (1958). Социалистик Меҳнат Қаҳрамони (1967). ГДР Санъат академияси мухбир аъзоси (1958). Мешчан оиласида туғилган. Москвадаги Коммерция ин-тини тугатган (1914). Немис тилини ўрганиш учун 1914 йили Германияга борди. 1918 йили Ватанига қайтди. 1919 йилда Сизрандаги маҳаллий газетада муҳаррир. Шу йили фронтга сафарбар қилинди. Юденичга қарши жангларда қатнашди. 1921 йилдан «Серапион муридлари» адабий тўгарагига қатнашган.

Ижоди 1913 йилдан бошланган. Илк китоби —«Харобазор» 1923 йили нашр қилинган. «Шаҳарлар ва йиллар» романи (1924) да рев-я ва Гражданлар уруши давридаги интеллигенциянинг ҳаёт йўли ҳикоя қилинган. Деҳқонлар ҳаёти тўғрисидаги ҳикоя ва повестлари («Вяжнода тонг», «Трансвааль», «Мужиклар») 1925—26 йилларда нашр қилинган. «Ака-укалар» романи (1927—28) нинг марказида янги, революцион санъат учун кураш проблемаси туради. Романнинг бош қаҳрамо-



Фаргона области. 1. Гуллаётган боғлар. 2. Сўх водийсидаги шолипоялар. 3. Катта Фаргона канали. 4. Фаргона области пахтаси жаҳонга машҳур. 5. Пахта йиғим-теримн. 6. Фрунзе районидаги насос станциясида. 7. Фаргона нефти. 8. Фаргона нефть-кимё заводида. 9. Узбекистон районидаги озокерит экстракция заводида. 10. Фаргона шойи тўқиш комбинати. 11. Фаргона аэропорти. 12. Қиргули посёлкасидаги янги уйлар.



Финляндия мақоласига. 1. Кўллар манзараси. 2. Егоч оқизиш. 3. Турку порти. 4. Кристинанкаупунка шаҳри яқинида СССР ёрдами билан қурилган «Кристина» иссиқлик электр станцияси. 5. Лахти шаҳридаги мебель фабрикаси. 6. Котка шаҳри яқинидаги целлюлоза фабрикаси. 7. Нокия яқинидаги кабель заводи. 8. Хельсинки яқинидаги автомобиль йўли. 9. Хельсинкидаги Сенат майдони ва авлиё Николай собори, 1830—52, архитектор К. Энгель. 10. Лахти. Янги турар жой массивлари. 11. Хельсинкидаги Миллий музей. 12. Савонлинддаги Олавинлинна қасри. 15- аср.

ни музикачи Никита Каревдир. «Европанинг ўғирланиши» (1—2- китоб, 1933—35) ва «Арктур» санаторийси» (1940) романларида янги жаҳон урушн арафасида Ғарбий Европадаги сиёсий-ижтимоий муҳит танқид қилинган.

Улуғ Ватан уруши йилларида «Туйғулар синови» пьесасини (1942), «Аҳоли яшайдиган бир неча пункт» ҳикоя ва очерклар тўплами (1943) ва «Ленинград билан учрашув» асарини (1944) яратди. Ф. уруш йилларида трилогия [«Дастлабки севинчлар» (1945); «Ажойиб ёз» (1947—49); иккала асари учун СССР Давлат мукофотини олган (1949); «Гулхан» (1—2- китоб), 1961—65] устида ишлади. Трилогияда 1910 йилдан Улуғ Ватан уруши охирига қадар бўлган воқеалар қамраб олинган ва рус халқида революцион онг, характер ва хислатларнинг шаклланиш тарихи кўрсатилган. «Ёзувчи, санъат, замон» (1957), «Горький орамизда» (1941—68) каби китобларида совет адабиётининг муҳим масалалари ҳал қилинган, машҳур ёзувчилар ижоди ҳақида фикр юритилган. Айрим асарлари ўзбек тилига таржима қилинган.

Ф. СССР Ёзувчилар союзи правлениеси биринчи секретари (1959—71), 1971 йилдан умрининг охиригача правление раиси. 3—5- чақириқ РСФСР Олий Совети ва 6—9- чақириқ СССР Олий Совети депутати. 4 марта Ленин ордени, Октябрь Революцияси ордени, 2 та Меҳнат Қизил Байроқ ва ГДР орденлари, медаллар б-н мукофотланган.

Ас.: Собр. соч., т. 1—10, М., 1969—73; Дастлабки севинчлар, Т., 1957; Утмиш билан учрашув, Ҳикоялар, Т., 1971.

Ад.: Бугаенко П., Мастерство Константина Федина, Саратов, 1959; Брайнина Б., Константин Федин. Очерк жизни и творчества, 5 изд., 1962; Кузнецов Н. И., Константин Федин. Очерк творчества, М., 1969; Рус. сов. писатели-прозаики, Биобиблиографич. указатель; т. 5, М., 1968; Оклянский Ю. М., Константин Федин. Встречи с мастером, М., 1974.

ФЕДОРОВИЧ Борис Александрович [1902. 17 (30). 7, Варшава]— совет табиий географи ва геоморфологи, география фанлари д-ри (1953), проф. (1956). 1944 йилдан КПСС аъзоси. Таврия (ҳозирги Симферополь) ун-тини тугатган (1924). 1933 йилдан СССР ФА География ин-тида ишлайди. Асосий ишлари рельеф шаклланиши проблемалари, Урта Осиё, Марказий Осиё ҳамда Қозоғистон тоғлари ва текисликлари палеогеографияси, геоморфологик карта тузиш, чўл ландшафтларини тадқиқ этиш ва эол рельеф формаларини классификация қилишга бағишланган. Ғарбий Сибирь дарёларини Урта Осиёга оқизиш тўғрисидаги монографиянинг муаллифларидан. СССР Давлат мукофоти лауреати (1952). Ленин ордени, Қизил Юлдуз ордени ва медаллар б-н мукофотланган.

Ас.: Лик пустыни, 3 изд., М., 1954; Очерки природы Кара-Кумов, М., 1955; Узбекская ССР, М., 1956; Геоморфология Туркмении, «Геология СССР», т. 22, 1957; Равнины Средней Азии, «Равнины и горы Средней Азии и Казахстана» китобида, М., 1975.

ФЕДОСЕЕВ Николай Евграфович [1871. 27. 4 (9. 5), ҳозирги Киров обл. Нолинск ш.— 1898. 22. 6 (4. 7), ҳозирги Иркутск обл.]— Россияда марксизмнинг дастлабки пропагандистларидан бири, профессионал революционер. Қозон гимназиясида ўқиган, мустақил равишда марксизмни ўрганган. 1887 йили революцион пропаганда олиб боргани учун гимназиядан ҳайдалган. 1888 йилдан марксистик тўгараклар ташкилотчиси бўлган. 1889 йили қамоққа олинган. 1892 йили Владимир ш. да революцион иш олиб борди ва б. шаҳарлардаги марксистлар б-н алоқа боғлади. 1892 йил сентябрда яна қамоққа олинди. Ф. Владимир қамоқхонасида бўлган пайтда В. И. Ленин б-н марксизм масалалари бўйича хат ёзишиб турди. 1893 йили Сольвичегодскка, 1895 йили Шарқий Сибирга сургун қилинди. 1898 йили ўзини-ўзи ўлдирди. Ф. фаолияти рус революцион ҳаракати тарихида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ф. фаолиятини В. И. Ленин юқори баҳолаган.

ФЕДОСЕЕВ Пётр Николаевич [1908. 9 (22). 8, ҳозирги Горький обл. Пильнин р-ни]— совет философи ва жамоат арбоби, СССР ФА акад. (1960; 1946 йилдан мухбир аъзоси). Социалистик Меҳнат Қаҳрамони (1978). 1939 йилдан КПСС аъзоси. Горький Педагогика ин-тини тугатган (1930). 1936—41 йилларда СССР ФА Философия ин-тида илмий ходим. 1941—55 йилларда КПСС МҚ аппаратида ишлаган ҳамда «Большевик», «Партийная жизнь» журналларининг бош муҳаррири, КПСС МҚ ҳузуридаги Ижтимоий фанлар академияси философия кафедрасининг мудири. 1955—62 йилларда СССР ФА Философия ин-ти директори. 1962—67 йилларда ва 1971 йилдан СССР ФА вице-президенти. 1967—73 йилларда КПСС МҚ ҳузуридаги Марксизм-ленинизм ин-тининг директори. Асосий ишлари тарихий материализм, илмий коммунизм, илмий атеизм, буржуа философияси ва социологиясининг танқидига бағишланган. КПСС 22- ва 24—25- съездларида КПСС МҚ нинг аъзоси қилиб сайланган. 6—9- чақириқ СССР Олий Совети депутати, 8-, 9- чақириқ Миллатлар Советининг Халқ маорифи, фан ва маданият комиссияси раиси. Совет-венгр дўстлиги жамияти правлениеси раиси (1958 йилдан). ВХР ФА фахрий аъзоси, Болгария, ГДР ва ЧССР Фанлар академияларининг чет эл аъзоси. 2 марта Ленин ордени, 4 марта бошқа орден ҳамда медаллар б-н мукофотланган.

Ас.: Роль народных масс и личности в истории, М., 1956; Марксизм и волюнтаризм, М., 1968; В. И. Ленин и вопросы теории искусства, М., 1968; Коммунизм и философия, 2 изд., 1971; Марксизм в 20 веке, М., 1972; Диалектика современной эпохи, М., 1975.

ФЕДЧЕНКО Алексей Павлович [1844. 7 (19). 2, Иркутск —1873. 3 (15). 9, Альп тоғларидаги Монблан музлиги]— рус табиатшуноси, Урта Осиёни тадқиқ қилган олим. Москва ун-тини тугатган (1864). 1868—71 йилларда рафиқаси б-н Урта Осиёнинг табиий географияси ва геологияси, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда антропология ва этнографиясига оид жуда кўп материал тўплаган. Туркистон ва Олай тоғ тизмаларини, Олай ва Фарғона водийларини тадқиқ қилган. Орқа Олай тизмасидан туриб, унинг энг баланд жойи — *Ленин чўққиси*ни (7134 *м*) кўрган ва фанга маълум қилган. Ҳисор-Олай тоғ системасининг биринчи орографик схемасини тузди. Ришта касаллигини қўзғатувчисининг биологиясини аниқлади. Ф. нинг тўплаган материаллари географ олимлар томонидан қайта ишланиб «Путешествие в Туркестан А. П. Федченко» номи б-н 1872—77 ва 1950- йилларда нашр қилинган. СССРдаги энг катта тоғ музлиги (Помирда) Ф. номи б-н аталади.

Ад.: Азатьян А. А., Выдающиеся исследователи природы Средней Азии (2-я пол. XIX в.), ч. 1, Т., 1960.

ФЕДЧЕНКО Борис Алексеевич (1872—1947)— совет ботаник-географи. СССРда хизмат кўрсатган фан арбоби (1945). А. П. *Федченко*нинг ўғли. Москва ун-тини тугатган (1895).



Федорович Б. А.



Федосеев Н. Е.



Федосеев П. Н.



Федченко А. П.



Федюнинский И. И.



Фейербах Л. А.

Петербург Ботаника боғи (ҳозирги СССР ФА Ботаника боғи)да ишлаган (1895—1900). География ин-тида (1900—18), кейинчалик Ленинград ун-тида проф. (1918—31). Илмий фаолиятининг асосий қисми Туркистон флорасини ўрганишга бағишланган ва у бошчилигида 19 марта экспедиция уюштирилган. Ф. Урта Россия, Кавказ, Урал, Узоқ Шарқ, Марказий Осиё, Жанубий Европа ва Жазоир ўсимлик дунёсини ўрганишда ҳам қатнашган. 3 янги туркум ва 150 янги ўсимлик турини аниқлаган. 100 га яқин ўсимлик турларининг номини аниқлашда қатнашган. 23 ўсимлик ва 1 ҳашарот тури Ф. номи б-н аталади.

Ад.: Лиьчевский И., Б. А. Федченко как исследователь флоры Средней Азии. Известия Всесоюзного географического общества, т. 72, вып. 6, М.—Л., 1940; Рожевиц Р. Ю., Б. А. Федченко, «Советская ботаника». 1940. № 3.

ФЕДЧЕНКО МУЗЛИГИ — СССРдаги энг катта тоғ-водий музлиги. ТожССР терр-ясида. Помирнинг шимоли-ғарбида. Узунлиги 77 *км*, майдони 907 *км²*. Эни 2600 *м*. Музнинг қалинлиги ўрта қисмида 1000 *м* дан зиёд. Музлик суткасига 66,8 *см* силжийди. Музликнинг юқори қисми 6280 *м*, қуйи қисми эса 2900 *м* баландликда. Қор чизиғининг баландлиги 4650 *м*. Музлик учидан Селдара дарёси оқиб чиқади. Ф. м. Язғулом тизмаси шимолий ён бағридан, Революция, 26 комиссар ва Париж Коммунаси чўққиларининг тагидан бошланиб, Фанлар Академияси тизмасининг шарқий ён бағри бўйлаб давом этади. Баландкийик дарёсининг водийсига келади ва 30 дан ортиқ музликни қўшиб олади. 1928—58 йилларда музлик тили 30—35 *м* пасайиб, фирнли қисми 12 *м* қалинлашган Ф. м. нинг қуйи қисми 1878 йилда В. Ф. Ошанин томонидан кашф қилинган, ўрта ва юқори қисмларини дастлаб 1928 йили Помир экспедицияси тадқиқ қилган. Музлик А. П. *Федченко* номи б-н аталади. 1932 йилдан музликнинг ўрта қисмида (4200 *м* баландликда) гидрометеорологик обсерватория ишлайди.



ФЕДЮНИНСКИЙ Иван Иванович [1900. 17 (30). 7, ҳозирги Свердловск обл, Тугулим р-н Гилево қишлоғи — 1977. 18. 10, Москва]— совет ҳарбий арбоби, армия генерали (1955), Совет Иттифоқи Қаҳрамони (1939. 29. 8). МХР Қаҳрамони. 1930 йилдан ҚПСС аъзоси. 1919 йилдан Совет Армиясида. Владивосток пиёда аскарлар мактабини (1924), «Выстрел» курсини (1931), Генштаб академияси қошидаги курсни (1948) тугатган. *Халхин-Гол жанги* (1939) да қатнашган. 1940—41 йилларда ўққи дивизия ва корпус командири. Совет-фин урушида иштирок этган. Улуғ Ватан уруши (1941—45) да Ленинград, Волхов ва Брянск фронтларида ўққи корпус командири, армия қўмондони, фронт қўмондонининг ўринбосари, Ленинград ва Курск остоналаридаги жангларда, Болтиқбўйи республикалари ва Белоруссияни немис босқинчиларидан озод этишда, Шарқий Пруссия ва Берлин операцияларида қатнашган. Урушдан сўнг Германиядаги совет қўшинлари группаси Бош қўмондонининг ўринбосари (1951—54), Закавказье ҳарбий округи (1954—57), *Туркистон ҳарбий округи* (1957—1965) қўшинларининг қўмондони бўлган. 1965 йилдан СССР Мудофаа министрлигининг генерал инспекторлари группасида маслаҳатчи-инспектор. 5—6-чақириқ СССР Олий Советининг депутати. 4 марта Ленин ордени, 5 та Қизил Байроқ; 2 та 1-даража Суворов ордени, 2 та 1-даража Кутузов ордени, Қизил Юлдуз ордени, 3-даража «СССР Қуролли Кучларида Ватанга қилган хизматлари учун» ордени, шунингдек бир қанча чет эл орденлари ва медаллар б-н мукофотланган.

ФЕЙЕРБАХ Людвиг Андреас (1804. 28. 7, Ландсхут, Бавария — 1872. 13. 9, Рехенберг, Нюрнберг яқинида)— немис материалист файласуфи ва атеисти, немис классик философиясининг сўнгги вакили. Криминалист оиласида туғилган. Маҳаллий гимназияни тугатиб, 1823 йилда Гейдельберг ун-тининг илоҳиёт ф-тига ўқишга кирди. Лекин уни тугатмай, Берлинга келиб у ердаги ун-тда *Гегель* лекциясини эшитди, Гегель таъсирида унинг дунёқараши шакллана бошлади. Ф. Берлин ун-тини тугатгандан сўнг (1828), Эрланген ун-тида «Ягона, умумий ва чексиз ақл ҳақида» темасида д-рлик диссертациясини ҳимоя қилди. 1828 йилдан Эрланген ун-тининг приват-доценти бўлиб, «Гегель философияси», янги философия тарихи курсидан лекциялар ўқиди. 1830 йилда яширин нашр этилган «Ўлиш ва ўлмаслик ҳақида фикрлар» асарида динни қаттиқ танқид қилганлиги учун Ф. дарс бериш ҳуқуқидан маҳрум этилди. 1836 йилдан бошлаб узоқ вақт (25 йилдан ортиқ) Брукберг қишлоғида фақат ижодий иш б-н шуғулланиб яшади. Умрининг охирги йилларида Ф. ижтимоий ва иқтисодий проблемалар б-н қизиққан, Марксниинг «Капитал»ини ўқиган, Германия социал-демократик партиясига кирган. Асосий асарлари: «Гегель философиясининг танқидига доир» (1839), «Христианликнинг моҳияти» (1841), «Келажак философиясининг асослари» (1843), «Философия реформасига доир дастлабки тезислар».

Ф. дунёқараши дастлаб ёш гегелчиларнинг сўл-қанотига мансуб бўлган (қ. *Гегелчилик*). Кейинчалик у немис буржуазияси энг радикал табақаларининг вакили сифатида Гегель идеализмини улоқтириб ташлаб, материализмни «оёққа тургазди».

Фейербах Гегелнинг «абсолют ғоя», мантиқ категорияларини олам пайдо бўлмасдан бурун ҳам мавжуд эди деган фикрлари «яратувчи» (худо)га ишонишнинг қолдиғидир, деб кўрсатди. Сезгилар орқали билинадиган моддий дунё — бирдан-бир ҳақиқий дунёдир, бизнинг онгимиз ва тафаккуримиз қанчалик ғайри-ҳиссий бўлиб кўринмасин, моддий, жисмоний органимиз — миянинг маҳсулидир, деган фикрни қатъий туриб ҳимоя қилди.

Ф. материализми антропологик материализм эди. Яъни у инсонни табиат б-н тенглаштириб, унинг ижтимоий моҳиятини тушунмади, ижтимоий муносабатларни инсон шахсидан қидиришга ҳаракат қилди. Лекин шунга қарамай унинг материализми кишиларнинг идеализм ва дин таъсиридан қутулишига, илғор буржуа-демократик ғояларнинг ривожланишига катта таъсир кўрсатди.

Билиш назариясида Ф. материалистик *сенсуализм* йўлининг давомчиси эди. У *агностицизмни* танқид қилиб, инсон дунёни билишга қодир эканлигини таъкидлайди. Билиш процессида ҳиссий билиш б-н абстракт тафаккур узвий алоқадор деб қарайди.

Ф. ўзининг атеистик қарашлари б-н философия тарихида ўзига хос ўрин эгаллади. Ф. фикрича, ақл ва ҳақиқат дин б-н келиша олмайди; худо одамларни яратган эмас, балки одамлар худоларни яратган. Ф. динни киши тасаввурининг маҳсули деб тўғри фикр юритган бўлса-да, лекин унинг социал илдизларини тушунмаган, динниинг ижтимоий ролини тўғри баҳолай олмаган. Ундан ташқари, Ф. динга қарши курашиб, динни умуман йўқ қилмоқчи эмас эди. У эски дин ўрнига янги — «муҳаббат дини»ни тарғиб этди.

Марксизм-ленинизм классиклари Ф. қарашларига юқори баҳо бериш б-н бирга, унинг хато ва камчиликларини ҳам кўрсатдилар: биринчидан, у Гегель идеализмини танқид қилар экан, идеализм б-н бирга унинг диалектикасини ҳам қўллаб бўлмайдиган бир нарсадай четга улоқтириб ташлади. Ф., Энгельс таъбири б-н айтганда, «Ваннадаги ифлос сув б-н бирга унинг ичидаги чақалоқни ҳам тўкиб юборди». Натижада Ф. метафизик материалист бўлиб қолди. Иккинчидан, Ф. фақат табиат ҳодисаларини материалистик тушунтирар эди, жамият ҳодисаларини, ижтимоий ҳаётни тушунтиришда эса идеализм чегарасидан чиқиб кета олмади. Бунга Ф. нинг ўзи ҳам иқрор бўлиб, «Орқага қайтганимда тамоман материалистлар б-н бирга бўламан: олдинга борганимда улар билан бирга бўлмайман», деган эди (Энгельс Ф., Людвиг Фейербах ва немис классик философиясининг охири, Т., 1965, 26-бет). Ф. нинг ижтимоий ҳодисаларни идеалистик тушунтириши, айниқса, унинг этика ва дин философиясида яққол кўзга ташланиб туради. Унинг «инсоният даврлари бир-биридан дин соҳасида рўй берган ўзгаришлар жиҳатидангина фарқ қилди», деган даъвоси бунинг яққол далилидир. Ф. материализмининг учинчи камчилиги, Марксгача бўлган барча материалистлар сингари, унинг кузатувчи, мушоҳадавий материалист бўлиб қолганлигидир. Шунинг учун ҳам Энгельс Ф. «философ сифатида ярим йўлда тўхтаб қолди, у остдан материалист, устдан идеалист эди» (ўша жойда, 39-бет) дейди.

Ф. нинг философик ва динга қарши ғоялари марксизмнинг вужудга келишида асосий манбалардан бири бўлиб хизмат қилди.

Ас.: Избранные философские произведения, т. 1—2, М., 1955; История философии, т. 1—3, М., 1974.


Ад.: Энгельс Ф., Людвиг Фейербах ва немис классик философиясининг охири, Т., 1965; Ленин В. И., Фейербахнинг «Диннинг моҳияти тўғрисида лекциялар» номли китобининг конспекти, Тўла асарлар тўплами, 29-т.; Ленин В. И., Материализм ва эмпириокритицизм, Тўла асарлар тўплами, 18-т.; Ардабьев А. И., Атеизм Л. Фейербаха, М., 1963; Элез Й., Проблема бытия и мышления в философии Л. Фейербаха, М., 1971; Бобоев Ж. М., Материализм билан идеализм курашининг асосий даврлари, Т., 1972.



Фейнман Р. Ф.

ФЕЙНМАН Ричард Филлипс (1918. 11. 5, Нью-Йорк)— АҚШ физиги. Массачусетс Технология ин-тини тамомлаган (1939), Лос-Аламос лабораторияси ва Корнел ун-тида ишлаган. Калифорния Технология ин-ти проф. (1950 йилдан). Асосий илмий ишлари квант электродинамика, квант механика ва статистик физикага оид. Квант электродинамиканинг ривожланишида муҳим роль ўйнаган математик аппарат — *Фейнман диаграммалари*ни ишлаб чиққан (1949). Машҳур «Физикадан Фейнман лекциялари» курси автори. Эйнштейн мукофоти (1950), Нобель мукофоти (1965) лауреати.

ФЕЙНМАН ДИАГРАММАЛАРИ, Фейнман графиклари — зарраларнинг сочилишини ва уларнинг амплитудасини график тасвирловчи метод. Р. *Фейнман* 1949 йилда таклиф қилган.



Фейнман диаграммаси.

Физик жараёнда қатнашаётган ҳар бир заррага Ф. д. да маълум бир чизиқ тўғри келади. Ф. д. ташқи чизиқлар, ички чизиқлар ва чизиқларнинг учрашиш нуқтаси — учидан иборат. Ташқи чизиқлар зарраларнинг тўқнашишгача ва тўқнашишдан кейинги ҳаракатини, диаграмманинг иккита учини бирлаштирувчи ички чизиқлар зарраларнинг тўқнашиш жараёнидаги виртуал ҳолатини, учи эса зарраларнинг ўзгаришини тасвирлайди.

Расмда *комптон эффекти* учун Фейнман диаграммаси берилган.

Бошланғич ҳолатда фотон (γ) б-н электрон (*e*) тўқнашиб, ўзаро таъсирга киришади (*A* учида), сўнгра фотон электронда ютилиб, виртуал ҳолат (*A* ва *B* учларни бирлаштирувчи тўғри чизиқ) юзага келади. Жараённинг охирида эса электрондан фотон нурланади ва улар эркин ҳолатга ўтади (*B* учидан ўнгга).

ФЕЙХОА (испанча Feijoa), акка (Acca) — миртдошлар (миртгуллилар оиласи)га мансуб доим яшил бутасимон ўсимликлар туркуми. Жанубий Американинг субтропик зонасида 3 тури бор, шундан биттаси Ф. Селлова (F. Sellowiana) Европада учрайди. СССРда Грузия ва Қримнинг жанубий қирғоқларида ўстирилади. Бўйи 3 *м*, шох-шаббаси ёйиқ, қалин. Барглари бутун, қарама-қарши жойлашган, хушбўй. Гуллари икки жинсли. Май ойида гуллайди. Меваси тўқ яшил резавор, октябрь-ноябрда пишади; янгилигида ейилади. Ундан мураббо ва вино тайёрланади. Уруғидан ва новдасидан кўпайтирилади.

ФЕЙХТВАНГЕР Лион (1884. 7. 7, Мюнхен — 1958. 21. 12, Лос-Анжелес, АҚШ)— немис адиби. Буржуа оиласида туғилган. Мюнхен ва Берлинда ўқиган. Философия д-ри (1907). Дастлаб журналистика ва театр танқидчилиги б-н шуғулланган. «Ҳарбий асирлар» (1919) туркумидаги пьесаларида Биринчи жаҳон уру-



Фейхтвангер Л.



Фелициант И. Н.

ши воқеалари ва халқининг урушга қарши курашлари кенг ифодаланган. 1933 йилдан Францияда эмиграцияда бўлди. «Москва 1937» китобида СССРга қилган сафар таассуротлари акс этган. Ф. нинг «Томос Вендт» (1920), «Яҳудий Зюсс» (1920—22), «Беадаб қиролича» (1923) тарихий романлари мавзуининг рангбаранглиги б-н ажралиб туради. «Муваффақият» (1930) романида гитлеризмнинг реакцион моҳиятини фош этади, «Оппенгеймлар оиласи» (1933) романида буржуа гуманизмининг барбод бўлишини ва «Қувғин» (1939) романида ёзувчи ўзининг сургун туфайли сиёсий курашдан узоқлашиб қолганлигини тасвирлайди. «Яҳудийлар уруши» трилогияси (1932—42) да инсон шахси проблемасига муносабати ва гуманистик қарашлари акс этган. «Ака-ука Лаутензаклар» (1943) романида Германияда фашистларнинг ҳокимият тепасига келиш арфасидаги воқеалар ифодаланган. «Симон» (1944), «Токзордаги тулкилар» (1947), «Қизиқчининг донолиги...» (1952) романларида ва «Бева Капет» (1956) драмасида француз рев-яси воқеалари тараннум этилган. ГДР Миллий мукофоти лауреати (1953).

Ас.: Собр. соч., вступ. ст. Б. Сучкова, т.. 1—12, М., 1963—68.

Ад.: Рачинская Н. Н., Лион Фейхтвангер, М., 1965; Сучков Л. Лики времени, т. I, М., 1976.

ФЕЛИЦИАНТ Израиль Ноевич (1910. 16. 3, Қўқон ш.) — тупроқшунос, қ. х. фанлари д-ри (1971), проф. (1974). 1944 йилдан КПСС аъзоси. Тошкент Қишлоқ хўжалик ин-тини тамомлаган (1959). Урта Осиё давлат ун-ти қошидаги Тупроқшунослик ва геоботаника ин-ти (ҳозирги ЎзССР ФА Тупроқшунослик ва агрохимия ин-ти)да илмий ходим (1929—33, 1951—64), ҳарбий хизматчи (1933—35), Бутуниттифоқ Пахтачилик илмий тадқиқот ин-ти (СоюзНИХИ) нинг ўғитлар ва агрохимия марказий станциясида илмий ходим (1935—41, 1945—51). Улуғ Ватан уруши қатнашчиси (1941—45). 1964 йилдан Тошкент Қишлоқ хўжалик ин-ти тупроқшунослик кафедрасида доц., проф. Илмий ишлари Ўзбекистон, Туркманистон, Тожикистон, Қозоғистон тупроқларини ўрганишга бағишланган. «Ҳурмат Белгиси» ордени ва медаллар б-н мукофотланган.

Ас.: Опыт изучения закономерностей капиллярного передвижения воды и растворов солей в слоистых грунтах, Т., 1961.

ФЕЛЛОГЕН (юнон. phellos — пўкак ва *...ген*), пўкак камбий — ўсимликларнинг илдиз ва поялардаги иккиламчи ҳосил қилувчи тўқима. Илдиз ва поянинг ташқи томонида қават-қават *пўкак*, ички томонида *феллодерма* ҳосил қилади. Вакуолалашган юпқа деворли паренхимали ҳужайралардан тузилган Эпидермисининг ҳар қандай тирик ҳужайрасидан, бирламчи пўстидан, перицикл ва пўстлоғидан ҳосил бўлади.

ФЕЛЛОДЕРМА (юнон. phellos — пўкак ва derma — пўст, тери) — ўсимликлар қопловчи тўқимаси (перидерма)нинг ички қавати. *Феллоген* ҳужайраларининг тангентал бўлинишидан ҳосил бўлади. Шакли феллоген ҳужайраларга ўхшайди, улардан фақат радиал қатор бўлиб жойлашиши б-н фарқ қилади. Иккиламчи йўғонлашган илдизларда (мас., қарағайда) кўпинча қалинлашиб запас тўқимага айланади.

ФЕЛЬДМАРШАЛ (нем. Feldmarchall) — рев-яга ча рус армиясида ва баъзи чет эл армияларида (Буюк Британия, Пруссия, Германия, Австрия ва б.) да олий генераллик мансаби. Дастлаб Австрияда (16-аср) жорий этилган. Россияда Ф. унвони Пётр I даврида (1699 йили) жорий этилиб, 1917 йилда бекор қилинган; армия қўмондонларига, таниқли ҳарбий ва давлат арбобларига, император оиласи аъзоларига, шунингдек баъзи чет эл ҳарбий арбобларига берилган. Ф. унвони Буюк Британия ва б. баъзи мамлакатларда ҳозир ҳам бор.

ФЕЛЬДШЕР (нем. feld — майдон ва scherer — сартарош) — ўрта маълумотли медицина ходими. СССРда шаҳар ва р-н даволаш-профилактика муассасаларида Ф. врач ёрдамчиси бўлиб, врач раҳбарлигида иш олиб боради. Қишлоқ жойларида (фельдшер-акушерлик пунктида) Ф. биринчи медицина ёрдами (стационар ва амбулатория) кўрсатади, профилактика ва санитария ишларини олиб боради. Ф. лар медицина билим юртларида тайёрланади.

ФЕЛЬДШПАТИТЛАР, фельдшпатоидлар (нем. Feldspat — дала шпати ва юнон. eidos — кўриниш, тур) — ишқорий жинс ҳосил қилувчи минераллар гуруҳи; кремний кислотага тўйинмаган алюмосиликатлар: нефелин, лейцит, содалит, нозеан, гаюин, канкринит, анальцим ва б. Ф. катионларида Na+, Ca+, K+ иштирок этиши б-н дала шпатларига ўхшаш бўлса, таркибида оз миқдорда SiO_2 ва Cl^-, CO_3^{2-}, SO_4^{2-}, S^{2-} каби қўшимча анионларнинг мавжудлиги б-н улардан фарқланади. Айрим Ф. да кристаллашган сув бўлади. Ф. геосинклиналь областларда кенг тарқалган; сиенит, нефелинли сиенит, уртит, трахит ва б. магматик тоғ жинсларининг асосий қисмини ташкил этади. Ф. Урта Осиё, жумладан Ўзбекистоннинг Туркистон, Олай ва Зарафшон тоғларида учрайди.

ФЕЛЬЕТОН (франц. feuille — варақ, варақа) — бадиий-публицистика жанри. Ф. термини 1800 йил 28 январда француз газеталаридан бирига илова тариқасида қўшиб чиқарилган варақа номи б-н боғлиқ. Шу варақада турли эълон, ахборот, тақриз ва ҳ. к. босилган. Бу аслда Ф. рубрикасининг юзага келиши эди. Ф. жанр сифатида бундан олдинроқ пайдо бўлган.

Ф. ҳаётдаги фактларни ифодалаш услубига кўра беллетристик ва публицистик турга бўлинади. Фактларнинг абстракциялашган ҳолда синтези берилган, адрессиз, умумлашган беллетристика, яъни Ф.-ҳикояларда муҳим ҳаётий муаммо асосида киши образи яратилади. Аниқ ҳаётий фактларнинг образи ҳажвий-юмористик талқинга асосланган публицистик Ф. лар ифода шаклларига кўра Ф.-мақола, Ф.-репортаж, Ф.-интервью, Ф.-диалог, Ф.-монолог, Ф.-хотира, Ф.-тақриз ва б. хилларга бўлинади. Ф. фактларининг моҳиятига кўра сатирик-юмористик ҳамда ижобий бўлади. Ф. да ҳажвий ифодалаш усуллари: бўрттириш, муболаға, гротеск, бадиий тўқима, деталлаштириш, шунингдек композициянинг ранг-баранг кўринишларидан фойдаланилади. Ф. нинг композицион тузилишида хат-хабар, кундалик ахборот, нутқ, сатира, эртак ва б. адабий ҳамда адабий бўлмаган жанр ва усуллардан пародия шаклида фойдаланилади. Ф. нинг бошқа жанрлардан асосий фарқи шундаки, унда ижтимоий ҳаётдаги баъзи салбий ҳодисалар ёки айрим кишиларга хос нуқсонлар ҳажв қилинади. Фельетончи ўзи тасвирлаётган объектнинг нуқсонларини очиб ташлаш, қоралаш мақсадида сатирик муболағадан, баъзан, ҳатто фантастик тасвир усулидан ҳам фойдаланади. Бироқ Ф. нинг асосини ҳамма вақт ҳаётдаги конкрет воқеа ташкил этади. Унда танқид ҳар доим асосий элемент ҳисобланса-да, материални сатирик планда ишлаш унинг доимий белгиловчи хусусияти эмас.

Ф. 19-аср рус адабиёти ва матбуотида синфий кураш қуроли сифатида катта роль ўйнади. А. С. *Пушкин*, Н. В. *Гоголь*, *Герцен*, В. Г. *Белинский*, *Добролюбов*, *Некрасов*, М. Е. *Салтиков-Шчедрин*, ниҳоят, М. *Горький* Ф. лари реакцион матбуот ва унинг ҳомийларини кескин фош этиш б-н бирга, бу жанрнинг табиий такомиллашувига кучли таъсир кўрсатди. В. В. Воровский, М. С. Ольминский Ф. лари жанрнинг сиёсий-публицистик пафосини оширишда муҳим роль ўйнади. Совет даврида В. *Маяковский*, Д. *Бедний*, М. Зошченко, И. Ильф, Е. Петров ва б. Ф. жанри тараққиётига катта ҳисса қўшдилар. Г. Риклин, Д. Заславский, А. Аграновский, Л. Никулин, С. Наринъяни, Ю. Чаплигин, И. Шатуновский, С. Матров, А. Суконцев ва б. ижодида тараққий эттирилган ҳозирги замон совет фельетони сиёсий-фалсафий умумлаштирувчи кучи, ҳажвий-публицистик пафоси, таъсирчанлиги б-н коммунистик қурилишга актив ёрдам берайётган оператив жанрдир.

Бу жанрнинг айрим белгилари ўзбек классиклари — *Алишер Навоий*, *Гулханий*, *Турди*, *Мукимий*, *Завқий*, *Фурқат*, *Аваз Утар* ижодида кўзга ташланади. Халқ оғзаки ижоди, айниқса, афанди латифаларидаги ҳажвий-юмористик, ҳозиржавоб адабий усуллар ўзбек Ф. нинг бадиий такомиллашувида муҳим роль ўйнади. Ф. ўзбек совет матбуотида 20-йилларнинг охири, 30-йилларнинг бошларида шаклланди. Ўзбек Ф. нинг шаклланиши ва тараққиётида рус фельетони, ўзбек классик адабиёти ва халқ оғзаки ижоди, эскилик б-н янгилик кураши асосий манба бўлиб хизмат қилди. Ҳ. Ҳ. Ниёзий, А. Қодирий, Ғ. Ғулом, А. Қаҳҳор, К. Алиев 20—30-йилларда синфий душманларни фош қилувчи ўткир замонавий Ф. лар яратиб, ўзбек совет фельетони ривожига самарали ҳисса қўшдилар, уни мустақил жанр сифатида шакллантирдилар. Уз индивидуал услубига эга бўлган тажрибали Ф. чилар етишмоқда (Санд Аҳмад, Ҳ. Тўхтабоев ва б.).

Ад.: Фельетон. Сб. статей, Л., 1927; Русский фельетон, М., 1958; Советский фельетон, М., 1959; Журбина Е., Теория и практика художественно-публицистических жанров, М., 1969; Кройчик Л., Современный газетный фельетон, Воронеж, 1975; Абдусаматов Х., Ўзбек совет сатираси масалалари, Т., 1968; Тогаев О., Хат. Очерк. Фельетон, Т., 1976.

ФЕЛЬЗИТ (нем. Felsit) — 1) порфирли жинсларнинг яширин кристалланган асосий массаси; 2) нордон эффузив жинсларда кўп учрайдиган жинслар бўлаклари ёки кўзга кўринмайдиган фенокристаллар оралиғини тўлдирадиган яширин кристалланган (қисман микрокристалланган) масса. Қалийли дала шпати (ортоклаз) ва кварц, баъзан нордон плагиоклаз ва тўқ ранг минераллар (пироксен, биотит ва б.) дан таркиб топган. Диагенез ва бошланғич метаморфизм жараёнида *вулкан шишасининг* қайта кристалланишидан ҳосил бўлади. Палеотип жинслар (кварцли порфир, кератофир, ортофир) учун характерлидир.

ФЕМИСТОКЛ (мил. ав. 524—460 йил атрофи) — афина (Қадимги Греция)лик атоқли сиёсий арбоб ва саркарда, қулдорлик демократиясининг йўлбошчиси. Афинани ҳарбий давлатга айлантириш сиёсатини олиб борган. Унинг талаби б-н кучли ҳарбий флот тузилган ва Пирей гавани мустаҳкамланган (мил. ав. 500—599 йиллардаги *грек-форс уруши* давомида). Эрон шоҳи Ксеркс армияси б-н Саламин ороли яқинида бўлган жангда (мил. ав. 480 йил) Ф. бошчилигидаги Афина флоти ғалаба қозонган. Ф. Кичик Осиёдаги грек шаҳарларини *ахоманийлар* ҳукмронлигидан озод қилиш ва уларнинг Афина шаҳар-давлати б-н иттифоқини мустаҳкамлашга ҳаракат қилган. Унинг асосий мақсади Афинани *Делос иттифоқини* бошқариб турадиган ва кучли денгиз флотига эга бўлган давлатга айлантириш эди. Бироқ Спарта давлатининг таъсирига берилган аристократлар Ф. ни мил. ав. 471 йили Афинадан бадарға қилганлар. У қувғинда Магнесия ш. да вафот этган.

ФЕН (юнон. phaino — маълум этаман) (биологияда) — элементар, дискрет ирсий белги. Бу индивид *фенотипида* юзага чиқади. «Ф.» терминини даниялик генетик В. Иогансен таклиф этган (1909); 20-асрнинг 60-йилларидан популяцион-зоологик ва популяцион-ботаник тадқиқотларда қўлланила бошлади. Бунда Ф. популяция генотип таркибининг белги-нишони ҳисобланиб, турларни генетик жиҳатдан анализ қилишга шароит яратади. Ф. нинг юзага чиқиши ва классификацияси *генетика* ҳамда популяцион биология тадқиқотларининг муҳим йўналишини ташкил этади.

Ад.: Тимофеев-Ресовский Н. В., Яблоков А. В., Фены, фенетика и эволюционная биология, «Природа», 1973, № 5.

ФЕНАДОН, метадон, гидрохлорид — оғриқ қолдирувчи кучли модда. Ҳидсиз оқ кристалл порошок. Сувда, спиртда, хлороформда эрийди, эфирда эримайди. Дифенилацетонитрилни 2-хлор-3-диметиламинопропан б-н конденсатлашдан ҳосил бўлган маҳсулотни C_2H_5MgBr га таъсир эттириб олинади. Ф. *морфинининг* синтетик ўриндошидан бири ҳисобланади. Ошқозон, ўн иккй бармоқли ичак, холецистит, стенокардия ва б. касалликларда қўлланилади.

ФЕНАКИТ (юнон. phenax — алдамчи) — орол силикатлари синфига мансуб минерал. Кимёвий таркиби $Be_2[SiO_4]$. Тригонал сингонияли. Кристаллари, одатда, майда, призматик, баъзан ромбоэдрик, шунингдек радиал-нурсимон ўсинталар ва сферолитлар шаклида. Рангсиз, сарғиш, пушти, кул ранг, оқ. Шишадек ялтироқ. Тиниқ, шаффоф. Қаттиқлиги 7,5—8,0; с. оғ. 2,9—3,0. Гидротермал метасоматик ҳосилаларда флюорит, сульфидлар ва слюдалар б-н бирга учрайди. Йирик тиниқ кристаллари қимматбаҳо тош сифатида ишлатилади.

ФЕНАМИН (Phenaminum), амфетемин, бензедрин — марказий нерв системасини қўзғатувчи модда. Сувда яхши, спиртда ёмон эрийди, аччиқ таъмли, оқ кристалл порошок. Фақат врач тавсияси б-н психик касалликларда, алкогол-депрессив психозларда ва б. шу каби касалликларда қўлланилади. Порошок ва таблетка ҳолида чиқарилади.

ФЕНАНТРЕН, $C_{14}H_{10}$ — трициклик ароматик углеводород, рангсиз кристалл модда. Сувда эримайди, органик эритувчиларда эрийди. Суюқланиш т-раси 101°С, қайнаш т-раси 340°С, зичлиги 1,179 *г/см*³. Ф. эритмаси зангори рангда флуоресценланади. Тошкўмир чирки (смоласи)нинг антрацен фракциясида бўлади. Саноатда Ф. дан баъзи бир бўёқлар тайёрланади.

ФЕНАЦЕТИН (Phenacetinum) — дори. Ҳидсиз, аччиқ таъмли, майда кристалл порошок. Сув-

да деярли эримайди. Оғриқ қолдирувчи ва иситма пасайтирувчи хусусиятга эга. Порошок ва таблетка ҳолида чиқарилиб, невралгия, бош оғриғи, шамоллаш ва б. да қўлланилади. Ф. аскофен, асфен, цитрамон, цитрофен каби дорилар таркибига киради.

ФЕНИКС (лат. Phoenix) — осмоннинг жанубий ярим шаридаги юлдуз туркуми. *Турна, Ҳайкалтарош, Эридан,* Тукан ва *Печь* юлдуз туркумлари орасида жойлашган; энг равшан юлдузлари 2—3-юлдуз катталигида кўринади; СССР нинг жанубий р-ларида кузда қисман кузатилади.

ФЕНИЛАЛАНИН, β-фенил—α-аминопропион кислота, $C_6H_5CH_2CH(NH_2)COOH$ — ароматик аминокислота; мол. оғ. 165,19, сувда эрийди. Икки оптик актив L=Ф. ва D=Ф. ва бир рацемик DL=Ф. тури бор. L=Ф. нинг суюқланиш т-раси 284°С (парчаланади), мазаси тахир. D=Ф. нинг суюқланиш т-раси 283—284°С (парчаланади), мазаси ширин. Ф. қиздирилганда декарбоксилланиб β=фенилэтилен ҳосил бўлади. Синтетик Ф. ни малон эфири ва бензил хлориддан, бензальдегиддан турли усуллар б-н олиш мумкин.

Ф. табиатда кенг тарқалган. L=Ф. деярли барча оқсиллар таркибида (3—8% гача) бўлади. Ҳайвон, ўсимлик ва микроорганизмларда эркин ҳолда учрайди. L=Ф. алмаштириб бўлмайдиган аминокислота. Эркакларнинг L=Ф. га бўлган бир кеча-кундуздаги эҳтиёжи 4,3, хотинларники 3,1, болаларники 90 *мг/кг*. Ф. организмда овқат оқсиллари ва тўқима оқсилларининг парчаланишидан узлуксиз ҳосил бўлиб туради.

ФЕНИЛЕНДИАМИНЛАР, диаминобензоллар, $C_6H_4(NH_2)_2$ — ароматик қаторнинг диаминлари. Мол. оғ. 108,14. Учта (орто-, мета- ва пара-) изомери бор; рангсиз кристалл моддалар, ёруғлик ва ҳавода қорайди. *О*=Ф.— япроқчалар ҳолида (сувда), пластинкачалар ҳолида (хлороформда) кристалланади; суюқланиш т-раси 102°С, қайнаш т-раси 256—258°С (парчаланади). Спирт, эфир, хлороформ, иссиқ сувда яхши эрийди. *М*-Ф.— ромб шаклидаги кристаллардан иборат; суюқланиш т-раси 63—64°С, қайнаш т-раси 287°С, зичлиги 1,1421 *г/см*³; сув ва спиртда яхши, эфирда ёмон эрийди. *П*-Ф.— пластинкасимон кристаллардан иборат; суюқланиш т-раси 147°С, қайнаш т-раси 267°С; спирт, эфир, хлороформ, бензолда яхши, совуқ сувда бир оз эрийди. *О*-Ф. *о*-нитроанилинни қайтариб, *м*-Ф. *м*-динитробензолни қайтариб, *п*-Ф. *п*-динитроанилинни қайтариб олинади.

Ф. бўёқлар ишлаб чиқаришда, синтетик ва аналитик мақсадларда кўплаб ишлатилади. Ф. марказий нерв системасига заҳарли таъсир этади.

ФЕНИЛКАРБИНОЛ — қ. *Бензил спирт.*

ФЕНИЛСАЛИЦИЛАТ (Phenylium salicylicum), салол — антисептик моддалар группасига кирувчи дори. Сувда ёмон, спиртда яхши эрийди; оқ кристалл порошок. Ф. ичакларда фенил ва салицилат кислотага парчаланиб, ичаклар ва сийдик йўлларини зарарсизлантирувчи таъсирга эга. Порошок ва таблетка ҳолида ичак касалликлари (колит, энтероколит), цистит, пиелит, пиелонефритда қўлланилади. Бесалол, уробесалол, тансал ва б. таркибига киради.

ФЕНИЛЭТИЛ СПИРТ, 2-фенилэтанол, $C_6H_5CH_2CH_2OH$ — атиргул ҳидли, рангсиз суюқлиқ; қайнаш т-раси 220—222°С; зичлиги 1,023 *г/см*³ (20°С да); сувда эрийди; эфир ва спиртда ҳар қандай нисбатда аралашади. Атиргул, қалампирмунчоқ мойида бўлади. Атиргул япроқларидан сув буғи б-н ҳайдаб ва синтетик йўл б-н олинади. Парфюмерия ва озиқ-овқат саноатида қўлланилади.

ФЕННОСКАНДИЯ — Европадаги табиий ўлка. Скандинавия (Швеция ва Норвегия) ва Кола ярим оролларини, Финляндия ва СССР терр-ясининг Фин қўлтиғи — Ладога ва Онега кўллари — Онега қўлтиқчаси линиясидан шимол ва ғарбдаги қисмини ўз ичига олган. Майдони 1,5 млн. *км*² (жумладан, 0,4 млн. *км*² СССРда). Болтиқ қалқони ва Скандинавия тоғларининг каледон бурмаларидан иборат. Рельефида пенепленлашган ўртача баландликдаги тоғлиқлар ва ясси тоғлиқлар асосий ўринни эгаллайди (энг баланд жойи 2469 *м*— Гальхёпигген чўққиси). Болтиқ денгизи соҳиллари ясси текислик. Ф. ни бир неча марта ёпасига муз босган. Скандинавия тоғларида йирик музликлар бор. Иқлими мўътадил, ёзи салқин. Йиллик ёғин шарқида 400 *мм*, ғарбида 2000—3000 *мм*. Бугланиш ёғин миқдорига нисбатан кам бўлганлигидан ботқоқлик ва кўллар кўп. Дарёлари қисқа ва серсотона.

Ф.— Европанинг энг серўрмон қисми. Аксари қисми қарағай ва қорақарағай ўрмонлари б-н банд. 60° ш. к. дан жанубда аралаш ва кенг баргли ўрмонлар бор. Тупроғи шимолида подзол, жанубида чимли подзол тупроқ. Чекка шимоли тундра ландшафтли. Ф. нинг ҳайвонот дунёси Палеарктика зоогеографик областининг Европа-Сибирь областчасига мансуб. Ф. да, асосан, ўрмон ҳайвонлари яшайди. Ф. гидроэнергияга бой. Темир, мис, никель рудалари, апатит конлари бор.

ФЕНОБАРБИТАЛ (phenobarbitalum), люминал — барбитуратлар группасига кирувчи дори. Сувда эримайди, таъми аччиқ, ҳидсиз, оқ кристалл порошок. Порошок ва таблетка ҳолида чиқарилади. Уҳлатувчи модда сифатида, шунингдек эпилепсия, томирлар спазмини даволашда буюрилади. Андипал, камфотал, палюфин ва б. таркибига киради.

ФЕНОГЕНЕТИКА (*фен* ва *генетика*) — организм индивидуал ривожланишида ирсий информациянинг амалга ошиш йўлларини ўрганувчи генетика бўлими. Ф. организм тараққиёти давомида *генотип*нинг *фенотип*да намоён бўлишини, яъни генлар ва уларнинг маҳсулотлараро, шунингдек булар б-н ички ҳамда ташқи муҳит омиллари ўртасидаги ўзаро таъсир механизмини тадқиқ этади. «Ф.» терминини немис зоологи ва генетиги В. Хеккер таклиф этган (1918). У фенокритик фазани белгилашни Ф. нинг асосий методи деб ҳисоблади, яъни ривожланишнинг шундай этапларини олиш керакки, токи ундан нормал ва мутант индивидлар (қ. *Мутантлар*) орасидаги тафовутни ва бу тафовутга кўра текширилаётган ген ўрнини ҳамда таъсир механизмини аниқлаш мумкин бўлсин.

Морфологик белгиларни назорат қилувчи генларнинг тугал намоён бўлиш қонуниятлари текширилиши Ф. ривожидаги муҳим босқич бўлди. Генетик мозаикаларни — танаси турли генотипли ҳужайралардан ташкил топган организмларни ўрганиш Ф. да катта ўрин эгаллайди. Генетик мозаикалар ривожланаётган эмбрионга кўпинча нур б-н таъсир этиш ва ҳар хил генотипли индивидлардан олинган эмбрионал ҳужайраларни бир-бирига сунъий қўшиш йўли б-н олинади. Генетик «нишонланган» ҳужайраларнинг мозаик индивид тўқималари ва органларида жойланиши, шунингдек бир организмдаги генетик фарқланувчи ҳужайраларнинг бир-бирига таъсири тўғрисидаги маълумотлар ҳужайравий гистогенез ҳамда *органогенез*нинг генетик асосини ўрганишга имкон беради. Дезоксирибонуклеин кислота (ДНК)нинг генетик материал эканлиги, *генетик код*нинг ўқилиши ва оқсил синтезининг кашф этилиши Ф. бўйича қилинадиган тажрибаларни ҳам молекуляр даражада ўтказишга шароит яратди (яна қ. *Молекуляр генетика*).

Ад.: Тимофеев-Ресовский Н. В., Иванов В. И., Некоторые вопросы феногенетики, в сб.: Актуальные вопросы современной генетики тўпламида, М., 1966; Конюхов Б. В., Биологическое моделирование наследственных заболеваний человека, М., 1969.

ФЕНОКОПИЯ (*фен* ва лат. copia — кўп, кўп нарса) — организм *фенотип*нинг ноирсий ўзгариши. Ташқи муҳит шароити таъсирида вужудга келиб, шу организмда маълум ирсий ўзгаришни (организм *мутация*ларини) такрорлайди. Мас., баъзи ҳашаротларнинг генетик жиҳатдан нормал эмбрион ва личинкаларига юқори т-ра, эфир буғи ва б. б-н таъсир этиб, ноирсий мажруҳлик (оёқлар ёки қанотлар сонини ўзгартириш ва ҳ. к.) ни ҳосил қилиш мумкин. Бу мажруҳлик Ф. дир, бироқ бу ўзгариш ҳашаротнинг кейинги авлодларидан бирида ҳеч қандай ташқи таъсирсиз юзага чиқиши мумкин. Ҳар хил мутациялар Ф. сини бошқа ҳайвон ва ўсимлик турларида ҳам экспериментал пайдо қилса бўлади. Бунда юз берган Ф. спектри, одатда, таъсир кўрсатувчи омил табиатига эмас, балки тажриба қилинаётган организм ривожланиш босқичига боғлиқ. Ф. ни ўрганишдан *феногенетика* тадқиқотларида фойдаланилади.

ФЕНОЛ, карбол кислота, монооксибензол, C_6H_5OH — ўзига хос ҳидли, рангсиз кристалл модда. Сақлаб қўйилганда пушти рангга киради. Мол. оғ. 94,11, суюқланиш т-раси 40,9°С, қайнаш т-раси 181,75°С, зичлиги 1,0576 *г/см*³. Спирт, эфир, ацетон, хлороформда яхши, сувда бир оз эрийди. Кучсиз кислота хусусиятига эга, ишқорлар б-н фенолятлар ҳосил қилади. Ф. тошкўмир смоласидан олинади. Ф. нинг саноат кўламидаги синтезлаб олиниши изопропилбензол гидропероксидни кислоталар б-н парчалашга асосланган. Ф. фенолформальдегид смолалар, капролактам, пикрин кислота, турли бўёғичлар ва пестицидлар, дори моддалари ишлаб чиқаришда қўлланилади. Терига текканда куйдиради; ҳавода 0,005 *мг/л* дан кўп бўлмаслиги лозим (яна қ. *Фенолар*).

ФЕНОЛ-АЛЬДЕГИД ЕЛИМ — новолак ёки резол *фенол-альдегид смолалар* асосида тайёрланадиган елим. Ф.-а. е. суюқ ва плёнка ҳолида чиқарилади. Суюқ елим анча кенг тарқалган бўлиб, смоланинг спиртдаги эритмасидан иборат. Таркибида қотиргич (новолак смолалар учун), мас., параформ, уротропин ёки қотириш катализотори (резол смолалар учун), мас., органик сульфокислоталар, тўлдиргич — ёғоч уни ёки минерал порошоклар бўлади. Суюқ Ф.-а.е. совуқ ёки иссиқ ҳолида қотириладиган (оддий т-рада ёки 115—150°С да елимланадиган) бўлади. Плёнка Ф.-а. е. сульфатли қоғозга иссиқ елим шимдирилгач 80—100°С да қуритиб ҳосил қилинади.

Ф.-а. е. ёғоч ва фанерни елимлашда кўплаб ишлатилади. Иккала ҳолда ҳам елим чўтка б-н сурилгач, эритувчиларни учириб юбориш мақсадида 5—15 мин. тинч қўйилади. Сўнгра қисмлар бир-бирига ёпиштирилиб маълум вақт босим остида қотирилади. Плёнка елим б-н елимлашда у елимланадиган сиртга қўйилиб шу заҳотиёқ қисмлар бир-бирига ёпиштирилаверади.

Ф.-а. е. сувга жуда чидамли. Лекин мўрт, унинг бу камчилиги *поливинилацеталлар* (БФ елими), каучуклар ва б. полимерлар қўшиб ўзгартирилади. Ф.-а. е. б-н ишлашда вентиляция ва шахсий ҳимоя воситалари (резина, қўлқоп, халат ёки комбинезон) бўлиши керак.

ФЕНОЛ-АЛЬДЕГИД ЛАК — *фенол-альдегид смолалар* (асосан фенол-формальдегид смолалар) ва уларнинг б. турли модификацияли маҳсулотлари асосида олинадиган лак. Бу материалларнинг эритувчиси сифатида этил спирти, баъзи бир углеводородлар ишлатилади. Спиртли Ф.-а. л. резол смоласи асосида тайёрланади. Ф.-а. л. нинг пардаси электр ўтказмайди, сув, кислота ва иссиққа чидамли. Парданинг камчилиги шундаки, ранги гунгурт ва мўрт. Ф.-а. л. кимёвий аппаратларни ҳимоялашда ҳамда қатламли пластикаларни бирбирига бириктирувчи сифатида ишлатилади.

ФЕНОЛ-АЛЬДЕГИД СМОЛАЛАР — фенол ва унинг гомологлари (крезоллар, ксиленоллар) ва кўп атомли феноллар (мас., резорцин)нинг альдегидлар (формальдегид ва фурфурол) б-н *поликонденсатланиш*идан ҳосил бўлган олигомер маҳсулотлар. Бу смолаларнинг ичида феноллар (асосан монооксибензол, қ. *Фенол*) б-н формальдегиддан олинадиган фенолформальдегид смолалар муҳим амалий аҳамиятга эга. Реакцияга киришувчи моддаларнинг нисбатига ва катализаторнинг табиатига кўра термопластик (новолаклар) ёки термореактив (резоллар) смолалар (*Пластмассаларга* ҳам қ.) ҳосил бўлади. Мас., кислотали катализаторлар (одатда хлорид ёки оксалат кислота) иштирокида ва фенол миқдори кўп бўлганида новолак смолалар, асосли катализаторлар (мас., NaOH, $Ba(OH)_2$, NH_4OH) иштирокида ва формальдегид миқдори кўп бўлганида резол смолалар ҳосил бўлади.

Новолак смолалар чизиқли олигомерлар бўлиб, молекулаларидаги фенол ядролари метилен кўприкчалари б-н боғланган ва метилоль группалари (—CH_2OH) деярли йўқ. Резол смолалар — таркибида кўп миқдорда метилоль группаси бўлган чизиқли ва тармоқланган олигомерлар аралашмасидир. Новолаклар узлукли ва узлуксиз схема бўйича, резоллар эса узлукли схема бўйича олинади. Новолак смолалар қаттиқ маҳсулот (шишасимон парчалар, донадор) ҳолида, резол смолалар — қаттиқ ва суюқ маҳсулот ҳолида чиқарилади. Новолаклар ва резоллар спирт ва ацетонда яхши эрийди, ишлатилган катализаторлар типига қараб ранги оч сариқдан қизилгача бўлади. Фенол-формальдегид смолалар турли пластмассалар ишлаб чиқаришда, мас., новолаклар — пресспорошоклар, резоллар — пресспорошоклар, волокнитлар, қатламли пластиклар ва елимлар олишда ишлатилади. Новолаклар ва резоллардан пенопластлар ва сотопластлар тайёрланади.

ФЕНОЛ-ФОРМАЛЬДЕГИД СМОЛАЛАР, полиметилен-феноллар (қ. *Фенол-альдегид смолалар*).

ФЕНОЛЛАР — гидроксил группалари ароматик ядро углерод атомлари б-н бевосита боғланган окси ҳосилали ароматик бирикмалар. Молекуласидаги гидроксил группа миқдорига қараб Ф. бир атомли, икки атомли ва кўп атомли бўлади. Бир атомли феноллар гомологик қаторнинг биринчи вакили — оксибензол C_6H_5OH одатда *фенол* ҳам дейилади. Толуолнинг окси ҳосиласи (метилфеноллар) орто, мета- ва пара-крезоллар, ксилолларнинг окси ҳосилалари эса ксилоллар дейилади. Нафталин қаторининг феноллари нафтоллар деб аталади. Оддий икки атомли Ф. *о*-диоксибензол — пирокатехин, *м*-диоксибензол — резорцин ва *п*-диоксибензол-гидрохинон деб номланади. Кўп атомли Ф. пирогаллол, флороглюцин дейилади.

Кўпчилик Ф.— рангсиз кристалл моддалар, айримлари суюқ моддалардир. Баъзи Ф. ўзига хос ўткир ҳидли. Оддий Ф. сувда бир оз, деярли барча Ф. спирт, эфир, бензолда яхши эрийди. Ф. нинг спиртлардан фарқи шуки, улар кучсиз кислоталардир.

Ф. нинг мураккаб эфирларини Ф. ни карбон кислоталари ва уларнинг ангидридлари ёки хлорангидридлари б-н реакцияга киритиб ҳосил қилиш мумкин.

Кўпчилик Ф. осон оксидланади. Ф. ни синтезлашда тегишли галоген ҳосилалари гидролизидан (мис тузлари иштирокида) фойдаланилади. Ф. арилдиазония тузлари эритмасини қиздириб ва б. усулларда ҳам олинади. Тошкўмир смоласи ва қўнғир кўмирнинг бирламчи дёготи (чирки) Ф. қаторларининг муҳим манбаи ҳисобланади.

Баъзи Ф. антисептиклар, антиоксидловчи сифатида қўлланилади. Ф. фенол-формальдегид смолалар, полиамидлар ва б. полимерлар олишда кўплаб ишлатилади. Ф. асосида бўёғичлар, дори ва парфюмерия препаратлари, пестицидлар, пластификаторлар, сирт-актив моддалар ва б. синтез қилинади. Ф. заҳарли.

ФЕНОЛО́ГИЯ (юнон. phainomena — ҳодиса ва *...логия*) — табиатдаги мавсумий ҳодисалар, уларнинг бошланиш муддатлари ва шу муддатларни белгиловчи сабаблар тўғрисидаги билимлар системаси. «Ф.» терминини бельгиялик ботаник Ш. Морран (1853) таклиф этган. Юксак ўсимликларда куртакларнинг бўртиши ва ёзилиши, барг чиқариши, ғунчалаш (шоналаш), гуллаш, уруғ ва меваларнинг пишиб етилиши, кузда барглар сарғайиши ва тўкилиши (хазонрезгилик); сут эмизувчи ҳайвонларда қишки уйқудан уйғониш, жуфтлашиш, болалаш, мавсумий туллаш ва ҳ. к.; қушларда баҳорги учиб келиш, уя солиш, тухум қўйиш, жўжа очиш, кузги учиб кетиш ва б.; балиқларда баҳорги серҳаракат ҳаёт, увилдириқ (икра) ташлаш, мавсумий кўчиб юриш; ҳашаротларда қишлаб чиққан индивидларнинг баҳорги уйғониши, ғумбаклардан ҳашаротлар пайдо бўлиши, тухумдан личинка (қурт) очиб чиқиши, жуфтлашиш, тухум қўйиши ва ҳ. к. нинг содир бўлиш муддатларини ўрганади.

Текшириш объектига қараб, умумий ва хусусий Ф. бўлади. Умумий Ф. табиат тараққиётини йил фаслларининг бир меъёрда алмашиниб туриши б-н боғлиқ ҳолдаги яхлит ҳодиса сифатида ўрганади. Хусусий Ф. фитофенология ёки ўсимликлар Ф. си ҳамда зоофенология — ҳайвонлар дунёси Ф. сига бўлинади. Фитофенологияда маданий, ёввойи ўсимликлар, бегона ўт ва б. нинг мавсумий ривожланиши ўрганилади. Фенологик текширувнинг асосий усули фенологик кузатув ҳамда йиғилган маълумотларни картага туширишдир (мас., олманинг гуллаш вақтини кўрсатиш). Ф. маълумотларидан экология, биогеография, метеорология, иқлимшунослик, гидрология, қ. х. ҳамда ўрмончилик фани ва амалиётида, медицинада фойдаланилади.

Табиатдаги мавсумий ҳодисаларнинг бошланиш муддатларини белгилаб берувчи омиллар ва қонуниятларни экологик Ф. ўрганади. Бу омиллар эндоген ва экзоген омилларга бўлинади. Экзоген омилларни ташқи муҳит белгилайди. Ўсимликларнинг баҳорги уйғониш муддатларини, асосан, иссиқлик режими белгилаб беради. Ҳайвонларда мавсумий ҳодисаларнинг муддати, кўпинча, уларнинг озиқланиш шароити б-н боғлиқ бўлади. Мас., ҳашаротхўр қушлар баҳорда ҳашаротлар кўпайган вақтда учиб келади.

Фенологик-географик қонуниятларни аниқлаш учун кўпгина мамлакатларда фенологик кузатишлар олиб бориш тармоқлари барпо этилган. СССРда бундай тармоқ 1924 йилдан ўлкашунослик ташкилотлари системасида бўлган; 1939 йилда СССР География жамиятига берилган. 1965—75 йилларда фенологик кузатишлар олиб борадиган тармоқлар 3500 га яқин кўнгилли мухбирлардан иборат эди. Фенологик тармоқ ишига маҳаллий фенологик ташкилотлар ёрдамида География жамиятининг Ф. сектори раҳбарлик қилади.

Фенологик қонуниятлар асосида қ. х. тармоқлари бўйича қилинадиган мавсумий ишлар ва тадбирларнинг регионал (маҳаллий) календари тузилади. Бундай календардан табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини ишлаб чиқишда, ўсимлик ва ҳайвонларнинг касалликлари ҳамда заракунандаларига қарши курашишда, асаларичилик ва б. да фойдаланилади.

Ад.: Подольский А. С., Фенологический прогноз, 2 изд., М., 1974.

ФЕНОЛФТАЛЕЙН, 4,4-диоксифталофенон, $C_{20}H_{14}O_4$ — ҳидсиз, таъмсиз, рангсиз кристалл порошок модда. Сувда ёмон, спиртда яхши эрийди, суюқланиш т-раси 259—263°С. Феноли фталь ангидрид б-н конденсатлаб олинади. Ф. трифенилметан бўёғичлар группасига киради. Аналитик кимёда кислота ва ишқорларни титрлашда индикатор сифатида қўлланилади. Медицинада сурги дори сифатида ишлатилади. Сурункали ич қотишда таркибида 0,1 *г* Ф. бўлган таблеткалари (пурген) буюрилади.

ФЕНОМЕН (юнон. phainomenon — юз берувчи) (фалсафада) — ҳис-туйғу тажрибаси б-н пайқаладиган ҳодисани англатувчи тушунча (қ. *Моҳият ва ҳодиса*). Ф. терминини Аристотель «кўринувчи», «туюлувчи» маъносида ишлатган. Ж. *Беркли*, Д. *Юм* ҳамда *позитивизм* ва *махизм* намояндалари қарашларида Ф.— онг маълумотлари, субъектив-идеалистик тушуниладиган тажриба элементларидир. И. *Кант* философиясида Ф. да тажриба учун зарур бўлган барча предметлар тушунилиб, ноумен (моҳият) ёки «нарса ўзида»га қарши қўйилади.

ФЕНОМЕНАЛИЗМ — билиш ҳақидаги идеалистик таълимот. Фақат ҳодиса (*феномен*)ларнигина билиш объекти деб ҳисоблайди. Ўта Ф. га *солипсизм* тенденцияси хос бўлиб, унда олам «ғоялар» ёки «сезги комплекслари» мажмуидан иборат, деб қаралади (Ж. *Беркли, махизм*). Мўътадил Ф. ҳодисалар оламидан ташқаридаги мавжудликни («ғоя», моҳият, «нарса ўзида»ни) эътироф этиб, уни қандай бўлса шундайлигича, «охиригача» билиб бўлмайди дейди; бундай қараш скептицизм ва агностицизм (И. *Кант*, О. *Конт*, Г. *Спенсер* ва б.) таълимотларига хосдир. Диалектик материализм Ф. ни инкор этиб, ҳодиса ва моҳият ўртасида узил-кесил чегара йўқлигини, билиш предмети сифатидаги моҳият ҳодиса орқали англанишини ва практикада тасдиқланишини таъкидлайди (қ. *Моҳият ва ҳодиса*).

ФЕНОМЕНОЛО́ГИЯ (*феномен* ва *...логия*) — буржуа философиясидаги реакцион субъектив-идеалистик таълимот. Э. *Гуссерль* ва унинг шогирдлари (Ландгребе, Финк, Шелер. ва б.) асос солган. Ф. онгни моддий воқеликдан, инсон миясидан, билувчи субъект («соф онг») дан ажралган ҳодиса сифатида тасаввур қилиб, билишнинг ташқи дунёга муносабатини бузиб кўрсатади, идеал характердаги номоддий объектни билиш предмети деб билади. Феноменологик методнинг асосий талаби объектив реаллик ва «соф» (яъни субъектив) тажриба чегарасидан чиқадиган ҳар қандай муҳокамалардан сақланиш (эйдос редукция) ҳамда билиш субъектининг ўзини реал, эмпирик, социал ва психофизиологик вужуд деб эмас, балки «соф онг» (трансцендентал редукция) деб қарашдан иборат. Фаннинг вазифаси «соф онг»даги тайёр абсолют ҳақиқатни, мантиқий қонунларни ўрганишдир. Ф. *экзистенциализм* философиясининг асосий манбаларидан бири бўлди. Унинг асосий қарашлари ҳозирги *иррационализм*да ҳам намоён бўлмоқда.

Ад.: Мотрошилова Н. В., Принципы и противоречия феноменологической философии, М., 1968; Философия марксизма и экзистенциализма, Сб. ст., М., 1971; Современная буржуазная философия, М., 1972; Ойзерман Т. И., К критике феноменологической концепции философии, «Вопросы философии», 1975, № 12; Тавризян Г. М., Проблема человека во французском экзистенциализме, М., 1977.

ФЕНОТИП (*фен* ва *тип*) — организм тузилиши ва ҳаёт фаолиятининг ўзига хос хусусияти. *Генотип* б-н муҳит шароитининг ўзаро таъсири натижасида вужудга келади. «Ф.» терминини данялик биолог В. Иогансен (1857—1927) таклиф этган (1909). Ф. тушунчаси организмнинг ҳар қандай белгиси (ташқи тузилиши, биохимик ҳамда физиологик жараёнлар ва б.) га нисбатан ишлатилади.

Бирламчи маҳсулотлар синтези даражаси (босқичи)да генлар таъсир (ҳаракат)и, организм генотипларидаги алоқа ва унинг фенотипи бир аҳамият (мазмун)га эга, яъни дезоксирибонуклеин кислота (ДНК) молекуласидаги нуклеотидларнинг ҳар бир кетма-кетлиги полипептид (оқсил) занжиридаги рибонуклеин кислота (РНК) молекуласидаги нуклеотидларнинг маълум бир тўлиқ кетма-кетлигига мос келади (қ. *Генетик код, Трансляция*). Бироқ ДНК даги нуклеотидлар кетма-кетлиги, яъни унинг бирламчи структураси синтез вақти ёки маҳсулотлар миқдорини эмас, балки унинг асосида синтезланадиган оқсил ва РНК тузилишини белгилайди. Генотип ва Ф. орасидаги ўзаро муносабат ҳужайра, тўқима, орган, органлар системаси ва бир бутун организм миқёсида янада мураккаб. Чунки бундай ҳолларда ҳар бир белги ўз навбатида ташқи муҳитнинг конкрет шартига боғлиқ бўлади. Бу, айниқса, миқдорга онд белгиларда яхши кўринади. Мас., Иогансен ўзидан чангланувчи бир генотипли бир қанча ўсимлик уруғининг оғирлигини текшириб, уларнинг ҳар хил оғирликка, яъни Ф. га эга эканлигини кашф қилди. Бошқача қилиб айтганда, бир хил генотипли индивидлар ҳар хил Ф. ли ва аксинча бўлиши мумкин.

Ад.: Иогансен В. Л., О наследовании в популяциях и чистых линиях, М.—Л., 1935.

ФЕНТИАЗИН, дибензотиазин, тиодифениламин, $C_{12}H_9NS$ — пластинкасимон сариқ модда; мол. оғ. 199,26, суюқланиш т-раси 182°С, қайнаш т-раси 371°С (парчаланади); қайноқ спирт, қайноқ муз сирка кислотасида яхши, эфир ва лигроинда ёмон эрийди. Концентрланган H_2SO_4 да эритилганда SO_2 ажралиб чиқади. Ф. ариламинниинг хлоргидратли аралашмаси б-н олтингугуртни 195°С да қиздириб ҳосил қилинади. Ф. нинг ўзи инсектицид сифатида, ҳосилалари бўёғичлар сифатида ишлатилади. N-алкиламин ҳосилалари эса дори моддаси ҳолида қўлланилади.

ФЕО́Д (лат. feodum) — ўрта асрларда Ғарбий Европа мамлакатларида вассалнинг хизматни ўташ (ҳарбий хизмат, бошқариш ва суд ишларида қатнашиш) ёки тегишли бадал тўлаб туриш эвазига хўжайиндан олади ган ери ёки муайян даромади. У Ғарбий Европада феодализм ривожланган давр (11—15-асрлар) ҳукмрон феодал синфлари хусусий мулкчилигининг энг характерли шаклидир. Ф. нинг олдинги шакли *бенефиций* эди.

Ф. нинг Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари (жумладан Ўрта Осиё) даги тури *иқтоъ* ва б. номлар б-н аталган.

ФЕОДАЛ МУЛКИ — қ. *Феодализм.*

ФЕОДАЛ СОЦИАЛИЗМ — илмий социализмга қадар буржуа жамиятини реакцион позицияда туриб танқид қилган таълимот. Патриархал муносабат ҳамда христианликни гўё ижтимоий тенглик ва гуманизм сифатида идеаллаштиради. Феодал-патриархал муносабатга қайтиш орқали капитализм зиддиятларидан қутулиш мумкин деб ҳисоблайди. Бу таълимотнинг философик концепциясини инглиз

идеалист философи Т. Карлейл (1795—1881) ишлаб чиққан. Унинг назарий асосини католицизм, схоластик *реализм*, Э. Сведенборг мистикаси, *Фихте*, *Шеллинг* ва б. нинг идеалистик философияси, 18—19- аср бошларидаги реакцион романтизм, тарихий ҳуқуқ мактаби ва б. таълимотлар ташкил этади. 18—19- асрлар буржуа рев-яси даврида Францияда, кейинчалик Англияда тарқалган. Ф. с. нинг программаси капитализм тараққиётига қарши бўлса ҳам, капитализм пойдеворига путур етказа олмади, аксинча, буржуазия ва ер аристократияси манфаати, орзу-умидларини ҳимоя қилиб, халқ оммасининг актив ҳаракатига тўсқинлик қилди.

Ф. с. терминини биринчи бор К. Маркс ва Ф. Энгельс «Коммунистик партия манифести» асарида қўлладилар. Улар Ф. с. ни 19- асрнинг 30—40- йилларидаги реакцион социализмнинг етакчи оқими деб таърифладилар ҳамда Ф. с. идеологлари тарихий тараққиёт жараёнини тушунмаганликларини қораладилар. Кейинчалик Ф. с. ғоялари Испания, Австрия, Венгрия ва Россияга тарқалди (қ. *Славянофиллар*).

ФЕОДАЛ ТУЗУМ — қ. *Феодализм*.

ФЕОДАЛИЗМ (*феод* сўзидан) — кишилик жамияти тараққиётида йирик тарихий даврни ўз ичига олган синфий антагонистик ижтимоий-иқтисодий формация. Ф. *ибтидоий жамоа тузуми* ва *қулдорлик тузуми*дан кейинги 3- формация бўлиб, у асосий ишлаб чиқариш воситаси — ерга ҳукмрон бўлган синф — феодаллар хусусий мулкининг мавжудлиги, феодаллар томонидан мазлум синф — қарам деҳқонларнинг ғайри иқтисодий йўл б-н эксплуатация қилиниши, аграр экономика, натурал хўжалик, мустабид давлат, диний идеологиянинг оммавийлиги каби асосий белгиларга эга. Ф. баъзи хусусиятлари б-н деярли барча мамлакатларда мавжуд бўлган. Лекин турли халқлар Ф. га ҳар хил йўллар б-н ўтган. Бир ерда Ф. қулдорликдан ўсиб чиққан бўлса, иккинчи ерда Ф. га бевосита ибтидоий жамоа тузумидан ўтилган.

Ф. жаҳоншумул-тарихий давр сифатида 5—17- асрни ўз ичига олади. Бир қатор мамлакатларда у кейинги даврларда ҳам сақланиб келган. Айрим Шарқ мамлакатларида Ф. нинг кўп белгилари ҳозир ҳам мавжуд.

Ф. 3 даврга бўлинади: 1) илк Ф.—Ф. нинг генезиси, яъни формация сифатида шаклланиш даври; 2) тараққий этган Ф.; 3) сўнгги Ф. Бу босқичларнинг хронологик чегараси жаҳоннинг турли мамлакатларида турличадир.

Шарқ мамлакатларида Ф. нисбатан эртароқ шакллана бошлаган, аммо унинг ривожланган босқичига ҳамма ерда деярли бир вақтда (11—12- аср) ўтилган. Турли мамлакат ва қитъаларда Ф. нинг асосий белгилари ва тараққиёт қонунлари бир хил бўлган. Ф. нинг ишлаб чиқарувчи кучлари қулдорлик давридагига нисбатан юқори, лекин улар ғоят суст тараққий этган. Асосий ишлаб чиқариш воситаси ер бўлиб, деҳқончилик тупроқнинг табиий унумдорлигига таянган, ишлаб чиқариш эса қўл меҳнати қуролларига асосланган. Ф. да металлдан ясалган қуроллар тарқалди. Табиат кучларидан фойдаланиш натижасида оддий техник қурилмалар (сув ва шамол тегирмонлари), елканли кемалар вужудга келди.

Ҳунармандчилик деҳқончиликдан ажралиб чиққач, шаҳарларда косибчилик саноати ривож топди; у ҳам деҳқончилик каби қўл меҳнатига асосланган. Ф. нинг иқтисодий асоси — феодаллар синфининг ерга эгалиги экономикада асосий роль ўйнаган. Феодалларнинг ерга эгалиги деҳқонларни эзиш учун иқтисодий асос бўлган (қ. *Крепостнойлик*). Европадан фарқлироқ, Шарқда кўп ҳолларда ерга айрим феодаллар эмас, балки марказий феодал ҳокимияти, шоҳлар, султонлар, хонлар ва амирлар эгалик қилган, чунки ерни суғориш учун катта миқдорда маблағ ва иш кучи талаб қилиниб, бу вазифани айрим феодаллар эмас, балки феодал давлати амалга ошира олган. Шарқ мамлакатларида деҳқонлар юридик жиҳатдан ерга биркитилмаган. Улар ер эгалиги бўлган, феодаллар ерини ижарага олиб, ҳосилнинг маълум қисмини хўжайинга бериш шарти б-н деҳқончилик қилишган (мас., қ. *Чоракорлик*).

Ўрта Осиё ва Қозоғистонда Ф. дастлаб деҳқончиликда, сўнгра чорвачилик б-н шуғулланувчи кўчманчи халқлар ҳаётида ҳам ҳукмрон тузумга айланди. Кўчманчилар яшаган р-нлардаги Ф. қулдорликдан эмас, балки ибтидоий жамоа тузумидан ўсиб чиқди. *Кўчманчилик* Ф. га хос муҳим хусусият бўлиб, феодалларнинг ерга эмас, балки чорва молларига эгалигини англатади. Ер уруғ-қабилаларнинг умумий (жамоа) мулки ҳисобланган. Кўчманчи Ф. ҳукмрон шароитда уруғ-қабилачиликка асосланган патриархал алоқалар (мас., Қозоғистонда ва Ўрта Осиёнинг кўчманчилар яшовчи р-нларида) ғоят кучли эди. Ф. да деҳқонлар ишлаб чиқариш воситалари (от, ҳўкиз, маҳсулдор ҳайвонлар, омоч, арава ва б.) га оз эга бўлганлар. Шундай шароитда феодаллар деҳқонларни ғайри иқтисодий усул б-н, хусусан ерга бириктириб қўйиш орқали меҳнат қилишга мажбур қилганлар (қ. *Меҳнатга иқтисодий мажбур қилиш*). Ф. да натурал хўжаликда яратилган қ. х. маҳсулотлари истеъмол этилган, деҳқончилик ёки чорвачилик *хонаки саноат* б-н қўшилиб кетган.

—,

Шарқдаги Ф. товар-пул муносабатларининг анча эрта тараққий этиши, ташқи савдонинг кенг тарқалиши б-н Ғарбдаги Ф. дан ажралиб турган. Ф. да деҳқонлар яратган қўшимча маҳсулотни феодаллар текинга ўзлаштирганлар. Мазкур маҳсулот турли шаклдаги феодал рента (ишлаб бериш рентаси, маҳсулот рентаси ва, ниҳоят, пул рентаси) тарзида бўлган. Пул рентаси сўнгги Ф. босқичида кенг тарқалди, чунки бу даврда товар-пул муносабатлари ва савдо ривож топди. Ф. косибчилик саноатида ҳам ўзига хос ишлаб чиқариш муносабатларига эга бўлган. Косибчилик феодалларнинг қўрғони, қасри атрофида ривожланиб, маҳаллий деҳқонларга маҳсулот етказиб берган. Кейинчалик бу масканлар феодал шаҳарларига айланган. Ғарбий Европа мамлакатларида бир хил ҳунар б-н шуғулланувчи косиблар цех деб аталган ташкилотга бирлашганлар. Улар буюртма бўйича ёки бозорда сотиш учун маҳсулот тайёрлашган. Шарқ мамлакатларидаги косиблар касбига қараб маҳаллаларда яшаганлар. Мас., Ўрта Осиё шаҳарларида этикдўзлар, сандиқсозлар, мўйнадўзлар, қандолатчилар, новвойлар, темирчилар маҳаллалари бўлиб, косибларнинг уйи б-н дўкони (устахонаси) бир ерда жойлашган. Савдогарлар ва судхўрлар *ноэквивалент айирбошлаш* ва қарз бериш орқали катта процент олиб, косиб ва деҳқонларни эзиб келишган. Шаҳарларда ҳунармандчилик ва савдонинг

ўсиши феодал қишлоғига ҳам таъсир этиб, у ерда товар-пул муносабатларининг ўсишига, Ф. асосларининг емирилишига сабаб бўлган, бу нарса сўнгги Ф. босқичида юз берган.

Ф. нинг ўзига хос социал иерархияси (қироллар, султонлар, шоҳлар) бор. Ривожланган Ф. босқичида ҳукмрон синфлар махсус имтиёзли социал тоифадан иборат. Булар Европа мамлакатларида рицарлар, дворянлардир. Дворянларнинг юқори қатламини герцоглар, графлар, князлар ташкил этган. Шаҳар аҳолиси ҳам турли социал гуруҳлардан иборат. Ф. га хос мустабид сиёсий ҳокимият дастлаб тарқоқ ва майда феодал давлатларининг шаклланишида ўз аксини топган, сўнгра марказлашган феодал давлати вужудга келган. Шарқ мамлакатларида марказлашган феодал давлати анча олдин вужудга келган. Бу ерда илк Ф. босқичидаёқ йирик империялар пайдо бўлган (мас., *Араб халифалиги*). Европа мамлакатларида сўнгги Ф. босқичида феодалларнинг сиёсий ҳокимияти мутлақ монархия — абсолютизмда ўз ифодасини топди.

Ф. нинг маънавий ҳаёти турли динларга мансуб идеологиянинг қарор топиши б-н ажралиб туради. Европада Ф. нинг шаклланиши христиан, Шимолий Африка, Яқин ва Ўрта Шарқ, шунингдек Ўрта Осиёда эса ислом идеологияси ҳукмронлигининг ўрнатилиши б-н боғлиқ бўлган. Ривожланган Ф. босқичида ғайри диний идеология ҳам юзага чиқди (мас., қ. *Вужудиюн*). Натижада диний уйдирмалар ва схоластика дарз кета бошлади. Бу нарса, айниқса сўнгги Ф. босқичида ривож топди, чунки Ф. тузум сифатида иқтисодий ва ғоявий жиҳатдан емирила бошлади. Ф. ривожланиши б-н унга хос антагонистик синфлар ўртасидаги кураш авж олди. Деҳқонларнинг Ф. зулмига қарши кураши оммавий тус ола борди (мас., Чехиядаги *Гусчилар революцион ҳаракати*, Россиядаги *Болотников қўзғолони*, *Разин қўзғолони*, *Пугачёв қўзғолони* ва б.). Унинг мақсади, «одил» подшолар ҳокимиятини ўрнатиш, мустақил деҳқон хўжалигини қарор топтириш ва ш. к. дан иборат бўлган. Ф. даги деҳқонлар ҳаракатининг аниқ социал программаси бўлмаган, стихияли синфий кураш бўлганлиги учун у тезда мағлубиятга учради.

Бироқ Ф. ўзидан олдинги ибтидоий жамоа ва қулдорлик тузумларига нисбатан прогрессив бўлиб, унинг иқтисодий системаси ишлаб чиқарувчи кучларнинг ўсишига шароит яратиб берди. Иккинчи томондан, антагонистик тузум бўлган Ф. нинг борган сари ички зиддиятлари зўрайиб, унинг ижтимоий тузум сифатида емирилиши капиталистик муносабатларни юзага чиқарди. Ф. даврида *капиталнинг дастлабки жамғарилиши* юз берди. Ф. буржуа рев-ялари томонидан узил-кесил йўқ қилинди ёки у секин-аста турли реформалар воситасида *капитализм*га айлана борди. Ф. нинг емирилиш суръатлари унинг ичида капитализмга хос белгиларнинг нақадар тез шаклланишига боғлиқ. Шарқ мамлакатларида, гарчанд Ф. эрта ривожлана бошлаган бўлса-да, унинг чириб бориши ғоят узоқ давом этган. Мустамлакачилик шароитида Ф. нинг иқтисодий асослари сақланган, унга хос эксплуатация усулларидан кенг фойдаланилган. Капиталистик давлатларга иқтисодий ва сиёсий қарам бўлиш оқибатида Ф. емирилиши узоққа чўзилди. Шунинг учун миллий озодлик ҳаракатининг иқтисодий программаси Ф. сарқитларига қарши кураш тадбирларини ҳам назарда тутди. Агар Европа мамлакатларида Ф. нинг тугатилиши капитализмнинг ўрнатилишига олиб келган бўлса, бир қатор Осиё мамлакатларида Ф. дан сўнг социализмнинг қарор топишидек тарихий революцион жараён юз берди (қ. *Нокапиталистик тараққиёт йўли*). МХР, Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистонда Ф. дан капитализмни четлаб социализмга ўтилди. Бу ерда Ф. асослари *социализм* қуриш борасида йўл-йўлакай тугатилди.

15- асрнинг 60—70- йилларида нокапиталистик тараққиёт йўлидан бораётган Осиё мамлакатларида ҳам антифеодал тадбирларнинг амалга оширилиши (йирик ер мулкининг тугатилиши, ернинг деҳқонларга бўлиб берилиши) катта социал-иқтисодий ўзгаришларга олиб келди ва бу пировард-мақсад социализмга ўтишда муҳим ўрин тутади.

Ад.: Маркс К. ва Энгельс Ф., Коммунистик партия манифести, Т., 1966; Маркс К., Капитал, 3- т, Т., 1972; Энгельс Ф., Крестьянская война в Германии, Маркс К., Энгельс Ф., Соч., 2 изд., т. 7; Ленин В. И., Россияда капитализмнинг тараққийси. Тўла асарлар тўплами, 3- т.; О генезисе капитализма в странах Востока, М., 1962; Удальцова З. В., Гутнова Е. В., Генезис феодализма в странах Европы, М., 1970 (Доклад на XIII Международном конгрессе исторических наук); Проблемы социально-экономических формаций. (Сб. статей), М., 1975; Общее и особенное в историческом развитии стран Востока, М., 1966; История СССР с древнейших времен до наших дней, т. 1—4, М., 1966—1967; История Узбекской ССР, Т., 1967; Проблемы возникновения феодализма у народов СССР, М., 1969; Ленинские идеи в изучении истории первобытного общества, рабовладения и феодализма. Сб. ст., М., 1970; Новосельцев А. П., Пашуто В. Т., Черепнин П. В., Пути развития феодализма (Закавказье, Средняя Азия, Русь, Прибалтика), М., 1972; Крестьянские войны в России XVII—XVIII вв.: проблемы, поиски, решение, М., 1974.

ФЕОДОСИЙ КОДЕКСИ — Рим императорлари фармойишларининг дастлабки расмий мажмуи. Византия (Шарқий Рим) императори Федосий II томонидан тузилган (438 йил 15 февралда эълон қилинган). Ф. к. 16 китобдан иборат бўлиб, 313—437 йиллардаги ҳамма фармойиш — конституцияларни ўз ичига олган. Феодосий фикрича, кодекс Грегориан (196—295 йиллардаги императорлар конституциялари) ва Гермогениан (кейинги конституциялар) кодекслари б-н уйғунлашиб, ягона бир кодексни ташкил этиши керак бўлган.

Кодексда давлат ва Рим империясининг ижтимоий ҳаётидаги ўзгаришлар, жумладан уни феодаллаштириш ўз аксини топган.

ФЕОДОСИЯ — УССР Қрим областидаги шаҳар. Қрим я. о. нинг жануби-шарқий соҳилида. Симферополдан 116 *км* шарқда. Қора денгиз бўйидаги порт, т. й. станцияси. Аҳолиси 75 минг киши (1976).

Ф. га мил. ав. 6- асрнинг ўрталарида асос солинган. Ф. да 1917 йил 20 декабр (1918 йил 2 январь) да Совет ҳокимияти ўрнатилган.

Улуғ Ватан уруши даврида Ф. икки марта фашистлар томонидан оккупация қилинган. Урушдан кейин шаҳар тикланди, саноати реконструкция қилинди. Совет ҳокимияти йилларида Ф. Қримнинг курорт марказларидан бирига айланди.

Ф. иқлим-шифобахш балчиқ курорти. Ёзи жуда иссиқ, қиши илиқ, йилига 360 *мм* ёғин тушади. Даволаш воситалари: иқлим, денгизда чўмилиш, «Феодосия» минерал булоғи суви ва ичиш; Ажиқўл балчиғи.

Ф. да механика, сут з-длари, тамаки, мебель, ўйинчоқ, офсет ф-калари, политехникум,



Феоктистов К. П.

ўлкашунослик музейи, Ф. да туғилган И. К. *Айвазовский* номидаги суратлар галереяси бор.

ФЕОКТИСТОВ Константин Петрович (1926. 7. 2, Воронеж) — СССР космонавт-учувчиси, Совет Иттифоқи Қаҳрамони (1964. 19. 10), техника фанлари д-ри (1967), проф. (1969). Улуғ Ватан уруши (1941—45) да қатнашган. Н. Э. Бауман номидаги Москва олий техника билим юртини тугатган (1949), турли илмий-тадқиқот ташкилотларида ишлаган. 1964 йилдан космонавтлар отрядида. 1964 йил 12—13 октябрда кўп ўринли *«Восход»* космик кемасида илмий ходим сифатида (В. М. Комаров ва Б. Б. Егоров б-н бирга) парвоз қилган. Кема учиш давомида космосда 700 минг *км* масофани босиб ўтган ва Ер атрофини 16 марта айланган. Халқаро астронавтика академиясининг мухбир аъзоси. ВСР Меҳнат қаҳрамони. Ленин мукофоти лауреати (1967), Ленин ордени, 3 та бошқа орден ва медаллар б-н мукофотланган. Ойнинг орқа томонидаги кратерга Ф. номи берилган.

ФЕОФА́Н ГРЕК (14-асрнинг 30—50-йиллари, Византия — 1405—15) — рус рассоми. Асли византиялик бўлиб, ўша ерда таълим олган, Константинополь, Феодосия, Новгород, Нижний Новгород, Москвада 40 га яқин черковга фреска, икона, миниатюралар ишлаган. Новгородда бир фрескаси (1378) сақланган. 1405 йилда Москва Кремлидаги Благовещенский соборига Андрей *Рублёв* б-н бирга иконалар яратган. «Спас», «Ҳаворий Павел», «Буюк Василий» ва б. иконаларни чизган деб тахмин қилинади. Юксак маҳорати б-н икона санъати ривожида муҳим роль ўйнаган, ўзига хос мактаб яратиб, жуда кўп рус рассомлари ижодига самарали таъсир кўрсатган.



Феофан Грек. «Макарий Египетский». Новгороддаги черковга ишланган фреска (1378).

«ФЕРГА́НА ОЙЛ» («Fergana Oil» — «Фарғона нефти») — чор Россиясидаги йирик халқаро нефть бирлашмаси. Ака-ука *Нобеллар* ширкатининг Фарғона водийсидаги маҳаллий бўлими. Октябрь рев-ясидан аввал Фарғона водийсига келтирилган нефть маҳсулотини қайта ишлаш, нефть қидирув ишлари, нефть қазиб олиш ва ш. к. б-н шуғулланган. Унинг фаолиятида АҚШ ва Англия капитали ҳам етакчи роль ўйнаган. «Ф. о.» компанияси Фарғона водийсида дастлабки нефть конларини очган (мас., *Чимён нефть кони*). Унга водийдаги нефть конлари, нефть маҳсулотлари б-н савдо қилувчи, шунингдек нефтни қайта ишловчи корхоналар қараган. «Ф. о.» йирик компания бўлиб, катта фойда кўрган. Октябрь рев-ясидан сўнг «Ф. о.» га тегишли нефть конларида ишчи назорати ўрнатилди. 1918 йилда Турк-АССРда ўтказилган тог-кон саноати национализацияси асосида «Ф. о.» компаниясининг барча мулки Совет давлати қўлига ўтди.

ФЕРГАНИТ — ванадатлар синфининг уранли слюдалар гуруҳига мансуб минерал. Кимёвий таркиби $U_3[VO_4]_2 \cdot 6H_2O$. Қаттиқлиги 2—2,5, с. оғ. 3,31. Ромб сингонияли япроқча ёки тангачалар шаклидаги оқ-сариқ кристаллар ҳолида учрайди. Мумсимон ялтироқ, ўта радиактив. Уранли чўкинди ва магматик жинсларнинг нураш зонасида ҳосил бўлади. Дастлаб Фарғона водийсида топилганлиги учун шу жой номи б-н аталган. АҚШнинг Колорадо штати ва б. жойларда ҳам бор.

«ФЕРГАНСКАЯ ПРАВДА» («Фарғона ҳақиқати») — Фарғонада рус тилида ҳафтасига 5 марта чиқадиган оммавий газета. Ўзбекистон КП Фарғона обл. комитети ва халқ депутатлари обл. Совети органи. Шу ном б-н 1938 йилдан бери нашр этилади. Илк сони 1917 йил 1 июнда чиққан. Газета «Знамя свободы» («Эрк байроғи»), «Щит народа» («Халқ қалқони»), «Известия» («Ахборот»), «Пролетарская мысль» («Пролетар фикри»), «Красная Фергана» («Қизил Фарғона»), «Советское слово» («Совет сўзи»), «Знамя труда» («Меҳнат байроғи») номларида ҳам нашр этилган. «Ф. п.» Фарғонада Совет ҳокимиятини ўрнатиш, Октябрь рев-яси ғалабасини мустаҳкамлаш, босмачиларга қарши кураш, коллективлаштириш, индустрлаштириш ва маданий рев-яни амалга оширишда фаол иштирок этди. Улуғ Ватан уруши ва ундан кейинги тинч қурилиш йилларида меҳнаткашларни улкан ютуқларга сафарбар этди. Коммунизм қурилиши кенг авж олдирилган даврда КПСС гояларини ҳаётга татбиқ этиш, кишиларни коммунистик руҳда тарбиялашда муҳим роль ўйнамоқда.


Пролетарии всех стран, соединяйтесь!

ФЕРГАНСКАЯ ПРАВДА

ОРГАН ФЕРГАНСКОГО ОБЛАСТНОГО КОМИТЕТА КП УЗБЕКИСТАНА И ФЕРГАНСКОГО ОБЛАСТНОГО СОВЕТА НАРОДНЫХ ДЕПУТАТОВ

БУДЕТ 600 ТЫСЯЧ ТОНН БУХАРСКОГО «БЕЛОГО ЗОЛОТА»

ВЫСОКИЙ ДОЛГ ПРОПАГАНДИСТА

ПЯТИЛЕТКА: ГОД ТРЕТИЙ

ДНЕВНИК СОРЕВНОВАНИЯ

По труду и доход | С сокращением графика | Из отходов сырьё | Вот так «экономим»

Газетага турли даврларда Г. Павлюченко, Г. Вершинин, Ф. Доронин, Б. Ренев ва б. муҳаррирлик қилишган; 1973 йилдан муҳаррири А. Алябьев. «Ҳурмат Белгиси» ордени б-н мукофотланган (1967). Тиражи 32 мингдан ортиқ (1978).


ФЕРМА Пьер (1601. 17. 8, Бомон-де-Ломань — 1665. 12. 1, Кастр) — француз математиги. Касби юрист. 1631 йилдан Тулузада парламент маслаҳатчиси. Бир неча асарларнинг муаллифи бўлиб, уларнинг кўпчилиги Ф. вафотидан кейин ўғли томонидан «Ҳар хил математик асарлар» (1679) номи б-н нашр эттирилган. Ф. ҳаётлигида унинг ишлари мактублари ва шахсий алоқалари орқали бошқа олимларга маълум бўлган.

Ф. даражаларни дифференциаллашнинг умумий қонунини яратди ва уни касрли даражаларга татбиқ этди. Шунингдек, аввалдан маълум даражаларни интеграллаш қонунининг тўғрилигини тасдиқловчи умумий далил келтириб, дифференциал ва интеграл ҳисобига катта ҳисса қўшди. Координаталар усулини ривожлантириб, тўғри чизиқ ва иккинчи тартибли чизиқлар тенгламаларини берди. Ҳамма иккинчи тартибли чизиқлар — конус кесимли эгри чизиқлар эканлигини исботлаб, аналитик геометрияга асос солди. Экстремумларни топиш қоидасини яратди. Сонлар назариясида иккита машҳур теорема, яъни *Ферманинг буюк теоремаси* ва Ферманинг кичик теоремаси Ф. номи б-н боғлиқ. Ф. физикада геометрик оптикага асос солди (қ. *Ферма принципи*).

Ад.: История математики с древнейших времен до начала XIX столетия, т. 2, М., 1970.

ФЕ́РМА (лат. firma — ижара ҳақи) — капиталистик мамлакатларда шахсий ёки ижарага олинган ердаги хусусий қ. х. корхонаси (қ. *Фермер хўжалиги*). Социалистик мамлакатларда «Ф.» термини давлат ва кооператив қ. х. корхоналарининг баъзи мустақил ишлаб чиқариш бўлимларига нисбатан қўлланилади (мас., СССРда — *чорвачилик фермаси*, паррандачилик фермаси ва ҳ. к.).

ФЕ́РМА (лат. firmus — мустаҳкам) — инженерлик иншоотларининг юк кўтарувчи геометрик ўзгармас стерженли конструкцияси. Металл, темир-бетон, ёғоч ва аралаш материаллардан ясалади. Ф. нинг ҳисобий схемасида стерженлар узелларда, одатда, шартли равишда шарнирли бириктирилган деб, нагрузка эса узеллар орқали берилади деб қабул қилинади. Натижада Ф. стерженларида фақат бўйлама (чўзувчи ёки сиқувчи) кучлар вужудга келади. Ф. ни пастдан ва юқоридан чегаралаб турувчи элементлар пояслар, улар орасидаги элементлар панжаралар дейилади. Унинг турли хиллари бор (расмга қ.). Ф. таянчлари қўзғалмас ва қўзғалувчан бўлади.



Текис фермалар схемаси: *а* — юқори белбоғли полигонал ферма; *б* — стропила фермаси; *в* — аркасимон ферма; *1* — қўзғалувчан таянч; *2* — пастки белбоғ; *3* — юқориги белбоғ; *4* — ҳовон; *5* — синч; *6* — шарнирли қўзғалмас таянч.

ФЕ́РМА — Жиззах обл. Фориш р-ни Омонгелди қ. С. даги қишлоқ. Омонгелди номли с-з терр-ясида. Р-н марказидан 205 *км* яқин т. й. станцияси — Жиззах (36 *км*). Аҳолиси 650 киши (1978); чорвачилик (қўйчилик, қорамолчилик, йилқичилик), ғаллачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Қиров номли каналдан ва артезиан қудуқлардан сув ичади. С-з фермаси, ремонт устахонаси, ўн йиллик мактаб-интернат бор.

ФЕ́РМА-1 — Жиззах обл. Зомин р-ни Ударник қ. С. даги қишлоқ. «Ударник» с-зи терр-ясида. Р-н марказидан 30 *км*, яқин т. й. станцияси — Зарбдор (4 *км*). Аҳолиси 871 киши (1976); ғаллачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Қудуқлардан сув ичади. С-з устахонаси, саккиз йиллик мактаб, кутубхона, сут-товар фермаси.

ФЕ́РМА-2 — Жиззах обл. Фориш р-ни Киров қ. С. даги қишлоқ. Киров номли с-з терр-ясида. Р-н марказидан 25 *км*, яқин т. й. станцияси — Жиззах (60 *км*). Аҳолиси 534 киши (1978); чорвачилик (қоракўлчилик), полизчилик б-н шуғулланади. Артезиан қудуқлардан сув ичади. С-з қоракўлчилик ва қорамолчилик фермаси, саккиз йиллик мактаб бор.

ФЕ́РМА-8 — Жиззах обл. Мирзачўл р-ни Тошкент қ. С. даги қишлоқ. «Тошкент» с-зи терр-ясида. Р-н марказидан 15 *км*, яқин т. й. станцияси — Ержар (15 *км*). Аҳолиси 549 киши (1973); пахтачилик, ғаллачилик, полизчилик б-н шуғулланади. Булоқ сувлари ва Саркисов номли Жанубий Мирзачўл каналидан сув ичади. С-з фермаси, ремонт устахонаси, саккиз йиллик мактаб, кутубхона бор.

ФЕ́РМА ПРИНЦИПИ — *геометрик оптиканинг* асосий принципи. Унга кўра, ёруғлик нури фазодаги икки нуқта орасида шундай йўл бўйича тарқаладики, ёруғлик бу йўлни ўтиши учун шу нуқталарни бирлаштирувчи бошқа йўлларга нисбатан кам вақт сарф қилади. Ф. п. ни 1660 йилда П. *Ферма* таърифлаган. Ф. п. дан геометрик оптиканинг асосий қонунлари — ёруғликнинг қайтиши ва ёруғликнинг синиши қонуни келиб чиқди. Ф. п. ёруғликнинг тўлқин назариясида ёруғликнинг тўлқин узунлиги жуда кичик бўлган ҳол учун ўринли.

ФЕРМАНИНГ БУЮК ТЕОРЕМАСИ — П. *Ферманинг n* иккидан катта ва бутун сон бўлганда қуйидаги тенглама

$$x^n + y^n = z^n$$

бутун сонлардан иборат мусбат ечимга эга эмаслиги ҳақидаги тасдиғи. Ф. б. т. *n* нинг қатор хусусий қийматлари учун исбот қилинган бўлса ҳам, шу вақтгача умумий ҳолда исбот (ёки инкор) қилинмаган. Ф. б. т. содда таърифланишига қарамасдан, унинг тўлиқ исботи *Диофант тенгламалари* назариясида янги ва чуқур методлар яратишни талаб қилса керак. Ф. б. т. бўйича олиб борилган тадқиқотлар (немис математиги Э. Куммер, 19-аср) алгебраик сонлар назариясида катта роль ўйнади.

Математика соҳасида мутахассис бўлмаган кишилар орасида бу теоремани исбот қилишга бўлган ўринсиз уринишлар ўз вақтида бундай исбот учун катта халқаро мукофот таъсис этилиши б-н боғлиқ бўлган. Бу мукофот Биринчи жаҳон уруши охирларидаёқ (1914—18) бекор қилинган.

Ад.: Хинчин А. Я., Великая теорема Ферма, 3 изд., М.—Л., 1934; Литцман В., Теорема Пифагора, М., 1960.

ФЕРМА́ТА (итал. fermata — тўхташ) — *нота ёзувида* садоланишни тахминий узайтириш белгиси. Ф. (ёки) график тасвирга эга, нота ва паузаларнинг усти ёки остига қўйилади. Асарнинг умумий характери ва музика жумласи маъносининг аҳамиятига кўра нота ёки пауза давомийлиги Ф. ёрдамида номаълум вақт (одатда $1\frac{1}{2}$ — 2 марта) узайтирилади.

ФЕРМЕНТАТИВ АНАЛИЗ — эритмадаги кимёвий моддаларни *ферментлар* ёрдамида миқдорий аниқлаш методи. Ф. а. аниқланаётган моддаларнинг ферментатив реакцияларда, одатда, субстрат, активатор ёки ингибиторлар сифатида қатнашувига асосланган. Ф. а. методининг бошқа методларга нисбатан афзаллиги шундаки, у ферментларнинг икки таъсир этиш хусусиятига: ўзига хос танлаб реакцияга киришишга, бинобарин, аралашмадаги кимёвий тузилиши бир-бирига жуда яқин бўлган аниқланаётган моддаларни ажратиб анализ қилишга имкон беради; ферментларнинг каталитик активлиги юқори бўлганлиги сабабли қисқа вақт ичида юмшоқ шароитларда кўпгина кимёвий ўзгаришларга имкон туғилади, бу ушбу анализ методининг сезгирлигини оширади.

Ф. а., асосан, медицина, фармакология ва озиқ-овқат саноатида қўлланилади.

ФЕРМЕНТЛАР (лат. fermentum — ачитқи), энзимлар — ҳайвон, ўсимлик ва бактерияларнинг тирик ҳужайраларидаги оқсилли катализаторлар. Ф. махсус хусусиятлари ва кимёвий реакцияларни тезлаштириши б-н одатдаги катализаторлардан фарқланади. Улар катализа торлар каби кимёвий реакцияларнинг *активланиш энергиясини* пасайтиради (қ. *Катализ*).

1914 йили рус кимёгари К. Г. С. Кирхгоф ундирилган арпа донидан олинган экстракт таъсирида крахмални қандгача парчалади. 1833 йилда француз кимёгарлари А. Пайен ва Ж. Персо биринчи марта арпа донидан амилаза ферментини ажратиб олдилар. 19-аср ўрталарида *микробиологиянинг* асосчиси Л. *Пастер* ачиш жараёнини тирик микроорганизмлар (ачитқилар) қўзғатади ва бу процесс уларнинг ҳаёти б-н боғлиқ деб кўрсатди. 1897 йилда немис кимёгари Э. Бухнер ачитқидан спиртли ачиш жараёнини чақирувчи Ф. препарати (зимаза) ни ажратиб олди.

20-аср бошларига келиб немис кимёгари Р. Вильштеттер ходимлари б-н Ф. ни ажратиш ва тозалашда адсорбция усулидан кенг фойдаланди. 20—30-йилларда Ж. Самор, биринчи кристаллик фермент (уреаза), сўнгра *пепсин* ва б. бир қатор протеолитик Ф. ни кристаллик шаклида ажратиб олди.

20-асрнинг ўрталарига келиб физик-кимёвий анализ (асосан, *хроматография*) ва оқсил кимёси усулларининг ривожланиши натижасида қатор Ф. нинг бирламчи структураси аниқланди. Мас., қорамол ошқозон ости безининг рибонуклеаза ферментлари тўртта дисульфид боғи б-н боғланган 124 аминокислота қолдиғидан иборатлиги кўрсатиб берилди. Шундан кейин рентген структура анализи ёрдамида бир қанча Ф. нинг иккиламчи ва учламчи структуралари аниқланди. Кўп Ф. тўртламчи структурага эга эканлиги, яъни молекулалари таркиби ва структураси жиҳатидан турлича бўлган бир қанча оқсил суббирликлар (биополимерлар)дан иборатлиги кўрсатилди.

Ф. 2 катта группага ажратилади: бир компонентли, яъни фақат оқсилдан иборат Ф. ва икки компонентли, яъни оқсил (апофермент)дан ва оқсилмас қисм (простетик группа)дан иборат Ф. Оқсил қисмидан осон ажраладиган простетик группа кофермент дейилади. Ф. нинг простетик группалари ва коферментлари витамин ёки нуклеотид ҳосилаларидан иборат. Кўп Ф. анорганик ионлар (металлоферментлар) б-н активланади. Агар мазкур Ф. учун специфик бўлган ион етишмаса, Ф. ўз активлигини йўқотади. Ф. ўзи таъсир этадиган субстратга нисбатан юқори спецификликка эга, яъни субстратга танлаб таъсир этади. Мас., ичак ширасидаги лактаза фақат дисахарид лактоза ва унинг ҳосилаларига (лактатион кислота, лактоурендлар ва б.) таъсир қилиб, глюкоза ва галактоза аралашмасини ҳосил қилади; амилаза крахмал, гликоген ва б. полисахаридларга таъсир этади. Фермент — субстрат комплексида субстратнинг реакцияга киришишига сабабчи бўлган ферментнинг муайян қисми «актив марказ» деб аталади. Оқсил молекуласидаги специфик аминокислота қолдиқлари, сульфгидриль группалар ва простетик группалар актив марказни ҳосил қилади. Мас., флавопротеидлар таркибига простетик группа сифатида флавин ҳосилалари (одатда флавинаденинди нуклеотид — ФАД) киради.

Ф. нинг таъсири, асосан, т-ра ва муҳит реакцияси (pH) га боғлиқ. Оптимал т-ра (20—40°С) да Ф. актив, паст т-рада реакция секинлашади ва 0°С да тўхтайди. Т-ра оптималдан юқори кўтарилганда реакция тезлиги пасаяди ва тўхтайди. Ф. нинг таъсири pH нинг оптимал қиймати б-н фарқланади. Мас., меъда ширасида учрайдиган пепсин кучли кислотали муҳитда (pH—1—2) актив; трипсин эса кучсиз ишқорий муҳит (pH—8—9) да оптимум таъсирга эга.

Ф. 6 синфга бўлинади. Оксидоредуктазалар оксидланиш-қайтарилиш реакцияларини катализ қилади. Трансферазалар турли кимёвий группалар ва қолдиқларнинг молекулалараро кўчирилишини катализлайди. Гидролазалар молекула ичидаги боғларнинг гидролитик парчаланишини тезлатади. Лиазалар группаларнинг қўшбоғ бўйича бирикишини ва, аксинча, шу группаларнинг субстратда қўшбоғ ҳосил қилиб узилишини, изомеразалар эса изомеризация реакцияларини, лигазалар (ёки синтетазалар) АТФ ёки унга ўхшаш нуклеотидтрифосфат молекуласида пирофосфат боғи узилиши б-н бирга икки молекуланинг бирикишини катализлайди. Ҳар бир синф кичик ва ундан кичик синфларга бўлинади.

Ф. нинг биосинтези *генетик код* томонидан назорат этилади. Улар ички ва ташқи факторлар *мутациялар*, ионлаштируви радиация, овқатланиш шароити ва б. таъсирида ўзгариши мумкин. Мутациялар оқибатида «молекуляр касалликлар» (мас., алкаптонурия) вужудга келиши мумкин. Ҳар хил тўқималардан ажратилган, таъсири жиҳатидан бир хил бўлган Ф. молекула оғирлиги, кимёвий структураси бўйича фарқланиши мумкин. Каталитик таъсири бир хил бўлиб, физик-кимёвий хоссаси б-н фарқланадиган Ф. изоферментлар дейилади. Ҳужайрада Ф. активлигини бошқаришда ҳужайра таркибий қисмини ташкил этувчи структуралар — митохондриялар, микросомалар ва б. катта роль ўйнайди.

Ферментатив жараёнлар нон ёпиш, вино, пиво, пишлоқ, спирт, чой, сирка тайёрлашда содир бўлади. Медицинада тозаланган Ф., препаратлари даволаш мақсадида тобора кенг қўлланилмоқда. Ҳозир илмий тадқиқотларда ва клиник тажрибаларда ҳам Ф. препаратларидан биохимик анализларда фойдаланилади.

Ад.: Ферменты, под ред. А. Е. Браунштейна, М. 1964; Тўрақулов Е. Ҳ., Биохимия, Т., 1970; Кретович В. Л., Введение в энзималогия, 2 изд. М., 1974.

ФЕРМЕР — капиталистик мамлакатларда қ. х. корхонасининг эгаси (қ. *Фермер хўжалиги*).

ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ (капиталистик мамлакатларда) — хусусий ёки ижарага олинган ердаги шахсий қ. х. корхонаси. Ф. х. нинг мақсади фойда шаклида пул даромади олишдир. Капитализмнинг ривожланиши, қ. х. нинг бозор муносабатлари системасига жалб этилиши натижасида пайдо бўлди. Ф. х. нинг социал-иқтисодий мазмуни ва б. хусусиятлари турли мамлакатларда турлича, у қ. х. да капиталистик ишлаб чиқариш муносабатларининг ривожланиш даражаси ва хусусиятлари, шунингдек, меҳнатдан фойдаланиш характери ва даражаси, ердан фойдаланиш шароитлари, қ. х. ишлаб чиқаришини индустрлаш даражаси, капитал маблағ ҳажми, ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш даражаси ва ш. к. б-н белгиланади.

Ф. х. дастлаб АҚШда пайдо бўлиб, шундан кейин қ. х. да капитализм америкача йўл б-н ривожланган мамлакатлар (Канада, Австралия, Янги Зеландия)да айниқса тараққий этди. Ғарбий Европанинг кўпгина мамлакатларида Ф. х.—қ. х. да капитализм прусча йўл б-н ривожланган шароитда вужудга келди. Пруссча йўлда «крепостниклик ўса бориб, феодаллар-помешчиклар-юнкерларнинг ерларидаги асоратга ва капиталистик эксплуатацияга айланади. Америкача йўлнинг асосий маъноси шуки, патриархал деҳқон ўса бориб, буржуа фермерга айланади» (Ленин В. И., Тўла асарлар тўплами, 16-том, 246-бет).

20-асрнинг 20—30-йилларида АҚШ, Канада, Янги Зеландия, Буюк Британия ва 50—60-йилларида Ғарбий Европадаги ривожланган капиталистик мамлакатлар қ. х. машиналашган ишлаб чиқариш босқичига ўтди, натижада Ф. х. бу мамлакатларда қ. х. маҳсулотларини сотиш учун ишлаб чиқарадиган хўжаликка айланди. У бутунлай товар-пул муносабатларига асосланади ва капиталистик *конкуренция* қонунлари ҳаракатига бўйсунади. Қ. х. нинг индустриал асосида ривожланиши натижасида Ф. х. нинг фонд б-н таъминланиши ва капитал сарфи кескин кўпайди. Фермерлар рақобатга бардош бериш учун хўжалик фаолиятини такомиллаштириш йўли б-н товар маҳсулоти ишлаб чиқаришни мунтазам кенгайтиришлари, маблағларни тўхтовсиз кўпайтириш асосида, шунингдек, бир хўжаликда ерни концентрациялаш ҳисобига ишлаб чиқаришни механизациялашни, интенсификациялашни, ихтисослаштиришни кучайтиришлари лозим. Мас., 1974 йили АҚШда бир фермaнинг ўртача ери 180 *га* (1910 йилда 55 *га*, 1940 йилда 70 *га*) дан иборат эди. Ишлаб чиқаришни концентрациялашнинг ўсиши фермерларнинг табақаланишини кучайтирди.

Қ. х. нинг машиналашган босқичга ўтиши б-н ишлаб чиқариш харажатларида жонли меҳнатнинг ҳиссаси камайиб, буюмлашган меҳнатнинг салмоғи кўпайди, доимий капиталнинг аҳамияти бирмунча ўсди. *Капиталнинг узвий (органик) тузилиши*нинг ўсиши натижасида ёлланма ишчилар камайди. Қ. х. ишлаб чиқаришининг ўсиши б-н ёлланма меҳнат йирик капиталистик хўжаликларда тўплана борди. Ф. х. да ёлланма меҳнатдан юқори суръатда фойдаланилади. Ғарбий Европанинг 6 давлатидаги фермер хўжаликлари йирик саноат компаниялари ва кооперативлари томонидан ташкил этилган иқтисодий тармоқлараро алоқа системасига тортилган. Бу алоқаларнинг ривожланиши Ф. х. нинг иқтисодий мустақиллигини йўқотиб, уни йирик капиталистик аграр-саноат бирлашмаларининг таркибий қисмига айлантиради.

Ад.: Ленин В. И., Народникликнинг иқтисодий мазмуни ва жаноб Струве китобида унинг танқиди, Тўла асарлар тўплами, 1-т.; Ленин В. И., Иқтисодий романтизм таърифига доир, Тўла асарлар тўплами 2-т.; Ленин В. И., Россияда капитализмнинг тараққиёти, Тўла асарлар тўплами, 3-т.; Наделъ С., Н., Социальная структура современной капиталистической деревни, М., 1970; Амбарцумов А. А., Экономические связи промышленности и сельского хозяйства при социализме, М., 1972; Сельское хозяйство капиталистических и развивающихся стран, М., 1973; Последствия индустриализации сельского хозяйтсва в странах Западной Европы, М., 1975.

ФЕРМИ Энрико (1901. 29. 9, Рим — 1954. 28. 11, Чикаго) — итальян физиги. Пиза ун-тини тугатгач (1922), Германия ва Нидерландияда ишлаган. Рим ун-ти проф. (1926—38). Ф. Италияда ҳозирги замон физика мактабини яратган олим. 1938 йилда фашистлар Италиясидан кўчиб кетган. Колумбия ун-ти проф. (1939—45), Чикаго ун-ти проф. (1946 йилдан). АҚШ да ядро энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги тадқиқотларга раҳбарлик қилган.

Ф. квант физикаси асосини яратишда фаол қатнашган. 1925 йилда *Паули принципи*га бўйсунувчи зарралар статистикасини ишлаб чиққан (қ. *Ферми-Дирак статистикаси*). 1934 йилда β-емирилишнинг миқдорий теоремасини яратган. 1934—38 йилларда Ф. ходимлари б-н нейтрон хоссаларини ўрганган ва нейтрон физикасига асос солган. Ф. қатор элементларни, жумладан уранни нейтронлар б-н бомбардимон қилиб, сунъий радиоактивлигини кузатган; нейтронларнинг секинлашиш ҳодисасини очган ва бу ҳодиса назариясини яратган (Нобель мукофоти лауреати, 1938). 1939 йилда уран ядросини секин нейтронлар б-н бомбардимон қилишда 2—3 та тез нейтронлар ҳосил бўлишини кўрсатган. Шу ҳодиса асосида Ф. биринчи бўлиб занжир ядро реакциясини тажрибада амалга оширган (1942 й. декабрь). Умрининг охирги йилларида юқори энергияли зарралар физикаси б-н шуғулланган.



Ферми Э.

ФЕРМИ — ўлчов системасига кирмайдиган узунлик бирлиги, 10^{-13} *см* га тенг. Э. *Ферми* шарафига қўйилган. Ядро физикасида қўлланади.

ФЕРМИ ЭНЕРГИЯСИ, Ферми сатҳи — ферми зарралари ёки квазизарралар (*Ферми-Дирак статистикаси*га бўйсунувчи зарралар) нинг абс. ноль т-радаги максимал энергияси ($\mathcal{E}_F$). $\mathcal{E}_F$ ни ҳажм бирлигидаги газ зарралари сони n орқали ифодалаш мумкин: $\mathcal{E}_F = [(2\pi\hbar)^2/2m]\,[3n/4\pi(2s+1)]^{2/3}$, бу ерда m — зарра массаси; $\hbar$ — *Планк доимийси*, $\hbar = \frac{h}{2\pi}$; s — зарра спини. Ф. э. га электронлар жойлашиши мумкин бўлган энг юқори ҳолат тўғри келади. $\mathcal{E}_F$ га тўғри келган энергия сатҳи ферми сирти ҳам дейилади.

ФЕРМИ-ГАЗ, Ферми гази — *Ферми-Дирак статистикаси*га бўйсунувчи ярим бутун спинли зарралардан ташкил топган газ. Ўзаро таъсир этмайдиган зарралардан ташкил топган Ф.-г. идеал Ф.-г. дейилади. Металлар ва яримўтказгичдаги электронлар, катта атом номерли атомлардаги электронлар, оғир атом ядроларидаги нуклонлар, ярим бутун спинли *квазизарралар*дан ташкил топган газлар Ф.-г. лари ҳисобланади. Ф.-г. учун *Паули принципи* ўринли. Электронлар, муайян ҳолатда, энг кичик тезлик (энергия)лар (абс. ноль т-рада унинг тезлиги ноль)дан энг катта тезлик (энергия) ларгача бирин-кетин жойлашади. Электронлар катта тезликка эга квант ҳолатларига силжиган сари уларнинг сони орта бошлайди. Юксак энергияларда тезлиги тенг, лекин йўналиши б-н фарқ қилувчи электронлар сони жуда кўп. Ферми тезлиги (*Ферми энергияси*)да электронлар сони тезликнинг функцияси сифатида нолга интилади. Ферми энергиясига мос келувчи тезликни Ферми тезлиги дейилади.

Немис физиги А. Зоммерфельд Ф.-г. ғоясини металларни ўрганишда қўллаб, уларнинг электрон хоссаларини биринчи бўлиб тўғри тушунтириб берди.

ФЕРМИ-ДИРАК СТАТИСТИКАСИ — ярим бутун *спинли* зарралар системасининг физик квант статистикаси. Фанга Э. *Ферми* томонидан 1926 йилда киритилган ва ўша йили П. *Дирак* унинг квант механик маъносини кўрсатган.

Норелятивистик квант механикада айний зарралар системасининг ҳар қандай ҳолати зарраларнинг координаталарига, спинларига ва вақтга боғлиқ бўлган тўлқин функция орқали тавсифланади. Ф.-Д. с. га бўйсунувчи ферми зарра (*фермион*)лар системаси учун *тўлқин функция* ҳар қандай икки айний зарранинг ўрин алмашинишига нисбатан антисимметрикдир. Бу Ф.-Д. с. нинг умумий хоссаси ҳисобланади. Жумладан, ўзаро таъсирда бўлмаган ферми зарралар системасининг ҳар бир квант ҳолатида кўпи б-н битта зарра жойлаша олади (*Паули принципи*).

Норелятивистик квант механикада тўлқин функция спин функциянинг координата функциясига кўпайтмаси кўринишида ифодаланади. Тўлқин функциянинг симметрия хоссалари

координата ва спин функцияларининг симметрия хоссаларига маълум шарт қўяди. Мас., икки электрон системаси учун координата функцияси симметрик бўлса, спин функцияси антисимметрик ёки аксинча бўлиши керак.

Статистика типи зарралар спини б-н боғланган. Мас., спини бутун сонга тенг зарралар тўплами *Бозе-Эйнштейн статистикаси*га бўйсунади. Спин статистика ўртасидаги боғланишнинг тўла маъноси релятивистик квант механикада зарраларнинг хоссалари спини б-н узвий боғлиқлигидадир (мас., *Дирак тенгламаси*).

ФЕРМИЙ (Fermium), Fm — сунъий радиоактив кимёвий элемент; *актиноидлар* группасига мансуб. Ат. н. 100. Масса сони 244 дан 258 гача бўлган изотоплари маълум. 1953 йилда термоядро қуроли портлашида β-парчаланиш маҳсулоти сифатида кашф қилинган. 1955 йилда Э. Ферми номига қўйилган. Ф. изотопларининг ичида энг енгиллари ($^{250-252}$Fm) U ни 0^{16} ионлари б-н ёки Cf ни α-зарралар б-н бомбардимон қилиб, энг оғирлари ($^{253-255}$Fm) U ва Pu ни ядро реакторларида нурлантириб ёки (^{256}Fm) Es ни α-зарралар б-н бомбардимон қилиб олинади.

ФЕРМИОН, Ферми-зарра — ярим бутун спинли элементлар зарра ёки квазизарра.

Ф. ларга *барионлар (протон, нейтрон, гиперонлар* ва б.), *лептонлар (нейтрино, электрон, мюонлар)* ва уларнинг антизарралари киради.

Бундан ташқари, яшаш вақти ядро яшаш вақти $\tau_{яд} = 10^{-23}$ *сек* б-н характерланувчи қатор беқарор-резонанс Ферми зарралари ҳам мавжуд. Атом номери тоқ бўлган атом ядролари, атом номерларининг ва электронлар сонининг фарқи тоқ бўлган атомлар ҳам Ф. ҳисобланади. Ф. *Паули принципи* ва шу принципига асосланган *Ферми-Дирак статистикаси*га бўйсунади.

ФЕРНАНДО-ПО — Атлантика океани Гвинея қўлтиғидаги орол (қ. *Масиас Нгема Бийого*).

ФЕРРАРА — Шимолий Италиядаги шаҳар. Эмилия-Романья областида. Феррара провинциясининг маъмурий маркази. Транспорт узели. Аҳолиси 155,4 минг киши (1973). Ф.— нефть-кимё саноатининг муҳим маркази. Машинасозлик, алюминий, пойабзал, озиқ-овқат, ойна саноати корхоналари, ун-т (1391 йилдан) бор. 12—15-асрлар арх. ёдгорликлари сақланган.

ФЕРРАРИ Лудовико (1522. 2. 2 — Болонья — 1565) — итальян математиги. Ж. *Кардано*нинг шогирди. 18 ёшида Милан ун-тининг математика кафедрасини тугатган. Ф. биринчи бўлиб $x^4+ax^3+bx^2+cx+d=0$ кўринишдаги тўртинчи даражали тенгламани иккинчи ва учинчи даражали тенгламага келтириб ечиш усулини топган. Бу усул Кардаонинг «Буюк санъат ёки алгебра қоидалари ҳақида» (1545) номли асарида эълон қилинган.

Ад.: Стройк Д. Я., Краткий очерк истории математики, Пер. с нем., 2 изд., М., 1969.

ФЕРРИТ (лат. ferrum — темир) — темир-углерод қотишмалари фазаларидан бири, углерод ва легирловчи элементларнинг α темиридаги қаттиқ эритмаси. Ф. нинг кристалл панжараси ҳажмий марказлашган куб. 723°С да Ф. да углерод массаси жиҳатдан 0,02—0,03% углерод эриган бўлади. Легирловчи элементларнинг Ф. даги эрувчанлиги катта ёки чекланмаган бўлиши мумкин. Ф. 768—770°С гача нисбатан юмшоқ, пластик, кучли ферромагнит бўлади. Ф. нинг микроструктураси, доначаларининг ўлчами ва субструктураси полиморф γ→α ўзгаришида унинг ҳосил бўлиш шароитларига боғлиқ. Озроқ ўтасовитилса тахм. тенг ўқли, полиэдрик доначалар ҳосил бўлади; кўпроқ ўтасовитилса ва легирловчи элементлар (кремний, марганец) бўлса мустаҳкамланади.

Ферромагнетизм ҳодисаси.

ФЕРРО ..., ФЕРР... (лат. ferrum — темир) — қўшма сўз бўлаги. Қимёвий, техник ва б. терминларда *темир*га мансубликни билдиради, мас., *ферромагнит*, ферротипия, *феррит*.

ФЕРРОДИНАМИК УЛЧАШ АСБОБИ — икки (қўзғалувчи ва қўзғалмас) ва ундан ортиқ ток ғалтакларининг ўзаро электродинамик таъсирига асосланган асбоб (қ. *Логометр*).

ФЕРРОМАГНЕТИЗМ — баъзи қаттиқ кристаллик моддалар (ферромагнетиклар)нинг магнит ҳолатларидан бири, яъни атом *магнит моментлари*нинг ўз-ўзидан (спонтан равишда) параллел йўналишда жойлашиши. Жисмнинг *Кюри нуқтаси*дан паст т-ра ҳолатида вужудга келади ва электронларнинг электростатик ўзаро таъсирига электронлараро алмашинув ўзаро таъсир натижасида юз беради.

Ф. қаттиқ жисмнинг магнит хоссалари ичида қуйидаги хоссалари б-н ажралиб туради: 1) Ф. ҳолатида ферромагнетикларнинг магнит қабул қилувчанлиги 10^4—10^5 *гс/э* қийматларга эришади; 2) ферромагнетикларнинг магнитланганлиги ташқи майдон йўқотилгандан кейин ҳам қолади.

Ферромагнит жисмнинг спонтан равишда магнитланган кичик соҳалари д о м е н л а р дейилади. Ҳар бир доменда ферромагнит жисмнинг магнитланганлиги юқори қийматларга эришиши мумкин. Ферромагнит биргина домендан иборат бўлганда ҳам жуда катта магнит моментига (ташқи магнит майдони қўйилмаган ҳолда ҳам), бинобарин катта магнит энергиясига эга бўлади. Доменларнинг пайдо бўлиш ҳодисасини атом назариясигина тўла тушунтира олади.


Темир, кобальт, никель ва иодир элементлардан—гадолиний, диспрозий ва уларнинг қотишмалари ферромагнит хоссаларга эга. Бу элемент атомлари ташқи электрон қобиқларининг тўлғазилиши ўзгачадир. Мас., темир атомининг ташқи электрон қобиғида олтита 3*d* электрони ва иккита 4*s* электрони жойлашган, ваҳоланки 3*d* қобиқда яна тўртта электрон жойлашиши мумкин. Темир атомида бешта 3*d* электрон спини бир хил йўналишда, фақат биттасиники уларга тескари йўналишдаги спинга эга, шунинг учун темир атоми тўрт Бор магнетонига тенг спин магнит моментига эга: $\mu_{Fe} = 4\mu_B$.

Электронларнинг 3*d* қобиғида бундай жойлашиши *Паули принципи*га асосланган.

$4\mu_B$ магнит моментига эга бўлган темир атомларидан ташкил топган доменларнинг магнитланишини, яъни атом магнит моментларининг параллел жойлашишини кўрайлик. Домен соҳани ташкил этган атомларнинг ўзаро айнан 3*d* электронлари ўртасида ҳам алмашинув ўзаро таъсирининг вужудга келиши натижасида бу электронлар бир-биридан анча узоқлашади, системанинг электростатик энергияси янада камаяди. Демак, доменни ташкил этган атомлар системасининг барқарор ҳолати шу атомлар магнит моментларининг параллел йўналишида, яъни ҳамма атомларнинг бешта 3*d* электрон спини бир хил, олтинчи 3*d* электрон спини эса уларга тескари йўналган ҳолатда вужудга келади.



Франция мақоласига. 1. Вогез тоғларидаги Лонжмер водийси. 2. Ла-Манш бўғозининг тик Ле Фалез қирғоқлари. 3. Париж ҳавзаси манзаралари. 4. Провинсаль манзараси. 5. Бургундия узумзорлари (Кош-д'ор департаменти). 6. Гарбий Альп тоғлари яйловларида. 7. Парижнинг саноат райони. 8. «Рено» автомобиль заводи. Париж яқинида. 9. Марсель шаҳрининг соҳил қисми. 10. Эйфель минораси. Париж, 1889. Архитектор А. Т. Эйфель. 11. Парижнинг Пасси райони. Олдинги планда Радио уйи (1959—63, архитектор А. Бернар).



Хитой мақоласига. 1. Яньцзи дарёсининг ўрта оқими. 2. Хайнань ороли соҳиллари. 3. Шаньси провинцияси (Шимолий Хитой)даги террасали шолипоялар. 4. Хубэй провинциясидаги шолипоялар. 5. Шимолий Хитойдаги пахтазорларда. 6. Шисаллинг марказий сув омбори ва гидроэлектростанцияси. 7. Шанхайдаги ип газлама фабрикаси цехларидан бири. 8. Аньшандаги металлургия заводининг умумий кўриниши. 9. Шанхай. Вайтань (Хуанпу дарёси) соҳили. 10. Пекиндаги Чанъаньцзе кўчаси. 11. Сун Ят-сен мақбараси. Кантон. 12. Пекиндаги Тяньнинси ибодатхонаси пагодаси. 12- аср.

Жисм т-раси ошган сари спонтан магнитланганлик йўқола боради. У Кюри нуқтасида бутунлай йўқолади. Кюри нуқтаси темир учун 1043°К, кобальт учун 1400°К, никель учун 631°К.

Ферромагнит моддаларда доменлар сони биттадан кўп, уларнинг жойлашиши магнит майдонлари энергияси, доменлараро сирт энергияси ва анизотропия энергиясига боғлиқ. Ферромагнит қаттиқ жисм яхлит ҳолда магнитланмаган, лекин уни ташкил қилувчи доменлар магнитланган бўлади (расм, *а*). Агар шу жисм ташқи магнит майдони H таъсирида бўлса, доменлараро сиртлар силжийди, натижада жисм магнитланади ва унда ташқи магнит моменти вужудга келади (расм, *б*). Бошқа доменлар ҳам H нинг юқори қийматларида магнит йўналишини ўзгартириб, H бўйича жойлашади. H нинг маълум қийматида ҳамма доменнинг магнит майдонлари H бўйича ўзаро параллел жойлашади, жисм яхлит бир домендай бўлиб қолади. Гистерезис ҳалқа ифодаланган расм, *в* да H нинг бу қиймати C нуқтага тўғри келади. Бу нуқтадан бошлаб магнит индукцияси B тўйинишга эришади. H нинг камайишида B нинг қиймати дастлабки OAC эгри чизиқ бўйлаб эмас, CB_0H_0 бўйлаб ўзгаради, чунки доменлараро сиртларнинг силжишида дастлабки кўринишга мутлақо қайтиб бўлмайди.

Идеал монокристалл ферромагнетикнинг гистерезис ҳалқаси расм, *г* даги кўринишда бўлади.

ФЕРРОМАГНЕТИКЛАР — ферромагнит хоссаларга эга моддалар. Қимёвий элементлардан Fe, Co, Ni; нодир металлардан Gd, Tb, Dy, Ho, Er ва уларнинг қотишмалари; Cr, Mn элементларнинг қотишмалари ҳамда уларнинг ферромагнит бўлмаган элементлар б-н бирикмалари Ф. дир. Ф. нинг ферромагнитлиги уни ташкил этган доменлари сиртининг қанчалик енгил силжиши б-н аниқланади. Узгармас магнит (жисм) тайёрлашда домен сиртлари «оғир» силжийдиган ва жуда катта гистерезис ҳалқага эга жисм ишлатилса, трансформатор ва моторлар тайёрлашда эса домен сиртлари «енгил» силжийдиган, кичик майдон таъсирида ҳам магнитланувчи Ф. ишлатилади.

Қаттиқ жисмларнинг ферромагнит хоссага эга ферритлар синфи, жумладан, Fe_3O_4 ва б. лар катта амалий аҳамиятга эга.

ФЕРРОМАГНИТ РЕЗОНАНС — электрон магнит резонанс хилларидан бири; ферромагнетикларнинг ички эффектив магнит майдони $H_{эф}$ да ферромагнит намунасининг магнит моментлари прецессиясининг хусусий частоталари ω_0 га мос келадиган частоталарда электромагнит майдон энергиясини танлаб ютиш ҳодисаси.

Парамагнит ва ядро магнит резонансларидан фарқли Ф. р. ташқи майдон нолга тенг ҳолда ҳам кузатилади. Ф. р. ни дастлаб 1911—13 йилларда совет физиги В. К. Аркадьев кузатган.

Резонанс частота намунанинг шакли, т-раси ҳамда кристаллнинг симметрия ўқларига нисбатан ташқи майдон йўналиши функциясидир (расмга қ.).

Ф. р. ва у б-н боғлиқ ҳодисалар ҳақидаги тасаввурнинг кенгайиши жуда кўп техникавий қурилмалар: вентиллар, циркуляторлар, ферритлар асосида қурилган генераторлар, кучайтиргичлар ва б. асбобларни яратишга асос бўлди.

Ад.: Ферромагнитный резонанс, М., 1961; Гуревич А. Г., Ферриты на сверхвысоких частотах, М., 1960; Гуревич А. Г., Магнитный резонанс в ферритах и антиферромагнетиках, М., 1973.

ФЕРРОҚОТИШМАЛАР — темирнинг бошқа элементлар (кремний, марганец, хром. вольфрам, титан, молибден, ванадий ва б.) б-н қотишмалари. Ф., асосан, пўлат ишлаб чиқаришда темир (II)-оксиддан темирни қайтаришда ва пўлатни легирлашда ишлатилади. Ф. га ферросилиций, ферромарганец, ферротитан, ферровольфрам, ферромолибден, феррохром, силикошпигель, кўзгу чўян ва б. киради.

Ферросилиций — темирнинг кремний (10—90% Si) б-н қотишмаси; темир (II)-оксиддан темирни қайтариш ва пўлатни кремний б-н легирлашда ишлатилади.

Ферромарганец — темирнинг марганец (75—80% Mn) б-н қотишмаси; мўрт, осон уваланади; марганец ва темир рудаларини қайтариб олинади; темирни қайтариш ва пўлатни Mn б-н легирлашда ишлатилади.

Ферротитан — темирнинг титан (20—40% Ti) б-н қотишмаси; темир-титанли рудаларни қайтариб олинади, пўлатни титан б-н легирлашда ишлатилади; пўлатга 0,1% титан қўшилишиёқ пўлат қуймасини бир жинсли, қаттиқ ва ғоваксиз қилади.


Ферровольфрам — темирнинг вольфрам (50—80% W) б-н қотишмаси; табиий вольфрамит минералидан олинади, асбобсозлик ва б. нав пўлатлар ишлаб чиқаришда фойдаланилади.

Ферромолибден — темирнинг молибден (50—75% Mo) б-н қотишмаси; пўлатни молибден б-н легирлашда ишлатилади; пўлатнинг иссиқбардошлигини, механик хоссаларини ва кимёвий чидамлилигини оширади.

Феррохром — темирнинг хром (камида 55% Cr) б-н қотишмаси; табиий хромли темиртошни қайтариб олинади; хром б-н легирлашда ишлатилади; хром пўлатнинг қаттиқлиги, иссиқбардошлиги, коррозия-бардошлигини оширади ва пўлат кимёвий таъсирларга чидамли бўлиб қолади.

Силикошпигель — темирнинг кремний (10—12% Si) ва марганец (18—20% Mn) б-н қотишмаси; темирни қайтаришда ва пўлатни кремний ҳамда марганец б-н легирлаш учун ишлатилади; домна печида темир ва марганец рудаларини суюқлантириш йўли б-н олинади.

Кўзгу чўян — темирнинг марганец (25% гача Mn) б-н қотишмаси; синдирилгани ялтираб туради, шу сабабли кўзгу чўян деб аталади; учта маркаси бор: 3-1, 3-2, 3-3; 3-1 да марганец миқдори 20—25%, 3-2 да 15—20%, 3-3 да эса 10—15%; домна печида олинадиган Ф. нинг бири, ундан пўлат ишлаб чиқаришда фойдаланилади.



Ферромагнит резонанс. Намунанинг ҳар хил шаклларида резонанс частота $\omega_{рез}$нинг лармор частота ω_0га боғлиқлиги. *1*—бўйлама магнитланган цилиндр; *2* — параллел магнитланган диск; *3*—магнитланган сфера; *4* — кўндаланг магнитланган цилиндр; *а* — *г* — сиртга нисбатан $\psi = 80°$, 85°, 89° ва 90° бурчак остида магнитланган диск.

ФЕРСМАН Александр Евгеньевич (1883. 27. 10 (8. 11), Петербург — 1945. 20. 5, Сочи; Москвада дафн этилган) — совет геохимиги ва минералоги, СССР ФА акад. (1919). В. И. *Вернадский*нинг шогирди. МГУни тугатган (1907); 1909 йилдан шу ун-тда ўқитувчи. Шанявский номидаги халқ ун-ти проф. (1910). 1912 йилдан Петербургда Хотин-қизлар олий курси (Бестужев курси)да минералогия соҳасида проф. 1919—30 йилларда СССР ФА минералогия музейи директори. «Природа» («Табиат») журнали асосчилари (1112) ва муҳаррирларидан бири. СССР ФА қошидаги Табиий ишлаб чиқарувчи кучларни ўрганиш комиссияси (КЕПС)нинг секретари (1915).



Ферсман А. Е.

Ф. Улуғ Октябрь социалистик рев-ясидан кейин Кола я. о., Тяньшань, Қизилқум, Қорақум, Урал, Забайкалье ва б. р-ларда олиб борилган қидирув ва тадқиқот ишларида қатнашди. Хибин тундралари (1920 йилдан) ва Мончетундра (1930 йилдан) да Ф. иштирокида апатит ва мис-никель рудалари конлари очилган. Ф.— *геохимия* асосчиларидан бири. Унинг бу соҳадаги фундаментал асари —«Геохимия» (1—4-томлар, 1933—39). Ф. *Элементлар кларклари* ва миграциясига катта эътибор берди. Табиий ноорганик жараёнлар энергетикаси масаласини ишлаб чиқди ва геоэнергетик назарияни таклиф этиб, минералларнинг кетма-кет тушиб қолишини кристалл панжаралар энергияси катталиги б-н боғлади.

Ф. биринчилар қаторида фойдали қазилма конларини қидиришда геохимик методларни қўллаш зарурлигини асослаб берди. Регионал геохимия масалаларига кўп аҳамият берди ва 1926 йилдаёқ биринчи марта Монголия-Охота геохимик минтақасини аниқлади.

Т дқиқотлари асосан *пегматитлар*ни ўрганишга бағишланган. Қимматбаҳо ва ясама тошлар бўйича йирик мутахассис.

Ф. СССР ФА Физика-математика фанлари бўлими акад.-секретари (1924—27), вице-президенти (1927—29), Президиум аъзоси (1929—45). СССР ФА Радий ин-ти директори (1922—26), СССР ФА Урал филиали раиси (1932—38), СССР ФА қошидаги С. М. Киров номли Кола базаси раиси (1930—35), М. В. Ломоносов номли Кристаллография, минералогия ва геохимия ин-ти директори (1930—39), СССР ФА Геология фанлари ин-ти директори (1942—45). Улуғ Ватан уруши йиллари (1941—45) да СССР ФА геология-география фанлари бўлими қошида Совет Армиясига илмий ёрдам комиссиясини тузди ва унга раҳбарлик қилди.

Ленин мукофоти (1929), СССР Давлат мукофоти (1942) лауреати. Меҳнат Қизил Байроқ ордени, Лондон геология жамиятининг Волластон номидаги палладий медали (1942) б-н мукофотланган. Минераллар: титан-ниобий оксиди — ф е р с м и т ва титан-ниобий силикати — ф е р с м а н и т Ф. номи б-н аталган.

Ас.: Избр. труды, т. 1—7, М., 1952—62.
Ад.: Александр Евгеньевич Ферсман, 2 изд., М., 1964 (Материалы к биобиблиографии учёных СССР. Серия геологических наук, вып. 19); Проблемы минерального сырья, Памяти академика А. Е. Ферсмана, М., 1975; Б а б а е в К. Л., А. Е. Ферсман — выдающийся исследователь нашей эпохи, «Узб. геол. журнал», 1974, № 2.

ФЕРУЗА (форс-тож. *فیروزه*) — минерал. Кимёвий таркиби $CuAl_6[PO_4]_4(OH)_8 \cdot 4H_2O$. Триклин сингонияли. Яширин кристалли яхлит массалар, куртаксимон агрегатлар, пўст, томирлар ҳосил қилади. Қаттиқлиги 5—6, с. оғ. 2,6—2,8. Жилосиз, хира, мумга ўхшаш; зангори-ҳаво ранг ёки яшил-ҳаво ранг. Ф. нураш жараёнига учраган Al_2O_3 ва фосфатлар (апатит, фосфорит ва б.) га бой дала шпатли жинсларга таркибида мис ионлари бўлган юза сувларининг таъсири натижасида ҳосил бўлади. Ф. заргарликда қимматбаҳо тош сифатида ишлатилади. Энг йирик кони — Нишопур (Эрон). СССРда — Ўрта Осиё ва Қозоғистонда топилган. Узбекистонда Марказий Қизилқум ва Қурама тоғларида Ф. бор.

ФЕРУЗА — ТуркмССР Ашхобод областидаги ш. т. п. Ашхободдан 37 *км*. Копетдоғ тизмаси шимоли-шарқий ён бағирларида, Ферузасой дарасида, денгиз сатҳидан 600 *м* баландликда жойлашган. Иқлим курорти. Болалар санаторийси, 2 дам олиш уйи бор. Ашхобод б-н Ф. орасида мунтазам автобуслар қатнаб туради.

ФЕРУЗАКӮН — Қурама тоғларининг жанубғарбий ён бағридаги феруза кони (ТожССР). Урта карбон даврига мансуб Ақча свитаси (қатлами) даги андезит-дацит порфирлари ҳисобига ҳосил бўлган серицитланган кварцитларда, «Феруза» ёриқ зонасида жойлашган. Бу зона ғарбдан шарққа чўзилган, узунлиги 60 *км* ча, вертикал йўналган. Зонанинг узунлиги 600 *м*, кенглиги 50—60 *м*, чуқурлиги 10—25 *м* келадиган қисмида феруза бор.

Феруза оқарган ва аввал майдаланиб, кейинчалик қайта бирикиб қолган жинсларда 0,1—0,3 *см* дан 2—3 *см* гача қалинликдаги томирлар шаклида оқ кварц томирлари б-н бирга (баъзан мураккаб уячалар шаклида, тор хрустали кристалларини ёки атрофдаги жинслар бўлакчаларини бириктириб турган цемент ҳолида) учрайди. Қондаги феруза ёркин ҳаво ранг, баъзан оч кўкимтир, қўнғир-ҳаво ранг ёки бўрсимон оқимтир ҳаво ранг; ферузанинг 5—10% и заргарликда ишлатилади.

ФЕС — Марокашдаги шаҳар (қ. *Фос*).

ФЕСТИВАЛЬ (лат. festivus — хушчақчақ, байрамона) — музика, театр, кино ва эстрада санъати ютуқларининг кўригидан иборат оммавий байрамлар. Ф. нинг ибтидоий кўринишларидан бири, мас., Қадимги Юнонистондаги Олимпия ўйинлари эди. Ҳозирги Ф. лар бирон санъат тури, мавзуи, жанрига бағишланган бўлиши, алоҳида вилоят, мамлакат ёки жаҳон миқёсида ўтказилиши мумкин. Ф., одатда, мусобақа тарзида бўлиб, унинг қатнашчилари жойлардаги дастлабки кўрикда махсус жюри томонидан сараланади.

Музика фестивали дастлаб Англияда (Лондон, 1709), кейин бошқа Европа мамлакатларида расм бўлган. Музика Ф. лари умумий ном, ягона программа б-н ўтказиладиган туркум концерт ва спектакллардан иборат. Улар давомийлиги (бир неча кундан ярим йилгача) ва мазмунига кўра турлича бўлиб, доимий (ҳар йилда ёки 2—4 йилда бир марта) ёхуд бирон тантанали воқеа муносабати б-н ўтқазилади. 60-йилларда ва 70-йиллар бошида айниқса Европада эстрада санъати ва қўшиқ Ф. лари оммавий тус олди (1973 йилда 150 дан ортиқ Ф. бўлди).

СССРда биринчи музика Ф. лари 30-йиллардан ўтказила бошлаган. Бу анъана 50-йиллар охиридан кенг авж олди. 1962 йилдан Горький ш. да СССРда биринчи Бутуниттифоқ замонавий музика фестивали, 1964 йилдан «Москва юлдузлари» ва «Рус қиши» (Москва), «Оқ тунлар» (Ленинград) музика Ф. лари, шунингдек бутуниттифоқ, республикалар ва маҳаллий кўламдаги музика Ф. лари ўтказилиб турибди.

Театр фестивали Европа (Швейцария) да 18-аср охирида расм бўлган. Театр Ф. лари ичида Р. Вагнер операларига бағишланган Байрёйт Ф. лари [1882 йилдан Байрёйт ш. (Бавария) да ҳар йили ўтказилади], Шекспир ватанида бўладиган Шекспир спектакллари Ф. лари (1886 йилдан Стратфорд-он-Эйвон ш. да доимий ўтказилади) машҳур. Театр (шу жумладан болалар театрлари, қўғирчоқ театрлари) санъатига бағишлаб ҳам кўп Ф. лар уюштирилади.

СССРда Гражданлар уруши (1918—20) давридан бошлаб жуда кўп (асосан пьесалар

учун) конкурслар ўтказилган. 1930 йили Москвада СССР халқлари театр ва санъатининг бутуниттифоқ олимпиадаси бўлди. 1936 йилдан бери ўтказилаётган санъат ва адабиёт декадаларида музикали ва драматик спектакллар асосий ўринни эгаллайди (қ. *Адабиёт ва санъат декадалари*). 30-йиллар ўртасидан бошлаб фақат театр санъатига бағишланган халқаро ва бутуниттифоқ Ф. лари ўтказилмоқда.

Ф. кино санъати асарлари учун ҳам катта кўрикдир. 1932 йилдан халқаро, 1958 йилдан бутуниттифоқ *кинофестивал*лари бўлиб туради.

Бутун дунёда тинчлик, халқлар мустақиллиги, демократия ва социал тараққиёт учун курашувчи ёшлар ва студентларнинг анъанавий оммавий халқаро байрами — Жаҳон ёшлари ва студентлари Ф. лари 1947 йилдан «Тинчлик ва дўстлик учун», 1968 йилдан «Бирдамлик, тинчлик ва дўстлик учун» шиори остида (ҳар икки йилда бирон мамлакатда) ўтказилади. 6-си 1957 йили (28 июль—11 август) Москвада бўлди.

Ўзбекистон (Тошкент) да бўлиб ўтган йирик Ф. лар: Чаманзор водийсининг қўшиқлари (1965), Урта Осиё ва Қозоғистон республикалари қўғирчоқ театрларининг 1-фестивали (1969), Ўзбекистон областлари ва ҚҚАССР театрларининг телевизион фестивали (1974), СССР халқлари драматургияси ва театр санъати фестивали (1974, 1977), «Дўстлик симфонияси» шиори остида СССР халқлари санъатининг байрами (1977), Урта Осиё ва Қозоғистон ёш томошабинлар театрларининг 1-фестивали (1978).

ФЕТИДА — *Сатурн* йўлдошларидан бири — *Тефия*нинг иккинчи номи.

ФЕТИШИЗМ (португалча feitico, франц. fetiche — сеҳрли нарса) — 1) жонсиз нарсаларни ғайри табиий хусусиятга эга деб ишониш ва уларга топиниш. Ф. динининг энг қадимги ва умумий элементларидан бири. Табиатдаги турли нарса, ҳодиса ва уларнинг мураккаб томонлари ибтидоий давр кишиларига сирли бўлиб туюлган, натижада кишилар уларни ғайри табиий, илоҳий деб тушунганлар ва уларга сиғинганлар. Бу тасаввурлар ижтимоий тараққиёт натижасида ўзгариб борган.

Ф. элементлари ҳозирги динларнинг ҳаммасида учрайди (мас., исломда «муқаддас» жойларга, Маккадаги қора тошга сиғиниш ва ҳ. к.). Хилма-хил маъбудалар, авлиёлар тасвирига, булоқлар ва ш. к. га топиниш кўпроқ тараққиётдан орқада қолган халқлар ва қабилаларда ҳозиргача сақланиб қолган. Фетишизм,— дейди К. Маркс,— ҳеч қачон инсонни унинг ҳиссий истакларидан баланд кўтармайди, балки, у аксинча, «ҳ и с с и й и с т а к л а р д и н и д и р». Ҳис билан авжга минган фантазия фетишистда шундай бир иллюзия туғдирадики, бунда «ҳиссиз нарса» фақат фетишистнинг хоҳишини қондириш учунгина ўз табиий хоссаларини ўзгартириши мумкин эмиш» (К. Маркс, Ф. Энгельс, Дин тўғрисида, Тошкент, 1956, 15-бет). 2) Капиталистик жамият учун хос бўлган меҳнат маҳсулотларини ғайри табиий хусусиятга эга деб тушуниш, товар ва б. буюмларни илоҳийлаштириш. Ф. нинг моҳиятини К. Маркс *товар фетишизми*ни тадқиқ этишда очиб берган.

Ад.: Токарев С. А., Ранние формы религии и их развитие, М., 1964.

ФЕТЛАР (thētes) — Қадимги Грецияда озод, лекин ёлланиб ишлайдиган камбағал кишилар; сўнгги мулкий группага киритилган (Қадимги Афинанинг давлат арбоби Солоннинг мил. ав. 594-йилги ислоҳотларига кўра) гражданлар. «Ф.» термини илгари, Гомер даври (мил. ав. 11—9-асрлар) да уруғ ва жамоадан ажралиб колган камбағал гражданларни англатган.

ФЕХНЕР Густав Теодор (1801. 19. 4, Гросс-Зерхен, Мускау яқинида — 1887. 18. 11, Лейпциг) — немис физиги, психолог, идеалист философ, сатирик ёзувчи. Экспериментал психология асосчиларидан бири. Лейпциг ун-тида физика проф. (1834—40); кейинчалик касаллиги ва қисман кўзи ожизлиги туфайли физикадан воз кечиб, философия б-н шуғулланган. *Психофизика* ғояларини психик ва физик ҳодисаларнинг боғланишини ўрганувчи алоҳида фан сифатида ривожлантирган (қ. *Вебер-Фехнер қонуни*).

ФЕЪЛ (тилшунослиқда) — предметнинг ҳаракат ва ҳолатини ифодалайдиган сўз туркуми. Ф. гап тузишда уюштирувчилик хусусиятига эга бўлиб, кўпинча бошқа сўзларни ўзига эргаштириб келади. Отлар, асосан, Ф. да ифодаланган маъно талабига қараб келишиклар бўйича турланади. Мас., баҳор келди, гуллар очила бошлади. Мен ишдан келяпман. Бу йил мактабни тамомлайман.

Гап бўлакларидан ҳол ва тўлдирувчи, асосан, Ф. га боғланади. Турланиш от ва отлашган сўзларнинг, тусланиш эса Ф. нинг характерли морфологик белгиларидан биридир. Бунда лексик ўзгариш юз бермайди, фақат шахсон, замон сингари маъноларини аниқлайди, кесимликни ҳам кўрсатади. Ф. нинг асосий синтактик функцияси кесимлик бўлиб, гапда эга, тўлдирувчи, аниқловчи, ҳол вазифаларида ҳам кела олади.


Ф. ўтимли — ўтимсизлик, бўлишли — бўлишсизлик, майл, нисбат каби грамматик категорияларга эга. Ф. сўз туркуми сифатида умумий хусусиятлардан ташқари, конкрет тилларда специфик белгиларга ҳам эгадир. Баъзи бир тиллар (мас., дания тили) шахс ва сон категориясига эга эмас.

Ф. ифодалаган ҳаракат аниқ бир вақтда юзага келади. Ана шу ҳаракатнинг нутқ сўзланиш пайтига бўлган муносабати замон категориясига тааллуқли бўлиб, уч замоннинг бирини ифодалашга хизмат қилади. Грамматик жиҳатдан замоннинг аниқланиш нуқтаси нутқ сўзланаётган пайт ҳисобланади. Мас., биринчи сменада дарслар тугади, мен уйга кетяпман.

Ф. дан англашилган борлиққа бўлган муносабат майл категорияси б-н ифодаланади. Ф. майллари тўртта: буйруқ, истак, аниқ, шарт. Унинг айрим формаларида ҳали ҳаракат реаллашмаган, фақат сўзловчининг буюриши, илтимоси, хоҳиши ёки бирор воқеа-ҳодисанинг юзага чиқиши учун шарт бўлган ҳаракат англашилган бўлиши мумкин. Айрим Ф. формаларида эса ҳаракат реал ифода этилади: «Шошманг, бошлаб борадиган хотин чиқсин» (Ойбек, «Қутлуғ қон»).

Ф. дан англашилган ҳаракатнинг бажарувчиси (субъект) ва шу ҳаракат қаратилган предмет (объект) ўртасидаги муносабат Ф. нисбати (аниқ нисбат, ўзлик нисбат, мажҳул нисбат, биргалик нисбат, орттирма нисбат) ҳисобланади.


Ф. икки хил — морфологик (аффикслар ёрдамида) ва синтактик (сўзларни бириктириш йўли б-н) усул б-н ясалади. Ф. нинг замонлари, функционал формалари, майллари, нис-



Фёдоров Е. С.



Федорова П. И.



Фёдоров столчаси: *а*—столчанинг асоси; *i*, *m*, *k*, *h*, *n* — устма-уст жойлашган концентрик халқалар; *l* — горизонтал ўқ. *l* — халқа текислигида жойлашган; *M* — *m* — халқа текислиги марказидан унга перпендикуляр ўтган ўқ; *K* — *k* — халқа текислигида жойлашган ўқ; *H* — *h* — халқа текислигида *K* ўқига перпендикуляр жойлашган ўқ; *N* — *n*—халқа марказидан унинг текислигига перпендикуляр ўтган (нормал) ўқ.

батлари кабиларнинг ҳаммаси унинг буйруқ формасидан — ўзагидан ҳосил қилинади.

Ад.: Гуломов А. Ғ., Феъл, Т., 1954; Ҳозирги замон ўзбек тили, Т., 1957; Аманжолов А. С., Глагольные управление в языке древнетюркских памятников, М., 1969; Кононов А. Н., Грамматика современного узбекского литературного языка, М.—Л., 1960; Турсунов У. Т., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш., Ҳозирги ўзбек адабий тили, Т., 1965; Шукуров Ш., Феъл тарихидан, Т., 1970; Ҳожиев А., Ўзбек тилида феълнинг замон формалари, «Ўзбек тили ва адабиёти», 1968, № 6.

ФЕЪЛ (психологияда) — қ. *Характер.*

ФЁДОРОВ Евграф Степанович [1853. 10 (22). 12, Оренбург — 1919. 21. 5, Петроград] — рус минералоги ва кристаллографи, геометр, петрограф. Россия ФА акад. (1919). Петербург Тоғ-кон ин-тини тугатган (1883). 1885 йилдан Геология комитетида ишлаган, Шимолий Уралда геологик тадқиқотлар олиб борган (1885—90). 1895 йилдан Москва Қишлоқ хўжалиги ин-ти проф. Бавария ФА аъзоси (1896). Петербург ФА адъюнкти (1901—05). Петербург Тоғ-кон ин-ти директори (1905—10).

Ф. структурал кристаллография асосчиларидан. У кристалларнинг шакли б-н ички тузилиши орасида узвий боғланиш борлигини аниқлади. Кристалларнинг ички фазовий панжаралари ўзаро турлича жойлашган 230 параллелоэдрлардан иборатлиги ҳақидаги назарияни илгари сурди. Теодолитли гониометр ва *Фёдоров столчаси* деб номланган асбоблар кашф этди (1889—93) ва улар ёрдамида кристалларни тадқиқ қилиш усулини, шунингдек кристаллар шаклига ва томонлари орасидаги бурчаклар қийматига қараб, уларнинг кимёвий таркибини аниқлаш — кристаллохимия усулини ишлаб чиқди. Петрография, геология, руда конларига оид тадқиқотлар олиб борди.

1944 йили СССР ФА кристаллография соҳасидаги муҳим ишларга Ф. номидаги мукофот таъсис этди.

Ас.: Симметрия и структура кристаллов. Основные работы, М., 1949; Начала учения о фигурах, М., 1953.

Ад.: Шафрановский И. И., Е. С. Фёдоров, М.—Л., 1951; Кумок Я. Н., Евграф Фёдоров, М., 1971.

ФЁДОРОВ Иван (туғилган йили номаълум — 1733 йил вафот этган) — рус денгизчи сайёҳи. 1731 йил баҳорида «Святой Гавриил» кемасида уюштирилган экспедицияда қатнашиб Большерецкдан Нижнекамчатскка ўтган. 1732 йилда геодезист М. С. Гвоздев б-н бирга Дежнёв буригача бориб Ратманов ва Крузенштерн о-ларини тадқиқ қилган. Ф. Беринг бўғозининг Америка соҳилларини биринчи бўлиб картага туширган.

ФЁДОРОВ Иван, Иван Фёдоров Москвитин (тахм. 1510—1583, Львов ш.) — рус ва украин матбаасининг асосчиси. Москва Кремлидаги Никола Гостунский черковининг руҳонийси бўлган. 16-асрнинг 50-йилларида Москва босмахонасида ишлаган бўлса керак. 1563 йил 19 апрелидан 1564 йилнинг 1 мартигача илк рус босма китоби «Апостол»ни (Пётр Мстиславец б-н ҳамкорликда) нақш б-н жозибадор безатиб нашр этган. 1566 йилда дин арбобларининг таъқибидан қочиб Литвага кетган. Заблудовда янги босмахона очиб, бир нечта китобни нашр этгач, 1574 йили Львовга бориб, бу ерда «Апостол»ни қайта босиб чиқарган, биринчи рус босма дарслиги — «Алифбе»ни нашр қилган. Ф. 4-марта Острогда ташкил этилган босмахонада диний китоблар (мас., Библия) ва б. нашрларни чиқарган. 1909 йили Москвада Ф.га ҳайкал ўрнатилган.

ФЁДОРОВ СТОЛЧАСИ — поляризацион *микроскоп*га ўрнатилган махсус қурилма. Юпқа шлиф шаклидаги кристаллни махсус ўқлар атрофида айлантириб ва буриб фазода турли ҳолатда текширишга имкон беради. 1891 йили Е. С. *Фёдоров* таклиф этган дастлабки моделига *теодолит* принципи (ўзаро перпендикуляр 2 ўқ атрофида айланиш) асос бўлган. 1896 йили Е. С. Фёдоров 4 ўқли моделни таърифлаб берди. 5-ўқни 1929 йили америкалик олим Эммонс қўшди (3 та қўшма теодолит система б-н микроскоп столчасининг айланма ўқи бириктирилган). Ф. с. ёрдамида кристаллнинг изотроплиги, бир ўқли ёки икки ўқлилиги, оптик белгиси, оптик ўқлар йўналиши, иккиламчи нур синдириш катталиги ва б. оптик хоссалари аниқланади.

ФЁДОРОВА Полина Ивановна (1906. 30. 9, Москва обл. Лермонтово қишлоғи) — эндокринолог, медицина фанлари д-ри (1962), проф. (1965), ЎзССРда хизмат кўрсатган фан арбоби (1971), САГУнинг медицина ф-тини тугатган (1928). Тошкент обл. ва Самарқанд ш. касалхоналарида участка врачи (1928—32), ТошМИ госпитал терапия кафедрасида ординатор (1932—35), ассистент (1936—42), доцент (1943), ТошМИ стоматология ф-ти ички касалликлар кафедраси мудири (1965—72), даволаш ф-ти госпитал терапия кафедрасининг эндокринология курси раҳбари (1972—77), 1977 йилдан эндокринология кафедраси мудири. «Иссиқ иқлим шароитида Базедов касаллиги» мавзуида д-рлик диссертацияси ёқлаган. Ф. Ўзбекистонда эндокринология фанининг ривожланишига асос солган. Илмий ишлари эндокринология масалаларига оид. Бутуниттифоқ эндокринологлар жамиятининг раиси (1956), Бутуниттифоқ эндокринологлар жамияти правлениесининг аъзоси (1962), ЎзССР Соғлиқни сақлаш министрлигида бош эндокринолог (1970). «Ҳурмат Белгиси» ордени ва медаллар б-н мукофотланган.

Ас.: Вопросы климатофизиологии, Т., 1939; Межуточно-гипофизарные заболевания и орган зрения, Т., 1971 (Л. Ф. Кушнер б-н биргаликда).

ФЗО (Фабрично-заводское обучение) — қ. *Фабрика-завод таълими мактаблари.*

ФЗУ (Фабрично-заводское ученичество) — қ. *Фабрика-завод шогирдлиги мактаблари.*

ФИБОНАЧЧИ Л. — қ. *Леонардо Пизанский.*

ФИБОНАЧЧИ СОНЛАРИ — 1, 1, 2, 3, 5, 8, ... сонли кетма-кетликнинг элементлари (Фибоначчи қатори). Унда ҳар бир кейинги ҳади ўзидан олдинги иккита ҳадининг йиғиндисига тенг. Бу кетма-кетлик *Леонардо Пизанский* ёки Фибоначчининг арифметика ва алгебра ҳақидаги рисоласи (1202) да учрайди. Фибоначчи қатори қайтма кетма-кетликларнинг, яъни чекли айирмали чизиқли тенгламаларни қаноатлантирадиган кетма-кетликнинг хусусий ҳолидир. Ф. с. ҳисоблаш математикасида ва оптимал планлар тузишда қўлланилади.

Ад.: Воробьёв Н. Н., Числа Фибоначчи, 3 изд., М., 1969.

ФИБРА (лат. fibra — тола) — целлюлозани концентрланган рух хлорид эритмаси (баъзан сульфат кислота ва кальций роданид эритмаси б-н) шимдирилиб, кейин пресслаб тайёрланадиган материал. Сувга чидамлилигини ошириш учун баъзида парафин ёки мум шимдирилади. Труба ва лист шаклида чиқарилади. Ф. дан электр ва иссиқлик ўтказмайдиган материал сифатида, асбоб ва аппаратларда уланиш жойларини зичлаш ва б. да фойдаланилади.

ФИБРИН (лат. fibra — тола) — қон плазмасидаги *фибриноген*дан *тромбин* ферменти таъсирида ҳосил бўладиган юқори молекуляр оқсил. Ф. силлиқ ёки кўндаланг чизиқли толалар шаклида бўлиб, қуйқаси қон ивишида тромб асосини ҳосил қилади. Ф. ҳосил бўлиши уч босқичдан иборат: 1) фибриногендан тромбин таъсирида иккита А ва Б пептиди ажралиб, *дисульфид боғлари* б-н боғланган иккита суббирликдан иборат фибрин-мономер ҳосил бўлади; 2) фибрин-мономер, фибрин-агрегатга (қуйқага) айланади; 3) фибрин-агрегат фибринолизага ферменти таъсирида фибрин-полимерга айланади. Қон томирлари шикастланганда Ф. қалин тўр ҳосил қилиб, қонни тўхтатади. Тозаланиб қуритилган қон қуйқасидан Ф. олинади. Ф. дан қон оқишини тўхтатувчи воситалар тайёрланади.

ФИБРИНОГЕН (*фибрин* ва... *ген*) — қон плазмасининг глобулинлар группасига кирувчи эрийдиган оқсили. *Тромбин* таъсирида *фибрин*га айланиб, қонни ивитади (қ. *Қон ивиши*). Жигарнинг паренхематоз ҳужайраларида ҳосил бўлади. Соғлом одам қон плазмасидаги Ф. миқдори 300—500 *мг*%. Ф. турли операцияларда, *гемофилия* ва б. касалликларда қон оқишини тўхтатиш учун ишлатилади. Лаборатория тадқиқотларида Ф. препаратларидан фойдаланилади. Одам қонидан олинган Ф. клиникада ишлатилади.

ФИБРОЛИТ (*фибра* ва юнон. lithos — тош) — иссиқлик ўтказмайдиган ва конструкцион қурилиш материали. Ёпишқоқ минераллар (асосан, цемент) ва алоҳида ёғоч қиринди лари аралашмасидан тайёрланади. Ф. қалинлиги 2,5—10 *см* бўлиб, катта ўлчамли плиталар шаклида чиқарилади.

ФИБРОМА (*фибрин* ва... ота — ўсма маъносини ифодаловчи қўшимча), фибробластома — бириктирувчи тўқимадан юзага келган хавфсиз ўсма. Тананинг ҳар қандай қисмида учрайди; ўсишига кўра диффуз Ф. ва чегараланган Ф. деб фарқ қилинади. Ф. нинг манбаи фибробластлардир. Ф. нинг кечиш даври ва белгилари ўсманинг ўсиш тезлиги ва жойланишига боғлиқ. Айрим вақтларда хавфли ўсмага айланиши мумкин.

Давоси: Операция йўли б-н даволанади.

ФИГЕЛЬСКИЙ Владислав Дамианович (1889. 6. 6, Полоцк, Польша — 1919. 19. 1, Тошкент) — *туркистонлик ўн тўрт комиссар*нинг бири, Октябрь рев-яси ва Гражданлар уруши қатнашчиси. 1917 йилдан Коммунистик партия аъзоси. Хизматчи оиласида туғилган. 1905 йили революцион ҳаракатларда қатнашгани учун гимназиядан ҳайдалган. 1909 йили Парижга борган ва Сорбонна ун-ти математика ф-тини тугатган (1913). Парижда В. И. Ленин доклад қилган йиғилишларга қатнашган. 1916 йилдан бошлаб, Самарқандда гимназияда ўқитувчи. 1917 йилдан Ишчи, солдат ва мусулмонлар депутатлари Самарқанд Совети аъзоси, 1918 йил 25 июндан унинг раиси. 1918 йил ноябрдаги Туркистон МИҚнинг 6-чақириғида Туркистон АССР ХКС нинг раиси, Республикани Мудофаа қилиш олий ҳарбий коллегияси раиси қилиб сайланган. *Осипов исёни*да отиб ўлдирилган. Тошкентдаги кўчалардан бирига Ф. номи берилган.

ФИГУРА, шакл (геометрияда) — нуқталарнинг турли тўпламларига нисбатан қўлланиладиган термин; Ф. чекли ёки чексиз сондаги нуқталар, чизиқлар ва сиртлардан ташкил топган бўлиши мумкин. Мас., нуқта, учта нуқта, кесма, учбурчак, айлана, фазо — Ф. дир.

ФИГУРАЛИ УЧИШ, конькида фигурали учиш — конькида югуриш спорти турларидан бири. Аёллар ва эркакларнинг якка ҳолда, жуфт ҳолда учиши ва спорт рақси бўйича мусобақаларни ўз ичига олади. Якка ҳолда учиш мактаб деб номланган 3 та мажбурий расм-фигура, 7 мажбурий элементдан иборат қисқа эркин программа ва шахсий эркин программани бажаришдан иборат. Жуфт ҳолда учиш кўтариш ва биргаликда айланиш комбинацияларини ўз ичига олувчи 6 та мажбурий элементдан ташкил топган қисқа эркин программа (3 мин.) ҳамда шахсий эркин программа (5 мин.) дан иборат. Программани бажариш 6 балли система б-н баҳоланади; мусобақа қатнашчиларининг ўрнини белгилашда арбитр (ҳакам)лар томонидан берилган балл ва ўринлар йиғиндиси ҳисобга олинади.

Ф. у. спорт тури сифатида 19-асрнинг 60-йилларида шаклланди ва 1871 йилда конькида югурувчиларнинг 1-конгрессида танилди. Ф. у. бўйича биринчи жаҳон чемпионати 1896 йил Петербургда ўтди. 1924 йилдан Ф. у. Қишки *олимпиада ўйинлари* программасига киритилди. Ф. у. аввал Скандинавия мамлакатлари ва Буюк Британия, сўнг Австрия, АҚШ, Канада, социалистик мамлакатлар — СССР, ГДР, ЧССР, ПХР, ВХРда ривожланди.

Ф. у. бўйича халқаро мусобақаларда совет спортчиларидан И. К. Роднина (10 марта жаҳон ва Европа, 2 марта Олимпиада ўйинлари чемпиони; 1969—72 йилларда А. Н. Уланов, 1973—78 йиларда А. Г. Зайцев б-н биргаликда), Л. Е. Белоусова ва О. А. Протопопов (4 марта жаҳон ва Европа, 2 марта Олимпиада ўйинлари чемпиони), спорт рақсида Л. А. Пахомова ва А. Г. Горшков (6 марта жаҳон ва Европа, 1 марта Олимпиада ўйинлари чемпиони) катта муваффақиятга эришганлар.

Совет спортчилари Ф. у. бўйича Олимпиада ўйинларида 5 та олтин, 5 та кумуш, жаҳон чемпионатларида 22 та олтин, 18 та кумуш, 9 та бронза, Европа чемпионатларида 20 та олтин, 20 та кумуш, 14 та бронза медалини қўлга киритдилар (1978).

Ф. у. бўйича 17 спортчига хизмат кўрсатган спорт мастери, 32 спортчига Халқаро классдаги СССР спорт мастери унвони берилган.

Ф. у. нинг энг яхши мактаблари Москва ва Ленинградда бўлиб, у ерда С. А. Жук, Е. А. Чайковская, В. Н. Кудрявцев, Т. А. Тарасова, И. Б. Москвин каби СССРда хизмат кўрсатган тренерлар ишлайди. 1972 йил Тошкентда ҳам Ф. у. мактаби ташкил қилинди. Унда 200 га яқин спортчи шуғулланади (1978).

Ад.: Рыжкин В. Н., Ледовая сюита, М., 1975; Фигурное катание на коньках, М., 1975.


ФИГУРАЦИЯ (лат. figuratio — шакл бериш, образли тасвирлаш) (музикада) — куй ёки ритм элементлари воситасида музика фактурасини мураккаблаштириш. Ф. турлари: гармоник Ф. — овозлардан бири (асосан бас)нинг ёйиқ гармонияни ташкил қилувчи аккорд товушлари бўйича ҳаракати; ритмик Ф. — айни товуш, аккорднинг бир неча товушини ёки аккордни такрорлаш; мелодик (куйчан) Ф. — куй бўлаклари орасига музика безакларига яқин «фигура»лар киритиш. Куйчан Ф. дан 16-асрдан бошлаб, асосан, куйни бошқа баландликда ёки бошқа созда такрорлашда,



Фигельский В. Д.



Тошкентдаги «Юбилейний» спорт саройида фигурали учиш бўйича машқ пайти.



Фиерасфера ва голотурия.

бассо остинатодаги вариацияларда, классик ва романтик музикадаги вариацияли қисмларда, шунингдек асарнинг такрорланган бўлимларида фойдаланилган. Куйчан Ф. га турли аккорд бўлмаган товушлар — ушлаб қолиш (узайтириш), ўткинчи товуш, ёрдамчи товуш, камбиата (алмашиш) ҳам киритилиши мумкин.

ФИДЕИЗМ (лат. fides — эътиқод) — диний эътиқодни ақл-идрокдан юқори қўювчи, фандан диннн асослаш учун восита сифатида фойдаланишга уринувчи реакцион диний-фалсафий таълимот. Ф. идеалистик философия оқимларига хос. «Идеализм фидеизмнинг фақат нозиклаштирилган ва ниқобланган формасидир» (В. И. Ленин, Тўла асарлар тўплами, 18-том, 427-бет). Фидеистлар, фан фақат ҳодисалар, фактларнинг иккиламчи (физик) сабабларини очади, у бирламчи (ғайри табиий) сабабларни очиб беришга, борлиқни тушунтиришга қодир эмас деб, фан ва илмий билишни чеклайдилар, объектив ҳақиқатни инкор этадилар, фақат дин оламнинг мавжудлигини чинакам изоҳлаб беради, инсоннинг ҳаётига мазмун ва мақсад бағишлайди, деб ҳисоблайдилар. Ҳозирги замон фидеизми ўз реакцион ғояларини *персоналнзм, неотомизм, экзистенциализм* каби таълимотларда тарғиб қилмоқда.

ФИДЕР (ингл. feed — таъминламоқ) — 1) радиотехникада ва ўта юқори частоталар техникасида электр магнит тебраниш (тўлқин) ларини манбада узатиш системасидаги истеъмолчига етказиб берувчи линия, электр қурилмаси.

Ф. лар очиқ ва ёпиқ бўлади. Очиқ Ф. ларга, мас., 1,2 ва кўп симли линиялар, диэлектрик *радиотўлқин ўтказгичлар* ва б., ёпиқ Ф. ларга 1 ва кўп симли экранли линиялар (мас., радиочастота кабели), металл радиотўлқин ўтказгичлар киради.

Ф. конструкцияси манба иш частотасига қараб танланади. Мас., 3 *кгц* дан 3 *Мгц* частота диапазонида экранли ёки экрансиз сим линияларидан иборат Ф. дан фойдаланилади; 2) электр энергетикада кабель тармидаги ёки ҳаводаги тақсимловчи электр узатиш линияси (одатда 6—10 *кв*) ни англатган термин. Ҳозир кам қўлланади; 3) турли машина ва қурилмаларда машина (қурилма)га хом ашёни автоматик узатиб турадиган қурилма.

ФИДИЙ (мил. ав. 5-аср бошлари — мил. ав. тахм. 432—431 йиллар) — юнон ҳайкалтароши. Асосан, Афинада яшаб-ижод қилган. Акрополчни реконструкция қилишда *Периклнинг* ёрдамчиси бўлган. *Торевтика* устаси сифатида шуҳрат қозонган, улуғвор ҳайкаллар яратган. Пеллена ш. учун олтин ва фил. суягидан ишланган, Платеи ш. учун ёғоч ва мармарни ҳаллаб тайёрланган Афина ҳайкаллари (сақланмаган) ўз даврида юксак баҳоланган. Амазонка ва Афина Лемпия ҳайкаллари, бронзадан тайёрлаб, мил. ав. тахм. 460 йилда Акрополда ўрнатилган улкан Афина Промахос ҳайкали (сақланмаган), олтин ва фил суягидан ишланган улуғвор Зевс Олимпия ва Парфенос ҳайкаллари, Ф. раҳбарлигида ишланган Парфенон фронтони, фризи, ҳайкал ва б. безаклари санъат синтезининг юксак намунаси ҳисобланади. Ф. асарларида Афина давлатининг қудрати ифодаланган, унинг ижоди антик санъат чўққиларидан биридир.




Фидий ва унинг шогирдлари. «Ўтиришган худолар». Парфенон фризидан фрагмент. Мил. ав. тахм. 435-йил. Акрополь музейида. Афина.

ФИДОИЙЛАР (араб. فدائی — бирон мақсад йўлида ўзини ҳатто қурбон қилишга тайёр шахс) — 1) ўрта асрларда Эрон, Сурия, Ливандаги яширин *хашишийлар* ташкилотининг аъзолари; 2) Эрон рев-яси даври (1907—11) да майда буржуазия, деҳқонлар, ишчилар ва камбағаллардан тузилган кўнгилли қуролли отряд аъзолари. Ф. рев-янинг асосий қуролли кучлари ҳисобланган. Улар Табриз қўзғолони (1908—09) да Муҳаммад Алишоҳни тахтдан ағдаришда (1909 йил, август) асосий роль ўйнаган; 3) сўнгги даврда: а) Эрон Озарбайжонида кўтарилган миллий демократик ҳаракат даври (1945—46) да тузилган мудофаа отрядлари аъзолари. Кейинчалик улар халқ лашкарларига айлантирилган; б) Жазоирдаги миллий озодлик уруши (1954—62) да қатнашган яширин ватанпарвар шаҳар отрядларининг жангчилари; в) Фаластин қаршилик кўрсатиш ҳаракатининг қуролли партизан отрядлари аъзолари.

ФИЕРАСФЕРАЛАР, карапуслар (Fierasferidae ёки Carapidae) — олабуғасимонлар туркумига мансуб балиқларнинг оиласи. 4 уруққа бирлашган 25 тури маълум. Тропик ва субтропикдаги денгиз қиргоқларида тарқалган. Гавдасининг узунлиги 30 *см* ча. Тангачасиз. Анал тешиги жабралари орасида жойлашган. *Метаморфози* 2 босқичда ўтади: биринчи босқичда *личинка* (вексиллифер) сув қатламида яшаса, кейингисида эса личинка (тенуис) сув тубида голотурия, денгиз юлдузлари, икки тавақали моллюска, асцидия ва б. хўжайин-ҳайвон организмида паразитлик қилади.

ФИЖИ (Fiji) — Океаниядаги давлат. Тинч океанининг жанубий-ғарбий қисмида, Фижи оролларида. *Британия ҳамкорлиги* таркибида. Майдони 18,3 минг *км*². Аҳолиси 580 минг киши (1975). Пойтахти — Сува ш. Маъмурий жиҳатдан 4 округга бўлинган. Фижи оролларидан 380 *км* нарида жойлашган Ротума ороли ҳам Ф. таркибига киради.

Давлат тузуми. Ф. — конституцион монархия. Амалдаги конституцияси 1970 йилда қабул қилинган. Давлат бошлиғи — инглиз қироли (қироличаси) ҳисобланади. Ф. да унинг вазифаларини қирол тайинлайдиган генерал-губернатор амалга оширади. Олий қонун чиқарувчи органи — парламент, унга инглиз қироли (қироличаси) ва икки палата киради. Қуйи ёки вакиллар палатаси 5 йил муддатга сайланади, 53 аъзоси бор (22 фижий, 22 ҳинд, 8 европалик ва хитой жамоаси вакиллари). Юқори палата — сенат (22 аъзоси бор) 6 йил муддатга тайинланади (ҳар уч йилда сенат аъзоларининг ярми янгиланади). 21 ёшга тўлган барча гражданлар сайлов ҳуқуқига эга. Ижро этувчи ҳокимиятни генерал-губернатор тайинлайдиган бош министр бошчилигидаги ҳукумат — министрлар кабинети амалга оширади. Олий суд бошқарадиган судлов системасига апелляция суди ва қуйи судлар киради. Ф. байроғини *Давлат байроғи* мақоласи жадвалидан кўринг.


ФИЖИ
90 0 90 км
Вануа-Леву о.
Вити-Леву о.
Ротума о.
Сува
Лабаса
Лаутока
Нандида
Левука
Сигатока
Нандронга
Ба
Рева
Наусори
Сантуни
Сигатоки
Ламбаса
Рарака
Ваинимбука
Мба
Сингатока

полинезиялар оралигида туради. Умумий сони — тахм. 225 минг киши (1974). Диний эътиқодда христиан дини ва анъанавий анимистик тасаввурлар ҳукмрон. 1874 йилдан архипелаг — Буюк Британия мустамлакаси. Мустамлакачилар Ф. ва ҳиндийлар ўртасида адоватни кучайтиришга ҳаракат қилдилар, лекин Ф. ороллардаги бошқа аҳоли б-н биргаликда мустамлака зулмидан озод бўлиш учун курашга олиб бордилар. 1970 йилда Фижи мустақил давлатга айланди. Ф. нинг асосий машғулоти — деҳқончилик, мевачилик (пальма, банан) ва балиқ овлаш. Транспорт, қурилиш ва кон саноати ишчилари, саёдгарлар, ҳисман интеллигенция шаклланган.

Лит.: Народы Австралии и Океании, М., 1956; Путилов Н. В., Формирование населения Меланезии, М., 1966.

ФИЗИК КИМЁ — *кимёвий ҳодисаларни тушунтириш ва уларнинг қонуниятларини физиканинг умумий принциплари асосида аниқлаб берувчи б-н шуғулланадиган фан соҳаси. Кимёвий термодинамика, кимёвий кинетика, катализ, сирт ҳодисалари, эритмалар, квант кимёси ҳақидаги таълимотлар, молекулалар, ионлар, радикалларнинг тузилиши ва хоссалари тўғрисидаги таълимотлар Ф. к. нинг асосий бўлимлари ҳисобланади. Ф. к. деярли мустақил бўлим сифатида коллоид кимё, электрохимия, фотохимия, кристаллохимия, радиацион кимё, физик кимёвий анализ каби бўлимларни ҳам ўз ичига олади.*

Ф. к. нинг номини, мавзуини, вазифасини дастлаб М. В. Ломоносов айтган. Ломоносов 1752—53 йилларда студентларга «Чин физик кимёга кириш» курсидан лекциялар ўқиган бўлиб, у Ф. к. нинг асосий қонунларидан бири — кимёвий ўзгаришларда массанинг доимийлиги қонунини белгилаб берган. Г. И. *Гесс* 1840 йилда Ф. к. нинг асосий қонунларидан бири — кимёвий ўзгаришларда иссиқлик йиғиндисининг доимийлигини кашф қилди. 19- аср ўрталарида П. *Бертло* ва даниялик химик Х. Томсен (1826—1909) термохимия тадқиқотлари, реакция иссиқликлари ҳақидаги тасаввурлари б-н Ф. к. га катта ҳисса қўшдилар. Немис олими В. Оствальд (1853—1932) 1887 йили Лейпциг ун-тида биринчи Ф. к. кафедрасини ташкил қилди, у биринчи физик кимёвий журналга асос солди.

Ф. к. 19- аср охирларидангина мустақил фан сифатида ажралиб чиқди. Кимёвий ишлаб чиқариш соҳаларининг умумий ривожланиши ҳамда кимё саноатининг вужудга келиши ва бу б-н боғлиқ бўлган кўпгина масалаларнинг муваффақиятли ҳал этилишида эмпирик қонунлар ва билимларнинг етарли эмаслиги Ф. к. нинг яратилишига сабаб бўлди. Ф. к. нинг 19- аср 2- ярми ва 20- аср бошларидаги ривожланишининг ўзига хос томони макроскопик, яъни бевосита текширилаётган система ва процессларнинг характеристикасини ўрганишдан иборат бўлди. Идеал газлар ҳолат тенгламаси узил-кесил аниқлаб берилди (Д. И. *Менделеев*, Б. *Клапейрон*). Термодинамика қонунларини кимёвий ва *фазалар мувозанат*ларига татбиқ этди (Ж. Гиббс, Я. *Вант-Гофф*, В. Нернст, А. Ле. Шателье, Н. С. *Курнаков*, Г. Тамман), макроскопик кинетика асослари (К. Гульдберг, П. Вааге, Н. Н. *Бекетов*, Вант-Гофф) ишлаб чиқилди, реакциянинг *активланиш энергияси* ҳақидаги тасаввур киритилди (С. *Аррениус*). М. *Фарадей* асос солган катализ ҳақидаги тасаввур янада ривожлантирилди. Адсорбциянинг асосий қонунлари таърифлаб берилди (Ж. Гиббс). Суюлтирилган эритмаларнинг термодинамик назарияси ривожланди (Ф. Рауль, Вант-Гофф, Д. П. *Коновалов*). Электролитик диссоциация назарияси яратилди (*Аррениус*). Гальвани элементлар учун электрод потенциаллари тушунчаси киритилди (Нернст). Ф. к. нинг шу тараққиёт босқичида қўлга киритилган тадқиқот натижалари саноатга татбиқ этилди (аммиак синтези, туз қазиб олиш, баъзи металлургия процесслари, ҳайдаш, ректификация ва б.).

19- аср охирлари ва 20- аср бошларида табиёт фанлари соҳасидаги йирик кашфиётлар — рентген нурлари, электрон, радиоактивлик ҳодисасининг очилиши, спектроскопиянинг ривожланиши Ф. к. нинг янги босқичи учун замин яратди. Электронларнинг атом ва молекулаларда ҳаракатланиши қонунларининг (*квант механика* қонунлари) очилиши квантлар кимёсининг яратилишига олиб келди, бу ўз навбатида кимёвий боғланиш, валентлик, кимёвий бирикмаларнинг тузилишини янгича талқин қилиб беришга имконият туғдирди.

20- асрнинг 20- йилларидан бошланган ҳозирги Ф. к. нинг ўзига хос асосий йўналиши турли физикавий экспериментал тадқиқот методларининг қўлланилишидан, кимёвий реакцияларнинг молекуляр механизмини муфассал тушунтириб беришдан иборат бўлди. Ф. к. анорганик, органик ва аналитик кимё соҳасидаги тадқиқотлар учун ҳам, *кимёвий технология*ни ишлаб чиқиш учун ҳам назарий асос яратиб берди. 50—70- йилларда Ф. к. нинг кўпгина соҳалари тез ривожланди ва молекулалар, ионлар, радикалларнинг турли кимёвий ва физикавий процесслардаги табиатини муфассал ўрганиш б-н боғлиқ бўлган янги йўналишлар вужудга келди. Диссоциация, ионизация ва фотоионизация энергияси тадқиқ қилинди. Электр разрядларидаги реакциялар, қуйи температурали плазмадаги процесслар (*плазмалар кимёси*), сирт ҳодисаларининг қаттиқ жисмлар хоссасига таъсири (*физик кимёвий механика*) муваффақиятли ўрганилди, полимерлар Ф. к. си, газлар электрохимияси ва б. ривожланди.

Ад.: Глесстон С., Теоретическая химия, Пер. с англ., М., 1950; Мельвин-Хьюз Э. Л., Физическая химия, Пер. с англ., кн. 1—2, М., 1962; Курс физической химии, 2 изд., М., 1969—73; Соловьёв Ю. И., Очерки по истории физической химии, М., 1964.

ФИЗИК КИМЁВИЙ АНАЛИЗ — системанинг физикавий хоссаси б-н унинг таркиби ўртасидаги боғлиқликни ўрганадиган *кимёвий термодинамика* методи. Ф. к. а. га 19- асрда АҚШ олими Ж. Гиббс, Д. И. *Менделеев*, Я. *Вант-Гофф* асос солган. Ф. к. а. да системанинг турли физикавий хоссаси, кўпинча *фаза ўтиш* т-раси ва б. иссиқлик хоссалари (иссиқлик ўтказувчанлиги, иссиқлик сиғими, иссиқликдан кенгайиши), электр (электр ўтказувчанлиги, диэлектрик сингдирувчанлиги), оптик (синдириш кўрсаткичи), зичлик, қовушоқлик, қаттиқлик каби хоссалари ўрганилади. Текширилаётган объектнинг рентген структура анализи, микроскопик металлография ва б. методлар б-н аниқланадиган структура характеристикасидан ҳам кенг фойдаланилади.

Ф. к. а. нинг асосий усули — хосса (таркиб) ўзгариши б-н ҳолат ўзгариши (таркиб — т-ра, таркиб — босим ва ҳ. к.) нинг геометрик анализига асосланган. Чунки *фазалар мувозанат*ларини аналитик аниқлаш жуда машаққатли бўлиб, фазалар соҳасини тақрибан аниқлай олади. Диаграммаларнинг геометрик анализ қилиш методи фаза структураси ва таркибининг ўзгаришини тўғри аниқлашга имкон берадиган бирдан-бир метод ҳисобланади. Бу Ф. к. а. нинг баъзи кўп фазали, кўп компонентли системалар — қотишмалар, минераллар, эритмалар, карбидлар, оксидлар, ярим ўтказгич ва ўта ўтказгич материаллар, органик бирикмалардан ҳосил бўлган системалар ва б. ни тадқиқ қилувчи муҳим методга айланишига йўл очади.

ФИЗИК КИМЁВИЙ МЕХАНИКА — ҳозирги замон *коллоид кимёси* бўлими; дисперс системалар ва материаллар структура-механик хоссаларининг фазалар ажралиш чегарасидаги физик кимёвий ҳодисаларга боғлиқлигини ўрганади. Ф. к. м. 20- асрнинг 30—40- йилларида пайдо бўлиб, совет олимлари ва П. А. *Робиндер*нинг ишлари туфайли 50- йилларда мустақил фан ҳолида таркиб топди. Ф. к. м. коллоид кимёнинг бошқа соҳалари (сирт ҳодисалари, сирт кучлари ва ҳ. к.) ҳамда молекуляр физика, реал қаттиқ жисм физикаси ва физик кимёси, полимер материалларнинг физик кимёси, реология, механохимия, геология ва биология фанларининг бир қанча бўлимлари б-н чамбарчас боғлиқ.

Ф. к. м. нинг ўрганадиган соҳаси табиий дисперс системалар (тоғ жинслари, тупроқ, ўсимлик ва ҳайвон тўқималари), турли технологик процесслардаги дисперс системалари (порошоклар, пасталар, суспензиялар, мас., бурғилашда ишлатиладиган ювувчи эритмалар, эмульсиялар, сурков-совитувчи суюқликлар) ва саноатда ишлатиладиган турли материаллар (инструментал, конструкцион, қурилиш материаллари) дир. Ф. к. м. бу система ва материаллар учун характерли бўлган гетероген макро ёки микро бир жинсли бўлмаган тузилишни текширади. Бундай система ва материаллар ўзаро боғланган, ўлчами турлича бўлган заралар (глобуллар, доналар, толалар ва ҳ. к.) дан иборат.

—

Ф. к. м. нинг умумий принциплари асосида дисперслаш ва дисперс системалар хоссаларини бошқариш методлари ишлаб чиқилди ва улар қуйидаги соҳаларда: 1) гетероген кимёвий технология процесслари (мас., қоғоз ишлаб чиқаришда, тўқимачилик ва лак-бўёқ саноатида, хамир ва кондитерлик маҳсулотлари ҳамда ёнилғи композициялари тайёрлашда ва б.); 2) турли материаллар, мас., керамикалар, катализатор ва сорбентлар, турли полимер материаллари тайёрлашда, цемент қоришмасини қотиришда, асфальт-бетон, қолип тупроғи, порошокли металлургия учун композициялар тайёрлашда; 3) кўпгина процесслари енгиллатишда, мас., талқонлаш, қаттиқ кон жинсларини бурғилаш, рудаларни бойитишдан олдин майдалаш, қирқиб ишлов беришда; 4) металларга босим остида ишлов беришда, машиналар, механизмлар ва асбобларнинг ишқаланиш бўғинларини ишлатишда кенг қўлланилмоқда.

ФИЗИК КИНЕТИКА — назарий физика бўлими. *Термодинамик мувозанат* ҳолатидан чиқарилган системадаги макроскопик процесслари ўрганади. Ф. к. мувозанатсиз процесслар термодинамикаси, *газлар кинетик назарияси*, қаттиқ жисмларда кўчиш процесслари назарияси, статистик кинетика ва б. назарияларни ўз ичига олади. Мувозанатсиз ҳолатларнинг вақт ўтиши б-н ўзгариш йўли модданинг конкрет микроскопик хоссаларига, яъни ундаги атом ва молекуляр ўзаро таъсирга кучли равишда боғлиқ бўлади. Мувозанатсиз ҳолатлар учун термодинамик мувозанат ҳолатлар назариясидаги каноник тақсимотга ўхшаш универсал функция мавжуд эмас.

Ҳар қандай кинетик жараён тезлиги унинг *релаксация* вақти б-н характерланади. Бундай вақт сифатида термодинамик мувозанатнинг ўрнатилиши учун зарур вақт оралиғи тушунилади.

Жараёнларнинг жуда муҳим турини релаксация вақти молекуляр ўзаро таъсир (тўқнашув) нинг икки кетма-кет акти орасидаги вақтга нисбатан жуда катта бўлган, яъни секин ўтадиган кинетик жараёнлар ташкил этади. Буларга иссиқлик ўтказувчанлик (т-раларнинг тенглашиш жараёнлари), диффузия (аралашмалардаги концентрацияларнинг тенглашиш жараёнлари), ички ишқаланиш, турли термоэлектрик жараёнлар ва б. киради: уларнинг секинлиги шу б-н боғлиқки кузатилаётган макроскопик ҳодиса (мас., диффузия пайтида концентрациянинг сезиларли тенглашуви) га фақат жуда кўп сондаги молекуляр тўқнашувлар натижасидагина эришилади. Секин кечадиган кинетик жараёнлар учун «кинетик коэффициентлар симметриясн» деб аталадиган умумий принцип ўринли бўлиб, у қуйидагидан иборат: $x_1, x_2, x_3, \ldots$ — мувозанатсиз физик системани характерловчи макроскопик миқдорлар, S — система *энтропия*сн бўлсин. Системанинг мувозанатсизлиги туфайли x_l лар вақт ўтиши б-н ўзгаради, бунда секин кечадиган кинетик жараёнлар учун уларнинг ўзгариш тезлиги $\frac{dx_l}{dt}$ нисбатан кичик. Мувозанат ҳолатида бу тезлик ва ҳосила $\frac{dS}{dx_k}$ лар нолга айланади.

Тезликлар $\frac{dx_l}{dt}$ ни $\frac{dS}{dx_k}$ миқдорлар орқали ифодаловчи $\frac{dx_l}{dt} = \Sigma\gamma_{lk}\frac{dS}{dx_k}$ муносабатлардаги γ_{lk} коэффициентлари кинетик коэффициентлар дейилади. Турли-туман кинетик жараён тенгламалари шу кўринишга келтирилади; мас., иссиқлик ўтказувчанлик ва диффузия учун $\frac{dx_l}{dt}$ миқдорлар — иссиқлик оқими ва модданинг диффузия оқими векторининг компонентлари, $\frac{dS}{dx_k}$ миқдорлар эса т-ра ва концентрация градиентига боғлиқ. Термоэлектрик ҳодисалар учун $\frac{dx_l}{dt}$ сифатида иссиқлик оқими ва электр токини тушуниш мумкин, тегишли $\frac{dS}{dx_k}$ лар эса иссиқлик градиенти, электр майдони кучланганлиги ва б. ни ифодалайди. *Симметрия* принципига мувофиқ, кинетик коэффициентлар $\gamma_{lk} = \gamma_{kl}$. Шунга кўра термоэлектрик ҳодисаларнинг турли коэффициентлари, турли термодиффузия коэффициентлари ва б. орасида муҳим боғланишлар бор.

Кинетик коэффициентлар ўртасидаги боғланишлар ва бу коэффициентларнинг берилган қийматлари ёрдамида кинетик жараёнларнинг вақт бўйича ривожланиш йўлини белгилаш б-н бир қаторда физик кинетиканинг энг муҳим вазифаси — турли конкрет ҳоллар учун кине-

тик коэффициентларни ҳисоблаш, шу жумладан, уларнинг жисм т-раси, зичлиги ва б. катталикларга боғлиқлигини аниқлашдир. Бу масалаларни умумий ечиш методи кинетик тенгламаларни қўллашдан иборат.

Ад.: Гуревич Л. Э., Основы физической кинетики, М.—Л., 1940; Ландау Л. Д., Лифшиц Е. М., Статистическая физика (Классическая и квантовая), М., 1951; Ландау Л. Д., Лифшиц Е. М., Электродинамика сплошных сред., 2 изд., М., 1959; Пайерлс Р. Е., Квантовая теория твердых тел. Пер. с англ., М., 1956.

ФИЗИК МАЯТНИК — куч таъсирида қўзғалмас ўқ ёки нуқта атрофида тебранадиган қаттиқ жисм (қ. *Маятник*).

ФИЗИКА (юнон. phisis — табиат) — табиат ҳақидаги умумий фан. Ф. ўрганадиган объектлар тарихий ривожланиш жараёнининг турли даврларида турлича бўлган. Айниқса ҳозирги замон Ф. си мураккаб ва кўп тармоқли фан бўлиб, у материянинг тузилиши, ҳаракати, ўзаро таъсирининг умумий хусусиятларини ўрганади. Бу хусусиятлар барча моддий системаларга хос. Турли ва конкрет моддий системаларда материя шаклларининг мураккаблашган ўзаро таъсирига тегишли махсус қонуниятларни *кимё, геология, биология* сингари айрим табиий фанлар ўрганади. Бинобарин Ф. б-н бошқа табиий фанлар орасида боғланиш бор. Шунингдек, Ф. фани *техника*нинг назарий пойдеворини ташкил қилади. Ф. нинг ривожланишида кишилик жамиятининг ривожланиши, тарихий даврларнинг ижтимоий-иқтисодий ва б. шарт-шароитлари маълум аҳамиятга эгадир.

Ф. фани экспериментал ва назарий Ф. га бўлинади. Экспериментал Ф. тажрибалар асосида янги маълумотлар олади ва қабул қилинган қонунларни текширади. Назарий Ф. табиат қонунларини таърифлайди, ўрганиладиган ҳодисаларни тушунтиради ва юз бериши мумкин бўлган ҳодисаларни олдиндан айтиб беради. Амалий Ф. ҳам мавжуд (мас., амалий оптика ёки амалий акустика). Ҳозирги кун Ф. си бир-бири б-н ўзаро боғланган *механика* ва *акустика, молекуляр физика, электр, магнетизм, оптика, атом физикаси* ва *ядро физикаси* каби бўлимларни ўз ичига олади.

Ф. ни турли бўлимларга ажратиш мумкин. Мас., ўрганиш объектлари бўйича Ф. элементар зарралар Ф. сига, газ ва суюқлик Ф. сига, қаттиқ жисмлар Ф. сига, атом ва молекулалар Ф. сига, плазма Ф. сига, ядро Ф. сига бўлинади. Ўрганиладиган процессларга ва материянинг ҳаракат шаклларига қараб, Ф. механика, *статистик физика, термодинамика, электродинамика, нисбийлик назарияси, квант механика, майдоннинг квант назарияси*ни ўз ичига олади.

Ф. нинг тарихий ривожланиши. Ф. тарихини уч даврга бўлиб ўрганиш мумкин: 1) қадимги замондан 17- асргача бўлган давр; 2) 17- асрдан 19- аср охиригача бўлган давр. Бу даврдаги Ф. одатда классик Ф. номи б-н юритилади. 3) 19- аср охиридан ҳозирги пайтгача бўлган давр. Ҳозирги замон Ф. си (ёки энг янги Ф.) шу даврга мансуб. Табиатни ва унда юз берадиган ҳодисаларни ўрганиш одамзодни қадимдан қизиқтириб келган. Турли ҳодисаларни ва уларнинг сабабини ўрганиш қадимги замон олимларининг бизгача етиб келган асарларида акс этган. Қадимги олимлар томонидан атомлар ҳақидаги дастлабки тушунча ва тасаввурлар яратилди (*Демокрит, Левкипп, Эпикур, Лукреций*), электр ва магнит ҳодисалари кузатилди (*Фалес*), акустика (*Пифагор*), *статика* ва *гидростатика*нинг ривожланишига асос солинди (*Архимед*), *геоцентрик система* ишлаб чиқилди (*Птолемей*), ёруғликнинг тушиш ва қайтиш ҳодисалари кузатилди.

Ф. нинг ривожланишига *Аристотель* салмоқли ҳисса қўшди. У ўтмиш авлодлар ва замондошларининг ишларига якун ясади. Аристотелнинг ижоди ютуқлар б-н бирга камчиликлардан ҳам холи эмас, мас., у геоцентрик система тарафдори бўлган. У ҳаракатнинг табиатини тушунтиришда жисмга таъсир тўхтатилса, ҳаракат ҳам тўхтайди, деган нотўғри хулосага келган. Аристотель атомизм ва б. тараққийпарвар ғояларга қўшилмаган. Тажриба ва назарияга тўлиқ амал қилмасдан у Ф. ни кўпроқ мантиқий фан ўрнида кўрган. Аристотель ижодининг баъзи томонлари диний дунёқарашларга қўл келиб, фан ривожланишига катта тўсқинлик кўрсатди.

9—16- асрда илмий изланишлар маркази Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларига силжиди.

Ўрта аср фани, жумладан Ф. нинг, ривожланишида Закавказье ва Ўрта Осиё олимлари улкан ишлар қилдилар. Ф., *математика, астрономия* ва табиатшуносликка оид масалалар *Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Улуғбек, Али Қушчи* ва б. Ўрта осиёлик олимларнинг ишларида ўз аксини топган. Бу олимларнинг Ф. га оид илмий ишлари механика, *осмон механикаси*, оптика ва турли табиат ҳодисаларини ўрганиш б-н боғлиқдир.

Беруний Ернинг ўз ўқи атрофида айланишини ўзи ясаган асбоблар ёрдамида исботлади ва Ер радиуси 6490 *км* га яқин эканлигини аниқлади. У ёнғингарчиликнинг табиатини, булоқлар пайдо бўлишини тўғри тушунтирди, кахрабодан бошқа қатор жисмларнинг электрланишини кўрсатди, рангларнинг турли табиати тўғрисида фикрлар юритди.

Физик ҳодисаларни тушунтиришда Ўрта Осиёлик олимлар қилган ишларда материалистик тенденцияни кузатиш мумкин. Уларнинг мулоҳазалари қадимий анъаналар таъсирида ривожланган бўлса-да, улар математик усулларни кенг жорий этиб, тажрибалардан фойдаланиб фан ва Ф. ни юқори погонага кўтардилар.

Классик физиканинг ривожланиши. 15—16- асрларда Ғарбий Европада янги иқтисодий тузум — капитализм ўрнатилиши б-н ишлаб чиқариш, ҳунармандчилик техникаси, кемасозлик ва артиллериянинг ривожланиши Ф. да тажрибалар ва эксперимент усулларни кенг қўлланилишига замин яратиб берди. 17- асрда тажрибалар систематик характерга эга бўлиши туфайли Ф. кўп ютуқларни қўлга киритабошлади. Г. *Галилей* 17- асрнинг биринчи ярмида механик ҳаракатни тажриба йўли б-н ўрганиб, математик формулалар асосида таърифлаб берди. У жисмларнинг ўзаро таъсири натижасида тезлик ўзгариб, тезланиш ҳосил бўлишини, таъсир бўлмаганда ҳаракат ҳолатининг ўзгармаслигини (яъни тезланишнинг нолга тенглигини, ёки тезликнинг ўзгармасдан сақланишини) қайд этиб, Аристотелнинг шу масалага қарашли фикрини, яъни таъсир натижасида тезлик ҳосил бўлишини инкор этди. Кейинчалик Галилей аниқлаган қонун *инерция қонуни* ёки Ньютоннинг механикага оид биринчи қонуни деган ном олди. Галилей механикадаги *нисбийлик принципини, эркин тушиш тезланиши* жисмларнинг масса ва зичлигига боғлиқ эмаслигини аниқлади. У 16- асрда Н. *Коперник* томонидан яратилган дунёнинг тузилиши ҳақидаги гелиоцентрик таълимотни қўллади, ўзи ясаган биринчи телескоп ёрдамида ойдаги тоғларни, Юпитер планетаси йўлдошларини топди, дастлабки термометрни кашф қилди. Натижада иссиқлик ҳодисаларини ўрганишга кенг имкониятлар туғилди.

Э. *Торичелли* атмосфера босимининг мавжудлигини ва унинг қийматини тажрибада аниқлаб, биринчи барометрни лойиҳалади. Шу пайтларда инглиз олими У. Гильберт магнит ва электр ҳодисаларини ўрганиб, муҳим масалаларни ҳал қилди. У компас магнит стрелкасининг бурилишини Ерни катта магнитга ўхшатиш орқали тушунтирди, магнетизм ва электрнинг ўзаро боғланишини текширди.

17- аср Ф. сининг энг катта ютуқларидан бири классик механиканинг яратилишидир. И. *Ньютон* Галилей ва ўз замондошларининг ғояларини умумлаштириб, механиканинг асосий қонунларини таърифлаб берди. Кейинчалик, бу қонунлар узоқ йиллар давомида Ф. нинг асосий мазмунини ташкил этди. Ньютон планеталар ҳаракатини тушунтирувчи *Кеплер қонунлари* асосида бутун олам тортишиш қонуни (*Ньютоннинг тортишиш қонуни*)ни очишга муваффақ бўлди. Бу қонун ёрдамида Қуёш системасидаги планеталар ва кометаларнинг ҳаракатини ҳисоблаш, денгиздаги сув сатҳининг пасайиши ва кўтарилишини тушунтириш мумкин. Шу йилларда Х. *Гюйгенс* ва Г. *Лейбниц* ҳаракат миқдорининг сақланиш қонунини таърифладилар.

17- асрнинг иккинчи ярмида *геометрик оптика*нинг ривожланиши, турли оптик қурилмаларнинг яратилиши физик оптикани ривожлантирди. Ёруғлик дифракцияси (Ф. Гримальди) ва дисперсияси (И. Ньютон) аниқланди, *ёруғлик тезлиги* (О. Рёмер) ўлчанди. Бу даврда ёруғликнинг табиати тўғрисида икки хил назария пайдо бўлди. И. Ньютон ёруғликни корпускулалар (зарралар) ҳаракати орқали тушунтирса, Х. Гюйгенс ёруғликни фараз қилинувчи муҳитда — эфирда тарқаладиган тўлқинлар ёрдамида тушунтирди.

Шундай қилиб, 17- асрда классик механика мустаҳкам ўрин эгаллади, акустика, оптика, электр ва магнетизм, иссиқлик ҳодисаларини ўрганиш соҳаларида катта изланишлар бошланди.

18- асрга келиб тажриба ва математикадан кенг фойдаланган классик механика ва осмон механикаси янада тез суръатлар б-н ривожланди. Ер ва Осмон ҳодисаларини механика қонунлари орқали тушунтириш асосий мақсад ва бош таълимот ҳисобланар эди. Ҳатто, агар ўрганилаётган физик ҳодисани механика қонунлари орқали тушунтириш мумкин бўлмаса танланган тушунтириш йўли тўлиқ эмас ёки нотўғри деб юритилар эди.

18- асрда зарралар ва қаттиқ жисмлар механикаси б-н бир қаторда газ ва суюқликлар механикаси ривожланди, гидродинамика асослари яратилди (Д. *Бернулли*, Ж. *Лагранж*). Электр соҳасида кўп ютуқлар қўлга киритилди. Француз физиги Ш. Дюфе икки тур электрнинг мавжудлигини аниқлади ва уларнинг ўзаро тортилиши ёки итарилишини кўрсатди. Америкалик олим Б. Франклин электр зарядининг сақланиш қонунини таърифлади. Инглиз физиги Г. Кавендиш ва Ш. *Кулон* қўзғалмас зарядларнинг ўзаро таъсир кучини тажрибада аниқладилар ва математик ифодасини топдилар (қ. *Кулон қонуни*). Рус физиги Г. Рихман, М. В. *Ломоносов*, Б. Франклин атмосферада ҳосил бўладиган электр, яшиннинг табиатини тушунтириб бердилар. А. *Гальвани*, А. *Вольта* ва кейинчалик рус физиги ва электротехниги В. Петровнинг кузатишлари ва тадқиқотлари электродинамиканинг вужудга келиши ва тез суръатлар б-н ривожланишига сабаб бўлди.

Оптика соҳасида француз физиги П. Бугер ва И. *Ламберт* ишлари туфайли *фотометрия*га асос солинди. Инфрақизил ва ультрабинафша нурлар очилди (инглиз оптиги В. Гершель, инглиз кимёгари У. Волластон, Н. Риттер). Иссиқлик ҳодисалари, иссиқлик миқдори, т-ра, иссиқлик сиғими, иссиқлик ўтказувчанлик ва ҳ. к. ларни ўрганишда ҳам қатор изланишлар олиб борилди.

19- аср бошида *интерференция* принциплари яратилди (О. *Френель*, Т. *Юнг* ва француз физиги Д. Араго), қутбланиш ҳодисаси очилди (француз физиги Э. Малюс), ёруғлик спектрига ва дифракциясига тегишли изланишлар олиб борилди. Ёруғликнинг табиати ҳақидаги корпускуляр ва тўлқин назариялари орасида деярли икки аср давом этган кураш тўлқин назарияси фойдасига ҳал бўлди. Электродинамикада Г. *Дэви* ва М. *Фарадей* токнинг кимёвий таъсирини аниқладилар. 1820 йилда дания физиги Х. Эрстед токли ўтказгичнинг компас стрелкаси б-н ўзаро таъсирда бўлишини электр ва магнетизм орасида боғланиш борлиги б-н тушунтирди. Шу йилларда А. *Ампер* магнетизмнинг ҳаракатланадиган зарядлар орқали пайдо бўлишини кўрсатди, токли ўтказгичларнинг ўзаро таъсир кучини аниқлаш формуласини топди. 1831 йилда М. Фарадей *электромагнит индукция* қонунини аниқлади, *электромагнит майдон* тушунчаси ҳақидаги таълимотни яратди.

Атомлар назариясига асосланган қаттиқ жисмлар Ф. си ривожлана бошланди, механик куч, иситиш, электр ва магнит, ёруғлик таъсирида рўй берадиган ўзгаришлар кузатилди.

Ф. нинг ривожланишида *энергиянинг сақланиш ва айланиш қонуни*нинг очилиши катта аҳамиятга эга. Бу қонуннинг шаклланиши ва ифодаланишида немис физиги Ю. Р. Майер, Ж. *Жоул* ва Г. *Гельмгольц*ларнинг хизмати диққатга сазовордир. Бу қонун *термодинамика*нинг асосий қонунларидан бири ҳисобланади. Термодинамиканинг ривожланишида С. *Карно*, Р. *Клаузиус*, У. *Томсон*, Э. *Клапейрон* ва Д. И. *Менделеев*ларнинг хизмати катта бўлди. Улар томонидан иссиқликнинг механик ҳаракатга айланиши (С. Карно), термодинамиканинг иккинчи қонунида ифодаланган иссиқлик процессларининг йўналиши (Р. Клаузиус ва У. Томсон), идеал газнинг ҳолат тенгламаси (Р. *Бойл*, француз физиги Э. Мариотт, *Гей-Люссак*, Клапейрон, Менделеев) ва ҳ. к. лар аниқланди. Термодинамика б-н бирга иссиқликнинг молекуляр-кинетик назарияси ривожланиб борди. Ж. К. *Максвелл* киритган эҳтимоллик характерига эга бўлган статистик тушунчалар асосида газлардаги молекулалар тезлиги, *эркин югуриш узунлиги*, вақт бирлиги ичидаги тўқнашишлар сони ва б. катталикларнинг ўртача қийматларини топишга йўл очилди, т-рани молекулаларнинг ўртача кинетик энергиясига боғлиқлиги кўрсатилди. Материянинг кинетик назарияси тараққий эта бошла-

ди. Л. *Больцман* газларнинг кинетик назариясини яратди. Америка физиги Ж. У. Гиббснинг ишлари туфайли классик статистик механика такомиллашган шакл олди.

19-асрнинг иккинчи ярмида Ж. К. Максвелл электромагнит ҳодисаларининг электромагнит майдон тушунчасига асосланган янги назария ва уни ифодаловчи тегишли тенгламалар системасини яратди. У табиатда электромагнит тўлқинларнинг мавжудлигини, уларнинг конкрет хусусиятлари (тарқалиш тезлиги, босими, интерференцияси, дифракцияси, кўндаланглиги, қутбланиши) борлигини, ёруғлик маълум шаклдаги электромагнит тўлқинлардан иборат эканлигини аниқлади. Максвеллнинг электромагнит назарияси Г. *Герц*, П. Н. *Лебедев* ва б. нинг тажрибаларида исботланди. А. С. *Попов* эса шу асосда биринчи симсиз телефон яратди.

Шундай қилиб, 19-аср Ф. си икки бўлимдан — жисмлар Ф. си ва майдон Ф. сидан иборат бўлди. Жисмлар Ф. си асосида молекуляр кинетик назария қабул қилинган бўлса, майдон Ф. сида электромагнит майдон назарияси асосий роль ўйнади.

Классик Ф. модда, вақт, фазо, масса, энергия ва ҳ. к. ҳақидаги махсус тасаввурлар, тушунчалар, қонунлар, принциплардан ташкил топган ва у классик механика, классик электродинамика, классик термодинамика, классик статистика ва б. бўлимларга бўлинади. Классик механикада ҳаракат қонунлари — Ньютон қонунларидан иборат. Моддий нуқта, абсолют қаттиқ жисм, туташ муҳит тушунчалари муҳим роль ўйнайди. Буларга мос тарзда моддий нуқта механикаси, абсолют қаттиқ жисм механикаси, *туташ муҳит механикаси* мавжуд. Классик Ф. даги фазо ва вақт ҳақидаги тасаввурларга мувофиқ, фазо ва вақтнинг материяга дахли йўқ, улар ўзаро боғланмаган моҳиятлардир. Ньютон таълимоти бўйича фазо ва вақт мутлақ ҳисобланади, жисмларнинг ҳаракати фазо б-н вақтга ҳеч қандай таъсир қилмайди, жисмларнинг массаси уларнинг тезлиги б-н боғланмаган, яъни масса жисмнинг моддийлигини характерловчи ўзгармас катталикдир. Жисмларни ташкил қилган зарраларнинг массалари ва умумий миқдори ўзгармасдан сақланади, уларнинг ички тузилиши эътиборга олинмайди. Моддий системаларнинг энергетик ҳолатларидаги ўзгариши узлуксиз равишдагина рўй бериши мумкин.

Кўп амалий ҳолларда қониқарли натижалар берадиган классик Ф. катта тезликлар ва микрообъектлар б-н боғлиқ ҳодисаларни тўғри тушунтиришда ожизлик қилди. Шундай ҳодисалар қаторига қаттиқ жисмларнинг иссиқлик сиғими, атом системаларининг тузилиши ва улардаги ўзгаришлар характери, элементар зарраларнинг ўзаро таъсири ва бир-бирларига айланиши, микросистемалардаги энергетик ҳолатларнинг узлукли ўзгариши, массанинг тезликка боғлиқлиги ва б. масалалар киради. Ф. нинг янги тараққиёти юқоридагига ўхшаш ҳодисаларни ҳам тўғри тушунтириб бера олади-ган янги, ноклассик тасаввурларга олиб келди. Бундай тасаввурларга асосланган янги Ф. нисбийлик назарияси б-н квантлар назариясидан иборат.

Ф. нинг классик ва ноклассик Ф. га ажратилиши шартлидир. Галилей—Ньютон механикаси, Фарадей—Максвелл электродинамикаси, Больцман—Гиббс статистикасини, одатда, классик Ф. га, квантлар назарияси ва нисбийлик назариясини ҳозирги замон Ф. сига киритишади. Тарихий жиҳатдан бу ҳақиқатдан ҳам шундай. Аммо классик Ф. б-н ҳозирги замон Ф. сини бир-бирига қарши қўйиш асоссиздир. Янги техника, космосни эгаллаш каби соҳаларда классик Ф. дан кенг фойдаланиб муҳим ютуқларга эришилмоқда.

Ҳозирги замон физикаси. 19-аср охирида аниқланган қатор янгиликлар (электроннинг очилиши, электрон массасининг тезлик ўзгариши б-н ўзгариши, ҳаракатланувчи системаларда электромагнит ҳодисаларининг рўй бериши-даги қонуниятлар ва б.) Ньютоннинг фазо ва вақт абсолютлиги тўғрисидаги тасаввурларини танқидий текшириб чиқиш кераклигини кўрсатди. Ж. *Пуанкаре*, Х. А. *Лоренц* каби олимлар бу соҳада тадқиқотлар олиб боришди, 1905 йилда А. *Эйнштейн* хусусий нисбийлик назариясини яратди.

Эйнштейн бутун олам тортишиш (гравитация) масаласи б-н шуғулланиб, 1916 йилда фазо, вақт ва тортишишнинг янги назарияси — умумий нисбийлик назариясини таклиф қилди. Илгаридан маълум ва кузатилган, аммо тўғри ва мукаммал илмий тушунтирилмасдан қолиб келаётган қатор ҳодиса ва фактлар нисбийлик назарияси туфайли ҳар томонлама ойдинлашди. Бу назария ўзига қадар фанга, техникага маълум бўлмаган кўплаб янги ҳодисалар, қонунларнинг борлигини олдиндан айтиб берди, энг янги фан, техника учун ғоят зарур бўлган натижа ва хулосаларга эришилди (массанинг тезлик ўзгариши б-н ўзгариши, масса б-н энергиянинг ўзаро боғланиши, ёруғлик нурларининг космосдаги жисмларнинг яқин атрофидан четланиб оғиши ва б.). 1900 йилда М. *Планк* нурланиш энергияси узлуксиз қийматларга эга деган классик фикрни рад қилиб, бу энергия фақат узлукли қийматлар (квантлар) дангина иборат деган бутунлай янги таълимот яратди. Бу таълимотни Эйнштейн кенгайтирди. Унинг фикрича ёруғлик нурланганда ҳам, тарқалганда ҳам квантлар — махсус зарралардан ташкил топади, бу зарралар *фотонлар* деб аталади. Ёритилган жисмлардан электронлар отилиб чиқиш ҳодисаси (фотоэффект) шу фотонлар назарияси асосида тушунтирилди.

Шундай қилиб, фотонлар назариясига мувофиқ ёруғлик тўлқин (интерференция, дифракция) ва зарра (корпускуляр) хусусиятларга эга. Тўлқин ва зарра хусусиятларининг ўзаро бирга бўлиши корпускуляр-тўлқин дуализми деб юритилади.

1911 йилда Э. *Резерфорд*нинг α-зарралар сочилишини текшириш тажрибаси атомнинг планетар моделини яратишга олиб келди. Бу моделга кўра атом марказида *ядро* деб ном олган мусбат электрланган зарра ва унинг атрофида айланадиган манфий электрланган зарралар — *электрон*лардан иборат бўлиб, аниқ ҳолатга тегишли электрон орбитасининг радиуси узлуксиз равишда ўзгариши мумкин эканлиги кўзда тутилар эди.

1913 йилда Н. *Бор* нурланишнинг квант характери асосида атомлардаги электронлар маълум стационар ҳолатларгагина эга бўлиб, бу ҳолатларда энергия нурланиши содир бўлмайди, деган постулатни яратди. Нурланиш электронларнинг бир стационар ҳолатдан иккинчи стационар ҳолатга «сакраб ўтиш»ида, яъни дискрет равишда рўй беради. Бу постулат ўша йили Ж. Франк ва Г. Герц ўтказган тажрибаларда тасдиқланди. Бор постулати атомнинг планетар модели квант характерга эга эканлигини кўрсатди.

20-асрнинг бошларида квантлар назариясига асосланган қаттиқ жисмлар Ф. сида ҳозирги замон тасаввурлари яратила бошланди. Қаттиқ жисмлар Ф. си тез суръатлар б-н ривожланди, натижада техникада муҳим ютуқларга эришилди.

Ёруғликнинг қарама-қарши хусусиятлари — тўлқин ва зарра хусусиятлари моддага нисбатан ҳам мавжуд эканлиги ҳақидаги фикрни *Бройль* илгари сурди (1924). 1927 йилда тажрибаларда кузатилган электрон дифракцияси бу фикрни аниқ исботлади.

Йигирманчи йиллар охирида моддий зарраларнинг асосий хусусиятлари ҳақидаги энг янги физик таълимот — тўлқин механика ёки *квант механика* вужудга келди. Квант механиканинг моҳиятини математик жиҳатдан ифодаловчи дифференциал тенглама Шрёдингернинг тўлқин тенгламаси номи б-н машҳурдир. Квант механика б-н бир қаторда *квант статистика* ҳам ривожланиб борди. У кўп микрозарралардан ташкил топган системаларнинг хоссаларини квант механика қонунлари ёрдамида ўрганади.

Ш. *Бозе* ва А. Эйнштейн идеал газ зарралари энергиясининг тақсимланиш қонунини топдилар.

1925 йилда америкалик физиклар Ж. Уленбек ва С. Гаудсмит электроннинг хусусий ҳаракат миқдори моментини (*спинни*) аниқладилар. Шу йили В. *Паули* бир хил квант ҳолатда фақат биттагина электрон бўла олишини айтиб берди (*Паули принципи*), шу асосда *Менделеев даврий системаси*га назарий тус берилди.

1926 йилда Э. *Ферми* ва П. *Дирак* Паули принципига бўйсунадиган электронлар системаси учун *Ферми—Дирак статистикаси*ни яратишди.

1928 йилда А. *Зоммерфельд* ўз ишлари б-н кинетик ҳодисаларнинг квант назариясини яратиб, қаттиқ жисмларни характерлайдиган электр, иссиқлик ўтказувчанлик, термоэлектр ва б. ҳодисаларни тушунтириб берди. Шу йили Дирак электроннинг квант назариясига асосланган ҳаракат тенгламасини топди, бу тенгламадан спин катталигининг келиб чиқишини кўрсатди.

19-аср охирларида *радиоактивликни (Беккерель)*, оғир атомларнинг радиоактив ўзгаришларининг топилиши (П. *Кюри* ва М. *Склодовская-Кюри*лар) атом ядроси б-н боғлиқ бўлган Ф. нинг ривожланишига кенг йўл очиб берди. 1919 йилда Э. Резерфорд радиоактив ўзгаришларнинг табиатини ўрганиб чиқди, азотни α-нурлар таъсирида кислородга ўтишини кузатди. 1932 йилда Ж. *Чедвик* нейтронни очди, совет физиги Д. Д. Иваненко ҳамда В. *Гейзенберг* атом ядросининг протон ва нейтронлардан иборат эканлигини аниқлади.

1934 йилда француз физиклари И. *Жолио-Кюри* ва Ф. *Жолио-Кюри*лар сунъий радиоактивлик ҳодисасини очдилар. 20-асрнинг 40—50-йилларида занжир реакцияси амалга оширилди, атом ядросининг парчаланиши кашф этилди (атом бомбаси яратилди), атом станцияларини қурилди, термоядро синтез реакцияси кузатилди ва ҳ. к. Ф. нинг муҳим соҳаларидан бири элементар зарралар Ф. си ҳам тез суръатлар б-н ривожланди. Қосмик нурларни ўрганиш янги элементар зарралар (*мюонлар, Пи-мезонлар, К-мезонлар, гиперонлар, нейтрино* ва б.)нинг топилишига олиб келди. Бу зарраларнинг текширилиши ўз навбатида элементар зарралар тузилишининг мураккаблигидан дарак бермоқда. Элементар зарралар ва уларнинг ўзаро таъсири тўғрисида майдоннинг квант назарияси фани махсус шуғулланади.

Ҳозирги замон Ф. сида ғоят муҳим иккита доимий катталиклар — константалар бор: нисбийлик назариясида бўшлиқдаги ёруғлик тезлиги ҳамда квант механикада импульс кванти (*Планк доимийси*). Ҳозирги замон Ф. си нуқтаи назаридан, классик Ф. нинг татбиқ қилиниш соҳаси чегараланган. Системаларга тегишли ҳаракат тезлиги бўшлиқдаги ёруғлик тезлигидан жуда кичик ва ҳаракат миқдори моменти Планк доимийсидан жуда катта бўлган ҳоллардагина классик Ф. қонуниларидан фойдаланиш мумкин. Механика, *электродинамика*, термодинамика, квант механика, туташ муҳит механикаси, статистик физика, нисбийлик назарияси, майдоннинг квант назарияси, симметрия назарияси ҳозирги замон назарий Ф. сининг асосий тармоқлари ҳисобланади. Экспериментал Ф. олдида турган масалаларни ечиш учун мураккаб қурилмалар, турли ўлчаш ва ҳисоблаш техникаси зарур. Ҳозирги замон Ф. сининг элементар зарралар Ф. си, *радиоастрономия*, қаттиқ жисмлар Ф. си ва б. соҳаларида изланишлар ўтказилмоқда. Зарядланган зарралар ҳаракатини тезлаштирадиган қурилмалар — тезлатгичлар, Черенков счётчиклари, фотокўпайтиргичлар ва б. ядро ва элементар зарралар Ф. сида муҳим роль ўйнаб келмоқда.

Қалин қатламли эмульсияларда, пуфакли ёки учқунли камералар ёрдамида, зарралар ўтиши натижасида ҳосил бўладиган излар ёрдамида микродунё тўғрисидаги тасаввурларни бойитиш мумкин бўлди. Зарядланган зарралар тезлатгичи ёрдамида нуклонларнинг ички тузилиши ўрганилди ва уларнинг мураккаб тузилиши аниқланди. *Радиофизика*нинг ютуқлари кейинги йилларда космик изланишларга онд ишларни бажаришда катта хизмат кўрсатмоқда. Ҳозирги қурилмалар жуда узоқ масофаларда радиоалоқа ўрнатиш имкониятини яратди. *Радиотехника*, *электротехника* ва оптик датчиклар ёрдамида муҳим ютуқларга эришилди. *Яримўтказгич*лар Ф. сининг ривожланиши радиофизиканинг изланиш чегараларини янада кенгайтирди. *Радиолокатор*лар ва *радиотелескоп*лар ёрдамида баъзи планеталар (Ер, Ой, Венера) ва Қуёш тўғрисида қўшимча материаллар олинди, радиоюлдузлар ва *радиогалактика*лар очилди. Кристаллар структурасини ўрганишда рентген нурлари ва нейтронларнинг тўлқин хоссалари асосида қурилган дифрактометр, *электрон микроскоп* ёрдамида катта ютуқлар қўлга киритилди. Модда хусусиятларини ўрганишда совет физиги Е. К. Завойский, америкалик физик Ф. Блох, Р. *Мёссбауэр* томонидан очилган далилларга асосланган ўлчов ва кузатиш қуроллари муҳим роль ўйнаб келмоқда. Қаттиқ жисмлар, суюқликлар, газларнинг тузилишларини ўрганишда турли спектроскопик усуллардан фойдаланиш қўл келади (инфрақизил спектроскопия, *радиоспектроскопия*, акустоспектроскопия ва б.).

Ф. нинг бошқа фанлар б-н алоқаси. Ф. философия б-н узвий боғланган. Ф. тараққиётида

материализм б-н идеализм, диалектика б-н метафизика кураши тарихий даврларга қараб турлича шаклланди. Идеалистик қарашлар б-н курашиш натижасида Ф. ютуқларига асосланган материалистик қарашлар ривожланди. Материалистик философиянинг тараққиёти Ф. нинг назарий ва экспериментал ютуқларида ўз ифодасини топмоқда.

Ф. текширадиган ҳодисаларни миқдорий таҳлил қилишда математикадан кенг фойдаланилади. Ҳодисаларнинг ўтиши ва уларнинг табиатидаги мураккабликка қараб, қўлланиладиган математика усуллари ҳам мураккаблашади. Ҳозирги даврда элементар математика, дифференциал, интеграл ҳисоблар, аналитик геометрия, оддий дифференциал тенгламалар б-нгина чекланиб қолиш мумкин эмас. Майдон назарияларида кенг кўламда тензорлар, вариациялар, операторлар, функционаллар, группалар каби янги тушунчаларни ўз ичига олган ҳозирги замон математика таълимотлари Ф. тадқиқотларида доимий ишлатиладиган усуллар қаторига кириб бормоқда.

Ф. нинг ривожланиши ҳамма вақт бошқа табиий фанлар б-н чамбарчас боғлиқ бўлиб келган. Унинг ўзаро ривожланиши *биофизика, кимёвий физика, астрофизика, геофизика* ва б. фанларни яратишга олиб келди. Электрон микроскоп, рентгеноструктура анализи қурилмаларидан фойдаланиш биология ва кимёда молекула ва ҳужайраларни визуал кузатиш, кристалларнинг тузилиши, мураккаб биологик системаларни ўрганишда қимматбаҳо маълумотларни берди. Квант назария кимёвий боғланишлар табиатини ва кимёвий реакциялар кинетикасини ўрганишда муҳим роль ўйнамоқда. Радиофизика ва *электроника*нинг ривожланиши *радиоастрономия*нинг пайдо бўлишига олиб келди, астрофизикада кўплаб ютуқлар қўлга киритилди. *Ультратовуш* ва *лазер*ларнинг ихтиро этилиши медицина диагностикаси ва *терапия*да хизмат қилмоқда. Ядро физикаси геологияда, ер қазилмаларини аниқлашда кенг қўлланилмоқда. А. Ф. *Иоффе* айтганидек «бугунги физика-эртанги техника». Электротехника, радиотехника, *радиоэлектроника, космонавтика, гелиотехника,* қурилиш техникаси ва ҳарбий техника ҳам Ф. б-н чамбарчас боғланган. Элементар зарралар б-н ядро Ф. сининг ривожланишини тезлатгичларсиз ва ядро реакторларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Яримўтказгичларни ўрганиш радио ва электротехникадан, ўлчаш асбобларидан фойдаланишни кенгайтирди. ЭҲМ Ф. ва техникада олинган натижаларни анализ қилишда иш унумдорлигини кескин оширмоқда.

Узбекистон ССР да ҳозирги замон Ф. фанининг тараққиёти бевосита Улуғ Октябрь Социалистик революциясининг ғалабаси б-н боғланган. Қисқа вақт ичида Москва, Ленинград ва б. илмий марказларнинг ёрдами туфайли Ф. нинг турли соҳаларини ривожлантириш учун илмий база яратилди ва малакали кадрлар тайёрланди. ТошДУ, СамДУ, СССР ФА Ўзбекистон филиалида тадқиқот ишлари олиб борилди.

Ҳозир ЎзССР ФА С. В. Стародубцев номидаги физика-техника илмий тадқиқот ин-ти, Ядро физикаси ин-ти, У. О. Орифов номидаги электроника илмий-тадқиқот ин-ти, қатор илмий текшириш ин-тлари ва олий ўқув юртларида Ф. нинг турли проблемаларини ўрганишга оид ишлар олиб борилмоқда.

Республикамизда ядро физикаси, физик электроника, қаттиқ жисмлар Ф. си, ярим ўтказгичлар Ф. си, юқори энергия ва космик нурлар Ф. си, акустооптика, лазерлар Ф. си, гелиофизика, гелиотехника ва б. соҳаларга оид муҳим ютуқларга эришилди. Кейинги йилларда Ф. тарихи, философияси, методикаси ва терминологияси соҳаларида ҳам қатор ишлар олиб борилмоқда. Узбек олимлари Ф. га оид дарсликлар, илмий оммабоп асарлар, луғатлар ва б. адабиётлар яратдилар. Республикамизда Ф. фанини ривожлантиришда У. О. *Орифов*, С. А. *Азимов*, С. В. *Старадубцев*, С. У. *Умаров*, Ғ. Е. *Умаров*, М. С. *Саидов*, Э. И. *Адирович*, Г. Н. *Шуппе*, Г. М. *Авакянц*, М. М. *Мўминов*, Р. Х. *Маллин*, С. Т. *Турсунов*, М. Н. *Раҳматов*, А. Қ. *Отахўжаев*, И. И. Исломов, У. Ғ. *Гуломов*, Р. Б. *Бекжонов*, В. И. *Векслер*, П. Қ. *Ҳабибуллаев*, Л. Ш. *Хўжаев*, А. А. Абдураззоқов ва б. ларнинг хизматлари катта.

Ад.: Ленин В. И., Материализм ва эмпириокритицизм, Тўла асарлар тўплами, 18-т.; Дорфман Я. Г., Всемирная история физики с древнейших времён до конца XVIII века, М., 1974; Кудрявцев П. С., Краткий курс истории физики, М., 1974; Наука в Узбекистане, т. 1, Т., 1974; Ландсберг Г. С., Оптика, 5 изд. М., 1976; Шпольский Э. В., Атомная физика, т. 1, 6 изд., т. 2, 4 изд., М., 1974; Курс теоретической физики: Ландау Л. Д., Лифшиц Е. М., т. 1, Механика, 3 изд., М., 1973; т. 2, Теория поля, 6 изд., М., 1973; т. 3, Квантовая механика. Нерелятивистская теория, 3 изд., М., 1974; Берестецкий В. Б., Лифшиц Е. М., Питаевский Л. П., т. 4, ч. 1, Релятивистская квантовая теория, М., 1968; Лифшиц Е. М., Питаевский Л. П., т. 4, ч. 2, Релятивистская квантовая теория, М., 1971; Ландау Л. Д., Лифшиц Е. М., т. 5, ч. 1, Статистическая физика, 3 изд., М., 1976; Физический энциклопедический словарь, т. 1—5, М., 1960—66; Яворский Б. М., Детлаф А. А., Справочник по физике для инженеров и студентов вузов, 6 изд., М., 1974; Рахматов М. Н., Физики Узбекистана и Таджикистана, Бухара, 1968; Маллин Р. Х., Классик электродинамика, т. 1—2, Т., 1974—78; Бекжонов Р. Б., Ядро физикаси, Т., 1975.

ФИЗИКА-ТЕХНИКА ИНСТИТУТИ, ЎзССР ФА С. В. Стародубцев номидаги Физика-техника илмий тадқиқот институти (ФТИ) — физика бўйича ва техниканинг айрим соҳаларида илмий тадқиқотлар олиб борадиган муассаса. 1943 йили Тошкентда СССР ФА Узбекистон филиалининг физика-техника лабораторияси асосида ташкил қилинган, 1967 йилдан унинг асосчиларидан бири С. В. *Стародубцев* номи б-н аталади. ФТИ негизида 1956 йили *Ядро физикаси институти,* 1967 йили *Электроника институти* ташкил қилиниб, ундан ажралиб чиққан. Ин-тни ташкил этиш, ундаги тадқиқотларнинг илмий йўналишини аниқлашда У. О. *Орифов*, С. В. *Стародубцев*, С. У. *Умаров*, Э. И. *Адирович*, С. А. *Азимов*, Ғ. Е. *Умаров*, Г. М. *Авакянц*, М. С. *Саидов* ва б. нинг ҳиссаси катта.

Ин-тнинг 6 та бўлимидаги 19 лабораторияда тўрт йўналишда — юксак энергиялар ва космик нурлар физикаси, яримўтказгичлар физикаси, материалшунослик, гелиофизика ва гелиотехника проблемалари бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилади.

Яримўтказгичлар физикаси соҳасида ўта юксак частоталар (УЮЧ) техникасида ишлатиладиган диодлар, яримўтказгичларда тез кечадиган электрон жараёнларни ўрганадиган асбоблар, тасвирни узатувчи фотодиод-диод матрицалар, кремний-литийли детектор, ёғду диодлари, тензодатчиклар ва б. асбоблар ишлаб чиқилди. СССРда биринчи бўлиб оптоэлектроника ва диэлектрик электроника масалаларига оид илмий хулосалар олинди.

Юксак энергиялар ва космик нурлар физикаси соҳасида атмосферадаги электрон-ядро жалалари кашф қилинди ва уларнинг хусусиятлари ўрганилди, юксак ва ўта юксак энергиялардан зарраларнинг кўплаб генерацияланиши текширилди, мураккаб ядроларда протонларнинг зарраларни когерент генерациялаш жараёнлари кузатилди ва ҳ. к.

Гелиофизика соҳасида қуёш нурларини йиғувчи қайтаргич системаларни комплекс текширишлар туфайли юксак эффектли гелиоқурилмалар — ошхоналар, қайнаткичлар, сув чучиткичлар, уй-жойларни иситиш ва ҳавосини кондициялаш, қ. х. ҳамда биологияга зарур гелиоасбоблар ва ҳ. к. ишлаб чиқилди.

ФТИда ЎзССР ФАнинг 1 академиги, 1 мухбир аъзоси, 5 фан д-ри, 61 фан кандидати ишлайди (1977). Аспирантураси мавжуд. Ин-тда 70 дан ортиқ ишга авторлик гувоҳномаси олинган. Бир қанча илмий тадқиқот ишлари ишлаб чиқаришга жорий қилинган. Зарраларнинг ядролар б-н когерент таъсирига оид ишлар цикли Беруний номидаги ЎзССР Давлат мукофоти б-н тақдирланган (1970).

ФИЗИОКРАТЛАР (юнон. physis — табиат ва kratos — куч, ҳокимият) — *буржуа классик сиёсий иқтисоди* йўналишларидан бирининг вакиллари, Францияда 18-аср ўрталарида вужудга келган. Ф. мактабининг асосчиси — Ф. *Кенэ,* кўзга кўринган намояндалари — А. Р. Тюрго, В. Мирабо, Г. Летрон, П. Дюпон де Немур ва б. Ф. назариялари Италия, Буюк Британия, Германия, Швеция ва б. мамлакатларда ҳам ишлаб чиқилган.

Ф. йўналиши феодализм системасининг кризиси кучайган, Франция иқтисодий тушкунликка тушган шароитда шаклланди. Ф. *меркантилизм*ни танқид қилиб, ҳокимият савдони ривожлантириш ва пул йиғишга эмас, «ер неъматлари»ни мўл-кўл қилишга аҳамият бериши керак, деб ҳисобладилар. Улар ташқи дунёнинг объектив реаллигини тан олиб, жамиятни табиий «физик» ҳолат, у «табиий тартиблар» қонунига мувофиқ ривожланади, деб тасаввур қилдилар. Ф. ўз замондошлари — 18-асрдаги француз маърифатпарварларининг материализми ва атеизми (қ. *Маърифатпарварлик*) даражасига кўтарила олмадилар.

Ф. иқтисодий категорияларнинг объективлигини тан олиб, капиталистик тузумга ғайри тарихий ёндошдилар, уни табиий ва абадий, деб ҳисобладилар. *Қўшимча қиймат* фақат деҳқончиликда яратилади, унинг ягона тури *ер рентаси*дир, деб ўйладилар. Ф. жамиятни 3 синфга бўладилар: унумли синф, яъни «соф маҳсулот» яратувчи синф (деҳқончиликдаги ходимлар киради); «унумсиз» синф (деҳқончиликдан ташқари ишлар б-н шуғулланувчилар киради); ер эгалари ёки «соф маҳсулот»ни олувчи ягона синф (ер эгалари, бойлар киради). Ф. нинг синфлар назариясида пролетариат ҳақиқий ишлаб чиқарувчи мустақил синф эканлиги инкор этилади. Ф. ўз қарашларининг синфий ва тарихий чекланганлигига қарамай, капиталистик ишлаб чиқариш усулининг хусусиятлари ҳақида муҳим хулосалар чиқардилар. Буржуа дунёқараши нуқтаи назаридан бўлсада, *капитал*ни анализ қилдилар. Улар қўшимча қийматнинг пайдо бўлишини муомала доирасидан ишлаб чиқариш доирасига олиб кирдилар ва бу б-н капиталистик ишлаб чиқаришни анализ қилишга асос солдилар. Бироқ улар ишлаб чиқаришни деҳқончилик б-н чеклаб қўйдилар. Қ. Маркс ўзининг *«Капитал»* асарида Ф. таълимотини ҳар тарафлама ўрганиб, уларнинг ижобий ва салбий томонларини кўрсатиб берди; капитализмни абадий тузум деб, унинг антагонистик зиддиятларини кўра билмаганликларини қайд қилди.

Ад.: Маркс К., Капитал, 2-т., Т., 1958; Кенэ Ф., Избр. экономические произведения, (пер. с франц.), М., 1960; Аникин А. В., Юность науки, (2 изд), М., 1975.

ФИЗИОЛОГИК АДАПТАЦИЯ — тирик организмнинг ташқи муҳит шароитига мослашиб, ўз ички муҳити турғунлиги — *гомеостаз*ни таъминловчи физиологик реакциялар йиғиндиси. Ф. а. ёрдамида организмнинг турли шароит (мас., кислород етишмаслиги, босим ҳамда т-ра ўзгарувчанлиги ва б. шу кабилар)га чидамлилиги кучаяди. Ф. а. ни ўрганиш организмнинг ўз-ўзини бошқариш принципларини ва унинг ташқи муҳит б-н ўзаро таъсирини тушунишга ёрдам беради. Инсоннинг космосга учиши б-н боғлиқ бўлган Ф. а. катта амалий аҳамиятга эга (қ. *Космик биология*).

Организмнинг ўта ноқулай (экстремал) шароитга мосланишида Ф. а. бир неча фазани ўтади: дастлаб организмдаги кўпчилик физиологик функциялар бузилади, яъни декомпенсация рўй беради, сўнгра организм ўз функционал системаларидаги айрим компонентлар ишини ўзгартириб, шароитга қисман ва ниҳоят янги шароитга нисбатан турғун мосланади. Бу фазаларни организмнинг баландликка мосланиши мисолида кўриш мумкин. Бунда умумий барометрик босим пастлиги сабабли кислороднинг парциал босими ҳам камаяди. Натижада организмда кислород етишмовчилиги юз беради, бош айланади, кўриш ва эшитиш сезгилари заифлашади, нафас сиқиши каби белгилар кузатилади. Аста-секин Ф. а. оқибатида организм янги шароитга мослашади, яъни тўқималарни кислород б-н таъминловчи эритроцитлар миқдори ошади, гемоглобиннинг кислородни бириктириш қобилияти кучаяди, нафас олиш, юрак ҳамда нерв системаси фаолияти нормаллашади ва ҳ. к. Ф. а. жараёнида юз берадиган ўзгаришлар субҳужайрадан то бир бутун организмгача бўлган барча тирик мавжудотларга хос. Бироқ Ф. а. вужудга келиши мумкин бўлган муҳит шароитининг ўзгаришлари ҳар бир тур, шунингдек организм учун хос бўлган маълум чегарага эга. Ф. а. амалга ошишида организмнинг ёши, конституцияси, машқ қилиши ва б. катта роль ўйнайди.

Махсус таъсиротларга нисбатан *анализаторлар*нинг Ф. а. си ҳам (буни баъзида сезги органлари ва анализаторлар адаптацияси деб ҳам атайдилар) катта биологик аҳамиятга эга. Мас., кўриш органларининг ёруғликка, эшитиш органларининг товушга, тери анализаторларининг механик ёки термик таъсиротларга, *вестибуляр аппарат*нинг айланма ҳаракатга мосланиши ва б. Анализаторларнинг Ф. а. си сезги органларининг таъсиротни қабул қилувчи қисми — *рецепторлар*нинг сезгирлигини ўзгариши ҳамда марказий нерв системасида содир бўлувчи процесслар б-н боғлиқ.

Ад.: Тихомиров И. И., Очерки по физиологии человека в экстремальных условиях, М., 1965; Парин В. В., Пути развития космической физиологии, «Космическая биология и медицина», 1968, № 1.

ФИЗИОЛОГИК АКУСТИКА, психофизиологик акустика — *акустика*нинг бўлими; одам ва ҳайвонлардаги товуш ҳосил қилиш ва уни қабул қилиш органларининг тузи-

лиши ҳамда ишлашини ўрганади. Ф. а. нинг физик (биологик жиҳатдан келиб чиққан товушларни аппаратура ёрдамида анализ қилиш, товушнинг муҳитдан *рецепторларга* ёки товуш чиқарувчи структуралардан муҳитга ўтишини ўрганиш) ҳамда психофизиологик (одам ва ҳайвонларнинг товушга жавобан реакциясини текшириш, тегишли *биоэлектр потенциалларини* ёзиб олиш) методлари бор. Одамдаги товуш чиқарувчи органлар функцияси ва структурасининг физик анализи нутқни синтез қилиш, одамнинг машина б-н алоқасини таъминловчи механизмлар яратиш, нутқни автоматик аниқлай оладиган қурилмалар ясаш масалаларини ҳал қилишда катта аҳамиятга эга. Ҳайвонлардаги овоз органлари структурасининг тадқиқ этилиши ҳайвонот оламидаги эхолокация, чамалаш, коммуникациянинг акустик принципларини тушуниш учун керак. Ф. а. да яна моделлаш (қ. *Модель*) методи ҳам кенг қўлланилади. Сувдаги организмлар чиқарадиган товушни *биогидроакустика* ўрганади.

ФИЗИОЛОГИК ФУНКЦИЯЛАР — одам, ҳайвон ва ўсимлик организмлари амалга оширадиган турли вазифалар. Бу уларнинг ҳаёт фаолиятини ҳамда яшаш муҳитига мосланишини таъминлайди. *Физиология* Ф. ф. ни молекуляр, ҳужайра, тўқима, орган ва система (мас., одам ва ҳайвонлардаги юрак-қон томир, кўриш, овқат ҳазм қилиш, нафас, эшитиш, вестибуляр системалар), шунингдек бир бутун организм даражасида ўрганади. Модомики, ҳар қандай Ф. ф. моддалар алмашинуви асосида рўй берар экан, демак бу уларни тадқиқ этишда организмда содир бўлаётган физик, кимёвий ва структура ўзгаришларини ўрганишга кўпроқ эътибор бериши талаб этади. Ф. ф. ни комплекс ўрганишда И. М. *Сеченов*, И. П. *Павлов* ва Н. Е. *Введенский* фанга киритган қиёсий-тарихий метод муҳим роль ўйнади. Ф. ф. эволюциясининг текширилиши организмда табиий ёки сунъий омиллар (иқлимнинг ўзгариши, овқат таркиби ҳамда хусусиятлари, вазисизлик ва б.) таъсирида юз берадиган функция ўзгаришини, шунингдек ташқи муҳит шароитига организм *адаптацияси*нинг ўрганишга ўз таъсирини кўрсатди. Функция эволюциясини, айниқса уларнинг ташқи муҳит шароитига мосланишини ўрганиш функция регуляцияси механизмларини тадқиқ этиш б-н чамбарчас боғлиқ (яна қ. *Гуморал регуляция, Нейро-гуморал регуляция*).

ФИЗИОЛОГИК ЭРИТМАЛАР — сунъий тайёрланган эритмалар. Таркибидаги туз миқдори ва *осмотик босими* қон *плазма*сига яқин туради. Организмдан ажратилган органларни ўрганишда ва клиник практикада (мас., организм сувсизланганда ва қон йўқотганда) Ф. э. дан фойдаланилади. Ф. э. қон ўрнини босувчи сифатида қўлланилганда унга глюкоза б-н бирга бошқа бирикмалар (юқори молекулали полисахаридлар, махсус қайта ишланган оқсил ва б.) ҳам қўшилади. Тадқиқотчилар фамилияси қўшиб номланган бир қанча Ф. э. маълум. Шулардан баъзилари юқоридаги жадвалда берилган.

Эритма номи	Дистилланган сувнинг концентрацияси, *г/л*						
	NaCl	KCl	$CaCl_2$	$NaHCO_3$	$MgCl_2$	NaH_2PO_4	глюкоза
Рингер эритмаси (совуқ қонли ҳайвонлар учун) . .	6,5	0,14	0,1	0,2	—	—	—
Рингер-Локк эритмаси (иссиқ қонли ҳайвонлар учун)	9,0	0,42	0,24	0,15	—	—	1,0
Тироде эритмаси . . .	8,0	0,2	0,2	1,0	0,1	0,05	1,0

Ад.: Физиология человека, под ред. Е. Б. Бабского. М., 1972.

ФИЗИОЛО́ГИЯ (юнон. physis — табиат ва ... *логия*) — организм, айрим системалар, орган ва тўқималар ҳаёт фаолияти ҳамда организмнинг ташқи муҳит б-н ўзаро таъсири тўғрисидаги фан. Одам ва ҳайвонлар Ф. си ҳамда ўсимлик организмлари Ф. сига бўлинади (қ. *Ўсимликлар физиологияси*).

Одам ва ҳайвонлар Ф. си анатомия, гистология, цитология, психология ва педагогика б-н чамбарчас боғланган. Ф. да физика, кимё, кибернетика, математика хулосалари ва методлари қўлланилади. Организмдаги физик ва кимёвий жараёнларни биохимия, биофизика, бионика б-н, эволюцион қонуниятлар эса эмбриология б-н боғлиқ ҳолда ўрганилади. Қ. х. ҳайвонлари Ф. си чорвачилик, зоотехния ва ветеринарияда катта аҳамиятга эга. Философия Ф. нинг экспериментал фактларидан материалистик дунёқарашни асослашда фойдаланади. *Космик биология* соҳасида эришилган ютуқлар Ф. нуқтаи назаридан ўрганилади.

Ф. нинг умумий Ф., хусусий Ф. ва амалий Ф. деган соҳалари мавжуд. Умумий Ф. турли организмлар учун умумий бўлган асосий физиологик қонуниятларни, унинг турли қўзғатгичларга кўрсатадиган реакциясини, биологик мембрана ва алоҳида ҳужайра хусусиятларини, *қўзғалиш* ва *тормозланиш* жараёнларини, физиологик функцияларнинг эволюцион ҳамда ёшга боғлиқ ҳолда ривожланиши ва б. ни тадқиқ этади. Тирик организмда юз берадиган электр ҳодисалари *(биоэлектр потенциаллари)*ни электрофизиология, нерв системаси функцияларини *нейрофизиология*, умуртқали ва умуртқасиз ҳайвонлар филогенетик тараққиётидаги физиологик жараёнларни қиёсий физиология ўрганади ва б. Хусусий Ф. ҳайвонларнинг айрим группа ва турларига (мас., қ. х. ҳайвонлари Ф. си, қушлар Ф. си ва ҳ. к.) хос ҳаётий ҳодисаларни, шунингдек айрим тирик тўқима ёки орган хусусиятларини, уларнинг махсус функционал система (мас., қон айланиш, овқат ҳазм қилиш)га бирлашиш қонуниятларини текширади. Амалий Ф. тирик организмлар, айниқса одам ишининг (мас., меҳнат, спорт, овқатланиш Ф. си, авиацион ҳамда космик Ф. ва б.) умумий ва хусусий қонуниятларини аниқлаш б-н шуғулланади. Ф. шартли равишда нормал Ф. ва *патологик физиология*га бўлинади. Нормал Ф. асосан соғлом организм иши, унинг муҳит б-н ўзаро таъсири, чидамлилик механизми ва турли омиллар таъсирига функциялар мослашуви *(адаптация)*ни тадқиқ этади. Ф. нинг *вивисекция* ва сурункали текшириш методлари бор. Сурункали текшириш методида организмга фистулалар қўйиш, *трансплантация* ва б. дан фойдаланиб, текширишни бир объектда узоқ муддат олиб бориш, шунингдек шартли рефлексни ўрганиш мумкин.

Ф. га оид дастлабки маълумотлар натуралист ва врачларнинг ҳаётий ҳамда одам, ҳайвон мурдасини ёриб кўргандаги кузатишларига асосланган эди. Кўп асрлар мобайнида *Гиппократ* (мил. ав. 5- аср) ва *Аристотель* (мил. ав. 4- аср) қарашлари ҳукмронлик қилган. Ф. тараққиёти *Гален* (мил. ав. 2- аср)нинг вивисекцион экспериментларидан бошланди. Уйғониш даврида Ф. ривожига йўл очилди.

У. *Гарвей* катта ҳамда кичик қон айланиш доирасини, юрак қонни ҳаракатга келтирувчи орган эканлигини кашф қилган (1628) дан сўнг Ф. фан сифатида шакллана бошлади. Кейинчалик М. *Мальпиги* капиллярларни топганида (1661) У. Гарвей фикрлари тасдиқланди. 17- асрнинг биринчи ярмида Р. Декарт, кейинроқ (18- асрда) чех врачи И. Прохаска (1749—1820) томонидан рефлектор фаолиятнинг (қ. *Рефлекс*) очилиши Ф. соҳасида катта воқеа бўлди.

18- асрда Ф. га физик ва кимёвий методлар, механика қонунлари татбиқ этила бошлади. Итальян олими Ж. А. Борелли (1608—1679) 17- аср охиридаёқ ҳайвонлар ҳаракати ва нафас ҳаракатлари механизмини тушунтиришда механика, томирлардаги қон ҳаракатини ўрганишда гидравлика қонунларидан фойдаланган. Француз олими Р. Реомюр ва итальян табиатшуноси Л. Спалланцани овқат ҳазм бўлишини, А. *Лавуазье* нафаснинг кимёвий табиатини (химизм), инглиз олими С. Гейлс (1677—1761) қон босимини (1773), итальян олими Л. *Гальвани* организмдаги биоэлектр ҳодисаларни ўрганган ва ҳ. к. 1725 йил Петербург ФА қошида очилган анатомия ва Ф. кафедраси, 1755 йил МГУда ташкил этилган медицина факультети Россияда Ф. тараққиётига катта таъсир кўрсатди. 1798 йил Петербург Медицина-хирургия академияси (ҳозирги С. М. Киров номидаги Ҳарбий-медицина академияси)нинг вужудга келиши Ф. ривожини тезлаштирди.

19- асрда Ф. анатомиядан ажраб чиқди. Бу вақтда кашф қилинган энергиянинг сақланиши ва айланиши қонуни, организм ҳужайравий тузилиши, органик дунёнинг эволюцион ривожланиш назарияси ва б. Ф. тараққиётига таъсир қилди. Рус олимлари И. М. *Сеченов* ва В. Я. Данилевский (1852—1939) биринчи бўлиб марказий нерв системасидаги электр ҳодисасини ёзиб олди. И. М. Сеченов марказий нерв системасидаги тормозланиш жараёнини кашф қилди (1862). 19- аср бошларида тирик организмдаги кимёвий бирикмалар анорганик моддалардан тубдан фарқланади ва уларни организмдан ташқарида ҳосил қилиш мумкин эмас, деб ҳисобланарди. 1828 йили немис кимёгари Ф. Вёлер органик бирикма — мочевинани синтез қилди ва бу б-н организм кимёвий бирикмалари ўзига хос деган виталистик тасаввурга зарба берди. Кейинроқ немис олими Ю. Либих ва б. организмда учрайдиган органик моддаларни синтез қилиб, структурасини ўрганди. Немис олимлари ака-ука Г. ва Э. Веберлар сайёр (адашган) нервлар юрак фаолиятини тормозлаш, рус физиологи И. Ф. Цион (1842—1912) симпатик нервлар юрак қисқаришини орттириш хусусиятига эга эканлигини изоҳлади. Шотланд олими Ч. Белл (1774—1842), француз олими Мажанди (1783—1855) ва немис олими И. Мюллер (1801—1858) орқа мия пўстлоғидаги марказдан қочувчи ва марказга интилувчи толаларни топди (қ. *Белл-Мажанди қонуни*). 19- аср 2- ярмида экстирпация (кесиш, олиб ташлаш) методининг кенг қўлланиши туфайли бош ва орқа мия турли бўлимларининг физиологик функциялар регуляциясидаги ролини ўрганишда катта қулайлик яратди. Усимлик ва ҳайвон организмларининг ҳужайравий тузилиши ҳамда кўп ҳужайрали организмлар келиб чиқишининг аниқланиши Ф. нинг ривожи ва янги соҳаларининг вужудга келишига сабаб бўлди (мас., ҳужайра Ф. си).

20- аср Ф. ривожида янги босқич бўлди, чунки ҳаётий жараёнларни синтетик анализ қилина бошланди. Шартли рефлексларни ҳосил қилиш ва тормозланиш қонуниятлари, анализаторлар Ф. си, нерв системаси қисмлари, экспериментал неврозда *олий нерв фаолияти* бузилиши сабабларининг, *уйқу* ҳамда гипноз ва б. нинг И. П. *Павлов* томонидан текширилиши Ф. тарихида катта воқеа бўлди. Совет олими В. М. *Бехтерев* одам ва ҳайвонлар эмоционал ҳамда ҳаракат реакцияларининг шаклланишида пўстлоқ ости тузилмалари ролини, бош ва орқа миядаги ўтказувчи йўлларни, кўриш дўмбоқчалари функциясини таърифлаб берди. Совет физиологи А. А. *Ухтомский* доминанта ҳақидаги таълимотни яратди. Кўпгина *гормон*ларнинг кимёвий таркиби ва таъсир этиш механизми ўрганилди, баъзилари лабораторияларда синтез қилинди. *Нейро-гуморал регуляция* бирлиги, *гомеостаз*, организм *барьер функция*лари ва ҳ. к. мукаммал изоҳланди.

20- аср ўрталарида турли касб эгаларининг энергия сарфлаши ўрганилди ва овқатланиш нормаси илмий асосда ишлаб чиқилди. Юрак (Буюк Британияда Э. Старлинг, Т. Льюис, АҚШда К. Уиггерс, СССРда А. И. Смирнов, Г. И. Косицкий, Ф. З. Меерсон ва б.), қон томирлари функциясини (Германияда Х. Геринг, Бельгияда К. Гейсман, СССРда В. В. Парин, В. Н. Черниговский ва б.), капиллярлар қон айланишини (даниялик А. Крог, совет физиологи А. Чернух ва б.), нафас механизми ва қоннинг газ ташувчилик фаолиятини [Буюк Британияда Ж. Баркрофт (1872—1947), Ж. Холдейн (1860—1936), АҚШда Д. Ван-Слайка, СССРда Е. М. Крепс (1899) ва б.], буйракнинг ишлаш қонуниятларини (инглиз А. Кешни, америкалик А. Ричард ва б.) ўрганишда ҳам талайгина ишлар амалга оширилди. 20- асрнинг 60- йилларидан Ф. га система методи кўпроқ татбиқ этилмоқда. Совет олими П. К. Анохин (1898) ишлаб чиққан функционал система, яъни организмнинг турли органлари уни муҳитга мослашини таъминловчи бир системага танлаб жалб қилиниши ҳақидаги назарияси совет Ф. сининг муваффақиятидир.

Ҳозирги замон Ф. си одам ва ҳайвонларнинг психик фаолияти механизмини ёритишни ўз олдига вазифа қилиб қўйди. Бу масалани ҳал этишда бош мия ўнг ва чап қисмлари функциясини ҳамда шартли рефлекснинг жуда нозик нейронал механизмини ўрганишдаги маълумотлар катта аҳамиятга эга. Уйқу, эмоция, *мотив* ва экспериментал неврозларнинг физиологик механизми тадқиқ этилмоқда. Турли сенсор (сезувчи) системаларнинг информацияни қабул қилиш, узатиш ва қайта ишлаш проблемаларини ўрганишда олинган маълумотлар нутқ шаклланиши ҳамда уни қабул қилиш, кўрилган образлар, эшитилган товуш ва б. сигналларни фарқлаш механизмини тушунишга ёрдам бермоқда. Одамнинг турмуш ва меҳнат шароитига, турли экстремал (ўта ноқулай) омиллар (мас., эмоционал *стресс*, муҳитнинг турли иқлимий шароити ва ҳ. к.) таъсирига мослашуви ва б. масалалар ўрганилмоқда. Ҳайвонларда патологик жараённи (рак, гипертония, яра касалликларини ва б.) сунъий қўзғатиб, уларнинг кечиши ва даволаш чоралари устида экспериментлар ўтказиляпти. Мия, хотира функциясига тақлид этувчи

моделлар (қ. Модель), протезлар ясалмоқда ва ҳ. к.

Ф. га оид тадқиқотлар СССР ФАнинг И. П. Павлов номидаги Физиология ин-ти (Ленинград), Олий нерв фаолияти ин-ти (Москва), И. М. Сеченов номидаги Эволюцион физиология ва биохимия ин-ти (Ленинград), Медицина ФАнинг П. К. Анохин номидаги Нормал физиология ин-ти (Москва), Умумий патология ва патологик физиология ин-ти (Москва)да ҳамда иттифоқдош республикалардаги Ф. ин-тларида олиб борилмоқда. 1917 йилда И. П. Павлов номидаги Бутуниттифоқ Ф. жамияти ташкил этилган. Ф. масалаларига бағишланган 10 та яқин журнал нашр қилинади. 1889 йилдан бошлаб ҳар 3 йилда халқаро физиологик конгресс ўтказилади: биринчиси Базелда (1889, Швейцария), ўн бешинчиси Ленинград-Москвада (1935), йигирма олтинчиси Нью-Делида (1974, Ҳиндистон) ўтган. 1970 йили Халқаро физиология фанлари жамияти тузилди. СССР да физиологлар съезди 1917 йилдан бери чақирилади: биринчиси Петроградда (1917), бешинчиси Москвада (1934), ўн иккинчиси Тбилисида (1975) чақирилган.

Ўзбекистонда Ф. тараққиётида Н. В. *Данилов*, А. С. *Шаталина*, А. Ю. *Юнусов* ва уларнинг шогирдларининг хизмати катта. ЎзССР ФА *Физиология ин-ти*, ун-тлар, медицина, фармацевтика, педагогика, жисмоний тарбия, қ. х. ин-ти, курортология ва физиотерапия илмий тадқиқот ин-тлари, қошидаги кафедра ҳамда лабораториялар Ф. га оид масалалар б-н шуғулланади.

Ад.: Анохин П. К., От Декарта до Павлова, М., 1945; Лункевич В. В., От Гераклита до Дарвина, Очерки по истории биологии, 2 изд., т. 1—2, М., 1960; Развитие биологии в СССР, М., 1967; История биологии с древнейших времен до начала 20 века, М., 1972; История биологии с начала 20 века до наших дней, М., 1975; Физиология человека, под ред. Р. Е. Бабского, 2 изд., М., 1972; Костин А. П., Сисоев А. А., Мещеряков Ф. А., Физиология сельскохозяйственных животных, М., 1974; Физиология высшей нервной деятельности, М., 1970—71.

ФИЗИОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ, ЎзССР ФА Физиология институти — одам ва ҳайвон *физиологияси*га оид масалалар б-н шуғулланувчи илмий муассаса. Дастлаб, 1956 йили Тошкентда ЎзССР ФА Зоология ва паразитология ин-ти таркибида умумий физиология лабораторияси ташкил топди. 1969 йил бу лаборатория физиология бўлимига, 1975 йилдан Ф. и. га айлантирилди. Ин-тда умумий физиология, қиёсий физиология, ёш физиологияси, моддалар алмашинуви физиологияси, овқат ҳазм қилиш физиологияси лабораториялари ва овқатланиш группаси бор. Ф. и. марказий нерв системасининг ички органлар б-н функционал ўзаро муносабатини, сув-электролит алмашинуви ва овқат ҳазм қилишни қиёсий физиология асосида ўрганишга, ёшга боғлиқ ҳолда эндокрин регуляцияни, ҳар хил т-рада орган ва тўқималар метаболизмининг ўзгаришини, ўта ноқулай (экстремал) шароитга мосланиш, биосферани муҳофаза қилиш ва б. га оид масалаларни ўрганади.

Ин-тда 100 дан ортиқ илмий ходим, жумладан 6 фан д-ри ва 16 фан кандидати ишлайди. Ф. и. ходимлари томонидан 600 дан ортиқ илмий мақола, 3 тематик тўплам, 10 монография ва б. асарлар нашр қилинган.

Ад.: Наука в Узбекистане, т. 1, Т., 1974; Академия наук УзССР, (Справочник), Т. 1976.

ФИЗИОТЕРАПИЯ (юнон. physis — табиат ва *терапия*) — *медицина*нинг бир соҳаси. Физик омилларнинг даво хусусиятларини ўрганади ва уларни даво мақсадида қўллаш усулларини ишлаб чиқади. СССРда қабул қилинган терминологияга кўра курортлардаги табиий омилларни *(бальнеотерапия, климатотерапия.* ва *балчиқ б-н даволаш)* ўрганувчи курортология Ф. б-н бирга ягона бир соҳани ташкил этади. Даво гимнастикаси, *массаж* ва *механотерапия* (вибротерапиядан ташқари) *шифобахш-физкультура*га киритилади. Ф. га: физикотерапия (нур б-н даволаш, электр б-н даволаш, аэрононотерапия, аэрозольтерапия); махсус физиотерапевтик касалхона, курортлардан ташқари поликлиника ва кабинетларда табиий омиллардан (чучук сув, торф, лойтупроқ, озокерит ва б.) фойдаланиш киради.

Қадимги Шарқ мамлакатлари, Греция ва Римда табиий омиллар (айниқса, қуёш, *сув б-н даволаш)*дан даво мақсадида фойдаланилган. 18-асрга келиб физиканинг ривожланиши ва электр токи кашф этилиши туфайли физикотерапия, асосан электр б-н даволаш вужудга келди. Кейинчалик статик электр (франклинизация), гальваник ток *(гальванизация, электрофорез)*, асимметрик ўзгарувчан ток (фарадизация), юқори частотали токлар *(дарсонвализация, диатермия)* каби физик омиллар кашф этилиб, даво практикасида қўлланилади. Замонавий Ф. да, шунингдек паст, юқори, ультраюқори, ва ўта юқори частотали магнит, электр ва электромагнит майдонларидан (индуктотермия, УВЧ-, СВЧ-терапия ва б.), турли ёруглик нурлари (инфрақизил нурлардан ультрабинафша ва монохроматик нурларгача), механик тебранишлар (инфратовушлардан ультратовушларгача) ва б. дан фойдаланилади.

Ф. медицинанинг илмий-амалий махсус бўлими сифатида Улуғ Октябрь социалистик рев-ясидан сўнг ривожланди. И. М. *Сеченов*, Н. Е. *Введенский*, И. П. *Павлов* ишларида Ф. нинг назарий асослари ёритилди. Совет олимларидан А. Е. Шчербак, П. Г. Мезерницкий, С. А. Бруштейн, А. В. Рахманов ва б. Ф. ривожланишида катта ҳисса қўшдилар.

Физик омиллар одамга унинг бутун эволюцион тараққиёти давомида таъсир этган; шунинг учун физиотерапевтик даво тадбирлари дори моддаларига қарағанда организмга физиологик жиҳатдан кўпроқ таъсир этади.

СССРда 14 физиотерапия ва курортология илмий тадқиқот ин-ти, медицина ва врачлар малакасини ошириш ин-тларида Ф. соҳасида илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Тошкент, Самарқанд, Андижон Медицина ин-тларида ва Тошкент Врачлар малакасини ошириш ин-тида Ф. кафедралари бор; Н. А. *Семашко* номидаги Физиотерапия ва курортология илмий тадқиқот ин-тида Ф. соҳасида катта тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Ад.: Аникин М. М., Варшавер Г. С., Основы физиотерапии, 2 изд., М., 1950; Практическое руководство по проведению физиотерапевтических процедур, 3 изд., М., 1970; Учебное пособие по физиотерапии, М., 1975.

ФИЗКУЛЬТУРА ВА СПОРТ [рус. физ(ическая) культура — жисмоний маданият ва *спорт*] — жамият умумий маданиятининг бир қисми; инсон сиҳат-саломатлигини мустаҳкамлаш ва жисмоний қобилиятини ривожлантиришга қаратилган ижтимоий фаолият соҳаси.

Физкультура нинг асосий элементлари: жисмоний машқлар, уларнинг комплекси ва мусобақаси, бадан тарбия, организмни чиниқтириш, меҳнат ва турмуш гигиенаси, *туризм*нинг актив ҳаракат турлари, ақлий меҳнат б-н шуғулланувчи кишилар учун актив дам олиш шакли сифатидаги жисмоний меҳнат. Физкультура умуман, маданият сифатида кишиларнинг ижтимоий-тарихий практикаси натижаси бўлиб, уларни ҳаётга, биринчи галда меҳнатга тайёрлаш заруриятидан келиб чиққан.

Социалистик жамиятда халқ физкультурадан тўла баҳраманд бўлади. У янги кишини тарбиялашнинг муҳим воситаси ҳисобланади. Физкультура ҳаракати оммавий характерга эга бўлиб, Ф. ва с. соҳасидаги давлат ва жамоат ташкилотлари (СССРда — иттифоқ, республика, обл. ва б. Ф. ва с. комитетлари, касаба союзлари, комсомол, кўнгилли спорт жамиятлари, ДОСААФ, спорт федерациялари) нинг кўп қиррали фаолиятига таянади. Ҳозирги босқичда оммавий физкультура ҳаракатини умумхалқ ҳаракатига айлантириш вазифаси ҳал этилмоқда. Турли ёшдаги аҳоли группаларининг жисмоний тараққиёти ва тайёргарлигини баҳоловчи давлат системаси мавжуд [СССРда «Меҳнат ва СССР мудофаасига тайёр» (ГТО) физкультура комплекси]. Мактабгача тарбия муассасаларида, барча типдаги ўқув юртларида, армияда давлат программаси бўйича физкультурадан мажбурий машғулотлар, корхона, муассаса ва ҳоказоларда иш вақтида ишлаб чиқариш гимнастикаси ва б. ўтказилади. Оммавий физкультура соғломлаштириш ишларини ташкил этиш учун корхона, муассаса, к-з, ўқув юртларида физкультура коллективлари тузилган. ЎзССРда 1977 йил 10 мингдан зиёд физкультура коллективи бўлиб, у 3 млн. га яқин физкультурачини бирлаштирган; булардан 580 мингга яқини қишлоқ физкультурачиларидир; физкультура, спорт секцияларида 1 млн. 330 мингга яқин ўқувчи шуғулланди; корхоналарда ишлаб чиқариш гимнастикаси б-н 450 мингдан ортиқ киши, умумжисмоний тайёргарлик группасида 52 мингдан зиёд киши, согломлаштириш группасида 13 мингга яқин киши шуғулланди. Бундан ташқари республикадаги 7 спорт жамияти, 120 дан ортиқ стадион, 100 га яқин бассейн, 740 отиш тири, 1900 га яқин спорт залида спортчилар машғулот олиб бордилар.

Капиталистик жамиятда эса меҳнаткашлар физкультурадан барча ютуқларидан фойдаланиш шароитига эга эмас. Буржуа давлатларида физкультура асосан монополия, фирма ва ш. к. ларнинг манфаатига боғлиқ равишда ривожланади. Стадионлар, спорт иншоотлари буржуа спорт клублари ихтиёрида. Давлат одатда физкультура спорт ташкилотлари ва спорт иншоотлари учун маблағ ажратмайди. Физкультура учун ажратилган маблағ эса, асосан спортнинг ҳарбий амалий турлари ва катта спорт деб аталувчи спортга сарфланади.

Спорт — физкультуранинг таркибий қисми, жисмоний тарбия воситаси ва методи. У жисмоний машқ ҳамда ўқув-тренировка машғулотларини тайёрлашнинг турли комплекслари бўйича мусобақалар уюштириш ва ўтказиш системасидир.

Спорт тарихан жисмоний машқларнинг маълум турлари бўйича кишиларнинг ютуқларини солиштириш ва аниқлашнинг ўзига хос соҳаси сифатида шаклланган. Спорт кенг маънода мусобақа фаолиятини, унга махсус тайёргарлик (спорт машқи)ни, шу фаолият доирасида пайдо бўладиган ўзига хос социал муносабатларни ўз ичига олади.


Спортнинг ўзаро боғлиқ уч асосий ташкилий шакли мавжуд: оммавий ҳаваскорлик спорти; ўқув предмети сифатидаги спорт; юксак ютуқлар спорти (ёки катта спорт деб номланувчи спорт). Дастлабки икки шакли жисмоний тарбиянинг таркибий қисми ҳисобланади. Оммавий спорт кишиларнинг ёши, сиҳат-саломатлиги, жисмоний тараққиёт даражаси б-н белгиланади. Ўқув предмети сифатидаги спорт барча типдаги ўқув юртлари ва армияда ҳарбий-жисмоний тайёргарлик программасига киритилган. Оммавий спорт спортда улкан ютуқлар асоси, ёш авлоднинг жисмоний камолотга етиш шартларидан бири ҳисобланади. Юксак ютуқлар спорти кишининг индивидуал имконият ва қобилиятлари асосида муайян спорт фаолияти доирасида энг юқори, рекордли спорт натижаларига эришиш имконини беради. Юксак ютуқлар спортидаги рекордлар, расмий халқаро, миллий ва б. спорт мусобақаларидаги рекордлар оммавий спортни ривожлантириш стимули ҳисобланади.

Ҳозирги замон спорт турлари хилма-хил бўлиб, уларнинг ҳар бири ҳаракат предмети, уларнинг алоҳида таркиби ва спорт курашини олиб бориш усуллари б-н характерланади.

Халқаро миқёсда тан олинган спорт турлари шартли равишда спортчилар фаолиятининг хусусиятларига қараб 5 асосий группага бўлинади: 1) актив ҳаракатдан иборат спорт (енгил ва оғир атлетика, сузиш, эшкакли қайиқда сузиш, чанғи спорти, конькида чопиш, спортнинг яккама-якка курашиш турлари — бокс, кураш, қиличбозлик, спорт ўйинлари ва б.) группаси; 2) транспорт воситалари — спорт аппаратлари (мотоцикл, автомобиль, самолёт, планёр, яхта, буер ва б.) ни усталик б-н бошқаришни ўз ичига олувчи группа; 3) мўлжални нишонга олиш мақсадида махсус қуроллардан фойдаланишни ўз ичига олувчи спорт (отиш, стендга отиш, камондан отиш) группаси; 4) модель-конструкторлик фаолият натижаларини солиштириш ва тайёрланган моделларни сиповда бошқариш маҳоратини белгиловчи спорт (авиация, автомобиль, кема моделлари спорти) группаси; 5) яккама-якка олишувда иборат спорт группаси; унинг асосида рақиб (мусобақалашувчи)ларнинг мавҳум-мантиқий композицион фикри ётади (мас., шахмат, шашка ва б.).

Жаҳон миқёсида тарқалган ҳозирги замон спорт турларининг кўпчилиги, уларнинг мазмуни, программаси ва мусобақаларининг расмий қоидалари 19-асрнинг 2-ярми — 20-асрнинг 1-ярмида таркиб топди. 1896 йили йирик халқаро спорт мусобақалари комплекси — *олимпиада ўйинлари* таъсис этилгандан бери спортнинг ҳозирги турлари кўпгина мамлакатларда жорий қилинди. 19-аср ўрталаридан бир қанча мамлакатларда профессионал спорт ривожланишлади.

Социалистик мамлакатларда спорт оммавий физкультура ҳаракатига таянади, спортнинг ҳар хил турлари б-н шуғуланувчилар сони доимий равишда ўсиб бормоқда, спорт мактаблари тармоқлари ва спорт иншоотлари кенгаймоқда; давлат ва жамоат ташкилотлари спортни ривожлантиришга алоҳида эътибор бериб, кўп миқдорда маблағлар ажратмоқда; спорт мусобақаларининг маълум системаси шаклланди. СССРда спортнинг 70 дан ортиқ тури б-н, жумладан ЎзССРда 40 га яқин тури б-н шуғулланилади.



Физо тажрибаси.

Спортдаги юксак ютуқлар, тренерлик фаолияти ва спортдаги бошқа фаолиятлар фахрий спорт унвонлари—СССР спорт мастери (ЎзССР да 1977 йил 1 январгача 4 минг кишига берилган), халқаро классдаги СССР спорт мастери (67 киши), СССРда хизмат кўрсатган спорт мастери (13 киши), СССРда хизмат кўрсатган тренер (15 киши), ЎзССРда хизмат кўрсатган тренер (177 киши), Бутуниттифоқ тоифали судья (164 киши), республика тоифали судья (1572 киши), шунингдек спорт белгилари ва мукофотлари б-н тақдирланади.

Бутуниттифоқ спорт календари 300 га яқин турли мусобақаларни, жумладан спорт турлари бўйича мамлакат чемпионатлари, касаба союзлари, Қуролли кучлар, мактаб ўқувчилари спартакиадалари, ёшлар ва студентларнинг спорт ўйинлари, болаларнинг оммавий мусобақалари—«Чарм тўп» (футбол), «Олтин шайба» (хоккей), «Оқ руҳ» (шахмат) ва б. ни ўз ичига олади. 1956 йилдан бери ҳар 4 йилда СССР халқлари спартакиадаси ўтказилмоқда. (1975 йили барча иттифоқдош республикалардан оммавий стартларда 54 млн. киши, финал ўйинларда 7,1 минг спортчи қатнашди).

40-йилларнинг охиридан совет спортчилари халқаро спорт ҳаракатида фаол иштирок этиб келмоқда. 1948—76 йилларда совет спортчиларидан 1936 киши Европа чемпиони, 1391 киши жаҳон чемпиони, 605 киши олимпиада ўйинлари чемпиони бўлди. 1976 йилгача СССРда 44 жаҳон, 26 Европа чемпионатлари ва б. йирик халқаро мусобақалар бўлиб ўтди. 1980 йили Москвада 22-Олимпиада ўйинлари ўтказиш учун тайёргарлик кўрилмоқда.

СССР ва б. социалистик мамлакатларнинг спортчилари жаҳон спортида етакчи ўринни эгаллаб келмоқдалар. 21-Олимпиада ўйинлари (Монреаль, 1976) да социалистик мамлакат спортчилари спортнинг 24 туридан 14 турида биринчи, 15 турида иккинчи, 16 турида учинчи ўринни эгалладилар. СССР, ГДР, ПХР, РСР, БХР, ВХР командалари олимпиадада кучли ўнликдан жой олдилар.

1976 йили ЎзССР спортчилари Олимпиада ўйинлари, жаҳон, Европа, СССР чемпионатларида 119 мукофот, жумладан 46 олтин медални қўлга киритдилар. Ўзбекистондан жаҳон ва олимпиада чемпионлари; курашчилар—С. *Ходиев*, С. *Курбонов*, Р. *Казаков*, гимнастикачи Э. Саади, боксчи Р. *Рисқиев*, волейболчи В. Галушко, қиличбоз С. *Рўзиев*, велосипедчи М. Қолюшев каби бир қанча машҳур спортчилар етишиб чиққан.

Ад.: История физической культуры и спорта, М., 1975; Пономарёв Н. И., Социальные функции физической культуры и спорта, М., 1974; Звёзды спорта. М., 1975; Советская система физического воспитания, М., 1975; Физическая культура и спорт в СССР в цифрах и фактах (1917—1961), М., 1962.

«ФИЗКУЛЬТУРНИК УЗБЕКИСТАНА» («Ўзбекистон физкультурачиси»)—Тошкентда рус ва ўзбек тилларида чиқадиган газета. ЎзССР Министрлар Совети ҳузуридаги Физкультура ва спорт комитети, Ўзбекистон Касаба союзлари совети ҳамда Ўзбекистон ДОСААФ МК органи (қ. *«Ўзбекистон физкультурачиси»*).

ФИЗО Арман Ипполит Луи (1819. 23. 9, Париж—1896. 18. 9, Вантёй қалъаси)—француз физиги. Париж ФА аъзоси (1860). Париж колледжини тугатган, сўнг политехника мактаби тингловчиси, шу б-н бирга табиий фанларни мустақил ўрганган. Париж политехника мактаби проф. (1865—67).

Асосий илмий ишлари физик оптикага оид. Ж. Б. Л. *Фуко* б-н бирга Қуёш спектрининг инфрақизил соҳасида *фраунгофер чизиқларини* аниқлаган (1844—47), ер шароитида *ёруғлик тезлигини* аниқлайдиган методни ишлаб чиққан (Физо методи, 1849), ёруғликнинг муайян муҳитдаги тарқалиш тезлигига шу муҳит ҳаракати таъсирини очиб берган (*Физо тажрибаси*, 1851). Қаттиқ жисмнинг кенгайиш коэффициентини ўлчаш ва юлдузлар диаметрини аниқлашнинг интерференцион методини яратди. Лондон Қироллик жамияти аъзоси (1875).

ФИЗО ТАЖРИБАСИ—муҳит ҳаракатини шу муҳитда тарқалаётган ёруғлик тезлигига таъсирини аниқлаш тажрибаси. А. И. Л. *Физо* кузатган (1851). Ф. т. да ёруғлик нури *S* манбадан чиқиб, ярим шаффоф пластинка *П* да иккита нурга ажралади (қайтади ва синади, расмга қ.): нур *1* (яхлит чизиқ б-н кўрсатилган) кўзгу *В* ва тўла ички қайтарувчи призма *С* ёрдамида йўналтирилиб, $Д_1$ ва $Д_2$ идишларда оқаётган сув орқали сув оқаётган йўналиш бўйича тарқалади, нур *2* (расмда пунктир чизиқ б-н кўрсатилган) эса тескари йўналишда тарқалади. Иккала нур нуқта *А* да йиғилиб интерференция манзарасини ҳосил қилади. Тажриба дастлаб ҳаракатсиз сувда, сўнгра ҳаракатдаги сувда кузатилган. Интерференция соҳаларининг силжишини ўлчаб, Физо муҳит ҳаракатининг ёруғлик тарқалиш тезлигига таъсирини ҳисоблаб чиққан.

ФИЗОСТИГМИН (Phisostigminum), эзерин—Африкада ўсадиган калабар ўсимлигининг дуккагидан (уруғидан) олинадиган алкалоид. Медицинада физиостигмин салицилат ҳолида ишлатилади. Рангсиз, призматик, ялтироқ кристалл, сувда қийин эрийди. Ф. *холинэстераза* таъсирини тормозлайди. Ф. глаукома, нервмушак касалликлари, ичак парезида қўлланилади. Порошок ҳолида чиқарилади.

ФИКОМИЦЕТЛАР (Phycomycetes)—тубан замбуруғлар синфи. Кўп ядроли, бир ҳужайрали яхши ривожланган *мицел*га эга. 800 тури бор. Гаметалар ёрдамида жинсий, споралар ёрдамида жинссиз кўпаяди. Ф. о о м и ц е т л а р ва з и г о м и ц е т л а р кенжа синфига бўлинади. Ҳозирги систематика бўйича бу кенжа синфлар алоҳида синфлар деб қаралади. Кўпчилик Ф. нинг тана тузилиши ва кўпайиш органлари яшил сувўтларга ўхшаб кетади. Бу ўхшашлик фақат ташқи кўринишда бўлиб, Ф. нинг авлод-аждодлари *архимицетсимон*лардир. Баъзи миконогларни эса архимицетсимонларни Ф. б-н бир синфга бирлаштирадилар. Ф. нинг кўп турлари сапрофит, сувда яшайди, юқори тузилганлари эса ерда яшашга мослашган, баъзи турлари ўсимлик, ҳайвон ва одамларда паразитлик қилади (яна қ. *Сапролегнийсимон замбуруғлар, Мукор замбуруғлар, Пероноспорали замбуруғлар*).

ФИКР—қ. *Тафаккур*.

ФИКТИВ КАПИТАЛ (лат. fictio—ёлғон, сохта ва *капитал*)—қимматбаҳо қоғозлар *(акция, облигация)*га қўйилган капитал, уларнинг эгаларига *дивиденд* ёки *процент* кўринишида фойданинг бир қисмини мунтазам ўзлаштириш ҳуқуқини беради. Ф. к. ўзига хос товар бўлиб, у алоҳида бозор—фонд биржасида ҳаракат қилади ва баҳога эга бўлади. Лекин қимматбаҳо қоғозлар қийматга эга эмас. Империализм даврида қимматбаҳо қоғозлар эмиссияси катта ҳажмда ўсади, шунга кўра, Ф. к. ҳам кўпаяди.



Филлар. 1. Хинд фили. 2. Африка фили.

Ф. к. ссуда капиталидан фарқ қилади. Қимматбаҳо қоғозлар ссуда капиталини жойлаштириш соҳаларидан биридир. Миқдорий жиҳатдан Ф. к. *ссуда капитали*дан кўп.

Капитализмнинг умумий кризиси даврида Ф. к. структурасида ўзгариш рўй беради. Экономикада давлат секторининг кенгайиши ва давлат қарзининг кўпайиши муносабати б-н қимматбаҳо қоғозлар бозори давлат қимматбаҳо қоғозлари б-н тўла боради. Монополиялар б-н давлатнинг қўшилиб кетиши уларнинг Ф. к. б-н биргаликдаги операцияларида намоён бўлади. Давлат кўпинча қимматбаҳо қоғозлар бозорида қарздор, кредитор, кафолатчи сифатида қатнашади. Ф. к. б-н давлат кредити ва ҳукумат кафолатларининг алоқаси инфляцияни кучайтиради. Ф. к. б-н қилинадиган операцияларга давлат-монополистик назорати қимматбаҳо қоғозларни қўшимча чиқариб, Ф. к. дан хазина эҳтиёжини қондириш учун фойдаланишга имкон беради.

Ад.: Маркс К., Капитал, 3-т., Т., 1972; Ленин В. И., Империализм капитализмнинг юқори босқичи, Тўла асарлар тўплами, 27-т.; Аникин А. В., Кредитная система современного капитализма, М., 1964.

ФИЛ, филлар (Elephantidae)—хартумлилар туркумининг бир оиласи. Баъзи систематиклар кенжа оила ҳисоблайдилар. Африка филлари (2 тур) ва осиё филлари (1 тур) уруғи бор. Ф., асосан, Осиё ва Африканинг ўрмон ҳамда саванналарида тарқалган. Бўйи 3—3,5 *м*, оғирлиги 5—7,5 *т*. Териси калта ва сийрак тукли. Оёқлари йўғон, бақувват. Бармоқлари (олдинги оёқларида 5 та, орқадагисида 4 ёки 5 та) туёққа ўхшаш шохсимон тузилма б-н қопланган. Оёқ кафтининг тагида юмшоқ масса бўлиб, филнинг товушсиз ҳаракатланишини таъминлайди. Бир кунда 100 *км* ча йўл юриши мумкин. Жағининг устки ва пастки қисмида 1 тадан озиқ тишлари бор, улар вақт-вақти б-н ейилиб, тушади ва ўрнига бошқаси чиқади. Юқори жағидаги 2 та курак тишлари ташқарига чиқиб туради ва умр бўйи ўсади (осиё филининг ургочисида йўқ). Юқориги лаб ва бурунниг қўшилиб ўсишидан хартум (учида сезгир ўсимта бор) ҳосил бўлган. У ҳид билиш, сезиш ва қамраб олиш вазифасини бажаради. Турли ёшдаги индивидларининг 9—12 таси пода бўлиб, гоҳо ёлғиз яшайди. Бўғозлик даври 22—24 ой. Битта (осиё филлари баъзан иккита) 90—100 *кг* ли бола туғади. Усимлик шох-шаббалари, барги, меваси, куртаклари ва б. (бир кунда 100 *кг* ча) б-н овқатланади. 70—80 йил яшайди. Энг қадимги Ф. қолдиғи СССР терр-ясидаги юқори плиоцен даври ётқизиқларидан топилган. Гўшти овқатга ишлатилади. *Фил суягидан*, думидаги қаттиқ қилидан, терисидан турли буюмлар ясалади. Ф. ни муҳофаза қилиш мақсадида жойларда қўриқхоналар ташкил қилинган.

ФИЛ..., **ФИЛО...** (юнон. phileo—севаман)—қўшма сўз бўлаги. Севги, севиш, меҳрибонлик каби маъноларни ифодалайди (мас., *филателия*, филокартия).


ФИЛ СУЯГИ—филлар курак тишининг *дентини*. Ф. с. мустаҳкам, оқ-сариғиш тусда товланади. Ф. с. ни силлиқлаш, кесиш, эгиш, пластификациялаш ва б. усулда ишлов бериш б-н эни 0,4 *м* лик пластиналар олиш мумкин. Халқаро бозорда жуда қадрланади. Энг яхши Ф. с. Африка ва Ҳиндистондан экспорт қилинади. СССРда Шимоли-шарқий Сибирдаги музлик қатламларидан *мамонт* тишлари топилмоқда. Ф. с. дан маданий, хўжалик ва безак буюмлари тайёрланади. Ф. с. ўрнида кашалот, морж кабиларнинг тишлари ҳам ишлатилади.

ФИЛ СУЯГИ ҚИРҒОҒИ, Фил Суяги Қирғоғи Республикаси—Ғарбий Африкада жойлашган давлат. Ғарбда Либерия ва Гвинея Республикаси, шимолда Мали ва Юқори Вольта, шарқда Гана б-н чегарадош. Жанубда Гвинея қўлтиғи б-н туташган. Майдони 322,5 минг *км*². Аҳолиси 6,7 млн. киши (1975). Пойтахти—Абиджан ш. Маъмурий жиҳатдан 24 департаментга бўлинган.

Давлат тузуми. Ф. С. Қ.—республика. Амалдаги конституцияси 1960 йил 3 ноябрда қабул қилинган. Давлат ва ҳукумат бошлиғи—президент, аҳоли томонидан умумий сайлов йўли б-н 5 йил муддатга сайланади. Олий қонун чиқарувчи орган—бир палатали Миллий мажлис (120 депутат аҳоли томонидан 5 йилга сайланади). Маҳаллий ҳокимият раҳбарлари—префектлар (департаментларда) ва супрефектларни (супрефектураларда) президент тайинлайди. Суд системаси Олий суд, апелляция суди ва биринчи инстанция судларидан иборат. Олий суд энг юқори судлов органи бўлиб, у шунингдек конституцион назорат, референдумлар, президент ва парламент сайловлари ўтказилишини назорат қилиб туради. 1963 йили давлат хавфсизлиги суди тузилган.

Ф. С. Қ. Республикасининг байроғини *Давлат байроғи* мақоласи жадвалидан кўринг.





Абиджан шаҳри. Республика майдони. Орқа планда портнинг бир қисми.

Табиати. Ф. С. Қ. экваториал ва субэкваториал минтақаларда жойлашган. Гвинея қўлтиғининг қирғоқ чизиғи асосан текис. Ер юзаси жанубда сертепали текислик, шимолда плато. Ғарбида эса мамлакатда энг юқори чўққи ҳисобланган Нима тоғи (1752 *м*) бор. Олтин, боксит, темир рудаси, қалай ва колумбит, олмос ва марганец рудаси конлари бор.

Иқлими жанубда экваториал, доим сернам, қолган терр-яларда субэкваториал иқлим, жанубида энг иссиқ ойлар (декабрь—апрель)да ўртача т-ра 27—28°, энг салқин ойлар (июль — сентябрь)да 23—24°; шимолида 30° (апрель) ва 25° (август — сентябрь). Йиллик ёғин соҳилдаги пасттекисликларда 1300—2300 *мм*, шимолида 1100—1800 *мм*. Асосий дарёлари: Кавалли, Сасандра, Бандама, Комоэ. Ҳайвонот дунёси жуда бой ва хилма-хил (маймун, фил, бегемот, қоплон, сиртлон, бўри, чиябўри, оҳу ва б.)

Аҳолиси асосан гвинея, гур, манде тил труппасига мансуб. Аҳолисининг ярмидан кўпроғи маҳаллий анъанавий динларга, қолганлари ислом ва христиан динларига эътиқод қилади. Давлат тили — француз тили. Мамлакатнинг марказий қисми, Абиджан ш. ва унинг атрофларида аҳоли зич жойлашган (қишлоқ аҳолисининг зичлиги 1 *км*² га 20—30 киши). Иқтисодий актив аҳоли 1850 минг киши. Аҳолисининг тахм. 1/5 қисми шаҳарларда яшайди.

Йирик шаҳарлари Абиджан (аҳолиси шаҳар атрофи б-н 1 млн. га яқин, 1975), Бваке, Далола, Ман, Корхого.

Тарихи. Ф. С. Қ. нинг қадимий тарихи кам ўрганилган. Ўрта асрларда бу ерда ҳунармандчилик ва савдо ривожланган. 15-асрдаёқ Ф. С. Қ. терр-ясида илк феодал типидаги давлатлар вужудга келган эди. Ф. С. Қ. терр-ясининг марказий ва ғарбий қисмида яшовчи айрим халқларда уруғ-қабилачилик тузуми 18-асргача сақланиб келди.

15-аср охирида Ф. С. Қ. терр-ясида қул савдоси б-н шуғулланган португаллар ва б. европаликлар пайдо бўлди. Улар қул олиб кетишдан ташқари фил суяги ва б. бойликларни таладилар. 1842—43 йилларда Франция Гран-Басам ва Асинияни, кейинчалик соҳилдаги бошқа пунктларни босиб олди. 19-асрнинг 80-йилларида француз мустамлакачилари мамлакат ичкарисига бостириб кира бошладилар. 1893 йили Франциянинг Ф. С. Қ. мустамлакаси ташкил этилди. 1895 йили Ф. С. Қ. Ғарбий Африкадаги Франция мулклари генерал-губернатори ихтиёрига берилди; 1904—58 йилларда эса Франция Ғарбий Африкаси таркибида бўлди.

2-жаҳон уруши (1939—45) дан сўнг мамлакатда миллий озодлик ҳаракати яна кучайди. 1946 йили Ф. С. Қ. Демократик партияси (Африка демократик бирлашмаси секцияси) тузилди. 1950—51 йилларда мустамлакачилар зулмига қарши халқ оммасининг йирик чиқишлари бўлиб ўтди. Ф. С. Қ. халқларининг озодлик ҳаракати натижасида Франция ҳукумати ён беришга мажбур бўлди. 1957 йилдан Ф. С. Қ. нинг Территориал ассамблеяси (1958 йилдан Қонун чиқарувчи ассамблея) умум сайлов йўли б-н сайланадиган ва Ҳукумат кенгашини тузадиган бўлди. 1958 йил 28 сентябрда ўтказилган референдумга кўра Ф. С. Қ. давлат статусини (Франция ҳамдўстлиги аъзоси сифатида) олишга муваффақ бўлди. Демократик партия раиси Ф. Уфуэ-Буаньи бошчилигида ҳукумат тузилди.



Ёғоч ниқоб.

Африка мамлакатларида миллий озодлик ҳаракатларининг янада авж олиши натижасида Франция ҳукумати 1960 йил 11 июлда Ф. С. Қ. ҳукумати б-н битим тузишга мажбур бўлди; бу битимга кўра 1960 йил 7 августда Ф. С. Қ. нинг мустақиллиги эълон қилинди. Ўша йили сентябрдан Ф. С. Қ. БМТ аъзоси. Мамлакат мустақилликка эришгач, Ф. С. Қ. Франция ҳамдўстлиги аъзолигидан чиқди. Лекин Ф. С. Қ. ҳукумати Франция б-н сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий алоқаларини сақлаб келмоқда. 1969 йили Ф. С. Қ. ҳукумати 1967 йили СССР б-н ўрнатилган дипломатик алоқаларини узди.

Сиёсий партиялари, касаба союзлари ва б. жамоат ташкилотлари. Ф. С. Қ. Демократик партияси 1946 йили тузилган, ҳукмрон партия (мамлакатда ягона партия). Ф. С. Қ. меҳнаткашларининг умуммиттифоқи, 1962 йили тузилган. Ёшлар ассоциацияси миллий федерацияси (1961 йили тузилган) ва б.

Хўжалиги. Ф. С. Қ.— аграр мамлакат. Саноати суст ривожланган, аммо Ғарбий Африка мамлакатлари ўртасида айрим саноат тармоқлари (ёғоч тайёрлаш, ёғочсозлик, озиқ-овқат саноатлари)нинг ишлаб чиқариш даражасига кўра ажралиб туради. Экономикада чет эл капитали, айниқса Франция капитали ҳукмрон.

Қишлоқ хўжалигида ердан жамоа бўлиб фойдаланиш сақланиб қолган. Агротехникаси оддий. Деҳқончиликда асосан маҳсулоти экспорт қилинадиган экинлар (кофе, какао, банан, ананас) ўстирилади. Ф. С. Қ. кофе етиштириш ва экспорт қилиш бўйича жаҳонда 3-ўринда, какао бўйича эса 4-ўринда туради. 1975/76 йилда 307,6 минг *т* кофе, 227 минг *т* какао дони, 65,5 минг *т* пахта, 16,8 минг *т* каучук хом ашёси, 470 минг *т* шоли етиштирилди.

Чорвачилиги суст ривожланган. 1975 йилда 460 минг қорамол, 1,8 млн. қўй ва эчки, 200 минг чўчқа, 5 млн. дан ортиқ уй паррандаси бўлган.

Саноати. Четга чиқариладиган хом ашё ва четдан келтириладиган ярим фабрикатларга ишлов берувчи саноат корхоналари ривожланмоқда. 1975 йилда 458 саноат корхонаси ишлади (саноат маҳсулотининг 33% и экспорт қилинди). 1975 йилда 209 минг карат олмос қазиб олинди, 150 минг *т* пальма ёғи, 75 минг *т* ананас консерваси, 20 минг *т* шакар-қанд ишлаб чиқарилди, 552 минг *м*³ ёғоч-тахта тайёрланди, 961 млн. *квт-с.* электр энергияси ҳосил қилинди ва ҳ. к. Озиқ-овқат ва тамаки, энергетика, ёғочсозлик, тўқимачилик, металлсозлик, кимё ва ёғ-мой, нефтни қайта ишлаш, тайёр қисмлардан автомобиль йиғиш, қурилиш материаллари, кончилик ва б. саноат корхоналари мавжуд.

Транспорти. Асосий денгиз портлари — Абиджан ва Сан-Педро. Т. й. узунлиги 625 *км*, автомобиль йўлларининг умумий узунлиги 36,5 минг *км* (1975). Мамлакат автопаркларида 133 минг автомобиль бор (1975). Денгиз портларининг юк обороти 1,5 млн. *т* (1975). Абиджан ш. яқинида ва Бвакеда халқаро аэропортлар бор.

Ташқи савдоси, 1975 йили экспорт 255 млрд., импорт 241 млрд. африка франкини ташкил этди. Пул бирлиги африка франки. 100 африка франки 2 француз франкига тенг (1970).

Қуролли кучлари. Қуруқликдаги қўшинлар, Ҳарбий-Ҳаво Кучлари, Ҳарбий-Денгиз Кучлари (бир неча соқчи катер) ва ҳарбий жандармерия бўлинмаларидан иборат.

Соғлиқни сақлаш. 1961 йилда 1000 киши ҳисобига туғилиш 56,1, ўлим 33,3 нафарни ташкил этган. Ўртача умр 34 йил. Аҳолига медицина хизматини касалхоналар, турли медицина марказлари ва кўчма отрядлар кўрсатади. 1966 йилда 5,1 минг ўринли 171 медицина муассасаси бўлиб, 218 врач (18 минг аҳолига 1 врач), 8 тиш врачи, 62 фармацевт, 123 акушерка, 1624 медицина ҳамширалари, 1712 врач ёрдамчилари ишлади. Врачлар Абиджан ун-тининг медицина ф-ти ва хорижий мамлакатлар ун-тларида тайёрланади.

Ветеринария хизмати 1960 йилларда ташкил этилган. Эпизоотик лимфангоит, кокцидоз, ўлат, ларинготрахет ва чечак касалликлари йирик қорамол ва паррандаларда учраб туради. Юқумли касалликларга қарши профилактика ишлари олиб борилмоқда. 1966 йили мамлакатда 10 ветврач ишлаган. Цеце пашшаси чорвачиликка катта зарар келтиради.

Маорифи. Европа типидаги дастлабки мактаблар 19-аср охирида француз миссионерлари томонидан очилган. Мустамлакачилик даврида аҳолининг 90% га яқини саводсиз бўлган. 1960 йилдан ҳукумат халқ маорифини ривожлантиришга катта эътибор бермоқда. 6 йиллик бошланғич мактабга 6 ёшдан қабул қилинади. Ўрта мактаб (лицейлар, коллежлар) 7 йиллик, икки циклли (4 ва 3 йил). 1958 йили Абиджанда ташкил этилган олий таълим маркази 1964 йили ун-тга (ҳуқуқшунослик, медицина, табиий фанлар ва филология ф-тлари бор) айлантирилган. Абиджанда этнография музейи бор.

Илмий муассасалари. Мамлакатнинг асосий илмий маркази — Абиджан ун-ти. Иқтисодий ва социологик характердаги тадқиқотлар ун-тдан ташқари Абиджандаги Гуманитар фанлар марказида ҳам олиб борилади. Абиджанда табиатшунослик фанлари бўйича мутахассислар тайёрлайдиган ва тадқиқот ишлари олиб борадиган Адиноподум илмий тадқиқот маркази. Тропик ўрмончилик маркази, Каучук ин-ти ва б. бор. Илмий тадқиқотлар шунингдек француз илмий тадқиқот ин-тлари филиалларида ҳам (тропик мевачилик, кофе ва какао, мойли экинлар ўстириш, пахтачилик соҳаларида) олиб борилади. Ф. С. Қ. илмий муассасаларининг раҳбар ходимлари аксари француз мутахассисларидир.


Матбуоти, радио ва телевидениеси. Ҳукуматга қарашли кундалик газета «Фратерните матен» (1964 йилдан), ҳукуматнинг ойлик ахбороти «Журналь оффисьель» 1894 йилдан, Ф. С. Қ. Демократик партияси органи «Фратерните» ҳафталик газетаси 1959 йилдан чиқади.

Абиджан (1949 йилдан) ва Бвакеда (1965 йилдан) радио марказлари бор. Радиоэшиттиришлар француз ва 10 маҳаллий тилда, телекўрсатувлар (1964 йилдан) бир программада олиб борилади.

Адабиёти. Ф. С. Қ. терр-ясидаги анъя, бауле, сенуфо ва б. халқларда халқ оғзаки ижоди қадимдан ривожланган. Айниқса бауле халқининг фольклори алоҳида ажралиб туради. Фольклор анъаналари асосида француз тилида ёзма адабиёт ривожланмоқда. Ф. С. Қ. адабиётининг шаклланишида фольклорист, романнавис Бернар Дадьенинг хизмати катта. Ёзувчи Аке Лоба (асли исми Абобо Бауле)нинг «Қокумбо—қора студент» (1960) ва «Дарё устидаги найзалар» (1964) романлари, Ш. Ноканнинг «Шамол шиддатли эди» (1966) романи, «Қуёш, қора нуқта» (1962) поэмаси нашр қилинди.

Театри. 20-асрнинг 30-йиллари ўрталарида маҳаллий зиёлилар орасида ҳаваскор тўгараклар пайдо бўлди; улар асосида кейинроқ «Маҳаллий халқ театри» коллективи шаклланди. 50-йиллар ўрталарида янги коллективлар —«Камалак», «Тропик балетлар» пайдо бўлди. 1958 йили Ф. С. Қ. нинг театр жамияти тузилди. 1959 йили Драмматик санъат мактаби очилди; кейинчалик уни Миллий санъат ин-ти қошидаги театр мактабига айлантирилди; 1967 йили бу мактабда таълим олганлар доимий труппа ташкил этдилар.

Ад.: Новейшая история Африки. М., 1968; Блохин Л. Ф., Берег Слоновой Кости. Экономико-географическая характеристика, М., 1967; Ивашева В. В., Литература стран Западной Африки, Проза, М., 1967; Потехина Г. И., Очерки современной литературы Западной Африки, М., 1968; Искусств. западной тропической Африки. [Альбом]. вступит. статья Ю. Д. Лебедева, М., 1962.



1. Урмонда дарахт кесиш. 2. Бна дарёсида Ляме II ГЭС қурилиши.

ФИЛ ТОШБАҚА (Geochelone elephantopus)— қуруқликда яшовчи тошбақаларнинг бир тури. 10 кенжа тури маълум (шундан бир нечтаси қирилиб битган). Косасининг узунлиги 150 *см* ча, бўйи 60 *см* ча. Вояга етганларининг оғирлиги 100 (баъзилари 400) *кг* ча. Эркаги урғочисидан йирик. Ф. т. Галапагосс оролларида тарқалган. Усимликлар б-н овқатланади. 12—14 ойгача сувсиз ва овқатсиз яшай олади. Урғочиси ноябрь — апрелда ерни ўйиб (40 *см* чуқурликда), 2—22 та шарсимон оқ тухумини (товуқ тухумидан катта) кўмиб қўяди. Тухумдан боласи (70 *г* ли) 6—7 ойда чиқади. Мазали гўшти, ёғи ва ҳайвонот боғлари учун кўплаб овланганидан сони камайиб кетган.

ФИЛАДЕЛЬФИЯ — АҚШнинг ғарбий қисмидаги шаҳар. Пенсильвания штатида. Делавэр дарёси бўйидаги йирик денгиз порти (юк обороти жиҳатидан АҚШда 2-ўринда; 1970 йилда 90 млн. *т*). Мамлакатнинг муҳим саноат, савдо-транспорт, молия ва маданият марказларидан. Аҳолиси 1,8 млн. (1975), шаҳар атрофи б-н 4,8 млн. киши. Саноатининг етакчи тармоқлари: радиоэлектроника, кемасозлик, авиация-ракетасозлик, кимё ва нефтни қайта ишлаш. Тўқимачилик, тикувчилик, озиқ-овқат, полиграфия, фармацевтика, рангли ва қора метал-



Ёғоч ҳайкалча. Бауле халқ ижоди.



Филатов А. Н.



Филатов В. П.

лургия, транспорт машинасозлиги саноатлари ҳам ривожланган. Ҳарбий верфь ва қурол з-ди бор. Шаҳарга 1682 йилда асос солинган. 18-аср охири—19- аср бошларида Ф.— мамлакатнинг энг катта шаҳри, мустақиллик учун курашнинг йирик маркази. 1776 йилда Ф. да АҚШнинг Мустақиллик декларацияси имзоланган, 1787 йилда эса АҚШ конституцияси қабул қилинган. 1790—1800 йилларда АҚШ нинг пойтахти. Пенсильвания ун-ти (1740 йилдан), технология ин-ти, илмий тадқиқот ин-тлари ва жамиятлар, Музика академияси, театрлар, галерея, музейлар, архитектура ёдгорликлари бор.

ФИЛАРМОНИЯ (*фил...* ва harmonia — уйғунлик, ҳамоҳанглик)— айрим мамлакатлардаги концерт ташкилотларининг номи. 19- асрдан Европа ва Американинг бир қанча шаҳарлари (Петербург, Лондон, Нью-Йорк ва б.) да Ф. жамиятлари тузилиб, асосан, симфоник музикани тарғиб қилган. СССРда Ф.— давлат концерт ташкилоти бўлиб, унинг вазифаси юксак бадиий музика асарларини ва ижрочилар маҳоратини тарғиб қилишдан иборат. Музика б-н бир қаторда баъзан эстрада санъатининг турли хиллари (балет, бадиий ўқиш ва б.) ни ҳам намойиш қилади. Биринчи Ф. лар Петроград (1921) ва Москва (1922) да ташкил этилган. 1975 йил 1 январь СССРда 133 Ф. бўлган. Совет Ф. си замонавий музика ижодининг энг етук намуналарини, классик музика асарларини, халқ музика санъати (СССР ва б. халқ ашула, рақс, чолғу куйлари)ни оммалаштиради. Еш ижрочиларни тарбиялаш ва ўстиришга имкон беради. Ф. таркибида доимий штатдаги ижрочи-солистлар, камер ансамбллар, катта музика коллективлари (симфоник оркестрлар, хорлар ва б.) мавжуд. Ф. нинг концертлари, асосан, доимий концерт залларида берилади; клуб, саноат посёлкалари ва қишлоқларда кўчма концертлар кенг уюштирилади. Солист ва ижрочи коллективларнинг СССР ва чет элга гастролларини ташкил қилиш б-н Союзконцерт ва Давлат концерт бирлашмаси шуғулланади. Ф. фаолияти совет музика маданияти, айниқса, иттифоқчи республикалар профессионал музика маданияти ривожида катта роль ўйнади.

Узбек давлат филармонияси 1936 йили ташкил қилинган.

ФИЛАТЕЛИЯ (*фил...* ва юнон. ateleia — тўлов, божсолиқдан озод бўлиш; бу ерда хат юбориш учун тўланадиган пулнинг ўрнини босувчи почта маркалари маъносида)— почта маркаси, этикетка, календарли ва махсус штемпеллар, шунингдек шу белгилар босилган ёки ёпиштирилган конверт ва открыткаларни йиғиб бориш. «Ф.» термини 1864 йилда француз коллекционери Г. Эрлен томонидан ишлатилган. Коллекция қилинаётган предметларни Ф. соф филателистик (марка босилган қоғоз, ундаги сув белгилари, перфорация ҳажми, тури ва шакли, бўёқ, елим ҳамда маркaнинг ҳақиқийлигини, чиқарилган вақтини, муомаладаги муддатини, шунингдек унинг турини тасдиқлайдиган барча нарсалар), тарихий (маркaнинг пайдо бўлишидаги сиёсий ва иқтисодий шароит, муомалада бўлган даври, муомаладан чиқиш сабаби, фойдаланиш тартиби, почта маршрутлари, тарифлари ва ш. к.) ва тематик (муайян темалар бўйича коллекция йиғиб бориш назарияси ва практикаси) нуқтаи назардан ўрганади. Ф. нинг хронологик, тематик ва махсус соҳалар бўйича коллекциялари мавжуд.

Ф. 19- асрнинг 40- йиллари охирида пайдо бўлди. 60- йиллардан филателистик каталоглар, журналлар чиқарилди, кўп мамлакатларда, жумладан Россияда 1883 йилда филателистлар ташкилотлари пайдо бўлди. 19- аср охири—20- аср бошларидан филателистлар жамиятлари (Россияда 1907 йили) тузилди. СССРда филателистлар жамияти биринчи марта 1918 йили Москвада тузилди. 1966 йилда Бутуниттифоқ филателистлар жамияти таъсис этилди.

20- асрнинг 70- йиллари ўртасида бир қанча мамлакатларда филателистларнинг миллий ташкилот ва б. бирлашмалари бўлиб, Ф. б-н 50 млн. дан зиёд киши шуғулланди.

Ад.: Соколов М. П., Ниселевич Л. М., Спутник филателиста, 2 изд., М., 1974; Владинец Н. И., Филателия, М., 1975; Басин О. Я., Филателистический словарь, 2 изд., М., 1976.

ФИЛАТОВ Александр Николаевич (1930. 1. 10, Челябинск обл. Соколово қишлоғи)— математик ва механик, физика-математика фанлари д-ри (1969), проф. (1970), УзССР ФА мухбир аъзоси (1974). 1957 йилдан КПСС аъзоси. САГУнинг физика-математика ф-тини тамомлаб (1953), УзССР ФА Математика ва механика ин-тида аспирант (1953—56), илмий ходим (1957—61). Механика ва иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлиги ин-тида, сўнг Ҳисоблаш марказли Кибернетика ин-тида лаборатория мудири (1961—69), ин-т директори ўринбосари (1969). Ф. нинг илмий ишлари, асосан, дифференциал ва интегро-дифференциал тенгламалар назариясига асимптотик усулларни қўллашга онд. Ф. интеграл ва интегро-дифференциал тенгламаларнинг ўрталаштириш ва барқарорлаш (замораживание) методларини ишлаб чиқди. Бу методлар ёпишқоқлик-эластиклик назарияси масалаларини ечишда самарали қўлланилмоқда. Ф. Ли умумлашган ва оператор қаторлари назариясини ҳам ишлаб чиққан.

Ас.: Методы усреднения в дифференциальных и интегро-дифференциальных уравнениях, Т., 1971; Асимптотические методы в теории дифференциальных и интегро-дифференциальных уравнений, Т., 1974; Интегральные неравенства и теория нелинейных колебаний, М., 1976 (Л. В. Шарова б-н биргаликда).

ФИЛАТОВ Владимир Петрович (1875. 15 (27). 2, ҳозирги Пенза обл. Михайловка қишлоғи — 1956. 30. 10, Одесса)— совет офтальмологи ва хирурги. СССР Медицина ФА (1944) ва УССР ФА (1939) акад., Социалистик Меҳнат Қаҳрамони (1950). Н. Ф. *Филатов*нинг жияни. МГУнинг медицина ф-тини тугатган (1897). 1911 йилдан Новороссийск ун-ти (Одесса) медицина ф-ти кўз касалликлари кафедраси мудири ва проф., айни вақтда (1936—50) Экспериментал офтальмология ин-ти директори (1965 йилдан акад. В. П. Филатов номидаги Кўз касалликлари ва тўқима терапияси илмий тадқиқот ин-ти). Ф. нинг кўз мугуз пардаси *трансплантацияси*, пластик хирургия соҳасидаги хизматлари дунёга машҳур. Ф. *тўқималар билан даволаш* усулини ишлаб чиқди ва бу б-н *биоген стимуляторлар* ҳақидаги таълимотга асос солди. Давлат мукофоти лауреати (1941). 4 марта Ленин ордени, 2 та бошқа орден ва медаллар б-н мукофотланган.

Ас.: Избр. труды, т. 1—4, Киев, 1961.

ФИЛАТОВ Нил Фёдорович [1847. 21. 5 (2. 6), баъзи маълумотга кўра 4 (16). 4, ҳозирги Пенза обл. Михайловка қишлоғи —1902. 26. 1. (8. 2), Москва]— рус врачи, Россияда *педиатрия* асосчиларидан бири. МГУнинг медицина ф-тини тугатган (1869). Москвадаги София болалар клиникаси (ҳозирги Н. Ф. Филатов номли) ва б. касалхоналарда ишлаган. МГУ медицина ф-тида приват-доцент (1876). 1891 йилдан 1- мустақил болалар касалликлари кафедраси мудири ва проф. Педиатрияда клиник физиология йўналишини ривожлантирди. Болалардаги скарлатина қизилчаси (1885), сув чечак (1877) нинг мустақил касаллик эканлигини, қизамиқнинг дастлабки белгилари ва скарлатина касаллигида юракнинг зарарланишини аниқлаган. Ф. Россияда биринчи бўлиб дифтерияни зардоб б-н даволаш (*серотерапия*) усулини қўллаган. Илмий ишлари болалар невропатологиясига оид.

Ад.: Молчанов В. И., Н. Ф. Филатов, М., 1947; Мирский М. Б., Н. Ф. Филатов, М., 1967.

ФИЛАТОВ КАСАЛЛИГИ, безлар иситмаси — одамнинг ўткир инфекцион касаллиги. Биринчи марта Н. Ф. *Филатов* тасвирлаган (яна қ. *Инфекцион мононуклеоз*).

ФИЛДИНГ (Фильдинг) Генри (1707. 22. 4, Шарпем-Парк, Гластонбери яқинида, Англия—1754. 8. 10, Лисабон)— инглиз адиби. Инглиз маърифатпарварлик адабиётининг йирик вакили. Итон коллежида (1719—27), Лейден ун-ти (Голландия)да ва Темпл (Лондон)даги юридик мактабида (1737—40) ўқиган. Дастлаб Гулливер тахаллуси б-н шеър ва драмалар ёзган. «Темпллик олифта», «Фожиалар фожиаси», «Дон Кихот Англияда», «1736 йилнинг тарихий календари», «Пасквин» ва б. комедияларида сатирик образлар галереясини яратди: порахўр судьялар, сотқин сиёсатчилар, айёр савдогарларни фош этди. 1737 йили Ф. театри ёпилгач, у комедияларидаги танқидий йўналишни ҳажвий романларида давом эттирди («Марҳум буюк Жонатан Уайльд ҳаётининг тарихи», 1743; «Топиб олинган Том Жонс тарихи», 1749 ва б.). «Амелия» (1752) романида маърифатпарварлик гуманизмининг кризисига ишора қилинади, сентиментал-дидактика мотивлари сезилади. Памфлетларида демократик кайфиятлар устун. Ф. ижодига Горький юксак баҳо берган. Ж. Байрон, Г. Гейне, Б. Шоу, Н. Гоголь Ф. ижодидан таъсирланганлар.

Ад.: Алексеев М. П., Сатирический театр Фильдинга, унинг «Из истории английской лит-ры» китобида, М.—Л., 1960; Елистратова А. А., Английский роман эпохи Просвещения, М., 1965.

ФИЛЕ — Мисрда, Нил дарёсининг юқори қисмидаги орол. Бу ерда Қадимги *Миср* архитектураси ва тасвирий санъати обидалари сақланган. Изида ибодатхонаси, Траян кўшки, Осирис, Хатер, Имхотеп, Нектанебо ибодатхоналари ва улардаги ҳайкалтарошлик асарлари (рельеф тасвир ва хатлар) Қадимги мисрликлар маданияти, дини тўғрисида маълумот беради. Биринчи Асвон тўғони (узунлиги 3 *км* га яқин, баландлиги 47 *м*, кенглиги 12 *м*) қурилганда (1899) Ф. ни сув босган, архитектура ёдгорликлари бир неча марта сув остида қолиб анча шикастланган, улардаги деворий расмлар нобуд бўлган (бу деворий расмлар Наполеоннинг Мисрга юриши пайтида, 1798 йилда мукаммал мавжуд эди). ЮНЕСКО қарорига мувофиқ, Ф. муҳофаза остига олиниб, 1974 йилда пўлат девор б-н ўралди, сув ўтмайдиган қилинди ва обидаларнинг шикастланган жойлари таъмир этила бошлади.

ФИЛЯРИАЛАР (Filariidae) — паразит юмалоқ чувалчангларнинг оиласи. 380 тури маълум. Танасининг узунлиги 45 *см* гача, эни 0,33 *мм* гача. Етук индивид асосий хўжайин — одам ва умуртқали ҳайвонлар тана бўшлиги, тери ости клетчаткаси, лимфа ҳамда қон томирлари ва юрагида яшайди. *Оралиқ хўжайин* — қон сўрувчи ҳашаротлар, баъзан кана асосий хўжайин қонини сўриб Ф. личинкаси (микрофиляриа)ни юқтиради. 10 тури одамда паразитлик қилиб, *филяриатоз*ларни қўзғайди.



Филатов Н. Ф.

ФИЛИ — Москва яқинидаги қишлоқ (ҳозирги Москванинг Киев р-ни терр-ясида бўлган). Бу ерда 1812 йил 1 (13) сентябрда М. И. Кутузов бошчилигида рус қўшинлари қўмондонлигининг ҳарбий кенгаши бўлиб, рус қўшинларини сақлаб қолиш ва қарши ҳужумга тайёрлаш мақсадида Наполеон армиясига Москвани қолдириб, чекинишга қарор қилинган. Ҳарбий кенгаш бўлган ёғоч уй 19- асрда ёнғинда ёниб кетган, кейинчалик яна тикланган, ҳозир Кутузов музейи. Шу ерда Бородино жанги акс эттирилган панорама, 17- аср рус меъморлигининг энг нодир намуналаридан Покров черкови (1690- йилларда қурилган) бор. Ғишт ва оқ мармардан қурилган черков очиқ галереялар б-н ўралган, ташқаридан қараганда кўп қаватли бинога ўхшайди, юқорилашган сари ингичкалашади, бинонинг ички жозибадор безатилган.

ФИЛИАЛ (лат. filius — ўғил)— бирор ташкилот (корхона, муассаса ва б.) нинг мустақил бўлими, қисми. Ф. юридик шахс сифатидаги асосий ташкилот (корхона, муассаса)нинг функциясини тўла равишда ёки у жойлашган жойдан ташқарида бажармайди. Совет ҳуқуқига кўра, Ф. ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг қонунлари б-н белгиланган тартибда тузилади. Гражданлик муносабатларида Ф. раҳбари тегишли юридик шахсдан олган *ваколатнома* асосида иш юритади (УзССР ГК, 31- модда).

ФИЛИКОЛЛЕЗ — сув паррандаларининг сурункали гельминтоз касаллиги. Акантоцефала типига мансуб паразит чувалчанглар — филиколлислар қўзғатади. Қўзғатувчиси хонаки ўрдак ва ғозлар, шунингдек, сувда сузувчи ёввойи ва ботқоқ қушларининг ингичка ичагида паразитлик қилади. Филиколлис тухуми сув хўтикчаларида ривожланади. Сув хўтикчаларини ютиб юборган ўрдак ёки ғозлар ичагида 29—30 кундан сўнг жинсий жиҳатдан вояга етган эркак ва урғочи филиколлислар пайдо бўлади ва улар парранда ичагини жароҳатлаб, унинг ўткир яллиғланишига сабаб бўлади. Асосан, тўрт ойликкача бўлган ёш паррандалар касалланади. Касалланган ўрдак жўжалари ориқлайди, ҳолати оғирлашади, иштаҳаси пасаяди, патлари ҳурпаяди, ўсиш ва ривожланишдан қолади.

Олдини олиш: Ф. кўп тарқалганда сув ҳавзалари алмаштирилади, инвазияланган сув ҳавзаларидан 1—1,5 йилгача фойдаланилмайди. Даволаш: углерод (IV)- хлорид б-н гельминтсизлантирилади.

ФИЛИПП II Македонский (тахм. мил. ав. 382—336) — қадимги Македония подшоҳи (мил. ав. 359—336), саркарда ва дипломат, *Александр Македонский*нинг отаси. Ф. II даврида ҳарбий («Македон фалангаси» деб аталган доимий армия тузиш ҳақида) ва молиявий (олтин тангалар зарб қилиш ҳақида) реформалар ўтказилган, Македония қулдорлик давлати шаклланиб бўлган. Ф. II мил. ав. 358—338 йилларда Ўрта денгиз қирғоқларини (Пиднадан Геллеспонтгача) босиб олган ва бир неча қулай портларни қўлга киритган. Херонея яқинида греклар устидан қозонилган ғалаба (338) дан кейин Македониянинг Греция устидан ҳукмронлиги ўрнатилган.

ФИЛИППИН ЁЗУВИ—Филиппин *архипелаги*даги халқлар (тагал, висайя, бикол, пампанго, илокан ва б.) ёзуви. Ф. ё. 11—14- асрларда шаклланган. Ҳинд брахма ёзуви системаси асосидаги «Марагтас» алфавитидан келиб чиққан. Қадимги Ф. ё. бўғин ёзуви бўлган. Унда 17 та (14 ундош, учта унли товуш учун) белги қўлланган, диакритик белгилар ҳам ишлатилган. Унли товушлар фақат сўз бошидагина алоҳида ҳарфлар б-н белгиланган. 17- асрдан (умуман Испания Филиппинни забт қилгандан кейин) Ф. ё. латин алфавити б-н алмаштирилди. Ҳозирги Ф. ё. учун асос қилиб олинган тагал алфавитида 19 ҳарф ва битта қўшалоқ ундош (нг) бор. Фақат Миндаро ва Палаван о. ларида яшовчи қабилалар орасида қадимий Ф. ё. ҳозир ҳам сақланган.

ФИЛИППИН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ (ФКП)—1930 йил 7 ноябрда тузилган. ФКПнинг барпо этилишида Ишчилар партияси (1924 йил ташкил этилган) асосий роль ўйнади. 1935 йили Коминтернга қабул қилинди. 1932—37, 1942—44 йиллари яширин ишлади. 1938 йили Социалистик партия б-н бирлашди.


Иккинчи жаҳон урушида япон босқинчиларига қарши халқ курашига раҳбарлик қилган. Филиппин япон босқинчиларидан тозалангач, ФКП раҳбарлигида Ишчи ташкилотлари конгресси (1945), Миллий деҳқонлар союзи (1946) тузилди. 1946 йили президент сайловида иштирок этди. ФКПнинг димократик ҳаракатидаги обрўси ошди, унинг тўла миллий мустақиллик учун, Америка капиталининг зўравонлигига қарши кураши кучайди. Реакцион кучлар ФКП, ишчи ва деҳқон ташкилотларига қарши репрессия уюштирдилар, 1948 йили ФКП яна тақиқланди. 1950 йили ФКП МҚ секретариатининг барча состави қамалди.

Қуролли кураш даврида ФКПнинг кўп аъзолари ҳалок бўлди. 1956 йилдан бошлаб ФКП қуролли ҳаракатни тўхтатиб, тинч ва яширин кураш йўлларига ўтишга қарор қилди. ФКП раҳбарлари яширин партия ташкилотларини тузишга киришди. 1972 йили Филиппин президенти рухсати б-н ФКП очиқ ишлашга ўтди. ФКП раҳбарлари ҳукумат б-н бирга мамлакатда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар (жумладан, ер ислоҳоти) ўтказиш тўғрисида келишиб олди. Шу йилнинг охирига келиб, кўпчилик коммунистлар турмалардан озод этилди. ФКП МҚ Бош секретари — Ф. Макапагал.

ФИЛИППИН ОРОЛЛАРИ — Тинч океанининг ғарбий қисмидаги архипелаг. Ф. о. да *Филиппин* давлати жойлашган.

ФИЛИППИН, Филиппин Республикаси (Republika ñg Pilipinas; Republic of the Philippines)— Жануби-Шарқий Осиёдаги давлат. Тинч океанининг ғарбий қисмидаги Филиппин архипелаги оролларида. Мамлакат терр-ясининг 96% и 11 та йирик оролда жойлашган. Майдони 300 минг км² чамасида. Аҳолиси 42,5 млн. киши (1975). Пойтахти — Манила ш. Ф. терр-яси маъмурий жиҳатдан 73 вилоятга бўлинган (1975).

Давлат тузуми. Ф.— республика. Конституцияси 1973 йил январда ратификация қилинган (бир қатор сабабларга кўра Конституция ҳали кучга кирмаган, 1974 йил 1 январдан ҳарбий ҳолат ҳақидаги фавқулодда қонун амалда). Аҳоли томонидан 6 йил муддатга сайланадиган бир палатали Миллий мажлис олий қонун чиқарувчи орган ҳисобланади. Президент — давлат ва ҳукумат бошлиғи, қуролли кучлар олий бош қўмондони. Вилоятларда ижроия ҳокимиятини губернаторлар бошқаради. Суд системаси Олий суд, апелляция суди, шаҳарлар ва қишлоқ жойлардаги 1- босқич судларидан иборат. Барча судьяларни махсус комиссия тавсияси б-н президент тайинлайди. Ф. давлат байроғини *Давлат байроғи* мақоласи жадвалидан кўринг.



Лусон ороли марказий қисмининг ландшафти.

Табиати. Филиппин ороллари архипелаги 1800 *км* масофага чўзилган. Аксари ороллар нинг қирғоқ чизиғи жуда нотекис, ороллар маржон рифлари б-н ўралган. Рельефи. Ер юзасининг кўп қисми баландлиги 1500—2000 *м* тоғлардан иборат (энг баланд нуқтаси 2954 *м* — Миндинао о. да). Ҳаракатдаги вулканлар бор. Мамлакат терр-ясининг 1/4 қисми пасттекислик. Филиппин ороллари Тинч океан геосинклинал минтақасининг ғарбий қисмидаги ороллар ёйи системасига киради. Фойдали қазилмалардан марганец, мис, хром, никель, платина, темир ва олтин, кумуш рудалари, симоб, олтингугурт, кўмир, табиий газ конлари бор.

Иқлими мамлакат терр-ясининг аксари қисмида экваториал, шимолида субэкваториал муссонли иқлим. Йил давомида т-ра соҳилларда 24—28°, тоғ тепаларида эса 15—20°, йиллик ёғин кўп жойларда 1000—2000 *мм*, тоғларнинг шамолга рўпара ён бағирларида 3500—4500 *мм*. Ҳар йили август — октябрда 20 га яқин тайфун кузатилади. Дарёлари қисқа ва серсув. Кўл кам.

Тупроқ ва ўсимликлари. Тупроғи, асосан латерит типли қизил ва сариқ, тоғларда тоғ-каштан, дарё водийларида аллювиал тупроқ. Ўсимликлари ниҳоятда хилма-хил; мавжуд 10 минг тур ўсимликнинг 40% и эндемик. Ўрмонлар мамлакат терр-ясининг 40% дан кўпроғини эгаллаган. Қимматбаҳо ёғоч олинадиган дарахт турлари кўп. Денгиз соҳилларида мангра ўрмонлари учрайди.

Ҳайвонот дунёси. Ф. фаунаси *Ҳиндистон-Малай областига* мансуб. Ҳайвон турлари кам. Йирик сут эмизувчилар йўқ. Қушларнинг 450 га яқин тури яшайди. Судралиб юрувчилар кўп. Ф. да 42 миллий парк ва бир неча қўриқхона бор.


Аҳолиси ўзаро яқин тил ва шеваларда сўзлашувчи 90 дан зиёд элат ва қабилалардан иборат. Миндинао о. нинг жанубида моро группасига мансуб элатлар Лусон, Негрос, Миндинао оролларида аэта негроид қабилалари яшайди. 500 мингдан ортиқ хитойлар (асосан шаҳарларда), шунингдек осиёликлар, европаликлар ва америкаликлар ҳам бор. Филиппинликларнинг 90% и христиан; моролар (4 млн. кишига яқин) эса мусулмон. Расмий тиллари — тагал (пилипино) ва инглиз тиллари. Аҳолисининг ўртача зичлиги 1 км² га 139 киши (1975). Архипелагдаги 7 минг оролдан фақат 800 тасида одам яшайди. Иқтисодий актив аҳолиси 15,2 млн. киши (1974). 1970- йиллар бошида аҳолисининг 70% га яқини қишлоқ жойларда яшаган. Йирик шаҳарлари: Манила, Кесон-Сити, Себу, Сан-Фернандо, Давао.

Тарихи. Ф. терр-яси археологик жиҳатдан кам ўрганилган. Мил. ав. 2- минг йилликда Осиё материгидан, мил. ав. 1- минг йилликда эса Ҳиндихитойдан, кейинроқ Индонезиядан келган жанубий монголоидлар маҳаллий негр-австралоидларни сиқиб чиқарганлар, қисман

ассимиляция қилганлар. 15—16- асрларгача Ф. нинг катта қисмида ибтидоий жамоа тузуми сақланиб, соҳилдаги айрим р-нларда илк феодализм типидаги синфий жамият вужудга келди. 14—15- асрларда Индонезия орқали Лусон, Себу оролларида, Сулу архипелагида ислом дини тарқалди. Бу ерларда майда тарқоқ ҳокимликлар, Сулу архипелагида эса Холо султонлиги вужудга келди. 1521 йилда Ф. Магеллан бошчилигидаги Испания экспедицияси Ф. оролларини кашф қилди. Бу экспедицияни Мактано ҳокими Лапулапу (Ф. да уни мустақиллик учун курашнинг биринчи қаҳрамони сифатида ҳурматлайдилар) тор-мор этгач, Испания Ф. ни босиб олиш учун 1564 йили Легаспи бошчилигида экспедиция юборди. Легаспи отряди Ф. нинг марказий ва шимолий қисмидаги асосий оролларнинг соҳил р-нларини босиб олди. Улар аҳолининг катта қисмини (жанубдаги мусулмонлардан ташқари) христиан динига киритдилар. 1762 йилги Етти йиллик уруш даврида (1756—63) инглиз қўшинлари Ф. нинг Манила ш. ва б. қатор р-нларини бир йилгача эгаллаб турдилар.

19- асрнинг 2- ярмидан маҳаллий савдо-саноат буржуазияси шакллана бошлади. 1892 йили А. Бонифасио ва б. раҳбарлигида шаҳар камбағаллари орасида Катипунан деб аталувчи яширин ватанпарварлар ташкилоти пайдо бўлиб, тез орада уларга радикал интеллигенция қўшилди. 1896 йил 23 августда Катипунан чақириғи б-н испанларга қарши Ф. миллий озодлик революцияси (1896—98) бошланди. Қўзғолонни Э. Агинальдо бошчилигидаги буржуа-помешчиклар группаси қўллаб-қувватлади. 1897 йил 22 мартда қўзғолончилар мустақил республика эълон қилдилар. Агинальдо унинг президенти бўлди. Лекин Агинальдо группаси 1897 йил ноябрь-декабрда Испания нинг ён босишига ишониб, курашни тўхтатди. 1898 йил апрелда АҚШ Испаниянинг мустамлакаларини эгаллаш мақсадида уруш бошлади. Америкаликлар ёрдами б-н 1898 йилнинг 12 июнида Ф. иккинчи марта мустақил деб эълон қилинди (бу кун Ф. да ҳозир миллий мустақиллик куни сифатида расмий байрам қилинади). АҚШ ҳукумати Ф. мустақиллигини поймол этиб, 1898 йил 10 декабрда Испания б-н сулҳ шартномасини тузди. Шартномага мувофиқ Испания Ф. ни АҚШга 20 млн. долларга сотди. Агинальдо бошчилигидаги республика ҳукумати бунга эътироз билдиргач, 1899 йил 4 февралда АҚШ қўшинлари қарши ҳужумга ўтдилар. 1900- йилларнинг бошларида Ф. нинг мунтазам армияси алоҳида отрядларга бўлиниб, партизанлик урушини олиб борди. Бу кураш 1913 йилгача давом этди. Америка мустамлакачилари Ф. ни қўлга киритгач, маҳаллий аҳоли орасидан ўзларига социал таянч топиш мақсадида помешчикларга имтиёзлар бердилар. 1- жаҳон уруши (1914—18) дан сўнг кўпгина шакар-қанд ва ёғ з-длари, тамаки ф-калари қурилди. Йирик маҳаллий буржуазия шакллана бошлади, ишчилар синфи пайдо бўлди.

Россиядаги Улуғ Октябрь социалистик рев-яси таъсирида Ф. да коммунистик ғоялар тарқала бошлади. 1924 йили Ишчилар конгресси орасидаги марксистик группадан Ишчилар партияси тузилди. 1929—33 йиллардаги иқтисодий кризис Ф. да ишсизликни кучайтирди, деҳқонларни хонавайрон қилди. 1929—31 йилларда йирик стачкалар, деҳқонлар ғалаёнлари бўлиб ўтди. 1930 йили Ишчилар партияси раҳбарлари ташаббуси б-н *Филиппин Коммунистик партияси* тузилди, лекин 1932 йили тақиқланди, раҳбарлари эса қамоққа олинди. Ф. да синфий кураш ва ватанпарварлик ҳаракатининг кучайиши натижасида АҚШ унга автономия беришга мажбур бўлди. Ф. конституцияси лойиҳасини 1935 йил мартда АҚШ президенти тасдиқлади. 1935 йили автоном Ф. ҳукуматини националистлар партиясининг раҳбари М. Кесон бошқарди.



1941 йил декабрда Ф. га япон қўшинлари бостириб кирди. Кўпгина амалдорлар ва помешчиклар японлар б-н муроса қилиб, Япония тарафдори бўлган ҳукуматни туздилар. Коммунистлар босқинчиларга қарши Хукбалахап армиясини туздилар. 2- жаҳон уруши (1939—45) дан кейин миллий озодлик ҳаракати авж олди. 1945 йили ишчилар, деҳқонлар ва буржуа ватанпарварлари ташкилотларининг Демократик альянс деб аталувчи блоки тузилди. Унда Компартия етакчи бўлди. 1946 йил ап-




Филиппиннинг жанубидаги мусулмонлар мачити.



Лусон ороли шимолидаги тоғ ён бағриларида ифугао халқи асрлар давомида буйёд этган шолизор террасалар.

рель ойидаги президент сайловларида Демократик альянс мустақиллик ва социал реформалар ўтказиш программаси б-н қатнашди. Лекин АҚШ ҳукмрон доиралари Либерал партияни қўллаб-қувватладилар. Натижада шу партия раҳбари М. Рохас Ф. президенти қилиб сайланди. 1946 йил 4 июлда Ф. мустақил деб эълон қилинди, лекин Америка капитали мамлакатда ўз мавқеини сақлаб қолди. Ф. терр-яси АҚШнинг ҳарбий базасига айлантирилди. АҚШга қарам бўлиб қолган Ф. ҳукуматига қарши 1948 йилда коммунистлар етакчилигида кураш бошланди, бу кураш гражданлар урушига айланиб кетди. 1953 йили ҳукумат армияси ёмон қуролланган деҳқон отрядларига зарба бериб, уларни тарқатиб юборди. Гражданлар уруши йилларида Ф. да полиция террори авж олди. Ф. ташқи сиёсатда АҚШга қарам бўлиб қолди. Ф. 1954 йилда *СЕАТО* агрессив ҳарбий блокига қўшилди. 1954—55 йилларда Ф. ни АҚШ қарамлигидан халос этишга қаратилган жамоатчилик ҳаракати авж олди. 1967 йилда Ф. нинг миллий манфаатлари учун курашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган «Миллатчиликни ривожлантириш ҳаракати» деб аталувчи жамоат ташкилоти тузилди. Уни айрим буржуа-миллатчи доиралар, прогрессив ишчи ва деҳқон ташкилотлари қўллаб-қувватладилар. 70-йилларга келиб, Ф. ташқи сиёсатида бир томонлама АҚШга ён босишни қайта кўриб чиқиш тенденцияси пайдо бўлди. Ташқи сиёсат масаласида президент Ф. Э. Маркос ҳукумати 1965 йил ноябрдан миллий буржуазия манфаатларини ифодалайдиган (Миллатчилар партиясидан) мамлакат мустақиллигини мустаҳкамлашга қаратилган қатор тадбирларни амалга оширди, СЕАТОни тугатиш ташаббускорларидан бири бўлди, Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатлари б-н алоқаларни ривожлантириш, ривожланаётган мамлакатлар группасида фаол қатнашиш йўлини тутмоқда. 1974 йилда Ф. Компартиясининг очиқ фаолиятига рухсат этилди. 1970 йилдан Ф. нинг Жанубида яшовчи мусулмон аҳоли ўртасида сиёсий автономия учун қуролли қўзғолон давом этмоқда. 1973 йили Ф. Маркос парламентни тарқатиб юборди, янги конституцияни имзолади, лекин сайловлар 6 йилга кечиктирилди. Бу тадбирлар туфайли бутун ҳокимият президент қўлида тўпланди. Президент Ф. Маркос Ф. да «янги жамият» қуриш программасини эълон қилди.

Қишлоқда капитализмни ривожлантириш учун аграр ислоҳотлар ўтказиш ҳақида қонун қабул қилинди ва б. тадбирлар амалга оширилди. 1977 йилга келиб Ф. деярли барча социалистик мамлакатлар б-н (1976 йилда СССР б-и) дипломатик алоқа ўрнатди.



Филиппин. Лусон оролидаги сўнмаган Майон вулкани; олдинда Альбай қўлтиғи ва Легаспи шаҳрининг кўриниши.

Ф. нинг асосий касаба союз маркази — Филиппин касаба союзлари конгресси (1975 йилда тузилган), 300 мингга яқин аъзоси бор.

Хўжалиги. Ф.— ривожланаётган, экономикаси кўп укладли аграр мамлакат. Ф. экономикаси кўпроқ ташқи бозор б-н боғлиқ.

Қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоғи — деҳқончилик. Қ. х. да асосан майда капиталистик ва капитализмгача бўлган укладлар ҳукмрон. 1972 йилги аграр ислоҳотга қадар катта ер майдонлари помешчиклар қўлида эди. Қ. х. да фойдаланиладиган ерлар 11 млн. *га* (мамлакат майдонининг 37% и), шундан 7,6 млн. *га* ҳайдалади, 2,7 млн. *га* кўпйиллик ўсимликлар б-н банд, 0,8 млн. *га* яйлов ва ўтлоқ. Ишланадиган ерларнинг 70% ига озиқ-овқат экинлари, қолган қисмига асосан техника экинлари экилади. 1,2 млн. *га* ердаги шоли суғорилади; экин майдонининг $^1/_5$ қисмида йилига 2 марта ҳосил олинади. Маккажўхори, ширин картошка (камото), кассаву, ер ёнғоқ, сабзавот, шакарқамиш ҳам экилади. Кофе, какао, каучукли дарахтлар (1975 йилда 35 минг *т* каучук ишлаб чиқарилган) ўстирилади; ананас, банан, манго етиштирилади. Шакарқамиш, кокос пальмаси, абака ва тамаки маҳсулотлари экспорт қилинади. Ф. абака (баргидан тола олинадиган ўсимлик) ватани.

Чорвачилик ёрдамчи аҳамиятга эга. 1975 йилда мамлакатда 7,3 млн. қорамол, жумладан 5 млн. асосий иш ҳайвони ҳисобланган буйвол (карабао), 9,7 млн. чўчқа, 1,4 млн. эчки, 51 млн. парранда бўлган. 1974 йилда ички денгизлардан 1,3 млн. *т* балиқ овланган. Ф. жаҳон бозорига қимматбаҳо ёғоч (пушти ва қизил дарахт ёғочлари) чиқаради. 1974 йилда 32,4 млн. $м^3$ ёғоч тайёрланган.

Саноати. 1960-йиллардан оғир саноат корхоналари барпо этилмоқда. Ф. фойдали қазилмаларга бой. Кўмир (1975 йилда 100 минг *т*), темир, марганец ва мис рудалари, хромит, симоб, никель, олтин, кумуш қазиб чиқарилади; фосфат, пирит, мармар ҳам олинади. Электр станцияларининг умумий қуввати 3 млн. *квт* (1973). 1975 йилда 12,5 млрд. *квт-с* электр энергия ҳосил қилинди.

Ишлаб берувчи саноатида енгил ва озиқ-овқат саноатлари тармоқлари етакчи ўринда. Шакар-қанд, шоли оқлаш, кокос пальмаси маҳсулотига ишлов бериш, канат-арқон буюмлари, тамаки, мева консерваси, шунингдек тўқимачилик, кўн пойабзал, мебель, кимё (минерал ўғитлар), металлсозлик корхоналари (тайёр қисмлардан енгил ва юк автомобиллари ва электротехника буюмлари йиғиш), металлургия корхоналари бор. Қурилиш материаллари (цемент, ойна-шиша) ишлаб чиқарилади.

Транспорти. Жами т. й. узунлиги 1403 *км* (1975). Манила ш. ва Мактан о. да халқаро аэропорт бор. Асфальтланган йўлларнинг узунлиги 28,4 минг *км*. Узунлиги 1,3 минг *км* Транс-Филиппин автомагистрали (Апарри ш.— Давао ш.) қурилмоқда (1976). Автомобиль паркида 600 мингга яқин автомашина бор (1973). Портларининг умумий юк обороти 40 млн. *т* дан зиёд (1974). Энг катта порти — Манила (юк обороти 8,5 млн. *т*). Миллий денгиз савдо флотининг тоннажи 0,9 млн. брутто рег. *т* (1975).

Ташқи савдоси. Экспорт қийматининг $^2/_3$ қисми қ. х. маҳсулотларидан келади.

Пул бирлиги — песо (7,4 песо 1 долларга тенг; 1976 йил ноябрь).

Қуролли кучлари қуруқликдаги қўшинлар, Ҳарбий-Ҳаво ва Ҳарбий-Денгиз Кучларидан иборат. Олий бош қўмондон — президент. Қуролли кучларга мудофаа министри бевосита раҳбарлик қилади. Армия ҳарбий хизмат ҳақидаги қонун асосида ҳамда ёллаб тўлдирилади. Қуролли кучлар шахсий состави 67 минг кишига яқин (1975). Ҳарбий-Ҳаво Кучларида 50 жанговар, 65 транспорт самолётлари, 25 вертолёт, Ҳарбий-Денгиз Кучларида турли типдаги 46 катер ва 15 кема бор.

Соғлиқни сақлаш. 1970—75 йилларда ҳар минг кишига туғилиш 26,1 ўлим 6,9 нафарни ташкил этди (1975, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумоти). Юқумли касалликлар, қорин тифи, полиомиелит, мохов ва б. касалликлар тарқалган. 1969 йилда 764 касалхона (43,5 минг ўрин), 0,7 минг болалар консультацияси, қишлоқ жойларда 1,5 минг даволаш пункти хизмат кўрсатди. Тўлиқ бўлмаган маълумотларга кўра, 1971 йилда 14 минг врач (2,6 минг кишига 1 врач), 19 минг ўрта медицина ходими ишлади. Врачлар 7 медицина мактабида тайёрланади.

Ветеринария хизмати. Ф. да чўчқа ўлати, Ньюкасл касаллиги, қушларнинг микозлазмоз ва кокцидиози, қорамол пастереллёзи ва б. касалликлар тарқалган. Ветеринария хизмати Қ. х. министрлиги ихтиёрида, 1975 йилда 580 ветврач ишлади. Ветврачлар 2 давлат ун-ти ва хусусий Аранета Ветеринария ин-тда тайёрланади.

Маорифи. Аҳолисининг 84% кўпроғи саводхон (1975). Таълим системасининг бошланғич босқичи — болалар боғчаси (57,4 минг бола, 1972). Кейинги босқич — бошланғич мактаб, асосан, давлат ихтиёрида, бепул ва 6—13 ёшдаги болалар учун мажбурий, шаҳарларда 6 йиллик, қишлоқларда 4 йиллик (7,8 млн. ўқувчи, 1973—74). Умумтаълим ўрта мактаблари 4 йиллик (1,8 млн. ўқувчи, 1973—74). Ўқиш, асосан, тагал ва инглиз тилларида олиб борилади. Бошланғич мактаб ўқитувчилари педагогика колледжларида тайёрланади. Мамлакатда 40 ун-т ва 600 колледж бор (1975). 1973/74 ўқув йилида ун-т ва колледжларда 810 мингдан ортиқ студент ўқиди. Кесон-Ситидаги Филиппин ун-ти (1908 йилдан; 18 минг студент), Маравн-Ситидаги Минданао ун-ти (1961 йилдан, 5,8 минг студент), бир неча ин-т ва колледжлар давлатники. Йирик кутубхоналари: Филиппин ун-ти кутубхонаси (722 минг асар), Маниладаги Миллий кутубхона (360 минг асар) ва б.

Манилада Ф. Миллий музейи (1901 йилдан), Санто-Томас музейи (1682 йилдан) ишлайди.

Илмий муассасалари. 100 дан ортиқ илмий тадқиқот ташкилотлари бор. Давлат илмий ишларни Фанни ривожлантириш миллий бошқармаси (1958) ва Тадқиқотлар миллий кенгаши (1947, тарих бўйича 1934 йилдан) орқали бошқаради. Етакчи илмий муассасалар ун-тлар ҳузурида тўпланган. Миллий Фанлар академияси ташкил этилди (1976). Мамлакатда бир неча илмий жамиятлар бор. Лос-Баньосда Шоликорлик халқаро илмий тадқиқот ин-ти бор (Осиёнинг бир қанча мамлакатларида экиладиган шоли навлари яратилган).

Матбуоти, радио ва телевидениеси. 1976 йилда 16 кундалик газета ва 250 га яқин турли даврий нашрлар (умумий тиражи 1 млн. нусхага яқин) чиқиб турди. Пирик кундалик




1. Шолини кўчат қилиш. 2. Денгиз сувидан туз олиш. Лас-Пиньяс (Лусон о.).


газеталари: «Буллетин тудей», «Филиппинс дейли экспресс», «Балита» (ҳаммаси 1972 йилдан Манилада чиқади), «Таймс джорнал» (1972 йилдан, Пасиг ш. да), «Бизнес дей» (1967 йилдан, иқтисодий газета, Кесон-Ситида). Ҳукумат ахборот агентлиги — Филиппинс ньюс эйдженси 1973 йили ташкил этилган. Телевидение кўрсатувлари 1958 йилдан бошланган. 180 га яқин радио ва 20 телевидение станцияси бор.

Адабиёти. Ф. халқлари ва элатлари адабиёти тагал (пилипино) ва б. маҳаллий тилларда, шунингдек, испан ва инглиз тилларида ривожланиб келмоқда. Ф. фольклори ва эпосида малайя ва индонез-ява адабий анъаналарининг таъсири бор. 16—19-асрларда Ф. адабиётига испан мустамлакачилари ҳукмронлиги таъсири кучли бўлди, аҳоли католик динига киритилди, адабиёт диний мазмун олди. Ф. адабиётининг асосчиси — Ф. Балтасар (1788—1862), унинг «Флоранте ва Лаура» поэмаси машҳур (1838); 1856 йилда М. де Кастронинг тагал тилидаги биринчи романи — «Урбан ва Фелиса» чиқди. Гуманист ва ватанпарвар адиб Х. Рисаль (1861—96) романлари, шеърлари ва б. б-н испан тилдаги дунёвий адабиётга асос солди.

Мамлакатнинг АҚШ мустамлакасига айлантирилиши ва инглиз тилининг тарқалиши испан тилидаги адабиёт ривожига халақит берди. 20-асрда маҳаллий тиллардаги, биринчи навбатда тагал тилидаги адабиёт ривожланди. А. В. Эриандес (1903—1970) тагал адабиётининг классиги ҳисобланади. 60-йиллар охиридан маҳаллий тиллардаги адабиётда юксалиш сезилмоқда. Инглиз тилидаги Ф. адабиёти дастлаб Америка адабиётига тақлид тарзида вужудга келди. Инглиз тилидаги адабиёт етук ҳисобланса ҳам, лекин тагал тилидаги адабиёт уни сиқиб чиқармоқда. Умуман Ф. адабиётида дидактика ва сентиментализм, Рисаль давридан эса сиёсий ва ижтимоий масалаларга эътибор устунлик қилади.



Манила шаҳри кўринишларидан бири (университет биноси).



Моронгодаги черков (Лусон ороли). 18-аср.

Архитектура ва тасвирий санъати. Филиппинликларнинг анъанавий уйлари ерга ёгоч қозиқлар қоқиб чайласимон қилиб қурилади (усти пальма барглари б-н ёпилади). Мустамлака йилларида барокко ва классицизм услубларида черков, монастир, саройлар қурилди, шаҳарлар бунёд этилди. Испан меъморлигига хос архитектура шакллари безакнинг миллий мотивлари б-н уйғунлашган. 19- асрнинг 2- ярми —20- асрнинг 1- ярмида Манила ш. Ғарбий Европа ва Америка меъморлиги руҳида қурилди. 20- асрнинг 30- йилларидан маҳаллий архитекторлар етишиб, замонавий бино ва иншоотларни миллий руҳда безашга аҳамият бера бошладилар. Рассом Ф. Аморсоло 19- аср реалистик санъати анъаналарига асосланган мактабга бошчилик қилди.

Музика маданияти этник ва диний тафовутлар туфайли турли-туман. Тоғлик ва мусулмон халқларнинг қадимий ашула ва рақслари ўзгаришларга учрамай сақланган. 16—18- асрларда христиан динига киритилган ва испанлар таъсирига тушган халқларда испан ашула ва рақслари кенг тарқалди. 16- асргача Ф. музикаси малайлар ва ҳинд маданияти таъсирида бўлди. 19- асрдан профессионал музика ривож топа бошлади. Мамлакатнинг асосий музика маркази — Манила (йирик музика ташкилоти — Миллий филармония жамияти миллий музика анъаналарини ривожлантирмоқда, филиппинликларнинг чет эл, жумладан рус классик ва совет музикаси б-н таништиришда муҳим ишлар қилмоқда). Музика коллективлари орасида машҳури «Баяниҳан» ашула ва рақс ансамблидир (1956 йилдан; 1968, 1971, 1977 йилда СССРда гастролда бўлди). 1960- йиллардан музикада АҚШ музика маданиятининг таъсири кучайди. Миллий музика кенгаши, Композиторлар жамияти ва ҳ. к. бор. Консерваториялардан ташқари ун-тларда музика ва нафис санъат колледжлари, музика ф-тлари ишлайди.

Театри тагал ва унга яқин тилларда, шунингдек испан ва инглиз тилларида ривожланиб, хитой, ҳинд, индонез, кейинроқ испан ва Америка театрлари маданияти анъаналарини ўзига сингдирган. Инглиз тилида илк ҳаваскорлик театри («Литл тиэтр») 1914 йилда Манилада ташкил этилди. Япония оккупацияси даврида (1942—45) тагал тилидаги театр бирмунча ривожланди. Мустақилликдан сўнг (1946) кўпгина пьесалар тагал тилида яратилди. Европа мамлакатлари адабиёти классикларининг асарлари, жумладан А. П. Чехов пьесалари тагал тилига таржима қилинди. Манила ва б. шаҳарларда ҳаваскорлик, ўқув ва ярим профессионал театр труппалари бор.

Киноси. Мунтазам фильмлар чиқариш 1919 йилда реж. ва актёр Х. Непомусено томонидан миллий кинофирма ташкил этилгач бошланди.1924 йилдан инглиз тилида фильмлар яратила бошлади. Испан тилида кино санъати ривож топмади. Кинематография ривожига Америка киносининг таъсири катта бўлди. 1950—60- йилларда Ф. кино бозорида АҚШ фильмлари кўпайиб кетди. Чет эл гангстерлик ва сексфильмларига тақлидий фильмлар кўпайди. 1952 йилда Ф. кино санъати академияси ташкил қилинди. 60- йиллар ўрталаридан Манила кинофестивали ўтказилмоқда. 70- йиллар ўрталарида кино саноати ҳар йили 180 га яқин тўла метражли фильм ишлаб чиқарди. 807 кинотеатр бор (1975).



Э. Кастрильо. «Пьета». Мис. 1969—70 Лойола мемориал парки (Манила ш.) да.

Ад.: Подберезский И. В., Страна семи тысяч островов, М., 1970; Левинсон Г. И., Филиппины на пути к независимости, М., 1972; Барышникова О. Г., Жулев И. Ф., Филиппины, М., 1975; Сантос А., Филиппинская литература, М., 1965; Макаренко В. А., Основные черты послевоенной филиппинской литературы, «Литературы зарубежной Азии в современную эпоху» китобида, М., 1975.

ФИЛИППИН ТИЛЛАРИ — Филиппин архипелагида яшовчи туб аҳоли тиллари. Малайя-полинез тиллари оиласининг индонез гуруҳига мансуб. Ф. т. да тахм. 41,5 млн. киши гаплашади (1974). Ф. т. 100 дан ошиқ бўлиб, шулардан асосийлари: висайя, тагал, илокан, пампанго, пангасинан, бикол, ибаног ва самбал. Улардан *тагал тили* — Филиппин давлатининг расмий тили. Ф. т. нинг ёзуви 11—14- асрларда шаклланган (қ. *Филиппин ёзуви*). Морфологик жиҳатдан агглютинатив тиллардан, фонетикасида 4—5 унли ва ундош фонемалар ичида бўғиз товушлари бор. Ф. т. даги сўзларнинг тузилишида маъноси ўзгарувчи ўзакларга кўп маъноли қўшимчаларни қўшиш (фузия ҳодисаси) характерлидир.

Ад.: Аракин В. Д., Индонезийские языки, М., 1965.

ФИЛИППИНЛАР — бир-бирига қардош халқлар группаси. Филиппин о. лари аҳолисининг асосий қисмини ташкил этади. Сони 41,5 млн. киши (1974). Тагал ва инглиз тиллари давлат тили ҳисобланади. Ф. нинг этник таркиби турли халқлар ва қабилалар — висайя (41%), тагаллар (21%), илоклар (12%), пангасинан, ибаног ва б. дан иборат. Ф. нинг 85% и католик, 15% и ислом динига эътиқод қилади. Тагаллар Лусон о. нинг жанубий қисмини банд этиб, деҳқончилик, қисман балиқчилик, ҳунармандлик б-н шуғулланади. Висайя энг кўп сонли халқ бўлиб, Самар, Лейте, Себу, Негрос, Бохоль, Панай ва б. о. ларда яшайдилар ва тагаллар каби деҳқончилик (асосан шоли, маккажўхори, кокос пальмаси, шакарқамиш ўстириш ва б.) б-н шуғулланадилар.

ФИЛИПЧЕНКО Анатолий Васильевич (1928. 26. 2, Воронеж обл. Лискин р-ни Давидовка поселкаси) — СССР космонавт-учувчиси, полковник, икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони (1969. 22. 10, 1974. 11. 12). 1952 йилдан КПСС аъзоси. Ҳарбий-Ҳаво Кучларининг Воронеждаги махсус мактабини (1947), Чугуев ҳарбий-авиация билим юртини (1950), Ҳарбий-ҳаво академиясн (ҳозир Ю. А. Гагарин номида)ни (1961) тугатган. 1963 йилдан космонавтлар отрядида. 1969 йил 12—17 октябрда «Союз-7» космик кемасининг командири сифатида (В. Н. *Волков* ва В. В. *Горбатков*лар б-н бирга) космосга парвоз қилган. 118 соат 20 мин. космосда бўлиб (Ер атрофини 80 марта айланган), бир кеча-кундуз давомида «Союз-6» ва «Союз-8» кемалари б-н биргаликда парвоз қилган. 1974 йил 2—8 декабрда Н. Н. *Рукавишников* б-н бирга «Союз-16» космик кемасининг командири сифатида парвоз қилган. Кема 5 сутка 22 соат 24 мин. давомида Ер атрофини 97 марта айланиб учди. Парвоз вақтида Ф. «Союз» ва «Аполлон» космик кемаларини туташтириш учун ишлаб чиқилган янги агрегатни синовдан ўтказишда қатнашган. Ф. ҳаммаси бўлиб космосда 260 соат 44 мин. бўлган. 2 марта Ленин ордени б-н мукофотланган.

...ФИЛИЯ (юнон. phileo — мойилман, севаман) — бирор нарсани севиш, унга мойилликни ифодаловчи қўшма сўз бўлаги, мас., *гидрофилия*, термофилия.

ФИЛЛИТ (юнон. phyllon — варақсимон) — метаморфик тоғ жинси. Серицит ёки хлоритнинг майда тангачаларидан таркиб топган. Юпқа варақ-варақ; ипакдек ялтироқ; кул ранг ёки қора; силлиқ, зич. Кумтош ва гилмояларнинг метаморфизмга учраши натижасида ҳосил бўлади; таркибида гилли минераллар йўқ. Ф. нинг биотитли, кварцли, гранатли, кварцитли, серицитли, хлоритли турлари маълум. Ўзбекистонда — Қурама ва Чатқол тоғларида, Жанубий Фарғона, Қизилқумда асосан биотитли ҳамда хлоритли Ф. лар кўп.

ФИЛЛОДИЙ (юнон. phyllon — барг ва eidos — шакл) — баргнинг тўла ёки қисман редукцияланган ва баргсимон кенгайган банди. Барг пластинкаси функциясини бажаради. Қўпчилик австралия акацияларида ва баъзи австралия саноларида бўлади. СССРда ўсадиган ўсимликлардан, мас., бурчоқда Ф. ривожланиб, ўсимликдан сув буғланишини камайтиради.

ФИЛЛОКЛАДИЙ (юнон. phyllon — барг ва kledos — шохча, новда) — ўсимликларнинг шакли ўзгарган новдаси. Буларнинг пояси баргсимон шаклга кириб, *фотосинтез* вазифасини ўтайди. Тез ўсадиган ясси баргсимон новдалар Ф., секин ўсадиганлари *кладодий* деб аталади. Баъзан булар синоним терминлар сифатида қўлланаверади.

ФИЛЛОМЕДУЗАЛАР (Phyllomedusa) — *бақақуриллоқлар* оиласининг бир уруғи. 30 тури маълум. Асосан, Марказий ва Жанубий Америкада тарқалган. Танаси 6 *см* ча, одатда, усти яшил, қорни қизил, бинафша ва б. ёркин тусда. Оёқларидаги биринчи (бош) бармоғини бошқаларига қарши қўя олгани учун нарсаларни қамраб ушлайди. Қуруқликда қадамлаб югуради, сувда ёмон сузади. Бармоқлари орасидаги сузгич парда кам ривожланган ёки йўқ. Дарахтларда яшайди. Қорони тушганда ёки тунда актив. Ўлжасини узун, ёпишқоқ тили б-н ушлаб ютади. Ёпишқоқ увилдириғини (100 га яқин) январда сув устида осилиб турган баргларга ўраб ёки улар орасига қўяди. Увилдириқдан чиққан итбалиқ ривожланишнинг қолган босқичлари (*метаморфоз*)ни сувда ўтказади.

ФИЛЛОФОРА (Phyllopnora) — филлофордошлар (филлофорагуллилар оиласи)га мансуб денгиз қизил сувўтлари туркуми. Талломи пластинкасимон, оддий ё шохланган. Четлари кўпинча буришган, бўйи 40—50 *см*. Карпоспоралар, тетраспоралардан ва талломидан бўлиниб кўпаяди. Совуқ ва мўътадил денгизларда ўсадиган 15 тури маълум, СССРда 5 тури учрайди. Ф. дан каррагинин олинади.

ФИЛОГЕНЕЗ (юнон. phulon — қабила, туркум, тур ва ... *генез*), филогения — организмларнинг тарихий ривожланиши. Ф. терминини фанга немис эволюционисти Э. Геккель киритган (1866). Ф. процесси ва унинг қонуниятларини филогенетика ўрганади. Ф. ни ўрганиш турлар ва б. организм группаларининг келиб чиқишини, тарихини, уруғдошлик алоқаларини аниқлаш ва тирик табиат шажарасини тузиш имкониятини беради. Э. Геккель морфология, эмбриология ва палеонтология фанлари маълумотларини таққослаб, систематик группаларнинг тарихий ривожланишини ўрганди. Инглиз эволюционисти У. Гарстанг (1922) Ф. тушунчасини кетма-кет келувчи изчил, ўзаро боғлиқ авлодлар нисбати: ота-оналар — болалар — неваралар сифатида шакллантирди. И. И. Шмальгаузен ҳам Ф. ни «қатор тарихий маълум (танланган) онтогенезлар» деб, мазкур ғояни ривожлантирди. Ф. «тарихий маълум онтогенезлар» деб талқин қилинса, ҳар қандай систематик группаларнинг ривожланишини аниқлаш мумкин. Маълум систематик группалар учун хос тарихий ўзгаришларни ўрганиш бу группанинг Ф. ни қайта тиклаш имконини беради. Лекин белгилар эволюциясининг бир текисда бўлмаслиги ва б. Ф. ни тиклашда жуда кўп хатоликларга олиб келади. Шунинг учун Ф. ни қайта тиклашда бир қанча биологик фанлардан, мас., молекуляр биология, биохимия, генетика, биогеография, экология ва б. дан кенг фойдаланилади. Органик дунё системасини тузиш эволюцион назарияни ривожлантириш ва таксономик группаларнинг системадаги ўрнини аниқлаш учун асос бўлади. Умуртқали ҳайвонлар ва юксак ўсимликлар филогенези тўлиқроқ, энг қадимги тубан ўсимликлар филогенези палеонтологик ва эмбриологик маълумотлар етарли бўлмаганлигидан кам ўрганилган.

Ад.: Северцов А. Н., Морфологические закономерности эволюции, М.—Л., 1939; Федотов Д. М., Эволюция и филогения беспозвоночных животных, М., 1966; Рауп Д., Стэнли С., Основы палеонтологии, Пер. с англ., М., 1974.

ФИЛОЛОГИЯ (*фил...* ва *логия*) — ёзма ёдгорликларнинг тили ва *стилистика*сини таҳлил этиш орқали инсоният маънавий маданиятининг тарихи ва моҳиятини ўрганувчи умумий фан. *Тилшунослик, адабиётшунослик,* тарих, фалсафа, эстетика, этнография ва б. гуманитар фанлар ҳамкорлигида таркиб топган. Ф. ёзув маданияти юксалган даврда юзага келган.



Филипченко А. В.

Қадимги Яқин Шарқ мамлакатларида ҳозирги маънодаги Ф. ҳақида аниқ тушунчалар бўлмаса-да, маълум даражада ёзув маданияти мавжуд эди. Мил. ав. 4 мингинчи йилларда Шумер грамматикаси, мил. ав. 18- асрда *Хаммурапи қонунлари* ёзилган. Ҳиндистонда мил. ав. 5—4- асрларда Панини ва мил. ав. 2- асрда эса Патанжали грамматикаси ёзилган. Қадимги Хитойда ҳам мил. 5—6- асрларда Лю Се томонидан Ф. таълимотига оид асар яратилган. Қадимги Ҳиндистон ва Хитойдаги Ф. га оид асарлар янги даврларгача европаликларга маълум эмас эди. Ф. фанларининг дастлабки намуналари антик дунё мамлакатларида учрайди. *Софистлар* таълимоти (мил. ав. 5—4- асрлар) жамиятда маърифатли табақаларнинг юзага келишига сабаб бўлган. Филологик методнинг юзага келишида Протагор, Горгий, Продик каби софистлар муҳим роль ўйнаган, Аристотелнинг «Поэтика» асарида адабиёт назарияси ўз даврига нисбатан етук даражада нфодаланган.

Эллинизм даврида (мил. ав. 3—1- асрлар) Ф. философия фанидан ажралиб чиқади, махсус мутахассислар Ф. б-н шуғуллана бошлайди. Мас., Искандария кутубхонаси мутахассислари классик муаллифларнинг тузатилган ёзма манбалари устида иш олиб борганлар ва уларга изоҳлар берганлар. Фракиялик Дионисий (тахм. мил. ав. 170—90 йиллар) *сўз туркумлари*га асос солди.

Илк христианлик даврида яшаган Ориген ва б. олимлар муҳим текстологик ишлар олиб борганлар. Византия империясининг илк даврларида ҳам *текстология* соҳасида ва шаҳарлар ёзишида антик дунё традицияси давом этган.

Қадимги Римда «Ф.» термини грамматика сўзига нисбатан бошқача талқин қилинган;

биринчи ўринда адабиётга хос жанр формалари ва мазмун англанган, иккинчи навбатда грамматика, орфография масалалари б-н боғланган текстлар шарҳи схоластик асосида тушунилган.

Илк феодализм даврида — Ф. Европада тушкунликка учраган пайтда, араб Ф. си 8—14- асрлар давомида кенг кўламда ривожлана бошлаган. Араб Ф. сида тилшунослик соҳаси тараққий этган. Бу даврда Кўфа ва Басра грамматик оқимлари юзага келган. Басра грамматик оқими вакили *Халил ибн Аҳмад* (8- аср) томонидан ёзилган «Қитоб-ул-авомил» асарида классик араб тили нормалари баён қилинган. Кўфа грамматик оқими вакилларидан Абу Жаъфар Муҳаммад ар-Руъасий (9- аср) араб тили синтаксисига оид «Китоб ул-ифрод вал жам» номли асар ёзган. 8- аср охирларида ҳар икки араб грамматик оқим таълимоти янада ривожланди. Басра грамматик оқими вакили Халил ибн Аҳмаднинг шогирди Сибаваҳий «Ал-Китоб» номли асарида араб тилида сўз туркумларини уч асосий группага ажратган: исм, феъл, ҳарф ва сўз туркумларининг синтактик муносабатларини белгилайди. Кўфа грамматик оқими вакили Али ал-Қисаъийнинг (8—9- аср) «Рисола фи лаҳнул аммо» номли асарида араб тилининг диалектал грамматик хусусиятлари ифодаланган. 9—10- асрларда ҳар икки грамматик оқим мустақил тилшунослик фани даражасига кўтарилган. Басра ва Кўфа грамматик оқими асосида Бағдод грамматик мактаби юзага келиб, Сибаваҳий таълимоти ривожлантирилади ва Бағдод грамматик назарияси яратилади. Бағдод грамматик оқимининг вакили Ибн Жинний (10- аср) ўз асарларида *этимология* масалаларига эътибор берган. Араб халифалиги ҳукмронлиги Сурия, Миср, Эрон, Испания, Ўрта Осиёга қадар тарқалиши муносабати б-н бу р-нларда ҳам Кўфа, Басра, Бағдод грамматик оқимлари таъсирида филолог-тилшунос олимлар етишиб чиқади.

10—14- асрларда Ибн ул-Ҳожиб, Ибн Кутайба, Маҳмуд ибн Умар *Замахшарий* (12- аср), Ибн Малик (13- аср), Муҳаммад бин Давуд бин Ажуррум ас-Санҳажи (13- аср), Абдусамад Муҳаммад Саъмоний (12- аср), Ёқут Ҳамавий (13- аср), Жамолиддин Қифтий (12—13- асрлар) каби тилшунослар араб Ф. си тараққиётига катта ҳисса қўшганлар.

Туркий халқларда Ф. қадимда махсус фан сифатида қаралмаган бўлса ҳам, унга оид жуда кўп асарлар ёзилган. *Маҳмуд Кошғарий* (11- аср), Замахшарий (12—13- асрлар), Ибн Муҳанна (13—14- асрлар), Жамолиддин ат-Туркий, Абу Ҳайён, «Таржумани туркий ва ажамий ва мўғалий» (14- аср) ва «Китоби ат туҳфатуз закияту фил луғати туркий» (14- аср) асарларининг номаълум муаллифлари туркий тилларда Ф. фанининг ривожига ҳисса қўшганлар. Шунингдек, Алишер Навоийнинг «Муҳокамат ул луғатайн» ва «Мезон ул авзон» (15- аср) ҳамда номаълум муаллифнинг «Бадои ул луғат», асари, Мирза Маҳдихонининг (18- аср) «Санглоқ» луғати ўзбек тили Ф. си тарихига қўшилган муҳим ҳиссадир. 11—18- асрларда умумтуркий ҳамда эски ўзбек тилида бадиий асарлар ҳам ёзилган. Туркий халқлар, жумладан, ўзбек халқи тарихига, фалсафасига ҳамда астрономиясига доир жуда кўп асарлар яратилган; бу асарлар ҳам кенг маънодаги Ф. фанини бойитган.

Европа феодализмининг илк даврларида Ф. да схоластика кучайган, Ф. илмий тушунчаси қисқарган, мактаб программаси даражасига келиб қолган эди. Диний ақидаларни пропаганда қилиш мақсадида мутахассислар ёзма обидалар текстини шарҳлаш б-н шуғулланганлар, генеалогик асосда тадқиқот қилинмаган. Уйғониш даврида Ф. диний схоластик-гуманизм асосида маълум даражада ривожланган. 15- асрда антик дунё ёзма ёдгорликларига оид манбаларнинг кўплаб топилиши (М. Лоренц Валл, Ф. Петрарка, Цицерон, Вергилий ва б. асарлари) Ф. ни ривожлантириш учун асос бўлди. Уйғониш даври гуманистлари схоластик метод асосида Ф. га хос тафаккурни ўзлаштириш б-н чегараланибгина қолмай, балки масалага танқидий муносабат б-н қарашга интилганлар. Эразм Роттердамскийнинг диний ақидага оид манбаларга филологик танқидий нуқтаи назардан қараб ёзилган ишлари Реформация даври учун замин тайёрлашда муҳим роль ўйнади.

16—17- асрларда Европа мамлакатларида миллий маданият юзага келиши муносабати б-н герман, роман, инглиз, славян ва б. халқлар Ф. си шакллана бошлади. Немис филологи И. И. Винкелман Ф. фанида янги гуманизм (неогуманизм) назариясининг кучайишига асос солди. Бу даврнинг йирик филологларидан француз Жюль Сезар, Жозер Жюст, Анри I, Анри II, Роберт I ва Қазабон, Г. Бюде ҳамда голландиялик Юст Липси, Д. Геанзий, И. Ф. Грановий, Т. Хемстерхейс, Валькенар, инглиз Р. Бент-ли, Р. Порсон, немис И. Рейхлин, Ф. Мелонхтон ва Комерари, Франциск Юний, Гикс, Арне Мангуссон Ф. фанининг янада ривожланишига ҳисса қўшдилар.

Немис филологи Ф. А. Вольф (1759—1824) умумий маданият тарихини Ф. номи б-н атайди; шу давр немис филологларидан Х. Г. Гейне, К. О. Мюллер ва б. ҳам Ф. фани ривожига муносиб ҳисса қўшганлар.

Германияда К. Лахман ва унинг шогирдлари М. Гаупт, К. Мюлленгоф ва б. филологларнинг тадқиқотлари Ф. фанининг янгича ривожланишига таъсир кўрсатган. 19- асрнинг ўрталарида Ф. нинг бошқа фанлардан ажралиш жараёни кучайган эди. Немис филологлари Г. Узенер, Э. Роде, У. фон Виллановиц-Мёллендорф ва б. таълимотида Ф. қадимги дунё тарихидан мустақил фан сифатида ажралган ва классик Ф. таълимоти асосида том маънодаги янги Ф. фани вужудга келди. Янги Ф. асосида мустақил герман, роман, славян тилшуносликлари ташкил топди. Янги тилшунослик фани ютуқлари асосида ака-ука Я. ва В. Гриммлар герман тилшунослигини, А. Х. Востоков, В. Ганка славян тилшунослигини ривожлантирди. Шу б-н бирга Гриммлар, А. Востоков, Ф. Диц, И. Дубровский ва б. филологлар қиёсий-тарихий метод назариясини олдинга сурдилар.

Қиёсий-тарихий метод асосида эроншунослик, ҳиндшунослик ва шарқшунослик фанлари ривожланди. 18—19- асрларда ижтимоий-сиёсий зарурат натижасида Ф. нинг бир тармоғи сифатида *туркшунослик* фани пайдо бўлди.

19- асрнинг 1- ярмида тарихий ёзма обидаларни ўрганишда филологларнинг икки назарий метод оқими юзага келган: 1) танқидий; 2) шарҳлаш (интерпретация) методлари. Бу назарий методлар асосида тадқиқот ишлари олиб борилди. Ф. А. Вольф, Г. Аста, А. Шлейермахер, А. Бёк ёзма обидаларни шарҳлаш методига асосланиб, илмий тадқиқот қилганлар ва буларнинг генеалогик асоси идеалистик характер касб этган. А. Бёк ва Г. Узенер ёзма ёдгорликларни тўрт хил шарҳ б-н ифодалаган: 1) грамматик ёки адабий; 2) махсус; 3) тарихий; 4) генетик. Бёк назариясига кўра, Ф. деярли философияга яқин туради. Ф. фанининг шарҳини тасодифан юз берган тарихий жараён б-н тушунтиради. Бёк бир томондан турли фанларнинг тарихий тажрибасига, иккинчидан, «билиш назарияси» га асосланиб, Ф. фанига онг тарихи сифатида қарайди. Ф. ва тарих фанларининг ўзаро муносабатлари Г. Узенер томонидан маданий-тарихий ҳаёт йўналиши асосида талқин қилинган.

20- аср бошларида Ф. назарияси йирик немис филологларидан У. фон Виллановиц-Мёллендорф ва В. Дильте томонидан идеалистик асосда шарҳ қилинган.

Марксча тарихий материализм таълимотига кўра, тадқиқотчи томонидан махсус танланган текст шарҳланганда, ундан ҳар бир тарихий ҳодисанинг объектив моҳиятини илмий асосда кузатиш ва тажриба методлари воситасида танқидий ёндашиш талаб этилади. Текст танқидий анализ қилинганда икки ҳолатга эътибор бериш зарур: 1) текстнинг асл нусха ёки сохта эканлигини аниқлаш; 2) ёзма обиданинг дастлабки ҳолатини тиклаш, қўшиб қўйилган ўринларини белгилаш ёки вақт ўтиши б-н йўқолган қисмларини аниқлаш, тиклаш ва тўлдириш.

Марксизм ёзма адабиёт ёдгорликларига объектив тарихий-ижтимоий ҳаётнинг инъикоси деб қарайди. *Контекст*нинг логик мазмунига, тадқиқ қилинувчи ёзма обидаларга яқин туруви манбаларнинг боғлиқ томонларига ҳам эътибор бериши ўргатади, ёзма манбаларга шарҳ берилганда субъектив муносабатларга танқидий ёндашишни талаб қилади.

Ф. фани ҳозирги замонда ижтимоий ҳаётнинг барча даврларига хос ёзма манбалар б-н узвий боғланган ҳолда ривожланмоқда, тарихан прогрессив асосда яратилган назарияга ва практикага оид методологик принципларга риоя қилган ҳолда объектив ижтимоий ҳаётни акс эттирмоқда; Ф. ижтимоий ва б. фанларга оид барча контекстлар б-н узвий боғланган. Ҳозирги замон Ф. си тадқиқот предмети сифатида тилшунослик, адабиётшунослик, матншунослик, манбашунослик каби қатор соҳаларни ўз ичига олади. Филологик тадқиқотлар мавжуд манбаларга марксча-ленинча илмий ва танқидий нуқтаи назардан ёндашиш орқали олиб борилмоқда.

Октябрь рев-ясидан сўнг ўзбек тилшунослиги, адабиётшунослиги ҳамда манбашунослиги Ф. фанининг тармоқлари сифатида тараққий этди. Узбек совет Ф. си Бутуниттифоқ ҳамда жаҳон Ф. фанининг таркибий қисми тарзида ривожланмоқда. Ҳ. Зарифов, С. Иброҳимов, Ф. Камол, Ғ. Олим, Е. Поливанов, У. Турсунов, С. Усмонов, Ш. Хуршид, П. Шамсиев, Олим Шарафиддинов, Қ. Юдахин, О. Ҳожиев, шунингдек В. Алдуллаев, Ф. А. Абдулшимов, Ғ. Абдураҳмонов, О. Азизов, М. Асқаролаев, В. Зоҳидов, С. Муталлибов, В. Решетов, И. Султонов, Ю. Султонов, Ш. Шоабдураҳмонов, А. Рустамов, А. Қаюмов, А. Ғуломов ва б. нинг ўзбек Ф. си тараққиётида муносиб ҳиссаси бор.

Ад.: Потебня А. А., Из записок по теории словесности, Харьков, 1905; Потебня А. А., Мысль и язык, 5 изд., Харьков, 1926; Шпет Г. Г., Внутренняя форма слова, М., 1927; История и филология Ближнего Востока, Семиталогия, Сб. ст., М., 1965; Радциг С. И., Введение в классическую филологию, М., 1965.

ФИЛОН АЛЕКСАНДРИЙСКИЙ (мил. ав. 21 ёки 28 — Александрия — мил. 41 ёки 49) — антик философ, яҳудий-юнон философиясининг вакили. Ф. А. философиясининг асосида 2 принцип — худонинг абсолютлиги ва ғоялар ҳақида стоик-платонча таълимот ётади. Ф. А. фикрича, худо ҳақиқий мавжуд бўлиб, платонча ягоналик ва эзгуликдан юқори туради. Кишиларга фақат худонинг мавжудлиги аён, унинг қандайлиги номаълумдир. Эманация ҳақида стоик-платонча қарашдан келиб чиқиб, Ф. А. худонинг энг юксак ва мукаммал ижоди — *логос* ҳақидаги фикрни илгари сурди. Ф. А. фикрича, худо томонидан аввал жон, кейин инсон ва нарсалар дунёси яратилган. Ф. А. назариясига кўра, баъзи кишиларда ақлдан юқорироқ ички ғоявий куч мавжуд бўлиб, у кишиларнинг худога яқинлашувига ёрдам беради. Ф. А. нинг бу идеалистик фалсафаси моҳият-эътибори б-н христиан динига яқин эди. Шунинг учун ҳам Ф. А. черковда катта обрў қозонди.

Ад.: Маркс К., Энгельс Ф., Соч., 2 изд., т. 19, с. 307—08; История философии, т. 1, М., 1957.

ФИЛОСОФИЯ (*фил...* ва sophia — донолик), фалсафа — ижтимоий онг шаклларидан бири; борлиқ ва билишнинг умумий принциплари, инсон б-н дунёнинг муносабати ҳақидаги таълимот; табиат, жамият ва тафаккур ривожланишининг умумий қонунлари тўғрисидаги фан. Ф. дунёқарашларнинг умумлашган системасини яратиш ва унда инсон ўрнини кўрсатишга қаратилган; у инсоннинг дунёга бўлган билиш, ижтимоий-сиёсий, ахлоқий, эстетик ва б. муносабатларини тадқиқ қилади. Ф. дунёқараш сифатида ижтимоий-синфий манфаатлар, сиёсий ва идеологик курашлар б-н узвий боғлиқ. У ижтимоий борлиққа актив таъсир кўрсатиб, янги идеаллар ва маданий бойликларнинг шаклланишига имкон беради.

«Ф.» термини илк бор *Пифагор*да учрайди. Ўрта аср араб фанида «Ф.» термини «фалсафа» номи б-н кирган ва Шарқ мамлакатларидаги кўп халқлар, жумладан Ўрта Осиё халқлари орасида шу ном б-н тарқалган. Алоҳида фан сифатида Ф. ни биринчи марта *Платон* ажратган. Ф. қулдорлик жамиятида инсоннинг объектив олам ва ўз-ўзи ҳақидаги билимларининг жамини бирлаштирувчи фан сифатида пайдо бўлган. У табиат ҳақидаги билимларнинг универсал системаси сифатида *натурфилософия* деб ҳам юритилган.

Ижтимоий ишлаб чиқариш практикаси, илмий билимларнинг тўпланиб бориши, тадқиқотларнинг ўзига хос усулларини ишлаб чиқиш давомида айрим фанлар (математика, астрономия, медицина ва б.) Ф. дан ажралиб чиқа бошлади. Айни вақтда Ф. нинг ўзи ҳам чуқурлашиб, турли тармоқлар (онтология, гносеология, логика, этика, эстетика ва б.) га бўлина бошлади. Айниқса Уйғониш давридан бошлаб Ф. б-н аниқ фанлар ўртасидаги ажралиш жараёни тез суръатлар б-н борди. Бироқ Ф. га узоқ давр фанларнинг фани, ҳамма фанлар устидан турган, уларни абсолют ҳақиқат б-н таъминлайдиган фан сифатида қараб келинди. Марксистик Ф. гина бундай қарашларга чек қўйиб, Ф. нинг илмий билимлар системасидаги ҳақиқий ўрни ва жамият ҳаётидаги ролини белгилаб берди.

Марксистик Ф. яхлит дунёқараш бўлиши б-н бошқа фанлардан фарқ қилса-да, лекин улардан ажралган қандайдир умумий система эмас. Балки у ҳамма бошқа фанлар б-н чамбарчас боғлиқ бўлган, уларга асосланадиган, айни вақтда уларга ҳам асосланиши учун хулосалар берадиган, билишнинг умумий методлари б-н таъминлайдиган фандир. Марксистик Ф. коммунистик партия дунёқараши, билишнинг ягона илмий методи, воқеликни революцион ўзгартиришнинг назарий асосидир.

Фалсафий билишнинг асосий методи назарий тафаккур ҳисобланиб, у инсоният тажрибаси мажмуасига, барча фан ва маданият ютуқларига таянади. Марксистик Ф. фан сифатида ҳам, ўзининг методи нуқтаи назаридан ҳам илмий бўлиб, унга воқелик қонуниятларини тўғри, далиллар б-н акс эттириш ва шу асосда келажакдаги ҳодисаларни олдиндан кўра билишлик хосдир. Маркс, Энгельс ва Ленин ижтимоий тараққиёт қонунлари ҳақидаги билимларга таянган ҳолда, материалистик диалектика методини қўллаб, келажакдаги ижтимоий ўзгаришлар хусусида башорат қилдилар ва *илмий коммунизмни* асослаб бердилар.

Ҳар қандай фалсафий таълимотнинг асосий назарий масаласи — тафаккурнинг борлиққа, руҳнинг моддийликка, субъектнинг объектга муносабати масаласидир. Бу масаланинг қандай ҳал қилинишига, яъни онгдан моддий дунё вужудга келган ёки, аксинча, моддий дунёдан онг вужудга келган дейишга қараб туриб, Ф. икки катта лагерга: *идеализм* ва *материализм*га бўлинади. Тафаккурнинг борлиққа муносабати масаласи билиш объекти ва субъекти ўртасидаги ўзаро муносабатни аниқлашга ҳам имконият беради. Марксизм Ф. нинг асосий масаласини изчил илмий ҳал қилиб, материяни объектив реаллик, онгдан ташқарида ва унга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд деб билади, онгни юксак даражадаги материянинг хусусияти, ижтимоий онг ижтимоий борлиқнинг, аввало, жамият моддий ҳаётининг инъикоси, деб қарайди. Марксистик Ф. дунёни билиш мумкинлиги принципини ёқлайди ва асослайди (қ. *Философиянинг асосий масаласи*).

Марксизм-ленинизм Ф. си *диалектик материализм* ва *тарихий материализм* бирлигидан иборат. Марксизм-ленинизм Ф. си таркибига табиатшуносликнинг фалсафий масалалари, психология, этика, эстетика, илмий атеизм ва Ф. тарихи ҳам киради.

Марксистик Ф. догма эмас, у доимо ривожланиб борувчи ижодий фан. Унинг ривожланиши янги тадқиқот объектлари, илгари номаълум бўлган проблемаларнинг пайдо бўлиши б-н боғлиқ. Марксизм-ленинизм Ф. си ижтимоий билишнинг методологик асоси бўлиб, инсоният тафаккурини тарихий тараққиётнинг умумий қонуниятларини тушунтириш б-н таъминламоқда.

Марксизмгача бўлган Ф. тарихи. Дастлабки фалсафий таълимотлар қадимги Шарқ мамлакатлари (Миср, Ҳиндистон, Хитой ва б.) да қулдорлик тузумининг шаклланиши ва ривожланиши даврида пайдо бўлган. Урта Осиё халқларида илк фалсафий таълимотлар *зардўштийлик* динининг муқаддас китоби *Авеста*да ифодаланган. Зардўштийлик таълимоти асосида 2 қарама-қарши куч — нур ва зулмат, яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги кураш ётади. Милоднинг 2—3- асрларида зардўштийлик давлат (қулдорлар) динига айлангач, унга оппозиция сифатида Моний таълимоти (қ. *Манийлик*), 5- асрда ижтимоий тенгликни илгари сурган Маздак ҳаракати (қ. *Маздакийлик*) вужудга келди.

Ф. Юнонистонда ўзининг классик шаклига эришди. Илк фалсафий таълимотлар стихияли-материалистик ва содда-диалектик характерда эди. Диалектиканинг тарихан биринчи формаси антик диалектика бўлиб, *Гераклит* унинг йирик намояндаси эди. Материализмнинг атомистик кўринишини *Демокрит* олға сурди; унинг ғояларини *Эпикур* ва *Лукреций* ривожлантирди. Материализмга қарши йўналиш сифатида идеализм вужудга келиб, у аввал элеатларда ва пифагорчиларда, кейин *Сократ* фаолиятида шаклланди. Платон объектив идеализмни асослаб, идеалистик диалектикани ривожлантирди. Антик Ф. Аристотель даврида ўзининг энг юқори чўққисига кўтарилди, унинг таълимоти идеалистик бўлишига қарамасдан, чуқур материалистик ва диалектик мазмунга эга эди.

Феодализм даврида ижтимоий онгнинг барча шаклларини, жумладан Ф. ни дин ўзига бўйсундирган эди. Дин ҳар қандай материалистик фикрларга қарши қаттиқ кураш олиб борди. Яқин ва Урта Шарқда *ислом*, Ғарбий Европа мамлакатларида *христианлик* ҳукмрон дунёқараш бўлиб қолди. Диний ақидаларни асослашни мақсад қилиб қўйган *схоластика* вужудга келди.

Исломнинг фалсафий негизи бўлган *калом* идеалистик фалсафий таълимот сифатида араб халифалигида 8- асрда келиб чиқди ва 9- асрда Урта Осиёга кенг тарқалди. Калом ёрдамида ҳукмрон синфлар халқ орасида ислом таъсирини кучайтиришга ва шу б-н ўз ҳокимиятларини мустаҳкамлашга ҳаракат қилдилар. Калом тарафдорлари *(мутакаллимлар)*га қарши ғоявий курашда дунёвий илм тарафдорлари бўлган *муътазилийлар* вужудга келди. Муътазилийлар фалсафаси, гарчи идеалистик бўлса-да, илғор материалистик тенденцияларга эга эди. Улар юнон Ф. си ва табиатшунослигининг араб халифалигидаги биринчи тарғиботчилари бўлиб танилдилар. 8- асрда шаклланиб, Урта Осиёга ҳам кенг тарқалган *суфизм* дастлаб қисман прогрессив аҳамиятга эга бўлди. У айрим илғор элементларни ўз ичига олган *вужудион* (пантеизм)га амал қилди. Лекин 10—11- асрларга келиб реакционлашиб, ислом назариясига бутунлай қўшилиб кетди.

Яқин ва Урта Шарқ мамлакатларида ўрта асрда араб халифалиги ҳукмронлик қилганлиги учун шу терр-я халқларининг ижтимоий-фалсафий тафаккури араб тилида баён этилган. Халифаликнинг маркази — Бағдодда турли мамлакатлар олимлари тўпланишиб, илм-фан б-н кенг шуғулланганлар. Маданият тарихида «араб фалсафаси» деб аталиб қолган бу давр ижтимоий-фалсафий тафаккури араб халифалигига кирган барча халқлар, жумладан Урта Осиё халқлари фалсафаси ютуқларини ҳам ўзида ифодалайди (*Араб маданияти* мақоласининг «араб фалсафаси» қисмига қ.). Ўрта аср илғор ижтимоий-фалсафий тафаккурида айниқса *Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Форобий, Абу Али ибн Сино* хизматлари буюкдир. Улар идеализм, ҳукмрон диний идеология таъсиридан бутунлай қутулмаган бўлсалар-да, ислом илоҳиётига, ғайри илмий даъволарга қарши кураш олиб бордилар; юнон фалсафий меросини кенг тарғиб этдилар, ўз даврларидаги барча илм-фанлардан асарлар яратдилар. Бу мутафаккирлар таълимоти *Ибн Рушд, Умар Хайём, Ибн Халдун, Абдурраҳмон Жомий, Алишер Навоий, Бедил* ва б. ижодига, шунингдек Европадаги илғор фикрлар ривожига кучли таъсир кўрсатди.

Урта асрда Европа мамлакатларида илғор фалсафий тафаккур б-н реакцион-диний қарашлар ўртасидаги кураш, эҳтиёткорона шаклда бўлса-да, асосан *номинализм* ва *реализм* оқимлари ўртасида намоён бўлди. Европада ўрта аср Шарқидаги каби табиий-илмий ва ижтимоий-фалсафий юксалиш 15- асрнинг охирида, феодализмдан капитализмга ўтиш давридан бошланди. Бу давр тарихга *Уйғониш даври* номи б-н кирган. Уйғониш даврининг мутафаккирлари — Н. *Коперник*, Ж. *Бруно*, Г. *Галилей*, М. *Монтень*, Т. *Кампанелла* ва б. дунёни диний тасвирлашга қарши кескин зарба бердилар.

Уйғониш даври мутафаккирларининг ғояларини *маърифатпарварлик* даври философлари ривожлантирдилар. Маърифатпарварлик даврида Ф. даги материализм принциплари ва диалектика элементлари яна ҳам юқори босқичга кўтарилди. Бу давр философларидан Ф. *Бэкон*, Т. *Гоббс*, Б. *Спиноза* ва б., айниқса француз материалистлари — Т. *Ламетри*, П. *Гольбах*, К. *Гельвеций*, Д. *Дидро* ва б. схоластика ва идеализмга кескин қарши чиқдилар, ўз даврларидаги табиатшунослик ютуқларини фалсафий умумлаштириб, оламнинг моддийлигини асослашга ҳаракат қилдилар. Бироқ уларнинг материализми механистик ва метафизик материализм эди (қ. *Метафизика*). 17—18- аср материалистлари, шунингдек, ижтимоий ҳаёт қонуниятларини тушунишга тўғри ёндашмадилар, тарихни идеалистик талқин қилдилар. Бу давр материализмига қарши бўлган ғояларни субъектив идеализм вакиллари (Ж. *Беркли*, Д. *Юм*) турли кўринишларда ривожлантирдилар. *Лейбниц* бир қанча диалектик ғояларни илгари сурган бўлса-да, ўз даври объектив идеалистик таълимотини ишлаб чиқди.

Ғарбий Европа Ф. тарихида идеалистик диалектикани ривожлантирган немис классик Ф. си (И. *Кант*, И. Г. *Фихте*, Ф. В. *Шеллинг*, Г. *Гегель*) муҳим босқич бўлди. Немис классик идеализмининг чўққиси Гегель диалектикасидир. Унинг диалектикасида *зиддият* ва *ривожланиш* ҳақидаги таълимот асосий ўрин тутади. Бироқ Гегелда диалектик метод объектив идеалистик асосда ривожлантирилган. Марксизм-ленинизм классиклари Гегелнинг социологик қарашларидаги идеализм ва реакцион томонларини ҳар томонлама танқид қилдилар; шу б-н бирга, улар Гегель таълимотини ўз Ф. ларининг манбаларидан бири деб ҳисоблаб, юқори баҳо бердилар. Л. *Фейербах* идеалистик Ф. га ва динга қарши чиқиб, антропологик материализм таълимотини ривожлантирди. Фейербах материализми, гарчи метафизик бўлса-да, К. Маркс ва Ф. Энгельс фалсафий қарашларининг шаклланишига муайян таъсир кўрсатди.

18—19- асрларда Россияда прогрессив материалистик фалсафий тафаккур тез суръатлар б-н ривожланди. М. В. *Ломоносов*, А. Н. *Радишчев*ларнинг материалистик дунёқарашлари унинг асосий манбаларидан бўлди. Рус революцион-демократлари — В. Г. *Белинский*, А. И. *Герцен*, Н. Г. *Чернишевский*, Н. А. *Добролюбов* материализми марксизмга қадар бўлган материализмнинг энг юқори чўққисидир. Рус материалистлари идеализмни кескин танқид қилиб, диалектик тараққиёт ғоясини ишлаб чиқдилар, лекин ижтимоий ҳаётни тушунишда улар ҳам марксизмгача бўлган барча Ф. га хос идеализмни бартараф эта олмадилар. Революцион-демократларнинг Ф. си материализм ва диалектиканинг жаҳон миқёсида ривожланишига катта ҳисса қўшди. Хусусан Россия терр-ясига кирган халқлар (Украинада — Т. Шевченко; Озарбайжонда — М. Ф. Охундов; Арманистонда — Налбандян; Грузияда — И. Чавчавадзе, Г. Церетели; Қозоғистонда — Абай ва б.) прогрессив ижтимоий-фалсафий тафаккурига кучли таъсир кўрсатди. Урта Осиёда *Аҳмад Дониш, Фурқат, Аваз Утар* ва б. ҳам ўзларининг маърифатпарварлик қарашларида рус демократларининг илғор ғояларидан фойдаланганлар, ўз ватандошларини Европа маданиятини, фани ва техникасини ўзлаштиришга чақирганлар.

Марксистик Ф. нинг пайдо бўлиши ва ривожланиши. Марксизм ва унинг таркибий қисми бўлган марксистик Ф. 19- асрнинг 40- йилларида, пролетариат тарих майдонига мустақил сиёсий куч бўлиб чиққандан сўнг пайдо бўлди. Марксистик Ф. ни яратишни илмий-назарий, ижтимоий-иқтисодий ва бевосита сиёсий зарурият тақозо этган эди. Марксизмнинг пайдо бўлиши ижтимоий практиканинг ривожланиши ва инсон билимларининг мантиқий ҳаракати йўлида илгари сурилган саволларга илмий жавоб бўлди. Маркс ва Энгельс ижтимоий воқеликни чуқур ва ҳар томонлама таҳлил қилиб, ўзларигача яратилган Ф., ижтимоий ва табиий фанлар соҳасидаги барча ижобий томонларни ўзлаштириш ва танқидий қайта ишлаб чиқиш асосида сифат жиҳатдан янги дунёқараш — илмий коммунизм назарияси ва революцион ишчилар ҳаракати практикасининг фалсафий асосига айланган ишчилар синфининг дунёқарашини яратдилар. 18- аср охири ва 19- аср 1- ярмидаги асосий фалсафий, иқтисодий ва сиёсий таълимотлар марксизмнинг шаклланишида бевосита ғоявий манба бўлди. Маркс ва Энгельс Гегель идеалистик диалектикасининг революцион мағзини — тарихий тараққиёт ва унинг ҳаракатлантирувчи кучи сифатида зиддият принципи ғоясини очиб бердилар. Марксизмнинг шаклланишида Л. Фейербахнинг материалистик таълимоти муҳим роль ўйнади. Классик буржуа сиёсий иқтисодчилари (А. *Смит*, Д. *Рикардо* ва б.) ғоялари, утопик социалистлар (А. Қ. *Сен-Симон*, Ш. *Фурье*, Р. *Оуэн* ва б.) ва Реставрация давридаги француз тарихчилари (Ж. Тьерри, Ф. Гизо, Ф. Минье) асарлари марксизмнинг манбаларидан бири бўлди. 18- аср охири — 19- асрдаги табиатшуносликнинг ютуқлари (энергиянинг сақланиш ва бир турдан иккинчи турга ўтиши қонунининг кашф қилиниши, организмларнинг ҳужайра тузилиши назариясининг яратилиши, Ч. Дарвиннинг эволюция таълимоти) марксистик Ф. нинг шаклланишидаги табиий-илмий асос бўлди.

Ижтимоий практика ва илмий билиш тараққиётининг умумлашмаси сифатида пайдо бўлган марксистик Ф. инсоният тафаккури тарихида буюк рев-я бўлди. Ф. да Маркс ва Энгельс томонидан қилинган революцион тўнтаришнинг моҳияти ва асосий хусусияти пролетариатнинг илмий дунёқарашини яратиш,

жамият тарихини тушунишда материализмни қўллаш ва билишда ижтимоий практиканинг ҳал қилувчи ролини материалистик асослаш, назария б-н практиканинг бирлиги, материализм б-н диалектиканы узвий боғлаб ва ижодий ишлаб чиқиб, материалистик диалектиканы яратишдан иборат.

Марксистик Ф. нинг қондаларини ишлаб чиқишда, уни пропаганда этиш ва ҳимоя қилишда, буржуа идеологиясига қарши курашда Г. В. *Плеханов*, А. *Лабриола*, А. *Грамши*, А. *Бебель*, Ф. *Меринг*, П. *Лафарг* ва б. нинг асарлари муҳим роль ўйнади.

Марксистик Ф. ни ижодий ривожлантиришнинг янги босқичи В. И. Ленин номи б-н боғлиқ. У империализм ва пролетар рев-ялари даврини таҳлил қилиш ва табиатшунослик нинг энг янги ютуқларини умумлаштириш асосида диалектик ва тарихий материализмни ривожлантириб, юқори погонага кўтарди. Ленин марксизмнинг *билиш назариясини* ҳар томонлама такомиллаштирди — билиш жараёни диалектикасини кўрсатди, билишда практиканинг роли ҳақидаги таълимотни, ҳақиқат назарияси, жумладан абсолют ва нисбий ҳақиқат диалектикасини ишлаб чиқди. Ленин фалсафий қарашларга баҳо беришда *партиявийлик* принципини қўллаш методини ишлаб чиқиб, идеализм, агностицизм, метафизиканинг янги кўринишларини, шунингдек ревизионизмни ҳар томонлама танқид қилди. Марксистик Ф. ни ревизионизм ва буржуа идеологияси ҳужумидан ҳимоя қилиш, Ф. ни ижодий ривожлантириш Ленинининг социалистик рев-я назариясини, революцион партия, ишчилар синфи б-н деҳқонлар иттифоқи, социалистик давлат ва социализм қурилиши ҳақидаги таълимотини ишлаб чиқиши б-н узвий боғлиқ (яна қ. *Марксизм-ленинизм*).

Буржуа Ф. си. 19-асрнинг 40—60-йилларидан Ғарбий Европа буржуа Ф. сида идеализмнинг классик формасига нисбатан парчаланиш бошланди. Буржуа философлари ўзларининг синфий манфаатларидан келиб чиқиб диалектик материализм Ф. сига қарши кураш олиб бордилар. Кўпгина гўё «оралиқ» ва ҳатто идеализмдан ва материализмдан «устун» турадиган таълимотлар (*вульгар материализм, позитивизм, неокантчилик, неогегелчилик* ва б.) пайдо бўлди. 20-аср бошларида *прагматизм, ҳаёт философияси* муайян таъсирга эга эди. Умуман 19-аср охири —20-аср бошларидаги буржуа Ф. сида инсон ақлига ва инсониятнинг келажагига ишонмаслик, Ф. ни мифологиялаштириш, реакцион сохта атеизм ва ш. к. кучайди.

Улуғ Октябрь социалистик рев-ясидан кейин капитализмнинг умумий кризиси б-н боғлиқ равишда буржуа Ф. си эволюциясида янги босқич бошланди. Узининг ҳукмрон позициясини йўқота бошлаган идеализмни янгича асослаш вазифасини ўз олдига қўйган оқим ва мактаблар вужудга кела бошлади. 20-асрнинг идеалистик Ф. сига *феноменология, персонализм* оқимлари муайян таъсир кўрсатди. 20-асрнинг 10—20-йилларида вужудга келган *неореализм* материализм б-н идеализм ўртасида «ўртача йўл» тутишга уринди. Кейинроқ унга реакция сифатида *танқидий реализм* пайдо бўлди.

20-аср буржуа Ф. сининг асосий йўналишларидан бири *неопозитивизм*дир. У хусусан Ф. ни фанга қарши қўйиб, унинг вазифаси фан тилини мантиқий таҳлил қилишдир, деб билади. Неопозитивизм вакиллари логиканинг ҳозирги замон шаклларини, семиотика ва фанлар мантиқини ривожлантиришда муайян роль ўйнаган бўлсалар-да, лекин, асос қилиб олинган йўлнинг (идеалистик эмпиризм, феноменализм) яроқсизлиги туфайли фаннинг актуал фалсафий-методологик масалаларини тўғри ҳал қила олмади. Идеализмнинг иррационализм, католицизмнинг теологик таълимотлари ҳозирги замон буржуа Ф. сида *экзистенциализм, неотомизм* ва б. оқимларда илгари сурилмоқда.

Ҳозирги замон буржуа Ф. сида кейинги давр капиталистик жамиятининг чуқур зиддиятлари ифодаланмоқда. Умуман олганда, 20-аср буржуа Ф. сига идеализм ва метафизика, диалектиканы иррационалистик бузиб кўрсатиш, фаннинг дунёқарашлик аҳамиятини инкор этиш, дунёни диний тасвирлаш, эклектизм, материализм б-н идеализмнинг қарама-қаршилигини «бартараф» этишга уриниш каби хусусиятлар хосдир. Шунинг учун ҳам буржуа Ф. си ҳозирги давр моҳияти ва қонуниятларини илмий таҳлил қила билиш, борлиқ, билиш ва жамиятнинг актуал масалаларини ҳал этишга қодир эмас. Маркса-ленинча Ф. ижтимоий практика ва фан ютуқларига таяниб, ҳозирги замон идеализми ва метафизикасининг барча кўринишларига қарши қатъий кураш олиб бормоқда.

Маркса-ленинча Ф. ва сиёсат. Ф. ҳамма вақт турли ижтимоий гуруҳлар ғоявий курашининг асосий қуролларидан бири, сиёсий партиялар назария тўқнашувининг маънавий майдони бўлиб хизмат қилди. У ўз моҳият-эътибори ва функциясига кўра синфий ҳамда партиявийдир, яъни муайян синф ва партиянинг дунёқарашини ифодалайди. Ф. нинг идеологик роли коммунистик ва буржуа дунёқарашлари ўртасидаги кураш кучайган ҳозирги даврда айниқса ўсган.

Пролетариат дунёқарашининг назарий асоси ҳисобланган маркса-ленинча Ф. нинг ижтимоий-сиёсий аҳамияти шундаки, у капитализм ҳалокати ва социализм ҳамда коммунизмнинг ғалаба қилиши муқаррарлигини илмий исботлаб берди. Маркса-ленинча дунёқарашгина социализмни утопиядан фанга айлантириб, пролетариатга ва унинг партиясига коммунизм қуриш учун курашнинг бирдан-бир ишончли йўлини кўрсатди.

Тарихни материалистик тушуниш ижтимоий бахтсизликни фақат кишилар онгини ўзгартириш орқали эмас, балки ижтимоий борлиқни ўзгартириш орқали йўқотиш мумкин, деган сиёсий хулоса чиқаришга олиб келади. Капиталистик воқелик вужудга келтирган пролетариатнинг социал рев-я ғоясининг ўзи ижтимоий ҳодисаларга диалектик ёндашиш б-н узвий боғлиқ; материалистик диалектика барча жаҳолат, консерватив лик, эскиликни рад этади; у ҳаракатнинг узлуксиз илгарилаб боришини, дунёни қайта ўзгартириш учун революцион курашни тан олади ва қувватлайди.

Марксистик Ф. коммунистик ва ишчи партиялар, уларнинг амалий фаолияти программаси, стратегияси, тактика ва сиёсатининг назарий ва методологик асосини ташкил қилади. Марксизмнинг сиёсий йўли доимо ва барча масалаларда «...унинг философик асослари билан маҳкам боғланган» (В. И. Ленин, Тўла асарлар тўплами, 17-том, 477-бет). Шунинг учун

марксистик партиялар марксизм-ленинизм фалсафий асосини ҳимоя қилишни ўзининг муҳим иши деб билади.

Буржуа идеологлари, ревизионистлар Ф. «идеологиядан холи» деган принципни, яъни Ф. муайян ижтимоий группалар, синфлар, партияларнинг амалий, сиёсий манфаатларидан устун туриши керак, деган ғояни тарғиб қилмоқдалар. Ф. б-н сиёсат бирлигининг марксча-ленинча принципи бу икки соҳанинг чуқур алоқасини англашга асосланади, шу б-н бирга Ф. ни кундалик сиёсат б-н вульгар равишда қориштиришга уринувчилар б-н келиша олмайди. Ўз вақтидаёқ Гегель ижтимоий билишни «идеологиядан холи» ва у партиясиздир деб даъво қилувчилар устидан кулган эди. «Партиясизлик» ғоясининг ўзи асло партиясизликни билдирмайди, марксизм партиясизликка асосий ленинча партиявийлик принципини очиқдан-очиқ қарама-қарши қўяди. В. И. Ленин таъкидлаганидек, синфий кураш асосига қурилган жамиятда «бетараф» ижтимоий фан бўлиши мумкин эмас. «Ҳеч бир тирик одам (синфлар ўртасидаги муносабатларни англагач) биронта синф т о м о н и н и о л м а с д а н қ о л а о л м а й д и, бу синфнинг муваффақиятига хурсанд, муваффақиятсизлигига хафа бўлмасдан иложи йўқ, бу синфга душман бўлганларга қолоқ назарияларни ёйиб, бу синфнинг ўсишига тўсқинлик қилувчиларга ва ҳоказо ва ҳоказоларга ғазабини тўкмасдан иложи йўқ» (В. И. Ленин, Тўла асарлар тўплами, 2-том, 623-бет). Ленин, буржуа жамиятидаги Ф. нинг «партиясиз»лиги, «бетараф»лиги жабр-зулм қилувчилар партиясига мансубликни яширишни ифодалайдиган мунофиқликдир, деб кўрсатди.

Буржуа идеологлари партиявийлик илмий объективлик б-н келиша олмайди, деб даъво қиладилар. Бу даъво кишининг киши томонидан эксплуатация қилишни абадийлаштирадиган, революцион ишчилар ва миллий озодлик ҳаракатини бўғадиган синфлар манфаатини ифодаловчи буржуа Ф. си ҳақида гап кетганда тўғри бўлиши мумкин. Илмий дунёқараш табиат ва жамият ҳодисаларининг ривожланиш қонуниятини тўғри акс эттириб, тараққиёт, келажак учун курашувчи синфларнинг манфаатини ҳимоя қилади. Ҳозирги замон шароитида марксизм-ленинизм ана шундай дунёқараш ҳисобланади. Маркса-ленинча Ф. нинг партиявий ва илмий бирлиги асоси пролетариат синфий манфаатлари тарихининг реал «мантиқи» б-н, бинобарин барча прогрессив инсониятнинг манфаатлари б-н мувофиқлигидадир. Материализм б-н идеализм — Ф. даги икки партиядир, улар орасидаги кураш пировардида жамиятдаги синфлар курашини акс эттиради. Ҳозирги даврда жамият олдида турган амалий, назарий, идеологик ва сиёсий вазифалар мисли кўрилмаган даражада кенгайди ва мураккаблашди. Маркса-ленинча Ф. нинг ижтимоий роли шу б-н боғлиқ равишда ўсди.

Маркса-ленинча Ф. нинг асосий вазифаларидан бири — материалистик диалектика назариясини, унинг принциплари, қонунлари ва категорияларини янада ҳар томонлама тадқиқ қилишдан иборат. Объектив воқеликнинг турли соҳалари диалектикаси масалалари, аввало, ижтимоий жараёнлар диалектикаси энг актуал масалалардан ҳисобланади. Табиий ҳамда ижтимоий фанларнинг методологик масалаларини тадқиқ қилиш муҳим аҳамиятга эга. Ижтимоий тараққиёт диалектикасининг таҳлили тарихий материализмнинг бундан кейинги масалалари устидаги тадқиқотлари б-н чамбарчас боғлиқ. Бу соҳадаги тадқиқотларнинг асосий йўналишлари ижтимоий-иқтисодий формация назариясини такомиллаштириш, ривожланган социалистик жамиятнинг ижтимоий-фалсафий масалаларини ўрганиш, жаҳон социализм системаси ва жаҳон революцион процессининг ривожланиш диалектикасини таҳлил қилиш ва ш. к. дан иборат. Бу масалаларнинг кенг комплекси илмий-техника рев-яси ва унинг ижтимоий оқибатларини фалсафий тафаккур этиш б-н боғлиқ. Инсон ва коммунистик тарбия масалаларини фалсафий таҳлил қилиш ҳам алоҳида актуаллик касб этади.

Фанларда табиат ҳақида биронта табиий-илмий назария, биронта кашфиёт, техникада биронта ихтиро инсоният тақдирига марксизм таъсир кўрсатганчалик революцион-тубдан ўзгартирувчи таъсир кўрсатган эмас. Маркса-ленинча Ф. ни чуқур ўрганиш меҳнаткашларнинг ғоявий-назарий савиясини оширади; маркса-ленинча дунёқарашнинг буюк байроғи остида уларнинг жипслашишига имкон беради. Маркса-ленинча Ф. масалалари КПСС съездлари, КПСС, қардош коммунистик ва ишчи партиялар Марказий Комитетлари пленумлари ҳужжатларида, марксист-философларнинг асарларида ривожлантирилмоқда.

СССРда Ф. фани. Совет ҳокимиятининг дастлабки йиллари Ф. фани эски, буржуа Ф. сининг қолдиқларига, шунингдек меньшевизм, рус махизми ва ш. к. нинг фалсафий назарияларига қарши курашда, В. И. Ленин раҳбарлигида тараққий этди. Совет Иттифоқида маркса-ленинча дунёқараш ҳукмрон дунёқараш сифатида социализм қурилиши жараёнида 20- ва 30-йилларнинг 1-ярмида қарор топди.

СССРда Ф. фани тараққиётининг барча босқичларида КПСС ва унинг МҚ йўналтирувчи ва раҳбарлик ролини бажариб келмоқда. Совет Ф. фанини юксалтиришда КПСС съездлари, партия МҚ пленумлари қарорлари ва материаллари, КПСС Программаси (1961), Л. И. Брежневнинг доклад ва нутқлари, партиянинг турли ҳужжатлари, жумладан КПСС МҚ нинг «Ижтимоий фанларни янада ривожлантириш ва уларнинг коммунистик қурилишдаги ролини ошириш чоралари тўғрисида» (1967) қарори муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ҳозирги замон Ф. фани тараққиётининг асосий йўналиши коммунистик қурилиш вазифаларидан, табиий ва ижтимоий фанларнинг янги маълумотларини чуқур назарий англаш ва умумлаштириш заруриятидан келиб чиқмоқда. Совет философлари кейинги йилларда ривожланган социалистик жамиятнинг ижтимоий тараққиётдаги ўрни ва қонуниятларининг фалсафий таҳлили, жаҳон социалистик системасини мустаҳкамлаш, илмий-техника рев-яси, тинчтотув яшаш ва идеологик кураш ва б. проблемалар устида тадқиқотлар олиб бормоқдалар.

Маркса-ленинча Ф. иттифоқчи республикаларда ҳам кенг ўрганилиб, ривожлантирилмоқда. Узбекистон ССРда марксизм-ленинизм назарий меросини пропаганда этиш, диалектик ва тарихий материализм, логика, атеизм ва Ф. тарихини ўрганиш асосан 20-йиллардан бошланди. Бу соҳадаги дастлабки ишлар Наим Саид, К. Ерзин, Ҳаким Неъмат, Р. Ҳолмуро-

дов (Р. Маллин) ва б. номлари б-н боғлиқ. 30—40-йилларда марксча-ленинча Ф. масалаларини тадқиқ этишда ва кадрлар тайёрлашда С. Валиев, Ж. М. Бобоев, Н. М. Мирошхина, Х. Ғ. Расулов, А. Т. Аюпов ва б. муайян ҳисса қўшдилар.

Ўзбекистонда Ф. фани айниқса сўнгги йиллари юксалди. Диалектик ва тарихий материализм, Ф. тарихи проблемаларини ўрганишда ва республикада илмий кадрлар тайёрлашда И. М. *Мўминов* катта ҳисса қўшди. ЎзССРда Шарқ халқларининг ижтимоий-фалсафий тафаккури, Яқин ва Урта Шарқ мамлакатларида марксизм-ленинизмнинг тарқалиши, буржуа идеологияси, антикоммунизмнинг танқиди (В. *Зоҳидов*, М. М. *Хайруллаев*, Ҳ. Ф. Воҳидов, М. Б. Баратов ва б.), нокапиталистик тараққиёт йўли, маданий рев-я, социалистик жамиятда синфларнинг яқинлашуви масалалари бўйича Э. Ю. *Юсупов*, Р. Ҳ. *Абдушукуров*, А. Қ. *Валиев*, Х. П. *Пўлатов*, С. *Турсунмуҳамедов*, А. Ахтамов ва б.) муҳим тадқиқотлар олиб борилмоқда; меҳнатга коммунистик муносабатнинг шаклланиши, маданият ва турмуш, миллий муносабатларнинг ривожланиши, совет турмуш тарзи, анъаналар (К. С. *Содиқов*, С. Ш. *Шермуҳамедов*, О. П. *Умрзоқова*, П. Жумабоев, Н. *Гоибов* ва б.), илмий атеизм, дин тарихи (А. *Ортиқов*, М. А. Усмонов, Ж. Бозорбоев ва б.), табиатшуносликнинг фалсафий масалалари, билиш назарияси, диалектика категориялари (О. Ф. *Файзуллаев*, Б. *Исмоилов*, Ж. *Туленов*, В. С. Никитченко, Л. И. Иванова ва б.) ва б. проблемалар ўрганилмоқда. Сўнгги йилларда марксча-ленинча Ф., илмий атеизм ва б. масалалардан ўзбек тилида дарслик, ўқув қўлланмалари, луғатлар нашр этилди. Ўзбек философлари халқаро философик, социологик ва б. конгрессларда, илмий конференцияларда актив иштирок этмоқдалар.

СССР ФА Философия ин-ти (1929 йил Москвада ташкил этилган; 1936 йилдан СССР ФА системасида) Ф. дан иттифоқдаги марказий илмий тадқиқот муассаса ҳисобланади. Иттифоқчи республикалар фанлар академияларида Ф. тадқиқотлари б-н шуғулланадиган илмий муассасалар (ин-т, бўлим, секторлар; ЎзССРда — И. М. Мўминов номидаги *Философия ва ҳуқуқ институти*) ташкил этилган. СССР ФА системасида, унинг бўлимлари, илмий марказлари, филиалларида, иттифоқчи республикалар фанлар академияларида (жумладан ЎзССР ФА да) Ф. кафедралари ишлайди; мамлакатнинг барча олий ўқув юртларида Ф. фанларидан Ф. кафедралари (илмий коммунизм ҳам шунга киради) бор. Москва, Ленинград, Киев, Қозогистон, Тбилиси, Ростов, Урал ун-тлари Ф. ф-тларида, айрим ун-тлар (жумладан ТошДУ) Ф. бўлимларида «философия» мутахассислигидан малакали кадрлар тайёрланади.

Маркс, Энгельс, Ленининг фалсафий меросини ўрганиш ва нашр этишда КПСС МҚ ҳузуридаги Марксизм-ленинизм ин-ти катта ишларни амалга оширмоқда. КПСС МҚ ҳузуридаги Ижтимоий фанлар академиясида Ф. дан илмий тадқиқот ва назарий кадрлар тайёрлаш ишлари олиб борилади.

Иттифоқ миқёсида ва айрим республикаларда махсус Ф. журналлари нашр этилади (қ. *Философия журналлари*). Жаҳонда биринчи марта СССРда 5 томлик марксистик «Философия энциклопедияси» («Философская энциклопедия», М., 1960—70; бош муҳаррири — Ф. В. Константинов) чиқарилди.

Ад.: Маркс К., Энгельс Ф., Из ранних произв., М., 1956; Маркс К., Энгельс Ф., Немецкая идеология, Соч., 2 изд., т. 3; Маркс К., Тезисы о Фейербахе, Соч., 2 изд., т. 3; Маркс К., Нищета философии, Соч., 2 изд., т. 4; Энгельс Ф., Анти-Дюринг, Т., 1957; Энгельс Ф., Диалектика природы, Соч., 2 изд., т. 20; Энгельс Ф., Людвиг Фейербах ва немис классик философиясининг охири, Т., 1965; Ленин В. И., Материализм ва эмпириокритицизм, Тўла асарлар тўплами, 18-т.; Ленин В. И., Философия дафтарлари, Тўла асарлар тўплами, 29-т.; Ленин В. И., Курашчан материализмнинг аҳамияти тўғрисида, Ас., 33-т.; История философии, т. 1—6, М., 1957—65; Краткий очерк истории философии, 2 изд., М., 1971; История марксистской диалектики, М., 1971; Ойзерман Т. И., Проблемы историко-философской науки, М., 1969; Ойзерман Т. И., Главные философские направления, М., 1971; Ойзерман Т. И., Формирование философии марксизма, 2 изд., М., 1974; Копнин П. В., Диалектика, логика, наука, (Сб. ст.), М., 1973; Буржуазная философия 20 века, М., 1974; Мўминов И. М., В. И. Ленининг марксистик философия тараққиётидаги буюк роли ҳақида, Т., 1970; Очерки истории общественно-философской мысли Узбекистана, Т., 1977; Ильичев Л. Ф., Философия и научный прогресс, М., 1977.

ФИЛОСОФИЯ ВА ҲУҚУҚ ИНСТИТУТИ, ЎзССР ФА И. М. Мўминов номидаги Философия ва ҳуқуқ институти — марксча-ленинча философия, совет давлат ва ҳуқуқ масалаларида илмий тадқиқотлар олиб борувчи муассаса. Тошкентда 1958 йилда ЎзССР ФА Президиуми ҳузуридаги Философия ва ҳуқуқ бўлими асосида ташкил этилган. Ин-тининг ташкилотчиси ва биринчи директори И. М. *Мўминов* (1975 йилда ин-тга унинг номи берилган).

Ин-тда 20 та секторни бирлаштирган 2 бўлим бор: философия бўлими (диалектик материализм; тарихий материализм; илмий коммунизм; фан тарихи ва методологияси; инъикос назарияси ва илмий билиш; социалистик интернационализм ва миллий муносабатларнинг фалсафий масалалари; этика ва эстетика; илмий атеизм ва атеистик тарбия; Шарқда атеизм ва ҳурфикрлилик тарихи; конкрет социологик тадқиқот; Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий тафаккур тарихи; хорижий Шарқ мамлакатларда ижтимоий-фалсафий тафаккур тарихи) ҳамда давлат ва ҳуқуқ бўлими (давлат, ҳуқуқ назарияси ва тарихи; давлат, маъмурий ҳуқуқ ва бошқариш; совет қурилиши; қиёсий давлатшунослик; граждан ҳуқуқи, процесси ва хўжалик ҳуқуқи; никоҳ-оила ва меҳнат муносабатларининг ҳуқуқий масалалари; колхоз ер-сув ҳуқуқи ва табиатни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий масалалари; жиноят ҳуқуқи ва процесси).

Ин-тининг асосий илмий фаолияти республика ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг маҳаллий, миллий хусусиятларини ўрганишга қаратилган. Ин-тда Шарқ халқлари ижтимоий-фалсафий тафаккури тарихи (М. М. *Хайруллаев*, А. Шарипов ва б.), республикада социалистик қурилиш ва маданий рев-я (А. Қ. *Валиев*), нокапиталистик тараққиёт масалалари (Р. Х. *Абдушукуров*), табиатшуносликнинг фалсафий масалалари (О. Ф. *Файзуллаев*), социалистик миллатлар ва анъаналарнинг яқинлашуви, социалистик турмуш тарзининг шаклланиши (О. П. *Умрзоқова* ва б.), ислом дини, дин тарихи ва илмий атеизм (С. Азимов, М. А. Усмонов ва б.) ва б. масалалар; давлат ва ҳуқуқ бўйича Урта Осиёда совет давлати қурилиши ва ривожланиши (О. Э. *Эшонов*, М. Ҳ. *Ҳакимов* ва б.), ер-сув ҳуқуқи (И. Ж. *Жалилов*), гражданлик ҳуқуқи (Х. Р. *Раҳмонқулов*), жиноят ҳуқуқи (Ғ. *Аҳмедов*), халқ депутатлари фаолияти ва уларнинг коммунизм қурилишидаги ролини ошириш (К. Комилов) ва б. масалаларда муҳим тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Ин-тда 2 ЎзССР ФА мухбир аъзоси, 11 фан д-ри ва 40 га яқин фан кандидати ишлайди (1978). Илмий кадрларни аспирантура орқали тайёрлайди. Ин-тда диссертация ҳимоя қилиш бўйича 2 та ихтисослашган илмий совет бор; республикада философия, давлат ва ҳуқуқ бўйича илмий тадқиқот ишларини координация қилади.

Ин-т ташкил этилганидан буён 20 фан д-ри, 200 дан ортиқ фан кандидати етиштирди; 100 дан ортиқ монография ва тўпламлар нашр этди (1978).

«ФИЛОСОФИЯ ДАФТАРЛАРИ» — В. И. Ленин асари. Унда материалистик диалектиканинг қонун ва категориялари, улар ўртасидаги муносабат ҳамда логика, билиш назарияси ва диалектиканинг бирлиги ҳақидаги масалалар ишлаб чиқилган. 1914—16 йилларда ёзилган. Биринчи марта 1929—30 йилларда нашр этилган. «Ф. д.» — философия тарихи, табиёт фанларига тегишли китоблар (К. Маркс, Ф. Энгельс, Г. Гегель, Л. Фейербах, Аристотель, Ф. Лассаль ва б. асарлари)ни шарҳлаш, уларни марксистик нуқтаи назардан чуқур анализ қилиш, конспект, кўчирмалар олиш, китоб четига ёзилган мулоҳазалардан иборат бўлиб, ўн дафтарни ташкил қилади (*«Диалектика масаласига доир»* фрагменти ҳам шунга киради). «Ф. д.», умуман олганда, Ленининг материалистик диалектика назариясини ишлаш учун тўплаган материалларидан иборат. Ундаги ғоялар Ленин томонидан экономика ва сиёсатга онд, хусусан «II Интернационалнинг ҳалокати», «Коммунизмда болаларча «сўллик» касали», «Яна касаба союзлари тўғрисида», «Курашчан материализмнинг аҳамияти тўғрисида» ва б. асарларида фойдаланилган.

2- Интернационал назариётчилари марксизмда фалсафий система, хусусан билиш назарияси мавжудлигини инкор этиб, Марксниг иқтисодий таълимотини *кантчилик* б-н бирлаштиришни талаб қилаётган бир шароитда марксистик философияни янада ривожлантиришга зарурият туғилган эди. Бу вазифани В. И. Ленин «Ф. д.» да бажарди.

В. И. Ленин Гегель асарларини ўрганар экан, унинг диалектикаси изчил эмаслигини кўрсатади, шу б-н бирга, уни танқидий ўзлаштирмасдан туриб, тафаккурнинг марксистик методи моҳиятига кириб бўлмаслигини таъкидлайди. Чунки Гегель биринчи бўлиб, «...барча тушунчаларнинг алмашувида, ўзаро боғлиқлигида, уларнинг қарама-қаршиликларининг айниятида бир тушунчанинг бошқасига ўтишларида, тушунчаларнинг мангу ўрин алмашувида, ҳаракатида нарсаларнинг, табиатнинг худди шундай муносабатини гениал равишда пайқаган» (В. И. Ленин, Тўла асарлар тўплами, 29-том, 186-бет).

Ленин фикрини давом эттириб, материалистик диалектика б-н Гегель идеалистик диалектикасининг тубдан қарама-қаршилигини очиб ташлайди, Гегель диалектикасининг метафизик, софистик, эклектик томонларини танқид қилади. В. И. Ленин асарида материалистик диалектиканы ишлаб чиқишга, унинг моҳиятини очиб беришга катта эътибор берди, диалектиканы марксизмнинг «жони», туб назарий асоси, пролетар рев-ясининг алгебраси, деб ҳисобларди. В. И. Ленин фикрича, материалистик диалектиканинг энг асосий талабларидан бири — моддий оламни объектив ҳолда ўрганишдир. Моддий олам қандай бўлса шундайлигича, унга бирор нарса қўшмасдан ва ундан бирор нарса олмасдан акс эттириш принципи — материалистик диалектиканинг ҳар қандай идеализмга қарама-қарши эканлигини кўрсатадиган асосий хусусиятларидан биридир. В. И. Ленин *қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураши қонуни* материалистик диалектиканинг бошқа қонунлари ўртасида асосий ўринни эгаллашини, бу қонун асосида предмет ва ҳодисаларнинг ривожланиш сабабларини очиб бериш мумкин эканлигини кўрсатиб ўтади. «Қисқа қилиб, диалектиканы қарама-қаршиликлар бирлиги тўғрисидаги таълимот деб таърифлаш мумкин,— деб ёзади Ленин.— Бу билан диалектиканинг мағзи қамраб олинган бўлади, аммо бу гап изоҳлашни ва ривожлантиришни талаб этади» (Уша жойда, 213- бет).

В. И. Ленин асарида табиий ва ижтимоий воқеликни инсон томонидан қайта ўзгартиришда онгнинг активлигини ҳам таъкидлаб кўрсатади: «Инсоннинг онги объектив оламни инъикос эттирибгина қолмайди, балки уни яратади» (Уша жойда, 202- бет).

В. И. Ленин бу асарида марксизмнинг дин ва унинг моҳиятига оид масалаларини ҳам ривожлантирди. Гегель ва Фейербахнинг дин тўғрисидаги идеалистик, метафизик нуқтаи назарлари мазмунини очиб ташлаб, диннинг социал ва гносеологик илдизлари тўғрисида муҳим мулоҳазаларини баён этди.

В. И. Ленин Маркс ва Энгельснинг «Муқаддас оила» асарини конспект қилар экан, уларнинг илмий социализм позициясига ўтиши жараёнини ифодалайдиган қуйидаги асосий моментларни кўрсатади: 1) «ишлаб чиқаришда ижтимоий муносабатлар ғоясига» ёндашиш; 2) социализмнинг филантропик назариясини танқид қилиш ва пролетариатнинг революцион ролини англаш; 3) социализмга олиб борувчи француз материализми йўналишини таҳлил қилиш.

Ленин, «Ф. д.» да философия тарихида мавжуд бўлган асосий системага ва оқимларга марксистик-партиявийлик асосида ёндашади ва шу принцип асосида баҳо беради. Асардаги фалсафий тадқиқотлар программаси марксча-ленинча философия тараққиётида катта роль ўйнади, марксист философлар тадқиқотларининг йўналишини белгилаб берди.

Ад.: О «Философских тетрадях» В. И. Ленина, М., 1959; Суворов Л. Н., Вопросы диалектики в «Философских тетрадях» В. И. Ленина, М., 1960; Касымжанов А. Х., Как читать и изучать «Философские тетради» В. И. Ленина, М., 1968; Кедров Б. М., Из лаборатории ленинской мысли, М., 1972; Ғаниев Д., В. И. Ленининг «Философия дафтарлари» асари тўғрисида, Т., 1974.

ФИЛОСОФИЯ ЖАМИЯТИ, СССР философия жамияти — философия соҳасидаги илмий коллективлар ва айрим олимларни бирлаштирган кўнгилли илмий жамоатчилик ташкилоти. 1971 йилда тузилган. СССР ФА Президиуми раҳбарлигида ишлайди. Жамият олимларнинг философия, илмий коммунизм, ҳозирги замон фанининг методологик масалалари соҳасидаги фаолиятига, марксизм-ленинизм ғояларини пропаганда қилишга, чет эл философия жамиятлари ва ташкилотлари б-н

илмий алоқаларни йўлга қўйишга кўмаклашади. Жамиятнинг олий органи — съезд (5 йилда бир марта ўтказилади), унда бир йилда бир марта чақириладиган Правление сайланади. Съездлар ўртасидаги даврда жамият ишига раҳбарликни Президиум олиб боради (Правление аъзолари томонидан сайланади). Президиум ҳузурида илмий секциялар ишлайди.

СССР Ф. ж. нинг республика, областлараро, обл. (ўлка) бўлимлари ва бошланғич ташкилотлари бор. Жумладан, ЎзССР да 1972 йилда унинг бўлими тузилган (раиси И. М. *Мўминов*, 1976 йилдан Э. *Юсупов*). Унда 300 дан ортиқ аъзо, 47 коллектив аъзоси бор (1978).

ФИЛОСОФИЯ ЖУРНАЛЛАРИ — философия масалаларига бағишланган илмий-назарий даврий нашрлар. Илмий адабиётнинг ўзига хос шакли сифатида 17-асрда Францияда вужудга келган. 18-асрда Германияда махсус Ф. ж. чиқа бошлаган. Кейинчалик АҚШ, Италия, Россия, Польша ва б. мамлакатларда ҳам Ф. ж. ташкил этила бошлади. 1970 йили жаҳонда 200 дан ортиқ номда Ф. ж. нашр этилди. СССРда 1922 йилда «Под знаменем марксизма» номи б-н биринчи марксистик фалсафий журнал ташкил этилди (1944 йилга қадар чиқди). Унинг 3-сонида В. И. Ленининг журнал вазифаларига ва совет философиясини ривожлантиришга бағишланган «Курашчан материализмнинг аҳамияти ҳақида» мақоласи эълон қилинди. 1928—34 йилларда чиққан «Проблемы марксизма» журнали ҳам дастлабки Ф. ж. дан ҳисобланади. Узбекистонда маркса-ленинча философия масалалари илк бор 20-йиллардан «Инқилоб», «Ишчилар қалқони», «Коммунист йўлдоши», «Худосизлар», «Қурилиш» каби журналларда ёритилган.

СССРда нашр этиладиган Ф. ж.: *«Вопросы философии»*, «Философские науки» (1958 йилдан, СССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги органи, 2 ойда бир марта чиқади), «Вестник МГУ. Философия» (1966 йилдан), «Вестник ЛГУ. Философия» (1956 йилдан); рефератив журналлар — «Общественные науки в СССР. Сер. 3. Философские науки» (1973 йилдан), «Общественные науки за рубежом. Сер. 3. Философия и социология» (1973 йилдан). Узбекистонда философияга оид масалалар «Узбекистонда ижтимоий фанлар» *(«Общественные науки в Узбекистане»)*, *«Узбекистон коммунисти»* журналларида ёритилади.

«ФИЛОСОФИЯ ҚАШШОҚЛИГИ», Жаноб Прудоннинг «Қашшоқлик философиясига жавоб» — К. Марксниг илк асари. 1847 йилда Парижда француз тилида нашр этилган. Асарда француз майда буржуа философи, анархизм назариётчиларидан П. Ж. Прудон танқид қилиниб, Маркс иқтисодий таълимотининг бошланғич қоидалари, илмий социализм асослари баён этилган. Асар икки бобдан иборат. Биринчи боб («Илмий кашфиёт»)да Прудоннинг иқтисодий қарашлари, иккинчиси («Сиёсий иқтисод метафизикаси»)да унинг философияси асослари танқид қилинади.

Маркс «Ф. қ.» да *Гегель*нинг идеалистик диалектикаси танқидига, материалистик диалектика ва тарихий материализм масалаларини илмий асослашга катта аҳамият беради; капиталистик ишлаб чиқариш усулини анализ қилиш асосида диалектик ва тарихий материализм принципларини ёритади. Асарда Прудоннинг капиталистик жамиятни ислоҳ қилиш ҳақидаги ҳаёлий планларига қарши, капитализмни ўзгартиришнинг бирдан-бир йўли — синфий кураш, революцион тўнтариш эканлиги кўрсатилди. Маркс тарихни материалистик тушунишни ривожлантириб, бу ерда биринчи марта ишлаб чиқариш муносабатларини ишлаб чиқарувчи кучлар характерига мос келиш қонунини яратди; ишлаб чиқариш ижтимоий муносабатларини абстракциялашнинг назарий ифодаси сифатида иқтисодий категорияларга материалистик талқин берди. Маркс асарда синфий кураш, пролетариатнинг тарихий ролига ҳам тўхтаб ўтади, илмий коммунизмнинг айрим проблемаларини шарҳлашга ҳаракат қилади. В. И. Ленин «Ф. қ.» ни «Коммунистик партия манифести» қаторида «етук марксизмнинг биринчи асари...» (В. И. Ленин, Асарлар, 25-том, 441-бет), деб баҳолаган эди.

«Ф. қ.» нинг биринчи немисча нашри Ф. Энгельс сўз бошиси б-н 1885 йилда нашр этилди; 1886 йилда Женевада *«Меҳнатни озод қилиш» группаси* томонидан рус тилида (В. Засулич таржимаси) чиқарилди. Кейинчалик у бир қанча мамлакатларда кўп тилларда нашр қилинди. СССРда «Ф. қ.» алоҳида китоб бўлиб 14 тилда 33 марта нашр этилган (умумий тиражи 683 минг нусха). Жумладан ўзбек тилидаги таржимаси К. Маркс ва Ф. Энгельс 2 томли «Танланган асарлар»нинг 1-томига (1957) киритилган.

ФИЛОСОФИЯНИНГ АСОСИЙ МАСАЛАСИ — онгнинг борлиққа, руҳнинг материяга, табиатга муносабати масаласи. «Философлар,— деган эди Ф. Энгельс,— шу саволга берган жавобларига қараб, икки катта лагерга бўлиндилар. Руҳ табиатдан аввал бор эди деб даъво қилганлар ва, демакки, хуллас, дунёнинг яратилганлигини бирон тарзда эътироф қилганлар... идеалистлар лагерини ташкил этдилар. Аввало табиат мавжуд эди деб ҳисоблаганлар эса материализмнинг турли мактабларига қўшилдилар» (Людвиг Фейербах ва немис классик философиясининг охири, Тошкент, 1965, 18-бет).

Марксизмгача бўлган ва номарксистик философларнинг кўпи руҳнинг материяга муносабати масаласини Ф. а. м. деб ҳисобламайди. Фақат баъзи философлар, хусусан *Гегель* ва *Фейербах* бу масала Ф. а. м. эканлигини тўғри ифодалашга яқинлашдилар. Ф. а. м. нимада эканлигини, унинг философия таълимотидаги ролини биринчи бўлиб Ф. Энгельс кўрсатиб берди. Ф. а. м. нинг қандай ҳал қилиниши фалсафий системанинг ва уларда кўриладиган масалаларнинг характерини белгилайди.

Ф. а. м. нинг иккинчи томони — дунёни, оламни билиш мумкинми, воқеий олам тўғрисидаги тасаввурлар, тушунчалар объектив ҳақиқат аҳамиятига эгами ёки йўқми деган масаладир. *Материализм* бу масалага ижобий жавоб бериб, инсон оламни билиб олиши мумкин, инсон билими тобора чуқурлашиб, оз билишдан кўп билишга қараб боради, деб билади. *Идеализм* эса инсон ташқи оламни била олмайди, у ҳақда тўғри тасаввурга эга бўла олмайди, деб ҳисоблайди. Бундай дунёқараш *агностицизм* деб аталади. Айрим идеалистлар, гарчи агностицизмга қарши бўлсалар-да, воқеликни, оламни билиш масаласини тўғри ҳал қила олмадилар, чунки улар онгни, руҳни бирламчи деб ҳисоблаганлар. Идеалистлар, умуман, инъикос назариясини (қ. *Билиш назарияси*) рад этадилар.

Ф. а. м. ни ҳал этишда оралиқ, ноизчил позициясида бўлганлар қарашлари *дуализм*га киради.

Марксизмгача бўлган материализмга хос тарихан чекланганлик (метафизиклик, механицизм, тарихни идеалистик тушуниш) Ф. а. м. ни ҳал қилишда ҳам ўз таъсирини кўрсатган. Марксистик философиягина бу чекланганликни бутунлай бартараф этди; Ф. а. м. ни диалектик материализм нуқтаи назардан ҳар томонлама илмий равишда асосланган тарзда ҳал қилиб берди; онгга материя тараққиётининг ўзига хос ҳосиласи деб қаради. Марксистик философия Ф. а. м. ни ижтимоий ҳаётни ўрганишга, билишга татбиқ этиб, ижтимоий онг ижтимоий борлиқдан вужудга келишини ва унинг инъикоси эканлигини тушунтириб берди. «Материализм умуман, борлиқ онгга эмас, балки онг борлиққа боғлиқ, деб баён қилар экан, материализм инсониятнинг ижтимоий турмушига татбиқ этилганда, ижтимоий онгни ижтимоий борлиққа боғлиқ деб қарашни талаб қилди» (В. И. Ленин, Тўла асарлар тўплами, 26-том, 61-бет). Бу қонда тарихни материалистик тушунишнинг асосий негизидир.

Ф. а. м. ни ҳал қилиш икки асосий фалсафий оқим — материализм б-н идеализм курашининг мазмунини ташкил этади.

Ад.: Энгельс Ф., Людвиг Фейербах ва немис классик философиясининг охири, Т., 1965; Ойзерман Т. И., Главные философские направления, М., 1971; Марксча-ленинча философия асослари, Т., 1976.

ФИЛЬМ (ингл. film — плёнка) — бирин-кетин плёнкага суратга туширилиб, сюжет ҳосил қилдириладиган тасвирлар тизими; *кино санъати* асари. Замонавий кинематографияда Ф. нинг бадиий (артистлар ўйнаб суратга олинадиган), мультипликацион, ҳужжатли-хроникаль, илмий, ўқув турлари мавжуд. Шунингдек, телевидение учун махсус суратга олинган телефильмлар, ҳаваскорлик Ф. лари ҳам бор. Ф. лар жанрларга бўлинади (тарихий, комедия, саргузашт ва ш. к.). Суратга олиш усули ва проекция турига қараб овозсиз, овозли, оқ-қора, рангли, кенг экранли, кенг форматли, панорама Ф. лари, стереоскопик Ф. ларга бўлинади.

Ф. махсус киностудияларда кино техникаси ёрдамида ижодий ходимлар томонидан яратилади. Илмий ва ўқув Ф. лари, одатда илмий тадқиқот ин-тлари, корхона, ўқув юртларининг кинолабораторияларида тайёрланади.

ФИЛЬТР (лат. filtrum — кигиз, намат) — қаттиқ ва суюқ (газсимон) фазали, ҳар хил жинсли системаларни ғовак тўсиқлар (ғовак материаллар) воситасида таркибий қисмларга ажратадиган, қуюлтирадиган ёки тиндирадиган аппарат (иншоот). Эритмаларни минерал тузлардан тозалайдиган, полимер ионларини фракцияларга ажратадиган қурилма ва аппаратлар, маълум частотадаги товуш ёки электромагнит тўлқинларини ўтказиб юборадиган ёки ушлаб қоладиган қурилмалар ҳам Ф. дейилади (қ. *Акустик фильтр, Электр фильтр*).

Ҳар хил жинсли системалар фильтри суюқлик ва газ Ф. ларига бўлинади.

Суюқлик Ф. лари иш принципига қараб даврий ва узлуксиз ишлайдиган бўлади. Даврий ишлайдиганининг ҳажмий, листли, фильтр-пресс, патронли хиллари бор. Ҳажмий Ф. оз миқдордаги суспензияни ажратишда қўлланилади. У вакуум ёки босим остида ишлайди. Листли Ф. эритмаларни тиндириш, қатлиқ фазаси ҳажмининг 5% идан ошмаган суспензияларни ажратишда қўлланилади. Фильтр-пресслардан, асосан, майин дисперс системаларни ажратишда, патронли Ф. (1-расм) дан суспензияларни тиндириш ёки қуюлтиришда фойдаланилади.

Патронли Ф. вакуумда (қ. *Вакуум-пресс*) ёки босим остида ишлайди. Унинг ички панжарасига фильтрловчи тўсиқлар (патронлар) маҳкамланган. Чўкинди сиқилган ҳаво, пневмогидравлик зарб ёки вибрацион қурилмалар воситасида тозалаб олинади.


Узлуксиз ишлайдиган Ф. ларнинг барабанли, дискли, лентали, тарелкали ва карусел хиллари бор. Барабанли вакуум-фильтр саноатда кўплаб қўлланилади. Дискли вакуум-фильтр қаттиқ фаза заррачалари ўлчамларига яқин бўлган заррачали суспензияларни ажратишда ишлатилади. Бунда горизонтал жойлашган ичи бўш валга секциялар ҳосил қилувчи вертикал дисклар ўрнатилади (2-расм). Дискли вал суспензия солинган ярим цилиндрсимон идишда айланади. Дискларга тўсиқ ғовак материал қопланиб, диск секторининг бўшлиғи фильтрат чиқиб кетадиган канал б-н туташади. Лентали-вакуум-фильтр турли ўлчамдаги суспензияларни ажратиш учун ишлатилади. Тарелкали вакуум-фильтрлар калий ишлаб чиқаришда йирик донали шлам (кукун)ларнинг сувини қочиришда, тошкўмир, руда ва б. тайёрлашда, карусел вакуум-фильтрлар эса дағал суспензияларни ажратишда қўлланилади.

Газ Ф. лари узлуксиз ишлайдиган аппаратлардир. Тузилишига кўра ясси фильтрловчи сиртли ва батареяли бўлади. Ясси фильтрловчи сиртли Ф. да тешик панжаралар бўлиб, уларга фильтрлаш тўсиқлари ўрнатилади. Унга қум, кварц ва б. қават-қават қилиб солинади ёки икки панжара орасига толали материаллар (асбест тола, шиша тола, пахта ва б.) қўйилади.


Батареяли Ф. тўқималардан енг шаклида ясалади. Газ Ф. га киргач, енгларга тақсимланади. Газдан ажралган зарралар енгларга ўтириб қолади (яна қ. *Енилғи фильтри, Мой фильтри, Фильтрлаш*).

ФИЛЬТРЛАШ (кимёда) — суюқлик ёки газни ўтказиб, қаттиқ жисмларни тутиб қоладиган фильтрловчи тўсиқ ёрдамида *суспензиялар* ёки *аэрозолларни* ажратиш процесси. Ф. махсус аппарат — *фильтр*да амалга оширилади. Суспензияни Ф. да суюқликдан ажраладиган қаттиқ жисмлар фильтрловчи тўсиқда кўпинча нам чўкма ҳосил қилади. Бу чўкма зарур бўлганда сув ва б. суюқликлар б-н ювиб тушурилади ёки қуритиш мақсадида ҳаво б-н пуфланади. Жуда қовушоқ ва концентрацияси кичик иозик дисперс суспензияларнинг қаттиқ зарралари фильтрловчи тўсиқнинг тешикчаларига сингиб, чўкма ҳосил қилмаслиги ҳам мумкин. Қаттиқ жисмлар тешикчаларга бир йўла сингиб, чўкма ҳосил қиладиган Ф. бўлиши ҳам мумкин. Тешикчаларни йўқотиш ёки жуда кичрайтириш мақсадида ёрдамчи моддалар (диатомит, перлит, асбест, целлюлоза ва б.) қўлланилади. Бундай моддалар фильтрловчи тўсиққа берилади ёки суспензияга қўшилади. Фильтрловчи тўсиқ орқали ўтган суюқлик фильтрат деб аталади.

Ф. нинг қуйидаги турлари бор: а) суспензиянинг ўзиниггина ажралиши, яъни суспензия таркибидаги фильтрловчи тўсиқда тутиб



1-расм. Патронли фильтрнинг схемаси: 1— корпус, 2— фильтрлаш тўсиғи; 3— қопқоқ, 4— панжара; 5— таглик.



2-расм. Дискли фильтр: 1— секциялар; 2— дисклар; 3 — тақсимлаш қурилмаси; 4 — вакуум ва фильтрат трубаси; 5— қисилган ҳаво трубаси; 6— чўкиндилар тозаланадиган пичоқ.

қолинган қаттиқ жисмни ажратиш; б) суспензияни қуюлтириш — фильтрловчи тўсиқ орқали суюқ фазанинг бир қисмини ўтказиб юбориб концентрациясини ошириш; в) суюқликни тиниқлаштириш — уни унчалик кўп миқдорда бўлмаган нозик муаллақ моддалардан тозалаш.

Ф. бир жинсли бўлмаган суюқ системаларни ажратишнинг эффектив методидир, у лаборатория ва саноат шароитида (кимёвий, озиқ-овқат, нефтни қайта ишлаш, кончилик ва б. саноат соҳаларида) кенг қўлланилади. Ф. дан газларни тозалашда ҳам фойдаланилади.

ФИЛЬХНЕР ШЁЛЬФ МУЗЛИГИ — Антарктидадаги музлик. Уэдделл денгизи соҳилида. 1912 йилда В. Фильхнер раҳбарлигидаги немис Антарктика экспедицияси кашф этган. Ф. ш. м. да Шеклтон (1956—57 йиллар, Буюк Британия), Элсуорт (1957—62, АҚШ; Аргентина), Собраль (1965—69, Аргентина) илмий станциялари ишлаган. Хенераль-Бельграно (1955, Аргентина) станцияси ишлаб турибди. Музликнинг соҳил қисмида 1975 йил 31 декабрда мавсумий станция — «Дружная» совет илмий станцияси ва экспедиция базаси ташкил этилди.

ФИЛЯРИАТОЗЛАР — филяриялар қўзғатадиган гельминтоз касалликлар. Қўзғатувчилари жинсий етук (имаго) лаврида умуртқали ҳайвонларнинг (балиқлардан бошқа) қон томирларида, тери ости тўқималарида, мускул ва пайларида, кўкрак ва қорин бўшлиқларида паразитлик қилади, личинкалари эса оралиқ хўжайин — бўғим оёқлилар танасида яшайди.

Ф. дан отлар парафилариози, қорамол парафилариози (қўзғатувчиси бошқа), отлар онхоцеркози, қорамол онхоцеркози, гўштхўрлар дирофилариози (юрак дирофилариози), тери ости клечаткаси дирофилариози, сут эмизувчилар сетариозлари (от сетариози, қорамол сетариози, қўй сетариози, буғу сетариози), туялар дипеталонематози ва ҳ. к. кўп учрайди. СССРнинг жанубий зоналарида тарқалган.

Давоси: дитразин, антрипол ва б. берилади.

Олдини олиш: касал ҳайвонлар даволанади. Касаллик тарқатувчи ҳашаротларга қарши курашилади.

Одамлардаги филяриатоз касалликлари, асосан, тропик минтақадаги мамлакатларда учрайди. СССРда учрамайди.

ФИН ТИЛИ — *финлар* тили. Финляндия давлатининг расмий тили. Фин-угор тилларининг болтиқбўйи-фин тармоғига мансуб. АҚШ, Канада, Швеция, Норвегия ва СССР да тарқалган. Ф. т. да 4,3 млн. киши гаплашади (1974). Ф. т. этник жиҳатдан қариндош 3 қабила (марказий — еми, жанубий-ғарбий — суми, шарқий — саво) тилларининг гуруҳланиши асосида шаклланган. Ф. т. 16- асрнинг 40- йилларигача ёзувга эга бўлмаган. Фин ёзуви яратилиши б-н (1540) ёзма адабиёт пайдо бўлган. 1809 йилда Россия империяси составида Буюк Финляндия князлиги ташкил топиши муносабати б-н миллий уйғониш ва Ф. т. нинг жадал ривожланиш даври бошланди. Янги фин даври (1820 йилда Р. фон Кёккер томонидан Ф. т. ни янгилаш програмаси баён этилиши муносабати б-н) икки босқичга бўлинади: бошланғич янги фин (1820—70) ва ҳозирги фин (1870 йилдан). Бошланғич фин даврида шарқий диалектлар ҳисобига фин адабий тилининг диалектик базаси кенгайди. Адабий тил халқ оғзаки тили б-н яқинлашди. Фин адабий тилининг тараққиётига ва унинг диалектик асоси масаласини ҳал қилишга *рука ёзувлари*ни тўплаган ва «Калевала» миллий эпосини тузган Э. Лёнрот (1802—84) катта таъсир кўрсатди. У ўз асарларида ғарбий диалектлар асосида ишланган ва нормалашган адабий тилдан ҳамда шарқий диалектларнинг образли ифода воситаларидан кенг фойдаланди. 19- асрнинг 70- йилларида янги фин адабий тилининг асоси таркиб топди.

ФИН ҚЎЛТИҒИ — Болтиқ денгизининг шарқий қисмидаги қўлтиқ. СССР б-н Финляндия оралиғида. Майдони 30 минг *км*². Узунлиги 390 *км*, эни кираверишқисмида 70 *км*. Қирғоқлари шимолида қояли ва шхера типли, жанубий ва шарқида паст. Қўлтиқнинг шарқий қисми — Нева қўлтиқчасига Нева дарёси қуйилади. Чуқурлиги ғарбида 100 *м*, шарқида 7 *м*. Орол кўп. Сувининг юза қисмида т-ра қишда 0° дан паст, августда 15—17°. Ноябрь охиридан апрель охиригача муз б-н қопланади. Шўрлиги 2—5‰. Катта кемаларнинг Ленинград портига кириши учун Ф. қ. да Денгиз канали қазилган. Сув сатҳининг баландлиги шамоллар ва атмосфера босими таъсирида ўзгариб туради. Натижада Нева қўлтиқчасида сув кўтарилиб, Ленинградда тошқинлар бўлади. Ф. қ. соҳилидаги йирик портлар: Ленинград, Таллин, Виборг (СССР), Хельсинки, Котка (Финляндия).

ФИНАЛ (лат. finis — охир, ниҳоя) — тамом бўлиш, тугаллаш, якун, мас., спорт мусобақаларида ғолиблар аниқланадиган ҳал қилувчи учрашув.

ФИНАЛ (музикада) — 1) циклли ва умуман кўп қисмли музика асари (*симфония, соната, концерт, кантата, оратория, трио, квартет* ва ҳ. к.) нинг хотима қисми. Кўпинча тез суръатда, *рондо* ёки *соната шакли*да бўлади; 2) музикавий саҳна асарлари — музикали драма ва комедия, опера, оперетта, балет пардаларининг сўнгги саҳналари. Одатда, бир қанча (якка ижрочи, ансамбль, хор ижросидаги) эпизодлардан ташкил топади. Операда Ф. бир парда ёки бутун асар кульминациясини ўз ичига олиб, воқеанинг жадал ривожи, драматизми ёки тантаналарор, улуғворлиги б-н ажралиб туради.

ФИНВАЛ, сельдсимон кит (Balaenoptera physalus) — тишсиз китлар кенжа туркумига мансуб сут эмизувчи. Арктикадан Антарктикагача бўлган жойларда тарқалган. СССРда Узоқ Шарқдаги денгизларда, камдан-кам Баренц ва Оқ денгизларда учрайди. Ургочисининг тана узунлиги 19—20 *м* (баъзан 27,3 *м*, одатда, эркаклари ургочисидан 1 *м* ча кичик). Усти тўқ кул ранг, қорни оқ, бошининг ўнг томони чапига нисбатан оқиш роқ. Мўйлов пластинкалари (ҳар қаторида 360 га яқин) кул ранг-кўк. Боласининг узунлиги 6—7 *м*. Ф. қисқичбақасимонлар, балиқ ва бош оёқли моллюскалар б-н овқатланади. Овланади.. Сони камаймоқда.

ФИНИКИЯ — Яқин Шарқдаги қадимги мамлакат. Ўрта денгизининг шарқий қирғоғида (ҳозирги Сурия ва Ливан терр-яларида) жойлашган. Аҳолиси финикияликлардан иборат бўлган. Мил. ав. 2- минг йиллик бошларида Ф. да синфий жамият вужудга кела бошлаган. Қулдорлик шаҳар-давлатлари: Угарит (Рас-Шамра), Сидон (Сайда), Берута (Байрут), Арвад (Арад), Тир (Сур) ва б. вужудга келиб, улар мил. ав. 12- асргача Миср фиръавнлари қўл остида бўлган. Мил. ав. 13- аср охири — 12- аср бошларида Ф. шаҳарлари мустақилликка эришган. Финикияликлар Кипр, Сицилия, Сардиния, Шимолий Африка, Испания ва Жанубий Францияда мустамлакалар ташкил этишган. Ф. да ҳунармандчилик, савдо-сотиқ ва кемасозлик жуда тараққий қилган; денгиз йўлларидан кенг фойдаланилган. Шаҳарлар ўртасида ҳукмронлик учун бўлган курашлар натижасида кучсизланган Ф. мил. ав. 8—7- асрларда Осурияга, мил. ав. 6- асрда Бобилга, мил. ав. 539 йилдан 332 йилгача *ахоманийлар* давлатига бўйсунган. Ф. мил. ав. 332 йилдан *Александр Македонский* давлати, мил. ав. 3- аср ўрталаридан салавкийлар давлати қўл остида бўлган. Шу даврдан бошлаб Ф. да ҳам эллинизм қарор топди. Мил. ав. 63 йили Ф. Рим вилояти бўлган Сурия таркибига кирди. Финикияликлар аста-секин Суриянинг бошқа аҳолиси таркибига сингиб кетди.

Ад.: Струве В. В., История Древнего Востока, М., 1941.

ФИНИКИЯЛИКЛАР — қадимги сомий қабилалари (қ. *Сомийлар*).

ФИНИКИЯЛИКЛАР ЁЗУВИ — финикияликлар, карфагенликларда, шунингдек, қадимги яҳудийлар ва моавликларда қўлланилган ёзув тури. 22 ундош ҳарфли (дастлаб 29—30 ҳарфли) алфавити бўлган. Ёзма ёдгорликлари мил. ав. 2 мингинчи йилликнинг иккинчи ярми — мил. 4- асрга онд. Ф. ё. протосинай ва баъзи илк ханъон (Сурия, Фаластин) ёзувларининг ўзаро таъсири асосида мил. ав. 15- асрда юзага келган ва ривожланган. 12- асрда тўла шаклланган. Ф. ё. финикияликларнинг мил. ав. 2—1- минг йилликда Ўрта денгиз бўйларида барпо қилган колонияларида тарқалган. Мил. ав. 10—9- асрда Ф. ё. дан арамей ёзуви (ундан эса яҳудий, араб ва б. ёзувлар) пайдо бўлган, 11—8- асрда эса Ф. ё. юнон алфавитига асос бўлган. Умуман, ҳозирги кўпгина ёзувлар Ф. ё. асосида ривожланган (яна қ. *Ёзув*).

ФИНИКИЯЛИКЛАР ТИЛИ — қадимий тил; *ўлик тиллар*дан. Шимоли-ғарбий сом тилларининг конъюн гуруҳчасига мансуб. Мил. ав. 2— 1- минг йилликда ва мил. 1- минг йиллик бошларида Финикияда ва Ўрта денгиз соҳилларида тарқалган. Ф. т. мил. ав. 2- минг йиллик ўрталаридан мил. 3—4- асрларигача бўлган ёдномалар орқали етиб келган. Шимолий Африкадаги ливия диалекти элементларини ўзига сингдирган. Ёзувида ундошлар махсус ҳарфлар б-н, унлилар эса диакритик белгилар б-н берилган (яна қ. *Финикияликлар ёзуви*). Ф. т. грамматикаси қадимги яҳудий тилига ўхшаш.

ФИНИКС, Феникс — АҚШнинг жанубий-ғарбий қисмидаги шаҳар. Солт-Ривер дарёси бўйида. Аризона штатининг маъмурий маркази. Аҳолиси 700 минг киши (1975). Машинасозлик (авиа-ракетасозлик, радиоэлектроника), озиқ-овқат (мева консерва з-длари, кушхона), кимё, иккиламчи алюминий эритиш саноати корхоналари, ун-т бор. Шаҳар атрофида курортлар кўп.

ФИНИШ (ингл. finish — тугаш) — қ. *Марра*.

ФИНКА, финна — лентасимон чувалчангларнинг личинкалик босқичларидан бири. *Оралиқ хўжайин*да паразитлик қилади. Ф. пуфакча кўринишида бўлиб, унинг ичида чувалчангнинг бир ёки бир нечта бошчаси бор. Ундан асосий хўжайин — умуртқали ҳайвон ёки одам организмида етук чувалчанг ривожланади. Ф. нинг цистицеркоид (бир боши, 6 та илмоғи ва думи ўсимтаси бор), цистицерк (бир бошли, думсиз), ценур (жуда кўп бошли), *эхинококк* каби хиллари бор.



Финкельштейн В. Н.

ФИНКЕЛЬШТЕЙН Вульф Наумович (1885, Золотоноша, Полтава губернияси — 1919. 19. 1, Тошкент) — *туркистонлик ўн тўрт комиссар*дан бири, Туркистонда Октябрь революцияси ва гражданлар уруши қатнашчиси. 1916 йилдан Коммунистик партия аъзоси. 1917 йил февралда Қўқон солдат депутатлари Советининг, августдан Тошкент Советининг депутати. Октябрь рев-яси даврида Тошкентда революцион комитет аъзоси бўлган. Рев-ядан сўнг Тошкент большевиклар партияси муваққат комитетининг аъзоси.Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети аъзоси. Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари (1918—19). Туркистон КП 1—2- съездлари делегати. *Осипов исёни*да ваҳшиёна ўлдирилган. Тошкентдаги кўчалардан бирига Ф. номи берилган.


ФИНЛАР (ўзларини суомалайсет деб атайдилар) — миллат, *Финляндия*нинг асосий аҳолиси (92% и). Умумий сони 4,3 млн. кишидан зиёд (1974). АҚШ, Канада, Шимолий Швеция, Норвегия ва СССР (85 минг, 1970) да яшайди. *Фин тили*да гаплашади. Диндор Ф. нинг кўпчилиги — протестантлар. Финляндиянинг Жанубида мил. ав. 3- минг йилликдаёқ пайдо бўлган. Мил. ав. 2- минг йилликда Финляндия терр-ясининг жанубий-ғарбига Болтиқбўйи (лето-литва) қабилалари кириб борди. Бу қабилалар Финляндия шимолига аста-секин силжиб, ҳозирги *саамлар*нинг аждодларини суриб чиқарган. Мил. 11—12- асрларда жанубий-ғарбий (суми ёки суоми), марказий (еми ёки хямэ), шарқий (корела қабилаларининг ғарбий гуруҳлари) қабила группалари қўшилуви натижасида фин элати шаклланди. 19- аср 2- ярмида капитализмнинг ривожланиши б-н Ф. миллат бўлиб уюшди. Ф. нинг кўпчилиги саноатда ишлайди.

Ад.: Народы зарубежной Европы, т. 2, М., 1965.

ФИНЛЯНДИЯ (Suomi), Финляндия Республикаси (Suomen Tasavalta) — Европа шимолидаги давлат. Шарқда СССР, шимоли-ғарбда Швеция, шимолда Норвегия б-н чегарадош. СССР б-н чегарасининг узунлиги 1269 *км*. Жануб ва ғарбдан Болтиқ денгизи ва унинг Фин ва Ботник қўлтиқлари б-н ўралган. Қирғоқ чизиғининг узунлиги (эгри-бугрилигини ҳисобга олмаганда) 1100 *км*. Майдони 337 минг *км*² (1/3 қисми Қутбий доира ичида). Ф. терр-ясининг 10% и ички сув ҳавзалари, асосан кўллардир. Аҳолиси 4,7 млн. киши (1975). Пойтахти — Хельсинки ш. Ф. маъмурий жиҳатдан 12 губерния (ляни)га, губернялар уездлар (кихлакунта)га бўлинган.

Давлат тузуми. Ф.— республика. Амалдаги конституцияси 1919 йил 17 июлда қабул қилинган. Давлат бошлиғи — президент (икки босқичли сайловда 6 йилга сайланади). Президент Давлат кенгаши (ҳукумат)ни тайинлайди, олий бош қўмондон; парламентни чақириш ва тарқатиб юбориш ҳуқуқига эга, қарор ва фармонлар чиқаради. Қонун чиқарувчи олий органи — аҳоли 4 йилга сайлайдиган 200 депутатдан иборат бир палатали парламент. 18 ёшга тўлган барча гражданлар сайлов ҳуқуқига эга.

Губерняларни президент тайинлайдиган губернаторлар бошқаради. Суд системаси Олий суд (унинг аъзолари президент томонидан умр-



бод тайинланади), 4 апелляция суди ва 1-босқич (шаҳар ва округ) судларидан иборат. Шунингдек, маъмурий юстиция системаси ҳам мавжуд. Ф. Давлат байроғини *Давлат байроғи* мақоласи жадвалидан кўринг.

Табиати. Мамлакат терр-ясининг аксари қисми денгиз сатҳидан 100—200 *м* пастда ётувчи текислик. Марказий қисмидаги кўллар атрофи ҳамда шимол ва шарқида қатор тепалик ва қирлар бор. Шимоли-ғарбида Скандинавия тоғларининг тармоқлари жойлашган (энг баланд жойи 1365 *м* — Халтиатунтури чўққиси). Ҳозирги рельефининг шаклланишида Ф. терр-ясининг қадимда ёппасига муз б-н қопланганлиги муҳим роль ўйнаган.

Геологик тузилиши ва фойдали қазилмалари. Болтиқ қалқонида жойлашган Ф. терр-ясида метаморфик комплекслар ва токембрий гранитоидлари кўпроқ учрайди, уларнинг устини антропоген даврида музлик келтирган жинслар қоплаган. Муз босиш давридан кейин Ф. терр-ясининг анча қисми трансгрессияга учраган. Ғарбий Европа мамлакатлари орасида Ф. хромит, ванадий ва кобальт запаси бўйича 1-, титан ва никель запаси бўйича 2-, мис ва пирит запаси бўйича 3-ўринда. Темир ва полиметалл рудалари (олтин, рух, қўрғошин ва ҳ. к.), апатит, графит, магнезит, асбест, тальк, мусковит, мармар конлари бор; торф қазиб олинади. **Иқлими** мўътадил, шимолида континентал иқлим. Болтиқ денгизи ва Гольфстрим илиқ оқимининг яқинлиги иқлимга юмшатувчи таъсир кўрсатади. Февралда ўртача т-ра жанубий-ғарбида —3 дан —6° гача, шимолида —12 дан —14° гача; июлда худди ўша жойларда 17° ва 14—15°. Йиллик ёғин Ф. нинг кўп қисмида 600—700 *мм*, чекка шимолида 400 *мм* дан кам. **Дарёлари** қисқа, сершув. 60 мингга яқин кўл бор. Дарё ва кўллар 5—7 ой музлайди. Дарёларда ГЭСлар қурилган. Кўлларда кема қатнайди.

Тупроқ ва ўсимликлари. Тупроғи асосан подзол тупроқ; глейли-подзол ва торфли-ботқоқ, чим-подзол, тоғ-ўрмон подзол ва тоғ-тундра тупроқлари ҳам учрайди. Мамлакат терр-ясининг $^1/_3$ қисми ботқоқланган. Катта майдонлар тайга ўрмонлари б-н банд.

Ҳайвонот дунёси. Ф. да йирик йиртқич ҳайвонлардан бўри, росомаха, силовсин, айиқ учрайди. Мўйнали ҳайвонлар (норка, қутб тулкиси ва б.) кам қолган. Қуш кўп. Дарё ва кўллари балиққа бой. Ф. да 9 миллий парк ва 15 қўриқхона бор (1975).

Аҳолисининг 91% дан кўпроғи *финлар*. Ф. нинг жанубий ва ғарбий р-ларида шведлар (390 минг киши; 1973), шимолида *саамлар* (3 минг кишидан зиёд) яшайди. Расмий тиллари — фин ва швед тиллари. Диндорларнинг кўпчилиги евангелия-лютеран черковига мансуб, православлар ҳам бор. Иқтисодий актив аҳолиси 2,2 млн. киши (1974). Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 14 киши, жами аҳолининг 90% и мамлакатнинг жанубий ярмида яшайди. Шаҳар аҳолиси 58,1% (1974). Йирик шаҳарлари: Хельсинки, Тампере, Турку, Эспо, Ванта.

Тарихи. Археологик маълумотларга кўра одам Ф. терр-ясида мил. ав. 8-минг йилликдан бошлаб яшаб келади. Мил. 1-минг йиллик ўрталарида Ф. нинг марказий р-ларида ибтидоий жамоа босқичида бўлган еми (хяме), жанубий-ғарбий р-ларида суми (суоми) каби фин қабилалари яшаган. 8—11-асрларда суми, еми, кореллар қабила группаларининг уюшувидан фин элати шаклланди. 12-аср ўрталаридан Ф. ни швед феодаллари томонидан истило қилиш бошланди. 1155 (1157), 1249, 1293 йилардаги *Салиб юришлари* натижасида шведлар Ф. нинг жанубий қисмини Карелия бўйнига қадар босиб олдилар. 16-асрнинг 2-ярмида Швециянинг Россияга қарши олиб борган тўхтовсиз урушлари фин деҳқонлари аҳволини ниҳоятда оғирлаштирди, натижада 1596—97 йилларда Ф. тарихида энг катта ҳисобланган деҳқонлар қўзғолони бўлиб ўтди. 1617 йилги Столбово сулҳидан кейин мамлакат экономикаси тикланди, янги шаҳарлар бунёд этилди, мактаблар, гимназиялар, Або (Турку) ун-ти (Академияси) очилди. 17-аср ўрталарида Ф. ни шведлаштириш айниқса кучайди.

1808—09 йиллардаги Россия-Швеция урушидан сўнг Ф. терр-яси Финляндия Буюк князлиги тарзида Россия таркибига қўшиб олинди. Рус ҳукумати томонидан Борго ш. да 1809 йили чақирилган сейм Ф. нинг Россия империяси таркибига кириш шартларини маъқуллади. Ф. ни Россия подшоси тайинлаган генерал-губернатор (1816 йилдан сенат раиси) бошқарди. Ф. га ички маъмурий автономия б-н бирга иқтисодий автономия ҳам берилди. 19-асрнинг 20-йилларидан бошлаб Ф. да иқтисодий юксалишнинг тез боришига шарт-шароитлар яратилди, капиталистик муносабатлар ғалаба қозонди. Ёғоч тилиш саноати, қ. х. да сут чорвачилиги ривожланди. Ф. нинг иқтисодий тараққиётида Россия бозори катта роль ўйнади (савдо оборотининг 30—50% и).

19-асрнинг 1-ярмида фин миллати шаклланиши б-н (қ. *Финлар*) фин тилининг швед тили б-н тенг ҳуқуқда бўлиши, миллий маданиятни ривожлантириш учун фенноманлик ҳаракати бошланди.

80-йиллар бошларида дастлабки касаба ва ишчилар союзлари пайдо бўлди. 1899 йили Финляндия ишчилар партияси (1903 йилдан Финляндия Социал-демократлар партияси — ФСДП) тузилди. 19-аср охирида Россиядаги сиёсий реакциянинг кучайиши Ф. ҳуқуқларини бирмунча чеклашга олиб келди. 1899 йил 3 (15) февраль Манифестга кўра подшо Ф. сейми розилигисиз Ф. учун мажбурий бўлган қонунларни қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлди. Лекин 1905 йил 22 октябр (4 ноябрь) да Николай II бу қонунларни бекор қилиш тўғрисидаги манифестга имзо чекишга мажбур бўлди. Финляндия ишчилари 1905—07 йиллардаги биринчи рус революциясида актив қатнашдилар. 1906 йилда Ф. да янги сиёсий партиялар — Швед халқ партияси, Финляндия қишлоқ аҳолиси иттифоқи (1908—1965 йилларда Аграр иттифоқи, 1965 йилдан Марказ партияси) тузилди.

Биринчи жаҳон уруши йилларида ишчилар ўртасида революцион кайфиятнинг ўсиб бориши 1916 йилги парламент сайловларида социал-демократик партиянинг ғолиб чиқишида ўз аксини топди.

Россияда ғалаба қозоиган Октябрь революцияси Ф. халқига миллий мустақиллик берди. 1917 йил 6 декабрда парламент Ф. ни мустақил давлат деб эълон қилган Декларацияни қабул қилди. Совет ҳукумати ленинча миллий сиёсатга асосланиб, 1917 йил 18 (31) декабрда Ф. нинг мустақиллигини эътироф қилди. 1917 йил 26 ноябрда П. Свинхувуд бошчилигида буржуа сенати (ҳукумати) тузилди, Германия мадади б-н қуроллантирилган оқ гвардия ташкил этилди. 1918 йил 28 январга ўтар кечаси Ф. да бошланган ишчилар рев-яси мамлакатнинг жанубий қисмида ғалаба қилди, лекин Ф. нинг марказий ва шимолий р-ларини оқ гвардиячилар эгаллаб турди. Ф. да гражданлар уруши бошланди. 28 январда тузилган революцион ҳукумат — Халқ вакиллари кенгаши бир қанча демократик ва социалистик характердаги тадбирларни амалга оширди. 1918 йил




Қизил гвардия отряди. Гельсингфорс. 1905—07.

1 мартда РСФСР б-н Финляндия социалистик ишчилар республикаси ўртасида дўстлик ҳақида битим имзоланди. Аммо, 1918 йил майда фин буржуазияси Германия қўшинлари ёрдами б-н ишчилар революциясини бостиришга эришди. 1918 йил 29 августда ФСДПнинг сўл қаноти асосида *Финляндия Коммунистик партияси* (ФКП) тузилди.


Ф. 1918 йил 15 майда Совет Россияси б-н алоқаларни узди. Ф. да монархия ўрнатилиб, Германия шаҳзодаси Ф. К. Гессенский Ф. қироли деб эълон қилинди. 1-жаҳон урушида Германиянинг маглубияти ва 1918 йилги Германия революцияси Ф. ни герман вассалига айланишидан сақлаб қолди. 1919 йил 17 июлда Ф. республика деб эълон қилинди. 1918—20 йилларда Ф. империалистик давлатларнинг Советларга қарши интервенцияларида қатнашмаса ҳам, лекин уларни қўллаб-қувватлаб турди. 1920 йил 14 октябрда РСФСР б-н Ф. ўртасида сулҳ шартномаси имзоланди. Ф. ҳукуматининг ташқи сиёсати 2-жаҳон урушининг охирига қадар Совет давлатига қарши қаратилган империалистик группалар манфаатига хизмат қилиб келди.


1929 йил кузида Ф. да фашистик ҳаракатлар активлашди. 1930 йил октябрда фавқулодда антикоммунистик қонунлар қабул қилинди. 1932 йилда Ватанпарвар халқ ҳаракати фашистлар партияси тузилди (1944 йилгача мавжуд бўлди). 1932 йили Ф. б-н СССР ўртасида ўзаро ҳужум қилмаслик тўғрисида битим имзоланди. 1935 йилда Ф. парламенти мамлакат ташқи сиёсатда нейтралликни сақлашини баён қилди.

Аммо Ф. нинг реакцион ҳукмрон доиралари амалда советларга қарши сиёсатни давом эттира берди. 1939 йил 30 ноябрда Ф. империалистик давлатларнинг мадади б-н совет-фин урушини бошлаб юборди. Уруш Ф. нинг



Президент У. К. Кекконен Европа хавфсизлиги ва ҳамкорлиги кенгашида табрик нутқи сўзламоқда. Хельсинки. 1973 йил июнь.






1. Тампере шаҳри кўчаларидан бири. 2. Лаппенранта шаҳрининг соҳили.

мағлубияти б-н якунланди. 1940 йил 12 мартда Москвада Совет-Финляндия сулҳ шартномаси имзоланди. Шартномага кўра Ф. СССРга қарши қаратилган ҳар қандай коалицияларда қатнашмайдиган бўлди. Аммо, Ф. 1941 йил 22 июндаёқ СССРга қарши фашистлар Германияси томонида туриб урушга киришди (26 июнда уруш эълон қилди). Ф. армияси 30 июнда ҳужумга ўтиб Совет Карелияси ва Ленинград областининг бир қанча р-ларини босиб олди.

Совет Армиясининг *Улуғ Ватан урушидаги* ғалабалари натижасида Ф. 1944 йили урушдан чиқди. 1944 йил 19 сентябрда Москвада Ф. ўзи б-н уруш ҳолатида бўлган барча давлатлар б-н яраш битими имзолади. Битимга кўра ФКП ва б. демократик ташкилотлар фаолиятига рухсат берилди, фашистик ташкилотлар тарқатиб юборилди. 1944 йил октябрида Финляндия халқининг демократик иттифоқи (ФХДИ) тузилди. 1945 йил мартда Ф. фашистлар Германиясига уруш эълон қилди.

1945 йилда бўлиб ўтган парламент сайловларида демократик кучлар катта муваффақиятга эришдилар. 1945—48 йилларда мамлакатни бошқарган ҳукумат ФХДИ, Аграр Иттифоқи партияси ва ФСДП ҳамкорлиги асосида тузилган эди. 1948 йил апрелида СССР б-н Ф. ўртасида Дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида шартнома имзоланди (1955 йилда, сўнгра 1970 йилда муддати узайтирилди). Совет ҳукумати 1948 йили Ф. томонидан тўланмаган репарация миқдорини тенг ярмига қисқартирди (73,5 млн. доллар). 1948 йил май ойида ФСДП демократик кучларнинг ҳамкорлиги ҳақидаги битимни бекор қилгандан кейин мамлакатда реакция кучайди. Ўша йил июлида ўнг социал демократлар К. Фагерхольм бошчилигида бир партияли ҳукумат туздилар. Ф. меҳнаткашларининг ҳукумат сиёсатига қаттиқ қаршилиги 1950 йилга келиб уни истеъфо беришга мажбур қилди. Ҳокимият тепасига У. К. *Кекконен* бошчилигида коалицион ҳукумат (асосан Аграр Иттифоқи партияси ва Швед халқ партияси вакиллари) келди. Бу ҳукумат ташқи сиёсат соҳасида СССР б-н яхши қўшничилик ва ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш йўлини танлади. Бундай йўлни мустаҳкамлашга Ф. нинг 1946—56 йиллардаги президенти Ю. К. *Паасикиви* ва 1956 йилда президентликка сайланган У. К. Кекконен катта ҳисса қўшдилар. Ф. нинг СССР б-н дўстликка асосланган урушдан кейинги ташқи сиёсати «Паасикиви-Кекконен йўли» деган ном олди.



Мамлакат марказий қисмидаги қишлоқ кўриниши.

1955 йил охирида Ф. БМТга қабул қилинди. 60—70-йилларда СССР б-н Ф. ўртасида тузилган иқтисодий, маданий ва илмий ҳамкорликка оид битимлар дўстона муносабатларни ривожлантириш ва кенгайтиришга хизмат қилди.

Москвада 1977 йил майда Ф. б-н СССР ўртасида савдо-иқтисодий, саноат ва илмий-техника ҳамкорлигини ривожлантириш ва кенгайтиришнинг узоқ муддатли (1990 йилгача) программаси имзоланди. Ф. 1973 йил майда *Узаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши* б-н ҳамкорлик қилиш тўғрисида битимни имзолади. Айни пайтда Ф. Ғарб мамлакатлари, айниқса Швеция, ГФР, Буюк Британия, АҚШ б-н мустаҳкам алоқада бўлиб келмоқда. Ф. Европа мамлакатларининг турли иқтисодий уюшма, ташкилот ва бирлашмаларига аъзо.

Ф. Европада тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш бўйича бир қатор муҳим масалаларда, жумладан Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича кенгаш (1969) ташкилотчиси ва ташаббускори бўлиб чиқди. Бу кенгашнинг Биринчи (1973 йил июль) ва Учинчи (1975 йил август) этаплари Хельсинкида бўлиб ўтди. Ф. 1963 йил 8 августда ядро қуроли синовларини уч муҳитда тақиқлаш ҳақидаги Москва шартномасини, 1968 йил 1 июлда Ядро қуролини тарқатмаслик ҳақидаги шартномани, 1975 йил 1 августда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича кенгашнинг Якунловчи актини имзолади.

Сиёсий партиялари, касаба союзлари ва б. жамоат ташкилотлари. Ф. Социал-демократик партияси (ФСДП), 1918 йили 1889 йилда вужудга келган Ф. Ишчилар партияси (1903 йилдан ФСДП) инқирозидан сўнг ўнг социал-демократлар томонидан тузилган. Социалистик Интернационалга аъзо. Марказ партияси (МП), 1906 йили тузилган, 1965 йил октябргача Аграр иттифоқи деб аталган. Ф. Коммунистик партияси (ФКП), 1918 йил 29 августда тузилган. Либерал халқ партияси (ЛХП), 1965 йили тузилган. Швед халқ партияси (ШХП), 1906 йил тузилган ва б. майда партиялар. Ф. касаба союзларининг марказий ташкилоти, 1969 йили тузилган. Хизматчи ва амалдорлар ташкилотларининг марказий союзи. Техника ихтисослари мутахассислари ташкилотларининг марказий союзи ва б. «Финляндия—Совет Иттифоқи» жамияти, 1944 йилда тузилган. Ф. да бошқа мамлакатлар б-н дўстлик алоқалари қилувчи 40 дан зиёд жамиятлар бор.

Хўжалиги. Ф.— капитализм юксак тараққий қилган индустриал-аграр мамлакат. Ялпи миллий маҳсулотнинг 45% и саноат ва қурилишга тўғри келади. Урушдан кейинги йилларда кўп тармоқли экономика вужудга келтирилди. Қ. х. ни юқори даражада механизациялаштириш ва интенсификациялаштиришга эришилди. Ф. экономикаси, асосан, ташқи бозор б-н боғлиқ; четга кўплаб қоғоз, целлюлоза, машинасозлик маҳсулотлари, жумладан кемалар, ускуналар чиқарилади. Ф. экономикасида капитал ва ишлаб чиқариш ниҳоятда марказлашган ва концентрациялашган. Саноатда давлат секторининг ҳиссаси 20% ни ташкил қилади. Йирик монополиялар чет эл капитали б-н чамбарчас боғланган. Ф. га ҳар икки томон учун фойдали асосда СССР ҳам кредит бермоқда.

Саноатида 1975 йилда 609 минг киши банд бўлган. 2-жаҳон урушидан кейин Ф. да металлсозлик саноати тармоқлари тез ўсди. Ундирувчи саноати темир рудаси, мис, рух, никель, хромит, кобальт, ванадий, қўргошин, пирит, графит, асбест қазиб олиш б-н боғлиқ. Ф.

нинг энергетика ресурслари чекланган. Энергетикага бўлган эҳтиёжнинг ярмидан кўпроғи четдан келтирилган ёқилғи (асосан нефть) ҳисобига қопланади. 1974 йилда Ф. да 8,3 млн. *т* нефть маҳсулоти ишлаб чиқарилди. Гидроэнергетика потенциали 20 млрд. *квт-с* дан зиёд, шундан 11 млрд. *квт-с* ўзлаштирилган. 1974 йилда электр станцияларининг умумий қуввати 6,79 млн. *квт* бўлиб, шунинг 2,32 млн. *квт* ГЭС ларга тўғри келади. Электр энергиянинг бир қисми четдан, жумладан СССРдан олинади. 1974 йилдан Ф. га СССРдан қувур орқали газ юборилмоқда. 1975 йили 25 млрд. *квт-с* электр энергияси ҳосил қилинди, 1368 минг *т* чўян, 1618 минг *т* пўлат, 1087 минг *т* прокат, 1030 минг *т* сульфат кислотаси, 1476 минг *т* ўғит, 3370 минг *т* целлюлоза, 3972 минг *т* қоғоз, 415 минг *т* фанер, 29 минг *т* штапель тола, 2064 минг *т* цемент ва ҳ. к. ишлаб чиқарилди. Ф. целлюлоза-қоғоз саноати учун машина ва ускуналар ишлаб чиқариш ва экспорт қилишда дунёда олдинги ўринларда. Кемасозлик (йирик муз ёрар кемалар, денгиз тубидан нефть қазиб олиш учун платформалар, паромлар, пассажир ва юк кемалари қуриш) ривожланган. Трактор ва тайёр импорт қисмлардан енгил ва юк машиналари, автобуслар ишлаб чиқарилади.

Ўрмон саноати кўп тармоқли структурага эга. Ёғочсозлик ва целлюлоза-қоғоз саноати энг кўп экспорт қилинадиган маҳсулот беради. Электротехника ва кимё саноатлари тез суръатлар б-н ривожланмоқда. Енгил ва озиқ-овқат саноати, асосан, ички бозор учун маҳсулот тайёрлашга ихтисослашган. Тўқимачилик, кўн пойабзал, чинни-шиша саноатлари ривожланган.

Қишлоқ ва ўрмон хўжалиги. Қ. х. нинг асосий тармоғи — сут чорвачилиги (қ. х. маҳсулоти қийматининг 75% ини беради). Қ. х. да мамлакат терр-ясининг 8,1% и (2,7 млн. *га*) фойдаланилади (1973). Ф. нинг жанубий ва марказий р-ларида чорвачилик б-н бирга ғаллакорлик ҳам ривожланган. Деҳқончиликда, асосан, ем-хашак, экинлари (сули, арпа, ўт) экилади. 1975 йилда Ф. да 1843 минг қорамол (жумладан 773 минг сигир), 1120 минг чўчқа, 124 минг қўй, 38 минг от, 234 минг буғу, 9,4 млн. парранда бўлган.

Ўрмон хўжалиги мамлакат экономикасининг қадимги тармоғи. Ф. да 18,9 млн. *га* ўрмон бор, ёғочнинг умумий запаси 1,5 млрд. *м*³. Йилига 50—55 млн. *м*³ ёғоч кесилади. Даррандачилик (норка, тулки боқиш) ривожланган. Ф. мўйна экспорт қилишда капиталистик дунёда олдинги ўринларда. Йилига 100 минг *т* балиқ овланади.

Транспорти. Т. й. узунлиги 6 минг *км*, шоссе йўллар узунлиги 40 минг *км* га яқин (1976). Автопаркида 1,1 млн. машина (асосан, енгил машина) бор (1975). *Сайма каналининг* аҳамияти ортиб бормоқда. 1975 йил охирида денгиз савдо флотининг тоннажи 2 млн. брутто рег. *т* дан ошди. Йирик денгиз портлари: Хельсинки (1975 йилда юк оборотн 5,8 млн. *т*), Турку (3 млн. *т*), Котка (2,6 млн. *т*), Хамина (1,8 млн. *т*); нефть портлари — Шёльдвик (10 млн. *т*) ва Нантали (5 млн. *т*). Муз ёрар кемалар туфайли денгиз навигацияси йил бўйи давом этади. 2 авиакомпания бор.

Ташқи иқтисодий алоқалари. 1976 йилда экспорт моллари ичида ёғочсозлик маҳсулотлари, целлюлоза-қоғоз 44% ни, металлсозлик маҳсулотлари 34% ни, тўқимачилик ва тикувчилик саноатлари маҳсулотлари 8% ни ташкил этди. Ф., асосан, Европа капиталистик мамлакатлари ҳамда социалистик мамлакатлар, жумладан СССР б-н савдо қилади.

Пул бирлиги — Финляндия маркаси (1973 йилдан курси беқарор).

Қуролли кучлари (мудофаа кучлари деб аталади) қуруқликдаги қўшинлар, Ҳарбий Ҳаво Кучлари ва Ҳарбий Денгиз Кучларидан иборат; Олий бош қўмондон — президент; қўшинларга бевосита мудофаа кучлари қўмондони бош штаб орқали раҳбарлик қилади. Армия мажбурий ҳарбий хизмат ҳақидаги қонун асосида тўлдирилади. Ҳарбий хизматга 18 ёшдан чақирилади. Хизмат муддати 8—11 ой. Қуролли кучларининг умумий сони 40 минг кишига яқин (1975).

Соғлиқни сақлаш. 1975 йили ҳар минг киши ҳисобига туғилиш 14,2, ўлим 9,4 нафарни ташкил этди. Ўртача умр эркакларда 66, аёлларда 73,6 ёш (1971). Ўлимнинг асосий сабаблари: юрак-томир касалликлари, хавфли ўсмалар, травматизм.

1972 йили 57,3 минг ўринли 746 касалхона (минг аҳолига 12,3 ўрин) бўлган. 1973 йили 5,8 минг врач (800 аҳолига 1 врач), 3 минг тиш врачи, 4,6 минг фармацевт ва 32 мингдан зиёд ўрта медицина ходими ишлади. Врачлар ун-тларининг 3 медицина ф-тларида (Хельсинки, Турку ва Оулу), медицина ҳамшираларн 26 мактабда тайёрланади.

Ветеринарияси бошқа Скандинавия мамлакатларидаги каби яхши йўлга қўйилган. Сигирларнинг лейкоз, демодекоз, чўчқаларнинг сарамас касалликлари учрайди. Ветеринария хизматига Қ. х. министрлиги ихтиёридаги ветеринария бўлими раҳбарлик қилади. Ф. да 632 ветеринария врачи бор (1975). Ветеринария врачлари Хельсинкидаги ветеринария коллежида тайёрланади.

Маорифи. Мактабларда дарс фин ёки швед тилларида ўтилади. 1921 йили мажбурий 8 йиллик таълим ҳақида қонун қабул қилинган. Давлат мактаблари б-н бирга хусусий мактаблар ҳам бор. 1968 йили мамлакатда ягона 9 йиллик асосий мактаблар жорий қилинган. 1974/75 ўқув йили 673 мингга яқин ўқувчи, 1972/73 ўқув йили гимназияларда (лицейларнинг юқори синфлари) 320 мингга яқин ўқувчи ўқиди. Профессионал таълим давлат, муниципал ва хусусий ҳунар билим юртлари ва мактабларда берилади.

Ўрта махсус таълим ин-тлар деб аталадиган (техника, педагогика, коммерция) ўқув юртларида амалга оширилади (3—4 йиллик). 1975/76 ўқув йили Ф. да 17 олий ўқув юрти (12 давлат ва 5 хусусий)да 75 мингдан зиёд студент ўқиди; 8 ун-т: *Хельсинки университети*, Ювяскюля, Турку, Оулу, Тампере, Йоэнсу, Куопио ун-тлари ва Туркудаги Швед ун-ти (Або Академияси), 3 олий техника мактаби, 5 олий коммерция мактаблари, Ветеринария мактаби, шунингдек қатор махсус ўқув юртлари, Я. Сибелиус номидаги Музика академияси, 4 чет тиллар ин-ти, Ҳарбий академия ва б. бор.

Йирик кутубхоналари: Хельсинки ун-ти кутубхонаси (1640 йили ташкил этилган, 1,6 млн. асар), Хельсинки шаҳар кутубхонаси (1860, 873,5 минг асар). Хельсинкида Миллий музей, Шаҳар музейи, Хельсинки ун-тининг



Қатрон тайёрлаш.



Оулу электр станцияси.



Парламент биноси (19-аср).





1. А. Галлен-Каллела «Ленминкяйнен сафари». 1897. 2. Ухо ёрлиқлари.

Хусусий ўқув юртлари. Бутунлай бўлиб Турку ш.да Тарих музейи. Таъсвирий санъат музейи, Я. Сибелиус музейи ва б. бор.

Фан ва илмий муассасалари. 19-асрга қадар Ф. да илмий ишлар кадрлар йўқ эди. Маълакатдаги ягона ўқув (академия) Або (Турку)да 1640 йилда очилган эди. Ўқиш юрти ёпилиб борилар эди. Ф. Россияга қўшиб олингандан кейин (1809) илмий ҳаётда ўзгаришлар юз берди. Шарқий синтезлаш ташкил этилди, кўпгина илмий муассаса, лабораториялар ва ўқув юртлари ташкил этилди. 20-аср бошларида Ф. фани тараққиётида янги босқич кузатилди. 1908 йили Ф. фан ва адабиёт академиясини ташкил этилди, унинг қошида геофизика обсерваторияси очилди, фан соҳалари илмий бирлашма (А. Н. Вартанен; Нобель мукофоти, 1945), Ф. нинг тажрибий физикаси асосчиси ва ретрографияси (Я. Н. Селениус), астрономия (Н. Вайсяля), ядро физикаси (Н. Ядзон); генетикаси (Н. Э. Кулфинн, 1907 йилдан ВАСХНИЛ чет эл аъзоси), микробиология (Х. Гейденберг; 1976 йилдан СССР ФА чет эл аъзоси) ва б. соҳаларда улкан муваффақиятларга эришилар.

Иқтисодий фанларнинг пайдо бўлиши 18—19-аср бурж. келиб. Фалсафий, тарих, ижтимоий соҳаларда илмий ишлар асосан ўқув юртларининг кафедраларида олиб борилади. Фалсафий марказлари — Хельсинки ва Турку ўқув юртларининг фалсафия кафедралари; «Arctos» (1928 йилдан), «Acta Philosophica Fennica» (1935 йилдан) фалсафий журналлари ташқи қилинади. Тарих соҳасида Ғарбий Хельсинки ва Турку ўқув юртлари бўлим ва кафедраларида, Ф. Фанлар академияси, Ф. Адабиёт жамияти (1859), Миллий музей (1893), Ф. тарих жамияти ва б. да олиб борилади. 5 та тарих журнал чиқади. Иқтисод ва ҳуқуқ соҳалари — Коммерция илмий тадқиқот ин-ти (1935), Ф. банки Иқтисодий тадқиқотлар ин-ти (1911), Меҳнаткашлар иқтисодий тадқиқотлар ин-ти (1970). Экономикага оид 4 та журнал нашр этилади.

Ф. да 100 га яқин илмий тадқиқот муассасалари ва жамиятлари бор (1975). 70-йиллар бошида 330 минга яқин илмий ва инженер-техник ходимлар, жумладан 9,3 минга яқин олим ва инженерлар ишлади. Илмий ишларга ўтказилаётган консультация органи Ўйбошчаси Илмий кенгаш ва Финляндия академияси раҳбарлик қилади. Давлатга қарашли илмий тадқиқот ишларини планлаштириш, координациялаш ва маблағ б-н таъминлашда министрликлар, махсус комиссиялар (атом энергияси бўйича, мудофаа тадқиқотлари ва б.) қатнашади. Хусусий сектор айрим программаларни умумий планлар б-н мувофиқлаб олиб боради. Давлатга 40 илмий тадқиқот ин-ти ва саноат корхоналаридаги бир қанча лабораториялар қарайди. Иқтисодий тадқиқот ин-тлари: Техника тадқиқотлари маркази (1942), Қ. х. илмий тадқиқот маркази (1898), Ф. метеорология ин-ти (1938), Мудофаа министрлиги илмий тадқиқот маркази.

Олий ўқув юртларидаги 50 дан ортиқ илмий тадқиқот ин-тлари ва лабораторияларида 3 мингдан ортиқ мутахассис ишлайди.

Хусусий илмий тадқиқот муассасаларига илмий тадқиқот ин-тлари ва лабораториялар, шунингдек 130 илмий жамият (1975) ва 3 академия: Ф. фанлар ва адабиёт академияси (1908), Ф. техника фанлари академияси (1957), Ф. Шведтехника фанлари академияси (1921) киради. Илмий тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишлари давлат (44% ортиқроғи, 1971), хусусий сектор (55%) томонидан чет эл ва маҳаллий хайрия фондларидан (1%) маблағ б-н таъминланади. Ф. 50 дан ортиқ халқаро илмий ташкилотлар аъзоси, кўпгина мамлакатлар, жумладан СССР б-н илмий алоқалар олиб боради.

Матбуоти, радиоси, телевидениеси. 1975 йили Ф. да умумий тиражи 2,5 млн. нусхага яқин 91 кундалик газета ва 2 мингдан зиёд даврий нашрлар чиқди. Муҳим газета ва журналлари (кўпчилиги Хельсинкида босилади, 1975 йил тиражи); «Хельсингин саномат» (1889; 317 минг нусха), «Амулехти» (1881; 124,7 минг нусха), Миллий коалиция партияси органи; «Суоменмаа» (1909; 32,9 минг нусха), Марказ партиясининг Марказий органи; «Демари Суомен сосиали демократти» (1918; 43 минг нусха), ФСДП Марказий органи; «Хувудстадсбладет» (1864 йилдан; 70 минг нусха), Швед халқ партияси органи; «Кансан уутисет» (1957; 52,2 минг нусха), Ф. Халқ демократик союзи ва Ф. Коммунистик партияси Марказий органи; «Тиедонантая» (1969), ФКП партия ташкилотлари органи; «Суомен Кувалехти» (1919; 75 минг нусха, энг йирик журнал). Информация агентлиги — Ф. телеграф бюроси (ФТБ) фин газеталарининг акционерлик жамияти (1887 йилдан, Хельсинкида). Радиоэшиттиришлар (1926 йилдан) ва телекўрсатувларни (1956 йилдан) «Илейсрадио» акционер жамияти олиб боради, 1934 йилдан давлат назоратида. «Майнос ТВ» коммерция телевидениеси ҳам бор. Радиоэшиттиришлар фин, швед ва инглиз тилларида.

Адабиёти фин ва швед тилларида ривожланмоқда. Фин ёзуви Ф. да 1521 йилда бошланган *Реформация* б-н боғлиқ равишда 16-асрда вужудга келган. Биринчи босма китобларни реформация вакили М. Агрикола 16-аср ўрталарида нашр эттирди. 19-асрнинг бошларигача фин тилида асосан диний китоблар босилган. 19-аср фин адабиёти фин миллатининг шаклланиши, шведлар таъсиридан озод бўлиш учун миллий ҳаракатнинг авж олиши б-н боғлиқ. 19-асрнинг 1-ярмида адабиёт маърифатпарварлик гоялари б-н ҳамоҳанг равишда ривож топди. 1830 йилда Хельсинкида «Шанбалик сўҳбат» адабий-фалсафий тўгарак вужудга келди. Тўгарак аъзолари 1831 йилда «Фин адабиёти жамиятини ташкил этдилар (ундан ҳам мажмуа). Фольклоршунос Э. Лённрот (1802—84) халқ эпосн «Калевала»ни нашр этди (1835, 1849). Шоир Й. Л. Рунеберг (1804—77) фин адабиётида романтик-реалистик ижодий б-н катта ўрин қўйди.



В. Фадеев. Кекса колхозчи Зулин бува портрети (1957, ЎзССР Санъат музейида).

Фадеев В. мақоласига.



Микеланжело Сикст капелласига ишланган фреска (фрагмент).

Фреска мақоласига.


















Фойдали қазилмалар: 1. Вольфрам рудаси (Ингичка кони). 2. Мис рудаси (Қалмоққир кони). 3. Полиметалл рудаси (Қўрғошинкон кони). 4. Симоб рудаси (Олтиновул кони). 5. Гилмоя (Азқамар кони). 6. Фосфор рудаси (Марказий Қизилқум). 7. Мармарлар (қора мармар — Бахмал кони, ранг-баранг мармар — Гозгон кони). 8. Волластонит рудаси (Қўйтош кони).

19- асрнинг 50—70- йилларида фин тилини қўллаш соҳаси кенгайди, янги газета ва журналлар чиқа бошлади. Янги фин адабиётининг асосчиси А. Киви (1834—72) ўзининг пьеса ва романлари б-н халқ ҳаётини тасвирлашда реалистик йўналишни бошлаб берди. 19- асрнинг 80—90- йилларида фин адабиётида реализм асосий йўналишга айланди. Реалистлар «Ёш Финландия» группасига уюшдилар. Реализм, айниқса, проза ва драматургияда кўзга ёрқин ташланди. Минна Кант (1844—97) нинг «Ишчининг хотини» (1885), «Аччиқ қисмат фарзандлари» (1888) пьесаларида, Ю. Ахо (1861—1921) нинг «Пасторнинг қизи» (1885), А. Ярнефельт (1861—1932) нинг «Ватан» (1893) романларида меҳнаткаш халқ ҳаёти ўз ифодасини топди. Пролетар адабиёти Ф. ишчилар ҳаракати б-н чамбарчас боғлиқ тарзда ривожланди.

Ф. да 1918 йилда контрреволюцион кучларнинг ғалабаси оқибатида рўй берган сиёсий реакция туфайли тушкунликни ифодаловчи йўналишлар вужудга келди. 2- жаҳон уруши (1939—45) дан кейин миллий маданият ривожи учун қулай шароит яратилди. Асосан, поэзияда расм бўлган модернистик оқимлар б-н бир қаторда прозада реализм барқарор бўлиб қолди. В. Линна (1920 йил туғ.) нинг «Номаълум солдат» романи (1954), Х. Вуолийоки (1886—1954), А. Эйкий (1904—65), П. Ринтал (1930 йил. туғ.) ва б. нинг прозаик асарлари муҳим аҳамиятга эга бўлди. 1972 йилда марксистик ғояларга асосланган «Маданият ходимлари союзи» ташкил топди. Союз 1973 йилдан «Культтуривихкот» журнали нашр этади. 1897 йилдан Ф. да ёзувчилар союзи мавжуд. Адабиёт ва фольклор ун-тларда ўрганилади.

Архитектураси ва тасвирий санъати қадимий анъаналарга бой. *Неолит* даврига (мил. ав. 3- минг йиллик) мансуб қоятош расмлари, тош пичоқ, суяк асбоблар сақланган. 13—15- асрларда тошдан ибодатхоналар қурилган. 17—18- асрларда халқ меъморлигида ёғочдан черковлар барпо этилган. 18- аср охири — 19- аср бошларида архитектура рус ва швед классицизми таъсирида ривожланди. 19- аср ўрталаридан архитектурада «миллий романтизм» оқими ҳукмрон бўлди, ўрта асрлар тош ва ёғоч биноларидаги декоратив элементларни ўзлаштириб, миллий архитектуранинг ўзига хос томонларини яратишга киришилди (Хельсинкидаги вокзал биноси, 1904—14, архитектор Э. Сааринен). 19- аср охири — 20- аср бошларида «модерн» услуби тарқалди (Хельсинкининг Эйра р-нидаги турар жой бинолари). 2- жаҳон уруши (1939—45) дан кейин бинолар замонавий қурилиш конструкцияларидан фойдаланиб қурила бошлади, жамоат бинолари катта маҳорат б-н барпо этилди (Ишчилар маданият уйи, 1955—58; «Финляндия» конгресслар зали, 1971, иккаласи ҳам Хельсинкида, архитектор А. Аалто).

19- аср фин тасвирий санъати Европа тасвирий санъати б-н ҳамоҳанг ривожланди. Ҳозирги замон фин ҳайкалтарошлигида монументал-безак тенденциялари, яхлит парк ва шаҳар ансамбллари барпо этишга интилиш кўзга ташланади. 20- аср фин тасвирий санъатида *неоимпрессионизм*, экспрессионизм, сюрреализм, *абстракционизм* оқимлари шаклланган. Бу формалистик оқимлар б-н бир қаторда Ф. реалистик санъати ҳам ривож топмоқда. Монументал-безак санъати замонавий архитектура шакллари б-н монументал рассомлик синтези намунаси бўлиб қолмоқда.

Халқ (деҳқонлар) санъатида бадиий мато ва гилам тўқиш, металл идишлар тайёрлаш ривож топган. Кейинги йилларда дизайн (бадиий конструкция) ривожланди.

Музикаси тараққиётида халқ музикасининг анъаналари асосий аҳамиятга эга бўлди. 12- асрда вужудга келган халқ қўшиқлари ҳозир ҳам миллий музика фольклорида мавжуд. Профессионал музика санъати ўрта асрларда шакллана бошлади. 18- аср охири — 19- аср бошида биринчи фин композиторлари етишиб чиқди (Э. Тулиндберг, Б. Х. Круссель). Биринчи фин операси («Қирол Карлнинг ови») 1852 йилда (Ф. Пасиус), биринчи фин симфонияси (А. Г. Ингелиус) 1847 йилда яратилган. 1882 йилда Ф. да биринчи музика ўқув юрти — Музика ин-ти ташкил этилди (1939 йилдан Музика академияси, Хельсинкида). Я. *Сибелиус* Ф. музикасини ҳозирги замон Европа музика санъати даражасига кўтарди. Ф. нинг йирик музика маркази — Хельсинки. Бу ерда Опера театри (1911 йилдан; 1956 йилдан Фин Миллий операси), шаҳар симфоник, камер оркестрлари, Ф. радиосининг симфоник оркестри, камер ансамбллари, хорлар, Я. Сибелиус номидаги Музика академияси, Халқ консерваторияси, Хельсинки ун-ти, Турку ун-ти (Або академияси) музикашунослик ф-тлари, Фин композиторлари ассоциацияси (1945 йилдан), Ф. музикачилари союзи (1917 йилдан) ва б. бор. Бошқа шаҳарларда ҳам ўрта ва олий музика ўқув юртлари, хор, ансамбллар мавжуд. Ф. да 1951 йилдан ҳар йили «Сибелиус ҳафталиги» музика фестивали ва бошқа фестиваллар, конкурслар, ашула байрамлари ўтказилади.

Балети. Ф. профессионал балети 20- асрнинг 20- йилларида рус балети таъсирида пайдо бўлди. Хельсинкидаги Ф. Миллий операсининг биринчи балетмейстери Г. Ге 1922 йилда П. И. Чайковскийнинг «Оққуш кўли» балетини, 1935 йилда А. Сакселин Я. Сибелиуснинг биринчи миллий балети «Скарамуш»ни саҳнага қўйди.

Театри. Мамлакатда узоқ вақт шведлар ҳукмронлик қилгани (1809 йилгача) сабабли миллий драматургия кеч ва суст вужудга келди (1863 йилдагина фин тили давлат тили деб тан олинди). 1827 йилда Хельсинкида биринчи театри биноси (Театр уйи) қурилди, унда чет эллардан гастролга келган труппалар томоша кўрсатди. Биринчи профессионал театр Хельсинкида 1860 йилда иш бошлади. 1872 йилда Хельсинкида фин театри очилди. Унинг драма



Э. Холонен. «Бугу боқувчи».



А. Каасинен. «Қишда балиқ овлаш».



Фин ансамбли рақсчилари.




Финляндия И. т.

труппаси 1902 йилда Ф. Миллий театри номини олди. Ф. театр санъатида реализм етакчи йўналиш бўлди. 19-аср охири—20-аср бошларида фин театрига символизм элементлари ва б. формалистик оқимлар кириб келди. Ф. да шаҳар театри, ишчилар театрлари, ҳаваскорлик труппалари, шунингдек шведтилда томошалар кўрсатадиган театрлар ҳам бор. Ишчилар ва шведтеатрларига Ф. Театр ташкилотлари Миллий уюшмаси ва шведтилидаги театрлар Миллий уюшмаси раҳбарлик қилади. Артистлар театр мактабларида, театр олий ўқув юртларида ва ҳаваскорлик труппаларида тайёрланади. Ф. да ҳозир 36 профессионал театр шиллоқда (1977).

Киноси. Ф. да 1904 йилдан дастлабки ҳужжатли фильмлар суратга олина бошлади. 1906 йилда «Апollo» фирмаси ташкил топди. 1913 йилда биринчи тўла метражли бадиий фильм «Сольвы» суратга олинди. 1933 йилда энг йирик «Суоменфильмтеодиссу» кинофирма ташкил қилинди. 50-йилларда «Оқ кийик» (1953, реж. Э. Блумберг), «Ножаълум солдат» (Й. Линна романи асосида, 1955, реж. Э. Лайне) каби фильмлар халқаро кинофестивалларда муваффақият қозонди. 60—70-йилларда бир гуруҳ ёш режиссёрлар ижтимоий-танқидий фильмлар яратдилар. 1952 йилда Кино ходимлари союзи ташкил топди. Кино масалалари «Кинолехти» журналида (1931) ёритилади. Ҳар йили мамлакатда 4—8 бадиий фильм суратга олинади. Бир қанча фин фильмлари совет экранларида кўрсатилган. 1976 йили ҳамкорликда «Ишонч» совет-фин фильми яратилди. 1973 йилда 308 кинотеатр ишлади (49-бетдаги вклейкага қ.).

Ад.: Лебедев В. И., Финляндия халқининг протести, Тўла асарлар тўплами, 6-т.; Похлебкин В., СССР — Финляндия: 260 лет отношения 1713—1973, М., 1975; Бартеньев Т., Комиссаров Ю. Д., Тридцать лет добрососедства, М., 1976 (лит); Из истории Коммунистической партии Финляндии, Пер. с фин., М., 1969; Кекконен У., Финляндия и Советский Союз. Речи, статьи, интервью, 1952—1975, Пер. с фин., М., 1975; Жибицкая Э. Д., Финляндия. Экон. геогр. характеристика, М., 1962; Сельское хозяйство Финляндии, М., 1969; Пискулов Ю. В., Градобитова Л. Д., Север и интеграция, М., 1972; Пискулов Ю. В., Многоликая Скандинавия, М., 1975; Высшее образование и научная деятельность в Финляндии, Хельсинки, 1973; Кан А. С., Историческая наука в современной Финляндии, «Новая и новейшая история», 1976, № 1.

ФИНЛЯНДИЯ АКАДЕМИЯСИ — Финляндияда илмий тадқиқотларни бошқарувчи марказий давлат органи. 1970 йилда ташкил этилган. Хельсинкида. Унинг таркибига 1918 йилдан бери мавжуд бўлган фанни бошқарувчи органлар ва 1947 йилда илмий жамият сифатида ташкил топган илгариги Финляндия академияси кирган. Ф. а. Таълим министрлиги ихтиёрида. Ф. а. га Марказий фан комитети ва 6 комиссия, шунингдек маъмурий хўжалик бюроси киради. Ф. а. илмий тадқиқотларни планлаштиради ва уларга давлат маблағини белгилайди, илмий ходимлар (15 проф., 50 катта ва 100 кичик илмий ходим, 200 ассистент ва б.) ни тайинлайди ҳамда уларга олий ўқув юртларида илмий тадқиқотларни олиб бориш учун турли муддатларга ҳақ тўлайди, илмий тадқиқот лойиҳалари учун шартномалар тузади, халқаро илмий ҳамкорликларда қатнашади, илмий асарларни нашр этишни уюштиради. Ф. а. президенти микробиолог Х. Гюлленберг (1976 йилдан); у СССР ФА нинг чет эл аъзоси (1976). *М. В. Келдиш*—Финляндиянинг биринчи чет эл академиги (1974).



Егочдан ўйиб ишланган буюмлар: а, в) чарх парраклари;
б) зиғфатда ичимлик ичиладиган косача.

ФИНЛЯНДИЯ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ (ФКП; Suomen Kommunistinen Puolue)— фин социал-демократлари чет эл ташкилотининг 1918 йил 29 августда Москвада бўлиб ўтган конференциясида ташкил топган. Конференция 1918 йилги жалубиятга учраган Финляндия рев-ясининг Россияда эмиграцияда юрган интернационалларини бирлаштирган. ФКПни тузишда О. В. *Куусинен*, Ю. Сирола ва б. катта роль ўйнади. ФКП Финляндияда 1944 йилгача яширин шароитда ишлади.

20-йилларнинг бошларида ФКП мамлакатда оммавий ишчи ташкилотлари ва сўл социалистик ҳаракати тузишда катта иш олиб борди. 1920 йили ФКП ҳужжатида легал суратда Финляндия социалистик ишчи партияси (ФСИП) ташкил топди. *20-йилларда* ФКП фаолияти ишчиларнинг иқтисодий манфаатларини ва сиёсий эркинликларини ҳимоя қилиш, мамлакатнинг империалистик давлатларга бўйсунишига қарши кураш, Совет Россияси б-н тинчлик ва дўстликка қаратилди. ФСИП ва б. сўл ишчи ташкилотлари тақиқлангандан кейин (1922—23) ишчилар синфининг ФКП раҳбарлигида йирик иқтисодий ва сиёсий чиқишлари бўлиб ўтди (1924—27). 30-йилларнинг бошларида фин буржуазияси барча сўл ишчи ташкилотларини тор-мор қилди, минглаб коммунистлар турмаларга ташланди, ФКП раҳбарлари — *Т. Антикайнен, В. Песси* ва б. қамоққа олинди.

ФКПнинг 6-съезди (1935) Коминтернинг 7-конгресси (1935) қарорларига амал қилиб, реакция ва фашизмга қарши ягона фронт тузишга чақирди.

Финляндия СССРга қарши урушган давр (1939—40 ва 1941—44) да ФКП урушни тўхтатиш ва СССР б-н яқин қўшничилик муносабатларини тиклаш учун фаол кураш олиб борди. 1944 йил 19 сентябрда Финляндия б-н фашистларга қарши коалициядаги давлатлар ўртасида тинчлик битими имзолангандан кейин ФКП бошқа фин демократик ташкилотлари б-н биргаликда очиқ ишлаш ҳуқуқини қўлга киритди. 1944 йил октябрда ФКП ва сўл социал-демократларнинг ташаббуси б-н Финляндия халқ демократик иттифоқи (ФХДИ) ташкил топди. 1944—48 ва 1966—71 йилларда коммунистлар ФХДИ вакили сифатида Финляндия ҳукумати составига кирдилар. 1972 йилги парламент сайловларида ФХДИ сайлов блоки учун 440 мингга яқин киши (17%) овоз берди. ФКПнинг программ ҳужжатлари Финляндиянинг капитализмдан социализмга тинч йўл б-н ўтиши зарурлигидан келиб чиққан бўлиб, ўз олдига капитал ҳукмронлигига қарши курашиш, меҳнаткаш омманинг ҳаёт шароитини яхшилаш вазифасини қўйди.

1978 йил 1—5 июнь кунлари ФКП 18-съезди бўлиб ўтди. Съездда ФКП марксизм-ленинизм, пролетар интернационализми позициясида турганлиги таъкидлаб ўтилди. 5 июнь куни ФКПнинг 60 йиллиги ва съезд ёпилишига бағишланган оммавий тантана бўлиб ўтди. ФКП халқаро коммунистик ва ишчи партияларининг Кенгашлари (1957, 1960, 1969, Москва)да қатнашди, кенгашлар ҳужжатларини маъқуллади.

Уставга биноан (1957 йили қабул қилинган) ФКП демократик централизм принциплари асосида қурилган. Партиянинг олий органи съезд, съездлар оралиғида партия ишига МК ва МК Сиёсий бюроси раҳбарлик қилади. ФКП раиси — А. Сааринен. ФКП аъзоларининг сони 46 минг кишидан ортиқроқ (1975). Марказий органи (ФХДИ б-н биргаликда)—«Кансан уутисет» газетаси, назарий органи—«Коммунист» журнали.

ФИН-УГОР (УГОР-ФИН) ТИЛЛАРИ — *уралтиллари* оиласидаги бир гуруҳ тиллар. Қуйидаги тил гуруҳларига бўлинади: болтиқбўйи-фин (фин, ижор, карель, людиков, вепс, вод, эстон, ливв); саам; мордва (эрзян ва мокша); пермь (коми-зирян, коми-пермяк, удмурт); угор (венгр, манси, ханти).

Фин, эстон, венгр (маджяр) тиллари латин графикасидаги, мари, мордва, коми-зирян, удмурт, манси, ханти, коми-пермяк тиллари рус графикасидаги ёзувга эга. Ф.-у. т. да жами 24 млн., шу жумладан СССРда 4,5 млн. га яқин киши гаплашади (1970).

Бир неча минг йил илгари Ф.-у. т. дан асосини угор тиллари ташкил қилувчи шарқий тармоқ ажралиб чиққан. Қолган тиллар болтиқ-фин-пермяк тармоғини ташкил қилган. Кейинчалик бу тармоқдан пермяк шохобчаси ажралиб чиққан. Бу шохобчага кирадиган тилларда удмурт ва комиларнинг аждодлари гаплашган. Болтиқ-фин-пермяк тармоғидаги қолган тиллар тарихий тараққиёт давомида Болтиқбўйи — Волга тиллари бирлигини ташкил қилган.

Ҳозирги Ф.-у. т. га илгариги Ф.-у. т. дан тусланиш, турланиш ва сўз ясовчи баъзи аффиксларнинг асоси, шунингдек, минтга яқин умумий сўз ўзаклари мерос бўлиб ўтган. Лекин ҳозирги Ф.-у. т. узоқ тараққиёт давомида юз берган ажралиш натижасида грамматик қурилиши, лексик состави, товуш хусусиятлари жиҳатидан бир-биридан катта фарқ қилади.

Ад.: Языки народов СССР, т. 3, Финно-угорские и самодийские языки, М., 1966.

ФИОЛЕТОВ Иван Тимофеевич (1884, ҳозирги Воронеж обл. Борисоглебск р-ни — 1918. 20. 9, Закаспий т. й. даги Перевал ва Ахча Куйма станциялари оралиғи)— Россия революцион ҳаракати арбоби. 1900 йилдан Коммунистик партия аъзоси. Деҳқон оиласида туғилган. Бокуда ишчи-металлист бўлиб ишлаган. 1904 йили РСДРП Боку комитети аъзоси. 1905—07 йиллардаги рев-я вақтида Грозний ва Бокуда нефть саноати ишчилари касаба союзи ташкилотчиларидан бири. 1908 йилдан Сольвичегодскда сургунда. 1911 йилдан Боку, Тошкент, Челекенда партия иши олиб борди. 1917 йил Февраль рев-ясидан сўнг Боку Совети ижроия комитети аъзоси, шу йил майдан Боку нефть саноати ишчилари союзи раиси. 1917 йил октябрдан РСДРП(б) Қавказ ўлка комитети аъзоси. 1918 йил апрелдан Боку ХҚСнинг халқ хўжалиги ишлари бўйича комиссари (нефть саноатини национализация қилишда иштирок этган, Совет Россиясини нефть б-н таъминлашни йўлга қўйган). 26 *Боку комиссари*нинг бири сифатида отилган.

ФИРДАВСИЙ Абулқосим (тахм. 940—Тус ш.—1020/1030 йиллар ораси)— форс-тожик шоири. Камбағаллашган аристократ-ер эгаси оиласида туғилган. Ф. Урта Осиё, Эрон, Юнонистон, Ҳиндистон оямлари асарларидан хабардор бўлган. Араб, паҳлавий (қадимги Эрон) тилларини мукаммал билган. Шоир ҳақида маълумот берувчи асосий манба унинг «Шоҳнома»сидир. «Шоҳнома»ни дастлаб *Дақиқий* бошлаган, у вафот этгач, достонни Ф. давом эттирган (976 йилдан). Асар устида 35 йил ишлаган Ф. узоқ мулоҳазалардан сўнг уни *Маҳмуд Ғазнавий*га тортиқ қилган. Бироқ



Фирдавсий.

«Шоҳнома»даги буюк орзулар, олижаноблик, инсонпарварлик, ватан ва биродарликни мадҳ этувчи ғоялар М. Ғазнавийнинг тажовузкорлик сиёсатига зид бўлгани сабабли Ф. қувғинга учраган.

«Шоҳнома» Эрон ва Урта Осиё халқларининг 4 минг йиллик тарихини ўз ичига олган. Асар 55 минг байтдан ташкил топиб, шартли равишда уч қисмга бўлинади: 1) афсонавий (Сейистон баҳодирларининг пайдо бўлишигача); 2) қаҳрамонлик (Сейистон баҳодирлари пайдо бўлгандан Искандаргача) ва 3) тарихий (Искандардан бошлаб).

Афсонавий қисмда Эрон ва Урта Осиё халқларининг «Авесто» китобида ҳам қайд қилинган қадимий диний ақидалари, афсона ва ривоятлари жамланган. Қаюмарс, Хушанг, Жамшид, Кова образлари яратилган. Кова образи Ф. нинг энг катта ижодий ютуғидир. Кова орқали шоир бевосита халқ образини чизиб берган. Ф. Заҳҳок зулмига қарши курашда халқни Кова байроғи остига бирлаштиришни уқтиради, аммо давлатнинг халқ қўлига ўтишини ўйламайди. У золим шоҳ ўрнига адолатпарвар, қонуний шоҳ Фаридунни тахтга кўтаради, халқпарвар шоҳ ғоясини илгари суради, шу ғоя учун курашади.

«Шоҳнома»нинг иккинчи, асосий қисми қаҳрамонлик эпосидан иборат бўлиб, бош қаҳрамон Рустамдир. Рустам продали, жангда қаҳрли, душманга бераҳм, дўстга шафқатли қаҳрамон. Унда барча инсоний хис-туйғулар мужассам. Асарда асосий қаҳрамонлар — Рустам ва Ковадан ташқари Суҳроб, Исфандиёр, Баҳром, Гив, Сиёвуш, Бижон, Маздак, шоҳлардан Искандар, Баҳром ва б. бор.

«Шоҳнома»нинг тарихий қисмида *Зардуштийлик*) динининг жорий қилинишидан бошлаб, Урта Осиё ва Эрон терр-ясига араблар бостириб киргунгача бўлган тарихий воқеалар тасвирланган. Асарда 50 подшолик тарихи тасвирига махсус қисмлар ажратилган. Ҳар бир подшолик тасвири — ҳар бир достон қатъий бир услубда ёзилган бўлиб, дебоча, асосий қисм ва хотимадан иборат. Айрим «подшолик»лар таркибида, «Зол ва Рудоба», «Рустамнинг етти жасорати», «Рустам ва Суҳроб», «Сиёвуш», «Форуд», «Қомус Кушоний», «Исфандиёрнинг етти жасорати», «Рустам ва Исфандиёр» каби йирик достонлар ҳам мавжуд. «Шоҳнома»нинг бош ғояси — ватанни улуғлаш, халқ қудратини намойиш қилиш, унинг баҳодирларини васф этишдир.

Ф. золим шоҳ салтанатининг муқаррар ҳалок бўлишини таъкидлайди, одил подшолик ғояларини олға суради. «Шоҳнома»да деҳқонлар масаласи ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Асарда Ф. зулм ва истибдодни қуролли қўзголон воситасида емириб ташлашга хайрихоҳлик билдиради. Лекин, унинг фикрича, тахт отадан болага мерос қолиши керак. У ярим патриархал ва ярим феодал ер эгалари синфининг мафкурачиси ва уларнинг ғоявий ҳамаслаги бўлган. Ф. ўз эпопеясида халқ оммаумидлари б-н бир қаторда ана шу синф дунёқарашини ҳам акс эттирган.

«Шоҳнома»да муаллиф уруш қилмасликка, барча келишмовчиликларни тинч йўл б-н ҳал қилишга ундайди. Асар Эронда *Сосонийлар* ҳокимиятининг тор-мор келтирилиши, Эрон шоҳи Яздигард III нинг ҳалокати б-н тугайди. Лекин асар руҳи маҳкумлик ва умидсизлик-

дан холи. Унда Эроннинг улуғворлиги ва албатта мустақилликка эришувига ишонч сезилиб туради.

Ф. «Шоҳнома»сининг тили ўз даври учун ҳам арханк ҳисобланган, чунки шоир асарда ўзи яшаган давр тилида кўп ишлатиладиган арабча сўзлар ва номларни қўлламай, кўпроқ қадимий сўзларни, воқеалар бўлиб ўтган даврлардаги исм ва номларни ишлатган. Образлар фақат Шарқий Эрон ва Ўрта Осиёдан олинганлиги сабабли маҳаллий характерга эга: асарда араб поэзиясининг таъсири мутлақо сезилмайди. «Шоҳнома» ортиқча безак ва жимжимадор бадиий ифода воситаларидан ҳам холи. Унда ҳаётнинг ўзидан олинган ташбеҳлар, тавсиф, таъзод ва тажнислар учрайди. Мажоз ва истиоралар, киноя ва символлар камроқ.

Ф. «Шоҳнома»сида муболағанинг ҳамма турлари, айниқса, ғулув ва иғроқ жуда кўп. Асар мутақориб баҳрининг маҳзуф ва мақсур тармоғида ёзилган. Лекин шоир шу бир вазн қолипида туриб ҳам шижоатли ҳамда лирик оҳанглар ярата олган. Умуман Ф. дан кейин бу вазн эпик ва дидактик достонлар вазни бўлиб қолди. Ф. «Шоҳнома»си бутун Яқин ва Ўрта Шарқ адабиётига катта таъсир кўрсатди. Унга назиралар ёзилди, унинг айрим эпизодлари кенгайтирилиб, «Борзунома», «Гершаспнома», «Сомнома», «Баҳмоннома» ва б. достонлар пайдо бўлди. «Шоҳнома» б-н Ф. ўзидан кейинги қаҳрамонлик ва романтик поэмаларга, умуман форс-тожик адабиётида достончилик ва унинг образлар системасига асос солди. Ф. лирик шеърлар, Маҳмуд Ғазнавий ҳақида ҳажвия, қуръон сюжети асосида «Юсуф ва Зулайҳо» номли достон ҳам ёзган деган тахминлар мавжуд.

«Шоҳнома»нинг қўл ёзма нусхалари жаҳоннинг турли кутубхоналарида сақланмоқда. Унинг биринчи илмий нашри Ҳиндистонда 17 та қўл ёзма нусха асосида (1829), сўнг Парижда 30 та қўл ёзма асосида тайёрланган (1838—78). Ҳар иккала нашр ҳам 15-асрдан кейин кўчирилган нусхаларга таянган. Шу икки текст асосида «Шоҳнома» Германияда қайта тайёрланиб, 9 томидан 3 таси нашр қилинган (1877—84). Асарни нашр этиш Ф. нинг 1000 йиллик юбилейи муносабати б-н Теҳронда ниҳоясига етказилган (1934—36). «Шоҳнома» текстининг илмий нашри СССР ФА Шарқшунослик ин-ти томонидан текстологиянинг замонавий методларига суянган ҳолда ва 13—14-асрлардаги қўл ёзма нусхалар асосида тайёрланиб чиқарилди (1960—71). Теҳрон нашриётлари ҳам 1971 йилдан «Шоҳнома»нинг ушбу текстига асосланмоқдалар.

«Шоҳнома» Европа ҳамда шарқ тилларига таржима қилинган ва унинг асосида махсус лугатлар яратилган. 19-асрда В. А. Жуковский, ҳозирги замон таржимонларидан С. Соколов, М. Лозинский, С. Липкин, В. Державин, Ц. Бану, М. Дьяконовлар достоннинг талайгина қисмларини рус тилига ағдарганлар.

«Шоҳнома»ни ўзбек тилига таржима қилиш 17-асрдан бошланган. Асар ўзбек тилига Шоҳ Ҳижрон, Мулло Хомуший, Нурмуҳаммад Бухорийлар томонидан уч марта таржима этилган. Бу таржималар — насрий; тўлиқ эмас. 1975—77 йилларда «Шоҳнома»нинг Ш. Шомуҳамедов, Ҳ. Ғулом, Ж. Жабборов, Назарматлар томонидан қилинган мукаммал назмий таржимаси ўзбек тилида нашр этилди.

Лс.: «Шоҳнома», 1—3-китоб, Т., 1975—77.
Ад.: Бертельс Е. Э., Абул-Касим Фирдоуси и его творчество, М.—Л., 1935; Османов М.—Н. О., Фирдоуси. Жизнь и творчество, М., 1959; Раджабов М., Фирдоуси и современность. Анализ мировоззрения, Душанбе, 1976; Шомуҳамедов Ш., Форс-тожик адабиёти классиклари, Т., 1963; Маллаев Н. М., Абулқосим Фирдавсий. Тарихий адабий очерк, Т., 1962.

ФИРИБГАРЛИК (ҳуқуқда) — алдаш ёки ўзига бўлган ишончни суиистеъмол қилиш йўли б-н давлат, жамоат мулкини ёки гражданларнинг шахсий мулкини, ёхуд уларнинг шундай характердаги бошқа шахсий манфаатларини ғаразгўйлик мақсадида эгаллаш. Алдаш йўли б-н қилинадиган Ф. ка оғзаки ёки ёзма равишда алдаш, қалбаки ҳужжатлар топшириш, воқеаларни яшириш ёки улар тўғрисида индамаслик, ҳужжатларни йўқ қилиш ва б. киради. Ишонч суиистеъмол қилинадиган Ф. да аксарият мулк расмийлаштирилиб, қонуний ҳужжатлар асосида олинади. Мас., бирор ишни бажариш баҳонасида «аванс» пул олиб қочиб кетиш. УзССР ЖК да Ф. учун 15 йил муддатгача озодликдан маҳрум этиш жазоси белгиланган (119, 129-моддалар).

ФИРМА (итал. firma — имзо) — 1) буржуа граждан ва савдо ҳуқуқида коммерсантнинг савдо-сотиқ ишларидаги номи. Монополистик ва давлат-монополистик капитализми даврида Ф. дан асосан акционер жамиятлари ва б. ширкатлар фойдаланади. Ф. тўғрисидаги низомлар савдо кодекслари (ГФР, Япония), компаниялар ҳақидаги қонунлар (Буюк Британия, АҚШ), олди-сотдилар, гаровлар ва б. ҳақидаги қонунларда мустаҳкамланган.

Айрим давлатлар (Франция, ГФР ва б.) да Ф. коммерсантнинг асл номи б-н мос келиши талаб қилинади. Буюк Британия, АҚШ ва Японияда эса Ф. коммерсант хоҳлаганича (мажбурий қоидалар доирасида) бўлиши мумкин. Қоидаларга амал қилган ҳолда, уларга маълум эркинликлар ҳам берилади. Ф. савдо реестрида ёки бошқача тартибда қайд қилинади ва бланка, муҳр, пул ҳужжатлари, ёзишмалар ва б. да кўрсатилади; 2) социалистик мамлакатларда (СССРда 1974 йилгача) ишлаб чиқариш корхоналари бирлашмаси.

ФИРН (қадимги нем. firni — ўтган йилги, эски) — музнинг устки қатламларидаги донадор муз. Қор босими ва эриган қор сувларининг пастки қор қатламларигача ўтиши ва қайта музлаши натижасида юзага келади. Ўзаро бириккан турли шаклдаги муз доначаларидан иборат бўлади. Ф. нинг зичлиги 0,4 *г/см*³ дан то 0,8 *г/см*³ гача етади. Ф. тоғли ўлкаларнинг қор чегарасидан баланд жойларида ва қутбий ўлкаларда пайдо бўлади.

ФИРОҚИЯ (араб. فراق — жудолик, айрилиқ) — шарқ классик адабиётида лирик шеър тури. Шоирнинг айрилиқ, ҳижрон кайфиятларини ифодалайди. Икки хил бўлади: а) ёридан, яқин кимсасидан ажралиш натижасидаги руҳий азобни, айрилиқни ифодаловчи асарлар. Буларда лирик қаҳрамоннинг муайян муҳит ёки бошқа сабаблар натижасида ўз яқинидан айрилиб қолганлиги алам б-н куйланади:

Айрилиб мен ёрдин бир кеча кун бўлдим жудо,
Ахтариб келдим сени, ғунча даҳоним қайдасан?
(Машраб)

б) қадимда шоир ўз ватанидан жудо бўлганида, ундан чиқиб кетишга мажбур қилинганида, бошқа мамлакатларда яшаб, эл-юртини соғиниб ёзган асарлари. Мас., Фурқатнинг «Адашганман», «Айрилиб қолдим» каби шеърлари. Ёки:

Ед этмас эмиш, кишини ғурбатда киши.
Шод этмас эмиш, кўнгилни меҳнатда киши.
Қўнглум бу ғарибликта шод ўлмади, оҳ.
Ғурбатда севунмас эрмиш, албатта, киши.
(Бобир)

Алишер Навоий, Машраб ва б. ўзбек классик шоирлари ижодида Ф. нинг етук намуналари учрайди.

ФИРУЗОБОДИЙ (тўла номи Маждиддин абу Тоҳир Муҳаммад ибн Ёқуб ибн Муҳаммад ал-Фирузободий аш-Шерозий, 1329, Қозарун — 1414, Зубайда) — луғатшунос, араб лексикографияси намоядиси. «Ал-Қомус» («Ал-Қомус ал-муҳит») луғатининг муаллифи. Тафсир, ҳадисга, филолог ва лексикограф олимлар биографияларига оид ўнлаб асарлар ёзган. «Ал-Булға фи тарих аимат ал-луға» асари араб лексикографияси тарихини ўрганишда муҳим манбадир. Аммо Ф. га шуҳрат келтирган «Ал-Қомус»дир. «Ал-Қомус» Сағонийнинг «Ал-Убоб» ва «Муҳкам» луғатлари заминида тузилиб, дастлаб 60 жилддан иборат бўлган. Кейинчалик Ф. уни қисқартириб, икки жилдга келтирган. Луғатга 60000 сўз киритилган. Қлассик араб тили лексикаси ва адабиётини ўрганишда луғатнинг аҳамияти катта. Зубайдийнинг «Тож ал-арус» луғати мазкур «Қомус»га шарҳ тарзида ёзилган.

«Ал-Қомус» бир неча марта нашр этилган. Латин ва усмонли турк тилларига таржима қилинган. Унинг қадимги қўл ёзмаси УзССР ФА Қўл ёзмалар ин-тида (инв. № 1043) сақланади.

Ад.: Крымский А. Е., История арабов и арабской литературы, М., 1971.

ФИРЪАВН — қадимги Миср подшоҳларининг номи, 22-сулоладан бошлаб шоҳ унвони. «Ф.» сўзи қадимги Миср сўзи «пер-о» дан олиниб, дастлаб «Шоҳ қасри» («Улуғ уй») маъносини англатган. 18-сулоладан бошлаб, подшоҳнинг ўзи Ф. деб аталган. Мамлакатдаги экиладиган барча ерлар Ф. лар мулки ҳисобланган. Аҳолидан тўпланадиган солиқлар, кўпинча Ф. ларнинг шахсий эҳтиёжларига сарфланган, Қадимги Миср диний тасаввурлари бўйича Ф. Қуёш худоси Ранинг фарзанди бир неча худоларнинг ердаги шарпаси саналган. Йирик-йирик пирамида ва ибодатхоналар Ф. лар номини муқаддаслаштирган.

ФИРҚА — дунёқараши, гояси ёки маслаги б-н ўзаро бирлашган кишилар гуруҳи; *партия*.

ФИСГАРМО́НИЯ (юнон. physa — дам, босқон ва harmonia — уйғунлик, мослик, ҳамоҳанглик) — тилчали, пневматик клавишли соз. 19-аср бошида ихтиро қилинган. Шакли кичрайтирилган пианинога ўхшаш; фортепьяно клавишларига, сурма ричагчалар б-н бошқариладиган 6—20 регистрга эга. Оёқ босқони б-н дам берилади. Клавишлар босилиши б-н тегишли клапанлар очилиб, махсус каналлар орқали юборилган ҳаво ёрдамида пўлат тилчалар ҳаракатга келади ва садо чиқаради. Садосини динамик жиҳатдан ўзгартириш учун (ижрочи тиззаси б-н бошқарадиган) махсус қурилма б-н жиҳозланган. Ф. садоси органникини эслатади.

ФИСТУЛА (лат. fistula — найча), (экспериментал физиологияда) — ковак органларни ташқи муҳит ёки бошқа органлар б-н туташтирадиган сунъий тешик ёки канал. Анатомик нормал организмда Ф. бўлмайди. Махсус операциялар

йўли б-н Ф. очилади. Ҳайвонларда ўтказиладиган тажрибаларда ҳазм органларининг фаолиятини, сийдик ажралишини, қон оқимини тезлигини, қон таркибини ўрганиш учун металл ёки пластмасса найлар қўйилади. Улар органлар бўшлиғига киритилади ёки томирлар деворига тикилади. Ф. ёрдамида тоза меъда шираси олинади, ички органлар ҳаракати ва ҳолати, сийдик ажралиш динамикаси ва органлардан оқадиган қон таркиби текширилади.

ФИТИН (юнон. phiton — ўсимлик) — инозитфосфат кислотанинг кальций ва магнийли тузи; ўсимликларда кенг тарқалган табиий бирикма. Кепакда кўп миқдорда, шунингдек пахта, каноп кунжарасида учраб, улардан дори препарати олинади. Ф. сувда эримайдиган ҳидсиз, мазасиз, оқ аморф порошок. Медицинада нерв системасининг турли касалликларида, суяк тўқимаси ўсишини ва ривожланишини кучайтиришда, шунингдек, қон ҳосил бўлишини тезлаштиришда ишлатилади. Порошок ва таблетка ҳолида чиқарилади.

ФИТИНГ (ингл. fit — йиғиш) — турли шаклдаги трубопроводларни улайдиган резьбали деталь. Трубопроводларнинг уланиш характерига қараб муфта, тирсак, тройник (уч йўлли), бутсимон Ф. каби хилларга бўлинади. Ф. болғаланувчи чўян, пўлат ва б. дан ишланади.

ФИТО... (юнон. phyton — ўсимлик) — қўшма сўз бўлаги. Ўсимлик ёки ўсимлик ҳақидаги фанлар (мас., ботаника)га алоқадорликни билдиради (мас., *фитоценоз, фитопатология*).


ФИТОБЕ́НТОС (*фито...* ва *бентос*) — денгиз ва чучук сув ҳавзалари тубидаги ўсимликлар мажмуи.

ФИТОГЕЛЬМИНТЛАР, фитонематодалар — ўсимликларнинг паразит чувалчанглари. *Нематодалар* синфига мансуб. СССРда 400 га яқин тури учрайди. Танаси 0,2—5 (баъзан 11) *мм*, йўғонлиги 10—100 *мкм*. Ўсимлик ер устки ёки ер остки қисмида ва турли органларида паразитлик қилувчи Ф. бор. Ф. б-н зарарланган ўсимлик ўсишдан қолади, айрим органларида деформация (мас., *бужғун*) кузатилади. Айниқса, картошка, лавлаги, поя фитогельминтлари қ. х. экинларига катта зарар келтиради. Ф. ни фитогельминтология ўрганади.


ФИТОГЕОГРАФИЯ (*фито...* ва *география*) — қ. *Ўсимликлар географияси*.

ФИТОНО́МУС — қ. *Беда барг филчаси*.

ФИТОНЦИДЛАР (*фито...* ва лат. caedo — ўлдираман) — юксак ўсимликларда ҳосил бўладиган биологик актив моддалар. Ф. бактериялар, замбуруғлар, энг содда ҳайвонларни ўлдиради ёки уларнинг кўпайиши ва ривожланишини сусайтиради; ўсимликлар иммунитети ва организмларнинг *биогеоценоз*даги ўзаро муносабатида муҳим роль ўйнайди. Бу моддаларни 1928 йилда совет олими Б. П. Токин очган. Фитонцид ишлаб чиқариш ўсимликлар тарихий тараққиётида ҳосил бўлган хусусиятдир. Ўсимликлар бирор касаллик б-н зарарланганда Ф. кўп ажралади. Ф. нинг кимёвий табиати турлича. Одатда, бу фенол, цианоген, тио ва б. гликозидлар, терпеноидлар, ошловчи моддалар, алкалоидлар, лактонлар, органик кислоталар, олтингугуртли ва б. бирикмалардир. Ф. учувчан (олисдаги микроорганизмларга таъсир этувчи) ва контакт (микроорганизмлар ўсимлик ширасига дуч келганда ўлади) группаларга бўлинади. Кўпчилик ўсимликлар, мас., эман, эвкалипт, қарағай ва б. фитонцидлари анча олисдаги микроорганизмларга таъ-



Фитинглар: *а* ва *б* — муфталар; *в*, *г* ва *д* — тирсаклар; *е* — бутсимон; *ж* — ўчиргич-тиқин; *з* — қопқоқ-ўчиргич; *и* — эгарча; *к* — ниппель; *л* — бирлаштирувчи гайка; *м* — футорка.


Фисгармония.

сир этади. Ҳар хил ўсимлик Ф. ининг микробга қарши таъсир кучи ва спектри турлича. Саримсоқ (чеснок), пиёз, хрен фитонциди кўпчилик содда ҳайвонлар, бактерия ва туban замбуруғларни дарҳол ўлдиради. Ф. ўсимликларда табиий иммунитет ҳосил қилувчи омиллардан бири (яъни ўсимликлар ҳаёт фаолияти маҳсулоти б-н ўзини стериллайди). Бир гектар қарағайзор бир суткада атмосферага 5 *кг* учувчи фитонцид ажратади. Шунинг учун ҳам қарағайзор ўрмонларининг ҳавоси аҳоли пунктининг яқинлиги ва б. сабаблардан қатъи назар тоза бўлади. Бундан ташқари, Ф. ўсимликларининг теплорегуляцияси (мас., игнабаргли ўрмонларда эфир мойларининг бугланиши) да иштирок этади. Фитонцид препаратлари баъзан «юксак ўсимликлар антибиотиклари» деб ҳам аталади. Ф. дан медицина, ветеринария, ўсимликларни муҳофаза қилиш, мева ва сабзавотларни сақлаш, озиқ-овқат саноати ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқларида фойдаланилади. Медицинада пиёз, саримсоқ (чеснок), хрен каби ўсимликларининг фитонцидли препаратлари йирингли жароҳатлар, трофик яра, трихоманада кольпити ва б. ни даволашда қўлланилади.

ФИТОПАТОЛОГИЯ *(фито..., пато...* ва *логия)*— ўсимлик касалликлари, уларнинг олдини олиш ва тугатиш усул ҳамда тадбирлари ҳақидаги фан. Умумий ва хусусий Ф. га бўлинади. Умумий Ф. касаллик қўзғатувчиларининг пайдо бўлиш сабаби ва шароитларини, ривожланиш ва тарқалиш қонуниятларини, касалланган организмлардаги анатомик-физиологик бузилишни, ўсимлик карантини ва иммунитет масалаларини, ўсимликларни ҳимоя қилиш усул ва тадбирларини; хусусий ёки махсус Ф.— қ. х. Ф. си экин касалликларини ўрганади. Ф. ўсимлик анатомияси ва физиологияси, *микробиология, микология, генетика, селекция, ўсимликшунослик, кимё физика* ва б. фанлар ютуқларидан фойдаланади.

Касалликларнинг ўсимликка зарар келтириши қадимдан маълум бўлган. 18- асрнинг 2-ярмида тажрибалар асосида (Россияда А. Т. Болотов, Францияда А. Тимет, Италияда Ф. Фонтана, Данияда Я. Фабрициус) қоракуя, занг, тошкуя ва б. касалликларнинг юқумлиги исбот қилинди, лекин касаллик сабаблари аниқланмади. 19- асрнинг 2- ярмида немис олими А. Де Бари, рус микологи ва фитопатологи М. С. Воронин ва уларнинг шогирдлари кўпчилик ўсимлик касалликларининг сабабчиси замбуруғ эканлигини исботладилар. 19- асрнинг охирида Ф. замбуруғлар, вируслар ва б. паразитлар келтириб чиқарадиган касалликларни ўрганувчи фан сифатида шаклланди.

Совет тадқиқотчилари, қоракуя, занг, ун-шудринг замбуруғлари турлари, калмараз, фитофтороз ва б. касалликлар қўзғатувчиларининг патогенези, эпифитотиологиясининг қатор муҳим қонуниятларини аниқладилар. Касаллик ва қўзғатувчиларига қарши курашнинг самарали кимёвий, биологик усулларини ишлаб чиқдилар. Терапевтик таъсир кўрсатувчи моддалар (баъзи антибиотиклар ва сиртдан таъсир қиладиган фунгицидлар) устида изланишлар олиб борилмоқда. Совет селекционерлари ва фитопатологлари занг, сохта ун-шудринг, оқ ва кул ранг чириш, ун шудринг, илдиз қорачириши каби касалликларга чидамли буғдой, кунгабоқар ва тамаки навларини яратдилар. Вилтга чидамли ғўза навларини етиштириш ва вилтга қарши курашнинг янги усуллари устида катта ишлар олиб борилмоқда.

Ўсимликларни касалликлардан ҳимоя қилиш ва Ф. нинг янги масалаларини ишлаб чиқишда: ўсимлик иммунитети факторлари ва қонуниятларини ўрганиш; ўсимликларни касалликка чидамлилигини аниқлаш, фитопатологик экспертиза ва ўсимлик касалликлари диагностикасининг янги усулларини ишлаб чиқиш; замбуруғ, бактериал, вирусли ва б. касалликлар патогенезини ўрганиш; ўсимликнинг кимёвий иммунизациясини ўрганиш (бунда ўсимликларнинг касалликларга чидамлилик қобилияти кейинги 2—4 авлодга ўтади); ўсимликларни ҳимоя қилишнинг техникавий воситалари, катта ҳажмдаги ҳимоя ишларини планлаштириш учун зарур бўлган кўп йиллик маълумотлардан фойдаланиш усулларини ишлаб чиқиш ва б. катта ёрдам беради.

Ф. га оид илмий, назарий ва амалий масалалар бўйича илмий тадқиқот муассасалари ва олий ўқув юртлари (Бутуниттифоқ ўсимликларни ҳимоя қилиш ин-ти, Ўрта Осиё ўсимликларни ҳимоя қилиш ин-ти, қ. х. ин-тларининг ф-т, лаборатория ва кафедралари, СССР ФА ва республика ФА системасидаги микробиология, генетика, ўсимликлар физиологияси, биохимия ин-тлари ва б.) иш олиб боради. Ф. га оид ишларни ВАСХНИЛнинг ўсимликларни ҳимоя қилиш бўлими координация қилади. Ун-т, қ. х. ин-тлари, техникумларида махсус курслар, ф-т, кафедралар ташкил этилган. Ф. га оид ишлар «Микология ва фитопатология», «Вестник сельскохозяйственных наук», «Защита растений», «Сельскохозяйственная биология», «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги» каби журналларда, ин-тлар тўпламлари ва б. да ёритилади.

Ад.: Сербинов В. И., Қишлоқ хўжалиги экинларининг касалликлари, Т., 1964; Горленко М. В., Сельскохозяйственная фитопатология, М., 1968; Горленко М. В., Миграции фитопатогенных микроорганизмов, М., 1975.

ФИТОФАГЛАР *(фито...* ва *... фаг)*— фақат ўсимлик б-н озиқланувчи ҳайвонлар. Буларга, асосан, ҳашаротлар киради. Кўп ўсимликхўр умуртқалилар (мас., кемирувчилар, донхўр қушлар ва б.) майда умуртқасиз ҳайвонларни ҳам ейди.

ФИТОЦЕНОЗ *(фито...* ва *ценоз)*, ўсимликлар жамоаси — нисбатан бир хил шароитда бир-бирига мослашган ҳолда жамоа бўлиб яшайдиган ўсимликлар мажмуи. Ҳар бир Ф. нинг маълум таркиби ва структураси бўлиб, ундаги ўсимликлар ўзаро ҳамда ҳайвонлар ва одам б-н биргаликда мавжуд бўлиш қобилиятига эга; баъзи ҳолларда улар кишиларнинг маълум таъсири остида бўлади (мас., агрофитоценоз). Ф. ни ташкил қилувчи ўсимликлар ўз ҳаёт фаолиятида муҳитни ўзгартира олади (турли хил ўсимлик гуруҳларининг Ф. даги роли бир хил эмас). Улар ўзи учун зарур бўлган ресурсларни ўзлаштиради (қ. *Ассимиляция*), ташқи муҳитга модда алмашинуви маҳсулотларини чиқаради (қ. *Диссимиляция*), тупроқ ва унинг сиртида ўсимлик қолдиқлари чириб, тупроқ таркибини ўзгартиради, сояси ва *транспирация* таъсирида ўзига хос фитоиқлим ҳосил қилади. Ф. *биоценоз* ва *биогеоценоз*нинг энг актив қисми ҳисобланиб, қуёш энергиясини, атмосферадаги азотни ўзлаштиради, ҳайвонлар б-н биргаликда энергиянинг ўзгариши ва моддаларнинг айланиш жараёнларида қатнашади. Ф. органик моддаларнинг асосий яратувчиси бўлиб, улар б-н *гетеротроф организмлар*ни, шу жумладан инсонни таъминлаб туради. Ф.— ўзгарувчан; йил фаслига қараб кўриниши, йиллар оша таркиби (турлари) ва структураси (турлар нисбати) ўзгариб боради. Натижада Ф. бошқа Ф. б-н алмашинади — сукцессия рўй беради. Ф. ҳақидаги таълимот *фитоценология* деб аталади.

ФИТОЦЕНОЛОГИЯ *(фитоценоз* ва *... логия)*— фитоценоз (ўсимлик жамоаси) тўғрисидаги таълимот; *геоботаника* ва биогеоценологиянинг бўлими. 19- аср охирида бир қанча мамлакатларда ернинг ўсимлик қопламини ўрганиш натижасида ўсимлик жамоаларининг қонуний нисбати тўғрисида тушунча пайдо бўлди. Натижада ўсимлик жамоаларини ўрганувчи фанлар фитотопография (И. П. Норлин), флорология (польшалик ботаник Ю. Пачоский, 1891), фитосоциология (Пачоский, 1896; совет ботаниги П. Н. Крилов, 1898), сўнгра Ф. (немис ботаниги Х. Гамс, 1918; совет ботаниги Л. Г. Раменский, 1924) шаклланди.

Ф. фитоценозларнинг флористик, экобиоморфик ва ценопопуляцион жамоаларини, ўсимликлар ўртасидаги ўзаро муносабатни, фитоценозлар структурасини, экологиясини, динамикасини, тарқалишини, классификацияси ва келиб чиқиш тарихини ўрганади.

Ф. бир неча йўналишда ривожланди. Немис олими А. *Гумбольдт* географик йўналиш асосчисидир. Мазкур йўналишнинг ривожланишида В. В. *Докучаев*нинг хизмати катта. Совет геоботаниклари Г. Н. Висоцкий, А. Я. Гордягин, Б. А. Келлер ва б. ўсимликларни тупроқ шароити б-н боғлиқ ҳолда ўргандилар. 19- асрга келиб фитоценознинг структураси ҳақида материаллар тўпланди (австралиялик ботаник И. Лоренц, 1858; А. Кернер, 1863; финляндиялик ботаник Р. Хульт, 1881 ва б.). 20- асрда 3- Халқаро ботаника конгрессидан (1910) кейин элементар таксономик бирлик сифатида ассоциация қабул қилинди, фитоценозларни ўрганишда ва ассоциацияларга ажратишда ҳар хил йўналишлар шаклланди.

Ердаги ўсимликларга оид экологик тадқиқотлар Г. Вальтернинг монографияларида умумлаштирилган. Фитоценозларни ўрганишнинг биологик йўналишини швейцариялик ботаник О. П. Декандоль асослаб берди (1820, 1832). Бу йўналиш Ч. Дарвиннинг «Турларнинг келиб чиқиши» («Происхождение видов» (1859) асари нашр этилгач ривожлана бошлади. Декандоль ва Дарвин издошлари ўсимлик жамоаларининг таркиби, структураси ва ўзгариши иқлим ва тупроқ шароити б-нгина эмас, балки ўсимликлар ўртасидаги ўзаро муносабат б-н ҳам белгиланади, деб ҳисобланади. 19- асрнинг 70—80- йилларида мазкур йўналиш рус олимлари Н. Ф. Левяковский ва С. И. Коржинский, сўнгра (20- асрда) эса совет олимлари Г. Ф. Морозов ва В. Н. Сукачев ишларида ривожлантирилди. Фитоценозлардаги ўсимликларнинг ўзаро алоқасини ўрганиш учун экспериментал Ф. ни юзага келтирди.

Ф.— табиий ва одамлар яратган фитоценозлардан тўғри фойдаланиш, улар маҳсулдорлигини ошириш ва муҳофаза этишнинг назарий асосидир. Ф. масалалари махсус илмий асарларда ҳамда ботаника, экология ва умумий биологияга оид журналларда ёритилади.

Ад.: Быков Б. А., Геоботаника, 2 изд., Алма-Ата, 1957; Ярошенко П. Д., Геоботаника, М., Л., 1961; Александрова В. Д., Классификация растительности, Л., 1969; Быков Б. А., Введение в фитоценологию, Алма-Ата, 1970; Закиров К. З., Закиров П. К., Опыт типологии растительности Земного шара на примере Средней Азии, Т., 1977.

ФИТР РЎЗА, фитр садақа (араб. فطر — оғиз очмоқ, нонушта қилмоқ)— исломда рўза муносабати б-н бериладиган садақа. Қуръонда бирор сабаб б-н рўза тутолмай қолган кишиларнинг Ф. р. бериши ёки ифторлик қилиши талаби қўйилган. Ислом анъанасида эса рўза тутган ва тутмаган кишиларнинг барчаси Ф. р. тўлаши одат тусига кирган. Рев-ядан олдин (маълум вақтгача, ундан сўнг ҳам) Ф. р. жон бошига маълум миқдорда буғдой ёки арпа, унинг ўрнига пул тўлаш шаклида йиғилган. Ф. р., одатда, рўза ойида руҳонийларга, масжидларга, қисман камбағал, кўп болали бева-бечораларга берилган. Социалистик муҳитда бу диний сарқит йилдан-йилга йўқолиб бормоқда.

ФИТРАТ (тахаллуси; исми ва фамилияси Абдурауф Абдураҳим ўғли, 1886, Бухоро — 1937, Тошкент)— ўзбек ёзувчиси ва олими. Проф. (1924). Бухородаги Мир Араб мадрасасида ва Истанбул ун-тида ўқиган. 1914 йилда *Еш бухороликлар* ҳаракатининг сўл, радикал қанотига бошчилик қилган. Бухоро Коммунистик партияси аъзоси (1918—24). «Чиғатой гуруҳи» ишида иштирок этган (1919—21). БХСР Халқ маорифи нозири (1921), Халқ Нозирлар Шўроси раисининг ўринбосари (1922), Бухоро Коммунистик партияси Сиёсий бюроси аъзоси. Москвадаги Лазаревлар Шарқ тиллари ин-ти (кейинчалик Москва Шарқшунослик ин-ти, 1923—24) да, ЎзССР Давлат илмий тадқиқот ин-тлари (1926) да, Самарқанддаги Педакадемияда, Бухоро ва Тошкентдаги ўқитувчилар ин-тларида, Фан комитети қошидаги Тил ва адабиёт ин-тида ишлаган.

Инқилобдан аввалги баъзи пьесаларида феодал тузум тартиблари танқид қилинган. Совет даврида ёзилган илк публицистик асарлари «Шарқ сиёсати» китобида (1919), дастлабки шеърлари «Ўзбек ёш шоирларн» тўпламида босилган (1922). Ф. прозаси, асосан, дин ва эски дунё сарқитларига қарши кураш мавзуида ёзилган [«Қиёмат» повести (1923), «Бедил» фалсафий-атеистик очерки (1927), «Заҳронинг имони» (1928), «Қийшиқ эшон» (1930) ва б. ҳикоялари]. «Чин севиш» (1919), «Ҳинд ихтилолчилари» (1920), «Абулфайзхон» (1924), «Рўзилар» (1930) ва б. драматик асарларида империализмга, феодализмга ва динга қарши кайфиятлар акс этган.

Ф. ўзбек тили ва адабиётининг назарий, методологик масалаларига оид қатор асарлар ёзган. Бедил, Умар Хайём, Алишер Навоий, Фирдавсий, Аҳмад Яссавий, Машраб, Муҳаммад Солиҳ, Турди ва б. ижоди бўйича тадқиқотлар олиб борган. Н. Наримоновнинг «Ленин ва Шарқ» китобини ўзбек тилига таржима қилган.

Ф. мураккаб ва зиддиятли ижодий эволюция йўлини босиб ўтди. 1917—23 йиллардаги ижодида пантуркистик қарашлар ва миллатчилик кайфиятлари сезилади (мас., «Темур сағанаси» пьесаси). «Абомуслим», «Оғузхон» каби драматик асарларида тарих нотўғри талқин этилган ва ўтмиш идеаллаштирилган. Тил масалаларида ҳам Ф. «пуризм назарияси» таъсирига берилиб, айрим хатоларга йўл қўйган.



Фихте И. Г.

ФИФИ (Tringa glareola) — ржанкалар оиласига мансуб қуш. Танаси 20—25 *см*, қаноти 11,5—13 *см*, оғирлиги 60—65 *г*. Усти қора-қўнғир ва оқ холли қўнғир кул ранг. Дарё ва кўл соҳилларидаги ботқоқликларда яшайди. Бошқа қушлар уясидан фойдаланади. 4 тухум қўйиб, модаси ва нари навбат б-н 22—23 кун босади. Асосан, ҳашарот ва унинг личинкалари, баъзан чувалчанг ҳамда балиқ човоқлари б-н овқатланади. Европа ва Осиёда тарқалган. Африка, Жанубий Осиё ва Австралияда қишлайди. Ўрта Осиёда баҳор ва кузда, гоҳо ёзда учрайди.

ФИХТЕ Иоганн Готлиб (1762. 19. 5—1814. 29. 1) — немис идеалист философи, немис классик философиясининг вакилларидан бири. Йена (1794—99), Берлин (1809 йилдан) ун-тлари проф. *Кант*нинг издоши сифатида иш бошлаган бўлса-да, унинг материалистик томонларини танқид қилган. Кант билиш процессида «Мен» (ақл, онг)ни унинг объектга бўлган муносабати нуқтаи назаридан олиб текширган бўлса, Ф. «Мен» га ҳамма нарсани яратувчи қудратли ижодий куч сифатида қаради. Ф. соф «Мен» ни ғайри ҳиссий, абадий; эмпирик «Мен»ни эса ҳиссий, вақтинча деб билади ва оддий индивиднинг эмпирик «Мен»ига соф «Мен»ни қарама-қарши қўяди. Ф. фикрича, соф «Мен» алоҳида кишининг онги эмас, балки ҳамма кишилар онгининг асосини, моҳиятини ташкил этувчи соф реалликдир; унинг моҳияти фаолиятида, ўз-ўзини барқарор этишда. Бу ерда Ф. субъектнинг активлигини субъектив идеалистик асосда тан олади: инсон фаолиятининг асоси бўлган объектив реаллик ва унинг қонуниятларини эътироф этмайди. Ф. ўз идеализмини 18-аср француз материализмига қарама-қарши қўяди ва метафизик методга қарши курашда тушунчалар диалектикасини ишлаб чиқади.

Ф. ижтимоий қарашларида аввал табақа имтиёзларини ва деҳқонларнинг шахсий қарамлигини тугатиш, феодал ўзбошимчаликларига барҳам бериш ва буржуа-демократик тартибларни ўрнатиш тарафдори бўлган бўлса (1800 йилгача), кейин бунга қарши фикрларни илгари сурди; инсон ҳеч нарсани ўзгартиришга қодир эмас, ҳамма нарса азалдан белгилаб қўйилган, худодан бошқа ҳеч нарса йўқ, деб таъкидлади.

Ф. қарашларида немисларни бошқа миллатлардан юқори қўйишга интилиш каби миллатчилик тенденциялари хос бўлиб, бундан реакционерлар кенг фойдаланган.

Ад.: История философии, т. 2, М., 1957; Ойзерман Т. И., Философия Фихте, М., 1962.

ФИШЕР Роберт (1943. 9. 3, АҚШнинг Чикаго ш.) — америкалик шаҳматчи, халқаро гроссмейстер (1958), 1972—75 йилларда жаҳон чемпионни (Б. В. Спасский устидан ғалаба қозонган; совет гроссмейстри А. Е. Карпов б-н бўладиган матчдан воз кечиб, унвонидан маҳрум бўлган). 1957—70 йилларда АҚШ чемпиони, 1962 (Стокгольм) ва 1970 (Пальма-де-Мальорка) йиллардаги зоналараро турнир, шунингдек, халқаро турнирлар ғолиби. Жаҳон чемпиони унвонини қўлга киритгач, расмий шахмат мусобақаларида иштирок этмай қўйди.



Флажолет.

ФИҚҲ (араб. فقه — билиш, тушуниш) — мусулмон ҳуқуқшунослиги, *шариат* қонун-қоидаларини ишлаб чиқиш б-н шуғулланувчи ислом илоҳиётининг бир соҳаси. Ф. диний ҳуқуқшунослик сифатида икки соҳада — шариат манбаларини ишлаб чиқиш (усул ал-фиқҳ) ва шариатни конкрет соҳаларга татбиқ қилиш (фуруъ ал-фиқҳ)дан иборат бўлган. *Қуръон, сунна, ижмоъ, қиёс* шариат манбалари деб танилган. Ф. асрлар мобайнида юнон, рим ҳуқуқ системаларидан фойдаланиб ривожлантирилган.

Ф. б-н шуғулланувчи, уни ўрганувчи киши фақиҳ (қонуншунос) деб аталган. Ўрта асрларда фақиҳлар ўртасида 3 даража вужудга келган: юқори даража — мужтаҳид мутлақ (энг обрўли, шариат манбалари соҳасида ижтиҳод қилувчи фақиҳлар, асосан шариат мазҳаблари асосчилари), ўрта даража — мужтаҳиди муносиб (машҳур, лекин фақат шариат соҳаларида фикр юрита оладиган фақиҳлар), қуйи даража — мужтаҳиди амалиёт (иш юритувчи, шариатга амал қилувчи фақиҳлар). Ўрта Осиёда *Бурҳониддин Марғиноний, Абу Лайс Самарқандий* ва б. машҳур фақиҳлар ҳисобланган.

ФЛАГМАН (голландча vlagman сўзидан, vlag — байроқ ва mann — киши) — 1) флот кўмондони ёки ҳарбий кемалар йирик қўшилмаларининг лавозимли командири; Ф. лар катта Ф.— йирик қўшилмалар командирлари ва кичик Ф.— итоат этувчи қўшилмалар командирларидан иборат бўлади; 2) бортида кўмондон бўлган кеманинг номи (флагман кемаси). Флагман кемасида бошқариш воситалари б-н жиҳозланган штаб пости ва Ф. команда пункти (ФКП) жойлашади. ФКПда штаб пости кенгайтирилган, флот қўшилмалари ва қисмлари (флотилиялар) б-н биргаликда ҳаракат қиладиган алоқачи офицерлар, шунингдек, қуруқлик қўшинлари ва авиация қисмлари бўлади; 3) СССР Ҳарбий-Денгиз Флотида 1939—40 йилларда мавжуд бўлган йирик шахсий ҳарбий унвон (1- ва 2- ранг Флот Ф., 1- ва 2- ранг Ф.). Флагманлик унвонлари 1940 йилда адмираллик унвони б-н алмаштирилган.

ФЛАЖОЛЕТ (қадимги франц. flageol — *флейта*)—1) пуфлама соз, бўйламасига чалинадиган флейта тури. Цилиндрик каналли, одатда, 6 та бармоқ ён тешиги бўлади. Жювиньи лойиҳаси б-н ишланган (Париж, тахм. 1581) Ф. кенг тарқалган. 18- асрда ва 19- аср бошида такомиллаштирилиб клапанлар б-н жиҳозланган Ф. турли ансамбль, опера ва симфоник оркестрларда қўлланган. Якканавоз ва ансамбль сози сифатида ишлатилади; 2) чийиллаган товуш тембри; торли (одатда камонли, баъзан тирнама) созларнинг торига бармоқ б-н сал тегиш орқали ҳосил қилинади. Очиқ торлардан ҳосил қилинган Ф.— *натурал*, бармоқ б-н босилган торлардан ҳосил қилингани эса *сунъий* Ф. деб юритилади. Ф. сози товушини эслатгани учун шундай номланган.

ФЛАМАНД ТИЛИ — фламандлар тили. *Голланд тили* жанубий варнантининг шартли ва анъанавий номи. Асосан Бельгия, шунингдек, Франция ва қисман АҚШда тарқалган. Ф. т. *ҳинд-европа тиллари* оиласининг герман гуруҳига мансуб. Бельгияда 5,5 млн., Францияда 20 мингга яқин киши Ф. т. да гаплашади (1970). Ф. т. даги адабиётлар ўрта асрларда (13—14- асрларда) вужудга келган. Бельгия мустақил давлат тарзида ташкил топишига қадар (1830 йилгача) Ф. т. голланд (нидерланд) тили б-н бир хил тарихий жараённи босиб ўтган. Ф. т. нинг асосини Бельгиядаги Фландрия вилоятининг ғарбий ва шарқий диалектлари ташкил этади. Фонетик системаси, грамматик қурилиши жиҳатдан Ф. т. голланд тилидан кам фарқ қилади. лексикаси француз тилидан ўзлашган сўзларнинг кўплиги б-н характерлидир.

ФЛАМАНДЛАР — халқ, келиб чиқиши жиҳатдан голландларга қондош. Асосан Бельгияда (5,5 млн. киши, 1971). қисман Франциянинг Бельгияга чегарадош р-нларида (300 минг киши) яшайди. Нидерландияда яшовчи Ф. голландлар б-н бир миллат бўлиб қўшилиб кетган. *Фламанд тили*да гаплашади. Католик динига эътиқод қилади. 11—14- асрларда ғарбий герман қабилалари (франклар)нинг фриз ва сакс қабилалари б-н аралашуви асосида фламанд элати таркиб топган ва Фландрия аҳолисининг асосий қисмини ташкил этган. 16- асрдаги Нидерландия буржуа рев-ясидан кейин Ф. бўлиниб, кўпчилик қисми Испания ҳокимияти қўл остида қолган (Ф. бу терр-яда 1830 йилда валлонлар б-н бирга мустақил Бельгия давлатини тузганлар), қолган қисми Испанияда ажралиб чиққан. Нидерландия аҳолиси таркибига кирган. Ҳозир Нидерландия фламандлари тили ва маданияти бўйича ўзларига яқин бўлган Ф. б-н ягона миллатга уюшган голландлардан кам фарқланади. Бельгияда яшовчи Ф. нинг кўпчилиги саноатда банд. Қолган қисми қ. х. да чорвачилик, қисман майда деҳқончилик б-н шуғулланади.

Ад.: Народы зарубежной Европы, т. 2, М., 1965.

ФЛАНЕЦ (нем. Flansch) — труба, резервуар, арматура, валлар ва б. ни ўзаро бирлаштирувчи қисм. Болтлар ўтказиладиган тешиклари бўлган ясси диск ёки ҳалқадан иборат (расмга қ.). Труба ва резервуарларда зичлагичли Ф. ички бўшлиқларнинг герметиклигини, вал ва айланувчи деталларда эса куч узатишдаги мустаҳкамликни таъминлайди. Ф., одатда, деталлар б-н яхлит тайёрланади.

ФЛЕБИТ (юнон. phlebos — вена) — вена деворининг яллиғланиши. Венага инфекция тушганда ёки вена деворини қитиқлайдиган (таъсирлайдиган) моддалар юборилганда (асептик Ф.) рўй беради. Венада тромб ҳосил бўлишидан *тромбофлебит* келиб чиқади. Қўл-оёқнинг юза ва чуқур веналари, чаноқ веналари флебити кўпроқ учрайди. Қопқа вена Ф. и (пилефлебит), одатда, қорин бўшлиғидаги йирингли ёки яллиғланиш жараёнларининг асорати сифатида юзага келади. Аксари, Ф. оқибатида вена склерози пайдо бўлади. Ф. да вена қаттиқлашиб, оғрийди ва шу жой териси қизаради. Бемор иситмалаб, лимфа томирлари шишади. Баъзан (катта веналар деворн яллиғланса) гавда т-раси юқори кўтарилиб, кўкрак, қорин ва қўл-оёқ қаттиқ оғрийди.

Давоси: юзаки Ф. да антибиотиклар ва антисептик дорилар буюрилади, спиртли компресс қўйилиб, мазь суртилади.

ФЛЕГМАТИК (юнон. phlegma — балғам) — темперамент турларидан бири (қ. *Темперамент*).

ФЛЕГМОНА (юнон. plegmone — иситма, яллиғланиш) — ёғ клетчаткасининг ўткир тарқоқ йирингли яллиғланиши. Пайдо бўлган жойига кўра тери ости (юзаки), мушакларарО (чуқур), қорин орти, буйрак (паранефрит) ва тўғри ичак атрофи (парапроктит), кўкс оралиғи ёғ клетчаткалари Ф. си ажратилади. Кўпроқ стафилококк, стрептококк ва б. йиринглатувчи микроорганизмлар, баъзан ичак таёқчаси ва анаэроблар қўзғатади. Қўзғатувчи хусусиятига кўра йирингли, фасодли ва газли Ф. бўлади. Микроблар клетчаткага чақаланган, шикастланган тери орқали ёки организмда мавжуд йиринг ўчоқлари (чипқон, тиш карнеси, лимфа тугунларининг йирингланиши ва б.) дан ўтади.

Касалликнинг асосий белгилари: қаттиқ оғриқ ва шиш. Тери ости Ф. сида тери яллиғланади, қизариб, шишади, эт увишиб, иситма чиқади. Ф. да бошқа органлар ҳам яллиғланиб, *сепсис* келиб чиқиши мумкин.

Давоси: йиринг ўчоғи операция қилиниб, антибиотиклар буюрилади. Олдини олиш учун тери озода бўлиши, чақаланган, шилинган жойлар ва йирингли тери касалликлари вақтида даволаниши зарур.


ФЛЕЙТА (провансалча flàut) — *най*симон пуфлама соз. Икки асосий тури маълум: бўйламасига чалинадиган Ф.—17- аср ўрталарида кенг, ҳозир эса кам (барабан Ф. си номи б-н) тарқалган; ўзбек най сингари ёнламасига чалинадиган Ф.— кучли товуш ва кенг диапазонга эга, такомиллаштирилган ҳолда ҳозир кенг қўлланилади. Оркестрда ва якканавоз соз сифатида ишлатиладиган ҳозирги Ф. кўпинча катта Ф. деб аталади; обнус ва б. дарахт ёғочидан ҳамда металлдан ясалади. Ён тешиклари клапанли механизм б-н жиҳозланган. Кичик Ф. (ёки Ф.-пикколо), Ф.-альт ва Ф.-бас (20- аср бошларида ихтиро қилинган) хиллари ҳам бор. Ф. лар диапазони: катта Ф. 1- октава «до^1» дан 4- октава «до^4» гача, Ф.- пикколо 1- октава «ре^1» дан 3- октава «си^3 бемол»гача, Ф.- альт 1- октава «до^1» дан 3- октава «фа^3» гача, Ф.- бас кичик октава «си»дан 3- октава «фа^3» гача. И. С. Бах, В. Моцарт, Л. Бетховен, А. Алябьев, Н. Римский-Корсаков ва б. Ф. учун кўплаб камер асарлар ва концертлар яратганлар.

Ад.: Тризно Б., Флейта, М., 1964.


ФЛЕКСИЯ (лат. flexio — эгилиш, букилиш) — қўшимчалар қўшилиши ёки ўзакдаги баъзи товушларнинг ўрин алмашиниши натижасида сўзлар дастлабки шаклининг йўқолиши ёки ўзгариши. *Флектив тиллар — ҳинд-европа тиллари* оиласига кирувчи рус, немис, инглиз, латин, форс, тожик, афғон, *сом тиллари* оиласига кирувчи араб, ҳабаш, яҳудий каби тилларга хос қонуниятдир. Ф. да сўз негизи қўшимчалар б-н зич боғланган бўлиб, мустақил ҳолда қўлланмайди ва алоҳида маъно англатмайди. Мас., рус тилидаги сидеть—ўтирмоқ, сижу — ўтирибман, сидиш —ўтирибсан, сидит — ўтирибди сўзларининг ўзаги ҳисобланган сид (сиж—) алоҳида маъно англатмайди. Ф. да сўз ўзагидаги товушларнинг алмашиниши эса сўзнинг грамматик маъносини ўзгартиради. Мас., арабча маъни — маъно, маъноий — маънолар. Бундан ташқари, Ф. да сўз қўшимчаси бир ҳолатнинг ўзида бир неча вазифада келиши мумкин. Мас., рус тилида отцов сўзидаги-*ов* қўшимчаси ҳам кўплик, ҳам икки келишик (родительний, винительний), вазифасини бажаради.

Ад.: Чикобава А. С., Введение в языкознание, ч. 1, М., 1953; Азизов О. А., Тилшуносликка кириш, Т., 1963.

ФЛЕКСУРА (лат. flexura — букилиш) — моноклиналь ётган тоғ жинслари қатламларининг тиззасимон (поғонасимон) эгилиши натижасида ҳосил бўлган тектоник структура. Асосан 5 элемент: 2 эгилма ва 3 қанотдан иборат. Ҳар бир элементнинг ётиш ҳолати ўзига хос параметрларга эга бўлиб, уларнинг ҳар хиллиги туфайли Ф. лар турли шаклда бўлади. Букилма қанот қатламларининг жойлашишига қараб



Фланецларнинг турлари: *а* — резьбали; *б* — развальцовкаланган; *в* — пайвандланган.



Флейта.



Флеров Г. Н.

олдий, параллел. қарама-қарши Ф. лар, эгилиш ўқининг айланишига кўра вертикал, қия, горизонтал Ф. лар фарқланади. Ф. бир неча *см* дан кўплаб *км* га етади. Қанотлари сал сезиларли даражадан то вертикал ҳолатгача эгилиши мумкин.

Ф. платформа ва букилмали обл. ларда кўп учрайди. Чўкинди ҳосил бўлиши жараёнига таъсир этади, чўкинди тог жинслари қалинлиги ва уларнинг фаннал турларини аниқлашга имкон беради. Баъзан Ф. нефть конлари б-н боғлиқ бўлади.


ФЛЕКТИВ ТИЛЛАР — тил *типологиясидаги* асосий тушунчалардан бири. Дунё тиллари морфологик таснф этилганда 4 типга бўлинади. Шулардан бири Ф. т. дир. Бунга ҳинд-европа ва хом-сом тиллари силалари киради. Ф. т. даги сўзларда ички ва ташқи флексия мавжуд. Ф. т. тузилишини фанга 1809 йилда немис олими Ф. Шлегель олиб кирган.

Ф. т. учун қуйидаги хусусиятлар характерлидир: 1) ички ва ташқи флексиянинг мавжудлиги. Мас., рус ча избегать (қочмоқ)— избежать (қочиб қутулмоқ), нога (оёқ)— ножка (оёқча); 2) турли хил маъно англатувчи аффикслариниг ярим функционаллик хусусиятга эгалиги. Мас., рус ча ноги сўзидаги и қўшимчаси кўпликни ва бош келишикни ифодалайди; 3) сўзда барча морфемаларнинг қаттиқ жипслашуви; 4) аффикслариниг ўзакларга нисбатан турли хил — суффикс (сўнг қўшимча), префикс (олд қўшимча), инфикс (ўрта қўшимча) тарзида бўлиши; 5) сўзларнинг гандаги ёки сўз бирикмаларидаги бошқа сўзларга нисбатан мустақил бирликка, маълум кўрсаткичларга эга эканлиги (яна қ. *Тилларнинг морфологик таснифи*).

Ад.: Будагов Р. А., Введение в науку о языке, 2 изд., М., 1965; Баранникова Л. И., Введение в языкознание, Саратов, 1973.

ФЛЕРОВ Георгий Николаевич [1913, 17. 2 (2. 3) Ростов-Дон]— совет физиги, СССР ФА акад. (1968; 1953 йилдан мухбир аъзоси), Социалистик Меҳнат Қаҳрамони (1949). 1955 йилдан КПСС аъзоси. Ленинград Политехника ин-тини тамомлаган (1938). СССР ФА Физика-техника ин-тида Н. В. *Курчатов* раҳбарлигида ядро физикаси соҳасида иш олиб борган (1938—41), Совет Армиясида (1941—43). Атом энергияси ин-тида илмий ходим (1943—60), 1960 йилдан *Ядро тадқиқотлари бирлашган институти* (Дубна)да Ядро реакциялари лаборатория директори.

Илмий ишлари экспериментал ядро физикасига оид. Л. И. Русинов б-н бирга уран ядроси бўлинганда 2 та нейтрон чиқишини кўрсатди. К. А. Петржак б-н бирга оғир ядроларнинг спонтан бўлинишини очди (1940). 1953 йилдан бошлаб ядро физикасидаги янги йўналиш — мураккаб ядроларнинг ўзаро тўқнашувида кечадиган процесслар ва янги элементларни синтезлаш проблемаси б-н шуғуллана бошлаган, протон массасидан 10—20 марта оғир массали ионларни тезлатиш мумкинлигини исботлаган, бу ионларни циклотрон ёрдамида тезлатиш методини таклиф этган. Ф. лабораториясида 102, 103, 104, 105, 106 тартиб номерли *трансуран элементлар* синтез қилиди, уларнинг физик ва кимёвий хоссалари ўрганилди. КПСС 24-съезди делегати. Ленин мукофоти (1967), СССР Давлат мукофоти (1946, 1949, 1975) лауреати. Ленин ордени, Октябрь Революцияси ордени, 4 та бошқа орден ва медаллар б-н мукофотланган.



Флексура.

ФЛЕРОВСКИЙ Н. (тахаллуси; асл номи Берви Василий Васильевич) (1829. 28. 4 (10. 5), Рязань—1918. 4. 10, ҳозирги Донецк обл.)— рус социологи, экономист ва публицист, рус утопист-социалистларидан. Қозон ун-тини тугатган (1849). 1861 йил кузида Петербург ун-ти студентлари ғалаёни қатнашчиларини ҳимоя қилиб чиққан. 1862—87 йилларда қамоқ ва сургунда бўлган, 1860-йиллар охирида революцион народниклар б-н яқинлашган. Улар ёрдамида «Россияда ишчилар синфининг аҳволи» (1869) «Социал фанлар алифбоси» асарларини нашр эттирган. «Россияда ишчилар синфининг аҳволи» номли асарига К. Маркс катта баҳо берган.

19-асрнинг 60—80-йилларида Ф. «Дело», «Отечественные записки», «Знание» журналларида мақолалари б-н қатнашди. Кўп асарлари чор цензураси томонидан ман қилинган. Ф. народниклик нуқтаи назаридан Россиянинг 1861 йил ислоҳотигача бўлган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тартибларини танқид қилди. Капиталистик ривожланиш қонуниятларини рад қилиб, жамоа ва артелни идеаллаштирди, Россияда социализмга социал революциялар, шунингдек социал ислоҳотлар орқали ҳам ўтиш мумкин деб ҳисоблади.

Ад.: Подоров Г., Экономические воззрения В. В. Берви-Флеровского, М., 1952; Крайнева И. Я., Пронина П. В., Народничество в работах советских исследователей за 1953—1970 гг. М., 1971.

ФЛИШ (нем. fliessen — оқмоқ)— денгиз чўкинди тог жинсларининг қалин қатлами (серияси), геологик ётқизиқ. Асосан чақиқ жинслардан иборат. Денгизининг муайян чуқур жойларида бир турдаги оҳактош, қумтош, гил, мергель каби чўкинди жинсларнинг ўзаро такрорланишидан ҳосил бўлади. Ф. бир қанча кичик (бир неча *см* дан бир неча *дм* гача) циклдар (циклотема, циклосома, қаватлар)дан тузилади. Циклосомалар 2—4 қават ёки элементлардан иборат бўлиб, пастки қисми донадор жинслар (қумтош, алевролит, чақиқ оҳактошлар)дан, юқориси эса пелитлардан таркиб топган бўлади. Ф. учун шакли ҳамда пайдо бўлиши турлича гиероглифлар характерлидир.

Ф. нинг цикллилиги (ритмиклиги) чўкинди ҳосил бўлиш хусусияти — асосан лойқали оқимнинг такрорланиш даврларига боғлиқ. Ф. типик геосинклинал формация (геогенерация) бўлиб, эвгеосинклинал ёки миогеосинклинал ороген олди ривожланишига хос.

Ф. протерозой, палеозой (Урал), мезозой (Қрим, Кавказ, Альп), кайнозой (Карпат) ётқизиқларида кўп учрайди; Узбекистонда Жанубий Фаргона (Қорачатир), Бўкантоғ атрофларида бор. Ф. б-н нефть ва минерал сувлар боғлиқ бўлади.

Ад.: Бассоевич Н. Б., Флиш и методика его изучения, Л.—М., 1948; Бассоевич Н. Б., Условия образования флиша, Л.—М., 1951; Хворова И. В., Флишевая и нижнемолассовая формация Южного Урала, М., 1961.

ФЛОБЕР Гюстав (1821. 12. 12, Руан — 1880. 8. 5, Круассе, Руан яқинида)— француз ёзувчиси. Врач оиласида туғилган. Париж ун-тининг ҳуқуқшунослик ф-тида ўқиган. Ёшлигидан ҳикоя, қисса ёза бошлаган. Асосан «Бовари хоним» (1857) романи б-н шуҳрат қозонган. Асарда буржуа жамиятининг емирилиши ва урф-одатларнинг барбод бўлиши тасвирланган. «Саламбо» (1862) романида узоқ ўтмишда (мил. ав. 3-асрнинг 2-ярми) Қадимги Римнинг Карфагенга қарши курашлари тарихи тасвирланган, пок севгини таҳқирлаган зўравонлик, ноҳақлик фош этилган; «Ҳислар тарбияси» (1869) асарида эса халқ оммасининг буржуазияга қарши кураши ифодаланган. «Авлиё Антонийнинг алданиши» (1874) фалсафий драмасида, хусусан христиан динининг ғайритабиий қонунларини Антоний образи орқали кенг очиб берган. Тамомланмай қолган «Бувар ва Пекюше» (1881) романида ҳам муаллиф буржуа жамиятининг инқирозга учраши, янги фан ва маданиятнинг такомиллашиб боришини чуқур акс эттирган.

Ф. рус адиблари И. Тургенев, Л. Толстой б-н яқин алоқада бўлган. Тургеневнинг «Арафа», «Биринчи муҳаббат» ва б. асарларидан таъсирланган. Ф. ижодининг охирида ёзилган «Оддий қалб» ҳикоясидаги ижобий образларнинг юзага келиши рус адабиёти, хусусан И. Тургенев ва Л. Толстойнинг таъсири натижасидир. Ф. ижоди Россиядаги пешқадам адабий жамоатчилик диққатини ўзига тортган. М. П. Мусоргский унинг «Саламбо» асари асосида опера яратган.

Ас.: Собр. соч., т. 1—4, М., 1971; Бовари хоним, Т., 1976.

Ад.: Ренэов Б. Г., Творчество Флобера, М., 1955; Луначарский А. В., Флобер. Общая характеристика, Собр. соч., т. 5, М., 1965.

ФЛОГИСТОН (юнон. phlogistos — аланғаланувчан, ёнувчан)—18-аср кимёгарларининг тасаввурида ёнувчанлик ибтидоси. Ф. таълимотига кўра барча ёнувчи моддалар (ўтин, мой) ва ноасл металлар (мис, темир, қўргошин, жез) ёнганда ёки куйдирилганда ҳосил бўлган Ф. дан ва кул («куйинди», «оҳак»)дан иборат дейилади. Немис олими Г. Э. Шталь Ф. нинг асосчисидир. Ф. таълимоти хатолигига қарамай кимёнинг фан сифатида юзага келишида катта аҳамиятга эга бўлди. У биринчи бор кўпчилик реакцияларни (оксидланишни) умумлаштирди. Ф. гипотезасини 18-аср охирларида А. *Лавуазье* рад этди.

ФЛОГОПИТ (юнон. phlogopos — оловли, қизғиш)— варақсимон силикатлар синфига мансуб минерал, *биотит*-флогопит изоморф қаторидаги магнезиал кам темирли *слюда* ($Mg/Fe>2$). Кимёвий таркиби K $(Mg, Fe)_3$ $[AlSi_3O_{10}]$·$(OH, F)_2$; аралашма ҳолида Na_2O (8% гача), TiO_2 (9% гача), MnO (18% гача — манганофиллит), шунингдек Rb, Cs, Ba ва б. бўлади. Моноклин сингонияли. Псевдогексагонал, таблеткасимон, призматик ва б. кристаллар ҳосил қилади; агрегатлари варақсимон, пластинкасимон, тангасимон. Темирсиз Ф. рангсиз, темирли Ф. кўк, қизғиш-қўнғир. Қаттиқлиги 2—2,5, с оғ. 2,7—2,8. Метаморфик жинсларнинг кенг тарқалган минерали, нураш жараёнида *вермикулитга* айланади. Саноат аҳамиятидаги конлари магнезиал жинслар б-н алюминий-кремнезёмли жинслар контактида реакцион метасоматоз жараёнида ҳосил бўлади.

Электротехникада ишлатилади. СССРда дунёдаги йирик Алдан флогопит провинцияси (Эмельджак, Тимптон, Куранах ва б. конлари) маълум; Кола я. о., Забайкалье, чет элларда: Мадагаскар, Канада, Шри Ланка, Ҳиндистон, КХДРда ҳам Ф. конлари бор.

ФЛОККУЛЛАР (лат. flocculi — бўлак, парча) — монохроматик ёруғлик ёки бирор муайян (водород ва кальций) чизиқ нурларида кузатишда Қуёш сиртида кўринадиган ёруғ қисмлар. Қуёш сатҳининг актив соҳаларида, асосан, водород спектрал чизиғи H_α ва ионланган кальций чизиқлари H ва K да олинган спектрогелиограммаларда кўринади. Ф. Қуёш *хромосферасида* жойлашади. Ф. Қуёш сатҳидаги магнит майдони б-н боғлиқ бўлиб, Қуёш сатҳининг майдон кучланганлиги 50 *э* ва ундан ортиқ жойларида кўринади ҳамда кучланганлик қанча юқори (бир неча юз *э* гача) бўлса, шунча ёруғ бўлади.

ФЛОРА (Floro — баҳор ва гуллар худоси)— ўсимлик турларининг тарихан таркиб топган мажмуи. Ф. маълум географик жойга таллуқли бўлиб, унинг ҳозирги табиий шароити, ўтмиши б-н боғлиқ ва у ер юзидаги бошқа Ф. б-н озми-кўпми муносабатда бўлади. «Ф» тушунчаси маълум терр-ядаги барча ўсимликларни қамрайди, бироқ амалда ундан ўрганилаётган обл. даги уруғли ва паноротниксимон ўсимликларга нисбатан фойдаланилади; тубан ва б. юксак ўсимлик турлари мажмуи, одатда маълум эпитет б-н белгиланади (мас., «спорали ўсимликлар Ф. си», «сувўтлар Ф. си» ва б.). Ф. ўрганилаётгандаги материал ҳажми маълум даражада ихтиёрий бўлиб, танланган жойга боғлиқ (мас., СССР Ф. си, Кавказ Ф. си, Ленинград области Ф. си ва ҳ. к.). Ҳар бир Ф. ни билиш унинг тур ва туркумига оид таркибини аниқлаш, яъни Ф. инвентаризациясига асосланган. Инвентаризациянинг барча турлари маълум белгиларига кўра Ф. элементларига ажратилади. Жумладан географик элементлар ўзининг географик тарқалишига кўра ўхшаш, генетик элементлар эса географик келиб чиқиши ва жойлашиш тарихи яқин турларни бирлаштиради. Ф. ёшига боғлиқ анализ унинг прогрессив (келиб чиқиш, жойлашиш вақтига биноан ёши), консерватив ва реликтлилик элементларини аниқлашга имкон беради ва ҳ. к. Ҳар қайси Ф. нинг муҳим белгиси унинг систематик структураси, яъни Ф. таркибига турли систематик группа вакилларининг бирлашишидир.

Бирор терр-ядаги ўсимликлар систематик таркибини ёритувчи йирик асарлар ҳам одатда «Ф.» деб номланади.

Ад.: Гроссгейм А. А., Анализ флоры Кавказа, Баку, 1936; Вульф Е. В., Историческая география растений, История флор земного шара, М.—Л., 1944.

ФЛОРА ДУНЕЛАРИ, Ер *шаридаги флора дунёлари* — Ер юзининг маълум қисмларида тарихан таркиб топган, келиб чиқиши жиҳатидан уруғдош *флораларнинг* энг йирик бирлашмалари. Ф. д. ни бир-биридан фарқлашда, аввало, палеогеографик факторлар (асосан бўр давридан бошлаб), сўнгра ҳозирги замон тупроқ ва иқлим факторларига асосланилади. Ҳар бир флора дунёси узоқ геологик тарих давомида муайян жой доирасида келиб чиққан ва тарқалган эндемик ўсимлик онлалари ва туркумлари комплексларига эга. Ер юзасининг Ф. д. кичикрок флористик бирликлар (флористик область, провинция, округ, р-н ва б.) га бўлинади.

Голарктика флора дунёси (ёки *Голарктика области*) Шимолий ярим шарнинг тропикдан бошқа ҳамма қисмини— жанубда Яшил Бурун о. лари, Саҳрои Кабир ва Арабистон я. о. нинг шимолий қисмлари, Форс қўлтиғи соҳиллари, Ҳиндукуш ва Ҳималай тогларининг жанубий ён бағирлари, Хитойнинг жанубий чеккаси, Шимолий Америкада Мексика тоғлигининг шимолий қисмлари ва Мексика қўлтиғи соҳилларигача бўлган жуда катта терр-яни эгаллаган. Голарктика флора

дунёси ўз навбатида Арктика, Бореал, Урта Европа, Урта денгиз бўйи, Марказий Осиё, Шарқий Осиё, Калифорния (Сонора) ва Аппалачи флора областларига бўлинади. Урта денгиз бўйи ва Шарқий Осиё областларида эндемик турлар кўп.

Палеотропик флора дунёси (ёки *Палеотропик область*) Голарктика флора дунёсидан жанубда (Шарқий ярим шарда) то Жанубий Африка субтропикларигача (Ҳинд ва Тинч океанлардаги ороллар б-н бирга) бўлган терр-яни эгаллайди. Усимлик дунёси бой. Эндемик ўсимликлар кам. Саҳрои Кабир-Синд, Судан-Замбези, Гвинея-Конго, Калахари, Кап, Мадагаскар, Ҳиндистон я. о., Ҳиндихитой, Малайя, Папуа, Гавайи, Полинезия областларини ўз ичига олади.

Неотропик флора дунёси (ёки *Неотропик область*) Америка қитъаси терр-ясини Жанубий Калифорниядан ва Багама оролларидан бошлаб, то 41° ж. к. гача бўлган қисмини эгаллаган. Флорасида космополит ўсимлик оилалари кўп. Сернам ва иссиқ экваториал зона ўрмонлари турларга бой. Кариб, Ориноко, Амазонка, Бразилия, Ла-Плата, Анд флора областларига бўлинади.

Жанубий флора дунёси Австралия материги ва Тасмания о., Янги Зеландия, Жанубий Америкaнинг жанубий чеккаси, Антарктика ёни о. лари ва Антарктидани ўз ичига олади. Австралия, Янги Зеландия, Янги Каледония ва Магеллан-Антарктика флора областларига бўлинади. Австралия флораси ўзига хос ўсимлик турларига эга (эвкалиптлар ва б.). Шунинг учун баъзи ботаниклар уни алоҳида флора дунёси деб ҳисоблайдилар.

ФЛОРА ОБЛАСТЛАРИ, Ер шарининг флора областлари — қуруқликда *флора*сининг аломатлари ва тараққиёт тарихи хусусиятлари умумий бўлган ҳамда *флора дунёларини* ҳосил қиладиган терр-ялар. «Ф. о.» термини баъзан кенг маънода флора дунёлари синоними сифатида ҳам ишлатилади (мас., *Голарктика области* ва б.); бу ҳолда уларнинг областчалари Ф. о. деб аталади.

ФЛОРЕНЦИЯ — Италиянинг марказий қисмидаги шаҳар. Арно дарёси соҳилида. Флоренция провинцияси ва Тоскана областининг маъмурий маркази. Аҳолиси 464,9 минг киши (1975). Мамлакатнинг муҳим иқтисодий ва маданий марказларидан. Йирик транспорт узели. Приборсозлик ва станоксозлик, электротехника ва электроника, астрономик приборлар, кимё, нефтни қайта ишлаш, тўқимачилик, кўнчилик, ёғочни қайта ишлаш, мебель, ойна, озиқ-овқат, тамаки, полиграфия саноати корхоналари бор. Заргарлик ва бадиий ҳунармандчилик ривожланган. Ф. атрофида бир неча йўлдош шаҳарлар жойлашган. Италияда туризмнинг асосий марказларидан бири.

Ун-т (14-асрдан), илмий тадқиқот ин-тлари, консерватория, Бадиий академия, Тоскана Фанлар ва адабиёт академияси, Собор музейи, Миллий музей, Бадиий Академия галереяси, археология музейи ва б. музейлар бор.

Ф. оламга машҳур бўлган музей-шаҳарлардан. Антик даврдан тўғри бурчакли қилиб планлаштирилган шаҳар маркази сақланган. Улуғвор бинолари, асосан, Уйғониш даврида бунёд этилган. Шу даврда қурилган сарой-палаццолар (Баржелло — ҳозир Миллий музей, Строцци сарой-палаццоси, Арно дарёсининг чап соҳилидаги кўркам Питти сарой-палаццоси, 15-аср), Боболи боғи, черковлари (айниқса 1296 йилдан қурила бошлаган улкан гумбаз Санта-Мария дель Фьоре черкови; Санта-Мария Новелла, Санта-Кроче, Сан Лоренцо черковлари), серҳашам бронза эшикли баптистерий (11—13-асрлар), Уффици галереяси (1560—74), кўприклари (айниқса Понте-Веккьо, Санта-Трината) ва б. Ф. нинг энг муҳим архитектура ёдгорликлари ҳисобланади. Замонавий бинолар, асосан, шаҳарнинг атрофларида қурилмоқда.

Ф. қадимги этруск қишлоғи ўрнида римликлар томонидан мил. ав. 1-асрда барпо қилинган. 10—11-асрларда Тоскана маркграфлиги таркибига кирган. Савдо йўли устида жойлашган Ф. 11-асрда муҳим савдо ва ҳунармандчилик марказига, 1115 йилдан мустақил коммунага айланган. 12-асрда Коммуна Кантадо (шаҳар округи)да феодаллар (грандлар) га қарши курашиб, уларни шаҳарга кўчишга мажбур қилди. Савдо ва саноатнинг ўсиши натижасида Ф. да «катта цехлар» (савдогарлар, банк компанияларининг аъзолари, «семиз» деб номланган корхона эгалари), «кичик цехлар» (ҳунармандлар ва майда савдогарлар) вужудга келди. Цехдан четдаги шаҳар камбағаллари «озғин» ёки «майда» халқ деб аталган.

1289 йили Ф. мулкларида крепостной қарамлик тугатилган. 13-асрнинг 2-ярмидан Ф. Ғарбий Европа банк ишларининг марказига айланиб, 14-асрда Ф. жун (шерсть) саноати равнақ топди, у ерда дунёда биринчи марта капиталистик ишлаб чиқариш куртаклари вужудга келди. 14-аср охирида ижтимоий курашлар кескинлашиб, шу шароитда ҳокимият тепасига Альбициилар келди (1382—1434). 1434—1737 йилларда (танаффуслар б-н) Ф. да Медичилар авлоди ҳукмронлик қилди. Ф. 1865 йилдан 1871 йил январигача бирлашган Италиянинг пойтахти. 1943 йили гитлерчилар Германияси босиб олди. 1944 йили партизанлар томонидан озод қилинди. Ф. ёдгорликлари 1966 йилги сув тошқинидан катта талафот кўрди.

Ад.: Макиавелли Н., История Флоренции, Пер. с лат., Л., 1973.

ФЛОРИДА — Шимолий Америкaнинг жанубишарқий қисмидаги ярим орол. АҚШ терр-яси. Майдони 115 минг *км*². Ер юзаси ясси текислик; энг баланд жойи 100 *м*. Асосан, палеоген-неоген оҳактошларидан тузилганлиги учун карст рельеф шакллари кўп учрайди. Иқлими шимолида субтропик, жанубида тропик океан иқлими. Қиши илиқ, ёзи серёмғир. Январнинг ўртача т-раси 14—21°, июлники 27—29°. Йиллик ёғин 1200—1400 *мм*. Кўл (энг каттаси — Окичоби) ва ботқоқлик кўп. Дарёлари қисқа ва сершув. Сент-Жонс дарёсида кема қатнайди. Ярим оролнинг жанубидаги катта майдонни эгаллаган Эверглейдс ботқоқлиги — миллий парк. Шимолида субтропик ўсимликлар (қарағай, магнолия, паст бўйли пальмалар), жанубида тропик ўсимликлар ўсади. Йирик фосфорит конлари бор. Ф. нинг соҳил қисмида курорт кўп; энг каттаси — Майами курорти.

ФЛОРИДА — АҚШнинг жанубий қисмидаги штат. Флорида я. о. материкнинг унга ёндош қисми ва Флорида-Кис оролларида. Майдони 151,7 минг *км*². Аҳолиси 7,3 млн. киши (1972), шундан 80% шаҳар аҳолиси. Маъмурий маркази — Таллахасси; энг катта иқтисодий маркази — Жэксонвилл.

Ер юзаси текислик. Иқлими субтропик, жанубида тропик иқлим. Январнинг ўртача т-раси шимолида 12°, жанубида 21°, июлники 26° ва 29°. Йиллик ёғин 900—1400 *мм*. Ф. терр-ясининг 20% и ботқоқлик, 70% и ўрмон. Дарёлари қисқа ва сершув. Кўл кўп. Қ. х. да йирик капиталистик плантация хўжаликлари ҳукмрон. Майдонининг 5% и ишланади. Субтропик ўсимликлар ўстириш етакчи ўринда. Апельсин етиштиришда штат АҚШда 1-ўринда. Йил бўйи сабзавот етиштирилади. Шимолий қисмида пахта, ер ёнғоқ, тамаки, жанубида шакаркамиш экилади. Шаҳарлар атрофида сут чорвачилиги ва паррандачилик ривожланган. Балиқ овланади. Кўп миқдорда фосфорит (АҚШ да олинаётган фосфоритнинг $^2/_3$ қисми) қазиб чиқарилади. Озиқ-овқат, целлюлоза-қоғоз, ёғочсозлик, кимё, радиоэлектроника, ракетасозлик саноатлари ривожланган. Қанаверал бурнида ракета синов майдони ва космодром жойлашган. Ф. да қишки курортлар кўп. Йирик денгиз портлари: Тампа, Жэксонвилл, Порт-Эверглейдс, Майами.

Ф. терр-ясини испанлар 1513 йили пасха байрами куни (испанча Pascua Florida) кашф этиб, шу куннинг номи б-н аташган. 1763 йили Буюк Британия эгаллаган. Версаль шартномасига мувофиқ 1783 йили яна Испанияга қайтарилган. 1819 йили АҚШ босиб олди. Мустамлакачилик урушларида Ф. нинг туб халқи — индеецлар қўплаб қириб юборилган.

ФЛОРИДА БУҒОЗИ — Флорида я. о. б-н Куба ва Багама ороллари оралиғидаги бўғоз. Мексика қўлтиғини Атлантика океани б-н туташтирган. Узунлиги 570 *км*, энг тор жойи 80 *км*. Энг чуқур жойи 1637 *м*. Ф. б. нинг жанубий-ғарбидаги саёзликларда маржон рифлари кўп. Йирик портлари: Гавана (Куба), Майами (АҚШ).

ФЛОРИДА ОҚИМИ — Флорида бўғозидаги илиқ оқим. Гольфстрим оқимининг бошланғич қисми. Сувининг юза қисмида т-ра январда 24°, июлда 28°. Кенглиги бошланишида 140 *км*. 1500 *м* гача чуқурликдаги сувни қамрайди. Тезлиги соатига 5—7 *км*.

ФЛОРИСТИКА (*флора* сўзидан) — ботаника фанининг бир бўлими. Бутунасига Ер шаридаги ва унинг айрим қисмларидаги ўсимлик турлари мажмуи — флорани ўрганади. Ф. нинг бош вазифаси флораларнинг тур таркибини инвентаризация қилишдир. Унинг маълумотлари ўсимлик турларини ёки бошқа таксономик категориялар ареалларини аниқлашга хизмат қилади. Ф. ботаниканинг бошқа бўлимлари (мас., *ўсимликлар систематикаси, ўсимликлар географияси, палеоботаника*) б-н боғланган.

ФЛОРОГЛЮЦИН, 1, 3, 5-триоксибензол $C_6H_6O_3$ — уч атомли *феноллар*дан бири (яна қ. *Пирогаллол*); таъми ширин рангсиз кристалл, спирт ва эфирда яхши эрийди, қайнаш т-раси 217—219°С. Икки молекула сув б-н дигидрат (қайнаш т-раси 117°С) ҳосил қилади. Ф. асосан хлоргидрат 1, 3, 5-триаминобензолни гидролизлаб олинади. Ф. гликозидлар ҳолида кўпгина табиий моддалар (мас., флавонлар, катехинлар) таркибига киради. Аналитик кимёда пентоза ва пентозанларни сифат ва миқдорий аниқлашда қўлланилади.

ФЛОТ (голландча floot)—1) муайян вазифани бажарадиган ёки маълум соҳага оид кемалар мажмуи (мас., *Ҳарбий-Денгиз Флоти*, денгиз флоти, дарё флоти). Денгиз Ф. ига *денгиз транспорти*нинг асосий сузувчи техник воситалари, дарё Ф. ига эса *дарё транспорти*нинг асосий сузувчи техник воситалари киради. Шунингдек, савдо кемалари флоти, эшкакли кемалар флоти, елканли кемалар флоти, ҳаво флоти (бирор давлатнинг барча учиш аппаратлари — самолётлар ва б.) деган тушунчалар ҳам мавжуд; 2) айрим дарё, денгиз ва океанга мансуб кемалар мажмуи (қ. *Болтиқ флоти, Тинч океан флоти, Шимолий флот, Қора денгиз флоти*).


ФЛОТАЦИЯ (франц. flottation — сузиш) — бир хил минералларни бошқаларидан сувли муҳитда ажратиб олиш методи. *Фойдали қазилмаларни бойитиш*да қўлланилади. Минераллар заррачаларининг ҳаво пуфакчаларига ёпишиб улар б-н кўпик қатламига ўтишига, бошқаларининг сувда муаллақ қолишига асосланган.

Ф. ни яхши олиб бориш учун минераллар сиртининг физика-кимёвий хусусиятлари флотацион реагентлар (*сирт-актив моддалар*) б-н кучайтирилади. Ф. махсус машиналарда амалга оширилади. Ф. рангли (баъзан қора) металлургия, кимё ва б. саноат тармоқларида кенг қўлланилади.

ФЛОТИЛИЯ (франц. flottille)—1) Ҳарбий-Денгиз флоти кучларининг дарё, кўл ва баъзи ҳолларда денгизда жанг қилиш учун мўлжалланган оператив бирлашмаси; 2) баъзи чет давлатлар (Англия, АҚШ ва б.) флотларидаги эсминецлар, сув ости кемалари, тральщиклар, торпеда (ракета) катерлари ва б. кемалардан иборат, тактикавий қўшилма. Одатда, Ф. таркибига бир классдаги 4—6 кемадан ташкил топган 2 эскадра (ёки дивизион) киради; 3) баъзи давлатлар (Франция ва б.) дан стратегик мақсаддаги ракетали атом сув ости кемаларининг оператив бирлашмаси; 4) ов қилувчи, экспедицион кемалар ёки спорт кемалари қўшилмаси (яна қ. *Дарё ҳарбий флотилияси*).

ФЛОЭМА — қ. *Луб*.

ФЛУКТУАЦИЯЛАР (лат. fluctuatio — тебраниш) — кузатилаётган физик катталикларни уларнинг ўртача қийматларидан тасодифий оғиши. Тасодифий факторларга боғлиқ бўлган ва статистика методлари б-н ифодаланадиган катталикларда Ф. содир бўлиши мумкин. Ф. нинг миқдорий характеристикаси *математик статистика* ва *эҳтимолликлар назарияси* методларига асосланган. Ф. назариясига Ж. Гиббс, А. *Эйнштейн*, М. Смолуховский асос солган. *Статистик физика*да физик катталикларнинг кузатилаётган қийматлари уларнинг ўртача қийматларига, яъни Ф. ига жуда яқин бўлади. Материянинг узлуклилиги (моддаларнинг атом структураси, нурланиш майдонининг квантли структураси) ва зарраларнинг иссиқлик ҳаракати туфайли физик ҳодисаларда Ф. содир бўлади. Физик катталиклар Ф. ига қуйидагилар мисол бўла олади: газ зичлиги кузатилаётган ҳажмнинг турли бўлакларида вақт давомида Ф. га учраб туради, яъни бир вақтнинг ўзида молекулалар сони ҳажмнинг бир бўлагида тасодифан ошиб бошқа бир бўлагида камайиб кетади; тинч ҳолатда турган суюқлик ёки газга жойлаштирилган кичик юзага қисқа вақт ичида таъсир этадиган босим ўзгарувчан катталик бўлиб, у ҳам Ф. га учрайди. Бу Ф. ни суюқлик ва газда муаллақ ҳолатда турган майда зарраларнинг *броун ҳаракати* вужудга келтиради; электроларнинг тартибсиз ҳаракати туфайли электр токи ҳам Ф. га учрайди ва ҳ. к. Ф. физик ўлчашлар аниқлигини чегаралаб қўяди, радиоприёмник-



Фазавий флуорометр схемаси: *1* — ёруғлик манбаи; *2* — модулятор; *3* — ярим шаффоф пластинка; *4* — люминесцентловчи модда; *5* ва *6* — фотоэлектрон кўпайтиргичлар; *7* — фазометр; *8* — фазавий детектор.


ларда шовқин ҳосил қилади. Шунинг учун статистик физика, радиотехника ва ҳ. к. ларда Ф. ҳисобга олинади.

Ад.: Эйнштейн А., Смолуховский М., Броуновское движение. Сб., Пер. с нем., М.—Л., 1936; Мюнстер А., Теория флуктуаций, в сб.: Термодинамика необратимых процессов, Пер. с англ., М., 1962; Зубарев Д. Н., Неравновесная статистическая термодинамика, М., 1971.

ФЛУОРЕСЦЕНЦИЯ, флюоресценция (*флюорит* ва лат.— escent — кучсиз таъсирни ифодаловчи суффикс)—сўниш даври $\tau \sim 10^{-8}$—10^{-9} *сек* бўлган *люминесценция.* Люминесценцияни Ф. ва фосфоресценцияларга ажратиш эскириб, люминесценция муддатини сифат жиҳатдан характерловчи шартли маънога эга бўлиб қолди. Ҳозирги вақтда турли муддатли люминесценция жараёнлари маълум бўлганлиги сабабли, уларнинг табиатини характерловчи барча белгиларга асосланган ҳолда классификациялаш мақсадга мувофиқдир. Шу сабабли Ф. термини ҳозирги вақтда атом ва молекулаларнинг уйғонган ҳолатидан нормал ҳолатига спонтан ўтишида чиқарадиган нурланишини англатади.

Атом бугларида резонанс Ф. кузатилади. Резонанс Ф. газлар, суюқликлар ва қаттиқ жисмларда ҳам содир бўлади. Резонанс Ф. ни дастлаб 1904 йилда америкалик физик Р. Вуд натрий атомлари бугида аниқлаган. Резонанс Ф. буғ босимига боғлик бўлиб, буғ босимининг ортиши ёки бегона газларнинг қўшилиши уни камайишга олиб келади. Эритмаларда Ф. ҳодисасини концентрацияга боғлаб ўрганилса, молекулаларнинг ўзаро таъсири ҳақида муҳим маълумотлар олинади. Концентрациянинг ўзгариши б-н ютилиш спектри ва Ф. нинг ўзгариши молекулалар ассоциация жараёнини ўрганишга имкон беради. Ф. ва молекуляр кристаллардаги ютилиш спектри ёрдамида кристалларнинг структураси ўрганилади.

Резонанс Ф. ҳодисаси фақат атом ва молекулаларда эмас, ядроларда ҳам учрайди. γ—нурлар атом ядроси б-н ўзаро таъсирлашганда, унинг энергияси ядронинг уйғонган ҳолатидаги энергиясига мос келиб қолса, ядро резонанс уйғонади. Уйғонган ядро асосий ҳолатга ўтаётганда γ—нурлар чиқаради. Уларнинг энергияси ютилган квантлар энергиясига деярли тенг бўлади. Бундай ҳодисага γ — нурларнинг резонанс сочилиши ёки γ — нурлар Ф. си дейилади. 1950 йилда П. Мун γ— нурларнинг ядроларда резонанс сочилишини кузатишга эришди. Резонанс сочилиш усулини қўллаш ядроларнинг уйғонган ҳолатдаги қисқа муддатли яшаш вақтларини (10^{-11}—10^{-17} *сек*) ўлчашга имкон берди. Кейинги вақтларда Совет Иттифоқида биринчи бўлиб ЎзССР ФА Ядро физикаси ин-тида Р. Б. *Бекжонов* ва С. М. Аҳроров ядроларда нейтронларнинг радиацион ютилиши натижасида ҳосил бўладиган γ — нурларнинг резонанс сочилиш усулини татбиқ қилиб, ядроларнинг юқори энергияли уйғонган ҳолатларидаги яшаш вақтларини аниқладилар.



Флюгер: *1* — штифтлар; *2* — посанги; *3* — металл пластинка; *4* — шамол тезлигини кўрсатувчи ёй; *5* — стержень; *6* — флюгарка.

Ад.: Прингсгейм П., Флуоресценция и фосфоресценция, Пер. с англ. М., 1951; Бекжонов Р. Б., Ядро физикаси, Т., 1975.

ФЛУОРОМЕТР (флуориметр)—1) *флуоресценция*нинг (лавомлиги 10^{-8}—10^{-9} *сек*) сўниш вақти τ ни ўлчайдиган асбоб. τ ни аниқлашда *фаза силжиши* φ ни ўлчаш зарур.

Бевосита φ ни ўлчайдиган фазавий Ф. кенг тарқалган. Бу хил Ф. да ёруғлик приёмниги сифатида фотоэлектрон кўпайтиргичлар (ФЭК), фаза силжишини ўлчашда эса фазометрик қурилма қўлланилади. Фазавий Ф. да ёруғлик манбаидан чиққан ёруғлик модулятор *2* дан ўтади, унинг бир қисми ярим шаффоф пластинка *3* дан қайтиб фотоэлектрон кўпайтиргич *5* га тушади (расмга қ.). Ёругликнинг қолган қисми иккинчи фотоэлектрон кўпайтиргич *6* б-н қайд қилинаётган люминесценцияни уйготади. *5* ва *6* фотоэлектрон кўпайтиргичдан келаётган сигналлар орасидаги фаза силжиши фазометр 7 ёрдамида ўлчанади. Фаза индикатори сифатида электрон нурли трубка ёки фазавий детектор 8 хизмат қилади. Ф. да модуляция частотаси одатда 10^7 *гц*, ўлчанаётган τ нинг қиймати 10^{-10}—10^{-7} *сек* оралиғида. 2) Ф. *люминесцент анализда* люминесценция интенсивлигини ўлчайдиган асбоб. У *фотометр* ва фотолюминесценция қурилмаси (ёруғлик манбаи, конденсор ва ёруғлик фильтри)дан иборат.

ФЛЮВИОГЛЯЦИАЛ ЁТҚИЗИҚЛАР (лат. fluvius — дарё, оқим ва glacies — муз)— эриган муз сувлари оқими натижасида ҳосил бўлган чўкинди тоғ жинслари қатламлари. Шағал, қум, гил (айниқса лентасимон гиллар), соз-тупроқ каби чўкиндилардан таркиб топади. Ф. ё. пайдо бўлиш ўрнига кўра 2 хил: дарё музлик ётқизиқлари музликнинг энг чеккасида шағал тошлар, қумлардан ҳосил бўлади; кўл-музлик ётқизиқлари музликнинг олд қисмидаги кўлларда майда қум, гил, соз-тупроқнинг тўпланишидан вужудга келади. Ўзбекистондаги Ф. ё. асосан тоғлардаги музлик чўкиндиларидан иборат.

ФЛЮГЕР (нем. Flügel)— шамолнинг йўналиши ва тезлигини аниқловчи метеорологик асбоб. Шамол йўналишини вертикал айланиш ўқи бўлган ва шамол йўналиши бўйича бураладиган пластинка (флюгарка) кўрсатади. Шамолнинг тезлиги шамол бўлмаганда вертикал осилиб турадиган пластинканинг шамол босимида оғиши бўйича (*м/сек* ҳисобида) аниқланади. Ф. ердан 10—12 *м* баландликдаги қурилмага ўрнатилиб, 40 *м/сек* гача бўлган шамол тезлигини ўлчайди.

ФЛЮОРИТ (лат. flur — оқим), плавик шпат — фторидлар синфига мансуб минерал. Кимёвий таркиби CaF_2; баъзан Cu, Mg, Al, Ti, Mn ва сийрак-ер элементлари учрайди. Ф. асосан, изометрик куб шаклида. Друзалар, донадор, зич, тупроқсимон ва б. массалар (агрегатлар) ҳосил қилади. Рангсиз, пушти, яшил, сариқ, ҳаво ранг, гунафша ранг хиллари бор. Ф. қиздирилганда ранги йўқолади ва рентген нурлари таъсирида яна бўялиб қолади. Шишадек ялтироқ; мўрт. Қаттиқлиги 4; с. оғ. 3,1—3,2. Ратовкит, иттрофлюорит, перофлюорит, хлорофан, радиофлюорит каби турлари маълум. Ф. ҳар хил шароитда магматик акцессор минерал бўлиб, пегматит, грейзен, скарн, иккиламчи кварцитлар ва чўкинди жинсларда ҳосил бўлади. Унинг асосий қисми гидротермал жараёнда бўшлиқлар ва томирларни тўлдирган ҳолда металл рудаси ҳисобланган минералларга йўлдош сифатида учрайди.

Ф. металлургияда флюс сифатида ишлатилади; кимё саноатида ундан плавик кислота, криолит олинади; керамикада эмаль, сир тайёрланади. Ф. нинг синтетик кристалларини ўстириш учун хом ашё ҳисобланади. Тиниқ, шаффоф, рангсиз ёки ним ранг кристаллардан линза, объектив, телескоплар, вакуум ва рентген спектрографлари учун призмалар тайёрланади. TR ва U б-н активлаштирилган Ф. лазер материалидир.

СССР да — Приморье ўлкаси, Ўрта Осиё, Забайкалье, Қозоғистонда, чет элларда — АҚШ, Мексика, Францияда Ф. конлари бор. Ф. Ўзбекистонда кенг тарқалган бўлиб, Обираҳмат, Оқота, Чибарғота каби конлари маълум.

Ад.: Костов И., Минералогия, Пер. с англ., М., 1971; Минералы, Справочник, т. 2, вып. 1, М., 1963.

ФЛЮОРОГРАФИЯ, радиофотография, рентгенофотография, рентгенофлюорография — рентгенологик текширув. Бунда объектнинг рентген тасвири флюоресцияланувчи экрандан фотоплёнкага тушади. *Рентген нурлари* кашф этилиши б-н итальян олимлари А. Баттелли ва А. Карбассо, америкалик олим Ж. М. Блейер Ф. нинг асосий принципларини ишлаб чиқишган. Ф. да объект тасвири анча кичрайтириб олинади. Кичик кадрли (24×24 *мм* ёки 35×35 *мм*) ва йирик кадрли (70×70 *мм* ёки 100×100 *мм*) Ф. лар бўлади. Йирик кадрли Ф. диагностик имкониятлари б-н *рентгенографияга* яқин туради. Ф., асосан, кўкрак қафаси органлари, сут безлари, суяк системаси ва б. ни текширишда қўлланилади. Яширин кечадиган касалликларни оммавий текшириш мумкинлиги Ф. нинг бошқа рентгенодиагностик методлардан афзаллигидир. Ф. кабинетлари кўчма ва стационар бўлади.

ФЛЮС (лат. fluor — оқим) (медицинада)— тиш милкининг шишиб, йиринг бойлаши (қ. *Пилла*).

ФЛЮС (металлургияда)— шлак ҳосил қилиш ёки таркибини кераклича ўзгартиришда, металларнинг кавшарланадиган ёки пайвандланадиган сиртида ҳосил бўладиган оксидларни эритиб юборишда қўлланиладиган материал. Ф. нинг асосли (оҳак доломит, пирит қолдиғи, кальций, сода ва б.), кислотали (кварц, қум, қумтупроқли чақмоқтош) ва нейтрал (боксит, плавик шпати ва б.) хилларга бўлинади. Рангли металлар ва қотишмаларни оксидланишдан сақлаш учун қоплама ва муҳофаза Ф. идан фойдаланилади, бунда, асосан, ишқорли ва ишқорий-ер металлар (мас., тош туз, сильвинит, корналлит, бура ва б.) нинг хлоридлари ва фторидларидан фойдаланилади. Металларни пайвандлаш ва кавшарлашда Ф. сифатида канифоль, рух хлорид, аммоний хлорид ва б. ишлатилади.

...ФОБИЯ (юнон. phobos — чўчиш, қўрқиш)— бирор нарсадан қўрқиш, чўчишни ифодаловчи қўшма сўз бўлаги (мас., *гидрофобия*).

ФОБИЯЛАР — бемор онгига ўрнашиб қолган қўрқув, ваҳима ҳисси; психопатологик ҳолатлардан. Кўпчилик психик касалликлар (жумладан *шизофрения*)да бошланғич белги, *невроз*лар ҳамда *психастения*нинг асосий белгиси ҳисобланади. Қўрқув ва ваҳима ҳисси бемор сезги ва хатти-ҳаракатларида кўринади. Ф. турлича бўлади. Айхмофобия — пичоқ, қайчи, тўғноғич ва б. ўткир асбоблардан (худди танасига қадаладигандек) қўрқиш; нозофобия — бирор касаллик б-н оғриш ёки уни юқтиришдан қўрқиш; танатофобия — ўлимдан ваҳималаниш; клаустофобия — одам кўп тўпланган жойлар ва транспортда юришдан қўрқиш; монофобия — ёлғизликдан қўрқиш, эрейтофобия — қизариб кетиш, уялиш ва ҳ. к. Ф. да бемор доим кўнгли ғаш, паришонхотир бўлиб, тушкунликка тушади, кўпинча қўрқув таъсирида ўзини ҳимоя қилаётгандек бемаънн хатти-ҳаракатлар (мас., юқумли касаллик юқмаслиги учун ўзини ҳаддан зиёд озода тутиш, вақт-бевақт қўл ювавериш ва б.) га одатланади. Қаттиқ чарчаш, қўрқиш ёки бахтсиз ҳодисалар натижасида соғлом кишиларда ҳам баъзан вақтинчалик Ф. юзага келади. Бемор касалхонада даволанади.

ФОБОС — *Марс* йўлдошларидан бири. Ҳар иккала йўлдошни 1877 йилда америкалик астроном А. Холл кашф қилган. Ф. нинг юлдуз катталиги 11,5. Ф. нинг 1971 йилда «Маринер-9» (қ. *Маринер*) ёрдамида олинган фотосуратидан унинг сатҳида кратерлар мавжудлиги аниқланди. Ф. узунлиги 26 *км* ва кенглиги 21 *км* бўлиб, аниқ шаклсиз жисмдан иборат (қ. *Сайёралар йўлдошлари*).

ФОБУРДОН (франц. faux-bourdon — сохта *бас*)— кўп овозли музика тури; терция ва секста (секстаккордлар)нинг параллель садоланишига асосланади. Ф. ни ташкил қилувчи уч овоз фикран параллель уч товуш сифатида тасаввур қилинса-да (нота ёзувида ҳам шундай кўрсатилади), аслида асосий овоз бир октава баланд садоланади. Одатда бу овоз қўшимча товушлар ва музика безаклари б-н бойитилади, шунинг учун ҳам бошқаларига нисбатан куйчан бўлади. Ф.— аккорд тузилишининг илк кўринишларидан; уни Англияда тахм. 1200 йилларда аниқлашган. Ф. халқ музикаси заминида юзага келган.

ФОЖИА — *драма* турларидан бири. Ўзбек адабиётшунослигида трагедиянинг синоними сифатида ҳам қўлланилади (қ. *Трагедия*).

ФОЗИЛ ЙЎЛДОШ УҒЛИ (1872— Самарқанд обл. Булунғур р-ни —1955. 17. 3, Самарқанд обл. Красногвардейск ш.)— ўзбек халқ шоири, бахши. 1942 йилдан КПСС аъзоси. Камбағал деҳқон оиласида туғилган, беш ёшида отадан етим қолиб, қароллик ва чўпонлик қилган. Чўпонлардан дўмбира чертишни, *термалар* куйлашни ўрганган. Йигирма ёшларида ҳамқишлоғи Йўлдош шоирга шогирд тушган. Ундан ортиқ достончиларни тарбиялаган Йўлдош шоир Ф. Й. ў. нинг ижрочилик маҳоратига эътибор б-н қаради. Еш бахши халқ ўртасида устози уюштирган синовдан муваффақиятли ўтгач, 25—26 ёшларида мустақил достончи сифатида танилди. Ф. Й. ў. Октябрь рев-ясини қувонч б-н кутиб олди, мамлакат ижтимоий ҳаётида фаол қатнашди, умрининг охиригача колхоз правленнеси аъзоси сифатида хизмат қилди.

Ф. Й. ў. қаҳрамонлик достонларини куйлашда донг таратган Булунғур достончилик мактабининг талантли ва сўнгги вакилидир. Содда, юксак, нисбатан арханк, ўта анъанавий бўлган қаҳрамонлик эпоси услуби бу мактаб вакилларига хос поэтик йўналишдир. Ф. Й. ў. Булунғур достончилик мактабининг Амин бахши, Чини шоир, Товбузар шоир, Қурбонбек шоир, Султонмурод шоир, Йўлдошбулбул, Йўлдош шоир, Қўлдош, Суяр каби пешқадам достончиларидан адабий анъанани қабул қилиб олди ва уни пухта эгаллаб, юксак бадиҳагўйлик б-н бойитди, достончиликни янги босқичга кўтарди.

Ф. Й. ў. репертуари бой ва ранг-баранг. У 40 дан ортиқ халқ достонларини юксак бадиийлик б-н куйлаган. Ундан *«Алпомиш»*, «Едгор», *«Юсуф билан Аҳмад»*, *«Муродхон»*, *«Рустамхон»*, *«Ширин б-н Шакар»*, «Гўрўғли-





Фозил Йўлдош ўғлининг ижодидан намуналар.



Фозилов Э. И.

нинг туғилиши», «Гўрўғлининг Авазни олиб келиши», «Авазхоннинг ўлимга ҳукм этилиши», *«Маликаи айёр»*, *«Машриқо»*, «Зулфизар», «Балогардон», «Интизор», «Нурали», «Жаҳонгир», *«Раъно билан Сухангул»*, *«Зевархон»*, «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» «Баҳром ва Гуландом», *«Ошиқ Ғариб»*, «Назар ва Оқбўтабек», «Тўлғаной» каби 30 га яқин достон ёзиб олинган. Шоир қаҳрамонлик эпосининг ҳам, романтик достонларининг ҳам, китобий ва тарихий асарларнинг ҳам энг яхши намуналарини куйлаб келган. Шу б-н бирга у кўчманчилик ҳаёти ва патриархал уруғчилик муносабатлари бир даража сақланиб келаётган даврда яратилган, ижтимоий масалаларни (қаҳрамонлик ва гўзаллик ҳақидаги) қамраб олган достонларни ҳам куйлаган. Туркий халқларнинг патриархал ҳаётидаги «эпик босқич» нинг чинакам поэтик кўзгусига айланган «Алпомиш» достони унинг ижодида алоҳида ўрин тутади. Шоир Ҳамид Олимжон таъбири б-н айтганда, бу достон Ф. И. ў. нинг «шоирлик бешиги» бўлган. Узбек халқ бахшиларидан ёзиб олинган «Алпомиш» достонининг 30 дан ортиқ намуналари орасида Ф. И. ў. никидек мукаммал ва бадиий баркамол нусха ҳалигача учраган эмас. Бу ҳол шоирни жаҳон эпик достончилигининг улуғ сиймолари қаторига кўтаради.

Ф. И. ў. давр б-н бирга ўса борди, ҳаётдаги ижтимоий-сиёсий воқеаларни зийраклик б-н кузатди, 20- аср бошларидаги инқилобий ўзгаришлар унинг онгига жиддий таъсир этди. Халқ эпосининг асрий анъаналарини пухта эгаллаш, ижтимоий-сиёсий ҳаётни зийраклик б-н кузатиш шоирнинг ижрочилик фаолияти ва ижодини янги босқичга кўтарди, у замонавий достончиликка асос солди. Унинг «Маматкарим полвон», «Жиззах қўзголони» достонлари бу соҳадаги муҳим асарларидан. Шоирнинг «Чигиртка», «Қаҳатчилик» каби термалари бошқа бахшилар репертуарига ҳам ўтди, кенг оммалашди.

Ф. И. ў. асос солган, *Пўлкан* ва б. бахшилар давом эттирган совет достончилигидаги янги босқич меҳнаткаш халқ ҳаётини бевосита тасвирловчи, унинг инқилобдан олдинги ижтимоий ҳаётдан норозилик кайфиятлари ва унга қарши стихияли курашларини бадиий акс эттирувчи эпик асарларнинг яратилиши б-н характерланади. Ф. И. ў. Октябрь рев-яси арафаларидаёқ илғор халқпарвар достончи, демократ шоир сифатида майдонга чиқди. Унинг совет давридаги ижоди, ижрочилик фаолияти янги ижитмоий-сиёсий воқеликни тасвирлашда фольклор кенг имкониятларга эга эканлигини кўрсатди. Шоирнинг 20-йиллардаги ижодида ва ижрочилик фаолиятида Улуғ Октябрь рев-яси ғалабаларини улуғлаш, Совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун кураш мавзулари муҳим ўрин тутади. Бу жиҳатдан унинг «Очилдов» достони, «Октябрни қутлайман» термаси характерлидир. 30-йилларда яратган, социалистик саноат корхоналари ва колхоз тузумини улуғловчи «Сельмаш», «Текстилькомбинат», «Колхозим» термалари. атоқли қозоқ оқини Жамбул ижодий фаолиятининг 75 йиллигига бағишланган «Нишондор Жамбулга», «Жамбулнинг тўйи ҳақида» асарлари ўзининг оригиналлиги, ғоявий-бадиий юксаклиги б-н ажралиб туради.

Улуғ Ватан уруши йиллари шоир ижодида алоҳида босқични ташкил этади. Бу даврда у «Ленин», «Армиям», «Жангчи ўғлимга», «Элат ботир», «Ота насиҳати», «Қуролланинг», «Жаҳон тинглагай», «Эр йигитлар, майдонга!», «Алиевга», «Қўчқор Турдиевга», «Колхозчи хотин-қизларга» каби ажойиб асарлар яратди. Бу асарлар жанговарлик руҳи б-н диққатга сазовор, уларда Ватан — ўғилларини мардликка ундовчи ота образи намоён бўлади. Урушдан кейинги йилларда шоир «Кунларим» достони, «Болаларимга», «Пушкинга» каби термалар яратди.

Ф. И. ў. нинг совет даври ижоди ва репертуари тематик хилма-хиллиги, ғоявий юксаклиги, бадиий пишиқлиги, жанговарлиги ва ҳозиржавоблиги б-н ўзбек халқ оғзаки ижодиётида муҳим ўрин тутади. Бахшининг бадиий ижоди ва репертуаридаги халқ достонлари унга замондош бўлган *Эргаш Жуманбулбул ўғли*, *Ислом шоир*, Пўлкан, *Абдулла шоир* кабиларнинг репертуари ва оригинал асарлари б-н биргаликда ўзбек совет достончилиги ва адабиётига қўшилган катта ҳисса бўлди. Ф. И. ў. Ленин ордени б-н мукофотланган. 1975 йил сентябрида шоир таваллудининг 100 йиллик юбилейи нишонланди. Булунғур р-н маркази — Красногвардейск ш. да ва Ф. И. ў. номидаги с-з марказида бахшига ҳайкал ўрнатилди. Шоир дафн этилган Красногвардейск ш. да музей ташкил қилинган.

Ас.: Танланган асарлар, Т., 1949; Алпомиш, Т., 1958; Интизор. Нурали. Узбек халқ ижоди, кўп томлик, Т., 1964; Муродхон. Узбек халқ ижоди, кўп томлик, Т., 1965; Алпамыш, М., 1958; Рустамхан, М., 1972 ва б.


Ад.: Ғозибоев Т., Фозил Йўлдош ўғли, Т., 1968; Фозил шоир. Узбек халқ ижоди бўйича тадқиқотлар, 3- китоб, Т., 1973.

ФОЗИЛМАН — Андижон обл. Қўрғонтепа р-ни Хонобод қ. С. даги қишлоқ. Фрунзе номли с-з терр-ясида. Р-н марказидан 36 *км*, яқин т. й. станцияси — Савой (36 *км*). Аҳолиси 1808 киши (1976); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Қорадарёдан сув ичади. Ўрта мактаб, дорихона, медпункт, болалар богчаси, алоқа бўлими, маиший хизмат кўрсатиш пунктлари бор.

ФОЗИЛОВ Носир [1929. 1. 7, Жанубий Қозоғистон (ҳозирги Чимкент) обл. Туркистон р-ни]— ўзбек совет ёзувчиси, таржимон. САГУ нинг филология ф-тини тугатган (1954). «Гулхан» (1954—60), «Шарқ юлдузи» (1962—75) журналлари ва «Ёш гвардия» нашриётида (1960—62) бўлим мудири. 1975 йилдан Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида катта муҳаррир. Илк ҳикоялар тўплами «Ирмоқ» 1959 йили нашр этилган. «Оқим» (1962), «Қуш қаноти билан...» (1965) қиссаларида коллективлаштириш даври воқеалари, «Қор хат» (1968), «Кўклам қиссалари» (1970), «Саратон» (1975) асарларида қишлоқ ёшлари ҳаёти, интернационализм ва халқлар дўстлиги ғоялари акс этган. Бир қанча қозоқ ёзувчиларининг асарларини ўзбек тилига таржима қилган.

Ас.: Танланган асарлар, Т., 1979; Домбра старого Суюма, Т., 1973; Жаркий месяц, Т., 1976; Кичкина деманг бизни. Ҳикоялар, Т., 1977.

ФОЗИЛОВ Эргаш Исмоилович (1933. 10. 3, Янгийўл ш.)— ўзбек совет тилшуноси, филология фанлари д-ри (1967), проф. (1976). 1971 йилдан КПСС аъзоси. МГУнинг филология ф-тини ва айни вақтда шу ун-т қошидаги Шарқ тиллари ин-тини тамомлаган (1957). СССР ФА Тилшунослик ин-ти аспиранти (1957—60), Венгрия ФА Шарқшунослик ин-ти докторанти (1964—65).



Форобий. Чингиз Ахмаров чизган портрет. 1978 йил (биринчи марта Ўзбек Совет Энциклопедиясида эълон қилинмоқда).



Фозил Пўлдош ўғли. Рассом Л. Семикин, 1973 йил.

Мис патнис ва кумуш жом (Самарқанд, А. Икромов номидаги Ўзбекистон халқлари маданияти ва санъати тарихи музейида).

Халқ ижоди мақоласига.





ЎзССР ФА А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт ин-тида кичик илмий ходим (1960—61), катта илмий ходим (1962—68), тарихий этимологик луғатлар сектори мудири (1968—74) ва айни вақтда (1974 йилдан) ин-т директори ўринбосари. «Эски ўзбек тили. 14-аср Хоразм ёдномалари» мавзуида д-рлик диссертациясини ҳимоя қилган. Ф. асарларида ўзбек тилининг шаклланиш тарихи, унинг тараққиёт йўллари, эски ўзбек тили грамматикаси, лексикаси масалалари ёритилган. Ф. «Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси», 3 томлик «Эски ўзбек тили. 14-аср Хоразм ёдномалари» (1966, 1971, 1973), «Хўжандий. Латофатнома» (1976) каби йирик асарлар, илмий-оммабоп рисолалар, ўзбек тилининг турли масалаларига бағишланган илмий мақолалар муаллифи.

ФОЗИЛОВ Ҳосил Фозилович (1910. 28. 8, Тошкент)— электроэнергетика соҳасидаги олим. Техника фанлари д-ри (1953), проф. (1954). ЎзССР ФА акад. (1956), ЎзССРда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби (1959). Тошкентдаги билим юртини битиргач, мактаб ўқитувчиси (1928), Тошкент Индустриал (ҳозирги Политехника) ин-тини тугатгач (1934), дастлаб шу ин-тда ассистент (1935—37). Ленинград Политехника ин-тида аспирант (1937—40). 1940 йилдан Тошкент Политехника ин-тида доц., проф., электр системалари кафедрасининг мудири. Ф. ЎзССР ФА Энергетика ва автоматика ин-тининг ташкилотчиларидан бири бўлиб, 1948—57 йилларда шу ин-т лабораторияси мудири, директор ўринбосари, директори лавозимларида ишлаган. Сўнгра ЎзССР ФА Президиуми аъзоси ва бош илмий котиби (1956—62), техника фанлари бўлимининг акад.-секретари (1962—63). Илмий ишлари, асосан, электр энергиясини узоқ масофаларга узатиш, катта электр системаларининг стационар, оптимал режимларини ҳисоблаш ва бошқаришга оид. Ф. катта электр системалари режимини ҳисоблаш учун алгоритм яратган. Электр тармоқларининг математик моделида ўзаро принципнинг бузилишини кўрсатган. Чирчиқдаги энг катта электр истеъмолчининг хоссасини ўрганиш сабабли Фарҳод ГЭСнинг барча қувватини 110 *кв* ли линия б-н Тошкент-Чирчиққа узата олиш мумкинлигини кўрсатган (1943). Техника фанлари бўйича илмий даражалар берувчи бирлашган илмий совет раиси (1957—74), «ЎзССР ФА ахбороти (техника фанлари серияси)» журналининг бош муҳаррири (1957 йилдан). Ўзбек Совет Энциклопедияси Бош таҳрир ҳайъати аъзоси (1968). Ф. СССР ФА Энергетиканинг электрофизик асослари совети (1964) ва Катта электр системалари доимий интернационал конгресси (Париж)нинг аъзоси (1962 йилдан). 2 та «Ҳурмат Белгиси» ордени ва медаллар б-н мукофотланган.

Ас.: Бошлангич электротехника. 2-нашри. Т., 1949. Теория и методы расчета электрических систем. Т., 1953; Перспективы развития энергетики Узбекской ССР. Т., 1958 (А. Х. Ҳамидов ва б. б-н ҳамкорликда); Методы режимных расчетов электрических систем. Т., 1964.

ФОЗИЛОВА Тўфа (1917. 25. 4, Коníбодом)— тожик совет артисти, лоланда (лирик сопрано). СССР халқ артисти (1957). 1941 йилдан КПСС аъзоси. Фаолиятини 1930 йилдан Коníбодом Мусиқали драма театрида лоланда сифатида бошлаган. 1934—40 йилларда Тожик мусиқали театри артисти, 1940—48 йилларда Айний номидаги Тожик опера ва балет театрида (Баласанянинг «Восе исёни» операсида Гулизор, Ленскийнинг «Тоҳир ва Зуҳра» операсида Зуҳра, Чайковскийнинг «Евгений Онегин» операсида Татьяна партияларини ижро этган), 1948 йилдан А. Лоҳутий номидаги Тожик давлат академик драма театрида (Уйғун ва И. Султоннинг «Алишер Навоий» драмаси асосида тайёрланган спектаклда Гули, В. Шекспирнинг «Қирол Лир»ида Гонерилья ролларини бажарган) артист. С. Айний романи асосида Ж. Икромий либреттоси б-н яратилган «Дохунда» спектаклидаги Гулнор образи ҳам Ф. нинг ижодий ютуқларидан бири бўлди. Ф. хонанда сифатида ўзбек ва тожик шеърияти классиклари (Ҳофиз, Навоий ва б.) ва совет шоирларининг шеърлари асосида яратилган қўшиқларини зўр маҳорат б-н ижро этади. Ленин ордени, 2 бошқа орден ва медаллар б-н мукофотланган.



Фозилов Ҳ. Ф.

ФОЗИЛХЎЖАЕВ Қодир Фозилович (1930. 5. 7, Тошкент обл. Қалинин р-ни)— ўзбек совет тарихчиси, тарих фанлари д-ри (1969), проф. (1974). 1953 йилдан КПСС аъзоси. САГУнинг тарих ф-тини тугатган (1950). 1950—53 йилларда Жиззах р-нида ўрта мактаб ўқитувчиси, ЎзССР ФА Тарих ва археология ин-ти аспиранти (1953—55), Тошкент обл. комсомол комитети ва ЎзЛКСМ МҚ лекторлар группаси раҳбари (1955—56), ЎзССР ФА Тарих ва археология ин-тининг катта илмий ходими (1956—59), ЎзССР «Билим» жамияти правлениеси раисининг биринчи ўринбосари (1959—76). 1976 йилдан Ўзбекистон КП МҚ ҳузуридаги Партия тарихи ин-ти директори ўринбосари. Илмий фаолияти ўзбек халқининг қардош республикалар халқлари б-н дўстона алоқалари ва Ўзбекистон касаба союзлари тарихини ўрганишга бағишланган. «СССР қардош халқлари б-н ўзбек халқи дўстлигининг вужудга келиши ва ривожланиши тарихи (1917—1965)» мавзуида докторлик диссертацияси ёқлаган. У «Ўзбекистон касаба союзлари социализм қурилишининг кенг авж олдирилган даврида», «Ўзбекистон касаба союзлари иккинчи беш йиллик планини бажариш учун курашда (1933—1937)» каби асарлар муаллифи. «Ҳурмат Белгиси» ордени б-н мукофотланган.



Фозилова Т.

Ас.: Советский Узбекистан, М., 1962; Дружба наше величайшее завоевание, Т., 1962; Одна Родина, одна судьба, Т., 1968; О дружбе Грузии и Узбекистана, Тбилиси, 1973; О дружбе Казахстана и Узбекистана, Алма-Ата, 1973.

ФОЙДА — реализация қилинган маҳсулотнинг улгуржи баҳоси (оборот солиғидан ташқари) б-н таннархи ўртасидаги фарқ. У соф даромад каби моддий ишлаб чиқариш доирасида яратилади. Ибтидоий жамоа тузумининг охирларида меҳнат унумдорлиги ўсиб, қўшимча маҳсулот пайдо бўлди. Антагонистик формацияларда қўшимча маҳсулотни эксплуататор синфлар текинга ўзлаштирадилар. Товар-пул муносабатлари ривожланиши б-н аввал натура шаклидаги қўшимча маҳсулот пул шаклига ўтиб, Ф. тусига кирди. Бу нарса, айниқса, капитализм даврида кенг тарқалди. Ф. товар-пул муносабатларини ифодаловчи категория сифатида корхоналар хўжалик фаолиятининг молиявий якунидан иборат. Корхонада яратилган товар маҳсулотлари сотилгач, уларни яратиш учун кетган харажатлар қопланиб, товарда гавдаланган қўшимча меҳнат пул шак-



Фозилҳўжаев К. Ф.

лига киради ва Ф. ни ташкил этади. Ф. ҳар бир формацияда ўзига хос социал-иқтисодий мазмунга эга.

Капитализмда Ф. ишчилар меҳнати яратадиган, аммо капиталистлар синфи текинга ўзлаштирадиган *қўшимча қиймат*нинг ўзгартирилган формасидир. Ф. мазмунан қўшимча қиймат, уни ишчилар меҳнати, ўзгарувчан капитал ҳосил этади. Аммо у капитализм шароитида бутун авансланган капиталнинг маҳсули тариқасида ифодаланиб, гўё уни капитал ўзўзидан яратгандек туюлади. Ф. категорияси капиталистик эксплуатациянинг асл моҳиятини яшириб, уни ниқоблайди. Капитализм шароитида Ф. маҳсулот баҳосининг ишлаб чиқариш харажатларидан ортиб қолган қисми бўлиб кўринса-да, унинг манбаи қўшимча қиймат экани кўзга ташланмайди. Капитализмда Ф. қўшимча қийматнинг пул шакли, унга интилиш, яъни Ф. кетидан қувиш капиталистик ишлаб чиқаришни ҳаракатга келтиради. Ф. қанчалик кўп бўлса, шунчалик капиталга жон киради.

Капиталнинг нақадар фойдали ишлатилишини *фойда нормаси* белгилайди. Қаерда Ф. нормаси юқори бўлса, капитал шу томонга интилади. *Империализм* босқичига қадар ўртача Ф. олиш характерли бўлган. Уртача Ф.— бу миқдори тенг капиталга бир хил миқдорда тегадиган Ф. Уртача Ф. нормаси турлича Ф. нормасининг стихияли равишда бараварлашуви орқали ташкил топади. Бунинг учун маҳсулотлар *ишлаб чиқариш баҳоси* асосида сотилиши зарур. Бу баҳо ўз ичига ишлаб чиқариш харажатлари б-н ўртача Ф. ни олади. Империализм босқичига хос нарса монопол Ф. бўлиб, уни монополистлар ўзлаштиради. У ўз ичига ўртача Ф. дан ташқари, монопол устама Ф. ни ҳам олади. Монопол устама фойда — Ф. нинг империализмга хос специфик туридир. Ф. нинг устама қисми қўшимча қийматнинг барча турларини ўзида мужассамлаштиради, бундан ташқари зарур маҳсулотнинг бир қисмини ҳам ўз ичига олади. У мамлакат ичидагина эмас, бошқа мамлакатларда ҳам яратилган қўшимча қиймат, шунингдек деҳқонлар ва б. майда ишлаб чиқарувчилар яратган қўшимча маҳсулотдан иборат. Уни олиш учун монополиялар ҳукмронлигининг кучайиши қўл келади, *монопол баҳо*ларнинг ўрнатилиши асосий восита вазифасини ўтайди. Монопол Ф. кўпчилик халқ оммасининг интернационал миқёсда эксплуатация этилишини билдиради. Бинобарин, ҳозирги капитализм шароитидаги Ф. ҳам антагонистик синфлар ўртасидаги эксплуатация муносабатларини англатади. Ф. нинг узлуксиз ортиб бориши эксплуатациянинг кучайишидан, мазкур зиддиятларнинг чуқурлашувидан ва уларнинг капитализмни ағдариб ташлаш орқали бартараф этилишидан дарак беради. Капиталистик тузум тугатилгач, Ф. нинг мазмуни тубдан ўзгаради.

Социализмда Ф. нинг ҳосил бўлиши, тақсимланиши ва ишлатилиши борасида янгича муносабатлар пайдо бўлди. Социализмда Ф. ижтимоий мулклик, планли тараққиёт, ўзаро ёрдам ва ҳамкорлик муносабатларини ифодалайди. Ф. қўшимча маҳсулотнинг қиймат жиҳатидан ёки пул шаклидаги асосий кўринишидир. Мазкур маҳсулот асосан соф даромад шаклида бўлиб, у Ф. ва *оборот солиғи*дан иборат. Ф. нинг мазмунан қўшимча маҳсулот бўлиши у миқдоран шу маҳсулотга тенг деган гап эмас, Ф. қўшимча маҳсулотнинг ҳаммасини эмас, балки бир қисмини ташкил этади. Бундан ташқари Ф. таркибида қисман бўлсада, зарур маҳсулот ҳам бор. Қўшимча маҳсулотнинг бошқа қисми оборот солиғи шаклига киради. Ф. ва оборот солиғининг манбаи бир, лекин улар бир-биридан фарқланади. Ф. нинг хусусияти шуки, у давлат б-н корхона ўртасида тақсимланади, унинг миқдори ўзгарувчан, у корхонанинг ўзида ҳам ишлатилиб, корхона фаолиятини иқтисодий жиҳатдан бошқариб туради.

Социализмда капитализмдан фарқли, Ф. ишлаб чиқаришнинг бош мақсади эмас, унинг ҳосил этилиши планли тусда бўлади, Ф. ни яратувчилар меҳнаткашлар, уни пировард натижада ўзлаштирувчилар ҳам меҳнаткашлардир. Бинобарин, Ф. социализмда эксплуатация муносабатига эмас, балки ишлаб чиқарувчиларнинг ҳамкорлик муносабатига таянади. Ф. нинг социалистик жамиятда тутган ўрни ва бажарадиган функцияси муҳим. Лекин Ф. олиш ишлаб чиқаришни ҳаракатлантирувчи куч эмас, чунки *социализмнинг асосий иқтисодий қонуни*га биноан мазкур жамиятда экономиканинг ривожи халқ фаровонлигини таъминлаш, унинг ҳаётий эҳтиёжларини тўлароқ қондиришни кўзлайди. Шунга кўра, Ф. нинг роли ҳам катта.

Ф. корхоналар ва ишлаб чиқариш бирлашмалари фаолиятининг, умуман социалистик экономика самарасининг муҳим кўрсаткичидир. Хўжаликни бошқаришда Ф. кўрсаткичи муҳим ўрин тутади. Аммо корхона фаолиятига баҳо берилганда фақат Ф. эмас, балки бошқа қиймат ва натура кўрсаткичлари ҳам ҳисобга олинади. Маҳсулотларни *улгуржи баҳо* б-н сотишдан тушган пулдан сотилган маҳсулотнинг тўла таннархини чегириб ташлаш орқали Ф. миқдори аниқланади. Ф. моддий ишлаб чиқаришда яратилади. Унинг миқдори асосан меҳнат унумдорлиги ўсиб, маҳсулот таннархининг пасайишига, ишлаб чиқаришнинг табиий шароитига ва ниҳоят, қисман бўлса-да, улгуржи баҳолар даражасига боғлиқ. Ф. миқдори корхона ёки тармоқда ҳосил этилган қўшимча маҳсулотдан фарқ қилиши мумкин, чунки Ф. даражасини белгилаш орқали мазкур маҳсулот тақсимланади. Ф. нинг мутлақ ва қилинган харажатларга нисбатан миқдори ҳам корхона (бирлашма), ҳам давлат, яъни бутун жамият учун муҳим. Ф. тақсимланганда энг аввало давлат бюджетига *фойда тўловлари* ажратилади, унинг қолган қисми корхонада ишлатилади ва шу қисм эвазига *иқтисодий рағбатлантириш фондлари* ташкил этилади. 1976 йилда СССР халқ хўжалигида олинган Ф. нинг 58% и бюджетга тушса, 42% и корхона ва ташкилотларнинг ўзида қолдирилди.

Корхона (бирлашма), тармоқнинг рентабеллиги Ф. нинг нисбий кўрсаткичини ифодалайди. Ривожланган социализм даврида ҳар бир нормал ишлайдиган корхона рентабеллигининг оптимал даражасини таъминлаш вазифаси борган сари муҳим аҳамият касб этмоқда. Ф. ни кўпайтиришнинг ва рентабелликни оширишнинг энг муҳим омиллари ишлаб чиқаришни кенгайтириш, меҳнат унумдорлигини ўстириш, маҳсулот таннархини пасайтириш ва унинг сифатини кўтаришдан иборат. Рентабеллик даражаси *хўжалик ҳисоби*нинг корхона (бирлашма) моддий манфаатини таъминлашдек муҳим принципини амалга оширишда аҳамият-

лидир. КПСС иқтисодий сиёсати, партия 24- ва 25- съездлари социалистик хўжалик юритиш қуролларидан, жумладан Ф. кўрсаткичидан кенг фойдаланишни янада такомиллаштириш вазифасини қўйди. Шундай қилиб, Ф. ни корхона б-н давлат, корхона б-н ундан юқори турувчи ташкилот (министрлик)лар ўртасида тақсимлаш, уни корхонада ишлатишни янада яхшилаш моддий рағбатлантиришда, ишлаб чиқаришни интенсивлаштиришда муҳим аҳамиятга эга.

СССР ва б. қардош социалистик мамлакатларда экономикани бошқариш туришда Ф. га эътибор берилишини буржуа иқтисодчилари ғайри-илмий талқин этишади. Улар ҳеч бир мантиқий асоссиз социализм ва капитализмда Ф. нинг социал-иқтисодий мазмуни бир, социалистик давлатларда Ф. нинг ролига эътибор берилиши капиталистик бошқариш усулларини қўллаш, деб уқтирадилар. Ҳақиқатда эса социализмда Ф. мазмуни, уни экономикани бошқаришдаги тутган ўрни капитализмдагига нисбатан мутлақо бошқача. Социализмда Ф. нинг ошиб бориши мамлакат иқтисодий қудратининг кучайишидан, халқ фаровонлиги манбаларининг кенгайиб туришидан дарак беради.

Ад.: Маркс К., Капитал, 3-т., Т., 1972; Ленин В. И., Бирлашган хўжалик плани тўғрисида, Ас., 32-т.; КПСС 25-съезднинг материаллари, Т., 1976; Об улучшении управления промышленностью, совершенствовании планирования и усилении экономического стимулирования промышленного производства. Постановления Пленума ЦК КПСС, принятые 29 сентября 1965 г., М., 1965; Базарова Г. В., Прибыль в экономическом стимулировании производства, М., 1968; Прибыль и рентабельность в условиях хозяйственной реформы (Материалы научной конференции), М., 1968; Бутаков Д. Д., Финансовые проблемы хозяйственных реформ в странах-членах СЭВ, М., 1973; Политическая экономия [Учебник], т. 2, М., 1977.

ФОЙДА́ НОРМАСИ́ — *қўшимча қиймат*нинг процент б-н ифодаланган барча авансга берилган капиталга муносабати. Капиталдан фойдаланиш самарадорлигини, капиталистик корхоналарнинг рентабеллигини ифодалайди. Ф. н. қуйидаги формула б-н ифодаланади: $p' = \frac{m}{c+v} \cdot 100$, бу ерда m — қўшимча қиймат массаси, c — доимий капитал ва v — ўзгарувчан капитал. Ф. н. *қўшимча қиймат нормаси*нинг ўзгарган шаклидир. У капиталистик эксплуатацияни ниқоблаб кўрсатади. Ф. н. ҳажми қўшимча қиймат нормасига бевосита боғлиқ. Капиталистик соҳибкорлар кўпроқ Ф. н. олиш учун ёлланма ишчиларни эксплуатация қилиш даражасини оширади. *Капиталнинг узвий (органик) тузилиши*нинг ўсиши Ф. н. ни камайтиради, унинг оборот тезлигининг кўпайиши эса Ф. н. ни кўпайтиради. Капиталистик ишлаб чиқаришнинг айрим тармоқларида капиталнинг органик тузилиши ва унинг оборот вақти турлича, бунинг натижасида Ф. н. да ҳам тафовут пайдо бўлади. *Тармоқлараро конкуренция* капиталнинг Ф. н. нисбатан кам тармоқлардан авансга бериладиган капиталнинг тезроқ ўсишини таъминловчи тармоқларга оқиб ўтишга имкон беради. Натижада тенг ҳажмли капиталларга умумий (ўртача) Ф. н. белгиланади. Ф. н. ва массасининг кўпайиши капиталистик ишлаб чиқаришни ҳаракатлантирувчи омилдир. Ф. н. капиталистлар синфи ўртасидаги зиддиятларнигина эмас, балки *буржуазия* ва *пролетариат* ўртасидаги туб антагонистик синфий қарама-қаршиликларни ҳам ифодалайди.

Ад.: Маркс К., Капитал, 3-т., Т., 1972; Ленин В. И., Карл Маркс, Тўла асарлар тўплами, 26-т., Выгодский С. Л., Теория средней прибыли и цены производстве, К. Маркса в свете современных данных, М., 1956; Никитин С. М., Проблемы ценообразования в условиях современного капитализма, М., 1973.

ФОЙДА НОРМАСИНИНГ ПАСАЙИШ ТЕНДЕНЦИЯСИ ҚОНУНИ — капиталистик ишлаб чиқариш қонуни. Унга кўра, капитализм ривожланиши б-н фойда нормаси пасайишга мойил бўлади. Бу қонун *фойда нормаси, қўшимча қиймат нормаси, капиталнинг узвий (органик) тузилиши, капитал айланиши* ўртасидаги боғлиқликларни ифода этади, капитализм ривожига хос қарама-қарши жараёнларни билдиради. К. Марксга қадар иқтисодчилар ўртача фойда нормасининг пасайиш сабабларини тушунтира олмаганлар. К. Маркс Ф. н. п. т. қ. моҳиятини очиб, батафсил таърифлади, унинг амал қилиш шароитини ёритди. К. Маркс фойда нормасининг пасайишини капиталистик жамғариш қонуни намоён бўлишининг аниқ формаси деб қаради (қ. *Капитал жамғарилиши*).

Фойда кетидан қувиш техниканинг ўсишига ва шу асосда капитал узвий тузилишининг ошишига олиб келади. Фойда нормаси капитал узвий тузилишига тескари пропорционал бўлганидан, бу нарса фойданинг пасайишига сабаб бўлади. Капитализм ривожланган сари унинг зиддиятлари чуқурлашиб, капитал оборот секинлашади ва фойда нормаси пасаяди. Айни вақтда фойда нормасининг пасайишига тўсқинлик қилувчи омиллар ҳам мавжуд. Эксплуатация кучайиб, қўшимча қиймат нормасининг ошиши фойда нормасининг пасайишига йўл бермайди. *Ишсизлик*нинг кўпайиши иш ҳақининг иш кучи қийматидан тобора орқада қолиб, қўшимча қиймат нормасининг ортишига олиб келади, бу ҳам фойда нормасининг пасайишига тўсқинлик қилади. Ишсизлик капитал узвий тузилишининг ортишини ҳам чеклайди, чунки арзон иш кучидан фойдаланиш янги техникани қўллашдан афзалдир. Доимий капитални тежаш ҳам капитал узвий тузилишининг ортиб боришини секинлаштиради. Ташқи савдодан фойдаланиб, товарларни сотиш капитал оборотини тезлаштиради, арзонгаров хом ашё ва ускуналарни харид этиш капитал узвий тузилишининг ўсишига тўсқинлик қилиб, фойда нормасини пасайтирмайди.

Фойда нормасининг пасайишига қарши реал кучлар мавжуд бўлганидан капитализмда бу қонун тенденция тарзида бўлади. Маълум шартлар мавжуд бўлгандагина мазкур қонун амал қилади. Фойда нормасини ошириш ва камайтиришга қаратилган кучлар нисбатига қараб у нотекис ўзгариб туради. Ҳозирги капитализм шароитида илмий-техника рев-ясидан фойдаланиб, эксплуатация даражасини ошириш, капитал айланишини тезлатиш, доимий капитални тежаш, ташқи савдони кенгайтириб, *ноэквивалент айирбошлаш*, давлатга таяниб, иш тутиш каби омиллар экономикада асосий роль ўйновчи монополистик секторда Ф. н. п. т. қ. га амал қилишга тўсиқ бўлади. Шунга кўра, монополияларнинг фойда нормаси умумий миқдори сақланади. Айни вақтда монополлашмаган экономика секторида фойда нормасини пасайтирувчи кучлар устун келади. Бу ерда фойда нормаси пасайиб, майда корхоналар хонавайрон бўлади. Ф. н. п. т. қ. капитализмнинг ички зиддиятларга тўла ва шу зиддиятлар оқибатида муқаррар ҳалок бўлувчи,

тарихан ўткинчи тузум эканидан далолат беради.

Ад.: Маркс К., Капитал, 1-т., Т., 1955; Ленин В. И., Россияда капитализмнинг тараққийси, Тўла асарлар тўплами, 3-т.; Политическая экономия современного монополистического капитализма, т. I, М., 1970.

ФОЙДА ТУЛОВЛАРИ, фойдадан бюджетга ўтказиладиган тўловлар — социализмда давлат бюджети даромадларининг энг муҳим манбаларидан бири. Давлат социалистик корхоналари фойдаси фақат корхона, бирлашма, тармоқда бевосита иқтисодий рағбатлантириш ва ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун сарфланмай, балки бир қисми умумдавлат марказлашган фондига ҳам тушади.

СССРда иқтисодий ислоҳот (1966) гача Ф. т. фойдадан ажратмалар шаклида (корхонанинг ўз эҳтиёжидан ортиқча эркин қолдиғи ҳажмида, лекин 10% дан кам бўлмаган миқдорда) бўларди. Ислоҳот амалга оширилган жараёнида Ф. т. нинг хўжалик ҳисоби функциялари кучайди: бюджетга иккита биринчи навбатли тўлов — фонд ҳақи, қатъий белгиланган тўловлар ва учинчиси — фойданинг эркин қолдиғи бадаллари жорий этилди. Фонд ҳақи — хўжалик ҳисобида ишлайдиган корхоналар б-н давлат ўртасида фойдани тақсимлаш шакли; у корхона (бирлашма) ишлаб чиқариш фондлари ҳажмига боғлиқ. Қатъий белгиланган тўловлар, коллектив фаолиятидан қатъи назар, давлат корхоналари фойдасидан бир қисмининг давлат бюджетига ўтказилишидир. Фойданинг эркин қолдиғи бадаллари корхона б-н давлат бюджети ўртасида Ф. т. бўйича мавжуд муносабатларни тугал тартибга солиш имконини беради. Эркин қолдиқ корхона (бирлашма, тармоқ)ларда фойда тақсимлангандан сўнг пайдо бўлади.

Планлаштириш ва иқтисодий рағбатлантиришнинг янги системасига ўтмаган корхоналар бюджетга фойдадан ажратма тўлайди. Бюджетга фойда олишнинг марказлашган ва марказлашмаган усуллари мавжуд. Иккинчи усул энг прогрессив ва қулай ҳисобланади. Бунда давлат банкида ҳисоб счёти бўлган хўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотлар б-н бевосита ҳисоб-китоб қилинади. Бу усул хўжалик ҳисоби талабларига кўпроқ жавоб беради ва корхоналарнинг ўз мажбуриятларини бажаришларидаги масъулиятларини оширади. Марказлашган тартибда бадал тўлашда саноат бирлашмалари, бош бошқармалар, министрликлар, давлат комитетлари тўлов тўлайди. Ф. т. бўйича кенг имтиёз системаси мавжуд. Республика (АССР), ўлка, область округ, район, шаҳар ва қишлоқ қарамоғида янги ташкил топган корхоналар, бюджет муассасалари ёрдамчи корхоналари ва ш. к. 2 йил муддатга тўлов тўлашдан озод қилинади ва ҳ. к.

СССРда Ф. т. 1965 йилдаги 30,9 млрд. сўмдан 1976 йилда 70,6 млрд. сўмга етди, яъни унинг бюджет даромадидаги салмоғи 30,2% дан 30,4% га ошди. Бу даврда ЎзССРда Ф. т. 392,1 млн. дан 1237,3 млн. га етди, бюджет даромадидаги салмоғи эса 18,4% дан 25,5% га кўпайди.

ФОЙДАДАН АЖРАТМАЛАР — қ. *Фойда тўловлари.*

ФОЙДАЛИ ИШ КОЭФФИЦИЕНТИ (ф. и. к.) — система (қурилма, машина) нинг энергияни ўзгартириш ёки узатиш эффективлиги характеристикаси. Фойдали ишга сарфланган энергиянинг система олган умумий энергия миқдорига нисбати б-н аниқланади: $\eta = \frac{W_ф}{W_{ум}}$.

Электр двигателлардаги ф. и. к.— бажарилган (фойдали) механик ишнинг манбадан олинган электр энергиясига нисбати, иссиқлик двигателларидаги ф. и. к.— механик фойдали ишнинг сарфланган иссиқлик миқдорига нисбати, электр трансформаторларидаги ф. и. к. иккинчи чулғамда олинган электромагнит энергиясининг бирламчи истеъмол чулғамидаги энергияга нисбатидан иборат ва ҳ. к.

Системанинг умумий ф. и. к. унинг айрим қисмларининг ф. и. к. кўпайтмаларига тенг. Ф. и. к. тўғри каср ёки процентларда ифодаланади. Энергиянинг турли кўринишда йўқолиши туфайли ф. и. к. доимо 1 дан кичик бўлади. Такомиллашган иссиқлик электр станцияларида ф. и. к.—35—40%, ички ёнув двигателларида 40—50%, электр генераторларида 95%, трансформаторларда 98%.

ФОЙДАЛИ ҚАЗИЛМАЛАР, минерал хом ашёлар — Ер юзаси ёки ер остида турли геологик жараёнлар натижасида тўпланган ва миқдори, сифати, жойлашиш шароитларига кўра саноатда ишлатишга яроқли бўлган табиий минерал моддалар йиғиндиси. Ф. қ. турли конларни ҳосил қилади. Пайдо бўлиш шароитига кўра Ф. қ. конлари сериялар (седиментоген, магматоген ва метаморфоген конлар)га, сериялар эса, ўз навбатида, группалар, синфлар ва кичик синфларга бўлинади.

Седиментоген (ер юзасидаги экзоген) Ф. қ. конлари Ер юзаси ва унга яқин зоналарда Ернинг ташқи энергияси таъсирида минерал моддаларнинг кимёвий, биохимик, механик дифференциацияси натижасида шаклланади. Бу конлар нураш конлари, сочма конлар, чўкинди конларга ажратилади.

Магматоген (чуқурликдаги эндоген) Ф. қ. конлари ер остидаги энергия манбан ҳисобига магманинг пайдо бўлиши ва унинг теварак-атрофга таъсири натижасида минерал моддаларнинг геохимик дифференциациясидан ҳосил бўлади. Бундай конлар 5 асосий группа: магматик конлар, пегматит конлар, карбонатит конлар, скарн конлар, гидротермал конларга бўлинади.

Метаморфоген Ф. қ. конлари тог жинсларининг регионал ва локал метаморфизми жараёнларида вужудга келади.

Геологик давр жиҳатидан Ф. қ. конлари архей, протерозой, рифей, палеозой, мезозой ва кайнозой ёшидаги конларга бўлинади. Ф. қ. конлари таркиб топган модда манбанга кўра ер пўсти остидаги (мантия ёки базальт), ер пўстидаги (ёки гранит) магма, шунингдек, Ернинг чўкинди қобиғидаги моддалардан иборат конларга ажратилади. Шаклланиш жойи жиҳатидан геосинклиналь (бурмаланган областлар) ва платформалардаги конлар бўлади. Қандай чуқурликда пайдо бўлишига кўра Ф. қ. конлари ультраабиссаль (10—15 *км* дан ортиқ), абиссаль (3—5 *км* дан 10—15 *км* гача), гипабиссаль (1,5 *км* дан 3—5 *км* гача), ер юзасига яқин (1—1,5 *км* чуқурликда жойлашган) конларга бўлинади.

Ф. қ. 3 группа: металл Ф. қ., неметалл Ф. қ. ва ёнувчи Ф. қ. га бўлинади. Металл Ф. қ. соф металлар, қора, рангли, сийрак ва радиоактив металл рудалари, шунингдек, норуда ер элементлари рудаларидан иборат. Неметалл Ф. қ. га тог-кон-кимё хом ашёси (турли тузлар, гипс, барит, олтингугурт, фосфоритлар, апатитлар), оловбардош, электротехник, пьезооптик, иссиқлик ва товушни изоляция қилувчи, кислота ва ишқорларга чидамли хом ашё, қурилиш материаллари, қимматбаҳо ва техник тошлар киради. Нефть, ёнувчи газ, тошкўмир ва қўнғир кўмир, торф, ёнувчи сланецлар ёнувчи Ф. қ. га мансуб.

Физик ҳолатига кўра қаттиқ (қазилма кўмирлар, рудалар, норуда Ф. қ.), суюқ (нефть, минерал сувлар) ва газсимон (ёнувчи табиий ва инерт газлар) Ф. қ. бўлади.

Минерал ресурслар давлат, қитъа ёки бутун дунё заминидаги Ф. қ. йиғиндиси бўлиб, саноат ишлаб чиқаришининг муҳим тармоқлари (энергетика, қора ва рангли металлургия, кимё саноати, қурилиш) тараққиёти негизи ҳисобланади.

Минерал ресурслар саноатда ишлатилишига қараб, бир қанча гуруҳларга ажратилади: а) ёқилғи-энергетика ресурслари (нефть, табиий газ, қазилма кўмир, ёнувчи сланецлар, торф, уран рудалари); б) қора ва рангли металлургия хом ашёси ҳисобланган руда ресурслари (темир ва марганец рудалари, хромит, боксит, мис, қўрғошин-рух, никель, вольфрам, молибден, қалай, сурма рудалари, нодир металлар рудалари ва б.); в) тог-кон-кимё хом ашёси (фосфорит, апатит, тоштуз, калий ва магний тузлари, олтингугурт ва унинг бирикмалари, барит, бор рудалари, бром ва йод таркибли эритмалар); г) табиий қурилиш материаллари ва норуда Ф. қ. нинг қатта гуруҳи, шунингдек, ясама, техник ва қимматбаҳо тошлар (мармар, гранит, яшма, агат, тог хрусталь, гранат, корунд, олмос ва б.); д) гидротермал минерал ресурслар (ер ости чучук ва минерал сувлари). Минерал ресурсларни юқоридаги тартибда гуруҳларга ажратиш шартлидир, чунки бир Ф. қ. нинг ўзи саноатнинг турли тармоқларида ишлатилиши мумкин. Мас., нефть ва газ тежамли ёқилғи бўлибгина қолмай, кимё саноати учун муҳим технологик хом ашё ҳамдир.

Ердаги минерал хом ашё миқдорини ифодалаш учун фанга Ф. қ. запаслари деган тушунча киритилган. Бу запаслар геологик разведка маълумотлари асосида аниқланади. Ф. қ. запаслари $м^3$ (мас., қурилиш материаллари, ёнувчи газлар), тонна (мас., нефть, кўмир, рудалар) ва карат (мас., олмос) ҳисобида ўлчанади.

Минерал ресурслар миқдори аниқланган ва разведка қилинган Ф. қ. запаслари орқали баҳоланади; бунда минерал хом ашёнинг разведка қилинган запаслари Ф. қ. қазиб олиш миқдори (ҳажми), разведка даражаси (разведка қилинган запаслар ўсиши), шунингдек, ер пўстининг тузилиши ва унинг турли қисмларида мавжуд бўлиши мумкин бўлган концентрациядаги Ф. қ. ҳақидаги геологик билимларнинг тараққиётига кўра ўзгариб туради.

Социалистик мамлакатлар, айниқса, СССР йирик минерал ресурсларга эга.

Совет Иттифоқи кўмир, темир ва марганец рудалари, калий тузлари қазиб чиқариш ва разведка қилинган запаси бўйича дунёда биринчи ўринда, табиий газ ва асбест запаси бўйича биринчи ва қазиб чиқариш бўйича иккинчи ўринда, нефть қазиб чиқариш бўйича иккинчи ўринда, кўпгина рангли металлар, фосфат ўғитлар, хромит ва б. Ф. қ. запаси қазиб чиқариш ва ишлаб чиқариш бўйича етакчи ўринда.

Саноат ишлаб чиқаришининг ўсиши натижасида кўп мамлакатларда минерал ресурсларга бўлган талаб ўсяпти. Бутун дунё тог-кон саноати ишлаб чиқариши йилига 4—8% ўсмоқда. 1951—70 йилларда дунё бўйича нефть ишлаб чиқариш 4,5 марта, табиий газ 5 мартадан кўпроқ, темир рудаси деярли 3 марта, кўмир 1,6 марта, цемент ишлаб чиқариш 3,5 марта ўсди. Шу давр давомида капиталистик ва тараққий этган мамлакатларда рангли металлар ишлаб чиқариш (қўрғошин — 1,6 марта, мис ва рух 2,2 марта, никель 3,9 марта, молибден 5 марта, алюминий 6 марта, магний, 9,6 марта) ўсди.

70-йилларда дунё бўйича 6,5 млрд. *т* кўмир, нефть ва газ (шартли ёқилғи ҳисобида) қазиб чиқарилиб, 2 мингинчи йилларда 20—25 млрд. *т* ёқилғи минерал ресурслар қазиб чиқариш лозим бўлади. 1970 йили 400 млн. *т* га яқин темир (рудадаги соф металл) қазиб чиқарилди, 20-аср охирига келиб эса йилига 1 млрд. *т* дан ортиқ темир қазиб чиқарилади.

Минерал бойликлар, кўп табиий ресурслардан фарқли равишда қайтадан тикланмайди. Шу боисдан ҳам минерал хом ашёлардан тобора кўпроқ самарали ва комплекс фойдаланиш, шунингдек, уларни қазиш ва ишлаб чиқаришда исрофгарчиликни кескин камайтириш масаласи тобора муҳим бўлиб бормоқда. Комплекс рудаларни ишлаб чиқаришда фақат асосий комплексларни қазиб чиқариш б-н чекланмаслик лозим. Мас., темир рудаларининг кўпидан кобальт, никель, титан, ванадий, фосфор ва б. қимматбаҳо элементлар ҳам ажратиб олиш мумкин. Янги техникада зарур бўлган деярли барча нодир ер ва тарқоқ элементлар табиатда алоҳида конлар ҳосил қилмайди, улар рангли металл рудаларини комплекс қайта ишлаш натижасидагина олиниши мумкин. Кўпгина табиий газ конларида бўладиган йўлдош ёнувчи нефть гази, шунингдек, олтингугурт ва гелийдан фойдаланиш муҳим иқтисодий аҳамиятга эга.

Мавжуд техника кучи етадиган чуқурликда янги конлар очилиш эҳтимоли камаймоқда, шу туфайли Ф. қ. қазиб чиқариладиган жой чуқурлигини ошириш б-н бирга, кам таркибли, кам ёки қийин бойитиладиган рудали Ф. қ. конларини ишга тушириш кенг ёйилмоқда. Дунё океани сувлари ва ер ости шўр сувлари минерал хом ашёнинг муҳим резервлари ҳисобланади. (113-бетдаги вкл. қ.).

Ад.: Смирнов В. И., Геология полезных ископаемых, 2 изд., М., 1969; Татаринов П. М., Условия образования месторождений рудных и нерудных полезных ископаемых, 2 изд., М., 1963; Курс месторождений неметаллических полезных ископаемых, М., 1969; Матвеев А. К., Геология угольных бассейнов и месторождений СССР, М., 1960; Еременко Н. А., Геология нефти и газа, 2 изд., М., 1968; Линдгрен В., Минеральные месторождения, Пер. с англ., вып. 1—3, М., 1934—35; Шнейдерхен Г., Рудные месторождения, Пер. с нем., под. ред., В. И. Смирнова, М., 1958; Быховер Н. А., Экономика минерального сырья, т. 1—3, М., 1967—71; Мирлин Г. А. Минеральные богатства СССР. «Плановое хозяйство», 1972, № 11; Курс месторождений твердых полезных ископаемых, Л., 1975.

ФОЙДАЛИ ҚАЗИЛМАЛАРНИ БОЙИТИШ — кимё саноати ва металлургия учун техник ва иқтисодий жиҳатдан яроқли бўлган маҳсулотларни ажратиб олиш мақсадида қаттиқ минерал хом ашёларга дастлабки ишлов бериш процесслари мажмуи. Минералларни улар-



Фок В. А.

нинг кимёвий таркибини, структурасини ёки агрегат ҳолатини ўзгартирмай ажратиш процесслари ҳам Ф. қ. б. га киради.


Бойитиш қуйидагича олиб борилади: дастлабки материал майдаланади (қ. *Майдалаш*). Агар олинадиган фойдали қазилма ифлос бўлса, у сув б-н ювилади, сўнг сувсизлантирилади, кераксиз қўшимчалар ташлаб юборилади ва тайёр концентрат олинади. Ф. қ. б. нинг *гравитацион бойитиш*, магнитли бойитиш, *флотация*, электр сепарация каби усуллари бор (яна қ. *Сепаратор*).

Кимё ва металлургия саноат процесслари бойитилган фойдали компонентлардан иборат маҳсулот — концентрати қайта ишлашга асосланган. СССРда турли рудаларни бойитадиган юзлаб ф-калар бор. Уларнинг кўпида кунига 25 минг *т* дан ортиқ рудага ишлов берилади (яна қ. *Рудаларни бойитиш*).

ФОЙДАЛИ ҚАЗИЛМАЛАРНИ ҚАЗИБ ОЛИШ — қаттиқ, суюқ ва газсимон фойдали қазилмаларни ер бағридан чиқариш. Қаттиқ қазилмалар очиқ (қ. *Очиқ усулда қазиш*) ва ер ости усулида қазилади (қ. *Кўмир қазиш, Руда конларини қазиш*). Суюқ фойдали қазилмалар ва табиий газ ер юзасидан туриб, бурғиланадиган қудуқлар орқали чиқариб олинади (қ. *Бурғи ковак, Бурғилаш, Нефть* ва б.).

20-асрнинг 60-йилларидан бошлаб қаттиқ фойдали қазилмалар (олтин, қалай, олмос, цирконий, монацит, ильменит ва б.) ни сув (денгиз) остидан қазиб олиш усуллари ривожланди. Нефть ҳам шу йўл б-н чиқарилмоқда. Сув остида қазишнинг тўрт усули бор: I — денгизнинг маълум қисмини тош ва тупроққа тўлдириб, қазилма бойликларини қуруқликдаги каби қазиб олиш (мас., Каспий денгизининг Биби-Эйбат қўлтиғида шундай қилинган); II — дамбалар қуриб, денгизнинг маълум қисмидаги сувни кучли насослар б-н чиқариб, сўнг қазиш; III — денгиз қирғоғи яқинидан қиялатиб қудуқлар бурғилаш ва шу қудуқ орқали қазилма (мас., нефть) олиш; IV — сув ҳавзаси ўртасига ёғоч ва металл конструкциялар қуриб, қудуқлар қазиш ёки *драга* ҳамда сузувчи *землесос*дан фойдаланиш.

Фойдали қазилмалар сув ёрдамида ҳам қазиб олинади. Мас., кўмир қазишда ер сирти ва остида жойлаштирилган насос *1* лар (расмга қ.) ер ости сувини иншоот *2* ва резервуар *18* ларга йиғади ва уни юқори босим б-н қувур *3* лар орқали *гидромонитор 5* ларга узатади. Қувурдаги гидрозулфин *4* гидромониторга кетаётган сув миқдорини ростлаб туради. Натижада керакли босим ҳосил бўлиб, кўмир қатламига урилади ва уни қўпоради. Қўпорилган кўмир сув б-н аралашиб, пульпа забой остига ётқизилган нов *6* лар орқали майдалагич *7* га келиб тушади. Майдалагич йирик кўмир бўлакларини майдалаб, пульпани зумпф *8* га узатади. Сўргич *9* пульпани юқори горизонтларда (кўп горизонтли шахталарда) жойлашган шлюзли таъминловчи клапан *10* лар б-н қуюқлаштирувчи қурилма *12* га кўтариб беради. Марказий бойитиш фабрикасига тушган пульпа тиндиргич *13*, центрифуга *14* ва қуритгич *15* ларда қуритилиб, юклаш бункери *16* да йиғилади. Ундан истеъмолчиларга жўнатилади. Тиндиргич ва центрифугадан чиққан сув эса резервуарга йўналтирилиб, цикл қайтадан бошланади.



Сув ёрдамида кўмир қазиш.

ФОК Владимир Александрович (1898. 10 (22). 12, Петербург — 1974. 27. 12, Ленинград) — совет физиги, СССР ФА акад. (1939; 1932 йилдан мухбир аъзоси), Социалистик Меҳнат Қаҳрамони (1968). Петроград ун-тини тугатган (1922). Давлат Оптика ин-ти илмий ходими (1919—23 ва 1928—41), Ленинград ун-ти проф. (1932 йилдан). Ленинград Физика-техника ин-ти (1924—36), СССР ФА Физика ин-ти (1934—41 ва 1944—53), СССР ФА Физика проблемалари ин-тида (1954—64) илмий ходим.

Асосий илмий ишлари *тортишиш* назарияси, назарий оптика, *квант механика, квант электродинамика*, ёруғликнинг дифракция назарияси, радиотўлқинларнинг тарқалиши, умумий нисбийлик назарияси, математика ва математик физикага оид.

1926 йилда Ф. квант механиканинг тўлқин тенгламасини магнит майдони учун умумлаштириб, биринчи бўлиб спинсиз зарралар учун релятивистик скаляр тенгламани топди (швед физиги О. Клейн ва немис физиги В. Гордондан мустақил равишда, Клейн-Гордон-Фок методи). Кўп электронли системаларнинг асосий характеристикасини аниқлашга имкон берувчи ҳисоблаш методини (Хартри-Фок методи, 1930), «Фокнинг функциялар методи»ни яратди (1934). Ф. квант механика, нисбийлик назарияси, радиотўлқинларнинг тарқалиши масалаларига оид қатор фундаментал тадқиқотлар қилган. Ленин мукофоти (1960), СССР Давлат мукофоти (1946) лауреати. 4 марта Ленин ордени, Меҳнат Қизил Байроқ ордени ва медаллар б-н мукофотланган.

ФОКСТРОТ (инг. fox — тулки ва trot — йўртиш, тез одим) — бал рақси. 1912 йили АҚШда ту-степ рақси ҳаракатлари асосида яратилган. Биринчи жаҳон уруши (1914—18) дан кейин Европада кенг тарқалди. Музика ўлчови $^4/_4$. 20-йиллар ўртасида «тез фокстрот» деб аталувчи квик-Ф. (ёки квикстеп) пайдо бўлди. Шундан сўнг асл Ф. суст, яъни слоу-Ф. деб юритилди. Ф. типик жаз шаклидир. Композиторлар ижоди (оперетта, театр, кино музикаси, баъзи қўшиқлар)да Ф. ритмларидан фойдаланилган.

ФОКУС (лат. focus — ўчоқ, олов) — оптикада параллел тарқалаётган нурлар оқими оптик системадан ўтганда улар кесишадиган нуқта. Агар нурлар системанинг оптик ўқига нисбатан параллел ўтаётган бўлса, Ф. шу ўқда жойлашган бўлади; бундай Ф. бош Ф. дейилади. Идеал оптик системада барча Ф. лар системанинг ўқига перпендикуляр текислик — фокал текисликда жойлашган. Реал системада эса Ф. фокал сиртда

жойлашади. Ҳар қайси оптик система иккита Ф. га эга: предмет жойлашган фазодаги олд Ф. ва тасвир ҳосил бўлган фазодаги орқа Ф. [яна қ. *Линза* (оптикада)].

ФОКУС (математикада) — 1) иккинчи тартибли эгри чизиқ (*эллипс, гипербола, парабола*)нинг фокуси ушбу эгри чизиқ текислигидаги шундай F нуқтаки, унда эгри чизиқдаги ҳар қандай нуқта б-н F орасидаги масофанинг *директриса*гача бўлган масофага нисбати ўзгармас ва бу нисбат *эксцентриситет*га тенг; 2) оддий дифференциал тенгламаларнинг махсус нуқталари турларидан бири; дифференциал тенгламанинг ечимини берадиган ва шундай махсус нуқта (Ф.) дан ўтадиган ҳамма чизиқлар — ўрамлари сони чексиз спираллардан иборат.

ФОКУС (нем. Hokuspokus сўзидан) — 1) тез, чаққон усуллар, ёрдамчи воситалар ва ш. к. б-н кўзни чалғитиш асосида томоша кўрсатиш; 2) кўчма маънода — ҳийлагарлик, усталик қилиш, ҳийла-найранг.

ФОКУС МАСОФАСИ — оптик системанинг бош *фокус*идан унга яқин бўлган асосий нуқтагача бўлган масофа.

ФОКУСЧИ — цирк ёки эстрраданинг *фокус* кўрсатувчи артисти, «кўз боғловчи». Махсус қутилар, соққа, карта, рўмолча ва б. турли нарсалар б-н фокус кўрсатади.

Урта Осиёда 15-асрда фокусчилик кенг ривож топди. 19-асрда Бухорода Тиллахон («Писта даҳан») ва унинг ўғли Мармархонлар, шунингдек, Узбекистоннинг турли шаҳар ва р-ларидаги бошқа кўпгина ўзбек Ф. лари ўз санъатлари б-н танилган. Ҳозир Узбекистонда республикада хизмат кўрсатган артист Х. Зарипова, М. Шаяхметов, Л. Усмонов, Р. Соҳибов ва б. таниқли Ф. лар бор (яна қ. *Иллюзионизм*).

ФОЛ (форс-тож. فال — олдиндан айтиш, топиш), ром — кишилар тақдирини, келажакни ёки номаълум воқеа ва ҳодисаларни «айтиб бериш» нинг сохта ҳар хил усуллари.

Ф. дастлаб ибтидоий жамоа давридаёқ пайдо бўлган. Овчилик, сўнгра чорвачиликнинг вужудга келиши б-н қушларнинг сайраши, учиши, ҳаракатларига қараб Ф. кўриш расм бўла бошлади. Ибтидоий деҳқончилик пайдо бўлган даврда юлдузларга қараб Ф. кўриш тарқалди; кейинчалик бундай Ф. кўриш негизида сохта фан — *астрология* юзага келди. Ф. бобилликлар, этрусклар, юнонлар ва б. қадимги халқларда кенг тарқалган эди.

Ф. кўриш б-н махсус кишилар — фолбинлар шуғулланганлар. Кўпгина халқларда фолбинлар суяклар, дон-дуккакли ўсимликларнинг мевалари, ёнғоқ, қўй қумалоғи ва ш. к. лар ёрдамида Ф. очганлар. Ўрта Осиё халқларида Ф. очишда Ф. очтирувчининг томирини ушлаб, номини такрорлаш ёки бошқа сўзлар айтиш, майда тошлардан фойдаланиш ёхуд пиёладаги сувга пахта ташлаш каби усуллар қўлланилган. Кейинги даврларда картага ва қўл кафтининг чизиқларига қараб Ф. очиш кенг тарқалди. Ф. нинг ҳозирги кунга қадар сақланиб қолган энг қадимги кўриниши тушга қараб Ф. очишдир (қ. *Таъбирнома*). Ф. очиш негизида табиат ва одамларни бошқарувчи гайри табиий кучлар б-н алоқа боғлаб, номаълум воқеа ва ҳодисани англаш мумкин, деган диний тасаввурлар ётади (қ. *Илми рамал*). Ф. кўриш одатда одамларнинг нодонлиги ва бидъатга ишонишидан фойдаланадиган муттаҳам ва алдоқчилар қуролидир. Ҳозирги замон фани ва маданиятининг тараққиёти натижасида Ф. га ишонувчилар камайиб бормоқда.

ФОЛАТ КИСЛОТА (лат. folium — варақ) — витамин Вс, птероил-глутамот кислота. В группасидан бўлган витамин (қ. *Витаминлар*).

ФОЛКЛЕНД ОРОЛЛАРИ, Мальвин ороллари — Атлантика океанининг жанубигарбий қисмидаги архипелаг. 2 та катта ва 200 та майда ороллар ҳамда қоятошлардан иборат. Буюк Британия б-н Аргентина ўртасидаги талаш терр-я. Майдони 12 минг *км*². Аҳолиси 1,9 миг киши (1973). Ороллар, асосан, метаморфик ва чўкинди жинслардан таркиб топган. Энг баланд жойи 706 *м* (Адам чўққиси). Иқлими совуқроқ, океан иқлими. Ойлик ўртача т-ра 2—10°. Йиллик ёғин 700 *мм*. Кучли шамоллар эсади, тез-тез туман тушади. Ўтлоқ ва верескзорлар, торфли ботқоқликлар бор. Денгиз қушлари кўп. Қўй боқилади. Балиқ ва денгиз ҳайвонлари овланади. Маъмурий маркази — Порт-Стэнли. Ф. о. ни инглиз денгизчи сайёҳи Ж. Дейвис 1592 йилда кашф қилган.

ФОЛКЛЕНД ОҚИМИ — Атлантика океанидаги совуқ юза оқим. Жанубий Америка қирғоқлари яқинидан ўтади. Ғарбий Шамоллар номли оқимнинг тармоғи. Фолкленд оролларидан бошланиб Ла-Плата қўлтиғигача давом этади. Тезлиги соатига 1—2 *км*. Сувининг ўртача т-раси қишда 4—10°, ёзда 8—15°. Оқим кўплаб айсберглар олиб келади.

ФОЛКНЕР Уильям (1897. 25. 9, Нью-Олбани — 1962. 6. 7, Оксфорд) — америка ёзувчиси. 20-аср жаҳон адабиёти классикларидан; танқидий реализм вакили. Зодагон-ер эгалари оиласидан чиққан. Биринчи жаҳон уруши йиллари (1914—18) да Канада авиациясида хизмат қилган, лекин ҳарбий ҳаракатларда қатнашмаган. Миссисипи ун-тида ўқиган (1919). Биринчи шеърлар китоби — «Мармар фавн» 1924 йилда босилган. «Сарторис», «Шовқин ва нафрат» (1929) романларида мамлакатнинг жанубий қисмидаги фермерлар ҳаёти, ижтимоий муносабатларнинг таназзули акс эттирилган. Гангстерлар жинояти тарихидан баҳс этувчи «Муқаддас дарғоҳ» (1931) асари босилгач, Ф. *Голливуд*га сценарийчи-консультант сифатида чақирилди. «Август ёғдуси» (1932) романида ирқчилик ва пуританлик принципларининг салбий оқибатлари очиб ташланди. «Авессалом, Авессалом» (1936) романида жанубда плантаторларнинг «янги династия»сини яратиш учун бўлган ҳаракатларнинг оқибатсизлиги кўрсатилган. Ф. нинг «Қишлоқча» (1940), «Шаҳар» (1957), «Қўрғонча» трилогиясида Сноупслар авлоди ҳаёти мисолида АҚШнинг жанубида буржуа муносабатларининг шаклланиши акс эттирилган. «Бу, ўн учлар» (1931), «Кел, Мусо» (1942) тўпламларига киритилган кўпчилик ҳикоя ва новеллалари ҳам муҳим ижтимоий-ахлоқий масалаларга, мамлакат жанубидаги негрларнинг аянчли аҳволини кўрсатишга бағишланган. Умуман, Ф. ижодида икки нарса — негрларни қул қилиб ишлатиш ва ерга хусусий мулкчилик АҚШдаги капитализм тараққиётининг энг разил томонлари сифатида яққол фош этилади. Ф. ижоди Америка меҳнаткашларининг ўтмиши, бугуни ва келажаги б-н мустаҳкам боғланган, унинг истиқболига ишонч руҳи б-н суғорилган.

Деярли барча асарлари рус тилига таржима қилинган. Нобель мукофоти лауреати (1949).

Ад.: Мендельсон М., У. Фолкнер, унинг «Современный американский роман» китобида, М., 1964; Палиевский П. В., Путь У. Фолкнера к реализму. Америка Фолкнера. Фолкнер и Камю, унинг «Пути реализма» китобида, М., 1974.

ФОЛЛИКУЛИН (Folliculinum), эстрон — аёллар жинсий гормони. Ҳомиладор аёллар ёки бўғоз ҳайвонлар сийдигидан олинади. Сувда эримайдиган, эфирда, ацетонда ва ёғда яхши эрийдиган кристалл модда. Тухумдонлар функцияси етишмовчилигида, аёллар жинсий органлари етарли ривожланмаганида, бирламчи ва иккиламчи аменорреяда буюрилади. Ёғли эритма ҳолида ампулаларда 1 *мл* дан чиқарилади.

ФОЛЛИКУЛИТ — тук халтачаси (фолликула)нинг яллиғланиши. Асосан, стафилококклар қўзғатади. Бунда зарарланган тери дастлаб қизариб, шишади. Кейин унда учи йирингли тугунча пайдо бўлади. Фақат тук халтачаси усти яллиғланиши юза Ф. (қ. *Сизлоғич*), тук халтачаси ва унинг атрофидаги тўқиманинг яллиғланиши чуқур Ф. (қ. *Чипқон*)га сабаб бўлади.

ФОЛЬКЛОР (инглз. folk — халқ, lore — билим, донолик) — халқ ижодини ифодаловчи термин. Фанга 1846 йилда инглиз археологи У. Ж. Томс олиб кирган. 1880—90 йиллардан Ф. термини кўплаб мамлакатларда, жумладан Россияда ҳам қўлланила бошлаган (қ. *Халқ ижоди, Фольклоршунослик*).

ФОЛЬКЛОРШУНОСЛИК — *халқ ижоди* ҳақидаги фан. Ф. турли даврларда ва турли мамлакатларда этнография, адабиётшунослик, музикашунослик, антропология ва социологиянинг бир қисми сифатида қаралиб келган. Кейинчалик халқ санъатини (халқ оғзаки ижоди, музика фольклори, рақси, театри, цирки каби) ўрганувчи мустақил ва махсус фан сифатида ривожланади. Филология ва санъатшунослик фанлари б-н узвий боғлиқдир. Ф. нинг асослари қадимги дунё эстетик тафаккурига бориб тақалади. Қадимги дунё сайёҳлари ва тарихчиларининг афсона ва ривоятлар, турли урф-одат ва маросимлар ҳақидаги қайдлари, ёзувчи ва бастакорларнинг фольклор тўғрисидаги дастлабки фикрлари Ф. учун муҳимдир. Туркий халқларда фольклор материалларини ёзиб олиш бўйича дастлабки тажрибалар 11-асрдан бошлаб кўзга ташланади (*Маҳмуд Қошғарий*нинг «Девону луғотит турк» асаридаги фольклор материаллари). Шу б-н бирга, ёзувчи ва шоирлар томонидан эртаклар, мифлар, афсона ва ривоятларни қайта ишлаш жараёни ҳам бошланди. 18- аср ва 19- аср бошларида фольклорга нисбатан илмий қизиқишнинг кучайиши, халқ оғзаки ижоди материалларини тўплаш ва нашр этиш жадал ривожланиши б-н боғлиқ ҳолда уни чинакамига ўрганиш бошланди. Натижада Европа ва Россия фольклоршунослигида турли йўналишлар, мактаблар юзага келди. Шундай мактаблардан бири мифологик мактаб бўлиб, фольклор жанрларининг юзага келишини қадимий мифларга боғлайди, унинг ижтимоий аҳамиятини инкор этади. Мифологларга қарши маърифатпарварлар кураш олиб бордилар, улар феодализм даврида фольклорнинг демократик ва синкретик характерини, ундаги умуминсоний ва миллий хусусиятлар, бирлигини, тарихий чекланганлигини кўрсатдилар. Булар рус революцион демократларининг материалистик эстетикага асосланган қарашларида янада ривожлантирилди.



Ўзбек фольклоршунослиги бўйича нашр қилинган ишлардан намуналар.

19-аср ўрталаридан бошлаб фольклорни илмий принциплар асосида тўплаш ва нашр этишнинг янада кучайиши Ф. да янги йўналиш — «сайёр сюжетлар» назариясини юзага келтирди. Бу назария тарафдорлари ўхшаш сюжет, мотив ва образлардаги мураккаб жараёнларни ҳисобга олмай, уларни бир халқдан иккинчи халқнинг шунчаки ўзлаштириши деб, бир ёқлама талқин қилдилар. Антропологик мактаб тарафдорлари эса, халқ ижодидаги ўхшаш ҳодисаларни турли миллат ва ирқларнинг биологик ўхшашлиги, психологик қонунларнинг умумийлиги б-н изоҳламоқчи бўлдилар. Ижтимоий ҳодисаларни бундай биологик қонунлар асосида тушунтиришга уриниш ҳозирги замон буржуа фольклоршунослигида турли-туман оқимларни (фрейдизм, неомифологизм ва б.) юзага келтирди. Буржуа фольклоршунослигида ҳам тарихий мактаб юзага келди. Фольклорни халқ тарихи б-н боғлиқ ҳолда ўрганишда бу мактаб вакиллари катта ишлар қилдилар, бироқ жиддий хатоларга ҳам йўл қўйдилар. Фольклорни аристократия синфи яратади ва унинг келиб чиқиши диний-мистик қарашлар б-н боғлиқ, деган назария бу мактаб вакилларининг энг реакцион қарашидир.

Фольклор асарлари сюжетларининг тарихий-географик тарқалиш *ареали*ни белгилаш, уларни классификация қилиш, системалаштириш ва каталоглаштиришда фин мактаби вакиллари ҳам бирмунча ютуқларга эришдилар.

Халқ ижодини материалистик ўрганиш К. Маркс, Ф. Энгельс, В. И. Ленин асарларида бошланди. П. Лафарг, К. Цеткин, Г. В. Плеханов, А. В. Луначарский, М. Горький ва б. фольклорни марксистик асосда ўрганишга катта ҳисса қўшдилар. Совет фольклоршунослиги янги методологияни ўзлаштиришдаги қийинчиликлар ва курашлар жараёнида шаклланди. М. О. Авезов, М. К. Азадовский, Б. В. Асафев, А. М. Астахова, П. Г. Богатирев, В. М. Жирмунский, Ҳ. Т. Зарифов, С. Ф. Ольденбург, В. Я. Пропп, Б. М. ва Ю. М. Соколовлар ва б. нинг асарлари фольклоршуносликни шакллантириш ва тараққий эттиришда катта аҳамиятга эга бўлди. М. И. Глинка, М. П. Мусоргский ва б. эса музика фольклорини ривожлантиришда муҳим роль ўйнадилар.

Ҳозирги пайтда СССРда марказий ҳамда иттифоқдош республикалар ва ўлкалардаги тегишли ин-тларда фольклор секторлари мавжуд. Уларнинг ишини СССР ФА Тил ва адабиёт бўлими ҳузуридаги фольклор бўйича Илмий кенгаш координация қилади. СССР Композиторлар союзи қошида Бутуниттифоқ фольклор комиссияси ишлайди. Шунингдек, турли мамлакатларда халқаро ёки муайян регион бўйича ҳар хил жамиятлар ҳам бор. Мас., ЮНЕСКО ҳузуридаги Этнология ва фольклор халқаро жамияти, Халқ музикаси Халқаро кенгаши, Фольклор ўртоқлик жамияти кабилар шундай илмий ташкилотлардир.

Октябрь инқилоби ўзбек фольклоршунослиги тараққиётида муҳим роль ўйнади. Унинг ривожланишидаги дастлабки босқич (1917—1925 йиллар) марксча-ленинча методологияни, ўша давр шарқшунослиги ва ўлкашунослиги эришган ютуқларни изчиллик б-н ўзлаштиришга интилиш, фольклор материалларини жадал жамлаш, халқ ҳаёти ва маиший турмушининг барча томонларига кириб боришига уриниш б-н характерланди. Бунда Фози Олим, Ғулом Зафарий ва Элбекларнинг фаолиятлари муҳим аҳамиятга эга бўлди. 20- йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб яна ҳам жиддий ютуқлар қўлга киритилди. *Эргаш Жуманбулбул ўғли, Фозил Йўлдош ўғли,* Пўлкан шоир каби атоқли достончилар майдонга чиқди. Улар ижросида биринчи марта эпик асарлар тўла ёзиб олина бошлади, халқ санъаткорларига ижодкор сифатида қараб, оригинал кузатишлар олиб борилди. Бу ишда ўзбек совет фольклористикасининг асосчиси Ҳоди Зарифовнинг дастлабки илмий ижоди салмоқли бўлди; ўзбек фольклоршунослиги ўзининг мустаҳкам илмий йўналишига эга бўла бошлади, унинг асоси яратила бошлади.

30- йилларда Ф. га Б. Каримов, Ш. Ражабов, М. Афзалов, М. Алавия каби ёш фольклоршунослар келиб қўшилдилар. Бу даврда совет даври фольклорини тўплаш ва ўрганишга, бир қатор эпик асарлар ҳамда халқ ижоди намуналарини нашр этишга алоҳида эътибор берилди, фольклор бўйича хрестоматия ва ўқув қўлланмалари тузилди. Музика халқ санъатини ўрганишда эса В. *Успенский,* Е. *Романовская,* Н. *Миронов,* Илёс *Акбаров, Юнус Ражабий* ва б. нинг ҳиссалари катта (қ. *Музика, Музикашунослик*).

Улуғ Ватан уруши йилларида совет жангчиларини ватанпарварлик ва қаҳрамонлик руҳида тарбиялашга хизмат қилувчи фольклор асарларига катта аҳамият берилганлиги бу давр фольклористикасининг муҳим хусусиятидир. В. М. Жирмунский ва Ҳ. Зарифовларнинг «Ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси» китоби яратилди ва Москвада нашр этилди (1947, муфассал баёни 1958 йилда ГДРда немис тилида ҳам босилиб чиқди). Бу даврда халқ театри, рақси ва томоша санъати (цирки)ни ўрганиш бошланди. Ғ. Зафарий, А. Қодирий, М. Гаврилов, А. Боровков, А. Троицкая, Е. Бахта ва б. бу соҳада самарали ижод қилдилар.

Улуғ Ватан урушидан кейин, хусусан, 60—70- йилларда ўзбек фольклоршунослигининг текшириш объекти янада кенгайди, эътибордан четда қолиб келаётган айрим фольклор жанрлари бўйича жиддий ишлар қилинди. Бу соҳада Т. Мирзаев, М. Алавия, З. Ҳусаинова, Т. Ғозибоев, О. Собиров, Ҳ. Раззоқов, Ж. Қобулниёзов, М. Саидов, М. Муродов, Ё. Жўраев, Р. Муҳаммадиев, Т. Очилов, Ғ. Жалолов, С. Асқаров, К. Имомов, Ғ. Жаҳонгиров, Б. Саримсоқов ва б. олимлар самарали ижод қилдилар. Бу йилларда «Ўзбек халқ достонларида бадиий маҳорат», «Алпомиш» достонининг ўзбекча вариантлари», «Ўзбек халқ эртаклари ҳақида», «Ўзбек сатирик эртаклари», «Эртаклар поэтикаси», «Ўзбек топишмоқлари», «Аския», «Ўзбек халқ чолғу куйлари», «Ўзбек совет фольклорининг ривожланиш йўллари», «Ўзбек совет фольклори очерки» каби монографик тадқиқотлар яратилди. Санъатшунос олимлар Ф. Қароматов («Ўзбек чолғу музикаси»), М. Қодиров («Халқ театри анъаналари») ва б. халқ музикасини, халқ театрини ўрганишга, Ўзбекистонда музика ва театр фольклористикасининг ривожланишига муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Р. Каримова эса («Фаргона халқ рақслари») халқ рақсини ёзиб олиш ва системалаштиришда самарали иш олиб бораётир.

Ад.: Чичеров В. И., Маркс-Энгельс о фольклоре. Библиографич. материалы, «Сов. фольклор», 1936, № 4—5; Бонч-Бруевич В. Д., В. И. Ленин об устном нар творчестве, «Сов. этнография», 1954, № 4; Гусев В. Е., Марксизм и рус. фольклористика кон. XIX — нач. XX в., М.—Л., 1961; Ленинское наследие и изучение фольклора, Л., 1970; Соколов Ю. М., Русский фольклор, М., 1941; Азадовский М. К., История русской фольклористики, т. 1—2, М., 1958—63; Ҳоди Зариф, Ўзбек фольклористикаси тарихидан, «Ўзбек совет фольклори масалалари» тўпламида, Т., 1970; Землянова Л. М., Современная американская фольклористика, М., 1975; Романовская Е. Е., Статьи и доклады. Записки музыкального фольклора, Т., 1957; Беляев В. М., Музыкальные инструменты Узб-на, М., 1933; Кароматов Ф., Узбекская инструментальная музыка, Т., 1972; Миронов Н. Н., Музыка узбеков, Т.— Самарканд, 1931; Музыкальная фольклористика в Узбекистане, (под. ред. Беляева), Т., 1963; Кароматов Ф., Из истории музыкальной фольклористики в Узбекистане, Проблемы музыкальной культуры Узбекистана» тўпламида, Т., 1963.



Фоменко И. И.

«ФОЛЬКСШТИММЕ» («Volksstimme»—«Халқ овози») — кундалик газета. Австрия КП нинг марказий органи. 1945 йил августдан Венада нашр этилади. Ички ва ташқи ахборотлар, партиянинг расмий ҳужжатларини эълон қилади. Меҳнаткашларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини изчиллик б-н ҳимоя қилади.

ФОМА АКВИНСКИЙ, Фома Аквинат (1225, Акуино яқинидаги Роккасекка қалъаси, Жанубий Италия — 1274. 7. 3, Фоссануова монастири, Жанубий Италия) — ўрта аср философи, илоҳиётчиси, *томизм* асосчиси, ортодоксал схоластикани системалаштирувчилардан. Неаполь (1239—44), Париж (1245—48), Кёльн (1248—52) ун-тларида ўқиган. Париж ун-тининг д-ри (1257), Кёльн, Рим ва Неаполь ун-тларида дарс берган. 1323 йилдан авлиё деб эълон қилинган. Ф. А. таълимоти асосан «Илоҳиёт мажмуаси» (1265—73), «Мажусийларга қарши мажмуа» (1261—64) асарларида баён қилинган.

Ф. А. философиясининг асосий принципи диний эътиқод б-н ақлни уйғунлаштиришдан иборат. У Аристотелга эргашган ҳолда худони ҳамма нарсаларнинг биринчи сабабчиси, «соф шакл» сифатида тасвирлайди. Билиш назариясида умумийлик реал мавжуд деб, реализм позициясида турган. Унинг фикрича, инсон икки хил: ҳиссий ва интеллект билиш қобилиятига эга, киши тушунчалари нарсаларга қай даражада мос келиши ёки келмаслигига қараб ҳақиқатга яқинлашади ёки ундан узоқлашади. Бутун мавжудотни Ф. А. «худо яратган» иерархик (поғонали) тартибга жойлаштиради. Бу тартиб феодализм давридаги черков тузилишини акс эттирарди.

Ф. А. нинг диний-фалсафий системаси 14-аср ортодоксал схоластика тараққиётининг юқори чўққиси бўлиб майдонга чиқди. 19- асрнинг 2- ярмидан Ф. А. таълимоти католицизмнинг бирдан-бир ҳақиқий философияси деб эълон қилиниб, *неотомизм*га асос бўлди.

Ад.: Боргош Ю., Фома Аквинский, (пер. с польс.), 2 изд., М., 1975; Гараджа В. И., Проблемы веры и знания в томизме, «Вопросы философии» 1963, № 9.

ФОМАЛЬГАУТ — *Жанубий Балиқ* юлдуз туркумининг энг равшан α юлдузи; Қуёшдан 14 марта ёруғ бўлиб, ундан 22 ёруғлик йилича узоқликда. Ф. нинг визуаль юлдуз катталиги 1, 2. Ф. СССРнинг жанубий р-ларида ёз охири ва кузда кўринади.

ФОМЕНКО Иван Иванович (1904. 13. 4, Самара) — пианиночи-концертмейстер, УзССР халқ артисти (1967). Тошкент давлат музика билим юртини тугатган (1931). 1920 йилдан Тошкентда. Дастлаб «Хива» кинотеатрида кинофильмлар сеансларида тасвирловчи-пианиночи, Ўзбек давлат эстрада ва цирк бирлашмасида



Фоменко И. П.

пианиночи (1924—36), Ўзбек давлат филармониясида концертмейстер-пианиночи (1936—72). 1972 йилдан Тошкент Давлат консерваториясининг доценти. Улуғ Ватан уруши йиллари Тамарахоним ансамбли концертларида қатнашган. Ўзбек адабиёти ва санъати декадалари иштирокчиси (Москва, 1937, 1951). Ф. кўпгина чет эл гастролларида бўлган. 1964 йилдан шахсий пенсионер, лекин фаолиятини давом эттирмоқда.

ФОМЕНКО Игнат Профирьевич (1891—1919. 20. 1, Тошкент) — *туркистонлик ўн тўрт комиссар*нинг бири. Туркистонда Октябрь рев-яси ва гражданлар уруши қатнашчиси. Қамбағал деҳқон оиласида туғилган. Дастлаб матбаачи-ишчи бўлган. 1914 йили подшо армиясига чақирилган. Солдатлар ўртасида революцион иш олиб борган. 1917 йили Туркистонга келиб, Самарқандда Октябрь рев-ясида қатнашган. Рев-ядан сўнг Самарқанд обл. советининг, шу жумладан Фавқулодда қидирув комиссиясининг раҳбарларидан бири. У. ТуркКП 1-съезди делегати. 1918—19 йиллари Ф. Туркистон Фавқулодда қидирув комиссиясининг раиси. 1919 йили Тошкентда *Осипов исёни* даврида ваҳшиёна ўлдирилган. Тошкент ва Самарқанддаги биттадан кўча унинг номи б-н аталган.

ФОМИН Иван Александрович (1872. 22. 1 (3. 2), Орёл—1936. 12. 6, Москва) — рус совет архитектори, архитектура тарихчиси. Петербург Бадиий академиясида таълим олган (1894—1909, узилиш б-н). 1915 йилдан академик. Рев-ядан олдинги ижодида рус архитектурасида классицизмнинг прогрессив принципларини ривожлантирган. И. Э. Грабарь таҳрири остида нашр қилинган кўп жилдли «Рус санъати тарихи»ни нашр этишда (1908 йилдан) қатнашган. «Архитектура тарихий кўргазмаси» (1911, Петербург)нинг ташкилотчиларидан бири. Октябрь рев-ясидан кейин архитектура бўйича ўтказилган конкурсларда қатнашди, педагоглик қилди. Москвада «Динамо» жамияти уйи (1928—30, А. Я. Лангман б-н ҳамкорликда), Киевда УССР Министрлар Совети уйи (1934—37, П. В. Абросимов б-н ҳамкорликда), Москва метрополитенининг «Қизил дарвоза» (1934—35), «Свердлов майдони» (1936—38) станциялари ва б. иншоотлар Ф. ижодининг энг яхши намуналари ҳисобланади. 1933 йилдан Моссовет қошидаги устахона-мактабга раҳбарлик қилган.

ФОН (лат. fundus — туб, асос), з а м и н — картина ва графика асари, *рельеф* ва *нақшда* асосий шаклнинг орқа плани, қўшимча тасвир. Картина ёки графика асарида воқеа, шахс тўғрисида қўшимча маълумот беришга хизмат қилади (мас., *Леонардо да Винчи, Рафаэль* каби буюк рассомлар портрет фонида манзара акс эттирганлар, бу б-н шахс яшаган муҳитни кўрсатганлар). Ф. томошабин кўз ўнгида масофа ҳақида ҳам тасаввур беришга хизмат қилади. Рельеф ва нақшда шаклнинг жозибадор чиқишига ёрдамчи восита бўлади. Асар ишланган материал, унинг туб ранги ҳам Ф. деб аталади.



И. А. Фомин. Собиқ Половцов уйи (ҳозир санаторий). Ленинград. 1911 — 13.

...ФОН, ...ФОНИЯ, ФОНО... (юнон. phone — товуш) — овоз, товушга алоқадорликни ифодаловчи қўшма сўз бўлаги (мас., *телефон*, стереофония, *фонограмма*).

ФОН — товуш қаттиқлиги даражасининг бирлиги. Турли частотадаги товушлар бир хил қаттиқликка эга бўлса-да, уларнинг интенсивлиги турлича бўлади. Товуш қаттиқлиги частотаси 1000 *гц* бўлган тоза тондаги товуш б-н солиштириб баҳоланади. 1 Ф.— частотаси 1000 *гц*, қаттиқлиги бўйича тенг, интенсивлиги бўйича 1 *децибелга* фарқ қилувчи иккита товушнинг қаттиқликлар даражаси айирмаси.

ФОН ТОҒЛАРИ — Помир-Олай системасидаги баланд тоғлар. Зарафшон ва Туркистон тизмалари оралиғида. Шимолдан Зарафшон водийси, ғарбдан Қиштут дарёси водийси ва шарқдан Фондарёнинг чуқур дарасимон водийси б-н чегарадош. Энг баланд жойи Чимтарға тоғи (5489 *м*). Ўртача баландликдаги қисмларида ўрмон, ўтлоқи дашт ландшафтлари асосий ўрин тутади, баланд тоғлар доимий қор ва музликлар, альп ва субальп ўтлоқлари б-н қопланган. Ён бағирларида яланг қоя ва қурумлар кўп. Январнинг ўртача т-раси —10°, —15°; июлники 10—15°. Ёзги яйлов сифатида фойдаланилади. Ф. т. дан Тошкент — Душанба автомобиль йўли ўтган.

ФОНВИЗИН Денис Иванович [1744. 3 (14). 4 ёки 1745, Москва — 1792. 1 (12). 12, Петербург] — рус ёзувчиси ва драматурги. Рус маърифатпарварлик реализмининг йирик вакилларидан. Дворян оиласида туғилган. Москва ун-ти қошидаги гимназияда ўқиган (1755—62). 1762 йили Ташқи ишлар Коллегиясига таржимон қилиб олингач, Петербургга келди. 1763—69 йилларда министр И. П. Елагининг секретари. Ф. эркин фикрловчи ёш офицерлар тўгараги б-н яқинлашди. Умумтаълим учун курашди, «маърифат йўли» б-н деҳқонларни озод қилмоқчи бўлди. У маърифатпарвар монархия тарафдори эди. 1763—66 йилларда «Хизматкоримга мактубим» ҳажвий асарини яратди. 1768—69 йилларда «Бригадир» сатирик комедиясини ёзди.

1769 йили Н. И. Панин раҳбарлигидаги Ташқи ишлар Коллегиясида секретарь бўлиб ишлади. 1777—78 йилларда Францияга борди. «Биринчи саёҳат хотиралари» асарида (1800) Франциядаги умуммиллий кризис тасвирланди. Ф. «Зарурий давлат қонунлари ҳақида мулоҳазалар» асарида (1780) Чор Россияси давлат тартибларини танқид қилди. Биринчи рус миллий комедияси —«Тентак» (Недоросль, 1783) да Россиядаги барча фалокатларнинг илдизи — крепостнойлик ҳуқуқи деб кўрсатди. Асар рус реалистик театри ҳамда комедияси тараққиётига кучли таъсир этди. 1784 йили «Граф Никита Иванович Панин ҳаёти» асарини имзосиз, француз тилида нашр эттирди. «Каллисфен» қиссаси (1786, имзосиз) Ф. нинг «маърифатпарвар» подшо ҳақидаги орзулари пучга чиққанлигини кўрсатди. 1789 йили ёза бошлаган автобиографик қиссаси тугалланмай қолди. Айрим асарлари ўзбек тилига таржима қилинган.

Ас.: Собр. соч., т. 1—2, М.—Л., 1959.
Ад.: Благой Д. Д., Д. И. Фонвизин, М., 1945; Кулакова Л. И., Д. И. Фонвизин, М.—Л., 1966.

ФОНД (лат. fundus — туб, асос)—1) муайян мақсадга мўлжалланган (мас., иш ҳақи фонди) ёки бирор нарсанинг асосий ресурсларини, запасларини ташкил этган маблағ ёки моддий воситалар (мас., кутубхона фонди); 2) ижодий ходимларга моддий ёрдам кўрсатувчи ташкилот ёки муассаса (мас., *СССР адабиёт фонди);* 3) капиталистик мамлакатларда ўқув юртлари харажатларини тўлиқ ёки қисман кўтариш, илмий планлар, кашфиёт ва ихтиролар, маданий ишларни амалга ошириш, мукофотлаш (мас., *Нобель мукофотлари*) учун мўлжаллаб ажратилган халқаро ёки миллий маблағлар.

ФОНДАРЁ, Ф а н д а р ё — ТожССРдаги дарё. Зарафшон дарёсининг чап ирмоғи. Ҳисор тизмасининг шимолий ён бағирларидан бошланадиган Яғнобдарё ва Искандардарёнинг қўшилишидан ҳосил бўлади. Узунлиги 24 *км* (Яғнобдарё бошланиш жойидан 140 *км*), ҳавзасининг майдони 3230 *км*². Бутун оқими давомида Зарафшон тизмасини кесиб, шимолий йўналишда дара ва каньонлардан иборат тор водийда, шаршаралар ҳосил қилиб, катта ўзанда оқади. Ф. музликлар, қор ва ёмғир сувларидан тўйинади. Сувининг 38% и март—июнь, 50% и июль—сентябрь, 12% и октябрь—февраль ойларига тўғри келади. Ўртача кўп йиллик сув сарфи 63 *м*³/*сек*, йиллик оқими 2 млрд. *м*³. Ҳар 1 *м*³ сувда ўртача 400 *г* лойқа бўлади. Асосий ирмоғи — Пасрудардё. Ф. водийсидан Тошкент—Душанба автомобиль йўли ўтган.

ФОНДЛАРНИНГ ЭСКИРИШИ — меҳнат унумдорлигининг ошиши ва *техника тараққиёти* натижасида асосий фондларнинг моддий тўзиши ва улар қийматининг маънавий жиҳатдан қадрсизланиши. Фондлар 2 хил йўл б-н (жисмоний ва маънавий) эскиради.

Ф о н д л а р н и н г ж и с м о н и й э с к и р и ш и, биринчидан, меҳнат воситалари ишлаб чиқариш жараёнида тез ва кўп ишлатилишига, иккинчидан (ишлатилишидан қатъи назар), табиат кучлари (об-ҳаво таъсири, материалларнинг ички тузилиши ўзгариши)га боғлиқ. Техника, машина ва б. меҳнат воситалари истеъмол қийматини йўқотиб, тўла жисмоний эскирганидан кейин темир-терсакка айланади. Жисмоний эскириш суръатини пасайтириш учун у хилма-хил (жорий, ўрта ва капитал) ремонт қилинади. Ремонтнинг турига кўра, фондларнинг емирилган истеъмол қиймати ва йўқотилган қиймати қисман ёки тўла тикланади. Капитал ва ўртача ремонт амортизация фонди, жорий ремонт эса оборот фонди ҳисобидан қилинади. *Асосий капитал*нинг (жумладан, техника воситалари ишлаб чиқариш жараёнида айланишининг) ўртача вақти ўтгач, у янги меҳнат воситалари б-н (тўла ёки қисман) алмаштирилади. Жонли меҳнат воситалари, мас., от қисман янгиланиши мумкин эмас, у фақат бошқаси б-н алмаштирилади.

Социализмда асосий фондлар капитал хусусиятидан холи бўлгани учун, жисмоний эскириш деганда, асосий капиталнинг айланиш жараёнида юз берадиган емирилиш эмас, балки ижтимоий мулк бўлган *асосий фонд*лар айланишида юз берадиган емирилиш тушунилади. Социализмда фондларнинг жисмоний емирилишини сусайтириш учун унинг сифатини, мустаҳкамлигини яхшилаш, ишлаш муддатини узайтириш тадбирлари кўрилади.

Ф о н д л а р н и н г м а ъ н а в и й э с к и р и ш и иккн хил шаклда намоён бўлади. Биринчидан, меҳнат унумдорлиги ошиши натижасида эски конструкцияда ишлаб чиқарилаётган машинанинг қиймати пасаяди. Оқибатда илгари ишлаб чиқарилган машина қисман қадрсизланади, қийматининг бир қисми ва истеъмол қиймати камаяди. Иккинчидан, техника тараққиёти натижасида эски ишлаб чиқарилаётган машинанинг конструкцияси ўзгаради; янги конструкциядаги машина меҳнат унумдорлигини янада оширишга имкон беради. Иқтисодий кризис ва илмий-техника революцияси даврида фондларнинг маънавий эскириши тезлашади.



Фонвизин Д. И.

Техника, жумладан, машина ва б. меҳнат воситаларининг қийматини янги товарлар қийматига кўчириш вақти қанча қисқа бўлса, уларнинг маънавий эскириши шунча кам бўлади. Капиталистлар ўз корхоналаридаги асосий капиталнинг жисмоний жиҳатдан эскирмаслиги учун ҳаракат қилади: улар иш кунини узайтириш, меҳнатни интенсивлаш, корхонани бир неча сменада ишлатиш каби усулларни қўллайдилар. Маънавий эскириш эксплуатация даражасининг кучайишига, капитализм зиддиятларининг чуқурлашувига олиб келади.

Асосий капиталнинг элементлари жисмоний ҳамда маънавий эскириб боради. Техника, машина ва воситаларининг эскиришини сусайтириш, уларнинг истеъмол қийматини сақлаб бориш учун хилма-хил ремонтлар қилинади (қ. *Амортизация фонди*).

Социализм шароитида ҳам асосий фондлар, меҳнат воситалари, жумладан, техника, машиналар маънавий жиҳатдан эскиради. Лекин у онгли, планли равишда рўй беради, чунки давлат илмий-техника тараққиётини, уни ишлаб чиқаришга жорий қилишни планлаштириб боради. Шу тариқа асосий фондларнинг янгиланиш муддатлари белгиланади.

Фан-техника ютуқларини кенг жорий қилиш асосий фондларнинг маънавий эскиришини тезлаштиради. Маънавий эскириш фондларнинг баҳосини вақт-вақти б-н қайта кўриб чиқишни тақозо қилади.

Ад.: Маркс К., Капитал, 1-, 3- т., Т., 1955, 1972; КПСС 25-съезднинг материаллари, Т., 1976; Совершенствование системы амортизации, М., 1971.

ФОНЕМА (юнон. phonema — товуш) — тил товуш тузилишининг асосий бирлиги; сўз ва *морфема*ларнинг энг кичик товуш бирлиги. Ф. сўз ва морфемаларнинг вужудга келишига, уларни бир-биридан ажратишга, маънони фарқлашга хизмат қилади. Мас., ўзбек тилида, *қ* фонемаси чуқур тил орқа, жарангсиз, портловчи, шовқинли товуш бўлиб, сирғалувчи, жарангли *ғ*, жарангсиз, сирғалувчи *ф* Ф. ларидан фарқланади. Ҳозирги ўзбек тилида 31 фонема бўлиб, шундан 6 таси унли, 25 таси ундошдир. Ф. ларнинг айтилиш шароитлари позиция дейилади. Ф. ни ўз *артикуляция*си б-н талқин этиш учун қулай шароит к у ч л и п о з и ц и я, қулай бўлмаган шароит к у ч с и з п о з и ц и я ҳисобланади. Ўзбек тилида унлилар олдидан келган ундошлар, кўпинча кучли позицияда (мас., тала, мола, қозон, тор, гор, кул), сўз охиридаги жарангли ва жарангсиз Ф. лар кучсиз позицияда (боб, боғ, қутлуғ, кабоб, қанд) бўлади. Баъзи тилларда бир ҳарф б-н икки Ф. акс эттирилиши мумкин. Мас., рус тилида 35

ундош Ф. бўлиб, улар ёзувда 20 ҳарф б-н ифодаланган. Шулардан 12 таси 24 Ф. ни яъни ҳар бири иккитадан — қаттиқ ва юмшоқ Ф. ларни ифодалаб келади: б ы л (бўлди) — б и л (урди), м а л (кичик), м я л (эзди, ғижимлади) каби.

Ад.: Азизов О. А., Тилшуносликка кириш, Т., 1963; Ахманова О. С., Словарь лингвистических терминов, М., 1966; Реформатский А. А., Введение в языковедение, 4 изд., М., 1967.

ФОНЕТИК-АЛФАВИТ ЁЗУВИ — алоҳида товуш ёки товуш типлари (*фонема*лар) ни ифодалаш учун қўлланадиган ва маълум тартибга солинган белгилар йиғиндиси; биринчи алфавит ёзув. Ф.-а. ё. пиктографик, идеографик ёзувлардан оддийлиги, белгиларининг камлиги, грамматик формаларни содда ифодалаши б-н фарқ қилади. Мил. ав. биринчи минг йилликда финикияликлар Ф.-а. ё. га эга бўлган. Унда финикияликлар тилидаги ундош товушлар учун алоҳида белгилар (ҳарфлар) қўлланган. Ҳар бир белги-ҳарф ўз номига эга бўлиб, улар маълум тартибда (алфавит тарзида) жойлаштирилган (яна қ. *Финикияликлар ёзуви*). Ф.-а. ё. кенг тарқалган бўлиб, у жаҳоннинг деярли барча халқларида қўлланади, хитой, япон ва б. айрим ёзувлар бундан мустасно (яна қ. *Езув*).

ФОНЕТИК ЖАРАЁНЛАР — нутқ товушларининг сўз ва гапда ёндош товуш таъсирида, сўзнинг қайси ўрнида келишига кўра, шунингдек, урғу таъсирида ўзгариши. Нутқ жараёнида юз берадиган ўзгаришнинг даражаси ва тури ҳар хил бўлади: *аккомодация, ассимиляция, диссимиляция, диэроза* (нутқ жараёнида у ёки бу товушнинг тушиб қолиши: гўшт>гўш), э п е н т е з а (нутқ жараёнида сўз ичида у ёки бу товушни қўшиб талаффуз қилиш. Мас., гуруч>гуруч, п р о т е з а (сўз бошига ёки охирига у ёки бу товушни қўшиб талаффуз қилиш. Мас., стул>устул), *гаплология* ва *метатеза* (тупроқ>турпоқ).

Позицион ўзгариш натижасида шовқинли ундошлар жарангсизланиши (китоб>китоп), сонор ундошга (этак>этай) ёки жарангли ундошга (билак>билаг) ўтиши мумкин. Бу ўзгаришлар, кўпинча сўз охирида юз беради. Унлилар орасида ундошлар, кўпинча пайдо бўлиш усулига кўра ўзгаради — портловчи ундошлар сирғалувчи ундошга айланади. Мас., юбор>ювар; сўз бошида ундошларнинг жаранглилик хусусияти анча сусаяди: дўппи>тўппи.

Сўздаги ўрнига кўра унли товушлар сифат ва миқдор хоссаларига кўра ўзаро фарқ қилади: очиқ бўғиндаги унли товуш ёпиқ бўғиндаги унли товушга нисбатан акустик томондан кучсизроқ, сўз бошидаги унли товуш сўз охиридаги унли товушга кўра қисқароқ талаффуз қилинади. Сўздаги ўрнига нисбатан миқдорий фарқ ундош товушларга ҳам тааллуқли бўлиб, бу Ф. ж. бўғиндаги урғуга боғлиқдир. *И* ва *у* унлилари урғусиз бўғинда, кўпинча *редукция*га учрайди. Мас., қишлоқ, пичоқ, киши, фироқ, тикан, тутак, тушун каби сўзларда биринчи бўғиндаги *и* ва *у* унлилари деярли талаффуз қилинмайди. Нутқ жараёнида сўз ва бўғин структурасига кўра фонетик ўзгариш ҳам юз беради. Ўзбек тилида бўғин охирида сонор ундошлар, шовқинли ва сонор ундошлар кетмакет кела олмайди. Шунинг учун бундай структурали сўзлар талаффузида ундошлар орасига тор унли қўшилади. Мас., илм>илим; фикр>фикир.

Ад.: Реформатский А. А., Введение в языковедение, М., 1967; Решетов В. В., Узбекский язык, ч. I, Фонетика, Т., 1959.

ФОНЕТИКА (юнон. phone — товуш сўзидан) — тилшуносликнинг *товуш* қисмини ўрганувчи соҳаси. Ф. тилшуносликнинг бошқа соҳаларидан фарқли ҳолда ўз объектининг тил томонинигина эмас, балки моддий томонини (талаффуз аппаратлари ишини, товуш ҳодисаларининг акустик таҳлилини) ҳам ўрганади.

Барча тиллар учун умумий бўлган хусусиятларни у м у м и й Ф., бир тилга оид хусусиятларни хусусий Ф., тил тарихининг таснифини т а р и х и й Ф. ва бир неча тилларни қиёслаш масалаларини қ и ё с и й т и п о л о г и к Ф. ўрганади. Товуш, *урғу* ва *интонация*ни махсус аппаратлар ёрдамида текширувчи метод э к с п е р и м е н т а л ф о н е т и к а дейилади.

19-асргача Ф. грамматика доирасида ўрганилган. 20-аср иккинчи ярмидан унга алоҳида соҳа сифатида қаралади. И. А. *Бодуэн де Куртенэ*, академик Л. В. Щерба ва б. нинг Ф. га алоҳида қарашлари характерли. Ф. тилнинг бошқа соҳалари б-н боғлиқ, чунки товуш, урғу ва интонациясиз бўғин, сўз, сўз бирикмаси ва гап бўлмайди. Шу туфайли Ф. лексика, грамматика (морфология ва синтаксис) ва стилистика б-н боғлиқ тил босқичи (тилшунослик соҳаси) деб қаралади. Ўзбек тили Ф. си ҳам чуқур ўрганилмоқда. Ўзбек адабий тили ва шеваларининг талаффузи, улардаги хусусиятлар маълум аппаратлар ёрдамида экспериментал тадқиқ қилинаётир.

Ад.: Матусевич М. И., Введение в общую фонетику, 3 изд., М., 1959; Ҳозирги ўзбек адабий тили, 1-китоб, Т., 1966.

ФОНИЙ — *Алишер Навоий*нинг форсий шеърларидаги тахаллуси (яна қ. *«Девони Фоний»*).

ФОНОКАРДИОГРАФИЯ *(фоно...* — ва *кардиография)* — юрак фаолияти натижасида ҳосил бўладиган товуш ва шовқинларни махсус асбоб-фонокардиографда ёзиб олиш. Фонокардиограф — товуш тўлқинларини қабул қилувчи *микрофон*, кучайтиргич ва ёзиб олувчи мосламадан иборат. Асбобнинг микрофони юрак соҳасига ўрнатилиб, шу йўл б-н фонокардиограмма (ФКГ) — эгри чизиқ ёзиб олинади. ФКГ ёрдамида *аускультация*га нисбатан аниқ маълумотлар олиш мумкин. ФКГ юрак касалликларида, айниқса юрак пороклари диагностик аҳамиятга эга.

ФОНОЛОГИЯ *(фоно* ва *...логия)* — тилшуносликнинг бир бўлими, тилнинг товуш тузилиши ҳақидаги фан. Тилнинг энг майда бирликлари (бўғинлар, фонемалар) тузилиши ва функциясини ўрганади. Ф. фонетикадан товушларни физик далил сифатидагина эмас, балки нутқда *морфема*лар ва бўғинларнинг компоненти тарзида бажарадиган функциясини ўрганиши б-н фарқ қилади. Шунинг учун Ф. ни баъзан ф у н к ц и о н а л ф о н е т и к а деб ҳам аташади.

Ф. мустақил фан сифатида 20-асрнинг 20—30-йилларида шаклланди; Н. С. Трубецкой, Р. О. Якобсон, С. О. Карцевский тилшуносларнинг 1-Халқаро конгрессида (Гаага, 1928) Ф. нинг асосий ғояларини баён қилиш б-н уни асосладилар.

Тилшуносликда Ф. ҳақида қуйидаги назариялар мавжуд: 1) И. А. *Бодуэн де Куртенэ*нинг п с и х о л о г и к Ф. назарияси; 2) академик Л. В. Щербанинг ф и з и к Ф. назарияси; 3) Щерба назариясига асосланган Москва ва Ленинград Ф. мактабларининг назариялари; 4) Д. Жоунзнинг (Англия) ф и з и к Ф. назарияси; 5) Прага (Н. С. Трубецкой) Ф. мактаби назарияси; 6) д е с к р и п т и в Ф. назарияси (АҚШ); 7) г л о с с е м а т и к Ф. назарияси (Дания); 8) д и х о т о м и к Ф. назарияси (АҚШ); 9) и к к и п о ғ о н а л и Ф. назарияси; 10) г е н е р а т и в Ф. назарияси (АҚШ); 11) У. Тводелнинг (АҚШ) м и к р о ва м а к р о ф о н е м а назарияси; 12) С. И. Бернштейннинг Ф. назарияси (СССР).

Ўзбек тилшунослигида Москва ва Ленинград Ф. мактабларининг назариялари кенг тарқалган. Ўзбек тили Ф. сини ўрганишда профессор Е. Д. *Поливанов*, В. В. *Решетов* ва б. нинг илмий ишлари айниқса аҳамиятли.

Ҳозирги ўзбек тилида 6 унли фонема ва 25 ундош фонема мавжуд бўлиб, улар сўзларнинг маъноларини фарқлашга (бир—бур—бўр—бар—бор—бер, тол—қол—сол—чол каби) хизмат қилади. Сўзларни бундай фарқлашга хизмат қилувчи товушлар муносабати фонологик оппозиция ва бундай алоқага эга бўлмаган товушлар ўртасидаги муносабат фонологик бўлмаган оппозиция дейилади. Фонемаларни бир-биридан фарқлашга хизмат қилувчи артикуляцион ва акустик хусусиятлар фонологик ёки фарқланиш белгиси деб аталади. Бундай характерга эга бўлмаган хусусиятлар фонологик бўлмаган белгилар дейилади. Фонемалар сони, уларнинг фарқларини аниқлаш учун ишлатилувчи ва бир товуш б-н фарқланувчи юқоридаги сўзлар к в а з и о м о н и м л а р ёки минимал жуфтликдаги сўзлар деб юритилади.


Ўзбек тилида урғу ва интонация ҳам ўз ўрни, артикуляцион-физик хусусиятлари б-н фонологик аҳамиятга эгадир.

Ад.: Трубецкой Н. С., Основы фонологии, Пер. с нем., М., 1960; Реформатский А. А., Из истории отечественной фонологии. Очерк. Хрестоматия, М., 1970; Решетов В. В., Узбекский язык, ч. I, Т., 1959; Ҳозирги ўзбек адабий тили, 1-китоб, Т., 1966.

ФОНОТЕКА *(фон...* ва theke — нарсалар сақланадиган жой) — муайян система бўйича тартиблаштирилган овоз ёзувлари (музикали, адабий, ҳужжатли, махсус ўқув ва б. ёзувлар) тўпламлари ва овоз ёзувларини тўпловчи, махсус усулда ишловчи, сақловчи муассаса. Универсал ҳамда ихтисослаштирилган Ф. лар мавжуд. Умумтаълим мактабларида, олий, ўрта махсус (айниқса музика, театр, педагогика, маданий-оқартув) ўқув юртларида ўқув Ф. лари кенг тарқалган. СССРдаги йирик Ф. лар: Давлат радиоэшиттириш ва овоз ёзиш уйи, Марказий давлат овоз ёзувлари архиви, Бутуниттифоқ овоз ёзиш студияси ва б. УзССР да эса Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитети, Ҳамза номли Санъатшунослик ин-ти, Тошкент Давлат консерваторияси ва б. да йирик Ф. лар мавжуд.

Ад.: Волков-Ланнит Л. Ф., Искусство запечатлённого звука, М., 1964.

ФОНО́Н (phōnē — товуш) — кристалл атомларининг тебранма ҳаракатлари кванти. Кристалл атомлари кристалл бўйлаб тарқалаётган тўлқинлар кўринишида тебранади. Бу тўлқинлар квазитўлқин вектори k ва частотаси ω б-н характерланади. Ф. лар энергияси $\mathcal{E} = \hbar\omega(k)$, импульси $p = \hbar k$ ($\hbar$ — *Планк доимийси*, $\hbar = \frac{h}{2\pi}$; k — векторнинг йўналиши тўлқиннинг тарқалиш йўналишига мос тушади, $k = \frac{2\pi}{\lambda}$, λ — тўлқин узунлиги). Тўлқин вектори k бўлган Ф. k' ва k'' векторга эга иккита Ф. га айланиши мумкин. Бу ҳолда импульс ва энергиянинг сақланиши қонуни бажарилади: $\hbar k = \hbar k' + \hbar k''$; $\hbar\omega(k) = \hbar\omega(k') + \hbar\omega(k'')$. Ф. бир-бири б-н, бошқа квазизарра (электрон ўтказувчи ва б.) лар б-н, кристалл дефект (вакансия, *дислокация* ва б.) лари б-н ўзаро таъсирлашади. Ф. лар бир-бири б-н тўқнашганда (бу тўқнашишлар кристалларнинг иссиқлик ўтказувчанлигини белгилайди) кристаллдан Ф. лар чиқиши ёки унга ютилиши мумкин. Ф. ўзаро таъсир процессларида энергияси $\hbar\omega$ ва импульси $\hbar k$ бўлган заррага ўхшайди. Ф. тезлиги тўлқинларнинг группа тезлиги б-н мос келади. Металлдаги электронларнинг панжара тебранишлари б-н ўзаро таъсири электронларнинг Ф. лар б-н ўзаро таъсирига мос келади. Бу металлнинг электр қаршилигини аниқлайди. Ф. бозонлар группасига киради, шунинг учун *Бозе—Эйнштейн статистикаси*га бўйсунади.




Витербо (Италия) да архитектор Виньола қурган фонтан (16-аср)

ФОНТА́Н (лат. fons — булоқ), ф а в в о р а — сувнинг юқорига, ёнга ёки пастга отилиб туришини таъминлайдиган иншоот. Ундан отилувчи сув оқими иссиқ жойларда ҳавони салқинлаштириш, ш. майдонлари, сарой ва паркларни безаш воситаси сифатида хизмат қилади. Европада Уйғониш даврида ва 17—19-аср бошларида қурилган Ф. лар жозибадор ишлангани б-н диққатга сазовор. Яқин ва Ўрта Шарқ, Ҳиндистон, Ғарбий Европа мамлакатларида ўрта асрларда безак сифатида чиройли қурилган Ф. лар сақланган. Темурийларнинг ҳаёти акс эттирилган миниатюраларда Ф. ҳам тасвирланган 15-аср Ўрта Осиё сарой архитектурасида ҳам Ф. га аҳамият берилганини кўрсатади. 16—18-асрларда Европадаги шаҳарлар (мас., Флоренция ва Рим)нинг майдонларида, сарой парк комплекслари (мас., Версал)да бунёд этилиб, ҳайкал ва амалий санъат асарлари б-н жозибадор безатилган Ф. лар ҳамон диққатни ўзига тортади. Россияда Пётр I фармойиши б-н Петергоф (ҳозирги *Петродворец*)да Ф. ларни безатишга даврнинг энг атоқли архитектор ва ҳайкалтарошлари жалб қилинган эди.

Ҳозирги Ф. лар мураккаб инженерлик иншоати бўлиб, кўркам манзара ҳосил қилади; майдон, парк, хиёбонларда, ҳовлиларда, квартталларда электр лампалари ва прожекторлар ёрдамида эса кечқурунлари янада жозибадор бўлади.

ФОНТА́НЕ Теодор (1819. 30. 12, Нёйруппин — 1898. 20. 9, Берлин) — немис адиби. 19-аср немис танқидий реализмининг йирик вакили. Дастлаб шеърлар ёзган (30-йиллар охирида). Балладалари немис адабиётида катта воқеа бўлди. «Шах фон Вутенов» (1883), «Погген-





Фонтан. 1. Ленинград (Петродворец) да. 2. Тошкент (В. И. Ленин номидаги майдон) да.

пуллар» (1896) повестлари ва «Штехлин» (1899) романида пруссдворянлари маданиятига хайрихоҳлик б-н караганлиги сезилса-да, реалист ёзувчи сифатида юнкерлар табақаси инқирозини тасвирлади. Ф. «Гуноҳкор» (1882) повести ва «Женни Трайбель хоним» (1892) романида буржуазияни кескин танқид қилди. «Тирикчилик бахтсизликлари», «Стина» (1888) асарларида Ф. ижтимоий тенгсизлик мавзуига мурожаат қилди, ҳукмрон табақалар золимлигини очиб ташлади. Машҳур сиёсий романи «Эффи Брист» (1895) чуқур психологизм руҳи б-н суғорилган. 1949 йилда ГДР ҳукумати санъат ва адабиёт соҳасидаги энг яхши асарлар учун ҳар йили бир марта бериладиган Т. Фонтане номли мукофот таъсис этган.

Ад.: Шах фон Вутенов, Пути-перепутья. Госпожа Женни Трайбель, М., 1971.

Ад.: История немецкой лит-ры, т. 4, М., 1968; Манн Т., Старик Фонтане, Собр. соч., т. 9, М., 1960.

ФОНУС ХАЕЛ — ўзбек халқ қўғирчоқ театрининг қадимий тури. Ф. х. 14-асрнинг охири — 16-асрнинг бошларида нисбатан тараққий этган. Қўғирчоқлар чарм ёки тахтадан ясалган, характер яратишда уларнинг бичими ва ранги муҳим ўрин тутган. Дастчўпни ҳаракатлантириш ва қўғирчоқлар бўғинларига боғланган ипларни тортиш орқали «жонлантирилган». Томошалар кечқурун бино ичида кўрсатилган. Қўғирчоқлар юпқа оқ парда ортида (5—7 *см* масофа) ҳаракатлантирилиб, шам ёки фонуслар ёругида акси пардага туширилган. Томошалар, асосан, қаҳрамонлик достонлари асосида қўйилган.

ФОРАМИНИФЕРАЛАР (Foraminifera)—*илдиз оёқлилар*нинг бир туркуми. 1500 дан ортиқ тури маълум. Асосан, денгизларда, бир нечта тури Ўрта Осиё (Қорақум)да тарқалган. Катталиги 0,1—1 *мм* (баъзилари 20 *см* га). Ф. нинг чиғаноғи бор (кўпчилигида оҳакли). Чиғаноқ ичи цитоплазма б-н тўлган ва унда ядро жойлашган. Чиғаноқ тирқишларидан жуда кўп псевдоподиялар (ризоподиялар) чиққан. Ризоподиялар ҳаракатланиш ва овқат (асосан бир ҳужайрали сувўтлар) тутиш вазифасини бажаради. Қичик овқат бўлаги чиғаноқ тирқишидан ўтиб цитоплазмада, каттароқ бўлак атрофида (чиғаноқ сиртида) ризоподиялар тўпланиб ҳамда цитоплазма сизиб чиқиб ҳазм бўлади. Жинссиз ва жинсий кўпаяди. Ф. ўзи яшаётган сув ҳавзаси тубидаги балчиқларининг асосий таркибий қисмидир. Кембрий даври ётқизиқларидан маълум. Жинсларнинг геологик ёшини аниқлашда, конлар (асосан нефть)ни излаб топишда Ф. катта аҳамиятга эга.

ФОРД Жералд Рудолф (1913. 14. 7, Небраска штатидаги Омаха ш.) — АҚШ давлат арбоби, президент (1974 йил 9 август — 1977 йил 20 январь). Майда корхона эгаси оиласида туғилган. Мичиган (1935) ва Йель (1941) ун-тларини тугатган. Ҳарбий-денгиз флотида хизмат қилган (1942—46). Республикачилар партиясидан вакиллар палатасининг аъзоси (1948—73), 1973 йил октябрида президент Р. *Никсон* томонидан вице-президентликка тайинланган. 1974 йил августида Никсон истеъфога чиққач, АҚШ президенти. Ф. президент бўлгач, 70-йиллар бошидаги ташқи сиёсатни давом эттиришини эълон қилди. Ф. КПСС МҚ Бош секретари Л. И. Брежнев б-н хавфсизлик ва ҳамкорлик масалалари юзасидан Владивосток (1974 йил ноябрь) ва Хельсинки (1975 йил июль-август)да учрашган. Бироқ Ф. ҳукумати АҚШ ҳарбий қудратини оширишга зўр беришдан воз кечмади. 1975 йили Ф. Жанубий-Шарқий Осиё ва Тинч океани р-ларида АҚШ позициясини кучайтиришга мўлжалланган Тинч океани доктринасини эълон қилди.

ФОРДИЗМ — ишлаб чиқаришни конвейер-поток усулида ташкил қилиш системаси. Биринчи марта 20-асрнинг 1-чорагида *«Форд мотор»* компаниясининг з-дларида қўлланилган. Машина ва механизмларни *конвейер усулда йиғиш* Ф. нинг ва ишлаб чиқариш ҳамда меҳнатни ташкил этишнинг янги усуллари асосини ташкил этади. Ф. *меҳнат интенсивлиги*нинг максимал даражада оширишга, ишчилар фаолиятида *автоматизм* вужудга келишига сабаб бўлди. Ф. даги меҳнат тинкани қуритадиган, асабни толиқтирадиган меҳнатдир. Айни вақтда ишлаб чиқариш операцияларининг оддий вамайда бўлакларга бўлиниши малакасиз ишчилар меҳнатидан кенг фойдаланишга имкон берди. Конвейер усулини қўллаш баъзи техникавий янгиликлар (маҳсулотни типлаштириш, деталларни стандартлаш ва унификациялаш кабилар)га, меҳнат унумдорлигини оширишга, маҳсулот таннархини пасайтиришга олиб келди.

Меҳнат интенсивлаштирилса ҳам, Ф. да иш ҳақи ошмайди, иш куни қисқармайди; аксинча эксплуатация кучаяди. Конвейер усулидаги мажбурий меҳнат ритми туфайли ишбай ҳақ тўлашдан вақтбай ҳақ тўлашга ўтилди, бу эса капиталистларга катта фойда келтирди. Ф. асосчиси Форд ўз системасини буржуа жамиятини умумий маъмурчилик ва ижтимоий уйғунлик жамиятига айлантирувчи омил деб, ишчилар ҳақида ғамхўрлик, яъни катта маош олиш усули деб даъво қилди. Аслида катта маош юқори меҳнат суръатларининг ўсиши, ишчи кучининг тез ишдан чиқиши ҳисобига кўпаяди. Буржуа идеологлари Ф. га қарши чиқувчиларни техника тараққиётига қаршилик кўрсатувчилар деб ҳисобладилар.

Ҳозирги даврда (1970-йиллар бошида) айрим капиталистик мамлакатлардаги баъзи фирмалар конвейер ишлаб чиқаришининг монотонлигини камайтириш, меҳнат завқи ва мазмундорлигини ошириш учун конвейер линияларини реконструкция қилиш (уларни қисқартириш, ўзаро операцияларини бирлаштириш ва ҳ. к.) каби тажрибалар қилиб кўрмоқдалар. Бундан мақсад Ф. ни ҳозирги шароитларга мослаш ва меҳнаткашларни эксплуатация қилиш усулларини такомиллаштиришдир.

«ФОРД МОТОР» («Ford motor») — АҚШнинг йирик автомобилсозлик монополияларидан бири. 1902 йили АҚШ инженери Генри Форд (1863—1947) томонидан ташкил этилган. Автомобиллар, трактор, танклар, самолётлар ва б. ишлаб чиқаради. У автомобиль ишлаб чиқариш бўйича АҚШда «Дженерал моторс» монополиясидан сўнг 2-ўринда. «Ф. м.» нинг $^1/_3$ ишлаб чиқариш қуввати АҚШдан ташқарида жойлашган. АҚШда «Ф. м.» нинг 60 дан ортиқ з-длари, Канада, Англия, ГФР, Бразилия, Аргентина ва б. мамлакатларда автомобиль ва трактор ишлаб чиқарадиган ва йиғадиган з-длари, 20 га яқин конструкторлик бюроси, илмий тадқиқот лабораториялари, темир руда конлари, кўмир шахталари бор. Унинг ишлаб чиқариш программасида ҳарбий техника асосий ўрин эгаллайди. Бундан ташқари, электрон-ҳисоб машиналари, рўзғор электр асбоблари, телевизорлар, шунингдек, чўян, алюминий ва б. чиқаради.

«Ф. м.» з-дларида жаҳонда биринчи марта конвейер усули жорий этилган (қ. *Фордизм*).

ФОР-ДЕ-ФРАНС — Мартиниканинг маъмурий маркази. Мартиника о. нинг ғарбий соҳилидаги йирик порт. Аҳолиси 100 минг киши (1974). Шакар-қанд саноати корхонаси, юридик ва иқтисодий фанлар ин-ти, кутубхона бор. Четга мева, шакар-қанд, ром чиқарилади.

ФОРЗАЦ (нем. Vorsatz) — китоб блоки б-н муқоваси орасидаги қўшалоқ қалин қоғоз варағи. Блокни муқова б-н бирлаштиради. Китобни безатиш элементи. Тайёрлаш ва ёпиштириш технологиясига кўра елимланадиган, тикиладиган, сим б-н қадаладиган, безалиши жиҳатдан оддий (тоза қоғоздан), тематик (сюжетли) ва декоратив орнаментли хилларга бўлинади.

ФОРИНТ (венгрча forint) — Венгрия Халқ Республикаси пул бирлиги. 1946 йил 1 августдан муомалага киритилган. 1 Ф.=100 филлер. Олтин миқдори 0,0757 *г*. СССР Давлат банкининг расмий курсига кўра 100 Ф.=7 сўм 67 тийин (1978).

ФОРИШ — Жиззах обл. Фориш р-ни Фориш қ. С. даги қишлоқ. «Фориш» с-зи терр-ясида. Р-н марказидан 34 *км*, яқин т. й. станцияси — Жиззах (101 *км*). Аҳолиси 593 киши (1976); чорвачилик, йилқичилик, ғаллачилик, полизчилик б-н шуғулланади. Булоқ ва артезиан қудуқларидан сув ичади. Саккиз йиллик мактаб, фельдшерлик пункти бор.

ФОРИШ РАЙОНИ — Жиззах областидаги р-н. 1935 й. 9 февралда ташкил этилган. Шимолдан ва шимоли-шарқдан ҚозССРнинг Чимкент обл., шарқдан Дўстлик, Мирзачўл, жанубий-шарқдан Октябрь, Жиззах, жанубдан Ғаллаорол р-нлари, ғарбдан Самарқанд области, шимоли-шарқдан Бухоро обл. б-н чегарадош. Майдони 9,9 минг *км*². Аҳолиси 48861 киши (1978). Р-нда 9 қ. С. (Дарвоза, Калинин, Киров, Омонгелди, Фориш, Чимқўрғон, Янгиқишлоқ, Қизилқум, Қораабдал) бор. Маркази — Янгиқишлоқ қишлоғи.


Табиати. Р-н терр-яси областнинг шимолий-ғарбий қисмида жойлашган. Рельефи пасттекислик, қир, адир ва тоғлардан иборат бўлиб, шимоли-шарқдан (230—250 *м*) жануби-ғарбга (1400—2000 *м*) кўтарила боради. Жанубий-ғарбда Нурота тоғлари ва Қўйтош, Балиқлитоғ, Писталитоғ, Етимтоғ тизмалари жойлашган. Р-нда Арнасой, Тузкон, Балиқли, Писталикўллари ва Айдар ботиғи жойлашган. Фойдали қазилмалардан вольфрам, қўрғошин, рух, полиметаллар, оҳактош, гранит, сланец ва б. бор. Иқлими кескин континентал. Ёзи иссиқ, қуруқ, қиши совуқ. Йиллик ўртача т-ра 14,5°, январининг ўртача т-раси —1,5°, минимал т-ра —32°, июлнинг ўртача т-раси 29,5°, максимал т-ра 46°. Йилига ўртача 340—360 *мм* (шимоли-шарқида 240—260 *мм*, жануби-ғарбида 450—480 *мм*) ёғин ёғади. Вегетация даври 216—218 кун. Адирлар қумтош, қум, мергель, ғир тошлар б-н қопланган; сойликлар, жарлар, ёзда қуриб қоладиган сойлар кўп. Баҳорги ёғингарчилик пайтида сойларда сув тўлиб оқади.


Ғарбий қисмидаги адирларнинг тупроғи гипсли оч бўз тупроқ (деҳқончилик учун ноқулай). Жануби ва жануби-ғарбидаги адирларнинг тупроғи эса лёсс устида ҳосил бўлган бўз, оч бўз, типик бўз тупроқдир. Бу ерлардан баҳорикор деҳқончиликда фойдаланилади. Пасттекислик қисмида бўз, ўтлоқи бўз, қумоқ, қумлоқлар, шўрхок ва шўрланган тупроқлар тарқалган. Р-нда Нурота тоғларидан оқиб келадиган Осмонсой, Келвасой, Боламонсой, Ухумсой, Ҳаётсой, Емчисой, Оқтошсой, Устахонсой, Олтисой, Чорвоқсой, Қаттасой, Мажрумсой ва б. лардан тоғ этакларидаги лёссли қия текисликларни суғоришда фойдаланилади. Нурота тоғларининг ён бағирлари лалми токзорларини кўпайтириш учун қулайдир. Бу ерларда тоғларда ўрмон барпо қилиш, асаларичиликни ривожлантириш учун катта имкониятлар бор. Доимий ёки мавсумий шифохоналар очиш, сойларда сунъий кўллар, селхоналар барпо этиш учун табиий шароит қулай.

Р-нда ер ости сувлари анча юза жойлашган (шимоли-шарқида 1—2 *м*, жануби-ғарбида 10—25 *м*). Эрта баҳорда эфемер ва эфемероид ўсимликлар чўлни ёппасига қоплаб олади, лекин рангўт, ёввойи ялпиз, лола, лолақизғалдоқ ва б. май ойида қуриб қолади. Дағал ўтлар ҳамда итқовун, юлғун, янтоқ, шўра, шувоқ каби ўсимликлар кўкариб туради. Бу ўсимликлар қоракўл қўйлар учун муҳим озуқадир. Тоғли қисмида ёввойи жийда, арча, хандонписта, ёнғоқ, наъматак, зира, зирк ва б. ўсади. Ёввойи ҳайвонлардан бўри, тулки, ёввойи чўчқа, чиябўри, архар, жайран, қуён; қушлардан бургут, тувалоқ, бедана, қирғовул, каклик, ўрдак, каптар; кемирувчилардан каламуш, юмронқозиқ, дала сичқони; типратикан, тошбақа, заҳарли илонлар, калтакесаклар, сув ҳавзаларида турли хил балиқлар кўп.

Аҳолиси, асосан, ўзбеклар; қозоқлар, тожиклар, руслар ва б. ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 *км*² га 5 киши.

Хўжалиги. Р-нда «Узсельхозтехника» р-н бирлашмаси, босмахона, ўрмон хўжалиги бош-





Яйловлардаги қоракўл қўйлар.

қармаси, маданий-маиший хизмат к-ти, 500 номерли телефонга эга бўлган АТС, 200—300 *т* маҳсулот берадиган асфальт з-ди бор. Меҳмонхона, маиший хизмат кўрсатиш к-ти, аптека қурилмоқда (1978). Р-нда 8 та қоракўлчилик с-зи бор. 27735 *га* ерга экин экилади, пичанзор ва яйловлар 605187 *га*; боғлар 506 *га*, токзор 293 *га* ва тутзорлар 111 *га* (1978). 21100 *га* ерга галла, 235 *га* ерга сабзавот, полиз ва картошка, 2980 *га* ерга ем-хашак экинлари экилади. Хўжаликларда 5443 қорамол (шундан 1076 сигир), 312099 минг қўй ва эчки (шундан 183440 минг қоракўл қўйлар), 2930 от, 33,2 минг парранда бор (1978). Давлатга 6806 *т* дон, 328 *т* сабзавот, 2619 *т* полиз маҳсулотлари, 335 *т* ҳар хил мевалар, 251 *т* узум, 4,2 *т* қуруқ мева, 965 *т* сут, 3278 *т* гўшт, 475 минг дона тухум, 929 *т* жун, 52,2 *т* пилла, 127 минг дона қоракўл тери сотилди (1978).

Р-нда 159 минг китоб фондига эга бўлган 91 кутубхона, 20 клуб, 6 кинотеатр, маданият уйи, 19 киноустановка, халқ театри бор. Ҳунар-техника билим юрти, 19 бошланғич, 27 саккиз йиллик, 33 ўрта мактабда 15834 ўқувчи таълим олмоқда (1978—79). 9 болалар боғчаси ва яслисида 773 бола тарбияланмоқда (1978). 170 ўринли 2 р-н касалхонаси, 10 участка касалхонаси, 52 фельдшер-акушерлик пункти, туғруқхона, болалар ва хотин-қизлар консультацияси, 12 амбулатория, Балиқчи кўлидан олинадиган шифобахш балчиқ б-н даволайдиган 70 ўринли физиотерапия санаторийсида (бу шифобахш балчиқ б-н республикадаги бошқа стационар ва санаторийлар ҳам таъминланади) 9 врач ва 28 ўрта медицина ходими ишламоқда (1978). 240 ўринли касалхона, поликлиника, санэпидстанция, тез ёрдам станциялари қурилмоқда (1978).

1939 йилдан ўзбек тилида «Париж коммунаси», 1966 йилдан ўзбек тилида «Чорвадор», қозоқ тилида «Шаура» номи б-н р-н газеталари чиқарилмоқда (тиражи 4000 нусха).

Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари Ж. Оқилбеков, С. Пирназаров, А. Абдураимов, З. Сиддиқов, Б. Довулбоевалар шу р-ликдир.

Тарихий обидалардан Қоратош мақбараси (1—2-асрлар), Абдуллахон Чорбоғи (10-аср), Хонбанди ирригация иншооти (10-аср), Қизучгантепа (16-аср), Улуғ Ватан уруши (1941—45) да ҳалок бўлган жангчилар хотирасига ўрнатилган монумент (1973 йил) бор.

Янгиқишлоқ — Жиззах, Янгиқишлоқ — Фориш, Янгиқишлоқ — Чимқўрғон ва б. маршрутларда автобуслар қатнайди.

ФОРМА (лат. forma — шакл, кўриниш) — 1) предметнинг ташқи кўриниши, шакли; 2) мазмуннинг ташқи ифодаси; философик категория (қ. *Мазмун ва шакл*); 3) маълум категориядаги кишилар учун мўлжалланган ва раиги, тикилиши ҳамда бошқа белгилари жиҳатидан бир хил бўлган кийим; 4) гап ва сўзларнинг ўзаро муносабатлари ҳамда грамматик категорияларнинг ташқи ифодаланиш воситаси; 5) бирор нарсанинг белгиланган нусхаси, мас., бюллетень Ф. си, справка Ф. си.

ФОРМА (лат. forma — кўриниш) (математикада) — ҳамма бир ҳадларининг даражалари $)x_1^{\alpha} \cdot x_2^{\beta} \cdot \ldots \cdot x_n^{\gamma}$ бирҳадликнинг даражаси деб $m = \alpha + \beta + + \ldots + \gamma$ сон тушунилади) бир хил бўлган бир нечта ўзгарувчили кўпҳад. Ф. лар алгебраик ва дифференциал геометриялар, сонлар назарияси, механика ва математиканинг бошқа соҳаларида қўлланилади.

Ўзгарувчилар сони n га қараб Ф. бинар ($n = 2$), тернар ($n = 3$) ва б. даражасига қараб чизиқли ($m = 1$), квадратик ($m = 2$), кубик ($m = 3$) ва ҳ. к. дейилади. Мас., $2x^3 + xyz + xz^2$ тернар кубик Ф. дир.

Ф. унга кирадиган $\xi_1, \xi_2, \ldots, \xi_n, \eta_1, \eta_2 \ldots, \eta_k, \ldots$ ўзгарувчиларнинг ҳар бир группасига нисбатан чизиқли бўлиши мумкин. Ўзгарувчилар группаси иккита бўлганда Ф. бичизиқли, учта бўлганда уч чизиқли, умумий ҳолда — кўп чизиқли (поличизиқли) Ф. дейилади. Мас., бичизиқли Ф. нинг кўриниши $\sum_{i,\,k=1}^{n} \alpha_{ik}\,\xi_i\,\eta_k$, бу ерда α_{ik} — Ф. коэффициентлари. Поличизиқли Ф. га n-тартибли детерминант мисол бўла олади:

$$\begin{vmatrix} a_{11} & a_{12} & \ldots & a_{1n} \\ a_{21} & a_{22} & \ldots & a_{2n} \\ \ldots & \ldots & \ldots & \ldots \\ a_{n1} & a_{n2} & \ldots & a_{nn} \end{vmatrix}$$

Детерминантнинг бир хил сатр ёки бир хил устунларида турган элементлар ўзгарувчилар группаларини ташкил қилади.

Татбиқ учун квадратик Ф. лар катта аҳамиятга эга. Мас., вектор узунлигининг квадрати вектор координаталаридан тузилган квадратик Ф. б-н ифодаланади. Сонлар назариясида бутун сонларни бутун коэффициентли (ўзгарувчилари ҳам бутун қийматларни қабул қилган) квадратик Ф. ёрдамида тасвирлаш жуда муҳим масалалар. Мас., ихтиёрий натурал сонни $x^2+y^2+z^2+t^2$ кўринишида тасвирлаш мумкин (Лагранж теоремаси). Бутун сонларни $ax^2+2bxy+cy^2$ (a, b, c — бутун сонлар) кўринишида тасвирлаш масаласини француз математиги Ж. *Лагранж* ва немис математиги К. *Гаусс* ўрганиб чиқдилар.

Ад.: Гантмахер Ф. Р., Теория матриц, 3 изд., М., 1967; Боревич З. И., Шафаревич И. Р., Теория чисел, 2 изд., М., 1972; Манин Ю. И., Кубические формы: алгебра, геометрия, арифметика, М., 1972; Гельфанд И. М., Чизиқли алгебрадан лекциялар, Т., 1961.

ФОРМАЛ ЛОГИКА — *тафаккур* ҳақидаги фан. *Хулоса чиқариш* ва *исбот*ни уларнинг конкрет мазмунидан ажратган ҳолда шакллари нуқтаи назаридан тадқиқ қилади (қ. *Логика*).

ФОРМАЛИЗМ (*форма* сўзидан) — инсон фаолиятининг турли соҳаларида шаклни мазмундан ажратиб қараш, шаклни устун қўйиш. Мас., ижтимоий бошқарув соҳасидаги Ф. — қонунга кўр-кўрона эргашиш (*бюрократизм*) демакдир. Замонавий санъатшунослик ва адабиётшуносликда Ф. — *реализм*га зид бўлган бадиий метод, 19-асрнинг охири ва 20-асрда, империализм даврида буржуа маданиятининг тушкунликка учраши оқибатида пайдо бўлган формалистик оқимлар (*футуризм, экспрессионизм, дадаизм, сюрреализм, абстракт санъат* ва б.) нинг умумий номи. Сўнгги *готика, маньеризм, академизм*, айниқса *декадентлик*да Ф. нинг аломатлари кўзга ташланган эди. Ф. *санъат* мавжуд ҳаётнинг инъикоси эмас, инсон субъектив оламининг ҳаётдан мустақил кўринишидир, деб даъво қилади, санъаткорни жамиятга, санъатни эса ҳаётга қарши қўяди. Ғоявий асоси субъектив идеализм, *агностицизм* бўлган Ф. «*санъат санъат учун*» назариясига асосланади. Санъатнинг тарбиявий ролини, унинг миллийлигини, миллий анъаналарни инкор этади, аслда санъатни йўқотишга олиб келади ёки мазмунсиз безакка айлантиради.

Ф. тасвирий санъатда абстракт, предметсиз санъат (сюрреализм)ни ташвиқ қилди, архитектурада миллий санъатни камситган, мақсадга номувофиқ дагал бинолар қурилишига олиб келди, театр ва музикада шовқин, дағалликни авжлантирди, адабиётда тилнинг дағал ва ғализланишига олиб келди, умуман, санъатга, санъат назарияси ва тарихига катта зиён етказди.

ФОРМАЛИН, формоль — таркибида стабилизатор сифатида 4—12% ли метил спирти бўлган *формальдегид*нинг сувдаги (37—40% ли) эритмаси; ўзига хос ҳиди бор рангсиз суюқлик. Узоқ сақланганда (айниқса совуқда) оқ чўкма-параформальдегид ҳосил бўлиши туфайли ранги хиралашади. Формальдегид олишда, поливинилформаль ишлаб чиқаришда, *фунгицид*, антисептик, дезодорацияловчи восита сифатида ишлатилади. Формальдегид мази ва формидрон таркибига қўшилади.

ФОРМАЛЛАШТИРИШ (логикада) — маълум мазмунни (мас., муҳокама, исбот, классификация процедуралари, илмий назариялар информациясини излаш жараёнларини) муайян шаклли белгилар ҳолига келтириш. Ф. да ҳар хил соҳага мансуб бўлса ҳам, маълум жиҳатдан бир хил муносабатда бўлган бир неча объектларни моддий конструкциялаш мумкин. Бундай конструкция объектнинг муҳим алоқаларини, моҳиятини намойиш қилади.

Ф. тарихан тафаккур ва тил б-н бирга пайдо бўлган, ёзувнинг келиб чиқиши б-н ривожлана бошлаган. Кейинчалик фан, айниқса математика ривожлана борган сари, табиий тилларнинг воситаларига махсус белгилар қўшила бошлади. Формал логика пайдо бўлиши б-н мантиқий Ф. усули юзага келди. Математик символика миқдорий муносабатларни Ф. дан иборат (қ. *Математик логика*). Мулоҳазанинг формал образи математикада *формула* дейилади. Ф. методи ҳисоблаш жараёнларини моделлаштиришда борган сари кенгроқ қўлланмоқда.

Ф. назария мазмунини системалаштириш, методологик аниқлаш, унинг турли қонунлари ўртасидаги ўзаро боғлиқликни тушунтириш, ҳал қилинмаган проблемаларини кўрсатиш имкониятини беради.

ФОРМАЛЬДЕГИД (лат. formica — чумоли), чумоли альдегид, CH_2O — алифатик *альдегидлар* гомологик қаторининг биринчи аъзоси; ўткир ҳидли рангсиз газ; сув ва спиртда яхши эрийди, қайнаш т-раси —19°С. Саноатда метил спирти ёки метанни ҳаво кислороди б-н оксидлаб олинади.

Ф. реакцияга яхши киришади, унинг кўпчилик реакцияси бир қатор муҳим саноат маҳсулотлари олинишига асос бўлади. Мас., аммиак б-н реакцияга киришиб, уротропин, мочевина б-н *мочевина-формальдегид смолалар*, меламин б-н *меламин-формальдегид смолалар*, фенол б-н *фенол-формальдегид смолалар* ва ҳ. к. ҳосил қилинади.

Ф. заҳарли; унинг ҳаводаги энг катта йўл қўйилган концентрацияси 0,001 *мг/л*.

ФОРМАТ (*форма* сўзидан) — китоб, журнал, газета саҳифаси, чизма ва б. нинг ўлчами. Полиграфияда босмадан чиққан тайёр нашрнинг ўлчами (мас., 170×260 *мм*) ёки босма қоғоз ўлчами ва лист улуши (мас., қўлингиздаги китобнинг қоғоз формати 84×108 *см*. $^1/_{16}$). «Набор формати» термини сатр узунлиги ва саҳифа баландлигини билдиради. Фотографик тасвир формати — объективнинг тасвир майдони ичидаги тўғри тўртбурчак ёки квадрат. 2,4×3,6; 4,5×6; 6×6; 6×9; 9×12; 13×18; 18×24; 24×30 *см* ли Ф. лар кенг тарқалган.

ФОРМАЦИЯ — кишилик жамиятининг муайян иқтисодий тузум ва унга мувофиқ келадиган устқурмадан иборат тарихий тараққиёт босқичи (қ. *Ижтимоий-иқтисодий формация*).

ФОРМАЦИЯ (лат. formatio — шаклга кириш, пайдо бўлиш), геологик формация, геоформация, геогенерация — бир хил геологик шароитда пайдо бўлиб, бир-бири б-н парагенетик жиҳатдан боғланган ва ёшига кўра ўзаро яқин бўлган тоғ жинслари, минераллар ва рудаларнинг табиий тўплами. «Ф.» тушунчаси 18-асрда вужудга келиб, чўкинди жинсларнинг йирик қатламларини ифодалаш учун қўлланилган.

«Ф.» ҳақидаги таълимотга рус ва совет олимлари катта ҳисса қўшдилар. В. В. Белоусов, Н. Б. Вассоевич, А. Б. Ронов, В. Е. Хаин, Н. П. Херасков, Н. С. Шатский ва б. ишларида барқарор шароитларда пайдо бўлган ва ҳажм жиҳатидан геологик системалар, бўлимлар ёки уларнинг қисмларига тахм. тўғри келадиган тоғ жинслари муайян турларининг қонуний такрорланадиган бирикмаси чўкинди Ф. деб талқин этилган. Ҳар бир Ф. таркиби, тузилиши ва тарқалишининг умумийлиги б-н характерланади.

Ф. *фация*лар ва ётқизиқларнинг генетик типлари комплексидир. Ф. чегаралари вақт ўтиши б-н ўзгариб туриши мумкин. Унинг турли типлари ҳар хил ёшдаги ётқизиқларда такрорланиб, хусусиятини бир оз ўзгартиради.

Ф. моддий таркиби, шунингдек тектоник белгиларига кўра (баъзан жуда муҳим аҳамиятга эга бўлган иқлим шароитлари ҳисобга олинган ҳолда) классификация қилинади. Ф. нинг 3 асосий группаси — чўкинди, вулканоген, магматик жинслар Ф. лари кўпинча бирга учрайди. Ф. нинг типларидан бўлган магматик Ф. муайян геологик шароитларда ер пўстидаги бирон участка тараққиётининг айрим босқичларида ҳосил бўлган магматик тоғ жинслари тўпламидан иборат. Метаморфик Ф. муайян тектоник структураларга эга бўлган метаморфик тоғ жинсларининг пайдо бўлиш умумийлиги принципига асосан ажратилади.

Метасоматик Ф. кам ўрганилган. Руда Ф. (хромит, полиметалл-олтин-кварц ва б.) магматик ва метасоматик Ф. б-н узвий боғлиқ.



Форобий асарлари ўзбек, қозоқ ва рус тилларида.

Ф. га қараб тектоник структура типи, унинг тараққиёт босқичлари, шунингдек муайян Ф. пайдо бўлган даврнинг иқлим шароитларини аниқлаш мумкин.

Ф. нинг муайян типлари б-н фойдали қазилмаларнинг муайян турлари боғлиқ. Шу боисдан ҳам литология, палеогеография ва тектоникада, шунингдек турли фойдали қазилмаларнинг жойлашиш қонуниятларини ўрганиш ва уларни қидиришнинг илмий асосларини ишлаб чиқишда формацион анализнинг аҳамияти катта.

Ад.: Шатский Н. С., Избр. труды, т. 3, М., 1965; Вассоевич Н. Б., История представлений о геологических формациях (геогенерациях), «Осадочные и вулканогенные формации» тўпламида, Л., 1966 (Тр. Всес. н.-и. геол. ин-та. Новая серия, т. 128).

ФОРМАЦИЯ, ўсимликлар формацияси — бир жинсли *фитоценоз*лар (ўсимлик ассоциациялари) гуруҳи. Уни асосан бир турга мансуб ўсимликлар ташкил этади (мас., мушукқуйруқли ўтлоқ, оддий қарағай ўрмони ва б.). Усимликлар Ф. си терминини фанга немис географи А. Гризебах киритган (1838). Одатда ўсимликлар Ф. си синфларга бирлаштирилади.

ФОРМОЗА — *Тайвань* оролига 16-асрда португаль денгизчилари берган ном. Ғарбий Европа ва Америка адабиётларида ҳозир ҳам қўлланилади.

ФОРМУЛА (*форма* сўзидан) — бирор фикр, мулоҳаза ёки қонуннинг *математик белгилар* орқали ифодаси. Мас., 1) агар n мусбат (манфий) бутун сон бўлса, $2n$ жуфт, $2n-1$ тоқ сон Ф. си; 2) $(a$ ва b мос равишда учбурчак асоси ва баландлигининг узунликлари бўлса, $S = \frac{ah}{2}$ ўша учбурчак юзининг Ф. си; 3) $S = \frac{gr^2}{2}$ бўшлиқда юқоридан пастга тушувчи моддий нуқтанинг ҳаракат қонуни Ф. си бўлади ва б. Демак мураккаброқ жумла (фикр) лар Ф. б-н қисқа ва қулай ёзилиши мумкин. Шунингдек, Ф. тўғри ва хато мулоҳаза (жумла) ни ифодалайди. Мас., 1) исталган a ва b ҳақиқий сонлар учун $|a \pm b| \geqslant 0$ тўғри бўлса, 2) $(a-b)^3 \geqslant 0$ Ф. $a > b$ бўлганда тўғри, $a < b$ да эса хатодир. (кимёда қўлланиладиган Ф. лар ҳақида *кимёвий формулалар* мақоласига қ.).

ФОРМУЛЯР (*форма* сўзидан)—1) бирор маълумот б-н тўлдириладиган босма бланка; мас., китоб формуляри (кутубхонада); 2) рев-ягача Россияда амалдор ёки офицерларнинг хизмат рўйхати; *меҳнат дафтарчаси* вазифасини бажарган.

ФОРОБ — Тошкентдан шимоли-ғарбдаги қадимий воҳа ва шаҳар. Воҳа ҳозирги ҚозССР нинг Чимкент области терр-ясида, Арис дарёсининг Сирдарёга қуйилиш жойида, Сирдарёнинг ҳар икки соҳилида жойлашган. Ф. шаҳри эса Сирдарёнинг ўнг соҳилида бўлган. Ф. ўрта аср араб географлари асарларида «Бороб», форс манбаларида «Пароб» шаклида учрайди. Араб тарихчиси Ибн Ҳавқалнинг ёзишича, Ф. воҳасининг узунлиги ҳамда кенглиги бир кунлик йўл чамасида бўлган. Мазкур воҳада, Ф. ш. дан ташқари, Восиж ва Қадар ш. лари ҳам жойлашган. Ф. воҳаси маркази, дастлаб Қадар бўлиб, кейинчалик Ф. ш. га кўчирилган. 9—12-асрларда Ф. ш. воҳанинг энг йирик иқтисодий ва маданий марказига айланган. У арк, шаҳристон ва рабоддан ташкил топган. Шаҳристонда 4 дарвоза, бир-бирини кесиб ўтган 2 катта кўча, жоме масжид, рабодда эса бозор бўлган. Ф. ш. 1219—20 йиллари Чингизхон қўшинлари томонидан вайрон қилинган.

ФОРОБИЙ (тахаллуси; тўлиқ номи Абу Наср Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Узлуғ Тархон Форобий) (873, *Фороб* ш.—950, Дамашқ)— жаҳон маданиятига катта ҳисса қўшган мутафаккир, Урта Осиёлик машҳур файласуф, энциклопедист олим. Ўрта асрнинг бир қанча илмий ютуқлари, умуман Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида тараққийпарвар ижтимоий-фалсафий тафаккур тараққиёти унинг номи б-н боғлиқ. Ф. ўз замонаси илмларининг барча соҳасини мукаммал билганлиги ва бу илмлар ривожига катта ҳисса қўшганлиги, юнон фалсафасини шарҳлаб, дунёга кенг танитганлиги туфайли Шарқ мамлакатларида улуғланиб, «Ал-Муаллим ас-соний» («Иккинчи муаллим», Аристотелдан кейин), «Шарқ Арастуси» деб юритилган.

Таржимаи ҳоли. Ф. туркий қабилалардан бўлган ҳарбий хизматчи оиласида туғилган. У туғилган терр-я сомонийлар томонидан бошқарилиб, араб халифалигининг шимолий чегараси ҳисобланган. Бошланғич маълумотини она юртида олди, Тошкент (Шош) да бўлди, Бухоро, Самарқандда ўқиди. Кейинроқ ўз маълумотини ошириш учун араб халифалигининг маданий маркази бўлган Бағдодга қараб йўл олди. Бағдодда бу даврда мусулмон дунёсининг турли ўлкаларидан, хусусан Ўрта Осиёдан келган кўп илм аҳллари тўпланишган эди. У ерга бора туриб Ф. Эрон шаҳарларида — Исфаҳон, Ҳамадон, Рай ш. лари ва б. жойларда бўлди. Ф. Бағдодда ал-Мутаддид (829—902), ал-Муктафий (902—908), ал-Муқтадир (908—932) халифаликлари даврида яшади. У бу ерда ўрта аср фани ва тилининг турли соҳаларини ўрганишга киришди, юнон фалсафий мактабларини б-н чуқур танишди. Ф. диний тўсиқлардан қўрқмади, турли диний эътиқод ва фалсафий фикрдаги кишилар б-н илмий мулоқотда бўлди. Христиан олимлари Абу Башар Матта ибн Юнусдан (870—940) юнон тилини, юнон фалсафасини, Юҳанна ибн Хийлон (Жийлон; 860—920) дан табобат ва мантиқ илмини ўрганди. Айрим маълумотларга қараганда, у 70 дан ортиқ тилни билган.

Тахм. 941 йилдан Ф. Дамашқда яшаган. Шаҳар чеккасидаги боғда қоровул бўлиб, камтар ва ғарибона кун кечирган, асосан илм б-н шуғулланган. Сўнгги йиллар у Халаб (Алеппо) да туриб, унинг ҳокими Сайфутдавла Ҳамдамид (943—967) илтифотига сазовор бўлди. Тадқиқотчилар унинг Халабдаги ҳаётини энг самарали давр деб ҳисоблайдилар. Чунки бу ҳоким ҳурфикрлилиги, илм-фанга эътибор берганлиги б-н ажралиб турган. У. Ф. ни сарой олими бўлиб қолишини таклиф этади, лекин Ф. бунга кўнмай, оддий ҳаёт кечиришни афзал кўради.

Ф. 949—950 йилларда Мисрга борган, сўнг Дамашқда яшаб, шу ерда вафот этган. Дамашқдаги «Боб ас-саъир» қабристонига дафн қилинган.

Илмий мероси. Ф. ўрта аср даври табиий-илмий ва ижтимоий билимларининг қарийб барча соҳаларида 160 дан ортиқ асар яратган. У турли билимларнинг назарий томонлари, фалсафий мазмуни б-н кўпроқ қизиққан. Ф. асарларини 2 гуруҳга ажратиш мумкин: 1) юнон файласуфлари ва табиатшуносларининг илмий меросларини изоҳлаш, тарғиб қилиш ва ўрганишга бағишланган асарлар; 2) фаннинг турли соҳаларига оид мустақил, оригинал асарлар.

Ф. юнон мутафаккирлари — *Платон, Аристотель, Эвклид, Птолемей,* Порфирий ва б. асарларига шарҳлар ёзган. Айниқса Аристотель асарлари («Метафизика», «Этика», «Риторика», «Софистика» ва б.) ни батафсил изоҳлаб, қийин жойларини тушунтириб бера олган, қамчиликларини кўрсатган, айни вақтда бу асарларнинг умумий мазмунини очиб берувчи махсус асарлар яратган. Ф. шарҳлари Ўрта ва Яқин Шарқ илғор мутафаккирларининг дунёқарашини шакллантиришда, уларни Аристотелнинг материалистик ғоялари руҳида тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга бўлди. *Абу Али ибн Сино* Ф. шарҳлари («Метафизика»— «Мо баъий табиат») ни ўқиб, Аристотель асарларини тушунганлигини алоҳида таъкидлайди. Ф. нинг шарҳ ёзиш фаолияти фақат Шарқнигина эмас, Ўрта аср Европасини ҳам юнон илми б-н таништиришда катта роль ўйнади. Бу фаолият унинг илмий фаолияти тараққиётининг биринчи босқичини ташкил этади. Бу босқич Ф. га ўзига хос мактаб хизматини ўтаган ва мустақил тадқиқотлар олиб бориш учун замин ҳозирлаган.

Ф. нинг мустақил асарларини мазмунига қараб қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

1) фалсафанинг умумий масалаларига, яъни билимнинг умумий хусусиятлари, қонуниятлари ва турли категорияларига бағишланган асарлар: «Субстанция ҳақида сўз» («Калом-фи-л жавҳар»), «Масалалар манбаи» («Уюнул масоил»), «Қонунлар ҳақида китоб», («Китоб фи-л навомис»), «Фалак ҳаракатининг доимийлиги ҳақида» («Китоб фи-л ҳаракат ал-фалака доиматун») ва б.;

2) инсон билиш фаолиятининг фалсафий томонларига бағишланган, яъни билишнинг шакллари, босқичлари ва усуллари ҳақидаги асарлар. Мантиқ (логика)нинг турли проблемаларига доир асарлари ҳам шунга киради: «Қатталарнинг ақли ҳақида сўз» («Калом фи-л-ақл ал-кабир»), «Ёшларнинг ақли ҳақида китоб» («Китоб фи-л ақл ас-сағир»), «Мантиқ ҳақида катта қисқартма китоб» («Китоб ал-мухтасар ал-кабир фи-л мантиқ»), «Мантиққа кириш китоби» («Китоб ал-мадхал ила-л мантиқ»), «Исбот китоби» («Китоб ал-бурҳон»), «Силлогизм шартлари китоби» («Китоб шароит ал-қиёс»), «Жон (руҳ)нинг моҳияти ҳақида рисола» («Рисола фи моҳият ан-нафс») ва б.;

3) фалсафа ва б. конкрет фанларнинг фан сифатидаги мазмуни ва тематикаси ҳақидаги асарлар: «Илмларнинг келиб чиқиши ва таснифи» («Китоб фи ихсо ал-улум ва ат-таъриф», қисқача номи «Ихсо ал-улум»), «Фалсафа тушунчасининг маъноси ҳақида сўз» («Калом фи маъони исм ал-фалсафа»), «Фалсафани ўрганишдан олдин нимани билиш кераклиги ҳақида китоб» («Китоб фи ашё аллати яхтожу анталлама қабл ал-фалсафа»), «Фалсафага изоҳлар» («Таолиқ фи-л ҳикмат») ва б.;

4) материянинг миқдори, фазовий ва ҳажмий муносабатларини ўрганишга бағишланган, яъни математика фанлари — арифметика, геометрия, астрономия ва музикага оид асарлар: «Ҳажм ва миқдор ҳақида сўз» («Калом фи-л кихйз ва-л миқдор»), «Фазо геометриясига кириш ҳақидаги қисқартма китоб» («Китоб ал-мадхал ила-л хандасат ал-вахмияти мухтасаран»), «Астрология қоидалари ҳақида мулоҳазаларни тўғрилаш усули ҳақида мақола» («Мақола фи-л жиҳат аллаяти ясехху алайҳо ал қавл би ахком ан-нужум»), «Музика ҳақида катта китоб» («Китоб ул-мусиқо ал-кабир»), «Музика ҳақида сўз» («Калом фи-л мусиқий»), «Ритмлар туркумлари ҳақида китоб» («Китоб ул фи ихсо-ил-иқо») ва б.;

5) материя хоссалари ва турларини, ноорганик табиатнинг, ҳайвонлар ва инсон организмининг хусусиятларини ўрганувчи, яъни табиий фанлар — физика, кимё, оптика, медицина, биология ва ш. к. га бағишланган асарлар: «Физика асослари ҳақида китоб» («Китоб фи усул илм ал-табиат»), «Алкимё илмининг зарурлиги ва уни инкор этувчиларга раддия ҳақида мақола» («Мақола фи вужуб саноат ал-кимё ва-р радд ала мубтилуҳо»), «Инсон аъзолари ҳақида рисола» («Рисола фи аъзо ал-инсония»), «Ҳайвон аъзолари тўғрисида сўз» («Калом фи аъзо ал-ҳайвон») ва б.;


6) тилшунослик, шеърият, нотиқлик санъати, хаттотликка оид асарлар: «Шеър ва қофиялар ҳақида сўз» («Калом фи шеър ва-л қавофи»), «Риторика ҳақида китоб» («Китоб фи-л хитоба»), «Луғатлар ҳақида китоб» («Китоб фи-л луғат»), «Хаттотлик ҳақида китоб» («Китоб фи санъат ал-китобат») ва б.;

7) ижтимоий-сиёсий ҳаёт, давлатни бошқариш масалаларига, ахлоқ, тарбияга бағишланган, яъни ҳуқуқшунослик, этика, педагогика ва ш. к. га доир асарлар: «Бахт-саодатга эришув йўллари ҳақида рисола» («Рисола фи-т танбиҳ ала асбоб ас-саодат»), «Шаҳарни бошқариш» («Ас-сиёсат ан-мадания»), «Уруш ва тинч турмуш ҳақида китоб» («Китоб фи маъиши ва-л хуруб»), «Фазилатли хулқлар» («Ассийрат ал-фазила») ва б.


Ф. нинг илмий мероси, умуман, ўрта аср Шарқининг ижтимоий-фалсафий ва маданий ҳаётидан, табиий-илмий масалаларидан жуда бой материал беради. Мутафаккир ўз асарларини ўша даврда Шарқ мамлакатларида илмий-адабий тил ҳисобланган араб тилида ёзади. Ф., шунингдек, араб ва форс тилларида фалсафий мазмундаги шеърлар ҳам ёзган.

Ф. асарлари 12—13-асрлардаёқ латин, қадимий яҳудий, форс тилларига, кейинчалик бошқа тилларга таржима қилиниб, дунёга кенг тарқалган. Сўнгги асрларда кўчирилган нусхалари кўп мамлакатлар кутубхоналари ва муассасаларида сақланади. Тошкентда Беруний номидаги Шарқшунослик ин-тида қадимги Шарқ файласуфлари асарларидан жами 107 рисолани, жумладан Ф. нинг 16 рисоласини (арабча) ўз ичига олган «Ҳакимлар рисолалари тўплами» («Мажмуат расоил ал-ҳукамо», Кўл ёзмалар фонди, 2385-инвентарь) бор. Бу ноёб қўл ёзма Ф. асарларини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга. Тўпламдаги Ф. рисолалари 1975 йили ўзбек тилига таржима қилиниб нашр этилди.

Табиий-илмий қарашлари. Ф. нинг табиий-илмий фанлар ҳақидаги қарашлари «*Илмларнинг келиб чиқиши ва таснифи*» асарида батафсил ёритилган. Китобда ўрта асрда маълум бўлган 30 дан ортиқ фаннинг таърифи, аҳамияти кўрсатиб берилади. Барча фанлар 5 гуруҳга ажратилади: 1) тил ҳақидаги илм (7 бўлим — грамматика, орфография, шеърият ва б. дан иборат); 2) мантиқ ва унинг бўлаклари; 3) математика (арифметика, геометрия, оптика, астрономия, музика, оғирликлар ҳақидаги



Форобий ва унинг илмий мероси ҳақида асарлар.



Форобийнинг чет элларда нашр этилган асарлари ва улар ҳақидаги китоблар.

илм, механикани ўз ичига олади); 4) табиатшунослик ва метафизика (илоҳиёт) илми (8 бўлим — башорат қилиш, тиббиёт, алкимё ва б. киради); 5) шаҳар ҳақидаги фанлар — сиёсий илм, фиқҳ, калом (этика, педагогика ҳам шунга киради).

Фанларнинг бу классификацияси ўз даврида илмий билимларни системалаштиришнинг мукаммал шакли бўлиб, билимларнинг кейинги ривожи учун катта аҳамиятга эга бўлди.

Шу нарса диққатга сазоворки, Ф. табиий ва ижтимоий фанларни вазифасидан келиб чиқиб тўғри фарқлаган. Унинг талқинича, математика, табиатшунослик ва метафизика фанлари инсон ақлини билимлар б-н бойитиш учун хизмат қилса, грамматика, мантиқ, шеърият каби илмлар фанлардан тўғри фойдаланишни, билимларни бошқаларга тўғри тушунтириш, яъни ақлий тарбия учун хизмат қилган; сиёсат, ахлоқ, таълим-тарбияга оид билимлар эса кишиларнинг жамоаларга бирлашувини, ижтимоий ҳаётга тегишли қоидаларни ўргатади.

Ф. инсоннинг амалий фаолияти учун табиий фанларнинг аҳамиятини яхши тушунади. Бундай фанларни у реал нарсалар ҳақидаги илмлар деб атайди. У юнон табиатшунослари Евклид, Птолемей, Гален китобларига ёзган шарҳларида, ўзининг геометрияга доир китобида антик дунё ва ўрта аср математик ғояларининг йирик билимдони сифатида майдонга чиқди, математиканинг бир қанча мураккаб категориялари ва мавҳум тушунчаларини илмий нуқтаи назардан ҳал этиш йўлларини қидирди, хусусан сон ҳақидаги, эҳтимоллик назарияси тўғрисидаги ғояларни бойитди.

Ф. «Юлдузлар ҳақидаги қоидаларда нима тўғри ва нима нотўғрилиги тўғрисида» рисоласида осмон жисмлари б-н ердаги ҳодисалар ўртасидаги табиий алоқаларни, хусусан булутлар ва ёмғирлар пайдо бўлишининг Қуёш иссиқлиги таъсирида бугланишга сабабий боғлиқлигини ёки Ой тутилиши Ернинг Қуёш б-н Ой ўртасига тушиб қолишига боғлиқ эканлигини кўрсатган эди. Бу б-н у осмон жисмларига қараб «фол очувчилар»— астрологларни фош қилди. Ф. арзон металларни қимматбаҳо металларга айлантиришга уринувчиларни (қ. *Алкимё*) танқид қилиб, кимёга табиий илмларнинг бир қисми сифатида қаради. Ф. табиблик б-н бевосита шуғулланмаган бўлса-да, назарий тиббиётни яхши билган. Унинг тиббий қарашлари «Инсон аъзолари ҳақида» рисоласида баён қилинган. У инсон аъзоларини, турли хил касалликлар сабабини, уларнинг пайдо бўлиш шароитларини ва ш. к. ни алоҳида-алоҳида ўрганишни, организмнинг саломатлигини тиклаш учун керакли озиқ-овқатларга эътибор беришни қайд этади. Инсоннинг руҳий ва жисмоний ҳолати ташқи омиллар, муҳит таъсирига боғлиқлигига эътибор беради. Унинг тиббиёт вазифаси ва мақсади ҳақидаги қарашлари Ибн Синонинг бу ҳақдаги қарашларига мувофиқ келади.

Фалсафий қарашлари. Ф. дунёқарашининг шаклланишига асосан Шарқнинг қадимги илғор маданияти традициялари, араб халифалиги ва феодал тузумга қарши халқ ҳаракатлари, ўрта аср табиий-илмий тафаккур ютуқлари, Юнонистоннинг фалсафий мероси таъсир кўрсатди. Ф. аввалambор Аристотель таълимотини *неоплатонизм* таъсиридан тозалашга, соф аристотелизмни тиклаш, асослаш ва илғор томонларини сўнгги илмий ютуқлар асосида ривожлантиришга ҳаракат қилиб, Шарқ аристотелизми оқимини вужудга келтирди. Бу оқимнинг методи, муҳим масалалари, категорияларини ишлаб чиқди.

Ф. нинг фалсафий қарашлари моҳият-эътибори б-н ислом ва унинг илоҳиёти — *калом*дан тубдан фарқ қилиб, материалистик ғоялар б-н йўғрилгандир. У ўзининг илғор фикрларини ўша даврдаги бошқа мутафаккирлар каби «олий қудрат»— худо тушунчаси, идеализм қобиғи остида ривожлантирди. Ф. фалсафасига кўра, олам ягона мавжудотдан иборат, Оллоҳ ҳамма нарсанинг ибтидоси, барча вужудлар ундан эманация асосида келиб чиқади, бунинг сўнгги поғонаси материядир. Ф. оламнинг моддийлигига катта эътибор берди. Унинг фикрича, табиат материя турли шаклларининг пайдо бўлиши, сабаб-оқибат муносабатлари асосида, муайян изчиллик ва зарурат бўйича кечадиган тадрижий жараёндир. Ф. «Масалалар моҳияти», «Ўзгарувчан нарсалар ҳақида» рисолаларида материя фазода ҳам, вақтда ҳам чекланмаган, интиҳосиз, яъни абадийдир деган фикрни илгари суради. Шу тарзда *пантеизм*нинг Шарқдаги кўриниши — *вужудиюн*ни прогрессив, материалистик ғоялар б-н бойитади.

Борлиқнинг келиб чиқиши ҳақида Ф. даги *Ал-Истиқсот* таълимоти ҳам материалистик мазмундан иборат. Бунга кўра, мавжудот 4 унсур — тупроқ, сув, ҳаво, оловдан ташкил топади; осмон жисмлари ҳам, ер жисмлари ҳам шу унсурларнинг бирикувидан вужудга келади. Моддий жисмларнинг ўзаро фарқ қилишига сабаб, уларнинг ибтидосидаги унсурларнинг турлича бўлишидир; мас., олов — иссиқлик сабаби; сув — совуқлик, намлик; тупроқ — қаттиқлик сабаби ва б. Ф. бутун мавжудотни сабаб ва оқибат муносабатлари б-н боғланган 6 даража (сабаб)га бўлади: Оллоҳ (ас-сабаб ал-аввал), осмон жинслари (ас-сабаб ас-соний), ақл (ал-ақл ал-фаол), жон (ан-нафс), шакл (ас-сурат), материя (ал-модда). Булардан Оллоҳ «вужуди вожиб», яъни зарурий мавжудликдир, қолганлари эса «вужуди мумкин», яъни имконий мавжуд нарсалардир. Булар бир-бирлари б-н сабабий боғланган (қ. *Вужуди мумкин ва вужуди вожиб*).

Ф. калом таълимотидан чекинибгина қолмай, балки ортодоксал ислом ва *мутакаллимлар* қарашларига ҳам зарба берди. Унинг учун дунё «ғунча» бўлиб, аста-секин ўзининг ранг-баранг томонларини ва битмас-тугалмас бойликларини тобора кўпроқ намоён қилиб очила боради. Борлиқнинг бундай талқини ҳурфикрлилик, табиий-илмий, материалистик ғояларнинг янада ривожланиши учун кенг йўл очди. Абу Али ибн Сино ва ундан кейинги мутафаккирлар ўзларининг фалсафий қарашларида шу борлиқ системаси асосида иш олиб бордилар.

Ижтимоий-сиёсий, ахлоқий қарашлари. Ф. ўрта асрлар шароитида биринчи бўлиб жамиятнинг келиб чиқиши, мақсад ва вазифалари ҳақида изчил таълимот яратди. Бу таълимотда ижтимоий ҳаётнинг кўп масалалари — давлатни бошқариш, таълим-тарбия, ахлоқ, маърифат, диний эътиқод, уруш ва яраш, меҳнат ва б. қамраб олинган.

Ф. «*Идеал шаҳар аҳолисининг маслаги*» рисоласида жамият («инсон жамоаси») нинг келиб чиқиши ҳақида шундай ёзади: «Ҳар бир инсон табиатан шундай тузилганки, у яшаш ва олий даражадаги етукликка эришмоқ учун кўп нарсаларга муҳтож бўлади, у бир ўзи бундай нарсаларни қўлга кирита олмайди, уларга эга бўлиш учун инсонлар жамоасига эҳтиёж туғилади... Бундай жамоа аъзоларининг фаолияти бир бутун ҳолда уларнинг ҳар бирига яшаш ва етукликка эришув учун зарур бўлган нарсаларни етказиб беради. Шунинг учун инсон шахслари кўпайдилар ва ернинг аҳоли яшайдиган қисмига ўрнашдилар, натижада инсон жамоаси вужудга келди» (М. М. Хайруллаев, Уйғониш даври ва Шарқ мутафаккири, Тошкент, 1971, 301-бет). Ф. шаҳарни ижтимоий уюшишнинг етук шакли, инсоният камолотга эришишининг зарурий воситаси, деб ҳисоблайди. Бутун инсонларни ўзаро ҳамкорликка, халқларни тинчликка чақиради, дунёда ягона инсон жамоасини тузиш ҳақида орзу қилади. Мутафаккир инсон қадр-қимматини камситувчи жамиятга қарши чиқади. «Давлат арбобининг ҳикматлари» рисоласида эса у доимий урушлар ва босқинчиликка асосланувчи жамиятни адолатсиз, жоҳил жамият сифатида қоралайди.

Ф. ўзининг идеал жамоасида одамларни турли белгиларга қараб гуруҳларга бўлади. Кишиларнинг диний мазҳабига эмас, балки табиий хусусиятларига; қобилиятларига, аввало ақлий иқтидорига ҳамда илмларни ўрганиш ва ҳаётий тажриба тўплаш жараёнида орттирган билим ва кўникмаларига катта аҳамият беради. Диннинг итоаткорликка даъват этувчи таълимотини кескин қоралайди.

Ф. «*Бахт-саодатга эришув йўллари ҳақида рисола*»; «*Бахт-саодатга эришув ҳақида рисола*» асарларида ўзининг орзу қилган идеал жамиятини яна ҳам ёркин тасвирлайди. Давлатнинг вазифаси инсонларни бахт-саодатга олиб боришдир, деб ёзади у,— бу эса илм ва яхши ахлоқ ёрдамида қўлга киритилади. Ф. давлатни етук шахс (монархия), етук хислатларга эга бўлган бир неча шахслар (аристократия) ва сайланган шахслар (демократия) ёрдамида бошқариш шаклларини қайд этади.

Умуман олганда, Ф. нинг идеал жамияти феодал ижтимоий тузумни акс эттирган. Унинг идеал давлат, бахт-саодат, ўзаро ёрдам, доно бошлиқ, тенглик ва ш. к. ҳақидаги фикрлари *утопия*дир. Бироқ, шундай бўлса-да, диний фанатизм ҳукмронлик қилган ўрта аср даврида инсонни маънавий озод этишга, унинг имкониятларини очишга, гуманистик йўналишни асослашга қаратилган бу таълимот илғор ижтимоий тафаккур тараққиётига буюк ҳисса бўлиб қўшилди. Унинг ижтимоий ғоялари кейинчалик *Абу Райҳон Беруний, Бахманёр, Низомий, Саъдий, Абдурраҳмон Жомий, Алишер Навоий, Бедил, Иқбол, Аҳмад Дониш* ва б. ижодида ривожлантирилди.

Билиш, ақл ва мантиқ ҳақида. Билиш ҳақидаги таълимот Ф. асарларида анчагина изчил ва мукаммал ишланган. Билиш масаласига у инсон моҳиятини тушунтириб беришнинг таркибий қисми сифатида қаради. Инсон табиат тараққиётининг маҳсули бўлиб, ўз сифатлари б-н ҳайвонот оламидан фарқ қилади; инсон — билиш субъекти, табиат эса—унинг объекти, деб билди.

Ф. фикрича, инсоннинг билишини, руҳий кобилиятларини мия бошқаради, юрак эса барча аъзоларни ҳаёт учун зарур бўлган қон б-н таъминловчи марказдир, барча руҳий «қувватлар», жумладан билиш қобилияти муайян аъзога боғлиқ. Ф. руҳ ва тананинг ўзаро муносабати масаласида Платон таълимотида, шунингдек кўпчилик динларда кенг тарқалган руҳнинг кўчиб юриши (қ. *Таносух*) ҳақидаги таълимотга қарши чиқди.

Ф. «Илм ва санъатнинг фазилатлари» рисоласида табиатни билишнинг чексизлигини, билим билмасликдан билишга, сабабиятни билишдан оқибатни билишга, акциденция (алораз)дан субстанция (жавҳар)га қараб боришини таъкидлайди.

Ф. нинг билиш назарияси Платоннинг азалий билимларни «хотирлаш» ҳақидаги таълимотига, мутакаллимлар ва *Faззолий* томонидан қўллаб-қувватланган диний таълимотга кўр-кўрона ишониш, «пайғамбарлик» ва экстаз *(жазавага тушиш)* назариясига зиддир.

Ф. кўрсатишича, билиш 4 ҳолат: объектив мавжудот; турли руҳий «қувват» ёки билиш воситаларига эга бўлган одам; буюмларнинг билиш аъзоларига таъсири; акс этиш жараёни ва шаклларини ўз ичига олади. Инсоннинг ибтидосида, аввало, «озиқлантирувчи қувват» пайдо бўлиб, унинг ёрдамида инсон овқатланади. Шундан сўнг «ташқи ва ички қувватлар» юзага келади. «Ташқи қувват», яъни бевосита ташқи таъсир натижасида сезги органлари орқали вужудга келувчи «қувват»лар 5 турлидир: тери-бадан сезгиси; таъм билиш сезгиси; ҳид билиш сезгиси; эшитиш сезгиси; кўриш сезгиси. Буларнинг ҳаммасини Ф. «ҳиссиёт қуввати» («қуввai ҳиссийя») деб атаб, ҳиссий билиш қисмлари сифатида қарайди. «Ички қувват»га эсда олиб қолиш, хаёл (хотира, таассавур), ҳис-туйғу, нутқ (фикрлаш) «қувват»лари киради. «Ички қувват»да Ф. ақлий билиш босқичини назарда тутади.

Шу тарзда Ф. билишнинг 2 босқичини — ҳиссий ва ақлий билишни фарқ қилади. Ташқи дунё б-н боғловчи сезгининг асосий шаклларини тўғри тавсифлаб, ҳиссий билишга катта эътибор беради. Уни борлиқнинг ташқи хоссалари ҳақида ҳақиқий билим бериш манбаи деб қарайди. Реал нарсаларни бирламчи, тушунча ва ғояларни эса конкрет билимларни умумлаштириш натижасида ақлда пайдо бўладиган иккиламчи сифатлар деб ҳисоблаб, *номинализм* мавқеида туради.

Ф. билиш жараёни ҳар 2 босқичга боғлиқлигини, ақлий билиш ҳиссий билишсиз вужудга келмаслигини алоҳида таъкидлаш б-н бирга, уларнинг билиш жараёнидаги хусусиятларига эътибор бериб, ўзаро тафовутларини ҳам кўрсатади: ҳиссий билишда сезги аъзолари ёрдамида буюмлар бутун конкрет сифатлари б-н билинади, ақлда эса нарса ана шу конкрет сифатларсиз олинади; сезгида буюмларнинг муҳим бўлмаган томонлари акс этади, ақлда эса сезилган сифатларни абстрактлаштириш орқали уларнинг моҳияти билинади. Ф. ақлий жараёнда жисмлар моҳияти конкрет сифатларидан ажратилган ҳолда умумлаштирилиши мумкинлигини алоҳида таъкидлайди.

Ф. «Ақл маънолари ҳақида» рисоласида ақл масаласини чуқур талқин қилади. У ақл, бир томондан, руҳий жараён, иккинчи томондан ташқи таъсир — таълим-тарбиянинг натижаси эканлигини уқтиради. Ф. фикрича, ақл фақат инсонгагина хос бўлган туғма қувват — руҳий куч б-н боғлиқ. Инсон тушуниш, фаҳмлаш, муҳокама қилиш, фикрлаш қувватига туғилишдан эга бўлади, бу хусусиятлар бола камолга ета бориши б-н ривожланиб боради.

Ф. нинг ақл, умуман билиш ҳақидаги таълимотида мантиқ (логика) илми муҳим ўрин

тутади. Мантиқ санъати кишига шундай қонунлар ҳақида маълумот беради, деб ёзади у,— бу қонунлар воситасида ақл чиниқади, инсон соғлом фикр юритишга ўрганади — ҳақ ва тўғрилик қайси томонда эканини англайди, тафаккурда учрайдиган турли хатоларга тойиб кетишдан кишини саклайди. Ф. мантиқ илми б-н грамматика ўртасидаги муштаракликни қайд этади: мантиқнинг ақлга муносабати грамматиканинг тилга муносабати кабидир. Грамматика одамлар нутқини тарбиялагани каби, мантиқ илми ҳам тафаккурни ҳақиқий йўлдан олиб бориш учун ақлни тўғрилаб туради.

Ф. асосий мантиқ шакллари — *тушунча, муҳокама, хулоса чиқариш, исбот* ва б. нинг моҳиятини тушунтириб беради. Унинг *дедукция, индукция, силлогизм* ҳақидаги таълимоти ҳозирги фанда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Ф. исботсиз, ҳақиқат тарзида қабул қилинадиган билимларни 4 га бўлади: мақбулот (мақбул бўлган фикрлар); машҳурот (кўпчиликка маълум бўлган); маҳсулот (сезиш ва идрок натижасида ҳосил бўлган); бошланғич маъқулот (аксиомалар). Мутафаккирнинг «Логикага кириш» рисоласида буларнинг ҳар бири батафсил тавсифлаб берилган. У бу 4 билимлардан бошқа ҳамма билимлар индукция ва дедукция б-н билинишини таъкидлайди.

Умуман Ф. нинг рационализмга асосланган билиш таълимоти материалистик ғояларни ривожлантирди, ақлни дин ва ақидадан устун қўйиб, дунёни билишда, унинг чексиз имкониятларини кўрсатди. Лекин Ф. билиш диалектикасини, онг, инсон ақлининг моҳиятини тўғри тушунтиришда ожизлик қилди.

Музика тўғрисида. Ф. «Музика ҳақида катта китоб» деган кўп жилдли асари б-н ўрта асрнинг йирик музикашуноси сифатида машҳур бўлди. У музика илмини назарий ва амалий тармоқларга, куйларнинг ички тузилиши, қонуниятларини ҳисобга олиб таълиф ва *илми ақога* ажратади.

Ф. музика назариясида товушлар вужудга келишининг табиий-илмий таърифини беришгина қолмай, куйлар гармониясининг математик принципларини очади, турли жадваллар, геометрия қоидалари асосида кўплаб мураккаб чизмалар келтиради. У Шарқ музикасининг ритмик асосини далиллар б-н шарҳлаб беради. Мутафаккирнинг *ритм* ҳақидаги таълимоти тез ёки суст суръат б-н боғлиқ, урғули-урғусиз ёки шартли қабул қилинган сўзларни талаффуз этишга асосланган. У ритмларни ташкил этган зарб бирликлари бўлмиш *нақралар*, уларнинг бирикмасидан ҳосил этиладиган *рукн*ларнинг турли хиллари асосида яратиладиган ритм ўлчовлари ва турларини ёритиб берган.

«Музика ҳақида катта китоб»да фақат музика назарияси ва тарихи баён этилмай, Шарқда маълум бўлган рубоб, танбур, ноғора, уд, қонун, най каби музика асбоблари ҳамда уларда куй ижро этиш қоидалари тафсилоти б-н берилган. Ф. нинг ўзи моҳир созанда, бастакор, янги музика асбобларининг ихтирочиси бўлган. Ф. музикага инсон ахлоқини тарбияловчи, сиҳат-саломатлигини мустаҳкамловчи восита деб қараган. Унинг музика соҳасида қолдирган мероси музика маданияти тарихида оламшумул аҳамиятга эга.

Ф. меросини ўрганиш. Ф. ўз давридаёқ буюк олим сифатида машҳур бўлган. Шарқ халқларида у ҳақда турли ҳикоя, ривоятлар вужудга келди. Урта аср олимларидан *Ибн Халликон; Ибн ал-Қифтий, Ибн Аби Усабиъа, Байҳақий* асарларида Ф. ҳақида маълумотлар келтирганлар. Урта асрларда *Ибн Туфайл, Ибн Божа, Ибн Рушд, Ибн Халдун* каби мутафаккирлар Ф. ижодини ўрганиб, унинг ғояларини ривожлантирганлар. Хусусан Ибн Рушд Ф. асарларини ўрганибгина қолмай, уларга шарҳлар ҳам («Силлогизмга нисбатан ал-Форобийнинг фикри», «Абу Наср нинг мантиққа доир асарида ифодаланган фикрнинг баёни», «Ал-Форобий, хусусан унинг «Органон» изоҳларига турли шарҳлари» ва б.) ёзди. *Аверроизм* номи б-н машҳур бўлган унинг фалсафий таълимотининг шаклланиши дастлаб Ф. ва Ибн Сино илмий фаолияти б-н боғлиқ. Аверроизм материалистик ва атеистик тенденцияларни ифодаловчи прогрессив йўналиш сифатида кенг ёйилган ва *Уйғониш давр*ининг кўп илғор мутафаккирлари дунёқарашига таъсир кўрсатган.

Ф. меросини ўрганишда турлича ёндошишлар бўлган. Ислом дини намояндалари, Ғарб ва Шарқ буржуа олимлари Ф. ни мистик-идеалист, мусулмон таълимотларини асослаш ва мустаҳкамлаш учун хизмат қилган илоҳиёт олими деб тасвирлайдилар, баъзи буржуа тадқиқотчилари эса Ф. ни юнон фалсафасининг шунчаки тарғиботчиси, шарҳловчиси сифатида кўрсатиб, унинг мустақил дунёқарашга эга эканлигини инкор этадилар.

Лекин прогрессив инсоният Ф. ижодига ҳурмат б-н қараб, унинг меросини қидирмоқда. Европа олимларидан Б. М. Штрешнейдер, Карра де Во, Т. У. Буур, Р. Хаммонд, Р. де Эрланже, Ф. Детеричи, Г. Фармер, Н. Ришар, Г. Лей, Шарқ олимларидан Нафисий, Умар Фаррух, Туркер, М. Махди ва б. Ф. меросини ўрганишда муайян ҳисса қўшдилар. Кейинги йилларда унинг ижоди ва таълимотларига бағишланган бир қанча тадқиқотлар, асарлар юзага келди. Ф. мероси, айниқса СССР да кенг ўрганилмоқда. Бу соҳада В. В. *Бартольд*, Е. Э. *Бертельс*, А. Саъдий, С. И. Григорян, И. М. *Мўминов*, В. *Зоҳидов*, Б. Ғ. *Ғофуров*, А. М. Жаҳид, А. В. Сагдаев асарлари маълум аҳамиятга эга. Ф. ижоди ва фаолияти, айниқса, М. М. *Хайруллаев* (Узбекистон), А. Қубасов, А. Х. Қосимжонов (Қозоғистон) томонидан кенг ўрганилган.

1975 йилда совет халқи ва бутун тараққийпарвар инсоният Ф. нинг 1100 йиллик юбилейини нишонлади. Москва, Олмаота, Тошкент, Бағдодда унга бағишланган халқаро илмий конференциялар ўтказилди. Узбекистон ва Қозоғистонда Ф. номига қўйилган кўча, мактаб ва кутубхоналар бор. (128- бетдаги вкл. қ.).

Ас.: Философские трактаты, Алма-Ата, 1970; Математические трактаты, Алма-Ата, 1972; Социально-этические трактаты, Алма-Ата, 1973; Логические трактаты, Алма-Ата, 1975; О разуме и науке, Алма-Ата, 1975; Форобий рисолалари, Т., 1975.

Ад.: Хайруллаев М. М., Абу Наср Форобий, Т., 1966; Григорян С., Средневековая философия народов Ближнего и Среднего Востока, М., 1966; Хайруллаев М., М. Мировоззрение Фараби и его значение в истории философии, Т., 1967; Хайруллаев М. М., Уйғониш даври ва Шарқ мутафаккири, Т., 1971; Гафуров Б. Г., Касымджанов А. Х., Ал-Фараби в истории культуры, М., 1975; Хайруллаев М. М., Фараби. Эпоха и учение, Т., 1975; Ал-Фараби. Научное наследие. Сборник, М., 1975; Казибердиев А. Л., Сочинения Абу Насра ал-Фараби в рукописях Института Востоковедения АН УзССР, Т., 1975; Ирисов А., Форобий — адабиётшунос, Т., 1975.

ФОРОНИДЛАР, (Phoronidea) — умуртқасиз денгиз ҳайвонлари типи. 23 тури маълум. Шундан 5 тури СССР денгизларида учрайди. Чувалчангсимон танаси 0,6—45 *см*. Органик моддадан вужудга келган найчаларда яшайди. Найчадан фақат гавданинг пайпаслагичли олдинги учи чиқиб туради. Иккиламчи тана бўшлиғига эга. Ички ҳалқасимон. Қон айланиш системаси ёпиқ. Чиқариш органи — метанефридийлар. Нерв системаси жуда содда тузилишда. Ф. айрим жинсли. *Метаморфоз* б-н ривожланади. Бунда ўзига хос личинка — актинотроха ривожланади. Ф. барча илиқ ва иссиқ денгизларда тарқалган. Баъзи зоологлар уларни *мшанкала*рга, айримлари эса *погонофора*ларга яқин деб ҳисоблайди.

ФОРС — Эроннинг жанубий қисмидаги тарихий ва маъмурий вилоят (остон). Майдони 133,3 *км*². Аҳолиси 1882 минг киши (1972). Ф. да Загрос тоғларининг жануби-шарқий тармоқлари жойлашган. Дарё кам, энг йириги — Манд.

Ф. қадимги форс тилида Порсо деб аталган. 7- асрда араблар эгаллаб, асосий шаҳри — Истахрни бузиб ташлашган. 7- аср охирида Ф. да *хорижийлар* ҳаракати бошланган. Кейинчалик Ф. *Бувайҳийлар*, Салғурийлар, *Музаффарийлар*, Зандлар давлатларининг марказий вилояти бўлиб, пойтахти — Шероз эди.

Ф.— Эроннинг энг муҳим қ. х. р-ни. Тор оралиғидаги водийларда деҳқончилик қилинади. Буғдой, арпа, шоли, қанд лавлаги (мамлакатда етиштирилаётган қанд лавлагининг $^1/_5$ қисми), пахта, наша экилади. Хурмо (жами ҳосилнинг $^1/_3$ қисми), узум етиштирилади. Шероз ш. ва унинг атрофида атиргул ўстирилиб, ундан эфир мойи олинади. Кўчманчи чорвачилик (асосан, қўйчилик) б-н шуғулланилади. Шаҳарлар (Шероз, Қазерун, Марвдашт, Феса, Ферузобод ва б.) да тўқимачилик, озиқ-овқат ва қурилиш материаллари саноати корхоналари бор. Гилам тўқилади. Ф. орқали Теҳрон — Исфаҳон — Шероз — Бушир (Форс қўлтиғи соҳилидаги порт) автомобиль йўли ўтган. Шерозда халқаро аэропорт бор.

ФОРС ТИЛИ, форсий—форслар тили. Эроннинг расмий тили. *Ҳинд-европа тиллари* оиласининг эрон тиллари жануби-ғарбий тармоғига мансуб. Ф. т. энг қадимий тиллардан бўлиб, Афғонистон, Ҳиндистон, Ўрта Осиё ва Озарбайжонда ҳам қисман қўлланган, баъзи араб мамлакатларида ҳам тарқалган.

Форс адабий тилига Теҳрон диалекти асос бўлган. Ф. т. нинг бошқа диалектлари ва шевалари ҳам бор, бироқ улар етарли ўрганилмаган. Ф. т. да 13,5 млн. дан ортиқ киши гаплашади (1970). Ҳозирги Ф. т. *тожик тили* ва Афғонистондаги форсий-кобулий (дари) тили б-н бир қаторда қадимги форс, ўрта форс ва янги форс тиллари негизида ривожланган. Қадимги дари тили эса ғарбий ва шарқий эроншунослигининг (форсийлар, тожиклар ва б.) адабий тили бўлиб, 9- аср охиридан бошлаб 16-аср бошларигача, Ўрта Осиё, Эрон, Афғонистон, Озарбайжон терр-яларида, Ҳиндистоннинг шимоли-ғарбий қисмида тарқалган. У сомонийлар ҳукмронлиги даврида Ўрта Осиё, Хуросон ва Шимолий Афғонистонда китобий араб тили ўрнини эгаллаб, адабий тил функциясини бажарди.

Ф. т. дан ўрта асрда Ҳиндистонда ҳам адабий тил сифатида фойдаланилган. Морфологияси учун келишиклар ва грамматик жинс категориясининг йўқлиги, синтаксиси учун эса изофали конструкциянинг мавжудлиги характерли. Ф. т. фонетикасида 8 унли, 23 ундош фонема бор. Ф. т. ёзуви 8- асрдан бошлаб араб алфавитига асосланган, 32 та ҳарфга эга. Ф. т. тарихи уч — қадимий, ўрта ва янги даврга бўлинади. Луғат составида араб, туркий, мўғул, шунингдек (19- асрдан бошлаб) француз, рус, инглиз тилларидан ўтган сўзлар мавжуд.

Ад.: Халилов Л., Форс тили, Т., 1965; Абдусаматов М., Форс тили. [Дарслик], Т., 1971; Умаров З., Рустамов А., Каримов Қ., Форсча-ўзбекча ўқув луғати, Т., 1975.


ФОРС ҚЎЛТИҒИ — Ҳинд океанининг шимолий-ғарбий қисмидаги қўлтиқ. Эрон б-н Арабистон я. о. қирғоқлари оралиғида. Шарқда Ҳўрмуз бўғози ва Уммон қўлтиғи орқали Арабистон денгизи б-н туташган. Майдони 239 минг *км*². Узунлиги 926 *км*, эни 180—320 *км*. Аксари қисмининг чуқурлиги 50 *м* дан кам, энг чуқур жойи 102 *м*. Орол ва маржон рифлари кўп. Энг йирик ороллари; Баҳрайн ва Қешм. Ф. қ. га Шатт ул-Араб дарёси қуйилади. Сув т-раси августда 30—33°, февралда 15—21°. Шўрлиги 30—40‰. Соат стрелкаси ҳаракатига тескари йўналган оқимлар мавжуд. Балиқ овланади. Марварид олинади. Ф. қ. тубида ва унга ёндош қуруқликларда йирик нефть конлари бор. Ф. қ. бўйлаб порт шаҳарлар жойлашган (Басра, Ободон, Ал-Кувайт, Рас-Таннура, Манама, Абу-Даби ва ҳ. к.).

ФОРСЛАР (ўзларини эронийлар деб атайдилар) — миллат, Эрон аҳолисининг салкам 50% ини ташкил этади. Эрондаги Ф. нинг умумий сони 16 млн. киши (1974), асосан Марказий ва Шарқий Эронда яшайди. *Форс тили*да гаплашадилар. Антропологик жиҳатдан катта европеоид ирқининг жанубий тармоғига мансуб. Ислом динининг шиа мазҳабига эътиқод қиладилар. Ислом дини 7- асрда — мамлакат араблар томонидан истило қилингандан кейин тарқалган. Бунга қадар *зардуштийлик*ка эътиқод қилишган. Эрон қабилаларининг ҳозирги Эрон терр-ясига жойлашиши (баъзи олимларнинг фикрича — Урта Осиёдан, бошқаларининг фикрича — Закавказьедан) тахминан мил. ав. 2- минг йилликка тўғри келади. Эрон қабилалари *Ахоманийлар* давлатида ҳукмрон мавқени эгаллаганлар. Ф. нинг шаклланишида араб, турк ва мўғул қабилалари ҳам қатнашган. 19- аср ўрталаридан Ф. миллат бўлиб таркиб топа бошлади. Эрондаги бошқа халқларнинг Ф. б-н ассимиляция процесси ҳозир ҳам давом этмоқда. Ф. нинг оилавий муносабатларида мусулмон урф-одатлари ҳукмрон. 1963 йилдан аёлларга сайлов ҳуқуқи берилган бўлса-да, лекин амалда уларнинг оила ва жамиятдаги ҳуқуқий тенгсизлиги сақланмоқда.

Ф. нинг кўпчилиги деҳқончилик, боғдорчилик, шунингдек уй ҳунармандчилиги (гилам тўқиш) ва б. б-н шуғулланади. Шаҳарларда яшовчи Ф., асосан, ишчи, ҳунарманд, савдогар, хизматчи ва б.

Ад.: Народы Передней Азии, М., 1957.

ФОРСТЕР, Балтазар Иоханнес (1915. 13. 12, Кап провинцияси Жеймстаун ш.) — ЖАР давлат ва сиёсий арбоби. Маълумоти бўйича юрист. Иккинчи жаҳон уруши даври (1939—45) да фашистлар Германияси б-н ҳамкорлик қилган. Миллатчи партия ҳокимият тепасига келгач (1948), Ф. парламент аъзоси бўлган. Х. Фервурд ҳукуматида юстиция министри (1961—66). 1966 йилдан ўнг миллатчи партия раҳбари ва бош министр. Ф. ҳукуматининг сиёсати апартхейд режимини кучайтиришга,



ЯМЗ-238 дизелининг форсункаси: *1* — пуркагич; *2* — нина; *3* — гайка; *4* — корпус; *5* — ёнилғи канали; *6* — шток; *7* — пружина; *8* — ростлаш винти; *9* — қалпоқча; *10* — тўрли фильтр.

ёш Африка давлатларини ўзига бўйсундиришга қаратилган. 1975 йил охири 1976 йил бошида Ф. ҳукумати қўшинларининг Ангола Халқ Республикаси терр-ясига қуролли бостириб кириши муваффақиятсиз тугади.

ФОРСУНКА (инглиз. force — босим бериш, ҳайдаш) — қозон, печь агрегати ўчоғига ёки ички ёнув двигателининг ёниш камерасига суюқ ёнилғини зарраларга айлантириб пуркайдиган қурилма. Ёнилғи Ф. дан узлуксиз (ўчоқлар, газ турбиналари, реактив двигателларда) ёки қисқа вақт оралиғида даврий чиқиб (дизель ва б. да) туради. Марказдан қочма, уюрма ҳамда айланувчи тўзитгичли Ф. ларда суюқлик айланма ҳаракат олади ва улардан юпқа парда кўринишида чиқади. Тўзиткичларда ёнилғи оқими шундай тезликка эришадики, бунда суюқлик майда томчиларга айланади (механик тўзитиш) ва улар ёниш камерасида яхши тарқалади. Баъзи Ф. ларда улардан ёнилғи б-н бирга чиқадиган газ ёки буғдан фойдаланилади. Ф. ларда бериладиган ёнилғи миқдорини ўзгартирадиган клапан (мас., нина) бўлиб, улар қўлда, босим остида автоматик қурилмалар воситасида бошқарилади.

ФОРТАЛЕЗА — Бразилиянинг шимоли-шарқидаги шаҳар ва порт. Сеара штатининг маъмурий маркази. Аҳолиси 858 минг киши (1970). Т. й. узели. Тўқимачилик, кимё, озиқ-овқат, кўн-чарм, металлургия саноати корхоналари бор.

ФОРТ-АЛЕКСАНДРОВСКИЙ — ҚозССР Манғишлоқ областидаги *Форт-Шевченко* шаҳрининг 1857 йилдан 1939 йилгача бўлган номи.

ФОРТЕ (лат. fortis — кучли, қаттиқ, зўр) — қ. *Динамика* (музикада).

ФОРТЕПЬЯНО (*форте* ва итал. piano — кучсиз, секин, паст) — торли клавишли музика асбоби. 1709—11 йиллари Италияда Б. Кристофори ихтиро қилган. Қизиғ қопланган ёғоч болғачалар б-н торларга уриб товуш ҳосил қилиниши жиҳатдан *клавесин* ва клавикордан фарқ қилади. Унинг бу хусусияти динамик имкониятларини ҳамда ифода ва техник воситаларини кенгайтирди. Шу сабабли ҳам 18-аср охирида клавесин ва клавикорд ўрнини эгаллади. Кейинчалик Ф. механизми ва шакли такомиллаштирилган. Диапазони (7 октавадан ортиқ) музикада қўлланадиган товушларнинг кўпини қамрайди. Якканавоз ва жўрнавоз соз, ансамбль баъзан оркестр сози сифатида қўлланади. Ф. нинг *пианино* ва *рояль* турлари бор. Ф. учун классик ва ҳозирги замон композиторлари турли жанрларда шаклан бой асарлар яратган. Ўзбекистон композиторлари ижодида Ф. музикаси. 1920—30 йилларда В. Успенский, Б. Надеждинлар қайта ишлаган ўзбек халқ куйларидан бошлаб ҳозирда Г. Мушель, И. И. Акбаров, Х. Изомов, Б. Гиенко, Э. Солиҳов, С. Жалил ва б. нинг миниатюралари, циклли асарлари, кўп қисмли туркумлари б-н бойиди.

ФОРТИССИМО (*форте* сўзининг итал. орттирма даражаси) — қ. *Динамика* (музикада).

ФОРТИФИКАЦИЯ (лат. fortificatio — истеҳком) — 1) қўшин позицияларини мустаҳкамлаш ва шикаст берувчи қуроллар таъсиридан сақланиш усуллари ҳақидаги фан; 2) ҳарбий инженерлик ишининг тармоғи; ўз қўшинлари ҳаракатини осонлаштириш, душман қўшинлари ҳаракатига тўсқинлик қилиш мақсадида жойларда истеҳкомлар барпо этишга мўлжалланган. Ф. дала истеҳкомлари ва узоқ муддатга мўлжалланган истеҳкомлардан фойдаланиш соҳаларини ҳам қамраб олади. Шунинг учун у дала фортификацияси ва узоқ муддатга мўлжалланган истеҳкомлар фортификацияси деган хилларга бўлинади.

Жойларда истеҳкомлар барпо этиш учун жойнинг хусусиятларидан фойдаланиб, энг эффектив ўт очиш ва мустаҳкам ҳимоя қилишга қулай фортификация иншоотлари (қ. *Мудофаа иншоотлари*) ва б. *инженерлик иншоотлари* қурилади, бостириб келадиган душманга қарши турли *тўсиқлар* ўрнатилади, *мустаҳкамланган районлар* барпо этилади.

Ад.: Шперк В. Ф., [Борисов Ф. В.], Долговременная фортификация, ч. 1 — История долговременной фортификации, М., 1952; Карбышев Д. М., Избранные научные труды, раздел 2, М., 1962.

ФОРТ-ЛАМИ — Чад Республикасидаги *Ньжамена* шаҳрининг 1973 йилгача бўлган номи.

ФОРТ-УЭРТ — АҚШнинг жанубидаги шаҳар. Техас штатида. Аҳолиси 370 минг киши (1975). Йирик қ. х. р-нининг ва нефть ҳамда газ қазиб олиш р-ларининг маркази. Гўшт, ун, нефтни қайта ишлаш, кимё, машинасозлик, авиация ва ракетасозлик саноати корхоналари, ун-т бор.

ФОРТ-ШЕВЧЕНКО (1939 йилгача — Форт-Александровский) — ҚозССР Манғишлоқ областидаги шаҳар. Манғишлоқ ярим оролида. Каспий денгизидаги порт. 1846 йилда Новопетровск истеҳкоми сифатида вужудга келган. 1857 йилдан Форт-Александровский. 1850—57 йилларда шаҳарда сургунда бўлган Т. Г. Шевченко номи б-н аталган (1939). Балиқ к-ти, Т. Г. Шевченко мемориал музейи ва ўлкашунослик музейи бор. Чиғаноқтош олинади.

ФОРУМ (лат. forum) — Қадимги Рим шаҳарларининг асосий майдони (бозор ва сиёсий ҳаёт маркази). Рим шаҳрининг ўзида бир неча Ф. бўлган. Ф. да ибодатхоналар, суд ва б. мақсадлар учун қурилган *базиликалар*, сенат ва шаҳар бошқармасининг бинолари бўлиб, Ф. нинг атрофи *портик* ва ҳайкаллар б-н безатилган. Императорлик даврида Ф. лар кўпайди, Рим форуми сиёсий марказдан аста-секин императорнинг ҳарбий қудратини намойиш қилувчи майдонга айланди. Кўчма маънода бирон воқеанинг маркази. Узбекчада Ф. кўпроқ кенг ваколатли мажлис, анжуман маъносида ишлатилади.

ФОС, Фес — Марокашнинг шимоли-ғарбий қисмидаги шаҳар. Фос вилоятининг маъмурий маркази. Аҳолиси 325 минг киши (1971). Т. й. ва шоссе йўллар узели. Йирик савдо-саноат ва маданият маркази. Тўқимачилик, озиқ-овқат, ёғочсозлик, металлсозлик корхоналари, аэропорт бор. Кустарчиликда мовут, шойи, кулолчилик ва чарм буюмлар ишлаб чиқарилади. Машҳур диний Қарuин ун-ти (9-асрдан) бор. Ф. уч қисмга бўлинади: Фос ал-Бали (эски Ф., 789 йилда Идрис I асос солган); Фос ал-Жадид (янги Ф., 1276 йилда асос солинган) ва 1916 йилдан кейин қурилган замонавий шаҳар. 9—10-асрларда Идрисийлар давлатининг маркази. 13—15-асрларда Маринийлар давлати, 14-асрдан бутун Мағрибнинг сиёсий маркази. 16-аср ўрталаридан таназзулга учради. 1911 йилда Ф. ни француз қўшинлари босиб олди. Ф. Марокаш халқининг миллий озодлик кураши (1912, 1936—37, 1951, 1954) нинг асосий маркази. 1956 йилдан, Марокаш мустақилликка эришгач, саноати тез ривожланди.


ФОСГЕН, карбонат кислота дихлорангидриди, $COCl_2$ — чиғирган пичан ҳиди келадиган рангсиз газ. Қайнаш т-раси +8,2°С, суюқланиш т-раси —188°С; буғларининг ҳавога нисбатан зичлиги 3,5; сувда ёмон, органик эритувчиларда яхши эрийди. Газсимон Ф. ҳаво нами б-н секин, сувда эса тез гидролизланади; спиртлар (ROH) б-н хлор карбонатлар (ClCOOR) ва карбонатлар (ROCOOR), тузлар б-н карбон кислоталари, металл оксидлари б-н галогенидлар (мас., $AlCl_3$), аммиак б-н мочевина, ва NH_4Cl, аминлар б-н арил (алкил) алмашган мочевина $CO(NHR')_2$ ва *изоцианатлар* ҳосил қилади. Ф. СО га Cl_2 (актив кўмир иштирокида) таъсир эттириб олинади.

Ф. — жуда заҳарли модда, у б-н иш олиб борилганда заҳарланиб қолиш мумкин. Ф. нафас йўлларига чуқур таъсир этади. У таъсир этганда газ алмашинуви бузилади, кислород етишмайди, қон қуюқлашади ва ивади, қон айланиши қийинлашади. Чала заҳарланганда бронхлар зарарланади, кучли заҳарланганда нерв-психик зарарланиш ҳам қўшилади.

Ф. дан заҳарланганда биринчи ёрдам. Кислород б-н узоқ нафас олдирилади, венага кальций хлорид эритмаси ва глюкоза юборилади; шиллиқ пардалар 2% ли натрий гидрокарбонат эритмаси б-н ювилади. Ф. дан сақланиш учун хавфсизлик техникасига риоя қилинади.

Биринчи жаҳон урушида (1914—18 йил) Ф. бўғувчи *заҳарловчи моддалар* сифатида ишлатилган. 0,005 *мг/л* Ф. хавфли; 0,1—0,3 *мг/л* Ф. 15 минутда ўлдиради. Ф. дан сақланиш учун противогаз кийиш керак.

ФОСИЛА (араб. فصل — бўлмоқ, ажратмоқ) — 1) шеъриятда аруз вазни ва қадимий музика илмида ритм ўлчовлари ҳосил қилинишида қўлланиладиган муайян руки номи. Унинг икки тури фосилаи суғро (кичик Ф.) ва фосилаи кубро (катта Ф.) бўлиб, икки ёки уч қисқа ва бир узун бўғиндан ташкил топади. Шартли қабул қилинган сўз б-н шеъриятда «келаман», «қарамадим», музика ритмида «тананам» «тананаанан» шаклида ёзилади ва 0 0 ′ 0 0 0 ′ талаффуз этилади (қ. *Сабаб, Ватад*); 2) қадимий музика назариясида икки октава диапазонидаги темперация қилинмаган диатоник товушқаторнинг юқори октавасида биринчи тетрахорд боши, 1—2-тетрахорд ўртаси ва 2-тетрахорд охирида келадиган бутун тондан иборат оралиқ (интервал): 3) адвор (ёки илми адвор)да лад товушқаторини ва ритм формулаларини бир-биридан ажратиш учун ишлатиладиган кичик сукунат, пауза (яна қ. *Аруз, Адвор, Иқоъ*).



Фосила.

ФОССА (Cryptoprocta ferox) — виверрасимонлар оиласига мансуб сут эмизувчи ҳайвон. Танаси 61—76 *см*, думи 66 *см* ча. Қизғиш-жигар ранг, қилга ўхшаш қаттиқ жун б-н қопланган. Оёқлари қисқа, узун тирноғи панжа ичига тортилган. Кўз қорачиғи мушукникига ўхшаш. 1—2 бола туғади. Ф. фақат Мадагаскарнинг қалин ўрмонларида тарқалган. Асосан, тунда актив. Кемирувчилар, лемурлар, қушлар б-н овқатланади. Баъзан уй ҳайвонлари ва паррандаларини еб, зарар келтиради.

ФОСТЕР Уильям (1881. 25. 2, Массачусетс штати, Тонтон ш.—1961. 1. 9, Москва) — америка ва халқаро ишчилар ҳаракати арбоби. Ишчи оиласида туғилган. АҚШ Социалистик партиясининг аъзоси (1901—09). 1920—29 йилларда профсоюз пропагандаси Лигасига, қайта тузилгандан кейин (1929) — профсоюз бирлиги Лигасига раҳбарлик қилган. 1921 йили АҚШ Компартияси сафига кирди ва МК аъзолигига сайланди. 1922 йилдан Профинтерн Ижроия бюроси аъзоси. 1924 йилдан МК Сиёсий бюросининг аъзоси. 1929—38 йилларда АҚШ КП МК раиси. 1938—44 ва 1945—57-йилларда АҚШ КП Миллий Комитетининг раиси. Ф. 1957 йилдан умрининг охиригача АҚШ Компартиясининг фахрий раиси. 1924 йили Коммунистик Интернационал Ижроия Комитети (КИИК) аъзолигига, 1935 йили КИИК Президиуми аъзолигига сайланди. 1924, 1928 ва 1932 йиллардаги АҚШ президентлигига бўлиб ўтган сайловларда Компартия Ф. номзодини кўрсатган. 1948 йили Ф. ва Компартиянинг б. раҳбарлари қамоққа олинди. Бироқ ҳукумат Ф. ни касаллиги туфайли озод қилишга ва медицина текширувларидан кейин судини номаълум муддатга қолдиришга мажбур бўлди. Ф. га 1961 йил январидагина СССРга келиб даволанишга рухсат берилди.



Фостер У.

Ад.: Григорьев И. Р., Уильям З. Фостер, М., 1975.

ФОСФАТ АНГИДРИД, фосфор (V)-оксид, P_4O_{10} (P_2O_5) — фосфат кислота ангидриди (қ. *Фосфор оксидлари*).

ФОСФАТ КИСЛОТАЛАР — фосфорнинг фосфат ангидрид P_2O_5 асосида ҳосил бўладиган кислородли кислоталари. Бир молекула фосфат ангидрид б-н неча молекула сув бирикишига қараб уч хил фосфат кислота олиниши мумкин: $P_2O_5+H_2O \rightarrow 2HPO_3$ (метафосфат кислота); $P_2O_5+2H_2O \rightarrow H_4P_2O_7$ (пирофосфат кислота); $P_2O_5+3H_2O \rightarrow 2H_3PO_4$ (ортофосфат кислота). Буларнинг ичида сувга энг бойи ва энг муҳими ортофосфат кислотадир, у тўғридан-тўғри фосфат кислота деб аталади. Фосфат кислота (H_3PO_4) — рангсиз, тиниқ ромбик кристалл модда; зичлиги 1,87 *г/см³*, суюқланиш т-раси 42,35°С. Нормал шароитда инерт, юқори т-рада кўпгина металл ва уларнинг оксидлари б-н реакцияга киришади ва, ҳатто кварц б-н олтинга ҳам таъсир этади. Фосфат кислота сув б-н ҳар қандай нисбатда аралашади. Ортофосфат кислота уч асосли кислота, у уч хил туз ҳосил қилади, мас., KH_2PO_4 — калий дигидрофосфат (бирламчи фосфат); K_2HPO_4 — калий гидрофосфат (иккиламчи фосфат); K_3PO_4 — калий фосфат (учламчи фосфат).

Фосфат кислота техникада экстракцион ва термик усуллар б-н олинади. Экстракцион усул майдаланган ва озроқ фосфат кислота қўшилган табиий фосфоритни сульфат кислота эритмасида эритишдан иборат. Термик усулда эса аввал фосфоритдан эркин фосфор олинади, сўнгра уни куйдириб фосфор (V)-оксид ҳосил қилинади. Бу моддага сув таъсир эттириб уни H_3PO_4 га айлантирилади. Метафосфат кислота орто ёки пирофосфат кислотани қиздириб олинади. Пирофосфат кислота эса гидрофосфатни қиздириб ва б. усулларда олинади.



Фосса.

Фосфат кислота ўғитлар, техник реактивлар ишлаб чиқаришда муҳим хом ашё. У бир қатор органик маҳсулотлар синтезида, активлаштирилган кўмир ишлаб чиқаришда, металлар сиртида ҳимоя қопламалар ҳосил қилишда қўлланилади. Тозаланган, озиқ-овқат фосфат кислотаси деб аталадиган хили алкоголсиз ичимликлар тайёрлашда, фармацевтик препаратлар, озуқа концентратлари тайёрлашда ишлатилади.

ФОСФАТИДЛАР — қ. *Фосфолипидлар.*

ФОСФАТЛА́Р — фосфат кислота тузлари ва эфирлари. Ортофосфат ва полимер (ёки конденсатланган) Ф. га бўлинади. Конденсатланган Ф.— тетраэдрик PO_4^{3-} группаларнинг ўзаро бирлашиш усулларига кўра полифосфатлар, метафосфатлар ва ультрафосфатларга бўлинади. Полифосфатлар —PO_3—O—PO_3— занжирлар ҳосил қиладиган PO_4^{3-} группалардан тузилган (занжирларда 10^5 гача фосфат атомлари бўлиши мумкин). Метафосфатларда PO_4^{3-} тетраэдрлар берк ҳалқалар ҳосил қилади. Ультрафосфатлар тармоқланган занжир ва ҳалқалардан тузилган. Ультрафосфатларнинг таркибида $Me_2O:P_2O_5$ нисбати 0 дан катта ва 1 дай кичик бўлади. Ультрафосфатлар сувда кам эрийди. Улар сувда гидролизланиб турли мета ва полифосфатлар ҳосил қилади. Ультрафосфатлардан, ҳозиргача яхши $CaO{\cdot}5P_2O_5$ ва $2CaO{\cdot}3P_2O_5$ ларгина кристалл ҳолида ажратиб олинган.

Ортофосфатлар — ортофосфат кислота H_3PO_4 нинг тузларидир. Улар бир алмашинган (мас., KH_2PO_4, CaH_2PO_4 ва б.), икки алмашинган [мас., $(NH_4)_2HPO_4$, $(CaH_2PO_4)_2$ ва б.] ва уч алмашинган [мас., $Ca_3(PO_4)_2$, NH_4MgPO_4 ва б.] ортофосфатларга бўлинади. Ф. таркибидаги PO_4^{3-} ион тетраэдрик тузилишга эга. Нордон ортофосфат қиздирилганида қиздириш шароитига қараб ҳалқасимон метафосфатлар ёки занжирсимон полифосфатлар ҳосил бўлиши мумкин. Нормал (ўрта) ортофосфатлар ($Me_3^I PO_4$) қиздирилганида ўзгармайди, лекин катион термик беқарор бўлса, парчаланиб учувчан маҳсулотлар ажралиб чиқиши мумкин. Бир алмашинган ортофосфатлар сувда эрийди. Икки ва уч алмашинган ортофосфатлардан фақат ишқорий металларнинг ҳамда аммонийнинг икки ва уч алмашинган ортофосфатлари сувда эрувчан. Ишқорий металларнинг ортофосфатлари сувдаги эритмаларда гидролизланади. Мас., NaH_2PO_4, Na_2HPO_4 ва Na_3PO_4 ларнинг 1% ли эритмаларида pH—4, 6; 8, 9 ва 12,1 дир. Bi, Sn, Ti, Zr, Hf, Th лардан бошқа металларнинг ортофосфатлари кучли кислоталарда эрийди. Сувда эрувчан ортофосфатлар ҳосил қилиш учун металларнинг гидроксид ёки карбонатлари эритмасига тегишли миқдорда H_3PO_4 қўшилади.

Кальций ва аммоний ортофосфатлар фосфорли ўғитлар, эмаллар, хира шишалар ишлаб чиқаришда, фармацевтик саноатда, ўтга чидамли материаллар тайёрлашда қўлланилади. Кальций ва аммонийнинг бир алмашинган ортофосфатлари кристаллари жуда қимматли сегнето- ва пьезоэлектрик материаллардир.

Тузилиши турлича полимер Ф. ни қуйидаги формула б-н ифодалаш мумкин: чизиқли полифосфатлар $Me_{n+2}P_nO_{3n+1}$ ҳалқали полифосфатлар $Me_nP_nO_{3n}$. Бу ерда n — полимерланиш даражаси. Полимер Ф. нинг хоссалари катион характерига, фосфат-анионнинг тузилишига, полимерланиш даражасига, фосфатнинг структурасига ва б. га боғлиқ бўлади. Циклик метафосфатлар ичида тримета-, тетрамета-, гексамета- ва октаметафосфатлар кўпроқ ўрганилган.

Фосфат кислота эфирларидан бир-, икки-, ва уч алмашинган ортофосфатлар мавжуд. Улар $POCl_3$ га спиртлар таъсир эттириб олинади. *Пестицидлар,* мойлар учун *присадка,* экстрагентлар ва б. сифатида қўлланилади. Баъзи органик Ф. *(нуклеин кислоталар, аденозинтрифосфат кислоталар)* тирик организмларда муҳим функцияларни бажаради.

Ад.: Везер Ван-Дж., Фосфор и его соединения, Пер. с анг., т. 1, М., 1962.

ФОСФАТЛАШ — металл буюмларни атмосфера коррозиясидан сақлаш мақсадида кимёвий йўл б-н уларнинг сиртида эримайдиган *фосфатлар* пардаси (плёнкаси) ҳосил қилиш. Асосан углеродли ва кам легирланган пўлат ҳамда чўян фосфатланади. Парда (қалинлиги 2—5 *мкм*) смазкани яхши ушлайди, бу ўз навбатида ишқаланиш коэффициентини камайтиради; фосфат қопламаларнинг солиштирма электр қаршилиги юқори бўлганлиги сабабли 300—500 *в* кучланишга чидайди ва 400—500°С да пухталигини сақлайди. Металл буюмлар 90—100°С гача қиздирилган темир, марганец, рух ва кадмий фосфатлари эритмасига ботириб фосфатланади. Саноатда «мажеф» (марганец, темир, фосфор сўзларининг қисқартирилгани) концентрат тузлари чиқарилади. Ф. процесси одатда 1 соат давом этади. Буюм фосфатланиб қуритилганидан кейин кучсиз хромат эритмасида пассивланади. Электрохимиявий Ф. ҳам қўлланилади. Бу усулда буюмларга 15—20 мин. давомида ишлов берилади.

ФОСФИДЛАР — фосфорнинг металлар, шунингдек фосфорга нисбатан анча электр мусбат металлмаслар (B, Si, As ва б.) б-н бўлган бирикмалари. Ишқорий ва ишқорий-ер металлари фосфидлари сувда ва суюлтирилган кислоталарда парчаланиб *фосфин* ажратиб чиқаради. Ишқорий-ер металлари ва мис группачаси металлари фосфидлари иссиққа чидамсиз; бу хил Ф. таркибида нисбатан кўпроқ фосфор бўлганда яримўтказгич хоссага эга бўлади. Оралиқ металлар, лантаноид ва актиноид фосфидлари кимёвий турғун, сув ва суюлтирилган кислоталарда парчаланмайди.

Ф. элементлардан 600—1200°С да вакуум остида синтезлаш натижасида ёки инерт газлар атмосферасида ҳосил бўлади; фосфинга металлар ва металлмаслар ёки уларнинг оксидларини таъсир эттириб олинади ва ҳ. к.

Бир қатор Ф. яримўтказгичлар, рух фосфидлари кемирувчиларга қарши заҳарли дори сифатида қўлланилади. Ф. баъзи рангли металлар қотишмаларининг антифрикцион хоссаларини яхшилаш мақсадида уларнинг таркибига қўшилади. Пиротехникада сигнал воситаси сифатида ишлатилади.

ФОСФИН — водород фосфид, фосфор гидрид, PH_3— фосфорнинг водород б-н бўлган бирикмалари; сасиган балиқ ҳиди келадиган рангсиз газ; зичлиги 1,55 *г/л,* суюқланиш т-раси —133°С, қайнаш т-раси —87,8°С. Қиздирилганда фосфор б-н водородга парчаланади. Қимёвий хоссаси жиҳатидан аммиакка анча ўхшаб кетади. Кучли қайтарғич. 100°С дан юқори т-рада ҳавода ёнади. Кальций фосфид Ca_3P_2 ни сув б-н таъсир эттириб олинади. Жуда заҳарли.

Ўз-ўзидан аланга́ланадиган суюқ Ф. деб аталадиган дифосфин P_2H_4 (қайнаш т-раси 56°С) ва тузилиши аниқланмаган қаттиқ фосфин бор.

ФОСФИТЛА́Р — фосфит кислота (H_3PO_3) тузи. Бир алмашингани (мас., $NaH_2PO_3{\cdot}2,5H_2O$) ва икки алмашингани (мас., $Na_2HPO_3{\cdot}5H_2O$) бор. Ишқорий металлар Ф. идан ташқари кўпчилик Ф. сувда қийин эрийди. Қиздирилганда фосфатларга ва фосфингача парчаланади. Сувдаги эритмаларда галогенлар, симоб тузлари (мас., $HgCl_2$) б-н фосфатларгача оксидланади. Фосфит кислотани гидрооксидлар б-н нейтрализациялаб ҳосил қилинади. Анорганик синтезларда қайтарғич сифатида қўлланилади. Қўрғошин Ф. поливинилхлорид ишлаб чиқаришда ёруғлик стабилизатори сифатида фойдаланилади.

ФОСФОЛИПИДЛАР, фосфатидлар — мураккаб *липидлар,* Молекулаларида фосфат кислота қолдиқлари бўлади. Ф. таркибига глицерин, ёғ кислоталари, альдегидлар ва азотли бирикмалар (холин, этаноламин, серин) киради. Глицерофосфатидлар [фосфатидилхолин *(лецитин),* фосфатидилэтаноламин (кефалин), фосфатидилсерин, фосфатидилинозит, кардиолипин] ва фосфосфинголипидлар — сфингомиелинлар Ф. нинг муҳим вакилларидир.

Ф. табиатда кенг тарқалган. Асосий структура компонентлари сифатида ҳайвонлар, ўсимликлар ва микроорганизмлар ҳужайра мембраналари таркибига киради. Оқсиллар б-н липопротеин комплекслари ҳосил қилади.

Ф. дан ташқари фосфонолипидлар ҳам маълум, буларда фосфор атоми азот асосига (холин ва этаноламинга) Р—С ковалент боғ б-н бириккан. Бу бирикмалар бир қатор моллюскалар ва бактерияларда топилган.

ФОСФОПРОТЕИДЛАР, фосфопротеинлар — мураккаб оқсиллар, уларнинг таркибига оқсил полипептид занжиридаги аминокислота қолдиқларига бириккан фосфорил группа киради. Фосфорил группа ($-PO_3^{-2}$) одатда Ф. молекулаларига *серин* ёки *треонин* аминокислоталари қолдиқлари орқали бириккан. Ҳайвон тўқималари, митохондрияларида Ф. борлиги аниқланган бўлиб, уларда фосфорил группа оқсилга *гистидин* имидазол ҳалқаси орқали бириккан.

Асосий сут оқсилларидан бири бўлган *казеин,* товуқ тухуми оқсили овальбумин ва вителлин, *гистонлар,* РНК-полимераза ферментлари, баъзи фосфотрансферазалар, фосфатазалар ва б. Ф. га мансубдир. Ф. тирик организмларда кенг тарқалган, моддалар алмашинувида, ҳужайра ядро активлиги регуляциясида, ионларни ташишда ва *митохондрияларда*ги оксидланиш процессида қатнашади.

ФОСФОР (Phosphorus) Р — Менделеев даврий системасининг V группасига мансуб кимёвий элемент, ат. н. 15, ат. о. 30,9737. Ф. нинг битта изотопи — ^{31}P бор. Олтита сунъий радиоактив изотопи: ^{28}P, ^{29}P, ^{30}P, ^{32}P, ^{33}P, ^{34}P олинган. Унинг ^{32}P (ярим емирилиш даври 14,22 кун) изотопи нишонли атом сифатида кенг қўлланилади. Баъзи адабий маълумотларга кўра Ф. нинг олиниш усули 12-асрда араб алкимёгарларига маълум бўлган. Ҳозирги замон адабиётида Ф. ни Гамбургли алкимёгар Х. Бранд топган, дейилади. Бранд сийдикни буғлатиш-

дан ҳосил бўлган қолдиқни қуруқ ҳайдаш б-н оқ Ф. олган (1669). Ф. сўзи юнонча «Phosphorus»— ёруғлик сочувчи, демакдир. Ф. ни биринчи бўлиб *Лавуазье* кимёвий элемент деб атаган. К. Шееле 1771 йилда Ф. ни суяк кулидан олган.

Ф. Ер пўстининг оғирлик жиҳатдан $9,3{\cdot}10^{-2}$ % ни ташкил қилади. Ф. актив элемент, табиатда эркин ҳолда учрамайди. Ф. табиатда фосфоритлар ва апатитлар ҳолида учрайди. Ф. нинг учта аллотропик шакл ўзгариши: оқ, қизил ва қора Ф. маълум. Оқ Ф. P_4 таркибли тетраэдрик шаклдаги молекулалар ҳосил қилади. Унинг зичлиги 1,83 *г/см³,* суюқланиш т-раси 44°С, қайнаш т-раси 281°С; у сувда, спиртда ёмон, углерод (IV)-сульфид, бензол, эфир, скипидар ва суюқ аммиакда яхши эрийди. Оқ Ф. кимёвий реакцияларга яхши киришади. 50°С да ҳавода ўз-ўзидан аланга́ланади. Қиздирилганида ҳатто платина б-н ҳам бирикади. Жуда заҳарли, 0,1 *г* ми одамни ўлдиради. Оқ Ф. сувда сақланади. Оқ Ф. берк идишда 260°С гача қиздирилганида қизил Ф. га айланади. Қизил Ф. (қора Ф. ҳам) юқори полимер модда. Қизил Ф. суюқ ҳолатга айланмасдан буғланиб кетади, углерод (IV)-сульфидда эримайди; ҳавода 260°С да аланга́ланади, заҳарли эмас. Қора Ф. оқ Ф. га юқори босим таъсиридан ёки уни 270°С да узоқ вақт қиздиришдан ҳосил бўлади.

Ф. актив металлмаслар жумласига киради. Унинг оксидланиш даражалари +5, +3, +1,0 ва —3 га тенг.

Юқори т-рада (1000°С дан юқорида) Ф. буғлари асосан P_2 молекулаларидан иборат. Қуйи т-рада Ф. буғлари тетраэдр шаклидаги P_4 молекулаларидан тузилган.

Ф. нинг —3 оксидланиш даражадаги бирикмаси PH_3 — жуда заҳарли газ. Ф. нинг +3 га мувофиқ оксиди P_4O_6 таркибли димер молекулалардан, + 5 га мувофиқ оксиди P_4O_{10} молекулалардан тузилган. Ф. нинг бу оксидларига мувофиқ келадиган кислоталари H_3PO_3— ортофосфит кислота, HPO_2— метафосфит кислота, H_3PO_4— ортофосфат кислота, HPO_3— метафосфат кислота, $H_4P_2O_7$— пирофосфат кислота. Ортофосфат кислота кучи ўртача кислоталар жумласига киради, у уч асосли. Апатитлар ортофосфат кислотанинг кальцийли тузидир.

Апатит ва фосфоритлар Ф. олишда хом ашё сифатида ишлатилади. Уларни электр печда 1400—1600°С да кокс б-н қайтариб эркин Ф. ҳосил қилинади. SiO_2 кальцийни шлакка ўтказиш учун қўшилади. Ҳосил бўлган Ф. буғлари сув ичида оқ Ф. шаклида конденсатланади.

Эркин Ф. ҳарбий мақсадларда, гугурт саноатида, металлургияда, фосфорли бронзалар ҳосил қилишда қўлланилади. Ишлаб чиқариладиган Ф. нинг кўпчилик қисми термик фосфат кислота, фосфорли ўғитлар тайёрлаш учун кетади. Техник Ф. нинг деярли ярми синтетик ювувчи воситалар тайёрлаш учун сарфланади. Фосфор (V)-оксид P_4O_{10} қуритувчи восита сифатида, метилметакрилат смолалар олишда қўлланилади. Ф. сульфидлари флотацион воситалар, антикоррозион қўшимчалар, фосфор-органик моддалар тайёрлашда ишлатилади.

Ф. тирик организм ҳужайралари ҳаётида муҳим роль ўйнайди. Ф. моно-, ди-ва трифосфат группалар—$H_2PO_3^-$, $H_3P_2O_7^-$ ва $H_4P_3O_{10}^-$ тарзида ферментларнинг актив группалари таркибига киради. Биологик системаларда (ҳужайралар митохондрияларида) аденозин-

трифосфат кислота (АТФ) мавжуд бўлиб, у организмга энергия запаси бериб туради, чунки АТФ гидролизга учраганида аденозин дифосфат кислота (АДФ) ва фосфатлар ҳосил бўлиб, бу процесс энергия чиқариш б-н содир бўлади. Организм ҳужайраларида электронлар озуқа моддалардан ҳаво кислородига кўчади. Бу процесс вақтида АДФ ва фосфатлардан АТФ ҳосил бўлади.

Суякда Ф. гидроксил апатит $3Ca_3(PO_4)_2 \cdot Ca(OH)_2$ ва карбонат апатит $3Ca(PO_4)_2 \cdot CaCO_3 \cdot H_2O$ шаклида мавжуд.

Усимликлар Ф. ни тупроқдан фосфатлар ҳолида сингдиради. Усимлик ва ҳайвон организмларида Ф. турли органик моддалар ҳосил қилади.

Ад.: Везер Ван-Дж., Фосфор и его соединения, Пер. с англ., т. 1, М., 1962; Николаев Л. А., Общая и неорганическая химия, М., 1974; Рахимов Х. Р., Анорганик химия, Т., 1974.

ФОСФОР ГАЛОГЕНИДЛАР — фосфорнинг галогенлар б-н бўлган бирикмаси. Тригалогенидлар PX_3 (бу ерда X — галоген): PF_3, PCl_3, PBr_3; пентагалогенидлар PX_5: PF_5, PCl_5, PBr_5 нинг аҳамияти муҳим ва кўп ўрганилган. Фосфор моногалогенидлар PX (мас., PCl, PBr); дигалогенидлар P_2X_4 (мас., P_2Cl_4, P_2F_4); аралаш Ф. г. $PFCl_2$, PF_3Cl_2; полигалогенидлар (мас., PBr_7, PCl_6J) ва оксигалогенидлар (мас., $POCl_3$, POF_3) ҳам бор, лекин улар кам ўрганилган.

Ф. г. реакцияга шиддатли киришади, уларнинг кимёвий активлиги фторидлардан йодидларга қараб пасайиб боради; сув б-н осон гидролизланади.

Фосфор (III)-хлорид (фосфор трихлорид), PCl_3, рангсиз суюқлик, суюқланиш т-раси —93,6°С, қайнаш т-раси 76,1°С, зичлиги 1,575 *г/см*³ (20°С да), органик эритувчиларда эрийди. Осон гидролизланиб фосфит кислота ва хлорид кислота ҳосил қилади. Оқ фосфорни хлорлаб олинади. Фосфороорганик бирикмаларни синтезлашда ишлатилади.

Фосфор (V)-хлорид (фосфор пентохлорид), PCl_5, яшимтир-оқ кристалл модда, суюқланиш т-раси 167°С, зичлиги 2,11 *г/см*³, осон сублимацияланади, органик эритувчиларда эрийди, сувда гидролизланиб оксихлорид $POCl_3$ ва хлорид кислота ҳосил қилади. Фосфор (III)-хлорид PCl_3 ни хлорлаб олинади. Органик синтезлашда хлорловчи реагент сифатида ишлатилади.

ФОСФОР ОКСИДЛАРИ — фосфорнинг кислород б-н бўлган бирикмалари. Фосфор чала оксид P_4O, фосфор оксид P_4O_2 (P_2O), фосфор пероксид P_2O_6 (PO_3), фосфор (III)-оксид ёки фосфит ангидрид P_4O_6 (P_2O_3), фосфор (V)-оксид ёки фосфат ангидрид P_4O_{10} (P_2O_5), фосфор (IV)-оксид $(PO_2)n$ маълум. Булардан фосфат ангидрид, фосфит ангидрид ва фосфор (IV)-оксиднинг аҳамияти муҳим.

Фосфор (V)-оксид (фосфат ангидрид) P_4O_{10} (P_2O_5) — жуда гигроскопик оқ порошок, полиморфизмга мойиллиги кучли; P_4O_{10} да фосфор атоми тўрт кислород атоми б-н қуршалган. Товар маҳсулоти — оқ, қорсимон масса [зичлиги 2,28—2,31 *г/см*³, сублимацияланиш (учиш) т-раси 358—362°С, суюқланиш т-раси 420°С]. Кучли дегидратацияловчи (сувсизлантирувчи) хоссага эга. Сувда иссиқлик чиқариб, эриб, полимер фосфат кислота (циклик ва чизиқли) ҳосил қилади, агар сув етарли миқдорда бўлса ортофосфат кислота чиқади. Оксидлар б-н фосфатлар, галогенидлар б-н оксигалогенидлар, металлар б-н фосфат ва фосфид аралашмаси ҳосил қилади. Қуруқ ва нам аммиак б-н реакцияга киришиб *аммоний фосфат* яратади. P_4O_{10} саноат миқёсида оддий фосфорни ортиқча қуруқ ҳавода куйдириб олинади. Фосфат ангидрид циллиқ пардаларга таъсир этиб йўталтиради, бўғади, терини куйдиради, шунинг учун хавфсизлик техникасига риоя қилиниши талаб этилади.

Фосфат ангидрид газ ва суюқликлардаги сувни йўқотишда, органик ва анорганик синтезда конденсацияловчи модда сифатида қўлланилади.

Фосфор (III)-оксид (фосфит ангидрид) P_4O_6 (P_2O_3) — рангсиз паға модда, зичлиги 2,135 *г/см*³, суюқланиш т-раси 23,8°С, қайнаш т-раси 175,4°С, углерод сульфид ва бензолда эрийди. Совуқ сувда эриганида фосфит кислота, иссиқ сувда эса оддий фосфор, фосфин, фосфат кислота ва б. бирикмалар ҳосил қилади. 210°С дан юқори т-рада PO_2 ва қизил фосфорга парчаланади. Ҳавода фосфат ангидридгача оксидланади. Фосфит ангидрид фосфорни чекланган ҳаво б-н оксидлаб ҳосил қилинади. Органик синтезда кўплаб ишлатилади.

Фосфор (IV)-оксид $(PO_2)n$ — оқ паға порошок, сублимацияланганда ялтироқ кристалл ҳосил бўлади, зичлиги 2,54 *г/см*³ (22,6° да), сувда яхши эриб, фосфит кислота, полифосфат кислота ва бир оз миқдорда фосфин PH_3 ҳосил қилади.

ФОСФОРЕСЦЕНЦИЯ — уйғотиш тугатилгандан кейин ҳам маълум вақтгача (*флуоресценциядан* фарқли равишда) давом этадиган *люминесценция*. Ф. баъзан бир неча соат ва ҳатто суткагача, баъзан бир неча *мксек* гача давом этади.

Кристаллофосфорлар Ф. си уйғотиш вақтида ажралган электрон ва ковакларнинг рекомбинацияси натижасида вужудга келади. Нурланишнинг чўзилиши электрон ва ковакларни тутқичда тутилиши б-н боғлиқ, улар бу тутқичдан қутулиши учун тутқич чуқурлиги б-н аниқланадиган қўшимча энергия олиши керак.

Мураккаб органик молекулаларнинг Ф. си молекулаларни *метастабил ҳолатда* туриши б-н боғлиқ. Органик молекулаларнинг Ф. равшанлиги вақт ўтиши б-н экспоненциал қонун бўйича камайиб боради.

Кристаллофосфорлар Ф. сининг сўниш қонуни анча мураккаб, баъзи ҳолларда у тақрибан Беккерель формуласи $B = B_0 (1 + at)^{-\alpha}$ орқали ифодаланади; бу ерда t — вақт, a ва α — ўзгармас сонлар, B_0 — бошланғич равшанлик. Қонунининг мураккаблиги кристаллофосфорларда турли хилдаги тутқичларни мавжудлигидандир. Ф. нинг сўниши рекомбинацион люминесценцияда уйғотиш интенсивлигига боғлиқ. Мас., уйғотиш интенсивлиги ошганда кристаллофосфор Ф. сининг бошланғич босқичлари кескин тезлашади. Кейинги босқичларда Ф. равшанлиги уйғотиш интенсивлигига кам боғлиқ бўлади. Кристаллофосфорлар Ф. сига инфрақизил нур б-н ёритиш ва электр майдони ҳам таъсир этади.

ФОСФОРИТ УНИ — минерал ўғит; *фосфоритлар*ни майдалаб тайёрланади. Тупроқдаги кислота, микроорганизмлар фаолияти ва ўсимликлар илдизидан ажралиб чиқадиган суюқликлар таъсирида Ф. у. аста-секин ўсимлик ўзлаштира оладиган ҳолатга ўтади. Шунинг учун Ф. у. таъсири бир неча йил давом этади. Ф. у. донли экинлар, қанд лавлаги, ғўза ва б. ўсимликларга, мевали дарахтлар тагига солинади; суперфосфат ишлаб чиқариш учун хом ашё. Кислотали тупроқларга Ф. у. суперфосфат б-н аралаштириб солинади. Сақлаб қўйилганда муштлашиб қолмайди. Тупроқнинг характерига қараб, ҳар хил экинларга давлат стандартида белгиланган миқдорда солинади.

ФОСФОРИТЛАР — чўкинди тоғ жинслари. 50% ёки ундан ортиқ қисми апатит группасига мансуб аморф ёки микрокристалл минераллардан иборат. Ф. таркибидаги фосфат ангидриди (P_2O_5) миқдори 18% дан кам бўлмаслиги керак, аммо геологик қидирув ишларида таркибида 4,5% P_2O_5 бўлган тоғ жинслари ҳам Ф. га киритилади. Бундай тоғ жинсларининг 25—30% и донадор, желваксимон, чиғаноқли Ф. бўлакларидан иборат бўлиб, сунъий бойитилиши осон ва арзонлигидан юқори сифатли фосфат концентрати олинади.

Соф Ф. нинг ранги асосан оқ бўлиб, жуда кам учрайди. Таркибидаги рангли моддаларга кўра қора, кул ранг, жигар ранг, баъзан кўк, яшил, қизил, сариқ, оч кул ранг Ф. бўлади.

Ф. таркибида деярли ҳар доим органик моддалар, Ca, Mg, Fe карбонатлари, гил минераллари, пирит, темир (III)-гидроксид, кварц, халцедон бўлади. Ф. да уран, лантаноидларнинг церий группасига мансуб элементлар ҳамда Y, Pb, Sr кўпроқ, V, Sc, Zr, Se, Be аралашмалари камроқ тўпланиши мумкин.

Ф. структураси, текстураси; морфологик ва петрографик белгиларига қараб яхлит, донадор, желваксимон (конкрецион), шағалсимон, чиғаноқ, карст, орол (гуано), ғор Ф. и ва метаморфлашган Ф. га бўлинади. Яхлит ва донадор Ф. кўп тарқалган.

Яхлит (геосинклиналь) Ф. зич бир хил жинсдан иборат бўлиб, таркибидаги жуда кичик думалоқ фосфат доналари ва оолитлар фосфат, карбонат ёки силикат ангидрид (SiO_2) бирикмалари ёрдамида жипслашган. Маҳсулдор қатламлари қалин (10 *м* дан ортиқ), юқори сифатли (28—36% P_2O_5), кенг майдонда тарқалган. Бундай Ф. конлари Қоратов (СССР), Хубсугул (МХР), Куньяна (ХХР), Жоржина (Австралия) кембрий ётқизиқларида, шунингдек Қояли тоғлар (АҚШ) нинг пермь ётқизиқларида бор.

Донадор (платформа) Ф. — карбонат ёки терриген чўкинди тоғ жинси, таркибидаги фосфат доналари ҳамда денгиз организмлари қолдиқлари карбонат, силикат ангидрид ёки гил ёрдамида жипслашган. Маҳсулдор қатлам қалинлиги кўпинча 2—3 *м* (баъзан 10 *м* гача), таркибида 22—30% P_2O_5 бўлади. Бу типдаги Ф. СССР Европа қисми, Шимолий Африка (Жазоир, Тунис, Марокко), Ўрта Шарқ, Ўрта Осиёда бўр ва палеоген ётқизиқларида, Сечуан р-ни (Перу) нинг миоцен қатламларида кенг тарқалган.

Ф. пайдо бўлиши тўғрисида турли [биохимиявий (Г. И. Бушинский, В. Н. Холодов, Ж. Жўраев), кимёвий (А. В. Казаков, А. С. Соколов, А. И. Смирнов, Ж. Мансфилд, В. Мак-Келви), биоген (А. А. Кайзерлинг, Д. Меррей, А. В. Самойлов)] назариялар мавжуд бўлиб, биокимёвий назария кўпчилик томонидан тан олинган.

Ф. барча геологик даврлар ётқизиқларида учрайди. Протерозой-кембрий, ордовик, пермь, юра-қуйи бўр, юқори бўр, палеоген ва неоген даврларига мансуб ётқизиқлардаги Ф. саноат аҳамиятига эга. РСФСР, Болтиқбўйи, Сибирь, Қозоғистонда йирик Ф. конлари бор. Ўзбекистонда Ҳисор тоғлари, Фарғона водийси, Марказий Қизилқум ва Қорақалпоғистонда Ф. қатламлари аниқланган. Гулиоб, Дўсманоға, Жерўй, Оқўй конлари Ўзбекистондаги йирик Ф. конларидир.

Ф. нинг асосий қисми ўғит сифатида ишлатилади. Фосфорит рудаларидан кимёвий усуллар ёрдамида соф фосфор, фосфат кислота тузлар, турли органик бирикмалар олинади.

Ад.: Бушинский Г. И., Древние фосфориты, Азии и их генезис, М., 1966; Жўраев Ш., Ибайдуллаев Н., Мирахмедов М., Ҳисилдор тошлар, Т., 1973

ФОСФОР-ОРГАНИК БИРИКМАЛАР — таркибида фосфор бўлган органик бирикмалар класси. Молекулаларида фосфор бевосита углерод б-н боғланган Ф.-о. б. ва фосфор молекула органик қисмига гетероатом — кислород, азот, олтингугурт орқали бириккан Ф.-о. б. тафовут қилинади. Кейинги типдаги Ф.-о. б. фосфат, пирофосфат, трифосфат кислота эфирлари ҳолида табиатда кенг тарқалган (*фосфат кислоталар*); буларга *нуклеин кислоталар*, кўпгина муҳим *коферментлар*, *аденозинтрифосфат кислота* ва баъзи *витаминлар* киради. 20-асрнинг 60-йилларида табиатда фосфор-углерод боғли Ф.-о. б., мас., β-аминоэтилфосфат кислота (цилиатин) топилди.

Ф.-о. б. турли белгиларига қараб классификацияланади. Молекуладаги фосфор-углерод боғи сонига қараб, чунончи: бирламчи (RPH_2), иккиламчи (R_2PH) ва учламчи (R_3P) фосфинлар ва уларнинг турли хил ҳосилалари (бу ерда ҳам, бундан кейинда ҳам R — органик қолдиқ), фосфорнинг валентлик ҳолатига кўра, уч ва беш валентли фосфор ҳосилалари бор; икки, тўрт, беш ва олти координацион фосфор бирикмалари ҳам маълум. Фосфор функцияси характерига кўра, фосфинлар, фосфин оксидлари (R_3PO), сульфидлар (R_3PS), иминлар (R_3PNR), фосфинометиленлар ($R_3P{=}CR'R''$), фосфоний бирикмалари ($R_4P^+X^-$), кислородли кислоталар: фосфонид (RPO_2H_2), фосфинид (R_2POH), фосфонат (RPO_3H_2), фосфинат (R_2PO_2H) кислоталари ва уларнинг турли сульфидли ва нитритли анологлари ва ҳосилалари, шунингдек гипофосфит H_3PO_2, фосфит H_3PO_3, фосфат H_3PO_4 кислоталари ва б. кислоталарнинг ҳар хил органик ҳосилалари (эфирлар, амидлар, ангидридлар ва б.) бўлади. Бундан ташқари, P—P боғли Ф.-о. б. ҳам бор, мас., ди-, три- ва тетрафосфинлар, тегишли циклофосфинлар ва уларнинг ҳосилалари маълум.

Ф.-о. б. синтезида C—P боғини ҳосил қилиш методининг аҳамияти катта. Бунга Арбузов реакцияси: $(RO)_3P + R'X \rightarrow R'PO(OR)_2 + RX$ ва Михаэлис-Беккер реакцияси: $(RO)_2PONa + R'X \rightarrow R'PO(OR)_2 + NaX$ ва б. реакциялар мисол бўлади.

Ф.-о. б. техникада, қишлоқ хўжалигида, медицинада, шунингдек илмий текшириш ишларида қўлланилади. Фосфор-органик пестицидлар (инсектицидлар, акарицидлар, дефолиантлар ва ҳ. к.) кўплаб ишлаб чиқарилади. Ф.-о. б. дан медицинанинг асосан *офтальмология* соҳасида фойдаланилади. Биологик муҳим фосфатлар, мас., аденозинтрифосфатлар, *кокарбоксилаза*, бир қатор витаминларнинг аҳамияти катта. Ф.-о. б. комплекс ҳосил қилувчи моддалар сифатида рудаларни бойитишда (уран ва б. металлар ишлаб чиқаришда) қўлланилади. Кўпгина Ф.-о. б. сурков мойларига *присадкалар*, пластмассалар ва толаларга уларни ён-

майдиган қилувчи компонентлар (антипиренлар), эритувчилар, гидравлик суюқликлар ва б. сифатида ишлатилади. Ф.-о. б. нинг органик синтездаги аҳамияти ҳам муҳим. Баъзи кучли заҳарловчи моддалар (мас., *зарин, зоман, табун*, фосфорил-тиохолинлар) ҳам Ф.-о. б. га киради.

ФОСФОРЛИ УҒИТЛАР — таркибида фосфор бўлган минерал ва органик моддалар. Саноатда Ф. ў. ни олишда асосан кон хом ашёлари — *апатитлар* ва *фосфоритлар*дан фойдаланилади. *Суяк уни, гўнг* каби органик моддалар ва б. ҳам Ф. ў. сифатида ишлатилади. Ф. ў. нинг кўп тарқалган хили *суперфосфат* ҳамда *фосфорит ун*идир. Суперфосфат биринчи марта 1842 йили Буюк Британияда, 1868 йили Россияда ишлаб чиқарила бошланган. Сувда эрийдиган лимон кислота-ишқор эритмаси ёки лимон кислотада эрийдиган ва қийин эрийдиган Ф. ў. бўлади. Сувда эрийдиган Ф. ў. (оддий ва қўшалоқ суперфосфат, аммофос, диаммофос) донадор ва порошок ҳолида тайёрланади. Барча экинларга асосий ўғит сифатида солинади. Лимон кислота-ишқор эритмасида эрийдиган Ф. ў. (преципитат, томасшлак, фосфатшлак, фторсизланган фосфат, термофосфатлар) порошок ҳолида тайёрланади, барча экинларга ер ҳайдаш ёки культивация вақтида солинади. Қўшимча озиқлантиришда ишлатилмайди. Қийин эрийдиган Ф. ў. (фосфорит уни, суяк уни) нордон (кислотали) тупроқларга суперфосфатга нисбатан икки марта кўп миқдорда солинади. Оҳакли, карбонатли ҳамда қора тупроқларга солинмайди.

Ф. ў. азотли ва калийли ўғитлар б-н солинганда яхши самара беради. Фосфор ёш ўсимликлар ривожланиши учун зарур элементдир. Ф. ў. таъсирида ҳосил пишиши тезлашади, ҳосилдорлик ортади, сифати яхшиланади, картошкада крахмал, қанд лавлагида қанд кўпаяди ва ҳ. к. Ўрта Осиё республикалари ва Озарбайжонда пахта экилган 1 *га* ерга 100—120 *кг* фосфат ангидрид (P_2O_5) солиш ҳосилдорликни гектарига 3—5 *ц* оширади.

Фосфор сувда кам эриганлиги учун ювилиб кетмай, тупроқнинг юқори қатламида тўпланади. Шунинг учун Ф. ў. азотли ўғитларга нисбатан тупроққа чуқурроқ ва кўпроқ солинади. Ф. ў. таркибидаги фосфорнинг 20—25 проценти солинган йили, 40—60 проценти 2—3- йили ўсимликлар томонидан ўзлаштирилади. Шунинг учун Ф. ў. солингандан кейинги йилларда экинларга кучли таъсир кўрсатади. Улар нормасини белгилашда тупроқдаги ўзлаштириладиган фосфатлар миқдори, экинларнинг биологик хусусиятлари, ўғит солиш усули, ўтмишдош экин хусусияти ва б. ҳисобга олинади. Ўғитлаш нормасини белгилашда тупроқ агрохимиявий анализ қилинади. Ўсимликнинг фосфорга бўлган талаби унинг ташқи кўринишига қараб ҳам аниқланади (мас., фосфор етишмаганда ўсимликнинг пастки барглариниг чети қўнғирлашиб ва қорайиб қурийди, ўсимликнинг ривожланиши, айниқса, гуллаши ва ҳосил пишиши сустлашади ва ҳ. к.).

Ад.: Справочная книга по химизации сельского хозяйства, под ред. В. М. Борисова, М., 1969.

ФОСФОРОБАКТЕРИН — *бактериал ўғитлар*дан. Оч кул ранг кукун; экин ҳосилини оширади. Ф. органик моддага бой; қора тупроқли, тўқ-каштан, торфли, чимли-подзол тупроқли ерларга солинади. Экин экиш даврида Ф. ишлатилганда тупроқ намлиги ва ҳарорати (намлиги камида 60%, ҳарорати 20° бўлиши) ҳисобга олинади. Ф. ҳамма экинга солинади. Уруғлар экиш олдидан ва экишдан 1—8 ой олдин Ф. б-н ишланади (5—10 *г* Ф. 1 *л* сувда эритилиб, уруғларга сепилади). Сабзавот кўчатлари далага кўчириб ўтқазиш олдидан Ф. б-н ишланади (15 *г* Ф. 10 *л* сувда эритилиб, 30 минг туп кўчатга сепилади). 10—15 *г* қуруқ Ф. 10—20 *л* сувда эритилиб, мевали дарахт кўчатлари ўтқазиладиган чуқурга оз-оздан қуйилади ёки кўчат экилгандан кейин тупроқ юзасига сепилади ва тупроқ юмшатиб қўйилади.

ФОСФОРСИЗЛАНТИРИШ — чўян ва пўлатни эритиш вақтида улардан фосфор йўқотиладиган физик-кимёвий процесслар. Ф. га, одатда, фосфорни фосфор (V)-оксид (P_2O_5) гача оксидлантириб эришилади. Бунда P_2O_5 шлакка ўтиб, тетракальций фосфат ($4CaOP_2O_5$) б-н мустаҳкам бирикади.

ФОТЕҲ НИЁЗИЙ (1914. 18. 4, Самарқанд) — тожик совет ёзувчиси. 1941 йилдан КПСС аъзоси. Хизматчи оиласида туғилган. В. Г. Белинский номидаги Тошкент Кечки педагогика ин-тини тугатган (1950). «Ленин йўли», «Ҳақиқати Ўзбекистон», «Ўқитувчилар газетаси», «Қизил Тожикистон» газета редакцияларида ишлаган. Улуғ Ватан уруши қатнашчиси (1941—45). «Шарқи сурх» журналида масъул котиб (1950), муҳаррир (1952). Тожикистон Ёзувчилар союзи правлениеси раиси ўринбосари (1958), секретари (1970 йилдан). 1968 йилдан ТожССР Радио ва телевидение давлат комитети раиси ўринбосари. Дастлаб ўзбек тилида «Маёқ» (1933), «Шу куннинг қўшиғи» (1937), «Муҳаббат» (1939) шеърий тўпламларини яратди. Икки китобдан иборат «Вафо» романида (1-қисм, 1949; 2-қисм, 1958) тожик халқининг немис-фашист босқинчиларига қарши кураши акс этган. Шарқ хотин-қизлари ҳаётига бағишланган «Учинчи қиз» қиссаси (1955) асосида бадиий фильм яратилган (1971). «Ҳарбий хотиралар солномаси» (1962), «Одамлар ва учрашувлар» (1964) насрий асарлари, уруш мавзуига бағишланган. «Ўрмонни қуруқ демагин» роман-эпопеяси (1975) ва «Ватанпарварлар» (1938, С. Ғани б-н ҳамкорликда), «Кўприк» (1969) драмалари муаллифи. Ш. Рашидовнинг «Ғолиблар» қиссаси, «Бўрондан кучли» романини тожик тилига таржима қилган. Айрим асарлари ўзбек тилига таржима қилинган. 2 та Меҳнат Қизил Байроқ, 2 та «Ҳурмат Белгиси» ордени ва медаллар б-н мукофотланган.

Ас.: Вафо. Роман, Т., 1974.

ФОТИМА (тахм. 605/606, Макка — 632/633, Мадина) — *Муҳаммад* пайғамбарнинг қизи. Шиа имомлари (қ. *Шиалик*) ва мусулмон мамлакатларидаги кўпчилик сулолалар (*Идрисийлар, Фотимийлар,* Саъдийлар ва б.) ўзларини Ф. ва унинг эри *Али* ибн Абу Толиб авлодлари деб ҳисоблайдилар.

ФОТИМИЙЛАР — араб халифалари сулоласи (909—1171). Ўзларини *Муҳаммад* пайғамбарнинг қизи *Фотима* (605—633) авлодлари деб ҳисоблайдилар. *Фотимийлар давлати*да — Шимолий Африкада, кейинчалик Мисрда ҳукмронлик қилган. Сулола асосчиси Убайдуллоҳ Маҳдий. Ф. сулоласи: Убайдуллоҳ (910—934), Қойим (934—946), Мансур (946—953), Муизз (953—975), Азиз (975—996), Ҳаким (996—1021), Зоҳир (1021—36), Мустансир (1036—94), Мустали (1094—1101), Амир (1101—30), Ҳофиз (1130—49), Зафир (1149—54), Фоиз (1154—60), Адид (1160—71).

ФОТИМИЙЛАР ДАВЛАТИ, фотимийлар халифалиги — Шимолий Африкада *фотимийлар* сулоласи бошқарган феодал ҳарбий-теократик давлат (909—1171). 10-аср бошларида Ифриқия (Тунис)да *исмоилийлар* ҳаракати натижасида тугатилган ағлабийлар давлати ўрнига тузилган; Исмоилийлар имоми Убайдуллоҳ халифа ва маҳдий деб эълон қилинган (910). Халифа Убайдуллоҳ Маҳдий (910—934) ва унинг ворислари Қойим (934—946), Мансур (946—953) лар даврида Шимолий Африканинг Мисргача бўлган ерлари ва Сицилия, Муизз даври (953—975) да эса Миср Ф. д. га тобе қилинди. Миср босиб олинган йили (969) лашкарбоши Жавҳар Фустот яқинида Қоҳира ш. га асос солди. 973 йили халифа Муизз уни Ф. д. нинг пойтахтига айлантирди. 10-аср охирида Ф. д. га Жазоир, Тунис, Ливия, Миср, Сурия (Фаластин б-н) ва Ғарбий Арабистон (Ҳижоз, Яман) кирарди.

Ф. д. хўжалигининг асосий шохобчаси деҳқончилик бўлган. Ерларга давлат эгалиги кучайган, *вақф* ерлари кўпайган. Ҳунармандчилик, ташқи савдо анча ривожланган. Халифа Мустансир даври (1036—94) дан Ф. д. сусая бошлади. Тобе халқларнинг ғалаёнлари кучайди, қўшинда норозиликлар пайдо бўлди. 1048 йили Шимолий Африка Ф. д. дан ажралиб чиқди. 1061—91 йилларда норманлар Сицилияни босиб олди. Сурия салибчилар ва салжуқийлар қўл остига ўтди. 12-аср ўрталарига келиб, Ф. д. Мисрдангина иборат бўлиб қолди; кичик ёшли халифалар Зафир ва Фоиз вазирлар ва олий мартабадаги руҳонийлар қўлида қўғирчоққа айланганди. Халифа Адид даври (1160—71) да Мисрга бир неча бор *салиб юришлари* уюштирилди. Салиб юришларини бартараф қилишда жонбозлик кўрсатган лашкарбошилардан *Салоҳиддин* ибн Айюб вазир қилиб тайинланди. 1171 йили халифа Адид вафот этгач, Салоҳиддин ўзини султон деб эълон қилиб, фотимийлар сулоласини тугатди ва Мисрда Айюбийлар давлатини барпо қилди.

Ад.: Семенова Л. А., Из истории фатимидского Египта. Очерки и материалы. М., 1974; Босворт К. Э., Мусульманские династии, Пер. с англ., М., 1977.

ФОТИҲА (араб. فَتْح — очмоқ, бошламоқ) — 1) Қуръоннинг биринчи (бошланғич) сураси номи. Ф. 7 оятдан иборат бўлиб, илк суралардан биридир. Мусулмонлар унинг текстидан дуо ўқишда айниқса кўп фойдаланадилар; 2) бирон воқеа муносабати б-н ўқиладиган дуо, Қуръоннинг айрим қисқа сураларидан бирини тиловат қилиш. Ф., мас., марҳумнинг вафоти муносабати б-н унинг оила аъзоларига билдирилган таъзия ифодаси ҳисобланган (қ. *Аза, Мотам маросимлари*). Бундан ташқари, «Ф.» сўзи унаштириш тушунчасини, шунингдек, яхши тилак тилаш, табриклаш каби кўчма маъноларни ҳам англатади.

ФОТО... (юнон. photos — ёруғлик) — қўшма сўз бўлаги. Ёруғликка алоқадорликни билдиради (мас., *фотография*).

ФОТОАППАРАТ, фотокамера — суратга олинадиган объектлар оптик тасвирини *фотоматериалларнинг* ёруғ сезгир қатламига туширувчи оптик-механик қурилма. Ф. нинг ҳаваскорлик, профессионал ва махсус хиллари бор. Ҳаваскорлик ва профессионал Ф. лардан кишиларни, пейзаж, спорт мусобақаларини суратга олишда, портретлар ясаш ва б. да фойдаланилади. Махсус Ф. ларда фототехника ишлари, аэрофотосъёмка, микросъёмка ва б. бажарилади. Ф. фотоматериалда ҳосил бўладиган тасвирлар ўлчами (кадрлар формати)га қараб митти (13×17 *мм*), ярим форматли (18×24 *мм*), кичик форматли (28×28 ва 24×36 *мм*), ўртача форматли (45×60 дан 60×90 *мм* гача) ва йирик форматли (90×120 *мм* ва ундан катта) хилларга бўлинади.

Замонавий Ф. ларнинг асосий узеллари: ёруғлик ўтказмайдиган камера (асосий корпус), объект тасвирини фотоматериал (фотоплёнка ёки фотопластинка)га тушириб берадиган объектив, фотоплёнка ёки фотопластинканинг ёруғ сезгир қатламига ёруғлик нурини ўтказишни таъминлайдиган затвор, равшанликка тўғрилаш механизми, видоискатель, фотоплёнкани қайта ўраш механизми, фотоплёнка кассетаси, затвор ва чақмоқ-лампа ишини синхронловчи синхроконтакт, экспозиция вақтини ярим автоматик аниқлайдиган фотоэкспонометр, затворни ишга туширадиган автоматик тепки. СССРда ишлаб чиқариладиган Ф. лар қўлланилишига қараб қуйидаги хилларга бўлинади: ҳаваскорлар аппарати (мас., ФЭД, «Зоркий», «Зенит»), мактус ҳаваскорларники (мас., панорама типидаги «Горизонт» ва стереоскопик «Спутник»); алоҳида — павильон (мас., ФК 13×18, ФК 18×24); репортёр учун (мас., «Салют», «Искра»); фоторепродукцион; аэрофотосъёмка аппаратлари ва б. Қўлланиладиган фотоматериалга қараб Ф. лар плёнкали ва пластинкали бўлади.

Баъзида Ф. дан кўз илғамас (фотоқатламда қайд қилинадиган) ультрабинафша ёки инфрақизил нурларни суратга туширишда фойдаланилади. Бундай ҳолларда кўзгули объектив ёки нурларга мос келувчи линза компонентлари шаффоф материаллар: кварц, флюорит, литий фторидли (ультрабинафша нурлар учун); натрий хлорид, кремний, германийли (инфрақизил нурлар учун) объектив ишлатилади. Объект тасвирини бирор тор спектрал интервалда олиш ёки фотосъёмкада сурат бадиий яққол чиқиши учун объективда олиб-қўйиладиган турли ёруғлик фильтрлари қўлланилади.


Ад.: Шульман М. Я., Современные фотографические аппараты, М., 1968; Кулагин С. В., Проектирование фото — и киноприборов, 2 изд., М., 1976.

«ФОТОГАЗЕТА» — Тошкентда чиққан ижтимоий-сиёсий, суратли журнал. Ҳар сонида материаллар рус ва ўзбек тилларида босилган (қ. *«Меҳнат ва турмуш»*).


ФОТОГЕЛИОГРАФ — Қуёшнинг тузилишини ўрганиш мақсадида қуёш фотосферасини суратга олишга мўлжалланган телескоп (қ. *Фотосфера телескопи*).

ФОТО САНЪАТИ — ҳаётни тасвирлашда *фотография* имкониятларидан фойдаланиладиган бадиий ижод хили, *тасвирий санъат*нинг фан (физика, кимё, оптика) ва техниканинг маълум ютуқларидан фойдаланиб борлиқни акс эттирадиган соҳаси. Ҳужжатли, бадиий ва амалий (плакат, китоб безаги, реклама ва б. да фойдаланиладиган) турлари мавжуд.


Фотография ихтиро қилинган пайтларданоқ бу янги «техникавий» тасвир тури тасвирий санъат аҳли диққатини жалб қилди. 19-асрнинг 30-йилларида фотография ихтирочиларидан бўлган француз Луи-Жак Дагер рассом



Кичик форматли «Пентакон» фотоаппарати (ГДР). Кадр ўлчами 24×36 *мм*.



Ўртача форматли «Салют» фотоаппарати (СССР). Кадр ўлчами 6×6 *см*.



Катта форматли «Плаубел» фотоаппарати (ГФР). Кадр ўлчами 18×24 *см*.



Фото санъати. С. Маҳкамов. «Хотира».

зди. Илк фотография маҳсулотлари рассомлик санъати асарлари (манзара, портрет, натюрморт)га тақлидан яратилди. Ф. с. вужудга келган илк даврларда ўнлаб негативлардан фойдаланиб, манзаралар, турли композициялар ишланди. 19-асрнинг 2-ярмидан репортаж фотография ривож топди (1853—56 йилги Қрим уруши, 1861—65 йилларда АҚШ даги гражданлар уруши, 1877—78 йилги Россия-Туркия уруши воқеалари акс эттирилган фотосуратлар кўпчилик диққатини тортди, улар даврнинг тарихий ҳужжатларига айланди). Фотография соҳасидаги техникавий ва илмий ютуқлар Ф. с. ривожида катта аҳамиятга эга бўлди (фотоаппаратларининг янги қулай турлари, фото материалларининг фабрикада кўплаб тайёрланиши, айниқса ёруғликка ўта сезгир материаллар, қисқа экспозицияга имкон берувчи, натурани ҳаракат пайтида суратга олишни таъминловчи затворлар ихтиро қилиниши ва б.).

19-асрнинг 2-ярми мобайнида фото объективлари ва фотооптиканинг б. элементлари тобора такомиллаштирила борди, 19-асрнинг охири ва 20-аср бошларида рангли фотография асосларининг яратилиши Ф. с. тарихида муҳим воқеа бўлди. Айниқса 1914 йилда немис ихтирочиси О. Барнак томонидан кино лентасида суратга олинадиган «Лейка» камерасининг ихтиро қилиниши (1925 йилдан оммавий ишлаб чиқарила бошлади) ҳужжатли фото (фоторепортаж, натурага сездирмай «яширин камера» б-н суратга олиш, серияли фотосуратлар, фотоочерклар, бир мавзудаги фотосуратлар цикли ва б.) ривожига имконият яратилди. 20-йиллар охири ва 30-йилларнинг бошларида совет фоторепортажи шаклланди. У б-н бир қаторда студия фотографияси ҳам муваффақиятли ривожланди (бу соҳада айниқса М. С. Наппельбаум, П. А. Оцуп ва б. ишлаган В. И. Ленин портретлари), амалий Ф. с. (айниқса фотомонтаж техникаси) ҳам ўсди, бу — китоб иллюстрацияси, плакат, безак санъатини янги имкониятлар б-н бойитди.

Матбуот ривожи (айниқса иллюстрацияли журналларнинг кўпайиши) Ф. с. соҳасида янги кучларга эҳтиёж туғдирди, фотографика камол топди, Ф. с. реклама мақсадларига муваффақиятли хизмат қила бошлади.

19-асрнинг охирги йиллари ва 20-аср бошларидан тасвирий санъатдаги мавжуд формалистик оқимлар Ф. с. соҳасида ҳам кўзга ташланди. Лекин, шунга қарамай, АҚШ ва Ғарбий Европа матбуотида беҳад бўлган туссиз, мантиқсиз, ҳатто ахлоқсизликдан иборат фотография маҳсулотлари б-н бир қаторда, антимилитаристик руҳдаги, ҳаёт ҳақиқати улкан маҳорат б-н кўрсатилган чинакам Ф. с. асарлари ҳам учрайди.





Фото санъати. 1. К. Булла. А. М. Горький. В. В. Стасов ва И. Е. Репин Куркалада. 2. Карелия. «Садақа» (1880-йиллар).

Қичик ҳажмли фотокамералар, ёруғликка ўта сезгир материаллар бўлмаган 19—20-аср бошларида ҳужжатли фотография ривожига имкон бўлмаган даврларда Ф. с. нинг бирдан-бир соҳаси бўлган бадиий фотография 20-аср ўрталаридан ўз ўрнини ҳужжатли фотога берди, бадиий фотография малакали фотографлар шуғулланадиган Ф. с. тури бўлиб қолди. 1970 йиллардан бошлаб Ф. с. да ижодий услублар кўпайди, жанрий шакллар ортди, фотографлар турли соҳалар бўйича ихтисослаша борди (мас., Ўзбекистонда Е. Юдицкий архитектура, К. Ромеев театр, А. Палехов портрет, С. Безносов маиший жанр бўйича ихтисослашди). ТАСС ва ЎзТАГ Фотохроникалари, АПН фаолияти, Ўзбекистон Журналистлар союзи фото секцияси, йирик корхоналарда ташкил топган турли фотоклублар республикада Ф. с. ривожида муҳим роль ўйнамоқда. Уларнинг фаолияти фотомонтаж методлари, фотографика, амалий фотографиянинг сезиларли даражада такомиллашувига имкон яратди. Республика нашриётлари босиб чиқараётган китоб ва плакатларда, турли буклет, рекламаларда Ф. с. дан моҳирона фойдаланилаётгани шуни кўрсатади.

Ад.: Морозов С., Русская художественная фотография, 2 изд., М., 1961; Морозов С., Фотография среди искусств, М., 1971; Плужников Б. Ф., Занимательная фотография, М., 1967.

ФОТОГРАВЮРА МАШИНАСИ — металл, пластмасса ва б. материалларни ўйиб ишлаш йўли б-н *клише* тайёрлайдиган қурилма. Иши *оригинал*нинг бирор қисмидан келаётган ёруғликни кескич ҳаракатини бошқарувчи маълум қувватли электр сигналига айлантиришга асосланган. Оригинал қўзғалувчи стол ёки цилиндрга ўрнатилиб, унга кетма-кет ёруғлик нури берилади.

Оригиналдан қайтган ёруғлик фотоэлементга тушади. Бу ёруғлик кучининг миқдорига қараб фотоэлементда уйғотилган ток кучи ўзгаради. Бошқа қўзғалувчи стол ёки цилиндрга клише тайёрланадиган пластинка ўрнатилади. Пластинка устида эса титровчи кескич бўлади. Ток кучига қараб кескичнинг пластинкадаги чуқурлиги ўзгаради, натижада пластинка сиртида *автотипия*га ўхшаш турли ўлчамли нуқталар ҳосил қилинади.

ФОТОГРАММЕТРИЯ (*фото, ...грамма* ва *метрия*) — объектларнинг шакли, ўлчами ва жойлашишини уларнинг фотосуратларидаги тасвиридан аниқлаш б-н шуғулланадиган илмий-техника фани. Фотосуратлар бевосита турли системали махсус фотоаппаратларда ҳамда радиолокацион, телевизион, лазер ва б. системалар ёрдамида олинади. Ф. да фотоаппаратлар б-н олинган объектнинг якка ёки бир-бирини маълум даражада қоплаб турадиган қўш суратларидан фойдаланилади. Бундай қўш суратлар асосида объектнинг оптикстереомодели ҳосил қилинади. Ф. нинг объектлари уларнинг қўш суратларидан ўрганадиган бўлими стереофотограмметрия деб аталади. Объект суратидан фойдаланишда суратнинг ички ва ташқи ориентирлаш элементлари муҳим фактор бўлиб хизмат





қилади. Суратнинг фотосуратга олиш пайтидаги ҳолатини ички ориентирлашнинг уч элементи (фотокамеранинг фокус оралиғи f (1-расм), бош нуқта O нинг координаталари x ва y) ҳамда 6 та ташқи ориентирлаш элементлари [проекция маркази (S) нинг координаталари (X_s, Y_s, Z_s), суратнинг кўндаланг ва бўйлама оғиш бурчаклари (α ва ω) ҳамда бурилиш бурчаги φ лар] орқали аниқланади.

Объект нуқталари M б-н унинг суратдаги тасвири координаталари орасида қуйидаги боғланиш мавжуд:

$$\begin{vmatrix} X \\ Y \end{vmatrix} = \begin{vmatrix} X_s \\ Y_s \end{vmatrix} + \frac{Z - Z_s}{Z'} \begin{vmatrix} X' \\ Y' \end{vmatrix}, \qquad (1)$$

бу ерда X, Y, Z — объект нуқталари (M) нинг $OXYZ$ системадаги координаталари; X', Y', Z' — m нуқтанинг $OXYZ$ системага параллел бўлган $SXYZ$ системадаги координаталари. Бу миқдорлар ясси координаталар x ва y бўйича ҳисоблаб топилади:

$$\begin{vmatrix} X' \\ Y' \\ Z' \end{vmatrix} = \begin{vmatrix} a_1 & a_2 & a_3 \\ b_1 & b_2 & b_3 \\ c_1 & c_2 & c_3 \end{vmatrix} \begin{vmatrix} x & -x_0 \\ y & -y_0 \\ 0 & -f \end{vmatrix}, \qquad (2)$$

бунда a_i, b_i, c_i — бурчак α, ω, φ лар ёрдамида аниқланадиган йўналтирувчи косинуслар.

Объект нуқтаси M ва унинг стереоскопик қўш сурат ($P_1 - P_2$) лардаги тасвири (m_1 ва m_2, 2-расм) орасидаги боғланиш формуласи қуйидаги кўринишга эга:

$$\begin{vmatrix} X \\ Y \\ Z \end{vmatrix} = \begin{vmatrix} Xs_1 \\ Ys_1 \\ Zs_1 \end{vmatrix} + N \begin{vmatrix} X'_1 \\ Y'_1 \\ Z'_1 \end{vmatrix}, \qquad (4)$$

бунда

$$N = \frac{B_y Z'_2 - B_z Y'_2}{Y'_1 Z'_2 - Z'_1 Y'_2} = \frac{B_z X'_2 - B_x Z'_2}{Z'_1 X'_2 - X'_1 Z'_2} = \frac{B_x Y'_2 - B_y X'_2}{X'_1 Y'_2 - Y'_1 X'_2}. \qquad (5)$$

B_z, B_y ва B_x базис B нинг координата ўқларидаги проекциялари. Стереоскопик қўш суратларнинг ташқи ориентирлаш элементлари маълум бўлса, объект нуқтаси координаталарини (4) формула ёрдамида топилади (*тўғри кесиштириш методи*).

Суратнинг ташқи ориентирлаш элементлари номаълум бўлса, объект нуқталарининг координаталари таянч нуқталардан фойдаланиб аниқланади (*тескари кесиштириш методи*). Таянч нуқталар — координаталари геодезик ўлчаш ёки фототриангуляция усули б-н аниқланган, суратларда аниқ белгиланган контур нуқталардир.

Суратларни анализ қилишнинг аналитик усулидан ташқари фотограмметрик асбоблар (фототрансформатор, стереограф, стереопроектор ва б.) дан фойдаланишга асосланган аналогия усуллари ҳам кенг қўлланилмоқда.

Кейинги йилларда электрон, радиолакацион, лазер ва б. суратга олиш системаларининг қўлланилиши Ф. имкониятларини янада кенгайтирди. Ф. усулининг самарадорлиги (объектнинг ўзи эмас, унинг тасвири ўлчанади), юқори аниқликка эгалиги (суратларни аниқ асбоб ва аппаратларда олинади), ўлчаш натижаларини қайта ишлашда қатъий аниқ усуллар қўлланилиши, тинч турган ва ҳаракатдаги объектларни ўрганиш имконияти борлиги, айниқса



Фото санъати. 1. Е. Евжерихин. «Дўппи бозори» (1920-йиллар). 2. Р. Шамсиддинов. «Суҳбат» (1960-йиллар).

объектни бевосита ўрганишнинг имконияти бўлмаганда (мас., учиб бораётган самолёт ёки снаряд), шунингдек объект зонасида инсоннинг бевосита бўлиши хавфли бўлган ҳоллар (отилаётган вулкан, ядро портлаши ва б.) да фойдаланиш мумкинлиги каби афзалликлари мавжуд.

Ф. Ер, планеталар ва Ой карталарини тузишда, план, топографик карталар тузишда, турли инженерлик иншоотлари барпо қилишда, лойиҳалаш, қурилиш ва б. да кенг қўлланилади.

Ад.: Бобир И. Я., Лобанов А. Н., Федорчук Г. Д., Фотограмметрия, М., 1974; Дробышев Ф. В., Основы аэрофотосъемки и фотограмметрии, 3 изд., М., 1973; Лобанов А. Н., Аэрофототопография, М., 1971; Сердюков В. М., Фотограмметрия в промышленном и гражданском строительстве, М., 1977; Сердюков В. М., Фотограмметрия в инженерно-строительном деле, М., 1970; Ғузибоев Т., Геодезия, Т., 1975.


ФОТОГРАФИК АСТРОМЕТРИЯ—*астрометрия* бўлими. Астрономия масалаларини осмон сферасини фотосуратлари ёрдамида ҳал қилишга асосланган.

Ф. а. да юлдуз, планета, сунъий осмон жисмларининг осмон сферасидаги координаталари ўлчанади, осмон объектларининг хусусий ҳаракатлари аниқланади, юлдузларнинг тригонометрик *параллакслари* ўлчанади, қўшалоқ юлдузларнинг компонентлари ҳаракати ва б. ни ўрганади. Сунъий йўлдошларни суратга олиш, уларнинг кузатишдан топилган вазиятларини бир қанча систематик хатолардан ҳоли қилиш ишлари *спутникометрия* деб аталувчи янги илмий йўналишни вужудга келтирди.


Ф. а. да астрограф деган телескоп қўлланилади. Ҳозирга қадар Тошкент нормал астрографи ёрдамида олинган 6000 дан ортиқ фотосуратлар ЎзССР ФА *Астрономия институти*нинг олтин фондини ташкил этади. 1975 йилда *Улуғбек номли Китоб халқаро кенглик станциясида* замонавий катта астрограф ўрнатилди. Унинг ёрдамида ёритгичларнинг вазиятлари ва ҳаракатлари кенг программа асосида ўрганилмоқда (яна қ. *Астрофотография*).

ФОТОГРАФИЯ (*фото...* ва *графия*)— объект тарқатадиган ва қайтарадиган нурланишлар таъсирида ёруғ сезгир қатламларда юз берадиган фотокимёвий ва фотофизикавий ўзгаришларни мустаҳкамлаш йўли б-н предметлар ва оптик сигналларнинг барқарор тасвирларини ҳосил қилиш методлари мажмуи.


Ф. нурланиш (оптик, рентген нурлар) таъсирида ва кейин кимёвий ишлов берилганда ёруғ сезгир қатламида ўзгариш содир бўладиган фотоматериаллардан фойдаланишга асосланган.



Фотограмметрия. 1-расм.



2-расм.



Фотодиод схемаси: *1* — яримўтказгич кристалли; *2* — контактлар; *3* — чиқишлар; *Ф* — электромагнит нурланишлари; *n* ва *p* — яримўтказгичлар соҳалари; $R_н$ — қаршилик; *E* — ўзгармас ток манбаи.

Фотоаппаратда суратга олинган тасвир очилтиргичларда тикланади, сўнг *позитив тасвир* олинади. Очилтиргичларга *метол, гидрохинон,* парааминофенол, амидол, *глицин,* диэтилпарафенилендиамин (рангли тасвирлар учун) ва б. киради. Парааминофенолнинг хлоридли ва сульфатли хили бор, иккаласи майда кристалл модда. Карбонатлар б-н аралашмаси секин, калий ишқори б-н аралашмаси тез очилтиргичдир. Булардан амидол кўпроқ позитивларни очишда ишлатилади.

Очилтиргичлар оқ-қора ёки рангли; негатив ва позитив; нормал, тез ва секин очиладиган, шунингдек табиий шароитга қараб тропик, арктик ва б. га классификацияланади.

Очилтирилган расмлар мустаҳкамланади. Бундай расмлар узоқ вақт айнамайди. Мустаҳкамлаш учун ишлатиладиган кимёвий эритмалар фиксаж дейилади. Фиксаж сифатида натрий тиосульфат (гипосульфит) асосидаги эритмалар, одатда, унинг 25% ли сувдаги эритмаси қўлланилади.

Очилтириш процесси тугагач, фотографик эмульсияда қолган очилтирувчи моддаларни нейтраллаш учун базида мустаҳкамловчи эритмага кислота (мас., сульфат ёки сирка кислота) қўшилади ва кислотали фиксаж дейилади.

Расмларни 2—3 марта тез мустаҳкамлайдиган фиксажларда аммоний хлорид ишлатилади. Расмларни мустаҳкамлаш вақти фиксажнинг концентрациясига ва т-расига, эмульсион қаватнинг қалинлигига, кумуш галогенидлари концентрациясига ҳамда кумуш галогенидларининг эмульсион микрокристалл ўлчамларига боғлиқ. Т-ра ошиши б-н мустаҳкамланиш тезлашади, аммо 22—23°С дан ошса фотоматериалнинг ёруғ сезгир қавати шишиб, у бузилади. Бир вақтда махсус эритмаларда ҳам очилтириш, ҳам мустаҳкамлашнинг тезкор комбинациялашган усули қўлланилмоқда, лекин бу усулда фотоматериалларнинг ёруғлик сезгирлиги пасаяди. Баъзида оқ-қора тасвирлар сифатини яхшилаш, доғларни кетказиш ва контрастни пасайтириш учун фотоматериаллардан кумуш металлининг маълум миқдори кетказилиб кучсизлантирилади. Бунинг учун кумушни оксидловчи ва ҳосил қилган тузи сувда ёки натрий тиосульфат эритмасида эрийдиган кучсизлантирувчи моддалар ва б. дан фойдаланилади. Ф. 15-асрда объектлар тасвирини проектлаб, сўнг қоғозга расмини чизишдан бошланган. Бу усулни *Леонардо да Винчи* қўллаган. Лекин Ф. ёруғ сезгир моддалар маълум бўла бошлагач, пайдо бўлган. 18-асрда дастлабки ёруғ сезгир модда сифатида кумуш тузи топилган ва тадқиқ қилинган. Буюк Британияда 1802 й. Т. Уэджвуд $AgNO_3$ қатламида тасвир олишга эришди, лекин уни мустаҳкамлаш усулини билолмади. Ф. ихтиро қилинган вақтни 1839 йил деб ҳисоблайдилар. Чунки шу йили Л. Ж. М. Дагер Париж академиясига Ф. усули ҳақида ахборот беради. Кейинроқ расм олишда зарур бўлган объектив ихтиро қилинди (муаллифи венгриялик оптик П. Пецваль, 1840), ҳўл ёруғ сезгир қатламдан қуруқ ёруғ сезгир қатламга ўтилди. 20-асрда Ф. асосий информация ва ҳужжатлаштириш (инсон қиёфаси, воқеалар ва б. ни) воситаси бўлиб қолди. Ф. кино санъатида, полиграфияда, фан ва техникада кенг қўлланила бошлади. Ф. статик (қўзғалмас), динамик (кинематографияда); ёруғ сезгир қатламнинг кимёвий таркибига қараб кумушли (кўпроқ галогениод-кумуш) ва кумушсиз объектдаги равшанлик ва ранг аждрата олиш қобилиятига қараб оқ-қора ҳамда рангли ва б. хилларга бўлинади.

Ад.: Бунимович Д. З., Краткий курс фотографии, М., 1972; Справочник фотографа, М., 1976.

ФОТОДИОД (*фото...* ва *диод*)— оптик нурланиш таъсирида бир томонлама фотоўтказувчанлик хоссасига эга бўлган яримўтказгичли диод. Ф. электрон-ковак (*p—n*) ўтишли яримўтказгичли кристаллдан иборат. Унда иккита металл чиқиш (бири *p*, иккинчиси *n* соҳадан) бўлиб, металл ёки пластмассали ҳимоя корпусига ўрнатилган. Ф. икки иш режимида ишлайди: фотодиод режимда Ф. ташқи занжирида *p—n* ўтишдан ҳосил бўладиган ўзгармас ток мавжуд, вентиль режимида бундай ток бўлмайди. Ф. фотодиод режимда *фоторезистор*дек Ф. занжиридаги электр токини бошқаришда, вентиль режимда эса, *фотоэлемент*га ўхшаш фото э. ю. к. генератори сифатида, тасвирларни узатишда нурланиш детектори сифатида, оптик информацияларни қабул қилиш, ўлчаш техникаси ва б. да қўлланилади.

ФОТОИОНИЗАЦИЯ, фотоионланиш — газ атомлари ёки молекулаларининг фотонларни ютиши натижасида ионланиши (қ. *Ионизация*). Фотонларнинг энергиясига қараб Ф. ҳар хил содир бўлади. Ф. нинг асосий характеристикаси унинг эффектив кесими σ_i дир. Бу кесим қуйидаги методлар ёрдамида ўлчанади: 1) нурланишнинг ютилиш коэффициентини ўлчаш. Бу методни бир атомли газ ва буғларни ионлаш бўсағасида қўллаш мумкин; 2) ҳосил бўлган ионлар сонини ўлчаш; 3) рекомбинация ёруғланишини ўлчаш. σ_i нинг максимал қиймати 10^{-7} — 10^{-19} $см^2$. Водородсимон атомлар учун Ф. назарияси яратилган бўлиб, молекулаларнинг Ф. назарияси эса унча ривожланмаган.

ФОТОЛИЗ (*фото...* ва *...лиз*)— ютилган нур таъсирида молекулаларнинг парчаланиши. Парчаланган маҳсулотлар атомлари кам бўлган молекулалар, эркин радикаллар ёки атомлар (фотодиссоциация), мусбат ва манфий зарядли ионлар (фотоионизация) бўлиши мумкин (яна қ. *Фотохимия*).

ФОТОЛИТОГРАФИЯ (*фото...* ва *литография*)—1) фоторезист (ёруғ сезгир полимер қатлам)лардаги махсус фотографик процесс. Ф. дан мақсад фоторезист қатламида берилган конфигурациядаги «тешик» ҳосил қилиб, шу тешик орқали оксидланган пардали ярим ўтказгичли пластинага хурушлайдиган модда келтиришдир. Бундай «тешик»лар фоторезистни ультрабинафша нурланиш оқимида ёки электронлар оқимида маълум вақт қолдириб ҳосил қилинади. Натижада хурушлайдиган модда эриш хусусиятини йўқотади (негатив фоторезист) ёки эриш хусусиятга эга бўлиб қолади (позитив фоторезист). Бу метод рангли телевизорларнинг маскаларида тартибли жойлашган ўн мингдан ортиқ майда тешик ҳосил қилишда қўлланилади; 2) *тошбосма* формаси тайёрлашнинг фотомеханик усули; бунда тасвир негативдан сиртига ёруғлик сезгир қатлами қопланган тош (металл)га кўчирилади. Нусха очилтирилгандан сўнг, унга кимёвий ишлов берилади, натижада сирт босма ва пробель элементларга бўлинади. Ҳозирги вақтда Ф. камдан-кам ишлатилади; 3) Ф. усули б-н тайёрланган литографик босма формадан олинадиган нусха.

ФОТОМАТЕРИАЛЛАР — фотография ва кинематографияда фотографик тасвир ҳосил қилиш учун қўлланиладиган ёруғ сезгир материаллар, уларга кимёвий ишлов берадиган реактивлар ва ёрдамчи воситалар. Ф. ёруғ сезгир компонентининг кимёвий таркибига қараб кумушли ва кумушсиз хилларга бўлинади. Кумушсиз Ф. нинг ёруғ сезгирлиги паст бўлиб, фақат позитивлар олишда қўлланилади. Ф. фотопластинкалар (асоси шиша пластина), фотоплёнкалар (асоси целлуоид), киноплёнкалар ва фотоқоғозлар (асоси ярим ялтироқ қоғоз)га бўлинади.

Саноатда умумий мақсадлар учун «изоорто», «изохром» ва «панхром» фотопластинкалар тайёрланади. Уларнинг ёруғ сезгирлиги ГОСТ бўйича 32—90 бирликка тенг.

ГОСТ бўйича ёруғ сезгирлиги 32, 65, 130 ва 250 бирликка тенг бўлган тўрт хил фотоплёнкалар ишлаб чиқарилади.

Ёруғ сезгирлиги 32 бўлган фотоплёнка табиий ёруғликда сурат олишга мўлжалланган.

Сезгирлиги 250 бўлган фотоплёнкалар қоронги жойларда сурат олишда ишлатилади. Киноплёнкалар тўрт хил: КН-1, КН-2, КН-4 ва ВЧ (ўта юқори ёруғ сезгир) маркада ишлаб чиқарилади.

Фотоқоғозлар 6×9 дан 50×60 *см* форматда турли номлар б-н ишлаб чиқарилади.

Махсус Ф. икки группага бўлинади: диапозитив (пластинка, плёнка)— ундан тўғридан-тўғри катталаштирувчи аппаратлар орқали суратлар кўрсатилаверади; репродукцион Ф.— кумуш бромидли фотопластинка, фотоплёнка ва б. Улар клише ва б. воситасида расмлардан нусха кўчиришда қўлланилади. Ёрдамчи воситаларга ёруғ сезгир Ф. солиб ёки ўраб қўйиладиган ёруғлик ва намликдан ҳимоялайдиган махсус қоғозлар, елимлар, позитивларни атмосфера таъсиридан сақлайдиган лаклар киради. Кенг тарқалган ёруғ сезгир қатламлар — дисперсланган AgHal микрокристалл қуруқ желатинали қатламлар (Hal=Cl, Br, cl+Br, cl+j, cl+Br+j, Br+j). Бундай қатламлар 1870 йилларнинг ўрталаридан кўплаб ишлаб чиқарила бошланди.

Кейинги вақтларда AgHal-ёруғ сезгир қатламлар рентген нурлари ва электронлар оқими тасвирини олишда қўлланила бошланди (қ. *Рентгенограмма*).

AgHal асосида ёруғ сезгир материаллар тайёрлашнинг уч босқичи бор: 1) эмульциялаш ва биринчи (физик) етилтириш. Бу босқичда эмульция, яъни AgHal микрокристалларнинг қаттиқ фазаси ҳосил бўлади ва ўсади.

$AgNO_3$ б-н эритмадаги таркибида желатина бўлган галогенидлар орасидаги реакция натижасида AgHal ҳосил бўлади;

2) иккинчи (кимёвий) етилтириш. Бу босқичда эмульсия маълум вақт юқори т-рада тутиб турилади; 3) эмульцияни қуйишга тайёрлаш. Бу босқичда ёруғ сезгир қатламга керакли физик-кимёвий характеристикалар берилади. Бунинг учун эмульцияга қуйидагилар қўшилади: бўёвчи—сенсибилизаторлар (ёруғ сезгир қатламнинг сезгирлигини оширади), стабилизатор (ёруғлик сезгирликни сақлайди), ошловчилар (қатламнинг механик мустаҳкамлигини ва желатинанинг т-рага чидамлилигини оширади), пластификаторлар (қатлам мўртлигини пасайтиради), ҳўлловчилар (ёруғ сезгир қатлам бир текис бўлишини таъминлайди); 4) қуйиш. Бу босқичда эмульция юпқа (5—10 *мкм*) қилиб асосга берилади. Тайёр материал қуритилади, кейин зарур форматларда кесилади.

1950 йиллардан бошлаб кумушсиз ёруғ сезгир қатлам (полимер плёнка, шишасимон модда ва б.) лар ҳам кенг қўлланилмоқда.

Ад.: Блюмберг И. Б., Технология обработки фотокиноматериалов, 2 изд., М., 1967; Миз К., Джеймс Т., Теория фотографического процесса, Пер. с англ., Л., 1973.

ФОТОМЕТР (*фото...* ва *метр*)— фотометрик катталиклар (ёруғлик кучи, ёруғлик энергияси, ёритилганлик, нурлилик, ёритувчанлик, ёруғлик экспозицияси), шунингдек материалларнинг ёруғлик характеристикалари (қайтариш, ўтказиш, равшанлик коэффициентлари) ва б. ўлчанадиган асбоб. Ф. ясалиши ва ишлаш принципига кўра визуал, фотоэлектрик, тақсимлаш, интегралловчи, шарли ва б. хилларга бўлинади. Ф. газ, қаттиқ ва суюқ моддаларни текширишда, оптик системаларда ишлатилади.

ФОТОМЕТРИК АНАЛИЗ — эритма ёки газдаги модда концентрацияси б-н нурнинг ютилиши ўртасидаги боғлиқликка асосланган кимёвий миқдорий анализ методлари йиғиндиси. Монохроматик нурланиш учун бу боғлиқлик Бугер-Ламберт-Бер қонуни билан ифодаланади. Ф. а. кўринадиган, ультрабинафша ва инфрақизил спектраль соҳаларини текширади. Ф. а. да анализ қилинаётган материал намунасидан ўтаётган нур интенсивлигини дастлабки нур интенсивлигига ёки эталон намунадан ўтган нур интенсивлигига солиштирилади. Кўзга кўринадиган нур б-н иш кўриладиган Ф. а. методи *колориметрия* методи дейилади.

ФОТОМЕТРИЯ (*фото...* ва *метрия*)— физик оптиканинг манбадан чиқиб турли муҳитда тарқаладиган ва жисмлар б-н ўзаро таъсирлашадиган оптик нурланишнинг энергетик характеристикаларини ўрганадиган бўлими. Ф. фотометрик катталикларни экспериментал ўлчаш методи ва воситаларини ҳамда шу катталикларга тааллуқли назарий қоидалар ҳамда ҳисоблашларни ўз ичига олади. Ф. нинг асосий энергетик тушунчаси электромагнит нурланиш б-н кўчириладиган ўртача қувватнинг нурланиш оқими ҳисобланади. Тор маънода баъзан Ф. деганда, кўзга кўринадиган соддалаштирилган фотометрик катта нурланишлар (ёритилганлик, ёруғлик кучи, равшанлик ва б.) ни ўлчаш ва ҳисоблаш тушунилади. Нурланиш тўлқин узунлигига ва энергетик катталикларнинг спектрал зичликларига фотометрик катталикларнинг боғлиқлигини спектрофотометрия ҳамда спектрорадиометрия фанлари ўрганади. Фотометрик катталикларни ўлчашда фойдаланиладиган методларга қараб Ф. шартли визуал, фотографик, фотоэлектрик, фотокимёвий ва б. хилларга бўлинади.

Ф. нинг ривожланишида И. *Кеплер*, француз физиги П. Бугер (1698—1758), И. *Ламберт*, совет олимларидан А. А. Гершун ва б. нинг хизматлари катта.

Ф. нинг назарий методлари хусусан қуйидаги муносабатга асосланган $d\Phi_e = \lambda_e dG$, бунда $d\Phi_e$ — элементар нур дастасининг нурланиш оқими дифференциали; λ_e — нурланишнинг энергетик равшанлиги; dG — геометрик фактор дифференциали. Модда ва жисмларнинг фотометрик хоссалари нурланиш ўтказиш τ, қайтариш ρ ва ютиш α коэффициентлари б-н характерланади. Нурланиш оқимининг моддалардан ўтаётгандаги

суқайиши *Бугер-Ламберт-Бер қонуни*да ифодаланган. Ф. нинг экспериментал методлари нурланишнинг турли селектив ва носелектив қабул қилувчилари нур оқимини абсолют ва нисбий ўлчашига асосланган. Ф. нинг назарий ва экспериментал методлари *ёруғлик техникаси*, сигнализация техникаси, космонавтика, астрономия, астрофизика ва б. да ишлатилади.

Ад.: Тиходеев П. М., Световые измерения в светотехнике. [Фотометрия]. М.— Л., 1962; Сапожников Р., Теоритическая фотометрия, 2 изд., Л., 1967.

ФОТОН (юнон. photós — ёруғлик) — электромагнит нурланиши (ёруғлик) кванти; элементар зарра. Ф. сўзи ўрнида хусусий ҳолларда ёруғлик кванти, рентген кванти, γ-кванти терминлари ишлатилади.

Ф. нинг тинч ҳолатдаги массаси m_0 полга, тезлиги ёруғлик тезлиги $c \approx 3 \cdot 10^{10}$ *см/сек*га, *спини* (ҳаракат миқдорининг хусусий моменти) 1 га тенг, шунинг учун *бозонлар* группасига киради ва у *Бозе — Эйнштейн статистикаси*га бўйсунади. Ф. энергияси $\varepsilon = \hbar w\,(k)$, импульси $p = \hbar k$ (бу ерда $\hbar$ — *Планк доимийси*, $\hbar = \frac{h}{2\pi}$; w — нурланиш частотаси, k — тўлқин вектори). Ф. электр заряди ва магнит моментига эга эмас. Ф. электромагнит ва гравитацион ўзаро таъсирда иштирок этади. Квант назарияси ва нисбийлик назариясининг ривожланиши жараёнида Ф. тўғрисидаги тасаввур ҳосил бўлди («Ф.» иборасини 1905 йилдаёқ А. *Эйнштейн* фотоэффект назариясини талқин этишда ишлатган, бу ибора фанда 1929 йилдагина пайдо бўлган). 1900 йилда М. *Планк*нинг абсолют қора жисм назариясини яратиши бунга замин ясади (қ. *Планк нурланиши қонуни*). Ф барча элементар зарралар б-н ўзаро таъсирлашади. У. лар нурланиш, ютилиш, сочилиш ва электрон-позитрон системасининг ҳосил бўлиши ва аннигиляцияси жараёнларида иштирок этади.

Ф. ларнинг нурланиш классик назарияси *Максвелл тенгламаси*га, Ф. ларнинг ўзаро таъсир этиш квант назарияси *квант электродинамика*га асосланган. Ф. лар манбалари бўлиб ёруғлик манбалари, γ-квантлари манбалари бўлиб радиоактив изотоплар хизмат қилади.

Ад.: Пайерлс Р. Е., Законы природы, Пер. с англ., М., 1962; Эйнштейн А., О развитии наших взглядов на сущность и структуру изучения. Сбор. науч. трудов, т. 3, М., 1966, стр. 181; Бом Д., Квантовая теория, Пер. с англ., 2 изд., М., 1965; Ахиезер А. И., Берестецкий В. Б., Квантовая электродинамика, 3 изд., М., 1969.

ФОТОПЕРИОДИЗМ (*фото...* ва юнон. periodos — айланиб ўтиш) — нур энергиясининг суткалик ўзгариши (сутканинг ёруғ ва қоронғу даври)га организмнинг кўрсатган реакцияси. Ф. ҳайвон ва ўсимлик организмларига хос бўлиб, улар ҳаёт фаолиятининг турли жараёнларида содир бўлади.

Усимликлардаги Ф. вегетатив органларининг ўсиш ва ривожланишидан ёруғлик даври (фотопериод) таъсирида репродуктив органларининг шаклланиши ва гуллашга ўтиш хусусиятидир. «Ф.» терминини фанга 1920 йили америкалик олимлар У. Гарнер ва Г. Аллард киритган. Усимликлар фотопериодик таъсирланиши жиҳатидан қуйидаги группаларга бўлинади: нейтрал, фотоперио таъсирланишга эга бўлмаган, яъни кунниг узун-қисқалигидан таъсирланмайдиган ўсимликлар; қисқа кун ўсимликлари, яъни қисқа кунда гуллаш ва мева тугиши (кунниг 8—12 соатга қисқарини б-н) тезлашадиган ўсимликлар; узун кун ўсимликлари, яъни гуллаш ва мевалаши узун кунда (яъни 24 соатли кунда) тезлашадиган ўсимликлар; оралиқ ўсимликлар (стенофотопериодик), фақат кунниг ўртача узунлигида гуллайдиган ўсимликлар; ёруғсевар ўсимликлар (амфифотопериодик) ҳам қисқа (10 соатли кун), ҳам узун кун (16 соатли кун)да гуллайдиган ўсимликлар; қисқа-узун кун, узун-қисқа кун ва б.

Усимликларнинг қайси группага кириши, уларнинг географик келиб чиқиши ва тарқалишига боғлиқ. Қисқа кун ўсимликлари тропик ва субтропик областларда, узун кун ўсимликлари эса мўътадил кенгликларда ўсади. Ф. онтогенез ритмини мавсум ритми б-н синхронловчи ўзига хос соатдир. Мас., қисқа кун ўсимликлари субтропикларнинг қуруқ ва иссиқ ёзига ёки, аксинча, тез-тез ёмғир ёғиб турадиган мавсумга мослашиб яшайди. Бу ўсимликлар шу мавсумларнинг узун кунларида гулламайди ва мевалаймайди. Ф. ўсимликларни районлаштиришда катта аҳамиятга эга. Усимликларнинг бошланғич ўсиш фазаларида сунъий оптимал кун узунлигини ҳосил қилиб, уларнинг гуллаш ва мевалашини тезлаштириш мумкин. Мас., қисқа кун ўсимлик кўчатларини баҳорда парникларда (қисқа кунда) ўстирилса, узун кун ўсимлик кўчатлари эса кузда оранжереяда қўшимча сунъий ёруғлик бериб етиштирилади. Ф. ўсиш ва ривожланиш жараёнларига, морфогенезга, ўсимликларнинг морфологик хусусиятлари — совуққа, қурғоқчиликка ва касалликларга чидамлилигига ҳамда тиним даврига таъсир қилади.

Ҳайвонлар ҳам кун б-н тун узунлиги ўзгаришидан таъсирланади (мас., ҳашаротлар, каналар, балиқлар, сут эмизувчилар ва б.). Фотопериодик таъсирланиш ҳайвонларда урчиш мавсуми бошланиши ва тугашини, кузги ва баҳорги туллаш, қишки уйқуга ўтиш, икки жинсли ва партеногенетик наслларнинг галланиши, миграция ва б. жараёнларни бошқаради.

Ад.: Самыгин Г. А., Фотопериодизм растений, «Тр. Ин-та физиологии растений им. К. А. Тимирязева АН СССР», 1946, т. 3, вып. 2; Мошков Б. С., Фотопериодизм растений, Л.— М., 1961; Данилевский А. С., Фотопериодизм и сезонное развитие насекомых, Л., 1961; Фотопериодизм растений и животных, Л., 1976.

ФОТОРЕЗИСТОР (*фото* ва *резистор*) — оптик нурланиш таъсирида электр қаршилигини ўзгартирадиган ярим ўтказгичли асбоб. Ўзгармас ток занжирига уланган Ф. дан электр токи ўтади. Ф. нурлатилганда ток ортиб, фототок ҳосил бўлади, бу ток ёруғлик таъсири даражасига пропорционал бўлиб, Ф. га қўйилган кучланишнинг қутбийлигига боғлиқ эмас. Шу ҳодисадан нурланишни қайд қилишда фойдаланилади.

Ф. тайёрлашда селен, теллур, германий (ёки унинг олтин, мис, рух б-н легирлангани), кремний қўрғошин сульфид ва б. ярим ўтказгич материаллар ишлатилади. У нур приёмниги сифатида техниканинг турли соҳаларида, илмий тадқиқотларда, материал таркибини спектрал анализ қилишда, паст т-раларни узоқдан туриб ўлчаш ва товуш сигнализацияси аппаратлари ишлаб чиқаришда қўлланилади.

ФОТОСИНТЕЗ (*фото...* ва *синтез*) — юксак ўсимликлар, сувўтлар ва фотосинтезловчи бактерияларнинг оддий бирикмалар (мас., карбонат ангидрид —CO_2 ва сув)дан хлорофилл ва б. фотосинтетик пигментлар ўзлаштирган ёруғлик энергияси ҳисобига ҳам ўзи, ҳам бошқа

ҳамма организмлар учун зарур бўлган мураккаб органик моддалар ҳосил қилиши. Муҳим биологик процесслардан бири. Ер шаридаги ўсимликлар ҳар йили Ф. натижасида 100 млрд. *т* органик модда ҳосил қилади (ярмига яқини денгиз ва океан ўсимликларига тўғри келади), бунда ўсимликлар 200 млрд. *т* CO_2 қабул қилиб, ҳавога 145 млрд. *т* га яқин эркин кислород ажратади. Атмосферадаги ҳамма кислород Ф. туфайли юзага келади, деб ҳисобланади. Ҳаёт учун зарурий энергиянинг кўп қисми океан ва қуруқликдаги ўсимликларда ҳосил бўлади. Шу сабабли Ф. энергетикаси ҳамда механизмини ўрганиш келажакда кишиларни энергия, озуқа б-н ва ишлаб чиқаришни хом ашё б-н таъминлаш масаласини ҳал этишда жуда катта роль ўйнаши мумкин. Ф. ни ўрганиш инглиз олими Ж. Пристли, Голландия олими Я. Ингенхауз, Швеция олимлари Ж. Сенебье, Н. Соссюр ва б. нинг ишлари б-н бошланди. Совет олими К. А. *Тимирязев* (19- асрнинг 2-ярмида) қуёш ёруғлик энергияси ўсимликдаги хлорофилл орқали фотосинтетик ўзгаришлар жараёнида иштирок этишини айтган. Ф. интенсивлиги ёруғлик интенсивлигига боғлиқ. Инглиз олими Ф. Блекман Ф. ни тез кечувчи ёруғлик ва секин кечувчи қоронғилик реакцияларидан иборатлигини аниқлади (1905). Буни 1937 йили инглиз олими Р. Хилл биохимиявий тадқиқотлар натижасида исботлади. Кейинчалик немис олими О. Варбург ҳамда америкалик Х. Гафрон бу соҳага катта ҳисса қўшдилар. 1941 йили совет олимлари А. П. Виноградов ва М. В. Тейц ҳамда АҚШ олими Э. Рубен ва б. Ф. жараёнида ажраладиган кислороднинг манбаи карбонат ангидрид гази эмас, балки сув эканлигини аниқлашди.

20- асрнинг биринчи чорагидан бошлаб Ф. нинг физиология ва экологиясини ўрганишга совет олимлари В. В. Сапожников, С. П. *Костичев*, В. Н. Любименко, А. А. Ничипорович ва б. катта ҳисса қўшдилар. 20- асрнинг ўрталаридан бошлаб Ф. ни ўрганишда янги методлар (мас., газ анализи, изотоп методи, спектроскопия, электрон микроскопия усуллари ва б.) қўлланилди. Шундан сўнг, Ф. да хлорофилланинг қатнашиш механизмларини ишлаб чиқиш мумкин бўлди (А. Н. Теренин, А. А. Красновский, америкалик олимлар Е. Рабинович, В. Кок, В. Арнолд, Р. Клейтон, Ж. Франк, француз олими Ж. Лаворель). Ф. даги оксидланиш ва қайтарилиш реакцияси ва ундаги икки хил фотохимиявий реакцияни Англия олими Р. Хилл, С. Очоа, АҚШ олимлари М. Вишняк, Р. Эмерсон, голланд олими Л. Дейсенс, фотофосфорланиш ҳодисасини АҚШ олими Д. Арнон, углероднинг бошқа моддаларга айланиш йўлларини АҚШ тадқиқотчиси М. Калвин, Ж. Бассам, А. Бенсон ҳамда совет олими А. А. Ничипорович, австралиялик олимлар М. Хэтч ва К. Слэк, сувнинг парчаланиш механизмини В. Кок, француз олимлари А. ва П. Жолио ва б. аниқладилар. Ф. да ўсимликлар карбонат ангидрид ва сувдан органик моддалар, аминокислоталар, оқсиллар ҳамда хлорофилл ҳосил қилади. Ф. хусусиятига эга бўлган бактериялар молекуляр кислородни ажратмайди ва қабул ҳам қилмайди, уларнинг кўпчилиги анаэроб озиқланади. Шундай қилиб, ҳар хил организмлардаги Ф. жараёнини умумий схемада қуйидагича кўрсатиш мумкин:

$$Д \cdot H_2 + A \xrightarrow{\text{ёруғлик}} AH_2 + Д.$$

$ДH_2$ — донор, А — акцептор.
AH_2 — фотосинтез маҳсулоти.

Юксак яшил ўсимликларда Ф. эффективлигининг юқорилиги ҳужайра таркибида хлоропласт борлигидадир (яшил баргнинг бир ҳужайрасида 20—100 донагача хлоропласт учрайди). Хлоропласт икки қават мембрана б-н ўралган. Унинг ичи тилакоиддан тузилган. Тилакоидлар таркибида оқсил, ёғ моддалар, хлорофилл, каротиноидлар ташувчи компонентлар, фермент ва б. бор.

Усимликларда Ф. оксидланиш ва қайтарилиш жараёнидан иборат бўлиб, сувнинг оксидланиши, карбонат ангидриднинг қайтарилиши ёруғлик энергиясининг кванти ёрдамида содир бўлади.

Ф. нинг умумий тенгламаси:

$$CO_2 + H_2O \xrightarrow[\text{хлорофилл}]{\text{ёруғлик}} C(H_2O) + O_2 + 120\ ккал/моль.$$

Ф. жараёнида хлорофилл ўзлаштирган ёруғлик квант энергияси АТФ (аденозин трифосфат) бирикмасида кимёвий энергия ҳолатида йиғилади ва бу жараён фотофосфорланиш дейилиб, қоронғиликда кечади.


Ф. да ўзлаштирилган CO_2 ҳужайра таркибида органик к-талар, оқсиллар ва б. моддаларга айланади. Бу группа бирикмаларнинг миқдори ёруғликнинг кучига ҳамда ўсимликнинг турига ва яшаш шароитига (тупроқ намлиги, минерал озуқа, ҳарорат ва б.) боғлиқдир. Усимликларнинг яшаш шароитини яхшилаш б-н Ф. процессида ҳосил бўладиган маҳсулотнинг таркибини бошқариш мумкин.

Ерда Ф. б-н бир қаторда ёқилғилар (кўмир, нефть, газ; торф, ўтин ва б.) нинг ёниши, тирик организмлар ҳаёт фаолияти жараёнида (*нафас, бижғиш*) органик моддаларнинг сарфланишидан, органик моддалар ва ажралиб чиққан углероднинг оксидланиши содир бўлади. Шулар натижасида тўла оксидланган бирикмалар — карбонат ангидрид ва сув ҳосил бўлади ҳамда энергия ажралиб чиқади. Сўнгра қуёш энергияси иштирокида CO_2 ва сув Ф. жараёнида иштирок этади. Ф. жараёнида ютилган қуёш энергияси ердаги элементларни (углерод, водород, кислород, азот, олтингугурт, фосфор, магний, кальций ва б.) ҳаракатга келтирувчи куч ҳисобланади.

Ерда Ф. ловчи ўсимликларнинг пайдо бўлиши гетеротроф организмларнинг (бактерия, замбуруғ, ҳайвон ва одамлар) ривожланишига олиб келди. Органик моддаларнинг оксидланиши сабабли ерда моддалар алмашинуви содир бўлади. Атмосферани тозалаш учун ҳозирги мавжуд ўсимликларнинг Ф. ловчи кучи етарли бўлмаганлигидан улар ер юзидаги карбонат ангидрид газини тўлиқ ўзлаштира олмайди. Буниг учун Ф. манбаини сақлаш, кўпайтириш ҳамда ундан тўлиқ фойдаланиш асосий проблемалардан ҳисобланади.

Усимлик ҳосилдорлигини ошириш учун ўсимликнинг қуёш нуридан фойдаланиш коэффициенти оширилади. Усимлик уруғи шундай қадалиши керакки, ҳар бир ўсимлик учун CO_2, сув ва тупроқдаги озуқа моддалар етарли миқдорда бўлиши зарур.

Ф. активлигини ошириш фақатгина ташқи шароитга боғлиқ бўлмасдан, балки баргнинг анатомик тузилишига, фермент системаси активлигига ва б. омилларга боғлиқдир. Усим-



Фототелеграф аппарати: 1-расм. Факсимиль информацияларни узатиш ва қабул қилиш схемаси.

ликлар селекциясининг аҳамияти ҳам каттадир, чунки CO_2 ни тез ўзлаштира оладиган ҳамда ҳосил бўлган органик моддалардан эффектив фойдалана оладиган янги навларни яратиш мақсадга мувофиқдир.

Ад.: Любименко В. Н., Фотосинтез и хемосинтез в растильном мире, М.—Л., 1935; Тимирязев К.А., Солнце, жизнь и хлорофилл, М., 1937 (соч. т. I—2); Теренин А. Н., Фотохимия хлорофилла и фотосинтез, М., 1951 (Баховское чтение, 6); Ничипорович А. А., Фотосинтез и теория получения высоких урожаев, М., 1956; (Тимирязевское чтение, 15); Теоретические основы фотосинтетической продуктивности. Сб. докл. на междунар. симпозиуме, М., 1972; Современные проблемы фотосинтеза. К 200-летию открытия фотосинтеза, М., 1973; Фотохимические системы хлоропластов, Киев, 1975.

ФОТОСФЕРА *(фото...* ва *сфера)* — юлдузлар (жумладан Қуёш) атмосферасининг кўзга кўринадиган энг пастки ва зич қатлами. Юлдузлар сочаётган ёруғлик, асосан, Ф. орқали фазога тарқалади. Ф. спектри *Фраунгофер чизиқлари* б-н кесилган узлуксиз спектрдан иборат. Ф. қалинлиги, умуман, юлдузлар радиусининг 10^{-4}—10^{-3} қисмига, оқ митти юлдузларда $\sim 10^{-6}$, гигант ва ўтагигант юлдузларда эса 10^{-3}—10^{-2} қисмига тенг. Ф. газининг ўртача зичлиги қайноқ юлдузларда 10^{-9} *г/см*^{3}, оқ митти юлдузларда 10^{-6} *г/см*^{3}.

Қуёш Ф. си яхши ўрганилган: қалинлиги 200—300 *км*, т-раси 4500—8000°К, газ босими 10^{-5}—10^{-3} *дина/см*^{2} (яна қ. *Қуёш*).

ФОТОСФЕРА ТЕЛЕСКОПИ — асосан, оқ (интеграл) нурда ёки табиий ёруғликда (рангли шиша фильтрлар орқали) Қуёш фотосуратини олишга мўлжалланган астрофизик асбоб (қ. *Гелиограф*).

ФОТОСФЕРА-ХРОМОСФЕРА ТЕЛЕСКОПИ — Қуёш *хромосфераси* ва *фотосфераси*нни мунтазам кузатишда (суратга олишда) ишлатиладиган қўшалоқ телескоп. Икки телескоп — фотосфера телескопи *(гелиограф)* ва *хромосфера телескопи*дан иборат. Телескопларнинг биринчисида турли рангли шиша фильтрлар орқали фотосфера, иккинчисида эса хромосфера суратга олинади. Натижада туташ спектрнинг бирор (шиша фильтр ўтказадиган) қисмида ва бирор *Фраунгофер чизиқлари* (водород, кальций ионлари ва б.) да Қуёшнинг тасвири олинади.


Ф.-х. т. параллатик қурилмага ўрнатилади ва соат механизми ёрдамида суткали ҳаракатга келтирилади. Асосан, *Қуёш хизмати* программаси бўйича иш олиб борувчи обсерваторияларда бўлади. Бу телескоплардан бири УзССР ФА нинг Астрономия ин-тида ҳам мавжуд.

ФОТОТЕЛЕГРАФ АЛОҚА — *телеграф* алоқанинг бир тури. Шундай алоқада узатилаётган тасвир ҳақидаги информация видиосигналларини ҳосил қиладиган ва қабул қиладиган қурилма *фототелеграф аппарати* деб аталади.

ФОТОТЕЛЕГРАФ АППАРАТИ, факсимиль аппарат — қўзғалмас ясси объектлар (оригиналлар)нинг тасвирини электр алоқа канали бўйича узатиш ёки шундай тасвирларни қабул қилиш учун мўлжалланган механик, ёруғлик-оптик ва электрон қурилмалар комплекси. Ф. а. узатувчи, қабул қилувчи ва қабул қилувчи-узатувчи хилларга бўлинади.

Узатувчи Ф. а. (ёки қабул қилувчи-узатувчи Ф. а. нинг узаткичи) объект тасвирини видеосигналга айлантирувчи анализ системасидан ва видиосигнални алоқа канали бўйича узатиш учун қулай бўлган шаклга ўзгартирувчи электрон узел (модулятор)дан иборат (1-расм). Анализ системаси: ёруғлик-оптик қурилмаси (объект сиртида нуқта-нуқта ёруғлик доғи ҳосил қиладиган ёруғлик дастаси вужудга келтиради), ёювчи қурилма (ёруғлик дастасини навбатма-навбат барча элементар майдончаларга йўналтиради, натижада объект сиртидан ёруғлик оқими қайтади), фотоэлектр ҳосил қилгич (қайтган ёруғлик оқимини видеосигналга айлантиради) дан иборат. Видеосигнални ўзгартирувчи узелда тебраниш модуляцияси вужудга келади.

Қабул қилувчи Ф. а. (ёки қабул қилувчи-узатувчи Ф. а. нинг қабул қилгичи) видеосигнал ажратувчи электрон узелдан қабул қилинадиган модуляцияланган тебранишларни



2-расм. Барабанли механик ёювчи фототелеграф аппарати схемаси.

демодуляция қилиш учун мўлжалланган видеосигнал ажратувчи электрон узелдан ва ёювчи ҳамда ёзиб олувчи қурилмалардан тузилган синтезловчи системадан иборат. Қабул қилинган видеосигнал фотоқоғоз, фотоплёнка, ферромагнит материаллар ва б. га ёзиб олинади.

Қабул қилувчи узатувчи Ф. а. нинг ёювчи қурилмаси кўпинча бир-бирига ўхшаш бўлади; тузилиши жиҳатдан улар механик ва электрик турларга бўлинади. Барабанли, ясси, ёйли механик ёювчи Ф. а. энг кенг тарқалган; булар синхрон электр двигателлар ёрдамида амалга оширилади (2-расм). Ф. а. телеграф алоқада кенг ишлатилади.

ФОТОТЕОДОЛИТ — фотокамера ва *теодолит*дан тузилган асбоб. Ф. б-н жойларнинг фотосуратлари олинади. Бу фотосуратлардан жойлар, карьер, инженерлик иншоотлари ва б. нинг ўлчами, шакл ва ҳолатлари аниқланади. Ф. нинг тури кўп бўлиб, бир-биридан суратларнинг ўлчами, фокус масофаси, кўриш бурчаги ва б. хусусиятлари б-н фарқ қилади. «Геодезия» (СССР) ва «Карл Цейс» (ГДР) Ф. ларда фотокамеранинг фокус масофаси 19 *см* ва пластинка формати 13×18 *см*. Фотокамераси оптик ўқини базисга нисбатан 65,100 ва 135° горизонтал ҳолатга келтирувчи қурилмалар б-н жиҳозланган. Натижада учта қўш сурат (стерео) олинади. Соҳилларни суратга олишда кема Ф. лари қўлланилади. Ф. космик тадқиқотларда, айниқса, геодезик тўрлар яратишда кенг фойдаланилади. Расмда «Геодезия» фототеодолити кўрсатилган.

Ад.: «Фотограмметрия» нинг адабиётига қ.

ФОТОТИПИЯ *(фото...* ва юнон. typos — намуна, шакл) — иллюстрациялар тайёрлашнинг *растр*сиз текис босма усули; ёруғ сезгир қатламнинг физик-кимёвий хоссаси ўзгаришига асосланган. Ф. ни 1855 йилда француз кимёгари А. Пуатвен ихтиро қилган. Босма форма тайёрлаш учун асос (пластина ёки зар қоғоз)га ёруғ сезгир қатлам суркалади ва ҳосил қилинган қатлам қуритилади. Қатлам таркибига желатина, калий бихромат ёки аммоний бихромат киради. Пластина қатламига негативдан тасвир кўчирилади. Натижада қатламнинг айрим қисмлари турли даражада ошланади, сўнгра пластина ювилади; бунда қатлам бўртиб, бурмали структура ҳосил бўлади. Бурмалар орасидаги ботиқлар босма форманинг элементлари бўлади. Бўёқ шу ботиқларга берилади.

Ф. бир ва кўп рангли ярим тонли оригиналлар (мас., мой бўёқли тасвирлар, акварелллар, қаламда чизилган расмлар)ни жуда аниқ кўчиришга имкон беради. Фототипли босма машиналар унумдорлиги ва тиражининг камлиги туфайли бошқа турдаги репродукцияларга алмаштирилган.


ФОТОТРАНЗИСТОР — мувозанатда бўлмаган ташувчилар инжекцияси ички фотоэффект асосида амалга ошадиган *транзистор*. Ёруғлик сигналларини электр сигналларига (уларни бир вақтда кучайтириш б-н) айлантириш учун хизмат қилади. Ф. германий ёки кремнийли монокристалл яримўтказгичли пластинадан иборат бўлиб, унда транзисторникига ўхшаш учта соҳаси — эмиттер, коллектор ва база бор. Ф. нинг транзистордан базасида чиқарилган учлиги бўлмаслиги б-н фарқ қилади.

Ф. ташқи занжирига биполяр транзисторга ўхшаш уланади. Ёруғлик базага тушганда, унда жуфт заряд ташувчилар (электрон ва ковак) ҳосил бўлиб, коллекторли ўтишда электр майдон ёрдамида бўлинади. Натижада база соҳасида асосий ташувчилар тўпланади, бу эса эмиттерли ўтишдаги потенциал тўсиқни камайтиришга ва Ф. дан ўтаётган токнинг ортишига олиб келади.

Сезгирлиги, спектрал характеристикаси, вақт бўйича доимийлиги Ф. нинг асосий параметр ва характеристикаси ҳисобланади. Ф. назорат ва автоматика системаларида ёритилганлик датчиклари сифатида ва б. да ишлатилади.

ФОТОТРИАНГУЛЯЦИЯ *(фото...* ва *триангуляция)* — бирон жойдаги нуқта координаталарини унинг фотосуратларидан аниқлаш усули. Ф. аниқланаётган координаталар сонига кўра иккига бўлинади: нуқтанинг ҳамма учта координатаси аниқланса, фазовий Ф. ва нуқтанинг горизонтал текисликдаги ўрнини характерловчи фақат иккита координатаси аниқланса, планли Ф. дейилади. Ф. да таянч нуқталар ўрни график, дифференциал, универсал ва аналитик усулларда аниқланади.

Ф. б-н ўрни аниқланган нуқталар йиғиндиси Ф. шохобчасини ташкил қилади. Уларнинг геодезик координаталарини аниқлаш учун камида учта нуқтанинг геодезик координаталари маълум бўлиши керак. Бу нуқталарнинг координаталари жойда геодезик ўлчаш ишларини бажариш натижаларидан фойдаланиб ҳисоблаб чиқарилади.



«Геодезия» фототеодолити.

ФОТОТРОПИЗМ *(фото..* ва tropos — бурилиш) — ўсимлик ўсиш органларининг ёруғлик нури йўналишига қараб ҳаракатланиши. Мусбат ва манфий Ф. аниқланган: ўсимлик органларининг ёруғлик манбаи томонга қараб бурилиши мусбат, ёруғлик манбаидан тескари томонга қараб бурилиши манфий Ф.

Ф., асосан, ўсимликнинг ер устидаги органларига хос. Мутлақо ёруғлик бўлмаган тупроқ остида ўсадиган органлар (илдиз ва илдизпоялар) ёруғликдан ҳеч таъсирланмайди. Усимликларни мусбат ёки манфий бурилиш қобилияти ёруғлик кучига боғлиқ. Усимликнинг битта органининг ўзи ёруғлик кучсиз бўлганда мусбат Ф. хусусиятига эга бўлса, кучли ёруғликда манфий бурилади, ўртача ёруғликда эса ўсимлик ёруғликдан бутунлай таъсирланмайди. Бир томонлама тушган ёруғликка таъсирланиш қобилияти ҳар хил ўсимликларда турличадир. Усимлик ҳаётида Ф. жуда катта аҳамиятга эга. Усимликлар ёруғликка юқори даражада сезгирлиги учун уруғ чуқур экилишига қарамай ниҳолнинг учки қисми, тупроқдан юқорига чиқади. Ф. жараёнини соя жойларда ва уй ичида, очиқ жойларга қараганда аниқроқ сезиш мумкин. Бунга типик ёруғликда ўсимликларда фототропик сезгирликнинг пасайиши, кун давомида қуёш ёруғлиги ўзининг йўналишини узлуксиз равишда ўзгартириб туриши сабаб бўлади. Баъзи ўсимликлар ёруғлик йўналишининг ўзгариб туришига жуда тез жавоб қайтаради, мас., кунгабоқар ва иттиканак ўз ривожининг маълум даврида Қуёш ҳаракатига қараб буриладиган бўлади.

Ад.: Максимов Н. А., Усимликлар физиологиясининг қисқа курси. Т., 1960; Рубин Б. А., Курс физиологии растений, М., 1971.

ФОТОХИМИЯ — кимёнинг ёруғлик таъсирида содир бўладиган реакцияларни ўрганувчи бўлими. Ф. *оптика* ва оптик нурланиш б-н чамбарчас боғлиқ. Ф. нинг биринчи қонунлари 19-асрда пайдо бўлди (Гротгус қонуни, *Бунзен қонуни*). Ф. 20-асрнинг биринчи чорагида *Эйнштейн қонуни* яратилгандан кейингина мустақил фан сифатида ташкил топди. Модданинг молекуласи ёруғлик квантини ютганида асосий ҳолатдан уйғонган ҳолатга ўтади ва кимёвий реакцияга киришади. Бу дастлабки реакция (фотохимиявий реакция) маҳсулоти кўпинча охирги маҳсулотларнинг ҳосил бўлишига олиб келувчи турлича иккиламчи реакцияларда қатнашади. Бу нуқтаи назардан Ф. ни ёруғлик квантларини ютганда ҳосил бўладиган уйғонган молекулалар кимёси деб таърифлаш мумкин. Уйғонган молекулаларнинг талайгина ёки бир оз қисми кўпинча фотохимиявий реакцияга киришмай турлича дезактивация фотофизикавий процесслари натижасида асосий ҳолатига қайтади. Ушбу процесслар кўпчилик ҳолларда квант ёруғлик (флуоресценция ёки фосфоресценция) чиқариш б-н содир бўлади.

Молекулаларнинг диссоциланиб атом ва радикаллар ҳосил қилиши газ фазасидаги типик фотохимиявий реакцияга яққол мисол бўла олади. Мас., кислородга қисқа тўлқинли уль-

трабинафша нурлар таъсир этганида ҳосил бўлган уйғонган молекулалар O_2^* атомларга диссоциланади:

$$O_2 + h\nu \rightarrow O_2^*,\ O_2^* \rightarrow O + O.$$

Бу атомлар O_2 б-н иккиламчи реакцияга киришиб озон ҳосил қилади: $O+O_2 \rightarrow O_3$. Бундай процесслар атмосферанинг юқори қатламида қуёш нури таъсирида содир бўлади (қ. *Атмосфера озони*).

Фотохимиявий реакциялар механизмини ўргаиш жуда мураккаб масала. Ёруғлик квантининг ютилиши ва уйғонган молекуланинг пайдо бўлиши бор-йўғи 10^{-15} *сек.* ичида ўтади.

Ф. учун жуда қизиқарли бўлган каррали боғли ва ароматик ҳалқали органик молекулаларда икки типдаги, яъни синглет ва триплет ҳолати мавжуддир. Молекула ёруғлик кванти ютганидагина бевосита синглет уйғонган ҳолатга ўтади. Молекула фотофизикавий процесс натижасидагина синглет ҳолатдан триплет ҳолатга ўтади. Молекуланинг синглет уйғонган ҳолатдаги яшаш даври ~ 10^{-8} *сек;* триплет ҳолатидаги яшаш даври 10^{-5}—10^{-4} *сек* дан (суюқ муҳит учун) 20 *сек* гача (қаттиқ муҳит, мас., қаттиқ полимерлар учун). Шунинг учун кўпчилик органик молекулалар триплет ҳолатдагина кимёвий реакцияларга киришади. Шу сабабли бу ҳолатда молекулаларнинг концентрацияси шунчалик катта бўладики, улар нурларни ютиб юқори уйғонган ҳолатга ўтади ва икки квантли реакция деб аталувчи реакцияга киришади. Уйғонган молекула A^* кўпинча уйғонмаган молекула А б-н ёки молекула В б-н комплекс ҳосил қилади. Фақат уйғонган ҳолатда бўлган бундай комплекслар эксимерлар $(AA)^*$ ёки эксиплекслар $(AB)^*$ дейилади. Эксиплекслар бирламчи кимёвий реакциялар асоси ҳисобланади. Фотохимиявий реакцияларнинг бирламчи маҳсулотлари — радикаллар, ионлар, ион-радикаллар ва электронлар тезлик б-н, одатда, 10^{-3} *сек* дан ошмайдиган вақт ичида қоронғи реакцияга киришади.

Фотохимиявий реакциялар механизмини текширишнинг энг самарали методларидан бири импульс *фотолизи*дир. Бу методнинг моҳияти реакция аралашмасига қисқа муддатли, лекин кучли ёруғлик таъсир эттириб юқори концентрацияли уйғонган молекулалар ҳосил қилишдан иборатдир. Бунда ҳосил бўлган қисқа умрли зарралар (аниқроғи — уйғонган ҳолатдаги молекулалар, юқорида айтиб ўтилганидек фотохимиявий реакциянинг бирламчи маҳсулотлари) «зондловчи» нурни ютишига қараб аниқланади. Зарраларнинг нур ютиши ва уларнинг вақт бўйича ўзгариши фотокўпайтиргич ва осциллограф ёрдамида қайд қилинади.

Ф. дан амалда кенг фойдаланилади. Фотохимиявий реакцияга асосланган кимёвий синтезлаш усули ишлаб чиқилмоқда. Информацияларни ёзишда фотохром бирикмалардан фойдаланилмоқда. Фотохимиявий процесслардан *микроэлектроника*да рельеф тасвирлар ҳосил қилишда, полиграфияда босма формалар ҳосил қилишда фойдаланилади. Фотохимиявий хлорлашда ҳам (асосан, тўйинган углеводородларни) Ф. нинг амалий аҳамияти бор. Ф. нинг энг муҳим амалий қўлланилиш жойи *фотография*дир.

Ад.: Турро Н. Д., Молекулярная фотохимия, Пер. с англ., М., 1967; Терёник А. Н., Фотоника молекул красителей и родственных органических соединений, Л., 1967; Калверт Д. Д., Питтс Д. Н., Фотохимия, Пер. с англ., М., 1968; Багдасарьян Х. С., Двухквантовая фотохимия, М., 1976.

ФОТОЭЛЕКТР ГЕНЕРАТОР, қуёш батареяси — ёруғлик энергиясини электр энергияга айлантирувчи қурилма. Фотоэлементга ёруғлик нурлари тушганда Ф. г. да электр токи ҳосил бўлади. Энг самарали Ф. г. нинг иши ўтказгич б-н ёруғлик сезгир яримўтказгич (мас., кремний) ёки турли жинсли ўтказгичлар орасидаги чегарада уйғотиладиган э. ю. к. га асосланган. Ф. г. қалинлиги 0,2—0,3 *мм* дан кичик бўлган яримўтказгичли алоҳида *фотоэлемент*лардан текис-панел кўринишида йиғилади. 1 $м^2$ сиртли Ф. г. дан олинадиган қувват 200—300 *вт* бўлиб, ф. и. к. эса 10—20% гача. Ф. г. да ўта юқори зичликдаги нурланиш энергиясидан бир неча *квт/см*^{2} гача қувват ҳосил қилиш мумкин. Ихчамлиги, узоқ муддат ишлаши, ишлатиш қулайлиги, ўзидан зарарли газлар чиқармаслиги Ф. г. нинг афзаллиги, қиммат туриши эса камчилигидир. Ф. г. космик учиш аппаратларида, автоматик метеостанциялар ва б. да ишлатилади.

ФОТОЭЛЕКТР ДАТЧИК — ёруғлик оқими таъсирида ишлайдиган *датчик*. Ф. д. ларда ёруғлик энергияси кучсиз электр сигналига айланади, бу сигнал электр кучайтиргич ёрдамида кучайтирилиб, ижро этувчи қурилмага узатилади. Ф. д. ишлаб чиқаришда, илмий текшириш ишларида, турли жараёнларни автоматик ростлаш ва бошқаришда кенг қўлланилади.

ФОТОЭЛЕКТР ПОЛЯРИМЕТР — ёруғликнинг чизиқли қутбланиш даражаси ўлчанадиган *поляриметр*. Ф. п. нинг ҳам асосий қисми — поляризацион призмадан иборат поляризатор ва анализатор. Бу поляриметрда ёруғлик фотоприёмник ёрдамида электр сигналига айланади ва қутбланиш даражаси ўлчанади.

ФОТОЭЛЕКТР ҲОДИСАЛАР — электромагнит нурланиш таъсирида моддада вужудга келувчи электр ҳодисалари. Электромагнит энергияси моддада $h\nu$ (h — *Планк доимийси*, ν — нурланиш частотаси)га тенг квант (фотон)лар б-н ютилади. Ютилган фотоннинг энергия миқдорига қараб, фотодиэлектр эффект, *фотоионланиш*, ташқи ва ички фотоэффект, *фотоўтказувчанлик*, фотоэлектромагнит эффект (*Кикоин — Носков эффекти*), фотопьезоэлектрик эффект, Дембер эффекти каби Ф. ҳ. ҳосил бўлиши мумкин. Ф. ҳ. да электрон фотон энергиясини ютиб, юқори энергияли квант ҳолатга ўтади. Фотон энергияси атомни уйғонган ҳолатга ўтказишгагина етарли бўлса, модданинг диэлектрик қабулчанлиги ўзгаради (фотодиэлектрик эффект). Фотон энергияси қаттиқ жисмда қўшимча номунозанат — мусбат ва манфий зарядларни ҳосил қилишга етарли бўлса, бу ҳолда жисмнинг электр ўтказувчанлиги ўзгаради, яъни фотоўтказувчанлик пайдо бўлади. Ютилган энергия миқдори $h\nu$ *газ* атомлари ва молекулаларини ионлаштиришга етарли бўлса, фотоионланиш рўй беради. Суюқлик ёки қаттиқ жисм электронлари шу электромагнит нурланиши таъсирида вакуум ёки бошқа муҳитга чиқса, фотоэлектрон эмиссия юз беради. Фотоэлектрон эмиссия кўпинча ташқи фотоэффект деб юритилади. Ташқи фотоэффект каби ички фотоэффект ҳам мавжуд (қ. *Вентил фотоэффект*). Ташқи фотоэффект ҳодисасини 1887 йилда Г. *Герц* очган. Унга оид дастлабки тажрибаларни А. Г. *Столетов* ўтказган. Ташқи фотоэффектнинг асосий қонуниятлари қуйидагилардан иборат: 1) чиқаётган электронлар сони нурланиш интенсивлигига пропорционал; 2) фотоэлектронларнинг кинетик энергияси нурланиш частотасига қараб чизиқли ўсади ва унинг интенсивлигига боғлиқ эмас; 3) сиртнинг маълум ҳолати ва $T=0°K$ да ҳар бир модда учун нурланишнинг чегара-минимал частотаси ν мин. мавжуд, ундан юқорида ташқи фотоэффект кузатилмайди.

Ташқи фотоэффект кетма-кет жараёнлар натижасидир: фотоннинг ютилиши ҳисобига юқори энергияли электрон ҳосил бўлади; бу электрон маълум энергиясини йўқотиб, сиртга томон ҳаракатланади; электрон сирт чегараси орқали бошқа муҳитга чиқади. Ташқи фотоэффектнинг миқдор ўлчови қилиб 1 та фотон ҳисобига ҳосил бўлган фотоэлектронлар сони η олинган. η катталиги жисм хусусияти, унинг сирт ҳолати ва фотонлар энергиясига боғлиқ. Агар фотонлар энергияси $h\nu$ металлнинг чиқиш иши $e\varphi$ (суюқлик ёки қаттиқ жисм сиртидан электронни ажратиш учун сарф қилинадиган энергия)дан катта бўлса металларда ташқи фотоэффект ҳосил бўлади. Сирти тоза металлар учун $e\varphi > 2эв$ (кўп металлар учун > 3 *эв*). Шунинг учун ташқи фотоэффект ишқорий металларда нурланиш спектрининг кўзга кўринадиган ва ультрабинафша соҳаларида, бошқа металларда эса фақат ультрабинафша нурлар соҳасида кузатилади. Кўп металлар учун $\eta \sim 10^4$ *электрон/фотон.*

Яримўтказгич ва диэлектрикларда электромагнит нурланишининг ютилиши, фотонлар энергиясининг тақиқланган соҳа кенглиги ΔE га мос келгандаги энергия қиймати $h\nu \approx \Delta E + \chi$, бу ерда χ — ўтказувчи электронлар учун потенциал тўсиқ баландлиги. Ташқи фотоэффектдан модданинг энергетик тузилишини ўрганишда, кимёвий анализда, фотоэлектрон асбобларда, рентген, ультрабинафша, кўринувчи ва инфрақизил нурланишларни қайд қилишда, Қуёш энергиясини электр энергиясига айлантирувчи қурилма ва б. ларда кенг фойдаланилади.

Ф. ҳ. модда тузилишини, яримўтказгич ва диэлектрикда тақиқланган зонасини аниқлаш, релаксация процесслари ва б. физик ҳодисаларнинг табиатини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга.

Ад.: Рывкин С. М., Фотоэлектрические явления в полупроводниках, М., 1963; Васильев А. М., Ландсман А. П., Полупроводниковые фотопреобразователи, М., 1971; Соммер А., Фотоэмиссионные материалы, Пер. с англ., М., 1973.

ФОТОЭЛЕКТРОНЛАР — *фотон*лар таъсирида атом, молекула ёки конденсацияланган муҳитдан чиққан электронлар. Ф. модда сиртидан (ташқи фотоэффектда) ҳамда модда ичидан (ички фотоэффектда) чиқиши мумкин. Ф. нинг моддадан чиқиш масофаси ютилган фотон энергиясига, модда таркибига, сони эса тушаётган нурланиш интенсивлиги, унинг спектрал таркиби, қутбланиш ҳолати ва тушиш бурчагига боғлиқ.

ФОТОЭЛЕМЕНТ — ёруғлик нурланишини э. ю. к. ёки электр токига айлантирувчи асбоб. Ишлаши фотоэлектрон эмиссия ёки ички фотоэффект ҳодисасига асосланган (қ. *Фотоэлектр ҳодисалар*). Фотоэлектрон эмиссия асосида ишлайдиган Ф. вакуум ҳосил қилинган ёки газ тўлдирилган шиша, ёхуд кварц колба ичига жойланган 2 электрод — фотокатод ва анодли электровакуум асбобдан иборат. Фотокатодга тушадиган ёруғлик оқими унинг сиртида фотоэлектрон эмиссия ҳосил қилади; Ф. занжири туташтирилганда унда ёруғлик оқимига пропорционал фототок оқими вужудга келади. Фотокатоди сурма-цезийли ва кислород-кумуш-цезийли Ф. кенг тарқалган. Ички фотоэффект асосида ишлайдиган Ф. гамоген электрон-ковак ўтишли (*р-п* — ўтишли), яримўтказгич, гетероўтишли ёки металл-яримўтказгич контактли яримўтказгичли асбобдан иборат. Бундай Ф. да оптик нурлар ютилиб, заряд ташувчилар концентрацияси зўраяди ва э. ю. к. ҳосил бўлади.

Ф. лар, одатда, нурланиш ёки *ёруғлик приёмниклари* бўлиб хизмат қилади. Яримўтказгичли Ф. лардан қуёш батареялари, фотоэлектр генераторларида қуёш энергиясини тўғридан-тўғри электр энергиясига айлантиришда фойдаланилади. Ф. автоматика, телемеханика, фотометрия, ўлчаш техникаси, метрология, космонавтика, фототехника, кинотехника ва б. да ҳам қўлланилади.

Ад.: Васильев А. М., Ландсман А. П., Полупроводниковые фотопреобразователи, М., 1971.

ФОТОЭФФЕКТ — қ. *Фотоэлектр ҳодисалар.*

ФОТОЎТКАЗУВЧАНЛИК, фоторезистив эффект — электромагнит нурланиши таъсирида яримўтказгич электр ўтказувчанлигининг ўзгариши. Ф. ни дастлаб 1873 йилда америкалик олим У. Смит селенда кузатган. Ф., одатда, ёруғлик таъсирида ток ташувчилар концентрацияси (концентрацион Ф.) нинг кўпайишига асосланган. У бир неча жараён туфайли вужудга келади: фотонлар валент зонадаги электронларни «юлиб», уларни ўтказувчанлик зонасига ўтказади (расмга қ.), бунда электронлар ва коваклар сони ошади (хусусий Ф.); тўлган зонадаги электронлар бўш аралашма сатҳига ўтказилганда коваклар сони ошади (ковак аралашмали Ф.); электронлар аралашма сатҳидан ўтказувчанлик зонасига ўтказилганда эса электронлар сони ошади (электрон аралашмали Ф.). Яримўтказгичга тушаётган нурланиш энергияси ёки тақиқланган зона кенглигидан, ёки зона ва аралашма сатҳи орасидаги энергетик масофадан катта бўлса концентрацион Ф. юзага келади. Ток ташувчиларнинг яшаш вақти τ (унинг эркин ҳолатда бўлиш вақти) рекомбинация жараёнлари б-н аниқланади. Материалнинг структураси, тозалиги ва муҳит т-расига қараб τ 1 дан 10^{-8} *сек* гача ўзгаради.


Ф. нинг ток ташувчилар концентрациясининг ўзгариши б-н боғлиқ бўлмаган хиллари (мас., ҳаракатчан Ф.) ҳам мавжуд.

Қаттиқ жисмлар хусусиятини текширишда уларнинг фотоўтказувчанлигини ўрганиш энг қулай усуллардан бири ҳисобланади. Ф. ҳодисаси *фоторезистор*лар, кенг диапазон (γ-нурлардан ўта юқори частотагача)ли тўлқин узунликдаги нурланишларни қабул қиладиган сезгир ва кичик инерцияли асбоблар яратишда ишлатилади.

Ҳамма металлмас қаттиқ жисмлар Ф. ка эга. Шулардан Ge, Si, Se, CdS, CdSe, PbS яхши ўрганилган ва техникада кенг қўлланилади.

Ад.: Рывкин С. М., Фотоэлектрические явления в полупроводниках, М., 1963; Стильбанс Л. С., Физика полупроводников, М., 1967.

ФОХТА ЗАРБ (араб. فاختة — мусиқа) — қадимий ноғора усулларидан бири. Музика рисола-



Фотоўтказувчанликка оид.

ларида «тан-тан-танана» шаклида ёзилади. Бу усул куйларда доира усули сифатида ҳам машҳур бўлган. Хоразм мақомларидан Дутоқ мақомида шу усулнинг бошқача вариантида ижро этиладиган Ф. з. (хоразмча похта зарб) номли чолғу қисми мавжуд. Унинг усули «тан-танан-тан-тан-тан» шаклида. Ф. з. ўтиш мусиқа намуналарида фохтий, фохтий зарб, доираи фохтий деб ҳам юритилган. Унинг фохтии зонд (орттирилган фохта) тури асл усулнинг узайтирилган хилидир. «Фохта» тушунчаси шеърият ва б. адабий асарларда хотима қисм маъносини англатади.

ФОҲИШАЛИК (араб. فحش — чегарадан чиқмоқ, йўлдан озмоқ) — аёллар ўз танини сотиб кун кечириши. Хусусий мулк ва синфлар пайдо бўлгандан кейин вужудга келган. Қулдорлик давридаёқ Юнонистон ва Римда кенг тарқалиб, махсус фоҳишахоналар (исловотхоналар) очилган. Ф. феодализм, айниқса капитализм даврида авж олди. Ҳозирги буржуа давлатларида Ф. тақиқланганлиги ёки чеклаб қўйилганлигига қарамай уларда бу иллат кенг тарқалган. Муҳтожлик, қашшоқлик, хотин-қизларнинг ҳуқуқсизлиги, ишсизлик ва ш. к. Ф. нинг асосий ижтимоий сабабидир.

СССРда ва б. социалистик мамлакатларда Ф. нинг туб ижтимоий сабаблари тугатилган. Совет жиноят қонунига кўра, фоҳишахоналар очиш, вояга етмаган шахсларни Ф. ка жалб этиш, қўшмачилик қилиш, *венерик касалликлар* юқтириш жиноят ҳисобланади. ЎзССР ЖКда бундай қилмишлар учун 2 йилдан 5 йилгача муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси белгиланган (218, 219-моддалар).

ФРАГМЕ́НТ (лат. fragmentum — парча, бўлак) — санъат асарининг бир қисми; текстининг бир парчаси.

ФРАЗЕОЛОГИ́ЗМ (юнон. phrásis — ифода ва юнон. logos — сўз) — лексик жиҳатдан сўзларнинг бўлинмайдиган (турғун) бирикмаси. Ф. лар ўзига хос морфологик ва синтактик тузилишга эга. Уларнинг таркибий қисмидан бирор компонентни чиқариб ташлаш (туширib қолдириш) мумкин эмас, бир бутун маънони англатади, кўчма маъноларда, образли ифодаларда қўлланади. Тарихий қўлланиш нормаларига, усулларига эга бўлиб, уларнинг маънолари муайян нутқий жараёнда ойдинлашади. Ф. типлари: фразеологик чатишмалар — фақат бир бутун ҳолдагина маъно англатувчи, тўла кўчма маънога эга бўлган Ф. (эсим чиқиб кетди, бош тортди каби); фразеологик қўшилмалар — тўғри ва кўчма маъноларда қўлланиш хусусиятига эга бўлган Ф. лар (ерга қаради, бошини кўтарди); фразеологик бирлашмалар — компонентларидан бири ўз маъносида, қолганлари кўчма маънода қўлланувчи Ф. лар (ясама кулги, бошини олиб кетди); фразеологик иборалар — кўчма маънода қўлланмаса ҳам кўпинча гапга тўлиқлик ёки «шира» бериш мақсадида тез-тез қўлланиб турадиган иборалар (гапнинг пўст калласини айтганда, гапнинг очиғи ва б.).

Маъно англатиш ва қўлланиш жиҳатидан турлича характерга эга бўлган Ф. лар мажмуаси тилнинг фразеологик қатламини ташкил этади.

Ад.: Раҳматуллаев Ш., Фразеологик бирликларнинг асосий маъно турлари, Т., 1955; Раҳматуллаев Ш., Ўзбек фразеологиясининг баъзи масалалари, Т., 1966;Ройзензон Л. И., Бушуй А. М., Ройзензон С. И., Библиографический указатель литературы по вопросам фразеологии, Самарканд, 1974.

ФРАЗЕОЛО́ГИЯ — 1) тилшуносликнинг турғун сўз бирикма (фразеологизм)лари ўрганувчи соҳаси. Фразеологизм таркибидаги сўзлар грамматик ва семантик жиҳатдан бир-бири б-н узвий боғлиқ, бир бутун маъно англатади. Фразеологик иборалар маъно ва функция жиҳатидан турли-туман хусусиятга эга: нишлар характерини, предмет, ҳолат, ҳодиса хоссаларини ифодалайди, бадиий тилда стилистик бўёқ бериш, бўрттириш, кучайтириш воситалари учун қўлланади, афоризмлар, қочиримлар шаклида учрайди, ёзувчилар томонидан ҳам фразеологик иборалар яратилади. Баъзи бир ибораларнинг эквиваленти (яъни грамматик, семантик структураси ёки стилистик хусусияти бир-бирига ўхшаш бўлганлари) бошқа тилларда ҳам учраши мумкин.

Ф. нинг текшириш объекти ҳали конкрет белгиланган эмас, унинг доирасига халқ мақол ва маталлари ҳам киритилиб келинмоқда.

Ижтимоий ҳаётнинг равнақи, фан ва техниканинг ўсиши, ривожланиши б-н тилнинг фразеологик қатлами ҳам бойийди, унга янгидан-янги иборалар кириб келади. Айрим мавжуд иборалар қўшимча мъно касб этади; 2) тилнинг фразеологик таркиби (қ. *Фразеологизм*). СамДУ қошида шу соҳадаги тадқиқотларни координациялаштирадиган ва махсус тўпламлар чиқарадиган марказ ташкил этилган.

Ад.: Виноградов В. В., Основные понятия русской фразеологии как лингвистической дисциплины, «Труды юбилейной научной сессии ЛГУ» 1819—1944 (Секция филологических наук), Л., 1946; Мирзаев М., Усмонов С., Расулов И., Узбек тили, Т., 1962; Раҳматуллаев Ш., Ўзбек фразеологиясининг баъзи масалалари, Т., 1966; Пинхасов Я. Д., Ҳозирги ўзбек адабий тили (лексикология ва фразиология), Т., 1969; Библиографический указатель литературы по вопросам фразеологии, вып. 3, Самарканд, 1974.

ФРАКИЯ (юнон. Thrake, лат. Thracia) — Болқон я. о. нинг шарқий қисмидаги, Эгей, Қора ва Мармара денгизлари оралиғидаги тарихий обл. Қадимда Ф. терр-ясида *фракияликлар* яшаган. Ф. 46-йили Рим провинциясига айланган, 396 йилдан Византия империяси таркибига кирган. 6-асрда Ф. терр-ясига *славянлар* келиб ўрнашган. 15-асрда Ф. Усмонли турк империяси томонидан босиб олинган. *Берлин конгресси* (1878) қарори б-н Шарқий Руменияга қўшилган (1885 йили Болгария князлиги б-н бирлашган). 1913 йилги Лондон сулҳ шартномасига кўра Ф. терр-ясининг деярли барча қисми Болгарияга берилган. Болгария б-н Туркия ўртасидаги 1913 йилги Константинополь сулҳ шартномасига кўра, Болгариядан Туркияга Шарқий Ф. б-н бирга Лозенград, Люлебургаз ва Адрианополь берилди. Ғарбий Ф. нинг бир қисми Дедеагач ва Порто-Лагос қишлоқлари б-н бирга Болгарияга қолдирилди. *Севр сулҳ шартномаси* (1920) га кўра, Грецияга Шарқий Ф. б-н бирга Адрианополь ҳам берилди.

Лозанна сулҳ шартномаси (1823) га биноан Шарқий Ф. Адрианополь б-н бирга (Марица дарёсигача) Туркияга ўтди, Ғарбий Ф. (Қараагачдан ташқари) Грецияда, Ички Ф. нинг бир қисми Болгарияда қолди. Бу чегаралар Иккинчи жаҳон уруши (1939—45) дан кейин ҳам сақланди.

ФРАКИЯЛИКЛА́Р — қадимда Болқон я. о. нинг шимоли-шарқида, шунингдек Қичик Осиёнинг шимоли-ғарбида яшаган ҳинд-европа группасига мансуб қабилалар (гетлар, бесслар, одрислар, даклар, трибаллар ва б.) нинг умумий номи. Дастлаб, Ф. Адриатика денгизигача бўлган терр-яни банд этган, лекин мил. ав. 13-асрга яқин иллирийлар томонидан сиқиб чиқарилган. Ф. деҳқончилик ва чорвачилик б-н шуғулланган, шунингдек уларда кон саноати, металлни қайта ишлаш ва кулолчилик ривожланган.

Илк темир даври (мил. ав. 1-минг йилликнинг биринчи ярми)да Ф. ибтидоий жамоа тузумининг бузилиши ва қулдорликнинг пайдо бўлиши босқичида бўлганлар. Ф. жойлашган Эгей денгизи ва Қора денгиз бўйларида 8—7-асрларда юнонларнинг колониялари пайдо бўлди. *Халқларнинг буюк кўчиши* даврида Ф. бошқа қабилалар б-н аралашиб, ҳозирги халқлар (болгарлар, руминлар ва б.) нинг шаклланишида иштирок этганлар.

Ад: Златковская Т. Д., Возникновение государства у фракийцев (VII—V вв. до н. э.), М., 1971.

ФРАКИЯЛИКЛАР ТИЛИ, фракияликлар-даниялик тили — *фракияликлар*нинг тили. Ҳинд-европа тиллари гуруҳига мансуб. Бир неча ёзув ёдгорликлари сақланиб қолган. Бу тилнинг изларини Болқон я. о. даги айрим халқлар (айниқса, руминлар ва албанлар) тилларида учратиш мумкин.

ФРАКЦИЯ (лат. fractio — парчаланиш) — 1) сиёсий партиянинг алоҳида қисми. У ўз сиёсий программаси б-н партия программасининг туб қоидаларини рад этади; 2) 1934 йилгача Совет, давлат ва жамоат ташкилотларидаги коммунистик группалар номи (коммунистик ёки партиявий Ф.). 1934 йилдан *партия группалари* деб аталган.

ФРАКЦИЯ — сочилувчан ёки бўлак-бўлак қаттиқ материал (мас., майдаланган тоғ жинси, қум, кукун) ёки суюқ аралашма (мас., нефть) нинг муайян белгисига кўра ажратилган қисми. Ҳар бир чўкинди жинс батафсил ўрганилиши учун модданинг физик-кимёвий хусусиятларига асосланган ҳолда турли Ф. ларга ажратилади. Гранулометрик Ф. асосида чўкинди жинслар таркибидаги доначалар катта-кичиклиги (ўлчови)нинг бир-бирига жуда яқинлиги ётади. Шунга кўра, тоғ жинслари гил, алеврит, қум ва б. Ф. ларга бўлинади. Минераллар солиштирма оғирлигига қараб енгил Ф. (С. оғ. 2,75—2,85 дан кам) ва оғир Ф. (С. оғ. 2,75—2,85 дан ортиқ), физик хоссаларига кўра электромагнит, электростатик Ф. ларга бўлинади.

ФРАНК Илья Михайлович (1908. 10 (23). 10, Петербург) — совет физиги. СССР ФА акад. (1968; 1946 йилдан мухбир аъзоси), МГУ ни тугатган (1930). Давлат Оптика ин-тида (1930—34), СССР ФА Физика ин-тида (1934—70) ишлаган. Ядро тадқиқотлари бирлашган ин-тида нейтрон физикаси лабораторияси ташкилотчиси ва директори (1957 йилдан). МГУ проф. (1940 йилдан).


Асосий илмий ишлари физик оптика ва ядро физикасига онд. И. Е. *Тамм* б-н ҳамкорликда *Черенков — Вавилов нурланиши*нинг моҳиятини изоҳлаб берди. *Доплер эффекти* назариясини кенгайтирди. γ-квантларни электрон-позитрон жуфтига айланишини текширди, ўз ходимлари б-н нейтронлар физикаси масалаларни бўйича ишлар циклини бажарди. Нобель мукофоти (1958), СССР Давлат мукофоти (1946, 1954, 1971) лауреати. 3 марта Ленин ордени ва б. орден, медаллар б-н мукофотланган.

ФРАНК (франц. franc) — 1) Франция пул бирлиги; 100 сантимга тенг. Ф. *ливр* ўрнига жорий қилиниб, олтин қиймати 0,29032258 *г* бўлган. 1799 йилдан 1914 йилгача муомалада ишлатилган. Шу олтин қиймати б-н *Халқаро ҳисоблар банки* ва Халқаро почта иттифоқида ҳозир ҳам ҳисоб бирлиги сифатида қўлланилади. Ф. олтин қиймати бир неча марта камайган (1928 йилда — 0,05985 *г*, 1945 йилда — 0,00746113 *г* ва 1958 йилда — 0,0018 *г*). 1960 йил 1 январдан эски 100 Ф. га тенг янги Ф. жорий этилди. СССР Давлат банки курси бўйича 100 Ф. = 15 сўм 42 тийин (1978); 2) Франциянинг Африка ва Тинч океандаги собиқ мустамлакалари негизида ташкил топган давлатлар, Франциянинг денгиз ортидаги департаментлари ва терр-ялари пул бирлиги. Бенин (собиқ Дагомея), Фил Суяги Қирғоғи, Юқори Вольта, Габон, Камерун, Комор ороллари, Конго (Браззавиль), Нигер, Сенегал, Того, Марказий Африка Империяси, Чад давлатларининг 50 франки 1 Франция Ф. ига тенг. Малининг 100 франки 1 Франция Ф. нга тенг; СССР Давлат банки курси бўйича Малининг 1000 франки = 1 сўм 53 тийин (1978), Жибутининг 38,6 франки 1 Франция Ф. ига тенг. Янги Каледония, Франция Полинезияси, Уоллис ва Футун ороллари нинг 18,18 франки 1 Франция Ф. ига тенг; Янги Гебрид ороллари пул бирлиги (16,16 Ф. = 1 француз франки); 3) Бельгия, Люксембург, Швейцария, Бурунди, Руанда, Мадагаскар пул бирлиги.

ФРАНК-ГЕРЦ ТАЖРИБАСИ — атом ички энергиясининг дискретликлигини амалий исботловчи тажриба. Ж. Франк ва *Г. Герц* ўтказган (1913). Тажриба схемаси 1-расмда берилган. Hg буғлари б-н тўлдирилган электровакуум трубкасининг катоди б-н тўри орасига электронларни тезлаштирувчи потенциаллар айирмаси V_T, тўри б-н аноди *А* орасига эса секинлаштирувчи потенциаллар айирмаси қўйилади ва анод токи I_a нинг тўр потенциали V_T га боғланиш графиги олинади. Тезлашган электронлар Hg атомлари б-н урилади. Электронлар энергияси урилишдан кейин секинлаштирувчи потенциални енгиб ўтишга етарли бўлса, улар анодга бориб етади. Демак, гальванометр *Г* кўрсатиши электронларнинг урилишида қанча энергия йўқотишига боғлиқ. Тажрибада тезлаштирувчи потенциаллар қиймати 4,9 *в* га етгунча *I* нинг монотон ўсиши, $V_T = 4{,}9$ *в* (ва унинг 9,8 *в*, 14,7 *в* каррали қийматларида токнинг кескин пасайиши кузатилган (2-расм). V_T нинг шу қийматларида электронларнинг Hg атомлари б-н урилиши эластик характерда бўлади. V_T ортиши б-н анод токи ҳам ортади. Энергиянинг 4,9 *в* каррали қийматларида электронлар ноэластик урилишларда ҳам қатнашиб ҳамма энергиясини йўқотади; натижада анод токи кескин камаяди. Атом ички энергиясининг узлуксиз ўзгармай, сакраб ўзгариши шу йўл б-н исботланган.



1-расм. Франк—Герц тажрибасининг схемаси: симоб буғи тўлдирилган идиш *Л* да электронлар манбаи — катод *К*, тўр *Т* ва анод *А* жойлаштирилган; анод токи гальванометр *Г* ёрдамида қайд қилинади.



2-расм. Электр токининг тўр потенциалига боғлиқлик графиги.

«ФРАНК ДИАЛЕКТИ» — Ф. Энгельснинг тамомланмаган асари, унинг «Қадимги германлар тарихига оид» асарининг кенг изоҳи (19-асрнинг 80-йиллари). Франк диалектининг бошқа герман лаҳжалари ўртасида тутган ўрни, герман тилларининг шаклланиши ва ривожланишидаги роли масаласини ҳал қилишга бағишланган. Энгельс ёзма ёдгорликларни пухта ўрганиб ва герман тилшунослиги ютуқларидан танқидий фойдаланган ҳолда франк



Франко И. Я.

диалекти 6—7-асрларда мустақил бўлиб, олмон тилидан (юқори немис тили) ингевон тилига, яъни саксон ва фриз тилига ўтув босқичи бўлиб хизмат қилганини исботлаган. Асарда франк диалектининг икки асосий шеваси (салиш ва рипуар) ўша даврдаги герман диалектлари ва тиллари таркибида тараққий этаётгани аниқланган. Шундан салиш шеваси фламанд ва голланд лаҳжаларида (франк диалекти нидерланд адабий тили учун асос бўлган), рипуар шеваси эса Рейн области диалектлари таркибида сақланганлиги айтилган.

«Ф. д.» фақат германшунослик учунгина эмас, балки тилни тарихий материализм нуқтаи назаридан тадқиқ қилишда муҳим методологик аҳамиятга эга. Бу асар биринчи марта СССРда нашр қилинган («Франкский диалект», М., 1935).

ФРАНК ЗОНАСИ — қ. *Валюта зонаси.*

ФРАНКЛАР — қабилалар иттифоқига бирлашган ғарбий-герман қабилалар группаси (ҳамавл, бруктер, усибет, тенктер, сугамбр ва б.). Биринчи марта 3-аср ўрталарида тилга олинган. Адабиётларда 2 группага бўлинган. Булардан бирининг, шартли равишда қуйи ёки шимолий Ф. нинг ядросини (кейинчалик — ғарбий Ф.) сали Ф. (кельт. Sal — денгиз) ташкил этган. Улар дастлаб Эйсел дарёси бўйларида яшаган, 4-аср ўрталарида эса Рейн дарёси соҳилларидан Шельд (Токсандрия обл.) гача тарқалганлар. Рейн дарёсининг юқори қисми бўйлаб Майнгача бўлган терр-яда яшовчи қабилалар Ф. нинг иккинчи группасини ташкил этган (бу группадаги Ф. лар кейинчалик рипуар — соҳил Ф. и деб юритилганлар). *Галлияни* Ф. истило қилгач, *Франк давлати* (5-аср охири — 9-аср ўрталари) ташкил топди. Маас ва Луара дарёлари оралигида яшаган Ф. кейинчалик маҳаллий аҳоли б-н сингишиб кетган ва шимолий француз, шунингдек валлон (қ. *Валлонлар*) элатларидаги компонентлардан бири ҳисобланган. Луаранинг жануброғида яшовчи Ф. эса — жанубий француз (провансал) элати таркибига кирган. Шунингдек Рейн дарёсининг қуйи ҳавзасида яшовчи Ф. *голландлар* ва *фламандлар*нинг этногенезида катта роль ўйнаган. Рейн дарёсининг ўрта оқими бўйлаб ва Маас дарёси ҳавзасида яшовчи Ф. да ўзига хос этник хусусиятлар сақланиб қолган.

ФРАНКО, Баамонде Франсиско (1892. 4. 12, Эль-Ферроль — 1975. 20. 11, Мадрид) — Испания диктатори. Пиёда аскарлар академиясини битириб, Испаниянинг Африкада олиб борган мустамлакачилик урушларида қатнашган. 1936 йили фашистлар Германияси ва Италиянинг ёрдами, кейинчалик очиқ интервенциясига таяниб, Испания республикасига қарши кўтарилган ҳарбий-фашистлар исёнига раҳбарлик қилган. Республика қулагач (1939), ҳарбий хунта томонидан умрбод Испания давлат бошлиги («каудильо»), айни вақтда Министрлар Советининг раиси, фашистик сиёсий партия—Испан фалангасининг раҳбари ва барча қуролли кучлар бош қўмондони деб эълон қилинган. Ф. 1947 йили тахт ворислиги ҳақида қонун чиқарди. Бунда Испания «анъанага биноан» қироллик деб эълон қилинди. Бироқ қирол ҳокимиятини ўрнатиш Ф. сиёсий ҳаётдан кетгунга қадар кечиктирилди (1969 йил 22 июль декретига кўра Хуан Карлос Бурбон Испаниянинг бўлғуси қироли деб эълон қилинди). Ф. ўлимига қадар мамлакатда реакцион-фашист тартибларини мустаҳкамлашга ҳаракат қилди.

ФРАНКО Иван Яковлевич (1856. 27. 8, Львов обл. Дрогобич р-ни — 1916. 28. 5, Львов) — украин ёзувчиси, олими ва жамоат арбоби. Темирчи оиласида туғилган. Чернигов ун-тини тугатган (1891). Студентлигидаёқ революцион курашда фаол қатнашган. К. Маркс ва Ф. Энгельс асарларини украин тилига таржима қилган, марксизм-ленинизм ғояларини пропаганда қилган, декадентчиликка, буржуа миллатчилигига қарши курашган. Ишчи ва деҳқонлар манфаатини ҳимоя қилиб, Австрия ҳукмронлигига ва Польша панлари зулмига қарши чиққан. Чор Россияси, Польша, Галиция ва Австрия-Венгрияда революцион тўнтариш йўли б-н демократик ўзгаришлар ясаш ғоясини илгари сурган. Шунинг учун 3 марта қамалган. «Жамият дўсти» (1878), «Халқ» (1890), «Faллакор» (1891), «Ҳаёт ва сўз» (1894—97) журналларини нашр эттирган. Ф. нинг илк шеърий тўпламн «Чўққилар ва пастликлардан» (1887) украин поэзиясида муҳим воқеа бўлган. «Сўлиган япроқлар» (1896), «Менинг Измарагдим» (1898) шеърий тўпламларида озодлик, сиёсий кураш ғоялари соф муҳаббат туйғулари б-н уйғунлашиб кетган. Ф. поэзияси революцион пафос ва ижтимоий кураш мотивлари б-н суғорилган («Қаинининг ўлими», 1889; «Иван Вишенский», 1900; «Мусо», 1905 ва б. поэмалари).

Ф. прозаси украин адабиётида реализм тараққиётида янги даврни бошлаб берди. Ҳикоя ва қиссаларида («Борислав», 1897; «Борислав кулаяпти», 1881—82) деҳқонларнинг пролетарлашуви ва ишчилар синфининг қаттиқ эксплуатация қилиниши акс этган («Захар Бургут», 1883; «Лель ва Полель», 1887; «Жамият устунлари», 1894—95 ва б.). Ф. бадиий ижодда реализм тарафдори, танқидчи олим сифатида реализм назариётчиси бўлиб майдонга чиқди, украин театрини халқ ҳаёти б-н яқинлаштирди. «Қадимги христиан диний романи «Варлаам ва Иоасаф» ва унинг адабий тарихи» мавзуида д-рлик диссертациясини ёқлаган (1893). Айрим асарлари ўзбек тилига таржима қилинган.

Ас.: Соч., т. 1—10, М., 1956—59; Захар Бургут; Т., ;6195 Стихотворения и поэмы. — Рассказы. Борислав смеется, М., 1971.

Ад.: Пархоменко М. Н., Эстетические взгляды Ивана Франко, М., 1966; Басс И. И., Художественная проза Ивана Франко, М., 1967.

ФРАНКФУРТ-МАЙН — ГФРдаги шаҳар. Гессен ерида, Майн дарёси бўйида. Аҳолиси 667,5 минг киши (1973). Мамлакатнинг муҳим савдо-саноат, молия ва илмий марказларидан. Халқаро аҳамиятга эга транспорт узели. Дарё порти, «Рейн-Майн» халқаро аэропорти, кимё (пластмасса, бўёқ), электротехника, умумий машинасозлик (станоксозлик, полиграфия машиналари), аниқ механика ва оптика (ҳисоб ва ёзув машиналари, приборлар) саноати корхоналари, И. В. Гёте номидаги ун-т, ин-тлар, Франкфурт атом илмий тадқиқот маркази, Гёте туғилган уй-музей, ва б. музейлар, ҳайкаллар галереяси, архитектура ёдгорликларидан Заальхоф — князь қароргоҳи (12-а.), Санкт-Бартоломеус соборн, ратуша ва б. бор. Ф.-М. товар биржасида ҳар йили халқаро ярмаркалар ва мўйна аукциони ўтказилади. Ф.-М. атрофидаги йўлдош шаҳарлар б-н амалда қўшилиб кетган.

Шаҳар номи дастлаб 794 йилда тилга олинган. Франклар, германлар ва римликлар ихтиёрида бўлган. 1866 йилдан Пруссия таркибида, 19-асрда Германиянинг йирик саноат маркази.

ФРАНКФУРТ-ОДЕР — ГДРдаги шаҳар. Одер дарёсининг чап соҳилидаги порт. Франкфурт округининг маъмурий маркази. Аҳолиси 67,5 минг киши (1973). Транспорт йўллари узели. Савдо маркази. Металлсозлик, машинасозлик, тўқимачилик, озиқ-овқат корхоналари, яримўтказгичлар з-ди бор. Шаҳар 13-асрда бунёд этилган. Ўрта асрларда йирик савдо маркази бўлган.

ФРАНС Анатоль (тахаллуси; асл номи — Анатоль Франсуа Тибо; 1844. 16. 4, Париж — 1924. 12. 10, Сен-Сир-сюр-Луар) — француз ёзувчиси. Франция академияси аъзоси (1896). Букинист оиласида туғилган. Ф. дастлаб «Олтин поэмалар» (1873) тўплами, «Коринф тўйи» (1876) шеърий драмасини яратди. «Сильвестр Боннарнинг жинояти» (1881) романи адиб номини жаҳонга ёйди. Асарда жамиятдаги ҳукмрой социал тартибларнинг адолатсизлиги қораланади. «Танс» (1890), «Жаноб Жером Куаньярнинг мулоҳазалари» (1893), «Ҳозирги давр тарихи» (4 китоб, 1897—1910) асарларида диннинг разиллигини, 18—19-аср француз буржуа ҳаёти иллатларини фош этади.

Ф. 20-аср бошларида социалистлар б-н яқиндан алоқада бўлди. Унинг «Оқ тош устида» (1905) романида келажакда ягона, социалистик жамият қуриш ҳақидаги ғоялар илгари сурилади. «Пингвинлар оролн» (1908), «Чаноқоқ худолар» (1912), «Фаришталар исёни» (1914) романларида ўрта аср дин пешволари, феодал зулми, капиталистик қулликка қарши халқ норозилиги ва 18-аср Француз буржуа рев-яси ўз ифодасини топган.

Ф. Октябрь инқилобини табриклаб, Совет республикасига хайрихоҳлик билдирди. Нобель мукофоти лауреати (1921).

Ас.: Собр. соч., т. 1—8, М., 1957—60.

Ад.: Лиходзиевский ... Анатоль Франс, Т., 1962; Анисимов И., Анатоль Франс, унинг «Мастера культуры» китобида, М., 1968.

ФРАНС ПРЕСС — жаҳондаги энг йирик ахборот агентликларидан бири. 1944 йили Парижда ташкил этилган. 2 минг ходими, жумладан 700 мухбири бор (1975). Француз, инглиз, испан, португал, немис ва араб тилларида 155 мамлакатга ахборот етказиб беради. Европа матбуот агентлиги альянси аъзоси.

ФРАНСАИЕЛЛЕЗ — қорамолнинг инвазион касаллиги, ўткир кечади. Франсаиелла колхика қўзғатади. Касалликни биофилус калкаратус деган яйлов канаси тарқатади. Қорамолни кана чаққанида сўлагидаги паразит қонга ўтади. Касал ҳайвон иштаҳаси йўқолади, кавш қайтармайди, ориқлайди, ҳарорати кўтарилади, камқонлик ва сариқ касалликларининг белгилари кўринади. Касаллик Қавказ, Закавказье ва Ўрта Осиё республикаларида учрайди.

Олдини олиш: касал ва касал деб гумон қилинган чорва моллари подадан ажратилади, канадан тозаланади ва ветврач назоратидан ўтказилади.

Даволаш: касал ҳайвон салқин, кенг, қалин тўшамали молхонада сақланади; сифатли ва енгил ҳазм бўладиган озиқ б-н боқилади. Трипанблау, флавакоидин, приоплазмин, беринил ва азидин препаратлари берилади.

ФРАНЦ-ИОСИФ ЕРИ — Баренц денгизининг шимолидаги архипелаг. Майдони 16090 *км²*. 180 та оролдан тузилган. Уч қисмга бўлинади: шарқий қисми — бошқа ороллардан Австрия бўғози б-н ажралган. Вильчек ери (2059 *км²*) ва Греэм-Белл (1708 *км²*) ороллари ва б.; марказий ўрта қисми — Австрия бўғози б-н Британия канали оралиғида жойлашган ороллар; ғарбий қисми — Британия каналининг ғарбидаги ороллар; бутун архипелагдаги энг катта Георг Ери ороли (2741 *км²*) ана шу ерда; Архипелаг юзасининг 85% и музликлар б-н қопланган бўлиб, улар орасидан қоятошлар чиқиб туради. Энг баланд жойи (620 *м*) Винер-Нейштадт оролида. Ороллар қум, гил ва қумтошлардан тузилган, базальт қоплам кенг тарқалган. Ўртача т-ра январда —23°, —24°, июлда 1,5°—0,2°. Йиллик ёғин шимолда 300 *мм*, жанубда 500 *мм*. Қишда қуюқ туман, кучли шамоллар бўлади. Усимликлар кам (йўсин, лишайниклар). Сут эмизувчилардан оқ айиқ, камдан-кам қутб тулкиси учрайди. Қушлар кўп, асосан, архипелагнинг жанубида қушлар бозори ҳосил қилиб яшайди. Ф.-Й. Е. қирғоқларида Гренландия тюлени, нерпа, денгиз қуёни, морж яшайди.


Ф.-Й. Е. 1873 йилда К. Вейпрехт ва Ю. Пайер бошчилигидаги Австрия-Венгрия экспедицияси томонидан кашф қилинган ва Австрия-Венгрия императори Франц-Иосиф номи б-н аталган. Ороллар СССРга қарашли.

ФРАНЦИЙ (Francium), Fr — Менделеев даврий системасининг I группасига мансуб радиоактив кимёвий элемент; ат. н. 87, энг. узоқ умрли изотопининг масса сони 223. Ф. нинг барқарор изотоплари йўқ. Ф. нинг 9 та радиоактив изотопи маълум, уларнинг масса сонлари 212 ва 217—224. Дастлаб М. Пере 1939 йилда ^{227}Ac нинг α-емирилиш маҳсулоти сифатида ^{223}Fr ни кашф қилди. Ф. номи ана шу тадқиқотчи аёл ватани «Франция» номидан олинган. Фақат ^{223}Fr табиатда учрайди. Унинг ярим емирилиш даври 21 минут, ўзидан β-нур чиқариб AcX га айланади. Ф. нинг бошқа изотоплари кўп зарядли ионлар б-н турли элементларнинг атомлари орасидаги ядро реакциялари натижасида ҳосил бўлади. Ф. нинг Ер пўстидаги миқдори 24,5 *мг* ни ташкил қилади.

Ф. нинг физикавий хоссаларига оид барча маълумотлар экстраполяция (интерполяция) йўли б-н ҳосил қилинган. Зичлиги 2,1—2,4 *г/см³*, суюқланиш т-раси 15—23°С, қайнаш т-раси 615—620°С. Ф. кимёвий жиҳатдан цезийга ўхшайди. Цезийнинг барча кимёвий формалари Ф. да ҳам кузатилади. Ф. нинг оксидланиш даражаси +1. Ф. ишқорий металларга ўхшашлиги сабабли унинг сувда эримайдиган тузлари бир нечта. Ф. ўз бирикмаларининг сувдаги эритмаларидан (кислотали муҳитда) рубидий ва цезийнинг перхлоратлари ва хлорплатинатлари таъсирида бирга чўкади. Бу ҳол Ф. нинг ишқорий металлар группасига мансуб эканлигини кўрсатади.

Ад.: Гольданский В. И., Новые элементы в периодической системе Д. И. Менделеева, Изд., М., 1964.

ФРАНЦИЯ (France), Франция Республикаси (République Française) — Ғарбий Европадаги давлат. Шимолдан Шимолий денгиз, Па-де-Кале ва Ла-Манш бўғозлари, ғарбдан Атлантика океанининг Бискай қўлтиғи, жанубдан Ўрта денгиз б-н ўралган. Шарқда Бельгия, Люксембург, ГФР, Швейцария, Италия, Монако б-н, жанубда Испания ва Андорра б-н чегарадош. Майдони 551 минг *км²* (Корсика о. ва қирғоққа яқин майда ороллар б-н бирга). Аҳолиси 53,2 млн. киши (1978). Пойтахти—Па-



Франция 1. Пюи-де-Дом ўчган вулкани. 2. Шарқий Пиренея манзаралари.


риж ш. Ф. терр-яси маъмурий жиҳатдан 96 департаментга, улар эса коммуналарга бўлинган (160—161-бетларда табиий ва иқтисодий картаси берилган). Ф. мустамлакалари (денгиз ортидаги департаментлар — Гваделупа, Мартиника, Гвиана, Реюньон; денгиз ортидаги тер-ялар — Сен-Пьер ва Микелон ороллари, Майотт о., Янги Каледония, Франция Полинезияси, Уоллис ва Футуна ороллари ва б.). нинг майдони 127 минг *км*², аҳолиси 2,6 млн. киши чамасида (1976 йил 1 июль). Янги Гебрид ороллари — Ф. б-н Англиянинг биргаликдаги мулки.

Давлат тузуми. Ф.— республика. Амалдаги конституция 1958 йил 28 сентябрда ўтказилган референдумда маъқулланиб, 1958 йил 4 октябрда қабул қилинган. Кейинги йилларда бир неча марта ўзгариш ва қўшимчалар киритилди. Ушбу конституция бўйича давлат тузуми Бешинчи республика деб аталади. Давлат бошлиғи — президент. У умумий сайлов б-н 7 йил муддатга сайланади. Президент катта ваколатга эга. У Бош министр ва ҳукумат аъзоларини тайинлайди, Министрлар Советида, Олий мудофаа кенгашида ва Мудофаа комитетида раислик қилади, қонунларни эълон қилади, барча олий граждан ва ҳарбий лавозимларни тайинлайди, олий бош қўмондон ҳисобланади, фавқулодда ҳолат эълон қилади.

Олий қонун чиқарувчи органи — икки палатали парламент. Парламент ўз навбатида Миллий мажлис (490 депутат) ва Сенат (316 сенатор, 1977) дан иборат. Миллий мажлис аҳоли томонидан 5 йил муддатга, Сенат эса 9 йил муддатга сайланади.

Департаментларда ҳокимиятни президент тайинлаган префект амалга оширади. Коммуналарда 6 йил муддатга муниципиал кенгашлар сайланади.

Ф. суд системаси 469 қуйи босқич судлари, 181 та 2- (катта) босқич судларидан иборат. Бу судлар учун апелляция инстанцияси бўлган апелляция судлари (1976 йили 32 та) ҳам бор. Иирик жиноий ишларни кўриш учун ҳар бир департаментда ишни суд маслаҳатчилари иштирокида кўрадиган ассиз судлари ташкил қилинган. Олий судлов инстанцияси — кассация суди. 1963 йили махсус давлат хавфсизлиги суди ташкил этилди. Ф. байроғини *Давлат байроғи* мақоласи жадвалидан кўринг.



Париж ҳавзасининг кўриниши. Узоқда Сена дарёси.

Табиати. Қирғоқлари аксари паст, аккумулятивли ёки лагунали; Ла-Манш ва Па-де-Кале бўғозлари қирғоқлари унча баланд бўлмаса ҳам аммо тик. Ф. ер юзасининг $^2/_3$ қисми паст ва балайд текислик (*Париж ҳавзаси*, Аквитания текисликлари ва б.). Мамлакатнинг жанубий-ғарбида *Пиреней тоғлари* жойлашган (энг баланд жойи 3298 *м*).

Геологик тузилиши ва фойдали қазилмалари. Ф. терр-ясининг катта қисми *Герцин бурмаланиши* областига мансуб. Ф. нинг жанубий қисмлари *Альп бурмаланиши* областига киради. Фойдали қазилмалардан темир рудаси, боксит, калийли тузлар, табиий газ (аниқланган запаси 150 млрд. *м*³; 1975 йил) ва тошкўмир, уран рудаси конлари бор. Шунингдек, вольфрам ва сурма, плавиклишпат, тальк хом ашёси, қўрғошин ва рух, қалайи, кумуш ва олтин, олтингугурт ва қурилиш материаллари ҳам қазиб олинади.

Иқлими мамлакатнинг аксари қисмида мўътадил иқлим; қиши юмшоқ, ёзи салқин. Ўрта денгиз соҳили, Рона пасттекислигининг жанубий ва Корсика о. да субтропик иқлим. Ўртача т-ра январь ва февралда шарқи ва шимоли-шарқида 1—3° (баъзан —20° гача совуқлар бўлади), ғарби ва жанубий-ғарбида 5—7°, мамлакат жанубида 8—10°; июль ва августда текисликларда шимолда 16—18°, жанубда 23—24°. Йиллик ёғин Альп, Вогез, Севенн тоғларининг ғарбий ён бағриларида 1500—2000 *мм*, текисликларда 600—1200 *мм*, Рона пасттекислигида 500—800 *мм*. Йирик дарёлари: Луара, Рона, Сена, Гаронна; мамлакат шарқидан Рейн дарёсининг ўрта қисми ўтган.

Тупроқлари, асосан, қўнғир ўрмон, чимли подзол, чимли карбонатли, Марказий Франция массивининг ўрталарида эса вулкан тупроқларидир. Ўрта денгиз бўйида қизил тупроқлар тарқалган.

Ўсимликлари. Мамлакат терр-ясининг 20% и ўрмон. Ўрмондаги дарахтлар асосан экиб ўстирилади. Мамлакат шимолида қора қайин, дуб ва граб ўрмонлари кўпроқ. Ўрта денгиз соҳилида, асосан, гарига ва маквис бутазорлари, доимий яшил дуб ва қарағай ўрмонлари бор. Тоғларининг 1800—2100 *м* дан юқори қисмлари бутазор ва ўтлоқ.

Ҳайвонот дунёси. Ўрмонларда ёввойи ўрмон мушуги, тулки, бўрсиқ, асл буғу, тийин, қуён ва б. яшайди. Қуш кўп. Ички ва ташқи сувларида балиқлар овланади. Ф. да 3000 дан кўпроқ (1975) қўриқланадиган терр-ялар бор.

Аҳолисининг 90% дан кўпроғи *французлар* (1975), шунингдек эльзас ва лотаринглар, бретонлар, фламандлар, каталонлар ва басклар, Корсика о. да корсикалар; йирик шаҳарларда яҳудийлар (500 минг киши чамасида) ҳам яшайди. 4 млн. га яқин муҳожирлар (итальян, португал, испан, поляк, жазоирлик араблар ва б.) бор (1976). Расмий тил — *француз тили*. Аҳолисининг кўпчилиги католиклар; протестантлар 800 минг киши, 10% и атеист. Иқтисодий актив аҳоли 22,2 млн. киши (1974). Жами аҳолининг 70% и шаҳарларда яшайди (1975). Аҳолисининг ўртача зичлиги 1 *км*² га 99 киши (1977), Париж ш. ва унинг атрофида 1 *км*² га 300 киши.

Тарихи. Ф. терр-ясида одам жуда қадим замондан (тахм. 1 млн. йил аввал) яшаб келмоқда. Мил. ав. 6—5- асрларда Ф. терр-ясининг деярли барча қисмида кельт қабилалари (римликлар уларни галлар, мамлакатни эса Галлия деб аташган) яшар эди. Мил. ав. 2- аср охири — 1- аср ўрталарида Галлияни римликлар босиб олгач, мамлакатда қулдорлик кенг ёйилди. 2—4- асрларда аҳоли ўртасида христианлик тарқалди, романлаштириш натижасида кельт тилларини латин тили сиқиб чиқарди. 5- аср охири — 9- асрларда Ф. Франклар давлати таркибида бўлган. («Франция» франклар номидан келиб чиққан). Франклар Каролинглар империясининг парчаланиши (843) натижасида Ғарбий Франк қироллиги ташкил топди. Шу даврдан Ф. мустақил давлат. 9- асрнинг 2- ярмидан феодал муносабатлар қарор топди. 10- асрдан мамлакат «Ф.» деб атала бошлади. 10—11- асрларда Ф. да феодал жамиятининг асосий синфлари — сеньорлар (феодаллар) ва қарам деҳқонларнинг шаклланиши якунланди. 1302 йили дастлабки *Бош штатлар* чақирилиб, табақали монархия ўрнатилди. Ф. б-н Англия ўртасида бўлган Юз йиллик уруш (1337—1453) натижасида ишлаб чиқариш ва савдо кескин камайди, халқ оммасининг аҳволи оғирлашиб, *Жакерия* (1358) ва б. халқ қўзғолонлари бўлиб ўтди. 1415 йилда инглизлар яна уруш бошладилар. Урушда *Жанна д'Арк* раҳбарлигида француз аскарлари ғалаба қилди. 15- аср 2- ярмида Ф. экономикаси аста-секин қайта тикланди; қирол ҳокимияти ҳам мустаҳкамланди.

15- аср охиридан Ф. да феодал муносабатлар аста емирилиб, саноат ва қ. х. да капиталистик уклад ривожлана бошлади. 16- асрда Ф. да абсолют монархия шакллана бошлагач, феодалларнинг сиёсий таъсири камайди. 16—17- асрлардан Ф. да иқтисодий ривожланиш даври бошланди. Франция қироллари Ғарбий Европада ўз сиёсий таъсирини ўрнатишга уринган Габсбурглар б-н узоқ муддат кураш олиб бордилар (қ. *Ўттиз йиллик уруш*). 17- асрга келиб, француз мустамлакачилари Америкада (Канада, Вест-Индия) ва Ҳиндистоннинг бир қисмига ўрнашиб олдилар.

17- асрнинг 2- ярмида Ф. Ғарбий Европанинг энг кучли феодал-абсолютизм давлатига айланди. Аммо, Испания мероси учун бўлиб ўтган уруш (1701—1714) ва ниҳоят *Етти йиллик уруш* (1756—63) натижасида Ф. нинг Шимолий Америка (Канада ва б.) ҳамда Ҳиндистондаги деярли барча мустамлакалари Англияга ўтди. 16—17- асрларда француз миллати шаклланди, шимолий француз тили ягона тил сифатида кенг тарқалди.

18- аср охирида бўлиб ўтган Буюк француз буржуа рев-яси натижасида айниқса унинг чўққиси бўлган якобинчилар диктатураси даврида феодал-абсолютизм муносабатлари емириб ташланди. Миллий конвент 1792 йил 22 сентябрда Ф. да республика тузумини ўрнатди. Конвент 1793 йил 24 июнда республика-демократик конституциясини қабул қилди.

Мамлакатда буржуа ишлаб чиқариш муносабатлари қарор топди. Контрреволюцион термидор Конвенти (1794—95) ва Директория режимидан сўнг (1795—99) буржуазия синфи Наполеон Бонапартнинг (қ. *Наполеон I) Биринчи империя* шаклидаги ҳарбий диктатурасини (дастлаб. консуллик, 1804 йилдан империя) ўрнатди. Наполеон даврида Ф. кўпгина босқинчилик урушлари (қ. *Наполеон урушлари)* олиб борди. Ф. терр-яси бирмунча кенгайиб, Европада эса Ф. га тамомила қарам бўлган давлатлар пайдо бўлди. Аммо шунга қарамай, француз буржуазиясининг бу урушлар натижасида Европада ўз ҳукмронлигини ўрнатишга бўлган интилиши мағлубиятга учради. Наполеон империясини ҳарбий жиҳатдан тор-мор этишда Россия асосий роль ўйнади (қ. *Ватан уруши*). 1814—1815 ва 1815—30 йилларда Бурбонлар монархияси реставрация қилинди. 1815 йил мартда Наполеон яна ҳокимиятни эгаллади, юз кундан кейин Ватерлоо



Қояташга ишланган от тасвири. Сўнгги палеолит. Ласко горида (Дордонь. департаменти).

ёнидаги жангда (1815 йил 18 июнь) Наполеон мағлубиятга учрагач, Париж сулҳига мувофиқ Ф. 1790 йилги чегарасига қайтарилди.

1830 йили Июль революцияси натижасида Бурбонлар сулоласи ағдариб ташланди. Ф. да буржуа монархияси вужудга келди, герцог Луи Филипп Орлеанский қирол деб эълон қилинди.

Меҳнаткашларни эксплуатация қилишнинг кучайиши, капиталистик зиддиятларнинг юзага чиқиши утопик социализм ғояларининг пайдо бўлишига олиб келди (К. А. *Сен-Симон*, Ш. *Фурье*). 1831 ва 1834 йиллардаги *Лион қўзғолонлари* ишчилар синфининг буржуазияга қарши биринчи қуролли қўзғолонлари эди. Асосан ишчилар томонидан кўтарилган 1848 йил февраль революцияси натижасида Ф. да Июль монархияси тугатилиб буржуа республикаси қарор топди (Иккинчи республика, 1848—52). Париж пролетариатининг 1848 йилги июнь қўзғолони 1848 йил революциясининг кульминация нуқтаси бўлди. Буржуазия қўзғолонни шафқатсиз бостирди, революция чекина бошлади. Республикачи буржуазия монархистларга ён берди. Мамлакатда монархия тузумининг тикланишига йўл очилди. 1851 йил 2 декабрда бўлиб ўтган давлат тўнтаришидан сўнг Луи Наполеон Бонапартнинг ҳарбий буржуа диктатура режими ўрнатилди. 1852 йили 2 декабрда у *Наполеон III* номи б-н император деб эълон қилинди. Иккинчи империя деб ном олган режим қарор топди (1852—70). Демократик эркинликлар бекор қилинди, барча революцион ташкилотлар тақиб остига олинди. Иккинчи империя тўхтовсиз босқинчилик урушлари олиб борди. 1870—71 йиллардаги Франция-Пруссия урушида Ф. енгилиб турган шароитларда Сентябрь революцияси (1870) юз берди. Иккинчи империя барҳам топди. Ф. республика деб эълон қилинди. Аммо ҳокимиятни республикачи буржуазия эгаллаб олди. Ишчилар синфининг революцион активлигидан қўрққан Муваққат буржуа ҳукумати амалда таслимчилик сиёсатини олиб борди. Ҳукуматнинг ишчиларни қуролсизлантириш сиёсатига қарши Париж ишчилари 1871 йил 18 мартда қўзғолон кўтариб, *Париж коммунасини* эълон қилдилар. Буржуа ҳукумати Версаль ш. га қочди. Тарихда пролетариат диктатурасининг биринчи намунаси бўлган Париж коммунаси Германия интервентлари кўмагида версаллик контрреволюционерлар томонидан тор-мор этилди. 1871 йилги Франкфурт сулҳ шартномасига кўра Ф. Эльзас ва Лотарингиянинг талайгина қисмидан маҳрум бўлди, Германияга катта товон тўлади. Монархистларнинг монархияни қайта тиклашга уринишлари муваффақиятсизликка учради. 1875 йили Миллий мажлис томонидан Учинчи республика (1870—1940) конституцияси қабул қилинди.

80—90- йилларда Ф. буржуазияси Африкада, Вьетнамда мустамлакачилик сиёсатини авж олдириб юборди. 19- аср охирига келиб Ф. мустамлакачилик империяси кўлами ва иқтисодий аҳамияти жиҳатидан Буюк Британиядан сўнг иккинчи ўринга чиқди.

1870- йиллар охирида Ф. да ишчилар ҳаракати яна авж олди. 1880 йилда Ж. Гед ва П. *Лафарг* бошчилигида Ф. Ишчи партияси тузилди. 1895 йилда Ф. Умумий меҳнат конфедерацияси (УМК) вужудга келди. Ф. капитализми 19- аср охирида империализм босқичига



Арле шаҳридаги Рим даври амфитеатри ҳаробалари.

ўта бошлади. 20-аср бошларида Ф. саноати тез ривожланди, лекин Ф. 1-жаҳон урушигача аграр-индустриал мамлакат бўлиб қолаверди.

Ф. ташқи сиёсатида Франция б-н Германия ўртасидаги зиддиятлар муҳим роль ўйнади. 1891—93 йилларда *Франция-Россия иттифоқи* ташкил топди. Бу иттифоқ 1904 йилги Франция-Буюк Британия битими б-н бирга *Антантани* ташкил этишда муҳим звено бўлди. Ф. 1914 йил 3 августдан *Биринчи жаҳон уруши* (1914—18) да қатнашди. Уруш 1919 йилги *Версаль сулҳ шартномаси* б-н якунланиб Ф. империалистлари фойдасига ҳал бўлди. Ф. Германиянинг ҳарбий мағлубиятидан фойдаланиб Европада ўзининг ҳукмронлигини ўрнатишга ҳаракат қилди. Ф. империалистик доиралари ёш Совет Россиясига қарши қилинган интервенциянинг актив ташкилотчилари ва қатнашчиларидан бири бўлди.

Октябрь социалистик рев-яси таъсирида Ф. да революцион ҳаракат авж олди. 1920 йили *Франция Коммунистик партияси* (ФКП) тузилди. 1924 йили Ф. ҳукумати СССР б-н дипломатик алоқа ўрнатди. 1932 йил 29 ноябрда эса ўзаро ҳужум қилмаслик ҳақида СССР б-н шартнома имзоланди. Ф. ҳукумати репарация масаласида АҚШнинг *Дауэс планини* қабул қилди, 1925 йилда *Локарно битимлари* имзоланди.


30-йиллардаги жаҳон иқтисодий кризиси Ф. да бошқа капиталистик мамлакатларга нисбатан узоқроқ давом этди. Мамлакатда фашистик гуруҳлар активлаша бошлади. Фашизм хавфига қарши Ф. даги демократик кучлар бирлашиб ҳаракат қилдилар. 1935 йили коммунистлар, социалистлар ва радикаллар Халқ фронтига уюшдилар.




«Дворянлар ва руҳонийлар деҳқоннинг елкасида» 18-асрга оид сатирик варақа.

Германия агрессиясининг кучайиб бориши шароитида ва халқ оммасининг тазйиқи остида 1935 йил 2 майда Ф. ҳукумати ўзаро ёрдам тўғрисида СССР-Франция битимини имзолади. 1936 йил июнда Халқ фронти мададига таянган ҳукумат тузилди. 1938 йил бошларида реакция кучлари Халқ фронтига раҳна солиб, янги ҳукумат тузишга муваффақ бўлдилар. Бу ҳукумат Германия б-н тил бириктириш сиёсатини ўтказиб, 1935 йилги СССР-Франция битимини бузди, 2-жаҳон урушининг бошланишига йўл очиб берди (қ. *Мюнхен битими*, 1938). Германия Ф. иттифоқчиси бўлган Польшага қарши уруш бошлагач, 1939 йил 3 сентябрда Ф. Германияга қарши уруш эълон қилди. Аммо, Польшага ёрдам бериш учун ҳеч қандай тадбир кўрилмади. Айни вақтда Ф. ҳукумати коммунистларни ёппасига репрессия қила бошлади. 1939 йил 26 сентябрда ФКП тақиқланди, кейинчалик депутат коммунистлар қамоққа олиниб, судга берилди, барча демократик ташкилотлар тор-мор қилинди. 1940 йил май ойида Германия қўшинлари Ф. терр-ясига бостириб кирди. 10 июнда Ф. га Италия уруш эълон қилди. 14 июнда эса Германия қўшинлари Парижни урушсиз эгалладилар. 22 июнда Ф. ҳукумати таслим бўлиш шартларига рози бўлди. Германия қўшинлари Ф. терр-ясининг $^2/_3$ қисмини оккупация қилди. Мамлакатнинг қолган қисмини бошқариш учун Виши ш. да Петен ва Лаваль бошчилигида қўғирчоқ *«Виши ҳукумати»* тузилди. 1942 йил 11 ноябрда Германия б-н Италия бу терр-яни ҳам ишғол қилди. Француз халқи фашистлар оккупациясининг дастлабки кунлариданоқ *Қаршилик кўрсатиш ҳаракатини* бошлаб юборди. 1940 йил 10 июнда яширин чиқаётган «Юманите» газетасида ФКПнинг манифести эълон қилиниб, унда ишчилар синфи атрофига жипслашган «Озодлик, мустақиллик ва қайта тикланиш фронти» тузишга чақирилди. Лондонда генерал Ш. де *Голль* бошчилигида Қаршилик кўрсатиш ҳаракати миллий комитети («Озод Франция», 1942 йилдан «Курашаётган Франция») тузилди. Бу ҳаракатга Ф. нинг Африка мустамлакалари (Чад, Камерун, Ўрта Конго, Габон ва б.) даги француз ҳарбий қисмлари ва маъмурлари ҳам қўшилди. 1941 йил 24 сентябрда де Голль кейинчалик француз эммигрант ҳукуматининг ўзаги бўлган Ф. миллий комитетини ташкил этди. 1941 йил 26 сентябрда Совет ҳукумати де Голлни «барча озод французларнинг раҳбари» деб расман таниди. 1942 йил охирида бир гуруҳ француз учувчилари СССРга келиб совет-герман фронтида мардонавор жанг қилган *«Нормандия-Неман»* авиаполкини ташкил этдилар. 1943 йил 3 июлда Жазоирда генерал де Голль раҳбарлигида Франция Миллий озодлик комитети (ФМОК) тузилди. 1944 йили 2 июнда СССР, АҚШ, Буюк Британия томонидан танилган ФМОК Ф. республикасининг Муваққат ҳукуматига айлантирилди. 1944 йил охирига келиб Ф. терр-яси француз ватанпарварлари ва Англия-Америка иттифоқчи давлатлар қўшинлари томонидан озод қилинди. 1944 йил 10 декабрда СССР б-н Ф. ўртасида Иттифоқ ва ўзаро ёрдам ҳақида шартнома имзоланди.

2-жаҳон урушида Ф. нинг хўжалиги катта зарар кўрди. Унинг халқаро мавқеи пасайиб, Ф. мустамлакачилик империясининг парчаланиши бошланди. 1946 йили 24 декабрда демократик характердаги янги конституция қабул қилинди, Тўртинчи республика даври (1946—58) бошланди. 1947 йил май ойига қадар ФКП урушдан кейин тузилган барча ҳукумат составида [Л. Блюмнинг бир партияли ўнг ҳукумати (1946 йил декабрь—1947 йил январь)дан ташқари] қатнашиб келди. 1947 йил 5 майда ички ва ташқи реакция тазйиқи б-н коммунистлар ҳукумат составидан чиқарилди. Ф. ҳукумати СССР б-н энг аввало Германия масаласида ҳамкорликни тўхтатиб, АҚШ б-н яқинлашди. Ф. Жазоир, Ҳиндихитой ва Мадагаскарда мустамлакачилик урушини авж олдирди. Ф. 1948 йили *Маршал планига* қўшилди, 1949 йили *Шимолий Атлантика шартномаси ташкилоти* (НАТО)га, 1951 йили эса Европа кўмир ва пўлат бирлашмасига аъзо бўлди. 1952—54 йилларда Ф. сиёсатида реакцион тенденция авж олди. Ф. ҳукмрон доиралари Ҳиндихитойдаги урушга АҚШни ҳам бевосита жалб қилдилар, Европада эса





ГФРни Европа мудофаа ҳамжамияти (ЕМҲ) доирасида қайта қуроллантириш йўлларини излай бошладилар. Аммо бу ҳаракат француз жамоатчилигининг қаттиқ қаршилигига учради. Шундан кейин ЕМҲ тўғрисидаги шартнома АҚШ тазйиқи остида *Париж битимлари* (1954) б-н алмаштирилди. Натижада 1944 йилги Совет-Франция битимининг аҳамияти қолмади. Ф. ҳукумати 1954 йили Ҳиндихитойда урушни тўхтатиш тўғрисидаги Женева битимларини имзолади. 1954 йил 1 ноябрда Жазоирда миллий озодлик қўзғолони бошланди.


1956 йилги парламент сайловларидан сўнг ҳокимиятни Франция социалистик партиясининг бош секретари Ги Молле бошчилигида «Республика фронти» ҳукумати эгаллади (1956—57). 1956 йил мартда Ф. Марокаш ва Тунис мустақиллигини тан олишга мажбур бўлди. Аммо ўнг кучлар тазйиқи б-н Жазоирдаги уруш ҳаракатлари кучайтириб юборилди. Ф. 1956 йил ноябрда Мисрга қарши *Англия-Франция-Исроил агрессиясида* актив қатнашди. 1957 йили *Европа иқтисодий ҳамжамияти* (Умумий бозор)ни, шунингдек Атом энергияси бўйича Европа ҳамжамиятини тузиш ҳақидаги шартномаларни имзолади.

Жазоирда боши берк кўчага кириб қолиш, Сувайш авантюрасининг барбод бўлиши, молиявий қийинчиликлар ва б. натижасида Тўртинчи республика режими кризисга учради. Мамлакат ва армия ичида реакцион кучлар бош кўтарди. Улар 1958 йил майда Жазоирда республикага қарши исён кўтардилар. Жазоирдаги француз армияси қўмондонлиги исёнчиларга қўшилиб, де Голль бошчилигида «Миллий нажот» ҳукуматини тузишни талаб қилди. 1 июнда Миллий мажлис де Голлга ҳукумат тузиш ваколатини берди, кейинчалик унинг фавқулодда ваколатлари тўғрисидаги қонун лойиҳасини маъқуллади. 1958 йили янги конституция қабул қилинди.

1958 йилги мажоритар система бўйича ўтказилган (кўпчилик овози олиш йўли б-н сайлаш) сайловларда деголлчиларнинг «Янги республика учун Иттифоқ» (ЮНР) партияси ғолиб чиқди. Ш. де Голль президент қилиб сайланди (1958 йил 21 декабрь), М. Дебре бош министр қилиб тайинланди (1959—62). Ф. 1958 йилдан Бешинчи республика номини олди.

1958 йили Ф. нинг мустамлакаси бўлган Гвинея ўзини мустақил давлат деб эълон қилди. 1960 йилга келиб мустамлакаларда миллий озодлик ҳаракатининг авж олиши натижасида Ф. Африкадаги мустамлакалари — Судан ва Сенегал, Мадагаскар, Дагомея (ҳозирги Бенин), Нигер, Юқори Вольта, Фил Суяги Қирғоғи, Чад, Марказий Африка Республикаси (ҳозирги Марказий Африка Империяси), Конго, Габон, Мавританияга, шунингдек Ф. га васий бўлган терр-ялар — Того ва Камерунга мустақиллик беришга мажбур бўлди. Ф. ҳукумати 1962 йили Жазоир мустақиллигини тан олган Эвиан битимларини имзолади.

Ф. 50-йиллар охири —60-йиллар бошларида ГФР б-н мустаҳкам алоқа ўрната бошлади. «Зарбдор куч»— атом қуролини яратиш йўлига ўтган Ф. Ядро қуроли синовларини тақиқлаш ҳақидаги шартнома (1963) ни имзоламади. Лекин 60-йилларнинг 2-ярмидан Ф. ташқи сиёсатида ижобий ўзгаришлар кузатилди. Ф. кўп томонлама «ядро кучлари» яратиш планига қарши чиқди.



Ратуша олдида Коммунанинг эълон қилиниши. Э. Л. Лами чизган расм.

Ф. 1966 йили АҚШнинг Ҳиндихитойдаги интервенциясини, 1967 йили эса Исроилнинг араб мамлакатларига қарши агрессиясини қоралади. 1966 йил мартда Ф. НАТОнинг ҳарбий ташкилотидан чиқиб, ўз терр-ясидаги АҚШ ҳарбий базаларини тугатди. Айни вақтда Ф. нинг социалистик мамлакатлар б-н алоқалари бирмунча яхшиланди (1966 йили де Голль СССРга визит б-н келди). 1965 йил 19 декабрда Ш. де Голль қайтадан 7 йил муддатга президент қилиб сайланди. 1968 йили студентлар ғалаёнлари ва умумий забастовка ҳаракати, беқиёс ижтимоий-сиёсий кризис Ф. ни ларзага келтирди. Май охирида 10 млн. га яқин киши иш ташлади.

1968 йил кузида Бешинчи республика режими чуқур молиявий кризисни бошидан кечирди. Ф. ўз олтин валюта резервларининг ярмини йўқотди, франкнинг курси беқарор бўлиб қолди. 1969 йили де Голль маъмурий-территориал бошқариш системасини ўзгартириш ва Сенатни реформа қилиш тўғрисида референдум ўтказди, аммо муваффақият қозона олмади. Натижада де Голль истеъфо берди.

1969 йили «Республика учун демократлар иттифоқи» (ЮДР) (илгариги ЮНР) партиясининг номзоди Ж. *Помпиду* президент бўлди.

1974 йилги президент сайловларида Мустақил республикачилар миллий федерациясининг раҳбари Валери Жискар д'Эстен давлат бошлиғи қилиб сайланди.

Синфий кучлар нисбатининг ўзгариши натижасида 70-йилларнинг 2-ярмида Ф. ташқи сиёсатида ўзгаришлар рўй берди. Ф. нинг АҚШ б-н муносабатлари стабиллашди, НАТО б-н алоқаси кучайди. Ф. Европа иқтисодий ҳамжамиятини молиявий, иқтисодий ва сиёсий



Қаршилик кўрсатиш ҳаракати жангчилари. Париж кўчаларида. 1944 йил август.



Париж ишчиларининг намойиши. 1972 йил 26 октябрь.

иттифоққа айлантириш соҳасида фаол қатнашди. Айни пайтда совет-француз ҳамкорлиги, шунингдек Ф. нинг социалистик мамлакатлар б-н алоқалари мустаҳкамланиб бормоқда.

Сиёсий партиялари, касаба союзлари ва б. жамоат ташкилотлари. Франция Коммунистик партияси (ФКП), 1920 йили тузилган, 600 минг аъзоси бор (1977). Социалистик партия (СП), 1971 йили Ф. Социалистик партияси (1905 й. тузилган) ва б. группалар асосида тузилган, 164 минг аъзоси бор (1977). Сўл радикаллар ҳаракати, 1972 йили асосий партиядан ажралиб чиққан бир гуруҳ радикаллар томонидан тузилган. Республика партияси (1977 йил майгача Мустақил республикачилар миллий федерацияси), 1962 йили В. Жискар д'Эстен раҳбарлигида тузилган. Республика учун демократлар иттифоқи (ЮДР) ва б. қатор партиялар бор.

Умуммеҳнат конфедерацияси, Ф. нинг энг йирик касаба союзи. 1895 йили тузилган. 2,5 млн. аъзоси бор (1975). ФКП б-н ҳамкорлик қилади. Франция демократик меҳнат конфедерацияси, 1964 йили тузилган ва б. касаба союзлар бор.

Коммунистик ёшлар ҳаракати, 1945 йили тузилган. Коммунистик ёшлар союзи, Қизлар союзи, Қишлоқ ёшлари союзи, Коммунист студентлар союзини бирлаштиради. Франция—СССР ассоциацияси, Совет Иттифоқининг Франциядаги дўстлари ассоциацияси базасида 1943 йили тузилган. Тинчлик миллий совети, 1950 йили тузилган.

Хўжалиги. Ф.— жаҳон капиталистик хўжалиги системасидаги энг йирик давлатлардан бири, ривожланган индустриал мамлакат. Ф. саноат ишлаб чиқариши ҳажми бўйича ривожланган капиталистик мамлакатлар орасида 4-ўринда туради. Саноатининг асосий тармоқлари оз сонли концерн ва трестлар назоратида. Давлат монополистик капитализми ҳам ривожланган. Миллий экономиканинг $^1/_3$ қисми давлатга қарашли. 1977 йил бошида мамлакатда 1,1 млн. киши ишсиз ва 0,6 млн. киши ярим ишсиз бўлган.



Шампань департаментидаги токзорлар.

Саноати. Енгил ва озиқ-овқат саноатлари ўз аҳамиятини сақлаб келаётганлигига қарамай оғир саноатдан орқада туради. Ф. ёқилғи-энергетика ресурслари б-н етарли таъминланмаган. Мамлакатда истеъмол қилинаётган ёқилғининг $^3/_4$ қисми четдан келтирилади. 1976 йилда Яқин Шарқ мамлакатларидан 122 млн. *т* нефть келтирилган. Нефтни қайта ишловчи 24 з-дининг йиллик умумий қуввати 176 млн. *т* (1976). Истеъмол қилинаётган газнинг ярмидан кўпроғи Жазоир, Нидерландия ва СССРдан келтирилади. 1976 йилда 188,4 млрд. *квт-с* электр энергияси ҳосил қилинган. 10 атом электр станцияси (1975 йилда умумий қуввати 3,1 млн. *квт*) бор. Атом саноати ўзининг хом ашё базасига эга. Ф. темир рудаси қазиб олишда капиталистик мамлакатлар орасида 4-ўринда (1976 йилда 45,2 млн. *т*).

Қора ва рангли металлургия саноати ривожланган. 1976 йилда 19 млн. *т* чўян, 23,2 млн. *т* пўлат, 385 минг *т* алюминий ишлаб чиқарилди. Сифатли темир рудаси ва рангли металларнинг анча қисми четдан келтирилади. Машинасозлик ва металлсозлик саноатининг етакчи тармоқларидир. Кўплаб автомобиль, асосан енгил автомобиль ишлаб чиқарилади. Авиаракета саноати бўйича Ф. капиталистик мамлакатлар орасида 2- ва 3-ўринни эгаллайди. Ҳарбий ва граждан самолётлари, вертолётлар, двигателлар ишлаб чиқарилади ва экспорт қилинади. Ракета ва космик техникага оид аппаратлар тайёрланади. Кемасозлик, локомотивсозлик ва вагонсозлик ҳам катта аҳамиятга эга. Нефть кимёси, пластмасса, синтетик каучук, кимёвий тола ва ҳарбий мақсадлар учун маҳсулот, минерал ўғитлар ишлаб чиқариш тез суръатлар б-н ўсмоқда. Тўқимачилик саноатида мовут, ип газлама, зигир, жут ва сунъий толалардан газлама, трикотаж ишлаб чиқарилади. Ф. кўн пойабзал ишлаб чиқаришда (1975 йилда 205 млн. жуфт) дунёда олдинги ўринлардан бирида. Озиқ-овқат саноати кўп тармоқли. Ф. вино тайёрлаш (1975 йилда 6,7 млн. *т*) б-н қадимдан машҳур. Ун тортиш, гўшт, сут, балиқ, мева консервалаш, шакар-қанд корхоналари ҳам бор.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида капиталистик концентрация кучли. Техника ва минерал ўғитлардан етарли даражада фойдаланилади. Йирик хўжаликларга давлат актив ёрдам бериб туради. Қ. х. да фойдаланиладиган ерлар майдони Ф. терр-ясининг $^2/_3$ қисмини (1973 йилда 35,5 млн. *га*) ташкил қилади. Ҳайдаладиган ерлар 16,8 млн. *га*, токзор ва боғлар 2,2 млн. *га*, яйлов ва пичанзорлар 13,9 млн. *га*, ўрмонзорлар 14,5 млн. *га* (1972). Ф. ғалла етиштиришда капиталистик мамлакатлар орасида АҚШ, Ҳиндистон ва Канададан кейин туради. Асосий ғалла экини — буғдой. Маккажўхори, арпа, шоли, қанд лавлаги, картошка ҳам экилади. Ф. узум етиштиришда дунёда 1-ўринда. Узум ҳосилининг асосий қисми вино тайёрлаш учун сарфланади. Жанубий р-ларда зайтун ўстирилади (1974 йилда 1,8 минг *т* зайтун мойи тайёрланган). Сабзавот ва мева (олма, нок, шафтоли, лимон, апельсин) мамлакатнинг ҳамма р-ларида етиштирилади.

Чорвачилик гўшт-сут етиштиришга ихтисослашган. Ф. гўшт етиштиришда Ғарбий Европада ГФРдан кейин 2-ўринда, сут етиштиришда 1-ўринда туради. 1974 йил охирида 24350 минг қорамол, 10429 минг қўй, 907 минг эчки, 426 минг от, 30 минг эшак, 12092 минг чўчқа ва 203 млн. парранда бўлган. 1974 йилда 31,3 млн. $м^3$ ёғоч тайёрланган, 806 минг *т* балиқ овланган.

Транспорти. Т. й. тармоқларининг узунлиги 34,3 минг *км*, шунинг 27,2% электрлаштирилган (1975). Ф. автомобиль йўлларининг узунлиги (1975 йилда 1479 минг *км*) ва автомобилларнинг сони (1974 йилда 17,8 млн. машина, шундан 14,5 млн. енгил машина) жиҳатидан дунёда олдинги ўринлардан бирида. Ички сув йўлларининг узунлиги 7,2 минг *км* (жумладан 4,7 минг *км* каналлар, 1973). Асосий сув йўллари — Сена дарёси ва каналга айлантирилган Мозель дарёси. Трубопровод транспорти (1974 йилда умумий узунлиги 5231 *км*) тез ривожланмоқда.

Денгиз савдо флоти (1975 йилда 8,5 млн. брутто рег. *т*) ва авиатранспортининг роли ҳам катта. Денгиз портларининг умумий юк оборати 1974 йилда 306 млн. *т* бўлган. Денгизда ташилаётган юкларнинг $^2/_3$ қисми Марсель (109 млн. *т*) ва Гавр (84 млн. *т*) портларига тўғри келади. Парижда 3 йирик аэропорт бор.

Ташқи иқтисодий алоқалари. Ф. дунё бозорига машиналар, ускуналар, транспорт воситалари (автомобиль, кема, самолётлар), қ. х. маҳсулотлари (ғалла, чорва, сут маҳсулотлари, вино), қора металлар ва алюминий, химикатлар, енгил саноат маҳсулотлари чиқаради; четдан машина ва ускуналар, нефть, тошкўмир, рангли металлар, целлюлоза, пахта, жун, қимматбаҳо ёғоч келтиради. Ташқи савдо оборотининг $^1/_2$ қисми Европа иқтисодий ҳамжамиятига аъзо мамлакатлар ҳиссасига тўғри келади. Ф. нинг социалистик мамлакатлар, жумладан СССР б-н ҳам савдо алоқалари ривожланмоқда.


Ф.— халқаро туризмнинг энг йирик марказларидан бири. Ҳар йили Ф. га 10—15 млн. турист келиб кетади. 1975 йилда чет эл туризмидан 3,2 млрд. сўм даромад олинди.

Пул бирлиги — франк. СССР Давлат банки курси б-н 100 франк 15 сўм 04 тийинга тенг (1978 йил май).

Ф. қуйидаги иқтисодий р-ларга бўлинган: Париж р-ни, Шимолий р-н, Шарқий р-н, Лион р-ни, Ғарбий р-н, Жанубий-Ғарбий р-н, Урта Денгиз бўйи р-ни.

Қуролли кучлари қуруқликдаги қўшинлар, ҳарбий-ҳаво кучлари, ҳарбий-денгиз кучлари ва ҳарбий жандармериядан иборат. Олий бош қўмондон— президент; бевосита раҳбарликни Мудофаа министри олиб боради. Қўшинлар ва денгиз флоти миллий мажбурий ҳарбий хизмат қонуни асосида ва ёллаб комплектланади. 18 ёшга тўлган эркаклар ҳарбий хизматга чақирилади. Ҳарбий хизмат муддати 12 ой. Қуролли кучларнинг умумий сони 580 минг киши чамасида бўлган (1977). Қуруқликдаги қўшинлар (332 мингга яқин киши) 5 механизациялашган, 3 пиёдалар дивизияси, 1 ҳаво десанти ва 1 альп дивизиясидан иборат. Ҳарбий-ҳаво кучларида (102 мингга яқин киши, 720 дан зиёд самолёт ва вертолётлар) стратегия, тактика, ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва транспорт қўмондонлиги бор. Ҳарбий-денгиз кучлари (70 мингга яқин киши) флот, ҳарбий-денгиз кучлари авиацияси ва денгиз пиёдаларини ўз ичига олади. Флотида 200 дан ортиқ жанговар кема ва катерлар, 100 тача ёрдамчи кема бор. Ҳарбий жандармерияда 77 мингдан ортиқ киши бор. Ф. Шимолий Атлантика шартномаси ташкилоти аъзоси, лекин Ф. 1966 йилдан унинг ҳарбий ташкилотларида қатнашмайди. Ф. қуролли кучлари замонавий қурол-яроғлар ва ҳарбий техника б-н қуролланган.

Соғлиқни сақлаш. 1974 йили минг аҳоли ҳисобидан туғилиш 15,2, ўлим 10,4 нафарни ташкил этди. 1972 йили ўртача умр эркакларда 69 ёш, аёлларда 76 ёш бўлган. Юқумли бўлмаган касалликлар кўпроқ учрайди. Ўлимнинг асосий сабаблари: юрак-томир системаси касалликлари, хавфли ўсмалар, травматизм ва б. бахтсиз ҳодисалар. Алкоголизм ва унинг оқибатида келиб чиқадиган жигар циррози касаллиги Ф. да энг жиддий масалалардан бири ҳисобланади. 20 йил давомида (1950—70) алкоголизмдан ўлиш жаҳон бўйича энг юқори даражага кўтарилди (100 минг аҳолига 12 нафар).



1. Гавр шаҳри портининг умумий кўринчши. 2. Луара дарёси бўйида жойлашган Шинон АЭС. 3. Тулуза шаҳридаги авиасозлик заводи. 4. Лион шаҳридаги автомобилсозлик заводи.

1972 йили 531,7 минг ўринли (минг аҳолига 10,3 ўрин) касалхоналар ишлади (161,2 минг ўрин хусусий секторда). 1973 йили 70,7 минг врач (735 аҳолига 1 врач), жумладан 25,7 минг врач-мутахассислар ишлади, 50,5 минг врач хусусий практика б-н машғул бўлди. 23,1 минг тиш врачлари ва 180 мингдан ортиқ ўрта медицина ходими ишлади. Врачлар ун-тларининг 28 медицина ф-тларида (1973 йилда 4 мингдан ортиқ мутахассис тайёрланган), тиш врачлари 14, фармацевтлар 24, акушеркалар 30 ўқув юртларида, дипломли медицина ҳамширалари 259 мактабларда тайёрланади. 400 дан ортиқ турли медицина билим юртлари кичик медицина ходимларини тайёрлайди. Соғлиқни сақлаш ишларига 1974 йили давлат бюджетининг 4,7% и сарфланди.

Ф. да машҳур бальнеологик ва балчиқ ҳамда иқлим курортлари бор.

Медицина тадқиқотлари илмий тадқиқот марказларида (1973 йили 117 та), медицина ф-тларида ва йирик касалхоналарда олиб борилади. СССР б-н Ф. ўртасида Соғлиқни сақлаш ва медицина фани бўйича ҳамкорлик ҳақидаги ҳукуматлараро битимга (1969) кўра 1976 йили СССР ва Ф. нинг 100 дан ортиқ етакчи илмий марказлари 13 проблема бўйича ҳамкорлик қилди.

Ветеринария хизмати. Ф. терр-ясида чўчқаларнинг куйдирги, ўлат, қорамолнинг Ньюкасл касали, қутуриш, қўй ва эчкиларнинг бруцеллёз, отларнинг юқумли анемия, миксоматоз, пситтакоз, чўчқаларнинг сарамас, туляремия ва б. касалликларининг бир неча ўчоқлари қайд қилинган (1976). Ветеринария хизматига Қ. х. министрлиги ихтиёридаги Ветеринария бошқармаси раҳбарлик қилади. 5600 ветеринария врачи бор (1975). Ветеринария врачлари (ветеринария медицинаси докторлари) Лион, Аль-

фора ва Тулузадаги Ветеринария ин-тлари (Миллий ветеринария мактаблари)да тайёрланади. Ветеринария бўйича илмий ишлар Қ. х. тадқиқотлари миллий ин-тида, олий ўқув юртларининг илмий тадқиқот лабораторияларида, Пастер ин-тида, Таълим министрлиги муассасаларида ва хусусий ин-тларда олиб борилади.


Маориф. Ф. терр-ясида дастлабки мактаблар Галлияда Рим ҳукмронлиги даврида ташкил топган. 6—7- асрларда Ф. да христиан дини тарқалиши б-н монастирь ва черков мактаблари, кейинчалик черков билим юртлари пайдо бўлди. 13- аср бошида Парижда биринчи француз ун-ти (қ. *Париж университети*) ишга тушди. 13—14- асрларда ун-тлар. Ф. нинг бошқа шаҳарларида ҳам вужудга келди.

Буюк француз рев-яси таълимининг феодал системасини бекор қилиб, барча учун умумий таълим олиш ҳуқуқини жорий қилди.

Ҳозирги замон Ф. давлат маориф системасида давлат мактаблари черковдан ажралган, лекин кўпчилик хусусий мактаблар католик черкови назорати остида.

Мажбурий таълим (1967 йилдан 10 йиллик) 6 ёшдан бошланади. Биринчи 5 йил ҳамма болалар учун умумий элементар цикл (1974/75 ўқув йилида 4,2 млн. ўқувчи) ўтилади. Кейинги (ўрта таълимнинг 1- цикли) 4 йиллик таълим коллеж ва лицейларда давом эттирилади (1974/75 ўқув йили —2,5 млн. дан зиёд ўқувчи). Шу даврда ўқувчиларга турли фанлар ва касблардан ихтисослашган таълим берилади.

Ўрта маълумотнинг 2- цикли икки босқичли: қисқа (тўлиқсиз) ва узоқ муддатли (тўлиқ) ўрта маълумот. Тўлиқсиз маълумот 2 йиллик техника таълими коллежларида, тўлиқ ўрта маълумот умумтаълим лицейларининг юқори синфлари (таълимнинг 10—12 йили)да берилади. Лицейларда бойлар ва имтиёзли табақа болалари ўқитилади. Лицейни муваффақиятли тамомлаганларга бакалавр даражаси берилади. 3—4 йиллик ўрта махсус ўқув юртлари ҳам тўлиқ ўрта маълумот циклига киради.



Мон-Сен-Мишель монастири. 11—15- асрлар. 2. Понт-о-Шанж кўприги (1853) ва д саройи (14—18- асрлар). 3. Гренобль шаҳрининг Изер дарёси томонидан кўриниши. 4. Гренобль шаҳрининг марказий қисми.

Олий маълумот ун-т ва олий мактабларда берилади. 1968 йили Ф. да 23 ун-т ишлади. Энг йирик ун-ти — Париж университети (Сорбонна). 1969 йилдан ун-тлар майдалашди. 1973/74 ўқув йилида 70 га яқин ун-тларда 742 минг студент таълим олди. Ун-тлардан ташқари ихтисослашган олий мактаблар (инженер, агроном, савдо ходимлари ва б. тайёрлайди). Катта мактаблар деб аталадиган кенг имтиёзли олий мактаблар (Миллий политехника ин-ти, Кончилик олий мактаби ва б.) бор. Мамлакат маориф системасида Коллеж де Франс (Ф. даги энг қадимги илмий тадқиқот ва ўқув муассасаларидан бири) алоҳида ўрин тутади.

Йирик кутубхоналари Парижда: Миллий кутубхона (7 млн. асар, 1976), Франция ин-ти кутубхонаси (1,5 млн. дан зиёд асар), Париж ун-ти (Сорбонна) кутубхонаси (1,8 млн. дан зиёд асар) ва б. Йирик музейлари *Парижда* жойлашган.

Фани ва илмий муассасалари. Табиий ва техника фанлари. Ўрта асрларда франклар қироли Буюк Карл саройи қошидаги «академия» қадимий араб ва ҳинд манбаларини ўрганадиган илмий марказ эди. 10—12- асрларда кончилик, қурилиш, ҳунармандчиликнинг ҳар хил соҳалари (рангли ойна, қоғоз тайёрлаш) ривожланди.

12- аср охири — 13- аср бошларида фаннинг ривожланиши ун-тлар, биринчи навбатда Париж (1215) ва Тулуза (1229) ун-тларининг фаолияти б-н боғлиқ. 1470 йилдан Ф. да китоб босиш кенг тарқалди. 17- асрдан мамлакатда илмий фаолият турғун тус олди. Р. *Декарт*, П. *Гассенди*, Б. *Паскаль*нинг серқирра фаолияти 17- аср Ф. ва Европа фанларига катта таъсир кўрсатди.

17- аср ўрталарида Париж Европа илмий алоқалар марказига айланди. 1665 йили биринчи илмий журнал пайдо бўлди. 1666 йили Париж Фанлар академияси очилди (биринчи президенти Х. *Гюйгенс*). 1667 йили ФА ҳузурида Париж обсерваторияси ишга тушди. Кейинчалик Ним (1682), Лион (1700), Бордо (1712), Тулуза (1729) ва б. шаҳарларда ФА ташкил этилди.

«Энциклопедия ёки фан, санъат ва ҳунармандчилик бўйича изоҳли луғат»нинг нашр этилиши Ф. фанида муҳим давр очди. 18- аср энциклопедистлари ва маърифатпарварлик идеологиясининг бошқа вакиллари табиий, илмий ва техникавий билимларни тарғиб қилишда фаол қатнашдилар. 18- асрда Ж. Л. *Д'Аламбер*, Ж. *Лагранж*, П. *Лаплас*, А. Клеро ва б. математика фани тараққиётига катта ҳисса қўшдилар. Ш. *Кулон*, Р. А. Реомюр, Л. Н. Карно ва б. физика фанини янги кашфиёт ва назариялар б-н бойитдилар. А. *Лавуазье*, К. Бертолле ва б. олимлар ўз кашфиётлари б-н кимё фанини янги босқичга кўтардилар. Француз сайёҳлари 17- аср охири —18- аср бошларида Шимолий ва Жанубий Американи, Африка тропик қисмининг ғарбини, Жанубий океанни тадқиқ этдилар. 1778 йили Ж. Б. *Ламарк* биринчи марта «Франция флораси»ни тузди. Усимликларнинг табиий классификациясини ишлаб чиқишга ҳаракат қилинди. 18- асрнинг 1- ярмида П. Фошар илмий стоматология асосларини яратди. 1774 йили биринчи селекция-уруғчилик хўжалигига асос солинди. 1795 йили Фан ва санъат миллий ин-ти (кейинчалик Ф. ин-ти) ташкил этилди.

1795 йили Ф. да узунлик ва оғирлик ўлчовлари метрик системасининг жорий этилиши жаҳон маданияти тарихидаги муҳим воқеалардан бири бўлди.

Саноат, транспорт, ҳарбий иш соҳасида илмий масалаларни ҳал қилишга эҳтиёжнинг кучайиши термодинамика, техник механика, баллистика ва б. соҳаларнинг математик масалаларини ҳал қилишни кучайтирди. Бу соҳаларда Ж. Фурье (1829 йилдан Петербург ФА хорижий фахрий аъзоси), С. Пуассон (1826 йилдан Петербург ФА хорижий фахрий аъзоси), Л. Пуансо ва б. катта иш олиб бордилар. Математика соҳасида Э. Галуа ва О. Коши (1831 йилдан Петербург ФА фахрий хорижий аъзоси), астрономия соҳасида Лаплас (Қуёш системаси пайдо бўлишининг космогоник назарияси), термодинамика соҳасида Н. Л. С. Карно (1824) ғоялари асосида Б. П. Клайперон (1830 йилдан Петербург ФА мухбир аъзоси), физика соҳасида А. Реньо (иссиқликнинг механик эквиваленти), А. *Ампер* (электродинамика масалалари; 1830 йилдан Петербург ФА хорижий фахрий аъзоси), А. Э. Беккерель (фосфоресценция) ва б. жаҳон фанини янги кашфиётлар б-н бойитдилар.

1821 йилда Парижда География жамияти тузилди. 19- асрнинг 1- ярмида Ф. фанининг халқаро алоқалари кучайди. Ф. олимлари бошқа мамлакатлар, шу жумладан Россиядаги илмий тадқиқот ишларида бевосита иштирок этдилар. А. Беккерель томонидан 1896 йили радиоактив нурланишнинг кашф этилиши физика соҳасида энг йирик воқеа бўлди. Бу соҳада М. *Склодовская-Кюри* ва П. *Кюри* изланишларини давом эттириб, *радиоактивлик*ни, кашф этди. Бу кашфиёт учун А. Беккерель, Склодовская-Кюри ва П. Кюри француз олимларидан биринчи бўлиб *Нобель мукофоти*га сазовор бўлдилар.

Медицина ва биология фанининг кўп соҳаларини ривожлантиришда ҳозирги замон микробиологияси ва иммунологиясининг асосчиси Л. *Пастер* тадқиқотлари катта таъсир кўрсатди.

1895 йилда ака-ука Л. Ж. ва О. Люмьерлар кинематографни ихтиро қилдилар.


1922 йили Илмий ва саноат тадқиқотлари ва ихтиролар миллий хизмати ташкил этилди. Қ. х. тадқиқотлари ин-ти (1922), Геология ва кончилик тадқиқотлар маркази (1932), Қурилиш техникаси ин-ти (1933) ва б. давлат соҳа илмий тадқиқот муассасалари ташкил этилди.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида мамлакатда илмий фаолият деярли тўхтади. Кўпгина олий ўқув юрти ва илмий тадқиқот муассасалари ёпиб қўйилди. Олимларнинг талайгина қисми чет элга кетиб қолди. Айрим француз физиклари (Б. Гольдшмидт, Ж. Гюэрен ва б.) АҚШ да атом бомбасини яратишда қатнашдилар.

Ҳозирги замон илмий-техника революцияси даврига ўтишда фанни маблағ б-н таъминлаш ва илмий тадқиқотларни координациялашда давлатнинг роли ошиб борди. Илмий тадқиқотлар Миллий маркази етакчи давлат илмий тадқиқот ташкилотига айланди. Шунингдек, Атом энергияси бўйича комиссариат (1945, биринчи раҳбари Ф. Жолио-Кюри), Космик тадқиқотлар миллий маркази (1946), Океанография ва денгиз биологияси бўйича тадқиқот маркази (1946) ва б. йирик давлат муассасалари; янги ин-т ва ун-тлар ташкил этилди.

Фанни ривожлантириш соҳасида кўрилган тадбир-чоралар туфайли фан ва техника барча йўналишларда ривожланди. Аммо, тадқиқотларнинг кенгайишида фанни ҳарбийлаштириш тенденцияси ҳам кўзга ташланди. 1960 йили ядро қуроли, 1968 йили эса термоядро қуроли синовлари ўтказилди. Ҳарбий самолётлар («Мираж» ва б.), ракеталар ва б. ҳарбий техника яратишга катта маблағ сарфланди.

1958 йили А. де Франс «СЕКАМ» рангли телевидение системасини таклиф қилди. 1965 йили Ф. нинг биринчи Ер сунъий йўлдоши учирилди. Ядро физикаси, океанология, космик фазони тадқиқ қилиш бўйича илмий ишларнинг бир қисми халқаро ҳамкорлик доирасида олиб борилмоқда. Ф. қатор халқаро илмий ва илмий-техникавий ташкилотлар (Ядро тадқиқотлари Европа ташкилоти, Европа космик агентлиги ва б.) иштирокчисидир. 1966 йилдан атом энергетикаси, ядро физикаси, космик фазони тадқиқ қилиш, рангли телевидение, станоксозлик ва б. соҳаларда француз олимлари совет олимлари б-н ҳамкорликда иш олиб бормоқда.




Париждаги Сент-Шапель ибодатхонасининг интерьери (1243—48).

Ижтимоий фанлар. Философия. Ф. да фалсафий фикрлар илк ўрта асрларда шаклланди ва черков ақидаларини асослаш ҳамда феодал муносабатларини ҳимоя қилишга хизмат қилди. Ўрта асрларда яшаган Иоанн Скот Эриугена схоластик реализмга асос солган энг йирик файласуфдир. 11—12- асрларда *реализм* б-н *номинализм* ўртасида кураш кетди. 13- асрда Париж ун-ти француз фалсафасининг марказига айланади. Ф. *Аквинский* католицизмни фалсафий асослашда аристотелизмдан фойдаланди, айни пайтда *аверроизм* тарафдорлари пайдо бўлди.

16- асрда капиталистик муносабатларнинг пайдо бўлиши ва иқтисодий ҳамда сиёсий кўтарилиш бошланиши б-н гуманизм ва *Реформация* ғоялари тарқала бошлади. 17- аср француз фалсафасининг шаклланишидаги муҳим давр бўлиб, у янги замон Ғарбий Европа фалсафаси асосчиларидан бири бўлган Р. *Декарт* номи б-н боғлиқ (қ. *Картезианлик*). П. *Гассенди* эса Эпикурнинг атомистик ва ахлоқий ғояларини тиклашга уринди.

18- аср француз фалсафаси учун *Маърифатпарварлик* ва материализм давридир. Француз маърифатпарварлигининг илк вакили П. Бейль *метафизика*га қарши чиқди. Феодал ва клерикал идеологияга қарши тўхтовсиз курашиб келган 18- аср француз материализми табиий-илмий ва ижтимоий билимларнинг прогрессив тенденцияларини акс эттириб келди. Бу материализм деистик (Вольтер, Ш. *Монтескьё*, Э. *Кондильяк*, Ж. Ж. *Руссо*, Ж. *Робине*, А. Тюрго, Ж. *Кондорсе*) ва атеистик (Ж. *Мелье*, Ж. *Ламерти*, Д. *Дидро*, К. *Гельвеций*, П. *Гольбах*, С. *Марешаль* ва б.) шаклларда ривожланган. Материалистик дунёқарашнинг ривожланишида Дидро «Энциклопедия»си катта роль ўйнади. 18- аср француз материализми кўп мамлакатлар, жумладан Россияда илғор фалсафий ва ижтимоий-сиёсий тафаккурнинг ривожланишига катта таъсир кўрсатди ҳамда Буюк француз революцияси идеологиясининг фалсафий асоси бўлди.

19- асрнинг 30- йилларидан *позитивизм* катта роль ўйнай бошлайди. А. *Сен-Симон*, Ш. *Фурье*ларнинг *утопик социализм*и пайдо бўлди. 19- аср охирига келиб, позитивизм инқирозга учрагач, унинг ўрнига *интуитивизм* пайдо бўл-



Сорбоннанинг ҳовли томони. 1629 йили қурила бошлаган.



Франция жануби-шарқи (Прованс) даги қишлоқлардан бири.

ди. 20-аср бошларида протестант ва католик модернизми диний философияси, неотомизм ёйилди. Хорижий фалсафа таъсирида Ф. да француз атеистик *экзистенциализми* шаклланди. 20-аср ўрталаридан бошлаб, экзистенциализм, *персонализм*, тейярдизм, неорационализм оқимларининг таъсири кучайди.

Марксистик фалсафа ғоялари Ф. да 19-асрнинг 80-йилларидан бошлаб тарқалган. Марксизмни пропаганда қилишда биринчи француз марксистлари Ж. Гед, П. Лафарг, Г. Девиль катта роль ўйнадилар. Ф. да марксистик философиянинг ривожи 1920 йилда Франция Коммунистик партиясининг ташкил этилиши ва унинг фаолияти б-н боғлиқ бўлди. М. Торез, В. Роше, Ж. Дюкло, Ж. Политцер, Ж. Соломон, М. Қашен, А. Мушен ва б. асарларида марксизм философиясининг актуал масалалари ўз ифодасини топди. Марксистик философия Париждаги Янги ун-т (собиқ Ишчилар ун-ти), ФҚП МҚ ҳузурида 1964 йили ташкил этилган М. Торез ин-тида ўрганилади. Илмий тадқиқотлар 1959 йили таъсис этилган марксизмни ўрганиш марказида олиб борилади.

Социология соҳасида француз социологик тафаккур тарихи О. *Конт*, Э. *Дюркгейм* ва б. нинг номлари б-н боғлиқ. 2-жаҳон уруши (1939—45) дан кейин француз социологлари эмпирик тадқиқотлар б-н шуғулландилар. 50—60-йилларда буржуа социологиясидаги муҳим оқимлар: «ягона индустриал жамият», идеалистик «микросоциология», технологик детерминизм, 60—70-йилларда «постиндустриал жамият», «социопсихоанализ» концепциялари пайдо бўлди.

Тарих фани. Ф. да тарих фанининг пайдо бўлиши илк ўрта асрларга тўғри келади (монастирларда турли мазмундаги йилномалар — анналлар яратилган). 13—14-асрларда рицарлар ва шаҳарликлар ҳам йилномалар ёзган. 13-асрдан *салиб юришлари* қатнашчиларининг тарихий асарлари — *мемуарлар* пайдо бўлди. 16-асрдан бошлаб тарихга оид ёрдамчи фанлар (метрология, хронология, палеография, дипломатика ва б.) ривожлана бошлади. 18-асрдаги тарих фанида маърифатчилик ғоялари, тарих масалаларини рационализм позицияда ўрганиш устунлик қилди.

Буюк француз революцияси Ф. тарих фани ва тарихшунослигининг ривожланишига катта таъсир кўрсатди. 19-асрнинг 1-ярмида француз историографиясида романтик йўналиш етакчи ўринда эди. Либерал-буржуа тарихчилари томонидан синфлар ва синфий кураш буржуа назарияси яратилди ва ўрта асрлар тарихи (О. Тьерри, Ф. Гизо), инглиз (Гизо) ва француз (Ф. Минье, А. Тьер) буржуа революциялари шу назарияга мувофиқ ҳолда ёритилди.

19-аср охири—20-аср бошларида буржуа тарих фанида позитивизм кенг ёйилди (қ. *Факторлар назарияси*).

1 ва 2-жаҳон уруши оралиғидаги давр тарихчилари 1-жаҳон урушининг келиб чиқиши ва тарихи б-н шуғулландилар. Мустамлакаларни эгаллаш тарихига қизиқиш кучайди. 2-жаҳон урушидан сўнг жаҳон революцион ҳаракатининг кучайиши, илмий-техника рев-яси, марксизм таъсирининг ўсиши буржуа историографиясини жиддий қайта ташкил этишга олиб келди. Ф. буржуа тарихшунослиги тарихий материализмни инкор қилган ҳолда иқтисодий материализмнинг у ёки бу кўринишига (географизм, техницизм) ёки, кўпинча позитивистик «факторлар назарияси»га яқин концепцияларга ёндашади.

Экономика фани Ф. да 17-асрдан бошлаб мустақил фан сифатида шаклланади. *Француз классик буржуа сиёсий иқтисоди*нинг асосчиси П. Буагильбер меҳнат қиймати назариясини яратувчилардан биридир. 19-асрнинг 1-ярмида Ф. да вульгар сиёсий иқтисод пайдо бўлди (асосчиси Ж. Б. Сей). 19-аср 1-ярмида майда буржуа социалистлар (Прудон ва б.) ўз таълимотлари б-н майдонга чиқдилар. 19-асрнинг 60-йилларидан бошлаб *маржинализм* тарқалди.

20-асрнинг 1-ярмида экономистлар давлат молияси назариясини ишлаб чиқишда бирмунча ютуқларни қўлга киритдилар.

2-жаҳон урушидан сўнг марксистик сиёсий иқтисод ривожланди.

Экономика соҳасидаги тадқиқотлар Статистика ва иқтисодий тадқиқотлар миллий ин-ти (1946), Демография тадқиқотлари миллий ин-ти (1945), Агрономия тадқиқотлари миллий ин-ти (1946), Амалий экономика фанлари ин-ти (1944), Ижтимоий-иқтисодий масалалар тадқиқоти маркази (1961) ва б. ҳамда ун-тларнинг экономика ф-тлари, экономика мактабларида олиб борилади.

Юридик фани. Ф. да юридик фан миллий маданият ва ижтимоий фанлар системасида традицион муҳим ўрин эгаллайди. Унинг пайдо бўлиши 13-асрларга бориб тақалади (одат ҳуқуқи, рим ҳуқуқларини ўрганиш, каноник ҳуқуқни ишлаб чиқиш). 17-асрда барча ун-тларнинг юридик ф-тларида француз ҳуқуқини ўқитиш жорий қилинди ва «француз ҳуқуқи профессори» деган унвон таъсис этилган эди.

Ҳуқуқ билимларининг ривожланишида 18-аср маърифатпарварлари (Вольтер, Монтескьё, Дидро, Руссо, Гельвеций, Гольбах ва б.) катта роль ўйнади (қ. *Табиий ҳуқуқ*). 19-асрнинг 1-ярмида француз ҳуқуқ фанида позитивизм қарор топди (экзегезлар мактаби). 20-аср бошларида эркин ҳуқуқ мактаби, қиёсий ҳуқуқшунослик пайдо бўлди.

2-жаҳон урушидан сўнг Ф. юридик фани социология ва сиёсатнинг кучли таъсири остида ривожланди. Социология ва конституцион ҳуқуқ фанлари чегараларида пайдо бўлган янги сиёсий фан юридик фанига ва унинг ўқитилишига сиёсий тус берди. Ф. даги социалистик сиёсий-ҳуқуқий билимлар расмий юридик фани доирасидан ташқарида ривожланиб келди (18-аср утопист социалистлари Ж. Мелье, Г. Мабли, Морелли, Г. Бабёф, Сен-Симон ва б.). Ф. да давлат ва ҳуқуқ масалаларидаги марксистик қарашларнинг тарқалиши Ж. Гед, П. Лафарг номлари б-н боғлиқ.



Парижнинг шимолий-шарқий чеккаси-Бобинъида қурилган Л' Абрёвуар» турар жой комплекси, 1959.

Ҳуқуқ соҳасидаги тадқиқотлар асосан ун-тларда олиб борилади. 11 дан ортиқ юридик журналлар, жумладан Халқаро демократ юристлар асоциациясининг нашри — «Revue de droit contemprogain» прогрессив журнали чиқади (1954 йилдан).

Илмий муассасалари. Илмий масалалар бўйича ҳукумат органлари: Илмий ва техникавий тадқиқотлар бўйича министрликлараро комитет; Илмий-техника тадқиқотлари консультатив комитети; Фан ва техника бўйича Бош ваколатхона 1958 йили ташкил этилган. 1969 йили Саноат ва илмий тараққиёт министрлиги (1974 йилдан Саноат ва тадқиқотлар министрлиги) тузилган.

Илмий тадқиқот муассасалари қуйидаги секторлар бўйича группалаштирилган: олий мактаб сектори, давлат сектори, хусусий саноат ва нокоммерция сектори. Илмий кадрларнинг 61% и ва илмий муассасаларнинг 66% и Париж ш. ва унинг атрофида тўпланган.

Фундаментал тадқиқотларнинг асосий қисми олий мактаб секторида бажарилади. Илмий тадқиқотлар миллий маркази, ун-тларнинг ўқув-илмий бўлимлари ва «йирик муассасалар» (Коллеж де Франс, Олий нормал мактаб, Париж обсерваторияси, Табиат тарихи музейи, Олий билимлар амалий мактаби) Маориф министрлиги қарамоғида. Давлат секторидаги соҳа миллий илмий тадқиқот ин-тлари 2-жаҳон урушидан сўнг ташкил этилган (Космик тадқиқотлар миллий маркази, Атом энергияси бўйича комиссариат, Медицина тадқиқотлари ва соғлиқни сақлаш миллий ин-ти, Қ. х. тадқиқотлари миллий ин-ти ва б.). «Нор-авиасъон» давлат авиаракета компанияси, Авиамоторларни ўрганиш ва ва ишлаб чиқариш миллий жамияти, Авиация ва космик тадқиқотлар миллий бошқармаси, «Электрисите де Франс», «Шарбонаж де Франс», «Газ де Франс» компанияларида амалий характерга эга бўлган тадқиқотлар олиб борилади. Йирик хусусий фирмалар тобора йирик тадқиқотларни амалга оширишга киришмоқда. 1973 йили давлат ва хусусий секторларда 87 минг тадқиқотчи ва инженерлар банд бўлди.

Матбуоти, радиоси ва телевидениеси. 1976 йили Ф. да 96 кундалик газета (умумий тиражи 12 млн. нусхадан зиёд) ва 15 мингга яқин бошқа даврий нашрлар чиқди. Парижда тиражи 5 млн. нусхага яқин бўлган 13 кундалик газета нашр этилади. Газеталарнинг кўпини йирик газета-нашриёт концернлари, монополистик группалар нашр қилади ёки саноат монополиялари назорат қилади.

Парижда чиқадиган йирик кундалик газеталар: «Франс суар» (1941 йилдан; 712 минг нусха, 1975), оммавий буржуа газетаси; «Паризьен либере» (1944; 540 минг нусха, 1977), «бульвар» типидаги ўнг оммавий газета; «Фигаро» (1826; 470 минг нусха, 1976), ўнг газета; «Орор» (1944 йилдан, тиражи 360,7 минг нусха, 1975); «Монд» (1944; 554,25 минг нусха) хабарларга бой ва энг нуфузли йирик буржуа газетаси ва б.

Компартия нашрлари: «Юманите» газетаси (1904 йилдан, 1920 йилдан ФҚП МҚ органи, 232,6 минг нусха, 1977), ҳафталиклар: «Юманите-диманш» (1948; 455,9 минг нусха, 1975), «Юманите»нинг шанбалик нашри; «Франс нувель» (1945, 120 минг нусха, 1977); «Тер» (1933; 200,1 минг нусха, 1976), ФҚП нинг деҳқонлар газетаси; ФҚПнинг энг йирик вилоят газетаси — «Марсельеза» (120,5 минг нусха, 1977), Марсель ш. да нашр қилинади ва б.

Йирик буржуа ҳафталик нашрлари: «Нувель обсерватёр» (1964, тиражи 411,8 минг нусха, 1976), сўл буржуа антикоммунистик журнали; «Экспресс» (1953, 698,1 минг нусха, 1976), центристик буржуа партияларига яқин турган оммавий ҳафталик; «Пари-матч» (1949, 723,5 минг нусха, 1976), йирик безакли журнал. Йирик матбуот агентлиги — *Франс пресс*.

1975 йилгача радиоэшиттиришлар ва телекўрсатувлар 1939 йили ташкил топган «Ф. радиоэшиттиришлар ва телевидение бошқармаси» (ОРТФ) давлат компанияси қарамоғида эди. 1975 йили ОРТФ тугатилди, унинг ўрнига бир қанча миллий компаниялар ташкил қилинди: «Франс энтер», «Франс культюр» ва «Франс мюзик» редакцияларидан ташкил топган «Радио-Франс» ва ҳар бири ўз каналига эга бўлган 3 автоном телекомпания — «Ф. телевидение компанияси ТФ-1», «Антенна-2» ва «Ф. регионал телевидениеси ТФ-3» ташкил қилинди. Чет элларга 5 тилда радиоэшиттиришлар беолади (1977).

Адабиёти. Ф. терр-ясида ўзаро алоқада бўлган турли адабиётлар (кельт, бретон, провансаль, каталон адабиётлари ва б.) мавжуд бўлган. Ф. да 18-асргача латин тилида ҳам адабиёт ривож топди. Француз адабиётининг илк ёзма намуналари 9-асрнинг 2-ярмидан яратилган (диний мавзудаги «Қантилена авлиё Евлали ҳақида» ва б.). 12-асрда театр шакллана бошлади; пьесалар ижод қилинди. Диний мавзулардаги дастлабки пьеса (миракл)ларда воқеликни реалистик акс эттиришга уринишлар бор эди. 12-аср охирларидан сатира ривож топди.

15-аср охирларида Ф. да *Уйғониш даври* бошланди. Уйғониш даври адабиётининг Ф. даги йирик вакили Ф. *Рабле* (1494—1553) «Гаргантюа ва Пантагрюэль» асари б-н реализмга катта ҳисса қўшди. Уйғониш даври адабиёти анъаналарини М. де *Монтень* давом эттирди. 16-аср бошларида француз гуманистлари схоластика ва диний ортодоксияга қарши кураш олиб бордилар. *Классицизм*нинг йирик вакили *Мольер* жамиятнинг салбий томонларини, аристократиянинг мунофиқлигини, текинхўрлигини зўр истеъдод б-н акс эттирди. Лафонтен (1621—95) масаллари жаҳон адабиётида масал жанри ривожига самарали таъсир кўрсатди. 17-асрнинг 2-ярмидан классицизм



Ж. де Латур. «Фолбин» 1620-йиллар. Метрополитен-музей. Нью-Йорк.



О. Роден. «Мутафаккир», 1780. Москвадаги Пушкин номли Тасвирий санъат музейи.

етакчи йўналиш бўлиб қолди. 17-аср охирида француз маданиятида маърифатпарварлик ғоялари кучайди.


18-асрнинг 1-ярмидан комедия б-н роман жанри айниқса ривожланди. Ўша давр адабиётида *Вольтер* етакчи роль ўйнади.

Д. *Дидро* бошчилигида 1751 йилдан «Энциклопедия» нашр қилинди. Ж. Ж. *Руссо* «Эмиль», «Тавба» романларида оддий кишилар ҳаётини ифодалади.

Буюк француз рев-яси арафасида француз адабиётида *сентименталзим* б-н бирга романтизмнинг илк белгилари пайдо бўлди. Революция даврида революцион классицизм етакчи бадиий методга айланди. Оммавий революцион қўшиқлар [К. Ж. Руже де Лиль (1760—1836) нинг «Марсельеза» қўшиғи, публицистика (М. Робеспьер, Ж. П. Марат), очерклар (Мерсье)] кенг тарқалди. П. С. Марешаль (1750—1803) нинг прокломация-қўшиқлари революцион ҳаракатларга хизмат қилди.

19-аср бошларида француз адабиётида *романтизм* етакчи оқим бўлди. Француз романтизмининг 2-босқичи 30—40-йиллардаги революцион ҳаракатлар б-н боғлиқ бўлиб, В. *Гюго* (1802—85), А. де Мюссе (1810—57), Жорж Санд (1804—76), А. *Дюма* (1802—70) асарларида ёрқин ифода этилди. *Стендаль* ва О. де *Бальзак*нинг буржуа жамиятида меҳнаткаш инсон фожиаси катта маҳорат б-н кўрсатилган романларида, П. Ж. Беранже (1780—1857) нинг сатирик шеър ва қўшиқларида *реализм* тенденциялари ўзининг юксак ифодасини топди. Айниқса, Стендаль б-н Бальзак Ғарбий Европа адабиётидаги танқидий реализм ривожида муҳим роль ўйнадилар. Г. *Флобер* (1821—80) романларида буржуа ахлоқи, фани, сиёсий ҳаётининг тубанлиги кўрсатилди. 19-асрнинг 60—70-йилларида техника ва илмий равнақ шароитида саргузашт, илмий фантастик адабиёт ривожлана бошлади (Ж. *Верн* романлари).

1870—71 йилги Франция-Пруссия урушидаги ватанпарварлик халқ ҳаракати ва 1871 йилги Париж коммунаси француз адабиёти ривожида янги давр очди. Кўпгина ёзувчилар ўз ҳаёти ва ижодини пролетариатнинг идеаллари ва революцион курашлари б-н боғлади. Э. Потье (1816—87) 1871 йилнинг июнида «Интернационал»ни ижод қилди. Париж коммунаси аъзоси, «Кри дю пёпль» газетаси редактори Ж. Валлес (1832—85) «Жак Вентра» трилогиясида (1879—86) революция қаҳрамонлари ҳаётини акс эттирди. Э. *Золя* (1840—1902) ижодида, Ги де Мопассан (1850—93) новеллаларида капитализмнинг империализмга ўтиш даври, буржуа муҳитининг ўта тубанлиги, меҳнаткаш инсоннинг оғир қисмати ўз бадиий ифодасини топди.



А. Пикассо. «Шар устидаги қиз», 1905. Москвадаги Пушкин номли тасвирий санъат музейи.

19-аср охирида поэзияда кўпроқ *символизм* асосий йўналиш бўлиб қолди. 19-аср охири — 20-аср бошларида реалистик адабиёт империалистик реакция адабиёти (мустамлакачилик романлари), декадентлик ва авангардизм оқимлари б-н курашда ривожланди. Бу даврдаги француз адабиётининг бадиий прогресси социалистик ғояларни қабул қилган реалистик санъат классиклари — А. *Франс* (1844—1924), Р. *Роллан* (1866—1944), Ж. Ренар (1864—1910), Ш. А. Филипп (1874—1909) ижоди б-н белгиланди.

1914—18 йилги 1-жаҳон уруши ва Россиядаги Улуғ Октябрь социалистик рев-яси француз адабиётида янги саҳифа очди. Француз адабиётида социалистик реализм асосчиси А. *Барбюс* (1873—1935), П. Вайян-Кутюрье (1892—1937) ўз асарларида ишчилар синфи ҳаётини, француз халқи рев-он онгининг ўсишини акс эттирдилар. Л. *Арагон* асарлари инсонга муҳаббат, келажакка ишонч руҳи б-н суғорилган. Француз адабиётида 30-йиллар охирида реакцион тенденциялар ҳам пайдо бўла бошлади.

2-жаҳон уруши йиллари (1939—45) да ватанпарварлик руҳида, урушдан кейин — жаҳонда тинчликни сақлашга чақирувчи асарлар яратилди, Қаршилик кўрсатиш ҳаракати таъсирида ватан тақдири учун масъулият ҳисси уйғотувчи муҳим асарлар майдонга келди. А. Стиль (1921 йил туғ.) социалистик реализм руҳидаги романларида француз халқининг мамлакатни қайта тиклаш учун курашини акс эттирди. Марксча-ленинча дунёқарашга эга бўлган ёзувчилар француз империалистларининг Ҳиндихитойдаги урушига қарши чиқдилар, ҳаёт ва меҳнат шароитини тубдан ўзгартириш учун курашдилар. 50—60-йилларда француз адабиётидаги социалистик ва танқидий реализм адабиётлари турли консерватив йўналишларга, модернистик ва декадентлик оқимларига, биринчи навбатда экзистенциализмга қарши ғоявий эстетик курашда чиниқди. 60—70-йилларда француз социалистик реализм адабиёти намояндалари А. Лефевр, Р. Гароди, П. Декс *ревизионизм*ига қарши кураш олиб бордилар.

Архитектураси ва тасвирий санъати. Ф. терр-ясидаги энг қадимги санъат ёдгорликлари палеолит даврига мансуб. 10—12-асрларда *роман услуби* шаклланди. Роман архитектурасида ибодатхона ва монастирлар қурилиши асосий ўрин эгаллади.

12-асрда Шимолий Франция шаҳарларида *готика* пайдо бўлди (Париждаги Биби Марям ибодатхонаси, 1163—1257; 19-асрда реставрация қилинган; Шартрдаги собор, 1194—1260). 14-асрда нидерланд ва итальян санъати таъсирида дастгоҳли картина ва портретлар пайдо бўлди. 15-асрнинг 2-ярмидан архитектурада Уйғониш даври услуби шакллана бошлади. 15-асрда француз тасвирий санъатида бир неча маҳаллий мактаб вужудга келди. 15-асрда қирол саройида илк француз Уйғониш даври санъати шаклланди.

16-аср бошларида қирол саройи бадиий ҳаёт марказига айланди. Рассомлик ва ҳайкалтарошлик асарларида даврнинг инсонпарварлик ғояларини ифодалашга ҳаракат қилинди. Рассомлик санъати ва ҳайкалтарошлик (1648) ҳамда Архитектура (1671) Қироллик академиялари ташкил қилинди.

18-асрнинг 2-ярмида абсолютизм инқирозининг чуқурлашуви натижасида маърифатпарварлик классицизми йўналиши вужудга келди. Буюк француз рев-яси даврида сиёсий лубок ва карикатура, оммавий революцион байрамларни бадиий-архитектура жиҳатдан безаш кенг ёйилди. Наполеон империяси даврида жамоат бинолари *ампир* услубига хос бўлган дабдабалилик, улуғворлик характерида қурилди (Ла Мадлен черкови, 1806—42; ҳозирги де Голль майдонидаги Зафар тоқи, Вандом устунлари, 1806—10, ҳаммаси Парижда), 19-аср 2-ярмида Парижда кўпгина бино ва иншоотлар, усти берк бозорлар, универсал магазинлар (вокзаллар, Эйфель минораси, кутубхоналар ва б.) бунёд этилди. 19-аср охири — 20-аср бошида жуда кўп бинолар «модерн» услубида қурилди (Париж метроси станциялари, тахм. 1900 йиллар). 1860-йиллардан меъморликда темир-бетондан фойдаланила бошлади.

Тасвирий санъатда 19-аср бошларида классицизм ўрнини академизм эгаллади. Реставрация ва Июль монархияси даврида классицизмга қарши курашда романтизм мактаби шаклланди. Т. Руссо, К. *Коро* манзараларида табиат гўзаллиги, О. Домье расмларида ижтимоий муҳит танқиди ўз ифодасини топди.

1848 йил рев-яси танқидий реализм ривожига йўл очди (Г. Курбе ва Ж. Ф. Милле). 1860-йиллар охири — 1870-йиллар бошида *импрессионизм* йўналиши пайдо бўлди. Ҳайкалтарошликда О. *Роден* давр драмасини ҳаққоний акс эттириб, унутилмас образлар яратди.

20-аср бошларида шаҳар қурилишини тартибга солишга ҳаракат қилинди. 20—30-йилларда бетон, шиша, пўлатдан кенг фойдаланила бошлади, 2-жаҳон уруши (1939—45) дан кейин вайрон бўлган шаҳарларни қайта тиклаш ва реконструкция қилиш жараёнида айрим тадбирлар муваффақиятли амалга оширилди. 1950-йилларда жамоат биноларида алюминий ва пўлат конструкциялардан, панелдан кўп фойдалана бошлади (Париждаги Саноат ва техника миллий маркази зали, ЮНЕСКО биноси, Радио уйи ва б.). 20-аср Ф. тасвирий санъатида ҳар хил, кўпинча бир-бирига зид оқимлар — 1905 йилда фовизм (А. Матисс ва б.), 1907 йилда *кубизм* (П. Пикассо ва б.) йўналишлари пайдо бўлди. 1945 йилдан кейин *неореализм* ҳаракати вужудга келди. Давр ғоялари б-н ҳамоҳанг равишда айниқса карикатура санъати ривож топди (Ж. Эйффель). Тинчлик ва демократия учун кураш санъатда демократик ғояларни авжлантирди. Гуманистик санъат анъаналари Ф. ҳайкалтарошлик санъатида ҳам кучли. Ф. 20-асрда ҳам бадиий саноат (кийим, мебель, металл, шиша, керамика, гилам, мато ва б.) соҳасида муҳим марказлардан бири сифатида ўз мавқеини сақлаб келмоқда.

Музикасининг сарчашмалари узоқ ўтмишда ҳозирги Ф. терр-ясида яшаган қадимги кельт, галл, франк қабилалари фольклоридан бошланади. 9-асрда музика маданияти шаклланишида монастирь ва феодал қаср-қўрғонларида ташкил қилинган қўшиқ мактаблари катта роль ўйнади.

11—13-асрларда сайёр қўшиқчилар — трубадурлар музика-поэтик санъати равнақ топди.

Илк уйғониш даврида (14-аср) турли байрамларда, маросимларда шаҳар майдонлари, қирол саройларида, халқ сайилларида ижро этиладиган дунёвий музика ривож топди. 1528 йилда Парижда музика нашриёти ташкил қилинди, халқ куйлари, рақс учун музика, турли музика асбоблари учун пьесалар нашр этилди.

16—17-асрларда Ф. ва Италия музикачилари ўртасида алоқа кучайди. 1581 йилда итальян Б. Бальтазарини Луврда биринчи француз балет спектаклини қўйди. 1671 йилда опера театри (қ. *«Гранд-Опера»*) очилди.

Буюк француз рев-яси музикани янги мавзулар б-н бойитди, музика санъатида эркинлик ғояларини кучайтирди, оммавий жанрлар (марш, кўпчилик бўлиб куйланадиган қўшиқлар)ни ривожлантирди, ватанпарварлик руҳидаги қўшиқлар майдонга келди. 1793 йилда Миллий музика ин-ти (1795 йилдан консерватория) очилди. 19-асрнинг 30—40-йилларида Париж жаҳон музика маданиятининг марказларидан бирига айланди, Ф. *Лист*, Ф. *Шопен* каби атоқли композиторлар шу ерда камол топдилар. Г. *Берлиоз* музикада романтизм ривожига самарали ҳисса қўшди. 19-асрнинг 2-ярмида француз операсида реалистик тенденциялар кучайди, лирик опера жанри шаклланди (Ш. Гуно, «Фауст», 1859; «Ромео ва Жульетта», 1867). Ж. *Бизе* ижоди француз музикасида опера реализмининг чўққисига айланди («Кармен», 1874). 1888 йилда Лилль ш. да ишчилар байрамида биринчи марта *«Интернационал»* ижро этилди. 20-аср бошида *импрессионизм* (К. Дебюсси, М. Равель), 1-жаҳон урушидан кейин *неоклассицизм, экспрессионизм, конструктивизм* тенденциялари авж олди. 1935 йилда Халқ музикаси федерацияси тузилди, бу прогрессив демократик ташкилот ишчи хорларига раҳбарлик қилиб, оммавий қўшиқларни пропаганда қилди.



П. Пикассо. Жаҳон тинчлик тарафдорларининг Парижда ўтказган конгрессига бағишланган плакат, 1949.

Фашистлар оккупацияси даврида Ф. да музика ҳаёти сўнди. 2-жаҳон урушидан кейингина Ф. нинг музика ҳаётида яна жонланиш рўй берди. Париждаги театрлар опера ва балет постановкаларини қайта намойиш эта бошлади.


Мамлакатда музика фестиваллари бўлиб туради. Париж — жаҳоннинг йирик музика маркази. Унда «Гранд-Опера», 5 симфоник оркестр, кўпгина музика ўқув юртлари, граммофон фирмалари, музика жамияти, Ф. миллий музика комитети ва б. жойлашган. ЮНЕСКО қошидаги Халқаро музика кенгаши шу ерда. Ф. да турли халқаро конкурслар ўтказилади. Музика журналлари нашр қилиниади.

Балети. Саҳна рақсларининг шаклланиши 13—14-асрлардан бошланган. 16-асрдан қўшиқ, диалоглар б-н уйғунлаштириб саҳналаштирилган балет спектаклари вужудга келди. 17-асрдан қирол саройларида балет труппалари ташкил этилди. 1661 йилда Рақс академиясининг ташкил қилиниши француз балети ривожига ҳисса қўшди. 1669 йилда ташкил топган Париж опера театри *(«Гранд-Опера»)* балет санъати ривожида айниқса катта аҳамиятга эга бўлди. 19-асрнинг 30-йилларида романтик балет (Ж. Перро, А. Адан ва б.) майдонга келди. 20-аср балет санъатида турли-туман формалистик оқимлар ҳукмронлик қилган давр бўлди. 60-йиллар охири ва 70-йиллар бошларида балет труппалари орасида айниқса Замонавий балет театри, Француз рақс театри, Феликс Бласк балети, Музикавий ёшлар миллий балети, «Сукут театри» ва б. машҳур. Лион, Бордо каби кўпгина шаҳар опера театрларида ҳам балет труппалари бор. Балет фестиваллари ўтказилиб турилади. Балет санъатини ёритадиган махсус журналлар нашр этилади.

Театри. Ф. театр санъати манбалари ўрта асрлардаги сайёр актёр ва музикачилар, жонглёрлар томошаларидан бошланади. Биринчи доимий профессионал артистлар труппаси 1599 йилда ташкил топган. 17-асрда *классицизм* қарор топди. 1634 йилда «Маре» театри очилди П. Корнель, Ж. Расин трагедиялари, Мольер комедиялари француз театр санъати ривожига катта ҳисса қўшди. 1680 йили «Комеди Франсез» театри ташкил этилди. 1791 йили Таъсис мажлиси қабул қилган «Театрлар эр-



Провансдаги тўй.



Жуфт рақс (Франш-Конте).

кинлиги ҳақида декрет»дан кейин Парижда 19 театр тузилди. Рев-дан кейинги йилларда театр санъатида *романтизм,* кейинроқ *танқидий реализм* вужудга келди. 19-асрнинг 1-ярмида бульвар театрлари пайдо бўлди.


Париж Коммунаси кунларида Коммуна ҳукумати театрни оммани тарбиялаш воситасига айлантиришга интилди.

Француз театридаги жиддий ўзгаришлар Золя натурализми мактабининг оташин пропагандисти А. Антуан номи б-н боғлиқ. У. «Эркин театр» (1887—1896), «Антуан театри» (1897—1906) ни ташкил қилди, «Одеон» театрини бошқарди (1906—1914).

20-аср бошларида Ф. да натуралистик театрга зид ўлароқ символистик театр (қ. *Символизм*) пайдо бўлди. 30-йиллар бошларида демократик театр санъати учун кураш авж олди. Мамлакат театр ҳаётида 1920 йили ташкил этилган Миллий халқ театри муҳим ўрин эгаллади. 2-жаҳон уруши йиллари (1939—45) да театрларнинг фаолияти, асосан, тўхтади.

40-йилларнинг 2-ярми ва 50-йилларнинг 1-ярмида Ф. нинг кўпгина шаҳарлари (Лион, Гренобль, Тулуза, Канн, Бордо, Страсбур ва б.) да театрлар очилди. Миллий халқ театри илғор театр санъатининг йирик марказига айланди (молиявий қийинчилик оқибатида театр 1972 йилда тугатилди). 50—60-йилларда «абсурд театри» муҳим ўрин эгаллади. Париж бульвар театрлари бир аср давомида жиддий ўзгаришларсиз мавжуд бўлиб келмоқда. Пантомима устаси М. *Марсо* ўз санъати б-н миллий анъаналарни ривожлантирмоқда. «Комеди Франсез» театри миллий театр анъаналарини давом эттирмоқда. Кенг халқаро алоқалар ўрнатиш мақсадида Парижда француз театри ходимлари томонидан ҳозир халқаро театр фестиваллари ўтказиладиган «Миллат театри» (1954) ташкил қилинди. Ф. да 2 театр журнали чиқади.

Цирки. 16-асрдан Ф. кўчаларида, ярмарка майдонларида акробатлар, дорбозлар, фокусчилар томоша кўрсатган. Инглиз чавандози Ф. Астлей 1782 йилда Париж яқинида доимий цирк ташкил этди. 1807 йили манежи диаметри 13 *м* бўлган доимий цирк «Олимпия цирки» биноси қурилди. Кейинчалик бу манеж жаҳондаги барча цирклар учун андаза бўлиб қолди. Француз цирк санъати тарихида Молье (йирик ер эгаси ва чавандоз) ҳаваскор цирки ҳамда кўп сонли ипподромлар муҳим роль ўйнади. 1976 йили Ф. да Қишки цирк (Парижда) ва кўчма цирк труппа (шапито цирк)лари ишлади. Парижда 3 ойда бир марта цирк журнали «Le Cirque dans l'Univers» (1950 йилдан) чиқади.



«Рельслардаги жанг» фильмидан кадр, реж. Р. Кляман, 1946.

Киноси. Ака-ука Л. ва О. Люмьерлар ихтиро қилган кинематографнинг биринчи оммавий сеанси 1895 йил 28 декабрда Парижда намойиш этилган. 1-жаҳон урушига қадар жаҳонда ишлаб чиқарилган кинофильмларнинг 90% га яқини Ф. да ишланган («Пате» ва «Гомон» фирмалари).

20-йилларда ташкил топган кўпгина кино клубларида жаҳон кино санъатининг ютуқлари (жумладан совет фильмлари) намойиш этилди. 30-йиллар бошларидан француз киностудияси кўплаб овозли фильмлар ишлаб чиқаришга ўтди. 30-йилларнинг ўрталарида Ф. киносининг ижтимоий йўналиши Халқ фронти ҳаракати б-н боғланди. «Октябрь» гуруҳи, «Эркин кино» уюшмаси ташкил топди.

Фашистлар оккупацияси йилларида француз кинематографистлари турли аллегорик шаклларда фашизмга қарши курашга чорловчи фильмлар яратишга муваффақ бўлдилар. Француз киносининг яширин Озодлик комитети (1943 йилда тузилган) 1944 йили Париж қўзғолони кунида суратга олинган «Парижнинг озод қилиниши» фильмини яратди. 2-жаҳон урушидан кейин француз халқининг озодлик учун кураши, оддий меҳнаткашларнинг меҳнати ва ҳаёти ифодаланган фильмлар майдонга келди. Озод Ф. нинг биринчи фильми «Рельслардаги жанг» (1946; реж. Р. Клеман) Қаршилик кўрсатиш ҳаракатига бағишланди. 70-йилларнинг ўрталаридан кино санъатида даврнинг муҳим проблемаларидан узоқлашиш кўзга ташланди. Кино прокатида АҚШ, Италия фильмлари асосий ўрин эгаллай бошлади. 1975 йили ҳукумат махсус чоралар кўрганлигига қарамай порнографик фильмлар кўпаймоқда. Француз ва жаҳон киноси тарихи ва назариясини ишлаб чиқишда киношунослар Л. Муссинак, Ж. Садуль, А. Базен, К. Метц ва б. хизматлари катта. Режиссёр, оператор, монтажчилар 1943 йилда ташкил этилган Олий Кино таълими ин-тида тайёрланади. 1975 йилда 222 фильм ишлаб чиқарилди. «Синематека» (1936), Кино тарихи музейи (1972) ташкил қилинган.

1946 йилдан Каннда ҳар йили (1948, 1950 йиллардан ташқари) Халқаро кинофестиваль ўтказилади. 1976 йили «Сезар» миллий кино мукофоти (АҚШдаги «Оскар»га ўхшаш) таъсис этилган.

Ад.: Мартонн Э., Физическая география Франции, Пер. с франц., М., 1953; Витвер И. А., Слука А. Е. Черников Г. П., Современная Франция, М., 1969; Франция, отв. ред. Ю. И. Рубинский, М., 1973; История Франции, т. 1—3, М., 1972—73; Борисов Ю. В., Новейшая история Франции, 1917—1964, М., 1966; Манфред А. З., Традиции дружбы и сотрудничества. Из истории русско-французских и советско-французских связей, М., 1967; Французский ежегодник. Статьи и материалы по истории Франции (за 1958—75), М., 1959—77; Визит Леонида Ильича Брежнева во Францию. 20—22 июня 1977 г. Речи, документы материалы, М., 1977; Брюа Ж., История рабочего движения во Франции, т. 1, М., 1953; Барфоломеева Р. С., Борьба Французской Коммунистической партии за мир, демократию, социализм. 1945—1970, М., 1972; Торез М., Избр. Статьи и речи 1950—1964 гг., М., 1966; Кузнецов В. И., Франция: экономика государственно-монополистического капитализма, М., 1968; Государственно монополистический капитализм, Пер. с франц., т. 1—2, М., 1973; Марков А. П., Павлова М. А., Сельское хозяйство Франции, М., 1968; Из истории французской науки, Сб. статей, М., 1960; Млечко Б., Научные исследования во Франции, Пер. с польс., М., 1971; Александровская О. А., Французская географическая школа конца XIX—начала XX века, М., 1972; Кузнецов

В. Н., Французская буржуазная философия XX в., М., 1970; Эволюция форм организации науки в развитых капиталистических странах, М., 1972; История французской литературы, т. 1—4, М.—Л., 1946—1963; Андреев Л. Г., Французская литература 1917—56 гг., М., 1959; Трущенко Е. Ф., Социалистической реализм во французской литературе, М., 1972; Андреев Л. Г., Современная литература Франции 60-годы, М., 1977; Еремеев Л. А., Французский «новый роман», Киев, 1974; Всеобщая история архитектуры, т. 4—5, 7, 10—11, М., 1966—73; Шпеерсон Г., Французская музыка XX века, 2 изд., М., 1970; Эрисман Ги, Французская песня, Пер. с франц., М., 1974; История западно-европейского театра, т. 1—3, М., 1956—63; Кузнецов Е., Цирк, 2 изд., М.—Л., 1971; Садуль Ж., Всеобщая история кино, Пер. с франц., т. 1, 3, 6, М., 1958—63; Базен А., Что такое кино? Пер. с франц, М., 1972.

ФРАНЦИЯ АЛЬП ТОҒЛАРИ — Ғарбий Альп тоғларининг Франция терр-ясида жойлашган қисми. Узунлиги 330 *км* чамасида. Ф. А. т. шимолида Альп тоғларининг энг баланд қисми — Монблан тоғи (4807 *м*) жойлашган. Музликлар, игна баргли ўрмонлар, субальп ва альп ўтлоқлари бор. Жанубий қисми баландлиги 3000 *м* гача бўлган тоғлардан иборат. Иқлими ва ландшафти Урта денгиз таъсирида. Ф. А. т. да туризм ва альпинизм ривожланган.

ФРАНЦИЯ ИНСТИТУТИ — Франциянинг асосий расмий илмий муассасаси. Фан, адабиёт ва санъат арбобларини бирлаштиради. Ф. и. таркибига Франция академияси, Езув ва нафис оғзаки ижод академияси, Фанлар академияси, Санъат академияси, Ахлоқий ва сиёсий фанлар академияси киради. Ф. и. 1806 й. гача. Фан ва санъат миллий ин-ти деб номланган.

Ф. и. га кирувчи ҳар бир академия ўз фаолият соҳаси, устави ва фондига эга. Ҳар бир академия президент ҳамда илмий котибни сайлайди. Бир академия аъзолари бошқа академияларга ҳам сайланиши мумкин. Ф. и. га президиум, президент ва ҳар йили қайта сайланувчи аъзолар раҳбарлик қилади. Ф. и. нинг асосий фаолияти илмий ахборотларни эшитиш ва муҳокама қилиш, илмий асарларни нашр этиш, мукофотларни беришдан иборат. Ф. и. га янги аъзолар ҳар бир академиянинг йиғилишида қабул қилинади ва республика президенти томонидан тасдиқланади. Ф. и. нинг Франция ва чет элларда ерлари, бинолари ҳамда бой кутубхонаси, музейлари бор.

ФРАНЦИЯ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ (ФКП) — Франция Социалистик партиясининг сўл қаноти негизида ташкил топган (1920 йил декабрь). 20-йиллардаги оғир шароитда ФКП социал-демократлар ва анархист-синдикалистлардан тозаланди, омма б-н алоқаси мустаҳкамланди. 1929 йил июлида ҳукумат таэйиқи остида партия ярим яширин ҳолатга ўтди. ФКП МКнинг 1930 йил июль пленумида М. *Торез* партиянинг Бош секретари қилиб сайланди. ФКП 7-съезди (1932) меҳнаткашларнинг иқтисодий ва сиёсий ҳуқуқлари учун курашни жуазияга қарши курашга чорлади. Германияда фашистлар диктатураси ўрнатилгач (1933), ФКП Франция Социалистик партияси (ФСП), Радикаллар ва радикал-социалистлар республика партияси б-н биргаликда *Халқ фронтини* тузишга эришди. ФКП 8-съезди (1936) ишчилар синфини фашизм ва уруш хавфига қарши курашга, демократик эркинликларни ҳимоя қилишга, монополияларнинг ўзбошимчаликларини чегаралашга чақирди. ФКП шармандали *Мюнхен битими* (1938) га қарши чиқди. Фашистлар Германияси Францияни босиб олгач, реакцион француз ҳукумати ФКПни тақиқлаб қўйди (1939 йил 26 сентябрь), партия яширин иш олиб боришга мажбур бўлди. 1943 йили коммунистлар бутун мамлакат бўйлаб миллий қуролли қўзғолон тайёрладилар. Франция озод бўлгандан кейин (1944) ФКП мамлакатнинг йирик сиёсий партиясига айланди. 1944—47 йилларда унинг вакиллари ҳукуматга кирди. Парламент сайловларида 5 млн. дан зиёдроқ овоз олди.

ФКП 10-съезди (1945) қабул қилган янги Программада йирик саноат тармоқларини миллийлаштириш, демократик давлат тузумини жорий қилиш ва б. масалалар илгари сурилди. ФКП 11-съезди (1947) да партия *«Совуқ уруш» сиёсати*га қарши Тинчлик тарафдорлари ҳаракатини маъқуллади. ФКП 12-съезди (1950) халқаро миқёсда кучлар нисбатини социализм фойдасига ҳал қилиш ва Францияда демократик лагерни мустаҳкамлашга чақирди. Францияда *Бешинчи республика* режими жорий этилгандан кейин (1958) ФКП реакция кучларига қарши кураш ва демократик эркинликларни ҳимоя қилиш учун халқ оммасини сафарбар этишда катта роль ўйнади. ФКП 17-съезди (1964) бош масала қилиб барча демократик ва прогрессив кучларни бирлаштириш масаласини қўйди. 18-съезд (1967) ишчилар синфининг бирлиги ва барча сўл демократик кучлар ҳамкорлиги масалаларини муҳокама қилди. 19-съезд (1970) қарорларида монополияларга қарши курашда ишчиларнинг деҳқонлар, шаҳар майда буржуазияси, инженер-техник ходимлар, шунингдек ёшлар б-н иттифоқи зарурлиги алоҳида таъкидланди. Съездда В. *Роше* ФКП Бош секретари қилиб сайланди. 1972 йили ФКП ва Социалистик партия биргаликда ҳукумат программасини қабул қилди. Уни сўл радикаллар группалари ҳам маъқуллади. Бу программа (у коммунистлар ва социалистлар парламент сайловларида кўп овоз олсагина амалга ошади) монополия ҳукмронлигини чеклаш, меҳнаткашлар аҳволини яхшилаш, тинч-тотув яшаш ва миллий суверенитет принципларига асосланган ташқи сиёсатни олиб бориш масалаларини кўзда тутди. Ушбу Программа асосида ҳаракат қилган сўл кучлар 1973 йилги парламент сайловларида 11 млн. га яқин овоз олдилар (ФКП 5,1 млн.). Президент сайловларида (1974) сўл кучларнинг ягона кандидати (Ф. Миттеран) 49% овоз олди. 1976 йили ФКП 500 минг коммунистни бирлаштирди (60% ишчилар). ФКПнинг 22-съезди (1976) да қабул қилинган «Коммунистлар Франция учун нимани истайдилар» номли ҳужжатда Францияда социализмга ўтиш программаси ишлаб чиқилди.

ФКП Коммунистик ва ишчи партиялари Кенгашлари (1957, 1960, 1969, Москва)нинг фаол иштирокчиси. Бу кенгашларда ва КПСС 20—25-съездларида қабул қилинган муҳим ҳужжатларни ФКП маъқуллади.

ФКП демократик централизм асосида қурилган. Партиянинг структураси: бошланғич ташкилот, секция, федерация. Олий органи — съезд. У Марказий Комитет (МК) ни сайлайди. МК Сиёсий бюро ва МК Секретариатини сайлайди. ФКП Бош секретари — Ж. *Марше.* Фахрий раиси — В. Роше. ФКП марказий органи: «Юманите» («Инсоният») газетаси, назарий органи «Кайе дю коммюнисм» («Коммунизм дафтарлари») журнали.

Ад.: Фревиль Ж., Рождение французской Коммунистической партии, Пер. с франц., М., 1951; В борьбе за интересы трудящихся Франции. 50 лет французской Коммунистической партии, М., 1971.

ФРАНЦИЯ ПОЛИНЕЗИЯСИ — Тинч океанинг шарқий қисмидаги бир гуруҳ ороллар. Франциянинг *Полинезия*даги мулки («денгиз ортидаги территорияси»). Таркибида Жамият (энг йириги — Таити о.), Маркиз, Туамоту, Тубуаи ва б. ороллар бор. Майдони 4 минг *км*². Аҳолиси 120 минг киши (1973), асосан *полинезлар;* шунингдек метис, француз, хитой ва б. ҳам яшайди. Маъмурий маркази — Папеэте ш. (Таити о. да). Ф. п. экономикаси француз капитали назоратида. Аҳолиси ,қ. х., балиқ овлаш, фосфорит қазиб олиш ва марварид қидириш б-н шуғулланади. 60-йиллардан бошлаб Ф. п. да ядро қуролини синаш майдонлари (Мururoa атоллида), аэродромлар, йўллар ва б. объектлар қурилиши ҳамда туристик комплекслар барпо этилиши натижасида аҳолининг бир қисми маиший хизмат, савдо, қурилиш, ишлов берувчи саноат корхоналарида ишлай бошлади. Четга копра, ваниль, кокос мойи, марварид чиқарилади; четдан ускуналар, қурилиш материаллари, нефть, тўқимачилик маҳсулотлари, озиқ-овқат келтирилади. Туризм ривожланган.

19-асрда Франция Маркиз ороллари (1842), Жамият ва Туамоту ороллари (1843) ва б. ороллари босиб олди. 1885 йилда ороллар «Франциянинг Океаниядаги мулклари»га (мустамлака ороллариниг 1958 йилгача бўлган расмий номи) бирлаштирилди. 1945 йил мартда Ф. п. аҳолиси метрополия гражданлиги ва Франция парламентига вакил юбориш ҳуқуқини олди. 1958 йилда Ф. п. га денгиз ортидаги территория статути берилди.

ФРАНЦИЯ-РОССИЯ ИТТИФОҚИ — Россия ва Франция давлатларининг 1891—93 йилларда вужудга келган ҳарбий-сиёсий иттифоқи. 1891 йил 15 августда Франция б-н Россия ўртасида, иккаласидан бирига ҳужум бўлган тақдирда биргаликда ҳаракат қилиш ҳақида битим тузилди. 1892 йил 5 (17) августда Петербургда Ф.-Р. и. ни расмийлаштирган махфий ҳарбий битим лойиҳаси имзоланди. Битимнинг 1 моддасида, агарда Францияга Германия ёки Италия ҳужум қилса Россия уларга қарши барча ҳарбий кучларини сафарбар қилиши, аксинча Россияга Германия ёки Австрия ҳужум қилса Франция уларга қарши барча ҳарбий кучларини сафарбар қилиши кўзда тутилди.

Ф.-Р. и. *Биринчи жаҳон уруши* (1914—1918) да Германияни бир вақтда икки фронтда урушишга мажбур қилиб, *Антанта*нинг ғалаба қозонишида самарали таъсир кўрсатди. Бу иттифоқ Октябрь революциясидан кейин бошқа империалистик шартномалар қаторида Совет ҳукумати томонидан бекор қилинди.

Ад.: Сборник договоров России с другими государствами. 1856—1917, (М.,), 1952.

ФРАНЦУЗ БУРЖУА РЕВОЛЮЦИЯСИ (18-аср охири), Буюк француз революцияси — Францияда феодал мустабид тузумга барҳам берган ва капитализм тараққиётига йўл очиб берган буржуа демократик революцияси (1789—94 йиллар). Ф. б. р. эски феодал ишлаб чиқариш муносабатлари ва феодал тузуми бағридан ўсиб чиққан янги капиталистик ишлаб чиқариш усули ўртасидаги давомли зиддиятларнинг қонуний натижаси бўлди. Дворянлар ва руҳонийлар б-н француз меҳнаткашлари ва буржуазияси ўртасидаги тенгсизликлар, 1787 йилги савдо-саноат кризиси, 1788 йилги очарчилик туфайли кўтарилган деҳқонлар ғалаёнлари мамлакатда революцион вазиятни вужудга келтирди. Қирол *Людовик XVI* аҳолидан янги солиқлар тўплаш мақсадида 1789 йил 5 майда Генерал штатларни (парламент) чақирди. Мажлисда меҳнаткашлар ва буржуазиядан иборат учинчи тоифа депутатлари қирол талабларини рад қилиб 1789 йил 17 июнда ўзларининг органи — *Миллий мажлис*ни тузадилар; 9 июлда Миллий мажлис *Таъсис мажлиси* деб эълон қилинди. Мажлис конституция лойиҳасини ишлаб чиқиш ва янги давлат тартибини жорий қилиш б-н шуғулланди. Мажлис депутатларини саройдан қувиб чиқариш учун қилинган очиқ қуролли ҳаракат 13—14 июлда Париж аҳолисининг қўзғолон кўтаришига туртки бўлди.

Революциянинг биринчи босқичи (1789 йил 14 июль—1792 йил 10 август). 14 июлда *Бастилия*нинг штурм б-н қўлга олиниши Ф. б. р. нинг бошланиши бўлди. Рев-я тез орада бутун мамлакатга тарқалди. Умумхалқ рев-ясининг натижаларидан фойдаланган йирик молия буржуазияси Таъсис мажлисида кўпчилик ўринни эгаллаб, ҳокимиятни ўз қўлига олди ва ҳарбий миллий гвардияни тузди. Омманинг қатъий талаби б-н Таъсис мажлиси 1789 йил 26 августда «Инсон ва граждан ҳуқуқлари декларацияси»ни қабул қилди. Лекин буржуазия 1791 йил сентябрида қабул қилинган конституцияда декларация принципларидан воз кечди. Конституцияга кўра, мамлакатда монархия сақлаб қолиниши, аҳоли «актив» ва «пассив» гражданларга бўлиниб, фақат катта мулк эгалари («актив» гражданлар) сайлов ҳуқуқига эга бўлиши керак эди. «Пассив» гражданлар категориясига қишлоқ ва шаҳар камбағал аҳолиси киритилиб, улар сайлов ҳуқуқидан маҳрум бўлдилар. 1791 йил 14 июнда қабул қилинган реакцион Ле Шапелье (йирик буржуазия манфаатларини кўзлаган реннлик адвокат) қонунига кўра ишчи ташкилотлари тузиш, намойиш ва иш ташлашлар ўтказиш тақиқланди.

1791 йил 1 октябрида янги конституция асосида сайланган Қонун чиқарувчи мажлис ўз йиғилишига тўпланди. Қонун чиқарувчи мажлисда асосий ролни йирик савдо-саноат буржуазиясининг партияси — *жирондачилар* (раҳбарлари — Ж. П. Бриссо, П. В. Верньо, Ж. М. Ролан ва б.) ўйнади. Қонун чиқарувчи мажлисининг энг сўл қанотини революцион майда буржуа демократлари — *якобинчилар* (раҳбарлари —М. Робеспьер, Ж. П. *Марат*, Ж. Ж. Дантон ва б.) ташкил қилди.

Революцион Францияга қарши Европа давлатлари ҳарбий интервенция бошлади. 1792 йил апрелида Франция Австрияга уруш эълон қилди. Шу йили Революцион Францияга қарши Пруссия ва Сардиния қироллиги, 1793 йилдан Англия, Нидерландия, Испания, Неаполь қироллиги, герман давлатлари ва б. ҳам урушга кирди. Француз ҳарбий қисмларининг муваффақиятсизликлари, ички душманларининг хиёнати, Қонун чиқарувчи мажлисининг лаёқатсизлиги мамлакатда янгидан революцион вазиятни юзага келтирди. Монархияга қарши 1792 йил 10 августда бошланган ҳаракат Париж халқининг Париж Коммунаси (1789—94 йилларда Париж шаҳрининг ўз-ўзини бошқариш органи) раҳбарлигидаги қудратли қўзғолонига айланди. Қирол қамоққа олиниб, монархия ағдарилди.

Революциянинг иккинчи босқичи (1792 йил 10 август—1793 йил 2 июнь). 1792 йил 20 сентябрда Вальми қишлоғи ёнида (Марна департаменти) француз революцион армияси интервентлар устидан ғалаба қозониб, прусларни чекинишга мажбур қилди ва ноябрда Бельгия озод этилди. 1792 йил сентябрида Қонун чиқарувчи мажлис ўрнига умумсайлов (эркаклар учун) йўли б-н Миллий Конвент (Халқ мажлиси) сайланиб, Франция республика деб эълон қилинди. Якобинчиларнинг талаби б-н Конвент қирол устидан суд олиб борди ва уни ўлимга ҳукм қилди. 1793 йил 21 январда қирол Людовик XVI қатл қилинди. Лекин Конвентда ҳали ҳам жирондачилар катта мавқега эга бўлиб, улар рев-я тугади деб ҳисоблар, ички ва ташқи контрреволюция кучларига қарши курашни давом эттиришдан бош тортмоқда эдилар. 1793 йил апрелида Конвент мудофаа мақсадларида махсус орган — Жамоат қутқариш комитетини тузди, унга якобинчи Робеспьер бошчилик қилди. 1793 йил 31 май—2 июнда янгидан қўзғолон кўтарилди. Қуролланган қўзғолончи отрядлар якобинчилар бошчилигида Конвент биносини қуршаб олиб, жирондачиларни қувиб чиқардилар.

Революциянинг учинчи босқичи (1793 йил 2 июнь—1794 йил 27—28 июл (9— термидор)да якобинчилар диктатураси ўрнатилди. Бу диктатура рев-яниг энг юқори нуқтага кўтарилган даври бўлди. Якобинчилар контрреволюцион исёнларни бостирдилар. Деҳқонлар феодал мажбуриятлардан озод қилинди, озиқ-овқат маҳсулотларига қатъий нарх белгиланди, бепул бошланғич маълумот олиш жорий қилинди, мактаб черковдан ажратилди. 1793 йил 24 июнда 1791 йилги цензли конституция ўрнига янги, бирмунча демократик конституция қабул қилинди. Якобинчилар революцион ҳукумати халқни ички ва ташқи душманларга қарши курашга сафарбар қилиб, 1793 йилнинг октябридаёқ ҳарбий операцияларнинг боришида бурилиш ясади. 1794 йил 26 июнда республика қўшинлари Флёрюс (Бельгия) яқинида интервентларга ҳал қилувчи зарба берди. Бироқ ишчиларга қарши қартилган Ле Шапелье қонуни сақлаб қолинди, Шаҳар камбағаллари манфаатини акс эттирган «ашаддийлар» (раҳбарлари Ж. Ру, Ж. Варле ва б.) группаси бошчилигидаги пролетар ва ярим пролетар чиқишлар аёвсиз бостириб турилди. «Ашаддийлар» миллий бойликларнинг тўғри тақсимланиши ва тенгликнинг амалда жорий қилиниши тўғрисида ўзларининг программаларини олға сурдилар. Якобинчилар «ашаддийлар» ҳаракатини тор-мор келтириб, уларнинг раҳбарларини қатл қилдилар.

Якобинчиларнинг чегараланган буржуа сиёсати аста-секин уларни халқдан узоқлаштирди. Уларнинг турли группалари ўртасидаги курашлардан ва халқ оммасининг норозилик кайфиятларидан фойдаланган йирик буржуазия 1794 йил 27 августда контрреволюцион давлат тўнтариши ўтказди. Якобинчиларнинг ҳукумат раҳбарлари қатл қилинди. Конвентга жирондачилар қайтиб келдилар. 1795 йил 26 октябрда Конвент тарқатилиб, ҳокимият беш кишидан иборат бўлган *Директория*нинг қўлига топширилди. Директория 1795—99 йилларда яъни *Наполеон* I Бонапарт ҳокимият тепасига келгунга қадар мамлакатни бошқарди.

Ф. б. р. нинг тарихий аҳамияти. У ўз характерига кўра, халқ рев-яси, буржуа-демократик рев-я бўлиб, илгариги буржуа рев-яларига нисбатан қатъий тарзда феодал-мустабид тузумига барҳам берди, ўша давр учун прогрессив бўлган капиталистик муносабатларнинг ривожланиши учун имкон яратди. Ф. б. р. француз халқининг мустаҳкам революцион демократик анъаналарига асос солди. У фақатгина Франциянингина эмас, балки бошқа халқлар тарихига ҳам жиддий таъсир кўрсатди.

Ад.: Маркс К ва Энгельс Ф., Муқаддас оила ёки танқидий танқидни танқид Танланган асарлар, 2- т.; Маркс К., Луи Бонапартнинг ўн саккизинчи брюмери, Маркс К., Энгельс Ф., Танланган асарлар, 1-т.; Ленин В. И., Уруш ва революция, Ас., 24- т.; Левандовский А., Робеспьер, М., 1965; Манфред А. З., Великая французская буржуазная революция XVIII в. (1789—1794), М., 1955; Манфред А. З., Марат, М., 1962; Собуль А., Из истории Великой буржуазной революции 1789—1794 гг. и революции 1848 г., во Франции Пер. с франц., М., 1960; Зильберфарб И. И., Идеи и традиции Великой французской революции в борьбе сил демократии и фашизма, М., 1971.

ФРАНЦУЗ КОМПАНИЯСИ (1940) — *Иккинчи жаҳон уруши* (1939—45) да немис-фашист қўшинларининг Францияга қарши ҳужум ҳаракатлари (1940 йил 10 май—24 июнь). Немис-фашист қўмондонлигининг асосий мақсади Нидерландия ва Бельгияни босиб олиш ва Францияни урушдан чиқариш эди. Ф. к. давомида «Гельб» («Сариқ») ва «Рот» («Қизил») деган шартли ном б-н 2 стратегик ҳужум операцияси ўтказилди. Немис-фашист қўмондонлиги «Гельб» операциясини амалга ошириш учун 136 дивизия жамлади.

Францияда иттифоқчилар қўмондонлиги 2 фронтда Па-де-Каледан Швейцариягача генерал Ж. Жорж қўмондонлигида Шимоли-Шарқий фронт (108 дивизия, шундан 98 таси француз дивизияси, 10 таси инглиз дивизияси), Альп тоғларида генерал Р. Ольри қўмондонлигида Жанубий-Шарқий фронт (8 француз дивизияси) ҳаракат қила бошлади. Нидерландия 10 дивизия, Бельгия эса 22 дивизияга эга эди. Иттифоқчилар қўмондонлиги плани бўйича инглиз-француз қўшинлари Бельгияга томон силжиб, Бельгия армияси б-н ҳамкорликда Антверпен-Вавр-Диль дарёси — Маас дарёси чегарасида мустаҳкам мудофаа ташкил этиши керак эди. 10 майда немис-фашист қўшинлари ҳужумга ўтди. 14 майда Нидерландия армияси таслим бўлди. 20 майда гитлерчилар Абвилни ишғол қилиб, Ла-Манш соҳилига чиқиб олишди ва иттифоқчиларнинг катта кучини қуршовга олди. Инглиз-француз қўшинлари кўп талафотларга учраб, Англияга эвакуация қилинди, 28 майда Бельгия қўшинлари таслим бўлди.

5 июнда немис-фашист қўмондонлиги «Рот» операциясини бошлади. Бу операцияни амалга ошириш учун немис-фашистлари 130 дивизияни, французлар 71 дивизияни жангга сафарбар қилдилар. Немис-фашист қўшинлари французларнинг қаршилигини осонлик б-н енгиб, мамлакат ичкарисига жадаллик б-н кириб бордилар. 14 июнда Париж жангсиз таслим бўлди. 22 июнда Компьенда Франциянинг Германияга таслим бўлганлиги ҳақидаги акт имзоланди. Франциянинг кўп терр-яси босиб олинди, 84 минг солдат ва офицери ўлдирилди, 1,5 млн. киши асир олинди. Немис-фашист қўшинларидан 44 мингга яқин киши ўлдирилди ва бедарак йўқолди, 111 мингдан ортиқ киши яраодор қилинди.

Франция ҳукуматининг сусткашлиги туфайли немис-фашист қўшинлари Ф. к. да нисбатан



Катта фрегат.

осон ғалабани қўлга киритдилар. Гитлерчиларнинг фойдаланилмаган қўшин резервлари янги босқинчилик юришлари учун тайёрлаб қўйилди.

Ад.: История Великой Отечественной войны Советского Союза, 1941—45; т. 1, М., 1960; Вторая мировая война, 1939—1945; М., 1958; Проэктор Д. М., Война в Европе, 1939—1941, М., 1963.

ФРАНЦУЗ ТИЛИ — *французлар* тили. Франция, шунингдек, Бельгия (фламанд тили б-н бир қаторда), Швейцария (немис ва итальян тиллари б-н бир қаторда) ва Канаданинг (инглиз тили б-н бир қаторда) миллий ва давлат тили. БМТнинг расмий тилларидан бири. *Хинд-европа тилларининг роман тиллари* гуруҳига мансуб. Африка (Сенегал, Мали, Гвинея, Заир, Конго, Бенин, Бурунди ва б.) ва Латин Америкаси мамлакатларида ҳам тарқалган. Ф. т. да жами 65 млн. киши (шундан 48 млн. га яқини Франциянинг ўзида) гаплашади (1970). Асосий диалектлари: франсий (Иль-де Франс), пуатевин, норманд, пикард, валлон, лотарингия, бургунд. Шунингдек, лион, дофине, савойя диалектлари ҳам мавжуд.

Мил. ав. 1-, мил. 1- асрларда Галлиянинг римликлар томонидан романлаштирилиши натижасида аста-секин янги тил пайдо бўлган, бу тил Ф. т. номини олган. Ф. т. истилочилар тили (латин тили) ва Галлия туб аҳолиси тилларининг ўзаро таъсири жараёнида шаклланган.

Ф. т. нинг илк ёзма ёдгорликлари 9- асрга оид. 12- асрда Ф. т. да марказий (франсий), яъни Париж диалекти етакчи диалектга айлана борди ва 15- асрга келиб бу диалект француз адабий тили учун асос бўлди.

Ф. т. нинг дастлабки грамматикалари Англияда (14—15- асрларда) пайдо бўлган ва муайян ижтимоий доираларда зўр қизиқиш б-н ўрганилган, 16- асрдан Францияда ҳам ўрганила бошлаган. Француз адабий тилини қатъий нормалаштиришда Франция академияси муҳим роль ўйнаган. Ф. т. да 15 унли ва 20 та ундош *фонема* бор. *Артикуляция*нинг муҳим хусусиятларидан бири, урғунинг охирги бўғинга тушишидир.

Ад.: Щерба Л. Н., Фонетика французского языка, 7 изд., М., 1963; Будагов Р. А., Литературные языки и языковые стили, М., 1967.

ФРАНЦУЗЛАР — миллат, Франциянинг асосий аҳолиси (аҳолининг 90% дан кўпроғи ёки 47 млн. киши, 1974). Жазоир, Тунис, Марокаш, Реюньон, Малагаси Республикаси, шунингдек Шимолий Америка мамлакатлари (АҚШ ва Канада)да ҳам яшайди. Умумий сони 48,5 млн. дан кўпроқ (1970). *Француз тилида* гаплашишади. Диндор Ф. асосан католик, қисман протестант динига эътиқод қиладилар. Ф. нинг шаклланишида мил. ав. 1- минг йиллик ўрталарида ҳозирги Франция терр-ясига келиб жойлашган кельт қабилалари (римликлар уларни галлар деб аташган) этник жиҳатдан асосий ўрин тутган. Галлияни (ҳозирги Франция терр-яси) римликлар истило қилгач (мил. ав. 58—52- йиллар), Ф. улар б-н аралашиб кетган. Галларнинг романлашиши б-н, уларнинг тили «латин тили» бўлиб қолди. 5- асрда герман қабилалари — *вестготлар, бургундлар, франклар*нинг Галлияга бостириб кириши Ф. нинг этник тарихида муҳим роль ўйнади. *Франк давлати* ташкил этилди. 9- асрда бу давлат Буюк Карл томонидан йирик империяга айлантирилди. 9- асрда Ф. халқ бўлиб таркиб топган. 12—14- асрларда Ф. нинг этник ва тил жиҳатдан жипслашиши Шимолий Францияда Жанубий Францияга нисбатан бирмунча тез ва чуқурроқ амалга ошди. 15- асрда мамлакат марказида — Иль-де-Франс области атрофида француз миллати таркиб топа бошлади. Француз миллати шаклланишининг ҳал қилувчи фактори — Буюк француз рев-яси (қ. *Француз буржуа революцияси*, 18- аср охири) бўлди. Ф. нинг кўпчилиги саноат (металлургия, машинасозлик ва тўқимачилик)да банд. Қисман деҳқончилик б-н шуғулланади (яна қ. *Франция*).

Ад: Виллар Ж., Виллар К., Формирование французской нации (X — начало XI вв), М., 1957; Народы Зарубежной Европы, т. 2, М., 1965.

ФРАТРИЯ (юнон. phratria — биродарлик)— асосан бир уруғдан келиб чиққан бир неча уруғлар мажмуидан иборат қабила бирлашмаси. «Ф.» термини фанга Америка этнографи Л. Г. Морган (1818—1881) томонидан киритилган. Дастлаб, ибтидоий жамоа тузумининг бошланғич даврида вужудга келган. Ф. нинг умумий мулки, ўз суди, бошқариш органлари, диний эътиқоди, байрамлари бўлган. Синфий жамият юзага келиши б-н Ф. ўз аҳамиятини йўқотди.

Ад: Энгельс Ф., Оила, хусусий мулк ва давлатнинг келиб чиқиши. Т., 1967; Морган Л. Г., Древнее общество. Пер. с англ., 2 изд., Л., 1935.

ФРАУНГОФЕР Йозеф (1787. 6. 3, Штраубинг —1826. 7. 6, Мюнхен)— немис физиги. Оптик асбоблар устахонаси директори (1818). 1823 йилдан Мюнхен ун-ти проф. ва Бовария ФА аъзоси.

Асосий илмий ишлари физик оптикага оид. Катта ахроматик объективлар тайёрлаш технологиясини такомиллаштирган, окулярли микрометр ва гелиометрни ихтиро қилган. Қуёш спектрида ютиш чизиқлари *(Фраунгофер чизиқлари)*ни кузатган ва уларнинг мавжудлигини биринчи бўлиб тушунтириб берган (1814). Спектрларни ўрганишда *дифракцион панжара*ни биринчи бўлиб ишлатган (1821).

ФРАУНГОФЕР ЧИЗИҚЛАРИ — *Қуёш* спектридаги қора чизиқлар. Ф. ч. ни 1802 йили биринчи марта инглиз физиги У. Уолластон кузатган. 1814 йилда немис физиги Й. *Фраунгофер* батафсил текширган ва баён қилган. Ф. ч. табиатини 1860 йилда Г. *Кирхгоф* назарий тушунтириб берган. Юлдузнинг қайноқ ички қатламларидан келаётган туташ спектрли нур оқими юлдуз атмосферасидаги газ атомлари ва молекулалари томонидан (атом ва молекулалар частоталарига мос ҳолда) ютилади. Натижада туташ спектр турли кенглик ва қоралиқдаги ютилиш чизиқлари б-н кесилади. Ф. ч. нинг қоралиги ёки кенглиги атомларнинг юта олиш қобилиятига боғлиқ. Қуёш спектрининг инфрақизил, ультрабинафша ва кўринувчан соҳаларида 69 кимёвий элементнинг 20 мингдан ортиқ Ф. ч. бор. Улар ичида Қуёш нурларининг Ер атмосферасидаги газлар (кислород, сув буғи, карбонат ангидрид) томонидан ютилиши натижасида ҳосил бўлган Ф. ч. ҳам мавжуд. Улар *теллур чизиқлари* деб аталади.

Ф. ч. юлдузлар ва Қуёш атмосферасини текширишга имкон беради. Ф. ч. расми *спектр* мақоласида берилган.

ФРАХТ (голландча vracht)—сув йўлларида юк ташишга тўланадиган ҳақ. Ф. миқдори денгизда юк ташиш шартномасига биноан белгиланади. У юкнинг оғирлик бирлигига (метротонна, бушель ва б.) ёки ҳажм бирлигига (кубофут, кубометр ва б.) қараб ҳисобланади.

ФРЕГАТ (итал. fregata)— ҳарбий кема тури. Эшкакли кемалар флотида, одатда, алоқачи вазифасини ўтовчи енгил кема (галера), елканли кемалар флотида катталиги жиҳатидан *линкор*дан кейин иккинчи ўринда турадиган ва разведка хизматлари учун мўлжалланган уч мачтали ҳарбий кема Ф. деб юритилган. 18- аср охиридан Россиядаги эшкакли (12—18 жуфт эшкаги бўлган) Ф. да 38 тагача, елканли Ф. да 60 тагача тўп бўлган. 19- аср ўртасида парракли пароход-Ф., 19- аср охирида зирҳли Ф. *крейсер* деб номланган. Англия ва АҚШнинг ҳозирги флотида транспорт кемаларини қўриқлаш ва сув ости кемаларига қарши курашиш, ҳаво ҳужумидан ҳимоя қилиш учун мўлжалланган соқчи кемалар ҳам Ф. дейилади. Уларнинг сиғими 7000 *т* гача етади.

ФРЕГАТЛАР (Fregatidae)— курак оёқли қушлар туркумининг бир оиласи (баъзи зоологлар фикрича, кенжа туркум). 5 тури бирлаштирган бир уруғи, шунингдек 2 қазилма тури маълум. Вазни 1500 *г* ча. Айри думи, қаноти жуда узун. Оёқлари қисқа ва нозик, бармоқлари орасида қисман тери парда тортилган, тирноғи ичига қайрилган. Сувда суза, ерда юра олмайди, бироқ яхши учади. Ф. колония бўлиб, хилват орол ва океан қирғоғидаги чўлларда яшайди. Уясини дарахт, бута ёки ерга ясайди. Битта тухум қўяди. Тухумини нари ва модаси навбат б-н 40—50 кун босади. Ф. Австралия, Янги Зеландия, Галапагосс ороллари да тарқалган.

Ф. СССРнинг Хабаровск ўлкасида баъзан учраб қолади. Асосан, бошқа қушлар тутган ўлжасини тортиб олиб ёки учар балиқлар, медуза, моллюска, қисқичбақаларни тутиб овқатланади.

ФРЕДГОЛЬМ ТЕНГЛАМАСИ — қ. *Интеграл тенгламалар.*

ФРЕЗА (франц. fraise)— заготовкаларнинг шаклдор юзаларига ишлов бериш, тиш, резьба ўйиш ва б. да ишлатиладиган кўп тиғли кесувчи асбоб. Тишлар ўйилган сиртнинг шаклига қараб цилиндрик, дискли, бручакли торец, шаклдор; тиш шаклига қараб, тўғри, винтли, кўп томонга қараган тишли; тишларининг конструкциясига қарб ўткир, қаторли; тузилишига қараб яхлит, таркибий, комплект, йиғма; маҳкамланишига қараб ўтказиладиган, конуссимон ва цилиндрик думли; винт ариқчаларининг йўналиши бўйича чап ва ўнг ариқчали хиллари бор (расмга қ.). Ф. *легирланган пўлат, тез кесар пўлат, асбобсозлик пўлат*идан тайёрланади.

ФРЕЗАЛАШ — металл ва металлмас материалларга *фреза* б-н ишлов бериш. Бунда фреза айланма ҳаракат, ишлов бериладиган заготовка илгарилама ҳаракат қилади. Ф. йўли б-н турли фрезалардан фойдаланиб, деталларнинг ясси сиртлари ва шаклдор юзаларига ишлов берилади, резьба, ариқча, пазлар, тишлар очилади.

Ф. нинг икки хил усули бор: суриш йўналишида (йўлакай) Ф. Бунда фрезанинг айланиш йўналиши суриш йўналиши б-н бир хилда бўлади. Бу усулдан тозалаб Ф. да фойдаланилади; суришга тескари (қарши) йўналишда Ф. Бунда фрезанинг айланиш йўналиши суриш йўналишига тескари бўлади. Бу усулдан хомаки Ф. да фойдаланилади.

Ф. да рухсат этилган кесиш тезлиги фрезанинг типи ва конструкцияси ва б. га боғлиқ. Ф. *фрезалаш станоги*да бажарилади.

Ад.: Авагимов В Д., Машинасозлик материалларини кесиб ишлаш, Т., 1971.




УРО «Троми» фрегати (Нидерландия).

ФРЕЗАЛАШ СТАНОГИ — деталларнинг ташқи ва ички юзалари (текис ва шаклдор)га, пазларга, чиқиқларга, айланувчи жисм сиртларига, резьба ва тишли ғилдирак тишларига фреза ёрдамида кесиб ишлов берувчи станок. Ҳозирги замон Ф. с. нинг прототипи 19- асрда вужудга кела бошлаган.


Вазифаси ва конструкциясига қараб Ф. с. бир неча хилга бўлинади.

Универсал Ф. с. консолли, шпинделининг ўқи горизонтал жойлашган, унда фреза оправкасини тутиб турадиган осма бўлади. Турли типли фрезалар б-н ишлайди. Станокда буриладиган стол бўлиб, бўйлама кўндаланг ва вертикал йўналишда силжийди. Горизонтал Ф. с. универсал Ф. с. га ўхшаш, аммо унинг столи бурилмайди. Вертикал Ф. с. горизонтал ва универсал фрезалаш станоклари конструкциясига яқин, бироқ шпиндели ўқининг вертикал жойлашиши б-н улардан фарқ қилади (1- расм). Бўйлама Ф. с. йирик габаритли заготовкаларга ишлов беришга мўлжалланган. Андаза б-н ишлайдиган Ф. с. турли текис профиллар (шаблонлар, кулачоклар ва б.) ни ёки андаза (модель) бўйича фазовий-мураккаб юзаларга ишлов бериш учун хизмат қилади. Резьба Ф. с. тароқсимон, дискли, червякли, бармоқли фрезалар ёки махсус резьба каллаклари ёрдамида ташқи ва ички резьбалар чиқариш учун мўлжалланган (2- расм). Шпонка Ф. с. дан шпонка ариқчалари фрезалашда фойдаланилади. Бунда айланувчи фреза илгарилама-қайтма ҳаракат қилади; бир ва кўп шпинделли бўлади. Карусель Ф. с. қуйма, болғаланган ва штампланган заготовкаларни торец фрезалари б-н ишлаш учун хизмат қилади. Барабанли Ф. с. бир вақтда заготовканинг иккита торец юзаларини фрезалаш, шунингдек ариқчалар очиш учун мўлжалланган. Саноатда программа б-н бошқарилувчи турли фрезалаш станоклари қўлланилмоқда.

Ёғоч ишлашдаги Ф. с. да фреза маҳкамланган айланувчи вертикал шпиндель бўлиб, ундан заготовкаларни кесиб ишлашда фойдаланилади. Оддий, карусель (бир ва икки шпинделли) ва андаза б-н ишлайдиган хиллари бор.




Фрезалаш станоги: 1- расм. Вертикал-фрезалаш станоги.




2- расм. Резьба-фрезалаш ярим автомати: *1* — олдинги бабка; *2* — шпиндель; *3* — фрезалаш каллаги; *4*—тароқсимон фреза; *5* — кетинги бабка.

ФРЕЙД Зигмунд (1856. 6. 5, Австрия-Венгриянинг Фрейберг ш., ҳозирги Чехословакиянинг Пршибор ш.—1939. 23. 9, Хэмпстед, Лондон яқинида)— австриялик невропатолог, психиатр ва психолог, *психоанализ* назариясининг асосчиси. Медицина д-ри (1881). Вена физиология ин-ти (1876—82)да, Париждаги клиника (1885—86)да ишлаган. Вена ун-ти проф. (1902 йилдан). 1910 йили халқаро психоанали-




Фреза хиллари: *1*— цилиндрик; *2*— торец; *3* ва *4*— дискасимон; *5*— учлик; *6*— шпонка ариғи очадиган; *7*— бурчак ариқ очадиган; *8*— шаклдор; *9*— кесиб туширадиган; *10*, *11*— резьба очадиган.



Френель зоналари.

тик ассоциацияга асос солган. Фашистлар Германияси Австрияни босиб олгач (1938), Буюк Британияда муҳожирликда яшади.


Дастлабки ишлари мия фаолияти *локализацияси*, бош мия физиологияси ва анатомияси, болалар фалажи ва б. масалаларга бағишланди. 90-йилларнинг бошидан француз мактаби (Шарко, Берихейм) таъсирида асаб касалликлари, уларни психотерапевтик даволаш методи ва психологик асослари б-н шуғулланди. 1895 йили асаб касалликларини даволаш методини ишлаб чиқди. Ф. психикани моддий шароитлардан ажратиб, мустақил, онг доирасидан ташқаридаги ҳолат деб ҳисоблади. У инсоннинг психик ҳолатларини, шунингдек тарихий воқеа ва ижтимоий ҳодисаларни онгсиз ҳамда сексуал интилишлар сифатида талқин этди. Ф. ўз концепциясини инсоният маданиятининг турли соҳаларига, чунончи мифология, фольклор, бадиий ижод ва б. га татбиқ этишга ҳаракат қилди. Ф. ғоялари буржуа философияси ва социологияси, буржуа санъати назарияси ва асарларига кучли таъсир кўрсатди (яна қ. *Фрейдизм*).



Френель кўзгуси.

ФРЕЙДИЗМ — маданият ҳодисалари, ижод жараёнлари ва, умуман, жамиятни тушунтиришда З. *Фрейд* психологик таълимотига асосланган турли мактаб ва оқимларнинг умумий номи. Ф. 19-аср охири—20-аср бошларида пайдо бўлган. Ф. онгсиз психик жараёнларни ўрганувчи конкрет метод бўлган *психоанализ*дан социал ва фалсафий система эканлиги б-н фарқ қилади. Ф. психоанализ принципларига универсал тус беради, натижада жамият ва шахсни психик жараёнлар мажмуи қилиб қўяди. Ф. нинг моҳияти психикани моддий шароитлар ҳамда уни туғдирувчи сабаблардан ажратиб қўйишдан иборат. Психика қандайдир мустақил, моддий процессларга параллел мавжуд (*психофизик параллелизм*) ва онг доирасидан ташқарида бўлган (*онгсизлик*) алоҳида, билиб бўлмайдиган, абадий психик кучлар бошқарадиган бир нарса деб қаралади.

Френель зоналари.



Ҳалқали Френель линзасининг кесими.

Ф. Биринчи жаҳон урушидан сўнг буржуа жамияти ва маданиятининг, шунингдек психология фанидаги бир қанча оқимларнинг инқирози туфайли айниқса кенг тарқалди. Шу б-н бирга, Ф. турли фалсафий ва социологик қарашларга сингиб, Фрейднинг фалсафий ва методологик асосларини тўлдиришга интилди. Позитивизм ва *бихевиоризм*га яқин бўлган биологик оқим ажралиб чиқди (қ. *Социологиядаги биологик оқим*); бу оқимга Ф. ни рефлексология, кибернетика б-н яқинлаштириш тажрибалари ҳам қўшилди. Бу даврда кенг тарқалган социал Ф. маданий, социал ва сиёсий воқеаларни бир психосексуал ҳолатнинг иккинчисига ўтиши ҳамда дастлабки онгсизлик жараёнларидаги ўзгаришларнинг натижаси сифатида кўрсатиб, улар социал ва маданий ҳаётга нисбатан базис эканлиги ҳақидаги фикрни илгари сурди.

1930-йилларнинг охирида пайдо бўлган неофрейдизм (асосий вакиллари — К. Хорни, Г. С. Салливан, Э. Фромм ва б.). Фрейднинг асосий идеалистик йўлини сақлаб қолган ҳолда ундаги онгсизлик ҳолатлари, биологик истак ва интилишлар ҳақидаги фикрни рад этиб, социал ва маданий детерминизм принципларига асосланди; шахс такомилида муҳитнинг ролини етакчи ўринга қўйди, аммо муҳит б-н индивид орасидаги ўзаро алоқадорлик муносабатини инкор этди. У айниқса 2-жаҳон урушидан сўнг АҚШда кенг тарқалди. 20-асрнинг 40-йиллари охиридан бошлаб *экзистенциализм* таъсирида экзистенциал анализ ва медицина антропологияси оқимлари пайдо бўлди. Ф. даги специфик ўзгариш 1960-йилларда «янги сўллар» ҳаракати ғоялари (Г. Маркузе асари ва б.) да З. Фрейд шогирди В. Райх орқали акс этди. Ф. социал психология, этнография, адабиётшунослик, танқидчилик ва б. соҳаларга кучли таъсир кўрсатди. Ҳозирги модернистик бадиий оқимларда ҳам Ф. таъсири мавжуд.

Ад.: Бассин Ф. В., Фрейдизм в свете современных научных дискуссий, «Вопросы психологии», 1958, № 5, 6; Современная психология в капиталистических странах, М., 1963; Уэллс Г., Крах психоанализа (от Фрейда к Фромму), Пер. с англ., М., 1968.

ФРЕЙМАН Сергей Николаевич (1882, Петербург—1946, Тошкент)—рус шахматчиси. Халқаро ва Бутун Россия турнирларида юқори ўринларни эгаллаган. Октябрь рев-ясидан кейин Тошкентда яшаган. 4 марта Узбекистон чемпиони (1932, 1934, 1935, 1937). Туркманистон (1929), Қирғизистон (1937) чемпионатларида ғолиб чиққан. Урта Осиё турнирлари (1927, 1934) да биринчиликни олган. СССР 6-чемпионати (1929, Одесса) да УзССР вакили сифатида иккинчи совринни қўлга киритган. Ф. жаҳоннинг энг кучли шахматчиларидан А. А. *Алёхин*, А. Рубинштейн, Э. *Ласкер* ва б. б-н куч синашган.

ФРЕНЕ ФОРМУЛАЛАРИ — ихтиёрий L эгри чизиқнинг ҳар бир нуқтасидаги уринмаси бош нормали, бинормалининг (қ. *Дифференциал геометрия*) бирлик векторлари t, n, b, дан ёй узунлиги S бўйича олинган ҳосилаларини шу векторларнинг йўналишлари бўйича ёйиш формулалари. Эгри чизиқнинг эгрилиги k, буралиши δ б-н ишораланган бўлса, Ф. ф.:

$$\frac{dt}{ds} = kn,\quad \frac{dn}{ds} = -kt + \sigma,\quad b\frac{db}{ds} = -\sigma n.$$

Ф. ф. ёрдамида эгри чизиқларнинг дифференциал-геометрик хоссалари, кинематикада — моддий нуқтанинг эгри чизиқли траектория бўйлаб ҳаракати ўрганилади.

Ф. ф. ни биринчи марта француз математиги Ж. Серре 1851 йилда эълон қилган. Бироқ Ф. ф. француз математиги Ф. Френега илгаридан (1847) маълум бўлиб, у ўз кашфиётини 1852 йилдагина эълон қилди. Шунинг учун Ф. ф. баъзан Серре-Френе формулалари ҳам дейилади.

ФРЕНЕЛЬ Огюстен Жан (1788. 10. 5, Брольи — 1827. 14. 7, Виль-д'Авре, Париж яқинида)— француз физиги, тўлқин оптикаси асосчиларидан бири. Париж ФА аъзоси (1823 йилдан), Лондон Қироллик жамияти аъзоси (1825 йилдан). Ёруғликнинг тўлқин табиати тўғрисидаги гипотезага асосланган ҳолда ёруғликнинг дифракцияси ва интерференцияси назариясини яратган. *Гюйгенс—Френель принципи*га асосланиб ёруғликнинг тўғри чизиқли тарқалишини тушунтириб берди, унинг қутбланишини ва нурнинг иккиламчи синишини текширди, ёруғлик тўлқинларининг кўндаланглигини исботлади. Ёруғликнинг тўлқин назариясига асосланиб иккита шаффоф муҳитни ажратувчи сиртда синган ёруғлик интенсивлигининг формуласини ишлаб чиққан (Френель формулалари, 1823). Ф. ёруғлик тўлқинларининг интерференциясини кузатиш учун махсус оптик тузилма — *Френель кўзгулари*ни ва мураккаб линза — *Френель линзаси*ни ишлаб чиққан.


ФРЕНЕЛЬ ЗОНАЛАРИ — дифракцион масалаларни *Гюйгенс—Френель принципи* асосида кўрилганда тўлқин сиртининг бўлакларга бўлинадиган соҳа (зона)лари. Бунда кузатиш нуқтаси P дан ҳар бир кейинги соҳагача бўлган масофа шу нуқтадан олдинги соҳагача бўлган масофадан ярим тўлқин узунлигига фарқ қилади. Бу методни дастлаб О. Ж. *Френель* 1815—19 йилларда ёруғлик ҳодисаларини тушунтириб беришда қўллаган. Бу методнинг моҳияти қуйидагича: Q нуқтадан ёруғликнинг сферик тўлқинлари тарқалаётган ва P нуқтада кузатилаётган бўлсин. Тўлқин сирти S ни ҳалқасимон зоналарга бўламиз, бунинг учун P нуқтадан PO, $Pa = PO + \frac{\lambda}{2}$, $Pb = Pa + \frac{\lambda}{2}$, $Pc = Pb + \frac{\lambda}{2}$ радиусли сфералар ўтказилади (O — тўлқин сиртининг PQ чизиқ б-н кесишиш нуқтаси; λ — ёруғликнинг тўлқин узунлиги). Тўлқин сиртида шу сфералар б-н бўлакларга бўлинган ҳалқасимон соҳаларни Ф. з. дейилади (расмга қ.). P нуқтадаги тўлқин тебранишини ҳар бир Ф. з. даги тўлқин тебранишлари йиғиндиси деб қараш мумкин.

Ф. з. методи оптика, радио ва товуш тўлқинларини ўрганиш ва б. ларда қўлланади.

ФРЕНЕЛЬ КЎЗГУЛАРИ, Френель бикўзгулари — ёруғлик тўлқинларининг интерференцияси кузатиладиган оптик қурилма. О. Ж. *Френель* таклиф этган. Ф. к. бир-бирига кичик (бир неча мин.) α бурчак остида жойлаштирилган иккита ясси кўзгу M_1 ва M_2 дан ҳамда ёруғлик манбаи S дан иборат (расм, a га қ.). Манбадан чиқаётган ёруғлик кўзгудан қайтиб, икки бўлакка бўлинади, улар бир-бири б-н қисман кесишади (S_1 ва S_2 лар ёруғлик манбаи S нинг кўзгу M_1 ва M_2 даги мавҳум тасвири, d—S_1 ва S_2 орасидаги масофа). Уларнинг кесишган қисмида ёруғлик тўлқинлари интерференцияси кузатилади. Экран Q да кузатилаётган интерференция ҳодисаси (манбадан монохроматик ёруғлик сочилаётган бўлса) бир-бири б-н алмашадиган ёруғ ва қоронғи доғлардан иборат бўлади (расм, $б$ га қ.).

ФРЕНЕЛЬ ЛИНЗАСИ — маёқ ва сигнал фонарларида қўлланиладиган мураккаб линза. О. Ж. *Френель* таклиф қилган. Сферик сиртлар б-н чегараланган оддий линзалардан фарқли, Ф. л. кесими махсус профилли призма шаклидаги бир-бирига яқин жойлаштирилган концентрик ҳалқалардан иборат (расмга қ.). Ф. л. нинг ҳалқали ва қутбли турлари бор. Уларнинг диаметри 10—20 *см* дан бир неча *м* гача бўлади.

ФРЕНОЛОГИЯ (юнон. phren — ақл ва ... *логия*)— инсон психик хусусиятлари б-н унинг калла суяги тузилиши ўртасида боғланишлар бор, деб даъво қилувчи сохта таълимот. Австриялик врач ва анатом Ф. Галль (1758—1828) асос солган. Айниқса, 19-асрнинг 1-ярмида кенг тарқалган. Ф. қобилиятлар одам бош миясининг турли қисмларида жойлашган бўлади, деган принципни илгари сурган. Ақлий сифатлар катта ярим шарлардаги изчалар орқали изоҳланган. Галль мия картасини тузиб, бунда ҳар бир қобилиятнинг махсус органини тасвир этиб берган. Ф. таълимотича, мия айрим қисмларининг ривожланиши калла суяги формасига таъсир кўрсатади ва унинг тегишли қисмини қабариқ шаклга келтиради. Калла суягининг устки тузилишини ўрганиш гўё шахс индивидуал хусусиятларини олдиндан била олиш имконини беради. Аслида психик функциялар, хусусиятлар калла суягининг тузилиши б-н белгиланмайди, унинг шакли мия шаклига мутлақ равишда мос келмайди. Фаннинг ривожланиши Галль гипотезасини пучга чиқарди.



Фреска. Рафаэль Ватикан (Рим) даги Станца делла Сеньятура саройига ишланган фреска (1509—11).

ФРЕСКА (итал. fresco — янги, қуримаган)— бўёқни сувга ёки оҳак қўшилган сувга қориб янги, қуримаган сувоқ устига ишланадиган рассомлик санъати асари. Қуригандан кейин тасвир сиртида бўёқнинг узоқ сақланишига хизмат қиладиган кристалл кальций карбонат плёнкаси ҳосил бўлади. Қадимдан деворий расмларнинг асосий техникаси бўлиб келмоқда. Сувоқ, одатда, ўчган оҳакка икки ҳисса қум қўшиб тайёрланади, сувоқ қуригандан кейин унинг ёрилиб кетмаслиги таъминланади (ғишт кукуни, сомон, оҳактош майдалари, кўмир ва б. б-н аралаштирилади). Оҳак б-н қўшилганда айнимайдиган, шунингдек вақт ўтиши б-н, нур таъсирида бузилмайдиган бўёқлардан фойдаланилади. Ф. учун сувоқ ва бўёқ тайёрлашнинг турли усуллари мавжуд. Ф. рассомдан катта маҳорат, тезкорлик талаб қилади, тасвир қисқа вақт ичида, сувоқ қуримай туриб тайёрланиши керак.


Ад.: Павловский С. А., Материалы и техника монументально-декоративного искусства, М., 1975.

ФРИГИЯ (Phrygia)— Кичик Осиёнинг шимоли-ғарбий қисмидаги тарихий обл. Аҳолиси фригияликлар бўлиб, улар мил. ав. 15—13-асрларда Европадан кўчиб келган ҳинд-европа қабилаларидир. *Гомер*нинг *«Илиада»* поэмасида ёзилишича, Ф. мил. ав. 13-асрда юнонларга қарши урушда *Троя*га ёрдамлашган. Мил. ав. 10—8-асрларда Ф. да подшоҳлик вужудга келган. Мил. ав. 8-аср охирида Ф. нинг шимолий терр-ясига Европадан янги халқлар — вифинлар ва мисийлар кела бошлаган, шарқда *Осурия* б-н тўқнашувлар бўлиб турган. Мил. ав. 546-йили форслар, мил. ав. 333-йили *Александр Македонский* босиб олган. Мил. ав. 133-йили Ф. нинг бир қисми римликлар қўл остига, шарқий қисми Галатия провинцияси таркибига ўтган. Византия империяси даврида Ф. географик ва сиёсий жиҳатдан мавқеини йўқотган.

Ад.: Дьяконов И. М., Хетты, фригийцы и армяне, «Переднеазиатский сборник» тўпламида, М., 1961.

ФРИЗ (итал. fregio — безак)—1) *архитектура ордерлари*да антаблементнинг ўрта горизонтал қисми. Кўпинча Ф. рельеф ёки бўяма, мозаик тасвир ёки нақш б-н безатилади, безаксиз ҳам бўлиши мумкин; 2) амалий безак санъати турларидан. Девор, пол, мебель, гилам, турли бу-

Фреска. Ч. Аҳмаров Шарқшунослик ни-тига ишлаган фрескалардан (Тошкент, 1970).



Фриз. 1. 2. Айритом биноларига ишланган фриз қолдиқларидан («Музикачилар», 1—2- асрлар).

юм ва идишларга горизонтал тасма тарзида, ҳошиялаб ишланадиган безак.

ФРИЗ ОРОЛЛАРИ, Фрисландия ороллари — Шимолий денгизнинг жануби-шарқидаги бир гуруҳ қумли ороллар. Голландиядан Ютландия я. о. гача қирғоқ бўйлаб тахм. 250 *км* чўзилган. Умумий майдони 480 *км*². Ғарбий қисми Голландияга, шарқий қисми ГФРга, шимолидаги ороллариинг бир қисми ГФРга, қолганлари Данияга қарашли. Ф. о. соҳилининг чўкиши ва қуруқликни денгиз суви емириши натижасида ҳосил бўлган. Верескзор ва қарағайзорлар бор. Аҳолиси балиқ овлаш ва қўйчилик б-н шуғулланади. Курортлар барпо қилинган.

ФРИЗЛАР—халқ, асосан Нидерландия (Фрисландия провинцияси, Шимолий Голландия ва Гронинген)да, бир неча минг Ф. ГФР (Эмас ва Везер дарёлари оралиғи)да ва Дания (Шимолий Фриз ороллари)да яшайди. Умумий сони 400 мингга яқин киши (1967). Фриз тилида гаплашади. Диндор Ф.— протестант-кальвинистлар. Ф. нинг тили ва ўзига хос маданиятининг айрим белгилари (турар жойи, кийими, одати ва фольклор) Фрисландиянинг қишлоқ аҳолисида кўпроқ сақланиб қолган. Ф. асосий қисмининг тахминан 16- асрдан голландлар таркибига сингиб кетиш процесси ҳанузгача давом этмоқда. 19- асрда фриз зиёлилари ўртасида пайдо бўлган миллий ҳаракат бу процесснинг олдини олишга ҳаракат қилмоқда. Ф. нинг асосий машғулоти қ. х. (чорвачилик, деҳқончилик) ва балиқчиликдан иборат.

Ад.: Народы зарубежной Европы, т. 2, М., 1965.

ФРИКЦИОН МЕХАНИЗМ — ишқаланиш кучи таъсирида ҳаракатни ўзгартирадиган ёки узатадиган механизм. Буларга *фрикцион узатма, фрикцион муфта,* тормоз ва б. киради.

ФРИКЦИОН МУФТА — етакчи ва етакланувчи ярим муфталарнинг пластиналари ёки дисклари орасидаги ишқаланиш кучи ёрдамида айланма ҳаракатни бир валдан иккинчи валга узатадиган *муфта.* Ишқаланиш юзасига қараб конуссимон, ҳалқали, пружинали ва дискли; ишга тушириш турига қараб дастаки, электромагнит, пневматик ва гидравлик бўлади. Ф. м. валларининг исталган айланиш частотасида уларни бир текисда улашга, механизмлардаги катта динамик нагрузкани ва уланиш вақтидаги шовқинини йўқотишга имкон беради. Транспорт машиналарида, тормозлар ва б. да ишлатилади.

ФРИКЦИОН УЗАТМА — бир-бирига сиқиладиган дисклар, цилиндрлар, конуслар ва б. орасида ҳосил бўладиган ишқаланиш кучи ёрдамида ҳаракат узатиладиган ёки ўзгартириладиган механик узатма. Ф. у. ўқлари параллел ва кесишувчи валлар орасида ҳаракат узатиш, айланма ҳаракатни винтли ва илгарилама ҳаракатга айлантириш учун ишлатилади. Ф. у. ўзгармас ва ўзгарувчан узатиш нисбатида ишлайди. Тузилишининг оддийлиги, ҳаракатни текис ва шовқинсиз узатиши, айланиш тезлигини поғонасиз ростлаш мумкинлиги Ф. у. нинг афзаллиги; валлар ва таянчларга катта нагрузка тушганлиги, айланиш жисмларини бир-бирига сиқиш учун сиқувчи қурилмалар кераклиги, бикр кинематик боғланиш йўқлиги унинг камчилигидир. Узатиш нисбати доимий бўлган Ф. у. айланиш жисмларини сиқувчи кучини ҳосил қилиш қийин бўлмаган асбобларда ишлатилади. Машинасозликда, кўпинча, ўзгарувчан узатиш нисбатли Ф. у. ишлатилади. Буларнинг айланиш тезликлари поғонасиз (айланувчи жисмлар радиусини ўзгартириб) ўзгартирилади. Поғонасиз Ф. у. дискли, конуссимон, шарли ва торецли хилларга бўлинади. Ф. у. да узатиш нисбати $^1/_7$ дан $^1/_{25}$ гача бўлади.

Ад.: Сулаймонов И., Машина деталлари, Т., 1975.

ФРИТАУН — Сьерра-Леонениинг пойтахти. Атлантика океани соҳилида. Аҳолиси 274 минг киши (1974). Шаҳарга 1792 йилда инглизлар асос солган. 1808 йилда Буюк Британия уни босиб олиб, ўзининг Ғарбий Африкадаги мустамлакачилик сиёсатининг таянч пунктига айлантирди. 1961 йил 27 апрелда Сьерра-Леоне мустақилликка эришгач, Ф. унинг пойтахти.

Ф.— мамлакатнинг савдо-саноат ва молия маркази. Йирик порт. Аэропорти халқаро аҳамиятга эга. Озиқ-овқат (спирт ва пиво пиширириш з-длари), сигарета, цемент, кема ремонти, қурилиш материаллари корхоналари, т. й. устахоналари, ун-т (1967 йилдан), техника ни-ти, кутубхоналар, музей, катта бозор бор.

ФРИТРЕДЕРЛИК (инглз. free trade — эркин савдо) — буржуа иқтисоди ва сиёсатида рақобат ва савдо эркинлигини, хусусий хўжалик фаолиятига давлатнинг аралашмаслигини талаб қилувчи йўналиш. Унга асос солувчилар — А. *Смит,* Д. *Рикардо* ва уларнинг издошлари саноат буржуазиясининг қарашларини ёқлаб, бу системани идеал, барча мамлакат ва халқлар учун доимо фойдали, деб талқин этдилар. Ф. 17- аср *саноат тўнтариши* натижасида Англияда пайдо бўлди ва *меркантилизм, протекционизм*га зид равишда ривожланди. Ф. сиёсати қ. х. солиқларига, қ. х. маҳсулотларига қўйиладиган юқори баҳоларга ва йирик ер эгаларининг манфаатларига қарши сиёсат эди. Пошлинага барҳам бериш, мамлакатга кўплаб дон келтириш ва дон баҳосини камайтириш саноат буржуазияси учун фойдали бўлган иш кучи ва хом ашёнинг арзонлашувини таъминлади.

Англия капиталистлари эркин савдони қўллаш б-н бошқа мамлакатларда савдо ишининг ривожланишига кўмаклашиб, Англия товарларининг ташқи бозорда сотилишини тезлатишга имконият яратдилар. Ф. тенденциялари Франция, Германия ва Россиянинг (19- аср, 50—70- йиллар) савдо сиёсатида ўз аксини топди. Лекин, кейинчалик кўп мамлакатларда империализм даврида кучайган протекционизм устунлик қилди. Ҳозирги даврда Ф. ҳамма капиталистик мамлакатларда ўз моҳиятини йўқотган бўлса-да, баъзи мамлакатларда (АҚШ, ГФР) Ф. қарашларини ёқлаш давом этмоқда. Савдо эркинлиги ғоясини пропаганда қилиш иқтисодий ва сиёсий экспансияни амалга оширишга, кучсиз мамлакатларнинг таможня қонунчилигига раҳна солишга интилаётган *молия олигархияси* манфаатларини ифодалайди.

ФРИТЬОФ НАНСЕН — Антарктидадаги тор. Қиролича Мод тизмасида. Баландлиги 4180 *м.* Чўққини 1911 йилда Р. Амундсен бошчилигидаги норвег экспедицияси кашф қилган. Арктикани тадқиқ қилган норвегиялик олим Ф. Нансен номига қўйилган.

ФРИУЛИ-ВЕНЕЦИЯ-ЖУЛИЯ — Италиянинг шимолидаги тарихий ва маъмурий область. Югославия б-н чегарадош. Жанубдан Адриатика денгизининг Венеция қўлтиғи б-н ўралган. Таркибида 4 провинция бор. Майдони 7,8 минг *км*². Аҳолиси 1233 минг киши (1970). Маъмурий маркази — Триест ш.

Ер юзаси аксари қисмида тоғли, денгиз соҳили пасттекислик. Қиргоғида қумли ерлар кўп. Энг йирик дарёси — Тальяменто. Область терр-ясининг тахм. $^1/_4$ қисми ўрмон.

Экономикаси аграр-индустриал характерга эга. Аҳолисининг ярмидан кўпроғи қ. х. да банд. Дон экинлари (буғдой, маккажўхори), қанд лавлаги, сабзавот етиштирилади. Токзор ва боғлар бор. Ипакчилик б-н шуғулланилади. Чорвачиликда қорамол ва чўчқа боқилади. Ёғоч тайёрланади. Йирик ГЭСлар қурилган. Фойдали қазилмалардан плавикли шпат, қўрғошин-рух қазиб олинади. Электрометаллургия, кимё (жумладан сунъий тола), ёғочсозлик, тўқимачилик, озиқ-овқат, балиқ консерва корхоналари бор. Машинасозлик, айниқса кемасозлик Триест ва Монфальконе шаҳарларида жойлашган. Триест ш. Ўрта денгиздаги энг йирик портлардан биридир.

«ФРИХЕТЕН» («Friheten»—«Озодлик») — ҳафталик газета. Норвегия КП нинг марказий органи. 1923 йилдан Ослода нашр этилади. 1940 йилгача «Арбейдерен» («Arbeideren»—«Ишчи») номида чиққан.

ФРОЛОВ Андрей Игнатьевич (1892—1918. 12. 7, Қизилярвот)— Туркистонда Улуғ Октябрь социалистик революцияси ва Гражданлар урушн қатнашчиси. 1917 йилдан Коммунистик партия аъзоси. Самарқанд депосининг ишчиси. 1917 йилгача подшо армиясида хизмат қилган ва солдатлар ўртасида революцион иш олиб борган. 1917 йил ноябрда Самарқандда Қизил гвардия отрядларини тузишда қатнашган. Самарқанд Ҳарбий-революцион комитети раиси. Бутун Россия Советларининг 1- ва 2- съездлари делегати. Октябрь рев-ясининг ғалабасидан сўнг Ишчи, солдат ва мусулмон депутатлари Самарқанд совети раиси. 1918 йилдан Закаспий обл. нинг Фавқулодда комиссари. Контрреволюцион эсерлар ва инглиз босқинчилари томонидан ваҳшиёна ўлдирилган.

ФРОНТ (лат. frons — олд, олд томон)—1) (ҳарбий ишда): а) қўшин саф тортганда унинг олд томони; қўшин жанговар тартибга тизилганда унинг душманга юзланган томони; б) СССР Қуролли Кучларида бир неча армиялар (умумқўшин, танк ва ҳаво армиялари, ҳаво ҳужумидан мудофаа қилиш қўшинлари) дан, бошқариш органлари ва турли кучайтирувчи қўшилма ҳамда қисмлардан ташкил топган олий оператив бирлашма. Ф. қуролли кучлар уюшмаси сифатида дастлаб *Биринчи жаҳон уруши* (1914—18) арафасида рус армиясида пайдо бўлди. Ғарбий Европа давлатлари қуролли кучларида бундай бирлашмалар Биринчи ва Иккинчи жаҳон урушлари даврларида тузилган бўлиб, улар армиялар группаси деб аталган; в) уруш ҳаракатлари майдонида қуролли кучларнинг ёйилиш ва душманга дуч келиш чизиғи; 2) оммавий ишлар участкаси (мас., ишлар Ф. и), бирор фаолият соҳаси (мас., идеология ишлари Ф. и); 3) иссиқ ва совуқ ҳаво массасини ажратиб турадиган ўтиш зонаси (қ. *Атмосфера фронти*).

ФРОНТ БАДИЙ БРИГАДАЛАРИ — уруш даврида ҳаракатдаги армия ва фронт қисмларига хизмат кўрсатган совет актёрлари коллективлари. Улар репертуари, асосан, кичик шаклли, актуал саҳна асарларидан иборат бўлган. Ф. б. б. биринчи марта Гражданлар уруши (1918—21) йиллари тузилган. Улар, айниқса, Улуғ Ватан уруши йиллари (1941—45) да катта хизмат кўрсатди (3800 бригада ишлади).

Ф. б. б. Узбекистонда ҳам тузилган. Гражданлар уруши фронтларида ТуркАССРдан 11 Ф. б. б. ишлаб турди. Ҳамза тузган Улка мусулмон ёшёсий-сайёр труппаси, М. Уйғур раҳбарлигидаги К. Маркс номли Узбек совет драмтруппаси, К. Шорштейн раҳбарлик қилган Рус совет театри (Тошкент), М. Браиловский бошчилигидаги Самарқанд Гарнизон рус театри, шунингдек *Юсуфжон қизиқ* Шакаржонов, А. Тошматов, М. Харратов раҳбарлигидаги турли миллий музика ва театр ансамбллари маданий-оқартув агитпоездлари б-н Туркфронтнинг турли жойларида томошалар кўрсатдилар. Улуғ Ватан уруши фронтларида Узбекистондан 15 та Ф. б. б. қатнашиб, 4 мингдан ортиқ концерт берди. Г. *Раҳимова* раҳбарлигидаги ашула ва рақс ансамбли Ватан урушининг турли фронтларида, Х. Раҳмонов бошчилигидаги ўзбек санъати усталари бригадаси, А. П. Розанцев бошқарган Тошкент Рус драма, Опера ва балет театрлари ҳамда Ўзбекистон Давлат филармонияси вакилларидан иборат фронт бадиий бригадаси ва б. Ғарбий ва Шимоли-Ғарбий фронтларда хизмат қилди. Ўзбекистон Ф. б. б. концерт программаларидан ўзбек халқ қўшиқ ва рақслари, совет композиторларининг оммабоп ашулалари, чолғу музика, дуэт ва музикали спектакллардан саҳналар, ҳикоя, бадиий ўқиш, сатирик миниатюра ва б. ўрин олган эди.

1942 йилдан Тошкентда ЎзССРда хизмат кўрсатган артист М. Қориева раҳбарлигида Ф. б. б. ни тузиш махсус комиссияси ишлаган.

ФРОНТ ОРҚАСИ, фронт орти—1) урушаётган мамлакатнинг ҳарбий ҳаракатлар зонасидан ташқари бутун терр-яси (аҳолиси ва иқтисодий ресурслари ҳам шунга киради); 2) уруш ва тинчлик даврида қўшин ва флот кучлари таъминотини амалга оширадиган ҳарбий қисмлар, муассасалар ва бўлинмалар мажмуи, қуролли кучларнинг таркибий қисми. Ф. о. нинг асосий вазифаси қуйидагилар: қуролли кучларда, қўшин ва флот кучларида, қурол-яроғ, техника, ўқ-дори, ёқилғи ва ёнилғи, озиқ-овқат, асбоб-анжомлар ва б. нинг белгиланган запасини сақлаш; барча ҳарбий юкларни ташиш учун транспорт ҳаракатини таъминлаш, йўллар, кўприклар қуриш; қурол-яроғ, ҳарбий техника ва асбоб-анжомларни ремонт қилиш; ярадор ва касалларни даволаш, қўшин ва флот кучларида санитария-гигиена тадбирларини, эпидемияга қарши тадбирларни амалга ошириш; аэродром (порт)ларни тиклаш, қуриш, уларнинг фаолиятини таъминлаш, шунингдек қўшин ва флот кучларининг жанго-

вар ҳаракатларини ҳар томонлама таъминлашга қаратилган бошқа тадбирлар ўтказиш.

Қўшинларни Ф. о. дан таъминлаш дастлаб қулдорлик давлатларида армия пайдо бўлган даврдаёқ бошланган. Қадимги Рим армиясида Ф. о. таъминоти ташкилий тус олган бўлиб, аскарларга маош берувчи, уларни қурол-яроғ ва кийим-кечак б-н таъминловчи алоҳида органлар тузилган. Қурол-яроғ, ҳарбий аслаҳалар ясаш ва бузилганларини тузатиш учун махсус лагерь устахоналари бўлган. Озиқ-овқат аҳолидан сотиб олинган ёки бўйсундирилган халқдан солиқ сифатида йиғилган. Қурол-яроғ, оз миқдордаги кийим-кечак ва пойабзал запаси қўшин кетида карвонларда олиб юрилган. Қулдорлик давлатлари армияларида биринчи марта хазиначилар, интендантлар, йўл ва мудофаа иншоотлари қуриш, лагерлар барпо этиш, қўшинларни жойлаштириш ишларини амалга оширувчи шахслар пайдо бўлган.

11—15- асрларда қўшин марказлашган таъминотга эга бўлмаган. Ёлланма армияларда (15—17- асрларда) ёлланувчилар маошлари ҳисобига қурол-аслаҳа, кийим-кечак ва озиқ-овқат олишлари керак эди. Юришлар пайтида қўшинларга турли хил товарларни етказиб турувчи савдогарлар армияларга эргашиб юрган. 19- асрнинг иккинчи ярми ва 20- асрнинг бошларида кадр армия принципи асосида тузилган қуролли кучлар ва Ҳарбий-Денгиз Флоти пайдо бўлиши, қўшинлар ҳамда флот кучларининг янгича жанговар техника б-н жиҳозланиши натижасида қўшинларнинг Ф. о. тобора мураккаблашиб, кўп қиррали бўла бошлайди.

Россияда 18- асрнинг бошида мунтазам армия тузилиши б-н Пётр I икки хил хизмат: провиантлик хизмати (қўшинни озиқ-овқат ва ем-хашак б-н таъминлаш учун) ва комиссариатлик хизмати (қўшинни молиявий жиҳатдан ҳамда асбоб-анжом, обоз, кўл қуроллари б-н таъминлаш учун)ни ташкил қилди. 18- асрда лазарет ва госпиталлар барпо қилинди. 19- асрнинг бошида Ҳарбий министрликда провиант ва комиссариат департаментлари бор эди. Улар 1864 йили Бош интендантлик бошқармасига ўтди. 1900 йилда Петербургда интендантлик курслари очилди (1911 йили улар Интендантлик академиясига айлантирилди). Биринчи жаҳон уруши (1914—18) арафасида интендантлик бошқармалари (Бош интендантлик бошқармаси, округ, қалъа, корпус, дивизия интендантлик бошқармалари) ва турли Ф. о. муассасалари (омбор, устахона, новвойхона ва б.) мавжуд эди. Қўшин таркибига медицина, ветеринария, моддий таъминот, флотда эса, булардан ташқари, авария-қутқарув таъминоти қисм ва бўлинмалари киритилган эди.

Биринчи жаҳон урушида танк, авиация ва автомобиль транспортидан фойдаланиш, *химиявий қуроллар*ни қўллаш шуларга мос янги хил таъминот турларини келтириб чиқарди.

Совет Қуролли Кучларининг фронт орқаси Қизил Армия ва Ҳарбий-Денгиз Флоти қисмлари б-н бир вақтда вужудга келди. 1918 йилда Таъминот марказий бошқармаси ташкил этилди. 1924—25 йиллари СССРда ҳарбий реформа ўтказилиши натижасида Қуролли Кучлар Ф. о. ни уюштириш бўйича муҳим тадбирлар амалга оширилди.

Улуғ Ватан уруши (1941—45) йилларида Совет Қуролли Кучларининг Ф. о. сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилди. Уруш давомида қуролли кучларнинг Ф. о. 10 млн. *т* ўқдори; 16 млн. *т* дан ортиқ ёнилғи, кўплаб қурол-яроғ, техника, озиқ-овқат ва б. материалларни халқ хўжалигидан қабул қилиб олиб, уларни сақлаш ва қўшин ҳамда флот кучларига етказиб беришга эришди. Биргина автомобиль транспорти б-н 145 млн. *т* таъминот юклари ташилди. 19 млн. вагондан зиёд ҳарбий юк темир йўл орқали ташилди. Йўл хизмати кучлари б-н 100 минг *км* га яқин автомобиль йўли қурилди ва тузатилди. Темир йўл қўшинлари ва махсус тузилмалар томонидан 120 минг *км* темир йўл қайта қурилди. Авиация учун 6 мингдан зиёд аэродром жиҳозланди. Медицина хизмати ярадорларнинг 72% дан ортиғини, касалларнинг 91% га яқинини даволаб, сафга қайтарди, Ф. о. қўшинларининг Улуғ Ватан уруши йилларидаги жасоратлари муносиб тақдирланди —52 киши Совет Иттифоқи Каҳрамони, 30 дан зиёд киши Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонига сазовор бўлди.

Урушдан кейин қуролли кучлар Ф. о. ни ташкилий тузилиш жиҳатдан қайта қуриш ва техника б-н қайта жиҳозлаш тадбирлари ўтказилди. Қуролли Кучларнинг янгича турлари ҳосил бўлиши б-н бир вақтда уларнинг Ф. о. ҳам яратилди. Ф. о. нинг барча бўғинларида тўла моторлаштириш тадбирлари амалга оширилди, турли мақсаддаги янгича қисм ва муассасалар тузилди. 1958 йил июнда Мудофаа министрининг ўринбосари —Мудофаа министрлиги Фронт орқаси Бошлиғи лавозими таъсис этилди, бу лавозим 1962 йилдан бошлаб Мудофаа министрининг ўринбосари — Қуролли Кучлар Фронт орқасининг Бошлиғи деб аталади.

Совет Қуролли Кучларининг ҳозирги Ф. о. таркибида арсеналлар, моддий воситалар сақланадиган база ва омборлар; махсус қўшинлар, ёрдамчи флот; аэродром-инженерлик, авиацион-техника, авария-қутқарув, эвакуация, ремонт, қурилиш, медицина, ветеринария ва бошқа қўшилма, қисм, муассаса, бўлинмалар мавжуд. Шунингдек, Ф. о. фаолиятини таъминлаш учун унинг таркибига инженерлик қўшинлари, алоқа қўшинлари, Ҳаво ҳужумидан мудофаа қилиш қўшинлари ва соқчиларнинг қўшилма, қисм, бўлинмалари ҳам киради. Қуролли кучларнинг Ф. о. бажариладиган ишларининг кўлами ва характерига қараб, стратегик Ф. о., оператив Ф. о. ва қўшин Ф. о. га мансублигига кўра эса марказ Ф. о., фронт, округ, флот, армия, флотилия, флот авиацияси, корпус, ҳарбий-денгиз базаси, дивизия, бригада, полк, кема ва батальон Ф. о. га бўлинади. Стратегик Ф. о. га марказ Ф. о. ва давлат резерви материалларининг бир қисми, баъзи алоҳида даврларда Қуролли Кучлар таъминотини яхшилаш учун мамлакатнинг ҳарбий-сиёсий раҳбарлари томонидан ҳарбий қўмондонлик ихтиёрига ажратиладиган махсус тузилмалар, халқ хўжалиги муассасалари ва корхоналари киради. Оператив Ф. о. материал воситалар запасига эга бўлган база ва омборлар махсус Ф. о. қўшинларининг қўшилма ва қисмлари ҳамда барча турдаги қуролли кучлар бирлашмаси таркибига кирувчи қисм ва муассасалардан иборат бўлади. Материал воситалари бор омборлар, қўшилма, қисм ва бўлинмаларни бевосита таъминлашга мўлжалланган автотранспорт, ремонт, медицина ва б. қисмлар, бўлинмалар қўшинн Ф. о. ни ташкил этади. Ҳар бир қўшилма, қисм (кема) ва бўлинма ўз Ф. о. га эга, уларнинг составн штат бўйича белгиланган. Мас., мотоўқчи батальоннинг Ф. о. таъминот взводи, ремонт устахонаси ва батальон медицина пунктидан ташкил топади.

Чет давлатнинг қуролли кучларида қўшин ёки флот кучларини материал, техника, медицина ва бошқа жиҳатдан таъминлаш ҳам марказлаштирилган ҳолда ташкил этилади. Қуролли кучларнинг Ф. о. га мудофаа министри (штаб, ёрдамчилар, Ф. о. бошқармалари ва қўмондонликлари орқали) умумий раҳбарлик қилади. Бирлашма, қўшилма ва қисмларда таъминотни қўмондон (командир)ларнинг Ф. о. бўйнча ўринбосарлари, шунингдек, Ф. о. қўмондонлари бевосита уюштирадилар.

Ад.: В. И. Ленин и тыл советских Вооруженных Сил, М., 1970; История Великой Отечественной войны Советского Союза, 1941—1945, т. 1—6, М., 1960—65; Тыл Советской Армии, М., 1968; Тыл Советских Вооруженных Сил в Великой Отечественной войне 1941—1945 гг., М., 1976.

ФРОНТ ТЕАТРЛАРИ — профессионал театр коллективлари. Улуғ Ватан уруши (1941—45) йиллари фронтда Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти қисмларига ва фронт орти р-илари, мамлакат ичкарисидаги ҳарбий муассасалар (эвакуация пунктлари, госпиталлар ва б.) га хизмат қилган. Дастлабки Ф. т. Киев ҳарбий округи театри, Смоленск драма театри, Қизил байроқли Болтиқ флоти театри, Калининн драма театри ва б. дир. Ҳаммаси бўлиб 30 га яқин Ф. т. (шу жумладан Бутун Россия театр жамиятининг 5 Ф. т., Вахтангов номидаги театр, Кичик театр ва б. нинг фронт филиаллари) ташкил қилинган. Уруш йиллари тузилган Ф. т. нинг бир қисми 1946 йилдан Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз флотининг стационар ва кўчма театрларига айлантирилди.

ФРОНТАЛ ЗОНА, фронт зонаси (метеорологияда) — тропосферанинг ўрта ва юқори қатламларида т-ра ва атмосфера босими меридионал йўналишда энг кўп ўзгариб турадиган зона. Юқорига кўтарилган сари босим горизонтал йўналишда т-ра б-н биргаликда ўзгара боради: ўртача босим субтропиклардан қутбларга томон пасая боради, изобаралар параллеллар бўйлаб ўтади. Аслида босим тўхтовсиз ўзгариб туради. Паст босимли совуқ обл. юқори босимли иссиқ обл. б-н ёнма-ён турганда меридионал йўналишда босим айниқса катта фарқ қилади ва кенгликлар орасидаги т-ра ҳам кескин тафовут қилади.

Ф. з. ана шундай областлар ўртасидаги оралиқ зонадир. Ф. з. *атмосфера фронтлари* пайдо бўлиши учун энг қулай обл. ҳисобланади. Ф. з. да ҳаво оқимлари тезлиги катта бўлганда ер юзасида *циклон* ва *антициклон* марказлари вужудга келиши мумкин

ФРОНТИСПИС (лат. frons — олд, олд томон ва spicio — қарайман) — китоб титул саҳифаси чап томонида берилган иллюстрация. Унда асарнинг асосий ғояси ифодаланади ёки муҳим эпизоди тасвирланади. Айрим ҳолларда муаллиф портрети берилади.

ФРОНТИТ (лат. frons — пешана, олд томон) — пешана суяги бўшлиғининг яллиғланиши. Ўткир ва хроник кечади.

Ўткир Ф., асосан, грипп, шамоллаш ва б. юқумли касалликларнинг асорати сифатида пайдо бўлади. Қатарал, йирингли бўлиши мумкин. Ўткир Ф. да пешана ва юқори қовоқлар қаттиқ оғрийди; кўз ёшланиб, бемор ёруғлиққа қаролмайди, бурундан селга ўхшаш суюқлик келади. Шунингдек, гавда т-раси кўтарилиши, бош оғриши, дармонсизланиш каби аломатлар ҳам кузатилади. Ўткир Ф. яхши даволанмаса хроник Ф. га айланади. Хроник Ф. да ғалвирсимон *лабиринт*нинг катакчалари зарарланади ва унда *полиплар* ҳосил бўлади.

Давоси: Ф. да бурун шиллиқ қаватига кокаин ва адреналининг 2—3% ли эритмаси суртилади, томир торайтирувчи дорилар томизилади, иссиқ қилинади, баъзан хирургик усул қўлланади.

ФРОНТОН (лат. frons—олд, олд томон)—бино фасадининг учбурчак шаклидаги юқори, якунловчи қисми. Юқоридан том қирралари, пастдан кариз б-н ўралади. Девор, шунингдек, портик, колоннадалар устида ишланади. Безак мақсадларида пештоқ, эшик, дераза устида ҳам ишланиб, рельеф б-н безатилиши мумкин. Биноларнинг юқори қаватларида деворлан бўртиб чиқиб турадиган, дераза, эшик, балконлар, шунингдек лоджиялар тепасидаги архитектура детали ҳам Ф. деб аталади.

ФРУКТОЗА, қанд, левулоза, β-D-фруктофураноза, $C_6H_{12}O_6$ — таъми ширин рангсиз кристалл модда. Қайнаш т-раси 102—104°С; сувда эрийди. Ф.— моносахарид, кўпчилик меваларда, мас., помидор, олма, асалда (50%) эркин ҳолда учрайди; олиго- ва полисахаридлар таркибига киради. Ф. фосфатлари (фруктоза-1,6- дифосфат, фруктоза-6- фосфат) *фотосинтез*нинг қоронғи фазасида (кельвин цикли), метаболизм процессида (*гликолиз*, спиртли бижғиш) ва углеводлар биосинтезида ҳосил бўладиган оралиқ бирикмалардир.

Ф.— қимматли озиқ маҳсулоти, организмга яхши сингийди; мевадан, *сахароза* ва *инулин*ни гидролизлаб, шунингдек D- глюкозага ишқор таъсир эттириб олинади. Ф. нинг фураноза (табиий) шаклидан ташқари очиқ кетон ва б. таутомерия шакли ҳам маълум. Ф. озиқ-овқат саноати ва медицинада қўлланилади. Фруктоза-1,6- дифосфат — шок ҳолатида ва юрак касалликларида ишлатилади.

ФРУНЗЕ Михаил Васильевич [1885. 21. 1 (2. 2), Пишпак (ҳозирги Фрунзе ш.)—1925. 31. 10, Москва]— совет давлат, партия ва ҳарбий арбоби, ҳарбий назариётчи. 1904 йилдан Коммунистик партия аъзоси. Верний (ҳозирги Олмаота)да гимназияни тугатгач, 1904 йил Петербург Политехника ин-тига ўқишга кирди. У ерда большевиклар партияси сафига ўтди ва профессионал революционерлар қаторидан ўрин олди. Ишчи ва студентлар ҳаракатида қатнашганлиги учун Петербургдан сургун қилинди; 1905 йил майда Иваново-Вознесенск тўқимачиларининг стачкаси ва биринчи ишчи депутатлари Советига раҳбарлик қилди. РСДРП 4- (бирлаштирувчи) съезди (1906) делегати. Революцион фаолияти учун 1907 йил мартида қамоққа олиниб, 1909—10 йилларда 2 марта ўлим жазосига ҳукм қилинди. Аммо жамоатчилик ва ишчиларнинг норозилиги туфайли бу ҳукм 10 йиллик каторга б-н алмаштирилди. 1915 йилнинг бошларида Верхоянск уездига бадарға қилинди, 1915 йил августида Иркутскка, сўнг Читага қочди. 1916 йили партия уни солдатлар ўртасида революцион иш олиб бориш учун Ғарбий фронтга юборди. Февраль рев-ясидан кейин Минск ва Вильнода ишлади, Ғарбий фронтда корниловчиликка қарши курашга раҳбарлик қилди. 1917 йил сентябрдан Шуя уезд партия комитети ва со-



Фрунзе М. В.




Фронтонли бино (Днепропетровскдаги студентлар маданият саройи).

вети раиси. 1917 йил октябрда Иваново-Вознесенск ва Шуя ишчи отрядлари б-н Москвадаги октябрь қуролли қўзғолонида қатнашди.

1918 йилнинг I-ярмида Ф.— Иваново-Вознесенк губерния партия комитети, губерния ижроия комитети ва губерния ХКС раиси ҳамда ҳарбий комиссари. 1918 йил августидан Ярославль ҳарбий округи ҳарбий комиссари, декабрдан Шарқий фронтдаги 4-армия қўмондони бўлиб ишлади. 1919 йил апрелдан Шарқий фронтнинг Жанубий группаси (4-, Туркистон, 1- ва 5-армиялар) қўмондони. У бу вақтда Колчакнинг асосий кучларига қарши қатор муваффақиятли ҳужум операцияларини амалга оширди. 1919 йил июлдан Шарқий фронт, августдан Туркистон фронти қўмондони, октябрдан Бутун Россия МИҚ, РСФСР ХҚС ва РКП(б) МҚнинг Туркистон ишлари бўйича комиссияси аъзоси. Ф. қўмондонлигида Туркистон фронти қўшинлари Колчак армиясининг Жанубий группасини тор-мор этдилар, Жанубий Урални эгаллаб, Туркистонга йўл очдилар. Ф. Туркистондаги барча контрреволюцион кучларни тор-мор этиш, 14 эл интервентлари мадад бериб турган босмачилик ҳаракатини тугатиш, Хива ҳамда Бухоро халқларининг реакцион феодал режимини ағдариш ишига раҳбарлик қилди. Айни вақтда Туркистонда партия ташкилотларини мустаҳкамлаш ва совет давлат аппаратини тузиш бўйича катта иш олиб борди. 1920 йил сентябрдан Ф. Жанубий фронт қўмондони. Фронт қўшинлари Донбасс да Врангель қўшинлари ҳужумини қайтарди ва Шимолий Таврияга уни мағлубиятга учратди; 1920 йил ноябрда бутун Қримни озод қилди. Ф. 1920 йил декабрдан 1924 йил мартгача Украина ва Қрим қўшинлари қўмондони ҳамда айни вақтда (1922 йилдан) УССР ХҚС раиси ўринбосари; Украина КП(б) МҚ Сиёсий бюроси аъзоси. 1924 йил мартдан СССР Ҳарбий Революцион кенгаши раиси ўринбосари, ҳарбий ва денгиз ишлари бўйича халқ комиссари, шунингдек 1924 йил апрелдан Ишчи-Деҳқон Қизил Армияси штаби ва Ҳарбий академия бошлиғи. 1925 йил январдан СССР Ҳарбий Революцион Кенгаши раиси ва ҳарбий ҳамда денгиз ишлари халқ комиссари. Ф. раҳбарлигида 1924—25 йилларда СССР да ҳарбий ислоҳот ишлаб чиқилди ва амалга оширилди. Ф. Бутун Россия МИКнинг барча чақириқлари аъзоси. 1921—25 йилларда РКП(б) МҚ аъзоси, 1924 йилдан МҚ Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, 2 та Қизил Байроқ ордени, Фахрий революцион қурол б-н мукофотланган. Москва Қизил Майдонига дафн этилган. Қирғизистон ССР пойтахти, «*Фрунзевец*» газетаси, Тошкентдаги районлардан бири ва б. Ф. номига қўйилган.

Ас.: Избр. произведения, т. 1—2, М., 1957; Избр. произведения, М., 1965.

Ад.: Архангельский В. В., Фрунзе, М., 1970; М. В. Фрунзе. Ҳаёти ва фаолияти, Т., 1963.




Фрунзе. Ҳукумат уйи.

ФРУНЗЕ (1926 йилгача — Пишпак)— КирғССР пойтахти. Йирик саноат-транспорт узели, Қирғизистоннинг маданий маркази. Чу водийсида, Қирғизистон тизмаси этагида, 750—900 *м* баландликда жойлашган. Январнинг ўртача т-раси —5,4°, июлники 24,4°. Йиллик ёғин 471 *мм*.

Майдони 130 *км*². Аҳолиси 498 минг киши (1976).

Тарихи. Шаҳар 1825 йилда қўқонликлар томонидан қирғизларга қарши курашда таянч пункти сифатида Пишпак қалъаси ўрнида вужудга келган. 1862 йилда рус қўшинлари қирғиз отрядлари ёрдамида иккинчи марта (биринчи марта 1860 йилда) Пишпакни эгалладилар ва 1864 йилда ҳарбий пост барпо этдилар. 1878 йил майида Пишпак Еттисув областининг уезд шаҳрига айланди. 1913 йилда шаҳар саноати 2 пиво ва 3 кўнчилик корхонасидан иборат бўлиб, унда 100 ишчи ишлар эди. Аҳоли асосан савдо-сотиқ ва киракашлик б-н, шунингдек ғаллачилик, боғдорчилик ва сабзавотчилик б-н шуғулланар эди. 1905—07 йил рев-ясидан сўнг Пишпак Еттисув областида большевизм ғояларини тарқатувчи марказлардан бирига айланди. 1917 йил мартида шаҳарда ишчи ва солдат депутатлари Совети, 1917 йил октябрида эса А. И. Иваницин раҳбарлигида большевистик ташкилот вужудга келди. 1918 йил 1 (14) январда Совет ҳокимияти ўрнатилди. Пишпак меҳнаткашлари контрреволюцион ҳаракатларни бостиришда қулоқ ва бойларга қарши курашда актив қатнашдилар. 1924 йилда Қора Қирғиз (1925 йилдан Қирғиз) АО тузилиши муносабати билан Пишпак округ шаҳрига айланди, Қирғизистон Автоном Совет Социалистик Республикаси (1926), кейинчалик Қирғизистон ССР пойтахти бўлиб қолди.



Экономикаси. Саноат маҳсулотининг ҳажми 1941—73 йилларда 37 марта ортди. Шаҳарда 90 дан зиёд саноат корхонаси бор. Ф. республиканинг 43% га яқин саноат маҳсулотини беради (1973). Етакчи тармоқлари: машинасозлик ва металлсозлик. Муҳим з-лари: М. В. Фрунзе номидаги қ. х. машинасозлиги, КирғССР 50 йиллиги номидаги приборсозлик, автомобиль йиғув, «Тяжэлектромаш», «Фрунземаш». Камволь-мовут, гўшт к-тлари, «Чўлпон» пойабзал, кондитер бирлашмалари, «Октябрь 40 йиллиги» тикувчилик ф-каси, трикотаж, йигирув-тўқув ф-калари, кўн, шампань виноси з-длари ишлаб турибди. Т. й. станцияси, 2 аэропорт бор.

1975/76 ўқув йилида 92 умумий таълим мактабида 79,6 минг ўқувчи, 12 ҳунар-техника билим юртида 9,1 минг ўқувчи, 13 ўрта махсус ўқув юртида 20,8 минг ўқувчи, 7 олий ўқув юртида 41,1 минг студент ўқиди. КирғССР ФА таркибида 13 илмий тадқиқот ин-ти ва 3 бўлим бор. 77 оммавий кутубхона, 3 музей, 4 театр ишлаб турибди (1975).

Архитектураси. Рев-яга қадар ш. даги уйлар, асосан, пахса ва синчдан бир қаватли қилиб қурилиб, сомонли лой б-н сувалган. Совет ҳокимияти йилларида ш. қиёфаси тубдан ўзгарди. 20—40-йилларда КирғССР Маданият министрлиги (1926), Ҳукумат уйи (1934), медицина ин-ти (1939) ва б. бинолар қурилди. Кейинги йиллардаги реконструкция планларига мувофиқ ш. кварталлари кенгайтирилди, микрорайонлар ташкил этилди. Шаҳарнинг асосий (Дзержинский) кўчаси бульварга айлантирилиб, 50—70-йилларда Тинчлик проспектида янги микрорайонлар барпо этилди, Ботаника боғи р-нида 2-микрорайон қурилди. 1940—74 йилларда турар жойлар 8 ҳиссадан ортиқроқ кўпайди, опера ва балет театри (1955); Н. Г. Чернишевский номидаги кутубхона (1957—62), Совет майдони ансамбли (1956—60), В. И. Ленин номидаги спорт саройи (1974), Тасвирий санъат музейи (1974) бунёд этилди. Шаҳарда В. И. Ленинга (бронза, гранит, 1948, ҳайкалтарош Г. В. Нерода, архитектор В. В. Веможский), И. В. Панфиловга (гранит, цемент, 1942, ҳайкалтарошлар А. А. Мануилов, О. М. Мануилова), М. В. Фрунзега (бронза, гранит, 1972, ҳайкалтарошлар Л. И. Дубиновский, А. Н. Посяда, архитектор А. Исаев) ҳайкал ўрнатилди, Дўстлик монументи (мармар, бронза, 1974, ҳайкалтарошлар Т. Содиқов, З. Ҳабибулин, С. Бакшеев, архитектор А. Нежурин) бунёд этилди.


Ад.: Усубалиев Т. У., Фрунзе — столица советского Киргизистана, М., 1971; Рязанцев С. Н., Павленко В. Ф., Киргизская ССР, М., 1960; Ячник Е. С., Город Фрунзе, Путеводитель, Фрунзе, 1964.

ФРУНЗЕ — Андижон обл. Хўжаобод р-ни Хўжаобод қ. С. даги қишлоқ. «Узбекистон» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 1 *км*, яқин т. й. станцияси — Гурунчмозор (11 *км*). Аҳолиси 665 киши (1976); пахтачилик, чорвачилик, пиллачилик, боғдорчилик, токчилик б-н шуғулланади. Жанубий Фарғона каналидан сув ичади.

ФРУНЗЕ — Сирдарё обл. Гулистон р-ни Красноармейский қ. С. даги қишлоқ. Фрунзе номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 12 *км*, яқин т. й. станцияси — Гулистон (28 *км*). Аҳолиси 2264 киши (1976); пахтачилик, пиллачилик чорвачилик, полизчилик, боғдорчилик б-н шуғулланади. Киров номли каналдан сув ичади. Ўрта мактаб, к-з идораси, клуб, дорихона, алоқа бўлими, меҳмонхона, болалар боғчаси, ремонт устахонаси, савдо маркази ва б. бор.

ФРУНЗЕ-1— ҚҚАССР Тўрткўл р-ни Уллибор овул Советидаги қишлоқ. «Коммунизм» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 5 *км*, яқин т. й. станцияси — Урганч (35 *км*). Аҳолиси 873 киши (1976); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик, шоликорлик, полизчилик, боғдорчилик б-н шуғулланади. Кўнабогён канали орқали Амударёдан сув ичади. К-з машина-трактор парки, к-з фермаси, ремонт устахонаси, саккиз йиллик мактаб, кутубхона, медпункт, алоқа бўлими бор.

ФРУНЗЕ-2 — ҚҚАССР Тўрткўл р-ни Уллибор овул Советидаги қишлоқ. «Коммунизм» к-зи




Фрунзе шаҳри кўриниши.


терр-ясида. Р-н марказидан 7 *км*, яқин т. й. станцияси — Урганч (37 *км*). Аҳолиси 773 киши (1976); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик, шоликорлик, полизчилик, боғдорчилик б-н шуғулланади. Кўнабогён каналидан сув ичади. К-з фермаси, к-з омбори, ремонт устахонаси, саккиз йиллик мактаб, кутубхона, медпункт, алоқа бўлими бор.

ФРУНЗЕ РАЙОНИ — Фарғона областидаги р-н. 1939 йил 10 февралда ташкил топган. 1962 йил 24 декабрда Поп р-нига қўшиб юборилган. 1970 йил 7 декабрда қайта ташкил этилди. Шимолдан ТожССРнинг Ашт, Наманган областининг Поп р-нлари, шарқдан областнинг Ленинград, жанубий-ғарбдан Узбекистон р-нлари б-н чегарадош. Майдони 0,53 минг *км*². Аҳолиси 71500 киши (1977). Р-нда 5 қ. С. (Жданов, Ленин, Свердлов, Ғаллакор ва Тайлоқ) бор. Маркази — Данғара қишлоғи.

Табиати. Р-н терр-яси Фарғона обл. ининг шимоли-ғарбидаги текисликда жойлашган. Р-нинг шимолидан Сирдарё, Сўх дарёлари, Оқтепасой ва Наймансой оқиб ўтади. Иқлими кескин континентал. Йиллик ўртача т-ра 13,4°. Июлнинг ўртача т-раси 26,8°, максимал т-ра 42°, январнинг ўртача т-раси —2,2°, минимал т-ра —23°. Вегетация даври 220 кун. Йиллик ўртача ёғин миқдори 98 *мм*. Тупроқлари, асосан, бўз тупроқ ва ўртача шўрланган ўтлоқи-ботқоқ тупроқ. Кучсиз шўрланган ерларда бир марта, ўртача ва кучли шўрланган майдонларда икки-уч марта шўр ювилади. Ёввойи ўсимликлардан янтоқ, ажриқ, шўра, ғумай, қамиш, қум тепаликлари ва тўқайларда юлғун, саксовул, ёввойи жийда ва б. ўсади. Ёввойи ҳайвонлардан бўри, тулки, типратикан, чиябўри, судралувчилардан калтакесаклар, кўлвор илон, чипор илон, кемирувчилардан каламуш, сичқон, қушлардан чумчуқ, қарға, ўрдак, қашқалдоқ, бедана, тўрғай ва б. бор.



Фрунзе трикотаж фабрикасида.



Аҳолиси, асосан, ўзбеклар; руслар, тожиклар, озарбайжонлар, татарлар, қирғизлар ва б. ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 *км*² га 132 киши.


Хўжалиги. Ф. р. асосан, пахта етиштиришга ихтисослашган. Чорвачилик, пиллачилик ва боғдорчилик ҳам ривожланган.

Совет ҳокимияти йилларида ирригация ва мелиорация ишлари кенг ривожланди. Сирдарёдан сувни чиқариб берадиган Абдусамат ва Олахамак насос станциялари қурилди. Р-нинг ғарбий томонида Сўх ташламаси ва унинг сувидан фойдаланиш ҳамда Сирдарёга ташлаб юбориш имконини берадиган иншоот қурилган. Фрунзе ёрдамчи канали орқали Шимолий Боғдод коллектори сувидан ҳам экинларни суғоришда фойдаланилади. Сирдарё яқинида сунъий сув ҳавзаси барпо қилиниб, балиқчилик хўжалиги ташкил этилган. Хўжалик ҳар йили 300 *т* дан кўпроқ балиқ етиштириб беради. Р-н терр-ясида механизациялаштирилган ўрмон хўжалиги бор. Хўжалик ҳар йили давлатга 22 хил ўрмон маҳсулоти тайёрлаб беради. Р-нда «Ферганаводстрой», «Ферганаирстрой» трестларининг қурилиш-монтаж бошқармалари, область суғориш системалари бошқармаси ва бу ташкилотларнинг автобазалари ишлаб турибди.

Қ. х. да фойдаланиладиган 32411 *га* ернинг 19828 гектари ҳайдалади, қолган қисми яйлов. 14518 *га* ерга пахта экилади. 1975 йилда давлатга 44188 *т* пахта, 292,5 *т* пилла сотилди. Р-н хўжаликларида 13100 қорамол, 15490 қўй ва эчки бор (1976).

36 умумий таълим мактабида 20660 бола ўқийди (1975—76). 44 кутубхона, 26 клуб, 31 киноустановка ишлаб турибди. 585 ўринли 7 касалхона, поликлиника, туғруқхона, медпунктларда 87 врач ва 312 ўрта медицина ходими ишламоқда. 1971 йилдан р-н «Ғалаба» газетаси чиқиб турибди. Тиражи 7679 нусха (1976).

Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари И. Бегимқулов, У. Пирматов, Ҳ. Абдураззоқов, Ю. Иброҳимов, Э. Иномовалар шу р-нликдир.



Сирдарёнинг Фрунзе райони чегарасидаги кўриниши.

ФРУНЗЕ ЧУҚҚИСИ — Зулумарт тизмасининг ўрта қисмидаги чўққи Помирнинг шимолида. Баландлиги 5790 *м*. Асосан, оҳактош ва сланецлардан тузилган. Музлик ва қор майдонлари бор. М. В. *Фрунзе* номи б-н аталган.

«ФРУНЗЕВЕЦ» («Фрунзечи») — ҳарбий кундалик газета. Қизил Байроқ орденли *Туркистон ҳарбий округи*нинг органи. «Ф.» саҳифаларида совет ҳарбий фани, партиянинг ҳарбий қурилиш соҳасидаги сиёсати, Туркистон Ҳарбий округи қўшинларининг фаолияти кенг ёритилади. Тошкентда рус тилида нашр этилади. Газетанинг биринчи сони 1918 йил 12 апрелда «Красноармеец» («Қизил аскар») номи б-н чиққан. 1919 йил апрелдан «Набат революции» («Революция бонги»), «Красный флот» («Қизил флот»), «Красноармейская газета» («Қизил аскарлар газетаси»), «Красная звезда» («Қизил юлдуз») номларида нашр этилган. 1938 йили февралдан «Ф.» нинг ташкилотчиси ва асосчиларидан бири М. В. *Фрунзе* шарафига газета «Ф.» деб аталди. Улуғ Ватан уруши (1941—45) нинг бошидан 1956 йилгача «Ф.» рус, ўзбек, тожик ва туркман тилларида нашр этилди. Газетага турли йилларда М. В. *Фрунзе*, В. В. *Куйбишев*, М. Н. *Троицкий*, А. *Толстой*, *Жамбул Жабаев*, *Якуб Колас*, С. *Михалков* ва б. қатнашганлар. Қизил Юлдуз ордени б-н мукофотланган (1968).

ФРУСТРАЦИЯ (лат. frustratio — кайфиятнинг бузилиши, режаларнинг барбод бўлиши) — онг ва фаолиятни издан чиқарувчи психик ҳолат. Бирор тўсиқ ва қарама-қарши мотивлар (истаклар) туфайли пайдо бўлади. Бунда кишининг эҳтиёжлари қондирилмайди ёки бу қарама-қарши мотивлар эҳтиёжларнинг қондирилишини тормозлайди.

Ф. кишининг мақсадга эришиш йўлида учрайдиган, объектив равишда енгиб бўлмайдиган ёки субъектив равишда шундай туюладиган қийинчиликлар туфайли пайдо бўлади. Қаноатсизлик одамнинг чидамидан юқори бўлгандагина Ф. юзага келади. Қаноатсизликнинг бу даражаси Ф. нинг бошланиши дейилади. Ф. ни келтириб чиқарувчи сабаблар фрустратор дейилади. Ф. ҳам бошқа психологик ҳолатлар сингари киши характерига хос ёки янги характер хислатларининг бошланишини кўрсатувчи ва шу б-н бирга ўткинчи ҳолат бўлиши мумкин.

Ф. нинг турлари: агрессив ҳолат, апатия, депрессив ҳолат, ғамгинлик туйғуси, ўзига ишонмаслик, кучсизлик, маъюслик ва б.

ФТАЛАЗОЛ [*n*-(о-карбоксибензамидобензолсульфамидо)-тиазол, фталилнорсульфазол], $C_{17}H_{13}O_5N_3S_2$ — рангсиз ёки сал сарғиш кристалл порошок; сувда эримайди, ўювчи ва карбонат ишқорнинг сувдаги эритмасида яхши эрийди. Ф. норсульфазол б-н фталат ангидридни спиртда қиздириб ёки норсульфазолни фталат кислота б-н сувда 98°С гача қиздириб ацеллаб олинади. Ф. дизентерия, яралн колит ва б. ичак касалликларини даволашда ишлатилади.

ФТАЛАТ КИСЛОТАЛАР, фтал кислоталар, бензолдикарбон кислоталар, $C_6H_4(COOH)_2$ — ароматик қаторнинг дикарбон кислоталари; орто- (ёки тўғридан-тўғри фталат кислота), мета- (изофталат кислота) ва пара- (терефталат кислота) тури бор. Ф. к. — рангсиз кристаллар, суюқланиш т-раси: орто Ф. к. ники 200°С (парчаланади), мета Ф. к. ники 348° ва пара Ф. к. ники 425°С.

о-Ф. к. фталат ангидриди ҳолида олинади ва ишлатилади. *о*-Ф. к. мураккаб эфирларининг амалий аҳамияти муҳим, $C_6H_4(COOR)_2$ қайнаш т-раси юқори суюқлик, поливинилхлорид, полистирол ва б. полимерларнинг пластификаторлари сифатида ишлатилади. *м*-Ф. к. ва *п*-Ф. к. *м*- ва *п*-*ксилол*ни оксидлаб олинади. Булар асосида саноатда ароматик *полиамид*лар, мас., поли-*м*-фениленизофталамид ва полиарилатлар ишлаб чиқарилади.

ФТАЛОЦИАНИНЛАР — тетрабензотетразапорфин ҳосилалари (фталоцианин) ва унинг металлар б-н ҳосил қилган комплекс бирикмаларидан иборат бўяғичлар группаси. Ф. дан мис фталоцианин — зангори рангли *пигмент* кўп, кобальт ва никель комплекслари камроқ ишлатилади.

Ф. жуда татимли, қуёш нури ва иссиққа чидамли. Литография бўёқлари тайёрлашда, резина ва пластмассага ранг беришда қўлланилади. Ф. га сульфогруппа киритиб матога ишлатиладиган ранг тайёрланади.

ФТИВАЗИД (Phthivazidum) — силни даволашда қўлланиладиган препарат. Сил микобактериясига танлаб таъсир этади. Сал хушбўй ҳидли, мазасиз, оч сариқ ёки сариқ порошок. Сувда ва спиртда ёмон, кислота ва ишқорда яхши эрийди. Порошок ва таблетка ҳолида чиқарилади.

ФТИЗИАТРИЯ (юнон. phthisis — ориқлаш, дармонсизланиш ва iatreia — даволаш) — медицинанинг бир бўлими. *Сил*нинг келиб чиқиш сабаблари, ривожланиш механизми, клиник-морфологик аломатлари, даволаш, олдини олиш чораларини ўрганади. Ф. термини фанга *Гиппократ* томонидан киритилган. СССРда Ф. мустақил илмий-амалий фан сифатида *терапия*дан ажралиб чиққан. Совет даволаш-профилактика муассасалари ва илмий тадқиқот ин-тлари силга қарши курашни уюштирувчи ташкилий методик марказлар бўлиб силга қарши диспансерлар, санаторийлар, касалхоналар ишини бошқариб туради, силнинг турли формаларини даволаш, олдини олиш усулларини, шунингдек Ф. нинг назарий асосларини ишлаб чиқиш б-н шуғулланади. Ф. да турли тадқиқот методлари; клиник, рентгенологик, эндоскопик, биохимиявий, бактериологик, иммунологик усуллар ва ҳ. к. қўлланилади. Ф. нинг фтизиохирургия, фтизиопедиатрия, фтизиоурология сингари соҳалари бор. Ф. да гигиена ва санатория режими, сунъий *пневмоторакс*, симптоматик ва хирургик даводан ташқари махсус дори воситаларидан ҳам фойдаланилади.

УзССРда биринчи марта 1920 йили Тошкентда В. П. Серебряков раҳбарлигида силга қарши диспансер, 1932 йили эса Самарқандда Республика силга қарши илмий текшириш ин-ти ташкил этилди. 1936 йили бу ин-т Тошкентга кўчирилди. Ҳозир мазкур ин-т акад. Ш. А. Алимов номли Узбекистон сил касаллиги илмий тадқиқот ин-ти деб юритилади. СССРда Ф. нинг ривожланишида Л. К. Богус, Ф. В. Шчебанов, Н. А. Шмилов ва б. нинг хизмати катта бўлди. Узбекистонда И. Т. *Гаспарян*, Ш. А. *Алимов*, А. А. *Саидаҳмедов*, Р. А. Аъзамов, А. А. Қалонхўжаев каби олимлар Ф. ривожига катта ҳисса қўшдилар. ТошМИ, СамПИ, Андижон Медицина ин-ти, Тошкент Врачлар малакасини ошириш ин-ти ва б. да Ф. кафедралари бўлиб, улар сил касаллигининг олдини олиш, уни ўз вақтида аниқлаш ва даволашнинг янги методлари устида иш олиб бормоқдалар.

ФТОР (Fluorum), F — Менделеев даврий системасининг VII группасига мансуб кимёвий элемент; *галогенлар*га киради; ат. н. 9, ат. оғ. 18,9984. Ф. бир изотоп ^{19}F дан иборат. Шунинг учун ҳам Ф. «соф элемент» ҳисобланади. Ф. нинг 5 та радиоактив изотопи сунъий равишда олинган.

Ф. нинг дастлабки маълум бўлган бирикмаси кальций фторид CaF_2 дир. 1771 йилда швед кимёгари К. Шееле водород фторид кислота HFни кашф қилди. А. *Ампер* 1810 йилда фторид кислотанинг хлорид кислотага ўхшашлигига асосланиб, хлор каби яна бир элемент мавжуд, у кашф этилиши керак деган фикрга келди, бу элементни «флюорий» деб аташни, кейинроқ, кашф этиладиган ўша элементга «фтор» (юнон. парчаловчи) номи берилишини таклиф қилди. Француз кимёгари А. Муассан 1886 йилда калий фторид қўшилган сувсиз водород фторид кислотани платинали идишда —55°С да электролизлаб биринчи бор эркин Ф.—F_2 олган. Ф. номи фақат СССРда қабул қилинган.

Ф. нинг энг муҳим минераллари кальций флюорид ёки кальций фторид (плавик шпат) CaF_2 (таркибида 48,7% Ф. бор) ва криолит Na_3AlF_6 (таркибида 54,3% Ф. бор) дир. Ф. бирикмалари табиий сувда, ўсимлик ва ҳайвон организмида учрайди. Ф. ер пўстининг оғирлик жиҳатидан 2,7·10⁻² % ни ташкил қилади.

Ф. оч сариқ тусли, ўткир ҳидли, заҳарли газ. Нафасни бўғади. Ф.—188°Сда суюқланади, —220°С да қотади. Газсимон Ф. нинг зичлиги 1,693 *г/л* (0°С, 760 *мм* сим. уст. да). Ф. молекуласи икки атомли. Ф. нинг бошқа элементлар б-н бирикмалари жуда мустаҳкамлигидан уни кимёвий усулларда эркин ҳолда ажратиб олиб бўлмайди. Ф. сувда эримасдан у б-н реакцияга киришади, бензол, хлороформ каби эритувчиларда эрийди. Ф. жуда актив элемент, энг кучли металлмас, энг кучли оксидловчи. Кислород ва азот Ф. б-н бевосита бирикмайди. Ф. бошқа барча элементлар б-н мувофиқ реакцион шароитда бевосита бирикади. Ф. водород б-н ҳатто —250°С да ҳам шиддатли реакцияга киришиб водород фторид HF ҳосил қилади. Унинг билвосита усулда олинган кислородли бирикмаси F_2O заҳарли газ. Ф. платина, олтин ва б. асл металларга уларнинг чўғ ҳолатида таъсир этади. Қўрғошин, никель ва миснинг сирти Ф. атмосферасида 100°С да ёқ шу металлар фторидлари қавати б-н қопланади ва бу қават металлнинг қолган қисмини Ф. таъсиридан сақлайди. Ф. ўз бирикмаларида —1 валентли.

Водород фторид — H_2F_2 Ф. ишлаб чиқариш манбаи ҳисобланади. Водород фторид плавик шпатга 130°С да сульфат кислота таъсир эттириб олинади. Ф. олиш учун KF·HF ёки KF·2HF таркибли тузларнинг электролизидан фойдаланилади.

Олинадиган эркин Ф. нинг асосий қисми фторорганик бирикмалар (фреон CF_2Cl_2, винил фторид $CH_2=CHF$) тайёрлаш учун сарфланади. Суюқ Ф. ракеталарда ишлатиладиган

суюқ ёнилғилар учун оксидловчи сифатида қўлланилади. Газсимон Ф. атом техникасида уран (IV)-фторидни оксидлаб уран (VI)-фторидга айлантириш учун кетади. Олинадиган Ф. нинг оз қисми хлор фторид ClF_3 (бу модда суюқ ракета ёнилғи учун оксидловчи сифатида ишлатилади), кобальт, кумуш, марганец, сурма каби металларнинг фторидларини тайёрлаш учун ишлатилади (бу фторидлар фторловчи восита сифатида ишлатилади).

Ф.— заҳарли, унинг ҳаводаги энг катта йўл қўйиладиган концентрацияси тахм. $2 \cdot 10^{-4}$ *мг/л*. Ф. нафас йўллари, ўпка ва марказий нерв системаси ва б. органларга (юрак, кўз) таъсир этади. Ф. терига текканда сув б-н яхшилаб ювиш керак. Ф. ўтга чидамсиз, портлайди. Шунинг учун Ф. б-н ишлаганда эҳтиёт чораларига риоя қилиш талаб этилади.

Ад.: Некрасов Б. В., Основы общей химии, М., 1973; Рысс И. Г., Химия фтора и его неорганических соединений, М., 1956.

ФТОРИД КИСЛОТА, плавик кислота— водород фторид HF нинг сувдаги эритмаси. Ф. к. оксидлар б-н реакцияга киришиб, *фторидлар* ҳосил қилади. Фторидларни эритиб улар б-н комплекс бирикмалар ҳосил қилади; силикат материаллар б-н (жумладан, шиша б-н) шиддатли реакцияга киришади. Шишани тезоблашда, фторидлар олишда, эритувчи ва реагент сифатида ишлатилади.

ФТОРИДЛАР — фторнинг гелий, неон ва аргондан бошқа элементлар б-н бўлган бирикмаси. Менделеев даврий системасининг I ва II группа элементлари фторидлари элемент-фтор ион боғли қаттиқ моддалардир; VI ва VII группа элементларининг кўпчилик фторидлари элементфтор ковалент боғли газ моддалардир; таркибида углерод бўлган Ф. фторорганик бирикмалар классини ҳосил қилади; Кўпчилик металлар (V, Mo, W, Re ва б.) нинг юқори фторидлари учувчан моддалардир. Ф. табиатда учрайди. Галогенлар, инерт газлар, кислород, азот ҳамда бошқа кўпгина юқори даража оксидланувчи элементларнинг фторидлари оксидловчилар; мишяк, сурма, бор фторидлари кучли кислоталардир.

Ф. элементларга фтор таъсир эттириб, водородни металлар б-н реакцияга киритиб ва б. усулларда олинади. Ф. дан водород фторид, кислород фторидлари, азот фторидлари кенг қўлланилади. Хлор Ф. ракета техникасида, фторловчи агент сифатида металл қопламалари, оптик шишалар тайёрлашда ишлатилади.

ФТОРҚАУЧУҚЛАР — таркибида фтор бўлган каучуксимон полимерлар (эластомерлар). Иссиққа чидамлилиги, ёнмаслиги ва кўпчилик емирувчи муҳитга бардошлилиги б-н ажралиб туради. Гексафтор-пропиленли ёки трифторхлорэтиленли винилиденфторид сополимерлари саноатда кенг кўламда ишлатилади. Бу хилдаги сополимерлар узоқ сақланадиган, оқ тусли заҳарсиз маҳсулот, зичлиги 1,80—1,86 *г/см*^{3}, шишаланиш т-раси —20°С га яқин, мол. массаси 10 мингдан 1 млн. гача.

Ф. асосида ҳосил қилинган резиналардан совуққа чидайдигани перфторметилвинил эфирли винилиденфторид сополимерлари негизида олинади. Бу типдаги Ф. нинг шишаланиш т-раси —40°С атрофида.

Ишқорлар, турли эритувчи ва оксидловчиларга, шу жумладан, фторга чидамли резиналар тўлиқ фторланган каучуклардан, мас., трифторнитрозометанли тетрафторэтилен сополимери асосида олинади. Иссиққа жуда чидамли резиналар перфторметилвинил эфирли тетрафторэтилен сополимерлари асосида олинади.

Ф. ни синтезлашнинг асосий методи мономерларни эмульсияда радикалли полимеризациялашдан иборат. Ф. асосан мой, оксидловчилар ҳамда 200°С ва ундан юқори т-рада емирувчи моддалар б-н бевосита контактда бўладиган зичловчи деталлар тайёрлашда, кимё саноатида, авиация ва космик техникада ишлатилади.

ФТОРОМЕТРИЯ — фторидлар ёки фтор комплексларидан фойдаланиб, F^- ионлари, шунингдек Al^{3+}, Fe^{3+}, Si^{4+}, Zr^{4+}, Ti^{4+}, Th^{4+}, U^{4+} ва б. элемент ионларини аналитик аниқлаш методлари мажмуи. Анализ қилинаётган моддани миқдорий аниқлашда аввал уни сульфат, хлорид ёки фосфат кислота б-н қиздириб, парчалаб, кейин ҳайдалади. Ф. нинг бошқа аниқлаш методлари ҳам мавжуд.

ФТОРОПЛАСТЛАР — таркибида фтор бўлган *пластмассалар*нинг СССР даги номи, фтор ҳосилали этилен гомополимери ва уларнинг бошқа фтор ҳосилали олефинлари, олефинлар, перфторакилвинил эфирлари б-н бўлган сополимерлари. Политетрафторэтилен (дунёдаги барча ишлаб чиқариладиган Ф. нинг 85% ни ташкил этади) ва политрифторхлорэтиленнинг аҳамияти жуда катта. Бу полимерларнинг ранги оқ, кимёвий жиҳатдан чидамли, иссиқ ва совуққа бардошли, ёнмайди.

Политетрафторэтилен $[-CF_2-CF_2-]_n$, мол. массаси $5 \cdot 10^5$—$2 \cdot 10^6$, зичлиги 2,2 *г/см*^{3} (20°С да). Кимёвий чидамлилиги жиҳатдан платина, кварц, графит ва барча синтетик материаллардан устун туради; кучли оксидловчилар, қайтарувчилар, кислоталар, ишқорлар, органик эритувчиларга чидамли. Сувда, ёнилғи ва мойларда айнимайди. Тропик иқлимга, замбуруғларга бардошли. —269°С гача эластиклигини сақлайди. Полимер эриганида тиниқ тусга киради. 415°С да парчаланади.

Политрифторхлорэтилен $[-CF_2-CFCl-]_n$, мол. массаси 56 000—360 000, зичлиги 2,09—2,16 *г/см*^{3} (25°С да). Оксидловчилар, ишқорлар, кучли кислоталарга чидамли, эфирлар ва галоген ҳосилали углеводородларда бўкади, ароматик углеводородларда эрийди. 210°С да суюқланади, 270°С да парчаланади. Ишлатилиш т-раси —196°С дан +130—190°С гача. Тетрафторэтиленнинг гексафтор пропилен б-н, шунингдек перфторпропилвинил эфир б-н бўлган сополимери юқори термик ва ишланувчанлик хусусиятига эга. Тетраэтиленнинг перфторолефинлар б-н бўлган таркибида сульфогруппаси бор сополимери иссиққа ва кимёвий жиҳатдан чидамли катион алмаштирувчи смоладир. У кислоталилиги жиҳатидан бошқа барча қаттиқ *ион алмаштирувчи смолалар*дан устун туради. Ёнилғи элементлари учун мембрана сифатида кўплаб ишлатилади.

Ф. радикали полимерланиш асосида ёки тегишли мономерларни сополимерлаб олинади. Ф. дан плёнкалар, транспортёр ленталари, сурков мойларисиз ишлайдиган подшипник ва сальниклар учун антифрикцион материаллар, тола ва тўқима, лаборатория идишлари, кимёвий чидамли қопламалар, металлопластлар ишланади. Ф. дан ясалган маҳсулотлар электр ва радиотехникада, авиация ва ракета техникасида, машинасозликда, кимё ва атом саноатида, озиқ-овқат саноатида ҳамда медицинада ишлатилади.

СССРда Ф. фторлон, АҚШда эса тефлон номида ишлаб чиқарилади.

Ад.: Фторополимеры, Пер. с англ. М., 1975.

ФУГА (лат. fuga — югуриш, қочиш) — *полифония* услубидаги музикавий шакл. Ф. бир (оддий Ф.), икки ва ундан ортиқ (мураккаб Ф.) мавзу (куй)ларни имитация воситасида муайян лад-тоналликлараро ривожлантиришга асосланади. Овозлар сонига кўра 2, кўпинча 3—4 (баъзан 5) овозли Ф. ларга ҳам бўлинади. Ф. мавзуси ихчам, лекин ифодали, муайян образни акс эттирувчи ва муҳими бўлғуси ривожга мойил бўлади. Одатда, у 1- (бошловчи) овозда асосий, 2-овозда доминанта (баъзан субдоминанта), 3-овозда яна асосий ва ҳ. к. тоналликларда келади — бу қисм Ф. экспозицияси деб аталади. Сўнгра 2-экспозиция (контрэкспозиция) — ривожлантириш қисми ва стретта-якунловчи (реприза қисми келиб, уларда мавзу бошқа тоналликларда, турлича ўзгарган ҳолда (мас., камайтирилган, орттирилган, айланган ҳолда ҳамда ракоход, яъни охиридан бошига томон ҳаракатда ва ҳ. к.) келиши мумкин. Ф. нинг қисқартирилган шакли фугетта, 1-экспозиция қисмидан иборат шакли фугато деб аталади.

«Ф.» атамаси дастлаб (Италия, 14-аср) *монодия* мураккаблашиши натижасида юзага келган икки овоз (ва жўр)ли вокал асарлар (қачча)га нисбатан қўлланилган. Вокал ва кейинроқ хор учун мўлжалланган Ф. лар Уйғониш даври (*Палестрина*, Орландо Лассо ва б. ижоди)да равнақ топган, *канон*, канцона, *мотет*, ричеркар каби шаклларга асос бўлган. 17-асрда мазкур шакллар заминида чолғу Ф. лар юзага келиб, 18-асрнинг 1-ярмида И. С. *Бах*, Г. *Гендель* ижодида юксак полифоник музика шаклига айланган. Кейинчалик чет эл (П. Хиндемит), совет (Д. Шостакович, Р. Щедрин, Узбекистонда Г. Мушель) композиторлари ҳам 12 мажор ва 12 минор тоналликларида (одатда фортепиано учун) ёзилган 24 прелюдия ва Ф. туркумлари яратишган.

Ф. шаклларидан кўпроқ *камер музика, симфоник музика*, вокал-симфоник (*месса, реквием, кантата, оратория* каби), баъзан саҳнавий (опера, балет) асарларнинг айрим қисмларида кенг фойдаланилади.

Ад.: Праут Э., Фуга, Пер. с англ., М., 1922; Золотарев В., Фуга, 3 изд., М., 1965; Полифония. Сб. теоретических статей, М., 1975.

ФУГАС (франц. fougasse) — сув ўтмас қобиқда ер ёки сув остига жойланган портловчи модда заряди. Ф. тўсатдан портлаб, душманга шикаст етказиш ёки унинг олға ҳаракатини тўхтатиш мақсадида ишлатилади. Шу жиҳатдан у портловчи ҳарбий тўсиқлар типига киради. Ф. электр токи ёки детонация шнури ёрдамида, баъзида эса босим таъсирида портлайди. Кейинги пайтларда турлича инженерлик миналари пайдо бўлганлиги туфайли ҳарбий тўсиқлар системасида Ф. дан фойдаланиш бирмунча чекланди.

ФУДЗИЯМА, Фудзи, Фудзисан (айнлар тилида Фусхи — олов маъбудаси, японча яма, сан — тоғ) — Хонсю о. даги сўнмаган вулкан. Япониядаги энг баланд чўққи. Баландлиги 3776 *м*. Тўғри конус шаклида, кратерининг диаметри 700 *м*, чуқурлиги 100 *м*. Сўнгги марта 1707—08 йилларда отилган. Чўққиси йилига 10 ой давомида қор б-н қопланиб ётади. Ён бағри донмий яшил ўрмонлар ва бутазор. Ф.— японларнинг муқаддас тоғи. Туристлар кўп келади.



Фудзияма вулкан тоғи.

ФУЖЕРОН Андре (1913. 1. 10) — француз рассоми. 1939 йилдан Коммунистик партия аъзоси. «Париж аёллари бозорда» (1947) картинаси Францияда ҳаққоний прогрессив тематик санъат учун бошланган, янги реализм деб аталган ҳаракатга туртки бўлди. «Андре Ульезга шон-шараф» (1949, Тасвирий санъат музейи), «Шахталар мамлакати» картиналар сериясини (1950), «Миллий мудофаа» (1950), Турени деҳқонлари ҳаёти акс эттирилган картиналар сериясини (1952), шунингдек, Франция ва Жазоир халқларининг ҳаёти, кураши ифодаланган кўп сонли плакат, расм, литография, гравюралари, Париж мактаблари учун ишлаган монументал паннолари Ф. ни прогрессив рассом сифатида танитди.

ФУЗАРИОЗ—ўсимликлар касаллиги (қ. *Вилт*).

ФУЗАРИОТОКСИКОЗ — чорва молларининг заҳарланиши. Қишда далада қолиб кетган бошоқдошлар дони ва фузария замбуруғларидан зарарланган ем-хашакни ейиши натижасида келиб чиқади. Ҳамма ҳайвонларда ва паррандаларда учрайди. Касал ҳайвоннинг лаби яллиғланади, яраланади, ошқозон ҳамда ичакларни шилимшиқ пардасида геперемия ва шиш пайдо бўлади. Ҳайвон иситмалайди, нерв системаси иши бузилади ва қонида лейкоцитоз, лейкопения, тромбоцитопения вужудга келади, иштаҳаси йўқолиб, кавш қайтармай қўяди, мускуллари титрайди, юрак иши сусаяди ва ҳ. к.


Паррандалар бир оёқда, кўзи юмиқ ҳолда туради, ичи кетиб ахлати сассиқ ва қон аралаш бўлади, ўлади.

Даволаш — касал ҳайвоннинг ошқозони адсорбловчи моддалар б-н ювилади.

Олдини олиш — чорва молларига қишда далада қолиб кетган ва фузария замбуруғидан зарарланган дон берилмайди.

ФУЗАРИУМ (Fusarium) — такомиллашмаган замбуруғлар синфига мансуб замбуруғлар. 26 тури бор. Жинссиз конидиялар орқали кўпаяди. Бир ёки бир нечта ҳужайрали овал ёки тухумсимон шаклли микроконидиялар мицелда ва конидия ҳосил қилувчиларда пайдо бўлади. Кўпчилик Ф. сапрофит, тупроқда ва ўсимлик қолдиқларида яшайди. Баъзи турлари паразит бўлиб, ўсимликларда фузариоз (*вилт*) касаллигини қўзғатади. Ф. нинг баъзи турлари ўсимликларга ёмон таъсир қилувчи заҳарли моддалар чиқаради. Бу моддалар б-н заҳарланган ўсимликларни истеъмол қилган кишиларда септик ангина, ҳайвонларда эса *фузариотоксикоз* касалликлари ривожланади.

ФУЗУЛИЙ Муҳаммад Сулаймон ўғли (1498—Қарбало ш., Ироқ —1556) — озарбайжон шоири ва мутафаккири. Озарбайжон, форс, араб тилларида ижод қилган. Уқимишли оилада туғилган. Отаси Боёт қабиласидан бўлиб, 15-аср охирларида Озарбайжондан Бағдодга кўчиб борган. Ф. Бағдод мадрасасида таълим олган.



Фузулий.

Форс ва араб тилларини, математика, геометрия, мантиқ, астрономия, фалсафа фанларини чуқур ўрганган, муаллимлик қилган. Узоқ вақт Бағдодда яшаган. Озарбайжон ҳукмдори шоҳ Исмоил I Сафавий ва Туркия султони *Сулаймон I Қонуний* шоирни моддий жиҳатдан бир оз таъминлаб турганлар. Лекин унинг турмуши кўп вақт қийинчиликда ва камбағалчиликда ўтган. Шунинг учун ҳам кўпгина асарларида ҳаётдан норозилик кайфиятлари сезилиб туради.

Ф. ижодининг ривожланиши ва дунёқарашининг шаклланишида форс-тожик адабиётининг буюк намояндалари, буюк озарбайжон ва ўзбек шоирлари Ҳоқоний, Низомий Ганжавий, Ҳабибий, Насимий, Алишер Навоий кабилар ижоди б-н яқиндан танишиш ва уларнинг илғор шеърий анъаналарини ўзлаштириш катта аҳамиятга эга бўлган.

Ф. лирикасида халқ оммасининг кайфияти, феодал зулми ва адолатсизликлардан норозилик, инсон ҳуқуқларининг поймол этилишига қарши исён ўз ифодасини топган:

Дўст бепарво, фалак бераҳм, даврон бесукун,
Дард чўх, ҳамдард йўқ, душман қавий, толъе забун.

Ф. девон тузиб, уни «Муҳаббатнома», «Фарзанди дилбанд» деб таърифлаган. Шоир ишқий лирикасида инсоннинг маънавий олами, жўшқин ҳис-туйғулар туғёни, олийжаноблик б-н жаҳолат, разиллик, очкўзлик ўртасидаги кураш, инсонга самимий, юксак муҳаббат б-н боғлиқ ички кечинмаларни акс эттирди. Гарчи бирор суфизм оқимига мансуб бўлмасада, Ф. ижоди ва дунёқарашида суфизм таъсири сезилади.

Ф. поэтик меросининг катта қисмини ғазал ва қасидалар ташкил этади. Ғазал ҳақида:

Ғазалдир сафо бахши аҳли назар,
Ғазалдир гули гулистони ҳунар

деб ёзган шоир ўз ғазалларида ишқни, инсон гўзаллигини, вафодорлик ва садоқатни куйлади. «Машоир уш-шуаро» тазкирасининг муаллифи Латифийнинг (16-аср) ёзишича, ғазалиётда Ф. нинг «Навоийга ўхшаш ғаройиб бир ёқимли йўли ва ажойиб бир услуби бор» бўлган. Ф. ўз шеърларида лирик қаҳрамон-ошиқнинг психологик кечинмаларини, қалб сирларини бутун ички қарама-қаршиликлари б-н мумкин қадар чуқур тасвирлашга эришган. Бунда ошиқ ўз севгилиси йўлида ҳар қандай азоб-уқубатларни енгувчи, софдил инсон сифатида намоён бўлади. Ф. нинг ишқ концепцияси ўз даври дунёқарашининг энг ёрқин нуқтаси бўлиб, ўз ижтимоий-фалсафий мазмунига кўра замон адолатсизликлари ва тартибсизликларига, ҳукмрон табақаларнинг хулқ-ахлоқ нормаларига зид эди. Ф. ғазалини шаклан ва мазмунан соддалаштирди, бу борада ўзига хос, янги йўналишини бошлаб берди. Ф. поэзиясининг гуманистик пафоси кучли.

Ф. ижодининг чўққиси «Лайли ва Мажнун» достони (1536—37) дир. Асар лирик-эпик характерда бўлиб, шарқда машҳур бўлган традицион сюжет ва образлар асосида яратилган. Лекин шоир ўз қаҳрамонларига янгича руҳ бағишлайди. Фожиали севги қиссасини феодал жамияти ҳаётига янада яқинлаштиради, унга миллий колорит беради. Қаҳрамонларнинг эмоционал ишқий кечинмаларини тўлароқ ифодалаш учун шоир достоннинг асосий вазнидан чиқиб, уни ранг-баранг шакл ва мазмундаги ғазаллар б-н безайди. Ф. асарда ўз қаҳрамонларининг ички изтиробларини очишга алоҳида аҳамият берган. Асар ўрта озарбайжон тилида ёзилгани учун бошқа туркий халқлар орасида ҳам тез шуҳрат қозонди.

Ф. нинг «Матла ул-эътиқод» фалсафий рисоласи, «Суҳбат ул-асмор», «Бангу бода», «Ҳафт жом» (ёки «Соқийнома») шеърий китоблари, «Сиҳҳат ва мараз», «Ринду зоҳид» насрий асарлари озарбайжон адабиёти дурдоналаридир. «Анис ул-қалб» қасидаси фалсафий лириканинг юксак намунаси ҳисобланади. Асар Ҳоқоний Ширвоний, Амир Хусрав Деҳлавий ва Жомийнинг қасидачиликдаги илғор ғоявий-бадиий анъаналари асосида яратилган. Қасида антифеодал характерда ёзилганлиги ва социал ўткирлиги б-н ажралиб туради. Асарда шоир халқ учун хизмат қилиш, худбинлик ва шахсиятпарастликдан, очкўзлик ва шуҳратпарастликдан узоқ туриб, ҳаётни яхшилашга интилиш, коинот сирларини очиш, ҳунар ва илмни эгаллаш ғояларини илгари суради. Ф. нинг «Шикоятнома» асари озарбайжон бадиий прозасининг илк ва энг яхши намуналаридан. Чуқур социал ғоялар б-н сугорилган бу асарда Туркия ҳоким доираларининг жиноятлари фош этилади.

Ф. поэзияси озарбайжон адабиёти ва тили тараққиётида бутун бир даврни очди ва уни бойитди. Шоирнинг кўпгина мисралари афоризмларга айланиб кетган. Ф. Ҳусайн Воизнинг «Равзат уш-шуҳад» асарини форсчадан озарбайжон тилига «Бахтлилар боғи» деб таржима қилган.

Ф. ижоди фақат озарбайжон адабиётигагина эмас, балки Яқин Шарқ ва Ўрта Осиёдаги кўпгина халқлар адабиёти қатори ўзбек адабиёти тараққиётига ҳам самарали таъсир кўрсатди. Машраб, Мунис, Огаҳий, Роқим, Комил, Муқимий, Аваз ва б. ўзбек шоирлари Ф. ғазалларига муҳаммаслар боғлаб, унинг гуманистик ва умумбашарий ғояларини ривожлантирдилар. Ф. нинг озарбайжонча девони ўзбек халқи орасида 18—19-асрлардаёқ кенг тарқалди ва бир неча марта ўзбек тилида нашр қилинди. «Шифоий васл қадрин ҳажр ила бемор ўландан сўр...», «Ақл ёр ўлсайди, тарки ишқи ёр этмасмидим...», «Машҳар куни кўрам дерам ул сарв қомати...» каби ғазаллари қўшиқ сифатида ўзбек халқи орасида машҳур.

1958 йилда Ф. нинг 400 йиллик юбилейи нишонланди, унга Боку ш. да ҳайкал қўйилди. 1958—61 йилларда Ҳамид *Араслы* таҳририда Ф. асарларининг тўла илмий-танқидий нашри яратилди. Шоир ижоди Совет Иттифоқида ва чет элларда кенг ўрганилмоқда.

Ас.: Девон, Т., 1961; Асарлар. Икки жилдлик, Т., 1968.

Ад.: Крымский А., История Турции и её литературы, т. 1, М., 1910; Араслы Г., Великий азербайджанский поэт Физули, Баку, 1958; Бертельс Е. Э., Избранные труды (т. 2), Низами и Физули, М., 1962; Мамед Ариф, История азерб. лит-ры, Баку, 1971.

ФУКИДИД (тахм. мил. ав. 460—400) — юнон тарихчиси, ҳарбий арбоби (стратеги). Пелопоннес уруши (мил. ав. 431—404 йиллар) тарихига бағишланган 8 китобдан иборат «Тарих» асари (411 йилгача маълумот беради) нинг муаллифи. Ф. *Геродот*дан фарқ қилиб, тарихий маълумотларга танқидий кўз б-н қарашга катта эътибор берган. У тарихий воқеаларнинг содир бўлишида худоларнинг таъсири борлигига ишонмаган. Тарихий жараёндаги руҳий таъсир (мас., кишиларнинг хоҳишлари бир-бирига зидлиги) натижасида вужудга келади деб фараз қилган. Ф.— қулдорлик демократиясининг тарафдори.

Ас.: История, Пер. Ф. Мищенко, т. 1—2, М., 1915.

Ад.: Зельин К. К., Из иностранной литературы о Фукидиде, «Вестник древней истории», 1950, № 4.

ФУКО Жан Бернар Леон (1819. 18. 9, Париж—1868. 11. 2, Париж) — француз физиги. Париж ФА аъзоси (1865 йилдан). 1860 йилдан Петербург ФА мухбир аъзоси. А. И. Л. *Физо* б-н бирга физика оптикасига оид қатор тажрибалар ўтказган (1844—47). Тез айланувчи кўзгу методи ёрдамида ёруғликнинг сувдаги ва ҳаводаги тезлигини ўлчаган (1850). Металлар магнит майдонида тез айланганида, уларнинг қизишини аниқлаган. 1851 йилда 67 *м* ли маятник ёрдамида Ернинг ўз ўқи атрофида айланишини тажрибада исботлаган (қ. *Фуко маятниги*). Спектрнинг ультрабинафша соҳасидаги нурларда қўлланиладиган қутбланган призма, фотометр, гироскоп, электр ёйи лампасидаги ростлагич ва б. асбобларни ясаган. Берлин ФА, Лондон Қироллик жамияти аъзоси.

ФУКО МАЯТНИГИ — Ернинг ўз ўқи атрофида айланишини тасдиқловчи тажрибани намойиш қиладиган қурилма. Ф. м. ҳар қандай вертикал текисликда тебрана оладиган узун сим ёки ип (бир неча ўн *м*) га осилган оғир юкдир. Ф. м. ни дастлаб француз физиги Л. *Фуко* Париждаги Пантеон биносига ўрнатган (1851). Ф. м. нинг узунлиги $l=67$ *м* бўлган. Ўрнатилгандан бир неча минут кейин Ф. м. нинг тебраниш текислиги Ернинг айланиш йўналишига тескари йўналишда сезиларли оғиб, Ер айланишини тасдиқлаган. Ф. м. назариясига кўра маятникнинг айланиш бурчак тезлиги:

$$\omega_м = \omega\,[1 - {}^3/_8\,(a/l)^2]\,\sin\varphi,$$

бу ерда ω — Ернинг айланиш бурчак тезлиги; a — маятникнинг чизиқли амплитудаси; l — маятникнинг узунлиги. Формуладан кўринib турибдики, Ф. м. нинг узунлиги ошган сари унинг айланиш бурчак тезлиги $\omega_м$ Ернинг айланиш бурчак тезлиги ω га яқинлаша боради. Шу сабабдан тажрибани намойиш қилишда иложи борича узунроқ маятник олиш керак. Ленинграддаги *Исаакий собори*нинг гумбазига осилган Ф. м. нинг узунлиги 98 *м*.

ФУКО ТОКЛАРИ — қ. *Уюрма токлар*.

ФУКУОКА — Япониядаги шаҳар ва йирик порт. Кюсю о. нинг шимолий қисмида. Фукуока префектурасининг маъмурий маркази. Аҳолиси 936 минг киши (1975). Муҳим саноат маркази. Кимё, металлсозлик, машинасозлик (жумладан авиасозлик ва кемасозлик), электротехника, тўқимачилик, ойна-керамика, ёғочсозлик саноати корхоналари бор. Ёғоч ва керамикадан миллий буюмлар тайёрланади. Аэропорт, гидросамолётлар базаси, ун-т бор. Шаҳар яқинидан тошкўмир қазиб чиқарилади.

ФУКУС СУВЎТЛАР (Fucales) — қўнғир сувўтлар қабиласи. Таначаси қалин, узунлиги 0,1—2 *м*, баъзан 10 *м* гача. Бошқа сувўтлардан кўпайиш цикли б-н фарқ қилади. Шакли турлича. Фукус туркумининг вакили (Fucus) шохланган, дихотомик, қора-қўнғир, лентасимон пластинка шаклида. 300 тури (40 туркуми), асосан 3 та: фукуссимонлар (Fucaceae), цистозирсимонлар (Cystoseiraceae) ва саргассимон сувўтлар (Sargassaceae) оиласига бирлашади.

Ф. с. Каспий ва Орол денгизларидан ташқари, барча денгизларда учрайди. СССРда 7 туркуми, 21 тури ўсади. Ф. с. дан альгинат, ем уни ва ўғит олинади. Баъзи турлари ейилади.



Фуко Ж. Б. Л.

ФУЛЬБЕ, пёль, фулани, афули, феллата, фула, фуланке, бафиланчи, филани — халқ. Ғарбий Африка (Гвинея, Нигерия, Сенегал, Мали, Камерун ва б.) да яшайди. Умумий сони 10—12 млн. киши (1973). Фульбе тилида гаплашади. Ф. ларнинг кўпчилиги ислом динига эътиқод қилади. Антропологик жиҳатдан *хабашлар*га яқин. 19-асрда Европа мустамлакачилари келгунига қадар Ф. ларнинг феодал типдаги давлати мавжуд бўлган. Асосий машғулоти — кўчманчи чорвачилик ва қисман деҳқончилик.

Ад.: Численность и расселение народов мира, под ред. С. И. Брука, М., 1962; Исмагилова Р., Народы Нигерии, М., 1963.

ФУМАРОЛЛАР (лат. fuma — тутун) — вулканли р-нларда ер пўсти ёриқларидан чиқадиган газсимон ва буғсимон маҳсулотлар оқими. Ф. чиқиш жойи, газ таркиби ва ҳароратига кўра классификация қилинади. Чиқиш жойига кўра Ф. уч группа: 1) лава кўли, кратер туби ва деворларидан чиқадиган Ф.; 2) вулкан конусининг ён бағридаги канал ва ёриқлардан чиқадиган Ф.; 3) лава оқими ва қизиган вулкан отқинди жинсларидан чиқадиган Ф. га бўлинади. Совиган лава, шлак ва туфлардан ҳам (қайта исиганда) Ф. чиқади. Бирламчи ва иккиламчи Ф. фарқланади. Бирламчи Ф. сўнмаган вулканларнинг бўғзидан чиқади; улар магматик массадан газнинг дистилляцияси натижасида ажралади. Иккиламчи Ф. лава оқимлари, эндигина ётқизилган ғовак вулкан материали юзаси ва айрим қизиган лава чуқурликларидан чиқади. Бунда лаванинг совиши ва қисман кристалланиши, лава б-н чиққан газларнинг атмосфера ва тупроқ газлари б-н ўзаро таъсири, шунингдек, лаванинг ҳаво таъсирида оксидланишидан иккиламчи қизиши газларнинг чиқишига сабаб бўлади. Сўнмаган вулкан фумароллари галитли (оштузли), кўпинча қуруқ юқори т-рали, нордон, ишқорли-новшадилли, водород сульфидли ёки олтингугуртли (сольфатарлар), карбонат ангидридли (мофетталар) ва соф (ёки HCl, CO_2, SO_2 аралашган), сув буғларидан таркиб топган турларга бўлинади. Океан ва денгиз тубида ҳосил бўлган Ф. сувости фумароллари дейилади.

Қарбон ва пермь даврларида ҳосил бўлган Ф. Узбекистоннинг Қурама ва Бойсун тоғларида кенг тарқалган.

ФУМИГАНТЛАР (лат. fumigans — тутовчи) — қ. х. зараркунандалари ва ўсимлик касалликларининг қўзғатувчиларига *фумигация* усули б-н (заҳарли буғ ва газлар б-н) қарши курашишда ишлатиладиган кимёвий моддалар; пестицидларга мансуб. Қуйидаги Ф. кўплаб ишлатилади. Метил бромид — тупроқда яшовчи ҳашаротлар ва қ. х. маҳсулотлари зараркунандаларига қарши курашишда қўлланилади. 1, 2-дихлор этан филюксераларга, немагон — тупроқда яшовчи ҳашаротларни қиришда, ДД ва дихлорпропанлардан тупроқни фумигациялашда фойдаланилади. Цианид кислота тегирмон ва ёрма заводларини, чойзорларни, цитрус дарахтларини фумигациялашда, юмронқозиқларга қарши курашишда ишлатилади. Ф. ни ишлатишда противогаз ва б. ҳимоя воситаларидан фойдалани-

лади. Ф. нинг кўпчилиги портлайди ва ёнғинга хавфли, шунинг учун эҳтиёт чораларига аҳамият бериш талаб этилади.

ФУМИГАЦИЯ (лат. fumigatio — тутатиш) — ўсимлик зараркунанда ва касалликларини фумигантлар б-н йўқотиш Махсус машина — фумигаторлар ёрдамида бажарилади. Нафас олиш пайтида зараркунандалар заҳар моддаларни ютиб, заҳарланади ва ўлади. Бу усул кемирувчилар, ҳашаротлар, ўргимчакканалар, шиллиққуртлар, нематодаларга қарши курашишда, замбуруғ ва бактериялар қўзғатган касалликларни йўқотишда қўлланилади.

Зараркунандаларни қириш қийин бўлган (тупроқ, омбор деворлари ораси ва б.) жойларда Ф. усулини қўллаш жуда қўл келади.

Омбор типидаги хоналар, тегирмонлар, элеваторлар, теплица (иссиқхона) ва париниклар, сабзавот омборлари, шунингдек, қ. х. маҳсулотлари (дон, мевалар, сабзавотлар), кўчат ва қаламчалар махсус хона (камера)ларда фумигацияланади. Ф. ни ўтказиш техникаси ва унинг самарадорлиги фумигантлар хусусиятига ва жой ҳамда маҳсулотларнинг зарарланиш даражасига боғлиқ. Ф. тугагач, хоналар шамоллатилади.

ФУНГИЦИДЛАР (лат. fungus — замбуруғ ва caedo — ўлдираман) — ўсимликларнинг замбуруғ касалликларига қарши ишлатиладиган кимёвий моддалар (бордо суюқлиги, мис хлороксиди, каптан, оҳак-олтингугурт қайнатмаси, коллоид олтингугурт, формалин, гранозан ва б.). Ҳимоя қилиниши керак бўлган объектни ўз вақтида, яъни касаллик пайдо бўлмасдан олдин ёки ривожлана бошлаш даврида Ф. б-н ишлаш самарали таъсир кўрсатади. Ўсимлик касалликлари ва зараркунандаларига қарши бир йўла кураш олиб бориш учун Ф. га *инсектицидлар* қўшиб ишлатилади. Ф. ўсимликлар, уруғлик, кўчатлар, тупроқ, сабзавот омборлари ва б. ни ишлашда қўлланилиб, асосан, пуркалади (0,5—1—2% ли эритма ҳолида), баъзан чанглатилади. Ғўза, маккажўхори, нўхат ва б. дуккакли ўсимликлар майсалари касалликларига қарши ТМТД препарати, уруғларни дорилаш учун, асосан, гранозан ва меркуран ишлатилади. Тупроқни зарарсизлантириш учун фумигантлар, мас., карбатион, милон ва хлорпикриндан кўпроқ фойдаланилади. Сабзавот омборларини зарарсизлантиришда омбор деворлари, устунлари ва ерига оҳак суви, хлорли оҳак ёки формалин эритмаси сепилади ва ҳ. к. Ҳосил йиғишдан 15—25 кун олдин Ф. ишлатилмайди. Ф. ни сақлашда, улар б-н ишлашда санитария-гигиена қоидаларига риоя қилиш зарур.

ФУНДАМЕНТ (лат. fundamentum — асос, негиз) — қ. *Пойдевор.*

ФУНДАМЕНТАЛ — катта, улкан, мустаҳкам солинган маъносини англатувчи сўз (мас., фундаментал бино); пухта ишланган, текширилган, етарлича тадқиқ қилинган, асосий деган кўчма маъноларни ҳам билдиради (мас., *фундаментал каталог*).

ФУНДАМЕНТАЛ КАТАЛОГ — обсерваторияларда турли даврларда меридиан кузатишлар асосида (асосан, абсолют усул б-н) тузилган юлдузлар каталогининг умумлаштирилган тури. Бу каталогда маълум сонда танланган юлдузларнинг координаталари (α ва δ) ва мустақил ҳаракати катта аниқлик б-н ҳисобланган. Ф. к. нинг координаталар системасига тегишли вақт каталогининг тенгкунлиги, юлдузнинг ўртача кузатиш даври эса унинг ўртача даври дейилади. Юлдузларнинг координаталари уларнинг мустақил ҳаракати ва прецессияси туфайли ўзгариб туришини ҳисобга олган ҳолда юлдузларнинг ўрнини хоҳлаган тенгкунликка (йилга) ёки даврга ўтказиш мумкин. Ф. к. га кирувчи юлдузларнинг координатаси вақтнинг бирор аниқ даври (одатда, 10 кунлик) учун ҳисобланган бўлиб, астрономия йилномаларида ва махсус эфемеридаларда эълон қилинади.

Биринчи Ф. к. (40 тага яқин юлдуз) 19-асрда инглиз астрономи Н. Маскелайн ва немис астрономи Ф. Бессел томонидан тузилган. Ф. к. тузишнинг классик методларини 19-аср охирларида АҚШ олимлари С. Ньюкомб ва Л. Босс ҳамда немис астрономи А. Ауверс ишлаб чиқдилар. Ҳозир дунё миқёсида қабул қилинган ФК4 (1535 та юлдуз) фундаментал каталоги Ауверс бошчилигида тузилган Ф. к. нинг давомидир. Шу б-н бирга янги кузатув материаллари ва қўшимча юлдузлар киритилиб, юлдузлар координаталари янада аниқроқ ҳисобланган ФК5 Ф. к. яратиш устида иш олиб борилмоқда. 1930 йилда совет астрономлари хира (7—9- ва ундан ҳам хира юлдуз катталигидаги) юлдузлар каталогини яратиш масаласини қўйдилар. Бу Ф. к. ни яратишда совет астрономлари қаторида Ўзбекистон астрономлари катта ҳисса қўшмоқдалар.

Ф. к. осмон механикаси, юлдузлар астрономияси, геодезия ва космик тадқиқотларда кенг қўлланилади.

ФУНДУҚ (Corulis maxima Mill) — қайиндошлар (қайингуллилар оиласи)га мансуб бута ёки дарахт. Жанубий Европа ва Осиёда тарқалган. Бўйи 3—10 *м;* бир уйли, гули айрим жинсли, эркак гули кучаласимон тўпгулга, ургочиси якка-якка ёки 2—3 тадан йиғилган. Сентябрь-октябрда пишади; меваси (ёнғоғи) йирик, чўзинчоқ, пўсти юпқа. Мағизи таркибида 52—71% ёғ, 12—18% оқсил ва 3—10% углевод бор; ейилади, кондитер саноатида ишлатилади, ёғи хушбўй. Италия, Франция, ГФР, Грецня, Швеция жанубида, Туркия, Болгария, АҚШ ва б. мамлакатларда, СССРда — Кавказ, Қрим, Краснодар ўлкасида ўстирилади. Ф. пархиш, бачки новдалари ва тупини бўлиш йўли б-н кўпайтирилади. Кўчатлари 8×6, 8×8 ёки 10×8 *м* схемада экилади. Шакл беришда тупида 8—10 асосий новда қолдирилади. Кўчати ўтказилгач, 4—6- йили ҳосилга киради. Гектаридан 1—3 *т* мева олинади.

ФУНИКУЛЁР (лат. funiculus — арқон) — тик йўналишда тортилган тор (1000 *мм*) изли темир йўл. Вагонлари электр двигатель ва пўлат арқон воситасида ҳаракатлантирилади. Т. й. қисқа масофага қурилиб, нишаби 7:10 гача боради. Ф. шаҳарларда, курортларда пассажир ва юкларни ташишга хизмат қилади, тоғли мамлакатлар (Швейцария, Италия, Австрия ва б.) да кўп. СССРда Ф. дан Одесса, Қиев, Тбилиси, Сочи каби шаҳарларда фойдаланилади.

ФУНКЦИОНАЛ — функцияларнинг бирор S тўпламидан олинган ҳар бир φ функцияга бирор $F(\varphi)$ сонининг мос қўйилиши. Ф. функциянинг функциясидир. Бунда функциялар тўплами Ф. нинг аниқланиши соҳаси дейилади.

Мас. $F(\varphi)=\varphi^2(0)$, $F(\varphi)=\int_0^1 \varphi^2(x)\,dx$ ва б.

Математикада чизиқли Ф. катта аҳамиятга эга. S тўпламдаги ихтиёрий φ_1 ва φ_2 функциялар ҳамда ҳар қандай a ва b сон (ҳақиқий, комплекс)лар учун $F(a\varphi_1+b\varphi_2)=aF(\varphi_1)+bF(\varphi_2)$ бўлса, у ҳолда F Ф. чизиқли Ф. дейилади. Чизиқли Ф. маълум қисми умумлашган функция деб ҳам аталади.

Ад.: Шилов Г. Е., Обобщение функции и действие над ними, М., 1959.

ФУНКЦИОНАЛ АНАЛИЗ — 1) математиканинг бўлимларидан бири. Ф. а., асосан, чексиз ўлчовли фазолар ва уларда аниқланган акслантиришларни ўрганади. Ф. а. математиканинг мустақил тармоғи сифатида 19-аср охири — 20-асрнинг бошларида юзага келди. Ф. а. нинг ривожланиши ҳозирги замон назарий физикасининг ривожланиши б-н узвий боғлиқ бўлиб, унинг квант механикаси, квант майдонлар назарияси ва б. қонуниятларини етарли даражада тўлиқ акс эттириши аниқланди. Ўз навбатида бу физик назариялар Ф. а. методлари ва проблемаларига муҳим таъсир кўрсатди.

Ф. а. да классик анализ, топология, алгебра ва геометрия ғоялари ва методларини бирлаштириш ва умумлаштириш масалалари кўрилади. Ф. а. нинг энг муҳим дастлабки тушунчаларидан бири *фазо* тушунчаси бўлиб, унда функциялар, кетма-кетликлар ёки бирор бошқа умумий объектлардан ташкил топган чексиз ўлчовли фазолар ва уларнинг элементлари устидаги амалларни қараш характерлидир. n ўлчовли Евклид фазоси тушунчасини киритиш зарурияти кўп аргументли функциялар назариясини геометрия тилида талқин қилиш ҳисобига туғилган. Элементлари функциялардан ёки сонли кетма-кетликлардан иборат фазолар функционал фазолар дейилади. Дастлаб функционал фазолар б-н иш кўрила бошлаганлиги сабабли, математиканинг бу тармоғи функционал анализ номини олган. Асосан чизиқли фазолар ва улардаги чизиқли акслантиришлар чуқурроқ ўрганилган. Маълум ҳолларни абстрактлаштириб, шундай аксиомаларни ажратиш мумкинки, уларга асосланиб, яратилган назариядан классик масалалар хусусий ҳол сифатида келиб чиқади ва шу б-н бирга янги масалаларни ечиш имконияти туғилади.

Абстрактлаштириш процесси муҳим аҳамиятга эга бўлиб, математик тушунчаларнинг моҳиятини чуқурроқ тушуниш имконини беради.

Ф. а. нинг умумий тушунчаларини такомиллаштиришда Г. *Кантор* яратган тўпламлар назарияси муҳим роль ўйнади. Бу назария ва аксиоматик геометриянинг тараққиёти француз математиклари, М. Фреше ва Ф. Хаусдорфларнинг ишларида у ёки бу йўл б-н яқинлик тушунчаси киритилган абстракт топологик фазоларни қўллашга олиб келди. Абстракт фазолар ичида функционал фазолар тушунчасидан В. Вальтерра вариацион ҳисоб масалаларини, Д. *Гильберт* ва Ф. Рисслар интеграл тенгламалар назариясини асослашда фойдаландилар. Ф. а. ни ривожлантиришда совет математикларидан А. Н. *Колмогоров,* Л. В. Канторович, С. Л. *Соболев,* М. Г. Крейн, И. М. Гельфанд ва б. ларнинг хизматлари катта.

Анализда учрайдиган кўпгина функционал фазолар (мас., $[a, b]$ сегментда узлуксиз функциялар фазоси — $c[a, b]$, Лебег маъносида квадрати б-н жамланувчи функциялар фазоси $L^2(a, b)$ ва ҳ. к.), шунингдек кўпгина сонли кетма-кетликлар фазоси чизиқли фазолардир. Уларда элементларни қўшиш, элементларни сонга (ҳақиқий ёки комплекс) кўпайтириш амаллари аниқланган бўлиб, бу амаллар векторлар устида аниқланган хоссаларига эга. Евклид фазосининг чексиз ўлчовли умумлашмаси гильберт фазосидир. Гильберт фазоси элементлари устида юқорида айтилган амаллардан ташқари, векторларнинг скаляр кўпайтмаси хоссаларига эга бўлган скаляр кўпайтма амали аниқланган бўлади. $L^2(a, b)$ фазо гильберт фазосидир. Рисс гильберт фазосининг умумлашмаси сифатида $L^p(a, b)$ ва l^p ($p \geqslant 1$) фазоларни қараган. Булардан ташқари бир қанча чизиқли фазолар ҳам қаралган. Бу фазоларни ўрганиш тўла нормаллаштирилган чизиқли фазолар синфини ажратишга олиб келди. Бундай фазоларни 1922 йилда С. Банах киритганлиги учун, Банах фазоси {(B) — фазо} номини олган. Бундай фазонинг ҳар бир элементи x га вектор узунлиги хоссасига эга бўлган ва норма деб аталувчи ҳамда $\|x\|$ символ б-н белгиланадиган ҳақиқий сон мос қўйилади. Норма қуйидаги шартларни қаноатлантириши керак.

1. $\|x\| \geqslant 0$; фақат $x=0$ бўлганда $\|x\|=0$ бўлади.
2. $\|\lambda x\| = |\lambda|\,\|x\|$.
3. $\|x+y\| \leqslant \|x\| + \|y\|$.

Норманинг киритилиши фазода яқинлашиш тушунчасини аниқлаш имконини беради, яъни агар $\lim\limits_{n\to\infty} \|x_n - x\| = 0$ бўлса, $\{x_n\}$ кетма-кетлик x элементга яқинлашади дейилади.

Фазо тушунчасининг ривожланиши б-н бир вақтда функция тушунчаси ҳам умумлашиб ва тараққий этиб боради. Бундай тушунчалардан бири *функционал* тушунчасидир. *Оператор* — функционал тушунчасига нисбатан кенгроқ маънога эга бўлиб, у Ф. а. даги асосий тушунчалардан бири ҳисобланади.

Функционал ва операторлар учун норма тушунчаси киритилган бўлиб, бу тушунча Ф. а. да жуда мукаммал методларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Бу методларнинг моҳияти шундан иборатки, математиканинг кўпгина соҳаларида учрайдиган тенгламаларга ягона нуқтаи назар б-н оператор тенглама деб қараб, уларни текшириш ва ечиш услубларини беради. Ф. а. методлари математиканинг ўзида (мас., ҳисоблаш математикасида, дифференциал ва интеграл тенгламалар назариясида, эҳтимоллар назариясида, ифодалаш назариясида ва б.) ҳамда назарий физика ва квант химиясида жуда кенг татбиқ қилинади.

2) Қимёвий органик бирикмалардаги функционал группалар (органик бирикмаларнинг таркибига кирувчи ва уларга ўзига хос кимёвий хоссалар бағишловчи, реакцияга киришувчи атомлар группаси ёки айрим атомлар)ни сифат ва миқдор жиҳатдан аниқлаш методи. Ф. а. натижаларига қараб органик бирикмаларни ёки бу классга мансуб бўлади; мас., карбонил группаси бўлса, бирикма карбон кислоталари классига киритилади ва ҳ. к.

Ад.: Люстерник Л. А., Соболев В. И., Элементы функционального анализа, 2 изд., М., 1965; Колмогоров А. Н., Фомин С. В., Элементы теории функций и функционального анализа, 3 изд., М., 1972; Вулих Б. З., Введение в функциональной анализ, 2 изд., М., 1967; Канторович Л. В., Акилов Г. П., Функциональный анализ в нормированных пространствах, М., 1959; Рудин У., Функциональный анализ, М., 1976.

ФУНКЦИОНАЛ АНИҚЛОВЧИ — элементлари бир ёки кўп аргументли функциялардан иборат аниқловчи. Мас.,

$$W(x)=\begin{vmatrix} y_1(x) & y_2(x) & \dots & y_n(x) \\ y_1'(x) & y_2'(x) & \dots & y_n'(x) \\ \dots & \dots & \dots & \dots \\ y_1^{(n-2)}(x) & y_2^{(n-2)}(x) & \dots & y_n^{(n-1)}(x) \end{vmatrix}$$ (вронскиан),

$$G(x)=\begin{vmatrix} \frac{\partial^2 f(x)}{\partial x_1^2} & \frac{\partial^2 f(x)}{\partial x_1 \partial x_2} & \dots & \frac{\partial^2 f(x)}{\partial x_1 \partial x_n} \\ \frac{\partial^2 f(x)}{\partial x_2 \partial x_1} & \frac{\partial^2 f(x)}{\partial x_2^2} & \dots & \frac{\partial^2 f(x)}{\partial x_2 \partial x_n} \\ \dots & \dots & \dots & \dots \\ \frac{\partial^2 f(x)}{\partial x_n \partial x_1} & \frac{\partial^2 f(x)}{\partial x_n \partial x_2} & \dots & \frac{\partial^2 f(x)}{\partial x_n^2} \end{vmatrix}$$ (гессиан),

$$x=(x_1, x_2, \dots x_n),$$

$$\frac{D(f_1, f_2, \dots, f_n)}{D(x_1, x_2, \dots, x_n)}=\begin{vmatrix} \frac{\partial f_1}{\partial x_1} & \frac{\partial f_1}{\partial x_2} & \dots & \frac{\partial f_1}{\partial x_n} \\ \frac{\partial f_2}{\partial x_1} & \frac{\partial f_2}{\partial x_2} & \dots & \frac{\partial f_2}{\partial x_n} \\ \dots & \dots & \dots & \dots \\ \frac{\partial f_n}{\partial x_1} & \frac{\partial f_n}{\partial x_2} & \dots & \frac{\partial f_n}{\partial x_n} \end{vmatrix}$$ (якобиан).

Вронскиан юқори тартибли чизиқли дифференциал тенгламалар назариясида, гессиан алгебраик чизиқлар назариясида ва якобиан эса тенгламалар системасини ошкормас функцияларга нисбатан ечишда, каррали интегралларда ўзгарувчини алмаштиришда ва б. соҳаларда муҳим аҳамиятга эга.

Ад.: Фихтенгольц Г. М., Курс дифференциального и интегрального исчисления, т. 3, М., 1948.

ФУНКЦИОНАЛ ПСИХОЛОГИЯ—психологиядаги йўналиш. 19-аср охирида АҚШ ва Европа мамлакатларида пайдо бўлган. Психик функция ҳақидаги таълимотни илгари сурган. Ф. п. психологиянинг предмети психик элементлар ва уларнинг структуралари муносабатлари эмас, муайян мустақил психик функциялардан иборатдир деб талқин этди. Психик функцияни психика фаолиятининг асосий формаси сифатида олиб, уни ҳам онг, ҳам хатти-ҳаракат фактларини (мас., сезилаётган сифатларни эмас, балки сезги актини) қамраб олувчи психофизик фаолият сифатида изоҳлади. Ф. п. уқтиришича, субъект психик фаолиятнинг бирламчи асосидир, у яшаб турган оламнинг қандай характерда бўлиши ана шу субъектнинг қандай иш бажариши ва фаоллик кўрсатишига боғлиқ.

Ф. п. психологиянинг амалиёт б-н алоқасини бир оз мустаҳкамлади. Лекин унинг сохта методологияси психик жараёнларнинг материалистик назариясини яратишга имкон бермади. 20-асрнинг бошларида *бихевиоризм* томонидан сиқиб чиқарилган.

ФУНКЦИОНАЛ ТЕНГЛАМА— номаълуми бир ёки кўп аргументли функциядан иборат тенглама. Унда изланаётган функция маълум функциялар б-н мураккаб функция ҳосил қилиш усули орқали боғланган. Дифференциал, интеграл ва чекли айирмали тенгламаларда номаълумлар функциядан иборат бўлса-да, уларни Ф. т. жумласига киритилмайди.

Ф. т. кўпинча функцияларнинг синфини аниқлаш учун киритилади. Мас., 1) $f(x)=f(-x)$ Ф. т. жуфт функция, 2) $f(x)=-f(-x)$ эса тоқ, 3) $f(x+y)=f(x)\cdot f(y)$ кўрсаткичли функция (ечими $f(x)=Ca^x$, $a>0$), 4) $f(x\ y)=f(x)\ f(y)$ — даражали функция (ечими $f(x)=x^c$, $x>0$), 5) $f(xy)=f(x)+f(y)$ — логарифмик функция (ечими $f(x)=C\ln x$, $x>0$), 6) $f(x+T)=f(x)-T$ даврли функция, 7) $f(x,\ y)=f(\lambda x,\ \lambda y)$ — бир жинсли функция (ечими $f(x)=\varphi\left(\frac{y}{x}\right)$) ва б. ларни аниқлайди.

Ф. т. ни айниятга айлантирувчи ҳар бир функция унинг е ч и м и, барча ечимларини ўз ичига олувчи функция эса у м у м и й е ч и м бўлади. 3), 4) ва 5) Ф. т. лар учун умумий ечимлари берилган, бунда C — ихтиёрий ўзгармасдир. 1), 2) ва 6) Ф. т. нинг умумий ечими учун тегишли функциялар синфи қайд қилинган. 7) Ф. т. нинг умумий ечими ихтиёрий $\varphi\left(\frac{y}{x}\right)$ фунция б-н ёзилган.

Барча Ф. т. да $f\not\equiv 0$ деб ҳисобланади. Кўпинча $f\equiv 0$ тривиал ечим бўлади.

Умумий ва хусусий ечимларни топишда умумий усул мавжуд эмас. Ф. т. нинг моҳиятига қараб, баъзан уни дифференциал тенгламага олиб келиш ёки итерация усули қўлланади. Мас., $f(x+y)=f(x)+f(y)$ Ф. т. ни дифференциал тенгламага келтириш мумкин. Унда бу тенгламанинг чап ва ўнг томонидан кетма-кет (x ва y бўйича) ҳосилалар олиб $f'(x)=C$ дифференциал тенглама ҳосил қилинади. Бундан $f(x)=Cx+D$, аммо $D=0$, чунки $f(0)=0$. Демак, $f(x)=Cx$.

Ад: Абель Я., Некоторые общие методы в теории функциональных уравнений, «Успехи математических наук», т. 11, вып. 3, М., 1956.

ФУНКЦИОНАЛ ФАЗО — элементлари (нуқталари) функциялар бўлган топологик фазо. Жумладан метрик Ф. ф. лар ҳам Ф. ф. дир. Математикада чизиқли Ф. ф. лар катта аҳамиятга эга, уларнинг метрикаси норма ёрдамида аниқланади. Мас., $C(a, b)$ — $[a, b]$ кесмада узлуксиз ва метрикаси $\rho(f, g)=\max|f(t)-g(t)|$ бўлган функциялар фазоси; метрикаси $\rho(f, g)=\sqrt{\int_{-\infty}^{\infty}(f-g)^2\,dx}$ бўлган квадрати б-н жамланувчи функциялар ва ҳ. к.

Ф. ф. кўпинча функционал анализда, операторлар ҳисоби ва б. да қўлланилади.

ФУНКЦИОНАЛ ҚАТОР — ҳадлари бирор E тўпламда аниқланган функциялардан тузилган

$$\sum_{k=1}^{\infty} f_k(x) \qquad (1)$$

кўринишдаги қатор. $x_0\in E$ бўлганда

$$\sum_{k=1}^{\infty} f_k(x_0) \qquad (2)$$

сонли қатор бўлади. Агар (2) қатор яқинлашувчи бўлса, (1) Ф. қ. x_0 нуқтада яқинлашувчи бўлади. Агар (1) Ф. қ. бирор $E_0\subset E$ тўпламнинг ҳар бир нуқтасида яқинлашувчи бўлса, (1) Ф. қ. E_0 да яқинлашувчи дейилади.

Ушбу $S_n(x)=\sum_{k=1}^{n} f_k(x)$ ифода (1) Ф. қ. нинг хусусий йиғиндиси, $r_n(x)=\sum_{k=n+1}^{\infty} f_k(x)$ эса n-



Фурқат (мойбўёқ, рассом А. Абдуллаев, 1959. Алишер Навоий номидаги адабиёт музейи).



Чойшаб (Шаҳрисабз, 19- аср).

Халқ ижоди мақоласига.

қолдиғи дейилади. Агар $\lim_{n\to\infty} S_n(x)$, $x \in E_0$ мавжуд бўлса, уни Ф. қ. нинг йиғиндиси дейилади. Мас., $\sum_{k=0}^{\infty} x^k$ Ф. қ. учун $(-1, +1)$ да $S_n(x) = \sum_{k=0}^{n} x^k = \frac{1}{x-1} x^{n+1} - \frac{1}{x-1}$. Бундан $S(x) = \frac{1}{1-x}$, $|x| < 1$.

Агар Ф. қ. нинг хусусий йиғиндилари кетма-кетлиги $\{S_n(x)\}$ E_0 тўпламда текис яқинлашувчи бўлса, Ф. қ. шу тўпламда текис яқинлашувчи дейилади ва $S_n(x) \rightrightarrows S(x)$ деб белгиланади. Агар Ф. қ. E_0 тўпламда текис яқинлашувчи бўлса, унда $\lim_{k\to\infty} f_k(x) = 0$ муносабат ўринли бўлади (зарурий шарт). Ф. қ. E_0 тўпламда текис яқинлашувчи бўлиши учун ихтиёрий $\varepsilon > 0$ берилганда ҳам шундай n_ε мавжуд бўлиб, ихтиёрий $n \geqslant n_\varepsilon$, бутун $p \geqslant 0$ ва $x \in E_0$ лар учун $\left|\sum_{k=n}^{n+p} f_k(x)\right| < \varepsilon$ тенгсизлиги ўринли бўлиши зарур ва етарли (Коши теоремаси).

Ҳадлари узлуксиз бўлган Ф. қ. нинг йиғиндиси узлуксиз бўлиши ҳам, бўлмаслиги ҳам мумкин. Агар $f_k(x)$, $k = 1, 2, \ldots$, функциялар E_0 да узлуксиз бўлиб, (1) Ф. қ. E_0 да текис яқинлашувчи бўлса, у ҳолда унинг йиғиндиси $S(x)$ ҳам E_0 да узлуксиз бўлади.

Йиғиндиси узлуксиз бўлиши учун Ф. қ. ҳадлари узлуксиз бўлиши шарт эмас. Мас.,

$$\chi(x) = \begin{cases} \text{агар } x \text{ иррационал бўлса, } 0, \\ \text{агар } x \text{ рационал бўлса, } 1 \end{cases}$$ (Дирихле функцияси) бўлса, $\chi(x) + \sum_{n=2}^{\infty} \left[\frac{1}{n}\chi(x) - \frac{1}{n-1}\chi(x)\right]$ Ф. қ. нинг хусусий йиғиндиси $S_n(x) = \frac{1}{n}\chi(x)$ ва $\lim_{n\to\infty} S_n(x) = S(x) = 0$.

Агар $\sum_{k=1}^{\infty} |f_k'(x)|$. (3)

Ф. қ. яқинлашувчи бўлса, (1) Ф. қ. абсолют яқинлашувчи дейилади. Агар (3) Ф. қ. узоқлашувчи бўлиб, (1) яқинлашувчи бўлса, у ҳолда (1) Ф. қ. ни E_0 да шартли яқинлашувчи дейилади.

E_0 тўпламда $|S_k(x)| \leqslant C_k$, $k = 1, 2, \ldots$ тенгсизликлар ўринли бўлиб, $\sum_{k=1}^{\infty} C_k$ (4) сонли қатор яқинлашувчи бўлса, у ҳолда (1) Ф. қ. E_0 да абсолют ва текис яқинлашувчи бўлади (Вейерштрасс аломати).

Ф. қ. E_0 да текис яқинлашувчи бўлиб, $\lim_{k\to a} f_k(x) = A_k$, $k = 1, 2, \ldots$ чекли лимитлар мавжуд бўлса, 1) $\sum_{k=1}^{\infty} A_k$ сонли қатор яқинлашувчи, 2) $\lim_{x\to a}\left\{\sum_{k=1}^{\infty} f_k(x)\right\} = \sum_{k=1}^{\infty}\left\{\lim_{x\to a} f_k(x)\right\}$ муносабат ўринли бўлади (йиғинди остида лимитга ўтиш).

(1) Ф. қ. E_0 да яқинлашувчи бўлиб, $\sum_{k=1}^{\infty} f_k'(x)$ Ф. қ. E_0 да текис яқинлашувчи бўлса, у ҳолда

$$\left[\sum_{k=1}^{\infty} f_k(x)\right]' = \sum_{k=1}^{\infty} [f_k(x)]'$$

муносабат ўринли бўлади. (ҳадма-ҳад дифференциаллаш).

(1) Ф. қ. нинг ҳадлари чегараланган E_0 тўпламда узлуксиз бўлиб, Ф. қ. E_0 да текис яқинлашувчи бўлса, у ҳолда қуйидаги

$$\int_{E_0}\left\{\sum_{k=1}^{\infty} f_k(x)\right\} dx = \sum_{k=1}^{\infty} \int_{E_0} f_k(x)\, dx$$

муносабат ўринли бўлади.

Юқоридаги муносабатлардан баъзи Ф. қ. нинг йиғиндисини топишда фойдаланилади.

$\sum_{k=0}^{\infty} a_k (x - x_0)^k$ қатор Ф. қ. нинг муҳим хусусий ҳоли бўлиб, уни даражали қатор (қ. *Қаторлар*), $\sum_{k=-\infty}^{\infty} a_k (x - x_0)^k$ ни эса *Лоран қатори* дейилади.

Ад.: Фихтенгольц Г. М., Курс дифференциальных и интегральных исчислений, т. 2, М., 1969.

ФУНКЦИОНАЛИЗМ—20- аср архитектурасида бино, иншоотларни маиший эҳтиёжларга, ишлаб чиқариш талабларига жавоб берадиган қилиб қуришни талаб этадиган йўналишлардан бири. Биринчи жаҳон урушидан кейин дастлаб Германияда (В. Гропиус, Л. Мис ван дер Роэ, Б. Таут) ва Голландияда (Я. Ауд) вужудга келиб, Европа ва АҚШда кенг тарқалди. Ф. қурилиш техникаси ютуқларидан кенг фойдаланди, янгича планлаштириш усулларига аҳамият берди (стандарт турар жойлар қуришга, кўчаларда бинолар, асосан, бир хилда бўлишига эришилди). Стандарт бинолар, янги қурилиш материаллари биноларни тез ва арзон қуриш имконини берди, лекин кўп ҳолларда тежамкорликка интилиш маҳаллий шароитни ҳисобга олмасликка, архитектурада миллий анъаналар б-н ҳисоблашмасликка ва схематизмга олиб келди (яна қ. *Конструктивизм*).

ФУНКЦИЯ — математиканинг асосий тушунчаларидан бири. Ўзгарувчи миқдорлар орасидаги боғланишни ифодалайди. X ва Y тўпламлари берилган бўлсин. Агар бирор қоида ёки қонунга мувофиқ X тўпламнинг ҳар бир x элементига Y тўпламнинг тайин бир y элементи мос қўйилган бўлса, X тўпламда қийматлари Y да бўлган функция (акс эттириш) берилган дейилади ва бу символик равишда $y = f(x)$ (ёки $f: X \to Y$) каби ифодаланади. X тўплам Ф. нинг аниқланиш соҳаси, Y тўплам Ф. нинг ўзгариш соҳаси ва x эса аргумент ёки эркли ўзгарувчи дейилади. Демак, $y = f(x)$ Ф. ни бериш учун аргумент x нинг қабул қилиши мумкин бўлган қийматлар тўплами X ни ва X дан олинган ҳар бир x га мос келадиган y нинг топиш қоидасини кўрсатиш керак.

Агар x нинг аниқ бир қийматига y нинг бир нечта қийматлари мос келса, $y = f(x)$ Ф. кўп қийматли Ф. дейилади. $X = R$, $Y = R$ бўлса, у ҳолда ҳақиқий ўзгарувчининг ҳақиқий Ф. си олинади. Текисликдаги $\Gamma = \{(x, y) \mid x \in R, y = f(x)\}$ тўплам $y = f(x)$, $x \in R$ Ф. нинг графигини ифодалайди.

Ф. аналитик, график (қ. *График*), жадвал (қ. *Математик жадваллар*) тарзида ва б. усулларда берилиши мумкин. Ф. аналитик усулда x ва y ўзгарувчилар орасидаги мослик қондаси аналитик ифода — формулалар ёрдамида берилади: $x-y=f(x)$. Бунда унинг қийматини топиш учун ўзгармас сон ва аргумент x устида қандай амаллар бажариш кераклиги кўрсатилади. Мас., $y=f(x)=2x^2+5x+\frac{4}{x}+3$ Ф. x нинг нолдан фарқли барча қийматларида аниқланган. Бу Ф. нинг, мас., $x_0=2$ нуқтадаги хусусий $y_0=f(x_0)$ қийматини топиш учун, берилган ифодада x нинг ўрнига 2 ни қўйиб, кўрсатилган амалларни бажариш керак: $y_0=f(2)=$ $=2\cdot2^2+5\cdot2+\frac{4}{2}+3=23$. А. *Лебег* қийматлари ўзгармас сонлар ва x нинг қийматларидан арифметик амаллар ва лимитга ўтиш ёрдамида ҳосил қилинадиган Ф. ларни аналитик тасвирланувчи Ф. лар деб атаган. $y=f(x)$, $x\in R$ Ф. нинг узилиш нуқталарининг сони энг кўпи б-н саноқли бўлса, бундай Ф. аналитики тасвирланувчидир ва унинг аналитик ифодасида аргумент x, ўзгармас сонлар устидаги қўшиш, кўпайтириш, натурал сонлар бўйича лимитга ўтиш амалларигина қатнашади (энг кўпи б-н саноқли сонда). Мас., R ни $\{0,1\}$ тўпламга акс эттирувчи Дирихле Ф. си

$$y=\chi(x)\begin{cases}\text{агар } x \text{ рационал бўлса, } 1,\\ \text{агар } x \text{ иррационал бўлса, } 0\end{cases}$$

аналитик тасвирланувчи Ф. дир; $\chi(x)=\lim\limits_{n\to\infty}\{\lim\limits_{m\to\infty}[\cos(\pi x n!)]^{2m}\}$. К. Вейерштрасс ҳар қандай узлуксиз Ф. аналитик тасвирланувчи эканини исботлаган. Агар Ф. нинг битта аналитик тасвири мавжуд бўлса, бундай тасвирлар чексиз кўпдир.

Баъзан Ф. нинг формуласиз, яъни «сўзлар ёрдами»да берилиши қулайлик туғдиради. Мас., $E(x)$ Ф. x дан катта бўлмаган энг катта бутун сонни билдирсин. $E(x)$ нинг бу таърифидан фойдаланиб, $E(\sqrt{7})=2$, $E(\pi)=3$, $E(e)=2$, $E(-9,7)=-10$, $E(5)=5$ эканини топамиз.

Математика ва унинг татбиқларида кўп ўзгарувчининг Ф. лари ҳам катта аҳамиятга эга. Агар Ф. таърифида $X=R^n$ ва $Y=R$ бўлса, n та ҳақиқий ўзгарувчининг ҳақиқий Ф. си олинади. Мас., $u=f(x,\ y,\ z)=3x^2-4y+7z^3$, $v=f(x,\ y)=x+2y^2$. Уч ўлчовли фазодаги $M=\{(x,\ y,\ z)|(x,\ y)\in R^2,\ z=f(x,\ y)\}$ тўплам $z=f(x,\ y)$ Ф. нинг графигидан иборат бўлиб, бирор сиртни ифодалайди. Мас., $Z=\sqrt{a^2-x^2-y^2}$ Ф. маркази координата бошида бўлиб, радиуси a га тенг ва XOY текислигининг юқори томонида жойлашган ярим сферани, $z=x^2+y^2$ Ф. эса айланма *параболоид*ни ифодалайди.

Математиканинг кейинги тараққиёти ҳамда узунлик, юза, ҳажм тушунчаларини кенгайтириш зарурати Ф. тушунчасини янада умумлаштиришга олиб келди.

Тўпламларнинг бирор синфидан (мас., тўпламларнинг σ алгебрасидан) олинган ҳар бир тўпламга аниқ бир ҳақиқий сонни мос қўювчи Ф. тўпламнинг Ф. си дейилади. Мас., бирор A соҳадаги масса, массанинг тақсимот қонуни берилса, шу A соҳанинг Ф. сидир; $f(x)$ интегралланувчи Ф. бўлса, $\int\limits_a^b f(x)\,dx$ интеграл $[a,\ b]$ оралиқнинг Ф. сидир. Тўпламнинг Ф. си физик ҳодисаларни нуқтанинг Ф. сига қараганда аниқроқ ифодалайди. Тўпламнинг Ф. си тушунчасидан ҳақиқий ўзгарувчининг Ф. лари назарияси *эҳтимоллар назариясида* кенг фойдаланилади.

ФУНКЦИЯ (лат. functig) — қ. *Физиологик функциялар*.

ФУНКЦИЯЛАР НАЗАРИЯСИ — *математика*нинг функциялар умумий хоссаларини ўрганадиган бўлими. Ф. н. ҳақиқий ўзгарувчининг функциялари назарияси ва комплекс ўзгарувчининг функциялари назариясига бўлинади (комплекс ўзгарувчининг функциялари назарияси ҳақида қ. *Аналитик функциялар*). Ҳақиқий ўзгарувчининг функциялари назарияси ўз навбатида метрик, дескриптив, конструктив назариялар (қ. *Конструктив математика*)га бўлинади. Дескриптив назария *тўпламлар назарияси*нинг Евклид фазосида нуқтали тўпламлар тузилишини ўрганадиган бўлимидир. Қуйида эса функцияларнинг метрик назарияси қаралади. Классик математик анализ, асосан, узлуксиз функциялар б-н шуғулланган. Математиканинг узлукли функциялар б-н боғлиқ бўлган масалалари, шунингдек узлукли функцияларни ўрганишни тақозо қиладиган турли физик масалалар ва б. математика фани олдига узлуксиз функцияларга нисбатан умумийроқ функцияларни текшириш масаласини қўйди.

Тўпламлар назариясининг Ф. н. га кириб бориши (20-аср бошларида) уни систематик равишда ривожлантирди. Ф. н. да функцияни интеграллаш ва дифференциаллаш умумий ҳолда ўрганилади, узлукли функциянинг тузилиши текширилади. Ўлчовли функция тушунчаси метрик функциялар назариясининг асосий тушунчаларида биридир. Ўлчовли E тўпламда $f(x)$ функция берилган бўлсин. Агар ҳар қандай ҳақиқий a сони учун $[x:f(x)<a]$ тўплам ўлчовли бўлса, у ҳолда $f(x)$ ўлчовли функция дейилади. $\{x:f(x)<a\}$ тўплам $E\{f<a\}$ каби белгиланади. Барча узлуксиз функциялар ўлчовли. Ўлчови нолга тенг тўпламда барча функциялар ўлчовли. Ўлчовли функция синфи тўрт арифметик амал ва лимитга ўтиш амалига нисбатан ёпиқ. Агар $f(x)$ ўлчовли функция бўлиб, энг кўпи б-н саноқли қийматларни қабул қилса, $f(x)$ содда функция дейилади.

$f(x)$ ўлчовли функция бўлиши учун уни текис яқинлашувчи содда функциялар кетма-кетлигининг лимити сифатида тасвирлаш зарур ва етарлидир. Н. Н. *Лузин* ўлчовли функция маълум маънода узлуксиз функция б-н яқинлаштирилиши мумкин бўлган функция эканини исботлади: $f(x)$ $[a,\ b]$ кесмада ўлчовли бўлиши учун $[a,\ b]$ да узлуксиз шундай $g(x)$ функция мавжуд бўлиши керакки, ҳар қандай $\varepsilon>0$ учун ушбу $mE\{f\neq g\}<\varepsilon$ муносабатнинг ўринли бўлиши зарур ва етарлидир, яъни ўлчовли функциянинг ўлчови етарлича кичик бўлган тўпламдаги қийматларини эътиборга олмасак, уни узлуксиз функция деб қараш мумкин.

Агар $E\{f\neq g\}$ тўпламнинг ўлчови $mE\{f\neq g\}=0$ бўлса, $f(x)$ ва $g(x)$ функциялар E тўпламда эквивалент дейилади. E нинг ўлчови $m(E)>0$ бўлсин. Бирор хосса ўлчови нолга тенг бўлган $A\subset E$ тўпламда бажарилмай, E нинг қолган қисмида бажарилса, у ҳолда бу хосса Eда деярли бажарилади дейилади. Эквивалент функциялар деярли тенг. $f(x)$ ва $g(x)$ функциялар $[a,\ b]$ да узлуксиз ва эквивалент бўлса, улар устма-уст тушади. Умуман ўлчовли эквивалент функция устма-уст тушиши шарт эмас. Мас., Дирихле функцияси

$$\chi(\varphi)=\begin{cases}\text{агар } x \text{ рационал бўлса, } 1,\\ \text{агар } x \text{ иррационал бўлса, } 0\end{cases}$$

айнан нолга тенг бўлган функцияга эквивалентдир.

Ф. н. да функциялар кетма-кетлигининг яқинлашиши турлича киритилиши мумкин. Ўлчовли E тўпламда $\{f_n(x)\}$ ўлчовли функциялар кетма-кетлиги берилган. Деярли барча $x\in E$ учун $\lim\limits_{n\to\infty}f_n(x)=f(x)$ бўлса, $\{f_n(x)\}$ кетма-кетлик $f(x)$ функцияга E нинг деярли ҳамма ерида яқинлашади дейилади. Агар ҳар қандай $\varepsilon>0$ учун $\lim\limits_{n\to\infty}mE\{|f_n-f|\geqslant\varepsilon\}=0$ бўлса, $\{f_n(x)\}$ ўлчовли функциялар кетма-кетлиги $f(x)$ функцияга ўлчов бўйича яқинлашади дейилади. Бу икки яқинлашиш орасидаги муносабат А. *Лебег* ва Ф. Рисс теоремаларида берилган. Ўлчовли функциялар кетма-кетлигининг $f(x)$ функцияга деярли ҳамма ерда яқинлашишидан бу кетма-кетликнинг шу $f(x)$ га ўлчов бўйича ҳам яқинлашиши келиб чиқади. Агар $\{f_n(x)\}$ ўлчовли функциялар кетма-кетлиги $f(x)$ га ўлчов бўйича яқинлашса, у ҳолда $\{f_n(x)\}$ дан $f(x)$ га деярли ҳамма ерда яқинлашувчи $\{f_{nk}(x)\}$ қисмий кетма-кетликни ажратиб олиш мумкин.

Функцияларнинг деярли ҳамма ерда яқинлашиши б-н текис яқинлашиши орасидаги муносабат Егоров теоремасида берилган: ўлчовли E тўпламда $f(x)$ функцияга деярли ҳамма ерда яқинлашувчи $\{f_n(x)\}$ ўлчовли функциялар кетма-кетлиги берилган бўлсин. У ҳолда ҳар қандай $\delta>0$ учун шундай ўлчовли тўплам $E_\delta\subset E$ мавжудки, унинг учун $m(E_\delta)>m(E)-\delta$ муносабат бажарилади ва $\{f_n(x)\}$ функциялар кетма-кетлиги E_δ да $f(x)$ га текис яқинлашади. Ф. н. да квадрати б-н жамланувчи функциялар синфи муҳим ўрин тутади (қ. *Гильберт фазоси*). Функцияларнинг метрик назариясига Э. Борель, Р. Бэр, А. Лебег, Ф. Рисс, совет математикларидан Д. Ф. Егоров, Н. Н. Лузин, А. Н. *Колмогоров*, Д. Е. Меньшов, ўзбек совет олимларидан Т. А. *Саримсоқов*, С. Ҳ. *Сирожиддинов* ва б. катта ҳисса қўшган.

Ад.: Саримсоқов Т. А., Ҳақиқий ўзгарувчининг функциялари назарияси, Т., 1968.

ФУНТ (лат. pondus — оғирлик, тош), қадоқ — 1) рус ўлчов системасининг оғирлик бирлиги. 1918 йилда бекор қилинган. Ўзбекчасига *қадоқ* деб аталган. Савдо ишларида 1 Ф.=0,409512 *кг*=$^1/_{40}$ пуд=96 *мисқол*. Россияда дори-дармонларни тортишда аптека фунти (0,358323 *кг*) ҳам қўлланилган; 2) ҳозирги бир қанча мамлакатларда оғирлик ўлчови. Инглизча ўлчов системаси жорий этилган давлатлар — Буюк Британия, АҚШ. Канада ва б. да 1 савдо фунти=453,592 *г*, Бошқа давлатларда 1Ф.=317,62 *г* дан (Италия) 560,01 *г* гача (Австрия).

ФУНТ — бир қанча мамлакатларнинг пул бирлиги. МАР фунти 100 пиастрга ёки 1000 миллиемга, Исроил фунти 100 агорга, Ирландия фунти 100 пенсга, Ливан ва Сурия фунти 100 пиастрга тенг. Ф. Кипр, Судан, Мальта, Гибралтар ва б. баъзи мамлакатларнинг ҳам пул бирлигидир. СССР Давлат банки курсига кўра, 100 Сурия фунти=18 сўм 10 тийин, 1 Миср фунти=1 сўм 78 тийин, 100 Ливан фунти=23 сўм 35 тийин, 1 Судан фунти=2 сўм 01 тийин (1978).

ФУНТ СТЕРЛИНГ (*фунт* ва инглиз. sterling — тўлиқ, тўла, қимматли) — Буюк Британия пул бирлиги, 100 пенсга тенг (1971 йилгача=1 Ф. с.=20 *шиллинг*=240 пенс). 10-асрдан ҳисоб бирлиги сифатида қўлланилган; 240 кумуш пенс (қ. *Стерлинг*)га тенг бўлган. Ф. с. 1694 йилдан пул белгиси сифатида (банкнот тарзида) чиқарила бошлаган. 1816 йилда Буюк Британияда олтин қуйма стандарти жорий этилиб (қ. *Олтин стандарт*), Ф. с. нинг расмий қиймати, 7,322382 *г* соф олтин деб белгиланди. 1931 йилда олтин стандарт бекор қилингач, банкнотни олтинга алмаштириш тўхтатилгач, Ф. с. нинг қиймати пасайди: АҚШ долларига нисбатан унинг паритети 4,86653 доллардан 3,5 долларга камайди (1932). Кейинчалик Ф. с. бир неча марта девальвация қилинди. 1967 йилда АҚШ долларига нисбатан Ф. с. нинг курси 2,4 долларни ташкил этди (расмий олтин қиймати 2,13281 *г* га тенг бўлди), 1972 йил июндан Ф. с. нинг валюта паритети беқарор бўлиб қолди («сузиб юрувчи курс» жорий этилди). 1976 йил сентябрда Ф. с. нинг АҚШ долларига нисбатан курси 1,74 доллардан иборат бўлди. СССР Давлат банки курсига кўра 1 Ф. с.=1 сўм 35 тийин (1978, февраль).

ФУНШАЛ — Мадейра оролидаги энг катта шаҳар ва порт. Португалиянинг Фуншал округининг маъмурий маркази. Аҳолиси 50 минг киши (1970). Халқаро курорт ва туризм маркази. Виночилик, шакар-қанд саноати корхоналари бор. Четга вино, мева ва балиқ чиқарилади. Шаҳарга 1421 йилда асос солинган. 15—16-асрлар архитектура ёдгорликлари сақланган.

ФУРАН, фурфуран — гетероциклик бирикма; хлороформ ҳиди келадиган рангсиз суюқлик; қайнаш т-раси 31,33°С. Ф. кўпгина органик бирикмаларнинг бошланғичи ҳисобланади, бу бирикмалардан аксариятларининг амалий аҳамияти катта, мас., *фурфурол*, *тетрагидрофуран*. Ф., асосан, фурфуролдан олинади. Ф. тетрагидрофуранни синтезлашда оралиқ маҳсулот ҳисобланади, у пиррол олишда ҳам ишлатилади.

ФУРАНОЗАЛАР — цикли беш аъзоли *фуран* ҳалқадан иборат *моносахаридлар*нинг циклик шакли. Беш аъзоли фураноз цикли олти аъзоли (пираноз) шаклига қараганда унча барқарор эмас. Эркин қандларнинг фураноз шакли ажратиб олинган эмас, улар сувдаги эритмалардагина ҳосил бўлади. *Фруктоза*ларда фураноз цикл ҳосил қилиш мойиллиги кучли бўлиб, улар Ф. шаклида кўпчилик олиго- ва полисахаридлар таркибига ҳам киради (мас., *инулин*). Қанд қисми Ф. шаклида бўлган гликозидлар фуранозидлар деб аталади.

ФУРАЦИЛЛИН — бактерияларга қарши кучли таъсир этувчи дори. Граммусбат ва грамманфий микроорганизмлар (стафилококклар, стрептококклар, дизентерия ва паратиф таёқчалари)га таъсир қилади. Сувда кам эрийди, мазаси сал тахир, майда кристалл сариқ порошок. Сувдаги, спиртдаги эритмаси ва мази йирингли яллиғланишларни (яраларда, куйганда, конъюнктивит, остеомиелит ва б.) даволашда ишлатилади. Антисептик препаратлар (фурапласт суюқлиги, «фастин 1» ва «фастин 2» мази) таркибига киради.

ФУРГОН (франц. fourgon)—1) юк ёки юк-пассажир автомобиллари, маълум юклар (озиқ-овқат маҳсулотлари, мебель, мол ва б.)



Фурманов Д. А.

ташиш учун мўлжалланган прицеплар ёхуд ярим прицепнинг ёпиқ кузови; 2) усти берк катта арава.

ФУРМА (нем. Form — форма, шакл) — металлургия печи ва агрегатларига ҳаво берувчи қурилма. Ф. ёниш процессини яхшилайди.

ФУРМАНОВ Дмитрий Андреевич (1891. 26. 10 (7. 11), Кострома губ. Середа қишлоғи, ҳозирги Иваново обл. Фурманов ш.—1926. 15. 3, Москва) — рус совет ёзувчиси. 1918 йилдан Коммунистик партия аъзоси. Деҳқон оиласида туғилган. Москва ун-тини тугатган (1924). Биринчи жаҳон уруши қатнашчиси (1914—18). 1917—18 йилларда Иваново-Вознесенскда совет ва партия ишларида ишлаган. 1919—21 йиллари 25-Чапаев дивизиясида, кейинчалик Туркистон фронтида комиссар. 1921 йилдан Москвада яшаган. 1924—25 йилларда Москва пролетар ёзувчилари ассоциацияси секретари. Ижоди 1912 йилдан бошланган. Илк қиссаси «Қизил десант» 1922 йили нашр қилинган. Ф. нинг «Чапаев» романида (1923) гражданлар урушининг афсонавий қаҳрамони Чапаев образи яратилган. Асарда партиянинг ташкилотчилик роли, коммунистларнинг матонати акс этган. «Ун саккизинчи йили» қиссасини (1923) ва бир қанча очерклар яратган. «Исён» романида (1925) партия ташкилотчилиги мавзуи, пролетар гуманизми, коммунистларнинг ғоявий ва маънавий сифатлари акс этган. «Денгиз соҳиллари» очерклар китобида (1926) социалистик қурилишлар акс эттирилган.

Ф. роман-очерк жанрида асарлар яратди, характерларни чуқур социал-психологик тасвирда берди; ҳужжатлар, хотиралардан баён қилишнинг хроника формасидан кенг фойдаланди. Айрим асарлари ўзбек тилига таржима қилинган. «Чапаев» романи асосида кинофильм (Г. ва С. Васильевлар) ва опера (композитор Б. Мокроусов) яратилган. Қизил Юлдуз ордени б-н мукофотланган.

Ас.: Собр. соч., т. 1—4, М., 1960—61; Исён, Т., 1954; Чапаев, Т., 1962; Қизил десант, Повестлар, ҳикоялар, Т., 1963.

Ад.: Калибердина А., Горький М., Письма о литературе, М., 1957; Луначарский А., Фурманов, Собр. соч. т. 2, М. 1964; Владимиров Г., Солдат революции. Страницы жизни и творчества Д. А. Фурманова, Т., 1967; Сотскова М. Н., Дмитрий Фурманов (Критико-биографический очерк), М., 1969: Дмитрий Андреевич Фурманов (Сб. статей и материалов), Иваново, 1971.

ФУРМАНОВ (1941 йилгача — Середа) — РСФСР Иваново областидаги шаҳар. Т. й. станцияси. Тўқимачилик, озиқ-овқат саноати корхоналари, қуйиш-механика з-ди бор. Шаҳар шу ерда туғилган совет ёзувчиси Д. А. *Фурманов* номи б-н аталган.

ФУРОВАРД (форс-тож. فراورد) — куй ва ашулаларнинг туширим қисми, уларни охирлатишга элитувчи куй бўлаги. Шашмақомда *супориш* вазифасини ҳам ўтайди.

ФУРОТ, Фрот (оромийча—ширин сув; арабча номи — Шатт ул-Фурот) — Ғарбий Осиёдаги энг катта дарё. Туркия, Сурия ва Ироқ терр-яларидан оқиб ўтади. Узунлиги Мурод дарёси бошланишидан 3065 *км,* Мурод ва Қорасув дарёлари қўшилган жойдан 2700 *км.* Ҳавзасининг майдони 673 минг *км*². Арманистон тоғлигидан бошланади. Арманистон тоғлигининг чекка тизмаларидан ўтганда тор дара ҳосил қилади. Сўнгра Сурия чўл платосида чуқур водийда оқиб, *Месопотамия пасттекислигига* чиқади. Бу ерда дарё ўзанининг кенглиги 150—500 *м,* чуқурлиги 10 *м* га етади. Қуйи қисмида Ф. *Дажла* дарёси б-н қўшилиб, Шатт ул-Араб деб аталади ва Форс қўлтиғига қуйилади. Асосий ирмоқлари — Тохма, Кўксув, Белих, Хобур ва б. Ф. га юқори ва ўрта оқимларида қўшилади. Ироқ терр-ясида айрим вақтинча оқар сувларгина Ф. гача етиб келади.

Ф. тоғли қисмида қор-ёмғир, текисликда кўпроқ ёмғир сувларидан тўйинади. Суви баҳорда кўпайиб, ёзда камаяди. Тошган вақтларда сув сатҳи 3—4 *м* кўтарилади. Месопотамия пасттекислигида дарё бўйлаб тошқинга қарши гидротехник иншоотлар ва марзалар қурилган. Сув сарфи Ҳит ш. да (Ироқ) ўртача 840 *м*³*/сек,* энг кўпи 3—4 минг *м*³*/сек;* йиллик оқим миқдори бу ерда 26,4 *км*³. Ф. суви кўплаб суғоришга сарфланади, бир қисми буғланади ва ерга сингади. Натижада сув сарфи қуйи оқимида 300—400 *м*³*/сек.* Дарё оқизиқлари ўрта оқимидан (йилига 13—15 млн. *т*) қуйилишига томон чўкиб камайиб боради. Ф. б-н Дажла дарёлари оралиғи *(Месопотамия)* ер юзидаги энг қадимги маданият марказларидан бўлган. Дарё суви қадимдан суғоришда кенг фойдаланилади. Ирригация каналлари чиқарилган. Сурия терр-ясида СССР ёрдамида Садд ул-Фурот гидроузели (800 минг *квт* ли ГЭС ва 730 *км*² ли сув омбори) қурилмоқда. Ҳит ш. гача кема қатнайди. Ф. бўйида Бирежик (Туркия), Раққа, Дайр уз-Завр (Сурия), Ромади, Ал-Фаллужа, Ал-Куфа, Самова, Носирия (Ироқ) шаҳарлари жойлашган.

Ад.: Муранов А. П., Реки Евфрат и Тигр, Л., 1959.

ФУРУНКУЛ (лат. furunculus) — қ. *Чипқон.*

ФУРУНКУЛЁЗ — кўплаб чипқон тошиши (қ *Чипқон*).

ФУРФУРОЛ (лат. furfur — кепак, қипиқ) — $C_5H_4O_2$ — янги ёпилган жавдари нон ҳиди келадиган сарғиш мойсимон суюқлиқ. Қайнаш т-раси 161,7°С, зичлиги 1,16 *г/см*³ (20°С да); сувда ёмон, спирт ва эфирда яхши эрийди. Ф. нинг кимёвий хоссаси бензоат альдегидиникига ўхшайди. Усимлик материаллари (мас., маккажўхори ўзаги, шоли қипиғини гидролизлаб олинади. Ф. фурфурил спирти, тетрагидрофурфурил спирти, *тетрагидрофуран,* фуран смолалари, дивинил, саноат елимлари олиш учун фойдаланилади. Ф. нинг баъзи ҳосилалари *фунгицидлар,* медицинада *фуррациллин* сифатида ишлатилади.

ФУРЬЁ Жан Батист Жозеф (1768. 21. 3, Осер — 1830. 16. 5, Париж) — француз математиги, Париж ФА аъзоси (1817). Осерда ҳарбий мактабни тугатиб, шу мактабда, сўнг политехника мактабида ўқитувчи (1796—98). Ф. нинг дастлабки ишлари берилган чегаралар орасида ётган алгебраик тенглама ҳақиқий илдизларининг сонига онд. Ф. нинг алгебра соҳасидаги ишларининг якуни бўлиб «Алоҳида тенгламалар анализи» китоби (1831) ўлимидан сўнг нашр қилинган. Асосий илмий изланишлари математик физика соҳаси б-н бевосита боғлиқдир. Ф. 1807—11 йилларда ўзининг қаттиқ жисмларда иссиқликнинг тарқалиш назариясига онд биринчи катта илмий ишини ёзди ҳамда 1822 йилда математик физиканинг ривожланиш тарихида алоҳида ўрин тутган «Иссиқликнинг аналитик назарияси» номли асарини нашр эттирди. Бу асарида у иссиқлик ўтказувчанликнинг дифференциал тенгламасини чиқаради ва уни ечиш методини тавсия этади (қ. *Фурье методи*). Ф. нинг ўзгарувчиларни ажратиш усули кейинчалик С. Д. *Пуассон,* М. В. *Остроградский* ва б. математиклар ишларида ривожлантирилди.

ФУРЬЕ Франсуа Мари Шарль (1772. 7. 4, Безансон — 1837. 10. 10, Париж) — француз мутафаккири, *утопик социализм* вакили. Дунёқараши 1789—94 йилги рев-я ҳамда француз материалистларининг таъсирида шаклланди. Ф. эксплуатацияга асосланган капиталистик цивилизацияни қаттиқ қоралаб, ўзининг хаёлий ижтимоий тузумини илгари сурди. Унинг тасвирлашича, инсон ўзи яшаётган жамиятнинг барча ярамас иллатларидан тозаланиши лозим, шундай ижтимоий тузум ўрнатиш керакки, бу тузум инсоннинг камол топишига, эҳтиёжларини қондиришига имконият берсин. Келажак жамиятнинг асосий ячейкаси бир неча ишлаб чиқариш серия (группа)ларидан иборат фаланга (жамоа)дир. Фаланганинг ҳар бир аъзоси меҳнат қилиш ҳуқуқига эга бўлиб, меҳнат завқ бағишлаши, кишиларнинг эҳтиёжларига айланиши керак. Шундай жамиятдагина юқори ишлаб чиқариш даражасига эришилади, моддий фаровонлик таъминланади. Ф. социалистик ғояларни кенг тарғиб қилиш, маърифатпарварлик йўли б-н ўз мақсадига эришмоқчи бўлди.

Бошқа утопик социалистлар сингари Ф. ҳам пролетариатнинг тарихий ролини тушуна олмади, мавжуд жамиятни революцион йўл б-н ўзгартиришни инкор этди. Ф. ғоялари кўп мамлакатлардаги, жумладан Россиядаги утопик социалистларга таъсир кўрсатган. Асосий асарлари: «Тўғри ҳаракат ва муштарак тақдирлар назарияси» (1808), «Умумий бирлик назарияси» (1822), «Янги саноат дунёси ва ижтимоий дунё» (1829).

Ад: Плеханов Г. В., Утопический социализм 19 века, М., 1958; Лабриола А., Очерки материалистического понимания истории, М., 1960; Волгин В. П., Французский утопический коммунизм. М., 1960; Кан С. Б., История социалистических идей, М., 1967.



Фурье Ф. Ш.

ФУРЬЕ АЛМАШТИРИШЛАРИ — берилган $f(x)$ функцияни

$$\varphi(t) = \frac{1}{\sqrt{2\pi}} \int_{-\infty}^{\infty} f(x)\, e^{-itx}\, dx \qquad (1)$$

формула б-н аниқланадиган $\varphi(t)$ функцияга алмаштириш.

Агар: а) $f(x)$ жуфт функция бўлса, Ф. а.

$$\varphi(t) = \sqrt{\frac{2}{\pi}} \int_{0}^{\infty} f(x) \cos xt\, dt \qquad (2)$$

кўринишда ёзилиб, Фурьенинг косинус алмаштириши,

б) $f(x)$ тоқ бўлса, Ф. а.

$$\varphi(t) = \sqrt{\frac{2}{\pi}} \int_{0}^{\infty} f(x) \sin xt\, dt \qquad (3)$$

кўринишда ёзилиб, Фурьенинг синус алмаштириши дейилади.

(2), 3) формулалар $f(x)$ жуфт (тоқ) функциялар учун симметрикдир, яъни:

$$f(x) = \sqrt{\frac{2}{\pi}} \int_{0}^{\infty} \varphi(t) \cos xt\, dt \qquad (4)$$

ёки

$$f(x) = \sqrt{\frac{2}{\pi}} \int_{0}^{\infty} \varphi(t) \sin xt\, dt. \qquad (5)$$

Умумий ҳолда Ф. а. га тескари алмаштириш

$$f(x) = \frac{1}{\sqrt{2\pi}} \int_{-\infty}^{\infty} \varphi(t)\, e^{itx} dt \qquad (6)$$

кўринишга эга.

Ф. а. асосий хоссалари: агар $f(x)$ функция $(-\infty, +\infty)$ да абсолют интегралланувчи бўлса, у ҳолда

а) $\forall\, t \in (-\infty,\ \infty)$ учун $|\varphi(t)| <$

$$\frac{1}{\sqrt{2\pi}} \int_{-\infty}^{\infty} |f(x)|\, dx,$$

б) $\varphi(0) = \frac{1}{\sqrt{2\pi}} \int_{-\infty}^{\infty} f(x)\, dx,$

в) $f(x)$ учун $\varphi(t)$ Ф. а. бўлса, $f(ax+b)$ нинг Ф. а

$$\psi(t) = \frac{e^{t\frac{b}{a}t}}{a} \varphi\left(\frac{t}{a}\right) \qquad (7)$$

кўринишга эга.

г) агар $\varphi_1(t)$, $\varphi_2(t)$ лар мос равишда $f_1(x)$, $f_2(x)$ ларнинг Ф. а. бўлса, $C_1 f_1(x) + C_2 f_2(x)$ нинг Ф. а. $C_1\varphi_1(t) + C_2\varphi_2(t)$ дан иборат.

g) $f(x)$ учун ушбу $\int_{-\infty}^{\infty} |f(x)|^2\, dx$ интеграл яқинлашувчи бўлса, (1) ва (6) лардаги интеграллар ўртача яқинлашади ва

$$\int_{-\infty}^{\infty} |f(x)|^2\, dx = \int_{-\infty}^{\infty} |\varphi(t)|^2\, dt \qquad (8)$$

тенглик ўринлидир.

Бу формула Парсевал формуласининг умумлашгани бўлиб (қ. *Фурье қатори*), Плажшерель теоремаси дейилади. (8) формула, физика нуқтаи назаридан, тебранма ҳаракат энергияси унинг гармоник компонентлари энергияларининг йиғиндисига тенг эканлигини билдиради.

Ф. а. операторини юқорида айтилган маънода интегралланувчи функциялардан кўра умумийроқ функциялар синфига, чунончи баъзи бир умумлашган (секин ўсувчи) функциялар синфига ҳам қўллаш мумкин. Ф. а. Бессел функцияларига нисбатан умумлаштирилган. Ундан ташқари эҳтимоллар назариясида кенг қўлланиладиган Фурье-Стилтьес алмаштириши ҳам бунга мисол бўлади. Бу хилдаги $\varphi(t)$ алмаштириши, камаймайдиган ва ўзгариши чегараланган $F(x)$ функция учун

$$\varphi(t) = \int_{-\infty}^{\infty} e^{-itx}\, dF(x) \qquad (9)$$

Стилтьес интеграли б-н ифодаланиб, характеристик функция дейилади.

Ф. а. дастлаб иссиқлик ўтказиш назариясида қўлланилиб, кейинчалик у математиканинг кўпгина муҳим соҳаларида дифференциал, интеграл тенгламаларни ечишда, махсус функциялар назариясида ва б. да кенг қўлланилиб келмоқда.

А. Ишм.

Ад.: Фихтенгольц Г. М., Математик анализ асослари, Т., 1972; Снеддон И., Преобразование Фурье, М., 1956; Холиқов М. Қ., Тешабоева Н. Х., Фурье қатори ва вариацион ҳисоб, Т., 1977.

ФУРЬЕ ИНТЕГРАЛИ — даврий бўлган функцияларни частотаси узлуксиз тўпламлардан иборат гармоник компонентларга ёйиш формуласи. $f(x)$ функция ҳар қандай чекли кесмада Дирихле шартларини (қ. *Фурье қатори*) қаноатлантирувчи ва $(-\infty, +\infty)$ да ушбу

$$\int_{-\infty}^{\infty} |f(x)|\,dx$$

интеграл яқинлашувчи бўлса, у ҳолда $f(x)$ қуйидаги

$$f(x)=\frac{1}{\pi}\int_{-\infty}^{\infty}\int_{-\infty}^{\infty} f(t)\cos(x-t)\,zdtdz \qquad (1)$$

такрорий хосмас интеграл б-н ифодаланади. (1) формулани биринчи марта Ж. *Фурье* иссиқлик ўтказувчанлик масалаларини ечишда қўллаган (1811). (1) формулани қуйидаги

$$f(x)=\int_0^{\infty}[a(z)\cos zx+b(z)\sin zx]\,dz \qquad (2)$$

кўринишда ёзиш мумкин, бунда

$$a(z)=\frac{1}{\pi}\int_{-\infty}^{\infty} f(t)\cos trdt,$$

$$b(z)=\frac{1}{\pi}\int_{-\infty}^{\infty} f(t)\sin tzdt.$$

Хусусан, $f(x)$ функция жуфт (тоқ) бўлса, у ҳолда мос равишда

$$f(x)=\int_0^{\infty} a(z)\cos xzdz,\ \text{унда}\ a(z)=$$

$$=\frac{2}{\pi}\int_0^{\infty} f(t)\cos ztdt$$

ёки

$$f(x)=\int_0^{\infty} b(z)\sin xzdz,\ \text{унда}\ b(z)=$$

$$=\frac{2}{\pi}\int_0^{\infty} f(t)\sin ztdt$$

бўлади. (2) формулани $2T$ даврли $f(x)$ функциялар учун Фурье қаторининг $T\to\infty$ даги лимити деб қараш мумкин. Ниҳоят, комплекс сонлардан фойдаланиб (1) формулани

$$f(x)=\frac{1}{2\pi}\int_{-\infty}^{\infty} f(t)\,e^{iz(x-t)}\,dtdz$$

кўринишда ёзиш ҳам мумкин.

Ад.: Фихтенгольц Г. М., Математик анализ асослари, т. 2, Т., 1972, Толстов Г. П., Ряды Фурье, 2 изд., М., 1960.

ФУРЬЕ МЕТОДИ — математик физика тенгламаларини ечишда функцияларни Фурье интеграли ва Фурье қаторига ёйишдан фойдаланадиган метод. Тенглама ечимини ихтиёрий ўзгарувчилар сонига қараб, бир нечта номаълум функциялар кўпайтмаси шаклида қидирилади. Бу функцияларга нисбатан оддий дифференциал тенгламалар ҳосил бўлади. Мас., учлари маҳкамланган l узунликдаги стерженда иссиқликнинг тарқалиш тенгламаси

$$\frac{\partial u(x,\ t)}{\partial t}=a^2\frac{\partial^2 u(x,\ t)}{\partial t^2}$$

бўлиб, бунда $u(x,\ t)$ — т-ра, $t\geqslant 0$ вақт, $0\leqslant x\leqslant l$; $u(x,\ t)=X(x)\,T(t)$ кўринишда изланса, $X(x)\,T(t)$ номаълум функцияларга нисбатан $\chi''(x)+\lambda^2 X(x)=0$,

$$T'(t)+a^2\lambda^2 T(t)=0$$

тенгламалар ҳосил бўлади. Агар тенгламага қўшимча $u(0,\ t)=0$, $u(l,\ t)=0$ чегаравий ва $u(x,\ 0)=f(x)$ бошланғич шартлар берилса, $\lambda=\frac{n\pi}{l}$, $X(x)$ ва $T(t)$ функцияларни аниқлаш мумкин; натижада ечим

$$u(x,\ t)=\sum_{n=1}^{\infty}\left(\frac{2}{l}\int_0^l f(\xi)\sin\frac{n\pi}{l}\xi d\xi\right)e^{-\left(\frac{n\pi}{l}a\right)^2 t}\times$$

$$\times\sin\frac{n\pi}{l}x$$

кўринишни олади.

Ад.: Тешабоева Н. Х., Математик физика методлари, [Дарслик], Т., 1966.

ФУРЬЕ ҚАТОРИ — даврий функцияни гармоник компонентларга ёйиш учун хизмат қилувчи тригонометрик қатор. Ҳадлари $u_n(x)=a_n\cos\frac{n\pi}{l}x+$

$+b_n\sin\frac{n\pi}{l}x$ $(n=0,\ 1,\ 2,\ \ldots)$ функциялар кетма-кетлигидан иборат ушбу

$$\frac{a_0}{2}+\sum_{n=1}^{\infty}\left(a_n\cos\frac{n\pi}{l}x+b_n\sin\frac{n\pi}{l}x\right)\ldots(1)$$

кўринишга эга. Ф. қ. коэффициентлари қуйидаги

$$a_0=\frac{1}{l}\int_{-l}^{l} f(x)\,dx,\ a_n=\frac{1}{l}\int_{-l}^{l} f(x)\cos\frac{n\pi}{l}xdx,$$

$$b_n=\frac{1}{l}\int_{-l}^{l} f(x)\sin\frac{n\pi}{l}xdx\ \ldots \qquad (2)$$

Эйлер-Фурье формулалари б-н ҳисобланади. Коэффициентларни ҳисоблаш формулаларидан интеграллар қайси маънода олинишига қараб, қатор Фурье-Риман, Фурье-Лебег ва ҳ. к. тригонометрик қатори дейилади.

Ф. қ. воситасида $2l$ даврли функция гармоник компонентларга ёйилади. $f(x)$ функция $[-l,\ l]$ да чекли сонли силлиқ бўлакли бўлса (Дирихле шарти), у ҳолда (1) қатор $f(x)$ нинг узлуксиз нуқталарида $f(x)$ га, узилиш нуқталарида эса

$$\frac{f(x_0+0)+f(x_0-0)}{2}$$

га яқинлашади. Ҳадлари бирор $[a,\ b]$ да ортогонал $\{\varphi_n(x)\}$ функциялар кетма-кетлигидан иборат қатор умумлашган Ф. қ. дейилади.

Агар $f(x)$ функция 2π даврли бўлса, у ҳолда (1) қатор қуйидагича ёзилади:

$$\frac{a_0}{2}+\sum_{n=1}^{\infty}(a_n\cos nx+b_n\sin nx),\ \ldots \qquad (3)$$

3) қаторнинг қисмий

$$S_n(x)=\frac{a_0}{2}+\sum_{k=1}^{n}(a_k\cos kx+b_k\sin kx)\ \ldots(4)$$

йиғиндиси ушбу

$$\rho_n=\int_{-\pi}^{\pi}[f(x)-T_n(x)]^2\,dx \qquad (5)$$

интеграл қийматини минимумга келтиради. Бундаги $T_n(x)$ — n-тартибли ихтиёрий тригонометрик кўпҳад. Ундан ташқари

$$\lim_{n\to\infty}\rho_n=0.$$

Демак, квадрати б-н $(-\infty, +\infty)$ да интегралланувчи $f(x)$ функция, ўртача квадратик маъносида ўзининг Фурье йиғиндиси б-н исталганча кичик аниқликда яхши яқинлаштирилади. Интегралланувчи ҳар қандай $f(x)$ функциянинг Фурье коэффициентлари $n\to\infty$ да нолга интилади, яъни

$$\lim_{n\to\infty}a_n=\lim_{n\to\infty}b_n=0.$$

Агар $f(x)$ квадрати б-н интегралланувчи бўлса, у ҳолда ушбу

$$\sum_{n=0}^{\infty}(a_n^2+b_n^2)$$

қатор яқинлашади ва бу функция учун Парсевалнинг қуйидаги

$$\frac{a_0}{2}+\sum_{n=1}^{\infty}(a_n^2+b_n^2)=\frac{1}{\pi}\int_{-\pi}^{\pi} f^2(x)\,dx\ \ldots(6)$$

тенглиги ўринлидир. Бу формула квадрати б-н Лебег маъносида интегралланувчи $f(x)$ функция учун Лебег томонидан умумлаштирилган.

Ф. қ. яқинлашишига оид кўпгина белгилар мавжуд. Шундай узлуксиз функциялар ҳам борки, уларнинг Ф. қ. чексиз кўп нуқталарда узоқлашади. Буни немис математиги Буа-Реймон (1875) кўрсатган эди.

Лебег маъносида интегралланувчи функциянинг Ф. қ. ҳар бир нуқтада узоқлашувчи бўлиши мумкинлигини А. Н. *Колмогоров* кўрсатган (1926).

Ф. қ. яқинлашишига оид шартларни ўрганиш анча мураккаб бўлиб, ҳозиргача бу соҳада изланишлар давом этмоқда.

Ад: Фихтенгольц Г. М., Математик анализ асослари, т. 2, Т., 1972; Толстов Г. П., Ряды Фурье, М.—Л., 1957; Холиқов М. Қ., Тешабоева Н. Х., Фурье қатори ва вариацион ҳисоб, Т., 1977.

ФУРҚАТ (тахаллуси; асл номи Зокиржон Мулло Холмуҳаммад ўғли, 1859, Қўқон—1909, Еркенд) — ўзбек демократ шоири, маърифатпарвар, публицист, ўзбек журналистикаси асосчиларидан бири.

Отаси Мулло Холмуҳаммад майда савдо иши б-н шуғулланган, ўқимишли бўлган, бадиий адабиётга қизиққан. Ф. 1866 йили маҳалласидаги мактабдор Мулла Муҳаммад Олимдан таълим олган, форс тилини ўрганган. Адабиётга эрта қизиққан, 8 ёшларида *Фаридуддин Аттор*нинг «Мантиқ ут-тайр» асари б-н танишган, Навоий, Ҳофиз, Бедил, Фузулий асарларини ўқиган, ёшлигидан шеърлар ёза бошлаган. Мактабни тугатгач, Ашур Муҳаммад Қори исмли мактабдордан маълум муддат сабоқ олган, сўнг унинг мактабида халфалик



Фурқат.

қилган. Кейинчалик мулла Қамбар Алидан хаттотлик санъатини ўрганган, сўнг (1870) масжиди Жомеъ мударриси Подшохўжадан араб тили бўйича таълим олган. Мадрасада ўқиган (1873—76). Қўқондаги сиёсий воқеалар муносабати б-н бу ердаги мадрасалар ёпилгач, Ф. тиркчилик ишлари б-н шуғулланган. 1876 йилда Янги Марғилондаги дўкондор тоғаси олдига бориб у б-н ҳамкорлик қилган, кейинчалик ўзи ҳам дўкон очган, икки-уч йил савдо ишлари б-н шуғулланган, айни замонда косиб-деҳқонларнинг турли ариза, илтимосномаларини ёзиб, мирзалик қилган. Ф. нинг бу давр ҳаёти унинг халқчил дунёқараши ва илғор адабий-эстетик принципларининг шаклланишида муҳим босқичлардан бири бўлди. Бу ерда Ф. илк бор рус кишилари, европача ҳаёт, фантехника янгиликлари б-н танишди, меҳнаткаш омманинг оғир ҳаётини кузатди, шеъриятда шуҳрат қозона бошлади. 1880 йили Қўқонга қайтиб оила қурди ва бутунлай ижод б-н шуғулланди. Кўплаб лирик ғазаллар, «Ҳаммоми хаёл» шеърий рисоласини ёзди, форс тилидан «Чор дарвеш», «Нуҳ манзар» асарларини ўзбекчага таржима қилди, лирик асарларини тўплаб девон тузди. Лекин булар ҳозиргача топилмаган.

Ф. Қўқонда *Муқимий* бошчилик қилаётган демократик кайфиятдаги ижодкорлар сафига қўшилади, уларнинг адабий йиғинларида фаол иштирок этади ва унинг раҳбарларидан бирига айланади. Муқимий, Завқий, Фурқат ва б. ижодида кейинчалик камол топган ғоявий ва адабий-эстетик бирлик, даврнинг актуал масалаларига муносабатдаги яқинлик, дунёқарашидаги умумийлик мана шу адабий йиғинларда шакллана борган.

Ф. 1886—87 йилларда (онласи бузилгач) Маргилонга боради, у ерда 2 йилча туриб, шаҳарнинг олим ва фозиллари, жумладан шоир Хўжажон *Рожий*, Муҳаммадумар *Умидий*, Мулла Тошболту Роиқ ва б. б-н адабий суҳбатларда бўлади, биринчи бор «*Туркистон вилоятининг газети*» б-н танишади. Шу йиллари шоир дунёқарашида жиддий силжиш юз беради, Россия, рус маданияти ва турмуши ҳамда фан-техника ютуқлари ҳақида батафсилроқ маълумот олишга интилади, рус тилини ўрганишга киришади. Шу мақсадда Тошкент сафарига отланади (1889). У Қўқон орқали Хўжандга келади ва бу ерда бир неча муддат туриб қолади. Хўжандда Ф. Тошхўжа *Асирий* ва б. шоирлар, адабиёт мухлислари б-н учрашиб, ижодий муносабатлар ўрнатади, баъзи асарларини, жумладан «Нест» радифли тожикча ғазалини ёзади.

Ф. 1889 йили июнда Тошкентга келади, бу ерда айрим фозилларнинг таклифига кўра маълум муддат «Фарҳат» тахаллуси б-н ҳам асарлар ёзиб, шуҳрат қозонади, кўп ўтмай яна Ф. тахаллусини тиклайди. Ф. Навоий ва б. устозлари анъаналарини давом эттирган кучли лирик шоир. Унинг лирикаси (мас., «Баҳор айёмида», «Сурмадин кўзлар қаро», «Чиройлик», «Навбаҳор айёми бўлди», «Истар кўнгул», «Фасли баҳор», «Хайрият», Навоий ғазалларига тахмислар ва б.) ҳаётий факт ҳамда туйғуларга бой ва жарангдор. Ғазал ва мухаммасларида Ватан табиати, баҳор гўзаллиги, инсоний севги, унинг шодликлари, ташвишлари ишонарли ва таъсирчан ифодаланган. Ф. лирикаси марказида тирик инсон туради. У тасвирлаган маъшуқа вафодор ва садоқатли, юк-



Фурқатнинг «Танланган асарлари» ва унинг ижоди ҳақида монография.

сак фазилатлар: соҳиби. Ф. нинг ғазал ва мухаммасларида ўз даври иллатларини қоралаш, адолатсизлик ва зўравонликдан шикоят каби ижтимоий мотивлар ҳам сезиларли ўрин тутади («Бу нечук савдо», «Лаҳза-лаҳза», «Истаб», «Оҳким, йўқтир мани табъимга лойиқ улфатим», «Жаҳонни кездиму офоқни сар-басар кўрдум», «Рамзи даҳонидин сўз, не дейки ҳеч асар йўқ» ва б.). «Сайдинг қўя бер сайёд» мусаддасида шахс эрки проблемаси, озодликни улуғлаш ғояси романтик бўёқларда ифодаланади. Асар ўтмиш шеъриятимизнинг шоҳ асарлари қаторидан ўрин олган.

1890 йил март ойидан Ф. нинг Тошкент даври ҳаётида янги поғона бошланди. Шоир дунёқарашида Янги Марғилон, Марғилон ва Хўжанд ш. ларида бошланган эволюция узилкесил шаклланди, илғор дунёқараш Ф. ижодий ва ижтимоий фаолиятининг ғоявий-эстетик замини бўлиб қолди. Ф. даврининг бош ижтимоий-сиёсий масаласи — Россия ва рус халқига, рус маданияти, маорифи, ижтимоий онги, фан-техниканинг ўлкада тарқалишига муносабат масаласида илғор позицияга ўтди. Урта Осиёнинг Россияга қўшилишини ижобий баҳолади. Россияни ибрат деб билиш, маърифатпарварлик шу даврдан шоир ижодининг ғоявий моҳиятига айланди.

1890 йил 11 апрелда «Туркистон вилоятининг газети»да Ф. нинг рус гимназиясидан олган таассуротлари баён қилинган мақоласи босилди. 17 апрелда «Гимназия» асари эълон қилинди. Кўп ўтмай Ф. шу газета ҳайъатига ишга кирди ва бир йилдан кўпроқ вақт *Саттархон* Абдуғаффоров каби илғор маърифатпарварлар б-н ҳамкорликда газетани тайёрлаш ва нашр этишда бевосита қатнашди. Бу даврда у рус ва ўзбек халқлари дўстлигининг оташин жарчиси, рус, Европа маданияти, маорифи, фан-техникасининг, европача турмуш тарзининг жонкуяр тарғиботчисига айланди. Газета саҳифаларида эълон қилинган «Нағма базми хусусида», «Акт мажлиси хусусида», «Нағма ва нағмагар», «Виставка хусусида» ва б. асарларида феодал хонликлар замонасини қоралади, рус маорифи, маданияти, санъатини улуғлаб, халқни рус тилини мукаммал эгаллашга чақирди. «Илм хосияти» (1890) маснавийсида шоир ватандошларига қарата:

Керак одам қилғой илм ҳосил —
Жаҳонда ўтмагай то маҳв жоҳил;
Жаҳон басту кушоди — илм бирла!
Надур дилни муроди — илм бирла!
Кўнгулларни сурури — илмдандур,
Кўрар кўзларни нури — илмдандур! —

деб мурожаат қилди. Ф. нинг бу хил асарларида илм-фан, маориф ва маданиятнинг қудратига ортиқча баҳо бериш сезилса-да, ўша шароитда бу ҳол катта прогрессив аҳамият касб этди. Рус театри спектаклидан олган таассуротлари асосида яратилган «Суворов» маснавийси (1890) да улуғ лашкарбоши Суворовнинг кўп жиҳатдан реалистик бадиий образини чизади, рус аскарларининг халоскорлик фаолиятини ҳаётий лавҳаларда тасвирлайди. Бу типдаги асарларида Ф. ҳақиқий ватанпарвар ва гуманист, юрт тақдири ҳақида қайғурувчи донишманд сифатида намоён бўлади, ўз халқининг ўқимишли, маданиятли, юксак тараққиётга эришган халқлар қаторидан ўрин олишини орзу қилади. Ф. да бундай дунёқарашнинг шаклланишида «Россия ибрати, рус халқининг маданияти, маорифи таъсири ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди. Ф. кейинчалик Еркентдда туриб ёзган асарларида ҳам Россияни улуғлаш, рус халқи б-н қардошлик алоқаларини мустаҳкамлаш мотивларига катта ўрин берди. Бу мавзу рус-япон уруши муносабати б-н ёзилган «Хорижия шаҳардин ёзгон бир ошнонинг сўзи» памфлети ҳамда «Рус аскарлари таърифида» асарида ҳам акс эттирилган.

Ҳукмрон синфлар ва реакцион руҳонийларнинг тазйиқи натижасида Ф. Тошкентдан чиқиб кетишга мажбур бўлади. 1891 йил майида Самарқандга жўнайди, у ердан Бухорога ўтади, июль охирларида чет элга чиқиб, Марв—Ашхобод—Боку—Ботуми орқали ноябрь ойида Истанбулга боради. Шу тариқа шоир ҳаёти ва ижодида чуқур из қолдирган ватанжудолик даври бошланди. У Истанбулдан Тошкентдаги дўстларига ватанни қўмсаш, унга талпиниш туйғулари б-н суғорилган машҳур «Сабоға хитоб» шеърий мактубини йўллайди. Ф. Истанбулдан Болгария ва Греция (Юнонистон)га саёҳат уюштириб, Болқон я. о. нинг қатор шаҳарларида бўлади. Бу сафар натижасида романтик-саргузашт мавзуидаги «Рўмоли қиз ҳикояти» ва б. асарлари майдонга келди. Ҳикоятнинг муҳим фазилатларидан бири унинг марказида аёл образи турганлиги ва у орқали ватанни қўмсаш кайфиятларининг бадиий тасвирланганлигидир. Асар ўзбек демократик адабиётига жиддий ҳисса бўлиб қўшилди.

1892 йил мартда Ф. Истанбулдан Урта денгиз орқали Арабистонга ўтиб, Макка, Жадда, Мадина ва б. шаҳарларни томоша қилади, сентябрь ойида Бомбайга келиб, Ҳиндистоннинг қатор шаҳар ва қишлоқларига саёҳат уюштиради. Ф. нинг бу даврда яратган барча асарлари («Адашганман» радифли лирик шеърлар цикли ва б.) да она юртни қўмсаш кайфияти устун, ватанпарварлик ғоялари чуқур ва таъсирчан ишланган.

Ф. 1893 йилнинг мартида Қашмир вилоятига боради. Бу даврда «Қашмирда», «Булбул» каби асарларини яратган. Ф. Қашмирдан Тибет ўлкасига ўтиб, сўнгра Хўтан орқали 1893 йил сентябрь ўрталарида Еркендга келади ва шу ерда умрининг охирига қадар турғун бўлиб қолади. Ф. нинг ҳар доим Ватанга қайтиш умиди б-н яшаганлиги унинг қатор асарларида, дўстларига йўллаган хат-хабарларида ўз ифодасини топган.

Ф. Еркендда оила қурган, кичик дўкон очиб, доривор ўсимликлар б-н савдо қилган, хаттотлик б-н шуғулланган ва бир қанча бадиий, публицистик асарлар яратган; маърифатпарварлик фаолиятини давом эттирган. Чет эл сафарига чиқиши биланоқ бошлаган «Саёҳатнома» асари устида ишлашни давом эттирган (асар ҳанузгача топилмаган).

Ф. ўзбек публицистикасининг шаклланиши ва ривожига ҳам катта ҳисса қўшди. Ўзбек адабиётида замонавий маънодаги публицистикага асос солди, унинг тематик доирасини кенгайтириб, актуал, ижтимоий-сиёсий проблемаларни илғор тушунчалар ва халқчил позициядан ёритишни бошлаб берди. «Туркистон вилоятининг газети»да эълон қилинган «Хўқандлик шоир Зокиржон Фурқатнинг Истанбулдин ёзган мактуби» (1892), «Хўқандлик Зокиржон Фурқатнинг «Пейсаи ахбор» ном Ҳиндистон газетидин нақл қилиб ёзғон хабари» (1897), «Еқуббек марҳумнинг қўлига тушган Қашқар вилоятининг аҳволоти хусусида» (1897) ва «Қашқар вилоятидаги сартия халқларининг зиндагончилик аҳволотлари хусусида» (1897)

каби халқаро мавзудаги сиёсий-публицистик мақолалари катта аҳамиятга эгадир. Шоир ҳаёти ва ижодини ўрганишда муҳим манба ҳисобланган, 1891 йилда «Туркистон вилоятининг газети»да босилган «Хўқандлик шоир Зокиржон Фурқатнинг аҳволоти. Узи ёзғони» номли асари ўша давр ўзбек прозасининг намунасидир. Ф. ўзбек адабиётида биринчи бўлиб замонавий маънодаги памфлет ва фельетон жанрларига асос солди. Унинг зикр этилган газетада босилган «Ҳинд найрангбози Еркендда (1905) асари ўзбек фельетонининг илк етук намунасидир. Ф. «Шоир аҳволи ва шеър муболағаси хусусида» (1891) асарида ижодкор ва бадиий адабиёт ҳақидаги адабий-эстетик қарашларини материалистик нуқтаи назардан баён этади. Унингча, адабиёт, ижод ташқи борлиқдан илҳомланади ҳамда реал табиатни, жамият ва ҳаётни, инсон ва унинг руҳий кайфияти ва кечинмаларини бадиий бўёқларда ифодалайди. Ф. нинг этнографик-дидактик характердаги «Қавоиди Чин ва умороти сиёсий» (1905—06) мақоласи, шунингдек илмий ва этнографик характердаги «Илми ашъорнинг қоидан авзони», «Тўй тавсифи», «Аза тавсифи», «Гап тавсифи» каби кичик ҳажмли рисолалари маълум.

Ф. ҳаёти ва ижоди б-н қизиқиш шоир ҳали барҳаёт вақтлардаёқ бошланган. Унинг айрим асарлари Н. П. Остроумов томонидан рус тилига таржима қилиниб нашр этилган. Ф. ижодий мероси фақат Совет ҳокимияти йилларидагина тўпланди, атрофлича ўрганилди, ўзбек, рус ва б. тилларда бир неча бор нашр этилди, ғаззаллари халқнинг севимли қўшиғига айланди. Шоир ҳаёти ва ижоди ҳақида қатор илмий асарлар, мақолалар яратилди, опера либреттоси, киносценарий ва б. ёзилди.

Ас.: Танланган асарлар, 2 томлик, Т., 1959; Избранное, Т., 1963; Танланган асарлар, Т., 1975.

Ад.: Холид Расул, Зокиржон Фурқат ижоди, Т., 1954; Фурқат ва Муқимий ҳақида мақолалар (тўплам), Т., 1958; Холид Расул, Фурқат, Танқидий-биографик очерк, Т., 1959; Зокиржон Фурқат (мақолалар тўплами), Т., 1959; Воҳидов Х., Фурқат ва Муқимийнинг ижтимоий-сиёсий қарашлари Т., 1959; Мўминов И. М., Фурқатнинг социал ва маърифатпарварлик қарашлари, Танланган асарлар 1-т., Т., 1969; Каримов Ғ., Ўзбек адабиёти тарихи, 3-китоб, Т., 1975; Абдуғафуров А., Зокиржон Фурқат. Ҳаёти ва ижоди, Т., 1977.

ФУРҚАТ — Андижон обл. Хўжаобод р-ни Кулла қ. С. даги қишлоқ. «Россия» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 15 *км*, яқин т. й. станцияси — Гурунчмозор (36 *км*). Аҳолиси 694 киши (1976); пахтачилик, чорвачилик, пиллачилик, боғдорчилик, токчилик б-н шуғулланади. Шаҳрихонсойдан сув ичади. Клуб, мактаб, кутубхона, болалар яслиси, медпункт, дорихона, алоқа бўлими, ремонт устахонаси бор.

ФУРҚАТ — Наманган обл. Норин р-ни Усмон Юсупов қ. С. даги қишлоқ. «Победа» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 3 *км*, яқин т. й. станцияси — Ҳаққулобод (3 *км*). Аҳолиси 749 киши (1976); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик, шоликорлик б-н шуғулланади. Норин дарёсидан сув ичади.

ФУРҚАТ (Галаботир) — Тошкент обл. Ғалаба р-ни Қетмонтепа қ. С. даги қишлоқ. Свердлов номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 10 *км*, яқин т. й. станцияси — 55-разъезд (21 *км*). Аҳолиси 893 киши (1977); канопчилик, пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Оҳангарон дарёсидан сув ичади.

ФУТБОЛ (инг. л. foot — оёқ ва ball — тўп) — спорт ўйини. Белгиланган вақтдаги ўйинда 2 команда спортчилари тўпни оёқ ёки гавда қисмлари б-н (қўлдан ташқари) рақиб дарвозасига киритишга ҳаракат қиладилар. Командада 11 киши, жумладан дарвозабон бўлади. Ўйин махсус тўғри бурчакли майдон (расмий матчлар учун 110—100×75—69 *м*) да ўтказилади. Тўп айланасининг диаметрал кесими 680—710 *мм*, оғирлиги 396—453 *г*. Ўйин 90 мин. (45 минутдан 2 тайм) давом этади. Таймлар ўртасида 15 минутлик танаффус берилади.

Ф. тарихида биринчи марта 19-аср ўрталарида Англияда Ф. клуби — «Шеффилд Юнайтед» (1855—57) ва биринчи миллий ассоциация (1863) тузилди. 19-аср охири — 20-аср бошларида Европа ва Латин Америкасининг кўп мамлакатларида миллий Ф. союзлари ташкил қилинди. 1904 йили халқаро Ф. ассоциациялари федерацияси — ФИФА (1976 йилда 140 дан зиёд мамлакатнинг миллий федерациясини бирлаштирган). 1946 йили Европа Ф. ассоциациялари союзи — УЕФА тузилди. Ф. 1900 йили Олимпиада ўйинлари программасига киритилди. 1930 йилдан Ф. бўйича жаҳон чемпионати, 1955 йилдан Европа чемпионлари кубоги, 1960 йилдан Европа чемпионати ва Европа мамлакатлари кубок эгалари кубоги, 1971 йилдан УЕФА кубоги мусобақалари ўтказилмоқда. Олимпиада ўйинларида СССР Ф. чилари 1 та олтин (1956), 2 та бронза (1972, 1976) медалини қўлга киритдилар. 1960 йилда Европа чемпиони (1964 ва 1972 йили 2-ўрин) бўлдилар.

Россияда дастлабки Ф. командалари 19-аср охирида пайдо бўлди. СССРда Бутуниттифоқ Ф. секцияси (ҳозирги СССР Ф. федерацияси) 1924 йили тузилди. 1936 йилдан клуб командалари ўртасида СССР биринчилиги ва кубоги мусобақалари ўтказилмоқда. 1976 йил СССРда 5 млн. га яқин киши, жумладан 1,5 млн. разрядли спортчи ва 700 дан ортиқ спорт мастери Ф. ўйнади. СССР Ф. федерацияси 1946 йилдан ФИФА, 1954 йилдан УЕФА аъзоси ҳисобланади.

Узбекистонда Ф. командаси дастлаб 1911 йил Фарғонада, кейинчалик Тошкент ва Андижонда тузилди. 1937 йилдан Ф. бўйича УзССР Кубоги мусобақалари ва Узбекистон чемпионати ўтказилмоқда. Бу мусобақаларда Тошкентнинг «Спартак», «Динамо», «Сокол» командалари энг кўп ютуқларга эришган. 1960 йилдан Тошкентнинг *«Пахтакор»* командаси СССР биринчилигининг олий лигасида қатнашмоқда. УзССРда 30-йилларда Г. Сорвин (УзССРда Ф. бўйича биринчи спорт мастери), П. Чижов, А. Адисман, М. Хўжаев, Д. Берлин, 50—60-йилларда А. Григорян, Б. Қаверзнев, Л. Мақсудов, И. Тазетдинов, О. Моторин,



Футбол.



Фучик Ю.

Ю. Пшеничников, А. Азизхўжаев, М. Шарипов, Б. Абдураимов, Ҳ. Раҳматуллаев, Г. Красницкий, С. Стадник, 70-йилларда Т. Исоқов, М. Ан, В. Фёдоров ва б. энг яхши Ф. чилардир.

1959 йили ЎзССР Ф. федерацияси ташкил этилиши Узбекистонда Ф. нинг янада ривожланишига таъсир кўрсатди. ЎзССРда Ф. ни ривожлантиришда тренерлардан Е. Б. Валицкий, А. А. Келлер, С. А. Арутюнов, М. Акбаров ва б. нинг хизмати катта.

1977 йил охирида ЎзССР да 321 мингдан ортиқ киши Ф. ўйнади; ЎзССРда Ф. бўйича 100 га яқин спорт мастери ва 2 та халқаро классли спорт мастери бор (1977).

Ад.: Всё о футболе М., 1972; Старостин А. П., Повесть о футболе, М., 1973.

ФУТЕРОВКА (нем. Futter — қоплама) — иссиқлик агрегатлари, печлари, ўчоқ, трубалар ва б. нинг ички ҳимоя қопламаси. Вазифасига қараб, ғишт, плиталар, блоклар ва б. дан қопланади. Оловбардош (шамот, динас, магнезит, доломит ва б.), кимёвий турғун, иссиқлик ўтказмайдиган хиллари бор.

ФУТУРИЗМ (лат. futurum — келажак) — 20-асрнинг 10—20-йилларида бадиий ижодда юзага келган авангардистик оқим (қ. *Авангардизм*). Дастлаб, Италияда пайдо бўлган. Ф. нинг назариётчиси ва асосчиси итальян адиби Ф. Т. Маринеттидир (1876—1944). У урушни «жаҳоннинг ягона гигиенаси» деб таърифлаган ва Италия Ф. ини *фашизм* б-н қон-қардош оқим сифатида тарғиб қилган. Германия, Франция, Англия, Польшада Ф. тарафдорлари кўп бўлган. Ғарбий Европа Ф. ининг энг характерли белгилари: онгининг турмушга муносабатини идеалистик асосда ҳал қилиш, адабиёт ва санъатнинг ғоявийлигини рад этиш, бадиий ижодни ижтимоий мазмундан «озод» қилишга уриниш, ниҳоят инсонни унутиб, металлни, механизмларни тасвирлаш кабилардир. «Бизни аёл кишининг табассуми ва кўз ёшларидан кўра бир парча ёғоч ёки темирдан чиқан ўт кўпроқ ҳаяжонга солади»,— деб ёзади Ф. Маринетти. Бу фикр бутун Ғарбий Европада Ф. нинг шиорига айланди.

Россияда Ф. И. Северянин, В. Хлебников, В. Каменский, Д. Бурлюк, В. *Маяковский* ва б. ижодида, Украинада М. Семенко, В. Ярошенко шеърларида яққол кўринди. «Ижтимоий завққа тарсаки» (1913) номли альманах рус футуристларининг манифести эди. Альманахдаги ўта чигал тил б-н ёзилган *формализм*дан иборат шеърларда индивидуалистик кайфиятлар, «пўлат булбул» ва «темир турна»лар акс этган. Россиядаги Ф. нинг эгофутуризм, кубофутуризм деб юритилган шакллари ҳам бор эди. Рус футуристларининг ижодига эргашган баъзи ўзбек шоирлари ҳам металлни, машинани, механизмларни мадҳ этувчи, шаклбозлик, қуруқ риторикадан иборат шеърлар ёздилар. Айниқса Олтой, У. Исмоилов, Ш. Сулаймон ижодида бу тенденция яққол кўринади. Аммо ўзбек шоирлари ижодидаги Ф. на Ғарбий Европа, на Россия Ф. ига ўхшамас эди.

Октябрь инқилоби Россияда Ф. ҳаракатини қайта қурди. Кўпчилик футуристлар инқилобни самимий кутиб олдилар, *социалистик реализм* адабиётини яратишга муҳим ҳисса қўшдилар. Бу соҳада В. Маяковскийнинг хизмати катта бўлди.

Ад.: Петрочук О., Футуризм, «Модернизм» тўпламида, М., 1973.

ФУТУРОЛОГИЯ (лат. futurum — келажак ва ...*логия*) — ижтимоий жараёнларнинг келажагини ўрганувчи илмий тадқиқот соҳаси. 1943 йилда немис социологи О. Флейтхейм «келажак ҳақидаги фан»ни «Ф.» термини орқали ифодалашни таклиф қилган ва уни илмий коммунизмга қарама-қарши қўйган. Лекин бу маънода Ф. тушунчаси кенг тарқалмади. Ҳозирги буржуа фанида Ф. ижтимоий *прогноз*нинг мажмуи маъносини ифодалайди. Буржуа футуролог тадқиқотчилари жамиятнинг келажакдаги ижтимоий структураси, инсон б-н техниканинг ўзаро муносабати ва ш. к. ҳақида «пайғамбарона» фикр юритиб, капитализмнинг «барқарор»лигини, меҳнаткашлар синфий курашининг «маъносиз»лигини кўрсатмоқчи бўладилар.

Марксистик социологияда «Ф.» термини кўчма маънода ижтимоий прогноз ва *прогностика*нинг синоними сифатида, кўпинча буржуа адабиётидаги шу соҳага нисбатан қўлланилади.

ФУЦЗЯНЬ — Хитойнинг шарқий қисмидаги провинция. Тайвань бўғози соҳили ва Миньцзян дарёси ҳавзасида. Майдони 120 минг $км^2$. Аҳолиси 16,8 млн. киши (1973). Маъмурий маркази — Фучжоу. Терр-ясининг аксари қисми тоғлик. Денгиз соҳили камбар пасттекислик. Иқлими тропик, муссонли, сернам.

Экономикасининг етакчи тармоғи — деҳқончилик. Ишланадиган ерлар (терр-ясининг 12% и) асосан дарё водийларида ва денгиз бўйида жойлашган. Тоғ ён бағирларида ҳам экин экилади. Ишланадиган ерларнинг $^2/_3$ қисми суғорилади. Асосий экин — шоли, шунингдек батат, шакарқамиш, ер ёнғоқ, тамаки ҳам экилади. Тропик мевачилик ва чой ўстириш ривожланган. Чорвачиликда, асосан, чўчқа боқилади. Балиқ овланади. Ёғоч, камфара дарахтининг пўстлоғи, лак дарахтининг меваси, бамбук тайёрланади. Фойдали қазилмалардан темир ва марганец рудалари, тошкўмир конлари бор. Озиқ-овқат (чой, шакар-қанд), ёғочсозлик, тўқимачилик (шойи тўқиш), қоғоз, қора ва рангли металлургия, кемасозлик, машинасозлик саноати корхоналари бор. Чинни идишлар, лак, бамбук буюмлар тайёрланади. Саноат марказлари: Фучжоу ва Сяминь. Асосий денгиз порти — Сяминь.

ФУЧЖОУ — Хитойнинг шарқий қисмидаги шаҳар. Миньцзян дарёсининг Шарқий Хитой денгизига қуйилиш жойидаги йирик порт. Фуцзянь провинциясининг маъмурий маркази. Аҳолиси 680 минг киши (1970). Кемасозлик, озиқ-овқат (чой, шакар-қанд ва б.), ёғочсозлик, қоғоз, металлургия ва металлсозлик саноати корхоналари бор. Чинни, бамбук, тери ва лак дарахти ёғочидан уй-рўзғор ва б. буюмлар тайёрлаш ривожланган. Балиқ ва денгиз ҳайвонларини овлаш базаси. Ф. орқали четга чой, ёғоч-тахта, камфара, мева, қоғоз ва ҳ. к. лар чиқарилади.

ФУЧИК Юлиус (1903. 23. 2, Прага — 1943. 8. 9, Берлин) — Чехословакияда Коммунистик ҳаракат арбоби, адиб, журналист, танқидчи. ЧССР миллий қаҳрамони. 1921 йилдан ЧКП аъзоси. 20-йиллардан Ф. ЧКП органи — «Руде право» газетаси, «Ижодиёт» журнали муҳаррирларидан бири. 1922 йилдан буржуа тузумининг ноҳақлиги, меҳнаткаш халқ ҳаёти ва уларнинг синфий кураши ҳақидаги очерклари, мақолалари ва репортажлари б-н кундалик матбуотда актив қатнашди. Ф. икки марта

(1930 ва 1934—36) СССРда бўлди. Биринчи беш йиллик ҳақида «Бизнинг эртамиз кечаги кун бўлиб қолган мамлакатда» номли очерклар китобини ёзиб, СССРда вужудга келган янги типдаги инсон — коллектив тарзида ўсаётган кишилар образини, янги коллектив ҳаётини бадиий лавҳаларда тасвирлади.

Ф. Совет Шарқи ҳақида 24 очерк ёзиб, Чехословакия матбуотида эълон қилди. Туркманистон, Қозоғистон, Тожикистон республикаларида бўлиб, у ердаги ўзгаришлар, буюк қурилишлар б-н яқиндан танишди. 1934—36 йилларда Тошкентда яшади, Узбекистон манзаралари, ўзбек халқининг меҳнатдаги қаҳрамонлиги, меҳмондўстлигидан илҳомланди. Унинг «Совет аёллари озодлиги ҳақида», «Тожихон Шодиева тарихи», «Розияхон Мирсоатова» ва б. очеркларида Совет Шарқи аёлларининг бахтиёр ҳаёти, меҳнатга бўлган муҳаббати, фаровон турмуши ҳаққоний равишда кенг ёритилган.

Ф. 1941 йил февралдан нолегал ЧКП МҚ аъзоси сифатида партиянинг подпольедаги нашрига раҳбарлик қилди. 1942 йил апрелида фашистлар томонидан қамоққа олинди ва 1943 йили Германияга олиб кетилди. Прага турмасида ёзган «Дор остидаги сўз» китоби Ф. номини жаҳонга ёйди. Ҳаётий фактлар асосида ёзилган бу асар антифашистик ҳаракат курашчилари «Ҳаётнинг мазмуни ва тинчлик учун кураш» ҳақида ҳикоя қилади.

1950 йили Ф. ка (ўлимидан сўнг) Халқаро Тинчлик мукофоти берилди. «Дор остидаги сўз» китоби ўзбек тилига таржима қилинган. ЧССРда Ф. номида Журналистлар Союзи мукофоти таъсис этилган. Тошкентда Ф. номида кўча ва музей-квартира бор.

Ад.: Радволина И. М., Рассказ о Ю. Фучике, 3 изд., М., 1967; Фучикова Г., Воспоминания о Ю. Фучике, 2 изд., М., 1968; Соломатина А., Очерки Фучика о Средней Азии, «Из истории литературных связей с зарубежными странами» тўпламида. Тр. ТашГУ, вып. 339, Т., 1969.

ФУШУНЬ — Хитойнинг шимоли-шарқий қисмидаги шаҳар. Ляонин провинциясида. Хуньхэ дарёси бўйида. Аҳолиси 1080 минг киши (1974). Ф. мамлакатда оғир саноатининг энг муҳим марказларидан. Тошкўмир ва ёнувчи сланец ҳамда темир рудаси ва алюминий хом ашёсининг йирик конлари бор. Кон ва электротехника саноати учун ускуналар ишлаб чиқарилади. Кокс кимёси, минерал ўғитлар, синтетик ёнилғи, қора металлургия, алюминий эритиш, цемент, тоғ-кон ва электротехника машинасозлиги саноати корхоналари бор.

ФЬОРД, Фиорд (норвегча fiord) — қирғоқлари тик ва баланд қоялардан иборат бўлган тор ва чуқур денгиз қўлтиқлари. Тўртламчи давр материк музликлар фаолияти натижасида пайдо бўлган; кейинчалик дарё водийлари ва тектоник ботиқларнинг денгиз тагида қолиши оқибатида юзага келган. Баъзи Ф. ларнинг узунлиги 200 *км*, чуқурлиги 1000 *м* дан кўпроқ (*Согне-Фьорд*, узунлиги 204 *км*, чуқурлиги 1208 *м*). Тик қирғоқларининг баландлиги 1500 *м* гача етади. Ф. лар Норвегия, Гренландия ва Чилида, айниқса, ривожланган.

ФЮЗЕЛЯЖ (франц. fusele — урчуқсимон) — учиш аппаратларининг қанотлари, таянч қисмлари ва *шассили*ари ўрнатиладиган корпуси. Ф. да экипаж ва пассажирлар хонаси, юк ортиш бўлимлари, жиҳозлар жойлашади. Айрим учиш аппаратларида Ф. ўрнида қуйруқ балкаларидан фойдаланилади.

ФЮН — Болтиқ денгизидаги орол. Дания ороллари тўдасида. Данияга қарашли. Майдони 2976 $км^2$. Аҳолиси 434 минг киши (1971). Рельефи моренали сертепа текислик. Баъзи тепаларнинг баландлиги 131 *м* гача. Табиий ва маданий ўтлоқлар бор. Сут-чорвачилиги ва чўчқачилик б-н шуғулланилади. Арпа, қанд лавлаги экилади. Балиқ овланади. Энг катта шаҳри — Оденсе. Орол 2 та кўприк орқали Ютландия я. о. б-н ва паромлар орқали яқин атрофдаги ороллар б-н боғланган.


X

X — ҳозирги ўзбек алифбосининг 23-ҳарфи. Чуқур тилорқа, сирғалувчи, жарангсиз ундош *фонема*ни ифодалайди. Сўзда ҳамма ўринларда учраса-да (хат, бахт, сахий, рух), қўлланишда актив эмас. Сўзда жуфт ҳолда келмайди.

ХАБАНЕ́РА (испан. Habana — Гавана) — кубинча рақс ва қўшиқ, кўпроқ «данса» номи б-н маълум. Европача контрдансдан юзага келган. Латин Америкасида кенг тарқалган. Ж. Бизе («Кармен» операсида), К. Дебюсси (фортепьяно учун «Гренададаги кеча»), М. Равель (хонанда ва фортепьяно учун «Х.») ва б. композиторлар ўз асарларида Х. музика шаклидан фойдаланишган.

ХАБАРО́ВСК — шаҳар, РСФСР Хабаровск ўлкаси маркази. Амур дарёси ўнг соҳилида. 5 шаҳар р-ни бор. Узоқ Шарқнинг муҳим транспорт узели. Амур дарёсидаги порт. Т. й. станцияси. Аэропорт бор. Аҳолиси 500 минг киши (1975). Х. 1858 йилда ҳарбий пост Хабаровка сифатида вужудга келган. 1893 йилдан рус сайёҳи Е. П. Хабаров шарафига Х. деб атала бошлаган. 1902 йилда Х. да «Арсенал» ҳарбий з-ди (ҳозирги «Дальсельмаш» з-ди) қурилган, 1904 йилдан Амур ҳарбий флотининг базаси бўлди. 20-аср бошларида Х.— Узоқ Шарқнинг йирик савдо марказига айланди. 1917 йил 6 (19) декабрда Совет ҳокимияти ўрнатилган. 1918 йил октябрида шаҳарни Америка-Япония қўшинлари ва атаман В. М. Калмиков бошлиқ оқлар отряди босиб олди. Гражданлар уруши (1918—20) даврида Х. бир неча марта қўлдан-қўлга ўтиб турди. 1922 йил 14 февралда Х. батамом озод қилинди.

Х.— йирик саноат маркази. Асосий тармоқлари — машинасозлик ва металлсозлик, нефтни қайта ишлаш, ёғочсозлик, енгил, озиқ-овқат саноатлари, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш. Ўлка саноат маҳсулотининг 25% ини Х. беради. Йирик корхоналари — «Дальдизель», «Энергомаш», «Амуркабель» машинасозлик, станоксозлик, нефтни қайта ишлаш, кимё-фармацевтика з-длари. Корхоналарда кема дизеллари, кемалар, электроэнергетика асбоб-ускуналари, сим ва кабеллар, станок-автоматлар ва автоматик линиялар, нефть маҳсулотлари, дори-дармон препаратлар, темир-бетон конструкциялар, тикувчилик буюмлари, соя мойи ва б. ишлаб чиқарилади.



Хабаровск. В. И. Ленин номидаги майдон.

Шаҳарда 7 илмий тадқиқот ин-ти, 7 олий ўқув юрти, 17 ўрта махсус ўқув юрти, 3 театр, 2 музей, телемарказ бор. «Тихоокеанская звезда» (1920 йилдан) ва «Молодой дальневосточник» (1925 йилдан) ўлка газеталари чиқиб туради. 1976 йилда 7,5 минг ўринли 35 даволаш муассасалари, 2,5 минг врач (210 кишига 1 врач) ишлади. Шаҳар атрофида 3 санаторий, дам олиш уйлари бор.

ХАБАРО́ВСК ЎЛКАСИ — РСФСР таркибидаги ўлка. 1938 йил 20 октябрда ташкил этилган. Совет Узоқ Шарқи жанубий ярмининг марказий қисмида. Жануби-ғарбда Хитой б-н чегарадош, шарқда Охота ва Япон денгизларига туташ. Татар ва Невельской бўғозлари орқали Сахалин оролидан ажралиб туради. Майдони 824,6 минг *км*². Аҳолиси 1483 минг киши (1975). Яҳудийлар АОни ўз ичига олади. 21 маъмурий р-нга бўлинган, 9 шаҳар ва 42 ш. т. п. бор. Маркази — Хабаровск ш.

Табиати. Х. ў. қирғоқлари фақат Охота денгизининг жануби-ғарбий қисмини ҳисобга олмаганда кам ўйилган. Қирғоқ чизиғи 2500 *км* чамасида.

Ўлка терр-ясининг рельефи 70% дан кўпроқ қисми тоғлардан иборат (Сихотэ-Алинь, Жугжур ва б.). Бу тоғлар Охота ва Япон денгизларига параллель чўзилган. Ўлканинг энг баланд нуқтаси 2933 *м*.

Иқлими муссонли иқлим. Қиши совуқ, қор кам ёғади, ёзи илиқ, сернам. Январнинг ўртача т-раси жанубида —22° —30°, шимолида —36°, денгиз соҳилида —20—24°. Июлнинг ўртача т-раси денгиз бўйида 12—16°, ички жанубий қисмларида 20—21°. Йиллик ёғин 400—1000 *мм*. Вегетация даври 170—180 кун.

Дарёлари Амур, Бурея, Биджан, Бира, Тунгуска, Горюн, Амгунь, Уссури, Анюй, Хунгари. Йирик кўллари: Болонь, Падали, Хумми, Кади, Удиль, Орёл, Эворон.

Тупроқ ва ўсимликлари. Чимли подзол, ўтлоқи-ботқоқ, ботқоқ, қўнғир, қўнғир ўрмон тупроқлар тарқалган. Х. ў. тайга зонасида жойлашган. Шимол ва шимоли-ғарбида даурия тилоғочи, аян қорақарағайи, оққарағай, Амур соҳилларида, Амгунь, Бурея, Мая дарё ҳавзаларида корея кедри, манжурия шумтоли, заранг, граб, бир неча тур қайин, жўка ўсади. Ўрмонлар майдони 428 минг *км*².

Ҳайвонот дунёси. Тайгада лось, шимол буғуси, қўнғир айиқ, силовсин, бўри, соболь, тулки, сувсар, елик, колонок, росомаха, оқ сичқон, латча, қундуз, қушлардан каркур, чил яшайди. Кўл ва дарёларда 100 турдан ортиқ балиқ бор.

Аҳолиси. Х. ў. да руслар (85,4%, 1970), украинлар (5,7%), яҳудийлар (1,4%), нанайлар, ульчалар, нивхлар, эвенклар, эвенлар, удэгейлар, негидаллар (ҳаммаси бўлиб 2% чамасида), шунингдек белоруслар, татарлар, мордваллар, чувашлар ва б. яшайди. 1 *км*² га 1,8 киши тўғри келади. Шаҳар аҳолиси 80% (1975).

Йирик шаҳарлари: Хабаровск, Комсомольск-Амур, Советская Гавань, Биробижан, Амурск, Николаевск-Амур.

Хўжалиги. Х. ў. саноати Узоқ Шарқнинг муҳим саноат р-ларидан бири. Ўлка машинасозлик ва металлсозлик, қора металлургия, ўрмон, ёғочсозлик ва целлюлоза-қоғоз саноат тармоқларига, рангдор металлар қазиб олишга, балиқ саноати, нефтни қайта ишлашга ихтисослашган. Корхоналар денгиз ва дарё кемалари, металл қирқувчи станоклар, двигателлар, газ қувурлари, трансформаторлар, компрессорлар, қ. х. машиналари, кўтариш кранлари, металл қуйиш цехлари учун жиҳозлар, кир ювиш машиналари, электр қиздиргич ва ёритиш приборлари, металл идишлар ишлаб чиқаради. Машинасозликнинг асосий марказлари: Хабаровск («Дальдизель», «Энергомаш», «Амуркабель» з-длари), Комсомольск-Амур («Амурлитмаш», «Металлист» з-длари), Биробижан («Дальсельмаш», куч трансформаторлари з-длари), Советская Гавань, Николаевск-Амур, Комсомольск-Амурдаги «Амурсталь» з-ди темир ломни қайта ишлаб, пўлат ва прокат беради.

1974 йилда 12,4 млн. $м^3$ ёғоч тайёрланди. Ёғочнинг кўпгина қисми экспорт қилинади. Ёғочсозлик корхоналари тахта қипиқдан ишланган плиталар, паркет, стандарт уйлар, тара ва б. ишлаб чиқаради. Хабаровск, Комсомольск-Амур, Биробижанда қурилиш деталлари, мебель тайёрлаш корхоналари бор.

Хинган ва Солнечнийда қўрғошин рудасини бойитиш к-ти ишлаб турибди. Олтин қазиб олиш ривожланган.

Қурилиш материаллари саноати тармоқлари Хабаровск, Комсомольск-Амур, Теплоозёрск, Лондокода жойлашган.


Енгил саноат корхоналари ип газлама, тикувчилик, трикотаж, пайпоқ ва б. атторлик буюмлари ишлаб чиқаради. Озиқ-овқат саноатида балиқ саноати р-ларараро аҳамиятга эга. Йилига 1,5 млн. *ц* дан ортиқ балиқ овланади. Ун, кондитер, пиво, спирт-арақ, гўшт-сут, мойёғ саноати тармоқлари ҳам ривожланган.

Қишлоқ хўжалиги. 1974 йилда ўлкада 86 с-з ва 24 к-з бўлган. Экин майдони 264 минг *га* (1974), жумладан, ғалла экинлари 78 минг *га*, картошка ва сабзавот 33,3 минг *га*, ем-хашак экинлари 76 минг *га*, мева кўчатлари 3,8 минг *га*.

Чорвачилик асосан сутга ихтисослашган ва шаҳар атрофини таъминлайди. 180 минг қорамол (жумладан 73 минг сигир), 159 минг чўчқа, 2258 минг парранда бор (1975). Ўлканинг шимолида буғучилик (51,8 минг) қилинади (1974). 10 асаларичилик с-зи бўлиб, асал ва асалари муми ташқарига, жумладан экспорт қилинади. Даррандачилик ва ов хўжалиги муҳим тармоқ ҳисобланади. Х. ў. да Узоқ Шарқда тайёрланадиган мўйнанинг 13% и тайёрланади.

Т. й. транспорти муҳим аҳамиятга эга. Ўлканинг асосий т. й. Транс-Сибирь магистрали. Амур ва унинг ирмоқлари Уссури, Тунгуска, Амгунь дарёларида юк ташиш муҳим роль ўйнайди.

Х. ў. ни Узоқ Шарқнинг денгиз бўйи р-лари ва чет эл б-н боғлайдиган денгиз транспорти ривожланган. Асосий денгиз порти — Ванино. Автомобиль йўллари сийрак ва асосан ўлканинг жанубий р-ларига хизмат қилади. Ҳаво транспорти кенг ривожланган.



1974/75 ўқув йилида 630 умумий таълим мактабида 207,5 минг ўқувчи, 55 профессиональ-техника билим юртида 23,7 минг ўқувчи, 33 ўрта махсус ўқув юртида 41,5 минг ўқувчи, 9 олий ўқув юртида 41 минг ўқувчи ўқиди.

Х. ў. да 34 илмий муассаса, 618 оммавий кутубхона (9,1 минг китоб ва журналлар), 8 музей, 4 театр, 595 клуб, 803 киноустановка бор.

«Тихоокеанская звезда» (1920 йилдан) ва «Молодой дальневосточник» (1925 йилдан) ўлка газеталари чиқиб туради.

Ад.: Степанова А. А., Хабаровский край, Хабаровск, 1957; Южная часть Дальнего Востока, М., 1969; Гладышев А. Н., Куликов А. В., Шапалин Б. Ф., Проблемы развития и размещения производительных сил Дальнего Востока, М., 1974.

ХАБАРЧИ — Ўрта Осиё хонликларида хон ва маҳаллий ҳукмдорларнинг хат ва хабарларини ташувчи ёки етказувчи кичик лавозимли хизматкор; *курьерга* тўғри келади.

ХАББЛ Эдвин Пауэлл (1889. 20. 11, Маршфилд, Миссури штати — 1953. 28. 9, Сан-Марино, Калифорния штати) — америкалик астроном. 1914—17 йилларда Йерк обсерваторияси (Чикаго) ва 1919 йилдан Маунт-Вилсон обсерваторияси (Калифорния)нинг ходими. Вашингтон Миллий ФА аъзоси (1927). Асосий ишлари *галактикалар*га оид. Коинотда кузатиладиган туманликларни икки группага, яъни бизнинг Галактикамиз (газ-чангдан таркиб топган)га кирувчи ва Галактикамиздан ташқарида жойлашган галактикаларга ажратди. 1924—26 йилларда бизга яқин бўлган галактик туманликлар ичида табиатан Галактикамизга ўхшаш юлдузларни топди ва бу б-н коинотда Галактикамизга ўхшаш юлдуз системалари мавжудлигини исботлади. Галактикалараро масофа б-н уларнинг нурий тезликлари орасида муҳим космологик аҳамиятга эга бўлган боғланиш борлигини кашф этди (1929) (қ. *Кизилга силжиш, Космология*).

ХАББЛ ДОИМИЙСИ (*H*) — метагалактикаларнинг кенгайиши натижасида Галактикаларнинг бирбиридан узоқлашиш (қочиш) тезлиги v б-н улар орасидаги масофа R нинг ўзаро боғланиши $v = HR$ даги пропорционаллик коэффициенти: $H = \frac{1}{R} \cdot \frac{\Delta R}{\Delta t}$. Х. д. *км/сек·Мпс* ёки *сек*$^{-1}$ ларда ўлчанади. Қочиш тезлиги ўзгармас деб олинса, H^{-1} метагалактиканинг кенгайиши бошлангандан буён ўтган вақтни белгилайди, Х. д. нинг ҳозир қабул қилинган қиймати 55 *км/сек·Мпс*. Бунда $H^{-1} \approx 18$ млрд. йил (яна қ. *Космология*).

ХАББУЛ-МУЛУК (Croton tigilium) — сутламадошлар (сутламагуллилар оиласи)га мансуб бир уйли бута ёки дарахтча. Барглари оддий, чўзиқ, тухумсимон, қирғоқлари тишли. Гуллари кўкимтир, майда, чачоқ тўпгул ҳосил этади. Меваси уч уруғли ва уч қиррали кўсакча. Уруғи канакунжутникига ўхшайди. Х.-м. ёввойи ҳолда Ҳиндистонда, Осиёнинг Шарқи-Жанубида тарқалган. Шри Ланка, Ява, Филиппин оролларида, Американинг тропик қисмида экилади. Уруғи заҳарли, таркибида 50% ча ёғ, токсальбумин ва заҳарли смолалар бор. Уруғидан тиниқ, қорамтир қўланса ҳидли ёғ олинади. Бу медицинада сурги сифатида ишлатилади. Кўпроқ истеъмол қилинса кишини заҳарлайди, терига тушса яллиғлантиради.

ХАБЕРТИОЗ — чорва молларининг гельминтоз касаллиги. Хабертия *гельминтлари* қўзғатади. Асосан, бир ёшгача бўлган қўйлар, шунингдек эчки, қорамол, буғу ва б. касалланади. Хабертиялар ҳайвоннинг йўғон ичагида паразитлик қилади ва қўйган тухуми ҳайвон тезаги б-н ташқарига чиқади. Тухумдан чиққан личинка 5—7 кунда инвазион даврга киради. Хайвонларга ем-хашак ва сув орқали юқади. Қасал ҳайвоннинг т-раси кўтарилади, ичи суюқ, шилимшиқ ва қон аралаш кетади, нафас олиш ва юрак уриши тезлашади; иштаҳаси йўқолади, чанқайди, кўпинча, ўлади.

Даволаш: ҳайвоннинг 1 *кг* вазнига 0,5 *г* дитеразин ёки 1,0 *г* фенотиазин емга қўшиб берилади, 1% ли формалин эритмаси б-н касал ҳайвон клизма қилинади.

Олдини олиш: мол ҳамда молхоналар гельминтсизлантирилади.

ХАВФ ОСТИДА ҚОЛДИРИШ (ҳуқуқда) — совет жиноят ҳуқуқига кўра, шахсга қарши қаратилган жиноятлардан бири; инсон ҳаёти учун хатарли ҳолат вужудга келганда уни ёрдамсиз қолдириш. Хавф остида қолдирганлик учун қонунда белгиланган шартлар мавжуд бўлгандагина жавобгарликка тортиш мумкин. УзССР ЖКда ҳаёти хавф остида қолган ва ўзини ҳимоя қилиш имкониятидан маҳрум бўлган шахсни била туриб ёрдамсиз қолдирганлик, агар ўша шахсга ғамхўрлик қилиш ёрдамсиз қолдирган кишининг зиммасида бўлган ҳолда ёрдам кўрсатиш имкониятига эга бўла туриб ёрдамга келмаслик, шунингдек, унинг ўзи томонидан жабрланувчининг ҳаётини хавф остида қолдирганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган (108-модда).

РСФСР ва б. баъзи республика ЖКларида жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатлар ҳам кўзда тутилган (мас., гўдаклар, кексалар, беморлар ва б. ни Х. о. қ.).

«ХАВФ ТУҒДИРАЁТГАН ҲАЛОКАТ ВА УНГА ҚАРШИ ҚАНДАЙ КУРАШМОҚ КЕРАК» — В. И. Ленин асари. Октябрь социалистик рев-яси арафасида большевиклар партиясининг иқтисодий платформасини асослаб беришга бағишланган. 1917 йил 10—14 (23—27) сентябрь подпольеда, Гельсингфорс (Финляндия)да ёзилган. 1917 йил октябрда «Прибой» нашриётида алоҳида брошюра бўлиб босилиб чиққан. Асарда Ленин буржуазиянинг хўжаликни жинояткорона ва ваҳшиёна бошқариши, меньшевик ва эсерлар ҳукмрон партияларининг тамомила фаолиятсизлик кўрсатганликлари, империалистик урушнинг давом эттирилаётганлиги натижасида Россиянинг оғир иқтисодий аҳволга тушиб қолганлигини таърифлаб берди. Россия муқаррар ҳалокат хавфи остида қолди, деб ёзган эди Ленин. Буржуазия хўжаликдаги вайронгарчилик ва очарчилик рев-яни бўғиб ташлаш ва Советларни тарқатиб юборишга ёрдам беради, деган умидда ишлаб чиқаришда атайин саботаж ўтказади.

Ленин мамлакат сиёсий ва иқтисодий ҳаётини чуқур таҳлил қилиб, Россиянинг социалистик тараққиёт йўлига ўтишининг зарурлигини асослаб берди. Пролетариат ҳокимиятни қўлга олгач, социализм томон биринчи қадамни амалга ошириш учун, аввало, ишлаб чиқариш ва маҳсулотларни тақсимлаш устидан назорат ўрнатиши, мамлакатдаги барча банкларни, шунингдек йирик капиталистик монополияларни национализация қилиш, помешчиклар ерини мусодара этиш ва мамлакатдаги барча ерларни национализация қилиш зарур деб ҳисоблади. Айни вақтда Ленин пролетариат ва унинг партиясининг узоқроқ тарихий даврга мўлжалланган вазифасини — иқтисодий жиҳатдан илгор капиталистик мамлакатларга етиб олиш ва улардан ўзиб кетиш вазифасини таърифлади.

Ленининг бу асари большевиклар партиясини хавф туғдираётган иқтисодий ҳалокатдан мамлакатни сақлаб қолишнинг аниқ программаси б-н қуроллантирди. Ленин асарда Россияни қолоқликдан чиқариб ривожланган, қудратли социалистик мамлакатга айлантиришдан иборат тарихий вазифани қўйди. Асар Россия ишчилар синфи ва унинг партиясини социалистик рев-яга тайёрлашда катта роль ўйнади. Октябрь рев-ясидан кейин у социализмнинг тўла ва узил-кесил ғалабаси учун курашида большевикларнинг программ ҳужжати бўлиб қолди. Ленининг асари ривожланган социалистик жамият қуриш учун курашаётган социалистик мамлакатларнинг коммунистик ва ишчи партиялари учун дастурул амалдир. Капиталистик мамлакатларнинг коммунистлари демократия ва социализм учун ўз курашида китоб ғояларига, конкрет тарихий вазиятни анализ қилишнинг ленинча принципларига амал қилмоқдалар. Асар ўзбек тилида В. И. Ленин Тўла асарлари тўпламининг 34-томига киритилган.

ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШИ — қ. *Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Хавфсизлик кенгаши.*

ХАВФСИЗЛИК ТЕХНИКАСИ — *меҳнат муҳофазаси* бўлимларидан бири; ишлаб чиқаришдаги хавфли омилларнинг ишловчиларга кўрсатадиган таъсири олдини олишнинг ташкилий ва техник тадбирлари ва воситаларидан иборат. Х. т. бўйича ўтказиладиган тадбирлар, шунингдек Х. т. нинг техника воситаларини яратиш ва қўллаш белгиланган тартибда тасдиқланган норматив-техник ҳужжатлар (стандартлар, қоидалар, нормалар, инструкциялар) асосида амалга оширилади. Х. т. га оид ташкилий тадбирлар: ишчиларга хавфсиз ҳамда зарарсиз иш усуллари тўғрисида инструктаж ўтказиш ва ўргатиш; ишлаб чиқариш санитарияси ва меҳнат гигиенаси асосида қўлланиладиган ҳимоя воситаларидан фойдаланишни ўргатиш; оғир ишлар бажарилаётганда, зарарли шароитларда ишлаганда меҳнат ҳамда дам олиш қонун-қоидаларини ишлаб чиқиш ва уни татбиқ қилиш.

Х. т. га оид техникавий тадбирлар маълум норма ва қоидаларга асосланади. Мас., габарит — планлаштириш нормалари бинонинг майдони, ҳажми ва жиҳозлар орасидаги масофаларни ҳисобга олади; параметр нормалари жиҳозларнинг конструкцион-ҳисобий параметрларини чеклайди. Конструктив ҳимоя техникавий тадбирларнинг асосийларидан бири ҳисобланади. Бунда инсоннинг психик, анатомик, физиологик маълумотлари ҳисобга олинади, мас., машинанинг бошқариш органларини инсон учун қулай бўлмаган зонага жойлаштириш ва унга катта ҳамда кўп қайтариладиган нагрузкалар қўйиш мумкин эмас; иш вақтида зарарли чанг, газ чиқмаслиги керак ва б. Зарарли таъсирлардан ҳимоя қилиш учун тўсиқ қилинади, огоҳлантирувчи белгилар ҳамда плакатлар осиб қўйилади. Кўпинча ишлаётган машиналарнинг узеллари б-н боғлиқ бўлган қурилмалар (электрон қурилмалар, фотоэлемент, автоматик ишлайдиган сақлагич)дан фойдаланилади. Буларга сақлагич клапанлари, виключателлар, эрувчан сақлагичлар, штифтлар ва б. киради. Хавфли, зарарли ишларни бажаришда узоқдан туриб бошқариш самара беради. Ҳимоя қилишда *сигнализация*дан фойдаланилади. Жиҳозлар ишининг бузилишини олдини олиш учун, улар юргизиб юборишдан олдин ва ишлатиш процессида текширилади ҳамда синалади. Жуда хавфли жиҳозлар (босим остида ишлайдиган идишлар, юк кўтариш машиналари) давлат инспекцияси назорати остида бўлади. Шунингдек, намлик, т-ра, ҳавонинг тозалиги, шовқинлар, нурланиш таъсири ва б. доимо назорат қилинади. Ишлаб чиқаришнинг маълум соҳаларида ишлайдиганлар қоидаларга мувофиқ индивидуал ҳимоя воситалари (кийим, пойабзал, эҳтиёт белбоғи, кўзойнак ва б.) дан фойдаланадилар. СССРда Х. т. га маъмурият жавоб беради, профсоюз ташкилотлари уни назорат қилади.

СССРда Х. т. нинг ҳимоя методлари, воситалари ВЦСПС меҳнатни муҳофаза қилиш ин-тларида, олий ўқув юртлари кафедраларида, илмий текшириш ин-тларида ишлаб чиқилади. СССРда меҳнат хавфсизлиги стандартларига амал қилинади. СССР ва социалистик мамлакатларда ҳар йили кўпгина моддий маблағ ажратилади. Х. т. техника тараққиёти, *ишлаб чиқаришни автоматлаштириш* ва комплекс механизациялаш б-н узвий боғланиб, ишчиларни оғир жисмоний меҳнатдан холи қилади, меҳнат енгиллаштирилади. Капиталистик мамлакатларда Х. т. давлат назорати функциясига кирмай, фақат айрим фирма ёки корхоналар чегарасидагина амалга оширилади.



Хазанович Р. Л.

Ад.: Власов А. Ф., Основы техники безопасности, 2 изд., М., 1961; Линецкий В. А., Пряников, Охрана труда, техника безопасности и пожарная профилактика на предприятиях химической промышленности, М., 1976.

ХАДДЕРСФИЛД — Буюк Британиядаги шаҳар. Ғарбий Йоркшир метрополитен графлигида. Аҳолиси (Дьюсбери шаҳри ва атрофидаги аҳоли пунктлари б-н) 371 минг киши (1973). Х. жун газлама ишлаб чиқаришда қадимдан машҳур. Машинасозлик (тўқимачилик, электротехника ва б. машиналар), кимё (бўёқ) корхоналари бор.

ХАДРАМАУТ, Ҳазрамавт (حضرموت) — Арабистон я. о. нинг жанубий қисмидаги тарихий область. Арабистон денгизининг Адан қўлтиғи соҳилида. Майдони тахм. 152 минг *км*^{2}. Рельефи соҳилга яқин қисмида текислик, шимолроғи ясси тоғлик (500—1200 *м*). Иқлими тропик, қуруқ иқлим. Ариқ-каналлар кам. Водийларда хурмо ва кокос пальмаси, кофе ўстирилади, буғдой, арпа, маккажўхори, тариқ, кунжут, тамаки экилади. Балиқ овланади ва экспорт қилинади. Йирик порт шаҳарлари: Мукалла, Аш-Шаҳр.

Х. давлат сифатида мил. ав. 2—1-асрларда ташкил топди. Милоднинг 4-асрида Х. ни ҳимярийлар босиб олиб, ўз давлати таркибига қўшиб олдилар. 7-асрда Х. га араблар келиб, араб тили ва ислом динини жорий этдилар. 11-аср ўрталаригача Уммон ҳукмронлиги остида, сўнгра Яман подшоҳликлари таркибида бўлган. 19-а. бошларида Х. га ваҳҳобийлар бостириб кирган. 1888 йилдан Х. амирликларида Буюк Британия ўз протекторатини ўрнатди. 1930-йиллар охирларида Х. Буюк Британиянинг Шарқий Адан протекторати таркибига киритилди. Х. 1967 й. озодликка эришди ва мустақил Жанубий Яман Халқ Республикаси (1970 йилдан Яман Халқ Демократик Республикаси) таркибига кирди.

ХАЁЛ — қ. *Фантазия*

ХАЁЛИЙ СОЦИАЛИЗМ — қ. *Утопик социализм.*

ХАЗАНОВИЧ Рахиль Лейбовна (1906. 9. 10, УССР Лохвица ш.) — фармакогност, фармацевтика фанлари д-ри (1955), проф. (1958), УзССРда хизмат кўрсатган фан арбоби (1967). 1927 йилдан КПСС аъзоси. Харьков Фармацевтика ин-тини тугатгач (1929), Прилуки ш. дорихонасида ассистент-рецептор (1929—33), тамаки ф-касида кимё лабораториясининг бошлиғи (1934—35), Днепропетровск Фармацевтика ин-ти фармацевтик кимё ва фармакогнозия кафедрасида ассистент (1935—40). 1940 йилдан Тошкент Фармацевтика ин-ти фарма-

когнозия кафедрасининг мудири. «Сурги ва буриштирувчи таъсирга эга бўлган Ўзбекистондаги доривор ўсимликлар» мавзуида д-рлик диссертацияси ёқлаган. Илмий ишлари доривор ўсимликларни ўрганишга оид. «Ҳурмат Белгиси» ордени ва медаллар б-н мукофотланган.

Ас.: Лекарственные растения Узбекистана, Т., 1963.

ХАЗАР ХОҚОНЛИГИ — Ғарбий *Турк хоқонлиги*нинг емирилиши натижасида қуйи Волга бўйи ва Шимолий Қавказнинг шарқий қисмида 7- аср ўрталарида вужудга келган илк феодал давлат. Х. х. ни туркларнинг Ашина династияси бошқарган. Хоқонликнинг пойтахти 8- аср бошларигача Доғистондаги Самандар, кейинчалик Итиль ш. (Қуйи Волгада) бўлган. 7- асрнинг 2- ярмида хазарлар Азовбўйи булғорларининг бир қисмини, шунингдек ҳунн-савирлар подшолигини бўйсундирганлар. 8- аср бошларида хазарлар Шимолий Қавказ, Азовбўйининг ҳаммаси, Қримнинг катта қисми ҳамда Шарқий Европанинг Днепргача бўлган терр-ясининг чўл ва ўрмон-чўл қисмини эгалладилар. Айни пайтда улар Закавказьени эгаллаш учун арабларга қарши шиддатли кураш олиб бордилар (Закавказье Араб халифалиги қўл остида эди).

735 йилда Х. х. ерига араблар бостириб кирди ва хоқонлик армиясини тор-мор қилди. Х. х. нинг маркази Итилга кўчирилди. Ички зиддият ва кўчманчи халқларнинг ҳужумлари натижасида 10- асрнинг охирига келиб, Х. х. тугади.

ХАЗАРА — Самарқанд обл. Самарқанд р-ни Чкалов қ. С. даги қишлоқ. Энгельс номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 20 *км*, яқин т. й. станцияси — Самарқанд (24 *км*). Аҳолиси 1315 киши (1976); пиллачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Янгиариқ каналидан сув ичади. Саккиз йиллик мактаб, болалар боғчаси, медпункт, ремонт устахонаси, клуб бор.

ХАЗАРЛАР — туркий тилда гаплашувчи кўчманчи халқ. *Ҳуннлар* ҳужумидан кейин (4- аср) Шарқий Европада пайдо бўлган. 6- асрнинг 60- йилларида Х. *Турк хоқонлиги*га бўйсундирилган. 7- аср ўрталаридан *Хазар хоқонлиги*ни тузганлар. Хазар хоқонлиги емирилгач (10- аср), Х. туркий кўчманчи халқлар таркибига сингиб кетган.

ХАЗАРМАЛИЙ — Самарқанд обл. Советобод р-ни Улус қ. С. даги қишлоқ. «Улус» с-зи терр-ясида. Р-н марказидан 35 *км*, яқин т. й. станцияси — Нагорная (56 *км*). Аҳолиси 568 киши (1976); қоракўлчилик, чорвачилик, сабзавотчилик б-н шуғулланади. Булоқ, қудуқлардан сув ичади. С-з гаражи, омбори, ферма, саккиз йиллик мактаб бор.

ХАЗАРМАН — Бухоро обл. Свердлов р-ни Хумин қ. С. даги қишлоқ. Ленин номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 11 *км*, яқин т. й. станцияси — Шаҳрислом разъезди (19 *км*). Аҳолиси 891 киши (1976); пахтачилик, чорвачилик, пиллачилик, сабзавотчилик б-н шуғулланади. Зарафшон дарёсидан чиқарилган Арабхона ариғидан сув ичади. Саккиз йиллик мактаб, ремонт устахонаси, ферма бор.

ХАЗИНА — 1) хон, подшо ва б. нинг пуллари, қимматбаҳо буюмлари ва б. моддий бойликлари сақланган жой; 2) яшириб қўйилган (асосан ер остига кўмилган) қимматбаҳо буюм ва тангалар мажмуи. Х. муҳим тарихий манбалардан бири бўлиб, совет қонунчилигига мувофиқ, давлат мулки ҳисобланади. Х. топган шахс уни молия органларига топшириши лозим. Бунинг эвазига у Х. қийматининг 25% миқдорида мукофот олади. Х. ни ўзлаштириб юборган шахс жиноий жавобгарликка тортилади; 3) марказлашган давлатларда уларнинг молиявий ресурслари мажмуи. Капиталистик мамлакатларда давлат бюджетининг бажарилишини амалга оширувчи махсус молия ташкилоти ҳам Х. деб аталади. СССРда алоҳида Х. ташкилоти йўқ; унинг вазифасини СССР Давлат банки бажаради.


ХАЗИНА БИЛЕТЛАРИ — олтинга майдалаб-майдиган, ҳукуматнинг хазина ташкилоти томонидан муомалага чиқариладиган қоғоз пуллар ва хазина ташкилотининг қисқа муддатли мажбуриятлари. Биринчи жаҳон уруши (1914—18) га қадар қоғоз пуллар эмиссия банклари томонидан товар айланишини маблағ б-н таъминлаш учун чиқарилган ва олтинга майдаланган *банк билетлари*дан кескин фарқ қилган. Биринчи жаҳон уруши даври ва ундан кейинги даврларда Х. б. дан олтинга майдаланмай қўйган банкнотлар б-н биргаликда бюджет дефицитларини қоплаш учун кенг фойдаланилди (қ. *Қоғоз пуллар, Инфляция*). Қисқа муддатли мажбуриятлар Иккинчи жаҳон уруши (1939—45) йилларидаги ҳарбий харажатларни қоплашда айниқса кенг қўлланилди. Булардан бири фашистлар Германияси томонидан чиқарилиб, вақтинча босиб олинган терр-яларда муомалада бўлган «оккупацион марка»лардир.

СССРда Х. б. банк билетларини майдалаш ва майда тўловлар учун қўлланилади, мамлакат пул оборотида банк билетлари б-н тенг мавқега эга. Х. б. СССР Давлат банки томонидан унинг эмиссия планига мувофиқ, 1, 3 ва 5 сўмлик қилиб чиқарилади. Х. б. қонун асосида СССРнинг барча моддий воситалари б-н таъминланган бўлиб, мамлакатнинг бутун терр-ясида белгиланган қиймати бўйича муомалада юритилади.

«ХАЗОЙИН УЛ-МАОНИЙ» («Маънолар хазинаси») — *Алишер Навоий* асари. 1491—96 йилларда тартиб берилган. «Х. ул-М.»—«Ғаройиб ус-сиғар» («Ёшлик ғаройиботлари»), «Наводир уш-шабоб» [«Йигитлик нодирлик (шеър)лари»], «Бадое ул васат» («Урта ёш бадиалари») ва «Фавойид ул-кибор» («Кексалик фойдалари») номли девонлардан таркиб топган мукаммал йиғма девон. Халқ орасида «Чор девон» деб ҳам юритилади. «Х. ул-М.» нинг



«Хазойин ул-маоний» китобининг муқовалари (А. Навоий),



Мақбара пештоқига ишланган кошин безак (Шоҳи Зинда ансамбли, Самарқанд).

Халқ ижоди мақоласига.



Зардўзи панно (Бухоро, 60-йиллар; ЎзССР Амалий санъат асарлари давлат кўргазмаси).

Халқ ижоди мақоласига.

тузилиш тарихини Алишер Навоийнинг ўзи «Хамсат ул-мутаҳайирин», «Муншаот», «*Муҳокамат ул-луғатайн*», айниқса, «Х. ул-М.» га махсус ёзган «Дебоча»сида баён этган. Ушбу асарларда ёзилишича, Абдурраҳмон Жомий ўз шеърларини тўплаб (1491—92), уч девон тузган ва Навоийга тақдим этган. Навоий бу девонларнинг аралашиб кетмаслиги учун уларга махсус номлар қўйишини маслаҳат берган. Навоий маслаҳати Жомийга маъқул тушган ва у девонларини «Фотиҳат уш-шабоб» («Ёшликнинг бошланиши»), «Воситат ул-иқд» («Боғланиш воситалари»), «Хотимат ул-ҳаёт» («Ҳаёт хотимаси») каби номлар б-н атаб, умумий «Дебоча» ёзган ҳамда бу фикрнинг Навоийдан чиққанлигини алоҳида таъкидлаган. Шундан сўнг, Навоий ҳам устози таклифи б-н барча лирик шеърларини тўплаб «Х. ул-М.» ни тузишга киришган. «Х. ул-М.» нинг юзага келиши Жомий б-н Навоий дўстлигининг, ўзбек ва тожик адабиётлари ўртасидаги алоқаларнинг ёркин далилидир.

«Х. ул-М.» 45 минг мисрага яқин, 3130 дан ортиқ лирик шеърлардан тузилган. Унга шоирнинг етти-саккиз ёшидан бошлаб умрининг охирига қадар ёзган ўзбекча шеърлари киритилган. «Х. ул-М.» таркибида қарийб 2600 ғазал, 210 қитъа, 133 рубоий, 86 фард, 52 муаммо, 10 мухаммас, 10 чистон, 13 туюқ, 4 мустазод, 5 мусаддас, 4 таржиъбанд, 1 мусамман, 1 таркиббанд, 1 қасида, 1 маснавий, 1 соқийнома мавжуд. Ҳар бир жанрдаги шеърлар қофияси ёки радифидаги тугалланувчи ҳарфга қараб маълум тартиб асосида жойлаштирилган. «Х. ул-М.» ўз давридаги маънавий ҳаётнинг ўзига хос қомуси бўлиб, шоир ўз шеърларида илғор ижтимоий, гуманистик ғояларини илгари сурган, ҳаётни, инсонни, унинг олижаноб туйғу ва интилишларини улуғлаган. «Х. ул-М.» ни яратиш учун шоир ўзининг бутун умрини сарфлагани ва бу б-н ғоят фахрланганини асарнинг «Дебоча»сида қуйидагича ёзади:

Сарф этдим анга умр баҳорин доғи,
Бўстони ҳаёту лолазорин доғи,
Оллида ҳазони зар нисорин доғи,
Кофур фишоч қони била қорин доғи.

Навоий «Х. ул-М.» б-н ўзбек шеъриятини жанр эътибори б-н ҳам, ғоявий-тематик жиҳатдан ҳам, бадиий-поэтик тасвир ранг-баранглиги б-н ҳам бойитди. На ундан олдин ва на ундан кейин ўзбек лирик поэзиясида бирон ижодкор бундай мукаммал девон тузиш даражасига кўтарила олмади. Шоирнинг бу девони қўл ёзма нусхаларда тўла ва қисқартирилган ҳолда жуда кўп мамлакатларда қайта-қайта кўчирилган, кўп марталаб нашр қилинган.

Нашри: Хазойин ул-маоний, 1—4-т, Т., 1959—60.

Ад.: Ҳайитметов А., Навоий лирикаси, Т., 1961.

ХАЙМОВ Ёқуб (1909, Наманган)— ёзувчи ва драматург. Маҳаллий яҳудийлардан. Ўзбек тилида ижод қилади. Тошкентдаги билим юрти (Инпрос)ни тугатган (1929). «Байроқи меҳнат» газетасида бўлим мудири ва масъул котиб (1933—38). 1957 йилдан Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриётида ишлайди. «Учрашув», «Оқ марварид», «Ҳаётга йўл» (1940), «Садоқат» (1960), «Дийдор» (1961) қиссаларини ёзган. Ёзувчи Малик Раҳмон б-н ҳамкорликда яратган «Ҳаёт-мамот» романи (1965) да социалистик ҳаёт ва совет кишиларининг фидокорона меҳнати акс этган. Х. кўплаб ҳикоя ва очерклар, «Хотин-қизлар озодлиги» (1931), «Нажот» (1935), «Хоин» (1938), «Ойгул», «Орият» (1964) ва б. пьесалар муаллифи.

Ад.: Беспризорники. Повесть, Т., 1935; Пламя любви. Пьеса, Т., 1941; Дурдона. Повесть ва ҳикоялар. Т., 1976; Поздние слёзы. Рассказы, Т., 1978.

ХАЙБАР ТОҒ ЙЎЛАГИ, Хайбар дараси — Афғонистон б-н Покистон ўртасидаги муҳим тоғ йўлаги. Спингар тизмасини Қобул дарёси дарасидан бир оз жануброқдан кесиб ўтган. Узунлиги 53 *км*, эни 15—30 *м*. Асосий довон йўлакнинг жануби-шарқий қисмида, 1030 *м* баландликда жойлашган. Х. т. й. орқали Покистон терр-ясида Афғонистон чегарасигача т. й., сўнгра Пешовар — Қобул автомобиль йўли ўтган.

ХАЙД Томас (1636—1703)— инглиз шарқшуноси ва таржимони. Оксфорд ун-тининг проф. Бодлеян кутубхонасининг илмий назоратчиси. Улуғбекнинг юлдузлар жадвалини учта форсча қўл ёзма бўйича текшириб, «Жайхуннинг ҳар икки томонининг қудратли ҳокими улуғ Темурлангнинг набираси Улуғбекнинг кузатишлари бўйича қўзғалмас юлдузларининг узунлик ва кенгликлари жадвали» номи б-н 1665 йили биринчи марта форс ва латин тилларида нашр эттирди. Бу асар Европа олимларига *Улуғбек расадхонаси* фаолиятини ўрганишлари учун асосий манба бўлди.

Ад.: Гевелий Ян, Атлас звездного неба, Редакция и вступительная статья, академика АН УзССР В. П. Щеглова, Т., 1970.

ХАЙДЕГГЕР *Мартин* (1889. 26. 9—1976. 26. 5)—немис философи, *экзистенциализм* асосчиларидан. Марбург (1923—28), Фрейбург (1928—33) ун-тларида проф. 1933 йилдан Фрейбург ун-тининг ректори. 1945 йилда нацистлар б-н ҳамкорлик қилишда айбланиб, ишдан бўшатилган. Патриархал муносабатларини идеаллаштириш, жамоаларни буржуа жамиятига қарама-қарши қўйиш, чекланган демократик эркинлик ва синфлар кураши — Х. философиясининг асосини ташкил этади. Х. инсон ва инсониятга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўлган объектив борлиқ ўрнига «инсоний-конкрет борлиқ»ни, яъни «яшаш»нинг субъектив идеалистик шарҳланишини қўяди. У ижтимоий тараққиёт қонуниятини инкор этади.

Х. философияси ҳозирги замон идеологик реакциянинг асосий қуролларидан бири бўлиб хизмат қилмоқда. Асосий асарлари: «Борлиқ ва замон» (1927), «Кант ва метафизика проблемаси» (1929), «Метафизикага кириш» (1953) ва б.

ХАЙКОУ — Хитойнинг Хайнань о. даги энг катта шаҳар ва порт. Гуанси-Чжуан автоном р-нида. Аҳолиси 100 минг киши (1970). Кемасозлик, кема двигателлари ишлаб чиқариш, қ. х. ускуналари, кимё ва резина буюмлар, қурилиш материаллари, тўқимачилик, озиқ-овқат корхоналари бор.

ХАЙЛБОШИ (араб. خيل — отлиқ аскарлар)— отлиқ аскарлар бўлинмасининг бошлиғи. *Сомонийлар* ва *Салжуқийлар* даврида сарой ғуломларидан тузилган отлиқ гвардия бошлиғи. Ғуломлар бу лавозимга отлиқ қисмда 7—10 йил хизмат ўтаганларидан сўнг эришганлар.

ХАЙМАРИБОЛО — Самарқанд обл. Самарқанд р-ни Улуғбек қ. С. даги қишлоқ. «Гулистон» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 2 *км*, яқин т. й. станцияси — Самарқанд (6 *км*). Аҳолиси 828 киши (1976); боғдорчилик, пил-



Кайд Томас 1665 йилда нашр қилдирган Улуғбекнинг «Юлдузлар жадвали» номли китобининг титул саҳифаси.



Хайруллаев М. М.

лачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Дарғом каналидан сув ичади.

ХАЙМАРИПОЁН-1 — Самарқанд обл. Самарқанд р-ни Улуғбек қ. С. даги қишлоқ. «Гулистон» к-зи терр-ясида жойлашган. Р-н марказидан 3 *км*, яқин т. й. станцияси — Самарқанд (7 *км*). Аҳолиси 512 киши (1976); боғдорчилик, сабзавотчилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Дарғом каналидан сув ичади. Саккиз йиллик мактаб, клуб, кутубхона, сабзавот меваларини қабул қилиш пункти, омбор бор.

ХАЙМАРИПОЁН-2 — Самарқанд обл. Самарқанд р-ни Улуғбек қ. С. даги қишлоқ. «Гулистон» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 2 *км*, яқин т. й. станцияси — Самарқанд (6 *км*). Аҳолиси 808 киши (1976); чорвачилик, пиллачилик, боғдорчилик, полизчилик б-н шуғулланади. Дарғом каналидан сув ичади. Саккиз йиллик мактаб, кутубхона, медпункт, болалар боғчаси бор.

ХАЙНАНЬ — Жанубий Хитой денгизидаги орол. Материкдан Хайнань бўғози орқали ажралган. ХХР терр-яси. Майдони 34 минг *км*². Аҳолиси 2,5 млн. киши. Бош шаҳри — Хайкоу. Ер юзаси шимолида аллювиал пасттекислик; маркази ва жануби тоғлик (энг баланд жойи 1879 *м*). Иқлими тропик муссонли иқлим. Йиллик ёғин 1200—3000 *мм*. Май — окт. ойлари жуда серёмғир. Оролнинг текислик қисми экинзор. Тоғларда тропик ўрмонлар бор.

Х. ни мил. ав. 2- асрда хитой ҳукмронлари босиб олиб ерлик элатлар (ли, мяо)ни тоғларга ҳайдаб чиқарганлар. 1890—91 йилларда Хитойнинг Цин ҳукуматига қарши ли элати қўзғолон кўтарган. 1939—45 йилларда Х. японлар қўли остида. 1946—49 йилларда гоминьданчиларга қарши актив партизанлик уруши р-ни. 1950 й. 30 апр. да Хитой Халқ озодлик армияси ва маҳаллий партизанлар Х. ни гоминьданчилардан озод этдилар. 1952 й. Х. да ли ва мяо элатларининг автоном округи ташкил топди.

ХАЙРИДДИН Салоҳ (Салоҳиддинов Хайриддин) (1934. 15. I — Тошкент—1969. 5. 6) — ўзбек совет шоири. Низомий номидаги Тошкент Педагогика ин-ти тарих-филология ф-тини тугатган (1960). «Ўзбекистон маданияти» газетаси (1963—66) ва «Гулхан» журнали (1968—69) редакцияларида адабий ходим. «Чашма» (1959), «Иккинчи имтиҳон» (1961), «Ишким ва рашким» (1965), «Туғён», «Наъматак» (1969), «Излар ва ҳислар» (1974), «Шуълалар қўшиғи» (1975) шеърий китоблари ва «Лайло», жангчи шоир *Султон Жўра* ҳақидаги «Янгроқ ҳаёт» (1964), Тошкент зилзиласига бағишланган «Тошкент билан суҳбат» (1966) каби поэмаларида совет кишиларининг бахтиёр турмуши, мардонавор меҳнати, муҳаббати, кураш ва изланишлари акс этган. У Г. Гейне, Байрон, М. Лермонтов, Т. Шевченко, М. Исаковский, Р. Ҳамзатов ва б. нинг баъзи асарларини ўзбек тилига таржима қилган.



Нерон тангаси (мил. нинг 1- асри).

ХАЙРОБОД — Жиззах обл. Жиззах р-ни Хайробод қ. С. даги қишлоқ. «Узбекистон» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 6 *км*, яқин т. й. станцияси — Жиззах (2 *км*). Аҳолиси 5690 киши (1978); пахтачилик, боғдорчилик, сабзавотчилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Жанубий Мирзачўл каналидан сув ичади. Ўрта мактаб, алоқа бўлими, касалхона, медпункт, кутубхона бор.

ХАЙРОБОД — Андижон обл. Пахтаобод р-ни Иттифоқ қ. С. даги қишлоқ. «Правда» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 4 *км*, яқин т. й. станцияси — Тентаксой (5 *км*). Аҳолиси 1662 киши (1976); пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Тентаксойдан сув ичади. Медпункт бор.

ХАЙРОБОД — Қашқадарё обл. Китоб р-ни Қуёқбой қ. С. даги қишлоқ. «19- партсъезд» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 8 *км*, яқин т. й. станцияси — Китоб (13 *км*). Аҳолиси 668 киши (1974); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик, боғдорчилик, б-н шуғулланади. Оқсув дарёсидан сув ичади. Пахта қабул қилиш пункти, ғишт з-ди, алоқа бўлими, медпункт бор.

ХАЙРОБОДСТАНЦИЯ — Сурхондарё обл. Денов р-ни Ҳазорбоғ қ. С. даги қишлоқ. «Ҳазорбоғ» с-зи терр-ясида. Р-н марказидан 15 *км*. Тошкент — Душанба т. й. даги станция. Аҳолиси 1886 киши (1977); пахтачилик б-н шуғулланади, транспортда, пахта тозалаш з-дида ишлайди. Ҳазорбоғ каналидан сув ичади. Урта мактаб, кутубхона, медпункт, дорихона, алоқа бўлими, клуб бор.

ХАЙРОБОДТЕПА — қулдорлик даврига оид шаҳар (мил. ав. 3- ва мил. 3- аср охири) харобаси. Термиз ш. дан 30 *км* шимолда, Ангор қишлоғидан 800 *м* ғарбда жойлашган. Х. ни археолог Л. И. Альбаум топган (1948). 1953—55 йилларда стационар қазишлар олиб борилган. Х. тўғри тўртбурчак шаклида шимолдан жанубга қаратиб 150—100 *м* катталикда қурилган. *Кушан подшолиги* ташкил топиши б-н (мил. ав. 1- аср — мил. 1- аср) Х. шаҳри қайтадан қад кўтарган. Унинг жануби-шарқий қисмида шаҳардан чуқур *хандак* б-н ажратилган ўрда жойлашган. Х. нинг ўрда девори (баландлиги 6—9 *м*, эни 2,5 *м*) хом ғишт ва пахсадан тикланган. Урда деворига нишон туйнуклари, унинг тагида полдан ёруғ тушиши учун 3,5 *м* баландликда дарчалар қилинган. Х. дан ёрғучоқлар, курсилар, суяк ўйинчоқлар, ҳар хил гул солинган сопол идишлар ва б. буюмлар топилган. Идишларга будда динига эътиқод қилинганлигини билдирувчи нақшлар ишланган. Топилган Кушан тангалари ёдгорликларнинг даврини аниқлашга ёрдам беради. Х. дан рим императори Нерон тангаларининг топилиши Кушан подшолиги б-н Рим империяси ўртасида савдо алоқалари мавжуд бўлганлигидан далолат беради. Х. мил. 3- аср охирида сосонийлар қўшинининг ҳужуми оқибатида вайронага айланган. Х. ёдгорликлари Кушан подшолиги даврида Ўрта Осиё халқларининг турмуши ва маданиятига оид маълумотлар беради.

Ад.: Альбаум Л. И., Балалык-Тепе, Т., 1960.

ХАЙРУЛЛАЕВ Музаффар Муҳитдинович (1931. 17. 11, Қўқон) — фалсафа фанлари д-ри (1966), проф. (1967), УзССР ФА мухбир-аъзоси (1968). 1958 йилдан КПСС аъзоси. Андижон ўқитувчилар ин-тини (1947), САГУ нинг тарих ф-ти логика ва психология бўлимини (1951) тугатган. 1954—55 йилларда Самарқанд ва Тошкент олий ўқув юртларида ўқитувчи. УзССР ФА Тарих ин-тининг катта илмий ходими (1955—58), УзССР ФА Философия бўлими мудири (1958—59), УзССР ФА Философия ва ҳуқуқ ин-ти сектор мудири, сўнг директор ўринбосари (1959—61), директори (1961—70). Айни вақтда ТошДУ (1955—57; 1962—65), ТошМИ (1957—60) ўқитувчиси. Ўзбекистон КП МКнинг маданият бўлими, сўнг фан ва ўқув юртлари бўлими мудири (1970—75). 1975 йилдан И. М. Мўминов номидаги УзССР ФА Философия ва ҳуқуқ ин-ти директори. «Форобий дунёқараши ва унинг фалсафа тарихидаги аҳамияти» мавзуида д-рлик диссертациясини ёқлаган. Илмий ишлари Ўрта Осиё халқлари фалсафий тафаккури тарихи, логика, диалектик ва тарихий материализм, маданият масалаларига бағишланган.

Диалектик ва тарихий материализм, илмий атеизмдан ўзбек тилидаги илк ўқув қўлланмалари, дарсликлар, илмий оммабоп асарлар муаллифи. Араб мамлакатлари б-н дўстлик ва маданий алоқалар Совет жамияти вице-президенти, унинг Ўзбекистон бўлими раиси (1974 йилдан), УзССР «Билим» жамияти Правлениеси раиси ўринбосари (1975 йилдан), Совет социологлар ассоциацияси Ўрта Осиё ва Қозоғистон бўлими раиси (1976 йилдан). Ўзбек Совет Энциклопедияси Бош таҳрир ҳайъати аъзоси. Х. шарқшуносларнинг 25- (Москва), философларнинг 13-, 14- (Вена, София) фан тарихи бўйича 13-, 14-, 15-, 16- (Москва, Токио, Киото, Эдинбург) халқаро конгрессларч иштирокчиси. Ўзбекистон КП МҚ аъзолигига кандидат (1971—76), 8- чақириқ УзССР Олий Совети депутати. 2 марта «Ҳурмат Белгиси» ордени ва медаллар б-н мукофотланган.

Ас.: Логика ва тўғри фикрлаш, Т., 1961; Абу Наср Форобий, Т., 1961; Форобий ва унинг фалсафий рисолалари, Т., 1963; Ўрта Осиё халқлари фалсафий меросини сохталаштиришга қарши, Т., 1965; Билим ва маърифат, Т., 1967; Мировоззрение Фараби и его значение в истории философии, Т., 1967; Уйғониш даври ва Шарқ мутафаккири, Т., 1971; Маданият ва мерос., Т., 1973 (Шорахмедов Д. А. б-н биргаликда); Фараби — крупнейший мыслитель средневековья. Т., 1973; Фараби. Эпоха и учение Т., 1975.

ХАЙРУТДИНОВ Хорис Шариповч (1914. 22. 10, Татаристон АССР) — физиолог, биология фанлари д-ри (1966). 1947 йилдан КПСС аъзоси. САГУ нинг биология ф-тини тугатган (1939). Совет Армияси сафида хизмат қилган (1939—42). УзССР ФА Табиат музейида илмий ишлар бўйича директор ўринбосари (1945—51). УзССР ФА Қишлоқ хўжалиги ин-ти чорвачилик экспериментал базаси директори (1951—56). УзССР ФА Зоология ва паразитология ин-ти экологик физиология лабораторияси мудири (1956—57), илмий ишлар бўйича директор ўринбосари (1964—77). УзССР ФА Тошкент ҳайвонот боғи директори (1957—58). Ўлка медицинаси ин-тида катта илмий ходим (1959—61), овқат ҳазм қилиш физиологияси лабораторияси мудири (1961—64). 1978 йилдан УзССР ФА Физиология ин-ти экологик физиология лабораторияси мудири. «Қорамоллар меъда ширасининг ажралиши» деган темада д-рлик диссертацияси ёқлаган. Илмий ишлари қоракўл қўйлари ва қорамоллар овқат ҳазм қилиш физиологиясини ўрганишга оид. Х. тадқиқотлари асосида қорамоллардан меъда ширасини олиш методи ишлаб чиқилган; ундан медицина ҳамда ветеринарияда овқат ҳазм қилиш органлари касалликларини даволашда фойдаланилади.



Хайрутдинов Х. Ш.


ХАЙФА — Исроилдаги шаҳар. Урта денгиз соҳилида. Йирик порт (йиллик юк оборотн 4,7 млн. *т*, 1975). Аҳолиси 226 минг киши (1974). Транспорт йўллари узели. Х. га Айлат шаҳридан нефть қувури келтирилган. Қора металлургия, нефтни қайта ишлаш, металлсозлик, кимё, тўқимачилик, ойна, цемент корхоналари, Технология, Гидротехника ин-тлари, музейлар (жумладан, япон санъати музейи) бор. Х. 3—4- асрлардан маълум. Салибчилар қалъалари харобалари сақланган.

ХАЙФОН — ВСР даги шаҳар. Бакбо қўлтиғи соҳилидаги денгиз порти. Аҳолиси 1,2 млн. киши (1974). Йирик савдо-саноат маркази. Цемент, тўқимачилик, озиқ-овқат, кемасозлик ва кема ремонти, металлсозлик корхоналари, авторемонт устахоналари бор. Балиқ овланади. Ҳунармандчилик ривожланган. Шаҳарга 19- асрнинг 70- йилларида асос солинган.

ХАКАС ТИЛИ — хакаслар тили. Асосан Хакасия АОда, Красноярск ўлкасининг қисман Ачинск р-нида тарқалган. Туркий тиллар уйғур гуруҳининг шарқий хуни тармоғига мансуб. Х. т. да 55,8 мингдан ортиқ киши гаплашади (1970). Ҳозирги Х. т. сагай, качин, қизил ва шор диалектларидан иборат. Х. т. да 17 та унли ва 24 та ундош товуш бор. Морфологик жиҳатдан агглютинатив тиллардан, лексикасида мўғул, рус ва қисман араб, форс сўзлари мавжуд. Грамматик қурилиши бошқа туркий тилларникидай.

1926 йилда рус графикаси асосидаги ёзуви яратилиши б-н сагай ва качин диалектлари заминида адабий Х. т. таркиб топа бошлаган. 1929 йилда латин графикасидаги ёзувга, 1939 йилдан яна рус графикасидаги ёзувга ўтилган.

ХАКАСИЯ АВТОНОМ ОБЛАСТИ — РСФСР Красноярск ўлкаси таркибидаги автоном область. 1930 йил 20 октябрда ташкил этилган. Майдони 61,9 минг *км*². Аҳолиси 483 минг киши (1977). 8 р-н, 5 шаҳар, 15 ш. т. п. бор. Маркази — Абакан ш.





Халикеев Қ.

Табиати. Х. АО Красноярск ўлкасининг жанубида, Жанубий Сибирь тоғларида жойлашган. Икки қисмга бўлинади: Кузнецк Олатовининг шарқий ён бағирлари ва Абакан тизмаси, шунингдек Ғарбий Саяннинг шимолий ён бағирларини ўз ичига олган тоғлиқ қисм ва жанубда Минусинск сойлиги, шимолда Чулим-Енисей сойлигини ўз ичига олган пастбаланд текислик.

Иқлими кескин континентал. Январнинг ўртача т-раси —16°, —20°; июлники 18°—20°. Йиллик ёғин 250—500 *мм*. Асосий дарёси Енисей ва унинг ирмоғи Абакан. Тупроқлари чимли ўрмон ва чимли подзол тупроқлар. Терр-ясининг 40% и ўрмонзор (тайга).

Аҳолиси. Руслар, хакаслар, украинлар яшайди. 1 *км*² га 7,7 киши тўғри келади. Шаҳар аҳолиси 69%. Шаҳарлари: Абакан, Черногорск, Абаза, Сорск, Саяногорск.

Хўжалиги. Асосий саноат тармоқлари: кон саноати, ўрмон, қурилиш материаллари, енгил ва озиқ-овқат саноати, Тошкўмир (Минусинск кўмир ҳавзаси), темир рудаси (Абакан кони), рангдор ва нодир металлар (мис, молибден, қўргошин, олтин ва б.), гипс, оҳак, мармар, ғишт учун тупроқ қазиб олинади. Сорскда молибден, Абаза, Черногорск, Аскиз, Усть-Абакан, Бирикчулда ўрмон ва ёғочсозлик корхоналари, Усть-Абаканда гидролиз з-ди, Черногорскда қурилиш материаллари корхоналари ишлаб турибди. Абаканда пойабзал ва трикотаж ф-калари, Черногорскда камвольмовут к-ти, Абаканда гўшт, ун к-тлари, сут ва шарбат-вино з-длари, кондитер ф-каси, Черногорскда нон ва пиво з-длари, кондитер ф-каси бор.

Қ. х. ғалла етиштириш ва гўшт-сут чорвачилигига ихтисослашган. 1974 йилда 56 с-з бўлган. Экин майдони 645 минг *га* (1973), жумладан ғалла экинлари 376,4 минг *га*, емхашак экинлари 237,1 минг *га*. 236 минг қорамол (жумладан, 85 минг сигир), 1,5 млн. қўй ва эчки, 77 минг чўчқа бор (1973). Т. й. узунлиги 603 *км* (1973). Автомобиль йўли 2648 *км*. Енисей ва Абаканда кема қатнайди. Педагогика ин-ти, 8 профессионал-техника ўқув юрти, 7 ўрта махсус ўқув юрти, драма театри, ўлкашунослик музейи мавжуд. «Ленин чолы» (1927 йилдан) ва «Советская Хакасия» (1930 йилдан) обл. газеталари чиқиб туради.

Ад.: Российская Федерация. Восточная Сибирь, М., 1969 (серия «Советский Союз»).

ХАКАСЛАР — халқ, Хакасия АО ва қисман Красноярск ўлкасининг Ачинск р-нида яшайди. Умумий сони 67 минг киши (1970). Туркий тил группасига мансуб *хакас тили*да гаплашишади. Улуғ Октябрь рев-ясига қадар Х. минусин ва абакан татарлари (ёки туркланган) деган умумий ном б-н. маълум бўлган. Диндор Х. шаманизмга эътиқод қиладилар. 5 та уруғ-қабилавий группалар (качинлар, сагайлар, қизиллар, койбаллар, бельтирлар)га, улар эса ўз навбатида яна уруғларга бўлинган. Бу группалар 17-асрда ва 18-аср бошида Русь давлати таркибига кирган. Х. нинг этник таркиби 17—18-асрларда Енисей қирғизларининг туркий, самодий ва кет тилли уруғ-қабилавий группалар б-н аралашиши асосида шаклланган. Қишлоқ аҳолиси деҳқончилик ва чорвачилик б-н шуғулланади. Ишчилар синфи шаклланди, миллий интеллигенцияси бор (яна қ. *Хакасия Автоном области*).

Ад.: Народы Сибири, М.—Л., 1956; Потапов Л. П., Происхождение и формирование хакасской народности, Абакан, 1957.

ХАКОДАТЕ — Япониядаги шаҳар ва порт. Хоккайдо о. нинг жанубий қисмида. Аҳолиси 304 минг киши (1974). Кемасозлик, станоксозлик, нефтни қайта ишлаш, ёғочсозлик, кимё, балиқ консерва, тахта тилиш корхоналари бор. Х. портининг юк оборотн 33,5 млн. *т* (1975). Х. дан Аомори ш. (Хонсю о.) га сув ости туннели қурилмоқда (1977). Ун-т бор.

ХАЛАЖ, колоч — қадимги турк қабиласи. Тахм. 6-асрдан маълум бўлиб, дастлаб *Тоҳаристон*да ва асосан *Сейистон*да яшаган. Кейинча, Х. лар қўшни областларга ҳам тарқалиб, асосий кўпчилиги маҳаллий аҳоли б-н аралашиб кетган, жумладан улар афғон-хилжойларнинг шаклланишида ҳал қилувчи роль ўйнаган. Шунингдек, Х. Эроннинг жанубидаги кўчманчи туркий қабилалар — қашқайлар (қашқалар)нинг муҳим компонентларидан бирини ташкил этган. Тожикистоннинг жанубн ва Вахш водийсидаги Х. лар эса 16-аср бошларидаёқ мустақил этник бирлик ҳисобланган. 19-асрга оид ёзма манбаларда Х. лар Амударёнинг ўрта оқимидаги туркман қабилалари қаторида тилга олинган. Ўрта асрларда Х. лар тарқоқ ҳолда Мовароуннаҳрнинг бошқа областлари (жумладан, Зарафшон водийси ва Қашқадарёнинг юқори қисми)да ҳам яшаган бўлса керак.

Ҳозир ҳам Эрон, Закавказье ва Афғонистонда турк ва эрон тилли халқларда Х. этник номи сақланиб қолган. Аждодлари Х. га алоқадор бўлган кичик группа Тожикистоннинг жанубида, *Қабадиён* (Кофарниҳон дарёси этаклари)да яшовчи ўзбеклар таркибида учрайди.

Ад: Бартольд В. В., Сочинения, т. 2, ч. 1, М., 1963; Кармышева Б. Х., Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана (по этнографическим данным), М., 1976.

ХАЛАКИ — Сурхондарё обл. Қумқўрғон р-ни Юқори Қакайди қ. С. даги қишлоқ. Ленин номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 30 *км*, яқин т. й. станцияси — Қизил Октябрь (30 *км*). Аҳолиси 769 киши (1974); ингичка толали пахтачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Қакайди ариғидан сув ичади. Қ-з насос станцияси бор.

ХАЛАЧ — Бухоро обл. Вобкент р-ни Имомқозихон қ. С. даги қишлоқ. «Октябрь» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 10 *км*, яқин т. й. станцияси — Бухоро (19 *км*). Аҳолиси 565 киши (1976); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик, полизчилик, боғдорчилик б-н шуғулланади. Парвоз ариғи орқали Зарафшон дарёсидан сув ичади. Ферма, ремонт устахонаси, саккиз йиллик мактаб бор.

ХАЛИКЕЕВ Қурбонбой (1905, Қорақалпоғистоннинг Тўрткўл овули — 1976. 19. 12, Олмаота) — совет давлат ва партия арбоби. 1928 йилдан КПСС аъзоси. Хивадаги совет партия мактабида (1923—24), Тошкентдаги Ўрта Осиё Коммунистик ун-тида (1924—28) ўқиган. Тўрткўлда «Қўшчи» союзида инструктор (1924—27), Тўрткўл ш. комсомол комитетида секретарь (1928—29). Олмаотада Ишчи-деҳқон инспекцияси халқ комиссарлигида инспектор (1930—31). Қорақалпоғистон обл. Ишчи-деҳқон инспекциясида масъул секретарь (1931—32). ҚҚАССР обл. Сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи ўринбосари (1932—33), ВКП(б) МК ҳузуридаги Партия контроли комиссиясининг ҚҚАССР бўйича аъзоси (1934—35), Куйбишев ва Хўжайли р-н партия комитетлари биринчи секретари (1935—36), Қорақалпоғистон обл. партия комитети секретари (1937—38), биринчи секретари (1938—41). Ўзбекистон КП Нарпай р-н комитети секретари (1941—42). Улуғ Ватан уруши қатнашчиси (1942—45). 1945 йилдан ҚозССРда партия ва хўжалик ишларида ишлаган. 1966 йилдан шахсий пенсионер. Х. ҚҚАССР МИК аъзоси (1932, 1936), ҚҚАССР Олий Совети раиси (1938—40), ЎзССР Олий Совети Президиуми аъзоси (1938, 1947), 2-чақириқ СССР Олий Совети депутати. ВКП(б) 18-съезди делегати. Узбекистон КП(б) 8—9-съездларида МҚ аъзоси қилиб сайланган. Ленин ордени, «Ҳурмат Белгиси» ордени ва медаллар б-н тақдирланган.

ХАЛИЛ — Хоразм обл. Хива р-ни Гандимиён қ. С. даги қишлоқ. Р-нинг жануби-шарқида, «22-партсъезд» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 7 *км*, яқин т. й. станцияси — Урганч (37 *км*). Аҳолиси 937 киши (1976); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Полвоиён канали орқали Амударёдан сув ичади. Саккиз йиллик мактаб, сут-товар фермаси, трактор парки, клуб, кутубхона бор.

ХАЛИЛ ИБН АҲМАД (тўлиқ номи Абу Абдураҳмон ал-Халил ибн Аҳмад ибн Амр ибн Таймир, 718, Уммон —792, Басра) — араб олими. Ал-Басрий тахаллуси б-н ҳам машҳур бўлган. Х. и. А. аруз илми асосчиларидан, у араб грамматикасини системалаштирган. «Ал-аруз», «Китоб уш-шавоҳид», «Ан-нуқат ваш-шакл», «Ан-нағам», «Маоний ал-хуруф», «Жумлат олот ал-араб», «Ал-Авомил» ва б. асарлари машҳур. Бизгача араб тилининг биринчи энг катта изоҳли луғати — «Китоб улайн» асари етиб келган; Бағдод — музейида.

Ад.: Крачковский И. Ю., Избранные сочинения, т. 2, М., 1956; Звегинцев В. А., История арабского языкознания, Краткий очерк, М., 1958.

ХАЛИЛЙ — эрта пишар узум нави. Қора ёки қизил ва оқ хиллари бор. Қора Х.— тупи ўртача ўсади. Барги йирик, орқаси тукли. Гули икки жинсли. Июнь-июлда пишади. Узум боши 250 *г*, конуссимон ёки цилиндрсимон, шингиллари тиғиз. Ғужуми йирик, тухумсимон, қизғиш-қора. Эти сершира, карсиллайди, пўсти юпқа. Таркибида 17—18% қанд, 4—4,5% кислота бор. Гектаридан 8—10 *т* ҳосил олинади. Оқ Х.— тупи ўртача ва кучли ўсади. Барги ўртача, тўғарак ёки чўзиқроқ, сал буришган ёки силлиқ. Июлда пишади. Узум боши 200—250 *г*, конуссимон, ўртача тиғиз. Ғужумлари ўртача, оқиш ёки кўкиш сариқ, цилиндрсимон, пўсти юпқа, эти сersув, таркибида 18—19% қанд, 4—5,5% кислота бор. Гектаридан 10—12 *т* ҳосил олинади. Ўзбекистоннинг ҳамма областларида ўстирилади.

ХАЛИЛОВ Хидир (1896, ҳозирги Жиззах обл. Жиззах р-ни) — пахта устаси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони (1957). Самарқандаги з-дда ишчи (1924—31), Жиззах р-нидаги «Москва» к-зида звено бошлиғи (1931—37), Сирдарё обл. даги «Ҳақиқат» к-зида бригадир (1938—41, 1946—50), Улуғ Ватан уруши қатнашчиси (1942—45). Жиззах обл. Жиззах р-нидаги «Москва» к-зида звено бошлиғи (1950—70). Х. бошлиқ звенода ҳар гектар ёрдан 65—70 *ц* пахта етиштирилган (1950—56). 6-чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати. Ленин ордени, Меҳнат Қизил Байроқ ордени ва медаллар б-н мукофотланган. 1971 йилдан шахсий пенсионер.

ХАЛИЛОВ Қурбон Али ўғли [1906. 2 (15). 11, Эрон Озарбайжонининг Ардабил ш.] — совет давлат ва партия арбоби. 1926 йилдан КПСС аъзоси. Ишчи онласида туғилган. Азизбеков номли Озарбайжон Индустриал ин-тини тугатган (1933). Меҳнат фаолиятини 1923 йилдан Бокуда токарь шогирдлигидан бошлаган. 1932—35 ва 1937 йилларда Бокудаги Киров номли з-дда инженер, цех бошлиғи. 1935—36 йилларда Совет Армияси сафида. 1937—42 йилларда Бокудаги лейтенант Шмидт номли, С. М. Киров номли, Ф. Э. Дзержинский номли машинасозлик з-дларида директор. 1942—45 йилларда Озарбайжон КП(б) Боку ш. комитети секретари. 1945—55 йилларда «Азнефть» ва «Азнефтеразведка» бирлашмалари бошлиғи ўринбосари, қурилиш трести бошқарувчиси, с-злар министри ўринбосари, Нахичеван АССР да қурилиш бошқармаси бошлиғи, ОзССР қурилиш материаллари саноати министри. 1955—58 йилларда Боку ш. ижроия комитети раиси ўринбосари, ОзССР Маҳаллий саноат министри, 1958—69 йилларда ОзССР Молия министри. 1969 йилдан ОзССР Олий Совети Президиуми раиси, 1970 йилдан СССР Олий Совети Президиуми раиси ўринбосари. КПСС 24—25-съездларида КПСС Марказий Ревизия комиссияси аъзоси қилиб сайланган. 8—9-чақириқ СССР Олий Совети депутати. 4 марта Ленин ордени, Октябрь Революцияси, Меҳнат Қизил Байроқ, Қизил Юлдуз орденлари ва медаллар б-н мукофотланган.



Халилов Х.

ХАЛИФА (араб. خليفة — ўринбосар, нойб, давомчи) — мусулмон жамоаси ва мусулмон теократик давлати *(араб халифалиги)*нинг диний ҳамда дунёвий бошлиғи. У *Муҳаммад* пайғамбарнинг ўринбосари (халифат расулиллоҳ), *Умавийлар* давридан бошлаб эса оллоҳнинг ердаги нойби ҳисобланган. Муҳаммаддан сўнгги тўрт Х. (*Абу Бакр* Сиддиқ Абдулло, *Умар, Усмон* ва *Али*) «ал-Хулафо ар-рошидун» («тўғри йўлдан борувчи халифалар») номи б-н машҳур бўлганлар. Умавийлардан кейин *Аббосийлар*, шунингдек *Фотимийлар* Х. номи б-н аталган.


13-асрнинг 2-ярмидан Х. деганда айрим мусулмон мамлакатларининг ўзини диний бошлиқ ҳам деб даъво қилувчи ҳукмдорлари (султонлари) тушунилган. *Хорижийлар* бошлиқлари ҳам Х. номига эга бўлишган. Эронда *Сафавийлар* даврида *қизилбошлилар* зодагонларининг айрим йирик вакиллари — шаҳаншоҳ сифатида давлатни бошқарувчи шайхининг нонблари Х. дейилган; шаҳаншоҳнинг биринчи ўринбосари — сафавия тариқатининг мутасаддиси «халифалар халифаси» («халифат ал-хулафо») ҳисобланган. Айрим дарвишлик тариқатларида шайхининг жойлардаги вакили ва тариқат асосчисининг давомчиси, шунингдек Судандаги *маҳдийлар қўзғолони*нинг раҳбари — Муҳаммад Аҳмаднинг ўринбосари ҳам Х. деб номланган.



Халилов Қ. А.

Булардан ташқари, «Х.» сўзи 7-асрда Мисрда солиқ ундирувчи амалдорлар, марказий ҳокимиятнинг жойлардаги вакиллари, *Усмонли турк империяси*да кичик амалдорлар, Марокашда шаҳар ҳокимларининг ёрдамчилари ва б. маъноларни англатган (яна қ. *Халфа*).

ХАЛИФА ХУДОЙДОД КОМПЛЕКСИ — Бухородаги архитектура ёдгорлиги. Мадраса, масжид, сардоба ва қабристондан иборат. 1777—1855 йиллар орасида бунёд этилган. Энг диққатга сазовор бино — масжид квадрат тархда, гумбаз б-н қопланган, ҳовлиси уч то-



Халифа Худойдод комплекси. Бухоро (1777—1855),

мондан бир қаватли ҳужралар б-н ўралган (масжиднинг ўзи жануби-ғарбда), фасади, устунлари ўймакори нақш б-н жозибадор безатилган. Гумбаз б-н қопланган сардобага икки зинапоя орқали кирилади. Мадраса фасадида кошин қолдиқлари сақланган. Ҳовлининг шимолидаги эшик орқали қабристонга ўтилади, унинг марказий қисмида Халифа Худойдод дафн этилган. Қабр яқинида ёзги масжид, икки устунли, шифти бўяма нақш б-н безатилган айвон бор. Комплекс 18—19-асрлар ўрта Осиё меъморлигининг диққатга сазовор ёдгорликларидан ҳисобланади. Комплекснинг бино ва иншоотлари *Чорминор* (Халифа Ниёзқул мадрасаси)га жуда ўхшайди.

ХАЛИФАЛИК — қ. *Араб халифалиги.*

ХАЛЛ, Гулль — Буюк Британиядаги шаҳар. Хамберсайд графлигида. Аҳолиси 279 минг киши (1974). Мамлакатнинг энг йирик портларидан, юк обороти 6,5 млн. *т* (1974). Порт Ғарбий Йоркшир саноат р-нига хизмат қилади. Машинасозлик, жумладан, қисман кемасозлик, кимё, озиқ-овқат, ёғочсозлик саноати корхоналари, ун-т бор.

ХАЛМУРАТОВ Ўразмет (1900. 28. 2, ҚҚАССР, Тўрткўл р-ни) — хирург, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони (1969), ҚҚАССР (1964) ва ЎзССР (1966) да хизмат кўрсатган врач. 1930 йилдан КПСС аъзоси. САГУнинг медицина ф-тини тугатгач (1932), Тўрткўл р-нидаги республика касалхонасида бош врач (1932—38), ҚҚАССР Соғлиқни сақлаш халқ комиссарининг ўринбосари (1938—42), республика касалхонасида бош хирург (1942—49), ҚҚАССР Соғлиқни сақлаш министрлигида бош хирург (1949—60). 1960 йилдан пенсияда, айни вақтда санавиация врачи. 2—5-чақириқ СССР Олий Совети депутати. Ленин ордени, Меҳнат Қизил Байроқ ордени ва медаллар б-н мукофотланган.

ХАЛС, Гальс Франс (тахм. 1581—85, Антверпен — 1666. 26 ёки 29. 8, Харлем) — голланд рассоми. Портрет устаси. Харлемда ишлаган. Ижодининг илк даврларида яратган портретларидаёқ (Якобус Заффиус, 1611, Харлем; «Энага бола билан бирга», Берлин) реализми кўзга ташланди. 17-асрнинг 20—30-йилларида жанрий композициялар (музикачилар, ёш балиқчилар, кулаётган кўча болалари ва б.), офицерлар, бадавлат кишиларнинг портретларини яратди («Жилмайиб турган офицер», 1624, Уоллес галереяси, Лондон; «Виллем ван Хейтхейзен», Лихтенштейн галереяси, Вена; «Қувноқ маст», тахм. 1627, Амстердам музейи). 17-асрнинг 30-йилларида чизилган «Лўли аёл» (Лувра), «Малле Баббе» (Берлинда), асрнинг ўрталарида ишлаган автопортрет (Парижда), «Авлиё Адриан ўқчилар ротасининг офицерлари» (1623—24, 1633), «Авлиё Георгий ўқчилар ротасининг офицерлари» (1927, Харлемда), «Қартайганлар учун даргоҳдаги регентлар» (1664), Харлемда) гуруҳ портретлари Х. нинг кишилар кайфияти ва характерини ифодалашдаги маҳоратини кўрсатади. 17-асрнинг 40-йилларидан яратган портретлари («Қўлқопли йигит», Эрмитажда; «Балтасар Койманс», Нью-Йоркда; «Изабелла Койманс», Ферьерда)да айниқса психологик теранлик кўзга ташланди. Х. ижоди Ғарбий Европа реалистик санъатининг чўққиларидан бири бўлиб қолди.



Ф. Халс. «Лўли аёл». Лувр (Париж)да.

ХАЛТАЖАБРАЛИЛАР — *тўғарак оғизлиларнинг иккинчи номи.*

ХАЛТАЧАЛИ ЗАМБУРУҒЛАР — қ. *Аскомицетсимонлар.*

ХАЛТУРИН Степан Николаевич (1856. 21. 12, Вятка губернасининг Орёл уезди — 1882. 22. 3, Одесса) — рус революционери, ишчи. 1878 йили «Шимолий рус ишчилари союзи» ташкилотчиси. «Союз» тор-мор этилгач, Х. народоволецларга қўшилган. 1880 йил 5 февралда подшо Александр II га қилган суиқасди муваффақиятсиз тугаган. Х. генерал В. С. Стрельниковни ўлдиришда қатнашганлиги учун қатл этилган.

ХАЛФА (араб. خلف — эргашмоқ, ўрнини босмоқ)—1) эски мактабда ўқувчиларга етакчилик, мактабдор домлага дастёрлик қилган бола. Х. ни домла тайинлаган. Домла бўлмаган вақтларда у машғулотни давом эттирган (болаларни ўқитган). Ёшлигида Х. лик қилган баъзи болалар кейинчалик мактабдор бўлган; 2) устадан бир поғона паст даражали шахс, мас., бўзчилик, маҳсидўзлик, дурадгорлик каби касбларда шогирдларга Х. бошчилик қилган, иш ўргатган.

ХАЛФА (фольклорда) — Хоразм воҳасида маҳаллий оғзаки ижод намуналарини ижро этувчи хонанда аёл. Х. лар санъатида ансамблли ва якка ижрочилик мавжуд. Ансамблли ижрочилик 3 кишидан таркиб топади: Х. (гармон чалади ва ашула айтади), доирачи (ашулага жўр бўлади, баъзан рақс тушади) ва ўйинчи (рақс тушади, лапар айтади). Якка Х. лар асарларини соозиз ёдаки ёки китобдан оҳангли ўқийдилар. Улар турли маросимлар (тўй, байрам, йиғин ва ҳ. к) да иштирок қиладилар. Х. лар репертуарини достон («Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам», «Ҳурлиқо ва Ҳамро», «Бозиргон» каби)лардан парча, қўшиқлар, Махтумқули ва б. шоирлар шеърлари б-н айтиладиган ашулалар, турли маросим қўшиқлари ташкил қилади. Ижодкор Х. лар замонанинг муҳим масалаларига бағишлаб асарлар яратиб, унга ўзлари куй басталаганлар. Мас., Хонимжон Х. нинг «Бевафо золим», Биби шоиранинг «Айрилдим» ва б. қўшиқлари. Ожиза, Онажон Сафарова, Назира Собирова, Розия Матниёз қизи, Саодат Худойберганова кабилар машҳур Х. лардан.

ХАЛХИН-ГОЛ — МХР ва Хитойдаги дарё. Узунлиги 233 *км*. Ҳавзасининг майдони 17000 *км*². Катта Хинган тизмасининг ғарбий ён бағридан бошланиб, айрим жойлари қамишзор ва шўрхокли водий орқали оқади. Қуйи қисмида икки тармоққа ажралиб, чап тармоғи Буир-Нур кўлига, ўнг тармоғи Орчун-Гол дарёсига қуйилади. Ёмғирдан сув олади, ёзда серсув бўлади. 1939 йил май — сентябрда


СССР ва МХР қўшинлари Х.-Г. ёнида япон босқинчиларининг қўшинларини тор-мор қилган.

ХАЛХИН-ГОЛ ЖАНГИ (1939) — МХРдаги Халхин-Гол дарёси бўйида совет-монгол қўшинлари б-н япон қўшинлари ўртасида бўлиб ўтган (1939 йил май—август) қуролли конфликт. Япон милитаристларининг Х.-Г. ж. ни бошлашдан мақсади Қизил Армиянинг жанговарлик қобилиятини синаб кўриш, МХР терр-ясини босиб олиш, шу б-н Совет Узоқ Шарқига ҳужум қилиш учун қулай плацдармга эга бўлиш эди. 11 майда япон бўлинмалари МХР терр-ясига бостириб кирди ва 14 майгача монгол чегарачиларини Халхин-Гол дарёсига чекинтирди. Совет ҳукумати ўзаро ёрдам тўғрисидаги шартномага амал қилиб, шу шартнома бўйича МХРда турган ўз қўшинларига МХРни ҳимоя қилишга киришишни буюрди. 11-танк бригадаси, 36-ўқчи дивизиянинг полки ва монголларнинг 6-отлиқ аскарлар дивизияси конфликт содир бўлган жойга етиб келиб, 28 майда япон қўшинлари ҳужумини қайтарди ва 29 майда уларни чегарага (Халхин-Голдан 20—30 *км* узоқликка) суриб ташлади.

Япон қўмондонлиги июнда жами 38 минг киши, 310 тўп, 135 танк ва 225 самолётдан иборат зарбдор группировка тузиб, 2 июлда ҳужумга ўтди. Бу вақтга қадар 8-монгол отлиқ аскарлар дивизияси, 7-, 8- ва 9-совет мотобронебригадалари б-н кучайтирилган совет-монгол қўшинлари душманнинг барча атакаларини қайтарди ва 5 июлда қарши ҳужумга ўтиб, Баян-Цаган тоғли р-нига ёриб кирган душман группировкасини қуршаб тор-мор келтирди. Лекин япон милитаристлари яна конфликтни кенгайтиришга ҳаракат қилдилар. Августнинг бошида генерал О. Риппо қўмондонлигида 6-япон армияси тузилди. 17 августда бу группировка 70 *км* кенгликдаги фронт бўйлаб ҳужумга ўтди, лекин совет-монгол қўшинларининг қаттиқ қаршиликлари натижасида 20 августда унинг олға қараб силжиши тўхтатилди. Шу кунгача Совет қўмондонлиги Халхин-Голга 82-, 57-ўқчи дивизияларини, 6-танк ва 212-ҳаво десант бригадасини ташлаб, самолётлар сонини 515 тагача кўпайтирди. Операцияга раҳбарлик қилиш учун Г. К. *Жуков* қўмондонлигида 1-армия группаси тузилди. 20 августда совет-монгол қўшинлари ҳужум бошлади ва душман позицияларини ёриб ўтиб, 23 августда 6-япон армиясини қуршовга олди, 28 август кечга бориб эса уни тор-мор этишни якунлади. 31 августда МХР терр-яси японлардан батамом тозаланди. Х.-Г. ж. давомида японлар 52—55 минг кишисидан (шундан 25 минг киши ўлдирилган) ажралди. Совет-монгол қўшинларининг талафоти 10 мингга яқин кишини ташкил этди. 15 сентябрда Москвада совет-япон битими имзоланиб, 16 сентябрда жанговар ҳаракатлар тўхтатилди. Х.-Г. ж. да кўрсатган мардлик ва қаҳрамонлиги учун 70 кишига Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилди, шундан 3 киши бу унвонга иккинчи марта сазовор бўл-



Халтурин Степан.





Халцедон.

ди, 17121 киши орден ва медаллар б-н тақдирланди.


Ад.: 50 лет Вооруженных Сил СССР (1918—1968) М., 1968; История Великой Отечественной войне Советского Союза 1941—1945, т. 1, М., 1960; Дубинский А. М., Освободительная миссия Советского Союза на Дальнем Востоке, М., 1966; Жуков Г. К., Воспоминания и размышления, 2 изд., т., 1—2, М., 1975.

ХАЛЦЕДОН (Мармара денгизи қирғоғидаги қадимги Халкедон шаҳри номидан) — минерал, *кварц*нинг микрокристалл толали тури. Таркибида аралашма ҳолда Fe^{3+}, Al^{3+}, 1—1,5% сув ва б. бўлади. Толалари параллел ва радиал шуъласимон шакллар ҳосил қилади. Куртаксимон, шингил ва сферолит каби агрегатлари учрайди. Ранги оқ, кул ранг, ҳаво ранг, сариқ, кўк, қизғиш-қўнғир ва б.; доғ-доғ ёки йўл-йўл турлари кўп. Мумдек ялтироқ. Қаттиқлиги 6,5—7, с. оғ. 2,6. Мумли Х., карнеол, хризопраз, *сердолик*, сардер, сапфирин, плазма, гелиотроп, *агат (ақиқ)*, *оникс*, люцетин, псевдокварцин ва б. турлари мавжуд. Кимёвий ва биоген чўкинди жинслар таркибига киради. Х.— кенг тарқалган жинс ҳосил қилувчи минерал. Паст т-рали гидротермал жараёнлар натижасида эффузив жинслар ичидаги бўшлиқлар, томирлар, псевдоморфозаларда ҳосил бўлади; иссиқ булоқларда тўпланади. Нураш пўсти ва оксидланиш зонасида гиперген. Кўпинча кварц ва опал б-н бирга учрайди. Абразив материаллар сифатида, соат тошлари тайёрлашда, заргарлик буюмларида ишлатилади. СССРда Шарқий Забайкалье (Тулдун), Урал (Магнитогорск), Закавказье (Ахалтака), Қрим (Қорадоғ)да Х. конлари бор.

ХАЛЬКОЗИН (юнон. chalkos — мис), мис ялтироғи — сульфидлар синфига мансуб минерал. Кимёвий таркиби Cu_2S; аралашма ҳолида Ag, Fe, Co, Ni, As бўлади. Ромб ва гексагонал сингонияли. Одатда, тупроқсимон массалар ҳолида учрайди; борнит, халькопирит, пирит, галенит, сфалерит, ковеллин бўйича псевдоморфозалар ҳосил қилади. Ранги қўрғошинга ўхшаш, кул ранг, қорагача. Металлдек ялтироқ; хира; мўрт. Қаттиқлиги 2,5—3; с. оғ. 5,5—5,8. Электр ўтказувчан. *Мис рудалари* таркибига киради.

Асосий массаси экзоген шароитда, мис сульфид конларининг иккиламчи сульфидли бойиш зоналарида пайдо бўлади. Х. мисга энг бой сульфид, мис эритиб олинадиган руда ҳисобланади. АҚШ, Чили, Африка, СССР (Жезқазған)да Х. конлари бор.

ХАЛЬКОПИРИТ (юнон. chalkos — мис ва *пирит*), мис колчедани — минерал, мис ва темир сульфиди. Кимёвий таркиби $CuFeS_2$ (34,57% мис, 30,54% темир, 34,9% олтингугурт), аралашма ҳолда Ag, Zn, Au, As, Se, Sn бор. Тетрагональ ва куб сингонияли. Мўрт. Яримўтказгич; антиферромагнетик. Донадор, яширин кристалли, баъзан буйраксимон агрегатлар ҳосил қилади. Ранги олтиндек сариқ, тўқ сариқ. Металлдек ялтироқ. Қаттиқлиги 3—4; с. оғ. 4,1—4,3. Гидротермал ва метасоматик конларда кўп. Интрузив жинслар орасида жойлашган мис-никель сульфид конларида пирротин, пентландит, магнетит, кубанит ва б. минераллар б-н бирга учрайди. Кўпчилик конларда Х. рудаларининг асосий қисмини ташкил этиб, саноат аҳамиятига эга. Х. дан мис олинади. СССР (Монче-Тундра, Норильск, Қораўба, Олмалиқ, Қўнғирот, Кафан, Жезқазған, Удокан), Канада (Садбери), Испания (Рио-Тинто), Югославия (Бор), Буюк Британия (Корнуолл), АҚШ (Бьютт-Монтана ва Бингем), Марказий Африкада Х. конлари бор.



Ширa тапасига тухум қўяётган афелинус.

ХАЛЬКОФАНИТ — минерал. Кимёвий таркиби $Zn\ Mn_3O_7 3H_2O$ (ZnO—18—23%, H_2O—11—13,5%, MnO—4—6%, MnO_2—60—62%). Триклин сингонияли. Кристаллари псевдотригонал, пластинкасимон ва таблеткасимон. Ранги қора, тўқ жигар ранг, кўкиш-қора. Металлдек ялтироқ. Қаттиқлиги 2,5; с. оғ. 4,0. Тупроқсимон масса ҳолида учрайди ёки майда кристаллар ҳосил қилади. Полиметалл конларининг оксидланиш зонасида франклинит ва гетеролитнинг ўзгариши натижасида пайдо бўлади. Mn ва Fe нинг сувли оксидлари, шунингдек каламин, смитсонит б-н бирга учрайди. Х. СССРда Қизилқум (Тезқудуқ)да, чет элларда — АҚШ, ЖАР, Югославия, Австралия, Ҳиндистонда топилган.

ХАЛЬКОФИЛЬ ЭЛЕМЕНТЛАР (юнон. chalkos — мис ва phileo — севаман), тиофиль элементлар — ернинг сульфидли қобиғини ҳосил қиладиган ва мисга йўлдош кимёвий элементлар. Элементлар даврий системасининг қўшимча группасидаги 19 элементдан иборат: Cu, Ag, Au, Zn, Cd, Hg, Ga, Ln, Tl, Po, Ge, Sn, Pb, As, Sb, Bi, S, Se, Te. Х. э. нинг кўпи S, Se, Tl га ўхшаш. Х. э. катионларининг ташқи қобиғида 18 та электроч (S^{2-}, Se^{2-}, Te^{2} да 8 тадан электрон) жойлашган бўлади. Бу элементлар табиатда сульфидлар, селенидлар, теллеридлар ва сульфотузлар (фақат қалайнинг касситерит SnO_2) тарзида учрайди. Au, Ag, Cu, As, S, Bi ва б. айрим Х. э. табиатда элементар ҳолатда учрайди. Барча Х. э. ер пўсти массасининг 0,046% ини ташкил этади, лекин муайян шароитларда тўпланиш хусусиятига эга бўлганлигидан руда конлари, асосан гидротермал томирли конлар ҳосил қилади. Cu, Ph, Zn ва қисман Ag чўкинди жинсларда стратиформ (яхлит) руда ётқизиқларини ҳосил қилади.

ХАЛЬЦИДАЛАР (Chalcidoidea)—паразит пардақанотли ҳашаротларнинг катта оиласи. 27 оилага мансуб 8 мингга яқин тури маълум. Шундан СССРда 22 оиланинг вакиллари учрайди. Танаси 1—3 (баъзан 10) *мм*. Яшил, қора ёки сариқ тусда, металлдек ялтирайди. Х. ер юзида кенг тарқалган. Кўпчилигининг личинкаси бошқа ҳашаротлар танасида, баъзиларининки эса ўсимлик тўқимасида ривожланади. Зараркунанда ҳашаротларда тараққий этувчи Х. (айниқса, афелинус ва *трихограммалар*)дан биологик қарши курашда фойдаланилади. Зараркунанда ҳашаротлар паразитини қирувчи, шунингдек ўсимликларда *бужғун* ҳосил қилувчи ёки ўсимлик уруғига зарар келтирувчи Х. ҳам бор.

ХАЛҚ — 1) кенг маънода — муайян мамлакатнинг барча аҳолиси; 2) тарихий материализмда — тарихнинг турли босқичларида жамиятнинг прогрессив тараққиёт вазифаларини ҳал қилишда қатнашишга қобилиятли бўлган қатлам ва синфларни ўз ичига оладиган халқ оммаси, ижтимоий бирлик; тарих ижодкори, туб ижтимоий ўзгаришларнинг етакчи кучи. Х.— тарихнинг ҳақиқий субъектидир.

Марксизм-ленинизм Х. тушунчасининг ижтимоий мазмунини очиб бериб, унинг характери турли тарихий босқичларда ўзгаришини аниқлади. Ибтидоий жамоа даврида «аҳоли» ва «Х.», тушунчалари ўртасида фарқ бўлмаган. Антагонистик формацияларда кенг оммага қарши реакцион сиёсат олиб борувчи эксплуататорлар гуруҳи Х. составига кирмайди. Фақат эксплуататор синфлар тугатилган социализм шароитида Х. тушунчаси барча аҳолини ўз ичига қамраб олади. Ижтимоий тараққиётнинг барча босқичларида Х. нинг негизини, унинг кўпчилигини меҳнаткашлар оммаси — жамиятнинг асосий ишлаб чиқарувчи кучлари ташкил этади. Синфий жамиятда Х. манфаатлари қарама-қарши бўлган аҳолининг турли қатламларини ҳам ўз ичига олиши мумкин. Мас., буржуа рев-яларида феодализмга қарши курашган ёки империализм ва мустамлакачиликка қарши миллий озодлик курашида қатнашган буржуазия ҳам Х. таркибига киради. «Маркс «халқ» деган сўзни ишлатганида,— деб ёзган эди В. И. Ленин,— бу сўз билан синфлар ўртасидаги тафовутларни хаспўшламаган эди, балки революцияни охирига етказа оладиган муайян элементларни бирга қўшиб олган эди» (Тўла асарлар тўплами, 11-том, 142-бет).

Х. га конкрет-тарихий ёндашиш коммунистик партияларга таъсирчан сиёсат юритишга имкон беради. Коммунистик партия Х. нинг коллектив йўлбошчиси, йўналтирувчи кучидир. Х. нинг яратувчилик фаолияти ва активлиги социализм ва коммунизм қурилишида ҳал қилувчи омил ҳисобланади. Назария соҳасида Х. тушунчаси мазмунини тўғри тушуниш айрим ижтимоий-иқтисодий формацияларда Х. фаолиятининг қонуниятини очишга, пролетариат рев-яси ва социализм қурилиши даврида Х. тушунчасининг сифат жиҳатдан янги мазмунини, коммунизм қурилиши даврида Х. оммасининг ролини кўрсатишга имкон беради;

3) этник бирлик (қабила, элат, миллат) ларнинг турли шаклларини ифодалаш учун ишлатиладиган термин. СССРда ривожланган социалистик жамият шароитида янги тарихий бирлик — *совет халқи* вужудга келди.

«ХАЛҚ ГАЗЕТАСИ»—1918 йил 4 декабрдан 1919 йил 27 августгача Қўқонда ўзбек тилида нашр этилган газета. Қўқон ишчи-деҳқон ва қизил аскар мусулмон вакиллари совети ҳузуридаги миллий ишлар бўлими органи. Муҳаррири Аҳмад Девишев. 39 сони чиққан.

ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК РЕВОЛЮЦИЯСИ — антиимпериалистик, антифеодал, демократик революция. Иккинчи жаҳон уруши даврида ва ундан кейин капитализмнинг умумий кризиси шароитида Европа ва Осиёнинг бир қанча мамлакатларида рўй берди. Х. д. р. ни ифодалашда бошқача терминлар (мас., Чехословакияда — миллий демократик рев-я, Венгрияда — демократик рев-я, Хитойда — янги демократик рев-я ва б.) ҳам қўлланилади.

20-асрнинг 40-йилларида Х. д. р. бўлган мамлакатлар ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан айнан бирдай бўлмасалар-да, чет эл империализми (Германия, Италия, Япония)га ярим мустамлака сифатида қарамликлари б-н ўхшаш эдилар. Бу шароит шу мамлакат халқлари олдига фашизмга қарши, миллий мустақиллик ва демократия учун революцион кураш олиб боришдек умумий вазифаларни қўйди. СССРнинг Германия, Италия фашизми ва япон милитаризмининг тор-мор қилишда ҳал қилувчи иштироки ҳамда Совет Армияси томонидан Европа ва Осиёдаги бир қанча мамлакатларнинг озод қилиниши натижасида халқаро майдонда ва шу давлатларнинг ичида Х. д. р. нинг ғалабаси учун қулай шарт-шароит яратилди. Коммунистлар раҳбарлигидаги ички революцион-демократик кучларнинг актив кураши натижасида янги, халқ демократик тузуми вужудга келди (қ. *Халқ демократияси*).

Х. д. р. ўзининг объектив асоси, ҳаракатлантирувчи кучлари, ўрнатилган ҳокимиятнинг синфий характери ва ш. к. нуқтаи назардан *социалистик революция*дан ҳам, *буржуа-демократик революция*сидан ҳам жиддий фарқ қилади.

Агар эски типдаги буржуа-демократик рев-ясининг иқтисодий асосида ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши б-н феодал (ярим феодал) ишлаб чиқариш муносабатлари ўртасидаги зиддият, социалистик рев-ясининг асосида ишлаб чиқарувчи кучлар ривожланиши б-н эскирган капиталистик ишлаб чиқариш муносабатлари ўртасидаги зиддият ётса, Европа ва Осиё мамлакатларидаги Х. д. р. нинг асосида турли хилдаги икки зиддият: бир томондан, ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши б-н эскирган феодал (ярим феодал) муносабатлари ўртасидаги зиддият, иккинчи томондан, миллий иқтисодий тараққиёт манфаати б-н чет эл капитали ва у б-н боғлиқ маҳаллий капиталнинг зўравонлиги ўртасидаги зиддият ётади. Феодал-крепостной тартиблари қолдиқларини империализмга қарши революцион курашсиз, фашизмни тор-мор қилмай туриб бартараф этиш мумкин бўлмай қолди. Шунинг учун ҳам Х. д. р. шунчаки антифеодал (буржуа) рев-яси бўлмай, шу б-н бирга антикапиталистик (социалистик) рев-я даражасига етмаган, янги, антиимпериалистик, антифеодал, антифашистик, миллий озодлик, демократик рев-я сифатида намоён бўлди.

Х. д. р. нинг ўзига хос хусусияти унинг ҳаракатлантирувчи кучларида ҳам кўринади. Бурев-яда пролетариат, деҳқонлар, майда буржуазия ва б. синфлар турли қатламларининг (мас., ўрта ёки миллий буржуазия) кенг халқ фронти асосий ҳаракатлантирувчи куч бўлди. Унда пролетариат б-н деҳқонлар иттифоқига, маркса-ленинча партия бошчилигидаги пролетариат раҳбарлигига асосланилди. Х. д. р. социалистик рев-ядан ўзининг ҳаракатлантирувчи кучларининг умумий таркиби, уларнинг кураш мақсадлари, бирлашиш характери б-н ажралиб туради. Шу б-н бирга у социалистик рев-яга анча яқинлашиб боради. Революцион кучлар иттифоқига бошчилик қиладиган *пролетариат гегемонлиги* Х. д. р. нинг қатъийлигини таъминлаб, уни социализм томон боришига имконият яратади.

Х. д. р. нинг давлат ҳокимияти — революцион синфларнинг пролетариат раҳбарлигидаги революцион-демократик диктатурасидир. Бу диктатура аввало демократик ўзгаришлар қилишга қаратилган. Лекин унинг демократияси буржуа демократиясидан фарқ қилади. Буржуа демократияси озчилик ҳокимияти ҳисобланади, Х. д. р. демократияси эса кўпчилик аҳоли манфаати йўлида чуқур социал-иқтисодий ўзгаришларни амалга оширади. Х. д. р. бўлган мамлакатларда кенг халқ фронтидан ҳукумат ва давлат ҳокимияти органлари (мас., Чехословакияда — Миллий фронт, Польшада — Демократик уюшма, Руминияда — Миллий-демократик фронт ва б.) тузилди. Уларга ишчи, деҳқон, майда буржуазия ва буржуазия вакиллари кирган эди.

Социал-иқтисодий ўзгаришлар кескин синфий курашда, кўпчилик мамлакатларда бир қанча партиялар (мас., Польшада — Ишчилар партияси, Социалистик партия ва б.; Венгрияда — Коммунистик, Социал-демократик, майда қишлоқ хўжайинлари партиялари ва б.) иштирокида олиб борилди.

Бевосита Х. д. р. натижасида ўрнатилган халқ ҳокимияти ўзининг синфий характери б-н *пролетариат диктатурасидан* фарқ қилган. Шунга қарамай, бу демократик ҳокимият доирасида пролетариат гегемонлиги ва унинг марксча-ленинча партияси пролетариат диктатурасининг куртаги сифатида намоён бўлган. Пролетариат диктатурасини ўрнатиш учун давлат ҳокимиятини кейинги демократик ҳамда социалистик ўзгаришларга қаршилик кўрсатувчи барча эксплуататор унсурлардан тозалаш, шунингдек уни социалистик вазифаларни ҳал қилиш мақсадида қайта қуриш зарур эди.

Х. д. р. нинг мақсади социализмга ўтиш учун максимум шарт-шароитни таъминловчи янги, демократик тузумни ўрнатишдан иборат. Х. д. р. натижасида ўрнатиладиган янги демократик тузум муайян ижтимоий-иқтисодий формацияни англатмайди. У объектив иқтисодий зиддиятларни ҳал қилиш йўлидаги ўткинчи тузумдир.

Х. д. р. социалистик ўзгаришларга ўтишнинг яқин босқичини ифодалайди. У буржуа-демократик рев-яси вазифаларини ҳал этишни охирига етказиб, асосан социалистик типдаги ва пролетариат раҳбарлигидаги янги, халқ давлатини тузишга асос яратади. Буларнинг ҳаммаси Х. д. р. дан сўнг келадиган социалистик рев-я тараққиётининг вазифа ва формаларини ўзгартириб, социализмга ўтиш учун тинч йўл очиб беради.

Ад.: Ленин В. И., Демократик революцияда социал демократларнинг икки тактикаси, Тўла асарлар тўплами, 11-т.; КПСС Программаси, Т., 1972; Программные документы борьбы за мир, демократию и социализм, М., 1961; Соболев А., Что такое народная демократия?, М., 1956.

ХАЛҚ ДЕМОКРАТИЯСИ — жамият сиёсий тузилиши формаларидан бири. Бу форма 20-асрнинг 40-йилларида Европа ва Осиёдаги бир қанча мамлакатларда *халқ демократик революцияси* натижасида таркиб топди. ҚПСС Программасида таъкидланганидек, бу форма «...империализм занфлашган ва кучлар нисбати социализм фойдасига ўзгарган шароитда социалистик революция тараққиётининг ўзига хос хусусиятларини акс эттирди. Халқ демократиясида айрим мамлакатларнинг тарихий ва миллий хусусиятлари ҳам ўз ифодасини топди» (ҚПСС Программаси, Т., 1970, 19—20-бетлар).

Х. д. нинг вужудга келишида СССРнинг мавжудлиги ва куч-қудратининг ўса бориши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Совет Иттифоқининг буюк ғалабалари ва оламшумул-тарихий муваффақиятлари халқаро майдонда кучлар нисбатини социализм фойдасига тубдан ўзгартириб юборди ва революцион ҳокимиятнинг янги формаси сифатида Х. д. нинг юзага келиши учун шарт-шароит яратди. Х. д. ни ўрнатиш учун кураш конкрет тарихий шароитларига, иқтисодий тараққиёт даражасига, халқаро майдонда тутган мавқеига қараб турли мамлакатларда ўзига хос хусусиятларга эга бўлди. Хусусан Шарқ мамлакатларида (ХХР, ҚХДР, МХР, Вьетнам) феодал сарқитлар кўп сақланиб қолганлигидан, уларни бартараф этиш учун бирмунча узоқ муддат талаб қилинган бўлса, Европа Х. д. мамлакатлари (Польша, Чехословакия, Болгария ва б.) да умумдемократик вазифалар бирмунча тезроқ ҳал қилинди, уларда антиимпериалистик, антифеодал рев-яларнинг социалистик рев-яга ўсиб ўтиши бирмунча илгарироқ — 1945 йилдан эътиборан бошланди. Рев-я чуқурлаша борган сари капиталистик экономика ва ундаги буржуазиянинг сиёсий таъсири тобора чекланиб борилди. Х. д. ўрнатилган мамлакатларда амалга оширилган аграр реформалар феодал сарқитларига барҳам бериш ҳамда пролетариат б-н меҳнаткаш деҳқонлар иттифоқини мустаҳкамлаш б-н бирга халқ демократик рев-ларнинг ривожланиши учун катта аҳамиятга эга бўлди. Чуқур демократик ўзгартишларнинг амалга оширилиши — йирик ва ўрта саноатнинг, банкларнинг национализация қилиниши, аграр реформалар ўтказилиши натижасида бу рев-яларнинг социалистик рев-яга ўсиб ўтиши таъминланди. Шунга мувофиқ дастлабки вақтда кенг халқ оммасининг демократияси сифатида иш кўрган Х. д. *пролетариат диктатураси* вазифаларини бажаришга киришди.

Кўп мамлакатлардаги Х. д. нинг ўзига хос хусусиятларидан бири, коммунистик партиялардан ташқари, социализм позицияларида турувчи ва ишчилар синфининг раҳбарлик ролини тан олувчи бошқа демократик партиялар мавжудлигидадир. Шунингдек, бу мамлакатларда сиёсий партиялар ва оммавий ташкилотларни бирлаштирувчи халқ фронти типидаги ўзига хос ташкилот формаси (мас., Болгарияда — Ватан фронти, Чехословакияда — Миллий фронт, Албанияда — Демократик фронт ва ш. к.) ҳам бор. Тарихий тажриба Х. д. тузуми кўп партияли система шароитида ҳам коммунистик партия бирдан-бир раҳбар ва етакчи куч бўлганда пролетариат диктатураси вазифаларини муваффақиятли бажаришини кўрсатди. Х. д. социализм қурилишининг қудратли қуроли ролини ўйнамоқда. Пролетариат диктатурасининг формаси сифатида у Болгария, Венгрия, Корея, Польша, Руминия, Чехословакия, Югославия ва б. мамлакатларда социализм қурилишининг кенг авж олишини таъминлади. Ҳозирги вақтда Х. д. мамлакатларида социалистик ишлаб чиқариш муносабатлари ҳукмрон бўлиб, капитализм тикланишининг социал-иқтисодий имкониятлари тугатилган. Бу мамлакатларда эксплуататорлар синфининг тугатилиши ва тараққиётнинг юксак марраларига эришилиши натижасида пролетариат диктатураси умумхалқ ҳокимиятига айланиб бормоқда. Х. д. давлатларининг муваффақиятлари барча мамлакатларда уларнинг иқтисодий тараққиёт даражасидан, террясининг катта-кичиклиги ва аҳолисининг сонидан қатъи назар, чинакам тараққиёт фақат социализм йўлидагина таъминланиши мумкинлигини тўла тасдиқлади.

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ СОВЕТЛАРИ — СССР нинг сиёсий негизини ташкил қилувчи давлат ҳокимиятининг ваколатли ва сайлаб қўйилувчи органи; ривожланган социалистик жамиятдаги *умумхалқ давлати* ҳокимияти формаси. У ишчилар синфи, деҳқонлар ва зиёлиларнинг, мамлакатдаги барча миллат ва элатларнинг хоҳиш-иродасини ва манфаатларини ифодалайди. Халқ давлат ҳокимияти, социалистик

демократиянинг энг муҳим принципи — давлат ва жамоат ишларини бошқаришда омманинг доимий ва тобора кенг ялпи иштирок этиши Советлар орқали амалга оширалади.

Х. д. С. 1977 йил 7 октябрдаги СССР Конституцияси қабул қилингунга қадар *меҳнаткашлар депутатлари Советлари* деб аталган.

СССР Олий Советидан то посёлка ва қ. Советларигача бўлган ҳамма Советлар давлат ҳокимияти органларининг ягона системасини ташкил этади. Советлар звеноларининг ҳуқуқий ҳолати, уларнинг ваколати мазмуни ва кўлами турличадир. СССР Конституциясига кўра, СССР Олий Советининг, иттифоқдош республикалар Олий Советларининг ваколат муддати 5 йил, маҳаллий Советларнинг ваколат муддати 2,5 йил. СССР Олий Совети депутатлигига 21 ёшга тўлган, иттифоқдош ва автоном республикалар Олий Совети ҳамда маҳаллий Советлар депутатлигига 18 ёшга тўлган СССР гражданлари сайланиши мумкин. Халқ депутатларининг ҳамма Советларига депутатлар сайлаш умумий, тенг ва тўппа-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида, яширин овоз бериш йўли б-н ўтказилади.

Х. д. С. ихтиёрига берилган муҳим масалаларни ўз сессияларида кўриб чиқади ва ҳал этади. Х. д. С. ўз депутатларидан *доимий комиссияларни* сайлайдилар; ижро қилувчи ва бошқарувчи органларни, шунингдек уларга ҳисоб берадиган бошқа органларни тузадилар. СССР Олий Совети ССР Иттифоқи қарамоғидаги ҳамма масалаларни ҳал этишга ҳақли; маҳаллий Советлар маҳаллий аҳамиятга молик ҳамма масалаларни ҳал қилиш б-н бирга ўз терр-ясидаги барча ташкилотларининг фаолиятини ўз ҳуқуқлари доирасида контроль қилиб, мувофиқлаштириб туради. Х. д. С. ўз фаолиятлари ҳақида аҳолига мунтазам ахборот бериб туришга, сайловчилар ҳузурида ҳисоб беришга, меҳнаткашларнинг ҳар бир наказ ва таклифларини синчиклаб кўриб чиқишга мажбурдирлар.

Иттифоқ бўйича Советлар составидаги депутатлар сони 2,229 млн. (1978). ЎзССРда 13000 га яқин маҳаллий Советлар ишлаб турибди; республика Олий Советида 510, маҳаллий Советларда 93 мингдан зиёд депутат бор (1978).

Ад.: СССР Конституцияси (Асосий қонуни), Т., 1977; ЎзССР Конституцияси (Асосий қонуни). Т., 1978.

ХАЛҚ ДРУЖИНАСИ — СССРда жиноятчиларга, жамоат тартибини бузувчиларга қарши курашиш учун ташкил этиладиган кўнгилли жамоат ташкилоти. У гражданларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини қўриқлаш, ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг олдини олиш ва уларни йўқотиш, жамоат тартибини ва социалистик мулкни сақлаш, совет кишиларини қонунлар ва социалистик турмуш қоидаларини ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш ишида, жиноятни очиш ва жиноятчиларни қидиришда давлат органларига яқиндан ёрдам беради.

Х. д. дастлаб 1958 йилда Ленинград ишчиларининг ташаббуси б-н тузилди. Бу ташаббус бошқа жойларга ҳам ёйилди. Жумладан шу йили Тошкентдаги Октябрь рев-яси номли тепловоз-вагон ремонти з-дида, Фарғонадаги тўқимачилик к-тида ҳам дастлабки халқ дружиналари ташкил этилди. 1959 йил 2 мартда КПСС МК ва СССР Министрлар Совети «Жамоат тартибини сақлашда меҳнаткашларнинг иштироки ҳақида» қарор қабул қилди. Қарорда корхоналар, муассасалар, к-з, с-злар, ўқув юртлари ва гражданларнинг турар жойларида Х. д. тузиш кўрсатилган. КПСС МК ва СССР Министрлар Советининг «Жамоат тартибини сақлашда халқ кўнгилли дружиналари фаолиятини янада такомиллаштириш» ҳақидаги қарори (1974 йил 19 апрель) Х. д. ишини яхшилашда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Шу қарордан сўнг, бошқа иттифоқдош республикаларда бўлгани сингари, ЎзССРда «Жамоат тартибини сақловчи кўнгилли халқ дружиначилари тўғрисида низом» (1974 йил 20 май) тасдиқланди.

Х. д. партия органлари раҳбарлиги ва назорати остида, милиция органлари б-н ҳамкорликда ишлайди. Х. д. илғор меҳнаткашлардан ихтиёрий асосда тузилади. Ҳар бир дружинага дружиначиларнинг умумий йиғилишида сайланадиган командир ва унинг ўринбосари раҳбарлик қилади. 100 дан ортиқ дружиначиларга эга бўлган ташкилотларда Х. д. штаби ташкил этилади. Шаҳар (р-н)ларда ҳамма дружиначиларга раҳбарлик қилиш учун шаҳар (р-н) штаби ташкил этилади. Ҳар бир Х. д. га шаҳарнинг муайян қисми (микрорайон) бириктирилади, у бу жойда милиция органлари б-н бир қаторда жамоат тартибини таъминлаши керак. Патруллик қилиш (милиция органлари б-н биргаликда), постлар қўйиш, дежурлик ва рейдлар ўтказиш Х. д. нинг асосий иш формасидир.

Дружиначиларнинг ҳаёти, соғлиғи, қадр-қиммати қонун б-н ҳимоя қилинади. ЎзССР ЖКнинг 192^1, 193^1, 194^1-моддаларида дружиначига қаршилик кўрсатганлик, уни ҳақоратлаганлик, ҳаётига тажовуз қилганлик учун жиноий жазо белгиланган.

1977 йил СССРда қарийб 7 млн. дружиначини бирлаштирган 150 мингдан ортиқ Х. д. (ЎзССРда 153,1 мингдан ортиқ дружиначини бирлаштирган 6869 Х. д.) ишлади.

Ад.: Жамоат тартибини сақловчи кўнгилли халқ дружиналари тўғрисида низом, Т., 1974; Убайдуллаев Г. У., Организация и деятельность народных дружин Узбекистана, Т., 1966; Убайдуллаев Г. У., Дружиначилар бу сизларнинг китобингиз! Т., 1967.

«ХАЛҚ ДУСТЛАРИ» НИМА ВА УЛАР СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТЛАРГА ҚАРШИ ҚАНДАЙ КУРАШАДИЛАР? («Русское богатство»нинг марксистларга қарши ёзган мақолаларига жавоб) — В. И. Ленин асари. Пролетар партиясини тузиш, унинг назарияси ва тактикаси ҳамда диалектик ва тарихий материализм, сиёсий иқтисод ва илмий коммунизм назарияси масалаларини ишлаб чиқишга бағишланган. Китобда «Русское богатство» журналида марксизмга қарши чиққан либерал *народниклик* идеологлари — сохта «халқ дўстлари» (Н. К. Михайловский, В. П. Воронцов, С. Н. Кривенко, С. Н. Южаков ва б.) нинг қарашлари танқид қилинган; Россия революцион социал-демократиясининг ғоявий-назарий принциплари, унинг программа ва тактикаси асослари ишлаб чиқилган. Китоб 1894 йилда ёзилиб, гектографда яширин равишда 3 та алоҳида-алоҳида нашр сифатида кўпайтирилган. Биринчи нашрда народниклар нинг фалсафий қарашлари, иккинчи нашрда сиёсий-иқтисодий назариялари (иккинчи нашр нусхаси ҳозиргача топилмаган; бу назарияни Ленин 1897 йилда ёзган «Иқтисодий романтизм таърифи тўғрисида» асарида яна танқид қилган), учинчи нашрда эса тактикаси, иқти-

содий ва сиёсий платформаси фош этилган. Китобнинг гектографда чиқарилган нашрлари Петербург, Москва ва Россиянинг бошқа шаҳарларидаги революцион тўгаракларда ўргатилган. Асар *«Меҳнатни озод қилиш группаси»* аъзолари, чет элдаги бошқа социал демократлар орасида машҳур бўлган.

Китобда Ленин либерал народниклар фалсафий-социал қарашларининг батамом беқарор эканлигини исботлади. Народникларнинг фикрича, тарихни яратувчи ва ҳаракатлантирувчи куч меҳнаткаш омма эмас, балки зиёли-назариётчи «танқидий фикр юритувчи шахслар»дир. В. И. Ленин либерал народниклик назариётчиларини ижтимоий тараққиёт қонунларининг объектив характерини рад этувчи идеалистлар деб атади.

Асарда В. И. Ленин либерал народниклик назариётчиларини капитализмнинг вулгар «танқидчи»лари сифатида фош этиб, уларнинг капитализм ҳақида илмий тушунчага эга эмаслигини кўрсатди. Либерал народниклар Россиянинг ўзига хос мустақил иқтисодий ривожланиш йўли бўлиши керак, деган даъво б-н чиқдилар. Улар капиталистик ишлаб чиқариш кучларининг гуркираб ўсиб бораётганлигини инкор этдилар, Россияда капитализм тасодифий пайдо бўлган, деб қарадилар.

В. И. Ленин либерал народникларнинг бу қарашлари нотўғрилигини кўрсатиб, уларни Россия тарихини сохталаштирувчилар сифатида фош этди. Ленин «капитал» тушунчасининг маъносини очиб берди ва «капитализм» тушунчасини илмий марксистик нуқтаи назардан таҳлил қилди.

Асарда народниклик ғояларининг моддий асослари ва синфий илдизлари очиб ташланди.

Китобда либерал народникларнинг сиёсий программаси фош этилган. Бу программада эксплуатация қилинаётган халқ оммасининг манфаатини ифодаловчи бironта ҳам модда йўқ эди, унда фақат майда-чуйда ислоҳотлар талаб қилувчи фикрларгина илгари сурилади. Либерал народникларнинг бу программаси «халқ дўстлари» номи б-н қишлоқ буржуазияси манфаатларини ифода этарди. В. И. Ленин уларни реформистлар сифатида танқид қилди.

Асарда рус жамиятидаги синфлар орасида фақат ишчилар синфининг изчил революцион синф ва эзилган меҳнаткаш халқ оммасининг ҳақиқий намоядаси эканлиги очиб берилди. В. И. Ленин ишчилар синфининг гегемонлик ролини ҳар томонлама назарий асослаб, фақат шу синфгина Россия меҳнаткашларини подшо ҳукумати ва капитализмга қарши курашига раҳбарлик қилишини кўрсатди.

Китобда биринчи марта ишчилар б-н деҳқонларнинг революцион иттифоқи тўғрисидаги назария илгари сурилиб, бу иттифоқ подшо ҳукуматини ағдариб ташлаш учун асосий восита эканлиги исботлаб берилди. Асарда ўша даврдаги оз сонли рус марксистлари олдига Россия марксистик партиясини тузиш асосий вазифа сифатида қўйилди.

Ленининг бу асари марксча-ленинча фалсафа, сиёсий иқтисод ва илмий коммунизм масалалари бўйича бой ғоявий-назарий материални ўз ичига олган. Асар фақат тарихий аҳамиятгагина эга бўлмай, балки ҳозир ҳам коммунизм иши учун курашчиларни ленинизм ғоялари б-н қуроллантириш ишига хизмат қилмоқда. У ўзбек тилида В. И. Ленин тўла асарлари тўпламининг 1-томига киритилган.

ХАЛҚ ИЖОДИ, халқ бадиий ижодиёти, халқ санъати, фольклор — меҳнаткаш халқ оммасининг бадиий ижодий фаолияти; халқ яратган, халқ орасида кенг тарқалган ва авлоддан авлодга ўтиб, омманинг ижтимоий меҳнат тажрибаси жараёнида тобора такомиллашиб, шаклланиб борадиган шеърият, музика, театр, рақс, меъморлик, тасвирий ва амалий-безак санъати. Х. и. коллективнинг бадиий ижоди бўлиб, унда халқнинг меҳнат фаолияти, ижтимоий ва маиший ҳаёти, турмуш, табиат тўғрисидаги тушунчалари, маданияти, эътиқоди, орзу-истаклари ва идеаллари, поэтик фантазияси, ҳис-туйғулари ва тафаккурининг бой олами, бахтли ва адолатли замон ҳақидаги ўйлари ўз ифодасини топади. Шароит (масалан, турли маросимлар) эҳтиёжи б-н ҳар хил Х. и. турлари (шеър, музика, рақс, театр, безак санъати) ўзаро қўшилиб, яхлитлашган (архитектурада меъморлик санъати б-н тош ўймакорлиги, ганчкорлик, ёғоч ўймакорлиги, суяк ўймакорлиги, наққошлик, кулоллик, каштадўзлик ва ш. к. омухталаштирилиб, бир мақсадга — турар жойнинг шинам ва чиройли бўлишига хизмат қилдирилган). Х. и. жаҳоннинг барча халқларида қадимдан ривожланиб келмоқда (қ. *Ибтидоий санъат*). Инсоният ижтимоий тараққиётида синфий жамият шаклланган, меҳнат тақсимоти натижасида профессионал, «юксак» санъат аста-секин ажралиб чиқади, махсус кишилар унга ихтисослашади. Шуниси характерлики, Х. и. жанрларининг кўпгина ижодкорлари ўз ижодларини ўзлари ижро этадилар, унинг оғзидан эшитиб ўрганган бошқа кишилар шу асарга ўз ҳиссаларини қўшадилар, такомиллаштирадилар, ёинки бошқа вариантини яратиб, ижро этадилар. Х. и. ҳамон давом этиб келмоқда. Лекин давр, шароит тақозоси б-н унинг кўпгина жанрлари йўқолиб, янгилари вужудга келади. У профессионал санъат турлари ривожига асос бўлганидек, профессионал санъат турлари ҳам унинг ривожига таъсир кўрсатиб, уни бойитиб келмоқда.

19-аср охири — 20-асрда фольклорнинг жаҳон маданиятига таъсири кучайди, айрим йўқолган соҳалари тикланди. Х. и. ни сақлаш тадбирлари амалга оширила бошлади (музейлар, муҳофаза жамиятлари тузилди).

Социалистик жамиятда Х. и. ни сақлаш, ривожлантириш учун катта шароит мавжуд (давлат ва жамоат ташкилотларининг эътибори ва ғамхўрлиги Х. и. ни ривожлантиришга, бадиий ҳаваскорликни юксалтиришга хизмат қилади).

Халқ поэтик ижоди инсон нутқи шаклланиши б-н юзага келган. Қишилик бадиий тафаккурининг турли шаклларини ўз ичига олган халқ поэтик ижоди намуналари ибтидоий инсон фаолияти б-н боғлиқ бўлиб, диний, мифологик қарашлар, бошланғич илмий билимлар, табиат ва жамият ҳақидаги тасаввурларни акс эттирган. Бироқ қадимги фольклор намуналари бизгача етиб келмаган, балки турли тасаввур ва қарашларда, халқ поэтик ижодининг айрим кўринишларида уларнинг изларини ва қолдиқлари сақланиб қолган. Жамиятда социал табақаланишнинг кучайиши натижасида оғзаки бадиий ижоднинг турли ижтимоий гуруҳ ва табақалар манфаатини ифодаловчи тур ва формалари пайдо бўлди. Бироқ оғзаки поэзиянинг умумий тараққиётида меҳнаткаш халқ оммасининг поэтик ижоди ҳал қилувчи роль ўйнади. Езувнинг юзага келиши натижасида халқ поэтик ижоди б-н тарихан боғлиқ бўлган *адабиёт* пайдо бўлди. Адабиёт ўзининг «бошланғич» манбаи бўлган (М. Горький) фольклордан деярли барча эстетик тушунчалар ва поэтик формаларни олди. Буларнинг мустақил тараққиёти туфайли аста-секин адабиёт ва фольклор орасида муайян фарқлар юзага кела бошлади ҳамда сўз санъатининг ўзига хос икки тури сифатида ривожланишда давом этди. Жамиятнинг умумэстетик талаби, эҳтиёжи узоқ асрлар давомида фақат адабиёт б-нигина эмас, халқ поэтик ижоди б-н ҳам мустаҳкам боғланди. Натижада адабиёт ва халқ поэтик ижоди ўзининг мустақил эстетик системаси, жанрлари ва поэтикасига эга бўлган сўз санъатининг икки — оғзаки ва ёзма турига айланди.

Халқ поэтик ижоди намуналари оғзаки тарқалиб, оммавий *репертуар*дан ўрин олади. Бу нарса поэтик формаларнинг барқарорлигида, текстдан текстга ўтувчи умумий ўринларнинг мустаҳкамлигида (мас., *достон*лардаги эпик клишелар, анъанавий стилистик формулалар ва б.), ўхшаш сюжетларнинг кўплигида яққол кўзга ташланади.

Халқ поэтик ижодининг турли жанрлари ҳар хил ижодкорлар фаолияти б-н боғлиқ. Фольклор намуналарини яратиш ва ижро этишда ўзига хос профессионал ижодкорлик юзага келган. *Бахши*лар (достончилар), *эртак*чилар, *аския*бозлар, қизиқчилар, дорбозлар санъати ривожланган профессионал санъат бўлиб, уни эгаллаш учун бўлғуси ижодкор махсус тайёргарлик кўриши, муайян устоздан таълим олиши зарур бўлган.

19-аср 2-ярми ва 20-асрнинг бошлари ўзбек фольклори тараққиётида алоҳида босқич ҳисобланади. Бу даврда замоннинг муҳим ижтимоий-сиёсий масалаларини ифодаловчи қатор лирик ва эпик асарлар яратилди (қ. *Тарихий қўшиқлар, Янги достонлар*).

Совет даврида халқ поэтик ижоди кенг ривожланди. Унинг традицион намуналари кенг ижро этилиши б-н бирга, деярли барча жанрларда янги-янги асарлар, мақол, топишмоқ, қўшиқ, эртак, афсона, ривоят, латифа, лоф, оғзаки драма ва б. яратилди, айрим тур ва формалари (мас., бахшилар ижоди, бадиий ҳаваскорлик, қўшиқчилик ва б.) янада тараққий қилди.

Халқ поэтик ижоди миллий маданиятнинг таркибий қисми сифатида жуда катта ижтимоий: маърифий, ғоявий-тарбиявий ва эстетик қимматга эга. Фольклор профессионал санъат турлари — адабиёт, театр, музика, кино ва б. тараққиётида ҳам муҳим роль ўйнади ва ўйнамоқда.

Халқ музикаси (музика фольклори) вокал (ашула), чолғу ва вокал-чолғу асарлардан иборат халқ ижодидир. Халқ музикаси, асосан, истеъдодли халқ ёки профессионал халқ ижрочилари (мас., турли халқлардаги созанда, ҳофиз, ошуғ, оқин, бахши, кобзарь ва б.) нинг санъати орқали яшайди. Халқ музикаси халқ ҳаётининг доимий ҳамроҳи бўлган; у халқ турмуши, меҳнат фаолияти, орзу-ўйлари, ижтимоий курашини акс эттиради. Ҳар бир даврда музика асарларининг озми-кўпми қадимги ва ўзгартирилгани, шунингдек улар асосида янгидан яратилганлари бўлади. Булар анъанавий музика фольклорини ташкил қилади.

Халқ музика ижоди товушлар системасининг асосий типлари, лад тузилиши, полифония, гармония, ритм каби бадиий ифода воситалари ҳамда музикавий шакл ва жанрларга, бадиий образларга бойиб боради. Халқ музикасининг асосий турлари эпик асарлар (мас., русларда билина, ёқутларда олонхо, ўзбекларда достон ва ҳ. к.), чолғу пьесалар, рақс куйлари, қўшиқ ва ашула, лапар ва яллалар каби турли жанрлардаги вокал ва чолғу асарлардан иборат.

Кўп халқлар фольклорида содда, кичик ҳажмли қўшиқлар ва чолғу куйлар б-н бир қаторда кенг кўламли ва шаклан мураккаб, асосан, лирик жанрлардаги вокал (мас., русларда протяжная дейиладиган ашула, румин ва молдованларда дойна, ўзбекларда ашула) ва чолғу (мас., ўзбек танбурчилари, қозоқ дўмбирачилари, туркман дуторчилари, закарпатьелик скрипкачилар, турли халқлардаги чолғу ансамбль ва оркестрларининг программали пьесалари) асарлари юзага келган.

Музикавий Х. и. якка ижрочи (яккахон ёки якканавоз), ансамбль, хор ва оркестр томонидан ижро этилади. Халқ музикаси миллий музика услубининг асоси, бастакор ва композиторлар ижодининг муҳим манбаидир. Замонавий профессионал музикада халқ куйларини қайта ишлаш кенг тарқалган. Музика фольклори ўз навбатида профессионал музика санъати, айниқса, унинг оғзаки анъанадаги тури б-н ўзаро чамбарчас алоқада ривожланади.

Айрим Шарқ халқлари музика меросида, жумладан Совет Шарқидаги ўзбек, тожик, уйғур, озарбайжон, арман ва б. музика меросида фольклор жанр ва турлари б-н бир қаторда оғзаки анъанадаги профессионал музика ҳам шаклланиб бизгача етиб келган. У мақомлар ва уларга яқин вокал ҳамда чолғу пьесалардан иборат.

Халқ музикаси ва умуман оғзаки анъанадаги музика намуналарини (20-асрда товуш ёзиб олувчи техника ёрдамида) ва уларнинг ижро этилиш муҳити ва б. хусусиятларини ёзиб олиш б-н махсус фан — музика этнографияси, тадқиқ қилиш б-н этнографик музикашунослик (этномузикология), музика фольклористикаси шуғулланади.

Халқ музика асбоблари хилма-хил. Улар бир халққа (мас., украинларда бандура, грузинларда чонгури, қирғизларда қўмиз) ёки ўзаро этник жиҳатдан асрий тарихий-маданий алоқадаги турли халқларга (мас., рус ва белорусларда гусли, жалейка; ўзбек, тожик, туркман ва қорақалпоқларда дутор ва б.) мансуб бўлиши мумкин. Кўп халқларда анъанавий чолғу ансамбллари мавжуд. Шарқ халқлари, жумладан ўзбек, тожик, озарбайжон, уйғур ва арманларда фольклор ва оғзаки анъанадаги профессионал музика жанрлари ижросига мўлжалланган чолғу асбоблар ва ансамбллар бўлади. Профессионал музика асбобларининг деярли барчаси халқдаги турлари б-н алоқадор.

Халқ театри — халқ оғзаки ижоди б-н боғлиқ санъат тури. Элементлари овчилик, деҳқончилик, халқ байрам ва маросимларида пайдо бўлиб, тараққий этган, халқ санъати даражасига кўтарилган. Дастлабки даврларда халқ театрида сўз б-н бир қаторда қўшиқ, рақс, музика, акробатика, найрангбозлик, кўғирчоқ ўйини аралаш бўлган. Кейинчалик жа-

мият тараққиёти давомида актёрлар маълум соҳалар бўйича мутахассислаша бориб, театр мустақил санъат сифатида ажралиб чиққан. Жаҳон халқлари халқ театрида жонли актёрлар театри ва қўғирчоқ театри мавжуд. Халқ қўғирчоқ театри қўғирчоқларнинг кўриниши, уларни ўйнатиш системасига кўра хилма-хил. Уларда кўпроқ эртак, афсона ва б. саҳналаштирилган.

Халқ театри кенг маънода профессионал бўлмаса-да, актёрлари малакали, истеъдодли кишилар бўлган. Мас., Қадимги Римда мимлар, Ғарбий Европада шпильманлар, жонглёрлар, Россияда скоморохлар, Ўрта Осиёда масхарабозлар, шунингдек турли мамлакатлардаги қўғирчоқбоз-актёрлар. Халқ актёрлари ёлғиз ёки тўдаларга уюшиб, шаҳарма-шаҳар ва қишлоқма-қишлоқ юриб, тўй, сайил ва байрамларда, кўпинча очиқ майдонларда томоша кўрсатишган. Улар репертуаридан фольклорга асосланган пьесалар, кейинчалик турли адабий асарларнинг халқ театрига мослаштирилган вариантлари ўрин олган.

Халқ актёрлари ижоди, асосан, меҳнаткашлар манфаатига хизмат қилган. Шу сабабли улар ҳукмронлар томонидан таъқибга учраб турган.

Қийим ва жиҳозлар, ҳаракат ва ҳолатлардаги яққол шартлилик халқ театри учун (умуман фольклор санъати учун ҳам) хос хусусиятлардир. Халқ театрида актёрлар ўйин давомида томошабинлар б-н бевосита муносабатда бўлади. Халқ театрининг, одатда, на саҳнаси, на декорацияси бўлган. Унда, асосан, диққат иштирок этувчи шахс характерини очишга эмас, балки вазият, ҳолатларнинг кулгили ва фожиавий чиқишига қаратилган. Халқ драмасида икки — драматик (қаҳрамонлик ёки романтик) ва комик персонаж мавжуд.

Халқ театри негизида профессионал театрлар майдонга келган. Улар анъанавий ижро хусусиятларига эга. Шарқда халқ театри асосида яратилган театрлар анъанавий театр бўлиб, халқ ижоди, рақси ва пантомималарига таянган. Мас., Ҳиндистонда катхакали ва жатра, Японияда гигаку, бугаку ва Но, Индонезияда топенг ва ваянг, Шри Ланка (Цейлон) да колам, Ўрта Осиёда масхара ва муқаллид ва б.

Халқ театрининг ўзига хос бадиий ва ижро усулларининг айрим анъаналари замонавий театр арбоблари ижодига замин бўлган.

Халқ рақси — қадимий санъат турларидан. Дастлабки рақслар кишиларнинг ҳайвонот ва табиат оламини кузатишларини акс эттирган. Овчилик, чорвачилик б-н шуғулланувчи халқларнинг рақслари ёввойи ва уй ҳайвонлари, қушларнинг хатти-ҳаракатлари, қилиқларига тақлидан яратилган: индонезча пенчак (йўлбарс), ёқутча айиқ, помирча бургут, хитой, ҳиндча товус, русча турна, ғозча рақслари ва б. Қ. х. меҳнати б-н боғлиқ рақсларда турли меҳнат жараёнлари бадиий ифодасини топган. Мас., латишча ўримчилар, гуцулча ўтин ёрувчилар, белорусча зиғиркорлар рақслари ва ҳ. к. Ҳунармандчилик ва б. меҳнат турлари юзага келиши б-н янги халқ рақслари пайдо бўлган: украинча бондарь, немисча шиша пуфловчилар, карелча тўқувчилар, ўзбекча чеварлар рақси ва б.

Маросим рақслари ҳам бўлган. Қишилар рақснинг сеҳри кучига ишониб келишган; рақс бу тангриларига сиғинишган, ёмон жинларни ҳайдашган ва ҳ. к. Ҳар бир халқда ўз рақс анъаналари мавжуд. Халқ рақси орасида жанговарлик ва баҳодирликни улуғловчи рақслар ҳам кўп учрайди (грузинча хоруми, боркаоба, ўзбекча қилич ва таёқ б-н ўйналадиган рақслар ва б.).

Ғарбий Европа халқларининг рақслари аксар оёқ ҳаракатларига асосланади. Ўрта Осиё ва б. Шарқ мамлакатларида диққат кўпинча қўл ва тана ҳаракатига қаратилган. Халқ миллий қийимлари ижро характерига ижобий таъсир кўрсатади. СССРда халқ рақси равнақ топиши ва оммалашуви натижасида унинг янги саҳнавий шакли — халқ рақс ансамбллари юзага келди. 1937 йилда СССР халқ рақс ансамбли тузилди. Барча қардош республикаларда профессионал халқ рақс ансамбллари, ашула ва рақс ансамбллари ташкил этилган.

Ўзбекистон терр-ясида яшаган халқларнинг тақлидий ва оммавий рақслари қадимдан мавжуд бўлган. Бироқ хотин-қизлар орасида кўпроқ якка рақс асосий ўрин эгаллаган. Совет даврида аёллар ижросидаги оммавий рақслар 1926 йилдан Ўзбек давлат концерт-этнографик труппасида Уста Олим Комилов, Юсуфжон қизиқ Шакаржонов ва Тамарахонимлар томонидан яратила бошланган. 1937 йилда биринчи ўзбек ашула ва рақс (ҳозирги «Шодлик») ансамбли, 1957 йилда «Баҳор», 1968 йилда «Лазги» ансамбллари ташкил этилган.

Халқ архитектураси, тасвирий ва амалий-безак санъати. Турар жойлар, турли бино, иншоот, меҳнат қуроллари, идиш, уй жиҳозлари, кийим, мато, безак ашёлари (бадиий буюмлар) ва б. да халқнинг ижодий меҳнати кўзга ташланади (қ. *Бадиий буюмлар, каштадўзлик, зардўзлик, заргарлик, гиламчилик, наққошлик, ўймакорлик, лубок, миниатюра*). Жуда қадим замонлардан инсон ўз муҳитидаги нарсаларни безашга интилган, шунинг оқибатида табиатдаги турли жисм ва ўсимликларнинг схематик тасвири сифатида *нақш* пайдо бўлган, табиат б-н муносабат оқибатида вужудга келган эътиқод *ҳайкалтарошлик*ни келтириб чиқарган. Синфий жамият пайдо бўлгач, сарой, *тураг жой*, ибодатхоналар ҳашами орта борди, *ҳунармандлик*нинг ривожи, шаҳарларнинг ўсиши ҳунарманд, ижодкорларнинг соҳалар бўйича ихтисослашувини тақозо этди. Дин Ғарбий Европада икона санъатини, Жанубий ва Шарқий Осиёда (айниқса Будда дини Хитой ва Ҳиндистонда) ҳайкалтарошликни ривожлантирди. Эстетик дид шаҳарларда асрлар оша бадиий буюмларга эҳтиёжни кучайтира борди. Шахсий устахоналар, бадиий буюм ва безак маҳсулотлари, турли қурол, идишлар тайёрлайдиган артеллар юзага келишига олиб келди. Кулоллик, наққошлик, ўймакорликда бадиий мактаблар, турли-туман услублар вужудга келди.

Ислом дини тирик мавжудотни тасвирлашни ман этгани сабабли Ўрта Осиёда, жумладан Ўзбекистонда рев-ягача тасвирий санъат ривож топмади, лекин наққошлик, ўймакорлик, шунингдек, амалий безак санъатининг бошқа турлари ривож топди. Совет ҳокимияти йилларида Х. и. ни ўрганиш ва уни ривожлантиришга катта ғамхўрлик қилинмоқда. Жамоат бинолари (мас., Тошкентдаги Навоий ва Муқимий номидаги театрларда), кўп қаватли турар жойлар, турли биноларда Х. и. анъаналаридан фойдаланилди.

Давлатларнинг адабиёти, тасвирий санъат ва амалий-безак санъатига бағишланган мақолаларни ўқиб турли халқларнинг ижоди б-н танишишингиз мумкин. Яна ЎзССРга бағишланган жилддан адабиёт, санъат ҳақидаги мақолаларнинг халқ ижоди қисмини ўқинг.129, 209, 224, 225-бетлардаги вклейкаларга қаранг.

Ад: Маркс К. ва Энгельс Ф., Санъат тўғрисида, 1—2-т., Т., 1975—77; Ленин В. И., Маданият тўғрисида, Т., 1972; Горький М., Адабиёт ҳақида, Т., 1962; Жирмунский В. М., Зарифов Х. Т., Узбекский народный героический эпос, М., 1947; Барток Б. Зачем и как собирать народную музыку, [пер. с венгр.], М., 1959; Узбек халқ мусиқаси, 9 томлик, Т., 1955—62; Каромато в Ф., Узбекская инструментальная музыка (наследие), Т., 1972; Авдеев А. Д., Происхождение театра, М.—Л., 1959; Раҳмонов М., Узбек театри (қадимий замонлардан XVII асрга қадар), Т., 1975; Раҳмонов М., Узбек театри тарихи (XVII асрдан XX аср аввалигача), Т., 1968; Қодиров М., Узбек театри анъаналари, Т., 1976; Ткаченко Т., Народный танец, М., 1954; Авдеева Л., Танцевальное искусство Узбекистана, Т., 1960; Каримова Р., Хорезмский танец, Т., 1975; Каримова Р., Бухарский танец, Т., 1977; Фахретдинова Д. А., Декоративно-прикладное искусство Узбекистана, Т., 1972; Резьба и роспись по гончу и дереву, Т., 1962; Чепелевецкая Г. Л., Узбекистон сўзанаси, Т., 1961; Ремпель Л. И., Архитектурный орнамент Узбекистана, Т., 1961; Дервиз Г., Жадова Л., Жданко И., Митлянский Д., Современная керамика народных мастеров Средней Азии, М., 1974; Пугаченкова Г. А., Зодчества Центральной Азии. XV век, Т., 1976; Искусство зодчих Узбекистана, Т., 1969.

ХАЛҚ ИЖОДИ УЙИ — СССРда давлат маданият муассасаси, маданият саройлари ва уйлари, клублар, медпункт ва истироҳат боғлари ва ш. к. даги *бадиий ҳаваскорлик*нинг ташкилий-методик ва ижобий маркази. Республика маданият министрликлари, ўлка, обл. маданият бошқармалари идора қилади. Узбекистонда дастлабки Х. и. у. 30-йилларда ташкил топган. 1977 йили СССРда 180 га яқин жумладан ЎзССР да 13 Х. и. у. ишлади.

Х. и. у. бадиий ҳаваскорлик коллективларига репертуар тузиш, методик кўрсатма ҳамда консультациялар б-н кўмаклашади, халқ бадиий ижоди барча тур ва жанрларининг ривожланишига, профессионал ва ҳаваскорлик санъати ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатилишига ёрдам беради. Х. и. у. бадиий ҳаваскорлар томонидан халқ оғзаки ижоди асарларини танлаб ёзиб олиш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланишни ташкил этади; маданият ва санъат илмий тадқиқот муассасалари б-н биргаликда халқ ижодининг энг яхши анъаналарини сақлаб қолиш ва янада ривожлантиришга кўмаклашади, болалар ва ўсмирлар бадиий ҳаваскорлигини ривожлантиришга ёрдам беради. Х. и. у. маданият ходимлари малакасини ошириш курслари ташкил қилади, ҳаваскорлик санъати масалаларига оид семинар-кенгашлар, фестиваль, кўрик, кўргазма, театрлашган байрамлар ўтказади.

«ХАЛҚ КАПИТАЛИЗМИ» НАЗАРИЯСИ — капитализмни янги ижтимоий тузумга айлантириш мумкин, деган идеяга асосланган буржуа реформистик назарияларидан бири. 20-асрнинг 40-йилларида пайдо бўлди ва 50-йилларда буржуа идеологлари ва амалиётчилари ўртасида кенг тарқалди. Америка экономисти М. Надлер, италян экономисти М. Сальвадори, Ғарбий Германия экономисти ва давлат арбоби Л. Эрхард «Х. к.» н. нинг асосчиларидир; Америка капиталистлари — АҚШ Савдо палатасининг президенти Э. Жонсон, Нью-Йорк фонд биржасининг президенти К. Фанстон ва б. ҳам бу назарияни кенг тарғиб қилдилар. Буржуа идеологлари бу назариядан пролетариат синфий онгини чалғитиш, илмий социализмга қарши курашишда фойдаланади.

«Х. к.» н. «мулкчилик диффузияси», «бошқарувчилар революцияси» ва «даромадлардаги революция» каби қарашларни ўз нчига олади. Булар ҳозирги замон капитализми тараққиётидаги баъзи муҳим фикрларни акс эттиради, лекин уни ғайри табиий изоҳлайди. «Мулкчилик диффузияси» ҳақидаги тезисни А. Берли, Ж. Голбрейт (АҚШ) ва б. буржуа экономистлари пропаганда қилиб, улар ҳозирги замон капитализми шароитида корпорациялар фаолиятига маълум даражада таъсир ўтказадиган майда акционерлар тўхтовсиз кўпайиб бораётир, деб исботлашга уринмоқдалар. Уларнинг фикрича, акционерлар жамиятига барча кишилар — бойлар, камбағаллар, капитал эгалари ҳамда ишчилар аъзо бўлишлари ва акция сотиб олишлари мумкин. Шу орқали меҳнаткашлар ҳам капиталистлар б-н тенг ҳуқуқли бўлиб, корхоналарнинг ривожланиши ва меҳнат унумдорлигининг ўсишидан бевосита манфаатдор бўлар эмиш.

Ҳаёт буржуа экономистларининг бу уйдирма фикрларининг асоссизлигини исботлади. Айрим ишчилар тирикчилик ўтказиш учун озгина акция сотиб олиши мумкин, лекин у бу б-н капиталистга айланмайди. Чунки унинг қўлидаги акция жуда оз миқдорда бўлиб, бир йилда жуда кам фойда беради. Бундан ташқари, акцияси бор меҳнаткашлар озчиликни ташкил этгани ҳолда, улар капиталистик ишлаб чиқаришнинг боришига таъсир ўтказиш имконига эга эмас. Акционерлар жамиятига йирик капиталистлар эгалик қилиб, улар кенг меҳнаткашлар оммасини шафқатсиз эксплуатация этиш орқали кўплаб фойда оладилар.

«Х. к.» н. нинг муҳим таркибий қисми «бошқариш революцияси»дир. Унинг тарафдорлари (Ж. Бёрнхем, А. Берли ва б.) фикрича, акционерлар компанияларига капиталистлар эмас, балки бутун жамият манфаатини кўзлайдиган ёлланма бошқарувчилар — менеджерлар раҳбарлик қилаётган эмиш. Амалда эса, корхона бошқарувчилари капиталистларнинг ҳақиқий хизматкорлари бўлиб, уларнинг фаолияти ўз эгаларининг фойдасини кўпайтиришга қаратилган.

«Даромадлардаги революция» концепцияси асосида аҳоли айрим гуруҳлари ўртасида шахсий даромадларни тақсимлашнинг ўсишини ҳисоблаш ётади. Бу ғоя тарафдорлари (Америка экономисти С. Кузнец ва б.) капиталистик мамлакатларда меҳнаткашларнинг даромади анча ошди, деб даъво қилади. Ваҳоланки, капитализмга хос иқтисодий қонунларга амал қилган капиталистик жамиятда миллий даромадни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш фақат мулкдор синфларнинг манфаатини кўзда тутади. Америка прогрессив экономисти В. Перло «даромадлардаги революция» ҳақидаги уйдирмаларни рад этиб, капиталистик жамият учун ишчилар синфининг миллий даромаддаги ҳиссасининг камайиши хослигини асослади.

«Х. к.» н. тарафдорлари ва пропагандистлари капиталистик мамлакатларда жаҳон социалистик системасининг таъсири остида кучаяётган меҳнаткашларнинг синфий курашини ҳар хил йўллар б-н бўғишга, уларни чалғитишга ва капиталистик тузумни сақлаб қолишга ҳаракат қилмоқдалар.

Ад.: Ардаев Г., Вебер А., Новые эксперименты с «народным капитализмом», М., 1958; Панова М., «Народный капитализм» сегодня, М., 1970.

ХАЛҚ ҚИТОБЛАРИ, қиссалар — ривоят усулида наср ёки назмда ёзилган ишқий-фантастик ва тарихий-афсонавий қиссалар. Х. к. терминини 18- аср охири ва 19- аср бошларида илмий адабиётга немис адиби И. Гёррес киритган. Ўзбек адабиётшунослигида бу термин 20- асрнинг 40- йиллари (В. М. Жирмунский, Ҳ. Т. Зарифовнинг «Ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси», 1947) дан қўлланила бошлади ва халқ оғзаки ижодининг адабий жиҳатдан қайта ишланган намуналарини ифодалади. Х. к. қисса жанрида яратилади ва мазкур термин б-н юритиладиган кўпгина асарларнинг номи олдидан, одатда, «қисса», баъзан эса «китоб» сўзлари қўшилиб ёзилади. Мас., «Қиссаи шаҳзода Шоҳсанам ва Фариб», «Қиссаи Сайфулмулук», «Китоби Санобар» ва ҳ. к.

Ўзбек адабиётида Х. к. 16- асрлардан яратила бошлади. Бунга, биринчидан, темурийлар ва шайбонийларнинг халқ оммасини ўз ғояларига кўпроқ эргаштириш мақсадида халқ орасида мавжуд бўлган сюжетларни адабий жиҳатдан қайта ишлаб, ўз мафкураларига мослаштиришга уринганликлари сабаб бўлган бўлса, иккинчидан, айрим ижодкорларнинг халқ оғзаки ижодидаги муайян сюжетларни давр талабларига мослаб қайта ишлаганликлари ҳам сабаб бўлди.

Х. к. б-н уларнинг халқ оғзаки ижодидаги варианглари ўртасида фарқ бор: Х. к. да фольклор материали, одатда, ғоявий ва мафкуравий жиҳатдан қайта ишланади. Қисса сюжетининг халқ варианти эса у ёки бу шевада, халқ шеъриятининг ритмик хусусияти асосида: баъзан дўмбира жўрлигида ёки дўмбирасиз, эртак усулида айтилиб, ўз ичида кўп вариантлилик касб этади. Қиссалар эса мавжуд адабий тил нормалари ва классик шеъриятнинг ритмик қонуниятлари асосида бир вариант ёки версияда кенг чоп этилади ёки кўчириб тарқатилади (яна қ. *Халқ ижоди*).

ХАЛҚ КОМИССАРИ — СССРда 1917—46 йилларда *халқ комиссарлиги*нин бошқарган мансабдор шахс.

ХАЛҚ КОМИССАРЛАРИ СОВЕТИ (ХҚС) — 1946 йилгача СССР, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг ижро этувчи ва фармойиш берувчи олий органи. Биринчи ХҚС 1917 йил октябрда Бутун Россия Советларининг 2- съездида В. И. Ленин бошчилигида тузилган. 1918 йилдаги РСФСР Конституциясига кўра, РСФСР ХҚС деб аталган. ССР Иттифоқи ташкил этилгандан кейин 1923 йил июлда В. И. Ленин раислигида СССР ХҚС тузилган. 1924 йилдаги СССР Конституциясига мувофиқ, СССР ХҚС СССР МИҚ томонидан, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг ХҚС эса тегишли МИҚ лар томонидан ташкил этилган. 1936 йилдаги СССР Конституциясига кўра, СССР ХҚС *СССР Олий Совети*да, иттифоқдош ва автоном республикалар ХҚС иттифоқдош ва автоном республикалар Олий Советларида тузилган.

УзССР ХҚС 1925 йил 17 февралда республика Советларининг 1- съездида тузилган. Республика ХҚС фаолиятини белгилайдиган низом 1925 йил 1 ноябрда УзССР МИҚнинг Президиуми томонидан тасдиқланган.

СССР Олий Советининг 1946 йил 15 мартдаги қонунига биноан СССР ХҚС *СССР Министрлар Совети*га ва иттифоқдош, автоном республикаларнинг ХҚС — иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Министрлар Советига айлантирилди (қ. *Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети*).

ХАЛҚ КОМИССАРЛИГИ, Халқ комиссариати — Совет давлатида муайян тармоққа раҳбарлик қилган марказий бошқарув органи (1917—46). Дастлаб 1917 йил 26 октябр (8 ноябрь)даги Бутун Россия Советларининг 2- съезди қабул қилган «Халқ Комиссарлари Советини таъсис этиш тўғрисида»ги қарор асосида ташкил этилган. В. И. Ленин бошчилигидаги биринчи Совет ҳукумати — ХҚСга ҳарбий ва денгиз ишлари комитетларига раҳбарлик қиладиган халқ комиссарлари ҳамда 12 комиссия (савдо ва саноат, адлия, почта ва телеграфлар, меҳнат ва б.) раҳбарлари кирган.

1922 йилда ССР Иттифоқининг тузилиши б-н Х. к. системасида муҳим ўзгаришлар бўлди. 5 умумиттифоқ (иттифоқ бўйича ягона) Х. к.— ҳарбий ва денгиз, ташқи ишлар, ташқи савдо, алоқа йўллари, почта ва телеграф Халқ комиссарликлари; 5 бирлашган Х. к.— Халқ хўжалиги олий кенгаши, озиқ-овқат, меҳнат, молия, ишчи-деҳқон инспекцияси Халқ комиссарликлари тузилди. Бу система 1924 йилда қабул қилинган СССР Конституциясида белгиланган. Иттифоқдош республикаларда ҳам СССР нинг тегишли Х. к. б-н бир номдаги бирлашган ҳамда республика Х. к. тузилди. Жумладан ЎзССРда Ўзбекистон ССР Конституцияси (1927) га мувофиқ бирлашган Х. к. дан ташқари 6 та республика Х. к.: ички ишлар, адлия, маориф, соғлиқни сақлаш, ер қурилиши, социал таъминот Халқ комиссарликлари ташкил этилди.

1936 йилда СССР Конституциясининг қабул қилиниши б-н бирлашган Халқ комиссарликлари иттифоқ-республика Халқ комиссарликлари қилиб қайта тузилган. Х. к. системаси 8 умумиттифоқ ва 10 иттифоқ-республика Халқ комиссарликларидан иборат бўлган. Иттифоқдош ва автоном республикаларда СССР Х. к. б-н бир хил номланган иттифоқ-республика Х. к. ва республика Х. к. тузилган. ЎзССРдаги иттифоқ-республика Халқ комиссарликлари: озиқ-овқат саноати, енгил саноат, ўрмон саноати, ер ишлари, ғаллачилик ва чорвачилик совхозлари, молия, ички савдо, ички ишлар, адлия, соғлиқни сақлаш; республика Халқ комиссарликлари: маориф, маҳаллий саноат, коммунал хўжалик, социал таъминот.

1946 йил 15 март қонуни б-н СССР, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Халқ Комиссарлар Советлари Министрлар Советларига, Халқ комиссарликлари эса *министрлик*ларга айлантирилган.

ХАЛҚ КОНТРОЛИ — СССРда экономика, хўжалик ва маданий қурилиш соҳасида кенг халқ оммасининг назорат системаси. Совет давлат бошқарув аппаратлари, улардаги мансабдор шахслар, к-злар ва б. кооператив ҳамда жамоат ташкилотларидаги мансабдор шахслар ишларини назорат этади. Бу назорат давлат планларининг бажарилиши, меҳнат, моддий ресурслар ва пул маблағларининг тўғри ва тежаб-тергаб сарфланиши, бошқарув аппарати ишини такомиллаштириш ва арзонлаштириш, давлат интизоми ва қонунга риоя қилиниши устидан мунтазам текширув ўтказиш йўли б-н олиб борилади.

1961 йилдаги КПСС Программасига мувофиқ Х. к. *давлат контроли*ни жойлардаги жамоатчилик инспекцияларига қўшиш асосида ташкил топди, яъни унинг органлари фаолиятида давлат ва жамоат назорати уйғунлашиб кетди; унда штатли аппарат б-н бир қаторда халқ хўжалиги, фан ва маданият тармоқлари бўйича штатсиз бўлимлар, жамоатчилик асосида ишлайдиган доимий ва муваққат комиссиялар ҳам тузилади. Давлат интизомини бузувчиларга нисбатан жамоатчилик таъсири тадбирлари (огоҳлантириш, текшириш материалларини меҳнаткашлар коллективи, жамоат ташкилотлари йиғилишларида муҳокама қилиш ва б.) давлат таъсири тадбирлари (маъмурий жазо бериш, пул начёти қилиш, лавозимдан четлатиш ва б.) б-н қўшиб олиб борилади.

Х. к. органлари системасига СССР Халқ контроли комитети, иттифоқдош, автоном республикалар, ўлка, обл., автоном областлар, округ, шаҳар ва р-илар Х. к. комитетлари, халқ депутатлари қишлоқ ва посёлка Советлари ҳузуридаги, корхоналар, к-злар, муассасалар ва ҳарбий қисмлардаги Х. к. группалари ва постлари киради. СССР Халқ контроли комитети барча халқ контроли органларининг фаолиятини йўналтириб туради.

Х. к. ўзининг тузилиши, состави, фаолият формаси ва методлари жиҳатидан чуқур демократизмга асосланган. Мас., Х. к. группаси ва постлари аъзолари меҳнаткашлар коллективи йиғилишларида сайланади; уларнинг маҳаллий комитетлари эса тегишли халқ депутатлари Советларининг сессияларида тузилади. Х. к. органларига ишчилар, хизматчилар, к-зчилар, пенсионерлар, уй бекалари; коммунистлар ва партиясизлар; жамоат ташкилотлари — партия, касаба союзлари, комсомол ва б. ташкилотларнинг вакиллари сайланади. УзССРда 388 мингдан ортиқ халқ назоратчиларини ўз ичига олган 23606 Х. к. группалари ва 32412 Х. к. постлари ишламоқда (1978).

СССРда халқ контроли органлари тўғрисидаги низомни КПСС МҚ ва СССР Министрлар Совети 1968 йил 19 декабрдаги қарори б-н тасдиқлаган (СССР қарорлар тўплами, 1969, 1- сон).

ХАЛҚ ҚУЙЛАРИ — *халқ ижоди*га мансуб *қўшиқ* ва чолғу куйлари (яна қ. *Ашула*).

ХАЛҚ ҚУЙЛАРИНИ ҚАЙТА ИШЛАШ — профессионал музика (бастакор ва композиторлар) ижодиёти соҳаси, муайян жанр. *Аранжировка, гармонияла*шга қисман яқин, лекин услубан бирмунча мураккаб. Профессионал музика (айниқса, бир овозли музика ва *монодия* заминида) шаклланишида Х. к. қ. и. муҳим аҳамиятга эга; миллий музика услубларини ўзлаштиришда ижодий лаборатория вазифасини ўтайди. 18—19- асрларда И. *Гайдн*, Л. *Бетховен*, М. *Балакирев*, Н. *Римский-Корсаков*, П. *Чайковский*, А. Лядов, Н. *Лисенко* ва б., 20- асрда Б. *Барток*, З. Кодай, Л. Яначек, Б. Бриттен, *Комитас*, З. Палиашвили, С. *Прокофьев*, Н. Леонтович ва б. Х. к. қ. и. асосида ажойиб музика намуналарини яратганлар.

Ўтмиш ўзбек музика ижрочилиги ва ижодиётида анъанавий классик чолғу куйи ва ашулаларининг ҳам варианглари яратиш одат бўлган. Халқ ва бастакорлар ижодида ўнлаб вариантларга эга оммавий («Лайзонгул», «Омонёр» ва б.), йирик шаклли (*«Танавор»*, *«Мунажот»* ва ҳ. к.), мақом ва мақомсимон (*«Ушшоқ»*, *«Баёт»*, *«Дугоҳи Ҳусайний»* каби) асарлар мавжуд. Уларнинг кўплари Х. к. қ. и. нинг монодия заминидаги ўзгача намуналаридир. Баъзан бир жанр хусусиятлари бошқа жанрга ижодий пайванд қилинган (мас., мақом ва катта ашула элементларига асосланган «Еввойи Ушшоқ», «Еввойи Чоргоҳ» ва б.). Шунингдек, чолғу куйлар заминида («Эшвой» асосида «Гулзорим» каби) ашула йўллари, ўз ўрнида ашулалар заминида чолғу асарлар (мас., *сурнай* йўллари) пайдо бўлган.

Қомпозиторлар ижодида Х. к. қ. и. катта ўрин олиб, Ўзбекистонда *музикали драма, опера, балет, симфоник музика, кантата, оратория, камер музика* жанрлари ўзлаштирилишида муҳим омил бўлди. Муайян жанр сифатида Х. к. қ. и. ўзбек миллий услуби ва кўп овозли музика воситаларини узвий боғлашга эришилди. Лекин, бу соҳадаги дастлабки тажриба (19- аср охири—20- аср бошларида Н. Кленовский, Ф. *Лейсек*, Н. *Миронов*, Қ. Абдуллаев, З. Мақсудов ва б. яратган асар)ларда композиторлар ўзбек музика мероси хусусиятларини сингдиришолмади. 20—30- йилларда В. *Успенский* бошқа композиторлар каби оммавий қўшиқлар («Заркокил», «Чаманда гул» ва б.), «Фарҳод ва Ширин» музикали драмасида мураккаб ашула («Найларам», «Чоргоҳ» ва б.) ҳамда мақом йўлларини миллий тингловчиларга мўлжаллаб қайта ишлашда кўп овозли музика воситалари (айниқса, гармониялаш имкониятлари)дан чекланган ҳолда фойдаланган бўлса-да муҳим ижодий натижага эришди. Фақат 30- йилларнинг 2- ярмида А. *Козловский* «Танавор», «Узганча», «Фиғон» каби қўшиқларни овоз ва симфоник оркестр учун қайта ишлаб кўп овозли музика воситаларини кенг татбиқ қилди. Г. Мушель 1941 йили «55 ўзбек халқ қўшиғи» тўпламини яратди. Х. к. қ. и. да янги босқич 50- йилларда М. Бурҳоновнинг жўрсиз хорга мўлжалланган ўзбекча «Энди сандек», «Ганжи Қорабоғ», тожикча «Сари кўҳи баланд», уйғурча «Сайра», қорақалпоқча «Бибигул» каби қайта ишланган қўшиқлари б-н бошланди. Уларда монодия ва кўп овозли музика анъаналари узвий боғланган. 60—70- йилларда яратилган қозоқча «Айттим, салем қалемқас», эронча «Гўли гандум», «Дамкўл-Дамкўл», қорақалпоқча «Айралиқ», афғонча «Чашми сиёҳ» ва б. хорларда ҳам М. Бурҳонов юксак бадиий натижага эришган. Кейинги йилларда халқ қўйларига асосланган жўрсиз хорлар И. И. Акбаров, С. Бобоев, Б. Умиджоновлар ижодида ривожланди. Б. Надеждин, Т. Содиқов, А. Козловский, Б. Гиенко, М. Левиев, Д. Зокиров, С. Жалил ва б. композиторлар халқ қўйларини турли ижрочи (якка соз, якка соз ва фортепьяно, ансамбль ва оркестр) лар учун қайта ишлашган.

Ад.: Гафурбеков Т., Об обработках узбекского песенного фольклора, «История и современность» тўпламида, М., 1972; Гафурбеков Т., Обработки народных песен, «История узбекской советской музыки» китобида, т. 2 Т., 1973.

ХАЛҚ ЛАШКАРЛАРИ — уруш вақтида ҳарбий хизматда бўлмаган граждан аҳолидан (асосан кўнгиллилардан) ташкил топадиган ҳарбий тузилмалар; чет эл босқинчиларига қарши кураш учун кенг халқ оммасини жалб қилиш шаклларидан бири. Х. л. деярли ҳам-

ма халқлар тарихида жуда қадимдан маълум. Бир давлат бошқа бир давлатга ҳужум қилганида босқинчиликка учраган мамлакат халқи ўз Ватанини мудофаа қилиш учун қўлига қурол олган ва мунтазам қўшинлар б-н бир қаторда душманга қарши курашган. Х. л. кўнгилли ватанпарварлардан ташкил топганлиги б-н *партизанлар*га ўхшаб кетса-да, улар бир-биридан фарқ қилади; яъни партизанлар душман босиб олган терр-яда ҳаракат қилади, Х. л. эса душман босиб олмаган терр-яда тузилади.

Россияда Минин ва Пожарский бошчилигидаги Х. л. (17-асрнинг боши) поляк ва швед босқинчиларига қарши курашда катта роль ўйнади. 19-асрнинг бошида Россияда крепостной деҳқонлардан ва аҳолининг бошқа қуйи табақаларидан Х. л. тўпланиб, улар ҳаракатдаги армиянинг резерви вазифасини ўтади. *Ватан уруши* (1812) да бу Х. л. актив қатнашди. Улуғ Ватан уруши (1941—45) даврида Х. л. ҳаракати кенг ёйилди. Ҳарбий хизмат мажбуриятида бўлмаган минглаб кишилар Х. л. га кўнгилли бўлиб кирдилар. Кўпгина шаҳарларда коммунистик батальонлар тузилди. *Ленинград жанги* (1941—44), *Москва жанги* (1941—42), *Сталинград жанги* (1942—43) ва б. жангларда Х. л. нинг хизмати катта бўлди. 1941 йилнинг ўзида РСФСРдаги Х. л. 1 млн. га яқин кишини ташкил этди. Белоруссия ва Украинада тузилган Х. л. дан кадр қисмларни тўлдиришда фойдаланилди, баъзи бўлинмалар *партизанлик ҳаракати* олиб бориш учун душман орқасига ўтказилди. Мамлакат ичкарисидаги муҳим ҳарбий ва саноат объектларини қўриқлаш, душманнинг қўпорувчи, жосус группаларига қарши курашиш мақсадида ҳам кўнгиллилардан иборат отрядлар тузилди.

Улуғ Ватан уруши давридаги Х. л. социалистик Ватаннинг озодлиги ва мустақиллиги учун курашда чинакам ватанпарварлик намунаси бўлдилар.

ХАЛҚ МАОРИФИ — жамият ҳамда давлат манфаатлари талабларига мос равишда таълим-тарбия ишларини амалга оширувчи таълим-тарбия муассасалари ва тадбирлари системаси. Бир қанча мамлакатларда давлат ўқув-тарбия муассасалари б-н бирга хусусий ва диний ўқув-тарбия муассасалари ҳам мавжуд. Х. м. мактабгача тарбия муассасаларини, умумтаълим мактабларининг барча турларини, профессионал-техника, ўрта махсус ва олий ўқув юртларини, профессионал таълимни ва ходимлар малакасини оширишнинг турли шаклларини, мактабдан ташқи муассасаларни ўз ичига олади.

18-аср охири — 19-аср бошларигача том маънода Х. м. йўқ эди. Шунгача инсоният тарихида фақат қулдорлар, бойлар, амалдорлар ва феодалларгина билим олиш имтиёзига эга эдилар. Ҳунарманд ва майда савдогарлар болаларининг оз қисми эса цех мактаблари (ҳунармандлар томонидан ташкил қилинган), гильдия мактаблари (майда савдогарлар томонидан ташкил қилинган) ва шаҳар мактабларида бошланғич таълим олардилар; Ўрта Осиёда булар *эски мактаблар* эди. Асосий меҳнаткаш омма билим олиш ҳуқуқидан маҳрум эди. Капиталистик тараққиёт йўлига кирган мамлакатларда барча гражданларнинг билим олишини ташкил этиш бўйича давлат вазифаларини белгиловчи қонунлар чиқарилди. Аммо бу қонунлар табақали мактабдан синфий мактабга ўтилганлигини акс эттирди, холос. 19-асрда бир қанча капиталистик мамлакатларда умумий мажбурий бошланғич таълим тўғрисида қонунлар чиқарилди. Саноат, транспорт, алоқа ва хўжаликнинг бошқа ривожланаётган соҳалари учун ўқимишли ходимлар зарур бўлса-да, буржуа давлатида Х. м. нинг 2 системаси ташкил қилинди: бири мулкдор синфлар учун, иккинчиси меҳнаткашлар учун. Синфий жамиятда мактаб ҳам синфий бўлиб, унда барча болалар илм олиш имкониятига эга эмас.

Рев-ядан аввал Россияда маориф системаси ҳам синфий, ҳам табақавий характерга эга бўлган. Дворянлар учун аслзода йигит ва қизлар ин-тлари, руҳонийлар учун диний семинариялар ва б. диний мактаблар, буржуазия учун савдо мактаблари, реал билим юртлари ва гимназиялар мавжуд эди. Мактабларда ўқиш пуллик бўлганлиги учун фақат бадавлат кишиларгина билим олиш имкониятига эга эдилар. Маориф системаси озчиликни ташкил этган миллатларни эзиш ва камситиш принципи асосига қурилган эди. Рев-ягача Ўзбекистонда ҳам Х. м. энг қолоқ соҳалардан бири бўлган. *Мактаб* (хона), *мадраса, қорихоналар* асосий мактаб типлари ҳисобланган. Бу мактабларнинг асосий вазифаси аҳолига ислом дини ғояларини сингдириб бориш, уларни бойлар ва дин аҳлларига сўзсиз итоат этиш руҳида тарбиялашдан иборат бўлган. Синфий жамиятда олий ўқув юртларида таълим олиш пуллик ва студентларнинг ўқиши учун жараёнлар юқори бўлганлиги ўрта мактабда пулсиз мажбурий таълимнинг ижтимоий аҳамиятини кескин пасайтириб юборади. Буржуа жамиятида пролетариатнинг революцион ҳаракати ҳукмрон синфларнинг Х. м. соҳасидаги сиёсатини ўзгартиришга мажбур қилди ва меҳнаткашлар маорифини ривожлантириш бўйича чора-тадбирларни қўллаб-қувватлади. Маорифнинг ҳақиқий халқчил системаси социалистик ва коммунистик жамиятда намоён бўлади.

СССР ва б. социалистик мамлакатларда маорифнинг барча тур ва шаклларининг кенг ривожланиши, ягона мактаб принципларининг изчил амалга оширилиши, унинг барча босқичида таълим олишнинг бепуллиги, ҳар бир миллатнинг ўз она тилида ўқитилиши, мактабнинг черковдан ажратилиши, профессионал-техника билим юртлари, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари ўқувчиларининг давлат стипендиясини олиши таъминланади; маориф системаси барча аҳолининг ирқи, миллати, мулкий ва ижтимоий аҳволи, жинси, диний эътиқодидан қатъи назар юксак даражада маълумотли бўлишини кўзда тутади.

Барча мамлакатларда бошланғич (элементар) маълумот Х. м. системасининг асоси ҳисобланади. Бошланғич маълумот турли мамлакатларда турлича бўлиб, 3 йилдан 6 йилгача бўлади. Ўрта маълумот одатда мактабларда 6 йил ўқитиш б-н, СССРда эса, барча типдаги ўрта умумий таълим мактабларида, баъзи касбга ўргатиш б-н бирга умумий ўрта маълумот берувчи *профессионал-техника билим юртлари* ва *ўрта махсус ўқув юртларида* амалга оширилади.

Олий маълумотни ун-тлар, ин-тлар, олий мактаб ва билим юртлари, айрим колледжлар беради; ўқиш муддати 4—6 йил.

Бир қанча капиталистик мамлакатларда мактаблар черков, хайрия ташкилотлари ва хусусий шахсларга қарайди. СССР ва б. социалистик мамлакатларда ўқув юртлари асосан давлат ихтиёридадир (айримлари касаба союзлари, кооператив ва б. ташкилотларга қарайди).

Х. м. ни бошқаришнинг тарихан шаклланган бир қанча системаси мавжуд: марказлашган бошқариш, маҳаллий органлар томонидан бошқариш ва аралаш бошқариш. Марказлашган бошқаришда маориф ишлари б-н махсус министрлик ва жойлардаги органлар шуғулланади, давлат мактабга маблағ ажратади, мажбурий ўқув программалари, дарсликлар нашр этади, маълумоти тўғрисидаги ҳужжатни олиш учун ягона талабномаларни тасдиқлайди, ўқитувчилар тайёрлашга раҳбарлик қилади. Бундай система Франция, Италия, Бельгия, Латин Америкаси мамлакатларида қабул қилинган. Маҳаллий органлар томонидан бошқариладиган системада маорифга маҳаллий маъмурий органлар раҳбарлик қилади, мактабнинг аҳволи эса, кўпинча аҳолининг фаолиятига боғлиқ. Давлат фақат айрим ҳоллардагина маориф учун оз миқдорда маблағ ажратади. Бундай система Буюк Британия, Норвегия, Швецияда мавжуд. 20-асрнинг 60-йилларигача АҚШда ҳам шундай система мавжуд бўлган. 60-йиллардан марказлашган бошқаришга ўтила бошланди. Маорифни бошқаришнинг аралаш системаси (Ҳиндистон, Покистон ва б. давлатларда мавжуд)да вазифалар марказий ва маҳаллий ҳокимият органлари томонидан бўлиб олинади. Одатда марказий органлар умумий планлаштириш ҳамда назорат, шунингдек Х. м. нинг айрим звеноларига маблағ ажратиш б-н шуғулланади.

СССР ва б. социалистик мамлакатларда Х. м. демократик централизм асосида ҳукумат томонидан бошқарилади.

Х. м. нинг тузилиш принциплари, асосий вазифалари, унинг барча системасини такомиллаштириш йўллари ССР Иттифоқи ва иттифоқчи республикаларнинг Х. м. тўғрисидаги қонунларда белгиланган. УзССР Олий Советининг 8-чақириқ 7-сессияси (1974 йил, август)да қабул қилинган УзССРнинг Х. м. тўғрисидаги қонунида СССРда Х. м. нинг мақсади коммунистик жамиятнинг марксизм-ленинизм ғоялари руҳида, совет қонунлари ва социалистик ҳуқуқ тартиботини ҳурматлаш, меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш руҳида тарбияланган, хўжалик ва социал-маданий қурилишнинг турли соҳаларида муваффақиятли меҳнат қилишга, жамоат ва давлат фаолиятида актив қатнашишга лаёқатли ва жисмоний соғлом бўлган, социалистик Ватанни жонбозлик б-н ҳимоя қилишга ҳамда унинг моддий ва маънавий бойликларини сақлаш ва кўпайтиришга, табиатни асраш ва муҳофаза қилишга тайёр турган юксак даражада ўқимишли ва ҳар томонлама мукаммал актив қурувчиларини тайёрлашдан иборат, дейилган.

СССРда Х. м. совет кишиларининг маънавий ва интеллектуал эҳтиёжларини ривожлантиришни ва қондиришни таъминлашга қаратилган. СССРда Х. м. системаси мактабгача тарбия, умумий ўрта таълим, мактабдан ташқи тарбия, профессионал-техника таълими, ўрта махсус таълим, олий таълимни ўз ичига олади. Илмий-техника тараққиёти ҳамда илмий ахборотларнинг ўсиб бориши меҳнаткашларнинг умумтаълим, умумтехника ва махсус билимларини доимий равишда тўлдириб боришни тақозо этади. Шунинг учун СССР ва б. социалистик мамлакатларда *кечки таълим, сиртқи таълим, малака ошириш* ва меҳнаткашларнинг мустақил таълимининг турли шакллари кенг тараққий этган. 1976/77 ўқув йили бошида, хусусан УзССРда таълимнинг барча турларида 5 млн. 300 минг 700 киши ўқиди; 9498 умумтаълим мактаби (7339 таси кундузги), 108 ўрта профессионал-техника билим юрти, 189 ўрта махсус ўқув юрти, 42 олий ўқув юрти (3 ун-т) ишлади. Умумтаълим мактабларининг барча турларида 3 млн. 789,9 минг ўқувчи таълим олди. 8 йиллик мактабни 373,3 минг киши ва ўрта умумтаълим мактабларини 292,7 минг киши тугатди; булардан 47,6 минг киши кечки мактабларда ўрта маълумотга эга бўлдилар (1976). 1976/77 ўқув йили профессионал-техника билим юртлари, ўрта профессионал-техника билим юртлари ва ф-ка-з-д таълими мактабларида 143,8 минг ўқувчи, ўрта махсус ўқув юртларида 196,6 минг ўқувчи, олий ўқув юртларида 254,5 минг студент таълим олди. 1976 йили ўрта махсус ўқув юртларига 69,3 минг ўқувчи, жумладан 48,8 минг ўқувчи кундузги бўлимга, олий ўқув юртларига 50,9 минг студент, жумладан 30,9 минг студент кундузги бўлимга қабул қилинди. 1976 йили 89232 мутахассис халқ хўжалигига юборилди, улардан 38361 киши олий маълумотли, 50871 киши ўрта махсус маълумотлидир. 1976/77 ўқув йилида 916 мингга яқин киши корхона, муассаса, ташкилот ва к-зларда янги касбни эгалладилар ва ўз малакаларини оширдилар.

Х. м. тўғрисида яна «Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси»га бағишланган алоҳида жилдга, *Умумий таълим, Саводхонлик, Бошланғич мактаб, Саккиз йиллик мактаб, Ўрта умумий таълим мактаби, Профессионал-техника таълими, Ўрта махсус таълим, Олий таълим* мақолаларига қ.

Ад.: Маркс К., Энгельс Ф., О воспитании и образовании, М., 1957; Ленин В. И., О народном образовании. Статьи и речи, М., 1957; Ленин В. И., О воспитании и образовании 3 изд. М., 1973; Луначарский А. В., Ленин и народное образование. Сб. статей и выступлений, М., 1960; Народное образование в СССР, М., 1967; Ражабов С., Ўзбекистонда совет мактаби тарихига доир, Т. 1957; Бендриков К. Е., Очерки по истории народного образования в Туркестане (1865—1924), М., 1960; Кадыров Н. К., Очерки развития общеобразовательной школы Советского Узбекистана, Т., 1974; Ражабов С., Педагогика фани тараққиётининг баъзи масалалари, Т., 1977.

ХАЛҚ МАСЛАҲАТЧИЛАРИ — СССРда барча суд составига белгиланган тартибда сайланиб, судда жиноят ва гражданлик ишлари кўриладиган биринчи инстанцияда иштирок этувчи гражданлар. Х. м. нинг судда иштирок этиши ҳақидаги қоидалар Суд ҳақидаги декрет (1917 йил 22 ноябрь) асосида жорий этилган. ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Суд тузилиши ҳақидаги қонунлар асосларида (1958) ҳамма судларда биринчи инстанция бўйича кўриладиган ишлар судья ва икки халқ маслаҳатчиси иштирокида коллегиал равишда кўрилиши белгиланган. Сайлов ҳуқуқига эга бўлган ва 25 ёшга кирган барча совет гражданлари халқ маслаҳатчиси бўлиб сайланиши мумкин.

Район (шаҳар) халқ судларининг Х м. гражданлар ишлайдиган ёки истиқомат қила-

диган жойларда очиқ овоз бериш йўли б-н, ҳарбий трибуналларнинг Х. м. эса ҳарбий хизматчиларнинг йиғилишларида икки ярим йил муддатга сайланади. Бошқа судлар (обл., ўлка, автоном обл. ва автоном округ судлари, иттифоқдош ва автоном республикалар олий судлари, шунингдек СССР Олий суди) нинг Х. м. тегишли Советлар (обл., ўлка халқ депутатлари Советлари, автоном, иттифоқдош республикалар Олий Советлари, СССР Олий Совети) да 5 йил муддатга сайланади.

Х. м. судга бир йилда навбат б-н бир мартa 2 ҳафтагача чақирилади, аммо бу муддат суд процессининг чўзилиши б-н узайиши ҳам мумкин. Уларнинг иш ҳақлари асосий иш жойларида сақланади. Судда иш кўрилаётган вақтда Х. м. *халқ судьяси* б-н тенг ҳуқуққа эга. Суд муҳокамаси ва ҳукм чиқариш давриda юзага келадиган ҳамма масалалар кўпчилик овоз б-н қабул қилинади. Жиноят ва гражданлик ишлари кўрилаётганда Х. м. иштирок этиш қоидаларининг бузилиши чиқарилган ҳукм ёки қарорнинг бекор қилинишига сабаб бўлиши мумкин. Уларнинг судда иштирок этиши совет одил судининг демократик характерини ифодалайди.

Х. м. нинг судда иштирок этиш тартиби бошқа социалистик мамлакатларнинг суд тузилишида ҳам бор.

ХАЛҚ МЕДИЦИНАСИ, халқ табобати — даволаш воситалари, шифобахш ўтлар ва гигиеник малакалар ҳамда улардан соғлиқни сақлаш, касалликларни даволаш ва олдини олиш мақсадида фойдаланиш чора ва усуллари тўғрисида халқ тўплаган эмпирик маълумотлар мажмуи. Х. м. табобатнинг энг қадимги формаси бўлиб, унда даволаш усуллари илмий-назарий жиҳатдан асослаб берилмасада тажрибада исботланган ҳамда кўпгина касалликлар тўғри аниқланган ва даволанган.

Қадимда Х. м. *медицина*нинг ягона тури бўлган. Қишилар синган-чиққан суякларни даволаган, шифобахш ўсимликлардан фойдаланган, қуёш нури ва сувнинг соғлиққа фойдали эканлигини тушуниган. Қадимги дунё медицинасида, айниқса, Осиё ва Африка қитъасидаги мамлакатлар (Хитой, Ҳиндистон, Тибет, Ўрта Осиё, Эрон, Миср ва ҳ. к.) да Х. м. тажрибаларидан кенг фойдаланилган. Ҳар бир халқнинг Х. м. да қўлланиладиган даволаш усуллари ва дори-дармонлари шу мамлакатнинг табиий шароити, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда шу халқнинг анъана ва урф-одатларига боғлиқ. Мас., рус Х. м. да қадимдан бери эрман (иситмага қарши), қайин дарахти шираси (йирингли яраларни даволаш учун), йўсин (мох) ишлатиб келганлар. Мамлакатимизнинг шимолий районларида яшовчи халқлар совуқ уришига қарши чораларни (бет ва қўлларга айиқ мойи суркаш) топганлар. Хитойда қадим замонлардан бери мокса (доривор ўтларни тутатиб касал орган четидаги терини куйдириш), массаж ва игна санчиб даволаш усуллари ишлатилиб келинади. Ҳиндистон, Тибет ва мисрликлар табиий шароитлар (қуёш нури, ҳаво, сув) дан кенг фойдаланганлар, гигиена қоидаларига катта аҳамият берганлар. Узоқ Шарқ мамлакат халқлари жень-шень ўсимлигидан муваффақиятли фойдаланган ва фойдаланиб келмоқда. Х. м. нинг энг қадимий соҳаларидан ҳисобланган халқ гигиенаси қоидалари ҳозирги замон илмий гигиенасига асос бўлди. Гигиеник қоидалар қулдорлик жамиятидаёқ айрим давлатларда қонунлаштирилган эди. Бобилда «еттинчи кун» тўғрисидаги қонунда шу куни ишлаш ман этилган. Бу меҳнат ва дам олиш кунини тартиблаштиришга қаратилган гигиеник талаблардан бири эди. Қадимги Ҳиндистон адабий ёдгорликларида иқлим ва фаслларнинг соғлиққа таъсири, шахсий гигиена, жисмоний машғулотлар ва тўғри овқатланишнинг саломатликка фойдаси ҳақида талай маълумотлар топилган.

Х. м. да жамланган маълумотлар юнон ва Рим ҳакимлари *Гиппократ, Гален,* сўнгра *Розий, Беруний, Абу Али ибн Сино* ва б. асарларида акс эттирилган. Илмий медицина Х. м. да қўлланилган кўпгина даволаш усулларини ўзлаштирган ва шу кунга қадар улардан фойдаланмоқда (мас., игна санчиб даволаш — *акупунктура*). Шарқий Африка аҳолиси прогрессив фалаж касаллигини беморни иситмалатиш йўли б-н даволаган (захм б-н оғриган беморларни тропик безгак б-н касаллантириш мақсадида ботқоқлик жойларга юборишган). Марказий Африка халқи ўртасида *Кесарево сечение* методи азалдан муваффақиятли қўлланилган ва ҳ. к.

Ўзбекистонда ҳам Х. м. қадимдан ривожланган. Ўзбек халқ табобатида ҳам рационал ва эмпирик тажрибага асосланган содда чора ва усуллар қўлланган. Турли доривор ўсимликлар (амирборис, ялпиз, итузум ва б.), ҳайвон маҳсулотлари (жигар, айиқ мойи, бўрсиқ мойи) ва минерал моддалардан тайёрланган дори-дармонлар б-н бирга, даволаш ишларида табиий омиллардан (сув, ҳаво, қуёш нури ва б.) кенг фойдаланилган. Ўзбек Х. м. да парҳез сақлаш, қустириш, ич суриш, терлатиш, қон олиш, ҳаммомга тушиш, массаж, офтобда қизиган қум, тупроқ, балчиқ ва тузга тушиш, ялпизга тушиш ёхуд ҳар хил ўтлар ивитилган сувдан ванна қилиш, терини куйдириб доғлаш каби талай усуллар ёрдамида касалликларни даволаганлар. Х. м. да ишлатилган дорилар хабб (пилюля, таблетка), талқон, қиём, ивитма, қайнатма, қатра (томчи), малҳам, маъжун (дорини юмшоқ бўтқасимон тайёрланган хили) формаларида тайёрланган. Х. м. вакиллари айрим касалликларни даволаш бўйича ихтисослашган: мас., қон олувчи ва зулук солувчи, чиққан-синганларни даволовчи, доялар, силоқчилар, жарроҳ (хирург), наббоз (пульсолог) ва б. Ўзбек Х. м. да даволаш мақсадида, асосан, туркана дорилар қўлланилган. Ришта касаллигини даволайдиган мутахассислар ҳам бўлган. Ўзбек халқ табобатида баъзи юқумли касалликлардан сақланиш йўллари маълум бўлган. Мас., мохов касаллигига йўлиққан кишилар бошқалардан узоқлаштирилган (моховхоналар). Х. м. да ишлатилган айрим дори-дармонлар (олтингугурт, эфир мойлари, аччиқтош, ровоч, кўкнори, кучала ва б.) ҳозир ҳам ўз кучини йўқотгани йўқ.

Х. м. нинг кўпгина рационал усул ва чораларидан ташқари, талайгина хурофий, мистикага асосланган томонлари ҳам бор. Булар келиб чиқиш жиҳатидан инсон дунёқараши тараққиётининг маълум босқичларига хос бўлиб, илоҳий кучларга ишониш ва сиғиниш даври тушунчалари б-н боғлиқ. Улардан, асосан, руҳонийлар, баъзи фирибгарлар фойдаланганлар.

Х. м. ўз даврида маълум ижобий роль ўйнаган. Тарихий жиҳатдан олганда ҳозирги замон илмий медицинаси узоқ ўтмишда шу халқ табобати, яъни халқ тажрибаси асосида ривожланиб такомиллашган.

Ад.: Ибн Сино. Тиб қонунлари, Т., 1954—1963; Асқаров А. А., Медицина, табиблик ва диний хурофотлар, Т., 1961; Арзуметов Ю. С., Материалы к изучению истории медицины Узбекистана «Вопросы организации здравоохранения и истории медицины Узбекистана» тўпламида, Т., 1968; Базанов В. А., Народная медицина, М., 1974; Холматов Х. Х., Ўзбекистоннинг шифобахш ўсимликлари, Т., 1976; Кадыров А. А., Об узбекской народной медицине, сборник ТашГосМИ, 1961, т. XX.

ХАЛҚ МУЗЕЙЛАРИ — СССРда халқ оммаси ташаббуси б-н очилиб, жамоатчилик асосида ишлайдиган маданий-оқартув муассасалари. Х. м. ҳақидаги низом СССР Маданият министрлиги томонидан 1965 йили тасдиқланган. Х. м. моддий ва маънавий маданият ёдгорликлари, шунингдек табиият тарихи ёдгорликларини йиғиш, сақлаш, ўрганиш ва кўргазма қилиш б-н шуғулланади. Улкашунослик, тарих, мемориал, адабий-бадиий, техника музейи каби турлари бор. Саноат корхоналари, к-з, с-з, қишлоқ советлари, мактаблар ва б. муассасаларда халқ депутатлари маҳаллий Совети ижроия комитети қарори б-н ташкил этилиб, обл. (ўлка) маданият бошқармаларида, айримлари Маданият министрлигида қайд этилади. Х. м. га методик жиҳатдан шу соҳа бўйича уларга яқин давлат музейлари раҳбарлик қилади. СССРда 3 мингга яқин, жумладан Ўзбекистонда 160 дан зиёд Х. м. бор (1977). Тошкентдаги Октябрь рев-яси номидаги Тепловоз-вагон ремонти з-ди, «Ташсельмаш» з-ди, Тошкент ва Фарғона тўқимачилик комбинатлари, Бухоро қоракўл з-дидаги Меҳнат шон-шуҳрати музейлари, Бухоро р-нидаги «Янги турмуш», Тошкент обл. Янгийўл р-нидаги Ҳ. Турсунқулов, «Ленинизм» (СССР Халқ Хўжалиги Ютуқлари кўргазмасининг I- даражали дипломи б-н тақдирланган), Хоразм обл. Боғот р-нидаги Наримонов номли к-зларда ташкил қилинган музейлар ЎзССРдаги энг намунали Х. м. дир.

ХАЛҚ РЕВОЛЮЦИЯСИ — кенг халқ оммаси амалга оширадиган рев-я. Унда халқ оммаси ўзининг иқтисодий ва сиёсий талаблари б-н актив иштирок этади. Х. р. турли ижтимоий-иқтисодий мазмунга эга бўлиши мумкин. В. И. Ленин 20- асрдаги уч буржуа рев-ясини: Португалия, Туркия, рус рев-яларини таққослаб, олдинги икки рев-я ҳақида «...униси ҳам, буниси ҳам, «халқ» революцияси эмас...» (Тўла асарлар тўплами, 33- том, 45- бет), Россияда 1905—07 йиллардаги рев-я «...шубҳасиз, «чинакам халқ» революцияси эди, чунки унда халқ оммаси, унинг кўпчилиги, зулм ва эксплуатация остида эзилган энг катта ижтимоий «қуйи табақалар» мустақил равишда бош кўтариб чиқди, бутун революция жараёнига ўз талабларининг, емириладиган эски жамият ўрнига ўзларича янги жамият қуриш йўлидаги ўз интилишларининг таъсирларини ўтказди» (ўша жойда), деб ёзган эди. 20- асрдаги халқ рев-яларига 1920- йилларда Бухоро ва Хивада бўлган рев-ялар (қ. *Бухоро инқилоби, Хива инқилоби),* 40- йилларда Европа ва Осиё мамлакатларида бўлиб ўтган халқ демократик рев-ялари (қ. *Халқ демократик революцияси),* 1959 йилдаги Куба рев-яси ҳамда миллий озодлик рев-ялари киради.

Ишчилар синфининг бутун меҳнаткашлар б-н биргаликда амалга ошираётган халқ рев-ялари моҳият-эътибори б-н *социалистик революция*лардир.

ХАЛҚ СУДИ — СССРда р-н ёки шаҳар (р-нларга бўлинмаган шаҳарларда) терр-ялардаги биринчи суд инстанцияси. Социалистик демократик принципларга, халқ оммасининг актив иштирокига асосланади. Қонунга кўра, бошқа судлар компетенциясига киradиган (қ. *Судловлилик*) ва айрим маъмурий ҳуқуқ бузишлар тўғрисидаги ишлардан ташқари, муайян терр-яда юз берган барча жиноий ва граждaнлик ишларини кўради. Булардан ташқари гражданларнинг халқ депутатлари Советларига сайловларда сайловчилар рўйхатига нотўғри киритилганлиги ёки ундан тушиб қолганлиги тўғрисидаги шикоятларини кўриш ҳам Х. с. га юклатилган.

Х. с. 1917 йил 22 ноябрдаги Суд ҳақидаги декретга кўра ташкил этилган. 1977 йилдаги СССР Конституциясида Х. с. нинг тузилиши ва фаолиятидаги демократик принциплар ифодаланган. Х. с. нинг сайланишлиги, сайловчиларга ҳисоб бериб туриши, коллегиал (*халқ судьяси* ва икки халқ маслаҳатчиси иштирокида) равишда иш кўриши, одил судловни амалга оширишда суднинг мустақиллиги ва фақат қонунга бўйсуниши, судлов ишларининг қайси тилда олиб борилиши чекланмаганлиги шулар жумласидандир.

Гражданлик ишлари бўйича чиқарилган ҳал қилув қарорлари ва ажримлар, шунингдек мулк б-н боғлиқ ҳукмлар ижросини Х. с. қошидаги *суд ижрочиси* амалга оширади.

Социалистик мулк, гражданларнинг шахсий мулки, СССР гражданларининг сиёсий, меҳнат, турар жой ва б. шахсий ҳамда мулкий ҳуқуқларини, шунингдек, давлат, к-з ва жамоат ташкилотларининг мулкий ҳуқуқларини ҳимоя қилишда Х. с. нинг роли жуда катта (яна қ. *Суд*).

ХАЛҚ СУДЬЯСИ — СССРда *халқ суди* составидаги судья. Р-н (шаҳар) аҳолиси томонидан умумий, тенг ва тўппа-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида, яширин овоз бериш йўли б-н 5 йил муддатга сайланади. Сайлов ҳуқуқига эга бўлган, 25 ёшли ҳар бир совет граждани Х. с. лигига сайланиши мумкин. Х. с. сайловчилар олдида жавобгардир, уларга ҳисоб беради ва қонунда белгиланган тартибда улар томонидан чақириб олиниши мумкин. Агар р-н ёки шаҳарда (р-нларга бўлинмаган шаҳарда) бир нечта судьялар сайланган бўлса, тегишли халқ депутатлари Совети улардан бирини суд раиси (катта судья) қилиб тайинлайди. Суд раиси суд ишларига умумий раҳбарлик қилади.

Х. с. ва *халқ маслаҳатчилари*дан ташкил топган халқ судига жиноий ва гражданлик ишларини кўриш ҳамда кўрилган ишлар юзасидан қарор қабул қилиш ҳуқуқи берилган. Ишни кўришда Х. с. суд мажлисига раислик қилади. Судга тегишли маъмурий қилмишлар ёлғиз Х. с. томонидан кўрилади. Х. с. га жиноят содир бўлганлиги тўғрисида судга берилган шикоят ёки аризага мувофиқ жиноят иши қўзғатиш ҳуқуқи ҳам берилган.

Х. с. фақат тегишли республика Олий Совети Президиумининг рухсати б-н жиноий жавобгарликка тортилиши, мансабидан четлатилиши ёки қамоққа олиниши мумкин. Хизмат юзасидан қилинадиган жиноятлар учун Х. с. белгиланган тартибда *интизомий жавобгарлик*ка тортилади.

ХАЛҚ ТЕАТРИ — СССРда театр ҳаваскорлигининг олий шакли, унинг тараққиётидаги янги ва юқори босқич; ижодий баркамол, энг

яхши ҳаваскорлар коллективига бериладиган унвон. Х. т. барқарор труппа, репертуарга ва спектакль қўйиш ҳамда ўқув-педагогик ишлар учун зарур имкониятларга эга драматик ва музикали (опера, балет, музикали драма, комедия) ҳаваскор коллективлар асосида тузилади. Давлат тармоғида биринчи Х. т. 1959 йилда, профсоюз тармоғида 1961 йилда ташкил қилинган. Драматик Х. т. ни реж. ва рассом (постановка бўлими раҳбари), музикали Х. т. ни дирижёр, хормейстер, балет Х. т. ни балетмейстер бошқаради. Улар маош олиб ишлайди. Актёрлар ва б. қатнашувчилар (ёритувчи, декоратор ва ҳ. к.) эса жамоатчилик асосида ишлайдилар. Х. т. да кўпинча студия бўлади. Ҳозир (1978) СССРда 2,5 мингга яқин, Ўзбекистонда 52 та Х. т. мавжуд. Халқ оғзаки ижоди б-н боғлиқ Х. т. ҳақида *Халқ ижоди* мақоласига қ.

Ад.: Воспитание актёра. Материалы лаборатории режиссеров народных театров при ВТО, вып. 1—2, М., 1964—1972; Народные театры страны, (Сб. ст.), М., 1968; К и м Н., Халқ театри, Т., 1972.

ХАЛҚ УНИВЕРСИТЕТЛАРИ — СССРда меҳнаткашларнинг мустақил таълим олиши, маданий тараққиёти ва профессионал малакасини оширишга имкон берадиган ва жамоатчилик йўли б-н тузилган ўқув ташкилотлари. Октябрь рев-яси (1917) дан сўнг умумий таълим ва маданий-оқартув ишларининг шакли сифатида пайдо бўлган. 50-йиллар охиридан, яъни ривожланган социалистик жамият, илмий-техника рев-яси ва маданий тараққиёт шароитида Х. у. янги асосда тузила бошланди: Маданият ун-тлари янги типдаги биринчи Х у. эди. КПСС Программаси (1961) да Х. у. системасини янада ривожлантириш зарурлиги қайд этилди. Турли ихтисосликдаги Х. у. нинг мақсад ва вазифалари КПСС МК нинг «Халқ университетларининг ишларини яхшилаш тўғрисида»ги қарори (1968 йил 8 октябрь) да белгилаб берилди. Дастлабки Х. у. УзССРда 1958 йили ташкил этилди; 1977 йили СССРда 40 мингга яқин Х. у. ишлади, уларда 10 млн. дан ортиқ киши таълим олди, 510 мингдан ортиқ олим ва мутахассис дарс берди. Жумладан, УзССР даги 2 минг Х. у. да 230 мингдан ортиқ киши таълим олди, 18 мингдан ортиқ олим ва мутахассислар дарс берди. Х. у. да ўқиш бепул бўлиб, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда олиб борилади. Х. у. нинг машғулотлари мактаб, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, клуб муассасаларида, корхона, к-з, с-зларнинг ишлаб чиқариш биноларида ўтказилади. Бутуниттифоқ «Билим» жамияти, ВЦСПС, комсомол ҳамда маориф, маданият, олий ва ўрта махсус таълим, соғлиқни сақлаш министрликлари, ижодий союзлар Х. у. ни уюштирувчилар ҳисобланади. Иттифоқдош республикалар ҳамда унинг маъмурий марказларида, жумладан УзССРда Х. у. га раҳбарлик қилувчи жамоатчилик кенгашлари мавжуд. Иттифоқ миқёсида Х. у. ниш учун масъул ташкилотлар фаолиятига Х. у. нинг 1968 йил тузилган Марказий кенгаши умумий раҳбарлик қилади. Унинг таркибида 119 та машҳур олим, жамоат ва давлат арбоблари бор.

Ад.: Дубровина Л. В,. Народные университеты, М., 1963.

ХАЛҚ ФРОНТИ — қатор мамлакатларда оммани фашизм ва урушга қарши, демократия, социал тараққиёт ва миллий мустақиллик, шунингдек меҳнаткашларнинг энг муҳим иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида тузилган ва кенг халқ оммаси (ишчилар синфи, деҳқонлар, шаҳар ўрта табақалари, тараққийпарвар зиёлилар)ни ўз атрофига жипслаштирган ташкилотлар шакли. Х. ф. нинг асосий ядросини Коммунистик партиялар раҳбарлигидаги ишчилар синфи ташкил қилиб, атрофига демократик снёсий партияларни, касаба союзларини, кооператив ташкилотлари ва б. ни бирлаштиради. Шароитга қараб Х. ф. фаолиятининг мазмуни ва шакли турлича бўлади. Францияда Х. ф. ғояси дастлаб 1934 йилги фашистик тўнтаришга уринишдан кейин амалга оша бошлади. 1935 йили Х. ф. коммунистик партия, социалистик партия ва б. ташкилотлар ташаббуси б-н ташкил топди. Шу йили Х. ф. Испания ва Чилида ҳам вужудга кела бошлади.

Иккинчи жаҳон уруши йиллари (1939—45) да гитлерчиларга қарши олиб борилган қуролли кураш миллий фронт (миллий озодлик фронти) характерига эга бўлди. Мас., Югославияда Миллий озодлик антифашистик фронт (1941), Болгарияда Ватан фронти (1942), Руминияда Миллий-демократик фронт (1944), Венгрияда Миллий озодлик фронти (1944), Чехословакияда Миллий фронт (1945), Францияда Миллий фронт (1941), Италияда Миллий озодлик комитети (1943) юзага келди.

Иккинчи жаҳон уруши ва ундан кейин Миллий фронтлар Марказий, Жануби-Шарқий Европа ва Осиё мамлакатларида (Албания, Болгария, Венгрия, ГДР, Руминия, Польша, Чехословакия, Югославия, Хитой, ҚХДР, ВДР) халқ демократик ва социалистик рев-яларининг ғалаба қозонишида муҳим роль ўйнади. Латин Америкаси мамлакатларида (Боливия, Венесуэла, Гаити, Мексика, Уругвай, Чили ва б.) 50—60-йилларда чет эл монополияси зўравонлиги ва ички реакцияга қарши, ижтимоий қайта қуришлар ва снёсий ҳаётни демократлаштириш учун Миллий фронт типидаги ташкилотлар тузилди. 1969 йили Чилида коммунистик ва социалистик партиялар, шунингдек бошқа снёсий партия ва ташкилотлар иштирокида Халқ бирлиги блоки тузилди; 1970 йилги президентликка бўлган сайловларда Халқ бирлиги блоки ғалаба қозониб ҳокимият тепасига келди. Чилида Халқ бирлиги блокининг фаолияти, 1973 йил сентябрдаги ҳарбий фитна натижасида ҳокимият тепасига келган реакцион кучларга қарши курашда фойдаланиш учун халқ оммасини қимматли снёсий тажриба б-н бойитди. Халқаро коммунистик ва ишчи партияларининг 1957, 1960, 1969 йиллардаги Москва кенгашлари ишлаб чиққан муҳим программ-ҳужжатларда Х. ф. ни қайта тиклаш ва мустаҳкамлаш йўли б-н капиталистик мамлакатларда меҳнаткаш омма манфаатларини ҳимоя қилиш; мустамлака мамлакатларда миллий озодлик ҳаракати ғалабасини таъминлаш учун курашни кучайтириш; миллий-мустақилликни қўлга киритган мамлакатларда неоколониализмга қарши кураш ва мамлакат ички ҳаётида демократик ўзгаришларни амалга оширилиши кераклиги кўрсатилган.

Ад.: Ленин В. И., Замечания к тезисам о едином фронте, Полн. собр. соч., т. 44; Программные документы борьбы за мир, демократию и социализм, М., 1961; Международное Совещание коммунистических и рабочих партий. Документы и материалы, М., 1969., Димитров Г. М., Наступление фашизма и задачи Коммунистического Интернационала в борьбе за единство рабочего класса против фашизма, М., 1958; Международное коммунистическое движение. Очерк стратегии и тактики. [Учеб. пособие], 3 изд., М., 1974.

ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ — муайян мамлакатда меҳнат тақсимоти б-н ўзаро боғланган ишлаб чиқариш тармоқлари комплекси (йиғиндиси). Х. х. ижтимоий маҳсулот яратадиган моддий ишлаб чиқариш миқёсидаги тармоқлардан (қ. *Ишлаб чиқариш*) ва ишлаб чиқаришдан ташқари тармоқлардан, яъни моддий ишлаб чиқаришдан ташқари характердаги хизматлардан иборат. Моддий ишлаб чиқариш, ўз навбатида, ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқарадиган тармоқларга ва истеъмол предметлари ишлаб чиқарадиган тармоқларга бўлинади (қ. *Такрор ишлаб чиқариш*).

Х. х. нинг социал-иқтисодий табиати, унинг структураси ва тараққиёт суръатлари муайян жамиятда ҳукм сурган ишлаб чиқариш муносабатлари характери б-н белгиланади.

Х. х. умуман олганда дастлаб капитализмда миллий давлатлар ташкил бўлиш жараёнида, ишлаб чиқарувчи кучлар тараққиёти, ижтимоий меҳнат тақсимоти чуқурлашуви, ишлаб чиқариш тармоқларининг ихтисослашуви, миллий бозор ва йирик машиналашган ишлаб чиқаришнинг вужудга келиши натижасида шаклланди. Капитализмда Х. х. ишлаб чиқариш воситаларига хусусий мулкликка, ёлланма меҳнатни эксплуатация қилишга асосланади ва капитализмнинг иқтисодий қонунларига мувофиқ тараққий этади ва капиталистик ишлаб чиқаришнинг асосий мақсади — *фойда* кетидан қувишга интилади. Бунда асосий бойлик жамиятнинг нисбатан оз қисми — йирик капиталистлар қўлида тўпланади. Буржуа давлатининг экономикага аралашувининг кучайиши капиталистик мамлакатлар Х. х. даги антагонистик қарама-қаршиликларни, вақт-вақти б-н бўлиб турадиган кризисларни, валюта тебранишларини, инфляцияни, ишсизликни бартараф этишга қодир эмас.

Социализмда Х. х. ишлаб чиқариш воситаларининг ижтимоий мулклигига, меҳнатга бўлган ҳуқуқнинг реал амалга ошишига ва меҳнатнинг умумийлигига асосланади. Социалистик Х. х. социализмнинг иқтисодий қонунларига асосланиб планли ва юқори суръатларда, «...жамиятнинг барча аъзоларининг тўла фаровонлиги ва ҳар томонлама эркин ривожланишини таъмин этиш» (Ленин В. И., Тўла тавланган асарлар, 6-том, 267-бет) мақсадида ривожланади. Социалистик Х. х. нинг энг муҳим хусусияти — бошқаришда марказлашган бошқаришни ишлаб чиқариш коллективлари, маҳаллий ташкилотлар ва барча меҳнаткашларнинг актив қатнашиши б-н қўшиб олиб боришдан иборат.

СССРда барча иттифоқчи республикалар Х. х. ягона, ўзаро боғланган иқтисодий комплекс сифатида шаклланиб ва ривожланиб, социалистик ижтимоий меҳнат тақсимоти асосида айрим республика ва бутун мамлакат иқтисодий манфаатларини мужассамлаштиради.

Марказий статистика бошқармаси қабул қилган классификацияга мувофиқ, СССР Х. х. моддий ишлаб чиқариш соҳасидаги тармоқлар — саноат, қурилиш, қ. х., ўрмон хўжалиги, юк транспорти, алоқа (моддий ишлаб чиқариш корхоналарига хизмат қилиш бўйича), савдо, умумий овқатланиш, моддий-техника таъминоти, қ. х. маҳсулотлари тайёрлашни; ишлаб чиқаришдан ташқари соҳалардаги тармоқлар — пассажир транспорти, алоқа (ишлаб чиқаришга кирмайдиган муассасалар ва аҳолига хизмат қилиш бўйича, турар жой хўжалиги, коммунал хўжалик ва маиший хизмат, соғлиқни сақлаш, физкультура, социал таъминот, халқ маорифи, фан ва фанга хизмат қилиш, санъат, молия, кредит, страхование, бошқаришни ўз ичига олади. СССРда социалистик қурилиш борасида Х. х. масштаби мисли кўрилмаган даражада ўсди, кўп тармоқли индустрия, йирик қ. х., илғор фан унинг асоси бўлиб қолди. 1976 йилда СССРда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 1913 йилга нисбатан 137 марта, ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқариш («А» группаси) 328 марта, истеъмол предметлари ишлаб чиқариш («Б» группаси) 43 марта ўсди. СССР Х. х. ишлаб чиқариш ҳажми бўйича саноатнинг кўп тармоқлари олдинги ўринни эгаллайди, бир неча муҳим саноат турлари (кўмир, чўян, пўлат, темир рудаси, кокс, цемент, тракторлар, тепловозлар, магистрал электровозлар ва б.) ишлаб чиқариш бўйича дунёда биринчи ўринда туради (1976). Х. х. да кўплаб янги тармоқлар вужудга келди, улар Х. х. га катта фойда келтирмоқда.

10-беш йилликда (1976—80) СССР Х. х. да йирик ўзгаришлар амалга оширилмоқда. КПСС 25-съездида кўрсатилишича, «ўнинчи беш йилликнинг асосий вазифаси — коммунистик партиянинг халқ турмушининг моддий ва маданий даражасини юксалтиришга қаратилган йўлини ижтимоий ишлаб чиқаришни мутгасил ва пропорционал ривожлантириш ҳамда унинг самарадорлигини ошириш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, халқ хўжалигининг барча бўғинларида иш сифатини бутун чоралар б-н яхшилаш асосида изчиллик б-н амалга оширишдан иборат» (КПСС 25-съездининг материаллари, Т., 1976, 223-бет).

Ўзбекистон Х. х. да 10-беш йилликда катта ўзгаришлар юз беради. Ялпи ижтимоий маҳсулот 31,6% ўсади, яъни 34,1 млрд. сўмни ташкил этади. Миллий даромад 16,01 млрд. сўмга етади ёки 31,7% га ошади. Республика Х. х. ни ривожлантиришга 23 млрд. сўмдан зиёд капитал маблағ ажратилади. Саноат ишлаб чиқаришининг ҳажми 36,6% ўсади, шу жумладан ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқариш («А» группаси) 32,6%, истеъмол буюмларини («Б» группаси) ишлаб чиқариш 47,6% ошади. Бунда фан-техника тараққиётини ҳамда Х. х. барча тармоқларининг муваффақиятли ривожланишини белгилаб берадиган тармоқларни ривожлантиришнинг жадал суръатлари сақлаб қолинади. Х. х. ҳамма тармоқлари структурасида жиддий силжишлар содир бўлади. Қ. х. ялпи маҳсулотнинг ўртача йиллик ҳажми 22% кўпаяди. 1980 йилга бориб пахта етиштириш 5,8 млн. тоннага етказилади.

Социалистик мамлакатлар Х. х. ўзаро бирбирлари б-н иқтисодий боғланиб, жаҳон социалистик системасини ташкил этади. Айниқса Ўзаро иқтисодий ёрдам кенгашига аъзо мамлакатлар ўртасида халқаро социалистик меҳнат тақсимоти асосида мустаҳкам иқтисодий ва илмий-техник алоқа шаклланди ва тараққий этмоқда, бу социалистик интеграциянинг объектив процессини ифодалайди (қ. *Иқтисодий интеграция*).

Икки системанинг тинч-тотув яшашининг ленинча снёсати СССР ва б. социалистик мам-

лакатларнинг капиталистик системадаги мамлакатлар б-н мустаҳкам ва узоқ муддатли иқтисодий алоқа қилиш зарурлигидан келиб чиқадики, бу планетамизда мустаҳкам ва узоқ муддатли тинчликка гарантия бўлиши керак. Халқаро иқтисодий ҳамкорлик Совет Иттифоқи ва социалистик ҳамкорликдаги мамлакатларга социалистик меҳнат тақсимоти ва жаҳон меҳнат тақсимоти миқёсида ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва кооперативлаштиришдан иқтисодий фойдаланишга, хўжалик оборотига янги табиий ресурсларни тезроқ жалб қилишга, ўз мамлакати Х. х. тараққиётини тезлатишга имкон беради.

Ад.: Маркс К., Капитал, 2-т., Т., 1958; Ленин В. И., Россияда капитализмнинг тараққийси, Тўла асарлар тўплами, 3-т.; КПСС Программаси, Т., 1970; КПСС XXV съездининг материаллари, Т., 1976; История народного хозяйства СССР, [Учеб. пособие], 2 изд., М., 1964; Развитие народного хозяйства СССР, [Учеб. пособие], М., 1969; Вопросы истории народного хозяйства, Сб., статей, Т., 1973.

ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ БАЛАНСИ, СССР халқ хўжалиги баланси — ижтимоий такрор ишлаб чиқариш жараёнини ифодалайдиган энг умумий ва асосий иқтисодий кўрсаткичлар системаси. СССР Х. х. б. социалистик такрор ишлаб чиқаришнинг аниқ натижаларини, ички иқтисодий алоқаларнинг ҳолати ва ривожини, тармоқлараро, территориал ва халқ хўжалик пропорцияларини, такрор ишлаб чиқаришнинг ҳажми ва суръатини илмий анализ қилишда асосий восита ҳисобланади. Бу баланс халқ хўжалиги тараққиётининг узоқ муддатга ва бир йилга мўлжалланган давлат планларини тузишда асосий усул, илмий планлаштиришда муҳим қўлланма бўлиб хизмат қилади. СССР Х. х. б. нинг асосий ва муҳим кўрсаткичлари халқ хўжалиги планида умумий иқтисодий бўлим шаклида келтирилади.

СССР халқ хўжалигининг йиллик ҳисобот балансини мунтазам равишда СССР Марказий статистика бошқармаси тузади.

СССР Х. х. б. ни тузишда социалистик такрор ишлаб чиқариш назарияси илмий асос ҳисобланади. К. Маркс, Ф. Энгельс ва В. И. Ленин томонидан яратилиб, тараққий эттирилган бу назария социалистик қурилиш жараёнида янада ривож топди. У СССР ва б. социалистик мамлакатларда социализм қурилишнинг ўзига хос хусусиятларига мослаштирилиб, конкретлаштирилди, янги қондалар б-н бойитилди.

СССР Х. х. б. тўрт асосий бўлим (ижтимоий маҳсулот ишлаб чиқариш ва ундан фойдаланиш баланси; меҳнат ресурслари, уларни тақсимлаш ва фойдаланиш баланси; миллий даромад ишлаб чиқариш, уни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш, ундан фойдаланиш баланси; жадвал)дан иборат. Булардан ташқари, СССР Х. х. б. га жуда кўп натурал ва қиймат балансли ҳам киради.

СССР халқ хўжалиги тармоқлари бўйича тузиладиган натурал, моддий балансlар системаси 1975 йилда 550 хилдан ортиқ ишлаб чиқариш воситалари ва истеъмол буюмларини ўз ичига олди. Бу балансга ялпи маҳсулотни ишлаб чиқариш ва тақсимлаш тармоқлараро баланси ҳам киради. Миллий даромад баланси ҳамда СССР Х. х. б. га давлатнинг кирим ва чиқим баланси (давлат бюджети) ҳам қўшилади.

Шу б-н бирга чакана товар оборoти ва пул муомаласини планлаштиришда аҳолининг пул даромадлари ва харажатлари баланси ва б. қиймат балансlари ҳам мустақил аҳамиятга эга.

СССР Х. х. б. нинг биринчи ва асосий бўлими умумий ижтимоий маҳсулот ва ундан фойдаланиш балансидир. Бунда ижтимоий маҳсулотнинг ҳаракати ишлаб чиқариш босқичида моддий буюм шаклида, ундан фойдаланиш эса истеъмол ва жамғариш фонди сифатида ифодаланади (қ. *Умумий ижтимоий маҳсулот*).

Ижтимоий маҳсулот ишлаб чиқариш 2 асосий иқтисодий бўлинмага: ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқариш (I) ва истеъмол буюмларини ишлаб чиқаришга (II) бўлинади. I бўлинма, ўз навбатида, ўз эҳтиёжи учун ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқаришга (I^1) ва II бўлинма эҳтиёжлари учун ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқаришга (I^2) бўлинади. Ишлаб чиқарилган маҳсулотдан турли мақсадлар учун фойдаланилади (яна қ. *Тармоқлараро баланс*).

Статистик ҳисобот ва планлаштириш ишларида саноат маҳсулотлари таркиби «А» (ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқариш) ва «Б» (истеъмол буюмларини ишлаб чиқариш) группаларига ажратилади.

СССР Х. х. б. нинг иккинчи қисми меҳнат ресурслари ва улардан фойдаланиш бўйича умумий баланс ҳисобланади. Бунинг ёрдамида халқ хўжалиги тармоқлари, иқтисодий р-илар, республикалар, шунингдек моддий ишлаб чиқариш б-н халқ хўжалигининг бошқа соҳалари ўртасида иш кучи планли қайта тақсимланади. Меҳнат ресурслари баланси ёрдамида мамлакатимиздаги меҳнатга яроқли аҳолини иш б-н тўла таъминлаш чоралари белгиланади.

СССР Х. х. б. нинг муҳим таркибий қисми миллий даромад ҳосил қилиш, тақсимлаш ва қайта тақсимлаш ҳамда ундан фойдаланиш баланси бўлиб, унинг ёрдамида муҳим ижтимоий ишлаб чиқариш пропорциялари (жамғариш ва истеъмол ўртасидаги нисбат ва ҳ. к.) ни аниқлаш ва планлаштириш мумкин. Мамлакат миллий даромадида истеъмол ва жамғарма орасидаги нисбат такрор ишлаб чиқаришнинг энг муҳим халқ хўжалик пропорцияларидан ҳисобланади. СССР Х. х. б. истеъмол б-н жамғарма ўртасидаги оптимал нисбатни белгилаш ва аниқлашга имкон беради. Ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг юқори ва барқарор суръатларини, ижтимоий меҳнат унумдорлигининг ошишини ҳамда шу асосда халқнинг моддий ва маданий турмуш фаровонлиги тўхтовсиз ўсишини таъминлайди. Аҳолининг пул даромадлари ва харажатлари баланси миллий даромад балансини янада аниқлаштиради. Унда аҳолининг ҳамма пул даромадлари ҳисобга олинади. Бу балансlар мамлакатда, республикада, р-нларда чакана товар оборoти ҳолатини ўрганиш, халқ истеъмоли молларига талаб ва таклифни ўрганиш ва планлаштириш, чакана товар оборотини, чакана баҳони, жамғаришнинг молиявий планларини, аҳолининг омонат кассалардаги пул жамғармаларини планлаштириш, шунингдек, пул муомаласи ва мамлакат пул эмиссиясини тартибга солиш учун муҳим аҳамиятга эга.

Халқ хўжалик планини ишлаб чиқиш жараёнида давлат бюджети б-н бирга

умумий молия плани (баланси)ни тузиш ҳам зарур бўлади. Унда социалистик давлатнинг, социалистик корхоналар ва хўжалик ташкилотларининг молиявий ресурслари ҳамда харажатлари ифодаланади.

СССР Х. х. б. нинг йиғма жадвали принцип нуқтаи назаридан баланс уч қисмининг умумлашуви ва уларнинг умумий синтезини ўзида акс эттиради. Бу жадвал ялпи ижтимоий маҳсулот ва миллий даромаднинг ҳаракатига ёрдам берадиган асосий омилларни бир-бири б-н боғлаши керак.

План тузилгунга қадар, яъни СССР халқ хўжалигини ривожлантириш планининг умумий йўналиши (концепцияси) ишлаб чиқилаётган даврда дастлабки СССР Х. х. б. тузилади. Навбатдаги халқ хўжалик планининг муҳим кўрсаткичларини олдиндан ишлаб чиқиш дастлабки баланс тузиш б-н тугамайди. Халқ хўжалик плани устида муттасил ишлаш жараёнида СССР Х. х. б. турли соҳаларнинг тараққиёт кўрсаткичларини мослаштиришда, уларни бир-бири б-н боғлашда ва бутун халқ хўжалиги тараққиётининг суръатини аниқлашда, такрор ишлаб чиқаришда умумиқтисодий мутаносибликка эришишда фойдаланилади. Иттифоқчи республикаларда ҳам Х. х. б. ларини тузишга ва уларнинг кўрсаткичларидан ишлаб чиқаришни планлаштириш ва иқтисодий таҳлил қилишда амалий фойдаланишга катта эътибор берилиб, дастлабки ютуқлар қўлга киритилди. Хусусан, Ўзбекистонда Марказий статистика бошқармаси ҳамда Ўзбекистон ФА Иқтисод ин-ти умумий ижтимоий маҳсулот ва миллий даромад ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланиш балансларини ҳамкорликда ишлаб чиқди, жумладан республикада биринчи марта умумий ижтимоий маҳсулотни ишлаб чиқариш ва тақсимлаш ҳисобот тармоқлараро баланси яратилди (1966 ва 1972 йиллар учун).

Республикаларда баланс ишларининг ривожланиши халқ хўжалигини, социалистик такрор ишлаб чиқаришни таҳлил қилиш ва илмий асосда планлаштиришни янги босқичга кўтаришга имкон берди.

СССР Х. х. б. ни муттасил такомиллаштириш ва уни амалда кенг қўллаш КПСС 25-съезди қўйган вазифа — етук социалистик экономикани барқарор суръатлар б-н пропорционал ривожлантиришнинг муҳим шартидир.

Ад.: Маркс К., Капитал, 2-т., Т., 1958; Ленин В. И., Россияда капитализмнинг тараққийси, Тўла асарлар тўплами, 3-т.; Ленин В. И., Давлат ва революция, Тўла асарлар тўплами, 33-т.; Бор М. З., Вопросы методологии планового баланса народного хозяйства СССР, М., 1960; Турецкий Ш. Я., Планирование и проблемы баланса народного хозяйства, М., 1961; Методические указания к разработке государственных планов развития народного хозяйства СССР, М., 1974; Курский А. Д., Научные основы и совершенствование системы планирования народного хозяйства СССР, М., 1969; Абдуганиев А., Осминин В., Мирзаходжаев У., Общественный продукт и национальный доход Узбекской ССР, Т., 1961; Абдуганиев А., Темы и пропорции воспроизводства общественного продукта в Узбекской ССР, Т., 1974.

ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ ОПТИМУМИ (лат. optimum — энг яхши) — жамият ихтиёридаги ресурслардан фойдаланишнинг энг яхши варианти. Ишлаб чиқариш воситалари фақат ижтимоий мулк бўлган жамиятдагина халқ хўжалигида оптимумга эришиш мумкин. Оптимумни топиш халқ хўжалигини планлаштиришнинг асосий вазифаси бўлиб, у экономика жараёнларининг энг яхши режимини танлашни ифодалайди. Социализмнинг олий мақсадига мувофиқ экономика жараёнларининг жамият эҳтиёжларини энг тўлиқ қондира оладиган режими энг яхши ҳисобланади. У жамият аъзоларининг доимо ўсиб борадиган эҳтиёжларини (овқатланиш, кийим-кечак, уй-жой, медицина хизмати, дам олиш ва б.) ва ишлаб чиқариш эҳтиёжларини қамрайди.

Ишлаб чиқариш ва истеъмол ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлганлиги учун жамият ўзининг эҳтиёжларини қондириш мақсадида ресурсларининг маълум бир қисмини узлуксиз равишда ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун ажратади. Бироқ экономика жараёнларининг вариантларини баҳолаш ишлаб чиқаришга кирмайдиган эҳтиёжларни қондиришни ифодалайдиган якуний кўрсаткичлар бўйича ўтказилиши керак.

Жамият ихтиёридаги ресурсларнинг чегараланганлиги сабабли эҳтиёжнинг маълум бир қисми доимо қондирилмай қолади. Планнинг оптимал вариантини излаш жараёнида жамият манфаати нуқтаи назаридан энг афзал вариантини топиш, яъни айрим эҳтиёжларни энг рационал қондириш даражасини аниқлаш керак. Бундан ташқари, Х. х. о. нинг моҳиятини очишда ҳар хил ноаниқликларни (халқаро аҳволдаги, фан ва техника тараққиёти суръатларидаги, метеорологик шароитлар ва ш. к. даги воқеа ҳодисаларни) ҳисобга олиш муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Вариантларни таққослашда системалар анализи, тартиб (афзалликлар) шкаласи каби усуллардан фойдаланилади. Бунда конкрет социологик тадқиқотларнинг натижалари ҳисобга олинади. Мас., тартиб шкаласи жамиятнинг айрим эҳтиёжларининг қондирилиши даражасини ифодалайдиган кўрсаткичларнинг турли йиғиндисига нисбатан жамиятнинг энг ижобий муносабатини акс эттиради.

Ад.: Проблемы народно-хозяйственного оптимума, Новосибирск, 1973; Оптимальное планирование и управление экономикой, Т., 1974.

ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ ТАРМОҚЛАРИ — ижтимоий меҳнат тақсимоти системасида ўзига хос ишлаб чиқариш шароитлари б-н характерланувчи ва кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш процессида алоҳида роль ўйновчи сифат жиҳатидан бир хил хўжалик бирлиги гуруҳлари. Ижтимоий меҳнат тақсимоти ва унинг формалари ҳақидаги марксча-ленинча таълимот Х. х. т. ни классификациялаш учун назарий асос ҳисобланади. Классификациялаш асосида халқ хўжалиги структураси анализ қилинади, ижтимоий маҳсулот ва миллий даромад ҳисобланади, ишлаб чиқариш воситалари ва истеъмол буюмлари ишлаб чиқарувчи тармоқларнинг даражаси ва ўсиш суръати аниқланади, моддий ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқаришдан ташқари соҳалар ўртасида нисбат ўрнатилади (қ. *Ишлаб чиқариш*). Халқ хўжалиги ва саноат тармоқларини классификациялаш янги тармоқлари, шу жумладан илмий-техника тараққиёти суръатларини аниқлаш ва иқтисодий тараққиётнинг йўналишига ҳал қилувчи таъсир кўрсатувчи прогрессив тармоқларни ташкил этиш ва ривожлантиришга ёрдам қилади. У энг умумий ва муҳим умумхўжалик пропорциялари тўғрисида фикр юргизиш ҳамда шу асосда халқ хўжалигида мустаҳкам ишлаб чиқариш алоқалари ўрнатиш, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг оптимал структурасини планлаштириш имконини беради.

Халқ хўжалиги энг аввало ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқаришдан ташқари соҳага бўлинади. Буларнинг ҳар биридан бир типдаги иқтисодий вазифаларни ёки фаолиятнинг социал турларини бажарадиган Х. х. т. ажралиб чиқади.

Ҳар бир тармоқ, ўз навбатида, йирик тармоқларга ва ишлаб чиқариш турларига бўлинади. Халқ хўжалигининг энг мураккаб тармоғи *саноат* ҳисобланади. Унинг таркибига 16 йирик тармоқ: электротехника, ёқилғи саноати, қора металлургия, рангли металлургия, кимё ва нефть кимёси саноати, машинасозлик ва металл ишлаш, ўрмон, ёғочсозлик ва целлюлоза-қоғоз саноати, қурилиш материаллари, шиша ва чинни, енгил, озиқ-овқат, микробиология, аралаш ем ишлаб чиқарадиган, медицина, полиграфия ва б. саноат тармоқлари киради. Бир комплекс тармоқ бир хил, аммо маълум маҳсулот турини ишлаб чиқаришга ихтисослашган бир қанча тармоқлардан иборат. Мас., озиқ-овқат саноати, ўз навбатида, яна айрим маҳсулот ишлаб чиқаришга бўлиниб кетадиган 20 тармоқни ўз ичига олади.

Такрор ишлаб чиқариш процессини тўла ва ҳар томонлама анализ қилиш учун ижтимоий ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқариш ва истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришга бўлиш муҳим аҳамиятга эга. Шунга кўра саноат ҳам «А» ва «Б» группаларига бўлинади.

Х. х. т. ни тўғри ва қатъий илмий асосда классификациялаш *халқ хўжалигини планли, пропорционал ривожлантириш қонуни* талабларини амалга оширишда катта аҳамиятга эгадир.

Ад.: Классификация отраслей народного хозяйства и отраслей промышленности СССР, М., 1971; Гурьев В. И., Классификация отраслей народного хозяйства СССР, М., 1971.

ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ УЧЕТИ — социалистик экономикага планли раҳбарлик қилиш учун халқ хўжалигининг барча звеноларида социал-иқтисодий жараёнларни ташкилий кузатиш, миқдорий ўлчаш ва ифодалаш системаси. Х. х. у. бошқариш органларини ҳар томонлама илмий асосланган ва ишончли маълумотлар б-н таъминлайди. Х. х. у. нинг ягона системаси оператив учёт, *бухгалтерия учёти* ва *статистика*дан иборат.

Оператив учёт корхона, бирлашма, ташкилот ва муассасаларнинг ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятининг айрим томонларини кузатиш ва назорат қилиш учун олиб борилади. У технологик жараёнларни автоматик бошқариш системасида алоҳида аҳамиятга эга. Бухгалтерия учёти корхона, ташкилот ва муассасаларда товар-моддий бойликлар ва пул маблағлари б-н бажариладиган барча хўжалик операцияларини узлуксиз яхлит ва ҳужжат асосида ёзиб боришга асосланади. Статистик учёт халқ хўжалиги ва унинг айрим тармоқларининг ривожланишини ифодалаш учун зарур маълумотлар олиш мақсадида ўтказилади.

Тармоқ халқ хўжалиги маълумотларининг умумлаштирилиши оператив, бухгалтерия ва статистик учётларнинг изчиллигини, мазкур учёт б-н статистикани таққослашни, уларнинг методологик бирлигини кўзда тутади. СССРда халқ хўжалигининг барча тармоқлари учун ялпи ва товар маҳсулотини, капитал маблағларни, асосий оборот ва пул маблағларини, маҳсулот, товар оборотн таннархини, иш ҳақи фондини ва ш. к. ни ҳисоблашнинг ягона принципи қўлланилади. Экономикада ЭҲМ қўллашнинг бирмунча кенгайиши, маълумотлари автоматлаштирилган банкларнинг тузилиши, автоматлаштирилган бошқариш системаси тармоқлари ўртасида, давлат статистикаси автоматлаштирилган системаси ва планли ҳисоботларнинг автоматлаштирилган системаси ўртасида ўзаро алоқа ўрнатиш б-н учёт ва статистиканинг бирлиги ҳам сезиларли даражада кучаяди.

Учёт ва статистика ишларига СССР Марказий статистика бошқармаси раҳбарлик қилади, у СССР Госплани, СССР Молия министрлиги, СССР Давлат банки, министрликлар ва бошқармалар иштирокида ўзаро боғланган статистик кўрсаткичлар системаси ва ягона илмий методологик учётни ишлаб чиқади. Министрлик ва бошқармалар қўл остидаги корхона, ташкилот ва муассасаларда учётни ташкил этади.

ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ ФОНДЛАРИ (СССР халқ хўжалиги фондлари) — экономиканинг барқарор ва юқори суръатлар б-н ривожланишини таъминлаш учун кенгайтирилган социалистик такрор ишлаб чиқариш жараёнида план асосида яратиладиган, тақсимланадиган ва фойдаланиладиган моддий ва пул ресурслари йиғиндиси; мамлакат миллий бойлигининг асосий қисми. Х. х. ф. таркибига *асосий фондлар, оборот маблағлари,* резерв ва страхование фондлари киради.

Асосий фондлар ишлаб чиқаришнинг асосий фондлари ва ишлаб чиқаришга кирмайдиган фондларни ўз ичига олади. Ишлаб чиқаришнинг асосий фондлари меҳнат воситалари (бино ва ишлаб чиқариш иншоотлари, куч ва иш машиналари ҳамда асбоб-ускуналар, транспорт воситалари ва б.) дир; улар узоқ вақт давомида натурал формада мавжуд бўлиб, ишлаб чиқариш жараёнида ўз қийматини аста-секин тайёр маҳсулотга ўтказа боради. СССРда ишлаб чиқаришнинг асосий фондлари 870 млрд. сўмдан ортиқ (ЎзССРда қарийб 28 млрд. сўм) бўлиб (1976), асосий қисми давлат ва колхоз-кооператив корхоналари ва ташкилотлари ихтиёрида. Унинг қарийб 50% и саноатга жалб қилинган. Ишлаб чиқариш асосий фондларининг ўсиши ишлаб чиқаришнинг интенсификациялаш ва илмий-техника тараққиётини тезлаштириш имконини беради.

Ишлаб чиқаришга кирмайдиган асосий фондлар — ишлаб чиқариш доирасига кирмайдиган тармоқлар (фан ва маориф, уй-жой хўжалиги, коммунал хўжалик, соғлиқни сақлаш ва б.) нинг моддий базасини ташкил қилувчи ва узоқ вақт фойдаланилувчи объект ва предметлардир. Бу фондлар қиймати СССРда 477 млрд. сўм (ЎзССРда 12,2 млрд. сўм)ни ташкил қилиб, уларнинг 60% и уй-жой хўжалиги ҳисобига тўғри келади (1976). Асосий фондларни кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш миллий даромаднинг жамғарма фонди, шунингдек амортизация фонди ҳисобидан халқ хўжалиги плани асосида капитал қурилиш йўли б-н амалга оширилади.

Оборот фондлари ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган меҳнат предметлари, моддий бойликлар бўлиб, улар бир ишлаб чиқариш циклида ўзининг қийматини тўлиқ тайёр маҳсулотга ўтказади. У халқ хўжалиги тармоқларида 314 млрд. сўм (ЎзССРда қарийб 10 млрд. сўм) бўлиб, шундан 234 млрд. сўм (ЎзССРда 7,7 млрд. сўм) ни товар-моддий бойликлари ташкил қилади.

Халқ хўжалигининг резерв фондлари йиллик ва перспектив планларда кўзда тутилмаган, қўшимча эҳтиёжларни қондиришга қаратилган халқ хўжалиги оборотидан вақтинча чиқарилган моддий ва молиявий ресурслардир. Марказлаштирилган давлат резервлари СССР Министрлар Совети, СССР Госплани ва СССР Давлат таъминот комитети томонидан тасдиқланган моддий балансlар асосида вужудга келтириладиган моддий бойлик запасларини ўз ичига олади.

Страхование фондлари — табиий офат ва айрим тасодифий ҳодисалардан етган зарарларни қоплаш учун ажратиладиган моддий ва пул ресурсларининг махсус тури. Давлат страхованиеси марказлашган молиявий страхование фондининг шаклланишида муҳим манба ҳисобланади. Страхование мақсадларида умумдавлат резерв маблағларидан ҳам фойдаланилади.

ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИ БОШҚАРИШ (социализмда) — социализмнинг объектив иқтисодий қонунларидан фойдаланиб, халқ хўжалигининг барча тармоқлари ўртасида ўзаро оптимал мутаносибликни таъминлаш, уни узлуксиз ривожлантириш мақсадида социалистик ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнига раҳбарлик қилиш. Бунда бошқаришнинг ягона иқтисодий маркази вазифасини марказий хўжалик органлари бажаради. Бошқариш объекти *халқ хўжалиги* ва унинг таркибий қисмлари (тармоқлар, территориал комплекслар, ишлаб чиқариш бирлашмалари, комбинатлар ва корхоналар)дир. Бошқариш субъекти социалистик давлат ва унинг органлари тақдим этган социалистик жамиятдир. Х. х. б. да давлат ва меҳнаткашларнинг жамоат ташкилотлари иштирок этади. Бошқариш субъектини ташкил этадиган ва йўналтирадиган, бирлаштирадиган ва унга раҳбарлик қиладиган куч Коммунистик партия ҳисобланади.

Социалистик Х. х. б. нинг бош ва аниқловчи белгилари: ишлаб чиқариш воситаларининг ижтимоий мулклиги, хусусий мулкнинг, киши кишини эксплуатация қилишининг йўқлиги, барча хўжалик системасининг планлилиги, *демократик централизм, социалистик мусобақа* ва б. Х. х. б. нинг умумий белгилари унинг ташкилий-техник томонлари б-н, ўзига хос хусусиятлари социал-иқтисодий томонлари б-н ўзаро боғланган ва бир-бирини тўлдиради. Х. х. б. меҳнат тақсимоти асосида амалга оширилади. Халқ хўжалигини иқтисодий, ташкилий-тартибли, социал-психологик ва ҳуқуқий бошқариш Х. х. б. нинг асосий усуллари ҳисобланади.

Бошқариш масалалари б-н Совет ҳокимиятининг қонун чиқарувчи ташкилотлари—Олий Советлар, уларнинг Президиумлари ва комиссиялари, маҳаллий Советлар, уларнинг комиссиялари, давлат бошқарув ташкилотлари — СССР Министрлар Совети, иттифоқчи республикалар Министрлар Советлари, халқ депутатлари Советлари ижроия комитетлари ва б.; шунингдек, суд ва прокурорлик назорати ташкилотлари шуғулланади.

Барча давлат бошқарув ташкилотлари қуйидагича бўлинади: а) халқ хўжалигига умумий раҳбарлик қилувчи ташкилотлар — СССР Министрлар Совети, иттифоқчи ва автоном республикалар Министрлар Советлари, меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетлари; б) функционал тармоқлараро (иттифоқ, республика, маҳаллий) миқёсдаги ташкилотлар (мас., айрим давлат комитетлари); в) тармоқ бошқарув ташкилотлари — министрликлар, бошқармалар ва б.; г) маҳаллий советлар ижроия комитетларининг тармоқ бўлимлари ва бошқармалари; д) бирлашмалар ва фирмаларнинг маъмурияти; е) корхоналарнинг маъмурияти.

Х. х. б. вазифасининг бир қисмини касаба союзи, комсомол ва б. жамоат ташкилотлари ҳам бажаради.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати Х. х. б. ни такомиллаштиришга катта аҳамият бермоқда. Ижтимоий ишлаб чиқариш миқёсининг, илмий-техника тараққиётининг, шунингдек халқ хўжалиги тармоқларининг тўхтовсиз ўсиши буларни бошқаришни мунтазам такомиллаштиришни талаб қилади. Шунинг учун Х. х. б. нинг ташкилий формалари такомиллашувини тўртта энг муҳим босқичга бўлиш мумкин: ишчи назорати ташкилотларининг, Халқ хўжалиги олий Кенгаши ва жойларда унинг органларининг тузилиши (1917—32); тармоқ бошқарув системасига ўтиш, халқ комиссарликларининг ташкил топиши (1932—57); территориал бошқарув системасига ўтиш, халқ хўжалиги кенгашларининг тузилиши (1957—65); территориал ва тармоқ бошқарув системасига ўтиш (1965 йилдан сўнг).

КПСС МҚ сентябрь Пленуми (1965) қарорларида кўрсатилган тармоқ бошқарув системаси, иқтисодий ислоҳотнинг таркибий қисми сифатида, иттифоқчи республикалар хўжалигини комплекс ривожлантириш масалаларини ҳал этишда планлаштириш ва иқтисодий рағбатлантиришнинг янги механизмига эга бўлди, корхоналарнинг ишлаб чиқариш-хўжалик мустақиллигини кенгайтирди, территориал бошқарув ташкилотларининг ҳуқуқ ва вазифаларини кучайтирди. У хўжалик оборотига иқтисодий р-ларнинг моддий, меҳнат ва молия ресурсларини жалб этишга ва бу ресурслардан рационал фойдаланишга, тармоқ ва тармоқлараро ишлаб чиқаришни халқ хўжалиги манфаатларига мослаб тараққий эттириш ва жойлаштиришга имкон берди. Территориал бошқарув б-н уйғун ҳолда тармоқ бошқарув системасига ўтиш тармоқларнинг планли ривожланишини яхшилади, илмий-техника тараққиёти суръатларини тезлаштирди, ижтимоий меҳнат унумдорлигининг, капитал маблағ ва асосий ишлаб чиқариш фондлари самарадорлигининг ўсишини таъминлади. Мамлакат халқ хўжалиги системасида умуминттифоқ, иттифоқ-республика ва республика министрликлари ташкил этилиши марказлашган планли раҳбарлик аҳамиятини оширди.

Моддий ишлаб чиқаришнинг асосий тармоғи бўлган саноатни умуминттифоқ, иттифоқ-республика ва республика министрликлари ва бошқармалари бошқаради. Машинасозлик, нефть, газ, кўмир, кимё, автомобиль, электротехника, асбобсозлик ва б. саноат тармоқлари умуминттифоқ министрликларига қарайди. ЎзССРда иттифоқ-республика министрлигига энергетика ва электрлаштириш, енгил, озиқ-овқат, гўшт-сут, пахта тозалаш, қурилиш материаллари саноати, алоқа, қурилиш саноати министрликлари ва б. киради. Республика министрликларига маҳаллий саноат, маиший хизмат, коммунал хўжалик, социал таъминот, автомобиль транспорти, автомобиль ва шоссе йўллари министрликлари ва б. киради.

ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИ КИМЁЛАШТИРИШ — илмий-техника тараққиётининг асосий йўналишларидан бири. У кимё технологияси усуллари, кимё хом ашёси, материаллар ва улардан тайёрланган маҳсулотларни моддий ишлаб чиқаришга, уни интенсификациялаш ва самарадорлигини ошириш мақсадида, шунингдек, ишлаб чиқаришга кирмайдиган соҳаларда аҳолига медицина, маданий ва маиший хизмат кўрсатиш шароитини яхшилаш ва даражасини ошириш учун жорий қилиш б-н характерланади.

Кимёлаштириш жараёнининг бошланиши саноат тўнтариши (18- асрнинг 60- йиллари) б-н боғлиқ. Дастлаб, машиналашган ишлаб чиқаришга эга бўлган тўқимачилик саноати кимёлаштирилди. 19- асрнинг 2- ярмида агрономия фанининг ривожланиши ва минерал ўғитларни саноат йўли б-н ишлаб чиқариш деҳқончиликни кимёлаштиришга замин яратди. 20- асрнинг 20—30- йилларида полимерлар кимёси ютуқларининг саноатда қўлланиши Х. х. к. нинг ҳозирги босқичини бошлаб берди. Кимёвий полимерларнинг хом ашё ва асосий материал сифатида қўлланиши; янги кимёвий моддалар ва янги кимёвий технология усулларини амалда халқ хўжалигининг барча тармоқларига жорий қилиниши; ўсимлик ва ҳайвонларнинг зараркунанда ва турли касалликларига қарши курашиш учун янги органик ва анорганик препаратлар, сунъий йўл б-н олинган витаминлар, оқсил моддалари, антибиотиклар, кимёвий заҳарли моддалар, кимёвий хом ашё, шахсий истеъмол буюмлари олиш ва б. бу босқичнинг муҳим хусусиятларидир.

СССРда Х. х. к. мамлакатни индустрлаштириш давридан ривожлана бошлади. 1928 йил 28 апрелида СССР ХКС «СССР Иттифоқи халқ хўжалигини кимёлаштириш тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилди ва СССР Х. х. к. комитети тузилди. 1929—40 йилларда синтетик каучук, азотли, фосфорли ва калийли ўғитлар, автопокришкалар кўплаб ишлаб чиқарила бошлади.

Х. х. к. нинг кенг ривожланишида КПСС МҚнинг 1958 йил май Пленумида қабул қилинган «Кимё саноатини ривожлантиришни ва айниқса аҳоли талабларини ва халқ хўжалиги эҳтиёжларини қондириш учун синтетик материаллар ва шу материаллардан буюмлар ишлаб чиқаришни жадаллаштириш тўғрисида»ги, 1963 йил декабрь Пленумидаги «Кимё саноатини жадал ривожлантириш — қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини юксалтиришнинг ва халқ фаровонлигини оширишнинг энг муҳим шартидир» деган қарорлари муҳим роль ўйнади. Натижада, 1961—75 йиллар ичида кимё ва нефть-кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш 3,3 баравар ошди.

Х. х. к. даражаси кимёвий хом ашё, асосий ёки ёрдамчи материалларнинг умумий харажатлардаги ҳиссаси б-н белгиланади. У 1972 йилда бутун халқ хўжалигида 5,4%, саноатда —5,6%, қурилишда —3,5%, қ. х. да —5,1% ни ташкил қилди. 1975 йилда кимёвий толалар асосий тўқимачилик толалари хом ашё балансида 29% ни ташкил қилди. 1972 йилда саноатнинг барча тармоқларида (кимё саноатидан ташқари) кимё ва нефть-кимё маҳсулотларининг қарийб 70% и, жумладан, пластмассанинг 95% и, кимёвий толаларнинг ҳаммаси, сунъий бўёқ моддаларининг 90% и, лак-бўёқ маҳсулотларининг 55% и, резина-асбест буюмларининг 67% и, органик химикатларнинг 90% и ва анорганик химикатларнинг 50% идан фойдаланилди.

1975 йилда машинасозликда бутун ишлаб чиқарилган пластмассанинг 25—30% и (650 минг *т* пластмасса) ишлатилди ва ундан конструкцион, изоляцион, фрикцион, антифрикцион ва б. материаллар сифатида фойдаланилди. Ёғочсозликда сунъий смоладан фойдаланиб ёғоч қириндисидан ишланган 1000 $м^3$ плита, 2200 $м^3$ тахта ёки 2500 $м^3$ ёғочнинг ўрнини босади. Ёғочни кимёвий ва механик-кимёвий қайта ишлашнинг юқори даражада такомиллашиши қурилиш, мебель тайёрлаш ва таралар учун фойдаланиладиган 350—400 млн. $м^3$ ёғоч ёки 3 млн. *га* ердаги ўрмонни сақлаб қолиш имконини беради.

Енгил саноатда кимёвий толалардан фойдаланиш пахта толасига нисбатан 3—5 баравар, жунга нисбатан 10 баравар кам меҳнат ва маблағ, табиий чармга нисбатан сунъий чарм ишлаб чиқаришга эса 10 баравар кам меҳнат ва 3 баравар кам ҳаражат сарфланади. Резина саноатида синтетик каучук шина ишлаб чиқаришда умуман ишлатилган каучукнинг 90% ини, корда ишлаб чиқаришда кимёвий толалар 94% ни ташкил қилди (1975). Юк автомобиллари покришкалари тўлиқ синтетик каучукдан ишлаб чиқарилмоқда.

Қурилишда пластмасса ресурсларининг 20—25% и, сунъий каучук ва кимёвий толаларнинг кўпгина қисми ишлатилмоқда. 1966—75 йилларда қурилишда полимер материаллардан фойдаланиш эвазига қарийб 24 млн. $м^3$ тахта ва 3 млн. *т* қора металл, жумладан 1,4 млн. *т* пўлат тежалди.

Қ. х. ни кимёлаштиришда минерал ўғитлар, ўсимликларни зараркунанда, касаллик ва бегона ўтлардан ҳимоя қилишда турли хил гербицидлар, чорвачиликда кимёвий маҳсулотлар, мелиорация ишларида полимер ва кимёвий материаллардан фойдаланиш муҳим роль ўйнайди (қ. *Қишлоқ хўжалигини кимёлаштириш*).

Уй-рўзғор ва хизмат кўрсатиш доирасида кимёлаштиришнинг роли тобора ошиб бормоқда. Уй-рўзғор ишларида сунъий ювиш воситалари, доғларни кетказиш, тозалаш, пардозлаш, елимлаш воситалари, уй ҳашаротларига қарши кураш препаратлари, автокосметик воситалар ва б. маиший кимё маҳсулотларидан тобора кенг фойдаланилмоқда.

Узбекистонда Х. х. к. тез суръатлар б-н ривожланмоқда. Кимёвий хом ашё ва материаллардан халқ хўжалигининг барча тармоқларида фойдаланилмоқда. Пахта териш ва б. қ. х. машиналари, самолётларининг кўпгина қисмлари пластмассадан ишланмоқда. Кабель ишлаб чиқаришда кимёлаштириш 80% ни ташкил қилди (1975). Сувда эрийдиган полимер материаллардан қурилишда фойдаланиш цемент маҳсулотларини 6—10% тежаш ва темир-бетон конструкцияларининг сифатини яхшилаш имконини бермоқда. *Узбекистон металлургия заводида* конвертер усули б-н пўлат эритишда кислороддан фойдаланиш з-дининг ишлаб чиқариш қувватини 22 минг *т* га оширди.

Ўзбекистонда ўрмон запаслари кам бўлганлиги туфайли ёғоч чиқиндилари ва рўзапоядан плиталар ишлаб чиқариш муҳим аҳамиятга эга. СССР бўйича фақатгина республикамизда рўзапоядан плиталар ишлаб чиқарилмоқда.

Республика енгил саноатининг 42 тармоғида кимёвий маҳсулотлардан хом ашё сифатида фойдаланилмоқда. Жумладан, тўқимачилик саноатида вискоза, ацетат, треацетат, сунъий ипаклар, капрон, нейлон, нитрон, лавсан, полипропилен каби сунъий толалардан, турли хил маҳсулотлар ишлаб чиқариш кўплаб табиий толаларни тежаш, меҳнат сарфи ҳамда харажатларини 3—4 баравар камайтириш имконини бермоқда. Бундан ташқари, бу сунъий толалардан автомобиллар учун шиналар, механизмларни ҳаракатга келтирувчи тасмалар, брезентлар, қурилишда муҳим аҳамиятга эга бўлган ленолиумлар ишлаб чиқарилмоқда. Нейтрон толасидан сунъий чарм тайёрлашда табиий чармга нисбатан 20 баравар кам меҳнат ва 10 баравар кам харажат сарфланмоқда.

Ад.: Некрасов Н. Н., Химизация в народном хозяйстве СССР, М., 1955; Экономические проблемы химизации сельского хозяйства, М., 1968; Савинский Э. С., Химизация народного хозяйства и пропорции развития химической промышленности, М., 1972.

ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИ ПЛАНЛАШТИРИШ (СССРда) — Коммунистик партия иқтисодий сиёсатини амалга оширишнинг асосий усули. Мақсади жамият ишлаб чиқарувчи кучларини ҳар томонлама кўтариш ва халқнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини янада тўлароқ қондиришдан иборат. Давлат планлаштириш ёрдамида ижтимоий меҳнатда мураккаб жараённи бошқаради, ишлаб чиқаришни, тақсимотни ва моддий неъматлар айирбошлашни ташкил этади ва тартибга солади. Планлаштириш методологияси кенгайтирилган социалистик такрор ишлаб чиқаришнинг маркснча-ленинча назариясига, социализмнинг объектив иқтисодий қонунларидан онгли фойдаланишга таянади.

Социалистик халқ хўжалигини планли ва пропорционал ривожлантириш ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ўзи б-н белгиланадиган объектив қонунийликдир (қ. *Халқ хўжалигини планли, пропорционал ривожлантириш қонуни*).

СССРда пролетариатнинг сиёсий ҳокимиятни қўлга олиши ва ишлаб чиқариш воситаларига социалистик мулкликнинг ўрнатилиши натижасида тарихда биринчи марта умумий ижтимоий ишлаб чиқаришни планли уюштиришга ва халқ хўжалигида зарур пропорцияларни таъминлашга шароит яратилди. Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг планли тараққиёти ягона хўжалик плани асосида амалга оширилади. Ягона план базасида Х. х. п. ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларининг, фан ва маданиятнинг барча соҳаларини уйғун ривожлантиришга имкон беради.

Халқ хўжалигига планли раҳбарлик қилиш *хўжалик ҳисоби*, ижтимоий ишлаб чиқаришни ўстириш учун *баҳо, фойда, кредит*, моддий рағбатлантириш шакллари каби иқтисодий омиллардан актив фойдаланишни кўзда тутади; булар ишлаб чиқариш коллективларининг муваффақиятли фаолияти учун иқтисодий шароит яратишга, уларнинг ишини асосли баҳолашни таъминлашга, моддий ва меҳнат ресурсларидан рационал фойдаланишга, меҳнат унумдорлигини оширишга, маҳсулот сифатини яхшилашга имкон беради. Корхоналарни ривожлантириш планларини ишлаб чиқариш коллективлари тузади, тармоқларни, бутун халқ хўжалигини ривожлантириш планлари умумхалқ миқёсида муҳокама қилинади.

Х. х. п. асослари Улуғ Октябрь социалистик рев-яси ғалабасидан сўнгги биринчи кунларданоқ шакллана бошлади. 1917 йил декабрда Халқ хўжалиги олий кенгаши ташкил этилди, бу кенгаш Совет давлатини планлаштирувчи ва координация қилувчи биринчи орган ҳисобланади. 1920 йил февралда Россияни электрлаштириш бўйича давлат комиссияси — *ГОЭЛРО* тузилди.

1921 йил февралда Совет ҳукумати В. И. Ленин доклади бўйича Давлат умумплан комиссияси (Госплан)ни тузиш ҳақида қарор қабул қилди. Госплан тузилгандан бир ой кейин халқ хўжалигининг барча тармоқларида план органлари шаклланди (қ. *Давлат план комитети*).

Коммунистик партиянинг 14- съезди (1925) мамлакатни социалистик индустрлашнинг юқори суръатларини асослаб берди. Замонавий техника базасида халқ хўжалигини реконструкциялаш ва қ. х. ни коллективлаштириш б-н боғлиқ масалаларни ҳал этиш беш йиллик перспектив планлар тузишни биринчи ўринга қўйди (қ. *СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг беш йиллик планлари*).

КПСС 25- съезди материалларида **«планлаштириш ва бошқаришни, бутун хўжалик механизмини янада такомиллаштириш йўллари** белгилаб берилган... Янги беш йилликда планлаштириш органлари, министрликлар ва идораларнинг вазифаси, иқтисод фанининг вазифаси ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини оширишни кўзлаган ҳолда планнинг сифат кўрсаткичлари ролини анча оширишдан иборатдир» (КПСС XXV съездининг материаллари, Т., 1976, 172- бет).

СССРда планлаштириш системасини тузиш ва уни амалда қўллашнинг асосий принципи В. И. Ленин олға сурган *демократик централизм* принципидир.

Давлат планлаштирилиши форма ва усуллари ишлаб чиқарувчи кучлар тараққиётига, социалистик ишлаб чиқарувчи кучларнинг такомиллашувига, хўжалик қурилишининг аниқ тарихий вазифалари ва шароитларининг ўзгаришига қараб алмашиниб туради. Социалистик планлаштириш тажрибаси халқ хўжалиги планларининг (план даврининг муддатига кўра) уч турини — узоқ муддатли (10—15 йилга мўлжалланган), ўрта муддатли (5 йиллик) ва жорий йиллик планни ишлаб чиқди. Бу формаларнинг қўшилиши СССР Х. х. п. нинг энг муҳим принципи ҳисобланади. Х. х. п. ни марказий органлар (СССР Госплани, СССР министрликлари ва ведомстволари), иттифоқчи ва автоном республикалар госпланлари, маҳаллий план ташкилотлари — ўлка, обл., шаҳар ва район Советлари меҳнаткашлар депутатлари ижроия комитетлари план комиссиялари ва корхоналардаги план аппаратлари бевосита амалга оширади.

Х. х. п. системасининг бирламчи звеноси корхона (бирлашма)нинг ишлаб чиқариш планидир. У шу корхонага юқори ташкилотлардан тушган ахборот ва кўрсатмалар асосида ва ушбу корхонанинг таклифларини ҳисобга олиб ишлаб чиқилади (қ. *Корхонанинг техника, саноат ва молия плани*). Халқ хўжалиги планида планнинг сиёсий ва иқтисодий масалаларини акс эттирадиган яхлит кўрсаткичлар системаси, хўжалик тараққиётининг асосий йўналишлари ва унинг таркибий қисмлари, ишлаб чиқариш жараёнларининг ўзаро бог-

лиқлиги, маҳсулотни тақсимлаш ва уни истеъмол этиш мужассамланади. Халқ хўжалиги планининг кўрсаткичлари системаси хўжаликнинг барча ташкилотлари ва звенолари учун ягона ва зарурдир. Бу кўрсаткичлар тармоқ ва территориал бўлимларда ишлаб чиқилади (қ. *План кўрсаткичлари*).

Халқ хўжалиги плани — ишлаб чиқаришда техника прогрессини тезлаштиришнинг, социалистик хўжалик системаси афзалликлари б-н илмий-техника рев-яси ютуқларини органик қўшиб олиб боришнинг қудратли таянчидир.

Халқ хўжалиги планларини асослаш ва ишлаб чиқишнинг энг муҳим усулларидан бири *такрор ишлаб чиқариш*нинг марксча-ленинча назариясига таянган *планлаштиришда баланс методи*дир. Халқ хўжалигини ривожлантириш планларини илмий асослаш иқтисодий масалаларни оптимал ҳал этиш вариантларига мувофиқ келиши керак (қ. *Оптимал планлаштириш*). Бу ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга имкон беради. Фан планлаштиришнинг назарий хазинасини бойитди: иқтисодий математик моделлаштиришнинг, системали анализнинг самарали усуллари ишлаб чиқилди. Планлаштиришнинг ҳозирги методикаси перспектив планни ишлаб чиқишнинг дастлабки босқичида умумиқтисодий ҳисобларнинг аҳамиятини оширишни кўзда тутади. Моделлаштириш методлари асосан беш йиллик планларни ишлаб чиқиш учун қўлланилади.

СССРда планлаштиришни замонавий техника базасида ривожлантириш бўйича, биринчи навбатда ЭҲМни кенг қўллаш йўли б-н жуда катта ишлар қилинмоқда. СССР Госпланида ва бир қанча марказий иқтисодий ведомстволарда, иттифоқчи республикалар план ва хўжалик ташкилотларида, корхона ва илмий муассасаларда йирик ҳисоблаш марказлари тузилган.

Планли социалистик хўжалик системаси катта ҳурмат қозонди ва дунёга машҳур бўлди. Жаҳон социалистик системасининг вужудга келиши б-н халқ хўжалигини планли, пропорционал ривожлантириш қонуни ҳаракати доираси кенгайди, у халқаро характер касб этди. Бошқа социалистик мамлакатлар СССР даги Х. х. п. тажрибасини қабул қилиб олди ва ундан фойдаланмоқда. Ҳозирги замон план ташкилотлари ва илмий ташкилотлар мустамлака зулмидан озод бўлган кўп мамлакатларга план ишлаб чиқаришларида, уни амалга оширишга ва мутахассис кадрлар тайёрлашларига ёрдам бермоқдалар.

СССР халқ хўжалигини планли ривожлантириш тажрибаси барча мамлакатлар б-н, шу жумладан ривожланган капиталистик мамлакатлар б-н кенг ҳажмда ўзаро фойдали иқтисодий ҳамкорлик ўрнатиш мумкинлигини кўрсатди.

Ад.: Маркс К., Капитал 2-т., Т., 1958; Маркс К., Гота программасини танқид, Т., 1948; Ленин В. И., Бозорлар масаласи деган масала ҳақида, Тўла асарлар тўплами, 1-т.; Ленин В. И., Совет ҳокимиятининг навбатдаги вазифалари, Ас., 36-т.; Ленин В. И., Буюк почин, Ас., 39-т.; Ленин В. И., Оз бўлса-да, соз бўлсин, Ас., 45-т.; КПСС 25-съездининг материаллари, Т., 1976; Планирование народного хозяйства СССР, под ред. Л. Я. Берри, 2 изд., М., 1973.

ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИ ПЛАНЛИ, ПРОПОРЦИОНАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ ҚОНУНИ — социализмнинг иқтисодий қонуни, ягона давлат плани бўйича хўжаликни бошқаришнинг объектив зарурлиги ва имкониятларини, ишлаб чиқаришни ва халқ истеъмолини тез тараққий эттириш мақсадида умуман халқ хўжалигида пропорция ўрнатиш ва унга риоя қилишни ифодалайди. Бу қонун бутун экономика миқёсида, унинг айрим тармоқлари ва корхоналарида ишлаб чиқаришни онгли, марказлашган ҳолда тартибга солишни талаб қилади. Х. х. п., п. р. қ. ҳокимият меҳнаткашлар қўлида бўлган жамиятдагина амал қилади. Капиталистик хўжаликда пропорционаллик доимо бузилиб туради.

Социалистик хўжалик системаси, ижтимоий меҳнат тақсимотининг ривожланган системаси, юқори концентрация даражаси, илмий-техника тараққиётининг тез ўсиши ишлаб чиқаришга планли раҳбарлик қилиш учун объектив асос яратади.

Социалистик давлат жамият барча аъзоларининг фаровонлигини тўхтовсиз кўтариш ва уларнинг моддий ва маданий эҳтиёжларини тўлароқ қондириш мақсадида ижтимоий ишлаб чиқаришни ривожлантиришни планлаштиради, турли хил фаолият соҳасида ва халқ хўжалиги тармоқлари ўртасида моддий, меҳнат ва молия ресурсларини умумдавлат миқёсида тақсимлайди.

*Жаҳон социалистик хўжалик системаси*нинг тараққиёти *халқаро социалистик меҳнат тақсимоти*ни чуқурлаштириш асосида барча социалистик ҳамкорликдаги мамлакатлар доирасида иқтисодий пропорцияларни келишиб олиш зарурлигига имкон беради. Бу мамлакатларнинг коммунистик ва ишчи партиялари иқтисодий сиёсатларни ишлаб чиқишда Х. х. п., п. р. қ. ва социализмнинг бошқа иқтисодий қонунлари талабига таянади.

Халқ хўжалигини планли ривожлантириш — капитализм олдида социализмнинг асосий афзалликларидан биридир (қ. *Халқ хўжалигини планлаштириш*).

Халқ хўжалигини планли ривожлантириш назариялари масаласини ишлаб чиқиш кучли идеология кураши соҳасидан бири ҳисобланади. Буржуа ва ўнг социалистик назариётчилар ишлаб чиқаришни планли ташкил этиш мумкин эмас ва у мақсадга мувофиқ бўлмайди, деб исботлашга уринадилар. Бошқалари хўжаликни планли уюштириш учун ишлаб чиқаришнинг капиталистик умумийлашувигина кифоя деб ҳисоблайдилар. Марксча-ленинча иқтисодий назария ва тарихий тажриба бу қарашларнинг асоссизлигини исботлади.

Ад.: Маркс К., Гота программасини танқид Т., 1948; Ленин В. И., Об едином хозяйственном плане, Полн. собр. соч., 5 изд., т. 42; Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Программаси, Т., 1970; КПСС 25-съездининг материаллари, Т., 1976.

ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ ОРКЕСТРИ — асл ҳолидаги ёки реконструкцияланган миллий чолғу асбоблари созандаларидан иборат ижрочи коллектив. Х. ч. а. о. бир турдаги (мас., фақат дўмбра, бандура, мандолина ёки дутор, рубоб, чанг ва б.), аралаш созлар (мас., домра ва балалайка; танбур, дутор, рубоб, ғижжак, най ва доира, ноғора)дан тузилади. Ғарбий Европа мамлакатларида гитара, мандолина, скрипка ва б. замонавий созлардан таркиб топган профессионал ва ҳаваскорлик Х. ч. а. о. бор. Россияда 19-асрнинг 90-йилларида В. Андреев томонидан реконструкция қилинган созлардан Х. ч. а. о. тузилган.

Совет даврида Х. ч. а. о. ларида катта ўзгаришлар рўй берди. Иттифоқчи ва автоном

республикаларда халқ созларининг реконструкцияси юзасидан катта ишлар қилинди. В. В. Андреев номидаги Давлат халқ чолғу асбоблари оркестри (Ленинград), Н. П. Осипов номидаги Рус давлат халқ оркестри (Москва), Қурмонғози номидаги Қозоқ давлат халқ чолғу асбоблари оркестри, УССР Давлат бандурачилар капелласи ва б. йирик Х. ч. а. о. ҳисобланади.

Ўзбекистонда қадимдан мавжуд унисон ижрочи коллективлар имконияти кенгайтирилиб, кўп овозли музика намуналарини ҳам чалишга қодир Х. ч. а. о. тузилди. Бу ишга Т. Жалилов, Юнус Ражабий, Н. Миронов, А. Петросянц, С. Алиев, Д. Зокировлар катта ҳисса қўшган. 1937 йилда Ўзбек Давлат филармонияси, 1961 йилда Ўзбекистон радиоси қошида реконструкция қилинган чолғу асбоблардан иборат ўзбек Х. ч. а. о. ташкил қилинган.

ХАЛҚ ҚУШИҒИ, халқ ашуласи — музикали поэтик асар, халқ музикасининг кенг тарқалган тури; муайян жанр (қ. *Ашула, Қўшиқ, Халқ ижоди*).

ХАЛҚАРО АСТРОНАВТИКА ФЕДЕРАЦИЯСИ (ХАФ) — тинчлик мақсадида космик фазони ўрганиш ва забт этиш проблемалари б-н шуғулланувчи халқаро илмий ташкилот. Ракета техникаси ва космик ҳуқуқ режими масалаларини ҳам ўз ичига олади. 1950 йилда Парижда чақирилган 1-халқаро астронавтика конгрессида 8 та мамлакат вакиллари томонидан тузилган. 1973 йилгача аъзо бўлган миллий ташкилотлар сони 58 тага (36 мамлакатдан) етди. СССР 1956 йилдан федерация аъзоси. ХАФ нинг юқори органи — Бош ассамблея бўлиб, ҳар йили чақириладиган халқаро астронавтика конгресси б-н бир вақтда йиғилади. Конгресс федерация президенти ва тўртта вице-президентдан иборат бюро ни сайлайди. ХАФ да биоастронавтика, ҳужжатлар, маориф масаласи ва б. б-н шуғулланувчи доимий ҳамда вақтли комитет ва комиссиялар тузилган. 1960 йилда ХАФ таркибида Халқаро астронавтика академияси ва Халқаро космик ҳуқуқи ин-ти тузилди. ХАФ ўзининг конгресси ва мажлислари материалларини нашр қилади.

Федерация космик тадқиқотлар проблемалари б-н шуғулланувчи ташкилотлар б-н яқин алоқада; ЮНЕСКО ва Халқаро электр алоқа иттифоқи қошида консультатив статусга эга.

ХАЛҚАРО АСТРОНОМИЯ ИТТИФОҚИ (ХАИ) — Халқаро илмий иттифоқлар советига кирувчи илмий жамият. 1919 йилда ташкил этилган. ХАИга 43 мамлакат аъзо; СССР 1935 йилдан бошлаб унинг аъзоси. ХАИнинг асосий вазифалари: астрономиянинг барча соҳаларини ривожлантиришга ёрдам кўрсатиш; астрономия тадқиқотларида илмий ҳамкорликни йўлга қўйиш; астрономия манфаатларини бошқа халқаро ташкилотларда ҳимоя қилиш. ХАИ иш органлари Ижроия комитети ва астрономиянинг алоҳида проблемалари комиссия (1974 йилда — 40 комиссия)ларидан иборат. ХАИ комиссиялари, асосан, халқаро конференция, симпозиум ва б. ни ташкил қилиш йўли б-н координациялаш ишлари олиб боради. Умумий ишни ХАИ Бош ассамблеяси бошқариб, ҳар уч йилда бир марта йиғилади. Бош ассамблея умумий йиғилиш ва мажлисларда астрономиянинг энг актуал масалалари тўғрисидаги докладларни тинглайди, астрономик кузатишлар ҳисоботларини тасдиқлайди ва янги текшириш программаларини таклиф қилади.

ХАЛҚАРО БИРЛИКЛАР СИСТЕМАСИ — қ. *Бирликлар халқаро системаси*.

ХАЛҚАРО БОЛАЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ КУНИ — жаҳон жамоатчилиги фикрини болаларни уруш хавфидан ҳимоя қилиш, болалар соғлиғини сақлаш, уларнинг тарбия ва таълимини демократик асосда амалга ошириш учун курашга сафарбар этиш куни. Хотин-қизлар Халқаро демократик федерацияси Советининг Москвадаги сессияси (1949) да белгиланган. Ҳар йили 1 июнда нишонланади. Дастлаб 1950 йили 51 мамлакатда ўтказилган.

ХАЛҚАРО ВАЛЮТА ФОНДИ (ХВФ)—БМТ нинг ихтисослашган муассасаси статусига эга бўлган валюта ташкилоти. 1944 йилда Бреттон-Вудс (АҚШ) шаҳрида бўлган халқаро валюта-молия конференциясида ташкил топди. 1947 йил мартда ўз ишини бошлади. ХВФ уставига мувофиқ, фондниг вазифаси ташқи савдо ва халқаро валюта-молия ҳамкорликларини ривожлантиришга ёрдамлашиш, ХВФга қатнашувчи мамлакатлар тўлов балансларини мувозанатини сақлаш ва уларнинг валюта курсларини тартибга солишдан иборат эди. Амалда ХВФ фаолиятини фондда етакчи ўринда турган ва капиталистик дунёда долларнинг мавқеини мустаҳкамлаш мақсадида валюта фондидан фойдаланаётган АҚШ назорат қилади. Фондниг олий органи йилда бир марта сессияга тўпланадиган бошқарувчилар советидан иборат. Унга ҳар қайси мамлакатдан вакил киради. ХВФнинг доимий ижроия органи — директорат кундалик ишлар б-н шуғулланади. Фондниг ҳар бир аъзоси Советда 250 овозга ва ҳар 100 минг доллар *квота*си учун қўшимча 1 овозга эга. Бу ривожланган капиталистик мамлакатларнинг кўп овозга эга бўлишини таъминлайди.

Фондниг ресурслари (маблағлари) унга аъзо мамлакатларнинг бадал (квота)ларидан ташкил топади. Фондда 1947 йили 49 мамлакат иштирок этиб, унинг асосий капитали 7,7 млрд. долларни ташкил этган. 1975 йилга келиб аъзо мамлакатларнинг сони 126 га, умумий бадал миқдори эса 29 189 млн. МҚБҲ («махсус кредит бериш ҳуқуқи» — етакчи Ғарб давлатлари валютаси негизида қиймати белгиланадиган шартли пул бирлиги)га кўпайди. Совет Иттифоқи фондга аъзо эмас. Ҳар бир мамлакат ҳиссаси мамлакатнинг миллий даромадини, ташқи савдо ва олтин-валюта резервларини ҳисобга олган ҳолда белгиланади (шундан 25% олтин б-н, 75% эса миллий валюта б-н тўланади). 1975 йил январида АҚШ 6700, Буюк Британия 2800, ГФР 1600, Франция 1500, Япония 1200 млн. доллар бадалга эга бўлган МҚБҲ эмиссияси (фондда 1970 йили қўлланган) 1974—75 молия йилида ўтказилмади. 1975 йил ўрталарида МҚБҲнинг умумий қарз бериш маблағи 9,3 млрд. дан иборат бўлди. 1974—75 молия йилида фонд 933 млн. умумий миқдорда операция ўтказди. МҚБҲ нинг кўп маблағидан Италия (181), Австралия (135), ГФР (123), Дания (63), Бельгия (56) фойдаланди.

ХВФ ва ХРТБнинг 30-сессиясида (1975 йил, 1—5 сентябрь, Вашингтон) ноқулай иқтисодий конъюнктура, инфляция, «сузиб юрувчи» курсларни қўллаш тажрибаси шароитида халқаро ҳисоботлар ҳолатини анализ қилишга

сезиларли аҳамият берилди. ХВФга аъзо мамлакатлар марказий банклари ўртасида олтин б-н операция қилиш, фонд капиталини кўпайтириш ва ш. к. масалалар тўғрисида келишиб олинди. АҚШ амалдаги «сузиб юрувчи» курсларни мустаҳкамлашни ёқлаб чиқди; Франция қатъий белгиланган курсга қайтишни талаб қилди. 1976 йил январда ХВФнинг вақтли комитети «сузиб юрувчи» курслар системасини мустаҳкамлайдиган битимни тасдиқлади.

ХАЛҚАРО ВАҚТ БЮРОСИ — миллий вақт хизмати ишларини координациялаб турувчи илмий муассаса.

Х. в. б. бутун дунё обсерваторияларидан келадиган вақт хизмати ва кенгликларга оид материалларни анализ қилади ва солиштиради. Дунёдаги барча радиостанциялардан эфирга тарқатиладиган аниқ вақт радиосигналлари моментини ва қутбнинг оний координатасини ҳисоблайди ҳамда уни энг эҳтимол моментлар сифатида чоп этади. Бундан ташқари, Ернинг қутбий ҳаракати ва фаслий нотекис ҳаракатида ҳисобга олинувчи дастлабки тузатма қийматларини ҳисоблайди ва вақт хизмати идораларига юбориб туради.

Х. в. б. 1920 йилда Парижда иш бошлаб, 1921 йилда *Халқаро астрономия иттифоқи* кенгашида тасдиқланган. ЎзССР ФА Астрономия ин-ти вақт бўлими ва *Улуғбек номли Китоб халқаро кенглик станцияси* ҳам астрономия кузатув натижаларини Париж Х. в. б. га юбориб туради.

ХАЛҚАРО ГЕОДЕЗИЯ ВА ГЕОФИЗИКА ИТТИФОҚИ — халқаро ассоциациялар бирлашмаси. 7 та халқаро ассоциация: геодезия, сейсмология ва Ер ости физикаси, метеорология ва атмосфера физикаси, геомагнетизм ва аэрономия, океан ҳақидаги табиий фанлар, илмий гидрология, вулканология ва Ер ости кимёси ассоциациялари фаолиятини бирлаштиради. 1919 йилда Брюсселда ташкил этилган. ЮНЕСКОга қарайди. Х. г. ва г. и. га 69 мамлакат олимларининг коллективи киради. Совет Иттифоқи 1955 йилдан аъзо. Х. г. ва г. и. Ерни ва унинг атрофидаги фазони ўрганиш соҳасида жуда катта халқаро тадбирларни амалга оширмоқда: Халқаро геофизика йили, Халқаро геофизика ҳамкорлиги йили, Халқаро Қуёш сокинлиги йили, «Ернинг устки мантияси» лойиҳаси, Халқаро гидрология ўн йиллиги, Глобал атмосфера жараёнларини ўрганиш программаси, музликларни ўрганиш программаси ва б. Иттифоқнинг олий органи — ҳар 4 йилда чақириб турилади ган Бош ассамблея. Ассамблеялар орасида унинг ишига Ижроия комитет раҳбарлик қилади. Бу иттифоқ томонидан қабул қилинган қарорлар — аъзо мамлакатларнинг миллий комитетлари (СССР да — СССР ФА Президиуми ҳузуридаги идоралараро геофизика комитети) томонидан амалга оширилади.

ХАЛҚАРО ГЕОЛОГИК КОНГРЕСС — геологларнинг халқаро илмий бирлашмаси. Асосий вазифаси — Ер ҳақидаги фанлар бўйича назарий ва амалий тадқиқотларга ёрдам бериш ва информациялар алмашиш. 1875 йилда ташкил этилган. Сессия уставига биноан, Х. г. к. 3—4 йилда бир марта ва ҳар сафар бошқа мамлакатда ўтказилиши керак. 1977 йилгача жами 25 сессия бўлиб ўтган: 1-сессия 1878 йили Парижда, 17-сессия 1937 йили Москвада, 25-сессия 1976 йили Канберрада бўлган. Ҳар бир сессия муайян илмий мавзуга бағишланади. Мас., 17-сессияда Осиё геологиясига алоҳида аҳамият берилди.

Сессия қатнашчилари сессия ўтказилаётган мамлакатнинг геологик тузилиши б-н таништириладн. Сессияда тингланган ёки сессияга жўнатилган илмий докладлар нашр этилади. Рус, инглиз, немис, француз, итальян ва испан тиллари расмий тиллар ҳисобланади.

Сессияда яхши илмий иш учун Спендиаров мукофоти (1897 йили рус геологи Л. А. Спендиаров хотирасига таъсис этилган) берилади. А. П. Карпинский, Ф. Н. Чернишёв, В. П. Батурин Спендиаров мукофотига сазовор бўлган. Анъанага кўра, бу мукофот конгресс сессияси ўтказилаётган мамлакатнинг ёш олимига тақдим этилади.

Х. г. к. нинг 21-сессиясида Халқаро геология иттифоқи таъсис этилган.

Ад.: Немилова А. В., Васильева А. П., Международные геологические конгрессы и участие в них русских геологов. Справочник, Л., 1937.

ХАЛҚАРО ГЕОФИЗИКА ЙИЛИ — 1957 йил 1 июлдан 1958 йил 31 декабргача ўтган (18 ой) давр; бу давр ичида бутун ер шаридаги 67 мамлакат ягона программа ва методика асосида геофизик кузатишлар ва тадқиқотлар олиб боришди. Х. г. й. бундан илгари ўтган иккита Халқаро қутб йилларининг давоми бўлди. Унга махсус комиссия раҳбарлик қилди. 1959 йилда Х. г. й. Халқаро геофизика ҳамкорлиги сифатида давом эттирилди.

Қуёш активлигининг максимум даврига тўғриланган Х. г. й. программасига қуйидаги кузатишлар киритилди: аэрологик ва метеорологик (шу жумладан қуёш радиацияси, атмосферадаги озон ва кумушсимон булутларни кузатиш), океанографик, гляциологик, магнит, гравиметрик ва сейсмик; устки атмосфера — қутб ёғдулари, ионосфера, метеорлар, шунингдек космик нурлар ҳам ўрганилди. Натижада Қуёш б-н Ер ўртасидаги ўзаро алоқани ўрганиш ишига катта ҳисса қўшилди. Антарктиканн тадқиқ қилишда айниқса муҳим аҳамият касб этди, у ерда турли мамлакатлар ўз базаларини барпо этишди (мас., Совет Иттифоқининг «Мирний» обсерваторияси) ва Антрактиданинг ичкарисига бир қанча экспедициялар ўтказилди. Барча океанларда кўп сонли гидрографик кузатишлар олиб борилди («Витязь» ва «Обь» совет кемалари шулар жумласига киради). Арктикадаги сузиб юрувчи музлар устида СССР ва АҚШ бир нечта обсерваториялар ўрнатишди.

Х. г. й. ўтказишда янги тадқиқот аппаратлари ва усулларидан фойдаланилди (мас., кўп сонли геофизик ракеталар ва Ернинг сунъий йўлдошлари учирилди) ва улар ёрдамида атмосферанинг 200 *км* дан баландроқдаги зичлиги ва т-раси аниқланди. Ернинг радиация минтақаси очилди, планеталараро фазодаги метеор модданинг зичлигини аниқлашга эришилди (бу нарса космик учишларнинг хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эгадир).

Х. г. й. кузатишлари материаллари асосида Антарктидада Жанубий совуқлик қутби очилди, у ерда йиллик ўртача т-ра —57° эканлиги маълум бўлди. Антарктида қирғоқлари яқинида циклонлар такрорланиб турадиган б ўлканинг ўртача ҳолати аниқланди. Метеорларнинг ярқирайдиган изларини визуал ва радиолокацион кузатишлар 110 *км* гача бўлган баландликларда шамолнинг тезлигини ва

йўналишини, сув сатҳининг кўтарилиши ва пасайиши ҳар ярим суткада такрорланишини аниқлаш имконини берди. Озон қатлами тропик минтақаларда жуда юқорида ва юпқа, қутб минтақасида эса қалин ва паст жойлашганлиги исбот этилди. Океанларнинг энг чуқур жойларида ҳам жуда тез оқимлар борлиги топилди. Шарқий Сибирда янги музликлар борлиги аниқланди. Антрактидада умумий массаси $24 \cdot 10^6$ *км*^{3} бўлган жуда қалин музлик тоғлик континентни денгиз сатҳигача ва, ҳатто, ундан ҳам пастгача «босиб» юборганлиги исботланди.

Қутб нурланишларининг спектри асосида Ернинг юқори атмосферасида гелий борлиги, шунингдек, келиб чиқиши қуёш б-н боғланган ва космосдан атмосферага ёриб ўтадиган протон оқимлари мавжудлиги аниқланди. Ионосферада ион булутлари борлиги аниқланди ва батафсил таърифланди. СССРда Х. г. й. натижалари «Результаты МГГ» («Х. г. й. натижалари»), (кейинги даврда «Результаты исследований по международным геофизическим проектам») асарлар сериясида нашр этилмоқда.

ХАЛҚАРО ДАВЛАТ-МОНОПОЛИСТИК БИРЛАШМАЛАРИ — давлатлараро шартномалар асосида ташкил этилган халқаро монополия бирлашмалари. Х. д.-м. б. Иккинчи жаҳон уруши (1939—45) дан кейин вужудга келди. *Европа кўмир ва пўлат бирлашмаси* бу бирлашмаларнинг биринчисидир. У 1951 йили 6 мамлакат: ГФР, Франция, Италия, Бельгия, Нидерландия ва Люксембург ўртасида кўмир ва металлургия саноати товарлари учун таможня пошлиналари олишга барҳам бериш ва бу товарлар учун умумий бозор ташкил қилиш мақсадида тузилган. Худди шу мамлакатлар *Европа иқтисодий ҳамжамияти* (ЕИҲ, «Умумий бозор») ташкил қилиш ҳақида ҳам қарор қабул қилдилар; уни таъсис этиш ҳақидаги шартнома 1958 йил 1 январидан кучга кирган. Айни вақтда *Атом энергияси бўйича Европа ҳамкорлиги* таъсис этиш ҳақида шартнома тузилди.

Ғарбий Европа мамлакатларининг интеграция жараёнида юзага келган бу бирлашмаларга АҚШ ва Япония қарши туради. Ғарбий Европа, АҚШ, Япония ўртасидаги бу иқтисодий ва сиёсий конкуренция кураши тобора кескинлашмоқда. Шундай қилиб, Х. д.-м. б. нинг вужудга келиши ва ривожланиши империалистлараро қарама-қаршиликларнинг янги формалари келиб чиқишига сабабчи бўлди. Х. д.-м. б. ташкил қилиниши хусусий монополистик интеграцияга кучли туртки бўлди. ЕИҲ тузилгандан 5 йил ўтгач, «Умумий бозор»га аъзо мамлакатлар монополиялари ўртасида 40 мингдан ортиқ картель битимлари қайд қилинган эди. «Умумий бозор» ташкил қилингач, ГФР ва Францияда йирик компанияларнинг биринчиси Франция ва Ғарбий Германия монополияларининг конкуренция кураши натижасидир. ЕИҲ пайдо бўлгандан кейинги 5 йил мобайнида Францияда 433, ГФР да 189, Италия ва *Бенилюкс* мамлакатларида 378 йирик монополиялар бирлашди. Эски форма ўрнига капитални концентрациялаш ва марказлаштириш йўли б-н конкурентлардан бозорни, хом ашё манбаларини, ишчи кучини қўлга киритадиган янги усул пайдо бўлди. Буларнинг ҳаммаси йирик монополияларга майда ва ўрта компанияларнигина эмас, балки йирик компанияларни ҳам бирлаштириш учун имкон берди.

Ад.: Ленин В. И., Империализм капитализмнинг юқори босқичи, Тўла асарлар тўплами, 27-т.; Чумаков М. П., Финансово-валютные противоречия «Общего рынка», М., 1967; Проблемы современного империализма, М., 1968.

ХАЛҚАРО ДЕМОКРАТ-ЮРИСТЛАР АССОЦИАЦИЯСИ — юристларнинг прогрессив демократик ташкилоти. 1946 йилда Париждаги халқаро юристлар конференциясида тузилган. Конференция Иккинчи жаҳон уруши йилларидаги *Қаршилик кўрсатиш ҳаракати*да қатнашган француз прогрессив юристларининг ташаббуси б-н чақирилган. Ташкилотнинг вазифаси асосан барча мамлакатлар юристлари б-н ўзаро алоқалар ўрнатиш ва фикр айирбошлаш, уларнинг тинчлик ва халқлар ўртасидаги ҳамкорлик учун биргаликдаги ҳаракатини таъминлаш, демократик ҳуқуқ ва эркинликни ҳимоя қилиш, ривожлантириш, барча халқларнинг мустақиллигини мустаҳкамлашга ёрдам беришдан иборат. Мақсади ва фаолияти ассоциация вазифаларига мос келадиган юристларнинг ҳар қандай миллий ёки халқаро бирлашмалари, шунингдек юридик касбга эга бўлган барча шахслар Х. д.-ю. а. га аъзо бўлиши мумкин.

Х. д.-ю. а. нинг олий органи — конгресс (3 йилда 1 марта чақирилади). Конгресслар ўртасидаги даврда унинг фаолиятига миллий ассоциациялар вакилларидан сайланадиган Кенгаш (йилда 1 марта чақирилади) раҳбарлик қилади. Совет юристлари Х. д.-ю. а. фаолиятига актив иштирок этади.

ХАЛҚАРО ДЕМОКРАТИК ХОТИН-ҚИЗЛАР ФЕДЕРАЦИЯСИ (ХДХ-ҚФ) — ирқи, миллати, дини ва сиёсий қарашларидан қатъи назар, ўзларининг гражданлик, оналик ҳуқуқлари, болаларни муҳофаза қилиш, тинчлик, демократия ва халқлар мустақиллиги учун биргаликда курашувчи хотин-қизларни жипслаштирган халқаро демократик ташкилот. Парижда бўлиб ўтган Халқаро хотин-қизлар конгресси (1945 йил 1 декабрь)да ташкил топган.

7-конгресс (1975) дан кейин ХДХ-ҚФ ўз сафига 106 мамлакат (Африкадан 25, Осиёдан 25, Европадан 28, Латин Америкасидан 24, Шимолий Америкадан 2, Австралия ва Океаниядан 2) дан 121 ташкилотни бирлаштирган. Совет хотин-қизлари номидан совет хотин-қизлари комитети ХДХ-ҚФга вакилдир.

ХДХ-ҚФ БМТ ва унинг махсус ташкилотлари фаолиятида иштирок этади. Олий органи — Конгресс (4 йилда бир марта чақирилади), Ишчи органи — бош секретарь раҳбарлигидаги Секретариат. Штаб-квартираси — Берлинда (ГДР). Президенти 1945—67 йилларда Э. *Коттон* (Франция), 1969 йилдан Херта Куусинен (Финляндия); бош секретари — Фанни Эдельман (Аргентина). ХДХ-ҚФнинг «Женшины мира» журнали уч ойда бир марта (француз, испан, инглиз, немис, рус ва араб тилларида) чиқади. ХДХ-ҚФ биринчи президенти Э. Коттон номида кумуш медаль таъсис этган. Медаль ХДХ-ҚФ программаларини ҳаётга тадбиқ этиш учун фаол курашувчи йирик арбоблар ва миллий ташкилотларга берилади. ХДХ-ҚФ Жаҳон Тинчлик кенгашининг Фридерик Жолио Кюри номидаги «Тинчлик олтин медали» б-н мукофотланган.

Ад.: Грызунова М. Г., Международная демократическая федерация женщин. 1945—1975, М., 1975.

ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИСТЛАР ТАШКИЛОТИ — журналистларнинг миллий ташкилотлари, группалари ва индивидуал аъзолардан иборат журналистлар бирлашмаси 1946 йил Копенгагенда тузилган. *СССР журналистлар союзи* Х. ж. т. тузилгандан бери унинг аъзосидир. Х. ж. т. тинчлик ва халқлар ўртасида дўстликни мустаҳкамлаш учун курашда демократ журналистларнинг кучларини жипслаштириш йўлида фаол иш олиб боради. Асосий мақсади: оммага эркин, ҳаққоний, тўғри ахборот бериш йўли б-н халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш, матбуот эркинлиги ва журналистларнинг ўз виждони ҳамда маслагига яраша ёзиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш, журналистларнинг моддий шароитини яхшилаш учун кураш; халқларнинг эркин ва ҳаққоний ахборот олиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш; уруш пропагандаси, фашизм, миллий ва ирқий камситишга қарши, халқаро вазиятни мураккаблаштирадиган ёлғон ва бўҳтонларга қарши курашиш. Х. ж. т. олий органи — 4 йилда 1 марта чақириладиган конгресс. Конгресслар ўртасидаги даврда Х. ж. т. ишларига ижроия комитет раҳбарлик қилади. Кундалик ишларни Бош секретариат бажаради. Раҳбар органлари Прагада жойлашган. 109 мамлакатдан 150 мингдан зиёд кишини бирлаштиради (1976). Ойлик «Демократик журналист» журналини, 2 ойда 1 марта «Ахборот» бюллетенини нашр этади. Х. ж. т. Жаҳон Тинчлик Кенгашининг Ф. Жолио-Кюри номидаги «Тинчлик олтин медали» б-н тақдирланган (1976).

ХАЛҚАРО ИНВЕСТИЦИЯ БАНКИ (ХИБ) — социалистик мамлакатларнинг халқаро банки. Аъзо мамлакатларнинг ўзаро иқтисодий ҳамкорлигини ривожлантиришга кўмаклашиш, капитал қуриliш учун ресурсларни кўпроқ тўплаш ва ундан келишиб фойдаланиш мақсадида тузилган. ХИБни ташкил қилиш ҳақида 1970 йил 10 июлда қабул қилинган Битимга мувофиқ Москвада таъсис этилган. Банкка Болгария, Венгрия, ГДР, Монголия, Польша, Руминия, СССР, Чехословакия ва Куба давлатлари аъзо. ХИБ нинг устав капитали 1052,6 млн. сўм миқдорида белгиланган, 70% и воситали сўм, 30% и эркин конверсия қилинадиган валюта ва олтиндан ташкил топган. Аъзо мамлакатларнинг *квота*лари уларнинг ўзаро товар оборотидаги экспорт ҳажми б-н белгиланган. Банк резерв капитали ва махсус фондга эга.

Банкнинг асосий вазифаси халқаро социалистик меҳнат тақсимоти, ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва кооперациялаш, алоҳида мамлакатлар ҳамда барча социалистик ҳамкор мамлакатларнинг хом ашё ва ёқилғи базасини кенгайтириш б-н боғлиқ бўлган тадбирларга узоқ муддатли (15 йилгача) ва ўрта муддатли (5 йилгача) кредитлар беришдир. Биринчи навбатда юқори иқтисодий фойда берадиган объектлар кредит б-н таъминланади. ХИБ кредитлари планли, мақсадли, тезкор характерга эга. Кредитлар учун банкка 4—6% воситали сўм тўланади.

1973 йилдан банкда ривожланаётган мамлакатларга иқтисодий ва техник ёрдам кўрсатиш учун махсус кредит бериш фонди ташкил қилинди. Фонд 1 млрд. воситали сўм миқдорида белгиланди. Банк фонд ҳисобидан ривожланаётган мамлакатларга янги саноат корхоналари қуришга, шунингдек ишлаб турган корхоналар реконструкцияси ва модернизациясига, қ. х. ва б. тармоқларга кредит беради ва ҳ. к. ХИБ фаолияти барча аъзо мамлакатларнинг тўла тенг ҳуқуқлилигига, суверенитетини ҳурмат қилишга асосланади. Банкнинг олий органи — барча аъзо мамлакатлар вакилларидан иборат бўлган Кенгаш. Ҳар бир мамлакат ўз бадалидан қатъи назар, бир овозга эга. Ижроия органи — Бошқарма.

Банк очиқ ташкилотдир. Унинг фаолият принципи ва мақсадларига ҳамфикр бўлган, банкни ташкил қилиш ҳақидаги Битим ва унинг устави натижасидан келиб чиқадиган мажбуриятларни ўз устларига олган мамлакатлар банкка аъзо бўлишлари мумкин. ХИБ да иштирок этиш аъзо-мамлакатларнинг бирбири б-н, бошқа мамлакатлар б-н ҳамда халқаро валюта-молия ташкилотлари б-н молиявий ва б. алоқаларининг ривожланишига монелик қилмайди.

Ад.: Международные организации социалистических стран. М., 1971; Содружество социалистическое (СЭВ: итоги и перспективы), М., 1973.

ХАЛҚАРО ИШЧИЛАР ҲАРАКАТИ — ишчилар синфининг капитализмни тугатиш ва коммунистик жамият қуриш учун, ўз иқтисодий, сиёсий ва маданий манфаатлари учун, умумдемократик ҳуқуқлар ва талаблар учун кураши. Х. и. ҳ. ишчилар синфининг сиёсий партиялари, касаба союзлари ва ишчиларнинг бошқа ташкилотлари фаолиятини қамрайди. Х. и. ҳ. икки асосий (революцион ва реформистик) тенденцияни ўз ичига олади; реформизмга ва турли авантюристик сўл йўналишларга қарши турган революцион тенденция кўпгина мамлакатларда тобора устунликка эришмоқда.

Х. и. ҳ. объектив равишда деҳқонлар, хизматчилар, зиёлилар ва ҳунармандларнинг демократик (ҳозирги пайтда антимонополистик) ҳаракатлари б-н милитаризм, миллий истибдодга қарши, босқинчилик урушларига қарши империалистик агрессия қурбони бўлган халқларни ҳимоя қилиш учун кураш б-н боғлиқдир. Улуғ Октябрь рев-ясининг ғалабаси, СССРда социализм қурилиши, жаҳон социалистик системасининг вужудга келиши ва халқаро коммунистик ҳаракатнинг ўсиши Х. и. ҳ. нинг халқаро тарихий муваффақиятларидир.

Капитализмнинг равнақ топиши шароитларида Х. и. ҳ. (19-асрнинг 30—40-йиллари — 1871). Пролетариатнинг биринчи сиёсий чиқишлари шу даврга тўғри келади [1831 ва 1834 йиллардаги Лион қўзғолонлари, Силезия тўқувчиларининг қўзғолони (1844) ва айниқса, чартистлар ҳаракати (қ. *Чартизм*)]. Тараққий қилган Европа мамлакатларида пролетариат ва буржуазия ўртасидаги синфий кураш биринчи планга чиқиб олди ва тарихий тараққиётнинг асосий мазмунига айланди. Ишчилар синфининг туб манфаатларини ўзида илмий акс эттирган марксизмнинг вужудга келиши учун тарихий шарт-шароит яратилди. К. Маркс ва Ф. Энгельс томонидан ёзилган (1847 йил декабрь — 1848 йил январь) *«Коммунистик партия манифести»* илмий коммунизмнинг биринчи программ-ҳужжати бўлди.

1848—49 йиллардаги рев-ялардан кейин йирик саноат марказларида пролетариатнинг сони ошиб борди. 1857 йилги иқтисодий кризисдан кейин ишчиларнинг қайтадан иқтисодий ва сиёсий чиқишлари фаоллаша бошлади. Бироқ ишчилар синфи ўзини уюштирадиган, илмий коммунизм назариясини кенг тарқатадиган революцион марказга эга эмас эди. Ишчиларнинг сиёсий чиқишларини ва касаба союз бирлашмаларини (биринчи касаба союзлари 18-аср охирида Буюк Британия, Франция ва АҚШда вужудга келган) қўллаб-қувватлаган ана шундай марказ 1864 йили К. Маркс ва Ф. Энгельс раҳбарлигида тузилган 1-Интернационал бўлди (қ. *Интернационал I*). Интернационал пролетариатнинг бирлиги учун илмий коммунизмга ёт бўлган *анархизм, лассалчилик* ва тред-юнионизм (қ. *Тред-юнионлар*)нинг турли кўринишлари бўлган гоя ва йўналишларга қарши кураш олиб борди. Интернационал ва унинг доҳийлари Маркс ва Энгельснинг бевосита таъсирида, А. *Бебель* ва В. *Либкнехт* раҳбарлигида 1869 йили Эйзенах шаҳрида немис пролетариатининг мустақил революцион партияси — Социал-демократик ишчи партияси (эйзенахчилар партияси) ташкил топди.

Х. и. ҳ. нинг бу даврдаги энг буюк якуни Париж Коммунаси (1871) бўлди. «Коммуна,— деб ёзган эди В. И. Ленин — 19-асрдаги улуғ пролетар ҳаракатининг улуғ намунасидир» (Тўла асарлар тўплами, 16-т., 519-бет). Париж Коммунаси, В. И. Ленин таърифича, бўронлар ва рев-ялар даври бўлган тарихий давр (1848—71) га якун ясади. Коммуна пролетариатнинг мустақил синфий курашга ўтишига йўл очиб берди.

Капитализмнинг инқирози, монополизмгача бўлган капитализмнинг империализмга ўсиб ўтиши ва империализм даврининг бошланиши даврида Х. и. ҳ. (1871—1917). 1871—1905 йиллар Х. и. ҳ. нинг нисбатан «тинч» ривожланиш даври ҳисобланади. Бу даврда саноат тараққиёти ишчиларнинг йирик корхоналарда бирлашиши, уларнинг сони ва уюшқоқлигининг ўсиши б-н биргаликда борди. Баъзи мамлакатларда социалистик партияларнинг таъсири сайлов кампанияларида, парламент ишларида ва реформалар учун курашда тобора ўсди. Социалистик партиялар ишчиларни марксизм ғоялари б-н таништиришни авж олдирдилар. 1875 йили Германия Социал-демократик ишчи партияси ва Умумгерман ишчилар союзининг бирлашиши натижасида Германия Социалистик ишчи партияси (1890 йилдан Германия Социал-демократик партияси, ГСДП) ташкил топди. 1876 йили АҚШда Социалистик ишчи партияси вужудга келди. 1879 йили Францияда Ишчи партияси ташкил топди. 1883 йили Г. В. *Плеханов* Россияда *«Меҳнатни озод қилиш» группасини* туздн. Бу группа Россияда марксизмни тарқатишда катта роль ўйнади. Шунингдек, бошқа баъзи Европа мамлакатларида ҳам социалистик партия ва группалар ташкил топди.

1889 йили Ф. Энгельснинг актив иштирокида марксистик партияларни бирлаштирувчи марказ II Интернационал тузилди (қ. *Интернационал II*). У пролетар оммаси ўртасида илмий коммунизм ва пролетар интернационализмини тарғиб қилиш борасида муҳим ишларни амалга оширди. 1895 йили В. И. Ленин раҳбарлигида Петербургда ташкил топган «Ишчилар синфини озод қилиш учун кураш союзи» Россияда биринчи марта илмий коммунизмни ишчилар ҳаракати б-н қўшиб олиб борди. 1898 йили Россия Социал-демократик ишчи партиясининг 1-съезди бўлиб ўтди.

Х. и. ҳ. да ишчи партияларининг таъсири кучайиши б-н бирга революцион ва оппортунистик ғоялар ўртасида кураш кескинлашиб борди. Баъзи партияларда К. Маркс таълимотини «тузатувчи» ва «унга аниқлик киритувчи» ревизионистик оқимлар пайдо бўлди (қ. *Ревизионизм*). Ишчилар синфининг туб манфаатларини у ёки бу реформалар учун қурбон қилишга уринган II Интернационал партиялари ишчилар ҳаракатининг асл мақсадларидан тобора четлаша бошладилар. Ишчилар ҳаракатидаги оппортунистик ғоялар буржуазияга сотилган ишчи аристократияси томонидан қўллаб-қувватлаб турилди. Буюк Британияда социалист Г. Гайндман ва унинг Социал-демократик федерациясидаги тарафдорлари «социализм учун кураш»га чақириш б-н бирга, ишчиларнинг кундалик талабларини қувватламадилар, касаба союзлари ҳаракатида қатнашишдан бош тортдилар.

19-асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб анархистлар ўз фаолиятларини активлаштиришга ҳаракат қилдилар. 1872 йили улар ўзларининг анархистик интернационалини (1877 йили тарқатиб юборилган) тузидилар. Баъзи мамлакатларда анархизм ғоялари касаба союзлари ўртасида қулоч ёйиб, 20-асрнинг бошларида *анархо-синдикализм*нинг кенг тарқалишига олиб келди. 20-аср бошларида Х. и. ҳ. нинг «тинч» ривожланиш даври тугади. Оппортунизмга қарши курашда Х. и. ҳ. даги революцион йўналиш мустаҳкамланди. 1903 йили большевиклар партияси (қ. *Совет Иттифоқи Коммунистик партияси*) тузилиши Х. и. ҳ. тарихида муҳим давр бўлди. Бу даврга келиб бошқа ишчи партиялари сафларида сўл қанотлар ташкил топди. Улар (раҳбарлари Ф. *Меринг*, Р. *Люксембург*, К. *Либкнехт*, Д. *Благоев*, В. Коларов ва б.) айрим хатоларга йўл қўйган бўлсалар-да, марксизм позициясини ҳимоя қилдилар. Сўлларга қарши ўнглар (Э. *Бернштейн*, Л. Биссолати ва б.) ва центристлар (К. *Каутский* ва б.) очиқ ревизионистик позицияда турдилар.

Россиядаги 1905—07 йиллар рев-яси ишчилар ҳаракатида муҳим роль ўйнади ва Россияни Х. и. ҳ. марказига айлантирди. Бу рев-яснинг бевосита таъсирида Эрон, Туркия, Хитойда буржуа рев-ялари, Ҳиндистон ва б. Осиё мамлакатларида миллий озодлик ҳаракатлари содир бўлди. Капиталистик мамлакатларда синфий курашлар янада кескинлашди. Умумий сайлов ҳуқуқи учун Пруссия, Саксония, Силезия, Бавария ва б. жойларда оммавий курашлар бошланиб кетди. Францияда иш ташловчиларнинг сони 1906 йили 438 минг кишига етди, Буюк Британияда 1908 йили 300 мингга яқин киши иш ташлади, уларнинг сони 1910 йили 500 мингга, 1912 йили 1,5 млн. га етди. 20-аср бошларида АҚШда иш ташловчилар ҳаракати кучайди. 1905 йили оппортунизмга ён босувчи ва келишувчан Америка Меҳнат федерацияси (АМФ)нинг оппортунистик ва келишувчилик ҳаракатларига қарши «Жаҳон индустриал ишчилари» ташкилоти тузилди.

Йирик империалистик давлатлар ўртасида бўлинган дунёни яна қайтадан бўлиш учун бошланган ҳаракат Х. и. ҳ. олдига милитаризм ва уруш хавфига қарши фаол кураш олиб бориш вазифасини қўйди. II Интерна-

ционалнинг Штутгарт конгресси А. Бебелнинг урушнинг олдини олиш, агар уруш бўладиган бўлса, уни революцион урушга айлантиришга бағишланган резолюциясини қабул қилди. Бу резолюциянинг асосий низомларини II Интернационалнинг Копенгаген конгресси (1910) қайта кўриб чиқди ва амалга оширишга қарор қилди. Бироқ Биринчи жаҳон уруши (1914—18) бошлангач, II Интернационал раҳбарлари пролетар интернационализми ишларига хоинлик қилдилар. Натижада II Интернационал ҳалокатга учради.

Кун тартибига III Интернационални тузиш вазифаси қўйилди. В. И. Ленин бошчилигидаги большевиклар Х. и. ҳ. нинг интернационалист кучларини Циммервальд сўл группаси атрофига жипслаштириб шу вазифани бажаришга киришдилар (қ. *Циммервальд ва Кинталь конференциялари*).

Капитализм умумий кризисининг биринчи босқичида Х. и. ҳ. (1917—1939). *Улуғ Октябрь социалистик революцияси* янги даврни — дунё миқёсида капитализмнинг мағлубияти ва социализмнинг ғалабаси даврини, миллий озодлик революциялари даврини бошлаб берди. 1918—23 йилларда Европанинг катта қисмида ва Осиёнинг айрим мамлакатларида революцион ҳаракатлар кўтарилди. Пролетариат ҳал қилувчи роль ўйнаган бу курашлар натижасида Финляндияда пролетар рев-яси (1918 йил январь), Германияда 1918 йилги Ноябрь рев-яси ва пролетариатнинг 1919 йил январь ва март ойларидаги чиқишлари бўлиб ўтди; Бавария ва Венгрияда совет республикалари ташкил топди (1919). Ана шундай шароитда, янги коммунистик партиялар (Венгрия, Германия, Польша, Аргентина ва б. мамлакатларда) вужудга келди, социал-демократик партияларда сўл оқимлар шаклланди. 1919 йил мартида Москвада III Коммунистик Интернационалнинг Таъсис конгресси бўлиб ўтди (қ. *Коммунистик Интернационал*).

1919—20 йилларда Германия ва Венгрия революцион ишчилари мағлубиятга учради; шунга қарамасдан, АҚШ, Марказий ва Ғарбий Европада иш ташлашлар янада кўпайди. Кескин курашлар натижасида Европа пролетариати муҳим ижтимоий ислоҳотларни қўлга киритди: 8 соатлик иш куни, касаллик ёки ишсизлик учун страхование жорий қилинди. Кўпчилик Европа мамлакатларида умумий сайлов ҳуқуқига эришилди. Қасаба союзлари аъзоларининг сони 1920 йилга келиб 1913 йилдагига нисбатан 3 марта кўпайди, яъни 45 млн. кишига етди. Баъзи мамлакатлардаги ёш коммунистик партиялар олдида икки вазифа: социал-демократик хом хаёлларни тугатиш ва бир қанча партияларда вужудга келган «сўллар»нинг хатоларига қарши кураш вазифалари турди. Бу вазифаларни бажаришда В. И. Ленининг *«Коммунизмда болаларча «сўллик» касали»* асари, Коминтернинг 2- (1920) ва 3- (1921) Конгресслари муҳим роль ўйнади.

Коминтерн 1922 йили ўзининг атрофига 60 дан ортиқ партия ва ташкилотлардаги 1 млн. дан кўпроқ кишини бирлаштирди.

1923 йилдан бошлаб Х. и. ҳ. бир қадар сусайди, бироқ 1929 йилга келиб Х. и. ҳ. тараққиётининг янги даври бошланди. 1929—33 йиллардаги иқтисодий кризис империализмнинг қарама-қаршиликларини янада кескинлаштириб юборди. Кризиснинг бевосита таъсирида 1930 йил баҳорида ишчиларнинг кўп сонли чиқишлари, ишсизларнинг намойиш ва юришлари, баъзан қуролли тўқнашувларгача бориб етган иш ташлашлари бўлиб ўтди. Тўла бўлмаган маълумотларга кўра 1928 йил ўрталаридан 1933 йил охиригача 17 млн. га яқин ишчи иш ташлади. Бу йилларда энг йирик синфий курашлар бўлиб ўтди: Испания рев-яси (1931—39), Куба рев-яси (1933), Чилидаги революцион жанглар (1931—32) шулар жумласидандир.

1933 йили Германияда фашизм ҳокимият тепасига келди. Шунинг учун пролетариатнинг энг биринчи вазифаси қўлга киритилган демократик эркинликларни сақлаб қолиш, урушнинг олдини олиш ва фашизмга қарши курашишдан иборат бўлиб қолди. 1934 йил февралида Франция ишчилар синфининг фашизмга қарши чиқишлари ва шу йилнинг июлида коммунистик партиянинг бирлашган фронт тузиш ҳақидаги таклифлари Социалистик партия раҳбарлари томонидан қабул қилиниши Европа пролетариатининг фашизмга қарши курашида ва коммунистик партиялар стратегияси ва тактикасининг ривожланишида муҳим воқеа бўлди. 1934 йил февралида Австрия ва октябрида Испанияда пролетариатнинг фашизмга қарши кўтарган қуролли қўзғолонларида коммунистлар ва социалистлар биргаликда актив қатнашдилар.

Коминтернинг 7- конгресси (1935) янги шароитга мувофиқ равишда бирлашган ишчи ва *Халқ фронти* тактикасини, шунингдек, мустамлака ва қарам мамлакатларнинг ягона миллий антиимпериалистик фронтини тузиш тактикасини ишлаб чиқди.

1934—37 йиллар Х. и. ҳ. да янги кўтарилиш даври бўлди. Бу даврдаги кўтарилиш Францияда Халқ фронти ташкил этилиши (1935) б-н нишонланди, у парламент сайловларида ғалаба қозонди ва Халқ фронти ҳукуматини тузди (1936). 1936 йилнинг бошида Испанияда Халқ фронти тузилди ва у сайловларда ғалаба қозонди. 1936—39 йилларда испан халқининг фашизмга қарши олиб борган Миллий-революцион уруши жаҳон уруши арафасидаги революцион ҳаракатлар тарихининг ёрқин саҳифаси бўлди.

Бу уруш давомида Испания пролетариат гегемон синф бўлган янги типдаги демократик республикага айланди. Совет Иттифоқи, халқаро ишчилар синфи ва б. демократик кучларнинг Испания республикасини қўллаб-қувватлаши реакция ва фашизмга қарши интернационал ҳамкорликнинг ёрқин намунаси бўлди.

Фашизмга қарши курашда коммунистларнинг бирлаштирувчанлик ва авангардлик роли коммунистик партиялар таъсирининг янада кучайишига олиб келди. 1938 йилнинг охирида капиталистик мамлакатларда коммунистларнинг сони 1200 минг кишига етди (1935 йили 785 минг эди). Уруш хавфининг кучайиши даври (1937—38) да Социалистик ишчи интернационал раҳбарлари Коминтернинг фашизм хавф солиб турган Испания ва Чехословакияга ёрдам бериш зарурати ҳақидаги таклифларини рад қилдилар. Кўп ўтмай шармандали *Мюнхен битими* имзоланди (1938). 1939 йил мартда Испания республикаси исёнчилар ва интервентлар томонидан бўғиб ташланди. *Франко* диктатураси ўрнатилди. 1939 йил сентябрида ишчилар ҳаракати бирмунча сусайган пайтда Европада *Иккинчи жаҳон уруши* (1939—45) бошланди.

Капитализм умумий кризисининг иккинчи босқичида Х. и. ҳ. Иккинчи жаҳон уруши Х. и. ҳ. олдига янги мураккаб масалаларни қўйди. Фашизм блокига қарши кураш озодлик характерига эга бўлди.

Немис-фашист босқинчиларининг Совет Иттифоқи терр-ясидан қувилиши, Совет Армиясининг Марказий ва Жануби-Шарқий Европа мамлакатларига кириши (1944) бу ерларда фашизмга қарши миллий озодлик ҳаракатлари ўсиб, *Халқ демократик революцияси*га айланишига имкон яратди. Бу даврда Шарқий ва Жануби-Шарқий Осиё ҳам муҳим халқаро революцион жараёнлар марказларидан бирига айланди. Хитой халқининг япон милитаристларига қарши урушдан илгари бошлаган қаҳрамонона кураши изидан Бирма, Филиппин, Вьетнам, Корея, Малайя ва Индонезия каби мамлакатларда ҳам *Қаршилик кўрсатиш ҳаракати* авж олди. Болгария, Югославия, Албания, Руминия, Чехословакия, Польша, Венгрияда ишчилар синфи кенг меҳнаткашлар оммаси б-н биргаликда буржуазия қаршилигини енгиб, ўз ҳокимиятини ўрнатди. Вьетнам ва Шимолий Кореяда коммунистлар миллий озодлик рев-яларига муваффақиятли раҳбарлик қилдилар. Хитой революцион кучларининг қўлга киритган ғалабаси 1949 йил 1 октябрда Хитой Халқ Республикасининг барпо этилишига олиб келди. Европа ва Осиёнинг қатор мамлакатларида бўлиб ўтган социалистик рев-ялар натижасида *жаҳон социализм системаси* вужудга келди. Урушдан кейинги йилларда Латин Америкасининг кўпгина мамлакатларида демократик ҳаракатлар анча юксалди. Ишчилар синфи Аргентина, Бразилия, Чили, Колумбия, Венесуэла, Кубада муҳим ижтимоий муваффақиятларни қўлга киритдилар, жумладан, ишчи партиялари ва ташкилотларининг очиқ ишлашига эришдилар.

1947 йили *«совуқ уруш» сиёсати*нинг кучайиши шароитида АҚШ империализмининг қўллаб-қувватлаши б-н Ғарбий Европа буржуазияси революцион кучларга қарши ҳужумга ўтди. 1947 йил баҳорида коммунистларнинг вакиллари Франция, Италия, Бельгияда ҳукуматдан четлаштирилди. Грецияда гражданлар уруши бошланди.

1940 йили тарқатиб юборилган Социалистик ишчи интернационал ўрнига ўнг социалистлар ташкил этган *Социалистик интернационал* (1951 йили Франкфурт-Майнда тузилган) Х. и. ҳ. га қарши позицияда турди. Буржуазиянинг ҳужуми ишчиларнинг қаттиқ қаршилигига учради. 1946—50 йилларда жами 11 йирик капиталистик мамлакатда 72 млн. га яқин киши иш ташлади. Оммавий, сиёсий иш ташлашлар, намойишлар ва б. норозиликларнинг сони тобора кўпайиб борди. Халқаро аҳволнинг ва синфий курашларнинг кескинлашуви шароитида коммунистик партиялар ҳаракатларини бир-бирига мувофиқлаштириш учун 1947 йили Коммунистик ва ишчи партияларнинг ахборот бюроси ташкил этилди (1956 йилгача ишлади).

50- йилларнинг 1- ярмида АҚШ империализми маҳаллий олигархия б-н биргаликда Латин Америкасида ҳужумга ўтди (реакцион ҳарбий тўнтаришлар, компартияларнинг таъқиқланиши ва б.). Бу даврда империализм миллий озодлик ҳаракатларига ва асосан унинг Шарқий Осиё (Индонезия, Филиппин, Малайя) ва Яқин Шарқ (Эрон, Ироқ) мамлакатларидаги Х. и. ҳ. нинг революцион авангардига зарба беришга муваффақ бўлди. Бироқ империалистлар ҳеч қаерда ўзларининг мустамлакачилик тартибларини ўрната олмадилар.

Капитализм умумий кризисининг учинчи босқичида Х. и. ҳ. 50- йилларнинг ўрталарига келиб Х. и. ҳ. нинг йирик муваффақияти халқаро социализм системасини жипслашуви бўлди. СССРда социализм тўла ғалаба қозонди, меҳнаткашлар коммунистик партия раҳбарлигида социализмдан коммунизмга ўтиш учун ўз олдиларига қўйган вазифаларини бажаришга киришдилар. Бошқа социалистик мамлакатларнинг меҳнаткашлари ҳам ўз партиялари раҳбарлигида социализм қуришни муваффақиятли давом эттирмоқдалар. Ғарбда ва Японияда синфий курашларнинг кескинлашувига 50- йилларда давлат-монополистик капитализмининг тараққиёти ва илмий-техника рев-яси туфайли вужудга келган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар сабаб бўлди. Қулай иқтисодий шароитда кўпчилик ривожланган капитализм мамлакатларида иш ташловчилар сони кескин ошди (1956 ва 1957 йилларда 8—10 млн. киши, 1961—63 йилларда 41—44 млн. киши), пролетариатнинг йирик чиқишлари ва жиддий сиёсий инқирозлар (Францияда, Италияда, Японияда) бўлиб ўтди.

60- йилларнинг ўрталарида Ғарбда иш ташлашлар бирмунча сусайди. Бироқ, 1967 йилдан ишчиларнинг демократик ва революцион ҳаракатлари яна авж олиб кетди. 1968—69 йилларда АҚШ, Италия, Франция ва Ғарбий Европадаги қатор мамлакатларда бўлиб ўтган умумий иш ташлашлар шулар жумласидандир.

1968—72 йилларда меҳнаткашларнинг иш ташлашлари ва синфий чиқишларида 44 млн. дан ортиқ киши қатнашди. Европанинг кўпгина мамлакатларида пролетариат монополиялар томонидан илмий-техника рев-яси учун сарфланган харажатларни меҳнаткашларнинг бўйнига юкланишига қаршилик кўрсатиб, ўзининг турмуш даражаси яхшиланишини талаб қилиб чиқди.

1956—65 йилларда Латин Америкаси мамлакатларида синфий ва миллий озодлик курашларининг ўсишига (Перу, Колумбия, Венесуэлада реакцион диктатуранинг ағдарилиши) Куба рев-яси ва революцион Кубанинг АҚШ империализмига қарши мардонавор кураши самарали таъсир кўрсатди. Бироқ реакцион кучларнинг қарши ҳужуми революцион ҳаракатлар ва ишчиларга оғир зарбалар берди (1964 йил Бразилиядаги ҳарбий-фашистик ўзгариш, Боливия, Аргентинадаги ҳарбий ўзгаришлар ва б., 1966—67 йилларда Венесуэла, Перу ва Боливиядаги революцион курашларнинг мағлубияти).

1968 йили янгидан революцион ҳаракатлар кўтарила бошлади. Чили рев-яси (1970—73), Аргентина ва Уругвайда пролетариатнинг революцион чиқишлари (1968—73) бу ҳаракатларнинг юқори чўққиси бўлди. 1956—73 йилги жангларда ишчилар синфи Латин Америкасининг қатор мамлакатларида мустақил ижтимоий-сиёсий куч сифатида, Чили, Уругвай, Аргентина, Боливия сингари мамлакатларда эса революцион курашнинг асосий кучи сифатида майдонга чиқди. 1956—76 йилларда

Осиё ва Африканинг мустақилликка эришган бир қанча мамлакатлари нокапиталистик йўлни танладилар. Бу қитъаларда ёш ва нисбатан камчиликни ташкил қилган пролетариат Европа ва Латин Америкаси мамлакатларига нисбатан революцион ҳаракатларни ривожлантиришда озчиликни ташкил қилар эди. Шундай бўлса-да, пролетариат *Жазоир миллий демократик революциясида* асосий ҳаракатлантирувчи кучни ташкил қилди, ишчи ташкилотлари Сурия ва Шри Ланкадаги прогрессив қайта қуришларда фаол иштирок қилди.

1960—70 йилларда ишчилар ва хизматчилар турмуши, меҳнат шароити, умумий ишлаб чиқариш системасида тутган ўрни ва б. жиҳатлардан пролетариатга яқинлашиб келувчилар сони дунёда 700 млн. га яқин кишини ташкил қилди; шундан 230 млн. киши тараққий қилган капиталистик мамлакатларда, 220 млн. дан зиёдроғи иқтисодий жиҳатдан кам тараққий қилган мамлакатларда ва 185 млн. дан ошиқроғи социалистик мамлакатлардадир.

Х. и. ҳ. да тўпланган тажрибалар асосида умумий хулосалар чиқарилди. Бу борада Коммунистик ва ишчи партияларининг кенгашлари (Москва, 1957, 1960, 1969) ва КПСС 22-съезди (1961) да қабул қилинган партия Программаси муҳим аҳамиятга эга бўлди.

1956—58 йилларда кучайган ўнг ревизионистик оғмачилар халқаро империализм б-н ҳамкорликда Венгрияда контрреволюцион исёнга шароит яратиб бердилар. 60-йилларнинг охирларида Чехословакиядаги ўнг ревизионист элементлар б-н кураш янада кескинлашди. Бу йилларда баъзи капиталистик мамлакатларнинг коммунистик партияларида ҳам марксизм-ленинизмнинг асосий принципларига қарши ўнг ревизионистларнинг фаоллиги сезила бошлади. КПСС социалистик мамлакатларнинг коммунистик партиялари, Европадаги кўпчилик капиталистик мамлакатларнинг, Осиё ва Африкадаги кўпчилик мамлакатларнинг коммунистик партиялари халқаро коммунистик ҳаракат бирлигини марксизм-ленинизм асосида мустаҳкамлаш учун қаттиқ кураш олиб бормоқдалар. Бу курашда революцион кучларни бирлаштиришга чақирувчи ҳаракат программасини ишлаб чиққан Коммунистик ва ишчи партияларнинг кенгаши (Москва, 1969) муҳим аҳамиятга эга бўлди.

КПСС ва б. қардош партияларнинг съездлари халқаро коммунистик ҳаракат бирлигини мустаҳкамлашда муҳим босқич бўлди. Хусусан КПСС 25-съездида 96 мамлакатдан 103 та коммунистик, ишчи, миллий-демократик ва социалистик партияларнинг вакиллари қатнашди. 25-съезд пролетар интернационализмига содиқлик, уни ҳимоя қилиш ҳар бир марксист-ленинчининг муқаддас бурчидир деб уқтирди. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги муносабати б-н КПСС МҚнинг 1977 йил 31 январида қабул қилган қарорида халқаро ишчилар ҳаракатини мустаҳкамлашда, уни марксизм-ленинизм ва пролетар интернационализми руҳида жипслаштириш ишида Латин Америкаси ва Кариб денгизи ҳавзаси мамлакатлари коммунистик партияларининг кенгаши (Гавана, 1975), Европа мамлакатлари коммунистик ва ишчи партияларининг Берлин конференцияси (1976 йил, июнь) ҳамда бошқа регионлар коммунистларининг форумлари муҳим аҳамиятга эга бўлганлигини алоҳида таъкидлади. Узининг бир ярим асрлик тарихи даврида Х. и. ҳ. қудратли кучга айланди. Х. и. ҳ. тарихи ишчилар синфининг тарихий вазифаларини кўрсатиб берган марксизм-ленинизм таълимотининг тўғрилигини тасдиқлайди.

Ад.: Маркс К., Энгельс Ф., Коммунистик партия манифести, Т., 1966; Маркс К., 1864 йил 28 сентябрда Лондонда Ломг Эйкердаги Сен-Мартине Холда бўлган оммавий йиғилишда тузилган Халқаро Ишчилар Уюшмасининг таъсис манифести, Маркс К., Энгельс Ф., Танланган асарлар, 2-т., Т., 1959; Ленин В. И., «Халқ дўстлари» нима ва улар социал-демократларга қарши қандай курашадилар? Тўла асарлар тўплами, 1-т., Ленин В. И., Марксизм ва ревизионизм, Тўла асарлар тўплами, 17-т.; Ленин В. И., Учинчи Интернационалнинг вазифалари ҳақида (Рамсей Макдональд, Учинчи Интернационал ҳақида), Ас., 29-т.; Ленин В. И., Коммунизмда болаларча «сўллик» касали» Ас., 31-т.; Коммунистический Интернационал в документах. 1919—1932 г., М., 1933; Димитров Г., В борьбе за Единый фронт против фашизма и войны, М., 1939; Программные документы борьбы за мир, демократию и социализм, М., 1964; Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Программаси, Т., 1970; Коммунистик ва ишчи партияларнинг халқаро кенгаши, Т., 1970; Степанова Е. А., Карл Маркс — великий учитель и вождь международного пролетариата, М., 1958; Длигенский Г. Г., Рабочий на капиталистическом предприятий, М., 1969; Антивоенные традиции международного рабочего движения., М., 1972; КПСС XXV съезднинг материаллари, Т., 1976; «За мир, безопасность, сотрудничество и социальный прогресс в Европе». К итогам Конференции коммунистических и рабочих партий Европы. Берлин, 29—30 июня 1976 года. М., 1976; Азимов Т., Коммунистик интернационалнинг асосчиси ва йўлбошчиси, «Партия турмуши», 1969, № 3.

ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК — маълум мамлакатлар, мамлакат гуруҳлари ва икки социал-иқтисодий ва сиёсий система — социализм ва капитализм ўртасида томонларнинг дахлсизлик, тенг ҳуқуқлилик, ўзаро ёрдам принципига асосланган кўп ёқлама иқтисодий ва илмий-техника алоқаларини ривожлантиришнинг объектив жараёни. *Халқаро меҳнат тақсимоти*нинг чуқурлашуви бу жараённинг асосидир. Жаҳон меҳнат тақсимоти жараёнини, СССРнинг иқтисодий қудратини ва *жаҳон социалистик системаси*ни тезлатувчи илмий-техника рев-яси шароитида Х. и. ҳ. катта аҳамиятга эга. Тарихий майдонда социализм пайдо бўлиши б-н давлатлар ва халқларнинг суверенитети ва тенг ҳуқуқлилиги принципига асосланган ҳақиқий иқтисодий ҳамкорлик ҳам вужудга келди. Жаҳон социалистик хўжалик системаси фақат социалистик ва капиталистик мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорликка эмас, балки капиталистик ва ривожланаётган мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик хусусиятига ҳам анча таъсир қилади.

Капиталистик мамлакатларда Х. и. ҳ. айирбошлаш, савдо каби содда формадан империализм босқичида айрим монополиялар ва монополистик иттифоқлар, иқтисодий давлатлараро бирлашмалар ўртасида мураккаб ва кўп томонлама халқаро ишлаб чиқариш алоқалари ўрнатишгача ривожланди. *Жаҳон капиталистик бозори* б-н мустаҳкам алоқада бўлган капиталистик меҳнат ташкилоти вужудга келди ва ривожланди. Капиталистик хўжалик системаси шароитида Х. и. ҳ. монополиялар ва мамлакатлар ўртасида кескин рақобат кураши шароитида амалга ошади.

Дунё икки қарама-қарши система — социализм ва капитализмга бўлиниши *капитализмнинг умумий кризиси* даврида бу икки система ўзига хос объектив иқтисодий қонунларга мувофиқ ривожланади. Икки жаҳон системасининг мавжудлиги бутун бир тарихий босқични ўз ичига олади.

Икки жаҳон системасининг тинч-тотув яшаши ва уларнинг иқтисодий мусобақаси социализм ва капитализм тузуми келиша олмайдиган синфий, идеологик зиддиятларни йўқотмайди, лекин Х. и. ҳ. турли социал тузумдаги давлатларнинг тараққий этишига тўсқинлик қилмайди. КПСС ўз сиёсатида планетада мустаҳкам ва узоқ муддатли тинчлик учун Совет Иттифоқи ва б. социалистик мамлакатларнинг капиталистик системадаги мамлакатлар б-н кенг иқтисодий алоқаси зарурлигини таъкидлайди.

Х. и. ҳ. мамлакатларнинг табиий ресурсларни ўзлаштиришда компенсацион олди-сотди, шунингдек кенг илмий-техника ҳамкорлиги соҳасида мамлакатларнинг ташқи савдо, кредит муносабатлари, кооперативлаштириш ва ҳамкорликни ўз ичига олади.

СССР битим асосида жаҳондаги 100 дан ортиқ мамлакат б-н савдо қилади (1972), 1975 йили ташқи савдо оборати суммаси 50,7 млрд. сўмга етди, бундан 26,2 млрд. сўми Узаро иқтисодий ёрдам кенгаши мамлакатларига тўғри келади. Социалистик интеграциянинг чуқурлашуви (қ. *Иқтисодий интеграция*) социалистик мамлакатларнинг иқтисодий ҳамкорлигида янги перспективалар очмоқда. СССР ривожланган капиталистик мамлакатлар б-н ҳам ташқи савдони тез тараққий эттираётир.

Ташқи савдо ва б. иқтисодий алоқаларнинг кенгайиши *халқаро кредит*нинг ривожланишига имкон беради. СССР кўп мамлакатлар, аввало социалистик ва ривожланаётган мамлакатлар б-н кредит битимлари тузган. СССРнинг ёрдами б-н бу мамлакатларда кўплаб корхона, иншоот ва б. объектлар қурилди. Совет Иттифоқи ривожланган капиталистик мамлакатлар фирма ва банкларига кредит беради. Айни вақтда Совет Иттифоқи ҳам, асосан Сибирь ва Узоқ Шарқ табиий ресурсларини хўжалик оборотига тезроқ жалб этиш учун ривожланган капиталистик мамлакатлардан узоқ муддатга йирик кредит олади. Бундай келишувдан капиталистик мамлакатлар ҳам ютади: уларнинг бўш турган пул ресурслари фойдали ўрин топади, кредит эса, муайян мамлакат манфаатдор бўлган маҳсулот (газ, нефть, металл ва б.) б-н тўланади.

Табиий ресурсларни ўзлаштириш ва ишга солиш учун икки ёки ундан кўпроқ мамлакатларнинг корхона ва объект қуришда кооперациялашуви Х. и. ҳ. нинг муҳим тури ҳисобланади. Совет Иттифоқи совет ёқилғи-энергетика, кон-руда ва ўрмон ресурсларини олишдан манфаатдор социалистик мамлакатлар б-н икки ёки кўп томонлама асосда шундай кооперация тузади. Совет Иттифоқи терр-ясида саноат комплекслари қуришдаги ҳамкорлик ГФР, Япония, Франция, Финляндия, шунингдек АҚШ б-н битимлар базасида икки томонлама асосда амалга оширилади.

Х. и. ҳ. нинг компенсацияли битимлар шакли ҳам ривожланмоқда, бунда кредитор мамлакатдан кредит олиб ва керакли асбоб-ускуна, технология сотиб олиб, СССР иккала мамлакатга керакли маҳсулот ишлаб чиқарадиган корхона қуради ва кредитини шу маҳсулотдан тўлайди ва ўз навбатида, СССР шу корхона маҳсулоти б-н бошқа мамлакатларда иншоотлар қуришда қатнашади, бу мамлакатларнинг табиий ресурсларини ўзлаштиришда компенсация асосида ҳамкорлик ҳақида битим тузади.

Илмий-техника прогрессининг тезлашуви, ишлаб чиқариш масштабининг ўсиши ва совет экономикасини келгусида ривожлантириш масалалари кўп корхоналарни, ҳатто бутун тармоқни тез модернизация қилишни талаб қилади. Бу Х. и. ҳ. нинг илмий-техника ҳамкорлиги каби турини тараққий эттиришга кенг имконият очиб беради. СССР энг аввало УИЕҚ га аъзо мамлакатлар б-н илмий-техника ҳамкорлигини кенгайтиради. Ривожланаётган мамлакатларга катта ёрдам беради. Совет Иттифоқининг илмий-техника муваффақиятлари базасида чет элда юзлаб замонавий корхона ва б. ишлаб чиқариш объектлари қурилди, ўн минглаб техник асосланган ҳужжат комплектлари, лицензия ва б. берилди.

Х. и. ҳ. нинг турли формаларидан фойдаланиш Совет Иттифоқи ва социалистик ҳамкорликдаги бошқа мамлакатларга социалистик меҳнат тақсимоти ва жаҳон меҳнат тақсимоти миқёсида ихтисослаштириш ва кооперациялаштиришдан иқтисодий самара олишга имкон беради.

Ад.: Ленин В. И., Россияда капитализмнинг тараққийси, Тўла асарлар тўплами, 3-т.; Ленин В. И., Империализм капитализмнинг юқори босқичи, Ас. 27-т.; КПСС 25-съезднинг материаллари, Т., 1976; Мировая социалистическая система хозяйства, т. 3, М., 1967; Кредитно-денежная система СССР, М., 1967; Капелинский Ю. Н., Торговля СССР с капиталистическими странами после второй мировой войны, М., 1970.

ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК БАНКИ (ХИҲБ) — социалистик мамлакатларнинг халқаро банки. Халқ хўжалигини ривожлантириш, ўзаро иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлаш, уларнинг бошқа мамлакатлар б-н иқтисодий ва савдо алоқаларини кенгайтиришга ёрдамлашиш мақсадида 1963 йили тузилган. Банкка Болгария, Венгрия, ГДР, Монголия, Польша, Руминия, СССР, Чехословакия ва Куба аъзо. ХИҲБ воситали сўмларда ҳар томонлама ҳисоб-китобларни амалга оширади, ташқи савдога кредит беради, воситали сўм ҳисобидаги бўш маблағларни сақлайди ва ишга солади, ҳисоб-китоб, кредит, депозит, арбитраж операцияларини ўтказади ва ҳ. к. Банк аъзо мамлакатларга воситали сўмларда икки хил — аъзо мамлакатларнинг савдо алоқаси жараёнида ҳосил бўлган қарзларини тўлаш учун (ҳисоб-китобли) ва товар оборотини кенгайтириш учун (қисқа муддатли) кредит беради. Банк кредит бергани учун 2—5% миқдорида пул ундиради, ўзига қўйилган пул (вклад) учун 1,5—4% миқдорида пул тўлайди. Банк аъзо бўлмаган мамлакатлар б-н ҳам воситали сўмларда ҳисоб-китобларни амалга ошириши мумкин. Бундай ҳисоб-китоблар тартиби ва шартлари манфаатдор мамлакатлар б-н келишилган ҳолда банк кенгаши томонидан белгиланади.

ХИҲБ бажарадиган операцияларнинг кўлами йилдан-йилга кенгаймоқда. 1964—72 йилларда банк тўлов оборотининг йиллик ўртача ҳажми 30,8 млрд. воситали сўмни ташкил этди. 1972 йили тўлов оборотининг умумҳажми 43,3 млрд. воситали сўмни ташкил қилиб, 1964 йилга нисбатан икки марта ошган. Банк 1964—72 йилларда аъзо мамлакатларга 18 млрд., шу жумладан 1972 йили 3 млрд., яъни 1964 йилга нисбатан 2 марта кўп воситали сўм ҳисобида кредит ажратди.

Банк фаолияти хўжалик ҳисобига асосланган. 1972 йили ХИҲБ ўзига 13,9 млн. воситали сўм ҳисобида соф фойда келтирди.

Банк Москвада жойлашган. Унинг Олий бошқарув органи — Кенгаш. Ҳар бир мамлакат вакили банк бадалидан қатъи назар, Кенгашда бир овозга эга. Кенгаш аъзоларининг келишуви б-н қарор қабул қилинади. Ижроия органи — правление.

ХАЛҚАРО КАРТЕЛЬ — турли мамлакатларга қаровчи монополия ёки фирмалар тузадиган битим (иттифоқ). Мақсади бозорларни, хом ашёни тақсимлаш, монопол баҳо белгилаш, патентлардан фойдаланиш ва б. тадбирларни қўллаш ҳамда максимал фойда олишдир. Х. к. га миллий картеллар ва миллий монополистик иттифоқларнинг бошқа формалари ҳам бирлашади. Х. к. капитализмдан *империализм* босқичига ўтиш муносабати б-н вужудга келди. У капиталнинг ва ишлаб чиқаришнинг жаҳон миқёсида концентрацияланишининг янги босқичидир.

Биринчи жаҳон уруши (1914—18) дан сўнг *капитализмнинг умумий кризиси* даврида Х. к. сони ўсди ва иқтисодий қудрати кучайди. Агар Биринчи жаҳон уруши олдидан 100 га яқин Х. к. бўлган бўлса, Иккинчи жаҳон уруши (1939—45) олдидан 1200 га яқин Х. к. урушни тайёрлашда иштирок этди. Урушдан сўнг жаҳон социалистик хўжалик системаси вужудга келиши ва тараққий этиши муносабати б-н, шунингдек Ғарбий Европа капиталистлари ва АҚШ, Япония капиталистлари ўртасида рақобат курашининг кучайиши б-н капиталистик ишлаб чиқаришнинг картелларга бирлашиши кучайди.

Давлат-монополистик капитализмининг ўсиши б-н Х. к. айрим капиталистик мамлакатлар ўртасида жаҳон социалистик хўжалик системасига қарши йўналтирилган битимлар шаклига кирди. *Европа кўмир ва пўлат бирлашмаси, Атом энергияси бўйича Европа ҳамкорлиги* ва б. ташкилотлар НАТОнинг ҳарбий-иқтисодий базасига айланди. Уларнинг тараққиёти капиталистик интеграция жараёнининг кучайиши б-н боғлиқ.

Йирик Х. к. лар ичида энг машҳурлари қуйидагилар.

Кемачиликдаги картеллар кўпинча конференция ва *пул* шаклида бўлади. Конференция — бу кема эгаларининг битими бўлиб, унинг аъзолари юк ташишнинг умумий шароитлари, иш районларини тақсимлаш, денгизда юк ташиш баҳолари ҳақида келишиб олади. Пул — картелнинг энг юқори формаси. Пулда аъзолар юк ва пассажир ташишни, даромад ва ш. к. ни тақсимлаш тўғрисида келишиб олади. 1972 йили 370 га яқин битим тузилди. Картель битимлари капиталистик кемачиликда рақобатни йўқ қилмайди.

Машина ва асбоб-ускуна картеллари электротехника саноати ва транспорт машинасозлиги, яъни ишлаб чиқариш юқори даражада концентрациялашган тармоқлар учун хосдир. 1930 йилда электр асбоб-ускуналари бўйича тузилган картель энг йирик картелдир (1942 йилда йўқ қилиниб, 1945 йили яна тикланди). 70-йилларнинг бошида унга 40 компания кирган. Айрим турдаги жиҳозлар бўйича 16 товар секцияси мавжуд. Радиоаппаратлар картели 1925 йилда тузилган бўлиб, Иккинчи жаҳон урушидан сўнг қайта тикланди. Унга АҚШ, ГФР, Буюк Британия, Франция ва б. мамлакатларнинг бир нечта компаниялари киради. 1969 йилда икки йирик автомобиль монополияси — «Крайслер» (Америка) б-н «Мицубиси хэви индастрис» (Япония) ўртасида картель битими тузилди. 1968 йили икки автомобиль монополияси — «ФИАТ» (Италия) ва «Ситроен» (Франция) ҳам ўзаро битим тузди.

Ўғит картеллари. Иккинчи жаҳон урушигача жаҳон ўғит бозорида халқаро калий (1926), азот (1928), фосфат (1933) картеллари муҳим аҳамиятга эга бўлди. Урушдан сўнг АҚШ монополиялари ўз мавқеларини мустаҳкамлаб олди. 1962 йили Цюрихда (Швейцария) янги Халқаро азот картели тузилди. У фақат Ғарбий Европа континентал мамлакатларининггина азот ўғит ишлаб чиқарувчиларини бирлаштиради. Картелнинг координация маркази — «Нитрекс» акционерлик компанияси 2 млн. швейцария франки миқдорида акционерлик капиталига эга, бу капитал картель аъзоларига тенг бўлинади.

Иккинчи жаҳон урушигача Франция, Германия, Испания, Польша, Буюк Британия, АҚШ ва б. мамлакат монополиялари кирган Халқаро калий картели вазифасини урушдан сўнг Бери (Швейцария)даги Халқаро калий ташкилоти ва АҚШдаги Америка калий ташкилоти ва Халқаро калий тадқиқотлари фонди бажармоқда. Фосфат картели бир неча регионал картелларга бўлиниб кетди. Улар жаҳон бозори миқёсида ўз фаолиятини координация қилади.

Кимёвий товарлар картеллари 19-аср охирида вужудга келди. Биринчи ва Иккинчи жаҳон урушлари ўртасида кенг тарқалди. Сода картели 1872 йили пайдо бўлди. Унинг аъзолари — Бельгиянинг «Сольве» монополияси, АҚШнинг «Алкассо» картели, Англиянинг «Империал кемикал индастрис» кимё трести, Германиянинг «И. Г. Фарбениндустри» кимё трести. Картель капиталистик дунёдаги барча мамлакатларга экспорт қилинадиган сода маҳсулотини назорат этган. Анилин бўёқлар картели (1927) капиталистик дунёдаги органик синтетик бўёқлар ишлаб чиқаришнинг 90% дан ортиғини назорат қилган. Бунда «И. Г. Фарбениндустри» раҳбарлик ролини бажарган.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг кимёвий товарлар бозорида рақобатнинг кучайиши энг йирик монополияларни янги картеллар тузишга ёки картелларни урушдан илгариги даражасига келтиришга ундади. Асосан сода маҳсулотлари, бўёқлар ва ш. к. бўйича картель битимлари тикланди.

Рангли металл картеллари. Алюминий ва мис картеллари айниқса машҳур. Энг қудратли Халқаро алюминий картели «Альянс алюминьом компани» 1931 йили акционерлик жамияти сифатида 99 йил муддатга тузилди. Картелни Буюк Британия, Германия, Канада, Франция, Швейцариядаги йирик алюминий компаниялари тузган. Акциялари аъзолар ўртасида кенг тақсимланган. «Коппер экспортерс инкорпорейтед» (1926) Халқаро мис картели капиталистик мамлакатлардаги мис ишлаб чиқаришнинг 86% ини назорат қилади. Картелга Америка ва Ғарбий Европанинг муҳим мис монополиялари, шу жумладан «Американ метал клаймакс инкорпорейтед», «Американ смелтинг энд рифайнинг компани» ва б. кирган. 1929—33 йиллардаги иқтисодий кризислар даврида бўлиниб кетди. 1935 йили янги мис картели 3 йил муддатга тузилди, картелга АҚШ, Англия, Бельгия капитали назоратидаги энг йирик мис компаниялари кирди. Мисга бўлган талабнинг кучайиши бу битимнинг бўлинишига сабаб бўлди (1966).

Қора металл картеллари. Иккинчи жаҳон урушигача мавжуд бўлган халқаро пўлат картели (ХПК) барча капиталистик пўлат бозорини назорат қилган. 1953 йилда Франция, Бельгия ва Люксембург металлургия монополиялари «Брюссель конвенцияси» номли Пўлат картели тузиш ҳақидаги битимни имзолади. Шу йилдаёқ унга ГФР ва Нидерландия, кейин эса Италия ва Австрия фирмалари қўшилди.

Бозорда қора металлар коньюнктурасининг ёмонлашуви б-н Халқаро чўян ва пўлат ташкилоти вужудга келди (1967). 1970 йили мазкур ташкилот 24 капиталистик мамлакатнинг 100 дан ортиқ металлургия компанияларини бирлаштирди.

Нефть картели АҚШ, Буюк Британия, Нидерландиядаги энг йирик 7 нефть трести: АҚШ да «Стандард ойл компани оф Нью-Джерси», «Стандард ойл компани оф Калифорния», «Мобил ойл», «Галф ойл», Буюк Британиядаги «Бритиш петролеум», Буюк Британия ва Нидерландияда «Ройял датч-Шелл»ни бирлаштиради. Картель 20-йиллар охири — 30-йиллар бошида шаклланди ва барча капиталистик мамлакатларга ва капиталистик нефть хўжалигининг барча тармоқларига ўз фаолиятини ёйди.

ХАЛҚАРО КООПЕРАТИВ АЛЬЯНСИ (ХКА) — миллий регионал иттифоқлар ва кооператив федерациялари (айниқса, матлубот, кредит ва қ. х.) ни бирлаштирувчи халқаро ташкилот. 1895 йилда Лондонда ташкил этилган. 1972 йил январида ХКА 270 млн. киши (64 мамлакат)дан иборат кооператив ташкилотларни бирлаштирди. Москва Матлубот жамиятининг марказий иттифоқи (ҳозирги СССР Центросоюзи) 1903 йилда ХКА га кирди. Болгария, Венгрия, ГДР, Польша, Руминия, Чехословакия ва Югославиянинг кооператив ташкилотлари ҳам ХКА аъзоси.

ХКА нинг уставида эълон қилинган асосий мақсади барча мамлакатлар кооперацияси ривожланишига ёрдам бериш, кооператив ҳаракат принцип ва методларини пропаганда қилиш, унинг манфаатларини ҳимоя қилиш, ўзаро алоқани тиклаш ва ривожлантириш, турли мамлакатлар кооперативлари ўртасида ҳамкорлик ўрнатиш, тинчлик ва хавфсизликни тиклашга ёрдам беришдан иборат.

ХКА БМТ да консультатив статусга эга, у БМТ нинг бир қатор органлари ва ихтисослашган ташкилотлари б-н ҳамкорлик қилади, уларнинг сессиясида қатнашади. ХКА қошидаги халқаро ёрдамчи комитетлар (қ. х. кооперациялари, страхование, банк, уй-жой, матлубот кооператив савдоси, ишчиларнинг ишлаб чиқариш ва ҳунармандчилик кооперативлари) конкрет масалаларни ўрганиш ва ишлаб чиқиш б-н шуғулланади. Биринчи жаҳон уруши (1914—18) дан кейин ХКА раҳбар арбоблари гўё меҳнаткашлар синфий курашсиз кооператив ҳаракат орқали капиталистик эксплуатацияни йўқ қилишга эришишлари мумкин деб таъкидлаб, кооперациянинг «снёсий нейтралитет» идеясини ҳимоя қилдилар. Улуғ Октябрь социалистик рев-ясидан сўнг ҳамда СССР ва ХКА кооперациялари вакиллари халқаро аренага чиққандан кейин кооператив ҳаракатда 2 асосий йўналиш — пролетар ва буржуазия кураши келиб чиқди. Жаҳон социалистик системасининг ташкил бўлиши, миллий озодлик ҳаракатининг ривожланиши халқаро кооператив ҳаракат ва ХКА да кучларнинг нисбати ўзгаришига катта таъсир кўрсатди. Бу ХКА нинг активлашиши ва демократлашишига ёрдам берди: халқаро кооператив ҳаракатнинг туб масалалари бўйича социалистик мамлакатлар кооператорлари ташаббуси б-н бир қанча қарорлар қабул қилинди ва ҳ. к. СССР Центросоюзининг актив иштирокида мустамлака зулмидан озод бўлаётган мамлакатлар кооперативларига ёрдам бериш бўйича ўтказилаётган тадбирларни маблағ б-н таъминлашга мўлжалланган ХКА ни ривожлантириш фонди ташкил этилди.

Конгресс (3—4 йилда бир марта чақирилади), Марказий комитет (ҳар йили чақирилади), Ижроия комитети (ХКА президенти, 2 та вице-президент ва 13 аъзодан иборат) ХКА нинг раҳбар органлари ҳисобланади. Кундалик ишларга директор ва Секретариат раҳбарлик қилади. Лондонда жойлашган.

ХАЛҚАРО КООПЕРАЦИЯ КУНИ — кооператив ташкилотлар ва корхоналарнинг аъзолари ҳамда ишчиларининг халқаро бирдамлик куни. Бу кун кооператив ҳаракатнинг умумий вазифаларини ҳал этиш, халқнинг турмуш ва меҳнат шароитини яхшилаш, демократия, тинчлик ва социал тараққиёт учун курашдаги бирлик ва ҳамкорлик намойиш этилади. 1923 йилда жорий қилинган. Ҳар йили июль ойининг биринчи шанбасида кооператив ташкилотлар *Халқаро кооператив альянси* (ХКА)га аъзо бўлган барча мамлакатлар, шунингдек ХҚА га аъзо бўлмаган мамлакатлар (ВСР, КХДР, МХР ва б.) жамоатчилиги томонидан нишонланади. Шу кун арафасида ХКА дирекцияси барча аъзо-ташкилотларга кооператив ҳаракатнинг ҳозирги даврдаги энг актуал вазифалари, шунингдек баъзи умумдемократик ва снёсий талаблари ифодаланган махсус Декларация юборади.

ХАЛҚАРО КРЕДИТ — пул ва моддий воситаларнинг халқаро иқтисодий муносабатлардаги ҳаракати; кредитор қарз олувчига молия ва товар ресурсларини маълум муддатга, ҳақ тўлаб қайтиб бериш шарти б-н вақтинча тақдим этади. Х. к. жаҳон капиталистик хўжалик системаси ва жаҳон социалистик хўжалик системаси пайдо бўлиши ва ривожланиши б-н узвий боғлиқ. Х. к. нинг моҳияти, форма ва функциялари у қўлланаётган социал-иқтисодий шароитга қараб белгиланади.

Х. к. капитализмда мамлакатлар ўртасида ссуда капитали ҳаракати формасида бўлади, максимал юқори фойда, шунингдек, снёсий имтиёзлар олиш мақсадида амалга оширилади. Капитални дастлабки жамғариш воситаларидан бири ҳисобланади. Империализм даврида Х. к. капитални четга чиқаришнинг асосий формаларидан бирига, империалистик давлатларнинг бозор учун кураш қуролига айланди. Давлат-монополистик капитализмининг ривожланиши б-н Х. к. империалистик давлатлар қўлида снёсий ва иқтисодий экспансия воситаси бўлиб қолди.

Х. к. нинг бир неча турлари: фирма, банк, давлатлараро, халқаро валюта-молия ташкилотлари кредитлари мавжуд. Кредитлар товар ва пул шаклида бўлиши мумкин. Х. к. муддатига кўра, қисқа муддатли (1 йилгача), ўрта муддатли (1 йилдан 5—7 йилгача) ва узоқ муддатли (5—7 йилдан кўп) бўлади.

Фирма кредитлари товар шаклида тақдим этилади; асосан қисқа ва ўрта муддатга берилади. Банк кредити пул формасида бўлади. 60-йилларда ўрта муддатга бериладиган мақсадли банк кредитларидан кенг фойдаланилди, уни энг йирик коммерция банклари ёки банк консорциумлари маълум лойиҳалар, йирик комплект жиҳозлар сотиб олиш учун беради. Х. к. соҳасида давлат-монополистик капитализмининг кучайиши б-н давлатлараро кредитлар кенг тус олди. Империалистик давлатлар давлатлараро кредитлардан тараққий этаётган мамлакатларга янгича мустамлакачилик сиёсати ўтказиш учун фойдаланадилар. Урушдан кейинги йилларда *Халқаро валюта фонди* (ХВФ), *Халқаро реконструкция ва тараққиёт банки* (ХРТБ) ва унинг филиаллари валюта-молия ташкилотларида кредитнинг роли кескин ўсди. Империалистик давлатлар бу кредитлардан экспансионистик ташқи савдо воситалари сифатида фойдаланади.

Социалистик мамлакатларда Х. к. давлатлараро иқтисодий муносабатларни амалга ошириш жараёнида молия ва товар ресурсларини планли мобилизация этиш ва тарқатиш формаларидан бири ҳисобланади. У илмий-техника ютуқларини ўзлаштириш воситаси сифатида ва шу асосда халқаро социалистик меҳнат тақсимоти самарадорлигини кўтаришга хизмат қилади.

Социалистик мамлакатларда Х. к. икки асосий формада: икки ёқлама давлатлараро кредит формасида ва социалистик мамлакатлар давлатлараро валюта-молия ташкилотлари — *Халқаро иқтисодий ҳамкорлик банки* (ХИҲБ) ва *Халқаро инвестиция банки* (ХИБ) нинг кредитлари формасида олиб борилади.

Социалистик мамлакатлар икки ёқламалик асосида бир-бирига товар ва пул формасида кредит беради. Булар ичида СССР кредит берувчи энг йирик мамлакат ҳисобланади.

Ривожланаётган Осиё, Африка ва Латин Америкаси мамлакатларига социалистик мамлакатлар иқтисодий ва техник ёрдам бериш ва ўзаро ташқи савдони маблағ б-н таъминлаш мақсадида кредит беради. Социалистик мамлакатларнинг ривожланаётган мамлакатларга берадиган давлатлараро кредити бу давлатларга империалистик мамлакатлар берадиган давлатлараро кредитдан тубдан фарқ қилади. Давлатлараро кредитлар ва коммерция кредитлари товар формасида ҳам қўлланилади.

Социалистик мамлакатлар ва саноати ривожланган капиталистик мамлакатлар ўртасидаги ташқи иқтисодий муносабатлардаги Х. к. уларнинг ўзаро савдони маблағ б-н таъминлашларининг муҳим воситасидир. 60-йилларда саноати ривожланган капиталистик мамлакатларнинг социалистик мамлакатлар б-н савдони ривожлантиришга қизиқиши кучайди, уларнинг ўзаро кредит муносабатлари кенгайди. Социалистик мамлакатлар саноати ривожланган капиталистик мамлакатларга кредит беради ва улардан кредит олади.

Ад.: Ленин В. И., Империализм капитализмнинг юқори босқичи, Тўла асарлар тўплами, 27-т., Чижов К. Я., Международные валютно-финансовые организации капитализма, 2 изд., М., 1968; Тюльпанов С. И., Очерки политической экономии, (Развивающиеся страны), М., 1969; Мазанов Г., Международные расчёты стран-членов СЭВ, М., 1970.

ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАЛАР, жаҳон кўргазмалари — халқларнинг экономика, фан, техника, маданият ва санъат соҳасидаги фаолиятини ҳар томонлама кўрсатиш учун ташкил этиладиган кўргазмалар. Х. к. универсал инсон фаолиятининг турли соҳаларидаги ютуқларни намойиш қилувчи ва ихтисослаштирилган (фаолиятнинг аниқ бир соҳасидаги ютуқларни намойиш қилувчи) кўргазмаларга бўлинади. Биринчи халқаро саноат кўргазмаси 1851 йили Лондонда очилган. Дастлаб Х. к. да саноат ютуқлари намойиш қилинган, кейинчалик уларнинг тематикаси тобора кенгайди. Х. к. оммавийлашгани сари уларда иштирок этадиган мамлакатлар ва экспонатлар ассортименти ҳам орта борди. 1851 йилдан 1970 йилгача 39 марта универсал Х. к. ташкил этилди. Одатда, Х. к. ўзининг асосий темасини белгиловчи маълум бир шнор остида ўтказилади. Мас., биринчи Лондон кўргазмаси «Барча халқлар биргаликда улуғ иш устида меҳнат қилсин — инсоният камолоти», Осакадагиси (1970) «Инсониятга прогресс ва гармония» шнорлари остида ўтди.

СССР Париждаги (1937), Нью-Йоркдаги (1939), Брюсселдаги (1958), Монреалдаги (1967), Осакадаги (1970) Х. к. да муваффақиятли қатнашди. Брюсселдаги кўргазмада Совет павильони олий мукофот — Олтин Юлдузга сазовор бўлди.

Монреал ва Осакада ўтган Х. к. даги СССР павильони экспозицияларида Узбекистон Халқ хўжалиги ютуқлари ҳам намойиш қилинди (яна қ. *Кўргазма*).

Доимий органи жаҳон кўргазмалари бюроси (ЖКБ, 1928 йили ташкил этилган). ЖКБ нинг олий органи Маъмурий кенгаш бўлиб, у Парижда жойлашган.

ХАЛҚАРО МЕҲНАТ ТАШКИЛОТИ (ХМТ) — БМТнинг ихтисослашган муассасаси, ҳозирги замон халқаро ташкилотларининг энг йирикларидан бири. 1919 йили Версаль Тинчлик шартномасига мувофиқ, *Миллатлар Иттифоқи* доирасида тузилган. 1974 йил 1 январгача 123 мамлакат ХМТга аъзо бўлган. СССР ХМТга 1934—40 йилларда кирган; ХМТ олдида турган вазифалардан бири — ҳамкорликни кенгайтириш манфаатларини кўзлаб, Совет Иттифоқи 1954 йили ХМТга қайта аъзо бўлди; БССР ва УССР ҳам ХМТнинг аъзоси.

ХМТ уставига мувофиқ, унинг расмий мақсади иш вақтини чеклаш, ишсизликка қарши курашиш, етарли иш ҳақини гарантиялаш, ишчиларни касалликлар, касбий касалликлар ва корхонадаги бахтсиз ҳодисалардан ҳимоя қилиш йўли б-н меҳнаткашларнинг меҳнат ва ҳаёт фаолиятини яхшилаш, ўсмирлар ва аёллар меҳнатини ҳимоя қилиш, қарилик ва инвалидлик пенсияларини тартибга солиш, касаба союзларга бирлашиш эркинлиги принципини тан олиш, касб ва техникага ўргатишни ташкил этиш ва ш. к. дан иборат. Уставнинг бу низоми ХМТнинг 1944 йил Филадельфия-даги Бош конференциясида қабул қилинди. ХМТнинг штаб-квартираси Женевада бўлиб, унинг бўлимлари ер юзидаги энг йирик мамлакатларнинг пойтахтларида, жумладан Москвада ҳам бор.

ХМТ устави 2 асосий принцип — умумийлик (универсаллик) ва 3 томонлама вакиллик-дан келиб чиқади. Биринчиси уставдан келиб чиқадиган мажбуриятларни расман ўз зиммасига оладиган ҳар бир давлат ХМТга аъзо бўла олишидир. Агар умумийлик принципи кўплаб халқаро ташкилотларга тааллуқли бўлса, 3 томонлама вакиллик эса фақат ХМТ га хосдир. Унинг моҳияти шундан иборатки, ХМТда ҳукуматнинг вакиллари б-н бир қаторда шу мамлакатлардаги меҳнаткашлар ва капиталистларнинг вакиллари ҳам қатнашади. Натижада вакилларнинг ҳар бир группаси меҳнат масалаларини ҳал қилишда ўз мустақил позициясига эга бўлиши мумкин. Бош конференция, Маъмурий кенгаш ва Халқаро меҳнат бюроси (ХМБ) ХМТнинг асосий органларидир.

СССР ва б. социалистик мамлакатлар ХМТ да қатнашиш б-н меҳнаткашлар аҳволини яхшилаш учун кураш олиб бораётган ва бу курашда бошқа восталар б-н бир қаторда халқаро ташкилотлардан ҳам фойдаланишга интилаётган капиталистик мамлакатлардаги ишчилар синфини қўллаб-қувватламоқда.

ХАЛҚАРО МЕҲНАТ ТАҚСИМОТИ — ижтимоий территориал меҳнат тақсимотининг юқори формаси; айрим мамлакатларнинг маълум маҳсулот турларини ишлаб чиқаришга ихтисослашиши. Х. м. т. нинг зарурлиги ва унинг кучи жамият ишлаб чиқарувчи кучларининг тараққиёт даражаси б-н белгиланади. Мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий муносабатларнинг бошқа турлари каби Х. м. т. характерига ҳам ҳукмрон ишлаб чиқариш муносабатлари ҳал қилувчи таъсир кўрсатади. Х. м. т. мамлакатлар ўртасида савдони кенгайтиради. *Жаҳон бозорини* ривожлантиришнинг объектив базаси ҳисобланади.

Қишилик жамияти тараққиётининг дастлабки даврида айрим давлатларда табиий шароит тафовути б-н боғлиқ бўлган Х. м. т. нинг айрим элементларигина мавжуд бўлган бўлса, саноат капитализми даврида Х. м. т. нинг ривожланган формалари вужудга келди. Йирик машина индустрияси ишлаб чиқаришнинг дифференциялашиши чуқурлашувига (қ. *Меҳнат тақсимоти*), миллий чегарадан ташқарида ихтисослашиш ва кооперациялашнинг ривожланишига олиб келади.

Капиталистик Х. м. т. жамият ишлаб чиқарувчи кучларининг ўсишига, фан ва техника ютуқларидан фойдаланиб, мамлакат моддий ресурсларидан тўлароқ фойдаланишга имкон беради. Шу б-н бирга, капитализмнинг эксплуататорлик табиатига хос бўлган чуқур антагонистик зиддиятлар мавжуд. Капиталистик Х. м. т. стихияли шаклланади. У қиймат қонуни асосида ривожланади. Капиталистик Х. м. т. рақобат курашида тараққий этади, у барқарор эмас.

Империализм даврида Х. м. т. га ривожланган мамлакатлардан капитал чиқариш катта таъсир кўрсатади (қ. *Четга капитал чиқариш*), бу эса иқтисодий тараққиётда, хом ашё ва озиқ-овқат ишлаб чиқаришда орқада қолган мамлакатларнинг ихтисослашишини чуқурлаштиради. Х. м. т. га жаҳон капиталистик бозорини ўзаро бўлишиб оладиган *халқаро монополиялар* ҳам таъсир қилади.

Капиталистик Х. м. т. нинг бузуқ характери яна шу б-н белгиланадики, бир томонда саноат жиҳатдан ривожланган империалистик давлатларнинг тор гуруҳи вужудга келади. Бу мамлакатларда ўзаро боғланган турли тармоқлар комплекси пайдо бўлади; кичик империалистик мамлакатларда бу тармоқлар доираси торлигидан Х. м. т. га кўпроқ ихтисослашади. Иккинчи томондан, йирик мамлакатлардал аграр-хом ашё манбаига айланган мамлакатлар ажралиб чиқади.

Х. м. т. мустамлака, ярим мустамлака ва қарам мамлакатлар халқларини империалистик эксплуатация қилиш қуроли ҳисобланади. Капиталистик Х. м. т. дан келадиган барча фойдани монополиялар ўзлаштиради. Турли мамлакатларни ўзаро иқтисодий боғлаган капиталистик Х. м. т. нинг ривожланиши ишлаб чиқаришнинг интернационаллашувига олиб келади, жаҳон капиталистик хўжалигининг шаклланишида энг муҳим элемент ҳисобланади.

Капиталистик системадаги Х. м. т. нинг кризиси капитализм умумий кризисининг таркибий қисмидир.

Социалистик қурилиш йўлидан бораётган мамлакатлар ўртасида Х. м. т. нинг янги типи — *халқаро социалистик меҳнат тақсимоти* вужудга келди. Еш суверен давлатлар миллий экономикани яратишга, хилма-хил хўжалик структурасини тараққий эттиришга, уни индустриялашга ҳаракат қилмоқдалар. Озодликка эришган мамлакатларнинг Х. м. т. даги роли ўзгарди: жаҳон бозорида илмий-техника рев-яси шароитида улар тайёрлашга ихтисослашган хом ашё ва озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаб нисбатан камайди. 70-йилларнинг бошида капиталистик дунёдаги аҳолининг $^{2}/_{3}$ қисми яшайдиган ривожланаётган мамлакатлар ҳиссасига унинг саноат маҳсулотининг $^{1}/_{10}$ қисми тўғри келди. Ривожланаётган мамлакатлар экспортида хом ашё ва озиқ-овқат 80% дан ортиқни ташкил этади. Империалистик давлатлар жаҳон бозоридаги янги вазиятни ҳисобга олиб, ишлаб берувчи саноат тармоқларини тузишда иштирок этишга, ривожланаётган мамлакатларнинг янги ва энг янги ишлаб чиқаришида ўз капиталини бериб қатнашишга уринмоқдалар. Ривожланаётган мамлакатлар эса, империалистик ҳукумат сиёсатига қаршилик қилиш мақсадида социалистик давлатлар б-н иқтисодий алоқани кенгайтириш йўлини тутмоқдалар, ўзаро иқтисодий ҳамкорликни ривожлантирмоқдалар.

Ривожланган капиталистик мамлакатлар ўртасида Х. м. т. чуқурлашаётир. Ривожланган ва мустамлака мамлакатлар ўртасидаги Х. м. т. тармоқлараро характер касб этса, саноати тараққий этган мамлакатлар ўртасидаги меҳнат тақсимоти тармоқлар ичидаги ихтисослаштиришни ривожлантириш йўли б-н амалга оширилди. Капитал миграциясининг ўсиши жаҳоннинг турли мамлакатларида ўз корхоналари ўртасида ихтисослаштириш ва кооперациялашни ривожлантирадиган йирик халқаро трестлар ташкил этиш, ишлаб чиқаришни фирмалараро ихтисослаштириш ва кооперациялаш ҳақидаги битимларни кенгайтиришга имкон беради. Х. м. т. капиталистик мамлакатлар интеграция гуруҳлари (мас., *Европа Иқтисодий ҳамжамияти*) доирасида кўчайди.

Х. м. т. икки тури (социалистик ва капиталистик) нинг мавжудлиги б-н бир қаторда икки жаҳон хўжалик системасига кирувчи мамлакатлар экономикасини ўз ичига олган жаҳон меҳнат тақсимоти ҳам ривожланмоқда. Жаҳон меҳнат тақсимотига икки қарама-қарши жаҳон хўжалик системасидаги давлатлар миқёсида ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш-нинг иқтисодий самарадорлиги муҳим аҳамиятга эга.

Ўзаро иқтисодий ёрдам кенгаши (УИЁК)га аъзо социалистик мамлакатлар ўртасидаги

ҳамкорликни янада кенгайтириш ва такомиллаштириш ҳамда уларнинг социалистик иқтисодий интеграциясини ривожлантириш комплекс программасида халқаро социалистик меҳнат тақсимоти жаҳон меҳнат тақсимотини ҳисобга олиб тузилганлиги кўрсатилган. УИЕК га аъзо мамлакатлар бошқа мамлакатлар б-н, уларнинг ижтимоий ва давлат тузумидан қатъи назар, иқтисодий ва илмий-техника алоқаларини ривожлантирмоқдалар (қ. *Иқтисодий интеграция*). Социалистик ва ривожланаётган мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий алоқанинг кенгайиши улар ўртасида меҳнат тақсимотининг чуқурлашувига олиб келади. Бир қанча ривожланаётган мамлакатларда социалистик давлатлар ёрдамида ишлаб чиқариш корхоналари қурилмоқда.

Социалистик ва капиталистик мамлакатлар ўртасидаги Х. м. т. узоқ муддатли шартномалар тузиш асосида ўзаро савдони кенгайтириш йўли б-н ривожлантирилаётир. Бундай иқтисодий алоқанинг чуқурлашуви тинч-тотув яшаш учун асосдир.

Ад.: Маркс К., Энгельс Ф., Коммунистик партия манифести, Т., 1966; Маркс К., Капитал, 3-т., Т., 1972; Ленин В. И., Россияда капитализмнинг тараққийси, Тўла асарлар тўплами, 3-т.; Сенин М. В., Развитие международных экономических связей, М., 1968; Воспроизводство производительных сил в условиях научно-технической революции и международного социалистического разделения труда, М., 1970.

ХАЛҚАРО МОЛИЯ КОРПОРАЦИЯСИ (ХМҚ; International Finance Corporation)— *Халқаро реконструкция ва тараққиёт банки* (ХРТБ) ташкилоти. Ривожланаётган аъзо мамлакатлар хусусий секторини, асосан уларнинг кўпроқ фойда келтирадиган корхоналарини кредит шаклида капитал б-н таъминлаш ва акционерлик капиталида қатнашиш учун 1956 йил июлида ташкил қилинган. 1973 йили унга 100 мамлакат кирган. ХМҚ давлат кафолатини талаб қилмайди, лекин маҳаллий ёки чет эл хусусий молия лойиҳасида 50% миқдорида капитал б-н қатнашиш ундан кредит олишнинг мажбурий шарти ҳисобланади. 5 йилдан 15 йилгача муддат б-н кредит беради. Процент ставкаси миқдори йилига 5% дан 10% гача. ХРТБ нинг раҳбар органлари ХМҚ ни ҳам бошқаради. Устав капитали 1973 йил ўрталарида 110 млн. долларга етди, бундан 107 млн. доллари олтин ва эркин конверсия қилинадиган валюта б-н тўланди. Ҳар бир мамлакатнинг обуна суммаси унинг ХРТБ капиталида қатнашиш улушига пропорционалдир. Бу эса АҚШ нинг энг кўп овоз олишини таъминлайди. ХМҚ фойда ҳисобига ташкил топган резерв фондга эга (1973 йил 76 млн. доллардан иборат эди). ХРТБ ХМҚ га барча кредитларини тақдим этди, у 1973 йил ўрталарида 297 млн. доллардан иборат эди.

ХАЛҚАРО МОНОПОЛИЯЛАР, хусусий халқаро монополиялар — юқори фойда олиш мақсадида жаҳон капиталистик хўжалигининг бир ёки бир неча соҳаси устидан ҳукмронлик қилувчи, чет элларда активлари бўлган энг йирик капиталистик фирмалар ёки ҳар хил давлатларга мансуб фирмалар иттифоқи. Капиталистик ишлаб чиқаришнинг юқори даражада умумлашиши ва хўжалик ҳаётининг халқаро тус олиши Х. м. нинг вужудга келиши ва ривожланиши учун иқтисодий асос бўлди.

Х. м. шаклига кўра икки гуруҳга бўлинади: чет элларда активлари бўлган миллий трест ва концернлар (транснационал монополиялар) ва том маънодаги Х. м. Кейингиси халқаро трест ва концернлар б-н бирга, фирмалараро иттифоқлар (картель ва синдикат, ишлаб чиқариш ва илмий-техник асосдаги монополистик бирлашмалар)ни ҳам ўз ичига олади. Транснационал монополиялар капитали ва назорати бўйича миллий, ўз фаолияти доираси бўйича халқародир. Бу типдаги компаниялар 19-асрдаёқ мавжуд бўлиб, лекин унинг фаолияти 20-асрнинг ўрталарида жуда кенгайди. Мас., Америка нефть концерни «Стандард ойл оф Нью-джерси»нинг 45 мамлакатда ишлаб чиқариш корхоналари бўлиб, чет эллардаги активи умумий маблағининг 56% ини, сотиш ҳажми 68% ини, фойдаси 52% ини ташкил этган (1967). Швейцария озиқ-овқат концерни «Нестле» нинг асосий ишлаб чиқариш қувватлари ва молини сотадиган ташкилотлари бошқа мамлакатларда жойлашган. 1960-йилларнинг охирида концернинг барча оборотининг фақат 2—3%и Швейцарияга тўғри келди. Жаҳон капиталистик хўжалигида бундай компанияларнинг жуда тез кўпайиши уларнинг «интернационал» маҳсулотлар ҳажмини оширишга интилаётганликларидан далолат беради. 70-йилларнинг бошида «интернационал» маҳсулот ҳажми йилига 250—300 млрд. долларни ташкил этди. «Интернационал» маҳсулотларнинг $^2/_3$ дан ортиқ қисмини АҚШ ва $^1/_3$ га яқин қисмини Ғарбий Европа мамлакатлари (энг аввало, Англия, Швейцария ва ш. к.) нинг трест ва концернлари ишлаб чиқаради. Халқаро трест ва концернлар транснационал монополиялардан фарқ қилиб, уларга бир эмас, икки ёки ундан ортиқ давлат капиталистлари хўжайинлик қилади. Уларнинг энг муҳим хусусияти шундаки, акционерлик капитали халқаро бўлиниб жойлашган ҳамда трест ёки концерн таркиби кўп миллатлидир. Мас., инглиз-голланд кимё-озиқ-овқат концерни «Юнилевер», итальян-француз автомобиль концерни «ФИАТ-Ситроен» ва б. шундай корхоналардир. Биринчи миллатлараро трест ва концернлар 20-асрнинг бошларида вужудга келди. Лекин уларнинг сони унча кўп эмас, чунки турли миллатларга мансуб капиталларни бирлаштиришда катта қийинчиликлар (мас., мамлакатлар қонунчилигидаги тафовутлар; бирор ҳукуматнинг қарши ҳаракат қилиши ва ш. к.) га дуч келинади. Капиталистик фирмалар шу типдаги монополияларга турли усулда бирлашадилар.

Халқаро картель битимлари Х. м. нинг тарихан дастлабки шаклидир (қ. *Халқаро картеллар*). Улар 19-асрнинг 60—80-йилларида пайдо бўлди. Уша даврдаги картеллардан фарқ қилган ҳозирги замондаги халқаро картель битимлари асосан гигант монополиялар б-н тузилади.

Иккинчи жаҳон уруши (1939—45) дан сўнг Х. м. нинг иқтисодий қудрати ошса ҳам, улар энди жаҳон капиталистик бозорида тўла хўжайинлик қила олмадилар. Ҳозирги замоннинг уч энг муҳим омили — жаҳон социалистик системаси, халқаро ишчилар ҳаракати ва миллий озодлик кураши монополияларнинг хўжайинлик қилишига маълум чегара қўяди. Илмий-техника тараққиёти шароитида Х. м. иттифоқи назоратидаги айрим капиталистик мамлакатларда саноат ва савдо тармоқлари жуда нотекис тараққий этмоқда. Натижада дунёнинг қайтадан бўлиниш проблемаси илгаригидан

«кўра кучлироқ тус олаётир. Бундай қайта бўлиниш «кучларга кўра», «капиталга кўра» амалга оширилади. Бунда монополистларнинг халқаро битимлари кўпинча узилиб қолади ва кураш очиқ боради. Дунёнинг қайтадан бўлиниши, унинг ҳозирги замон шаклида империалистлараро зиддиятларни пасайтирмайди, балки унинг кескинлашишига ва чуқурлашишига сабаб бўлади.

Ад.: Политическая экономия современного монополитического капитализма, т. 2, М., 1970; Белоус Т. Я., Международные промышленные монополии, М., 1972.

ХАЛҚАРО ОЛИМПИАДА КОМИТЕТИ — ҳозирги замон олимпиада ҳаракатининг олий раҳбар органи. 1894 йил 23 июнда француз жамоат арбоби П. де Кубертен ташаббуси б-н тузилган. Х. о. к. га *Олимпиада ўйинларини* ташкил этиш юклатилган. Х. о. к. нинг устав ҳужжати — Олимпиада ўйинлари хартияси. Х. о. к. вазифаси — Олимпиада ўйинларини мунтазам ўтказиб туриш, уларни доимий равишда такомиллаштириш, ҳаваскорлик спортини ривожлантиришга раҳбарлик қилиш, барча мамлакат спортчилари ўртасида дўстликни мустаҳкамлашга ёрдам беришдан иборат. Х. о. к. Миллий олимпиада комитетлари ва халқаро спорт федерацияларини тан олиш тўғрисида қарор қабул қилади (1973 йил 1 ноябргача Х. о. к. 131 Миллий олимпиада комитети ва 26 халқаро федерацияни тан олган; СССР Миллий олимпиада комитети 1951 йили тузилган ва шу йили Х. о. к. томонидан тан олинган). Олимпиада ўйинлари программасини белгилайди. Х. о. к. нинг штаб-квартираси Лозанна (Швейцария)да. 1973 йил 1 ноябргача Х. о. к. да 62 мамлакатдан 78 аъзо, жумладан СССРдан 2 аъзо бўлган. Х. о. к. президенти — М. Килланин (Ирландия). Х. о. к. сессияси йилда 1 марта, олимпиада йили 2 марта — ёзги ва қишки ўйинлар вақтида ўтказилади.

ХАЛҚАРО РЕКОНСТРУКЦИЯ ВА ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ (ХРТБ) — БМТнинг ихтисослаштирилган корхонаси, халқаро кредит муассасаси, *Халқаро валюта фонди* (ХВФ) б-н бир вақтда ташкил этилган. 1946 йил июндан ишлай бошлади. Банк акциялар жамияти шаклида бўлиб, унда ХВФга аъзо бўлган мамлакатларгина иштирок эта олади. 1973 йилнинг ўрталарида бу ташкилотга 122 мамлакат аъзо эди. Банкнинг асосий капитали 1947 йил 1 июлда 10 млрд. доллар бўлган бўлса, 1973 йилнинг ўрталарида 30,4 млрд. долларга етди. Совет Иттифоқи бу банк фаолиятида қатнашмайди.

Олий органи — Бошқарувчилар совети. Ҳар бир мамлакат унда 250 овозга эга, яна ҳар бир акция (100 минг доллар) учун қўшимча бир овозга эга бўлади. Шу асосда АҚШ 25%, Буюк Британия 10%, ГФР 5%, Франция 4%, Канада, Ҳиндистон ва Япония 3% овозга эга. Ижроия органи директорат бўлиб, у АҚШ, Буюк Британия, ГФР, Франция, Япония ва Ҳиндистон вакилларидан доимо тайинланадиган 20 директордан ва сайланадиган 14 директордан ташкил топган. ХРТБ нинг идораси Вашингтонда.

ХРТБнинг расмий мақсади: унга аъзо бўлган, биринчи навбатда унча ривожланмаган мамлакатларнинг ишлаб чиқарувчи кучларини тараққий эттиришга, уларга хусусий капитални капитал маблағ сифатида экспорт қилишга ёрдам беришдир. Аслида эса ХРТБ империалистик монополиялар капиталини экспорт қилишга ёрдам берувчи воситага айланиб қолди.

ХРТБнинг кредит бериш муддати 5 йилдан 25 йилгача. Ундан кредитни асосан давлат ташкилотлари олади. Банкнинг икки маҳаллий бўлими бор: бири — *Халқаро тараққиёт ассоциацияси*, иккинчиси — *Халқаро молия корпорацияси*.

ХАЛҚАРО САВДО — жаҳоннинг турли мамлакатлари ташқи савдоси йиғиндиси. 16—18-асрларда жаҳон бозори ва *халқаро меҳнат тақсимоти* ташкил топиши асосида вужудга келган. Х. с. нинг ривожланиши ишлаб чиқаришнинг капиталистик усули пайдо бўлиши б-н узвий боғлиқ (яна қ. *Ташқи савдо*).

ХАЛҚАРО СОЦИАЛИСТИК МЕҲНАТ ТАҚСИМОТИ — социалистик мамлакатлар орасида ташкил топган ва ривожланиб бораётган янги типдаги давлатлараро меҳнат тақсимоти. *Жаҳон социалистик хўжалик системаси* пайдо бўлиши ва тараққий этиши б-н бирга вужудга келди. Х. с. м. т. иқтисодий, илмий-техник ва ўзаро ҳамкорлик принципларига асосланади. Х. с. м. т. онгли ва планли равишда, барча социалистик мамлакатларнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда уюштирилади ҳамда уларнинг иқтисодий ривожланиш даражаларини тенглаштириш йўлида маълум тадбирларни амалга оширади, ижтимоий меҳнат самарадорлигини кўтаради ва шу туфайли халқ хўжалигининг ривожланиш суръатларини тезлатиш ва барча социалистик мамлакатлардаги аҳолининг моддий ва маънавий ҳаётини яхшилашга хизмат қилади. Х. с. м. т. нинг асосий соҳаси моддий ишлаб чиқаришдан иборат. Шу б-н бирга Х. с. м. т. бошқа соҳаларда ҳам, жумладан илмий-техника ҳамкорлиги соҳасида ҳам тез ривож топмоқда. Х. с. м. т. хўжаликнинг асосий тармоқлари, фан ва техника орасида алоқани мустаҳкамлаш, социалистик мамлакатларга хизмат қилувчи халқаро бозорни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, пул-товар муносабатларини такомиллаштиришда ўз таъсирини кўрсатади.

Х. с. м. т. нинг асосий принциплари Ўзаро иқтисодий ёрдам кенгашининг (УИЁК) 15-сессиясида ишлаб чиқилди ҳамда 1962 йилнинг июнь ойида УИЁК таркибига кирувчи мамлакатларнинг коммунистик ва ишчи партиялари вакиллари иштирокида чақирилган Кенгашда маъқулланди. Ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва кооперациялаш Х. с. м. т. нинг асосий шаклидир. Х. с. м. т. УИЁК таркибига кирувчи мамлакатларда кенг ривож топди. 1975 йилда бу мамлакатларнинг ўзаро товар оборати 71 млрд. сўмдан ортиб кетди. Социалистик мамлакатларнинг ташқи савдо учун мўлжалланган товар структуралари тобора такомиллашиб бормоқда. Мас., Польшада энергетика ва металлургия саноати учун мўлжалланган асбоб-анжомлар, турли хил кемалар, т. й. вагонлари, ҳисоблаш техникаси, енгил саноат учун зарур машиналар, Болгарияда металлни қайта ишловчи ва ёғочсозлик учун зарур станоклар, электрон-ҳисоблаш машиналари, тракторлар экспорт қилиш тез юксалди.

Х. с. м. т. да СССР етакчи ўринни эгаллайди. СССР ташқи савдосида умумий савдо оборотининг ярмидан ортиғи социалистик мамлакатларга тўғри келади. Мас., 1975 йили СССРнинг ташқи мамлакатлар б-н олиб борган савдо обороти 50,7 млрд. сўмни ташкил

этган бўлса, шундан 28,6 млрд. сўми социалистик мамлакатларга (шу ҳисобдан 26,3 млрд. сўми УИЁҚ таркибидаги мамлакатларга) тўғри келди. 1975 йили СССРга чет давлатлардан олиб келинган маҳсулотларнинг деярли ярми (12,9 млрд. сўмлик) УИЁҚ таркибидаги мамлакатлардан келтирилди. Жаҳон хўжалигида социалистик системадаги давлатларнинг салмоғи йилдан-йилга ортиб бормоқда.

УИЁҚнинг 25-сессияси (1971 йил июль) 15—20 йилга мўлжалланган комплекс программа Х. с. м. т. ни такомиллаштириш ва мустаҳкамлаш, қардош социалистик мамлакатлар экономикаси тараққиёт даражасини бир-бирига яқинлаштириш ва тенглаштириш, илмий-техника тараққиётини тезлаштириш ва умуман социалистик ҳамкорлик қудратини янада мустаҳкамлашга қаратилган. Комплекс программа халқ хўжалиги планларини координациялаш, биргаликда йирик саноат комплексларини қуриш ва ишга тушириш, айрим саноат корхоналарини эмас, балки йирик саноат тармоқлари орасида ҳам ишлаб чиқаришни кооперация қилиш учун шароит яратиб берди. «Мир» энергосистемаси ана шундай ҳамкорлик туфайли вужудга келган бўлиб, у Болгария, ГДР, Польша, Руминия, Чехословакияни мунтазам равишда электр энергияси б-н таъминлайди.

Х. с. м. т. социалистик мамлакатларнинг жаҳон меҳнат тақсимотида иштирок этишига тўсқинлик қилмайди, балки шу тақсимотни ҳисобга олган ҳолда иш юритишга даъват этади. Барча мамлакатлар б-н иқтисодий алоқаларни йўлга қўйиш туфайли социалистик мамлакатлар икки системага мансуб бўлган мамлакатларнинг тинч-тотув яшаши учун зарур моддий негизни мустаҳкамлаш имконига эга бўлдилар.

Ад.: Основные принципы международного социалистического разделения труда, М., 1964; Комплексная программа дальнейшего углубления и совершенствования сотрудничества и развития социалистической экономической интеграции стран-членов СЭВ, М., 1971; КПСС 25-съездининг материаллари, Т., 1976.

ХАЛҚАРО СОЦИОЛОГИЯ АССОЦИАЦИЯСИ — миллий ва регионал социологик ташкилотларни, шунингдек индивидуал аъзоларни бирлаштирадиган халқаро уюшма. Унга СССР ва б. социалистик мамлакатлар социологик ташкилотлари ва социологлари ҳам кирган. 1949 йилда ЮНЕСКО ҳомийлигида тузилган. Ассоциация уставига кўра, унинг асосий мақсади — социология соҳасидаги халқаро тадқиқотларга, социологларнинг илмий алоқаларини ривожлантиришга, информация алмашинишини таъминлашга ёрдамлашишдан иборат. Х. с. а. тадқиқот комитетларининг ишларини ташкил этади, халқаро социологик конгрессларни чақиради. Раҳбар органлари: миллий ассоциация вакилларидан ташкил топган кенгаш, улар томонидан сайланадиган Ижроия комитет (президент бошчилигида), шунингдек тадқиқот кенгаши. Х. с. а. секретариати Милан (Италия)да жойлашган. Информация бюллетенлари ва ҳар йили докладлар нашр қилади.

ХАЛҚАРО СПОРТ БИРЛАШМАЛАРИ (ХСБ) — физкультура, жисмоний тарбия ва спорт бўйича жаҳон ҳамда маълум терр-я миқёсидаги ташкилотлар. Унга миллий, айрим ҳолларда халқаро спорт ташкилотлари, шунингдек алоҳида шахслар аъзо бўлади. ХСБ вазифаси — муайян миллий ташкилотларни тузиш, улар б-н алоқа ўрнатиш ва мустаҳкамлаш, ўз соҳаси бўйича халқаро тажрибани ўрганиш ва ёйиш, физкультура ва спортни ривожлантириш учун моддий-молиявий база вужудга келтириш, халқаро мусобақаларни планлаштириш ва ташкил этишдан иборат. 1976 йилда ХСБнинг сони 200 дан ортиқ бўлган. Совет спорт ташкилотлари 80 дан ортиқ ХСБ аъзосидир. СССР ва б. социалистик мамлакатлар спорт ташкилотлари вакилларининг фаолияти халқаро спорт ҳаракатини демократлаштиришга қаратилган.

ХАЛҚАРО СТУДЕНТЛАР ИТТИФОҚИ (ХСИ) — *студентлар* ташкилотларининг халқаро уюшмаси. 1946 йил августда Прагада, студентларнинг Жаҳон конгрессида тузилган. Уставига кўра, унинг мақсади студентлар манфаатларини ҳимоя қилиш, тинчлик ва халқаро хавфсизлик учун, империализм, мустамлакачилик ва неоколониализмга қарши, социал тараққиёт ва таълимнинг демократлашуви учун курашишдан иборат. ХСИ га турли мамлакатлардан студентларнинг 90 ташкилоти кирган (1976). Унда совет студентлари СССР Студентлар кенгаши орқали иштирок этади.

ХСИ нинг олий органи — Конгресс. У Ижроия комитетни (конгресслар орасида раҳбарлик қилиш учун), президент ва Секретариатни (қароргоҳи Прагада) сайлайди. ХСИ «Жаҳон студентлари янгиликлари» ойлик журналини нашр этади (инглиз, француз, испан ва араб тилларида).

ХАЛҚАРО СТУДЕНТЛАР КУНИ — *студентлар*нинг халқаро бирдамлик куни. 1941 йили Лондонда фашизмга қарши курашаётган мамлакатлар студентларининг халқаро учрашувида таъсис этилган. Бу кун (17 ноябрь) Қаршилик кўрсатиш ҳаракати қаҳрамонлари — Чехословакия студентлари хотираси учун белгиланган: 1939 йил 17 ноябрда Чехословакия студентлари иттифоқининг кўзғолига раҳбарларни немис-фашист маъмурлари томонидан қамоққа олиниб, отиб ташланган, мингдан зиёд студент ва олий ўқув юртлари ўқитувчилари концентрацион лагерларга юборилган, олий ўқув юртларида ўқиш тўхтатилган. Бу кун илк марта 1941 йили нишонланган. Х. с. к. нинг нишонланиши студентларнинг тинчлик ва дўстлик учун кураш халқаро ҳафталиги (10—17 ноябрь) б-н боғланиб кетади.

ХАЛҚАРО СУД — қ. *Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қошидаги халқаро суд.*

ХАЛҚАРО ТАРАҚҚИЁТ АССОЦИАЦИЯСИ (ХТА) — *Халқаро реконструкция ва тараққиёт банки* (ХРТБ)нинг бўлими. Ривожланаётган мамлакатларга кредит ва заёмларни ХРТБ га нисбатан анча енгил шартлар б-н бериш мақсадида 1960 йилда ташкил этилган. 1973 йилнинг ўрталарида ХТА га 112 мамлакат аъзо эди. Унга Бошқарувчилар совети (бошқаришнинг олий органи), директорат ва президент раҳбарлик қилади. Директорат ассоциациянинг доимо ишловчи ижроия органи бўлиб, ХРТБнинг директорлари ва президенти бу ташкилотга ҳам раҳбарлик қилади. Совет ва директоратда ҳамма масалалар кўпчилик овоз б-н ҳал қилинади. Овозлар сони эса асосий капиталга тушадиган взнослар суммасига қараб тақсимланади. ХТА га аъзо бўлган ҳар бир мамлакат 500 овозга, дастлабки взнос суммасига қўшилган ҳар 5 минг доллар учун яна қўшимча бир овозга эга бўлади. Унинг асосий капитали 1973 йилнинг ўрталарида 1061 млн. доллар эди.

ХАЛҚАРО ТАШҚИЛОТЛАР — давлатлар ёки миллий жамиятлар (ассоциация)нинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, илмий-техника, маданий ва б. соҳаларда умумий мақсадларга эришиш учун тузилган бирлашмалари; давлатлар ўртасида кўп томонлама ҳамкорлик қилишнинг энг муҳим турларидан бири.

Х. т. тузишга жуда қадимдан ҳаракат қилинган, лекин ҳозирги тушунчадаги Х. т. 19-аср 2-ярмидан шакллана бошлади. Хўжалик алоқалари тараққиёти, турли соҳаларда давлатлар ва халқлар ўртасида кўп томонлама муносабатларнинг кучайиши, халқаро муносабатлар структурасида Х. т. нинг муҳим элемент сифатида чиқишига сабаб бўлди. Ҳозирги замон Х. т. нинг шаклланиши ва унинг ривожланишида жаҳон социализм системасининг вужудга келиши, турли ижтимоий-иқтисодий системага эга бўлган давлатларнинг тенг ҳуқуқли ҳамкорлиги асосида БМТнинг тузилиши Х. т. нинг вужудга келишида муҳим роль ўйнади. БМТ асосини ишлаб чиқишда СССРнинг актив иштирок этиши унинг уставида ҳозирги замон халқаро муносабатларида асосий демократик принципларни мустаҳкамлашга имкон берди. Иккинчи жаҳон уруши (1939—45) дан сўнг Х. т. тараққиётида социалистик давлатлар Х. т. нинг тузилиши муҳим аҳамият касб этди (мас., *Узаро иқтисодий ёрдам кенгаши*).

Турли характерга эга бўлган 2,5 мингдан ортиқ Х. т. мавжуд. Улар давлатлараро ва ҳукумат қарамоғида бўлмаган 2 асосий гуруҳга бўлинади. Давлатлараро Х. т. га фақат давлатлар, ҳукумат қарамоғида бўлмаган Х. т. га ҳукуматга тегишли бўлмаган миллий ассоциациялар, жамиятлар, бирлашмалар ва ҳатто айрим шахслар аъзо бўлиши мумкин. Аъзолари сонига кўра, универсал, регионал, субрегионал ва б. Х. т. бўлади. Аъзолари таркибига кўра, умумий ва бир типдаги Х. т. мавжуд.

Барча аъзоларнинг умумий мажлиси Х. т. нинг олий органи ҳисобланади. У ҳар йили ёки бир неча йилда бир марта чақирилади. Конференциялар орасидаги даврда Х. т. фаолиятига ижроия кенгаши раҳбарлик қилади. Ҳар бир ташкилотда бош секретарь (директор) бошчилигида доимий секретариат мавжуд.

Х. т. муҳим халқаро масалаларни ҳал этишга ўз ҳиссасини қўшади. Ҳозирги замон халқаро муносабатларида давлатлараро Х. т. энг муҳим роль ўйнайди. Давлатлараро Х. т. ўртасида айниқса БМТ алоҳида ўрин тутади. Унга жаҳондаги деярли барча давлатлар аъзо.

СССР ва б. социалистик мамлакатлар ҳозирги Х. т. ни тинчлик ва халқлар хавфсизлиги, халқаро ҳамкорликни кенг кўламда ва тенг ҳуқуқли ривожлантириш манфаатларига хизмат эттириш учун доимий кураш олиб бормоқдалар.

Ад.: Халқаро сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ташкилотлар, справочник-луғат, Т., 1968; Морозов Г. И., Международные организации. Некоторые вопросы теории, 2 изд., М., 1974.

ХАЛҚАРО ТИНЧЛИК МУКОФОТЛАРИ — *Жаҳон Тинчлик Кенгаши* мукофотлари. 1949 йил апрелда тинчлик тарафдорларининг 1-Жаҳон конгрессида таъсис этилган. Фан, маданият ва санъат арбобларига халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун хизмат қиладиган энг яхши адабиётлар ва санъат асарлари, илмий ишлари, кинофильмлари учун берилади. Х. т. м. нинг регламенти тинчлик тарафдорлари Жаҳон конгресси Доимий комитетининг 2-сессияси (Рим, 1949 йил 28—31 октябрь)да таъсис этилган. Мукофотнинг 3 тури жорий қилинган (1951): Халқаро тинчлик фахрий мукофоти, Халқаро тинчлик мукофоти ва Тинчлик олтин медали (1959 йилдан — Ф. Жолио-Кюри номидаги Тинчлик олтин медали).

ХАЛҚАРО ТРЕСТЛАР — қ. *Халқаро монополиялар.*

ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР ЙИЛИ — хотин қизларнинг эркаклар б-н тенг ҳуқуққа эришишига қаратилган фаолиятини кучайтириш, мамлакатларнинг сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётида кенг иштирок этишларини таъминлашга бағишланган йил. *Халқаро хотин-қизлар демократик федерацияси* ва б. хотин-қизлар ташкилотларининг ташаббуси б-н БМТ Бош Ассамблеясининг 27-сессияси (1972) 1975 йилни Х. х.-қ. й. деб эълон қилди. Х. х.-қ. й. муносабати б-н БМТнинг Мехикода ўтказилган Жаҳон конференцияси (1975 йил 19 июнь—2 июль)да хотин-қизларнинг тенглиги, уларнинг тараққиёт ва тинчликка қўшаётган ҳиссалари ҳақида «Декларация» ҳамда уларнинг сиёсий ва меҳнат фаолиятини кучайтиришга доир умумжаҳон иш плани қабул қилинди. БМТ Бош Ассамблеясининг 30-сессияси (1975 йил декабрь) эса Конференция қарорини маъқуллаб, 1976—85 йилларни БМТнинг хотин-қизларни қўллаш ўн йиллиги деб эълон қилди.

Хотин-қизларнинг 1975 йил 20—24 октябрда Берлинда бўлиб ўтган жаҳон конгресси жаҳон аёллари кучини тинчлик ва халқлар хавфсизлиги учун курашга сафарбар этишда муҳим роль ўйнади.

ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ (8 МАРТ) — бутун дунё хотин-қизларининг иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий тенгҳуқуқлилик учун курашидаги бирдамлик куни. 2-Халқаро социалист аёллар конференцияси (1910 йил, Копенгаген)да К. *Цеткин* таклифига биноан қабул қилинган. Биринчи марта 1911 йили Германия, Австрия, Дания ва Швейцарияда, 1913 йили Россия (Петербург)да ўтказилган. Лекин 1914 йилгача турли мамлакатларда турли кунларда нишонланган. 1914 йили Россия, АҚШ, Германия, Швейцария, Австрия ва б. мамлакатларнинг аёллари бу куни айнан 27 февраль (8 март)да нишонлашди. Х. х.-қ. к. капиталистик мамлакатларда аёлларнинг ҳуқуқлари ва социал тараққиёт учун кураш куни сифатида муайян шнорлар остида ўтказилади. Социалистик мамлакатларда, хусусан СССРда Х. х.-қ. к. да эркаклар б-н тенг ҳуқуқли аёлларнинг социализм ва коммунизм қуришдаги иштирокига якун ясалади. СССР Олий Совети Президиумининг 1965 йил 8 май қарорига биноан Х. х.-қ. к.— 8 Март СССРда дам олиш куни деб эълон қилинган.

Ад.: Коллонтай М. А., Избранные статьи и речи, М., 1972; Любимова С., 50-летие Международного женского дня, М., 1960.

ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ — халқаро характердаги граждан-ҳуқуқий муносабатлар (мулкий ва у б-н боғлиқ мулкий бўлмаган муносабатлар, шунингдек оила-ҳуқуқий, меҳнат ва процессуал муносабатлар)ни тартибга соладиган нормалар мажмуи. Бу ҳуқуқий муносабатларда *чет элликлар,* чет эллик *юридик*

шахслар ва чет давлатлар қатнашади ёки чет эллардаги ашёлар унинг объекти ҳисобланади. Х. х. ҳ. нормалари, аввало, халқаро иқтисодий ва илмий-техник ҳамкорлик олиб борилаётган вақтдаги муносабатларни тартибга солади. Совет давлатида бу нормаларнинг қўлланиши СССР ташқи сиёсатининг асоси — *тинч-тотув яшаш* принципларини амалга оширишда муҳим роль ўйнайди.

«Х. х. ҳ.» термини шартли равишда қабул қилинган. Х. х. ҳ. соҳасига чет элликлар, чет эллик юридик шахсларнинг граждан-ҳуқуқий ҳолатлари, мулк ҳуқуқи, мажбурий ҳуқуқ (ташқи савдо битимлари, турли шартномалар) ва б. ҳуқуқ масалалари ҳам киради. Х. х. ҳ. нормалари муайян ҳуқуқ ва мажбуриятларни белгилайдиган қоидаларни тўғридан-тўғри ўз ичига олади ёки муайян муносабатга қайси қонун татбиқ этилишини, яъни бирор давлатнинг ҳуқуқига (*коллизион ҳуқуққа*) ҳавола этишни белгилайди. Х. х. ҳ. да коллизион нормалар муҳим роль ўйнаганлиги учун айрим вақтларда у коллизион ҳуқуқ деб ҳам юритилади.

СССРда Х. х. ҳ. нинг асосий нормалари СССР ташқи савдоси давлат монополияси тўғрисидаги қонунларда, ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг Гражданлик қонунлари асослари, Никоҳ ва оила тўғрисидаги қонунлар асослари, ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг Гражданлик судлов ишларини юритиш асослари, СССР денгиз савдо кодекси, СССР ҳаво кодекси, кашфиётлар, ихтиролар, рационализаторлик таклифлари ҳақидаги низомлар ва б. да берилган. СССРнинг социалистик мамлакатлар б-н Х. х. ҳ. муносабатларида халқаро битим нормалари — гражданлик, оила ва жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ҳақидаги шартномалар, консуллик конвенциялари, социал таъминот тўғрисидаги битимлар ва б.; иқтисодий ҳамкорликда — савдо ва денгизда сузиш тўғрисидаги шартномалар, Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши поставкасининг умумий шартлари (1968) ва б. асосий роль ўйнайди.

Булардан ташқари СССРда татбиқ этиладиган Х. х. ҳ. нормаларида социалистик ҳамда капиталистик давлатлар б-н икки томонлама ёки кўп томонлама тузиладиган шартномалар (мас., саноат мулкини қўриқлаш тўғрисидаги Париж конвенцияси, 1883; Авторлик ҳуқуқи тўғрисидаги жаҳон конвенцияси, 1952; Гражданлик процесси тўғрисидаги Гаага конвенцияси, 1954) ҳам ўз аксини топади.

СССРнинг капиталистик давлатлар б-н муносабатида қўлланадиган Х. х. ҳ. нормалари вазифаси — ўзаро фойдали бўлган иқтисодий, савдо, илмий ва маданий алоқаларни юридик расмийлаштиришдан иборат.

Х. х. ҳ. нормаларининг асосий қисми социалистик мамлакатларнинг дўстона ҳамкорлиги ва ўзаро ёрдам муносабатларини тартибга солади. Социалистик мамлакатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларда Х. х. ҳ. нормалари социалистик интернационализм принциплари, социалистик давлатларнинг миллий ва интернационал вазифаларини тўғри қўшиб бориш, тенглик ва суверенитет, ўзаро манфаатдорлик ва дўстона ёрдам принциплари асосида социалистик иқтисодий интеграция комплекс программасини амалга ошириш, ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва кооперациялаштириш, савдо муносабатлари ва илмий-техника ҳамкорликлари ривожлантиришга қаратилган.

Ад.: Луиц А. А., Международное частное право, М., 1970; Перетерский И. С., Крылов С. Б., Международное частное право, М., 1959.

ХАЛҚАРО ШАРТНОМА — халқаро ҳуқуқнинг асосий манбаи; икки ёки бир қанча давлатлар, ёхуд халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектлари ўртасидаги келишув. Шартномада сиёсий, иқтисодий ва б. муносабатларда давлатлар ўртасидаги ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлар белгиланади.

Иштирокчилар сонига қараб Х. ш. икки томонлама ва кўп томонлама шартномага бўлинади. Кўп томонлама шартномалар очиқ (унга шартноманинг ўзида белгиланган тартибда бошқа давлатлар ҳам қўшилиши мумкин) ва ёпиқ (шартномага имзо чекмаган давлатлар шартнома иштирокчиларининг розилиги б-нгина шартномага қўшила олади) бўлиши мумкин.

Х. ш., одатда, ёзма шаклда тузилиб, преамбулалар (шартнома сабаби ва мақсадлари), халқаро муносабатларни йўналтирувчи конкрет қарорлар ва хулосавий қарорлар (шартноманинг амал қилиш муддати; уни узайтириш тартиби ва б.) дан таркиб топади. Икки томонлама шартнома шартлашган давлатлар тилида, кўп томонлама шартнома эса бир, икки ёки ундан ортиқ тилларда тузилади. Имзоланган Х. ш., одатда, олий давлат ҳокимияти органи томонидан *ратификация* этилиши шарт (СССРда ратификация қилиш ваколати СССР Олий Совети Президиумига берилган). Х. ш. имзолангандан (агар шартномада шундай кўрсатилган бўлса) ёки ратификация этилган ёрлиқлар б-н алмашилгандан кейин, ёхуд сақлаш учун ёрлиқлар бирор давлатга ёки БМТ га топширилгандан кейин кучга киради.

Х. ш. белгиланган муддатнинг ўтиши, белгиланган мажбуриятларнинг бажарилиши, шартнома ижросини муддатидан илгари тугатиш учун ҳар икки томоннинг келишуви б-н бекор қилинади. Шартнома денонсация, шартнома иштирокчилари розилиги б-н қайта кўриб чиқиш (тафтиш қилиш), шунингдек давлатнинг шартномадан бир томонлама воз кечиши йўли б-н ҳам бекор бўлиши мумкин.

Х. ш., одатда, аҳдлашган мамлакатларнинг вақтли матбуотларида, расмий ҳукумат нашрларида ва б. да эълон қилинади. СССРда ратификация этилган шартномалар «СССР Олий Совети ведомостлари»да босилади. Х. ш. турли номлар: шартнома, битим, пакт, трактат, конвенция, декларация, коммюнике, протокол, акт ва б. б-н тузилиши мумкин.

ХАЛҚАРО ҚУТБ ҲАРАКАТИ ХИЗМАТИ (ХҚҲХ) — Ернинг географик қутблари ҳаракатини ҳар томонлама ўрганувчи илмий ташкилотларнинг халқаро бирлашмаси. 1898 йилдан ишлаб келаётган Халқаро кенглик хизмати асосида 1961 йили тузилган. 20- аср ўрталарида қутбларнинг даврий ҳаракатидан ташқари уларнинг 76° ғарбий узунлик йўналишида йилига 110 *мм* тезлик б-н асрий ҳаракати ҳам борлиги аниқланди. Шунинг учун ҳамма кенглик кузатишларини бирор ўзгармас бошлангич даврга келтириш зарурлиги масаласи туғилди. ХҚҲХ га шимолий қутбнинг 1903,0 (шартли халқаро бошланғич йил) даврига мос келувчи ҳолати координаталарини нашр қилиш юклатилди. ХҚҲХ қутблар ҳолатини аниқловчи ҳисоблашларда бошқа турли обсерваторияларнинг вақт ва кенглик кузатишларидан ҳам фойдаланади. Унинг марказий бюроси Мидзусава (Япония) обсерваториясида жойлашган.

Ад.: Михайлова А. А., О вековых изменениях географических координат, «Астрономический журнал», т. 45; №3.

ХАЛҚАРО ҲАРБИЙ ТРИБУНАЛ — Иккинчи жаҳон уруши (1939—45) нинг бош ҳарбий жиноятчиларини таъқиб қилиш ва жазолаш учун ташкил қилинган халқаро суд органи. 2 марта Х. ҳ. т. тузилган. Биринчи трибунал СССР, АҚШ, Буюк Британия ва Франция ҳукуматларининг Лондон битими (1945 йил 8 август) асосида Европа мамлакатларининг бош ҳарбий жиноятчиларини жазолаш мақсадида ташкил этилган. Бу ҳарбий трибуналнинг ташкилий томони, юрисдикцияси ва функцияси Лондон битимининг уставида белгиланган. Х. ҳ. т. шахсан ёки ташкилот аъзоси сифатида ҳарбий жиноят, тинчликка, инсониятга қарши қаратилган жиноят қилган шахсларни судлаш ва жазолаш ҳуқуқига эга бўлган. Трибунал составига Х. ҳ. т. ни ташкил этишда иштирок этган 4 давлатнинг ҳар биридан 1 аъзо, унинг ўринбосари ва бош қораловчи тайинланган. Х. ҳ. т. қарори кўпчилик овози б-н қабул қилинган. Бош жиноятчиларни тергаш ва айблаш қораловчилар комитетига юкланган. Бош нацист жиноятчилар устидан бўладиган процесс учун Нюрнберг шаҳри белгиланган (қ. *Нюрнберг процесси*).

Иккинчи марта Х. ҳ. т. иттифоқчи ҳукуматларнинг ўзаро келишувига асосан 1946 йил 19 январда Токио (Япония)да тузилди. У Япония бош ҳарбий жиноятчиларининг ишини кўрган. Бунда 11 давлат: СССР, АҚШ, Хитой, Буюк Британия, Австралия, Канада, Франция, Нидерландия, Янги Зеландия, Ҳиндистон ва Филиппин давлатларидан вакиллар иштирок этган. Мазкур трибунал 1946 йил 3 майдан 1948 йилнинг 12 ноябригача иш кўрган.

ХАЛҚАРО ҲИСОБ-КИТОБЛАР — турли мамлакат корхоналари, муассасалари ва айрим шахслар ўртасидаги пул ҳисоб-китоблари. Ташқи савдо, кредит, инвестиция, транспорт хизматлари, туризм, командировкалар, делегацияларнинг сафарлари, шунингдек четга маблағ ўтказишнинг бошқа турлари (фойда, гонорар, пенсия, алимент ва б. ни ўтказиш) б-н боғлиқ.

Х. ҳ.-к. да асосий ўринни ташқи савдо бўйича ҳисоб-китоблар эгаллайди. Дастлаб улар бевосита экспортер ва импортёрлар ўртасида нақд валюта б-н тўланарди. Халқаро савдо ҳажмининг ўсиши, хўжалик алоқаларининг мураккаблашиши, кредит, муомала-кредит воситалари ва тўловларнинг юксалиши б-н Х. ҳ.-к. нинг кўп қисми нақд пулсиз банк орқали юритилади. Телеграф ва почта тўлови, чеклар, тратталар, инкассо топшириқлари, аккредитивлар Х. ҳ.-к. нинг асосий воситаларидир. Асосий капиталистик мамлакатларнинг валютаси капиталистик мамлакатлар ўртасида ҳисоб-китоблар воситаси бўлиб хизмат қилади. Халқаро тўловларнинг кўпчилиги АҚШ долари ва Англия фунт-стерлингида амалга оширилади. 70- йилларнинг бошидан бу валюталарнинг беқарорлиги туфайли ГФР маркалари, япон иеналари, француз ва швейцария франки ва б. бир қанча валюталар Х. ҳ.-к. да катта ўринни эгаллади.

Х. ҳ.-к. бир валютани бошқасига алмаштириш ва чет эл валюталарини сотиб олиш б-н боғлиқ. Шунинг учун Х. ҳ.-к. да *валюта курси* муҳим аҳамиятга эга. Қўпчилик капиталистик мамлакатларда 60- йиллар охири ва 70- йиллар бошидаги валюта кризиси тезлашиши капиталистик мамлакатларнинг Х. ҳ.-к. системасида бирмунча тартибсизликларни вужудга келтирди. Социалистик мамлакатларнинг Х. ҳ.-к. и ўзаро иқтисодий ҳамкорликнинг планли ва узоқ муддатли шаклларини ривожлантириш асосида қурилади. Шунинг учун ҳам социалистик мамлакатларда Х. ҳ.-к. капитализмга нисбатан кенгроқ миқёсда қўлланилмоқда. 1964 йилдан УИЕК га аъзо мамлакатлар ўртасидаги ҳисоб-китоблар Халқаро иқтисодий ҳамкорлик банки ва Халқаро инвестиция банки орқали кўп ёқлама ҳисоб-китоблар системаси доирасида амалга оширилади. Социалистик мамлакатларнинг капиталистик мамлакатлар б-н Х. ҳ.-к. икки ёқлама тўлов битимлари асосида ўтказилади. Социалистик ва ривожланаётган мамлакатлар ўртасидаги ҳисоб-китоблар кўпинча *клиринг* асосида бўлади, лекин соф тўлов битимлари ва аралаш тўлов-клиринг характеридаги битимлар ҳам мавжуд.

Ад.: Фрей Л. И., Валютные и финансовые расчёты капиталистических стран, М., 1969; Мазанов Г. Г., Международные расчёты стран-членов СЭВ, М., 1970; Международная социалистическая валюта стран-членов СЭВ, М., 1973.

ХАЛҚАРО ҲИСОБ-КИТОБЛАР БАНКИ — халқаро молия ташкилоти. Англия, Франция, Германия, Бельгия, Италия марказий банклари, АҚШнинг учта хусусий банки ва Япония хусусий банклари томонидан 1930 йилда Базел (Швейцария)да тузилган. Банк олтин ва чет эл валютасини қабул қилади ҳамда сотади, сақлаб бериш учун марказий банклардан олтин қабул қилади ва улардан ссуда олади. Банк банкнотлар чиқариш ҳуқуқига эга эмас. Иккинчи жаҳон уруши даврида фашистлар талаб тўплаган олтин банкда сақланган.

Бреттон-Вудсдаги валюта-молия конференцияси (1944) Х. ҳ.-к. б. ни тугатиш ҳақида қарор қилди, лекин банк аъзоларининг мададларидан фойдаланган банк сақланиб қолди ва ўз операцияларини янада кенгайтирди.

Банк *Европа кўмир ва пўлат бирлашмаси, Жаҳон почта иттифоқи* ва ш. к. ташкилотларнинг молия агенти ҳисобланади. Х. ҳ.-к. б. *Халқаро валюта фонди* ва *Халқаро реконструкция ва тараққиёт банки*нинг Европадаги қўшимча органи сифатида хизмат қилади. 60-йиллар бошидан банк капитализм жаҳон валюта системасини қувватловчи империалистик давлатларнинг халқаро битимлари марказига айланди (қ. *Валюта кризиси*). 1951 йилда Япония Х. ҳ.-к. б. таркибидан чиқди. 1968 йилда СССР ва ГДР дан ташқари Европадаги барча капиталистик ва социалистик мамлакатларнинг марказий банклари Х. ҳ.-к. б. га аъзо бўлди. Банкка Директорлар кенгаши раҳбарлик қилади. Банкнинг валюта-иқтисодий бўлими бор.

ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ — давлатлар ўртасидаги муносабатларни тартибга соладиган юридик принцип ва нормалар мажмуи. Х. ҳ. ҳамма ҳуқуқлар каби тарихий ҳодиса бўлиб, давлатлар юзага келиши б-н шаклланади. Давлатлар мавжудлиги ва ривожланишининг объектив шароитлари улар ўртасида сиёсий, иқтисодий ва б. муносабатлар ҳамда алоқалар ўрнатишни, бинобарин буларни ҳуқуқий йўналтириб туришни тақозо қилди. Шу асосда Х. ҳ. принцип ва нормалари юзага келди.

Муайян тарихий даврда давлатлар ўртасидаги муносабатлар ва уларнинг ривожланиш даражаси Х. ҳ. нинг мазмуни ва ривожланиш даражасини белгилайди. Бироқ Х. ҳ ҳамма вақт ҳам синфий бўлади: унинг нормаларида муайян давлатларнинг синфий манфаатлари акс этади.

Х. ҳ. ҳақидаги айрим тартиблар, хусусан элчи ва шартнома ҳуқуқи нормалари, уруш олиб боришнинг айрим қоидалари қадим даврлардан бери мавжуд. Қулдорлик давридаги Х. ҳ. қа элчининг дахлсизлик ва экстерриториаллик ҳуқуқи, шартнома ва иттифоқларнинг муқаддаслиги, ҳакамлар суди ва воситачилик, чет элликлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш, уруш эълон қилиш тартиби, ибодатхоналар ва б. иншоотларга тегмаслик, заҳарли қуролларни тақиқлаш ва б. тартиб ва нормалар кирган. Қуллар исён кўтарган ҳолларда ўзаро ёрдам бериш, қочоқ қулларни қайтариш, қулларни қўзғолонга даъват қилиш каби ҳаракатларни «халқаро жиноят» деб эълон қилиш ва б. ҳақидаги шартномалар шу давр Х. ҳ. нинг синфий характеридан далолат беради. Х. ҳ. нинг назарий томонлари Юнонистон олимлари — Полибий (мил. ав. 2- аср), *Платон, Аристотель* ва Рим олимлари — *Цицерон,* Ульпиан (2—3- аср) ва б. асарларида баён қилинган. Том маънодаги Х. ҳ. фани феодализм даврида юзага келиб, капитализмда ривожланган.

Майда феодал давлатларининг ташкил топиши, улар ўртасидаги доимий урушлар, турли сиёсий иттифоқлар тузиш, халқаро муносабатларни ривожлантириш заруриятини келтириб чиқарди. Феодализм даврида сонсаноқсиз урушлар бўлганлиги учун ҳам Х. ҳ. нинг кўпгина қисми уруш масалаларига бағишланган. 15- асрда доимий дипломатик вакиллар тўғрисидаги тадбирлар ишлаб чиқилди, 16- асрда эса кўпгина Европа давлатларида ташқи муносабатлар б-н шуғулланадиган идоралар ташкил этилиб, консуллик ҳуқуқи яратилди. Урта аср Х. ҳ. ининг ривожланишида Венеция, Флоренция, Пиза, Генуя ва б. давлатлар катта роль ўйнаган. Денгиз савдоси муносабати б-н халқаро денгиз битимлари кенг тарқала бошлаган, денгиз савдо кемаси қатновига оид одатлар кодекслаштирилган. 17- аср бошларида очиқ денгизда эркин сузиш принциплари ва б. Х. ҳ. қа доир асослар ишлаб чиқилган. Феодализмнинг сўнгги даврларида яшаган голландиялик юрист ва дипломат Гуго Гроций (16—17- асрлар) ва унинг издошлари фаолияти буржуа Х. ҳ. фанининг асосини ташкил этган.

Буржуа рев-ялари, айниқса Буюк Француз рев-яси Х. ҳ. янги принципларининг юзага келишига катта таъсир кўрсатди. Суверен тенглик, мустақиллик, территориал дахлсизлик, бошқа давлатлар ички ишига аралашмаслик, шартномаларга амал қилиш принциплари феодал кучлар реакциясига қарши кураш давомида буржуазия томонидан илгари сурилди. Бу принциплар халқаро муносабатларнинг асоси сифатида бир қанча халқаро ҳужжатларда қайд этилиб, кейинчалик Х. ҳ. нинг кўпчилик томонидан тан олинган принцип ва нормаларига айланди. Капитализм даврида Х. ҳ. давлатни *тан олиш,* гражданлик *плебисцити* ва *оптацияси, бошпана ҳуқуқи,* қул савдосини ман қилиш каби тартиб ва нормалар б-н бойиди. Уруш қоидаларида ҳам катта ўзгаришлар бўлди, унга хусусан мудофаа ва адолатли урушларга, бузилган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш мақсадидаги урушларга йўл қўйиш, яралор ва асирлар б-н инсоний муомалада бўлиш, тинч аҳоли ҳуқуқига ҳурмат б-н қараш, катта кулфатлар келтирадиган уруш қуролларини ман этиш принциплари киритилди.

18—19- асрлардаги Х. ҳ. фанида Х. ҳ. ни рад қиладиган нигилистик назариялар кенг тарқалди. Бу назариялар буржуазиянинг милитаристик интилишларини асослашга хизмат қилган.

Умуман олганда, капитализм давридаги Х. ҳ. буржуазиянинг сиёсий ва иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишга хизмат қилган. Унинг таъсир доираси Европадаги ривожланган давлатлар б-нгина чекланган, мустамлака мамлакатлар ва халқларда тарқалмаган.

Империализм даврида буржуазия халқаро алоқаларнинг элементар нормаларини оёқ ости қилиб, Х. ҳ. нинг дастлабки асосий принципларидан воз кечиш йўлини тутди. Буржуазия Х. ҳ. фанида асосий мақсади империализмнинг агрессив сиёсатини оқлаш ва асослашдан иборат бўлган турли-туман назария ва концепциялар кенг ривожлантирилди.

Улуғ Октябрь социалистик рев-ясигина халқаро муносабатларнинг янада ривожланишида ҳал қилувчи таъсир кўрсатиб, сифат жиҳатидан янги Х. ҳ. ларининг шаклланишига асос солди. «Биз,— деган эди В. И. Ленин Бутун Россия Советларининг 2- съездида,— талончилик ва зўрлик қилиш тўғрисидаги ҳамма моддаларни рад қиламиз, лекин тотувлик шартларини ва иқтисодий битимларни ўз ичига олган ҳамма моддаларни хурсандлик билан қабул қиламиз, биз уларни рад қила олмаймиз» (Асарлар, 26- том, 256- бет). Совет давлати Х. ҳ. нинг барча эски, реакцион норма ва қоидаларига қарши чиқиб, ундаги мавжуд демократия куртакларини ривожлантириш, умумий тинчликни таъминлаш, халқларни миллий ва мустамлакачилик зулмидан озод этиш ва улар ўртасида тенг ҳуқуқлилик ва ихтиёрийликка асосланган ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган принцип ва нормаларни қўллаш тарафдори бўлди. В. И. Ленин турли ижтимоий тузумдаги давлатлар б-н *тинч-тотув яшаш* принципларини илгари сурди. Совет давлати таъсирида ва, айниқса, жаҳон социалистик системаси юзага келгандан кейин Х. ҳ. туб ўзгаришларга учради, мавжуд кўп реакцион нормалар ўз кучини йўқотди. Муҳим халқаро ҳужжатларда (мас., БМТ Уставида) халқаро муносабатларда куч ишлатиш ёки куч ишлатиш б-н қўрқитишни ман қилиш, миллатлар ва халқлар ўз тақдирларини ўзлари белгилаши, турли можароларни тинч йўл б-н ҳал этиш ва б. принциплар белгиланди. Суверенитетни ҳурматлаш, ички ишларга аралашмаслик, тенг ҳуқуқлилик ва б. демократик принциплар янада ривожлантирилди. Бу ўзгаришлар янги, замонавий Х. ҳ. ни юзага келтирди. Ҳозирги Х. ҳ. да тинч-тотув яшаш ва уни таъминлашга қаратилган асосий сиёсий ва ҳуқуқий шароитлар мустаҳкамланган.

Х. ҳ. субъекти — халқаро муносабатлар иштирокчиси биринчи навбатда, ва асосан, давлатдир. Янги давлатлар, бирор ҳужжатдан ёки халқаро муносабатлар иштирокчиларининг хоҳишидан қатъи назар, Х. ҳ. субъекти бўлиб қолади (қ. *Тан олиш*). БМТ Устави ва унинг 1960 йилдаги Декларациясига кўра, фақат давлатгина эмас, балки ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини ҳали қўлга киритмаган халқлар ва миллатлар ҳам Х. ҳ. субъекти ҳисобланадиган бўлди. Тузилиши ва фаолияти жиҳатдан Х. ҳ. принципларига зид бўлмаган халқаро ташкилотлар ҳам Х. ҳ. субъекти сифатида тан олинади.

Ҳозирги Х. ҳ. барча давлат томонидан тан олинган ва ҳамма давлатлар учун мажбурий бўлган принцип ва нормаларни ўз ичига олади. Х. ҳ. нинг баъзи нормалари (мас., аҳдлашувчи давлатларнинг шартнома нормалари) айрим давлатларгагина тегишли бўлиб, маҳаллий аҳамиятга эга.

Х. ҳ. принципи ҳам, нормалари ҳам халқаро муносабатлар иштирокчилари учун бир хил аҳамиятдаги хатти-ҳаракат қоидаларидир. Шу б-н бирга бу икки тушунчанинг маълум даражада бир-биридан фарқи бор. Умум тан олинган *принциплар* деганда халқаро муносабатлар субъектининг умумий ва жуда муҳим хатти-ҳаракатлари қоидалари тушунилади. Х. ҳ. нинг асосий принциплари БМТ Уставида қайд этилган. Ҳужум қилмаслик, халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш, можароларни тинч йўл б-н ҳал этиш, қуролсизланиш, инсон ҳуқуқини ҳурматлаш, урушни тарғиб қилишни ман этиш ва б. ҳозирги Х. ҳ. нинг етакчи принциплари ҳисобланади. Х. ҳ. *нормалари* эса давлатлар ўртасидаги хатти-ҳаракатларнинг конкрет қоидаларини, Х. ҳ. принципларининг деталлаштирилишини англатади.

Х. ҳ. нормалари давлатлар ўртасидаги сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ва б. соҳадаги муносабатларни йўналтириб туради. Давлатлар ўртасидаги ҳамкорлик илгари Х. ҳ. йўналишидан четда қолган янги-янги масалаларни (мас., тинчлик ва хавфсизликни қўллаб-қувватлаш, фан, техника ва маорифни ривожлантириш, меҳнат шароитини яхшилаш, жиноятчилик б-н курашиш ва ш. к. ни) қамраб олмоқда; халқаро ҳамкорликда ҳуқуқий тартибга солиниши керак бўлган мутлақ янги масалалар ҳам юзага келяпти (мас., атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш, табиатни муҳофаза қилиш, давлатларнинг космосдаги, денгиз ва океанлар остидаги фаолиятлари ва б.).

Х. ҳ. нинг янги нормаларини қабул қилишда, шунингдек амалдагиларини ўзгартириш ёки бекор қилишда давлатлар ўз розилигини изҳор этишлари (халқаро шартнома тартибида) ёки изҳор этмасликлари (халқаро одат тартибида) мумкин. Х. ҳ. нинг кўп янги нормалари махсус халқаро конвенциялар тузилиши б-н юзага келади. Х. ҳ. ни кодификациялаш ва прогрессив ривожлантириш давлатлар ўртасида ҳамкорлик ишларини йўлга қўядиган омиллардан бири. Бу ишлар Совет Иттифоқи ва б. социалистик мамлакатларнинг актив иштирокида амалга оширилади.

Олган мажбуриятини бузган давлатга Х. ҳ. бўйича жавобгарлик тартибида турли санкциялар қўлланади (қ. *Давлат жавобгарлиги*). Айрим ҳолларда жисмоний шахслар ҳам жавобгарликка тортилади. Тинчликка қарши жиноятлар, ҳарбий жиноятлар ва инсониятга қарши қаратилган жиноятлар учун индивидуал жавобгарлик белгиланган (қ. *Ҳарбий жиноятлар*).

Ҳозирги Х. ҳ., ижтимоий-иқтисодий тузумидан қатъи назар, ҳамма давлатлар ўртасидаги муносабатларни тартибга соладиган принцип ва нормаларни ўз ичига олади. Аммо бу принцип ва нормаларга ҳамма давлатлар ҳам бир хилда муносабатда бўлмайди. Халқаро муносабатлар шуни кўрсатяптики, капиталистик давлатлар кўпинча халқаро алоқаларнинг элементар асосларини бузиб, Х. ҳ. нормаларини агрессия ва экспансияга хизмат қилдирмоқчи бўлади. Жаҳон социалистик системаси эса ҳар донм Х. ҳ. демократик принципларининг ўрнатилишига ёрдам қилади, халқаро алоқаларга, халқаро майдондаги кучлар нисбатига ижобий таъсир кўрсатади.

Ад.: Курс международного права, т. 1—6, М., 1967—73; Тункин Г. И., Теория международного права, М., 1970.

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ — тенг ҳуқуқли миллат ва элатларнинг ихтиёрийлик асосида ҳар томонлама ҳамкорлиги ва ўзаро ёрдами, бир-бирига сиёсий, иқтисодий, ҳарбий ва маданий жиҳатдан кўмаклашуви, ички масалаларни ҳал этишда бегараз қувватлаши, ташқи сиёсатда эса бирдамликда иш кўриши. Х. д. фақат социализм ғалабаси натижасида юзага келади, чунки капитализм ва хусусий мулк ҳукмронлиги даврида миллатлар, элатлар ўртасида самимий дўстона муносабатлар бўлиши мумкин эмас. Буржуа жамиятида эксплуататор синфлар халқлар орасида миллий ҳасад ва рақобат, тенгсизлик ва адоватни юзага келтирадилар, миллат ва элатларнинг дўстона муносабатда бўлиб ҳаёт кечиришларига тўсқинлик қиладилар.

Х. д. нинг илк ҳақиқий негизлари капиталистик жамият қаърида пролетариат синф сифатида жипслашгани сари пайдо бўла бошлади. Барча мамлакатларнинг ишчилари ўз синфий манфаатлари учун бирликда курашиб, К. Маркс ва Ф. Энгельснинг «Бутун дунё пролетарлари бирлашингиз!» шиорини амалга оширадилар. Ана шу кураш жараёнида турли миллат, элатларнинг энг революцион ва энг онгли қисми бўлмиш ишчилар синфий дўстлик ва биродарлик алоқаларини ўрнатдилар. Бу дўстлик ва биродарлик социалистик рев-я ғалабасидан сўнг, антагонистик синфлар тугатилиши б-н ўз атрофига эксплуататор бўлмаган бошқа синф ва табақаларни тортди ва барча миллат, элатларнинг дўстлигига айланди. «Бир шахсни иккинчи бир шахс эксплуатация қилиши йўқола боргани сари, бир миллатни иккинчи бир миллат эксплуатация қилиши ҳам йўқола боради. Миллатлар ичидаги синфий антагонизм йўқолиши билан миллатлар ўртасидаги душманлик муносабатлари ҳам тугайди» (К. Маркс ва Ф. Энгельс, Танланган асарлар, 1- том, 1959, 27- бет).

Социализм ва миллатлар, элатларнинг ажралмас дўстлиги ички зарурий боғланишга эгадир, чунки социализмни халқларнинг ўзаро бир-бирига ёрдамисиз кўриб бўлмайди, уларнинг чинакам дўстлиги эса социализмсиз амалга ошолмайди. Шу сабабли социализмнинг таъсир доираси кенгайиб боргани сари Х. д. ҳам янгидан-янги миллат ва элатларни қамраб ола бошлайди. «Социализм миллатларнинг яқинлашуви ва қўшилувини осонлаштиради ва жуда ҳам тезлаштиради» (В. И. Ленин, Тўла асарлар тўплами, 30- т., 25- бет).

Социализм бир давлат доирасидан ташқарига чиқиб, жаҳон системасига айланган ҳозирги даврда Х. д. 3 асосий кўринишда намоён бўлмоқда: СССР халқларининг ўзаро дўстлиги; жаҳон социалистик системаси халқлари-

нинг дўстлиги; социалистик миллат ва элатларнинг носоциалистик мамлакатлар халқлари б-н дўстлиги.

СССР халқларининг дўстлиги социализм қуриш жараёнида аста-секин, эксплуататор синфларга барҳам берилиши б-н ташкил топди. Совет ҳокимияти барча миллатларни тенг ва суверен деб эълон қилди, миллий ва синфий имтиёзларни бекор этди, миллат ҳамда элатларнинг эркин тараққиёти ва ривожланиши учун кенг йўл очди. Совет давлат қурилиши, социалистик демократия Х. д. нинг сиёсий асоси бўлиб қолди. Совет республикаларининг ССР Иттифоқига ихтиёрий бирлашуви мамлакат халқлари дўстлигининг тимсоли, уларнинг кучи ва имкониятларини ошириш манбаи бўлмоқда. Х. д. нинг иқтисодий асоси ишлаб чиқариш воситаларининг ижтимоий мулклиги ва хўжаликнинг социалистик системасидир. Социализм ғалабаси б-н СССР халқларининг бир типли синфий структураси яратилди, асрий миллий-этник хурофотларга, миллатлар ўртасидаги бегоналашув ва душманликка барҳам берилди. Барча халқлар учун ягона бўлган марксча-ленинча интернационалистик идеология ўрнатилди. Бу идеология Х. д. нинг ғоявий-назарий асоси бўлиб қолди. СССР халқларини социалистик *ватанпарварлик* ва *интернационализм*нинг буюк кучи жипслаштирмоқда. Х. д. да *миллий масала*нинг чинакамига ҳал қилинганлиги, интернационализмнинг амалдаги кўриниши намоён бўлмоқда.

Х. д. социализм ва коммунизм қурилишидаги муваффақиятларнинг ҳал қилувчи манбаларидан, янги жамият тараққиётининг ҳаракатлантирувчи кучларидан бири бўлиб қолди. У моддий бойликлардан барча халқларнинг манфаати учун оқилона фойдаланишга, меҳнаткашларнинг моддий фаровонлиги ва маданий даражаларини юксалтириш вазифаларини тез ҳал этишга, социалистик Ватаннинг мудофаа қудратини мустаҳкамлашга, ҳар бир халқнинг хавфсизлиги ва суверенитетини таъминлашга имкон бермоқда.

СССР халқлари дўстлиги ички ва ташқи контрреволюцияга, шовинизм ва миллатчиликка, реакцион традициялар ва хурофотларга қарши курашда мустаҳкамланди, социализм қурилишининг барча босқичларида тарихий синовдан ўтди. 1941—45 йиллардаги Улуғ Ватан урушида СССР халқларининг дўстлиги қанчалик мустаҳкам ва бузилмас эканлигини кўрсатди. Бу урушда барча совет миллатлари ва халқлари фашизмга қарши жипслашиб Совет Ватанини, социализмнинг умумий ғалабаларини ҳимоя қилдилар. Узбек халқи уруш йиллари ота-онасиз қолган минг-минглаб турли миллат фарзандларини ўз бағрига олиб Х. д. ни, инсонпарварликни ёркин намойиш этди. Х. д. нинг қудратли кучи урушдан кейинги йилларда халқ хўжалигини тиклаш ва янада ривожлантиришда ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Х. д. нинг натижаси, улуғ рус халқининг ёрдами туфайли СССРда кўп халқларнинг иқтисодий ва маданий қолоқликлари тарихан қисқа вақт ичида бартараф этилди. СССР саноат ишлаб чиқаришининг умумий ҳажми рев-я-дан аввалги даражага нисбатан 140 баравар кўпайган бўлса, Узбекистонда қарийб 240 баравар, Қирғизистонда 400 баравардан ортиқ, Тожикистонда 500 мартадан зиёд, Қозогистонда 223 баравар, Туркманистонда 130 мартадан ортиқ кўпайди (1978).

Халқларнинг маънавий ҳаётида, уларнинг онги ва турмуш тарзида ҳам интернационализм мустаҳкам қарор топди, ягона совет социалистик маданиятни ташкил этувчи ва бир-биридан баҳра олиб турувчи миллий маданиятлар гуллаб яшнади.

Х. д. нинг қудратли кучи Тошкент зилзиласи (1966) оқибатларини тугатишда айниқса ёрқин намоён бўлди. СССР халқларининг қардошларча ёрдами туфайли Тошкент шаҳри қисқа вақт ичида бутунлай қайта тикланди.

Ривожланган социалистик жамиятда Х. д. янада тараққий этмоқда. Миллатларнинг бир-бири б-н тобора кўпроқ яқинлашиб бораётганлиги жамиятимиз ҳаётининг ҳамма соҳаларини ўз ичига олмоқда. Х. д. туфайли одамларнинг янги тарихий бирлиги — *совет халқи* вужудга келди. Халқларнинг мустаҳкамланиб бораётган дўстлиги — *социалистик турмуш тарзи*нинг ўзига хос белгисидир, социалистик Ватаннинг моддий ва маънавий қудратини доимо ўстириш манбаидир.

Х. д. социалистик система мамлакатларининг иқтисодий ва маданий ривожланишини тезлаштирувчи муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилмоқда. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврда Европа, Осиё ва Америкадаги бир қанча мамлакатларнинг социализм йўлига ўтиши империалистик кучларни талвасага солди; бу кучлар социализмни ҳар қандай йўл б-н барбод қилишга уриниб кўрдилар. Ана шундай оғир шароитларда социалистик мамлакатларнинг ўзаро ёрдами ва, биринчи навбатда, улуғ ва буюк социалистик давлат — СССРнинг кескин позицияси, ҳар томонлама иқтисодий, маданий, сиёсий ва ҳарбий ёрдами социалистик давлатларнинг узил-кесил оёққа туришига, янада ривожланишига ҳал қилувчи таъсир кўрсатди. Социалистик давлатларнинг дўстлиги ва ҳамкорлиги Узаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши доирасида янада мустаҳкамланмоқда. Социалистик мамлакатларнинг туб манфаатлари уларнинг ҳамкорлигини ҳар жиҳатдан мустаҳкамлашни талаб этмоқда.

СССР ва барча социалистик давлатлар носоциалистик давлатлар, биринчи навбатда яқинда мустақиллик йўлига чиққан давлатлар халқлари б-н ўзаро дўстона муносабатда бўлишга ҳаракат қиладилар. КПСС 25-съездида таъкидланганидек, «Мустамлакачилик системаси парчаланганлиги натижасида вужудга келган давлатларнинг катта кўпчилиги билан бизни бирлаштириб турган нарса шуки, улар ҳам тинчликка ва эркинликка ниҳоят даражада содиқдирлар, агрессия ва ҳукмронликнинг ҳар қандай формаларига, бир мамлакатнинг иккинчи мамлакатни эксплуатация қилишига нафрат кўзи билан қарамоқдалар. Туб интилишларнинг мана шу муштараклиги шундай бой ва унумдор заминдирки, бундан буён ҳам дўстлигимиз мана шу заминда мустаҳкамланиб яшнайверади» (КПСС 25-съезднинг материаллари, Т., 1976, 21-бет).

Х. д. нинг таркиб топиши ва ривожланиш жараёни стихияли равишда содир бўлмайди. Агар маҳаллийчиликка, миллий эгоизмга қарши изчиллик б-н кураш олиб борилмас, халқларнинг миллий ва интернационал манфаатлари ўртасида пайдо бўладиган ноантагонистик зиддиятлар ўз вақтида бартараф этилмас экан, миллатчилик сарқитлари яна қайтадан вужудга келиши мумкин. Марксча-ленинча партия меҳнаткашларни Х. д. руҳида тарбиялашга, дўстлик принципларини социалистик ҳаётнинг умумий нормаларига айлантиришга катта аҳамият бермоқда. Х. д. ни мустаҳкамлаш — меҳнаткашларни интернационализм руҳида тарбиялашнинг, уларда юксак ғоявий-сиёсий сифатларни, коммунистик ахлоқ нормаларини шакллантиришнинг зарур шартидир. СССР ва б. социалистик мамлакатларда дўстлик ва халқлар биродарлиги принциплари, ҳар қандай маҳаллийчилик, миллатчилик ва шовинизмга муросасозлик бўлиш коммунистик дунёқараш ва ахлоқнинг хусусиятларидан биридир.

Ад.: Брежнев Л. И., Улуғ Октябрь ва инсоният тараққиёти, Т., 1977; Рашидов Ш. Р., Дўстлик байроғи, Т. 1967. Рашидов Ш. Р., 60-летие Великого Октября и торжество пролетарского интернационализма в СССР, [Доклад на Всесоюзной научно-теоретической конференции 13 апреля 1977 года], М., 1977; Национальные отношения в развитом социалистическом обществе, М., 1977; Дружба — наше величайшее завоевание, Т., 1962; Фазылходжаев К. Ф., Одна Родина, одна судьба, Т., 1968; Баграмов Э. А., Ленинская национальная политика: достижения и перспективы, М., 1977.

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ МУЗЕЙИ, СССР халқлари дўстлиги музейи — Тошкентда 1976 йил 20 майда очилган музей. 1966 йилги *Тошкент зилзиласи* марказида жойлашган. Музей лойиҳасини С. Р. Одилов бошчилигидаги архитекторлар бажарган. Музейнинг экспонатлари сони 1100 дан ортиқ; кутубхонаси (1000 га яқин асар) бор (1977).

Музей 4 бўлимдан иборат. Узбекистон халқларининг Россия б-н алоқаси бўлими Урта Осиёнинг Россияга қўшиб олинишидан миллий-давлат чегараланишигача бўлган давр, яъни 19-асрнинг 2-ярмидан 1924 йилгача бўлган даврни ўз ичига олади. Шунингдек, ўзбек ва рус халқлари ўртасида дўстона муносабатларнинг пайдо бўлиши, рев-я ва Граждандар уруши йилларида уларнинг жанговар ҳамкорлиги тўғрисида ҳикоя қилади. Социализм қурилиши даврида ўзбек халқининг СССР халқлари б-н алоқаси бўлими 1924 йилдан 50-йилларнинг ўрталаригача бўлган даврни ўз ичига олади. Унда Совет Россияси халқларининг Узбекистонда социализм қурилишидаги қардошларча ёрдами акс эттирилган. Шу б-н бирга Улуғ Ватан уруши даврида душман устидан қозонилган ғалабада ўзбек халқининг салмоқли ҳиссаси кўрсатилган. Ривожланган социализм авж олган даврда халқлар дўстлигини мустаҳкамлаш бўлими 50-йилларнинг ўрталаридан 1980 йилгача бўлган даврни ўз ичига олади. Унда Узбекистоннинг қардош иттифоқчи республикалар б-н иқтисодий алоқалари ҳамда ўзбек халқининг мамлакат хўжалигига қўшаётган ҳиссаси, 1966 йилдаги Тошкент зилзиласида СССР халқларининг дўстлиги ва ўзаро ёрдами ёритилган. Миллий халқлар маданиятининг ўзаро таъсири ва бойиши бўлимида ўзбек халқининг СССР халқлари б-н илмий ва маданий алоқаси, рус тилининг аҳамияти, Узбекистоннинг халқаро майдонга чиқиши, СССР ва хорижий мамлакат халқлари б-н дўстлик ва ҳамкорлиги ҳақида ҳикоя қилинади. 1979 йилгача музейни 100 мингдан зиёд киши кириб кўрди.


ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ УНИВЕРСИТЕТИ, Патрис Лумумба номидаги Халқлар дўстлиги университети — Осиё, Африка ва Латин Америкасининг ривожланаётган мамлакатлари учун юқори малакали миллий кадрлар тайёрловчи олий ўқув юрти. 1960 йил Москвада ташкил этилган. 1961 йил П. *Лумумба* номи берилган. Ун-тда тайёрлов ф-ти ҳамда физика-математика ва табиий фанлар, тарих-филология фанлари, иқтисод ва ҳуқуқ, инженерлик, қ. х., медицина ф-тлари, аспирантура, ординатура, 83 кафедра, 161 ўқув ва илмий тадқиқот лаборатория, ҳисоблаш маркази, илмий кутубхона (1 млн. га яқин асар) бор (1978).

1977/78 ўқув йилида 100 мамлакатдан 6,6 мингга яқин студент, стажёр, ординатор, аспирант таълим олди, 1300 дан зиёд ўқитувчи ва илмий ходим, жумладан 120 га яқин проф. ва фан доктори, 460 доцент ва фан кандидати ишлади. Илмий асарлар тўпламини нашр этади. Ун-т ташкил топгандан бери 7,8 мингдан ортиқ мутахассис, жумладан 110 мамлакатда ишлаётган 600 дан зиёд фан кандидати тайёрлади. Халқлар Дўстлиги ордени б-н мукофотланган (1975).

«ХАЛҚЛАР ЎРТАСИДА ТИНЧЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ УЧУН» ХАЛҚАРО ЛЕНИН МУКОФОТЛАРИ — ҳар қандай мамлакатнинг гражданларига уларнинг сиёсий қарашлари, қайси партияга мансублиги, диний эътиқоди ва ирқий тафовутидан қатъи назар халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлашдаги катта



Халқлар дўстлиги музейининг умумий кўриниши.



1—2. Халқлар дўстлиги музейи бўлимларидаги экспонатлардан намуналар.

хизматлари учун бериладиган фахрий мукофотлар. СССР Олий Совети Президиумининг 1949 йил 20 декабрь фармони б-н таъсис этилган «Халқлар ўртасида тинчликни ва дўстликни мустаҳкамлаш учун» Халқаро Сталин мукофотлари СССР Олий Совети Президиумининг 1956 йил 6 сентябрь фармони б-н «Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун» Халқаро Ленин мукофотлари деб номланган. Мукофотлар СССР Олий Совети Президиуми таъсис этган «Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун» Халқаро Ленин мукофотлари Қомитети томонидан тақдим этилади. Қомитет ранс ва 14 аъзо (Совет Иттифоқининг жамоат арбоблари ва чет элларнинг халқлар ўртасида тинчлик учун актив курашувчи демократик кучлари вакиллари)дан иборат.

Халқаро Ленин мукофотларига номзодлар кўрсатиш ҳуқуқи халқаро ва миллий демократик ташкилотлар (касаба союзи, кооператив, хотин-қизлар, ёшлар ва б.), илмий ташкилот ва ўқув муассасаларига, фан арбоблари, маданият ва санъат ассоциацияларига ва шахсан Халқаро Ленин мукофотлари Комитетининг аъзоларига берилган.

СССР Олий Совети Президиумининг 1961 йил 8 март фармонига кўра, Халқаро Ленин мукофотлари Комитети ҳар йили 5 тагача мукофот бериш ҳуқуқига эга. Мукофотланган шахсга Халқаро Ленин мукофоти лауреати дипломи, В. И. Ленин сиймоси туширилган кўкракка тақиладиган олтин медаль ва 25 минг сўм миқдорида пул мукофоти берилади. Халқаро Ленин мукофотларини бериш тўғрисидаги қарор ҳар йили 1 майда эълон қилинади.

ХАЛҚОБОД — Наманган область Поп р-нидаги шаҳар посёлкаси. 1948 йилда ТЭЦ ва «Узбеккровля» (1965) к-тининг қурилиши муносабати б-н вужудга келган. Аҳолиси 5000 киши (1977). Х. да Урта Осиёдаги энг йирик «Узбеккровля» (рубероид, пергамин, картон, изол ишлаб чиқариш) к-ти ишлаб турибди, нотўқима газламалар ф-каси қурилмоқда. 2 ўрта мактаб, 2 кутубхона, 3 мактабгача ёшдаги болалар муассасаси, 2 соғломлаштириш пункти, поликлиника (6 врач ва 13 ўрта медицина ходими) бор.

ХАЛҚОБОД — Тошкент обл. Янгийўл р-ни Калинин қ. С. даги қишлоқ. Усмон Юсупов номли аграр-саноат к-ти терр-ясида. Р-н маркази ва яқин т. й. станцияси — Янгийўл (12 *км*). Аҳолиси 1825 киши (1977); боғдорчилик, токчилик б-н шуғулланади. Шимолий Тошкент каналидан сув ичади. Кўчма механизациялашган колонна, Усмон Юсупов номли к-т пункти, дорихона, ўрта мактаб, болалар боғчаси бор.

ХАЛҚОБОД — Қашқадарё обл. Ғузор р-ни Гулшан қ. С. даги қишлоқ. К. Маркс номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 10 *км;* яқин т. й. станцияси — Ғузор (10 *км*). Аҳолиси 1621 киши (1974); пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Халқобод каналидан сув ичади. Ўрта мактаб, кутубхона, медпункт бор.

ХАЛҚОБОД — ҚҚАССР Кегейли р-ни Халқобод овул Советидаги қишлоқ. «Халқобод» совхозининг марказий қўрғони. Р-н марказидан 14 *км*, яқин т. й. станцияси — Хўжайли (64 *км*). Аҳолиси 4796 киши (1976); пахтачилик, чорвачилик, пиллачилик, сабзавотчилик б-н шуғулланади. Кегейли каналидан сув ичади. Ўрта мактаб, кутубхона бор.

ХАЛҚЧИЛЛИК — марксча-ленинча эстетикадаги асосий тушунчалардан бири. Адабиёт ва санъатнинг халқ б-н муносабатини — халқ оммасининг ҳаёти, кураши, ғояси, орзу-умиди, ҳис-туйғуси ва интилишларининг бадиий ифодасини англатади. Х. бадиий асарнинг зарурий шарти бўлиб, унинг қиммати тасвирланган воқеаларнинг халқ учун бўлган аҳамияти б-н белгиланади. Х. ка асосланмай ҳақиқий санъат асари яратиб бўлмайди.

Х. нинг мазмун доираси ва талаблари ижтимоий-иқтисодий тузум б-н боғлиқ равишда ўзгариб боради. Шунинг учун ҳам муайян асар халқчиллигини белгилашда давр нуқтаи назаридан қаралади. Мас., *«Алпомиш»* достонида қабила бошлиқлари асосий ижобий образ сифатида тасвирланишига қарамасдан, у халқчил асар ҳисобланади. Чунки адолат йўлидаги ботирликнинг куйланиши ўша давр шароити учун муҳим эди. Шуниндек, ўзбек адабиёти тарихида диний-мистик йўналиш ҳукмрон бўлган бир даврда унга қарама-қарши ҳолда *Дурбек, Хоразмий, Сайфи Саройи* ва б. нинг дунёвий-ишқий темаларни куйлаб чиқишлари ҳам бу шоирларнинг халқчил санъаткорлар бўлганлигини кўрсатади. Чунки ўша даврда диний-мистик адабиётларга нисбатан дунёвий ишқ-муҳаббатни куйловчи адабиёт халқнинг онгини бир даража юқорига кўтариши мумкин эди. Шунинг учун ҳам бу шоирлар ижоди ўз даври учун прогрессив аҳамиятга эга бўлди. Умуман олганда, ўзбек адабиётида феодализм давридаги Х. тенденцияси, бир томондан, адабиётдаги диний-мистик оқимга қарши, иккинчи томондан, сарой-клерикал адабиётига қарши кураш процессида шакллана ва ривожлана борди.

Капитализм ҳукмрон бўлган мамлакатларда ҳам санъатдаги Х. критерийсининг асосий талаблари сақланиб қолди. Лекин объективизм ниқобига ўралган сотқин буржуа партиявийлиги санъатдаги Х. нинг юзага чиқиши ва намоён бўлиши учун монелик қилади. Шунинг учун ҳам капиталистик мамлакатлардаги буржуазия манфаатларини кўзлаб иш кўрувчи ёзувчилар халқчил ёзувчи бўлолмайдилар. Фақат халқ манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилган прогрессив ёзувчиларгина ҳақиқий Х. ни илгари сурадилар. Совет адабиётидаги Х. нинг санъаткор олдига қўядиган талаблари социалистик тузум моҳиятидан келиб чиқувчи талаблардир. В. И. Ленин Х. назариясини ривожлантириб, социалистик рев-я ва СССРда социалистик маданият қурилишининг дастлабки босқичи тажрибасига асосланиб, санъатнинг умумхалқ мулкига айланиши диалектикасини очиб берди. В. И. Ленин *«Партия ташкилоти ва партия адабиёти»* мақоласида адабиёт ва санъатнинг халқчил ва партиявий бўлишига катта эътибор берди. У Х. ни эстетик назария ва бадиий сиёсатнинг барча масалаларига баҳо беришда ҳал қилувчи критерий деб билди. «Санъат халқникидир. Санъат кенг меҳнаткашлар оммаси орасида чуқур томир отиши керак. Санъат шу оммага тушунарли бўлиши ва шу омма томонидан севилиши лозим» (Цеткин К., «Ленин ҳақида хотиралар» китоби, М., 1959, 11-бет), деб таъкидлаган эди В. И. Ленин. Ленинча Х. принципи совет адабиётида ёзувчилардан халқ ҳаётини ҳаққоний тасвирлаш, халқнинг ҳис-туйғулари ва орзу-умидларини куйлаш, халқ оммасига манзур бўладиган етук асарлар яратишни, уларнинг

коммунизм ғояларининг тантанаси учун изчиллик ва қатъийлик б-н хизмат қилишини, ғоявий жиҳатдан марксча-ленинча позицияда мустаҳкам туришини тақозо этади. Бинобарин совет адабиётида Х. тушунчаси *партиявийлик* тушунчасига мувофиқ келади.

Ад.: Маркс К. ва Энгельс Ф., Санъат тўғрисида, [Тўплам], 1-т., Т., 1975; Ленин В. И., Санъат тўғрисида, [Тўплам], Т., 1976; Искусство и народ, [Сборник], М. 1966; Шермуҳамедов С., Дониёров Х., Мирзаев С., Адабиёт ва санъатда ленинча партиявий принциплар, Т., 1966; Хайруллаев М. М., Шорахмедов Д. А., Маданият ва мерос, Т., 1974.

ХАМАМАЦУ — Япониядаги шаҳар. Сидзуока префектурасида. Хонсю о. нинг жанубий соҳилидаги балиқ овлаш порти, транспорт йўлларининг узели. Аҳолиси шаҳар атрофи б-н 425 минг киши (1970). Тўқимачилик (асосан, ип газлама), ёғочсозлик, кимё, металлургия, машинасозлик корхоналари бор. Музика асбоблари ишлаб чиқарилади.

ХАМАР-ДАБАН — Бурятия АССРдаги тоғ тизмаси. Байкал кўлининг жанубий ва жанубий-шарқий соҳилларида. Узунлиги 420 *км*, энг баланд жойи — Байшинт Ула, 2995 *м*. Гнейс, кристалли сланец, оҳактош, базальтдан таркиб топган; гранит интрузиялари кўп. Шимолий ёнбағирлари оққарағай-кедр, жанубий ёнбағирлари қарағай-тилоғоч ўрмонлари б-н қопланган. Жануброгида ўрмонли дашт ва даштерлар учрайди. 2000 *м* дан баландда тоғ тундраси ўсимликлари ўсади.

ХАМЕЛЕОН (юнон. chamaileon) — юлдуз туркуми. Х. осмоннинг жанубий қутби яқинида Пашша, Қиль, Учар Балиқ, *Стол Тепа* (Супа Тоғ), *Октант* ва Жаннат Қуши юлдуз туркумлари орасида жойлашган; энг равшан юлдузи 4-юлдуз катталигида. Х. СССР терр-ясида кўринмайди.

ХАМЕЛЕОНЛАР, *буқаламунлар* (Chamaeleontes) — калтакесаклар туркумининг кенжа туркуми. 90 тури бирлаштирган бир оиласи бор. Африка, Мадагаскар о. ва шу атрофдаги бошқа оролларда ҳамда Жанубий Европа, Ғарбий ва Жанубий Осиёда тарқалган. Ғанаси 60 *см* ча. Бўйни калта, узун думи спиралсимон ўралади. Оёқлари беш бармоқли. Ғанаси шохсимон тангачалар, ўсиқчалар б-н қопланган. Кўз қовоқлари ривожланган (кўзлари бир-биридан мустақил равишда ҳаракатлана олади). Кўпчилик Х. ўпкасида халтасимон ўсиқлари бўлади. Хавф сезганда кўп ҳаво ютади ва тана шакли ўзгариб, қўрқинчли тус олади. Ранги ёруғлик, т-ра ва б. таъсирида тез ўзгаради. Дарахт ва буталарда соатлаб ўлжасини пойлаб, қимирламай ўтиради. Кўпгина Х. (35 та) тухум қўйиб, баъзилари тирик туғиб (14 тагача) кўпаяди. Ҳашаротлар, баъзилари майда умуртқасиз ҳайвонлар б-н овқатланади.

ХАМИ — Синьцзян-Уйғур автоном р-нидаги *Кумул* шаҳрининг хитойча номи.

ХАМИР — нон, тешиккулча, ширинлик ва макарон маҳсулотлари корхоналарида, шунингдек хонадонларда (унли таомлар тайёрлашда) ишлатиладиган ярим фабрикат. Ун, сув, хамиртуруш, туз, ёғ, шакар ва б. қоришмасидан тайёрланади. Х. таркибида оқсиллар, углеводлар, ёғлар, кислоталар, туз ва б. моддалар турли хил ҳолатда бўлади. Х. нинг асосан икки тури (хамиртурушсиз Х., хамиртурушли Х.) мавжуд.

Булочка ва б. ёғли маҳсулотларни тайёрлашда буғдой унидан тайёрланган Х. га хамиртурушдан ташқари туз, ёғ, қанд, тухум ва хушбўй моддалар қўшилади. Бу уларнинг таъмини ва хушбўйлигини яхшилайди. Х. ли ширинликлар учун Х. хамиртурушсиз тайёрланади ва кўпроқ қанд, ёғ, тухум ва б. солинади. Ширинликларнинг кўпгина турлари (пряниклар, печеньелар) учун Х. кимёвий юмшатгичлар б-н юмшатилади. Макарон маҳсулотлари учун хамиртурушсиз Х. қилинади (яна қ. *Нон ёпиш технологияси*).

Уй шароитида хамиртурушли Х. тайёрлаш учун тоғорадаги сувга хамиртуруш ва туз солиб эритилгач, оз-оздан ун ва сув қуйиб қорилади. Тайёр Х. зувала қилиниб, устини қалинроқ нарса б-н ўраб, ошириш учун бир соатча иссиқроқ жойга қўйилади. Х. нинг ошганлиги кўпчиши ва орасида майда ковакчалар пайдо бўлганлигидан билинади. Хамиртурушли Х. тайёрлаш учун: 1 *кг* унга 2 чой қошиғида туз, 25—30 *г* хамиртуруш ва 2 стакан илиқ сув солинади. Хамиртурушли Х. дан оби нон, турли *сомса*лар ва *ютанга*за тайёрланади.

Хамиртурушсиз Х. тайёрлашда эланган ун тоғорадаги намокобга солиб қорилади, кейин пишитиб ийланади. Тайёр Х. ни тиндириш учун зувала қилиб, 10—15 мин. ўраб қўйилади. Хамиртурушсиз Х. тайёрлаш учун 1 *кг* унга 2 стакан илиқ сув, 2 чой қошиғида туз солинади. Хамиртурушсиз Х. ошхамирдан *патир, қатлама, манти, чучвара, лағмон* ва б. тайёрланади.

ХАМИРТУРУШ — ун б-н сувнинг муайян муҳитда бижғиган аралашмаси (қ. *Бижғиш*). Хамир ошириш учун ишлатилади.

ХАММУРАПИ — *Бобил* подшоҳи (мил. ав. 1792—50). Х. Осурия, Жанубий ва Ўрта Месопотамияни ўз давлатига қўшиб олган. Х. даврида товар-пул алоқалари, хусусий қулдорлик хўжаликлари кучайган, давлат марказлаштирилган ва шоҳ ҳокимияти мустаҳкамланган, янги қонунлар жорий қилинган (қ. *Хаммурапи қонунлари*).

ХАММУРАПИ ҚОНУНЛАРИ—қулдорлик жамиятининг ҳуқуқий ёдгорликларидан бири. *Хаммурапи* чиқарган қонунлар тўплами. *Диорит* тахтачаларга ўйиб ёзилган бу қонунлар текстини 1901—02 йилда француз археология экспедицияси Эроннинг қадимги Суза шаҳридан топган.

Х. қ. 282 моддадан иборат бўлиб, ҳуқуқнинг айрим соҳаларига тегишли суд процесси, мулк ҳуқуқи, мулкнинг турли кўринишлари, ерга эгалик, никоҳ-оила, мерос ҳуқуқи ва б. масалаларни ўз ичига олган. Хусусий мулкчиликни, айниқса қулдорликни қаттиқ ҳимоя қилган. Унда қулни ўғирлаганлик, қочган қулни яширганлик учун ўлим жазоси белгиланган. Шартномадан келиб чиқадиган муносабатларга, айниқса ижара ва қарз шартномаларига алоҳида аҳамият берилган. Х. қ. да жазо айбдор ва жабрланувчининг қайси синфга мансублигига қараб белгиланган. Хусусан, қулни ўлдирган ёки соғлиғига шикаст етказган шахс мулкка етказилган зарар сифатида қул эгасига товон тўлаган.

Ад.: Дьяконов И. М., Общественный и государственный строй Древнего Двуречья, М., 1959; Черниловский З. М., Всеобщая история государства и права, [Учебник], М., 1973.

ХАМСА — қ. *Анчоус.*

«ХАМСА» (араб. خمسه — беш) — Алишер Навоийнинг беш достонидан, яъни *«Ҳайрат ул-аброр», «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Маж-*

нун», «Сабъаи сайёр», «Садди Искандарий» дан иборат катта асари (яна қ. *Хамсачилик*).

«ХАМСА» МИНИАТЮРАЛАРИ — Низомий Ганжавий, Хусрав Деҳлавий, Абдурраҳмон Жомий ва Алишер Навоийларнинг «Хамса»ларига чизилган миниатюралар. Хамсанавислар, асосан, бир хил тарихий шахслар образини яратган бўлсалар ҳам, уларнинг ҳар бири қаҳрамонлари галереяси бошқаларинникидан фарқланади. Ғоявий қиммати жиҳатидан Навоий «Хамса»си алоҳида ажралиб туради. У Навоий тириклигидаёқ кўп нусха кўчирилган. Камолиддин Беҳзод, Султонали Машҳадий, Ёрий Музаҳҳиб, Қосимали Чеҳракушо, Маҳмуд Музаҳҳиб, Абдужалил котиб, Мирали Ҳиравий, Ҳожи Муҳаммад наққош ва б. томонидан миниатюра, нақшлар б-н безатилган. 1485 йилда Навоий «Хамса»сини Султон Ҳусайннинг ўғли Бадиуззамон мирзо учун кўчиртирган (11 миниатюрали бу қўл ёзма ҳозир АҚШнинг Оксфорд шаҳридаги кутубхонада сақланади). «Лайли ва Мажнун» достонининг 1485 йилда кўчирилган бир нусхаси Манчестер (АҚШ)даги Жон Рилонд кутубхонасида сақланмоқда. Уни Беҳзод ва шогирдлари безаган (2 миниатюра ишланган). Беҳзод 11 миниатюра ишлаган бир «Хамса» нусхаси Истанбулдаги Тўпқопу саройи кутубхонасида сақланмоқда. Уни Султонали Машҳадий кўчирган. 15-асрнинг охирида кўчирилган бир нусха Ленинград халқ кутубхонасида сақланади, у 23 миниатюра б-н безатилган. 1525—27 йилларда кўчирилган бир нусха Париждаги Миллий кутубхонада. Бухорода Мирали Ҳиравий 1553 йилда кўчирган нусха Оксфорддаги Бодлеян кутубхонасида.

Деҳлавий, Низомий, Жомий «Хамса»ларига ишланган миниатюраларда ишқий лавҳалар, жанг манзаралари кўпроқ чизилгани кўзга ташланса, Навоий «Хамса»сига ижтимоий ва фалсафий мазмундаги миниатюралар ишлангани сезилади. Бу ҳол шу асарларни безатишда асар муаллифининг шахсан иштироки бўлганидан далолат беради. 1485 йилда Ҳиротда кўчирилган «Хамса» нусхасидаги «Нўширавон малика билан чорбоғда», «Шоҳнинг имом билан ҳаммомдаги суҳбати», «Тож-тахтни гадоликка алмаштирган шоҳ Искандар ҳузурида» каби миниатюралар Навоий ғояларини шарҳлашга хизмат қилдирилган. Бир миниатюрада Навоий буюк шоирлар даврасида акс эттирилган. «Садди Искандарий» достони охирида Навоий «Хамса»ни ёзиб тугатгач, тушида ўша шоирлар б-н учрашганини ифодалаган. Мусаввир Қосимали миниатюрада Навоийни ўз устозлари ва атоқли шоирлар олдида қўл қовуштириб, бош эгиб турган ҳолатда акс эттирган.

Тошкентдаги Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейида Навоий «Хамса»сининг 1824 йилда Қўқонда Мулла Рўзи хаттот кўчириб, Муҳаммадамин Косоний безаган нусхаси сақланади. Бу қўл ёзмада 46 миниатюра бор. «Хамса»га ишланган миниатюралар Урта Осиёда тасвирий санъат ривожини, хусусан миниатюра санъатини тадқиқ этишда алоҳида аҳамиятга эга (304—305-бетлардаги рангли вклейкага қ.).

Ад.: Ашрафи М. М., Персидско-таджикская поэзия в миниатюрах XIV—XVII вв., Душанбе, 1974; Алишер Навоий достонларига ишланган расмлар, Тузувчи Ҳамид Сулаймон, Т., 1970; Камбарова Ш., «Лисон ут-тайр»нинг 1824 йилда кўчирилган қўл ёзма нусхасига ишланган миниатюралар. «Адабий мерос», 3-сон, Т., 1973, 241—248-бетлар.

ХАМСАЧИЛИК — Шарқ халқлари адабиётида достоннавислик формаларидан бири. *«Хамса»* ёзиш б-н боғлиқ адабий анъана. Х. нинг юзага келиши *Низомий Ганжавий* номи б-н боғлиқ. Унинг «Маҳзан ул-асрор», «Хусрав ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Ҳафт пайкар», «Искандарнома» номли беш достони шоир вафотидан сўнг номаълум котиб томонидан бир муқова остига бирлаштирилиб, «Хамса» (араб. «бешлик») деб аталган. Шундан сўнг Низомийнинг бу беш достони «Хамса» номи б-н шуҳрат қозонган ва форс-тожик адабиётида Абулқосим *Фирдавсий* «Шоҳнома»сидан сўнг достоннависликнинг энг улкан ютуғи сифатида қаралган. Низомий «Хамса»си эпик жанр тараққиётига катта таъсир кўрсатган. Хусусан Урта Осиё, Яқин Шарқ мамлакатларида, Ҳиндистонда 13—14-асрлардан бошлаб Низомийга эргашиш, унинг беш достонига назира ёзиш кенг тарқалган ва бу анъана форс-тожик, ўзбек, турк, озарбайжон, ҳинд адабиётларида 20-асрнинг бошларигача давом этган.

Улуғ ҳинд шоири Амир *Хусрав Деҳлавий* Х. тараққиётига самарали ҳисса қўшди. У кўплаб достонлар яратди ва шулардан бештасини Низомий достонларига назира сифатида ёзиб, «Хамса» номи б-н атади. Амир Хусрав Деҳлавий «Хамса»сининг биринчи достони — «Матла ул-анвор» ҳам Низомийнинг «Маҳзан ул-асрор»и каби фалсафий-дидактик характерда эди. Унинг «Хамса»сидаги кейинги достонлар «Ширин ва Хусрав», «Мажнун ва Лайли» «Ҳашт беҳишт», «Оинайи Искандарий» деб аталган. Низомий «Хамса»сидаги достонлардан ҳар бири мустақил асар бўлса-да, уларни шоирнинг ягона гуманистик ижодий концепцияси ўзаро бирлаштириб тургани сингари Хусрав Деҳлавий достонларини ҳам ўзаро бирлаштириб турадиган илғор ғоявий-бадиий принциплар мавжуд эди. Бу эса Х. қонуниятларининг пайдо бўлишига, шаклланишига олиб келди ва достоннависликда Х. ни юксак бадиий-поэтик жанр сифатида намоён эта бошлади. Шунинг учун ҳам *Алишер Навоий* ўз асарларида Низомий ва Хусрав Деҳлавийни Х. нинг асосчилари, буюк ижодкорлар сифатида таърифлайди.

Х. нинг асосий хусусиятларидан бири ундаги достонларнинг Низомий достонлари йўлида, формасида бўлишидир; яъни «Хамса» ёзмоқчи бўлган шоирлар кўп вақт Низомий достонларининг сюжетларини ўз достонларига асос қилиб олиб, унинг қаҳрамонларига хос характерли хусусиятларни ҳам маълум даражада сақлашга ҳаракат қилганлар. Бу типдаги беш достонда шоир ўз даврининг актуал ижтимоий-сиёсий, фалсафий-ахлоқий, илмий-маданий масалаларини қўя билмоғи, маънавий ҳаётнинг ранг-баранг томонларини қамраб олиши, бирон ишқий қиссани юксак романтик пафос б-н куйлай олмоғи, севги фожиаларини ғоят таъсирли этиб тасвирламоғи, сарғузашт қиссаларни қизиқарли ва ҳаяжонли ҳикоя қилмоғи, Искандарнинг қаҳрамонлик юришларини ўзига мос шеърий формада ифодалай билмоғи ва ушбу достонларни, албатта, Низомий достонлари вазнида ёзиши керак эди. Низомий «Маҳзан ул-асрор»ни аруз вазнининг сариъ баҳри (муфтаилун муфтаилун фоилун)да, «Хусрав ва Ширин»ни ҳазажи мусаддас (мафоийлун мафоийлун фаулун)да, «Лайли ва Мажнун» ни ҳазажи мусаддаснинг ахраби мақбузи мақсур ва ахраби мақбузи

махзуфи (мафъулу мафоилун мафоийл ёки мафъулу мафоийлун фаулун)да, «Ҳафт пайкар»ни рамали мусаддаси мақсур ёки махзуф (фоилотун фоилотун фоилун ёки фоилотун фоилотун фаулун)да, «Искандарнома»ни мутақориби мусаммани мақсур ёки махзуф (фаулун фаулун фаулун фаул ёки фаулун фаулун фаулун фаул)да ёзган.

14-асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, хусусан 15—16-асрларда Х. Урта Осиё ва Яқин Шарқда салмоқли ўрин тутди. Алишер Навоий «Мажолис ун-нафоис» тазкирасида «Хамса» достонлари типида асар ёзган Ашраф, Али Осий, Фасих Румий, Ҳожа Имодиддин Лохурий, Амир Шайхим Суҳайлий, Абдулла Хотифий, Қотибий Туршезий каби бир неча шоирларнинг номларини эслатиб ўтади. Лекин буларнинг улуғ хамсанависларнинг у ёки бу достонига эргашиб ёзган асарларидан аксарияти ғоявий-бадиий жиҳатдан суслиги туфайли шуҳрат топмаган. Бундан улуғ тожик шоири ва мутафаккири *Абдурраҳмон Жомий* мустасно эди.

Амир Хусрав Деҳлавий, Абдурраҳмон Жомий ва б. нинг Х. даги тажрибалари шуни кўрсатдики, ҳақиқий хамсанавислар Низомий нима деган бўлса шуни такрорлашга интилмасдан, Низомий анъаналарига ижодий ёндошиб, унинг достонларидаги сюжет ва қаҳрамонлар образларини янгича талқин этганлар, унинг достонлари вазнида, ғоявий йўлида оригинал асарлар яратишга ҳаракат қилганлар. Мас., Жомий «Хусрав ва Ширин» ўрнига «Юсуф ва Зулайҳо» достонини яратган. Шу б-н бирга Жомий Низомий достончилигидаги фалсафий-дидактик йўналишни ривожлантиришга кўпроқ аҳамият бериб, бу йўлда у «Силсилат уз-зиҳаб», «Туҳфат ул-аҳрор», «Субҳат ул-аброр» каби бир неча достон ёзди. Х. да достонлар сонини бешдан еттитага олиб чиқди. Алишер Навоий унинг достонларига юқори баҳо берди.

Туркий халқлар адабиётида Х. ка қизиқиш 13—14-асрлардан бошланди. *Қутб* Хоразмий Низомийнинг «Хусрав ва Ширин» достонини, *Ҳайдар Хоразмий* шеърий шаклини сақлаган ҳолда айрим ўзгаришлар б-н «Маҳзан ул-асрор» достонини эски ўзбек тилига таржима қилди. Ўзбек тилида «Ҳайрат ул-аброр», «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Сабъаи сайёр», «Садди Искандарий» номли беш достон —«Хамса» яратган Алишер Навоий Х. тараққиётига беқиёс катта ҳисса қўшди ва Х. ни туркий халқлар адабиётида Низомий даражасига кўтарди. Бунда Навоий Низомий Ганжавий, Амир Хусрав Деҳлавий ва Абдурраҳмон Жомийни ўзига устоз деб билди ва уларнинг Х. даги илғор ғоявий-бадиий анъаналарини маҳорат б-н ривожлантирди. Х. ни юқори погонага, 15-асрнинг юксак поэтик шакли даражасига кўтарди. Навоий ўз «Хамса»сида даврининг ижтимоий-сиёсий, фалсафий-ахлоқий масалаларини бутун кескинлиги б-н қўя билди. 15-асргача яратилган ҳеч қайси «Хамса»да социал муҳит иллатларини — зулм ва адолатсизликни, феодал жаҳолатни танқид қилиш Навоий «Хамса» сидаги даражада эмас эди. Навоий Х. да анъанавий образлар ҳисобланган Фарҳод, Ширин, Дилором, Лайли, Мажнун, шоҳлардан Хусрав, Баҳром, Искандар образларини ҳам янгидан, 15-аср прогрессив адабиётининг гуманистик идеали нуқтаи назаридан талқин этди. Шунинг учун ҳам бу асар бутун Урта Осиё ва Яқин Шарқ маданий ва адабий жамоатчилиги томонидан яхши қарши олинди. Шоирнинг ўзи ҳам бу ҳақда:

Не атрокким, ҳам Ажам, ҳам Араб,
Кўрарлар бу ишни ажабдин ажаб

дейди.

Навоий «Хамса»си турли халқлар достончилигининг кейинги тараққиётига ижобий таъсир қилди. Ўзбек шоири *Хожа* ўзининг «Мақсад ул-атвор», турк шоири Ломий ва уйғур шоири Низорий ўзларининг «Фарҳод ва Ширин», улуғ озарбайжон шоири Муҳаммад *Фузулий* «Лайли ва Мажнун» достонларини Навоийнинг «Хамса» достонлари таъсирида яратдилар. Навоий «Хамса»си айни вақтда ўзбек адабий тилининг бойлиги, мукаммал ва ранг-баранглигини ҳам намойиш этди. Бу б-н ҳам Навоий «Хамса»си ўзбек адабиётининг шоҳ асари бўлиб қолди.

Ад.: Алишер Навоий, Хамса, Т., 1960; Бертельс Е. Э., Низами и Физули, М. 1962; Бертельс Е. Э., Навои и Джами, М., 1965; Шарафиддинов О., Алишер Навоий Т., 1948; Ҳайитметов А., Шарқ адабиётининг ижодий методи тарихидан, Т., 1970 Ахмедов Т., Алишер Навоийнинг «Лайли ва Мажнун» достони, Т., 1970; Эркинов С., Навоий «Фарҳод ва Ширин» ва унинг қиёсий таҳлили, Т., 1971.

ХАМХЙН — КХДРдаги шаҳар. Хамгён-Намдо провинциясининг маъмурий маркази. Аҳолиси 200 минг киши (1971). *Хиннам* ш. б-н бирга Х. мамлакатда энг катта кимё саноати маркази. Оғир машинасозлик (металлургия, тоғ-кон, энергетика, кимё саноати ускуналари), электротехника, қ. х. машинасозлиги, рангли металлургия (алюминий эритиш), тўқимачилик, кўн-пойабзал, озиқ-овқат, қурилиш материаллари корхоналари, кимё илмий тадқиқот ин-тлари бор.

ХАН Валентин Андреевич (1913, ҳозирги Приморье ўлкаси Хасан р-ни)— лубкор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони (1954). 1945 йилдан КПСС аъзоси. Тошкент обл. Оққўрғон р-нидаги Энгельс номли к-зда раис муовини, раис (1937—47), Ғалаба р-ни Энгельс номли к-з раниси (1947—62), 1962 йилдан «Заря коммунизма» к-зи раниси. Х. раҳбарлигида к-з каноп пояси етиштиришда юқори кўрсаткичларга эришган. Ленин ордени, Октябрь Революцияси ордени ва медаллар б-н мукофотланган.



Хан В. А.

ХАН Сергей (1927, Узоқ Шарқ ўлкаси —1969, Тошкент обл. Оққўрғон р-ни)— лубкор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони (1951). 1953 йилдан КПСС аъзоси. Тошкент обл. Оққўрғон р-нидаги Энгельс номли к-зда колхозчи, звено, бригада бошлиғи (1944—56), Киров номли к-з раниси (1957—59), Ленин номли к-зда агроном (1960—69). Х. бошлиқ звенода 6,4 *га* ернинг гектаридан 108,8 *ц* каноп пояси етиштирилган (1950). Ленин ордени ва медаль б-н мукофотланган.



Хан С.

ХАН УН СЕК (1924, ҳозирги Приморье ўлкаси Партизан р-ни)— лубкор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони (1951). 1953 йилдан КПСС аъзоси. Тошкент обл. Коммунистик р-нидаги Свердлов номли к-зда звено, бригада бошлиғи (1955—64), 1965 йилдан участка бошлиғи. Х. бошлиқ звенода 10,3 *га* майдонининг гектаридан 118 *ц* каноп пояси етиштирилган (1950). Ленин ордени ва медаллар б-н мукофотланган.

ХАНГАЙ — МХРнинг марказий қисмидаги тоғлиқ, Шимоли-ғарбдан жанубий-шарққа томон тахм. 700 *км* га чўзилган. Аксари қисмининг



Хан Ун Сек.



Ханеданьян Г. Г.

баландлиги 2000—3000 *м*. Энг баланд жойи 3905 *м* (Энх-Тайван чўққиси). Х. гранит, сланец, қумтош, базальтлардан тузилган. Чўққилари ясси. Кенг дарё водийлари кўп. Темир рудаси, сочма олтин конлари, минерал булоқлар бор. Усимликлари бошоқдошлар ва ҳар хил дашт ўт ўсимликларидан иборат. Шимолий ён бағрида тўп-тўп ўрмонлар (тилоғоч, кедр, қарағай, оқ қайин) учрайди. Х. ни Улан-Батор — Қобдо автомобиль йўли кесиб ўтган.

ХАНДАБО́ — мураккабгулдошлар (мураккабгуллилар оиласи)га мансуб кўп йиллик ўт (яна қ. *Сачратқи*).

ХАНДАКЕ́Н — Хоразм обл. Гурлан р-ни Олға қ. С. даги қишлоқ. Р-нинг жануби-ғарбида, «Правда» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 6 *км*, яқин т. й. станцияси — Шовот (26 *км*). Аҳолиси 1767 киши (1976); пахтачилик, чорвачилик, пиллачилик, шоликорлик, сабзавотчилик б-н шуғулланади. Қиличниёзбой канали орқали Амударёдан сув ичади. Ўрта мактаб, кутубхона, ветеринария шифохонаси, ферма, болалар боғчаси бор.

ХАНДА́М КАНАЛИ́ — Тошкент областидаги канал. 1928—32 йилларда қурилган. Қорасув каналидан бошланади. Узунлиги 49 *км*, сув ўтказиш қобилияти 23 *м*³/*сек*. 1970 йилда тўлиқ реконструкция қилинди. 4 минг *га* ерни сув б-н таъминлайди. Паркентсой, Самсарак ва Қизилсойни кесиб ўтади.

ХАНДАҚ — қадимги ва ўрта асрларда шаҳар, қалъа ва истеҳкомларни душман ҳужумидан мудофаа қилиш мақсадида уларнинг ташқи девори ёнидан қазилган чуқурлик. Одатда, ташқи деворни кўтаришда лой Х. ўрнидан олинган. Х. нинг эни 5—6 *м* дан 30—40 *м* гача, чуқурлиги 3—4 *м* бўлиб, ичи сув б-н тўлғазилган. Истеҳкомга кирадиган асосий йўлга осма кўприк ўрнатилган. Х. лар кўпинча одам ва от сузиб ўта олмаслиги учун ботқоқликка айлантирилган (яна қ. *Қалъа*).

ХАНЕДАНЬЯН Грайр Грайрович (1939. 6. 6, Ростов обл. Каменск ш.) — опера артисти (тенор). УзССР халқ артисти (1975), УССРда хизмат кўрсатган артист (1969). Львов консерваториясини тугатган (1963). Львов (1960—65) ва Одесса (1965—72) опера ва балет театрларида ишлаган. 1972 йилдан Алишер Навоий номидаги Опера ва балет театри артисти. «Масхарабозлар» (Р. Леонкавалло) даги Канио роли Х. нинг (Одесса театрида) яратган илк образидир. Олеко (С. Рахманинов, «Олеко»), Радамес, Амонаеро (Ж. Верди, «Аида»), Хозе, Эскамильо (Ж. Бизе, «Кармен»), Онегин (П. Чайковский, «Евгений Онегин») ва б. ролларни маҳорат б-н ижро этади. Х. Болгария, Руминияда, шунингдек СССР нинг кўп шаҳарларида гастролда бўлган.

ХАНЖА́Р — икки тарафи тиғли ўткир учли қурол. Қадим замонларда ҳайвон шохларидан ҳамда чақмоқ тошдан ясалган. Кейинчалик мис, бронза, темир ва пўлатдан ясала бошлаган. Пўлат Х. чиройли безатилган қинларда олиб юрилган. Баъзи халқларда (мас., Кавказ халқларида) Х. миллий кийимининг жиҳози ҳисобланади.

ХАНИКО́В Николай Владимирович [1819. 24. 10—1878. 3 (5). 11] — рус шарқшуноси; тарихчи, этнограф, географ, дипломат. Россия ФА мухбир аъзоси. Лицейни тугатиб, Шарқ тилларини (асосан араб ва форс) мустақил ўрганган. 1841—42 йиллари дипломатик миссия б-н Бухорода бўлган. 1845 йилдан Закавказье ўлкаси Бош бошқармасининг дипломатик канцеляриясида ишлаган. Рус география жамияти Кавказ бўлимининг раҳбари (1850—55). Табризда бош элчи (1854—57). Хуросонга уюштирилган илмий экспедиция раҳбари (1858—59). 1860 йилдан Парижда яшаган. Ўрта Осиё, Эрон, Афғонистон, Закавказье ўлкаси тарихи, этнографияси, географиясига оид асарлар ёзган. Бухоро хонлиги тўғрисидаги дастлабки илмий асар муаллифи. Хуросон экспедициясига оид асари Париж география жамиятининг катта олтин медалига сазовор бўлган. Россияда Шарқ қўл ёзмалари коллекциясини тўплашда катта ёрдам берган. Францияда вафот этган.

ХАНИН Михаил Никифорович [1902. 18. 1, Самара губернияси (ҳозирги Куйбишев обл.)] — патофизиолог, медицина фанлари д-ри (1942), проф. (1942), УзССРда хизмат кўрсатган фан арбоби (1954). Саратов ун-ти медицина ф-тини тугатгач (1928), ҳозирги Ульянов обл. касалхонасида врач (1928—30), Саратов Медицина ин-ти патофизиология кафедрасида аспирант (1930—32), ассистент (1932—38), доцент (1938—40), ТошМИ патофизиология кафедраси мудири, проф. (1941—72). 1972 йилдан пенсияда. «Гемотрансфузион шокда қон айланиши бузилишининг патогенези» мавзуида д-рлик диссертацияси ёқлаган. Илмий ишлари Ўрта Осиёда учрайдиган токсик гепатит, энцефалит ҳамда жигарнинг хроник касалликларида аллергия ва аутоаллергия процессларини аниқлаш ва ўрганишга бағишланган. Меҳнат Қизил Байроқ ордени, «Ҳурмат Белгиси» ордени ва медаллар б-н мукофотланган.

Ас.: О патогенезе расстройств кровообращения при гемотрансфузионном шоке, Саратов, 1940; Вопросы краевой патологии, Труды каф. патофизиологии, Т., 1956.

ХАНКА — РСФСР Приморье ўлкаси ва Хитойдаги кўл. Ҳавзасининг майдони 4190 *км*² (шундан СССРда 3030 *км*²). Узунлиги 95 *км*. Ўртача чуқурлиги 1—3 *м*, энг чуқур жойи 10,6 *м*. Ханка бўйи пасттекислигида жойлашган. Аллювиал ётқизиқлар Қичик Ханка кўлини Х. дан ажратиб туради. Қирғоғининг кўп қисми ботқоқ. Суви чучук, лойқа. Ноябрда музлаб, апрелда муздан бўшайди. Х. га Лефу, Мо ва б. дарёлар қуйилади, кўлдан Уссурининг чап ирмоғи Сунгача дарёси оқиб чиқади. Балиқлар (сазан, калуга ва б.), сув тошбақаси, қундуз бор. Ондатра иқлимлаштирилган. Кема қатнайди.

ХАНО́Й — ВСР нинг пойтахти. Хонгха дарёсининг ҳар икки соҳилида, денгиз қирғоғидан 160 *км* ичкарида. Дарё порти. Аҳолиси 1,5 млн. киши (1976).

Х. га 5-асрда (айрим манбаларда 8-асрда) асос солинган. 9—11-асрларда Дайла, 11—19-асрларда Тханглаунг (Донгкинь, Европада Тонкин) деб аталган. 622—939 йиллари Аннам давлатининг энг йирик шаҳри бўлган. Дайковет (1010—69), Дайвьет (1069—16-аср), Чин (16—18-асрлар) давлатларининг пойтахти. 19-аср 80-йилларида Франция протекторатининг маъмурий маркази. 1902 йилдан Франция Ҳиндихитойининг пойтахти. 20-йиллардан бошлаб, Х. Вьетнам миллий озодлик ва ишчилар ҳаракатининг марказларидан бири бўлган. 1940 йили Х. ни япон қўшинлари эгаллаган. 1945 йил Август рев-яси натижасида Х. халқ ҳокимияти қўлига ўтган. 1946 йилдан ВДР пойтахти. 1945—54 йилларда Х. французлар қўл остида бўлган. АҚШ нинг Вьетнамга қарши 1964—65 йиллардаги агрессияси даврида Х. нинг кўп қисми бомбардимон қилинган. 1973 йил 27 январдаги *Париж битими*дан сўнг шаҳар қайта қурилмоқда.


Х.— мамлакатнинг асосий иқтисодий ва маданий маркази. Шаҳар саноат корхоналарида 150 минг киши банд. Паровоз ва авторемонт, вагонсозлик, станоксозлик, кемасозлик, электротехника, кимё, ёғочсозлик, тўқимачилик, тикувчилик, озиқ-овқат, тамаки, қурилиш материаллари саноати корхоналари, устахоналар бор. Шаҳар орқали трансвьетнам т. й. магистрали ва автомобиль йўллари ўтган. Аэропорти халқаро аҳамиятга эга.

Х. Эски Шаҳар ва Янги Шаҳар қисмлардан иборат. Эски Шаҳарда бинолар зич, кўпроқ икки қаватли (1-қаватида дўкон ва устахоналар), дарахтлар кам. Янги Шаҳарда европача қурилган 2—3 қаватли бинолар, боғлар ва парклар бор. Ҳозирги вақтда, Х. нинг янги бош планига мувофиқ, шаҳарнинг эски қисмлари ободонлаштирилмоқда, бўш ерларда саноат корхоналари, янги турар жойлар (жумладан, йўлдош шаҳарлар) барпо этилмоқда. Х. да ун-т, политехника, қ. х. ва ўрмон хўжалиги, пед., молия, мед.-фармацевтика, транспорт, ирригация ва энергетика, экономика ва планлаштириш, чет тиллар педагогика ин-тлари, консерватория, Миллий музика театри мактаби, Олий драма мактаби, илмий тадқиқот ин-тлари, кутубхоналар, Тарих, Революция, Вьетнам халқ армияси музейлари, Ботаника боғи, театрлар ва б. бор. Архитектура ёдгорликлари: Дьен-Бо пагодаси, ибодатхоналар, Хо Ши Мин мавзолейи (1975) ва б.

ХАНО́Й УНИВЕРСИТЕТИ́ — Вьетнам Социалистик Республикасидаги йирик олий ўқув юрти. 1918 йили Ханойда ташкил қилинган. Вьетнамдаги Август рев-яси ғалабаси (1945) ва ВДР (1976 йил 2 июлдан, яъни Шимолий ва Жанубий Вьетнам қўшилгач — Вьетнам Социалистик Республикаси) эълон қилингандан сўнг ун-т демократик асосда қайта ташкил этилди. 1954—55 йилларда ун-т базасида адабиёт, медицина-фармацевтика, педагогика, қишлоқ ва ўрмон хўжалиги ин-тлари ташкил топган. 1976/77 ўқув йили ун-тда ижтимоий фанлар, физика, математика, кимё, биология, геология ва география, тарих, филология, вьетнам тили ф-тлари, кутубхона (60 мингдан ортиқ асар), социалистик мамлакатлар ёрдамида замонавий асбоб-ускуналар б-н жиҳозланган лабораториялар мавжуд бўлган; 250 дан зиёд ўқитувчи ишлади, 4 мингдан ортиқ студент таълим олди.


ХАНТАЛ, горчица — крестгулдошлар (бутгуллилар оиласи)нинг Sinapis ва Brassica туркумларига мансуб ўсимлик турлари. Sinapis туркуми Европа, Шимолий Африка, Осиёда тарқалган 7—10 турни ўз ичига олади. СССРда 2—3 тури, шундан экма ҳолда оқ Х. (S. alba) учрайди. Оқ Х. бир йиллик ўсимлик, бўйи 25—100 *см*, тўпгули кўп гулли, уруғи оқ-сариқ ёки оч жигар ранг, 1000 донаси 4—7 *г*. Ёввойи Х. ёки дала хантали ёхуд рангўт (S. arvensis) СССРнинг деярли ҳамма жойида ўсади. Уруғи қизғиш-жигар ранг ёки қора, кўкариш қобилияти 10 йилгача сақланади. Brassica туркумидан қуйидаги 3 тури экилади. Хартол (B. juncea) — пояси 1,5 *м* гача, сершох, пастки барглари кесик, юқоридагилари бутун. Тўпгули, одатда, қалқонсимон. Қўзоғи чўтир. Уруғи сариқ, жигар ранг, қўнғир, 1000 донаси 1,8—4,5 *г*. Европа ва Осиёда (жумладан СССРда) экилади. Қора Х. (B. nigra) — қўзоқлари пояга ёпишган. Кичик Осиё, Европа, Америкада экилади. СССР да бегона ўт сифатида ўсади. Ҳабашистон Х. и. (B. Carinata) — Эфиопия ҳамда Шарқий Африка тоғларида экилади.

Х. уруғидан ёғ (20—45%) олиниб, нон пиширишда, кондитер, консерва, парфюмерия саноатида, медицинада ишлатилади. Кунжарасидан олинган кукунидан *горчичник* ва истеъмол қилинадиган горчица тайёрланади. Хартолнинг илдиз мевали ва баргли навлари саб-





Ханой шаҳри. 1. Хо Ши Мин мақбараси. 2. Бадинь майдони. Миллий мажлис биноси.



ХАНОЙ

1 Политехника институти
2 Хо Ши Мин мавзолейи
3 Бадинь майдони
4 Вьетнам халқ армияси музейи
5 Дьен-Бо пагодаси
6 Революция музейи
7 Ханой университети
8 Марказий вокзал



Ханин М. Н.





Ханой. 1. Шаҳар театри биноси. 2. Нафис санъат музейи.



Ханти-Мансилар автоном округи. Сургут — Нижневартовск нефть қувури.


завот сифатида овқатга ишлатилади. Х. нинг барча турлари асалли ўсимлик. Х. кузги, дондуккакли ёки чопиқ қилинадиган экинлардан кейин қаторлаб (қатор оралари 15 *см*), 4—5 *см* чуқурликда экилади. Гектарига 6—8 *кг* уруғ сарфланади. Ҳосилдорлиги гектаридан 3,9 *ц*.

ХАНТИ ТИЛИ, остяк тили — хантилар (остяклар) тили. Тюмень обл. нинг Ханти-мансилар, Ямал-ненецлар автоном округларида, Томск обл. нинг Александровское ва Каргасок р-нларида тарқалган. *Фин-угор тиллари* оиласининг Обь-угор гуруҳини (манси тили б-н биргаликда) ташкил этади. Х. т. да 21 минг киши гаплашади (1970). Диалектлари Ғарбий (Обдор, Обь бўйи, Иртиш бўйи) ва Шарқий (Сургут, Вах-Васюганье) гуруҳларга бўлинади. Ғарбий диалектларида 3 та, Шарқий диалектларида эса 8 тача келишик бор. Октябрь инқилобига қадар ёзуви бўлмаган. Олдин латин (1930), 1937 йилдан рус графикаси асосидаги ёзувга эга. Х. т. алифбосида 34 та ҳарф мавжуд. Б, г, д, ж, з, ф, ц, ч, ш ҳарфларининг фақат рус тилидан ўзлашган сўзлардагина ишлатилиши Х. т. нинг муҳим фонетик хусусиятидир. Морфологик жиҳатдан грамматик сон категориясининг бирлик, иккилик, кўплик формалари мавжуд. Сифат ва сон ўзгармайдиган сўз туркумлари ҳисобланади. Қазим, шури-шкар ва Ўрта Обь диалектлари адабий формага (бадиий асарлар ёзилади) эга. Қазим диалектида телеэшиттириш, радиоэшиттиришлар олиб борилади ва газеталар чиқарилади.

ХАНТИЛАР (ўзларини хантэ — одам деб атайдилар) — халқ, *мансилар*га қардош. Обь, Иртиш дарёларининг қуйи оқими бўйлаб, асосан РСФСР нинг Тюмень обл. даги Ямал-Ненец ва Ханти-Мансилар миллий округлари, шунингдек Томск обл. да яшайди. Умумий сони 21 минг киши (1970). *Ханти тили*да гаплашади. Асосий машғулоти — балиқчилик, буғучилик ва мўйначиликдан иборат.

Ад.: Народы Сибири, М.—Л., 1956; Соколова З. П., Ханты «Вопросы истории», 1971, № 8.

ХАНТИ-МАНСИЙСК (1940 йилгача — Остяко-Вогульск) — шаҳар, РСФСР Тюмень обл. таркибидаги Ханти-Мансилар автоном округининг маркази. Иртиш дарёсининг ўнг соҳилида. Дарё порти. Шаҳар 1932 йилда ишчилар посёлкаси — автоном округнинг маркази сифатида вужудга келган; 1934 йилдан Омск области, 1944 йилдан Тюмень области таркибида. 1950 йилда шаҳарга айлантирилди. Асосий саноат тармоғи — балиқ саноати. Асосий корхоналари: балиқ консерва, ёғочсозлик к-тлари, тахта тилиш з-ди, мебель ф-каси. Йирик



Сургут. Обь дарёсидаги порт.

даррандачилик хўжалиги; Чекка Шимол Қ. х. илмий тадқиқот ин-тининг тажриба станцияси, педагогика ва медицина билим юртлари, савдо-кооператив техникуми, ўлкашунослик музейи бор.

ХАНТИ-МАНСИЛАР АВТОНОМ ОКРУГИ (1940 йилгача Остяк-Вогуллар миллий округи) — РСФСР Тюмень областидаги автоном округ. 1930 йил 10 декабрда ташкил этилган. Майдони 523,1 минг *км*². Аҳолиси 390,2 минг киши (1975). 7 р-н, 5 шаҳар, 15 ш. т. п. бор. Маркази — Ханти-Мансийск ш.

Табиати. Х.-М. а. о. Ғарбий Сибирь пасттекислигининг марказий қисмида, Обь ва Иртиш дарёларининг қуйи оқимида жойлашган. Ер юзаси — текислик. Ғарбидагина Шимолий ва Қутб ёни Урал тоғларининг (ўртача баландлиги 700—800 *м*) шарқий ён бағирлари бор. Иқлими кескин континентал. Январининг ўртача т-раси —20—22°, июлиники 16°—18°. Йиллик ёғин 400—500 *мм*. Асосий дарёси Обь ва унинг ирмоқлари. Кўл ва ботқоқликлар кўп. Тупроқлари торф-ботқоқ, подзол ва аллювиал тупроқлар. Терр-ясининг ⅓ қисми ўрмон. Қорақарағай, қарағай, кедр, қайин ўсади.

Аҳолиси. Руслар, ханти лар, мансилар, ненецлар, комилар яшайди. 1 *км*² га 0,75 киши тўғри келади. Шаҳар аҳолиси 72%. Шаҳарлари: Ханти-Мансийск, Сургут, Урай, Нефтеюганск, Нижневартовск.

Хўжалиги. Асосий саноат тармоқлари: нефтни қайта ишлаш, ўрмон ва балиқ овлаш, буғучилик, мўйначилик ва даррандачилик. Х.-М. а. о.— СССРда нефть қазиб чиқариш бўйича биринчи ўринни эгаллайди. Табиий газ қазиб олинади. Ёғочсозлик к-ти, мебель ф-каси (Ханти-Мансийск), уйсозлик к-ти (Сургут), ёғоч к-тлари (Левши, Пионерский, Комсомольский, Советский) ишлаб турибди. Ханти-Мансийск, Берёзово, Сургутда балиқ консерва к-тлари, Нижневартовск, Кондинское, Октябрьскоеда балиқ з-длари бор.

Қ. х. да буғучилик муҳим тармоқ ҳисобланади. 1974 йилда 17 с-з ва 12 к-з бўлган. 55,7 минг буғу, 47,4 минг қорамол (жумладан, 20,1 минг сигир), 9 минг чўчқа, 8 минг йилқи, 3,7 минг қўй боқилади. Экин майдони 6,4 минг *га* (1977). Буғдой, картошка, сабзавот экилади. Асосий транспорт тури — дарё ва т. й. транспорти. Обь ва Иртишда кема қатнайди. 1975/76 ўқув йилида 201 умумий таълим мактаби, 3 профессионал-техника билим юрти, 6 ўрта махсус ўқув юрти мавжуд. «По ленинскому пути» (1957 йилдан) ва «Ленинская правда» округ газеталари чиқиб туради.

Ад.: Российская Федерация. Западная Сибирь, М., 1971 (серия «Советский Союз»).

ХАНЧЖОУ — Хитойнинг шарқий қисмидаги шаҳар. Фучуньцзян дарёсининг Шарқий Хитой денгизига қуйилиш жойидаги йирик порт. Чжэцзян провинциясининг маъмурий маркази. Аҳолиси 960 минг киши (1970). Х.— шойи тўқиш саноатининг муҳим маркази. Металлсозлик, қоғоз, резина, электрон асбоблар саноати корхоналари бор. Чойга ишлов берилади. Кустарчиликда бамбукдан турли буюмлар тайёрланади. Ун-т, шаҳар атрофида курорт жойлар, ўрта асрлар архитектура ёдгорликлари бор.

ХАРА СУВЎТЛАРИ, харасимонлар (Charophyta, charophyceae) — сувўтларнинг энг юқори тузилган группаси. Тузилиши қирқбўғимларга ўхшайди. Бўйи 1 *м* гача. Танаси бўғим-

ларга бўлинган. Поя қисми б-н «барг»лар ва ҳар бир бўғимда ҳалқа бўлиб жойлашган калта цилиндрсимон шохчалардан иборат. Ҳар бир ҳалқадаги барглардан бирининг барг қўлтиғида асосий пояга ўхшаган ён «поя» ўсиб чиқади. Танасининг пастки қисми балчиққа ёки қумга ботиб туради. Вегетатив кўпаяди.

Х. с. палеозой эрасининг ўрталарида кенг тарқалган, тўрт группадан иборат бўлган. Ҳозир харалар группаси қолган. Х. с. нинг 3 оила ва 7 туркумга бирлашган 300 тури маълум. СССРда Х. с. нинг 45 дан ортиқ тури учрайди. Ўзбекистонда нителла, нителлопсис, лампротамниум ва б. турлари тарқалган.

Х. с., асосан, чучук ва шўр сувли ҳавзаларда учрайди. Ўзбекистонда асосан кўл, зовур, шолипоя ва қисман дарё, ариқ ва булоқларда хара «ўтлоқ»зорларини ҳосил қилади. Бир *га* майдондан 30—330 *т* тўйимли ва озиқабоп биомасса олинади.

Ад.: Барашков Г. К., Сравнительная биохимия водорослей, М., 1972.

ХАРАК (форс-тож. خرک — эшак) — чолғу асбобларда торларни кўтариб турувчи мослама. Х. торларнинг соз косаси қопқоғи ва дастасига тегиб қолмаслиги учун хизмат қилади. У суяк, ёғоч, металлдан ясалиб, қопқоқ устига тиклаб қўйилади. Х. пластинкасимон бўлиб, торли асбобларнинг ижро хусусиятларига боғлиқ ҳолда катта ёки кичик, баланд ёки паст бўлиши мумкин. Соз қулоғи яқинига қўйиладиган пастак хили «шайтон Х.», *булбулак* деб аталади.

ХАРАКТЕР (юнон. character — хусусият, ўзига хослик), феъл-атвор — кишининг хатти-ҳаракатларида намоён бўладиган асосий барқарор психик хусусиятлар мажмуи. Х. да шахснинг ички, маънавий муайянлиги ифодаланади. Бу муайянлик кишининг ўзига хос индивидуал хусусиятларини ташкил этади. Ҳар бир кишининг Х. ида унинг босиб ўтган ҳаёт йўли муҳрланади, айни вақтда бу Х. унинг кейинги ҳаёт йўлига таъсир кўрсатади. Х. ни билганда кишининг маълум вазиятда ўзини қандай тутишини олдиндан кўриш ва унинг хатти-ҳаракатини тўғри йўлга солиш мумкин.

Х. тўғрисида турли қарашлар мавжуд. Х. нинг шаклланиш омиллари ҳақида Марксгача бўлган қарашларни 2 гуруҳга — биологик ва субъектив-психологик назарияга бўлиш мумкин.

Биологик назария тарафдорлари Х. ни инсон организмининг анатомик-физиологик хусусиятларига боғлайдилар. Субъектив-психологик назарияда Х. психик жараёнлар — интеллектуал, иродавий, эмоционал ва б. жараёнлар б-н белгиланади, деб қаралади. Бу назарияларнинг асосий камчилиги шахснинг шаклланишида ижтимоий-иқтисодий шарт-шароит ролини инкор этишдадир. Уларга қарама-қарши равишда марксистик психология ижтимоий шарт-шароит, кишининг амалий фаолияти, тарбияси унинг Х. ини шакллантиришдаги асосий ва ҳал қилувчи омил; ирсият ва биологик ва ҳал қилувчи омиллар эса шахс тараққиётида иккинчи даражали роль ўйнайди, деб ҳисоблайди.

Х. нинг физиологик асоси ҳаёт жараёнида ҳосил қилинган муваққат нерв боғланишлари барқарор системалари ва инсон нерв системаси типи хусусиятларининг синтези («қоришмаси») дадир. Бироқ олий нерв фаолиятининг типи Х. мазмунини белгиламайди, Х. нинг муайян сифатлари намоён бўлишининг ўзига хос шаклларигина маълум даражада унга боғлиқ дир.

Қишининг ўзига, ўз фаолиятига, бошқа кишиларга, коллективга, жамиятга нисбатан муносабатига қараб, унинг Х. сифатларини турли гуруҳларга ажратиш мумкин. Мас., кишиларга; коллектив ва жамиятга нисбатан муносабатларга қараб, Х. даги муайян сифатларни — киришимлик ёки одамови, юмшоқ кўнгилли ёки тош юрак, кўнгилчан ёки зўғмдор ва ш. к. ни белгилаш мумкин. Қишининг ўз фаолияти б-н боғлиқ Х. ида кўпроқ эгоистлик, димоғдорлик, манманлик, камтарлик ёки шуҳратпарастлик, дангасалик, меҳнатсеварлик каби сифатлар намоён бўлади. Х. лар барқарорлик даражасига кўра кучли ёки кучсиз, мустаҳкам ёки тутуруқсиз бўлиши мумкин.

Х. сифатлари турмуш жараёнида тарбия, меҳнат ва ижтимоий шароит таъсири б-н маълум даражада ўзгаради. Х. ни тарбиялашда дунёқарашни шакллантириш, ахлоқнинг ижтимоий нормаларини ўзлаштириш, атрофдаги кишиларнинг хулқ-атвори муҳим роль ўйнайди. Шунингдек, ўз-ўзини тарбиялаш ҳам катта аҳамиятга эга.

Х. шахснинг хусусияти сифатида *темперамент* б-н узвий боғлиқ; айрим шахсларда ҳатто уларни бир-биридан ажратиш ҳам қийин. Х. б-н темпераментнинг муҳим фарқи шундаки, темперамент асосан нерв ва эндокрин системаларнинг туғма биологик хусусиятлари б-н боғлиқ бўлса, Х. нинг шаклланишида ижтимоий муҳит ва тарбиянинг таъсири катта роль ўйнайди.


Ад.: Левитов Н. Д., Вопросы психологии характера. М., 1956; Иванов П. Н., Умумий психология, Т., 1967.

ХАРАКТЕР (адабиёт ва санъатда) — бадиий асарда тасвирланган инсон образи. У маълум бир муҳитнинг характерли томонларини ва тарихий давр идеалини ўзида мужассамлаштиради. Х. муайян дунёқарашдаги санъаткор идеалини ифодалайдиган реал ҳаётий шахсдир. Адабиёт ва санъатнинг кўпгина турларида Х. тасвири бош масалалардан биридир. Ҳаёт ҳақиқати, санъаткор дунёқараши, у олға сурмоқчи бўлган ғоялар асарда, асосан Х. орқали юзага чиқади.

Х. ни жўн талқин қилиб, уни адабий асарда тасвирланаётган бирор шахснинг ташқи ва юзаки белгиларига ёки бирор арзимаган хатти-ҳаракатидан келиб чиқадиган хулосага боғлаб қўйиш мумкин эмас. Х., аввало, тасвирланаётган образ психологиясига, шу психологияни яратган муҳитга боғлиқ категориядир; бошқача қилиб айтганда, Х. шахс ирода йўналишининг намоён бўлишидир; маълум бир муҳитда, маълум бир шароитда шахснинг нималарга қодир эканлигининг кўриниши, унинг хатти-ҳаракатларининг юзага чиқишидир. Шу маънода Х. масаласида ҳар доим икки нуқта эътиборга олинади. Улардан бири тасвирланаётган образ шахс сифатида қандай индивидуал хусусиятларга эга эканлиги бўлса, иккинчиси ўша шахс ўзининг психологик хусусиятлари б-н қандай муҳит, қайси синф ёки табақа вакилларини, яъни қайси типдаги одамларни характерлайдиганлигидир. Шу сабабдан бадиий ижодда Х. ларни индивидуаллаштириш қай даражада муҳим бўлса, уларни умумлаштириш — типиклаштириш ҳам шу даражада муҳимдир.



Хара сувўтининг умумий кўриниши.



Харак.

Юнонистонда Х. тушунчаси, дастлаб адабий-бадиий ижод маънавий маданиятнинг махсус соҳаси сифатида ажралиб чиққан пайтда шаклланган. Бироқ у пайтдаги Х. ҳозирги маънодаги Х. дан фарқ қилар эди. У давр асарларида *персонажлар* ўз характери б-н эмас, балки муайян ҳолат ёки муҳитдаги роли б-н фарқланар эди. Х. ўзида ғоявий мазмун касб этиши тўғрисидаги талаблар Х. ривожида янги босқич бўлди. Х. эволюциясида *Уйғониш даври* ва *классицизм* адабиётининг муҳим ролини алоҳида қайд қилиш мумкин. Бу давр санъаткор ва мутафаккирлари Х. да муайян муҳитнинг конкрет белгилари акс этиши кераклигини, у ижтимоий ҳаёт б-н мустаҳкам алоқада бўлиши зарурлигини биринчи ўринга қўйдилар ва шу б-н адабиёт ва санъатда *реализм*нинг пайдо бўлишига замин тайёрладилар. *Романтизм* адабиёти ва санъатида яратилган Х.ларда қаҳрамоннинг ижтимоий тақдири б-н унинг ички дунёси орасида бир хиллик, ўхшашлик бўлиши талаб этилди. Бироқ Европа ёзувчилари бунинг уддасидан чиқа олмадилар; улар яратган Х. ларда қаҳрамонлар тақдири индивидуаллик касб этса-да, уларнинг ички дунёси, маънавий олами индивидуаллик даражасига кўтарила олмади. Шахс ва муҳитнинг ўзаро мустаҳкам алоқадорлигини ўзида мужассам этган тарихан такрорланмас индивидуал Х. ларни фақат 19-аср реализмигина ярата олди.

Бадиий Х. моҳиятини тушунтиришда Гегелнинг хизмати ҳам катта бўлди. У Х. ни «...шахснинг яхлит индивидуаллиги...» деб атади. Асарда Х. ўзининг бутун индивидуал хусусиятлари б-н намоён бўлиши кераклигини, ўзича мустақил бир дунё, тўлақонли, тирик инсон сифатида гавдаланиши лозимлигини уқтирди. Гегелнинг Х. тўғрисидаги бу назарияси адабиёт ва санъатнинг яна бир босқич юқори кўтарилишини таъминлади. Х. нинг Гегелдан кейинги эволюциясида унинг «концептуаллиги»— ғоявийлиги масаласи муҳим аҳамият касб этди. *Социалистик реализм* вакиллари Х. ни марксча-ленинча методология асосида талқин этиб, илғор, революцион дунёқарашли, чуқур социал-психологик Х. лар яратдилар (М. Горький, «Она»; Н. Островский, «Пўлат қандай тобланди»; М. Шолохов, «Очилган қўриқ»; А. Фадеев, «Ёш гвардия» ва б.). «Ёзувчи ўзига таниш бир шахс ҳаётини тасвирласа бир одамнинг сурати чиқади холос. Бу сурат ижтимоий ва тарбиявий аҳамиятдан холи бўлиб, ҳаёт ва одамлар ҳақидаги бизнинг тасаввуримизни бойита олмайди... Агар ёзувчи йигирмалаб, элликлаб, юзлаб одамлар, одамларнинг энг характерли синфий белгилари, одатлари, диллалари, ишончлари, нутқ йўналиши, хатти-ҳаракатлари ва ҳоказоларини бир жойга, бир киши шахсиятига йиғиб кўрсатса... ёзувчи «тип» яратади. Санъат — шу» (М. Горький, Собр. соч., т. 25, М., 1953, стр. 468). Ойбекнинг «Қутлуғ қон» романида яратилган Йўлчи ёки Мирзакаримбой фақат битта батрак тақдирини ёки битта бой қиёфасини акс эттирмайди, балки ўнлаб-юзлаб Йўлчиларнинг, Мирзакаримбойларнинг умумлашган, типик хусусиятларини ифодалайди. Шу б-н бирга, бу икки образ ўз характерлари, тақдирлари ва ҳаёт муҳитлари б-н бошқа бой ва батраклардан фарқ қилади. Бу — Х. нинг индивидуал томони.

Адабий портрет яратиш воситаларидан, яъни персонаж портрети, унинг ўзига хос нутқи, ташқи қиёфаси, ички дунёсига хос психологик белгилар, санъаткор характеристикаси, шахснинг хатти-ҳаракатлари, ниҳоят тасвирланаётган образ (қ. *Бадиий образ*)нинг реал ҳолатини очиб берадиган ситуациялардан ҳам, одатда ҳар бир ёзувчи ўзича фойдаланади: бир ёзувчи кўпроқ қаҳрамон ички дунёсини ўз номидан бевосита очиб кўрсатиш йўли б-н борса (Л. Толстой), иккинчи бири қаҳрамон хатти-ҳаракатларига тегишли кичик, бироқ мазмундор деталлар яратиб, шу орқали унинг психологиясини акс эттиради (М. Шолохов); бошқа бири кескин ситуациялар яратиб, қаҳрамон Х.ини ўша чигал воқеалар кўзгусида катталаштириб кўрсатади (В. Шекспир, А. Қодирий). Бироқ реалистик Х. яратишда энг муҳим масала тасвирланаётган шароитга мувофиқ типик Х. яратишдан иборатдир.

Х., одатда, салбий ва ижобий, прогрессив ва регрессив, ривожланувчи ёки турғун, сатирик ёки юмористик, эпик ёки драматик бўлади. Бироқ Х. булардан қай бирига мансуб бўлмасин гап ундан келиб чиқадиган маънода, у орқали ёзувчи айтмоқчи бўлган фикрда, ғояда ва ниҳоят бу ғоянинг жонли Х.ларда қай йўсинда акс этишидадир.

Ад.: Аристотель. Поэтика. М., 1957; Белинский В., Взгляд на русскую литературу, т. III. М., 1947; Горький М., О том как я учился писать, т. 24, М., 1953; Қўшжонов М., Ҳаёт ва маҳорат. Т., 1962; Проблема характера в современной советской литературе. М.—Л., 1962; Гинзбург Л., О психологической прозе. Л., 1971

ХАРАКТЕР (математикада) — махсус кўринишдаги функциялардан бири. Сонлар назарияси ва группалар назариясида ишлатилади. Сонлар назариясида Х. деб барча бутун n сонлар учун аниқланган ва қуйидаги шартларни қаноатлантирадиган $\chi(n)$ сонли функцияга айтилади: 1) $\chi(n) \not\equiv 0$; 2) барча бутун m ва n сонлар учун $\chi(m \cdot n) = \chi(m)\chi(n)$; 3) шундай бутун сон k (давр) мавжудки, бунда барча n лар учун даврийлик шарти $\chi(n+k) = \chi(n)$ бажарилади. Мусбат даврларнинг энг кичиги χ Х. нинг а с о с и й м о д у л и дейилади ва k модулли Х $\chi(n, k)$ каби белгиланади.

Сонлар назариясининг кўп масалалари (мас., туб сонларнинг тақсимоти) Дирихленинг L функцияси деб аталувчи $L(s, \chi) = \sum_{n=1}^{\infty} \frac{\chi(n)}{n^s}$ функцияни ўрганиш б-н боғлиқ.

Белгиланган $k(>1)$ модул бўйича келтирилган қолдиқлар системаси кўпайтириш амалига нисбатан группани ташкил этади. Бу эса Х. нинг даврийлик шарти $\chi(n, k)$ ни шу группа устида аниқланган ва бу ерда

$$\chi(a\ b) = \chi(a)\,\chi(b) \qquad (1)$$

тенгликни қаноатлантирадиган функция деб қарашга имкон беради. Х. тушунчасини бундай талқинлаш уни бевосита ихтиёрий чекли коммутатив G группага кўчиришга олиб келади. Шу б-н бирга, n — G группанинг тартиби, e — бирлиги, a — ихтиёрий элементи бўлса, у ҳолда $[\chi(a)]^n = \chi(a^n) = \chi(e) = 1$ бўлади, яъни $\chi(a)$ 1 нинг n-даражали илдизи эканлиги, жумладан

$$|\chi(a)| \equiv 1 \qquad (2)$$

келиб чиқади.

Ихтиёрий коммутатив G группа (чекли бўлиши шарт эмас)да аниқланган ва (1), (2) шартларни қаноатлантирадиган ҳар қандай $\chi(a)$ функцияга шу группанинг характери дейилади. Х. назарияси Фурье интеграли ва қатори тушунчаларини умумлаштириш б-н узвий боғлиқ.

Ад.: Ван дер Варден, Алгебра, М., 1975; Хассе Г., Лекции по теории чисел, М., 1953; Понтрягин Л. С., Непрерывные группы, 3 изд., М., 1973; Чудаков Н. Г., Введение в теорию L-функций Дирихле, М., 1947.

ХАРАКТЕРИСТИК ТЕНГЛАМА — қуйидаги квадрат матрица асосида тузиладиган

$$\det(A - \lambda E) = \begin{vmatrix} a_{11}-\lambda & a_{12} \dots a_{1n} \\ a_{21} & a_{22}-\lambda \dots a_{2n} \\ \cdot & \cdot\ \cdot\ \cdot\ \cdot\ \cdot\ \cdot\ \cdot \\ a_{n1} & a_{n2} \dots a_{nn}-\lambda \end{vmatrix} = 0$$

кўринишидаги тенглама. У λ га нисбатан n-даражали алгебраик тенглама бўлиб, чап томонидаги кўп ҳад матрицанинг характеристик кўп ҳади дейилади (қ. *Матрицалар*).

Чизиқли акслантириш матрицасининг Х. т. си танланган базисга боғлиқ бўлмайди. Х. т. $\lambda^n + p_1\lambda^{n-1} + \dots + p_n = 0$ кўринишига келтирилганда, ундаги $p_1, p_2, \dots, p_n$ коэффициентлар мос чизиқли алмаштиришнинг муҳим инвариант характеристикаси бўлади. (Мас., p_1 — матрицанинг изи, p_n эса матрица детерминанти фақат ишораси б-н фарқ қилади).

Х. т. нинг $\lambda_1, \lambda_2, \dots, \lambda_n$ илдизлари A матрица ва унга мос чизиқли алмаштиришнинг хос қийматлари дейилади Мас., $A = \begin{pmatrix} 2 & -1 \\ -3 & 0 \end{pmatrix}$ матрицанинг Х. т. си $\begin{vmatrix} 2-\lambda & -1 \\ -3 & -\lambda \end{vmatrix} = \lambda^2 - 2\lambda - 3 = 0$ бўлиб, хос қийматлари $\lambda_1 = 3$, $\lambda_2 = -1$. Эрмит матрицасининг хос қийматларидоим ҳақиқий, ортогонал матрицанинг хос қийматлари эса модули 1 га тенг комплекс сонлар бўлади.

Х. т. астрономия, математика, физика, техника каби фанларнинг кўп соҳаларида учрайди: 1) астрономияда планеталарнинг асрий ғалаёнлари Х. т. га асосан аниқланади. Шунинг учун баъзан Х. т. ни а с р и й ёки с е к у л я р (франц. siecle — аср) т е н г л а м а деб ҳам аталади; 2) ўзгармас коэффициентли чизиқли дифференциал тенглама

$$p_0 y^{(n)} + p_1 y^{(n-1)} + \dots + p_n y = 0 \qquad (1)$$

нинг Х. т. си y функция ва унинг ҳосилаларини ҳосила тартибига мос даражали λ параметрга алмаштириб ҳосил қилинади:

$$p_0\lambda^n + p_1\lambda^{n-1} + \dots + p_n = 0.$$

(1) тенгламанинг ечими шу Х. т. илдизлари орқали аниқланади; 3) физикада ғалаёнланмаган квант системанинг ҳолати n каррали айниган бўлса, ташқи ғалаён таъсирида бу айниган энергиявий сатҳ n та сатҳга ажралади. Ҳар бир ажралган сатҳнинг энергиявий қиймати масалага онд Х. т. ни ечиш б-н аниқланади.

Ад.: Курош А. Г., Олий алгебра курси, [Дарслик], Т., 1976.

ХАРАКТЕРИСТИКА — 1) бирор кимса, нарса ёки объектнинг хусусиятлари, фазилатлари, нуқсонларини кўрсатиш; 2) бирор шахснинг меҳнати, ижтимоий фаолияти акс эттирилган расмий ҳужжат.

ХАРАКТЕРИСТИКА (математикада) — 1) хусусий *ҳосилали дифференциал тенгламалар* б-н боғлиқ махсус оддий дифференциал тенглама (характеристикалар тенгламаси)нинг интеграл чизиқлари.

$$P\frac{\partial u}{\partial x} + Q\frac{\partial u}{\partial y} = R \qquad (1)$$

кўринишидаги квазичизиқли тенглама учун Х. лар тенгламаси

$$\frac{dx}{P} = \frac{dy}{Q} = \frac{dz}{R} \qquad (2)$$

системадан иборат. (1) тенгламанинг ечими (2) система интеграл чизиқларидан тузилган сирт ҳосил қилади. Қуйидаги

$$a\frac{\partial^2 u}{\partial x^2} + 2b\frac{\partial^2 u}{\partial x\,\partial y} + c\frac{\partial^2 u}{\partial y^2} = f\left(x, y, u, \frac{\partial u}{\partial x}, \frac{\partial u}{\partial y}\right) \qquad (3)$$

чизиқли тенглама учун Х.лар тенгламаси

$$ady^2 - 2bdxdy + cdx^2 = 0 \qquad (4)$$

шаклда бўлади. (4) тенглама интегралларидан ёрдамида (3) тенглама каноник кўринишга келтирилади.

Х. тушунчаси ихтиёрий сондаги аргументли, чизиқсиз тенглама ҳолда тенгламалар системаси учун ҳам киритилади;

2) ўнли логарифмнинг бутун қисми.

ХАРАМЖОЙ — Қашқадарё обл. Қарши р-ни Ертепа қ. С. даги қишлоқ. «22-партсъезд» с-зи терр-ясида. Р-н марказидан 16 *км*, яқин т.й. станцияси — Қарши (5 *км*). Аҳолиси 1078 киши (1974); ингичка толали пахтачилик, боғдорчилик б-н шуғулланади, қурилишда, транспортда ишлайди. Қашқадарёдан сув оладиган Бешкент аригидан сув ичади.

ХАРА-НУР — МХРнинг ғарбий қисмидаги чучук сувли оқар кўл. Катта Кўллар сойлигида. Майдони 575 *км*². 1132 *м* баландликда, чуқурлиги 7 *м* гача. Тармоқлар орқали Хара-Ус-Нур, Дургэн-Нур кўллари ва Дзабхан дарёси б-н туташган. Соҳиллари паст, чўл ландшафтли. Балиқ кўп.

ХАРАППА МАДАНИЯТИ, Ҳинд водийси цивилизацияси — Шимоли-Ғарбий Ҳиндистоннинг (мил. авл. 3-минг йиллик ўрталари, 17—16-асрларга оид) археологик маданияти (ҳозирги Ҳиндистон ва Покистон территорияси). Ғарбий Покистоннинг қадимги Харапа ш. харобасидан топилган ва шу шаҳар харобаси номи б-н аталган. 20-асрнинг 20-йилларидан бошлаб археологик қазишлар олиб борилган. Қазишлар натижасида 500 га яқин ёдгорлик: мудофаа (чегара) истеҳкомлари, пойтахт бўлган шаҳарлар — Харапа, *Мохенжо-Даро*, Калибанган харобалари, денгиз портларининг, қишлоқ маконларининг қолдиқлари ва б. топилган. Қурилиш ишлари, сопол ишлаш, ўймакорлик ва б. ҳунармандчилик яхши тараққий қилган. Қурилиш материаллари асосан хом ғиштдан иборат бўлган. Қўрғон пойдеворлари тошдан ишланган. Хараппада тўғри бурчакли кварталлар, водопровод ва канализация системаси бунёд қилинган. Шаҳар қўрғони минорали деворлар б-н ўраб олинган ва мустаҳкамланган. Хараппа экономикасининг асосини чорвачилик (буйвол, чўчқа, филлар) ва суғориладиган деҳқончилик (буғдой, тариқ, арпа, нўхат, кейинчалик шоли) ташкил этган. Лотхал (Гужарот, Ҳиндистон) дан 2,5 *км* узунликдаги канал излари, шунингдек 7740 *м*² майдонли док қолдиқлари, елканли қайиқларнинг лойдан ясалган моделлари топилган.



Харатьян А. М.

Хараппадан Ҳиндистонда энг қадимги ҳисобланган ёзувли муҳрлар, шунингдек тарози тошлари ва Олд Осиё мамлакатларидан келтирилган ҳар хил буюмлар топилиши Месопотамия шаҳарлари б-н карвон ва денгиз йўллари орқали савдо алоқалари ривожланганлигини кўрсатади. Мис ва бронзадан ясалган уй-рўзғор асбоблари (пичоқ, ўроқ, искана ва арралар), шунингдек қуроллар (ўқ учлари, найза, қилич ва б.) ва турли хил сопол буюмларнинг топилиши Хараппада ҳунармандчилик ривожланганлигидан далолат беради. Х. м. нинг амалий санъати намуналарига фил суягидан ишланган хотин-қизлар безаклари, қимматбаҳо тош ва металлар (марварид, зирак, узук, билагузуклар)ни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Шунга кўра, Х.м. ёдгорликлари бу ерда мил. ав. 3—2- минг йилликларда яшаган одамларнинг бой маданияти ва анча ривожланган турмуш тарзидан далолат беради.

Хараппа ва Лотхалдан топилган қабрларга қараб Х. м. нинг дафн маросимлари ҳам ўрганилган. Хусусан, Хараппада жасадларни якка ва жуфт ҳолда чалқанчасига ётқизиб дафн этиш расм бўлган. Жасадларни буюмлари (мас., сопол буюмлар) б-н кўмишган. Х. м. вакиллари турли худоларга, шунингдек оловга, дарахтларга ва турли ҳайвонларга сиғинганлар.

Х.м. илк синфий қулдорлик жамиятига мансуб бўлган. Бир қанча сабаблар (эҳтимол, тектоник силжиш, тошқинлар, эпидемия ва урушлар) Х. м. нинг инқирозга юз тутишига олиб келди ва у мил. ав. 2- минг йиллик ўрталарида, ўзининг бой маданият ёдгорликлари б-н бирга харобага айланди.

Ад.: Маккей Э., Древнейшая культура долины Инда. Пер. с англ., М., 1951.

ХАРАТЬЯН Альфред Микртичевич (1929. 25. 4, Тошкент)—терапевт, медицина фанлари д-ри (1969), проф. (1971). ТошМИни тугатгач (1953), шу ин-т физкультура кафедрасида катта лаборант (1953—54), ички касалликлар пропедевтикаси кафедрасининг аспиранти (1955—57), ассистенти (1957—65), шу кафедра қошидаги биофизика лабораториясининг мудири (1965—70), ЎзССР Соғлиқни сақлаш министрлиги Ўлка медицинаси илмий тадқиқот ин-ти директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари (1970—73). 1973 йилдан ТошМИ ички касалликлар пропедевтикаси кафедрасида проф. «Сурункали энтероколитларнинг клиник — биохимик ва патоморфологик аспектлари» мавзуида д-рлик диссертацияси ёқлаган. Илмий ишлари гастроэнтерология, клиник биохимия ва диагностик радиологиянинг турли масалаларига бағишланган.

Ас.: Бумажная хроматография аминокислот в клинической биохимии, Т., 1968; Антианемические факторы при хроническом энтероколите, Нукус, 1972.

ХАРАУЛЛАҲ ТОҒЛАРИ — Ёқутистон АССР нинг шимолидаги тоғлар. Юқори Яна тизмаси таркибига киради. Лена дарёсининг ўнг соҳили бўйлаб 350 *км* га чўзилган. Энг баланд жойи 1429 *м*. Қумтош, аргиллит, гилли сланецлардан таркиб топган. Х. т. ни Ленанинг ўнг ирмоқлари, водийлари ўйиб юборган; ғарбий ён бағрининг водийларида тилоғоч ўсади. Тоғ ён бағирларида тоғ тундра ўсимликлари ўсади.

ХАРА-УС-НУР — МХРнинг шимоли-ғарбий қисмидаги чучук сувли кўл. Катта Кўллар сойлигида, 1157 *м* баландликда. Майдони 1486 *км*². Чуқурлиги 15—20 *м*. Кўлга Қобдо дарёси қуйилади.



Харашкет. Уд чалаётган аёл тасвири туширилган терракота (5—6- аср).

ХАРАЦИНЛАР (Characidae) — карпсимонлар туркумига мансуб балиқларнинг бир оиласи. Гавдасининг узунлиги 1 *м* гача. Африка ва Жанубий Америкаининг чучук сув ҳавзаларида тарқалган. Аноптихт деган тури Мексиканинг ер ости дарё ва кўлларида яшайди. Тиниқ терисидан қоннинг ранги кўриниб, унга пушти тус беради. Личинкасида кўз бор, вояга етганларида эса редукцияланган. Биқинидаги ён органи — сейсмосенсор системасининг яхши ривожланганлиги сабабли у ўз хатти-ҳаракатини яхши бошқаради (қ. *Ён органлар*). Х.нинг баъзилари овланади, майда турлари аквариумда боқилади. Х. нинг айрим турларидан овқатга ишлатиладиган қимматбаҳо мой олинади.

ХАРАШКЕТ, Қанқа, Қанқа тепа — қадимги *Шош* шаҳарларидан бирининг харобаси (мил. ав. 1- ва мил. 13- аср бошлари). Шаҳруҳиядан тахм. 6 *км* шарқдаги карвон йўли устида жойлашган. Дастлаб ЎзССР Тарихий ва маданий ёдгорликларни сақлаш жамияти (1969), 1974 йилдан ЎзССР ФА Археология ин-ти текширган. Х. тўғри тўртбурчак шаклида. Майдони 160 *га* бўлиб, мудофаа деворлари ва хандақлар б-н ўралган. Шаҳарнинг *рабоди* ва иккита *шаҳристони* бўлган. Биринчи шаҳристоннинг (майдони 6,5 *га*) шимолий қисмида арк (баландлиги 35 *м*) жойлашган. Унинг атрофи хандақ б-н ўралиб, уч томонидан иккинчи шаҳристон ўраб олган. Бу шаҳристоннинг майдони 50 *га* дан ортиқ бўлиб, атрофи мустаҳкам мудофаа деворлари б-н ўралган. Шаҳристонларда кўчалар, майдонлар, ҳовуз ва каналлар ҳамда турар жой қолдиқлари сақланиб қолган. Рабоднинг майдони 60 *га* бўлган. Характерли археологик топилмалари Шошда мил. нинг 1- асрида зарб этилган танга пуллар хазинаси, мил. нинг 1- минг йиллиги ўрталарига оид музикачи аёл акс эттирилган деворий расм, 7—8- асрларга оид қизил лак суртилган идиш ва 10—11- асрларга оид сирли сопол идишлардан иборат. Х. 13- аср бошларида мўғуллар томонидан вайрон этилган.

Ад.: Массон М. Е., Ахангеран Археолого-топографический очерк, Т., 1953; Абдуллаев К., Из истории городища Қанка, «История материальной культуры Узбекистана», вып. 2, Т., 1975.

ХАРАШХОНА — Бухоро обл. Ғиждувон р-ни Сармижон қ. С. даги қишлоқ. Энгельс номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 13 *км*, яқин т. й. станцияси — Қизилтепа (30 *км*). Аҳолиси 596 киши (1976); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Зарафшон дарёсидан сув ичади.

ХАРАҚИЙ, ал-Харақий (11- аср охири — 1138) — хоразмлик олим. Асли Туркманистоннинг Марв вилояти (ҳозирги Мари обл.) дан бўлиб, кейинчалик Хивага кўчиб борган. Унинг асосий асари «Мунтаҳо ал-идрок фи тақосим ул-афлок» (Фалаклар тақсими ҳақида идроқнинг ниҳояси) — ҳозирча қўл ёзма ҳолида, айрим парчаларигина нашр этилган. Асарда фалакнинг тузилиши, ҳаракати, Ернинг шакли, унинг обод ва нообод қисмларга бўлиниши, жойларнинг географик координаталари, денгизлар ва ниҳоят, календарлар баён этилган.

Х. бу асарида маъмура (ернинг одамлар яшаб турган қисми)ни Птолемей традицияси бўйича 39 зоначага бўлган. 1- иқлимда 5 та зона ча, 2—6- иқлимларда 2 тадан, 7- иқлимда эса 18 та зонача жойлаштирилган. 7- иқлим (66° ш. к.) дан шимолда 7- зоначагача одамлар яшайди деб кўрсатилган. Энг шимолдаги зоналар бир ой ёруғ тун бўладиган ерлар, икки ой ёруғ бўлиб турадиган ерлар, уч ой, тўрт-беш ой ва ниҳоят олти ой кеча-кундуз ёруғ бўлиб турадиган ерлар деб (яъни Шимолий қутбнинг ўзигача) белгилаб қўйилган.

ХАРБИН — Хитойнинг шимоли-шарқий қисмидаги шаҳар. Хэйлунцзян провинциясининг маъмурий маркази. Сунгари дарёси бўйидаги порт. Аҳолиси 2 млн. киши (1974). Транспорт йўлларининг муҳим узели. Аэропорт бор. Мамлакатнинг иқтисодий ва маданий марказларидан. Машинасозлик (электроэнергетика, электротехника, нефть ва кимё саноатлари учун ускуналар, дарё кемасозлиги, приборсозлик ва станоксозлик), кимё (кимёвий тола, минерал ўғитлар ва ҳ. к.), ёғочсозлик, қоғоз, тўқимачилик (СССР ёрдамида қурилган зиғир тола к-ти), озиқ-овқат, кўн-пойабзал саноати корхоналари, 15 олий ўқув юрти, театрлар, музейлар бор.

Шаҳар 1898 йилда Россия томонидан Хитой Шарқий т. й. нинг қурилиши муносабати б-н балиқчилар қишлоғи ўрнида вужудга келган. Россиядаги 1917 й. Октябрь революциясидан сўнг, Х. рус оқ муҳожирлари энг кўп тўпланган жойлардан бири эди. 1932—45 йилларда Х. ни япон милитаристлари оккупация қилиб турган. 1945 йил 20 августда совет қўшинлари томонидан озод қилиниб Хитойга қайтарилган. 1946 й. Хитой Халқ озодлик армияси гоминьданчилардан озод этган. Х. да 50- йилларда Шимоли-Шарқий Хитойни озод этишда ҳалок бўлган Совет Армияси жангчиларига ёдгорлик ўрнатилган.

ХАРГУШ — Бухоро обл. Вобкент р-ни Харгўш қ. С. даги қишлоқ. «Пахтакор» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 22 *км*, яқин т. й. станцияси — Бухоро (40 *км*). Аҳолиси 850 киши (1976); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Ўрта мактаб, касалхона, болалар боғчаси, кутубхона, маиший хизмат кўрсатиш уйи, ремонт устахонаси, пахта пункти, «Бахт уйи» бор.

ХАРДАНДОН (Halimocnemis villosa Kar. et. Kir) — шўрадошлар (шўрагуллилар оиласи)га мансуб бир йиллик сершох ўт. Бўйи 3—25 *см*, қисқа ва узун туклар б-н қопланган. Барглари қалами, семиз, узунлиги 20—50 *мм*. Гулқўрғони оддий, 4 та наштарсимон бўлакчадан иборат, уларнинг пастки қисми мева етилиши олдидан қўшилиб кетади ва қаттиқлашади. Х. июнь—сентябрда гуллаб мева беради. Ўзбекистонда шўрхок, қумоқ, майда чағиртошли, лой тупроқли ва қумли ерларда кенг тарқалган. Қоракўл қўйлари ва туялар ейди.

ХАРЗА (Martes flavigula) — сувсарсимонлар оиласига мансуб сут эмизувчи ҳайвон. Эгилувчан гавдаси 124 *см* ча (думи б-н бирга), оғирлиги 5,7 *кг* ча. Томоғи оқ, кўкракдан белгача сарғиш жигар ранг, қолган жойлари кўкимтир қора. Мўйнаси силлиқ ва ялтироқ, бироқ дағал бўлгани учун қадрланмайди. 4—5 бола туғади. Х. Катта Зонд ороллари, Ҳиндихитой я. о., Хитой, Кореяда, СССР Узоқ Шарқида тарқалган. Асосан, кемирувчилар, қуёнлар, ёш буғулар, кабарга, қушлар ва б. б-н овқатланади. Хўжалик аҳамияти кам.

ХАРИ — халқ меъморлигида уй тепасини бекитиш учун ишлатиладиган ёғоч. Кўпинча уйларнинг ўртасидан узунасига ўрнатилади, унинг устига кўндаланг қилиб болорлар қўйилади (болорлар орасига вассалар жойлаштирилиб, усти чий, қамиш ва лой б-н ёпилади). Бу бир харили ёпиш усули бўлиб, қишлоқларда, айниқса тоғли р-ларда тарқалган. Бундай уйнинг ўртаси баланд, икки томони нишаб бўлади. Майдони кенг хоналарда қўш Х.дан фойдаланилади (узунасига параллел ўрнатилади). Масжидларда эса Х.лар бир-бирига перпендикуляр ўрнатилган, Х.ларнинг кесишган жойига устун қўйилган. Х. айвонларда ҳам ишлатилади.

Замонавий архитектурада Х. вазифасини темир-бетон балка ва *ферма*лар бажаради.

ХАРИД БАҲОЛАРИ — давлат тайёрлов ташкилотлари к-з, с-з ва аҳолидан қ. х маҳсулотларини сотиб оладиган баҳолар. 1924 йилда барча тайёрловчилар учун мажбурий тайёрлов баҳолари жорий қилинган. 1926—29 йилларда тайёрлов шароитларининг турли даврларини ҳисобга олиш имконини берадиган конвенцион баҳолар жорий қилинди. 1932—33 йиллардан 1957 йилгача к-злар ва аҳоли мажбурий топширадиган асосий қ. х. маҳсулотлари учун марказлашган тайёрлов баҳолари қўлланган. С-злар ва б. давлат хўжаликлари учун топшириш баҳолари жорий қилинган. Пландан ташқари мажбурий топшириладиган қ. х. маҳсулотлари учун юқори Х. б. ҳам мавжуд эди. 1958 йилдан қ. х. маҳсулотларини мажбурий топшириш йўқ қилиниб, ягона Х. б. жорий қилинди. Х. б. нинг ўртача даражаси марказлашган ҳолда белгиланади, иттифоқчи республикаларда улар турли табиий-иқтисодий зоналарда ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олган ҳолда терр-яга қараб дифференциация қилинади. Қ. х. маҳсулотларининг баҳоси сифатига қараб фарқланади. 1965 йилда кўпгина деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларининг Х. б. оширилди, давлатга пландан ташқари сотилган асосий донли экинларга ва 1970 йил 1 майдан қорамол, парранда, сут, жун ва тухум маҳсулотларига 50% қўшимча ҳақ берилади ган бўлди. 1975 йил 18 июндан планга қўшимча топширилган пахтанинг Х. б. ҳам оширилди.

Социалистик хўжалик шароитида қ. х. маҳсулотларига Х. б. ни планли белгилаш системаси давлат ҳамда к-з ва с-з манфаатларини оптимал уйғунлаштириш имконини беради.

Х. б. ни белгилашда турли хил маҳсулот баҳоларининг ўзаро муносабати муҳим роль ўйнайди: ишлаб чиқаришнинг ташкилий-хўжалик даражаси бир хил бўлганда, турли зоналар табиий шароитларидан қатъи назар, к-з ва с-злар даромадлари ортишининг объектив шароитлари ҳам бир хил бўлиши керак. Қ. х. маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва меҳнат унумдорлигининг ўсиши ҳамда таннархнинг камайиши Х. б. даражасининг пасайиш имконини беради.

Х. б. бошқа социалистик мамлакатларда ҳам асосан СССРдагидек принциплар асосида белгиланган.


ХАРИН Василий Петрович (1910. 1. 1, ҳозирги Оренбург обл.—1974. 17. 1, Тошкент) — тарихчи, тарих фанлари д-ри (1962), проф. (1964). 1941 йилдан КПСС аъзоси. Куйбишев План-иқтисод ин-тини тугатган (1935). Тошкентда ўрта мактаб ўқитувчиси (1936—43), САГУ аспиранти (1943—46), мазкур ун-т партия тарихи кафедрасида ассистент (1946—51), доцент (1951—64), проф. (1964 йилдан). Д-рлик диссертацияси «Ўзбекистонда Улуғ Октябрь социалистик революцияси» мавзуига бағишланган. Х. Ўзбекистонда революцион ҳаракат ва большевистик ташкилотлар тарихига



Харин В. П.



Харза.



Хари. 1. Бир харили уй. 2. Қўш харили уй. 3. Харили айвон.



Харратов Матёқуб.

оид илмий асарлар яратган. Медаллар б-н мукофотланган.

Ас.: Великая Октябрьская социалистическая революция в Узбекистане, Т., 1958; Возникновение большевистских организаций Туркестана (1917—1918 гг.), Т., 1962; Хроника событий Великой Октябрьской социалистической революции в Узбекистане (февраль — ноябрь 1917 г.), Т., 1962.

ХАРИТА — қ. *Карта.*

ХАРИУСЛАР (Thymallidae) — лососсимон балиқлар туркумининг оиласи. 6 тури маълум. Европа, Осиё ва Шимолий Америкаиинг тез оқар дарё ва совуқ кўлларида тарқалган. Оддий Х. гавдасининг узунлиги 50 *см* ча, оғирлиги 0,5—1 (камдан-кам 4,7) *кг*. Устида қора доғлари, ёнида бўйлама қўнғир йўллари бор. Жуфт сузгич қаноти сариқ ёки қизил, тоқлари эса бинафша рангда. Май-июида увилдириқ ташлайди. Х., асосан сув тубидаги майда жониворлар, ҳашаротлар, йириклари баъзан кемирувчилар ва б. б-н овқатланади. Овланади.

ХАРИЯНА — Ҳиндистоннинг шимоли-ғарбий қисмидаги штат. 1976 йилда Панжоб штатининг жанубий қисмида, аҳолиси ҳинди тилида сўзлашадиган р-нлардан тузилган. Майдони 44 минг *км*². Аҳолиси 10 млн. киши чамасида (1971). Маъмурий маркази — Чандигарх ш. Ҳинд-Ганг текислигида жойлашган. Экономикаси аграр характерга эга. Экин майдонининг 40% и суғорилади. Асосий экинлари: буғдой, арпа, тариқ, дуккаклилар. 1973 йилда жами 3,5 млн. *т* дон етиштирилган. Пахта, шакарқамиш, мойли экинлар (асосан, ер ёнғоқ) ҳам экилади. Чорвачиликда, асосан, наслдор қорамол боқилади. Тўқимачилик (Бхивани), озиқ-овқат, ойна-шиша (Алебала), қоғоз (Жигадҳри) корхоналари бор.

ХАРРАТОВ Матёқуб (1867, Хива — 1939, Урганч) — халқ созандаси (танбур, дутор, ғижжак), мақомчи, хаттот. Худойберган Муҳркан, Ниёзжон Хўжа ва Комил Хоразмийларининг шогирди ва издоши. *Комил Хоразмий* ихтиро этган «Хоразм танбур чизиғи»ни такомиллаштиришда ва унинг воситасида Хоразм мақомларини нотага олишда ижрочи, тадқиқотчи ва хаттот сифатида Муҳаммад Расул Мирзабоши б-н ҳамкорлик қилган (1886—91). Муҳаммад Раҳимхон II саройида созанда ва мақомчилар устози (1888—1906).

Совет ҳокимияти даврида Хоразм революцион комитетининг котиби (1920—22), Хива музика мактабининг ўқитувчиси (1923—28), созчилар союзи ансамбли (1928—32) ва Урганч театри (1932—39)да созанда.

Х.дан Санъатшунослик ин-ти ходимлари Е. Е. Романовская, И. А. Акбаровлар 1934 йилда танбур ижросида Хоразм мақомларининг чолғу йўлларини ёзиб олган («Хоразм классик музикаси», Т., 1939).

Ад.: Олимбоева К., Аҳмедов М., Узбекистон халқ созандалари, [Тўплам], Т., 1959.



Харратов Матюсуф.

ХАРРАТОВ Матюсуф (тахаллуси Чокар; 1889, Хива, Шайхлар қишлоғи — 1952, Тошкент) — хонанда, созанда (чанг, танбур), бастакор, шоир. УзССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1944). Ёшлигидан музикачи ва шоирлар муҳитида ўсган. ХХСР халқ маорифи нозирлигининг котиби бўлган. Хоразмда биринчи музика мактаби ташкилотчиси ва раҳбари (Хива, 1923—28), Узбекистон Музика ва хореография ин-тида музика ижрочилигидан ўқитувчи (Самарқанд, 1928—32), Узбекистон радиоси (Тошкент, 1935—37) ва А. Навоий номидаги Опера ва балет театри (1937—50)да созанда. Москвадаги ўзбек санъати декадаси қатнашчиси (1937). Х. қўшиқ («Севикли Ватан», «Баҳодир йигитлар», «Май байрами» ва б.), марш («Қизил қўшин маршн»)лар муаллифи. Чангнинг товуш диапазонини кенгайтириб (хроматик товушқатор тузиб), уни такомиллаштириш устида ишлаган (1935). Б. Раҳмонов б-н ҳамкорликда «Хоразм мусиқий тарихчаси» китобини ёзган (М., 1925).

Чокар тахаллуси б-н ёзган шеърлари ўзи тузган қўл ёзма девон ва турли баёзларга киритилган, вақтли матбуот ва тўпламларда нашр қилинган. Октябрь инқилобигача бўлган шеърлари демократик ва маърифатпарварлик ғоялари б-н суғорилган. Совет даврида яратган асарларида бахтли замон янгиликлари тараннум этилган. Уғли Фозил Х.— УзССРда хизмат кўрсатган артист, замонавий чанг ижрочилик мактабининг асосчиси.

Ас.: Шеърлар, Т., 1974.

Ад.: Юсупов Ю., Хоразм шоирлари, Т., 1975; Олимбоева К., Аҳмедов М., Узбекистон халқ созандалари, [Тўплам], Т., 1959.

ХАРРОТЛАР — Хоразм обл. Ҳазорасп р-ни Саноат қ. С. даги қишлоқ. Р-н марказининг шимоли-ғарбида Фрунзе номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 2 *км*, яқин т. й. станцияси — Ҳазорасп (4 *км*). Аҳолиси 608 киши (1976); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик, шоликорлик, сабзавотчилик б-н шуғулланади. Полвонёп канали орқали Амударёдан сув ичади. Сут-товар фермаси, трактор парки, омборхона бор.

ХАРСАФЁД — Бухоро обл. Свердлов р-ни Қорали қ. С. даги қишлоқ. «Узбекистон» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 16 *км*, яқин т. й. станцияси — Шаҳрислом разъезди (24 *км*). Аҳолиси 671 киши (1976); пахтачилик, пиллачилик, боғдорчилик б-н шуғулланади. Зарафшон дарёсидан сув ичади. Саккиз йиллик мактаб, пахта пункти бор.


ХАРТИЯ (юнон. chartes — қоғоз, ёрлиқ) — 1) Юнонистон ва Римдаги қўл ёзма, ҳужжат, шунингдек улар ёзилган папирус, пергамент каби материаллар; 2) айрим ижтимоий-сиёсий характердаги ҳужжатлар номи, мас., Эркинликнинг катта хартияси.

ХАРТОЛ (Brassica juncea) — крестгулдошлар (бутгуллилар оиласи)га мансуб бир ёки икки йиллик ўт, экилади (қ. *Хантал*).

ХАРТУМ — Андижон обл. Андижон р-ни Хартум қ. С. даги қишлоқ Қ. Маркс номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 23 *км*, яқин т. й. станцияси — Андижон (41 *км*). Аҳолиси 5511 киши (1976); пахтачилик, боғдорчилик, пиллачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Андижонсойдан сув ичади. 2 ўрта мактаб, касалхона, дорихона, туғруқхона, клуб, савдо маркази, бозор, кинотеатр, алоқа бўлими, маиший хизмат кўрсатиш пунктлари, пилла тайёрлаш пункти, болалар боғчаси бор.

ХАРТУМ — Судан Демократик Республикасининг пойтахти. Мамлакатнинг марказий қисмида, Оқ Нил ва Кўк Нил дарёлари қўшилган жойда. Х. ёндош Омдурман ва Шимолий Хартум шаҳарлари б-н амалда қўшилиб кетган. Аҳолиси шаҳар атрофи б-н 1 млн. киши (1973), асосан суданликлар.

17-асрда Х. ўрнида махсус номли араб қабиласининг қишлоғи бўлган. 1825 йили *Муҳаммад Али*нинг ўғли Исмоил Суданни босиб олгач, Х. Судан пойтахтига айлантирилган. 19-аср ўрталарига келиб, Х. Суданнинг ва бутун Шимоли-Шарқий Африканинг муҳим маъмурий ва савдо маркази. Маҳдийлар қўзғолони даври (1881—98)да Х.ни қўзғолончилар эгал-



лаган (1885). 1886 йили халифа Абдулла буйруғига биноан ш. вайрон этилган. Нилнинг чап қирғоғидаги Омдурман ш. Маҳдийлар давлати пойтахти бўлган. Қўзғолон бостирилгач (1848), Х. қайта тикланди. Биринчи жаҳон уруши, айниқса, Иккинчи жаҳон урушидан кейин Х. Судан халқлари миллий озодлик ҳаракатларининг маркази. 1956 йил 1 январдан Х. Судан Демократик Республикасининг пойтахти.

Х.— мамлакатнинг савдо-молия ва саноат маркази, транспорт йўлларининг йирик узели, дарё порти. Аэропорти халқаро аҳамиятга эга. Тўқимачилик, ойна-шиша, фармацевтика, металлсозлик, озиқ-овқат (пиво тайёрлаш, йирик тегирмонлар), кўн-пойабзал корхоналари бор. Ҳунармандчиликда уй-рўзғор буюмлари ишлаб чиқарилади. Хартум ун-ти, Қоҳира ун-тининг филиали, технология, инженер-механика, тўқимачилик саноати инженерлари, олий техника, олий молия коммерцияси ин-тлари, колледжлар, илмий тадқиқот ин-тлари, кутубхоналар, Миллий музей, Этнография музейи, табиат тарихи музейи, театр, ҳайвонот боғи бор.

ХАРТУМ — судралиб юрувчи (мас., юмшоқ тошбақа) ва сут эмизувчилар (кўпчилик ҳашаротхўрлар, тапир, айрим курак оёқлилар, фил ва б.)нинг узун ўсган бурун қисми. Бурун тешиклари Х. учига очилган. Нафас олиш, ҳид билиш ва туйғу функциясини бажаради. Х. филларда яхши ривожланган; у бурун ва юқори лабнинг қўшилиб ўсишидан ҳосил бўлган. Фил Х. ёрдамида овқатни қамраб олади, пайпаслайди ва нарсаларни тутиб туради. Баъзи умуртқасиз ҳайвонлардаги сўриш вазифасини бажарувчи тананинг кўриниши ўзгарган олдинги қисми ёки унинг ўсимтаси ҳам Х. деб аталади. Айрим турбеллярнялар, немертин, хартумли зулук ва қориноёқли моллюскалар хартуми б-н ўлжасини жонсизлантиради ва ушлайди, шунингдек ўзини ҳимоя қилади. Паразит чувалчанглар илмоқли хартуми б-н ичак деворига ёпишади ва ҳ. к.

ХАРТУМ МАДАНИЯТИ — мезолит даврининг охири ва неолит даврига оид маданият (мил. ав. 4-минг йиллик). Хартум ш. яқинида. 1945 йилдан инглиз археологи А. Аркелл ўрганган. Х. м. га оид бир неча неолит манзилгоҳлари топилди. Ал-Кец (Хартум ш. жанубида), Аш-Шахинаб (Хартум ш. шимолида) ва Жабал-Майя (Хартумдан 225 *км* жануби-шарқда) маконлари шулар жумласидандир. Х. м. икки хронологик давр (илк ва сўнгги)га бўлинади. Илк давр қуроллари, асосан, кварцитдан ишланган микролитлар, парракчалар, пармалаш қуроллари, ўқ учлари, қирғичлар, қўл тегирмон парчалари ва б.дан иборат. Сопол идишлар содда ишланган. Аҳолининг асосий машғулоти овчилик ва теримчиликдан иборат бўлган.

Сўнгги даврда қуроллар анча мураккаблашган. Тош болталар, поналар, суякдан ясалган гарпунлар, чиғаноқдан ясалган қармоқлар вужудга келган. Сопол идишларга қисман қизил ангоб берилган. Бу даврда Х. м. аҳолиси овчилик ва балиқчиликдан ташқари чорвачилик б-н ҳам шуғуланишган.

Ад.: Алиман А., До историческая Африка, Пер. с франц., М., 1960.

ХАРТУМЛИЛАР (Proboscidea) — сут эмизувчилар синфининг бир туркуми. Ҳозирда яшаётган *филлар* оиласига мансуб 2 тури бор. *Хартум* Х. ҳаётида катта аҳамиятга эга. Х.нинг тепа жағидаги 2 та курак тиши ташқарига ўсиб чиққан (*фил суяги*) ва жаҳон бозорида жуда қадрланади. Ҳид билиш ва эшитиш органлари яхши ривожланган. Териси қалин, сийрак тукли, серажин бурмалар ҳосил қилади. Фақат *мамонт*ларда қалин жун қоплами бўлган. Х. дан хўжалик ишларида фойдаланилади. Сони камайгани учун маълум жойларда муҳофазага олинган.

ХАРХУР ГИДРОУЗЕЛИ — Бухоро обл.даги гидротехника иншоотн. 1951 йили Ғиждувон р-ни б-н Қизилтепа р-ни орасидаги т. й. кўпригининг яқинида Зарафшон дарёсига қурилган. Максимал сув сарфи секундига 350 *м*³. Х. г. Зарафшон ва Амударё (Аму-Бухоро каналининг) сувларини Вобкентдарё каналига секундига 60 *м*³, Зарафшоннинг қуйи қисмига, шунингдек Дуаба ва Шахруд гидроузелларига 122,5 *м*³, Зармитонга 7,5 *м*³ ва сув кўпайганда, Қуйимозор ҳамда Тўдакўл сув омборларига 160 *м*³ миқдорида сув тақсимлайди.

ХАРЦИЗСК — УССР Донецк областидаги шаҳар (1938 йилдан). Аҳолиси 58 минг киши (1975). Металлсозлик саноати корхоналари, арматура қуйиш, труба, пўлат сим арқон, озиқ-овқат концентратлари ва б. з-длар, нон к-ти бор. Металлургия техникуми мавжуд. Шаҳар 1869 йилда буиёд этилган.

ХАРЬКОВ — шаҳар, УССР Харьков области маркази, 1934 йилгача УССР пойтахти. Йирик транспорт узели. Аҳолиси 1385 минг киши (1976). Москва давлатининг жанубий чегараларини қрим татарлари ҳужумидан мудофаа қилиш мақсадида 1655—56 йилларда қалъа сифатида буиёд этилган.

Х. — мамлакатимизда машинасозлик бўйича учинчи (Москва ва Ленинграддан кейин). Украинада етакчи ўринда (республикада ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг 1/5 қисмини беради). Х.да энергетика машинасозлигининг, электротехника саноатининг, қ. х. машинасозлиги, айниқса тракторсозлик, станоксозлик, приборсозлик ва асбобсозлик саноатининг, транспорт машинасозлиги, оғир, енгил ва озиқ-овқат саноат тармоқлари учун асбоб-ускуналар, коммунал хўжаликнинг йирик корхоналари жойлашган. «Свет шахтёра» з-ди ҳар хил кон-шахта асбоб-ускуналари ишлаб чиқаради;



Хартол.


«Полиграфмаш» з-ди бор. Енгил саноат корхоналари жунга дастлабки ишлов беради ва жун, ип, трикотаж, газламалар ва трикотаж буюмлар, кўн ва пойабзал, мўйна, тикувчилик буюмлари ишлаб чиқаради. Озиқ-овқат саноатида гўшт, сут, ёғ-мой, ун, ёрма, кондитер (СССРда энг йирик «Октябрь» ф-каси), пиво, тамаки ф-калари ишлаб турибди.

10 дан зиёд темир-бетон конструкциялар ва темир-бетон буюмлар з-ди, кимё саноати корхоналари бор.

Х.да 20 олий ўқув юрти, 37 ўрта махсус ўқув юрти, 3 илмий тадқиқот ин-ти, 2 музей, 6 театр, филармония, арх. ёдгорликлари мавжуд.

ХАРЬКОВ ОБЛАСТИ — УССР таркибидаги область. 1932 йил 27 февралда ташкил топган. Майдони 31,4 минг *км*². Аҳолиси 2953 минг киши (1975). 25 маъмурий р-нга бўлинган. 15 шаҳар, 62 ш. т. п. бор. Маркази — Харьков ш.

Табиати. Х. о. УССРнинг шимоли-шарқий қисмида. Ер юзаси қия текислик бўлиб, дарё, жарликлар ўйиб юборган. Шимоли-шарқида Ўрта Россия қирларининг этаклари (баландлиги 236 *м*), жанубида эса Донецк кряжининг этаклари (баландлиги 230 *м*) жойлашган. Иқлими мўътадил континентал. Январининг ўртача т-раси — 7,2°—8,4°, июлники 20—21,4°. Йиллик ёғини 457—568 *мм*. Х. о. терр-ясида 200 га яқин дарё, 5 сув омбори ва кўллар бор. Тупроқлари қора тупроқ, ўтлоқ ва ботқоқ тупроқлар. Терр-ясининг 18% и ўрмонзор (дуб, жўка, заранг, қайрағоч, тоғтерак, ёввойи нок ўсади). Ҳайвонлардан елик, ёввойи чўчқа, лось, бўри, тулки, қуён, бўрсиқ, сассиққўзан, қушлардан бедана, бойқуш, каклик, лайлак яшайди.




ниципали трактори, 1971 йилдан Т-74 тракторидан 1,5—1,7 марта қувватлироқ Т-150 гусеницали трактор ишлаб чиқарилади. 2 марта Ленин ордени (1932, 1970), Меҳнат Қизил Байроқ (1948) ордени б-н, 1975 йилда эса БХРнинг Георгий Димитров ордени (1975) б-н мукофотланган.

ХАРЬКОВ УНИВЕРСИТЕТИ, А. М. Горький номли Харьков Давлат университети — СССРдаги қадимги ун-тлардан бири. 1805 йилда ташкил қилинган. 1936 йили А. М. Горький номи берилган. Ун-тда механика-математика, физика, физика-техника, радиофизика, кимё, биология, геология-география, иқтисод, тарих, филология, чет тили ф-тлари, чет эллик гражданлар учун тайёрлов ф-ти, олий ўқув юрти ўқитувчиларининг малакасини ошириш ф-ти, тайёрлов, кечки ва сиртқи бўлим, аспирантура, 85 кафедра, кимё ва биология илмий тадқиқот ин-ти, астрономия обсерваторияси, ҳисоблаш маркази, илмий тадқиқот сектори, 4 проблемали лаборатория, биология станцияси, ботаника боғи, археология, геология-минералогия, табииётшунослик музейлари, илмий кутубхона (3 млн. асар) бор (1976). 1975/76 ўқув йили ун-тда 12 мингга яқин студент ва аспирант ўқиди, 900 га яқин ўқитувчи ва 600 илмий ходим, жумладан 69 фан д-ри ва проф. ҳамда 553 фан кандидати ва доцент ишлади. Ун-т «Илмий ахборот» нашр этади (1874 йилдан). Совет ҳокимияти йилларида ун-т 50 мингга яқин мутахассис тайёрлади. Меҳнат Қизил Байроқ ордени б-н мукофотланган (1955).


ХАСАВЮРТ — Доғистон АССРдаги шаҳар (1931 йилдан). Ериксув дарёси бўйида. Т. й. станцияси. Аҳолиси 62 минг киши (1975). Консерва, гўштни қайта ишлаш, озиқ-овқат, аралаш ем к-тлари, приборсозлик, ремонт-механика, ғишт, темир-бетон, сут, консерва з-длари, тикувчилик ф-каси бор. Қ. х. техникуми, Махачқала қурилиш техникумининг филиали, пед. билим юрти мавжуд.

ХАСАН КЎЛИ ЁНИДАГИ ЖАНГ — РСФСРнинг Приморье ўлкасидаги Хасан кўли бўйида СССР б-н Япония ўртасида бўлиб ўтган (1938 йил 29 июль—9 август) қуролли конфликт. Япон милитаристлари Совет Узоқ Шарқи чегараларининг мустаҳкамлигини ва Қизил Армиянинг жанговарлик қобилиятини синаб кўриш мақсадида келтириб чиқарган. 1938 йил июлида Япония қўмондонлиги Совет чегарасининг Посьет участкаси яқинига 3 пиёда аскарлар дивизияси, механизациялаштирилган бригада ва отлиқ аскарлар полки, 3 пулемёт батальони ва 70 самолётдан иборат куч тўплади. 29 июлда японларнинг 2 ротаси (150 га яқин киши) 11 совет чегарачиси мудофаа қилиб турган Безимянная тепалигига ҳужум бошлади, лекин чегарачиларнинг резерв группаси ва 40-ўқчи дивизиянинг 119-полки 2-ўқчи ротасининг мадади б-н ҳужум қайтарилди. 31 июлда японларнинг икки полки (20 мингга яқин киши) тактик жиҳатдан муҳим бўлган Безимянная ва Заозерная тепаликларини эгаллади. 2 ва 3 августда душманни фақат 40-дивизия кучи б-н тепаликлардан суриб ташлаш учун қилинган ҳаракатлар натижа бермади. СССР терр-ясига бостириб кирган япон қўшинларини тор-мор келтириш учун Узоқ Шарқ фронти қўшинлари қўмондони В. К. *Блюхер* буйруғи б-н 40- ва 32-ўқчи дивизиялар, 2-механизациялаштирилган бригада 39-ўқчи



1. Харьков авиация заводининг йиғма цехларидан бири. 2. Оржоникидзе номидаги Харьков трактор заводининг йиғма цехи.

корпусига жамланди. 39-корпус 6 августда ҳужумга ўтди ва 9 августда совет терр-яси япон қўшинларидан батамом тозаланди. 10 августда японларнинг бир неча шиддатли ҳужумлари қайтарилгач, улар шу куни музокара олиб боришни таклиф қилдилар. 11 августда жанговар ҳаракатлар тўхтатилди. Х. к. ё. ж.


ХАСАН кўли ёнидаги ЖАНГОВАР ҲАРАКАТЛАР
1938 йил 29 июль - 11 август
Краскино
Посьет
Хасан к.
Подгорная
Унги (Юки)
Новосёлки
Янкан (Гуцзян)
Чантокусан (Коза)
Ивановка
Ивановка (Рудная)
Ивановка (Рудная)
Ивановка
Ивановка
Ивановка

даги жасорати учун 40-дивизия Ленин ордени б-н мукофотланди, 26 кишига Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилди. 6,5 минг киши орден ва медаллар б-н тақдирланди. 1939 йил 5 июлда «Хасан кўлидаги жанглар қатнашчиси» деган кўкрак нишони таъсис этилди.

Ад.: Ежаков В. И., Герои Хасана, М., 1969.


ХАСБУДИН — Бухоро обл. Қизилтепа р-ни Зармитан қ. С. даги қишлоқ. «Бухоро» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 8 *км*, яқин т. й. станцияси — Қизилтепа (8 *км*). Аҳолиси 773 киши (1976); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик, сабзавотчилик б-н шуғулланади. Зарафшон дарёсидан чиқарилган Араби аригидан сув ичади.

ХАСКОВО — Болгариянинг жанубий қисмидаги шаҳар. Хасково округининг маъмурий маркази. Аҳолиси 80 минг киши (1975). Димитровград ш. б-н бирга яхлит саноат узелини ташкил қилади. Машинасозлик (кимё, озиқ-овқат ва тамаки саноати учун ускуналар тайёрлаш) ва озиқ-овқат саноати корхоналари бор. Х.даги тамаки ф-каси Европадаги энг йирик ф-калардан биридир.

ХАСМОЛ — қ. *Милкак.*

ХАСТОВУҚЛАР, узуноёқ товуқлар, чўл товуқлари (Megapodiidae) — товуқсимонлар туркумига мансуб парранда-ларнинг бир оиласи. 12 турни бирлаштирган 7 уруғи бор. Никобар ва Филиппин оролларидан, Фижи оролларидан ҳамда Австралиягача бўлган жойларда тарқалган. Оёқлари яхши ривожланган. Кўрининги куркага сал ўхшаш. Тухумини (20—25 та) иссиқ қум ёки чуқурдаги чиритган барглар-га кўмиб қўяди (тупроқни вақтвақти б-н очиб-ёпиб шамоллатиб туради). Тухумдан мустақил яшайдиган жўжалар чиқади. Х. мазали гўшти учун овланади.

ХАТ (музикада) — ашула ва баъзи қўшиқларда ғазалнинг бир байти б-н ижро этиладиган икки музикавий жумла. Шашмақомда шўъбаларининг бош икки ашула жумласи сархат, ўрта регистрдаги икки жумла миёнхат деб аталади. Улар ўтмишда сархона ва миёнхона деб ҳам номланган. Сархат баъзан ашуланинг даромад қисмини ёки унинг бир байт б-н айтиладиган бўлагини ташкил этади. Бир мисра шеър б-н айтиладиган қисми нимхат деб юритилади. Шашмақом шўъбаларида Х.лар сони ғазал байтларига қараб, 7—10 тагача бўлиши мумкин. Агар ашула тексти мухаммас шаклида бўлса, беш мисра шеър кўпинча бир Х. ҳисобланади. Шашмақомнинг ҳозирги нота ёзуви



Хатинь. Комплекслардаги ҳайкаллардан бири.

китобларида Х. лар рим (I, II, III каби), ярим Х. лар араб (1, 2, 3 сингари) рақамларида кўрсатилган.

ХАТАҚ — Сурхондарё обл. Бойсун р-ни Янгитурмуш қ. С. даги қишлоқ. «СССР 50 йиллиги» с-зи терр-ясида. Кўҳитанг тоғлари этагида жойлашган. Р-н марказидан 67 *км*, яқин т. й. станцияси — Навшаҳар (90 *км*). Аҳолиси 511 киши (1977); чорвачилик, баҳорикор ғаллачилик б-н шуғулланади. Сой ва булоқлардан сув ичади. Саккиз йиллик мактаб бор.

ХАТАНГА (Лямa) — РСФСР Красноярск ўлкасидаги дарё. Хета ва Котуй дарёларининг қўшилишидан ҳосил бўлган. Лаптевлар денгизидаги Хатанга қўлтиғига қуйилади. Узунлиги 227 *км*, ҳавзасининг майдони 364 минг *км*². Путорана тоғлари орасидан, канъон ҳосил қилиб тошлоқ тор ўзанда, этак қисмида Шимолий Сибирь пасттекислигида кенг водий бўйлаб қумлоқ ўзанда оқади. Х. асосан қор ва ёмғир сувларидан тўйинади. Ўртача сув сарфи 3320 *м*³/*сек*. Сентябрь охири октябрь бошларида музлаб, июнда муздан бўшайди. Асосий ирмоқлари: Попигай, Хета. Балиқ турлари кўп (муксун, нельма ва б.). Кема қатнайди. Х. бўйида Хатанга пристани жойлашган.

ХАТЕП — ҚҚАССР Хўжайли р-ни Амударё овул Советидаги қишлоқ. Р-нининг шимолишарқида «Хатеп» с-зининг маркази. Р-н марказидан 14 *км*, яқин т. й. станцияси — Хатеп (3 *км*). Аҳолиси 1576 киши (1976); пахтачилик, чорвачилик, пиллачилик, шоликорлик, сабзавотчилик б-н шуғулланади. Хатеп канали орқали Амударёдан сув ичади. Урта мактаб, с-з идораси, кутубхона, клуб, медпункт, ремонт устахонаси, к-з омбори, болалар боғчаси бор.

ХАТИНЬ — Белоруссия ССРнинг Минск ш. яқинидаги қишлоқ. Немис фашистлари Улуғ Ватан уруши даврида (1943 йил 22 март) аҳолисини бир бинога қамаб ёқиб, бинолари яксон этганлар. Қишлоқ ўрнида совет кишиларининг матонати ва қаҳрамонлигига бағишлаб мемориал комплекс бунёд этилган (1969, архитекторлар Ю. Градов, В. Занкович, Л. Левин, ҳайкалтарош С. Селиханов; Ленин мукофоти, 1970). Обелиск, ҳар хил ёдгорлик, девор, ҳайкаллар композициясидан иборат. Фожиа рўй берган жой, майдон, тепаликлардан бадиий образ яратишда моҳирона фойдаланилган, архитектура элементлари содда, лекин улуғвор, символистик аҳамият касб этган (куйдирилган уйлар ўрнида обелисклар печкаларга ўхшаб юксалган, ғуссали кишилар ҳайкали қишлоқ фожиасини гавдалантиради). Ансамбль марказидаги «Кулфат девори» фашистларнинг лагерларида ҳалок бўлган кишилар, «Қишлоқлар қабристони» яксон этилган, тикланмаган қишлоқлар тўғрисида маълумот беради. «Сукут девори»га ёзилган «Кулфат ва ғусса жасорат ва кучга айлансин» сўзлари мемориалнинг гоясини ифодалайди.

ХАТИРЧИ — Самарқанд обл. Хатирчи р-нидаги қишлоқ, 1972 йил 30 июндан *Янгиработ* шаҳар посёлкаси.

ХАТИРЧИ РАЙОНИ — Самарқанд обл.даги район. 1926 йил 29 сентябрда ташкил этилган. 1962 йил 24 декабрда Қаттақўрғон р-нига қўшилган эди. 1964 йил 31 декабрда қайта ташкил этилди. Шимолдан Нурота, жануби-шарқдан Қаттақўрғон, жанубдан (Зарафшон дарёси орқали) Нарпай ва Пахтачи р-нлари, ғарбдан Бухоро областининг Навоий р-ни б-н чегарадош. Майдони 61 *км*. Аҳолиси 69468

киши (1978). Р-нда 8 қ. С. (Боғчакалон, Ленин, Ленинобод, Олчинобод, Охунбобоев, Оқолтин, Янгийўл) ва 1 посёлка Совети (Янгиработ) бор. Маркази — Янгиработ посёлкаси.

Табиати. Шимолий қисми Нурота тоғ тизмаси ва тоғ этаги қия текислигидан иборат, жанубий қисми Оқдарё, Қорадарё ва қисман Зарафшон дарёси водийларини ўз ичига олади. Иқлими континентал. Йиллик ўртача т-ра 13,5°. Январининг ўртача т-раси — 1,7°, минимал т-ра —33°. Июлнинг ўртача т-раси 28,7°, максимал т-раси 44°. Вегетация даври 212 кун. Йиллик ёғин миқдори шимолий тоғлик қисмида 300 *мм*, жанубидаги текисликда 200 *мм*. Сув ресурслари Қорадарё, Оқдарё, Зарафшон ва бир неча сойлардан иборат. Тупроқлари тоғ этакларида типик бўз, оч бўз тупроқлар бўлиб, бу ерларда буғдой ва б. дон экинлари экилади. Жанубий қисмида суғориладиган бўз, аллювиал, ўтлоқи ва ўтлоқи-ботқоқ тупроқлар тарқалган. Бу ерларда пахта, беда, маккажўхори ва б. экилади. Тоғ этакларидаги қия текисликларда чорвачилик ва токчилик ривожланган. Ёввойи ўсимликлардан дарё террасалари ва қайирларида қамиш, рўвак, буғдойиқ, шўражриқ, кампирсоч, итгунафша, сувранг, юлғун ва б., Нурота тоғ этакларида ранг, ялтирбош, чалов, каррак, оқсафрак, гулхайри, бетага, баҳорда эфемерлар ўсади. Буталардан дўлана, писта учрайди. Ёввойи ҳайвонлардан бўри, тулки, чиябўри, жайран ва тўқайзорларда қирғовул, лойхўрак, ўрдак, лочин, булдуруқ, қирғий, сўфитўрғай, чумчуқ, чуғурчуқ, зарғалдоқ; судралувчилардан гекконлар, тошбақа, сариқ илон, эчкемар; кемирувчилардан қўён, жайра, кўрсичқон, кичик қўшоёқ, қумсичқон, типратикан, каламуш ва б. учрайди. Нурота тоғининг ён бағрида Лангар кони бор. Бу ерда керамика саноати учун дала шпати қазиб олинади.

Аҳолиси, асосан, ўзбеклар; руслар, тожиклар, татарлар, озарбайжонлар ва б. ҳам яшайди. Аҳолисининг ўртача зичлиги 1 *км*² га 138,8 киши.

Хўжалиги. Р-нда пахта тозалаш з-ди, нон к-ти, «Узсельхозтехника» р-н бирлашмасининг устахоналари, маиший хизмат кўрсатиш корхоналари, бир нечта қурилиш ташкилотлари ва б. бор.

Қ. х., асосан, пахтачиликка ихтисослашган. Р-нда 3 с-з ва 10 к-з бор. Экин майдони 28439 *га*, шундан 25600 *га* ер сугорилади. 19044 *га* ерга пахта (1978), 3313 *га* ерга дон экинлари, 230 *га* ерга картошка, сабзавот ва полиз экинлари. 3680 *га* ерга ем-хашак экинлари экилади, 785 *га* ер боғ, токзор ва тутзорлар б-н банд (1978). Р-н хўжаликларида 12865 қорамол (шундан 2766 сигир), 294 бош қўй, 31555 парранда, 524 от, 1500 чўчқа (1976) бор. Давлатга 47685 *т* пахта, 206700 *кг* пилла (1978), 1723 *т* сабзавот, 748 *т* чорва ва парранда гўшти (тирик вазнда), 748 *т* сут, 124300 минг дона тухум (1978) сотилди.




Р-ндаги 46 умумий таълим мактабида 19785 бола ўқимоқда (1978—79). 46 кутубхона, 22 киноустановка, 9 маданият уйи, 3 музей ишлаб турибди. Р-н «Янги ҳаёт» газетаси 1964 йилдан чиқади (тиражи 5000 нусха). Поликлиника, туғруқхона, 300 ўринли касалхона, медпунктларда 61 врач ва 350 ўрта медицина ходими ишлаб турибди. 28 та болалар боғча ва яслисида 2100 бола тарбияланмоқда.

Автомобиль йўлларининг узунлиги 320 *км*. Р-н маркази ва Самарқанд ш. ҳамда қишлоқ Советлари ўртасида автобуслар қатнайди. Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари Ф. Болтаев, Ҳ. Хидиров ва марҳума Ф. Ортиқова шу р-нликдир.

ХАТИЧА — Бухоро обл. Ғиждувон р-ни Гавшун қ. С. даги қишлоқ. Калинин номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 6 *км*, яқин т. й. станцияси — Қизилтепа (23 *км*). Аҳолиси 765 киши (1976); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Вобкентдарё канали орқали Зарафшон дарёсидан сув ичади. Саккиз йиллик мактаб, ремонт устахонаси бор.


ХАТКАШ, рейсмус — режа чизиқлари чизишда ишлатиладиган асбоб. Танасига битта ёки иккита призматик чизғич ўрнатилади. Х.дан деталларнинг чети ва қирраларини ёки қатламларини ишлашда параллел чизиқлар тортишда ҳам фойдаланилади. Турли хиллари бор (расмга қ.).

Х. чизғич маҳкамланадиган қисқичли стойкадан иборат. Режалашни тезлаштириш ва унинг аниқлигини ошириш учун штангенрейсмусдан фойдаланилади.. Дурадгорликда икки-та параллел брусокли колодка тарзидаги Х. ишлатилади.



Хаткаш: *1*— асос; *2*— тутқич; *3*—қўзғалувчи муфта; *4*— чизғич; *5*— қисиш винти; *6*— қулоқли гайка.

ХАТНА (араб. ختن) — асосан ўғил бола олатининг чекка кертмаги (prgaeputum) ни кесиш маросими. Х. қилиш сингари расм-русумлар дастлаб ибтидоий жамоа тузумида пайдо бўлиб, ўспирин болаларнинг катталар сафидан ўрин олиши, балоғатга етиши муносабати б-н бажарилган. Бунда улар ҳар хил жисмоний синовлар (оч қолдириш, терини тилиш, қулоқ супрасини йиртиш, тишни синдириш, тишни эговлаш ва ш. к.)га дучор этилган. Шундай одатлар Австралия, Океания, Африкада яшовчи айрим халқларда сақланиб қолган. Баъзи жойларда қизларни ҳам Х. қилиш (клитории ёки кичик жинсий лабларни олиб ташлаш) каби ваҳшиёна одатлар бор. Х. бир қанча



Хатирчи район. 1. Советлар уйи. 2. «Дўстлик» кинотеатри.

халқларда, жумладан, яҳудийлар ва мусулмонларда диний маросим шаклини олган. Мусулмонларда болалар кўпинча 7—12 ёшгача Х. қилинади. Х. маросими ўзбеклар ва б. бир қанча халқларда тўй шаклида ўтказилган (қ. *Хатна тўйи*).

Ҳозирги илмий медицинада чекка кертмакни кесиш операцияси шу аъзо касалланган ва туғма нуқсонлари бўлганда (баланит, парафимоз, фимоз ва б.да) ўтказилади.

ХАТНА ТУЙИ — ўзбеклар ва б. бир қанча халқлардаги *хатна* маросими. Ислом дини тарқалгандан сўнг *сунна*нинг мажбурий нормалари сифатида одат тусига кириб, қарор топган. Х. т. ўғил болалар «қўлини ҳалоллаш»нинг, яъни уларни чин мусулмонлар қаторига ўтказишнинг асосий шарти ҳисобланган. Тўйга тайёргарлик (мас., *маслаҳат оши*), меҳмонлар таклиф қилиш, меҳмонлар шарафига ўйин-кулги, томошалар уюштириб зиёфат ўтказиш Х. т. нинг асосий босқичларидир.

ХАТО — ҳисоблашларда қатнашаётган тақрибий сон a б-н шу сонининг аниқ қиймати A орасидаги фарқ $(A-a)$. Одатда $A-a$ ни абсолют хато дейилади. $A-a$ нинг a га нисбати эса a сонининг нисбий хатоси дейилади. A номаълум бўлганлиги сабабли абсолют ва нисбий Х. лар ҳам номаълум бўлади, шунинг учун Х. нинг чегараси кўрсатилади.

$|A-a| \leqslant \Delta(a)$ тенгсизликни қаноатлантирувчи Δa абсолют Х. нинг чегараси ва $\left|\frac{A-a}{a}\right| \leqslant \delta(a)$ ни қаноатлантирувчи $\delta(a)$ сони нисбий Х. нинг чегараси дейилади. Нисбий Х. нинг чегараси кўпинча процентларда ифодаланади. $\Delta(a)$ ва $\delta(a)$ сонлари имкони борича кичик қилиб олинади. Мас., $A=\pi$, $a=3{,}14$ бўлса, $\Delta(a)=0{,}002$ деб олиш мумкин. У ҳолда $\delta(a)=0{,}07\ \%$.

Агар $\Delta(a)$ ва $\delta(a)$ тақрибий a сонининг абсолют ва нисбий Х. лари чегаралари бўлса, бу факт $A=a\pm\Delta(a)$ ва $A=a(1\pm\delta(a))$ каби ёзилади.

Х. нинг келиб чиқишини характерловчи яхлитлаш Х.си (қ. *Яхлитлаш*), усул Х.си, ўлчов Х. си, ҳисоблаш Х. си (қ. *Хатолар назарияси*) тушунчалари ҳам ишлатилади.

Ад.: Березин И. С., Жидков Н. П., Методы вычислений., 3 изд., т. I, М., 1966; Бахвалов Н. С., Численные методы, М., 1973.

ХАТОЛАР НАЗАРИЯСИ — математик статистиканинг тахминий ўлчанган катталикларнинг сон қийматлари, шунингдек ўлчашларнинг хатолари (чегирмалари) ҳақида аниқланган хулосалар чиқариш бўлими. Айни бир доимий катталикни ҳар бир такрорий ўлчашлар одатда турли натижалар беради, чунки ҳар бир ўлчашда бирор хато бўлади. Хатолар 3 турли, яъни систематик, қўпол ва тасодифий бўлади.

Систематик хатолар — ўлчашга систематик таъсир кўрсатувчи ва уни бир йўналишда ўзгартувчи маълум сабаблардан (ўлчаш асбобларини нотўғри ўрнатиш, атроф муҳитнинг таъсири ва б.) келиб чиқади ва ҳамма вақт ўлчаш натижаларини кўпайтириб ёки камайтириб юборади. Систематик хатоларни математик статистика доирасига кирмайдиган методлар ёрдамида баҳоланади. Қўпол хатолар — нотўғри санаш, ўлчаш асбобларининг кўрсатишини нотўғри ўқиш ва б. дан ҳосил бўлади. Қўпол хатолари бўлган ўлчаш натижалари бошқа ўлчаш натижаларидан жуда катта фарқ қилади ва шунинг учун яққол кўринади. Тасодифий хатолар ўлчашларнинг ҳар бирида олдиндан кўрилмаган турли тасодифий сабаблар туфайли юзага келади ва ўлчаш натижаларини гоҳ катталаштириб, гоҳ кичиклаштириб юборади.

Х. н. фақат қўпол ва тасодифий хатоларнигина ўрганади. Х. н. нинг асосий вазифаси тасодифий хатоларнинг тақсимот қонунларини топиш, ўлчаш натижаларига кўра ўлчанаётган номаълум катталикларни баҳолаш йўлларини топиш, бундай баҳолашлардаги хатоликларни аниқлаш ва қўпол хатоларни бартараф қилишдир.

ХАТТ ТИЛИ, (протохетт тили) — Кичик Осиёликларнинг қадимги тили. *Ҳинд-Европа тиллари*, хетт тили ва палайя тили томонидан сиқиб чиқарилган. Х. т. нинг миххат ёзувидаги ёдномалари диний текстлардан иборат. Х. т. агглютинатив тиллардан, олд қўшимчалар (префикслар) кўп ишлатилган, феъллар ҳам олд қўшимчалар ёрдамида грамматик муносабатга киришган. Х. т. да гап тузилиши эргатив қурилишда бўлган.

ХАТТ-ЛУВИЙ ТИЛЛАРИ — Кичик Осиёда мавжуд бўлган қадимги тиллар. *Ҳинд-Европа тилларининг* анатолия гуруҳини ташкил этган. Х.-л. т. га оид баъзи маълумотлар Туркияда топилган. Ундаги айрим сўз ва жумлалардан бу тилларда олд қўшимчалар кўп ишлатилганлиги, -асса, -анда сингари суффикслар бўлганлиги маълум. Айрим тилшунослар Кичик Осиё топонимикасидаги аҳоли пунктларининг номи ҳам Х.-л. т. га тааллуқли бўлса керак, деб ҳисоблайдилар. Х.-л. т. га хос ёдномалар тўла ўрганилмаган. Фақат улардан *хатт тили* ва *хетт тили* бир оз ўрганилган.

Ад.: Реформатский А. А., Введение в языковедение, М., 1967.

«ХАТТИ БОБИРИЙ» (Бобир хати)—Заҳириддин Муҳаммад *Бобир* 1503—04 йилларда яратган алифбо. 29 ҳарфдан иборат; араб алифбосининг ислоҳ қилинган, туркий тилларга мослаштирилган шакли. У ҳақдаги маълумотлар Бобирнинг *«Бобирнома»*, *Низомиддин Аҳмад Ҳиротий*нинг «Табоқати Акбарий», Абдулқодир *Бадовуний*нинг «Мунтахаб ут-таворих» ва б. нинг асарлари орқали етиб келган.

Бобир ўз алифбоси системасини амалда тадбиқ қилишга кўп ҳаракат қилган. «Бобирнома»да келтирилган парчалар, хусусан, ўғиллари Ҳиндол ва Комронга ёзилган қитъалар, хатлар шундан далолат беради. Лекин алифбоси амалда жорий қилинмаган.

Ад.: Бобир Заҳириддин Муҳаммад, Бобирнома, Т., 1960.

ХАТТОТЛИК (араб. خطاط — каллиграф)— ёзув, хат санъати *(каллиграфия, хуснихат)*, китоб кўчириш касби. Ўрта Осиёда қадимдан ривож топган. Ёзув пайдо бўлгандан кейин махсус кишилар Х. б-н шуғуллана бошлаганлар. Айниқса араб ёзуви тарқалгандан кейин Х. кенг ривож топган.

Ўрта Осиёда матбаачилик вужудга келгунга қадар китоб тайёрлаш, уларнинг нусхасини кўпайтириш иши б-н хаттотлар шуғулланган. Саройларда, айрим амалдорлар ҳузурида хаттотлар коллективлари ташкил топган (мас., Мирзо *Бойсунқур* саройида 40 хаттот ишлаган).


Х. санъати услублари тўғрисида кўп рисолалар яратилган. Амир Темур ҳукмронлиги

даврида *настаълиқ* услуби яратилган, уни яратган машҳур хаттот *Мирали Табризий*, шунингдек, *Султонали Машҳадий*, Мажнун ибн Камолиддин Рафиқий, Дарвеш Муҳаммад ибн Дўстмуҳаммад Бухорий, *Мунис Хоразмий*, Исҳоқхон Тўрақўрғоний кабиларнинг Х. ҳақидаги рисолалари бизгача етиб келган. Уларда ёзилишича, Х.да 7 хил асосий санъат мавжуд: *сулс*, муҳаққақ, *насх*, тавқеъ, *риқоъ*, *таълиқ*, *настаълиқ*. 7-асрда араб ёзувининг кенг тарқалган услубларидан бири куфий хати ихтиро қилингунча (ихтирочиси Яъраб ибн Қаҳтон) Ўрта Осиёда турли ёзув усуллари мавжуд бўлган. Мас., маккий, маданий, басарий ва б. Булардан олдинроқ маъқалий (тик чизиқли) ёзуви бўлган. Куфий ёзуви кўпгина обидаларнинг нақшларида сақланиб қолган. Халифа Муқтадир замонида яшаган олим *Ибн Муқлаъ* (864—934) ни хатти ситта (олти хил ёзув: сулс, насх, муҳаққақ, *райҳоний*, тавқеъ, риқоъ) ихтирочиси деб тан олинган.

Замонлар ўтиши б-н куфийнинг турли шакллари ихтиро этилган. Қуръоннинг илк намуналари (мас., Тошкентда Шарқшунослик ин-тида сақланаётган Усмон Қуръони) шу ёзувда ёзилган, кейинчалик бу ёзув асосан биноларнинг безакларида қўлланилган. Муҳаққақ ёзуви куфийнинг бир оз ўзгартилганидир. Райҳоний услуби муҳаққақ ёзувига ўхшаган, лекин ҳарф шакллари райҳон баргларига ўхшагани учун шу ном б-н аталган. Насх ёзуви куфий ва муҳаққақ хатларидан кўра Қуръон кўчиришда маъқулроқ топилган. Тавқеъ буйруқ ва фармонлар ёзишда фойдаланилган. Риқоъ ёзуви тавқеъга анча яқин, лекин ундан нозикроқ. Асосан мактубларда ишлатилгани, китобга алоқаси бўлмагани учун парча (араб. руқъа) қоғозларга нафис қилиб ёзилгани учун риқоъ деб аталган. Булардан ташқари тумор, ғубор, шажарий, туғро ва б. ёзув усуллари ҳам бўлган. Туғро имзо қўйишда қўлланилган. Шажарийда ҳарфлар дарахт шохларига ўхшаб кетади. Ғубор — майда хат бўлиб, ихтирочиси Сайид Қосимдир. 15-аср бошларидан китоб кўчиришда (форс, эски ўзбек тилларида) настаълиқ хати расм бўлди. Навоий таъбирича, хаттотлар султони бўлган Султонали Машҳадий настаълиқ хатини ажойиб санъат даражасига кўтарган. Китобатчиликда босмахона пайдо бўлгунча котиб, хаттотлар меҳнати асосий роль ўйнади. Китоб чиқариш ишлари ҳукмдорларнинг хоҳиши ва маблағлари б-н амалга оширилган. Бу борада Бойсунқур, Алишер Навоий, Феруз ва б.нинг фаолияти диққатга сазовор.

Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида йирик кутубхоналарда хаттотлар қўл ёзма китоблар нусхасини кўпайтириш б-н шуғулландилар (мас., Тошкентдаги ҳозирги Алишер Навоий номидаги халқ кутубхонасида бир гуруҳ хаттотлар ишлаган). 1943 йилда ЎзССР ФАнинг Шарқшунослик ин-ти ташкил топгач, энг яхши хаттотлар шу ерга йиғилди, улар эски қўл ёзмаларини тиклаш, кўчириш, тавсиф карточкалари тузиш б-н шуғуллана бошладилар.

Ад.: Муродов А., Ўрта Осиё хаттотлик санъати тарихидан, Т., 1971.



Хаттотлик. Хат услубларидан: 1. Муҳаққақ. 2. Райҳоний. 3. Сулс. 4. Куфий.

ХАТЧА — Жиззах обл. Жиззах р-ни Иттифоқ қ. С. даги қишлоқ. Энгельс номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 16 *км*, яқин т. й. станцияси — Жиззах (21 *км*). Аҳолиси 527 киши (1976); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик, сабзавотчилик б-н шуғулланади. Сангзор дарёсидан сув ичади. Саккиз йиллик мактаб бор.

ХАУЗАН — Самарқанд обл. Пастдарғом р-ни Тельман қ. С. даги қишлоқ. «Комсомол» к-зи терр-ясида. Р-н маркази ва яқин т. й. станцияси — Жума (10 *км*). Аҳолиси 691 киши (1976); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик, сабзавотчилик б-н шуғулланади. Қорадарёдан сув ичади. Саккиз йиллик мактаб, машина-трактор парки бор.

ХАУСА — халқ. Асосан, Нигериянинг шимолий қисмида, шунингдек Камерун, Нигер, Чад республикалари ва Марказий Африка Империясида яшайди. Умумий сони тахм. 11 млн. дан ортиқ киши (1973). *Хауса тилида* гаплашади. Ислом динига эътиқод қилади. Қишлоқ жойларда табиат кучларига ва аждодлар руҳига сиғиниш одати сақланиб қолган. Ўрта асрларда Х.лар яшаган терр-яда қулдорлик шаҳардавлати (Хауса давлати) ташкил топган.


Х.ларнинг асосий машғулоти — деҳқончилик (шоли, бугдой, сорго, арпа, нам иқлимли жойларда маниок, ямас, батат), чорвачилик (қўй, эчки, от), шаҳарларда эса ҳунармандчилик ҳисобланади. Миллий ишчилар синфи ва интеллигенцияси ўсмоқда.

Ад.: Народы Африки, М., 1954; Исмагилова Р. Н., Народы Нигерии, М., 1963.

ХАФАҚОН (араб. خفق — ўрмоқ, титрамоқ) — юракнинг тез ёки нотекис уришини сезиш ҳолати. Бу сезги юрак-томир системаси ва б. системалар (мас., нерв, эндокрин система) касалликларида, шунингдек соғлом кишиларда кучли ёки одатдан ташқариги жисмоний зўриқиш, ҳаяжонланиш ва ш. к. да пайдо бўлади. Х. ни даволаш ва олдини олиш уни келтириб чиқарган сабабларга боғлиқ.

Баъзан Х. атамасини юрак уришининг ўзгариши қон босими ошганида ҳам кузатилганлигидан *гипертония касаллиги*га нисбатан нотўғри ишлатадилар.

Х. тушунчаси аслида Шарқ табобатида кенг тарқалган. Ўтмишда табиблар Х. сабабларини тўғри тушуниб, унинг кўп ва хилмахил касалликлар (мас., юракнинг органик ва функционал ўзгаришларида, ўпка, меъда ва ичак хасталикларида, яллиғланиш, шикастланиш, заҳарланиш, иситмалаш, гижжа касалли-



Хачатуров Н. Г.



Хачатурян А. И.



Хван Ман Гим.

гида, бирор нарса чаққанда ва б.)да содир бўлишини билганлар. Улар юрак уриши ўзгаришларини *пульс* сифатлари (яъни пульс тезлиги, текис ёки нотекислиги, тўлиқ-тўлиқмаслиги ёки тараиглиги)га кўра аниқлаганлар. Абу Али ибн Сино «Тиб қонунлари» асарида Х. ҳақида муфассал айтиб ўтган.


Ад.: Ибн Сино, Тиб қонунлари, 1-т.,. 3-китоб, Т., 1958.

ХАФИФ (араб. خفيف — енгил) — 1) *аруз* баҳрларидан бири. Араб арузшуноси Халил ибн Аҳмад (8-аср) томонидан яратилган ва унинг «Китоб ал-аруз» асарига киритилган. А. Навоийнинг «Сабъаи сайёр», Бобирнинг «Мубаййин», Низомийнинг «Ҳафт пайкар», А. Жомийнинг «Силсилат аз-заҳоб» асарлари шу баҳрда яратилган. Х. вазнларида байтнинг рукн сони 6 тадан ошмайди, деб келинган, аммо В. Табризий Х.нинг 8 рукнли вазни ҳам борлигини аниқлаган. Тожик олими Б. Сирус Рудакийнинг «Гар кунад» шеърида Х.нинг 8 рукнли вазни қўлланилганлигини исботлаган.

Араб поэзиясида Х.нинг 4 рукнли шакли ҳам бор. Х. форс-тожик, туркий халқлар, шу жумладан ўзбек поэзиясида рамал, ҳазаж баҳрлари каби кўп ишлатилмаган; бу ҳодиса шоирларнинг услуби, қизиқиши, поэтик тажрибаси б-н алоқадор.

Х. солим ва тармоқ сингари вазн кўринишларига эга бўлиб, солим вазнлари асл рукнлар ёрдамида, тармоқ вазнлари эса 8 та тармоқ рукн ёрдамида тузилади. Х. ритмик жиҳатдан ҳам бой, унда 22 та вазн мавжуд.

2) Шарқ музикасига доир рисолалардаги ритмик тузилмалар (доира ва ноғораларда чалинадиган усуллар) номи. Музикадаги Х. лар аруздаги узун-қисқа бўғинлардан тузилган ритм туроқларини турлича жойлаштириш принципига асосланган. Х. сўзи бирикма ҳолида ритмик тузилмаларнинг содда турини ифодалаган. Мас., хафифи рамал, хафифи сақил, хафифи ҳазажлар қуйидагича:



Х. номи б-н машҳур музика ритм ўлчовлари сўнгги 3—4 аср ичида турли ўзгаришларга учраган.

Ад.: Алишер Навоий, Мезон ул-авзон, Т., 1949; Бобир Заҳириддин Муҳаммад, Мухтасар, Т., 1971; Абдуррахман Джами, Трактат о музыке, Т., 1960.

ХАФТОН (форс-тож. خفتان) — 1) душманнинг ўқ ва тиғи зарбидан муҳофаза қиладиган занрҳли махсус ҳарбий кийим. Х. одатда, совут остидан кийилган; 2) устдан кийиладиган ҳашамли тўн.

ХАФУН, Рас-Хафун — Африканинг энг чекка шарқий нуқтаси (51°23′ шқ. у. ва 10°26′ ш. к. да). Сомали я. о. нинг шимоли-шарқидаги Хафун я. о. да.

ХАЧАТУРОВ Николай Григорьевич [1907. 14 (27).. 5, Тошкент] — рус совет актёри. УзССР халқ артисти (1966). УзСОВПРОФ қошидаги театр студиясини тугатган (1930). Актёрликни Тошкентдаги Ёш томошабинлар театрида бошлаган (1935). 1936—37 йиллар Совет Армияси театрида ишлади. 1938 йилдан М. Горький номидаги Тошкент Давлат рус академик драма театри артисти. Барон (М. Горький, «Тубанликда»), Мамат, Мулладўст (Ҳамза, «Паранжи сирлари», «Майсаранинг иши»), Полоний (В. Шекспир, «Ҳамлет»), Дори (А. Чехов, «Чайка»), Нурбобо (И. Султон, «Номаълум киши»), Филипп II (Ф. Шиллер, «Дон Карлос»), Консул (Г. Мдивани, «Консулни ўғирлашди») каби образлари б-н шуҳрат қозонди. Х. характерли актёр бўлиб, ўз ижодида кўпроқ сатирага мойил ҳаёт воқеаларини бўртириб, кулгили тасвирлашга ҳаракат қилади.

ХАЧАТУРЯН Арам Ильич (1903. 6. 6, Тбилиси—1978. 1. 5, Москва) — совет композитори, дирижёр, педагог, музика жамоат арбоби. Миллати арман. СССР халқ артисти (1954), РСФСР (1944), ЎзССР (1967) да хизмат кўрсатган санъат арбоби. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони (1973). АрмССР ФА акад. (1963). Санъатшунослик д-ри (1965). 1943 йилдан КПСС аъзоси. Москва консерваторияси (1934) ва аспирантурасини (1937) Н. Мясковский синфи бўйича тугатган. Х. ижодида чолғу музика ҳамда театр (балет) музикаси асосий ўрин тутади. Х. музикаси ўта жўшқинлиги, ҳаётбахшлиги, гармонияси ва оркестрланишининг рангдорлиги б-н ажралиб туради. Фортепьяно (1936) ва скрипка (1940) учун концертлари дунёга машҳур. «Гаянэ» (1942) ва «Спартак» (1954) балетлари совет балет санъатининг улкан ютуғи бўлди. Шунингдек, Х. оркестр ва скрипка, виолончель, фортепьяно учун концерт-рапсодия триада, оркестр ва виолончель учун рапсодия, 2- симфония («Қўнғироқли симфония», 1943), симфония-поэма (1947), камер асарлар, қўшиқлар, маршлар, АрмССР Давлат гимни (1944), спектакль («Валенсиан беваси», 1940; «Маскарад», 1941 ва б.), кинофильм («Сталинград жанги», «Владимир Ильич Ленин» ва ҳ. к.) ларга музика ва б. муаллиф.

Х. 1950 йилдан Москва консерваторияси, Гнесин номидаги Музика педагогика ин-тида композициядан дарс берган, 1951 йилдан проф. (шогирдлари ичида А. Эшпай ва б. бор). 1957 йилдан СССР Композиторлар союзи котиби. 1971 йилдан Тинчликни ҳимоя қилиш совет комитети аъзоси. 5- чақириқ СССР Олий Советининг депутати. Кўпгина чет эл санъат академияларининг фахрий аъзоси. Ленин мукофоти (1959), СССР Давлат мукофоти (1941, 1943, 1946, 1950, 1971), АрмССР Давлат мукофоти (1965) лауреати. 2 марта Ленин ордени, 2 марта Меҳнат Қизил Байроқ ордени ва медаллар б-н тақдирланган.

Х.нинг «Спартак» балети кўпгина чет мамлакатлар ва иттифоқдош республикалар (жумладан Тошкентда, 1967) театрларида қўйилган.

Ад.: Шнеерсон Г., Арам Хачатурян, М., 1958; Хубов Г. Н., Арам Хачатурян, М., 1962; Арам Ильич Хачатурян, [Сб. статей], М., 1975.

ХАЧИР — уй ҳайвони; от (байтал) б-н эшак (ҳанги) дурагайи. От ва эшакнинг ташқи белгилари бўлади. 40 йилча яшайди, юқумли касалликларга кам чалинади, иқлим шароитига яхши мослашади, озуқа танламайди, кучли ва чидамли. Юк ортиб ва аравага қўшиб ишлатилади. Туси ҳар хил. Қарчиғайнинг ердан баландлиги 160 *см* гача, оғирлиги 600 *кг* гача. Эркаклари 1,5—2 ёшида бичилади. 2 ёшидан

ишга ўргатилади, 4 ёшида кучга тўлади. Ҳачирчилик Осиё, Африка, Жанубий Европа, Шимолий ва Жанубий Америка мамлакатларида ривожланган. СССРда Закавказье ва Ўрта Осиёда кўпайтирилади.

Ад.: Шчекин В. А., Чорвачилик, Т., 1964.

ХАЧМАС — ОзССРдаги шаҳар (1938 йилдан). Каспий бўйи пасттекислигида, Қудиалчой дарёси бўйида жойлашган. Т. й. станцияси. Консерва к-ти (сабзавот, меваларни қайта ишлайди), сут з-ди, гилам ф-каси бор.

ХАШУРИ — Грузия ССРдаги шаҳар (1921 йилдан). Ички Картали текислигида, Сурами тизмасидан жанубий-шарқда. Т. й. ва автомобиль йўллари узели. Т. й. га хизмат қиладиган корхоналар, гўшт-сут к-ти, консерва, шиша идишлар, механика з-длари, тўқимачилик-аторлик ф-каси, ўлкашунослик музейи бор.

ХВАН МАН ГИМ Григорьевич (1921, Узоқ Шарқ Владивосток ш.) — пахтакор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони (1957). 1946 йилдан КПСС аъзоси. Тошкент обл.даги турли ташкилотларда хўжалик ишларида (1939—47), Коммунистик р-нидаги «Ленин йўли» к-зида ранс, р-н партия комитетида қ. х. бўлими мудири (1948—53). 1953 йилдан «Политотдел» к-зи ранси. КПСС МК ҳузуридаги Олий партия мактабини тугатган (1960). Х. раҳбарлигида к-з пахта ва б. қ. х. маҳсулотлари етиштиришда юқори кўрсаткичларга эришиб, Узбекистонда илғор хўжаликлар қаторига қўшилди. КПСС 22—25- съездлари делегати, Узбекистон КП 17—19- съездларида МК аъзолигига сайланган. 6—9- чақириқ Узбекистон ССР Олий Совети депутати. УзССР Олий Совети Президиуми аъзоси (1963 йилдан). 2 марта Ленин ордени, Октябрь Революцияси ордени ва медаллар б-н мукофотланган.

ХВАН Павел Александрович (1915, Узоқ Шарқ) — лубкор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони (1951). 1943 йилдан КПСС аъзоси. Тошкент обл. Оққўрғон р-нидаги «Заря коммунизма» к-зида колхозчи, звено бошлиғи, механизатор (1937—54). 1955 йилдан Димитров номли к-зда шофёр. Х. бошлиқ звенода 8 *га* майдоннинг гектаридан 81,5 *ц* каноп пояси етиштирилган (1950). Ленин ордени ва медаль б-н мукофотланган.

ХЕЙЛИТ (юнон. cheilos — лаб) — лабларнинг яллиғланиши. Бунда лабларнинг қизил ҳошияси, шиллиқ пардаси ва териси яллиғланади. Х.нинг гландулар, экзематоз, микробли ва б. турлари бор. Оддий гландулар Х. лаблар қизил ҳошиясининг сурункали яллиғланиши натижасида юзага келиб, лабдаги майда сўлак безлари катталашади, без йўллари кенгаяди, лаб шиллиқ пардаси яллиғланади ва ёриқлар ҳосил бўлади. Ирингли гландулар Х.ни кокк инфекцияси қўзғатади. Лаблар шишади, майда сўлак безлари қонга тўлиб, улардан йиринг ажралади, без атрофида *инфильтрат*, баъзан *абсцесс* бўлади. Экзематоз Х. организмда витаминлар етишмаслиги, турли *микроорганизмлар* (кокк ва б.) ёки *аллергия* оқибатида юзага келиб, лаблар терисида шиш, қон қотиб қолган ёриқлар ҳосил бўлади, бунинг устига *замбуруғ касалликлари* ҳам қўшилиши мумкин.

Давоси: 3% ли водород пероксид ва 0,25% ли хлорамин, 2—5% ли сода эритмалари б-н оғизни чайиш, синтомицин, оксикорт, преднизолон мазларини суртиш тавсия этилади. В группа витаминлар, десенсибилловчи терапия (димедрол, супрастин), касаллик узоқ давом этса, кортикостероид препаратлар (мазь, крем ҳолида) қўлланилади.


ХЕК, кумуш ранг мерлуза (Merluccius bilinearis) — мерлузалар оиласига мансуб балиқ. Гавдасининг узунлиги 35—70 *см*. Шимолий Америка қирғоқларидаги сув ҳавзалари (Белл-Айл бўғозидан Багама оролларигача бўлган жойлар)да тарқалган. Май—октябрда 400 минггача увилдириқ ташлайди. Ҳаётининг дастлабки йилларида майда қисқичбақасимонлар б-н, вояга етгандан кейин йирик умуртқасизлар (кальмар, креветка) ва б. балиқлар б-н овқатланади. Овланади.


ХЕЛИЦЕРАЛИЛАР (Chelicerata) — бўғимоёқлилар типига мансуб умуртқасиз ҳайвонларнинг кенжа типи. Танаси бош-кўкрак ва қорин қисмидан иборат. Бош-кўкракда хелицералари (1-жуфт оёқлари; овқатни тутиш вазифасини бажаради), педипальпалари (қисқичли 2-жуфт оёқлари; овқатни майдалайди) ва 4 жуфт оёқлари бор. Баъзи каналарда оёқлар сони редукцияланган. Сувда яшаган Х. кембрий, қуруқликдагилари девон давридан маълум. 2 синфга ажратилади: *меростомалилар* ва *ўргимчаксимонлар*.



Хван П. А.

ХЕЛЬСИНКИ, шведча Гельсингфорс — Финляндиянинг пойтахти. Фин қўлтиғи соҳилида. Мамлакатнинг энг катта порти (йиллик юк обороти 7,6 млн. *т*, 1974). Транспорт йўллари узели. Аҳолиси 505 минг. (1975), шаҳар агломерациясида 879 минг киши. Х.— мамлакатнинг энг катта савдо-саноат, молия, фан ва маданият маркази. Саноатнинг етакчи тармоғи — машинасозлик (жумладан электр машиналари, кемасозлик, приборсозлик ва ҳ. к.). Шунингдек, электротехника (кабель ва б.), кимё, тўқимачилик, тикувчилик, кўн-пойабзал.


ХЕЛЬСИНКИ
1:250 000
Вантаа
Тапанила
Этеля Карела
Малми
Картиноола
Хаага
Мунунки
Вуори
Мунунла
Пасила
Ванха-Наупунки
Растила
Лаусанне
Лаусанне
Лаусанне



Хельсинки шаҳрининг умумий кўриниши.


мебель, қоғоз, полиграфия, озиқ-овқат (кондитер, спирт-арақ, ун, тамаки), чинни-фаянс саноати корхоналари бор. Порти орқали мамлакатнинг 80% импорти ва 10% экспорти ўтади (нефть, кўмир, қора металл, прокат, машиналар келтиради ва ёғоч-тахта, қоғоз, кемалар, саноат ускуналари чиқаради). Шаҳар яқинида атом электр станцияси қурилмоқда (1976).

Ун-т, Финляндия Академияси, 10 дан ортиқ олий ўқув юрти (жумладан, технология, савдо, ветеринария, пед. ин-тлари), Музика академияси (консерватория), илмий тадқиқот (ўрмон, экономика, қ. х., биохимия ва б.) ин-тлари, илмий жамиятлар, кутубхоналар, театрлар, концерт заллари, музейлар, расмлар галереяси, ҳайвонот ва ботаника боғлари, аэропорт (Сеутула) бор. Метрополитен қурилмоқда (1976).

Х.га 1550 йилда Ванта-Йоки дарёсининг қуйилиш жойида асос солинган ва у дастлаб Гамельстат деб аталган. Финляндия Россияга қўшиб олиниб (1809) Буюк Финляндия князлиги тузилгач, 1812 йилда мамлакат пойтахти Туркудан Х.га кўчирилган. Х. 1862 йилда Петербург б-н т. й. орқали бирлаштирилди. Х. да В. И. Ленин кўп марта бўлган. Финляндия мустақиллиги эълон қилингач (1917 й. декабрь), Х. Финляндия республикасининг пойтахти.

2-жаҳон урушидан кейин Х. да бир неча марта Халқаро учрашувлар, съездлар, конференциялар ва кенгашлар бўлиб ўтган. Жумладан, Европада хавфсизликни сақлаш ва ҳамкорлик тўғрисида кенгаш (1-босқичи 1973 й., июль, 3-босқичи 1975 й., июль-авг.) ўтказилди. Х. да Жаҳон Тинчлик Кенгашининг секретариати жойлашган. Арх. жиҳатдан Х. замонавий шаҳар. 19-асрда қурилган арх. ёдгорликлари ҳам сақланган. Диққатга сазовор жойлари кўп. Туристлар кўп келади.

Ад.: Иконников А. В., Хельсинки, Л., 1967.



Хельсинки шаҳри. «Финляндия» саройи.

ХЕЛЬСИНКИ КЕНГАШИ, Умум Европа кенгаши — Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгаш. Кенгашни чақириш ғояси *Варшава шартномаси* иштирокчилари — СССР ва б. социалистик мамлакатлар томонидан илгари сурилди. Бу таклифни кенг жамоатчилик қўллаб-қувватлади. Финляндия ҳукуматининг ташаббуси б-н Хельсинкида ўтказилган кўп томонлама консультациялар (1972 йил 22 ноябрь — 1973 йил 8 июнь)да «Хельсинкидаги консультацияларнинг сўнгги тавсияномалари» деган ҳужжат келишиб олинди. Унда кенгашни ўтказиш жойи, кун тартиби, шартлари ва б. белгилаб олинди. Кун тартибида мўлжалланган масалалар — 1) Европа хавфсизлиги; 2) экономика, фан, техника ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида ҳамкорлик; 3) гуманитар ва б. соҳаларда ҳамкорлик; 4) кенгашдан кейинги кўриладиган тадбирларни муҳокама этиш.

Кенгашнинг 1-босқичи Хельсинкида Ташқи ишлар министрлари доирасида ўтказилди (1973 йил 3—7 июль). Европанинг 33 мамлакати (Албания кенгашда қатнашишдан бош тортди), шунингдек АҚШ ва Канада вакиллари иштирок этди. Кенгашда «Хельсинки консультацияларининг сўнгги тавсияномалари» маъқулланди ва кенгашнинг кейинги ишлари муҳокама қилинди.

Кенгашнинг 2-босқичи 1973 йил 18 сентябрдан 1975 йил 21 июлгача давом этди. Бу даврда делегатлар ва экспертларнинг 2500 га яқин мажлислари бўлиб, уларда 4700 га яқин лойиҳа ва таклифлар қараб чиқилди.

Кенгашнинг 3-босқичи 1975 йил 30 июль — 1 август кунлари миллий делегацияларни бошқарган олий-сиёсий ва давлат раҳбарлари даражасида бўлиб ўтди. Совет делегациясига КПСС МҚ Бош секретари Л. И. Брежнев бошчилик қилди. Делегация раҳбарлари кенгашнинг Якуниовчи актига қўл қўйдилар. Бу ҳужжат кун тартибининг барча масалаларини ўз ичига олади. Якуниовчи акт кенгашнинг якуни бўлиб, унда Европада тинчлик, хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенг, комплекс келишувлар ўз ифодасини топди.

Якуниовчи актнинг хавфсизлик масаласига бағишланган бўлимида иштирокчи-давлатларнинг ўзаро муносабатлари ва ҳамкорликларига оид қоидалар ва нормалар қуйидаги 10 та принцип орқали ифодаланган: давлатларнинг суверен тенглиги ва уларнинг суверен ҳуқуқларини ҳурмат қилиш; куч ишлатмаслик ёки куч б-н таҳдид солмаслик; чегараларнинг дахлсизлиги; давлатларнинг территориал бутунлиги; мунозарали масалаларни тинч йўл б-н бартараф қилиш; бир-бирларининг ички ишларга аралашмаслик; инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларни: фикр, виждон, дин ва маслак эркинлигини ҳам қўшган ҳолда ҳурмат қилиш; тенг ҳуқуқлилик ва халқларнинг ўз тақдирини ўзлари белгилаши ҳуқуқи; давлатлар ўртасида ҳамкорлик; халқаро ҳуқуқ бўйича олинган мажбуриятларни виждонан бажариш.

Ҳужжатда иқтисодий соҳадаги ҳамкорликка алоқадор кўп томонлама келишувлар баён қилинди, бундай ҳамкорликнинг тараққиёт формаси ва асосий йўналишлари аниқлаб берилди. Шунингдек, Якуниовчи актда гуманитар соҳалар маданият, маориф, ахборот, кишилар ўртасидаги алоқалар ва б. соҳалардаги ҳамкорлик қоидалари ёритилди.

Кенгаш қуролсизланиш учун курашнинг янги босқичини бошлаб берди, Европадаги мавжуд чегараларнинг бузилмаслигини таъкидлади, қитъада тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш учун қулай шарт-шароит яратди, турли ижтимоий тузумдаги давлатларнинг тенг ҳуқуқли ҳамкорлиги учун муҳим қадам бўлди. КПСС 25-съезди Якуниовчи актда қайд этилган барча келишувларни турмушга татбиқ этиш масаласида Совет Иттифоқи позициясини аниқлаб берди: «Эндиликда асосий нарса — Хельсинкида келишиб олинган барча принциплар ва битишувларни амалий ишда татбиқ этишдир. Совет Иттифоқи худди шу йўсинда иш кўрмоқда ва бундан буён ҳам шу йўсинда иш кўраверади» (КПСС XXV съезди материаллари, Т., 1976, 25-бет).

Ад.: Во имя мира, безопасности и сотрудничества, М., 1975; Наринский М. М., Борьба СССР за европейскую безопасность: прошлое и настоящее, М., 1977


ХЕМИНГУЭЙ Эрнест Миллер (1899. 21. 7, Оук-Парк, Чикаго яқинида — 1961. 2. 7, Кетчем, Айдахо штати) — америка адиби. Врач оиласида тугилган. 1917 йилдан журналист-репортёр. Биринчи жаҳон уруши қатнашчиси (1914—18). Дастлабки китоби «Бизнинг замонда» (1924) ҳикоялар тўпламидир. «Қуёш чиқади» (1926), «Алвидо, қуроллар!» (1929) романларида урушнинг зарарли оқибатлари, инсон ҳаётига зидлиги, инсонга хос мардлик, қадр-қиммат ва муҳаббатнинг ҳар қандай ёвуз кучлардан устунлиги ёркин ифодаланган.

30-йилларнинг биринчи ярмида Х. чуқур ижодий кризисни бошидан кечирди, босиб ўтилган йўлни қайта мулоҳаза қилиб кўришга, ўз ижодининг эстетик принципларини аниқлашга интилди («Пешиндаги ўлим», 1932; «Африканинг яшил тепаликлари», 1935; «Қолибга байроқ берилмади», 1933, ҳикоялар тўплами). «Ҳўкизнинг шохи», «Френсис Макомбернинг бахти», «Килиманжаро қорлари» (1936) ҳикоялари, «Тўқчилик ва йўқчилик» (1937) романида Х. ижодий кризисдан қутулди, яқинлашиб келаётган янги жаҳон уруши хавфи ҳақида, инсон ҳуқуқлари учун курашда якка чиқишларнинг ҳалокатли эканлиги ҳақида ёзди. Х. 1937—40 йиллари испан халқининг миллий озодлик курашида ҳарбий мухбир сифатида қатнашди, қатор очерк ва репортажлар, «Мотам қўнғироғи» (1940) романини яратди. Бу асарларидаги қаҳрамонлар халқ озодлиги йўлида фашизмга қарши курашадилар, инсоният тақдири учун ўзларининг масъулиятли эканликларини чуқур ҳис қиладилар.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин Х. ижодида яна тушкунлик бошланди. У ўзи иштирок этган уруш воқеаларини, ундан кейинги янги воқеликни яхлит англаб, ўзлаштира олмади («Хавфли ёз», 1960; «Океандаги ороллар» романлари, 1970). Бироқ Х. инсонга, унинг истиқболи ва қудратига бўлган шахсий ишончини йўқотмади, «Дарёнинг нарёғида, дарахтлар соясида» (1950) романи, «Чол ва денгиз» (1952) қиссасида (Нобель мукофоти, 1954) ана шу ишончни юксак бадиий акс эттирди.

Х. 1928 йилгача Парижда, 1939—60 йилларда Кубада яшади. Вафотидан сўнг адибнинг уйи, кутубхонаси, ҳаёти ва ижодига оид бошқа материаллар Куба халқига совға қилинди, уйи музейга айлантирилди. Х.нинг «Чол ва денгиз», «Алвидо, қуроллар!» ва б. асарлари ўзбек тилига таржима қилинган.

Ад.: Кашкин И., Эрнест Хемингуэй, М., 1966; Эрнест Хемингуэй, Биобиблиографич. указатель, М., 1970.



Хемингуэй Э. М.

ХЕМНИЦ — ГДР даги *Карл-Маркс-Штадт* шаҳрининг 1953 йилгача бўлган номи.


ХЕМО..., ХИМИО... — қўшма сўз бўлаги. *Кимё* (химия) ёки кимёвий процессларга алоқадорликни англатади (мас., *хемосинтез*).

ХЕМОГЕН ЕТҚИЗИҚЛАР (*хемо...* ва *ген*) — кимёвий ва биохимик реакциялар ёки сув т-раси ўзгариши натижасида сув ҳавзалари тубида вужудга келадиган чўкинди тоғ жинслари, минераллар ва фойдали қазилмалар гуруҳи. Х. ё. ҳавза суви таркиби ва географик иқлим шароитига қараб турлича бўлиши мумкин. Тропик иқлимда жойлашган денгиз ҳавзаларида оҳактош, гил, силикатли тоғ жинслари ва улар б-н бирга темир, алюминий, марганец ва фосфорит рудалари; қуруқ иқлим шароитидаги ҳавзаларда эса, сув концентрацияси ортиб борган сари, аввал карбонатли ва сульфатли тоғ жинслари, сўнгра ҳар хил минерал тузлар: галит (ош тузи), сильвин (ялама туз), карналлит ва улар б-н бирга учрайдиган бром, йод, бор, ишқорий металлар (литий, рубидий, цезий) чўкади. Қуруқликдаги кўлларда ҳосил бўлган Х. ё. шу кўлга қуйиладиган дарёлар сувининг таркибига қараб, содали, сульфатли ва хлорли бўлади.

Ўзбекистоннинг жанубий қуруқ иқлим зонасидаги Х. ё. палеоцен ва, айниқса юқори юра даври денгиз типидаги лагуна ҳавзаларида ҳосил бўлган. Бу ётқизиқлар карбонат, сульфит тоғ жинслари, ош тузи, калий тузлари қатламларидан иборат. Қуруқликдаги кўлларда ҳозирги кунгача ҳосил бўлаётган Х. ё. Қизилқум, Фарғона водийси, Устюрт ва б. жойларда кўп учрайди. Х. ё. қазилма бойликлар манбаи ҳисобланиб, уларни ўрганиш халқ хўжалигида аҳамиятлидир.

ХЕМОСИНТЕЗ (*хемо...* ва *синтез*), хемолитоавтотрофия — озиқланишнинг бир тури. Анорганик бирикмаларнинг оксидланишидан ҳосил бўлган энергия ҳисобига CO_2 ни ўзлаштира оладиган бактерияларга хос. 1887 йилда Х.нинг кашф қилиниши (рус микробиологи С. Н. Виноградский (1856—1953), тирик организмларда моддалар алмашинувининг асосий типлари ҳақидаги тушунчани ўзгартириб юборди. *Фотосинтез*дан фарқ қилиб Х.да аденазинтрифосфор кислота (АТФ)ни синтез қилиш учун оксидланиш ва қайтарилиш реакцияларида ҳосил бўлган энергиядан фойдаланилади. Водород бактериялар (водородни оксидлаб, ҳосил бўлган энергиядан углеродни ўзлаштиришда фойдаланадиган бактериялар) — хемосинтезловчи организмларнинг энг катта группаси. Х. ловчи бактериялар биосферада муҳим элементларнинг айланишини бошқариб туради. Шунинг учун ҳам биогеохимияда уларнинг аҳамияти катта. Водород бактериялардан оқсил олишда ва берк системаларда атмосферани CO_2 дан тозалашда фойдаланиш мумкин.

ХЕМОСОРБЦИЯ, хемисорбция (*хемо...* ва *сорбция*), кимёвий сорбция — газ, буғ ёки эриган моддаларнинг қаттиқ ёки суюқ ютқичларга ютилиши. Х. тезлиги т-ра ошиши б-н кучаяди, ютилувчи моддаларнинг миқдори эса термодинамика қонунларига мувофиқ т-ра ошиши б-н камаяди, чунки Х. процесси ҳар доим изотермикдир. Ютиладиган модданинг тезлиги ва миқдори эритма ёки буғдаги ютув-



Херсон области.
1. Гражданлар уруши қаҳрамонларига Каховка яқинида ўрнатилган «Афсонавий тачанка».
2. Каховка гидроузелидаги шлюз.


чи модда концентрациясининг кўтарилиши б-н ортади. Х. саноатда кенг кўламда қўлланилади.

ХЕМОТРОПИЗМ, химиотропизм (*хемо...* ва *тропизм*) — кимёвий моддаларнинг бир ёқлама таъсирида ўсимлик аъзоларининг бурилиб ўсиши (ўсув йўналишини ўзгартириши). Баъзи моддалар оз миқдорда мусбат Х. (ўсимлик аъзоларини таъсирот томонга қараб ўсиши), кўп миқдорда эса манфий Х. (аъзоларнинг таъсирот томонидан қарама-қарши томонга қараб ўсиши) ҳосил қилади. Чанг найчаларининг уруғкуртакка қараб ўсишида, замбуруғлар гифасининг хўжайин-ўсимлик тўқимасига қўшилиб ўсиб кетишида, илдизнинг ўғит доналари томонга қараб ўсишида Х. кузатилади.

ХЕРЕС-ДЕ-ЛА-ФРОНТЕРА — Испаниянинг жанубий қисмидаги шаҳар. Андалусияда, Кадис провинциясида, Гуадалете дарёси соҳилида. Аҳолиси 150 минг киши (1971). Т. й. узели. Вино (машҳур херес виноси) тайёрлайдиган йирик марказ. Т. й. устахоналари, тўқимачилик, ойна-шиша саноати корхоналари бор. Мева консервалари, вино бочкалари ва пўкак ишлаб чиқарилади. Иилқичилик р-ни маркази. Четга вино ва ликёр чиқарилади.

ХЕРМЕСЛАР (Adelgidae) — тенг қанотлилар туркумига мансуб ҳашаротлар оиласи. 40 га яқин тури маълум. Шимолий ярим шарнинг мўътадил қисмида тарқалган. СССРда 20 тури учрайди. Х.нинг гавда узунлиги 0,5—1,5 *мм*. Қанотли Х.да 2 жуфт қанот бор. Қанотсиз, баъзи қанотли Х. танаси майин мум қават б-н қопланган. Хартумчали оғиз аппарати сўрувчи типда. Х. фақат игна баргли дарахтларда яшайди. Уларнинг ҳаёт фаолияти натижасида қарағайнинг қуббасига ўхшаш *бужғун* ҳосил бўлади. Х. тухум қўйиб, баъзилари *партеногенез* типда кўпаяди. Қанотли ва қанотсиз авлод навбатланиб келади. Бунда ўсимлик-хўжайин ҳам ўзгаради. Сариқ Х., яшил Х., қарағай хермеси, лапланд хермеси катта зарар келтиради. Буларга ҳам *ўсимлик битлари*га қарши қўлланадиган кураш чораларидан фойдаланилади.

ХЕРСОН — шаҳар, УССР Херсон области маркази. Днепрнинг ўнг соҳилида. Денгиз ва дарё порти. Т. й. узели. Аэропорт мавжуд. 3 шаҳар р-ни бор. Аҳолиси 344 минг киши (1975).



Херсон области.

Енгил саноатда тўқимачилик етакчи ўринда (Херсон ип-газлама к-ти). Ип-газлама ишлаб чиқариш бўйича Х. о. УССРда биринчи ўринда. Озиқ-овқат саноатида консерва, ун ва ёрма, балиқ ва б. тармоқлар ривожланган.

Қ. х. да ғаллачилик, сабзавотчилик, полизчилик, узумчилик, боғдорчилик ва гўшт-сут чорвачилиги ривожланган. 1975 йилда 146 к-з ва 130 с-з бўлган. Экин майдони 1607,4 минг *га* (1975), жумладан ғалла экинлари 925,0 минг *га*, картошка ва сабзавот-полиз экинлари 47,7 минг *га* ва ем-хашак экинлари 505,8 минг *га*. Чорвачилик гўшт-сутга ихтисослашган, шунингдек чўчқачилик ва майин жунли қўйчилик ривожланган. 786,5 минг қорамол (жумладан 230,2 минг сигир), 671,9 минг чўчқа, 959,5 минг қўй бор (1976). Хўжалигида пилла етиштириш муҳим аҳамиятга эга. Балиқчилик ривожланган, 9 балиқчилик к-зи бор.

Фойдаланилаётган т. й. 1100 *км* (1976). Муҳим портлари: Херсон, Скадовск, Геническ, Хорли. Днепрда кема қатнайди. Автомобиль йўллари 6 минг *км* (1976).

1975/76 ўқув йилида 721 умумий таълим мактаби, 22 профессионал-техника ўқув юрти, 22 ўрта махсус ўқув юрти, 4 олий ўқув юрти, 2 музей, 2 театр бўлган.

ХЕТАГУРОВ Коста (Константин) Леванович (Коста номида ёзган) [1859. 3 (15) 10; ҳозирги Шимолий Осетия АССР Алагир р-ни — 1906. 19. 3 (1. 4), ҳозирги Қорачой-Черкасия АО Коста Хетагуров қишлоғи]— осетин шоири, жамоат арбоби, революцион демократ. Осетин адабиётининг асосчиси. Петербург Бадиий академиясида ўқиган (1881—85). 1885—91 йилларда Владикавказда яшаб, халқ орасида маърифат тарқатган. 1893 йилдан «Шимолий Кавказ» газетасида ишлаган ва Чор Россиясининг Кавказдаги маъмуриятига қарши ғоявий-сиёсий кураш олиб борган. 1903 йил оғир касал бўлиб, ижод ва жамоат ишлари б-н шуғуллана олмай қолган.

Х. осетин ва рус тилларида шеърлар, ҳикоялар, пьеса ва мақолалар ёзган. Кавказ ва Россияда, асосан публицист, Осетияда эса шоир сифатида танилган. У даврда осетин тилида вақтли матбуот бўлмаганлиги туфайли Х. ўз асарларининг асосий қисмини рус матбуотида чиқарган. Айниқса, унинг «Владикавказ хатлари» (1896), «Арафа» (1897), «Муҳим масалалар» (1901) мақолалари машҳурдир. Х. нинг публицистик асарларида қашшоқликка, тоғ халқларининг сиёсий ва миллий ҳуқуқсизлигига, маъмурларнинг халққа ўтказган жабр-зулмига қарши кураш ва миллий низоларни тугатишга интилиш ғоялари акс этган. У рус революцион демократлари анъаналарини давом эттирди, Россия халқларининг тенг ҳуқуқлилиги, интернационал бирлиги учун курашди.

Х.нинг поэтик мероси бениҳоя. У лирик шеърлар, романтик ва ҳажвий поэмалар, масаллар, болалар учун эртаклар яратган. Рус тилида ёзилган шеърлари ва поэмалари «Шеърлар» китобида босилган (1895). «Осетин лираси» шеърий тўплами (1899) эса ўз она тилида яратилган. «Фотима» (1889), «Суд олдида» (1893), «Мотамсаро қоя» (1894) поэмалари ва «Кимса» этнографик очерки (1894) да осетин халқининг тарихий тақдири масаласи қўйилган. «Ким қувноқ яшайди» сатирик поэмаси (1893) да Х. эксплуататор синф вакилларини танқид қилди. Камбағал халқ манфаатлари куйчиси сифатида майдонга чиқди. Х. ижодий мероси Октябрь инқилобидан кейин ўзининг ҳақиқий баҳосини олди, асарлари СССР халқлари ва Европа халқлари тилларига таржима қилинди.

Х. биринчи осетин рассоми ҳамдир. Демократик йўналишдаги рус рассомлари таъсирида яратилган портрет, манзара ва жанрли картиналарда оддий халқ турмуши акс этган.

Жасади Владикавказ (ҳозирги Орджоникидзе ш.)га кўмилган. Бу ерда Х. нинг уй-музейи ва ҳайкали бор.

Ас.: Собр. соч., т. 1—5, М., 1959—61; Осетинская лира, Орджоникидзе, 1970.

Ад.: Джусойты Н., Коста Хетагуров, Очерк творчества, Сталинир, 1958; Салагаев З., Коста Хетагуров и осетинское народное творчество, Орджоникидзе, 1959, Баласв И., Романтическая поэма Коста Хетагурова «Фатима», Орджоникидзе, 1970.




Хетагуров К. Л.

ХЕТТ ПОДШОЛИГИ — Кичик Осиёдаги қадимги давлат (мил. ав. 18—12- аср бошлари). Таркибига *хеттлар,* ҳаттлар ва б. этник группалар кирган. Хеттларнинг подшоси Аниттас даври (тахм. 18- аср)да Анатолиянинг баъзи областлари бирлаша бошлаган. У Неса, Хаттусас шаҳарларини босиб олган, Куссар шаҳрини пойтахт қилган. Қадимги хетт сулоласининг асосчиси Лабарна (17- аср бошлари) Х. п. терр-ясини кенгайтирди. Лабарнанинг меросхўри Хаттусили I даври (17- аср ўрталари)да Кичик Осиёнинг шимолидаги Цальпа ш. ва Кичик Осиёнинг бир қанча жанубий-шарқий областлари батамом босиб олинди. У пойтахтни Хаттусасга кўчирди. Хаттусили I нинг ўғли Мурсили I (17- аср охири) даврида Х. п. нинг ҳарбий қудрати анча ошди. 14—12- асрларда Хетт подшолари Шимолий Сурия ва Шимолий Месопотамияда яшайдиган хуррий қабилаларидан бўлган. Подшо Суппилулиума I (14- аср бошлари) узоқ давом этган урушлардан кейин Митанни (Шимолий Месопотамиядаги қадимги давлат)ни босиб олган. Угарит (Шимолий Финикиядаги қадимги шаҳардавлат)ни ўз вассалига айлантирган. Мурсили II ҳукмронлиги (14- аср охири)дан бошлаб Х. п. б-н Миср ўртасида Сурия учун кураш кетган. 13- аср охири—12- аср бошларида Х. п. ўзаро урушлар, қарам областлар ва иттифоқдош подшоликларнинг ажралиб кетиши туфайли инқирозга учраган; Кичик Осиёнинг шарқига жануб ва ғарбдан халқларнинг кўчиб келиши б-н подшолик барҳам топди.

Х. п. да қуллар аҳолининг нисбатан кам қисмини ташкил қилган. Қуллар ва эркин хеттлар ўртасидаги ижтимоий табақа — ҳарбий асирлар бўлиб, уларга алоҳида чек ерлар берилган.

Ад.: Менабде Э. А., Хеттское общество, Тбилиси, 1965.

ХЕТТ ТИЛИ— *хеттлар* тили. *Ҳинд-европа тиллари* оиласига мансуб. Х. т. ёзма ёдгорликлари асосан Кичик Осиёдаги Богазкёй архивидан олинган. Шулардан баъзилари Угарит, Алалинган. Шулардан баъзилари Угарит, Ал-Амарна ва б. жойлардан топилган қадимги



1. Херсон шаҳридаги турар жой массиви. 2. Херсон шаҳридаги консерва комбинати.



Хеттлар тасвирий санъати. 1. Шер ови (Милатьида деворга ишланган рельеф). 2. Жангчи худо (Хаттушаш деворига ишланган рельеф).



Хаттушашда ер ости йўлаги. Мил. ав. 2-минг йиллик.



Хива шаҳридаги Хивақ кўчаси.

хетт (мил. ав. 18—16-асрлар), ўрта хетт (мил. ав. 15-аср бошлари), янги хетт деган тараққиёт даврларига бўлинади.

Х. т. нинг асосий грамматик хусусияти: феъл қўшимчалари икки туркумга бўлинган, отлар икки грамматик жинс категориясига эга бўлган.

ХЕТТЛАР — Кичик Осиёда яшаган халқ. Х. ҳинд-европа тилининг Анатолия тармоғи (хеттлувий)га мансуб *хетт тили*да сўзлашганлар. Шунинг учун ҳам одатда Х. (Анатолиянинг бошқа тилларида сўзлашувчи лувий қабилалари ва палайлар ҳам) ёки уларнинг умумanатолия тили диалектларида сўзлашувчи авлодлари Кичик Осиёга Болқон («ғарбий» назария) ёки Кавказ орқали («шарқий» назария) келиб жойлашган деб ҳисобланади. Қадимги *Хетт подшолиги*да шаҳарларнинг шарққа хос услубда қурилиши Х.нинг Кавказ орқали кўчиб келганини кўпроқ тасдиқлайди. Анатолиянинг савдо марказларидан топилган аккад тилида ёзилган ҳужжатларда Хетт тилига мансуб сўзлар ва шахс номларининг учраши, Х. мил. ав. 3—2-минг йилликлардан бошлаб Кичик Осиёда яшай бошлаганлигини кўрсатади. (Х. санъати ҳақида *Хеттлар маданияти* мақоласига қ.). Мил. ав. 14—12-асрнинг бошларида Хетт давлатида хетт тили асосий давлат тили бўлса-да, Х. бошқа этник группалар б-н қўшилиб кета бошлаган.

ХЕТТЛАР МАДАНИЯТИ — мил. ав. 2-минг йилликда равнақ топган *хетт подшолиги*да шаклланган маданият. Подшолар қароргоҳи бўлган Хаттусас ш. (Кичик Осиёдаги ҳозирги Богазкёй ш.) барча хетт шаҳарлари каби доирасимон план асосида қурилган, архитектурасида мудофаа девор ва иншоотларига алоҳида аҳамият берилган, шаҳарининг қўш девори бурж, миноралар б-н мустаҳкамланган. Биноларнинг ҳайкал, рельефлар б-н безатилган. Шаҳар дарвозаларининг икки ёнига улкан шер ҳайкали, сфинкслар ўрнатилган. Богазкёй яқинидаги Ёзулиқоя рельефлари (мил. ав. 16—13-асрлар)да шер устида тик турган кишилар акс эттирилган, икки бошли бургут тасвири гербни эслатади. Баъзи рельефларда, хеттларнинг доирасимон тамғаларидаги каби, рамзий тасвирлар учрайди.

*Хетт тили*даги илк ёзма ёдгорликлар афсоналардан иборат (мас., момақалдироқ худосининг илон б-н кураши, ҳосилдорлик худоси Телепинус қиссаси). Хеттларнинг айрим ҳужжатлари (ёзув намуналари, қўшни мамлакатлар б-н алоқаларига оид маълумотлар) бизгача етиб келган. Кичик Осиё ва Шимолий Сурияда мих хат намуналари, иероглифик ёзувлар сақланган. Икки ғилдиракли жанг аравалари ишлатилгани ҳарбий ишда отдан моҳирона фойдаланилганини кўрсатади.

Мил. ав. 13-аср охири ва 12-аср бошларида хетт подшолиги тор-мор қилингач, хеттлар санъати анъаналари Кичик Осиё ва Сурияда мил. ав. 8-асрларгача давом этганини кўрсатувчи ёдгорликлар сақланган (мас., Кархемишда шер устида турган илоҳа ҳайкали сақланиб қолган, мил. ав. 2-минг йилликнинг охири).

ХИАЗМОДЛАР (Chiasmodontidae) — олабуғасимонлар туркумига мансуб балиқларнинг бир оиласи. 10 тури маълум. Гавдаси 10—15 (гоҳо 28) *см*. Океанларнинг тропик қисмидаги чуқур жойларида яшайди. Қора ёки жигар рангда. Тангачасиз. Оғзи катта, икки ёки бир неча қатор жойлашган қозиқсимон тишлари бор. *Ён органлари* яхши ривожланган бўлиб, сув тўлқинига жуда сезгир. Ўзидан катта ўлжани ҳам тириклайин ютаолади, чунки териси ва меъдаси жуда чўзилувчан. Х. бошқа балиқлар учун озуқа.

ХИБИН ТОҒЛАРИ — Кола ярим оролидаги тоғ массиви. РСФСР Мурманск областида. Майдони 1300 *км*², энг баланд жойи 1191 *м*. Плато шаклида бўлиб атрофи ботқоқлашган паст-баланд текислик. Тоғ ён бағирлари ва этакларида игна баргли ўрмонлар ва паст бўйли қайинзорлар ўсади. Йирик апатит рудалари кони негизида апатит-нефелин саноати юзага келган (Кировск ш.).

ХИБИНОГОРСК — РСФСР Мурманск областидаги *Кировск* шаҳрининг 1934 йилгача бўлган номи.

ХИВА — Хоразм обл. даги шаҳар. Хива р-нининг маъмурий маркази. Амударёнинг чап соҳилида, дарёдан 40 *км* нарида. Полвон каналининг бўйида, Урганч т. й. станциясидан 30 *км* жануби-ғарбда, текисликда жойлашган. Х. археологик маълумотларга кўра, мил. ав. 1-аср охирларида барпо қилинган. Х. қадимий қудуқ Хейвак номи б-н боғлиқ (баъзи олимлар мазкур қудуқ номи хей-вах (мамнуният хитоби) ва яна баъзилари хайва ёки хавак (холи, қуруқ, ориқ) сўзларидан олинган деб ҳисоблайдилар). Қадим замонларда Х. орқали Шарқ б-н Ғарбни боғловчи савдо йўли ўтган. Мил. 4-аср бошларидан Х. Хоразм б-н бирга сосонийлар давлати таркибига кирган. Бу даврда у мустаҳкам девор б-н ўралган. 712 йили Х.ни араблар истило қилган. Араб сайёҳлари *Истахрий* ва *Муқаддасий* қўл ёзмаларида келтирилишича, Х. 10-асрда Хоразм воҳасида энг йирик шаҳарлардан бири бўлган. Х. 1221 йилдан мўғул феодал империяси, 1388 йилдан Темур давлати таркибида. 17-аср бошларидан 1920 йилгача *Хива хонлиги*нинг пойтахти. 18-аср ўрталарида *Нодиршоҳ*, сўнг туркманлар (ёвмут қабиласи) ҳужумлари натижасида вайрон қилинган. 1770 йили Муҳаммад Амин Иноқ (1770—85) туркманларни енгиб, Х.ни тиклашга муваффақ бўлган. 19-аср ўрталарида Х. атрофи яна мустаҳкам девор б-н ўраб олинган. Х. 1873 йили рус қўшинлари томонидан забт қилинб, Гандимиён шартномасига кўра Россия империясига қўшиб олинган. 1916 йили Х. да миллий зулмга қарши халқ қўзғолони (қ. *Хива қўзғолони*) бўлган. *Хоразм инқилоби* ғалаба қилгач, Х. Хоразм Халқ Совет Республикаси пойтахти (1920—24).

Х. нинг архитектура қиёфаси, асосан, 18-аср охиридан 20-асрнинг бошларигача шакл-



Навоий буюк шоирлар даврасида (Навоий — юқорида ўнгдан иккинчи. Ҳиротда 1485 йилда ишланган миниатюра; Буюк Британия Оксфорд университетининг Водлеян кутубхонасида).

„Хамса" миниатюралари мақоласига.



Тожу тахтини гадоликка алмаштирган шоҳ Искандар ҳузурида (Ҳиротда 1485 йилда ишланган миниатюра; Буюк Британия Оксфорд университетининг Бодлеян кутубхонасида).

„Хамса" миниатюралари мақоласига.


ланган. Архитектура ансамблининг яхлитлиги жиҳатидан шаҳар Ўрта Осиёда ягона ҳисобланади. Дастлаб ҳукмрон доиралар маскани, уларнинг сарой, мадраса, мақбара, масжидлари бўлган Ичан қалъа (шаҳристон) вужудга келган. У Шарқнинг шаҳристонлари тарзида планлаштириб қурилган; ўзаро кўндаланг кесишган икки катта кўчали, шу кўчалардан 4 дарвоза орқали работга — *Дишан қалъага* чиқилган. Дишан қалъада косиб-ҳунарманд, савдогар ва б. яшаган.

Х.да сақланган энг қадимий архитектура ёдгорлиги *Саид Аловиддин мақбараси* (14-аср)дир. Муҳим архитектура ёдгорликлари: *Кўҳна арк, Жума масжид, Оқ масжид, Уч авлиё мақбараси, Шерғозихон мадрасаси, Оллоқулихон карвон саройи ва тими, Қутлуғ Мурод Иноқ мадрасаси, Паҳлавон Маҳмуд мақбараси, Муҳаммад Амин Иноқ мадрасаси,* 163 хонадан иборат Тош ҳовли саройи ва б. Хивалик наққошлар, тош, ганч, ёғоч ўймакорлари, кошинкорлар сарой, мадраса ва мақбараларни юксак дид б-н безаганлар. Шаҳар миноралари *(Ислом хўжа минораси,* Жума масжид минораси, *Калтаминор,* Полвон қори минораси, масжид ва мадрасалар олдидаги кўп сонли кичик миноралар) ҳам кошин, ганч, ёғоч, тош ўймакорлиги б-н жозибадор безатилган. Шаҳарда турар жойларнинг асосий қисми бир қаватли чўпкори уйлар бўлиб, синчлар орасида хом ғишт терib, усти сомонли лой, ганч б-н сувалиб пардоз берилган.


Октябрь рев-ясига қадар Х. ҳам, Бухоро сингари, ислом динининг йирик маркази эди (шаҳарда 94 масжид, 63 мадраса бўлган). Х. 3 аср мобайнида хоннинг қароргоҳи бўлиб, Совет ҳокимияти ўрнатилгунча феодал шаҳарлигича қолди. Хоразм Россияга тобе бўлган даврларда Х. қиёфаси деярли ўзгармади. Европача биринчи бино (деразали, печли) 1902 йилда қурилган (Асфандиёрхон саройи). 20-аср бошларидагина почта ва касалхона барпо этилган.

Социалистик қурилиш йилларида Х.нинг қиёфаси замонавий турар жойлар ҳисобига ўзгарди, шаҳар кенгайтирилди, лекин қадимий қисми тарих ва архитектура музейи сифатида сақланмоқда.

Х.да пахта тозалаш, ёғ, ғишт з-длари, гилам тўқиш, тикувчилик, совға ва бадиий буюмлар ф-калари, гилам, мебель, нон к-тлари, автобаза, бадиий-ўймакорлик, керамика, мискарлик устахоналари, маиший хизмат корхоналари, экскурсия бюроси, электростанция, қ. х. ни механизациялаш, педагогика ва медицина билим юртлари, қ. х. техникуми, музика мактаби, 10 умумий таълим мактаби, 3 интернат мактаб, ёш табиатшунослар станцияси, болалар техника станцияси, пионерлар уйи, тарихўлкашунослик, медицина, Аваз Ўтар, Комил Хоразмий мемориал музейлари, Қорақум илмий тадқиқот станцияси, 3 касалхона, 3 поликлиника, 2 диспансер, 5 болалар боғчаси ва яслиси, 11 кутубхона, маданият саройи, 3 кинотеатр, халқ театри ва б. бор.



Хива. Ичан қалъа.



Хиванинг эски шаҳар қисми.


ХИВА «ИЧАН ҚАЛЪА» ТАРИХ-АРХИТЕКТУРА ҚЎРИҚХОНА-МУЗЕЙИ — Хива шаҳридаги музей. 1920 йил 26 апрелда собиқ Хива хони қабулхонаси биносида очилган. Дастлаб Хоразм Республика тарих-революция музейи, сўнгра (1924 йилдан) Хоразм обл. Тарих-революция музейи деб аталган. 1970 йилдан Ичан қалъа архитектура қўриқхонасига бирлаштирилиб, ҳозирги номи б-н аталади. Музейнинг 5 бўлим ва 3 филиали бор. Хоразмнинг рев-ягача бўлган тарихи бўлими Оллоқулихоннинг *Тош ҳовли* саройида, совет даври тарихи бўлими Асфандиёрхоннинг қабулхона биносида, амалий санъат бўлими Исломхўжа мадрасасида, турмуш ва халқ ҳунармандчилиги бўлими Матпанабой мадрасасида, илмий-оқартув бўлими Қутлумурод Иноқ мадрасасида, илмий атеизм филиали Паҳлавон Маҳмуд ва Саид Аловуддин мақбараларида, рев-ягача бўлган тарих бўлимининг филиали хонлик зиндони Кўҳна Арк олдида жойлашган. Утарбобонинг сартарошхона биносидаги Аваз Ўтар мемориал музейи, *Оллоқулихон мадрасаси*даги медицина музейи ҳам унинг филиалларидир. Музейда 16 мингдан ортиқ экспонат сақланмоқда. Унда биринчи ўзбек матбаачиси О. *Абдалов,* биринчи ўзбек фотографи ва кинематографи Х. *Девонов,* ўзбек адиби ва музикашуноси *Комил Хоразмий* фаолиятига доир материаллар, 1920 йилги Хоразм инқилоби қатнашчилари Қизил Байроғининг асл нусхаси, Хоразм КП МҚ ва ХХСР МИҚ органи — «Инқилоб қуёши» газетасининг айрим сонлари, ХХСР МИҚ томонидан В. И. Ленин мукофотланган Меҳнат ордени нусхаси ва б. ёдгорликлар бор. 1978 йили музейни 700 минг киши кириб кўрди.

Ад.: Глясс Ю. И., Ланда Л. М., Музеи Узбекистана, Т., 1961; Садыкова Н. С., Музейное дело в Узбекистане, Т., 1975.


ХИВА РАЙОНИ — Хоразм областидаги район. 1926 йил 29 сентябрда ташкил этилган. Шимоли-ғарбдан Қўшкўпир, шимолдан Урганч, шарқи-шимолдан Янгиариқ р-нлари, жанубий-ғарбдан ТуркмССР б-н чегарадош. Майдони 426 *км²*. Аҳолиси 56975 киши (1978). Р-нда 9 қ. С. (Гандимиён, Дашёқ, Жўрён, Қалинин, Комсомол, Сайёд, Чинобод, Оқёп, Ўзбекистон) бор. Маркази — Хива ш.

Табиати. Р-н терр-яси Амударё қуйи оқимининг чап соҳилидаги текисликда жойлашган. Ўртача баландлиги 97 *м*. Ғарбий қисми Қорақум чўли б-н банд. Дўнг қумлар ва қатор қум тепалари учрайди. Иқлими кескин континентал иқлим. Йиллик ўртача т-ра 12,1°. Январнинг ўртача т-раси —4,5°, минимал т-ра —31°. Июлнинг ўртача т-раси 27,4°, максимал т-ра 44°. Х. р. республиканинг энг қурғоқчил р-нларидан биридир. Йиллик ёғин миқдори 100 *мм*. Тупроқлари аллювиал, ўтлоқи-чўл шўрланган чўл тупроқларидан шўрхоклар, эол ётқизиқлари, тақирли ва қумли чўл тупроқларидан ташкил топган. Ёввойи ўсимликлардан қизилмия, шўра, олабўта, отқулоқ, қирқбўғим, чирмовуқ, исириқ, қамиш, юлғун, семизўт, бўритароқ, тол, жийда, туронгил терак, янтоқ, кўкпечак, такасоқол, ажриқ, зарпечак ва б. ўсади. Ёввойи ҳайвонлардан чўчқа, қуён, тулки, бўри, чиябўри; қушлардан сассиқпопишак, қўтон, бирқозон, мўйловли читтак, зарғалдоқ, инуя, деҳқончумчуқлар учрайди; судралувчилардан тошбақа, калтакесаклар (кул ранг ва тароқбармоқли геккон, юмалоқ бошли калтакесаклар) яшайди; кўлларда карп, олабуға, лаққа балиқ, чўртан балиқ ва б. бор. Ер ости сувлари юза (0,8—1 *м*) жойлашган. Р-н терр-ясида Шўркўл (Хоразмкўл), Қоракўл, Равоткўл, Ғовуккўл каби кўллар бор. Ғовуккўл ва Шўркўл атрофлари меҳнаткашларнинг дам олиш жойларига айлантирилган. Қ. х. экинларини сугоришда Полвонёп канали, Дўстлик коллекторидан фойдаланилади. Қурилиш материалларидан шағал, қум, гил (лой) бор.

Аҳолиси, асосан ўзбеклар; руслар, татарлар, туркманлар, қорақалпоқлар ва б. ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 *км²* га 123 киши.



Кўҳна Хива.



Хива район. 1. Ленин номли колхоз территориясидаги Варагзан сув тақсимлаш иншооти. 2. Дзержинский номли колхоздаги Заунгур газ компрессор станциясининг умумий кўриниши.



Хўжалиги. Р-нда (Хива шаҳри б-н биргаликда) пахта тозалаш з-ди, ғишт з-ди, совға ва бадиий буюмлар, гилам тўқиш, тикувчилик ф-калари, мебель, гилам к-ти, газ-компрессор станцияси, автобаза, керамика з-ди, бадиий ўймакорлик ва мисгарлик устахоналари, маиший хизмат корхоналари, электростанция, 7 та қурилиш ташкилоти ва б. бор. Нон к-ти, Урганч — Хива водопроводи ва б. қурилмоқда (1977).

Р-нда 9 к-з бор. Қ. х., асосан, пахтачиликка ихтисослаштирилган. Пиллачилик, чорвачилик, токчилик, мевачилик ҳам ривожланган. 111 *га* боғ, 19 *га* токзор, 336 *га* тутзор бор. 10450 *га* ерга пахта, 2685 *га* ерга ем-хашак экинлари, 240 *га* ерга сабзавот, 400 *га* ерга полиз экинлари экилади. Р-н хўжаликларида 7451 қорамол (шундан 1790 сигир), 700 чўчқа, 15000 парранда ва б. бор (1978). 1977 йилда давлатга 440925 *т* пахта, 172 *т* пилла ва б. маҳсулотлар сотилди.


41 умумий таълим мактаблари (шунингдек 2 интернат мактаб)да 21610 бола ўқимоқда (1977—78). Қ. х. техникуми, қ. х. ни механизациялаш, медицина ва педагогика билим юртлари, музика мактаби, 6 ҳунар-техника билим юртлари ишлаб турибди. Халқ театри, медицина, тарих-ўлкашунослик, Аваз Ўтар, Комил Хоразмий мемориал музейлари, ёш табиатшунослар станцияси, пионерлар уйи, 8 маданият уйи, 47 кутубхона (268 минг китоб), 4 кинотеатр, 31 киноустановка, 13 кўчма кино бор. 615 ўринли 6 касалхона, 370 ўринли иккита диспансер, 6 поликлиника, 39 медпунктда 175 врач, 600 ўрта медицина ходими ишламоқда, 38 боғча ва яслида 3175 бола тарбияланмоқда. Р-н «Коммунизмга» газетаси 6755 нусхада чиқиб турибди (1976). Р-н терр-яси орқали Хива — Урганч, Хива — Қўшкўпир, Хива — Янгиариқ, Хива — Хасиян маршрутлари бўйлаб автобуслар қатнайди. Ўрта Осиё — Марказ, Хива — Шодлик (ТуркмССР) газ қувурлари Х. р. терр-ясидан ўтган.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари М. Маткаримов (район партия комитетининг биринчи секретари) ва Ж. Абжонов («Хива» к-зи аъзоси) М. Мавлонов шу р-нликдир.

ХИВА ХОНЛИГИ — 16-аср бошида 20-аср бошигача Ўрта Осиёда мавжуд бўлган феодал давлат. Уни 1512 йили ўзбеклар хони *Элбарсхон* тузган. Х. х.га *Хоразм*, шунингдек, Мангишлоқ, Дехистон, Узбой бўйидаги туркманлар кўчиб юрувчи терр-ялар ҳамда Хуросоннинг шимолий қисми кирган. Пойтахти дастлаб Вазир, кейинчалик *Урганч* ва *Хива* бўлган. Хонликда қабила бошлиқлари ва йирик амалдорлар ўртасида ўзаро жанжаллар бўлиб турарди. Элбарсхон вафоти (1538) дан сўнг хонлар тез-тез алмашиниб турди. Ўзаро урушлардан фойдаланган Бухоро хони *Абдуллохон* II Х. х. ни босиб олди (1593). Лекин кўп ўтмай Х. х. яна мустақилликка эришди (1598). 17-асрнинг 1-ярмида Х. х. га қўшни бўлган қалмоқлар, қозоқлар, Урал казаклари бир неча марта ҳужум қилишди. Лекин улар мағлубиятга учради. *Араб Муҳаммадхон* даври (1602—23) да Х. х. да ўзаро феодал урушлар кучайди. Туркманлар ёрдамида тахтни эгаллаган *Асфандиёрхон* даври (1623—43) да ўзбеклар (Элбарсхон б-н кўчиб келган), уйғур ва найманлар қаттиқ сиқиқ остига олинди. Асфандиёрхон вафотидан сўнг тахтга чиққан *Абулғози Баҳодирхон* ўзбек қабилаларига таянib иш кўрди. 1698 йили Бухоро хони Субҳонқулихон Х.х.ни эгаллаб, унга ўз нонби Шоҳниёзни хон этиб тайинлади. Шоҳниёз ва б. нонблар Бухоро хонига қарам бўлишдан қутилиш ва хон ҳокимиятини мустаҳкамлаш ниятида Россия ҳукуматига Х. х. халқини ўз тобелигига олишни илтимос қилиб 1700, 1703, 1714 йилларда махфий элчилар юборганлар. 1714—17 йилларда Пётр I юборган *Бекович-Черкасский экспедициясининг* барча аъзолари қирилиб кетди.

18-асрнинг 1-ярмида Х. х. да ўзбеклар б-н туркманлар ўртасидаги ўзаро урушлар туфайли қозоқ ва қалмоқларнинг хонликка нисбатан ташқи ҳужумларни кучайтирди ва хон авлодлари ўртасида тахт учун кураш авж олди. Бу даврда тахт қозоқ султонлари қўлига ўтди. Элбарсхон даври (1728—40)да хиваликлар Эронга тобе бўлган Дағистонга ҳужум қилиб, кўп ўлжа б-н қайтдилар. Эрон шоҳи *Нодиршоҳ* Афшар Х. х. га ҳужум қилиб, уни ўзига бўйсундирди (1740). Туркман ва ёвмутларни Х. х. дан Хуросонга кўчиртириб юборди. Аммо Нодиршоҳ вафоти (1747) дан сўнг, Х. х. яна мустақил бўлиб олди. 1763 йилгача давом этган тахт учун курашдан сўнг ўзбек қабиласидан бўлган қўнғирот *иноқлари* Х. х. ни идора этганлар. Иноқ Муҳаммадамин ўзи тахтга кўтарган хонлар номидан давлатни бошқарган (1763—90). 1804 йилдан бошлаб Х. х. тахтини қўнғирот ўзбекларининг сулоласи расмий равишда эгаллади. Муҳаммад Раҳимхон даври (1806—25) да Х. х. бутунлай бирлаштирилди. Девони олий таъсис этилиб, янги солиқ ислоҳоти ўтказилди, божхона ва зарбхона ташкил этилди, натижада давлат даромади кўпайди. Қўшни майда бекликлар, Орол атрофидаги қабилалар Х. х. таркибига қўшиб олинди. Бу даврда марказий ҳукумат мустаҳкамланди, мамлакатнинг ички аҳволи анча нормаллашди. Х. х. шаҳарлари — Хива, Янги Урганч, Ҳазорасп, Хўжайли, Тошҳовуз, Гурлан, Хонқа ва б. да турли ҳунармандчилик ривожланди, улар савдо марказига айланди. Янги Урганч бозорларида чет эл савдогарларини учратиш мумкин эди.

18-аср 1-ярмида Х. х. бирмунча кучайиб, Хуросонга (1825—42), Марв воҳасига (1826—27, 1844), Бухоро хонлигига бир неча бор ҳужум қилди. Натижада Шимолий Хуросон терр-яси вайрон бўлди, суғориш шохобчалари ишдан чиқди. Мана шу даврда Англия, Афғонистон, Эрон, Закавказье ва ўзбек хонликлари б-н савдо-сотиқ алоқаларини йўлга қўйган эди. Россиядаги саноат кризисининг олдини олиш учун ўзбек хонликлари б-н савдо қилиш-



Хива райони. Фрунзе номли колхоздаги маданият саройи.

дан жуда манфаатдор бўлган рус буржуазияси эса инглизларни Ўрта Осиёдан суриб чиқаришга уриниб, хонликлар б-н дипломатик муносабатларни ўрнатишга ҳар томонлама ҳаракат қилди. Лекин хиваликлар рус карвонлари ва элчиларини таладилар, кўплаб рус кишиларини қул қилдилар. Натижада 1839—40 йилларда Оренбург ҳарбий губернатори В. А. Перовский Хивага юриш қилди (яна қ. *Хива юришлари*). 1842 йили Х. х. б-н Россия ўртасида битим тузилди. 19-аср 60-йилларида подшо ҳукумати Бухоро ҳамда Қўқон хонликларининг бир қанча терр-яларини эгаллади (1864—68) ва *Туркистон генерал-губернаторлигини* тузди. Бу вақтда Х. х. мустақил эди. 1873 йили Х. х. га уч томондан рус қўшинлари ҳужум қилиб (яна қ. *Хива юришлари*), Хивани эгалладилар. *Гандимиён шартномаси*га кўра, Х. х. Россиянинг вассалига айланиб қолди. Хонликни назорат қилиш учун 7 кишидан иборат девон (4 киши подшо маъмуриятининг, 3 киши Х. х. нинг вакили) таъсис этилди. Кейинчалик *Амударё бўлими* тузилгач, девон бекор қилинди (1874). Х. х. да эски истибдод тузуми сақланиб қолаверди. Бу вақтда хонлик аҳолиси ўзбеклар (64,7%), турк-



манлар (26,8%), қорақалпоқлар (3,8%), қозоқлар (3,4%) ва б. дан иборат эди. Х. х. 20 беклик ва вилоятларга бўлинган, булардан ташқари Бешариқ ва Қиёт-Қўнғирот ноибликлари ва хоннинг ўзига қарашли р-нлар (Хива ш.) бор эди. Х. х. да давлат аппаратининг тартибга солинган системаси йўқ эди. *Меҳтар, қушбеги* ва девонбеги хоннинг олий мулозимлари ҳамда яқин маслаҳатчилари эди. Армияга *ясовулбоши* қўмондонлик қилган. Аҳоли деҳқончилик ва чорвачилик б-н шуғулланган. Х. х. да ердан фойдаланишнинг, асосан, 3 хил шакли: мулк ерлари (кишиларнинг қўлидаги хусусий ерлар), подшолик ёки амлок ерлари ва *вақф* ерлари мавжуд эди. Ерлар Шоҳобод, Ярману, Ғазовот, Полвонёб, Қилич Ниёзбой, Лавдан ва б. каналлар орқали суғориларди. 1894—1900 йилларда янги (Тозаёб, Уриёб, Янги Лавдан) каналлар қазилди. Бутун ирригация системаси хон ва феодаллар қўлида эди. Аҳолининг кўпчилиги ерсиз деҳқонлар бўлиб, бир қисми балиқчилик б-н шуғулланарди. Хонликда турли солиқ, мажбурият ва ўлпонларнинг 25 га яқин тури бор эди. Бу ерда ҳунарманд косиблар ҳам кўпчиликни ташкил қилган. Хива, Кўҳна Урганч, Чимбой, Ҳазорасп ва Бекободда металл ишлайдиган асосий устахоналар жойлашган.

Россия буржуазияси ўз тўқимачилик саноатини хом ашё б-н таъминлаш учун Х. х. да пахта етиштиришни кўпайтира бошлади. 1890 йили 15 минг десятина ерга чигит экилиб, 200 минг пуд пахта олинди. 1900 йили эса 20 минг десятина ерга чигит экилиб, 400 минг пуд пахта етиштирилди. Закаспий т. й. қурилгандан кейин Х. х. да балиқчилик саноати ҳам ривожланди. Қўшни мамлакатлар (Россия, Бухоро амирлиги, Эрон Афғонистони ва б.) б-н савдо-сотиқ кенгая борди. 19-асрнинг 80-йилларида Х. х. да дастлабки саноат муассасалари пайдо бўлди. 1889 йили Янги Урганчда, кейинчалик Тошҳовуз, Хива, Хонқада пахта тозалаш з-длари қурилди. Хонликда ф-ка, з-д саноати юзага келиши ва ривожланиши б-н буржуазия ва саноат ишчилари синфи пайдо бўла бошлади. Маҳаллий ишчилар синфи шаклланди.

Хон, феодал, руҳоний ва судхўрлар томонидан деҳқонларнинг шафқатсиз эксплуатация қилиниши уларнинг норозилигини кучайтириб юборди. Питнак ва Кўҳна Урганч р-нлари деҳқонлар ҳаракатининг асосий ўчоқларидан бири саналарди. 19-асрнинг 70—90-йилларидаги деҳқонлар ҳаракатида ўзбеклар, туркманлар, қозоқлар ва қорақалпоқлар иштирок этди. Бу ҳаракатлар шафқатсиз бостирилди. Аммо деҳқонларнинг феодалларга қарши ҳаракати тинмади. 1905—06 йиллардаги рев-я таъсирида Хонқа, Ҳазорасп, Қўнғирот, Кўҳна Урганчда деҳқонлар ҳаракати янада кучайди (1905, 1906, 1911—14). Бу вақтда Х. х. да *ёш хивaликлар* ҳаракати бошланди. Меҳнаткашлар ўртасида революцион-демократик ғояларни тарқатишда рус большевик ишчилари катта иш қилдилар. «Правда» (Тошкент большевиклари нашр этган), «Молот» (Қизилларвот большевиклари чоп этган) кенг тарқалди.

Хива хони *Асфандиёрхон* даврида аҳоли бир неча марта қўзғолон кўтарди (1915 йили Манғитда, 1916 йил Хўжайлида). Туркман феодал зодагонлари бошлиқларидан бири *Жунайдхон* ўзи хон бўлиш мақсадида хонга қарши бош кўтарди.

1917 йил Февраль буржуа-демократик рев-яси ғалабаси таъсирида хонлик ш.ларида меҳнаткашлар митинглари ва намойишлари бўлиб ўтди. Хонликдаги ф-ка ва з-д ишчилари революцион ҳаракатда меҳнаткаш оммага етакчилик қилдилар. 5 апрелда хон ёш хиваликларнинг ислоҳот тўғрисидаги манифестига имзо чекди. Натижада хон бошчилигида конституцион монархия ўрнатилди. Оқ гвардиячилар, меньшевиклар, эсерлар, буржуа миллатчилари ҳамда Совет Туркистонидан ҳайдалган бошқа контрреволюцион унсурлар Х. х. да тўплана борди. Англия, Америка интервентлари Совет Россиясига қарши курашда Х. х. ва у ердаги оқ гвардиячи казак қўшинларидан фойдаланишга уриндилар. Октябрь рев-ясидан сўнг Х. х. да сиёсий кураш янада авж олди. Меҳнаткаш халқ ва қисман миллий буржуазия ўртасида мустабидлик режимига қарши норозилик кучайди. Миллий буржуазиянинг энг прогрессив намояндалари, баъзи қабила ва уруғ бошлиқлари Жунайдхон (1918 йил тахтни эгаллаган эди) диктатурасига қарши кураш йўлига ўтди. ТуркКП ва Туркистон МИК Петро-Александровск (Тўрткўл)даги партия ва совет ходимларига ҳамда Хива коммунистларига Жунайдхонга қарши курашиш учун ёш хиваликлар ва туркман қабила-уруғ бошлиқлари б-н вақтинча алоқа боғлашни тавсия этди. Тез орада Хўжайли, Қўнғирот, Кўҳна Урганч ва б. р-нларда деҳқон ва косибларнинг қуролли отрядлари тузилди. 1920 йил 2 февралда халқ қўзғолон кўтарди, Қизил Армия ёрдамида хон тахтдан ағдарилди (қ. *Хоразм инқилоби*). 1920 йил 26 апрелда 1-Бутун Хоразм халқ қурултойида *Хоразм Халқ Совет Республикаси* тузилганлиги эълон этилди. Ўрта Осиёда миллий давлат чегараланиши ўтказилиши муносабати б-н Х. х. терр-яси аҳолининг этник таркибига мувофиқ Узбекистон ва Туркманистон республикалари таркибига киритилди (1924).

Ад.: Узбекистон ССР тарихи. 1—3-ж., Т., 1970—71; История Хорезма, Т., 1976.

ХИВА ЮРИШЛАРИ (1839—40 ва 1873) — чор ҳукуматининг Хива хонлигини бўйсундириш ва Россия империясининг Ўрта Осиёдаги мавқеини мустаҳкамлаш мақсадида уюштирган ҳарбий экспедициялари. Хивага қарши қилинган биринчи *Бекович-Черкассий экспедицияси* муваффақиятсизликка учради (1717). 18—19-асрларда хиваликларнинг рус савдо карвонларига тез-тез ҳужум қилиб туришлари ва рус кишиларини қул қилиб олиб кетишлари Россиянинг Ўрта Осиё б-н иқтисодий ва савдо-сотиқ муносабатларига катта зарар етказди. 19-асрнинг биринчи чорагида кичик казак отрядлари томонидан Хивага қилинган бир қанча ҳужумлардан кейин чор ҳукуматн бўлажак юришга катта куч ҳозирлай бошлади. 1839 йил 14 ноябрда 5 минг пиёда аскар, 20 та замбаракдан иборат отряд Оренбург генерал-губернатори генерал-адъютант В. А. Перовский (1795—1857) қўмондонлигида Хивага юриш бошлади. Эмба истеҳкомидан Чўчқакўлгача қилинган юриш мобайнида отряднинг ярмиси қаттиқ совуқ ва касалликлар оқибатида қирилиб, Перовский 1840 йилнинг баҳорида Эмба истеҳкомига, июлда эса Оренбургга қайтди.

1873 йил баҳорида Туркистон генерал-губернатори генерал-адъютант К. П. Қауфман бошчилигида Хивага янги юриш бошланди. Бу юришда Туркистон (5 минг кишидан ортиқ), Оренбург (3,4 минг киши), Манғишлоқ (2 минг киши атрофида) ва Красноводск (2,2 минг киши) отрядлари ҳамда Орол ҳарбий флотилияси (2 пароход ва 3 баржа) — жами 12 минг киши қатнашди. Қўнғирот р-нида бирлашган Оренбург ва Манғишлоқ отрядлари 26 майда Хивага шимолдан, Туркистон отряди эса жануби-шарқ томондан яқинлашди. Красноводск отряди 17 апрелда Игди қудуғигача етиб бориб, сув танқислигидан май ойининг бошида Красноводскка қайтиб келди. Орол ҳарбий флотилияси Амударёга саёзлиги туфайли кира олмади. 27 ва 28 майда олиб борилган жанглардан сўнг Хива таслим бўлди. 1873 йилги юриш натижасида Хива хонлиги Россияга тобе этилди, хонликнинг Амударёнинг ўнг соҳилидаги ерлари Россияга қўшиб олинди.

ХИВА ҚЎЗҒОЛОНИ (1916) — хон ва унинг амалдорлари зулмига қарши кўтарилган халқ қўзғолони. Бу қўзғолон Ўрта Осиёнинг бошқа р-ларида 1916 йили бўлиб ўтган қўзғолонлардан фарқ қилади (уларга *мардикорлик* асосий сабаб бўлган эди). Х. қ. нинг бошланишига ёш қизларни Хива хони *Асфандиёрхон* ва унинг амалдорлари ҳарамларига зўрлик б-н олиб кетиши сабаб бўлди. Бундан ғазабланган хўжайлиликлар (500—600 киши) 1916 йил 14 январда шаҳар беги Авазхўжа бошчилигида Хивага йўл олдилар. Уларга йўл-йўлакай Хоразмнинг бошқа шаҳар ва қишлоқларида бош кўтарган қўзғолончилар ҳам қўшилишди. Натижада қўзғолончилар сони 3000 кишига етди. Халқ ҳаракатига таяниб Асфандиёрхонни тахтдан йиқитиш мақсадида қўзғолонга бош бўлиб олган феодал зодагонлар қўзғолон кўламининг тобора кенгайиб бораётганидан чўчидилар. Улар 18 январда ўзаро маслаҳатлашиб, қўзғолончиларни Хивага киритмасликка ҳамда вакил орқали Асфандиёрхонни ўз ихтиёри б-н тахтдан воз кечишга ундашга қарор қилдилар. Бироқ қўзғолон раҳбарларининг режалари Хивадаги рус қўмондонлиги томонидан барбод қилинди. Хива гарнизонининг қўмондони полковник В. П. Колосовский Авазхўжа бошлиқ қўзғолон раҳбарлари (8 киши) жойлашган уйни ўраб олиб, уларни қўлга тушириди ва қатл этди, қўзғолончиларни эса қамчилаб тарқатиб юборди ҳамда аҳолидан 100 минг сўм контрибуция ундириб олди.

Х. қ. нинг биринчи прогрессив босқичи шу тариқа тугади. Унинг иккинчи реакцион босқичи 10 февралда туркман қабилаларининг сардори *Жунайдхон* раҳбарлигида бошланди. Жунайдхон халқ норозилигидан фойдаланиб, хонга қарши бош кўтарди, ўзини Хива хони деб эълон қилди. Унинг мақсади Германия ва Туркия паноҳида мустабид феодал давлат барпо қилиш эди. 14 февралда Жунайдхон ўз отряди б-н Хивага кириб келди. Бироқ Колосовский уни хон деб тан олмади ва шаҳарни тезда тарк этишни талаб қилди. Жунайдхон аҳолини талаб, Асфандиёрхондан унинг ҳаётини сақлаб қолгани учун 60 минг сўм миқдорида хун ундириб олгандан сўнг Қорақумга қочди. Қўзғолонни бостириш учун Туркистондан Хивага генерал С. А. Галкин қўмондонлиги остида жазо отряди юборилди. Галкин туркман овуллари аҳолиси гарданига 3 млн. 500 минг сўм миқдорида контрибуция юклади. Шу тариқа Жунайдхон ҳаракати ҳам бостирилди.

Ад.: Непесов Г., Абдуллаев М., Тохтаханов У., Якубов Р., Великий Октябрь и победа народной революции в Хорезме, Т., 1971; История Бухарской и Хорезмской Народных Советских Республик, М., 1971; История Хорезма, Т., 1976.

ХИВЧИН — ҳужайранинг цитоплазматик ўсимтаси. Х. барча *хивчинлиларга*, кўпгина бактериялар, ўсимлик ҳамда ҳайвонлар зооспораси ва сперматозоидига хос. Х.нинг узунлиги турлича, диаметри 0,2 *мкм* гача. Асосида *базал танача* бор. Х. ҳар хил тебраниб, организмни ҳаракатлантиради. Х. б-н киприкчалар тузилиши бир-бирига ўхшаш. Улар фақат сон жиҳатидан фарқ қилади (киприкчалар бир организмда бир неча минггача, Х. эса биттадан бир нечтагача бўлади).

ХИВЧИНЛИЛАР — бир ҳужайрали ва колониал организмлар. *Хивчини* бор. Х. нинг баъзи группаларини ботаниклар ўсимликларга, зоологлар ҳайвонларга киритишади (мас., эвгленалар). Ботаникада илгари Х. (Flagellatae) ни бир неча синфи бирлаштирувчи алоҳида тип ҳисоблашган. Шундай синфлардан Pantostomatinae, Protomastiginae ва Distomatinae вакиллари эндиликда ўсимликларга киритилмайди. Қолганлари эса биохимик ва морфологик фарқларга қараб мустақил бўлимларга ажратилган.

Зоологияда Х. (Mastigophora) — энг содда ҳайвонлар типининг бир синфи. 3000 тури (13 туркуми) маълум. Х. 2 кенжа синфга бўлинади: Phytomastigina ва Zoomastigina. Биринчи кенжа синфга фотосинтез ҳисобига озиқланувчи, иккинчисига *гетеротроф организмлар* киради. Танаси юпқа ташқи қобиқ — пелликула ёки хитинли зирҳ, баъзиларида клетчатка пластинкали пўст б-н қопланган. Ядроси биттадан бир неча ўнтагача. Қисқариш вакуоласи, айримларининг хивчини асосида ёруғлик сезувчи органоид — стигма мавжуд. Асосан, жинссиз, камдан-камлари жинсий кўпаяди. Баъзилари бўлиниб кўпаяётганда колониялар ҳосил қилади. Сув ҳавзаларида эркин яшовчи, одам ва ҳайвонларда паразитлик қилиб касаллик қўзғатувчи (мас., трипаносомалар, *лейшмания*) турлари бор.

ХИВЧИНОЁҚЛИЛАР (Pedipalpi) — ўргимчаксимонларнинг бир группаси. Х.нинг уч туркуми: телифонлар, тартаридалар ва фринлар бор. Телифон (чаён-ўргимчак)лар (70 тур) танаси 7 *см* гача. Бош-кўкраги бириккан, қорни бўғимларга бўлинган инсимон дум б-н тугайди. СССРда 1 тури — амур телифонлари учрайди. Тартаридалар (30 тур) танаси 2—7 *мм*. Кўзи йўқ. Тупроқда, ўсимлик қолдиқлари тагида ва б. жойларда яшайди. Тухумини тупроқдаги чуқурчага қўяди ва шу ерда тухумдан болалари чиқади. Фринлар (50 тур) катталиги 45 *мм* гача. Бош-кўкраги қалқон б-н қопланган. Урғочиси 60 га яқин тухумини қорни тагида олиб юради. 3 ёшда вояга етади.


Х., асосан, тропик мамлакатларда тарқалган. Ҳашаротлар ва б. майда умуртқасизлар б-н озиқланади.

ХИДА — Япониядаги тоғ тизмаси. Хонсю о. нинг марказий қисмида. Узунлиги 140 *км* чамасида. Энг баланд жойи 3190 *м* (Яригатаке чўққиси). Палеозой еланецлари, кварцитлари, оҳактошларидан тузилган. Бир неча вулкан бор. Тизманинг энг баланд жойлари альп типли рельефга эга. Ён бағирлари игна баргли, аралаш ва кенг баргли ўрмонлар б-н қопланган. Тубу-Сангаку миллий парки бор. Туризм ривожланган.


ХИДИРАЛИЕВ Иноғомжон (1891.23.2, Наманган уезди, Исковат қишлоғи — 1929, Москва) — совет давлат ва партия арбоби. Тур-



Хидиралиев И.



Хивчинлилар. *1* — яшил энглена; *2* — факус лангикауда.



Хивчиноёқлилар. *1* — ургочи телифон қорни устида болалари билан; *2* — ургочи тартаридa уясида тухумлари билан; *3* — фрин.



Хидиралиев Ш.

кистонда гражданлар уруши қатнашчиси. 1919 йилдан Коммунистик партия аъзоси. Наманган, Қўқон рус-тузем мактабларида ўқиган. Андижон уезд-шаҳар партия комитети аъзоси, бўлим мудири, масъул котиби (1919—20), Султонобод р-н партия комитети ва революцион комитети раиси, Фарғона обл. партия комитетининг раиси (1920—21). 1921 йили *Кронштадт антисовет исёни*ни бостиришда қатнашган. *РКП(б) Туркистон бюроси* (1921—22) аъзоси, ТуркАССР Ер ишлари халқ комиссари (1921—23), *РКП(б) Урта Осиё бюроси* (1923) аъзоси, Фарғона обл. революцион комитети раиси (1922), ТуркАССР МИҚ раиси (1922, июль — 1924, январь), ТуркАССРнинг РСФСР ҳукумати ҳузуридаги мухтор вакили (1924 йил, январь — сентябрь), РСФСР Ер ишлари федерал комитети Президиуми аъзоси (1923—24), СССР ҳарбий революцион кенгаши аъзоси (1923—25). ЎзССР революцион комитети аъзоси, Ер ишлари халқ комиссари (1924 йил, сентябрь — 1925 йил, февраль), Лондонда Совет-Англия музокарасида қатнашган (1924). Республика Қ. х. банки правленниесининг раиси (1926—28), СССР Марказий қ. х. банки правленниеси аъзоси (1928). РКП(б)нинг 10-съезди, ТуркКП 6—7-съездлари делегати. ТуркКП 6-съездида МК аъзоси қилиб сайланган. Бутун Россия Советларининг 9—10-съездлари, СССР Советларининг 1—3-съездлари делегати. Қизил Байроқ ордени б-н тақдирланган.

ХИДИРАЛИЕВ Шермат (1873, Фарғона обл. Фарғона р-ни)—пахтакор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони (1949). Ер-сув ислоҳоти, к-з тузумида актив қатнашган. Қувасой 4-цемент з-дида ишчи (1930—32), Тошкент обл. Янгийўл р-нидаги «Дамачи» с-зида ишлаган (1932—36), ҳозирги Ғалаба р-нидаги «Ўзбекистон 5 йиллиги» с-зида звено, бригада бошлиги (1936—59). Х. бошлиқ звенода 6,2 *га* майдоннинг гектаридан 88 *ц* пахта етиштирилган (1948). Ленин ордени, Меҳнат Қизил Байроқ ордени ва медаллар б-н мукофотланган. 1959 йилдан пенсионер.

ХИДИРОВ Юсуфжон (1906, ҳозирги Фарғона обл. Олтиариқ р-ни) — пахтакор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони (1957). 1942 йилдан КПСС аъзоси. Олтиариқ р-нидаги «Пахтаобод» к-зида колхозчи (1929—30), пахта пункти ходими (1931—33), к-з правленниеси аъзоси (1933—34), бригада бошлиғи (1934—68). Х. бошлиқ бригадада 96 *га* ернинг гектаридан 46 *ц* пахта етиштирилган (1956). Ленин ордени ва медаллар б-н мукофотланган. 1969 йилдан шахсий пенсионер.



Хидиров Ю.

ХИДИРОВ Ҳамро (1937. 5.5, ҳозирги Самарқанд обл. Хатирчи р-ни) — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор (1967), Социалистик Меҳнат Қаҳрамони (1971). 1965 йилдан КПСС аъзоси. Хатирчи р-нидаги «Ўзбекистон» к-зида колхозчи (1943—49), тракторчи (1950—56), шофер (1956—61), 1962 йилдан бригада бошлиги. Х. бошлиқ бригадада 130—140 *га* ернинг ҳар гектаридан 42 *ц* пахта етиштирилган (1966—70). Ўзбекистон КП 18—19-съездларида ревизия комиссияси аъзоси. Ленин ордени, Меҳнат Қизил Байроқ ордени ва медаллар б-н мукофотланган.

ХИДИРОТА — Самарқанд обл. Хатирчи р-ни Ленинобод қ. С. даги қишлоқ. «Ўзбекистон» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 8 *км*, яқин т. й. станцияси — Зирабулоқ (22 *км*). Аҳолиси 520 киши (1976); пахтачилик, пиллачилик, завотчилик б-н шуғулланади. Оқдарёдан сув ичади. Саккиз йиллик мактаб, машина-трактор парки бор.

ХИДИРША — Андижон обл. Хўжаобод р-ни Хўжаобод қ. С. даги қишлоқ. Калинин номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 12 *км*, яқин т. й. станцияси — Гурунчмозор (22 *км*). Аҳолиси 1959 киши (1974); пахтачилик, чорвачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Шаҳрихонсойдан сув ичади. Ўрта мактаб, болалар яслиси, медпункт бор.

ХИДИРША — Андижон обл. Қўрғонтепа р-ни Дардоқ қ. С. даги қишлоқ. Ҳамза номли с-з терр-ясида. Р-н марказидан 19 *км*, яқин т. й. станцияси — Савой (19 *км*). Аҳолиси 832 киши (1976); пахтачилик, чорвачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Дардоқ каналидан сув ичади. Ўрта мактаб, болалар боғча ва яслиси бор.

ХИДИРША — Андижон обл. Қўрғонтепа р-ни Хонобод қ. С. даги қишлоқ. Фрунзе номли с-з терр-ясида. Р-н марказидан 36 *км*, яқин т. й. станцияси — Савой (46 *км*). Аҳолиси 549 киши (1976); пахтачилик, чорвачилик, боғдорчилик, токчилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Қорадарёдан сув ичади. Ферма, мактаб бор.

ХИДИРШО — Сурхондарё обл. Шўрчи р-ни Қарлуқ қ. С. даги қишлоқ. Чкалов номли к-з терр-ясида. Р-н маркази ва яқин т. й. станцияси — Шўрчи (32 *км*). Аҳолиси 936 киши (1977); пахтачилик, токчилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Хўжанпок дарёсидан сув ичади. Ўрта мактаб, медпункт бор.

ХИДИРЭЛИ — Хоразм обл. Шовот р-ни Ленинобод қ. С. даги қишлоқ. «Москва» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 3 *км*, яқин т. й. станцияси — Шовот (8 *км*). Аҳолиси 557 киши (1976); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик, шоликорлик, сабзавотчилик б-н шуғулланади. Шовот канали орқали Амударёдан сув ичади. Чорвачилик фермаси, ремонт устахонаси бор.

ХИЁБОН (форс-тож. خیابان) — икки томонига дарахт, бута ўсимликлар, гул экилган сайргоҳ йўл, йўлка. Одатда парк, боғлар орасида, баъзан бошқа жойларда барпо этилади. Кўпинча атрофдаги муҳитга (боғ, биноларга мослаб) уйғунлаштириб планлаштирилади.

ХИЁБОН — Тошкент обл. Тошкент р-ни Карл Маркс қ. С. даги қишлоқ. Ленин номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 3 *км*, яқин т. й. станцияси — Келес (2 *км*). Аҳолиси 2575 киши (1975); сабзавотчилик б-н шуғулланади. Зах каналидан сув ичади. Ўрта мактаб, алоқа бўлими, болалар боғчаси, медпункт, маиший хизмат кўрсатиш пунктлари бор.

ХИЁБОН — Қашқадарё обл. Яккабоғ р-ни Яккабоғ қ. С. даги қишлоқ. «Марксизм» к-зи терр-ясида. Аҳолиси 634 киши (1974); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Қизилдарёдан сув ичади. К-з идораси, к-з маданият саройи, саккиз йиллик мактаб, медпункт, алоқа бўлими бор.

ХИЁЛА — Андижон обл. Пахтаобод р-ни Маданият қ. С. даги қишлоқ. «Гулистон» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 35 *км*, яқин т. й. станцияси — Тентаксой (36 *км*). Аҳолиси 2121 киши (1976); пахтачилик, чорвачилик, пиллачилик, боғдорчилик, токчилик б-н шуғулланади. Ислик ариғидан сув ичади. Клуб, кутубхона, ўрта мактаб, к-з правленниеси идораси, дорихона, медпункт, алоқа бўлими, кинотеатр, болалар боғча ва яслиси бор.

«ХИ-ҚВАДРАТ» ТАҚСИМОТ, χ^2-тақсимот — эркинлик даражаси бўлган $n-1$

$$\chi^2 = \frac{1}{\sigma^2}\sum_{i=1}^{n}(x_i - \bar{x})^2$$

тасодифий миқдорнинг тақсимоти. Бунда $x_1, x_2, \ldots, x_n$ — a ва σ параметрли тақсимотга эга бўлган тўпламдан олинган танланма, $\bar{x} = \sum_{i=1}^{n} x_i$.

χ^2 тасодифий миқдорнинг тақсимоти нормал тақсимот параметрлари a ва δ га боғлиқ эмас ва қуйидаги зичлик функциясига эга

$$k_{n-1}(x) = \begin{cases} \text{агар } x \geqslant 0 \text{ бўлса, } \dfrac{1}{2^{\frac{n-1}{1}}\,\Gamma\left(\dfrac{n-1}{2}\right)}\, x^{\frac{n-3}{2}} e^{-\frac{x}{2}}, \\ \text{агар } x < 0 \text{ бўлса, } 0. \end{cases}$$

χ^2 нинг $x' \leqslant \chi^2 \leqslant x''$ шартни қаноатлантириш эҳтимоллиги ω қуйидаги формула б-н ифодаланади:

$$\omega = \int_{x'}^{x''} k_{n-1}(x)\,dx.$$

χ^2 математик статистикада гипотезаларни текшириш учун кўп қўлланилади. Мас., $\sigma = \sigma_0$ гипотезани текшириш одатда ушбу критерийга асосланади: агар $x' < \frac{1}{\sigma_0^2}\sum_{i=1}^{n}(x_i - \bar{x})^2 < x''$ бўлса, танланма $\sigma = \sigma_0$ гипотезага зид келмайди; агар бу тенгсизликлардан бирортаси бузилса, $\sigma \neq \sigma_0$ гипотеза $1-\omega$ муҳимлик даражаси б-н исботланган ҳисобланади. Бунда x' ва x'' чегаралар қуйидаги

$$\int_0^{x'} k_{n-1}(x)\,dx = \frac{1-\omega}{2},$$

$$\int_{x''}^{\infty} k_{n-1}(x)\,dx = \frac{1-\omega}{2}$$

тенгликлардан аниқланади.

Пирсоннинг χ^2-критерийси ҳам кўп ишлатилади. Бу критерий n ҳажмдан олинган танланма частоталарининг $p_1, p_2, \ldots, p_r$ $\left(\sum_{i=1}^{r} p_i = 1\right)$ эҳтимолликларга мослигини текширади. Бунда $n \to \infty$ да $\sum_{i=1}^{r} \frac{(m_i - np_i)^2}{np_i}$ тасодифий миқдор $r-1$ эркинлик даражасига эга бўлган χ^2-тақсимотга эга бўлиши ҳақидаги теорема қўлланилади. χ^2-критерий математик статистиканинг параметрли бўлмаган масалаларини ечишда аҳамиятлидир.

Лит.: Крамер Г., Методы математической статистики, М., 1975.

ХИЛВАТИЙ (тахаллуси; асл номи мулла Йўлдош Тўрабой ўғли) (1861—ҳозирги Наманган обл. Уйчи р-ни Жийдакапа қишлоғи — 1924) — ўзбек шоири. Наманган мадрасаларидан бирида таҳсил кўрган. Шеърларида Бедил, Жомий, Навоий, Фузулий анъаналарини давом эттирган, уларга назира, татаббуъ ва мухаммаслар боғлаган. Муқимий, Фурқат, Нодим, Ҳайрат ва б. шоирлар б-н дўст бўлган. Ишқ-муҳаббат, илм-маърифат, дўстлик, ватанпарварлик, адолат, ёркин келажак ва бахтли ҳаёт Х. поэзиясининг етакчи мавзуларидир. Ў шеърларида меҳнаткашларнинг орзу-умидларини акс эттирган, зулм ва ҳақсизликни, нодонлик ва жаҳолатни лаънатлаган. Бойлар, маҳаллий амалдорлар ва судхўрларни ҳажв қилган. Х. нинг ўзи тартиб берган «Девони Хилватий» қўл ёзмаси ЎзССР ФА *Қўл ёзмалар институти* фондида сақланмоқда.



Хидиров Х.

ХИЛЛА — Андижон обл. Пахтаобод р-ни Маданият қ. С. даги қишлоқ. «Гулистон» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 35 *км*, яқин т. й. станцияси — Тентаксой (30 *км*). Аҳолиси 2051 киши (1976); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Мойлисойдан сув ичади. Қасалхона, туғруқхона, к-з правленниеси идораси, болалар боғчаси, алоқа бўлими бор.


ХИМАЧАЛ-ПРАДЕШ — Ҳиндистоннинг шимолий қисмидаги штат. Майдони 55,6 минг *км*². Аҳолиси 3,4 млн. киши (1971). Маъмурий маркази — Симла ш. Аҳолисининг 96% и ҳинди тилида сўзлашади. Штат терр-яси Ҳималай тоғларининг жануби-ғарбий ён бағрида, Сатлаж дарёси водийсида. Асосий тупроғи — тоғўрмон қўнғир тупроғи. Х.-П. майдонининг $^1/_3$ қисми ўрмон.

Х.-П. — Ҳиндистоннинг иқтисодий жиҳатдан суст ривожланган штати. Аҳолисининг 90% и қ. х. да банд. Буғдой, маккажўхори, арпа, шоли, шакарқамиш ва картошка экилади. Бир оз чой ҳам ўстирилади. Тоғли ерларда боғдорчилик (олма, шафтоли, ўрик, анор, ёнғоқ) ривожланган. Доривор ўтлар ва ўсимликлар тайёрланади. Чорвачиликда, асосан, қўй ва эчки боқилади. Ёғоч тайёрланади. Кустарчиликда мовут, шол рўмол тўқилади, ёғоч ва тошдан бадиий буюмлар ясалади. Тоштузи қазиб олинади. Симла ш. атрофларида курортлар, Жогиндранагарда ГЭС бор.

ХИМЕДЗИ — Япониядаги шаҳар. Хонсю о.нинг жанубий-ғарбий соҳилидаги порт. Хиого префектурасида. Аҳолиси 414 минг киши (1971). Осака-Кобэ индустриал р-нидаги саноат маркази. Машинасозлик, тўқимачилик, кимё, ёғочсозлик, озиқ-овқат, нефтни қайта ишлаш саноати корхоналари шаҳар ёнида йирик металлургия к-ти бор.

ХИМЕРА (юнон. chimaira) — 1) қадимги юнон мифологиясида боши ва бўйни шерникига, гавдаси эчкиникига, думи аждарникига ўхшаган баҳайбат махлуқ; 2) ўрта аср Европа тасвирий санъатида фантастик махлуқлар ҳайкали (мас., Париждаги Нотр-Дам соборидаги ҳайкал).

ХИМЕРАСИМОНЛАР (Chimaeriformes) — балиқларнинг бир туркуми. 13 оилага мансуб ўлиб битган ва 3 оиланинг ҳозир яшаётган (30) турлари маълум. Танасининг узунлиги 60 *см* — 2 *м*. Уруғчиси эркагидан йирикроқ. Биринчи елка сузгич қанотининг олдида мустаҳкам тиканлари бўлиб, у сузгич қанот б-н бирга елпиғичсимон йиғилиши ва ёйилиши мумкин. Кейинги елка сузгичи эса жуда узун, дум сузгич қанотга яқин жойлашган. Дум сузгич қанотининг учи ипсимон. Жуфт сузгич қанотлар ҳам елпиғичсимон. Х. Атлантика, Тинч ва Ҳинд океанларининг чуқур (2500 *м* гача) жойлари-



«Химия природных соединений» журнали.

да яшайди. СССР терр-ясида учрамайди. Х. ички уруғланади. Ҳар бири 12—42 *см* ли капсула ичида иккита тухум қўяди. Тухумдан боласи 9—12 ойда чиқади. АҚШ (Тинч океан қирғоқларида), Аргентина, Чили, Янги Зеландия, Хитойга яқин сув ҳавзаларидан овланади. Баъзи жойларда жигаридан олинган ёғ дори ва сурков мой сифатида қўлланилади.

ХИМИК — Тошкент обл. Оржоникидзе р-ни Май қ. С. даги қишлоқ. «Химик» с-зи терр-ясида. Р-н марказидан 7 *км*, яқин т. й. станцияси — Бўзсув (12 *км*). Аҳолиси 2007 киши (1977); сабзавотчилик, боғдорчилик, паррандачилик б-н шуғулланади. Хонариқ каналидан сув ичади. Ўрта мактаб, болалар боғчаси, кутубхона, медпункт бор.


ХИМИОТЕРАПИЯ — юқумли ва ўсма касалликларини кимёвий препаратлар б-н даволаш (яна қ. *Фармакотерапия*).

«ХИМИЯ ПРИРОДНЫХ СОЕДИНЕНИЙ» («Табиий бирикмалар кимёси») — ЎзССР ФА томонидан нашр этиладиган иттифоқ миқёсидаги илмий-назарий журнал. 1965 йилдан Тошкентда 2 ойда 1 марта рус тилида чиқади. Журнал кимё, ботаника ва фармакология б-н шуғулланувчи илмий ходимларга ҳамда олий ўқув юртлари ўқитувчилари ва студентларга мўлжалланган. Журналда табиий органик бирикмаларнинг ажратиб олиниши, тузилиши, кимёвий ўзгаришлари, шунингдек пестицидлар ва дори моддалари синтези каби масалаларга оид экспериментал тадқиқот натижалари ёритилади. Журналда айрим чет эл олимларининг мақолалари ҳам эълон қилинади. Журнал 30 мамлакатга чиқарилади. АҚШ да инглиз тилига таржима қилинади. Журналга ташкил этилгандан бери С. *Юнусов* муҳаррирлик қилади. Тиражи 1400 га яқин (1978).

ХИМИЯВИЙ ҚУРОЛ, кимёвий қурол — заҳарловчи моддалар ва уларни қўллаш воситалари (химиявий ракеталар, снарядлар, миналар, химиявий бомбалар, тўқувчи асбоблар ва б.) номи; *оммавий қирғин қуроллари* турларидан бири. Қўшинни, граждан аҳолини, ҳайвонларни заҳарлаш ва қ. х. экинларини нобуд қилиш мақсадида қўлланилиши мумкин. Х. қ. бошқа хил қуроллардан фарқ қилувчи хусусиятларга эга. Заҳарловчи моддалар ҳавода катта майдонларга тарқалиши, одатдаги биноларга, мудофаа иншоотларига ўтиши мумкин. Уларнинг шикастловчи таъсири узоқ ёки қисқа вақт сақланишига қараб турғун заҳарловчи моддалар (бир неча соат, кеча-кундуз, ҳатто ҳафталаб сақланадиган моддалар) ва нотурғун заҳарловчи моддалар) бир неча ўн минут сақланадиган моддалар)га бўлинади. Х. қ. нинг эффективлиги об-ҳаво шароитига ҳам боғлиқ.

Х. қ. дастлаб немислар томонидан 1915 йили Ипри (Бельгия)даги жангда қўлланилди. Кейинчалик бошқа армиялар ҳам қўллай бошлади. Биринчи ва Иккинчи жаҳон урушлари ўртасида гарчи 1925 йилги Женева протоколи мавжуд бўлса ҳам капиталистик давлатлар Х. қ. ишлаб чиқаришни жадал ривожлантирдилар. Иккинчи жаҳон уруши (1939—45)да капиталистик мамлакатлар Х. қ. ни қўллашга журъат қилолмадилар. Иккинчи жаҳон урушидан кейин бу қурол АҚШ қўшинлари томонидан Кореяда, Вьетнамда кишиларни, қ. х. экинлари ва молларни заҳарлаш учун ишлатилди. Бу даврда Х. қ. ни қўллаш снарядлари айниқса тараққий этди. Реактив снарядлар, химиявий авиабомбалар, заҳарли моддаларни тўкиб сепувчи авиаасбоблар, химиявий снаряд ва миналарни турли узоқликка отувчи тўплар, миномёт ҳамда кўп стволли реактив қурилмалар ишлаб чиқилди. Жойни турғун заҳарловчи моддалар б-н заҳарлаш учун химиявий фугаслардан фойдаланиш мумкин. Мас., АҚШ армиясидаги химиявий фугасларга У-газлар ва *зарин* жойлаштирилади. Бундан ташқари, Х. қ. ни катта майдонларда қўллаш учун аэрозол генераторларини ишлатса бўлади; аэрозол генераторлари заҳарловчи моддаларни чангитиб сепишга мўлжалланган.

Жонли кучлар, жанговар техника ва озиқ-овқат маҳсулотларини Х. қ. нинг шикастловчи таъсиридан сақлаш учун *оммавий қирғин қуролларидан ҳимоя воситалари*, шунингдек *противогаз, респиратор* ва б.дан фойдаланилади.



Химиявий қурол. 45 ствол-ли реактив қурилма М91 (АҚШ).

ХИМКИ — РСФСР Москва областидаги шаҳар (1939 йилдан). Москва номли каналнинг т. й. б-н кесишган ерида. Аҳолиси 100 минг киши (1975). Москва Маданият ин-ти, Бутунииттифоқ сиртқи машинасозлик ин-тининг кечки ф-ти, Москва маданий-оқартув билим юрти бор.

ХИН ДАРАХТИ, цинхона (Cinchona) — рўяндошлар (рўянгуллилар оиласи)га мансуб доим яшил ўсимликлар туркуми. Дарахт ва буталардан иборат, 40 дан ортиқ тури бор. Бўйи 10—20 *м*, барглари оддий, ялтироқ, четлари текис, кўпинча эллипссимон, қарама-қарши жойлашган. Гуллари икки жинсли, қизил, пушти, оқимтир, рўвак тўпгул ҳосил қилади. Меваси икки паллали, кўсакча. Уруғи кўп, майда ва қанотчали Х. д. ёввойи ҳолда Жанубий Америкада денгиз сатҳидан 1000—3000 *м* баландда, Анд тоғларининг шарқий ён бағирларида ва б. жойларда ўсади. У Индонезия, Ҳиндихитой, Ҳиндистон (Ҳималай тоғларининг ён бағри ва Африканинг тропик р-ларида, Шри Ланка о. да кенг миқёсда экилади.

СССРда Закавказьенинг Қора денгиз соҳилларида қаламчасидан бир йиллик ўсимлик сифатида ўстирилади.

Кўп экиладиган турларидан қизғиш хин дарахти (Cinchona succirubra), Лежер хин дарахти (Cinchona Gengeuiana), улкан хин дарахти (Cinchina robusta) маълум. Х. д. нинг ҳамма органлари, асосан, пўстлоғи алкалоидларга жуда бой. Қизғиш хин дарахти пўстлоғида алкалоидлар 6,5%, Лежер хин дарахтида эса 12—20% ни ташкил қилади. Х. д. дан олинадиган алкалоидлардан энг муҳими *хинин* ҳисобланади.

ХИНА — *хина дарахтчаси*дан олинадиган қизғиш-сариқ, барқарор, кукунсимон бўёқ модда. Х.асосан жун ва ипакларни бўяшда ва косметикада ишлатилади. Бундан бир неча минг йил илгари Қадимги мисрликларга ҳам маълум бўлган. Кўпчилик давлатларда, хусусан, Шарқ мамлакатларида хотин-қизлар Х.дан қўл панжалари, тирноқлар, оёқлар, соч кабиларни бўяшда фойдаланадилар. Х. сочни мустаҳкамлайди. Халқ табобатида Х. тери касалликларини даволашда ҳам қўлланилади.

ХИНА ДАРАХТЧАСИ (Lawsonia inermis) — дербенникдошлар (дербенниқгуллилар оиласи)га мансуб, иссиқсевар бута, баъзан кичик дарахт. Бўйи 2—3 *м* га етади. Пояси тўрт қиррали, қаттиқ ва сершох. Барглари бандсиз, чўзиқ тухумсимон, четлари текис, қарама-қарши жойлашган. Гуллари йирик, оқимтир ёки кўкимтир қизил, икки жинсли, хушбўй, шохларининг учида улкан рўваксимон тўпгул ҳосил этади. Август-сентябрда гуллайди. Меваси тўрт уяли, майда уруғли шарсимон кўсакча. Х. д. ёввойи ҳолда Африканинг шарқида, Мадагаскар о. да, Осиёнинг тропик ороллари да ўсади. Қадим замонлардан бери манзарали ва бўёқ берувчи ўсимлик сифатида кенг миқёсда Шимолий Африкада, Эроннинг жанубида, Кичик Осиёда ва Арабистонда маълум, кейинги вақтларда СССРда экила бошлади. Х. д. уруғи ва қаламчасидан кўпайтирилади.

ХИНАГУЛ (Impatiens balsamina) — хинадошлар (хинагуллилар оиласи)га мансуб бир йиллик ўт. Пояси тик шохланган, танаси этли, бўйи 30—60 *см*. Барглари оддий, тухумсимон, навбатлашиб жойлашган. Гуллари оқ, пушти, қизил, оддий ёки қатма-қат, барг қўлтиғидан чиқади. Июндан октябргача гуллаб мевалайди. Меваси одатда сersув кўсакча. Уруғлари чўзиқ ёки думалоқ. Меваси тўла етилгач, бирор ташқи таъсирот натижасида чирсиллаб ёрилиб, уруғлари сачраб чиқиб, тевараккa сочилади. Асосан Осиё ва Африкада, баъзи вакиллари Европа ва Америкада ўсади. СССРда 8 тури учрайди. Ўзбекистонда манзарали ўсимлик сифатида экилади. Ер устки қисмларидан уларни майдалаб кафт ва тирноқларни бўяш учун фойдаланилади. Ипак ва жундан тайёрланган буюмларни бўяшда ишлатилади.

ХИНАДОШЛАР (Balsaminaceae) — икки паллали ўсимликлар оиласи. Пояси тиниқ тусли, ширадор. Барглари оддий патсимон томирли, навбатлашиб ёки қарама-қарши жойлашган, ён барғчасиз. Гуллари зигоморф, икки жинсли. Косача барглари 5 та. Меваси бирор ташқи таъсирот натижасида атрофга сочилиб кетадиган кўсакча, баъзан резавор. Х.нинг тўрт туркуми (хина ва хидроцера) ва 450 га яқин тури бор. Улар асосан Осиё, Африканинг тропик қисмида, баъзи вакиллари Европа ва Шимолий Америкада тарқалган. Узбекистон ва қўшни республикалар терр-ясида. Х. вакилларидан гулхина ёки боғхина, чўпхина ўсади.

ХИНГАН — Хитойнинг шимоли-шарқий қисми ва СССР (Хабаровск ўлкаси)даги тоғлар системаси. Икки қисм — Катта Хинган ва Кичик Хингандан иборат; 1) Катта Хинган тоғлари — аксари қисми Ички Монголия терр-ясида. Узунлиги 1200 *км* чамасида, эни 400 *км* гача. Аксари қисмининг баландлиги 800—1200 *м*, энг баланд жойи 2034 *м* (Хуанганшань чўққиси). Чўққилари ясси, шарқий ён бағри тик. Шимолий қисми кўп йиллик тўнг ва ботқоқ ерлар; ўрмон б-н қопланган. Жанубий ярмиси дашт, ўрмонли дашт, ўтлоқ. Ўрмонли жойларида ёғоч тайёрланади, мўйнали ҳайвонлар овланади. Катта Х. тоғлари Марказий Осиёни Шарқий Осиёдан ажратиб турадиган шартли табиий чегарадир;

2) Кичик Хинган тоғлари — СССР (РСФСРнинг Хабаровск ўлкаси ва Амур обл. терр-ялари) да ва Шимоли-Шарқий Хитойда. Узунлиги 500 *км* га яқин. Аксари қисми ўртача баландликдаги тоғлар. Энг баланд жойи 1150 *м* (Дуймяньшань тоғи, Хитойда) Кўмир, графит, олтин, темир рудалари, қалай конлари, ғарбий этакларида вулканлар бор. Ён бағирлари ўрмон; шимолида тилоғоч, қорақарағай, оқ қайин, жанубида кенг баргли дарахтлар — дуб, заранг, жўка тарқалган.

ХИНГОВ, Обихингов — ТожССРдаги дарё. Вахшининг чап ирмоғи. Гармо музлиги этагидан бошланиб, Лабижар қишлоғи яқинида Вахшга қуйилади. Узунлиги 196 *км*, ҳавзасининг майдони 6660 *км*². Асосан Пётр I ва Дарвоз тизмалари орасидан тор дарада, баъзи жойларда кенг водий бўйлаб катта ўзанда оқади. Х. музлик ва қор сувларидан тўйинади. Суви июль-август ойларида энг кўп, январь-февраль ойларида энг кам бўлади. Ўртача кўп йиллик сув сарфи 217 *м*³/*сек*. Йирик ирмоқлари: Рагноб, Сарноб, Сурхсув, Бохуд, Обимозор.

ХИНИН (Chininum) — хин дарахтининг пўстлоғидан олинадиган алкалоид. Дастлаб 1820 йилда француз кимёгарлари П. Пельте ва Ж. Каванту томонидан тоза ҳолда ажратиб олинган. 1944 йилда АҚШ кимёгарлари Р. Вудворд ва В. Деринг Х.ни синтез қилишди. Х. кимёвий тузилиши жиҳатидан мураккаб полициклик бирикма; сувда ёмон, спиртда, хлороформда яхши эрийди. Медицинада Х. гидрохлорид, Х. дигидрохлорид ва Х. сульфат ҳолида ишлатилади. Х. бачадон мушакларини қўзғатади, бачадон қисқаришини кучайтиради; юрак мушаклари қўзғалувчанлигини камайтиради. Безгакка қарши модда сифатида ҳам ишлатилади. Порошок ва таблетка ҳолида чиқарилади.

ХИННАМ — ҚХДР даги шаҳар. Шарқий Корея қўлтиғи соҳилидаги денгиз порти. Маъмурий жиҳатдан Хамхин ш. таркибида. Аҳолиси 144 минг киши (1974). Қимё (минерал ўғит к-ти), металлургия, машинасозлик, кемасозлик саноати корхоналари, политехника ин-ти бор. Х.— балиқ овлаш порти.

ХИНОЛИН, 2, 3-бензопиридин, C_9H_7N — гетероциклик бирикма; ўзига хос ҳидли рангсиз суюқлик; қайнаш т-раси 238°С; сувда ёмон, спирт ва эфирда яхши эрийди. Х.— кучсиз асос, кислоталар б-н тузлар ҳосил қилади. Тошкўмир смоласида бўлади. Сунъий йўл б-н ҳам олинади. Олтингугурт, фосфорни эритишда, ароматик кислоталарни декарбоксиллашда ва б. реакцияларда ишлатилади. Х. ҳосилаларидан медицина дорилари сифатида кўплаб фойдаланилади.

ХИНОНЛАР, $C_6H_4O_2$ — циклик дикетонлар. Иккала карбонил (С-О) группаси жуфтлашган қўшбоғ системасига киради. Х. — ўткир ҳидли рангли кристалл моддалар, мас., *п*-бензохинон ва 1,4 нафтохинон сариқ, *о*-бензохинон ва *антрахинон* — қизил рангли. Турли табиий *пигментлар* Х.нинг ҳосилаларидир. Х. ароматик углеводородларни оксидлаб ва б. усулларда олинади. Х. ва уларнинг ҳосилалари бўёғичлар олишда оралиқ маҳсулот ҳисобланади (қ. *Антрахинон бўёқлар*); шунингдек фунгицид, инсектицид, ошловчи моддалар сифатида ишлатилади. 2-метил-1,4-нафтохинон — витамин К. дир.



Хин дарахти.



Хина дарахтчаси (гулли шохчаси).

ХИРАБЕ́К — Андижон обл. Андижон р-ни Хирабек қ. С. даги қишлоқ. «Гулистон» к-зи территориясида. Р-н марказидан 28 *км*, яқин т. й. станцияси — Андижон (46 *км*). Аҳолиси 6952 киши (1976); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик, богдорчилик, сабзавотчилик, полизчилик б-н шуғулланади. Андижонсойдан сув ичади. Ўрта мактаб, кутубхона, касалхона, дорихона, алоқа бўлими бор.

ХИРО́Ж, харож (араб. خراج) — Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида, жумладан Ўрта Осиёда давлат томонидан ундирилган ер солиғи. *Сосонийлар давлатида* Қавад I ва унинг ўғли Хусрав I Ануширвон ўтказган солиқ ислоҳоти натижасида жорий қилинган. Х. дастлабки халифалик терр-ясида *жузя* терминининг синоними сифатида қўлланилиб, мусулмон бўлмаган аҳоли б-н бир қаторда ер-сувга эга бўлган мусулмонлардан ҳам ундирилган. Мусулмон қонуншунослари Х.ни Х.— мисоҳа (ер майдони бирлигидан ундирилган) ва Х.— муқосама (ернинг сифати ва суғориш усулларига қараб, ҳосилнинг $^1/_4$, $^1/_3$ ёки $^1/_2$ қисми ҳажмида ундирилган)га ажратганлар. Х. Усмонли турк империясида 18-аср охирларига келиб жузя б-н қўшилиб кетган. Мисрда эса 1907 йили даромад солиғи б-н алмаштирилган.

Х. Ўрта Осиёда 7-асрда араблар томонидан жорий қилинган. Бу ер хонликларга бўлинган даврда Х. йиғиш учун ҳар бир вилоятга саркор, қишлоққа девонбеги ва котиб тайинланган. Хива хони Муҳаммад Раҳим I (1775—1825) Х. ни пул б-н ундиришни жорий қилган. Бунда Х. олинган ҳосил миқдоридан эмас, балки ер эгасининг хўжалиги ва ер майдонига қараб олинган. Қўқон хонлиги Россияга қўшиб олингандан кейин Х. бу ерда ҳам натура ўрнига пул б-н йиғиладиган бўлди.

ХИРОМИЙ (тахаллуси; исми Мулло Қурбон) (1810 — Қитоб ш. — 19-асрнинг иккинчи ярми) — ўзбек шоири. Косиб оиласида туғилган. Баъзи манбаларда Мирзо Қурбон, Муҳаммад Қурбон деб ҳам тилга олинган. Бухородаги *Мир Араб мадрасаси*да ўқиган. Х. ижодининг камол топишида Фирдавсий, Саъдий, Бедил, Навоий, Бобир, Зебунисо, Руставели каби классиклар, Шавқий, Ҳозиқ, Вола каби замондошлари ижоди муҳим роль ўйнади. Шоир классик адибларнинг ғазалларига боғлаган мухаммасларида (жами 5 та бўлиб, 175 мисрадан иборат) ўзининг юксак поэтик қобилиятини намойиш қилди. Романтик услубдаги «Маҳфил оро» (1844), «Тўтинома» (1853), «Чор дарвеш» (1856), «Раъно ва Зебо», «Юсуф ва Зулайҳо» (1862) достонлари б-н ўзбек адабиётида бу жанрнинг тараққий топишига улкан ҳисса қўшди. Достонларида ўзаро урушларни, жаҳолат, бидъат, хурофотни қоралади, меҳнаткаш халқнинг осойишта турмуш ҳақидаги орзуларини куйлади. Х. достонлари Шарқ адабиётининг илғор анъаналари заминида яратилган. Улар ижтимоий-сиёсий, таълим-тарбиявий ва ғоявий-бадиий қиммати жиҳатидан 19-аср достончилигида муҳим аҳамият касб этади.

Х.нинг бадиий мероси ичида энг кўп оммалашгани «Чор дарвеш»дир. Асар қолиплаш усулида тузилган бўлиб, қолипловчи ҳикоя Озодбахт ҳикоясидир. Озодбахт ўз фарзандсизлигидан сўз бошлаб, мозорда икки дарвеш ҳикоясини эшитади, сўнг дарвешларни ўз саройига таклиф қилиб, машҳур савдогар саргузаштини уларга сўзлаб беради. Кейин бошқа икки дарвеш саргузаштини тинглайди. Достон Озодбахтнинг Бахтиёр исмли фарзанд кўриб, парилларнинг улуғ шоҳи Малик Шоҳбоз ёрдамида ҳаммалари мурод-мақсадларига етганликлари б-н тугайди. «Чор дарвеш»да золим ва одил подшо тасвири асосий масалалардан биридир. Асарда ишқ-муҳаббат мавзуи ҳам муҳим ўрин тутади. Хотин-қизлар ўз ҳақ-ҳуқуқи учун кураша оладиган жасоратли шахслар даражасига кўтарилган. Уларнинг олижаноб фазилатлари ифода этилган. Достонда ижобий шахслар мақсадларига етиб, салбий шахслар жазоланган. Унда одамлар ҳаёти б-н бирга, баъзан ғайри табиий кучлар — парилар, жинлар, девлар ҳаёти ҳам тасвирланган.

Х. нинг «Раъно ва Зебо» достони ҳам қолиплаш усулида яратилган. Қолипловчи ҳикоя Раъно ва Зебо саргузаштидир. Пок муҳаббатни улуғлаш достоннинг асосини ташкил қилади. Унда инсон ҳуқуқи, ижтимоий тенглик, хотин-қизларга самимий муносабатда бўлиш, адолат, олижаноблик каби замонанинг илғор ғоялари ёритилган.

Х. адабий меросининг умумий ҳажми тахм. 30 минг мисрани ташкил қилади. Унинг мухаммаслари ва турли жанрларда ёзилган шеърлари ЎзССР ФА Шарқшунослик ин-ти қўл ёзмалар фондида, СамДУнинг асосий кутубхонасида сақланади.

Ас.: Чор дарвеш, Т., 1960; Раъно ва Зебо, Т., 1962.

Ад.: Қораев Т., Мавлоно Хиромий, Т., 1975.

ХИРОСИГЕ Андо (1797—1858. 12. 10) — япон рассоми. Рангдор ёғоч гравюра устаси. Табиат манзараларини меҳнаткаш халқнинг кундалик ҳаёти лавҳалари б-н уйғунлаштириб акс эттирган. Европача перспектива ва ифода усулларидан ижодий фойдаланиб, анъанавий япон рассомлик санъатини ривожлантирган («53 Токайдо манзараси», 1834). «100 Эдо манзараси», «Машҳур жойларнинг манзаралари» ва б. гравюра цикларида табиатни тавсифлашда рангдан моҳирона фойдаланган.

ХИРОСИМА — Япониядаги шаҳар. Хонсю о.нинг жануби-ғарбий қисмида. Ота дарёси дельтасидаги порт. Хиросима префектурасининг маъмурий маркази. Аҳолиси 787 минг киши (1974). Машинасозлик, жумладан кемасозлик ва кема ремонти, станоксозлик, тўқимачилик, техник резина, ёғочсозлик, қоғоз, озиқ-овқат саноати корхоналари бор. Шаҳар 1945 йил 6 августда АҚШ авиацияси ҳеч қандай ҳарбий заруриятсиз ташлаган биринчи атом бомбасидан қаттиқ зарар кўрган; аҳолисидан 140 минг киши ҳалок бўлган ва жароҳатланган. Атом бомбасидан ҳалок бўлганлар хотирасига ёдгорлик музейи барпо этилган. Х.да (1959 йилдан) ядро қуролига қарши курашувчилар халқаро конференциялари ўтказиб турилади. Шаҳар 1580—1610 йилларда порт шаҳар бўлган. Х. 1950-йиллардан бошлаб тез суръатда қайта қурилмоқда. Тинчлик Мемориал маркази Х.даги энг муҳим ҳозирги замон арх. ёдгорлиги ҳисобланади.

Ад.: Искендеров А. А., Феодальный город Японии XVI столетия, М., 1961; Юнг Р., Лучи из пепла. История одного возрождения, Пер. с нем., М., 1962.

ХИРОХИТО (1901. 29. 4) — Япония императори. 1921 йилдан отаси император Иосихито касалланганлиги туфайли шаҳзода — регент бўлган. Иосихитонинг ўлими (1926 йил декабрь) дан сўнг император.

ХИРУРГИЯ (юнон. cheir — қўл ва ergon — ҳаракат, иш) — *медицина*нинг бир соҳаси. *Операция*ни талаб этадиган касалликларни ўрганади ҳамда операция қилишнинг усулларини, техникасини ишлаб чиқади.

Мил. ав. 2—3 мингинчи йилларда Мисрда касалларни даволашда қон чиқариш, қовуқдан тошларни тушириш ва б. усуллар қўлланилган. 2-асрда қадимги Рим врачи Антиллус томирлар аневризмни бўйича операция ўтказган ва оқма яраларни даволаган. *Абу Али ибн Сино* (980—1037) «Тиб қонунлари» асарида хирургик касалликларни даволашда қўлланилган усулларни баён этган. Уйғониш даврида Везалий, Фаллопий ва Евстахийнинг анатомия соҳасидаги ишлари илмий Х.га асос бўлди. Илмий Х.нинг асосчиларидан бири А. Паре ампутация техникасини ишлаб чиқди. Х.нинг ривожланишида Б. Мажи (Италия), Ф. Вюрц (Швейцария), В. Фабриций (Германия), Ж. Хантер (Буюк Британия), А. Скарпа (Италия) алоҳида роль ўйнайди.

1731 йилда Парижда Хирурглар Академиясига асос солинди. Шундан сўнг Х. фан сифатида тараққий эта бошлади.

15—16-асрларда Москвага чет эллик хирурглар кела бошлади. 1707 йилда Петр I кўрсатмаси бўйича Москва бош госпиталида госпиталь мактаби очилиб, бунда Х. анатомия б-н бирга ўқитила бошланди. 1733 йилда шундай мактаблар Петербург ва Кронштатда ҳам ташкил этилди. 1806 йилда Петербургда И. Ф. Буш нинг 1-рус хирургик клиникаси очилди. 19-асрда Х. практикасига *наркоз* ва *асептика*нинг жорий этилиши оғриқсиз операция қилиш ва кейинчалик яра йиринглашининг олдини олиш имкониятини берди. 1846 йилда эфир наркози америкалик врач У. Мортон томонидан таклиф этилди.

Рентген нурининг кашф этилиши эса чуқур ўзгаларашган аъзо ва тўқималарни ўрганиш ва



Хиросиге. «Камбарада оқшомги қор».


Х. диагностикасини бирмунча яхшилаш имконини берди (*Эндоскопия*нинг ривожи ҳам шунга боғлиқ).

Октябрь социалистик рев-ясидан кейин СССРда Х.нинг ривожланиши хирурглар мактабини яратган С. П. Фёдоров номи б-н боғлиқ. Унинг сийдик ва ўт йўллари Х.сига оид ишлари муҳим аҳамиятга эга бўлди. П. А. Герцен ва Н. Н. Петров СССРда *онкология*га асос солди. 19-асрнинг ўрталариданоқ Х. нинг баъзи бўлимлари мустақил фан соҳаси сифатида (офтальмология, оториноларингология, урология, ортопедия, травматология) ажралиб чиқа бошлаган эди. 20-асрга келиб онкология ажралиб чиқди. Ўпка Х.си (қ. *Пульмонология*), томир Х.сининг ажралиб чиқиши давом этмоқда. 20-асрдан бошлаб хирурглар касал аъзони олиб ташлаш б-н чегараланиб қолмай, уни қайта тиклашга ҳаракат қилмоқдалар, ҳаётда орттирилган ёки туғма нуқсонларни бартараф қилишда (қ. *Пластик операция*) муваффақиятларга эришилмоқда. 20-асрнинг иккинчи ярмида кардиохирургия катта ютуқларга эришди. 20-асрнинг 60—70-йилларидан аъзолар трансплантацияси устида иш олиб борилмоқда.

Умуман Х. уч босқичда ривожланди: 1) қадимзамонлардан антисептика даврига ча (1860). Бу даврда Н. И. Пирогов, Н. В. Буяльскийлар Х.га ўз ҳиссасини қўшган; 2) антисептика даври (1860—90). Бунда Д. Листер каби олимлар жароҳатни даволашда антисептик препаратлар қўллаган; 3) асептика даври (Э. Бергман хирургик асбобларни буғлатиш ёки қайнатиш йўли б-н стериллаш-асептика методини қўллади. Бу сўнгги асептика даври ҳозиргача давом этиб келаётир.

1920 йили Туркистон Давлат ун-ти медицина ф-ти қошида 3 та Х. кафедраси ташкил этилиб, уларни П. П. Ситковский, Н. Ф. Боровский ва И. С. Перешивкин бошқарган. Кейинчалик Самарқанд (1932), Андижон Медицина ин-тида (1957) ва 1971 йилда Ўрта Осиё Медицина педиатрия ин-тида ҳам Х. кафедралари ташкил этилди.

Ҳозир Республикаларда Бутунittифоқ клиник ва экспериментал хирургия илмий тадқиқот ин-тининг Тошкент филиали (1974), 4 Медицина ин-тида, Тошкент врачлар малакасини ошириш ин-тида Х. кафедраси ташкил этилган. Уларда хирург-врачлар тайёрлаш ва турли хирургик проблемалар устида тадқиқот ишлари олиб борилади. Жумладан, қалқонсимон без, ўпка, юрак ва катта қон томирлари, жигар, қора талоқ ва ўт қопи, хирургик инфекция, перитонитлар ва б.; буйрак хирургик



Хиросима шаҳри. 1. 1945 й. 6 августда атом бомбасидан вайрон бўлган Саноат саройи. 2. Атом бомбасидан ҳалок бўлганлар хотирасига ўрнатилган ёдгорлик.

касаллиги ва буйракни одамдан одамга кўчириб ўтқазиш операциялари, синган қўл ёки оёқ суякларини, нерв, бош мия касалликлари ва уларнинг шикастланишларини хирургик йўл б-н даволаш, кекса беморларда хирургик операцияларнинг ўтиши ва оқибатлари каби масалалар устида илмий ва амалий ишлар олиб борилди ва олиб борилаётир. Мазкур проблемаларни ёритишда С. А. *Масумов*, В. В. *Воҳидов*, У. О. *Орипов*, Л. Д. *Василенко*, А. М. *Ғофуров*, Қ. Х. *Тоҳиров*, Р. Қ. *Исломбеков*, О. *Мухторов* ва б. хирургларнинг хизмати бор. Яна Х.нинг алоҳида соҳаларига оид (мас., *Нейрохирургия*) мақолаларга қаранг.

ХИРҚА — уст кийим. Кўпинча дарвеш, қаландар ва камбағаллар кийган. Асосан, дағал олача, қуроқ матодан тикилган. Х. ўрта асрларда кенг тарқалган. Халқ орасида жулдур *тўн*га нисбатан ҳам Х. сўзи ишлатилади.

ХИСЛАТ [тахаллуси; асл номи Саидҳайбатуллахўжа Саидорифхўжа ўғли; 1880—Тошкент—1945.8.6] — ўзбек совет шоири, таржимон. Боғбон оиласида туғилган. Мадрасаларда таълим олган. 1908—09 йилларда Х. Алишер Навоийнинг «Лайли ва Мажнун», «Фарҳод ва Ширин» достонларини насрий йўл б-н қайта ишлаб, тошбосмада нашр эттирган. Форс шоири Убайд Зоконийнинг «Мушук ила сичқон» асарини ва қадимги форс қаҳрамонлик эпоси «Барзуншер достони»ни ўзбек тилига таржима қилган (1911). «Хадъяи Хислат» шеърлар тўпламини (1910), Мулла Тўйчи Тошмуҳамедовга бағишланган «Армуғони Хислат» (1912) ва «Туҳфаи Хислат», «Савғоти Хислат» (1914) баёзларини нашр эттирган.

Х. Октябрь инқилоби ғалабасини мустаҳкамлаш ва мамлакатда социализм қуришда фаол қатнашди. «Октябрь қутлуғ кунимиздир, билинг ёронлар», «Октябрь», «Бул муборак ой эрур ишчи-деҳқон Октябрь», Давр бизнинг давримиз» каби шеърларида инқилобни, янги тузумни, Коммунистик партия ва В. И. Ленинни улуғлади.

Ас.: Ғазаллар, Т., 1971.

ХИСРАВОНИЙ — қадимий форс-тожик циклидаги классик музика асари. У Абу Али ибн Синонинг «Аш-шифо» асаридаги «Мусиқий билимлар тўплами»да, Унсур ал-Маолий Қайковуснинг «Қобуснома»сида, Алишер Навоийнинг «Мезон-ул-авзон» и («Вазнлар ўлчови») да қайд этилган.

ХИТИН (юнон. Chiton — кийим, тери, қобиқ сўзидан) — полисахаридлар группасига мансуб табиий бирикма; бўғимоёқлилар ва бир қатор умуртқасиз ҳайвонлар ташқи склетининг асосий компоненти, замбуруғ ва бактерия ҳужайра деворларининг таркибида ҳам бўлади. Х. ҳужайраларнинг бикирлигини таъминлайди. У N-ацетилглюкозамин қолдиғидан иборат. Сув суюлтирилган кислота, ишқор, спирт ва б. органик эритувчиларда эримайди, концентрланган кислоталарда эрийди. Х.нинг тузилиши, физик-кимёвий хоссаси ва биологик роли ўсимлик целлюлозасига ўхшаш.

ХИТОЙ, Хитой Халқ Республикаси, ХХР (хитойча Чжунхуа жэньминь гунхэго).

Умумий маълумотлар. Х.— дунёда аҳолиси энг кўп ва майдони жиҳатидан энг йирик давлатлардан бири; Марказий ва Шарқий Осиёда жойлашган. Шарқда Тинч океанининг Сариқ, Шарқий Хитой ва Жанубий Хитой денгизлари б-н ўралган. Қирғоқ яқинидаги энг йирик ороллари: Тайвань ва Хайнань. Шимолда СССР ва МХР б-н, ғарб ва жанубда Афғонистон, Ҳиндистон, Непал, Бутан, Бирма, Лаос ва ВСР б-н, шимоли-шарқда КХДР б-н чегарадош. Майдони 9,6 млн. *км*². Аҳолиси 1 млрд. дан зиёд (1978). Пойтахти—*Пекин* ш. (табиий ва иқтисодий картаси 13-томда берилган).

Маъмурий жиҳатдан ХХР терр-яси 22 провинция (Тайвань ҳам шу ҳисобга киради), 5 авт. р-н ва марказга бўйсунувчи 3 шаҳарга бўлинган.

Давлат тузуми. 1978 йил мартда қабул қилинган янги конституцияга кўра Халқ вакиллари Умум Хитой мажлиси (ХВУМ) давлат ҳокимиятининг олий органи ҳисобланади. ХВУМга вилоятлар, автоном районлар, марказга бўйсунувчи шаҳарлар ва халқ озодлик армиясидан демократик маслаҳатлар деб аталмиш йўл б-н 5 йил муддатга депутатлар тайинланади. ХВУМнинг доимий ишловчи органи Доимий комитетдир. ХВУМ ижроия ва давлат олий маъмурий органи бўлган ҳукумат — ХХР Давлат кенгашини тайинлайди. Давлат кенгаши бош министр, унинг ўринбосарлари, министрлар ва Давлат комитети раисларидан ташкил топади (ХХРни «халқ демократияси давлати» деб эълон қилган 1954 йилги конституцияга кўра давлат бошлиғи вазифасини бажарадиган ХХР Раиси лавозими 1975 йили қабул қилинган Конституцияда бекор қилинган). Давлат қурилиши соҳасида халқ коммуналари маъмурий бирлик ва ревкомлар эса ҳокимият органлари деб қонунлаштирилган. Конституцияга кўра сайловлар ўринга депутатлар танлаб олинадиган «демократик консультациялар» деб аталмиш тадбирлар жорий қилинди. Суд раислари ревкомлар томонидан тайинланади. Прокуратура функциялари жамоат хавфсизлиги органларига берилган. Қуролли кучларга раҳбарлик қилиш Хитой Коммунистик партияси (ХҚП) МҚ Раисига юклатилган. Хитой бўлмаган халқлар ҳуқуқлари жиддий чеклаб қўйилган (ХВУМнинг миллатлар иши бўйича комиссияси тугатилган, хитой бўлмаган халқларга нисбатан чеклаш ёки зулмга йўл қўйилмаслиги ҳақидаги ва бошқа моддалар янги конституцияга киритилмаган). Конституцияга соф маоистик қарашлар б-н бир қаторда, сиртдан социалистик, демократик туси эга бўлган ифодалар ҳам киритилган бўлиб, ХХР «пролетариат диктатурасининг социалистик давлати», ХҚП «барча Хитой халқининг раҳбар ядроси», ишчилар синфи партия орқали «давлатга раҳбарликни амалга оширади» деб таъкидланган (ХХР давлат байроғи *Давлат байроғи* мақоласи жадвалида берилган).

Табиати. Х., асосан, мўътадил ва субтропик минтақаларда (жанубий қисмида кичикроқ терр-я тропик минтақада) жойлашган. Табиати жиҳатдан Шарқий Осиёда жойлашган шарқий ва Марказий Осиёда жойлашган ғарбий қисмларга бўлинган. Мамлакатнинг шарқи денгиз бўйи пасттекисликлари, паст ва ўртача баландликдаги тоғлар б-н банд, иқлими муссонли иқлим, ўсимлик турларига бой. Х. нинг ғарби эса баланд тоғликлар, катта тизмалар, кенг ясси тоғликлар ва ботиқлардан иборат. Иқлими қуруқ континентал иқлим, ярим чўл ва чўл ландшафтли. Х. қирғоқ чизиғининг узунлиги 15 минг *км* чамасида. Қичик қўлтиқ ва бухталари кўп. Йирик я. о. лари: Шаньдун ва Ляодун.

Рельефи. Х.— мураккаб орографияга эга бўлган тоғли ўлка. Мамлакатнинг жанубий-ғарбида *Тибет тоғлиги*, ундан шимолроқда Марказий Осиё текисликлари ва ясси тоғликлар минтақалари ва атрофи тоғлар б-н ўралган Шарқий Хитой пасттекисликлари области яққол ажралиб туради. Тибет тоғлиги Х. нинг энг баланд қисмидир.

Марказий Осиё текисликлари ва ясси тоғликлари ғарбда бир-биридан Шарқий Тяньшань тоғлари б-н ажралган *Қашқар текислиги* ва *Жунғария текислиги*нинг ўз ичига олади. Уларга жанубий-шарқдан *Турфон сойлиги* (туби денгиз сатҳидан 154 *м* паст) туташган. Шарқроқда эса Гашун Гобиси, *Алашань* ва *Ордос* плато ва текисликлари, улар орасида Бэйшань, Алашань ва Иньшань тоғлари жойлашган.

Шарқий Хитой пасттекисликлари асосан Сариқ денгиз соҳили бўйлаб шимолдан жанубга чўзилган ва тоғ тизмалари б-н ўралган.

Геологик тузилиши ва фойдали қазилмалари. Х. терр-ясининг кўп қисмини қадимги платформалар, шунингдек протерозойда платформалар б-н яхлит бир бутун бўлган Тарим ва Тибет массивлари эгаллаган. Платформалар устини чўкинди жинслар қоплаган, уларнинг қалинлиги Ордос ва Сичуань ботиқларида 7—10 *км* га етади. Куньлунь, Циньлинь ва Наньшань тоғ системалари каледон ва герцин даврида бурмаланган. Тяньшань, Ички Монголиядаги ва Х. нинг 42° ш. к. дан шимолидаги бошқа бурмали системалар асосан юқори палеозойда, Янцзи, Меконг ва Салуин дарёларининг юқори қисмидаги ҳамда Хайнань ва Тайвань оролларидаги тоғли р-нлар, Гандисишань тизмаси, Ҳималай тоғлари ёш минтақага — мезозой ва кайнозой бурмаланишига мансуб. Шу р-нларда ва Тяньшань ҳамда Куньлунь тоғларида кучли зилзилалар бўлиб ер пўстининг актив ҳаракати давом этмоқда.

Х. да фойдали қазилмалар кўп. Тошкўмир ва ёнувчи сланец, нефть, темир ва марганец рудалари, боксит, қалайи, вольфрам, симоб, мис ва полиметалл рудалари, олтин, тоштуз конлари бор.

Иқлими. Х. нинг шарқий р-нлари атмосферанинг муссонли циркуляцияси таъсирида. Мавсумлар давомида ҳаво т-расининг фарқи катта. Январнинг ўртача т-раси Харбинда —20,4°, Пекинда —4,6°, июлники худди шу жойларда 23° ва 26°. Йиллик ёғин Шарқий Х. да 500—2000 *мм* (кўп қисми ёзда ёғади). Ғарб ва шимоли-ғарбга томон иқлимнинг континенталлиги ортиб боради. Ёз иссиқ (Турфон ботиғида июлнинг ўртача т-раси 34°), қиш совуқ. Январнинг ўртача т-раси Х. шимолида (Хайлар) —28°, ғарбида (Урумчи) —14,9°. Йиллик ёғин 250 *мм* дан кам, Қашқар текислиги ва Цайдамда 50 *мм* дан кам. Тибет тоғлигида қиш жуда совуқ, ёзи эса салқин. Гартокда (Ҳинд дарёсининг юқори қисми) январнинг ўртача т-раси —11,8°, июлники 11,8°. Т-ранинг сутка давомидаги фарқи катта. Кучли шамоллар эсади. Х. нинг баланд тоғларида музликлар бор, лекин ёғин камлигидан уларнинг майдони катта эмас (100 минг *км*² чамасида).

Тупроқлари. Х. нинг шарқий қисмида чимли подзол, қўнғир-ўрмон, сариқ-жигар ранг, сариқ ва ҳар хил қизил тупроқлар, дарё водийларида эса аллювиал тупроқлар тарқалган. Денгиз соҳилларида шўрланган тупроқлар учрайди. Х. ғарбий қисмининг тупроғи чўлга хос каштан, қўнғир, сур тусли қўнғир тупроқлар, тоғ олди текисликлари ва тоғларда бўз, тоғ-каштан ва тоғ-ўтлоқ, Тибет тоғлигида эса совуқ чўлга хос тупроқлар.

Усимликлари. Х. нинг шарқий қисмида жуда хилма-хил (25 мингдан зиёд) ўсимлик тури мавжуд. У ерда аҳоли қадимдан зич яшаганлигидан ўрмон асосан тоғли ерларда қолган. Пасттекисликларнинг ҳаммаси экинзор ва боғ. Янцзи дарёси қуйи оқимидан жанубда доимий яшил субтропик, энг жанубида эса тропик ўрмонлар ва мангра чакалакзорлари мавжуд.

Х. нинг ғарбий арид қисмида юксак ўсимликларининг тури 5 мингдан ошмайди. Хинган тоғлари этагидаги даштларда бошоқли ўтлар ўсади, яна ҳам ғарброқда қумли ва тошлоқли чўллар жойлашган. Тибет тоғлигидаги чўлларда ўт ва буталар ўсади. Тоғ водийлари субальп ўтлоқлари ва ўрмонли даштдан иборат.

Ҳайвонот дунёси бой ва хилма-хил. Умуртқалиларнинг 3500 тури (шундан 400 турга яқини сут эмизувчилар) ва қушларнинг 1000 дан зиёд тури бор. Х. нинг жанубий ва жанубий-ғарбида тропик минтақага хос ҳайвонлардан ҳар хил маймунлар, лемур, лори, каркидон, тапир, йўлбарс; шарқида учқир, мангуста, қоплон ва ҳ. к. учрайди. Х. нинг шимоли-шарқида Сибирь тайга фаунасига хос ҳайвонлар, чўлларда пржевальский оти, кулон, жайран, икки ўркачли туя, юмронқозиқ, дашт ва тоғ даштида антилопалар, қумсичқон, ёввойи қўй, турли йиртқичлар ва судралиб юрувчилар яшайди. Бир неча қўриқхоналар бор.

Аҳолиси. Х.— кўп миллатли давлат. Жами аҳолининг 95% и *хитойлар*, қолган қисми турли тил группалари ва онлаларига мансуб бўлган 50 дан ортиқ халқлардан иборат. Хитойларнинг кўпчилиги мамлакатнинг шарқий қисмида яшайди. *Хуэйлар* (4 млн. га яқин) ҳам хитой тилида сўзлашади. Х. нинг шимоли-ғарбида туркий тиллар группасига мансуб халқлар — *уйғурлар* (3640 минг), *қозоқлар* (509 минг), *қирғизлар* (70 минг), *салорлар* (31 минг) ва б., шимоли ва шимоли-шарқидаги дашт ва чала чўлларда монгол группасига кирувчи халқларидан *монголлар* (1463 минг), дунсянлар (156 минг), тулар (53 минг), шимоли-шарқида тунгус-манжур халқлари, ғарби (Тибет) ва жанубий-ғарбида тибет-бирма халқлари, жанубда тай тилларида сўзлашувчи халқлар ва б. яшайди. Синьцзянинг жанубий-ғарбида 14 мингга яқин помир тожиклари бор (аҳоли сони 1953 йилги аҳоли рўйхати



Буюк Хитой деворининг бир қисми.



Ер ҳайдаш. Ханлар сулоласи мақбара тошларига ишланган тош барельеф. Шэньси провинцияси. Тахм. мил. 100 йил.

бўйича; янги маълумотлар эълон қилинмаган).

Диндор хитойлар буддизм (шимолий тармоғи), даосизм ва конфуцийликка эътиқод қилади. Тибетлар ва монголларнинг дини — буддизм-ламаизм. Хуэйлар ва туркий группага кирувчи халқларнинг кўпчилиги ислом динининг сунна мазҳабига эътиқод қилади (помир тожиклари исмоилия мазҳабида). Расмий тил — *хитой тили*. Аҳоли мамлакат шарқидаги текисликларда зич (Сичуань сойлигида 1 *км*² га 500, баъзи жойларида 1000 киши). Ички Монголия, Синьцзян, Тибет ва Цинхайда аҳоли сийрак (1 *км*² га 1 кишидан кам).

Иқтисодий актив аҳолиси (1970 йилда БМТ маълумотига кўра 393,8 млн. киши)нинг 67%и қ. х. да банд. Аҳолисининг 25% га яқини шаҳарларда яшайди. Йирик шаҳарлари: Шанхай (аҳолиси шаҳар атрофидаги 10 қишлоқ уезди б-н бирга 11 млн. киши 1974), Пекин (шаҳар атрофи б-н 8,4 млн. киши, 1977) Тяньцзинь (аҳолиси 3 млн. дан ортиқ), Люйда, Ухань, Чунцин ва б.

Тарихи. Шимолий Х. терр-ясида илк ибтидоий маданият қолдиқлари, Пекин яқинида илк палеолит даври манзилгоҳларидан тошга айланган синантроп қолдиқлари топилган. Х. да ўрта палеолит даврига мансуб Хэтао (Ордос) маданияти, сўнгги неолит даврига мансуб Яншао ва Луншань маданиятлари айниқса машҳур. Яншао маданиятида (тахм. мил. ав. 3-минг йиллик ўрталарида 2-минг йиллик ўрталаригача) одамлар овчилик ва балиқ овлаш. б-н бирга деҳқончилик ва чорвачилик б-н ҳам шуғулланганлар. Х. да ибтидоий жамоа тузуми бронза давригача давом этган.

Мил. ав. 14-аср охирида Хуанхэ дарёсининг ўрта оқимларида илк Инь қулдорлик давлати пайдо бўлиб, уни меросий монарх — ван бошқарган. Инь давлати узоқ йиллар қўшни қабилалар б-н уруш олиб борганлиги туфайли мил. ав. 11-асрга келиб унинг терр-яси бирмунча кенгайди. Инь даврида маданият ривожланди, Ой календарининг белгилари, ёзув — ҳозирги хитой иероглиф ёзувининг ибтидоси пайдо бўлди. Инь давлатини босиб олган Чжоу қабиласи ҳукмронлиги даври [мил. ав. 11—3-асрлар; Ғарбий Чжоу (мил. ав. 11—8-асрлар) ва Шарқий Чжоу (мил. ав. 8—3-асрлар)га бўлинади] да қулдорлик янада ривожланди. Чжоу қабиласи босиб олган катта терр-я дастлабки Чжоу ванлари томонидан ўз қариндошлари, яқинлари ва лашкарбошиларига бўлиб берилди. Шу сабабли кейинчалик бу терр-ярларда бир-бири б-н кураш олиб борган бир қанча подшоликлар пайдо бўлди. Кураш давомида айрим йирик подшоликлар вужудга келди. Бу подшоликлар Чжоу ванларининг ҳокимиятини тан олмай қўйди. Мил. ав. 770 йилда давлат пойтахти шарққа — Лоян (ҳозирги Хэнань провинцияси)га кўчирилиши б-н Шарқий Чжоу даври (мил. ав. 770—256 йиллар) бошланди. Бу даврда Чжоу ванлари фақат номигагина ҳукмрон бўлиб қолди.

Мил. ав. 6-асрдан бошлаб, айниқса Чжаньго (курашувчи 7 подшоликлар) даври (мил. ав. 5—3-асрлар)да ишлаб чиқарувчи кучлар бирмунча ривожланди. Темир қуроллардан фойдаланиш деҳқончилик ишлаб чиқаришининг ривожланишига таъсир кўрсатди. Ҳунармандчилик ихтисослаша бошлади, савдо-сотиқ тараққий этди, шаҳарлар қурилди. Ерга хусусий эгалик пайдо бўлди. Синфий қарама-қаршилик ва турли подшоликлар ўртасида авж олган сиёсий кураш идеологияда ўз аксини топди. Мил. ав. 6—3-асрларда *конфуцийлик*, *даосизм*, моизм (файласуф Мо-цзи таълимоти) ва б. фалсафий оқимлар шаклланди. Чжанго даврида подшоликлар ўртасида олиб борилган урушлар Цинь подшолигининг ғалабаси б-н тугалланди. Натижада Х. да биринчи марказлашган *Цинь империяси* (мил. ав. 221—207) барпо этилди. Империянинг асосчиси ва биринчи императори Цинь Ши-хуанди мамлакатни бирлаштириш ва мустаҳкамлашга қаратилган қатор ислоҳотлар ўтказди. Унинг даврида шимолдаги подшоликлар деворлари бирлаштирилиб, *Буюк Хитой девори* барпо этилди. Оғир зулмга жавобан халқ ғалаёнлари кўтарилиб, мил. ав. 206 йилда Цинь империяси тугатилди. Лю Бан (Гао-цзу) янги сулола ва империя — Биринчи *Хан империяси*га (мил. ав. 206— мил. 25 йиллар) асос солди.

Хань империяси даврида йирик савдо марказлари (Лоян, Чэнду, Ханьдань, Линьцзи) пайдо бўлди, товар-пул муносабатлари, ички ва ташқи савдо ривожланди, Жунғария ва Шарқий Туркистон (Қашқар) орқали ғарбга — Урта Осиё ва Яқин Шарқ мамлакатларига борадиган савдо йўли ўтказилди (қ. *Буюк ипак йўли*). Феодал уклад б-н уйғунлашган қулдорликнинг энг юқори даражага кўтарилиши Ғарбий Хань империясида социал зиддиятларнинг авж олишига сабаб бўлди. Деҳқонлар, аскарлар ва қулларнинг қўзғолонлари оммавий тус олди (бу қўзғолонлар тарихга «қизил қошлар» ва «яшил ўрмон одамлари» қўзғолони номи б-н кирган). 25-йили қўзғолончилар пойтахт Чанъанни эгаллагандан сўнг Ғарбий Хань империяси тугатилди. Заминдор зодагонлар қўзғолончиларга қарши кураш мобайнида, Лю Сю бошчилигида Сўнгги (Иккинчи ёки Шарқий Хань) империя (25—220) га асос солдилар. 27 йили «қизил қошлар» қўзғолони бостирилган бўлса-да, Лю Сю фақат 37-йилга келибгина, мамлакатни бирлаштиришга муваффақ бўлди. Шарқий Хань империясида феодал типидаги муносабатлар тобора ривожлана бошлади. 184—204 йиллардаги деҳқонлар қўзғолонларидан сўнг империя инқирозга учради. 220 йилга келиб унинг ўрнида Саньго номини олган уч давлат — Уч подшолик [Вэй (220—265), Шу (221—263), У (222—280)] пайдо бўлди. Ҳозирги кўпгина Хитой ва Совет тарихчилари Хань империясининг инқирозини ижтимоий тузум ривожидаги бурилиш моменти, қулдорликдан феодал формацияга ўтиш узил-кесил ҳал этилган давр деб баҳолайдилар.

Мил. 1-асрларда Х. да феодал муносабатлар узил-кесил қарор топди. 280 йили Уч подшолик даври тугаб, мамлакат Ғарбий Цзинь сулоласи ҳукмронлиги остида бирлашди (265—316). Лекин 316 йили кўчманчи халқлар Цзинь империясини тор-мор қилиб бутун Шимолий Х. ни босиб олди. Натижада Шимолий Хитойда турли давларда 16 та нохитой подшоликлари ҳукм сурди. Х. зодагонларининг кўп қисми шимолдан жанубий Х. га кўчиб ўтиб, Шарқий Цзинь сулоласи (317—420) ни барпо этдилар. Нохитой подшоликлар ўртасида 100 йилдан ортиқ давом этган ўзаро урушлар натижасида Тоба Вэй (Шимолий Вэй) давлати (386—535) ғолиб чиқиб, бутун Шимолий Х. ни ўз қўл остида бирлаштирди.

4—6-асрларда будда дини ер эгалиги ривожланди. Буддизм Х. га мил. 1-асрда Ҳиндистондан кириб келган. 6-аср охиригача Нань бэй чао (Жанубий ва Шимолий династиялар, 386—589 ёки 420—589), 589—619 йилларда Суй сулоласи ҳукмронлик қилди. Тайюанлик нонб Ли Юань янги Тан сулоласи (618—907) га асос солди. 7-аср охирида Тан империяси ҳарбий жиҳатдан юксалди, босқинчилик урушлари олиб борди. 630 йили Шарқий Турк хоқонлиги, 657 йили Ғарбий Турк хоқонлигига зарба берилиши натижасида Жунғария ва Шарқий Туркистондаги давлатлар 100 йилга яқин Х. га қарам бўлиб қолди.

8-асрдан Х. ривожланган феодализм босқичига кирди. Янги ерлар очилди, чой ва пахта экила бошлади. Ҳунармандчилик, савдо-сотиқ ривож топди. Шу даврда маданиятнинг бошқа соҳалари ҳам юксалди. Тан даври поэзиянинг «олтин асри» ҳисобланади.

8-аср ўрталаридан марказий ҳокимият б-н чекка вилоят ҳокимлари ўртасида кураш кучайди, 874—901 йиллардаги деҳқонлар қўзғолонлари натижасида Тан империяси инқирозга юз тутди. Сўнгра тарихда турли феодал тўдалар кураши ва мамлакатнинг майда ҳокимликларга бўлиниб кетиши б-н машҳур бўлган У дай («Беш сулола», 907—960) деб ном олган давр бошланди. 960 йили саркарда Чжао Куан-инь сўнгги Чжоу (951—960) сулоласини ағдариб ташлаб Сун империяси (960—1279) га асос солди. Бу империя даврида Х. Жунғария ва Шарқий Туркистон Корея я. о., Шимолий Вьетнамдаги вассалларидан маҳрум бўлди. Шимол ва шимоли-шарқда Х. терр-ясининг талай қисмини Ляо кидан лар давлати, Си-Ся тангутлар давлати босиб олди. Сун империяси бу давлатларга кумуш ва шойи б-н хирож тўлаб турди.

Х. га бостириб кирган чжурчжэнлар 1125 йили Ляо империясини тор-мор этиб, чегаралари Хуайхэ дарёси бўйлаб ўтадиган Цзин давлатини барпо этдилар. 1141 йили Сун империяси Цзин давлатининг вассалига айланди.

13-асрнинг биринчи ўн йиллигида мўғул феодаллари Х. ни истило қилишга киришиб, 1279 йилга келиб Х. нинг барча терр-ясини босиб олдилар (қ. *Мўғул феодал империяси*). Хитой ва Тибет халқари мўғулларнинг Юань сулоласи ҳукмронлиги (1271—1368; Хитойда 1280 йилдан) остида яшади. Хитой халқининг мўғул босқинчиларига қарши олиб борган кўп йиллик кураши 14-аср ўрталарида Мин сулоласи (1368—1644) нинг вужудга келиши б-н якунланди.

16-асрда Х. да европаликлар пайдо бўлди. 1557 йили Португалия Х. нинг *Аоминь* (Макао) терр-ясини «ижара»га олди. Синфий қарама-қаршилик, ҳукмрон гуруҳларнинг ички курашлари, Манжурияннинг жанубида яшовчи чжурчжэн қабилалари (17-аср бошларидан *манжурлар*)нинг ҳужумлари натижасида 17-аср бошида Мин империяси чуқур инқирозга юз тутди. 1628—45 йиллардаги деҳқонлар уруши натижасида Мин сулоласи барҳам топди. Х. ни манжур босқинчилари босиб олди. Ҳокимият манжурларнинг Цин сулоласи (1644—1911) қўлига ўтди. Цин империясида феодал эксплуатацияси миллий зулм б-н қўшилиб кетди. Цин империяси босқинчилик сиёсатини олиб бориб, Ички Мўғулистон (1636), Жунғария хонлиги (1757), Шарқий Туркистон (1760), Тибет (18-аср охири) ҳисобига ўз терр-ясини анча кенгайтирди (Жунғария ва Шарқий Туркистон Синьцзян — «Янги чегара» номи б-н Цин империясига қўшиб олинди. Цин империясида деҳқонларнинг антифеодал, антиманжур қўзғолонлари авж олди.



Арслон ҳайкали. Тошдан ишланган. Хань сулоласи даври.

17—18-асрларда Цин империяси б-н расмий муносабатлар ўрнатишда муваффақиятга эриша олмаган ғарб давлатлари, биринчи навбатда Буюк Британия 18-аср охирларидан Х. га тазйиқ ўтказа бошлади. Инглиз савдогарлари Х. га кўплаб афюн келтира бошладилар. 1839 йилга келиб инглиз-хитой муносабатлари кескинлашди ва 1840—42 йилларда Англия б-н Хитой ўртасида биринчи «афюн» уруши бўлиб ўтди. Натижада инглизлар Х. да бир қатор имтиёзларни қўлга киритдилар. 1842 йилги Нанкин шартномасига кўра Х. Англия савдоси учун 5 та портини очишга, Сянган (Гонконг) о. ни Англияга беришга, товон тўлаш, савдо имтиёзлари ва б. беришга мажбур бўлди. 18-аср охирларидан Цин империяси инқирозга юз тутди. Синфий ва миллий зиддиятлар кучайди. 1844 йили Х. АҚШ ҳамда Францияга ҳам шундай имтиёзлар берадиган шартномаларни имзолашга мажбур бўлди. Х. ярим мустамлака мамлакатга айлана бошлади. Айни вақтда Х. нинг турли вилоятларида халқ оммасининг манжурлар зулмига қарши қўзғолонлари авж олди. 1850 йили тайпинларнинг диний мазҳаби манжурлар режимига қарши қўзғолон кўтарди (қ. *Тайпин қўзғолони*).

1856 йили Англия, сўнгра Франция Х. даги мавқеларини янада мустаҳкамлаш мақсадида Х. га қарши янги уруш очдилар (иккинчи «афюн» уруши). Интервентлар 1858 йили шимолдаги Дагу фортларини эгаллаб, Тяньцзинь ва Пекинга жиддий хавф солдилар. Цин ҳукумати таслим бўлди. 1860 йили Англия-Франция экспедицияси Пекинни ишғол қилди. 1860 йилги Пекин шартномаларига кўра Х. Англия б-н Францияга катта товон тўлашга, Буюк Британияга Цзюлун (Коулун) о. нинг бир қисмини беришга, чет эл савдоси учун Тяньцзинни очиб қўйиш ва б. шартларга рози бўлди.

60-йиллардан Англия, Франция ва АҚШ Цин ҳукуматига тайпинларга қарши курашда ёрдам бера бошлади. «Афюн» урушлари ва тайпинлар қўзғолонининг бостирилиши натижасида Англия, АҚШ ва Франция Х. даги позицияларини мустаҳкамлаб олди.

19-асрнинг охирига келиб Х. да капиталистик тузум қарор топди. Буржуазия ва пролетариат синфлари шаклланди, миллий буржуа интеллигенцияси пайдо бўлди. 70—80-йилларда Х. га ғарб давлатлари бир неча бор тажйиқ ўтказишга ҳаракат қилдилар. 1884—85-йиллардаги Хитой Х.- Франция урушида Х. енгилди. Уша йиллари Х. нинг Япония б-н муносабатлари ёмонлашди. Япония 1874 йилда Тайванни босиб олишга уринди. 1879 йилда Рюкю оролларини эгаллади. 1894 йили эса Япония-Хитой уруши бошланди. Х. бу урушда енгилди. Уруш натижасида шу давргача Х. қўл остида бўлган Корея мустақилликка эришди, Тайвань о. ва Пэнхуледао ороллари Японияга берилди. Империалистик давлатлар Х. ни янада асоратга солиш йўлидан борди. Германия, Франция, Буюк Британия, Япония ва Чор Россияси Х. нинг бир қанча терр-ясини «ижара»га олдилар ва Х. да ўз таъсир доираларини барпо этдилар. Х. нинг империалистлар томони-



Қизил гор деворига ишланган расмлар. Синьцзянь.

дан босиб олиниши ва Цин ҳукмдорларининг таслимчилик сиёсати Х. да катта норозиликка сабаб бўлди. 1894 йили Х. да *Сун Ят-сен* бошчилигида революцион демократик ҳаракат майдонга келди. 1899 йили йирик антиимпериалистик Ихэтуань қўзғолони бўлиб ўтди. Империалистик давлатлар (Буюк Британия, Германия, Австрия-Венгрия, Франция, Япония, АҚШ, Россия, Италия) Х. га қарши интервенция бошлаб, 1900 йил августда Пекинни ишғол қилдилар. 1901 йил 7 сентябрда чет давлатлар б-н Х. ўртасида «Якуняовчи протокол» имзоланиб, Цин империяси ярим мустамлакага айлантирилди. 20- аср бошида Х. ярим мустамлака мамлакатининг классик намунаси эди.

Россиядаги 1905—07 йиллардаги рев-я Х. даги революцион кураш ривожига катта таъсир кўрсатди. 1905 йили Сун Ят-сен Японияда Тинмэнхой революцион партиясини тузди. 1910 йилга келиб шаҳар ва қишлоқларда қўзғолонлар янгидан авж олди. Х. да т. й. қурилишини чет эл монополияларига топширилишига қарши 1911 йил сентябрда Сичуанда бошланган ҳаракат ҳукуматга қарши қўзғолонга қўшилиб кетди. Бу қўзғолонлар Синьхай рев-ясининг бошланишига сабаб бўлди. 1911 йил декабрда Сун Ят-сен 16 йиллик эмиграциядан қайтиб келди. 1912 йил 1 январда Х. расман республика деб эълон қилинди. 1912 йил 12 февралда Цин сулоласи ағдарилиб, монархия бекор қилинди. Революцион вилоятлар вакилларининг Нанкиндаги мажлисида Сун Ят-сен Хитой республикасининг муваққат президенти қилиб сайланди. Аммо Х. шимолдаги реакцион хитой помешчиклари ва ҳарбий доиралари ўзларининг лидери Юань Ши-кай бошчилигида революцион жанубга қарши ҳарбий ҳаракатларни бошлади. 1912 йил 25 августда Сун Ят-сен тарафдорлари *Гоминьдан* партиясини туздилар. Х. да Шимолий Х. ва Жанубий Х. ҳукуматлари пайдо бўлди. Синьхай рев-яси Цин монархиясини ағдариб ташлаб республика тузумини ўрнатган бўлса-да, антифеодал, антиимпериалистик вазифаларни ҳал қила олмади.

Биринчи жаҳон уруши (1914—18) даврида Япония Х. га нисбатан ўз экспансиясини кучайтирди. Пекиннинг Антанта давлатлари б-н боғланган милитаристик ҳукумати 1917 йил августида Германияга қарши уруш эълон қилди. Жанубий Х. ҳукуматини 1917 йил сентябрдан 1919 йилгача Сун Ят-сен бошқарди.

Улуғ Октябрь социалистик рев-яси ғалабаси ва Россияда жаҳонда биринчи социалистик давлатнинг тузилиши Х. нинг энг янги тарихига улкан таъсир кўрсатди, хитой халқини революцияга илҳомлантирди. 1918 йили Сун Ят-сен Шанхайдан В. И. Ленинга ва Совет ҳукуматига телеграмма йўллаб, Совет Россиясига муваффақиятлар тилади ва «Хитой ҳамда Россиянинг революцион партиялари биргаликда кураш олиб бориш учун бирлашадилар» деб умид билдирди.

Х. даги революцион ҳаракатнинг ривожланишида хитой халқининг 1919 йил май-июнь ойларидаги антиимпериалистик чиқишлари («Тўртинчи май» ҳаракати) муҳим босқич бўлди. 1921 йил июлда Шанхайда *Хитой Коммунистик партияси* (ХКП) нинг 1-съезди бўлиб ўтди. Сун Ят-сен ХКП ва ишчи-деҳқон ҳаракати б-н яқинлашиш йўлини танлади. 1923 йили февралдан Сун Ят-сен яна Гуанчжоуда Жанубий Х. ҳукуматини бошқарди. Унинг илтимосига кўра Совет Иттифоқи Гуанчжоуга сиёсий ва ҳарбий маслаҳатчилар (М. М. Бородин, В. К. *Блюхер* ва б.) ҳамда қурол-яроғ ва б. юбориб, Миллий революцион армия (МРА) ни тузишда ёрдам кўрсатди. Гуанчжоу миллий революция марказига айланди. 1924 йил январда Гуанчжоуда ХҚП вакиллари иштирокида гоминьданнинг 1-съезди бўлди. Съезд империализм ва феодализмга қарши курашнинг революцион-демократик программаси баён этилган Манифестни қабул қилди.


1924 йили кузида инглиз империалистлари Хитой реакционерлари б-н биргаликда Сун Ят-сен ҳукуматини ағдариб ташламоқчи бўлдилар, лекин МРА ва ишчи отрядлари контрреволюцион исённи бостирдилар.

1924 йил 31 майда Пекин ҳукумати б-н СССР ўртасида тузилган шартномага кўра дипломатик муносабатлар ўрнатилди. 1925 йил 12 мартда Сун Ят-сен вафот этди. У гоминьданга Х. ни батамом озод қилиш, Совет Иттифоқи б-н дўстликни мустаҳкамлашни васият қилиб кетди.

1925—27 йилларда Х. да миллий революция бўлди. 1925 йил 1 июлда Гуанчжоу ҳукумати ўзини Миллий ҳукумат деб эълон қилди. 1925—26 йилларда МРА Гуанси, Гуйчжоу провинциялари ва Хунан провинциясининг жанубий қисмида революцион ҳокимият ўрнатди. 1926 йил июлда МРА Х. нинг барча терр-ясида рев-я ғалабасини таъминлаш учун Шимолга юриш бошлади. 1927 йил мартда ХҚП раҳбарлигида қўзғолон кўтарган Шанхай ишчилари шаҳарни озод қилдилар. Тез орада Нанкин ҳам озод этилди. Ишчи-деҳқонлар революцион ҳаракатининг авж олаётганидан қўрққан миллий буржуазия чет давлатларнинг тазйиқи остида рев-яга сотқинлик қилди. Гоминьданнинг ўнг қаноти МРА Бош қўмондони Чан Кай-ши бошчилигида 1927 йил 12 апрелда Шанхай ва Нанкинда, сўнгра Гуанчжоуда тўнтариш қилди. 1927 йил 18 апрелда Нанкинда контрреволюцион «Миллий ҳукумат» тузилди. 1927 йил июлда Уханда ҳам контрреволюцион тўнтариш ўтказилди. Кўп ўтмай чап қанот гоминьданчилар ҳам реакционерларга таслим бўлди. ХҚП қонундан ташқари деб эълон қилинди. Омон қолган революцион отрядлар, МРАнинг рев-я ишига содиқ қолган қисмлари қишлоқ р-ларига чекиниб партизанлик урушини олиб борди.

Хитой миллий революцияси мағлубиятидан сўнг гоминьдан реакцион диктатураси — помешчиклар ва йирик буржуазия ҳокимияти қарор топа бошлади. Нанкин ҳукумати СССР га нисбатан очиқдан-очиқ душманлик сиёсатини олиб борди, натижада СССР 1929 йил 17 июлда Х. б-н дипломатик алоқани узди.

Х. нинг кўп қисмида реакция ҳукмронлигига қарамасдан айрим қишлоқ р-ларида ХҚП раҳбарлигида Х. Қизил армияси отрядлари, ўша даврда советлар деб аталувчи революцион-демократик ҳокимият ўчоқлари (асосан Жанубий ва Марказий Х. да) тузилди, демократик тадбирлар амалга оширилди. 1931 йил ноябрида Жуйцзинь ш. (Цзянси провинцияси) да Х. совети р-лари вакилларининг 1-Умум Хитой съезди бўлиб, у Хитой Совет Республикаси (ХСР) нинг МИҚ ва Муваққат марказий ҳукуматини сайлади, ХСР конституцияси лойиҳасини қабул қилди. 1930—33 йилларда Х. Қизил Армияси гоминьдан қўшинларининг 4 йирик юришини қайтарди.



К. П. Чепраков. «Чирчиқ йўлида тонг» (1964, ЎзССР Санъат музейида).

Чепраков мақоласига.



Р. Чориев. «Нурхоннинг жасорати» (1975).


Чориев Р. мақоласига.



1



2



3



4

Чинни идишлар. 1. Безак тарелка (ГДР). 2. Ленинграддаги М. В. Ломоносов номидаги чинни заводида, 3—4. Тошкент чинни заводида тайёрланган чинни идишлар (ҳаммаси ҳам 60-йиллар).


Чинни мақоласига.

1931 йил охирида япон қўшинлари Шимоли-Шарқий Х. ни ишғол қилиб, 1932 йилда Маньчжоу-Го қўғирчоқ ҳукуматини тузди. 1932 йил 12 декабрда СССР б-н Х. ўртасида дипломатик алоқа тикланди. 1933 йили япон қўшинлари деярли қаршиликсиз Жэхэ провинциясини босиб олди. 1933—34 йилларда Чан Кай-ши империалистик давлатлар ёрдамида Х. совет р-нларига қарши 5-йирик юриш қилди. Х. Қизил Армияси (ХКП МК б-н бирга) Марказий Х. ни ташлаб шимоли-ғарбга кўчиб ўтишга мажбур бўлди (1934 йил октябрь—1936 йил ноябрь) ва Шэньси ҳамда Ганьсу провинциялари чегарасига чиқди; янги Шэньси-Ганьсу-Нинся совет чегара р-ни ташкил этилди. 1936 йили Япония агрессияси хавфининг кучайиши ва кенг халқ оммасининг норозилиги гоминьдан раҳбарларини Х. Қизил Армиясига қарши курашни тўхтатишга мажбур этди.

1937 йил июлда Япония бутун Х. ни босиб олиш планини амалга оширишга киришди. Урушнинг биринчи ойларидаёқ японлар Х. нинг жуда катта терр-ясини, жумладан Бэйпин (Пекин), Тяньцзинь, Шанхай ва б. шаҳарларни босиб олди. Хитой халқининг япон босқинчиларига қарши озодлик уруши (1937—45) бошланди. Халқнинг тазйиқи остида гоминьдан раҳбарлари 1937 йил 23 сентябрда ХКП б-н гоминьдан ўртасида ҳамкорлик ўрнатилганлигини маълум қилди. Битимга кўра Шэньси-Ганьсу-Нинся революцион базаси Х. нинг демократик ҳокимият сақланган махсус р-нига, Х. Қизил Армияси қисмлари эса Х. нинг 8-армиясига айлантирилди. Япон қўшинлари 1937 йил июлдан 1938 йил октябргача Шимолий Х. нинг барча терр-ясини, Марказий Х. нинг бир қисмини, шунингдек Жанубий Х. нинг муҳим денгиз бўйи р-нларини босиб олди. ХКП японлар босиб олган р-нларда партизанлик ҳаракатини кенг авж олдирди.

Совет Иттифоқининг Улуғ Ватан уруши (1941—45) да гитлерчилар Германияси устидан қозонган ғалабаси Х. халқининг миллий озодлик курашига ижобий таъсир кўрсатди. Совет Армияси ўтказган *Манжурия стратегик операцияси* (1945) натижасида Шимоли-Шарқий Х. ва Ички Монголия Япон милитаристларидан озод этилди. 1945 йил 2 сентябрда Япония сўзсиз таслим бўлди. Халқаро миқёсда кучлар нисбатининг демократия ва социализм фойдасига ҳал бўлганлиги Х. да халқ демократик революцияси ғалабаси учун қулай шароит яратди.


Япония таслим бўлгач, АҚШ япон қўмондонлиги капитуляциясини таъминлаш баҳонаси б-н Х. нинг муҳим портларига ўз ҳарбий-денгиз кучларини киритди, муҳим пунктларга АҚШ армиясининг ҳаво ва денгиз десантлари туширилди. 1945 йил 13 октябрда Чан Кай-ши ҳукумати қўшинлари озод қилинган терр-яларга ҳужум бошлади. 1945 йил 16—26 декабрда Москвада бўлиб ўтган СССР, АҚШ ва Буюк Британия Ташқи ишлар министрлари Кенгаши Х. ни тинчлик йўли б-н бирлаштириш ва гражданлар урушини тўхтатиш ҳақида қарор қабул қилди. Бу қарор АҚШ режаларини барбод қилди. Гоминьдан ҳукумати ва ХКП ҳарбий ҳаракатларни тўхтатишга келишган (1946 йил 10 январь) бўлса ҳам 1946 йил июлда Чан Кай-ши тарафдорлари бутун мамлакат миқёсида гражданлар урушини яна



Шийпон («тип»). Пекин яқинидаги Ихэюань боғи (16—18-асрлар).

бошлаб юборди. АҚШ чанкайшичиларга ҳар томонлама ёрдам кўрсата бошлади. Бироқ Х. Халқ озодлик армияси гоминьданчиларга қарши муваффақиятли жанглар олиб бориб, 1948—49 йил январгача бутун Шимоли-Шарқий Х., Шимолий Х. ни, Шимоли-Ғарбий Х. нинг кўп қисмини, Марказий Х. нинг Янцзи дарёсигача бўлган ерларини озод қилди. Х. халқининг чанкайшичилар тўдалари ва уларнинг ҳомийлари бўлмиш америка империалистларига қарши олиб борган қаҳрамонона курашида совет халқи ҳар томонлама ёрдам берди. 1949 йил кузга келиб Х. Халқ озодлик армияси ҳужумини давом эттирди ва Шимоли-Ғарбий Х. ва Марказий Х. ни, Жанубий ва Жануби-Ғарбий Х. нинг катта қисмини озод қилди. Чан Кай-ши тўдаси эса Тайванга қочди. 1949 йил 1 октябрда Пекинда Хитой Халқ Республикаси (ХХР) тузилганлиги тантанали равишда эълон қилинди. Хитой халқининг чет эл босқинчилари ва миллий эксплуататорларга қарши олиб борган кўп йиллик революцион кураши ғалаба б-н якунланди.

ХХР тузилгач, давлатни бошқаришни ўз зиммасига олган ХКП ХХРнинг бош йўли — мамлакатда социалистик жамият қуриш эканлигини эълон қилди. Совет Иттифоқи биринчи бўлиб ХХРни таниди (1949 йил 2 октябрь). 1950 йил 14 февралда Дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги Совет-Хитой шартномаси имзоланди: АҚШ ҳукумати ХХРга нисбатан душманлик позициясини тутди. 1951 йили Х. терр-ясини гоминьданчилардан озод этиш (Тайвань ва Пэнхуледаодан ташқари) тугалланди. 1952 йили ХХР ҳукумати жойларда халқ ҳокимияти органларини тузиш, помешчиклар ва гоминьданчи бандаларни йўқотиш, йирик капиталны мусодара қилиш бўйича катта ишларни амалга оширди. Экономикада давлат социалистик сектори вужудга келди. 1953 йили аграр ислоҳотлар ўтказилди. 300 млн. га яқин ерсиз ва кам ерли деҳқонлар ва уларнинг оилаларига собиқ помешчиклар ерлари бўлиб берилди. 1952 йил охирларига келиб урушлар туфайли вайрон бўлган халқ хўжалиги тикланди. 1953—54 йилларда маҳаллий ва марказий ҳокимият органларига умумий сайловлар бўлди. 1954 йил сентябрда Умум Хитой халқ вакиллари мажлисининг 1-сессияси бўлиб, ХХР конституцияси қабул қилинди. Биринчи беш йиллик (1953—57) мобайнида саноат ишлаб чиқариши ҳажми 2,3 марта ўсди, 428 йирик саноат корхонасини қуриш тугалланди ва б. тадбирлар амалга оширилди.



Ухань шаҳри ёнида Янцзи дарёсига қурилган кўприк.

1953—57 йилларда қатор Совет-Хитой битимлари имзоланиб, Совет ҳукумати ўз зиммасига ХХРга қўшимча 161 йирик саноат объектларини қуриш ва реконструкция қилиш ҳамда СССР ёрдами б-н қурилаётган объектлар учун салкам 3 млрд. сўмлик асбоб-ускуналар етказиб бериш мажбуриятини олди. СССР ёрдами б-н бунёд этилган корхоналар Х. да замонавий саноатга асос бўлди ва ХХР ни келгусида индустрлаш программасини амалга оширишга имкониятлар яратди. Бундан ташқари мингларча совет мутахассислари ХХР қурилишларида ишлади. Кўплаб ёш хитой мутахассислари ва ишчилари СССР олий ўқув юртлари ва корхоналарида таълим олди, малакасини оширди. Совет Иттифоқи Совет-Хитой дўстлигини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашга қаратилган йўлни изчил давом эттирди. ХҚПнинг 1956 йил сентябрда бўлиб ўтган 8-съезди марксизм-ленинизм таълимотига амал қилиб, Х. да социализм қуриш партиянинг бош йўли эканлигини тасдиқлади (ХҚПнинг 1945 йилда бўлиб ўтган 7-съездида «Мао Цзэ-дун ғояларига» амал қилиш кўзда тутилган эди). Съезд ташқи сиёсатнинг асосий йўналиши сифатида «Буюк Совет Иттифоқи ва барча халқ демократияси мамлакатлари б-н абадий ва бузилмас дўстликни мустаҳкамлаш ва кучайтиришни давом эттириш»га қарор қилди.

50-йилларнинг 2-ярмидан ХҚПда ва унинг раҳбарлари орасида миллатчилар активлаша бошлади. Мао Цзэ-дун уларга йўлбошчи ва ғоявий раҳбар бўлди. Маочиларнинг таъсири ва тазйиқи остида 1958 йили 2-беш йиллик план амалда бекор қилинди. Халқ хўжалигини ривожлантиришда ХХР раҳбарлари социализмнинг объектив иқтисодий қонунларидан чекиниб «катта сакраш» (беш йил мобайнида саноат ишлаб чиқаришини 6,5 марта, қ. х. ишлаб чиқаришини 2,5 марта кўпайтириш) йўлини тутдилар. Барча қ. х. кооперативлари «халқ коммуналари»га айлантирилди. Натижада ХХР халқ хўжалиги издан чиқди, саноат ва қ. х. ишлаб чиқариши кескин камайди. 1961 йилга келиб «катта сакраш» ва «халқ коммуналари» ҳақидаги кўрсатмаларнинг кўпчилиги бекор қилинган бўлса ҳам, лекин социалистик хўжалик юритиш принциплари тўла тикланмади.

60-йилларнинг бошларидан ХҚП раҳбарлари марксизм-ленинизмни, жаҳон коммунистик ҳаракатининг принципиал йўлини ва социалистик мамлакатлар сиёсатини ревизия қилиш йўлига ўтди. ХҚП раҳбарлари Осиё, Африка ва Латин Америкасидаги ривожланаётган мамлакатларнинг ички ишларига қўпол равишда аралаша бошлади. СССРнинг Узоқ Шарқ ва Марказий Осиёдаги терр-яларининг бир қисмига даъво қилиб, Совет-Хитой чегараларида қатор можаролар келтириб чиқарди. СССР Совет-Хитой муносабатларини яхши йўлга қўйиш учун қатор амалий таклифлар киритди, лекин уларнинг барчаси Х. раҳбарлари томонидан рад этилди.

Маочиларнинг авантюристик сиёсати ХХР да катта норозилик туғдирди. Норозиликни бостириш мақсадида партия ва давлат арбоблари репрессия қилинди, хитой зиёлиларининг кўп қисми «сиёсий жиҳатдан ишончсиз» кишилар деб эълон қилинди. 1959—65 йилларда армияда «тозалаш» ишлари ўтказилди.

Маочилар мамлакатда ўз ҳукмрон мавқеларини сақлаб қолиш мақсадида 60-йилларнинг 2-ярмида «маданий революция»ни амалга оширдилар. Мао Цзэ-дун шахсига сиғиниш авж олди. Хавфсизлик органлари ва армия иштирокида, шунингдек сиёсий жиҳатдан чиниқмаган ўқувчи ёшлар ва студентлардан тузилган хунвэйбинлар («қизил қўриқчилар») ҳамда цзаофанлар («ғалаёнчилар») отрядлари ёрдамида Мао кўрсатмасига биноан мингларча масъул партия ва давлат ходимлари ва зиёлилар ишдан олиниб, сургун қилиндилар ёки уй қамоғида сақландилар. Улар орасида ХХР раиси Лю Шао-ци, ХҚП МҚ аъзоларининг $^2/_3$ қисми ва б. бор эди. Шу б-н бирга, комсомол, касаба союзлари ва б. жамоат ташкилотларининг фаолияти тўхтади, кўплаб газета ва журналлар ёпиб қўйилди. Провинция ва уездларда партия комитетлари ва халқ томонидан сайланган ҳокимият органлари амалда тарқатиб юборилди ва тепадан тайинланадиган, армия вакиллари асосий роль ўйнаган «ревкомлар» б-н алмаштирилди. Мактаблар, олий ўқув юртлари, барча кутубхона, музей, театрлар иши тўхтади.

1966 йилнинг 2-ярмида ХХРнинг ташқи сиёсати Совет Иттифоқига қарши пропаганда ва ҳаракатларнинг кескин авж олиши б-н характерланди. 1969 йили ХХР СССР чегараларига қуролли ҳуруж қилди. Совет Иттифоқи маочиларнинг бундай ҳаракатларига кескин зарба берди.

1969 йил апрелда ХҚПнинг 9-съезди бўлиб, у Мао Цзэ-дун «ғоялари»га, «маданий революция»ни оқлашга, ХХРнинг ташқи сиёсатини асослашга бағишланди. «Мао Цзэ-дун ғоялари» ХҚПнинг идеологик асоси сифатида қонунлаштирилди. Съезд ХҚП 8-съезди қарорларини амалда йўққа чиқарди. Съездда Совет Иттифоқи б-н кураш олиб бориш амалда Х. давлатининг энг асосий вазифаларидан бири деб эълон қилинди. Съезд маоизм илмий коммунизм ғоялари б-н алоқани узганлигини кўрсатди. ХҚП раҳбарлари халқаро сиёсатда империализм позицияларини мустаҳкамловчи куч бўлиб майдонга чиқди. 1969 йил июнда бўлиб ўтган Коммунистик ва ишчи партияларининг халқаро кенгашида (ХҚП раҳбарлари бу кенгашда қатнашишдан бош тортган эди) ХҚП 9-съезди қарорлари қораланди.

ХҚП 9-съездидан кейин мамлакатда ички аҳвол мураккаблигича қолаверди, турли гуруҳлар ўртасида ҳокимият учун кураш кучайди. 1971 йил сентябрда мамлакат ичкарисидаги кураш кескинлашди, натижада мудофаа министри, Мао Цзэ-дуннинг «вориси» Линь Бяо ва бир қатор саркардалар, ХҚП МҚ ва Сиёсий Бюроси аъзолари ҳокимиятдан четлатилди.

ХХР раҳбарлари Совет Иттифоқи ва б. социалистик ҳамдўстлик мамлакатларига қарши душманлик йўлини давом эттириб, СССР б-н социалистик мамлакатлар ўртасидаги дўстлик алоқаларини бўшаштиришга уриндилар. Улар Варшава шартномаси, Узаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши ва социалистик интеграция тадбирларига қарши фаолиятни кенгайтирдилар. Айни вақтда ХХР ҳукумати капиталистик мамлакатлар б-н дипломатик ва иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга ҳаракат қилди. Х. 1971—72 йилларда АҚШ б-н муносабатларни нормаллаштириш йўлига ўтди. Капиталистик мамлакатлар, айниқса Япония ХХР б-н ташқи иқтисодий алоқа қиладиган асосий мамлакатга айланди.

Хитой ҳукумати «учинчи дунё» деб аталмиш мамлакатлар орасида раҳбарликни қўлга олиш ва улардан ўзининг ғаразли буюк давлатчилик манфаатларини амалга ошириш мақсадида ХХРни «ривожланаётган мамлакат» деб эълон қилди. Х. раҳбарлари ривожланаётган мамлакатларни Совет Иттифоқи ва б. социалистик мамлакатларга қарши қўйишга, социалистик ва ривожланаётган мамлакатларнинг халқаро майдонда антиимпериалистик ҳамкорлигига раҳна солишга уриндилар.

1971 йил октябрда БМТ Бош Ассамблеясининг 26-сессияси ХХР нинг БМТ ва Хавфсизлик Кенгашидаги ҳуқуқларини тиклади. ХХР БМТга аъзо бўлганидан кейин халқаро кескинликни юмшатиш ва халқаро муаммоларни ҳал этишга салбий ёндашувни давом эттирди. ХХР Европа ва Осиёда коллектив хавфсизлик системасини яратишга қарши чиқди. Мамлакатнинг ракета-ядро қудратини ошириш учун давлат бюджетининг $^1/_3$ қисмини сарфлаётган ХХР ҳукумати СССРнинг қисман ва ялпи қуролсизланишга қаратилган барча конструктив таклифларини рад этди.

1975 йили ХХРнинг 36 моддадан иборат, 1978 йили мартда 60 моддадан иборат бўлган янги конституцияси қабул қилинди (Давлат тузуми бўлимига қ.). 1976 йил 8 январда ХХР Давлат кенгашининг раиси Чжоу Энь-лай, ўша йили 9 сентябрда Мао Цзэ-дун вафот этди. 1976 йил 7 апрелда ХҚП МҚ Сиёсий Бюроси аъзоси, ХХР Бош министри ўринбосари, ХХР Ҳамоат хавфсизлиги министри Хуа Го-фэн ХХР Бош министри қилиб тайинланди. Мао Цзэ-дун вафотидан сўнг Х. раҳбарлари ўртасида ҳокимият учун давом этиб келаётган кураш жиддий тус олди. 1976 йил 7 октябрда «ҳокимиятни эгаллаб олишга» уринишда айбланиб ХҚП МҚ раиси ўринбосари Ван Хун-вэнь, ХҚП МҚ Сиёсий Бюроси Доимий комитети аъзоси, Давлат кенгаши Бош министри ўринбосари, Халқ Озодлик Армияси Бош сиёсий бошқармаси бошлиги Чжан Чунь-цяо, ХҚП МҚ Сиёсий Бюроси аъзоси Цзян Цин (Мао Цзэ-дуннинг хотини) ва Яо Вэнь-юань барча партия ва расмий лавозимларидан бўшатилиб қамоққа олинди. Хитой пропагандаси уларни «тўртлар бандаси» ва «контрреволюционерлар» деб атай бошлади. Кейинчалик бир қатор давлат, партия ва ҳарбий арбоблар, жумладан Мао Цзэ-дуннинг айрим яқин қариндошлари ҳам қамоққа олинди. 1976 йил 7 октябрда Хуа Го-фэн ХҚП МК раиси бўлди. 1977 йил 12—18 августда ХҚПнинг 11-съезди ёпиқ ҳолда ўтди. Съезд материалларида СССР ва АҚШ «Икки буюк давлат» тарзида тилга олиниб, Совет Иттифоқи ХХРнинг «биринчи ўриндаги душмани» деб таъкидланган.

1977 йил бошларига келиб, Х. 112 та мамлакат б-н дипломатик алоқа ўрнатди. Айниқса, капиталистик мамлакатлар, хусусан ГФР б-н мустаҳкам алоқа боғлашга катта эътибор берди.

1975 йилдан ХХР Европа иқтисодий ҳамкорлиги (Умумий бозор) б-н расмий алоқалар ўрнатди. Умумий бозордан антисовет мақсадларида фойдаланишга интилмоқда. 1978 йил апрелда Брюсселда ХХР б-н Умумий бозор ўртасида савдо битими имзоланди.

1978 йил 12 августда Х. б-н Япония ўртасида Тинчлик ва дўстлик тўғрисида шартнома имзоланди. 1979 йил 1 январдан Х. б-н АҚШ ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилди.

СССР Олий Совети Президиуми 1978 йил 24 февралда Халқ вакиллари Умум Хитой мажлиси сессияси арафасида унинг Доимий комитетига мурожаатнома йўллаб, Совет-Хитой муносабатларини нормаллаштиришни таклиф этди. Аммо ХХР раҳбарлари таклифларни рад этиб, мамлакат экономикасини ҳарбийлаштиришни кучайтирди, антисоветизм пропагандасини авж олдирди. Х. пропагандаси КПСС ва Совет ҳукуматининг ички ва ташқи сиёсатини, КПСС 25-съезди қарорларини обрўсизлантириш ва уларга бўҳтон қилишни давом эттирди.

Совет Иттифоқи Х. га нисбатан КПСС ишлаб чиққан йўлни оғишмай амалга оширмоқда. Бу йўл Х. раҳбарларининг ажратувчилик, социализмга душманлик сиёсатига актив қарши таъсир кўрсатиш, СССР манфаатларига нисбатан ҳар қандай тажовузга изчил зарба бериш ва айни вақтда ХХР б-н муносабатларни нормаллаштиришга, яхши қўшничиликни ўрнатишга тайёр туришдан иборат. Бундай йўл социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари ва жаҳон революцион ҳаракатининг манфаатларига ҳам, СССР ва Х. халқларининг туб манфаатларига ҳам мувофиқдир.

СССР ва Х. ўртасида давлат йўли бўйича муносабатлар давом эттирилмоқда.

Сиёсий партиялари, Хитой халқ сиёсий консультатив кенгаши, касаба союзлари, жамоат ташкилотлари. Х. Коммунистик партияси (ХҚП; Чжунго гунчаньдан), 1921 йили тузилган. 1949 йилдан ҳукмрон партия. 35 млн. аъзоси бор (1977 қ. *Хитой Коммунистик партияси*). ХХРда яна миллий буржуазия манфаатларини ифодалайдиган ва ХҚПнинг раҳбарлик ролини тан оладиган 8 демократик партия ва группалар расман сақланиб келмоқда: Х. Гоминьдан революцион комитети — Чан Кай-шининг реакцион сиёсатидан норози бўлган собиқ гоминьдан аъзолари томонидан 1948 йили асос солинган; Х. Демократик лигаси (1941). Миллий ва шаҳар майда буржуазияси ва майда буржуа зиёлиларни бирлаштиради; Х. Демократик миллий қурилиш ассоциацияси 1945 йили миллий буржуазиянинг савдо-саноат доиралари томонидан тузилган; Х. Демократия тараққиётига кўмак берувчи ассоциация, 1945 йили матбуот, маданият ва маориф ходимлари ташкил этган; Х. Деҳқон-ишчи-

лар демократик партияси, 1927 йили асос солинган. Асосан медицина ва соғлиқни сақлаш ходимларини бирлаштиради; Чжунго чжигунгдан (Х. адолатга интилиш партияси), 1925 йили тузилган. Асосан эмиграциядан Х. га келган хитойликлар ва ватанпарвар кайфиятдаги хитой эмигрантларини бирлаштиради; Цзюсань сюэшэ (3 сентябрь жамияти), 1944 йили илмий интеллигенция ва маданият, маориф ходимлари томонидан тузилган; Япония таслим бўлган куни шарафига шу ном б-н аталган; Тайвань ўзини ўзи демократик бошқариш лигаси, 1947 йили асос солинган, бу лига континентал Х. да яшовчи тайванликларни бирлаштиради.

Х. Халқ сиёсий консультатив кенгаши (ХХСКК) — Демократик партиялар, жамоат ташкилотлари, Х. даги турли миллат вакиллари, шунингдек хитой эмигрантларининг бир қисмини ХҚП раҳбарлиги остида бирлаштирган Ягона халқ демократик фронтнинг олий органи (1949 йили тузилган).

Умум Хитой касаба союзлари федерацияси (1925 йили тузилган); Х. Коммунистик ёшлар союзи (ХКЁС), 1949 йилда асос солинган. Умум Хитой ёшлар федерацияси (1949 йилда асос солинган), 1958 йилгача Умум Хитой демократик ёшлар федерацияси деб аталган ва унинг таркибига ХКЁС, Умум Хитой студентлар федерацияси, шунингдек бошқа ёшлар ташкилоти кирган); ХХР Хотин-қизлар федерацияси (1949 йилда тузилган); Ялпи тинчликни ҳимоя қилиш Хитой халқ комитети (1949 йили тузилган); Совет-Хитой дўстлиги жамияти (1949 йил 5 октябрда тузилган). «Маданий революция» даври (60-йилларнинг 2-ярми)да Умум Хитой касаба союзлари федерацияси, ХҚЁС ташкилотлари ва б. жамоат ташкилотлари амалда ўз фаолиятларини тўхтатди. ХҚПнинг 11-съездида қабул қилинган Уставда касаба союзлар, Камбағал ва қуйи ўрта ҳол деҳқонлар иттифоқи, Хотин-қизлар федерацияси, коммунистик ёшлар союзи, оммавий ташкилотлар тариқасида санаб ўтилган. «Маданий революция» бошланганидан бери (1966) Х. даги оммавий ташкилотларнинг Умум Хитой съездлари чақирилмади, бу ташкилотларнинг марказий органлари ташкил этилмай қолмоқда (1978).

Хўжалиги. ХХР 1949 йилги халқ рев-яси галабасидан сўнг СССР ва б. социалистик мамлакатларнинг қардошларча ёрдамига таяниб халқ хўжалигини тиклашга киришди.

1975 йили халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 4-беш йиллик плани муддати тугади. Лекин беш йиллик ва унинг охирги йиллари натижалари эълон қилинмади.



1. Террасали шолипоялар. Шаньси провинцияси. 2. Сланецдан нефть маҳсулотлари олинадиган завод. Маомин шаҳри (Гуандун провинцияси).

1975 йили саноат ва қ. х. ялпи маҳсулоти тахминан 6% га ошди.

Саноати. 1976—78 йилларда саноат ва капитал қурилишда саноатнинг база тармоқлари ривожланмаганлиги, ускуналарнинг эскирганлиги, тармоқлараро номутаносиблик, материал ва машиналарнинг импортга қарамлиги, юқори малакали ишчилар ва инженер-техник кадрларининг етишмаслиги б-н характерланади.

Ёқилғи-энергетикаси кўмирга асосланган. Мамлакатда қазиб олинаётган барча турдаги ёқилғиларнинг 90% ини кўмир ташкил этади. Ҳисобга олинган кўмир запаслари бўйича Х. дунёда СССР ва АҚШ дан кейин 3-ўринда. Шимоли-Шарқий Х. да сланец конлари, Сичуань ва Цайдам сойликларида газ конлари бор.

Электроэнергетика саноатининг умумий қуввати 15 млн. *квт*. Электр энергиясининг ¾ қисми ТЭС ларда ҳосил қилинади. Қора металлургия саноатида чўян ишлаб чиқариш етакчи ўринда. Х. вольфрам концентрати, сурма ишлаб чиқариш ва қалай эритиб олишда жаҳонда олдинги ўринлардан бирида. Рангли металлургиянинг йирик марказлари — Шэньяи ва Шанхай.

Капитал қурилишда ҳарбий-саноат комплексларини кенгайтиришга, нефть олиш ва уни ишлаш бўйича қувватларни кўпайтиришга зўр берилмоқда. 1976 йили Х.— Япония денгиз кабели ётқизилиши тугалланди.

1977 йили Х. да 130 млрд. *квт-с* электр энергия ҳосил қилинди; 442 млн. *т*. кўмир, 76 млн. *т* нефть қазиб олинди, 23,5 млн. *т* пўлат, 39 млн. *т* цемент, 33 млн. *т* минерал ўғитлар (1976) 90 минг автомобиль, 100 минг трактор, 9 млрд. *м* ип газлама ишлаб чиқарилди. Кустарь-ҳунармандчилик ишлаб чиқариши ҳам каттагина аҳамиятга эга [энг қадимги тармоқлари — йигирув-тўқув, керамика (чинни ва фаянс), қоғоз, ёғ, қ. х. қуроллари ва уй-рўзғор буюмлари ишлаб чиқариш]. Х. бадиий-ҳунармандчилик буюмлари б-н ҳам машҳур.

Қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоғи — деҳқончилик. Қ. х. да фойдаланиладиган ерлар БМТ нинг 1967 йилги маълумотига кўра 287,3 млн. *га*, шундан 110,3 млн. *га* ишланади (мамлакат терр-ясининг 11,5%), 177 млн. *га* ўтлоқ ва яйлов. Х. нинг катта қисмида тупроқ-иқлим хусусиятларининг қулайлиги натижасида қ. х. экинларидан йил давомида 2 марта, мамлакат жанубида, ҳатто 3 марта-гача ҳосил олишга имкон беради. Х. суғориладиган майдонларнинг салмоғи жиҳатидан қадимдан жаҳонда олдинги ўринлардан бирида туради. 1977 йилда ишланадиган ер майдонининг фақат 15% ида машинадан фойдаланилди. Деҳқончилик, асосан қўл меҳнатига асосланган. Ўғитлар, навли уруғлик ва б. етишмайди.

Ҳайдаладиган ернинг фақат ⅓ қисмига яқини (40 млн. *га*) суғорилади. Ғалла экинлар ҳосилдорлиги паст, олинган ҳосил мамлакат эҳтиёжини қопламайди. Шу сабабли Х. чет элдан ғалла сотиб олади (1977 йили 8 млн. *т*). Деҳқончиликда асосий тармоқ — дон хўжалиги. Экин майдонининг ¾ қисмига дон экинлари экилади (йиллик умумий ғалла ҳосили 225—230 млн. *т*; 1976). Энг муҳим дон экини — шоли (экин майдонининг 20% и ва жами донли экинлар ҳосилининг 50% и). Асосий шоликорлик р-ни Янцзи дарёси ҳавзасида. Шунингдек, буғдой, маккажўхори, гаолян, тариқ, арпа, гречиха ҳам экилади. Х. да кўплаб пахта, соя, ер ёнғоқ, тамаки, чой етиштирилади. Х. нинг жанубидаги денгиз соҳиллари ва Сичуань сойлигида шакарқамиш, шарқий ва марказий р-ларида чой ўстирилади. Кўк чой асосан мамлакат ичкарисида истеъмол қилинади, қора чой эса экспорт қилинади. Тунг ва лак дарахтлари ҳам ўстирилади. Тропик, субтропик ва мўътадил минтақаларда кўп тармоқли боғдорчилик (цитрус мевалар, ананас, банан, манго, олма, нок ва ҳ. к.) ривожланган. Айрим р-нларда токчилик б-н ҳам шуғулланилади.

1971 йилда 32 млн. *т* буғдой, 104 млн. *т* шоли, 11,5 млн. *т* соя, 30,5 млн. *т* шакарқамиш, 5,2 млн. *т* қанд лавлаги, 500 минг *т* жут ва каноп, 1,5 млн. *т* пахта толаси, 785 минг *т* тамаки, 173 минг *т* чой, 700 минг *т* апельсин ва ҳ. к. етиштирилди.

Чорвачиликда Х. нинг ҳар бир йирик р-ни ўзига хос йўналишга эга. Шарқий Х. да чўчқачилик, паррандачилик ривожланган, иш ҳайвонлари кўпайтирилади (чўчқанинг умумий сони жиҳатидан Х. дунёда 1-ўринда). Ички Монголия, Синьцзяннинг шимолий қисмида ва Тибетда яйлов чорвачилиги (қўйчилик, қорамолчилик, йилқичилик) асосий ўринда. 1971 йилда Х. да 63,2 млн. қорамол, 29,4 млн. буйвол, 223 млн. чўчқа, 71 млн. қўй, 57 млн. эчки, 7,2 млн. от, 1,6 млн. хачир, 11,7 млн. эшак, 1,17 млрд. парранда бўлган. Янцзи ва Чжуцзян дарёлари ҳавзаларида тут ипак қурти, Шимоли-Шарқий Х. да ва Шаньдунда дуб ипак қурти боқилади. 1970 йилда 125 минг *т* пилла етиштирилди ва 10,2 минг *т* хом ипак тайёрланди. Х. балиқ ва б. денгиз ҳайвонларини овлашда дунёда олдинги ўринлардан бирида туради. Чучук сув ҳавзаларида ва шолипояларда балиқчилик ҳам кенг тарқалган. Урмон Х. терр-ясининг 10% ида қолган.

Транспорти. 1976 йили т. й. узунлиги (эълон қилинган маълумотларга кўра) 51095 *км* га етди, шундан 37836 *км* магистрал йўллар. Шоссе йўллар узунлиги 700 минг *км*, шундан 250 минг *км* қаттиқ қопламали йўллар. Оғир юк машиналари ишлаб чиқарилмайди. Чет элдан йилига 10 мингга яқин оғир юк машиналари сотиб олинади. Ички сув йўлларининг узунлиги 150 минг *км* (1976). Денгиз флотининг тоннажи 4 млн. брутто рег. *т* (1976). 70 шаҳар ҳаво йўллари б-н боғланган. 12 халқаро авиалиниялар ишлайди.

Яқин масофаларга ва тоғларда юк ташишда одам кучидан кенг фойдаланилади (барча юкларнинг 30%, 1976).

Ташқи савдоси. Х. да экспорт ресурслари ва чет эл валютаси етишмаслиги ва кредитдан воз кечиш ташқи савдога салбий таъсир кўрсатди. Х. четга нефть, кўмир, кон маҳсулотлари, тўқимачилик, қ. х. маҳсулотлари (чой, тамаки, тунг мойи, озиқ-овқат), кустарчилик буюмлари ва б. чиқаради; четдан махсус пўлат, прокат, рангли металлар, нефть, кимё ва кон саноати учун машина ва ускуналар, кимёвий ўғитлар, каучук, ғалла ва б. олади. Х. ташқи савдо товар оборотида социалистик давлатлар ҳиссаси (17%, 1959 йилгача 70%), ривожланаётган ва ривожланган капиталистик мамлакатлар ҳиссаси амалда ўзгармади (1977), унинг асосий қисми капиталистик мамлакатларга тўғри келади. Пул бирлиги — юань. СССР Давлат банки курси бўйича 100 юань 45 сўмга тенг (ноябрь, 1978).


Х. қуйидаги иқтисодий-географик р-нларга бўлинган: Шимоли-Шарқий Х., Шимолий Х., Шарқий Х., Марказий Х., Жанубий Х., Жануби-Ғарбий Х., Шимоли-Ғарбий Х. ҳамда Ички Монголия, Нинся-Хуэй, Синьцзян-Уйғур ва Тибет автоном р-нлари. Автоном р-нлар иқтисодий жиҳатдан кам ривожланган.

Қуролли кучлари. Хитой Халқ озодлик армияси (ХОА) қуруқликдаги қўшинлар, ҳарбий-ҳаво кучлари, ҳарбий-денгиз флоти, чегара қўшинлари ва жамоат хавфсизлиги қўшинларидан иборат. Х. қуролли кучларига ХҚП раиси (айни пайтда ХҚП МҚ Ҳарбий Совети раиси) раҳбарлик қилади. Бевосита раҳбарликни мудофаа министри амалга оширади.

Х. қуролли кучларининг ташкил топиши 1924 йили Сунь Ят-сен ҳукумати Жанубий Х. да ХҚП иштирокида тузган миллий-революцион армия (МРА) нинг қурилиш ва мустаҳкамланиши б-н бошланган. МРА нинг ташкил топиши ва мустаҳкамланишида СССРнинг қурол-яроғ ҳамда ҳарбий кадрлар тайёрлаб беришдаги ёрдами катта аҳамиятга эга бўлди. 1927 йилдан сўнг Х. да революцион ҳарбий отрядлар ва қўшилмалар ташкил топди. Кейинчалик улар Х. Қизил Армияси деб аталди. 1927 йилги Наньчан қўзғолони куни — 1 август ХХРда Х. Халқ озодлик армияси куни деб нишонланади. 1947 йилдан халқ-революцион қўшинлари расман Х. ХОА деб атала бошлади. Кейинги йилларда Х. иқтисодий ва социал ҳаётининг барча соҳаларида ҳарбийларнинг таъсири кучайди. ХҚПнинг 11-съезди (1977, август)да сайланган ХҚП МҚ нинг 45% и, Сиёсий Бюро аъзолари ва аъзоликка кандидатлар (26 киши)нинг 15 таси ҳарбийлардир.

ХОА мажбурий ҳарбий хизмат ҳақидаги қонун (1955) асосида тўлдирилади. Ҳарбий хизматга 18—25 ёшдан чақирилади, хизмат муддати қуруқликдаги қўшинларда 2 йил, ҳарбий-ҳаво кучлари ва соҳил мудофаа қўшинларида 3 йил, ҳарбий денгиз флотида 4 йил. Командир кадрлари ҳарбий академиялар, ҳарбий ин-тлар, олий ва ўрта ҳарбий билим юртларида ва командирлар составини қайта тайёрлаш курсларида тайёрланади. ХХР терр-яси ҳарбий-маъмурий жиҳатдан 12 ҳарбий округга ажратилган. Армия замонавий қуролларнинг турли хилларига эга. 1964 йилдан ядро ва термоядро қуроллари синовлари ўтказилмоқда, мамлакат ҳарбий потенциали кўпайтирилмоқда.

Соғлиқни сақлаш. ХХРда ўлим, туғилиш, ўртача умр ва касалликлар ҳақидаги расмий статистика маълумотлари 1959 йилдан бе-



Қашқар шаҳри. Ҳайтикор майдони.

ри эълон қилинмайди. ХХРда юқумли патология олдинги ўринда туради.

ХХР ташкил топиши б-н Х. да касалликларни аниқлаш, даволаш ва илгари кенг тарқалган хавфли касалликларга барҳам бериш учун кенг суратда иш олиб борилди. ХХРда 1954 йилда чечак, 1959 йилда вабо касалликлари тугатилганлиги, ўлат, безгак, филяриатоз, қорин тифи, дизентерия, сил ва айрим болалар инфекциялари кескин камайганлиги эълон қилинди.

1950 йили ХХРда биринчи санитария-эпидемиология станцияси ташкил этилди, 1958 йили уларнинг сони 1,4 мингга етди. 1959 йили мамлакатда 570 минг ўринли касалхона ва 760 минг «енгил ўринлар» (касалхоналардан четда) бўлган. 1957 йили Х. да 38 йириклаштирилган медицина ва фармацевтика ин-тлари, 32 медицина ва 2 фармацевтика ин-ти, 4 халқ медицинаси ин-ти ишлади (1959 йилдан бери бошқа маълумотлар эълон қилинмади).

1966 йили медицина ин-тлари ва билим юртлари бекитилди, дипломли врачларнинг кўпчилиги ишдан бўшатилди. Соғлиқни сақлаш ишларига ажратилган маблағлар кескин камайди. Медицина ва соғлиқни сақлаш ишлари провинциялар ва бутун Х. да ҳарбийлар қўлига ўтди.

Ветеринарияси. Х. терр-ясида қ. х. ҳайвонларининг энг хавфли юқумли касалликлари: қорамолларнинг перипневмония, чўчқаларнинг ўлат, манқа, Ньюкасл касали ва б. касалликлари учрайди. Х. да малакали мутахассисларнинг етишмаслиги, профилактика чораларининг қўлланилмаслиги туфайли қ. х. ҳайвонлари касалликлари тобора кўпаймоқда. Х. да Давлат ветеринария хизмати Қ. х. министрлиги, вилоят, шаҳар, р-н, уезд қ. х. органлари ихтиёрида. Юқори малакали мутахассислар қ. х. олий ўқув юртларининг ветеринария ф-тларида тайёрланади. Ветеринария бўйича илмий тадқиқот ишларига Умум Хитой Қ. х. академияси раҳбарлик қилади. Ветеринария ва қ. х. илмий тадқиқот ин-тлари Умум Хитой Қ. х. академияси ихтиёрида.

Халқ масрифи. ХХР ташкил топгунига (1949) қадар аҳолининг 90% и саводсиз бўлган. Халқ ҳокимияти ўрнатилгандан сўнг маориф системасида туб ўзгаришлар рўй берди.

1957 йили Х. да 227 олий ўқув юртлари, жумладан 15 ун-т, 48 олий техника билим юрти, 53 педагогика ин-ти бўлган. 1949—57 йиллари Х. халқи СССР ва б. социалистик давлатлар ёрдами б-н маориф соҳасида катта ютуқларга эришди. СССР олий ўқув юртларида (Х. да «маданий революция» бошланишидан илгари) 10 мингдан зиёд малакали мутахассислари тайёрланди ва ҳ. к. Уларни ўқитиш ва стипендия б-н таъминлаш харажатларининг 50% ини СССР ўз зиммасига олди. «Маданий революция» йилларида маориф системаси кризисга учради.

70-йиллар бошидан ХХРда қуйидаги халқ маорифи системаси жорий қилинди. Шаҳарларда саноат корхоналари ва қишлоқларда халқ коммуналари қошида мактабгача тарбия муассасалари, 1950—62 йилларда амалда бўлган 12 йиллик ўрта мактаблар ўрнига 9 йиллик мактаблар (бошланғич мактабларда ўқиш муддати 5 йил, қуйи ўрта мактабларда 2 йил, юқори ўрта мактабларда 2 йил) ташкил топди. 9 йиллик мактабларни тугатиб камида 3 йил иш стажга эга бўлганлар ёки армия хизматини ўтаганлар олий ўқув юртларига кириши мумкин. Қуйи ўрта мактаблар базасида 2 йиллик ҳунар-техника мактаблари ҳамда бошланғич мактаблар учун ўқитувчилар тайёрлайдиган мактаблар ишлайди. 1975 йили ХВУМ сессиясида Х. Маданият ва Маориф министрликлари ташкил этилди. 1975 йили 300 дан ортиқ олий ўқув юртлари ишлади тахминан 450 минг студент (1965 йили 700), таълим олди.

Х. олий ўқув юртларида ўқиш муддати 4—5 йилга етказилди. Мактаб ва олий ўқув юртлари ҳамон ягона ўқув программалари ва ўқув қўлланмаларига эга эмас. Таълим соҳасида ўтказилаётган ислоҳотлар ўқитиш ва тарбиялашда «Мао Цзэ-дун ғоялари»ни асос қилиб олишга қаратилган.


Х. да маълумотли ёшларни шаҳарлардан қишлоқ ва чекка р-нларга сургун қилиш давом этмоқда. 1975 йилга қадар ҳаммаси бўлиб 10 млн. (1975 йили 2 млн.) маълумотли ёшлар шундай р-нларга сургун қилинди.

Йирик кутубхоналари: Пекин Миллий кутубхонаси (4,4 млн. асар), ХХР ФАнинг Марказий кутубхонаси (2,5 млн. асар), Нанкинь кутубхонаси (2,3 млн. асар). Музейлари: собиқ Император саройи (Гугун) ва Х. Тарихи музейи (Пекинда), Шанхай музейи ва б.

Фани ва илмий муассасалари. Табиий ва техника фанлари. Хитой халқи ўзининг 3 минг йилликдан зиёд тарихида табиий ва техника фанларининг ривожланишига салмоқли ҳисса қўшди. Х. да компас, сейсмоскоп, спидометр, қоғоз, порох, китоб босиш ва б. биринчи бўлиб кашф қилинган.

Математика Хань сулоласи давридаёқ бирмунча ривож топди. Мил. ав. 2-асрнинг 1-ярмида Чжан Цан 2—3 номаълумли 1-даражали тенгламалар системасини ечиш усулини баён этди. 2—6-асрлар орасида хитой олимлари бутун сонларда 1-даражали аниқмас тенгламалар системасини ечиш усулини ишлаб чиқдилар (бу усул Европада 1801 йили Гаусс томонидан қайтадан очилди). Х. олимлари 11—14-асрларда биномиал коэффициентлар хоссаларини билганлар, Паскаль учбурчаги (арифметик учбурчак) б-н таниш бўлганлар.

Астрономия фани Х. даги энг қадимий фанлардан биридир. Мил. ав. 1-минг йилликка оид тарихий манбаларда планета ва кометалар ҳақида маълумотлар бунинг исботидир. Уша даврда хитойлар қуёш тутилишининг даврийлигини билишган. Қуёш тутилиши баён қилинган биринчи ёзма маълумотлар мил. ав. 720 йилга оид. Бизгача етиб келган энг қадимги юлдузлар каталоги (807 юлдуз ҳақида) мил. ав. 4-асрда Ши Шэн томонидан тузилган. Мил. ав. 28 йилда Қуёшдаги доғлар кузатилганлиги ҳақида маълумотлар бор.



1. Пекин. Тиньаньмин майдони. 2. Пекиндаги Санъат уйи.

Географик билимлар Х. да энг қадимги даврларда шаклланди. Милоддан бир неча асрлар муқаддам хитойлар Тинч океанининг чекка денгизларига етиб боришган ва бу р-нларда қатор географик кашфиётлар қилганлар. 725 йили Нанчун Шо меридиан градуси узунлигини ўлчади. Чжан Хэн биринчи бўлиб ер қимирлаш эпицентрини кўрсатадиган сейсмоскоп ясади. Х. да амалий кимё ҳам ривож топган эди. Хитойлар жаҳонда биринчи бўлиб селитрани порох ишлаб чиқаришда қўллаганлар. 10-асрлардаёқ Мушакбозлик ракеталари тайёрлашда, 11-аср бошларидан ўқ отишда порох қўлланилган. Х. медицинаси тахминан 3000 йиллик тарихга эга. Айниқса, Иккинчи Хань сулоласи даври (25—220) да медицина катта ютуқларга эришди. Шу даврнинг охирида врач Жун Фэнь жаҳонда биринчи «Фармакология»ни ёзди; хирургия юксалди, умумий наркоз қўллаб операциялар ўтказилди. Сун даврида эса игна санчиш, куйдириш б-н даволаш усуллари пайдо бўлди. Х. фармакологияси даво воситаларининг кўплиги б-н бошқа мамлакатларникидан фарқ қилади. 16—18-асрларда Х. медицинасидаги дорилар хили 62 мингга яқин эди (кейинги асрларда уларнинг ярми йўқолиб кетди). 19-асрнинг 4-чорагида Х. да европача типдаги даволаш муассасалари пайдо бўла бошлади. Нанкин ва Пекинда Медицина илмий тадқиқот ин-ти (1928) ва Фармокология илмий тадқиқот ин-ти (1929) очилди, Гоминдань ҳокимияти Х. медицинаси вакиллари бўлган врачлар фаолиятини тақиқлагач (1929), Х. медицинаси инқироз даврини бошдан кечирди.

Х. да техника фани бой тарихга эга. 3—5-асрларда чинни ихтиро қилинди. Улкан ҳажмда олиб борилган қурилишлар қурилиш техникасининг ривожланишига туртки бўлди. Мил. ав. 6-асрда бошланган жаҳонда энг йирик Буюк канал қурилиши 2000 йилдан ортиқроқ давом этди ва, ниҳоят, 13-асрга келиб Пекинни Ханчжоу б-н боғлади. *Буюк Хитой девори* иккинчи буюк иншоотдир.

Қоғознинг кашф этилиши (мил. 2-аср), 5—6-асрларда китоб босишнинг пайдо бўлиши хитой халқининг жаҳон цивилизациясига қўшган йирик ҳиссасидир. Икки бўёқ б-н китоб босиш биринчи марта Х. да 1340 йили амалга оширилди. Тан сулоласи даврида (7-аср) Олимлар палатаси ташкил этилиб, у илмий тадқиқот ишлари олиб бориш ва энциклопедик луғатлар тузиш ишлари б-н шуғулланди. 14-асрда Олимлар палатаси Ханьлин академиясига айлантирилди (1911 йилга қадар ишлади).

ХХР ташкил этилгач (1949), хитой фани ва техникасининг план асосида ривожланиши учун қулай шароитлар яратилди. 1949—57 йилларда илмий муассасалар системасини қайта ташкил этиш ва янги илмий тадқиқот ин-тларини барпо қилиш бўйича муҳим тадбирлар амалга оширилди.

Х. фани ва техникасининг халқ рев-яси ғалабасидан сўнг муваффақиятли ривожланишида СССР б-н ХХР ўртасидаги мустаҳкам ҳамкорлик муҳим роль ўйнади. 1960 йилдан Совет Иттифоқи ва б. социалистик мамлакатлар б-н илмий техника соҳасида ҳамкорлик чеклана бошлади.

«Маданий революция» ва унинг оқибатида экономиканинг издан чиқиши Х. фани ва техникаси тараққиётига салбий таъсир кўрсатди. 1971—72 йилларда табиий ва техника фанларининг ривожланиши тезлашди. «Маданий революция» даврида фаолияти тўхтаб қолган илмий тадқиқот муассасалари ишга туширилди, реабилитация қилинган кўпгина олимлар ўз соҳаларига қайтиб келди. Капиталистик мамлакатлар б-н илмий-техника ҳамкорлиги сезиларли даражада жонланди. Илмий муассасалар аксари ҳарбий саноат, қ. х. ва б. соҳаларда амалий тадқиқотлар олиб бормоқда. Геология фанининг бирмунча ривожланиши туфайли йирик конлар очилди. 1953 йилдан ядро физикаси ва энергетика соҳаларидаги тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этди. Х. ФА ҳузурида Ядро энергияси бўйича комитет тузилди. 1957 йили ФА ҳузурида тузилган Физика ин-ти 1958 йили Атом энергияси ин-тига айлантирилди. 1958 йили СССР ёрдами б-н Пекин яқинида экспериментал ядро реактори (қуввати 10 минг *квт*) ва циклотрон (қуввати 25 *Мэв*) ишга туширилди. 1971 йили мамлакатда 10 га яқин реактор ишлади. Ядро соҳасидаги тадқиқотларга асосан АҚШда таълим олган хитойлик олимлар жалб этилди.

1964 йил октябрда Х. ер устида биринчи ядро қуролини, 1967 йили термоядро қуролини портлатди. 1976 йили атмосферада 4 ядро қуроли портлатилди. Ракета техникаси, 60-йиллар охиридан ракета-космик техника соҳаларидаги илмий-амалий тадқиқотларга катта эътибор берилмоқда. 1966 йили навбатдаги атом қуроли синовини ўтказишда бошқариладиган ракетадан фойдаланилди. Х. 1970 йили биринчи, 1971 йили Ернинг 2-сунъий йўлдошини учирди (уларнинг кейингиси Ерга қайтариб туширилди). Юқори энергиялар физикаси соҳасида Жанубий Х. тоғларидаги обсерваторияларда космик нурлар ўрганилмоқда. 1967 йили Пекин обсерваториясида мамлакатда биринчи радиотелескоп ишга туширилди. Математика соҳасида сонлар назарияси, ҳисоблаш математикаси, топология ва б. ривожланмоқда. Кимё, металлургия, машинасозлик ва металлсозлик техникаси, биология ва қ. х. фанлари соҳаларида муайян ютуқларга эришилди. 50-йилларда медицина фани, хусусан, клиник ва назарий медицина, цитология ривож топди. Хирургия соҳасида муҳим натижаларга эришилди. Хуан Цзя-си (1961 йилдан СССР Медицина ФА хорижий аъзоси) ишлари машҳур. 60-йиллар охирида 100 дан ортиқ дори препаратлари яратилди.

Ижтимоий фанлари. Философия. Х. да философия мил. ав. 6—3-асрларда пайдо бўлиб, фалсафий тафаккур тараққиётида (*конфуцийлик*, легизм, *даосизм*, моизм ва б.) муҳим роль ўйнади. Бу таълимотлар асосан, ахлоқий-сиёсий характерга эга бўлган. Мамлакатнинг ижтимоий ва давлат структурасини қайта ташкил этиш, ҳукмрон доираларнинг идора системасини яхшилашга интилишлари фалсафани сиёсатлаштиришга сабаб бўлди. Дастлабки ўз таълимот принциплари б-н майдонга чиққан файласуф *Конфуций* (мил. ав. 6—5-асрлар) бўлиб, унинг қарашлари шогирдлари томонидан «Лунь юй» («Суҳбат ва муҳокамалар») трактатида баён қилинган. Конфуций таълимотлари унинг шогирдлари (Мэн-цзы ва б.) томонидан ривожлантирилиб, кейинчалик расмий идеологияга айланди.

Асосий принциплари «Дао дэ цзин» китоби ва «Чжуан-цзи» трактатида баён қилинган даосизм таълимоти стихияли-материалистик характерга эгадир. Даосизм асосчилари киши фаолиятини чеклаб қўювчи ҳар қандай қонун ва қоидаларга қарши чиқдилар. Улар цивилизация ютуқларидан воз кечишни тарғиб этиб, табиат оламини мақтадилар, кишиларни табиийликка чақирдилар. Мил. ав. 2-асрга келиб Х. да турли фалсафий таълимотларнинг айрим ғояларини ўзлаштирган ортодоксал конфуцийлик қарор топди. Бу янги таълимот мил. ав. 136 йилдан расмий идеология тариқасида эълон қилинди (1911 йилгача мавжуд бўлиб келди). Х. да энг йирик материалист ва маърифатпарвар *Ван Чун* (мил. 1-аср) эди.

17—18-асрлардаги Х. философияси асосан Конфуций ва Мэн-цзиларнинг «Муқаддас китобларини» шарҳлаш б-н шуғулланди. 19-асрга келиб маърифатпарварлик ва ижтимоий ислоҳотларнинг снёсий идеологияси пайдо бўлди.

20-аср бошларида Х. да буржуа снёсий, фалсафий ва социологик назариялар кенг тарқалди (инглиз философи Г. Спенсернинг позитивизм ва эволюционизм каби ғоялари). Х. да жамиятнинг умумий кризиси ва революцион вазиятнинг етилиши жараёнида мамлакатда идеологик кураш кучайди. Хитой мутафаккири Сунь-Ят-сен реформаторларнинг прогрессив ғояларини революцион демократик йўналишда ривожлантирди. Унинг снёсий таълимоти уч принципга — миллат, халқ ҳокимияти ва «халқ бахт-саодати»га асосланган эди. Россиядаги Улуғ Октябрь социалистик рев-яси таъсирида, айниқса ХКП тузилгач, Х. да марксизм-ленинизм ғоялари тарқала бошлади. Биринчи хитой марксистлари Ли Да-чжао, Цюй Цю-бо, Дэн Чжун-ся ва б. буржуа ва феодал идеологиясига қарши кучли ғоявий кураш олиб бордилар.

1949 йили ХХР тузилгач, марксизм-ленинизм, шу жумладан диалектик ва тарихий материализм социализм қуриш учун курашда раҳбар назарий асосга айланди ва мамлакатда кенг ёйилди. Х. ФА да Фалсафа ин-ти ташкил этилди. Хитой марксист файласуфлари диалектик ва тарихий материализм, ҳозирги замон буржуа фалсафасининг танқидига оид қатор асарлар яратдилар. В. И. Ленининг Тўла асарлари тўпламини нашр қилиш якунланди, К. Маркс, Ф. Энгельс асарлари тўпламини нашр қилиш бошланди. Совет философларининг энг муҳим асарлари таржима қилиниб нашр этилди. 50-йилларнинг охири, айниқса «маданий революция» даврида (60-йилларнинг 2-ярми) «Мао Цзе-дун ғоялари»— *маоизм* фалсафий тафаккурнинг буюк ютуғи деб эълон қилинди, философия соҳасидаги тадқиқотлар амалда тўхтаб қолди. 1966 йил бошларида «Чжэсюе яньцзю» («Философик тадқиқотлар») журнали ёпилди. 1971 йилдан хитой философияси тарихи бўйича айрим китоблар нашр қилина бошлади.

Тарих фани. Мил. ав. 1-минг йилликда тарихий билимларнинг тўпланиш жараёни бошланди, дастлабки йилномалар ва айрим тарихий асарлар пайдо бўлди. Мил. ав. 2-аср — мил. 6-асрда тарих фанининг асоси яратилиб, тарихий жараён таълимоти шаклланди. Сим Цзяннинг «Ши цзи» («Тарихий қайдлар», мил. ав. 1-аср бошлари) асари Х. нинг дастлабки умумий тарихи бўлиб, муаллиф уни баён қилишда тасвирий-биографик ва хронологик методлардан фойдаланган. Бу даврда расмий тарихшунослик ривож топди ва тобора давлат хизматчилари ихтиёрига ўта бошлади, ўтган сулолалар тарихи мунтазам равишда тузиб борилди. 11—12-асрларда Сим Гуан умумий тарих масалаларига бағишланган «Цзи чжи тун цзянь» («Воқеаларнинг умумий баёни, бошқаришга ёрдамлашувчи») асарини ёзди (мил. ав. 403 йилдан мил. 953 йил воқеалари баён қилинган). Х. да китоб босишнинг пайдо бўлиши ҳам тарихий билимларнинг тарқалишида муҳим роль ўйнади.

Сун даврида (960—1279) «Цзи ши бэньмо»— воқеаларни «бошдан охирига қадар» баён этувчи жанр пайдо бўлди, қонунлар тўпламлари нашр этилди, тош ва бронзадаги қадимий ёзувлар тўпланди, энциклопедия яратилди.

Феодал тарихшунослигининг сўнгги этапи 17—18-асрларга тўғри келади. Хитой расмий тарихшунослиги халқ оммасининг феодал зулмга қарши чиқишлари, империя таркибига зўрлик б-н қўшиб олинган хитой бўлмаган халқларнинг миллий озодлик кураши ва б. га нафрат б-н қараб келди. 19-асрдан Х. тарихшунослигида ватанпарварлик мавзуи, чет мамлакатларга қизиқиш кучайди, Х. знёлиларининг Ғарб буржуа фани б-н танишуви бошланди. 20-асрда хитой тарихшунослигига бир томондан буржуа идеалистик назарияси кириб келди, иккинчи томондан унда марксизм б-н танишув юз берди. Буюк хитой марксисти Ли Да-Чжао хитой тарихшунослигида тарихий материалистик ғоялар тарғиботчиси бўлди. Гоминьдан ҳукмронлиги йилларида (1927—49) тарих соҳасида прогрессив ва реакцион қарашлар ўртасида ўткир ғоявий кураш авж олди. Расмий тарихшуносликда конфуцийлик ғоялари, реакцион буржуа назариялари, очиқ миллатчилик очиқ тарғиб қилинди.

ХХР ташкил топиб, марксча-ленинча идеология илмий ижоднинг асоси бўлиб қолгач, тарихшунослик янги босқичга кўтарилди. 1949—58 йилларда тарих фани муҳим ютуқларга эришди. 3 тарих ин-ти, Х. ФА Археология ин-ти ташкил этилди. Тарихий журналлар чиқа бошлади. 60-йиллар 2-ярмида, «маданий революция» даврида тарихга оид китоб ва журналлар чиқмади, машҳур тарихчилар таъқиб қилинди, илмий муассасалар ишламади.

Экономика фани. Х. даги иқтисодий тафаккур мил. ав. 1-минг йилликда пайдо бўлган. Қадимги Х. даги етакчи фалсафий мактаблар — конфуцийлик, даосизм, моизм (Мо-цзи тарафдорлари), легистлар ўртасида асрлар давомида ижтимоий муносабатлар тўғрисида қизғин мунозаралар давом этди.

19-аср охири прогрессив интеллигенция ўртасида Ғарб изидан борибгина Х. нинг иқтисодий ва снёсий қолоқлигини тугатиш мумкин деб қарайдиган реформаторлик ҳаракати пайдо бўлди. Кейинроқ реформаторлар ўрнини революцион буржуа демократик ҳаракати (суньятсенизм) эгаллади.

Улуғ Октябрь социалистик рев-яси ғалабасидан кейин Х. да Ли Да-чжао марксизмининг, жумладан К. Маркс иқтисодий таълимотининг биринчи тарғиботчиси бўлди.

ХХР тузилгач, 1949 йилдан 1958 йилларгача Х. да социализм қурилиши масалаларига марксистик нуқтаи назардан ёндашилди, СССР даги иқтисодий қурилиш тажрибаси ўрганилди ва ундан фойдаланилди. Иқтисодий тадқиқотлар олиб борадиган ва экономист кадрлар тайёрлайдиган бир қанча илмий ва ўқув юртлари очилди (1966 йилгача) «Катта сакраш» лар ва «маданий революция» даврида волюнтаристик, майда буржуа иқтисодий қарашлари ҳукмронлик қилди. «Қишлоқ хўжалиги экономикасининг асоси, саноат эса етакчи куч» шиорининг ташланиши Х. ни социалистик индустрлаштириш снёсатидан четга бурди, мамлакат тараққиётига салбий таъсир кўрсатди ва халқ хўжалигига катта зарар келтирди. *Маоизм*нинг иқтисодий ғоялари социалистик қурилиш практикаси, халқаро ҳаётнинг синовларига дош бера олмади.

Юридик фани. Хитойдаги юридик илмларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши 2 минг йилдан кўпроқ давр давомида (20-аср бошларигача) легистлар ва конфуцийлар ахлоқий-снёсий мактаблари б-н боғлиқ бўлди. Легизм асосчиларидан Гуань Чжон (мил. ав. 7-аср)нинг қонуннинг универсаллик принципи таълимотини ривожлантирган Шан Ян ўз замонаси учун энг мукаммал бўлган деспотик давлат моделини яратди. Конфуций тарафдорлари легистларга қарши чиқиб, ҳар қандай қонун актларини инкор этдилар. Улар фикрича маъмурият ва меросий аристократия қонундан устун турмоқлари лозим. Синьхай революцияси (1911—13) натижасида ҳокимиятнинг императорлик системаси ва у б-н бирга кўпгина анъанавий қонунлар бекор қилинди. 1912 йил 10 мартда Миллий мажлис Хитой Республикасининг Муваққат конституциясини қабул қилди (уни тайёрлашда Сун Ят-сен иштирок этган).

ХХР ташкил этилгач, ҳуқуқ фанлари тараққиётида янги давр бошланди. 1953 йили Снёсий ва юридик фанлар Х. ассоциацияси тузилди. 1954 йилдан бошлаб «Чжэн-фа яньцзю» («Снёсат ва ҳуқуқни ўрганиш») журнали нашр қилина бошлади. 1958 йилдан Х. ФА Ҳуқуқий ва снёсий фанлар ин-ти очилди. 60-йиллар бошларидан Х. да ҳуқуқ фани кризисга учради. Ҳуқуққа оид асарларда «Мао Цзе-дун ғоялари»ни мадҳ этиш, СССР ва бошқа социалистик мамлакатлар юристлари асарларини танқид қилиш авж олди.

Илмий муассасалари. 1949 йил охирида Хитой фанлар академияси (ХХР ФА) тузилди. 1949 йили 40 та илмий тадқиқот ташкилотлари ишлади. 1956 йили Пекинда Медицина фанлари академияси ташкил этилди (12 бўлимида 4 мингдан зиёд киши ишлади). 1957 йили эса Пекинда Қ. х. фанлари академияси очилиб, унинг таркибига 31 илмий тадқиқот ин-ти ва 100 дан зиёд қ. х. илмий станциялари кирди. Олий ўқув юртларида ҳам катта ҳажмда илмий ишлар олиб борилди.

1958 йили Х. да 848 илмий тадқиқот муассасалари бўлган. 1958 йили Пекинда Ҳарбий фанлар академияси ташкил этилди. Уша йили Геология фанлари академияси тузилди. 1965 йилда Х. нинг тадқиқот муассасаларида 425 минг киши ишлади. «Маданий революция» даврида илмий кадрларга катта зиён етказилди. 1967 йил декабрда армия Х. ФА устидан назорат ўрнатди. Ҳарбий соҳаларда ишлайдиган илмий муассасалар «маданий революция» бебошлигига учрамади. Х. да олиб борилаётган илмий тадқиқот ишларига оид барча масалаларда олий инстанция Давлат Кенгаши бўлиб, у умумий раҳбарликни Фан ва техника бўйича Давлат комиссияси, Давлат план комиссияси ва б. органлар орқали амалга оширади. Илмий тадқиқот ишларига соҳа министрликлари, шунингдек ХХР ФА раҳбарлик қилади. Илмий тадқиқот ишларини координация қилиш вазифаси ФА га юклатилган. Соҳа академиялари тегишли министрликларга бўйсунади.

Матбуоти, радиоси, телевидениеси. 1958 йили ХХРда 1884 газета (умумий йиллик тиражи 4,5 млрд. нусха) ва 818 журнал (537 млн. нусха), шу жумладан майда миллатлар тилларида 30 дан зиёд газета ва журналлар нашр қилинди. «Маданий революция» даврида кўпгина марказий ва вилоят газета ва журналлари, деярли ҳамма жамоат ташкилотлари органлари, тармоқ ва маҳаллий нашриётлар ёпилди. 1975 йилдан Х. да 16 янги журнал (асосан илмий-оммабоп) ва спорт газетаси чиқа бошлади.

ХХРдаги энг муҳим матбуот органлари: «Жэньминь жибао» (ХКП МҚ органи, 1948 йилдан чиқади), «Гуанминь жибао» (Х. демократик партиялари органи, 1949 йилдан чиқади) газеталари ва «Хунци» журнали (ХҚП МҚ органи, 1958 йилдан чиқади). Марказий ва маҳаллий газеталар асосий информацияларни Синьхуа телеграф агентлигидан олади.

Х. да биринчи радиоэшиттиришлар станцияси 1927 йили Шанхайда қурилди. 1947 йили Х. да 42 давлат ва 90 хусусий ва чет эл радиостанциялари ишлади. Озод қилинган районлар пойтахти Яньань ш. да Синьхуа радиостанцияси 1945 йил 5 сентябрдан эшиттиришлар бошлади. ХХР эълон қилингач (1949), барча радиостанциялар национализация қилинди ва Пекинда Марказий халқ радиоэшиттиришлар станцияси ташкил этилди. Пекин радиостанцияси 117 маҳаллий радиоэшиттириш станцияларини назорат қилади, хитой тилининг 5 диалектида, Х. даги миллий тилларда ва 30 дан зиёд чет тилларда эшиттиришлар олиб боради. Қишлоқларда 106 млн. репродуктор ўрнатилган (1976).

Биринчи телевизион станциялар ХХРда 1958 йили Пекин ва Шанхайда қурилди (1976 йили 29 шаҳарда телевизион станциялар ишлади.



Ғор деворига ишланган расмлар. Жанг манзараси (фрагмент). Дунхань.



«Осмон ибодатхонаси» ансамблидаги Цинянь-дянь ибодатхонаси. Пекин. 1420.

Адабиёти. Х. адабиёти жаҳонда энг қадимий адабиётлардан бири бўлиб, уч минг йиллик анъаналарга эга. Қадимги Х. адабиётининг биринчи йирик шеърий асар «Шицзин» («Қўшиқлар китоби», мил. ав. 11—6- асрлар) халқ қўшиқлари ва диний маросим гимнлари мажмуасидан иборатдир. Мил. ав. 1- минг йилликка мансуб бадиий проза фалсафа, тарих, география ва б. га доир асарлар б-н узвий боғлиқ («Шан шу»—«Тарихий ривоятлар китоби» ва б.). Сим Цяннинг (мил. ав. 1- аср) «Ши цзи» («Тарихий эсдаликлар») китоби Хань даври (мил. ав. 206— мил. 220- йиллар) прозасининг йирик ёдгорлиги ҳисобланади. Поэзиянинг муҳим қисмини ташкил этган лирик ва сатирик халқ қўшиқлари (юэфу)да халқ ҳаёти ўз ифодасини топган. 4- аср охири —5- аср бошларида яшаган йирик новатор шоир Тао Юань-мин (365—427) шеърияти ҳаёт ҳақидаги фалсафий мушоҳадалардан иборат бўлди. Мамлакатни Тань сулоласи (618—907) бирлаштиргач, адабиёт ривожи учун қулай шароит яратилди. Худди ўша даврда вэньянь — хитой адабий тили узил-кесил шаклланди.

Мўғулларнинг Юань сулоласи ҳукмронлиги даври (1280—1368) да шаҳарлар ривож топди. 13- асрда мамлакат шимолида қаҳрамонлик ва маиший мавзуларда музикали драма жанри вужудга келди. 14- асрда эпопея-роман жанрининг шаклланиши адабиётда муҳим воқеа бўлди. 16- аср охирларидан проза янги босқичга кўтарилди, тарихий-фантастик, ижтимоий-маиший романлар яратилди.

Х. ни манжурлар босиб олган (1644) дан кейин оппозицион кайфиятдаги шоирлар пайдо бўлди, маърифатпарварлик тенденциялари авж олди. Классик роман чўққиси бўлиб майдонга келган Цао Сюэ-цин (тахм. 1715—62) нинг «Қизил қўшкдаги уйқу» романида феодал аристократиясининг ахлоқий ва иқтисодий тушкунлиги ифодаланди.

Янги давр адабиёти (19- аср ўрталари — 1917) манжур-хитой феодаллари, Ғарб капиталистик давлатларининг зулмига қарши озодлик ҳаракатини, феодал жамияти тушкунлигини акс эттирди, Ғарб маданияти б-н биринчи танишув бошланди. 1900- йилларнинг бошларидаги революцион кўтарилиши кўпгина прогрессив адиблар ижодида ўз ифодасини топди.

Россиядаги Улуғ Октябрь социалистик рев-яси таъсирида 1919 йилда бошланган «4 май» озодлик ҳаракати давридан эътиборан энг янги адабиёт вужудга келди. Бу адабиётнинг илк йирик намояндаси Лу Синь (1881—1936) асарларида оддий кишилар Х. адабиёти тарихида биринчи марта асар қаҳрамонлари қилиб қаламга олинди. 1922 йилда «Ижод» группасига уюшган адиблар романтик тенденцияларда асарлар яратдилар. 20- йиллар бошларидан поэзиядаги сўзлашув тилига асосланган янги шакл классик шеърият шаклларини сиқиб чиқарди.

20- йилларнинг охиридан марксистик эстетика кенг ёйилди. Лу Синь Х. Компартиясининг йирик арбоби Цюй Цю-бо (1889—1935) б-н ҳамкорликда Хитой сўл ёзувчилари лигаси (1930—36) нинг ғоявий раҳбарига айланди, бу лига буржуа миллатчилигига қарши курашди, совет адибларининг асарларини пропаганда қилди. Х. халқининг япон босқинчиларга қарши миллий озодлик уруши (1937) даврида ватанпарварлик руҳида ёзилган кичик ҳажмдаги асарлар кенг ёйилди. Империалистик Япония тор-мор этилгач (1945), прогрессив адабиёт мамлакатни демократик ривожлантириш учун курашни авж олдирди. Х. Компартияси раҳбарлигида халқнинг озодлик учун курашига ёрдам берадиган революцион адабиёт ривожлана бошлади. 1949 йил халқ рев-ясининг ғалабаси, ХХР ташкил қилиниши социалистик қурилишни акс эттирадиган, янги кишини тарбиялашга хизмат қиладиган янги адабиёт ривожига имкон яратди. Чжао Шу-ли (1906 йил туғ.) нинг «Саньливань қишлоғи», Чжоу Ли-бо (1908 йил туғ.)нинг «Пўлат оқим» романларида ишчи ва деҳқонларнинг янги ҳаёти ва меҳнати ифодаланди. Тарихий-революцион сюжетларда романлар [Ян Мо (1915 йил туғ.) нинг «Ёшлик қўшиғи»] яратилди. 50- йилларнинг бошларида тинчлик ва халқлар дўстлиги мавзуларида айниқса шеъриятда муҳим асарлар ижод қилинди. Лекин 50- йилларнинг охирига келиб маданий ҳаётда сектантлик ва догматик тенденциялар авж олди. 1958 йилда «революцион романтизм билан революцион реализмнинг уйғунлиги» Х. адабиётида бирдан бир ижодий метод деб эълон қилинди. Амалда эса ижод аҳлидан хаспўшлаб акс эттириш, воқеаларни идеаллаштириш талаб қилинди. 60- йиллар ўрталаридан «маданий революция» бошланиши муносабати б-н янги бадиий асарлар яратилмай қўйди, таржима асарларини нашр этиш тўхтатилди, кўпгина адабий-бадиий журналлар ёпилди. Х. ёзувчилари союзи (1953 йилда ташкил қилинган) нинг фаолияти ҳам, асосан, тўхтаб қолди. 1970 йилларнинг бошларидан адабий ҳаётда бир оз жонланиш юз берди. «Маданий рев-я» йилларида қувғинга учраган ёзувчи ва шоирларнинг катта группаси реабилитация қилинди (1977). Инглиз тилида «Chinese literature» («Хитой адабиёти») журнали, 2—3 маҳаллий журналлар қайта чиқа бошлади. Лекин ҳалигача Х. Ёзувчилар союзи тиклангани йўқ (1977).

Архитектураси ва тасвирий санъати. Х. нинг қадимий санъат ёдгорликлари мил. ав. 3- минг йилликка мансубдир. Х. нинг кўпгина жойларидан нафис ишланган сопол идишлар топилган. Мил. ав. 2- минг йилликда Х. да деворлар б-н ўралган шаҳарлар пайдо бўлди. Ўша даврларда сиғчли бинолар қурилган. Мил. ав. 1- минг йиллик ўрталарида архитектура ва шаҳар қурилиши принциплари шаклланди, безакдаги рельеф мотивлари ўрнини инкрустация эгаллади, нақш ўрнига кўпроқ тасвир ишланди (ов, ҳосил йиғиш лавҳалари ва б.). Шойига тушь б-н расм ишлаш санъати ривож топди.

Мамлакат марказлашган ягона Цинь давлатига бирлаштирилгач (мил. ав. 221—207) *Буюк Хитой девори*нинг асосий қисми қурилди. Цинь ва Хань даврлари (мил. ав. 206—милодий 220) да черепица томли 2—3 қаватли уйлар, йирик саройлар қурилди. Хань даври тасвирий санъатида қадимги хитойларнинг коннотининг тузилиши, дунё томонлари, осмон, яшин ва юлдузлар худоси ҳақидаги тасаввурлари ифода этилган. Тан (618—907) ва Сун (960—1279) даврлар Х. маданиятининг барча соҳалари ривожланган давр бўлди. Бу даврлар кўпгина шарқ мамлакатлари б-н савдо ва маданий алоқаларнинг кенгайганлиги б-н ажралиб туради.

Асарларда гуманистик идеалларнинг тўла мужассамлиги ўрта асрлар Х. рассомлик санъатининг юксак ютуғи ҳисобланади. Деворий рассомлик, дастгоҳли рассомлик ривожланди, айниқса портрет, манзара, дарахт, гул ва қушларнинг тасвирлари кўп ишланди. Амалий безак санъатида мато тўқиш, чинни ва сопол идишлар ишлаш айниқса юксак даражага кўтарилди. Мин (1368—1644) ва Цин (1644—1911) даврларида архитектура б-н амалий безак санъати юксак даражага кўтарилди.

14—19- асрларда кўп рангли чинни саноати, қизил лак буюмлари (идиш, мебель, боғ скамейкалари) ишлаш, каштадўзлик, тош, бамбук, суяк ўймакорлиги юксалди. 19- асрнинг 2- ярмида Х. нинг ярим мустамлакага айланиши ижтимоий ва маданий ҳаётда қарама-қаршиликлар вужудга келтирди, архитектура ва тасвирий санъатда турғунлик кўзга ташланди. Шу даврда Европа санъати таъсирида мойбўёқ рассомлиги пайдо бўлди.

Россиядаги Улуғ Октябрь социалистик рев-яси Х. да демократик кучларнинг кучайишига сабаб бўлди. 1920- йилларда плакат, янги типдаги гравюра, революцион карикатура шаклланди. Лу Синь номидаги Санъат академияси тузилиши (1938), айниқса ХХРнинг ташкил топиши (1949) тасвирий санъатни халқ ҳаёти б-н боғланишига ундади ва демократик маданият ривожига янги имкониятлар яратди. Шаҳар қурилиши ишлари авж олди. 50- йилларда кўпгина император сарой ва боғлари музейларга айлантирилди. Шаҳарларни лойиҳалаштириш ва қуришда СССР ва б. социалистик мамлакатларнинг мутахассислари ёрдам бердилар. Замонавий қурилиш конструкциялари миллий архитектура анъаналари б-н уйғунлаштирилиб йирик бино ва иншоотлар бунёд этилди (Халқ вакиллари Умум Хитой мажлислари биноси, «Пекин» ва «Дўстлик» меҳмонхоналари, Марказий вокзал—ҳаммаси Пекинда).


50- йилларда Х. рассомлари самарали ижод қилдилар.

«Маданий революция» йилларида тасвирий санъатда тушкунлик рўй берди (сиёсий плакатгина сақланиб қолди). 1972 йилдан бир оз жонланиш сезилди (турли кўргазмалар уюштирила бошлади), аммо ҳамон Рассомлар союзи тиклангани йўқ (1979).

Музикаси. Х. музика маданияти жаҳонининг энг қадимий музика маданиятларидан бири. Унинг манбаи мил. ав. 2- минг йилликдаёқ муайян даражада ривожланган қадимий қўшиқ ва рақсларга бориб тақалади. «Шицзин» («Қўшиқлар китоби; мил. ав. 11—6- асрлар)да 3000 халқ қўшиғи, маросим гимнлари тўпланган бўлиб, халқ қўшиқ санъатининг муҳим ёдгорлигидир. Музиканинг ролига қадимдан юксак баҳо берилган. Анъанавий хитой оркестри, одатда, 100 га яқин асбоб (торли, камонли, урма, пуфлама асбоблар, қўнғироқлар)дан ташкил топади. Халқ қўшиқлари бир овозли. 15—16- асрларда музикали театр санъати юксалди. 18- аср —20- асрларда Х. музикасида Европа музикасининг таъсири сезила бошлади. 1932 йилда композиторлар Не Эр («Қўнғироллилар марши» қўшиғининг автори, бу қўшиқ ХХР нинг давлат гимнига айланган) ва Люй Цзи революцион музикачилар группасини ташкил этдилар, бу группа ватанпарварлик руҳидаги кўпгина қўшиқлар яратди. ХХР ташкил этилган биринчи йилларда Х. да музика маданияти янада ривожланди. 1949 йилда Адабиёт ва санъат Умум Хитой ассоциацияси тузилди, 1953 йилда унинг қошида Х. композиторлари союзи ташкил этилди. «Маданий революция» даврида чет эл музикаси ва 1966 йилгача ижод этилган хитой музика асарларини ижро этиш тақиқланди. 1976 йилдан айрим музика асарларини ижро этиш қайта тикланди. 1970 йилларнинг бошларида Х. да 3 консерватория (Пекин, Тяньцзинь, Шанхайда), 4 музика ин-ти (Ухан, Шэньян, Сиан, Чэндда) ишлади. Композиторлар Союзи тикланмаган (1979).

Театр сарчашмалари халқнинг қўшиқ-рақс ижоди, турли маросимлар ва ўйинлар б-н боғлиқ томошалардан бошланади. Хань даври (мил. ав. 3- аср — милодий 3- аср)да шаҳарлар ва ҳунармандчиликнинг ривожи театр санъати тараққиётига таъсир этди. Тан даври (7—10- асрлар)да маданият юксак даражада ривожланган буддизм хитой адабиёти ва санъатига, хусусан рақс санъатига катта таъсир кўрсатди. 8- аср ўрталарида император Сюань-цзунь саройида «Нокзор» («Лиюань») театр мактаби ташкил қилинди. 10—12- асрларда профессионал актёрлар труппалари вужудга келди. 13—14- асрларда театр санъати такомиллашди. 20- аср бошларида демократик ва революцион кайфият таъсирида замонавий драма театри шаклланди (асосан Европа драма санъати таъсирида). 1907 йилда биринчи драма труппаси —«Кўкламги мажнунтол» («Чуньлюшэ») ташкил қилинди. Ўша йили «Кўклам қуёши» («Чуньяншэ») профессионал театри ҳам ташкил топди.

1930 йилда Сўл театр арбоблари лигаси тузилди. 30- йилларда замонавий драма театр саҳналарида рус ва Ғарбий Европа драматурглари нинг пьесалари қўйилди (Н. В. Гоголнинг «Ревизор», А. Н. Островскийнинг «Момақалдироқ», М. Горькийнинг «Тубанликда» ва б. нинг пьесалари). ХХР ташкил этилгач (1949) театр санъатида ислоҳот ўтказилди, классик драмалар қайта кўриб чиқилди. 1952 йилда 1- Умум Хитой театр ва драма кўригида ислоҳотга якун ясалди. 1963—64 йилларда театрда «революция» ўтказиш, классик пьесаларни «замонавий революцион пьесалар» б-н алмаштириш масаласи кун тартибига қўйилди, натижада профессионал коллективлар кескин камайиб кетди. «Маданий революция» даври театр санъати учун ҳам тушкунлик даври бўлди. Х. да 50- йилларда Пекинда, 1963 йилда Шанхайда хореография билим юртлари очилди. 60- йилларда замонавий мавзуда «Қизил аёллар батальони» балети яратилди. Х. балет санъатида европача балет усуллари хитой миллий рақси элементлари б-н уйғунлашган.



1. «Лэйфинт минораси» балетидан саҳна. ХХР Марказий опера ва балет театри. 1956. 2. «Намуналн спектакль»—«Шацэябан» музикали драмасидан саҳна. Пекиндаги Цзинцзюй театри.

Цирки. Х. цирк санъатида айниқса акробатика, гимнастика, эквилибристика, жонглёрлик, иллюзионистлар санъати кенг тарқалган. Х. цирк тараққиёти миллий театр б-н боғлиқ (Х. да театр артистларининг кўпчилиги цирк санъатидан ҳам хабардор, қадимдан театр томошалари цирк томошалари б-н қўшиб кўрсатилган). Стационар цирклар Х. да 20-аср ўрталарида ташкил топди (Чунцин, Шанхайда). Сайёр цирк коллективлари ҳам бор (энг йириги — Чунцин цирк ансамбли).

Киноси. Бадиий фильмлар ишлаб чиқариш 1913 йилдан бошланган (кинематография чет эллиқлар қўлида эди). Х. фирмасида бадиий фильм 1917 йилда яратилди. Озод қилинган терр-яларда 1949 йилда ишлаб чиқарилган «Кўприк» бадиий фильми (реж. Ван Бинь)да хитой ишчиларининг қаҳрамонона меҳнати тасвирланган. 1950 йилда Пекинда Кинематография ин-ти ташкил қилинди. 1956—57 йилларда 78 кинофильм ишлаб чиқарилди. 1959 йилда мавжуд бўлган 33 киностудиянинг 11 таси бадиий фильмлар ишлаб чиқаришга мослаб ускуналанган эди. 60-йиллар ўрталарида «маданий революция» бошланиши муносабати б-н бадиий фильмлар ишлаб чиқариш ҳам, намойиш қилиш ҳам тўхтаб қолди, фақат ҳужжатли фильмлар, «Янгиликлар» киножурнали ишлаб чиқарилди ва намойиш қилинди. 1969 йилдан кейин кинофильм ва телефильмлар ишлаб чиқаришда бир оз жонланиш рўй берди (1971 йилда 5 фильм), лекин бу фильмлар ҳам халқни миллатчилик руҳида тарбиялашга, Мао Цзе-дун ғояларини пропаганда қилишга хизмат қилади.

1977 йилдан «Маданий рев-я» йилларида тақиқланган 60 га яқин фильм қайта экранларга чиқарилди. (65-бетдаги вклейкага қ.).

Ад.: Физическая география Китая, М., 1964; Леса и почвы Китая. Пер. с кит., М., 1955; Маркс К., Энгельс Ф., Первый международный обзор, Маркс К., Энгельс Ф., Соч., 2 изд., т. 7, стр. 232—234; Маркс К., Революция в Китае и Европе Маркс К., Энгельс Ф., Соч., 2 изд., т. 9; Ленин В. И., Хитой уруши, Тўла асарлар тўплами, 4-т., Ленин В. И. Кризис сабоқлари, Тўла асарлар тўплами, 5-т.: Ленин В. И. Янгиланган Хитой, Тўла асарлар тўплами, 22-т.; Ленин В. И., Хитой республикасининг катта ютуғи, Тўла асарлар тўплами, 23-т.; Русско-китайские отношения в XVI в., Материалы и документы, т. 1—2., М., 1969—72; Русско-китайские отношения, 1968—1916, Официальные документы, М., 1958; Китай и соседи в древности и средневековье. [Сб ст.], М., 1970; Новая история Китая, М., 1972: Новейшая история Китая, 1917—1970, М., 1972; Борисов О. Б., Колосков Б. Т., Советско-китайские отношения, 1945—1970. Краткий очерк. М., 1971: Румянцев А. М., Истоки и эволюция «идей Мао Цзе-дуна», М., 1972; Очерки истории Китая с древности до «опиумных войн», [Пер. с кит.], М., 1959; Фань Вэнь-лань, Новая история Китая 1840—1901, Пер. с кит., т. 1, М., 1955; Пын Мин, История китайско-советской дружбы, [Пер. с кит.]. М., 1959; Опасный курс., вып. I-VII. М., 1969—1976; Актуальные аспекты китайской проблемы, М., 1975; Маоизм — идейный и политический противник марксизма-ленинизма, М., 1974; Романенко О. М., Антисоциалистическая сущность маоизма, М., 1976; Ван Мин, Ленин, ленинизм и китайская революция, М, 1970; Тихвинский С. Л. История Китая и современность, М. 1976; Бурлацкий Ф. М., Мао Цзе-дун; «наш коронный номер — это война, диктатура...», М., 1976; Капица М. С., КНР: два десятилетия — две политики, М., 1969; Борисов О. Б., Колосков Б. Т., Советско-китайские отношения, М., 1977; Идейно-политическая сущность маоизма, М., 1977; Китайская Народная Республика. Экономика, государство и право, культура, М., 1970; Муромцева З. А., Проблемы индустриализации Китайской Народной Республики, М., 1971: Овдиенко И. Х., Китай, М., 1959; Китайская философия. Пер. с кит. и текст М.—Л. Титаренко, «Антология мировой философий» китобида, т. 1. М., 1969; Конрад Н. И., Запад и Восток, М., 1966; Петров А. А., Очерк философии Китая «Китай» китобида, М.—Л., 1940; Алтайский М., Георгиев В., Антимарксистская сущность философских взглядов Мао Цзе-дуна, М., 1969; Историческая наука в КНР, М., 1971; Корбаш Э., Экономические «теории» маоизма, М., 1971; Конрад Н. И., Краткий очерк истории китайской литературы, «Китайская литература» китобида, Хрестоматия, т. 1, М., 1959; Надеев И. М., «Культурная революция» и судьба китайской литературы, М., 1969; Черкасский Л. Е., Новая китайская поэзия» (20—30-гг.), М., 1972; Глухарёва О,. Денике Б., Краткая история искусства Китая, М.—Л., 1948; Глухарёва О. Н., Искусство народного Китая, М., 1958; Всеобщая история искусств, т. 1, М., 1956; Виноградова Н. А., Китайская пейзажная живопись. М., 1972; Всеобщая история архитектуры. т. 1, М., 1970; Шпеерсон Г. М., Музыкальная культура Китая, М., 1952; Музыкальные инструменты Китая. Авторизованный Пер. с кит., под ред. и с доп. И. З. Алендера, М., 1958; Валицкий В. «Культурная революция» в музыке, «Советская музыка», 1970, № 8, стр. 129—138; Серова С., Пекинская музыкальная драма, М., 1970; Гайда И. В., Китайский традиционный театр сицюй. М., 1971; Шпрай А., Китайский цирк, «Советский цирк», 1959, № 10; Маннонов Б. Нишонов М., Пекин па «учинчи дунё», Т., 1978.

ХИТОЙ АТИРГУЛИ (Hibiscus rosa sinensis) — пахтадошлар (гулхайрилар оиласи)га кирадиган хонаки бута. Бўйи 3 *м* гача Ватани-Жанубий Хитой ва Ҳиндистон. Гибискус *тухумига* мансуб.

ХИТОЙ ДЕВОРИ — (қ. *Буюк Хитой девори*).

ХИТОЙ ЁЗУВИ — сўз ёки морфемалар иероглифлар (махсус белгилар) б-н ифодаланган ёзув (қ. *Иероглифик ёзув*). Х. ё. да турли хил комбинацияларда такрорланадиган иероглифлар аслида 1 дан 28 гача бўлган стандарт чизиқлардан иборат. Ҳозирги иероглифларнинг ёзилиш услуби мил. 1-асрда ишлаб чиқилган бўлиб, у *кайшу* —«намунавий ёзув» деб юритилган. Х.ё.да умумий белгилар сони тахм. 50 минг. Ҳозирги хитой тилида 4—7 минг белги қўлланилади. Х. ё. да иероглифлар 6 та категорияга ажратилиб, улар уч гуруҳга бўлинади: 1) пиктограммалар ва идеограммалар (1500 га яқин) — қадимий оддий белгилар, шунингдек абстракт маъноларни ифодалаш учун эса йиғма белгилар қўшилмаси ишлатилади; 2) фонограммалар (кўпгина иероглифлар фонограммалардан ташкил топган). Булар мураккаб белгиларга киради ва сўз ёки морфемаларнинг аҳамиятини, шунингдек белгиларнинг аниқ ёки тахминий талаффуз қилинишини билдирувчи оҳангчилар ва фонетик белгилардан ташкил топади. Оҳангчилар содда, фонетик белгилар содда ва мураккаб белгилардан иборат; 3) «ўзлашма» иероглифлар. Дастлаб маълум сўзларни ёзиш учун яратилган, кейин қадимги сўзларни товуш ўхшашлигига кўра ёзиш учун ҳам қўлланадиган белгилар. Бир хил иероглифлар фонетик жиҳатдан фарқланувчи сўзларни, шунингдек, турли диалектларда семантик ифодаланишни ёзиб кўрсатишда қўлланилади. 20-аср ўрталарида иероглифлардан фақат Японияда ва Жанубий Кореяда кенг фойдаланила бошлади.

1958 йилда ХХРда 26 ҳарфдан иборат латин алфавити асосидаги транскрипцион алифбо қабул қилинди. У махсус соҳаларда (индекслар, телеграфда, ўқув текстларида ва б.) қўлланмоқда. Х. ё. нинг алфавит ёзувига ўтиши диалектлар кўплиги, маданий мерос масаласи каби сабаблар туфайли катта қийинчиликларга учрамоқда. 1956 йилдан ХХРда иероглифларни график жиҳатдан соддалаштириш ишлари олиб борилмоқда (яна қ. *Ёзув*).

Ад.: Лоукотка Д. Ч., Развитие письма, Пер. с чешск., М., 1950; Истрин В. А., Возникновение и развитие письма, М., 1965.

ХИТОЙ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ (ХКП) — Хитойдаги марксистик тўгаракларнинг бирлаштирилиши натижасида, 1921 йили яширин 1-съездда (Шанхай) асос солинган. Съезд Хитойда социализм қуриш партиянинг асосий мақсади эканлигини эълон этди. ХКП 2-съездида (1922) ХКП устави ва партия манифести, ХҚПнинг Коминтерига аъзо бўлиши тўғрисида қарор қабул қилинди. 3-съезд (1923) *Сун Ят-сен* бошчилик қилаётган *гоминдан* партияси б-н ҳамкорликда ягона миллий-революцион фронт тузиш тўғрисидаги йўлни маъқуллади ва ХҚПнинг ғоявий ва ташкилий жиҳатдан мустақиллиги сақланган ҳолда коммунистларнинг гоминданга аъзо бўлишлари тўғрисида қарор қилди. ХКП 4-съезди (1925 йил январь)да пролетариатнинг демократик рев-яда гегемонлик учун кураш олиб бориши зарур эканлиги кўрсатиб ўтилди. 1925—27 йиллардаги рев-я даврида ХКП аъзоларининг сони ўсди, унинг ишчи ва деҳқонлар ўртасидаги обрўйи ошди. 1927 йил апрелда *Чан Кай-шининг* контрреволюцион тўнтаришидан сўнг ХКП жуда оғир террор шароитида иш олиб борди. 5-съезд (1927 йил апрель-май) ХКПнинг стратегик йўлини ишлаб чиқиш бўйича бир неча тўғри қарорлар қабул қилди, аммо ўша даврни рев-янинг кўтарилиш даври деб ҳисоблаб хатоликка йўл қўйди. 1928 йили ХКПнинг Москвадаги 6-съезди аграр рев-яни авж олдиришга кўрсатма берди, ХҚПнинг қуролли кучларини тузиш ва Хитойда советлар р-ларини тузиш зарурлигини таъкидлади. ХКП Хитой Қизил Армиясини тузди ва Жуйцзинь ш.да Хитой Совет Республикаси ташкил этилганлигини эълон этди (1931). Кўп сонли Чан Кай-ши қўшинларининг Марказий (советлар) р-ларга ҳужуми натижасида Хитой Қизил Армияси Шимоли-Ғарбга кўчиб ўтишга мажбур бўлди (1934—36). Натижада маркази Яньанъ ш. бўлган янги советлар р-лар тузилди. Япон босқинчиларига қарши миллий озодлик уруши даври (1937—45) да ХҚП мамлакатдаги барча прогрессив кучларни ХКП ва гоминдан партияси негизида бирлаштиришга уринди. 1946 йили гоминдан АҚШ ёрдамига таяниб, мамлакатда гражданлар урушини бошлаб юборди. ХҚП хитой халқини реакцион гоминдан тузумига қарши курашга отлантирди. Бу кураш халқ рев-ясининг ғалабаси б-н тугаб, 1949 йил 1 октябрда Хитой Халқ Республикаси тузилганлиги эълон этилди. СССР Хитой рев-ясига ҳар томонлама ёрдам кўрсатди. 1949—52 йилларда ХКП раҳбарлигида мамлакатда демократик ўзгаришлар амалга оширилди. 1953 йили ХҚП социализмга ўтиш даврининг бош йўлини белгилаб олди. 1-беш йиллик (1953—57) да СССР ва б. социалистик давлатларнинг улкан ёрдамида ХХРда мамлакатни индустрлаштириш базаси яратилди, шаҳар ва қишлоқларда социалистик ўзгаришлар ўтказилди. 8-съезд (1956) партиянинг ички ва ташқи сиёсатидаги туб масалалар бўйича марксча-ленинча қоидаларни қабул этди.

ХҚПнинг бутун тарихи икки оқим — пролетар интернационализми б-н майда буржуа миллатчилиги ўртасидаги, шунингдек ўнг ва «сўл» оппортунистик оғмачилик ўртасидаги курашлардан иборатдир. 50-йиллар охирида ХҚП раҳбарлари улуғ давлатчилик, миллатчилик йўлига ўтиб олдилар, бу тенденция ХҚП да илгариданоқ, айниқса 1935 йили партия раҳбарлиги *Мао Цзе-дун* қўлига ўта бошлаган вақтданоқ сезилган эди. ХҚП 7-съезди (1945) да Мао Цзе-дун тарафдорлари партиядаги ўз позицияларини мустаҳкамлаб олдилар. 8-съезднинг 2-сессияси (1958)да партиянинг 1956 йилги марксча-ленинча қоидалари ревизия қилиниб, у «Уч қизил байроқ» (янги «бош йўл», «катта сакраш», «халқ коммунаси») сиёсати б-н алмаштиришди. Бу эса мамлакат халқ хўжалигини кризисга олиб келди. ХҚП раҳбарлари 1960-йилларнинг бошидан ташқи сиёсатда алоҳида гегемонистик йўлга—антисоветизм ва жаҳон революцион ҳаракатида ажратувчилик йўлига рўй-рост тушиб олдилар. Буларнинг ҳаммаси ХҚПда оғир кризисга ва ички курашларга сабаб бўлди. «Маданий революция» давомида (1966—76) да партия ташкилотлари (армиядаги ташкилотлардан ташқари) тум-тарақай қилинди, провинция, шаҳар ва уезд партия комитетлари тарқатиб юборилди, партиянинг кўпгина ходимлари репрессия қилинди. ХҚП 9-съезди (1969) социализм қуриш программасини «тўхтовсиз революция», «синфий кураш», «урушга тайёргарлик» каби сиёсий қоидалар б-н алмаштирди; КПССга қарши кураш, жаҳон коммунистик ва миллий озодлик ҳаракатида ихтилофлар юзага келтиришга, халқаро кескинликни ва урушга тайёргарликни авж олдиришга қаратилган олдинги йўлини тасдиқлади.

ХИТОЙ ТИЛИ — *хитойлар* тили; ХХРнинг расмий давлат тили. Х. т. *Хитой-тибет тиллари* оиласининг тан-хитой гуруҳига мансуб. ХХРнинг 95% аҳолиси, яъни 730 млн. дан ортиқ киши Х. т. да гаплашади (1970). Шунингдек, Тайланд, Малайзия, Индонезия, Камбоджа, Лаос, Вьетнам, Бирма, Корея, Япония, Сингапур ва б. жойлардаги 20 млн. дан кўпроқ киши ҳам Х. т. да сўзлашди.

Х. т. да, асосан, 7 та йирик диалектлар гуруҳи мавжуд: 1) Шимолий диалект (бу диалектда 70% аҳоли гаплашади, у ҳозирги хитой адабий тилига асос бўлган); 2) У; 3) Сян; 4) Гань; 5) Хакка; 6) Юэ; 7) Минь. Мазкур диалектлар фонетик жиҳатдан бир-биридан катта фарқ қилади, ҳатто айрим диалектларнинг вакиллари бир-бирларининг нутқини тушунмайдилар. Бироқ бу диалектларнинг грамматик қурилиши, лугат состави қарийб бир хил. Мазкур диалектлар мунтазам равишда содир бўладиган товушлар мослиги б-н (маълум товушга бошқа диалектдаги муайян товушнинг мос келиши б-н) ўзаро боғланган.

Х.т.га оид қадимги ёзма ёдгорликлар (тош, бронза, суяк ва б.га ёзилган ёзувлар) мил. ав. 2-минг йилликнинг иккинчи ярмига оид. Қадимги адабий ёдномалар —«Шуцзин» («Тарих китоби») ва «Шицзин» («Қўшиқлар китоби») мил. ав. биринчи минг йилликнинг биринчи ярмига оид. Ўша даврдаги жонли диалектлар

асосида қадимги хитой адабий тили — вэньянь вужудга келган. Кейинчалик у оғзаки жонли тилдан узоқлашиб, милоднинг 1-минг йиллигидаёқ халқ тушунмайдиган тил бўлиб қолган. Шу сабабли милоднинг 1-минг йиллигида янги ёзма тил — байхуа (содда) вужудга келди. Кейинчалик Шимолий байхуа тили умумхалқ хитой тили — путунхуа (умумхалққа тушунарли тил) учун асос бўлди. 20-асрнинг биринчи ярмида путунхуа қадимги хитой адабий тили — вэньянни тамомила сиқиб чиқариб, ягона ёзма тил — миллий адабий тил бўлиб қолди. Хитой миллий адабий тили шимолий диалектлар асосида таркиб топган. Унинг фонетик нормаси сифатида Пекин диалектининг талаффуз нормалари қабул этилган. Путунхуада 414 бўғин, оҳанг (мусиқий овоз) вариантларини ҳисобга олганда 1324 та бўғин бор. Х.т.да *морфемалар* бир бўғинли. Бир бўғинли сўзларга нисбатан икки бўғинли (икки морфемали) сўзлар кўпроқ. Фонетик-морфологик хусусиятларига кўра Х.т.да бошқа тиллардан ўзлашган сўзлар деярли йўқ. Бироқ Х.т.да *калька* усулида сўз ўзлаштириш жуда кенг тарқалган.

Ад.: Горелов В. И., Практическая грамматика китайского языка, М., 1957; Солнцев В. М., Очерки по современному китайскому языку, М., 1957; Яхонтов С. Е., Древне-китайский язык, М., 1965.

ХИТОЙ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ, ХХР Фанлар академияси — мамлакатнинг олий илмий муассасаси. Фаннинг барча соҳалари бўйича тадқиқотларни координациялайди, кўпгина илмий тадқиқот муассасаларига раҳбарлик қилади. 1949 йил ноябрда ташкил этилган. Академияга академия кенгаши бошчилик қилади. У президент, 6 вице-президент ва бош секретардан иборат Доимий комитетни сайлайди. Академия таркибида 5 бўлим (физика-математика ва кимё фанлари; биология фанлари; геология ва география фанлари; техника фанлари; фалсафа ва ижтимоий фанлар бўлимлари) ишлайди. 1959 йилда 26 филиали мавжуд эди. Моддий-техник базасининг етишмаслиги сабабли уларнинг сони камайтирилиб, 1962 йили 6 филиали қолди. 1962 йилда академия таркибида 170 илмий тадқиқот ин-ти бўлган. 1967 йилда академияда 10 мингга яқин ходим, жумладан 5 миг илмий ходим ишлаган.

Академия таркибига Атом энергияси комитети, Илмий-техника ун-ти (илмий кадрларни тайёрлайди), Илмий-техника информацияси ин-ти, махсус илмий тадқиқот ин-тларига раҳбарлик қилувчи бир қанча комитетлар киради.

ХИТОЙ-КОРЕЯ ПЛАТФОРМАСИ, Сина қалқони — қадимги платформа; Хуанхэ дарё ҳавзасининг қуйи қисми ва Корея я. о., шунингдек, Сариқ денгиз тубининг кўп қисмини эгаллаган. Платформа ғарбда Ички Монголия бўйлаб давом этади ва торайиб боради. Шарқий қисми Корея ва Шарқий Хитойни қамраб олган, бурмаланган кристалли замини токембрий (протерозой ва архей) ёшида. Корея, Ляодун я. о. ва Шаньсида (Пекиндан ғарбда) кўтарилмалар шаклида ер юзасига чиқиб қолган фундамент метаморфик жинслар (гнейс, мигматит, кристалли сланец, амфиболитлар) ва гранитлардан тузилган. Аншань сериясида (қуйи протерозой) темирли кварцитларнинг йирик конлари жойлашган. Платформанинг ғарбий камбар қисми анча ёш бўлиб, замини байкал бурмали системасига тўғри келади. Платформа фундаменти устида чўкинди қоплам (протерозой, қуйи ва юқори палеозой, айрим жойларда триас ва юра даврлари) жинслари ётади; чўкинди комплекснинг қуйи қисми сина системаси ётқизиқларидан иборат (ёши СССР рифей комплексига тўғри келади). Тошкўмир, пермь ва юра даврлари ётқизиқларида тошкўмир конлари, пермь ётқизиқларида эса бокситлар (Шаньдун провинцияси) бор.

ХИТОЙЛАР (ўзларини хань деб атайдилар) — миллат. ХХР аҳолисининг асосий қисми (95% и)ни ташкил этади. Шунингдек, Х. Таиландда, Малайзияда, Индонезияда, Сингапур, Вьетнам, Бирма, Филиппин ва Камбоджияда яшайди. Умумий сони 750 млн. киши (1970), 730 млн. дан ортиғи ХХР да яшайди. *Хитой тилида* гаплашади. Х. нинг асосий қисми монголоид ирқининг Тинч океан тармоғига, Х. нинг кичик группалари эса Шарқий Осиё ва Жанубий Осиё вариантига мансуб. Даосизм, конфуцийлик, буддизм, қисман ислом ва христиан динларига эътиқод қилади. Х. нинг этник тарихи олтой, монк-хмер, малайя-полинез ва хитой-тибет тилларида гаплашувчи кўпгина халқлар қатнашган кўп асрлик мураккаб процессдан иборат.

Х. аждодлари қаторига мил. ав. 2-минг йилликда неолит даврига онд турли хил маданиятлар (Яншао, Луншань ва б.)ни яратган, Хуанхэ ва Янцзи дарёлари ҳавзасида деҳқончилик б-н шуғулланган қабилалар кирган. Мил. ав. 2-минг йилликда ҳозирги Хэнань, Шэньси, Шаньси вилоятлари терр-ясида ибтидоий жамоа муносабатларининг асосий белгилари сақланиб қолган Инь давлати пайдо бўлди. Инликларнинг ғарб томонида уларга қардош бўлган чжоу қабилалари яшаб, улар мил. ав. 11-асрда Инь давлатини истило қилишган. Мил. ав. 11—3-асрларда ҳозирги Хитой терр-ясида инь ва чжоу халқларининг авлодлари б-н аралашиб кетган турли халқлар (жанубда—мань, ғарбда—жун, шимолда—ди, Шарқда — и) яшаган. Шунингдек, мил. ав. 1-минг йиллик ўрталаридан хитой манбаларида Янцзи дарёсидан жанубда яшаган кўп сонли юэ қабиласи ҳам тилга олинган. Бу қабилаларнинг кўпчилиги асосан тай халқларининг, шунингдек *индонезлар, вьетнамлар* ва мон-кхмер халқларининг аждодлари ҳисобланган.

Хань сулоласи даври (мил. ав. 3-аср ва мил. 3-аср)да қадимги хитой элати таркиб топган. Сулола номи Хань дарёси (Янцзи дарёсининг ирмоғи)нинг номидан олинган бўлиб, Х. ўзларини ҳам шундай атаганлар. Хань давлати терр-ясининг кенгайиши Х.нинг бошқа жойларга (айниқса Жанубга) кўчиб ўтишига сабаб бўлган, натижада Шарқий Осиёдаги бошқа халқларни мажбуран ассимиляция қилиш ҳисобига улар б-н сингишиб кетган. Феодал тарқоқлик давридан кейин Тан сулоласи (6—9-асрлар) ҳукмронлиги остида Хитойнинг янгидан бирлашиши Х.нинг этник жипслашувига имкон берди. 10—13-асрларда (Сун сулоласи даврида) Хитой 2 қисм (шимол ва жануб) га бўлинган. Шимолда дастлаб мўғул тилли хиданлар (хитой сўзи шу номдан олинган), кейин эса тунгус-манжур тил группасида гаплашувчи журжонлар ҳукмронлик қилишган. Жанубда эса хитой сулоласининг идора қилиши давом этиб, бу ерга Х.нинг шимолдан кўчиб келиши кучайган. 13-аср ўрталарида ҳозирги Хитой терр-ясида мавжуд бўлган давлатлар мўғуллар томонидан истило қилинган. Мўғуллар қувиб чиқарилгач (1368 йил), Мин сулоласи даврида Х.нинг Хуанхэ ва Янцзи дарёлари ҳавзасидан Жанубга кўчиб ўтиши давом этган. Манжурларнинг Цин сулоласи даври (1644—1911) да Хитойнинг ҳозирги сиёсий чегараси асосан таркиб топди. Цин сулоласининг истилочилик урушлари ўтроқ аҳолининг кўплаб қирилишига сабаб бўлган. 18-асрнинг охирида Жунғор хонлиги истило этилгандан кейин Х. янги ташкил топган Синьцзян вилоятига кўчиб ўта бошладилар. 19-аср — 20-аср бошларида Хитойда капитализмнинг ривожланиши ва хитой миллатининг шаклланиши б-н Х. аста-секин Манжурияга жойлаша бошлаганлар.

Х. нинг 80% дан ортиғи қ. х. да банд. Х. чинни буюмлари б-н машҳур (яна қ. *Хитой Халқ Республикаси*).

Ад.: Народы Восточной Азии. М.—Л., 1965; Очерки общей этнографии, Зарубежная Азия, М., 1959.

ХИТОЙ-ТИБЕТ ТИЛЛАРИ, синитик тиллар — Хитой, Бирма, Ҳималай тоғлари ва Ҳиндистоннинг шимоли-шарқий қисмида яшовчи халқ тиллари оиласи. Америка олими Р. Шейфер таснифи бўйича қуйидаги асосий тармоқларга бўлинади: 1) *хитой тили;* 2) тибет тармоғи (Тибет ва Ҳималай) — тибет тили ва унга яқин бўлган цангла, ргьяронг, гурунг тиллари, ғарбий Ҳималай тиллари (бунан, тхебор, канаури, альмор, жанггали, тхамибхраму ва б.), ғарбий-марказий Ҳималай тиллари (магари, ваю, чепанг), шарқий Ҳималай тиллари (бахинг, дулун, думи ва б.); 3) бирма тармоғи (Бирма, Юньнань, Сичуань, Ассом) — лолобирма тиллари [бирма тили, хор, тангут, лоло (ицзу) тиллари ва б.]. Бирма чегарасидаги куки тиллари гуруҳи (шо, яудуин, кхами, лакхер, лангет, лушей, хака, капуи, тхадо, лухуп, марам, кабуи, шимолий-наг ва б.; ренгма, сими, мейтхей, микир ва эски куки тиллари: чиру, кьяу, хрангкхол ва б.); 4) барий тармоғи (Ассом): гаро, жальпайгур, бодо, чутия, нага ва б. шимолишарқий тиллар; 5) карен тармоғи (Бирма): карен ва б. тиллар.

Р. Шейфер Х.-Т. т. га тай тилларини ҳам қўшади. Лекин бу — ҳали ҳал қилинмаган масала. Америка олими П. Бенедиктнинг тай тилларининг австронез тиллари б-н яқинлиги ҳақидаги тахминлари ишончлироқдир. Шейфернинг кўрсатишича, қадимий хитой-тибет умумсинитик тил системасида сўзлар 1, 2 ва ҳатто 3 бўғинли бўлган бўлиши мумкин, кейинчалик тугал бўлмаган бўғинлар фонетик жиҳатдан кучсизланиб ва ҳамма жойда (куки тиллардан ташқари) тушиб қолиб, бўғинлик хусусиятини йўқотган. Бу фонетик жараёнда ҳосил бўлган ундошларнинг дастлабки бирикмалари (мас., қадимги тибет тилида сақланган) тилларнинг бир қисмида (хитой, бирма ва б. тилларда) соддалашган. Умумсинитик тилда кўмакчи сўзлар ва сўз тартиби асосий грамматик воситадир. Ҳозирги Х.-Т. т. учун *тон* (оҳанг) ва ўзакнинг бир бўғинлилиги характерлидир.

Ад.: Яхонтов С. Е., Глоттохронология и китайско-тибетская семья языков, М., 1964.

ХИТОЙ-ФРАНЦИЯ УРУШИ (1884—85 йиллар) — Вьетнамнинг ҳамма терр-ясини эгаллаш мақсадида Франция Хитойга қарши олиб борган уруш. Вьетнам ўша пайтларда Хитойда ҳукмронлик қилган Цинь сулоласига қарам эди. Француз мустамлакачилари 60—70-йилларда Вьетнамнинг жанубий қисмини босиб олган эди, 1883—84 йилларда эса Вьетнамга қарши ҳужум натижасида мамлакатнинг шимолий қисмидаги қатор стратегик пунктларни эгаллади. 1884 йил 6 июнда Франция Вьетнамни сулҳ шартномаси тузишга мажбур қилди. Бу шартномага кўра Франция Вьетнам устидан протекторат ўрнатди. Цинь ҳукумати Вьетнам-Франция сулҳ шартномасини тан олмади. Бу ҳол, шунингдек, 1884 йил июнида Бакълье яқинида француз отрядининг Хитой—Вьетнам қўшинлари томонидан тор-мор қилиниши француз мустамлакачиларига Х.-Ф. у. ни бошлаб юборишга баҳона бўлди. Вьетнамдаги ҳарбий ҳаракатлар умуман Франция фойдасига ҳал бўлмади. 1884 йил декабрида мунтазам Цинь қўшинлари ва улар таркибига киритилган «қора байроқлар» (қўзғолончи хитой деҳқонлари) отрядлари Саньци ш. атрофларида французларни тор-мор қилди. 1885 йил мартида улар Вьетнам қўшинлари б-н биргаликда Лангшон ш. ёнида французларга зарба бериб, шаҳарни эгалладилар. 1885 йил баҳорида Цинь ҳукумати сулҳ шартномаси тузишга киришди ва «қора байроқлар» отрядлари б-н бирга Вьетнамдан ўз қўшинларини олиб чиқиб кетишга буйруқ берди. Х.-Ф. у. натижасида Вьетнамнинг ҳамма терр-яси амалда Франциянинг мустамлакаси бўлиб қолди.

ХИТОЙШУНОСЛИК, синология — Хитой тарихи, иқтисоди, сиёсати, фалсафаси, тили, адабиёти ва маданиятини ўрганувчи фанлар мажмуи. Ғарбий Европада 17—18-асрларда француз миссионерлари (Ж. Премар, М. Майя ва б.) Хитой тарихини ўргана бошладилар. Хитой филологиясини биринчи бўлиб Париж ун-тининг ўқитувчиси Абель Ремюз илмий жиҳатдан ўргана бошлаган (1814). Россияда 17-асрда дипломатлардан П. И. Годунов, Н. Г. Спафарий, кейинчалик Пекиндаги рус диний миссияси ходимлари А. Л. Леонтьев, И. К. Россохинлар Хитой тўғрисида мақолалар ёзишган. Н. Я. *Бичурин* ўзининг тарих, этнография, география ва тилга оид таржима ва тадқиқотлари б-н рус хитойшунослигига энг кўп ҳисса қўшган. 1837 йилдан Россияда хитой тили, 1851 йилдан адабиёти (Қозон ун-тида) ўқитила бошлади.

19-асрнинг 2-ярми ва 20-аср бошида Хитойга бўлган қизиқишнинг кучайиши натижасида жаҳон хитойшунослигида бирмунча силжишлар бўлди. Англия, Франция, Германияда хитой-инглиз, хитой-француз луғатлари тузилди, *конфуцийлик* китоблари француз тилига таржима қилинди, хитой грамматикаси, адабиёти, Хитойнинг халқаро муносабатларига оид китоблар чоп этилди. Японияда ҳам Х. ривожланди. Россияда Х. нинг ривожланишига Қозон (1837), Петербург ун-тларида очилган Хитой ва манжур кафедралари, Россия география жамияти (1845), Россия археология жамиятининг Шарқ бўлими (1851) катта таъсир кўрсатди. 19-асрнинг 2-ярмидаёқ Россияда буддизм, Хитой тарихи, аграр муносабатлар тарихига оид асарлар, катта хитой-рус луғати яратилди.

Улуғ Октябрь Социалистик рев-ясининг ғалабаси жаҳон Х. гида икки [буржуа ва марксистик] йўналишни белгилаб берди. Ғарбий Европа, АҚШ ва Японияда Х. империалистик давлатларнинг ҳукмрон доиралари талаби асосида ривожланди. Х. тадқиқотлари кўлами, шунингдек Шарқ халқларининг кураши ва *Европоцентризм*нинг барбод бўлиши натижа-

сида янада кенгайди. 20—30-йилларда Хитойни ўрганувчи бир неча янги ин-тлар, илмий марказлар, жамиятлар тузилди.

Совет хитойшунослиги Улуғ Октябрь рев-яси ғалабасидан сўнг вужудга кела бошлади. Х.ни ривожлантиришда рев-ядан олдинги мактаб вакиллари (В. М. Алексеев, Н. В. Кюнер, Д. М. Позднеев) б-н бирга ёш олимлар (К. А. Харнский, А. И. Ивин, Вл. Виленский-Сибиряков, А. С. Ходоров) қатнашди. Улар Хитой халқининг революцион кураши ва б. Х. проблемаларига онд асарлар яратдилар. Классик ва бадиий асарларни тадқиқ қилиш давом этди; ин, тангут ва кидан ёзувларини расшифровкалаш бошланди, Хитойда китоб нашр қилиш тарихи ўрганилди.

Хитойда халқ рев-ясининг ғалабаси (1949) Х.нинг ривожланиши учун ҳам янги имкониятлар яратди. Империалистик давлатларнинг ҳукмрон доиралари Х.ни ўз сиёсатларига, мақсадларига мослаштириб ривожлантирдилар. 1954 йилдан бошлаб Ж. Нидемнинг кўп томлик «Хитойда фан ва маданият» номли китоби нашр этилмоқда. Хитой фани, техникаси ва хўжалигининг ривожланиши тарихи устида бир группа япон олимлари ҳам иш олиб бормоқдалар. Библиографиялар, индекслар, биографик справкалар ва луғатлар, тарихшуносликка онд асарлар кўплаб чиқа бошлади. 1931 йилдан Гарвард ун-ти [АҚШ]да Хитой классик адабиётлари индекслари чиқарилмоқда. Японияда «Хитой тилшунослиги энциклопедияси» ва икки тилли хитой-япон луғати нашр этилди. Европадаги социалистик давлатларда ҳам Х. ривожланмоқда.

Х. СССРда Иккинчи жаҳон урушидан сўнг тез ва ҳар томонлама ривожланди. Янги Х. марказлари очилди. Монографик асарлар пайдо бўлди. ХХРнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий проблемалари, ташқи сиёсати, Хитойдаги революцион ҳаракат ва ХКП тарихи масалалари, Хитойда империалистик агрессия, халқ ҳаракатлари тарихи масалалари кенг тадқиқ қилинмоқда. Хитой-рус луғати (редактори И. М. Ошанин) нашр этилди. Катта академик луғат тайёрланмоқда. Х.нинг бир қисми бўлган Дуньхуаншунослик (*Дуньхуан* ш. яқинидаги ғорлардан топилган будда қўл ёзмаларини ўрганиш)да француз, япон ва совет олимлари муваффақиятларга эришдилар. СССРда Шарқшунослик ин-тидаги дуньхуан фондининг каталоги чоп этилди.

Х. проблемалари Москвадаги Шарқшунослик ин-ти, унинг Ленинграддаги бўлимида, Узоқ Шарқдаги ин-тларда, СССР ФА фалсафа, этнография ин-ти, МГУ қошидаги Осиё ва Африка мамлакатлари ин-тида, Ленинград Давлат ун-ти Шарқ факультетида ва б. илмий марказларда ўрганилади. «Узоқ Шарқ проблемалари», «Осиё ва Африка халқлари» журналларида ва б. даврий нашрларда ҳозирги замон Х. ёритилмоқда. Буюк Британия, Франция, Чехословакия, Польша, Швеция, АҚШ, Япония, Австралияда Х. марказлари бор.

Ад.: Великий Октябрь и развитие советского китаеведения, Сб. статей, М., 1968; Никифоров В. Н., Советские историки о проблемах Китая, М., 1970 Мясников В. С. Становление и развитие отечественного китаеведения, «Проблемы Дальнего Востока», 1974, № 2.

ХИТОЙ ЧАНЧУНЬ ТЕМИР ЙЎЛИ (ХЧТЙ; 1953 йилдан Харбин т. й.) — Шимоли-Шарқий Хитойдаги т. й. магистрали; Манжурия станциясидан Харбин орқали Суйфиньхэгача ва Харбиндан Далянь (Дальний) гача давом этади; ундан Ляоян—Бэньси, Суцзятунь—Фушунь, Дашицяо—Инкоу, Цзиньчжоу—Чэньцзитун, Чжоушуйцзи—Люйшунь (Порт-Артур) шохобчалари чиқарилган. ХЧТЙ Хитой-Шарқ т. й. (ХШТЙ) номи 6-н 1896 йилги Россия-Хитой шартномасига мувофиқ 1897—1903 йилларда Россия томонидан қурилган. 1904—05 йиллардаги Россия-Япония уруши тугагандан сўнг ХШТЙ нинг жанубий йўналиши — Куанчэнцзи (Чанчунь) дан Далянь ва Люйшунгача Портсмут сулҳ шартномасига мувофиқ 1905 йилда Япония ихтиёрига ўтди ва Жанубий Манжурия т. й. (ЖМТЙ) деб аталди. 1918 йилда Япония ХШТЙ атрофига ўз қўшинларини олиб кирди ва 1920 йилда йўлни эгаллашга уринди. 1921—22 йиллардаги *Вашингтон конференциясида* ХШТЙ ни эгаллаш учун давлатлар ўртасида кескин тортишув бўлди. 1924 йил 31 майдаги Совет-Хитой битимига кўра ХШТЙ СССР ва Хитой биргаликда бошқарадиган соф коммерция корхонаси деб тан олинди. 1929 йилда хитой милитаристлари ХШТЙ ва СССР чегарасига ҳужум қилди, лекин Қизил Армия қисмлари томонидан зарбага учради. 1931 йилда Шимоли-Шарқий Хитой (Манжурия)ни Япония босиб олгандан сўнг япон милитаристлари ХШТЙни советларга қарши фитна ўчоғига айлантирди. 1935 йилда СССР ХШТЙ ни Маньч жоу-Го ҳукмдорларига арзимаган пул (140 млн. иен)га сотди. Шимоли-Шарқий Хитойни Қизил Армия озод қилгандан сўнг ва 2-жаҳон урушида Япония мағлубиятга учрагандан кейин 1945 йил 14 августдаги Совет-Хитой битимига кўра ЖМТЙ б-н ХШТЙ ни СССР ва Хитой биргаликда бошқарадиган бўлишди ва бу икки т. й. умумий ном б-н ХЧТЙ деб аталадиган бўлди. Совет Иттифоқи ХЧТЙ хўжалигини тиклашда қатнашди. ХХР ташкил топгандан сўнг 1950 йил 14 февралдаги ХЧТЙ ҳақида янги Совет-Хитой битимига кўра Совет ҳукумати ХЧТЙ ни биргаликда бошқариш бўйича бутун ҳуқуқларини т. й. даги барча мулклар б-н биргаликда ХХР ҳукуматига текин топширди (бу фаолият 1952 йил 31 декабрдаги протокол б-н расмийлаштирилган).

ХИТОЙ-ҲИМАЛАЙ ОБЛАСТЧАСИ, Манжурия-Хитой областчаси — Голарктика зоогеографик қуруқлик области Палеарктика бўлимининг бир қисми. Амур бўйи, Япон оролари, Шарқий Хитой, Сина-Тибет тоғларини ўз ичига олган. Х.-Ҳ. о. нинг табиий шароитлари жуда хилма-хил. Рельефи ҳам мураккаб; аксари қисми ўзлаштирилган кенг текисликлар (Буюк Хитой текислиги, Сунляо текислиги ва б.) б-н бирга тоғлар ҳам бор. Табиий ўсимликлари, асосан, кенг баргли, аралаш ва игна баргли ўрмонлардан иборат. Х.-Ҳ. о. Палеарктикада ҳайвонларга энг бой областчалардан. Эндемик турлари кўп. Сут эмизувчилардан ҳашаротхўрлар — ерказир ва кротларнинг бир неча уруғи; йиртқичлардан бўрсиқ, қизил бўри, енотсимон ит, бамбукзор айиғи, кичик панда, харза; кемирувчилардан тийинлар, олмахон, сичқонлар, цокорлар ва б.; туёқлилардан горал, сув буғуси, чипор буғу, аксис, мунтжаклар ва б., маймунларнинг бир неча тури Х.-Ҳ. о. учун характерли ҳайвонлардир. Қушлардан қирғовул ва чумчуқсимонлар, тўти яшайди. Судралиб юрувчилардан калтакесак ва илонлар, аллигатор (Янцзи дарёсида); сувда ва қуруқликда яшовчиларнинг бир неча уруғи ва ҳар хил балиқлар учрайди.

ХИТОНЛАР (*юнон* chiton—кийим) — қ. *Зирҳли моллюскалар.*

ХИШРОВ — Самарқанд олб.даги шаҳар посёлкаси. Самарқанд ш.дан 7 *км* узоқда, Дарғом каналининг ўнг соҳилида. Маъмурий жиҳатдан Самарқанд шаҳар Советига қарайди. Посёлка 1951 йилда ташкил этилган. Майдони 480 га. Аҳолиси 4233 киши (1978). Х. да «Узминстрой»нинг областлараро трестига қарашли автобаза, «Средазэлектросетьстрой»нинг механизациялашган колоннаси, Хишров ГЭС каскади, «Самарқанд» подстанцияси, Зарафшон районлараро электр станцияси, гидроцех, транспорт цехи, тикувчилик ателъеси ва б. бор (1979). Урта мактаб, музика мактаби (680 бола), кутубхона (28379 китоб), маданият уйи, 3 болалар боғчаси (351 бола), 60 ўринли касалхона, амбулатория, медпункт (12 врач ва 19 ўрта медицина ходими) ишлаб турибди.

ХЛАМИДОМОНАДАЛАР (Chlamydomonas) — вольвокссимонлар синфига мансуб бир ҳужайрали яшил сувўтлар туркуми. Ноксимон ёки овал, танасининг олд қисмида иккита хивчини бор, шулар ёрдамида ҳаракатланади. Ҳужайранинг орқа қисмида яшил косачасимон пиреноидли хлоропласти, олд қисмида эса рангсиз ядро, протоплазма жойлашган, кўпинча иккита қисқарувчи вакуола ва кўзча деб аталувчи қизил пигментли танача ҳам бор. Зооспоралар ёрдамида ва жинсий кўпаяди. 300 тури маълум. СССРда 100 тури бор. Х. чучук сувли, кўпинча ифлосланган ва азотли бирикмаларга бой сув ҳавзаларида кенг тарқалган.

ХЛАМИДОСПОРАЛАР — баъзи замбуруғларнинг қалин қобиқли спораси. Гифалар (замбуруғ вегетатив танаси)нинг ҳужайраларга бўлиниши натижасида ҳосил бўлади. Х. ҳужайралар сонига қараб биттадан бир нечтагача бўлади. Х. ноқулай шароитни осон ўтказиб, қулай шароитда янги вегетатив тана — мицелийга айланади.

«ХЛОПКОВОДСТВО» («Пахтачилик») — СССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги ҳамда СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигининг илмий-ишлаб чиқариш ойлик журнали. Дастлаб 1912 йилда «Бюллетень хлопкового комитета» («Пахтачилик комитети бюллетени»), 1922—30 йилларда «Хлопковое дело» («Пахтачилик иши»), 1931—32 йилларда «За хлопковую независимость» («Пахта мустақиллиги учун»), 1936—50 йилларда «Советский хлопок» («Совет пахтаси») номларида чиққан. 1951 йилдан Москвада «Х.» номида нашр этилмоқда.

Журнал агрономлар, механизатор-пахтакорлар, шу соҳа илмий ходимлари ва б.га мўлжалланган. Журналда экономика ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш, агротехника, механизация, селекция ва уруғчилик, суғориш ва мелиорация, шунингдек илғор тажриба, эксперимент тадқиқотларга онд материаллар ёритилади. Тиражи 13,5 минг нусха (1976). Бош муҳаррири И. Д. Блинов.

ХЛОР (Chlorum), Cl — Менделеев даврий системасининг VII группасига мансуб кимёвий элемент, *галогенлар*га киради; ат.н.17, ат. оғ. 35,453. Эркин ҳолда нормал шароитда икки атомли газ (Cl_2).

Х.ни дастлаб 1774-йилда швед кимёгари К. Шееле хлорид кислотани марганец (IV)-оксид таъсирида оксидлаб ҳосил қилган. К. *Бертолле* яшил-сариқ тусли бўғувчи бу газнинг сувдаги эритмаси ёруғлик таъсиридан кислород чиқариб, хлорид кислота ҳосил қилишини кузатди ва уни оксидланган хлорид кислота деб атади. К. Бертолле ва А. *Лавуазье* Х.ни номаълум элемент — мурийнинг оксиди деб фараз қилишди. Ж. *Гей-Люссак*, Л. Тенар ва Г. Дэви 1810 йилда Х.нинг элемент эканлигини исбот қилишди, ранги сариқ-яшил бўлганлиги учун унга «хлорик» ёки «хлорин» (юнон. chloros — сарғиш-яшил) номини беришди. 1813 йилдан «Х.». номи б-н юритиладиган бўлди.

Х. Ер пўстининг оғирлик жиҳатидан $4{,}5 \cdot 10^{-2}$% ини ташкил этади. У кимёвий реакцияларга актив киришиши сабабли эркин ҳолда вулкан газларидагина учрайди. Минераллари: галит (NaCl), сильвин (KCl), сильвинит (KCl·NaCl), карналлит ($KCl \cdot MgCl_2 \cdot 6H_2O$), бишофит ($MgCl_2 \cdot 6H_2O$), каинит ($KCl \cdot MgSO_4 \cdot 3H_2O$), кумуш хлорид AgCl, атакамит $CuCl_2 \cdot 3Cu(OH)_2$. Денгиз сувида 2% гача, ўсимлик ва ҳайвон организмида бир оз миқдорда Х. бўлади. ^{35}Cl (75,53%) ва ^{37}Cl (24,47%) барқарор изотоплар аралашмасидан иборат. Унинг сунъий радиоактив изотопларидан ^{34}Cl (ярим емирилиш даври 32,4 мин.), ^{36}Cl (ярим емирилиш даври $3{,}08 \cdot 10^5$ йил), ^{38}Cl (ярим емирилиш даври 37,29 мин.) кимёвий ва биохимиявий процессларни ўрганиш мақсадида қўлланилади.

Х. — сарғиш-яшил тусли газ; ўткир ҳидли. Ҳаводан 2,5 марта оғир. Суюқланиш т-раси 101°С, қайнаш т-раси — 34,05°С. Х.нинг сувда эриши т-ра кўтарилиши б-н пасаяди. Х. ош тузининг тўйинган эритмасида сувдагига қараганда 4 марта кам эрийди. Х. ўз бирикмаларида —1 дан +7 гача валентликда бўлади. У кумёвий жиҳатдан жуда актив. Кўпчилик металл ва металлмаслар б-н бевосита бирика олади. CO, C_2H_4, CO_2 ва ҳ. к. моддалар ўзига Х.ни бириктириб олиши мумкин, лекин кислород, углерод азот ва б. инерт газлар б-н бевосита бирикмайди. Х. қуруқ жойда темир б-н ҳам бирикмаганлигидан уни пўлат баллонларда ташиш мумкин. Х. водород б-н шиддатли реакцияга киришиб, водород хлорид (HCl) ҳосил қилади. Сувда гидролизланиб, кучсиз гипохлорид кислота HClO ва кучли хлорид кислота HCl ҳосил бўлади. Гипохлорит кислота кислород чиқариб, хлорид кислотага айланади. Х.нинг Cl_2O, ClO_2, Cl_2O_6 каби кислородли бирикмалари маълум. Cl_2O — гипохлорит ангидрид, хлор (IV)-оксид (ClO_2) беқарор модда, портлайди. Хлор (VI)-оксид Cl_2O_6 — перхлорат $HClO_4$ ва хлорат $HClO_3$ кислоталарнинг аралаш ангидридидир.

Х.нинг пероксиди Cl_2O_8 ҳам маълум. У сув б-н реакцияга киришиб, беқарор пероксохлорат кислота $HClO_5$ ҳосил қилади. Х. ишқорларнинг эритмалари б-н реакцияга киришади (совуқда гипохлоритлар, қиздирганда эса хлоратлар ҳосил қилади). Х. оҳакли сув б-н оқартирувчи оҳак $CaOCl_2$ ҳосил қилади. Х. бошқа галогенлар б-н ҳам реакцияга киришиб ClF, ClF_3, BrCl, JCl, JCl_3 каби бирикмалар беради.

Х. дезинфекция ишларида, ичиладиган сувни тозалашда ва ишлаб чиқариш мақсадларида қўлланилади. Метил хлорид, хлороформ, тетрахлорметан, фреонлар ва ҳар хил полимерлар олишда Х.дан кенг фойдаланилади.

Х. — заҳарли. Х. ишлатиладиган корхоналарнинг ҳавосида унинг концентрацияси 0,001 *мг/л*; дан ортиқ бўлмаслиги керак. Х. ионлари баъзи ферментларнинг активлигини оширади. Натрий хлорид тирик организм ҳаёти учун ниҳоятда зарур модда. Одам организмининг қарийб 0,25% ини Х. ташкил қилади.

Ад.: Росоловский В. Я., Химия. безводной хлорной кислоты, М., 1966; Шумахер И., Перхлораты. Пер. с англ., под ред. А. С. Генина, М., 1963; Николаев Л. А., Общая и неорганическая химия, М., 1974; Рахимов Х. Р., Анорганик химия, Т., 1974.

ХЛОР ОКСИДЛАРИ — хлорнинг кислород б-н ҳосил қилган бирикмалари: Cl_2O, ClO_2, Cl_2O_6, Cl_2O_7, ClO_8.

Хлор (I)- оксид, Cl_2O — сарғиш-жигар ранг қўланса ҳидли (хлор ҳиди келади) газ; суюқланиш т-раси — 121°С, қайнаш т-раси 2°С. Кучли оксидловчи. Кальций гипохлорит олишда ишлатилади.

Хлор (IV)- оксид, ClO_2 — сариқ-қовоқ ранг ўткир ҳидли газ; суюқланиш т-раси 59°С, қайнаш т-раси 10°С, кучли оксидловчи, портлайди. Оқартириш ишларида фойдаланилади.

Хлор (VI)- оксид, Cl_2O_6 — ҳавода тутайдиган тўқ қизил суюқлик; суюқланиш т-раси 3,5°С, қайнаш т-раси 203°С; осон оксидланувчан моддаларга тегса портлайди.

Хлор (VII)- оксид (перхлорат ангидрид), Cl_2O_7 — рангсиз суюқлик; суюқланиш т-раси — 93°С, қайнаш т-раси 83°С.

Cl_2O_8 — хлорид кислота ва унинг тузларини электролизлашда ҳосил бўладиган оралиқ маҳсулот. Мустақил ҳолда ажратиб олинмаган.

ХЛОРАЛЬГИДРАТ, *2, 2,* 2-трихлорэтандиол-1, 1, $CCl_3CH(OH)_2$ — дори, рангсиз кристалл модда; сув, спирт ва эфирда эрийди, қайнаш т-раси 53°С. Хлоралга сув таъсиридан ҳосил бўлади. *Х. ухлатувчи моддалар* группасига мансуб. Уйқу бузилиши, эпилепсия ва б. касалликларда порошок, таблетка ҳолида берилади ва клизма қилинади, «Дента» тиш томчисига ҳам қўшилади.

ХЛОРАМИНЛАР — молекулаларидаги хлор атоми азот б-н боғланган хлор ҳосилали аммиак (анорганик Х.) ва аминлар (органик Х.). (Анорганик Х.лар ҳақида *Азот хлоридлари*га қ.).

Органик Х.— ўткир ҳидли суюқлик ёки қаттиқ модалар. N= хлордиметиламин $(CH_3)_2NCl$ 46°С да, N, N= дихлорметиламин CH_3NCl_2 58—60°Сда, N, N= дихлорэтиламин $C_2H_5NCl_2$ ва N= хлордиэтиламин $(C_2H_5)_2$ NCl 91°С да қайнайди; гексахлормеламин — сариқ кристалл модда, 149°Сда суюқланади. Х. сув ва ҳаво намида амин б-н гипохлорид кислота (HOCl) га парчаланади. Х. аминларга ва уларнинг тузларига хлор ёки гипохлорит кислота таъсир эттириб олинади.

Х. оксидловчи ва хлорловчи таъсирга эга бўлганлигидан аналитик кимёда, тўқимачиликда матоларни оқартиришда, дегазация, дезинфекция ишларида, сувни хлорлашда қўлланилади.

ХЛОРАТЛАР — хлорат кислота ($HClO_3$) тузлари. Оддий т-рада барқарор кристалл модда, қиздирилганда ёки катализаторлар иштирокида кислород чиқариб парчаланади. Кўпчилик Х. сувда ва баъзи органик эритувчиларда эрийди. Органик ва осон оксидланадиган моддалар б-н портловчи аралашмалар ҳосил қилади. Х.дан натрий хлорат $NaClO_3$, калий хлорат $KClO_3$, кальций хлорат $Ca(ClO_3)_2$, магний хлорат $Mg(ClO_3)_2$ саноат миқёсида ишлаб чиқарилади. Натрий хлорат гугурт ва пиротехника составлари ишлаб чиқаришда, кальций хлорат калий хлорат тайёрлашда оралиқ маҳсулот сифатида, натрий ва магний Х. қ.х.да ишлатилади.

ХЛОРАТОР — хлор-газни дозалаш ва унинг сувдаги эритмасини тайёрлашда ишлатиладиган аппарат. Босим остида ишлайдиган ва вакуум Х. бўлади. Вакуум Х. кўплаб ишлатилади. У хлор-газдаги томчи суюқликлар, чанг ва ҳ. к. йиғиладиган баллон, ростлагич вентили, газ тозалаш фильтри, босимни пасайтирадиган редуктор, газ сарфини ўлчагич ва хлор-газ б-н сув аралаштиргич идишидан иборат. Кимё технологиясида органик ва анорганик бирикмаларни хлорлашда ишлатиладиган аппаратлар ҳам Х. деб юритилади.

ХЛОРАЦЕТОФЕНОН, $C_6H_5C(O)CH_2Cl$ — рангсиз кристалл модда, суюқланиш т-раси 59°С, қайнаш т-раси 244—245°С. Сувда ёмон, органик эритувчиларда яхши эрийди, кучли ёш оқизади. Ацетофенонни хлорлаб олинади. Энг кичик таъсир этиш концентрацияси 0,0001 *мг/л;* энг катта таъсир этиш концентрацияси 0,002 *мг/л* (2 *мин.*). Х.дан сақланиш учун противогаз ишлатилади. Биринчи жаҳон уруши охирида заҳарловчи модда сифатида ишлатиш тавсия этилган, лекин ишлатилмаган.

ХЛОРБЕНЗОЛ, C_6H_5Cl — ўзига хос ҳидли рангсиз суюқлик; суюқланиш т-раси — 45, 58°С, қайнаш т-раси 131, 687°С; сувда ёмон эрийди, органик эритувчиларга аралашади. Саноатда бензолни хлорлаб олинади. Х. ва унинг баъзи ҳосилалари органик синтезда ва эритувчилар сифатида қўлланилади.

ХЛОРЕЛЛА — хлорококксимонлар синфига мансуб майда, бир ҳужайрали яшил сувўтлар туркуми. Ҳужайраси думалоқ ёки эллипссимон шаклда. Катталиги 5—12 *мк,* юпқа ва мустаҳкам пўстга ўралган. Ҳужайра ичида хлоропласт ва пиреноид жойлашган. Жинссиз кўпаяди. Табиатда Х. жуда кенг тарқалган бўлиб, ҳар хил сув ҳавзаларида, нам тупроқда учрайди. Х.нинг 40 дан ортиқ тури аниқланган, шундан СССРда 18 тури маълум, жумладан Ўрта Осиёда 5 тури бор. Табиатда оддий хлорелла (Chlorella vulgaris) энг кўп тарқалган.

Биринчи марта Х. 1890 йили тоза ҳолда ўстирилиб, унинг биологияси ва экологияси ўрганилган.

Х. қуёш энергиясини интенсив ўзлаштиради, таркибида 40—50% оқсил, 30—37% углевод, 5—10% ёғ, витаминлар ва б. моддалар мавжуд. Бир *га* сув ҳавзаси юзасидан бир мавсум (апрель—ноябрь)да Х. дан 30—70 *т* гача ҳосил олиш мумкин. Х.нинг нисбатан юқори (30—38°С), ўртача (25—30°С) ва паст (15°С) т-раларда ўсадиган турлари бор. Нисбатан юқори ва ўртача т-раларни сезувчи турлари кўпроқ ўстирилади ва ҳосилдор ҳисобланади. Х. сувга аралаштирилган ҳолда (суспензияси) махсус механизациялаштирилган ҳовузларда кўп миқдорда ўстирилади. Х. суспензиясини ўстириш биологияда янги биоинженерлик йўналишини шакллантирди.

Х.дан озиқ-овқат саноатида, фармацевтикада, чорвачиликда, ифлос сувларни биологик тозалашда; ёпиқ экологик системалардаги ҳавони регенерация қилишда (космик кемалар, сув ости кемаларида) фойдаланиш мумкин. Х. турли моддаларга бой бўлгани сабабли уни кондитер маҳсулотларига, айрим ичимликлар таркибига қўшиб истеъмол қилиш мумкин; у ҳар хил дорилар таркибига қўшилмоқда. Х. қўшиб тайёрланган мазь ва шамчаларнинг даволаш хусусияти хлорелла қўшилмаганларидан яхшироқдир. Қорамол, қўй, эчки ва б. ўсимликларга суткасига 2—10 *л* хлорелла суспензияси қўшиб берилганда, уларнинг тирик вазни 15—20%, сут маҳсулоти эса 13—18% кўпаяди. Жўжа ва товуқлар рационига 0,2—2,5 *г* ҳисобида Х. пастаси қўшилса, уларнинг тирик вазни 13—20% га, тухум қилиши 12% га, тухум таркибидаги витамин А миқдори эса 1,5—2 баравар кўпайганлиги аниқланди. Х.нинг пиллачиликдаги аҳамияти ҳам катта. Х. суспензиясини тут баргига пуркаб бериш натижасида қуртларнинг вазни 15—25%, пилланинг салмоғи 13,1—18% ортади. Х.нинг қ.х.идаги бошқа экинлардан фарқи шундаки, унинг ўсаётган муҳити ўзгариши б-н таркибидаги оқсил, ёғ ва б. озиқ моддалар миқдори ҳам ўзгариши мумкин. Бу эса келажакда Х.ни ўстириш негизида оқсил, ёғлар, витаминлар, антибиотиклар ва б. моддалар олиш имкониятини беради.

ХЛОРИД КИСЛОТА, HCl — бир асосли кучли кислота; водород хлориднинг сувдаги эритмаси. Рангсиз тиниқ суюқлик, водород хлорид ҳиди келиб туради: Техник Х.к.да хлор ва темир тузлари каби аралашмалар бўлганлигидан ранги сарғиш-яшил. Х.к.нинг максимал концентрацияси 36% дан ошмайди; бундай концентрациядаги эритманинг зичлиги 1,18 *г/см*^{3}; у ҳавода тутайди.

Х.к. кимёгарларга 16- асрнинг охирида маълум бўлган, улар Х.к.ни ош тузини темир купороси б-н қиздириб олганлар. И. Глаубер 17- аср ўрталарида Х.к.ни «туз спирти» номи б-н атаган. У Х.к.ни NaCl га H_2SO_4 таъсир эттириб олган.

Х.к. Cl_2 ва H_2 ни синтезлаб олинади. Органик бирикмаларни хлорлашда ёнаки маҳсулот сифатида кўпгина HCl ҳосил бўлади.

Ҳозир ишлаб чиқарилаётган техник Х. к. нинг таркибида камида 31% HCl (синтетик) ва 27,5% HCl (NaCl дан ишлаб олинган) бўлади. Сотувдаги Х.к. нинг таркибида, мас., 12,2% HCl бўлса, «суюлтирилган», 24% ва ундан ортиқ HCl бўлса «концентрланган» кислота дейилади.

Х.к. кучли кислота; у сувдаги эритмасида H^+ ва Cl^- ионларга тўла диссоциланади. Х.к. турли металл хлоридлари ва хлорли органик маҳсулотлар олишда, металлар сиртига ишлов беришда, турли хил идишларни, бургилаш трубаларини карбонатлар, оксидлар ва б. ифлослардан тозалашда, металлургияда рудаларга ишлов беришда, кўнчилик саноатида терини ошлашда, лабораторияларда ишлатилади. Х.к. шиша баллонларда ёки ичига резина қопланган металл идишларда сақланади ва ташилади.

Газсимон HCl — заҳарли. У кишига узоқ вақт таъсир этганда нафас йўлларининг яллиғланишига, тишнинг бузилишига ошқозон-ичак фаолиятининг бузилишига сабаб бўлади.

Иш бинолари ҳавосида HCl нинг рухсат этилган энг катта миқдори 0,005 *мг/л.* HCl дан сақланиш учун противогаз, резина қўлқоп, пойафзал ва фартук кийиш, кўзойнак тақиш керак. Меъда ширасида 0,3% гача Х.к. бўлади, у овқат ҳазм бўлишига ва касаллантирувчи бактерияларни ўлдиришга ёрдам беради. Медицинада меъда ширасида кислота етишмаганда буюрилади.

ХЛОРИДЛАР — хлорнинг кислород ва фтордан бошқа барча элементлар (металлар ва металлмаслар) б-н ҳосил қилган бирикмалари. Металларнинг хлоридлари қаттиқ моддалардир, улар сувда яхши эрийди. Металлмасларнинг хлоридлари газсимон, суюқ ёки қаттиқ моддалардир. Натрий, калий, магний, кальций хлоридлари табиатда кенг тарқалган (Х.нинг хоссаси, олиниши ва ишлатилиши ҳақида тегишли элементларнинг Х.ига қ.).

ХЛОРИТЛАР — минераллар, магний ва темирнинг алюмосиликатлари. Кимёвий таркиби ўзгарувчан: $(Mg, Al, Fe)_6[(Si, Al)_4O_{10}](OH)_8$ ёки $(Mg, Fe^{2+})_5[AlSi_3O_{10}(OH)_2]\cdot 3(Mg, Fe)(OH)_2$ Диоктаэдр ва триоктаэдр Х. маълум. Таркибидаги Fe^{3+} миқдорига қараб Х. ортохлоритлар (оксидланмаган Х.; $Fe_2O_3<4\%$) ва лептохлоритлар (оксидланган Х.; $Fe_2O_3>4\%$) га бўлинади. Si ва Fe^{2+} + Fe^{3+} нинг миқдорига кўра Х. 2 гуруҳга бўлинади. 1-гуруҳ магнезиал Х. (корундофиллит, шериданит, *клинохлор, пеннин,* тальк-хлорит), магнезиал-темирли Х. (рипидолит, пикнохлорит, диабантин) ва темирли Х. (псевтюрингит, дафнит, брунсвигит) дан иборат. 2-гуруҳга мансуб Х.— *тюрингит, шамозит,* делессит. Ҳамма Х. моноклин ёки триклин сингонияли. Варақ-варақ, пўчоқ, тангасимон, сферолит, болит шаклида; яширин кристалли, юпқа варақчалари эгилувчан бўлса ҳам, қайишқоқ эмас; бир-биридан термик анализ орқали фарқланади. Асосан яшил, шунингдек оқ, сариқ, пушти, қизил-бинафша ранг, қўнғир-қора (Fe-хлорит) хиллари ҳам бор. Қаттиқлиги 2—3; с.оғ. 2,6—3,3.

Х. табиатда кенг тарқалган. Асосан паст т-рали гидротермал жараёнлар таъсирида, таркибида алюминий, магний ва темирли силикатлар кўп бўлган жинсларнинг ўзгаришидан ҳосил бўлади.

Ортохлоритлар қоғоз саноатида ишлатилади. Катта-катта қатлам тарзида топилган лептохлоритлар темир рудаси сифатида саноат аҳамиятига эга.

Ад.: Дир У. А., Хауи Р. А., Зусман Дж. Породообразующие минералы, т. 3— Листовые силикаты, М., 1966; Бетехтин А. Г., Минералогия курси, Т., 1969; Минералы Узбекистана, т. 4. Т., 1976.

ХЛОРИТОИД (ташқи кўриниши хлоритларга ўхшаганлиги учун шундай деб аталган) — орол силикатлари синфига мансуб минерал. Кимёвий таркиби $(Fe, Mg)_2(Al,Fe^{3+})Al_3(SiO_4)_2O_2(OH)_4$. Х.да 26—28% FeO, 2—4% MgO, 39—41% Al_2O_3, 24—26% SiO_2, 7—8% H_2O, оттрелитда 16,6% гача MnO бўлади. Моноклин ёки триклин сингонияди. Тўғри тузилган кристаллари кам учрайди, кўпинча варақ-варақ, эгри пўчоқ шаклида тарқалган. Рангсиз, яшил-сарғиш, сариқ, қўнғир кўк, қорамтир кўк; шишадек ялтироқ. Қаттиқлиги 6,5; с. оғ. 3,5—3,8. Хлоритлар ва слюдалардан қаттиқлиги, мўртлиги ва оптик хусусиятлари б-н фарқланади. HCl таъсир этмайди. Х. корунд, диаспор, рутил каби минераллар б-н бирга, регионал метасоматик конларда алюминийга бой гилли сланецлар орасида уяча ва линзалар шаклида учрайди. Х. Ўзбекистонда Томдитов, Молгузар тоғларида учрайди. Абразив хом ашё сифатида ишлатилади.

Ад.: Бетехтин А. Г., Минералогия курси, Т., 1969; Дир У. А., Хауи Р. А. ва б., Породообразующие минералы, т. 3, Листовые силикаты, М., 1966; Минералы Узбекистана, т. 4, Т., 1976.

ХЛОРЛАШ — 1) органик бирикмалардаги водород атомларини хлор атомлари б-н алмаштириш процесси. Баъзан Х.ни кенг маънода С—Cl боғини ҳосил қилишга, мас., каррали боғларга хлор, водород хлорид, гипохлорид кислота, нитрозил хлоридни бириктириш, хлор ўрнига бошқа функционал группалар (спирт-

ларда гидроксил, кислоталарда карбон, ароматик аминларда аминогруппалар)ни алмаштириш тушунилади. Чунончи, саноатда хлорни этиленга бириктириб винилхлорид ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хом ашё — *дихлорэтан;* ацетиленни хлорлаб трихлорэтилен олиш учун зарур бўлган тетрохлорэтан, баъзи каучукларни хлорлаб хлоркаучуклар олинади; 2) таркибида рангли металлар бўлган материаллар (қотишмалар)га суюқлантирилган ҳолатда газсимон хлорли ёки хлорли туз муҳитида қиздириб ишлов бериш. Х. йўли б-н қотишма газсимон ва қаттиқ металлмас қўшилмалардан тозаланади. Х. печларда олиб борилади. Х. қурилмаси хлорли баллон, сульфат кислотали қуритиш шиша идишлари, симобли манометр ва кварц найидан иборат. Қурилманинг бу барча элементлари пўлат найлар б-н туташтирилади, эгилган туташиш жойлари резина найлар б-н уланади. Хлорли баллон ва кислотали шиша идишлар алоҳида хонага жойлаштирилади. Х. вақтида ҳосил бўладиган газларни чиқариб юбориш учун вентиляция системаси қурилади. Х. процесси чамаси 100 *мм* симоб устунидаги босим остида олиб борилади. Рафинлаш (тозалаш) вақти шихта материалининг сифатига караб, 7—12 мин. га боради. Х. вақтида, мас., буғ ҳолидаги алюминий хлорид ҳамда водород ҳосил бўлиб, суюқ металл сиртига пуфакчалар тарзида чиқади, газсимон ва қаттиқ металлмас қўшилмалар ана шу пуфакчаларга адсорбцияланади ва ташқарига чиқиб кетади, натижада металл тозаланади.

Х. усулидан титан ишлаб чиқаришда ва б. металлургия процессларида ҳам фойдаланилади; 3) сувни хлор ва унинг бирикмалари б-н ишлаш. Ичиладиган *сувни зарарсизлантириш*нинг кенг тарқалган усули. Эркин хлор ва хлор бирикмаларининг оксидланиш-қайтарилиш процессини тезлаштирувчи микробларни йўқотишга асосланган. Ичимлик сувни зарарсизлантириш мақсадида хлор, хлор икки оксид, хлорамин ва хлорли оҳак ишлатилади.

ХЛОРЛИ ОҲАК, оқ а р т к и ч о ҳ а к — қўшалоқ тузлар $Ca(OCl)_2$, $Ca(OH)_2$, $CaCl_2$ б-н кристаллизация суви аралашмаси; хлор ҳиди келадиган қуруқ оқ гигроскопик порошок. Товар Х. о. нинг таркиби 1,5 $Ca(ClO)_2$, 1,5 $CaCl_2 \cdot 3Ca(OH)_2 \cdot nH_2O$ га яқин. Унда 28% дан 38% гача актив хлор ва 10% гача сув бўлади. Хлор б-н сўндирилган оҳак $Ca(OH)_2$ ни бир-бирига таъсир эттириб олинади. Х.о. сақланганда аста-секин парчаланади. Медицинада *антисептик воситалар* сифатида, эритмаси бинолар, идишлар ва сувни хлорлашда, ташландиқларни зарарсизлантиришда ва б. да ишлатилади.

ХЛОРЛИ СУВ — хлорнинг сувдаги эритмаси. *Хлоратор*да сувдан хлор ўтказиб ҳосил қилинади (20°С да ҳажм сувда 2,2 ҳажм хлор эрийди). Х. с. совитилганида хлоргидрат — $Cl_2 \cdot n\ H_2O$ ҳосил бўлади. Бу 9,6°С да парчаланиб кетадиган сариқ кристаллдир. Эритмада хлор сув б-н қисман кимёвий бирикиб, гипохлорит ва хлорид кислота ҳосил қилади: $Cl_2 + H_2O \rightleftarrows HClO + HCl$; гипохлорит кислота HClO ёруғликда O_2 ва HCl га парчаланади. Х. с. сувни зарарсизлантиришда ва матоларни оқартиришда ишлатилади.

ХЛОРОЗ (юнон. chloros — яшил, яшил-сариғиш), ў с и м л и к л а р х л о р о з и — ўсимлик баргларининг сарғайиш касаллиги. Касалланган баргларда хлорофилл ҳосил бўлиши бузилади, фотосинтез активлиги сусаяди, кўпинча ҳар хил органларида ўзгариш (майда барглилик, новдалар учининг қуриши, барглар бужмайиши, эрта тўкилиши, илдизлар қуриб қолиши ва б.) содир бўлади. Х. б-н, асосан, мевали, резавор мевали ва манзарали ўсимликлар касалланади. Х. юқумли ва юқумсиз бўлади. Ю қ у м л и Х. ни вирус, замбуруғ ва б. микроорганизмлар вужудга келтиради. Х. нинг қўзғатувчиларини баъзи зараркунандалар (трипслар, ўсимлик битлари ва б.) тарқатади. Ю қ у м с и з Х. ноқулай тупроқ иқлим шароити таъсирида ҳамда экин экиш технологияси бузилганда вужудга келади. Карбонатли тупроқларда темир ёки оҳак етишмаслигидан резавор мевали ўсимликлар, айниқса, ток кўпроқ касалланади; ток барги сарғаяди, қўнғир тусга кириб қурийди, новдалари ингичкалашади, ўсишдан тўхтайди, янги барглари майдалашади, ривожланмайди. Токда, кўпинча юқумсиз Х. юқумлига айланиб кетади. Бунда тўпгуллар, шингиллар сарғаяди ва ҳ. к. Юқумсиз Х. тупроқда рух, магний ва б. элементлар етишмаганда ҳам содир бўлади. Мас., магний етишмаганда баргларга доғ тушади ёки барг томири оралиғи сарғаяди; сарғайиш пастки барглардан бошланади. Азот етишмаганда ўсимлик оқара бошлайди, олтингугурт етишмаганда барг томирлари сарғайиб, қизаради. Юқумсиз Х. СССРда Қрим, Молдавия, Волгабўйи, Грузия, Арманистон, Қозоғистон, Ўрта Осиё республикаларида учрайди.

О л д и н и о л и ш в а к у р а ш ч о р а л а р и: тупроққа минерал ва органик ўғитлар белгиланган нормада солинади; карбонатли тупроқларнинг кислоталилиги оширилади; дарахт қатор ораларига беда, себарга экилади, туп атрофи мульчаланади; токзор қатор оралари чуқур юмшатилади; белгиланган нормада суғорилади ва ҳ.к.

ХЛОРОПЛАСТЛАР (юнон. chloros — яшил ва plastos — шаклланган, ҳосил бўлган) — ўсимлик ҳужайралари протоплазмасидаги махсус таначалар — хлорофилл доначалари, яшил *пластидалар*. Уларнинг таркибидаги яшил пигмент — хлорофилл ёруғликда ҳаводан карбонат ангидридни ўзлаштириб, фотосинтез жараёнини амалга оширади. Юксак ўсимликларнинг хлоропласти линзасимон, диаметри 3—10 *мк*, қалинлиги 2—5 *мк* таначалар бўлиб, цитоплазмада жойлашган. Улар оқсил-липид мембрана системасидан иборат, асосий модда — матрикс ёки стромада ўрнашган бўлиб, стромадан мембрана пардаси б-н тўсилган. Фотосинтез хусусиятига эга ўсимликларда Х.нинг бир-биридан функцияси ва тузилиши б-н фарқланадиган 2 тури бор. Ҳар иккаласи ҳам ўсимликларда фотосинтез жараёнини юксак даражада ўтишини таъминлайди. Х. ўсимлик ҳужайрасининг 20—30% ини ташкил этади. Сувўтларда мас., хламидомонадаларда 1, юксак ўсимликлар ҳужайрасида 10—70 Х. бўлади. Усимликларнинг яшил бўлиши Х. га боғлиқ (яна қ. *(Фотосинтез)*.

ХЛОРОПРЕН, 2-х л о р б у т а д и е н-1, 3, $CH_2=CH-CCl=CH_2$ — ўткир ҳидли рангсиз суюқлик; қайнаш т-раси 59,4°С, зичлиги 0,9585 *г/см*³ (20°С да). Сувда эримайди, органик эритувчилар б-н аралашади. Мис хлорид ва аммоний хлорид иштирокида 0—20°С да винилацетиленни гидрохлорлаб олинади. Хлоропрен каучуклар ишлаб чиқаришда қўлланилади. Заҳарли; ҳаводаги йўл қўйилган концентрацияси 0,002 *мг/л*.

ХЛОРОФИЛЛ (юнон. chloros — яшил ва phyllon — барг) — ўсимликларнинг яшил пигменти, юксак ўсимликларнинг *хлоропластлари*да, тубан ўсимликлар (сувўтлар)нинг *хроматофора*ларида жойлашади. Қимёвий таркиби мураккаб магний — органик бирикмалардан иборат бўлиб, қонинг бўёвчи моддаси — гемоглобинга яқин туради. Х.нинг биологик хусусияти ёруғлик энергиясини ўзлаштириш ва уни органик моддаларнинг кимёвий энергиясига айлантиришдир. Х.ни биринчи марта француз олимлари. П. Пельте ва Ж. Каванту яшил ранг сифатида ўсимлик баргидан ажратишган (1818). Рус олими М. С. Цвет бир-бирига ўхшаш иккита яшил пигмент Х. «а» ва Х. «в»ни кашф этган (1910). Х.ни 1960 й. америкалик кимёгар Р. Б. Вудвард ходимлари б-н тўла синтез қилиб олди. Х.ни ўрганишда совет олимлари Т. Н. Годнев ва А. А. Шлыкнинг ҳиссаси катта бўлди. Х.нинг миқдори ўсимликлар турига, баргнинг жойлашишига ва б. шароитларга боғлиқ. Х. етишмаса ўсимликлар ўсиши сусайиб, барглари сарғаяди. Бу эса ўсимликларда *хлороз* касаллигини қўзғатади.

ХЛОРОФОРМ, т р и х л о р м е т а н, $CHCl_3$ — ўткир ҳидли, ширин таъмли, рангсиз суюқлик, қайнаш т-раси 61,15°С, зичлиги 1,488 *г/см*³ (20°С да). Сувда эримайди, органик эритувчилар (спирт, эфир ва б.) б-н аралашади. Ёруғликда ҳаво кислороди таъсирида аста-секин парчаланиб фосген, хлор, водород хлорид ва чумоли кислота ҳосил қилади. Х.ни барқарорлаштириш учун унга 1% ли этил спирти қўшилади. Х. метан, ацетон ёки спиртни хлорлаб олинади. *Наркотик моддалар* группасига мансуб. Медицинада наркоз, саноатда эритувчи сифатида қўлланилади.

ХЛОРОФОС, т р и х л о р ф о н, д и п т е р а к с, $Cl_3CH(OH)P(O)(OCH_3)_2$ — *инсектицидлар*дан бири. Қ. х. экинлари зараркунандалари, ҳайвон эктопаразитлари ва зарарли ҳашаротларга қарши курашишда ишлатилади. Одам ва ҳайвонларга нисбатан ўртача заҳарли.

ХЛОРПИКРИН, т р и х л о р н и т р о м е т а н CCl_3NO_2 — ўткир ҳидли, рангли мойсимон суюқлик; суюқланиш т-раси — 64°С, қайнаш т-раси 112,3°С, зичлиги 1,6539 *г/см*³ (20°С да). Кўздан кучли ёш оқизади, сувда ёмон, органик эритувчиларда яхши эрийди. 400°С да *фосген* ва ClNO га парчаланади. Пикрин кислота ва унинг тузларини хлорлаб олинади (номи ҳам шундан). Энг кичик таъсир этиш миқдори 0,002 *мг/л*; ўлдирадиган миқдори 0,05 *мг/л*. 1-жаҳон урушида заҳарловчи модда сифатида ишлатилган. Противогазларни текширишда ва ўқув-тажриба заҳарловчи моддаси сифатида қўлланилади.

ХЛОРСИРКА КИСЛОТАЛАРИ, м о н о-, д и в а т р и х л о р с и р к а к и с л о т а л а р и, $CH_2ClCOOH$, $CHCl_2COOH$, CCl_3COOH. Моно- ва три-Х. к. рангсиз кристалл моддалардир; суюқланиш т-раси 61,2°С ва 59,2°С, қайнаш т-раси 189,3°С ва 197°С; ди-Х.к. рангсиз суюқ модда; қайнаш т-раси 194,5°С. Х.к. сув, спирт, ацетон ва эфирда эрийди. Буларнинг ичида моно-Х.к. нинг аҳамияти муҳим. У нил бўёқ ва кўпгина бўёғичлар синтезида оралиқ маҳсулот сифатида, карбоксиметилцеллюлоза, ухлатувчи модда—*барбитал, гербицидлар* олишда ишлатилади. Муз сирка кислотани хлорлаб ва б. усулларда олинади.

ХЛОРСУЛЬФОН КИСЛОТА, $SO_2Cl(OH)$ — сульфат кислота монохлорангидриди. Рангсиз суюқлик; қайнаш т-раси 155°С (парчаланади); зичлиги 1,75 *г/см*³. Х.к. жуда актив, сув б-н реакцияга шиддатли киришиб, сульфат ва хлорид кислота ҳосил қилади, нам ҳавода тутайди. Водород хлорид б-н сульфат ангидрид таъсиридан ҳосил бўлади. Бўёғичлар, ювувчи ва дори моддалари, тутун ҳосил қилувчи моддалар тайёрлашда ишлатилади.

ХЛОРТЕТРАЦИКЛИН — бир тур актиномицет замбуруғлардан олинадиган антибиотик (қ. *Биомицин*).

ХЛОРЭТИЛ, м о н о х л о р э т а н C_2H_5Cl — рангсиз, осон учувчан суюқлик; қайнаш т-раси 12,27°С, зичлиги 0,902 *г/см*³. Сувда ёмон эрийди, кўпгина органик эритувчилар б-н аралашади. Этилен б-н HCl аралашмасини 150—200°С т-рада $FeCl_3$ устидан ўтказиб олинади. Тетраэтил қўрғошин, этилцеллюлоза ишлаб чиқаришда, медицинада қисқа муддатли наркоз сифатида фойдаланилади.

ХЛОРЭТОН, х л о р б у т а н а л г и д р а т, х л о р б у т о л, $CCl_3C(CH_3)_2OH$ — рангсиз кристалл модда; суюқланиш т-раси 77—80°С; сувда ёмон, органик эритувчиларда яхши эрийди. Ацетонни ишқор иштирокида хлорформ б-н конденсациялаб олинади. Х. галогенспиртлар группасига мансуб. Умумий тинчлантирувчи наркотик ва антисептик модда сифатида ишлатилади.

ХМЕЛЬ — тутдошлар (тутгуллилар оиласи)га мансуб кўп йиллик ёки бир йиллик ўсимлик (қ. *Қулмоқ*).

ХМЕЛЬНИЦКИЙ Богдан (Зиновий) Михайлович (тахм. 1595—1657. 6. 8) — украин давлат арбоби, саркарда, Украина гетмани (1648—57). Майда дворян (шляхтич) оиласида туғилган. Львовдаги иезуит коллегиясида таълим олган. 1637—38 йиллардаги халқ қўзғолонида қатнашган. 1640 йил ўрталарида Украинада поляклар ҳукмронлигига қарши қўзғолонга тайёргарлик кўриб, қирол Владислав IV б-н махфий музокара олиб борган. Владиславнинг Қрим хонига қарши казаклар юбориш ҳақидаги режасига розилик билдириб, шу план ниқобида Польшага қарши курашиш учун казаклар қўшинини тузган. 1647 йили қамоққа олиниб, кўп ўтмай Запорожье Сечига қочган. 1648 йил январда Сечда Х. раҳбарлигида кўтарилган қўзғолон украин халқининг озодлик урушини бошлаб берган. Х. 1648 йил май ойида Жёлтие Води ва Корсунда, сентябрда Пилявци (Волинь) остоналарида, 1652 йили Батогда поляк қўшинларини мағлубиятга учратди.



Хмельницкий Богдан.

Х. Украинанинг Россияга қўшилишига ҳаракат қилди. У бир неча бор Россияга ўз вакилини юбориб, Украинани Россияга қўшиб олишни сўраган. Россия Польшага қарши урушга тайёр эмаслиги ва ички қийинчиликлар туфайли бу илтимосни қондира олмаган бўлса ҳам, маълум даражада дипломатик, иқтисодий ва ҳарбий ёрдам кўрсатди.

1653 йили Польша қироли Украинага қарши яна катта армия юборди. Бу пайтда Украина 6 йиллик уруш ва татарлар ҳужуми натижасида иқтисодий жиҳатдан жуда ҳолдан тойган эди. Мана шундай тарихий шароитда —1653 йил 1 октябрда Москвада Земский собор Украинани Россияга қўшиш ва Польшага уруш эълон қилиш тўғрисида қарор қабул қилди. Бу қарор 1654 йил 8 январда Переяслав радаси томонидан маъқулланди. Украинага автономия ҳуқуқи берилди. Уруш давомида Х. талантли саркарда, дипломат ва Украина давлатини тузиш-



Хмельницкий шаҳрида Богдан Хмельницкийга ўрнатилган ҳайкал.


нинг ташкилотчиси сифатида майдонга чиқди, украин халқини Польша ҳукмронлигидан озод қилишда катта роль ўйнади.

ХМЕЛЬНИЦКИЙ (1954 йилгача — Проскуров) — шаҳар, УССР Хмельницкий области маркази. Жанубий Буг дарёсининг юқори оқими бўйида. Т. й. ва шоссе йўллар узели. Аҳолиси 153 минг киши (1975). Х. 15- асрда истеҳком сифатида вужудга келган. Х. ни 1941 йил 8 июлдан 1944 йил 25 мартгача немис-фашист босқинчилари оккупация қилган.

Озиқ-овқат (мой-сир, шакар-қанд ва гўшт корхоналари), енгил (пойабзал, тикувчилик, трикотаж, атторлик ф-калари ва б.), кимё (кимё з-ди); машинасозлик, металлсозлик, электротехника саноати тармоқлари ривожланган. Трансформатор подстанциялари, термопластавтоматлар, трактор агрегатлари, темирчилик-пресслаш асбоб-ускуналари з-длари ишлаб турибди. Қурилиш материаллари (гишт, темирбетон буюмлари з-длари) ишлаб чиқарилади. Маиший хизмат кўрсатиш технология ин-ти, 3 техникум, 3 билим юрти, ўлкашунослик музейи; 2 театр, филармония бор.

ХМЕЛЬНИЦКИЙ ОБЛАСТИ (1954 йилгача — Каменец-Подольский) — УССР таркибидаги область. 1937 йил 22 сентябрда ташкил этилган. Майдони 20,6 минг км². Аҳолиси 1594 минг киши (1975). 20 р-нга бўлинган. 11 шаҳар, 24 ш. т. п. бор. Маркази — Хмельницкий ш.

Табиати. Х. о. Подолия қирларининг марказий қисмида жойлашган. Иқлими мўътадил континентал. Ёзи илиқ ва сернам; июлнинг ўртача т-раси 19,4°; киши юшмоқ, январнинг ўртача т-раси —5,6°. Йилига 563—622 *мм* ёғин тушади. Вегетация даври 217 кун. Дарёлари: Днестр, Жанубий Буг, Горинь, Случь. Асосан кам чириндили қора тупроқ, подзоллашган қора тупроқ, сур тусли ва оч сур тусли, қумоқ, чимли-подзоллашган, чимли-карбонатли тупроқлар учрайди. Х. о. асосан ўрмонли дашт зонасида. Терр-ясининг 13,4% и ўрмон (дуб, қайин, тоғтерак, граб, заранг, жўка ўсади). Қуён, тулки, бўри, елик, лось, тийин, кемирувчилар бор.



Аҳолиси, асосан, украинлар (90,8%, 1970); шунингдек руслар (4,3%), поляклар, яҳудийлар, белоруслар ҳам яшайди. Шаҳар аҳолиси 32% (1975). Муҳим шаҳарлари: Хмельницкий, Каменец-Подольский, Шепетовка, Славута.

Хўжалиги. Социалистик қурилиш йилларида Х. о. аграр қолоқ р-ндан аграр-индустриал областга айланди. Озиқ-овқат саноатида айниқса шакар-қанд тармоғи (16 з-д) ривожланган. Хмельницкий, Каменец-Подольский, Городок, Староконстантиновда мой-сир корхоналари, Аннополь, Маниковцида спирт корхоналари, Хмельницкий, Каменец-Подольский, Шепетовкада гўшт к-тлари, Каменец-Подольский, Меджибок, Новая Ушицада сабзавот-консерва, Хмельницкий, Каменец-Подольский, Зиньков, Славутада пиво, Хмельницкийда кондитер саноати тармоқлари бор. Енгил саноат тармоқларидан мовут (Дунаевци, Славута), тикувчилик (Волочиск, Каменец-Подольский, Летичев, Славута, Хмельницкийда), трикотаж, кўн атторлик, пойабзал (Хмельницкий), йигирув-тўқув (Каменец-Подольский) тармоқлари ривожланган. Станоксозлик ва асбобсозлик з-длари (Хмельницкий, Каменец-Подольский, Городок, Лозовое), электротехника, автоматлаштириш ва бошқарув системаси воситалари приборсозлиги, радиотехника (Хмельницкий), трактор ва қ. х. машинасозлиги (Хмельницкий, Каменец-Подольский, Шепетовка), автоагрегат (Каменец-Подольский), машинасозлик (енгил ва озиқ-овқат саноатлари учун) з-длари бор.

Қ. х. ғаллачилик-лавлагикорлик б-н сут-гўшт чорвачилигига ихтисослашган. 1975 йилда 503 к-з ва 25 с-з бўлган. Экин майдони 1404,1 минг *га* (1975), жумладан ғалла экинлари 747,2 минг *га*, техника экинлари 176,5 минг *га*, сабзавот ва картошка 122,5 минг *га*, ем-хашак экинлари 357,9 минг *га*. Богдорчилик ривожланган. Чорвачиликда сут-гўшт чорвачилиги етакчи ўринда. 1117,7 минг қорамол (жумладан 428,1 минг сигир), 789,5 минг чўчқа, 220,5 минг қўй ва эчки бор (1976). Паррандачилик, ҳовуз балиқчилиги ва асаларичилик ривожланган.

Т. й. узунлиги 732 *км* (1975). Днестр дарёсида кема қатнайди. Х. шаҳри авиалиниялар орқали Киев, Львов, Черновци ва обл. ҳамда р-н марказлари б-н боғланган.

1975/76 ўқув йилида 1209 умумий таълим мактаби, 34 профессионал-техника билим юрти, 10 профессионал-техника ўқув юрти, 16 ўрта махсус ўқув юрти, 3 олий ўқув юрти бўлган. 1423 оммавий кутубхона, 3 музей, 2 театр, 1501 клуб, 1230 кўчма киноустановка, 16,9 минг ўринли 153 касалхона, 2,9 минг врач, 8 санаторий ишлаб турибди. Украин тилида «Советская Подолия» (1918 йилдан) ва «Корчагинец» (1938 йилдан) газеталари чиқиб туради.

ХО ШИ МИН, Нгуен Тат Тхань (1890.19.5, Нгеан провинцияси, Кимлиен қ.—1969.3.9, Ханой ш.) — Вьетнам, халқаро коммунистик ва миллий озодлик ҳаракати арбоби, Вьетнам меҳнаткашлар партияси МК (ВМП) нинг раиси. ВДР президенти. Хюэ ш. даги миллий колледжда ўқиган, француз ва вьетнам тилларида дарс берган. 1911 йил охиридан чет элда яшаган. Париж тинчлик конференцияси (1919—20)да Вьетнам ватанпарварлари номидан Ҳиндихитой халқларига мустақиллик берилишини талаб қилиб чиқди. 1920 йилдан Франция коммунистик партияси (ФКП) аъзоси. У барча Ҳиндихитой коммунистик ташкилотларини ягона Ҳиндихитой Коммунистик партияси (ҲКП) га бирлаштирди (1930). Революцион фаолияти учун бир неча марта қамалган. 1934—38 йилларда Москвада Шарқ меҳнаткашлари коммунистик ун-тида ўқиди, ишлади ва Коминтернинг 7- конгрессида қатнашди (1935). 1941 йилда Вьетнамга қайтиб, Ҳиндихитой халқларининг Франция мустамлакачилари ва Япония босқинчиларига қарши озодлик курашига раҳбарлик қилди, Вьетнам мустақиллиги учун Кураш лигасини тузди. 1945 йил август рев-яси ғалабасидан сўнг ВДР Муваққат ҳукумати раиси. 1946—55 йилларда ВДР президенти ва бош министри. ХКПнинг 2- съезди (1951) да партия номи Вьетнам Меҳнаткашлар партияси (1976 йилдан Вьетнам коммунистик партияси) деб ўзгартирилгач, Х. Ш. М. ВМП МКга раис қилиб сайланди ва умрининг охиригача шу лавозимда ишлади. 1956—60 йилларда ВМП МК Бош секретари. Вьетнам халқи Х. Ш. М. раҳбарлигида Америка империалистлари агрессиясига қарши курашни кучайтирди ва ғалабага эришди. Х. Ш. М. КПССнинг 21—22- съездларида қатнашган. Бир неча марта Совет Иттифоқида (1955, 1957, 1960, 1961) бўлган. Х. Ш. М. нинг ишчилар ва миллий озодлик ҳаракати, Вьетнам рев-яси, Вьетнам халқининг озодлик ва мамлакатни бирлаштириш учун олиб борган кураши Вьетнамда социализм қурилиши масалаларига оид қатор илмий асарлари бор. Ленин ордени б-н мукофотланган. 1976 йили ВДР Вьетнам Социалистик Республикаси деб аталгач, Сайгон шаҳрига Х. Ш. М. номи берилди. Х. Ш. М. Вьетнам социалистик реализм адабиётининг асосчиларидан бири. У француз тилида кўплаб ҳикоя ва очерклар ҳамда хитой тилида шеърлар («Маҳбус кун далиги» тўплами) ёзган.

Ас.: Избранные статьи и речи, М., 1959; О Ленине, ленинизме и нерушимой советско-вьетнамской дружбе, М., 1970.

ХОБАРТ — Австралия Иттифоқидаги шаҳар. Тасмания о. да, Деруэнт дарёси бўйида. Тинч океан қирғоғидан 20 *км* наридаги порт. Тасмания штатининг маъмурий маркази. Аҳолиси шаҳар атрофи б-н 133 минг киши (1973). Транспорт йўллари узели. Электрометаллургия, кемасозлик ва автомобилсозлик, озиқ-овқат саноати корхоналари, ун-т, ботаника боғи, расмлар галереяси бор. Х. га 1804 йилда асос солинган.

ХОВОС — Андижон обл. Бўз. р-ни Ховос қ. С. даги қишлоқ. Карл Маркс номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 6 *км*, яқин т.й. станцияси — Шаҳрихон (20 *км*). Аҳолиси 789 киши (1976); пахтачилик, чорвачилик, шоликорлик, пиллачилик, боғдорчилик б-н шуғулланади. Шаҳрихонсойдан сув ичади. К-з правленнеси идораси, кутубхона, клуб, алоқа бўлими, медпункт бор.

ХОВОС — Сирдарё обл. Боёвут р-ни Димитров қ. С. даги қишлоқ. Р-нининг жанубида, «Коммунизм» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 27 *км*, яқин т.й. станцияси — Ховос (25 *км*). Аҳолиси 889 киши (1976); қоракўлчилик, чорвачилик, ғаллакорлик, сабзавотчилик, боғдорчилик б-н шуғулланади. Саркисов номидаги Жанубий Мирзачўл канали орқали Сирдарёдан сув ичади. Саккиз йиллик мактаб, сут-товар фермаси, ремонт устахонаси, клуб бор.

ХОВОС — Сирдарё обл. Ховос р-нидаги шаҳар посёлкаси (1960 йилдан). Маъмурий жиҳатдан Янгиер шаҳрига бўйсунади. 1899 йилда Урсатьевская т. й. станцияси сифатида барпо этилган. Т. й. узели. Катта Ўзбекистон тракти ёнида, область маркази — Гулистон ш. дан 30 *км*. Аҳолиси 25,2 минг киши (1977). Асосан ўзбеклар; руслар, тожиклар ва б. ҳам яшайди. Тез-тез шамол бўлиб туради. Шамолнинг ўртача тезлиги 5—10 *м/сек*, баъзан 35 *м/сек* га етади.


Шаҳарда нефть базаси, керамика, вино з-длари, ун ва нон к-тлари, шаҳар саноат к-ти, йўл қурилиши бошқармалари ва б. бор (1976). Посёлкада темирйўлчилар саройи, кинотеатр, 3 кутубхона, 6 умумий таълим мактаби, 8 болалар боғча ва яслиси, темирйўлчилар ва болалар касалхонаси, р-н касалхонаси, болалар ва аёллар консультацияси, фельдшер-акушерлик пункти, санэпидстанция ва б. бор.

ХОВОС-1 — Самарқанд обл. Пастдарғом р-ни Ленин қ.С.даги қишлоқ. «Ленинизм» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 5 *км*, яқин т.й. станцияси — Жума (5 *км*). Аҳолиси 642 киши (1976); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик, сабзавотчилик б-н шуғулланади. Эски Ангор каналидан сув ичади. Ремонт устахонаси, пахта пункти, саккиз йиллик мактаб бор.


ХОВОС РАЙОНИ — Сирдарё областидаги р-н, 1926 йил май ойида ташкил этилган. 1955 йилдан 1966 йилгача Боёвут р-ни, 1966 йил 25 августдан 1975 й. 6 мартгача Янгиер р-ни деб аталган. Шимоли-шарқдан Боёвут р-ни, жанубий-шарқдан Тошкент обл. Бекобод р-ни, жанубдан ТожССР, ғарбдан Жиззах обл. Зомин р-ни, шимоли-ғарбдан Ильич ва Комсомол р-нлари б-н чегарадош. Майдони 1,01 минг км². Аҳолиси 39,6 минг киши (1977). Р-нда 6 қ. С. (Жўрахон Усмонов, Сармич, Қаҳрамон, Соҳибкор, Фарҳод, Ховос). Маркази — Фарҳод-5 посёлкаси.




Хо Ши Мин.



Каменец-Подольский шаҳридаги ратуша (15—18- аср).





Ховос райони. «Ховос» совхозининг умумий кўриниши.

Табиати. Р-н терр-яси областнинг жанубий қисмида жойлашган. Рельефи пасттекислик, қир, баланд адирлар ва тоғлардан иборат бўлиб, шимолдан (250—350 *м*) жанубга (1200—1600 *м*) кўтарила боради. Иқлими кескин континентал, ёзи иссиқ, қуруқ, қиши совуқ. Йиллик ўртача т-ра 15°, январнинг ўртача т-раси —2°, минимал т-ра —30°, июлнинг ўртача т-раси 30°, максимал т-ра 46°. Йиллик ёғин миқдори 315 *мм* (шимоли-ғарбда 200—250 *мм*, жанубда 400—450 *мм*). Ховос шамоли (Бекобод шамоли) Ўрта Осиёдаги энг кучли шамоллардан бири. Йил бўйи ўрта ҳисобда 48—52 кун кучли шамол эсади, кўпинча ноябрь ойида бошланиб, мартда тугайди. Қишда шамолнинг тезлиги секундига 25—30 *м*, ёзда 10—15 *м* бўлади. Шамол 1—3 кун, ҳатто 5 кунлаб давом этади. Вегетация даври 224 кун.

Адирлар қумтош, қум, лёсслардан ташкил топган. Жанубий қисмидаги адирларнинг тупроғи эса лёсс устида ҳосил бўлган бўз, оч бўз, типик бўз тупроқлардир. Бу ерлардан баҳорикор деҳкончиликда фойдаланилади. Текисликларда бўз, оч бўз, типик бўз, ўтлоқи бўз тупроқлар тарқалган бўлиб, деҳкончилик учун қулай. Р-н Сирдарёдан чиқарилган Саркисов номли Жанубий Мирзачўл канали орқали суғорилади. Совотсой, Сармичсой, Мўғулсой, Хўжамушкентсой, Қипчоқсой ва б. дан ҳам суғоришда фойдаланилади. Баҳорда адирлар турли ўтлар б-н қопланади. Текислик қисмида қўнғирбош ранг, илоқ, қиёқ, шўра, шувоқ, янтоқ, қамиш, пахтатикан, итузум, шамак, гумай ва б. ўсади. Еввойи ҳайвонлардан тулки, бўри, чиябўри, қушлардан чўл бургути, ёввойи ўрдак; кемирувчилардан қуён, типратикан, каламуш, юмронқозиқ, дала сичқони; судралувчилардан тошбақа, илонлар, калтакесаклар ва б. бор.

Аҳолиси, асосан, ўзбеклар; руслар, тожиклар, татарлар, қозоқлар, украинлар ва б. ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 *км²* га 35 киши (1975).

Хўжалиги. Р-нда Фарҳод ГЭС, Сирдарё ГРЭС, саноат-қурилиш бошқармалари, автобаза, маҳаллий саноат корхоналари, нефть базаси, «Узсельхозтехника» р-н бирлашмаси ва б. бор.

Р-нда 7 пахтачилик, ғаллакорлик, 2 картошка, сабзавот ва полизчилик, 4 боғдорчилик с-злари бор. Қ. х. да 95548 *га* ерда деҳкончилик қилинади. 8812 минг *га* боғ, токзор ва кўчатзорлар (1978). 27000 *га* ерга пахта, 26042 минг *га* ерга ғалла, 2548 *га* ерга сабзавот, полиз экинлари ва 103 *га* картошка, 1700 *га* ерга ем-хашак экинлари экилади (1978). Хўжаликларда 5449 қорамол (шундан 1619 сигир), 18558 қўй ва эчки, 2478 минг чўчқа, 135 от, 61494 парранда бор (1977). Давлатга 19695 *т* пахта, 962 *т* ғалла, 12,5 минг *т* сабзавот, полиз маҳсулоти ва картошка, 6181 *т* мева, 4035,1 *т* узум, 2255 *т* сут, 970 *т* гўшт (тирик вазнда), 67,3 минг дона тухум, 14,9 *т* пилла, 131 *т* жун сотилди (1977).

118,5 минг китоб фондига эга бўлган 27 кутубхона, 17 клуб, кинотеатр, маданият уйи, киноустановка, «Чўл гули» ашула ва рақс ансамбли ишлаб турибди. 30 умумий таълим мактабида 9649 бола ўқимоқда (1977—78). 14 болалар боғча ва яслисида 3417 бола тарбияланаётир (1978). Шаҳар ва р-н касалхонаси, болалар касалхонаси, сил касалликлари диспансери, болалар ва аёллар консультацияси, туғруқхона, р-н поликлиникаси ва амбулаториялари, санэпидстанция, медпункт, фельдшерлик-соғломлаштириш бўлимларида 50 врач ва 312 ўрта медицина ходими ишламоқда (1978). 1967 йилдан 4500 нусхали «Янгиер тонги» газетаси чиқиб турибди. Совет Иттифоқи Қаҳрамони Ж. Усмонов шу р-нликдир.

Ховос ва Янгиер станциялари орқали Тошкент — Красноводск, Тошкент — Наманган — Андижон поездлари ўтади. Фарҳод — Гулистон, Фарҳод — Ховос, Фарҳод — Янгиер маршрутлари б-н автобуслар қатнайди.

ХОДМЕЗЁВАШАРХЕЙ — Венгриянинг жанубий-шарқий қисмидаги шаҳар. Чонград медъесида. Аҳолиси 53 минг киши (1970). Транспорт йўллари узели. Тўқимачилик, озиқ-овқат, ойна-керамика корхоналари, тарози з-ди бор. Х. да қадимдан кулолчилик буюмлари ишлаб чиқарилади.

ХОДУКИН Николай Иванович (1896, Троицк ш.—1957, Тошкент) — совет паразитологи ва эпидемиологи, медицина фанлари д-ри (1936), проф. (1936). СССР Медицина ФА (1945) ва Ўзбекистон ССР ФА (1947) мухбир аъзоси. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1940). Қозон ун-тининг медицина ф-тини тугатган (1919). Қизил Армия сафида хизмат қилган (1919—24). Тошкент Вакцина ва зардоблар ин-тининг паразитология бўлими мудири (1925—40), илмий ишлар бўйича директор ўринбосари (1940—57). Илмий ишлари Ўзбекистоннинг ўлка патологиясига, безгак, лейшманиоз касалликларини ўрганишга бағишланган. 2 марта Ленин ордени, «Ҳурмат Белгиси» ордени б-н мукофотланган.

Ас.: Избранные труды, Т., 1959.

ХОЖА — ўзбек шоири (қ. *Пошохожа*).

ХОЖА АБДУҚОДИР МАРОҒИЙ (тўлиқ номи Хожа Абдуқодир бин Ғайби ал-Ҳофиз ал-Мароғий) (14-аср 2-ярми —1434/35, Эрон Озарбайжони, Мароға ш.) — мусиқашунос, созанда (удчи, чангчи, найчи), ашулачи ва бастакор. Унинг таҳликали ҳаёти асосан *Жалойирийлар давлати*да ўтган. Темур Бағдодни босиб олгач, Х. А. М. ни Самарқандга олиб келган ва 1394—97 йилларда у шу ерда яшаб ижод қилган.

Х. А. М. мусиқа назарияси соҳасида бой мерос қолдирган: «Канз ул-алҳон» («Куйлар хазинаси»), «Жоме ул-алҳон» («Куйлар мажмуаси»), «Мақосид ул-алҳон» («Куйларни ҳосил қилиш ўрни»), «Шарҳи адвор» (Сафиуддин ал-Урмавийнинг «Китоб ул-адвор»ига шарҳ) ва б. Шунингдек, у «Китоб ул-адвор»ни турк тилига таржима қилган, замонасида мақомларга тушириб айтилган ғазалларни ўз ичига олган «Мажолис» тўпламини тузган. Х. А. М. асарларида Форобий, Сафиуддин ал-Урмавий, Маҳмуд аш-Шерозийларнинг музикага оид назарий фикрларини ривожлантириб, қатор масалаларда аниқликлар киритган. Мас., адвор илмида жам (товушқатор)лар доиралари бошқа муаллифларда 84, баъзан 91 та бўлса, Х. А. М. уларнинг 103 хилини келтиради. У ўз даврида қўлланилган 45 чолғу асбоби (*уд, рубоб, чанг,* ётуғон, руҳафзо, эгри, қўбиз ва б.)ни тавсифлаган (бу созларнинг баъзилари бизгача етиб келмаган). Ўзи уди мурассаъ деб аталган торли соз ихтиро қилган.

Бастакор сифатида Шарқ халқлари музикасида машҳур *пешраw, амал, савт* шаклларида куй ва ашулалар, янги доира усуллари яратган, уларнинг баъзилари ҳозир ҳам ижро этилади(мас., туркларда «Қиёр» куйи ва б.). У форс ва турк тилларида ғазаллар ҳам ёзган; ғазаллари равонлиги ва ашулабоплиги б-н ажралиб туради.

Х. А. М. нинг мероси Эрон, Озарбайжон, Ўрта Осиё, Хуросон, Ироқ, Туркия халқлари музика тарихини ўрганишда муҳим манбалардандир.

ХОЖА СИНОН (1489 ёки 1490, Қайсери —1588, Истанбул) — турк архитектори, инженер. 1538 йилдан султон Сулаймон I саройида қурилиш ишларини бошқарган, ўз фаолияти даврида 300 дан ортиқ бино (сарой, кўприк, мадраса, масжид ва б.) қурган. Булар орасида ҳашами, улуғворлиги б-н Истанбулдаги кўп гумбазли Шаҳзода (1548), Сулаймония масжидлари (1550—57), Эдирне ш. даги Салимия масжиди (1569—75) айниқса диққатга сазовор. Бу бинолар халқ меъморлиги, амалий безак санъатининг нодир намуналари сифатида муҳим.

ХОЖА ФАЗЛУЛЛОҲ, Хожа Жамолуддин Фазлуллоҳ Абуллайсий (15-аср) — самарқандлик олим, шоир, мударрис. А. Навоийнинг устози. Фалсафа, фиқҳ фанларини, форс ва араб тиларини яхши билган. Фиқҳ илми борасида «Иккинчи Абу Ҳанифа» (қ. *Мазҳаб*) лақабини олган. Унинг Самарқанддаги мадрасасида А. Навоий 2 йил таҳсил кўрган. *Хондамир*нинг таъбирича, Х. Ф. етук олим эди. Х. Ф. ҳаёти ва фаолияти батафсил ўрганилмаган.

ХОЖУВ — Польшанинг жанубий қисмидаги шаҳар. Катовице воеводлигида. Аҳолиси 155 минг киши (1974). Т. й. узели. Қора металлургия, машинасозлик (трамвай вагонлари, кон ва қурилиш саноатлари учун ускуналар, электротехника), кимё (азот ўғитлари к-ти), ойна, озиқ-овқат, трикотаж, полиграфия саноати корхоналари бор.

ХОЙ — Эроннинг шимоли-ғарбий қисмидаги шаҳар. Ғарбий Озарбайжон остонида. Аҳолиси 50 минг киши (1971). Х.— Табриз, Ризоия ва Арзирум (Туркия)га борадиган автомобиль йўллари узели. Савдо маркази; тўқимачилик, озиқ-овқат саноати корхоналари бор. Гилам тўқилади. Ҳунармандчиликда турли уй-рўзғор буюмлари ишлаб чиқарилади.

ХОККАЙДО (1868 йилгача — Иессо; Эдзо, Мацмай) — Япониянинг шимолий ороли. Майдони 77,7 минг *км²* (катталиги жиҳатидан архипелагда Хонсю о. дан сўнг 2-ўринда). Аҳолиси 5,2 млн. киши (1970). Оролнинг ер юзаси, асосан, тоғли. Энг баланд жойи 2290 *м* (Асахи чўққиси). Бир неча сўнмаган вулканлар бор. Зилзила кўп бўлади. Тошкўмир, олтингугурт, темир рудаси конлари бор. Иқлими мўътадил, муссонли иқлим. Январнинг ўртача т-раси —3° дан —11° гача, июлники 17—21°. Х. нинг ғарбий қирғоғидан Цусима илиқ оқими ўтади. Йиллик ёғин 800—1500 *мм*. Кўпроқ қор ёғади. Кузда тайфунлар бўлади. Дарёлари серсув, гидроэнергияга бой, суғоришда фойдаланилади. Вулкан кратерларида кўллар вужудга келган. Х. майдонининг 60% и ўрмон. Денгиз бўйи текисликларида аҳоли зич яшайди. Пасттекисликларда ўтлоқлар ва ботқоқликлар бор. Тупроқлари вулкан куллари аралашган подзол ва қўнғир-ўрмон тупроқлар. Қирғоққа яқин сув ҳавзаларидан балиқ ва б. денгиз ҳайвонлари овланади. Х.— Японияниг ёғоч-тахта етказиб берадиган асосий р-ни. Йирик шаҳарлари — Саппоро, Хакодате. Х. га японлар дастлаб 15-асрдан, 1868 йилдан эса оммавий равишда кўчиб кела бошлаган.

ХОККЕЙ (инглз. hockey) — клюшка ва тўп (шайба) б-н команда бўлиб ўйналадиган спорт ўйини. Ўйин мазмуни ва мақсади ўйинчилар томонидан рақиб дарвозасига энг кўп тўп (шайба) киритишдан иборат. Х. нинг 3 асосий тури мавжуд: шайбали Х., тўпли Х., чим устида Х. Х. махсус майдонларда: чим устида Х. чим устида (майдон сатҳи 91,4 *м* Х 55 *м*), шайбали Х. (майдон сатҳи 51—61 *м* Х 24—30 *м*) ва тўпли Х. (майдон сатҳи 90—110 *м* Х 50—65 *м*). муз устида ўйналади. Тўпли Х. ва чим устида Х. да командада 11 (жумладан дарвозабон), шайбали Х. да 6 (жумладан дарвозабон) ўйинчи қатнашади. Тўпли Х. да ўйин 90 мин., чим устида Х. да 70 мин. ва шайбали Х. да 60 мин. (соф ўйин вақти) давом этади. Тўпнинг оғирлиги тўпли Х. да 58—62 *г*, чим устида Х. да 156—165 *г*, шайбанинг оғирлиги эса 140—170 *г*. Клюшка ёғочдан қилинган бўлиб, тўпли Х. да узунлиги 120 *см*, чим устида Х. да ихтиёрий, шайбали Х. да 134,5 *см* гача; оғирлиги 450 *г*, 340—794 *г*, 500 *г* га яқин.

Чим устида хоккей. Ҳозирги чим устида Х. га ўхшаш ўйинлар мил. ав. 2-минг йилликда Миср, Эрон, Юнонистон, Америка қитъаси, Япония ва б. ерларда мавжуд бўлган. Ўрта Осиёда эса отда ўйналадиган тури 9-асрдаёқ машҳур бўлган (қ. *Чавгон*). Европада Х. клублари 19-аср ўрталарида пайдо бўлди. 1875 йилда Х. нинг Лондон уюшмаси ўйин қоидаларини тузди (ўйин қоидалари асосан 1907 йилда шаклланди). Х. бўйича эркаклар ўртасидаги мусобақалар 1908 йилдан, аёллар ўртасидаги мусобақалар 1980 йилдан Олимпиада ўйинлари программасига киритилди. 1924 йили Халқаро Х. федерацияси (1976 йил унга 77 миллий федерация, 3 млн. дан ортиқ спортчи бирлашган) ташкил қилинди. Ҳиндистон (1928—64 йилларда 7 марта), Буюк Британия (1908, 1920), Покистон (1960, 1968), ГФР



1. Фарҳод ГЭС идаги тўғон. 2. Райондаги далаларда ўстирилган ҳимоя дарахтзорлари.



Ходукин Н. И.

(1972), Янги Зеландия (1976) Олимпиада чемпионлари бўлган. 1971 йилдан эркаклар командаси ўртасида 2 йилда 1 марта жаҳон чемпионати [чемпионлар: Покистон (1971), Нидерландия (1973), Ҳиндистон (1975)], 1970 йилдан 4 йилда 1 марта Европа чемпионати [чемпионлар: ГФР (1970), Испания (1974)] ўтказилмоқда.

Чим устида Х. б-н СССРда 60-йилларнинг ўрталаридан шуғулланилмоқда. 1967 йили тўпли Х. ва чим устида Х. бўйича Федерация тузилди (1970 йилдан Халқаро Х. Федерацияси аъзоси). 1970 йилдан ҳар йили СССР чемпионати [чемпионлар —«Динамо» (Олмаота) 5 марта, «Волга» (Ульяновск) 3 марта], 1975 йилдан аёллар командалари ўртасида турли мусобақалар ўтказилмоқда. ЎзССРдан Андижонинг «Меҳнат» командаси 1977 йилдан эркаклар ўртасида СССР чемпионатининг олий лигасида қатнашмоқда. Бундан ташқари ЎзССРда 1973 йилдан эркаклар ўртасида, 1975 йилдан аёллар ўртасида мусобақалар ўтказилмоқда. 1971 йил мартдан Андижонда Х. мактаби ишлаб турибди. 1976 йил Тошкентда чим устида Х. бўйича Республика махсус болалар ва ёшлар мактаби очилди. 1977 йили СССРда чим устида Х. б-н 3 мингдан ортиқ киши, жумладан ЎзССРда 700 киши шуғулланди.

Тўпли хоккей. Х. нинг ҳозирги кўринишига яқин ўйин — бенди 19-асрнинг ўрталарида вужудга келди ва 1891 йили миллий ассоциациялар тузилди. ҳамда ўйиннинг дастлабки қоидалари ишлаб чиқилди. Тўпли Х. Россияда 19-асрнинг 60-йилларида пайдо бўлди. 20-аср бошларида Петербург, Москва, Архангельск, Харьков, Рига, Тверь, Владивостокда Х. ўйналди. 1936 йилда СССРнинг биринчи чемпионати ўтказилди. 1928 йил Бутуниттифоқ Х. секцияси тузилди (ҳозирги СССР тўпли Х. ва чим устида Х. федерацияси). 1937—47 йилларда эркак ва аёллар командалари ўртасида СССР кубоги учун мусобақалар, 1950 йилдан ҳар йили эркаклар ўртасида СССР чемпионати ўтказилмоқда. 1950—78 йилларда «Динамо» (Москва) командаси 15 марта, СКА (Свердловск) командаси 11 марта, ЦСКА командаси 3 марта, «Динамо» (Олмаота) командаси 1 марта чемпион бўлган.

1955 йил ягона халқаро қоида ишлаб чиқилди ва тасдиқланди ҳамда Халқаро федерация тузилди (1976 йил СССР, Швеция, Финляндия, Нидерландия миллий федерацияларини ва 600 мингга яқин спортчини бирлаштирди). 1957 йилдан жаҳон чемпионати (1961 йилдан 2 йилда 1 марта) ўтказилмоқда; бўлиб ўтган барча 9 чемпионатда СССР командаси биринчиликни эгаллади. 1977 йил СССРда 350 мингга яқин спортчи тўпли Х. б-н шуғулланди.

Шайбали хоккей. 19-асрнинг 60-йиллари Канадада вужудга келган. 20-асрнинг бошларида Европа (Буюк Британия, Франция, Германия, Швейцария, Австрия, Чехословакия, Швеция ва б.) да тарқала бошлади. 1908 йили муз устида Х. бўйича Халқаро лига тузилди (1976 йил 30 мамлакатнинг миллий федерациясини бирлаштирган). 1920 йили Олимпиада ўйинлари, 1924 йилдан барча қишки Олимпиада ўйинлари программасига киритилган. 1930 йилдан жаҳон, 1910 йилдан Европа чемпионатлари ўтказилмоқда. СССР командаси 5 марта Олимпиада ўйинлари, 15 марта жаҳон, 18 марта Европа чемпиони бўлган (1978).

СССРда шайбали Х. 1946 йилдан тараққий эта бошлади. 1947 йилда шайбали Х. бўйича Бутуниттифоқ секция (ҳозирги СССР Х. Федерацияси, 1953 йилдан Халқаро Х. лигаси аъзоси) тузилди. 1946/47 йиллардан СССР биринчилиги ўтказилмоқда. Москванинг ЦСКА командаси 21 марта, «Спартак» командаси 4 марта, ВВС командаси 3 марта, «Динамо» ва «Крилья Советов» командалари 2 мартадан СССР чемпиони бўлдилар. Совет Х. чилари 1954 йилдан бери олимпиада турнирлари, жаҳон ва Европа чемпионатида қатнашмоқда.

1977 йил СССРда шайбали Х. б-н 650 мингга яқин, жумладан ЎзССРда 180 спортчи шуғулланди. ЎзССРда 1973 йили «Спартак» (ҳозирги «Бинокор») командаси ташкил қилинди ва у СССР биринчилигининг 1-лигасида муваффақиятли қатнашмоқда.

Ад.: Тарасов А. В., Тактика хоккея, М., 1963; Спасский О. Д., Хоккей, М., 1974; Костка В., Современный хоккей, Пер. с чеш., М., 1976.



Хоккей. Тошкентдаги «Юбилей» спорт саройида.

ХОКРЕЗ (форс-тож. خاك ريختن — тупроқ ва тўкмоқ, уймоқ) — тупроқдан ясалган кўтарма, тепа. Ўрта аср ҳарбий стратегиясида Х. дан мудофаа иншооти сифатида фойдаланилган. Х. одатда, *хандақ* б-н қалъанинг ташқи девори оралиғида барпо этилган. Х. душман қўшинларининг қалъани штурм қилишда қийинчилик, қалъа мудофаачилари учун душманни кузатиш ва ўққа тутишда қулайлик туғдирган. Баъзида шаҳид бўлган мудофаачилар Х. га дафн этилган.

ХОКСОР (тахаллуси; исми Муҳаммад Ризо) (тахм. 1760— Хива 19-асрнинг 40-йиллари) — ўзбек тилшунос олими, шоир. Хива ва Бухорода ўқиган. Араб, форс тилларини мукаммал билган. Х. *«Мунтахаб ул-луғот»* («Танланган сўзлар», 1799) ва «Зубд ул-луғот» («Саралланган сўзлар», 1840) номли илмий лугатлар яратган.

«Зубд ул-луғот»да форс, ўзбек тилларидаги тушунилиши қийин сўзларнинг изоҳи берилиб, қайси тилга мансублиги кўрсатилган.

Х. нинг икки шеъри—«Мунтахаб ул-луғот»га ва Огаҳий ғазалига боғлаган мухаммаси ЎзССР ФА Шарқшунослик ин-тидаги баёз (№ 1157) га киритилган.

Х. асарларининг ўндан ортиқ нусхалари ЎзССР ФА Шарқшунослик ин-ти (№: 275, 427, 428, 1203, 1681, 3852, 4010, 4367, 5265, 7569, 8553, 9689, 9721, 9774), ЎзССР ФА Ғафур Ғулом номли Кўқон Адабиёт музейи (№: 1498), СССР ФА Ленинград Шарқшунослик ин-ти (№ С. 1818) қўл ёзмалар фондида сақланади.

Ад.: Абдуллаев В. А., Хоксор ва Нишотий, Самарқанд, 1960; Щербак А. М., Грамматика староузбекского языка, М.—Л., 1962; Турсунов У., Уринбоев Б., Муҳаммад Хоксорнинг «Мухтасар ул-луғот» асарининг ўзбек адабий тили терминологияси тараққиётидаги роли. «Ўзбек тили тарихи очерклари» китобида, Самарқанд, 1969.

ХОКУСАЙ Кацусика [1760. 21. 10— Эдо (Токио) — 1849. 18. 4] — япон рассоми. Ёғоч гравюраси ва расм устаси, мойбуёқ б-н ҳам картиналар яратган. Япония табиатини реал акс эттирган, оддий кишиларнинг ҳаётини, меҳнатини ҳаётий лавҳаларда кўрсатган. 500 дан ортиқ китобга иллюстрация ишлаган. «Манга» расмлар китоби (12 китоб, биринчиси 1814 йилда нашр қилинган), «Фудзининг 36 манзараси» (тахм. 1823—29), «Кўприклар» (1827—30), «Хитой ва япон шоирлари» (1830), «Фудзининг 100 манзараси» (1834—35) гравюра сериялари япон гравюра санъати ривожида муҳим роль ўйнаган. Х. гравюралари сербўёқлилиги б-н диққатни тортади. Х. ижоди хорижий Узоқ Шарқ рассомлари ижодига самарали таъсир кўрсатган.

ХОЛ, невус — терининг туғма нуқсонларидан. Бунда терининг айрим соҳалари ранги ва юзасининг бошқача (мас., сўгалга ўхшаш) кўриниши б-н нормал теридан фарқ қилади. Х. туғма ёки кейинчалик пайдо бўлиши мумкин. Томирли Х. (гемангиомалар) каттакичик, қирралари нотекис, қизғиш ёки кўкимтир-қизғиш тусли бўлиб, бармоқ б-н босганда оқаради. Бундай Х. нинг усти ғадир-будур, сертешик (кавернали Х.), шакли ясси, япалоқ (қил томирчали) ёки тугунчали бўлади. Сўгалсимон Х. одатда шакли ҳар хил, кул ранг ёхуд қўнғир тусли, юзаси қаттиқ, ёлғиз ёки тўп-тўп бўлади. Пигментли Х. оч жигар ранг ёки қора, усти ғадир-будур ёхуд тукли, тариқдай катталикдан тортиб терининг анчагина қисмини эгаллаган парча-парча кўринишда бўлади. Х. ни киши ўзи даволаши хавфлидир. Чунки шикастланган Х. катталашиб, қаттиқ бўлиб қолади, туси ўзгаради, атрофида яна янги доғлар кўпайиб, *меланомага* айланиши мумкин.

Давоси—электрокоагуляция, криотерапия, нур б-н даволаш ва операция қилиш.

ХОЛАНГИТ (юнон. chole — ўт ва angeion — томир), ангиохолит — жигар ўти йўлларининг яллиғланиши. Х. ни, одатда, ичак таёқчаси ва б. микроблар қўзғатади. Кўпинча *холецистит, ўт-тош касаллиги* б-н бирга кечади. Инфекция ўт йўлларига *ўт пуфаги,* меъда-ичак тракти, меъда ости безидан ва лимфа, қон орқали тушиши мумкин. Шунингдек, ўт йўли мотор функциясининг бузилиши ёки тош пайдо бўлиб, ўт тўхтаб қолиши ҳам Х. га сабаб бўлади. Х. катарал, йирингли ва некротик бўлиши мумкин. Кечишига кўра ўткир ва хроник Х. фарқланади.

Ўткир Х. да беморнинг эти увишиб, вақт-вақти б-н иситмалайди, кўп терлайди, оғзи тахирлашиб, қусади, ўнг қовурға ости оғрийди. Жигар шишиб, тери сарғаяди, қичишади. Хроник Х. кўпинча ўткир Х. дан сўнг вужудга келиб, белгилари холециститга ўхшайди. Бунда кўз оқлари сарғайиб, ўнг қовурға ости доим оғриб туради, бемор дармони қуриб, озади, вақт-вақти б-н эти увишади, тез чарчайди. Кўпинча жигар ва талоқ шишади. Баъзан Х. оқибатида *перитонит, жигар циррози, панкреатит* каби оғир касалликлар келиб чиқади.

Давоси: ўткир ҳамда хроник Х. хуружида бемор касалхонада даволанади, парҳез қилинади.

ХОЛБОБОЕВ Умар (1898, Самарқанд обл. Самарқанд р-ни —1970) — соҳибкор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони (1949). Самарқанд р-нида ги Киров номли к-зда колхозчи, звено бошлиғи (1930—40), бригада бошлиғи (1941—67). Х. 214 *ц* узум етиштирилган (1948). Ленин ордени ва медаллар б-н мукофотланган. 1967 йилдан пенсияда бўлган.



Холбоев М.

ХОЛБОЕВ Машраб (1901, ҳозирги ҚозССР Қизилўрда обл. Сирдарё р-ни) — пахтакор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони (1949). Тошкент обл. Чиноз р-ни (ҳозирги Янгийўл р-ни терр-яси) даги «Шарқ Юлдузи» (ҳозирги Ҳамроқул Турсунқулов номли) к-зида колхозчи (1937—46), 1947 йилдан звено бошлиғи. Х. бошлиқ звенода 6,5 *га* ернинг гектаридан 89,6 *ц* пахта етиштирилган (1948). Ленин ордени ва медаллар б-н мукофотланган.

ХОЛВОЙ — Самарқанд обл. Жомбой р-ни Холвойи қ. С. даги қишлоқ. Жданов номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 8 *км,* яқин т. й. станцияси —69-разъезд (8 *км*). Аҳолиси 953 киши (1976); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Қурбонобод ариғи орқали Зарафшон дарёсидан сув ичади. Ремонт устахонаси, машина-трактор парки, саккиз йиллик мактаб бор.

ХОЛДИ — Самарқанд обл. Нарпай р-ни Тим қ. С. даги қишлоқ. «Қарноб» с-зи терр-ясида. Р-н марказидан 102 *км,* яқин т. й. станцияси—Зирабулоқ (102 *км*). Аҳолиси 835 киши (1976); қорақўлчилик, пиллачилик, ғаллачилик б-н шуғулланади. Булоқлар, артезиан қудуқларидан сув ичади. С-з сут-товар фермаси, ремонт устахонаси, саккиз йиллик мактаб бор.

ХОЛДИВОНБЕК — Андижон обл. Бўз р-ни Киров қ. С. даги қишлоқ. «25-партсъезд» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 10 *км,* яқин т. й. станцияси — Шаҳрихон (24 *км*). Аҳолиси 822 киши (1976); чорвачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Бештентак ариғидан сув ичади. Болалар боғчаси, бошланғич мактаб бор.



Холдорова С.

ХОЛДОРОВА Собира (1907, ҳозирги Наманган обл., Чуст р-ни) — ўзбек совет журналисти. 1927 йилдан КПСС аъзоси. Қўқондаги болалар уйида тарбияланган (1919) ва муаллимлар тайёрлайдиган 6 ойлик курсни (1921), Тошкентдаги Хотин-қизлар маориф билим юртини (1925), Москвадаги Коммунистик журналистика ин-тини (1929) тугатган. «Янги йўл» газетасида масъул муҳаррир (1924—25), «Қизил Ўзбекистон» газетасида хотин-қизлар бўлими мудири (1925—26), «Шарқ ҳақиқати», «Ишчи» газеталарида муҳаррир ўринбосари (1929), 1930—32 йилларда Ўзбекистон КП(б) МҚ оммавий агитация бўлими мудири ўринбосари ва хотин-қизлар сектори, матбуот сектори мудири, маданий пропаганда сектори мудири ўринбосари, 1930—34 йилларда «Янги йўл» журнали муҳаррири, «Қизил Ўзбекистон» газетасида партия турмуши бўлими мудири, «Қишлоқ хўжалик техникаси» журнали, «Колхоз йўли» газетаси муҳаррири, Тошкент ш. партия комитети маданий-маориф бўлими мудири, 1934—35 йилларда Ўзбекистон КП Ленин р-н, 1936—37 йилларда Киров р-н комитетининг биринчи секретари. 1944 йилдан совет, хўжалик ишларида ишлади. 1957 йилдан республика миқёсидаги шахсий пенсионер. Ўзбекистон КП 5—7-съездлари ҳамда СССР ёзувчиларининг 1-съезди (1934) делегати. ЎзССР МИҚ аъзоси (1930). Медаллар б-н мукофотланган.

«ХОЛДОРХОН» — «Гўрўғли» туркумидаги достонлардан энг йириги. Шеърий қисмининг ўзи 11 минг мисрага яқин. *Эргаш Жуманбулбул*



Холид Расул.

ўғлидан ёзиб олинган (1927) ва нашр этилган (1972).

Достонда Қрим хони Холдорхоннинг Гўрўғлига гарази, Гўрўғлининг Қримга бориши ва жангу жадаллардан кейин Холдорхон б-н яраши, Гўрўғлининг тоғаси Аҳмад Сардорнинг Чамбил элини талаши каби воқеалар тасвирланади. Асарда ўз юртини ташқи ва ички душманлардан мардларча ҳимоя қилган халқ қаҳрамонлари — Гўрўғли ва унинг қирқ йигити (Аваз, Бексара, Асқар, Бердиёр, Ҳасан Қўлбар, Ҳасан Чопсон каби баҳодирлар) шижоати, Юнус пари бошчилигидаги Чамбил аёллари жасорати куйланади. Достон воқеа-ҳодисалар кўламининг кенглиги, тасвирнинг бойлиги, наср қисмининг санъаткорона ишланганлиги жиҳатидан ўзига хос роман даражасига кўтарилган.

Ад.: Булбул тароналари, 4- т., Т., 1972.

ХОЛЕРИК (лат. chole — сафро, ўт) — темперамент турларидан бири (қ. *Темперамент*).

ХОЛЕСТЕРИН — стероидлар синфига мансуб органик бирикма. Биринчи марта ўт тошидан ажратиб олинган. Сувда эримайдиган, органик эритувчиларда яхши эрийдиган рангсиз кристалл. Х. тузлар, кислоталар, аминлар, оқсиллар ва нейтрал бирикмалар (сапонинлар, витамин $Д_3$) б-н молекуляр комплекслар ҳосил қилади. Х. барча тирик организмларда учрайди. Умуртқали ҳайвонларда Х. нинг кўп қисми нерв тўқималарининг липидларида, тухум ва сперма ҳужайраларида, жигарда (Х. биосинтез қилинади), буйрак усти безларида, тери ёғ қатламида ва эритроцит ҳужайраларининг деворида бўлади. Қон плазмасида Х. юқори ёғ кислоталари (олеин кислота) б-н бирга мураккаб эфир ҳолида учрайди. Организмда Х. муҳим стериклар (мас., буйрак усти безлари гормонлари, ўт кислоталар, витамин Д) ва б. алмашинувида қатнашади. Одам қонида ўртача 150—200 *мг*% Х. бўлади. 30—60 ёшлар атрофидаги кишиларда ёғли овқат кўп истеъмол қилинганда Х. миқдори кўпаяди. Бу эса ўт йўлларининг бекилиб қолишига, жигарда ёғли инфильтрат ҳосил бўлишига, ўт тошлари ва қон томирларида атеросклеротик яралар пайдо бўлишига олиб келади. Х. асосан, қорамоллар орқа миясидан ажратиб олинади.

ХОЛЕСТЕРИНЕМИЯ (*холестерин* ва юнон. haima — қон) — қондаги холестерин миқдори. Қонда нормал ҳолатда холестерин миқдори 150—200 *мг*% бўлади. Нефротик синдром, холангит, модда алмашинуви касалликлари (атеросклероз, қандли диабет, подагра ва б.) да қонда холестерин миқдори ортади (гиперхолестеринемия), тиреотоксикоз, аддисог касаллиги, колит ва б. да қонда холестерин миқдори камаяди (гипохолестеринемия).

ХОЛЕЦИСТИТ (юнон chole — ўт ва kystis — пуфак) — ўт пуфагининг яллиғланиши. Кўпинча Х. *холангит* б-н бирга кечади. Ўт тош касаллиги, вирусли гепатит ва инфекцион ёки паразитар касалликлар (мас., *описторхоз*), шунингдек ўчоқли инфекциянинг бўлиши (мас., тонзиллит), Х. га сабаб бўлади. Ўт пуфагига инфекция қон, ичак ва лимфа орқали тушиши мумкин. Ўт пуфаги функциясининг бузилиши (дискинезия), унда тош пайдо бўлиб ўт тўхтаб қолиши, овқатланиш хусусиятига боғлиқ ҳолда ўт таркибининг ўзгариши ҳам Х. га сабаб бўлади. Хроник тонзиллит, эпидемик гепатит, чириган тишларнинг бўлиши, аденоид, овқатланиш режимига риоя қилмаслик оқибатида болаларда Х. учрайди. Х. катарал, йирингли, ярали ва гангренозли бўлиши мумкин. Кечишига кўра ўткир ва хроник Х. фарқланади. Ўткир Х. да ўнг қовурға остида, жигар соҳасида, баъзан киндик атрофида оғриқ бўлади. Бемор иситмалайди, кўнгли айниб, қусади. Жигари, ўт пуфаги шишади, кўз оқлари, териси сарғаяди ва қичишади. Қасалликни баъзан ўт пуфагининг катталашганидан билиш ҳам мумкин. Хроник Х. кўпинча ўткир Х. дан сўнг, астасекин вужудга келади. Кўп белгилари ўткир Х. га ўхшаш. Хроник Х. оғриқсиз кечиши ҳам мумкин. Баъзан Х. оқибатида *перитонит, панкреатит, холангит*, ўт пуфаги раки каби касалликлар келиб чиқади. Касалликни аниқлашда лаборатория текширишлари ва холецистохолангиографияга асосланилади.

Давоси: ўткир ва хроник Х. да бемор касалхонада даволанади. Х. ни консерватив даволаш асосан инфекцияни йўқотиш ва ўт ажралишини тезлатиш (парҳез овқатлар ейиш, ўт ҳайдовчи ва спазмолитик дорилар, минерал сув — Боржоми, Ессентуки № 4 ва б. ичиш) дан иборат. Булар фойда бермаса, операция қилинади.

ХОЛЕР АБДУҚАРИМ УҒЛИ (туғилган йили номаълум, ҳозирги Сурхондарё обл. Бойсун р-ни Паланг қишлоғи — 1930- йилларнинг охири, Шўрчи р-ни) — ўзбек халқ бахшиси. «Амир қочди» достонигина бизгача етиб келган. Асарни фольклоршунос Ҳоди *Зарифов* ёзиб олган (1929). Бир неча марта нашр этилган. Достонда қизил аскарлар зарбига бардош бера олмаган *Амир Олимхон*нинг юртни ташлаб қочиши, босмачи галаларининг тор-мор этилиши тасвирланади, озодлик, ҳурлик берган Совет ҳокимияти улуғланади.

Ад.: Дастагул. Ўзбек халқ оғзаки ижоди, кўп томлик, 1., 1965.

ХОЛЗАК — Самарқанд обл. Пастдарғом р-ни Тельман қ. С. даги қишлоқ. «Қомсомол» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 10 *км*, яқин т. й. станцияси — Жума (10 *км*). Аҳолиси 668 киши (1976); пахтачилик, пиллачилик, сабзавотчилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Эски Ангор каналидан сув ичади. Ферма, саккиз йиллик мактаб, болалар боғчаси бор.

ХОЛЗУН ТИЗМАСИ — Олтойдаги тог тизмаси. Бухтарма ва Катунь дарёларининг водийлари оралиғида. Узунлиги 100 *км* га яқин, энг баланд жойи 2599 *м* (Линейский Белок). Гранит интрузиялари ёриб чиққан метаморфик жинслардан тузилган. Ён бағирлари 2000—2100 *м* баландликкача кедр-тилоғоч тайгаси, ундан юқориси тоғ тундраси ва субальп ўтлоқлари б-н қопланган.

ХОЛИД РАСУЛ (Расулев Холид; 1911. 20. 6, Тошкент) — ўзбек совет шоири ва олими. Филология фанлари д-ри (1972). 1940 йилдан КПСС аъзоси. Меҳнат Қаҳрамони ишчи Р. *Иноғомжоновнинг* ўғли. Тошкентдаги Ишчилар ф-тини (1932), Маданий қурилиш ин-тини (1934), А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт ин-ти аспирантурасини (1937) тугатган. «Вожатий» (1931—32), «Қолхозчи болалар» (1932—33) журналларида масъул котиб, «Ёш ленинчи» (1937—41), «Ўқитувчилар газетаси» (1948—49) да бўлим мудири, муҳаррир. УзССР бошланғич ва ўрта мактаб ходимлари касаба союзи МК раиси (1943—47), Педагогика фанлари ин-ти илмий ходими (1941—43, 1947—50), Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейи илмий ходими (1950—54), директори (1955—57), А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт ин-ти сектор мудири (1957—67). 1967 йилдан Адабиёт музейи, 1978 йилдан Қўл ёзмалар ин-ти бўлим мудири.

Илк шеърий тўпламн «Қалб қўшиғи» 1931 йили чиққан. Шеърларида инқилоб тантанаси, социалистик ўзгаришлар, халқлар дўстлиги ва бугунги совет турмуши тараннум қилинган. «Райҳон» (1938), «Тарас» (1939) поэмалари б-н 30- йиллар ўзбек совет поэмачилигига ҳисса қўшди. Шеърларида табиат манзаралари ва инсон кечинмалари нафис ифодаланган. 1962 йили композитор И. Ҳамроев б-н ҳамкорликда «Шоирнинг орзуси» музикали драмасини яратди.

«Ўзбек адабиётида эпик жанр — достончиликнинг тараққиёт йўллари ва халқчиллик проблемаси (17—19- асрнинг биринчи ярми)» мавзуида д-рлик диссертациясини ҳимоя қилган. Айрим ўзбек халқ достонларини нашр эттирган. «Қатталар алифбоси» (1952—58, 1964), «Ватан адабиёти» (1950—55), «Ўзбек адабиёти тарихи» (1962) каби дарсликлар муаллифларидан.

Ас.: Темир қанот, Т., 1935; Шеърлар, Т., 1938; Умр баҳори, Т., 1939; Ҳаёт илҳомлари, Т., 1949; Бахт нашъаси, Т., 1960; Инсон мадҳи, Т., 1968; Қуёшли кун, Т., 1971; Зокиржон Фурқат ижоди, Т., 1954; Фурқат, Т., 1959; Ўзбек эпик шеъриятида халқчиллик (XVIII—XIX асрнинг биринчи ярми), Т., 1973.

Ад.: Имомхўжаев Т., Холид Расул ижоди, Т., 1973.

ХОЛИЗМ (юнон. holos — яхлит, бутун) — идеалистик таълимотлардан бири («яхлитлик фалсафияси»). Х. ўз ғояларига кўра эмержент эволюцияси, *неореализм* назариясига яқин туради. Х. тушунчасини британия фельдмаршали Я. Х. Смэтс (1870—1950) «Холизм ва эволюция» (1926) китобида биринчи бор талқин қилган. Х. да дунёни холистик жараён — ижодий эволюция, янги яхлитликлар яратиш жараёни бошқаради деб даъво қилинади. Холистик жараён материянинг сақланиш қонунини инкор этади; материя формалари эволюция даврида тўхтовсиз кўпайиб ва янгиланиб боради деб ҳисобланади. Бу назарияда яхлитлик ўзида объективлик ва субъективликни мужассамлантирган олий фалсафий тушунча сифатида талқин этилади. Х. яхлитликни номоддий, билиб бўлмайдиган тушунча деб, унга мистик тус беради. Кейинчалик Х. ғояларини Ж. С. Холдейн, А. Майер Абих (Германия), А. Леман (Франция) ривожлантирди.

Ад.: Богомолов А. С., Идея развития в буржуазной философии XIX и XX веков, М., 1962; Кремянский В. И., Структурные уровни живой материи, М., 1969.

ХОЛИН — В группасига мансуб витаминлардан (қ. *Витаминлар*).

ХОЛИНОЛИТИК МОДДАЛАР, антихолин-эргик моддалар — *ацетилхолин* таъсирини йўқотувчи моддалар; м-ва н- холинолитик моддаларга бўлинади (м- Х. м. ва н- Х. м., қ. *Холиномиметик моддалар*). М- Х. м. га белладонна алкалоидлари (атропин, скополамин) ва платифиллин; синтетик препаратлар (мас., гоматропин) ва баъзи аммоний бирикмалари (апрофен, метацин ва б.) киради. Бу препаратлар м- холинорецепторлар таъсирини тўхтатиб, қорачиғни кенгайтиради, кўз ички босимини оширади, сўлак, тер, ичак ва меъда ширasi ажралишини камайтиради, юрак уришини тезлаштиради, бронхлар ва меъда силлиқ мушакларини бўшаштиради. Буйрак, жигар ва ичак санчиғида, ўн икки бармоқ ичак ва меъда яраларида, шунингдек, қорачиғни кенгайтириш мақсадида қўлланилади. Н-Х. м. симпатик ва парасимпатик ганглияларнинг (*ганглиоблокаторлар*) ва скелет мушакларининг (*кураресимон моддалар*) холинорецепторларига таъсир этади, марказий м- ва н- Х. м. (амизил, спазмолитин ва б.) марказий нерв системасига таъсир этади. Улар ухлатувчи, наркотик ва аналгетик моддалар таъсирини кучайтиради. Анестезиология, невропатология ва психиатрияда, шунингдек яра касаллиги, колитлар, бронхиал астма ва б. да қўлланилади. Марказий Х. м. га, шунингдек *паркинсонизм*, фалаж, *гиперкинезлар*ни даволашда қўлланиладиган препаратлар (циклодол, тропацин, мебедрол ва б.) ҳам киради.




Холиқова М.

ХОЛИНОМИМЕТИК МОДДАЛАР — холинорецепторлар (организмнинг биохимик системалари) ни қўзғатувчи моддалар. Турли холинорецепторларга таъсир этишига қараб м- ва н-холиномиметик моддалар (м- Х. м. ва н- Х. м.) фарқланади. Н- Х. м. никотинга сезгир бўлиб, симпатик ва парасимпатик нерв ганглияларида, буйрак усти бези мағиз қавати моддасида, марказий нерв системаси ҳаракатлантирувчи нервларининг учида жойлашган н- холинорецепторларни қўзғатади. Н-Х. м. га лобелин, субехолин, цититон, спартеин, анабазин ва б. киради. М- Х. м. мухомор замбуруғидан ажратиб олинган алкалоид (*мускарин*) га сезгир бўлиб, постганглионар парасимпатик нерв толалари учларида, шунингдек марказий нерв системасида жойлашган м- полинорецепторларни қўзғатади. М- Х. м. га пилокарпин, бензамон, ацеклидин ва б. киради. Улар ҳазм қилиш, тер, сўлак, ёш безлари секрециясини кучайтиради, томирларни кенгайтиради, артериал босимни пасайтиради, меъда-ичак йўли, бронхлар, ўт ва сийдик йўллари силлиқ мушакларини қисқартиради; қорачиғни торайтиради. Марказий М- ва Н- холинорецепторларни қўзғатувчи м- ва н- Х. м. га *антихолинэстераз моддалар*, карбахолин ва б. киради.

Медицинада м.-Х. м. қовуқ ва ичаклар мушаклари тонуси сусайишининг олдини олишда, пароксизмал тахикардия, глаукома ва б. ни даволашда қўлланилади. Н- Х. м. нафас олишни кучайтиришда (мас., лобелин) ишлатилади. Антихолинэстераз моддалар миастения, фалаж, глаукома ва б. касалликларда буюрилади.

ХОЛИНЭСТЕРАЗА — *ацетилхолин*ни сирка кислота ва холинга парчалайдиган фермент. Қон плазмаси ва эритроцитларда, турли ҳайвон ва одам тўқималари (айниқса нерв) да топилган. Организмда парасимпатик нерв толалари қўзғалганда ҳосил бўлади.

ХОЛИҚОВА Маъмурахон (1932, Андижон обл. Андижон р-ни Хартум қишлоғи) — агроном, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони (1971). 1970 йилдан КПСС аъзоси. Андижон МТСида плановик (1954—59), «Правда» к-зида жўжа очирувчи (1959—68), бригадир (1968—72), к-з партия ташкилоти секретари (1972—75), 1975 йилдан агротехник. Давлатга қишлоқ хўжалик, жумладан чорвачилик маҳсулотлари топширишда катта ютуқларга эришган. Ўзбекистон КП 19- съезди делегати. Ленин ордени ва медаллар б-н мукофотланган.



Холиқулов Б.

ХОЛИҚУЛОВ Бойхон (1927, ҳозирги Қашқадарё обл. Ғузор р-ни Дўлжали қишлоғи) — чўпон, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони (1966). 1960 йилдан КПСС аъзоси. Қашқадарё обл. Ғузор давлат наслчилик с-зида чўпон ёрдамчиси ва чўпон (1942—58), шу р-н «Пачкамар» с-зида бош чўпон (1958 йилдан). 700 бош совлиқнинг ҳар 100 тасидан 120 қўзи (1964), 562 бош совлиқдан 377 эгиз қўзи, ҳар бош қўйдан



Холматов О. Х.

3,5 *кг* жун қирқиб олган (1965). КПСС 23-съезди делегати. Ленин ордени ва медаллар б-н мукофотланган.

ХОЛЛ Гэс (асли номи — Арво Гас Халберг) (1910. 8. 10, Миннесота штати, Айрон ш.) — америка ва халқаро ишчилар ҳаракати арбоби. Шахтёр оиласида туғилган. 14 ёшидан дарахт кесувчи, шахтёр, темир йўлчи, пўлат қуювчи бўлиб ишлаган. 1926 йили Ишчи ёшлар лигасига кирган. 1927 йилдан АҚШ компартияси (АҚШ КП) аъзоси. 1929—32 йилларда Европа мамлакатлари, жумладан СССРга келиб кетган. 1927—37 йилларда Миннесота, Огайо, Пенсильвания штатларида иш ташловчилар, ишсизлар ва урушга қарши чиқувчилар ҳаракатининг ташкилотчиси; бир неча марта қамалиб чиққан. 1938—41 йилларда Янгстаун (Огайо штати) да партия ташкилотчиси; Кливленд ш. партия ташкилотининг раиси (1941—42, 1946—47). 1942—46 йилларда Ҳарбий-Денгиз флотида хизмат қилган. 1944 йилдан АҚШ КП Миллий комитети, 1947 йилдан Миллий комитетнинг Миллий-ижроия бюроси аъзоси. 1947—49 йилларда Огайо штати партия ташкилотининг раиси. 1949 йили АҚШ КП Миллий комитетининг секретари қилиб сайланган (1950—51 йилларда Миллий комитет бош секретари вазифасини бажарган). 1948 йили АҚШ КП нинг бошқа раҳбарлари б-н биргаликда суд томонидан таъқиб қилинган; 1949 йили қамоқ жазосига ҳукм этилган. Қамоқ жазосини (1951—57) ўтагач, уй қамоғида бўлган (1959 йилгача). Суд таъқиби 1966 йилигина тугатилган. 1959 йил апрелида Х. АҚШ КП Миллий комитети Ижроия комитетининг секретари ва Ўрта Ғарбда АҚШ КП комитетининг секретари. 1959 йил декабридан АҚШ КП бош секретари. Ленин ордени ва Халқлар дўстлиги ордени б-н мукофотланган.




Холматов Ҳ. Х.

ХОЛЛ (ингл. Holl) — театр, меҳмонхона, ётоқхона каби биноларнинг кириш қисмидаги зал, вестибюль. Икки томонида хоналар жойлашган узун коридорни ёритишга хизмат қилади. Дам олиш учун диван, кресло, телевизор каби нарсалар б-н жиҳозланади.

ХОЛЛ ЭФФЕКТИ — зичлиги j га тенг ток ўтаётган ва магнит майдони H га жойлаштирилган ўтказгичда йўналиши j ва H нинг йўналишига перпендикуляр электр майдони E нинг ҳосил бўлиши (расмга қ.). Электр майдони (Холл майдони) кучланганлиги: $E_x = R[Hj]$, R катталиги Х. э. нинг асосий характеристикаси бўлиб, Холл коэффициенти дейилади. Эффектни 1879 йилда америкалик физик Э. Г. Холл (1855—1938) очган Х. э. *гальваномагнит ҳодисалар*дан бири ҳисобланади.

R нинг ишораси ўтказгичдаги ток ташувчиларнинг типи б-н белгиланади; ўтказгич электронли ўтказувчанликка эга бўлса манфий, коваклида эса мусбат ишорали бўлади. Металлар учун 10^{-3} *см*^{3}/*кулон*, яримўтказгичлар учун эса $R \sim 10^5$ *см*^{3}/*кулон*.



Холл эффектига онд.

R ни ўлчашда ўзгармас, ўзгарувчан ва импульсли майдонлар б-н боғлиқ бўлган турли методлардан фойдаланилади. Булар ичида R ни ўзгармас майдонда ўлчаш методи энг кўп қўлланилади.

Х. э. нинг тадқиқ этилиши, металлар ва яримўтказгичларнинг электр хусусиятларини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга бўлди. R ни билиб, моддадаги мас., яримўтказгичдаги ток ташувчиларнинг ишорасини билиш, уларнинг концентрациясини ҳисоблаш, шунингдек ундаги аралашмалар миқдорини аниқлаш мумкин. Х. э. магнит майдони кучланганлигини ўлчашда, ўзгармас токларни кучайтиришда ва ҳ. к. да қўлланади.

Ад.: Ландау Л. Д., Лифшиц Е. М., Электродинамика сплошных сред, М., 1959; Смит Р., Полупроводники, Пер. с англ., М., 1962; Вайсс Г., Физика гальваномагнитных полупроводниковых приборов и их применение, Пер. с нем., М., 1974.

ХОЛМАТДОДХО — Андижон обл. Ленин р-ни Ленинобод қ. С. даги қишлоқ. «Ўзбекистон» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 10 *км*, яқин т. й. станцияси — Ленинск (14 *км*). Аҳолиси 565 киши (1976); пахтачилик, чорвачилик, пиллачилик, боғдорчилик, токчилик б-н шуғулланади. Қатта Фарғона каналидан сув ичади. Бошланғич мактаб бор.

ХОЛМАТОВ Одил Холматович (1924. 22. 1, Андижон ш.) — хирург, медицина фанлари д-ри (1970), проф. (1977). ТошМИни тугатгач (1949), Андижон обл. Ворошилов р-н касалхонасида бош врач, хирургия бўлими мудири (1949—55), Андижон Медицина ин-ти анатомия (1955—59), госпиталь хирургияси (1959—61) кафедраларида ассистент, факультет хирургияси кафедрасида доцент (1961—64), 1964 йилдан кафедра мудири. «Ошқозон ости безининг ҳар хил қисмларини кесиб ташланганда ташқи секрециясининг ўзгариши» мавзуида д-рлик диссертацияси ёқлаган. Илмий ишлари, асосан ошқозон ва ошқозон ости бези касалликларини хирургик йўл б-н даволаш масалаларига оид.

Москвада ўтказилган жаҳон хирурглари конгресси қатнашчиси (1971).

ХОЛМАТОВ Сафар (1900, ҳозирги Сирдарё обл. Гулистон р-ни) — пахтакор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони (1951). Сирдарё р-нидаги Ленин номли к-зда бригада бошлиғи (1930—60). Х. бошлиқ бригадада 42,7 *га* ернинг гектаридан 50 *ц* пахта етиштирилган (1950). Ленин ордени, Меҳнат Қизил Байроқ ордени б-н мукофотланган. 1967 йилдан пенсионер.

ХОЛМАТОВ Эргаш (1919, ҳозирги Жиззах обл. Зомин р-ни Қўчи қишлоғи) — совет партия ходими, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони (1971). 1941 йилдан КПСС аъзоси. Сирдарё обл. Зомин р-нидаги Наримонов номли к-зда колхозчи, комсомол ишларида ишлаган (1935—38). Совет Армияси сафида (1940—41), Ўзбекистон КП Зомин р-н комитетида пропагандист, бўлим мудири, Самарқанд обл. партия комитетида бўлим мудири ўринбосари (1942—45) Зомин р-н партия комитети иккинчи секретари (1945—46). Ўзбекистон КП МҚ ҳузуридаги партия мактабини битирган (1948). Самарқанд обл. Қорақишлоқ р-ни (1948—51), Қаттақўрғон р-н партия комитети биринчи секретари (1952), Зомин р-нидаги «Қизил чорвадор» с-зи партия ташкилоти секретари (1953—55). Самарқанд обл. Булунғур р-нидаги Ворошилов номли к-з раиси (1955—57), р-н Ижроия комитети раиси (1957). КПСС МК ҳузуридаги Олий партия мактабини тамомлаган (1959). Жомбой р-ни (1958—61), Пастдарғом р-ни партия комитети биринчи секретари (1961—62). Сирдарё обл. Ильич р-нидаги 26-с-з (1962-65), Пахтакор р-нидаги «Самарқанд» с-зи директори (1966—74). 1974 йилдан Жиззах обл. Бахмал р-н партия комитети, 1978 йилдан Зомин р-н партия комитети биринчи секретари. Х. раҳбарлик қилган с-зда 5464 *га* ернинг гектаридан 29,3 *ц* пахта етиштирилган (1971). Ленин ордени, 2 та Меҳнат Қизил Байроқ ордени ва медаллар б-н мукофотланган.

ХОЛМАТОВ Ҳамид Холматович (1923. 4. 5, ҚозССР Жамбул обл. Марки қишлоғи) — провизор, фармацевтика фанлари д-ри (1976), проф. (1977). ЎзССР да хизмат кўрсатган фан арбоби (1977). 1946 йилдан КПСС аъзоси. Тошкент Фармацевтика ин-тини тугатгач (1944), шу ин-т фармакогнозия кафедрасида аспирант (1944—47), ассистент (1947—56), доцент (1957), айни вақтда ин-т декани (1953—59), ўқув ва илмий ишлар бўйича проректор (1959—70), 1970 йилдан шу ин-т ректори. «Ўзбекистоннинг диуретик таъсирга эга бўлган ўсимликлари» мавзуида д-рлик диссертацияси ёқлаган. Илмий ишлари асосан Ўзбекистоннинг ёввойи доривор ўсимликларини фармакогностик ўрганишга оид. Доривор ўсимликлар бўйича Польша (Познань, 1970) ва Чехословакия (Мариански Лазни, 1975) да ўтказилган Халқаро конференция иштирокчиси. Меҳнат Қизил Байроқ ордени ва медаллар б-н мукофотланган.

Ас.: Дикорастущие лекарственные растения Узбекистана, Т., 1964; Фармакогнозия, Т., 1967; Ўзбекистоннинг шифобахш ўсимликлари, Т., 1977 (З. Ҳ. Ҳабибов б-н биргаликда).

ХОЛМАТОВА Ҳалима (1917, Марғилон) — пиллакор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони (1951). Фарғона обл. Охунбобоев р-нидаги Фрунзе номли к-зда пиллачилик звеноси бошлиғи (1934—67). Ҳар бир қути қурт уруғидан 109,6 *кг*, жами 350,9 *кг* аъло сифатли пилла етиштирган (1950). 2 марта Ленин ордени ва медаллар б-н мукофотланган. 1967 йилдан пенсионер.

ХОЛМИРЗАЕВ Исмон (1896, ҳозирги Андижон обл. Қўрғонтепа р-ни Деҳқонобод қишлоғи — 1963) — чўпон, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони (1958). Қўрғонтепа р-нидаги «Деҳқонобод» артелида мол берувчи (1922—30), Навоий номли к-зда чўпон (1930—63). Чорвачиликни ривожлантиришда ҳисса қўшган. 6-чақириқ ЎзССР Олий Совети депутати. Ленин ордени, «Ҳурмат Белгиси» ордени ва медаллар б-н мукофотланган.

ХОЛМИРЗАЕВ Шукур (1940. 24. 3, Сурхондарё область Бойсун р-ни) — ўзбек совет ёзувчиси. ТошДУ журналистика ф-тини тугатган (1963). «Ёш гвардия» нашриётида муҳаррир (1963—66), «Гулистон» (1967—69), «Шарқ юлдузи» (1975 йилдан) журналларида бўлим мудири. Муқимий номидаги музикали драма театрида адабий эмакдош (1973—75). «Оқ отли» (1961), «Тўлқинлар» (1962), «Ун саккизга кирмаган ким бор» (1965) қиссаларида совет ёшлари ҳаёти акс этган. «Олис юлдузлар остида» (1968), «Ҳаёт абадий» (1972) ҳикоялар тўпламларида, «Сўнгги бекат» (1976) романида замондошларимизнинг ранг-баранг образлари яратилган. Сурхон водийсининг оддий кишиларини ўз асарлари қаҳрамони қилиб олиш, уларнинг ҳаёти, характеридаги мураккаб, зиддиятли томонларни тасвирлаш, улардан фалсафий хулосалар чиқариш, она-юрти табиатининг гўзаллигини куйлаш Х. ижодининг энг характерли хусусиятидир. «Уқилмаган саҳифа» пьесаси (1978) муаллифи.

ХОЛМОГОРИ ҚОРАМОЛ ЗОТИ — сути учун боқиладиган қорамол. 18-асрда Архангельск губерниясида халқ селекцияси йўли б-н етиштирилган. Тузилиши пишиқ, мускуллари, скелети яхши ривожланган, териси юпқа, майин; калласи ўртача катталикда; жағ қисми чўзиқроқ; танаси ва оёқлари узун; туси қора-ола, қизил-ола, қизил, қора, оқлари ҳам учрайди. Сигирларининг яғринигача баландлиги 128—134 *см*, кўкрак айланаси 180—200 *см*, танасининг қия узунлиги 160—165 *см*, почасининг йўғонлиги 18—19 *см*. Буқаларининг тирик вазни 800—900 *кг*, сигирларининки 480—540 *кг*. Йилига 3500—4500 *кг* сут (ёғлилиги 3,8—4%) беради. РСФСР Европа қисмининг шимолий ва шимоли-шарқий областларида, Сибирда, шунингдек, Татаристон ва Удмуртия АССРда боқилади.



Ҳолматова Ҳ.

ХОЛМСК — РСФСР Сахалин областидаги шаҳар. Сахалин о. жанубий қисмининг ғарбий соҳилида. Япон денгизи соҳилидаги порт. Т. й. станцияси. Денгиздан балиқ овлаш маркази. Целлюлоза-қоғоз, гўшт ва консерва банкаси к-тлари, қурилиш материаллари, пиво, кема ремонти з-длари бор. Денгиз билим юрти, халқ театри мавжуд. Ванино — Холмск денгиз т. й. пароми ишлаб турибди.

ХОЛМУРОДОВ Аскар Ғаниевич (1939. 10. 5, Қашқадарё обл.) — биохимик, биология фанлари д-ри (1976). 1963 йилдан КПСС аъзоси. ТошДУнинг биология-тупроқшунослик ф-тини тугатган (1960). Украина ФА Биохимия ин-тида аспирант (1961—64), кичик илмий ходим (1964—65). Ўзбекистон ФА Зоология ва паразитология ин-тида кичик ва катта илмий ходим (1965—66). Украина ФА Биохимия ин-тида катта илмий ходим (1966—75), бўлим мудири (1975—76); 1977 йилдан коферментлар биохимияси лабораториясининг мудири. «Никотин кислотаси ва 3-метилпиридиннинг ҳайвон тўқималарида алмашинуви ва бу жараённинг бошқарилуви» мавзуида д-рлик диссертацияси ёқлаган (1974). Илмий ишлари ҳайвон организми ҳужайраларида витаминлар ва коферментлар алмашинуви ва б. га оид. «Корник» деб аталувчи биологик препарат кашфиётчиси. Бутуниттифоқ биохимиклар жамияти Киев бўлимининг (1978), Украина ФА Биохимия ин-ти илмий Советининг раиси ўринбосари (1978). Х. биохимикларнинг V (Москва, 1961), IX (Стокгольм, 1973), X (Париж, 1975), XI (Копенгаген, 1977) ва XII (Дрезден, 1978) ва б. Халқаро конгресслар қатнашчиси.



Холмирзаев Ш.

Ас.: Экспериментальная витаминология, Минск, 1978, бошқалар б-н биргаликда).

ХОЛМУРОТОВУЛ — ҚҚАССР Ленинобод р-ни Бегжоп овул Советидаги қишлоқ. «Тошкент» с-зи терр-ясида. Р-н марказидан 54 *км*, яқин т. й. станцияси — 181-разъезд (54 *км*). Аҳолиси 570 киши (1976); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик, шоликорлик, сабзавотчилик б-н шуғулланади. Ленин номли канал орқали Амударёдан сув ичади. Сут-товар фермаси, машина-трактор парки бор.



Холмуродов А. Ғ.

ХОЛМУҲАМЕДОВ Нурмат (1893, Тошкент) — Туркистонда Октябрь рев-яси ва гражданлар уруши қатнашчиси. 1918 йилдан КПСС аъзоси. Дастлаб ёлланма темирчи (1905—15), кейинчалик мардикорликка олинган (1916). Перовск (ҳозирги Қизилўрда) да т. й. депоси ишчиси (1916—17). Тошкентга қайтгач (1917 йил февраль), Тошкент т. й. ишчиси. Тошкентда металлистлар союзини ташкил этишда қатнашган (1917), кейинчалик унинг раиси (1918—22). Тошкент Эски шаҳар Совети депутати (1918). Партия дружинасини тузишда, *Осипов исёни*ни бостириш (1919) да қатнашган. ВЦСПСнинг 6 ойлик курсида ўқиган, Мирзачўл уезди Ўрмонер хўжалиги ишчиларининг касаба союзи (1923—24), Тошкент уезди Хонобод р-ни Ўрмон-ер хўжалиги ишчиларининг касаба союзлари (1924—25) раиси, Ўрта Осиёда миллий дав-



Холмогори қорамол зоти.



Холов М.

лат чегараланишини, ер-сув ислоҳотларини ўтказишда иштирок этган. Ўрта Осиё Коммунистик ун-тида ўқиган (1926—30), ВКП (б) МК Ўрта Осиё бюросининг инструктори (1930—35), Поп р-ни партия комитети секретари (1936—40), Қуйи Чирчиқ (ҳозирги Ғалаба) р-н ижроия комитети раиси (1940—43), кейинчалик касаба союз ва маъмурий ишларда ишлаган (1944—1956). 1957 йилдан республика аҳамиятига молик шахсий пенсионер.

ХОЛМУҲАМЕДОВ Шомирза (1897—1965)— Туркистонда гражданлар уруши қатнашчиси. 1918 йилдан КПСС аъзоси. Жанубий фронтда Чернигов губернясида мардикорликда бўлган (1916—17). Тошкент трамвай депоси ишчиси (1917—18). Тошкентда Октябрь қуролли қўзғолонида, Актюбинск, Ашхобод фронтларида қатнашган. *Осипов исёни*ни бостиришда иштирок этган (1919). ТуркКПнинг Янгийўл район ижроия комитети раиси (1920—22), Қовунчи Пахтачилик уюшмасининг раиси (1922—25), Ўрта Осиё Коммунистик ун-тида ўқиган (1926—28), Қизил директорлар курсини битириб, масъул маъмурий ишларда ишлаган (1929—55). 1955 йилдан шахсий пенсионер.

ХОЛОБОД — Фарғона обл. Риштон р-ни Тўда қ. С. даги қишлоқ. «Риштон» с-зи терр-ясида. Р-н марказидан 9 *км*, яқин т. й. станцияси — Фурқат (21 *км*). Аҳолиси 1491 киши (1976); пахтачилик, чорвачилик, пиллачилик, шоликорлик б-н шуғулланади. Усмон Юсупов номли Катта Фарғона каналидан сув ичади. Мактаб, медпункт, болалар боғча ва яслиси бор.

ХОЛОВ Маҳмадулла (1920. 2. I, Болошар қишлоғи, ҳозирги Тожикистон ССРнинг Гарм р-ни)— совет давлат ва партия арбоби. 1947 йилдан КПСС аъзоси. Камбағал деҳқон оиласида туғилган. 2 йиллик партия мактабини (1954), КПСС МК ҳузуридаги Олий партия мактабини (1969; сиртдан) тугатган. Совет Армияси сафида (1940—47). 1947—51 йилларда комсомол, 1954—62 йилларда партия ва совет ишларида. 1963 йилдан ТожССР Олий Совети Президиуми раиси, 1964 йилдан СССР Олий Совети Президиуми раиси ўринбосари. Партия 24—25- съездларида КПСС МК аъзолигига кандидат қилиб сайланган. 5—9- чақириқ СССР Олий Совети депутати. Тожикистон КП МК бюроси аъзоси. Ленин ордени, Меҳнат Қизил Байроқ ордени, «Ҳурмат Белгиси» ордени ва медаллар б-н мукофотланган.

ХОЛОВ Шароф (1909, ҳозирги Қашқадарё обл. Шаҳрисабз р-ни)— пахтакор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони (1949). 1952 йилдан КПСС аъзоси. Шаҳрисабз р-нидаги «Қизил Юлдуз» к-зида колхозчи (1930—32, 1962—66), звено бошлиғи (1932—51), бригадир (1951—62). 6 *га* майдоннинг ҳар гектаридан 94,6 *ц* пахта етиштирилган (1948). 2. марта Ленин ордени ва медаллар б-н мукофотланган. 1966 йилдан пенсионер.



Холов Ш.

ХОЛОГОН, дегидрохол кислота — ўт ҳайдовчи модда. Ҳидсиз, аччиқ таъмли, сувда эримайдиган оқ кристалл порошок. Х. жигар ва ўт пуфаги касалликларида ишлатилади. Таблетка ҳолида чиқарилади.

ХОЛОДИЛЬНИК (рус.), совиткич — озиқ-овқат ёки бошқа маҳсулотлар атрофдаги муҳит т-расидан паст т-рада сақланадиган иншоот ёки қурилма. Рўзғор ва саноат Х. лари бор. Рўзғор холодильниги тез бузиладиган озиқ-овқат маҳсулотлари, таомларни қисқа вақт сақлаш, сунъий муз тайёрлаш учун ишлатилади. У, асосан, корпус, шкаф ва *совитиш машинаси*дан иборат. Совитиш машинасининг типига қараб, Х. лар *компрессорли* ва абсорбцион хилларга бўлинади. Компрессорли Х. да ҳаракатланувчи механизмлар бўлади. Электр энергияси электр двигателини ишлатишга сарфланади, у эса компрессорни ҳаракатлантиради. Абсорбцион Х. да ҳаракатланувчи механизмлар бўлмайди. Унда электр қиздиргич ёки газ горелкасидан фойдаланилади. Бундай Х. анча ноқулай бўлгани учун, асосан, компрессорли Х. лар ишлатилади. Х. ҳар хил сиғимли қилиб ишлаб чиқарилади, Х. сиғими унинг геометрик ҳажми б-н белгиланади ва *л* да ўлчанади. СССР да ишлаб чиқариладиган рўзғор Х. лари: «ЗИЛ-Москва», «Саратов», «Бакы», «Памир», «Самарқанд» ва б. Х. да совитувчи модда сифатида паст (минус) т-рада қайнайдиган суюқлик, мас., фреон-12 (дифтордихлормен) ишлатилади. Х. ичидаги т-ра —2°С—6°С атрофида тутиб турилади.

Саноат холодильниклари ишлаб чиқаришда ишлатиладиган ва тақсимлайдиган хилларга бўлинади. Ишлаб чиқаришда ишлатиладиган Х. озиқ-овқат корхонаси (гўшт, балиқ консерва комбинатлари, сут-ёғ з-ди) составига киради ва шу корхонанинг эҳтиёжини қондиради. Тақсимлайдиган Х. озиқ-овқат маҳсулотлари запасларини сақлаш ва умумий овқатланиш корхоналарини озиқ-овқат маҳсулотлари б-н таъминлаш учун мўлжалланган. Совитиш камералари , кучли совитиш қурилмалари, трубопроводлар, т-рани назорат қилиш ва автоматик ростлаб туриш асбоблари б-н таъминланади. Маҳсулотлар совитиш ва сақлаш камераларида т-ра 0°С атрофида, музлатиш камераларида эса —18°С дан—23°С гача бўлади. Музлатилган маҳсулотлар —18°С да сақланади.

ХОЛОСАС (Cholosasum)— ўт ҳайдовчи суюқ модда. Наъматак мевасининг сувли экстрактидан тайёрланади. Ширин мазали, ўзига хос ҳидли, тўқ қўнғир. *Холецистит* ва *гепатит*да ичиш буюрилади.

ХОЛЧАЁН — антик даврга оид шаҳар харобаси (мил. ав. 1- минг йиллик ўрталари ва мил. 3- аср.). Сурхондарё обл. Денов р-ни терр-ясида. Ҳамза номидаги Санъатшунослик ин-тининг Г. А. *Пугаченкова* раҳбарлигидаги археологиясанъат экспедицияси ўрганган (1959—63). Х. да. одам яшайдиган жойларнинг пайдо бўлиши мил. ав. 4—3- асрга, энг тараққий этган босқичи *Кушан подшолиги* даврига (мил. ав. 1- аср, мил. 3- аср) тўғри келади. Бир неча тепалик (Хонақоҳтепа, Қорабоғтепа, Маслаҳаттепа ва б.) дан иборат; истеҳком, канал, боғ, сарой ва бинолар ҳамда Кушан подшоси Герай қароргоҳи қолдиғи топилган. Хонақоҳтепадан топилган сарой ёғоч устунли айвон, меҳмонхона, подшо тахти қўйилган хона, йўлак ва б. хоналардан иборат. Сарой пойдевори тошдан, девори қалин (1,40—2,30 *м*) хом ғиштдан ишланган. Сарой хоналари ва айвон саҳни пишитилган лой (5 *см*), девори сомонли лой (6—8 *см*) б-н сувалган. Бинолар квадрат, тўғри тўртбурчак тарзда. Деворларни бўяб нақш, расмлар ишланган. Нақш, тасвир бевосита деворга, баъзан ганч сувоқ устидан чизилган (ток новдаси, аллақандай мевалар, барглар, кишиларнинг қиёфалари акс этган). Сочи силлиқ тараллган, соқоли олинган бактриялик йигит тасвири, унинг яқинида яна бир бошқа этник гуруҳга мансуб йигит тасвирининг қолдиқлари топилган. Бу расмлар узоқ вақт тупроқ остида қолиб бузилган, расм сюжети ҳақида тасаввур ҳосил қилиш қийин, расм техникаси содда усулларда ишланганини кўрсатади. Бинолар ҳайкалтарошлик асарлари б-н безатилган. Ҳайкаллар сарғиш соз тупроқдан тайёрланган. Бино фризи рельеф б-н ишланган. Ҳайкалтарошлик асарлари елимга минерал бўёқлар аралаштириб бўялган. Аёллар ва эркакларнинг образлари (барельеф, горельефлар, тахтда савлат б-н ўтириб рафиқаси б-н суҳбатлашаётган ҳукмдор, оригинал шлем, совут кийган жангчилар, отлиқлар, отлар, жанг лавҳаси), шунингдек, теракота ва суяк ҳайкалчалар, турли ҳайкалларнинг қолдиқлари, тангалар, меҳнат қуроллари катта маҳорат, етук услуб б-н реалистик яратилган. Қадимги халчаёпликларнинг турмуши, маданияти ва санъатини ўрганишга ёрдам берадиган жуда кўп археологик материаллар — хум, тоғора, кўза, кўвача, коса ва б. сопол идишлар; темир ханжар, қилич, пичоқ, ҳалқа, ҳар хил пайконлар; аёл ва отлиқ кишининг ҳайкалчалари, турли маржон ва тақинчоқлар, танга пуллар ва б. топилди. Х. да кўпгина қабрлар топиб текширилди. Жасадлар чалқанча, оёғи букилган, қўли йиғиштирилган ҳолда, турли буюмлар қўшиб кўмилган. Давр ўтиши б-н Х. харобаси кўмилиб кетиб, тепаликка айланган. Қазиш ишлари олиб борилаётганда бу тепаликнинг қачонлардир мозор бўлгани аниқланди. 17 та қабр топилган (чуқурлиги 1,50 *м*.). Жасадларнинг боши шимоли-шарққа қаратиб кўмилган. Археологик материаллар антик шаҳарда қадимги маданият анча ривожланганлигидан далолат беради. Х. маданияти антик Бактриянинг унутилган (эллинизм маданияти б-н алоқадор бўлган) юксак маданиятини кўрсатувчи бир далил сифатида тарихга кирди.

Ад.: Пугаченкова Г. А., Халчаян, К проблеме художественной культуры северной Бактрии, Т., 1966; Пугаченкова Г. А., Скульптура Халчаяна, М., 1971.

ХОЛЧИЁН—Сурхондарё обл. Денов р-ни Холчиён қ. С. даги қишлоқ. «25- партсъезд» к-зи терр-ясида. Р-н маркази ва яқин т. й. станцияси.— Денов (17 *км*). Аҳолиси 2314 киши (1977); пахтачилик, чорвачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Тўполондарёдан сув оладиган Қорасув ариғидан сув ичади. Кутубхона, ўрта мактаб, касалхона, дорихона, алоқа бўлими бор. Қишлоқ ёнидаги тепаликда *Кушан маданияти*га оид археологик топилмалар қазиб олинди. Қ. С., к-з правлениеси идораси бор.

ХОЛЬБЕЙН Ҳанс (1497 ёки 1498—1543)—немис рассоми. Қалам ва мой-бўёқ б-н ишланган портретлар устаси. Аугсбургда ўз даврининг атоқли рассоми бўлган отаси Ҳанс Хольбейндан таълим олган. 1515 йилда Базель (Швейцария). га, 1526 йилда Лондонга бориб, қалам б-н портретлар яратган (Доротея Мейер, 1525—26, Базель; Томас Мор, 1527, Виндзор). 1528—32 йилларда Базелда яшаб, Инжилга иллюстрация ишлаган. Бу иллюстрация кишиларнинг қиёфалари ҳаётий қилиб ифодаланган б-н диққатга сазовор. Х. 1532 йилда яна Лондонга бориб, Генрих VIII нинг сарой рассоми бўлиб хизмат қилади. Мойбўёқ б-н ишланган портретлари, айниқса Эразм Роттердамский (1523, Париж), француз элчиси Ш. Моретт (1534—35, Дрезден), қирол Жен Сеймур (1536, Вена), қирол Генрих VIII (1539—40, Рим) портретларида образ ёрқин яратилган, характер тиниқ ифодаланган. Э. Роттердамский «Тентакликка мадҳия» асарига ишлаган иллюстрацияси (1530- йиллар), Германиядаги Буюк деҳқонлар уруши воқеалари акс эттирилган «Улим образлари» сериями (1524—26) расм санъати ривожига катта ҳисса бўлиб қўшилди. Х. ижоди *Уйғониш даври* реализмининг чўққиси ҳисобланади.



Холқўзиев М. Н.

ХОЛҚЎЗИЕВ Муродилла Нурматович (1899. 27. 5, Наманган обл. Тўрақўрғон р-ни —1966. 22. 2, Самарқанд)— анатом, медицина фанлари д-ри (1944), проф. (1949); УзССРда хизмат кўрсатган фан арбоби (1959). Қозон Медицина ин-тини тугатгач (1931), шу ин-т нормал анатомия кафедрасида аспирант (1931—35), асистент (1935—42), доцент (1942—45). 1948 йилдан СамМИ нормал анатомия кафедрасининг мудири, «Пешана бўшлиғи (синуси) анатомиясига донр материаллар» мавзунда д-рлик диссертацияси ёқлаган. Илмий ишлари анатомиянинг турли масалалари, нерв системасининг морфологиясига оид. Х. кўплаб шогирдлар тайёрлаган.

ХОМ АШЁ — меҳнат таъсирида ўзгарган, аммо янада ишланиши лозим бўлган меҳнат предмети. Ишлаб чиқариш жараёнида Х. а. тайёр маҳсулот ёки ярим фабрикат ҳосил қилади. Натижада Х. а. нинг тўла қиймати товар формасини олган янги маҳсулотга ўтади. Х. а. келиб чиқишига кўра саноат ва қ. х. хом ашёсига бўлинади. Саноат Х. а. си, ўз навбатида, минерал ва сунъий Х. а. га ажралади. Минерал Х. а. ишлатилишига қараб ёқилғи — энергетика ашёси (нефть, табиий газ, кўмир, уран, ёнувчи сланецлар), металлургия ашёси (қора, рангли, нодир ва асл металлар), тоғ-кимё ашёси (агрономия рудалари, барит, кальций фторид, олтингугурт), техник ашё (олмос, графит, слюда), қурилиш материаллари (цемент, керамика ва б.) га бўлинади. Сунъий Х. а. га синтетик смолалар, каучук, пластмассалар, сунъий терилар, синтетик ювиш воситалари, қишлоқ хўжалик Х. а. сига ўсимлик (донли ва техник экинлар, ёғоч, ёввойи ва шифобахш ўсимликлар), ҳайвонот Х. а. сига (гўшт, балиқ, сут, тери, жунлар) киради.

Х. а. жаҳон хўжалиги ва халқаро иқтисодий алоқаларида муҳим роль ўйнайди. Минерал ва б. табиий Х. а. турлари ер юзида ниҳоятда нотекис жойлашган. Шунинг учун миллий халқ хўжаликларини Х. а. б-н таъминлаш ҳамда уни реализация қилиш ташқи иқтисодий алоқалар орқали амалга оширилади. Социалистик мамлакатлар ўртасидаги алоқаларда уларнинг халқ хўжалигини Х. а. б-н таъминлаш қатъий баҳолар бўйича, план асосида, ўзаро келишувга мувофиқ, иқтисодий жиҳатдан асосланган ҳолда олиб борилади. Жаҳон капиталистик хўжалигида Х. а. проблемасининг моҳияти шундаки, унда Х. а. таъминоти ва Х. а. ни реализация қилиш даражаси доимо бузилиб туради, Х. а. проблемаси талаб ва таклифнинг беқарорлиги, Х. а. танқислиги ёки ортиқчалиги даврларнинг стихияли алмашинувида кўринади. Урушдан кейин капиталистик экономика Х. а. нинг танқислиги ва қимматлашуви даврини (20- асрнинг 50-, 60- ва 70- йилларида) бир неча марта бошидан кечирди. Жаҳон бозорида Х. а. баҳоси 1970—74 йилларда 5 марта, саноат моллари эса 2 марта ошди, бу эса капиталистик хўжаликни анча издан чиқарди.

Жаҳон капиталистик бозорида 1950—60- йиллар ичида Х. а. нинг (айниқса саноат моллари соҳасида) арзонлашув тенденцияси юз берди. Бунда илмий-техника рев-яси шароитида ишлаб чиқарувчи кучлар тараққиётининг ижобий самараларигина эмас, балки монополиялар



Хольбейн. Георг Гисце портрети (1532, Берлинда).



Хольбейн. Анна Клевс портрети (1539, Луврда).



Хон Н.

снёсатининг салбий оқибатлари ҳам ўз аксини топди. Натижада капитал маблағларнинг ундирувчи саноат тармоғига оқиб ўтиши камайиб, Х. а. га бўлган ижтимоий эҳтиёж б-н уни қондириш ўртасида диспропорция вужудга келди. Буларнинг барчаси баъзи буржуа тадқиқотчилари учун жаҳон экономикасини Х. а. б-н таъминлашнинг перспективалари яхши эмас дейишга баҳона бўлди. Марксчи тадқиқотчилар Х. а. таъминоти ижтимоий-иқтисодий факторларга боғлиқлигини таъкидлаб, ўзлаштириш учун осон табиий ресурсларнинг чеклангандиги (техника ва технологиянинг ҳозирги даражасида) ва уларни рационал ҳамда эҳтиёткорлик б-н ишлатиш лозимлигини қайд қилдилар. Х. а. проблемасининг ана шу томони жаҳон аҳамиятига эга бўлиб, социалистик мамлакатлар буни ҳал этишда актив иштирок этмоқдалар.

ХОМКОН ТУЗ КОНИ — Кўҳитанг тоғининг ғарбий ён бағридаги кон (Қашқадарё обл.). Хомкон ош тузидан маҳаллий аҳоли қадим замонлардан фойдаланиб келган. Туз қатламлари Хомкон букилмаси ўзагида жойлашган бўлиб, юқори юра даврига мансуб. 1962—63 йилларда пармалаш ишлари олиб борилиб, туз қатламлари ер сатҳидан 1,5—2 *м* дан 500—800 *м* гача чуқурликда тўртламчи ва қуйи бўр даврлари ётқизиқлари остида 270 *м* қалинликда учраши аниқланган. Туз қатламлари асосан йирик донали ош тузидан таркиб топган, пастки қисми оқ, кул ранг, юқориси эса — сарғиш ва қизғиш. Ош тузи қатламларининг юқори қисмида сильвинит (ялама туз) дан иборат 2—3 та калий тузи қаватлари бор, қалинлиги 1,5—3,5 *м*. Сильвинит таркибида 26% KCl мавжуд.

ХОМТОК — токни парвариш қилиш усулларидан бири; кузги ва баҳорги ток кесишнинг давоми. Х. қилинган ток ҳаво, ёруғлик ва қуёш нуридан тўла фойдаланади, касалликка кам чалинади; новда ва мевалари яхши ривожланади, пишиб етилади, ҳосил кўпаяди.

Ток, асосан, икки марта Х. қилинади. Биринчи Х. ток шўра чиқариб, ҳосилли ва ҳосилсиз новдалар фарқлана бошлагандан гуллагунга қадар («шўра хомток»), иккинчи Х. ток гуллаб, ғўралар мошдек бўлганда («Ғўра хомток») қилинади. Шўра хомток вақтида эндигина гулга кираётган ҳосилли новдаларнинг учини чилпиш ҳосилдорликни ва ҳосил сифатини оширади (новдалар вақтинчалик ўсишдан тўхтаб, озиқ моддалар шўра ва гулларнинг ривожланишига сарф бўлади). Иккинчи Х. вақтида биринчи Х. дан қолган ҳосилсиз, ортиқча, зич ва тескари ўсган, кераксиз бачки новдалар олиб ташланади. Натижада узум бошларининг атрофи очилиб, ток ҳаво, ёруғлик ва қуёш нуридан баҳра олади, замбуруғ касалликлари ривожланишининг олди олинади.

Х. ни қандай қилиш ток нави, агротехника тадбирлари, об-ҳаво ва ер шароитларига боғлиқ. Кучли ўсувчи ток Х. қилинганда ортиқча новдалар олиниб, сийраклаштирилади. Ток ўртача ўсиб ҳосил яхши бўлса, новдалари тараб боғлаб қўйилади. Суст ўсган токнинг барг ва новдалари оз бўлиб, ҳосили офтобдан зарарланиши мумкин. Бундай ҳолларда ток Х. қилинмай, ҳар бир ток тупи 1—1,5 *кг* минерал ўғитлар аралашмаси б-н озиқлантирилади.

Х. вақтида калта бўғимли ҳосилсиз йўғон новдаларнинг айримлари, кундадан чиққан новдаларнинг 2—3 таси зангни алмаштириш мақсадида қолдирилади. Х. да баргларни кўплаб ва пала-партиш олиб ташлаш ярамайди. Чунки, барг сийраклашса, ҳосилли новдаларга озиқ моддаларнинг келиши сусаяди, пала-партиш олинган барг қўлтиғидаги куртак зарарланади.

Ад.: Рибаков А. А., Остроухова С. А. ва б., Ўзбекистон узумчилиги, Т., 1969; Турсунов Т. Т., Темуров Ш., Шўр ерларда ток ўстириш, Т., 1972



Хомут.

ХОМУТ — от абзали. От (баъзан эшак)ни *аравага* (қўшга, жувозга) қўшганда унинг бўйнига *бўйинча* устидан кийдирилади (Х. нинг ўзи ҳам баъзан бўйинча деб аталади). Икки тарафидан аравaнинг икки шотисига маҳкамланади, аравани тортишда асосий куч Х. га тушади. Х. ёғочдан тайёрланади. Узунлиги 60—70 *см* ча келадиган икки бўлакдан иборат бўлади. Бўлаклар устки томонидан занжир ҳалқа б-н бир-бирига бириктирилади. Ҳар иккала бўлакнинг ўрта қисмига чармдан илмоқ қилинади; арава шотиси шу илмоқлардан ўтказилиб жипслаб боғланади. Х. баъзи ҳолларда нақшлар б-н безатилади, ёғоч бўлаклари устидан чарм ҳам қопланади.

ХОН (туркча қоон, хоқон — ҳукмдор) — турк халқлар ва мўғул ҳукмдорларининг унвони. Дастлаб қабила бошлиғи, кейинчалик олий ҳукмдорни англатган. Салжуқийлар ва Хоразмшоҳлар даврида вилоят ёки шаҳар ҳокими, мўғул феодал империясида улус бошлиғи Х. (империя ҳукмдори қоон) деб аталган. Мўғул феодал империяси инқирозидан сўнг ташкил топган давлатларда олий ҳукмдор Х., подшоҳлик қилмаган чингизийлар эса султон деб юритилган. Х. унвони Усмонли турк империясида султонларга, Эронда (Сафавийлар даврида) вилоят бошлиқлари — амирларга берилган. Айни вақтда Х. Эрон ва Афғонистоннинг турли кўчманчи ва ярим кўчманчи халқлари ўртасида қабила ёки уруғ бошлиғининг унвони сифатида кенг тарқалган. Қўқон хонлиги (1805—76), Бухоро хонлиги (1500—1753) ва Хива хонлиги (1512—1920) ҳукмдорлари ҳам ўзларини Х. деб атаган. Қозарлар давлатида (19- асрда) турли даражадаги ҳарбий ва граждан амалдори, Ҳиндистондаги мусулмон давлатларида турли мартабадаги амалдорлар ҳам Х. деб юритилган.

ХОН Николай (1923, Приморье ўлкаси Сучан ш.) — лубкор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони (1951). 1951 йилдан КПСС аъзоси. Тошкент обл. ҳозирги Коммунистик р-нидаги «Правда» к-зида колхозчи, звено бошлиғи (1942—55), бригадир (1956—70), 1971 йилдан участка бошлиғи. Х. бошлиқ бригадада 13,8 *га* ернинг гектаридан 117,8 *ц* каноп пояси етиштирилган (1950). 3 марта Ленин ордени ва медаль б-н мукофотланган.

ХОНА (арифметикада) — сонларнинг ёзма ифодасида рақамларнинг эгаллаган ўрни. Ўнли ёзувда (системада) 1- хона рақамлари бирликларни, 2- хона ўнликларни, 3- хона юзликларни билдиради ва ҳ. к.

ХОНА (мусиқада) — ўзбек ва тожик халқлари музикасида куй ва ашулаларининг муайян тугалланган бўлаги. «Х.» атамаси, асосан, оғзаки анъанадаги профессионал музика асарларида, хусусан мақомларнинг чолғу бўлимларида қўлланилади. Х. лар куйнинг ўзгармайдиган ва ҳар бир Х. дан кейин такрорланадиган *бозгўй* (рефрен) қисмига бевосита уланиб кетади. Х. лар воситаси б-н куй шаклан кенгаяди ва мазмунан бойийди. «Х.» атамаси ашула йўлларида *хат* тушунчасини ҳам англатади.

ХОНАЗАРОВ Қўчқор Хоназарович (1922. 27. 1, Тошкент) — фалсафа фанлари д-ри (1963), проф. (1967). 1943 йилдан КПСС аъзоси. Улуғ Ватан уруши қатнашчиси (1942—44). Москва Халқаро муносабатлар ин-тини битирган (1950), МГУ философия ф-тининг аспиранти (1950—53). КПСС МК ҳузуридаги Марксизм-ленинизм ин-ти (1953—59; 1971 йилдан), ЎзССР ФА Философия ва ҳуқуқ ин-ти (1959—63) да катта илмий ходим. ЎзССР ФА философия кафедраси мудири (1964). ЎзССР ФА А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт ин-ти директори (1964—71). «СССРда миллатларнинг яқинлашуви ва миллий тиллар» мавзуида д-рлик диссертациясини ёқлаган. Х. нинг илмий тадқиқотлари СССРда миллатлар, миллий муносабатлар ва асосан миллий тилларнинг ривожланиши, совет халқининг ташкил топиши ва мустаҳкамланиши, миллатлараро тилининг тарихан зарурийлиги ва прогрессивлиги масалаларига бағишланган. Ўзбек Совет Энциклопедияси Бош таҳрир ҳайъати аъзоси.

Ас.: Сближение наций и национальные языки в СССР, Т., 1963; Коммунизм қурилиши ва миллий тиллар, Т., 1965; Ленинизм и национальный вопрос в современных условиях, 2 изд., М., 1974 (П. Н. Федосеев, М. И. Куличенко ва б. б-н биргаликда); Решение национально-языковой проблемы в СССР М., 1977.

ХОНАКА — Самарқанд обл. Хатирчи р-ни Ленин қ. С. даги қишлоқ. «Москва» к-зи территориясида. Р-н марказидан 11 *км*, яқин т. й. станцияси — Зирабулоқ (25 *км*). Аҳолиси 552 киши (1976); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик, сабзавотчилик б-н шуғулланади. Оқдарёдан сув ичади. Ремонт устахонаси, машина-трактор парки, саккиз йиллик мактаб бор.

ХОНАКИ — Самарқанд обл. Иштихон р-ни Митан қ. С. даги қишлоқ. «Иттифоқ» к-зи территориясида. Р-н марказидан 10 *км*, яқин т. й. станцияси — Каттақўрғон (26 *км*). Аҳолиси 567 киши (1976); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик, сабзавотчилик б-н шуғулланади. Қорасув ариғи орқали Оқдарёдан сув ичади. Ремонт устахонаси, ферма, саккиз йиллик мактаб бор.

ХОНАКИ САНОАТ — деҳқон хўжалигида етиштириладиган хом ашёдан шу хўжалик шахсий истеъмолига мўлжалланган тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш. Х. с. ибтидоий жамоа тузуми даврида деҳқончилик ва чорвачиликнинг шаклланиши б-н вужудга келган. Х. с. турларининг ривожланиши маҳаллий шароит ва мавжуд хом ашёга боғлиқ бўлган. Терини ишлаш ва кўн тайёрлаш, ёғоч ва дарахт пўстлоғини ишлаш, кигиз тайёрлаш Х. с. нинг дастлабки кўринишларидир. Ибтидоий жамоа даврида поя, қил, тола ва б. дан турли ашёлар — арқон, сават, тўр ҳамда турли хил идишлар тўқиш тўқимачилик саноати ривожланишига замин тайёрлади. Кулолчилик катта хўжалик аҳамиятига эга бўлиб, у тасвирий санъатнинг ривожланишида ҳам муҳим роль ўйнади.

Х. с. капитализмгача бўлган даврнинг, айниқса феодализм ишлаб чиқариш усулининг таркибий қисми бўлиб, деҳқон уй ҳунарманд чилигининг патриархал (натурал) деҳқончилик б-н қўшилиши ўрта аср хўжалик режими учун хосдир. Саноат ҳали ишлаб чиқаришнинг мустақил формаси бўлмаган шароитда ҳунарманд ишлаб чиқарувчининг ўзи томонидан истеъмол қилинар эди. Х. с. маҳсулотлари деҳқон хўжалигидан ташқари ер эгасига фақат натурал оброк сифатида тегар эди. Ривожланган феодализм даврида Х. с. секин-аста ҳунарга айланди. Капиталистик тузум натурал хўжалик б-н биргаликда Х. с. га ҳам барҳам берди, аммо



Хоназаров К. Х.

майда деҳқончилик бор жойда Х. с. қолдиқлари доимо сақланиб қолган. Россияда 19- аср охири — 20- аср бошларида йирик саноат ва савдо марказларидан узоқ жойларда Х. с. учраб турган. Улуғ Октябрь рев-ясидан кейинги дастлабки йилларда Х. с. патриархал деҳқон хўжалигига кирган, қишлоқларни социалистик қайта қуриш жараёнида йўқолди. Х. с. ЎзССР да 30- йилларнинг ўрталарида барҳам топди. Ҳозирги шароитда Х. с. қолоқ ва ривожланаётган мамлакатларда — Африканинг баъзи р-нларида, Шри Ланка, Ҳиндистон, Латин Америкаси ва б. да сақланган.

Ад.: Маркс К., Капитал, 1- т., Т., 1955; Ленин В. И., Россияда капитализмнинг тараққийси, Тўла асарлар тўплами, 3- т.

ХОНАНДА ОВОЗИ — одамнинг аниқ баландлик ва узоқ садоланишга эга товуши (қ. *Хонандалик*). Унли ҳарфлар куйланганда ўз хусусиятини намоён этади. Хонанда болалар овози, одатда, 13 ёшида етилиб, тўлиқ товуш ҳажми ($1^1/_2$ октава) га эришади. Болалар хорида, айниқса, ашулачи ўғил болалар овозидан кенг фойдаланилади. Хонанда ўғил болалар овози расталик давридан кейин регистри анча пасайиб йўғонлашади ва ширадорлиги (тембри), жарангдорлиги, диапазони ўзгаради. Баъзан хонандалик хусусиятини йўқотиши ҳам мумкин. Шунинг учун Италияда 17—18- асрларда энг яхши Х. о. га эга ўғил болалар баъзан бичилган.

Одатда, машқ қилдирилмаган овоз ва профессионал овоз бўлади. Х. о. ни машқ қилдиришда овоз чиқариш аъзоларининг табиий хусусиятларига боғлиқ бўлган жарангдорлик, ширалилик, узоқ садоланиш каби сифатлар ривожланиши ҳамда товуш диапазони кенгайиши мумкин. Ҳар бир Х. о. табиий хусусиятларига қараб, опера-концерт, эстрада ёки халқ қўшиқлари ижрочилигига мувофиқлаштирилиб, профессионал тарбияланиши мумкин.

Х. о. садосининг равон, гулдираб ёки, аксинча, сиқилиб чиқиши ашулачилик усулларига ҳам боғлиқ. Европа профессионал ашулачилигида товушни кўкракдан, танглайдан чиқариш каби услублар қўлланилади. Ўзбек ва тожик ашулачилигида бинниги (димоғдан чиқариладиган овоз), гулиги (томоқдан чиқариладиган овоз), ишкамий (кўкрак-қорин диафрагмаси воситасида ҳосил қилинадиган овоз) усуллари мавжуд. Х. о. нинг муҳим хусусиятларидан бири унинг кучли янграшидир. Бундай хусусиятга эга овоз, айниқса, опера ижрочилигида талаб қилинади.

Овоз баланд-пастлигига кўра табиатан бир нечта даража — регистрга ажратилади. Турли регистрдаги товушлар ҳар хил тембр ва янгроқликка эга. Мас., эркаклар овозининг пастки диапазони (кўкрак регистри) ширали ва кучли янграйди, баланд товушлар регистри эса жарангли ва қуруқроқ садоланади. Аёллар овози эса пастки товушлар (кўкрак регистри), марказий (ўрта баландликдаги) ва баланд товушлар регистрларига бўлинади. Аёлларнинг баланд товушлар регистрида овоз равон, жарангли садо таратади. Профессионал Х о. 2 октавадаги товушлар диапазонига эга бўлиши ва текис, равон янграши керак.

Х. о. ширадорлиги ва йўғон-ингичкалигига қараб 6 турга бўлинади. Энг баланд аёллар овози — сопрано, ўртачаси — меццо-сопрано, энг пасти — контральто. Эркаклар овози ичида энг баланди — тенор, ўртачаси — баритон

ва пасти — бас. Улар (бас овозидан бошқаси) янгроқлиги жиҳатидан яна лирик, драматик-лирик ва драматик турларга бўлинади.

Х. о. садоси, кўпинча, сўз талаффуз этиш б-н боғлиқ. Ашула ижросида бадиий текстни тингловчиларга равшан қилиб етказишда хусусан унли товушларни аниқ айтиш ва Х. о. ни нутқ интонацияси элементлари б-н боғлай олиш муҳим аҳамиятга эга.

Ад.: Багадуров В. А., Очерки по истории вокальной методологии, ч. 1—3, М., 1929—37 (ч. 3— Очерки по истории вокальной педагогики, 2 изд., М., 1956); Развитие детского голоса, М., 1963; Морозов В., Тайны вокальной речи, Л., 1967; Чазаренко И., Искусство пения, 3 изд., М., 1968; Дмитриев Л., Основы вокальной методики, М., 1968.

ХОНАНДАЛИК, ашулачилик (вокал) санъати — ашула ва қўшиқларни ижро этиш касби; музика асарининг гоявий образли мазмунини хонанда овози воситасида куйлаб ифодалаш санъати. Куйлашга мўлжалланган асарлар сўзсиз ҳам бўлиши мумкин (қ. *Вокализ*). Х. турлари: яккахонлик, ансамбль (икки овозли — дуэт, уч овозли — трио, тўрт овозли — квартет ва ҳ. к.) ҳамда хор (созлар жўрлигидаги ва жўрсиз — а капелла) ижрочилиги. Х. жанри ва услубига кўра ҳам ажратилади. Х. жанрлари: музикали драма ва опера хонандалиги драматик ривож, театр томошаси б-н боғлиқ ва, одатда, вокал санъатининг барча турлари (яккахон, ансамбль, хор ижрочилиги) ни ўз ичига олади; камер Х., асосан, яккахон ашулачиларга мўлжалланган романс ва лирик қўшиқ ижрочилиги, ашулачилар ансамбли (жўрсиз ёки бир қанча созлар жўрлигидаги) ижрочилигидан иборат. Х. йўл (вокал услуб) лари: куйчан услуб, унда кенг, равон оҳангдорлик — кантилена асосий ўрин эгаллайди; декламация услуби — нутқ интонациясига яқин (музика декламацияси, речитатив); колоратурали услуб, унда Х. нинг текст б-н алоқаси бир оз йўқолади ва Х. ўз характерига кўра куйнинг создаги ижросига яқин бўлади (қ. *Колоратура*).

ХОНАҚОҲ (форс-тож. خانقاه) — шайх ва дарвишлар зикру само қиладиган хона, масжид. Ислом дини тарқалиши б-н юзага келган. Дарвишлар, зиёратчилар учун тунаш жойи сифатида масжид, мақбараларнинг бир қисми тарзида қурилган. Дарвишлар уюшмаларининг маркази сифатида қурилган йирик Х. ларнинг катта зал (жамоатхона) лари, уларнинг атрофларида зиёратчилар учун ҳужралар бўлган (мас., Бухородаги Хўжа Зайниддин, Чорбакр, Файзобод, Қосим Шайх Х. лари). Кейинчалик маҳалла, қишлоқ масжидларининг намоз ўқиладиган хонаси ҳам Х. деб аталган.

ХОНБАНДИ — ҳозирги Жиззах обл., Фориш р-ни марказидан 12—15 *км* шимолда Пасттоғ дараси ичига қурилган сув омбори (10-аср). Х. Нурота тоғидан оқиб чиқадиган *Осмонсой* ва *Илончисой*нинг сел сувларини жамғариб, ёзда экинларни суғориш учун барпо этилган. Х. тўғони гранит тошлар ва сувга чидамли махсус қоришмалардан ишланган. Тўғоннинг узунлиги устки қисмида 51,57 *м*, асосида 24,35 *м*, баландлиги 15,25 *м*. Х. нинг узунлиги 1,5 *км*, эни тўғон олдида 52 *м*, дара оғзида 200 *м* га ва сув сиғими эса 1 млн. 600 минг $м^3$ га тенг бўлган. Х. туфайли Қизилқумнинг Мирзачўл б-н туташган чегарасида тахм. 1,5 минг *га* ер майдони ўзлаштирилиб, сув омборидан 6 *км* шимолда мустаҳкам работ қад кўтарган, унинг харобалари Қалтепа деб юритилади. Қалтепада олиб борилган археологик текширишлар бу кичик воҳанинг 10-асрида обод этилиб, 12-аср охирларигача ҳаёт давом этганини аниқлаб берди.

Сувни чиқариш учун Х. иншоотининг ғарбий чеккасида 9 та қувур ўрнатилган. Улар оқиб чиқадиган сувнинг динамик таъсирига қарши конуссимон қилиб ишланган.

Х. тўғонининг математик ўлчовларига қараганда, уни бино қилган 10-аср ирригаторлари мазкур иншоотни қуришда тўғон олдига тўпланадиган 16 *м* чуқурликдаги сувнинг вертикал босим кучини ҳамда иншоотни ағдарувчи горизонтал кучи аниқ инженерлик ҳисоби асосида белгилаб чиққанлар. Шунинг учун ҳам Х. тўғонининг асоси юқори қисмига нисбатан тўрт баравар қалин қилиб ишланган (қалинлиги остида 8 *м*, юқорисида 2 *м* га тенг). Тўғон махсус лойиҳа асосида бино қилинган.

Ад.: Гулямов Я. Г., К изучению древних водных сооружений в Узбекистане, «Известия АН УзССР», 1955, № 2; Хусанхўжаев З. Х., Гидротехника иншоотлари, [Дарслик], Т., 1968; Муҳаммаджонов А. Р., Қадимги сув иншоотлари тарихидан, Т., 1968.

ХОНГУЛ, бухоро буғуси (Cervus elaphus dactrianus) — буғулар оиласига мансуб жуфт туёқли ҳайвон. Таноси 78—86 *см*, бўйи (ялринидан) 56—60 *см*, оғирлиги 75—100 *кг*. Тўқ кул ранг, елкасида қорамтир йўллари бор. Шохлари бутоқли. Х. Амударё, Сирдарё ва Орол денгизи соҳилларидаги қамишзор ва тўқайларда яшайди. Сувда яхши сузади. Усимликлар б-н овқатланади. Урчиш даврида урғочи ва эркаклари бирга пода бўлиб юради. Апрель-майда болалайди. Х. сони камаяётганлиги сабабли, муҳофазага олинган.

ХОНГХА (Хитойда — Лишэхэ, Юаньцзян, Вьетнамда — Сонгкой), Қизил дарё — Вьетнам ва Хитойдаги дарё. Узунлиги 1183 *км*, ҳавзасининг майдони 158 минг $км^2$. Юньнань тоғлигидан бошланади; Жанубий Хитой денгизининг Бакбо қўлтиғига майдони 15 минг $км^2$ дельта ҳосил қилиб қуйилади. Ёмғирдан тўйинади, ёзги муссонлар даврида тошади. Ўртача сув сарфи 3800 $м^3/сек$, энг кўпи 35000 $м^3/сек$. Тошқинлар пайтида сув сатҳи 10—12 *м*. Дельтасида Х. ва унинг тармоқлари тошқиндан дамбалар б-н тўсилган. Сувидан суғоришда кенг фойдаланилади. Ёзда денгиз кемалари Ханой ш. гача (қуйилиш жойидан 175 *км*) бора олади. Х. сувида жуда кўп қизил рангдаги оқизиқлар келади (дарё номи ҳам шундан). Х. бўйида Хэкоу (Хитой), Лаокай Йенбай, Ханой (Вьетнам) ва б. шаҳарлар, дельта қисмида Ханой денгиз порти мавжуд.

ХОНДАЙЛИҚ — Тошкент обл. Бўстонлиқ р-ни Хондайлиқ қ. С. даги қишлоқ. Калинин номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 8 *км*, яқин т. й. станцияси — Барраж (13 *км*). Аҳолиси 3046 киши (1977); сабзавотчилик, ғаллачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Чирчиқ дарёсига қуйиладиган сойлардан сув ичади. Қ. С. ва к-з правлениеси идоралари, пионер лагери, кутубхона, мактаб бор.

ХОНДАМИР Ғиёсуддин ибн Ҳумомуддин ал-Ҳусайний (1475, Ҳирот—1535, Агра) — тарихчи, *Мирхонд*нинг набираси ва шогирди. А. Навоий ҳомийлигида бўлган. Темурийлар инқирозидан сўнг Х. бир неча йил шоҳ *Исмоил I* ҳузурида, 1528 йилдан эса *Бобир* саройида хизмат қилган. Умрининг сўнгги йилларида Бобирнинг ўғли Ҳумоюн б-н биргаликда ҳарбий юришларда иштирок этган. Унинг 3 жилдли энг йирик асари «Ҳабиб ус-сияр» бўлиб, у Эроп ва унга қўшни мамлакатларнинг 15-аср охири—16-аср бошлари (1524 йилга қадар) даги тарихига доир муҳим манбадир. Х. «Дастур ул-вузаро», «Ҳумоюннома» ёки «Қонуни Ҳумоюн» ва б. бир қанча асарлар ёзган. Мирхонднинг *«Равзат ус-сафо»* асарининг 7-жилдини ниҳоясига етказган.

Ад.: Миклухо-Маклай Н. Д., Хондемир и «записки» Бабура, «Тюркологические исследования» китобида, М.—Л., 1963.

ХОНДИЗА ПОЛИМЕТАЛЛ КОНИ — Сурхондарё областидаги кон. Қуйи карбон даврида денгиз тубидан бир неча юз *м* чуқурликда ҳосил бўлган. Х. п. к. колчедан-полиметалл конларининг субвулканик-метасоматик синфига мансуб. Конининг геологик тузилишида 3 структура қавати ажратилади: қуйи қават (қалинлиги 1000 *м* дан ортиқ) кембрий давригача ҳосил бўлган метаморфик комплекс (гнейслар, кварцитлар, амфиболитлар ва уларни ёриб чиққан гранитоидлар) дан, ўрта қават (қалинлиги 650 *м*) қуйи тошкўмир даври ётқизиқлари ва вулкан жинсларидан, юқори қават (қалинлиги 110 *м*) юра даври ётқизиқлари (конгломератлар, қумтошлар, кўмирли алевролитлар) дан иборат. Конининг ўрта структура қаватидаги тоғ жинслари орасида рудалар жойлашган.

Кондаги интрузив жинслар турли ёшдаги бир неча комплексларга бўлинади. Гнейслар ва сланецлар ичида ётган кембрий даврига мансуб амфиболитлар ва гранитогнейслар энг қадимги интрузив жинслардир. Девон даврида ҳосил бўлган гранитлар (абсолют ёши 360—380 млн. йил) гнейслар ичида дайкалар ва кичик штоклар ҳолида учрайди. Кон майдонининг шарқий қисмида ўрта тошкўмир даврига онд интрузивлар (абсолют ёши 200 млн. йил) бўлиб, улар габбро жинслардан таркиб топган.

Қондаги энг катта руда тўпламлари визе ярусининг пастки ва юқори қисмларида жойлашган. Кон рудалари пирит, сфалерит, галенит, халькопирит, кварц ва б. минераллардан таркиб топган ва бу минералларнинг миқдорига қараб колчедан, колчедан — полиметалл ва полиметалл рудаларга ажратилади. Колчедан рудалар кўпинча йирик донадор шаклда, қумтош ва доломитлар ичида жойлашган. Пирит кристаллари деформацияланган, бурдаланган ва халькопирит б-н цементланган. Колчедан-полиметалл рудалар карбонат-кремнийли тоғ жинсларида ва туфларда учрайди. Полиметалл рудалар асосан галенит, сфалерит, халькопирит минералларидан иборат. Оз миқдорда пирит, кварц, серицит, доломит, хлорид ҳам учрайди. Рудада асосий элементлар: Zn, Pb, Cu дан ташқари Au, Ag, Bi, Cd, Ju, Se, Fe бор. Руда кумушга ҳам бой.

ХОНДРИЛЛА — мураккабгулдошларга мансуб кўп йиллик ўтсимон ўсимлик (қ. *Кумсақич*).

ХОНДРИТ (юнон. choudros — донача сўзидан) — тош метеоритларнинг энг кўп тарқалган тури. Х. барча тош метеоритларнинг қарийб 90% ини ташкил қилади. Х. нинг асосий хоссаси — метеоритнинг майда доначали массасида жойлашган майда шарсимон жисмлар (хондралар) нинг мавжудлиги; унинг яна бир хусусияти — таркибида 13% га яқин никелли темир доначалари бўлишидир.

ХОНЕККЕР Эрих (1912. 25. 8, Саар обл. Нёйкирхен ш.) — немис ва халқаро ишчилар ҳаракати, шунингдек ГДР партия ва давлат арбоби. Ишчи — шахтёр оиласида туғилган. 1926 йил-

дан Германия Коммунистик ёшлар союзи (ГКЁС) нинг, 1929 йилдан Германия Коммунистик партияси (ГКП) нинг аъзоси. 1930—31 йилларда Москвада Коммунистик ёшлар интернационал мактабида ўқиган. Германияга қайтгач, 1931 йилда ГКЁСнинг Саар округ комитети секретарлигига, 1934 йили ГКЁС МҚ аъзолигига сайланган. 1935 йили фашистлар томонидан қамоққа олинган, 1937 йил июнида 10 йиллик қамоқ жазосига ҳукм қилинган. 1945 йил апрелида Совет Армияси томонидан қамоқдан озод этилган. Немис халқи фашизмдан озод этилган (1945 май) дан кейин Х. ГКП МҚ Секретариатининг ёшлар ўртасида ишлаш масаласи бўйича аъзоси, ёшлар Марказий комиссиясининг раҳбари. 1946 йили ГКП МҚ аъзоси, Германия Бирлашган социалистик партияси (ГБСП) ни ташкил этишда актив иштирок этган. 1950—58 йилларда ГБСП МҚ Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, 1958 йилдан аъзоси. 1955—56 йилларда КПСС МҚ ҳузуридаги Олий партия мактабида ўқиган. 1958 йилдан ГБСП МҚ секретари, 1971—76 йилларда биринчи секретари, 1976 йилдан бош секретари. ГДР халқ палатасининг депутати (1949 йилдан). 1971 йилдан Миллий мудофаа кенгашининг раиси. 1976 йилдан ГДР Давлат кенгашининг раиси. Х.— ГДР Меҳнат Қаҳрамони (1972), 2 марта Карл Маркс ордени, шунингдек, Ленин ордени, Октябрь Революцияси ордени б-н мукофотланган.



Хонеккер Э.


ХОНЖИЗА — Сурхондарё обл. Сариосиё р-н Телпакчинор қ. С. даги қишлоқ. «Коммунизм» к-зининг тоғли участкасида. Р-н маркази ва яқин т. й. станцияси — Узун (80 *км*). Аҳолиси 1202 киши (1977); чорвачилик, баҳорикор ғаллачилик б-н шуғулланади. Хонжиза сойидан сув ичади. Урта мактаб, медпункт, кутубхона, клуб, дорихона бор.

ХОНИАРА — Гуадалканал о. даги шаҳар ва порт. Буюк Британия протекторати — Соломон оролларининг маъмурий маркази. Аҳолиси 13,6 минг киши (1971). Х. атрофида кокос пальмалари плантациялари бор. Четга долчин чиқарилади.

ХОНИМ — Сурхондарё обл. Сариосиё р-ни Сариосиё қ. С. даги қишлоқ. Карл Маркс номли к-з терр-ясида. Р-н маркази ва яқин т. й. станцияси — Узун (5 *км*). Аҳолиси 700 киши (1977); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Тўполондарёдан сув ичади.

ХОНИМ КАНАЛИ — Тошкент обл.даги канал. Бўзсув каналидаги 1-Оққовоқ ГЭС нинг юқори тўғонидан бошланади. Узунлиги 60 *км*, сув ўтказиш қобилияти 15 $м^3/сек$, ўртача сув сарфи 10 $м^3/сек$. Суви экин майдонларини суғоришга сарф бўлади.

ХОНИНГЛАШ (ингл. honing — чарҳлаш) — деталларнинг ички ва ташқи цилиндрик юзаларига пардозлаб ишлов бериш. Х. станогининг Х. каллаги (хон)га монтаж қилинган майда доначали абразив асбоб (брусок) б-н бажарилади (расмга қ.). Абразив брусоклар ишлов бериладиган юзага сиқилади, Х. станоги шпинделига маҳкамланган Х. каллаги эса айланма ва илгарилама-қайтма ҳаракат қилади. Шунингдек, тобланган тишли ғилдиракларни Х.да қийшиқ тишли долбяк (кескич) шаклидаги каллак ҳам қўлланилади. Бунда Х. каллаги ишлов бериладиган ғилдирак б-н тишлашиб, бир вақтда айланма ва тебранма ҳаракат қилади. Х. станогининг вертикал, горизонтал ва оғма, бир ва кўп шпинделли, ички ҳамда таш-



Хонинглаш каллаги: *1*— бармоқ; *2* ва *5*— конус; *3*— стержень; *4*— абразив брусок.



Хонкелдиев К.

қи юзаларини хонингловчи, ярим автомат ва автомат хиллари бор. Х. станоги асбобининг асосий (айланма) ҳаракати электр двигатель ёки гидротурбина б-н, суришлар (тўғри чизиқли, илгарилама-қайтма) ҳаракати эса гидропривод б-н амалга оширилади. Х. йўниб кенгайтириш, протяжкалаш, разверткалаш, силиқлаш операцияларидан кейинги охирги операция ҳисобланади. Х. б-н 1-класс аниқликдаги ва 13-класс тозаликдаги юзалар ҳосил қилиш мумкин.

ХОНКЕЛДИЕВ Карим (1912. 9. 5, Андижон—1977. 18. 8, Гулистон, Тошкентда дафн этилган)— ўзбек совет актёри. ЎзССР халқ артисти (1964). 1934—58 йилларда Андижон театрининг актёри. Франц (Ф. Шиллер, «Қароқчилар»), Мавлон (А. Қаҳҳор, «Шоҳи сўзана»), Илҳом (Б. Раҳмонов, «Юрак сирлари»), Завқий (С. Абдулла, «Муқимий»), Холмат (Ҳамза, «Бой ила хизматчи»), Жевакин (Н. Гоголь, «Уйланиш») каби образларни шу театр саҳнасида яратди. 1958 йилдан Х. Тошкент Ёш томошабинлар театрида ишлади. Бу театрда ҳам Х. турли характердаги роллар ижро этиб, томошабинлар эътиборини қозонди. Борман (Н. Исамбет, «Мусо Жалил»), Йўлдош Охунбобоев (М. Бобоев, «Она юртим оқсоқоли»), Ҳожибобо (F. Ғулом, «Шум бола») сингари образлар шулар жумласидан. Х. 1959 йилда Узбекистон телевидениесида «Юлдузча», 1962—77 йилларда «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи» эшиттиришларини олиб борди.

ХОНОБОД — Андижон обл. Москва р-ни Урта Шаҳрихон қ. С.даги қишлоқ. Ленин номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 5 *км*, яқин т. й. станцияси — Шаҳрихон (5 *км*). Аҳолиси 906 киши (1976); пахтачилик, чорвачилик, пилла-чилик, боғдорчилик, токчилик б-н шуғулланади. Жанубий Фарғона каналидан сув ичади. Саккиз йиллик мактаб, болалар боғча ва яслиси бор.

ХОНОБОД — Андижон обл. Қўрғонтепа р-ни Хонобод қ. С.даги қишлоқ. Фрунзе номли с-з терр-ясида, Тошкент—Жалолобод т. й. ва Уш—Фрунзе автомобиль йўли ёнида жойлашган. Т. й. станцияси. Р-н марказидан 35 *км*. Аҳолиси 4052 киши (1976); пахтачилик, торончилик, чорвачилик, пиллачилик, боғдорчилик б-н шуғулланади. Қорадарёдан ва Тўш ариғидан сув ичади.

Торон экстракти з-ди (бўёқ ишлаб чиқаришда иттифоқ аҳамиятига эга), кўн з-ди, атторлик буюмлари ишлаб чиқариш артели, маҳсидўзлик артели, Андижон «Володар» трикотаж ф-касининг филиали, пахта пункти, автобаза, савдо маркази, ўрта мактаб, ресторан, медпункт, дорихона, кинотеатр, клуб, кутубхона, меҳмонхона, болалар боғчаси, алоқа бўлими бор.



К. Хонкелдиев болалар даврасида.

ХОНОБОД — Бухоро обл. Бухоро р-ни Ширғарон қ. С.даги қишлоқ. «Правда» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 4 *км*, яқин т. й. станцияси — Бухоро (4 *км*). Аҳолиси 652 киши (1976); пахтачилик, пиллачилик, полизчилик, боғдорчилик б-н шуғулланади. Чорбакр ариғи орқали Зарафшон дарёсидан сув ичади. Саккиз йиллик мактаб, ремонт устахонаси бор.

ХОНОБОД — илк ўрта асрларга оид шаҳар харобаси. Тошкентдан 10 *км* жанубда, Чирчиқ дарёсининг чап қирғоғида. Илк бор 19-аср охирларидан археология ҳаваскорлари Х.ни қисман ўрганиб, шаҳарнинг схематик планини тузганлар. 1934 йилдан М. Е. *Массон* раҳбарлигидаги Тожик-Помир экспедицияси Х.ни текшириб, унинг ўрта асрда Нужкат деб аталганлигини аниқлади.

Умумий майдони 13,5 *га*. Шаҳарнинг арки шаҳристоннинг ғарбий бурчагида бўлиб, Чирчиққа қараган. Яқин вақтларгача Х.нинг асосий кўчаларининг йўналиши, ҳунармандчилик устахоналари қолдиқлари, ҳовуз ўринлари аниқланган. 1970-йилларда олиб борилган қазиш ишлари натижасида Х.нинг мураккаб *стратиграфияси*, шунингдек турар жой биноларн, арк ва бир неча минорали мустаҳкам девори борлиги маълум бўлди. Х. мўғуллар истилоси натижасида вайрон қилинган, бироқ шаҳарнинг айрим қисмларида ҳаёт 14-асргача давом этган.

Ад.: Массон В. М., Городище Ханабад, «Сборник студенческих работ САГУ», вып. 3, Т., 1951; Баишев И., Массон В. М., Археологические разведки в районе Ташкента, «Труды САГУ», вып. XXI, Т., 1956; Древности Ташкента, Сб., Т., 1976.

ХОНОБОД — Наманган обл. Наманган р-ни Калинин қ. С.даги қишлоқ. Энгельс номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 5 *км*, яқин т. й. станцияси — Наманган (31 *км*). Аҳолиси 5492 киши (1976); пахтачилик, пиллачилик, боғдорчилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Шимолий Фарғона каналидан сув ичади. К-з правлениеси идораси, машина-трактор парки, ферма, алоқа бўлими, касалхона, дорихона, ўрта мактаб, кутубхона, маиший хизмат кўрсатиш пунктлари, болалар боғчаси бор.

ХОНОБОД — Наманган обл. Поп р-ни Чадоқ қ. С.даги қишлоқ. «Москва» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 50 *км*, яқин т. й. станцияси — Поп (54 *км*). Аҳолиси 1264 киши (1976); чорвачилик, шоликорлик б-н шуғулланади. Чодаксой ва Тошариқдан сув ичади. Мактаб, кутубхона, ферма бор.

ХОНОБОД — Тошкент обл. Қалинин р-ни Хонобод қ. С. даги қишлоқ. «21-партсъезд» с-зи терр-ясида. Р-н марказидан 18 *км*, яқин т. й. станцияси — Тошкент (3 *км*). Аҳолиси 1429 киши (1977); сабзавотчилик, чорвачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Чирчиқ дарёсидан сув ичади.

ХОНОБОД — Тошкент обл. Оққўрғон р-ни Куйбишев қ. С. даги қишлоқ. «22-партсъезд» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 6 *км*, яқин т. й. станцияси — Кучлик (10 *км*). Аҳолиси 1218 киши (1977); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Хонариқ ва Оҳангарон дарёсидан сув ичади. Урта мактаб, клуб бор.

ХОНОБОД — Фарғона обл. Бувайда р-ни Бекобод қ. С. даги қишлоқ. «Правда» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 8 *км*, яқин т. й. станцияси — Фурқат (20 *км*). Аҳолиси 937 киши (1976); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик, боғдорчилик, токчилик б-н шуғулланади. Булоқлардан сув ичади.

ХОНОБОД — Фарғона обл. Охунбобоев р-ни Хонобод қ. С. даги қишлоқ. «Ленин йўли» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 4 *км*, яқин т. й. станцияси — Марғилон (26 *км*). Аҳолиси 3014 киши (1976); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Катта Фарғона каналидан сув ичади. Қ. С. идораси, ўрта мактаб, алоқа бўлими, боғча ва ясли, медпункт бор.

ХОНОБОД — Фарғона обл. Қува р-ни Карл Маркс қ. С. даги қишлоқ. Энгельс номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 12,5 *км*, яқин т. й. станцияси — Федченко (12,5 *км*). Аҳолиси 2051 киши (1976); пахтачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Жанубий Фарғона каналидан сув ичади.

ХОНОБОД — Қашқадарё обл. Ғузор р-ни Киров қ. С. даги қишлоқ. Киров номли с-з терр-ясида. Р-н марказидан 55 *км*, яқин т. й. станцияси — Қарши (18 *км*). Аҳолиси 1226 киши (1974); чорвачилик, ғаллачилик б-н шуғулланади.

ХОНОБОДТЕПА—Тошкент обл. Қалинин р-ни Хонобод қ. С. даги қишлоқ. «Қорасув» с-зи терр-ясида. Р-н марказидан 18 *км*, яқин т. й. станцияси — Тошкент (4 *км*). Аҳолиси 1056 киши (1977); сабзавотчилик, чорвачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Чирчиқ дарёсидан сув ичади.

ХОНСЮ (японча—катта вилоят), Хондо — Япония архипелагидаги энг катта орол. Майдони ёндош ороллар б-н бирга 230 минг *км*². Аҳолиси 82,5 млн. киши (1970). Ер юзаси, асосан, тоғли. Энг йирик тоғ тизмалари (Хида, Кисо ва Акаиси) оролнинг марказий қисмида. Вулкан кўп. Фудзияма вулкани (баландлиги 3776 *м*) Япониядаги энг баланд чўққидир. Х.да тез-тез кучли зилзила бўлиб туради. Олтингугурт, темир, мис, қўрғошин-рух, нефть, газ конлари бор. Денгиз соҳиллари текислик. Иқлими муссонли, сернам океан иқлими; шимолида мўътадил, жанубида субтропик иқлим. Январнинг ўртача т-раси —2° дан 5° гача, июлники 20—25°. Йиллик ёғин 1000—3000 *мм*. Кузда тропик бўронлар-тайфунлар бўлади. Дарёлари (Синано, Тоне, Кисо) қисқа, серостона тоғ дарёларидир; гидроэнергия запасига бой. Энг йирик кўли — Бива. Тоғлар қалин ўрмон б-н қопланган. Х.— Японияннинг иқтисодий жиҳатдан энг ривожланган қисми. Текисликларда аҳоли зич, деҳқончилик ривожланган. Орол т. й: пароми ва сув ости туннеллари орқали қўшни ороллар б-н боғланган. Энг йирик шаҳарлари: Токио, Осака, Нагоя, Киото, Йокохама, Кобе.

ХОНТАНГРИ — Марказий Тяньшань тоғларидаги чўққи, КирғССР терр-ясининг энг шарқий чеккасида, баландлиги 6995 *м*. Пирамида шаклида. Мармар ва мармарлашган оҳактошдан таркиб топган. Чўққини 1857 йилда П. П. Семёнов-Тянь-Шанский Х. деб атаган; унгача қирғизча Қантоо, яъни Хонтоғ деб аталар эди. Илк ўрта асрдан маълум бўлган ҳақиқий Хонтангри чўққиси жанубироқда, Қақшал тизмасида бўлиб, ҳозир Ғалаба чўққиси деб аталади (7439 *м*). Х.га М. Т. Погребецкий 1931 йил 11 сентябрда биринчи марта чиққан. Ҳозиргача чўққига ҳаммаси бўлиб 192 совет альпинисти кўтарилган (1975).

Ад.: Рацек В., Пять высочайших вершин СССР, Т., 1975.

ХОНТАХТА — рўзғор буюми. Тўртбурчак ёки доира шаклида калта оёқли қилиб, столга ўхшатиб ишланади. Ёғочдан (баъзан, уст қисмига юпқа пластмасса қоплаб) ясалади. Х.дан, асосан, овқатланиш учун фойдаланилади. Унинг халқ усталари ўйиб, нақш ишлаб, бадиий буюмга айлантирган хиллари ҳам бор.

ХОНТУШДИ — Қашқадарё обл. Қамаши р-ни Қамаши қ. С.даги қишлоқ. Карл Маркс номли с-з терр-ясида. Р-н марказидан 12 *км*, яқин т. й. станцияси — Қамаши (12 *км*). Аҳолиси 601 киши (1974); ғаллачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Қудуқлардан сув ичади. Ўрта мактаб, медпункт, алоқа бўлими, кутубхона бор.

ХОНЧОРВОҚ — Самарқанд обл. Пастдарғом р-ни Узбекистон қ. С.даги қишлоқ. «Узбекистон 40 йиллиги» с-зи терр-ясида. Р-н марказидан 22 *км*, яқин т. й. станцияси — Жума (22 *км*). Аҳолиси 869 киши (1976); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик, ғаллачилик, сабзавотчилик б-н шуғулланади. Эски Ангор канали орқали Зарафшон дарёсидан сув ичади. С-з дирекцияси, ремонт устахонаси, омбор, клуб, кутубхона, болалар боғчаси, ферма бор.

ХОНҚА — Хоразм обл. Хонқа р-ни Хонқа қ. С.даги қишлоқ; р-н маркази. Ал-Хоразмий номли с-з терр-ясида. Урганчдан 12 *км*. Катта-Узбек трактининг давоми Урганч — Хонқа — Ҳазорасп автомобиль йўли устида. Т. й. станцияси. Аҳолиси 6909 киши (1976); пахтачилик, пиллачилик, боғдорчилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Муллаён ариғи ва Шовот каналидан сув ичади. Р-н ташкилотлари идоралари, қ. С. идораси, пахта з-ди, кўрлар жамияти, тўқиш, кулолчилик цехлари, ремонт устахонаси, дон қабул қилиш пункти, автобаза, р-н касалхонаси, савдо базаси, савдо маркази, клуб, медпункт, дорихона, маиший хизмат кўрсатиш пунктлари, р-н марказий бозори, кинотеатр, стадион, 3 мактаб, 2 болалар боғчаси, меҳмонхона, ресторан, алоқа бўлими бор.


ХОНҚА РАЙОНИ — Хоразм областидаги р-н. 1926 йил 29 сентябрда ташкил этилган. 1962 йил 24 декабрда Янгиариқ р-нига қўшилган эди. 1973 йил 26 декабрда қайтадан тузилди. Урганч, Хива, Янгиариқ, Боғот ва ҚҚАССР нинг Тўрткўл р-нлари б-н чегарадош. Майдони 0,43 минг *км*². Аҳолиси 64 минг киши (1977). Р-нда 9 қ. С. (Ленин, Мадир, Навоий, Навхос, Намуна, Сарипоён, Томадурғадиқ, Хонқа, Хоразм) бор. Маркази — Хонқа қишлоғи.

Табиати. Р-н терр-яси Амударёнинг чап соҳилидаги пасттекисликда жойлашган. Денгиз сатҳидан баландлиги 100 *м*. Бу жойлар Аму-






Хонтангри чўққиси.



Контахта (К. Ҳайдаров, Кўқон, 1957).



Хонқа райони. 1. Советлар уйи. 2. Охунбобоев номли колхознинг маданият саройи.

дарёнинг қадимги дельтаси бўлиб, ҳозир ҳам ўзанини ўзгартириб турадиган жуда кўп дарё тармоқлари мавжуд. Иқлими кескин континентал. Қишда совуқ. Арктика ҳавоси келиб, т-ра кескин пасайиб кетади. Йиллик ўртача т-ра 11°, январнинг ўртача т-раси 5,1°, июлники 27,3°. Максимал т-ра 43°, минимали —32°. Вегетация даври 201 кун. Ёғингарчилик кам. Йиллик ўртача ёғин 80—100 *мм*. Тупроқлари дарё оқизиб келтирган қум ва гилдан пайдо бўлган унумдор аллювиал, чўл қум ўтлоқи, ўтлоқи-ботқоқ тупроқлардир. Ёввойи ўсимликлардан чий, қамиш, қўға, қўйтикан, рўвак, бугдойиқ, ажриқ, қорабароқ, оқбош, қараған, юлғун, туранғил, терак, жийда, тол ва б. ўсади.

Ёввойи ҳайвонлардан асосан кемирувчилар: тошбақа, калтакесаклар; қушлар — бир неча хил ўрдак, кул ранг ғоз, қўтан, бирқозон, инуя, мўйловли читтак, деҳқончумчуқ, оқ қанотли қизилиштон, сассиқпопишаклар, зарғалдоқ ва б. кўп. Дарёларида ҳар хил балиқлар яшайди.

Аҳолиси, асосан, ўзбеклар; шунингдек, руслар, қорақалпоқлар, туркманлар, татарлар ва б. ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 *км*² га 153 киши.

Хўжалиги. Р-н экономикаси асосан қ. х. ишлаб чиқаришига ихтисослашган. Р-нда 8 к-з ва 1 с-з бор (1977). Умумий экин майдонининг 17727 *га* суғорилади ва ҳайдалади, 734 *га* ер боғ, токзор ва тутзор, 10350 *га* ерга пахта, 3,6 *га* ерга шоли, 55900 *га* ерга картошка, сабзавот ва полиз экинлари, 2,7 минг *га* ерга емхашак экинлари экилади (1976). Р-н хўжаликларида 8900 қорамол (шундан 2216 сигир), 14860 парранда, 320 чўчқа, 40000 қуён ва б. бор (1977). Давлатга 44673 *т* пахта, 19 минг *т* шоли, 4500 *т* сабзавот ва полиз маҳсулотлари, 375 *т* гўшт (тирик вазнда), 2735 *т* сут, 764 минг тухум (1977), 179 *т* пилла сотилди (1978).



Хонқа райони. «Хоразм» колхозининг пахта териш машиналари.

Р-ндаги 32 умумий таълим мактабида 17996 бола ўқимоқда (1977—78). 42 кутубхона, 22 клуб, 10 маданият уйи, 26 киноустановка ишлаб турибди. Р-н «Шонли меҳнат» газетаси 1974 йилдан бери чиқиб турибди (тиражи 5150 нусха). 425 ўринли 3 касалхона, 1 туғруқхона, 3 поликлиника, 27 медпунктларда 75 врач ва 329 ўрта медицина ходими ишлаб турибди. Т. й. узунлиги 150 *км*. Р-н терр-яси орқали Москва—Қўнғирот, Москва—Душанба, Москва—Тошкент, Москва—Ашхобод, Москва—Самарқанд поездлари ўтади. Обл. маркази б-н р-н маркази ўртасида маршрут автобуслари қатнайди.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари Н. В. Ким, Т. Раҳимов, Д. Раҳимова, Қ. Давлатовлар шу р-ликдир.

ХОНҚИЗ — Фарғона обл. Олтиариқ р-ни Қўрғонтепа қ. С.даги қишлоқ. Ленин номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 32 *км*, яқин т. й. станцияси — Олтиариқ (13 *км*). Аҳолиси 4712 киши (1976); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик, боғдорчилик б-н шуғулланади. Шоҳимардонсойдан сув ичади. Ўрта мактаб, касалхона, дорихона, алоқа бўлими, маиший хизмат кўрсатиш пункти, пахта қабул қилиш пункти, ремонт устахонаси, болалар боғчаси, клуб, кинотеатр, кутубхона бор.

ХОНҚИЗ — Фарғона обл. Фарғона р-ни Қўрғонтепа қ. С.даги қишлоқ. Ильич номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 32 *км* яқин т. й. станцияси — Фарғона (49 *км*). Аҳолиси 4851 киши (1976); пахтачилик, чорвачилик, пиллачилик, шоликорлик б-н шуғулланади. Олтинсой ариғидан сув ичади. Қ. С. идораси, ўрта мактаб, клуб, кутубхона, болалар боғчаси, медпункт, алоқа бўлими бор.

ХОНҚИЗ НЕФТЬ-ГАЗ КОНИ — Фарғона ш.нинг жануби-ғарбидаги кон. 1954—55 йилларда электроразведка ва сейсмик тадқиқотлар натижасида кон жойлашган антиклинал бурма аниқланган. Кон 1957 йили очилган. Кон терраси юзасида тўртламчи давр жинслари ётади. Чуқур бурғилаш воситасида неоген, палеоген, бўр, юра даврларига мансуб жинслар аниқланган. Юра жинслари кул ранг қумтош, алевролит ва гилтошдан таркиб топган, қалинлиги 340 *м*. Юра ётқизиқларини бўр даври жинслари (конгломерат, қумтош, гилтош, оҳактош, доломит, алевролит, мергель; қалинлиги 920 *м*) қоплаган. Палеоген ётқизиқлари гипс, оҳактош, қумтош ҳамда гилтошлардан иборат, қалинлиги 450 *м*. Палеоген жинслари кайнозой моласслари б-н қопланган, қалинлиги 1300 *м*.

Хонқиз бурмаси брахиантиклиналь структурасидан иборат бўлиб, деярли ғарбдан шарққа қараб йўналган. Палеоген қатламлари бўйича бурманинг узунлиги 4 *км*, эни 2,5 *км*; шимолий қаноти 5—7°, жанубий қаноти эса 8—10° бўкилган. Жанубий қанотини бурманинг узунаси бўйлаб тектоник бузилиш (взброс) кесиб ўтган. Палеоген ётқизиқларининг VIII, VII, II горизонтларида нефть, бўр ва юра жинсларида газ топилган.

ХОНҚИЗИ, тугмача қўнғизлар (Coccinellidae) — қўнғизларнинг бир оиласи. 2000 тури маълум, шундан 80 га яқин тури СССР Европа қисмида учрайди. Ўрта Осиёда еттинуқтали Х., нуқтали Х., полиз Х. ва б. яшайди. Думалоқ ёки тухумсимон танаси 4—7 *мм*. Қизил, сариқ, оқ ва қора аралаш чипор тусда. Безовта қилинса, ўзидан қўланса ҳидли ўювчи

гемолимфа ажратади. Натижада кўпчилик ҳашаротхўр умуртқалилар уни емайди. Йиртқич Х. шира (ўсимлик бити) ва б. қ. х. зараркунандаларини еб фойда келтирса, ўсимликхўрлари (мас., полиз Х., картошка Х.) қисман зарар келтиради. Х. ер юзининг ҳамма қисмида тарқалган. Улардан биологик (мас., Ўрта Осиёда ўргимчакканага) қарши курашда фойдаланиладн.

ХОПЁР — РСФСРдаги дарё, Донниng чап ирмоғи. Пенза, Саратов, Воронеж ва Волгоград областлари терр-ясида. Узунлиги 979 *км*. Ҳавзасининг майдони 61 100 *км*². Волга бўйи қирлари ён бағридан бошланиб, ўр-қир ерлардан кенг водий бўйлаб оқади. Ўнг қирғоғи баланд (120 *м*), тик бўлиб, жарлари кўп; чап қирғоғи қия ва паст (10—30 *м*). Ўртача сув сарфи қуйилиш жойидан 45 *км* да 150 *м*³/*сек*. Ноябрь-декабрда музлаб, апрелда муздан бўшайди. Асосан қор сувларидан тўйинади. Энг йирик ирмоқлари: чапда—Сўрдоба, Бузулук; ўнгда—Ворона, Савала. Новохопёрск ш.гача кема қатнайди. Х. бўйида Балашов, Новохопёрск, Урюпинск ш.лари жойлашган. Х.нинг қуйи оқими водийсида Хопёр қўриқхонаси бор.

ХОР (юнон. choros) — 1) Юнонистон ва Қадимги Рим театрининг трагедия ва комедияларда иштирок этган бир гуруҳ ижрочилари.

2) Ашулачилар коллективи. Хонандалар овози таркибига кўра бир турдаги (эркаклар хори, хотин-қизлар хори, болалар хори) ва қўшма (аралаш), шунингдек ижрочилар сонига қараб, катта, кичик, камер Х.ларга бўлинади. Одатдаги аралаш Х. тўрт овоз партиясидан иборат: сопрано, альт (хотин-қизлар овози), тенор, бас (эркаклар овози). Шу партиялардан бири иштирок этмаса, тўлиқ бўлмаган аралаш Х. дейилади. Бир овозли, икки овозли, уч овозли, тўрт ва ундан ортиқ овозли Х.лар бўлади. Ҳар бир Х. партияси ўз навбатида бир нечта мустақил партиялар (итальян. divisi)га бўлиниб, кўп овозли Х.ларни ташкил қилади. Энг кичик аралаш Х. 12 киши (ҳар бир Х. партиясида 3 кишидан), энг каттаси эса 100—120 кишидан иборат. Х. музика асбоблари жўрлигида ва жўрсиз (а капелла) бўлади. Жўрли Х.га фортепьяно (ва б. чолғу асбоблар) ҳамда оркестр жўр бўлиши мумкин. Уз хусусиятларига кўра Х. коллективлари капелла, халқ хори, турли ансамбллар таркибидаги Х. лар, опера хори, ҳаваскорлар хоридан иборат бўлади. Ҳар бир халқнинг Х. санъати айтилиш услуби ва овоз таркибига кўра ўзига хос (мас., русларда жўрчи овоз полифонияси, немисларда 4 овозли гомофон тузилиш ва ҳ. к.). Узбек халқида азалдан бир овозда ижро этиладиган унисонлик Х. санъати мавжуд. Узбекистонда кўп овозли биринчи Узбек давлат миллий хор капелласи 1952 йилда Узбек Давлат филармонияси қошида ташкил этилган. 1960 йилда Узбекистон радиокомитетининг хор коллективи ўз фаолиятини бошлади.


3) Ашулачилар коллективи ижроси учун ёзилган музика асари. Узбекистонда илк бор икки ва кўп овозли Х. лар музикали драма ва комедияларда, мураккаблашган кўп овозли Х. лар тўнғич ўзбек операларида учрайди. Мустақил кўп овозли Х. асарлари Улуғ Ватан уруши (1941—45) ва ундан кейинги йилларда ривож топди. Мас., кантаталар (С. Юдаков, «Галаба»; М. Ашрафий, «Бахт ҳақида қўшиқ»), оратория (И. И. Акбаров, «Тошкент ҳақида қисса»), шунингдек вокал-симфоник сюита (С. Юдаков, «Мирзачўл»; И. И. Акбаров, «Ҳамза») ва б. цикллар пайдо бўлди. Булардан ташқари Х. ижроси учун ода (М. Бурҳонов, «Ленин партиясига ода»), вокал-симфоник поэма (М. Бурҳонов, «Баҳор қушлари»; С. Юдаков, «Ленин хотирасига»; И. И. Акбаров, «Шонр хотирасига»; Ф. Янов-Яновский, «Мен даврни тинглаяпман») шаклларида ҳам асарлар яратилди.

4) Торли музика асбобларида жуфт, учталик ва ҳ. к. торлар.

ХОРАЗМ, Қадимги Хоразм — Ўрта Осиёнинг Амударё этакларидаги тарихий обл. ва қадимий давлат. Х. ҳақидаги дастлабки маълумотлар Доро I нинг *Бисҳистун китобалари* ва *Авеста*да учрайди; бундан ташқари, кўпгина тадқиқотчилар Х.ни Арьянамвойчах — биринчи зардўштийлар мамлакатининг айнан ўзи деб таъкидлайдилар. 19- аср охири—20- аср бошларида яшаган рус шарқшунос олимларидан В. В. Бартольд ва Н. И. Веселовскийлар ҳамда совет тарихчиси А. Ю. Якубовский Х. тарихини ўрганиш ишига катта ҳисса қўшдилар. Х. тарихи тадқиқотининг янги босқичини 20- асрнинг 30- йилларида СССР ФАнинг С. П. *Толстов* раҳбарлигидаги Хоразм археология-этнография экспедицияси бошлаб берди. Экспедиция неолит даври овчилари ва балиқчиларининг ҳаёт манзарасини қайта тиклади. Амударёнинг қадимий Оқчадарё дельтаси терр-ясида *Калтаминор маданияти* (мил. ав. 4—3- асрлар)га онд манзилгоҳлар топилди. Х. аҳолиси энеолит даври (мил. ав. 2- минг йиллик бошн)даёқ суғорма деҳқончилик ва чорвачиликнинг содда усулларидан хабардор бўлганлар. Суғорма деҳқончилик Ўрта Осиёда бронза даврндаёқ вужудга келган. Маҳаллий аҳоли маданиятининг жанубий Уралолди даштларидан келган аҳоли маданияти б-н қўшилиши натижасида дашт бронза даври маданиятларига мансуб археологик *Тозабоғёб маданияти* ташкил топган. Мил. ав. 2- минг йиллик ўрталарида Оқчадарё дельтасининг шохобчаларида бу маданият соҳиблари — деҳқон ва чорвадорлар кўпгина манзилгоҳ ва қабристонлар (қ. *Кўкча-3 қабристони*) қолдириб кетганлар. Манзилгоҳларда ярим ертўла шаклидаги уйларнинг ва ривожланган суғориш тармоғининг қолдиқлари сақланиб қолган; топилмалар орасида ёрғоқлар, бронза ўроқлар ва б. бор. Мил. ав. 2- минг йиллик охирларида *Амиробод маданияти* (мил. ав. 9—8- асрлар) тараққий этган. Суғорма деҳқончилик қилиш мукаммаллашган, яйлов чорвачилиги ривожланган. Утроқ манзилгоҳлар 20 тагача хонадонни бирлаштирган катта қишлоқларга айланган. Деҳқончиликда суғориш б-н боғлиқ бўлган иқтисодий силжишлар ижтимоий ҳаётда бурилиш ясади. Синфий муносабатлар шаклланди, шаҳарлар вужудга келди, мустабид подшоликлар ташкил топди. Айни вақтда



Хонқизи қўнғизлари: *1*— етти нуқтали; 2— картошка хонқизи қўнғизи.



Қадимги Хоразм архитектураси. Тешиккалъа (6—7 - асрлар).



Қадимги Хоразм санъати. Оссуарий (терракота) Милоднй дастлабки асрлар. Қўйқирилган қалъадан топилган. Эрмитажда.

Хоразм воҳасининг шимоли-шарқидаги даштларда, Сирдарё этакларида чорва хўжалиги устун бўлган маданият вужудга келган бўлса ҳам унинг соҳиблари деҳқончилик қилинадиган р-илар б-н яқиндан боғлиқ эдилар. Мазкур сўнгги бронза асри маданияти асосида Орололди даштларида Х. б-н асрлар давомида маданий-тарихий жиҳатдан боғлиқ бўлиб келган сак-массагет қабилалари маданияти (қ. *Тагискен*) вужудга келди. *Страбон* сак-массагет халқлари составига киритган хоразмликлар мил. ав. 7—6- асрларда деярли бутун Урта Осиё ва Шарқий Эроннинг бир қисмида яшаган қабилалар уюшмасини бошқарганлар деб тахмин қилинади. Бироқ, бу уюшма (Катта Хоразм)нинг энг тараққий этган марказлари Мургоб ва Ҳариируд дарёлари ҳавзасида бўлган бўлиши мумкин. Хоразмнинг дастлабки каналлари 60—70 *км* га чўзилган, эни кенг (30—40 *м*), саёз бўлган. Х.да дастлабки ирригация ишлари мил. ав. 6—4- асрларда амалга оширилган.

Хоразм воҳасида йирик магистрал каналлар қуришга асосланган суғорма деҳқончилик техникасининг бундан кейинги такомиллашуви келажакда Х. давлат тузумининг ташкил топиши учун ҳал қилувчи омил бўлди. Мил. ав. 6- аср ўрталарида, Кир II даврида бўлса керак, Х. *Ахоманийлар* давлати таркибига кирган. Мил. ав. 6—5- асрлар бўсағасида «Хорасмия шаҳри» ва хоразмликлар мамлакати ҳақида биринчи марта қадимги грек муаллифи милетлик Гекатей хабар беради. *Кўзалиқир* ва б. қатор манзилгоҳлар мазкур даврга оиддир. Геродот ёзишича Х. Парфия, Сўғд ва Арейя б-н бирга Ахоманийлар давлатидаги XVI сатраплик таркибига кирган. Антик асарларда келтирилган маълумотлар Артаксеркс II (404—358) даврида Х. алоҳида сатраплик бўлган, деб тахмин қилиш имконини беради. Унинг маркази *Қалъалиқир* бўлганлиги эҳтимол. Александр Македонский Шарққа юриш бошлаган вақтда Х. мустақил эди; мил. ав. 328 йил баҳорида Александр қароргоҳига музокара қилиш учун хоразмликлар шоҳи Фарасман (ёки Фратаферн) келган.

Мил. ав. 4—3- асрларда Х. иқтисодий ва маданий жиҳатдан равнақ топган: суғориш системаси кенгайтирилган ва мукаммаллаштирилган, янги шаҳарлар (Бозорқалъа; Жонбосқалъа) ва ибодат марказлари (Қўйқирилган қалъа) қурилган, ҳунармандчилик ва санъат ривожланган. Мил. ав. 1- минг йиллик охирларида Х. маданиятида дашт қабилалари таъсири аниқ кўзга ташланади. Кўплаб топилган кушан тангалари, баъзи тасвирий санъат ёдгорликлари стили милоднинг дастлабки асрларида Х. Кушан подшолигига тобе бўлган деб тахмин қилиш имкониятини беради. Бундан ташқари 3- асрда Х.да маҳаллий сулолаининг мавжуд бўлганлигини *Тупроққалъа*даги муқаддас саройни ковлаб очиш натижалари исботлайди. Саройдан топилган ҳужжатлар Х.да қулдорлик мавжуд бўлганлигини кўрсатади; бу ҳужжатлар «Хоразм эраси» (боши мил. 1- аср ўрталарига тўғри келади) деб аталувчи йил ҳисоби б-н саналанган. Х. да бундай йил ҳисоби, археологик кузатишларга кўра, 8- асрга қадар қўлланилган. Х.да зардўштийликнинг маҳаллий варианти ҳукмрон дин ҳисобланган. Баъзи қишлоқларда оташпарастлар ибодатхонаси мавжуд бўлганлиги аниқланган. Х.да Сўғд ёзувидан фарқ қилган Х. ёзуви ҳам мавжуд бўлган. Бу ёзув Тупроққалъадаги архив ҳужжатларида қайд қилинган ҳамда тери ва ёғочга, шунингдек тангаларга, муҳрларга ва металл буюмларга битилган. 7—8- асрларга оид ёзувлар айниқса диққатга сазовор. 305 йили Х. тахтини Афригийлар (4- аср — 10- аср охири) сулоласи эгаллади. Пойтахти дастлаб Тупроққалъа, кейинчалик Қиёт бўлган. Абу Райҳон Беруний ўз асарида 21 та хоразмшоҳлар номини зикр этган, нумизматика манбаълари ва айрим ёзма ёдгорликлар бу исмларнинг (7- аср охири ва 8- асрга оид) тўғрилигини тасдиқлади.

8- асргача давом этган илк феодал даврига мансуб *Афригийлар маданияти* Х.да қулдорлик тузуми емирилиб, феодал муносабатлар ўрнатила бошланган давр (4—6- асрлар)да вужудга келган эди. Унинг шаклланишида саҳродаги қабилалар катта таъсир кўрсатди. Илк феодализм даврида чиғир кашф этилди. Суғориш иншоотлари, кўплаб қалъалар, қўрғонлар, қўрғон-қасрлар қурила бошлади. Афригийлар сосонийлар б-н уруш олиб бориб, Х. чегараларини мустаҳкамлаб олдилар. Хоразмликлар Х.дан ташқарида, ҳатто Хазар подшолигида ҳам катта мавқега эга эдилар. Хазар қўшинлари, асосан, хоразмликлардан ташкил топган эди. Х. Волга бўйидан Урта Осиё орқали Мўғулистон ва Хитойга ҳамда Эронга бориладиган савдо йўлларининг кесишган жойида жойлашгани учун анча юксалди. 712 йили Х.ни араблар босиб олди. 996 йилгача Х. икки қисмга — Шимолий Х. (пойтахти *Урганч* ёки Гурганч) ва Жанубий Х. (пойтахти Қат ёки Қиёт)га бўлинган эди. 10- асрнинг 2- ярмида Шимолий Х. ва унинг пойтахти Урганч тараққий қилди. 995 йили Шимолий Х. шоҳи Маъмун ибн Муҳаммад ҳар иккала Х.ни бирлаштириб, хоразмшоҳ унвони б-н идора эта бошлади. Урганч пойтахт қилиб белгиланди. Маъмун ва Маъмун II ибн Маъмун даврида Х.нинг қудрати янада ошди. Урганч маданий марказга айланди. Кўзга кўринган йирик олим ва шоирлардан Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Абу Саҳл Масиҳий, Абу Наср ибн Ироқ, Абулхайр, Ибн Мискавайҳ, Абу Бакр Муҳаммад Хоразмий, Абу Саид Шабибий, Абулҳасан Маъмун ва б. ўша даврда яшаб ижод қилдилар. 1017 йили *Маҳмуд Ғазнавий* Х.ни ўз давлатига қўшиб олди, ўзининг бош ҳожиби Олтинтошни хоразмшоҳ унвони б-н Х. га ҳоким этиб тайинлади.

1043 йили Х. *Салжуқийлар давлати*га қўшиб олинди. Салжуқийларининг Х.даги нойиби *Отсиз Хоразмшоҳ* салжуқийлар зинфлигидан фойдаланиб, мустақил сиёсат юргиза бошлади ва Х. да янги сулолага асос солди, давлат территориясини кенгайтирди. 1172 йили Х. га Қорахитойлар бостириб кирди. Отсиз Хоразмшоҳнинг набираси Такаш 1187 йилда Нишопурни, 1192 йилда Райни, 1193 йилда Марвни босиб олди, 1194 йили Салжуқийлар султони Тўғрул II ни енгди. *Такаш Хоразмшоҳ* даври (1172—1200)да Эроннинг Шарқий қисми Х.га қўшиб олинди. Унинг ўғли *Муҳаммад Хоразмшоҳ* даврида Х. Яқин Шарқда энг қудратли давлатга айланди, энг кучли қўшинга эга бўлди. Х.га Каспий денгизининг Шимолий соҳилларидан Форс қўлтиғигача, Кавказдан Ҳиндикуш тоғларигача бўлган терр-я кирарди. Х. Хитой, Мўғулистон, Тибет, Ҳиндистон, Яқин Шарқдаги мамлакатлар, Русь ва Волга бўйидаги шаҳарлар б-н савдо-сотиқ қиларди.

*Утрор воқеаси*дан кейин *Чингизхон* қўшинлари Х.га бостириб кирди. Муҳаммад Хоразмшоҳ қаршилик кўрсатмай, мамлакатни ўз ҳолига ташлаб, Каспийдаги бир оролга қочди. Хўжанд ҳокими *Темур Малик*, Хоразмшоҳнинг ўғли *Жалолуддин Мангуберди* мўғулларга қатиқ қаршилик кўрсатдилар. 1221 йили мўғуллар Урганчни эгаллаб уни вайрон қилдилар. Деҳқон ва ҳунармандлар қириб ташланди ёки Мўғулистонга олиб кетилди. Савдогар ва руҳонийлар мусулмон давлатларига қочдилар. Х. *Жўжи улуси*га, кейинчалик *Олтин Урда* таркибига киритилди. Секин-аста йирик карвон йўлларида жойлашган шаҳарлар қайта тиклана бошлади.

14 асрнинг 2- ярмида Олтин Урда б-н Темур давлати ўртасида йирик тўқнашувлар бўлди. Олтин Урдага иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан боғлиқ бўлган Х. Олтин Урданинг Темур давлатига қарши ҳужумлари учун асосий истеҳком хизматини ўтарди. Шунинг учун Амир Темур 18 йил давоми (1370—88) да Х. га 5 марта ҳужум қилиб, ниҳоят уни ўз давлатига қўшиб олди. 1413 йилдан Х.ни *Шоҳрух*нинг нойиблари идора этди. 15- асрнинг 2- ярмида Х. яна мустақилликка эришди. 15- асрнинг 60- йилларида *Ҳусайн Бойқаро* тахт учун курашда Х.га келиб, бу ерда қўшин тўплади. 1505 йили Х.га *Шайбонийхон* қўшинлари бостириб кирган вақтда, Х.да маҳаллий қўнғирот сўфийлари сулоласидан бўлган Чин Сўфи (Ҳусайн Бойқаронинг нойиби) ҳокимлик қиларди. 1512 йили Х. тахтини ўзбеклар сулоласи эгаллади (қ. *Хива хонлиги*).

Қадимги Хоразм санъати Ахоманийлар даврида Олд Осиё бадиий маданияти таъсирида бўлган, саклар маданияти анъаналарининг айрим жиҳатлари сақланган. Мил. ав. 4—3- асрларда қўшни ўлкалар маданияти таъсирида ўзига хос маҳаллий бадиий маданият шаклланган.


Мил. ав. 1- минг йиллик ўрталаридан араб истилосигача ўтган давр ичида монументал меъморлик ривож топган. *Чирикработ*, *Тагискен* тепа ва б. жойларда қурилган (мил. ав. 6—2- асрлар) мақбараларнинг харобалари сақланган. Бу бинолар Урта Осиёдаги энг қадимий ва энг йирик (диаметри 20—30 *м*) мақбаралар бўлиб, ҳар бирида 2—8 тагача хона мавжуд, усти гумбаз б-н ёпилган (деярли ҳаммаси доира тарҳли). Мил. ав. 4—3- асрларда мудофаа аҳамиятига эга қалъа — шаҳарчалар бунёд этилган (*Жонбосқалъа* ва б.). Қалъалар минорасиз, баланд деворида 2 қаватли қилиб шинак ишланган. *Хазорасп*да илк антик даврда қалъа деворида тўртбурчак минора, Кушан подшолигининг кейинги даврларида доирасимон миноралар қурилган, йирик жамоат бинолари (айниқса, ибодатхоналар)да симметрияга риоя қилинган (қ. *Қўйқирилган қалъа*).

Антик Х. шаҳарчалари тўғри бурчакли қилиб аниқ режа б-н қурилган, қалин ва баланд девор б-н ўралган, мудофаани мустаҳкамлаш мақсадида девор ташқарисига хандақ қазилган, шаҳарчанинг бирдан-бир дарвозаси душманни чалғитадиган қилиб (лабиринтли) бунёд этилган. Ҳукмдорларининг саройлари, қароргоҳлари ҳашами, тасвирий санъат асарлари (ҳайкал, рельеф, деворий расмлар) архитектура иншоотига уйғунлаштириб бунёд этилган. *Қалъалиқир саройи* (мил. ав. 4—2- асрлар), *Тупроққалъа* қолдиқлари хоразмлик меъмор ва тасвирий санъат усталарининг улкан маҳоратини намойиш этади. Улкан (280 *кв м*) «Шоҳлар зали»даги ҳайкаллар, «Ғалаба зали»даги музаффар шоҳнинг шавкати ифодаланган горельеф, рақс тушаётган кишилар, табиат кўринишлари акс эттирилган деворий расмлар бадиий юксак. Лекин ҳайкаллар лойдан, деворий расмлар пахса деворга ишланган туфайли фрагментларигина бизгача етиб келган. Ёғочга, чармга ёзилган ёзув (ҳужжат)лар ҳам юксак маданиятдан далолат беради. Хоразмшоҳларининг мақбаралари, ибодатхоналардан иборат Қўйқирилган қалъа биноларида архитектура шакллари ривожлантирилган. Бинолар доирасимон тарҳда, 2 қаватли, маҳобатли. *Аёз қалъа*, *Миздаҳқон* бинолари ҳам қадимий меъморларнинг усталигини кўрсатади.

Антик даврдан илк ўрта асрларга ўтиш даврида (4—5- асрлар) алоҳида мудофаа иншоотлари — мустаҳкамланган қўрғонлар қурилган, 6—7- асрларда қўрғон-кўшклар бунёд этилган (*Бургут қалъа*, Уйқалъа, Қумбосган қалъа ва б.). Улар квадрат ёки тўғри тўрт бурчакли тарҳда бўлиб, пахса девор б-н ўралган, бурчакларга цилиндрсимон миноралар ишланган, ўртада кўшк қурилган, катта зал — меҳмонхона атрофи кичик хоналар б-н ўралган. Меъморликда лойдан ташқари ганчдан ҳам фойдаланилган. Бинолар, гумбаз, тоқли, кўпинча ясси томли (том ёғоч устига қамиш, похол тўшалиб, усти сувалган). Деворлар, асосан, пахса, қисман синчли. Ҳайкалсимон ишланган *оссуарийлар* марҳумнинг қиёфасига ўхшатилган, уларда расмлар ишланган. Мил. ав. 5- аср — мил. дастлабки асрларда ишланган бу оссуарийлардаги содда, лубокка ўхшаган расмларда марҳум ёки марҳума яқинлари даврасида кўрсатилган, мотам маросимида йиғлаётган аёллар, йиғлаб, ўзини жароҳатлантириб қон чиқазган эркаклар акс эттирилган.

Қадимги Хоразмда бадиий ҳунармандлик ҳам юксак даражада бўлган. Заргарлик буюмлари (узук, билагузук, исирға, кийимга тақиладиган, от афзалларига ишланган безаклар ва б.) олтин, кумушдан, қимматбаҳо тош, четдан келтирилган шиша қадаб ишланган кумуш идишлар, қуш, ўсимликлар ифодаланган мато қолдиқлари бу фикрни тасдиқлайди.

Урта асрларда бунёд этилган қалъа кўшклар орасида ўз архитектура шакли б-н айниқса *Тешиккалъа*, *Жакка Порсон* диққатга сазовор. 9—10- асрларда рўй берган иқтисодий юксалиш 4- асрдан тушкунликка учраб, хароб ҳолга келган қатор шаҳарларни жонлантирди (*Қаватқалъа*, Гулдурсун қалъаси ва б.). 10- аср охирларидан Шимолий Х.да Урганчнинг аҳамияти ошди, унда қатор монументал бинолар қад кўтарди, биноларда пишиқ ғиштдан ҳам фойдаланила бошланди. (қ. *Кўҳна Урганч*,



Халқ ҳунармандчилигидан намуналар.

Султон Такаш мақбараси, Фахриддин Розий мақбараси). Чингизхон ҳужуми оқибатида анчага чўзилган тушкунликдан кейин X. 14- асрнинг 2- ярмидан яна ривож топа бошлади, унинг пойтахти Урганчда кошин, ёғоч ва ганч ўймакорлиги б-н жозибадор безатилган мемориал бинолар пайдо бўлди (қ. *Тўрабекхоним мақбараси, Қутлуғ Темур минораси* ва б.).

Ўрта асрларда тасвирий санъат ривожланмади, архитектурада ганч, ёғоч, тош ўймакорлиги, мозанка (кошин) қўлланилди.

Ад.: Бартольд В. В., Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Соч., т. I. М., 1963; Толстов С. П., Древний Хорезм, М., 1948; Толстов С. П., Қадимги Хоразм маданиятини излаб, Т., 1964; Виноградов А. В., Неолитические памятники Хорезма, М., 1968; История Хорезма с древнейших времён до наших дней, Т., 1976; Средняя Азия в древности и средневековье, М., 1977; Труды Хорезмской археолого-этнографической экспедиции, т. 1—10, М., 1952—77.

ХОРАЗМ — ҚҚАССР Мўйноқ р-ни Бўзатов овул Советидаги овул. «Мўйноқ» с-зи терр-ясида. Р-н марказидан 65 *км*, яқин т. й. станцияси — Қўнғирот (55 *км*). Аҳолиси 543 киши (1976); чорвачилик, шоликорлик б-н шуғулланади. Амударёдан сув ичади. Сут-товар фермаси, саккиз йиллик мактаб бор.

ХОРАЗМ — ҚҚАССР Муйноқ р-ни Мадали овул Советидаги овул. «Амударё» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 110 *км*, яқин т. й. станцияси — Қўнғирот (170 *км*). Аҳолиси 786 киши (1976); баликчилик, шоликорлик, чорвачилик, боғдорчилик б-н шуғулланади. Қипчоқдарёдан сув ичади. Сут-товар фермаси, ремонт устахонаси, саккиз йиллик мактаб бор.

ХОРАЗМ — ҚҚАССР Қўнғирот р-ни Хоразм овул Советидаги овул. «Хоразм» с-зи маркази. Р-н марказидан 39 *км*, яқин т. й. станцияси — Қўнғирот (45 *км*). Аҳолиси 609 киши (1976); пахтачилик, чорвачилик, пиллачилик, ғаллачилик, сабзаворчилик б-н шуғулланади. Ленин номли канал орқали Амударёдан сув ичади. Саккиз йиллик мактаб, клуб, кутубхона, гараж бор.

ХОРАЗМ АРХЕОЛОГИЯ-ЭТНОГРАФИЯ ЭКСПЕДИЦИЯСИ — Хоразм воҳаси археологик маданияти ва тарихини (палеолит давридан мил. 18—19- асрларгача) текшириш мақсадида СССР ФА томонидан уюштирилган экспедиция (1938). Хоразмни археологик ва этнографик жиҳатдан ўрганиш 1936 йилдан бошланган. Х. а.-э. э. га проф. С. П. *Толстов* раҳбарлик қилган (А. И. *Тереножкин*, Я. F. *Гуломов* ва б. дан иборат 14 киши). Экспедиция состави йилдан-йилга археолог, этнограф, антрополог, рассом, архитектор ва б. мутахассислар б-н кенгайтирилган. Текширишлар натижасида Хоразм воҳасининг турли даврларга мансуб бўлган жуда кўп тарихий ёдгорликлари: харобалар, қалъалар, истеҳкомлар, каналлар, қадимги маданиятни ўрганишга ёрдам берувчи ёзувлар, суратлар, уй анжомлари, муҳрлар, кумуш, мис ҳайкалчалар топилди. Хоразм археологик маданияти неолит, бронза, антик, феодализм даврларига мансуб эканлиги аниқланди. Бу экспедиция қадимги Хоразмнинг бошқа ўлкалар б-н қандай алоқада бўлганлигини ўрганди. Натижада Хоразм қадимдан Волга-Дон ҳавзаларидаги скифлар, қуйи Сирдарё атрофидаги саклар, Жанубий Туркманистон ва Бухоро воҳаси халқлари б-н тарихий-маданий алоқада бўлганлиги илмий жиҳатдан асосланди. Экспедиция материаллари асосида муҳим монографиялар, 250 дан ортиқ илмий мақолалар, тарихий очерклар ёзилди. Илмий ҳисоботлар 1915 йилдан буён «Труды Хорезмской археолого-этнографической экспедиции» номи б-н нашр қилинади. Х. а.-э. э. фаолияти туфайли биринчи марта Хоразмнинг археология картаси (1956) тузилди. Х. а.-э. э. нинг илмий тадқиқотлари бутун Урта Осиёнинг қадимги тарихини ўрганишда жуда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Ад.: Толстов С. П., Древний Хорезм, М., 1948; Толстов С. П., Работы Хорезмской археолого-этнографической экспедиции АН СССР в 1949—1953 гг., «Труды Хорезмской археолого-этнографической экспедиции», 1958, т. 2, стр. 7—258; Гуломов Я. F., Хоразмнинг сугорилиш тарихи, Т., 1959.

ХОРАЗМ ИНҚИЛОБИ — Хоразмда 1920 йили ғалаба қилган халқ инқилоби. Шу инқилоб натижасида *Хива хонлиги* тугатилди, Хоразм Халқ Совет Республикаси тузилди.

Россияда пролетар рев-ясининг ғалабаси ва Туркистонда Совет ҳокимиятининг ўрнатилиши Хива хонлиги халқларига жуда катта революцион таъсир кўрсатди. Бутун хонлик терр-ясида демократик озодлик ҳаракати кучайиб кетди. Ҳаракатда ишчи ва деҳқонлар, косиблар, миллий буржуазия, қуйи ва ўрта руҳоний табақалари қатнашди. Х. и. нинг ҳаракатлантирувчи бош кучи—мамлакатни феодаллар асоратидан қутқариш учун, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан туб ўзгаришлар қилиш учун курашаётган ишчи, деҳқон ва косибларгина изчил революцион позицияда турдилар. Оммани қўзғолонга тайёрлаш ишида Хива коммунистларидан Ж. Оташев, Р. Пиримбет, Қ. Беқниёзов, Н. Салимов, Н. Эшмуҳамедов, Р. Юсупов, М. Эшчонов ва б. фаол қатнашдилар. Улар меҳнаткашларни феодал тузумни ағдариб ташлашга ва Совет ҳокимиятини ўрнатишга даъват қилдилар. *Еш хиваликлар* бошчилигидаги миллий буржуазия ҳамда қуйи ва ўрта руҳоний табақалари Х. и. нинг муваққат «ҳамроҳ»лари бўлиб, улар хонликда буржуа давлатини қуриш умидида эдилар.

Коммунистик партия хон ҳокимиятига ва *Жунайдхон* диктатурасига қарши умумхалқ курашини ташкил этишда конкрет тарихий вазиятга асосланиб иш олиб борди. Энг илғор революцион синф — пролетариат деярли мавжуд бўлмаган ва маҳаллий деҳқонлар бойлар, қабила ва уруғ бошлиқлари ҳамда руҳоний-лар таъсирида бўлган бир шароитда Хива хонлигидаги барча революцион ва оппозициячи кучларни вақтинча бирлаштириш натижасидагина Х. и. ғалаба қилиши мумкин эди. Шунинг учун 1919 йил ноябрида Хива коммунистлари Ёш хиваликлар ҳамда Жунайдхон диктатурасига нисбатан оппозицион кайфиятда турган туркман қабилаларининг бошлиқлари б-н бирга-ликда кураш олиб бориш тўғрисида битим туздилар. Феодал-деспотик режимига қарши бўлган ҳамма кучларнинг мазкур блоки Х. и. ғалабасида ҳал қилувчи роль ўйнади.

1919 йил ноябрида Хивада коммунистлар раҳбарлигида қўзғолон бошланди. Бутун Россия МИК б-н РСФСР ХКСининг Туркистон комиссияси ва ТуркАССР ҳукумати пролетар интернационализми принципларига амал қилиб ҳамда қўзғолончилар вакилларининг Петро-Александровск (Тўрткўл)ка келиб, қуролли куч б-н мадад бериш тўғрисида қилган илтимосларига биноан, Хоразм инқилобчиларига қуролли ёрдам юборишга қарор қилди. Кўмак учун ажратилган Совет қўшинлари Шимолий ва Жанубий отрядларга бўлиниб, биринчисига Н. А. Шайдаков, иккинчисига Н. М. Шчербаков

қўмондон қилиб тайинланди. Ҳар иккала отрядга умумий сиёсий раҳбарлик қилиш Туркистон комиссияси ҳамда Туркистон революцион Ҳарбий Советининг вакили Г. Б. Скаловга топширилди. Отрядларда ўзбек, қорақалпоқ, туркман ва қозоқ жангчилари кўпчиликни ташкил қиларди. Жанубий отряд составида Хива инқилобчиларининг отряди ҳам бор эди. Шимолий отряд Чимбой терр-ясини казаклар ва миллатчи контрреволюционер шайкалардан тозалаб, Хўжайли р-нида Амударёнинг сўл соҳилига ўтиб олиши, Жанубий отряд эса Хонқа — Урганч йўналишида ҳужум қилиши керак эди.

1919 йил 25 декабрда Н. А. Шайдаков отряди Петро-Александровскдан йўлга чиқиб, оқ казаклар ҳамда қорақалпоқ бойларининг отрядларини тор-мор келтирди, 28 декабрда Нукус яқинида Амударёнинг сўл соҳилига ўтиб, Хўжайли остонасида жанг бошлади. Совет қўшинлари етиб келиши б-н шаҳар камбағаллари батрак У. Юсупов бошчилигида қўзғолон кўтарди. 29 декабрда Хўжайли озод қилинди. Н. М. Шчербаков қўмондонлигидаги Жанубий отряд ҳарбий операцияларни муваффақиятли давом эттириб, 1919 йил 25 декабрда Урганчни ишғол этди. Кўпгина деҳқон ва шаҳар камбағаллари революцион отрядлар сафига кириб, Қизил Армия жангчилари б-н бирга контрреволюцияга қарши курашдилар. Совет қўшинлари ва маҳаллий кўнгилли отрядлар халқ мададига таяниб, 1920 йил 14—18 январда Порсув, Илали, Тошховузни озод қилдилар. 22—23 январда Ғознобод ва Тахта остоналарида қаттиқ жанглар бўлиб, Жунайдхон тўдасига қақшатқич зарба берилди. Жунайдхон омон қолган кичик бир отряд б-н Қорақумга қочди.

1920 йил 1 февралда революцион отрядлар ва Қизил Армия қисмлари Хивани жангсиз ишғол қилди. Шу куни Хива хони Санд Абдуллахон тахтдан воз кечганлиги тўғрисидаги Манифестни имзолади. 2 февралда Регистон майдонида йиғилган митингда бу ҳақда халққа маълум қилинди. Шундай қилиб, Х. и. ғалаба қозонди. Бутун Хоразм халқ вакилларининг 1-қурултойи (қ. *Хоразм Советларининг қурултойлари*) Хоразмни Халқ Совет Республикаси деб эълон қилди.

Ад.: История Бухарской и Хорезмской Народных Советских Республик, М., 1971; Непесов Г. ва б., Великий Октябрь и победа народной революции в Хорезме, Т., 1971; История Хорезма, Т., 1976.

ХОРАЗМ МАҚОМЛАРИ — мақомлар тури. Хоразмда мақом йўллари 9—10- асрлардаёқ мавжуд бўлган. Бизгача етиб келган шакли — олти мақом (Рост, Бузрук, Наво, Дугоҳ, Сегоҳ, Ироқ) системаси Шашмақом асосида 19- аср бошларида шаклланган. Ҳар бир мақом белгиловчи омил — муайян лад системаси ва унинг асосида юзага келган куй йўлларидан иборат.

Х. м. Бухоро Шашмақоми каби мустақил тузилишга эга бўлган чертим (чолғу) ва айтим (ашула) бўлимларини ўз ичига олади. Чертим йўли (бўлими) тани мақом, тарже, пешрав, мухаммас, сақил, уфар каби шаклан якунланган ва нисбий мустақил қисмлардан ташкил топган. Бошланғич тани мақом ва якунловчи уфар ҳар бир мақомда биттадан бўлса, ўртада келадиган пешрав, мухаммас, сақил 2—3 тадан бўлади. Чолғу йўли якканавозлик ва жўрнавозлик услубида чалинади. Якканавозликда танбур асосий соз ҳисобланади. Айрим йўллар дутор, сурнай каби асбобларда ҳам ижро этилади. Жўрнавозлик, одатда, танбур, дутор, най, буламан (пуфлама соз тури), қўшнай, ғижжак, чанг, доирадан иборат ансамблда амалга оширилади.

Айтим йўли тани мақом, талқин, наср каби асосий қисмлар — шўъбалар ва улар негизида тузилган тарона, сувора, нақш, фарёд ва уфар деб номланган вариант қисмлардан ташкил топади. Дастлаб Х. м. ижросида форс-тожик (Ҳофиз, Жомий каби) ва кейинчалик ўзбек классик шоирлари (Навоий, Фузулий, Мунис, Огаҳийлар) нинг ғазалларидан фойдаланилган.

Х. м. ва Бухоро Шашмақомининг умумий ва фарқ қилувчи томонлари мавжуд. Ташқи томондан Х. м. Ростдан, Шашмақомда Бузрукдан бошланади; Х. м. да Ироқнинг ашула бўлими унутилган, Рост мақомининг чертим йўллари асосида 8 қисмдан иборат Панжгоҳ цикли яратилган; сувора, нақш, фарёд қисмлари ўзига хос хусусиятларга эга; савт ва мўғулча каби 2- группа шўъбалари учрамайди. Ички тузилиши жиҳатидан кўпчилик доира усуллари, куй қиёфаси, ижрочилик услуби мустақиллиги б-н ажралиб туради.


Х. м. Комил Хоразмий ихтиро қилган «Хоразм танбур чизиғи»да унинг ўзи ва ўғли Муҳаммад Расул Мирзабоши томонидан тўла ёзилган (1886). Ҳозирги нота ёзувида Е. Романовская чертим йўлларини («Хоразм классик музикаси», Т., 1939) ва М. Юсупов чертим ва айтим йўлларини («Ўзбек халқ музикаси», VI ж., Т., 1958) ёзиб олган. Е. Романовская, И. И. Акбаров томонидан Матёқуб Харратов танбурда ижро этган айрим парчалар фонографга ёзилган (1934). Ҳамза номли Санъатшунослик ин-тида К. Отаниёзов ва К. Исмоиловлардан Рост, Наво, Дугоҳ, Сегоҳ (1949), Ҳ. Болтаевдан Бузрук (1952) мақомларининг ашула йўллари магнит лентасига ёзиб олинган.

Х. м. нинг йирик намояндалари Ниёзжон Хўжа, Комил Хоразмий, Феруз (Муҳаммад Раҳим II), Муҳркан, Матёқуб Харратов, М. Худойберганов, Матюсуф Харратов, К. Отаниёзов, Ҳ. Болтаев, М. Раҳимов, Н. Юсупова, М. Юсупов ва б. дир.


Ад.: Акбаров И., Кон Ю., Хоразм мақомлари, «Ўзбек халқ музикаси» китобида, 6- ж., Т., 1958; Ражабов И., Хоразм мақомлари, «Мақомлар маъсалисига доир» китобида, Т., 1963; Матякубов А., Хоразмские макомы, «Проблемы музыкальной науки в Узбекистане» тўпламида, Т., 1973.

ХОРАЗМ ОБЛАСТИ — ЎзССР таркибидаги область. 1938 й. 15 январда ташкил этилган. Республиканинг шимоли-ғарбида, Амударё қуйи оқимининг чап соҳилида. Шимолдан ва шимоли-шарқдан ҚҚАССР, жанубдан ва жанубий-ғарбдан ТуркмССР б-н чегарадош. Майдони 4,55 минг *км*². Аҳолиси 688,5 минг киши (1978).

Таркибида 9 р-н (Боғот, Гурлан, Урганч, Хива, Хонқа, Шовот, Янгиариқ, Қўшкўпир, Ҳазорасп), 3 шаҳар (Урганч, Хива, Дўстлик), 2 шаҳар посёлкаси, 81 қишлоқ бор. Маркази — Урганч ш.



Хоразм области. 1. Хива шаҳридаги Тарих музейи. 2. Урганчдаги янги уйлар.



19-аср ОХИРИ 20-аср БОШЛАРИДА ХОЗИРГИ ХОРАЗМ ОБЛАСТИ ТЕРР-ЯСИДА ЯШАГАН АҲОЛИНИНГ ЭТНИК ТАРКИБИ (карта-схема)

Карта муаллифи К. Шониёзов

Х. о. Ленин ордени (1963 йил 12 декабрь) ва Меҳнат Қизил Байроқ ордени (1971 йил 7 январь) б-н мукофотланган.

Табиати. Х. о. чўл зонасида, Хоразм воҳасининг шарқий қисмида. Рельефи пасттекисликдан иборат (баландлиги 100 *м* чамасида). Бу текислик Амударё қадимги дельтасининг бир қисми бўлиб, дарё оқизиқларидан таркиб топган; Қорақум чўлига туташган ғарбий ва жануби-ғарбий қисми қум б-н қопланган. Фойдали қазилмалардан қум, гил ва б. қурилиш материаллари бор. Иқлими кескин континентал. Қиши мўътадил совуқ, қор кам ёғади; январнинг ўртача т-раси —5°, абсолют минимум т-ра —32°. Ёзи иссиқ, қуруқ, июлнинг ўртача т-раси 27,3°, абсолют максимум т-ра 44°. Вегетация даври 201—208 кун. Йиллик ёғин 79—87 *мм*, асосий қисми март-апрель ойларида ёғади. Шимолий ва шимоли-шарқий шамоллар эсади. Ягона дарёси — *Амударё*. У обл. терр-ясида кенг водийда ёйилиб оқади, қирғоқлари паст, шу сабабли тошқин бўлиб туради; тошқинга қарши дамбалар қурилган. Амударё сувидан йирик каналлар ёрдамида экинларни суғоришда фойдаланилади. Обл. жанубида майда шўр кўллар, ботқоқликлар ва шўрхоклар кўп. Тупроқлари Амударёнинг аллювиал ётқизиқларидан таркиб топган. Дарё водийсида ўтлоқи, ўтлоқи-ботқоқ тупроқлар, ғарбида қумликлар учрайди. Суғориладиган ерларда, асосан, бўз тупроқ бўлиб, анча шўрланган. Тупроқнинг шўрланишига қарши инженерлик-мелиоратив ва агротехник усулларда кураш олиб борилмоқда.

Обл. терр-ясининг асосий қисми ҳайдалган. Еввойи ўсимликлар Амударё қайирларидаги тўқай ўрмонларида сақланган (терак, тол, жийда); юлғун, кандир, қумликларда саксовул ва б. ҳам ўсади. Еввойи ҳайвонлардан, асосан, кемирувчилар, судралувчилар, тўқайларда тўқай мушуги, чиябўри; қушлардан тўрғай, ўрдаклар, кул ранг ғоз, оққуш, қўтан, бирқозон, мўйловли читтак, инуя, деҳқончумчуқ, қизилиштон, сассиқпопишак, зарғалдоқ ва б. бор. Сув ҳавзаларида ондатра ва нутрия иқлимлаштирилган.


Аҳолиси, асосан ўзбеклар (1970 йилги аҳоли рўйхатига кўра 92,1%); қорақалпоқ, туркман, руслар (2,4%), қозоқлар (1,6%), татарлар (1,3%), корейслар (1,2%) ва б. ҳам яшайди. Х. о.— республикада аҳолиси энг зич областлардан. Аҳолисининг ўртача зичлиги 1 *км*² га 153 киши (1978).

Этник таркиби Ўзбеклар Х. о. аҳолисининг асосий қисмини ташкил этган ва ўтроқ ҳаёт кечириб, деҳқончилик, шунингдек, чорвачилик, боғдорчилик, дарё бўйларида яшовчилар эса балиқ овлаш б-н шуғулланганлар. Х. о. аҳолисининг моддий ва маънавий маданияти умумўзбек маданиятининг таркибий қисми ҳисобланади. Шунингдек, ўзига хос анъанавий хусусиятлари ҳам мавжуд бўлган. Х. о. да Октябрь рев-ясига қадар қўрғон типидаги ҳовлиуйлар кенг тарқалган. Ҳовли тевараги пахса б-н ўралган. Ҳовли дарвозаси, уй эшиклари ва айвон устунлари нақшлар б-н безатилган. Эркаклар узун ва кенг кўндаланг ёқали кўйлак, унинг устидан майда қавилган пахтали тўн кийиб, белга белбоғ (пўта) боғлаб, бошларига узун жунли қўзи терисидан қилинган телпак (чўгирма), оёқларига тумшуғи юқорига кўтарилган чориқ кийиш одат бўлган. Аёллар кийими бошқа областлар аёллари кийимидан фарқи кам. Фақат қизлар ва ёш аёллар бошларига танга ва турли шаклдаги тақинчоқлар қадалган дўппи (тахия) ёки қасава кийиши ва б. б-н фарқланади.

1926 йилги аҳоли рўйхатига кўра Х. о. терр-ясида 314 минг киши яшаган ва миллий таркиби қуйидагича бўлган: ўзбеклар (302,7 минг), қозоқлар (3 минг), туркманлар (1,7 минг), қорақалпоқлар (1,3 минг), руслар (2,3 минг), татарлар (1,1 минг). Х. о. аҳолисининг кўпчилиги 91,4% и) қишлоқларда яшаган.

Хоразм ўзбеклари таркибида бир неча этник группалар мавжуд бўлиб, улар туркманлар б-н курашиб келганлар, яйлов ва суғориладиган ерларни талашганлар. Хива хони Абулғозий Баҳодирхон (1645—1663) тартиб ва осойишталик ўрнатиш учун бу ерда яшовчи қабилаларни тўрт гуруҳ (тўп)га бўлган. Ҳар бир гуруҳга икки қабила (биринчи гуруҳга— уйғур ва *найман*, иккинчисига — *қўнғирот* ва *қиёт*, учинчисига *нукуз* ва *манғит*, тўртинчисига — *қанғли* ва *қипчоқлар*) бирлаштирилган. Шунингдек, бир неча қабила қолдиқлари (жалойир, кенагас, дўрмон, *юз, минг, ших, қатағон*) ва айрим этник гуруҳлар (али-эли, хўжа-эли ва сайид) мавжуд бўлган. Амударёдан сув оладиган каналлар ва суғориладиган ерларнинг катта қисми шу қабила ва уруғларга тақсимлаб берилган ва улар аста-секин ўртоқлашиб, деҳқончилик б-н шуғулланганлар. Қолган гуруҳлар Хоразмда жуда кам бўлиб, булар: қўнғиротлар ва хитойлар Х. о. нинг Гурлан ва Шовот р-нларида, манғитлар Гурлан р-ни ва Анбор Маланда, қиётлар Шовот р-нида, қипчоқлар Урганч, Шовот ва Қўшкўпир р-нлари, дўрманлар Ўрганч р-ни ва Анбор Маланда, хидир-эли Урганч ва Хивада, *тама* Хонқа ва Богот р-нларида жойлашганлар.

Туркманлар Х. о. нинг ТуркмССР б-н чегарадош р-нларида, қорақалпоқлар шимолий р-нларда, руслар ва татарлар эса асосан шаҳарларда (Хива, Урганч ва б.) яшайдилар.


КАДИМГИ ХОРАЗМ АРХЕОЛОГИК ЁДГОРЛИКЛАРИ
(карта-схема)
ШАРТЛИ БЕЛГИЛАР
Шаҳарлар ва йирик қалъалар
Қасрлар, қўрғонлар ва алоҳида истеҳкомлар
Мустаҳкамланган карвонсаройлар
Сигнал минoралари
Йирик мозорлар
Қазилган каналлар
Турғун суғориш иншоотлари
Ирригация
Богот
Ибтидоий жамоа
РАҚАМЛАРДА БЕРИЛГАН ШАРТЛИ БЕЛГИЛАР ИЗОҲИ
I Арзиқ давр ёдгорликлари (канглӣ, кушан ва ўрта асрлар)
II Ўрта асрлар шуғулларгача, кўпгина ёдгорликлар шу даврга оид
III Сўнгги ёдгорликлар (XVIII—XIX асрлар)
IV Ибтидоий—жамоа тузуми даврлари ёдгорликлари ва манзилгоҳлар
Қабрлар
Қоятошлардаги белгилар
Қўриқ ўрдалар
Аҳоли пунктлари, емирилган қасрлар, қалъалар ва бошқа объектларнинг археологик қазилма ишлари олиб борилганлиги тўғрисида маълумот берилган
Кейинги йилларда археологик текширишлар олиб борилган ёдгорликлар
Эслатма: Тагига чизилган археологик ёдгорликлар номлари, назарий хатламларни ҳам ўз ичига олади
0 15 30 км
Шаҳар (Қалъа)
Қишлоқ
Қўриқ ўрда
Қалъа
Қаср
Мозор
Қабр
Қояга ишлов берилган
Ирригация
Богот
Ибтидоий жамоа
Археологик ёдгорлик
Археологик ёдгорлик (Қалъа)
Археологик ёдгорлик (Қаср)
Археологик ёдгорлик (Мозор)
Археологик ёдгорлик (Қабр)
Археологик ёдгорлик (Қояга ишлов берилган)
Археологик ёдгорлик (Ирригация)
Археологик ёдгорлик (Богот)
Археологик ёдгорлик (Ибтидоий жамоа)
Карта материаллари С.П. Толстов ва Б.К. Жобинов
Амударё
Қипчоқдарё
Гурлан
Шовот
Қўшкўпир
Хива
Урганч
Хонқа
Янгиарик
Хазорасп
Богот
Тупроққала
Оёзқала
Қалъалиқир
Қўйқирилган қалъа
Тўпроққала
Кўзалидқала
Жонбосқала
Ёркўрғон
Ёркўрғонтепа
Ёркўрғон-II
Бўстонтепа
Бўстонтепа-II
Қўшбурунтепа
Қўшбурунтепа-II
Қўшбурунтепа-III
Қўшбурунтепа-IV
Қўшбурунтепа-V
Қўшбурунтепа-VI
Қўшбурунтепа-VII
Қўшбурунтепа-VIII
Қўшбурунтепа-IX
Қўшбурунтепа-X
Қўшбурунтепа-XI
Қўшбурунтепа-XII
Қўшбурунтепа-XIII
Қўшбурунтепа-XIV
Қўшбурунтепа-XV
Қўшбурунтепа-XVI
Қўшбурунтепа-XVII
Қўшбурунтепа-XVIII
Қўшбурунтепа-XIX
Қўшбурунтепа-XX
Қўшбурунтепа-XXI
Қўшбурунтепа-XXII
Қўшбурунтепа-XXIII
Қўшбурунтепа-XXIV
Қўшбурунтепа-XXV
Қўшбурунтепа-XXVI
Қўшбурунтепа-XXVII
Қўшбурунтепа-XXVIII
Қўшбурунтепа-XXIX
Қўшбурунтепа-XXX
Қўшбурунтепа-XXXI
Қўшбурунтепа-XXXII
Қўшбурунтепа-XXXIII
Қўшбурунтепа-XXXIV
Қўшбурунтепа-XXXV
Қўшбурунтепа-XXXVI
Қўшбурунтепа-XXXVII
Қўшбурунтепа-XXXVIII
Қўшбурунтепа-XXXIX
Қўшбурунтепа-XL
Қўшбурунтепа-XLI
Қўшбурунтепа-XLII
Қўшбурунтепа-XLIII
Қўшбурунтепа-XLIV
Қўшбурунтепа-XLV
Қўшбурунтепа-XLVI
Қўшбурунтепа-XLVII
Қўшбурунтепа-XLVIII
Қўшбурунтепа-XLIX
Қўшбурунтепа-L
Қўшбурунтепа-LI
Қўшбурунтепа-LII
Қўшбурунтепа-LIII
Қўшбурунтепа-LIV
Қўшбурунтепа-LV
Қўшбурунтепа-LVI
Қўшбурунтепа-LVII
Қўшбурунтепа-LVIII
Қўшбурунтепа-LIX
Қўшбурунтепа-LX
Қўшбурунтепа-LXI
Қўшбурунтепа-LXII
Қўшбурунтепа-LXIII
Қўшбурунтепа-LXIV
Қўшбурунтепа-LXV
Қўшбурунтепа-LXVI
Қўшбурунтепа-LXVII
Қўшбурунтепа-LXVIII
Қўшбурунтепа-LXIX
Қўшбурунтепа-LXX
Қўшбурунтепа-LXXI
Қўшбурунтепа-LXXII
Қўшбурунтепа-LXXIII
Қўшбурунтепа-LXXIV
Қўшбурунтепа-LXXV
Қўшбурунтепа-LXXVI
Қўшбурунтепа-LXXVII
Қўшбурунтепа-LXXVIII
Қўшбурунтепа-LXXIX
Қўшбурунтепа-LXXX
Қўшбурунтепа-LXXXI
Қўшбурунтепа-LXXXII
Қўшбурунтепа-LXXXIII
Қўшбурунтепа-LXXXIV
Қўшбурунтепа-LXXXV
Қўшбурунтепа-LXXXVI
Қўшбурунтепа-LXXXVII
Қўшбурунтепа-LXXXVIII
Қўшбурунтепа-LXXXIX
Қўшбурунтепа-XC
Қўшбурунтепа-XCI
Қўшбурунтепа-XCII
Қўшбурунтепа-XCIII
Қўшбурунтепа-XCIV
Қўшбурунтепа-XCV
Қўшбурунтепа-XCVI
Қўшбурунтепа-XCVII
Қўшбурунтепа-XCVIII
Қўшбурунтепа-XCIX
Қўшбурунтепа-C
Қўшбурунтепа-CI
Қўшбурунтепа-CII
Қўшбурунтепа-CIII
Қўшбурунтепа-CIV
Қўшбурунтепа-CV
Қўшбурунтепа-CVI
Қўшбурунтепа-CVII
Қўшбурунтепа-CVIII
Қўшбурунтепа-CIX
Қўшбурунтепа-CX
Қўшбурунтепа-CXI
Қўшбурунтепа-CXII
Қўшбурунтепа-CXIII
Қўшбурунтепа-CXIV
Қўшбурунтепа-CXV
Қўшбурунтепа-CXVI
Қўшбурунтепа-CXVII
Қўшбурунтепа-CXVIII
Қўшбурунтепа-CXIX
Қўшбурунтепа-CXX
Қўшбурунтепа-CXXI
Қўшбурунтепа-CXXII
Қўшбурунтепа-CXXIII
Қўшбурунтепа-CXXIV
Қўшбурунтепа-CXXV
Қўшбурунтепа-CXXVI
Қўшбурунтепа-CXXVII
Қўшбурунтепа-CXXVIII
Қўшбурунтепа-CXXIX
Қўшбурунтепа-CXXX
Қўшбурунтепа-CXXXI
Қўшбурунтепа-CXXXII
Қўшбурунтепа-CXXXIII
Қўшбурунтепа-CXXXIV
Қўшбурунтепа-CXXXV
Қўшбурунтепа-CXXXVI
Қўшбурунтепа-CXXXVII
Қўшбурунтепа-CXXXVIII
Қўшбурунтепа-CXXXIX
Қўшбурунтепа-CXL
Қўшбурунтепа-CXLI
Қўшбурунтепа-CXLII
Қўшбурунтепа-CXLIII
Қўшбурунтепа-CXLIV
Қўшбурунтепа-CXLV
Қўшбурунтепа-CXLVI
Қўшбурунтепа-CXLVII
Қўшбурунтепа-CXLVIII
Қўшбурунтепа-CXLIX
Қўшбурунтепа-CL
Қўшбурунтепа-CLI
Қўшбурунтепа-CLII
Қўшбурунтепа-CLIII
Қўшбурунтепа-CLIV
Қўшбурунтепа-CLV
Қўшбурунтепа-CLVI
Қўшбурунтепа-CLVII
Қўшбурунтепа-CLVIII
Қўшбурунтепа-CLIX
Қўшбурунтепа-CLX
Қўшбурунтепа-CLXI
Қўшбурунтепа-CLXII
Қўшбурунтепа-CLXIII
Қўшбурунтепа-CLXIV
Қўшбурунтепа-CLXV
Қўшбурунтепа-CLXVI
Қўшбурунтепа-CLXVII
Қўшбурунтепа-CLXVIII
Қўшбурунтепа-CLXIX
Қўшбурунтепа-CLXX
Қўшбурунтепа-CLXXI
Қўшбурунтепа-CLXXII
Қўшбурунтепа-CLXXIII
Қўшбурунтепа-CLXXIV
Қўшбурунтепа-CLXXV
Қўшбурунтепа-CLXXVI
Қўшбурунтепа-CLXXVII
Қўшбурунтепа-CLXXVIII
Қўшбурунтепа-CLXXIX
Қўшбурунтепа-CLXXX
Қўшбурунтепа-CLXXXI
Қўшбурунтепа-CLXXXII
Қўшбурунтепа-CLXXXIII
Қўшбурунтепа-CLXXXIV
Қўшбурунтепа-CLXXXV
Қўшбурунтепа-CLXXXVI
Қўшбурунтепа-CLXXXVII
Қўшбурунтепа-CLXXXVIII
Қўшбурунтепа-CLXXXIX
Қўшбурунтепа-CXC
Қўшбурунтепа-CXCI
Қўшбурунтепа-CXCII
Қўшбурунтепа-CXCIII
Қўшбурунтепа-CXCIV
Қўшбурунтепа-CXCV
Қўшбурунтепа-CXCVI
Қўшбурунтепа-CXCVII
Қўшбурунтепа-CXCVIII
Қўшбурунтепа-CXCIX
Қўшбурунтепа-CC
Қўшбурунтепа-CCI
Қўшбурунтепа-CCII
Қўшбурунтепа-CCIII
Қўшбурунтепа-CCIV
Қўшбурунтепа-CCV
Қўшбурунтепа-CCVI
Қўшбурунтепа-CCVII
Қўшбурунтепа-CCVIII
Қўшбурунтепа-CCIX
Қўшбурунтепа-CCX
Қўшбурунтепа-CCXI
Қўшбурунтепа-CCXII
Қўшбурунтепа-CCXIII
Қўшбурунтепа-CCXIV
Қўшбурунтепа-CCXV
Қўшбурунтепа-CCXVI
Қўшбурунтепа-CCXVII
Қўшбурунтепа-CCXVIII
Қўшбурунтепа-CCXIX
Қўшбурунтепа-CCXX
Қўшбурунтепа-CCXXI
Қўшбурунтепа-CCXXII
Қўшбурунтепа-CCXXIII
Қўшбурунтепа-CCXXIV
Қўшбурунтепа-CCXXV
Қўшбурунтепа-CCXXVI
Қўшбурунтепа-CCXXVII
Қўшбурунтепа-CCXXVIII
Қўшбурунтепа-CCXXIX
Қўшбурунтепа-CCXXX
Қўшбурунтепа-CCXXXI
Қўшбурунтепа-CCXXXII
Қўшбурунтепа-CCXXXIII
Қўшбурунтепа-CCXXXIV
Қўшбурунтепа-CCXXXV
Қўшбурунтепа-CCXXXVI
Қўшбурунтепа-CCXXXVII
Қўшбурунтепа-CCXXXVIII
Қўшбурунтепа-CCXXXIX
Қўшбурунтепа-CCXL
Қўшбурунтепа-CCXLI
Қўшбурунтепа-CCXLII
Қўшбурунтепа-CCXLIII
Қўшбурунтепа-CCXLIV
Қўшбурунтепа-CCXLV
Қўшбурунтепа-CCXLVI
Қўшбурунтепа-CCXLVII
Қўшбурунтепа-CCXLVIII
Қўшбурунтепа-CCXLIX
Қўшбурунтепа-CCL
Қўшбурунтепа-CCLI
Қўшбурунтепа-CCLII
Қўшбурунтепа-CCLIII
Қўшбурунтепа-CCLIV
Қўшбурунтепа-CCLV
Қўшбурунтепа-CCLVI
Қўшбурунтепа-CCLVII
Қўшбурунтепа-CCLVIII
Қўшбурунтепа-CCLIX
Қўшбурунтепа-CCLX
Қўшбурунтепа-CCLXI
Қўшбурунтепа-CCLXII
Қўшбурунтепа-CCLXIII
Қўшбурунтепа-CCLXIV
Қўшбурунтепа-CCLXV
Қўшбурунтепа-CCLXVI
Қўшбурунтепа-CCLXVII
Қўшбурунтепа-CCLXVIII
Қўшбурунтепа-CCLXIX
Қўшбурунтепа-CCLXX
Қўшбурунтепа-CCLXXI
Қўшбурунтепа-CCLXXII
Қўшбурунтепа-CCLXXIII
Қўшбурунтепа-CCLXXIV
Қўшбурунтепа-CCLXXV
Қўшбурунтепа-CCLXXVI
Қўшбурунтепа-CCLXXVII
Қўшбурунтепа-CCLXXVIII
Қўшбурунтепа-CCLXXIX
Қўшбурунтепа-CCLXXX
Қўшбурунтепа-CCLXXXI
Қўшбурунтепа-CCLXXXII
Қўшбурунтепа-CCLXXXIII
Қўшбурунтепа-CCLXXXIV
Қўшбурунтепа-CCLXXXV
Қўшбурунтепа-CCLXXXVI
Қўшбурунтепа-CCLXXXVII
Қўшбурунтепа-CCLXXXVIII
Қўшбурунтепа-CCLXXXIX
Қўшбурунтепа-CCXC
Қўшбурунтепа-CCXCI
Қўшбурунтепа-CCXCII
Қўшбурунтепа-CCXCIII
Қўшбурунтепа-CCXCIV
Қўшбурунтепа-CCXCV
Қўшбурунтепа-CCXCVI
Қўшбурунтепа-CCXCVII
Қўшбурунтепа-CCXCVIII
Қўшбурунтепа-CCXCIX
Қўшбурунтепа-CCC
Қўшбурунтепа-CCCI
Қўшбурунтепа-CCCII
Қўшбурунтепа-CCCIII
Қўшбурунтепа-CCCIV
Қўшбурунтепа-CCCV
Қўшбурунтепа-CCCVI
Қўшбурунтепа-CCCVII
Қўшбурунтепа-CCCVIII
Қўшбурунтепа-CCCIX
Қўшбурунтепа-CCCX
Қўшбурунтепа-CCCXI
Қўшбурунтепа-CCCXII
Қўшбурунтепа-CCCXIII
Қўшбурунтепа-CCCXIV
Қўшбурунтепа-CCCXV
Қўшбурунтепа-CCCXVI
Қўшбурунтепа-CCCXVII
Қўшбурунтепа-CCCXVIII
Қўшбурунтепа-CCCXIX
Қўшбурунтепа-CCCXX
Қўшбурунтепа-CCCXXI
Қўшбурунтепа-CCCXXII
Қўшбурунтепа-CCCXXIII
Қўшбурунтепа-CCCXXIV
Қўшбурунтепа-CCCXXV
Қўшбурунтепа-CCCXXVI
Қўшбурунтепа-CCCXXVII
Қўшбурунтепа-CCCXXVIII
Қўшбурунтепа-CCCXXIX
Қўшбурунтепа-CCCXXX
Қўшбурунтепа-CCCXXXI
Қўшбурунтепа-CCCXXXII
Қўшбурунтепа-CCCXXXIII
Қўшбурунтепа-CCCXXXIV
Қўшбурунтепа-CCCXXXV
Қўшбурунтепа-CCCXXXVI
Қўшбурунтепа-CCCXXXVII
Қўшбурунтепа-CCCXXXVIII
Қўшбурунтепа-CCCXXXIX
Қўшбурунтепа-CCCXL
Қўшбурунтепа-CCCXLI
Қўшбурунтепа-CCCXLII
Қўшбурунтепа-CCCXLIII
Қўшбурунтепа-CCCXLIV
Қўшбурунтепа-CCCXLV
Қўшбурунтепа-CCCXLVI
Қўшбурунтепа-CCCXLVII
Қўшбурунтепа-CCCXLVIII
Қўшбурунтепа-CCCXLIX
Қўшбурунтепа-CCCL
Қўшбурунтепа-CCCLI
Қўшбурунтепа-CCCLII
Қўшбурунтепа-CCCLIII
Қўшбурунтепа-CCCLIV
Қўшбурунтепа-CCCLV
Қўшбурунтепа-CCCLVI
Қўшбурунтепа-CCCLVII
Қўшбурунтепа-CCCLVIII
Қўшбурунтепа-CCCLIX
Қўшбурунтепа-CCCLX
Қўшбурунтепа-CCCLXI
Қўшбурунтепа-CCCLXII
Қўшбурунтепа-CCCLXIII
Қўшбурунтепа-CCCLXIV
Қўшбурунтепа-CCCLXV
Қўшбурунтепа-CCCLXVI
Қўшбурунтепа-CCCLXVII
Қўшбурунтепа-CCCLXVIII
Қўшбурунтепа-CCCLXIX
Қўшбурунтепа-CCCLXX
Қўшбурунтепа-CCCLXXI
Қўшбурунтепа-CCCLXXII
Қўшбурунтепа-CCCLXXIII
Қўшбурунтепа-CCCLXXIV
Қўшбурунтепа-CCCLXXV
Қўшбурунтепа-CCCLXXVI
Қўшбурунтепа-CCCLXXVII
Қўшбурунтепа-CCCLXXVIII
Қўшбурунтепа-CCCLXXIX
Қўшбурунтепа-CCCLXXX
Қўшбурунтепа-CCCLXXXI
Қўшбурунтепа-CCCLXXXII
Қўшбурунтепа-CCCLXXXIII
Қўшбурунтепа-CCCLXXXIV
Қўшбурунтепа-CCCLXXXV
Қўшбурунтепа-CCCLXXXVI
Қўшбурунтепа-CCCLXXXVII
Қўшбурунтепа-CCCLXXXVIII
Қўшбурунтепа-CCCLXXXIX
Қўшбурунтепа-CCCXC
Қўшбурунтепа-CCCXCI
Қўшбурунтепа-CCCXCII
Қўшбурунтепа-CCCXCIII
Қўшбурунтепа-CCCXCIV
Қўшбурунтепа-CCCXCV
Қўшбурунтепа-CCCXCVI
Қўшбурунтепа-CCCXCVII
Қўшбурунтепа-CCCXCVIII
Қўшбурунтепа-CCCXCIX
Қўшбурунтепа-CD
Қўшбурунтепа-CDI
Қўшбурунтепа-CDII
Қўшбурунтепа-CDIII
Қўшбурунтепа-CDIV
Қўшбурунтепа-CDV
Қўшбурунтепа-CDVI
Қўшбурунтепа-CDVII
Қўшбурунтепа-CDVIII
Қўшбурунтепа-CDIX
Қўшбурунтепа-CDX
Қўшбурунтепа-CDXI
Қўшбурунтепа-CDXII
Қўшбурунтепа-CDXIII
Қўшбурунтепа-CDXIV
Қўшбурунтепа-CDXV
Қўшбурунтепа-CDXVI
Қўшбурунтепа-CDXVII
Қўшбурунтепа-CDXVIII
Қўшбурунтепа-CDXIX
Қўшбурунтепа-CDXX
Қўшбурунтепа-CDXXI
Қўшбурунтепа-CDXXII
Қўшбурунтепа-CDXXIII
Қўшбурунтепа-CDXXIV
Қўшбурунтепа-CDXXV
Қўшбурунтепа-CDXXVI
Қўшбурунтепа-CDXXVII
Қўшбурунтепа-CDXXVIII
Қўшбурунтепа-CDXXIX
Қўшбурунтепа-CDXXX
Қўшбурунтепа-CDXXXI
Қўшбурунтепа-CDXXXII
Қўшбурунтепа-CDXXXIII
Қўшбурунтепа-CDXXXIV
Қўшбурунтепа-CDXXXV
Қўшбурунтепа-CDXXXVI
Қўшбурунтепа-CDXXXVII
Қўшбурунтепа-CDXXXVIII
Қўшбурунтепа-CDXXXIX
Қўшбурунтепа-CDXL
Қўшбурунтепа-CDXLI
Қўшбурунтепа-CDXLII
Қўшбурунтепа-CDXLIII
Қўшбурунтепа-CDXLIV
Қўшбурунтепа-CDXLV
Қўшбурунтепа-CDXLVI
Қўшбурунтепа-CDXLVII
Қўшбурунтепа-CDXLVIII
Қўшбурунтепа-CDXLIX
Қўшбурунтепа-CDL
Қўшбурунтепа-CDLI
Қўшбурунтепа-CDLII
Қўшбурунтепа-CDLIII
Қўшбурунтепа-CDLIV
Қўшбурунтепа-CDLV
Қўшбурунтепа-CDLVI
Қўшбурунтепа-CDLVII
Қўшбурунтепа-CDLVIII
Қўшбурунтепа-CDLIX
Қўшбурунтепа-CDLX
Қўшбурунтепа-CDLXI
Қўшбурунтепа-CDLXII
Қўшбурунтепа-CDLXIII
Қўшбурунтепа-CDLXIV
Қўшбурунтепа-CDLXV
Қўшбурунтепа-CDLXVI
Қўшбурунтепа-CDLXVII
Қўшбурунтепа-CDLXVIII
Қўшбурунтепа-CDLXIX
Қўшбурунтепа-CDLXX
Қўшбурунтепа-CDLXXI
Қўшбурунтепа-CDLXXII
Қўшбурунтепа-CDLXXIII
Қўшбурунтепа-CDLXXIV
Қўшбурунтепа-CDLXXV
Қўшбурунтепа-CDLXXVI
Қўшбурунтепа-CDLXXVII
Қўшбурунтепа-CDLXXVIII
Қўшбурунтепа-CDLXXIX
Қўшбурунтепа-CDLXXX
Қўшбурунтепа-CDLXXXI
Қўшбурунтепа-CDLXXXII
Қўшбурунтепа-CDLXXXIII
Қўшбурунтепа-CDLXXXIV
Қўшбурунтепа-CDLXXXV
Қўшбурунтепа-CDLXXXVI
Қўшбурунтепа-CDLXXXVII
Қўшбурунтепа-CDLXXXVIII
Қўшбурунтепа-CDLXXXIX
Қўшбурунтепа-CDXC
Қўшбурунтепа-CDXCI
Қўшбурунтепа-CDXCII
Қўшбурунтепа-CDXCIII
Қўшбурунтепа-CDXCIV
Қўшбурунтепа-CDXCV
Қўшбурунтепа-CDXCVI
Қўшбурунтепа-CDXCVII
Қўшбурунтепа-CDXCVIII
Қўшбурунтепа-CDXCIX
Қўшбурунтепа-CM
Қўшбурунтепа-CMI
Қўшбурунтепа-CMII
Қўшбурунтепа-CMIII
Қўшбурунтепа-CMIV
Қўшбурунтепа-CMV
Қўшбурунтепа-CMVI
Қўшбурунтепа-CMVII
Қўшбурунтепа-CMVIII
Қўшбурунтепа-CMIX
Қўшбурунтепа-CMX
Қўшбурунтепа-CMXI
Қўшбурунтепа-CMXII
Қўшбурунтепа-CMXIII
Қўшбурунтепа-CMXIV
Қўшбурунтепа-CMXV
Қўшбурунтепа-CMXVI
Қўшбурунтепа-CMXVII
Қўшбурунтепа-CMXVIII
Қўшбурунтепа-CMXIX
Қўшбурунтепа-CMXX
Қўшбурунтепа-CMXXI
Қўшбурунтепа-CMXXII
Қўшбурунтепа-CMXXIII
Қўшбурунтепа-CMXXIV
Қўшбурунтепа-CMXXV
Қўшбурунтепа-CMXXVI
Қўшбурунтепа-CMXXVII
Қўшбурунтепа-CMXXVIII
Қўшбурунтепа-CMXXIX
Қўшбурунтепа-CMXXX
Қўшбурунтепа-CMXXXI
Қўшбурунтепа-CMXXXII
Қўшбурунтепа-CMXXXIII
Қўшбурунтепа-CMXXXIV
Қўшбурунтепа-CMXXXV
Қўшбурунтепа-CMXXXVI
Қўшбурунтепа-CMXXXVII
Қўшбурунтепа-CMXXXVIII
Қўшбурунтепа-CMXXXIX
Қўшбурунтепа-CMXL
Қўшбурунтепа-CMXLI
Қўшбурунтепа-CMXLII
Қўшбурунтепа-CMXLIII
Қўшбурунтепа-CMXLIV
Қўшбурунтепа-CMXLV
Қўшбурунтепа-CMXLVI
Қўшбурунтепа-CMXLVII
Қўшбурунтепа-CMXLVIII
Қўшбурунтепа-CMXLIX
Қўшбурунтепа-CML
Қўшбурунтепа-CMLI
Қўшбурунтепа-CMLII
Қўшбурунтепа-CMLIII
Қўшбурунтепа-CMLIV
Қўшбурунтепа-CMLV
Қўшбурунтепа-CMLVI
Қўшбурунтепа-CMLVII
Қўшбурунтепа-CMLVIII
Қўшбурунтепа-CMLIX
Қўшбурунтепа-CMLX
Қўшбурунтепа-CMLXI
Қўшбурунтепа-CMLXII
Қўшбурунтепа-CMLXIII
Қўшбурунтепа-CMLXIV
Қўшбурунтепа-CMLXV
Қўшбурунтепа-CMLXVI
Қўшбурунтепа-CMLXVII
Қўшбурунтепа-CMLXVIII
Қўшбурунтепа-CMLXIX
Қўшбурунтепа-CMLXX
Қўшбурунтепа-CMLXXI
Қўшбурунтепа-CMLXXII
Қўшбурунтепа-CMLXXIII
Қўшбурунтепа-CMLXXIV
Қўшбурунтепа-CMLXXV
Қўшбурунтепа-CMLXXVI
Қўшбурунтепа-CMLXXVII
Қўшбурунтепа-CMLXXVIII
Қўшбурунтепа-CMLXXIX
Қўшбурунтепа-CMLXXX
Қўшбурунтепа-CMLXXXI
Қўшбурунтепа-CMLXXXII
Қўшбурунтепа-CMLXXXIII
Қўшбурунтепа-CMLXXXIV
Қўшбурунтепа-CMLXXXV
Қўшбурунтепа-CMLXXXVI
Қўшбурунтепа-CMLXXXVII
Қўшбурунтепа-CMLXXXVIII
Қўшбурунтепа-CMLXXXIX
Қўшбурунтепа-CMXC
Қўшбурунтепа-CMXCI
Қўшбурунтепа-CMXCII
Қўшбурунтепа-CMXCIII
Қўшбурунтепа-CMXCIV
Қўшбурунтепа-CMXCV
Қўшбурунтепа-CMXCVI
Қўшбурунтепа-CMXCVII
Қўшбурунтепа-CMXCVIII
Қўшбурунтепа-CMXCIX
Қўшбурунтепа-CMC
Қўшбурунтепа-CMCI
Қўшбурунтепа-CMCII
Қўшбурунтепа-CMCIII
Қўшбурунтепа-CMCIV
Қўшбурунтепа-CMCV
Қўшбурунтепа-CMCVI
Қўшбурунтепа-CMCVII
Қўшбурунтепа-CMCVIII
Қўшбурунтепа-CMCIX
Қўшбурунтепа-CMCX
Қўшбурунтепа-CMCXI
Қўшбурунтепа-CMCXII
Қўшбурунтепа-CMCXIII
Қўшбурунтепа-CMCXIV
Қўшбурунтепа-CMCXV
Қўшбурунтепа-CMCXVI
Қўшбурунтепа-CMCXVII
Қўшбурунтепа-CMCXVIII
Қўшбурунтепа-CMCXIX
Қўшбурунтепа-CMCXX
Қўшбурунтепа-CMCXXI
Қўшбурунтепа-CMCXXII
Қўшбурунтепа-CMCXXIII
Қўшбурунтепа-CMCXXIV
Қўшбурунтепа-CMCXXV
Қўшбурунтепа-CMCXXVI
Қўшбурунтепа-CMCXXVII
Қўшбурунтепа-CMCXXVIII
Қўшбурунтепа-CMCXXIX
Қўшбурунтепа-CMCXXX
Қўшбурунтепа-CMCXXXI
Қўшбурунтепа-CMCXXXII
Қўшбурунтепа-CMCXXXIII
Қўшбурунтепа-CMCXXXIV
Қўшбурунтепа-CMCXXXV
Қўшбурунтепа-CMCXXXVI
Қўшбурунтепа-CMCXXXVII
Қўшбурунтепа-CMCXXXVIII
Қўшбурунтепа-CMCXXXIX
Қўшбурунтепа-CMCXL
Қўшбурунтепа-CMCXLI
Қўшбурунтепа-CMCXLII
Қўшбурунтепа-CMCXLIII
Қўшбурунтепа-CMCXLIV
Қўшбурунтепа-CMCXLV
Қўшбурунтепа-CMCXLVI
Қўшбурунтепа-CMCXLVII
Қўшбурунтепа-CMCXLVIII
Қўшбурунтепа-CMCXLIX
Қўшбурунтепа-CMCL
Қўшбурунтепа-CMCLI
Қўшбурунтепа-CMCLII
Қўшбурунтепа-CMCLIII
Қўшбурунтепа-CMCLIV
Қўшбурунтепа-CMCLV
Қўшбурунтепа-CMCLVI
Қўшбурунтепа-CMCLVII
Қўшбурунтепа-CMCLVIII
Қўшбурунтепа-CMCLIX
Қўшбурунтепа-CMCLX
Қўшбурунтепа-CMCLXI
Қўшбурунтепа-CMCLXII
Қўшбурунтепа-CMCLXIII
Қўшбурунтепа-CMCLXIV
Қўшбурунтепа-CMCLXV
Қўшбурунтепа-CMCLXVI
Қўшбурунтепа-CMCLXVII
Қўшбурунтепа-CMCLXVIII
Қўшбурунтепа-CMCLXIX
Қўшбурунтепа-CMCLXX
Қўшбурун

Хўжалиги. Х. о.— республиканинг пахтачилик областларидан бири. Маҳаллий чорвачилик, пиллачилик хом ашёсини ишлашга асосланган саноат, шунингдек пахта тозалаш саноати яхши ривожланган (Урганч, Хива, Ҳазорасп, Хонқа, Гурлан, Шовот, Янгиариқ, Янгибозор, Қўшкўпир, Боғот з-длари). Урганчда пилла-кашлик ва тикувчилик ф-калари, Хивада гилам к-ти бор. Озиқ-овқат саноатида мой ишлаб чиқариш, виночилик, кондитер, гўшт-сут-ёғ (Урганчда) корхоналари ва б. бор. Қурилиш материаллари саноати ҳам ривожланган (Урганч, Хива, Дўстлик ва б.). Ремонт з-длари, мебель ф-каси ишлаб турипти (Урганч). Электр энергияни асосан Тахиатош ГРЭС (ҚҚАССР)дан олади. 1963 йили Х. о. га табиий газ келган.

Қишлоқ хўжалиги Х. о. да 89 к-з, 23 с-з бор (1977). Ер ҳайдаш, экиш, ўрим-йиғим, ғўза қатор ораларини ишлаш, пахта йиғим-терими ишларининг 90—100% и механизациялашган. Қ. х. электрлаштирилган, 14 қишлоқ электр станцияси қурилган. Умумий ер фондининг 36,0% и ҳайдалади, 1,1% яйлов ва ўтлоқ, боғ ва токзорлар 0,6%, ўрмон ва чангалзорлар 10,9%, тутзор 0,8%, 47,5% и қ. х. да ишлатилмайдиган ерлар ва ҳ. к. Қ. х. экинлари фақат суғориладиган ерларда етиштирилади. Совет ҳокимияти йилларида эски суғориш тармоқлари қайта қурилди, янги ирригация-мелиорация иншоотлари барпо этилди. Полвонёп, Шовот, Қиличниёзбой, Тошсоқа ва б. магистрал каналлар қурилди, коллектор ва дренаж тармоқлари бунёд этилди. 1954 йилда қурилган Дарёлиқ коллекторининг узунлиги 290 *км*. Умумий экин майдони (168,8 минг *га*) нинг 104,2 минг гектарига пахта, 22,2 минг *га* ерга дон экинлари, 15,1 минг *га* ерга шоли, 6,1 минг *га* ерга маккажўхори (дон учун). 8,2 минг *га* ерга картошка, сабзавот, полиз экинлари, ем-хашак экинлари ва ҳ. к. экилади. 14,8 минг *га* ер кўп йиллик ўтлар б-н банд (1978). Пахта майдони 1977 йилда 1940 йилдагига нисбатан 44% кўпайди. Беда экиш 1965—77 йилларда 2 марта кўпайди. Обл.да тайёрланадиган беда уруғи Совет Иттифоқидаги бошқа республикаларга ҳам юборилади. Пахта ҳосилдорлиги 1940 йилдагига нисбатан 4 марта ортди (1976 йилда ўртача 36,5 *ц/га*). Кўп хўжаликлар ҳар *га* ердан олинадиган пахта ҳосилини 45—50 *ц/га* етказишди, республика бўйича 33 *ц* дан ҳосил олинмоқда (1978). Дон экинларидан шоли 1-ўринда туради. Республикадаги шолипояларнинг 29% и Х. о. да. Шоли ҳосилдорлиги жиҳатидан ҳам республикада Х. о. Андижон обл. дан кейин 2-ўринда туради (ҳар *га* ердан 54,2 *ц* дан ҳосил олинди, 1977). Сабзавот ва полиз экинлари ичида қовун етиштириш етакчи ўринда.


Асосан яйлов чорвачилиги ривожлантирилмоқда. Кўпроқ қорамол ва қоракўл қўйлар боқилади. Қорабайир отлар ва гўшт учун боқиладиган эчкилар ҳам муҳим аҳамиятга эга. Обл. хўжаликларида 246,3 минг қорамол (шуидан 87,2 минг сигир), 88,7 минг қўй ва эчки, 6,5 минг чўчқа, 0,7 минг от, 1050 минг парранда, 13,3 минг қуён бор (1978). Урганч паррандачилик ф-каси ишлаб турибди. Пиллачилик ҳам яхши ривожланган. Давлатга 426 минг *т* пахта, 64,6 минг *т* ғалла (шундан 61,7 минг *т* шоли), 1,5 минг *т* картошка, 24,2 минг *т* сабзавот, 30,9 минг *т* полиз маҳсулотлари, 3,0 минг *т* мева, 1,7 минг *т* узум, 6,4 минг *т* гўшт (тирик вазнда), 32,1 минг *т* сут, 42 035 минг дона тухум, 446 *т* жун, 1 802 *т* пилла, 5,6 минг дона қоракўл тери, 55,1 *т* асал сотилди (1977).

Х. о. да Бутуниттифоқ Пахтачилик илмий тадқиқот ин-тининг пахтачилик-бедачилик зонал комплекс тажриба станцияси (Урганч ш.да), пахта навларини тажриба қилиш участкаси (Хива р-нида), Қорақум чўлини ўрганиш Хива илмий тадқиқот станцияси, мевали дарахтлар кўчатзори, ўрмон кўчатзори (Урганч р-нида), давлат от з-ди (Урганч) ва б. бор.

Транспорти. Х. о. орқали Чоржўй—Қунғирот, Тошкент—Бейнав, Тошкент—Москва, Душанба — Москва т. й. ўтади. Т. й. узунлиги 133 *км* (1978). Автомобиль йўлларининг узунлиги 1692 *км* (1976). Урганч ш. б-н СССРдаги б. шаҳарлар (Тошкент, Нукус, Актюбинск, Красноводск, Москва, Минеральные Воды) ўртасида мунтазам авиация алоқаси ўрнатилган. Х. о. орқали Газли—Урал газ қувурлари ўтказилган.

Маданий қурилиш ва соғлиқни сақлаш. 578 умумий таълим мактаби (193,7 минг ўқувчи), техника мактаби, гидромелиорация ва қурилиш, қ. х. техникумлари, 2 болалар музика мактаби, педагогика билим юрти, медицина билим юрти, қ. х. ни механизациялаш мактаби (5700 ўқувчи), педагогика ин-ти (2900 студент) ишлаб турибди (1977—78). 449 кутубхона (2465 минг китоб ва журнал), 243 клуб, 10 шаҳар ва 12 р-н маданият уйи, 9 пионерлар уйи, 1 пионерлар саройи, 284 киноустановка, 1 область, 4 халқ театри, 4 халқ ансамбли, медицина тарихи ва тарихий-революция музейлари (Хива) бор. 9 р-н газетаси ва 1 кўп тиражли («Гидростроитель»); 2 обл. газетаси («Хоразм ҳақиқати» ва «Хорезмская правда») чиқиб турибди. Х. о. да Тошкент, Москва, Фрунзе, Душанба шаҳарларидан телевизион кўрсатувлар олиб берилади. 7100 ўринли 54 касалхона, 44 аёллар ва болалар консультациясида 1500 врач, 4600 малакали ўрта медицина ходими, 3 санаторий ишлаб турибди (1978).

Археологияси ҳақида *Хоразм* (Қадимги Хоразм) мақоласига қ. (432-бетдаги вклейкага, 496—497-бетлардаги карталарга қ.).




Хоразм области касалхоналаридан бирида операция паити.

Лд.: Материалы по районированию Средней Азии, кн. 2, Территория и население Бухары и Хорезма, ч.



Тошкент Тўқимачилик комбинатида тайёрланган читлардан намуналар.

Чит мақоласига.



Чумолилар мақоласига. Ўрмон сариқ чумолиси уясининг кесими: юқорида қанотли ургочи ва эркак чумолилар; пастроқда гумбакли камера; тўнкадаги камерада личинкалари; пастки камерада тухумлари; чап бурчакда қанотсиз ургочи чумоли (тухумлари билан).

2, Хорезм, Т., 1926, стр. 96—101; Сазонова М. Р., К этнографии узбеков южного Хорезма. «Труды Хорезмской археолого-этнографической экспедиции», т. I, М., 1952, стр. 247—318; Задыхила К. Л., Узбеки дельты Аму-Дарьи. «Труды Хорезмской археолого-этнографич. экспедиции», т. I, М., 1952, стр. 319—414; Народы Средней Азии и Казахстана, М., 1962, стр. 165—200.

ХОРАЗМ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ, В. И. Ленин номидаги Хоразм Давлат педагогика институти — педагог кадрлар тайёрлайдиган олий ўқув юрти. 1935 йили Урганчда Хоразм Ўқитувчилар ин-ти сифатида ташкил этилган. Дастлаб, физика-математика, ўзбек тили ва адабиёти ф-тлари бўлган. 1944 йили Хоразм бирлашган педагогика ва ўқитувчилар ин-тига, 1955 йили педагогика ин-тига айлантирилди. Ин-тда 5 ф-т (филология, математика, рус тили ва адабиёти, бошланғич таълим методикаси, табиатшунослик), 19 кафедра, кутубхона (180 мингдан зиёд асар) бор (1978); рус тили ва адабиёти, ўзбек тили ва адабиёти, математика, тарих ва география, бошланғич таълим методикаси, кимё, биология, инглиз ва немис тиллари ихтисослигидан кадрлар тайёрлайди; кундузги ва сиртқи бўлимида 2979 студент таълим олди, 130 ўқитувчи, жумладан 1 фан д-ри, 60 фан кандидати ва доцент ишлади (1978).

Ташкил этилгандан буён ин-т 11 мингдан ортиқ мутахассис тайёрлади (1978).

ХОРАЗМ СОВЕТЛАРИНИНГ ҚУРУЛТОЙЛАРИ. Биринчи қурултой (Бутун Хоразм халқ вакилларининг 1-қурултойи)—1920 йил 26—30 апрелда Хивада бўлиб ўтди. Қурултойда халқ вакиллари б-н эксплуататорлар синфи вакиллари ҳам иштирок этди. Қурултой Хоразмни Халқ Совет Республикаси деб эълон қилиб, ХХСРнинг биринчи Конституциясини қабул қилди. Қурултой РСФСР ҳукуматига мамлакатни озод қилишда кўрсатган ёрдами учун Хоразм меҳнаткашлари номидан ташаккур изҳор этди ҳамда дўстона шартнома ва битимлар тузиш мақсадида Москвага делегация юборишга қарор қилди. Қурултой ички душманлар ҳамда инглиз империалистлари мададига таянib ҳаракат қилаётган *Жунайдхон* босмачи тўдаларини тугатиш учун Хоразм Қизил Армиясини тузиш ва уни мустаҳкамлаш масаласига катта аҳамият берди. Қурултой ХХСРнинг ҳукумати — Халқ Нозирлари Шўросини тузди. Бу ҳукумат аъзолари, асосан, ўзбек буржуазияси, туркман қабила бошлиқлари ва мусулмон руҳонийларининг вакилларидан иборат бўлди.

Иккинчи қурултой (Бутун Хоразм Советларининг 2-қурултойи)—1921 йил 15 майда Хивада очилди. Унда қатнашган 340 делегатнинг асосий кўпчилиги деҳқонлардан иборат эди. Қурултой ХХСРнинг янги ҳукуматини тузиб, *вақф*ни давлатдан ажратилган деб эълон қилди, вақф ерларини ижарага олганлик учун ҳақ тўлашни гражданларнинг хусусий иши деб билдирди. Қурултой ер муносабатлари соҳасида ўзининг шахсий меҳнати б-н ерни ишлаётган кишиларгина ундан фойдаланишга ҳақли эканликларини қайд этди ҳамда РСФСР б-н ХХСР ўртасидаги иттифоқчилик шартномасини ва ҳарбий-сиёсий битимни имзолади. Республикада миллий ўзаро муносабатларни яхшилаш мақсадида Хоразм Марказий Ижроия Комитети ҳузурида Қирғизлар бюроси ва Туркманлар бўлими тузилди. Қурултой миллий-қабилавий кураш деб талқин қилинган жиноят б-н қамалган кишиларнинг ҳаммасига амнистия эълон қилди ва рамазоннинг «13-куни» (1921 йил 19 май)ни миллий дўстлик куни, умумхалқ байрами куни деб белгилади. Қурултой Хоразм халқи номидан РСФСР ҳукуматига мурожаат этиб, Қизил Армия қисмларини ёш Хоразм республикаси озодлиги ва мустақиллигини ҳимоя қилиш учун Хоразм терр-ясидан вақтинча чақириб олмасликларини илтимос қилди.

Учинчи қурултой (Бутун Хоразм Советларининг 3-қурултойи)—1922 йил июлда Хивада чақирилди. Унда ХХСРнинг янги, янада демократик Конституцияси қабул қилинди. Конституцияда кўрсатилганидек, Хоразм республикаси составида Қирғиз-Қорақалпоқ обл. тузишга қарор қилинди. Қурултой деҳқонлар моддий аҳволини яхшилаш масаласига катта аҳамият берди. Чунончи, чоракор ва камбағалларга ер бўлиб бериш учун давлат ер фондини тузишга ҳамда деҳқонларга узоқ муддатли ва қайтариб олинмайдиган ссудалар бериш учун давлат деҳқонлар банкини таъсис этишга қарор қилинди. Банкка уч миллиард сўм маблағ ажратиш мўлжалланди.


Тўртинчи қурултой (Бутун Хоразм Советларининг 4-қурултойи)—1923 йил 17 октябрда Хивада бўлиб ўтди. 300 дан ортиқ делегатларнинг асосий қисмини деҳқонлар ташкил этди. Қурултой Хоразмни Совет Социалистик Республикаси деб эълон қилди ва Хоразмда пролетариат диктатурасини, ишчилар синфи б-н деҳқонлар ҳокимиятини ўрнатди. Қурултой янги Конституция қабул қилиб, ХХСР давлат ҳокимиятининг олий органи — Бутун Хоразм Марказий Ижроия Комитетини сайлади. Қурултой ХХСР босиб ўтган йўлга якун ясаб, 1923 йил Хоразм тарихида бурилиш йили бўлганлигини қайд этди. Қурултойда республиканинг давлат ва хўжалик қурилишининг муҳим масалалари кўриб чиқилди, давлат органларини ёт унсурлардан тозалаб соғломлаштириш учун зарур чора-тадбирлар белгиланди. Қурултой деҳқонлар оммасининг сиёсий ва психологик етуклигини ҳисобга олиб, вақф ерларини бекор қилди, ҳамма ерларда ягона қ. х. солиғи ундирилишини жорий этди.

Бешинчи қурултой (Бутун Хоразм Советларининг 5-қурултойи)—1924 йил 29 сентябрда Хивада чақирилди. Қурултой *Ўрта Осиё республикаларида миллий давлат чегараланиши* ўтказилиши муносабати б-н ўзбек халқига УзССР составига, туркман халқига ТуркмССР составига, қирғиз (қозоқ) ва қорақалпоқ халқларига Қирғизистон (Қозоғистон) Автоном Совет Социалистик Республикаси составига кириш ҳуқуқини беришга қарор қилди.

УзССР ва ТуркмССРнинг Совет Социалистик Республикалари Иттифоқига киришини зарур деб топди. Қурултой Хоразм Совет Социалистик Республикаси шу пайтдан бошлаб бекор этилганлигини эълон қилди ҳамда сайланган Муваққат ҳукуматга юқоридаги қарорларни ҳаётга татбиқ қилишни топширди.

Ад.: Непесов Г. Н. ва б., Великий Октябрь и победа народной революции в Хорезме, Т., 1971; История Бухарской и Хорезмской Народных советских республик, М., 1971; История Хорезма, Т., 1976.

ХОРАЗМ ТЕАТРИ, Огаҳий номидаги Хоразм обл. Музикали драма ва комедия театри — Ўзбекистондаги кўҳна театрлардан бири. 1922 йили Ҳамза бошчилигида Хивада ташкил этилган. М. Еқубов (Шерозий), Сафо Муғанний Қ. Қутлиев, М. Харратов, Р. Омонов кабилар театр ташкил этилишида муҳим ҳисса қўшганлар. Ҳамзанинг



Хоразм театри биноси.

«Туҳматчилар жазоси», «Фарғона фожиаси», «Номус қурбонлари» каби асарлари театр саҳнасида қўйилган илк спектакллардир. 1933 йили театр Урганчга кўчирилди. 1934 йилдан обл. музикали драма ва комедия театри деб юритила бошлади. Театрнинг биринчи расмий бош режиссёри ва бадиий раҳбари Зуҳур Қобулов, биринчи балетмейстери *Тамарахоним* ва бош дирижёри Шариф *Рамазоновдир*. Охунжон қизиқ Ҳузуржонов, В. Фаёзов, С. Камолов ва б. театрнинг илк санъаткорларидир.


«Пўртана» (С. Абдулла ва Т. Жалилов, П. Раҳимов, Т. Содиқов, Н. Миронов), «Икки коммунист» (К. Яшин), «Макр ва муҳаббат» (Ф. Шиллер), «Ревизор» (Н. Гоголь) ва б. спектакллар 30-йилларда саҳналаштирилди.

Улуғ Ватан уруши йиллари ватанпарварлик, қаҳрамонлик, душманга нафрат туйғуларини уйғотувчи «Капитан Пахметов», «Фронт», «Чегарачилар», «Ўлим босқинчиларга!» сингари спектакллар театр репертуаридан ўрин олди.

Театр 50-йилларнинг 2-ярмидан маҳаллий муаллифлар б-н ишлашга алоҳида эътибор берди. «Маърифат қурбонлари» (Э. Раҳим), «Икки ўт ўртасида» (Р. Бекниёз), «Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам» (Ю. Юсупов), «Тўғон» (О. Матжон) кабилар бунга мисолдир. Кейинги йиллар театрнинг ижодий коллективи Тошкент Театр ва рассомлик санъати ин-тини битказган ёшлар ҳисобига кенгая бормоқда. УзССР халқ артистлари М. *Раҳимов*, С. *Раҳимова*, УзССРда хизмат кўрсатган артистлар М. Сафоев, У. Ғойипова, Р. Бойжоновалар театрнинг етакчи санъаткорларидир.

Театр 1976 йил 23 мартда янги, замонавий техника б-н жиҳозланган 701 ўринли бинога кўчди. Театрнинг бош режиссёри — И. Ниёзматов, бош рассоми — УзССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби — Л. Абдуллаева, бош дирижёри — Х. Бобожонов.

ХОРАЗМ ХАЛҚ СОВЕТ РЕСПУБЛИКАСИ *(ХХСР)* — *Хоразм инқилоби* (1920 йил февраль) ғалабаси натижасида Хива хонлиги территорияси ташкил қилинган республика. Майдони 62,2 минг *км*². Аҳолиси 500 минг кишидан ортиқ, жумладан ўзбеклар (64,7%), туркманлар (26,8%), қорақалпоқлар (3,8%), қозоқлар (3,4%) ва б. ХХСР ТуркАССР ва БХСР б-н чегарадош бўлган. Пойтахти — Хива.





Хоразм театри. 1. «Алишер Навоий» (Уйғун ва И. Султон асари. Ҳусайн Бойқаро — В. Фаёзов. Навоий — С. Камолов). 2. «Маузерли қиз» спектаклидан саҳна (Ю. Юсупов асари).

Россияда пролетар рев-ясининг ғалабаси, ТуркАССРда Совет ҳокимиятининг миллий ва социал зулмни тугатиш тадбирлари ва у амалга ошираётган социалистик ўзгаришлар Хива хонлиги меҳнаткаш оммасига ҳам катта революцион таъсир кўрсатди. Улар феодаллар эксплуатацияси ва хон истибдодига қарши озодлик ҳаракатини кучайтира бориб, 1919 йил ноябрда коммунистик партия раҳбарлигида қўзғолон кўтардилар. Бутун Россия МИҚ б-н РСФСР ХҚСнинг Туркистон комиссияси ва ТуркАССР ҳукумати қўзғолон кўтарган Хива халқининг илтимосига биноан, қуролли мадад беришга қарор қилди. Шунга кўра *Амударё бўлими*нинг қўшинлари Чоржўйдан юборилган совет ҳарбий қисмлари б-н кучайтирилди. Совет қўшинлари ва Хиванинг революцион қисмлари 1920 йил 14—18 январда Порсув, Илали ва Тошҳовузни ишғол қилдилар. Шиддатли жанглардан сўнг 23 январь кечқурун революцион отрядлар ва Қизил Армия қисмлари Ғозиобод, Бадаркент ва Тахтага кириб бордилар. Улар 1920 йил 1 февралда Хивани жангсиз ишғол қилдилар. Хива хони Саид Абдуллахон тахтдан воз кечди. Биринчи халқ ҳукумати — Революцион комитет тузилди. 2 февралда Хивада бўлиб ўтган оммавий митингда феодал-мустабид тузум ағдарилганлиги эълон қилинди.

Рев-я давомида кенг антифеодал халқ блоки тузилиб, унда меҳнаткашлар б-н бирга *Ёш хиваликлар*, шунингдек баъзи феодал-қабила бошлиқлари ҳам иштирок этди. Мазкур кучларнинг бирлашиши натижасида хон ҳокимиятини йиқитиш бирмунча осонлашди. Хива ревяси ғалаба қилган вақтда мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий қолоқлиги сабабли бу ерда социалистик ўзгаришларни дарҳол амалга ошириш учун лозим бўлган шарт-шароит ҳали етилмаган эди. Социализм қуришга киришишдан олдин мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий турмушидаги патриархал-феодаллик муносабатларини тугатиш вазифаси турар эди. Шу сабабли Хива рев-ясининг ғалабасидан кейин социалистик ўзгаришларни эмас, балки революцион-демократик ўзгаришларни амалга ошириш вазифалари кун тартибида биринчи ўринга қўйилди. 1920 йил 26—30 апрелда Хивада Бутун Хоразм халқ вакилларининг 1-қурултойи бўлиб, унда Хоразм Халқ Совет Республикаси деб эълон қилинди.

ХХСР, В. И. Ленин таъбири б-н айтганда, деҳқон-совет республикаси бўлиб, унинг социал базасини меҳнаткаш деҳқонлар ташкил этди (В. И. Ленин, Асарлар, 31-т., 519 б.). ХХСР нинг қурултойда қабул қилинган конституциясида Хоразм меҳнаткашларининг хон зулмига қарши олиб борган курашидаги ғалабалари қайд қилинди ҳамда республика хўжалигини қайта тиклаш ва революцион-демократик ўзгаришларни амалга ошириш программаси белгилаб берилди. Хоразм тарихидаги бу биринчи конституцияга кўра меҳнаткаш аҳоли сиёсий ҳуқуққа эга бўлди, ҳокимият меҳнаткаш халқ депутатлари — Хоразмда яшовчи ҳамма элатлар вакилларидан тузилган Советлар қўлига ўтди. Қурултой ХХСР ҳукумати — Халқ Нозирлари Шўросини тузди. Ҳукумат аъзолари, асосан, ўзбек буржуазияси, туркман қабила бошлиқлари ва мусулмон руҳонийларининг вакилларидан иборат эди.



Рев-яниng вақтинча ҳамроҳи бўлган «Ёш хиваликлар»нинг раҳбарлари, уруғ-қабилаларнинг бошлиқлари Хоразмнинг социалистик йўлдан ривожланишига ҳар томонлама қаршилик қилдилар. Бутун Россия МИҚ б-н РСФСР ХҚСнинг Туркистон комиссияси Хоразм Ревкомининг мурожаатига кўра, ҳокимиятни мустаҳкамлашда ёрдам бериш учун Хивага Фавқулодда комиссия юборди. ТуркАССР Совет Хоразмига 50 минг пуд керосин, 50 минг пуд нефть, бир вагон идиш-товоқ, 3 минг дона калиш ва 400 минг газ газлама, шунингдек Хоразмда мунтазам Қизил Армия қисмларини тузиш учун 1000 милтиқ, 200 минг патрон, 4 тўп, 4 пулемёт, 2 самолёт ва 20 ҳарбий инструктор юборди. 1920 йилнинг август ойидаёқ Туркистондан ХХСР га 3 миллион сўмликдан зиёдроқ озиқ-овқат ва саноат моллари, маҳаллий тилларда нашр қилинган дарсликлар, канцелярия моллари, дори-дармон ва ҳар хил медицина ускуналари жўнатилди.

Хоразм Компартияси ва Хоразм республикаси ҳукумати маданий қолоқликни тугатиш чораларини кўрдилар. 1920 йилнинг ўрталарида РСФСР ёрдами б-н республикада 10 та совет мактаби, педагогика билим юрти, интернат, музей ва 50 ўринли касалхона очилди. Шу йили Хоразм Компартияси раҳбарлиги ҳамда РКП(б) МҚ ва Россия комсомоли вакилларининг ёрдами б-н ХХСРда 8 та р-н комсомол комитети ва 25 та комсомол ячейкаси тузилди. Хоразм комсомолининг 1-съезди (1920) бўлиб ўтди. Съездда Хоразм Коммунистик Ёшлар Союзининг МҚ сайланди. ХХСР шаҳарларида ишчилар, косиблар ва хизматчиларнинг касаба союзлари, қишлоқларда эса меҳнаткашларнинг оммавий ташкилотлари ташкил қилина бошлади.

1920 йил сентябрида Москвада РСФСР б-н ХХСР ўртасида иттифоқчилик шартномаси тузилди. Шартномага биноан, РСФСР Хоразм республикасининг тўла мустақиллигини тан олди; подшо ҳукумати ва муваққат ҳукумат б-н Хива хонлари ўртасида тузилган шартнома ва битимлар бекор қилинди; РСФСР ХХСР территориясидаги ўз мол-мулкларини ҳеч бир ҳақ олмай Хоразм республикаси ихтиёрига топширди. РСФСР б-н ХХСР ўртасида ҳарбий-сиёсий ва иқтисодий битим (1920 йил 13 сентябрь)нинг тузилиши Хоразм республикасининг ички ва халқаро аҳволини мустаҳкамлади. Хива хонлигидаги феодал-мустабид тузумни қулатиш учун олиб борилган жангларда қатнашган хивалик қизил аскарлар Хоразм Қизил Армиясининг ядросини ташкил этди. Биринчи аграр ўзгаришлар амалга оширилиб, 10 минг десятина ер деҳқонларга бўлиб берилди. Бундан ташқари уларга уруғ, деҳқончилик асбоблари ҳамда қарз пуллар ҳам берилди. Эски суғориш иншоотларини қайта тиклаш б-н бирга янгилари ҳам қурилди. 1921 йилнинг май ойида Бутун Хоразм Советларининг 2-қурултойи бўлиб ўтди. Хоразм МИҚ ҳузурида Қирғизлар бюроси ва Туркманлар бўлими тузилди. 1921 йил 10—11 декабрда Хивада Хоразм КПнинг 1-съезди бўлиб ўтди. Съездда 1200 коммунист номидан 37 делегат қатнашиб, ХХСР олдида турган асосий вазифалар: ер ислоҳоти ўтказиш, саноат корхоналарини национализация қилиш, маорифни ривожлантириш, хотин-қизлар масаласини ҳал этиш каби вазифалар белгилаб олинди ва тегишли қарорлар қабул қилинди. 1922 йилнинг декабрида ХХСР Советларининг МИҚ аҳолидан олинадиган ягона қ. х. солиғини жорий этди. Қизил Армия жангчилари ва командирларининг оилалари ҳамда 10 танобдан кўп ери бўлмаган милиционерлар бу солиқдан озод қилинди. 1921—22 йилларда 400 минг танобдан ортиқ ер национализация қилиниб, ерсиз ва ери кам деҳқонларга берилди. Деҳқонларга кооператив йўли б-н ёрдам бериб турилди. Қ. х. ва косибчилик маҳсулотларини сотиб олиш ҳамда саноат маҳсулотларини сотиш б-н шуғулланувчи матлубот кооперацияси, шунингдек қ. х. ширкатлари тузилди. Халқ ҳукумати чорвачиликни ривожлантиришга ҳам катта эътибор берди. Янги Урганч ва Қўнғиротда ветеринария-даволаш пунктлари очилди. Деҳқонларга кредитга 5 минг бошга яқин чорва мол сотилди. Икки йил мобайнида Хоразм деҳқонлари Хазораспдан Хўжайлигача бўлган терр-яда 12 та дамба қурдилар. Хонёп (70 *км*), Қилич-Ниёзбой (181 *км*), Полвонёп (100 *км*) магистрал каналларини тозаладилар. 1923 йил охиригача деҳқонлар Амударёга 8 та тўғон қурдилар. 140 дан ортиқ майда каналларни тозаладилар. Бу ишларни амалга оширишда «Қўшчи» союзи актив роль ўйнади.





Хоразм театри 1. «Айбсиз айбдорлар» (А. Островский асари. Кручинина — У. Ғойибова, Незнамов — Х. Хўжаев). 2. «Қароқчилар». (Шиллер асари, Моор — С. Камолов, Амалия — Ш. Рамазонова).

Коммунистик партия, халқ ҳукумати кўрган чора ва тадбирлар ҳамда деҳқонларнинг фидокорона меҳнатлари натижасида қ. х. аста-секин тикланди, экин майдонлари кенгайди, ҳосилдорлик ортди. ХХСР саноати ҳам аста-секин ривожлана борди. Хусусий корхоналар национализация қилиниб, давлат мулкига айлантирилди, эски саноат объектлари қурилди. Республикада йўл, кўприкларни ремонт қилиш ва давлат транспортини ташкил этиш тадбирлари амалга оширилди. Мамлакатни империалистик давлатлар иқтисодий агрессиясидан ҳимоя қилиш мақсадида ХХСР ҳукумати молларнинг энг муҳим турлари б-н ташқи савдо қилишни давлат ихтиёрига берди.

Компартия раҳбарлигида қисқа муддатда умумий таълим ва махсус ўқув юртлари шохобчалари ташкил этилди. 1923 йил майига келиб бошланғич мактаблар 29 тага етди, бундан ташқари, битта халқ дорулфунуни, муаллимлар тайёрлайдиган икки семинария, 8 интернат, 3 махсус мактаб-коммуна, партия, совет, комсомол, касаба союз кооператив ташкилотлари ва «Қўшчи» союзи ходимларини тайёрлайдиган уч ойлик курслар, катта ёшдаги кишилар учун саводсизликни тугатиш кечки курслари очилди. Республикада маданий-оқартув муассасалари, жумладан икки театр, 10 дан ортиқ кутубхона, хон саройида эса халқ музейи очилди. Хоразмда ўзбек ва туркман тилларида кўп тиражли газета («Инқилоб қуёши», «Руста», «Известия») ва журналлар («Қизил Хоразм», «Маориф») чиқа бошлади. Республикада соғлиқни сақлаш ишларини яхшилаш мақсадида рус врачлари ёрдамида профилактика тадбирлари амалга оширилди; р-нларда амбулатория ва поликлиникалар очилди, болаларни чечакка қарши эмлаш ташкил этилди, безгакни тугатиш учун санитария ҳафталари ўтказилди. 1922 йил охирига келиб, Хоразмда Хива касалхонаси (1913 йилда очилган)дан ташқари яна 4 та амбулатория-фельдшерлик пункти ва марказий дорихона ишга тушди. Илгари битта ҳам врачи бўлмаган республикада медицина ходимлари 74 кишига етди.

Шундай қилиб, Хоразмда халқ республикасидан социалистик республикага ўтиш учун объектив ва субъектив шарт-шароитлар етилиб борди. Хоразм Коммунистик партиясининг 1923 йил 20 июлда очилган II съезди ХХСР босиб ўтган йўлга якун ясади ва Хоразм революцион-демократик ривожланиш босқичини муваффақиятли ўтганлигини, Халқ Совет Республикаси босқичидан Совет Социалистик Республикаси босқичига ўтишга тайёр эканлигини қайд этди. 1923 йил 17 октябрда Бутун Хоразм Советларининг 4-қурултойи очилиб, у Хоразмни Совет Социалистик Республикаси деб эълон қилди.

Ўрта Осиёда миллий-давлат чегараланишининг ўтказилиши муносабати б-н Бутун Хоразм Советларининг 5-қурултойи (1924 йил 29 сентябрь — 2 октябрь) миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи ва Хоразм халқлари хоҳиш-иродасига асосланиб, уларга ХХСР составидан чиқиш ва янги ташкил этилган УзССР, ТуркмССР, Қорақалпоғистон автоном обл. составига кириш ҳуқуқини беришга қарор қилди. Натижада ХХСР бекор қилинди.

Ад.: Иноятов Х. Ш., Победа Советской власти в Узбекистане, Т., 1967; Мухаммедбердиев К., Коммунистическая партия в борьбе за победу Народной Советской революции в Хорезме, Ашхабад, 1959; Непесов Г., Из истории Хорезмской революции 1920—1924 гг., Т., 1962; Турсунов Х. Т., Образование Узбекской Советской Социалистической Республики, Т., 1957; Хамдамов Х., Хива хонлигининг ағдарилиши ва Хоразм Халқ Совет Республикасининг тузилиши, Т., 1960; Узбекистон ССР тарихи, т. 3, Т., 1971; История Бухарской и Хорезмской народных советских республик, М., 1971; История Хорезма с древнейших времен до наших дней, Т., 1976.

«ХОРАЗМ ҲАҚИҚАТИ» — Урганчда нашр этиладиган кундалик оммавий газета. Ўзбекистон КП Хоразм обл. комитети ва халқ депутатлари обл. Совети органи. Шу ном б-н 1939 йил 1 августдан нашр этилади. Дастлаб, 1920 йил 8 мартдан *«Инқилоб қуёши»* номи б-н нашр этилган. Газета фаолиятини мустаҳкамлашда 1921 йили Хоразмга келган Ҳ. Ҳ. Ниёзий катта ҳисса қўшди. Партия ходимлари К. Болтаев, Қ. Берегин, О. Сафоева, ёзувчи ва шоирлар Фақирий, Хоразмий, Мутриб, Партов, Чокар, Муғанний, С. Назарий, ишчи ва қишлоқ вакиллари У. Қурбоний, М. Исмоилий, Э. Девонов, Ҳ. Эшмуродов ва б. газетанинг илк мухбирлари бўлган. Газета социалистик тузум афзалликларини мадҳ этишда, коллективлаштириш ва урушдан олдинги беш йилликлар даврида халқ хўжалигини ривожлантиришда, меҳнаткашлар оммасини социалистик жамиятга садоқат руҳида тарбиялашда муҳим роль ўйнади. Улуғ Ватан уруши ва ундан кейинги тинч қурилиш йилларида халқни янги зафарларга илҳомлантирди. Коммунистик жамият қурилиши даврида кенг халқ оммасини партия ғояларини бажаришга сафарбар этмоқда. Газетага турли даврларда Б. Раҳмонов, А. Тагиров, Ш. Булатов, Р. Мажидий, Қ. Берегин, О. Тошхўжаев, Э. Раҳимов муҳаррирлик қилган; 1977 йилдан газета муҳаррири — Э. Самандаров.





«Хоразм ҳақиқати» газетасининг «Инқилоб қуёши» номида чиққан сони.

«Х. ҳ.» «Ҳурмат Белгиси» ордени б-н мукофотланган (1970). Тиражи 50 мингдан зиёд (1978).

ХОРАЗМИЙ (14-аср) — ўзбек дунёвий адабиётининг йирик намояндаси. Форс-тожик тилида ҳам ижод қилган. Номачилик жанрига асос солган лирик-эпик ва бадиҳагўй шоир. Х. ҳаёти ва ижоди ҳақида ягона манба унинг «Муҳаббатнома» асаридир. Шоир бу достонни Олтин Ўрда хонлигининг Сирдарё музофотидаги амалдорларидан бири Муҳаммадхўжанинг таклифи б-н 1353 йили бошлаб, Сарой Беркада тугаллаган. Асар нома, маснавий, ғазал, қитъа, мадҳия, соқийнома, фард ва б. жанрларда ёзилган. Х. достонда ҳақиқий гўзалликни улуғлаб, инсоний фазилатлар ва пок муҳаббатни мадҳ этди, ҳаёт неъматларидан баҳра олишга чақирди. Асарнинг лирик қаҳрамони — ошиқ орқали жамиятнинг айрим проблемалари тилга олинади. Ошиқнинг номаси, соқийга мурожаати воситасида Х.нинг фалсафий-ижтимоий қарашлари ва айрим мулоҳазалари ифода этилади. «Муҳаббатнома» васф ва мадҳнинг синтезидан иборат бўлиб, бадиий жиҳатдан пишиқ, ифода ва тасвир воситаларига бой лирик обидадир. Асарнинг 1432 йилда кўчирилган уйғур ёзувидаги (OR. 8193) ҳамда 1509 йилда кўчирилган араб ёзувидаги (Add. 7914) нусхалари Британия музейида сақланади. Ҳар икки нусха ўртасида маълум (байтлар, ҳатто лексикада) тафовутлар мавжуд. Жумладан, арабча ёзувдаги форсий ўн биринчи нома кейинчалик киритилган. Асар рус тилида ҳам нашр қилинган. «Муҳаббатнома» туркий тилда шу жанрнинг кейинги ривожи учун замин бўлди. Хўжандийнинг «Латофатнома», Юсуф Амирийнинг «Даҳнома», Саид Аҳмаднинг «Таашшуқнома» асарлари бевосита «Муҳаббатнома» таъсирида юзага келган.

Ас.: Муҳаббатнома, Т., 1959.

Ад.: Щербак А. М., Огуз-наме. Муҳаббат-наме. Памятники древнеуйгурской и староузбекской письменности, М., 1959; Сайфи Сароий, Гулистон, [Шъерлар], Т., 1968.

ХОРАЗМИЙ [тахаллуси; асл номи Абу Абдулло Муҳаммад ибн Мусо (780, Хива — 850, Бағдод] — Ўрта осиёлик машҳур математик, астроном. Ёшлигиданоқ илм-фанга қизиққан. Х. ўша даврда катта илмий ва маданий марказ ҳисобланган Бағдодга таклиф қилинган. Аввал халифа ал-Маъмун (813—833), сўнгра ал-Мутасим (833—842) ва ал-Восиқ (842—847) саройларида ишлади. Бу ерда Х. нинг илмий фаолияти равнақ топди. У Шарқнинг дастлабки академияси — «Байт ул-Ҳикма» («Донолар уйи») да фаол иштирок этган. Бу ерда унинг раҳбарлигида араблар ва б. халқлар вакиллари б-н бир қаторда, *Аҳмад Фарғоний*, Аҳмад ибн Абдуллоҳ *Марвазий* каби Ўрта осиёлик олимлар тадқиқотлар олиб борганлар.

Х. ўз даврида диний-идеалистик дунёқараш ҳукмронлигига қарамай, ўзининг табиий-илмий фаолияти б-н илғор ижтимоий-фалсафий тафаккурга йўл очди. Х. математикада *абстракция* тушунчасини кенгайтирди. *Индукция* йўли б-н умумий ечиш усулларини ҳал қилди ва *дедукция* йўли б-н умумий усуллар ёрдамида турли хусусий масалаларни ечди. Унинг асарлари дунёвий фанларнинг ислом динидан мустақил ривожланишига йўл очди. Х. нинг фан соҳасидаги ютуқлари ўрта асрларда ҳукмронлик қилган дин ва схоластик-идеалистик фалсафага қаттиқ зарба берди, ислом динининг табиат тўғрисидаги уйдирма, ёлғон даъволарини фош этди.

Х. ўзининг *«Ал-жабр вал-муқобала»* рисоласида олимларни уларнинг ишлари характери бўйича 3 гуруҳга бўлади: 1) «Улардан бирлари ўзларигача қилинмаган ишларни қилиб, уни келажак авлодга қолдириб, ўзгалардан ўзиб кетадилар»; 2) «Ўзгалар ўтмишдошлари меҳнатларини шарҳлаб берадилар ва бу б-н қийинчиликларни енгиллаштирадилар, қулфларни очадилар, йўлларни ёритадилар, бу эса тушунишни осонлаштиради»; 3) «...ёки бу одам баъзи китоблардаги нуқсонларни топади ва узилганларни улайди».

Шу классификация бўйича Х. нинг ўзини *«алгебра»*нинг муаллифи сифатида биринчи гуруҳга, «арифметика»си б-н иккинчи гуруҳга киритиш мумкин.

Х. ўз илмий фаолиятини, аввало, ўша даврдаги табиий фанларни ривожлантириш, табиатни ўрганиш ва дунёни тажриба йўли б-н билиш ва б. масалаларга қаратди.

Х. нинг илмий мероси. Х. номини тарихда қолдирган асарларидан бири — «Ал-жабр вал-муқобала» рисоласидир. Асар назарий ва амалий қисмдан иборат. Иккинчи қисмида турли хўжалик-турмуш, савдо ва юридик масалалар (ер ўлчаш, мерос бўлиш)га алгебра методларини жорий қилиш кўрилади, янги алгебраик усул баён қилинади.

Х. ўша пайтларда амалда учрайдиган барча чизиқли ва квадрат тенгламаларни жамлаб, ҳозирги математик символ орқали бериладиган қуйидаги олти типга келтирди:

$$ax^2 = bx \quad (1)$$
$$ax^2 = c \quad (2)$$
$$bx = c \quad (3)$$
$$x^2 + bx = c \quad (4)$$
$$x^2 + c = bx \quad (5)$$
$$x^2 = bx + c \quad (6)$$

Х. бу тенгламаларни ечиш учун «ал-жабр» ва «ал-муқобала» («тиклаш» ва «қиёслаш») амалларини киритди. Бу амалларнинг моҳияти тенглама ҳадларининг ишорасини ўзгартирган ҳолда уларни бир томондан иккинчи томонга ўтказиш ва йиғиндан иборат. «Ал-жабр» кейинроқ математиканинг алоҳида бўлимига, айланиб, алгебра деб аталадиган бўлди. Мазкур амаллар ёрдамида ҳар қандай тенгламани кононик шаклга, яъни асосий типлардан бирига келтириб, кейин ечилади. Бу усул муҳим аҳамиятга эга бўлиб, Х. дан олдинги олимларнинг ишларида учрамайди.

Шу асар туфайли «Ал-Хоразмий» номи аввал (12-аср бошларида) латинча транскрипцияда «Algorithmi» шаклини олди, ундан «Algoritmus»га ва, ниҳоят, ҳозирги замон ҳисоблаш математикасининг асосий термини *«алгоритм»* («алгорифм») га айланди. Х. берган дастлабки алгоритмлардан бири қуйидагича. Мас., $x^2+10x=39$ тенгламанинг илдизини топиш талаб этилсин. Х. ёзади: «Илдиз олдидаги сонни иккига тақсимла ($10:2=5$); уни ўзига кўпайтир ($5^2=25$); унга тенгламадаги сонни қўш ($25+39=64$); ундан квадрат илдиз чиқар ($\sqrt{64}=8$); бундан илдиз олдидаги соннинг ярмини айир ($8-10:2=3$); бу эса изланган илдиздир», яъни

$$x = -\frac{10}{2} + \sqrt{\left(\frac{10}{2}\right)^2 + 39} - 3.$$

Кейинчалик Х. нинг уч тенгламаси $ax^2 + bx = c$; $x^2 + c = bx$ ва $ax^2 = bx + c$ бир тенглама: $ax^2 + bx + c = 0$ б-н ифодаланиб, бир ечимга келтирилган:

$$x = \frac{-b \pm \sqrt{b^2 - 4ac}}{2a}.$$

Х. алгебрасининг геометрия бўлимида фигураларни ўлчаш қоидалари жамланган ва алгебранинг учбурчак масалаларига татбиқ қилиниши кўрсатилган. Баъзи қоидаларга таъриф ва исботлар келтирилган, жуда бўлмаса, тушунтириш берилган. Х. учбурчак, тўртбурчак, доира, кўпбурчак, пирамида, конус ва б. фигураларни кўриб чиққан. У учбурчакни тўғри бурчакли, ўткир бурчакли ва ўтмас бурчакли хилларга бўлади.

Х. нинг иккинчи математик асари — «Ҳинд арифметикаси ҳақида китоб» (Ҳисоб ал-ҳинд) ҳам фан тарихида муҳим роль ўйнади. Асар ўнлик система рақамлари (0, 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9) га бағишланган. Х. Ҳиндистонда кашф этилган бу рақамларни соддалаштирди ва биринчи бор араб тилида баён этди. Бу система ёйилгунга қадар анча қўпол ва ноқулай бўлган хилма-хил саноқ усулларидан фойдаланиб келинарди. Унлик системанинг кашф этилиши саноқ системасида чинакам рев-я бўлди. К. Маркс бу ҳисоб системасини юқори баҳолаган: «Араб рақамлари деб аталувчи 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9 рақамлари кашф этилишининг ажойиблиги шундаки, улардан фойдаланиб ва ноль ёрдамида энг катта сонларни ёзиш ва жойларни аниқ кўрсатиш Европага 10- ва 11-асрларда араблардан кириб келган» (К. Маркс, Математические рукописи, М., 1968, стр. 244).

Х. арифметиканинг алгоритмлари бўлган қўшиш, айириш, кўпайтириш ва бўлиш қоидаларини яратган. Шунингдек, Х. турли «жинс»даги сонларни кўпайтириш алгоритмини ҳам берган. Мас., минут, секундларни бир-бирига кўпайтириш учун, аввало, уларни бир хил шаклга, яъни секундга ёки минутга айлантириб олиш кераклигини кўрсатган. Қитобнинг махсус бобида каср ва илдиздан чиқариш амаллари ёзилган. Х. математиканы назарий ривожлантириш б-н бирга, ундан турмуш масалаларини ечишда фойдаланган. Мас., шариатда мерос ҳуқуқи гражданлар орасидаги мол-мулк тақсимотини мураккаб ҳолда тавсия этган. Х. асарларида бундай амалий масалаларни ечиш қоидалари ҳам маълум жой олган.

Х. нинг «Қитоб сурат ал-ард» («Ернинг сурати») номли географияга оид ноёб қўл ёзма асари 1878 йилда Қоҳирада топилди. Х. бу асарини яратишда Птолемейнинг «Географиядан қўлланма» асарига асосланган. Асарда 637 та муҳим жойлар, 209 та тоғнинг географик тафсилоти берилган, дарёлар, денгизлар ва океанлар ҳавзасининг шакли, уларда жойлашган оролларнинг муҳим координаталари б-н баён қилинган.

Х. астрономия соҳасида ҳам анча иш қилди. Бағдод расадхонасида ўтказган кузатишлари асосида ва ҳиндларнинг астрономия жадвалларини ҳар томонлама танқидий таҳлил қилиб, янги «Астрономик жадваллар» тузди. 12-асрда бу асар араб тилидан латин тилига (Аделард Батский) таржима қилиниб, бир неча аср давомида ундан фойдаланилган.

827 йилда Х. раҳбарлигида Ер куррасининг катталигини аниқлаш мақсадида Ер меридианининг бир градуси ўлчаб чиқилди. Бунинг учун Месопотамияда шимолий кенгликнинг 35° ва 36° лари орасидаги чизиқли масофа бевосита ўлчов тизимчаси б-н меридиан йўналишида аниқланиб, бурчак ўлчаш эса юлдузларнинг меридиан баландликларини кузатиш асосида бажарилган эди. Меридиан градуси узунлиги 56 ⅔ араб милясига, яъни ўрта ҳисобда 112 *км* га тенг қилиб олинган. Бу натижа аниқ бўлиб, ундан ташқари ўлчаш усулининг ўзи ҳам катта илмий аҳамиятга эга эди. Дастлабки тригонометрияга оид Бағдодда ёзилган асарлардан бири Х. га тегишли бўлиб, унда синус ва тангенсларнинг ўзгариш қонуниятлари кўрсатилган. Унинг тригонометрик жадвали ўша замон жадвалларидан фарқ қилади.

Х. нинг «Устурлоб ҳақида рисола» (қ. *Астролябия*), «Қуёш соатлари тўғрисида рисола», «Тарих рисоласи», «Музика рисоласи» каби асарлар ҳам ёзганлиги тўғрисида маълумотлар бор, аммо улар бизгача етиб келмаган.

Х. меросини ўрганиш. Х. яшаган давр, унинг илмий меросини кўпгина чет эл, рус ва совет олимлари ўрганганлар. 19-асрнинг машҳур математиги ва тарихшуноси, француз олими П. Таннерининг эътирофича, «Хоразмий асарлари 12-асрда итальян олими Аделард томонидан латин тилига таржима этилиб, Ғарбда математика соҳасидаги кўпгина янги кашфиётларнинг манбаи бўлиб хизмат қилди. Шунинг учун ҳам ал-Хоразмий номи Европада абадийлашиб қолди». Нормал алгоритмларни кашф қилган А. А. Марков Х. илмий ғояларининг ҳозирги замондаги актив давом эттирувчисидир.

20-асрнинг 10—20-йилларида немис шарқшуноси Ю. Рушка Х. нинг «Ал-жабр вал-муқобала» рисоласини танқидий таҳлил қилган, унинг баъзи бобларини арабчадан немис тилига таржима қилиб, араб рақамларининг белгиланиш тарихи, Х. нинг математика терминологияси, меросларни тақсимлаш масалалари устида тўхтаган. Шундан бир оз кейинроқ немис олими С. Гандц «Алгебра»нинг геометрия қисмини эълон қилган ва Х. ишларига катта эътибор берган. Г. Вилейтнер рисоланинг меросларни тақсимлаш бобини мукаммал ўрганган. Рисолага оид турли масалалар, чунончи унинг манбалари ва Европа математикасига таъсири Л. Роде, Л. Карпинский, М. Симон, О. Нейгебауэр, Г. Зутер, Г. Сартон, А. П. Юшкевич, Г. Энестрем, Басман ва б. асарларида ёритилган. Кейинги вақтларда Х. ижодига қизиқиш янада кучаймоқда. Унинг илмий мероси, дунёқарашини ўзбек совет олимларидан Т. Н. *Қори-Ниёзий*, Г. П. *Матвиевская*, Б. А. Розенфельд, В. Қ. *Қобулов*, О. *Файзуллаев* ва б. ўрганганлар ҳамда ўрганмоқдалар.

Ас.: Математические трактаты, Перевод. Т., 1964.

Ад.: Қабулов В. К., Файзуллаев А. Ф., Ал-Хорезми, алгоритмы и развитие кибернетики, «Труды XIII Международного конгресса по истории науки. Серия III и IV» китобида, М., 1974; Файзуллаев О., Мухаммад Хоразмий, Т., 1965; Юшкевич А. П., История математики в средние века, М., 1961.

ХОРАЗМИЙ ТИЛИ — қадимги Хоразм аҳолиси тилларидан бири; ўлик тил. *Эрон тилларининг* шарқий гуруҳчасига мансуб. Дастлаб, араб тилидаги 10—13-асрлар адабиётларидаги сўз ва иборалардан маълум. Х. т. га оид


ҳужжатлар мил. ав. 4—3-асрларга ва мил. 3-асрга тааллуқли. Араб истилочилари Х. т. да ёзилган асарларни куйдириб юборганлар. Флектив системанинг барқарорлиги, грамматик жинс (род) категориясининг мавжудлиги, сон туркумига оид сўзлар ва б. Х. т. да қадимги Эрон тилига хос хусусиятлар сақланганлигидан далолат беради. Ҳозирги Хоразм шеваларини тадқиқ этган тилшунослар Х. т. га оид баъзи сўзлар Хоразм шевалари лексикасида, топонимикасида мавжуд эканлигини қайд этадилар. Мас., Хоразм шеваларидаги патик (шип), кунда (омоч), ёп (ариқ) сингари сўзлар, Индавак, Пишканак, Арвак каби топонимлар Х. т. га оид деб тахмин қилинади.

Ад.: Фрейман А. А., Хорезмийский язык, ч. 1, М.—Л., 1951; Оранский И. М., Введение в иранскую филологию, М., 1960.

ХОРАЗМШОҲ — Хоразм ҳукмдорларининг унвони. *Беруний* асарларида келтирилган маълумотларга қараганда, дастлаб, Х. унвони б-н Хоразмни *Кайхусрав* идора этган. Қуйидаги 4 сулола ҳукмдорлари Х. унвонига эга бўлган: Африғийлар (305—995); Маъмунийлар (995—1017); Олтинтош сулоласи (1017—1034); Ануштагин сулоласи (1077—1231).

ХОРАЛ (лат. cantus choralis — хор ижрочилиги) — хор ижрочилиги тури ва шу ижрочилик услубида ёзилган асар. Х.лар Европада вужудга келиб, дастлаб, фақат диний мавзудаги хор асарларигина бўлган. Кейинчалик (17-асрдан) композиторлар ижодида дунёвий ва б. мавзудаги, шунингдек чолғу (якканавоз, ансамбль ва оркестрга мўлжалланган) Х.лар тарқалди. Х.ни бошловчи чолғу (кўпинча орган) муқаддимаси Х. прелюдияси деб аталган. У контрапункт овозлари б-н Х. куйларини уйғунлаштиришга асосланади. Х. куйларига асосланиб эркин шаклда яратилган орган пьесаси Х. фантазияси деб номланган. Х.нинг барча турлари И. С. *Бах* ижодидан кенг ўрин олган. Ўзбекистон композиторлари ҳам Х. услубида асарлар ёзишган (мас., И. И. Акбаровнинг «Ҳамза» кинофильмига сўзсиз хор учун ёзган хорали, Г. Мушель, Б. Гиенко ва б.нинг чолғу Х.лари).

ХОРВАТИЯ (Hrvatska), Хорватия Социалистик Республикаси (ХСР, Socijalistička Republika Hrvatska) — Югославия Социалистик Федератив Республикаси (ЮСФР) таркибидаги республика, мамлакатнинг шимолий-ғарбий қисмида жойлашган, Адриатика денгизига туташган. Майдони 56,5 минг *км*². Аҳолиси 4,5 млн. киши (1976), асосан *хорватлар*. Пойтахти — Загреб ш.



Хорватия. Пуладаги антик давр амфитеатри.


Табиати. Х. нинг шарқий қисми сертепали текислик, Сава ва Драва дарё водийлари кесиб ўтган. Х.нинг марказий ва ғарбий қисмида карст рельефли *Динара тоғлиги* (энг баланд жойи 1831 *м*) бор. Х.нинг шарқий қисмида иқлим мўътадил, континентал, Адриатика денгизи соҳилида эса субтропик, ўрта денгиз иқлими.

Тарихи. Х. терр-ясида одам илк палеолит давридан бошлаб яшайди. Бронза даврида иллирий, сўнгра келт қабилалари яшаган. Мил. ав. 1-асрда Х.ни Рим босиб олган. Мил. 1-асрда Х. нинг талайгина қисми Римнинг Паннония ва Далмация вилоятларига, 395 йили эса Византия таркибига кирган. 6—7-асрларда Х. терр-ясида *славянлар* яшай бошлади. 8-асрда Х. ерларини франклар босиб олди. 9-аср охирида Х. князлари франклар ва Византия таъсиридан қутулиб, мустақилликка эришдилар. 10-асрда Х.да христианлик тарқалди, феодал муносабатлар шакллана бошлади ва у Болқондаги йирик давлатлардан бирига айланди. 1102 йилги Венгрия-Хорватия унияcига кўра Х. венгр қироллари ихтиёрига ўтди.


12—13-асрларда Х. да феодал муносабатларининг шаклланиш жараёни тугади. 15-аср ўрталаридан бошлаб Х. терр-ясига турклар тез-тез ҳужум қилиб турди. 16-аср охирига келиб, турклар Х. нинг катта қисмини босиб олдилар. 1790 йили Х. маъмурий-сиёсий жиҳатдан Венгрияга тобе бўлди. *Вена конгресси* (1814—15) қарорига кўра Х.да Австрия Габсбурглари ҳукмронлик қила бошлади.

18-аср охиридан Х.да феодал муносабатлар емирилиб, капиталистик муносабатлар ривожлана бошлади. 19-аср 1-ярмида хорват миллати шаклланди.

Россиядаги 1917 йилги Октябрь революцияси таъсирида Х. меҳнаткашлари ўз иқтисодий ва сиёсий ҳуқуқлари учун курашни авж олдирдилар. 1918 йил 29 октябрда Х. сабори (мажлиси) Австрия-Венгрия б-н муносабатларни бутунлай узиш ва Халқ вечесини (Загребда 1918 йил 6 октябрда тузилган) олий ҳокимият деб эътироф этиш ҳақида қарор қабул қилди. Парчаланган Австрия-Венгрия империясининг жанубий славян областлари (шу жумладан Х. ҳам) 1918 йил 1 декабрда *Сербия* ва *Черногория* б-н бирлашиб, Серб, хорват ва словенларнинг ягона қироллигига (1929 йилдан Югославия қироллиги) уюшдилар. Югославия қироллигида ҳукмрон мавқеини эгаллаб олган серб буржуазияси Х.да миллий эзиш сиёсатини ўтказди. 1929 йилги давлат тўнтаришидан сўнг буржуазия ўртасида федерализм ҳаракати кучайди. 1929 йили чет элга қочиб кетган А. Павелич Италияда уста шларнинг террористик фашистик ташкилотини тузди. Фашистларнинг Югославияга қарши агрессияси (1941 йил 6—17 апрель)дан сўнг Загребда хорват фашистлари — усташларнинг А. Павелич бошчилигидаги «Мустақил Х. давлати» тузилди. Усташлар, немис ва итальян фашистлари Х.да қонли террор режимини ўрнатдилар. 1941 йил октябрда Югославия Компартиясининг қарори б-н Х.да халқ озодлик партизан отрядларининг бош штаби тузилди. 1942—1944 йилнинг 1-ярмида Х. терр-яси Югославия халқларининг халқ озодлик уруши маркази бўлиб турди. 1945 йил апрелда Х.да халқ ҳукумати тузилди. 1945 йил 15 майда Югославия армияси Х. терр-ясини босқинчилардан тўла озод этди. Югославия Федератив Халқ Республикаси эълон қилингач (1945 йил 29 ноябрь), Х. унинг таркибидаги 6 халқ республикасининг бири бўлиб қолди. ЮСФР ва ХСР конституцияларига кўра



Загребдаги Оршич-Радхов саройи, 1770.



Загребнинг жанубий қисмидаги кўп қаватли уйлар. 1960-йиллар.

(1963 ва 1974) Х. Югославия таркибидаги социалистик республика. Югославия Коммунистлар Союзи (ЮКС)нинг таркибий қисми бўлган Х. Коммунистлар Союзи етакчилигида Х.да социалистик жамият қурилмоқда.

Хўжалиги. Х.— Югославиянинг иқтисодий ривожланган республикаси. Саноат (қурилиш б-н биргаликда) етакчи ўринда. Тошкўмир, нефть ва газ, боксит ва цемент хом ашёси ҳамда ош тузи (денгиз сувидан) олишда Х. мамлакатда биринчи ўринда туради. Қора металлургия, машинасозлик, айниқса электротехника, транспорт машинасозлиги (кемасозлик), станоксозлик ва б. соҳалари ривожланган. Цемент, тўқимачилик, озиқ-овқат, кўн пойабзал ва ёғочсозлик саноатлари ҳам муҳим ўринда. Қ. х. да ғалла, қанд лавлаги, кунгабоқар, зиғир етиштирилади. Боғдорчилик ва узумчилик б-н ҳам шуғулланилади.

Маданий қурилиш ва соғлиқни сақлаш. Х. даги халқ маорифи системаси 1958 йилги мактаблар ҳақидаги қонун асосида ташкил этилган. Биринчи босқич мактаблар — мажбурий 8 йиллик, иккинчи босқич — 8 йиллик мактаб базасида 4 йиллик умумтаълим гимназиялари ёки 4—5 йиллик ўрта ҳунар-техника мактаблари, учинчи босқич — 4—5 йиллик олий ва 2 йиллик ярим олий ўқув юртларидир. 1974/75 ўқув йилида 110 гимназия, 413 ҳунар-техника мактаби, 83 олий ўқув юрти ишлади. 3 ун-т (Загреб, Риека, Сплитда) бор. Республикадаги олий илмий муассаса — Загребдаги Югославян Фанлар ва Санъат академияси (унинг таркибида 17 ин-т бор). 800 га яқин кутубхона, 108 музей, 29 театр, 385 кинотеатр бор (1974). 1975 йилда республикада 413 газета (умумий тиражи 196514 минг нусха) ва 304 журнал (умумий тиражи 47676 минг нусха) чиқди, 2405 номда 18076 минг нусха китоб нашр қилинди. «Борба» газетасининг Загреб нашри ва б. газеталар чиқади.

Соғлиқни сақлаш системасида 32 касалхона, 963 амбулатория, 640 тиш кабинети, 98 силга қарши диспансер, 251 аёллар консультацияси, 431 болалар поликлиникаси, 361 аптека бор (1973). Туризм ривожланган.

Адабиёти. Хорват ёзувининг пайдо бўлишида 9-асрда Моравиядан келган маърифатчилар (Кирилл ва Мефодий шогирдлари)нинг хизмати катта. Ўрта асрларда христианлик адабиёти кенг тарқалди.

Миллий уйғониш даври (18-аср охири—19-аср ўрталари)да Х.да маърифатчилик ривожланди, журналлар пайдо бўлди. 1847 йили хорват тили Х. ва Словения учун расмий тил бўлиб қолгач, ягона серб ва хорват адабий тили шаклланди. 1918 йилда Сербларҳорватлар ва словенлар қироллигининг тузилиши (1929-йилдан Югославия) хорват адабиётининг ривожланишида янги давр очди. Фашистлар оккупацияси йилларида Х.нинг кўпгина прогрессив ёзувчилари халқ озодлик урушида фаол қатнашдилар. 1945 йилда ЮФХР эълон қилингач, хорват адабиётида дастлаб антифашистик кураш мавзундаги поэзия етакчи ўринни эгаллади.



Трогирдаги собор портали. 1240. Меъмор Радован.

Архитектураси, тасвирий санъати. Х. да илл ирий ва кельт қабилаларининг мустаҳкамланган манзилгоҳлари, металлдан ишланган буюмлари, Адриатика денгизи соҳилида антик давр шаҳарлари харобалари сақланиб қолган. Мустақил Хорватия давлати даврида (9-аср охири — 12-аср бошлари) тошдан черковлар қурилди. 12-аср охирида Х. архитектурасида *роман услуби,* 14-асрда *готика,* 16—18-асрларда *барокко* услуби тарқалди. 19-аср бошларида *классицизм* услубидаги бинолар пайдо бўлди. 19-аср ўрталаридан тасвирий санъатда дунёвий жанрлар шаклланди. 20-аср бошларида рассомлик ва архитектурада миллий мактаблар пайдо бўлди. Югославияда халқ ҳокимияти ўрнатилгач (1945), қурилишлар индустриал асосда олиб борилди. Саноат корхоналари, янги турар жой бинолари қуриш, шаҳарларни бош план асосида реконструкция қилиш тадбирлари амалга оширила бошлади. Х. тасвирий санъатида прогрессив миллий бадиий анъаналар ривожлантирилмоқда. Халқ озодлик кураши мавзуларида кўплаб скульптура, графика ва рассомлик асарлари яратилди.

Музикаси. Х. музика маданиятида халқ санъати катта ўрин тутади. Хорватларнинг ҳозиргача сақланиб келаётган маросим, эпик, рақс, лирик ва б.халқ қўшиқларида қўшни мамлакат халқлари — итальян, венгр ва б.нинг таъсири бор. 1827 йили Загребда Х. даги биринчи музика жамияти ва музика мактаби ташкил этилди. 1834 йили махсус театр (1861 йилдан Хорват миллий театри) бинои қурилди. 1870 йилда Хорват миллий опера театри очилди. 1918 йилдан Хорват миллий композиторлик мактаби қарор топди. Югославияда халқ ҳокимияти ўрнатилгач, хорват музика маданияти жадал юксалди; кўплаб музика ўқув юртлари, ташкилотлари ва коллективлари ташкил этилди. Дубровникда (1950 йилдан), Сплитда (1954 йилдан) республика ва халқаро музика фестивалларини ўтказиб турилади.

Театри. 14—15-асрларда Сплит ва Задар ш.лари ва Хвар о.да черков театрлари шаклана бошлади. 16—17-асрларда Дубровникда ҳаваскорлар театри катта муваффақиятларга эришди. Х. театрининг ривожига реж. Б. Гавелла (1885—1962) катта ҳисса қўшди. 1945 йилдан кейин Миллий театр ўз фаолиятини тиклади. Гавелли номидаги драма театри, Болалар ва Қўғирчоқ театрлари очилди. 1950 йилдан Загребда Театр, музика, кино, телевидение академияси, 1943 йилдан Югославян Фанлар ва Санъат академияси ҳузурида Адабиёт ва театр ин-ти ишлайди. 1975 йилдан «Хроника» театр журнали нашр қилинмоқда (яна қ. *Югославия*).

Ад.: История Югославии, т. 1—2, М., 1963; Бромлей Ю. В., Становление феодализма в Хорватии, М., 1964; Фрейдзон В. И., Борьба хорватского народа за национальную свободу. Подъём освободительного движения в 1859—1875 гг., М., 1970; Зарубежные славянские литературы XX в., М., 1970; Литература славянских и балканских народов конца XIX—нач. XX веков, М., 1976; Бадалич П., Современная Югославская повесть. 70-годы, М., 1978; Русские писатели в Югославии. Пер. с харват., М., 1966; Алешина Л. С., Яворская Н. В., Искусство Югославии, М., 1966; Белоусов В. Н., Современная архитектура Югославии, М., 1973; Ямпольский И., Музыка Югославии, М., 1958; Вагапова Н., Театр народов Югославии. Драматургия, «История зарубежного театра», китобида, ч. 2, М., 1972; Солицева Л., Театр народов Югославии, «История западноевропейского театра» китобида, т. 6, М., 1974.

ХОРВАТЛАР — миллат. Асосан, ЮСФРнинг Хорватия Социалистик Республикасида, шунингдек Босния ва Герцеговина, Сербия ва б. республикаларида, чет элда — Австрия, Венгрия ва Америка (асосан АҚШ), Австралияда яшайди. Умумий сони 4,5 млн. киши (1971). *Серб-хорват тили*да гаплашади. Диний эътиқоди бўйича Х. нинг кўпчилиги католиклар, бир қисми православ ва протестантлар, Босния ва Герцеговинадаги Х. ислом динига эътиқод қилади.

Х. нинг аждодлари бўлган славян қабилалари (качичи, шубичи, свачичи ва б.) 6—7-асрларда Шимолий Далмация ва Шимолий Босния (Сава ва Драва дарёлари оралиғи)да яшаган. 9-асрда Хорват давлати таркиб топган. 11-аср охири — 12-аср бошида ўзаро феодал урушлар давлатнинг кучсизланишига сабаб бўлган. Х. Югославиянинг бошқа жанубий славян халқлари маданияти б-н кўпгина умумий белгиларга эга бўлган ўзига хос маданиятини ривожлантирди ва сақлаб қолди.

1918 йилда Х. ва б. жанубий славян халқлари бир давлат — Сербларҳорватлар ва Словенлар қироллиги (1929 йилдан Югославия) га бирлашдилар.

Қадимда Х. бир неча этнографик группалар (уларнинг номланиши яшаш жойининг географик аталиши б-н боғлиқ) — загорлар, пригорлар, личанлар ва б. га бўлинган. Кейинчалик Х. нинг этнографик группаларга бўлиниши ўз аҳамиятини йўқотган. Х. ўзларини ЮСФР таркибидаги социалистик экономикаси ва миллий маданияти ривожланган ягона миллат деб ҳисоблайдилар. Х. нинг кўпчилиги саноатда банд. Шунингдек, Х. деҳқончилик, тоғли р-нларда чорвачилик, денгиз соҳилларида балиқчилик б-н шуғулланади (яна қ. *Хорватия*).

ХОРДА (юнон. chorde — пай, ип) — одам ва кўпчилик *хордалилар* эмбрионининг бўғимларга бўлинмаган бирламчи скелет ўқи. Кейинчалик *умуртқа поғонаси*га айланади. Баъзи хордали ҳайвонлар (бош скелетсизлар, тўғарак оғизлилар, осётрлар, икки хил нафас олувчилар ва б.) да эса Х. умр бўйи сақланади.

ХОРДАЛИЛАР (Chordata) — иккиламчи бўшлиқли ҳайвонлар типи. Пардалилар, бошскелетсизлар ва *умуртқали ҳайвонлар* кенжа типига бўлинади. Барча Х. учун *хорда,* орқа нерв найи ва жабра ёриқларининг мавжудлиги характерлидир. Орқа нерв найи деярли ҳамма Х. нинг бутун ҳаёти давомида сақланади; умуртқали ҳайвонларда орқа нерв найининг олдинги учида бош мия шаклланади, вояга етган *асцидия*ларда у нерв ганглиялари б-н алмашган. Сувда яшовчи Х. жабра, қуруқликдагилари ўпка (ривожланишининг дастлабки босқичида ва личинкалар жабра) б-н нафас олади.

ХОРДУРИ — Қашқадарё обл. Чироқчи р-ни Эски Ангор қ. С. даги қишлоқ. Ф. Хўжаев номли с-з терр-ясида. Р-н марказидан 60 *км,* яқин т. й. станцияси — Айритом (13 *км*). Аҳолиси 1183 киши (1974); пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Москва каналидан сув ичади. Ўрта мактаб, медпункт бор.

«ХОРЕЗМСКАЯ ПРАВДА» («Хоразм ҳақиқати») — Урганчда рус тилида ҳафтасига 5 марта чиқадиган оммавий газета. Ўзбекистон КП Хоразм обл. комитети ва халқ депутатлари обл. Совети органи. Шу ном б-н 1941 йил 1 январдан бери нашр этилади. Дастлаб 1921 йил 6 июлдан Хивада «Известия Полномочного представительства РСФСР в Хорезмской Советской Республике» («Хоразм Совет Республикасидаги РСФСР Мухтор вакиллигининг ахбороти, тиражи 1200 нусха) номи б-н рус, ўзбек, туркман тилларида, 1921 йил 20 сентябрдан ХХСРдаги РСФСР Мухтор вакиллигининг маданий-оқартув комиссияси органи сифатида «Последние вести» («Сўнгги хабарлар») номи б-н рус тилида ҳафтада 3 марта чиқа бошлаган. 1927 йил 21 майдан шу газета ўрнига «Инқилоб қуёши» газетасига русча илова—«Солнце революции» нашр этилган. Газета Хоразмда Совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш, коллективлаштириш ва маданий рев-яни амалга ошириш, халқ хўжалигини ривожлантиришда обл. партия ташкилотининг муҳим қуроли бўлиб хизмат қилди; Улуғ Ватан уруши ва ундан кейинги тинч қурилиш йилларида оммани янги зафарларга илҳомлантиришда ҳам газетанинг хизмати катта. «Х. п.» обл. меҳнаткашларини коммунистик руҳда тарбиялаш, уларни хўжалик ва маданий турмуш вазифаларини бажаришга сафарбар этишда муҳим роль ўйнамоқда. Газетага турли даврларда И. Бик, Г. С. Завельский, В. Николаев, П. Подварков, К. М. Сергеев, Г. С. Гульшин, Б. В. Переплеснин, П. Д. Бородин, Е. П. Типикин ва б. муҳаррирлик қилишган. 1967 йилдан газета муҳаррири — В. С. Мильготин. «Ҳурмат Белгиси» ордени б-н мукофотланган (1973). Тиражи 13 мингдан зиёд (1978).



Хорватия. «Ярадор партизанни жанг майдонидан олиб чиқиш». Гипс. 1946. Ҳайкалтарош А. Августинчич. Загребдаги замонавий галерея.

ХОРЕОГРАФИЯ (юнон. choreia — рақс ва ... *графия*) — 1) кенг маънода рақс санъати; 2) рақс ва балет спектаклларини яратиш санъати (қ. *Рақс, Балет, Балетмейстер*). Шунинг учун баъзан «балетмейстер» сўзи «хореограф» сўзи ўрнида ишлатилади; 3) шартли белгилар системаси ёрдамида рақсни ёзиб олиш.

ХОРЕЯ (юнон. choreia — рақс) — нерв касаллиги. Мия пўстлоқ ости марказлари (тағрил тана, миячанинг тишли ядроси ва б.) зарарланиши оқибатида келиб чиқади. Х. терминини медицинага немис врачи Парацельс киритган. Х. б-н касалланган кишида қўл-оёқнинг тез-тез ортиқча ҳаракатланиши ёки тинимсиз кўз қисилиши ёхуд лабни чапиллатавериш ва ҳ. к. ғайри табиий ҳаракатлар (*гиперкинезлар*) кузатилади. Х. нинг уч тури бор: к и ч и к Х (инфекцион Х.) ёки С и д е н х е м касаллиги (1686 йилда шу касалликни тасвирлаб берган инглиз врачи номидан) ревматизм оқибатида келиб чиқади. Аксари болалар ва ўсмирларда кузатилади. Касаллик куз ва баҳорда кўпроқ ангина, грипп ва ҳ. к. дан кейин пайдо бўлади. Бунда дастлаб боланинг ҳаракатлари ўзгаради: юзини буриштириб, тилини чиқараверади, хўмрайиб-хўмрайиб қўяди, елкалари кўтарилиб-кўтарилиб туради. Кейинроқ гиперкинезлар қўл-оёққа, тилга ёки тананинг ярмига тарқалади. Бола сакраганга, ўйинга тушаётганга ўхшаб юради, қўлида бирор нарсани ушлаб туролмайди, тили тутилиб гапиролмай қолади. Кичик Х. да шунингдек мушак тонуси сусаяди, нерв фаолияти бузилиб, бемор жирттаки, йиғлоқи бўлиб қолади. Ҳомиладорлик Х. си кўпроқ болаликда кичик Х. б-н оғриган ёш



Хорватия. Хорват миллий рақси.



Хоргул.

аёлларда (ҳомиладорликнинг дастлабки ойларида) пайдо бўлади. Касаллик аломатлари кичик Х. никига ўхшаш. Бу Х. оғир ўтса ҳомила олиб ташланади. Х. нинг прогрессив тури (Гентингтон Х. си деб ҳам юритилади) наслдан-наслга ўтади, аксарият, ўрта яшар кишиларда учрайди. Бу Х. да гиперкинезлар секин-аста ривожланади, бемор лаёқатсиз, бефарқ бўлиб қолади, хотираси пасаяди, ақли заифлашиб боради.

Давоси: кичик Х. да асосий касаллик даволанади. Прогрессив Х. да дори-дармонлар (аминазин, резерпин ва б.) буюрилади. Кичик Х. нинг олдини олиш учун болани чиниқтириш, ревматизмни даволаш зарур.

Ад.: Футер Д. С., Заболевания нервной системы у детей, М., 1965, Михеев В. В., Нервные болезни, М., 1954.

ХОРИЖИЙЛАР (араб. خَارِجِيّ — ажралиб чиққан, исёнчи) — исломдаги илк демократик оқим тарафдорлари. Халифа *Али* б-н *умавийлар* ўртасидаги кураш давомида 7- асрнинг 2- ярми бошларида вужудга келган. Тахт учун курашда Али Муовия тарафдорлари (умавийлар) б-н музокара олиб боришга кўнган. Бу ҳол Али ҳақиқий ворислик ҳуқуқига эга деб ҳисобланган тарафдорларининг ўртасида норозилик туғдирган. Қўшинининг бир қисми (12000 киши) Алини келишувчиликда айблаб, ундан ажралиб кетган ва кейинчалик Алига ҳам, умавийларга ҳам баб-баравар қарши кураш бошлаган. Ана шу гуруҳ тарафдорлари Х. деб ном олган.

Х. араблар томонидан бўйсундирилган Ироқ ва Эрон аҳолиси, оддий араб-мусулмонлар ҳамда меҳнаткашлар оммаси манфаатини ифодалаган. Улар ўзларини ҳақиқий мусулмон деб ҳисоблаганлар.

Х. таълимотига кўра, халифа диний жамоа томонидан сайланади ва жамоага бўйсунади; ҳар қандай тақводор мусулмон (ҳатто қул ёки негр бўлса ҳам) халифа бўлиб сайланиши мумкин; агар халифа жамоа манфаатларини ҳимоя қилмаса вазифасидан бўшатилади ва, ҳатто, қатл этилади.

Х. нинг тарғиботчилари фикрича, эътиқод амалий фаолият б-н мустаҳкамланиши лозим. Х. эътиқод, гуноҳкор кишиларни жазолаш масалаларида *муржиъийлар*га қарама-қарши турганлар. Кейинчалик Х. бир неча майда гуруҳларга бўлиниб кетган.

Х. умавийлар ва *аббосийлар* халифалиги ҳокимиятини тан олмадилар, 7—9- асрларда уларга қарши кескин кураш олиб бордилар. Бу кураш натижасида Шимолий Африкада ўз давлатини вужудга келтирдилар. Х. халифаликдаги кўпгина қўзғолонларга *(Зинжийлар қўзғолони, Абу Муслим қўзғолони* ва б.) қатнашганлар. Ҳозирги даврда Х. асосан мағриб мамлакатларида (Жазоир, Тунис ва б. да). Уммон, Танзанияда учрайди.

ХОРИОИДИТ (лат. chorioida,— кўзнинг томирли пардаси) — *кўз*нинг томирли пардаси яллиғланиши. Одатда, кўз *тўр пардаси* ҳам зарарланади (хориоретинит). Инфекция томирли пардага қон орқали ўтади. Кўпинча *сил, захм, токсоплазмоз* каби юқумли касалликлар оқибатида келиб чиқади.

Х. да дастлаб кўздан учқун чиқаётгандек туюлиб, тўғри нарсалар синиққа ўхшаб кўринади. Сўнг кўз хиралашиб, кўриш ўткирлиги пасаяди, кўз тубида сарғимтир-оқиш бўртиклар пайдо бўлиб, кўз тўр пардаси ҳам шиша-ди. Кейин томирли ва тўр парданинг яллиғланган қисми *атрофия*га учрайди. Касаллик ўз вақтида даволанмаса бемор кўр бўлиб қолиши мумкин. Бемор касалхонада даволанади.

ХОРИОНЭПИТЕЛИОМА—хорион (қуш, судралиб юрувчилар, сут эмизувчилар ва одам эмбрионининг ташқи қавати) эпителиал ҳужайраларидан ҳосил бўлган хавфли ўсма. Ёш (28—35 яшар) аёлларда учрайди. Кўпинча ҳомиладорликда, аборт қилингандан сўнг, баъзан туғруқдан кейин пайдо бўлади. Одатда Х. бачадонда ҳосил бўлади. Х. қон томирларини емиради, ўпка, бош мия, дилоқ, жигар ва б. органларга жуда тез *метастаз* беради. Асосий белгилари: аёл жинсий органидан қон ва сероз-қон аралаш оқчил келади. Бу ҳол тўхтовсиз такрорланиши мумкин. Бунда бачадон катталашиб, қорин пасти қаттиқ оғрийди, қон кетади, кейин бемор озиб (кахексия), камқон бўлиб қолади.

Давоси. Химиотерапия, нур б-н даволаш, баъзан, операция қилинади.

ХОРИОПТОЗ — терихўр қўтир каналари қўзғатадиган сурункали касаллик. Кана терининг устки қисмида яшаб, эпидермис ҳужайралари б-н озиқланади. Отларда, қорамол, эчки ва қуёнларда паразитлик қиладиган турлари бор. Касаллик мол боқиш шароити бузилганда учрайди. Каналар отлар оёғининг тушов бўғими атрофида, думи остида, баъзан, сакраш бўғими терисида, қорамолнинг дум терисида, қуёнларнинг қулоғида паразитлик қилади. Касал ҳайвонда кучли қичима пайдо бўлади, қичиган жойни ҳайвон қашийди, отлар бир оёғини иккинчисига ишқалайди, оёқдан-оёққа туради, оёғини нарсаларга уради ёки туёғи б-н ер ковлайди. Касалланган жой жуни тўкилади, териси қалинлашади, қазғоқ пайдо бўлиб, тери буришиб қолади.

Кураш тадбирлари: ҳайвонлар қўтирга қарши дориланади, чўмилтирилади, бино ва асбоб-ускуналар канага қарши суюқ дорилар б-н ишланади.

ХОРМЕЙСТЕР *(хор* ва нем. Meister — уста, раҳбар) — хор дирижёри, раҳбари.

ХОРНЕОФИТОН — қ. *Псилофитсимонлар.*

ХОРОЛОГИЯ (юнон. Chora — фазо, макон ва ... *логия*) — *ботаника*нинг бир тармоғи. Организмларнинг, жумладан, ҳайвон ва ўсимликларнинг ер юзида географик тарқалиши ва улардаги ўзгаришни ўрганади (қ. *Ареал, Зоогеография*).

ХОРГУЛИ, хоргул (Rosa foetida) — раънодошлар (атиргуллилар оиласи) га мансуб бута. Бўйи 2 *м* ча. Шохлари узун ва ёйсимон букилган. Барглари тўқ яшил, патсимон мураккаб, 5—7 жуфт барғчали, банди 10—30 *мм*. Гуллари якка-якка, баъзан 2 ёки бир нечта. Косачабарглари бутун, бўйи 12—22 *мм*. Гултожиси сариқ ёки сирти сариқ, ичи қизил, диаметри 3—6 *см*. Меваси ясси шарсимон. Май ойида гуллаб, меваси июлда пишади.

Х. Ғарбий Европада ва Олд Осиёда тарқалган. Ўзбекистонда баъзан манзарали ўсимлик сифатида экилади.

ХОРУНОВ Раҳим (1911, Тошкент) — инженер, проф. (1966). 1946 йилдан КПСС аъзоси. Карл Маркс номли Тошкент педагогика техникумини тугатгач (1929), Тошкент обл. нинг Оҳангарон р-ида ва Тошкент ш. да ўқитувчи (1929—1931). Тошкент Темир йўл транспорти инженерлари ин-тини тугатган (1936). Самарқанд локомотив депосида инженер (1936), Тошкент Темир йўл транспорти инженерлари ин-тида ассистент (1937—42), катта ўқитувчи (1942—1960), доцент (1961), 1953 йилдан «Графика» кафедрасининг мудири. Техника фанлари кандидати (1953). Илмий ишлари, асосан, чизма геометрия ва чизмачиликка оид. 2 марта «Ҳурмат Белгиси» ордени ва медаллар б-н мукофотланган.

Ас.: Чизма геометрия курси, Т., 1974.

ХОРУҒ — шаҳар (1932 йилдан), ТожССР Тоғли Бадахшон автоном областининг маркази. Помирнинг жанубий-ғарбида (2200 *м* баландда), Ғунт дарёсининг Панж дарёсига қуйилиш ерида. Автомобиль тракти орқали Душанба ва Ўш шаҳарлари б-н боғланган. Аэропорти бор. Гўшт, сут ва темир-бетон конструкциялар з-длари; машина ремонти корхоналари, медицина билим юрти, музикали комедия театри, ўлкашунослик музейи бор. Х. да ТожССР ФАнинг Помир Биологияи ин-ти жойлашган.

ХОС — Тошкент обл. Бекобод р-ни Меҳнатобод қ. С. даги қишлоқ. «Коммунизм» к-з терр-ясида. Р-н марказидан 8 *км*, яқин т. й. станцияси — Бекобод (30 *км*). Аҳолиси 2771 киши (1977); пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Хосез каналидан сув ичади.

ХОСИЁН — Хоразм обл. Қўшкўпир р-ни Уртаёп қ. С. даги қишлоқ. «Коммунизм» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 20 *км*, яқин т. й. станцияси — Урганч (47 *км*). Аҳолиси 1456 киши (1976); пахтачилик, чорвачилик, пиллачилик, галлачилик, сабзавотчилик б-н шуғулланади. Хонработ канали орқали Амударёдан сув ичади. Ўрта мактаб, кутубхона, клуб, ёзги кинотеатр, пахта қабул қилиш пункти, медпункт, алоқа бўлими, болалар боғчаси; к-з меҳмонхонаси бор.

ХОТИМА — бадиий, илмий асарларга якун сифатида ёзиладиган қўшимча қисм. Бадиий асар Х. сида ёзувчи асар қаҳрамонларининг кейинги тақдири ҳақидаги мулоҳазаларини қисқа баён қилади. Л. Толстойнинг «Уруш ва тинчлик», А. Қодирийнинг «Ўтган кунлар», А. Қаҳҳорнинг «Синчалак» асарларида Х. нинг бадиий асарга хос намуналари мавжуд. Шарқ поэзиясида *ғазал* жанрида қўлланиладиган Х. мақтаъ деб юритилади. Бундай Х. да шоир ғазалда ифодаланган фикрга ўз муносабатини билдириб, бош поэтик ғоянн якунлайди. Илмий асарлардаги Х. ларда муаллиф ўзи илгари сурган ғоя ва фикрларни умумлаштириб, қисқа, яхлит хулоса чиқаради.

ХОТИН, хотун — илк ўрта асрларда айрим турк хонликларида подшоҳ оиласидан бўлган аёллар номи. Мўғуллар истилосидан сўнг (13-аср) «Х.» атамаси аёлларнинг ҳаммасига нисбатан ишлатилиб, ҳукмдор оилаларда эса «хоним», «бегим» ёки «оқа» терминлари тарқалган.

ХОТИНАРИҚ — Фарғона обл. Охунбобоев р-ни Охунбобоев қ. С. даги қишлоқ. Ленин номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 16 *км*, яқин т. й. станцияси — Марғилон (48 *км*). Аҳолиси 871 киши (1976); пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Жанубий Фарғона каналидан сув ичади. Ўрта мактаб бор.

ХОТИН-ҚИЗЛАР БЎЛИМЛАРИ, женотделлар — РКП(б) маҳаллий партия комитетлари ҳузуридаги бўлимлар. 1919 йили Меҳнаткаш хотин-қизлар ўртасида иш олиб бориш, уларни коммунистик руҳда тарбиялаш ва социалистик қурилишга жалб этиш мақсадида тузилган. Россия Ишчи ва деҳқон хотин-қизларининг 1-Бутун Россия съездидан кейин РКП(б) қарори (1918 йил 21 ноябрь)га мувофиқ губкомлар ҳузурида аёллар орасида пропаганда ва агитация олиб борувчи комиссиялар ташкил этилиб, 1919 йили Х.-қ. б. га айлантирилди.



Хорунов Р.

РКП(б) МҚ нинг хотин-қизлар бўлимида А. М. Коллонтой, И. Ф. Арманд, А. Р. Артюхина ва б. ишладилар. Улар гражданлар уруши даврида касал ва яралар қизил аскарларга ёрдам комитетлари тузишда, урушдан сўнг очлик ва вайронгарчиликка қарши курашда актив қатнашдилар. Иттифоқдош ва автоном республикаларнинг барча комиссарликлари, партия МҚ ва Бутуниттифоқ МИҚ комиссияларида Х.-қ. б. ўз вакилларига эга бўлган. Х.-қ. б. нинг ташаббуси б-н ХКС аёлларнинг ҳуқуқий, оилавий ва б. соҳалардаги аҳволи ҳақида декретлар қабул қилди. Х.-қ. б. совет хотин-қизларини коммунистик руҳда тарбиялашда катта роль ўйнади. 1929 йили РКП(б) МҚ қарори билан Х.-қ. б. тугатилиб, уларнинг вазифаларини партия ташкилотлари умумпартиявий ишлар қаторида бажара бошлади.

Туркистон, кейинчалик Ўзбекистон КП МҚ нинг хотин-қизлар бўлимида И. И. Финкельштейн, С. Т. Любимова, Т. Шодиева, Е. Л. Зелькина, Ж. Обидова, Ш. Ғойибжонова ва б. маҳаллий хотин-қизларни социалистик қурилишга жалб этишда катта ташкилотчилик ишлари олиб бордилар. Ўзбекистонда Х.-қ. б. Ўзбекистон КП(б) МҚ Ижроия бюросининг 1930 йил 1 апрель қарори б-н МҚнинг агитация ва оммавий кампаниялар бўлими ҳузурида ишчи ва деҳқон хотин-қизлари ўртасида иш олиб борувчи секторга айлантирилди.

ХОТИН-ҚИЗЛАР КАСАЛЛИКЛАРИ, гинекологик касалликлар — аёл организми анатомик ва физиологик хусусиятларига боғлиқ касалликлар. Х.-қ. к. инфекциялар, шикастланишлар, *интоксикация*лар, кимёвий ва термик (иссиқ) таъсиротлар, *ҳайз* кўриш циклининг бузилиши, ўсмалар пайдо бўлиши ва аёл жинсий органларининг туғма нуқсонлари оқибатида келиб чиқиши мумкин. Аёл жинсий органларининг касалланиши унинг бутун организмига таъсир этади. Шунингдек, қатор касалликлар (юқумли касалликлар, нерв, эндокрин, баъзи қон касалликлари ва б.) ҳам жинсий органларга таъсир кўрсатиши мумкин. Кўпинча жинсий етилган аёлларда (ўртача 20 дан 50 ёшгача) дилоқ (*вагинит*), бачадон (*эндометрит*), бачадон найи (*сальпингит*) яллиғланади. Кўпчилик ҳолларда аёл жинсий органлари касаллигини стрептококк, стафилококк, гонококклар (қ. *Сўзак, Захм*), трихомонадалар (қ. *Трихомоноз*), ичак ва сил таёқчаси ва ҳ. к. қўзғатади. Организмнинг умумий инфекцион касалликлари (грипп, ангина, тиф) да қон ёки лимфа орқали жинсий органларга инфекция ўтиши натижасида ҳам Х.-қ. к. юзага келади. Жинсий органлардаги яллиғланишлар ўз вақтида тўғри даволанса аёл соғайиб кетади. Айрим ҳолларда тўқима чандиқланиб, аъзолар битишиб қолади, касаллик сурункали тус олади. Касалликнинг тез-тез хуруж қилиши ва узоқ кечиши аёлнинг бола кўриш (қ. *Бепуштлик*) ва ҳайз кўриши фаолиятининг бузилишига сабаб бўлади.

СССРда Х.-қ. к. га учраган беморлар диспансер назоратида туради ва аёллар консультациялари, гинекологик стационарларда даволанади. Йирик саноат корхоналари медицина-санитария бўлимларида акушерлик-гинекологик кабинетлар ва стационарлар бўлиб, улар бемор-

ларни даволабгина қолмай, узлуксиз назорат қилиб турадилар. Қишлоқ жойларда участка касалхоналари врачлари ва акушер-фельдшерлар бемор аёлларга гинекологик ёрдам кўрсатади. Х.-қ. к. ни *гинекология* ўрганади.

Ад.: Брауде И. Л., Малиновский М. С., Серебров А. И., Неоперативная гинекология, М., 1957.

ХОТИН-ҚИЗЛАР МАСАЛАСИ — хотин-қизларнинг жамият ва онладаги аҳволи, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, хотин-қизларни зулмдан озод этиш йўллари масалаларини ўз ичига олган социал проблемалар комплекси. Х.-қ. м. социалистик революция ғалабаси ва коммунистик жамият қурилиши шарт-шароитлари ҳақидаги масаланинг бир қисмидир.

Хотин-қизларнинг жамият ва онладаги тобелиги ва эрксизлиги барча синфий антагонистик формациялар учун тааллуқлидир. Капитализм ёлланма аёллар меҳнатини ижтимоий ишлаб чиқаришга яна ҳам кўпроқ жалб этиш учун шароит яратди, лекин уларни аввалгидек зулм ва хўрлик азобида сақлаб, жамият ва онладаги аҳволини ўзгартирмади. Натижада Х.-қ. м. умумсоциал ва ишчилар масаласининг ажралмас қисми сифатида вужудга келди. «... Инсониятнинг ярмини ташкил этган хотин-қизлар капитализм даврида икки тарафлама эзиладилар. Ишчи хотин-қизлар ва деҳқон хотин-қизлар капитал томонидан эзилганлар, бунинг устига улар ҳатто энг демократик буржуа республикаларида ҳам: биринчидан, тенг ҳуқуқли эмаслар, чунки қонун уларнинг эркаклар б-н тенг ҳуқуқли бўлишига йўл қўймайди; иккинчидан,— бу энг муҳими — улар энг майда, энг қора, энг оғир, одамнинг савиясини ҳаддан ташқари пастлантирувчи — ўчоқ бошида ва умуман якка уй онла хўжалиги томонидан эзилганликларидан «уй қули», «уй чўриси» бўлиб қоладилар» (В. И. Ленин. Асарлар 32-т. 168—269 б.).

Марксизмгача бўлган буржуа пазариётчиларн Х.-қ. м. га бағишлаб яратган қатор асарларида хотин-қизларнинг жамиятдаги аҳволини «оқлаб» кўрсатдилар, бунга улар аёллар «организмининг заифлиги»ни асос қилиб олдилар. 19- аср охири ва 20- асрнинг бошларида Германия ва б. мамлакатларда Х.-қ. м. да буржуа мешчанларча қараш пайдо бўлди. Бунга кўра, хотин-қизларни ижтимоий ишлаб чиқариш ва жамият ҳаётига қатнаштирмаслик учун уларнинг физиологик хусусиятлари (она ёки бўлажак она эканликлари) «баҳона» қилинади.

К. Маркс, Ф. Энгельс, В. И. Ленин биринчи бўлиб Х.-қ. м. нинг синфий заминини очиб бердилар ва капиталистик жамиятда бу масалани меҳнаткаш хотин-қизларнинг фойдасига ҳал этиш мумкин эмас деб ҳисобладилар. Улар хотин-қизларни ҳақиқий озодликка чиқаришнинг биринчи шарти капиталистик эксплуатация тузумини йўқотиш керак, деб кўрсатдилар. Марксизм-ленинизм классиклари эзилган меҳнаткаш хотин-қизлар оммасига пролетар рев-ясининг улугвор резерви сифатида қарадилар. В. И. Ленин пролетар рев-яси ва Х.-қ. м. ни ҳал этиш ўртасидаги ўзаро диалектик алоқани таърифлаб шундай деб ёзган эди: «Пролетариат хотин-қизлар учун тўла озодлик қўлга киритмасдан туриб, тўла озодликка эга бўла олмайди» (Асарлар, 4- нашр, 30- том, 403- бет). Х.-қ. м. бўйича марксистик қарашларни пропаганда қилиш ва ривожлантиришда. А. Бебелнинг «Аёл ва социализм» (1879) асари муҳим роль ўйнади. К. Цеткин, Н. К. Крупская ва б. ларнинг фаолияти ҳамда асарлари Х.-қ. м. ни марксистик ҳал этишга муҳим ҳисса бўлиб қўшилди.

Улуғ Октябрь социалистик рев-ясидан кейин дунёга келган Совет давлатида Х.-қ. м. ни тарихда биринчи марта чинакам ҳал этиш учун шароит яратилди. Совет ҳокимиятининг дастлабки кунларидан бошлаб хотин-қизларнинг тенгсизлигига доир барча қонунлар бутунлай бекор қилинди. Советларнинг Бутун Россия 2- съезди [1917 йил 25—27 октябр (7—9 ноябрь)] нинг ишчи-деҳқон ҳукуматини тузиш тўғрисида қабул қилган қарорида оммавий ташкилотлар б-н бир қаторда хотин-қизлар ташкилотларининг ҳам давлатни бошқаришда иштирок этиши кўзда тутилган эди.

1917—18 йиллар давомида Совет ҳукумати хотин-қизларнинг жамият ва онлада эркаклар б-н тенг ҳуқуқлилигини таъминловчи қатор декрет, қонунлар қабул қилди ва бу биринчи Совет Конституциясида (1918) акс эттирилди. Совет ҳокимияти хотин-қизларга меҳнат қилиш, гражданлик ва онла-никоҳ, билим олиш масалаларида эркаклар б-н бир қаторда тенг ҳуқуқ берди, аёллар меҳнати, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш чораларини кўрди, тенг меҳнат учун тенг ҳақ тўлаш принципини мустаҳкамлади. Социалистик ишлаб чиқариш муносабатларининг яратилиши, индустрлаштириш ва қ. х. ни коллективлаштириш, маданий рев-яниинг амалга оширилиши натижасида совет жамиятида хотин-қизларнинг эркаклар б-н амалий тенглиги таъминланди. Хотин-қизларнинг ҳуқуқлари СССР янги конституциясининг 35-моддасида қайд қилинди: «СССРда хотин-қизлар эркаклар б-н тенг ҳуқуқларга эгадирлар».

Узбекистонда Х.-қ. м. нинг ҳал қилиниши лепинча миллий снёсат тантанаси б-н чамбарчас боғлиқ. Республикамизда бу масала ўзига хос шароитда амалга оширилди. Совет қонунларида хотин-қизларнинг тенг ҳуқуқлилиги таъминланганлигига қарамай, бу ерда аёлларни эзиш тутқунликда сақлаш маълум пайтгача давом этди. Шу сабабли, хотин-қизларни социалистик қурилишга жалб қилиш мақсадида қатор қўшимча тадбирлар белгиланди. Совет ҳокимиятининг биринчи йилларида ТуркАССРда умумий қонунларга қўшимча тарзда бир қатор қарорлар қабул қилиниди. Масалан ТуркАССР Марказий Ижроия Комитетининг Ўрта Осиё халқлари орасида қалинни бекор қилиш ҳақидаги декрети (1921 йил 14 июль) б-н 16 ёшга тўлмаган қизларни мажбурий турмушга узатиш тақиқланди.

УзССРнинг ташкил топиши (1924) хотин-қизлар орасида катта ташкилий ва сиёсий-оқартув ишларини амалга ошириш имконини яратди. Бу ишда айниқса РКП(б) МКнинг Ўрта Осиёга йўллаган хотин-қиз коммунист ходимлари С. Т. Любимова, М. Ф. Муратова, Л. А. Отмар-Штейн ва б. катта хизмат кўрсатдилар. Улар маҳаллий хотин-қиз кадрларни тарбиялашда катта ишлар олиб бордилар. Узбек аёллари орасидан биринчилар қатори етишиб чиққан Ш. Ғойибжонова, Т. Иброҳимова, Т. Шодиева, Ж. Обидова, М. Собирова (Ойдин) ва б. хотин-қизларни ижтимоий ҳаётга кенг жалб этишда актив фаолият кўрсатдилар. 1926 йил охирида Узбекистон хотин-қизлари ҳаётида *«Ҳужум»* номи б-н машҳур бўлган ҳаракат бошланди. Индустрлаштириш, қ. х. ни коллективлаштириш, маданий турмуш даражасининг юксалиши хотин-қизларни социалистик қурилишда актив иштирок этишга кенг йўл очиб берди.

Узбекистон хотин-қизлари коммунистик қурилишнинг актив иштирокчиларига айландилар (қ. *Хотин-қизлар меҳнати*).

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг саломатлигини сақлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга катта эътибор берилмоқда. Ишчи ва хизматчи аёллар ҳомиладорлик ва туғиш б-н боғлиқ 112 календарь куни давомида отпуска оладилар. 1956 йилдан бошлаб аёллар эркакларга нисбатан 5 йил аввал, яъни 55 ёшдан, беш ва ундан ортиқ болани тарбиялаб вояга етказган оналар 50 ёшдан пенсияга чиқиш ҳуқуқига эга бўладилар. Кўп болали аёлларга қўшимча енгилликлар берилди. КПСС 25- съезди материалларида ва СССР янги конституциясида хотин-қизларнинг коммунистик қурилишдаги иштирокига юксак баҳо бериш б-н бирга, уларга кўрсатилаётган катта ғамхўрлик ҳам ўз ифодасини топди.

СССРда Х.-қ. м. нинг ҳал этилиши катта халқаро аҳамиятга эгадир. Бошқа социалистик мамлакатлар ҳам СССРдаги бу масаланинг ҳал этилиши тажрибасидан фойдаландилар. Бу мамлакатларнинг қонунлари хотин-қизларнинг тенг ҳуқуқлилигини таъминлайди. Хотин-қизлар меҳнат қилиш, билим олиш, ижтимоий-сиёсий ҳаётда қатнашиш ҳуқуқидан кенг фойдаланадилар.

Социалистик мамлакатларда хотин-қизлар озодлиги масаласи умуман ҳал этилган. Бироқ, уларнинг турмушдаги амалий тенгсизлиги қолдиқларини тугатиш узоқ давом этадиган жараёндир. Бу жараён социализмдан коммунизмга аста-секин ўтиш натижасида ниҳоясига етказилади. КПСС Программаси бу масалани ҳал этишга ёрдам берувчи барча социал-маиший шароитлар яратишни кўзда тутади.

Социалистик мамлакатлар, айниқса, СССР нинг тажрибаси, демократик ва социалистик кучларнинг умумий ўсиши ва янги эҳтиёжлар таъсирида бутун дунёдаги хотин-қизларнинг ҳаётида муҳим ўзгаришлар содир бўлмоқда. Жумладан, бир қатор ривожланаётган давлатларда хотин-қизларнинг мамлакат ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётида актив иштирокини таъминловчи чоралар ва тадбирлар белгиланмоқда. Капиталистик мамлакатларда эса хотин-қизлар тенг ҳуқуқлилигини эълон қилган қонунлар қоғозлардаги сафсата бўлиб қолмоқда.

Бу мамлакатлардаги хотин-қизларнинг аянчли аҳволи ижтимоий тараққиётга тўсқинлик қилмоқда. Мазкур мамлакатларда хотин-қизларни камситилишига қарши кураш ишчилар ва умумдемократик ҳаракатнинг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Ад.: Маркс К., Энгельс Ф., Ленин В. И., О женском вопросе, М., 1971; Бильшай В. Л., Решение женского вопроса в СССР, 2 изд., М., 1959; Компартия Узбекистана в борьбе за решения женского вопроса в период строительства социализма (1917—37). Сборник документов и материалов, Т., 1977; Шукурова Х. С., Осиё ва Африка хотин-қизлари ҳозирги кунда, Т., 1970; Шукурова Х. С., Социализм и женщина Узбекистана, Т., 1970; Улуғ Октябрь уйготган куч, Т., 1964.

ХОТИН-ҚИЗЛАР МЕҲНАТИ — ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнида хотин-қизларнинг иштирок этиши; унинг характери жамиятнинг социал-иқтисодий тузуми б-н белгиланади. Эксплуататорлик синфий жамиятда ишлаб чиқариш воситаларига хусусий мулк ҳукмронлиги хотин-қизларнинг тенгсизлигига, шу жумладан, меҳнат муносабатларида ҳам нотекисликка олиб келди. Ишлаб чиқариш воситаларига ижтимоий мулклик ўрнатилиши ва кишини киши эксплуатация қилиши барҳам топиши б-нгина хотин-қизлар озод бўлади ва уларнинг эркаклар б-н тенг ҳуқуқлилиги таъминланади.

Синфий жамият тараққиётининг биринчи босқичларида, хусусий мулклик вужудга келиши б-н Х.-қ. м. «хонаки меҳнат» характерини олди. Аёллар ҳаёти оғир бўлиб, у ўз эрининг қулига айланди. Жамиятнинг ишлаб чиқарувчи кучлари тараққий этиши жараёнида, шаҳарлар кўпайиши ва айирбошлашнинг кенгайиши б-н Х.-қ. м. характери ҳам ўзгара борди: аёл моддий неъматлар ишлаб чиқаришда қатнашадиган бўлди, лекин уларнинг меҳнати юз йиллар давомида хусусий, алоҳида «хонаки меҳнат»лигича қолиб келди. Капитализм даврида аёл ижтимоий ишлаб чиқаришга актив қўшилади, унинг меҳнати социал аҳамият касб этади. Х.-қ. м. дан оммавий фойдаланиш — капиталистик формация учун хос ҳодиса, машиналашган ишлаб чиқариш даврида машиналарнинг ихтиро қилиниши б-н аёллар меҳнатини кенг қўллашга шароит яратилди. Х.-қ. м. иш кучига талабни қондириш, шунингдек аёллар меҳнатига паст ҳақ тўлаш натижасида қўшимча фойда олиш учун капиталистга зарур ва фойдалидир.

Империализм даврида Х.-қ. м. дан кенг фойдаланилди, аёллар ижтимоий ишлаб чиқаришда кўпроқ банд бўлди. Бу процесс айниқса 20- асрда кенг тус олди.

Аёллар меҳнати асосан 1- жаҳон уруши (1914—18) дан сўнг қўлланилди. Бунга иқтисодий, сиёсий, социал ва демографик омиллар сабаб бўлди. Лекин капитализм шароитида Х.-қ. м. нинг кўп қўлланилишига, аввало уларнинг оиласидаги етишмовчилик сабаб бўлади.

Х.-қ. м. дан фойдаланиш даражаси турли мамлакатларда турлича. Халқаро меҳнат бюроси маълумотларига кўра, иқтисодий актив аҳоли таркибида аёллар ҳиссаси 1970 йили Европада 29,1%, Шимолий Америкада 26,6%, Осиёда 23,4%, Африкада 23,8%, Латин Америкасида 12,2% ни ташкил этди.

Бир қанча капиталистик мамлакатларда илмий-техника рев-яси натижасида аёллар меҳнати камайди: Францияда 1958 йилдан 1967 йилгача 33,5% дан 31,9% гача, ГФРда 1957 йилдан 1966 йилгача 36,8% дан 35,9% га, Японияда шу даврда 41,1% дан 39,9% га камайди.

Ривожланаётган мамлакатларда Х.-к. м. ҳалигача мустамлакачилик даври қолдиқлари таъсиридадир. Кўп Африка мамлакатларида аёллар иш топа олмайди. Лекин саноат тараққиёти суръатларининг ўсиши б-н Х.-қ. м. дан фойдаланиш кенгайди. Миср Араб Республикаси, Жазоир, Гвинея Республикаси ва б. айрим мамлакатларда қисқа муддатда иш кучи таркибидаги аёллар салмоғи бир неча марта ўсди.

Х.-қ. м. дан кенг фойдаланиш натижасида аёллар малакаси даражаси ҳам ўзгарди. *Халқаро меҳнат ташкилоти* (ХМТ) маълумоти бўйича 20- асрнинг 2- ярмида аёллар меҳнати қ. х. да камайиб, саноат, савдо ва турли хизматларда кўпайди. Лекин ишлаётган аёлларнинг кўпчилиги паст малакадаги ишларда ишлайдилар. Мас., АҚШда ишлайдиган аёлларнинг деярли 90%и ҳеч қандай малака ва махсус тайёргарлик талаб қилинмайдиган ишларни бажарадилар.

Ривожланаётган мамлакатларда Х.-қ. м. асосан ҳунармандчиликда кенг қўлланилади. Аф-

рика мамлакатларида ишлов берувчи саноатда аёллар 15—25% ни; хизмат кўрсатиш соҳасида эса ёлланма ишчилар умумий сонининг 40% идан 70% игача ташкил этади.

Барча капиталистик мамлакатларда меҳнат муносабатларида эркаклар б-н аёлларнинг тенг ҳуқуқлилиги қонуний мустаҳкамланган бўлсада, аслида бу қонун қўпол равишда бузилади. Бу мамлакатларда у ёки бу формада эркаклар ва аёлларнинг бир хил меҳнатига нотекис ҳақ тўланади. Капиталистик мамлакатларнинг коммунистик ишчи партиялари, прогрессив касаба союзлари, хотин-қизлар ташкилотлари ўз программаларига Х.-қ. м. га нормал шароит ўрнатиш, уни ҳимоя қилиш, аёлларга ҳақ тўлашда турли хил камситишларга барҳам бериш талабини киритдилар.

К. Маркс ва Ф. Энгельс ҳар доим ижтимоий ишлаб чиқаришда аёлларнинг қатнашиши прогрессив аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади, бу хотин-қизларнинг оилавий манфаатлар доираси б-н чекланиб қолмаслигига, оилада иқтисодий қарамликдан қутулишига, ижтимоий-сиёсий ҳаётда қатнашишига, унинг синфий онгли бўлишига олиб келади.

СССРда хотин-қизлар меҳнати. Улуғ Октябрь социалистик рев-яси ишлаб чиқариш воситаларига хусусий мулкликни йўқотиб, меҳнаткаш хотин-қизларни барча камситишлардан озод қилди. Совет давлати хотин-қизлар масаласини, шу жумладан, ижтимоий ишлаб чиқаришда Х.-қ. м. проблемасини узил-кесил ҳал қилди. *Хотин-қизлар масаласи* меҳнатни социалистик ташкил этиш ва уни ҳуқуқий йўналтиришнинг энг муҳим қисми ҳисобланади. Х.-қ. м. миқдор ва сифат жиҳатидан сезиларли ўсди. Ишлаб турган эркаклар ва аёлларнинг ўртасида маълумотли шахслар ҳиссаси деярли бир хил. Мас., 1977 йилда ишлаб чиқаришда банд бўлган олий ва ўрта маълумоти 1000 эркак ва 1000 аёлдан 770 таси эркак ва 781 таси аёлдир. Аёлларни пенсия б-н таъминлашда ҳам маълум имтиёзлар мавжуд; улар 55 ёшдан (эркаклар 60 ёшдан), 20 йил (эркаклар 25 йил) иш стажи б-н пенсияга чиқади. Саноатнинг айрим соҳаларида ишлайдиган аёллар ва кўп болали оналарга қўшимча имтиёзлар белгиланган. Олий ва ўрта маълумотли аёллар сони 1928 йилги 151 мингдан 1976 йили 14,1 млн. га етди. СССР халқ хўжалигидаги барча ходимларнинг 51,5% ини, барча илмий ходимларнинг 50% ини, саноатдаги барча ходимларнинг 48% ини, қурилишдаги ишчиларнинг 28% ини, бошқариш аппаратидаги ходимларнинг 65% ини, маориф ва маданият ходимларининг 73% ини аёллар ташкил этади. Аёллар машинасозлик, электротехника, кимё саноатида, асбобсозликда, саноатнинг янги соҳаларида ишлайдиган бўлди. Ақлий меҳнат мутахассислари орасида аёллар сони сезиларли кўпайди. Х.-қ. м. сифатининг ўсиш жараёни бошқа социалистик мамлакатларда ҳам кузатилади.

Социалистик давлат аёлларни ишлаб чиқаришга кенг жалб этиш ва улар меҳнати малакасини ўстиришга катта имкон бериб, аёлларнинг меҳнат шароитини яхшилаш ҳақида ғамхўрлик қилмоқда. КПСС программаси аёлларни бирмунча енгилроқ, лекин етарли ҳақ тўланадиган иш б-н таъминлашни, турмушда аёлларнинг тенг ҳуқуққа эришишларини кўзда тутади. СССР Конституциясида кўрсатилганидек, онла давлат ҳимоясидадир, оилавий муносабатларда ва меҳнатда эр-хотинлар тўла тенг ҳуқуқлидир. Социалистик мамлакатларда ҳам Х.-қ.м. ни ҳимоя қилиш даражасини оширадиган бир қанча комплекс давлат тадбирлари амалга оширилмоқда.

Улуғ Октябрь социалистик рев-яси, айниқса Шарқ аёллари учун янги давр очди. Юз йиллаб ислом қонунига кўра, уй хўжалигида банд бўлган аёллар озод меҳнат қилиш ҳуқуқига эга бўлди. Социалистик ва коммунистик қурилиш йилларида, айниқса ривожланган социалистик жамият даврида Ўзбекистон экономикасида прогрессив олға силжишлар натижасида Х.-қ. м. ни тақсимлашда йирик ўзгаришлар рўй берди. 1970—76 йиллар ичида республика халқ хўжалигида асосан ақлий меҳнат б-н шуғулланувчилар орасида аёллар ҳиссаси 37% гача кўпайди. Аёллар ҳиссасига республикадаги 30% инженер, 42% агроном, зоотехник, ветврач, 46% экономист, 58% врач тўғри келади. Фанда ҳам хотин-қизларнинг салмоғи юқори: Ўзбекистон олимларидан 11,5 мингги аёл, улардан 93 таси фан докторлари ва 2892 таси фан кандидатларидир. Хотин-қизлар халқ хўжалигини бошқаришда, жамият ва давлат ишларида актив иштирок этмоқда. ЎзССР Олий Совети таркибида 32,8%, республика маҳаллий советларида 47,5% аёл бор; 1200 аёл таниқли партия ва совет ходими, 47 аёл к-з ва с-з раҳбари (1975). 56 мингдан ортиқ хотин-қиз СССР орден ва медаллари б-н мукофотланган, улардан 109 таси Социалистик Меҳнат Қаҳрамонидир.

Партия ва ҳукумат хотин-қизларнинг ҳаётини яхшилаш ва фаолиятини ошириш учун тинмай ғамхўрлик қилмоқда. Ишлаб турган аёлларга бир қатор янги имтиёзлар белгиланди, мас., иш стажидан қатъи назар, ҳомиладорлиги учун ва туққандан сўнг 100% ҳақ тўланадиган бўлди. Таъминоти кам оилаларга болалар учун ойлик нафақа бериш жорий этилди ва б.

Хотин-қизларни ишлаб чиқаришга кенг жалб этиш ва улар меҳнатининг малакасини оширишга актив ҳаракат қилиб, социалистик давлат аёлларнинг меҳнат ва турмуш шароитини тўхтовсиз яхшилаш учун ғамхўрлик қилмоқда. КПСС 25-съезди материалларида ҳам Х.-қ.м. га алоҳида аҳамият берилди.

Ад.: Маркс К., Капитал, I-т., Т., 1955; Маркс К., Энгельс Ф., Коммунистик партия манифести, Т., 1966; Ленин В. И., Буюк почин, Ас., 29-т.; КПСС 25-съезднинг материаллари, Т., 1976.

ХОТИН-ҚИЗЛАР ҲАРАКАТИ — хотин-қизларнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маданий соҳаларда эркаклар б-н тенг ҳуқуққа эга бўлиш учун кураши, шунингдек, уларнинг ижтимоий-сиёсий курашда иштирок этиши. Х.-қ. ҳ. нинг бошланиши улуғ француз рев-яси даврига тўғри келади. Рев-я йилларида халқ орасидан чиққан хотин-қизлар барча йирик ҳаракатларда иштирок этдилар. Ўша йиллари Францияда хотин-қизларнинг тенглик учун курашига бағишланган биринчи журнали чиқди, дастлабки хотин-қизлар ташкилотлари, хотин-қизлар революцион клублари пайдо бўлди ва улар партиявий-сиёсий курашларда актив қатнашдилар.

19-асрнинг 30—40-йилларида Францияда хотин-қизларнинг онладаги тутқунлигига қарши қаратилган адабиётлар пайдо бўлди. АҚШ ва Буюк Британияда хотин-қизларнинг сайлов ҳуқуқи учун ҳаракат вужудга келди.

Европадаги 1848—49 йиллар рев-яси Х.-қ. ҳ. га, жумладан сиёсий ва гражданлик ҳуқуқи учун ҳаракатга янги туртки бўлди. 1848 йили Францияда аёлларнинг сиёсий тенг ҳуқуқлилиги учун курашувчи қатор хотин-қизлар клублари, ишчи хотин-қизларнинг дастлабки мустақил ташкилотлари вужудга келди. Германия ва Австрияда хотин-қизларнинг сиёсий ҳуқуқини талаб қилиб чиққан кўпгина хотин-қизлар союзлари пайдо бўлди. 1848 йил июлда АҚШда тарихда биринчи марта хотин-қизлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш съезди бўлди. 19-асрнинг 2-ярмида Европа мамлакатлари ва АҚШда хотин-қизларнинг маълумот олиши ва уларнинг меҳнатини озод қилишни кўзда тутган хотин-қизлар ташкилотлари вужудга келди. Бу буржуа хотин-қизлар ташкилотларининг ҳаммаси Х.-қ.ҳ. нинг синфий характерини четлаб ўтдилар.

19-асрнинг 2-ярмидан бошлаб Х.-қ. ҳ. да пролетар йўналиши таркиб топди ва у ўз олдига ишчи хотин-қизларнинг синфий онгини ўстириш ва уларни ижтимоий-сиёсий ҳаётга, ишчилар синфининг революцион ҳаракатига тортиш вазифаларини қўйди. К. Маркс ғояларига асосланган 1-Интернационалнинг қарорлари бу вазифаларни бажаришга хизмат қилди. Пролетар хотин-қизлар ҳаракатини ривожлантиришда А. Бебелнинг «Аёл ва Социализм» (1879) китоби катта роль ўйнади. Хотин-қиз социалистларнинг 1-(Штутгарт, 1907) ва 2-(Копенгаген, 1910) халқаро конференциялари ишчи Х.-қ. ҳ. ни ривожлантиришда муҳим босқич бўлди. 1-конференцияда К. Цеткин бошчилигида халқаро хотин-қизлар секретариати ташкил этилди. 2-конференцияда ҳар йили халқаро хотин-қизлар кунини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Биринчи жаҳон уруши йиллари (1914—18) да деярли кўпчилик буржуа ва социал-демократик хотин-қизлар ташкилотлари шовинистик позицияга ўтиб кетдилар. Уруш оқибатлари натижасида вужудга келган революцион кўтарилиш шароитида ва Улуғ Октябрь социалистик революциясининг таъсирида чет эл Х.-қ. ҳ. да табақаланиш жараёни содир бўлди. Кўплаб буржуа хотин-қизлар ташкилотлари хотин-қизларга сайлов ҳуқуқини бериб, очиқдан-очиқ капиталистик тузумни ҳимоя қилиш йўлига ўтиб кетдилар.

СССРдан ташқарида коммунистик Х.-қ. ҳ. 20-асрнинг 20-йилларидан таркиб топди. Коммунистик интернационал Х.-қ. ҳ. га муҳим революцион фактор сифатида қараб, ўз конгрессларида меҳнаткаш аёллар ўртасида коммунистлар олиб борадиган ишлар масаласини бир неча марта муҳокама қилди.

30-йиллардан бошлаб фашизм ҳокимият тепасига келган мамлакатларда прогрессив, жумладан буржуа хотин-қизлар ташкилотлари ҳам ўз фаолиятини тўхтатди. 1934 йилда Парижда бир неча мамлакатлар илғор хотин-қизлар группаларининг ташаббуси б-н хотин-қизларнинг уруш ва фашизмга қарши Халқаро конгресси бўлди. СССР, Франция, Буюк Британия, АҚШ, Испания, Болгария, Швеция, Ҳиндистон ва б. мамлакатларнинг вакиллари қатнашган бу конгресда уруш ва фашизмга қарши Халқаро хотин-қизлар комитети тузилди.

Иккинчи жаҳон уруши йиллари (1939—45) да хотин-қизлар фашист босқинчиларига қарши турли формада қаршилик кўрсатдилар. Уруш даврининг энг оғир қийинчиликларига қарамай антифашист хотин-қизларнинг ташкилий алоқалари тўхтамади. Бу алоқаларни мустаҳкамлашда Совет хотин-қизларининг антифашистик комитети (1956 йилдан Совет хотин-қизлари комитети) катта роль ўйнади. 1945 йил Х.-қ. ҳ. тарихида биринчи марта оммавий халқаро демократик ташкилот — Хотин-қизларнинг Халқаро демократик федерацияси ташкил этилиши катта аҳамиятга эга бўлди.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг кўплаб мамлакатларда хотин-қизлар сайлов ва б. сиёсий ҳуқуқларини олганликлари муносабати б-н Х.-қ. ҳ. да бу ҳуқуқларни қонуний йўл б-н амалга ошириш асосий вазифа бўлиб қолди.

50-, 60-, 70-йиллар Х.-қ. ҳ. да тинчлик ва озодлик учун, хавфсизлик ва миллий мустақиллик учун, империализмга, термоядро урушига, қуролланиш пойгасига, муҳтожлик ва иркчиликка қарши кураш асосий шиор бўлди. Х.-қ. ҳ. да коммунист аёллар авангардлик қилмоқдалар. Х.-қ. ҳ. империализм кучларига қарши курашувчилар бирлигининг муҳим элементларидан биридир. Халқаро хотин-қизлар ташкилотлари Бирлашган Миллатлар Ташкилотида иштирок этдилар.

Россияда Х.-қ. ҳ. революцион ситуация йилларида (1859—61) крепостной ҳуқуқ инқирозга учраган давр рус ижтимоий ҳаракатининг бир қисми сифатида юзага келган. Россиядаги Х.-қ. ҳ. нинг спецификаси рус тарихий тараққиётининг хусусиятларидан келиб чиққан. Ғарбдаги Х.-қ. ҳ. га хос бўлган сиёсий ва гражданлик эркн талаблари самодержавие Россияси шароитида умумдемократик ҳаракатнинг шиори ҳисобланган. Бу бир томондан — Россиядаги Х.-қ. ҳ. талабларининг чекланганлик характерини белгилаб берган бўлса, иккинчи томондан— хотин-қизларни озодлик ҳаракатида актив иштирок этишига ҳам сабаб бўлган.

Хотин-қизларнинг сиёсий тенг ҳуқуқлиликни талаб қилиб чиқиши фақат 1905—07 йил революцияси давридан бошланди. 19-асрнинг охирларида озодлик ҳаракатининг пролетар босқичи бошланиши б-н ишчилар ҳаракатининг таркибий қисми бўлган. Х.-қ. ҳ. вужудга келди.

Россияда Х.-қ. ҳ. нинг биринчи ячейкаси М. В. Трубниковнинг хотин-қизлар тўгараги бўлди. Бу тўгаракда вужудга келган «Хотин-қизлар учлиги» (Н. В. Стасова, М. В. Трубникова, А. П. Философова) кўп йиллар давомида Х.-қ. ҳ. нинг ташаббускор маркази бўлиб келди. Революцион ташкилотлар б-н боғланган дастлабки хотин-қизлар артеллари (Петербургда В. И. Печатникова ва В. А. Иностранцеванинг муқовачилик, Москвада опа-сингил Ивановаларнинг тикувчилик артеллари) пайдо бўлди. 1863 йилда Трубникова ва Стасова ташаббуси б-н кооператив асосда «Нашриётчилик артели» (1871 йилгача мавжуд бўлган), таржимон хотин-қизлар жамияти пайдо бўлди.

РСДРП Х.-қ. ҳ. проблемаларига катта аҳамият берди. У меҳнаткаш хотин-қизларнинг пролетариат вазифаларидан бошқа алоҳида вазифалари йўқ деб ҳисоблади. РСДРП 2-съезди (1903) да қабул қилинган партия программаси хотин-қизларнинг юридик ва сиёсий тенг-ҳуқуқлилигини, хўжаликнинг аёллар организмни учун зарарли бўлган соҳаларида хотин-қизлар меҳнатини тақиқлашни, оналик ҳуқуқини ҳимоя этишни талаб қилди.

1905—07 йиллар рев-ясида большевик аёллар хотин-қизларнинг митинг ва йиғилишларини ўтказдилар. 1905 йил апрелда Москвада «Хотин-қизларнинг тенг ҳуқуқлилик союзи» ташкил топди ва у 1906 йил мартда «Иттифоқ союзи»га кирди. 1906 йил май ойида союзнинг 8 минг аъзоси бор эди. 1905—07 йил рев-яси мағлубиятга учрагач, союз тарқалиб кетди. Х.-қ. ҳ. нинг асосий ташкилоти «Рус хотин-қиз-

ларининг ўзаро ёрдам жамияти» бўлиб қолди. У 1908 йил декабрда Бутун Россия хотин-қизлар 1-съездини ўтказди. Съездда А. М. Коллонтой фаол иштирок этди.

1913 йил 9 мартда Россияда биринчи марта «Ишчи аёллар куни»— халқаро хотин-қизлар куни нишонланди. 1914 йилда В. И. Ленин ташаббуси б-н «Работница» журнали ташкил қилинди. 1917 йил 23 февраль (8 мартда) ишчи хотин-қизлар очлик ва урушга қарши норозилик билдириб, Петроград кўчаларига чиқдилар. Бу чиқиш Февраль буржуа-демократик революциясининг бошланиши бўлди. 1917 йил августда РСДРП(б) Москва обл. бюроси ҳузурида меҳнаткаш хотин-қизлар ўртасида ишлаш бўйича комиссия тузилди.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси ғалабаси Россияда хотин-қизлар масаласини тўла ҳал этиш имкониятини яратди. Х.-қ. ҳ. социалистик қурилишга ҳар томонлама ёрдам бериш, социалистик Ватанни ҳимоя қилиш, барча хотин-қизларни сиёсий ва ижтимоий ишга жалб этиш вазифаси б-н ишчи-деҳқон ҳаракатига айланди. 1918 йил ноябрда Москвада И. Ф. Арманд, А. М. Коллонтой ва К. Н. Самойлова ташаббуси б-н хотин-қиз ишчи ва деҳқонларнинг Бутун Россия 1-съезди бўлди. Унда В. И. Ленин нутқ сўзлади. Съезд социализм учун курашда хотин-қизларнинг ўрнини белгилади ва совет шароитида Х.-қ. ҳ. нинг ташкилий асосларини яратди. Марказий ва маҳаллий партия органлари таркибида хотин-қизлар бўлимлари тузилди. РКП(б) 8-съездида (1919) қабул қилинган партия программасида партия хотин-қизларнинг тенг ҳуқуқлилигини қонунга биноан расман тан олиш б-н чекланиб қолмай, балки уни амалда рўёбга чиқариш учун (хотин-қизларни уй-хўжалик юмушларидан озод эта бориш ва уларни янги жамият ҳаётининг ҳамма соҳаларига жалб қилишга) ҳаракат қилади, деб қайд этилди. Х.-қ. ҳ. масалалари партиянинг 11-, 12-, 13-съездлари кун тартибига ҳам қўйилган эди.

20—30-йилларда СССР да Х.-қ. ҳ. нинг асосий шакли — делегатлар йиғилиши бўлди. Улар корхоналарда, уй бекалари учун эса маҳаллий Советларда уюштирилди. Урта Осиё ва Кавказда Х.-қ. ҳ. жуда катта қийинчиликларни енгиб, ривожланди. Бунда РКП(б) МК Ташкилий бюросининг «Шарқнинг хотин-қиз ишчилари, деҳқонлари ва меҳнаткаш аёллари орасида иш олиб боришнинг навбатдаги вазифалари тўғрисида»ги қарори катта ёрдам берди. Бу ерда делегатлар йиғилиши б-н бир қаторда хотин-қизлар клублари, қизил бурчаклар ва ҳ. к. ташкил этилди. Хотин-қизлар клубларида биринчи активистлар етишиб чиқди, улар партияга кирдилар, ишчи ф-тлари, олий ўқув юртларига ўқишга, з-д ва ф-каларга ишга бордилар. 1926 йилда хотин-қизлар клублари ходимларининг Бутуниттифоқ 1-кенгаши бўлиб ўтди. Совет Х.-қ. ҳ. вақтли матбуот саҳифаларида кенг ёритилди. Хотин-қизлар учун махсус журналлар: «Коммунистка» (1920), «Крестьянка» (1922), «Работница» (1923), «Делегатка» (1923), «Общественница» (1936) ташкил этилди.

1927 йил октябрда хотин-қиз ишчи ва деҳқонларнинг Бутуниттифоқ 2-съезди бўлди. Унда социалистик қурилишнинг барча соҳасида хотин-қизлар активлиги ошганлиги, уларнинг сиёсий онги ўсганлиги қайд этилди. Қ. х. ни коллективлаштириш қишлоқда Х.-қ х. нинг ўсишига сабаб бўлди. 1933 йилда ишлаб чиқариш ва турмуш маданиятини ошириш учун жамоатчи хотин-қизлар ҳаракати вужудга келди. У хотин-қизларни ишлаб чиқаришга жалб этишда ёрдам берди. Эркаклар касбини эгаллаш 30-йиллардаги Х.-қ. ҳ. нинг кўринишларидан бири бўлди. В. С. Хетагурова ташаббуси б-н совет қизлари Узоқ Шарқни ўзлаштиришда фаол қатнашдилар.

Урушгача бўлган даврда совет хотин-қизлари халқаро демократик Х.-қ. ҳ. га фаол қўшилдилар. Улар 1934 йилда урушга ва фашизмга қарши хотин-қизларнинг Жаҳон конгрессида қатнашдилар. Бу конгрессининг ташкилотчиларидан бири Е. Д. Стасова бўлди. Конгресс Халқаро хотин-қизлар комитетини тузди.

Улуғ Ватан урши йилларида миллионлаб совет хотин-қизлари халқ хўжалигида фронтга жўнаб кетган эркакларнинг ўрнини эгалладилар. 1 млн. дан ортиқ хотин-қиз колхозчилар трактрчи, комбайнчи, механиклик касбини эгалладилар. 1 млн. дан ортиқ хотин-қизлар бевосита фашист босқинчиларига қарши жангларда ва партизан отрядларида қатнашдилар. 1941 йил 7 сентябрда Москвада Хотин-қизларнинг 1-антифашистик митинги бўлиб ўтди. У «Жаҳондаги барча хотин-қизларга!» мурожаат қабул қилиб, фашизмга қарши курашни кучайтириш ва гитлеризмга қарши ягона кураш фронтини тузишга чақирди. 1941 йил сентябрда Совет хотин-қизларининг антифашистик комитети (1956 йилдан Совет хотин-қизлари комитети) тузилди. 1942 йил 10 майда Хотин-қизларнинг 2-антифашистик митинги бўлиб ўтди. Унда ҳам «Жаҳондаги барча хотин-қизларга» қарата мурожаатнома қабул қилинди.

Урушдан кейинги йилларда СССРда Х.-қ. ҳ. нинг мақсад ва вазифалари аввалгидек, совет жамиятининг мақсад ва вазифалари б-н бир бўлди. 50-йилларнинг охири —60-йилларнинг бошларида хотин-қизлар ўртасидаги ишларга раҳбарлик қилиш учун корхона, муассаса, к-з ва с-зларда хотин-қизлар советлари пайдо бўлди. Айниқса, Урта Осиё Совет республикаларида хотин-қизлар советлари тез тузилди. Ҳозирги кунда совет хотин-қизлари халқ хўжалиги, фан, техника ва маданиятни, халқаро хотин-қизлар ҳаракатини ривожлантиришда фаол қатнашмоқдалар (қ. *Хотин-қизлар масаласи*).

Ад.: Ленин В. И., Совет республикасида ишчи хотин-қизлар ҳаракатининг вазифалари тўғрисида, Ас., 30-т.; Карасева Л. Е., Советские женщины в борьбе за построение коммунизма, М., 1954; Попова Н. В., О роли женщин в социалистическом обществе, М., 1967; Вавилина В. Е., Женщины страны Советов, М., 1969.

ХОТИНҚЎЛИ — Фарғона обл. Тошлоқ р-ни Оқшоқ қ. С. даги қишлоқ. Куйбишев номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 6 *км*, яқин т. й. станцияси — Охунбобоев (11 *км*). Аҳолиси 819 киши (1976); пахтачилик, чорвачилик, пиллачилик, боғдорчилик б-н шуғулланади. Варзак ариғидан сув ичади.

ХОТИРА — инъикос этилган нарса ва ҳодисаларни ёки ўтмиш тажрибаларни эсда қолдириш ва зарур бўлганда тиклашдан иборат психик жараён. У нерв системаси хусусиятларидан бири бўлиб, ташқи олам воқеалари ва организм реакциялари ҳақидаги информацияни узоқ сақлаш ҳамда уни онг фаолиятида ва хулқ, хатти-ҳаракат доирасида такрор тиклаш қобилиятида намоён бўлади.

Х. масаласи узоқ давр билишнинг умумий проблемалари б-н узвий боғлиқ равишда асосан философияда ўрганилди. Х. ҳақидаги дастлабки илмий қарашлар юнон файласуфлари




Шафтоли навлари. 1. Майфлевер. 2. Оқ шафтоли. 3. Лола. 4. Қизил луччак. 5. Владимир (анжир шафтоли). 6. Сариқ луччак.

Шафтоли мақоласига.



Шердор мадраса.

Шердор мадраса мақоласига.



Шоҳи Зинда ансамбли.

Шоҳи Зинда ансамбли мақоласига.

(*Аристотель* ва б.) ва Шарқ мутафаккирларида учрайди. Хусусан *Форобий* Х. га билишдаги ақлий жараённинг таркибий қисми сифатида қарайди. У «Фусус ал-Ҳикам» («Ҳикмат маънолари») асарида шундай ёзади: «Ташқи ҳиссиёт кетидан бир турли шериклари мавжудки, улар жисмлардан олинган образларни тўр ташлангандек қилиб тутиб оладилар. Шунинг учун ҳам бу қувват образни сақлаб қоладиган қувват деб аталади. Бу қувват миянинг олд қисмида жойлашган. У ҳис этилган нарсаларнинг образларини улар сезиш қувватларидан холи бўлган тақдирда ҳам сақлаб қолаверади». Бу ерда Форобий «сақлаб қолувчи қувват» деганда Х. ни назарда тутади. Форобий Х. ни фақат инсонга эмас, ҳайвонга ҳам хос хусусият эканини алоҳида таъкидлайди. У юқоридаги асарида қўй-қўзи Х. сида бўри образи тикланиши б-н унинг безовталанишини бунга мисол қилиб келтиради.

Фаннинг тараққий этиши б-н Х. кейинчалик физиология ва психологиянинг тадқиқот объекти бўлиб қолди. Совет психологлари (Л. С. Выготский, А. Н. Леонтьев, П. И. Зинченко ва б.) диалектик ва тарихий материализм методологиясига таяниб, Х. ни ўстириш масаласига алоҳида эътибор бердилар.

Х. нинг физиологик асоси бош мия ярим шарлари пўстлоғининг муваққат боғланиши (қ. *Ассоциация*) ва уларнинг кейинги фаолиятидан иборат. Х. кўлами, информацияларнинг узоқ вақт ва мустаҳкам сақланиши, шунингдек муҳитдаги мураккаб сигналларни идрок этиш ва *адекват* реакцияларда ишлаб чиқиш бош мия нерв ҳужайралари (*нейронлар*) сонининг кўпайиб бориши ҳамда унинг структураси мураккаблашуви эволюциясида ўсиб боради. Физиологик тадқиқотларда қисқа ва узоқ муддатли Х. лар қайд этилган. Қисқа муддатли Х. да информациялар бир неча секунддан бир неча ўн минутгача сақланади, нейронлар ишига халал берилганда (мас., электр шок, наркоз таъсирида) у бузилади. Узоқ муддатли Х. да информациялар одам умри бўйи сақланиб турли таъсирларга чидамли бўлади. Қисқа муддатли Х. аста-секин узоқ муддатли Х. га айланади. Бош мия катта ярим шарлари пўстлоғи қисмларини кесиб ўрганиш ва электрофизиологик тадқиқотлар ҳар бир воқеалар тасвири мия зоналарида «ёзиб» олинишини кўрсатади. Шунга кўра, воқеалар ҳақидаги информациялар турли нейронларнинг қўзғалишида эмас, балки мия қисмлари ҳамда ҳужайраларининг биргаликда қўзғалган турли комбинацияларида акс этади, деган хулоса келиб чиқади. Ҳаёт давомида нерв ҳужайралари бўлиниб кўпаймайди, шунинг учун янги реакциялар нерв системаси томонидан фақат мияда нейронлараро вужудга келувчи янги боғланишлар асосида ишлаб чиқилиши ва эслаб қолиниши мумкин. Марказий нерв системаси турли қисмларидаги нейронлар қўзғалганда оқсиллар биосинтези активлашади, *нуклеин кислоталар* ёки оқсиллар синтезининг блокадаси эса узоқ муддатли Х. нинг шаклланишини қийинлаштиради ё бутунлай тўхтатади. Қўзғалиш тарқаладиган йўл *синапслар* ўтказувчанлигининг ошиши ёки нейронлараро пайдо бўладиган қўшимча боғланишлар ҳисобига вужудга келади. Бироқ булардан қай бири кўпроқ аҳамиятга эгалиги номаълум.

Психологик нуқтаи назардан қараганда, Х. руҳиятнинг ўтмиш ҳолати б-н ҳозирги ҳолати ва келгусидаги ҳолатларга тайёрлаш жараёнлари ўртасидаги ўзаро алоқадорликни кўрсатади. У инсоннинг ҳаёт тажрибасидаги муштараклик ва барқарорликдан далолат беради, инсон «мен»ининг яшашидаги узлуклиликни таъминлайди ва шу тарзда индивидуаллик ҳамда *шахс*нинг шаклланишидаги асослардан бири сифатида намоён бўлади. Бошқа психик ҳодисалар каби Х. ҳам шахснинг хусусиятлари, унинг эҳтиёжи, қизиқишлари, одати, характери ва ш. к. б-н узвий боғлиқ.

Психологияда Х. намоён бўлишдаги шаклига кўра шартли равишда эмоционал Х. (ҳистуйғуни эсда тутиш), образ Х.си (нарсаларнинг тасвири ва хусусиятларини эсда тутиш), сўзмантиқ Х.си (нарсаларнинг моҳияти, мазмунини сўз б-н ифодаланган ҳолда эсда тутиш) каби турларга бўлинади. Булардан инсонда сўзмантиқ Х. си етакчи ўрин тутади. Х. нинг барча тури бир-бирлари б-н чамбарчас боғлиқ ҳолда кечади.


Психологияда, шунингдек, ихтиёрий ва ихтиёрсиз Х. лар фарқ қилинади, Ихтиёрий Х.да муайян материални эсда олиб қолиш олдиндан мақсад қилиб қўйилади; ихтиёрсиз Х. да бундай мақсад бўлмайди — бирор фаолиятда (мас., меҳнат жараёнида ёки ким б-ндир суҳбатлашиб турилганда) ўз-ўзидан эсда сақлаб қолинади. Барқарорлиги жиҳатидан ихтиёрий Х. ихтиёрсиз Х. дан самаралироқ.

Кейинги йилларда фанда Х. б-н боғлиқ равишда унутиш масаласини ўрганишга аҳамият берилмоқда. «Нормал» унутишни психик касалликлардаги Х. бузилишидан фарқ қилмоқ керак. Бу касалликларда Х. сусайиши (гипомнезия), йўқолиши (амнезия) ёки бир томонлама кучайиши (гипермнезия) кузатилади. Баъзи касалликларда у сифат жиҳатдан бузилади: беморга бўлмаган воқеаларни гўёки ўз бошидан кечиргандек туюлади, ёки қачонлардир бўлиб ўтган воқеаларни кеча ёки бугун рўй берган деб ўйлайди (конфабуляция, псевдореминисценция). Бундай сохта Х.лар кишида жиддий руҳий хасталиклар оқибатида келиб чиқади. Бундай касалликларга бош мия қон томирлари атеросклерози, физик шикастланиш, мияга қон қуйилиши ҳолатлари, оғир заҳарланишлар оқибати (мас., алкоголизмда учрайдиган Корсаков психози) ва ш. к. киради. Х. бузилиши асосий касаллик даволанiши б-н тугатилади.

Ад.: Соколов Е. Н., Механизмы памяти, М., 1969; Выготский Л. С., Развитие высших психических функций, М., 1960; Зинченко П. И., Непроизвольное запоминание, М., 1961; Смирнов А. А., Проблемы психологии памяти, М., 1966; Иванов П. И., Умумий психология, Т., 1967; Роговин М. С., Философские проблемы теории памяти, М., 1966; Зейгарник Б. В., Личность и патология деятельности, М., 1971.

ХОТИРА ҚУРИЛМАСИ — ЭҲМнинг ахборотларни ёзадиган, сақлайдиган ва берадиган блоки. У алоҳида қурилма тарзида ҳам бўлиши мумкин. Х. қ. *рақамли ҳисоблаш машиналари*, автоматика, телемеханика, ядро физикаси қурилмалари ва б. да айниқса кўп ишлатилади. Асосан, дискретли ахборотларни сақлайди, бир неча объектларнинг ишини вақтинча мослайди ёки *телемеханика* канали бўйича узатиладиган маълумотларни йиғади.

Х. қ. да ахборотлар қуйидаги турли физик принципларга асосланиб қайд қилинади: ахборотларни элтувчи материал (перфорацион лента-лар, перфокарталар)ни механик суриш, материаллар (*магнит лента, магнит диск* ва б.) магнит хоссасини ўзгартириш, диэлектриклар (конденсаторли Х. қ., хотирловчи электрон нур



1- расм. Хотира қурилмасининг тузилиш схемаси.

трубкалари)да электростатик зарядларни тўплаш, товуш ва ультратовуш тебранишларидан фойдаланиш, ўта ўтказувчанлик ҳодисасини қўллаш ва б.

Х. қ. нинг самарадорлигини аниқловчи асосий кўрсаткичлар: бит ёки байт (8 бит)ларда ўлчанадиган сиғим M (бир вақтда Х. қ. да жойлашиши мумкин бўлган сўз ёки белгилар сони); Х. қ. га тўла мурожаат цикларига кетадиган вақт $T_ц$ ёки мурожаат частотаси $F=\frac{1}{T_ц}$ б-н характерланадиган ишлаш тезлиги.

Баъзида Х. қ. характеристикаси ўрнида умумлашган параметр — ахборот қуввати $W=MF$ (10^{13} байт/*сек* гача бўлади)дан фойдаланилади. Ҳисоблаш системаларининг Х. қ., асосан, ўта оператив, оператив ва ташқи қурилмалардан ташкил топади (1-расм).


Керакли ахборотларни излаш усулига қараб, адресли Х. қ. (ҳар қайси хотира ячейкасига керакли номер қўйилади ва керакли ахборот конкрет адрес бўйича изланади) ва ассоциатив Х. қ. (ахборотлар аломатларнинг йиғиндиси бўйича изланади). Ёзиб олиш қаралигига қараб Х. қ. ўчмайдиган (диод матрицалар, перфорацион лентолар ва б.) ва ўчадиган (магнитли элтувчилардаги, ферромагнитли ўзаклар ва б. даги Х. қ.) хилларга бўлинади. Бундан ташқари Х. қ. статик (унда ёзилган кодга мос келувчи элтувчиларнинг ҳолати ахборотларни элтувчиларга нисбатан қўзғалмас бўлади) ва динамик (қайд қилинадиган кодга мос келувчи сигналларнинг кетма-кетлиги берк контур бўйича циркуляцияланади), статик Х. қ. нинг ўзи эса турғун ва турғунмас бўлади.

Кўп ахборотларни сақлаш учун магнитли элтувчилар (магнит лентолар, барабанлар, дисклар)га ёзиб олинадиган ташқи Х. қ.; рақамли ҳисоблаш машиналарида масаланинг галдаги ечимига керак бўладиган маълумотларни сақлаш учун оператив Х. қ. ишлатилади (2-расм).

Кўпинча оператив Х. қ. нинг тезлиги етарли бўлмай қолгани учун ЭҲМ таркибига сиғими кичикроқ (бир неча юз сўзли) ўта оператив Х. қ. қўшилди. У феррит ҳалқалари, юпқа плёнкалар ва яримўтказгичли интеграл микросхемалар асосида қурилади. Катта рақамли ҳисоблаш машиналарининг алоҳида блокларида кўпинча буфер Х. қ. ажратилади. У тез ишлайдиган қурилмалар (мас., оператив ва ташқи Х. қ.) орасида информацияни алмаштириб турадиган оралиқ звено вазифасини бажаради.

Инсон мияси энг такомиллашган Х. қ. дан биридир. Унда (10—15)·10^9 га яқин нерв ҳужайра (ячейкаси) — нейронлар бўлиб, уларнинг ҳар биттаси хотира ҳужайрасини ташкил қилади. Миянинг ҳажми ўртача 1,5 $дм^3$, оғирлиги эса 1,2 *кг*, 2,5 *вт* ча қувват истеъмол қилади. Шундай сиғимли замонавий электрон Х. қ. нинг ҳажми бир неча $м^3$, оғирлиги бир неча 100 *кг* ни ташкил қилади. Электрон техникасининг янада ривожланиши, бионика методларидан фойдаланиш инсон миясига яқин бўлган Х. қ. ни яратишга имкон беради.

Ад.: Крайзмер Л. П., Быстродействующие ферромагнитные запоминающие устройства. М.—Л., 1964; Анисимов Б. В., Четвериков В. Н., Основы теории и проектирования ЭЦВМ, М., 1970.



2- расм. Хотира қурилмасининг блок схемаси.

ХОШИМИН (1976 йилгача — *Сайгон*) — ВСР даги шаҳар. Мамлакатнинг жанубий қисмида, Сайгон дарёси бўйида. Жанубий Хитой денгизидан 80 *км* ичкарида. Аҳолиси 2,4 млн. киши (1975).

Шаҳарга 1778 йили асос солинган, ўша йили бу ерга Хитой савдогарлари Тангон (вьетнамча Сайгон) номи б-н қишлоқ қурганлар. Вьетнам-Франция уруши даврида (1858—62) шаҳарни французлар ёндириб юборганлар (1859) ва унинг ўрнига қалъа қурганлар (1860). 1864 йилдан Сайгон Франция мустамлакаси Кохинхин (Жанубий Вьетнам)нинг маъмурий маркази. 1940—45 йиллари япон босқинчилари қўл остида бўлган. 1945 йил 25 августда Сайгонда Вьетнам миллий озодлик рев-яси галаба қозонди, лекин 23 сентябрда инглиз-француз десанти уни эгаллади. 1954 йил июлдан Сайгон Жанубий Вьетнам АҚШ ўрнатган қўғирчоқ ҳукумати қароргоҳи. 60- ва 70- йиллар бошида Х. да Жанубий Вьетнам миллий озодлик фронтини қувватлаб меҳнаткашлар, зиёлилар, будда монахлари ва ўқувчиларнинг АҚШ босқинчилари ҳамда қўғирчоқ ҳукуматига қарши йирик ҳаракатлари бўлиб ўтди. 1975 йил 30 апрелда Жанубий Вьетнам миллий озодлик фронти қўшинлари Сайгонни озод этди. 1976 йилдан шаҳар *Хо Ши Мин* шарафига Х. деб атала бошлади.

Х.— транспорт йўлларининг йирик узели. 2 аэропорт бор. Х. да озиқ-овқат (айниқса, шоли оқлаш, балиқ маҳсулотлари тайёрлаш, шакар-қанд, ёғ, чой, кофе, спирт-арақ), кўн, тўқимачилик саноатлари ривожланган. Машинасозлик ва металлсозлик саноатлари, асосан, портга ва транспорт воситаларига — кемасозлик ва тайёр қисмлардан велосипед йиғув корхоналарига, автомобиль ва авиаремонт устахоналарига хизмат қилади. Қимё (пластмасса, синтетик тола ва б.), цемент, тахта тилиш ва ёғочсозлик, целлюлоза, тамаки, бадиий ҳунармандчилик), кулолчилик (фил суяги ва бронзадан буюмлар ясаш), тикув машиналари ва уй-рўзғор, электротехника буюмлари йиғиш корхоналари бор. Балиқ овлаш маркази. Асосий савдо-саноат р-ни — Шолон. Четга каучук, денгиз маҳсулотлари, қ. х. ва ўрмон хўжалиги маҳсулотлари чиқарилади.

Х. да 2 ун-т, пед., мед., политехника ва б. ин-тлар, илмий тадқиқот ин-тлари, Миллий кутубхона, Миллий музей, собор (1883), будда пагодалари (18- а.) ва б. бор.

ХОШМОН — Бухоро обл. Навоий р-ни Арабсарой қ. С. даги қишлоқ. «Зарафшон» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 28 *км*, яқин т. й. станцияси — Навоий (21 *км*). Аҳолиси 671 киши (1976); пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Армижон ариғи орқали Зарафшон дарёсидан сув ичади. Саккиз йиллик мактаб, кутубхона, ферма, ремонт устахонаси бор.

ХОҲИШ (психологияда) — муайян ҳаракатни бажаришга интилиш ҳақидаги тасаввур ва шу йўлдаги кечинма. Ҳаракатнинг амалга ошуви Х. нинг қондирилишини ифодалайди. Этика ва

социал психологияда Х. интилиш, аниқроғи, бирор мақсад, идеал, орзуга эришиш импульси сифатида қаралади.

Х.— шахс хулқи ва фаолиятини белгиловчи психик ҳолатларнинг муҳим моментларидан бири; у бу ҳолатларнинг мотивлари ва иродавий томонини ифодалайди. Шунинг учун Х. психологияда фақат майл ёки фаолият объектига интилиш сифатида эмас, балки бу фаолиятни амалга оширишни хоҳлаш ва ният қилиш сифатида ҳам баён қилинади. Х. нинг ривожланиши уни қониқтириш усул ва шароитлари, Х. нинг барқарорлиги, узоқ сақланиши ва кучи б-н белгиланади. Шунга қараб Х. бажарилиши мумкин бўлган, нореал, зиддиятли, бемаъни, мақсадли ва б. турларга бўлинади. Х. инсоннинг қизиқиши ва эътиқоди б-н бирга ўз фаолиятига онгли муносабатда бўлишини ҳам ифодалайди.

Ад.: Рубинштейн С. Л., Основы общей психологии, М., 1964; Иванов П. И., Умумий психология, Т., 1967.

ХОҚОН, қоон — турк, хитой, мўғул ҳукмдорлари номи. Х. атамаси биринчи марта 312 йилга оид хитой йилномаларида учрайди. Дастлаб жужан қабилалари бошлиқлари Х. деб аталган. 6- аср ўрталаридан *Турк хоқонлиги* ҳукмдорлари ҳам Х. номини олишган, кейинчалик бошқа турк қабилалари (аварлар, енисейлик қирғизлар, бижанаклар, хазарлар ва б.) ҳукмдорлари ҳам Х. деб атала бошлаган. 8- аср охири —9- аср бошларидан 12- аср охиригача Қадимги Руси князлари ҳам Х. (каган) унвонига эга бўлишган. *Мўғул феодал империясида* Х. атамаси император маъносида ишлатилган, империяга тобе давлатлар ҳукмдорлари хон деб аталган. Кейинчалик Х. б-н хон ўртасидаги фарқ йўқола бориб, «хон» атамаси «император», «шоҳ» маъносида ишлатилаверган.

ХРАМУЛАЛАР (Varicorhinus) — карпсимонлар туркумига мансуб балиқларнинг бир уруғи. 25 га яқин тури маълум. Гавдаси 50 *см* ча, оғирлиги 2 *кг* ча. Пастки жағи учли, одатда, шохсимон ғилоф б-н қопланган, бу сув тубидаги ўсимлик қаватини қириб озиқланишига ёрдам беради. Бир, баъзиларида 2 жуфт мўйлов бўлади. Увилдириғини шағал-тошли ерларга қўяди. Х. Африка, Қичик Осиё, Закавказье, Эрон, Туркманистон, Шимолий Ҳиндистон, Орол денгизи ва б. жойларда учрайди. Самарқанд храмуласи деган формаси Амударё ва Зарафшон сув ҳавзаларида тарқалган. Х. овланади.

ХРАПОВИКЛИ МЕХАНИЗМ, храповик — айланма ҳаракатни фақат бир томонга йўналтиришга имкон берувчи тишли механизм. Храповик ғилдираги, ғилдирак тишига пружина воситасида ёки ўз оғирлиги б-н тишлар орасига тушувчи собачка, ричаг ва стойкадан иборат (расмга қ.). Храповик ғилдираги тескари томонига айланиб кетмаслиги учун унга қўшимча собачка қўйилади. Х. м. велосипедлар, юк кўтариш машиналари, чиғирларда ишлатилади.


ХРАПЧЕНКО Михаил Борисович (1904. 8 (21). 11, Чижовка қишлоғи, ҳозирги Смоленск обл. Екимовичи р-ни) — рус совет адабиётшуноси, жамоат арбоби. СССР ФА акад. (1966). СССР ФА тил ва адабиёт бўлими акад.-секретари (1967 йилдан). СССР ФА Президиуми аъзоси (1967). 1928 йилдан КПСС аъзоси. Смоленск ун-тини тугатган (1924). СССР Министрлар Совети қошидаги санъат ишлари комитети раиси (1939—48). Дастлаб совет адабиётининг ижодий методи ва индивидуал услуб масалаларини тадқиқ қилди («Услуб масаласига доир», «Услубий ўзгаришлар ҳақида», 1927, «Ленин адабиёт тўғрисида», 1934 ва б. мақолалар). «Дунёқараш ва ижод» (1957), «Октябрь революцияси ва социалистик адабиётнинг ижодий принциплари» (1967), «Адабий назариялар ва ижодий жараён» (1969) каби асарларида совет адабиётшунослигининг тараққиёт тажрибалари умумлаштирилган. «Ёзувчининг ижодий индивидуаллиги ва адабиёт тараққиёти» китобида (1970, Ленин мукофоти, 1974) рус; совет ва Ғарбий Европа адабиёти мисолида санъаткор дунёқараши ва эстетикасига оид масалалар кўрилган, адабиётни типологик ўрганиш принциплари асосланган, бадиий ижоднинг моҳияти очилган. Гоголь ва Л. Толстой ижодига бағишланган монографиялари совет адабиётшунослигига қўшилган йирик ҳисса бўлди. Х. Рус тили ва адабиёти ўқитувчилари халқаро ассоциацияси президенти. Венгрия Фанлар академияси фахрий аъзоси (1973 йилдан). 2 марта Ленин ордени, Октябрь Революцияси ва Меҳнат Қизил Байроқ орденлари, медаллар б-н мукофотланган.



Храпченко М. Б.

Ад.: Современные проблемы литературоведения и языкознания. К 70-летию со дня рождения академика М. Б. Храпченко, М., 1974.

ХРЕН, ерқалампир (Armoracia) — крестгулдошлар (бутгуллилар оиласи)га мансуб кўп йиллик ўсимликлар туркуми. Европа ва Осиёда, жумладан СССРда икки тури ўсади. Оддий Х. илдизи бақувват, пояси тик, бўйи 1 *м* гача, юқориги қисми сершох; пастки барглари тухумсимон-чўзиқ, поядагилари чўзиқ-наштарсимон, юқоридагилари тасмасимон. Гули оқ, ҳидли, тўпгулга йиғилган. Одатда, уруғ ҳосил қилмайди. Илдизи таркибида 20—25% қуруқ модда, 6% қанд, 2—2,5% оқсил, 9—9,5% углевод, 1,6—1,7% минерал тузлар ва витамин С бор. Медицинада доривор, овқатга зиравор сифатида ҳамда сабзавот ва б. тузлашда ишлатилади. Х. совуққа чидамли, ёруғталаб ва намсевар ўсимлик. 18—20°С да яхши ривожланади. 15—20 *см* узунликдаги илдиз бўлакчалари март ёки августда экилади. Октябрь-ноябрда гектаридан 100—300 *ц* илдиз ҳосили йиғиб олинади. Яхши парвариш қилинмаса, ёввойилашиб бегона ўтга айланади. Дала хрени ёввойи ҳолда ўсади, илдизи истеъмол қилишга яроқли.



Храпсимон механизм: *1* — храповик ғилдираги; *2* — собачка; *3* — ричаг; *4* — қўшимча собачка.

ХРЕННИКОВ Тихон Николаевич [1913. 28. 5 (10. 6), ҳозирги Липецк обл. Елец ш.] — совет композитори ва жамоат арбоби. СССР халқ артисти (1963). Социалистик Меҳнат Қаҳрамони (1973). 1947 йилдан КПСС аъзоси. Москва консерваториясининг композиция ф-тини (В. Я. Шебалин синфида) тугатган (1936). Х. 1961 йилдан Москва консерваториясида педагог, 1966 йилдан проф., 1948 йилдан СССР Композиторлар союзининг бош (1957 йилдан биринчи) секретари. Равшан образлилик, кўтаринкилик, соддалик, ҳодисаларнинг кучли тўқнашуви, самимий юмор Х. музикаси учун хос. Х. ижоди совет опера, қўшиқ-романс, симфоник музикаси, шунингдек драматик театр ва кино музикасида муҳим ўрин тутади. «Бўронда» (1939, 1952), «Фрол Скобеев» (1950, янги таҳрирда «Таги паст куёв», 1963), «Она» (1957), болалар учун «Баҳайбат бола» (1970)



Хрен: *1* — илдизи; *2* — тўпгули; *3* — барги.



Хренников Т. Н.

опералари, «Юз шайтон ва бир қиз» (1963), «Оқ тун» (1967) оперетталари, «Муҳаббат кетидан муҳаббат» (1976) балети, 3 симфония, оркестр ва фортепьяно, скрипка, виолончел учун концертлар, драматик спектакллар («Дон Қихот», «Узоқ ўтмишда» ва б.), кинофильмлар («Чўчқабоқар қиз ва чўпон йигит», «Урушдан сўнг кеч соат олтида», «Қадрдон дўстлар» ва ҳ. к.) га музика ва 50 дан ортиқ қўшиқлар муаллифи. Х. Чет эллар б-н маданий алоқалар бутуниттифоқ жамияти (1949), Чет мамлакатлар б-н дўстлик ва маданий алоқалар совет жамиятлари союзи (1958) музика секцияларининг президенти. 6—9- чақириқ СССР Олий Совети депутати. КПСС Марказий ревизия комиссияси аъзоси (1961 йилдан). Ленин мукофоти (1974), СССР Давлат мукофоти (1942, 1946, 1952, 1967) лауреати. 3 марта Ленин ордени, 2 та бошқа орден ва медаллар б-н тақдирланган.

Унинг «Бўронда» операси А. Навоий номидаги Опера ва балет театрида қўйилган (1941).

Ад.: Кухарский В., Тихон Хренников, М., 1957; Тихон Хренников. Статьи о творчестве композитора, Сб., М., 1974.

ХРЕСТОМАТИЯ (юнон. chrestos — фойдали ва manthano — ўрганаман)—ўқув китоби. Бадиий, мемуар, илмий, публицистик асарлар ёки улардан парчалар, шунингдек турли ҳужжатлардан системали равишда танлаб олинган тўпламдан иборат бўлади. Х. га киритиладиган материаллар, одатда, бирор ўқув юртида муайян ўқув предметидан таълим бериш ёки мустақил ўқиш учун танлаб олинади.

Ҳозирги ўрта ва олий мактабларда ижтимоий-сиёсий фанлар, табиий-математика циклари, адабиёт, тилшунослик, санъат ва б. соҳалар бўйича Х. лар мавжуд. Педагогика олий ўқув юртлари студентлари, педагогика билим юртлари ўқувчилари ва халқ маорифи ходимлари учун педагогика тарихи, хусусий методика, синфдан ташқи ишлар, мактабгача тарбия бўйича Х. лар чиқарилади. Олий ўқув юртлари ва ўрта мактаблар учун бадиий адабиёт бўйича чиқадиган Х. лар жуда кенг тарқалган.

ХРИЗАНТЕМА (Chrysanthenum)— мураккабгулдошлар (мураккабгуллилар оиласи)га мансуб бир ва кўп йиллик ўсимликлар туркуми. Барглари кетма-кет жойлашган. Гуллари йирик саватчага тўпланиб, мураккаб шингил ҳосил қилади. 150 га яқин тури бор. Асосан Европада, Осиёда, қисман Африкада тарқалган. Манзарали тўп гулли, гуллаш муддати узун. Кўпинча Ҳиндистон ва Хитой Х. си экилади. Буларнинг тўп гуллари қатма-қат, шакли ва катталиги турлича ва рангли (тиниқ оқ, пушти, қизил, тўқ қизил, тилла ранг-сариқ, тўқ сариқ) бўлади. Х., асосан, қаламчасидан, уруғидан кўпайтирилади. СССРнинг жанубий р-нларида қишлайдиган кўп йиллик ўсимлик сифатида, ўрта ва шимолий минтақаларда эса хоналарда ўстирилади.

ХРИЗОБЕРИЛЛ (юнон. chrysos — олтин ва *берилл*)— минерал. Кимёвий таркиби $BeAl_2O_4$; аралашма ҳолида 3,5—6% Fe_2O_3, 3% гача TiO_2, 0,4% гача Cr_2O_3 бўлади. Ромб сингонияли. Донадор агрегатлар ҳосил қилади. Яшил-сарғиш, сариқ, жигар ранг, қизил, баъзан рангсиз бўлади. Х. нинг хром таркибли зумраддек яшил, электр нурида бинафша ранг, қизил тусда товланадиган хили *александрит*, тилла ранг-сариқ, кўкиш товланадигани эса, цимофан дейилади. Шишадек ялтироқ. Қаттиқлиги 8,5, мўрт; с. оғ. 3,5—3,7. Гранит пегматит ва аплитларда (альмандин, берилл ва б. б-н), слюдитларда плагиоклазитлар контактида (тальк сланецлар б-н) ва камдан-кам доломит мармарларда, шунингдек сочилмаларда тош шаклида учрайди. Бирма, Шри Ланкадаги сочма конларда учрайди, Узбекистонда Чатқол тоғларида топилган. Тиниқ, чиройли турлари (александрит, цимофан) қимматбаҳо тош ҳисобланади.

ХРИЗОКОЛЛА (юнон. chrysos — олтин ва kolla — елим; қадимда олтин буюмларни кавшарлашда ишлатилган)— силикатлар гуруҳига мансуб минерал. Кимёвий таркиби $Cu_8[Si_4O_{10}]_2(OH)_{12}\cdot nH_2O$. Х. да 29,27—40,95% SiO_2, 24,75—41,86% CuO, 15,44—27,04% H_2O, шунингдек аралашма ҳолида 3,76—11,40% Al_2O_3, 0,17—15,47% Fe_2O_3 бўлади. Криптокристалл, куртаксимон, узум бошидек, тупроқсимон, пўстлоқсимон агрегатлар ҳосил қилади. Ҳаво ранг, ҳаво ранг-яшил, кўк, қўнғир, қора хиллари маълум. Қаттиқлиги 2—4; с. оғ. 2,2—2,3. Демидовит, цианохальцит, пиларит каби турлари мавжуд. Ёриқларини ва кварц, пироксен доналари орасини юпқа парда каби тўлдириб туради. Х. мис конларининг оксидланиш зонасига хос минерал бўлиб, *мис рудалари* таркибига киради; қуруқ, иссиқ иқлимли жойларда кенг тарқалган. Унинг малахит, азурит, церуссит, кальцит ва б. минераллар ўрнида пайдо бўлган псевдоморфозалари бор. Х. чет элларда — Чили, АҚШ, Исроил, СССРда — Урал, Забайкалье, Қозоғистондаги конларда учрайди; Узбекистонда Қалмоққир, Қўрғошинкон, Қўйтош конларида топилган.

ХРИЗОМОНАДАСИМОНЛАР (Chrysomanadales)— тилла ранг сувўтлар қабиласи ёки синфи. Майда ҳаракатчан (1—2 хивчинли) бир ҳужайрали ёки колониал организмлар. Баъзи Х. нинг танаси қобиқсиз, шаклини ўзгартириб туради, баъзилари қипиқсимон қобиқ б-н қопланган. 70 туркуми (500 тури) маълум. Кўпчилиги чучук сувларда яшайди. Х. нинг кўпайиб кетиши сувнинг гуллашига олиб келади. Х. нинг баъзи турлари сувнинг ифлосланиш даражасини аниқлаш имконини беради.

ХРИЗОТИЛ-АСБЕСТ— минерал, *серпентин*нинг толали тури (қ. *Асбест*).

ХРИСТИАНИЯ, Кристиания — Норвегия пойтахти *Осло* ш. нинг 1624—1924 йиллардаги номи.

ХРИСТИАНЛИК (*Христос* номидан)— кенг тарқалган монотеистик динлардан бири (*буддизм* ва *ислом* дини б-н бир қаторда). Европа, Америка мамлакатларида, Австралияда, актив миссионерлик ҳаракати натижасида Африка, Яқин Шарқда ва Узоқ Шарқнинг бир неча р-ларида кенг ёйилган. Христианларнинг умумий сони ҳақида аниқ маълумот йўқ; расмий черков маълумотига кўра, жаҳонда қарийб 1025 млн. киши Х. ка эътиқод қилади (1975). Х. нинг асосий ғояси худо-одам — Иисус Христос (Исо Масиҳ;— қ. *Исо*) ҳақидаги афсоналар б-н боғлиқ. Унинг ақидалари, эътиқод талаблари, ҳуқуқий ва ахлоқий нормалари, чеклаш ва тақиқлари *Библия* ва б. *«муқаддас китоблар»*да ўз ифодасини топган.

Х. 1- асрнинг 2- ярмида Рим империясининг шарқий қисмида яшовчи яҳудийлар ўртасида пайдо бўлган ва биринчи ўн йилликдаёқ бошқа этник группалар орасида тарқалган. Илк Х. нинг тез ёйилишига сабаб, у қулларнинг, умуман эзилган омманинг мавжуд тартиб ва қулдорлик тузумига қарши норозилигини ифодалаган. Барча аламдийдалар ва жафокашларга мурожаат қилиб, уларнинг кўнглига самовий кучлар ёрдами б-н тез вақт ичида золимлар устидан ғалаба қозониш ишончини, яқин фурсатда ер юзида «илоҳий салтанат» ўрнатилишидан умидвор бўлиш ҳиссини жо этган. Х. нинг шаклланишида яҳудийлик (*иудаизм*)нинг кўп ғоялари, қадимги Шарқ динларига хос айрим тасаввурлар, хусусан садақа бериб гуноҳдан халос бўлиш, илоҳий халоскорлар ҳақидаги тасаввурлар асос бўлган. Унга Сенека *стоицизми, Филон Александрийский* таълимоти кучли таъсир кўрсатган.

Рим империясининг ижтимоий-иқтисодий кризиси чуқурлаша борган сари Х. ҳам ўзгара борган: унинг исёнкорлик, демократик принциплари йўқолиб, зўравонлик олдида ювошитоатгўй, сабр-чидамли бўлиш, тақдирга тан бериш ғоялари биринчи ўринга қўйила бошлади. Христиан жамоаларининг ижтимоий таркиби ҳам ўзгарди: мулкдор табақаларнинг мавқеи кучайди. Бадавлат христианлар христиан жамоаларида олий (епископ, дьякон) мансабларни олиб, катта имтиёзларга эга бўлиб бордилар. Шу тарзда христиан жамоалари 2 қисмга — руҳонийлар (клир) ва оддий жамоа аъзолари (мирян)га бўлинди. Айрим-айрим жамоалар ўртасидаги алоқалар мустаҳкамланиши епископ бошлиқ *черков*нинг таркиб топишига олиб келди. Черков катта бойлик тўплаб, сиёсий кучга айланиб борди. Х. нинг асосий маросимлари *(пасха, рождество* ва ш. к.), ақидалари черков таркиб топган даврларда —2—3- асрларда шаклланди.

Черковга дастлабки даврларда сиёсий рақобат сифатида қараб, христианларни таъқиб этиб келган Рим императорлари кейинчалик Х. идеологиясининг моҳиятини тушуниб бордилар, Х. халқ оммасини итоат эттириб туришда хизмат қилишига ишонч ҳосил қилдилар. 4- асрнинг бошларида император Константин I (306—337 йиллари ҳукмронлик қилган) Х. ни расмий тан олиб, черковга асосланган сиёсий йўл тутишга ўтди. 325 йили император 1- *Вселен соборини* чақирди. Унда император б-н черков ўртасида иттифоқ тузилиб, Х. нинг «эътиқод символи» («имон калимаси») ишлаб чиқилди. Император Феодосий I (379—95) барча мажусий ибодатхоналарни тақиқловчи фармон қабул қилди. Шу тарзда Х. Рим империясида мавжуд ижтимоий тузум ва унинг тартибларини ҳимоя қилувчи давлат динига айланди. Х. даги аскетизм *(зоҳидлик)* кучайиб, *монастирлар* пайдо бўлди.

Феодализм даврида Рим империясининг ғарбий ва шарқий қисмидаги ўзига хос тарихий тараққиёт Х. черковини иккига: *католицизм* (империянинг ғарбий қисми) ва *православие*га (шарқий қисми) бўлинишга олиб келди. Рим епископлари (5- асрдан «папалари») Х. оламига танҳо ҳукмронлик қилишни даъво қилдилар (қ. *Папалик*). Бунга шарқий Рим империяси (Византия)даги Константинополь патриархлари қарши турдилар. Черков ташкилотлари ўртасидаги бу икки рақобат Х. нинг турли ақида ва маросимларида ҳам ўз аксини топди. Х. нинг католицизм ва православиега бўлиниши 1054 йилдан расман эътироф этилган бўлса-да, бироқ бу процесс узоқ тарихий даврни ўз ичига олади (13- асрнинг бошларида тугалланган).

Х. борган сари кенг ёйилди. 13- асрга келиб бутун Европа христианлаштирилди. Россияда Х. 10- асрнинг охирида Византиянинг таъсирида тарқалган. Феодализм даврида католицизм ва православие ўртасида муайян тафовутлар бўлишига қарамасдан, ҳукмрон феодал тузуми идеологияси сифатида ҳар иккисига хос умумий хусусиятлар бор эди: улар диний воситалар б-н феодал тузумни мустаҳкамлашга хизмат қилардилар; ҳар икки черковнинг иқтисодий асосини йирик черков-феодал ер эгалиги ташкил этарди. Феодализм даврида Европа мамлакатларида Х. ҳукмрон идеология бўлиб қолди. Таълим ва тарбия системасида Х. черкови монополияси ўрнатилиб, дунёвий маданиятнинг ривожланишига тўсқинлик қилди. Фан теологик чекланишлар б-н бўғиб қўйилди, фалсафа илоҳиёт хизматкорига айланди, черков ҳур фикр юритувчиларни таъқиб остига олди (қ. *Инквизиция*).

Ўрта асрда феодал тузумга қарши қаратилган ҳаракат айни вақтда христиан черковига ҳам қарши йўналтирилган эди. *Реформация* даври католик черковига қарши кураш шаклидаги антифеодал ҳаракатнинг энг чўққиси бўлди. 16- асрда Реформация натижасида Германия, Англия, Дания, Швеция, Норвегия, Голландия, Швейцария ва б. мамлакатлар терр-ясидаги черковлар католицизмдан ажралиб чиқиб, Х. нинг учинчи асосий оқими — *протестантизм* юзага келди.

Протестантизм феодал черковига қарши туриб, буржуазия манфаатини ифодалади. Дастлабки буржуазия рев-яларида у буржуазиянинг ғоявий қуроли бўлиб хизмат қилди ва бу б-н ўша даврда бирмунча прогрессив роль ўйнади. Кейинчалик протестантизмнинг прогрессивлик характери йўқолиб борди, протестант черкови буржуазия давлатининг таянчи бўлиб қолди. Христиан черковлари капиталистик хусусий мулкнинг муқаррарлигини оқлаб, социалистик ғояларнинг тарқалишига жон-жаҳдлари б-н қаршилик кўрсатдилар. Улар Х. ни «умуминсоният манфаати ва ижтимоий адолат» тимсоли сифатида тарғиб этиб, капитализмни «христианлаштириш» ғоясини илгари сурдилар. Кўп мамлакатларда меҳнаткашлар синфий ташкилотларини бўлиб юбориш, синфларни ўзаро ҳамкорликда, тотув яшаши ҳақидаги реакцион ғояни тарғиб этиш мақсадида христиан касаба союзлари, партиялари ва б. оммавий ташкилотлари тузилди. Улар пролетариатнинг революцион кураши кенг тарқалишига тўсқинлик қилдилар. 19- асрнинг охирида империалистик давлатларнинг дунёни бўлиб олиш учун кураши муносабати б-н христиан черковларининг миссионерлик фаолияти кучайди.

Христиан руҳонийлари Россиядаги Октябрь социалистик рев-ясига душманлик б-н қарадилар, ички ва ташқи реакциянинг капитализмни тиклаш учун уринишини қўллаб-қувватладилар. Христиан черковининг реакцион руҳонийлари социалистик мамлакатларга, коммунистик ҳаракатга қарши мунтазам равишда идеологик ва сиёсий кураш олиб бормоқдалар, коммунистик ҳаракат вазифалари ва ғояларини сохталаштиришга уринмоқдалар.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин кучлар нисбатининг ўзгариши, жаҳон социализм системасининг мустаҳкамланиши, бутун дунёда миллий озодлик ҳаракатининг кучайиши фақат социалистик давлатларда эмас, балки капита-



Христианович С. А.

листик мамлакатлардаги мавжуд христиан черковларининг йўналишида ҳам муайян ўзгаришларга олиб келди. Буржуа мамлакатларининг ҳукмрон доиралари Х. дан маънавий ва ижтимоий ҳаётнинг барча соҳасида фойдаланишга ҳаракат қилишларига қарамай, христиан динининг анъанавий таъсири унга ишонувчилар ўртасида ҳам сусайиб бораётганлиги сезилмоқда. Демократик ва социалистик ҳаракатнинг ўсиши, унда христиан динига ишонувчиларнинг ҳам қатнашиши Х. мавқеини заифлаштирмоқда. Аҳолининг турли қатламлари, айниқса ишчилар синфи орасида атеизм, антиклерикализм ҳамда ҳурфикрлиликнинг кучайиши ҳозирги Х. нинг кризисига кучли таъсир кўрсатмоқда. Х. арбоблари черков, унинг идеологияси, диний маросимлари, жамиятлари, миссионерлик фаолияти формаларини модернизациялаштиришга ҳаракат қилмоқдалар: илм-фан, ижтимоий-сиёсий тараққиёт талабларидан келиб чиқиб, Х. ни «тозалашга», «замонавий» дин қилиб, уни ҳалокатдан сақлаб қолишга уринмоқдалар. Буржуа мамлакатларидаги христиан дини арбоблари капитализмнинг негизини ҳимоя қилишни давом эттирмоқдалар. Бироқ диний эътиқод, диний ақидалар «фаровон жамият»ни таъминлашига сидқидилдан ишонувчи дин намояндалари, сўл диний оқим руҳонийлари ҳам бор. Улар халқаро муносабатда антиимпериалистик позицияни тутмоқдалар, туб ижтимоий ўзгаришлар тарафдори бўлиб майдонга чиқмоқдалар.

Социалистик мамлакатларда христиан черкови социализмга нисбатан лоқайд позициядадир. СССР ва б. социалистик мамлакатларда бошқа динлар қатори Х. нинг ҳам ижтимоий илдизига зарба берилди. Илм-фан тараққиёти, халқ ҳаётининг маданий ва моддий даражасининг ошиши, изчил илмий-атеистик тарғибот натижасида унинг таъсири ҳам аста-секин йўқолиб бормоқда.

Ад.: Маркс К., Энгельс Ф., Дин тўғрисида, Т., 1956; Ленин В. И., О религии и церкви, [Сб.], М., 1966; Шейнман М. М., Христианский социализм, М., 1969; Рановичъ А. Б., О раннем христианстве, М., 1959; Ленцман Я. А., Происхождение христианства, 2 изд., М., 1963; Гараджа В. И., Протестантизм, М., 1971; Мчедлов М.П., Католицизм, М., 1970; Курочкин П. К., Эволюция современного русского православия, М., 1971; Религия и церковь в капиталистических странах, М., 1977.

ХРИСТИАНОВИЧ Сергей Алексеевич [1908. 27. 10 (9. 11), Петербург]— механика соҳасидаги олим, СССР ФА акад. (1943; 1939 йилдан мухбир аъзоси), СССР ФА Президиуми аъзоси (1946—56, 1957—62), Социалистик Меҳнат Қаҳрамони (1969). 1949 йилдан КПСС аъзоси. Ленинград ун-тини битиргач, Давлат гидрология ин-тида, сўнгра Марказий аэрогидродинамика ин-тида (1937—53), СССР ФА Кимё физикаси ин-тида (1956—57) ишлаган. СССР ФА Сибирь бўлими раисининг ўринбосари (1957—61), шу бўлимнинг Назарий ва амалий механика ин-ти директори (1957—65), Бутунittифоқ. Физик-техник ва радиотехник ўлчашлар илмий тадқиқот ин-тида (1965—72), 1972 йилдан СССР ФА Механика проблемалари ин-тида ишлайди. Москва Физика-техника ин-ти проф. (1947). Асосий ишлари суюқлик ва газ механикаси ҳамда деформацияланувчи қаттиқ жисм механикасига оид. Мас., канал ва дарёлардаги суюқликларнинг турғун бўлмаган ҳаракатини текширган, тўлқинларнинг тарқалиш масаласини ечиш методини берган, фильтрация назарияси масалаларини ишлаб чиққан, мустаҳкамловчи материалларнинг пластик деформацияланиши назариясини яратган ва ҳ. к. Давлат мукофоти лауреати (1942, 1946, 1952). 6 марта Ленин ордени, 4 та бошқа орден ва медаллар б-н мукофотланган.

ХРИСТОС (юнон. Christos — гўё ердаги одамзоднинг халоскори, *мессия*)— қ. *Исо.*

ХРОМ (Cromium) Cr — Менделеев даврий системасининг VI группасига мансуб кимёвий элемент, ат. н. 24, ат. оғ. 51,996. Х. нинг тўртта барқарор изотопи мавжуд: ^{50}Cr (4,31%), ^{52}Cr (83,76%), ^{53}Cr (9,55%) ва ^{54}Cr (2,38%). Х. нинг сунъий радиоактив изотопларидан энг муҳими ^{51}Cr (ярим емирилиш даври 27,8 кун).

Х. ни дастлаб француз кимёгари Л. Воклен 1797 йили табиий қўрғошин (II)-хромат — кроконт ($PbCrO_4$) минерали таркибидан топган. Х. сўзи юнонча cromo — рангли демакдир. Х. га бундай ном берилишининг сабаби Х. бирикмаларининг турлича рангдалигидир. Тоза Х. ни Бунзен хром (II)-хлорид эритмасини электролизлаб олишга муваффақ бўлган.

Х. кенг тарқалган элемент, ер пўстининг оғирлик жиҳатидан $2 \cdot 10^{-2}$ % ини ташкил қилади. Асосий минераллари: хромит $Fe(CrO_2)_2$, кроконт $PbCrO_4$, уваровит $CaCr_2(SiO_4)_3$ ва ш. к. Аммо булардан хромит (хромли темиртош)нинг амалий аҳамияти катта.

Х. оқ-кул рангли, анча қийин эрийдиган, ялтироқ қаттиқ металл. Зичлиги 7,2 *г/см*^{3}, суюқланиш т-раси 1875°С, қайнаш т-раси 2570°С. Ҳавода Х. нинг сирти оксид парда б-н қопланади, бу парда Х. ни емирилишдан сақлайди. Х. га углерод қўшилса унинг қаттиқлиги янада ортади. Х. паст т-раларда ниҳоятда инерт модда, лекин қиздирилганида кислород, азот, углерод, олтингугурт ва галогенлар б-н реакцияга киришади. Мас., хром (III)-оксид Cr_2O_3, хром (III)-хлорид $CrCl_3$, хром (III)-сульфид CrS_3, хром (III)-нитрид CrN лар ҳосил қилади. Хром (III)-сульфид фақат қуруқ жойдагина барқарор, сув таъсиридан гидролизга учрайди, натижада хром (III)-гидроксид ва водород сульфид ҳосил бўлади.

Х. нитрат кислота ва зар сувида мутлақо эримайди, фақат қиздирилганида озгина эрийди.

Х. ўз бирикмаларида 2, 3, 4, 6 валентли, 3 ва 6 валентли Х. бирикмалари кўп учрайди. Икки валентли Х. нинг бирикмалари беқарор, уч валентлигиники барқарор моддалардир.

Саноатда хром (III)-оксид калий бихроматни кокс ёки олтингугурт б-н қайтариб олинади. Хром (III)-оксид Х. олишда, мойли ва акварел бўёқлар тайёрлашда ишлатилади. Уч валентли Х. нинг кўпчилик тузлари сувда яхши эрийди, лекин гидролизга учрайди. Хром (III)-сульфат калий (натрий, рубидий, цезий) сульфат таъсиридан кристалланиб, қўшалоқ туз — Х. аччиқтош ҳосил қилади.

Хром (VI)-оксид CrO_3 хромат ангидрид деб аталади, у сув б-н икки хил кислота H_2CrO_4 (хромат кислота), $H_2Cr_2O_7$ (бихромат кислота), ишқорлар б-н хроматлар ҳосил қилади. Хром (VI)-оксид ниҳоятда кучли оксидловчи. Х. нинг CrO_5 таркибли пероксиди ва H_2CrO_6 таркибли пероксокислотаси мавжуд.

Х. пўлат ва темирдан ясалган буюмларнинг сиртини коррозиядан сақлаш мақсадида қоплашда, яъни хромлашда, уларга безаклар беришда, яхши сифатли пўлатлар тайёрлашда кенг ишлатилади. Х. зангламайдиган, кислота ва

ўтга чидамли Х. нинг бирикмалари заҳарли, улар бўёқчилик саноатида, фотографияда, пиротехникада, кўн саноатида ва б. соҳаларда ишлатилади.

Ад.: Роде Т. В., Кислородные соединения хрома и хромовые катализаторы, М., 1962; Николаев Л. А., Общая и неорганическая химия, М., 1974; Салли А. Х., Брэндз Э. А., Хром, 2 изд., М., 1971.

ХРОМ АРАЛАШМАСИ — калий бихромат (дихромат) $K_2Cr_2O_7$ нинг совуқда тўйинтирилган сувдаги эритмаси б-н концентрланган сульфат кислота H_2SO_4 нинг тенг ҳажмда олинган аралашмаси. Кучли оксидловчи. Лабораторияларда ишлатилади (яна қ. *Дихроматлар*).

ХРОМ ОКСИДЛАРИ — хромнинг кислород б-н бўлган бирикмаси: CrO, Cr_2O_3, CrO_3 ва б. Хром (II)-оксид CrO — қора кристалл модда, суюқланиш т-раси 1550°С, сувда эримайди, HCl ва H_2SO_4 да эрийди. Кучли оксидловчи. Хром (III)-оксид Cr_2O_3 — тўқ яшил кристалл модда; зичлиги 5,21 *г/см*^{3}, суюқланиш т-раси 1990°С, сувда эримайди. Ишқорлар б-н хромитлар ҳосил қилади. Бўёқлар тайёрлашда, шиша ва сополларни бўяшда, катализатор сифатида ишлатилади. Хром (VI)-оксид — хромат ангидрид CrO_3 — тўқ қизил кристалл модда; зичлиги 2,8 *г/см*^{3}, суюқланиш т-раси 196°С. Сув б-н хромат кислота ҳосил қилади, кучли оксидловчи. *Хром* олишда, хромлашда ишлатилади.

ХРОМ РУДАЛАРИ, хромитлар — таркибида техник жиҳатдан саноатда ишлатишга яроқли ҳамда иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ миқдор ва концентрацияда хром бўлган табиий минерал ҳосилалар. Таркибида хром бўлган минераллардан фақат *хромшпинелидлар*дан саноат аҳамиятидаги хром олинади.

Х. р. нинг асосий минераллари — хромшпинелидлар ва силикатлар: серпентин, хлорит, баъзан оливин, пироксен, плагиоклаз, уваровит, хромактинолит, тальк, брусит, карбонатлар, сульфидлар ва б. Яхлит ва хол-хол Х. р. маълум.

Х. р. даги энг муҳим компонентларнинг миқдори ҳар хил (оғирлик процентида): Cr_2O_3 (10,5—62,0), Al_2O_3 (4,0—34,0), Fe_2O_3 (1,0—18,0), FeO (7,0—24,0), MgO (10,5—33,0), SiO_2 (0,4—27,0).

Руда тўпламларининг шакли турлича: платформалардаги стратиформ массивларида — қатлам шаклида, қалинлиги ўнлаб *см* дан бир *м* га етади (ва ундан ортиқ бўлади); бир неча *км* га чўзилиши мумкин; букилмали обл. лардаги массивларда — чўзиқ, линзасимон, штоксимон шаклларда, қалинлиги 2—20 *м*; ўнлаб *м* дан 1000—1500 *м* га етади.

Х. р. конлари базальтоид ва ультра асосли магмаларнинг кристалланишидан ҳосил бўлади. Хромитли формацияларнинг 3 тури: перидотит-ортопироксенит-норитли формация (платформаларда), перидотитли ва габбро-норит-перидотитли формация (геосинклиналь обл. ларда) ажратилади. Х. р. делювиал, элювиал ва денгиз қирғоқларидаги сочилмаларда ҳам бор.

Х. р. нинг асосий конлари СССРда — Уралда, чет элларда — Миср, Жанубий Родезия, Туркия, Филиппин ороллари, Ҳиндистон, Финляндия, Малагасида.

Ад.: Требования промышленности к качеству минерального сырья, 2 изд., вып. 15; Горланов С. С., Хромит, М., 1963; Рудные месторождения СССР, т. 1, М., 1974.

ХРОМ ХЛОРИДЛАРИ — хромнинг хлор б-н бўлган бирикмалари: $CrCl_2$, $CrCl_3$, $CrCl_4$. Хром (II)-хлорид $CrCl_2$ — оқ гигроскопик кристалл модда; зичлиги 2,75 *г/см*^{3}, суюқланиш т-раси 824°С. Хроматометрияда ишлатилади. Хром (III)-хлорид $CrCl_3$ — бинафша тусли кристалл модда, зичлиги 2,76 *г/см*^{3}; суюқланиш т-раси 1152°С. Хром (IV)-хлорид $CrCl_4$ — қаттиқ ҳолда турғун эмас. Қиздирилганда $CrCl_3$ ҳосил бўлади. Хром олишда ишлатилади.

ХРОМ ҚОТИШМАЛАРИ — хромга никель, титан, ванадий ва б. элементлар қўшилган иссиқбардош қотишмалар. 1100—1200°С т-радаги мустаҳкамлиги темир ва никель асосида тайёрланган қотишмалар б-н қийин эрувчи металлар (ниобий, молибден, вольфрам) асосида тайёрланган қотишмалар мустаҳкамлиги орасида бўлади. Агрессив суюқ ва газсимон муҳитларда чидамли. Х. қ. нинг асосий камчилиги зарбий қовушоқлигининг пастлигидир. Х. қ. сув ости кемалари корпуслари деталлари, кимёвий аппаратлар тайёрлашда ишлатилади.

ХРОМАЛЬ — электр қаршилиги юқори (ρ= 1,4 *ом·мм*^{2} (*м*) бўлган иссиқбардош қотишма. Таркиби: ўрта ҳисобда темир — 65%, хром — 30% ва алюминий — 5%; Х. электр асбобларининг қиздириш элементларини тайёрлаш учун ишлатилади.

ХРОМАНГИДРИД — қ. *Хром оксидлари.*

ХРОМАНСИЛЬ — ўртача легирланган (таркибида тахм. 1% дан хром, марганец ва кремний бўлган) конструкцион пўлат. Қуйидаги маркалари бор: 25ХГС, 30ХГС, 35ХГС, 25ХГСА, 30ХГСА, 35ХГСА (марка олдидаги сон 100 га тақсим қилинса, пўлат таркибидаги углерод миқдори чиқади). 35ХГСА маркали Х. қуймакорликда қўлланилади; 25ХГС ва 30ХГС маркали пўлатлардан машинасозликда пайвандланувчи ва механик ишланувчи деталлар тайёрланади. 25ХГСА ва 30ХГСА пўлатларининг тобланиб, бўшатилгандан кейинги мустаҳкамлик чегараси 110—130 *кг/мм*^{2} (1100—1300 *Мн/м*^{2}). Х. ни қўшимча легирлаш йўли б-н янги маркадаги пўлатлар, жумладан 30ХГСНА маркали мустаҳкам конструкцион пўлат ҳосил қилинди.

ХРОМАТ ҚИСЛОТАЛАР — олти валентли хромга мувофиқ келадиган кислоталар: булар хромат кислота H_2CrO_4 ва изополихромат кислоталар—дихромат кислота $H_2Cr_2O_7$, трихромат кислота $H_2Cr_3O_{10}$ ва тетрахромат кислота $H_2Cr_4O_{13}$ дан иборат. Хром (III)-оксиднинг сувда эришидан ҳосил бўлади (қ. *Хром оксидлари*). Хромат кислота қизил рангли кристалл модда. Изополихромат кислоталар фақат сувдаги эритмаларда мавжуд. Хромат кислота эритмалари *хром* олишда ишлатилади. Х. к. заҳарли.

ХРОМАТИДА — *хромосомалар* таркибий элементи; функционал икки толининг бири. *Интерфаза*да хромосомалар *репликация*си туфайли вужудга келади. *Митоз*да хромосома икки Х. дан иборат. Қутбларга ажралишдан кейин қиз ядрода ҳар бири мустақил хромосомага айланади. *Мейоз*да гомологик хромосомалар бир-бирига яқинлашиб, тетрадаларни ҳосил қилади.

ХРОМАТИЗМ (*хромо...*)— диатоник *лад* погонасининг ярим тонга ўзгариши (кўтарилиши ёки пасайиши). Хроматик ярим тон бир пого-

надаги икки товуш ўзгариши (мас., фа—фа-диез)дан ташкил этилиши б-н турли поғоналар орасида ҳосил бўладиган диатоник ярим тондан фарқ қилади. Альтерация белгилари (диез # ёки бемоль b) б-н кўрсатилади.

ХРОМАТИК АБЕРРАЦИЯ — *оптик системалар аберрацияси* турларидан бири. Х. а. катталиги шаффоф муҳит нур синдириш кўрсаткичининг ёруғлик тўлқин узунлигига боғлиқлигига асосланган. У нур синдирувчи материалдан тузилган системада, мас., линзада ҳосил бўлади. Кўзгу системаларда Х. а. бўлмайди. Х. а. турли рангдаги ёруғлик нурлари линзадан ўтгач, бу нурларнинг ундан турли масофада йиғилишидан иборат. Унинг тасвир ҳолати хроматизми ва катталаштириш хроматизми хиллари мавжуд.

ХРОМАТИН *(хромо...)* — ўсимлик ва ҳайвон ҳужайралари ядросидаги хромосома моддаси асосий (ядро) бўяғичлар таъсирида кучли рангга киради; ҳужайралар бўлинганда *хромосомалар*да маълум шаклни олади. Х. терминини 1880 йилда немис гистологи В. Флеминг киритган. Ҳозирги замон цитологиясида Х. деб *интерфаза*даги хромосома моддаси тушунилади. Х. таркибига *дезоксирибонуклеин кислота* (ДНК) (30—40%), рибонуклеин кислота (РНК), *гистонлар* ва гистон бўлмаган оқсиллар киради. Х. нинг асосий структура компоненти — дезоксирибонуклеопротеид иплари (диаметри 100—200 Å) дан иборат.

ХРОМАТЛАР — *хромат кислоталар*нинг тузлари. Ишқорий муҳитда барқарор; кислота муҳитида *дихроматлар*га айланади. Калий хромат ва натрий хроматнинг аҳамияти муҳим. Калий хромат K_2CrO_4 — сариқ кристалл модда, зичлиги 2,732 *г/см*³; суюқланиш т-раси 968,3°С; сувда яхши эрийди. Натрий хромат Na_2CrO_4 — сариқ кристалл модда; зичлиги 2,72 *г/см*³; суюқланиш т-раси 790°С; гигроскопик, сувда яхши эрийди. Калий ва натрий Х. кимёвий реактив сифатида, газламаларни оҳорлашда, тери саноатида, уруғни дорилашда, ёғочни консервациялашда ишлатилади.

ХРОМАТОГРАФИЯ *(хромо... ва ...графия)* — газ, суюқлик ёки эриган моддалар аралашмасини адсорбцион усулда ажратиш ва анализ қилиш. Х. методи рус ботаниги М. С. Цвет томонидан 1903 йилда яратилган. 1903—06 йилларда ўсимлик пигменти — хлорофиллни таркибий бирикмаларга ажратиш учун қўлланилди. Кейинчалик Х. кўпгина рангсиз моддалар учун ишлатилди. 1931 йилда Кун ва унинг шогирдлари Х. ёрдамида тухум сариғидаги ксантофил, лутеин ва зеаксантин моддалари ҳамда α- ва β-каротиналарни ажратди. 1941 йилда А. Мартин ва Р. Синг тақсимлаш Х. сини яратди ва оқсил, углерод бирикмаларини ўрганишда унинг кенг имкониятларини кўрсатиб берди. 1940—45 йилларда С. Мур ва У. Стайнлар аминокислоталарни Х. усулида ажратиш ва миқдорий анализ қилишга катта ҳисса қўшди. 1950-йилларда Мартин ва Жеймс газ-суюқлик Х. методини ишлаб чиқди.

Х. олиб борилаётган муҳитга қараб газ, газ-суюқлик ва суюқлик Х. ларига, моддаларни ажратиш механизмига қараб молекуляр (адсорбцион), ион алмаштиргич, чўктириш ва тақсимлаш Х. ларига, олиб борилаётган жараён шаклига қараб колонкали, найчали (капилляр), қоғозли ва юпқа қатламли Х. ларга бўлинади. Адсорбцион Х. — моддаларни адсорбентда турлича сорбцияланиши (ютилиши)га асосланган; тақсимлаш Х. — аралашма таркибий қисми (компонентлари)нинг қўзғалмас фаза (ғовак сатҳли қаттиқ модда юзасига ўрнатилган юқори т-рада қайновчи суюқ модда) ва элюентларда турлича эришига; ион алмаштиргич Х. — ҳаракатсиз фаза (ионит) ва ажралувчи аралашма компонентлари орасидаги ион алмаштириш мувозанати константалар фарқига; чўктириш Х. эса ажратилувчи компонентларнинг қаттиқ қўзғалмас фаза устида турлича чўкмага чўкиш қобилиятига асосланган.

Х. хроматограф деб аталувчи асбоблар ёрдамида амалга оширилади. Анализ вақтида хроматограф колонкасига юборилган текширилувчи моддалар элюент б-н бирга турли вақт оралиғида алоҳида-алоҳида бўлиб колонканинг чиқиш томонига келади ва махсус сезувчи асбоб — детектор ёрдамида унинг вақт бирлигидаги миқдори қайд этилади, яъни эгри чизиқ ҳолда ёзиб олинади. Бу хроматограмма деб юритилади. Сифат анализи вақтида модданинг колонкага юборилгандан то чиққунгача бўлган вақти ҳар бир компонент учун доимий т-рада бир хил элюентда белгилаб олинади. Миқдорий анализ учун эса Х. даги пиклар (ҳар бир модда учун тегишли эгри чизиқ шакли) баландлиги ёки юзаси, детекторнинг моддага нисбатан сезгирлигини назарга олган ҳолда ўлчанади ва махсус усулда ҳисобланади.

Парчаланмай буғ ҳолатига ўтадиган моддалар анализи ва ажратилиши учун кўпинча газ Х. ишлатилади. Бунда элюент (газ ташувчи) сифатида гелий, азот, аргон каби газлардан фойдаланилади. Сорбент сифатида эса (зарралар диаметри 0,1—0,5 *мм* бўлган) силикагеллар, алюмогеллар, ғовакли полимерлар ва б. ишлатилади.

Газ-суюқлик Х. учун сорбент тайёрлашда солиштирма сатҳи 0,5—5 *м*²/*г* бўлган қаттиқ модда юзасига қайнаш т-раси юқори бўлган суюқликлар (юқори қайновчи углеводородлар, мураккаб эфирлар, силоксанлар ва б.) қалинлиги бир неча *мкм* парда ҳолида қопланади.

Колонкали суюқлик Х. да элюент сифатида осон учувчи эритувчилар (углеводородлар, эфирлар, спиртлар), қўзғалмас фаза сифатида эса силикагеллар, алюмогеллар, ғовакли шиша ва б. қўлланилади.

Х. усулининг татбиқ этилиши туфайли органик кимё, айниқса, табиий бирикмалар кимёси жадал суръатда ривожланди. Х. кўп компонентли системаларни сифат ва миқдорий анализ қилиш, тоза ҳолда ажратиб олишда (жумладан саноат миқёсида) катта аҳамият касб этади. Х. ёрдамида нодир металлар анализ қилинади. Сунъий тайёрланган трансуран элементларининг очилишида ҳам Х. катта имкониятлар яратди. Х. ёрдамида 99-элемент — эйнштейний (Es), 100-элемент — фермий (Fm) ва 101-элемент — менделевий (Md) ажратилди.

Х. ҳаво, сув, тупроқ, мономерлар таркибидаги аралашмаларни аниқлашда, органик ва нефть химияси синтези маҳсулотлари анализида, дори-дармонлар тозалигини аниқлашда, криминалистикада катта аҳамиятга эга. Космик кемалар гази, Марс атмосфераси гази, ой тупроғидаги моддаларни анализ қилишда ҳам Х. усуллари жорий этилган. Х. юқори молекулали бирикмалар, айниқса инсон, ҳайвон, ўсимлик, микроблар дунёсига тегишли бўлган биологик объектларнинг анализи учун ниҳоятда зарур.

Ўзбекистонда ҳам Х. усуллари рационал қўлланиб келинмоқда, хусусан ўсимлик таркибидаги бирикмаларни аниқлаш, ажратиб олиш, нефть, газ таркибини ўрганиш каби жараёнларда бу усулдан кенг фойдаланилмоқда.

Ад.: Рачинский В. В., Введение в общую теорию динамики сорбции и хроматографии, М., 1964; Газо-жидкостная хроматография. Сб. переводов, вып. 1—2, М., 1961—63.

ХРОМАТОФОРАЛАР *(хромо... ва phoros — ташувчи)* — 1) одам ва ҳайвоннинг тери қопламидаги пигмент сақловчи ҳужайра; 2) сувўтлар ва баъзи юксак ўсимликлар ҳужайра протоплазмасидаги хлорофилл сақловчи ва унинг пигментларини ташувчи оқсил (липоид) танача. Баъзан юксак ва тубан ўсимликларнинг бўялган пластидлари ҳам Х. деб аталади.

ХРОМЛАШ — 1) алюминий, мис, титан ва б. металларнинг қотишмаларидан тайёрланган металл буюмларнинг сиртини коррозиядан ҳимоя қилиш ёки пардозлаш мақсадида унга электролитик усулда хром югуртириш (қ. *Гальванотехника*); 2) металларнинг, мас., кам углеродли пўлат сиртқи қатламининг коррозиябардошлиги, кислотабардошлиги ва қаттиқлигини ошириш мақсадида уни хромга тўйинтириш. Бунинг учун пўлат буюмлар 50% феррохром, 45% Al_2O_3 ва 5% NH_4Cl дан иборат аралашма кукунида юқори т-рада маълум вақт қиздирилади. Х. процесси вакуумли печларда газсимон муҳитда (H_2+HCl ёки HCl муҳитида) ва хром хлорид шимдирилган керамика массасида ҳам ўтказилиши мумкин. Пўлат буюм газсимон муҳитда 1000°С да 8—10 соат қиздирилса, унинг 0,10—0,12 *мм* қалинликдаги қатлами хромга тўйинади (яна қ. *Металлаш*).

ХРОМЛИ ПЎЛАТЛАР — таркибида легирловчи элемент сифатида хром бўлган пўлатлар. Х. п. кенг кўламда ишлатилади, чунки хром пўлатнинг хоссаларига ижобий таъсир этади. Хром пўлатнинг тобланиш критик т-расини пасайтиради, шу сабабли Х. п. дан ясалган деталлар цементитлангандан кейин мойда тобланади, натижада деталлар тоблаш вақтида кам деформацияланади. Х. п. нинг 15Х, 20Х, 30Х, 30ХА, 40Х, ШХ6, ШХ9, ШХ10 ва б. маркалари бор. 15Х, 20Х, 30Х ва 30ХА пўлатлари автомобилсозлик ҳамда тракторсозликда турли деталлар тайёрлаш учун ишлатилади; 40Х пўлатидан, мас., пахта териш машинаси шпинделининг бармоғи, ШХ6, ШХ9, ШХ10 пўлатларидан шарли ва роликли подшипникларнинг деталлари тайёрланади.

ХРОМ-НИКЕЛЛИ ПЎЛАТ — хром ва никель б-н легирланган *конструкцион пўлат*. Унинг бутун кесими бўйлаб механик хоссалари, пухталиги, қовушоқлиги юқори. Аммо ўта қизишга унча сезгир эмас. Шунинг учун Х.-н. п. дан ясалган деталларни 860°С гача қиздириб, фақат бир марта тоблаш ёки цементитлаш печидан олинган заҳотиёқ 860°С гача шамоллатиб, сўнг тоблаш мумкин. Х.-н. п. дан автомобиллар дифференциалининг сателлити, етакчи шестерялар, бирламчи вал ва б. тайёрланади.

ХРОМО... (юнон. chroma — ранг) — рангга ҳамда кимёвий элемент — *хром*га алоқадорликни билдирувчи қўшма сўз бўлаги. Мас., *хромоскоп, хромосфера.*


ХРОМОМЕРЛАР *(хромо... ва юнон. meros — қисм)* — *хромосомалар* асосини ташкил этувчи дезоксирибонуклеопротеид ип (хромонема)ларнинг йўғонлашган ва зич спираллашган қисми. Катталиги 500 Å дан 0,5 *мк* гача. Маълум тартибда жойлашган, тўқ рангга бўялган гранула (донача) кўринишидаги Х. микроскоп орқали *мейоз* ва *митоз* профазасида яхши кўринади. Хромосомаларнинг 95% дезоксирибонуклеин кислотаси (ДНК) Х. да бўлади. Х. нинг шакли, катта-кичиклиги, сони ҳар бир хромосома учун қатъий.

ХРОМОПРОТЕИДЛАР *(хромо... ва протеидлар)* — таркибида рангли простетик (оқсил бўлмаган) группалари бор мураккаб оқсиллар. Таркибида темир бўлган оқсиллар — гемопротеидлар Х. нинг кенг группасини ташкил этади. Буларга цитохром (ҳужайра нафас олаётганда, фотосинтез ва б. жараёнларда электрон ташувчи воситалар); баъзи ферментлар (*каталаза, пероксидаза*), нафас пигментлари (гемоглобин, миоглобин) киради. Кўз тўр пардасидаги мураккаб оқсил модда — родопсин ҳам Х. га мансубдир.

ХРОМОСКОП *(хромо... ва юнон. skopeo — қарайман)* — турли рангдаги ёруғлик фильтри б-н ёритиладиган икки ёки уч оқ-қора тасвирни оптик бирга қўшиб, рангли тасвир олинадиган асбоб. Спектрнинг кўринадиган қисмида ажратиб бўлмайдиган деталь ва объектлар тузилишини ажратиш учун қўлланилади. Бунинг учун объект кварц оптик қурилма ва ёруғлик фильтрлари орқали 3 марта оқ-қора фотоплёнкага туширилади. Унга ишлов берилгач, битта фотоплёнкада турлича қорайган 3 таоқ-қора тасвир олинади. Олинган негатив Х. га ўрнатилади ва қизил, кўк, зангори ёруғлик фильтрлари б-н ёритилади. Тасвирлар призмалар б-н битта қилиб қўшилади ва кичик форматли фотоаппаратнинг фокус текислигига проекцияланади.

ХРОМОСОМА КАСАЛЛИКЛАРИ — *хромосомалар* сони ёки тузилишининг ўзгариши б-н боғлиқ ирсий касалликлар. Х. к. ҳаёт давомида эмас, балки *мейоз*да ёки уруғланган тухум-ҳужайра тараққиётининг дастлабки босқичида (қ. *Митоз*) хромосомаларнинг тўла ажралмаслигидан, шунингдек оталаниш ҳамда илк эмбрионал ривожланишда ионлаштирувчи нурлар, кимёвий препаратлар, вируслар таъсирида вужудга келади. Ғайри ихтиёрий абортдаги эмбрионларнинг 20% и аномал *кариотип*ли. Умуман янги тугилган болалар орасида эса Х. к. 1% ни ташкил этади.

Х. к. генетик материалнинг ортиқчалиги (полисомия — бир ёки бир нечта қўшимча хромосоманинг мавжудлиги, *полиплоидия*, дупликация) ёки бир қисмининг йўқолиши (нуллисомия, моносомия, делеция) ва хромосома *мутация*лари б-н боғлиқ бўлиши мумкин. Шунингдек, жинсий ва умумий хромосомалар (аутосома) ўзгариши б-н вужудга келувчи Х. к. ҳам бор. Аёлларда кўпроқ Шерешевский-Тернер синдроми (Х моносомия) ва Х трисомия синдроми, эркакларда эса Клайнфельтер синдроми (Х хромосома ортиқча) учрайди. Шерешевский-Тернер ва Клайнфельтер синдромида жинсий ривожланишнинг сусайиши ва бепуштлик, Х трисомия синдромида ақлипастлик, менструация циклининг бузилиши кузатилади. Жинсий хромосомалар аномалияси ўлик туғилганларда 2,7% ни ташкил этади.



Ичак таёқчаси хромосомасининг генетик картаси. Рақамлар (мин. ҳисобида) қатор аминокислоталар биосинтезини назорат қилувчи генетик маркёр (белги)ларни ҳужайра-реципиентга олиб ўтказиш учун зарур вақтни, шунингдек, стрептомицин ҳамда T_6 фагга чидамлиликни кўрсатади; бу рақамлар генларарро масофани характерлайди. Ифодалар: ade — адении; his — гистидин; try — триптофан; gal — галактоза; lac — лактоза; pro — пролин; leu — лейцин; tre — треонин; met — метионин; arq — аргинин; mt — маннит; xyl — ксилоза; mal — мальтоза; ser — серин; qly — глицин; str, T_6 — стрептомицин ёки T_6 фагга чидамлилик.

Х. к. ни тўғри аниқлашда кариотипни цитогенетик жиҳатдан, жинсий хромосомалар сони ўзгарганда эса ҳужайраларда жинсий хроматинни ҳам текшириш лозим. Х. к. ни даволашда организмни қувватлантирувчи моддалар, жумладан гормонлардан фойдаланилади. Олдини олишда *медицина-генетика консультацияси* катта роль ўйнайди.

Ад.: Нильсон Ж., Шэлл У., Наследственность человека, Пер. с англ., М., 1958; Маккьюсик В., Генетика человека, Пер. с англ., М. 1967.

ХРОМОСОМАЛАР (*хромо...* ва *сома*) — ҳужайра ядросидаги органоидлар. Х. йиғиндиси ҳужайра ва организм асосий ирсий хусусиятларини белгилайди. Ҳужайрадаги Х. нинг тўлиқ тўплами — *кариотип*дир. Ҳайвон ва ўсимлик тана ҳужайрасидаги ҳар бир хромосома бир жуфтдан бўлиб, булардан бири ота уруғи, иккинчиси эса она тухумҳужайрасидан уруғланиш даврида ўтади. Бундай Х. гомологик Х., улар тўпламини эса диплоид тўплам дейилади. Айрим жинсли организм хромосомалар тўпламида ҳар қайси жинсда морфологик хусусият б-н фарқланувчи бир ёки бир неча жуфт жинсий Х. бўлади; қолган умумий Х. аутосомалар дейилади. Ҳар бир организмда Х. сони турғун (мас., ғўзада 52 та, итда 78 та, одамда 46 та хромосома бор ва ҳ. к.). Сут эмизувчиларда организм жинсини жинсий Х. даги генлар, *дрозофила*да эса жинсий Х. б-н аутосомалар нисбати белгилайди.

Дастлаб Х. асосий бўяғичлар б-н интенсив бўялувчи зич таначалар деб тавсифланган (немис олими В. Вальдейер, 1888). Кейинчалик Х. нинг ташқи кўриниши ҳужайра бўлиниши циклининг турли босқичларида ўзгариб туриши аниқланди. Х. нинг ўзига хос морфологик хусусиятга эга бўлган яхлит ҳосиласини *митоз* ва *мейоз*нинг метафазасида оптик микроскоп ёрдамида фарқлаш мумкин. Ҳужайра циклининг барча босқичларида Х. асосини хромонема — ҳужайра бўлинишида зич ўриладиган (бу Х. спиралланишини осонлаштиради), бўлинмайдиган ҳужайрада зич деспиралланган ипсимон структураларни ташкил этади. Ҳужайра бўлинишининг тугашида қутбларга ажраган Х. бўшашади ва уни ядро мембранаси ўраб олади. Прокариот ва эукариот организмлар хромосомаси морфологик жиҳатдан бир-биридан фарқланади. Прокариотлар (шаклланган ҳужайра ядроси йўқ организмлар) битта чизиқли ёки ҳалқали хромосомага эга. Х. тушунчаси прокариотларга нисбатан шартли равишда қўлланилади, чунки у эукариотларни ўрганиш вақтида шаклланган. Ҳужайравий ва ҳаётий цикларда Х. ташқи кўринишининг ўзгариши Х. ҳаракатланиш хусусиятига боғлиқ. Бироқ уларнинг умумий тузилиш принциплари, узлуксизлиги, мунтазамлиги ва ўзига хослиги қатор ҳужайра авлодлари ва организмларда ўзгаришсиз сақланади. Х. нинг аҳамияти улар таркибидаги биополимерлар хусусияти б-н белгиланади. Х. нинг биринчи молекуляр моделини 1927 йил совет биологи Н. К. Кольцов таклиф этган. Х. да ирсий информацияларнинг ёзилиши дезоксирибонуклеин кислота (ДНК) молекуласининг тузилиши ва унинг *генетик коди* б-н таъминланади (ҳужайранинг 99% ДНКси Х. таркибида бўлади). Х. ўзининг асосий функцияси — репродукция ва *транскрипция*ни интерфазада бажаради, шунинг учун Х. нинг бу фазадаги тузилиши катта қизиқиш б-н ўрганилади. Бунда рибонуклеин кислота (РНК) актив синтезлангани сабабли Х. нинг кўп қисми ечилади-да, Х. ни фарқлаш қийинлашади. Ҳужайра бўлина бошлаганда Х. да ДНК ва РНК синтези тўхтайди, Х. янада зич (мас., одамнинг битта хромосомасидаги 160 *мм* ли ДНК занжири 0,5×10 *мкм* ҳажмда) тахланади, ядро мембранаси бузилади ва Х. ҳужайра экваторида тизилади. Шу даврда уларни кузатиш ва морфологиясини ўрганиш қулайлашади. Классик цитологияда метафазадаги хромосома матрикси (ҳужайра ичидаги органоидлар ва улар орасидаги бўшлиқни тўлдирувчи майда доначали гомоген моддалар)га катта аҳамият берилган ва унинг бўлиши шарт деб ҳисобланган. Ҳозирги замон цитологлари бу таркибий қисмни бузилаётган ядрочанинг қолдиқ моддалари деб қарайдилар. Х. таркиби ва функциясини ўрганиш ҳозирги замон биологиясининг актуал проблемаларидан бири.

Ад.: Вильсон Э., Клетка и ее роль в развитии и наследственности, Пер. с англ., т. 1—2, М.—Л., 1936—40; Кикнадзе И. И., Функциональная организация хромосом, Л., 1972; Левитский Г. А., Цитология растений, Избр. труды, М., 1976; Тўрақулов Е. Х., Ҳозирги замон биологияси ва ирсият масалалари, Т., 1969.

ХРОМОСОМАЛАР ГЕНЕТИК КАРТАСИ — ўзаро туташган *генлар*нинг бир-бирига нисбатан жойланиши схемаси. Х. г. к. *хромосома*ларда генлар жойланишининг мунтазам (тўғри чизиқли) тартибини ўзида акс эттиради. Бу назарий текширишларда, шунингдек селекция ишларида керакли белгили организмларни онгли равишда танлаб, бўлажак организм белгиларини олдиндан аниқлашда катта аҳамиятга эга. Бир хромосомада жойлашган генлар туташган бир группани вужудга келтиради ва ҳар бир организмда хромосоманинг *гаплоид* (тоқланган) сонини ҳосил қилади. Америкалик генетик Т. Х. *Морган* бир хромосомада жойлашган генларнинг туташиши *диплоид* (жуфтланган) хромосома тўпламида қатъий эмаслигини, баъзи ҳолларда жинсий ҳужайралар ҳосил бўлишидан олдин бир хил типдаги хромосомалар орасида маълум қисмлар жой алмашиши — *кроссинговер* юз беришини кўрсатиб берди. Кроссинговер хромосомалар орасидаги масофага боғлиқ ҳолда ўзига қулай шароитда рўй беради (генлар бир-биридан қанча узоқда бўлса, кроссинговернинг, демак *рекомбинация*нинг амалга ошиши муқаррар). Одатда, генлар орасидаги масофа Х. г. к. да кроссинговернинг процент миқдорини билдиради (ота-онаникидан баъзи генлар бирикмаси б-н фарқ қилувчи мутант индивидлар сонининг барча ўрганилаётган индивидлар умумий сонига нисбати); бу масофа бирлиги — морганид кроссинговер ўзгаришининг 1% ига мос.

Ҳар бир жуфт гомологик хромосома учун Х. г. к. тузилади. Генларнинг туташган группаси инобатга олиниб, улар кетма-кет номерланади. Бундан ташқари, мутант генларнинг тўлиқ ёки қисқартилган номи, улар орасидаги масофа хромосоманинг қабул қилинган учидаги ноль нуқтадан морганид ҳисобида, шунингдек центромерлар ўрни б-н белгиланади. Х. г. к. ни фақат кўп сондаги мутант генлари ўрганилган объект учун тузиш мумкин (мас., маккажўхорининг 10 та туташган группасига мансуб 400 га яқин генлари ўрганилган). Одамларда кўзда тутилган 23 та туташишлар группасидан (23 жуфт хромосома) фақат 10 таси таққосланган (чунки ҳар бир группанинг жуда кам генлари маълум); жинсий хромосомалар учун тузилган карта анча мукаммал.

Бактерияларда (булар гаплоид организмлар) битта ҳалқали узлуксиз хромосома бўлиб, ундаги генлар туташган битта группани ҳосил қилади. Ирсий материалнинг донор-ҳужайрадан реципиент-ҳужайрага ўтишида (мас., *конъюгация*яда) ҳалқали хромосома узилади ва вужудга келган тўғри чизиқли структура бир бактериал ҳужайрадан иккинчисига ўтказилади (бу жараён ичак таёқчасида 110—120 мин. да юз беради). Конъюгация жараёнини сунъий бузиб, пайдо бўлган рекомбинантлар типига қараб қайси генларнинг реципиент-ҳужайрага ўта олганини аниқлаш мумкин. Кўлгина бактерияларнинг Х. г. к. шу усул асосида тузилган.

Ад.: Актуальные вопросы современной генетики, [Сб. ст.], М., 1966; Медведев Н. Н., Практическая генетика, 2 изд., М., 1968.

ХРОМОСОМАЛАР ЛОКУСИ (лат. locus — жой, ўрин) — бир *ген*нинг хромосома мунтазам участкасидан эгаллаган ўрни. Генетик ва цитологик методлар ёрдамида мазкур геннинг хромосомадаги бошқа генга нисбатан ўрни ҳамда жойланишини аниқлаш мумкин (қ. *Хромосомалар генетик картаси*). Маълум биохимиявий реакция кетма-кетлигини контрол қилувчи генлар қўшни локусда бўлиши ва шу б-н бирга локус биосинтез юз бераётган участкада яна худди ўша тартибда жойлашганлиги баъзи микроорганизмларда ўрганилган. «Локус» термини баъзи адабиётларда ген ва цистрон терминларининг синоними сифатида ҳам ишлатилади.

ХРОМОСФЕРА (рангли сфера) — Қуёш атмосферасининг *фотосфера* б-н *қуёш тожи* орасидаги 10—15 минг *км* ли қатлами. Х. Қуёш тўла тутилган вақтларда у ерда водороднинг $H\alpha$ (6562,8 Å) чизиғи кучли нурлангани учун қизғиш рангли бўлиб кўринади. Қуёш тўла тутилганда Х. да кўп миқдордаги ютилиш спектрал чизиқлари эмиссион спектрал чизиқларига айланиб кетади (қ. *Чақнаш спектри*). Ҳозир махсус асбоблар б-н Х. ни Қуёш тутилмаган вақтларда ҳам кузатиш мумкин. Х. да бир вақтнинг ўзида 5000°К дан то 100000°—150000°К т-раларда нурланиши лозим бўлган спектрал чизиқлар (металлардан тортиб то ионлашган гелийгача)ни кузатиш мумкин. Х. нинг бу хусусиятини тушунтиришда: Х. *спикула*лардан ва спикулалараро оралиқдан ташкил топган; турли физик хусусиятга эга бўлган толалардан иборат; совуқ фотосферадан кўтарилувчи ва «қайноқ» қуёш тожидан конденсациялашиб тушувчи спикулалар аралашмасидан иборат деган гипотезалар мавжуд. УзССР ФА Астрономия ин-тида ҳам Х. кузатиладиган телескоп ўрнатилган.

ХРОМОСФЕРА ТЕЛЕСКОПИ — Қуёш *хромосфера*си (атмосферасининг ўрта қисми ҳолати)ни суратга оладиган астрофизик асбоб. Интерференцион — поляризацион фильтр ёрдамида водород (баъзан ионлашган кальций) нинг спектрал чизиқларида кузатишлар олиб борилади, Хромосферанинг тез ўтадиган процесслари *(хромосфера чақнашлари)* тасвири кинотехника воситаларида суратга олинади.

ХРОМОСФЕРА ЧАҚНАШЛАРИ — Қуёш *хромосфера*сининг актив соҳаларида кузатиладиган чақнашлар. Х. ч., одатда, қарама-қарши қутбли Қуёш доғлари магнит майдони таъсирида хромосфера чегарасида тўсатдан пайдо бўлади ва бир неча минутдан бир неча соат давомида кузатилади. Х. ч. ёруғ *флоккула* толаси ёки нуқта сифатида бошланиб, ўз атрофига тез тарқалади. Ёркинлиги жуда катта. Х. ч. пайтида Қуёш катта энергияли (5—10 *кэв*) протон ва электронлар манбаига айланади. Ундан тезлиги бир неча юз *км* бўлган плазма отилиб чиқиб, *сайёраларараро муҳит*га тарқалади. Чақнашлар қуввати турлича, яъни $3 \cdot 10^{28}$ *эрг* дан $3 \cdot 10^{32}$ *эрг* гача бўлади (яна қ. *Қуёш*).

ХРОМОФОРЛАР (*хромо* ва юнон. phoros — ташувчи) — органик моддаларга ранг берувчи каррали боғларга (—N=N—, —CH=N—, >C=O, —CH=CH—CH=CH—) эга бўлган атомлар группаси. Оралиқ металлар (шу жумладан лантаноидлар ва актиноидлар)нинг ионларидан иборат бўлган ранг берувчи минерал компонентлари, шунингдек, таркибида айни металлар бўлган мураккаб ионлар ҳам Х. дейилади. Мас., крона (минерал пигменти) таркибида Х. сифатида $Cr_2O_4^{2-}$, глёт ва сурикда Pb^{2+} иони бор (яна қ. *Минерал бўёқлар*).

ХРОМПИК — қ. *Калий бихромат*.

ХРОМШПИНЕЛИДЛАР, хромшпинелар — шпинелидлар гуруҳига мансуб минераллар; ҳар хил таркибли қаттиқ эритмалар системаси. Умумий формуласи (Md, Fe) (Cr, Al, Fe)$_2O_4$. Х. 20 га яқин минерал ва уларнинг турларини ўз ичига олади. Асосий минераллари: магнохромит (Mg, Fe) Cr_2O_4, хромпикотит (Mg, Fe)(Cr, Al)$_2O_4$, алюмохромит Fe(Cr, Al)$_2O_4$, магнеферрихромит (Mg, Fe)(Cr, Fe_2)O_4, феррихромшпинель Mg(Cr, Al, Fe)$_2O_4$, феррихромпикотит (Mg, Fe (Cr, Al, Fe)$_2$. Соф хромит $FeCr_2O_4$ кам учрайди, метеоритлардагина топилган. Х. да V, Ti, Mg, Zn изоморф аралашмалари, платина группаси минералларининг аралашмаси бўлади. Куб сингонияли. Одатда қора донадор массалар, баъзан октаэдр шаклидаги майда кристаллар ҳолида учрайди. Ранги қора, қўнғир-қора. Металлдек ялтироқ. Қаттиқлиги 5,5—7,5, с. оғ. 4,2—5,1. Х. конлари асосан ультра асосли магматик жинслар б-н боғлиқ. Шу б-н бирга, тальк ва хлоритли сланецларда, доломитларда, темирли метеоритлар ва ой базальтларида учрайди. СССРда — Урал ва Жанубий Қозоғистонда йирик конлари бор.

Х. хром рудаларининг асосий минералларидир. Ферроқотишмалар ишлаб чиқаришда, ўтга чидамли минерал сифатида саноатнинг турли тармоқларида ишлатилади. Сунъий Х.— хромли ферритлар радиоэлектроника, ҳисоблаш техникаси ва б. да қўлланилади.

Ад.: Минералы, [Справочник], т. 2, вып. 3, М., 1967; Малахов И. А., Шилова Т. А., Телегин Б. А., Хромиты, «Геология СССР» китобида, т. 12, М., 1973.

ХРОНИКА — (*хроно...*) — вақтли матбуотда, радио, телевидение, кинода сиёсий, хўжалик, маданий ва б. ҳаётга оид кундалик воқеаларни ахборот тарзида ёритувчи материал.

ХРОНО... (юнон. chronos — вақт) — вақтга алоқадорликни билдирувчи қўшма сўз бўлаги. Мас., *хронология*.

ХРОНОГРАФ (*хроно...* ва... *граф*) — бирор ҳодисанинг содир бўлган вақтини аниқ қайд қилувчи асбоб. Қайд қилиш усулига қараб ёзма (чизувчи), босма ёки санчма (чоп қилувчи) ва фото Х. ларга бўлинади. Езма Х. да 2 ёки 3 та перо бўлиб, уларнинг бир учи махсус снёҳдонда туради; пероларнинг биттаси ҳар секундда бир марта (электромагнит ёрдамида) бир томонга сурилиб, текис тезлик б-н силжиб турган қоғоз лентада чизиқ ҳосил қилади; ик-




Хрунов Е. В.

кинчи перо текширилаётган ҳодисанинг вақтини шу лентада қайд этади. Босма Х. да перолар ўринга игна ишлатилади. Бундай Х.да 4 та айланувчи диск бўлиб, уларнинг гардишида соат, минут, секунд ва секунд улушлари кўрсатилади, улушлар доираси 1 секундда, секунд доираси 1 минутда, минут доираси 1 соатда ва соат доираси 24 соатда бир марта айланади. Қайд қилинаётган вақт бу дораларнинг ёзув машинкаси лентаси орқали қоғоз лентага босилади. Фото Х.да вақтни кўрсатувчи дораларнинг маълум қисми чақновчи лампа ёруғлиги ёрдамида сурат (фотоплёнка) га туширилади.

ХРОНОЛОГИЯ (*хроно...* ва... *логия*) — 1) тарих фанининг воқеалар ва ҳужжатларнинг хронологик тартибдаги вақтини аниқлаш б-н шуғулланувчи ёрдамчи соҳаси; 2) воқеаларнинг содир бўлган вақти тартибидаги бирин-кетин баёни ва рўйхати.

ХРОНОМЕТР (*хроно...* ва ...*метр*) — астрономия, геодезия, авиация ва денгиз навигациясида қўлланиладиган, бир жойдан иккинчи жойга олиб юриш мумкин бўлган аниқ соат. Х.да ҳаракатлантирувчи қисм — спираль пружина, вақтни ўлчовчи элемент — балансирдир. Х.нинг тўғри юришига муҳит т-раси ва қўзғалишлар кам таъсир қилиши учун пружинаси элинвардан тайёрланади, балансирига кичик юкчалар бириктирилади. Х. диаметри 10 *см* га яқин. Х.ни ҳамма вақт горизонтал ҳолда сақлаш учун (кема ва самолётларда) уни кардан осилмасига жойлаштирилади. Урта қуёш ёки юлдуз вақти б-н юрадиган хиллари мавжуд. Балансир ёрдамида ростлаб, ўрта қуёш вақти бўйича ишлайдиган Х.ни юлдуз вақти б-н юрадиган ва аксинча қилиш мумкин. Хронографга уланадиган Х.ни контактли қилинади. Биринчи Х. ни инглиз Ж. Гаррисон (1729—60) яратган.

ХРОНОМЕТРАЖ (*хроно...* ва... *метр*) — қўл ёки машина б-н бажарилувчи (такрорланувчи) меҳнат операцияси учун кетган вақтни ўрганиш ва бу операцияни амалга ошириш, шароитини анализ қилиш методи. Секундомер ёки бошқа вақт ўлчаш асбоблари б-н бажарилади. Х. технологик операцияни бажариш режими ва рационал усулини танлашга, *иш нормаси* ва *иш вақтини* белгилашга имкон беради.



Хронометр.

ХРОНОСКОП (*хроно...* ва ...*скоп*) — иккита соат сигналларини ёки соат б-н вақт сигналларини солиштириш учун хизмат қиладиган асбоб. Унда синхрон двигатель иккита доирани текис айлантиради: биринчи доира 1 секундда 1 марта, иккинчиси 10 марта айланади. Соат ёки радиоприёмникка уланган неон лампа импульс келган пайтда айланиб турган доирани ёритади ва унда ёзилган рақамларни (секунд ва унинг улушларини) кўриш имкони тугилади. Шу кўринган рақамлар суратга олиниса, у фотохронограф бўлади. Х. астрономия, физика ва экспериментал психологияда *хронограф* б-н бир қаторда ишлатилади.

ХРУНОВ Евгений Васильевич (1933.10.9, ҳозирги Тула обл. Волово р-ни Пруди қишлоғи) — СССР космонавт-учувчиси, полковник, Совет Иттифоқи Қаҳрамони (1969), техника фанлари кандидати (1971). 1959 йилдан КПСС аъзоси. Батайск ҳарбий авиация билим юртини битиргач (1956), Совет Армиясининг авиация қисмларида хизматда. 1960 йилдан космонавтлар отрядида. Н. Е. Жуковский номидаги Ҳарбий-ҳаво инженерлари академиясини тугатган (1968). 1969 йил 15—17 январда «Союз-5» космик кемасининг тадқиқотчи инженери сифатида (Б. В. *Волинов* б-н бирга) космоса парвоз қилган. 1969 йил 16 январда А. С. *Елисеев* б-н бирга очиқ космосда В. А. *Шаталов* бошқарган «Союз-4» космик кемасига ўтишни амалга ошириб, Ерга қўнган. 47 соат 39 мин. давомида (шундан 37 минути очиқ космосда) 1,3 млн. *км* масофани босиб ўтиб, Ер атрофини 32 марта айланган. Космик кемаларнинг уланган ҳолатдаги учиши 4 соат 33 мин. 19 *сек*. давом этган. Ленин ордени, Қизил Юлдуз ордени ва медаллар б-н мукофотланган.

ХРУСТАЛЬ (юнон. hrustallos — кристалл), б и л л у р — таркибида қўрғошин оксиди (27%) ёки барий оксиди кўпроқ бўлган шиша.

Х.дан тайёрланган буюмлар деворининг қалинлиги, ёруғлик нурини синдириш кўрсаткичининг юқорилиги, ҳар хил рангда товланишига, жарангдорлигига сабаб бўлади. Х. шишага нисбатан мустаҳкамлиги, қалинлиги туфайли ундан тайёрланадиган буюмларга турли механик ишлов бериш мумкин.

ХРУСТАН (Charadrius morinellus) — ржанкалар оиласига мансуб қуш. Танаси 400 *мм* ча, оғирлиги 200 *г* ча. Қаноти 13—16 *см*. Асосан кул ранг, кўкрагида малла, оқ аралаш кўндаланг йўллари бор. Бошининг усти қора. Европа ва Осиёнинг Арктика зонасида тарқалган. Тоглиқ жойларда уясини текисроқ, тундрада эса баландроқ тошлоқ ерларга ясайди. 2—4 тухум қўяди. Тухумини нари босади. Жанубий-Ғарбий Осиё ва Шарқий Африкада қишлайди. Ўрта Осиёда баҳор ва кузда қишлаш жойларига учиб кетаётганида учрайди. Усимлик барги, уруғи, меваси ва ҳашаротлар б-н овқатланади.

ХРУЩЁВ Никита Сергеевич [1894.5 (17). 4, Курск губерняси Калиновка қишлоғи — 1971. 11.9, Москва] — совет давлат ва партия арбоби. 1918 йилдан КПСС аъзоси. Шахтёр оиласида туғилган. 1908 йилдан Донбасс шахталарида ишчи. Гражданлар уруши (1918—20) қатнашчиси, сўнгра Украинада партия ва хўжалик ишларида. 1929 йили Москва Саноат академиясида ўқиган. 1931 йилдан Москвада партия ишларида; 1935 йилдан ВКП(б) Москва обл. ва Москва ш. комитетининг биринчи секретари. 1938 йил январдан 1947 йил мартгача Украина КП(б) МҚ нинг биринчи секретари. Улуг Ватан уруши (1941—45) да Жанубий-Ғарбий йўналиш, Жануби-Ғарбий, Сталинград, Жануб, Воронеж, 1-Украина фронтлари Ҳарбий совети аъзоси; генерал-лейтенант (1943). 1944—47 йилларда Украина ХКС (1946 йилдан Министрлар Совети) раиси. 1947 йил декабрдан яна Украина КП(б) МҚ нинг биринчи секретари. 1949 йил декабрдан ВКП(б) МҚ секретари ва ВКП(б) Москва обл. Комитетининг биринчи секретари. 1953 йил мартдан КПСС МҚ секретари, шу йил сентябрдан КПСС МҚ биринчи секретари, айни вақтда 1958—64 йиллар СССР Министрлар Совети раиси. КПСС 14—15-, 17—22-съездлари делегати. 17—22-съездларда МҚ аъзоси, 1938 йил январдан МҚ Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, 1939—52 йилларда МҚ Сиёсий бюроси аъзоси, 1952 йилдан КПСС МҚ Президиуми аъзоси. КПСС МҚ нинг 1964 йил 14 октябрь Пленумида КПСС МҚ биринчи секретарлиги ва КПСС МҚ Президиуми аъзолигидан озод қилинган. Уз фаолиятида айрим субъективизм ва волюнтаризм иллатларига йўл қўйган.

ХУА ГО-ФЭН (1921, Цзяочэн уезди, Шаньси провинцияси) — Хитойнинг сиёсий ва давлат арбоби. 1949 йилдан Хунань провинциясида партия ва давлат ишларида. Хитой КПнинг Хунань провинцияси комитети секретари (1959—66). 1964 йилдан Умум Хитой халқ вакиллари кенгаши депутати. Хунань провинцияси революцион комитетини тузиш группасига кирган (1967). Хунань революцион комитети раиси ўринбосари (1968—70). 1970 йил декабрдан Хитой КП Хунань комитети биринчи секретари, Хунань революцион комитети раиси вазифасини бажарган; Хунань ҳарбий округи сиёсий комиссари. 1969 йил апрелдан Хитой КП МҚ аъзоси. 1971—72 йиллар «Линь Бяо иши»ни текширувчи Хитой КП МҚ комиссияси составига кирган. 1973 йил августдан Хитой КП МҚ сиёсий бюроси аъзоси. 1975 йил январдан ХХР Давлат кенгаши бош министри ўринбосари, шунингдек ХХР жамоат хавфсизлиги министри (1975—77). 1976 йил февралда ХХР Давлат кенгаши бош министри вазифасини бажарган. 1976 йил апрелда Хитой КП МҚ раисининг биринчи ўринбосари ва ХХР Давлат кенгаши бош министри этиб тайинланган. 1976 йил октябрдан Хитой КП МҚ раиси ва Хитой КП МҚ Ҳарбий кенгаши раиси. Хитой КП нинг 11-съездидаги МҚнинг сиёсий ҳисоботида Хитойнинг ички ва ташқи сиёсатида Маонинг асосий кўрсатмаларини маъқуллаган.

ХУАЙХЭ — Хитойнинг шарқий қисмидаги дарё. Тунбошань тизмасидан бошланиб Буюк Хитой текислигидан ўтгач, сувининг асосий қисми Янцзи дарёсига қуйилади. Қуйи қисми бир неча кўллар орқали ўтган. Узунлиги 1087 *км*, ҳавзасининг майдони 187 минг *км*². Емғирдан сув олади; ёзда тошади. Уртача сув сарфи қуйилиш жойида 1000 *м*³/*сек*. Фалокатли тошқинлардан сақланиш учун Х. га сув омборлари қурилган, қирғоқлари дамбалар б-н мустаҳкамланган. Каналлар воситасида Сариқ денгиз, Янцзи ва Хуанхэ дарёлари б-н боғланган. Қуйи қисмида кема катнайди. Х. водийси Хитойнинг энг муҳим қ.х. р-нларидан бири. Йирик шаҳарлари — Хуайнань, Банбу.

ХУАНХЭ, Сариқ дарё — Хитойнинг шарқий қисмидаги дарё. Узунлиги 4845 *км*, ҳавзасининг майдони 745 минг *км*² (баъзи маълумотларда 771 минг *км*²). Тибет тоғлигининг шарқий қисмидаги Баян-Хара-Ула тизмасидан бошланади. Дастлаб Орин-Нур ва Жарин-Нур кўлларидан оқиб ўтади. Урта оқими Лёсслы платони кесиб ўтган. Юқори ва ўрта оқимларида даралар, остоналар ва шаршаралар ҳосил қилган. Қуйи қисми 700 *км* масофада Буюк Хитой текислигидан ўтгач, Сариқ денгизининг Бохайвань қўлтиғига дельта ҳосил қилиб қуйилади.

Х. — муссон режимли дарё, ёзда тошади, қишда суви камаяди. Асосан ёмғирдан, тоғларда қисман қордан тўйинади. Ўрта оқимида 2—3 ой, қуйи оқимида 2—3 ҳафтагача музлайди. Дарё тўлиб оққан вақтларда, унинг даралардан ўтган қисмида сув сатҳи 10—20 *м* гача кўтарилади. Уртача сув сарфи қуйи оқимида 1500 *м*³/*сек*, максимал 22000 *м*³/*сек*, тошқинлар пайтида 30 000 *м*³/*сек* гача. Бир йилда оққан сувнинг ҳажми 50 *км*³. Х. ва унинг ирмоқлари келтирган жуда кўп миқдордаги оқизиқлардан сув лойқаланиб сариқ тус олади (Х. аталиши ҳам шундан). Дарё йилига 1300 млн. *т* оқизиқ келтиради (бу жиҳатдан Х. дунёда 1-ўринда). Натижада текисликдан оққан қисмида дарё ўзани теварак-атрофидан 3—10 *м* баланд. Шу сабабли дарё ўзани баландлиги 5—12 *м*, умумий узунлиги 5000 *км* бўлган дамбалар б-н ўралган. Дарё тез-тез дамбаларни бузиб тошади. Қуйилишида чўккан оқизиқлардан дельтаси йилига 290 *м* дан денгизга томон ўсиб бормоқда. Сўнгги 4000 йил давомида Х. ўзанини 7 марта ўзгартирган ва ҳалокатли тошқинлар бўлган. Бундай вақтларда Х. Хайхэ ёки Хуайхэ дарёларига қуйилган.

Х. ва унинг ирмоқлари гидроэнергия ресурсларига бой. Х.да СССР ёрдамида ГЭС лар қурилган. Дарёнинг айрим қисмларида жами 790 *км* масофада кемалар қатнайди. Сувидан суғоришда кенг фойдаланилади. Х. водийсидаги асосий шаҳарлар — Ланьчжоу, Иньчуань, Баотоу, Чжэнчжоу ва б. Х. ҳавзаси — Хитойнинг аҳолиси энг зич р-ларидан бири.

Ад.: Муранов А. П., Река Хуанхэ (Жёлтая река). Л., 1957.



Хрустан.

ХУББОР — Бухоро обл. Ромитан р-ни Зандони қ.С.даги қишлоқ. «Октябрь» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 25 *км*, яқин т.й. станцияси—Бухоро (43 *км*). Аҳолиси 537 киши (1976); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Вобкентдарёдан сув ичади. Саккиз йиллик мактаб, ферма бор.

ХУБИЛАЙ, Қубилай (1215.23.9 — 1294. 18.2, Пекин) — *мўғул феодал империяси*нинг сўнгги (бешинчи) буюк хони (хоқони), Хитой императори, *Чингизхон*нинг невараси. *Мункэ* хоқон даврида Хитойга қарши юборилган қўшинига бошчилик қилган. Мункэ хоқон вафотидан сўнг тахтни эгаллаган. 1260 йили пойтахти Қорақурумдан Хитой терр-яси (дастлаб Кайпин, 1264 йилдан Чжунду — ҳозирги Пекин)га кўчирган. 1271 йилдан унинг сулоласи Да Юань деб атлаган. 1279 йили Х. жанубий Сун империясини тор-мор этиб, Хитойни бутунлай ўз давлатига қўшиб олди. Япония (1274 ва 1281), Вьетнам (1257—88), Бирма (1277—87) ва Ява (1293) га қилган ҳарбий юришлари муваффақиятсизликка учради.

ХУБСУГУЛ, Косогул — МХРнинг шимолий қисмидаги кўл. 1645 *м* баландликда. Тектоник ботиқда жойлашган. Майдони 2620 *км*². Энг чуқур жойи 238 *м*. Суви чучук. Х суви Эгингўл дарёси орқали Селенга дарёсига қуйилади. Ғарбий соҳили тик, шарқийси қия. Ноябрь охиридан май охиригача музлайди. Балиқ овланади. Шимолий чеккасидан жанубий чеккасига 124 *км* масофада кема қатнайди.

ХУБЭЙ — Хитойдаги провинция. Янцзи дарёси ўрта оқимининг ҳар икки соҳилида. Дунтинкў кўлидан шимолда. Майдони 180 минг *км*². Аҳолиси 35 млн. киши (1975). Маъмурий маркази — Ухань ш.

Экономикасининг етакчи тармоғи — қ. х., асосан деҳқончилик. Ҳайдаладиган ерларнинг ярмидан кўпи сугорилади. Йилига 2 марта ҳосил олинади. Асосий экини — шоли. Бугдой, арпа, маккажўхори, тариқ ҳам экилади. Техника экинларидан пахта, рами, кунжут, ер ёнғоқ, рапс, тамаки, шакарқамиш, чой етиштирилади. Боғдорчилик (цитрус мевалар, олма, нок етиштириш) ривожланган. Ўрмон хўжалиги (туғ меваси ва пўкак олиш) б-н шуғулланилади. Қорамол, чўчқа, парранда боқилади. Балиқ овланади. Тошкўмир, темир рудаси, марганец қазиб чиқарилади. Машинасозлик, тўқимачилик, озиқ-овқат, қоғоз цемент, кера-



Худойберганов М.

мика, қора металлургия корхоналари бор. Х. орқали Пекин — Гуанчжоу т. й. ўтган. Янцзи дарёсида кема қатнайди. Ухань ш. да аэропорт бор. Йирик шаҳарлари: Ухань, Хуанши, Шаши, Ичан. Х. терр-ясида қадимда мань ва и қабилалари яшаган. Мил. ав. 9—8- асрларда Х. га хитойлар кўчиб кела бошлаган. Х. провинциясининг ҳозирги чегаралари милоднинг 1668 йили таркиб топган. 1925—27 йиллар рев-яси даврида 1926 йил охири — 1927 й. июлгача Ханькоуда Хитой революцион ҳукумати (Ухань ҳукумати) жойлашган эди. 1928—35 йилларда Х. терр-ясида бир нечта революцион таянч базалар (совет р-нлари) бўлган. 1937—45 йилларда Х.нинг кўп қисмини япон қўшинлари эгаллаган. 1949 й. май—июлда Хитойнинг Халқ озодлик армияси Х. ни гоминдончилардан озод этган.

ХУД (форс-тож. خود — жез қалпоқ) — қадим замонларда ва ўрта асрларда уруш вақтида кийиладиган узун учли, ўқ ўтмас жез қалпоқ. Х., одатда, хафтжуш (етти хил маъдан аралашмасидан иборат металл қотишма)дан ишланган.

ХУДАШ Аппалинария Владиславовна, Худаш Морозова (1880. 5. 1, Олекминск ш.—1969, Москва) — профессионал революционер, Туркистонда революцион ҳаракат қатнашчиси. 1904 йилдан КПСС аъзоси. Хотин-қизлар билим юртини, фельдшерлик курсини битириб (1899), Еқутистонда медицина ҳамшираси бўлиб ишлаган. 1900 йилдан Саратов, Николаев ва Бокуда эри М. В. *Морозов* б-н бирга революцион ишларда қатнашди, 1904 йили Самарқандга келиб, «*Самарқанд*» газетасида ишлади. 1905 йили Тошкентда «Қизил Крест» жамиятини тузди. РСДРП нинг Тошкент комитети секретари, Ўрта Осиё ва Оренбург—Тошкент т.й. ишчиларининг забастовка комитети аъзоси (1906). М. В. Морозов қамалгач, «*Русский Туркестан*» газетаси муҳаррири. Революцион воқеа ва ғояларни газетада тарғиб этганлиги учун қамоққа олиниб, Сибирга сургун қилинди (1907). 1908 йили Петербургга, кейинчалик Парижга кетди. У ерда В. И. Ленин раҳбарлигидаги РСДРП секциясида ишлади (1911—17). 1917 йили Петроградга қайтиб, Октябрь рев-ясида иштирок этди. Рев-ядан сўнг партия ва жамоат ташкилотларида ишлади (1917—37). 1938 йилдан шахсий пенсионер. Ленин ордени б-н мукофотланган (1955).

ХУДБИНЛИК — қ. *Эгоизм.*

ХУДО — диний сиғиниш ва эътиқод қилишнинг объекти сифатида намоён бўладиган қудратли ғайри табиий кучнинг фантастик образи. Х. турли таълимотларда турлича талқин этилган. Хусусан Шарқда кенг тарқалган *пантеизм (вужудшон)*да Х. табиат (борлиқ)нинг ўзида Х. ва табиат бир бутунликни ташкил этади, дейилади.

Қадимги *зардуштийлик* динида икки Х. образи: ёруғлик Х. си (марҳаматли Х.) Аҳурамазда ва қоронғилик Х. си (шафқатсиз, ёвуз Х.) Анҳрамайну (Аҳриман) бир-бирига қарамақарши қўйилган. Қадимги Шарқ динларида ва б. политеистик динларда (қ. *Политеизм*) Х. лар жуда кўп бўлиб, улардан бири энг асосий, энг қудратли ҳисобланган (мас., қадимги бобилликларда Мардук, юнонларда Зевс, славянларда Перун), Монотеистик динларда (қ. *Монотеизм*), хусусан исломда ягона ва қудратли Х. га эътиқод қилиш — асосий диний ақидадир.

Х. тасаввури тарихий тараққиётнинг маҳсулидир, бошқачароқ айтганда, Х. лар одамларни эмас, одамлар Х. ларни яратган. Қадимги диний эътиқодларда Х.ларга сиғиниш бўлмай, жонсиз нарсаларга топинилган (қ. *Фетишизм*) ёки руҳ, ажиналар ва б. фантастик образларга (қ. *Анимизм*) эътиқод қилинган. Ибтидоий жамоа тузуми емирилиб, қабила бирлашмалари ривожланаётган, синфлар вужудга келаётган шароитда қабила Х.сининг образи келиб чиқди. Бу образ аввало бир қабила бошлиғининг бошқа қабила ва унинг Х.сига қарши курашдаги образи бўлган. Кўпгина ўтроқ халқларда шаҳар-давлатларнинг ташкил этилиши б-н қабила Х. лари шаҳар Х. ҳомийларига айланган. Бир неча қабила ёки шаҳарларнинг бирлашиши б-н энг кучли қабила ёки шаҳар давлатларнинг Х.лари умумдавлат, миллий Х. ларга айланган, бўйсунган қабила ва шаҳар Х. лари политеистик ибодатхонада иккинчи даражали ўрин эгаллади.

Қадимги яҳудийларда Яхве дастлаб қабила Х.си ва маҳаллий Х. бўлган, қадимги яҳудий қабилаларининг бирлашиши ва Иудея давлатининг ташкил этилиши б-н умумяҳудийларнинг Х.сига, кейинчалик эса қудратли ягона Х.га айланган (қ. *Иудаизм*). Христиан динида Х. образи милоднинг 1- асрида шаклланган. Унинг асосини яҳудийлар Х.си Яхве (ота Х.) ташкил этади, лекин бу Х. тимсолига ўғил-Х. (Иисус Христос) ва муқаддас руҳ-Х. образлари ҳам сингиб кетган (қ. *Христианлик*). *Буддизм*да дастлаб Х.ларга сиғиниш инкор этилган бўлса-да, кейинчалик Будданинг ўзи Х. деб танилган, бу динда у б-н бир қаторда бошқа Х.лар ҳам бор.

Ислом динида эътиқод қилинадиган якка Х. *Оллоҳ* деб аталади. Бу Х. Маккада яшаган қадимги қурайш қабиласи Х.си бўлиб, *Муҳаммад* тарғиботи б-н 7- асрда ислом дини Х.сига айланган. Маккадаги қадимги ибодатхона — *Каъба* Байтуллоҳ (Оллоҳнинг уйи) деб аталиб, мусулмонларнинг бош саждагоҳи бўлиб қолган.

Асосий монотеистик динлар шаклланиши тарихий жараёни тугалланиши б-н диний-фалсафий таълимотлар вужудга келди (қ. *Теология*). Х. фақат эътиқод ва сиғиниш предмети бўлмай, идеалистик философиянинг тушунчасига ҳам айланди. Х. тўғрисидаги тасаввур ва унинг турли шакллари қадимги ва янги давр атеистлари, маърифатпарварлари, айниқса 18- аср француз материалистлари ва *Фейербах* томонидан танқид қилинган.

Марксизм Х. ҳақидаги тасаввурлар пайдо бўлишининг ижтимоий сабабларини очиб берди ва бу тасаввур ижтимоий антагонизм бартараф этилиши, синфсиз коммунистик жамият қурилиши б-н йўқолиб боришини кўрсатди (яна қ. *Атеизм*).

Ад.: Маркс К., Энгельс Ф., Об атеизме, религии и церкви, [Сб.], М., 1971; Ленин В. И., Социализм ва дин, Тўла асарлар тўплами 12- т.; Токарев С. А., Религия в истории народов мира, 2 изд., М., 1965; Мавлютов Р. Р., Ислам, М., 1965; Ортиқов А., Ислом динининг келиб чиқиши ва социал моҳияти, Т., 1961.

ХУДОЁРХОН (туғилган ва ўлган йиллари номаълум) — Қўқон хони (1845—75). Минг сулоласига мансуб. Шералихон (1845 йили ўлдирилган)нинг ўғли. Х. ака-укалари ва феодаллар ўртасидаги ҳокимият учун кураш натижасида бир неча марта тахтдан тушган (1858—62, 1863—65). Узаро урушлар, доимий ҳарбий юришлар, солиқларнинг кўпайиши халқ оммасининг аҳволини оғирлаштирган ва тез-тез қўзғолонлар кўтарилишига сабаб бўлган. Чор ҳукумати қўшинлари Тошкент (1865) ва Хўжанд (1866)ни босиб олгач, Х. 1868 йил январида Россия б-н шартнома тузишга мажбур бўлган ва *Қўқон хонлиги*ни Россия вассали деб эътироф этган. Россия б-н тузилган шартномага мувофиқ, рус савдогарларига хонликнинг ҳамма жойларида бўлиш ва карвон саройлар қуриш, рус товарларини хонлик терр-яси орқали бемалол олиб ўтиш ҳуқуқи берилди; рус савдогарлари қўқон савдогарлари б-н бир миқдорда бож тўлайдиган бўлди. Бундан норози бўлган феодаллар 1875 йил июлида Россияга қарши уруш очиб, Х.ни тахтдан туширган. Х. рус элчихонасининг ҳимояси остида Тошкентга қочган. 1876 йил февралда Қўқон хонлиги бекор қилиниб, Россияга қўшиб олинган.

Ад.: Ўзбекистон ССР тарихи, 2- т., Т., 1971.

ХУДОЁРХОН — Фарғона обл. Ўзбекистон р-ни Охунбобоев қ. С. даги қишлоқ. «Комсомол» с-зи терр-ясида. Р-н марказидан 13 *км*, яқин т. й. станцияси — Яйпан (25 *км*). Аҳолиси 905 киши (1976); пахтачилик, чорвачилик, пилла-чилик, токчилик б-н шуғулланади. Сўх дарёсидан сув ичади.

ХУДОЁРХОН УРДАСИ — Қўқондаги архитектура ёдгорлиги. *Худоёрхон* қурдирган (1871). Бинонинг умумий тарҳи тўғри тўртбурчак шаклида, ўртада катта ҳовли турли бинолар б-н ўралган. Бино ердан анча кўтарилган ғишт пойдевор устида, бурчаклари буржлар б-н мустаҳкамланган. Олд фасад кошин б-н безатилган. Маҳобатли пештоқдан ичкарига кирилади. Пештоққа эса қия сатҳ (*пандус*)дан чиқилади. Пештоқнинг икки ёнида ҳам бурж бор. Хоналарнинг деворлари ганч ўймакорлиги, устун, эшик, дарвозалар ёғоч ўймакорлиги б-н безатилган. Шиплар бўяб нақшланган. Нақшларни қўқонлик усталардан Марасул, Муҳаммад Солиҳ, Ҳакимжон Ҳолмат ўғли ва б. ишлаган. Рев-ядан кейин бинони С. *Норқўзиев* бошлиқ наққошлар таъмир этиб, нақшларни тиклаган. 1925 йили Х.ўда *Қўқон шаҳар Ўлкани ўрганиш музейи* ташкил этилган.

ХУДОЙЗЛОВЧИЛИК — рус либерал интеллигенцияси орасидаги диний-философик оқим. 20- асрнинг бошларида пайдо бўлиб, 1905—07 йиллардаги рев-я мағлубиятидан кейин кенг тарқалган. Бу оқим вакиллари христиан динини янгилаш асосида кишилар турмушини ўзгартиришга, динининг халқ орасидаги таъсирини мустаҳкамлаб, оммани рев-ядан, сиёсатдан чалғитишга ҳаракат қилдилар. Унинг вакиллари— Н. Бердяев, С. Булгаков, Н. Минский, Д. Философов ва б. «Диний-философик жамият» тузиб, махсус журналлар нашр этдилар, ўз қарашларини тарғиб этувчи бадиий асарлар яратдилар.

Ленин, Плеханов ва б. марксистлар Х.ни қаттиқ танқид қилиб, уни реакцион, мистик таълимот эканлигини кўрсатдилар. Кейинчалик Х. рус эмигрантлари адабиётида бирмунча ривожлантирилди, *экзистенциализм, персонализм* ва б. реакцион оқимларга манба бўлиб хизмат қилди.

Ад.: Ленин В. И., Материализм ва эмпириокритицизм, Тўла асарлар тўплами, 18- т.; Ленин В. И., Синфлар ва партияларнинг динга ҳамда черковга муносабатлари, Тўла асарлар тўплами, 17- т.; История философии, т. 5. М., 1961.

ХУДОЙБЕРГЕН ДЕВОН Устод Муҳаммад Паноҳ ўғли Хоразмий (1817—Хива — 1914) —



Худойберганов Н.

ўзбек халқ ашуласи ва достончилигининг йирик намояндаси. Ота-онаси Хивада ҳунармандчилик билан шуғулланган. Х. Хивадаги 2 синфли рус-тузем мактабини, сўнгра Хива ўқитувчилар семинариясини тугатган. Ўқитувчилик қилган. Ўзбек халқ мусиқасини, айниқса Хоразм мақомларини, достончилик санъатини ўрганган. Ўз даврининг машҳур ашулачилари Ҳожихон Ҳалимов, Ҳожихон Ҳасанов, Ҳожихон Ҳайдаров, Ҳожихон Ҳожиев, Ҳожихон Ҳожимов, Ҳожихон Ҳожиназаров, Ҳожихон Ҳожиқулов, Ҳожихон Ҳожимуродов, Ҳожихон Ҳожиниёзов, Ҳожихон Ҳожимаматов, Ҳожихон Ҳожимаҳмудов, Ҳожихон Ҳожимаҳкамов, Ҳожихон Ҳожимаҳсумов, Ҳожихон Ҳожимаҳсумов, Ҳожихон Ҳожимаҳсум



Худойбердиев Н. Ж.

цияси ёқлаган. Унинг «Эҳтирос тўлқинлари» (1970), «Қашфиётлар йўлида» (1972), «Ёшлик илҳомлари», «Чўққилар чорлайди» (1975), «Сўз курашга чорлайди» (1978) ва б. китобларида социалистик реализм, замонавийлик ва маҳорат масалалари ҳақида фикр юритилади. Х. нинг прозаик, поэтик ва драматик асарлар таҳлил қилинган қатор мақолаларида адабиёт олдига сўз санъатининг гоявий-бадиий савиясини янада юксалтириш, унинг жанговарлиги ва тарбиявий аҳамиятини тобора ошира бориш, тематик доирасини кенгайтириш, давримизнинг ҳақиқий қаҳрамонлари образларини яратиш каби қатор принципиал талаблар қўйилади. Ҳозиржавоблик, талабчанлик, фикрларнинг илмий-назарий асосланганлиги, содда ва таъсирчанлиги Х. танқидининг характерли белгиларидир.

ХУДОЙБЕРГАНОВ Отажон (1918. 20. 3, ҚҚАССР Амударё р-ни) — пахтакор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони (1972), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими (1974), ҚҚАССРда хизмат кўрсатган агроном (1970). 1942 йилдан КПСС аъзоси. Хоразм обл. Манғит р-нидаги «Оқолтин» к-зида колхозчи (1932—39), ҳисобчи (1943—47), ЎзЛКСМ Манғит р-н комитетида учёт сектори бошлиғи (1939—42), 1-МТСда директор ўринбосари (1948—53), РайПО раиси (1953—57), Манғит р-н ижроия комитети раиси (1957—58), ҚҚАССР Амударё р-ни ижроия комитети раиси (1958—62), М. Горький номли с-зда бригада бошлиғи (1962—63), директор ўринбосари (1963—65), 1965 йилдан директори. Х. нинг пахтачиликни ривожлантиришда хизматлари катта. 6—8-чақириқ ҚҚАССР Олий Совети депутати. Ленин ордени, Меҳнат Қизил Байроқ, «Ҳурмат Белгиси» орденлари ва медаллар б-н мукофотланган.



Худойбердиев Р. Э.

ХУДОЙБЕРДИ — Самарқанд обл. Пахтачи р-ни Пахтакор қ. С. даги қишлоқ. «Пахтакор» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 12 *км*, яқин т. й. станцияси — Зиёвиддин (12 *км*). Аҳолиси 932 киши (1976); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик, сабзавотчилик б-н шуғулланади. Нарпай канали орқали Зарафшон дарёсидан сув ичади. Сут-товар фермаси, саккиз йиллик мактаб бор.

ХУДОЙБЕРДИЕВ Нормаҳонмади Жўраевич (1928. 10. 2, ҳозирги Жиззах обл. Фориш р-ни Ётоқ қишлоғи) — совет давлат ва партия арбоби. ЎзССРда хизмат кўрсатган экономист (1978). 1948 йилдан КПСС аъзоси. Деҳқон оиласида туғилган. Фориш р-н комсомол комитетида бўлим мудири (1943). Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик ин-ти (ҳозирги Самарқанд Қишлоқ хўжалик ин-ти)нинг ветеринария ф-тини тугатган (1949), Москва Мўйначилик институтида аспирант. 1952—54 йилларда Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик ин-тида ассистент, доцент. Ўзбекистон КП МК секретари ёрдамчиси (1954). Бухоро обл. ижроия комитети раиси ўринбосари (1955). 1955—57 йилларда Ўзбекистон КП Бухоро обл. комитети секретари, Ўзбекистон КП МК қишлоқ хўжалиги бўлими мудири (1957—59). Ўзбекистон КП Бухоро обл. комитетининг иккинчи секретари (1959—60). ЎзССР Министрлар Совети раиси ўринбосари (1960—61). Ўзбекистон КП Сурхондарё обл. комитетининг биринчи секретари (1961—62). Ўзбекистон КП МК секретари (1962—65). 1965—71 йилларда ЎзССР Қишлоқ хўжалиги министри; Ўзбекистон КП Сирдарё обл. комитетининг биринчи секретари. 1971 йилдан ЎзССР Министрлар Совети раиси. Ветеринария фанлари кандидати (1953).



Худойбердиева Х.

Х. КПСС 22-, 24—25-съездлари, Ўзбекистон КП 12-, 15—19-съездлари делегати. Ўзбекистон КП 15—19-съездларида Ўзбекистон КП МҚ аъзоси. 1961—66 йилларда КПСС МҚ аъзолигига кандидат. 1971 йилдан КПСС МҚ аъзоси, Ўзбекистон КП МК бюроси аъзоси. 6-, 9-, 10-чақириқ СССР Олий Совети ва 5-, 7—9-чақириқ ЎзССР Олий Совети депутати.

Х. Ўзбекистон экономикасини, хусусан қ. х. ни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга катта ҳисса қўшган. «Қардош халқларнинг ягона оиласида» (Т., 1974) китобида ЎзССРнинг 50 йил ичидаги тараққиётини, республикадаги халқлар дўстлигини ёритган. 3 марта Ленин ордени, 2 марта Меҳнат Қизил Байроқ ордени ва медаллар б-н мукофотланган.

ХУДОЙБЕРДИЕВ Раҳим Эгамбердиевич (1922. 1. 1, Тошкент) — анатом, медицина фанлари д-ри (1957), проф. (1958), ЎзССРда хизмат кўрсатган фан арбоби (1971). 1952 йилдан КПСС аъзоси. ТошМИни тугатгач (1943), шу ин-т анатомия кафедрасида аспирант (1943—46), ассистент (1946—50), доцент (1950—57). 1960 йилдан ТошМИ анатомия кафедраси мудири, педиатрия (1960—71), стоматология ф-тлари (1971—73) декани. «Оёқдаги нерв томирларининг артериал қон билан таъминланиши» мавзуида д-рлик диссертацияси ёқлаган. Илмий ишлари турли органларнинг қон б-н таъминланиши ва қон томирлар жароҳатланганда янги қон айланиш йўллари ҳосил бўлишига оид.

Ас.: Пластичность венозного русла в условиях острой травмы основных венозных магистралей конечности, Т., 1974; Одам анатомияси, 2- нашр, Т., 1975.

ХУДОЙБЕРДИЕВА Холбуви (1924.12.9, ҳозирги Самарқанд обл. Жомбой р-ни) — сут соғувчи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони (1971). 1972 йилдан КПСС аъзоси. Жомбой р-нидаги «Қизил Ўзбекистон» к-зида колхозчи (1942—57), 1957 йилдан Сирдарё обл. Боёвут р-нидаги Пушкин номли с-зда сут соғувчи. Х. ўзига бириктирилган 22 бош сигирнинг ҳар биридан 3207 *л* сут соғиб олган (1970). Ленин ордени б-н мукофотланган.

ХУДОЙБЕРДИЕВА Ҳалима Умматқуловна (1947.17.5, Сирдарё обл. Боёвут р-ни) — ўзбек совет шоираси. ТошДУ журналистика ф-тини тугатган (1972). «Сирдарё ҳақиқати» газетасида (1967), «Саодат» журналида адабий ходим, бўлим мудири (1972—75). М. Горький номидаги Жаҳон адабиёти ин-тида ўқиган (1975—77). «Илк муҳаббат» шеърлар тўплами 1968 йили нашр қилинган. Х. поэзиясининг мавзуи ватан, дала, бободеҳқон, аёл, муҳаббат, мангуликдир. «Узимизнинг боғлар», «Она, сени шарафлайман», «Қалбингга чорлайсан», «Кўмсаш» туркум шеърларида ватанпарварлик, коммунистик меҳнат тантанаси ифодаланган. «Оқ олмалар», «Чаман» (1974) шеърий тўпламлари ва «Суянч тоғларим», «Бобо қуёш» (1976) китобларида совет кишиларининг руҳий дунёси акс этган. Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати (1974).

Ас.: Белые яблоки, М., 1978.

ХУДОЙЗОД — Қашқадарё обл. Қарши р-ни Комсомол қ. С. даги қишлоқ. «Қарши» с-зи терр-ясида. Р-н марказидан 25 *км*, яқин т. й. станцияси — Қарши (30 *км*). Аҳолиси 759 киши (1974); пахтачилик, сабзавотчилик б-н шуғулланади. Москва каналидан сув ичади. Урта мактаб, медпункт бор.

ХУДОЙНАЗАРОВ Отамурод (1928. 28. 6, ҳозирги Сурхондарё обл. Бойсун р-ни) — пахтакор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони (1965). 1956 йилдан КПСС аъзоси. Сурхондарё обл. Гагарин р-нидаги «Комсомолобод» с-зида ишчи (1946—48), тракторчи (1948—62), 1962 йилдан комплекс механизациялашган бригада бошлиғи. Х. бошлиқ бригадада 112 *га* ернинг гектаридан 47 *ц* пахта етиштирилган, ўзи ХВС-1,2 маркали пахта териш машинасида 272 *т* пахта терган (1965). 9-чақириқ СССР Олий Совети депутати. Ленин ордени, Октябрь Революцияси ордени ва медаллар б-н мукофотланган.

ХУДОЙНАЗАРОВА Тўтихон (1928, ҳозирги Фарғона р-ни Водил қишлоғи) — пиллакор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони (1966). 1953 йилдан КПСС аъзоси. Фарғона р-нидаги ҳозирги Ҳ. Турсунқулов номли к-зда колхозчи (1941—51), бригадир (1951—53), ясли мудираси (1954—60), 1963 йилдан пиллачилик бригадаси бошлиғи. Ҳар қути уруғдан 100—110 *кг* пилла етиштирган. Ленин ордени ва медаллар б-н мукофотланган.

ХУДОЙШУКУРОВ Отажон (1944. 4. 10, Тўрткўл) — ўзбек ашулачиси, ЎзССР (1977) ва ҚҚАССР (1969) халқ артисти. Ашула айтишни амакиси хонанда И. Оллашукуров ва Қ. *Отаниёзов*дан ўрганган. 1963 йилдан Қорақалпоқ давлат филармониясида яккахон ашулачи. Х. репертуаридан классик халқ ашулалари («Феруз-1,2», «Хоразм сегоҳи», «Тошкент ироғи», «Самарқанд ушшоғи» ва б.), Хоразм халқ достонларидан қўшиқлар, композитор ва бастакорларнинг асарлари («Партия доно», «Кўзларинг сенинг», «Ўзбекистоним», «Раъно бўлайин деб», «Соғиниб келдим» ва б.), шунингдек туркман, озарбайжон, қорақалпоқ, қозоқ ва қирғиз қўшиқлари ўрин олган. Х. созанда (торчи) ва ўзи айтадиган кўп қўшиқлари («Мужгонларинг», «Шаҳлони демасман», «Ер уйғонмадинг», «Оламда бир», «Биринчи муҳаббатим» каби)нинг бастакори сифатида ҳам танилган. Ҳамза мукофотининг лауреати (1974).

ХУДОЙҚУЛИЕВ Салай (1935, ҳозирги Хоразм обл. Ҳазорасп р-ни) — механизатор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони (1973). 1972 йилдан КПСС аъзоси. Ҳазорасп р-нидаги Фрунзе номли к-зда тракторчи (1950—54), механик (1954—61), раис ўринбосари (1961—67), 1967 йилдан бригада бошлиғи. Пахтачиликни ривожлантиришдаги хизматлари катта. 2 марта Ленин ордени, «Ҳурмат Белгиси» ордени ва медаллар б-н мукофотланган.

ХУДОЙҚУЛОВ Абдисамад (1914, ҳозирги Самарқанд обл. Пастдарғом р-ни Болтали қишлоғи) — пахтакор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони (1957). 1961 йилдан КПСС аъзоси. Пастдарғом р-нидаги Калинин номли к-зда звено (1931—47), 1948 йилдан бригада бошлиги. Х. нинг пахтачиликни ривожлантиришдаги хизматлари катта. Ленин ордени ва медаллар б-н мукофотланган.

ХУДОЯСОВЧИЛИК — 20-аср бошларида Россияда марксистик адабиётчилар орасида пайдо бўлган этик оқим. Инсониятнинг яратувчилик фаолиятини диний фаолият сифатида талқин этади. Унинг вакиллари — А. *Луначарский*, В. *Базаров*, қисман М. *Горький* худосиз бўлган янги пролетар динини асослашни ўз мақсадлари деб билдилар. Худоясовчилар марксистик таълимотни омма диний формада осонроқ ўзлаштиради, деб ўйладилар. Улар марксизмга кишиларга янги ҳаёт йўлини кўрсатувчи диний фалсафий система деб қараб, илмий социализмни дин б-н қўшишга ҳаракат қилдилар.

В. И. Ленин Х. ни Россиядаги *отзовистлар* ва *ультиматистлар*нинг сиёсий тактикаси б-н боғлаб, бу оқим контрреволюцион буржуазиянинг интилишларига мувофиқ келишлигини таъкидлаган эди. Х. кенг халқ оммаси орасига тарқалмади, унинг вакиллари кейинчалик марксизмни диний изоҳлашдан қайтдилар.

Ад.: Ленин В. И., М. Горькийга, [Хат], 1913 йил декабрь Ас., 35-т.; Ленин В. И., Ишчилар партиясининг диндга муносабати ҳақида, Тўла асарлар тўплами, 17-т.; Ленин В. И., Материализм ва эмпириокритицизм, Тўла асарлар тўплами, 18-т.



Худойназаров О.

ХУЛИГАНЛИК (инг. Hooligan — ирландиялик жиноятчилар тўдаси бошлиғи исмидан) — қ. *Безорилик*.



Худойназарова Т.

ХУЛОСА ЧИҚАРИШ — тафаккурнинг асосий мантиқий формаларидан бири. Унда логиканинг муайян қоидаларига таянниб, бир ёки бир неча ҳукм (асос)дан янги ҳукм чиқарилади. Х. ч.— янги билим олишнинг асосий методидир. Агар Х. ч. чин асосларга таянса ва унинг давомида фақат тўғри мантиқий қоидалардан фойдаланилса, у вақтда чиқарилган хулоса ҳам чин бўлади. Бу принципга амал қилмаслик Х. ч. да хатога олиб келади. Мас., «Ҳамма йиртқич ҳайвонлар гўшт ейди» ва «Йўлбарслар — йиртқич ҳайвонлардир» деган чин асослардан, мантиқий қоидаларга риоя қилингани ҳолда, «Йўлбарслар гўшт ейди» деган тўғри хулоса келиб чиқади. «Ҳамма студентлар имтиҳон беришга мажбурдирлар» ва «Аспирантлар студент эмас» деган чин асослардан формал логика нуқтаи назардан «Аспирантлар имтиҳон беришга мажбур эмаслар» деган хулоса келиб чиқади, бу хулоса эса нотўғридир, чунки бунда Х. ч. нинг мантиқий қоидалари бузилган.

Формал логикада Х. ч. ни таснифлашнинг турли варианглари ишлаб чиқилган. Одатда, Х. ч. бевосита ва бавосита бўлади. Бевосита хулосалар бир асосдан чиқарилади, мас., «Ҳеч бир юлдуз — планета эмас» деган асосдан «Ҳеч бир планета — юлдуз эмас» деган хулоса чиқарилади. Бавосита хулосалар камида икки асосдан чиқарилади. Уз навбатида бавосита Х. ч. лар дедуктив Х. ч. ларга (қ. *Дедукция*) ва редуктив Х. ч. ларга бўлинади. Дедуктив хулосалар логика қонунларига биноан муайян асослардан зарурон келиб чиқади; редуктив хулосалар эса фақат бир қадар эҳтимоллик б-н тасдиқлаш тариқасида чиқарилади. Дедуктив хулосаларга силлогик хулосалар (қ. *Силлогизм*) киради, бу хулосалар назариясини Аристотель тузиб берган; редуктив хулоса чиқаришларга жумладан Ф. *Бэкон*, *Милль* ва б. ишлаб чиққан индуктив Х. ч. лар (қ. *Индукция*) киради.

Х. ч. нинг мантиқий назарияси *исбот* назарияси б-н узвий боғлиқ. Кейинги йилларда Х. ч. назариясини *математик логика* ишлаб чиқмоқда.



Худойқулиев С.

«ХУЛОСАТ УЛ-ЛУҒАТ ВА ТАФСИР УЛ-МУШКИЛОТ» (Сўзлар хулосаси ва мушкилотлар тафсири) — араб классиклари тилининг изоҳли луғати. Муаллифи — Исмоил ибн Лутфуллоҳ ал-Боҳарзий ҳақида маълумот сақланмаган. Луғат қўл ёзмаларининг қадимги икки Лондон нусхаси 1664 ва 1678 йилларда кўчирилган. Бошқа бир нечта қўл ёзма нусхалари



Худойқулов А.

УзССР ФА Шарқшунослик ин-тида ва Ленинграддаги Салтиков-Шчедрин кутубхонасида мавжуд.

Боҳарзий луғатга қадимда яшаб ижод этган шоир ва ёзувчилар асарларида кўплаб учрайдиган, ўз замондошлари учун маъноли мавҳум бўлган сўзларни киритган. Луғат араб алифбосидаги ҳарфлар сонига кўра 28 китобга, ҳар бир китоб эса ўз навбатида (сўзлар биринчи ҳарфининг фатҳали, касрали ва даммали бўлишига кўра) уч бобга ажратилган. Муаллиф араб тилининг бошқа луғатларидаги сингари сўзларнинг талаффузини тавсифламаса-да, уларга ҳаракат белгиларини қўйган. Луғат синоним сўзлар, турли маъно англатувчи қўшма сўзларга бой.

ХУЛҚ, хулқ-атвор — бир ёки бир неча шахсларнинг муайян (ижтимоий ёки шахсий) манфаатларни кўзлаб амалга ошираётган қилиқлари мажмуи (иши, қилмиши, муомаласи, муносабати ва ш. к.). Киши Х. ини баҳолашда *ахлоқ* унинг ташқи кўринишини эмас, балки унинг замирида ётган англанган муддао, маънони эътиборга олади. Бироқ кишилик жамиятининг тарихий типлари, уларда ҳукмрон бўлган ахлоқ системалари ва ахлоқий муносабатлар мазмуни, характери жиҳатидан турлича бўлганидан кишининг хулқи ҳамда унинг замиридаги ахлоқий маънони баҳолаш мезони ҳам ҳар хил, асос эътибори б-н бир-бирига зид бўлади. Бундан ташқари, ҳар бир жамиятда кишилар Х.ининг ўзига хос типи ҳукмронлик қилади. Кишилар хулқи ўзининг тарихан таркиб топган умумий йўналиши жиҳатидан ижтимоий-альтруистик ёки хусусий-эгоистик (худбинона) характерга моликдир. Хусусий мулкчилик негизига қурилган жамиятларда хусусий-эгоистик Х. устунлик қилиб, ахлоқ системаларида индивидуализмнинг турли хиллари тарғиб этилади. Ижтимоий мулкчиликка асосланган социалистик жамиятда ижтимоий-альтруистик Х. типи ҳукмрондир, ундаги коммунистик ахлоқ коллективизм принципини ёқлайди.

Ўтмишдаги механистик материализм, идеалистик этика ҳамда ҳозирги замон буржуа этикаси ва психологиясидаги бихевиористик концепция (қ. *Бихевиоризм*) тарафдорларидан фарқ қиларок, марксча-ленинча этика Х. ни ижтимоий муносабатларнинг моменти деб қараб, унда объективлик б-н субъективлик диалектик бирликни ташкил этишини таъкидлайди. Дарҳақиқат, ахлоқий Х. фақат ўзининг натижаси, объектив аҳамияти жиҳатидан эмас, айни маҳалда мотиви жиҳатидан ҳам ахлоқ талабларига мос тушади. Ҳар икки жиҳатдан ахлоқда мос келадиган Х. хушхулқ, унинг зидди эса бадхулқ дейилади.

Инсоний фаолият англанган мақсадга қаратилганлиги учун ҳам киши хулқи *онг* фаолияти б-н бевосита боғлиқ. Ахлоқ, тўғрироғи ахлоқийлик шунчаки амалий фаолият орқали намоён бўлмайди, балки у бевосита Х. структурасига киради, унинг муҳим ва ажралмас хусусиятини ифодалайди. Ахлоқий Х. замирида ҳамиша муайян ахлоқий *мотив* ётади. Ахлоқий мотив бошқа тур мотивларидан шу б-н фарқланадики, у киши продасини ёлғиз ахлоқ доирасигагина мансуб ҳаракатни амалга оширишга ундайди. Ахлоқий мотив инсон ижтимоий табиатининг тазоҳирларидан бири бўлгани туфайли шахсни ҳамиша ижтимоий манфаатларни, эл-юрт нафи, хайриятини кўзлаб ҳаракат қилишга, бир жамиятга уюшиб яшаётган кишиларни шахсий манфаат б-н ижтимоий манфаатни уйғунлаштира билишга, зарурат туғилганда ижтимоий манфаатни устун қўйишга даъват этади. Ахлоқий мотивнинг бу табиати ташқи жиҳатдан бегаразлик, холислик, олижаноблик, фидокорлик сингари фазилатлар тарзида намоён бўлади. Ахлоқий мотив ва рағбатлар бир бутун инсон психикасининг турли «қаватлари»да: рационал-мантиқий, эмоционал-ҳиссий ҳамда ғайри шуурий соҳаларида таркиб топиб амал қилади. Бинобарин Х. мотивлари инсоннинг табиий-биологик негизига таянмайди, балки инсон ижтимоий моҳиятининг бир моменти, яъни ижтимоий муносабатлар йиғиндисининг маҳсули сифатида юзага чиқади.

Социал аҳамиятли фаолиятнинг якка акти бўлмиш қилиқ индивид Х.нинг элементар «ҳужайраси»дир. Қилиқда моддий, объектив, ижтимоий аҳамиятли компонент б-н субъектив, шахсий компонент бирлиги кўзга айниқса яққол ташланади. Қилиқ ҳамиша қадрий мазмунга моликдир, у муайян хатти-ҳаракатни бирор тарзда баҳолашга (хушқилиқ, бадқилиқ) имконият беради.

Х. мотив б-н боғлиқ бўлса, қилиқнинг субъектив-психологик негизини ният ташкил қилади. Ахлоқий мотивда англанган ва онгсиз инъикос биргаликда намоён бўлса, ният ҳамиша англанган тарзда юзага чиқади. Шунинг учун ёлғиз ахлоққа мансуб ният асосида содир бўлган қилиққина чинакам ахлоқий характерга молик бўлади. Мақсад ҳаракатни «бошқаргани» сингари, ният ҳам қилиқни «бошқаради».

Мотивлар Х.нинг, жумладан унинг спрасига кирадиган ҳар бир конкрет қилиқнинг умумий қадрий йўналишини белгилайди. Мотив ва ният бамисоли умумий, пировард мақсад — стратегия б-н хусусий мақсад — тактика ўртасидаги нисбат тарзида боғланади. Шунга кўра, мотив ниятга нисбатан барқарор бўлади.

Х. б-н қилиқ, мотив б-н ният ўзаро чамбарчас боғлиқ. Х. ёлғиз қилиқлар силсиласида, қилиқлар орқали кўринади. Аксинча, қилиқлар фақат уларни Х.да нисбат бериш орқалигина ахлоқийлик касб этади. Х. б-н қилиқ, мотив б-н ният ўртасидаги зиддият ахлоқий туйғулар—виждон, шарм-ҳаё, ор-номус воситасида қайд этилиб, кишида пушаймонлик, иззалик ҳисларини уйғотади.

Лд.: Ефимов В. Т., Социальный детерминизм и мораль, М., 1974; Момов В., Мораль и поведение, М., 1974; Крутов Н. Н., Мораль в действии, М., 1977; Структура морали и личность, М., 1977.

ХУМ — сув ва озиқ-овқат маҳсулотлари сақланадиган йирик сопол идиш. Ўтмишда (мил. ав. 1-минг йилликнинг 1-ярмидан) Ўрта Осиёда кўп фойдаланилган. Бўйи 1,5 *м* гача келадиган, шакли вазага ўхшайдиган идиш бўлиб, кўпинча юқори (оғзидан белига қадар) қисми безатилган; ишлатилишига қараб ичи баъзан сирланган; кейинги пайтларда ичи ҳам, ташқариси ҳам (белигача) сирланадиган бўлган, кўтаришга қулай қилиб иккита, катта Х.ларда баъзан тўртта даста ишланган. Мусаллас, шинни, ғалла, ун ва б. маҳсулотлар сақланган.



Хум.

ХУМДАНАК — Бухоро обл. Свердлов р-ни Хумданак қ. С. даги қишлоқ. Охунбобоев номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 8 *км*, яқин т. й. станцияси — Шаҳрислом (5 *км*). Аҳолиси 568 киши (1976); пахтачилик, пиллачилик, сабзавотчилик б-н шуғулланади. Жўйзор ариғи орқали Зарафшон дарёсидан сув ичади. К-з фермаси, ремонт устахонаси, саккиз йиллик мактаб бор.

ХУМДОН — ғишт, сопол кошин, чинни ва ш. к. юқори ҳароратда пиширилади ган қурилма. Пиширилади ган маҳсулот турига қараб ҳар хил катталикда бўлади. Ичи тўғарак ёки тўртбурчак бўлиб, лой, гувала, пишиқ ғиштдан қурилади. Х. икки қисмдан: пастки қисм (ўтхона ёки оташхона) ва устки қисмдан иборат. Улар оралиғи ғишт б-н уриб-шуваб, ўртасидан кичкина тешик қолдирилади (урилган қават арақ, унинг тешиги арақ оғиз деб юритилади). Арақнинг тўрт бурчагидан биттадан кичкина мўри чиқарилади, тўрт ёни ва тепаси ғишт ёки гувала б-н урилиб, уйча (хумдон) ясалади. Х. тепасида «тана оғиз» деб аталадиган тешик қўйилади. Тешикча орқали хом маҳсулотлар териб бўлингач, Х.нинг оғзи беркитилиб, ўт ёқилади. Бу жараён маҳсулотнинг кўп-озлигига қараб 6 соатдан 12 соатгача давом этиши мумкин. Ўтни 1—6 соат паст ёқиб, сўнгра астасекин баландлатилади. Маҳсулот пишгач, ўтхонанинг тепа оғзи беркитилиб, ҳаво кириб туриши учун кичкина туйнук қолдирилади. Маҳсулот Х. ичида 1—2 кун сақлаб совитилади, сўнг олинади. Ғишт Х. лари бошқа Х.ларга нисбатан каттароқ бўлади. Қадимда Х.лар оғир ёнадиган ўтин б-н қиздириларди, ҳозир янги техника ускуналари б-н жиҳозланган (газлаштирилган, электрлаштирилган). Ўрта Осиё қишлоқларида (қисман шаҳарларида ҳам) ўтин ёқиб ишлатиладиган Х. лар ҳозир ҳам бор.

ХУМИН — Бухоро обл. Бухоро р-ни Лоша қ. С. даги қишлоқ. Карл Маркс номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 24 *км*, яқин т. й. станцияси — Бухоро (13 *км*). Аҳолиси 689 киши (1976); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик, сабзавотчилик, боғдорчилик б-н шуғулланади. Шоҳруд канали орқали Зарафшон дарёсидан сув ичади. Саккиз йиллик мактаб, кутубхона, ремонт устахонаси бор.

ХУМИН — Бухоро обл. Свердлов р-ни Хумин қ. С. даги қишлоқ. Навоий номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 7 *км*, яқин т. й. станцияси—Шаҳрислом (15 *км*). Аҳолиси 667 киши (1976); пахтачилик, пиллачилик, токчилик, сабзавотчилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Арабхона ариғи орқали Зарафшон дарёсидан сув ичади. Ўрта мактаб, кутубхона, болалар боғчаси, медпункт, устахона бор.


ХУМСОН — Тошкент обл. Бўстонлиқ р-ни Угом қ. С. даги қишлоқ. «Хўжакент» боғдорчилик с-зи терр-ясида. Р-н марказидан 23 *км*, яқин т. й. станцияси—Хўжакент (2 *км*). Аҳолиси 2550 киши (1975); боғдорчилик, токчилик, сабзавотчилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Угом дарёсидан сув ичади. Х. қишлоғи Тошкент области меҳнаткашларининг дам олиш зонаси. Тошкент Педагогика ин-ти ва ТошДУнинг ўқув ишлаб чиқариш базаси, 2 пионер лагери, ўрта мактаб, алоқа бўлими, медпункт, клуб, кинотеатр, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш пунктлари ва умумий овқатланиш жойлари бор.

ХУМУЛИЙ — ўзбек шоири ва ёзувчиси (қ. *Жумақули Ургутий*).

ХУН (форс-тож. **خون** — қон), қонли ўч — қариндош-уруғнинг ҳаёти, номус-ори, шаъни ва мулкини ҳимоя қилишдаги қадимги одатлардан бири. Ибтидоий жамоа тузумида пайдо бўлган. Баъзи уруғларда фақат қотилни ўлдириш б-н Х. олинса, айрим халқларда унинг уруғига тегишли бирор яқин кишисини маҳф қилиш б-н кифояланилган.

Давлат янги барпо бўлган жамиятда бу одатга бир оз чек қўйилган: қасоскорлар б-н жавобгарлар доираси қисқартирилган, келтирилган зарар даражаси, қасос олинадиган объектининг жинси, ёши, жамиятда тутган ўрни эътиборга олинган. Кейинчалик Х. олиш етказилган зарарни моддий тўлов йўли б-н қоплаш системаси б-н ҳам алмаша бошлаган. Кўп мамлакатларда эҳтиётсизлик орқасида ёки билмай қолиб одам ўлдирилган ҳолларда Х. олиш ман қилинган.

Жаҳондаги баъзи халқларда, хусусан Кавказ ва Ўрта Осиёда яшайдиган айрим халқларда Х. олиш турли кўринишларда учраб туради. СССРда иттифоқдош республикалар жиноят қонунларида бундай ўтмиш сарқитлари учун жиноий жавобгарлик белгиланган (мас., УзССР ЖК, 81-модда).



Қадимги хумдоннинг ички тузилиши: *а)* хумдон; *б)* ўтхона; *в)* хумдон оғзи; *г)* мўри.

ХУНАНЬ — Хитойдаги провинция, Янцзи дарёси ўрта оқими ҳавзасида, Дунтинху кўлидан жанубда. Майдони 210 минг *км*². Аҳолиси 37,2 млн. киши (1973). Маъмурий маркази — Чанша ш.


Экономикасининг етакчи тармоғи — қ. х., асосан деҳқончилик. Провинция терр-ясининг 1/5 қисми ишланади. Асосий экини — шоли (жами донли экинлар ҳосилининг 80% и). Буғдой, маккажўхори, арпа, батат, рами, рапс, ер ёнғоқ, кунжут, пахта, тамаки, жут экилади; чой, туног дарахти ўстирилади. Боғдорчилик, жумладан цитрус мевалар етиштириш ривожланган. Ёғоч тайёрланади. Қорамол ва чўчқа боқилади. Дарёлардан ва Дунтинху кўлидан балиқ овланади. Сурма, қўрғошин-рух рудалари, вольфрам, марганец, қазиб чиқарилади. Сянтанда электровоз, электротехника ускуналари, станоклар, Хэнъянда кон ускуналари, Чаншада қ. х. ва ирригация ускуналари ишлаб чиқарилади. Озиқ-овқат, қоғоз, тўқимачилик саноати ривожланган. Х. терр-яси орқали Пекин-Гуанчжоу т. й. ўтган. Янцзи дарёси ва Дунтинху кўлида кема қатнайди. Йирик шаҳарлари: Чанша, Сянтань, Чжучжоу ва б.

Х. терр-ясида қадимда мань қабилалари яшаган. 4-асрдан хитойлар кўплаб кўчиб кела бошлаган. Х. ҳозирги чегараларида 1668 йили ташкил топган. Тарихда деҳқонлар ҳаракатининг актив р-ларидан бири. 1937—45 йилларда Х. терр-ясининг анча қисми японлар қўл остида бўлган. 1949 й. Хитой Халқ озодлик армияси Х. ни гоминьончилардан озод этган.

ХУНВЭЙБИНЛАР (хитойча — қизил қўриқчилар, қизил қўшинлар) — 1966 йили Хитойда «маданий революция» вақтида ўрта мактаб ўқувчилари ва студентлардан тузилган отрядларнинг қатнашчилари. Улардан, *цзаофанлар* б-н бирга, Мао Цзе-дун рақибларига қарши курашда фойдаланилган. 1968 йилдан бошлаб Х. ҳаракати сусайди.

ХУНТА (испанча junta) — испан тили тарқалган мамлакатлар (Испания ва Латин Америкаси мамлакатларининг кўпчилиги)да бирлашма, иттифоқ, давлат органлари комиссияларининг номи. «Х» термини баъзи бошқа мамлакатларнинг адабиётларида кўпроқ реакцион гуруҳлар, фашист-ҳарбий диктатураларга нисбатан ишлатилади (мас., фашистик Х., ҳарбий Х. ва б.).

ХУНУКЛИК — эстетика категорияси; *гўзаллик*нинг акси. Инсоннятга муносиб ижтимоий муносабатлар (ижтимоий тенглик, дўст-биродарлик, эркинлик ва ш. к.), инсон гўзаллиги, шаъни, қадр-қиммати, табиатнинг сахийлиги, сўлим-



Хнакуме нав хурмо.

лиги ва б. идеал тасаввурларга хилоф келадиган нарса ва ҳодисаларни ўз ичига олади. Х. ни идрок этиш киши қалбида турли хил салбий ҳис-туйғу, кайфият қўзғатади. Х. гўзалликка қисман, бир жиҳатдангина терс бўлса, у кишида баъзан таассуф, ғазаб, баъзан турли характердаги кулги (қувноқ, аччиқ кулги, заҳарханда) уйғотади; гўзалликка батамом зид келса жирканчли, ҳатто даҳшатли ҳодисага айланиб, кишида шунга ярашиқ ҳиссий муносабат ҳосил қилади.

Ўтмишдаги прогрессив мутафаккирлар, санъаткорлар Х. эксплуататорлик асосига қурилган жамиятда мавжуд ижтимоий иллатлар (меҳнаткашларнинг ҳуқуқсизлиги, нодонлиги, жоҳиллиги, ҳукмрон синф вакилларининг ахлоқан бузуқлиги ва ш. к.)нинг тазоҳири деб билганлар. Марксча-ленинча эстетика ана шу илғор анъанани давом эттириб, ривожлантиради.

Социалистик жамият шароитида Х. асосан айрим кишилар маданияти, хулқ-атвори, хатти-ҳаракатида мавжуд бўлган эскилик сарқитлари (худбинлик, шахсиятчилик, лоқайдлик, амалпарастлик ва б.) тарзида намоён бўлади. Коммунистик жамиятга муносиб янги кишини тарбиялаб вояга етказиш ана шу хил Х. ка қарши курашни тақозо этади.


Социалистик реализм санъатида Х.ни типиклаштириб тасвирлаш, моҳиятини очиб ташлаш гўзалликни барқарорлаштириш воситаларидан бири бўлиб хизмат қилади. Санъат асарларида Х. аксарият *комиклик* воситасида акс эттирилади ва унинг эстетик идроки парадоксал (қ. *Парадокс*) характерга молик бўлади.

Ҳозирги замон буржуа *декадентлик* санъатида йирик оқим бўлган *натурализм* Х.ни фош этиш орқали гўзалликни тасдиқлашни эмас, балки Х. ни бутун тафсилоти б-н тасвирлаш воситасида санъат шинавандаларини руҳан эзишни кўзлайди. Буржуа санъатидаги баъзи оқимлар (мас., *Сюрреализм*) Х.ни тасвирлашни ўз олдига бирдан-бир мақсад қилиб қўяди, натижада Х. ни гўзаллик даражасига кўтариб тасвирлайди.

Ад.: Средний Д. Д., Основные эстетические категории. М., 1974; Ястребова Н. А., Формирование эстетического идеала и искусство. М., 1976; Лукин Ю. А., Скатерщиков В. К., Основы марксистско-ленинской эстетики. 2 изд., М., 1977.

ХУРЖУН — Юк ташиш учун мўлжалланган қўшалоқ халта. Жун, пахта ипидан тўқилади. Асосан, от, эшак, хачир устига ташлаб юрилади. Озиқ-овқат, ҳар хил буюмларни ташишда ишлатилади. Х. қадимдан Урта Осиё, Кавказ халқлари ўртасида кенг тарқалган.

ХУРЖУН МАДРАСА — Хивадаги архитектура ёдгорлиги. Шаҳар дарвозаси яқинида, 1835 йилда Хўжамбердибий мадрасаси ўрнига бунёд этилган. Олдинги мадрасадан масжид ва унга ёндош хоналар сақланган. Масжид содда, деярли безаксиз. Ҳовли саҳни иккига бўлиниб (Оллоқулихон мадрасаси пештоқига ўтиш учун қилинган йўлак туфайли) хуржунга ўхшаб қолганидан шу ном б-н аталган. Бир гумбазли оддий дарвозахонадан ҳовлиларга кирилади. Шимолий ва жанубий ҳовлилардаги ҳужралар катта-кичик, деворлари 0,5 *м* дан 3 *м* гача. Меъморлар бино қиёфасини Оллоқулихон мадрасаси архитектура шаклига яқинлаштирганлар, ҳужралар пастқам, мадраса умуман содда қурилган.



Хуржун.

ХУРИБГА — Марокашнинг ғарбий қисмидаги шаҳар. Хурибга вилоятининг маъмурий маркази. Аҳолиси 74 минг киши (1971). Кон саноатининг маркази. Мамлакатда қазиб чиқарилаётган фосфоритнинг 70% га яқини Х. атрофидан қазиб олинади. Касабланка порти б-н т. й. орқали туташган. Фосфорит экспорт қилинади. Озиқ-овқат саноати корхоналари бор.

ХУРМО (Diospyros) — хурмодошлар (хурмогуллилар оиласи)га мансуб субтропик ва тропик ўсимликлар туркуми. 200 тури маълум. СССРнинг субтропик р-ларида шарқ, виргин, кавказ турлари тарқалган. Мевали ўсимлик сифатида, асосан, шарқ Х.си қадрланади. Шарқ Х. си (D. kaki) нинг ватани Хитой, СССРда — Грузия, Краснодар ўлкаси, Қрим, Озарбайжон, Туркманистон, Тожикистон ва Ўзбекистоннинг субтропик р-ларида экилади. Дарахти 8—12 *м*, чиройли, шох-шаббаси думалоқ ёки пирамидасимон. 100 йил ва ундан ҳам кўпроқ яшайди. Барги йирик тухумсимон, усти тўқ яшил, ялтироқ, орқаси тукли, кетмакет жойлашган, тўкилиш олдидан қизил рангга киради. Гули бир, баъзан икки жинсли. Апрель-майда гуллайди. Октябрь ўрталари — ноябрь бошларида пишади. Меваси йирик 200 *г* гача, силлиқ ёки қовурғали, кўпинча мум ғуборли, зарғалдоқ ёки тўқ қизил. Таркибида 25% гача қанд, 1,5% протеин, 0,85% ёғ, 40 *мг*% витамин С, темир тузлари, оқсил ва б. бор. Меваси 2—3 ой сақланади. Ҳўллигича ҳамда қуритилган ҳолда истеъмол қилинади; кондитер саноатида ликёр, вино, жем тайёрланади; ошқозон-ичак касалликларини, камқонликни даволашда ишлатилади. Х. асосан, пайвандлаш йўли б-н кўпайтирилади. Кўчати кузда ёки баҳорда 8×6 ва 6×6 *м* схемада экилади. Қумли, шағалли ва шўр ерларни ёқтирмайди. 3—4- йили ҳосилга киради. 10—12 ёшидан тўлиқ ҳосил бера бошлайди. Ўсув даврида ер шароитига қараб 10—12 марта суғорилади; ўғитланади, туп атрофи юмшатиб турилади. Х. нинг кўпчилик навлари қўшимча чанглашни талаб этади. Х. бошқа субтропик мевали дарахтларга қараганда совуққа (—18—20°С) чидамли ва ёруғталаб ўсимлик, Ўзбекистонда гоша-гаки, қандли денов, Ўзбекистон пионери, хнакуме, зенжи-мару, тамопан навлари экилади. Виргин Х.си (D. virginiana) — дарахти 20—25 *м*, барги тухумсимон, тўқ яшил. Гули бир жинсли, майда, рангсиз. Меваси майда (25 *г* гача), шарсимон ёки конуссимон, қўнғир-сариқ, мазали, қуритилган меваси таркибида 40% гача қанд, 0,88% оқсил моддалар, 0,5% олма кислота бор. Ҳўллигича ейилади, қуритилади, қайта ишланади. Кавказ Х.си (D. lotus) — дарахти 16 *м* гача. Барги бутун, чўзиқроқ, тўқ яшил, ялтироқ. Гули майда. Меваси майда (20—25 *г*), думалоқ, сариқ-зарғалдоқ. Қуритилган мевасида 40% гача қанд, 0,5% олма кислота бор. Шарқ Х.си учун яхши пайвандтаг. СССРда Кавказ ва Ўрта Осиёда ёввойи ва маданий ҳолда учрайди.

Ад.: Жуковский П. М., Культурные растения и их сородичи, 3 изд., Л., 1971; Мирзаев М., Темуров Ш., Боғбонларга эсдалик, Т., 1974.

ХУРМОДОШЛАР, хурмогуллилар (Diospyrugaceae ёки Ebenaceae) — тропик ва субтропикларда кенг тарқалган ўсимликлар оиласи. Дарахт ёки бута. Барглари оддий ва этли. Гуллари, кўпинча, айрим жинсли ва икки уйли. Чангчиси кўп, 1 ёки 2 доира бўлиб жойлашган. Уруғчиси 2—16 мевабаргли, кўп уяли. Меваси резавор. Х. 5 туркум (300 тур) дан иборат. СССРда *хурмо* туркумининг кўп турлари учрайди.

ХУРМОЙИ — ўртапишар, жайдари ўрик нави. Кўчати ўтқазилгач, 4—5- йили ҳосил беради. Дарахти катта. Меваси июнь охири — июль бошида пишади; ўртача (30—35 *г*), кенг тухумсимон, зарғалдоқ, хушбўй, тўқ сариқ, ширали. Таркибида 14—16% қанд, 0,3% кислота бор. Данаги этидан осон ажралади. Тупидан 200 *кг* гача ҳосил олинади. Меваси қуритилганда 33% туршак тушади. Ўзбекистоннинг ҳамма областларида ўстирилади.

ХУРОСОН (форс. خوراسان — кун чиқиш, шарқ сўзидан) — Эроннинг шимоли-шарқий қисмидаги тарихий-маъмурий вилоят (остон). Майдони 313,3 минг *км*². Аҳолиси 2823,3 минг киши (1972), асосан, форс, курд, туркман, афғон ва б. халқлар. Маъмурий маркази — Машҳад ш. Йирик шаҳарлари: Сабзавор, Нишопур, Кучан, Турбате-Ҳайдария, Биржанд, Божнурд.

Х.нинг шимолида Туркманистон-Хуросон тоғларининг иккита тизмаси бўлиб, улар орасида Кучан-Машҳад водийси жойлашган. Шарқида Шарқий Эрон тоғлари, жануби-ғарби ва жанубида Дашти Кавир ва Дашти Лут чўллари бор. Иқлими қуруқ, иссиқ. Суғориб деҳқончилик қилинади. Буғдой, арпа, дон-дуккакли экинлар, пахта, тамаки, қанд лавлаги, мойли экинлар, заъфар етиштирилади. Боғдорчилик ва токчилик ривожланган. Гуммидрагант йиғилади. Кўчманчи чорвачилик, айниқса, қўйчилик катта аҳамиятга эга. Озиқ-овқат (шакар-қанд, ун, ёғ-мой, консерва, виночилик, пиво пиширш), пахта тозалаш, тўқимачилик, кўнчилик корхоналари бор. Гилам тўқиш ривожланган. Х.дан жун, тери хом ашёси, қоракўл тери, пахта, гилам, гуммидрагант, майиз экспорт қилинади. Машҳад — Теҳрон т. й. ўтган.

Х. 3- асрдан 18- аср ўрталаригача ҳозирги Эроннинг шимоли-шарқий қисми, Марв воҳаси, ҳозирги ТуркмССРнинг жанубий қисми ва Афғонистоннинг шимоли ва шимоли-ғарбини ўз ичига олган. Машҳад, Нишопур, Марв, Балх, Ҳирот, Тус, Сарахс, Обивард, Нисо, Сабзавор Х.нинг муҳим шаҳарлари бўлган. Х. (Хараасон, номи Сосонийлар давридан маълум. 7- аср ўрталарида уни араблар эгаллаган. Араб халифалиги таназзулга учрагач, Х. Тоҳирийлар, Саффорийлар, Сомонийлар, Ғазнавийлар, Салжуқийлар, Хоразмшоҳлар, Хулагуйилар, Қуртлар давлатлари таркибига кирган (9—14- асрлар). 8- асрдан 13- асрнинг 20- йилларигача Х. Яқин ва Ўрта Шарқда иқтисодий жиҳатдан энг ривожланган ўлкалардан бири бўлган. У қўшни давлатларга қ. х. маҳсулотлари, мевалар, ипак, жун, мўйна чиқарган. Шунингдек, Х.да кумуш, қўрғошин, мис ва темир рудалари, олтин, олтингугурт, тўтиё, маргимуш, мармар, малахит ва б. қазиб чиқарилган, тўқимачилик авж олган. 1220 ва 1223 йилларда Х.га мўғуллар ҳужум қилиб, вайрон этган; аҳолисининг кўпчилиги қириб ташланган. Шундан кейин Х. аввалги мавқеига чиқа олмаган. 14-асрда Х.нинг ғарбий қисми сарбадорлар ҳаракатининг маркази бўлган, бу ерда Сарбадорлар давлати ҳам тузилган. 14- аср охирида Амир Темур Х.ни ўз давлатига қўшиб олган, кейинчалик Шайбонийлар, 1510—1736 йиллар Сафавийлар давлатларига тобе бўлган. Кейинчалик Х.нинг бир қисми (Ҳирот вилояти ва Балх) Афғонистонга, бир қисми Эронга қўшилган. 19- аср бошида Марв вилоятини туркман қабилалари эгаллаган.



Хуррамова М.

ХУРРАҚ — одам нафас йўлидан ўтаётган ҳаво оқими таъсирида ҳосил бўладиган товуш. Бунга юмшоқ танглай тебраниши сабаб бўлади. Оғизни очиб (баъзан оғиз юмуқ ҳолда) ва чалқанча ётиб ухлаганда киши Х. отади, чунки бунда юмшоқ танглайнинг жуда бўшашиши учун шароит яратилади. Баъзи касалликларда мас., *дифтерия*дан сўнг пайдо бўлган юмшоқ танглай фалажида, мияга қон қуйилганда, мия эзилганда ҳам Х. кузатилади.

ХУРРАМИЙЛАР — *Аббосий*лар даврида халифаликка ва исломнинг тарқалишига қарши ҳаракат қатнашчилари. Улар *маздакийлик* эътиқодига мансуб бўлган. Абу Муслим қўзғолонида иштирок этишган. Х. дастлаб Абу Муслим ҳалок бўлганлигини инкор қилдилар, у яна қайтиб келади ва адолат ўрнатади, деб тарғиб қилганлар; кейинчалик хуррамийлик мустақил бир таълимот сифатида шаклланган. Х. нинг эътиқоди инсонларнинг миллати ва динидан қатъи назар ўзаро тенглик, зоҳидлик ҳаёт кечириш сингари тушунчаларга асосланган. Бу таълимот Озарбайжон, Хуросон ва қисман Урта Осиёда тарқалган. Х. ҳаракати бир неча йўналишга эга бўлиб, уларга нишопурлик Сунбод Урта осиёлик Муқанна (қ. *Муқанна қўзғолони*) ва озарбайжонлик Бобак (қ. *Бобак қўзғолони*) сингари шахслар бошчилик қилган. Бу ҳаракатлар йирик ер мулкчилигини йўқотиш ва ерларни деҳқон жамоаларига топшириш каби шиорларни ўртага ташлаган. Х. ҳаракатида асосан деҳқонлар ва камбағал ҳунармандлар қатнашган.

ХУРРАМОБОД — Фарғона обл. Риштон р-ни Риштон қ. С. даги қишлоқ. «Риштон» с-зи территориясида. Р-н марказидан 5 *км*, яқин т. й. станцияси — Фурқат (17 *км*). Аҳолиси 1213 киши (1976); пахтачилик, чорвачилик, боғдорчилик б-н шуғулланади. Қаналлар орқали Риштон ариғидан сув ичади. Ферма бор.

ХУРРАМОБОД — Эроннинг ғарбий қисмидаги шаҳар. Луристон остонида. Аҳолиси 65 минг киши (1975). Ғалла, қуруқ мева, жун б-н савдо қилинадиган йирик марказ. Т. й. орқали Теҳрон б-н боғланган. Қ. х. маҳсулотларига ишлов берувчи корхоналар бор.

ХУРРАМОВА Маъсис (1930, ҳозирги Сурхондарё обл. Жарқўрғон р-ни) — пахтакор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони (1976). 1975 йилдан КПСС аъзоси. Жарқўрғон р-нидаги «Меҳнат роҳат» к-зида колхозчи (1945—52), звено (1952—55), 1956 йилдан бригада бошлиғи. Х. бошлиқ бригадада 75 *га* ернинг гектаридан 51 *ц* пахта етиштирилган (1976). 8—9- чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати. Ленин ордени, Меҳнат Қизил Байроқ ордени ва медаллар б-н мукофотланган.



Хуршид.

ХУРРАМШАҲАР — Эроннинг жануби-ғарбий қисмидаги шаҳар. Хузистон остонида. Шатт ул-Араб дарёсига Қорун дарёси қуйиладиган жойда. Аҳолиси 125 минг киши (1975). Х.— Эроннинг Форс қўлтиғи соҳилидаги энг йирик порти. Т. й. станцияси. Кемасозлик, нефтни қайта ишлаш, кўн, озиқ-овқат саноати корхоналари бор. Порт орқали четга хурмо, пахта, кўн тери ва ҳ. к. чиқарилади.

ХУРСАНД — Сурхондарё обл. Сариосиё р-ни Ленин қ. С. даги қишлоқ. Ленин номли к-з территориясида. Р-н марказидан 40 *км*, яқин т. й. станцияси — Денов (18 *км*). Аҳолиси 932 киши (1977); пахтачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Файзова ариғидан сув ичади. Бошланғич мактаб бор.

ХУРСАНДТОҒ — Сурхондарё обл. Сариосиё р-нидаги чўққи. Ҳисор тоғининг жануби-ғарбида. Энг баланд жойи 4117 *м*. Чўққи гранит, конгломерат ва оҳактошлардан тузилган. Ён бағирлари тик, тепаларида музликлар бор. Атрофидан сойлар оқиб тушади. Арчазорлар учрайди. Х. ёнидан Хонжиза рух-қўргошин кони топилган. Баъзи жойларида альп ва субальп ўтлоқлари учрайди.

ХУРШИД (асл номи Шамсиддин Шарафиддинов) (1892. 10. 5— Тошкент —1960. 13. 9)— шоир, драматург, режиссёр, таржимон, ўзбек совет театри ташкилотчиларидан. Узбек музикали драма жанрининг асосчиларидан. УзССР да хизмат кўрсатган санъат арбоби (1941). Тошкентда рус-тузем мактабида (1908—10) ва ўқитувчилар билим юртида (1918) ўқиган.

Дастлабки асарларини 1905 йилда ёзган. Илк пьесалари «Ориф ва Маъруф», «Қора хотин». Санъаткорликини «Турон» саҳнасида, театрдаги фаолиятини 1918 йилдан бошлаган. 1917—19 йилларда инқилобий қўшиқлар яратди («Туркистон интернационали», «Марсельеза» ва б.).

Совет мактабларини ташкил этишда актив қатнашиб, ўқитувчилик қилди (1918—24). 1924—29 йиллар Маориф халқ Комиссарлиги ҳузуридаги «Тилак» театри труппасининг раҳбари ва режиссёри. 1929—48 йиллар УзССР нинг турли театрларида ҳар хил лавозимларда ишлади. 1948—60 йилларда УзССР ФА Пушкин номидаги Тил ва адабиёт ин-тида катта илмий ходим. Улуғ Октябрь рев-ясигача яратган мақола ва тақризлари, шеър ва ҳажвий асарлари матбуот саҳифаларида босилди. Буларда адолатсизлик, зўравонлик, худбинлик, ярамас урф-одатларни фош этди, пок севги, одамийлик, ҳалол меҳнат, илму одобни улуғлади. У шеърларини 16 тахаллусда ижод қилди. Х. ғазаллари б-н айтилиб, халққа манзур бўлган «Гиря», «Чоргоҳ», «Сегоҳ», «Ушшоқ», «Баёт», «Сувора», «Дугоҳ»лар ўзбек классик қўшиқларига айланди.

Журналист сифатида 1918—24 йиллар мақола, фельетон, тақризлари б-н қатнашди («Иштирокиюн», «Муштум» ва б.).

Х. 30 га яқин саҳна асари —«Эскилик ва янгилик» драмаси, «Қичик аскар», «Лайли ва Мажнун», «Фарҳод ва Ширин», «Сиёвуш» каби музикали драмалар ҳамда опера либреттоларини ёзган. Х. таржимон сифатида қардош республикалар ва жаҳон драматургиясидан 20 га яқин саҳна асарини, Ҳофиз Шерозийнинг юзга яқин ғазалларини форсчадан ўзбекчага таржима қилди.

Ас.: Фархад и Ширин, «Литературный Узбекистан» китобида, Т., 1939; Лайли ва Мажнун, Т., 1948; Танланган асарлар, Т., 1967.

«ХУРШИД» — жадидлар газетаси. 1906 йил 6 сентябрдан 16 ноябргача Тошкентда ҳафтада бир марта нашр этилган. Маҳаллий буржуазия манфаатларини ҳимоя қилган. Самодержавие ва мустамлака тузумини қораласа-да, аслида подшо ҳукумати сиёсатини ёқлаган, социал-демократларга қарши курашган, мусулмонларни ижтимоий-сиёсий ташкилотларга аъзо бўлмасликка чақирган. Муҳаррири — *Мунавварқори*. Жами 10 сони чиққан.

ХУСРАВ ДЕҲЛАВИЙ (тахаллуси; тўла номи Яминиддин Абул Ҳасан) (1253, Патёли, ҳозирги Уттар-Прадеш штатининг Итова округи — 1325. 27. 9, Деҳли) — шоир, адабиётшунос, мусикашунос олим. Форс, урду ва араб тилларида ижод этган. Илк асарларини «Султоний» тахаллусида ёзган.

Х. Д. нинг отаси Сайфиддин Маҳмуд Кеш (Шаҳрисабз)лик бўлиб, мўғуллар истилоси вақтида Ҳиндистонга кўчган. Деҳли султонларидан Шамсиддин Элтутмиш (1211—1236) унга амирлик унвонини берган. Сайфиддин Маҳмуд мўғулларга қарши Ҳиндистондаги жангларининг бирида ҳалок бўлгач (1261), ёш Хусравни бобоси Имодулмулк ўз тарбиясига олган Х. Д. 8 ёшлигида тасаввуфчи Шайх Низомиддин Авлиёга мурид тушган. Шайх уни шоирликка йўллаган, янги-янги асарлар ёзишга илҳомлантирган. Шоир кейинчалик бу устозига бағишлаб, «Афзал ул-фавоид» («Фойдали сўзларнинг афзаллиги») ва «Роҳат ул-муҳиббин» («Дўстликнинг роҳати») асарларини ёзган.

Х. Д. йигирма ёшларида таниқли шоирлар қаторидан ўрин олган. 1277 йилда Мўлтон ҳокими Кешлухон (Малик Чҳожу) саройига таклиф қилинган. Ғиёсиддин Балбан (1265—1287) нинг катта ўғли Буғрохон таклифи б-н Сомонияда, сўнг Ғиёсиддиннинг иккинчи ўғли Муҳаммад Султон ҳузурида (беш йил) ва икки йил Ауд ҳокими Амир Саржандор (Ҳотамхон) саройида хизмат қилган. 1290 йилдан 1320 йилгача Деҳли султонлари ҳузурида бўлган. Деҳли ҳокимларидан Жалолиддин Фирузшоҳ (1290—1296) Х. Д. га амирлик унвонини ва бош ходим лавозимини берган, унга ер-сув инъом қилиб, 1200 танга маош тайинлаган. Кейинчалик шоир Аловуддин саройида хизмат қилди (1296—1316). Лекин султон унинг истеъдодини қадрлай олмади. Ҳокимият Қутбиддин Муборакшоҳ қўлига ўтгач (1316—1320), шоир яна ўз мавқеига эга бўлди. Муборакшоҳ ўлдирилгач, Х. Д. умрининг охиригача Ғиёсиддин Туғлуқшоҳ (1320—1325) ҳузурида хизмат қилди. Уч сулолага мансуб етти султон саройида хизматда бўлган. Х. Д. ўша давр анъаналарига кўра ўз асарларини ана шу султонларга бағишлаган. Шунга қарамай шоир ўз ижодида даврнинг муҳим ижтимоий масалаларини кўтариб чиқди, асарларида юксак гуманизм ғояларини илгари сурди, инсоннинг буюклигини, унинг гўзал ва олижаноб туйғуларини тараннум этди.

Х. Д. нинг лирик шеърияти бешта девонга жамланган: «Туҳфат ус-сиғар» («Ёшлик туҳфаси», 1272), «Васат ул-ҳаёт» («Ҳаёт ўртасида», 1284), «Ғуррат ул-камол» («Камолотнинг бошланиши», 1293), «Боқият ун-ноқия» («Сараларнинг сараси», 1316), «Ниҳоят ул-камол» («Камолот чўққиси», 1325). Х. Д. бу девонларга насрий муқаддималар ёзиб, уларда айрим асарларининг ёзилиш сабаблари, шеърий санъат, тил, услуб ҳақида фикр билдирган ҳамда турли тарихий воқеалар ҳақида маълумотлар берган. Девонлар ғазал, қасида, рубоий, қитъа, таржиъбанд ва шеърияттинг бошқа жанрларида ёзилган бўлса-да, уларда асосий ўринни ғазал ва қасидалар эгаллайди. Лирик асарларининг кўпи гуманистик ғоялар б-н суғорилган. Х. Д. лирикасида Саъдий ижодининг таъсири, унинг илғор фикрлари ривожлантирилганлиги кўзга ташланади.

Х. Д. нинг биринчи эпик достони «Қирон ус-саъдайн» («Саодатли сайёранинг қўшилиши», 1289) дир. Унда, асосан, Буғрохон б-н Қайқубоднинг ҳокимият учун ўзаро курашлари, мўғулларнинг Ҳиндистонга ҳужумлари ва ўша даврдаги ижтимоий-сиёсий ҳаётга оид бошқа воқеалар баён этилади. Шоир ўзининг иккинчи эпик достони «Муфтоҳ ул-футуҳ» («Ғалабалар калиди», 1291) да Жалолиддин Фирузшоҳ (1290—1296) ҳукмронлиги давридаги тарихий воқеалар ҳақида ҳикоя қилади.

1299—1301 йилларда Х. Д. Низомий «Хамса»сига жавобан «Матлаъ ул-анвор» («Ёритгичларнинг чиқиши», 1299), «Ширин ва Хусрав» (1298), «Мажнун ва Лайли» (1298), «Ойнайи Искандарий» («Искандар кўзгуси», 1299), «Ҳашт беҳишт» («Саккиз жаннат», 1301) каби беш достондан иборат «Хамса» яратди. Бу б-н у *хамсачилик*ни янги мазмун, янги қаҳрамонлар б-н бойитди, унинг бадиийлигини оширди. Х. Д. тарихий мавзуда ҳам кўплаб асарлар яратган: «Хазойин ул-футуҳ» («Ғалабалар хазинаси», 1311), «Дувалроний ва Хизрхон», 1316), «Нуҳ сипеҳр» («Тўққиз қават осмон», 1318), «Туғлуқнома» ва «Тарихи Деҳли». Шоирнинг беш рисоладан иборат «Эъжози Хусрав» («Хусрав мўъжизалари», 1319) номли илмий асари адабий услуб масалаларига бағишланган. Х. Д. нинг баъзи асарлари бизгача етиб келмаган ёки ҳозиргача топилмаган. Унинг кўплаб таснифлар яратгани ва музика асбоби — сетор ҳамда унга 13 дан ортиқ парда ихтиро қилгани, музикага оид уч тўплам ёзгани манбаларида қайд этилган.

Х. Д. сарой шоири бўлса ҳам, асарларида сарой ҳаётидан нафратланганлиги, халқнинг аянчли турмуши ва камбағалларнинг ночор аҳволидан нолиб яшаганлиги сезилиб туради. Шу туфайли шоир умрининг охирида сўфиёна кайфиятлар ва таркидунёчилик қарашларга берилган, тасаввуф ғояларининг илғор томонларини ўз асарларида тараннум этган.

Х. Д. форс-тожик адабиётида гуманистик ғоя тараққиёти тарихига салмоқли ҳисса қўшди. Унинг ижоди Алишер Навоий, Абдурраҳмон Жомий, Давлатшоҳ Самарқандий ва б. кўпгина алломалар томонидан юксак баҳоланган. Ҳинд олимларидан Рам Бабу Саксина ва Ш. Чауханларнинг ёзишича, Х. Д. урду тилида ижод этган биринчи шоирдир. Шоир ҳинду тилидаги ижоди ҳақида ўзининг «Ғуррат ул-камол» асари дебочасида «Туркийи Ҳиндистонам, ҳиндавий гўям чу об» («Мен Ҳиндистон туркийи бўлсам ҳам, ҳиндуни сувдек ичаман») дейди. Ж. Неру «Ҳиндистоннинг кашф этилиши» китобида «Илк мусулмонлар томонидан ҳинд тилида кўп ажойиб китоблар ёзилган. Бу хилдаги ёзувчилар орасида энг машҳури, 14-асрда, бир неча афғон султонларининг идора қилган даврларида яшаган турк Амир Хусравдир», деб ёзади.

Х. Д. бой бадиий мерос қолдирган. Узининг таъкидлашича поэтик мероси 500 минг байтга яқин бўлган. Абдурраҳмон Жомий унинг 99 та

китоб ёзганини айтади, баъзи тазкиранавислар шоирни 199 китоб муаллифи деб ёзадилар. Бадиуззамон Хуросонийнинг ёзишича: «Шоирлардан ҳеч бири ўзидан кейин Амир Хусравчалик кўп шеър қолдирмаган».

Х. Д. нинг адабий мероси Ўрта ва Яқин Шарқ халқлари орасида севиб ўқилган, кўп марталаб кўчирилган, қайта-қайта нашр этилиб, жаҳоннинг кўпгина тилларига таржима қилинган. Баъзи шоирлар унинг ижодий анъаналарини давом эттирган. Х. Д. асарлари қўл ёзма нусхасининг энг қадимгиси (1355 йилда кўчирилган) УзССР ФА Шарқшунослик ин-тида (инв. № 2179) сақланади. Шоир ижоди бўйича совет шарқшуносларидан Е. Э. Бертельс, А. А. Стариков, Ғ. Ю. Алиев, Ш. Шомуҳамедов, Т. А. Муҳаррамов, Б. Мусаев ва б. тадқиқот ишлари олиб борганлар.

Ас.: Асарлар, Т., 1972.

Ад.: Чаухан Ш., Очерк истории литературы Хинди, Пер. с хинди, М., 1960; Хусейн Сьид Эхтишам, История литературы урду, Пер. с хинди, М., 1961; Неру Д., Открытие Индии, Пер. с англ., М., 1955; Бертельс Е. Э., Навои и Джами. «Избр. труды» китобида, (т. 4). М., 1965; Шомуҳамедов Ш., Мусаев Б., Амир Хусрав Деҳлавий, Т., 1971; Низомиднков И., Амир Хусрав Деҳлавий, Т., 1969; Мунировв К., Амир Хусрав Деҳлавий асарларининг УзССР Фанлар академияси Шарқшунослик ин-ти тўпламидаги қўл ёзмалари, Т., 1975.

ХУСРАВ — Шарқ халқлари оғзаки ижоди ва ёзма адабиётида кенг тарқалган образ. Х. образи маълум тарихий илдизга эга. У сосоний подшоларидан бўлган (қ. *Хусрав* II). Унинг салтанати, Шарқнинг турли ўлкаларига юришлари Феофилакт Симокатта, Себеос кабиларнинг тарих китобларида ҳикоя қилинган. Бу манбаларда Х.нинг христиан динига мансуб Ширин (Сира) исмли гўзал хотини бўлгани ҳам эсланади. Табарийнинг «Тарихи русул валмулк», Ибн ал-Фоқиҳ Ҳамадонийнинг «Китоб ул-булдон», Абдулла Ёқутнинг «Мужом ул-булдон», Абу Дулафнинг «Рисолан сония» сингари асарларида ҳам Х. нинг Ширин б-н муносабатига ва уларнинг муҳаббат можароларига оид ҳикоятлар келтирилган. Бундай фактлар Хусрав ва Ширин ҳақида турли афсона ва ривоятларнинг юзага келишига, шунингдек, бадиий адабиётда Х. ва Ширин образларининг яратилишига маълум даражада асос бўлган.

Абулқосим *Фирдавсий*нинг «Шоҳнома»сида Х.нинг тахт учун олиб борган курашлари, Баҳром б-н тўқнашуви, унинг Ширин б-н никоҳи воқеалари баён этилган. *Низомий Ганжавий* ўзининг «Хусрав ва Ширин» достонида халқ оғзаки ижоди материалларидан кенг фойдаланиб, асарга ишқий-романтик руҳ берган. Бу достонга жавобан форс-тожик адабиётида *Хусрав Деҳлавий*нинг «Ширин ва Хусрав», Ҳотифийнинг «Хусрав ва Ширин», ўзбек адабиётида *Қутб* Хоразмийнинг «Хусрав ва Ширин», турк адабиётида Шайхийнинг «Хусрав ва Ширин» каби асарлари юзага келди. Буларда Х. образи марказий қаҳрамон сифатида намоён бўлди. 14-аср озарбайжон шоири Ориф Ардабелийнинг «Фарҳоднома» достонидан тортиб Х. образи аста-секин янгича талқин қилина бошлади. *Алишер Навоий* «Фарҳод ва Ширин» достонида асар олдига қўйилган мақсадлардан келиб чиқиб, Х. ни салбий образ сифатида талқин қилган. Кейинги асрларда ҳам форс-тожик, озарбайжон адабиётларида Х. образи кенг ўрин олган асарлар яратилди. 1936 йилда М. Турсунзода ва А. Деҳотий



Хушвақтов А.

«Хусрав ва Ширин» шеърий драмасини ёздилар.

Ад.: Алиев Г., Легенда о Хосрове и Ширин в литературах Востока, М., 1960; Шарафиддинов О., Алишер Навоий, Т., 1948; Эркинов С., Навоий «Фарҳод ва Ширин» ва унинг қиёсий таҳлили, Т., 1971.

ХУСРАВ I Анушервон (туғилган йили номаълум — 579) — *Сосонийлар* шоҳи (531—579). *Маздакийлар ҳаракати* бостирилгач, тахтга чиққан. Отаси Қавад I (488—531 йиллари ҳукмронлик қилган)нинг ислоҳотларини ниҳоясига етказади. Х. I *хирож*, газит (жон солиғи)ни жорий этди, давлат аппаратини қайта қурди, юқори амалдорларни ва вилоят ҳокимларини ҳуқуқларини чеклади, мунтазам армия тузди ва ҳ. к. 40—70-йилларда Византия б-н уруш олиб борди. Тахм. 570 йили Эфиопия (Византия иттифоқдоши)га қарши урушиб, Яманни босиб олди. 60-йилларда Шарқда эфталитларни енгди. Сосонийларнинг расмий анъаналарида, шунингдек араб-форс тарихий адабиётларида ва Яқин Шарқнинг ўрта аср адабиётларида Х. I одил шоҳ сифатида таърифланади.

ХУСРАВ II Парвиз (туғилган йили номаълум — 628) — Эрон шоҳи. Византияга қочган *Баҳром Чўбин*ни таъқиб этиб, Византия ва арман қўшинлари устидан ғалаба қозонди. 591 йили тахтни эгаллади. 7-аср бошида Византиянинг шарқий ва жанубий вилоятлари (жумладан Миср)ни босиб олди. Х. II даврида солиқлар оширилди, феодаллар зулми, халқ норозилик ҳаракати кучайди. 613 йили Византия императори Ираклий Эронга қарши уруш очиб, Эрон пойтахти Ктесифонни босиб олишга ҳаракат қилди. 628 йилда ўлдирилди, ўғли Қавад II ни шоҳ деб эълон қилинди.

ХУСУСИЙ АЖРИМ — суд муҳокамаси даврида *ҳукм* б-н бир вақтда чиқариладиган қарор. Унда корхона, муассаса ва ташкилотлар раҳбарлари ва б. мансабдор шахслар эътибори жиноят қилинишига имконият туғдирган сабаблар ва б. нуқсонларга жалб этилиб, тегишли чоралар кўриш талаб қилинади. Х. а. судьялар томонидан имзоланиб, суд мажлисида ўқиб эшиттирилади, тегишли муассаса, корхона, ташкилотга ёки мансабдор шахсга, шунингдек прокурорга юборилади. Х. а. б-н танишган мансабдор шахс ундаги камчиликларни тугатиш бўйича кўрилган тадбирлар ҳақида 1 ой ичида судга хабар бериши керак. Х. а. нинг ижроси суднинг ўзи томонидан ёки жамоатчилик ёрдамида текширилади.

ХУСУСИЙ АЙБЛОВ — совет ҳуқуқига кўра, умумий қоида асосида фақат жабрланувчи шикояти б-н қўзғатиладиган айрим жиноятлар (мас., жиноятни огирлаштирмайдиган ҳолатларга эга бўлган туҳмат, ҳақорат, калтаклаш, онгли равишда танага енгил шикаст етказиш) бўйича иш юритишнинг алоҳида тартиби. Айрим ҳолатлардагина, яъни иш ижтимоий аҳамиятга эга бўлганда ёки жабрланувчи етказилган шикаст ва б. сабаблар б-н ўз ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини ҳимоя қила олмайдиган ҳолатга тушганда айбдор ҳаракатининг характерига қараб иш прокурор томонидан қўзғатилиши мумкин. Суд маслаҳатхонага ҳукм чиқариш учун киргунга қадар жабрланувчининг айбдор б-н ярашиши, жабрланувчининг судга сабабсиз келмаслиги (агар иш юзасидан дастлабки тергов ёки суриштирув ўтказилмаган бўлса) иши ётқизишга асос бўлади. Прокурор қўзғатган иш томонларининг келишуви б-н ётқизилмайди.



«Хушкелди» достони.

ХУСУСИЙ ПРОТЕСТ — қ. *Протест.*

ХУСУСИЙЛИК — қ. *Айримлик, умумийлик, хусусийлик.*

ХУСУСИЯТ — философия категорияси. Предмет ва ҳодисаларнинг бошқа предмет ва ҳодисалардан фарқини ёки улар б-н умумийлигини ифодалайди. У бир предметнинг иккинчи предметга бўлган таъсирида, воқеаларнинг ўзаро муносабатида намоён бўлади. Ҳар қандай Х. нисбийдир, у бошқа Х. ва нарсалар муносабатларидан ташқарида бўлмайди. Х. нарсаларнинг ички моҳиятини белгилаб, объектив тарзда инсон онига боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд. Муҳим Х.лар мажмуи муайян предмет ва ҳодисанинг *сифат*ини белгилайди.

Объектив идеализмга Х.ни нарсалардан ажратган ҳолда, яъни нарсалар бирлиги ва онг донраси б-н боғлиқ бўлмаган умумий тушунча сифатида талқин этиш хосдир. Субъектив идеализм Х.ни *сезги* б-н айнан деб қараб, унинг объективлигини инкор этади. В. И. Ленин нарсаларнинг Х. ларини сезгилар б-н айнан деб билиш ҳозирги замон табиатшунослигининг асосий далилларига зид келишини ва бу муқаррар равишда *солипсизм*га олиб боришини кўрсатди.

Фанлар кўп жиҳатдан Х. қайси томондан тадқиқ қилинаётганига қараб фарқланади. Х. ларни қай даражада ўзгаришига кўра икки турга бўлиш мумкин: интенсивликка молик бўлмаган ва уни ўзгартира олмайдиган Х. (мас., иқтисодий, тарихий ва б.); предметда муайян интенсивликка молик бўлган, оз ёки кўплиги б-н белгиланадиган Х. (мас., масса, температура, тезлик). Агар гуманитар фанлар асосан Х. нинг биринчи тури б-н иш кўрса, табиий фанлар — физика, кимё, астрономия, математика ва б. аввалам бор Х. нинг иккинчи тури устида тадқиқотлар олиб боради. Ҳозирги замон фанида бу фарқларни бартараф этиш тенденцияси кучаймоқда.

Ад.: Уёмов А. И., Вещи, свойства и отношения, М., 1963.

ХУТБА (араб. خطبة — ваъз) — мусулмонларда — 1) жума (жума намози) ва улуғ айём кунлари (қурбон ҳайити, рамазон ҳайити) масжидда имом-хатиб томонидан айтиладиган панд-насиҳатлар; 2) махсус ҳолатларда — қургоқчилик, очарчиликдан қутулиш, душман устидан ғалаба қозониш ва ш. к. шарафига ҳам ўқиладиган дуо-ибодат. Ўрта асрда халифа ва маҳаллий ҳукмдорга соғлиқ тилаб ҳам Х. ўқилган; 3) никоҳ қилиш пайтида имом томонидан ўқиладиган дуо; 4) баъзи китоблар бошидаги мақтов (ҳамд) қисми.

ХУТОР (украинча кут, кутор — жой) — бир ёки бир неча деҳқон хўжаликлари ўрнашган жой. Деҳқончилик б-н шуғулланувчи Шимолий ва Шарқий Европа ва Ўрта Осиёнинг баъзи халқларида қадимдан маълум бўлган. Украина, Кубан ва Донда қишлоқ ва станицалардан ажралиб чиққан янги қишлоқлар ҳам ҳовлилари сонидан қатъи назар Х. дейилган. Кўпинча янги ерларни ўзлаштириш жараёнида вужудга келган. Капитализм ривожланиши б-н уй-жой биноси, хўжалик иморатлари ва экин майдонидан иборат, индивидуал фойдаланишда бўлган алоҳида қўрғон Х. деб атала бошлади. *Столипин ислоҳоти* даврида жамоадан ажралиб чиққан бадавлат деҳқонлар Х. ларга кўчиб ўтдилар. СССРда қ. х. ни ялпи коллективлаштириш даврида кўпчилик Х.лар тугатилди. Қолганлари эса айниқса Улуғ Ватан уруши (1941—45) дан кейинги даврда қишлоқ уй-жой ва маданий-маиший қурилишини жадаллаштиришга жиддий тўсиқ бўлиб қолди. Шу сабабли, хусусан Ўзбекистонда 1960 йиллардан Х.ларни тугатишга катта эътибор берилди. Ҳозир Ўзбекистонда Х. системаси асосан тугатилган.

ХУФАР — Сурхондарё обл. Сариосиё р-ни Хуфар қ. С. даги қишлоқ. Охунбобоев номли к-з терр-ясида. Р-н маркази ва яқин т. й. станцияси — Узун (42 *км*). Аҳолиси 1973 киши (1977); чорвачилик, баҳорикор ғаллачилик, боғдорчилик б-н шуғулланади. Хуфар сойидан ва булоқлардан сув ичади. Ўрта мактаб, медпункт бор.

ХУҲ-ХОТО, Хухэ-Хаото (аввалги номи — Гуйсуй) — Хитойдаги шаҳар. Ички Монголия автоном р-нининг маъмурий маркази (1954 йилдан). Аҳолиси 700 минг киши (1970). Пекин — Баотоу т. й. даги муҳим савдо-транспорт пункти. Шоссе йўллар узели. Қора металлургия, станоксозлик, автомобиль, қ. х. машиналари, гидротурбиналар ва ички ёнув двигателлари з-длари, кимё, тўқимачилик, озиқ-овқат саноати корхоналари, ун-т бор. Ҳунармандчиликда турли буюмлар ишлаб чиқарилади. Шаҳарга 16-асрда асос солинган.

ХУШБЎЙ МОДДАЛАР — қ. *Ароматик бирикмалар.*

ХУШБЎЙ УСИМЛИКЛАР — айрим органлари ёки танасининг ҳамма қисмида хушбўй моддалар (кўпинча эфир мойи) ҳосил қилувчи ва сақловчи ўсимликлар (қ. *Эфир мойи ўсимликлар*).

ХУШВАҚТОВ Амир (1914, ҳозирги Қашқадарё обл. Китоб р-ни Сапарча қишлоғи) — пахтакор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони (1956). 1940 йилдан КПСС аъзоси. Қишлоқда қулоқларни тугатишда, коллективлаштиришда қатнашган. Китоб р-нидаги Қалинин номли к-з (ҳозир Шаҳрисабз р-нидаги «Пахтакор» к-зи) (1930—58), Макрит қ. С. (1943—50) раиси. Қалинин номли, Ворошилов номли (1950—59) к-злар раиси, чорвачилик бўйича раис ўринбосари (1950—67). Х. раҳбарлигида к-з пахта ва бошқа қ. х. маҳсулотлари етиштиришда юқори кўрсаткичларга эришган. Ленин ордени, Меҳнат Қизил Байроқ ордени ва медаллар б-н мукофотланган. 1967 йилдан пенсионер.

ХУШВАҚТОВ Хушбахт Давлатович (1926. 9. 12, ТожССР Тоғли Бадахшон АО, Рушон қишлоғи) — тожик совет рассоми. Тожикистон халқ рассоми (1975). 1962 йилдан КПСС аъзоси. Душанба бадиий мактабини (1953), Москвадаги В. Суриков номидаги бадиий ин-тни (1960) битирган. Картиналарида Помир табиатини, кишиларни тасвирлайди. Ижодини маиший мавзулардаги картиналар ва портретлар яратиш б-н бошлаган («Илк рақс», 1957, халқ ҳофизлари Шариф ва Муқим Жўраевлар, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони С. Уринхўжаев ва б. портретлари, 60-йиллар). Она Ватан манзараси Х. ижодида кейинчалик асосий мавзуга айланди («Хоруғ», 1961; «Олай водийси», 1962; «Рушон», 1964; «Қишлоқ», 1967; «Момақалдироқ арафасида», 1972; «Помир», 1973). ГДР (1962), Болгария (1967), Венгрия (1972) сафарларида бўлиб, қардош халқлар ҳаётини акс эттирувчи картиналар ҳам яратди. «Мактабга» (1963), «Утган йиллар» (1967), «Доҳийнинг мактуби» (1970), «Ҳордиқ дақиқалари» (1972) каби картиналари тожик халқи бахтиёр ҳаётга эришиш йўлида босиб ўтган даврни томошабин кўз олдида гавдалантиради. 1961 йилдан Тожикистон Рассомлар союзи правлениесининг раиси.



Хушимова З.

ХУШДАЛА — Самарқанд обл. Жомбой р-ни Галакапа қ. С. даги қишлоқ. Р-н маркази. «22-партсъезд» к-зи терр-ясида. Аҳолиси 6708 киши (1976); пахтачилик, чорвачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Р-н Совети идоралари, автогараж, ремонт устахонаси, 2 ўрта мактаб, медпункт, касалхона, болалар боғчаси, клуб, кинотеатр, дорихона, маиший, хизмат кўрсатиш пунктлари бор.

ХУШИМОВА Зайнаб (1924. 16. 8, ҳозирги Қашқадарё обл. Китоб р-ни) — пахтакор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони (1949). 1954 йилдан КПСС аъзоси. Китоб р-нидаги «Қизил Юлдуз» к-зида звено бошлиғи (1941—51), бригадир (1952—59). 1960 йилда боғча мудираси. Х. бошлиқ звенода гектаридан 55—56 ц пахта етиштирилган (1941—48). Ленин ордени, Меҳнат Қизил Байроқ ордени, «Ҳурмат Белгиси» ордени ва медаллар б-н мукофотланган.

«ХУШКЕЛДИ» — «Гўрўғли» туркумидаги достонлардан. *Эргаш Жуманбулбул ўғлидан* ёзиб олинган ва бир неча марта нашр этилган (1942, 1962, 1972). Достонда Аҳмад Сардорнинг ҳийласи б-н Гўрўғлининг асранди фарзанди Авазхоннинг Хунхор элига асир тушиши, Гўрўғлининг Хушкелди эшон қиёфасида Хунхорга бориб, ўғлини қутқариш воқеалари тасвирланади. Бадиий жиҳатдан юксак бу асарда ота ва фарзанд бурчи бадиий талқин қилинган.

ХУШНАЗАРОВ Сафар (1906, ҳозирги Самарқанд обл. Нарпай р-ни Кўрғонча қишлоғи — 1943, Чернигов обл. Козелец р-ни Семаки қишлоғи) — Совет Иттифоқи Қаҳрамони (1944. 15. 1, вафотидан сўнг). 1942 йилдан Улуғ Ватан урушида қатнашган. Днепрни кечиб ўтишдаги жангларда жасорат кўрсатган. 1943 йил 2 октябрда душман ўти остида дарёни биринчилар қатори кечиб ўтиб, фашистларни траншеядан қувиб чиқарган. Қарши ҳужумга ўт-



Х. Хушвақтов. «Ўтган йиллар», 1967. Беҳзод номидаги музейда. Душанба.



Хэ Дон Юн.

ган душманни қириб ташлаган. Кун давомида душманнинг 7 марта қарши ҳужумини қайтаришда қатнашиб, 35 нафар фашистни ер тишлатган. 1943 йил 7 октябрда плацдармни кенгайтириш учун бўлган жангда қаттиқ жароҳатланиб, ҳалок бўлган. Қаттақўрғон ш. нинг кўчаларидан бири Х. номи б-н аталган.

ХУШРОБОД — Самарқанд обл. Нарпай р-ни Карл Маркс қ. С. даги қишлоқ. Р-н марказидан 50 *км*, яқин т. й. станцияси — Зиёвиддин (15 *км*). Аҳолиси 646 киши (1971); пахтачилик, пиллачилик, б-н шуғулланади. Зарафшон дарёсидан сув ичади.

ХУШҲОЛХОН ХАТТАК, Хушҳолхон (1613. 18. 6— Акора —1689/91)— афғон шоири. Афғонларнинг хаттак қабиласи бошлиғи, Бобирийларга тобе бўлган Акора вилояти ҳокими (1641 йилдан). Афридийлар қабиласи бошлиқлари б-н биргаликда афғон халқининг озодлик учун курашларига раҳбарлик қилган (1672—75). Феодал ер эгалигини расмийлаштириш ва мустаҳкамлаш мақсадида солиқ солинадиган ерлар ҳақидаги маълумотлар мажмуи (кадастр)ни тузган. Х. Х. ижодида озодлик ҳаракатлари мавзуси муҳим ўрин тутади. Асарларида ватандошларини бирлашишга, мустақил афғон давлатини барпо этишга чақирган. Шеърларида бирлик, дўстлик, ишқ-муҳаббат, ахлоқ масалалари ёритилган. У ов қилиш санъати («Бознома»), шариат қонун-қоидалари, инсон шахсияти ва унинг ҳаётда тутган ўрни («Фазлнома», «Дасторнома»), медицина («Тибнома»), тарих, географияга («Сватнома») оид асарлар ёзган. Х. Х. яратган адабий мактаб афғон адабиёти тараққиётига катта таъсир кўрсатди. Шоирнинг 40 минг байтлик «Куллиёт»и Қобул, Пешовар, Деҳли, Калькутта ва Лондон кутубхоналарида сақланмоқда. Ижоди Яқин ва Ўрта Шарқ ҳамда Европа мамлакатлари ва СССРда ўрганилмоқда.

Ас.: Из Хушхаль-хана. «Из афганских песен и стихов» тўпламида, М., 1955.
Ад.: Герасимов А., Гирс Г., Литература Афганистана. Краткий очерк, М., 1963.

ХЬЮСТОН — АҚШнинг жанубий қисмидаги шаҳар. Техас штатида. Сан-Жасинто дарёси бўйида. Денгиз кемалари кира оладиган канал орқали (80 *км*) Мексика қўлтиғи б-н туташган. Аҳолиси 1370 минг (1975), шаҳар атрофи б-н 2250 минг киши. АҚШ нинг энг катта иқтисодий (нефтни қайта ишлаш ва кимё саноатлари) марказларидан бири. Йирик порт (1975 йилда юк оборати 72,5 млн. *т*); четга нефть, нефть маҳсулотлари, химикатлар, олтингугурт, дон, пахта чиқарилади. Транспорт йўллари узели. Органик синтез, пластмасса, синтетик смола, синтетик каучук, кимё, озиқ-овқат (айниқса гўшт), ёғочсозлик, қора металлургия, металлсозлик, труба, нефть ускуналари, кемасозлик саноатлари ривожланган. Ун-т, технология ин-ти бор. Х. ёнида ҳарбий-ҳаво базаси ва космоса учиш маркази жойлашган.

Шаҳарга 1836 йилда асос солинган. 1840 йилгача «мустақил» Техас республикасининг пойтахти бўлган.

ХЭ ДОН ЮН (1891, Корея)— колхозчи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони (1951). Ҳозирги Приморье ўлкаси Шкотово р-нидаги «Симочока» к-зида колхозчи (1928—36), Тошкент обл. Ўрта Чирчиқ р-нидаги «Полярная звезда» к-зида звено бошлиғи (1937—67). Х. бошлиқ звенода 21,4 *га* ернинг гектаридан 149,7 *ц* беда ўриб олинган (1950). Ленин ордени ва медаллар б-н мукофотланган. 1968 йилдан пенсияда.

ХЭБЭЙ — Хитойнинг шимолий қисмидаги провинция. Буюк Хитой текислигида, Сариқ денгизнинг Бохайвань қўлтиғига туташ. Майдони 190 минг *км*². Аҳолиси 42 млн. киши (1975). Х.— ХХРнинг аҳолиси энг зич (1 *км*² га 300—500 киши) провинцияларидан. Маъмурий маркази — Шицзячжуан ш.

Х. Хитойнинг асосий индустриал р-ларидан бири. Кўмир ва нефть қазиб олинади; металлургия, машинасозлик, тўқимачилик, чинни-фаянс саноатлари ривожланган. Темир ва мис рудалари, нефть, туз, олтин конлари, қора металлургия (Таншань, Хандань), алюминий (Таншань), машинасозлик, жумладан энергетика, кон, транспорт, металлургия, қ. х. машиналари, нефть саноати ускуналари (Шицзячжуан, Таншань, Чжауцзякоу ва б.), қурилиш материаллари (Хандань, Таншань ва б.), чинни-фаянс (Таншань) саноати корхоналари бор.

Қ. х., айниқса деҳқончилик ривожланган. Х. Хитойда етиштириладиган донининг 10% ини, пахтанинг 20% ини беради. Буғдой, маккажўхори, гаолян (жўхори), тариқ, шоли экилади. Терр-ясининг ярми ишланади, шундан 20% и суғориладиган ерлар. Гуаньтин сув омбори бор. Соя, ер ёнғоқ, кунжут, каноп, пахта, тамаки, сабзавот етиштирилади. Боғлар бор. Қорамол, қўй, чўчқа, эшак, парранда боқилади. Балиқ овланади. Т. й. лар узунлиги 1830 *км*. Йирик денгиз порти — Циньхуандао.

ХЭЙЛУНЦЗЯН — Хитойнинг шимоли-шарқий қисмидаги провинция. Амур (хитойча Хэйлунцзян) дарёси ҳавзасида. Майдони 710 минг *км*². Аҳолиси 23,2 млн. киши (1973). Маъмурий маркази — Харбин ш. Энг муҳим шаҳарлари — Цицикар, Муданьцзян, Цзямуси, Цзиси, Хаган.

Хўжалиги аграр-индустриал характерда; деҳқончилик ривожланган. Бугдой, маккажўхори, гаолян (жўхори), картошка, арпа, сули ва б. экилади. Х. қанд лавлаги, соя, узун толали зиғир, кунгабоқар етиштиришда Хитойда 1-ўринда.

Нефть, кўмир, ёнувчи сланецлар, темир рудаси ва рангли металлар қазиб олинади. Дағал конлари Хитойда олинадиган нефтнинг 40% ини беради. Машинасозлик саноати, асосан, 1953—57 йилларда СССР ёрдамида яратилган. Электр станциялари ва металлургия саноати учун ускуналар, станоклар ишлаб чиқарилади; транспорт (вагонсозлик, дарё кемасозлиги, автомобилсозлик) ва қ. х. машинасозлиги, радиоэлектроника, кимё, ёғочсозлик, қоғоз, қурилиш материаллари, озиқ-овқат (қанд, ун тортиш, гўшт ва б.), тамаки, тўқимачилик саноати корхоналари бор. Т. й. лар узунлиги 4 минг *км*. Амур, Сунгари, қисман Уссури дарёларида кемалар қатнайди.

Қадимда ва ўрта асрларда ҳозирги Х. терр-ясида тунгусларга мансуб овчи ва чорвадор қабилалар яшаган. 17—20- аср бошларигача манжурлар қўл остида бўлган. 19- асрда ёппасига хитойлар кўчиб кела бошлаган. 1934 йилда японлар босиб олган. 1945 йил августида Совет Армияси Х. дан япон босқинчиларини ҳайдаб чиқарди. 1948—1949 йил бошларида Хитой Халқ озодлик армияси Х. ни гоминданчилардан озод этди.

ХЭНАНЬ — Хитойнинг шарқий қисмидаги провинция. Хуанхэ дарёсининг ўрта ва қуйи оқими водийсида. Майдони 160 минг *км*². Аҳолиси 52 млн. киши (1975). Маъмурий маркази — Чжэнчжоу ш.

Х.— Хитойнинг муҳим қ. х. р-ни. Асосий қ. х. экинлари: буғдой (Хитой провинциялари ичида 1-ўринда), маккажўхори, гаолян (жўхори), илдиз-мевалилар, дон, дуккакли экинлар, шоли. Пахта, ер ёнғоқ, тамаки, кунжут ҳам кўп етиштирилади. Чойзорлар ва боғлар бор. Х. да енгил (айниқса ип-газлама) ва озиқ-овқат (ун тортиш, ёғ) саноатлари ривожланган. Оғир саноатининг асосий тармоғи — кўмир саноати. Шунингдек, металлургия, машинасозлик (трактор лар, станоклар ва б.), кимё, цемент, қоғоз саноати корхоналари бор. Муҳим саноат марказлари: Чжэнчжоу, Лоян, Кайфин, Пиндиншань, Синьсян, Аньян, Наньян, Синьян.

Ҳозирги Х. терр-яси қадимда Хитойнинг маданий ўчоқларидан бири бўлган. Терр-ясида дастлабки Хитой давлати (Инь, мил. ав. 16—11- асрлар) пойтахтининг қолдиқлари топилган. Х. провинцияси 13- асрда ташкил топган. 1949 йил майида Хитой Халқ озодлик армияси Х. ни гоминданчилардан озод этган.

ХЮЭ, Гуэ, Хуэ — Вьетнамдаги шаҳар. Мамлакатнинг жанубий қисмида. Жанубий Хитой денгизи соҳили яқинида. Аҳолиси 209 минг киши (1973). Транспорт йўлларининг муҳим узели, саноат маркази. Шоли оқлаш, тахта тилиш, тўқимачилик, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхоналари бор.

Мил. ав. 3- асрда ҳозирги Х. ўрнида Нятнам аҳоли пункти бўлган. Милоднинг 1471 йилида Вьетнам давлати таркибидаги шаҳар. 1804 йилдан Х. деб аталган (мазмуни —«тинчлик», «розилик»), ўша йилдан Вьетнам пойтахти. 1940—45 йилларда япон милитаристлари босиб олган. Вьетнамдаги 1945 йил Август революциясидан сўнг Х. да ҳокимият халқ қўлига ўтди. 1947 йилдан французлар, 1949 йилдан қўғирчоқ режим ҳукуматлари қўл остида бўлган. 1975 йили озод этилган. Х. да архитектура ёдгорликлари кўп, жумладан собиқ қирол саройи ансамбли, пагодалар ва ҳ. к. бор. Шаҳар 1968 йили америкаликлар бомбардимонидан қаттиқ зарар кўрган.

ХЎЖА, хожа (форс. **خواجه** — хўжайин, соҳиб)— тор маънода асосан Яқин ва Ўрта Шарқ халқлари ўртасидаги феодал ижтимоий табақа; *саид*лардан кейинги ўринда турган. Кенг маънода феодал жамиятдаги ҳукмрон табақалар вакили. Х. ларнинг келиб чиқиши ҳақида турли фикрлар мавжуд. Баъзи маълумотларда Х. лар дастлабки тўрт ҳалифа *(Ҳориёрлар)*— Абу Бакр, Умар, Усмон ва Алидан (Алининг Фотимадан бошқа хотинларидан) тарқалган дейилса, бошқа бир манбаларда арабларнинг истилочилик юришларида бошчилик қилган саркардаларнинг насли деб ҳисобланади. Х. лар ислом оқсуяк табақаси сифатида маълум имтиёзларга эга бўлганлар. Улар кўп ҳолларда ўлим, тан жазоси, урушларда қатнашиш ҳамда солиқ тўлашдан озод этилганлар. Х. қизини фуқарога бериш ман этилган. Х. лар баъзи мамлакатларда ҳозир ҳам ўзларининг имтиёзларини у ёки бу даражада сақлаб келмоқдалар. Ўрта Осиёнинг сиёсий ва иқтисодий ҳаётида йирик Х. лар, айниқса, 15- асрдан ҳал қилувчи роль ўйнаб келдилар. Жумладан, Самарқандда *Хўжа Аҳрор* ўшандай нуфузли Х. лардан саналган. 16—18- асрларда Бухорода Жўйбор Х. лари, Тошкентда мустақил ҳокимият барпо қилишда Юнусхўжа ва унинг авлодлари, Фарғонада Қўқон хонлигини вужудга келтиришда Чодак Х. лари, Хива хонлигини тиклашда Назархўжа бошлиқ Хўжайли (Хўжа Эли) Х. лари, Шарқий Туркистонда Исҳоқхўжа, Офоқхўжа ҳамда уларнинг авлодлари сиёсий-диний ҳаётда катта роль ўйнаганлар. Бу Х. лар жуда катта ер ва мулкка эгалик қилганлар. Улуғ Октябрь социалистик рев-яси ғалабасидан сўнг СССР терр-ясида Х. лар ўзларининг ижтимоий ва иқтисодий мавқеларини йўқотдилар.

Ўрта Осиё халқлари орасида Х. атамаси *домла* сўзининг синоними сифатида ҳам ишлатилган; турклар ва форслар табибни ҳам Х. деб атаганлар ва ҳ. к.

ХЎЖА — Андижон обл. Андижон р-ни Ербоши қ. С. даги қишлоқ. Энгельс номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 21 *км*, яқин т. й. станцияси — Андижон (40 *км*). Аҳолиси 1270 киши (1976); пахтачилик, чорвачилик, пиллачилик, боғдорчилик, токчилик б-н шуғулланади. Андижонсойдан сув ичади. Ўрта мактаб, болалар боғча ва яслиси бор.

ХЎЖА — Андижон обл. Андижон р-ни Хартум қ. С. даги қишлоқ. «Правда» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 28 *км*, яқин т. й. станцияси — Андижон (46 *км*). Аҳолиси 735 киши (1976); пахтачилик, чорвачилик, пиллачилик, токчилик, боғдорчилик б-н шуғулланади. Андижонсойдан сув ичади. Клуб, саккиз йиллик мактаб, к-з правлениеси идораси, алоқа бўлими, медпункт, болалар боғча ва яслиси бор.

ХЎЖА — Андижон обл. Москва р-ни Пахтаобод қ. С. даги қишлоқ. Навоий номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 14 *км*, яқин т. й. станцияси — Шаҳрихон (14 *км*). Аҳолиси 659 киши (1976); пахтачилик, чорвачилик, пиллачилик, боғдорчилик, токчилик, сабзавотчилик б-н шуғулланади. Шаҳрихонсойдан сув ичади. Бошлангич мактаб, болалар яслиси бор.

ХЎЖА — Самарқанд обл. Советобод р-ни Санчикўл қ. С. даги қишлоқ. Киров номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 19 *км*, яқин т. й. станцияси — Жума (15 *км*). Аҳолиси 745 киши (1976); қоракўлчилик, пиллачилик, чорвачилик, сабзавотчилик б-н шуғулланади. Эски Ангор канали орқали Зарафшон дарёсидан сув ичади. Ремонт устахонаси, ферма, саккиз йиллик мактаб бор.

ХЎЖА АЛАМБАРДОР МАҚБАРАСИ — Тошкентдаги архитектура ёдгорлиги, Қамолон қабристонида. Ислом дини арбобларидан, Хўжа Аламбардор номи б-н танилган кишининг мақбараси. Мақбара бир неча марта қурилган бўлиб, ҳозиргиси 19- асрда тикланган. Сферик-конуссимон гумбазли, тарҳи тўртбурчак (8,87×8 *м*); баландлиги гумбази б-н 10,3 *м* бўлиб, яқинида ер ости чиллахонаси бор (унга зинапоядан тушилади).

ХЎЖА АҲМАД АББОС (1914. 7. 6, Панипат ш., Ҳиндистон)— Ҳиндистон адиби, кинодраматург, режиссёр. Урду ва инглиз тилларида ёзади. Студентлик йилларидаёқ миллий озодлик ҳаракатида иштирок қилган. «Эртанги кун бизники» (1945), «Иқилоб» (1954), «Тўрт қалб, тўрт йўл» (1959) каби романларида, кўп сонли ҳикоялари («Ўглим — душманим», «Тош тўшак устида минг кеча», «Гуруч» ва б.) да, «Зубайда» (1941), «Ананас ва атом бомбаси» (1943), «Мангулик» (1951) каби пьесаларида, «Дайди», «Жаноб 420», «Афанасий Никитин»



Хўжа Аҳмад Аббос.



Хўжа Аламбардор мақбараси.



Хўжа Зайниддин хонақоси (масжиди).

(М. Смирнова б-н ҳамкорликда) фильмларига ёзган сценарийларида жиддий ижтимоий проблемалар прогрессив позициядан ёритилган, бу асарлар кучли драматизми б-н диққатга сазовор. Реж. сифатида илк асари — инглиз мустамлакачиларини айбловчи «Ер фарзандлари» фильми (1946) даёқ халқ турмушини реал акс эттирган. «Шаҳар ва орзу», «Бомбай тун оғушида», «Икки томчи сув» каби фильмларида ҳаёт ҳаққоний ёритилган. Бомбайда кино фирмаси бор. Жаҳон Тинчлик кенгашининг аъзоси. Бир неча марта Узбекистонга (жумладан 2-Тошкент кинофестивали, 1972) келган.

ХЎЖА АҲРОР [лақаби; асл номи Хўжа Убайдуллоҳ (1404, ҳозирги Тошкент обл. Бўстонлиқ р-ни Боғистон қишлоғи — 1490, Самарқанд)] — Ўрта осиёлик шайх, *муршид; нақшбандийлик* тариқатидаги реакцион йўналиш вакилларидан; йирик феодал. Самарқанд мадрасасида таҳсил кўрган. Нақшбандийликнинг йирик намояндаси шайх Ёқуб Чархийдан муршидлик қилишга фатво олган. Х. А. йирик феодаллар ва реакцион руҳонийлар ўртасида катта нуфузга эга бўлиб, «валий» (авлиё) деб танилган.

Дастлабки даврларда *яссавийлик*ка қараганда прогрессив оқим сифатида пайдо бўлган нақшбандийлик Х. А. даврида бутунлай реакцион тус олди. Х. А. бошлиқ нақшбандийлар кенг меҳнаткаш оммани ижтимоий-сиёсий ҳаётдан четга тортишга ҳаракат қилиб, уларни тарки дунёчиликка ундадилар, *қаландарлик*ни тарғиб этдилар. Улар турли фирибгарлик, товламачилик б-н ҳам шуғулландилар, сарой иғволарида, феодалларнинг ўзаро низоларида иштирок этдилар. Х. А. *Улуғбек*нинг илмий-маърифатпарварлик ишларига қарши турди, унинг қатл этилишида асосий роль ўйнади.

Х. А. жуда катта ер-сув, мол-мулкка эга бўлиб, мамлакатнинг бутун ички ва ташқи сиёсий ҳаётида етакчи ўрин тутди. Абу Саид (1451—69), сўнгроқ Султон Аҳмад (1469—94) ҳукмронлик қилган даврда Х. А. мавқеи айниқса кучли бўлди. Сарой ишлари амалда Х. А. қўлида эди. Улар ўз давлатларини Х. А. маслаҳатларига таяниб идора этганлар. Бунинг натижасида Самарқандда Улуғбек даврида юз берган маданий равнақ аста-секин сўниб, ислом дини жаҳолатпарастлиги, бидъат ва хурофот кучайди. Х. А. тарғиб қилиб келган фанатизм ғоялари мусулмон руҳонийлари ва феодал кучлар қўлида меҳнаткаш оммани асоратда сақлаш воситасига айланган.

ХЎЖА АҲРОР КОМПЛЕКСИ — Самарқанд р-ни Улуғбек қишлоғидаги архитектура ёдгорлиги. *Хўжа Аҳрор* қабри яқинида. Турли даврларда бунёд этилган мадраса (қ. *Нодир Девонбеги мадрасаси*), масжид ва минора (19-аср — 20-аср бошлари) ҳамда ҳовуздан иборат. Мадрасанинг бош ва ён фасадларида равоқли пештоқлари бўлиб, тўртбурчак ҳовлисининг атрофи ҳужралар б-н ўралган, ғарб томонда масжид бор. Масжид синчли бино бўлиб, тўғри тўртбурчак тарҳли, ёғоч устун-тўсинли. Минора олд томонида атрофи чинорлар б-н ўралган ҳовуз ҳам комплексга уйғунлаштириб барпо этилган. Мадраса кошин б-н, масжид ёғоч ўймакорлиги, муқарнас, ганч ўймакорлиги б-н базатилган, шифти ҳовузакли.



Хўжа Илимкон хонақоси.

ХЎЖА ЗАЙНИДДИН ХОНАҚОСИ (МАСЖИДИ) (16-аср 1-ярми) — Бухородаги архитектура ёдгорлиги. Масжиди Қалонининг ғарбида. Бино ҳужралари борлиги учун уни хонақоҳ дейиш мумкин, лекин масжидга ҳам мўлжаллаб қурилган. Гумбазли катта залнинг ғарб томонида 5 ҳужра, ғарбий равоқда Хўжа Зайниддин деган шахснинг қабри бор. Шимоли-шарқдаги айвон кўкаламзор ва ҳовузли ҳовлига қараган. Ҳовузининг ўймакори нақш б-н безатилган, аждарининг оғзига ўхшатиб ишланган мармар нови бор. Атрофига харсангдан зина ишланган. Сарғиш қумтош б-н қопланган бино баланд асосга қўйилган. Масжиднинг айвонга тақалган девори чуқур равоқли *намоён*ларга бўлинган. Айвоннинг харили шифтини баландлиги 7 *м* ли 8 ёғоч устун кўтариб туради, шифт жозибадор безатилган. Зални ганчкори панжарали дарчалар ёритиб туради, деворлари мураккаб нақшлар б-н безатилган (ранг-баранг сирли парчинлардан ажойиб нақшлар ишланган).

ХЎЖА ИЛИМ КОН ХОНАҚОСИ (16—17-асрлар) — Шаҳрисабз р-нидаги архитектура ёдгорлиги. Қишлоқ қабристонида, Хўжа Абдубоқи исмли шайхнинг дахмаси (мармар б-н қопланган, тош ўймакорлиги б-н нафис безатилган) ва б. бинолардан иборат комплекс таркибида, хонақо пештоқли, гумбазли, тўғри тўртбурчак (24×20,2 *м*) тарҳли, бурчакларида гулдасталар ишланган. Бино ичидаги квадрат (11,8×11,8 *м*) хонанинг дарчаларига ганчкори панжаралар ўрнатилган.

Ад.: Абдурасулев Р. Р., Рempель Л. И., Неизвестные памятники бассейна Кашка-Дарьи, «Искусство зодчих Узбекистана» тўпламида, т. 1, Т., 1962.

ХЎЖА ИСО МАСЖИДИ — Сурхондарё обл. Шерободдаги архитектура ёдгорлиги. Р-н марказидан 6 *км* жанубий-шарқда. 11-аср охири — 12-аср бошларида яшаган ислом дини арбобларидан Абу Исо шарафига бунёд этилган, дафн этилган жойи номаълум. Тўғри тўртбурчак тарҳда (19,5×6,7 *м*) қурилган, ички ҳажми бир-бирига тенг 3 та квадрат хонага ажратилган, улар ўзаро тенг 3 гумбаз б-н қопланган. Жануб томондаги бино мақбара бўлиб, бошқалари масжид вазифасини ўтаган, ўртадаги хонанинг ғарбида меҳроб бор. Шарқдан кенг айвонга туташ. Масжид пишиқ ғиштдан қурилган бўлиб, безаксиз.

ХЎЖА МУҲАРРАМ МАДРАСАСИ (1839) — Хивадаги архитектура ёдгорлиги. Паҳлавон Маҳмуд мақбараси ёнида. Бир қаватли бино (21×19,5 *м*). Ҳовлисининг (11,8×11,8 *м*) шимоли-шарқий бурчагидан дарсхонага кирилади. Ҳовли атрофидаги ҳужралар гумбазлар б-н ёпилган.

ХЎЖАЛАБДУЖАББОР — Қашқадарё обл. Чироқчи р-ни Ленинград қ. С. даги қишлоқ. «Коммуна» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 4 *км*, яқин т. й. станцияси — Яккабоғ (16 *км*). Аҳолиси 1648 киши (1974); пахтачилик, ғаллачилик, чорвачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Қашқадарёдан сув ичади. Болалар боғчаси, медпункт бор.

ХЎЖААРИҚ — Андижон обл. Марҳамат р-ни Қорақўрғон қ. С. даги қишлоқ. «Комсомол 50 йиллиги» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 10 *км*, яқин т. й. станцияси — Асака (33 *км*). Аҳолиси 1109 киши (1976); пахтачилик, пиллачилик, боғдорчилик, токчилик б-н шуғулланган. Жанубий Фарғона каналидан сув ичади. Урта мактаб, к-з правленияси идораси, клуб, кутубхона, кинотеатр, дорихона, медпункт, алоқа бўлими бор.

ХЎЖААРИҚ — Фарғона обл. Тошлоқ р-ни Бирлик қ. С. даги қишлоқ. «22-партсъезд» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 18 *км*, яқин т. й. станцияси — Охунбобоев (23 *км*). Аҳолиси 651 киши (1974); пахтачилик, чорвачилик, пиллачилик, боғдорчилик, токчилик б-н шуғулланади. Жанубий Фарғона каналидан сув ичади.

ХЎЖААРИҚ — Хоразм обл. Ҳазорасп р-ни Ошоққорвак қ. С. даги қишлоқ. Р-нинг жануби-шарқида, «Ленинград» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 9 *км*, яқин т. й. станцияси — Ҳазорасп (11 *км*). Аҳолиси 631 киши (1976); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик, сабзавотчилик б-н шуғулланади. Полвон канали орқали Амударёдан сув ичади. Саккиз йиллик мактаб, сут-товар фермаси бор.

ХЎЖААҲРОРИ — маҳаллий, эртапишар, хўраки узум нави. Тупи ўртача ва катта ўсади. Барги тўғарак, бутун ёки уч бўлакли, туксиз. Гули икки жинсли. Августда пишади. Узум боши йирик, цилиндрсимон, ўртача зич ёки ҳавол. Гужуми ўртача думалоқ тухумсимон, оқ. Таркибида 20—22% қанд бор. Гектаридан 100—140 *ц* ҳосил беради.

ХЎЖАБАҚИРҒАН — Фарғона водийсидаги дарё. Туркистон тизмасининг шимолий ён бағридан бошланади. Узунлиги 117 *км*. Ҳавзасининг умумий майдони 2150 *км*². Ўртача йиллик сув сарфи 10,3 *м*³/*сек*. Музлик ва қор сувларидан тўйинади. Асосий ирмоқлари — Лайлак ва Қозбола. Кўп қисми ҚирғССР терр-ясида оқади, суви сугоришга сарфланиб, ТожССРнинг Ленинобод ш. га етмасдан тугайди.

ХЎЖАБОҒ — Қашқадарё обл. Шаҳрисабз р-ни Мўминобод қ. С. даги қишлоқ. Р-н марказидан 12 *км*, яқин т. й. станцияси — Китоб (16 *км*). Аҳолиси 724 киши (1974); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Оқдарёдан сув ичади. Урта мактаб, маданият саройи, медпункт бор.

ХЎЖАГАНИШ-1 — Самарқанд обл. Самарқанд р-ни Боғибаланд қ. С. даги қишлоқ. «Зарафшон» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 8 *км*, яқин т. й. станцияси — Самарқанд (12 *км*). Аҳолиси 1780 киши (1976); сабзавотчилик, боғдорчилик, чорвачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Янгиариқ канали орқали Зарафшон дарёсидан сув ичади. Клуб, ўрта мактаб, кутубхона, медпункт, болалар боғчаси бор.

ХЎЖАГАНИШ-2 — Самарқанд обл. Самарқанд р-ни Боғибаланд қ. С. даги қишлоқ. «Зарафшон» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 10 *км*, яқин т. й. станцияси — Самарқанд (2 *км*). Аҳолиси 806 киши (1976); боғдорчилик, пиллачилик, чорвачилик, сабзавотчилик б-н шуғулланади. Янгиариқ канали орқали Зарафшон дарёсидан сув ичади. Ремонт устахонаси, сут-товар фермаси, саккиз йиллик мактаб бор.

ХЎЖАГУЗАР — Самарқанд обл. Ургут р-ни Урамас қ. С. даги қишлоқ. «Ленинград» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 12 *км*, яқин т. й. станцияси — Самарқанд (53 *км*). Аҳолиси 541 киши (1976); тамакичилик, токчилик, сабзавотчилик б-н шуғулланади. Янгиариқ канали орқали Зарафшон дарёсидан сув ичади. К-з ремонт устахонаси, саккиз йиллик мактаб бор.

ХЎЖАДУШАНБА — Қашқадарё обл. Китоб р-ни Қишлик қ. С. даги қишлоқ. «Қишлик» с-зи терр-ясида. Р-н марказидан 22 *км*, яқин т. й. станцияси — Китоб (26 *км*). Аҳолиси 682 киши (1974); боғдорчилик, чорвачилик, ғаллачилик б-н шуғулланади. Қашқадарёдан сув ичади.

ХЎЖАЕВ Азмиддин (1892—Тошкент—1946) — Узбекистонда шахматчилик ҳаракатининг дастлабки ташкилотчиларидан бири, биринчи категорияли шахматчи (1929). Узбекистоннинг биринчи расмий чемпиони (1930, Самарқанд). Узбек шахматчилари ўртасида 1924 йилгача мавжуд бўлган махсус эски ўйин қоидаларидан халқаро қоидаларга ўтиш ислоҳотига бошчилик қилган. Тошкентнинг Эски ш. да шахмат тўгараклари очиб, уларда малакали шахматчилар тайёрлаган. 2 мартадан УзССР чемпионлари Х. Абдуллаев, А. Айрапетов ва б. Х. шогирдларидир. 1972 йилдан Тошкентда Х. хотирасига бағишланган Бутуниттифоқ (1978 йилдан халқаро) анъанавий шахмат турнири ўтказилмоқда.



Хўжаев А.

ХЎЖАЕВ Акрам Рустамович (1927. 13. 1, Фарғона обл. Қўқон ш.) — совет давлат ва партия арбоби, геология-минералогия фанлари д-ри (1969). УзССРда хизмат кўрсатган геолог (1977). 1950 йилдан КПСС аъзоси. И. М. Губкин номидаги Москва Нефть кимёси ва газ саноати ин-тини тугатган (1962). 1948—61 йилларда УзССР Халқ хўжалиги кенгашининг газ ва нефть саноати бошқармасида ишлаган. 1961—65 йилларда Андижон обл. партия комитети секретари, УзССР Халқ хўжалиги кенгаши раисининг биринчи ўринбосари, Андижон обл. саноат партия комитети биринчи секретари, Андижон обл. ижроия комитети раиси. УзССР Халқ хўжалиги кенгаши раиси. 1965 йилдан УзССР Министрлар Совети раиси ўринбосари. «Фарғона водийси шимолий қисмининг геологик тузилиш хусусиятлари ва нефть-газлилик истиқболи» темасида д-рлик диссертацияси ёқлаган (1969).

Илмий ишлари, асосан, Узбекистондаги нефть-газ конларининг пайдо бўлиши, минерал ёқилғи ресурслари, уларни қидириб топиш, разведка қилиш ва фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлиги масалаларига бағишланган. Узбекистон КП МҚ аъзоси. 6—9-чақириқ Узбекистон ССР Олий Совети депутати. Ленин ордени, 3 та Меҳнат Қизил Байроқ ордени ва медаллар б-н мукофотланган.

Ас.: Геология и нефтегазоносность Северной Ферганы, Т., 1969, Минеральные топливные ресурсы Узбекистана и экономика их использования, Т., 1972 (П. К. Савченко, П. К. Азимов б-н биргаликда); Нефтяные и газовые месторождения Узбекистана, кн. 1—2, 1973—74; (А. М. Акрамхўжаев ва б. б-н биргаликда); Топливно-энергетические комплексы Среднеазиатского экономического района, Т., 1974 (П. К. Савченко б-н биргаликда); Экономическая эффективность поисковых и разведочных работ на нефть и газ в Узбекской ССР, Т., 1976 (Н. Н. Ниёзов, А. Б. Бердиев б-н биргаликда).



Хўжаев А. Р.

ХЎЖАЕВ Асадулла Ашрапович (1920. 12. 4, Тошкент) — совет давлат ва партия арбоби. 1945 йилдан КПСС аъзоси. Тошкент Темир йўл транспорти инженерлари ин-тини тугатган (1942). Дастлаб қурилишда инженер, темир йўл дистанциясида бошлиқ ўринбосари бўлиб ишлаган. 1947—51 йилларда Қўқон темир йўли дистанциясининг бошлиғи. 1951—54 йилларда Узбекистон КП МҚ саноат-транспорт бўлимида инструктор. 1954—63 йилларда УзССР Автомобиль транспорти ва шоссе йўллар министри ўринбосари, кейинчалик министрнинг биринчи ўринбосари. 1963 йили Узбекистон КП Самарқанд обл. комитетининг саноат бўйича биринчи секретари. 1964—67 йилларда Самарқанд обл. меҳнаткашлар депутатлари совети ижроия комитети раиси. 1968—73 йилларда Узбекистон КП Наманган обл. комитетининг биринчи секретари. 1973—

Хўжаев А. А.



Хўжаев А. Х.



Хўжаев Б.



Хўжаев Ж.



Хўжаев Л. Ш.

78 йилларда Узбекистон КП Тошкент шаҳар комитети биринчи секретари. 1978 йил декабрдан Ўзбекистон КП МҚ секретари. Узбекистон КП 17—19- съездлари, КПСС 24—25- съездлари делегати. 1973 йилдан Узбекистон КП МК бюроси аъзолигига кандидат. 1976 йилдан Ўзбекистон КП МҚ бюроси аъзоси. 7—9- чақириқ СССР Олий Совети, 6—9- чақириқ УзССР Олий Совети депутати. 2 марта Ленин ордени, 2 та Меҳнат Қизил Байроқ ордени ва медаллар б-н мукофотланган.

ХЎЖАЕВ Ашраф Хўжаевич (1909. 31. 12, Жанубий Қозоғистон обл. Туркистон р-ни)— терапевт, медицина фанлари д-ри (1954), проф. (1957). ТошМИни тугатгач (1943), шу ин-тда клиник ординатор (1943), даволаш ва госпиталь терапия кафедрасининг аспиранти (1943—45), ассистент (1945—51), доцент (1951—57), ТошМИ санитария-гигиена ф-ти (1968—71), 1972 йилдан стоматология ф-ти кафедраси мудири. «Тошкент иқлим шароитига мослашган соғлом ва юрак етишмовчилиги б-н оғриган беморларда организмнинг қондаги газ таркибига қараб кислород б-н таъминланиши» мавзуида д-рлик диссертацияси ёқлаган. Илмий ишлари юрак-қон томир касали б-н оғриган беморларга иссиқ иқлимнинг таъсирига оид.

ХЎЖАЕВ Бобо (1903. 15. 6, Тошкент)— ўзбек совет режиссёри. УзССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1957). 1941 йилдан КПСС аъзоси. Москва ўзбек драма студиясини тугатган (1930). 1930—32 йиллар Бухоро театрида актёр ва реж. 1932—56 йилларда миллий саҳна санъатини ва маданиятимизни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиб, республикамизнинг турли театрлари ва маданият бошқармаларида ҳар хил лавозимлар (актёр, реж., бош реж., бадиий раҳбар, директор ва б.) да ишлаб келди. 1956 йилдан Узбекистон телевидениесида реж. «Уйланиш» (Н. Гоголь), «Ҳамлет» (В. Шекспир; М. Уйғур б-н ҳамкорликда), «Фарҳод ва Ширин» (Хуршид), «Гулсара» (К. Яшин), «Майсаранинг иши» (Ҳамза; М. Мироқилов б-н ҳамкорликда), «Скапеннинг найранглари» (Мольер), «Фронт» (А. Корнейчук) каби спектакллар Х. режиссурасига мансуб.

ХЎЖАЕВ Жўра (1893, ҳозирги Самарқанд обл. Самарқанд р-ни Сочак қишлоғи)— соҳибкор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони (1949). Самарқанд р-нидаги Киров номли к-зда бригада бошлиғи (1931—53). Х. бошлиқ бригадада 13,5 *га* токзорнинг гектаридан 303 *ц* узум етиштирилган (1948). Ленин ордени ва медаллар б-н мукофотланган. 1954 йилдан пенсияда.

ХЎЖАЕВ Латиф Шарифович (1920. 19. 3, Бухоро ш.)— физик, физика-математика фанлари д-ри (1969), проф. (1972). Бухоро Педагогика ин-тининг физика-математика ф-тини тамомлаган (1937). Урганч Педагогика ин-тида ўқитувчи (1937—40), Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, Тожикистон Давлат ун-тида кафедра мудири (1953—58), ТожССР ФА физика ва математика бўлими мудири (1958—59), 1959 йилдан УзССР ФА Ядро физикаси ин-тининг назарий физика бўлими мудири. «Аксиоматик S — матрица методининг квантлаштирилган майдонлар назариясидаги масалалари» мавзуида д-рлик диссертациясини ёқлаган.

Илмий ишлари квантлаштирилган майдон назарияси ва элементар заррачалар физикаси масалаларига оид.

Қизил Юлдуз, 2- даража Ватан уруши ордени ва медаллар б-н мукофотланган.

ХЎЖАЕВ Насриддин — қ. *Насриддин Хўжаев.*

ХЎЖАЕВ Низомиддин — қ. *Низомиддин Хўжаев.*

ХЎЖАЕВ Носир Содиқович (1919. 5. 5, Тошкент)— хирург, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони (1969), ЎзССРда хизмат кўрсатган врач (1967), Соғлиқни сақлаш аълочиси (1951). ТошМИнинг даволаш ф-тини тугатган (1941). Улуғ Ватан уруши қатнашчиси (1941—47). ТошМИ умумий хирургия кафедрасида катта ассистент (1947—52), 10- шаҳар клиник касалхонасида хирургия бўлими мудири (1952—58). 1958 йилдан Тошкент Самолётсозлик з-дида медицина-санитария қисмининг хирургия бўлими мудири. Ленин ордени, 2 та Қизил Юлдуз ордени ва медаллар б-н мукофотланган.

ХЎЖАЕВ Олим [1910. 24. 9, Бухоро —1977. 14. 2, Москва (Тошкентда дафн қилинган)]— ўзбек совет актёри, режиссёр ва жамоат арбоби. СССР халқ артисти (1959). 1945 йилдан КПСС аъзоси. Бухородаги маориф билим юртини тугатган (1929). 1929 йилдан Ҳамза номидаги Узбек давлат академик драма театрининг артисти. 30- йилларда Калаф (К. Гоцци, «Маликаи Турандот»), Яровой (К. Тренёв, «Любовь Яровая»), Низомов (З. Фатхуллин, «Сотқинлар») каби образларни яратди. Актёр турли характерлардаги ролларни меъёрига етказиб ижро этар эди. Кўп йиллик тажриба, доимий изланишлари Ҳамлет (В. Шекспир, «Ҳамлет») образида ўз ифодасини топди. Х. талқинида Ҳамлет адолат, ҳаққоният, самимий инсоний муносабатларни тиклашга бел боғлаган олижаноб шахс сифатида гавдаланди. Х. қарийб ўттиз йил узлуксиз ижро этган бу роль фақат актёр ижодий биографиясидагина эмас, балки бутун совет театри тарихида ҳам олтин саҳифа бўлиб қолди. Актёр Қ. Яшин ва А. Умарийларнинг «Ҳамза»сидаги Ҳамза образини яратиш б-н ҳам муҳим муваффақиятни қўлга киритди. Ҳамзанинг ташқи қиёфаси, серғайрат ҳаракатларини, жўшқин қалби ва шоирона табиатини томошабинга етказишда артистга ўз қаҳрамони б-н шахсан таниш бўлганлиги катта ёрдам берди. Х. Ҳамзани гражданлик ва ватанпарварлик туйғуларига бой шахс, маърифатпарвар, динга, бидъатга қарши курашчи, гуманист шоир, коммунистик партиянинг содиқ ва жанговор вакили, меҳнаткаш омманинг яқин дўсти ва маслаҳатчиси, инқилоб куйчиси тарзида талқин қилди.

1945 йили Х. «Алишер Навоий» (Уйғун, И. Султон, СССР Давлат мукофоти, 1949) спектаклида Навоий ролини ижро этди. Спектаклда ҳаётга чинакам ижодкор кўзи б-н қараган, халқининг порлоқ келажагига ишончини асарларида эҳтирос б-н куйлаган, давлат ичидаги ижтимоий зиддиятлар, халқ ва сарой ўртасидаги қарама-қаршиликларни зўравонлик, қон тўкиш йўли б-н эмас, ақл-идрок кучи б-н ҳал қилган довюрак шоир ва мутафаккир қиёфаси гавдаланади. Навоийнинг инсоний, ижтимоий ва ижодий фазилатларини унинг шоирлик табиати орқали очиб берди. Х. бу ролни саҳнада 25 йил давомида ижро этди.

50- йилларда классик ва совет драматургиясининг Карл Моор (Ф. Шиллер, «Қароқчилар»), Нолинакха (Р. Тагор, А. Гинзбург, «Ганг дарёсининг қизи»), Полторацкий (К. Яшин, «Пўлчи юлдуз»), Астров (А. Чехов, «Ваня тоға»), Саттор (Б. Раҳмонов, «Юрак сирлари») каби образлари актёр ижодининг камолотга етишида муҳим погона бўлди. И. Султоннинг «Имон» спектаклидаги Комилов образи Х. талқинида бадиий етуклиги б-н ажралиб туради. Қаҳрамон б-н замондошлиги, зиёлилар психологиясини яхши билиши санъаткорга саҳнада Комилов тимсолида замондош интеллигентнинг типик образини яратишга имкон берди. Комилов маънавий гўзаллиги, поклиги, жўшқинлиги, ҳаётни севиши б-н томошабинни мафтун қилади.

60- йилларда яратилган Полвонов (С. Азимов, «Юлдузлар жамоли») профессор Содиқ Собирович (Уйғун, «Қотил») сингари образларда ҳам актёр замондошларидаги эзгу туйғулар, олижаноб фазилатларнинг тантанасини тараннум этди. Х. салбий образларни уларнинг ижтимоий моҳиятидан келиб чиқиб оча билди. Худбин ва қўрқоқ Пётр (М. Горький, «Мешчанлар»), такаббур ва олифта Паратов (А. Островский, «Сепсиз қиз»), Солиҳбой (Ҳамза, «Бой ила хизматчи») ва б. шулар жумласидан. Айниқса, Яго, Юлий Цезарь (В. Шекспир, «Отелло», «Юлий Цезарь») образлари чуқур реалистик талқинга эга. Х. Яго нинг ёвуз характерини маҳорат штрихлари б-н кўрсата олса, Юлий Цезарнинг шуҳратпараст ва худбинлигини, золим ва зўравонлигини моҳирона талқин этдики, Цезарь томошабинда кучли нафрат, жирканиш туйғуларини уйғотди.

Х. саҳнада яратган йирик образларидан яна бири Қирол Лир (В. Шекспир, «Қирол Лир»)дир. Актёр Лир образи орқали бойлик ва олтин ҳукмронлик қилган дунёда мулкдор, мансабдор кишигина роҳат кўриши, ҳамма ҳуқуқларга, иззат-икромларга эга бўлиши мумкин, булардан маҳрум бўлган инсон эса хўрликка, таҳқирларга маҳкум этилиб, одамийлик, олижаноблик ўрнини зулм, жаҳолат кабилар эгаллашини ифодалади. Х. бу ролни психологик ўткир, юксак маҳорат б-н ижро этди (Ҳамза номидаги УзССР Давлат мукофоти, 1967). Сальвадор Альенде (В. Чичков, «Чили, сенга ишонаман»), Креонт (Софокл, «Антигона») ва Акбарбой (К. Яшин, «Инқилоб тонги», СССР Давлат мукофоти, 1977) каби ғоявий-бадиий мукаммал образларни Х. саҳнада кейинги йиллар яратди.

Х. режиссёр сифатида «Май тўкилди» (А. Глоба), «Юрак сирлари» (Б. Раҳмонов), «Бой ила хизматчи» (Ҳамза, Болгариянинг Хасково театрида), «Тарих тилга кирди» (Н. Сафаров, З. Саид) сингари спектакларни саҳналаштирди. Х. кинода ҳам самарали ижод қилиб, Хўжа Ахрор, Ҳакимбойвачча («Улуғбек юлдузи», «Қутлуғ қон», реж. Л. Файзиев), Давронбек, Ҳамза («Фарзандлар», «Ҳамза», реж. З. Собитов), Обидий («Умид», реж. Ғ. Шермуҳамедов) ва б. ролларни усталик б-н ижро этди. Х. ижоди ижтимоий, фалсафий ва ғоявий мазмунга тўла. У ўз қаҳрамонлари хусусиятини, ижтимоий муҳит б-н муносабатларини, ички дунёси ва кечинмаларини ҳаётий ва реал тасвирлай олувчи ўзига хос актёрдир.

Х. жамоат ва давлат арбоби сифатида ҳам танилган. Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси бўлган (1966—71, 1976—77), УзССР Театр жамиятининг раиси (1955—77). 1963—77 йиллар Адабиёт ва санъат соҳаси бўйича Ленин мукофоти комитети Президиумининг аъзоси. 6—9- чақириқ УзССР Олий Совети депутати. Ленин ордени, Меҳнат Қизил Байроқ, 2 та «Ҳурмат Белгиси» орденлари ва медаллар б-н мукофотланган. Сирдарё обл. Музикали драма ва комедия театри, Бухоро маданий-оқартув техникуми, Тошкентдаги бир ўрта мактаб ва кўча унинг номи б-н аталади (433- бетдаги вклейкага қ.).

Ад.: Фельдман Я. С., Олим Хўжаев. Т., 1961; Жўраев Ф., Саҳна сеҳргари, «Шарқ юлдузи», 1970, № 10.



Хўжаев О.



Хўжаев С. М.

ХЎЖАЕВ Саъдулла Мадаминович (1927. 3. 2, Тошкент)— иқтисод фанлари д-ри (1966), проф (1967). 1958 йилдан КПСС аъзоси. Тошкент Темир йўл транспорти инженерлари ин-тини тугатган (1950). Москва Транспорт экономикаси ин-тида аспирант (1952—55), Узбекистон ССР ФАнинг республика Ишлаб чиқарувчи кучларини ўрганувчи кенгашда кичик, сўнгра катта илмий ходим (1955—57). Узбекистон ССР ФА Иқтисод илмий тадқиқот ин-тида сектор мудири (1958—68), республика Давлат план комитети қошидаги Экономика илмий тадқиқот ин-ти директори (1969—73). 1974 йилдан Тошкент Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари ин-ти сиёсий иқтисод кафедраси проф., сўнг мудири. «Ўрта Осиёнинг транспорт-иқтисодий алоқалари» мавзуида д-рлик диссертацияси ёқлаган. Асосий ишлари республиканинг транспорт тараққиёти масалаларига қаратилган.

Ас.: Узбекистон автомобиль транспорти, Т., 1969; Узбекистонда транспортни комплекс ривожлантириш, Т., 1975; Узбекистонда транспортнинг ривожланиши ва аҳамияти, Т., 1976.

ХЎЖАЕВ Сойиб (1910. 5. 12, ҳозирги Андижон обл. Қўрғонтепа р-ни Хонобод қишлоғи)— ўзбек актёри. УзССР халқ артисти (1939). 1945 йилдан КПСС аъзоси. Актёрлик фаолиятини 1927 йил Қўқон театрида «Ҳалима» спектаклида эпизодик роль ўйнашдан бошлади. 1928—39 йиллари Андижон театрида, 1939 йилдан Муқимий номидаги Узбек давлат музикали драма театрида актёр. Труффальдино (К. Гоцци, «Маликаи Турандот»), Соли домла (К. Яшин, «Уртоқлар»), Бобчинский (Н. Гоголь, «Ревизор») ва б. образларни Андижон театрида яратди. Х. сатира ва юмор, халқ қизиқчиларининг бадиҳалари, мимика ва пантомима воситаларидан кенг фойдаланган ҳолда сўз ўйини анъаналарини саҳна имкониятлари доирасида ривожлантирганлардан. Мулладўст (Ҳамза, «Майсаранинг иши»), Ҳузурхўжа (К. Яшин пьесаси; Т. Жалилов, Я. Шерфединов музикаси, «Нурхон»), Микола (И. Котляревский; Н. Лисенко, «Полтавалик Наталка»), Тоби (В. Шекспир, Р. Вильданов, «Ун иккинчи кеча») ва, айниқса, Ҳ. Ғулом ва



Хўжаев С.



С. Хўжаев «Тошболта ошиқ» спектаклида Тошболта (Рисолат — Ф. Раҳматова).



Хўжаев Сулаймон



Хўжаев С.



Хўжаев Т.

М. Левиевнинг «Тошболта ошиқ», «Ажаб савдолар» комедияларида Тошболта, Вакил қассоб ролларини моҳирона ижро этган. Тошболта ролини 1500 марта ўйнаган. «Ёр-ёр» (Аҳмаджонов), «Дилбарим» (Зуҳуров) фильмларида комик образлар яратган.

Ад.: Кодиров М., Сойиб Хўжаев, Т., 1973.


ХЎЖАЕВ Сулаймон (асли номи Сулаймонхўжа Насруллахўжа ўғли) (1866—Тошкент—1947. 21. 1)—ёғоч ўймакори, Тошкент нақшлигининг йирик вакили. Меҳнат Қаҳрамони (1932). 17 ёшигача отаси б-н, кейин Искандар Мирзаёқубов устахонасида ишлаган. Тошпўлат *Айюбхўжаев*дан паргори нақшини мукаммал ўрганди (1891 йилдан). 1913 йилда Бутун Россия ҳунармандлик-саноат кўргазмаси (Санкт-Петербург)да қатнашиб, бронза медаль б-н тақдирланди. Совет ҳокимияти йилларида уста узоқ йиллар Тошкент ш. халқ маорифи бўлими ҳузуридаги тўгаракларга раҳбарлик қилди, ўқув-ишлаб чиқариш комбинатида ишлади, у ишлаган бадиий буюмлар кўргазмаларда намойиш қилинди (1923 йилда Бутун Россия қ. х. ва ҳунармандчилик кўргазмасида, 1927 йилда СССР халқлари санъати кўргазмасида, 1930 йилда ЎзССРнинг 5 йиллигига бағишланган кўргазмада). 1937 йилги Санъат ва техника халқаро кўргазмаси (Париж)да ижоди юксак баҳо олди. Х. шогирдларидан Муҳаммадвали Асқаров (1909—49), М. *Қосимов* паргори нақшини ижодий ривожлантирдилар.


Ад.: Аведова Н. А., Паргори. Вид резьбы по дереву в работах народного мастера Сулеймана Ходжаева, Т., 1958.

ХЎЖАЕВ Сулаймон Умархўжа ўғли (1893—Тошкент—1943)—ўзбек кино актёри, сценарийчи, кинорежиссёр. Ўзбек кино санъатининг асосчиларидан. 1924 йилдан КПСС аъзоси. Кинодаги фаолиятини 1926 йилдан бошлаган. У дастлаб «Чодра», «Равот қашқирлари», «Паранжи», «Сўнгги бек» каби фильмларда актёр сифатида ўз замондошлари образини яратди. Кейинроқ «Авлиё қизи» (1931) фильмида Абдунаби эшоннинг мураккаб ва муғамбир образини усталик б-н ижро этди. 1932 йилда «Машина ва пахта» ҳужжатли фильмига режиссёрлик қилди. 1934 йилда «Тонг олдидан» бадиий фильмини (сценарийсини ўзи ёзган) суратга олди. Фильм 1916 йилдаги Ўрта Осиё қўзғолонига бағишланган. Мазкур фильм ўзбек киносида реалистик тенденциянинг мустаҳкамланишида муҳим роль ўйнади.

ХЎЖАЕВ Тошхўжа Умарович (1922. 1. 9—Тошкент—1975. 22. 5)—ўзбек совет режиссёри, актёр, педагог. ЎзССР халқ артисти (1959). 1944 йилдан КПСС аъзоси. Тошкент Театр ва рассомлик санъати ин-тини тугатган (1951). 1950—60-йиллар Ҳамза номидаги Ўзбек давлат академик драма театрида реж., бош реж., айни вақтда (1957—70 йилларда) Тошкент Театр ва рассомлик санъати ин-тида педагог. Х. 1970—75 йиллар «Ўзбекфильм»да киноактёрлар студиясига раҳбар, бир қанча фильмларда актёр сифатида иштирок этди. Илк бор Мольернинг «Скапеннинг найрангларн» асарини саҳналаштирган. «Шоҳи сўзана» (А. Қаҳҳор, А. Гинзбург б-н ҳамкорликда), «Юрак сирлари» (Б. Раҳмонов), «Шахсий иш» (А. Штейн), «Қутлуғ қон» (Ойбек, инсценировка автори Х.), «Олтин девор» (Э. Воҳидов), «Ҳуррият» (Уйғун), «Оила» (И. Попов), «Йўлчи юлдуз» (К. Яшин), «Олтинчи июль» (М. Шатров) каби 30 га яқин спектакларга режиссёрлик қилган. Бу спектакларда замонавий режиссурага хос максимал аниқлик, ҳар бир деталь ва хатти-ҳаракатни реалистик символ даражасига кўтариш услубини кўрамиз. Х. республикамизнинг турли театрларида «Байрамнинг биринчи куни» (Н. Ҳикмат, Тошкент рус драма театрида), «Ғазал фожиаси» (А. Бобожон, Муқимий театрида) ва б. спектакларни саҳналаштирди. У «Сарвқомат дилбарим» (Ч. Айтматов) спектаклини Татаристон театрида ҳам саҳналаштириб, А. Тўқай номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлди (1966). Ҳамза номидаги ЎзССР Давлат мукофоти лауреати (1970). «Ҳурмат Белгиси» ордени ва медаллар б-н мукофотланган.

ХЎЖАЕВ Файзулла (1896. 31. 6, Бухоро—1938. 15. 3)—совет давлат ва партия арбоби. 1920 йилдан Коммунистик партия аъзоси. Савдогар оиласида туғилган. Бухородаги эски мактабда, Москвадаги хусусий мактабда (1907—12) таълим олган. 1913 йилдан *жадидизм* ҳаракатида иштирок этди. 1916 йили *Ёш бухороликлар* партияси сафига кирди; 1917 йилдан дастлаб партия МҚ аъзоси, сўнгра партия раиси, айни вақтда (1918 йил февралда) Ёш бухороликлар революцион комитетига раис бўлди. Улуғ Октябрь социалистик рев-яси таъсирида Ёш бухороликларнинг бир қанча арбоблари қатори Х. қарашларида ҳам ўзгаришлар рўй берди, партияда бу ҳол ажралишга сабаб бўлди. Х. Ёш бухороликлар партиясининг амирликни ағдариб, демократик республика тузиш тарафдори бўлган сўл қаноти (ёш бухоролик революционерлар)га бошчилик қилди. Бу даврда у Совет Туркистони ва Совет Россиясининг большевиклари б-н мустаҳкам алоқада бўлди. *Бухорода 1918 йил март воқеалари*дан кейин Х. Тошкентга кетишга мажбур бўлди. Х. 1918 йил ноябрида Москвада—Туркистон АССР МИКнинг РСФСР ҳукумати ҳузуридаги мухтор ваколатхонасида Ёш бухоролик революционерлар партиясининг Москва комитетини тузди. Бундан асосий мақсад амирлик тузумини ағдариш учун Совет Россиясидан сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий ёрдам олиш эди. 1920 йил бошида Тошкентга қайтгач, Х. бу ерда ёш бухоролик революционерлар партиясининг Туркистон Марказий бюросини ташкил этди. 1920 йил Бухорода амирлик салтанатини абадий тугатган *Бухоро инқилоби* раҳбарларидан бири бўлди. Ўз тарихий вазифасини бажариб бўлган ёш бухоролик революционерлар 1920 йил сентябрида Бухоро Коммунистик партияси сафига ўтдилар. Биринчи бўлиб 11 сентябрда Х. Бухоро





Хўжаев Сулаймон ёғочга ўйиб ишлаган нақшлар.

КП сига кирди, шу куни у МҚ аъзолигига ҳам сайланди. Х. 1920 йил октябридан 1924 йил ноябригача БХСР Халқ Комиссарлари Советининг раиси, айни вақтда ташқи ишлар комиссари, сўнгра ҳарбий комиссар. 1924 йил ноябридан 1925 йил февралигача Узбекистон ССР Революцион комитети—Муваққат ишчи-деҳқон ҳукумати раиси. 1925—37 йиллари Узбекистон ХКС раиси.

Айни вақтда Х.—РКП(б) МҚ Ўрта Осиё бюроси [*ВКП(б) МК Урта Осиё бюроси*] аъзоси (1922—34). 1922—24 йиллари БХСРнинг Меҳнат ва мудофаа совети ва шу б-н бирга, 1923 йили Шарқий Бухоро Революцион ҳарбий совети раиси. 1924 йили Туркистон фронти революцион ҳарбий совети аъзоси (УзССР тузилгач, СССР Халқ ҳарбий-денгиз комиссарлигининг Узбекистон бўйича вакили). 1925 йилдан Узбекистон КП(б) МҚ бюроси ва УзССР МИК Президиуми аъзоси, СССР МИК раисларидан бири.

Х. нинг ғоявий чиниқиши ва давлат ҳамда партия арбоби бўлиб етишишида Я. М. Свердлов, М. В. Фрунзе, В. В. Куйбишев, С. И. *Гусев*, Ш. З. *Элиава* ва Я. Х. *Петерс*лар катта роль ўйнади. Х. ташаббуси б-н Бухоро Коммунистик партияси Коммунистик интернационал (1921) ва РКП(б) (1922) составига қабул қилинди. Х. Ўрта Осиёда миллий давлат чегараланишини ўтказишда, Узбекистон Коммунистик партияси ва Узбекистон ССРни ташкил этишда, республикада ер-сув ислоҳотини ўтказишда жонбозлик кўрсатди. Узбекистонда шаклан миллий, мазмунан социалистик маданиятни ривожлантиришга катта ҳисса қўшди. Х. айрим хато ва янглишишларга ҳам йўл қўйди, лекин бу камчиликларни ўз вақтида англаб бартараф этди.

Х. публицист сифатида катта мерос қолдирди. УзССР экономикаси ва маданиятининг ривожланиши йўллари атрофлича ёритилган, социалистик қурилиш йўллари умумлаштирилган кўп китоб, брошюра ва мақолалари нашр қилинган, доклад ва нутқлари матбуот саҳифаларида босилиб чиққан. Х.—РКП(б) [кейинча ВКП(б)] 12—17-съездлари, Узбекистон КП(б) 1—6-съездлари, Советларнинг 3—8-Бутуниттифоқ съездлари, Узбекистон ССР Советларининг 1—6-съездлари делегати. Ленин ордени, Қизил Байроқ ордени ва 1-даража БХСР ордени б-н мукофотланган.

Бухоро шаҳридаги р-н, Тошкент ва Бухородаги кўчалар, Самарқанддаги республика касалхонаси, УзССРдаги айрим к-з, с-з ва мактабларга Х. номи берилган.

Ас.: Избранные труды, т. 1—3, Т., 1970—73; Танланган асарлар, 3 томлик, 1-т, Т., 1976.

Ад.: Эшонов О. Э., Файзулла Хўжаев, Т., 1973; Нуруллин Р. А., Хасанов К. Х., Шек Л. К., Файзулла Хўжаев, Т., 1977.

ХЎЖАЕВ Шабот Хўжаевич (1924. 2. 5, Тошкент)—инфекционист, медицина фанлари д-ри (1960), проф. (1961), Узбекистонда хизмат кўрсатган врач (1964). ҚҚАССРда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби (1965). УзССРда хизмат кўрсатган фан арбоби (1977). 1966 йилдан КПСС аъзоси. ТошМИнинг даволаш ф-тини тугатгач (1946), Нукусдаги Республика касалхонасида ички касалликлар бўлими мудири (1946). СССР Медицина ФАнинг Эпидемология, микробиология ва юқумли касалликлар ин-ти (Москва)да аспирант (1946—50), кичик илмий ходим (1950—51). Тошкент Врачлар малакасини ошириш ин-ти юқумли касалликлар кафедрасида ассистент (1951—53), доцент (1953—56). СССР Медицина ФА Эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар ин-тида докторант (1956—60), Тошкент Врачлар малакасини ошириш ин-ти юқумли касалликлар кафедрасида проф. (1960—64), 1964 йилдан кафедра мудири. «Иммунланган организмда бруцеллёз касаллигининг кечиши ва қайталаниш клиникаси» мавзуида д-рлик диссертацияси ёқлаган. Илмий ишлари вабо, бруцеллёз, иммунологик юқумли касалликларда иммунологик ўзгаришлар, менингококк инфекцияси ва б. оид. 2 марта Меҳнат Қизил Байроқ ордени ва медаллар б-н тақдирланган.

Ас.: Холера Эль-Тор, [Руководство для врачей], София, 1970; Руководство по клинической иммунологии, [Руководство для врачей], М., 1971; Бруцеллёз, [Руководство для врачей,] М., 1972.

ХЎЖАЕВ Эрнафас (1916, ҳозирги Бухоро обл. Ромитан р-ни—1944. 13. 11)—Совет Иттифоқи Қаҳрамони (1945. 24. 3, вафотидан сўнг). 1944 йилдан КПСС аъзоси. 1938 йилдан Совет Армияси сафида. Улуғ Ватан урушида взвод командирининг ёрдамчиси сифатида Белоруссия фронтида алоҳида ўрнак кўрсатган. 1944 йилда Белосток обл. нинг Большие Тиневичи қишлоғи учун бўлган жангда сафдан чиққан командир ўрнида взводни бошқарган, душман б-н найзабозлик жангида бўлинмага раҳбарлик қилган. Х. га Ромитан р-ни марказида ва у ўқиган мактабда бюст ўрнатилган. Мактаб унинг номи б-н аталган.

Ад.: Навечно в сердце народном (К 30-летию победы над фашистской Германией), Минск, 1975.

ХЎЖАЕВ Қудрат Умарович (1911. 5. 5, Тошкент)—ўзбек совет актёри, режиссёр, ЎзССР халқ артисти (1956). 1943 йилдан КПСС аъзоси. Москва Давлат театр санъати ин-тини тугатган (1936). 1929 йилдан Ишчи Ёшлар театрида, 1936—41 йиллар ва яна 1952 йилдан Ҳамза номидаги Ўзбек давлат академик драма театрида актёр. Улуғ Ватан уруши қатнашчиси (1941—42). Х. УзССРнинг кўпгина театрларида реж., бош реж. бўлиб ишлади. Фитратнинг «Арслон» спектаклидаги имом роли Х. нинг театр саҳнасида яратган илк образидир. Франц (Ф. Шиллер, «Қароқчилар»), Лаэрт, Кассио (В. Шекспир, «Ҳамлет», «Отелло»), Қори ака (А. Қаҳҳор, «Тобутдан товуш»), Жоген (Р. Тагор, «Ганг дарёсининг қизи»), Саидхон (С. Азимов, «Қонли сароб») каби 80 га яқин ранг-баранг образлар яратган. Х. «Фарҳод ва Ширин» (Хуршид), «Момақалдироқ» (А. Островский) сингари кўпгина спектакларни саҳналаштирган. Кинода Наргиз («Алишер Навоий»), Назирий



Хўжаев Ф.



Хўжаев Ш. Х.



Хўжаев Қ.



Қ. Хўжаев—«Икки дил достони» фильмида Нақшибий.



Хўжаева С. Ш.



Хўжаева Х.



Х. Хўжаева — «Кутлуг қон» (Ойбек асари асосида тайёрланган спектакль)да Гулсун.

(«Ҳамза»), Нақшибий («Икки дил достони») ва б. образлари характерлидир. Саҳнада ҳам, экранда ҳам Х. салбий ва реакцион ролларда яхши чиққан. «Ҳурмат Белгиси» ордени ва медаллар б-н мукофотланган.

ХЎЖАЕВА Салима Шоюсуповна (1916. 1. 1, Тошкент) — ўзбек хонандаси, опера солистаси (лирик драматик сопрано). УзССР халқ артисти (1967). САГУнинг ишчилар ф-тида (1933—36), Тошкент музика билим юртида (1936—37) таълим олган. Москва Ўзбек опера студиясини (проф. Н. И. Сперанский синфи бўйича; 1941), Тошкент консерваториясини (1945) тугатган. А. Навоий номидаги Опера ва балет театри солисти (1941—67), Тошкент консерваторияси (1961—72) ва 1972 йилдан Тошкент Театр ва рассомлик санъати ин-тида педагог. Х. 20 йиллик ижодий саҳна фаолиятида Ғарбий Европа, рус ва ўзбек операларида асосий партияларни ижро этган. Мас., Зуҳра (Т. Жалилов, Б. Бровцин, «Тоҳир ва Зуҳра»), Ширин (В. Успенский, Г. Мушель, «Фарҳод ва Ширин»), Татьяна, Лиза (П. Чайковский, «Евгений Онегин», «Пиковая дама»), Нигор (У. Ҳожибеков, «Кўр ўғли») ва б. Унинг концерт репертуаридан ўзбек («Қаламлар» ва б.) ҳамда рус («Койима мени, онажон» ва ҳ. к.) халқ қўшиқлари, шунингдек романслар (мас., Т. Содиқов, «Баҳор»; М. Бурҳонов, «Табассум қилмадинг» ва ҳ. к.) ўрин олган. 2 та «Ҳурмат Белгиси» ордени ва медаллар б-н мукофотланган.

ХЎЖАЕВА Холида (1916. 1. 1, Самарқанд) — ўзбек совет актрисаси. УзССР халқ артисти (1956). Москвадаги Е. Вахтангов номидаги драма студиясини тугатган (1930). Студияда Х. Лазокат (Л. Аппоқова, «Қон ва сув»), Надя (Д. Фурманов, «Исён»), Мартин (Мольер, «Зўраки табиб») каби ролларни ижро этган. 1930—33 йиллар Бухоро театрида, 1933 йилдан Ҳамза номидаги Ўзбек давлат академик драма театрида актриса. Дилбар (К. Яшин, «Тор-мор»), Лауренсия (Лопе де Вега, «Қўзибулоқ»), Любовь Яровая (К. Тренёв, «Любовь Яровая»), Хонзода (Ҳамза, «Бой ила хизматчи»), Гавҳаршодбегим (М. Шайхзода, «Мирзо Улуғбек») каби 150 га яқин каттакичик образлари б-н ўзбек совет театри тараққиётига салмоқли ҳисса қўшди. Лирик қаҳрамонлар, драматик образлар, характерли ролларни моҳирона ижро этиш Х. ижодига хос.

ХЎЖАЕВЛАР — ўзбек цирк артистлари сулоласи. Сулола асосчиси УзССР халқ артисти (1939) Муҳаммад Хўжаев (лақаби «Чаққон») (1886, Қўқон — 1971. 28. 2, Тошкент). Циркка 8 ёшида келган. У, асосан, му-



С. Ш. Хўжаева У. Ҳожибековнинг «Кўр ўғли» операсида Нигор (Кўр ўғли — Булбул Мамедов).



Манежда Л. Хўжаева.

аллақчилик, дорбозлик, қизиқчилик қилган. 1931 йилдан от ўйнатувчи сифатида танилган. «Топқир от» номери б-н машҳур. Унинг қизи Лола Хўжаева (1923. 18. 9, Самарқанд) — цирк чавандози. УзССР халқ артисти (1950). 1953 йилдан КПСС аъзоси. У от устида турли мураккаб машқлар бажариб, шуҳрат қозонган. Шунингдек, Лола Хўжаева ўргатилган итлар ўйнатувчиси ҳамдир. 3 марта «Ҳурмат Белгиси» ордени ва медаллар б-н мукофотланган. Лобар Хўжаев (1932. 5. 6, Тошкент) — Муҳаммад Хўжаевнинг ўғли. УзССРда хизмат кўрсатган артист (1964). Бошқа Х. б-н биргаликда от устида мураккаб номерлар кўрсатади. Сарват Беҳбудий (Хўжаев, 1945, Тошкент) — Лола Хўжаевaнинг ўғли. ТожССРда хизмат кўрсатган артист (1971). Икки от устида жонглёрлик қилишда СССРдаги энг моҳир санъаткорлардан бири. Шунингдек, ўргатилган филлар б-н чиқиш қилади, от устида қийин машқлар бажаради. Лола Хўжаевaнинг кенжа ўғли Юрий Дуров (1954, Москва) ва Лобар Хўжаевнинг ўғли Анвар Хўжаев (1961) лар — сулоланинг давомчилари; улар ҳам масхарабозлик номерларида қатнашиб, от устида муаллақ ошишади, гимнастик ўйинлар кўрсатишади.

Ад.: Дмитриев Ю., Советский цирк, М., 1963; Абидов Т., Династия Ходжаевых, «Советская эстрада и цирк», М., 1968, № 6.

ХЎЖАИКАПА — Қашқадарё обл. Китоб р-ни Сиваз қ. С. даги қишлоқ. Навоий номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 11 *км*, яқин т. й. станцияси — Китоб (15 *км*). Аҳолиси 868 киши (1974); баҳорикор ғаллачилик, чорвачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Оқдарёдан сув оладиган Дам ариғидан сув ичади.

ХЎЖАИКОН ТУЗ КОНИ — Сурхондарё обл. нинг Термиз р-нидаги кон. Х. т. к. да ош тузи юқори юра даврига мансуб қатламлар орасида жойлашган. Хўжаикон букилмаси марказида ош тузи қатлами ер юзасига гумбазсимон кўтарилиб чиқиб, «туз тоғи»ни ҳосил қилади. «Туз тоғи» қадим замонлардан маълум. Ош тузи йирик донали бўлиб, таркибининг тозалиги б-н (92,3—99,7% NaCl) бошқа конлардан фарқ қилади. 1967 йили пармалаш ишлари олиб борилган. Х. т. к. даги ош тузи қатламининг қалинлиги 350—400 *м* га етади, унинг юқори қисми қаватларида калий тузи (ялама туз) қатламлари мавжуд. Калий тузи қатламлари қалинлиги 1,5—2—20—25 *м*; бирбиридан 20—50 *м* қалинликдаги ош тузи қатлами б-н ажралиб туради. Таркибида 33,9% KCl, 1% ча $MgCl_2$, 5% гача сувда эримайдиган компонентлар бор. Ранги оқ, сариқ, пушти, қизил. Кондаги туз қатламлари «туз тоғи» атрофидаги текисликда 150—300 *м* келадиган қум, гил, қумтош, оҳактош каби тўртламчи ва қуйи бўр даврларига мансуб ётқизиқлар б-н қопланган.

ХЎЖАИЛҒОР — Қашқадарё обл. Яккабоғ р-ни Сандал қ. С. даги қишлоқ. «Ленинизм» к-зи терр-ясида. Р-н маркази ва яқин т. й. станцияси — Яккабоғ (1 *км*). Аҳолиси 1395 киши (1974); пахтачилик, ғаллачилик, боғдорчилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Яккабоғ дарёсидан сув ичади. К-з идораси, маданият саройи, кинотеатр, касалхона, ўрта мактаб, болалар боғчаси, дорихона, алоқа бўлими, маиший хизмат кўрсатиш пункти, к-з машина-трактор парки бор. Амир *Темур* шу қишлоқда туғилган.

ХЎЖАИПОҚ — Сурхондарё обл. Бойсун р-нидаги дарё, Сурхондарёнинг ўнг ирмоғи. Бойсунтоғнинг шарқидаги Хўжабузбоғрактогдан, 3100 *м* баландликдан бошланади. Узунлиги 91 *км*, ҳавзасининг майдони 762 *км*², ўртача баландлиги 695 *м*. Йиллик ўртача сув сарфи 6,39 *м*³/*сек*. Қор ва ёмғирдан тўйинади. Дарёнинг гидроэнергия запаси 1 млрд. *кв/соат*. Х. 1,4 минг *га* экин майдонини суғоради. Қайроқ, Дуғоба, Дийбола, Қўрғонча, Оқсув, Фангарт қишлоқларидан оқиб ўтади. Ҳалқажар, Қизилсув, Хўжабузборак, Хўжанон, Қўрғончасой, Тентаксой деб ҳам юритилади. Сазан, қайроқбалиқ, усач учрайди.

ХЎЖАИСМОИЛ — Самарқанд обл. Пайариқ р-ни Оққўрғон қ. С. даги қишлоқ. «Пайариқ» с-зи терр-ясида. Р-н марказидан 22 *км*, яқин т. й. станцияси — Самарқанд (23 *км*). Аҳолиси 607 киши (1976); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик, сабзавотчилик б-н шуғулланади. Қурбонобод ариғи орқали Оқдарёдан сув ичади. Машина-трактор парки, ферма, саккиз йиллик мактаб бор.

ХЎЖАИЛ — ҚҚАССРдаги шаҳар, Амударёнинг қуйи оқими чап соҳилида, Нукусдан 24 *км*, т. й. станцияси, дарё пристани. Ленин номли ва Тошлиёп каналлари шаҳар ўртасидан ўтади.

Х. да пахта тозалаш, кема ремонти, ғишт, ёғ, мой-сут з-длари, тикувчилик ф-каси, гилам тўқиш цехи, нон, гўшт к-тлари, газ компрессор станцияси, бешта автохўжалик, педагогика, қишлоқ профессионал-техника билим юртлари, 16 умумий таълим ва 2 кечки ишчи ёшлар мактаби, 2 музика, 1 болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, пионерлар уйи, 11 клуб, 4 кинотеатр, 4 кутубхона, 376 ўринли касалхона, 3 поликлиника, 4 диспансер (118 врач ва 478 ўрта медицина ходими ишламоқда), 19 болалар боғча ва яслиси (3000 бола тарбияланмоқда) бор.

1921—22 йилларда Х. да Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ишлаган ва болалар уйи ташкил этган. Бу уй ҳозир Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий номи б-н аталади.

ХЎЖАЙЛИ РАЙОНИ — ҚҚАССРдаги р-н. 1926 йил 14 январда ташкил этилган. Шимолдан Амударё, шарқдан Амударё р-ни, ғарбдан Ленинобод ва Шуманай р-нлари, Жанубдан ТуркмССР б-н чегарадош. Майдони 1103 *км*². Аҳолиси 114000 киши (1977). Р-нда 7 овул Совети (Амударё, Кенагас, Кўлоб, Найманкўл, Саройкўл, Саричунқўл, Сомонқўл) бор. Маркази — Хўжайли ш.

Табиати. Рельефи, асосан, текисликдан иборат. Иқлими кескин континентал. Йиллик ўртача т-ра 11°. Январининг ўртача т-раси —6,9°, минимал т-ра —32°. Июлининг ўртача т-раси 27,1°, максимал т-ра 44°. Вегетация даври 196 кун. Йиллик ёғин миқдори 120 *мм*. Р-н терр-яси орқали Ленинёп, Қўнғирот, Советёп каналлари оқиб ўтади. Тупроқлари, асосан, қумли чўл тупроқлар. Ёввойи ўсимликлардан чий, қамиш, қўға, қўйтикан, рўвак, буғдойиқ, ажриқ, қорабароқ, оқбош, қарағай, юлғун, туронғил, ёввойи жийда, тол, селин ва б. ўсади. Ёввойи ҳайвонлардан асосан кемирувчилар, судралувчилар, қушлардан ўрдак, ғоз, оққуш, қўтон, бирқозон, читтак, нинуя, деққончумчуқ, қизилиштон, сассиқпопишак, заргалдоқ ва б. учрайди. Фойдали қазилмалардан пойдеворда ишлатиладиган тош олинади (Саричунқўл, Найманқўл).

Аҳолиси, асосан, қорақалпоқлар; ўзбеклар, қозоқлар, туркманлар, руслар, татарлар, кореецлар ва б. ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 *км*² га 103,3 киши. Шаҳарлари: Хўжайли, Тахиатош.

Хўжалиги. Х. р. автономияли республиканинг энг ривожланган саноат марказларидан биридир. Р-н терр-ясида 18 саноат корхонаси, 17 қурилиш, 12 автотранспорт ташкилоти, дарё, т. й. транспорти, газ қувурлари (5-компрессор станцияси Урал ва мамлакатимиз марказий р-нларига газ узатади) ва б. ишлаб турибди. Пахта тозалаш з-ди, йирик гўшт к-ти (16 хил маҳсулотга давлат сифат белгиси берилган), Тахиатош ГРЭС (ҚҚАССР), Хоразм ва ТуркмССРнинг Тошҳовуз областини электр энергияси б-н таъминлайди), Ўрта Осиёда энг йирик тегирмон ва ёрма к-ти, гуруч з-ди, аралаш ем з-ди, маиший хизмат кўрсатиш к-ти, тикувчилик ф-каси, гилам тўқиш цехи ва б. бор.

Қ. х. нинг асосий тармоғи — пахтачилик. Бундан ташқари маккажўхори, сабзавот ва полиз, ем-хашак экинлари ҳам экилади. Р-нда 8 к-з ва 4 с-з бор. 20000 *га* экин майдонининг 9700 гектарига пахта, 3000 *га* ерга маккажўхори, 550 *га* ерга полиз экинлари, 4000 *га* ерга беда, 1775 *га* ерга бир йиллик ўтлар экилади (1976). Р-н хўжаликларида 14200 қорамол (шундан 3900 таси сигир), 27200 қўй, 1600 чўчқа, 700 от (1977) бор. Давлатга 32000



Хўжаевлар мақоласига С. Беҳбудий (Хўжаев) от устида жонглёрлик қилмоқда.



Хўжайли райони. Газ компрессор станцияси.



т пахта, 67 *т* пилла (1976), 4700 *ц* шоли, 500 *т* картошка, 12600 *ц* сабзавот, 14700 *ц* гўшт (тирик вазнда), 20 минг *ц* сут, 975 минг дона тухум, 65 *т* жун (1976) сотилди.

Р-нда 76 умумий таълим мактаби (29000 бола ўқийди), пед. билим юрти, савдо-иқтисод техникуми, 4 профессионал-техника билим юрти (2000 ўқувчи), 67 кутубхона, 34 клуб, 11 кинотеатр, 23 киноустановка ишлаб турибди. Р-н «Коммунизм жўли» газетаси 1954 йилдан бери чиқиб турибди (тиражи 6200 нусха). 1275 ўринли 13 касалхона, 7 поликлиника, 47 медпункт, 165 ўринли 2 туғруқхонада 172 врач ва 691 ўрта медицина ходими ишламоқда.


Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари Ю. Маткаримов, С. Қайиров, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Ж. Қолдиқораев шу р-ликдир.

Р-нда архитектура ёдгорликларидан қадимги Миздаҳқон ш. харобалари ва Мазлумхонсулув мақбараси ёдгорлиги сақланиб қолган.

ХЎЖАКЕНТ — Тошкент обл. Бўстонлиқ р-ни Угом қ. С. даги қишлоқ. «Хўжакент» боғдорчилик-токчилик с-зи терр-ясида. Писком ва Угом дарёларининг қуйилиш жойида. Р-н марказидан 18 *км*, т. й. станцияси. Аҳолиси 2249 киши (1977); токчилик б-н шуғулланади. Чирчиқ дарёсидан ва булоқлардан сув ичади. Урта мактаб бор.

ХЎЖАКЕНТ — Тошкент обл. Ғалаба р-ни Коммунизм қ. С. даги қишлоқ. Волкова номли с-з терр-ясида. Р-н марказидан 15 *км*, яқин т. й. станцияси — Чиноз (10 *км*). Аҳолиси 1680 киши (1975); чорвачилик б-н шуғулланади. Чирчиқ дарёсидан сув ичади. Мактаб, маиший хизмат кўрсатиш пунктлари бор.

ХЎЖАКЕНТ ГЭСИ — Чирчиқ дарёсининг ўрта қисмида, Чорвоқ ГЭСидан қуйироқда қурилган. ГЭСнинг лойиҳа қуввати 165 минг *квт*. Қуввати 55 минг *квт* ли 3 та гидроагрегати бўлиб, биринчи гидроагрегати 1976 йилда, кейинги 2 гидроагрегати эса 1977 йилда ишга туширилган. ГЭС гидроузели таркибига баландлиги 40 *м*, узунлиги 597 *м* ли тўғон, тўғондан сув ташлашга мўлжалланган, ҳалқасимон қулфлар б-н беркитиладиган 3 та сув чиқарувчи иншоот ва станция биноси киради. ГЭС Урта Осиё бирлашган энергия системасига уланган.



Хўжайли райони. Мазлумхонсулув мақбараси.

ХЎЖАКЕНТ МАҚОНИ — мустье даври горлари. Ҳозирги Хўжакент қ. яқинидаги қоятошлар орасида. Бир-бирига ёндош иккита унгирдан иборат. Х. м. 1957 йилда топилган. 1958—59 йилларда ЎзССР ФА Тарих ва археология ин-тининг экспедицияси А. П. *Окладников* раҳбарлигида текширган. Биринчи унгирдан 36 *кв. м* майдон очилиб, унинг 1—2 қатламларидан илк ўрта асрлар сопол идишларининг синиқлари ва бир неча тош қуроллар, учинчи қуйи қатламдан эса мустье даврига оид сариқ харсангтош бўлаклари ва кўпгина тош қуроллар топилган. Майдоннинг бир четида тош қуроллар тайёрланган. 10 дан ортиқ йирик тошлар, шунингдек майда нуклеуслар учрайди. Х. м. дан тош парракча, қирғич, тош қуроллар, ўчоқ ўрни, унинг атрофидан ёнган тошлар ва қадимги ҳайвонларнинг суяк қолдиқлари топилган.

Иккинчи унгирдан ҳам ҳар хил тош қуроллар ва ҳайвон суяклари топилган. Х. м. да яшаган *неандерталь* одамлари овчилик ва теримчилик б-н кун кечирганлар.

Ад.: Окладников А. П., Работы палеолитического отряда в 1958 г. (Предварительные сообщения), Изв. АН УзССР, Серия общественных наук, 1958, № 4, стр. 55; Насретдинов Х. К., Ходжакентская пещера № 2 — мустъерский памятник близ Ташкента, «Общественные науки в Узбекистане», 1962, № 4, стр. 63—67.

ХЎЖАКЕНТ СУРАТЛАРИ — Тошкент обл. Бўстонлиқ р-нига қарашли *Хўжакент* қ. яқинида, Чирчиқ дарёсининг чап томонидаги қоятошларга ўйиб чизилган қадимги расмлар. 1949—50 йилларда археолог Х. А. Алписбоев ўрганган. Қоятош сатҳида одам, архар, ит, тоғ эчкиси, от ва б. нинг тасвирлари бор. Тасвирлар оддий (схематик), кўланка ва контур услубида тош ёки металл б-н уриб-чўкичлаб ишланган. Х. с. устида олиб борилган илмий тадқиқот ишлари тасвирлар илк темир даврига — мил. ав. биринчи минг йилликка мансуб эканлигини кўрсатади. Х. с. археологик ёдгорлик ва тарихий манба сифатида муҳим аҳамиятга эга.

ХЎЖАҚУЛ — ҚҚАССР Нукус р-ни Бердах овул Советидаги қишлоқ. «Бердах» с-зи терр-ясида. Р-н марказидан 62 *км*, яқин т. й. станцияси — Хўжайли (92 *км*). Аҳолиси 526 киши (1976); чорвачилик, қоракўлчилик, ғаллачилик, шоликорлик, сабзавотчилик б-н шуғулланади. Назархон канали орқали Амударёдан сув ичади. Саккиз йиллик мактаб, к-з чорвачилик фермаси бор.

ХУЖАЛАР — Бухоро обл. Олот р-ни Пахтакор қ. С. даги қишлоқ. Навоий номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 10 *км*, яқин т. й. станцияси — Қоракўл (2 *м*). Аҳолиси 773 киши (1976); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик, сабзавотчилик б-н шуғулланади. Олот канали орқали Зарафшон дарёсидан сув ичади. Ферма, саккиз йиллик мактаб, ремонт устахонаси бор.

ХУЖАЛАР — Бухоро обл. Қоракўл р-ни Саёд қ. С. даги қишлоқ. «Октябрь» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 11 *км*, яқин т. й. станцияси — Қоракўл (3 *км*). Аҳолиси 1200 киши (1975); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Аму-Бухоро каналидан сув ичади. Ўрта мактаб, болалар боғчаси, медпункт, к-з клуби бор.


ХЎЖАЛАР — Хоразм обл. Янгиариқ р-ни Қалинин қ. С. даги қишлоқ. Р-нинг жануби-ғарбида, Чапаев номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 6 *км*, яқин т. й. станцияси — Урганч (30 *км*). Аҳолиси 584 киши (1976); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик, шоликорлик, сабзавотчилик б-н шуғулланади. Полвон канали орқали Амударёдан сув ичади. Саккиз йиллик мактаб, сут-товар фермаси бор.

ХЎЖАЛИ-КЕДАБЕК МАДАНИЯТИ — Закавказьедаги сўнгги бронза ва илк темир даври (мил. ав. 13—7- асрлар)га оид археологик маданият. Дастлаб 19- асрнинг 90- йилларида Озарбайжоннинг Хўжали ва Кедабек қишлоқларидан топилганлиги туфайли шу ном б-н аталган. Асосан қабрлар, тош қутилар, мозорқўрғонлар қазиб ўрганилган. Жасадлар қабрларга ғужанак ҳолда ёнбоши б-н, шунингдек, чалқанча ётқизилган ва ўтқазилган ҳолда кўмилган; баъзан куйдирилган. Қабрлардан бронза буюмлар: қиличлар, турли ханжарлар, гурзилар, найзалар, қозонлар, кўзалар, ҳар хил безаклар, энли белбоғлар ва б. топилган. Х.-К. м. тараққиётининг сўнгги босқичларида темир буюмлар: найза, пичоқ, ханжар пайдо бўлган. Х.-К. м. вакиллари сопол идишлардан, тош вазалардан фойдаланганлар. Улар деҳқончилик, чорвачилик (йилқичилик) б-н шуғулланишган. Металлургия яхши ривожланган. Қўшни қабилалар б-н кенг алоқа боғланган. Х.-К. м. га мансуб қабилаларни ҳозирги Закавказье халқларининг узоқ аждодлари деб ҳисоблаш мумкин.

Ад.: Пиотровский Б. Б.,Археология Закавказья с древнейших времен до 1 тысячилетия до н. э., Л., 1949; Минкевич-Мустафаева Н. В., Памятники трёх основных групп Ходжалы — Кедабекской культуры на территории Азербайджанской ССР и их датировка, «Материальная культура Азербайджана» тўпламида, вып. 4, Баку, 1962.

ХЎЖАЛИК ЖИНОЯТЛАРИ — совет жиноят ҳуқуқига кўра, социалистик хўжаликнинг тўғри юритилишини бузувчи жиноий қилмишлар. Бундай жиноятлар иттифоқдош республикалар ЖК ларининг махсус бўлимида қайд этилган (мас., ЎзССР ЖК да 8- боб, 171—191[3]- моддалар). Х. ж. мансабдор ва хусусий шахслар томонидан содир қилиниши мумкин. Бундай қилмишлар халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида бўладиган умумий Х. ж. ва унинг айрим тармоқларида содир қилинадиган Х. ж. га бўлинади. Умумий Х. ж. га ман қилинган касб б-н шуғулланиш, планларнинг бажарилиши ҳақидаги ҳисоботларда қўшиб ёзиш ва фактларни бузиб кўрсатиш, хусусий корхоначилик, олди-сотди ишларда воситачилик қилиш, спиртли ичимликларни тайёрлаш, сотиш, сақлаш ва б. киради.

Халқ хўжалигининг айрим тармоқларида учрайдиган Х. ж. га саноат соҳасидаги (сифатсиз, стандартсиз ёки комплектсиз маҳсулотлар ишлаб чиқариш, маҳсулот белгисидан ғайри қонуний фойдаланиш), қ. х. соҳасидаги (ветеринария қоидаларини, ўсимлик зараркунандалари ва касалликлари б-н курашиш қоидаларини бузиш, экинларни онгли равишда нобуд




Хўжайли райони. 1. Тахиатош гидроузелидаги кема қатнаш шлюзи орқали барж а ўтиш пайти. 2. Ун-ёрма комбинати.

қилиш, иҳота ва б. мақсадларда экилган кўчатларини зарарлантириш), савдо соҳасидаги (олибсотарлик, харидорларни алдаш, сифатсиз, стандартсиз ва комплектсиз маҳсулотларни сотиш), табиий бойликларни муҳофаза қилиш соҳасидаги (балиқ ва б. сув ҳайвонларини, шунингдек қуруқликдаги ҳайвонларни ғайри қонуний овлаш, кондан фойдаланиш ва давлатга олтин топшириш қоидаларини бузиш, ғайри қонуний равишда ўрмон дарахтларини кесиш ва б.), алоқа, транспорт ва молия соҳаларидаги (почта маркалари, транспорт билетларини ясаш, кам миқдорда валюта ва қимматли қоғозларни сотиб олиш, сотиш, алмаштириш ва б.) жиноятлар киради.

Х. ж. ҳаракат ва ҳаракатсизлик (мас., балиқ запасларини қўриқлаш бўйича чора кўрмаслик) натижасида юз беради. Х. ж. нинг айрим турлари фақат мансабдор шахслар томонидан содир этилиши мумкин (қ. *Мансабдорлик жиноятлари*).

УзССР ЖКда Х. ж. учун 10 йилгача муддатга озодликдан маҳрум этиш, мол-мулкни мусодара қилиш, жарима солиш каби жазо турлари белгиланган.

ХЎЖАЛИК ИСЛОҲОТИ — СССРда янги хўжалик юритиш системасига ўтиш, марказлашган планлаштиришни такомиллаштиришга, бошқаришнинг иқтисодий усулларидан кенгроқ фойдаланишга, корхона ва хўжалик ташкилотларининг оператив-хўжалик мустақиллигини кенгайтиришга, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда меҳнаткашларнинг моддий манфаатдорлигини ва жавобгарлигини кучайтиришга асосланади. КПСС МҚ нинг 1965 йил Март ва Сентябрь пленумлари қарорларига биноан амалга оширилган. Х. и. ўтказиш СССРда ривожланаётган социализм барпо этилиши б-н боғлиқ. *Илмий-техника революцияси* шароитида тараққиётнинг ва ишлаб чи-



Хўжакент ГЭСи.

қариш миқёсининг ўсиши, хўжалик алоқаларининг мураккаблашиши Х. и. ни амалга оширишга сабаб бўлди, бу бир томондан, ишлаб чиқаришни такомиллаштириш перспектив масалаларини ишлаб чиқишга эътиборни кучайтирса, иккинчи томондан, жорий хўжалик фаолиятининг оперативлигини оширади. Экономикани бошқаришнинг бу системаси меҳнат унумдорлигини ва ишлаб чиқариш самарадорлигини кўпайтиради, бу социалистик мамлакат халқларининг фаровонлиги тез ўсишига ва уларнинг капитализм б-н иқтисодий мусобақада юқори натижаларга эришишига имкон беради. Х. и. социалистик экономикани бошқаришда социалистик жамиятда амал қилувчи объектив иқтисодий қонунлардан ҳар тарафлама фойдаланишга қаратилди.

Х. и. га қадар мавжуд бўлган Халқ хўжалиги кенгашлари муайян терр-ядаги барча саноат тармоқлари ва корхоналарини бирлаштириб бошқарар эди. Х. и. га кўра, саноатни территориал бошқаришдан тармоқ доирасида бошқаришга ўтилди. Халқ хўжалиги кенгашлари тугатилиб, корхоналар умуминттифоқ, умуминттифоқ-республика ва республика тармоқ министрликлари ихтиёрига ўтди. Тармоқ миқёсида бошқариш турли тармоқлар ичидаги корхоналарни ихтисослаштириш, уларнинг бошқа корхоналар б-н алоқасини мунтазамлаштириш учун йўл очди. Тармоқ бошқаришни йўлга қўйиш ва кучайтириш, ишлаб чиқариш ва илмий ишлаб чиқариш, иттифоқ (республика) бирлашмаларини тузиш йўли б-н бошқариш звеноларини қисқартириш СССРда Х. и. ни ўтказишда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Х. и. *социалистик мусобақани* ривожлантиришга имкон берди.

Х. и. тўлиқ *хўжалик ҳисоби*га ўтиш; *баҳо, фойда, кредит, мукофот* каби қиймат воситаларидан кенг фойдаланиш б-н ифодаланади. У ишлаб чиқаришни юритишда рағбатлантиришнинг аҳамиятини оширди, бошқаришнинг ленинча *демократик централизм* принципига изчиллик б-н амал қилишини таъминлади.

Х. и. га кўра, энг аввал планлаштириш ривожлантирилди; биринчидан марказий планлаштиришнинг роли оширилди, иккинчидан, корхоналарнинг планлаштиришдаги ташаббусига йўл очилди. Рентабелликни янгича ҳисоблаш корхонага ўз ишлаб чиқариш фондларидан самарали фойдаланишга имкон берди. Х. и. хўжалик ҳисобини ривожлантириш мақсадида фойданинг корхона б-н давлат ўртасида тақсимланишини ўзгартирди. Корхонанинг фойдадаги улуши унинг фаолиятига бевосита боғлиқ бўлиб қолди. Корхонанинг улуши ортди, чунки яхши ишлаган корхона фойданинг кўпроқ қисмини ўз ихтиёрида қолдирадиган бўлди. Фойдани янгича тақсимлаш тартиби корхона б-н давлат манфаатларининг уйғунлашувини таъминлади. Х. и. фойданинг корхонада тақсимланишини ҳам ўзгартирди. Корхонада қолган фойда ҳисобидан *иқтисодий рағбатлантириш фондлари* — корхонани ривожлантириш фонди, ходимларни моддий рағбатлантириш фонди, социал-маданий тадбирлар ва турар жой қуриш фонди ташкил этилди.

Х. и. ишлаб чиқаришни ривожлантиришда кредитнинг ролини оширди. Корхоналар ўз оборот маблағларини тўлдириб туриш ва капитал маблағлар б-н таъминланиш учун банкдан кредит олади ган бўлди. Бу эса корхоналарнинг моддий жавобгарлигини ошириб, улар фондларининг тез айланиб туришини рағбатлантиради.

КПСС 24- ва 25- съездлари Х. и. ни янада ривожлантириш йўлларини белгилади. КПСС 25- съезди *социализмнинг хўжалик механизмини* ривожлантириш йўлларини белгилаб, экономикани бошқаришда халқ хўжалигидаги пировард натижаларга эришишни, иқтисодий рағбатлантиришнинг омил ва воситаларидан моҳирлик б-н фойдаланишни зарур деб топди. Бу тадбирларни амалга ошириш Х. и. ни янада ривожлантиришни билдиради. СССРдаги Х. и. КПСС иқтисодий сиёсатининг мевасидир. Х. и. СССРда *коммунизм* қуриш учун хизмат қилади.

Х. и. бошқа қардош социалистик мамлакатларда ҳам уларнинг экономикаси эришган даражани, шу экономиканинг махсус хусусиятларини, экономикани бошқаришда тўпланган тажрибани ҳисобга олиб ўтказилди. Х. и. нинг айрим мамлакатлардаги хусусияти унинг моҳияти, мақсади, асосий принциплари умумийлиги шароитида мавжуддир. Х. и. шундан дарак берадики, социалистик экономика коммунизм томон ривожланган сари социализмга хос бўлган хўжалик юритиш механизми муттасил ривожланиб боради.

Ад.: Пленум ЦК КПСС, 24—26 марта 1965 г., Стенографический отчёт, М., 1965; КПСС 25-съезднинг материаллари, Т., 1976; Герцович Г. Б., Совершенствование методов хозяйствования в европейских странах — членах СЭВ, М., 1968; Хозяйственный расчёт в социалистической экономике: Из опыта стран СЭВ, М., 1976.

ХЎЖАЛИК ЙИЛИ — айрим корхона ёки бутун халқ хўжалиги фаолиятини планлаштиришни амалга оширадиган ва ҳисобот олиб борадиган вақт. Х. й. 12 ойга тенг, лекин турли муддатларда бошланиши мумкин. Капиталистик мамлакатларда айрим корхоналар турли Х. й. га эга, у баъзи вақтларда календарь йилига тўғри келса, баъзан тўғри келмайди (қ. *Бюджет йили*). СССРда 1921 йил сентябрдан 1930 йил сентябргача Х. й. 1 октябрдан 30 сентябргача ҳисобланган. СССР МИҚ нинг 1930 йил 20 сентябрь қарорига мувофиқ, Х. й. 1 январдан 31 декабргача ҳисобланади.

ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИ АНАЛИЗИ, социалистик корхоналарнинг хўжалик фаолияти анализи (корхоналар ишини иқтисодий анализ қилиш) — корхона ва ишлаб чиқариш бирлашмалари самарадорлигини ошириш мақсадида уларнинг хўжалик фаолиятини комплекс ўрганиш. Х. ф. а. социалистик корхоналарни бошқариш системасида зарур звенодир. У планлаштириш, лойиҳалаш, қурилиш ва корхонани ишга туширишнинг янги турларини яратиш, мавжудларини такомиллаштиришнинг барча босқичларида, шунингдек ижтимоий маҳсулот муомаласи соҳасида энг қулай вариантларни танлашга асосланади.

Корхоналарнинг Х. ф. а. ёрдамида ишлаб чиқариш, таъминот, реализация ва молия муносабатларининг барча томонлари ўрганиб чиқилади. Ҳар тарафлама тўла анализ қилиш мақсадида бир-бири б-н боғланган ягона аналитик системалар, яъни нормативлар ва планли маълумотлар, техник ҳужжатлар, бухгалтерия ва статистика ҳисоботлари ва б. оператив маълумотлардан фойдаланилади. Шу аналитик кўрсаткичлар системаси ёрдамида ишлаб чиқаришга таъсир этувчи техника ва технология, меҳнатни ташкил этиш, ишлаб чиқаришни бошқариш, молия ва кредит муносабатларининг хўжалик фаолиятига таъсири ўрганилади. Ҳар тарафлама кенг анализ қилиш учун инженер-техник ва иқтисодий маълумотларга эга бўлган мутахассислар жалб этилади. Анализ ишлари экономистлар томонидан бир корхона бўйича ёки ишлаб чиқариш бирлашмалари бўйича жамланади.

Йирик корхоналарда аналитик ишларга бош экономист раҳбарлигидаги иқтисодий лабораториялар ва иқтисодий анализ бюроси, ўртача ва кичик корхоналарда эса план бўлимида ташкил этилган иқтисодий анализ группалари ёки бюролари раҳбарлик қилади. Булардан ташқари, аналитик ишларда партия, комсомол ва касаба союз ташкилотлари ҳам актив қатнашади. Илмий-техника жамиятларида жамоат иқтисодий анализ бюролари ташкил этилган. Аналитик ишларнинг жамоатчилик асосида ташкил этилиши ишлаб чиқаришни бошқаришда ишчи-хизматчиларнинг ва инженер-техник ходимларнинг кенг иштирок қилишларига имкон беради, бошқаришнинг ленинча *демократик централизм* принципи асосида ташкил этилишини яхшилайди.

План бажарилишига ва план топшириқларининг асослилигига баҳо бериш ва хўжалик фаолиятининг КПСС иқтисодий сиёсати ва умумдавлат манфаатларига мос келиши нуқтаи назаридан корхоналар ва уларнинг бирлашмалари экономикаси комплекс ўрганилади. Давлат планини бажариш учун йўналтирилган ва план учёт-ҳисобот кўрсаткичлари системалари ва б. информация манбаларида ифодаланган хўжалик фаолияти анализнинг предмети ҳисобланади.

Математик метод ва ҳисоблаш техникаси ёрдамида иқтисодий информация олиш ва уни ишлаш усулларининг такомиллашуви Х. ф. а. ни корхона ва унинг айрим звеноларида илгари олинган кўрсаткичлар бўйича ҳар куни, баъзи бир кўрсаткичлар бўйича эса ҳар бир ишчи кунлари давомида олиб боришга имкон беради. Бу эса, ўз навбатида, корхоналарнинг кундалик эришган ютуқларини оператив баҳолашдан ташқари, яқин кун ва ҳафталардаги хўжалик операциялари ҳақида ҳам маълумот беради.

Анализ методи хўжалик планларининг бажарилиши ва хўжалик тараққиёти ўсишига таъсир этувчи алоҳида омилларни ўзаро бир-бири б-н боғлиқ ҳолда комплекс ўрганади, умумлаштиради. Бу эса план кўрсаткичларини ва учёт-ҳисобот ва б. информация манбаларини анализ предметига мос бўлган махсус иқтисодий-математик ва статистик усуллар ёрдамида ишлаш йўли б-н амалга оширилади. Ҳар хил кўрсаткичлар бўйича ўзаро боғланувчи омилларни группалаш ва таққослаш, ўзаро боғланган аналитик кўрсаткичлар системасини ишлаб чиқиш, ҳисобот формуласи ёрдамида айрим факторларга таъсир этишни йўқотиш ишлари кенг қўлланилмоқда. Айрим омилларнинг таъсир этиш миқдорини баҳолашда баланс методи ва б. дан фойдаланилади. Х. ф. а. да баланс методи орқали ўзаро боғланган хўжалик фаолияти кўрсаткичлари солиштирилади; бундан мақсад уларнинг бир-бирига таъсирини аниқлаш ва ўлчаш, шунингдек ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш резервларини ҳисоблашдир. Анализ усулларининг бундан кейинги такомиллашиши математик статистика ва олий математика методларини кенг қўллаш б-н боғлиқ.

Ишлаб чиқариш жараёнида бир-бирига боғлиқ бўлган ҳар хил омилларнинг айрим вақтларда бир-бирларига қарама-қарши бўлишини аналитик система кўрсаткичлари ҳамда математик формулалар ёрдамида аниқланади. Саноатда умумлаштирувчи кўрсаткичлар сифатида ишлаб чиқариш ва реализация ҳажми, меҳнат унумдорлиги, фонд самарадорлиги, моддий ресурслардан самарали фойдаланиш коэффициенти, *таннарх, фойда, оборот маблағ*ларининг айланиш тезлиги, *рентабеллик* қабул қилинган; савдода эса товар оборотн, муомала харажатлари, фойда, рентабеллик, товар айланиш тезлигидан фойдаланилади ва ш.к.

Х. ф. а. ўрганилаётган масалалар бўйича иккига, яъни хўжалик фаолияти ҳамда томонларининг тўла анализига ва унинг айрим томонлари, кўрсаткичларини ўрганувчи тематик анализга бўлинади. Х. ф. а. қўлланилаётган таққослашлар бўйича фақат ўрганилаётган корхона маълумотларига ёки бир нечта корхона маълумотларини солиштиришга, шунингдек, ўртача тармоқ кўрсаткичларига асосланиши мумкин. Анализ қилиш ўзининг мазмуни ва йўналиши бўйича умумиқтисодий (молия-иқтисодий, иқтисодий-статистика) ва техник-иқтисодий анализларга бўлинади. Умумиқтисодий анализ даврий ҳисоботлар бўйича олиб борилиб, хўжалик фаолиятининг умумлаштирилган қиймат кўрсаткичларини ўрганишга қаратилган. Техник-иқтисодий анализ умумиқтисодий анализни чуқурлаштиради, корхонанинг техника даражасини ва унинг иқтисодий кўрсаткичларга таъсирини батафсил ўрганиш ва баҳолашга ёрдам беради.

Аналитик ишлар бир неча босқичларда амалга оширилади. Аввало, анализ қилишнинг программаси ва мақсади, муддати, уни бажарувчилар, маълумот манбалари ва б. кўрсатилган иш плани тузилади. Олдиндан аналитик жадвал ва график формалари ишлаб чиқилади ва анализ материалларини умумлаштирувчи бошқа техник воситалар аниқланади. Кейинги босқичларда дастлабки маълумотлар йиғилади, унинг тўғрилиги текширилади ва анализ қилинади.

Х. ф. а. нинг энг масъулиятли даври план кўрсаткичларининг бузилиш ёки ундан четга чиқиш сабабларини аниқлаш ва унинг анализ қилинаётган кўрсаткичларга таъсирини миқдорий ўлчашдир. Анализ қилинаётган кўрсаткичларнинг пландан четга чиқиш сабабларини билиш учун ўзаро боғлиқ факторлар аниқланади ва улар группалаштирилади. Анализ қилишнинг якунловчи босқичида охирги хулоса чиқарилиб, корхона ишларига баҳо берилади, йиғма ҳисоб-китоблар тузилиб, корхона ишларининг самарадорлигини оширувчи резервлар аниқланади ва бу резервларни ишга солувчи таклифлар қабул қилинади. Саноат корхоналари, қурилиш, қ. х., транспорт, савдо, таъминот-савдо ва б. ташкилотларининг Х.ф.а., уларнинг халқ хўжалигидаги роли ва вазифаларига кўра, бир-биридан бирмунча фарқ қилади.

Саноат корхоналари Х. ф. а. Саноат корхоналарида анализ қилишдан мақсад план бажарилишига баҳо бериш ва анализ қилинаётган йил б-н бундан олдинги йил ўртасидаги кўрсаткичларни таққослаш ҳамда корхона ишлаб чиқаришининг пландан четга чиқишига таъсир этувчи факторни аниқлаш ва ниҳоят ички ре-

зервларни белгилаш ва уларни ишга солишдан иборатдир.

Корхоналарнинг ташкилий-техник даражасини ва уни такомиллаштиришни (ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш планининг бажарилишини) анализ қилиш техника, технологиянинг ҳолатини, ишлаб чиқаришни ташкил этишни ва корхонани бошқаришни ўрганишдан, фан ва техника тараққиётининг ҳозирги даражасига корхонанинг ташкилий-техник даражасининг мос келишига баҳо беришдан бошланади. Корхона ишлаб чиқараётган маҳсулотнинг сифати ва унинг тежамлилиги ҳам анализ қилинади. Бунинг учун эса ишлаб чиқариш жараёнларининг механизация ва автоматизация даражаси, меҳнатнинг техника ва энергетика б-н қуролланиш даражалари, асбоб-ускуналарнинг ўсиб бориши, янги техниканинг қўлланиши ҳамда самарадорлиги, фан ютуқларидан фойдаланиш каби кўрсаткичлар чуқур ўрганиб чиқилади. Анализ якунида техника ва технология даражасига унинг тежамлилиги нуқтаи назаридан баҳо берилади. Ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этиш, корхонани бошқаришнинг самарадорлиги ҳам анализ қилинади. Бунда ишлаб чиқаришни ихтисослашга, яъни бир хил маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ўзлаштириш муддатларига, ишлаб чиқариш цикларининг муддатини қисқартиришга ва б. харажатларни камайтириш ҳамда меҳнатни илмий асосда ташкил этиш масалаларига алоҳида аҳамият берилади.

Ресурслар б-н таъминланишни ва улардан фойдаланишни анализ қилиш саноат корхоналари Х. ф. а.нинг муҳим қисми бўлиб, ишлаб чиқариш жараёнининг уч омили: меҳнат ресурслари, меҳнат воситалари, меҳнат предметлари бўйича ресурсларни группалаш асосида ўтказилади. Корхоналарнинг шу учта ресурс б-н таъминланиши ва улардан фойдаланиш даражаси аниқланади.

Меҳнат ресурслари б-н таъминланиш ва улардан фойдаланишнинг анализи мавжуд ишчилар сонини планда талаб қилинадиган ишчилар сонига таққослаш б-н бошланади. Ишчиларнинг шахсий таркиби чуқур ўрганилади. Меҳнат ресурсларидан фойдаланишни анализ қилишда асосан меҳнат унумдорлигига кўпроқ аҳамият берилади. Меҳнат унумдорлигини анализ қилишда ҳақиқий ҳисобот маълумотларини план кўрсаткичлари б-н ва ўтган йилги маълумот кўрсаткичлари б-н таққосланади.

Меҳнат унумдорлигининг ўзгаришига таъсир этувчи омилларни тўла ўрганиш ва шу б-н бирга келгусида меҳнат унумдорлигини янада ўстириш резервларини белгилаш учун иш вақтидан фойдаланишга ҳамда ҳар бир соатда ишлаб чиқарилган ўртача маҳсулот миқдорига алоҳида аҳамият берилади. Иш вақтидан унумли фойдаланиш эса асосан корхоналарда ишлаб чиқаришни ва меҳнатни тўғри ташкил этишга ҳамда корхоналарнинг техника даражаларига ва ишчиларнинг малакасига боғлиқ.

Меҳнат воситалари (асосий фондлар) б-н таъминланишнинг анализи корхоналарнинг ўз вақтида асосий фондлар б-н етарли таъминланганлигини, уларнинг техник ҳолатини, асбоб-ускуналар паркидан қандай фойдаланилаётганлигини аниқлашга имкон беради.

Асосий фондлар б-н қуролланиш ва улардан фойдаланишнинг анализи муҳим аҳамиятга эга. Бунда план бўйича белгиланган асосий фондлар олинганми ёки йўқми, мавжуд фондлардан қанчаси ишлаётганлиги ва қанчаси бекор турганлиги каби кўрсаткичлар ўрганилади.

Меҳнат предмети ресурслари (моддий ресурслар) б-н таъминланиш ва ундан фойдаланишни ўрганишда *моддий-техника таъминоти* планининг бажарилиши, ишлаб чиқариш запасларининг ҳолати ва уларнинг белгиланган нормативларга тўғри келиши анализ қилинади. Натижада корхона ишлари самарадорлигини ошириш резервлари очилади.

Саноат корхоналари Х. ф. а. да техпромфинпланнинг бажарилишини анализ қилиш асосий ўрин тутади. Бунда маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни реализация қилишнинг анализи, фойда, рентабеллик ва таннарх анализи, корхона молиявий аҳволининг анализи бўйича иш олиб борилади.

Маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни реализация қилишнинг анализида ялпи ва товар маҳсулоти ишлаб чиқариш ва уни реализация қилиш ҳажми, шунингдек маҳсулот ассортименти ҳамда сифати бўйича план кўрсаткичларининг бажарилишига баҳо берилади. Корхона фойдаси, рентабеллиги ва маҳсулот таннархини анализ қилишда план кўрсаткичларидан четга чиқиш сабаблари аниқланади.

Корхоналар молиявий ҳолати анализи Х. ф. а. да охирги босқич ҳисобланади. У молиявий ресурслар айрим турларининг пайдо бўлиши ва улардан фойдаланиш, корхоналарнинг молиявий мустаҳкамлигини ва тўлов қобилиятини баҳолаш ва оборот маблағларининг айланиш тезлиги каби масалаларни ўз ичига олади. Анализ жараёнида фойдани ташкил қилиш ва уни тақсимлаш бўйича планнинг бажарилиши кўриб чиқилади.

Қ. х. корхоналари Х. ф. а.нинг айрим хусусиятлари қ. х. ишлаб чиқаришининг мавсумий характеридан, колхозларда эса, уларга хос кооператив-колхоз мулклигидан келиб чиқади.

Савдо корхоналари Х. ф. а. саноат ва қ. х. ташкилотлари Х. ф. а. дан асосан шу б-н фарқ қиладики, савдо корхоналари ишлаб чиқаришга эмас, муомала муҳитига хизмат қилади.

Халқ хўжалигининг бошқа тармоқлари — таъминот-сотиш ташкилотлари, т. й., сув йўли ва б. транспорт турлари, давлат тайёрлов ва харид қилиш ташкилотлари, илмий-текшириш ва лойиҳа ин-тлари ҳамда шу кабиларнинг Х. ф. а. муҳим хусусиятларга эга.

Корхона, бирлашма, планлаштириш-статистика ва молия-кредит системаси давлат ташкилотларида анализ ишларини такомиллаштириш мустақил бошқариш функциясида анализдан фойдаланиш имконини беради. Министрликлар, хўжалик бирлашмалари, илмий текшириш муассасалари, иқтисодий лабораториялар ва йирик корхоналарда мустақил функционал соҳа — иқтисодий анализ бўлимлари ва группалари мавжуд, улар барча ишлаб чиқариш, иқтисодий ва техник бўлинмаларда ўтказиладиган анализ ишларига умумий раҳбарлик қиладилар.

Х. ф. а.— партия ва халқ назорати ташкилотлари томонидан маъмурият фаолиятини текширишда муҳим воситадир. Бу б-н иқтисодий анализ қиладиган жамоат бюролари, ишлаб чиқариш мажлислари, ишчи-тадқиқотчи, жамоат ин-тлари ва б. жамоат ташкилотлари шуғулланади.

Ад.: Татур С. К., Анализ хозяйственной деятельности промышленных предприятий, М., 1962; Рубинов М. З., Савичев П. И., Анализ работы промышленного предприятия, Л., 1964; Дьячков М. Ф., Учёт и анализ хозяйственной деятельности в строительстве, М., 1966, Митюшкин Т. С., Анализ хозяйственной деятельности социалистических сельскохозяйственных предприятий, М., 1966; Блешенков А. М., Анализ хозяйственной деятельности совхозов и колхозов, [Учеб. пособие], М., 1966.

ХЎЖАЛИК ШАРТНОМАСИ — *юридик шахс* ҳуқуқига эга бўлган социалистик ташкилотлар ўртасида хўжалик планини бажаришдаги мақсадлардан келиб чиқиб тузиладиган битим. Халқ хўжалиги плани вазифаларига аниқлик киритади ва уларни конкретлаштиради. Ҳар икки томон учун мажбурий бўлган план вазифаларини асослашда ва уларни бажаришда, шунингдек, аниқ бирор корхона б-н шартнома тузиш тўғрисида муайян кўрсатма бўлмаган тақдирда, томонларнинг хоҳиши б-н тузилиши мумкин.

СССРда Х. ш. нинг бир қанча турлари бор: *поставка,* капитал қурилиши, фондлар реализацияси, подряд, юк ташиш, контрактация, экспедиция, топшириқ, сақлаш шартномалари, лойиҳалаш, конструкторлик ва қидирув ишларини бажариш шартномалари, *комиссия, ссуда* шартномалари ва б.

Х. ш. ни тузиш, ундаги мулкий жавобгарлик, ижро муддатлари ва ш. к. масалалар ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг Гражданлик қонунлари асослари (1961), шунингдек махсус норматив ҳужжатларга кўра, умумий асосда тартибга солинади. Х. ш. шартлари қонун, план б-н ёки томонларнинг келишуви б-н белгиланади. Планда корхоналар хўжалик фаолиятининг асосий шартлари кўрсатилади.

Х. ш. ни тузиш ва расмийлаштириш тартиби унинг турларига боғлиқ. Х.ш. айрим турлари шартларини унификация қилишда норматив акт ҳисобланган, томонлар учун мажбурий бўлган типовой шартномалар ҳам мавжуд (мас., контрактация шартномаси). Типовой шартномалардан намунали шартномаларни фарқ қилиш керак. Намунали шартнома Х. ш. нинг бирор тури учун фақат намуна бўлиб, унинг шартлари томонлар учун мажбурий ҳисобланмайди.

Х. ш. бир хил ҳужжатга томонлар имзо чекишлари йўли б-н ёзма равишда қайд этилади. Томонлар ижро этиш учун қабул қилинадиган махсус наряд ҳам Х. ш. га тенглаштирилади.

Шартнома юзасидан бўладиган низолар арбитражда кўрилади. Совет ҳуқуқида Х. ш. ни реал бажариш принциплари белгиланган. Х. ш. ни умуман бажармаслик ёки тегишли даражада бажармаслик мулкий жавобгарликка сабаб бўлади. Мулкий жавобгарлик 2 шаклда амалга оширилади: 1) *неустойка, жарима, пеня* ундириш; 2) етказилган зарарни қоплаш (қ. *Зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар*).

СССРда КПСС МК сентябрь (1965) Пленуми қарорларидан кейин планлаштириш ва иқтисодий самарадорликнинг янги шартлари жорий этилиши муносабати б-н Х. ш. нинг аҳамияти янада ошди. Бундай ҳолат корхона ва хўжалик ташкилотларининг ҳуқуқ ва мустақиллигини оширишга, улар ўртасидаги муносабатларни фақат буйруқ бериш йўли б-н эмас, балки Х. ш. га мувофиқ тартибга солишга имконият яратди.

Ад.: Фокин А. И., Саноат корхонасининг хўжалик ҳисоби ва ишлаб чиқаришни иқтисодий рағбатлантириш, Т., 1966, Танчук И. А., Ефимочкин В. П., Абова Т. Е., Хозяйственные обязательства, М., 1970; КПСС 25-съезднинг материаллари, Т., 1976.

ХЎЖАЛИК ҲИСОБИ — социалистик такрор *ишлаб чиқариш* жараёнида жамият б-н унинг айрим ишлаб чиқариш звенолари (корхоналар, бирлашмалар) ўртасида ва ижтимоий меҳнат сарфи ҳамда корхоналарнинг соф даромадини тақсимлаш туфайли бўлинмаларнинг ўзлари орасида вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар системаси. Х.ҳ.нинг моҳияти корхоналарнинг ўз харажатларини маҳсулотни реализация қилишдан тушадиган пул даромадлари б-н қоплаш ва рентабелликни оширишдан иборатдир. У жамият манфаатлари б-н айрим корхоналар коллективлари ва ҳар бир меҳнаткашнинг манфаатлари ўзаро қўшилиб кетишига олиб боради.

Корхоналарнинг хўжалик мустақиллиги, уларнинг коллективлари ва ҳар бир ходимнинг ўз хўжалик фаолияти натижаларидан моддий манфаатдорлиги, бу натижалар учун моддий жавобгарлиги, сўм б-н назорат қилиш Х. ҳ.нинг асосий принципларидир. *План кўрсаткичлари* системаси халқ хўжалиги планига мувофиқ корхоналар фаолиятининг асосий параметрлари: ишлаб чиқариш ҳажми ва маҳсулотни реализация қилиш, унинг асосий номенклатураси ва сифат кўрсаткичлари, умумий иш ҳақи фонди, меҳнат унумдорлигининг ўсиши, фойданинг умумий суммаси, рентабеллик, бюджетга ўтказиладиган ва бюджетдан ажратиладиган маблағлар, капитал қурилиш ҳажми, моддий-техника таъминотини белгилаб беради. Корхонанинг марказлашган кўрсаткичлари асосида маҳсулот таннархи, ишчилар сони, ўртача иш ҳақи ва ҳ. к. бўйича аниқ план топшириқлари ишлаб чиқилади; ишчи кучини жалб қилинади, кадрлар тайёрлаш ва улардан фойдаланиш таъминланади, меҳнатга ҳақ тўлаш шакллари, иш ва ишчи разрядлари белгиланади, янги иш нормалари тасдиқланади ва мавжуд нормалар кўриб чиқилади, *моддий-техника таъминоти* ва реализация масалалари ҳал қилинади.

Ходимларнинг ўз меҳнати натижаларидан моддий манфаатдорлиги Х. ҳ. нинг муҳим принципидир. Бунинг учун корхоналарда фойда ҳисобидан *иқтисодий рағбатлантириш фондлари* (моддий рағбатлантириш фонди, социал-маданий тадбирлар ва уй-жой қурилиши фонди ҳамда ишлаб чиқаришни ривожлантириш фонди) ташкил қилинади.

Х. ҳ. даги корхоналар план топшириқларини бажариш, ресурслардан рационал фойдаланиш, жорий харажатларни қоплаш, давлат бюджети ва кредит системаси б-н ўз вақтида ва тўлиқ ҳисоб-китоб қилиш, моддий рағбатлантириш фондларини юзага келтириш, ишлаб чиқаришни кенгайтиришга зарур бўлган жамғармалар ҳосил қилиш учун давлат олдида, хўжалик шартномалари бўйича назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ва ўз вақтида бажариш учун бошқа корхоналар олдида жавобгардирлар (қ. *Социалистик давлат ишлаб чиқариш корхонаси*).

Х. ҳ. товар-пул муносабатларидан, асосан *баҳо, фойда, таннарх* ва ш. к. категориялардан фойдаланишга асосланган. Жамият корхоналар-



Хўжамов Р.



Хўжамқулов М.

фаолиятини пул шаклида — планнинг ишлаб чиқаришдаги фойда ва рентабеллик бўйича бажарилиши орқали даромад ва харажатларни солиштириш йўли б-н, улар фаолиятини кредит б-н таъминлаш жараёнида назорат қилади. Пул назоратининг барча турлари корхоналарнинг маблағлардан рационал фойдаланишига, хўжалик фаолияти кўрсаткичларини яхшилашга, *тежамкорлик режими*ни амалга оширишга имкон беради.

Ривожланган социализм шароитида Х. ҳ. ни янада ривожлантириш орқали қуйидагилар назарда тутилади: ишлаб чиқариш бирлашмалари тузиш йўли б-н корхонанинг асосий Х. ҳ. звеносини мустаҳкамлаш; Х. ҳ. муносабатлари миқёсини кенгайтириш; моддий ишлаб чиқариш тармоқларидаги барча корхоналарни Х. ҳ. га ўтказиш; Х. ҳ. барча принципларини мунтазам амалга ошириш; корхона самарадорлигини таъминлайдиган фаолият турларини Х. ҳ. ни рағбатлантиришга жалб этиш; ишлаб чиқаришнинг пировард натижаларини мўлжаллаш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг ижтимоий эҳтиёжларга, хўжалик шартномаларининг бажарилишига мос келиши Х. ҳ. ни такомиллаштиришнинг асосий масаласи ҳисобланади. Ишлаб чиқариш фондлари ва давлат маблағларидан яхшироқ фойдаланишда фонд ҳақи (қ. *Фойда тўловлари*) ва кредит процентларининг аҳамияти катта. Корхона хўжалик фаолиятининг якуни бир бутун ҳолда унинг бўлинмаларининг ишига боғлиқ бўлганлиги учун ишлаб чиқаришдаги ички звенолар ва корхона ўртасидаги муносабатлар ички Х. ҳ. га асос бўлиб хизмат қилади (қ. *Заводнинг ички хўжалик ҳисоби*).

Ривожланган социализм шароитида ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигининг ўсиши даражасига қараб юқори звеноларнинг бошқариш аппаратлари ишлаб чиқариш-иқтисодий жараёнига бевосита жалб қилинади. Х. ҳ. янгича тус олади. Мас., бутуниттифоқ (республика) давлат Х. ҳ. даги саноат бирлашмалари тузилиши б-н айрим саноат бирлашмаларига кирадиган мустақил ишлаб чиқариш корхоналари ўртасида ҳамда шу бирлашма б-н давлат ўртасида Х. ҳ. муносабатлари вужудга келди. Бу муносабатлар барча ишлаб чиқариш жараёнини ўз ичига олади. Саноат бирлашмасига кирадиган корхоналар, Х. ҳ. даги ягона комплекс сифатида ўз даромадларидан саноат бирлашмаси харажатларини ҳам, ўзининг харажатларини ҳам қоплайди. Комплекснинг Х. ҳ. муносабатлари саноат бирлашмаси марказлашган фондини ташкил қилиш ва ундан фойдаланиш йўли б-н реализация қилинади.

Экономика ривожланишининг ҳозирги босқичида саноат корхоналаридан ташқари, халқ хўжалигининг бошқа тармоқларидаги ишлаб чиқариш корхоналари (қ. х., транспорт, қурилиш, таъминот, нашриёт ва б.), шунингдек ишлаб чиқаришга кирмайдиган айрим соҳалар ҳам Х. ҳ. га ўтказилмоқда (мас., пулли поликлиникалар). Хўжалик юритишда Х. ҳ. принциплари барча корхоналар учун умумийдир. Лекин тармоқнинг ўзига хос хусусияти Х. ҳ. асосида фаолиятни уюштириш характерига таъсир этади. Қ. х. да Х. ҳ. нинг ўзига хос хусусиятлари ундаги ишлаб чиқаришнинг ва маблағларнинг доиравий айланишининг махсус ритмини белгиловчи иқтисодий ва табиий-биологик жараёнларнинг бирлашиб кетганлиги б-н изоҳланади. Шунинг учун қ. х. да корхоналарнинг мустақиллиги, кредитдан кенг фойдаланиш муҳим роль ўйнайди. Х. ҳ. нинг қ. х. да ўзига хослиги 2 хил қ. х. корхонаси — давлат ва колхоз-кооператив корхоналарининг мавжудлигига ҳам боғлиқ. СССРда барча давлат корхоналари — с-злар умумий принциплар асосида Х. ҳ. га ўтказилди. Ишлаб чиқариш воситалари ва ишлаб чиқарган маҳсулотлари ўзиники бўлган к-зларда Х. ҳ. принциплари яққолроқ намоён бўлмоқда. КПСС МКнинг Март (1965) пленумидан сўнг к-з ва с-зларда қ. х. маҳсулотларига ягона *харид баҳолари*нинг жорий қилиниши, давлат б-н молия ва кредит алоқаларининг тартибга солиниши, моддий рағбатлантириш ва ш. к. тадбирлар системасининг такомиллаштирилиши натижасида қ. х. да Х. ҳ. муносабатлари анча мустаҳкамланди.

С-зларнинг тўлиқ Х. ҳ. га ўтказилиши (1967—75) натижасида уларнинг хўжалик мустақиллиги анча ошди. Давлат с-зларнинг молиявий ресурсларини тартибга солиб туради, уларга к-зларга қараганда кўпроқ план кўрсаткичларини етказиб беради. Ишлаб чиқариш фаолиятининг ялпи маҳсулот ҳажми, меҳнат унумдорлиги, меҳнат таннархи, ишчилар сони ва б. кўрсаткичларни с-зларнинг ўзлари белгилайди. С-злар ортиқча маҳсулотларини, шунингдек юқори ташкилотлар б-н келишилган ҳолда ўзларидаги ортиқча қ. х. машиналари, уруғ, ем-хашакларни ҳам бошқа к-з ёки ташкилотларга сотишлари мумкин. Тўла Х. ҳ. шароитида кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришга сарфланадиган воситаларнинг асосий манбаи фойдадир (шахсий ресурслар етмай қолганда эса, Давлат банки кредитлари). С-злардаги фойданинг тақсимланиши давлат томонидан қатъий белгиланади. Унинг қолган қисми с-зниинг ўз оборот маблағларини ўстиришга, марказлаштирилган капитал маблағларни юзага келтиришга, банк кредитларини тўлаш ва б. планли мақсадлар учун фойдаланилади. Мўлжалланган ишларга маблағ ажратилганидан сўнг қолган фойданинг эркин қолдиғи юқори ташкилотлар томонидан бошқа с-злар ўртасида қайта тақсимланади.

Асосий ва оборот фондларига эга бўлган к-злар ишлаб чиқариш воситалари, олинган маҳсулот ва унинг реализация қилишдан келадиган тушумларга мустақил хўжайинлик қилади. Ўзининг маблағ ва даромадлари ҳисобидан маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларини тўла қоплайди, к-зчилар меҳнатига гарантияланганидан кам бўлмаган ҳақ тўлайди, давлат олдидаги пул мажбуриятларини ўтайди, хўжаликни кенгайтириш учун жамғармалар яратади, к-зчиларга социал таъминот ва моддий ёрдам, маданий-маиший тадбирлар, к-зчилар ва мутахассисларни моддий рағбатлантириш ва резерв фондларини ташкил қилади.

Х. ҳ. принциплари қ. х. корхонасининг хўжалик ичидаги бўлинмалари, шунингдек жамият ишлаб чиқаришининг янги ташкилий шакллари, хўжаликлараро ва аграр-саноат корхоналари ҳамда бирлашмаларига ҳам ёйилмоқда.

Х. ҳ. нинг СССРдаги ривожланиш қонунлари бошқа социалистик мамлакатларга ҳам хосдир. Улар фақат план кўрсаткичлари орқали корхона фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш ва иқтисодий мустақиллик даражаси ҳамда моддий рағбатлантириш шаклларининг турличалиги б-н фарқланади.

Ад.: Ленин В. И., Октябрь революциясининг тўрт йиллигига, Ас., 33-т, КПСС XXV съездининг материаллари, Т., 1976; Решения партии и правительства СССР по хозяйственным вопросам, т. 5, М., 1972; Татур С. К., Хозяйственный расчёт в промышленности СССР, М., 1970; Хозрасчёт и цены в социалистическом сельском хозяйстве, М., 1969.

ХЎЖАМАЗГИЛ МАКОНИ — юқори палеолит даврига оид макон. Самарқанд обл. Булунғур р-нининг *Хўжамазгил* қишлоғи яқинидаги қоя бағрида. Майдони 3 *га* яқин. 1969 йили ЎзССР ФА нинг Тарих ва археология ин-ти ходимлари А. А. Асқаров ва Н. Тошкенбоевлар ўрганган. Х. м. дан кўплаб тош қуроллар — хилма-хил пичоқлар, қирғичлар, кескичлар, тош болталар, нуклеуслар, тош парракчалар ва пластинкалар топилган.

ХЎЖАМАҲАЛЛА — Андижон обл. Андижон р-ни Ербоши қ. С. даги қишлоқ. Энгельс номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 24 *км*, яқин т. й. станцияси — Андижон (42 *км*). Аҳолиси 1270 киши (1976); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Андижонсойдан сув ичади. Урта мактаб, маиший хизмат кўрсатиш пунктлари бор.

ХЎЖАМАҲАЛЛА — Наманган обл. Тўрақўрғон р-ни Сайрам қ. С. даги қишлоқ. Қалинин номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 0,6 *км*, яқин т. й. станцияси — Тўрақўрғон (12,6 *км*), Аҳолиси 1315 киши (1976); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик, боғдорчилик б-н шуғулланади. Уртатўқай сув омборидан сув ичади. Саккиз йиллик мактаб, нон к-ти бор.

ХЎЖАМБЕРДИБИЙ МАДРАСАСИ — Хивадаги архитектура ёдгорлиги. Дастлаб 1688 йилда ҳужралар б-н ўралган бир ҳовлили қилиб қурилган. Оллоқулихон мадрасаси бунёд этилгач, Х. м. қайта қурилиб, икки ҳовлили қилинган (шундан сўнг шакли хуржунга ўхшаганидан *Хуржун мадраса* деб атала бошлаган).

ХЎЖАМНИНГ ҚАБРИ — Намангандаги архитектура ёдгорлиги, мақбара. 18-асрнинг 50-йилларида қурилган. Бино тарҳида, қиёфасида 11—12-асрларда бунёд этилган монументал бинолар шаклидан фойдаланилган, бу айниқса бош фасадда кўзга ташланади: пештоқ ва унинг атрофидаги 2 гулдаста салобатли. Улар гиштин ўйиб безатилган (гишт хомлигида ўйиб нақшланган, кейин қиздирилган). Квадрат зал гумбаз б-н ёпилган, ташқи безакда қорамтир ва қизил сирдан фойдаланилган, арк қизил ва яшил сирланган гиштдан, гумбаз қизил ва қора сирланган парчин б-н (мозаика услубида) жозибадор қилинган. Тромплар остидаги деворда ганч безаб фриз ишланган, унда араб ёзуви нақшсимон қилиб безатилган. Эшик устида меъмор Муҳаммад Иброҳимнинг исми ёзилган.

ХЎЖАМОВ Рашид (1888, Самарқанд обл. Нарпай р-ни) — лавлагикор ва пахтакор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони (1949). Самарқанд обл. Нарпай р-нидаги «22-партсъезд» к-зида звено бошлиғи (1929—43, 1945—56), Совет Армияси сафида (1943—45), яна шу к-зда бригадир (1956—57), ҳосилот совети раиси (1958—63), мироб (1963—66). Х. бошлиқ звенода 3 *га* ернинг ҳар гектаридан 850 *ц* қанд лавлаги (1949), гектаридан 40—45 *ц* пахта етиштирилган (1951—55). Ленин ордени ва медаллар б-н мукофотланган. 1966 йилдан пенсионер.

ХЎЖАМУЛКИ — Сурхондарё обл. Қумқўрғон р-ни Қумқўрғон қ. С. даги қишлоқ. «Москва» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 30 *км*, яқин т. й. станцияси — Қизил Октябрь (30 *км*). Аҳолиси 1520 киши (1977); нигичка толали пахтачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Сурхондарёдан сув ичади. Урта мактаб, ёзги клуб, медпункт бор.

ХЎЖАМУРОДБАХШИ — Қашқадарё обл. Шаҳрисабз р-ни Узбекистон қ. С. даги қишлоқ. «Коммунизм» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 2 *км*, яқин т. й. станцияси — Китоб (4 *км*). Аҳолиси 791 киши (1974); пахтачилик, пиллачилик, боғдорчилик б-н шуғулланади. Оқдарёдан сув оладиган Мўминобод ариғидан сув ичади. Бошланғич мактаб бор.

ХЎЖАМҚУЛОВ Маматмурод (1905, ҳозирги Сурхондарё обл. Бойсун р-ни Паданг қишлоғи) — лубкор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони (1952). Бойсун р-ндаги «Қизил куч» к-зида колхозчи (1930—40). Шўрчи р-нидаги «Қумқўрғон» (ҳозирги «Комсомол 30 йиллиги») с-зида бригадир (1941—64). Х. бошлиқ бригадада 50,3 *га* майдоннинг гектаридан 6,1 *ц* жут уруғи етиштирилган (1951). Ленин ордени ва медаллар б-н мукофотланган. 1964 йилдан иттифоқ миқёсидаги пенсионер.

ХЎЖАНАЗАРОВ Абдуғаффор (1922. 9. 5, ҳозирги Сурхондарё обл. Қумқўрғон р-ни Жалойир қишлоғи) — пахтакор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони (1978). 1943 йилдан КПСС аъзоси. Улуғ Ватан уруши қатнашчиси (1941—45). Қумқўрғон р-нидаги «Қизил Октябрь» к-зида колхозчи (1946—52), бухгалтер (1953—64). 1965 йилдан бригада бошлиғи. Х. бошлиқ бригадада гектаридан 51,9 *ц* пахта ҳосили етиштирилган (1977). 2 марта Ленин ордени ва медаллар б-н мукофотланган.

ХЎЖАНД — Наманган обл. Тўрақўрғон р-ни Ахса қ. С. даги қишлоқ. Киров номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 21 *км*, яқин т. й. станцияси — Тўрақўрғон (33 *км*). Аҳолиси 967 киши (1976); пахтачилик, пиллачилик, боғдорчилик, сабзавотчилик, токчилик б-н шуғулланади. Шимолий Фарғона каналидан сув ичади. Мактаб, медпункт бор.

ХЎЖАНД — ТожССР Ленинобод областидаги *Ленинобод* шаҳрининг 1936 йилгача бўлган номи.

ХЎЖАНДИЙ [14-асрнинг иккинчи ярми — Хўжанд (ҳозирги Ленинобод ш.) — 15-аср бошлари] — шоир, дунёвий адабиёт вакилларидан бири. Х. ҳақида биографик маълумотлар сақланмаган. Бизгача унинг «Латофатнома» асари етиб келган. Асар *Хоразмий*нинг «Муҳаббатнома»сига назира тарзида ёзилган. Достон ўнта нома (мактуб)дан иборат. Асарда севги тараннум этилиб, висол иштиёқи ва ҳижрон изтироблари тасвирланади.

Тилар бўлсанг жаҳон ичра аморат,
Фақирлар кўнглини қилгин иморат.


каби мисраларида инсонпарварлик ғоялари илгари сурилади. «Латофатнома» 15-аср бошлари ўзбек поэзиясига хос деталлар ва бадиий анъаналар (айниқса, тажнис)га бой, тили оммабоп. Форсча, арабча сўзлар кам. Унда фикрий аниқлик ва ҳиссий жўшқинлик мужассам. Асар ўзбек адабиётида номачилик жанрига муҳим ҳисса бўлиб қўшилган.

Ад.: Ўзбек адабиёти, 1-том, Т., 1959.

ХЎЖАНИЁЗОВ Сапар (1913. 15. 4, ҳозирги ҚҚАССР Кегейли р-ни) — қорақалпоқ совет адиби, актёр ва режиссёр, ЎзССР халқ артисти (1973). ҚҚАССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1957). 1952 йилдан КПСС аъзоси. Москвада А. В. Луначарский номидаги Театр



Хўжаниёзов С.



1. Хўжанинг қабри мақбараси. 2. Мақбаранинг ички безакларидан. Хўжайли.

санъати ин-тини тугатган (1959). Х. 1935—76 йилларда Нукусдаги К. Станиславский номли театрда ишлаган (актёр, режиссёр, директор, адабий бўлим мудири). 1948 йили «Гулистон» шеърлар тўплами нашр қилинган. «Ойша» ва «Зиёда» (1948) пьесаларида хотин-қизларнинг жамиятда тутган ўрни ва «Бахт» пьесаси (1949) да Қорақалпоғистонда Совет ҳокимиятини ўрнатиш учун кураш воқеалари акс этган. «Оқ олтин далаларининг кишилари» қиссаси (1956) ва «Ёшлар» (1955), «Гўзаллар», «Ойқулоқ» (1952—63), «Талуас» (1962) пьесаларида замонавий мавзу, замондошларимиз ҳаёти тасвирланган. Х. нинг «Суймаганга суйканма» комедияси (1957) кенг шуҳрат қозонган. У 20 йилдан бери қорақалпоқ театри саҳнасидан тушмай келади. «Қизлар» (1963) музикали комедияси ва «Аҳмоқ подшо» (Бердақ достони асосида, 1965), «Маман бий» (Т. Қайипбергенов романи асосида, 1970) музикали драмаларини яратди. Айрим асарлари ўзбек тилига таржима қилинган («Суймаганга суйканма»).

Х. актёр сифатида Митя (А. Островский, «Камбағаллик айб эмас»), Бойсари (Довқораев, «Алпомиш»), Макдональд (Лавренёв, «Америка овози») каби образлар яратди. ҚҚАССР театрида «Олтин кўл» (Уйғун), «Бой ила хизматчи» (Ҳамза), «Оғриқ тишлар» (А. Қаҳҳор), «Қиз Жибек» (Г. Мусрепов) сингари спектаклларни саҳналаштирди. Бердақ номидаги республика Давлат мукофоти лауреати (1960). 2 та «Ҳурмат Белгиси» ордени ва медаллар б-н мукофотланган.

ХЎЖАНИЁЗОВ Усербой (1926. 15. 4, ҚҚАССР, Тахтакўпир р-ни — 1977. 23. 5, Нукус) — қорақалпоқ совет адиби. ҚҚАССРда хизмат кўрсатган маданият ходими (1976). 1956 йилдан КПСС аъзоси. Қорақалпоғистон Давлат педагогика ин-ти (1949) ва Москвадаги М. Горький номидаги Жаҳон адабиёти ин-ти (1956)ни тугатган. «Қарақалпақ адебияты хам искусствосы» журнали муҳаррири (1957). 1972 йилдан «Аму-дарья» журнали масъул котиби ҳамда ҚҚАССР Ёзувчилар Союзи правлениеси секретари. «Мардлик» номли шеър ва поэмалар тўплами 1949 йили нашр қилинган. «Ойдона» қиссаси (1956) да илғор колхозчи Ойдона образи яратилган. «Яшнаган жазира» насрий тўплами (1975) ва «Ут ичида» қиссасида (1977) замонамизнинг муҳим хусусиятлари акс этган. Бир қанча мақола ва очерклар муаллифи.

ХЎЖАОБОД — Андижон обл. Балиқчи р-ни Хўжаобод қ. С. даги қишлоқ. «Ўзбекистон» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 15 *км*, яқин т. й. станцияси — Ҳаққулобод (44 *км*). Аҳолиси 1387 киши (1976); пахтачилик, чорвачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Хўжаобод ариғидан сув ичади. Ўрта мактаб, қ. С. идораси, клуб, кутубхона, касалхона бор.

ХЎЖАОБОД — Андижон обл. Москва р-ни Пахтаобод қ. С. даги қишлоқ. Охунбобоев номли к-з терр-ясида. Р-н маркази ва яқин т. й. станцияси — Шаҳрихон (11 *км*). Аҳолиси 2576 киши (1976); боғдорчилик, пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Шаҳрихонсойдан сув ичади. Ўрта мактаб, алоқа бўлими, маиший хизмат кўрсатиш пунктлари, к-з правлениеси идораси, болалар богчаси, медпункт, дорихона, кутубхона, клуб бор.

ХЎЖАОБОД — Андижон обл. Хўжаобод р-ни маркази. Хўжаобод қ. С. да. «Ўзбекистон» к-зи терр-ясида. Яқин т. й. станцияси — Гурунчмозор (10 *км*). Аҳолиси 7534 киши (1976); пахтачилик, пиллачилик, боғдорчилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Жанубий Фарғона каналидан сув ичади. Р-н касалхонаси, ремонт устахонаси, маиший хизмат кўрсатиш пунктлари, дорихона, медпункт, клуб, кинотеатр, пахта пункти, бозор, қурилиш ташкилотлари; 2 мактаб, болалар боғчаси, кутубхона, савдо маркази, алоқа бўлими, меҳмонхона бор. Андижон—Ўш автомобиль йўли Х.дан ўтади.

ХЎЖАОБОД — Наманган обл. Уйчи р-ни Ёрқўрғон қ. С. даги қишлоқ. Қалинини номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 7 *км*, яқин т. й. станцияси — Чортоқ (13 *км*). Аҳолиси 960 киши (1976); пахтачилик, чорвачилик, пиллачилик, боғдорчилик, полизчилик б-н шуғулланади. Шимолий Фарғона каналидан сув ичади.

ХЎЖАОБОД НЕФТЬ-ГАЗ КОНИ — Андижон шаҳрининг жануби-шарқидаги кон. 1947 йили очилган. Кон жойлашган терр-я юзасида бактрия яруси жинслари ётади. Бурғилаш воситасида неоген, палеоген, бўр; юра, триас ётқизиқлари очилган. Триас даврига мансуб ётқизиқлар кул ранг-жигар ранг қумтош, тўқ жигар ранг гилтошлардан таркиб топган, баъзан оҳактош ва мергель қатламлари ҳам учрайди; қалинлиги 95—125 *м*. Юра даври ётқизиқлари кул ранг қумтош ва гилтошлардан иборат бўлиб, юқори қисмида қизил гилтош қатламлари бор; умумий қалинлиги 260—350 *м*. Бўр даври ётқизиқларининг қуйи қисмида қизғиш қумтош ва гилтош, ўрта қисмида қизғиш, қўнғир гилтош ва қумтош, кул ранг оҳактош, яшил гилтош, юқори қисмида эса ҳар хил рангдаги гилтош, қумтош, оқиш ангидрит ва гипс қатламлари мавжуд; умумий қалинлиги 1040—1330 *м*. Палеоген ётқизиқларининг пастки қисмини оқ гипс ташкил этади; ўрта қисмида кул ранг оҳактош, яшил гилтош горизонтлари бир неча бор такрорланиб келади; юқори қисми эса бўғиқ қизғиш рангдаги гилтош ва кул ранг қумтошлардан иборат; умумий қалинлиги 400 *м*. Неоген жинслари жигар ранг-қизғиш гилтош, қўнғир қумтош, оч пушти гилтош, оч қўнғир конгломерат, қумтошлардан тузилган; умумий қалинлиги 600—850 *м*.

Конда саноат миқёсидаги нефть неоген даврига мансуб ётқизиқларнинг I горизонтида ва палеоген ётқизиқларидаги III, V, VI, VII, VIII горизонтларда жойлашган. Бўр ётқизиқларининг XX, XXI, XXII ҳамда юра ётқизиқларининг XXV, XXVI, XXVII горизонтларида ҳам нефть, ҳам газ уюмлари мавжуд. Триас ётқизиқларида бир оз нефть ва газ борлиги аниқланган. Х. н.-г. к. Фарғона водийсидаги конлардан ҳисобланиб, халқ хўжалигида катта аҳамиятга эга.

ХЎЖАОБОД РАЙОНИ — Андижон областидаги р-н. 1926 йил 29 сентябрда ташкил топган. Шимоли-шарқдан Қўрғонтепа ва Жалақудуқ, шимоли-ғарбдан Андижон, ғарбдан Ленин р-нлари, жануби-ғарбдан ҚирғССРнинг Аравон р-ни, жанубдан Қорасув р-ни б-н чегарадош. Майдони 415 *км*². Аҳолиси 105 минг киши (1978). Р-нда 10 қ. С. (Булоқбоши, Коммуна, Кулла, Манак, Мойариқ, Найман, Октябрь, Советобод, Хўжаобод, Ширмонбулоқ), 1 шаҳар посёлка Совети бор. Маркази — Хўжаобод қишлоғи.

Табиати. Р-н терр-яси Фарғона водийсининг жануби-шарқий қисмида жойлашган. Жануб томонида Помир-Олой тизмаларининг Чилустув



ва Қиртоштоғ тоғлари бор (энг баланд нуқтаси 1457 *м*), шимоли-ғарбий қисми адирлардан иборат. Қолган қисми пасттекислик. Фойдали қазилмалардан нефть ва газ, оҳактош, шағал, харсангтошлар бор. Иқлими кескин континентал. Йирик ўртача т-ра 13,1° Июлнинг ўртача т-раси 26,7°, максимал т-ра 40°. Январнинг ўртача т-раси — 3,5°, минимал т-ра — 26°. Йиллик ёғин миқдори 226 *мм*. Р-н терр-яси орқали кўп сойлар оқиб ўтади. Экинларини суғоришда Шаҳрихонсой, Оқбурасой, Аравонсой, Савой канали, Жанубий Фарғона каналидан фойдаланилади. Тупроқлари, асосан, маданий воҳа тупроғи бўлиб, қадимдан деҳқончилик қилиб келинади. Адир этакларида оч ёки типик бўз тупроқлар тарқалган. Ёввойи ўсимликлардан ранг, қўнғирбош, шайтонкавуш, оққурай, оқшувоқ, мингбош, қизил биюрғун, қамиш ва б. ўсади.

Ёввойи ҳайвонлардан қуён, тулки, ёввойи мушук, бўрсиқ, бўри, жайра, қўшоёқ, кўрсичқон, каламуш; қушлардан каклик, бедана, какку, чуғурчиқ, зағизғон, майна, зарғалдоқ, сўфитўрғай, жиблажибон, каптар, читтак, ўрдак, зогча, кўккарга, сассиқпопишак, қизилиштон, қарқуноқ, бургут, итолғи, бўктарги ва б.; судралувчилардан калтакесаклар, илонлар кўп. Сув ҳавзаларида ҳар хил балиқлар яшайди (лаққа, дўнгпешана балиқ, карп, қора балиқ, сазан ва б.).

Аҳолиси, асосан, ўзбеклар; руслар, татарлар, қирғизлар, уйғурлар ва б. ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 *км*² га 253 киши.

Хўжалиги. Р-нда консерва ва вино з-длари, ғишт з-ди, вино цехи, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш к-ти, 7 пахта тайёрлаш пункти, «Узсельхозтехника» р-н бўлими, 4 та механизациялашган кўчма колонна, к-злараро қурилиш бошқармаси, «Узбекнефть»нинг қурилиш-монтаж бошқармаси, темир-бетон буюмлар полигони, боғдорчилик-виночилик аграр саноат бирлашмаси жойлашган. Р-н терр-ясида нефть ва газ қазиб олинади (қ. *Хўжаобод нефть-газ кони*).

Қ. х., асосан, пахтачиликка ихтисослашган. Р-нда 13 к-з ва 2 с-з, 1 деҳқончилик саноат бирлашмаси, 1 та колхозлараро бўрдоқичилик базаси бор. Суғориладиган ернинг 14400 гектарига пахта экилади (1978). 2051 *га* ер дон экинлари, 12 *га* ер картошка, 226 *га* сабзавот ва полиз экинлари, 2073 *га* ер ем-хашак экинлари, 1284 *га* ер боғ, 1174 *га* ер токзор ва 825 *га* тутзор б-н банд (1978). Р-н хўжаликларида 10400 қорамол (шундан 2800 сигир), 34300 қўй, 45000 парранда, 750 от бор (1978). Давлатга 52 минг *т* пахта (1978), 3 минг *т* ғалла, 100 *т* картошка, 6,6 минг *т* сабзавот, 800 *т* гўшт (тирик вазида), 4650 *т* сут, 1500 минг дона тухум, 1001,5 *ц* жун, 390,5 *т* пилла сотилди (1978).

Р-нда 46 умумий таълим мактаби ва 2 махсус интернат мактабда 29199 бола ўқимоқда (1978—79), шунингдек 2 та ҳунар-техника билим юрти, 102 кутубхона, 2 қироатхона, 28 киноустановка, маданият уйи, 25 клуб ишлаб турибди. Р-н «Шонли меҳнат» газетаси 1934 йилдан бери чиқиб турибди (тиражи 7680 нусха). 880 ўринли 13 касалхона, туғруқхона, поликлиника ва медпунктларда 110 врач ва 550 ўрта мед. ходими ишламоқда (1978).

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Б. Ражабов шу р-нликдир.

ХЎЖАОВУЛ — Тошкент обл. Ўрта Чирчиқ р-ни Охунбобоев қ. С. даги қишлоқ. Охунбобоев номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 22 *км*, яқин т. й. станцияси — Тошкент (7 *км*). Аҳолиси 721 киши (1977); пахтачилик б-н шуғулланади. Чирчиқ дарёси ва Тошкент каналидан сув ичади. Ўрта мактаб, медпункт, касалхона бор.

ХЎЖАОРИФ — Бухоро обл. Шофиркон р-ни Қалмоқон қ. С. даги қишлоқ. «Шофиркон» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 3 *км*, яқин т. й. станцияси — Қизилтепа (35 *км*). Аҳолиси 590 киши (1976); пахтачилик, пиллачилик, сабзавотчилик, боғдорчилик, полизчилик б-н шуғулланади. Жилвон ариғи орқали Зарафшон дарёсидан сув ичади. Саккиз йиллик мактаб, пахта пункти, вино пункти бор.

ХЎЖАПИСКЕНТ — Тошкент обл. Ғалаба р-ни Қизил Октябрь қ. С. даги қишлоқ. Димитров номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 38 *км*, яқин т. й. станцияси — Қуйлик (8 *км*). Аҳолиси 1376 киши (1977); пахтачилик, канопчилик б-н шуғулланади. 7-коллектор каналидан сув ичади.

ХЎЖАСАВДОГАР (Podoces panderi) — чумчуқсимонлар туркумига мансуб қуш. Гавдаси 25 *см* ча. Вазни 86—96 *г*. Усти оч кул ранг, қўқорни пушти, қанотлари ва томоғида оқ, кўкрак ҳамда думида қора доғлари бор. Жуда яхши югуради. Сувсизликка чидамли. Х. Қорақум ва Қизилқум фаунасига хос қуш. Қумли тепаликлардаги бутазорларда ўтроқ яшайди. Фақат уя солиш даврида бир жойдан бошқасига кўчади. Уясини буталарга қуради. 4—6 тухум қўяди. Тухумини фақат модаси босади (17—19 кун). Насл учун иккала жинс ҳам ғамхўрлик қилади. Х. ҳашаротлар, чаён (заҳарли безини узиб ташлаб), ўргимчак, калтакесак ва ўсимлик уруғлари б-н овқатланади. Овқат кўп бўлганда қумга кўмиб ёки ўсимликлар орасига яшириб, кейинги кунлар учун ғамлаб қўяди.



Хўжасавдогар.



Хўжаобод райони. Жанубий Фарғона каналининг район территориясидан ўтган қисми.

ХЎЖАСАҚО — Самарқанд обл. Самарқанд р-ни Тайлоқ қ. С. даги қишлоқ. Улуғбек номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 20 *км*, яқин т. й. станцияси — Самарқанд (23 *км*). Аҳолиси 998 киши (1976); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик, богдорчилик б-н шуғулланади. Зарафшон дарёсидан сув ичади. Саккиз йиллик мактаб, к-з машина-трактор парки, кутубхона, болалар боғчаси, клуб бор.

ХЎЖАСОАТ — Сурхондарё обл. Денов р-ни Вахшивор қ. С. даги қишлоқ. Карл Маркс номли с-з терр-ясида. Р-н маркази ва яқин т. й. станцияси — Денов (30 *км*). Аҳолиси 2900 киши (1977); пахтачилик, токчилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Вахшивор сойидан сув ичади. Йирик донали майиз тайёрлаш маркази, ўрта мактаб, клуб, кутубхона, касалхона, дорихона бор.

ХЎЖАУББОН — милоднинг бошларига оид истеҳкомларни сув б-н таъминлаган махсус қудуқ. Оташпарастларнинг сув худоси Хубби номидан олинган. Бухоро ш.дан тахм. 50 *км*. шимоли-шарқдаги Ўрганжи даштида. Х. қудуғининг суви минерал моддаларга бой, таъми бир оз аччиқроқ ва шўрроқ бўлиб, тери касалликларига дучор бўлган кишиларни даволашда ишлатилган. Ўрта (14—15) асрларда Х. муқаддас жойга айлантирилиб, қудуқ устида гумбазли бино қурилган. Бино атрофида саганалар барпо қилинган ва туғлар ўрнатилган. Археологик текширишлар бу ерда мил. ав. 4—3- минг йилликдаёқ овчиларнинг, мил. ав. 2- минг йиллик охири ва 1- минг йиллик бошларида чорвадорларнинг мавсумий қароргоҳи бўлганлигини кўрсатади.

Ад.: Муҳаммаджонов А. Р., Қуйи Зарафшон водийсининг суғорилиш тарихи (Қадим замонлардан то 20- аср бошларигача), Т., 1972.

ХЎЖАУЛКАН — Сурхондарё обл. Бойсун р-ни Янгитурмуш қ. С. даги қишлоқ. «СССР 50 йиллиги» с-зи терр-ясида. Р-н марказидан 90 *км*, яқин т. й. станцияси — Термиз (80 *км*). Аҳолиси 665 киши (1977); чорвачилик б-н шуғулланади. Хўжаулкан сойидан сув ичади. Ферма бор.

ХЎЖАШЎРКЕНТ — Наманган обл. Янгиқўрғон р-ни Бирлашган қ. С. даги қишлоқ. Киров номли к-з терр-ясида. Р-н маркази ва яқин т. й. станцияси — Чортоқ (22 *км*). Аҳолиси 2850 киши (1976); пахтачилик, пиллачилик, богдорчилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Поччаотасойдан сув ичади. Ўрта мактаб, к-з правлениеси идораси, кутубхона, медпункт, дорихона, алоқа бўлими, маиший хизмат кўрсатиш пунктлари, болалар боғчаси, клуб, бозор бор.

ХЎЖАЮМ — Самарқанд обл. Пастдарғом р-ни Санчикўл қ. С. даги қишлоқ. Киров номли к-з терр-ясида. Р-н маркази ва яқин т. й. станцияси — Жума (11 *км*). Аҳолиси 1179 киши (1976); чорвачилик, қоракўлчилик, сабзавотчилик б-н шуғулланади. Эски Ангор канали орқали Зарафшон дарёсидан сув ичади. Ремонт устахонаси, сут-товар фермаси, ўрта мактаб, клуб, кутубхона, медпункт, болалар боғчаси бор.

ХЎЖАУЛДИ — Фарғона обл. Бувайда р-ни Бештерак қ. С. даги қишлоқ. «Ленинград» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 10 *км*, яқин т. й. станцияси — Фурқат (22 *км*). Аҳолиси 713 киши (1976); пахтачилик, чорвачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Қалаган ариғидан сув ичади. Саккиз йиллик мактаб бор.

ХЎЖАҚИШЛОҚ — Наманган обл. Наманган р-ни Иброҳим Раҳматов қ. С. даги қишлоқ. В. И. Ленин номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 2 *км*, яқин т. й. станцияси — Тўрақўрғон (12 *км*). Аҳолиси 1720 киши (1976); пахтачилик, чорвачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Шимолий Фарғона каналидан сув ичади. В. И. Ленинга ҳайкал ўрнатилган. К-з правлениеси идораси, алоқа бўлими, медпункт, болалар яслиси бор.

ХЎЖАҚИШЛОҚ — Самарқанд обл. Ургут р-ни Ўрамас қ. С. даги қишлоқ. «Ленинград» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 12 *км*, яқин т. й. станцияси — Самарқанд (32 *км*). Аҳолиси 532 киши (1976); тамакичилик, богдорчилик, чорвачилик, б-н шуғулланади. Янгиариқ каналидан сув ичади. Саккиз йиллик мактаб бор.

ХЎЖАҚИШЛОҚ — Сурхондарё обл. Қумқўрғон р-ни Юқори Қакайди қ. С. даги қишлоқ. Ленин номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 32 *км*, яқин т. й. станцияси — Қизил Октябрь (32 *км*). Аҳолиси 674 киши (1977); ингичка толали пахтачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Қакайди ариғидан сув ичади. Ўрта мактаб, медпункт бор.

ХЎЖАҚИШЛОҚ — Тошкент обл. Ғалаба р-ни Кетмонтепа қ.С.даги қишлоқ. Свердлов номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 9 *км*, яқин т. й. станцияси —55- разъезд (20 *км*). Аҳолиси 1094 киши (1977); пахтачилик, канопчилик, пиллачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Чирчиқ дарёсидан сув ичади.

ХЎЖАҚИШЛОҚ — Фарғона обл. Фрунзе р-ни Тайпоқ қ. С. даги қишлоқ. Карл Маркс номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 35 *км*, яқин т. й. станцияси — Қўқон (43 *км*). Аҳолиси 671 киши (1976); пахтачилик, чорвачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Фрунзе номли каналдан сув ичади. Қ. С. идораси, клуб, кутубхона бор.

ХЎЖАҚИШЛОҚ — Қашқадарё обл. Китоб р-ни Сиваз қ. С. даги қишлоқ. Навоий номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 5 *км*, яқин т. й. станцияси — Китоб (9 *км*). Аҳолиси 967 киши (1974); баҳорикор ғаллачилик, богдорчилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Чашмалардан сув ичади. Саккиз йиллик мактаб бор.

ХЎЖАҚИШЛОҚ — Қашқадарё обл. Қарши р-ни Дашт қ. С. даги қишлоқ. «Ленинизм» к-зи терр-ясида. Р-н маркази ва яқин т. й. станцияси — Қарши (22 *км*). Аҳолиси 2451 киши (1974); пахтачилик, чорвачилик, пиллачилик, богдорчилик б-н шуғулланади. Москва каналидан сув ичади. Ўрта мактаб, кутубхона, медпункт, алоқа бўлими, дорихона, к-з машина-трактор парки, к-з қўйчилик фермаси, маиший хизмат кўрсатиш пункти бор.

ХЎЖАҚИЯ — Сурхондарё обл. Шеробод р-ни Оққўрғон қ. С. даги қишлоқ. Ленин номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 6 *км*, яқин т. й. станцияси — Новшаҳар (48 *км*). Аҳолиси 1310 киши (1977); ингичка толали пахтачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Хўжақия ариғидан сув ичади. Ўрта мактаб, медпункт бор.

ХЎЖАҚУДУҚ — Қашқадарё обл. Косон р-ни Олачабоб қ. С. даги қишлоқ. «Большевик» с-зи терр-ясида. Р-н маркази ва яқин т. й. станцияси — Косон (50 *км*). Аҳолиси 997 киши (1974); чорвачилик б-н шуғулланади. Қудуқлардан ва Москва каналидан сув ичади. Ўрта мактаб, медпункт бор.

ХЎЖАҚЎРҒОН — Бухоро обл. Қизилтепа р-ни Хўжаҳасан қ. С. даги қишлоқ. «Тошработ» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 3 *км*, яқин т. й. станцияси — Қизилтепа (20 *км*).

Аҳолиси 1098 киши (1976); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик, сабзавотчилик, богдорчилик б-н шуғулланади. Гамхурд ариғи орқали Зарафшон дарёсидан сув ичади. Ферма, ўрта мактаб, клуб, кутубхона, медпункт бор.

ХЎЖАҚЎРҒОН — Наманган обл. Косонсой р-ни Терговчи қ. С. даги қишлоқ. «Правда» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 18 *км*, яқин т. й. станцияси — Наманган (46 *км*). Аҳолиси 605 киши (1976); пахтачилик, чорвачилик, пиллачилик, шоликорлик б-н шуғулланади. Чуст каналидан сув ичади.

ХЎЖАҚЎРҒОН — Самарқанд обл. Нарпай р-ни Киров қ. С. даги қишлоқ. Ленин номли к-з терр-ясида. Р-н маркази ва яқин т. й. станцияси — Зирабулоқ (17 *км*). Аҳолиси 1284 киши (1976); пахтачилик, богдорчилик, сабзавотчилик, чорвачилик, ғаллакорлик б-н шуғулланади. Нарпай каналидан сув ичади. К-з идораси, ўрта мактаб, клуб, кутубхона, болалар боғчаси, машина-трактор парки, ремонт устахонаси бор.

ХЎЖАҚЎРҒОН — Тошкент обл. Бўка р-ни Киров қ. С. даги қишлоқ. «Октябрь 40 йиллиги» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 9 *км*, яқин т. й. станцияси — Тўйтепа (38 *км*). Аҳолиси 974 киши (1977); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Тошкент каналидан сув ичади.

ХЎЖАҚЎРҒОН — Тошкент обл. Ғалаба р-ни Узбекистон беш йиллиги қ. С. даги қишлоқ. «Москва» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 26 *км*, яқин т. й. станцияси — Янгийўл (13 *км*). Аҳолиси 1091 киши (1977); пахтачилик, канопчилик б-н шуғулланади. Қорасув каналидан сув ичади.

ХЎЖАҚЎРҒОН — Қашқадарё обл. Чироқчи р-ни Чироқчи қ. С. даги қишлоқ. Максим Горький номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 14 *км*, яқин т. й. станцияси — Яккабоғ (25 *км*). Аҳолиси 1307 киши (1974); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Қашқадарёдан сув ичади. Ўрта мактаб, медпункт бор.

ХЎЖАҒОР — сўнгги палеолит даврига оид қароргоҳ. ҚирғССР Уш обл. Қопқон қишлоғи яқинида. 1954—55 йилларда А. П. *Окладников* раҳбарлигидаги ТожССР археология экспедицияси ўрганган. Тезоқар сой суви қароргоҳдаги ўчоқ қолдиқларини, баъзи жойларда маданий қатламларни ювиб кетган, натижада тош қуроллар баъзи жойларда тўпланиб ёки ер юзасига чиқиб қолган. Х. да яшаган одамлар чақмоқтошдан қуроллар ясаганлар. Х. дан тош парракчалар, чақмоқтош учиндиларидан ясалган хилма-хил қирғичлар, тешгичлар, пармалар, найзасимон ва б. кўплаб қуроллар топилган.

ХЎЖАҲАЙРОН — Бухоро обл. Свердлов р-ни Қорали қ. С. даги қишлоқ. «Узбекистон» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 12 *км*, яқин т. й. станцияси — Шаҳрислом разъезди (20 *км*). Аҳолиси 685 киши (1976); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик, сабзавотчилик б-н шуғулланади. Руд канали орқали Зарафшон дарёсидан сув ичади. К-з фермаси, саккиз йиллик мактаб, клуб бор.

ХЎЖАҲАЙРОН — Қашқадарё обл. Ульянов р-ни Муғлон қ. С. даги қишлоқ. «20- партсъезд» с-зи терр-ясида. Р-н марказидан 10 *км*, яқин т. й. станцияси — Косон (30 *км*). Аҳолиси 2824 киши (1974); пахтачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Қашқадарёдан сув оладиган Жейнов ариғидан сув ичади. Ўрта мактаб, медпункт, дорихона, киноустановка бор.

ХЎЖАҲАСАН — Фарғона обл. Қува р-ни Байналмилал қ. С. даги қишлоқ. Карл Маркс номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 10 *км*, яқин т. й. станцияси — Федченко (10 *км*). Аҳолиси 1479 киши (1976); пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. К-з правлениеси идораси, ўрта мактаб, касалхона бор.

ХЎППИШ — Хоразм обл. Ҳазорасп р-ни Юқори Мухаман қ. С. даги қишлоқ. Карл Маркс номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 5 *км*, яқин т. й. станцияси — Ҳазорасп (7 *км*). Аҳолиси 554 киши (1976); пахтачилик, шоликорлик, пиллачилик, богдорчилик б-н шуғулланади. Полвонёп канали орқали Амударёдан сув ичади. Саккиз йиллик мактаб, ремонт устахонаси бор.

ХЎТАН — Хитойнинг ғарбий қисмидаги дарё. Тарим дарёсининг ўнг ирмоғи. Қорақурум ва Куньлунь тоғларидан бошланадиган Қорақош ва Юрунқош ирмоқларининг қўшилишидан ҳосил бўлган. Узунлиги 1035 *км*, ҳавзасининг майдони 43,6 минг *км*². Куньлунь тоғлари этагидаги Хўтан воҳасини суғоради. Такламакон чўлидан ўтган қисмида дарё фақат июль-август ойларидагина тўлиб оқади. Қурғоқчил йилларда Х. суви Тарим дарёсига етмасдан тугайди.

ХЎТАН — Хитойнинг шимоли-ғарбий қисмидаги шаҳар. Синьцзян-Уйғур автоном р-нида. Юрунқош дарёси водийсида. Шимолий Куньлунь автомобиль йўлидаги транспорт пункти. Аҳолиси 50 минг киши (1958). Такламакон чўлидаги воҳанинг маркази. Қадимда карвон йўлларининг кесишган жойи бўлган. 15- асргача Х. орқали Хитойдан Европага ипак олиб борилган. Шаҳар атрофида ипакчилик ривожланган. Ипак йигириш ф-каси, озиқ-овқат корхоналари бор. Гилам тўқилади. Бадиий ҳунармандчилик буюмлари тайёрланади.


Ц

Ц — ҳозирги ўзбек алифбосининг 24-ҳарфи, т ва с элементларидан ташкил топган. Тилолди, жарангсиз ундош товушни ифодалайди. Ўзбек тилига рус тили орқали ўтган сўзлардагина учрайди. Мас., циркуль, цирк, концерт, процент кабилар.

Ц ўзбек тилида мустақил *фонема* эмас. Оғзаки нутқда ц, кўпинча с, баъзи сўзларда ч деб талаффуз қилинади. Мас., черков∠целковый, чоризм ∠царизм. Сўзда жуфт ҳолда келмайди.

ЦАГАН-ШИБЭТУ — Тува АССРнинг жанубий-ғарбидаги ва МХРнинг шимоли-ғарбидаги тоғ тизмаси. Узунлиги 130 *км*, энг баланд жойи 3496 *м*. Метаформик сланец ва эффузивлардан таркиб топган. Ён бағирлари дашт ўсимликлари (шимолидаги водийларда тилоғочзорлар) б-н қопланган, 2300—2400 *м* дан юқори қисми тоғ тундраси ўсимликлари б-н қопланган.

ЦАДАСА Ҳамзат [1877. 9 (21). 8, Цада овули, ҳозирги Дағистон АССР Хунзах р-ни — 1951. 11. 6, Махачқала]— авар совет шоири. Дағистон АССР халқ шоири (1934). Расул *Ҳамзатов*нинг отаси. Мадрасада ўқиган. Ижоди 1891 йилдан бошланган. Сатиралари қолоқликка ва жоҳилликка («Насиҳат», «Исо ва Сурхай»), эски урф-одатларга ва ўтмиш қолдиқларига («Жанжал», «Хунхўрлик ҳақида сўз») қарши қаратилган. Октябрь рев-яси ғояларини қизғин тарғиб қилган. «Одатлар супургиси» номли илк шеърлар тўплами (1934) авар совет поэзиясида бутун бир даврни ташкил қилади. Авар адабиётида биринчи бўлиб Ц. болалар учун масал, шеър ва эртаклар ёзган. 30-йиллар охирида «Менинг ҳаётим» автобиографик поэмасини яратган. Улуғ Ватан уруши йилларида яратган қўшиқлари машҳур («Ватан учун» шеърлар тўплами). Тоғликларнинг янгича ҳаёти, мардонавор меҳнатини тасвирловчи «Чўпон ҳақида ривоятлар» поэмаси (1949—50) унинг «Танланган асарлар»ига (СССР Давлат мукофоти, 1951) киритилган. Бир қанча драма ва комедиялар («Этикдўз», «Жангдаги учрашув», «Кадаловнинг уйланиши» ва б.) ёзган. Шоир ижоди авар фольклори б-н чамбарчас боғлиқ. Пушкин, Крилов ва б. нинг асарларини авар тилига таржима қилган. Кўпгина шеърлари халқ қўшиқларига айланиб кетган. 3-чақириқ СССР Олий Совети депутати. Ц. номида драматик асарлар учун бериладиган республика мукофоти таъсис этилган (1965). Ц. номида театр ва ин-т, Цада овулида музей бор (1967).



Цадаса Ҳамзат.



Цамутали А. С.

Ас.: Стихотворения и поэмы, Л., 1958; Стихи. Басни. Сказки, М., 1966; Избранное, М., 1973.


Ад.: Магомедов Б., Очерки аварской дореволюционной литературы, Махачкала, 1961; История дагестанской советской литературы, т. 1—2, Махачкала, 1967; Гамзатов Г. Г., Гамзат Цадаса, Махачкала, 1973.

ЦАЙДАМ ТЕКИСЛИГИ — Марказий Осиёдаги тектоник ботиқ. Хитойда. Тибет тоғлигининг шимоли-шарқий чеккасида. Узунлиги 700 *км*, эни 100—300 *км* чамасида. Туби текис, 2600—2900 *м* баландликда. Ц. т. атрофини Наньшань, Куньлунь ва Олтинтоғ тизмалари ўраб туради. Иқлими кескин континентал, қуруқ. Январнинг ўртача т-раси —11° дан —15° гача, июлники 15—18°. Йиллик ёғин 25—50 *мм*, шарқида 150 *мм* гача, асосан ёзда ёғади. Майда шўр кўллар кўп. Тоғлардан Ц. т. га оқиб тушадиган дарёлар, асосан, кўлларга қуйилади. Ц. т. аксари қисми тошлоқ, қумли, гилли чўл, чала чўл ва шўрхокдан иборат. Ц. т. нинг шимоли-ғарбий қисми денудацияланган текислик. Усимлик ниҳоятда кам. Ц. т. нинг жанубий-шарқий қисми аккумулятив текислик бўлиб, катта қисми шўрхок. Тоғ этакларидаги даштларда қамиш, баъзи бошоқдошлар, юлғун, жузғун ўсади. Нефть (Голмо, Манъян) ва ош тузи конлари бор.


ЦАМУТАЛИ Александр Сергеевич (1928. 22. 9, ҚирғССР Пржевальск ш.)— иқтисод фанлари д-ри (1973), проф. (1976). ВАСХНИЛ мухбир аъзоси (1978). 1961 йилдан КПСС аъзоси. Тошкент Қишлоқ хўжалиги ин-тини тугатгач (1952), СоюзНИХИда лаборант, аспирант (1952—56), катта илмий ходим (1956—59), иқтисод бўлими мудири (1959—60). Урта Осиё Қишлоқ хўжалиги экономикаси илмий тадқиқот ин-ти (САНИИЭСХ)нинг к-з ишлаб чиқариши экономикаси бўлими мудири (1960—65), илмий ишлар бўйича директор ўринбосари (1965—76). 1976 йилдан ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлими раиси ўринбосари. Аграр иқтисод фанини, қ. х. нинг пахтачилик ва б. соҳаларини ривожлантиришда хизматлари катта. Ғўза-беда алмашлаб экиш, турли ўғитлар ҳамда бир қатор агротехника тадбирларининг иқтисодий самарадорлиги ва б. устида илмий тадқиқот олиб борган. «Хурмат Белгиси» ордени ва медаль б-н мукофотланган.

ЦАНГПО́ — Хитойдаги *Брахмапутра* дарёси юқори оқимининг тибетча номи.

ЦАНДЕР Фридрих Артурович (1887, Рига — 1933, Кисловодск)— совет олими, ракета техникаси соҳасидаги ихтирочи. Рига Политехника ин-тини тугатгач (1914), Москвадаги з-дларда ишлаган. 1908 йилдан реактив ҳаракат проблемалари б-н шуғулланиб, 1921 йилда планеталараро аэроплан-кема лойиҳасини, 1924 йилда ракетасимон самолёт, унинг фойдаланиб бўлинган қисмларини ёндириб, қўшимча ёнилғи сифатида ишлатиш ҳақидаги асосий ғояларини баён этди. 1930—31 йилларда сиқилган ҳаво ва бензин б-н ишлайдиган ОР-1, 1933 йилда суюқ ёнилғида ишлайдиган ОР-2 ракета двигателини ясади ва синовдан ўтказди. Ц. «10 двигатели» ва «ГИРД-Х» ракетаси лойиҳасини ишлаб чиққан. У 1932 йили ракета ва двигателлар яратиш б-н шуғулланувчи махсус илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ташкилоти — реактив ҳаракатни ўрганиш груп-



Хоразм области. 1. Амударёда сайр. 2. Ирригация каналларини тозалаш. 3. Шовот каналидаги сув иншоотлари. 4. Пахтазорда. 5. Шовот пахта тозалаш заводида. 6. Урта Осиё — Марказ газопроводидаги «Хива» компрессор станцияси. 7. Жумуртов тош карьерида. 8. Гурлан районидаги Куйбишев номидаги колхозда хлорелла олиш учун ўрнатилган янги қурилма. 9. Хонқа районидаги Охунбобоев номли колхознинг янги турар жой бинолари. 10. Урганчдаги янги бинолардан бири. 11. Хива гиламлари.



Хўжаев О. мақоласига. 1. Олим Хўжаев «Ганг дарёсининг қизи» (Р. Тагор романи асосида А. Гинзбург инсценировкаси) спектаклида — Налинакка; 2. «Алишер Навоий» (Уйғун, И. Султон)да — Навоий; 3. «Ҳамза» (К. Яшин, А. Умарий)да — Ҳамза (ўнгдан иккинчи); 4. «Бой ила хизматчи» (Ҳамза)да — бой; 5. «Душманлар» (М. Горький)да — Заҳар Вардин (чапдан биринчи); 6. «Бургутнинг парвози» (И. Султон)да — Жўраев (ўнгдан биринчи); 7. «Қирол Лир» (У. Шекспир)да — қирол; 8. «Тожикфильм»нинг «Рустамнинг жасорати» фильмида (чапдан биринчи; 9. «Чили сенга ишонаман» (В. Чичков)да — Сальвадор Альенде; 10. «Инқилоб тонги» (К. Яшин)да Акбарбой (чапдан биринчи) ролида.

пасини таъсис этишда қатнашган. Ойнинг тескари томонидаги кратер Ц. номи б-н аталади.

Ад.: Зильманович Д. Я., Пионер советского ракетостроения Ф. А. Цандер, М., 1966.

ЦАПФА (нем. Zapfen) — ўқ ёки валнинг подшипникка таянib турадиган қисми. Ўқ ёки валнинг учидаги Ц. ш и п, ўрта ёхуд учларига яқин қисмидагиси б ў й и н, вертикал валнинг торец қисми т о в о н дейилади. Ц. лар ишлаш принципига қараб қўзғалмас ва айланма, тузилишига қараб цилиндрик, конус, шарсимон ва махсус шаклли бўлади. Уларнинг ўқ бўйлаб сурилмаслиги учун валга махсус таянч елкачалар қилинади ёки тирак ҳалқалар кийгизилади.

ЦАРИЦИН — РСФСР Волгоград областининг маркази *Волгоград* шаҳрининг 1925 йилгача бўлган номи.

ЦАРИЦИН МУДОФААСИ (1918—19) — Гражданлар уруши даври (1918—20) да Қизил Армия қўшинлари, ишчи отрядлари ва Волга ҳарбий флотилиясининг Царицин (ҳозирги Волгоград) ш. ни контрреволюцион казак қўшинларидан мудофаа қилишга қаратилган жанговар ҳаракатлари. 1918 йил июлида генерал П. С. Красновнинг оқ гвардиячи армияси (45 минг пиёда ва отлиқ аскар, 610 пулемёт, 150 дан ортиқ тўп) Совет республикаси учун муҳим ҳарбий ва иқтисодий аҳамиятга эга бўлган Царицин томон силжий бошлади. Мудофаада турган совет қўшинлари (40 мингга яқин пиёда ва отлиқ, 100 дан ортиқ тўп) тарқоқ отрядлардан ҳамда июлнинг бошларида Донбассдан Царицинга ёриб ўтган 3- ва 5-Украина армияси (қўмондон К. Е. *Ворошилов*) нинг қолдиқларидан иборат эди. Ц. м. га Шимолий Кавказ округининг 22 июлда тузилган Ҳарбий Совети, 11 сентябрдан эса Жанубий фронт Ҳарбий Совети раҳбарлик қилди.

1918 йил 8 августда казаклар шаҳарни ўраб олдилар. Шиддатли мудофаа жангларидан кейин 20 августда қизил аскарлар қарши ҳужумга ўтиб, генерал Мамонтовнинг группировкасини Дон дарёсидан нарига суриб ташладилар. 14—15 октябрда оқлар шаҳарни иккинчи марта ўраб олдилар, фронт чизиғи шаҳарга 8—10 *км* масофагача яқинлашди. 16—17 октябрда жанубий ва марказий участкаларда бўлиб ўтган жангларда оқлар катта талафот кўриб, чекина бошладилар, 25 октябрда эса улар Дон дарёсининг нариги қирғоғига улоқтириб ташланди. Оқ казакларнинг Царицинга учинчи ҳужуми 1919 йил 1 январда бошланди ва 15 январда шаҳар казаклар томонидан ярим ҳалқа шаклида ўраб олинди. 10-армия (қўмондони 26 декабрдан А. И. Егоров) душманнинг барча ҳужумларини қайтариб турди. Айни вақтда советларнинг 8- ва 9-армиялари ғарб томондан оқ казакларнинг орқасига ўтиб олди. Февралнинг ўрталарида оқ казаклар Царицидан чекинишга мажбур бўлдилар. Ц. м. да шаҳар ишчилари муҳим роль ўйнади, улар муттасил ҳимоячиларнинг сафларини тўлдириб, қўшинларни қурол б-н таъминлаб турдилар. Совет ҳукумати 1919 йил 14 майда Царицинни Фахрий революцион Қизил Байроқ б-н, 1924 йил 14 апрелда эса Қизил Байроқ ордени б-н мукофотлади.

Ад.: Южный фронт, Сб. документов, Ростов на Дону, 1962; Гражданская война и военная интервенция в СССР, М., 1958.

ЦАРСКОЕ СЕЛО — РСФСР Ленинград областидаги *Пушкин* шаҳрининг 1918 йилгача бўлган номи.

«ЦАРЬ-КОЛОКОЛ» (рус. «Шоҳ-қўнғироқ») — қўнғироқ, рус қуймачилик санъатининг намунаси. Москва Кремлига ўрнатилган. Оғирлиги 200 *т* дан ортиқ, баландлиги 6,14 *м*, диаметри 6,6 *м*. 1733—35 йилларда И. Ф. Моторин ва унинг ўғли Михаил бронзадан қуйганлар. Безаклар, портретлар ва ёзувлар В. Кобелев П. Галкин, П. Кохтев, П. Серебряков ва П. Луковниковлар томонидан ишланган. 1737 йилдаги ёнғин вақтида «Ц.-к.» ёрилиб, 11,5 *т* лик парчаси узилиб тушган. 1836 йили «Ц.-к.» «Иван Великий» қўнғироқхонаси яқинидаги супага қўйилган.



Цандер Ф. А.

«ЦАРЬ-ПУШКА» (рус. «Шоҳ-замбарак») — йирик қадимги тўп, рус қуймачилик санъатининг намунаси. Расмий номи «Дробовик Российский». 1586 йилда атоқли тўп ясовчи уста Андрей Чохов қуйган. «Ц.-п.» нинг калибри 890 *мм*, стволининг узунлиги 5,34 *м*, оғирлиги 40 *т*. Стволи нақшлар б-н безатилган. Тўпнинг оғзига яқин жойига от минib турган шоҳ Фёдор Ивановичнинг тасвири солинган. «Ц.-п.» Кремлни мудофаа қилиш учун мўлжаллаб қуйилган бўлса-да, ундан ҳеч қачон ўқ узилмаган. Тарихий ёдгорлик сифатида Москва Кремлида «Царь колокол» б-н ёнма-ён сақланади.

ЦАХУРЛАР — халқ, Дағистон АССР Рутул р-нининг ғарбий қисмида, шунингдек ОзССР нинг Закатали, Қахи ва Белокани р-нларида яшайди. Умумий сони 11,1 мингга яқин киши (1970). Лезгин тил группасига кирувчи цахур тилида гаплашади. Адабий тили Дағистондаги Ц. да рус тили, ОзССРда яшовчи Ц. да эса озарбайжон тили ҳисобланади. Диндорлари ислом динига эътиқод қилади. Ц. асосан чорвачилик (қўй, қорамол, от) ва қисман деҳқончилик б-н шуғулланади.

ЦВЕЙГ Арнольд (1887. 10. 11, Грос-Глогау, ҳозирги Глогув, Польша — 1968. 26. 11, Берлин) — немис ёзувчиси ва жамоат арбоби. 1907—15 йилларда Бреслау, Мюнхен, Берлин ва б. ун-тларда ўқиган. «Клавдия ҳақидаги новеллалар» (1912) романида санъат б-н воқелик, ижод б-н пул ҳукмронлиги орасидаги зиддият мавзуини қаламга олди. Унинг «Венгрияда маросим қурбонлари» (1914) драмаси Г. Клейст мукофотига сазовор бўлди. Ц. нинг «Чақирилган соялар» (1923), «Илк қадамлар», «Камалак» (1925) ҳикоялар тўпламлари замонавий мавзуларга бағишланган. «Унтер Гриша фожиаси» (1927) романида Ц. рус ҳарбий асири Григорий Папроткиннинг немис ҳарбий суди томонидан ўлимга айбсиз ҳукм қилинишини, унинг ҳаётини сақлаб қолиш учун олиб борилган курашни ифодалайди. «1914 йилнинг ёш аёли» (1931), «Верденда олинган тарбия» (1935), «Қиролни тахтга ўтқазиш» (1937), «Сукунат» (1954), «Муз кўчди» (1967—68, тугалланмаган) каби асарларида Ц. нинг милитаризмга қарши қарашлари ифодаланган. «Вандсбек болтаси» (1943) романида фашизмга хизмат қилган немис майда буржуа табақаларининг ахлоқий тубанликлари фош қилинган. Ц. Германия Санъат академияси президенти (1950—53), Германия Халқ палатаси депутати (1949—67) ва Жаҳон Тинчлик Кенгаши аъзоси (1950), ГДР миллий мукофоти (1950) ва «Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун» Халқаро Ленин мукофоти (1958) лауреати.



Цвейг А.

Ад.: Топер П., Арнольд Цвейг, М., 1960; Арнольд Цвейг. Биобиблиографич. указатель, М., 1961,




Цеденбал Ю.

ЦВЕЙГ Стефан (1881. 28. 11, Вена—1942. 22. 2, Петрополис, Бразилия)— Австрия ёзувчиси. Вена, Берлин ун-тларида ўқиган. Европа, Осиё ва Америка бўйлаб саёҳат қилган, СССР да бўлган (1928), 1934 йилдан Лондонда, 1940 йилдан Нью-Йоркда ва кейинчалик Бразилияда муҳожирликда яшаган. Дастлабки асарлари француз символизми таъсирида ёзилган. «Амок» (1922), «Туйғулар изтироби» (1927) асарларида инсон психологияси сирларини очишга интилиш кучли. «Мендель-букинист» (1929), «Янги касб билан бехосдан танишиш» (1936) новеллаларида, «Бетоқат қалб» (1939) романи ва «Шахмат новелласи» (1941) тўпламига кирган асарларида оддий халқ тақдири ҳақида қайғуриш, буржуа ахлоқи ва фашизмни танқид қилиш кайфиятлари сезилади. «Терсит» (1907) драмаси буржуа жамиятини революцион йўл б-н ўзгартириш ва ижтимоий эволюциянинг ҳаракатлантирувчи кучларини аниқлаш масалаларида хатоларга йўл қўйган. «Кечаги дунё» (1944) хотира китобида ва «Кишилар, китоблар, шаҳарлар билан учрашувлар» (1937) номли нутқ, эссе ва танқидий мақолалар тўпламида Ц. нинг гуманистик қарашларидаги мавҳумлик яққол кўзга ташланади. Данте, Гёте, Достоевский, Бальзак ва б. нинг биографияларига оид ишлари Ц. ижодида муҳим ўрин тутади. Адибнинг «Бир аёл мактуби» (1962), «Куйган кўнгил фарёди» (1977) ҳикоялар тўпламлари ўзбек тилига таржима қилинган.

Ад.: Федин К., Писатель. Искусство. Время, М., 1961; Лидин В., Люди и встречи, М., 1961; Сучков Б. Л., Лики времени, М., 1976.

ЦВИККАУ — ГДРдаги шаҳар. Карл-Маркс-Штадт округида. Цвиккауэр-Мульде дарёси бўйида. Аҳолиси 122,5 минг киши (1975). Транспорт йўлларининг муҳим узели. Автомобилсозлик марказларидан. Шаҳар атрофида йирик тошкўмир конлари топилган. Транспорт контейнерлари, шахта лампалари, қурилиш материаллари (керамика), тўқимачилик саноати корхоналари; олий инженерлик мактаби, педагогика ин-ти, консерватория, композитор Роберт Шуман туғилган уй-музей бор. 12—16-асрлар архитектура ёдгорликлари сақланган.

ЦЕВКАЛИ МЕХАНИЗМ — параллел валлар орасида айланма ҳаракат узатадиган тишли механизм; бунда ғилдираклардан бирининг тиши доиравий цилиндр — цевка (ролик) кўринишида бўлади (расмга қ.). Ц. м. да цевкалар ўз ўқига нисбатан айланиши мумкин. Натижада тишли илашмада ишқаланишга энергия кам сарфланади ва тиш юзаларининг ишқаланиши ҳам камаяди. Цевкали илашма циклоидал илашманинг хусусий ҳоли ҳисобланади. Ц. м. нинг ички ва ташқи илашмали хиллари бор. Ички илашмали Ц. м. да цевка ва тишли ғилдирак бир томонга айланади. Цевкалар радиуси бошланғич айлана радиусидан катта бўлган айланада жойлашади. Ички илашмали Ц. м. планетар редукторда катта узатиш сонини олишга имкон беради. Ташқи илашмали Ц. м. да цевкали ва тишли ғилдираклар қарама-қарши томонга айланади. Ц. м. планетар редуктор ва асбобларда ишлатилади.



Цевкали механизм схемаси: 1— тишли ғилдирак; 2— цевкали ғилдирак; 3— цевкалар.

ЦЕДЕНБАЛ Юмжагийн (1916. 17. 9, Убсунур аймоги)— Монголия ва халқаро коммунистик ҳаракат арбоби, МХР давлат ва сиёсий арбоби. Камбағал деҳқон оиласида туғилган. Иркутскдаги Молия-иқтисод ин-тини тугатган (1938). 1939 йилдан Монголия Халқ революцион партияси (МХРП) аъзоси. 1939—40 йилларда МХР Молия министри ўринбосари, сўнг министр. 1940—51 йилларда МХРП МҚ Бош секретари, айни вақтда Бош қўмондон ўринбосари ва Монголия Халқ революцион армияси сиёсий бошқармаси бошлиғи (1941—45). 1945—52 йилларда МХР Бош министри ўринбосари ва айни вақтда Госплан комитети раиси (1948 йилдан). 1952—74 йилларда МХР Министрлар Совети раиси, 1958 йилдан МХРП МҚ биринчи секретари. 1974 йилдан МХР Буюк халқ хурали Президиуми раиси. 2 марта Ленин ордени, Октябрь Революцияси, 1-даража Кутузов орденлари б-н тақдирланган. МХР Меҳнат Қаҳрамони ва МХР Қаҳрамони. Ц. МХР ФАнинг фахрий аъзоси (1966). Сухэ-Батор ва б. Монголия орденлари, Ж.-Кюри номли Тинчлик олтин медали б-н мукофотланган. КПСС 20—25-съездларида МХРП делегациясига бошчилик қилган.

Ас.: Избр. статьи и речи, т. 1—2, М., 1962; Избр. статьи и речи, 1962—1973, М., 1974.

ЦЕЗ ТИЛЛАРИ — ёзувга эга бўлмаган бир гуруҳ догистон тиллари (қ. *Анди-дидой тиллари*).

ЦЕЗАРЬ (лат. Caesar)—1) Қадимги Римнинг давлат ва сиёсий арбоби, саркарда, ёзувчи (қ. *Юлий Цезарь*); 2) Рим императорлари ва улар ворисларининг номи. Кесарь деб ҳам юритилади.

ЦЕЗИЙ (Caesium), Cs — Менделеев даврий системасининг I группасига мансуб кимёвий элемент; ат. н. 55, ат. оғ, 132,905. Табиий Ц. бир изотоп ^{133}Cs дан иборат. Унинг 15 дан ортиқ сунъий радиоактив изотоплари олинган. Булар ичида энг барқарори ^{137}Cs (ярим емирилиш даври 33 йил)дир.

Ц. дастлаб 1860 йилда немис олимлари Р. Бунзен ва Г. Кирхгоф томонидан Германиянинг Дюркгейм минерал сувларини спектраль усулда текшириш натижасида кашф қилинган. Металл Ц. ни дастлаб К. Сеттерберг 1882 йилда суюқлантирилган цезий цианидни электролизлаб олган. Ц. номи лат. caesium — зангори демакдир (унинг спектрида иккита зангори чизиқ мавжуд).

Ц. нодир элемент. Ер пўстининг оғирлик жиҳатидан $7 \cdot 10^{-4}$ % ни ташкил этади. Ц. поллуцит номли минерал (алюмосиликат) ҳосил қилади. Ц. бирикмалари минерал сувлар таркибида ва тирик организмларда бўлади. Ц. оз миқдорда базальт, гранит, диабаза номли тоғ жинслари таркибида учрайди. Лепидолит (ёки поллуцитдан) литий, калий, рубидий ва кальций ажратилганидан кейин Ц. бирикмалари олинади. Тоза Ц. олиш учун Ц. галогенидлар кальций б-н қайтарилади.

Ц. сариғиш-пушти рангли енгил ишқорий металл; зичлиги 1,90 *г/см*^{3} (20°С да), суюқланиш т-раси 28,5°С, қайнаш т-раси 705°С. Ц. нинг ёруғликка сезгирлиги барча металларникидан юқори.

Ц. жуда актив металл, ҳавода ўз-ўзидан аланга ланади, ҳатто вакуумдан ҳам ўзига кислородни тортиб олади. Ц. парафин мойида сақланади. Ц. сув б-н шиддатли реакцияга киришиб цезий гидроксид — CsOH ҳосил қилади; бунда водород ҳам ажралиб чиқади ва портлаш юз беради. Ц. галогенлар б-н аланга

ҳосил қилиб, шиддатли реакцияга киришади. Ц. нинг олтингугурт б-н реакцияси ҳам шу тарзда боради. Ц. кучли қайтарувчи. 300°С даёқ SiO_2 дан кремнийни қайтаради. Ц. фотоэлементлар ишлаб чиқаришда, баъзи бирикмалари медицинада, CsJ, CsBe дан тайёрланган призмалар инфрақизил спектроскопияда ишлатилади. Ц. бирикмаларидан катализда ҳам фойдаланилади.

Ад.: Плюшев В. Е., Степин Б. Д., Химия и технология соединения лития, рубидия и цезия, М., 1970; Коган Б. И., Названова В. А., Соколов Н. А., Рубидий и цезий, М., 1971.

ЦЕЗЛАР, андо-цез халқлари — Догистон АССРнинг ғарбида яшовчи халқ (қ. *Анди-дидойлар, Догистон халқлари*).

ЦЕЗУРА (лат. caesura — кесиш, чопиш) (музикада)— музика асарининг қисмлари, бўлимлари, тузилмалари ўртасидаги чегара. Музика асарини, унинг тузилишини англашга ёрдам беради. Ц. ни билдирувчи шартли белгилар қабул қилинмаган; қисман *лигалар* б-н ифода қилинади.

ЦЕЙ МУЗЛИГИ — Катта Кавказ тизмасининг шимолий ён бағридаги музлик. Ўилпата ва Адайхох чўққилари оралиғида. Майдони 9,7 *км*^{2}. Узунлиги 8,6 *км*, эни 600 *м*. 2200 *м* баландликкача тушиб борган. Музликдан Цейдон дарёси (Ардон дарёсининг чап ирмоғи) бошланади. Ц. м. яқинида альпинист лагерлари ва турбаза жойлашган.

ЦЕЙЛОН — Ҳинд океанидаги Шри Ланка ороли ва шу оролдаги *Шри Ланка* давлатининг 1972 йилгача бўлган номи.

ЦЕЛЕБЕС — Индонезиядаги *Сулавеси* ороли нинг адабиётларда учраб турадиган номи.

ЦЕЛЕСТИН (лат. caelestis—зангори осмон)— минерал. Стронций сульфат кислота бирикмасидан таркиб топган. Кимёвий таркиби $SrSO_4$; Са ва Ва аралашган бўлади. Ромб сингонияли. Кристаллари таблеткасимон, дисксимон, пирамидага ўхшаш. Донадор, толасимон, пластинкасимон, тупроқсимон агрегатлар ҳосил қилади. Рангсиз, оч ҳаво ранг, зангор, оқ, яшил ва б. хиллари мавжуд. Шишадек ялтироқ. Қаттиқлиги 3—3,5; с. оғ. 3,96. Гипс, ангидрит, тоштуз, калий тузлари, оҳактош, доломит, ғилли сланецлар, мергель, қумтош ва б. чўкинди жинсларда, шунингдек гидротермал томирларда ҳамда оҳактош жинслар бўшлиғида учрайди. СССРда асосий конлари Урта Осиё, Волгабўйи, Жанубий Уралда, чет элларда — Буюк Британия, ГФР, АҚШ, Италия ва б. жойларда. Ц. Ўзбекистоннинг бўр ва палеоген даврлари ётқизиқларида учрайди.

Ц. дан стронций олинади. Стронций ва унинг турли бирикмалари пиротехникада, махсус қотишмалар ишлаб чиқаришда, рангли телевизор, лазер электротехника ва б. да қўлланилади.

ЦЕЛИНОГРАД (1961 йилгача Акмолинск)— шаҳар, ҚозССР Целиноград обл. маркази. Қозоғистон паст тоғларининг шимолида, Ишим дарёсининг ўнг соҳилида. Т. й. магистраллари узели. Аэропорти бор. Аҳолиси 222 минг киши (1977).

1830 йилда руслар ҳарбий қалъаси (Оқмўла) сифатида вужудга келган. 1832 йилдан Акмолинск ш., 1868 йилдан Акмолинск областининг уезд маркази. 1917 йил 25 декабрда (1918 йил 7 январь) Совет ҳокимияти ўрнатилган. 1918 йил июнида оқ гвардиячилар босиб олган, 1919 йил 26 ноябрда Қизил Армия озод қилган. 1920 йилдан Қирғизистон (Қозоғистон) АССР таркибида, 1920—28 йилларда Акмолинск губерниясининг, 1928—30-йилларда Акмолинск округининг маркази, 1930—32 йилларда район маркази. 1936 йилдан ҚозССРда, 1939 йилдан Акмолинск области маркази. 1954 йилдан қўриқ ерларни ўзлаштириш маркази бўлиб қолди. 1960—65 йилларда Қўриқ ерлар маркази; 1965 йилдан обл. маркази. Ц.— Шимолий Қозоғистоннинг йирик саноат маркази. Муҳим саноат корхоналари: қ. х. машиналари, («Қазахсельмаш», «Целиноградсельмаш»), насос, газ аппаратуралари, чўян эритиш, вагон ремонти з-длари, керамика к-ти ва б. Озиқ-овқат (гўшт, сут ва нон маҳсулотлари к-тлари, пиво з-ди) енгил (чинни з-ди, тикувчилик ф-каси ва б.) саноат тармоқлари ривожланган. Ғишт, темир-бетон буюмлар, уй деталлари, асфальт ва б. ишлаб чиқарилади. ТЭЦ ишлаб турибди.

Ц. да 4 олий ўқув юрти, 7 техникум, совхоз-техникум, педагогика ва 2 мед. билим юртлари, драма театри, обл. ўлкашунослик музейи бор.


ЦЕЛИНОГРАД ОБЛАСТИ (1961 йилгача — Акмолинск области)— ҚозССРдаги область. 1939 йил 14 октябрда ташкил топган. Майдони 124,6 минг *км*^{2}. Аҳолиси 812 минг киши (1977). Ц. о. да 13 р-н, 5 шаҳар ва 12 ш. т. п. бор. Маркази — Целиноград ш.

Табиати. Ц. о. Қозоғистон паст тоғларининг шимоли-ғарбий қисмини эгаллаган. Терр-ясининг кўпгина қисми тўлқинсимон текислик. Абс. баландлик 300—400 *м*. Шарқида Ерментов тоғлари (энг баланд нуқтаси—897 *м*), жанубий-ғарбида Тенгиз-Қурғалжин ботиғи жойлашган. Фойдали қазилмалари: олтин, боксит, сурма. мис, тошкўмир, гил, кварц қуми.



Целестин.





Целиноград. Типчлик кўчаси.

Иқлими кескин континентал, қуруқ иқлим. Июлнинг ўртача т-раси 20°, январники —18°. Йиллик ёғин 300 *мм*. Энг катта дарёси — Ишим. Кўллар кўп. Ц. о. нинг шимолий қисмидаги қора тупроқларда шувоқ-бетага, жанубидаги каштан тупроқларда шувоқ-бетага ўсади. Даштларда кемирувчилар, туёқлилар, йиртқичлар, қушлар яшайди. Қурғалжин қўриқхонаси бор.

Аҳолиси. Ц. о. да қозоқлар (19%), руслар (46%), немислар (13%), украинлар (10%, 1970), белоруслар, татарлар, удмуртлар, бошқирдлар, мордвалар, уйғурлар, корейслар ва б. яшайди. 1 *км*² га ўртача 6,5 киши тўғри келади. Шаҳар аҳолиси 58%. Шаҳарлари: Целиноград, Отбосар, Алексеевка, Ерментов, Макинск.

Хўжалиги. Ц. о. мамлакатимиз шарқидаги муҳим ғалла р-ларидан бири. Хўжалигининг асосий тармоқлари — обикор деҳқончилик ва гўшт-жун чорвачилиги.

Энергетикаси Қарағанда ҳавзасидаги тошкўмир ва мазутга асосланади. Целинограда ТЭС ишлаб турибди. Кон қазиш, машинасозлик ва металлсозлик (қ. х. машиналари, насос, вагон ремонти з-длари), озиқ-овқат (гўшт, тегирмон к-тлари, сут з-длари ва мебель ф-калари) саноат тармоқлари ривожланган. Қурилиш материаллари (темир-бетон конструкциялар, ғишт ишлаб чиқарилади) саноати барпо этилган. Кўпчилик саноат корхоналари Целиноградда, шунингдек Макинскда (поршень ҳалқалари ишлаб чиқарадиган з-д; қ. х. инвентарлари, автомобиль ва тракторлар учун эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарилади), Отбосарда (гўшт к-ти, ремонт-механика з-ди), Алексеевкада, Шўртанди посёлкасида (мебель ф-калари) ва қатор р-н марказларида (мой з-длари, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхоналари) жойлашган.

Ц. о. нинг қ. х. га яроқли ерлари орасида каттагина қисмини яйловлар (5945,3 миниг *га*) эгаллайди. Пичанзорлар 327,4 минг *га*, ҳайдалган ерлар 3807,4 минг *га*. 1954—58 йилларда Ц. о. да 4 млн. гектарга яқин қўриқ ва бўз ерлар ўзлаштирилди ҳамда ўнлаб ғалла с-злар вужудга келтирилди. Қ. х. йирик ғалла деҳқончилиги б-н сут-гўшт чорвачилиги, парандачилик, чўчқачилик ва майин жунли қўйчилик, йилқичиликка ихтисослашган. Экин майдони 3700,6 минг *га* (1976), шу жумладан ғалла экинлари 2809,7 минг *га*, ем-хашак экинлари 868,5 минг *га*, картошка 17,5 минг *га*, сабзавот ва полиз (тарвуз) экинлари 3,9 минг *га*. 1029,9 минг қўй ва эчки, 678,8 минг қорамол (жумладан 210,0 минг сигир), 283,6 минг чўчқа, 65,9 минг от, 3006,0 минг парранда бор (1977). Ишим дарёси ва чучук кўлларда балиқ овланади.

Т. й. узунлиги 1118 *км* (1976). Автомобиль йўллари 5,6 миниг *км*, жумладан қаттиқ қопламали йўллар 4,6 минг *км* (1976).

1976/77 ўқув йилида 600 умумий таълим мактаби, 22 профессионал-техника ўқув юрти, 15 ўрта махсус ўқув юрти, 4 олий ўқув юрти бўлган.

1976 йилда Ц. о. да 581 оммавий кутубхона (5435 минг китоб ва журналлар), обл. ўлкашунослик музейи, драма театри, 482 клуб, 595 кўчма киноустановка ишлади.

«Коммунизм нуры» (1939 йилдан, қозоқ тилида) ва «Целиноградская правда» (1920 йилдан, рус тилида) обл. газеталари чиқиб туради.

1977 йилда 10,5 минг ўринли 99 касалхона, 2,0 миниг врач (402 кишига 1 врач) ишлади.

Ад.: Казахстан, М., 1970 (серия «Советский Союз»).

ЦЕЛЛОФАН (*целлюлоза* ва юнон. phanos.— шаффоф) — сув ўтказмайдиган шаффоф тахта материал. Қалинлиги 0,01—0,06 *мм*. Асосан, *визкоза*дан тайёрланади. Озиқ-овқат маҳсулотларини ўрашда, босмахонада ва б. мақсадларда ишлатилади.

ЦЕЛЛЮЛОЗА (лат. Cellula — ҳужайра) — ангидро-D-глюкозаларнинг элементар звеноларидан тузилган полисахарид; $(C_6H_5O_5)n$; поли-1,4- β-D-глюкопиранозил- D- глюкопиранозадан иборат. Ц. макромолекулаларида ангидроглюкоза звенолари б-н бир қаторда бошқа моносахарид (гексозалар ва пентозалар) ҳамда *урон кислота* бўлиши мумкин. Ц. асосан баъзи ўсимлик уруғлари тукида, мас., чигит тукида (97—98%), ёғочда (40—50%, қуруқ модда ҳисобида), каноп поя толаси, ўсимлик қобиғининг ички қатлами (мас., зиғир, рамида 80—90%, жутда 75% ва ҳ. к.), бир йиллик ўсимлик поялари (қамиш, маккажўхори, бошоқли ўсимлик, кунгабоқар)да 30—40% бўлади. Тоза ҳолдаги Ц. мазасиз, толаснмон оқ модда.

Ц. табиий материаллардан целлюлоза бўлмаган компонентларни парчаловчи ёки эритувчи реагентлар таъсир эттириб ажратиб олинади. Ц. ни ажратиб олиш характери ўсимлик материалининг таркиби ва тузилишига боғлиқ. Пахта толасидан Ц. юмшоқ усулда ажратиб олинади. Пахта толаси ўювчи натрийнинг 1,5—3% ли эритмаси б-н 3—10 атм. босимда 3—6 соат қайнатилиб, турли оксидловчилар б-н оқартирилади. Молекуляр оғирлиги кичик бўлган полисахаридлар (пентазонлар, гексозанлар), урон кислота, ёғ ва мум эритмага ўтади.

Ц. ни ёғочлардан ажратиб олишда (ёғочда 40—50% Ц., 5—10% гексозанлар, 10—20% пентозанлар, 20—30% лигнин, 2—5% смола ва б. аралашмалар бўлиб, мураккаб морфологик тузилишга эга бўлганлигидан) мураккаб ишлов бериш усули—ёғоч тарашаларини сульфитли ёки сульфатли қайнатиш усули қўлланилади. Сульфитли қайнатиш усули юқори сифатли қоғоз ва картон тайёрлашда, сульфатли қайнатиш усули эса букламали (гофрирли) картон, қоп қоғози тайёрлашда қўлланилади.

Ц. оқ рангли толали материал, зичлиги 1,52—1,54 *г/см*³ (20°С). Қимёвий табиатига кўра Ц. полиатомли спиртдир. Макромолекула элементар звеносида гидроксил группаси бўлганлигидан Ц. ишқорий металлар ва асослар б-н реакцияга киришади. Ц.га концентрланган ишқор эритмаси таъсир эттирилганда кимёвий реакциялар б-н бир қаторда физик-кимёвий процесслар ҳам кечади, яъни Ц. бўкади. Ц. нинг концентрланган NaOH эритмаси б-н реакцияга киришишидан тўқимачилик саноатида сунъий толалар ва оддий Ц. эфирлари ишлаб чиқаришда фойдаланилади.

Янги қимматли техник хоссаларга эга бўлган Ц. материаллари яратишда тикилган сополимерлари синтезининг амалий аҳамияти муҳим. Мас., полиэлектролитлар (полиакрил кислота, полиметил винилпиридин) б-н тикилган. Ц. сополимерларидан ион алмашинган тўқималар, толалар ва плёнкалар сифатида фойдаланиш мумкин.

Ц. макромолекуласининг оддий звеносида гидроксил группа борлиги учун улардан оддий ва мураккаб эфирлар олиш мумкин. Бу бирикмалар қимматли хоссаларга эга бўлганлигидан турли техника соҳаларида толалар, плёнкалар, лак ва электр изоляция қопламалари, нефть ва тўқимачилик санотида суспензия стабилизаторлари ҳамда қуюлтиргичлари сифатида қўлланилади (қ. *Целлюлоза эфирлари*).

Ад.: Никитин Н. И., Химия древесины и целлюлозы, М. — Л., 1962; Целлюлоза и её производные, Пер. с англ., т. 1—2, М., Содиқов О. С., Йўлдошев Ю. П., Султонов Қ. С., Органик химия, Т., 1971.

ЦЕЛЛЮЛОЗА ЭФИРЛАРИ — *целлюлоза* гидроксил группасининг *О*=алкиллаш (оддий Ц. э.) ёки ацеллаш (мураккаб Ц. э.) натижасида олинган маҳсулотлар, умумий формуласи $[C_6H_7O_2OR)_3]_n$ ва $[C_6H_7O_2(OCOR)_3]_n$.


Оддий Ц. э. ни асосий синтез қилиш методи ишқорли целлюлозага галогеналкиллар ёки алкил сульфатлар таъсир эттиришдан иборат. Бу процесс юқори (80—120°С) т-рада олиб борилади. Оддий Ц. э. 30—50% ли NaOH муҳитида олинади. Этерификация 5—10 соат давом этади.

Мураккаб Ц. э. ни синтезлашда кислота ёки уларнинг ангидрид ва хлорангидридлари этерификацияловчи реагентлар вазифасини ўтайди. Мураккаб Ц. э. нинг энг кўп ишлатиладиган типларидан бири уларнинг минерал кислоталар, мас., нитрат кислота б-н бирикмаси — *нитроцеллюлоза*. Ц. э. қоғоз, тўқимачилик, лак-бўёқ саноати ва б. соҳаларда ишлатилади.

ЦЕЛЛЮЛОЗА-ҚОҒОЗ САНОАТИ — саноатнинг турли хилдаги қоғоз, картон ва улардан маҳсулотлар, целлюлоза ва ярим целлюлоза, изоляцион ва қаттиқ ёғоч толали плиталар ишлаб чиқарувчи тармоғи. Этил спирти, ем ачитқиси, канифоль, скипидар ва ёғ кислота бу тармоқда тайёрланадиган қўшимча маҳсулотлардир. Ц.-қ. с. халқ хўжалигининг қадимий тармоқларидан бири. Россияда дастлабки Красносельск мануфактураси (ҳозирги Красногород эксперименталь целлюза-қоғоз з-ди) Пётр I даврида ташкил этилган. 1913 йилда Россияда 269,2 минг *т* (аҳоли жон бошига қарийб 2 *кг* дан) қоғоз ишлаб чиқарилган. Асосий эҳтиёж четдан келтирилган қоғоз ҳисобига қондирилган.

СССРда дастлабки беш йилликларда (1929—40) ўша вақтда Европада энг йирик комбинатлар — Кама, Балахна, Мари, Сегежа, Сясь, Архангельск, Соликамск ва б. целлюлоза-қоғоз к-тлари ишга туширилди. Улуғ Ватан уруши йиллари (1941—45) да Ц.-қ. с. нинг кўпгина корхоналари шарқий р-ларга эвакуация қилинди. Уқ-дори ва кимёвий ҳимоя воситалари учун қоғоз ишлаб чиқарилди. 1949 йилда Ц.-қ. с. маҳсулотлари ишлаб чиқариш урушдан олдинги даражага етди.





1. Тошкент қоғоз к-тининг дафтар цехи. 2. Қоғоз ишлаб чиқариш машинаси.

КПСС МК ва СССР Министрлар Советининг 1960 йил 7 апрелдаги «Целлюлоза-қоғоз саноатидаги қолоқликни тугатиш тадбирлари тўғрисида»ги қарори Ц.-қ. с. тараққиётида муҳим роль ўйнади. 1960—75 йиллар ичида ўнлаб ишлаб турган корхоналар рекоиструкция қилинди ва кенгайтирилди, ишлаб чиқариш қуввати оширилди. Сифати паст бўлган ёғоч тахталардан ҳам қоғоз тайёрлана бошланди. Энг арзон хом ашё маҳсулотларидан қоғоз ва картон ишлаб чиқариш 1960 йилдаги 865 минг *т* дан 1975 йилда 2026 минг *т* га етди. Братск, Сиктивкарь ўрмон саноати комплекслари, Котлас, Архангельск, Кондопог, Красноярск ва б. целлюлоза-қоғоз к-тлари Ц.-қ. с. нинг СССРдаги энг йирик корхоналаридир.

СССРда Ц.-қ. с. маҳсулотлари ишлаб чиқариш (минг *т*)


	1940	1960	1970	1976
Қоғоз	830	2333,7	4165,3	5389
Картон	153	893,1	2516	3527
Целлюлоза	593	2282	5109,5	7204

1960—76 йилларда Ц. қ. с. да меҳнат унумдорлиги қарийб 2 марта ошди, тармоқ ишлаб чиқариш жараёнининг механизациялаштириш даражаси 1976 йилга келиб 75% ни ташкил қилди. 1975 йилда целлюлозанинг 39% и узлуксиз усулда ишлаб чиқарилди. Кенг форматли қоғоз машиналарининг йиллик ишлаб чиқариш қуввати 120 минг *т* га, картон машиналариники эса 280 минг *т* га етди. 1975 йилда қоғоз ва картон ишлаб чиқарувчи ҳар бир корхонанинг ўртача қуввати 59,1 минг *т* (1960 йилда 23,5), целлюлоза корхонасиники 119,5 минг *т* (1960 йилда 51,8) га етди.

Ўзбекистонда қоғоз саноати 30-йилларда вужудга келди. 1932 йилда Урта Осиёда ягона Тошкент қоғоз ф-каси ишга туширилди ва шу йилиёқ 1595 *т* қоғоз ишлаб чиқарди. 1950 йилдан оқ қоғоз ишлаб чиқарила бошлади. Ҳозир ф-када картон, сифатли қоғоз, ўраш қоғозларининг ҳар хил турлари ишлаб чиқарилмоқда.

Ўзбекистонда Ц.-қ. с. маҳсулотлари ишлаб чиқариш (минг *т*)

Қоғоз турлари	1932	1940	1965	1970	1976
Қоғоз	1,9	1,9	17,4	23,6	26,1
Картон		1,2	8,6	8,6	47,8



Тошкент Астрономия институтидаги целостат.

Ц.-қ. с. маҳсулотлари ишлаб чиқариш социалистик мамлакатлардан ГДР, Чехословакия ва Польшада, капиталистик мамлакатлардан АҚШ, Швеция, Финляндия, Канада, Япония, ГФР да анча ривожланган.

ЦЕЛЛЮЛОИД — тиниқ термопластик материал, асосан нитроцеллюлоза б-н камфара аралашмасидан иборат. Ўтга жуда хавфли. Триплекс ишлаб чиқаришда қўлланилади.

ЦЕЛЛЮЛЯР ПАТОЛОГИЯ (лат. cellula — хонача; бу ерда ҳужайра маъносида), ҳужайра патологияси — медицина назарияси. 1855—58 йилларда Р. *Вирхов* яратган. Ц. п. нинг асоси *ҳужайра назариясидир*. Ц. п. асосий қоидалари қуйидагича:

1) ҳужайра бутун тирик мавжудотнинг бирламчи морфологик элементи бўлиб, усиз на нормал, на патологик ҳаётий фаолият йўқ; 2) ҳар қандай ҳужайра ҳужайрадан ҳосил бўлади; 3) ҳар қандай тирик мавжудот ҳаёт учун муҳим элементларни ўзида мужассамлаштирган ҳужайра таркибий қисмлари мажмуидан иборат; 4) организмда алоҳида элементлар фаолиятини бошқариб турадиган анатомик-физиологик марказ йўқ, фақат ҳужайранинг мунтазам тикланиб туриши организмнинг бир бутунлигини таъминлайди; 5) ҳар бир ҳужайра озми-кўпми ўзига мустақил бўлиб, ўзгаришлар бир ҳужайра доирасидагина рўй бериши мумкин; 6) бутун патология ҳужайра патологиясидир; касаллик — организмнинг муайян жойига мансуб жараён; бу касалланган жойни аниқ билолмаса, ҳар қандай врач касаллик ҳақида тўғри хулосага келолмайди.

Ц. п. га асос бўлган жуда кўп фактик материаллар медицинанинг ривожланишида, яъни касалланган организмда рўй берган морфологик ўзгаришларни ўрганиш, улар *патогенезини* аниқлаш, диагностикани такомиллаштиришда муҳим роль ўйнади. Ц. п. *гуморал патология*, шунингдек барча касалликларнинг келиб чиқишига организмдаги зич заррачалар ва нерв системасининг бузилишигина сабаб бўлади, деб билган «солидар» ва «невристик» концепцияларнинг бир томонламалик ва хатоликларини бартараф этди. Бироқ Вирхов, айниқса, унинг издошлари бу қарашларга қарши чиқиш б-н бирга ҳамма патологик жараёнларни фақат ҳужайрада бўладиган ўзгаришларнинг оқибати деб билишди; шунингдек касалликнинг авж олишида нерв ва гормонал факторларнинг аҳамиятини ҳисобга олмай бир томонликка йўл қўйдилар. Улар томонидан организмнинг бир бутунлиги б-п ички ва ташқи муҳитнинг ўзгариб турувчи шароити ўртасидаги боғлиқлик инкор этилиши ўша давр илғор рус олимлари И. М. Сеченов ва б. ҳаққоний танқидига учради. Фаннинг кейинги ютуқлари, айниқса нейро-гуморал факторлар, субҳужайра ва молекуляр структураларнинг ўрганилиши Ц. п. нинг хатоликларига барҳам бериш ва целлюляризм, гуморализм, нервизмнинг барча фойдали томонларини бирлаштириш, яхлитлашга имкон берди (яна қ. *Патология*).

ЦЕЛОСТАТ (лат. caelum — *осмон*, юнон. statós — қўзғалмас) — осмоннинг суткалик кўринма ҳаракати туфайли ҳаракатланаётган осмон ёритқичи нурини қўзғалмас телескопга йўналтирадиган ёрдамчи астрономик асбоб. Ц., асосан, астрономияда Қуёшни кузатишда ишлатилади. Ц. олам қутблари йўналишидаги ўқ атрофида кузатилаётган осмон жисмига қаратиб ўрнатилади. У қуёш вақти б-н 48 соатда бир марта айлангани сабабли доимий равишда осмон жисмидан келаётган нурни муайян бурчак остида бир томонга йўналтириб боради. Ц. нинг экспедицион ва стационар турлари бор. Экспедицион Ц. асосан, Қуёш *тутилиш*ларини кузатишга мосланган ва қуёш нурини телескоп объективига ёки камера кўзгусига йўналтириб беради. Кўпинча нур горизонтал йўналишда берилади, у ҳолда телескопни Ц. атрофида айлантиришга тўғри келади, бундай заруратни бартараф қилиш учун стационар Ц. лар қўшимча ясси кўзгу б-н биргаликда ишлатилади. Бунда қўшимча кўзгу махсус рельсларга ўрнатилади ва вақт ўтиши б-н унинг ўрни ўзгариб туради (расмга қ.).

Ц. одатда горизонтал ва минорали қуёш телескопларида, спектрогелиоскопларда ишлатилади. Тошкент Астрономия ин-тида Ц. қурилмали спектрогелиоскоп, горизонтал қуёш телескопи мавжуд.

ЦЕЛЬС Авл Корнелий (эрамизгача 25 — эрамизнинг 50) — қадимги рим энциклопедист олими. Ц. юнон манбалари асосида «Санъат» («Artes») энциклопедиясини яратган. Унда билимларнинг турли соҳалари—фалсафа, риторика, ҳуқуқ, медицина, қишлоқ хўжалиги, ҳарбий машғулотлар ёритилган. Асарнинг медицина тўғрисидаги бўлимигина ҳозиргача сақланган. Унда гигиена, диететика, патология, терапия ва хирургияга оид қисми характерли. Ц. илмий медицина терминологиясини ишлаб чиққан.

Ас.: О медицине, кн. 1—8, М., 1959.

ЦЕЛЬСИЙ Андерс (1701. 27. 11—1744. 25. 4) — швед астрономи ва физиги, Стокгольм ФА аъзоси. 1730 йилдан Упсаль ун-ти проф., 1740 йилдан Упсаль обсерсаторияси директори. Илмий ишлари астрономия, геофизика ва физикага оид. Шкаласи юз градусли термометрни таклиф этган (қ. *Цельский шкаласи*).

ЦЕЛЬСИЙ ШКАЛАСИ — т-ра шкаласи; нормал атм. босими (766 *мм* симоб уст.)да музнинг эриш ва сувнинг қайнаш т-ралари оралиғи 100 бўлакка бўлинган. Шу шкалани таклиф этган (1742) А. *Цельсий* шарафига қўйилган. Т-ра Ц.ш.да цельсий градуслари (°С) да ифодаланади, бунда музнинг эриш т-раси 0°С, сувнинг қайнаши 100°С (унинг бошқа шкаладаги т-рага боғлиқлигини *т-ра шкалаларидан* қ.).

ЦЕМЕНТ (лат. caementum — майдаланган тош) — кукунсимон анорганик *боғловчи материал*ларнинг номи; сув б-н пластик масса ҳосил қилиб, аста-секин қотиши натижасида тошсимон жисмга айланади. Бетон ва қоришма тайёрлаш, иншоотларнинг айрим элементларини маҳкамлаш, гидроизоляция ва б. учун ишлатилади.

Ц. термини қадимдан маълум. Қадимги мисрликлар ва юнонлар монументал иншоотлар барпо қилишда биринчи марта сунъий боғловчи моддалар—гипс ва оҳакдан фойдаланишган. Кейинчалик боғловчи модда сифатида майдаланган вулкан жинслари қўшилган оҳак қоришмаси (қадимги Римда) ёки чала куйдирилган ғишт (Киев Русида) қўшилган оҳакли қоришма ишлатишган. Қадимги Бухорода пойдевор, дахна (сағана) деворлари, ҳовуз, ҳаммомлар қуришда «қир» деб аталувчи оҳакли пуццолан Ц. ишлатишган. «Қир»ни асосан, ўсимлик кули, оҳак (гипс), узум шинниси ва тухум оқсили б-н тайёрлашган. 1824 йилда бир-биридан мустасно Англияда Д. Аспид, 1825 йилда Россияда Е. Г. Челиев маълум миқдордаги оҳак ва тупроқ аралашмасини куйдириб портландцемент олишган.

Совет олимлари А. А. Бойков, В. А. Кинд, В. Н. Юнг, П. П. Будников, П. А. Ребиндер, Н. Я. Торопов, Ю. М. Бутт, А. В. Волженский ва б. Ц. турларини ишлаб чиқишга катта ҳисса қўшишган.

Ц. таркибига, асосан, кальций силикати ва алюминати киради. Ц.нинг портландцемент, пуццолан, шлакли, гилтупроқли, кенгаювчи ва б. турлари бор.

Бетон ва темир-бетон учун ишлатиладиган портландцемент кўп тарқалган бўлиб, унинг тез қотадиган, пластификацияланган, гидрофобли, оқ, рангли ва б. хиллари бор. Ц. лар сувда қорилгач, ҳавода қотиш ва сувда ўз мустаҳкамлигини ошириб бориш қобилиятига эга.

Ц. ишлаб чиқариши қуйидаги процессларни ўз ичига олади: табиий Ц. хом ашёсини қазиб олиш ёки баъзи чиқиндилар (металлургия шлаки, *иссиқлик электр станциясин*инг куллари ва б.) дан фойдаланиш; берилган таркибда бир жинсли хом ашё аралашмаси тайёрлаш; 1450—1550°С т-рада куйдириш; олинган клинкерни майда кукун ҳолигача майдалаш ва гипс ҳамда актив минерал қўшилмалар қўшиш. Ц. қуруқ, ҳўл ва комбинациялашган усулларда ишлаб чиқарилади. Бу усуллар техник-иқтисодий кўрсаткичлар: ишлаб чиқариш концентрацияси даражасига, ёнилғи ва энергия сарфига, меҳнат сарфига қараб танланади.

Қуруқ усулда хом ашё (оҳак ва тупроқ) тегирмонда майдалаш пайтида қуритилади ва кўк унга айлантирилади, сўнгра куйдирилади. Ҳўл усулда хом ашё компонентлари тегирмонларда сув қўшиб майдаланади. Сув хом ашёнинг майдаланишини тезлаштиради. Сувни буғлатиш учун зарур иссиқлик қуруқ усулдагига нисбатан анча кўп сарфланади. Комбинациялашган усулда хом ашё аралашмаси ҳўл усулдаги схема бўйича тайёрланиб, вакуум фильтрлар ёки вакуум прессларда сувсизлантирилади.

Мустаҳкамлиги бўйича Ц. (200, 300, 400, 500, 600) маркаларга бўлинади. Ц. маркасини аниқлаш учун оғирлиги бўйича 1:3 нисбатдаги қоришмадан 40×40×160 *мм* ўлчамда призма намуна тайёрлаб, 28 сутка сувда қотирилади, кейин эгилишга ва сиқилишга мустаҳкамлик чегараси аниқланади. Ц. маркалар бўйича мустаҳкамлиги бошқа муддатда аниқланади.

Ц. ишлаб чиқаришнинг ҳозирги замон тенденцияси: Ц. ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш; ассортиментини кенгайтириш; марка мустаҳкамлигини ошириш; Ц. нинг қотиш процессини тезлаштириш; таннархини камайтириш; Ц. ишлаб чиқаришини механизациялаш ҳамда автоматлаштириш ва б. Бу соҳада ЎзССР ФА *Кимё институти* олимлари бажараётган ишлар диққатга сазовор (яна қ. *Цемент саноати*).

Ад.: Технология вяжущих веществ, М., 1965; Вяжущие материалы, заполнители для бетонов и нерудные материалы, М., 1973.

ЦЕМЕНТ САНОАТИ — қурилиш материаллари саноатининг муҳим тармоғи. Портландцемент, пуццолан портландцементи, тошқол портландцементи, глинозём ва б. ишлаб чиқаради. Цемент дастлаб 1824 йилда Портланд ш. яқинида (портландцемент номи ҳам шундан) ишлаб чиқарилган. 19-асрнинг 70-йилларига келиб, цемент жаҳон қурилиш техникаси ривожланишининг асосий йўлини белгилаб, йиғма темир-бетонининг кашф қилинишига олиб келди. Россияда дастлабки цемент з-ди 1866 йилда ишга туширилди. Рев-ягача Россия цемент ишлаб чиқариш бўйича дунёда 5-ўринни эгаллаган эди.

СССРда Ц. с. тез суръатлар б-н ривожланди, 1963 йилга келиб цемент ишлаб чиқариш 1940 йилга нисбатан 11 баравар ошди ва СССР дунёда 1-ўринга чиқиб олди. 1975 йилда эса АҚШга нисбатан 1,88 баравар кўп цемент ишлаб чиқарилди.

СССРда цемент ишлаб чиқариш (млн. *т*)

1913	1928	1940	1960	1970	1976
1,5	1,8	5,8	45,5	95,2	124,2

Ўзбекистонда рев-ягача Ц. с. йўқ эди. 1926 йилда Урта Осиёда биринчи Хилков (ҳозирги Бекобод) цемент з-ди ишга туширилди. 1932 йилдан Қувасой цемент з-ди ҳам маҳсулот бера бошлади. 1956 йилда Бекобод цемент з-ди, кейинчалик Қувасой цемент з-ди комбинатга айлантирилиб, цементдан ташқари шифер, оҳак ва асбоцемент трубалари ҳам ишлаб чиқара бошлади. Йиғма темир-бетон буюмлари ва конструкцияларини қўплаб ишлаб чиқариш цементга бўлган талабни ошириб юборди. Ишлаб чиқариш қуввати 1,7 млн. *т* бўлган *Оҳангарон цемент комбинати* 1962 йилдан маҳсулот ишлаб чиқара бошлади. 8—9-беш йилликларда Бекобод ва Қувасой цемент к-тлари реконструкция қилиниб, ишлаб чиқариш қуввати 16% оширилди. Ангрен қурилиш материаллари к-тида 1972 йилдан оқ цемент, 1974 йилдан эса уч хил рангли цемент ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. 1976 йилда Навоий цемент з-дининг йиллик ишлаб чиқариш қуввати 1150 минг *т* бўлган биринчи навбати ишга туширилди.

Ўзбекистонда цемент ишлаб чиқариш (минг *т*)

1940	1965	1970	1975
267	2465	3196	3536

Ўзбекистонда гидротехника ва ер ости иншоотлари қуришда ишлатиладиган сульфат кислотага чидамли портландцемент, автомобиль йўллари ва аэродромларни қоплашда ишлатиладиган портландцемент, нефть ва газ қудуқларини пармалашда ишлатиладиган тампож

цементи, шунингдек, гидротехника иншоотлари учун пуццолан цементи ҳам ишлаб чиқарилмоқда.

Ад.: Логинов З. И., Экономические проблемы цементной промышленности СССР, М., 1967; Люсов А. Н., Цементная промышленность СССР. Состояние и перспективы развития, М., 1974.

ЦЕМЕНТИТ, темир карбиди Fe_3C — *темир-углеродли қотишмалар* (пўлат ва чўянлар)нинг фазавий ва структуравий ташкил этувчиси. Ц. орторомбик кристаллик панжарага эга; жуда қаттиқ ва мўрт бўлиб, 210°С гача кам магнитланади. Ц.—метастабиль фаза; стабил фаза—графитнинг ҳосил бўлиши кўпинча қийин бўлади. Ц. ледебурит, *перлит, сорбит* ва *троостит*нинг таркибий қисми.

ЦЕМЕНТИТЛАШ — кам углеродли легирланган пўлатларнинг сиртқи қатламини углеродга тўйинтириб, қаттиқлигини, ейилишига чидамлилигини ва толиқишга пухталигини ошириш. Цементитланган қатлам тобланиб, сўнгра бўшатилгандан кейин унинг қаттиқлиги роквелл бўйича 58 дан ошади, структураси *мартенсит* ва қолдиқ *аустенитдан* ёки мартенсит, карбидлар ва қолдиқ аустенитдан иборат бўлади. Цементитланган пўлатнинг ички қатламлари қовушоқлигича қолади. Деталларни Ц. учун таркибида углерод кўп бўлган муҳит (карбюризатор) дан фойдаланилади. Карбюризаторлар қаттиқ, суюқ ва газсимон бўлиши мумкин. Қаттиқ карбюризатор сифатида 20—25% $BaCO_3$, 10—15% $CaCO_3$ ёки Na_2CO_3 ёхуд K_2CO_3 аралаш писта кўмир, суюқ карбюризатор сифатида 75—85% Ne_2CO_3, 15—10% NaCl ва 10—5% SiC дан иборат суюқлантирилган аралашма, газсимон карбюризатор сифатида эса CO, тўйинган ва тўйинмаган углеводородлар ишлатилади. Цементитланадиган деталлар карбюризатор ичида маълум т-ра (820—950°С) гача ва маълум вақт қиздирилади, бунда атом ҳолидаги углерод ажралиб чиқиб, деталларнинг сиртқи қатламига диффузияланади ва уни углеродга тўйинтиради. Цементитланган деталлар албатта термик ишланади, яъни тобланиб, сўнгра паст т-ра (150—200°С) да бўшатилади.

ЦЕМЕНТ-ТУП — конструкция ва иншоотларнинг сиртига қоришма ва бетон аралашма (зичлиги катта, сув ўтказмайдиган торкретбетон) сачратиб берадиган қурилма. Гидротехника, саноат ва граждан иншоотларини қуриш ҳамда ремонт қилишда, шунингдек қум пуркаш учун ишлатилади. Иш унумдорлиги 1,5 ва 4 *м³/соат*, сиқилган ҳаво сарфи 3 ва 8—10 *м³/мин*, горизонтал бўйича узатиш узоқлиги 70 *м*.

ЦЕНЗ (лат. censeo — рўйхатга оламан, рўйхат) — 1) Қадимги Римда гражданларнинг ўлпон тўлаш, ҳарбий, ижтимоий сиёсий ҳолатини аниқлаш ва уларни мулкий гуруҳлар ҳамда ҳарбий бўлинмаларга ажратиш мақсадида цензорлар, империя даврида император амалдорлари томонидан 5 йилда бир марта ўтказилган рўйхат. Статистик рўйхатлар ҳозир ҳам баъзан Ц. деб юритилади; 2) ўрта асрларда Ғарбий ва Марказий Европада деҳқонларга солинадиган солиқ; 3) статистикада кузатилаётган объектларни ажратадиган бир ёки бир неча характерли белгиларга эга бўлган чегара. Ц. саноат статистикаси соҳасида катта аҳамиятга эга. Мас., 1918 йилда Бутун Россия саноат ва профессионал рўйхати ўтказилишида ишчилар сони 16 тадан кам бўлмаган механик двигателли ва ишчилар сони 30 тадан кам бўлмаган двигателсиз корхоналар ҳисобга олинди; 4) буржуа давлатларининг конституция ва сайлов қонунларида белгиланган сайловда қатнашиш ҳуқуқининг чегараланиши (қ. *Сайлов цензлари*).

ЦЕНЗУРА (лат. censura — рўйхатга оламан) — мавжуд ҳокимият сиёсатига зид бўлган ёки зарар келтирадиган ғоя ва маълумотларнинг тарқалишига йўл қўймаслик ёки чеклаш мақсадида босма маҳсулотлари мазмуни, нашрдан чиқиши ва тарқатилиши, пьеса ва б. саҳна асарлари (ижроси), кино-фото, тасвирий санъат асарлари, радиоэшиттирув ва телекўрсатув, айрим вақтларда хусусий ёзишмалар мазмуни устидан ўрнатилган расмий (дунёвий ва диний) ҳокимият назорати.

Ц. дастлаб ўрта асрда Европа мамлакатларида черков маъмурлари томонидан илоҳий ва б. диний қўл ёзма китобларга нисбатан қўлланган. Черков Ц.си расмий черков ақидасига зид келадиган қўл ёзмаларни, бидъатчилар китобларини қаттиқ тақиқлаган. Европада китоб босишнинг ўсиши б-н Ц. системаси ҳам ривожланди. 1471 йилдан диний мазмундаги китоблар фақат черков маъмуриятининг рухсати б-н нашр этиладиган бўлди. 16- асрдан бошлаб Ц. диний ҳокимиятдан аста-секин дунёвий ҳокимиятга ҳам ўта бошлади: босмаханалари бўлган барча Ғарбий Европа мамлакатларида Ц. тартиби ўрнатилди. Мустабид ҳокимиятда Ц. феодал тузумга зид бўлган идеологияга қарши курашда давлат ва черковнинг асосий қуролларидан бири бўлди. Ц. органлари тармоғи кенгайиб борди, Ц. қондаларини бузганлик учун жавобгарлик кучайтирилди.

Буюк француз рев-яси ва б. буржуа рев-ялари гражданларга ўз фикрини эркин ифодалаш ҳуқуқи берилишини ва Ц. нинг бекор этилишини эълон қилди. Бироқ буржуазия сиёсий ҳокимиятни қўлга киритгач, ўз синфий манфаатлари йўлида Ц.дан кенг фойдаланадиган бўлди, меҳнаткашлар прогрессив ташкилотларининг демократик эркинликлардан фойдаланиш имкониятларини чеклаб қўйди. Кўпгина мамлакатларда илғор газета ва журналлар, нашр матбуотлари анча вақтгача бутунлай ман қилинди. Хусусан Россияда чоризм даврида қаттиқ Ц. тартиби ўрнатилди. Кўпгина газета ва журналлар (*«Современник», «Отечественные записки»* ва б.) Ц. таъқибига бардош беролмай ўз фаолиятини тўхтатиб қўйди. Матбуотларда сиёсий жараёнлар, иш ташлашлар, деҳқонлар ғалаёнларини акс эттириш ман этилди. Чоризм фақат марказда эмас, чекка ўлкаларда ҳам Ц. тартибини ўрнатишга аҳамият берди. Жумладан, Туркистонда ҳам подшонинг Ц. органлари ишлади. Ц. айғоқчилари бу ердаги ҳар бир матбуот органларидан кўз-қулоқ бўлиб турдилар, прогрессив чиқишларни тақиқладилар. Хусусан, *«Самарканд», «Русский Туркестан»* газеталари подшо Ц.си томонидан бир неча бор ёпиб қўйилди.

Ҳозирги буржуа давлатларида гарчи «матбуот эркинлиги бор» деб жар солинса-да, амалда ашаддий Ц. вазифасини ўтайдиган комплекс давлат тадбирлари системаси мавжуд.

СССР Конституцияси халқ манфаатларига мувофиқ ва социалистик тузумни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш мақсадида гражданларнинг матбуот эркинлигини гарантиялайди. СССРда давлат сирларига тегишли ва меҳнаткашлар манфаатларига зарар келтирадиган маълумотларни матбуотда очиқ эълон қилиш ва оммавий информация воситалари орқали тарқатишга йўл қўймаслик учун давлат назорати ўрнатилган.

Ад.: Бережной А. Ф., Царская цензура и борьба большевиков за свободу печати (1895—1914), Л., 1967; Балуев Б. П., Политическая реакция 80-х годов XIX в. и русская журналистика, М., 1971; Идеологическая деятельность современного империалистического государства, М., 1972.

ЦЕНТ (лат. centum — юз) — 1) АҚШнинг майда пули, $^1/_{100}$ *доллар*га тенг; 2) Австралия, Канада, Нидерландия, Янги Зеландия, Шри Ланка, Кения, Либерия, Сомали, Танзания, Уганда, Эфиопия ва баъзи бошқа мамлакатлар пул бирлиги.

ЦЕНТАВР (лат. Centaurus) — осмоннинг жанубий яримшаридаги катта юлдуз туркуми. Ц. *Гидра,* Насос, Паруслар, Қиль, Пашша, *Циркуль* ва *Бўри* юлдуз туркумлари орасида жойлашган. Ц.да анча равшан юлдузлар (энг равшани 0-юлдуз катталигидаги α юлдузи) ҳамда туманлик ва юлдуз тўдалари мавжуд. Ц. нинг α си қўшалоқ юлдуз бўлиб, бизга энг яқин юлдуз ҳисобланади (масофаси 1,3 *парсек* ёки 4,3 ёруғлик йилига тенг). 1916 йилда унинг йўлдоши кашф этилди, у яна ҳам (бош юлдуздан 0,04 ёруғлик йили масофада) яқинроқ бўлиб чиқди. Бу энг яқин (Проксима) юлдуздир. Ц. СССР нинг жанубий р-ларида қиш ва баҳор пайтларида қисман кўринади.

ЦЕНТНЕР (лат. centum — юз) — ўлчов системасига кирмаган масса бирлиги: 1) метрик Ц. — 100 *кг;* 2) британия узун центнери — 112 британия фунти ёки 50,8023 *кг;* 3) британия қисқа центнери — 100 британия фунти ёки 45,3592 *кг.*

ЦЕНТРИЗМ — 2- *Интернационал*да реформистик ва революцион йўналишлар ўртасидаги кураш пайтида пайдо бўлган ғоявий-сиёсий оқим. Ишчилар ҳаракатининг асосий программа ва тактика масалаларида оппортунизмга ён босиш йўли б-н ҳар икки йўналиш ўртасидаги муросасиз зиддиятларни силлиқлашга уринган. Ц. марксизмни социал-реформизм руҳида ревизия қилиш учун курашган очиқ оппортунизмдан фарқли равишда ўз оппортунизмини марксизмга «содиқлик» ибораси б-н ниқоблаган. «Ишчилар оммасини бирданига ўзидан бездириб қўядиган очиқ оппортунизм, оппортунистик ишни марксистик ширин сўзлар б-н оқлайдиган, революцион ҳаракатларнинг бемаҳаллигини бир қанча сафсаталар билан исбот қиладиган ва ҳоказо қиладиган бу ўрта йўл назарияси сингари даҳшатли ва зарарли эмас», деган эди В. И. Ленин (Тўла асарлар, тўпламн 26- т. 302- бет).


Каутскийчилик халқаро миқёсда, *троцкизм* Россияда Ц.нинг асосий йўналишлари бўлган. Ц. нинг оппортунистик моҳияти Биринчи жаҳон уруши (1914—1918) дан олдин очиқдан-очиқ кўринди. Центристлар империалистик урушни Гражданлар урушига айлантириш ва подшо ҳукуматининг мағлубияти ҳақидаги ленинча шиорни қўллаб-қувватлаган большевикларга хилоф равишда абстракт пацифистик пропаганда (ҳар қандай урушларга, жумладан миллий озодлик урушларига қарши чиқиш) б-н чегараландилар.

Уруш даврида централистлар ҳамма мамлакатларда: Германияда К. *Каутский,* Г. Гаазе Г. Ледебур, А. Гофман; Россияда Л. Мартов, Н. Чхеидзе, Л. *Троцкий;* Францияда Ж. Лонге, А. Пресман; Швейцарияда Р. Гримм; Англияда Р. Макдональд, Ф. Сноуден; Италияда Ф. Турати, Ж. Модильяни ҳаракат қилдилар. Уларнинг ғоявий қарашлари моҳияти жиҳатидан пролетариат диктатурасини рад этган.

Ц. бошлиқлари Улуғ Октябрь социалистик рев-яси ғалабаси ва *Коммунистик интернационал*нинг ташкил этилишини адоват б-н кутиб олдилар. Ц. раҳбарлари $2^1/_2$- *Интернационал*дан коммунистик ҳаракатга қарши курашда фойдаландилар. Ц.нинг баъзи тарафдорлари коммунистик ҳаракатга суқилиб кириб олишга уриндилар. $2^1/_2$- Интернационал социал-шовинизм, оппортунизм ва центризм позициясида турган социал-демократик партиялар раҳбарларининг 1919 йил 3—10 февралдаги конференцияда тузилган Бери Интернационали б-н қўшилгандан кейин (1923) Ц. ишчилар ҳаракатидаги ўнг реформистик элементлар б-н очиқдан-очиқ бирлашиб кетди.

Ад.: Ленин в борьбе за революционный Интернационал, М., 1970; Галкин И. С., Борьба В. И. Ленина против центризма в годы Первой мировой войны, «Первая мировая война. 1914—1918» китобида, М., 1968.

ЦЕНТРИФУГА (лат. centum — марказ ва fugo — чопиш) — 1) бир жинсли бўлмаган системалар (мас., суюқлик — қаттиқ жисм, суюқлик—суюқлик)ни марказдан қочма куч ёрдамида ажратадиган қурилма, Суспензияларни ажратишда, лойқа суюқликларни тиндиришда, майдаланган руда ёки кўмирни қаттиқ заррачаларининг катта-кичиклиги бўйича гидравлик классификациялаш ва б.да ишлатилади. Ц. иш қисми кожух *1,* ўз ўқи атрофида тез айланувчи ротор (барабан) *2,* ротор маҳкамланган веретено *3,* аралашма юкланадиган ёки маҳсулот олинадиган тешикли қопқоқ *4* дан иборат (расмга қ.) Ц.лар чўктирувчи (яхлит деворли) ва фильтрловчи (тешикли деворлари мато б-н қопланган) бўлади. Ц. кимё, озиқ-овқат, нефть саноати ва б.да қўлланилади;



Фильтрловчи центрифуга схемаси.

2) космонавтлар тайёрлашда узоқ вақт тезланиш таъсирида бўлишнинг таъсири текшириладиган қурилма. Радиуси 15 *м* дан катта, двигателларининг қуввати бир неча *Мвт;* 400 *м/сек²* марказга интилма тезланиш ҳосил қилишга имкон беради. Космик учиш аппаратлари бортидаги аппаратураларни синашда ҳам фойдаланилади.

ЦЕНТРИФУГАЛАШ — марказдан қочма куч майдони (центрифугал майдон)да бир жинсли бўлмаган системалар (суюқлик — қаттиқ жисм, суюқлик—суюқлик)ни ажратиш методи. Ц. махсус аппаратлар — центрифугаларда амалга оширилади. Центрифуганинг асосий қисми тез айланувчи ротордан иборат. Бир жинсли бўлмаган системаларни центрифугаларда *тиндириш* ёки *фильтрлаш* принципи асосида ажратиш мумкин. Шунга кўра центрифугалар яхлит роторли ёки перфорир (фильтрловчи материал қопланган) роторли бўлади. Тиндириш усулидаги Ц. муаллақ қаттиқ зарралари бўлган суюқликни тиниқлаштириш ёки қаттиқ фазаларни чўктириш мақсадида ўтказилади. Марказдан қочирма фильтрлаш усули қаттиқ фазаларни суспензия ва шламлардан ажратишга имкон беради. Эмульсияларни Ц. нинг аҳамияти катта, мас., у сутларни сепарациялашда қўлланилади.

Ад.: Соколов В. И., Центрифугирование, М., 1976.

ЦЕНТРОБАЛТ (Болтиқ флотининг Марказий комитети) — Болтиқ флоти



Цеҏеус.

матросларининг революцион-демократик органи. 1917 йил 28—30 апрел (11—13 май) да тузилган. Ц.нинг биринчи составига 33 киши кирди, унинг раиси қилиб большевик П. Е. Дибенко сайланди. Болтиқ флотининг I- съезди [25 май—15 июнь (7—28 июнь)] Ц. уставини қабул қилди. Съезддан сўнг Ц. состави 63 кишига етди. 1917 йил октябргача Ц. штаб ва командирлар состави фаолиятини назорат қилди (оператив, ҳарбий техника ва б. масалалардан ташқари). Офицерларнинг контрреволюцион фаолиятини текширди, кема ва флот экипажларида революцион тартибни сақлаш учун курашди, денгизчилар турмуши ва хизматини яхшилаш тўғрисида ғамхўрлик қилди. Ц. фаолиятига РСДРП(б) Гельсингфорс комитети ва МҚ ҳузуридаги ҳарбий ташкилотлар ҳамда РСДРП(б) Петроград комитети раҳбарлик қилди. 1917 йил октябрда Ц. қуролли қўзғолонга тайёргарлик кўрди. У Ҳарбий Революцион Комитет ихтиёрига «Аврора» крейсери ва Петроградаги бошқа кемаларни берди, 25 октябр (7 ноябрь)га ўтар кечаси қўзғолон кўтарган ишчи ва солдатларга ёрдам кўрсатиб, ҳарбий кема ҳамда матросларни Петроградга юборди. Кейинчалик Ц. Керенский-Краснов исёнига қарши курашиш учун қўшимча куч ажратди. Октябрдан кейин флотдаги офицерлар ўртасида саботаж бошланганлиги туфайли Ц. Болтиқ флоти қўмондонлигини қайта тузиш масаласини ўртага қўйди. 6(19) декабрда Болтиқ флоти қўмондони лавозими тугатилди, флот раҳбарлигини Ц. ўз қўлига олди. 1918 йил мартда янги революцион қўмондонлик тузилиши муносабати б-н Ц. тарқатиб юборилди.

Ад.: Измайлов Н. Ф., Пухов А. С., Центробалт, 2 изд., Калининград, 1967.

ЦЕНТРОСИБИРЬ, Сибирь Советларининг Марказий ижроия комитети — 1917—18 йилларда Умум Сибирь Советлари съездлари ўртасидаги даврда ўлка олий совети органи. Иркутскдаги ишчи, солдат ва деҳқон депутатлари советларининг Умум Сибирь 1-съезди [1917 йил 16 (29)—23 октябр (5 ноябрь)]да сайланган. Ц. (раиси Б. З. Шумяцкий) дастлаб кичик бир группа ходимлар, асосан, большевик ва сўл эсерлардан ташкил топган, ўз аппаратига эга бўлмаган ва Иркутск ҳамда Шарқий Сибирдаги бошқа шаҳарлар Советларига таяниб турли тадбирларни амалга оширган. 1917 йил ноябрда Ц. ҳокимиятни ўз қўлига олиб, Сибирь Советларининг 2-съезди (1918 йил 16—26 февраль)ни чақирди ва унда Ц.нинг 46 аъзо ва аъзоликка кандидатдан иборат янги составини (улардан 25 киши большевик ва 11 киши сўл эсерлар эди) сайлади. Бундан кейин Ц.га яна бир неча киши, жумладан большевик Н. Н. Яковлев (1918 йил мартидан Ц. раиси) киритилди. Ц. ҳузурида ҳарбий, бошқарув, озиқ-овқат ва таъминот, меҳнат ва саноат, ташқи ишлар, молия, халқ маорифи, Сибирь фавқулодда комиссияси ва б. комиссарликлар тузилди. Ц. партия МҚ, РСФСР ХКС ва В. И. Ленининг директива ва топшириқларини бажариб эски давлат аппаратини тугатиш ва янги давлат аппаратини тузиш, ҳарбий кучларни ташкил этиш, вайронагарчиликка қарши кураш, халқ хўжалигини тиклаш каби вазифаларни бажаришда катта ишлар олиб борди. 1918 йилда ички ва ташқи контрреволюцияга қарши курашга раҳбарлик қилди. Чехословак корпуси исёни (1918 йил, май)дан кейин Сибирдаги кучлар нисбати контрреволюция фойдасига ўзгарди. 11 июлда Ц. Верхнеудинскка, сўнг Читага эвакуация қилинди. Бу ерларни контрреволюционерлар босиб олгандан сўнг, партия, совет ва ҳарбий ходимларнинг 28 августда бўлиб ўтган конференцияси Ц. ни тугатишга, яширин курашга ўтишга қарор қилди.

ЦЕНУРОЗ — чорва молларининг гельминтоз касаллиги. Ит, тулки ва бўриларнинг ингичка ичагида паразитлик қилувчи лентасимон чувалчанг — Multiceps multiceps личинкаси — ценурус церебралис қўзғатади. Ц. б-н қўй, эчки, қорамол, туя ва отлар касалланади. Баъзан, одамда ҳам учрайди. Қасал ҳайвонларнинг нерв системаси фаолияти бузилади, безовталанади, типирчилайди ва бир жойда айланаверади, шунинг учун халқ уни тентак (айланчиқ) касаллиги деб ҳам атайди. Ценурус ичи тиниқ суюқлиқ б-н тўла пуфак шаклида бўлиб, ҳайвонларнинг бош ва орқа миясида паразитлик қилади. Итлар касал ҳайвонининг калласини еганда мультицепидоз касаллигини юқтиради. Улар ичагида лентасимон гельминт ривожланади. Тухум б-н тўлган бўғинлар лентадан узилади ва тезакка қўшилиб ташқарига чиқади. Ҳайвонлар сув ёки озуқа б-н тухумларни ютиб юборади. Тухумлар пардаси ҳазм бўлиб, эмбрион ривожланади, қон б-н бош ва орқа мияга бориб, пуфакка айланади. Ц. Қозоғистон, Шимолий Кавказ, Қуйи ва Юқори Поволжье, Узбекистон ва б. жойларда тарқалган.

Даволаш — бош миядаги пуфаклар операция қилиб олиб ташланади.

Олдини олиш — итлар гельминтсизлантирилади, касал ҳайвонлар гўштга топширилади.

ЦЕОЛИТЛА́Р (юнон. ZeO — қайнаяпман ва ... lithos—тош—минераллар, ишқорий ва ишқорий -ер элементларининг сувли алюмосиликатлари. [(Si, Al,) O_4] тетраэдр каркасларидан тузилган, манфий зарядлари асосан Са, Na ва К б-н доимий балансда. Ц. каркаслари дала шпатлари ҳамда фельдшпатитларга ўхшаса ҳам, улардан говаклилиги б-н ажралиб туради, ўзига хос каналча (ариқча) ва бўшлиқлари бор. Шу хусусиятларига кўра, Ц. ионлар алмаштириш реакцияларида, молекулаларни адсорбция қилишда кенг қўлланилади. Толали Ц., мас., томсонит, этил ва изопропил спиртни ютиш хоссасига эга. Ц. каналларида сув молекулалари бўлиб, Ц. суви деб аталади: бу сув Ц. қиздирилганда каркас тузилишига таъсир этмай ажралиб чиқади. Суви ажралган (дегидратация қилинган) Ц. сув ўрнига бошқа моддалар (аммоний, спирт, NO_2, H_2S ва б.) ни ютаолади. Ц. каналлари уларга органик молекулалар ва катионлар кира оладиган даражада каттадир. Шу хусусиятига кўра Ц. молекуляр «элак» сифатида ишлатилади. Ц. группасига мансуб ҳар бир минералда ўзига хос ўлчамли каналлар бўлиб, анча кенг каналнинг минимал диаметри 3,2 Å дан (гармотом, филлипсит) 9 Å га (фоязит) етади. Ц. да $Ca \rightleftarrows 2(Na, K)$ типидаги алмашувлар содир бўлиши мумкин.

Структура ва морфологик белгилари (хусусиятлари)га кўра Ц. қуйидаги минерал группаларига ажратилади: натролит группаси — мезолит, сколецит, томсонит, гоннардит, эдингтонит, маунтинит, родзит ва б. да тетраэдр боғланишлари бир йўналишда анча мустаҳкам; гейландит группаси — стильбит, эпистильбит, дикиардит, брюстерит, феррьерит, клиноптилолит ва б. даги боғланиш бир текисликда нисбатан мустаҳкам; тетраэдрнинг ҳамма йўналишлари бўйича мустаҳкам боғланишга эга бўлган Ц. минераллари группаси — гармотом, филлипсит, шабазит, гмелинит, левин, фоязит; кимёвий таркиби ва хоссалари бўйича Ц. га кирадиган, лекин структураси етарли ўрганилмаган минераллар группаси — ломонтитлеонгардит, морденит, жисмондин, ашкрофтин, югавараллит. Соф Ц. рангсиз, таркибидаги аралашмаларга кўра рангли хиллари ҳам бўлади. Қаттиқлиги 3,5—5,5; с. оғ. 2—2,3, Ва таркибли Ц. да —2,5—2,8. Ц. асосий эффузив тоғ жинслари ораси—бўшлиқларда ва гидротермалларнинг охирги босқичларида пайдо бўлади. Чўкинди тоғ жинслари орасида аутиген Ц. кўп учрайди. Ҳозир синтетик усулда Ц. олинмоқда. Воронеж обл., Арманистон ва Грузияда Ц. конлари мавжуд. Узбекистон ва Қорақалпоғистонда гилмоялар ва опокасимон гиллар орасида Ц. учрайди.

Ад.: Сендеров Э. Э., Хитаров Н. И., Цеолиты, их синтез и условия образования в природе, М., 1970; Природные сорбенты цеолитовой структуры, (Сборник), Т., 1974.

ЦЕРЕЗИН (лат. сега — мум) — қаттиқ ациклик ва циклик тўйинган углеводородлар аралашмаси; мумга ўхшайди, 68—72°С да суюқланади. Озокеритдан тозалаб олинади. Консистент суркамалар тайёрлашда, электр изоляция материали сифатида, аппаратларни занглашдан сақлашда, қоғоз ва газламаларга шимдиришда ва медицинада қўлланилади.

ЦЕРЕ́РА — кичик сайёра. 1801 йилда италиялик астроном Ж. Пиацци томонидан кашф қилинган. Ц. кичик сайёралар орасида энг каттаси ва у биринчи кашф этилган. Э. Бернарднинг аниқлашича, унинг диаметри 768 *км*. Ц. нинг Қуёшдан ўртача узоқлиги 2,77 *астрономик бирликка* тенг; Қуёш атрофида айланиш даври 4,6 йил; ўртача *юлдуз катталиги* — 7,4.

ЦЕ́РЕУС (Cereus) — кактусдошлар (кактусгуллилар оиласи)га мансуб кўп йиллик тропик ўсимлик. Бўйи 0,5—20 *м* гача, эни 2—60 *см*, баргсиз. Пояси этли, сersув, вақт ўтиши б-н дағаллашиб, қаттиқ тиканли бўлиб қолади. Гуллари оқ, сариқ ва қизил, кўп турлари хушбўй. Меваси сersув, ширин, 6—10 ойда пишади, баъзи турларининг меваси ейилади. Танасининг юмшоқ эти ва нордон-ширин шираси истеъмол қилинади. Ц.нинг эски ёғочланган қисмини қурилишда ва ёқилғи сифатида ишлатилади. 200 тури маълум. Асосан, Марказий ва Жанубий Американинг чўл ва саҳароларида тарқалган. Кўп тури манзарали ўсимлик сифатида экилади.


ЦЕ́РИЙ (Cerium) Се — Менделеев даврий системаси III группасининг *лантаноидлар* туркумига мансуб кимёвий элемент. Ат. и. 58, ат. оғ. 140,12. 1803 йилда кашф этилган. Кул ранг металл, зичлиги 6,8 *г/см*^{3}, эриш т-раси 804°С. Кимёвий актив. Кўп тарқалган муҳим сийрак-ер элементи. Монацитдан олинади. Ёйли электродлар тайёрлашда, металлургияда қўлланилади.

ЦЕРКОСПОРОЗ — церкоспора уруғига мансуб замбуруғлар вужудга келтирадиган ўсимликлар касаллиги. Лавлаги, мевали ўсимликлар, ток, картошка, ер ёнғоқ Ц.и кенг тарқалган. Лавлаги Ц.ида барг, барг бандлари ва пояларда қўнғир ёки қизил ҳошияли юмалоқ ёки чўзиқ кул ранг доглар пайдо бўлади. Зарарланган баргларда асосий физиологик процесслар, азот алмашинуви бузилади. Мевали ўсимликлар Ц.ида баргларда замбуруғлар спораларини тарқатувчи турли шакл ва ҳар хил рангли доғлар ҳосил бўлади. Ток Ц. ида баргларда кўкимтир-сариқ ғубор пайдо бўлиб, кейинчалик йирик доғларга айланади. Баргнинг доғли жойлари тўқимаси қўнғир тусга киради ва қовжирайди. Ғужумлари берч бўлиб қолади, тўкилади. Картошка Ц.ида баргларда кичик, юмалоқ, сарғиш доғлар ҳосил бўлади, барг қурийди. Ер ёнғоқ Ц.ида ўсимлик ер остки қисмларида юмалоқ ёки чўзиқроқ доғлар пайдо бўлади. Барглар қовжираб тўкилади. Ҳосил камаяди.

Кураш чоралари: ўсимликларнинг зарарланган қисмлари ёқиб юборилади, бордо суюқлиғи ёки бошқа *фунгицидлар* пуркалади.

ЦЕРУЛЕОЛАКТИТ — сувли фосфатлар гуруҳига мансуб минерал. Кимёвий формуласи $Al_3[(OH)_3(PO_4)_2]\cdot 4H_2O$. Ц. ни СССРда биринчи марта Марказий Қизилқум тоғларидан А. Қ. Қосимов топган. Ц. сланец жинслар устида оқиқлар ҳолида учрайди. Ранги оч ҳаворанг. Қаттиқлиги 5; с. оғ. 2,57. Гиперген шароитда ҳосил бўлади. Ц. учраган оксидланиш зонасининг таги ёки атрофидан рудали минераллар тўпламини топиш мумкин.

ЦЕРУССИ́Т (лат. cerussa — белила), оқ қўрғошин рудаси — минерал, қўрғошин карбонати. Кимёвий таркиби $PbCO_3$; оз миқдорда Ca, Zn, Sr, Mg аралашган бўлади. Ромб сингонияли. Кристаллари псевдогексагонал-дипирамидал, таблеткасимон ва б. шаклларда. Донадор, кукунсимон, толасимон, оқиқ агрегатлар ҳосил қилади. Рангсиз, оқ, кул ранг, қора, камдан-кам қўнғир, кўк, яшил тусда. Олмосдек, баъзан шишасимон ялтироқ. Қаттиқлиги 3—3,5; с. оғ. 6,4—6,6; мўрт. Қўрғошин конларининг оксидланиш зонасида учрайди. Қўрғошин эритиладиган руда ҳисобланади. СССР (Шарқий Забайкалье, Олтой, Қозоғистон ва б.), шунингдек АҚШ ва Австралияда конлари бор.



Цесарка.

ЦЕСА́РКА (полякча cesarka), хонаки сесарка товуқ — товуқсимонлар туркумининг цесаркалар оиласига мансуб парранда. Ғарбий Африкада яшайдиган ёввойи кул ранг цесаркалардан келиб чиққан. Дастлаб, Ц. қадимги Греция ва Римда хонакилаштирилган. Танасининг узунлиги 30—75 *см*, бўйни калта, бўйнининг устки қисми ва боши патсиз. Бошида жигар ранг тожи ва оқ-қизғиш шокиласи бор. Тумшуғи эгикроқ, узунлиги ўртача, ёнлари сиқиқроқ. Қанотлари қисқа, думи калта. Патлари танасига ёпишиб туради. Кўк, оқ, кул ранг ва б. тусли Ц.лар бўлади. Ц. жуда ҳаракатчан: уча ва тез югура олади; 5—8 йил яшайди, 6—8 ойлигида жинсий етилади. Пилига 70—120 тухум қилади. Тухуми 42—45 *г*, Ц. деярли барча мамлакатларда тарқалган. Кўпинча ҳаваскорлар боқади. СССРнинг Европа қисми, Сибирь ва Қозоғистонда яхши иқлимлаштирилган. Тухуми ва гўшти истеъмол қилинади.

Ад.: Вейцман Л. Н., Цесарки, М., 1970.

ЦЕСИС — ЛатССРдаги шаҳар. Гауя дарёси бўйида. Т. й. станцияси. Шаҳар 1206 йилдан маълум. Авторемонт ва темир-бетон конструкциялар з-длари, «Цесу алус» пиво ишлаб чиқариш бирлашмаси, Валмиер гўшт ва сут к-тининг филиали, профессионал-техника; медицина, музика билим юртлари, тарих ва санъат музейи, халқ театри, архитектура ёдгорликлари бор.



Цеткин К.

ЦЕСТОДАЛАР — қ. *Лентасимон чувалчанглар.*
ЦЕСТОДОЗЛАР — *ясси чувалчанглар* типининг *цестодалар* синфига кирувчи гижжалар қўзғатадиган *гельминтозлар* группаси. Одам ва ҳайвонларда учрайди. Одамда, асосан, цестодаларнинг қорамол ва чўчқа солитёри, кенг тасмасимон чувалчанг, калта хименолепис, *эхинококк*, альвеококк ва б. турлари паразитлик қилади. Цестодаларнинг етилган (тасмалик) формалари одам ҳамда ҳайвонлар ичагида яшайди ва урчийди, улар тухуми ахлат орқали ташқи муҳитга чиқади ва личинка даври *оралиқ хўжайин* (чўчқа, ҳўкиз, балиқ ва б.) танасида ўтади. Цестода личинкалари — финналари (қ. *Финка*) одамга чала пиширилган балиқ, қорамол гўштини истеъмол қилганда ўтади. Улар одам ингичка ичагида жинсий етилади ва паразитлик қилади. Цестодаларнинг эхинококк формаси одам ва ўтхўр ҳайвонларнинг жигар, ўпка, мия, кўмик ва ҳ. к. аъзоларида паразитлик қилади. Етук цестодалар қўзғатадиган касалликлар бирмунча енгилроқ кечиб, баъзан ҳазм органлари ва нерв системаси фаолияти бузилади. Цестода личинкалари қўзғатадиган *эхинококкоз*, *циститеркоз*, ценуроз каби касалликлар анча оғир ўтади.

Цестодалар финналари қўзғатадиган касалликлар (эхинококкоз, альвеококкоз) операция қилинади, етук гижжалар қўзғатадиган касалликлар антигельминт препаратлар (фенасал, дихлосал ва б.) б-н даволанади. Олдини олиш учун гўшт маҳсулотларини етарли пиширириб истеъмол қилиш, уй ҳайвонлари (итлар) билан яқин мулоқатда бўлмаслик, оқар сувлар ва ўтлоқ жойларни нажас б-н ифлослантирмаслик, шахсий ва овқатланиш гигиенасига қатъий риоя қилиш, беморларни тўла даволаш зарур.

Ҳайвонларда дифиллаботриоз, дипилидиоз, лигулез, монизиоз, ценуроз, цистицеркоз, эхинококкоз ва б. учрайди. Ичак Ц.ида овқат ҳазм қилиш бузилади, эхинококкозда жигар, ўпка соҳаларида оғриқ пайдо бўлади, қўйлар ценурозида эса ҳаракатни бошқариш бузилади. Касал ҳайвонлар ўсмайди, озади. Касаллик антигельминтлар б-н даволанади. Олдини олиш ва кураш чоралари гельминтсизлантириш ва ветеринария-санитария қоидаларига риоя қилишдан иборат.

ЦЕТАН, гексадекан, $CH_3(CH_2)_{14}—CH_3$— кристалл модда; суюқланиш т-раси 18,165°С; қайнаш т-раси 286,793°С, органик эритувчиларда эрийди, 500°С гача чидамли. Гексадеценни гидрирлаб, цетилмагний бромидни сув б-н парчалаб, октилбромидни натрий б-н қиздириб ва б. усулларда олинади. Ц. идеал *дизель ёнилғиси* ҳисобланади. У дизель ёнилғиси сифатини аниқлашда эталон сифатида қўлланилади (яна қ. *Цетан сони*).

ЦЕТАН СОНИ — двигатель цилиндрида дизель ёнилғисининг ўз-ўзидан алангаланишини характерловчи кўрсаткич. Ц. с. махсус бир цилиндрли, тўрт тактли двигателлар (ИТ9-3, ИТ9-3М ва б.)да синаб кўрилади. Дизель ёнилғисининг Ц. с. бензининг *октан сонини* аниқлаш принципида аниқланади, яъни синалаётган дизель, ёнилғисининг намунаси Ц. с. маълум бўлган эталон ёнилғи (цетан, α-метилнафталин) б-н солиштирилади. Дизель ёнилғисининг Ц. с. қанчалик юқори бўлса, у двигатель цилиндрида шунчалик тез алангаланади, босими бир хилда кўтарилиб боради ва двигатель юмшоқ ишлайди. Дизель ёнилғиларни классификациялашда Ц. с. нинг аҳамияти муҳим. Ҳозирги дизель ёнилғиларининг Ц. с.— 40—50.

ЦЕТКИН Клара (1857. 5. 7, Видерау қишлоғи, Саксония —1933. 20. 6, Москва яқинида)—Германия ва халқаро ишчилар ҳаракати арбоби. *Германия коммунистик партияси* (ГКП)нинг асосчиларидан бири. 1881 йили Германия социал-демократлари партияси сафига кирган. Чет эллар (Франция, Австрия-Венгрия, Италия, Швейцария)да эмиграцияда юрганда социалистик ҳаракатларда ва 2-Интернационалнинг таъсис конгрессининг чақирилиши (1889, Париж)да фаол иштирок этган. Ватанига қайтгач (1890), немис хотин-қизлари ҳаракатига раҳбарлик қилган. 1892—1917 йилларда немис ишчи хотин-қизларининг «Тенглик» («Die Gleichheit») газетасида масъул муҳаррир. Ц. ташаббуси б-н биринчи Халқаро хотин-қизлар конференцияси чақирилди (1907). Халқаро социалист хотин-қизлар конференциясида (1910, Копенгаген) Ц. таклифи б-н *Халқаро хотин-қизлар куни* 8 мартни байрам сифатида нишонлаш тўғрисида қарор қабул қилинди. Биринчи жаҳон уруши (1914—18) бошланганидан кейин Ц. Германия социал-демократлари партиясининг шовинистик сиёсатини кескин танқид қилди. Ц. «*Спартак иттифоқи*»ни тузишда фаол қатнашди. ГКП ташкил топгач (1918 йил декабрь), Ц. ишчиларнинг чиқишларида иштирок этди, 1919 йилдан ГКП ва ПКП МҚ аъзоси, Коминтернинг 3-конгресси (1921) дан бошлаб Коминтерн Ижроия комитети Президиумининг аъзоси. Коминтернинг халқаро хотин-қизлар секретариатини бошқарган. В. И. Ленин ва Н. К. Крупская б-н дўстона муносабатда бўлган. Ц. 1920 йилдан Германия рейхстагига узлуксиз депутат қилиб сайланган. У СССРнинг Ленин ордени ва Қизил Байроқ орденлари б-н мукофотланган.

Ҳоки Кремль девори ёнига қўйилган. Германия Демократик Республикасида Клара Цеткин медали таъсис этилган (1954).

ЦЕФАЛОСПОРИНЛАР — кимёвий тузилиши ва биологик активлиги жиҳатдан табиий ва ярим синтетик антибиотикларга яқин группа. Табиий Ц. цефалоспорин С ва цефалоспорин N (пенициллин N) ни 1945 йили итальян микробиологи Ж. Бротцу моғор замбуруғидан ажратиб олган. Медицинада, асосан, ярим синтетик Ц. — цефалоридин (цепорин), цефалотин (кефлин), цефазолин ва б. препаратлар қўлланилади. Кўпроқ цепориндан фойдаланилади. У микроорганизмларга кучли таъсир этиб, пенициллинга чидамли стафилококк ва спирохеталарни ўлдиради. Шунинг учун у нафас йўлларининг ўткир ва хроник касалликлари, сифилис (*захм*), операциядан кейинги инфекциялар, *перитонит* ва б.ларни даволашда қўлланилади.

ЦЕФЕИДАЛАР—равшанлиги вақт бўйича тенкис ва даврий ўзгариб турадиган, пульсацияланувчи физик ўзгарувчан юлдузлар. *Цефей* юлдуз туркумидаги δ юлдуз номи б-н аталади. Ц.нинг равшанлиги, одатда, 2 дан 6-юлдуз катталигигача. Равшанлигининг ўзгариш даври ҳар бир цефеида учун ўзгармас ва аниқ. Ўзгариш даврининг узунлиги, кўринма юлдуз катталиги, спектри, т-ра ва радиусининг ўзгариши турли Ц.да ҳар хил. Ц. гигант ва ўтагигант юлдуз бўлиб, спектри F ва G синфига мансуб (қ. *Юлдузларнинг спектрал синфи*).

Назарияга кўра, водороднинг «ёниши» натижасида қизил гигант юлдузда гелийли «ядро» ҳосил бўлади. Ядронинг гравитацион сиқилишида т-ра ва босимнинг ортишидан юлдуз кенгаяди. Босим ўсиши кескин катталашиб, кенгаяётган юлдуз мувозанат ҳолатидан чиқиб кетади ва шу қадар кенгаядики, ядросидаги босим қобиғидаги босимдан кам бўлиб қолади. Натижада Ц.нинг тебраниши вужудга келади. Бу тебраниш сиқилиш даврида нолашган Не нейтрал ҳолатга ўтиб, чиқаётган ёруғлик энергияси йўлини тўсиши сабабли тўпланадиган энергия б-н таъминланади. Цефеиданинг абсолют катталиги қанча ортиқ бўлса, равшанлигининг ўзгариш даври ҳам шунча узун бўлади. Бу боғланишни Ливитт ва *Шепли* аниқлаган (1918). Ц.нинг ўзариш даври б-н абсолют юлдуз катталикларининг ўзаро боғлиқлигидан уларгача бўлган масофалар ҳисобланади.

ЦЕФЕЙ (лат. Cepheus) — осмоннинг шимолий қутби яқинидаги юлдуз туркуми; *Кичик Айиқ, Оққуш, Калтакесак, Жираф* ва *Аждар* юлдуз туркумлари орасида жойлашган. Ц.да равшан юлдузлар кўп, энг равшани 3-юлдуз катталигида; Ц.нинг δ (дельта) юлдузи ўзгарувчан бўлиб, *цефеидалар* деб аталган ўзгарувчан юлдузлар синфининг номи шу юлдуз б-н боғлиқ; у шу синфнинг энг биринчи (1784) кашф қилинган юлдузидир. Ц. СССР да йил бўйи кўриниб туради.

ЦЕХ (нем. Zeche) — саноат корхонасининг асосий ишлаб чиқарувчи қисми. Корхонанинг умумий ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этиб, маҳсулот тайёрлашда асосий ишлаб чиқариш ёки бутун корхонага техник ҳамда хўжалик хизмати кўрсатиш каби муайян вазифаларни бажаради. Вазифасига қараб Ц. асосий (ишлаб чиқариш), ёрдамчи, хизмат кўрсатиш, ёрдамлашувчи (подсобный) ва қўшимча Ц.га бўлинади.

Асосий Ц. корхонада маҳсулот тайёрлаш технологик жараёнини амалга оширади. Машинасозлик з-дида асосий (ишлаб чиқариш) Ц.нинг ўзи тайёрлаш, ишлов бериш ва йиғиш Ц.ларига бўлинади.

Ёрдамчи Ц. бинолар, асбоб-ускуна ва б. ни ремонт қилиб, асосий Ц. ёки бутун корхонага хизмат кўрсатади. Хизмат кўрсатиш Ц. хўжалик вазифасини бажаради, асосий Ц.га ҳамда бутун корхонага хизмат кўрсатади; қабул қилиш, сақлаш, хом ашё, материал, ёқилғи, ярим фабрикат, тайёр маҳсулот, чиқинди ва б. (з-днинг склад ва транспорт хўжалиги)ни тарқатади ҳамда ташийди. Ёрдамлашувчи (подсобный) Ц. асосий Ц. нинг маҳсулот ишлаб чиқариши учун зарур бўлган маҳсулот (тара, бочка, яшик ва б.) тайёрлайди. Қўшимча Ц. ишлаб чиқариш чиқиндиларидан қўшимча маҳсулот тайёрлайди.

Корхоналарда Ц.лар сони ҳар хил бўлиб, бу саноат тармоғи, маҳсулот характери, ишлаб чиқариш миқёси ва типига боғлиқ.

ЦЕХ ХАРАЖАТЛАРИ — *цех*нинг бошқариш ва хўжалик харажатлари. Ц. х. га цехни бошқариш ва ходимларга сарфланадиган маблағ (асосий ва қўшимча иш ҳақи ҳамда социал страхованиега ажратиладиган)лар, цехнинг амортизация суммаси, бино, иншоот инвентарларини сақлаш ва ремонт қилиш, тажриба ўтказиш ва илмий тадқиқот ишлари, рационализаторлик ва ихтирочилик; меҳнат хавфсизлигини ҳимоя қилиш; ҳамда ишлаб чиқариш характерига эга бўлмаган цех харажатлари ва б. киради.

Ц. х. шу цехда ишлаб чиқариладиган маҳсулот таннархига киради ва тегишли буюм таннархига шартли тақсимлаш йўли б-н киритилади. Ц. х. ни тақсимлашнинг кенг тарқалган усулларидан бири ишлаб чиқаришдаги ишчиларнинг иш ҳақларига тўғридан-тўғри (норма ошириб бажарилганда тўланадиган қўшимча ҳақларсиз) пропорционал тақсимлашдир.

Металлургия, тўқимачилик ва б. шу каби саноат тармоқларида Ц. х. ни тақсимлашнинг комбинациялашган методи, яъни хом ашё ёки тайёр маҳсулот салмоғига пропорционал равишда айрим тармоқ ёки бир хил тармоқлар группаси учун энг қулай бўлган усул қўлланилади.

ЦЕЦЕ-ПАШША (Glossina palpalis) — чин пашшалар оиласига мансуб ҳашарот. Танасининг узунлиги 9—14 *мм*. 20 тури бор. Барча турн тирик туғувчи. Африканинг тропик ва субтропик қисмида тарқалган. Одам ва ҳайвонларда *трипаносомозларни* қўзғатувчи микроорганизмларни тарқатади.

ЦЗАОФАНЛАР (хитойча исёнкорлар) — Хитойда «маданий революция»нинг авжга чиққан даври (1966—67) да ишчи ёшлардан тузилган отряд аъзолари. Улар ҳам *хунвэйбинлар* каби Мао Цзе-дун рақибларига қарши курашда фойдаланилган. 60-йиллар охирида Ц. тарқатиб юборилган.

ЦЗИЛУН, Килун — Хитойдаги шаҳар ва порт, Тайвань провинциясида. Аҳолиси 313,7 минг киши (1969). Портининг юк оборотн 3 млн. *т*. Тайбэй ш. б-н т. й. орқали боғланган. Савдо-саноат маркази. Машинасозлик (асосан, кемасозлик), кимё, цемент, озиқ-овқат саноати корхоналари бор. Соҳилга яқин сувлардан балиқ овланади.

ЦЗИНАНЬ — Шарқий Хитойдаги шаҳар, Хуанхэ дарёси бўйида. Шаньдун провинциясининг маъмурий маркази. Аҳолиси 1,1 млн. киши (1970). Транспорт узели. Озиқ-овқат, қоғоз, тўқимачилик (жумладан, гилам тўқиш), резина буюмлар, машинасозлик (станоклар, локомотивлар, автомобиллар ва б.), кимё ва нефть-кимё саноати корхоналари, металлургия з-дн, ун-т, саноат, қ. х., мед. академиялари бор. Ҳунармандчилик ривожланган.

ЦЗИНЬЧЖОУ — Хитойнинг шимоли-шарқий қисмидаги шаҳар. Сяолинхэ дарёси бўйида. Ляонин провинциясида. Аҳолиси 500 минг киши (1959). Нефтни қайта ишлаш ва машинасозлик саноатлари (кон ва қоғоз саноати ускуналари, станоклар ва б.) ривожланган. Ферроқотишмалар, кимё, қоғоз, тўқимачилик, озиқ-овқат, қурилиш материаллари ва чинни корхоналари бор. Ц. орқали Дацин — Пекин нефтепроводи ўтган.

ЦЗЯНСИ — Шарқий Хитойдаги провинция. Янцзи дарёсининг ўнг соҳилида. Майдони 160 минг *км*². Аҳолиси 22 млн. киши (1974). Маъмурий маркази—Наньчан ш.

Ер юзаси марказий ва шимолий қисмида аллювиал пасттекислик, қолган жойлари тоғлик (энг баланд жойи 1696 *м*). Иқлими субтропик муссонли иқлим. Январда ўртача т-ра 4—10°, июлда 27—30°. Йиллик ёғин 1400—1700 *мм*. Ц. орқали Ганьцзян дарёси оқиб ўтиб, Поянху кўлига қуйилади. Тоғларнинг айрим жойларида ўрмонлар сақланган.



Цеце-пашша.



Ци Бай-ши «Краблар ва Зогорабалиқ». 1952. Тушь Миллий галерея. Прага.

Экономикасида деҳқончилик етакчи ўринда. Асосан, суғориб деҳқончилик қилинади. Асосий экини — шоли (экин майдонининг 87%). Буғдой, арпа, батат, дуккаклилар, пахта, жут, шакарқамиш экилади, тоғли ерларда чой ўстирилади. Цитрус мевалар (апельсин ва мандарин) етиштирилади. Қорамол, чўчқа боқилади. Урмон маҳсулотлари йиғилади. Балиқ овланади. Вольфрам, тошкўмир, рух, қўрғошин конлари бор. Тўқимачилик, машинасозлик (дизель, электротехника ва қ. х. машиналари), кимё, ойна-шиша, металлургия, қоғоз саноати корхоналари бор. Цзиндэчжань ш. қадимги ва дунёга машҳур чинни буюмлар тайёрлаш марказларидан. Бу ерда Хитойда энг катта чинни ф-каси жойлашган. Т. й. орқали Шанхай ва Гуанчжоу портлари б-н боғланган. Поянху кўлида, Янцзи ва Ганьцзян дарёларида кемалар қатнайди.

Ц. терр-ясида мил. ав. 7—4- асрларда У, Юэ ва Чу подшоҳликлари бўлган. Ц. мил. ав. 3- асрда Цинь империяси таркибидаги Цзюцзян области бўлган. Милоднинг 4- асрида Ц. га хитойлар кўплаб кўчиб келган. 13- асрда Хитойни мўғуллар босиб олгандан сўнг, ҳозирги Ц. провинцияси таркиб топган. 1929—34 йилларда Хитойдаги совет ҳаракатининг таянч базаси бўлган. Ц. ни 1937—45 йилларда японлар эгаллаган. 1949 йил май—августда Хитой Халқ озодлик армияси гоминданчилардан озод қилган.

ЦЗЯНСУ — Шарқий Хитойдаги провинция. Янцзи дарёсининг қуйи оқими ҳавзасида. Шарқдан Шарқий Хитой денгизи ва Сариқ денгиз б-н ўралган. Майдони 100 минг *км*². Аҳолиси 45,6 млн. киши (1974). Маъмурий маркази — Нанкин ш. Шанхай ш. алоҳида маъмурий бирлик. Ц.— Хитойда аҳолиси энг зич провинция.

Ц., асосан, Шимолий Хитой текислигида жойлашган. Денгиз суви босишидан сақланиш учун қирғоқ бўйлаб дамба қурилган. Иқлими субтропик муссонли иқлим. Январнинг ўртача т-раси 2°, июлиники 28°. Йиллик ёғин 600—1200 *мм*. Буюк канал Янцзи дарёсини Ц. терр-ясидаги кўллар б-н туташтирган. Табиий ўрмонлар қирқиб тугатилган.

Ц.— ХХРнинг иқтисодий жиҳатдан ривожланган индустриал-аграр р-ни. Ц. экономикасида Шанхай ш. муҳим роль ўйнайди. Кўмир, темир руда, апатит, каолин қазиб чиқарилади. Тўқимачилик, металлургия, машинасозлик (жумладан, станоксозлик ва кемасозлик), кимё, цемент, озиқ-овқат саноати корхоналари бор. Кустарь ишлаб чиқариш салмоқли ўрин тутади. Қ. х. да деҳқончилик етакчи ўринда. Дарёлар режимини ва суғоришни тартибга солиш мақсадида гидротехника иншоотлари ҳамда суғориш системалари барпо этилган. Асосий экини — шоли. Буғдой, арпа, маккажўхори, батат, дуккаклилар, сабзавот ҳам экилади. Ц.— Хитойда пахтачилик ва ипакчиликнинг асосий р-нларидан. Чўчқа, парранда боқилади. Балиқ овланади. Асосий сув йўллари — Янцзи дарёси ва Буюк канал. Нанкин — Шанхай т. й. бор.

Қадимда Ц. терр-ясида мань ва хуайи қабилалари яшаган. Ц. мил. ав. 8—4- асрларда Ци, У, Юэ, Чу подшоҳликлари ва 3- асрда Цинь империяси таркибида бўлган. Мил. 7- асрда Буюк канал орқали Шимолий Хитой б-н боғланди. 17- асрда Хитойни манжурлар босиб олгандан сўнг, бу ерда Цзяньнань области ташкил топди, кейинчалик у Ц. — провинцияси. 1937—45 йилларда Ц.ни япон қўшинлари эгаллаган. 1949 йил июнда Хитой Халқ озодлик армияси Ц. ни гоминданчилардан озод қилди.

ЦИАН, дициан NC—CN — ўткир ҳидли рангсиз газ; қайнаш т-раси — 20,7°С, суюқланиш т-раси — 34,4°С; спирт, эфир, сирка кислотада эрийди. Ц. шовул (оксалат) кислотанинг динитрили бўлиб, P_2O_5 га NH_4 таъсир эттириб олинади. $Hg(CN)_2$ қиздирилганда ҳам Ц. ҳосил бўлади. Ц. узоқ қиздирилса (400°С да), полимер модификацияга айланиб, парациан ҳосил бўлади. Ц.га сульфат кислота таъсир эттирилса, цианат кислота ҳосил бўлади.

ЦИАНАМИД, карбодиимид NH_2CN — рангсиз кристалл модда; суюқланиш т-раси 46°С. Сув, спирт, эфирда эрийди. Суюқланиш т-расидан юқори т-рагача қиздирилса, димерцианиандинамидга айланади. Кўпгина тузлари (Li, Na, K, Mg, Ca, Sr, Ba ва б.) бор. Кальций Ц.нинг амалий аҳамияти муҳим. Кальций Ц.— азотли ўғит ва кўпгина азотли бирикмалар (мочевина, *цианидлар* ва б.) олишда дастлабки маҳсулот ҳисобланади. Ц. галогенцианлар б-н аммиакни бир-бирига таъсир эттириб олинади. Ц. терини куйдиради. Сувдаги эритмаси экземага сабаб бўлиши мумкин.

ЦИАНАТ КИСЛОТА — аччиқ бодом ҳидли учувчан суюқлиқ; унинг икки таутомер шакли бор: $H—N=C=O \rightleftarrows N\equiv C—O—H$; мувозанат чап томонга кучли силжиган, шунинг учун цианат кислота кўпинча HNCO шаклида ёзилади. Ниҳоятда беқарор. Сувдаги эритмаси NH_3 ва CO_2 га тез ажралиб кетади. Қайнаш т-раси 25,6°С. Цианур кислотани CO_2 оқимида қиздириб, деполимеризациялаб олинади.

ЦИАНГИДРИНЛАР, α- оксикислота нитриллари — углероднинг бир атомида окси — ва циан группа бўлган бирикмалар. α-окси мой кислота нитрили ёки ацетон циангидринлари; бодом кислота нитрили ёки бензальдегид циангидринлари типик Ц. га мансубдир. Баъзан, турли углерод атомларида ОН ва CN группаси бўлган бирикмалар ҳам Ц. га киритилади. Ц. циан тузларини альдегид ва кетонларнинг бисульфитли бирикмаларига таъсир эттириб ва б. усулларда олинади. Ц. турли синтезлар учун бошланғич бирикмалардир. Ц.ни эҳтиёт бўлиб ишлатиш керак, чунки улар цианид кислота ажратиб чиқариши мумкин.

ЦИАНИДЛАР — водород цианид ёки цианид кислота тузлари, умумий формуласи MeCN (бу ерда Me — бир валентли металл). Кўпчилик оддий Ц. рангсиз. Ишқорий ва ишқорий-ер металларнинг цианидлари сувда эрийди. Оғир металларнинг цианидлари (симоб цианиддан бошқа) сувда ёмон эрийди. Ц. оксидланганда цианатлар ҳосил қилади. Ц. олтин ва кумушларни рудалардан ажратиб олишда, фотографияда қўлланилади. Ц. жуда заҳарли.

ЦИАНИНЛАР — органик бирикмалар, синтетик циан бўяғич (бўёқ)ларнинг бир тури. Фотографик эмульсияларда оптик сенсибилизаторлар сифатида қўлланилади.

ЦИАНКОБАЛАМИН — анемияга қарши препарат, витамин B_{12} (қ. *Витаминлар*).

ЦИАНОБАКТЕРИЯЛАР — ипсимон бир ҳужайрали сувўтлар типи. 20- асрнинг 70- йилларидан микробиологияда *кўк-яшил сувўтлар* маъносида ишлатилади.

ЦИ БАЙ-ШИ (1860, Хунань провинцияси — 1957. 16. 9, Пекин) — хитой рассоми. Тушь б-н ишланадиган хитой миллий расми (гохуа) устаси. Асарлари, асосан, табиатга бағишланган; «Гуллар ва қушлар», «Майда денгиз қисқичбақалари», «Краблар», «Нилуфар», «Бақа-охирлари вужудга келган гохуа мактаби ригги давридаги расмларида кишиларни, айниқса деҳқонларнинг ҳаётини, уларнинг тинчсомлари союзи ранси (1953—57). Халқаро Тинчлик мукофоти лауреати (1956).

ЦИВИЛИЗАЦИЯ (лат. civilis — гражданлик, давлатга тааллуқли) — 1) *маданият*нинг синоними; марксистик адабиётда моддий маданият тушунчасини ҳам билдиради; 2) ижтимоий тараққиёт, моддий ва маънавий маданият даражаси, босқичи (антик Ц., ҳозирги замон Ц.си); 3) варварлик (*ваҳшийлик*)дан кейинги ижтимоий тараққиёт босқичи (Л. Морган, Ф. Энгельс).

«Ц.» тушунчаси 18- асрда маданият тушунчаси б-н боғлиқ ҳолда вужудга келди. Француз маърифатпарвар философлари ақл ва адолатга асосланган тузумни Ц.ли жамият деб билганлар. 19- асрда «Ц.» тушунчаси капитализмнинг яхлит характеристикаси сифатида қўлланди, лекин бундай тушунча ҳукмрон тасаввур эмас эди. Чунончи, О. *Шпенглер* концепциясига (локаль Ц.) кўра, Ц. ҳар қандай маданият тараққиётининг муайян тугал босқичини билдиради. Индустрия ва техника тараққиёти, санъат ва адабиётнинг деградацияси (инқирозга учраши), аҳолининг йирик шаҳарларда тўпланиши, халқларнинг ўз қиёфасини йўқотиб, «тўда»га айланиб бориши унинг асосий белгиларидир. Бундай ва б. идеалистик концепциялар марксизмга зид бўлиб, Ц.нинг табиатини, унинг ҳаракатлантирувчи кучларини очиб бера олмайди. Марксизм классиклари Ц.нинг ҳаракатлантирувчи кучлари ва тараққиётининг зиддиятларини таҳлил қилиб, унинг янги босқичи — коммунистик жамиятга революцион йўл б-н ўтиш зарурлигини асослаб бердилар.

Ад.: Энгельс Ф., Оила, хусусий мулк ва давлатнинг келиб чиқиши, Т., 1956; Маркарян Э. С., О концепции локальных цивилизаций, Ереван, 1962; Артановский С. Н., Историческое единство человечества и взаимное влияние культур. Философско-методологический анализ современных зарубежных концепций, Л., 1967; Хайруллаев М. М., Шорахмедов Д. А., Маданият ва мерос, Т., 1973.


ЦИГАЙ ҚУЙ ЗОТИ — жун-гўшт ва гўшт-жун учун боқиладиган ярим майин жунли қўйлар. Ташқи кўриниши ва жунининг сифати *мерино*сларникига яқин. Сержун-гўштдор ва гўштдор-сержун типлари бор. Сержун-гўштдор тип қўчқорларининг тирик вазни 85—95 *кг*, совлиқлариники 45—50 *кг*. Жунининг узунлиги 8—10 *см*, қўчқорларидан 6,5—7,5 *кг*, совлиқларидан 3,5—5 *кг* жун қирқиб олинади. 56—58% тоза жун чиқади. Гўштдор-сержун тип қўчқорларининг тирик вазни 100—110 *кг*, совлиқлариники 55—60 *кг*. Жунининг узунлиги 10—12 *см*. Қўчқорларидан 7,5—8,5 *кг*, совлиқларидан 4—4,5 *кг* жун қирқиб олинади. 56—60% тоза жун чиқади. Наслчилик з-дларида цигай қўйларининг з-д типлари етиштирилмоқда. Цигай қўйлари Украина жанубида, Молдавияда, Ростов, Саратов, Оренбург, Куйбишев ва Актюбинск областларида урчитилади.

ЦИДЕНДАМБАЕВ Чимит-Доржи (1918. 23. 2, Тарбагатай қишлоғи, ҳозирги Бурятия АССР Заиграево р-ни) — бурят совет ёзувчиси. Деҳқон оиласида туғилган. Ижоди 1937 йилдан бошланган. «Ватаним кунлари» (1940), «Ғалаба йўлидан» (1943) шеърий тўпламлари, «Гвардиячи» (1945), «Соном Гармаев» (1954) поэмалари нашр этилган. «Банзаровнинг сиёҳдони» қиссаси (1948) болаларга бағишланган. «Доржи Банзарнинг ўғли» (1953), «Қадрдон саҳродан йироқда» (1962) романларида бурят шарқшунос олими Доржи Банзаровнинг ҳаёт йўли, бурят халқининг Октябрь инқилобидан кейин халқ хўжалигини қайта қуриш даврида-ги ҳаёти акс эттирилган. Ц. бир қанча ҳикоялар ва «Бурят аёли» (1961), «Йил баҳордан бошланади» (1973) қиссалари муаллифи. Меҳнат Қизил Байроқ ордени ва медаллар б-н мукофотланган.

Ас.: Стихотворения, М., 1953; Новый дом. Рассказы, М., 1959; Бурятские узоры, М., 1970.
Ад.: Тармаханова О. Д., Чимит Цыдендамбаев, Улан-Удэ, 1958; Лит-ра Сов. Бурятии. Творч. портреты, Улан-Удэ, 1973.

ЦИДИНЖАПОВ Гомбожап Цидинжапович (1905. 20. 4, ҳозирги Бурятия АССР Баргузин р-ни) — бурят совет актёри, режиссёр, драматург. СССР халқ артисти (1940). 1939 йилдан КПСС аъзоси. Москва Давлат театр санъати ин-ти режиссёрлик ф-тини тугатган (1934). 1934—48 йиллар Бурят Давлат драма театрида бадиий раҳбар. 1948 йилдан Бурят Давлат опера ва балет театрида бош реж. У В. И. Ленин образини (Н. Погодин, «Кремль курантлари»), Отелло (В. Шекспир, «Отелло»), Шарлай (Балдано ва Эдел, «Эржен») каби образларни яратган.

Ц. реж. сифатида «Кўпларнинг бири» (Балдано) драматик спектакли, «Баир» (Ц. ва А. Шадаев либреттоси, П. Берлинский музикаси) музикали драмаси, «Евгений Онегин», «Пиковая дама» (П. Чайковский), «Энхебулат батор» (М. Фролов) операларини саҳналаштирди. «Снайпер», «Халқ ўғлони» ва б. пьесалар муаллифи. 2—4- чақириқ РСФСР Олий Советининг депутати. Ц. СССР Давлат мукофоти лауреати (1949). Ленин ордени, 2 та бошқа орден ва медаллар б-н мукофотланган.



Цигай зот қўчқор.


ЦИКАДАЛАР, жизилдоқлар (Auchenorrhyncha) — тенг қанотлилар туркумига мансуб ҳашаротларнинг кенжа туркуми. 17 мингга яқин тури маълум. Шундан СССРда 2 мингга яқини учрайди. Ер шарида кўп тарқалган. Ц. боши кўкрак б-н ҳаракатсиз бириккан. Мураккаб кўзлари ёнида оддий кўзлари ҳам бор. Орқа оёқлари сакровчи. Олдинги қаноти пардасимон ёки хитинлашган. Баъзиларининг эркаги кунининг иссиқ вақтида овоз чиқаради. Чала ўзгариш б-н ривожланади. Бир йилда 1—2 (баъзилари 4—5) марта насл беради. Ц. ўсимлик ёки тупроқда ҳаёт кечиради. Ўсимлик ширасини сўриб (мас., йўлли цикада ғаллага, цикадатра охреата ва б. ғўзага) зарар келтиради.

ЦИКЛ (юнон. kyklos — доира) — бирор нарса тараққиётининг тугалланган доирасини, муайян системани вужудга келтирувчи ўзаро боғлиқ жараён, иш, ҳодисалар йиғиндиси (мас., фанлар цикли, *ишлаб чиқариш цикли*).


ЦИКЛАМЕН (Cyclamen) — примуладошлар (примулагуллилар оиласи)га мансуб бўяган кўркам кўп йиллик ўсимлик. Илдизпояси йўғонлашган, барглари илдиз бўғзидан чиққан, узун бандли, юраксимон. Гул пояси бир гулли. Гуллари оқ, пушти, оч қизил ва тўқ қизил. Меваси беш чаноқли ва кўп уруғли шарсимон кўсакча. 55 та тури маълум. Асосан, Ўрта денгиз ва Олд Осиёда тарқалган. СССРда Ц. нинг 7 тури Қримда, Кавказнинг Қора ден-



Цикламен.



Циклон. Шимолий ярим шардаги циклон схемаси: чизиқлар — ер юзасига яқин изобаралар, стрелкалар шамол йўналиши, Н-циклон маркази. (1-расм).




Саноатдаги циклон: а — умумий кўриниши; б — схемаси: *1* — корпуснинг конуссимон қисми; *2* — корпуснинг ҳалқа бўшлиқ ҳосил қилувчи цилиндрик қисми; *3* — чиқиш трубаси; *4* — металл зонт.

гиз қиргоқларида ўсади. Энг чиройли ва манзарали тури Эрон цикламени (C. persicum) оранжереяларда манзарали ўсимлик сифатида экилади. Гуллари оқ, пушти, қизил ва хушбўй. Янги илдизи ва илдизпоясидан эссенция олинади. Илдизпоясида сапонин бор. Тугунаги одам, ҳайвонлар, балиқлар учун заҳарли (чўчқаларга зарарсиз).

ЦИКЛЛИ ШАКЛЛАР (музикада) — нисбатан мустақил қисмлардан иборат ва ягона бадиий мақсадга бўйсундирилган музика шакллари. Кўп тарқалган чолғу Ц. ш.— сюита, соната циклли шакли (қ. *Симфония, Соната, Квартет*). Вокал Ц. ш. сифатида *кантата* ва *ораторияни* кўрсатиш мумкин. Кўпгина Шарқ халқлари қатори ўзбек ва тожик музика мероси, жумладан оғзаки анъанадаги профессионал музикасида Ц. ш. дан *мақомлар* (яна қ. *Шашмақом, Хоразм мақомлари*) ва уларга яқин икки ва ундан ортиқ ашула ёки чолғу куйлардан иборат асарлар (қ. *Шаҳноз-Гулёр, Шодиёна*) ҳамда музика фольклоридаги айрим жанрлар мавжуд.

ЦИКЛСАЛКАНЛАР, циклоалканлар — тўйинган циклик углеводородлар, умумий формуласи C_nH_{2n} (қ. *Алициклик бирикмалар*). Оддий Ц.—циклопропаннинг ҳалқаси учта метилен (CH_2) группадан, унинг яқин гомологи—циклобутан—тўртта метилен группадан иборат. Алмашинмаган Ц. кўпинча полиметилен углеводородлар ёки полиметиленлар деб аталади. Мас., циклопентан C_5H_{10}—пентаметил деб, циклогекан C_6H_{12}—гексаметилен деб аталади. Циклопентан б-н циклогексан нефть таркибида бўлганлигидан нафтенлар деб ҳам аталади. Ц. физик ва кимёвий хоссаларига кўра метанқаторидаги тўйинган ациклик углеводородларга ўхшайди (қ. *Тўйинган углеводородлар*); циклопропан бундан мутасно (чунки у баъзи реакцияларда тўйинмаган углеводород).Ц. турли усулларда, мас., дигалоген ҳосилаларидан галогенни ажратиб ташлаб, икки асосли карбон кислоталари кальцийли тузларини қуруқ ҳайдаб ва б. усулларда олинади.

ЦИКЛОГРАММА, цикл диаграммаси — циклик жараёнлар (термодинамик, технологик ва б.) нинг график тасвири. Автомат-машиналарнинг ижро этувчи органларининг конструкциясида кенг қўлланилади. Мас., айланма Ц. маълум станокдаги тегишли органларни ҳаракатга келтирувчи қисмларни ҳисоблаш учун асос бўлади.




ЦИКЛОИДА (юнон. kykloeides — доирасимон, айлана) — қўзғалмас тўғри чизиқ бўйлаб сирпанмасдан ғилдировчи айланадаги маълум белгили нуқта чизадиган ясси эгри чизиқ. Бу нуқта айлананинг ўзида ётса, оддий Ц., айлана ичида ётса, қисқартирилган Ц. ва айлана ташқарисида олинса, узайтирилган Ц. ҳосил бўлади. Одатдаги Ц. нинг параметрик тенгламалари $x=a(t-\sin t)$, $y=a(t-\cos t)$, бунда a — ҳаракатланувчи айлана радиуси, t— параметр бўлиб, айлананинг иккита радиуси орасидаги бурчак Ц. дан техника ва механизмлар назариясида фойдаланилади.

ЦИКЛОН (юнон. kyklón — айланадиган) — атмосфера босими паст бўлган жойда юзага келадиган ва Шимолий ярим шарда соат стрелкаси йўналишига қарши, Жанубий ярим шарда эса соат стрелкаси йўналишида айланадиган уюрма (довул). Ц. марказида босим энг паст, четларида юқори бўлади (1-расм).

Етилган Ц. марказида (денгиз сатҳида) босим 950—960 *мбар*, айрим ҳолларда 920—930 *мбар* бўлади. Берк изобаралар (бир хил босимни кўрсатадиган чизиқлар) паст босимли областни (барик депрессияни) овал шаклида ўраб туради ва диаметри бир неча юз *км* дан 2—3 минг *км* га етади. Ана шу майдонда ҳаво айланиб ҳаракат қилади. Ц.да атрофдагига нисбатан шамол кучли бўлади, баъзан 20 *м/сек* дан ва ҳатто 30 *м/сек* дан ошади (мас., довул турганда).

Ҳаво тепага қараб ҳаракат қилганидан, айниқса *атмосфера фронтлари* яқинида Ц.да кўпинча осмон булутли бўлади. Тропикдан бошқа ерларда ёғинининг асосий қисми ана шу Ц.да ёғади. Ҳаво уюрма ҳаракат қилганидан Ц. областига Ернинг турли кенгликларидан т-раси турлича бўлган ҳаво массалари оқиб келади. Шунинг учун ҳам Ц.нинг турли қисмларида ҳаво т-раси турлича бўлади.

Тепага кўтарилган сари Ц.нинг берк шакли аста-секин йўқола боради. Тараққиётининг дастлабки босқичида Ц. тропосферанинг қуйи қисмигина ўз ичига олади. Етилган Ц. бутун тропосферани қамраб олиши ва ҳатто стратосферанинг қуйи қисмига тарқалиши мумкин. Ц.лар одатда ғарбдан шарққа қараб ҳаракат



Чехословакия мақоласига. 1. Паст Татра тоғлари. 2. Баланд Татра тоғлари. 3. Ўрилган зигирни қуритиш. Ўрта Словакия области. 4. Вог дарёси. Словакия области. 5. Кошицедаги Шарқий Словакия металлургия комбинати цехларидан бири. 6. Готвальдов шаҳрининг марказий қисми. 7. Братислава. Дунай соҳили ва Градининг кўриниши. 8. Пльзень. Марказий майдон. 9. Прага Староместская майдони. Марказда Ян Гусга қўйилган ёдгорлик. 10. Прага. Ленин кўчаси. 11. Братислава. Славин тепалигида халоскорлар — совет жангчиларига қўйилган ёдгорлик. 12. Левогдаги ратуша. 1550—1615.



Шомуратова О. мақоласига. **1.** Ойимхон Шомуратова «Равшан» (Ж. Оймирзаев, Т. Оллоназаров) спектаклида — Равшан (1956); **2.** Халқ сайлида чавандоз қизлар онахони (1970-йиллар); **3.** Леваниха орбитада» (А. Е. Макаёнок) спектаклида — Леваниха (1962); **4.** «Камбағаллик айб эмас» (А. Н. Островский)да — Пелагея (1956); **5.** «Жумагул» (Т. Қанберганов) спектаклида — Санам (1972); **6.** «Момо ер» (Ч. Айтматов)да — Тўлганой (1960-йиллар) ролида.

қилади. Ц.нинг ўртача тезлиги 30—45 *км/соат*, лекин баъзан 100 *км/соат* тезликда ҳаракат қиладиган Ц.лар ҳам бўлади. Ц. ўтган р-нда атмосфера босими ва шамол б-н бирга ҳаво т-раси, намлиги, булут ва ёғин миқдори ҳам ўзгаради (қ. *Антициклон*).


Тропик кенгликларда вужудга келадиган **тропик циклонлар** кичикроқ — диаметри 100—300 *км*, марказида босим 950 *мбар*, баъзан эса 900 *мбар*дан ҳам паст бўлади. Шунинг учун ҳам бундай Ц.ларда босим фарқи жуда катта бўлганидан қаттиқ шамоллар — довуллар эсади. Тропик Ц.да шамоллар Шимолий ярим шарда соат стрелкаси йўналишига тескари, Жанубий ярим шарда соат стрелкаси йўналиши бўйлаб эсади. Бир неча кундан 2—3 ҳафтагача давом этади. Шамолнинг ниҳоятда тез (баъзан 70 *м/сек*, айрим ҳолларда эса 100 *м/сек*) эсиши ва кўп (суткасига 1000 *мм* гача ва ундан ҳам ортиқ) ёғин ёғиши оқибатида денгизларда кучли тўлқинлар кўтарилади ва қуруқликда катта вайронагарчиликлар рўй беради. Тропик циклонлар ўтганда сел сувларидан ташқари паст қирғоқларни денгиз суви босиб кетади.

Тропик Ц.лар ҳосил бўладиган р-нлар: Шимолий ярим шарда Тинч океанининг Филиппин ороллaридан шарқи, Жанубий Хитой денгизи (бу ерда *тайфун* дейилади), Тинч океанининг Калифорния ва Мексикадан ғарби, Атлантика океанининг Катта Антил ороллaридан шарқи, Бенгалия қўлтиғи ва Арабистон денгизи; Жанубий ярим шарда — Тинч океанининг Янги Гвинея оролидан шарқи, Ҳинд океанининг Мадагаскар оролидан шарқи ва Австралиядан шимоли-ғарби.

ЦИКЛОН (саноатда) — ҳаво (газ)ни марказдан қочма куч таъсирида муаллақ қаттиқ зарралардан тозалайдиган аппарат. Одатда, газ оқими патрубок орқали Ц. корпусининг юқори қисмига берилади (расмга қ.). Газ оқими айланма ҳаракат қилади ва ташқи уюрма ҳосил қилиб, спираль бўйича юқоридан пастга ҳаракатланади. Бунда муаллақ заррачалар марказдан қочма куч таъсирида Ц. деворларига урилади, газ б-н бирга Ц. тубига тушади ва чанг олиб кетувчи патрубкалар орқали чиқиб кетади. Чангдан тозаланган газ ички уюрма ҳосил қилиб, чиқиш трубаси орқали юқорига чиқади. Ц.нинг газ ўқ бўйича киритиладиган хили ҳам бор.

ЦИКЛОП, **циклоплар** (Cyclopoida) — бўғим оёқлилар типи, қисқичбақасимонлар синфининг кенжа туркуми. 250 га яқин тури маълум. Танасининг узунлиги 1—1,5 *мм* (баъзилариники 5,5 *мм*). Гавдаси бош-кўкрак ва қоринга бўлинган. Пешанасида битта кўзи бор. Ц. кўп тарқалган. Фақат маълум бир сув ҳавзасига хос турлари ҳам мавжуд (мас., Halicyclops уруғининг вакиллари фақат Каспий денгизида учрайди). Ноқулай шароит вужудга келганда Ц. қобиққа ўралиб, *циста* ҳосил қилади. Сув ўтлари, коловраткалар, майда қисқичбақасимонлар ва б. б-н овқатланади. Ц. бир қанча чувалчанглар (мас., *ришта*) ривожланишида *оралиқ хўжайин*дир.

ЦИКЛОТРОН — кўп зарядли ионлар, енгил элементлар, протон, дейтрон ва α- зарраларни тезлатувчи қурилма. Ц.ни қуриш ғоясини 1930 йилда Э. *Лоуренс* таклиф қилган. Асосий қисми бир неча юз *т* дан иборат ўзгармас ток электромагнитидир. Электромагнит қутблари орасида магнит майдони кучланиши 20 000



2- расм. Циклон ҳосил бўлиш схемаси: а — босим ва ҳаво оқимларининг ўрта тропосферада (4—6 *км* баландликда) тақсимланиши; б — босим, шамоллар ва ҳаво массаларининг ер юзаси яқинидаги тақсимланиши; в—А—А чизиғи бўйлаб вертикал кесма; 1— циклон ҳосил бўлгунга қадар (фронт чизиғига параллел вертикал кесмада, совуқ ҳаво илиқ ҳаво остида оқади); 2—циклон тўлқин босқичида; 3 — ёш циклон; 4 — окклюзия босқичидаги циклон; 5 — тугаётган термик симметрик циклон; П— паст босим; Ю— юқори босим; ИХ— илиқ ҳаво; СХ— совуқ ҳаво.

*эрстед*га етади. Магнит қутблари орасига вакуум камера, камера марказига эса ионлар манбаи жойлаштирилган. Ц.нинг яна бир асосий қисми вакуум камера ичига жойлаштирилган ва тенг икки қисмга бўлинган доира шаклидаги металл қутичадан иборат (қутичанинг ярим қисми дуант дейилади, 1-расмга қ.) *тезлатгич*дир. Дуантлар бир неча юз киловольт кучланиш берадиган ўзгарувчан ток генераторига уланади.

Зарралар электр майдони таъсирида фақат дуантлар орасидаги тирқишда тезлашади. Магнит майдонида тезлаштирилаётган зарра бир тўла айланганда икки марта дуантлар орасидаги тирқишдан ўтади. Зарранинг магнит майдонида айланиш даври T тезлатувчи генератор даври $T_г$ га тенг бўлса, зарядланган зарранинг ҳаракат йўналиши электр майдони йўналишига тўғри келган моментларда зарра тезлашади.

Магнит майдонида зарра траекториясининг радиуси зарранинг массаси m ва тезлиги v га пропорционалдир:

$$R = \frac{mcv}{eH}, \qquad (1)$$


бу ерда e — зарра заряди, c — ёруғлик тезлиги, H — магнит майдони кучланганлиги.

Зарранинг айланиш даври:


$$T = \frac{2\pi R}{v} = \frac{2\pi mc}{eH}. \qquad (2)$$

У тезликка боғлиқ эмас.

*Нисбийлик назарияси*га асосан зарра тезлиги ошган сари унинг массаси ҳам ошади, (1) га мувофиқ зарра траекториясининг радиуси ҳам катталашади. Шунинг учун тезлатиш жараёнида R/v нисбат массага пропор-



Циклотрон.
1- расм. Дуантли камера: 1— магнит қутби; 2— камеранинг ён деворлари; 3—дуант; 4—ионлар манбаи; 5— шток; 6— зарра орбитаси.





Циклотрон. 1. УзССР ФА Ядро физикаси ин-тидаги циклотроннинг умумий кўриниши. 2. Шу циклотрон бошқариш пультининг умумий кўриниши.

ционал равишда ортиб боради. Бу ҳолда зарранинг айланиш даври T тезлатувчи майдонининг доимий даври $T_г$ га тенг бўлмай қолади, яъни резонанс бузилади ва тезлатиш жараёни тўхтайди.

Ц. да протонлар 22 *Мэв* (дуантлар орасидаги потенциаллар айирмаси 440 *кв* бўлганда), дейтронлар, α- зарралар 35—44 *Мэв*, енгил элемент (углерод, азот, кислород, неон ва ҳ. к.) ларнинг кўп зарядли ионлари 100—200 *Мэв* энергиягача тезлаштирилиши мумкин.

Ц.да электронларни тезлатиш мумкин эмас, чунки электрон массаси тезлик ортиши б-н жуда тез ошиб боради. 1944 йилда В. И. *Векслер* электронлар тезлаткичи —«Микротрон» лойиҳасини таклиф этди. Унда электронларни катта энергиягача тезлаштириш мумкин.


УзССР ФА Ядро физикаси илмий текшириш ин-тида 1964 йилда Ц. ишга туширилган. Магнитининг оғирлиги ~ 200 *т*, дуантлари диаметри 1,5 *м*, улар орасидаги потенциаллар айирмаси 220—240 *кв*; частотаси 8—16 *Мгц*. Бу Ц. да $Д^{-}$—18 *Мэв*, p—20 *Мэв*, α- зарралар —36 *Мэв*, O^{5+}—100 *Мэв* гача тезлаштирилади.

Катта энергияли зарралар олишда циклик тезлатгичларнинг бошқа турлари (*фазотрон, синхрофазотрон, синхротрон* ва ҳ. к.) қўлланилади.


ЦИКУТА, вех (Cicuta verosa) — соябонгуллдошлар (соябонгуллилар оиласи)га мансуб кўп йиллик ўт. Поясининг бўйи 30—40 *см*, диаметри 2 *см*. Барглари қинли, узун бандли, пластинкаси икки тўрт карра патсимон бўлакчаларга бўлинган. Гуллари оқ, мураккаб соябон тўпгул ҳосил қилади. Меваси майда, бўйи 1,5—2 *мм*, ясси-шарсимон қўш пистача. Июнь ва сентябрь ойларида гуллаб мевалайди. 10 тури (баъзи манбаларга қараганда 20 га яқин) бор, асосан, Шимолий Америкада тарқалган. СССРнинг ўрмон-дашт зонасидаги ботқоқликларда, дарёлар, кўллар ва сув ҳавзаларининг сернам қирғоқларида заҳарли Ц. ўсади. Ўзбекистонда учрамайди.

Заҳарли Ц. илдизпоясида заҳарли шира цикутотоксин бор. Баҳор ва кузда уй ҳайвонлари кўпроқ заҳарланади.

ЦИЛИНДР (юнон. kylindros — вал) — 1) аналитик геометрияда *цилиндрик сирт;* 2) элементар геометрияда цилиндрик сиртни иккита параллел текислик б-н кесиш натижасида ҳосил бўлган жисм, бу текисликлар Ц. асослари дейилади (расмга қ.). Ц. асослари унинг ясовчиларига перпендикуляр бўлса, Ц. тўғри ва хусусий ҳолда асослар доиралардан иборат бўлса, тўғри доиравий ёки юмалоқ Ц. дейилади. Юмалоқ Ц. радиуси r, баландлиги h га тенг бўлса, унинг ён сирти $S=2\pi rh$ ва ҳажми $V=\pi r^2h$ га тенг бўлади; 3) техникада



Геометрик цилиндр.



Цилиндр: *А* — олдиё ишлайдиган; *Б* — икки томонлама ишлайдиган; 1—цилиндр; 2—поршень; 3—плунжер.

машина ва механизмларнинг, мас., *ички ёнув двигатели, буғ машинаси*, гидравлик ёки пневматик системаларнинг асосий детали. Ц.да поршень илгарилама-қайтма, илгарилама ҳаракат қилиб, иш жисмига таъсир қилади ва иш бажарилади.

ЦИЛИНДРИК КООРДИНАТАЛАР — фазодаги нуқтанинг вазиятини аниқловчи учта сон; r, φ, z дан иборат; $r=\text{const}$ га мос келган координат сиртлар ясовчилари oz ўқига параллел цилиндрлардан иборат (қ. *Координаталар*). M нуқтанинг цилиндрик координаталари б-н унинг Декарт координаталари орасидаги боғланиш ушбу тенгламалар орқали ифодаланади: $x=r\cos\varphi$, $y=r\sin\varphi$, $z=z$.

ЦИЛИНДРИК ФУНКЦИЯЛАР — Бессель, Нейман (Вебер), Ханкель функциялари. Цилиндр б-н чегараланган баъзи чегаравий масалаларни ечишда фойдаланилади. Биринчи Ц. ф. Бессель функцияси бўлиб, бу функция ушбу

$$y''+\frac{1}{x}y'+\left(1-\frac{\alpha^2}{x^2}\right)y=0 \qquad (1)$$

тенгламанинг ечимидир (қ. *Махсус функциялар*). $\alpha=n$ бўлганда (1) тенгламанинг иккинчи ечими сифатида Нейман (Вебер) функцияси

$$N_n(x)=\lim_{\alpha\to n}N_\alpha(x)=\lim_{\alpha\to n}\frac{J_\alpha(x)\cos\alpha\pi-J_{-\alpha}(x)}{\sin\alpha\pi}$$

олинади. Ниҳоят учинчи Ц. ф.:

$$H_\alpha^{(1)}(x)=J_\alpha(x)+iN_\alpha(x),\ H_\alpha^{(2)}(x)=J_\alpha(x)-iN_\alpha(x)$$

Ханкель функцияларидир. Бу ерда α— рационал сон. Ц. ф. аргументнинг комплекс қийматлари учун ҳам батафсил ўрганилган. Ҳисоблашда кўп сонли Ц. ф. жадвалларидан фойдаланилади.

Ад.: Смирнов В. И., Курс высшей математики, 8 изд., т. 3, ч. 2, М., 1969; Тешабоева Н., Математик физика методлари. [Дарслик]. Т., 1966.

ЦИЛИНДРИК СИРТ—ўз-ўзига параллел ҳолда кўчиб, бирор ясси чизиқ (йўналтирувчи) б-н кесиша борган тўғри чизиқ (ясовчи) нинг ҳаракатидан ҳосил бўладиган сирт. Агар Ц. с. нинг яшовчиси *айлана, эллипс, гипербола* ёки *парабола* бўлса, у ҳолда мос равишда юмалоқ (доиравий), эллиптик, гиперболик ёки параболик Ц. с. дейилади. Ясовчиси Декарт координаталар системасининг Oz ўқига параллел бўлган Ц. с. $F(x, y)=0$ тенглама б-н ифодаланади. Расмда ясовчи Oz ўқига параллел Ц. с. $\frac{x^2}{a^2}-\frac{y^2}{b^2}=1$ гиперболик цилиндр тасвирланган.

ЦИЛИНДРЛАР БЛОКИ — *ички ёнув двигателининг* барча механизм ва деталлари маҳкамланадиган асосий детали. Ц. б. га цилиндрлар V- симон икки қатор (ЗИЛ-130 ва б.) ёки вертикал бир қатор (ГАЗ-13 ва б.) жойлаштирилади. Ц. б. чўян, алюминий қотишмасидан қуйиб тайёрланади. Унга юқоридан цилиндрлар головкаси, пастдан блок-картер бириктирилади. Кўпчилик двигателларда блокка алмаштириладиган цилиндр гильзалари ўрнатилади. Цилиндр гильзаларининг ташқи сирти бевосита сув ичида бўлади.

ЦИМБАЛА (юнон. kymbalon) — *чангсимон* соз. Торларига чўп ёки тўқмоқчалар б-н уриб чалинади. Корпусининг чўзиқ томони 1400 *мм*, қисқа томони 900 *мм*, эни 750 *мм*. Якканавоз ва жўрнавоз соз сифатида ишлатилади. Хроматик товушқаторга эга. Диапазони катта октавадаги ми дан учинчи октавадаги ми гача

(Ми—ми^3). Россияда 17- асрда Ц. клавесин деб аталган. Венгрия, Польша, Руминия, СССР (Белоруссия, Молдавия, Украина ва б.) да халқ чолғу асбоблари оркестрига киритилган.

ЦИМЛЯНСК СУВ ОМБОРИ — Дон дарёсидаги сув омбори. РСФСР Волгоград ва Ростов областларида. Цимлянск ГЭС тўғони ҳосил қилган. 1952—55 йиллар давомида сувга тўлдирилган. Майдони 2700 *км*^{2}, сув ҳажми 23,9 млрд. *м*^{3}. Ўртача кенглиги 12 *км* (энг кенг жойи 38 *км*), ўртача чуқурлиги 8,8 *м* (энг чуқур жойи 27 *м*). Волга-Дон сув йўлининг таркибий қисми сифатида барпо қилинган. Суви суғориш учун сарфланади, балиқ овланади. Ц. с. о. Дон дарёсининг кўп йиллик сув оқимини тартибга солиб туради. Ц. с. о. бўйида Калач-Дон, Цимлянск, Волгодонск шаҳарлари жойлашган.

ЦИММЕРВАЛЬД ВА КИНТАЛЬ КОНФЕРЕНЦИЯЛАРИ — интернационалистларнинг *Биринчи жаҳон уруши* (1914—18)га ва социал-шовинизмга қарши ўтказган халқаро социалистик конференциялари. Циммервальд конференцияси (1915 йил 5—8 сентябрь) Швейцарияда бўлиб, 11 мамлакат (Россия, Германия, Франция, Италия, Польша, Болгария, Руминия, Швейцария, Голландия, Швеция, Норвегия)дан 38 вакил қатнашди. Конференцияда В. И. Ленин бошлиқ революцион интернационалистлар ва ўзларини сўллар ниқобида ифодаловчи каутскийчи кўпчилик ўртасида кескин кураш борди. Унда муҳокама қилинган асосий масала — пролетариатнинг тинчлик учун кураши масаласи бўлди. В. И. Ленин ташаббуси б-н 8 кишидан иборат Циммервальд сўл группаси тузилди. У империалистик урушни гражданлар урушига айлантириш учун оммавий революцион курашга сафарбар этиш ва социал-шовинизмдан узил-кесил ажралиш масаласида курашни кучайтирди. Кескин тортишувлардан кейин қабул қилинган Манифестда уруш империалистик характерда эканлиги қайд этилди, ҳарбий кредит учун овоз берган «социалистлар»нинг фаолияти муҳокама қилинди; В. И. Ленин сўл группа манифестини ёқлаб овоз берди, шу б-н бирга манифест капитализмни ағдариб ташлаш учун курашга чақирмаганлиги, социализмга хиёнат қилган социал-шовинистлар ва каутскийчиларни фош қилиб ташламаганлиги учун уни танқид қилди. Конференциянинг энг муҳим натижаларидан бири сўллар группасининг жипслашуви бўлганлигини В. И. Ленин алоҳида таъкидлади. Циммервальд конференциясидан кейин урушга қарши интернационал ҳаракат тез суръатлар б-н ривожланди. Кинталь конференцияси бу ҳаракатнинг яққол ифодаси бўлди. Европа ишчилари урушга қарши курашга чақирилди.

Кинталь конференцияси (1916 йил 11—17 апрель, Швейцария) Циммервальд конференциясининг давоми бўлиб, конференцияда қатнашган 43 вакилдан 12 тасигина Циммервальд сўл группаси тарафдори эди.

Кинталь конференциясининг кун тартибига: урушни тугатиш учун кураш, пролетариатнинг тинчлик масалаларига муносабати, парламент фаолияти, халқаро социалистик бюро (ХСБ)ни чақириш учун оммавий кураш ва б. масалалар қўйилган эди. Конференция интернационалистик ҳаракатни янги босқичга кўтаришда олға ташланган бир қадам бўлса-да, лекин большевиклар олга сурган бир қатор таклифлар (империалистик урушни Гражданлар урушига айлантириш, 3-Интернационални тузиш учун кураш ва б.)ни қабул қилмади. 1917 йилнинг бошида В. И. Ленин большевикларни Циммервальд бирлашмасидан чиқиб, тезлик б-н янги Коммунистик Интернационални тузишга чақирди.

Ад.: Ленин В. И., 1915 йил 5—8 сентябрдаги халқаро социалистик конференцияда революцион марксистлар. Ас., 21- т.

ЦИМОЛ, изопропилтолуол, метилизопропилбензол $C_{10}H_{14}$ — рангсиз суюқлик модда. *о*, *м* ва *п* изомерлари бор. Сувда эримайди, органик эритувчиларда эрийди. *О* Ц.нинг қайнаш т-раси 178,35°С, *м* Ц.ники 175,2°С, *п* Ц.ники 177°С. *п* ва *м* Ц. одатда терпенлар, камфарадан олинади. Ц. кимё саноатида ишлатилади.

ЦИНГА — витамин С етишмаслигидан келиб чиқадиган касаллик (яна қ. *Лавша*).


ЦИНДАО — Хитойнинг шарқий қисмидаги шаҳар, Шандунь провинциясида. Сариқ денгиз бўйидаги йирик порт. Аҳолиси 1,5 млн. киши (1971). Транспорт узели. Машинасозлик (локомотив-вагон, буғ турбиналари, оғир юк машиналари, кемасозлик), кимё (шина, пластмасса, минерал ўғит, бўёқ), озиқ-овқат, тамаки, кўн, цемент, гугурт саноати корхоналари, пўлат эритиш ва алюминий з-длари бор. Ц.— балиқ овлаш, денгиз маҳсулотлари ва туз олиш маркази. Денгиз курорти. Океанография илмий тадқиқот ин-ти ва денгиз музейи бор.

Ц. 19- аср охирида балиқчилар посёлкаси ўрнида вужудга келган. 1897 йилда Ц.ни Германия босиб олиб ўзининг ҳарбий-денгиз базасига айлантирган. 1914 йили Япония эгаллаган. *Вашингтон конференцияси* (1921—22) қарорига мувофиқ Ц. Хитойга қайтарилган. Хитой халқининг япон босқинчиларига қарши кураши даврида (1937—45) Ц. Япония қўли остида эди. 1945 йил окт. дан АҚШ нинг ҳарбий-денгиз базаси. Хитой Халқ озодлик армияси Ц.ни гоминьданчилардан озод қилгандан сўнг, 1949 йили АҚШ қўшинлари шаҳардан чиқиб кетишга мажбур бўлди.


ЦИНИЗМ (юнон. kynismós — *киниклар* таълимоти) — умуминсоният маданияти ютуқларига, хусусан ахлоқига, инсон фазилатларига, айрим ҳолларда ҳукмрон идеологиянинг кишиларни хўрлашдан иборат расмий ақидасига нигилистик муносабатда бўлиш. Ц. ўзларининг эгоистик мақсадларига эришишда ҳар қандай йўлдан қайтмайдиган кишиларнинг хатти-ҳаракатларига хосдир. Социал миқёсда у икки манбага эга. Биринчиси, эксплуататор гуруҳларнинг ҳукмронлигига хос бўлиб («куч циниэми»), улар ўз ҳокимияти ва манфаатлари мақсадини очиқдан-очиқ ахлоқсиз методлар б-н олиб борадилар (*фашизм* ва б.). Иккинчиси, мавжуд адолатсизлик ва ҳуқуқсизликни, ҳукмрон синфнинг идеологик ва ахлоқий риёкорлигини ўз бошидан энг кўп кечираётган, лекин аҳволини ўзгартириш чорасини тополмай ғазабга келган социал қатлам, гуруҳ ва индивидларнинг ғалаён кўтариш кайфияти ва хатти-ҳаракати (мас., вандализм). Коммунистик ахлоқ Ц. нинг барча кўринишларига қаршидир.

ЦИНКОГРАФИЯ (нем. Zing—рух ва ...*граф*)— тасвирни рухли ёки бошқа пластинага тушириб клише (бўртма босмада) тайёрлашнинг фотомеханик процесси.

Ц.ни дастлаб Ф. Жилло (Франция) таклиф этган. Бунда ишлар қўлда бажарилган. 1862



Цилиндрик сирт.



Цимбала.



Циолковский К. Э.

йилда Жемс (Буюк Британия) тасвирни негативдан ёруғ сезгир қатламли рух пластинага фотографик усулда тушириш б-н қўл меҳнатини енгиллаштирди. Бу усул фотоцинкография дейилади ва ундан ҳозиргача фойдаланилади. Лекин бу усулларда, фақат бир рангли тасвирлар олинган. Кейинчалик *растр* пайдо бўлди ва кўп рангли клише олиш методи ишлаб чиқилди.

Клишеси тайёрланадиган оригинал берилган масштабда фоторепродукцион аппарат б-н расмга олинади. Олинган негатив рух пластинага нусхаланади. Негативнинг шаффоф қисмидан ёруғлик ўтказилиб, тасвир элементлари сувда эриб кетмайдиган ҳолатга келтирилади (ошланади). Негатив очилтирилгач, пластинада штрих ёки растр нуқталаридан иборат кислотабардош тасвир олинади. Сўнгра тасвир элементлари орасидаги бўш жойлар махсус машинада кислота б-н кетказилиб (едирилиб), унда маълум чуқурчалар ҳосил қилинади. Бу чуқурчалар штрихли клишеда 0,04—1 *мм*, растрлисида 0,035—0,12 *мм* бўлади. Тайёр клишедан текшириш учун нусха олиб кўрилади, у яхши чиқмаса, клишега яна ишлов берилади. Рангли тасвирлар олишда 4 ранг (сариқ, қизил, ҳаво ранг, қора) учун клише тайёрланади ва уларни кетма-кет босиб нусха олинади. Клише тайёрлашга ихтисослаштирилган цех ёки корхона ҳам Ц. деб аталади.

ЦИНХАЙ — Шимоли-Ғарбий Хитойдаги провинция. Майдони 720 минг *км*². Аҳолиси 2,2 млн. киши (1974); 60% и хитойлар, қолганлари тибетликлар, монголлар, дунганлар, қозоқлар ва б. Маъмурий маркази — Синин ш.

Ц. терр-яси Тибет тоғлигининг шимоли-шарқий қисмида. Провинцияни Наньшань ва Куньлунь тизмалари кесиб ўтган; бу тизмалар оралиғида Цайдам ботиғи жойлашган. Қиш узоқ давом этади, ёзи салқин. Йиллик ёғин аксари қисмида 300—500 *мм*. Оқар сув кам. Янцзи, Хуанхэ ва Меконг дарёлари Ц. терр-ясидан бошланади. Шўр ва чучук сувли кўл кўп. Энг катта кўли — Кукунор. Асосан, тоғ, дашт ва чўл ўсимликлари ўсади.

Ц. — Хитойнинг иқтисодий жиҳатдан заиф ва аҳолиси сийрак провинцияси. Қ. х. нинг асосий тармоғи — яйлов (асосан, жун ва гўшт) чорвачилиги. Шунингдек, от, қорамол (тибет қўтоси), эшак, хачир, туя ҳам боқилади. Дарё водийларида қисман деҳқончилик қилинади. Буғдой, арпа, сули, маккажўхори, дуккаклилар, картошка, сабзавот экилади. Боғдорчилик (нок, шафтоли етиштириш) ривожланган. Фойдали қазилмалардан нефть, туз, слюда, кўмир, қўрғошин ва рух қазиб олинади. Нефтни қайта ишлаш з-длари, металлургия ва машинасозлик саноати корхоналари бор. Чорва маҳсулоти қайта ишланади. Ц. терр-ясидан Цинхай — Тибет автомобиль йўли ўтган. Ланьчжоудан Синин ш.га 1960 йилда Ц.да биринчи т. й. ўтказилган.

ЦИНХОФЕН (Cinchophenum), атофан — доривор модда. Сувда эримайдиган сарғиш порошок. Сийдик кислотани тўқималардан қонга ўтишини ва буйрак орқали чиқиб кетишини таъминлайди, ўт ва меъда ширасн секрециясини кучайтиради. *Подагра* касаллигида порошок ва таблетка ҳолида қўлланилади.

ЦИНЦИННАТИ — АҚШнинг шарқий қисмидаги шаҳар. Огайо штатида. Огайо дарёси бўйидаги порт. Аҳолиси 410 минг (1975), шаҳар атрофи б-н 1,4 млн. киши. Йирик саноат ва савдо-молия маркази. Транспорт йўлларининг муҳим узели. Ц. — мамлакатда станоксозликнинг етакчи марказларидан бири. Электротехника ва электрон саноати, машинасозлик, озиқ-овқат, кимё, қоғоз, мебелсозлик, уй-рўзғор приборлари ва машиналари, саноат ускуналари, атир-упа, дори-дармон корхоналари, ун-т (1874 йилдан) ва б. олий ўқув юртлари, рассомлик академияси, расмлар галереяси, саноат музейи бор. Шаҳарга 1788 йилда асос солинган.

ЦИНЬЛИНЬ — Хитойнинг шарқий қисмида кенглик бўйлаб чўзилган тоғ тизмаси. Ц.— Янцзи ва Хуанхэ дарёлари ҳавзалари орасида сувайирғич. Узунлиги 1000 *км* чамасида. Энг баланд жойи 4107 *м* (Тайбайшань чўққиси). Асосан, мезозой оҳактошлари ва метаморфик сланецлардан таркиб топган. Чуқур даралар кўп. Шарқий қисми 4 та тизмага ажралган. Шимолий ён бағри тик, жануби эса қия. Ц. шимолдаги мўътадил минтақа б-н жанубдаги субтропик иқлимли ерлар ўртасидаги муҳим табиий тўсиқдир. Шимоли каштан тупроқли қуруқ дашт, қисман ўрмон. Жанубида доим яшил субтропик аралаш ўрмонлар бор. Тоғ орасидаги водийларда аҳоли зич.

«ЦИНЯ» («Кураш») — кундалик газета. Латвия КП МК, ЛатССР Олий Совети ва Министрлар Совети органи. Ригада латиш тилида нашр этилади. 1904 йил мартда ташкил этилган. 1940 йилгача яширин равишда (1917—19 йиллардан ташқари) чиққан. 1931—33 йилларда нашр этилмаган. Улуғ Ватан уруши (1941—45) даврида Латвия немис-фашистлари томонидан босиб олиниши муносабати б-н газета Москва ва Кировда нашр этилган. Меҳнат Қизил Байроқ ордени б-н мукофотланган (1954). Тиражи 200 мингдан зиёд (1976).

ЦИОЛКОВСКИЙ Константин Эдуардович [1857. 5(17). 9, ҳозирги Рязань обл. Ижевское қишлоғи — 1935. 19. 9, Калуга] — рус совет олими, космонавтика ва ракета техникасининг асосчиси. Болалигида оғир касалликдан кейин кар бўлиб қолиб, ўқишни давом эттиролмаган. 1879 йилда ўқитувчилик унвонига экстерн имтиҳон топширган. Боровск (Калуга губернаси)даги уезд билим юртида математика ва геометриядан дарс берган (1880—1898). 1880—81 йилларда бу соҳадаги мавжуд ихтиролардан бехабар «Газлар назарияси» илмий ишини ёзиб, унда газлар кинетик назариясн асосларини тавсифлади. Иккинчи илмий иши шу йилларда ёзилган «Жонивор организми механикаси»ни И. М. *Сеченов* юқори баҳолаган, Ц. Рус физика кимё жамиятига қабул қилинган. 1897 йилда Россияда биринчи *аэродинамик труба* қурган. Кейинроқ, дунёда биринчи бўлиб ракета назариясига ва суюқ ёнилғили ракета двигатели назариясига асос солган. Муҳим ишлари, асосан, 3 проблемага: ҳаммаси металл аэростат (дирижабль)ни илмий асослаш (1885—92), аэропланинг суйрилиги (1894 йилда эълон қилинган), планеталараро ракеталар (1896 йилдан) га бағишланган. Ўчишда реактив ҳаракатдан фойдаланиш ғояси илк марта Ц. томонидан 1883 йилда баён этилган. Ц. 1903 йилда «Реактив асбоблар б-н фазони тадқиқ этиш» асарида биринчи бўлиб ракета ҳаракати фазода ва тортишиш майдонида ўзгарувчан массали жисм ҳаракатига ўхшашлигини, планеталараро алоқада ракеталардан фойдаланиш мумкинлигини асослаб берди. 1929 йилда «Космик ракета поездлари» асарида босқичли ракеталар ҳаракати назариясини яратди. Ерга сунъий йўлдош бўладиган ракета масаласи б-н биринчи бўлиб шуғулланди, Ердан ташқарида станциялар қуриш фикрини илгари сурди. Аэродинамика, философия, лингвистикага доир асарлари ҳам бор. Ц.нинг, айниқса, ракета техникаси ва планеталараро алоқа хусусидаги ғоялари совет олимлари томонидан муваффақият б-н амалга оширилмоқда. Ц. асарларининг кўпчилиги Октябрь рев-ясидан кейингина нашр қилинди. Калугада у яшаган уй мемориал музейга айлантирилган. Меҳнат Қизил Байроқ ордени б-н тақдирланган. Туғилганининг 100 йиллиги муносабати б-н СССР ФА Ц. номида олтин медаль таъсис этган. Ойдаги бир кратерга Ц. номи берилган.

ЦИРИЛЛОВИТ — фосфатлар синфига мансуб минерал. Қимёвий формуласи $NaFe_3[(OH)_4(PO_4)_2]\cdot 2H_2O$. Ц.ни СССР терр-ясида биринчи марта Марказий Қизилқум (Қақпатас олтин кони)да А. Қ. Қосимов топган. Ц. радиал-нурсимон тузилган кристаллар ҳолида учрайди. Ранги сарғиш-яшил; шишасимон ялтироқ. Қаттиқлиги 4—4,5; с. оғ. 3,08. Ц. конларнинг оксидланиш зонасида ҳосил бўлади; чуқурликдаги руда учун даракчи минерал ҳисобланади.

Ад.: Минералы Узбекистана, т. 2, Т., 1975.


ЦИРК (лат. circus — айлана) — санъат тури. Ц. томошалари кўрсатиладиган, доира шаклидаги саҳна атрофида ўриндиқлари бўлган бино. Унда акробатика, от ўйинлари, эквилибристика, жонглёрлик, масхарабозлик, иллюзионизм ва б. жанрларда томоша кўрсатилади. Ц. Қадимги Миср, Юнонистон, Қадимги Римда юзага келган. Қадимги Арманистон ва Грузия (1-аср) амфитеатрларида ҳам театр, ҳам цирк томошалари кўрсатилган. Урта асрларда Ғарбий Европада қизиқчи, жонглёрлар, Урта Осиёда дорбоз ва найрангбоз (фокусчи)лар халқ сайиллари, бозорларда томоша кўрсатган. Киевдаги Авлиё София ибодатхонаси (1037) деворларида созанда, полвон, муаллақчилар, от устида машқ қилаётганлар акс эттирилгани бу ерларда ҳам Ц. мавжуд бўлганини кўрсатади.

1807 йил Парижда ака-ука Л. ва Э. Франконилар Олимпия цирки очдилар. 20-асрга келиб Европа мамлакатлари ва Осиёда Ц. санъати кенг ривожланди.

Рус Ц. санъатида халқ актёр-скоморохларининг томошаси 11-асрдан бошланган. Улар сатирик саҳналар, жонглёрлик, акробатика номерларидан иборат бўлган. 19-аср ўрталарида Россиянинг Петербург, Москва, Киев, Одесса шаҳарлари ва Тошкент ўзининг доимий Ц. биносига эга бўлди.

1927 йилда Москва Ц. санъати билим юрти ташкил этилди. 30-йиллардан Ц. томошаларини махсус режалар саҳнага қўя бошлади, саҳналарни рассомлар безатди, композиторлар музика ёзди. Ц. Дуровлар сулоласи, В. ва В. Лазаренколар, Карандаш (М. Румянцев), К. Берман кабилар санъати замон б-н ҳамнафас ривож топди. Совет Ц. санъатида О. *Попов*, Ю. Никулин, А. ва Т. Буслаевлар, И. Бугримова, З. Тарасова, Р. ва А. Сокол, Э. Қиолар-нинг ижоди алоҳида ўрин тутади.

Узбек Ц. санъати ҳам қадимий тарихга эга. Афросиёб, Панжакент деворларидаги йиртқич ҳайвон ва фил устида ўтирган кишилар акс эттирилган тасвирлар, Хоразмдан топилган полвон, муаллақчи, масхарабозларнинг ҳайкалчалари Ц. санъати ривожидан далолат беради.



1. Қозон цирки. 2. Краснодар цирки.

Яна давлатлар, СССР, иттифоқчи республикаларга бағишланган мақолалардан, УзССРга бағишланган мақоладан Ц. санъати ҳақидаги қисмини ўқинг (расмлар 454-бетда).

ЦИРКОНИЙ (Zirconium) Zr—Менделеев даврий системасининг IV группасига мансуб кимёвий элемент, ат. н. 40, ат. оғ. 91,22. Табиий Ц. нинг бешта изотопи бор: ^{90}Zr (51,46%), ^{91}Zr (11,23%), ^{92}Zr (17,11%), ^{94}Zr (17,40%) ва ^{96}Zr (2,80%). Ц.нинг сунъий йўл б-н иккита радиоактив изотопи ^{93}Zr (ярим емирилиш даври $1{,}1\cdot10^6$ йил) ва ^{95}Zr (ярим емирилиш даври 65 кун) олинган; улар радиоактив индикаторлар сифатида ишлатилади.

Ц.ни М. Клапрот 1789 йилда кашф қилган, у циркон минералини анализ қилиб, янги элемент оксидини ажратиб олган (циркон сўзи арабча Zerk — қимматбаҳо тош ёки форсча Zargun — олтин тош демакдир). Ц. зийнат тош сифатида қадимдан маълум. Ер пўстининг оғирлик жиҳатидан $2\cdot10^{-2}$% ни ташкил қилади. Ц. нинг циркон ($ZrSiO_4$) ва бадделеит (ZrO_2) номли минераллари маълум.


Ц. кумуш каби оқ, ялтироқ, қаттиқ, болғаланувчан, пластик металл. Ц. нинг α- ва β- модификациялари маълум. α- Ц. гексагонал панжарада, β- Ц. ҳажмий марказлашган куб панжарада кристалланади. α- Ц.нинг зичлиги 6,45 *г/см*³ (20°С да), суюқланиш т-раси 1852°С, қайнаш т-раси 3580—3700°С.

Ц. кимёвий хоссаси жиҳатидан *гафнийга* ўхшаш. Кўпчилик металлар б-н қотишмалар ҳосил қилади. Электр ва иссиқликни ёмон ўтказади. Ц. нинг гидриди кул ранг тусли мўрт металлсимон кукун. Ц. фторид кислота б-н нитрат кислота аралашмасида эрийди. Ц. юқори т-рада кимёвий жиҳатдан жуда ҳам активлашиб кетади. Бу шароитда у галогенлар, кислород, олтингугурт, углерод ва азот б-н шиддатли бирикади. Ц. ўз бирикмаларида +4 валентли. Ц. кислород атфосферасида қиздирилса оқ тусли ZrO_2 цирконий (IV)-оксид ҳосил бўлади. Бу модда сувда ҳам, суюлтирилган кислота ва ишқорларда ҳам эримайди, концентрланган сульфат кислота б-н қиздирилганида жуда суст (HF да тез) эрийди.

ZrO_2 га мувофиқ келадиган цирконий (IV)-гидроксид $Zr(OH)_4$ цирконий хлорид $ZrCl_4$ га ишқор таъсиридан ҳосил бўлади. $Zr(OH)_4$ сувда кам эрийди, кучсиз (амфотер) асос. Цирконий (IV)-оксиднинг M_2ZrO_3, M_4ZrO_4 таркибли тузлари ZrO_2 ни ишқорлар б-н қиздириш натижасида олинади (бу ерда М—бир валентли металл иони). Ц. тузлари эритмада гидролизланиб цирконил ионини ZrO^{2+} ҳосил қилади. Ц. галогенидларини ҳосил қилиш учун ZrO_2 ни кўмир б-н аралаштириб галоген атмосферасида қиздирилади. $ZrCl_4$ кўпчилик металларнинг (ҳамда водороднинг) галогенидлари б-н комплекс тузлар ҳосил қила олади.



Цирк. Ўзбек масхарабозлари Э. Парпиев ва О. Ҳакимовлар дор тагида қизиқчилик қилмоқдалар.



Цирк мақоласига. 1. Чинизелли цирки (Петербург. 19-аср охири). 2. Елисей майдонидаги Миллий цирк (Париж, от устида Антуанетта Лежар). 3. Манежда—акробатлар (Германия. 20-аср бошлари). Совет цирки усталаридан; 4. Манежда—опа-сингил кохлар. 5. В. Г. Дуров ва унинг «поезди». 6. Манежда—ЎзССР халқ артисти Ҳаким Зарипов. 7. Манежда—Тошканбоевлар («Пирамида» машқи).

Циркон ва бадделеит минерали Ц. олишда хом ашё ҳисобланади. Тоза Ц. атом техникасида нейтронларни қайтарадиган конструкцион материал сифатида ишлатилади.

Ад.: Миллер Г. Л., Цирконий, Пер. с англ., М., 1955; Блюменталь У. Б., Химия циркония, Пер. с англ., М., 1963; Годнева М. М., Мотов Д. Л., Химия фтористых соединений циркония и гафния, М., 1971.

ЦИРҚУЛЬ (лат. curculus — доира, айлана) — айланалар, уларнинг ёйлари чизиладиган, чизиқли ўлчамлар кўчириладиган ва ўлчанадиган асбоб. Ц.нинг белгилайдиган ёки бўлувчи; кичик айланалар чизадиган айлана, *штангенциркуль*, ўлчамлар ўзгармас нисбатда катталаштириладиган ёки кичрайтириладиган пропорционал хиллари, эллипслар чизадиган хили бор.


ЦИРКУЛЬ (лат. Circinus) — осмоннинг жанубий ярим шаридаги кичик юлдуз туркуми: у *Центавр, Бўри,* Пашша, Жаннат Қуши ва *Жанубий Учбурчак* юлдузи туркумлари орасида жойлашган. Энг равшан юлдузи 3,2 юлдуз катталигида. Ц. СССР территориясида кўринмайди.

«ЦИРКУЛЯР АСТРОНОМИЧЕСКОГО ИНСТИТУТА» («Астрономия институтининг циркуляри») — ЎзССР ФА Астрономия ин-тининг даврий нашри. 1932 йилдан Тошкентда йилда 6 марта рус тилида чиқади. Дастлаб, «Astronomical Circular Tachkent Astronomical Observatory» («Тошкент астрономия обсерваторияси циркуляри») номи б-н инглиз тилида, 1935 йилдан «Циркуляр Ташкентской астрономической обсерватории» ва 1966 йилдан ҳозирги номида нашр этилади. «Ц. А. и.» да, асосан, Тошкент Астрономия ин-тида кузатиш маълумотлари ҳамда ин-т илмий ходимларининг илмий мақолалари чоп этиб борилади. «Ц. А. и.» СССРдаги 43, социалистик мамлакатлардаги 45 ва 37, капиталистик мамлакатдаги 197 астрономия муассасаларига юбориб турилади. Тиражи 500 та (1979).

ЦИРКУМБОРЕАЛ ОБЛАСТЧА — зоогеографик *Голарктика области*нинг областчаларидан бири. Ц. о.га Осиё тайгалари, Европанинг игна баргли, аралаш ва кенг баргли ўрмонлари, шунингдек Шимолий Американинг тайга ўрмонлари, Қавказнинг катта қисми ва Эльбурс тизмаси киради. Кейинги икки тоғли ўлкани айрим зоогеографлар Ц. о. таркибига киритмайдилар. Ц. о. нинг Америка ва Евросиё қисмларида Голарктика областига хос ҳайвонлардан бўри, тулки, оқсичқон, шимол буғуси (карибу), оқ қуён, оқ каклик, бобр ва қоплон яшайди. Баъзи ҳайвон ва қушлар, мас., росомаха, лось, қизилиштон ва б. Ц. о. дан таш қарида учрамайди. Айрим турлар (ўрмон лемминги, соболь, каркур, кедркарға ва б.) областчанинг фақат Евросиё қисмида, дарахт жайраси, қизил тийин, катта учқир, ўрмон юмронқозиғи (запус), олахуржун, бўрсиқ, кўк сойка, колибри эса Ц. о. нинг фақат Америка қисмида яшайди. Ц. о. нинг Америка қисми ҳайвонот дунёсига бой, чунки унинг Марказий ва Жанубий Америка б-н алоқаси узилмаган. Судралиб юрувчилар Ц. о. да кам; тирик туғувчи илонлар (қора илон) ва калтакесаклар учрайди. Сувда ва қуруқда яшовчилардан бақа, қурбақа ва тритонлар, балиқлардан лососсимонлар, чўртан балиқлар ва тиканқанотлилар яшайди.

ЦИРРОЗ (юнон. kirros—сариғиш, малла ранг)—паренхиматоз органлар (жигар, ўпка, буйрак ва б.)нинг чандиқланиб бужмайиши. *Жигар циррози* кўпроқ учрайди. Аслида Ц. номи ҳам касалланган жигарнинг сариғиш тусга киришидан олинган. Буйрак (нефроцирроз), ўпка (пневмоцирроз) ва б. аъзолар ҳам Ц. б-н касалланади. Ц. юқумли касалликлар, *интоксикация*, моддалар алмашинувининг бузилиши, турли хил яллиғланиш оқибатида келиб чиқади. Ц. бўлган органда дистрофик ўзгаришлар (қ. *Дистрофия*) ва некроз (тўқимининг ўлиши) пайдо бўлади. *Паренхима* ўлган жойда бириктирувчи тўқима ўсиб, чандиқланади, бетартиб *регенерация* ўчоқлари ҳосил бўлади. Орган, одатда, кичрайиб (катталашуви ҳам мумкин), қаттиқлашади ва юзаси ғадир-будур бўлиб қолади (яна қ. *Склероз*).

ЦИССАЛАР (Cissa) — қарғасимонлар оиласига мансуб қушларнинг бир уруғи. Бир неча тури маълум. Думи узун, тумшуғи қизил, патлари турли рангда. Кўринишн *думпарастга* ўхшаш. Жанубий Осиё ўрмонларида тарқалган. Усимлик уруғи, меваси ва ҳашаротлар б-н овқатланади. Ц. йиртқич ҳайвон ёки қушни кўриши б-н баланд овозда сайраб, бошқаларни огоҳлантиради. Ерли аҳоли чиройлилиги учун Ц.ни қафасда сақлайди.



Хитой циссаси.

ЦИСТА (юнон. kystis — пуфак, қовуқ) — вақтинча қобиқ б-н ўралган ўсимлик ёки ҳайвон организми. Ноқулай шароит (мас., сув ҳавзасининг қуриши)да организмни нобуд бўлишдан сақлайди. Баъзи турларда эса кўпайиш даврида Ц. ҳосил бўлади. Бу Ц.дан бир нечта мустақил организм вужудга келади. Ц. кўринишидаги организм шамол б-н бошқа жойларга кўчиб ўтиши ёки қулай шароит бўлгунга қадар (баъзан бир неча йиллар) яшаётган жойида қолиши мумкин.

ЦИСТИН, β, β′- дитиоди- α- аминопропион кислота, $[HOOCCH(NH_2)CH_2S]_2$— кристалл модда; сувда ёмон, спиртда яхши эрийди. L-Ц., D-Ц. ва D, L-Ц. турлари бор. Ц. оқсиллар таркибига киради. Кератинларда айниқса кўп. Синтетик Ц. цистеинни оксидлаб олинади. Ц. алмаштириб бўладиган аминокислота. Унинг организмдаги роли ва алмашинуви цистеинга чамбарчас боғлиқ. Ц. қайтарувчи аҳамиятга эга.

ЦИСТИТ (юнон. kystis — қовуқ) — *қовуқ*нинг яллиғланиши. Пайдо бўлишига кўра бирламчи ва иккиламчи, келиб чиқишига асосан специфик (сўзак, сил цистити) ва носпецифик Ц.га бўлинади. Ц. ўткир ва хроник кечади. Бирламчи Ц. бошқа органлардаги инфекциялар юқори сийдик йўллари ёки уретрадан қон ва лимфа орқали қовуққа ўтиши натижасида пайдо бўлади. Бунга, шунингдек, совуқ қотиш, спиртли ичимликлар ичиш, қабзият, нерв-психиканинг бузилиши ва б. ҳам сабаб бўла олади. Аёлларда Ц. аксари ҳомиладорлик ва туғруқдан сўнгги даврларда кузатилиши мумкин. Иккиламчи Ц. (кўпинча хроник кечади) қовуқда тош, ёт жисмлар, ўсма бўлганда ёки қовуқ сили, *простата бези* ўсмаси оқибатида юзага келади. Шунингдек, баъзи дорилар (уротропин ва б.), заҳарли моддалар (самогон ва б.) ичилганда ҳам Ц. бўлиш мумкин.

Уткир Ц.да бемор сийгиси қистаганда ва сийганидан сўнг қаттиқ оғриқ сезади, соатига 5—10 марта сияди, сийдикда йиринг ёки қон бўлади, одатда гавда т-раси кўтарилмайди. Яллиғланиш процесси қўшни органларга ўтганда (*пиелонефрит, уретрит, простатит* ва ҳ. к.) гавда т-раси кўтарилади. Бу хил Ц.да

қовуқ девори, қон томирлари кенгаяди, шиллиқ қавати шишиб, унга қон қуйилади. Хроник Ц. белгилари ҳам ўткир Ц.га ўхшаш. Лекин касаллик енгилроқ кечади.

Давоси: ўткир Ц.да бемор касалхонада даволанади, оғриқ қолдирувчи дорилар, антибиотиклар берилади, кўп суюқлиқ (сув, мева шарбати, сутли чой ва ҳ. к.) ичирилади, иссиқ грелка, ванна буюрилади. Хроник Ц.да қовуқ дезинфекцияловчи моддалар (кумуш нитрат, колларгол, протаргол ва б. препаратлар) эритмалари б-н ювилади, антибиотиклар буюрилади. Ц.да беморга шўр, аччиқ овқатлар ейиш қатъий тақиқланади.

ЦИСТИЦЕРКОЗ — *лентасимон чувалчанглар* (цестодалар синфига кирувчи чўчқа *солитёрлари*нинг личинкалари) қўзғатадиган гижжа касаллиги. Одам ва ҳайвонларда учрайди. Чўчқа солитёрининг личинкаси цистицеркlар деб аталиб, одатда, чўчқанинг кўндаланг тарғил мушакларида яшайди (чўчқа *оралиқ хўжайин*). Одамга цистицеркли чўчқа гўштини чала пиширib истеъмол қилганда юқади. Одам организмига ўтган цистицерк меъда шираси таъсирида парчаланади ва паразит ўз сўрғичлари б-н ингичка ичак деворига ёпишиб, шу ерда жинсий етилади. Ичакда етилган гижжа одамда тениоз касаллигини қўзғатади (қ. *Тенишдозлар*). Баъзи ҳолларда, яъни бемор қайт қилганда ичакнинг антиперистальтикаси (тескари қисқариши) туфайли гижжанинг ичакда етилган бўғимлари меъдага, қизилўнгачга тушиб, улар деворидаги қон томирларига ўтади ва у ерда тухумидан онкосфералар чиқади. Онкосфералар қон ва лимфа орқали бемор скелет мушакларига, бош ва орқа мияга, кўзга ва б.га тарқалиб, цистицеркларга айланади (бунда одам оралиқ хўжайин бўлиб қолади). Цистицерклар одам организмида ойлаб, йиллаб яшайди ва уни суруникали заҳарлаб туради. Цистицерклар қўзғатадиган касалликлар оғир кечиб, улар қайси аъзода паразитлик қилса, ўша аъзо қаттиқ зарарланади (мас., кўз хиралашади, бош қаттиқ оғрийди, бемор тиришади, тутқаноқ тутади ва ҳ. к.).

Цистицерклар жойлашган аъзога қараб, улар операция йўли б-н олиб ташланади, касаллик белгиларига кўра даво қилинади. Олдини олиш учун гўшт маҳсулотларини яхшилаб пиширib ейиш, шахсий ва овқатланиш гигиенаси қоидаларига қатъий риоя қилиш, беморларни тезда даволаш, оқар сувларни нажас б-н ифлослантирмаслик зарур.

Ц. ҳайвонлардан қорамол, қўй-эчки, от, чўчқа, ит, туя ва кемирувчиларнинг баъзи турларида учрайди. Жинсий етилган гижжа гўштхўр ҳайвонларнинг ичагида паразитлик қилади. Ц. паразитларнинг тухуми тушган озуқа ёки сув орқали юқади. Цистицерклар скелет, чайнов мушаклари ва б. органлар ҳамда тўқималарда ривожланади. Цистицеркларнинг баъзи турлари қўй ва қуёнларни ўлдиради.

Давоси: операция қилинади.

Олдини олиш: дайди итлар тутилади, хизмат қиладиган итлар эса профилактик мақсадда гельминтсизлантирилади, итлар асраладиган жой термик ишланади; мол сўйилаётганда медицина жиҳатидан назорат қилинади, касалдан ўлган ҳайвонлар кўмиб ташланади ва б. ветеринария-санитария чора-тадбирлари ўтказилади.

ЦИСТО... (юнон. kystis) — қовуққа оидликни англатадиган сўз бўлаги, мас., *цистография*.

ЦИСТОГРАФИЯ (*цисто...* ва *...графия*) — организмга ёки тўғридан-тўғри қовуққа *контраст моддалар* юбориб, қовуқнинг рентген суратини олиш усули. Контраст моддалар ўрнида сергозин, уротраст ва б., шунингдек газ (кислород ёки карбонат ангидрид) ишлатилади. Олинган рентген сурат (цистограмма)га қараб қовуқнинг шаклини, унда яра, тош, ўсма ёки бошқа нуқсон ва иллатлар бор-йўқлигини билиш мумкин.

ЦИСТОСКОПИЯ (*цисто...* ва *...скопия*) — қовуқни махсус оптик асбоб — цистоскоп ёрдамида кўздан кечириш, текшириш; эндоскопик текширув методларидан (қ. *Эндоскопия*). Ц.да асбоб сийдик чиқариш канали орқали қовуққа киритилади. Қовуқ асбоб корпуси орқали ювилиб, унга дезинфекцияловчи модда юборилади. Ц. хроник *цистит*, қовуқ сили каби касалликларда, қовуқда ўсма, тош борлигига шубҳа қилинганда, шунингдек қовуққа ёндош органлар (аёлларда бачадон ва дилоқ, эркакларда простата бези ва тўғри ичак)даги яллиғланиш ёки ўсмаларни аниқлаш учун қўлланилади. Махсус тузилган цистоскоплар ёрдамида сийдик йўли ва буйрак жомига *катетер* қўйиш, *биопсия* олиш ва сийдик чиқариш йўли ва простата безидаги айрим касалликларни операция қилиш (мас., қовуқдаги тошни майдалаш) мумкин.

ЦИТАТА (лат. cito — чақираман, келтираман) — бирор асардан сўзма-сўз олинган парча. Ц. баён қилинаётган фикрни ишончли фикр б-н қувватлаш, муайян фикрни танқид қилиш учун ҳамда муҳим фактик материал — мисол сифатида қўлланилади. Ц. асосан илмий (кўпинча гуманитар) ва расмий нутқда ишлатилади ҳамда қўштирноқ б-н белгиланади ёки алоҳида ҳарф б-н ёзилади; шунингдек манбага ҳавола қилинади. Агар муаллиф фикрига зарар етмаса, парчада орфография ва пунктуацияни ўзгартириш, сўз (сўзлар)ни туширib қолдириш мумкин (бунда кўп нуқта б-н белги қўйилади).

ЦИТИЗИН (Citisinum) — дуккаклилар оиласига мансуб ўсимликлардан (*термопсис* ва б. уруғидан) олинадиган алкалоид. Сувда, спиртда осон эрувчи оқ ёки сарғиш кристалл модда. Ц. нафас марказларини қўзғатади, артериал босимни оширади. Цитизининг 0,15% ли эритмаси цититон номи б-н 1 *мл* дан ампулаларда чиқарилади. Цититон рангсиз тиниқ суюқлиқ. Цититон нафас олиш сусайганда аналептик модда сифатида ишлатилади.

ЦИТИТОН — қ. *Цитизин*.

ЦИТОГЕНЕТИКА (*цито...* ва *генетика*) — *ҳужайра* структура тузилиши б-н ҳолатининг ўзаро муносабатидан келиб чиқадиган ирсий қонуниятни ўрганадиган фан. Ц., асосан, *хромосомалар* морфологияси, тузилиши ва кимёвий таркиби, функцияси ҳамда унинг бўлинаётган ва бўлинмаётган ҳужайрадаги ҳолатини тадқиқ этади. Ц.да *молекуляр генетика*, цитохимия, *кариология, кариосистематика* ва б. фан соҳаларининг методидан фойдаланилади. Ц. умумий Ц. (ирсиятнинг умумий ҳужайравий асоси б-н шуғулланади), ўсимликлар Ц. си, ҳайвонлар Ц. си ва одам Ц. сига бўлинади.

Ц. 20- аср бошларида *Мендель қонуни*ларининг қайта кашф қилиниши натижасида вужудга келди. Бу вақтда хромосомалар морфологик тузилиши (рус олими И. Д. Чистяков, 1872, 1874; немис олими В. Флемминг, 1882 ва 1892) ҳамда унинг *митоз* ва *мейоз*даги ҳолати

ҳақида (рус олими П. И. Перемежко, 1878 бельгиялик олим Э. Ван-Бенеден, 1883) маълумот тўпланган эди. 1902 йилда америкалик олим У. Сэттон ва немис олими Т. Бовери хромосомалар б-н «ирсий омиллар» (*ген*) орасидаги боғлиқликни топгач, хромосомолар ген ташувчи ва шу б-н бир неча авлодда белгилар такрорланишини таъминловчи деган хулосага келдилар. Т. Х. *Морган* ва унинг мактаби яратган *ирсиятнинг хромосома назарияси* Ц. нинг назарий асоси бўлди. Ц. ривожида ажралиш, мустақил тақсимланиш қонуни (қ. *Мутациялар*), генлар туташуви ҳамда *кроссинговер* ва б. нинг цитологик асоси тўғрисида маълумотлар олинди. Мейозда хромосомалар ҳолати ўрганилиб, авлодларда белгилар ажралиши хромосома *конъюгацияси* сабабли рўй бериши аниқланди. Қонъюгациянинг бузилиши натижасида хромосомаларнинг қутбларга нотўғри тарқалиши ва *гаплоид*га каррали бўлмаган хромосома тўпламли *гаметалар* пайдо бўлиши кашф қилинди. Бу эса дурагай ўсимлик ва ҳайвонларда маҳсулдорликнинг камайишига ёки бепуштликка сабаб бўлади. Совет олими Г. Д. Карпеченко дурагай ўсимликлар хромосома тўпламини икки марта ошириб (амфидиплоид организм) бундай ўсимликлар маҳсулдорлигини қайта тиклаш методини ишлаб чиқди (1927). Совет олими Б. Л. Астауров амфидиплоид организмлар (тут ипак қурти) олишга (1963) муваффақ бўлди ва ҳ. к. Хромосомаларни мейознинг профазасида ўрганиш туфайли хромосома мутацияларни аниқланди. Хромосома мутацияларни натижасида *хромосома касалликлари* юз бериши мумкин ва б. Хромосомалар тузилиши ва функциясини молекуляр даражада ўрганиш 20- аср 70- йиллари Ц. си учун характерлидир. Ц. маълумотлари *турларнинг келиб чиқишини* тушунишда катта аҳамиятга эга.

Ц. проблемалари б-н СССРда СССР ФА Цитология ин-ти, СССР ФА Умумий генетика ин-ти, Медицина ФА Медицина генетикаси ин-ти, СССР ФА Молекуляр биология ин-ти ҳамда генетика ва цитология кафедралари шуғулланади. Ц. га оид мақолалар «Генетика» (1965 йилдан), «Цитология» (1959 йилдан), «Цитология и генетика» (1967 йилдан) журналларида нашр қилинади.

Ад.: Астауров Б. Л., Цитогенетика развития тутового шелкопряда и ее экспериментальный контроль, М., 1968; Карпеченко Г. Д., Избр. труды, М., 1971; Цитология и генетика мейоза, М., 1975.

ЦИТОЛОГИЯ (*цито...* ва *...логия*) — *ҳужайра* ҳақидаги фан. Ц. кўп ҳужайрали ҳайвон ва ўсимлик ҳужайраларини, ҳужайраларга бўлинмаган ядро-цитоплазматик комплекслар (симпластлар, синцитлар ва плазмодийлар)ни, бир ҳужайрали ҳайвон ва ўсимлик организмларини ҳамда бактерияларни ўрганади. Ц. биологик фанлар қаторида марказий ўринни эгаллайди, чунки ҳужайра структураси барча тирик мавжудотлар тузилиши, индивидуал ривожланиши, функцияси асосини ташкил қилади. Бу фан ҳайвонлар гистологияси, *ўсимликлар анатомияси, протистология* ва *бактериология*нинг таркибий қисми ҳисобланади.


Ц. нинг тараққиёти ҳужайра тадқиқоти усулларининг ривожи б-н боғлиқ. Ҳужайра тузилишини биринчи марта инглиз олими Р. Гук микроскоп ёрдамида кашф қилган (1665). 17- аср охирига бориб, микроскопистлардан М. Мальпиги (Италия), Н. Грю (Буюк Британия), А. Левенгук (Нидерландия) ва б. нинг кўпчилик ўсимлик тўқималари катакчалар — ҳужайралардан тузилганлигини кўрсатувчи асарлари пайдо бўлди. Левенгук биринчи марта эритроцитларни (1674), бир ҳужайрали организмларни (1675, 1681), умуртқали ҳайвонлар сперматозоидини (1677), бактерияларни (1683) таърифлаб берди.

19- аср бошларига келиб организм тузилишида ҳужайранинг роли ҳақидаги тасаввурлар кенгайди. Немис олимлари Г. Линк, Я. Мольденхавер, Ф. Мейен, Х. Моль, француз олимлари Ш. Мирбель, П. Тюрпен ва б. нинг ишлари туфайли ботаникада ҳужайра структуравий бирлик эканлиги тасдиқланди. Моль биринчи марта ўсимлик ҳужайраси бўлинишини кузатди (1835). Француз олимлари А. Мильн-Эдвардс, А. Дютрош, Ф. Распай, чех олими Я. Пуркине ва б. 30- йилларда ҳайвон тўқималарининг микроскопик структуралари ҳақида катта материал тўпладилар. Инглиз олими Р. Броун ядро ҳужайранинг таркибий қисми эканлигини аниқлади (1831—33). Немис олими Т. Шванн, немис ботаниги Шлейденнинг ҳужайранинг ривожланиши назариясига асосланиб ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси учун умумий бўлган ҳужайра назариясини яратди (1838). Ҳужайра назариясининг яратилиши ҳужайрани барча тирик организмларнинг асоси сифатида ўрганиш учун асос бўлди. 19- аср ўрталаридан ҳужайралар структурасини фиксация қилиш, яъни кимёвий моддалар ва физик омиллар таъсир эттириш йўли б-н шу структурани сақлаш ва тўқималарни бўяшнинг ҳар хил усуллари қўлланила бошлади. Ц. нинг кейинги ривожланишига немис патологи Р. *Вирхов*нинг «целлюляр патология» ҳақидаги таълимоти сабаб бўлди (1858). Вирхов ҳайвон организми ҳужайралар мажмуидан иборат, шулардан ҳар бири ҳаётининг барча хоссаларига эга ва ҳар бир ҳужайра фақат ҳужайрадан ривожланади деган принципни олға сурди.

19- асрнинг охирида протоплазманинг доимий таркибий қисмлари (органоидлари); центросомалар, митохондриялар, тўрсимон аппарат ёки Гольжи комплекси, шунингдек, ҳужайра ядросидаги нуклеин кислота аниқланди. Ҳужайранинг кариокинетик бўлинишини (қ. *Митоз*) аввал ўсимликларда, кейин ҳайвонларда кашф қилинди. Хромосоманинг индивидуаллик назарияси ва сони турғунлиги қоидаси яратилди. Жинсий ҳужайралар ривожланишида хромосомалар сони редукцияси жараёни кашф қилинди. Рус цитологи С. Г. Навашин (1898) ёпиқ уруғли ўсимликларда қўш уруғланиш ҳодисасини аниқлади.

Ҳужайра физиологиясини тадқиқ қилишда ҳам катта ишлар қилинди. И. Н. Мечников *фагацитоз* жараёнини топди. Ўсимлик ва ҳайвон ҳужайраларининг танлаб ўтказувчанлик хусусияти кашф қилинди. Мембрананинг ўтказувчанлик назарияси пайдо бўлди. Ҳужайрани тириклайин бўяш усуллари ишлаб чиқилди.

20- асрнинг бошидан ҳужайрани тадқиқ этишда ультрабинафша нурлар ва флюоресцент микроскопияси, 1941 йилдан фаза — контрастли микроскопия қўлланилди. Цитохимиявий анализларнинг янги усуллари ишлаб чиқилди. Ҳужайра устида ҳар хил тадқиқотлар ўтказишга ёрдам берувчи *микроманипуляторлар* юзага келди. 20- асрнинг биринчи чорагида ҳужайра структурасининг функционал роли аниқланди. Ўсимлик ҳужайраларида вакуоляр система ривожланиши ва пластидлардан крахмал ҳосил бўлиши кузатилди.



Цицерон.

Мендель қонунларининг қайта кашф қилиниши. Ц. ривожига катта таъсир кўрсатди. Жинсий органлар ва соматик ҳужайралар ядросида кечадиган жараёнларни ўрганиш натижасида *ирсиятнинг хромосома назарияси* яратилди. *Цитогенетика* соҳа бўлиб ажралди.


20-асрнинг 50-йилларидан бошлаб тадқиқотларнинг янги усуллари ишлаб чиқилиши натижасида Ц. жуда тез ривожланди. Электрон микроскопларнинг қўлланилиши натижасида ҳужайранинг субмикроскопик тузилиши аниқланди. Ҳужайранинг янги ультрамикроскопик компонентлари, ҳужайрани ташқи муҳитдан ажратиб турадиган плазматик ёки ҳужайравий мембрана, эндоплазматик ретикулум (тўр), рибосомалар, лизосомалар, пероксисомалар, микронайлар ва микрофиламентлар, ўсимлик ҳужайраларида эса диктиосомалар — Гольжи комплекслари кашф қилинди. Субмикроскопик тадқиқотлар ҳужайраларни эукариотлар ва прокариотлар группасига (шунга кўра организмларни ҳам) ажратиш имкониятини берди.

Ҳужайранинг таркибий қисмларини ажратиб олиш усулларини такомиллаштириш, биохимиянинг аналитик ва динамик методларини Ц. га татбиқ этиш ҳужайранинг кимёвий топографиясини ва унинг таркибий қисмини, биохимиявий роли ҳамда функционал аҳамиятини аниқлашга олиб келди. Ҳужайранинг генетик функциясини ўрганишда ядро ва ҳужайранинг цитоплазматик таркибида ДНҚ борлигини аниқлаш катта аҳамиятга эга бўлди.

Ҳозирги Ц. нинг асосий вазифалари ҳужайранинг микроскопик ва субмикроскопик структураси ва кимёвий таркибини, ҳужайралар структураларининг функциялари ва уларнинг ўзаро таъсирини, моддаларнинг ҳужайрага ўтиши ва ундан ажралиб чиқиш усуллари ҳамда мембраннинг бу жараёнлардаги ролини, микроорганизмларнинг нерв ва гуморал омиллари ва ташқи муҳит омилларига ҳужайранинг реакция кўрсатишини, унинг қўзғалишни қабул қилиши ва ўтказишини, ҳужайранинг бир-бирига ўзаро таъсирини, унинг шикастлайдиган таъсиротга кўрсатадиган реакциясини, ҳужайранинг ядро ва цитоплазматик-генетик аппарати ва ирсий касалликларда унинг ўзгаришини, ҳужайраларнинг вируслар б-н муносабатини, нормал ҳужайраларнинг ўсма (рак) ҳужайраларига айланишини, ҳужайра ситемасининг пайдо бўлиши ва эволюцияси ва б. масалаларни ўрганишдан иборат. Ц. нинг цитогенетика, кариосистематика, цитоэкология, радиацион Ц., онкологик Ц. ва б. тармоқлари бор.

СССРда кўп илмий муассасаларда, жумладан СССР ФАнинг Цитология ин-ти, СССР ФА Сибирь бўлимининг Цитология ва генетика ин-ти, БССР ФАнинг Генетика ва цитология ин-ти, УзССР ФАнинг Ўсимликлар экспериментал биологияси ин-ти, УзССР ФАнинг Ботаника ин-ти ва б., шунингдек, ун-тлар ва ин-тларнинг кафедраларида Ц. га оид тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. СССР ФА «Цитология», УССР ФА «Цитология ва генетика» журналларини нашр қилади. Ўзбекистонда УзССР ФАнинг «Ўзбекистон биология журнали» ва б. нашрларда Ц. масалалари ёритилади (яна *Ҳужайра* мақоласига ва ундаги адабиётга қ.).

Ад.: Кацнельсон З. С., Клеточная теория в её историческом развитии, Л., 1963; Руководство по цитологии, т. 1—2, М.—Л., 1965—66; Де Робертис Э., Новинский В., Саэс Ф., Биология клетки, Пер. с англ., М., 1973.



Цитра.

ЦИТОПЛАЗМА (*цито...* ва *...плазма*) — ҳужайра протоплазмасининг ядросиз қисми, унда фақат ҳужайра мембранаси бўлади. Ц. терминини Э. Страсбургер таклиф этган (1882). Ц. доимий таркибий қисм — органоидлар (митохондрия, Гольжи комплекси, эндоплазматик тўр, рибосомалар, пластидалар ва б.)дан вақтинча таркибий қисмлар (липидлар, оқсиллар, пигментлар ва б.)дан ва махсус ҳосилалар (миофибриллар, тонофибриллар)дан иборат (яна қ. *Ҳужайра, Протоплазма*).

ЦИТОПЛАЗМАТИК ИРСИЯТ — организм структур материали ва функционал хусусиятларининг ворислиги. Буни *цитоплазма*даги омиллар белгилаб, авлоддан-авлодга узатади. Омиллар йиғиндиси — плазмаген (ядродан ташқаридаги *ген*)ларни плазмонлар (хромосомалардаги генлар йиғиндиси — геномларга ўхшаш) ташкил этади. Плазмагенлар *митохондриялар, пластидалар*да бўлади. Чатиштиришда кузатиладиган *Мендель қонунлари* асосида кутилган белгилар ажралишидан четга чиқиш Ц. и. мавжудлигини исботлайди. Плазмагенлар олиб ўтадиган цитоплазматик элементлар қиз ҳужайраларга бетартиб тақсимланади. Плазмагенлар авлодга, асосан, тухумҳужайралар, гоҳо спермалар орқали ўтади. Ўсимлик ва ҳайвонлардаги Ц. и. туфайли вужудга келадиган фарқ, асосан она организм белгиларининг устун келиши ва чатиштиришнинг бир йўналишида маълум *фенотип*нинг (бу бошқа йўналишда йўқолади) юзага чиқиши б-н белгиланади.

Ц. и. инфекцион ирсият (ҳужайра нормал компоненти бўлмаган симбиотик ва суст касаллик қўзғатувчи, ўз-ўзидан кўпаядиган бўлакчаларнинг цитоплазма орқали ўтказилиши; мас., дрозофиладан топилган сигма типидаги вирус ва б.) дан фарқланади (яна қ. *Лизогения, Эписомалар*).

Ад.: Хагеман Р., Плазматическая наследственность, Пер. с нем., М., 1962; Лобашев М. Е., Генетика, 2 изд., М., 1967.

ЦИТРА (нем. Zither, юнон. kithara — *кифара*) — торли тирнама соз. Қутисимон шаклда, турли ҳажмда бўлади. Ҳозирги Ц. 29—30 парда, хроматик товушқаторга эга. 4—5 сим тори пардалар устидан, 25—40 пай тори пардалар ташқарисидан тортилади. Сим торлари ўнг қўл бошмалдоғига кийилган ноҳун б-н, пай торлари қолган бармоқлар б-н чалинади. Майин садолнади. 18-аср охиридан Ғарбий Европада, 19-асрдан Шарқий Европада тарқалган.

ЦИТРАЛЬ, 3,7-диметил-2,6-октадиеналь, $C_{10}H_{16}O$ — *эфир мойлари*нинг муҳим альдегидларидан бири. Ц. лимонўт мойида (70—85%), лимон, занжабил, тизимгул ўсимликларининг мойида бўлади. Табиий Ц. кучли лимон ҳиди келадиган оч-сариқ рангли мой; қайнаш т-раси 228—229°С; сувда эрийди, спирт ва эфирга аралашади. Эфир мойларидан бисульфат бирикмалар ҳолида ажратиб олинади. Парфюмерияда, озиқ-овқат саноатида, медицинада қўлланилади.

ЦИТРАМОН (Citramonum)— таркибида аспирин, фенацетин, кофеин, какао, лимон кислота бўлган порошок ёки таблетка. Тумов, бош оғриғи, невралгия каби касалликларда буюрилади.

ЦИТРОН (Citrus medica)— рутадошлар (рутагуллилар оиласи)га мансуб доим яшил, тиканли, бута ёки дарахтча. Барглари қисқа бандли, эллипссимон, четлари тишли. Гуллари чиройли, оқ ёки қизил, сийрак, қалқонсимон тўп-гул ҳосил қилади. Тожбарглари бешта, сирти пушти ранг. Меваси лимондек, пўсти қалин, оч сариқ ёки тўқ сариқ, хушбўй, сирти силлиқ, кўпincha ғадир-будур. Эти нордон ёки ширин. Уруғи кўп. Ватани Ҳиндистон ва Жанубий Хитой. Ц. жанубий Европада, АҚШнинг жанубида ва катта Антиль оролларида экилади. Совуққа чидамсиз. —3, —4°С да дарахтни совуқ уради. СССРда кам учрайди. Ц. қандалатчиликда фойдаланилади.

ЦИТРУС УСИМЛИКЛАРИ — рутадошлар (рутагуллилар оиласи)га мансуб доим яшил ўсимликлар группаси. 28 дан ортиқ тури ва турхиллари кўпчилик мамлакатларда ўстирилади. Ц. ў. га *апельсин, грейпфрут, мандарин, лимон,* бигарадия, помпельмус ва б. киради. Меваси хушхўр, парҳез ва доривор хусусиятга эга; турли витаминларга бой. Мас., лимон ва апельсинда 60 *мг* % витамин С, 600—700 *мг* % витамин Р бор. Лимон кислотага бой. Мевалари ҳўллигича ейилади, шарбат, қиём, жем, лимонад, ликёр, цукат ва б. тайёрланади. Пўсти, барги ва гулларидан эфир мойи (2—3,5% гача) олинади. Ц. ў. кўпчилик турларининг ватани Ҳиндистон, Хитой ва Ҳиндихитой. АҚШ, Япония, Покистон, Австралия, Ўрта денгиз атрофи мамлакатлари ва Африка мамлакатларида, СССРда, асосан, Ғарбий Грузияда (90% дан ортиқ майдонида) ўстирилади. Узбекистонда акад. Р. Р. Шредер номидаги Ленин орденли Боғдорчилик, токчилик ва виночилик илмий тадқиқот ин-ти, Тошкент обл. Орджоникидзе р-нидаги Ленин номли к-з теплица хўжалиги ва б. жойларда Ц. ў. ўстириш, янги навлар яратиш устида илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

ЦИЦЕРО (*Цицерон* исмидан; 1467 йилдан унинг хатларини босиб чиқариш учун биринчи марта шу шрифт қўлланган)—1) босма шрифти, унинг кегели (ўлчами) 12 *пункт* (4,51 *мм*) га тенг. У кўпincha бошланғич мактаб ўқувчиларининг китобларини босишда ишлатилади; 2) ҳарф теришда қўлланиладиган чизиқли ўлчов бирлиги. 1 Ц.=12 пункт=$^1/_4$ *квадрат*.

ЦИЦЕРОН Марк Туллий (мил. ав. 106—43)— қадимги Рим нотиғи, адвокат, философ, ёзувчи ва сиёсий арбоб; Рим республикасининг охирги кўзга кўринган идеологи. Ҳукмрон синф сиёсатини танқид қилиб, демократия тарафдори бўлган. Қейинчалик; мил. ав. 63 йили Л. С. Катилина (мил. ав. тахм. 108—62) исёнини бостирган. Сенат демократиясини ҳимоя этувчи оташин нутқлар сўзлаган. 44 йили *Цезарь* ўлдирилгач, Рим республикасининг амалдаги ҳукмдори. 43 йили цезарчилар томонидан қатл этилган.

Ц. эпикурчилар *атомизм*ига қарши чиққан; жонни абадий, ўлмас деб билган. Билиш назариясида *скептицизм*га мойил бўлган. Реал тасаввурларни реал бўлмаган тасаввурлардан фарқ қилиш учун мезон йўқ, деб ҳисоблаган. Давлат ҳақида трактатлар ёзиб, давлатга шахсий мулкни ҳимоя қилувчи, умумий ҳуқуққа асосланган кишилар бирлашмаси сифатида қараган. Монархия, аристократия ва демократиянинг қўшилишидан пайдо бўлган ҳокимиятни давлатнинг сиёсий идеали деб билган. Ц. асарлари («Яхшилик ва ёмонлик чегаралари ҳақида», «Мажбуриятлар ҳақида», «Давлат тўғрисида», «Қонунлар ҳақида») латин тили классик адабиётининг намунаси бўлиб, Уйғониш даври ёзувчилари томонидан кенг фойдаланилган. Нотиқлик санъати назарияси ва тарихига доир трактатлари Рим нотиқлик санъатини ривожлантиришда муҳим роль ўйнаган.

Ас.: Три трактата об ораторском искусстве, М., 1972. Избр. соч., М., 1975.

Ад.: Цицерон. 2000 лет со дня смерти, Сб. статей. М., 1959; Утченко С. Л., Цицерон и его время, М., 1972.

ЦИЦИҚАР — Хитойнинг шимоли-шарқий қисмидаги шаҳар. Хэйлунцзян провинциясида. Аҳолиси 500 минг киши (1959). Нуньцзян дарёси бўйидаги пристань. Муҳим т. й. узели. Металлургия, локомотивсозлик, вагонсозлик, станоксозлик, автомобилсозлик, озиқ-овқат, ёғочсозлик, қурилиш материаллари, ойна-шиша корхоналари бор. Сифатли пўлат, қ. х. машиналари, тери мўйна маҳсулотлари ишлаб чиқарилади.

ЦОЙ Алексей Николаевич (1919, ҳозирги Приморье ўлкаси Сучан ш.)— лубкор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони (1951). 1947 йилдан КПСС аъзоси. Сучан шаҳар деҳқончилик бўлимида ҳисобчи (1936—37), Тошкент обл. Юқори Чирчиқ (ҳозирги Коммунистик) р-нидаги Свердлов номли к-зда колхозчи, табелчи, бригада бошлиғи (1938—69). 1970 йилдан ипакчилик бўйича агротехник. Ц. бошлиқ бригадада 33 *га* майдоннинг гектаридан 95,4 *ц* каноп пояси етиштирилган (1950). Ленин ордени ва медаль б-н мукофотланган.

ЦОЙ БОН СО (1912, ҳозирги Приморье ўлкаси Уссурий ш.—1964, Тошкент обл.)—пахтакор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони (1951). 1940 йилдан КПСС аъзоси. Тошкент обл. Ўрта Чирчиқ р-нидаги «Полярная звезда» (ҳозир Ким Пен Хва номидаги) к-зида колхозчи, звено, бригада бошлиғи (1937—64). Ц. бошлиқ бригадада 42,7 *га* ернинг гектаридан 50 *ц* пахта етиштирилган (1950). 2 марта Ленин ордени ва медаль б-н мукофотланган.

ЦОЙ ДЯ ИМ (1906, Шимолий Корея)— бедакор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони (1951). 1931 йилдан КПСС аъзоси. Тошкент обл. Ўрта Чирчиқ р-нидаги «Полярная звезда» (ҳозир Ким Пен Хва номидаги) к-зида клуб мудири (1935—37), бригадир (1937—70). Ц. бошлиқ бригадада гектаридан 145—150 *ц* беда ўриб олинган (1950). Ленин ордени ва медаллар б-н мукофотланган. 1970 йилдан пенсионер.

ЦОЙ ЕН ГЁН, Чхве Ен Гон (1900. 21. 6, Пхёнан-Пукто провинцияси—1976. 19. 9, Пхеньян)— Корея давлат ва сиёсий арбоби. Деҳқон оиласида туғилган. Студентларнинг японларга қарши ҳаракатида қатнашгани учун 2 йилга қамалган. Хитойга кетиб (1923), Хитой компартиясига аъзо бўлган. Манжурияда японларга қарши партизан ҳаракатларида иштирок этган (1928—45). Корея Совет Армияси томонидан озод этилгач (1945), ватанига қайтган. Шимолий Корея Муваққат халқ ҳокимиятида полиция департаменти бошлиғи (1946—47), Миллий мудофаа министри (1948—57), айни вақтда ҚХДР Министрлар кабинети ранси ўринбосари (1953 йилдан). ҚХДР Олий халқ кенгаши Президиуми ранси (1957—72). 1972 йилдан ҚХДР Марказий халқ комитети аъзоси, ҚХДР вице-президенти. Шимолий Корея Демократик партияси МҚ ранси (1946—55). Корея Меҳнат партияси (КМП) МҚ аъзоси ва МҚ сиёсий комитети аъзоси, МҚ ранси ўринбосари (1955—66). 1966 йилдан КМП МҚ секретари. ҚХДР вице-маршали (1953), Меҳнат Қаҳрамони (1960).

ЦОЙ Иван (1914, ҳозирги Приморье ўлкаси Владивосток ш.)— лубкор, Социалистик Меҳ-



Цой А. Н.



Цой Бон Со.



Цой Дя Им.



Цой И.



Цой И. А.



Цой Пон Нам.



Цой Син Гук.

нат Қаҳрамони (1958). 1944 йилдан КПСС аъзоси. Тошкент обл. Юқори Чирчиқ (ҳозирги Коммунистик) р-нидаги «Правда» к-зида механизатор (1940—58). 1959 йилдан бош механик. Ц. механизаторлик қилган к-зда 500 *га* ернинг гектаридан 150—160 *ц* каноп пояси етиштирилган (1957). Ленин ордени б-н мукофотланган.

ЦОЙ Иван Антонович (1901, ҳозирги Приморье ўлкаси Уссури р-ни)— Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор (1964), Социалистик Меҳнат Қаҳрамони (1953). 1925 йилдан КПСС аъзоси. Плеханов номидаги Москва халқ хўжалиги ин-тини тугатгач (1929), Сахалинда партия-хўжалик ишларида ишлаган (1930—37). 1940 йилдан Тошкент обл. Юқори Чирчиқ (ҳозирги Коммунистик) р-н матлубот жамиятида, Янгибозор жут-каноп з-дида ишлаган. 1942 йилдан «Правда» к-зи раиси ўринбосари, ферма мудири, 1950 йилдан к-з раиси. Ц. раҳбарлигида к-з пахта ва б. қ. х. маҳсулотлари етиштиришда юқори кўрсаткичларга эришган. Ленин ордени, 2 та Меҳнат Қизил Байроқ ордени ва медаллар б-н мукофотланган. 1973 йилдан пенсионер.

ЦОЙ ПОН НАМ (1912, ҳозирги Ставрополь ўлкаси Прикумск р-ни)— лубкор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони (1954). Тошкент обл. Юқори Чирчиқ (ҳозирги Коммунистик) р-нидаги «Правда» к-зида колхозчи, звено, бригада бошлиғи (1940 йилдан). Ц. бошлиқ бригадада 62 *га* ернинг гектаридан 130 *ц* каноп пояси етиштирилган (1953). Ленин ордени б-н мукофотланган.

ЦОЙ СИН ГУК (1919, ҳозирги Приморье ўлкаси Ольгин р-ни)— лубкор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони (1951). Тошкент обл. Юқори Чирчиқ (ҳозирги Коммунистик) р-нидаги Свердлов номли к-зда колхозчи, звено бошлиғи (1940 йилдан). Ц. бошлиқ звенода 9,6 *га* ернинг гектаридан 94 *ц* каноп пояси етиштирилган (1950). Ленин ордени ва медаллар б-н мукофотланган.

ЦОКОЛЬ (итал. zoccolo — таги ёғочдан ишланган кавуш)— 1) қ у р и л и ш д а бино, иншоот ташқи деворининг пойдевордаги пастки қалинроқ қисми. Ц.нинг ер юзидан чиқиб турадиган ташқи сирти кўпга чидайдиган табиий ёки сунъий материаллар (гранит, клинкер ғишт ва б.) б-н қопланади. Ҳозирги замон индустриал қурилишларида Ц. лар бетон ёки темир-бетон панеллардан қилинади; 2) ҳайкал, устун ва б. ўрнатиладиган пойдевор; 3) э л е к т р о т е х н и к а ва р а д и о т е х н и к а д а лампани патронга ёки лампа панелига ўрнатиш ва уни электр тармоғига улаш учун хизмат қиладиган конструктив қисм.

ЦОРН Андерс (1860. 18. 2—Мора—1920. 22. 8)— швед рассоми. Стокгольм бадиий-саноат мактабида (1875—77) ва Бадиий академиясида (1877—81) ўқиган. Европа мамлакатларида, жумладан Россия, Англия, Францияда, Шимолий Африкада, АҚШда бўлган, 1896 йилдан Швециянинг Мора қишлоғида яшаган. Ижодини акварель б-н бошлаб, 1880-йилларнинг охирларидан *импрессионизм*нинг кучли таъсирида мойбўёқ б-н картиналар яратган. Деҳқонлар ҳаёти реал акс эттирилган картиналари («Морада нон пиширish», 1889, шахсий коллекцияда, Стокгольм, «Иван куни оқшомида рақс», 1897, Миллий музей, Стокгольм), кишилар ҳам кўрсатилган манзаралар, портретлар (автопортрет, 1890, Миллий музей, Стокгольм; скрипкачи портрети, 1910, шахсий коллекция, Стокгольм), офортлари ёруғлик ва соя, ҳаёт лавҳалари жозибадор ифодалангани б-н диққатни тортади. Ц. ҳайкалтарош ҳам бўлган (Густав Ваза ҳайкали, бронза, 1903, Мора; кичик бронза ҳайкалчалар, ёғоч ҳайкаллар, масалан, «Буви», 1894, Мора музейида).

ЦУГАРУ, С а н г а р б ў ғ о з и — Хонсю о. б-н Хоккайдо о. ўртасидаги бўғоз. Япон денгизини Тинч океан б-н туташтириб туради. Узунлиги 110 *км* чамасида, эни 18,5 *км*. Фарватерида энг саёз жойи 130 *м*. Қишда музламайди. Ц. бўйидаги йирик портлар: Хакодате ва Аомори.

ЦУКЕРВАНИК Исаак Платонович (1901. 23. 5, Боку —1968, Тошкент)— кимёгар олим, кимё фанлари д-ри (1940), проф. (1940), Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби (1942), ЎзССР ФА ҳақиқий аъзоси (1966; 1943 йилдан мухбир аъзоси). Туркистон Давлат ун-ти физика-математика ф-тининг кимё бўлимини тугатган (1927), шу ун-тда аспирант (1927—30). 1938 йилдан умрининг охиригача ТошДУда органик кимё кафедраси мудири.

Ц. ароматик бирикмаларни алкиллаш ва ацилаш устида иш олиб борган. Турли апротон ва протон кислоталарни алкиллаш реакцияларининг катализаторлари сифатида текширган. Унинг бифункционал бирикмалар б-н алкиллаш соҳасидаги ишлари ҳам назарий, ҳам амалий аҳамиятга эга. Ароматик углеводородларнинг хлорбром-алканлар, тўйинмаган галоген ҳосилалари, хлоргидринлар, гликоллар, тетрагидрофуран, винил-алкил эфирлари, галоид эфирлар, галоид кислоталар, нитриллар, нитроолефинлар, ацетилен, диенлар ва б. бирикмалар б-н реакцияларини ўрганган. Феноллар ва уларнинг эфирларини мис иштирокида алкиллашни мустақил ривожлантирган. Ц.нинг жуда оз миқдордаги темир хлорид иштирокида *n*-ацетиланизол олиш усули саноатда кенг қўлланилади. Ц. гербецидлар, инсектицидлар, фумигантлар, ўстириш регуляторлари яратиш б-н шуғулланган. Д. И. Менделеев номли Бутуниттифоқ кимёгарлар жамияти Республика правлениеси раиси (1942—57), «Ўзбекистон химия журнали» бош муҳаррири ўринбосари. Меҳнат Қизил Байроқ ордени, 2 та «Ҳурмат Белгиси» ордени ва медаллар б-н мукофотланган.

ЦУНАМИ, т с у н а м и (японча ўлим ва вайроналик келтирувчи тўлқинлар)— океан ёки денгиз тубидаги кучли зилзилалар, баъзан вулканлар отилиши ва б. тектоник жараёнлар натижасида сув юзасида вужудга келадиган тўлқинлар. Тарқалиш тезлиги 400—800 *км/соат*. Қирғоққа чиқиш баландлиги 15—30 *м*. Узунлиги юзлаб *км*. Агар қирғоқ юза бўлса, Ц. лар қуруқлик ичкарисига кириб бориши ва вайронликлар келтириши мумкин. Зилзила ўчоғи океан ёки денгиз тубида бўлганда, шу океан ёки денгиз туби бир ерда тўсатдан кўтарилиб, иккинчи жойда чўкиши мумкин. Бу кўтарилиш ва пасайиш амплитудаси 100—200 *м* га етади (1923 йилги Токио зилзиласи). Ер шарида кузатилган Ц. ларнинг 85% и Тинч океанда содир бўлган. Ҳинд, Атлантика океанлари, Ўрта денгизда ҳам Ц. бўлиб туради. Энг кучли Ц. 1896 йили Тинч океандаги Хонсю ороли яқинида содир бўлган; оролнинг бир неча юз *км* қирғоғига зарар етказган: 10 минг иморат яксон бўлиб, 30 минг киши ҳалок бўлган. Ц. дан қисман сақланиш учун океан ва денгиз қирғоқларида сунъий иншоотлар қурилади, соҳил бўйлаб ҳnear ўрмонлари барпо этилади. 40- ва 50- йилларда АҚШ, Япония ва СССРда аҳолини яқин-

лашиб келаётган Ц.дан хабардор қилиш хизмати ташкил этилган.

ЦУСИМА ЖАНГИ (1905)— *рус-япон уруши* (1904—05) даврида Россиянинг 2- Тинч океан эскадраси (қўмондон-вице-адмирал З. П. Рожественский) б-н Япония флоти (қўмондон-адмирал Того) ўртасида Корея бўғозидаги Цусима ороллари яқинида бўлиб ўтган денгиз жанги [14—15 (27—28 май)]. 1904 йил 2(15) октябрда Либава (Лиепая)дан чиқиб, 18 минг миля йўл босиб келган рус эскадраси (8 эскадра броненосеци, 1 броненосец крейсер, 8 крейсер, 1 ёрдамчи крейсер, 9 эсминец, 6 транспорт кемаси, 2 госпиталь-кема)га Владивостокка ёриб ўтиш ва Япон денгизида устунликни қўлга киритиш учун Япония флоти б-н жанг қилиш вазифаси юклатилган эди. 1905 йил 14(27) май куни эрталаб эскадра Корея бўғозига кирди, бу ерда уни Япония флоти (4 эскадра броненосеци, 8 броненосец крейсер, 16 крейсер, 6 каноне қайиқ ва қирғоқ мудофааси кемалари, 24 ёрдамчи крейсер, 21 эсминец, 42 миноносец) жангга шай ҳолда кутиб олди. Рус денгизчи — жангчилари мислсиз қаҳрамонлик кўрсатганликларига қарамасдан, эскадранинг ташкилий жиҳатдан бўшлиги, унга раҳбарликнинг сустлиги, жанговар техниканинг эскирганлиги туфайли Ц. к. рус эскадрасининг бутунлай мағлубияти б-н тугади. Русларнинг 5 минг кишиси ва 27 жанговар кемаси яксон қилинди. Жангда японларнинг 3 миноносеци йўқ қилинди ва бир неча кемаси шикастлантирилди. Ц. ж. натижасида подшо Россияси урушни узил-кесил бой берди. Бу мағлубият 1905—07 йилда бўлиб ўтган *биринчи рус революциясининг* авж олишига янги туртки бўлди.

Ад.: Л е н и н В. И., Революцион армия ва революцион ҳукумат, Тўла асарлар тўплами, 10- т.; Л е н и н В. И., Тор-мор, Тўла асарлар тўплами, 10- т.; Боевая летопись русского флота, М., 1948.

ЦУСИМА ОҚИМИ — Япон денгизининг шарқий қисмида жанубдан шимолга йўналган илиқ денгиз оқими. *Куросио* оқимининг тармоғи. Ц. о. таъсирида Япон денгизи шарқий қисмининг сув т-раси ғарбий қисмидагига нисбатан қишда 5—6°, ёзда 1—3° баланд бўлади. Тезлиги соатига 0,5—1 *км*. Оқим Япон денгизидаги ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг ривожланишига катта таъсир кўрсатади.

ЦХАЛТУБО — ГрузССРдаги шаҳар (1953 йилдан). Цхалтубо дарёси водийсида. Катта Кавказ тоғининг жанубий этакларида, Кутаисидан 9 *км*. Т. й. станцияси. Ёзи жуда иссиқ (августнинг ўртача т-раси 24°), қиши жуда юмшоқ (январнинг ўртача т-раси 5°); йилига 1400 *мм* ёғин тушади. Бутуниттифоқ аҳамиятига эга бўлган бальнеологик курорт. Булоқ сувларидан бўғим, периферик нерв системалари, гинекологик, тери, юрак-томир касалликларини даволашда фойдаланилади. Грузия курортология ва физиотерапия илмий тадқиқот ин-тининг филиали, санаторий, пансионат, ванналар бинои; гўшт-сут к-ти, мева суви ва шарбати, кимё, биллур, табиий тош, қурилиш деталлари з-длари, чой ф-каси бирлашмаси, галантерея ф-каси, ўлкашунослик музейи бор. Гумбрин қазиб олинади.

ЦХИНВАЛИ (1934 йилдан 1961 йилгача — С т а л и н и р и)— шаҳар, ГрузССР Жанубий Осетия АО нинг маркази. Кура дарёсининг чап ирмоғи. Катта Лиахви дарёси бўйида. Т. й. станцияси. «Электровибромашина», «Эмальпровод», автобус ремонти, кимё, механика, консерва, сут з-длари, ёғоч, гўшт ва қурилиш материаллари к-тлари, ГрузССР ФА нинг Жанубий Осетия илмий тадқиқот ин-ти; педагогика ин-ти, қ. х. техникуми, медицина, музика ва бадиий билим юртлари, драма театри, ўлкашунослик музейи бор.

ЦЮРИХ — Швейцариядаги шаҳар. Цюрих кантонининг маъмурий маркази. Цюрих кўли соҳилида. Аҳолиси 395,8 минг киши (1975). Халқаро аҳамиятга эга транспорт йўллари узели, Мамлакатнинг энг йирик саноат ва савдо-молия маркази. Машинасозлик ва металлсозлик (металл қирқувчи, тўқимачилик ва б. станоклар, саноат ускуналари, локомотив ва вагонлар, приборлар), электротехника, кимё, тўқимачилик (асосан, шойи ва мовут), полиграфия саноати корхоналари, халқаро аҳамиятга эга аэропорт (Клотен) бор.

Ц. шаҳар сифатида 929 йилдан тилга олинган. 13- аср 1- ярмида савдо-ҳунармандчилик маркази бўлган. 1351 йилдан Швейцария таркибида. 19—20- аср бошларида Ц. революцион муҳожирларнинг энг муҳим марказларидан бўлган. Ц. да 1916—17 йилларда В. И. Ленин яшаган. Ун-т (1833 йилдан), Федератив политехника мактаби (1854 йилдан), Швейцария халқаро муносабатлар ин-ти (1943 йилдан), консерватория (1876 йилдан), Тарих, Ботаника, Зоология музейлари, бадиий галерея ва ҳ.к. бор. Арх. ёдгорликлари кўп.

ЦЮРУПА Александр Дмитриевич [1870. 19. 9 (1. 10), Алёшки ш. (Цюрупинск)— 1928. 8. 5, Крим обл. Мухалатка қишлоғи]—совет давлат ва партия арбоби. 1898 йилдан Коммунистик партия аъзоси. 1887 йилда Херсон қ. х. билим юртига кирган. 1891 йилда ўқувчиларнинг марксистик тўгарагини тузишда қатнашган. 1893 ва 1895 йилларда қамалган. 1900 йил февралда В. И. Ленин б-н танишган. «*Искра*» *агентлари*дан бири. 1901 йили Харьковда (РСДРП комитети аъзоси), Тула, Тамбов губернясида революцион иш олиб борган. 1902 йилда қамоққа олиниб, 1903 йилда Олонец губернясига сургун қилинган. Уфадаги 1905—07 йил рев-ясида қатнашган.

1917 йил Февраль рев-ясидан кейин РСДРП Уфа бирлашган комитети президиуми аъзоси, губерния озиқ-овқат комитети ва шаҳар думаси раиси. 1917 йил октябрда Ҳарбий Революцион комитет аъзоси. Октябрь социалистик рев-ясидан кейин РСДРП(б) Уфа комитети аъзоси. 1917 йил ноябрдан РСФСР озиқ-овқат халқ комиссари ўринбосари. 1918 йил февралдан халқ комиссари. 1921 йил декабрдан РСФСР (кейинчалик СССР) ХҚС ва Меҳнат ҳамда Мудофаа Совети раиси ўринбосари, айни вақтда (1922—23 йилларда) Ишчи-деҳқон инспекцияси халқ комиссари. 1923—25 йилларда СССР Давлат план комитети раиси, 1925 йилдан Ташқи ва ички савдо халқ комиссари. 1923 йилдан партия МҚ аъзоси. 1922—28 йилларда Бутун Россия ва СССР МИҚ Президиуми аъзоси. Партия 10-, 12—15- съездлари делегати. Москва Қизил майдонига дафн этилган.



Цукерваник И. П.



Цюрупа А. Д.

Ч

Ч — ҳозирги ўзбек алифбосининг 25-ҳарфи, т ва ш элементларидан ташкил топган. Тилолди, жарангсиз ундош *фонема*ни ифодалайди. Ч. нинг қўлланиш активлиги ўртача. Сўзда ҳамма ўринда келади; чақмоқ, ичак, қилич; жуфт ҳолда ҳам учрайди: аччиқ.



Чаадаев П. Я.

ЧААДАЕВ Пётр Яковлевич (1794. 27. 5 — Москва—1856. 14. 4) — рус мутафаккири, снёсий арбоби. А. С. *Пушкин*нинг дўсти. Лирик дворян оиласида туғилган. Москва ун-тида ўқиган (1808—11). 1812 йил Ватан урушидан либерал ва революцион кайфият б-н қайтган. *Декабристлар*нинг «Хайр-саховат иттифоқи» яширин революцион жамиятига аъзо бўлган. Ч. ўзининг 8 та «Фалсафий мактублар»и (1829—30) б-н машҳур. Бу асарда у чор самодержавиесини ва крепостной ҳуқуқни кескин танқид қилди. Мактублардан бири 1836 йилда «Телескоп» журналида эълон қилингач, журнал ёпилди, Ч. ақлдан озганга чиқарилди. Ч. 40-йилларда *Герцен* б-н биргаликда ғарбчиларнинг *славянофилларга* қарши курашида қатнашди.

Ч. дунёқараши ниҳоятда зиддиятлидир. У декабристлар илгари сурган ижтимоий идеалларни асослаб бериш учун тарихдан унинг тараққиёт қонунларини излади. Бироқ тарихни ҳаракатлантирувчи куч илоҳий қудрат деб билиб, революцион методлардан воз кечди; католицизм ёрдамида ҳаққоний жамият қуришни фалсафий асослашга уринди. Ч. нинг подшо сиёсатини, крепостной тузумни кескин қоралаши 19-асрнинг 30—40-йилларида илғор ижтимоий тафаккурининг шаклланишига катта таъсир кўрсатди.



Чабров Г. Н.

Рус революцион демократлари Ч. нинг прогрессив гояларини ҳимоя қилиш б-н бирга, унинг қарашларидаги реакцион томонларни қаттиқ танқид қилдилар.

Ад.: Григорьян М. М., Чаадаев и его философская система, «Из истории философии» китобида, вып. 2, М., 1958; Шкуринов П. С., Мировоззрение П. Я. Чаадаева, М., 1958; Галактионов А., Никандров Н., История русской философии, М., 1961; Лебедев А. А., Чаадаев, М., 1965.

ЧАБРОВ Георгий Николаевич (1904. 1. 19, Ленинград) — тарих фанлари д-ри (1966), проф. (1968). 1954 йилдан КПСС аъзоси. Улуғ Ватан уруши қатнашчиси (1942—44). Ленинград ун-тини тугатган (1927). Ленинград обл. архив бошқармаси (1927—34), УзССР Марказий архив бошқармаси (1934—36), Узбекистон санъат музейи (1936—40) ходими, Тошкент Педагогика ин-тида ўқитувчи (1941—42), УзССР ФА Тарих ва археология ин-тида илмий котиб (1945—47), ТошДУда ўқитувчи (1947—66), Тошкент Педагогика ин-ти библиография кафедраси мудири (1966—74). 1974 йилдан Тошкент Маданият ин-ти СССР тарихи кафедраси мудири. Ч. «Урта Осиё ва Қозоғистоннинг XVIII аср ва XIX аср биринчи ярми тарихига оид тасвирий манбалар» мавзуида д-рлик диссертациясини ёқлаган.



Чавгон ўйини.

ЧАБУКИАНИ Вахтанг Михайлович [1910. 27. 2 (12. 3), Тбилиси] — грузин совет раққоси ва балетмейстери, совет балет мактабининг йирик усталаридан бири. СССР халқ артисти (1950). 1929—41 йиллар Ленинград опера ва балет театрида ишлади. 1941 йилдан З. Палиашвили номидаги Тбилиси опера ва балет театрида бош балетмейстер. Базиль (Л. Минкус, «Дон Қихот»), Альберт (А. Адан, «Жизель»), Зигфрид (П. Чайковский, «Оққуш кўли»), Жером (Б. Асафьев, «Париж алангаси») каби образларида Ч. эрлар рақсида улуғвор, жўшқин, ҳароратли, ўзига хос услуб яратди. Балетмейстер сифатида «Синатле» (Г. Киладзе), «Горда», «Тинчлик учун» (Д. Торадзе), «Демон» (С. Цинцадзе) сингари спектаклларни саҳналаштирди ва ҳаммасида ўзи бош ролни ижро этди. 1958 йили «Отелло» (А. Мачавариани) спектаклини саҳналаштиргани ва Отелло образини моҳирона гавдалантиргани учун Ленин мукофотига сазовор бўлди. СССР Давлат мукофоти лауреати (1941, 1948, 1951). 5-чақириқ СССР Олий Советининг депутати. АҚШ, Италия, Эрон, Латин Америкаси ва б. мамлакатларда гастролда бўлган. 3 марта Ленин ордени, 3 бошқа орден ва медаллар б-н мукофотланган.

ЧАВГОН (форс-тож. چوگان — учи эгри узун таёқ) — чавгон (клюшка) ва тўп б-н отда команда бўлиб ўйналадиган спорт ўйини. Ўйин мазмуни ва мақсади ўйинчилар томонидан рақиб дарвозасига энг кўп тўп киритишдан иборат. Ч. махсус (90—250Х60—120 *м*) майдонда ўйналади. Майдон 3 та чизиқ, яъни ўрта В ва 2 томонда майдонларни тенг бўлиб турадиган Д чизиқлар б-н ажратилади. Ён томонлардаги чизиқларнинг ўртасига эни 3 *м* ва баландлиги 2,5 *м* келадиган дарвоза қурилади. Дарвоза олдида радиуси 5 *м* бўлган ярим доира чизилади. Ҳар бир командада 5 ёки 6 ўйинчи қатнашади. Ўйин 2 даврдан иборат бўлиб, 1 соат давом этади. Отлиқларнинг бир жойга тўпланиб қолмасликлари учун ҳимоячиларга дарвозадан Д чизиққача бўлган масофада, ҳужумчиларга эса ўз ҳимоя чизиғидан ташқари майдоннинг ҳамма жойида ўйнашга рухсат этилади. Ўйинда чавгон б-н рақиб чавгонини уриш, тўпни оёқ б-н тепиш, дарвоза олдидаги ярим доира ичига кириш, рақиб чавгонини қўл б-н ушлаш, синган чавгон б-н ўйнаш тақиқланади. Ўйин давомида команда капитанлари 4 марта 1 минутлик та-

наффус олиш ҳуқуқига эга. Уйинчи ўйин қоидасини қўпол равишда бузса, жарима тўпи белгиланади ёки у ўйиндан чиқариб юборилади, агар ўз штраф майдонида қоидани бузса, 6 метрдан жарима тўпи белгиланади. Уйинчилар ўйин пайтида миллий кийимда бўлишлари шарт. Майдоннинг ташқи томонида 2 та пиёда судья, майдонда отлиқ катта судья судьялик қилади.

Ч. ўйини Урта Шарқ ўлкаларида қадимдан, хусусан Урта Осиёда 9-асрдан машҳур бўлган. Тарихий манбаларда, Шарқнинг машҳур мутафаккирлари асарларида Ч. га доир кўплаб маълумотлар учрайди. Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сида келтирилишича, Сиёвуш б-н Афросиёб ўртасида Ч. бўйича мусобақа ўтказилган. *Маҳмуд Кошғарий* «Девону луғотит турк» асарида Ч. ўйинига тўхталиб ўтган. Абу Абдуллоҳ Рудакий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобир, Абдурраҳмон Жомий, Умар Хайём, Хусрав Деҳлавий, Ҳофиз, Исмат Бухорий ва б. Ч. ўйинидан илҳомланишган, Ч. га атаб гўзал ҳамда нафис байтлар тўқишган.

Ҳозир Ўзбекистонда Ч. меҳнат зафарларига бағишланган байрамларда ўтказилади.

ЧАВЧАВАДЗЕ Илья Григорьевич [1837. 27. 10 (8. 11), Кварели — 1907. 30. 8 (12. 9)] — грузин ёзувчиси ва жамоат арбоби. Грузин адабиётида танқидий реализм асосчиси. 1857 йили Петербург ун-тига ўқишга кирган. 1861 йили Ватанига қайтиб, бу ерда грузин адабиётининг революцион демократик йўналишига бошчилик қилган. «Тергдалеулеби» ҳаракати (Грузияда 19-аср 60—70-йилларидаги революцион демократик ижтимоий-гоявий оқим) ташкилотчиларидан бири. Кўп йиллар грузинлар ўртасида савод тарқатиш жамиятининг раиси бўлган. 1864 йилдан адабий иш б-н шуғулланган ҳамда давлат ва жамоат ташкилотларида ишлаган. «Иверия» газетасида муҳаррир (1877—1902), Грузия драматургия жамияти правлениеси раиси (1879), Давлат кенгаши аъзоси (1906). Тбилисидан Сагурамога бориш йўлида подшо соқчилари ёллаган жосуслар томонидан ўлдирилган.

Ч. «санъат санъат учун» деган назарияга қарши санъатнинг ижтимоий мазмуни, халқчиллиги ва ғоявийлиги учун курашган. Адабиётга воқеликни билишнинг муҳим формаси деб қараган. «Шарпа» (1859), «Қароқчи ҳаётидан бир қанча воқеа ёки манзаралар» (1860) поэмалари ва «Қашшоқ ҳикояси» қиссаси (1859—62) да меҳнаткаш халқнинг ҳуқуқсизлиги, грузин жамиятидаги табақавий-синфий зиддиятлар акс этган. «У ҳам одамми?» (1859—63), «Отар бева» (1887) қиссаларида помещчиклар ҳаёти ҳажв қилинган, Грузияда крепостнойлик ҳуқуқи бекор қилингандан кейинги помещчиклар б-н деҳқонлар ўртасидаги муносабатлар акс этган. Поэзиясида ватанпарварлик ва гражданлик мотивлари кучли. Кўпгина шеърларида табиат манзаралари тасвирланган бўлса-да, уларга ижтимоий оҳанглар сезилиб туради. Ч. поэзиясининг тили жонли, образли, халқчилдир. Унинг асарлари грузин демократик адабиётида реализмнинг қарор топишида катта роль ўйнаган. Сагурамода Ч. нинг мемориал музейи бор.


Ас.: Избр. соч., т. 1—2, Тбилиси, 1957.

Ад.: Зандукели М., Очерки по истории грузинской лит-ры XIX в., 2 изд., Тбилиси, 1955; Барамидзе А., Радиани Ш., Жгенти Б., История груз. лит-ры. Краткий очерк, Тбилиси, 1958.



Чавчавадзе И. Г.

ЧАД (Tchad), Чад Республикаси (La République du Tchad) — Марказий Африкадаги давлат. Шимолда Ливия, шарқда Судан, жанубда Марказий Африка Империяси, ғарбда Камерун, Нигерия ва Нигер б-н чегарадош. Майдони 1284 минг *км*². Аҳолиси 4160 минг киши (1977). Пойтахти — *Нжамена* ш. Маъмурий жиҳатдан 14 префектурага бўлинади.



Давлат тузуми. Ч.— республика. Давлат тузуми 1975 йил 16 август ордонанси (фармойиши) асосида белгиланган. Давлат ҳокимиятининг олий органи — Олий ҳарбий кенгаш (ОҲК, қуролли кучларнинг 9 офицеридан ташкил топган). ОҲК раиси айни пайтда давлат ва ҳукумат бошлиғи ҳисобланади. У ҳукумат аъзоларини, граждан ва ҳарбий лавозимларни тайинлайди, халқаро битимлар тузади ва имзолайди, фавқулодда ҳолат эълон қилади. Суд системаси Давлат хавфсизлиги суди, апелляция суди, жиноий ва граждан ишлари бўйича 1-инстанция судларидан иборат. Ч. байроғини *Давлат байроғи* мақоласи жадвалидан кўринг.

Ер ости бойликлари. Ер ости бойликларидан нефть, уран, қалай, волфрам, бокситлар, фосфоритлар, темир рудаси, мис, никель, хромитлар, олтин, кумуш, асбест, тошкўмир, графит, слюда, тальк, каолин, гипс, оҳактош, мармар, қурилиш материаллари ва бошқалар маълум. Ер ости бойликларини ўрганиш ишлари давом этмоқда.

Ер усти бойликлари. Ер усти бойликларидан ер, ўрмон, ўсимлик, ҳайвонот дунёси, сув ресурслари ва бошқалар маълум. Ер ресурслари 125 млн. *га* ни ташкил этади. Ер фонди 1975 йил 1 январь маълумотларига кўра, 1 млн. 284 минг *км*² ни ташкил этади. Ер фондининг



1. Нжамена. Шаҳар кўринишларидан бири. 2. Нжаменадаги гўшт комбинати.

Табиати. Мамлакатнинг шимолий қисми *Саҳрои Кабир* чўлида жойлашган, жануби Соҳил деб аталувчи чўл ва чала чўл ландшафтли саванна ва *Судан* табиий областининг бир қисмини эгаллайди. Ч. терр-ясининг кўп қисми баландлиги 250—400 *м* бўлган ясси текисликдан иборат. Катта майдонларда кўчма қумлар бор.

Қазилма бойликлари кам ўрганилган. Чад кўлининг шимоли-шарқий соҳилида йилига 6—8 минг *т* каустик сода олинади. Боксит, темир рудаси, қалайи, вольфрам, олтин, уран, нефть конлари топилган.

Иқлими 15—16° ш. к. дан шимолда тропик чўл иқлими. Январнинг ўртача т-раси 15°, шимолида 10° дан паст, июлники 30—35°. Йиллик ёғин 100—250 *мм* (айрим жойларда 50 *мм* дан кам). Кучли шамоллар эсиб, қум бўронлари бўлиб туради. Мамлакат жанубида иқлим экваториал-муссонли, қиш мавсуми (октябрь-ноябрдан апрель-майгача) қуруқ. Йиллик ёғин 1000 *мм* гача. Шимолида доимий оқар дарёлар йўқ. Жанубида кема қатнайдиган йирик дарёси — Шари. Усимликлари. Шимолидаги тошлоқ чўлларда тиканакли ярим бута ва буталар, воҳаларда финик пальмаси (хурмо) ўсади. Чекка жанубида қизил-қўнғир тупроқларда типик саванналар мавжуд. Саванналарда йирик сут эмизувчи ҳайвонлар, илон, ҳашарот турлари кўп. Закума қўриқхонасида фил, жирафа, антилопа, туяқуш ва б. ҳайвонлар муҳофаза қилинади.

Аҳолисининг энтик таркиби мураккаб. Аҳолисининг ярмига яқини Марказий ва Шарқий Судан тилларида сўзлашувчи халқлар. Шунингдек, араблар, озроқ европаликлар (французлар) ва б. ҳам бор. Давлат тили — француз тили; араб тили ҳам ишлатилади. Аҳолининг ярмидан кўпи маҳаллий динларга эътиқод қилади, қолганлари асосан мусулмонлар; христианлар ҳам бор.

Иқтисодий актив аҳолиси 1,5 млн. киши (1976). Аҳолисининг ўртача зичлиги 1 *км²* га 3,2 киши (1977). Шаҳар аҳолиси 15% (1977). Мамлакат жанубида аҳоли зич яшайди. Муҳим шаҳарлари: Нжамена (аҳолиси шаҳар атрофи б-н 300 минг киши, 1975), шунингдек, Сарх, Мунду, Абеше.

Тарихи. Ч. терр-ясида одам қадим замонлардан бери яшаб келган. 9- асрда Ч. терр-ясида Қанем-Борну давлати пайдо бўлган. 19- аср охиригача ҳозирги Ч. терр-ясининг турли қисмларида Вадаи (14- аср), Багирми (16- аср), Раббаҳ давлати (19- аср охири) сингари давлатлар вужудга келди. 19- аср охирида Франция Экваториал Африкада мустамлакачилик экспанциясини авж олдирди. 1900 йили Ч. Франциянинг ҳарбий терр-яси деб эълон қилинди. Унинг айрим қисмларини босиб олиш 1914 йилгача давом этди. 1904 йили Ч. терр-яси Франциянинг Убанги-Шари — Чад мустамлакалари федерацияси (1910 йилдан Франция Экваториал Африкаси — ФЭА) таркибига киритилди. 1914 йили Ч. Убанги-Шаридан ажратилиб алоҳида мустамлакага айлантирилди.

2- жаҳон уруши йиллари (1939—45)да Ч. «Курашаётган Франция» нинг базаларидан бири бўлди.

Урушдан кейинги йилларда Ч. да миллий озодлик ҳаракати авж олди. 1946 йили Ч. ФЭА таркибида Франциянинг «денгиз ортидаги территорияси»га айланди. 1947 йили тузилган Ч. Прогрессив партияси (ЧПП) Ч. мустақиллиги учун олиб борилган курашга раҳбарлик қилди. 1957 йили Ч. да африкаликлардан иборат ҳукумат кенгаши тузилди. 1958 йил 28 ноябрда Ч. Франция ҳамжамияти таркибидаги республика деб эълон қилинди. Миллий озодлик ҳаракатининг авж олиши натижасида Франция ҳукумати Ч. га мустақиллик берди. 1960 йил 11 августда Ч. мустақил давлат деб эълон қилинди. Ч. 1960 йил 20 сентябрдан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) аъзоси.

1962 йил апрелида конституция қабул қилинди. Уша йили ЧПП дан ташқари барча сиёсий партиялар тақиқланди. Ягона партия-вийлик системаси жорий қилинди. Экономика соҳасида Ч. ҳукумати «ўртача йўл тутиш» сиёсатини олиб борди. Хусусий, айниқса чет эл капиталига қатор имтиёзлар берди. 1973 йили ЧПП нинг фавқулодда съезди чақирилиб, партия тарқатиб юборилди ва янги «Маданий ва ижтимоий революция учун миллий ҳаракат» партияси тузилди. 1975 йил 13 апрелда ҳарбий тўнтариш бўлиб, ҳукумат тарқатиб юборилди, конституция бекор қилинди, сиёсий партия ва касаба союзлар фаолияти тақиқланди. Олий ҳарбий кенгаш (ОҲК) ҳокимиятнинг олий органи деб эълон қилинди.

Ч. ҳукумати ташқи сиёсатда блокларга қўшилмаслик ва бошқа мамлакатларнинг ички ишларига аралашмаслик, тинч-тотув яшаш, ялпи қуролсизланиш, Африка қитъасини ядросиз зона деб эълон қилиш, ирқчилик ва апартхейдга қарши курашиш, мустамлакачилик системасини батамом тугатиш принципларига амал қилади. Ч.— Африка бирлиги ташкилоти аъзоси. Европа иқтисодий ҳамжамиятининг ассоциациялашган аъзоси. СССР б-н Ч. ўртасида дипломатик алоқа 1964 йил ноябрда ўрнатилди.

Хўжалиги. Ч.— қолоқ аграр мамлакат. Ички ялпи маҳсулотнинг 80% га яқини қ. х. га, 11% и саноатга тўғри келади. Экономикасида чет эл, асосан, Франция капитали муҳим роль ўйнайди.

Қишлоқ хўжалиги — экономиканинг асоси. Жамоа ер эгалиги кенг тарқалган. Ч. терр-ясининг 40% и қ. х. га яроқли. Қ. х. нинг асосий тармоғи — деҳқончилик. Маҳсулоти экспорт қилинадиган асосий экини—пахта (1976 йилда 330 минг *га*, 174 минг *т* пахта). Шунингдек, тариқ, ер ёнғоқ, шоли, бугдой ҳам экилади, финик пальмаси ўстирилади. Аҳолисининг $^1/_3$ қисми кўчманчи ва ярим кўчманчи чорвачилик б-н шуғулланади. 4 млн. қорамол, 5 млн. қўй ва эчки бор (1976). Йилига 110 минг *т* гача балиқ овланади.

Саноати қ. х. маҳсулотларини қайта ишлайдиган майда корхоналардан иборат. Озиқ-овқат саноатида гўшт, ун, шоли оқлаш, ёғ, шакар-қанд, пиво пиширш, 24 пахта тозалаш з-длари ва тўқимачилик комплекси бор. Электр станциялари четдан келтирилган нефтда ишлайди. 1975 йили 60 млн. *квт-с* электр энергияси ҳосил қилинди. Сода ва ош тузи қазиб олинади.

Транспорти. Автомобиль йўлларининг узунлиги 32 минг *км*, жумладан 255 *км* гудрон қопламли (1976). Автопаркида 12 минг автомашина бор (1976). Логоне ва Шари дарёларида кема қатнайди. Нжаменада халқаро аэропорт бор.

1975 йили экспорт 9 млрд., импорт 22 млрд. африка франкини ташкил этди. Четга асосан пахта, чорвачилик маҳсулотлари чиқарилади, четдан саноат ва транспорт ускуналари, нефть ва озиқ-овқат, кимё ва тўқимачилик маҳсулотлари келтирилади. Асосан, Франция б-н савдо қилади. Пул бирлиги — африка франки, 244,1 африка франки 1 АҚШ долларига тенг (1977 йил июль).

Қуролли кучлари қуруқликдаги қўшинлар (4,5 мингга яқин киши), ҳарбий-ҳаво кучлари (300 га яқин киши) ва жандармерия (2,5 мингга яқин киши)дан иборат. Ундан ташқари миллий гвардия ва кўчманчилар гвардияси (4,2 минг киши) ҳам бор. Армия умумий ҳарбий хизмат ҳақидаги қонун асосида тўлдирилади.

Соғлиқни сақлаш. Ч. да безгак, сил, ошқозон-ичак, болалар юқумли касалликлари ҳамда таносил касалликлари тарқалган. 1972 йили 3,6 минг ўринли 47 касалхона (минг аҳолига 0,9 ўрин), 89 врач (50 минг кишига 1 врач), 3 тиш врачи, 5 фармацевт ва 1000 дан ортиқ ўрта медицина ходими ишлаган. Врачлар чет мамлакатларда, ўрта медицина ходимлари 1961 йилдан медицина мактабларида тайёрланади.

Ветеринария хизмати Ч. да энди ташкил бўлмоқда. Чорва моллар ва туяларга хос юқумли касалликлар кенг тарқалган. 25 ветврач бор (1976). Ветеринария мутахассислари тайёрлашда Ч. га СССР катта ёрдам кўрсатмоқда.

Маорифи. Европача типдаги дастлабки мактаблар 20- аср бошларида пайдо бўлган. Илгари мусулмон ўқув юртлари (диний мактаб, мадраса ва б.) кенг тарқалган эди. 1967 йили 4 йиллик мажбурий таълим ҳақида қонун қабул қилинди. Мактаб системаси Франциянинкига ўхшаш. 6 йиллик бошланғич мактабларга болалар 6 ёшдан қабул қилинади. Ўрта умумтаълим мактаблари, 4 йиллик умумтаълим колледжлари (тўлиқсиз ўрта) ва 7 йиллик лицейлар (тўлиқ ўрта маълумот беради) га бўлинади. Хусусий ўқув юртлари ҳам бор. Барча ўқув юртларида ўқиш француз тилида.

Нжаменада Чад ун-ти (1971) бор (600 студент, 1976/77). Маъмурий кадрлар тайёрловчи миллий мактаб, Зоотехника ва ветеринария ин-ти, илмий тадқиқот ин-тлари (жумладан пахтачилик ин-ти), Миллий музей бор.

Матбуоти ва радиоси. 1976 йили Ч. да «Журналь офисьель де ла Репюблик дю Чад» (1959), ҳукумат ахбороти, ҳафтада икки марта, Ч. Матбуот агентлигининг «Инфо-Чад» кундалик бюллетени (1964), «Энформасьон экономик» ҳафталик бюллетени чиқади (ҳаммаси Нжаменада). Ч. Матбуот агентлиги 1964 йили очилган. Ч. миллий радиоэшиттириши ҳукумат ихтиёрида. Радиоэшиттиришлар француз, араб ва 7 маҳаллий тилда олиб борилади.

Тасвирий ва амалий-безак санъати. Ч. жанубида манзилгоҳ харобалари, сопол идишлар, одам ва ҳайвонларнинг терракота ва бронзадан ишланган ҳайкалчалари топилган. Каштадўзлик, чарм буюмлар тайёрлаш, металларга ишлов бериш, кулолчилик ривожланган.



Шолипояда ўтоқ.

Музикаси. Ч. музикаси ҳам хилма-хил. Музика асбобларидан ҳар хил шаклда ясалган дўмбиралар кенг тарқалган; пуфлама ва торли асбоблар ҳам бор. Касб, турли маросим ва байрамлар б-н боғлиқ бўлган ашула ва рақслар кўп. Мамлакат мустақилликка эришгач, музика маданиятини ўстиришга алоҳида эътибор берилди. Нжамена ун-тида музика фольклорини тўплаш ва қайта ишлаш миллий маркази. 1970 йили Миллий рақс ансамбль (1975 йили СССР да гастролда бўлган) ташкил этилган.

ЧАДИР ЛУНГА — МолдССРдаги шаҳар (1958 йилдан). Лунга дарёси соҳилида. Кишинёвдан 130 *км*. Т. й. станцияси. Электротермик ускуналар, тамаки-ферментация, «Союзживмаш» тажриба-эксперименталь, вино з-длари, гўшт к-ти, гилам ф-каси, тарих-ўлкашунослик музейи бор.

ЧАЁН —1) ўргимчаксимонлар синфига мансуб умуртқасиз ҳайвонлар туркуми (қ. *Чаёнлар*); 2) юлдузлар туркуми; ой номи (қ. *Акраб*).

ЧАЁН ПАШШАЛАР (Mecoptera) — тўла ўзгариш б-н ривожланувчи ҳашаротларнинг бир туркуми. 300 га яқин тури маълум. Танасининг узунлиги 3 *см* ча. 2 жуфт қанотлари тиниқ, тўрсимон, қора холли. Оғиз аппарати кемирувчи. Қорнининг орқа учи чаённикига ўхшаш (номи шундан). Румбаги эркин. Ер шарида кўп тарқалган. СССРда 10 тури учрайди. Ҳашаротлар б-н овқатланади.

ЧАЁНЛАР (Scorpionida) — ўргимчаксимонлар синфига мансуб умуртқасиз ҳайвонлар туркуми. 500 га яқин тури маълум. Шундан 12 тури СССРда тарқалган. Танаси 1—18 *см*, бошкўкрак ва бўғимларга бўлинган қорин қисмлардан (олдингиси кенг, кейингиси ингичка, узун) иборат. Қорнининг охирги бўғимида иккита заҳарли бези бор. Унинг йўли учи қайрилган найзага очилган. Бу орган ўлжага ҳужум қилиш ва ҳимояланиш вазифасини бажаради. Бошкўкрагида 3—6 жуфт кўз ва 6 жуфт оёқ жойлашган. Ўпка халтачаларининг йўли қорнининг 3—6- бўғимидан ташқарига очилган. Тунда актив. Ҳашаротлар, ўргимчаклар, мингоёқлар б-н овқатланади. Тирик туғади (дастлабки 10—15 кунда боласи онасининг устида яшайди). Тропик, субтропик, саҳро ва сернам тропик ўрмонларда тарқалган. Тропиклардаги баъзи йирик турларининг заҳари одамни ўлдириши мумкин.

Чаён чаққан жойда кучли оғриқ сезилади, оғриқ кейин қон томирлари ва нерв толалари орқали бутун танага тарқалади. Ўша жой қизийди, баъзан «музлаб», жонсизланади, қичишади, қизариб шишади, гоҳо унда пуфакчалар пайдо бўлади. Бемор ҳолсизланади, боши ай-



Чайковский П. И.

ланади ва оғрийди, эти увишади. Чаён чаққан жойга тезда новшадил спирт суртилиб иссиқ қилинади, унга саримсоқ ёки пиёз янчиб қўйиш ёхуд хлор оҳаги эритмасига латта ҳўллаб боғлаш керак. Марганцовка б-н ванна қилиш ҳам мумкин. Ч. чаққан жой атрофига новокаининг 2% ли эритмаси ёки калий перманганат (марганцовка) нинг 1 : 1000 нисбатдаги эритмаси б-н бир неча укол қилинади, бемор томирига антитоксик зардоб юборилади, оғриқ қолдирувчи (промедол, морфин, амидопирин) ва юракни қувватлайдиган дори-дармонлар буюрилади.

Ад.: Павловский Е. Н., Ядовитые животные Средней Азии, Душанбе, 1950.

ЧАЙДАРИ — Қашқадарё обл. Яккабоғ р-ни Қалинин қ. С. даги қишлоқ. «Ленин учқуни» к-зи терр-ясида. Р-н маркази ва яқин т. й. станцияси — Яккабоғ (55 *км.*). Аҳолиси 2455 киши (1974); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик, боғдорчилик б-н шуғулланади. Яккабоғдарёдан сув ичади. К-з правлениеси идораси, дорихона, медпункт, ўрта мактаб, клуб, кинотеатр, маиший хизмат кўрсатиш пунктлари бор.



Чайка.

ЧАЙИЛ — ҚҚАССР Беруний р-ни Шоббоз овул Советидаги қишлоқ. Киров номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 6 *км*, яқин т. й. станцияси — Урганч (26 *км*). Аҳолиси 711 киши (1976); пахтачилик, чорвачилик, пиллачилик, ғаллачилик, боғдорчилик б-н шуғулланади. Бўзёп каналидан сув ичади. Саккиз йиллик мактаб, кутубхона, ремонт устахонаси бор.

«ЧАЙКА» — Горький номли автомобиль з-дида ишлаб чиқариладиган олти-саккиз ўринли, тўрт эшикли катта литражли енгил *автомобиль*. 1959 йилдан ГАЗ-13 модели ишлаб чиқарилган. 1976 йилдан ГАЗ-14 модели ишлаб чиқарилмоқда. Ўриндиқлари уч қатор (ўрта ўриндиқлари йиғма) жойлашган. Двигатели 8 цилиндрли, тўрт тактли, карбюраторли, цилиндрлари, *V*-симон ўрнатилган. Оғирлиги 21000 *кг*, максимал тезлиги 160 *км/соат*. Двигателининг қуввати 166 *квт* (220 о. к.). Кузови *лимузин* типида. Трансмиссияси уч поғонали автоматик ишлайдиган планетар узатмалар қутиси, гипоидли асосий узатмалари биргаликда ишлайдиган гидротрансформатордан иборат. Руль бошқармасида гидрокучайтиргич бор. Тормозлар приводи гидравлик-вакуум кучайтиргичли. Олд ғилдираклари осмаси ричагли мустақил иккита цилиндрик пружиналарга, кетинги ғилдираклари осмаси эса бўйлама ярим элиптик рессораларга осилган.

ЧАЙКОВСКИЙ Пётр Ильич [1840. 25. 4 (7. 5), ҳозирги Воткинск — 1893. 25. 10 (6. 11), Петербург] — рус композитори, дирижёр, педагог. Ҳуқуқшунослик билим юртини (1859), Петербург Консерваториясини композиция бўйича (Н. И. Заремба ва А. Г. Рубинштейн синфлари; 1865) тугатган. Москва Консерваториясининг проф. (1866—78). Рус музика жамияти Москва бўлимининг директори (1885 йилдан). 1877—84 йиллари вақт-вақти б-н Швейцария, Италия, Францияда яшаган; бирмунча вақт Украинада бўлган. 1887 йилдан Россия, шунингдек Ғарбий Европа ва АҚШ шаҳарларида дирижёр сифатида, асосан, ўз асарларини ижро этган.

Чакамўр.

Ч. ижоди чуқур миллий, халқчил ва демократик характерга эга; у рус ва жаҳон музикаси ривожига катта таъсир кўрсатган. Ч. музиканинг турли жанрларида бой ижодий мерос қолдирган, айниқса, рус опера ва балетини, симфоник, камер музикани юксак поғонага кўтарган. Унинг опералари (жами 10 та) тарихий ва замонавий мавзуларни ўз ичига олган. Улар ичида, айниқса, «Евгений Онегин» (1877—78), «Орлеан қизи» (1879), «Мазепа» (1883), «Пиковая дама» (1890), «Иоланта» (1891) ва б. диққатга сазовор. Ч. балет музикасига симфоник драматургиянинг бой образли мазмуни ва динамик ривожини олиб кириб, симфонияни рақс ҳаракатлари б-н боғлади: «Оққуш кўли» (1876), «Уйқудаги гўзал» (1889), «Шчелкунчик» (1892). У оркестр учун 6 симфония (шу жумладан 6-«Патетик» симфония, 1893) ва программали симфония («Манфред», 1885), симфоник фантазия («Ромео ва Жульетта», 1869; «Бўрон», 1873; «Франческа да Римини», 1876), тантанали увертюра («1812 йил», 1880), «Итальянча каприччио» 1880), 4 сюита, оркестр жўрлигидаги фортепьяно учун 3 ва скрипка учун 1 концерт ёзган. Шунингдек, фортепьяно учун пьесалар (жумладан «Йил фасллари», 1876) ҳамда вокал музиканинг етук намуналарини яратган. Гармониядан рус тилида биринчи дарслик — «Гармонияни амалий ўрганиш учун қўлланма» муаллифи (1872). Ч. Франция Нафис санъат академиясининг корреспондент аъзоси (1892). Кембриж ун-тининг фахрий музика д-ри (1893) бўлган. 1958 йилдан Москвада ҳар 4 йилда пианиночи ва скрипкачиларнинг Ч. номидаги халқаро конкурси ўтказилади.

Узбекистонда Тошкент ва Самарқанддаги опера ва балет театрларида Ч. нинг «Евгений Онегин» (1919, 1948, 1968). «Мазепа» (1936), «Пиковая дама» (1947), «Черевички» (1948) опералари, «Оққуш кўли» (1925, 1950, 1969), «Уйқудаги гўзал» (1953) балетлари саҳналаштирилган. Симфоник ва камер асарлари концертларда, музика ўқув юртларида кенг ижро этилмоқда.

Ас.: Полн. собр. соч., т. 1—62, М., 1940—74.

Ад.: Чайковский М., Жизнь Петра Ильича Чайковского, т. 1—3, М.— Лейпциг, 1900—1902 (т. 1, 2 изд. 1903); Музыкальное наследие Чайковского, М., 1958; Домбаев Г. С., Творчество П. И. Чайковского в материалах и документах, М., 1958; Туманина Н. В., Чайковский. Великий мастер, М., 1968; Альшванг А., П. И. Чайковский, 3 изд., М., 1970; Воспоминания о П. И. Чайковском, 2 изд. М., 1973.

ЧАЙКОВСКИЙ — РСФСР Пермь областидаги шаҳар. Воткинск сув омбори бўйида. Т. й. станцияси. Аҳолиси 64 минг киши (1977). 1955 йилда Воткинск ГЭС қурилиши муносабати б-н посёлка сифатида бунёд этилган. 1962 йилдан шаҳар. Шаҳар буюк рус композитори П. И. Чайковский номи б-н аталган. Ч. да ипак газлама, гўшт к-тлари, «Стройдеталь», ремонт-механика, ёғоч, металл қуйиш, сут з-длари, дарё пароходчилиги ремонт-эксплуатация базаси бор. Синтетик каучук з-ди қурилмоқда (1977). ТЭЦ, Пермь политехника ин-тининг филиали, енгил саноат техникуми, мед. ва музика билим юртлари, ўлкашунослик музейи, суратлар галереяси бор.

ЧАЙЛА — ибтидоий давр (тош даврининг юқори босқичи) дан маълум *турар жой* (қ. *Капа*).

ЧАЙНАШ — овқатни оғиз бўшлиғида ишлаш. Ч. жараёнида овқат тишланади, эзиб, майдаланади. Одам ва кўпгина ҳайвонларда Ч. чайнов мушаклари қисқарганда, пастки жағ ҳаракатининг юқори жағ ҳаракатига нисбатан турлича ўзгариши туфайли амалга ошади. Ч. да тил ва лунжлар ҳаракати ҳам аҳамиятга эга. Ч. аппаратининг шикастланиши, айниқса, тишларининг бўлмаслиги ёки етишмаслиги овқат ҳазм қилиш органларининг касалланишига олиб келади.

ЧАЙУВЛИ, Чайули — ўзбек уруғи. Ч. лар ўзбекларнинг *қорақитой* ва *қўнғирот* қабилалари таркибида бўлган.

ЧАЙҚОВЧИЛИК — қ. *Олибсотарлик*.

ЧАКАМИҒ (Galium) — рўяндошлар (рўянгуллилар оиласи) га мансуб бир йиллик ёки кўп йиллик ўсимликлар туркуми. Пояси кўпинча тўрт қиррали. Барглари ҳалқа бўлиб, қарама-қарши жойлашган. Гуллари майда, кўпинча оқ ва сариқ тўпгулларда жойлашган, баъзан битта гулли. Меваси ёнғоқча (камдан-кам резавор), майда, иккита бир уруғли бўлакка бўлинган. 400 тури бор. Жуда кенг тарқалган. Асосан, Шимолий ярим шарда кўпроқ учрайди. СССР да 100 тури маълум; яйловларда, ўрмонларда, бутазорларда, йўл ёқаларида ва сув бўйларида ўсади. Ўрмон-чўл ва чўл зоналарида а с л Ч. (G. verum) кенг тарқалган. Гулларидан жун газламаларни бўяш учун яшил ва сариқ, илдизидан қизил бўёқ олинади. Ч. туркумининг Узбекистонда 14 тури маълум, кўпчилиги шира-ли. Ч. УзССРнинг ҳамма обл. ларидаги тўқайларда, сернам тупроқли ерларда, ариқ ва сой бўйларида тарқалган. Айрим турлари ғалла экинлари орасида учрайди.

ЧАКАН — Сирдарё обл. Ховос р-ни Ховос қ. С. даги қишлоқ. «Ховос» с-зи терр-ясида. Р-н марказидан 48 *км*, яқин т. й. станцияси — Янгиер (54 *км*). Аҳолиси 667 киши (1976); чорвачилик, ғаллачилик, боғдорчилик, сабзавотчилик б-н шуғулланади. Булоқ ва артезиан қудуқларидан сув ичади. Ўрта мактаб, ферма, машина-трактор парки бор.

ЧАКАНА БАҲО — аҳолига ва б. истеъмолчиларга товарларни сотиш ва хизмат кўрсатиш баҳоси. Социализмда Ч. б. талабга планли таъсир этиб, товар ишлаб чиқаришни рағбатлантиради, меҳнаткашларнинг реал даромадлари даражасини ошириш омилларидан бири ҳисобланади (қ. *Аҳоли даромадлари*).

СССРда давлат йўли б-н қатъий белгиланган баҳода истеъмол товарлари сотилади ва хизматлар кўрсатилади. Қ. х. маҳсулотларининг бир қисми колхоз бозоридаги *талаб ва таклиф*лар асосида белгиланган баҳода ва матлубот кооперация ишлаб чиқарувчилар б-н тузган шартномада белгиланган *комиссион савдо* баҳосида сотилади. Давлат Ч. б. си товарларни ишлаб чиқариш ва сотишга сарфланган ижтимоий-зарур меҳнатга қараб белгиланади.

Ч. б. нинг умумий даражасини ва унинг ўзгаришларини СССР Министрлар Совети белгилайди. Янги хил товарлар ва хизматлар баҳосини давлат баҳо белгилаш ташкилотлари қўяди: озиқ-овқат ҳисобланмайдиган асосий товарларга барча мамлакат учун ягона баҳо, асосий озиқ-овқат маҳсулотларига, шунингдек мебель, ойна, бензин ва ўрмон материалларига минтақалар бўйича табақалашган баҳо қўйилади (қ. *Нархни дифференциялаш*). Айрим товарлар ва хизматларга баҳо белгилайдиган республика ташкилотлари ва маҳаллий ташкилотлар Ч. б. қўяди. Эскириб ва кўпроқ туриб қолган истеъмол моллари арзон баҳо б-н сотилади. Ч. б. *прейскурант*да белгиланади.

Совет давлатининг Ч. б. сиёсати социалистик экономикани тараққий эттириш ва меҳнаткашлар турмуш даражасини кўтаришга қаратилган. 1947—54 йилларда халқ истеъмол товарларининг Ч. б. си йил сайин камайган. Кейинги йилларда Совет давлати давлат Ч. б. си даражасининг барқарорлик сиёсатини планли амалга оширмоқда.

Хорижий социалистик мамлакатларда Ч. б. нинг шаклланиши ва динамикасида умумий қонуниятлар б-н бир қаторда баҳони ташкил этиш ва планлаштириш методологиясининг ўзига хос хусусиятлари мавжуд.

Капитализмда Ч. б. бозор конъюнктурасининг ўзгариши, талаб ва таклиф нисбати таъсирида стихияли тебраниб туради.

ЧАКАНА САВДО — ички *савдо*нинг таркибий қисми, шахсий истеъмол предметлари муомаласининг сўнгги фазаси; бунда аҳоли қўлидаги пулга товарлар сотилади ва хизмат кўрсатилади. Социалистик мамлакатларда Ч. с. меҳнаткашларнинг ишдан ташқари вақтларидан рационал фойдаланишларига имкон беради.

СССРда Ч. с. нинг асосий социал турлари давлат савдоси ва кооператив савдодир. Ч. с. системасига колхоз савдоси ҳам киради. Ч. с. ни шаҳарларда, асосан, СССР ва иттифоқчи республикалар Савдо министрликларининг махсус давлат савдо ташкилотлари, қишлоқда матлубот кооперацияси амалга оширади.

Аҳоли закази бўйича савдо уюштириш, товарларни кредитга сотиш, кўчма савдо ва б. савдо турлари кенг тарқалган. Савдонинг прогрессив усул ва шакллари, ўз-ўзига хизмат қилиш ва б. юқори унумли савдо жиҳозларидан фойдаланилмоқда, бошқаришнинг замонавий метод ва воситалари қўлланилмоқда.

1975 йилда СССР давлат ва кооператив савдосида чакана товар оборoти (умумий овқатланиш муассасалари б-н бирга) 210,4 млрд. сўмни ташкил этди; УзССР давлат ва кооператив савдосида эса шу йили бу рақам 7242,4 млн. сўмдан иборат бўлди.

Хорижий социалистик мамлакатларда Ч. с. нинг шаклланиши ва динамикасида умумий принциплар б-н бирга ўзига хос хусусиятлар ҳам бор. ГДР, ВХР, БХР ва б. бир қанча мамлакатларда давлат универмаглари ва кооператив савдода йирик корхоналар бирлашмалари тузилди.

Тараққий этган капиталистик мамлакатларда Ч. с. ни йирик хусусий фирмалар, ўрта ва майда савдогарлар олиб боради.

ЧАКАНДА, облепиха (Hippophae rhamnoides L.) — жийдадошлар (жийдагуллилар оиласи) га мансуб икки уйли дарахт. Бўйи 6 *м* гача. Баргларининг устки қисми кул ранг, остки қисми эса кумушсимон. Гуллари майда, сарғиш, баҳорда барг чиқариши б-н гуллайди. Меваси тухумсимон ёки думалоқ шаклда, сентябрда пишиб етилади, таъми таҳирроқ, совуқ таъсирида анча маза киради. Ч. жуда серҳосил, меваси ғуж ва қизғиш, ўсимликда узоқ сақланади. Ч. СССР Европа қисмининг ғарбий ва жанубий р-нларида, Сибирь, Кавказ, Жанубий Қозоғистон, Монголия, Хитой, Эрон ва Афғонистонда тарқалган. Узбекистонда дарё соҳиллари ва тўқайларда ўсади.

Меваси витамин ва фойдали моддаларга бой. Ундан настойка, мураббо, турли ичимликлар тайёрланади ва доривор Ч. ёғи (облепиховое масло) олинади. Ч. ёғидан битиши қийин бўлган яраларга, куйган ва совуқ урган теришларга, меъда яраларига шифо бўладиган дорилар тайёрланади. Барги таркибида витамин С ва ошловчи моддалар бор.

Ад.: Облепиха в культуре, [Сборник], Барнаул, 1970.

ЧАКҚА — Самарқанд обл. Самарқанд р-ни Чкалов қ. С. даги қишлоқ. Р-нинг ғарбида, Энгельс номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан



Чаканда.



Чаковский А. Б.

22 *км*, яқин т. й. станцияси — Самарқанд (26 *км*). Аҳолиси 732 киши (1976); сабзавотчилик, боғдорчилик, пиллачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Машина-трактор парки, боғдорчилик ва полиз меваларини қабул қилиш пункти, паррандачилик фермаси, саккиз йиллик мактаб бор.

ЧАККАКУЛИ — Хоразм обл. Урганч р-ни Чаккашоликор қ. С. даги қишлоқ. Р-нининг шимолида, Қалинин номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 5 *км*, яқин т. й. станцияси — Урганч (9 *км*). Аҳолиси 1214 киши (1976); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик, шоликорлик, сабзавотчилик, боғдорчилик б-н шуғулланади. Шовот канали орқали Амударёдан сув ичади. Сут-товар фермаси, машина-трактор парки, устахона, ўрта мактаб, кутубхона, клуб бор.

ЧАККАЧАНОҚ — Хоразм обл. Ҳазорасп р-ни Юқори Мухаман қ. С. даги қишлоқ. Р-нининг шимоли-шарқида, Карл Маркс номли к-знинг марказий қўрғони. Р-н марказидан 5 *км*, яқин т. й. станцияси — Ҳазорасп (7 *км*). Аҳолиси 841 киши (1976); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик, шоликорлик, сабзавотчилик, боғдорчилик б-н шуғулланади. К-з правлениеси идораси, гараж, устахона, омбор, ўрта мактаб, клуб, кутубхона, медпункт, болалар боғчаси бор.

ЧАККИ — қатиқли таом тури. *Сузма*га туз, туйилган мурч ёки қалампир, кўк пиёз, кашнич ва шивит (укроп) майда қилиб аралаштирилади. Кўнгил айниганда, иштаҳа бўғилганда, таом ҳазм бўлмаганда истеъмол қилинади.

ЧАКМОН — эркакларнинг миллий уст кийими. Астарсиз, тўн ёқали, олди очиқ, узун бўлади. Мовут ва қалин жун матодан тикилади. Қадимда ёқа, енг учларига турли рангдаги безакли ироқи гулдор тикилган хиллари ҳам бўлган. Асосан, чопон устидан кийилади. Ч. тикилган матонинг тури, ранги, сифатига қараб турлича номланган. Мас., сақарлот Ч. (олий навли майин жун матодан), малла Ч. (малла рангли жун ва ипли матодан), мовут Ч. (мовутдан), пиёзи Ч. (туя жунидан майин қилиб тўқилган матодан) ва ҳ. к.

ЧАКОВСКИЙ Александр Борисович [1913. 13 (26). 8, Петербург] — рус совет ёзувчиси, жамоат арбоби. 1941 йилдан КПСС аъзоси. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони (1973). М. Горький номидаги Адабиёт ин-тини тугатган (1938). Илк бадиий асари — трилогияси («Бу Ленинградда бўлган эди», 1944: «Лида», 1945; «Тинчлик даври», 1947) Улуғ Ватан уруши йилларида ленинградликларнинг немис-фашист босқинчиларига қарши олиб борган қаҳрамонона курашига бағишланган. «Бизда тонг отганди» романи (1949; СССР Давлат мукофоти, 1950) урушдан кейинги йилларда жанубий Сахалинда бўлган социалистик ўзгаришлар ҳақида ҳикоя қилади. «Умрнинг бир йили» (1956), «Биз танлаган йўллар» (1960) романлари ва «Олис юлдуз шуъласи» қиссаси (1962) да маънавий-ахлоқий масалалар акс этган. Беш китобдан иборат «Қамал» романи (1968—75; Ленин мукофоти, 1978) да Ленинград учун бўлган жангларнинг кенг манзараси чизилган. Асарда бу жангларнинг урушнинг умумий йўналишида тутган ўрни ва совет жангчиларининг душманга нисбатан сиёсий-ахлоқий устунлиги кўрсатилган. Ч. бир қанча публицистик мақолалар ҳам ёзган. Айрим асарлари ўзбек тилига таржима қилинган. «Иностранная литература» журнали (1955—63) ва «Литературная газета» (1962 йилдан) нинг бош муҳаррири. СССР Ёзувчилар союзи Правлениеси секретари (1962 йилдан). КПСС МК аъзолигига кандидат (1971 йилдан). 7—9-чақириқ СССР Олий Совети депутати. 2 марта Ленин ордени, Октябрь Революцияси ва б. 2 та орден ҳамда медаллар б-н мукофотланган.

Ас.: Собр. соч., в 6 томах, т. 1—6, М., 1974—77; Олис юлдуз шуъласи, Т., 1967; Қамал, 1—4-китоблар, Т., 1971—76.

Ад.: Озеров В., Новый человек в центре внимания, «Вопр. лит-ры», 1960, № 12; Хмара В., Традиции плодотворные, традиции обязывающие «Лит. обозрение», 1975, № 7; Гуральник У., Правда истории, правда искусства, «Новый мир», 1976, № 3.

ЧАКСА — Урта Осиёда қадимдан ишлатилиб келган оғирлик (вазн) ўлчов бирлиги. Турли жойда турлича вазнни билдирган. Хўжанд атрофларида қарийб 1 *кг*, Наманганда 5,3 *кг*, Қўқон атрофларида 4,6 *кг* ёки 5,1 *кг* бир Ч. хисобланган.

ЧАК-ЧАК — хамирдан тайёрланадиган ширинлик тури. Ч.-ч. учун тухумнинг сариғи тоғорачага солиниб, аталанади ва туз солиб, хамир қорилади; унга бир ош қошиғида ароқ ёки коньяк солиш ҳам мумкин. Хамир бир неча минут ўраб, тиндирилгач, ўқлов б-н 2 *мм* қалинликда ёйилади. Ёймадан эни 2—3 *см* ли тасмалар кесиб олиниб, ундан гугурт чўпига ўхшаган угралар кесилади. Сўнгра угралар қизиб турган ёғга оз-оздан солиб, қовуриб олинади. Бошқа бир идишга асал солиб оловга қўйилади ва эриб суюлгач, шакар қўшиб эритилади. Тайёр угра асалга (совимасдан) аралаштирилади. Сўнгра ёғланган чуқур ликопчаларга солиб, қўл б-н босилади. Тайёр Ч.-ч. совигач, ейиш учун шаклли бўлакларга кесилади.

ЧАЛА МАЙМУНЛАР (Prosimii) — *приматлар* туркумининг кенжа туркуми. 6 оиласи бор: *тупайялар* (буларни баъзи зоологлар ҳашаротхўрларга киритишади), лемурлар, индрилар, қўлоёқлилар (*ай-ай*), *лорисимонлар* ва арвоҳ маймунлар. 26 уруққа бирлашган 50 тури маълум. Танаси 13—70 *см*, оғирлиги 60 *г* (сичқонсимон лемур)—2 *кг* (мушук лемур) гача. Кўпчилигининг думи узун, баъзиларида йўқ. Мўйнаси қалин, ёркин тусда. Олдинги оёқлари орқа оёқларидан қисқа. Кўп турларида тишлар 36 (тупайяда 38, арвоҳ маймунда 34) та. Африканинг тропик қисмида, Мадагаскар, Осиёда ва Малайя архипелаги оролларида тарқалган. Асосан, дарахтларда яшайди. 1—3 бола туғади. Талайгина турларининг (айниқса, Мадагаскарда) сони камаймоқда.

ЧАЛА МЕТАМОРФОЗЛИ ҲАШАРОТЛАР — тараққиёти уч босқич (тухум, *личинка* ва етук форма ёки *имаго*)да кечадиган ҳашаротлар. Бундай ривожланиш личинкаси б-н етук формасининг яшаш муҳити ўхшаш бўлган ҳашаротлар (мас., қандалалар, сувараклар, бит, ниначи ва б.)га хос.

ЧАЛА ТУҒИЛГАН БОЛА — *ҳомиладорлик* даври тўла тугамай туғилган бола. Вазни 1000 *г* дан 2500 *г* гача, бўйи 37 *см* дан 46 *см* гача. Ч. т. б. она қорнидаги каби ҳолатда (умуртқа поғонаси букик, қўл-оёқлари қорнига ёпишиб) ётади. Боши танасига нисбатан каттароқ, калла суяги чоклари, лиқилдоғи кенг, қўл-оёқлари узун, тирноқлари калта, териси бужмайиб туради. Танаси тук б-н қопланган, киндик ҳалқаси қорин пастида жойлашган. Ч. т. б. нинг тери ости ёғ қавати ва мушаклари анча заиф. Нафас олиши тез ва нотекис,

юзаки, *пульси* секин, эмаётганда бир оз кучаяди. Эмиш рефлекси (баъзиларида ютиш рефлекси ҳам) суст ёки умуман бўлмайди. Қиз болада жинсий тешик очиқ, ўғил болада ёрғоқ бўш, тухумлар *чов канали* ёки корин бўшлиғида жойлашган бўлиши мумкин. Ч. т. марказий нерв системасининг яхши ривожланмаганлиги *терморегуляция*нинг номукаммаллигига, нафас марказларининг камчиликларига ва мимик мушакларнинг тортишиб туриши (бужмаяверши) га сабаб бўлади.

Ч. т. б. вазни туғилгандан сўнг 130 *г* дан 200 *г* гача камаяди (дастлабки вазн камайиши), 12—20 кунлик бўлганда тиклана боради. Бир йил давомида вазнининг жуда тез орта бориши Ч. т. б. нинг характерли хусусиятларидан. Ч. т. б. 2,5—3 ойлик бўлганида туғилгандагига нисбатан вазни 2 марта, 4—6 ойда 3 марта, 1 ёшга тўлгунча 4—6 марта ортади. Бўйи (1 ёшгача) 24—29 *см* гача узаяди. 3 ёшга етганда Ч. т. б. вазн ва бўй жиҳатидан нормал туғилган, жисмонан ривожланган болалар вазнига яқинлашади. Ч. т. б. нерв-психикаси, ҳаракатининг шаклланиши, нутқи ва ҳ. к. нормал туғилган боланикига нисбатан кечроқ ривожланади.

Ч. т. б. организмида физиологик жараёнлар тез сусайиши туфайли дастлабки 2 ой давомида болани т-ра, ёруғлик, товуш ва б. таъсиротлардан сақлайдиган режим тутиш, *асептика* ва *антисептика* қоидаларига қатъий риоя қилиш зарур. 1500—1700 *г* гача вазнда туғилган бола махсус стационар шароитида боқилади. Туғилгандан кейинги кунларда бола суткасига 10—12 марта, кейинчалик 7 мартагача эмизилади. Туғилгандан кейинги куни бола вазнининг 1 *кг* га 30 *кал* дан 60 *кал* гача (1 *кал*—4,19 *дж*), 7—8-кунда 70—80 *кал* ва 10—14-кунда 100—120 *кал* овқат қабул қилиши керак. 1 ойлик бўлганида овқат калорияси Ч. т. б. вазнининг ҳар 1 *кг* га нисбатан 135—140 *кал* га етиши (яъни вазнининг 1 *кг* га 200 *г* дан сут эмизиши) зарур.

Вазни 1200—1300 *г* дан ҳам кам туғилган бола дастлабки 1,5—2 ҳафта давомида зонд орқали эмизилади, чунки эмиш жараёнида бола организми кўп энергия сарфлайди. Баъзан, болани пипетка ёрдамида эмизилади. Агар Ч. т. б. кислород палатка, кувезларда парвариш қилинаётган бўлса, эмизишдан аввал ва кейин болага кислород б-н нафас олдирилади. Ч. т. б. вазни 1700 *г* га етгандагина кўкрак (она) сути эмизилади. Ч. т. б. га поливитаминлар буюрилади. Ҳўл мева ва сабзавотлар шарбатлари боланинг 2 ойлигидан бошлаб (2 ойликда 2—3 томчидан, 3 ойлигида 15—20 *г*, 6 ойлигида 50—60 *г*) берилади.

Ад.: Бакшеев Н. С., Клинические лекции по акушерству, М., 1972.

ЧАЛА ТУҒИШ — *ҳомиладорлик* муддати тугамай (ҳомиладорликнинг 28 ҳафтасидан 36 ҳафтасигача) туғиш. Бунда ҳомила вақтдан аввал, чала туғилади (қ. *Чала туғилган бола*). Ч. т. турли маълумотларга кўра 2% дан 5—6% гача. Эркак уруғидаги нуқсонлар, тухум хужайранинг тўла ривожланмаганлиги, ирсий омиллар, эр-хотининг яқин қариндош бўлиши, плацетанинг бачадонга нотўғри бирикиб қолиши, ҳомиланинг тескари ётиши, аёл нерв ва эндокрин системасининг бузилиши (мас., тухумдонлар, қалқонсимон без фаолиятининг бузилиши, диабет), *ҳомиладорлик токсикозлари*, *аборт*, камқонлик, ўткир ва хроник юқумли касалликлар (мас., бруцеллёз, токсоплазмоз, грипп, ангина, вирусли гепатит ва б.), шунингдек ички жинсий аъзоларнинг турли сабаблар б-н яллигланиши, уларда ўсма пайдо бўлиши, аёл таносил аъзосининг етарли ривожланмаганлиги (инфантилизм) ва б. Ч. т. га сабаб бўлади. Буйрак, жигар, юрак-томир, нерв касалликлари б-н оғриган аёлларда ҳам Ч. т. кузатилади.

Даво Ч. т. га сабаб бўлган асосий касалликка қараб белгиланади. Аёл ҳомиладорликка қадар ҳамда ҳомиладорлик даврида даволанади. Олдини олиш учун Ч. т. сабабларини ўз вақтида аниқлаш ва уни даволаш чора-тадбирларини кўриш керак.

Ад.: Константинов В. И., Недонашивание и перенашивание беременности, «Многотомное руководство по акушерству и гинекологии» китобида, т. 3, кн. 1, М., 1964.

ЧАЛА ХОРДАЛИЛАР (Hemichordata) — иккиламчи оғизлилар группасига мансуб денгиз умуртқасиз ҳайвонларининг типи. Илгари *хордалилар* кенжа типи ҳисобланган. Ч. х. нинг танаси уч қисм: хартум, ёқа ва танадан иборат бўлиб, хордалилардан фарқ қилади. Ч. х. га ҳозирда яшаётган *ичакдан нафас олувчилар*, *қанотсимон жабралилар* ва қазилма — граптолитлар киради.


ЧАЛАБУТА — танасининг фақат пастки қисми ёғочланиб, қолган юқори қисмлари қишда қуриб қоладиган кўп йиллик ўсимликлар. Ана шу хусусияти б-н *бута* ва бутачалардан фарқланади. Усимликнинг бу шакли *арид ўлкалар*да ўсишга кўпроқ мослашган. Мас., бутатерскен, чўл ва даштларда ўсувчи *шувоқ*нинг баъзи турлари, *шўра* ва б. Бўйи ўртача 80 *см*; 150—200 *см* лиси ҳам учрайди. Ч. кўп йиллик ўтлардан куртак чиқарадиган шохларнинг ер устидан бир неча *см* юқорида ўрнашганлиги б-н фарқланади.

ЧАЛАТИШЛИЛАР, оз тишлилар (Edentata) — сут эмизувчиларнинг бир туркуми. 14 уруққа мансуб 30 тури бор. Жанубий, Марказий Америкада ва Шимолий Американинг жанубида тарқалган. Ч. танасининг узунлиги 12 (плашчли зирҳли) — 120 *см* (гигант чумолихўр). Вазни 90 *г* — 55 *кг* (гигант зирҳли). Кўпчилик Ч. гавдаси жун, зирҳлиларники эса бир-бири б-н ҳаракатчан бириккан суякли ёки шохсимон пластинкалар б-н қопланган. Ч. нинг *чумолихўрлар*, *ялқовлар* ва *зирҳлилар* оиласи мавжуд. Кўп тури овланади. Баъзи турлари йўқолиб бораётганлиги сабабли қўриқланмоқда.

ЧАЛАҚОЗОҚ — Тошкент обл. Тошкент р-ни Юнусобод қ. С. даги қишлоқ. Карл Маркс номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 10 *км*, яқин т. й. станцияси — Тошкент (1 *км*). Аҳолиси 1087 киши (1977); сабзавотчилик б-н шуғулланади. Захариқ каналидан сув ичади.

ЧАЛИШ — Хоразм область Урганч районидаги шаҳар посёлкаси. Амударё соҳилида, Урганч шаҳридан 7 *км*. Посёлка ўртасидан Октябрь арна канали ўтади. Аҳолиси 3100 киши (1977).

1929 йилгача бу ерда Қўполиқ пристани бўлган. 1929 йил баҳорида Амударё тошиб, пристанни ювиб кетган. Кейинчалик бу ерда яна пристань қурилиб, Чалиш деб аталадиган бўлди ва Амударё пароходчилиги сув йўлини назорат қилувчи техника участкаси ва б. ташкилотлар ишлай бошлади. 1940 йилда посёлкада боғдорчилик-узумчилик с-зи барпо этилди. 1969 йил 13 мартда Амударё яна тошиб, по-



Чалов: *а* — тўпгули.

селкани босиб кетди. Шундан кейин Ч. да тошқинга қарши курашадиган қурилиш ташкилоти тузилди. Ҳозир Ч. да тошқинга қарши дамбалар, янги типдаги турар жой бинолари, мактаб, клуб ва б. жамоатчилик бинолари қурилди. Урта мактаб болалар боғча ва яслиси, пионерлар лагери, клуб, кутубхона, 2 кино-установка, медпунктлар, ошхона, маиший хизмат кўрсатиш пунктлари ишлаб турибди.

ЧАЛОБ — қатиқ ёки сузмадан тайёрланадиган суюқ ичимлик. Тайёрлаш усули: қатиқ қайнатилади ва бунга туз ҳамда қизил қалампир қўшилиб, совитилган сув б-н аталанади. Сўнгра бодринг, редиска, кўк пиёз, кашнич, укроп, райҳон ва б. ларни майда тўғраб, қатиқли сувга солиб аралаштирилади. Тайёр Ч. истеъмолдан олдин совитилади ёки муз солинади. Ч. ёзнинг иссиқ кунларида чанқоқни яхши босади.

ЧАЛОВ (Stipa) — ғалладошлар (ғаллагуллилар оиласи) га мансуб кўп йиллик, баъзан бир йиллик ўсимликлар туркуми. Барглари камбар узун, чизиқсимон, қилтиқли. Бошоқлари бир гулли. 300 тури маълум. Асосан, мўътадил, субтропик ва тропик минтақаларда тарқалган. Кўпчилик турлари чўл, дашт, прериялар, ўт ўсимликлар қопламининг асосий компоненти ҳисобланади. Шағалли ва тошлоқ ерларда ҳам ўсади. СССРда 80 тури бўлиб, улар СССР Европа қисмининг ўрта ва жанубий областларида, Кавказда, Ўрта Осиё ва Сибирнинг жанубида учрайди. Ч. майса ҳолатида моллар учун яхши озуқа ҳисобланади. Баъзи турлари қоғоз саноати учун хом ашё.

ЧАЛОНҚУЛ — Хоразм обл. Хива р-ни Комсомол қ. С. даги қишлоқ. Огаҳий номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 8 *км*, яқин т. й. станцияси — Урганч (35 *км*). Аҳолиси 549 киши (1976); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик, шоликорлик, сабзавотчилик, боғдорчилик б-н шуғулланади. Полвонёп канали орқали Амударёдан сув ичади. К-з фермаси, машина-трактор парки, омбор, бошланғич мактаб бор.

ЧАЛПАК — хамирдан тайёрланадиган таом. Кўпчиган хамирдан 50—60 *г* ли зувалачалар олиб, қалинлиги 3—4 *мм* қилиб ёйилади. Ёймаларнинг бетига дастурхон ёпиб, 10—15 мин. олиб қўйилади. Қозонда ёғни доғлаб, ҳар икки томони қизартириб пиширилади.

ЧАЛҚАР — ҚозССР Актюбинск областидаги шаҳар. Актюбинскдан 363 *км* жануби-шарқда. Т. й. станцияси. 1928 йилдан шаҳар. Мой з-ди, т. й. транспорти корхоналари бор.

ЧАЛҚАР — ҚозССРдаги бир неча кўлларнинг номи. Энг йириклари: 1) Ч. (Чархал), Актюбинск областида, Уральск ш. дан 65 *км* жанубда. Майдони 190 *км*^{2}, узунлиги 18,6 *км*, кенглиги 14 *км*, чуқурлиги 13,5 *м*. Суви шўрроқ (ёзда шўр). Шолаканкат ва Исенанкат дарёлари ва ер ости сувларидан тўйинади. Баъзан, Солянка дарёси орқали Урал дарёсига қуйилади. Балиқ овланади; 2) Ч. (Шалкар) Кўкчатов областидаги оқмас кўл. Кўкчатов ш. дан ғарбда. Майдони 40 *км*^{2}, чуқурлиги 17 *м*. Суви шўрроқ.

ЧАЛҚАРТЕНГИЗ — ҚозССР Актюбинск областидаги шўрхок. Орол денгизининг шимолий-шарқидаги ботиқда. Майдони 1800 *км*^{2}, узунлиги 74 *км*, чуқурлиги 3 *м*. Қирғоқлари паст, ётиқ, қумлоқ жинслардан тузилган. Туби текис, балчиқ б-н қопланган. Баҳорда Ч. га Иргиз ва Тўрғай дарёлари қуйилади ва аччиқшўр кўлга айланади.

ЧАМАН — Фарғона обл. Қува р-ни Куйбишев қ. С. даги қишлоқ. Охунбобоев номли к-з терр-ясида. Р-н маркази ва яқин т. й. станцияси — Федченко (2,7 *км*). Аҳолиси 538 киши (1976); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Жанубий Фарғона каналидан сув ичади. Сут-товар фермаси бор.

ЧАМАНДАГУЛ (Verbena hybrida Hort) — тизимгулдошлар (тизимгуллилар оиласи)га мансуб бир йиллик ва кўп йиллик манзарали ўсимлик. Ч. нинг тупи ёйиқ, шохлари ғуж. Бўйи 60—70 *см*. Барглари қарама-қарши жойлашган, чўзиқ-тухумсимон. Новдалари сал кўтарилиб ўсади. Майда найчасимон ранг-баранг гуллари қалқонсимон тўпгулга йиғилган. Гуллаши узоқ давом этади, гуллари то совуқ тушгунча очилиб туради. Эрта баҳорда уруғи парникка сепилади, кейин очиқ ерга кўчат қилиб экилади. Ватани — Перу, Бразилия, СССР нинг субтропик р-ларида экилади. Узбекистон гулчилигида кенг тарқалган.

ЧАМБАЛ — Ҳиндистондаги дарё. Жамна дарёсининг ўнг ирмоғи. Узунлиги 830 *км* га яқин. Декан ясси тоғлигидаги Виндҳья тоғидан бошланиб, қуйи қисмида Ҳинд-Ганг текислигидан оқиб ўтади. Муссон режимли; ёзда тўлиб оқади, ёмғирдан тўйинади. Максимал сув сарфи 20 минг *м*^{3}/*сек*. Суғоришда фойдаланилади. Сув омбори, ГЭСлар қурилган. Суви кўпайганда баъзи қисмида кема қатнайди. Ч. бўйида Кота ш. жойлашган.

ЧАМБИЛ, Чамбилбел, Чандибел, Чамбули мастон (халқ поэтик ижодида) — афсонавий юрт номи. Халқ афсоналарида Арманистон, Грузия, Озарбайжон, Туркманистон, Узбекистон терр-яларида бўлган дейилади. «Гўрўғлининг туғилиши» достони (1967) да баён қилинишича, тоғнинг пастида бир шаҳар (қўрғон) — Чамбил пайдо бўлади. «Гўрўғли» туркумидаги достонларнинг деярли ҳаммасида Гўрўғли, Ҳасанхон, Авазхон ва б. қаҳрамонлар тимсолида Ч. нинг дахлсизлиги, аҳолисининг тинч ва осойишта, эркин ҳаёти куйланади. Ч. «Гўрўғли» номи б-н боғлиқ 40 дан ортиқ достонни катта туркумга бирлаштириб турувчи уч асосий нуқтанинг (Гўрўғли — Ғирот — Чамбил) бири ҳисобланади. Ч. географик ном сифатида ҳам айрим туркий тилларда учрайди. Қашқадарё, Сурхондарё областлари терр-ясида ҳам Ч. деган жойлар бор.

Лд.: Жирмунский В. М., Зарифов Х., Узбекский народный героический эпос, М.—Л., 1947; Саидов М., Узбек достончилигида бадиий маҳорат, Т., 1969

«ЧАМБИЛ ҚАМАЛИ» — «Гўрўғли» туркумидаги достон. *Пўлкан*дан ёзиб олинган. Достонда тасвирланишича, Гўрўғли Ҳасанхонни ўғил қилиб олиб келиш мақсадида Ваянгоига кетади. Бундан хабардор бўлган Ширвон шоҳи Райҳон араб Чамбилга қўшин тортади. Юнус пари б-н Мисқол пари Чамбил хотин-қизларини мамлакат мудофаасига отлантиради. Жанг пайтида Гўрўғли ҳам йигитлари б-н етиб келиб, Чамбилни душман ҳужумидан ҳимоя қилади. Достон мамлакат мудофаасида хотин-қизлар муҳим роль ўйнаганлигини кўрсатиш б-н характерлидир. Асарда душманга нисбатан нафрат, ватан ва халқ олдидаги бурчни шараф б-н адо этиш ғоялари улуғланади.

ЧАНА — РСФСР Новосибирск обл. даги оқмас кўл. Бараба даштида жойлашган. Майдони 1990 *км*^{2}. Уртача чуқурлиги 2,2 *м* (энг чуқур жойи 9 *м*). Қирғоқлари нотекис. Ороллари кўп. Асосан, қордан тўйинади. Сув сатҳи 3 *м* атрофида тебраниб туради. Октябрь-ноябрда музлаб, майда муздан бўшайди. Маҳаллий кемачилик ривожланган. Балиқ овланади.

ЧАНА — ғилдираксиз арава. Ғилдираклар ўрнида сирпанувчан юза бўлади. Асосан, шимол халқларида тарқалган. Усти очиқ, ёпиқ (кажавали), соябонли ва б. хиллари бор. Уни от, буғу, итлар тортиб юради.

Қадимда Ч. шимолдагина эмас, балки жанубий мамлакатларда ҳам машҳур бўлган. Қадимги Миср, Русь ва б. мамлакатларда Ч. дафн маросимларида қўлланилган. 17- аср охирларида Россияда подшо ва унинг амалдорлари ёз кунларида ҳам тантанали юришларга Ч. да чиқишган, чунки Ч. да юриш обрўли ҳисобланган. Узоқ Шимол ва Жанубий Сибирдаги баъзи йўлсиз жойларда ёз ойлари ҳам Ч. арава ўрнини босган. Ҳозир Ч. қишда қор кўп ёғадиган мамлакатларда (қишлоқ жойларда) ишлатилади. Ундан спорт мақсадларида, *аэрочана*дан эса халқ хўжалигининг турли соҳаларида фойдаланилади.

ЧАНАШИҚ — Хоразм обл. Хива р-ни Узбекистон қ. С. даги қишлоқ. Ленин номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 8 *км*, яқин т. й. станцияси — Урганч (23 *км*). Аҳолиси 1573 киши (1976); пахтачилик, чорвачилик, пиллачилик, шоликорлик, токчилик б-н шуғулланади. Полвонёп каналидан сув ичади. Урта мактаб, кутубхона, клуб, медпункт бор.

ЧАНАШИҚЛАР — Хоразм обл. Хива р-ни Узбекистон қ. С. даги қишлоқ. Ленин номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 14 *км*, яқин т. й. станцияси — Урганч (44 *км*). Аҳолиси 1623 киши (1976); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик, шоликорлик, полизчилик, боғдорчилик б-н шуғулланади. Полвонёп каналидан сув ичади. Урта мактаб, кутубхона, клуб, болалар боғчаси, медпункт, машина-трактор парки, ремонт устахонаси бор.


ЧАНГ — 1) *арфа*нинг ўтмишда қўлланилган тури. Ўрта Осиё ва б. айрим Шарқ халқлари ўртасида тарқалган. Унинг сақланиб қолган энг қадимий тасвири мил. ав. 3 мингинчи йилларга мансуб; бурчакли тури ҳозирги Узбекистон ва Тожикистон терр-ясида тахм. 17- асрларгача ишлатилган. Грузияларда чанги, абхазларда аюме, ажарларда дуадастанон ва ҳ. к. деб ҳам юритилади.

2) Кўп торли урма соз. Унинг *сантур* деб номланувчи тури, ривоятларга кўра, Ўрта Осиёда биринчи мартa *Дарвишали Чангий* чалган бўлса керак.

Узбекистонда кенг ишлатиладиган ҳозирги Ч. тузилиши қутисимон трапеция шаклида, товушқатор асосини 14 сим тор ташкил этади. Булардан 13 тасининг ҳар бири учтадан (учланган), фақат битта энг йўғон тори яккадир. Торларнинг умумий сони 40 тага етади. Улар 2 харак воситасида 2 группага бўлинади: ўнг харак устидан ўтказилган симлари 1 тадан, чап харак устидан ўтказилганлари 2 тадан овоз чиқаради. Таёқчалар б-н уриб чалинади. Умумий диапазони катта октавадаги ля-бемолдан иккинчи октавадаги ми-бемолгача. Чалинадиган куй хусусиятлари ёки ансамблдаги пуфлама чолғу асбоблар созига мослаб Ч. сози ўзгартирилади.

Ч. жарангдор тембрга эга бўлиб, унинг динамик имкониятлари кенг; жуда секин овоз (пианиссимо)дан кучли овоз (форте)гача таъсирчан садо беради. Ч. да турли ижрочилик услублари — таёқчаларни чолғу торларига кетма-кет тез-тез уриш воситасида ҳосил қилинадиган тремоло б-н бирга, пиццикатога ўхшатиб (яъни таёқчалар б-н тирнаб) чалиш ва стаккато (торларни таёқчалар б-н уриб узиб-узиб товуш чиқариш) кабилар кенг қўлланилади. Ч., асосан, якканавоз соз, ансамбллар составида жўриавоз соз сифатида ҳам ишлатилади. Кўпчилик халқларда Ч. турлича номланади ва улар муайян фарқларига эга. Совет халқларидаги Ч. (цимбала ва б.)нинг такомиллаштирилган турлари бир-бирига яқин. Улар, асосан, тўла хроматик товушқатор ва педаллар (яъни торларнинг садоланишини керакли вақтда бўғадиган мослама) б-н таъминланганлиги жиҳатидан анъанавий турларидан фарқланади. Ч. нинг Ч.- тенор, Ч.- бас каби турлари ҳам яратилган.

3) Тилчали чолғу асбоби (қ. *Чангқобуз*).




Чана турлари.

ЧАНГ, тўзон — газ муҳитида муаллақ ҳолатда турувчи ва майда, қаттиқ зарралардан ташкил топган дисперс система, аэрозолнинг бир тури. Ч. турли катталик, шакл ва таркибдаги алоҳида зарралар ёки уларнинг тўпламидир. Одатда, Ч. қаттиқ жисмларни *дисперслаш* натижасида ҳосил бўлиб, 10^{-7}—10^{-4} *м* катталикдаги зарраларни ўз ичига олади. Улар зарядланган ёки нейтрал бўлиши мумкин. Ч. концентрацияси (чангланганлик) газ (ҳаво) нинг ҳажм бирлигидаги зарралар сони ёки уларнинг умумий массаси б-н ифодаланади. Ч. турғун эмас: унинг зарралари *броун ҳаракати* давомида ёки чўкиш натижасида бирлашади.


Тоғ жинсларининг шамол таъсирида емирилиши, вулкан портлаши, ўт ёниши, денгиз сувининг буғланиб атмосферага кўтарилиши, шудгорланган ерларнинг шамол таъсирида эрозияланиши, одамнинг ишлаб чиқаришдаги фаолияти туфайли ҳавода Ч. зарралари доимо мавжуд бўлади. Ҳавода, шунингдек, космик ва биологик табиатга эга бўлган қаттиқ зарралар мавжуд, мас., ўсимликларнинг гул чанги, споралар, микроорганизмлар. Ч. бошқа турдаги аэрозоллар сингари ёруғликнинг атмосферада сочилиши ва ютилишини оширади, унинг иссиқлик режимига таъсир этади.

Саноатда, мас., қуруқ қаттиқ жинсларни парчалаш ва майдалашда, фойдали қазилмаларни қазиб олишда, сочилувчан материалларни қайта ишлаш ва ташишда зарарли Ч. лар ҳосил бўлади. Металлургия, кимё ва тўқимачилик саноати, қурилиш ва қ. х. нинг баъзи бир тармоқлари, кўпчилик транспорт воситалари Ч. нинг доимий манбаи ҳисобланади. Ч. саноат ускуналарига катта зарар етказади, ишлаб чиқарилган маҳсулот сифатини пасайтиради, меҳнат гигиенасини ёмонлаштиради. Ёнувчи ва тез оксидланадиган моддалар чанги, мас., кўмир, ёғоч, алюминий ва б. Ч.ининг портлаш ва ёниш хавфи бор. Ч. дисперслиги ва концентрацияси қанча катта бўлса, ёнғин чиқиш ва портлаш эҳтимоли шунча кўп бўлади.

Ишлаб чиқаришда Ч. ҳосил бўлишига қарши кураш ва чанг тутиш — техника ва санитария-гигиенанинг муҳим проблемаси. Саноатда турли типдаги чангтутгичлар ва мураккаб системали газ тозалагичлар кенг қўлланилади. Ч. тутиш, айниқса, атрофдаги муҳитни муҳофаза қилиш, шаҳар ва саноат марказларида атмосферани ифлосланишдан сақлаш учун зарур (яна қ. *Газ тозалаш*). Гигиенада Ч. нинг кимёвий таркиби ва концентрацияси, ҳажми (мас., чанг зарралари қанча майда



Чанг.



Оддий чангакоёқ.

бўлса, ўпкада шунча чуқур жойлашади ва узоқ туради), формаси ва структураси, эрувчанлиги, электр заряди, радиоактивлиги (қ. *Радиоактив аэрозоллар*)нинг аҳамияти бор. Ч. одам организмига бевосита ва билвосита таъсир кўрсатади. Ч. нинг бевосита таъсири кўпинча бронхлар, ўпка тўқималари, шиллиқ қаватлар, тери ва б. атрофик, гипертрофик, йирингли, яра касалликлари (бурун девори яраси, *бронхит, пневмосклероз, конъюнктивит* ва ҳ. к.) га сабаб бўлади. Упкага ўтирадиган Ч. дан узоқ вақт нафас олинса, *пневмокониозлар* пайдо бўлади. Қўрғошинли, мишьякли, марганецли ва б. Ч. одамни заҳарлайди. Табиий ва сунъий органик Ч. лар (дон ва гул чанги, баъзи дарахтлар ҳиди, урсол) аллергик касалликлар, шунингдек, *бронхиал астма*ни келтириб чиқаради. *Актиномикозлар, қуйдирги, сил, дифтерия, аскаридоз* ва б. юқумли касалликларни қўзғатувчи вируслар Ч. б-н бирга тарқалиши мумкин. Радиоактив Ч. радиациядан зарарланишга олиб келади. Ч. нинг организмга билвосита таъсири шундан иборатки, атмосферада Ч. кўпайиб кетганда қуёш спектри ва радиацияси интенсивлиги ўзгаради.

Корхоналарда касалликлар профилактикаси ходимларни медицина кўригидан ўтказиш, атмосферада бўлиши мумкин бўлган Ч. миқдори нормативларига амал қилиш каби чоратадбирларни қамрайди. Ҳаво фильтрлари б-н бирга қўлланиладиган вентиляциялар корхона ва турар жойларни Ч. дан тозалашнинг самарали усулларидан. Серчанг, вентиляцияси бўлмаган корхоналарда индивидуал ҳимоя воситалари (мас., респираторлар, пневмокостюмлар ва б.) дан фойдаланилади. Касалликлар олдини олишнинг биологик усулида организм ультрабинафша нурлар б-н нурлантирилади, ишқорли ингаляция қўлланилади, ходимлар махсус овқатлантирилади.

Ад.: Фетт В., Атмосферная пыль., Пер. с нем., М., 1961; Алексеева М. В., Определение атмосферных загрязнений, М., 1963; Навроцкий В. Н., Гигиена труда, 2 изд., М. 1974.

ЧАНГ — Фарғона обл. Ленинград р-ни Куйбишев қ. С. даги қишлоқ. «Комсомол» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 17,5 *км*, яқин т. й. станцияси — Қўқон (25,5 *км*). Аҳолиси 862 киши (1976); пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Катта Фарғона каналидан сув чиқади. Саккиз йиллик мактаб, болалар яслиси бор.

ЧАНГ ДОНАЧАЛАРИ, чанг зарралари (*палинология*да) — уруғли ўсимликларнинг эркак жинсий бўғини. Микроспорадан ривожланади. Ч. д. уруғкуртак камерасига (яланғоч уруғлиларда) ёки уруғчи тумшуқчасига (ёпиқ уруғлиларда) тушиб, чанглангандан кейин уларнинг ривожланиши тугайди. Ч. д. нинг 2 та ташқи (экзина) ва ички (интина) пардалари бор. Яланғоч уруғлиларда Ч. д. чанглангунча бир нечта тирик ҳужайралардан, шу жумладан вегетатив ва генератив ҳужайралардан иборат бўлади. Булардан биринчиси чанг камерасида чанг найчаси (*гаустор*)ни, иккинчиси эса *уруғланиш*да қатнашадиган иккита эркак жинсий ҳужайра — гаметаларни ҳосил қилади.

Қўпчилик уруғли ўсимликларнинг чанг донаси битта бўлади (монадалар), баъзи ёпиқ уруғлиларда 2 тадан (диадалар, мас., шейхцерияда), 4 тадан (тетрадалар, кўпчилик вереск-гуллилар, баъзи орхисгуллиларда), 8—12—16—32 тадан (полиадалар, мимозадошларда) қўшилиб ўсади.

Ч. д. нинг шакли, ҳажми, айниқса ҳужайрасининг тузилиши турлича бўлса-да, бир турга мансуб ўсимликларда доимо бир хилдадир. Шунинг учун Ч. д. ни ўрганиш ўсимликлар систематикаси (палинология) учун катта аҳамиятга эга.

ЧАНГ ТУТҚИЧ — ҳаво (газ) оқимидаги чанг ёки бошқа механик аралашмаларни тутиб қоладиган қурилма. Чангни ажратишдаги физик эффектив ва конструктив белгиларига қараб қуйидаги хилларга бўлинади: гравитацион Ч. т. лар (асосан, чанг ўтирадиган камералар); қуруқ (мас., *циклон*) ва ҳўл (суюқлиқли) типдаги инерцион Ч. т. лар; ғовак материалли диффузион-конденсацион Ч. т. лар; электр Ч. т. лар; ультратовушли Ч. т. лар ва б. Вентиляция системалари ва саноатнинг газ тозалаш қурилмаларида кўплаб қўлланилади.

ЧАНГАКОЁҚЛИЛАР, пичан ўрарлар, узуноёқлилар (Opiliones ёки Phalangida) — ўргимчаксимонлар синфига мансуб бўғим оёқли ҳайвонлар туркуми. 2400 дан ортиқ тури маълум. Шундан 72 тури СССРда учрайди. Танасининг узунлиги 1—22 *мм*. Бошкўкракка бириккан бўғимли қорни б-н ўргимчаклардан фарқ қилади. Оёқлари узун, ингичка, тез узилади. Узилган оёғи тортишиб, тебраниб туради (пичан ўришни эслатади). Ч. трахея б-н нафас олади. Ўрмон ҳамда боғлардаги барг қатламлари орасида, дарахт пўстлоқлари тагида, уйларда ва б. жойларда яшайди. Тунда актив. Ҳашаротлар б-н овқатланади.

ЧАНГАЛ — Жиззах обл. Бахмал р-ни Гулбулоқ қ. С. даги қишлоқ. «Гулбулоқ» с-зи терр-ясида. Р-н марказидан 22 *км*, яқин т. й. станцияси — Булунғур (22 *км*). Аҳолиси 585 киши (1975); токчилик, сабзавотчилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Туятортар каналидан сув ичади.

ЧАНГАЛ — Самарқанд обл. Булунғур р-ни Навоий қ. С. даги қишлоқ. Алишер Навоий номли с-з терр-ясида. Р-н марказидан 30 *км*, яқин т. й. станцияси — Красногвардейск (30 *км*). Аҳолиси 720 киши (1976); боғдорчилик б-н шуғулланади. Зарафшон дарёсидан сув ичади. С-з идораси, ўрта мактаб, кутубхона, медпункт бор.

ЧАНГАЛБАРМОҚЛИЛАР — қ. *Гекконлар.*

ЧАНГАЛЛИ ҚАЛАЙ КОНИ — Ғарбий Ўзбекистонда, Зирабулоқнинг шимолий қисмида жойлашган кон (Самарқанд обл.). Бу кон грейзен ва касситерит-кварц формациясига мансуб. Конда қумтош, сланец, оз миқдорда конгломерат ва юқори силур даврига оид оҳактошлар бор. Бу тоғ жинсларини юқори палеозой гранитоидлари ёриб чиққан. Интрузив тоғ жинсларидан биотит-гранит порфирлар ва гранодиоритлар, дайкали аплитлар, лейкократ гранитлар, бир оз аплит ва пегматитлар, меланократлар группасидан лампрофирлар мавжуд.

Ч. қ. к. юқори силур қатламларида ҳосил бўлган синклинал ва антиклинал букилмалар, шимоли-шарқий йўналишдаги дизъюнктив ёриқлар б-н боғлиқ. Интрузив тоғ жинсларидаги ёриқлардан кўтарилган ҳар хил эритмалар таъсирида шу ёриқлар ён-беридаги жинслар грейзенланади, хлоритланади, серицитланади ва сульфидланади. Бу ўзгаришлар натижасида кварц-мусковитли, кварц-серицитли ва қалайга бой грейзенли жинслар ҳосил бўлади. Минералланиш зонасидаги кварц томирларининг қалинлиги 5—20 *см*, узунлиги 10—20 *м* дан 50 *м* гача. Ўзгарган тоғ жинслари орасида кварц сульфид томирлари кўп руда ҳосил қилади. Касситерит оддий кўз б-н аниқ кўринмайди, асосан микроскоп остида ёки шлихлар орқали аниқланади. Касситеритдан ташқари пирит, пирротин, арсенопирит каби 80 дан ортиқ минерал аниқланган.

ЧАНГАЛЛИЕП — ҚҚАССР Амударё р-ни Максим Горький овул Советидаги қишлоқ. Максим Горький номли с-з терр-ясида. Р-н марказидан 18 *км*, яқин т. й. станцияси — Тошҳовуз (51 *км*). Аҳолиси 726 киши (1976); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик, боғдорчилик, сабзавотчилик б-н шуғулланади. Қиличниёзбой каналидан сув ичади. Саккиз йиллик мактаб, к-з фермаси, ремонт устахонаси бор.

ЧАНГАЯК — Сурхондарё обл. Жарқўрғон р-ни Жарқўрғон қ. С. даги қишлоқ. Охунбобоев номли к-з терр-ясида. Р-н маркази ва яқин т. й. станцияси — Жарқўрғон (20 *км*). Аҳолиси 903 киши (1977); пахтачилик, чорвачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Қакайди ариғидан сув ичади. Саккиз йиллик мактаб, медпункт бор.

ЧАНГДОН — чангчи (оталик)нинг асосий қисми. Унда *микроспоралар* ҳосил бўлади. Кейинчалик улардан *чанг доначалари* шаклланади.

ЧАНГИ — Тошкент обл. Коммунистик р-ни Чангихисорак қ. С. даги қишлоқ. Энгельс номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 17 *км*, яқин т. й. станцияси — Тошкент (52 *км*). Аҳолиси 3794 киши (1977); ғаллачилик, пиллачилик, чорвачилик, боғдорчилик б-н шуғулланади. Паркентсойдан сув ичади. Ўрта мактаб, медпункт, кутубхона, маиший хизмат кўрсатиш пункти, пионерлар лагери бор.

ЧАНГИТМА — Наманган обл. Норин р-ни Норинкапа қ. С. даги қишлоқ. «Октябрь» к-зи терр-ясида. Р-н маркази ва яқин т. й. станцияси — Ҳаққулобод (21 *км*). Аҳолиси 2344 киши (1976); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик, сабзавотчилик, полизчилик б-н шуғулланади. Норин дарёсидан сув ичади. Медпункт, болалар яслиси бор.

ЧАНГЛАГИЧ — экинларни касаллик ва зараркунандалардан ҳимоя қилиш мақсадида кукун ҳолидаги *пестицидлар* б-н *чанглаш* учун ишлатиладиган машина ёки аппарат. Иш шароитига қараб, тракторга ўрнатиладиган ва *елкага осиб ишлатиладиган чанглагич*дан фойдаланилади. Тракторга ўрнатиладиган Ч. токзор, боғ ва дала экинлари, ўрмон дарахтлари, пахтазорларни чанглашда ишлатилади (расмга қ.). Иш органи тракторнинг қувват олиш валидан ҳаракатланади. Қамраш кенглиги: токзорда 2—4 қатор, дала экинларини чанглашда 10—100 *м*. Иш унуми соатига 3,5—5 дан 30—64 *га* гача. Ч. ларнинг ишлаш принципи: кукун бункердан қориштирувчи камерага ўтади, сўнг кердан қориштирувчи камерага ўтади, сўнг вентилятор шамоли ёрдамида чанглатувчи қурилма орқали ташқарига чиқади ва экинларга сепилади.

Ғўзалар ОВХ-14 пуркагич машинасига ўрнатилган ОПХ-14 чанглагич мосламаси ёрдамида чангланади. Мосламанинг қамраш кенглиги 60 *см* ли қатор ораларида 20—24, 90 *см* лида эса 12—16 қатор. Иш унуми соатига 7,2 *га* гача. Асосий узеллари: бункер, қабул қилувчи труба, вентилятор ва чангловчи учлик ўрнатилган труба. Уни тракторчи бошқаради.


ЧАНГЛАНИШ — ўсимликларнинг чангланиши — гул чангининг чангдондан уруғчи тумшуқчасига (*яланғоч уруғлиларда*) ёки уруғкуртакка (*ёпиқ уруғлиларда*) тушиши. Ўсимлик чанглангандан сўнг гул чангидан чанг найчаси ривожланиб, у эркак жинсий ҳужайралар — спермияларни уруғ куртакда жойлашган *тухумҳужайра*га етказади ва шу ерда уруғланиб, ундан муртак ривожланади. Епиқ уруғли ўсимликлар четдан ва ўзидан чангланади. Четдан Ч. да гулчанг бир гулдан шу тупдаги иккинчи гулнинг уруғчи тумшуқчасига (гейтоногамия) ёки бошқа тупдаги гулга (ксеногамия) тушади. Ўзидан Ч. (*автогамия*)да эса чангчидаги гулчанглар шу гулнинг уруғчи тумшуқчасига ўтади. Қўпчилик ўсимлик турлари ўзидан чангланади.

Эволюция жараёнида ўсимликларда Ч. б-н боғлиқ кўпгина хусусиятлар пайдо бўлган. Шу хусусиятларга гулларнинг икки жинслилиги, ва, айниқса, ўсимликларнинг икки уйлилиги, икки жинсли гулларда кўпинча чангдон ва уруғчиларнинг тенг етилмаслиги (*дихогамия*) мисол бўла олади. Бунда чангдон уруғчига нисбатан тезроқ етилади (*протандрия*), уруғчи эса камдан-кам ҳолларда олдинроқ етилади (*протогиния*). Баъзи ўсимликларнинг ҳар хил гулларидаги уруғчи ва чангчиларининг узунлиги турлича (*гетеростилия*) бўлади. Четдан чангланувчи кўпчилик ўсимликлар ўз-ўзидан чанглана олмайди. Четдан Ч. ҳайвонлар (зоофилия), шамол (*анемофилия*) ва сув (*гидрофилия*) воситасида амалга ошади. Гулли ўсимликларнинг кўпчилиги ҳашаротлар (*энтомофилия*), айримлари қушлар (орнитофилия) орқали чангланади. Ҳашаротлар гулга ширасини ёки чанги учун қўнади. Зоофил ўсимликларнинг гул чанги одатда, йирик, усти нотекис (ёпишқоқ) бўлиб, ҳайвонлар танасига илашиб қолади. Бундай ўсимликларнинг гуллари кўпинча ялтироқ, ўткир ҳидли бўлиб, ҳайвонларга гулни топишга ёрдам беради. Баъзи ўсимликларни фақат маълум ҳашаротлар чанглайди. Очиқ ерларда ўсувчи ўсимликлар ва кўпчилик дарахтлар шамол воситасида чангланади. Гидрофил ўсимликлар анча кам бўлиб, уларнинг чангдонлари сув остида очилади ва гул чанглари сувга тушиб, сув орқали уруғчи тумшуқчасига ўтади ва шу орқали чангланади.


Ад.: Дарвин Ч., Действие перекрестного опыления и самоопыления в растительном мире. Пер. с англ., М.—Л., 1939; Тахтаджян А. Л., Основы эволюционной морфологии покрытосеменных. Л., 1964; Первухина Н. В., Проблемы морфологии и биологии цветка. Л., 1970.

ЧАНГЛАШ — экин ва дарахтлар зараркунандалари, касалликлари ҳамда бегона ўтларга қарши курашиш учун кукун ҳолидаги пестицидларни *чанглагич*лар ёрдамида сепиш. Препаратлар яхши сочиладиган, ишланаётган юзага бир текисда тушадиган ва шамолда кам тўзғийдиган бўлиши керак. Ч. ишлари эрталаб ҳамда кечқурун, фақат ҳаво салқин вақтларда кундузи ўтказилади. Ч. муддатлари ўсимлик зараркунандалари ва касаллик қўзғатувчиларининг биологик хусусиятларига, шунингдек, об-ҳаво шароитига қараб белгиланади. Ҳар *га* ерга 10—50 (кўпинча 15—25) *кг* дуст ҳолидаги пестицидлар сарфланади. Ч. нинг бирдан-бир камчилиги ҳавони заҳарлашидадир.

ЧАНГЛИ — Хоразм обл. Қўшкўпир р-ни Газовот қ. С. даги қишлоқ. Р-нининг шимолишарқида, А. Қурбонов номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 18 *км*, яқин т. й. станцияси — Урганч (45 *км*). Аҳолиси 964 киши (1976);



Чанглагич.




Тракторга ўрнатиладиган универсал чанглагич схемаси: *1* — бункер; *2* — вентилятор; *3* — чанглагич учлиги қиялик бурчагини ўзгартиради-ган гидроцилиндр; *4* — редуктор; *5* — карданли узатма; ВОМ — қувват олиш вали.



Сариқ елка чангхўр.



Егоч чанг қобуз.



Темир чангқобуз.

пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик, шоликорлик, сабзавотчилик, боғдорчилик б-н шуғулланади. Ғазовот канали орқали Амударёдан сув ичади. Машина-трактор парки, устахона, ферма, саккиз йиллик мактаб, кутубхона бор.

ЧАНГЛИТЕПА — Тошкент обл. Ўрта Чирчиқ р-ни Киров қ. С. даги қишлоқ. Киров номли с-з терр-ясида. Р-н марказидан 13 *км*, яқин т. й. станцияси — Киров (2 *км*). Аҳолиси 1024 киши (1977); пахтачилик б-н шуғулланади. 7-коллектордан сув ичади. Ўрта мактаб, касалхона, Тошкент Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари ин-тининг ўқув-тажриба станцияси бор.

ЧАНГТЕПА — Тошкент обл. Ўрта Чирчиқ р-ни Киров қ. С. даги қишлоқ. Киров номли с-з терр-ясида. Р-н марказидан 18 *км*, яқин т. й. станцияси — Киров (4 *км*). Аҳолиси 766 киши (1977); пахтачилик б-н шуғулланади. Қорасув каналидан сув ичади. Ўрта мактаб филиали бор.

ЧАНГХЎРЛАР (Alleculidae) — қўнғизларнинг бир оиласи. 1300 га яқин тури маълум. Гавдаси 5—25 *мм*, қора, қўнғир ёки сариқ. Ер юзида, айниқса, жанубий мамлакатларда кўп тарқалган. СССРда 100 га яқин тури учрайди. Қўнғизи баргни, гул чангдонини (номи шундан) тешиб, личинкаси эса чириган дарахт ёки тупроқда яшаб, ўсимлик қолдиқлари б-н озиқланади. Баъзи Ч. (мас., доғистон чангхўри) қ. х. ўсимликлари майсаси ҳамда уруғини еб, зарар келтиради.

ЧАНГЧИ, ч а н г ч и л а р — уруғли ўсимликларнинг чанг доначалари тўплами. Ч. озиқ моддалар (қанд, ёғ, минерал тузлар, оқсил)га бой бўлиб, улар чанг доначаларининг ўсиши учун сарфланади. Ч. таркибида уруғланиш жараёни учун зарур ферментлар, каротиноидлар, витаминлар ва б. биологик актив моддалар бор. Ч. нинг яшаш хусусияти, ҳар хил ўсимлик турларида турличадир. Мас., пиёзгулнинг Ч. си 60—65, жўхорининки 2 сутка давомида ҳам яшаш қобилиятини йўқотмайди. Шунинг учун ҳам сунъий чанглантиришда Ч. ни сақлашнинг турли хил усуллари ишлаб чиқилган.

ЧАНГЧИ ТУДА — ўсимлик гулидаги чангчилар йиғиндиси (қ. *Андроцей*).

ЧАНГҚОБУЗ, ч а н г — тилчали чолғу асбоби. Жаҳон халқларида турли номда тарқалган. Пластинкасимон ва чангаксимон турлари бор. Суяк, ёғоч, қамиш, ғаров, металл (темир, мис, *биринж*, кумуш)дан ясалади. Ч. чап қўл б-н тишларга яқин ушлаб ёки босиб туриб, тилчаси (турига қараб) унга боғланган ип ёрдамида тортиб ёки ўнг қўл бармоқлари б-н тирнаб, баъзан кичик таёқчалар б-н уриб чалинади. Ундан маълум баландликдаги доимий бир овоз (бурдон) ва шу овоз обертонларидан оғиз артикуляцияси ёрдамида муайян оҳанглар чиқарилади. Бунда оғиз табиий резонатор ролини ўйнайди. Овозининг пастлиги, диапазонининг торлиги (кварта-квинта ҳажмида) туфайли Ч. да репертуари оддий, кичик куйлар чалинади. Ўтмишда ўзбекларда суяк Ч. ва темир Ч. бўлиб, асосан, хотин-қизлар чалган; кўпчилик халқлардаги каби, ҳозир темир Ч. ишлатилади. Қирғизларда темир Ч. эстрада ижрочилигида кенг ўрин олган.

ЧАНДИГАРҲ — Ҳиндистоннинг шимоли-ғарбий қисмидаги шаҳар, Ҳимолай тоғлари этагида. Майдони 100 *км*². Аҳолиси 257 минг киши (1971). Т. й. станцияси. Панжоб ва Харияна штатлари ҳамда Чандигарх иттифоқдош территориясининг умумий пойтахти. Ч. юқоридаги штатлар таркибига кирмайди. Маъмурий, савдо ва маданий марказ. Ч. 1951—56 йилларда Ш. Э. Ле Корбюзье бошчилигидаги чет эл архитекторлари лойиҳаси бўйича қурилган. Кўчалари тўғри, бинолари замонавий; Европа ва ҳинд архитектура услублари биргаликда қўлланилган. Машинасозлик, металлсозлик, озиқ-овқат ва б. саноат корхоналари, ун-т бор.

ЧАНДИР — Бухоро обл. Свердлов р-ни Қорали қ. С.даги қишлоқ. «Узбекистон» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 23 *км*, яқин т. й. станцияси — Шаҳрислом (31 *км*). Аҳолиси 539 киши (1976); пахтачилик, чорвачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Жўйзар каналидан сув ичади. Саккиз йиллик мактаб, ферма бор.

ЧАНДИР — Бухоро обл. Шофиркон р-ни Чандир қ. С. даги қишлоқ. «Узбекистон» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 9 *км*, яқин т. й. станцияси — Қизилтепа (41 *км*). Аҳолиси 1150 киши (1976); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Урта мактаб, кутубхона, клуб, дорихона, пахта қабул қилиш пункти, пилла қабул қилиш пункти, к-з қорамолчилик фермаси, машина-трактор парки бор.

ЧАНДИР — Бухоро обл. Қоракўл р-ни Охунбобоев қ. С. даги қишлоқ. «Коммунизм» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 10 *км*, яқин т. й. станцияси — Қоракўл (16 *км*). Аҳолиси 964 киши (1976); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Аму-Қоракўл каналидан сув ичади. Саккиз йиллик мактаб, медпункт, ремонт устахонаси бор.

ЧАНДИР — Самарқанд обл. Пайариқ р-ни Ойтамғали қ. С. даги қишлоқ. Ленин номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 16 *км*, яқин т. й. станцияси — Самарқанд (52 *км*). Аҳолиси 702 киши (1976); пахтачилик б-н шуғулланади. Пайариқ каналидан сув ичади.

ЧАНДИР — Хоразм обл. Урганч р-ни Чандиркиёт қ. С. даги қишлоқ. «Пахтакор» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 11 *км*, яқин т. й. станцияси — Урганч (7 *км*). Аҳолиси 845 киши (1976); пахтачилик, сабзавотчилик, пиллачилик, чорвачилик, шоликорлик, боғдорчилик б-н шуғулланади. Шовот канали орқали Амударёдан сув ичади. К-з парниги, парранидачилик фермаси, омбор, устахона, саккиз йиллик мактаб, кутубхона бор.

ЧАНДИР — қабила. 8—9-асрларда Ч. лар Сирдарёнинг ўрта ва қуйи оқимида, Орол денгизининг жанубидаги чўлларда яшовчи *ўғузлар* таркибида бўлганлар. Кейинчалик Ч. ларнинг бир қисми Мовароуннаҳрга ўтиб, ўзбеклар таркибида, иккинчи қисми эса ҳозирги Туркманистон терр-ясига ўтиб, туркманлар б-н аралаш яшаганлар. Октябрь рев-ясига қадар Ч. лар Қоракўл воҳасида (1000 киши), Қарши чўли (ҳозирги Ульянов р-ни)даги Чандир қишлоғида (600 киши). Амударёнинг ўрта оқими (Чоржўй ш.нинг шимоли)да (2700 киши) ва Ўрта Осиёнинг бошқа жойларида яшаганлар. Айрим гуруҳлари ўғузлар таркибида Озарбайжонда ҳам ўрнашиб қолганлар.

19-аср охири ва 20-аср бошларида Ч. ларнинг айрим гуруҳлари ярим ўтроқликда ҳаёт кечириб, асосан чорвачилик б-н шуғулланганлар, қолганлари эса қишлоқларда яшаб деҳқончилик қилганлар. Совет ҳокимияти даврида маҳаллий халқлар таркибига сингиб кетдилар.

ЧАНДИР — Қашқадарё обл. Ульянов р-ни Жўйнов қ. С. даги қишлоқ. Ульянов номли с-з терр-ясида. Р-н марказидан 22 *км*, яқин т. й. станцияси — Қосон (42 *км*). Аҳолиси 2943 киши (1974); пахтачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Қодиробод каналининг Чандир тармоғидан сув ичади. Қасалхона, дорихона, ўрта мактаб, болалар боғчаси, ремонт устахонаси, клуб, кутубхона, сут-товар фермаси, маиший хизмат кўрсатиш пунктлари, алоқа бўлими бор.

ЧАНДИРНОВ — Самарқанд обл. Пастдарғом р-ни Санчиқўл қ. С. даги қишлоқ. «Москва» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 12 *км*, яқин т. й. станцияси — Жума (12 *км*). Аҳолиси 1331 киши (1971); пахтачилик, пиллачилик, боғдорчилик б-н шуғулланади. Эски Ангор каналидан сув ичади. Ўрта мактаб, медпункт бор.

ЧАНДИРҚИЁТ — Хоразм обл. Урганч р-ни Чандирқиёт қ. С. даги қишлоқ. «Пахтакор» к-зининг марказий қўрғони. Р-ннинг жанубишарқида. Р-н марказидан 13 *км*, яқин т. й. станцияси — Урганч (9 *км*). Аҳолиси 1859 киши (1976); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик, шоликорлик, сабзавотчилик, боғдорчилик б-н шуғулланади. Шовот канали орқали Амударёдан сув ичади. Қ. С. ва к-з правленияси идоралари, устахона, гараж, омбор, меҳмонхона, медпункт, ўрта мактаб, клуб, кутубхона, болалар боғчаси бор.

ЧАНДИҚ — организмдаги жароҳат ёки яра ўрнида ҳосил бўлган бириктирувчи тўқима. Қирралари текис кесилган жароҳатлар ўз вақтида дорилар б-н тозалаб турилса, силлиқ битади, баъзан чизиққа ўхшаш нозик Ч. ҳосил бўлади. Катта жароҳатларнинг йиринглаши ва *грануляция* ҳосил қилиб битиши б-н атрофдаги тўқималарга қўшилиб кетадиган Ч. вужудга келади. Тери юзасидан кўтарилган чандиқли тўқима к е л о и д Ч. дейилади. Баъзан қўл-оёқ бўғимларининг атрофи ва бўйнининг қуйган ёки узоқ битадиган яралари (нотўғри даволаш натижасида) ўрнидаги Ч. шу органнинг нормал ҳаракатланишига халал беради. Меъда ва ўн икки бармоқли ичак ярасининг (қ. *Яра касаллиги*) чандиқланиши кўпинча уларнинг деформацияси, меъданинг чиқиш қисми — пилорусининг торайиб қолишига сабаб бўлади.

ЧАНДРА Ромеш (1919. 30. 3, Лайлпур) — Ҳиндистонда ишчилар ҳаракати арбоби, Жаҳон тинчлик тарафдорлари ҳаракатининг раҳбарларидан бири, журналист. Лоҳур ва Кембридж ун-тларини тугатган. 1934—41 йиллари Лоҳурда Студентлар союзи раиси. 1939 йилдан Ҳиндистон Коммунистик партияси (ҲКП) аъзоси. 1952 йилдан ҲКП МК аъзоси, 1958 йилдан ҲКП Миллий кенгаши ва Марказий ижроия комитети аъзоси. 1963—67 йиллари ҲКП Миллий кенгаш Марказий секретариати аъзоси. 1963—66 йиллари ҲКП марказий органи «Нью эйдж» газетаси редактори. 1952—63 йиллари Бутун Ҳиндистон тинчлик кенгаши бош секретари. 1953 йилдан Жаҳон Тинчлик Кенгаши аъзоси, 1966 йилдан эса унинг бош секретари ва Жаҳон Тинчлик Кенгаши Президиуми аъзоси, 1977 йилдан президенти. «Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун» Халқаро Ленин мукофоти лауреати (1968). Халқлар Дўстлиги ордени, Ф. Жолио-Кюри номидаги Тинчлик олтин медали б-н мукофотланган.

ЧАНДРАСЕКАР Субрахманьян (1910. 19. 10, Лоҳур, Ҳиндистон) — америка физиги ва астрофизиги. Мадрас ун-тини тамомлаган (1930), Кембридж ун-тида философия доктори унвонини олган (1933). 1937 йилдан Иерк обсерваториясида ишлаган ва Чикаго ун-тида проф. (1942). 1953 йилдан АҚШ граждани.

Илмий ишлари юлдузларнинг ички тузилишини, юлдузлар атмосферасини ва уларнинг динамикасини текширишга, шунингдек математик физика масалаларига оид. Оқ митти юлдузлар назариясини ривожлантирган, юлдузларнинг массаси ва радиуси орасидаги муносабатни аниқлаган. Гидродинамик ва гидромагнит турғунлик проблемалари бўйича ишлаган. Лондон Қироллик жамияти (1944), Америка Фан ва санъат академияси, АҚШ Миллий ФА аъзоси.

Ас.: Стохастические проблемы в физике и астрономии, М., 1947; Принципы звёздной динамики, М., 1948; Введение в учение о строении звёзд, М., 1950; Перенос лучистой энергии, М., 1953; Эллипсоидальные фигуры равновесия, М., 1973.



Чанишев Е. Ж.


ЧАНИШЕВ Еқуб Жонгирович (1892, Уфа губерняси, Стерлитомоқ уезднинг Тўқаев қишлоғи) — совет ҳарбий арбоби, генерал-лейтенант (1943). 1917 йилдан КПСС аъзоси. 1913 йилдан Армия сафида. Қозон Уқитувчилар институтини (1912), прапоршчиклар мактабини (1917), Олий ҳарбий академик курсини (1923), М. Ф. Фрунзе номидаги Ҳарбий академияни (1934) тугатган. Қизил Армия қисмлари сафида оқ чехлар ва атаман Дутовга қарши жангларда (1918), Алоҳида Волга бўйи татар ўқчи бригадаси составида Колчак армиясига қарши юришларда (1919), батарея ва дивизион командири сифатида Оренбург оқ казакларига қарши курашда, 2-Туркистон ўқчи дивизияси 4-бригадаси комиссари сифатида Фарғона босмачилари ва Бухоро амирлигини тугатишда қатнашган (1919—23). 1-дивизия (1925—32), 3-Тоғ ўқчи дивизияси (1934—40) командири, Улуғ Ватан урушида 1- ва 2-Белоруссия фронтларида дивизия ва корпус командири, Шимоли-Ғарбий фронтда 68-армия қўмондонининг ўринбосари сифатида жанг қилган. Урушдан сўнг К. Е. Ворошилов номидаги Генштаб академиясида курс бошлиғи (1946—57). 1957 йилдан запасда. Ч. Бутуниттифоқ МИК аъзоси (1926—34), Андижон ш. нинг Фахрий граждани (1969). 2 марта Ленин ордени, 4 та Қизил Байроқ, 1-даража Кутузов, 2-даража Суворов, Қизил Юлдуз ва ЎзССР нинг Меҳнат Қизил Байроқ ордени, шунингдек кўпгина совет ва чет эл орденлари ҳамда медаллар б-н мукофотланган.

Ас.: 1917 год в Казани, Казань, 1963; Буг в огне, Минск, 1970; Вспоминая былые походы. Казань, 1973.

Ад.: Октябрьская революция и Гражданская война в Туркестане, (Сборник воспоминаний), Т., 1967.

ЧАНКАТ — Фарғона обл. Фрунзе р-ни Ленин қ. С. даги қишлоқ. Калинин номли с-з терр-ясида. Р-н марказидан 10,5 *км*, яқин т. й. станцияси — Қўқон (8,5 *км*). Аҳолиси 635 киши (1976); пахтачилик, чорвачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Қатта Фарғона каналидан сув ичади.

ЧАНОҚ, т о с — *скелет*нинг бир қисми. Ч. сут эмизувчиларда орқа оёқларни, одамда оёқларни танага бирлаштиради. Ч. одамда *умуртқа погонаси* ва *тана*нинг юқори қисми учун таянч вазифасини бажаради; Ч. тоқ суяклар — думғаза ва дум суяклари ҳамда икки жуфт номсиз Ч. суякларидан ҳосил бўлади. Ч. суяклари бир-бирига олдидан қов симфизига ўхшаб, орқадан эса жуфт думғаза-ёнбош бўғим-



Аёл чаноғи: *1* — думғаза; *2* — ёнбош суяк қанотлари; *3* — қуймич косаси; *4* — қуймич бўртиги *5* — қов суяги; *6* — қов бирикмаси; *7* — ёпқич тешик; *8* — катта қуймич кемтиги; *9* — олд ёнбош суягининг юқори қирраси; *10* — ёнбош суягининг уст қирраси. Ўнгдан пастда эркак чаноги қов қисмининг кўндаланг тасвири.

лари кўринишида думғазага бирлашади. Ҳар бир номсиз суяклар (ўсиш даври охирида қўшилиб кетади) ёнбош, қуймич ва қов суякларидан ташкил топади. Уларнинг бирлашиш жойи ташқи томонида қуймич косаси жойлашади.

Ч. тузилишининг жинсий хусусиятлари бор. Аёлларда Ч. эркакларникига нисбатан кенг ва юза. Катта ва кичик Ч. бор. Катта Ч. олдидан қорин олд девори юмшоқ тўқималари б-н, орқадан умуртқа поғонаси, ёндан ёнбош суяк қанотлари б-н, кичик Ч. олдидан қов суяклари, орқадан думғаза ва дум суяги, ёндан қуймич суяги ва юмшоқ тўқималар б-н ўралган. Катта Ч. да қорин бўшлиғи пастки қисмидаги органлар, кичик Ч. да тўғри ичак, қовуқ, эркакларда *простата бези* ва уруғ пуфаклари, аёлларда бачадон ва бачадон ортиқлари ҳамда дилоқ жойлашган. Ч. суякларида орқа томондан орқа ва умуртқа поғонаси мушаклари, олдидан қорин мушаклари бирлашади. Оёқ мушаклари ҳам Ч. дан бошланади. Думбанинг катта мушаги Ч. соҳасидаги энг катта мушаклардан. Ёнбошнинг ички жуфт артериялари Ч. девори ва ундаги ички органларни қон б-н таъминлайди; думғаза нерви чигалларининг шохчалари *иннервация* қилади.

Ч. синиши Ч. нинг хавфли шикастланишларидан ҳисобланади. Ч. чиқиши кам учрайди, лекин болаларда Ч. шикастланиши натижасида бойламлар узилиши, *чаноқ-сон бўғими* чиқиши кўпроқ кузатилади. Туғруқ вақтида баъзан Ч. нинг қов бирикмаси узилиши мумкин. Қуймич косаси синганда, кўпинча сон чиқади. Ч. суяклари синганда ундаги ички органлар — қовуқ ва сийдик чиқариш канали узилади. Ч. касалликларига гематоген *остеомиелит* (бунда, одатда, ёнбош суяги қанотлари ва думғаза зарарланади), *бруцеллёз* ва ревматоид *артрит*да думғаза-ёнбош бўғимининг зарарланиши ва б. киради.

Ад.: Фраучи В. Х., Топографическая анотомия и оперативная хирургия живота и таза, Казань, 1966; Худойбердиев Р., Зоҳидов Ҳ., Аҳмедов Н., Алави Р., Одам анатомияси, [Дарслик], Т., 1975.

ЧАНОҚ — Тошкент обл. Бекобод р-ни Чаноқ қ. С. даги қишлоқ. Ойбек номли с-з терр-ясида. Р-н марказидан 20 *км*, яқин т. й. станцияси — Бекобод (45 *км*). Аҳолиси 1640 киши (1977); пахтачилик б-н шуғулланади. Далварзин каналидан сув ичади. Қ. С. ва с-з идоралари, касалхона, дорихона, ёзги кинотеатр бор.

ЧАНОҚ — Қашқадарё обл. Гузор р-ни Гулшан қ. С. даги қишлоқ. Карл Маркс номли к-з терр-ясида. Р-н маркази ва яқин т. й. станцияси — Гузор (3 *км*). Аҳолиси 688 киши (1974); пахтачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Халқобод каналидан сув ичади. Саккиз йиллик мактаб, медпункт бор.

ЧАНОҚ — ҚҚАССР Амударё р-ни Қипчоқ овул Советидаги қишлоқ. Энгельс номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 9 *км*, яқин т. й. станцияси — Тошҳовуз (43 *км*). Аҳолиси 589 киши (1976); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик, шоликорлик, полизчилик, боғдорчилик б-н шуғулланади. Қипчоқарна каналидан сув ичади. Сут-товар фермаси бор.

ЧАНОҚ-СОН БЎҒИМИ — қуймич косаси (*чаноқ* суяги бўғим чуқурчаси) б-н сон суяги бошчасининг бириккан жойи. Ч.-с. б. ўзаро перпендикуляр уч ўқ атрофида эгилиши ва ёзилиши (130° ҳажмда), яқинлашуви ва узоқлашуви (70° гача), ички ва ташқи томонга айланиши (45° гача) мумкин. Ч.-с. б. ни бўғим халтаси ва бойламлар ўраб туради. Бўғим ичида сон суяги бошчасининг бойлами бўғим чуқурчасига ўтади. Сон ва ёнбош ички артерияларининг шохчалари Ч.-с. б. ни қон б-н таъминлайди; сон, беркитувчи ва қуймич нервлари шохчалари *иннервация* қилади. Ч.-с. б. касалликларидан туғма сон чиқиши, деформацияловчи *артроз*и, яллиғланиши (*коксит*) ва б. учрайди. Ч.-с. б. шикастланганда қуймич косаси, сон суяги бошчаси, сон бўйни синиши ва чиқиши мумкин.

ЧАНОҲ, жаноҳ (араб. جناح — қанот) — Темурийларнинг армияларида қўшин қанотини англатган термин. Ч. га «сағ» (ўнг) ва «сўл» (чап) сўзлари қўшилса, қўшиннинг «ўнг қаноти» ва «сўл қаноти» маъноларини билдирган. Қўшиннинг ўнг ва сўл қанотларини қўриқлаб турувчи махсус ҳарбий бўлинма ҳам Ч. аталган.

ЧАНЧУНЬ — Хитойнинг шимоли-шарқий қисмидаги шаҳар. Итунхэ дарёси бўйида. Цзилинь провинциясининг маъмурий маркази. Аҳолиси 1,5 млн. киши (1970). Йирик т. й. узели. Машинасозлик саноатининг марказларидан (1953—57 йилларда СССР ёрдамида қурилган). Т. й. составлари, тракторлар, қ. х. машиналари, станоклар, тўқимачилик саноати ускуналари, ўлчов асбоблари, киноаппаратура ишлаб чиқарилади. Автомобиль, металлургия з-длари, кимё (минерал ўғитлар, каучук, резина, синтетик тола, пластмасса буюмлари, доридармон), ёғочсозлик, қоғоз, керамика, тўқимачилик, кўн, озиқ-овқат, тамаки корхоналари, Хитой ФА филиали, ун-т бор.

Ч. га 1825 йилда асос солинган. 20-аср бошида Хитой Шарқий т. й. қурилгач, шаҳар тез ўсди. Манжурияни япошлар оккупация қилиб турган даврда (1931—1945) Маньжоу-Го қўғирчоқ давлатининг пойтахти бўлган ва Синьцзин деб аталган. 1945 й. августида Совет Армияси озод қилган. Совет қўшинлари чиқиб кетгач, 1946 йили гоминьданчилар эгаллаган. 1948 й. октябрида Хитой Халқ озодлик армияси гоминьданчиларни Ч. дан ҳайдаб чиқарган.

ЧАНША — Хитойдаги шаҳар, Сянцзян дарёси бўйида. Хунань провинциясининг маъмурий маркази. Аҳолиси 825 минг киши (1970). Транспорт узели. Тўқимачилик (асосан, ип газлама), озиқ-овқат, рангли металлургия, машинасозлик (станоклар, қ. х. қуроллари, приборлар) корхоналари бор. Шоликорлик р-нининг муҳим маркази. Ч. ўрнида мил. ав. 5-асрда ҳам аҳоли пункти бўлган. Шаҳар яқинидан бамбук тахтачаларга ёзилган энг қадимги хитой текстлари топилган.

ЧАНЬЦЗЯН — Хитойдаги *Янцзи* дарёсининг иккинчи номи.

ЧАНҚАШ — одам ва ҳайвон организмида сув танқислиги олдидан юзага келадиган физиологик ҳолат. Организмнинг сувсиз қолиш муддатига, тер, сийдик б-н сув йўқотишга, ейилган овқатдаги ош тузи миқдорига қараб, одам ҳар хил даражада чанқайди. Одам чанқаганда оғзи ва томоғи қурийди. Ч. натижасида организмда жиддий ўзгаришлар рўй бериши мумкин. Бу жараённинг келиб чиқиши марказий нерв системасининг турли қисмлари (*гипоталамус, ретикуляр формация*, катта ярим шарлар пўстлоғи)даги бир қанча нерв ҳужайраларининг рефлектор фаолиятига боғлиқ. Ч. нормал физиологик ҳодиса ҳисобланади, лекин баъзи нерв ва эндокрин касалликларида, сув-туз алмашинуви бузилганда, қонда электролитлар миқдори ўзгарганда, юрак касаллиги туфайли баданга шиш келганда Ч. анчагина зўрайиши мумкин.

Ад.: Кравчинский Б. Д., Физиология водно-солевого обмена жидкостей тела, Л., 1963.

ЧАНҒИ — қорли жойлар, ботқоқ ерлар ва сув юзида таянч майдонини кенгайтириб силжишни осонлаштирувчи мослама. Ч. нинг 2 тури мавжуд; одимловчи ва сирғалувчи. Одимловчи Ч. қор ва ботқоқлик Ч. ларига бўлинади. Сирғалувчи Ч., спорт Ч. си, тоғ Ч. си, туристик Ч., овчилар Ч. си, махсус Ч., ҳарбийлар Ч. си, сув Ч. си каби турларга бўлинади (яна қ. *Чанғи спорти*).

ЧАНҒИ СПОРТИ — қишки спорт турларидан бири. Унга чанғида югуриш, трамплиндан сакраш, қўш кураш (югуриш ва сакраш), тоғдан пастга махсус йўл бўйлаб тушиш (слалом, слалом-гигант ва тезлик б-н тушиш), биатлон (милтиқдан ўқ отиб югуриш) киради.

Биринчи Ч. с. мусобақалари 1767 йилда Норвегияда ўтказилган. Ч. с. ташкилий ва методик жиҳатдан 19-асрнинг охири — 20-аср бошларида шаклланди. Россияда Ч. с. бўйича дастлабки миллий клуб 1895 йили Москвада пайдо бўлди. 1924 йилда Халқаро Ч. с. федерацияси тузилди (1970-йилларнинг 1-ярмида 50 миллий федерацияни бирлаштирди; СССР 1948 йили аъзо бўлган). Ч. с. бўйича энг йирик халқаро мусобақалар қишки олимпиада ўйинлари (1924 йилдан бери ўтказилмоқда), жаҳон чемпионатлари (1929 йилдан бери ўтказилмоқда)дан иборат. СССРда энг йирик мусобақалар мамлакат биринчилиги, СССР халқлари спартакиадаси, СССР кубоги мусобақаларидир. Чанғида югуриш Ч. с. нинг энг оммавий турларидан бири ҳисобланади. Чанғида югуриш бўйича энг кучли спортчилар СССР, Норвегия, Финляндия ва Швециядадир. Олимпиада ўйинларида (1956—76 йилларда) СССР спортчилари 17 олтин, 11 кумуш, 18 бронза медалини қўлга киритдилар.

1976 йили СССРда Ч. с. б-н 4,2 млн. дан ортиқ киши шуғулланган.

ЧАПАЕВ Василий Иванович [1887. 28. 1 (9. 2), Чувашистон АССР Будайки қишлоғи (ҳозирги Чебоксари ш. чегарасида) — 1919. 5. 9, ҚозССР Урал обл. ҳозирги Чапаев ш.] — СССРда граждан урушн қаҳрамони. 1917 йилдан Компартия аъзоси. Камбағал деҳқон оиласида туғилган. Биринчи жаҳон урушн (1914—18) да қатнашган. 1917 йили Николаев шаҳрида 138-запасдаги пиёда аскарлар полкининг командири, 1918 йил январдан Николаев уезди ички ишлар комиссари этиб тайинланган. 1918 йил бошларида Қизил Гвардиячилар отрядини тузиб, Николаев уездидаги бир қанча қулоқ ва эсер қўзғолонларини бостирган. 1918 йил майдан бригада, сўнгра 2-Николаев дивизияси командири. 1918 йил ноябрь — 1919 йил январда Генштаб академиясида, шахсий илтимосига кўра, фронтга жўнатилган ва 4-армиядаги алоҳида Александр-Гайск ўқчи бригадасига командирлик қилган. 1919 йил апрелдан 25-ўқчи дивизия командири сифатида Шарқий фронтнинг Колчак қўшинларига қарши ҳужумида муваффақиятли қатнашган. 25-ўқчи дивизия 11 июлда Ч. раҳбарлигида Уральскни б-н ҳамма патронларни отиб тугатгач, ярадор ҳолида Урал дарёсини кечиб ўтаётганида душман ўқидан ҳалок бўлган. Ч. нинг афсонавий қаҳрамонлиги 25-дивизиянинг ҳарбий комиссари бўлган Д. Н. Фурмановнинг «Чапаев» повестида, «Чапаев» кинофильмида ва б. адабиёт ва санъат асарларида яққол тасвирланган. Қизил Байроқ ордени б-н мукофотланган.



Чапаев В. И.

Ад.: Кутьков И. С., В. И. Чапаев, М., 1958.

ЧАПАЕВ — Сирдарё обл. Гулистон р-ни Қизилобод қ. С. даги қишлоқ. Свердлов номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 15 *км*, яқин т. й. станцияси — Гулистон (18 *км*). Аҳолиси 824 киши (1976); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик, ғаллачилик, боғдорчилик б-н шуғулланади. Киров номли каналдан сув ичади. Саккиз йиллик мактаб, кутубхона, машина-трактор парки бор.

ЧАПАЕВ — Сурхондарё обл. Термиз р-ни Пахтаобод қ. С. даги қишлоқ. «Намуна» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 25 *км*, яқин т. й. станцияси — Термиз (6 *км*). Аҳолиси 600 киши (1977); ингичка толали пахтачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Намуна ариғидан сув ичади.

ЧАПАЕВ — Тошкент обл. Ғалаба р-ни Киров номли қ. С. даги қишлоқ. Киров номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 7 *км*, яқин т. й. станцияси — Чиноз (13 *км*). Аҳолиси 861 киши (1977); канопчилик, пахтачилик б-н шуғулланади. Чирчиқ дарёсидан сув ичади. Ўрта мактаб, медпункт бор.

ЧАПАЕВ — Хоразм обл. Урганч р-ни Четкўпир қ. С. даги қишлоқ. Р-нининг шимоли-ғарбида, «Комсомол» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 14 *км*, яқин т. й. станцияси — Урганч (18 *км*). Аҳолиси 809 киши (1976); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик, шоликорлик, сабзавотчилик, боғдорчилик б-н шуғулланади. Шовот канали орқали Амударёдан сув ичади. Ферма, паррандачилик ф-каси, омбор, т. й. разъезди корпуси, саккиз йиллик мактаб, кутубхона бор.

ЧАПАЕВ — ҚҚАССР Беруний р-ни Озод овул Советидаги қишлоқ. Р-нининг шимоли-ғарбида, «Коммуна» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 12 *км*, яқин т. й. станцияси — Урганч (32 *км*). Аҳолиси 530 киши (1976); пахтачилик, чорвачилик, пиллачилик, ғаллакорлик, сабзавотчилик, боғдорчилик б-н шуғулланади. Шимомён канали орқали Амударёдан сув ичади. Сут-товар фермаси, ремонт устахонаси, саккиз йиллик мактаб бор.

ЧАПАЕВ — ҚҚАССР Тўрткўл р-ни Охунбобоев овул Советидаги қишлоқ. Ильич номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 6 *км*, яқин т. й. станцияси — Урганч (25 *км*). Аҳолиси 529 киши (1976); пахтачилик, чорвачилик, шоликорлик, боғдорчилик, сабзавотчилик б-н шуғулланади. Пахтаарна каналидан сув ичади. Чорвачилик фермаси, омбор, ремонт устахонаси бор.

ЧАПАЕВ — ҚҚАССР Элликқала р-ни Октябрь овул Советидаги қишлоқ. Орженикидзе номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 8 *км*, яқин т. й. станцияси — Урганч (28 *км*). Аҳолиси 561 киши (1976); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик, полизчилик, боғдорчилик б-н шуғулланади. Бўзёп каналидан сув ичади. Саккиз йиллик мактаб, кутубхона, машина-трактор парки, ремонт устахонаси бор.

ЧАПАЕВ — ҚҚАССР Қўнғирот р-ни Чапаев овул Советидаги қишлоқ. Чапаев номли с-зининг




Чаплигин С. А.

марказий қўрғони. Р-н марказидан 39 *км*, яқин т. й. станцияси — Қўнғирот (36 *км*). Аҳолиси 2273 киши (1976); шоликорлик, чорвачилик, сабзавотчилик б-н шуғулланади. Леннинён каналидан сув ичади. Ўрта мактаб, кутубхона, медпункт, машина-трактор парки, гараж, клуб, меҳмонхона, болалар боғчаси бор.

ЧАПАЕВСК (1929 йилгача — Ивашченково) — РСФСР Куйбишев областидаги шаҳар (1927 йилдан). Чапаевка дарёси соҳилида. Т. й. станцияси. Аҳолиси 87 минг киши (1976). Кимёвий ўғитлар, силикат, темир-бетон буюмлар, сут з-длари, гўшт ва озиқ-овқат к-тлари, тикувчилик ф-каси, кимё-технология техникуми бор.

ЧАПАҚ — Сирдарё обл. Ховос р-ни Ховос қ. С. даги қишлоқ. «Ховос» с-зи терр-ясида. Р-н марказидан 38 *км*, яқин т. й. станцияси — Фарҳод (44 *км*). Аҳолиси 657 киши (1976); чорвачилик, йилқичилик, ғаллачилик, боғдорчилик б-н шуғулланади. Артезиан қудуқлари, булоқлардан сув ичади. Сут-товар фермаси, машина-трактор парки, устахона, ўрта мактаб, кутубхона, клуб бор.

ЧАПАНДОЗ (форс-тож. چپ — сўл ва انداز — ташловчи) — ўзбек, тожик ва уйғур халқлари музикасида муайян доира усули; шу усулда ижро этиладиган куй ва ашулалар. Ч. усули $^3/_4$ $^3/_8$ ёки $^3/_8$ $^3/_4$ мураккаб такт ўлчовидадир. Шашмақом ва йирик шаклдаги халқ куй ва ашулаларида Ч. лар, кўпинча, муайян куй ва ашуланинг Ч. усулига туширилган варианти сифатида юзага келган ва асосий куй йўли номи б-н қўшиб аталади; мас., «Чапандози Наво» («Навонинг чапандози»), «Чапандози Ироқ» каби. Ч. усули ва куй йўллари *талқин*лардан деярли фарқ қилмайди. Улар кенг диапазондаги мақом шўъбалари каби тузилган. Композитор ва бастакорлар турли жанрлардаги асарларида Ч. дан кенг фойдаланишган.



Чапандоз.

ЧАПАР (форс-тож. چپر — тўсиқ, тўқима) — сим ёки хивичдан тўқилган қалқонсимон шахсий мудофаа воситаси. Ўрта асрларда Эрон ва Ўрта Осиё хонликлари қўшинларида қўлланилган. Ҳужум вақтида жангчи душман отган ўқ, тош ва б. дан ўзини ҳимоя қилиш учун Ч. дан фойдаланган.

ЧАПАРАШЛИ — Жиззах обл. Зомин р-ни Чорвадор қ. С. даги қишлоқ. «Қизил чорвадор» с-зи терр-ясида. Р-н марказидан 14 *км*, яқин т. й. станцияси — Обручево (5 *км*). Аҳолиси 636 киши (1976); чорвачилик, ғаллачилик, полизчилик, боғдорчилик б-н шуғулланади. Зоминсувдан ва булоқлардан сув ичади. Саккиз йиллик мактаб, устахона бор.

ЧАПЕК Карел (1890. 9. 1, Мале-Сватонёвице — 1938. 25. 12, Прага) — чех ёзувчиси, 20-аср Европадаги танқидий реализм адабиёти намояндаси. Прага ун-тини тугатган (1915). Берлин, Париж ун-тларида ҳам ўқиган. 1915—20 йилларда кутубхоначи, ўқитувчи ва газеталар редакцияларида адабий ходим. 1921—22 йилларда Прага театрида режиссёр, кейинчалик профессионал ёзувчи ва журналист.

Ч. номини, асосан, социал-фантастик характердаги роботлар (робот сўзини Ч. ўйлаб топган) қўзғолонига бағишланган «R. U. R.» (1920), «Макропулоснинг қуроли» (1922) драмалари, «Абсолют фабрикаси» (1922) ва «Кракатит» (1924) романлари жаҳонга ёйди. Буларда у ўз идеалистик қарашларидан холи бўла бошлади, ўзининг сатирик талантини, илмий-фантастик маҳоратини намоён этди, милитаризмни, черков ва буржуазияни танқид қилди. 30-йиллар бошида Ч. демократик адиблар қаторида турди ва умрининг сўнгги йиллари (1934—38) да фашизм ва буржуа реакциясига қарши курашди. «Саламандрлар билан жанг» (1936) романи, «Она» (1938) пьесаси ва б. асарларида ҳам Ч. буржуа жамияти (табақалари)ни қоралади ва чех халқини гитлер агрессияси — фашизмга қарши курашга чорлади. Чех халқининг Совет Иттифоқига бўлган чексиз садоқатини улуғлади. Ч. ижоди ҳозирги замон адабиётида социал фантастика тараққиётига самарали таъсир кўрсатди.

Ад.: Бернштейн И. А., К. Чапек, Творческий путь, М., 1969; Никольский С. В., Карел Чапек — фантаст и сатирик, М., 1973.

ЧАПЛИГИН Сергей Алексеевич [1869. 24. 3 (5. 4), Рязань губ., Раненбург, ҳозирги Липецк обл. Чаплигин ш.— 1942. 8. 10, Новосибирск] — назарий механика соҳасидаги совет олими, гидроаэродинамика асосчиларидан бири. СССР ФА акад. (1929; 1924 йилдан муҳбир аъзоси), Социалистик Меҳнат Қаҳрамони (1941). Н. Е. *Жуковский* ўқувчиси ва сафдоши. Москва ун-тини тугатган (1890). 1918 йилдан Марказий аэрогидродинамика ин-тида ишлаган. Ч. «Қаттиқ жисмнинг суюқликдаги ҳаракатининг баъзи бир ҳоллари тўғрисида» (1894) асарида қаттиқ жисмларнинг суюқликдаги ҳаракат қонунларининг геометрик интерпретацияси тўғрисида гапирган. Унинг «Газ оқимлари тўғрисида» д-рлик диссертациясида тезлиги товуш тезлигидан кичик бўлган газ оқимини текшириш методи берилиб, *газ динамикаси*га асос солинди. «Ясси-параллел оқимнинг уни тўсиб турувчи жисмга босими тўғрисида» (1910) ишида самолётнинг қаноти атрофидаги циркуляция тезлиги катталигини аниқлаш ҳақидаги постулат (Чаплигин-Жуковский постулати) биринчи марта аниқ баён этилди. У аэромеханика ва авиацияга оид бир қанча мураккаб масалаларни ечди. Ч.нинг ишлари математиканн ҳам бойитди. Унинг дифференциал тенгламалар назарияси бўйича олиб борган текширишлари математиканинг катта ютуқларидан биридир. Жуковский мукофоти лауреати (1925). 2 марта Ленин ордени, 2 та бошқа орден б-н мукофотланган.

ЧАПЛИГИН УСУЛИ — дифференциал тенгламаларни тақрибий ечиш усулларидан бири; совет математиги С. А. Чаплигин таклиф этган (1919).

Ч. у. дифференциал тенглама ечими $y(x)$ га пастдан ва юқоридан яқинлашадиган $\{u_n\}$ ва $\{v_n\}$ функциялар кетма-кетликлари $u_n(x) \leqslant u_{n+1}(x) \geqslant y(x) \leqslant v_{n+1}(x) \leqslant v_n(x)$ тенгсизликлар тузиб ўзлаштирилган ечимни исталган аниқликда топишга имкон беради.

Ад.: Чаплыгин С. А., Новый метод приближенного интегрирования дифференциальных уравнений, М.—Л. 1950

ЧАПЛИН Чарлз Спенсер (1889. 16. 4, Лондон — 1977. 25. 12, Швейцария) — америка актёри, кинорежиссёри. Асли инглиз. 1897 йилдан мюзиккол саҳналарида чиқа бошлаган. 1907—12 йилларда Ф. Карно пантомима театрида ишлади. Кинодаги ижоди 1913 йилдан бошланган. 1952 йилдан Швейцарияда, «Дайди», «Банк», «Кичкинтой», «Тинч кўча», «Парижлик аёл», «Олтин жазаваси», «Цирк» каби дастлабки фильмларидаёқ капиталистик тузум иллатларига, фашизм ва урушга қарши кураширди. Уз фильмларида кўпроқ капитализм шароитида хонавайрон бўлган дайди кишиларнинг фожиали-кулгили образларини яратди. Унинг кейинги «Рампа чироқлари», «Диктатор», «Қирол Нью-Йоркда», «Жаноб Верду» каби фильмлари ҳам ўзининг социал сатираси б-н характерли. Ч. ўзи ҳақида «Таржиман ҳолим» китобини ёзган. Ч.— жаҳон киноси ва маданиятининг йирик гуманист вакилларидан. Оксфорд ун-тининг фахрий доктори (1962). Халқаро тинчлик мукофоти лауреати (1954).

ЧАПРАШЛИ, Чапарашли — ўзбек уруғларидан бири. Ч. уруғи асосан ўзбекларнинг *қирқ* қабиласи таркибида бўлган.

ЧАРВАҚА (санскритча тўрт сўзидан) — қадимги ва ўрта аср ҳинд фалсафаси материалистик мактаби, *локаята*нинг кейинги кўринишларидан. Ч. таълимоти *буддизм*, *жайнизм* ва *веда* ривоятларидан маълум. Ч.га донишманд Брихаспати асос солган деб ҳисобланади. Ч. таълимотига кўра, олам тўрт элемент — ҳаво, ўт, сув, тупроқдан ташкил топган (баъзилар бешинчи элемент — эфирни ҳам қўшадилар). Улардан инсон ва б. нарсалар пайдо бўлган. Олам моддий, у худолардан бутунлай мустақилдир. Ч. веда ва *брахманизм* динларига қарши чиққан, жонининг кўчиб юриши ҳақидаги диний ақидаларни рад этган; инсон ўлиши б-н жон ҳам ўлади деб, зоҳидлик ва художўйликка қарши ердаги ҳаётни тарғиб қилган. Ч. вакиллари сезги орқали ҳақиқатни билиш мумкин деб ҳисоблаганлар.

Ч. ғоялари ҳинд материалистик фалсафасининг ривожланишида ижобий роль ўйнади (яна *Ҳиндистон* мақоласининг философия бўлимига қ.).

Ад.: Аникеев Н. П., О материалистических традициях в индийской философии. М., 1965 (яна «Локаята» мақоласининг адабиётига қ.).

ЧАРВИ — одам ва ҳайвон ички (висцераль) *қорин пардаси*даги кенг ва узун бурама қават. Варақлар орасида бўш бириктирувчи юмшоқ тўқима жойлашган. Катта ва кичик Ч. бор. Катта Ч. қорин пардасининг 4 та варағидан иборат. Ч. шикастланишларда ва қорин бўшлиғи органларининг яллиғланиш касалликлари, мас., *аппендицит*да ҳимоя вазифасини бажаради. Катта Ч. нинг ўткир яллиғланиши (эпиплоит), унинг буралиши ёки шикастланиши оқибатида юзага келиши мумкин.

Кичик Ч. жигарни меъда ва ўн икки бармоқ ичак б-н туташтириб туради.

ЧАРДАШ (венгрча csarda — қовоқхона, майхона) — венгр халқ рақси. 19-асрда юзага келган. Раққос ва раққоса биргаликда ижро этади. Музика ўлчови $^2/_4$. Вазмин ва жадал суръатли 2 қисмдан иборат бўлиб, бадиҳа услубига асосланади. Ч. заминида 20-асрда «Венгерка» номи б-н тарқалган бал рақси юзага келган. Ф. Лист, И. Брамс ва б. композиторлар ўз ижодида Ч. хусусиятларидан кенг фойдаланишган.

ЧАРЕНЦ (тахаллуси; фамилияси — Согомонян) Егише Абгарович [1897. 13 (25). 3, Карс — 1937. 29. 11, Ереван] — арман совет шоири ва прозаиги. 1918 йилдан КПСС аъзоси. Майда савдогар оиласида туғилган. Карс билим юртида ўқиган. 1914 йили «Гамгин — рангпар қизнинг уч қўшиғи» шеърлар тўплами нашр қилинган. Сўнг «Мовий кўзли ватан» (1915), «Дантов афсонаси» (1916) поэмалари ва «Камалак» (1917) туркум шеърлари чиққан. «Сомма» (1918) ва «Шиддатли оломон» (1919) достонларида Октябрь рев-яси улуғланган. «Ҳаммага, ҳаммага, ҳаммага» (1921), «Чаренц-нома» (1922) достонларида арман халқининг тақдири акс этган. «Наири мамлакати» сатирик романи (1926) да 1915—18 йиллардаги Арманистон ҳаёти тасвирланган, миллий буржуазиянинг авантюристик сиёсати фош этилган. В. И. Ленинга бағишланган «Ильич ва мен» (1923), «Ленин», «Ленин амаки», «Владимир Ильич, бир мужик ва бир жуфт этик ҳақида баллада» (1924), «Ленин ва Али» (1925), «Париждаги коммунарлар девори» (1926), «Кўмиш марши» (1927), «Чўян инсон» (1928) каби асарлари юксак поэтик умумлашмаларга, катта ғоявий-бадиий кучга эга. «Эпик тонг» шеърий китоби (1930) да поэзия тўғрисида, санъатнинг халқчиллиги, социалистик эстетика масалалари ҳақида баҳс юритилади. Ч. нинг сўнгги «Сафар китоби» (1933) асарининг асосий мавзуи инсон ва табиат, санъат ва воқелик, поэзия ва меҳнат, тарих ва замонавийлик, шахс ва жамиятдир. Кўпчилик асарлари чет тилларга, СССР халқлари тиллари, жумладан ўзбек тилига таржима қилинган.

Ас.: Страна Наири, М., 1933; Избранное, М., 1967; Стихотворения и поэмы, Л., 1973; Чаренцдан салом. Поэма ва шеърлар, Т., 1962.

Ад.: Салахян А., Егише Чаренц, М., 1958; Григорян А. Р., Поэзия Егише Чаренца, Ереван, 1961; История армянской советской лит-ры, М., 1966; Арутюнов Л., Чаренц. Эволюция творчества, Ереван, 1967.

ЧАРҚАС — Хоразм обл. Хива р-ни Гандимиён қ. С. даги қишлоқ. Р-нинг шимоли-шарқида, «22-партсъезд» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 6 *км*, яқин т. й. станцияси — Урганч (33 *км*). Аҳолиси 636 киши (1976); пахтачилик, ғаллачилик, чорвачилик, шоликорлик, асаларичилик, сабзавотчилик, богдорчилик б-н шуғулланади. Полвонён канали орқали Амударёдан сув ичади. Сут-товар фермаси, ремонт устахонаси, саккиз йиллик мактаб, кутубхона бор.

ЧАРЛСТОН, чарльстон (ингл. charleston) — бал рақси. Дастлаб, 1920 йилларда Чарлстон ш. (АҚШ, Жанубий Каролина штати)да негр халқ рақслари заминида пайдо бўлган. 1930 йилларнинг охиригача Америка ва Европада тарқалган, баъзи хусусиятлари айрим оммавий рақслар (*фокстрот*)га таъсир қилган. *Жаз* музикасининг шаклларидан бирига айланган. Р. Глиэр «Қизил гул» балетида Ч.нинг бадиий намунасини берган.

ЧАРМ — ҳайвон терисидан тайёрланган материал (қ. *Кўн*, *Кўнчилик* ва *Кўн-пойабзал саноати*).


ЧАРОС — маҳаллий, ўртапишар, хўраки узум нави. Тупи кучли ўсади. Барги йирик, тўғарак, ўртача ва кам кертикли, усти тўқ, орқаси оч яшил, туксиз. Гули функционал урғочи. Узуми июлнинг иккинчи ярми—августда пишади. Узум боши ўртача ва йирик, тиғиз, 300—400 *г*. Бўжуми йирик, думалоқ-тухумсимон, қўкимтир-қора, серэт, ширин, пўсти қалин. Таркибида 21—23% қанд, 5,5—8% кислота бор. Гектаридан 80—100 *ц* ҳосил олинади. Асосан, ҳўллигича ейилади. Ўрта Осиёда, жумладан Ўзбекистоннинг Тошкент, Фарғона ва Наманган областларида кенг тарқалган.

ЧАРСК (1963 йилгача — Чарский посёлкаси) — ҚозССР Семипалатинск областидаги шаҳар. Чар дарёси бўйида. Т. й. станцияси. Т. й. транспорти корхоналари, галантерея ф-каси, «Чарский» сут-дон с-зи бор.

ЧАРТИЗМ, чартистлар ҳаракати (инглиз. chartism) — 19-асрнинг 30—50-йилларида инглиз ишчиларининг халқ Хартиясини ўтказишга



Чаплин Ч. С.



Чархий.

бағишланган революцион ҳаракати; В. И. Ленин таърифича «кишилик дунёси учун ҳақиқатан оммавий, сиёсий жиҳатдан бир формаға кирган биринчи кенг пролетар-революцион ҳаракати...» эди (Ленин В. И., Асарлар, 29 т.). 1836 йили «Лондон ишчилари ассоциацияси» ташкил топди. Унинг раҳбарлари 1837 йили парламентга петиция тайёрлашди. Петиция 1938 йил 8 майда қонун лойиҳаси кўринишида нашр қилинди. Халқ Хартияси деб аталган бу ҳужжат олти пунктли талаблардан иборат эди. Дастлаб чартистлар ҳаракатига майда буржуазия ва буржуа-радикаллар қўшилдилар. Бироқ ҳаракатнинг кўпчилик пролетар қатнашчилари Хартияни капиталистлар ва ер эгаларининг сиёсий ҳукмронлигини йўқотувчи восита деб билди. Мўътадил ўнг қанот вакиллари (У. Ловетт ва б.) «маънавий куч» тарафдорлари бўлиб, тинч пропаганда қилиш, буржуа-радикаллари б-н бирлашишни тарғиб қилди. «Жисмоний куч» тарафдорлари Ф. О. Коннор, Ж. Б. О. Брайен ва б. пролетар ҳаракатининг мустақиллигини ёқладилар, революцион методларни қўллашга чақирдилар. Айниқса, Ж. Гарни, Э. Жонс ва уларнинг тарафдорлари изчил революцион позицияни эгалладилар. 1839 йил июлида парламент чартистлар петициясини рад қилди. Бунга қарши чартистлар умумий иш ташлаш уюштиришга уриндилар. 1839 йил ноябрида Ньюпорт ш. (Жанубий Уэльс)да кон саноати ишчилари қўзғолони бошланди.

40-йилларнинг бошларида чартистлар ҳаракати янги босқичга кўтарилди. 1840 йил 20 июлда Манчестерда ишчилар ҳаракати тарихида биринчи марта оммавий ишчи партияси «Чартистлар миллий ассоциацияси» тузилди. Чартистлар буржуа-радикаллардан батамом ажралдилар. Чартистларнинг янги петициясига ижтимоий характердаги қатор талаблар (иш ҳақининг оширилиши, иш кунининг қисқартирилиши ва б.) киритилди. 1842 йил майида парламент петицияни рад қилди. Бунга жавобан Англиянинг шимолий р-ларида чартистлар умумий иш ташлаш ўтказишди. 1845 йили Лондонда халқаро жамият — «Қардош демократлар» ташкил топди. 1843 йили Ф. Энгельс, 1845 йили К. Маркс Гарни ва б. чартистлар б-н алоқа ўрнатиб, уларга ғоявий таъсир кўрсатишга ҳаракат қилдилар. Ч.нинг заиф томони, кўпчилик чартистларнинг утопик қарашлари, аниқ программа ва тактикаларининг бўлмаганлиги эди. Чартистларнинг 1848 йил 10 апрелда берган 3-петицияси парламент томонидан 15 ойдан кейингина кўриб чиқилди ва рад этилди.

1848 йилдан кейин чартистлар ҳаракати пасая бошлади. О. Брайен ва О' Коннор раҳбарлигидаги оқим реформистик секта (тўда)га айланиб кетди. Маркс ва Энгельс томонидан қўллаб-қувватланган сўл қанот намояндалари Гарни ва Жонс Ч.ни тиклашга уринib кўрдилар. Бунинг учун улар Ч.га социалистик йўналиш беришга ҳаракат килдилар. Чартистлар конвенти 1851 йили Хартия талаблари б-н биргаликда жамиятни социалистик асосда қайта тузиш талабларини ўз ичига олган программа қабул қилди. 1854 йили чартистлар Манчестерда Ишчи парламентини чақиришга муваффақ бўлишди. Ишчи парламентга Фахрий делегат қилиб сайланган К. Маркс унинг олдига оммавий, изчил революцион, пролетар партиясини тузиш вазифасини қўйди. Бироқ бу вазифалар бажарилмади. Англия ишчилари ҳаракатида реформизм ҳукмронлиги даври бошланди. Гарчи Англия ишчилар ҳаракатида революцион даврни ташкил этган Ч. мағлубиятга учраган бўлса ҳам инглиз ва халқаро ишчилар ҳаракати ривожланишига муҳим таъсир кўрсатди.

Ад.: Маркс К., Чартисты, К. Маркс и Ф. Энгельс, Соч., 2 изд., т. 8; Маркс К., Письмо Рабочему парламенту, К. Маркс и Ф. Энгельс, Соч., 2 изд. т. 10; Энгельс Ф., Торговый кризис в Англии.— Чартистское движение — Ирландия, К. Маркс и Ф. Энгельс. Соч., 2 изд., т. 4; Ленин В. И., Учинчи Интернационал ва унинг тарихда тутган ўрни, Ас., 29-т.; Кунина В. Э., Чартистское движение в Англии. М., 1959.

ЧАРХ (музикада) — 1) қадимий доира усулларидан бири; шу усулда ижро этиладиган ўзбек халқ куйлари. Ч. куйининг сурнай варианти ҳам бўлиб, дорбозлик ўйинлари вақтида сурнай, карнай, ноғора, доира каби созлардан иборат ансамблда ижро этилган. Шодиёна номли циклли сурнай асарининг бир қисми ҳам Ч. деб юритилади; 2) ўзбек халқ қўшиғи. Ўтмишда *чарх*да ип йигириш жараёни айтилиб, хотин-қизларнинг оғир ҳаёти, ички ҳис-туйғулари ўз ифодасини топган; 3) халқ рақсларида чир айланиб ижро этиладиган ўйин услубларидан бири.

ЧАРХ (этнографияда) — 1) қўл б-н ип йигиришда ишлатиладиган асбоб. Унда, асосан, пахта, жун ва б. толалари йигирилиб, ип тайёрланади. Ўтмишда кенг тарқалган; 2) турли кесувчи буюмларни ўткирловчи асбоб.

Ўзбек ҳунармандлари, мас., дегрезлар чўян буюмлар қолипини ясайдиган асбобни, мисгарлар ва кулоллар буюмларнинг сиртини силлиқлашда қўлланиладиган асбобларни ҳам Ч. деб атаганлар.

ЧАРХ ИЛОНЛАР, эфалар (Echis) — қора илонлар оиласининг бир уруғи. 2 тури маълум. Қум чарх илони Африка, Жанубий ва Жануби-Ғарбий ҳамда Ўрта Осиёда, чипор Ч. и. эса Арабистон ва Мисрда тарқалган. Қум чарх илонининг узунлиги 76 *см* ча. Ранги ўзгарувчан. Бошида бут шакли бор. Тухумдан тирик туғиб кўпаяди. Ч. и. дашт, жарлик ва чўлларда яшайди. Асосан, тунда актив. Майда кемирувчилар, бақа, қурбақа, ҳашарот ва б. б-н овқатланади. Заҳари ўлдириши мумкин. Заҳаридан иммун зардоб тайёрлашда ва илмий тадқиқот ишларида фойдаланилади.

ЧАРХИЙ (тахаллуси; асли номи Ҳамроалиев Асқарали; 1900. 23. 2, Қўқон) — ўзбек совет шоири. ЎзССР халқ шоири (1975). Тўқувчи-косиб оиласида туғилган. Эски мактабда таълим олган. Қўқондаги «Қувват» артелида *гулабардорлик* қилган (1926—38), Алишер Навоийнинг 500 йиллик юбилейини ўтказиш комитетида хаттот (1939), Муқимий уй-музейида илмий ходим (1941), Қўқондаги Ҳамза номли театрда адабий эмакдош (1942—47), к-зда боғбон (1948—49) бўлиб ишлаган. 1950 йилдан ЎзССР ФА Қўқон адабиёт музейида илмий ходим.

Ижоди 1916 йилдан бошланган. Лутфий, Жомий, Навоий, Фузулий, Муқимий, Фурқат, Завқийлар ижодини чуқур ўрганиб, уларнинг шеърларига мухаммаслар боғлаган. Лирик ҳамда сатирик ғазаллар ёзган. «Ширин ва аччиқ» (1959), «Шеърлар» (1966), «Девон» (1972) каби шеър тўпламларида халқимизнинг фаровон турмушини куйлаган, Ватан, партия, коммунизмни мадҳ этган, муҳаббат ва меҳнатни улуғлаган. «Алихўжа-Хўжаали» (1970), «Бешигингда ётмайман» (1975) тўпламларида эскилик қолдиқлари ҳажв қилинган.

ЧАРХИН — Самарқанд обл. Пастдарғом р-ни Чархин қ. С. даги қишлоқ. «Коммунизм» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 16 *км*, яқин т. й. станцияси — Жума (16 *км*). Аҳолиси 3012 киши (1976); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик, боғдорчилик, узумчилик б-н шуғулланади. Эски Ангор каналидан сув ичади. К-з правлениеси ва қ. С. идоралари, ўрта мактаб, болалар боғчаси, дорихона, медпункт, алоқа бўлими, к-з фермаси, тери саралаш пункти, маиший хизмат кўрсатиш пункти, клуб бор.

ЧАРХПАЛАК — 1) қирғоқ сатҳидан анча паст оқадиган ариқ ва анҳорлардан бир қадар юқорига сув чиқариш учун ишлатиладиган иншоот (қ. *Чигир*); 2) халқ сайилларида «учиш»га мўлжалланган ва горизонтал йўналишдаги ўқ атрофида айланадиган махсус иншоот.

ЧАРХТОШ — *абразив материаллар*дан доиравий шаклда тайёрланадиган абразив асбоб. Ч.нинг ўртасига вал ёки ўққа мўлжаллаб тешик қилинади. Металл, тош, шиша, чарм, резина, мармар ва б.нинг сиртини силлиқлашда, кесувчи асбобларнинг тиғларини чархлашда ишлатилади.

ЧАСТОТА́ — 1) даврий тебранишнинг миқдорий характеристикаси; тебраниш циклларининг у ўтадиган вақтга нисбатига тенг. Ч. γ (техникада f қабул қилинган) тебраниш даври T га тескари миқдор: $\gamma = 1/T$. Ўлчов бирлиги *гц* (*Гц*) бўлиб, 1 секунддаги тўлиқ циклга тенг. Тебранишда, кўпинча, $\omega = 2\pi f$ айланма (бурчак) Ч. қўлланилади. СССРда ва Ғарбий Европада саноат частотаси 50 *гц*, АҚШда 60 *гц* бўлган электр токи ишлаб чиқарилади; 2) эҳтимоллар назариясида бирор A ҳодисанинг рўй бериш сони m нинг тажрибалар умумий сони n га нисбати. Агар тажрибалар боғлиқсиз бўлиб, A ҳодисанинг тажрибада алоҳида рўй бериш эҳтимоли p га тенг бўлса, етарлича катта n лар учун ҳар қандай кичик $\varepsilon > 0$ бўлганда $\frac{m}{n}$ қуйидаги

$$\left|\frac{m}{n} - p\right| < \varepsilon$$

тенгсизликни қаноатлантиради. Бу факт катта сонлар қонунидан келиб чиқади. Ч. тушунчаси эҳтимолликнинг статистик таърифи учун асос қилиб олинади.

ЧАТЕМ — Тинч океандаги бир тўда майда вулкан ороллар. Янги Зеландия таркибида. Майдони 963 *км*². Аҳолиси 500 киши чамасида (1968). Энг баланд жойи 291 *м*. Тоғ ён бағирлари ўрмон, пасттекисликлар бутазор ва ўтлоқ. Қўй боқилади. Ч. ни 1791 йилда инглиз денгизчи сайёҳи У. Броутон кашф қилган.

ЧАТИРКУЛ — КирғССР Норин областидаги кўл. Марказий Тяньшанда. Шимолда Отбоши ва жанубда Тўруғарттов тоғлари орасидаги 3530 *м* баландликдаги сойликда жойлашган. Майдони 175 *км*², узунлиги 23,5 *км*, энг кенг жойи 12 *км*. Кўл саёз (энг чуқур жойи 22 *м*). Ч.га атрофидаги тоғлардан бир қанча сой ва жилғалар оқиб тушади, ундан сув оқиб чиқмайди. Июнь-июль ойларида сув сатҳи анча кўтарилади, январь-февралда пасаяди. Суви чучук, шарқий қисмида бир оз шўр. Декабрдан апрелгача муз б-н қопланади.

ЧАТИШТИРИШ, дурагайлаш — ўсимлик ва ҳайвонлар селекцияси усул (метод)ларидан бири. Дурагай (гибрид) ва метис (чатишма) насл олиш учун қўлланилади. Дурагай ва чатишмалар ўсимлик ҳамда ҳайвонларнинг хўжалик жиҳатидан фойдали белгилари бўйича *танлаш, саралаш* ва янги зотлар (навлар) етиштириш учун дастлабки материал бўлади. Қариндош (инбридинг) ҳамда қариндошмас (аутобридинг) Ч. системалари мавжуд. Зотлар (навлараро, линияларо ва узоқ авлодлараро Ч.) қариндош Ч.нинг тур-хилларидир. Чорвачиликда қон сингдириш, қон қуйиш, саноат ва з-д миқёсидаги Ч. усулларидан фойдаланилади (яна қ. *Дурагайлаш*).

ЧАТТОПАДҲЬЯЯ Дебипрасад (1919. 19. 11, Калькутта) — ҳинд файласуф-марксисти. Калькуттада чиқадиган марксистик «Индиан стади: паст энд прэзент» («Ҳиндистон тадқиқоти: ўтмиш ва ҳозирги давр») илмий журналининг муҳаррири. Ҳиндистон Коммунистик партияси аъзоси. Дунёқараши Ҳиндистон халқларининг миллий озодлик ҳаракати таъсирида ўсди ва шаклланди. У Ҳиндистонда социализм ғояларини пропаганда қилиб, Ҳиндистон фалсафаси ҳамда атеизмига оид 40 дан ортиқ илмий асар яратди. Ч. асарларида марксча-ленинча дунёқарашни илгари сурди, ҳинд материализми ҳамда Ҳиндистон фалсафий системалари моҳиятини таҳлил қилди. У икки марта (1968, 1972 йиллари) Совет Иттифоқига (жумладан ЎзССРга) келган.

Ас.: История индийской философии, М., 1961; История индийского материализма, М., 1966; Индийский атеизм, М., 1973.

ЧАТҚОЛ — Тошкент областидаги дарё. КирғССР Ўш обл. ва ЎзССР терр-ясида, Чирчиқ дарёсининг йирик ирмоғи. Узунлиги 223 *км*, ҳавзасининг майдони 6870 *км*². Талас Олатовининг жанубий-ғарбий ён бағридан Қорағулжа номи б-н бошланади. Қорақасмоқ ирмоғи қўшилгач, Ч. номини олади. Писком дарёси б-н қўшилиб, Чирчиқ дарёсини ҳосил қилади. Ана шу ерда Ч. дарёсига *Чорвоқ сув омбори* қурилган. Бошланиш қисмида Ч. чуқур ва жуда тор дарада оқади; Қоратака ирмоғи қуйилган жойдан бошлаб дарё водийси кескин кенгайиб, чуқурлиги 100 *м* бўлган каньон ҳосил қилади. Обираҳмат қишлоғи яқинида Ч. қатор террасалари бўлган кенг водийда чуқур ўзандан оқади.

Ч. дарёси водийсининг ён бағирлари кўп жойларда тик ва баланд тоғ ён бағирларидан иборат бўлиб, қалта ирмоқлар, жарликлар б-н парчаланган. Водийси кенг жойларда ён бағирлари анча ётиқроқ, баландлиги 8—40 *м* бўлган қатор террасалар ҳосил қилган. Энн 200—300 *м* бўлган қайирларда дарё ўзани бир неча майда тармоқларга ажралиб кетади. Дарё ҳавзаси баланд тоғларда жойлашган (ўртача баландлиги 2605 *м*). Умумий майдони 44 *км*² бўлган 82 та кичик-кичик музликлар бор. Дарё қор ва музлик сувларидан тўйинади. Ч. дарёсининг ўртача йиллик сув сарфи Терс дарёсининг қуйилиш жойида 67 *м*³/*сек*, Назайтўқай қишлоғи ёнида 85 *м*³/*сек*, Писком дарёси б-н қўшилиш ерида 126 *м*³/*сек*. 1932—74 йилларгача кузатиш маълумотларига қараганда, дарёнинг қуйилиш қисмида энг кўп сув сарфи 920 *м*³/*сек*, энг кам сув сарфи эса 7,0 *м*³/*сек* бўлган. Ч. дарёсида март ойидан сув кўпаяди, январь-февралда камаяди. Ўрта ҳисобда йиллик сув миқдорининг 55% и март — июнда, 30% и июль — сентябрь ва 15% и октябрь — февраль ойларида оқиб ўтади. Дарё суви унча



Чаушеску Н.

лойқа эмас (ўрта ҳисобда 325 *г/м*³). Дарёсуви тез оққанлигидан музламайди. Лекин шовуш оқиши ва қирғоқ музлаши мумкин.

Ч. дарёси суви Писком дарёси суви б-н бирга Чирчиқ дарёсидаги қатор ГЭСларини юргизиш ва кўплаб экин майдонларини суғоришда фойдаланилади.

ЧАТҚОЛ ВОДИЙСИ — Ғарбий Тяньшандаги Чатқол дарёси юқори оқимидаги водий. ҚирғССР Ўш области терр-ясида. Шимолий-ғарбдан Писком ва Сандалаш, шимолдан Талас Олатови ва жануби-шарқдан Чатқол тоғ тизмалари б-н чегарадош. Водий тубининг қуйи қисми денгиз сатҳидан 1000 *м*, юқорироқ қисми 2500 *м* ва ундан баландда ётади. Ч. в.да дарё ва сойлар оқизиб келган тош, қум ва қумлоқлар учрайди. Водий тубида ғалла гуллилар — турли ўт ва буталар, тоғ ён бағирларида ёнғоқзорлар, бодомзорлар, 2300—3000 *м* баландда арчазорлар ўсади. Водийдан деҳқончилик, боғдорчиликда ва яйлов сифатида фойдаланилади.

ЧАТҚОЛ ТИЗМАСИ — Ғарбий Тяньшандаги тоғ тизмаси. ҚирғССР ва ЎзССР терр-ясида. Фарғона водийсининг шимоли-ғарбий чеккаси бўйлаб 200 *км* га чўзилган. Ўртача баландлиги 3500 *м* (энг баланд жойи 4503 *м*). Палеозойнинг оҳактош, сланец, гранитларидан тузилган. Шимолий ён бағри қисқа ва тик, жанубий ён бағри қия бўлиб, Косонсой, Қорасув, Поччаотасой, Сумсарсой ва б. сойлар б-н кесилган. Шимолий ён бағрида 1400 *м* баландликдан тоғ каштан, 2800 *м* баландликдан тоғ ўтлоқ тупроқлар, жанубий ён бағрида 1400 *м* дан 2000 *м* гача ўрмон тўқ қўнғир тупроқлар учрайди. Ён бағирларида қорақарағай, оққарағай, ёнғоқзорлар, субальп ўтлоқлари кенг тарқалган.

ЧАТҚОЛ ТОҒ-ЎРМОН ҚУРИҚХОНАСИ — Тошкент областидаги қўриқхона, Чатқол тизмасида жойлашган. Майдони 350 *км*². Чатқол тизмасидаги тоғ ўрмонлари ва ўтлоқлари экология системасини ва тоғ ҳайвонлари биологиясини ўрганиш, уларни сақлаб қолиш ва кўпайтириш мақсадида 1947 й. ташкил этилган. Қўриқхона икки қисмдан: Бошқизилсой ва Майдонтол участкаларидан иборат. Бошқизилсой участкаси Чатқол тизмасининг жануби-ғарбий ён бағрида, Майдонтол эса шимолий ён бағрида жойлашган. Қўриқхона терр-ясининг баландлиги 1100—4000 *м*. Қояли чўққилар кўп. Тоғ тизмалари карбон даврининг магматик ва эффузив жинсларидан тузилган. Юқори карбон даврида қўриқхона терр-ясида актив вулканик ҳаракатлар бўлган. Терр-янинг ҳозирги рельефи тўртламчи даврда ташкил топган. Иқлими континентал — тоғ иқлими, январь ойининг ўртача т-раси —7°, июль ойиники 23—25°. Йиллик ёғин миқдори 700—800 *мм*. Ёғин асосан қиш ва баҳор фаслларида ёғади. Баҳорда кучли жала қуйганда бир суткада 50—95 *мм* ёғин ёғади. Қўриқхона терр-ясидаги асосий сув ҳавзалари: Бошқизилсой ва Шовасой ҳамда уларнинг ирмоқларидир. Тоғ ён бағирлари дарахт ва буталар б-н қопланган. Асосий дарахтлари: арча, ёнғоқ, писта, қайин. Мевалардан ёввойи олма, олча, четан, дўлана кўп ўсади. Ҳайвонот дунёсида ёввойи чўчқа, тоғ эчкиси, айиқ, тулки, бўри, бўрсиқ, сувсар, оқсичқон, суғур, елик кенг тарқалган. Тоғларнинг энг баланд қисмида барс яшайди. Хилма-хил қушлар бор. Қўриқхонада ўсимлик қоплами қайтадан тикланиб, ҳайвонлар сони кўпаймоқда.



Чаффи Р.

ЧАУШЕСКУ Николае (1918. 26. 1, Олт уезди, Скорничешти қишлоғи) — Руминия ва халқаро ишчилар ҳаракати арбоби, РСР давлат ва сиёсий арбоби. Деҳқон оиласида туғилган, 1932 йилдан революцион ишчилар ҳаракатида қатнашган. 1936 йилдан *Руминия коммунистик партияси* (РКП) аъзоси. 1939—40 йилларда Коммунистик ёшлар союзи (КЁС) Бухарест шаҳар комитетининг секретари. 1940—44 йилларда Жилава ва Карансебеш турмаларида ҳамда Тиргу-Жиу концлагерида қамоқда. 1944—45 йилларда КЁС МК секретари. Бухарестнинг 1-сектори партия комитетининг секретари (1945—46). Добруджа, кейин Олтения обл. партия комитетларининг секретари (1946—48), Қишлоқ хўжалиги министри ўринбосари (1948—50), Миллий мудофаа министри ўринбосари (1951—54). 1952 йилдан РКП МК аъзоси. 1954 йили МК Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат ва МК секретари, 1955 йил декабридан МК Сиёсий бюросининг аъзоси. 1965 йил мартдан МК биринчи секретари, 1965 йил июлдан МК бош секретари, 1965—74 йилларда Ижроия комитет ва РКП МК Доимий Президиумининг аъзоси. 1967 йил декабрдан РСР Давлат кенгашининг раиси. 1969 йил августдан РКП бош секретари. 1974 йилдан РКП МК Сиёсий бюроси ижроия комитетининг аъзоси. 1974 йил апрелдан РСР президенти. Социалистик бирлик фронти Миллий кенгашининг раиси (1968 йилдан). Ч. РСРнинг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони (1964); РСР Қаҳрамони (1971).

ЧАФФИ Рожер (1935. 15. 2, Мичиган штати Гранд-Рапидс ш.— 1967. 27. 1, Кеннеди буруннинг синов полигони) — АҚШ космонавт-учувчиси, Ҳарбий-Денгиз Флоти лейтенанти. Лафейетт ш. (Индиана штати) даги Пердью университетини авиация техниги мутахассислиги бўйича тугатган. 1957 йилдан Ҳарбий-Денгиз Флоти офицери; Флоридадаги авиабазада хизмат қилган. 1963 йилдан АҚШнинг Аэронавтика ва космик фазони тадқиқ қилиш бўйича Миллий бошқармаси космонавтлари группасида. Ч. «Аполлон» космик кемасида (В. *Гриссом* ва Э. *Уайт* б-н бирга) орбитал учишни амалга ошираётган пайтда космик кема кабинаси ёниб кетган ва космонавтлар ҳалок бўлган.

ЧАЧВОН, чиммат — мусулмон аёллар *паранжи* ёпинганда юзига тутадиган тўрсимон парда. От қилидан тайёрланган. Тахм. эни 50 *см*, узунлиги 70 *см*, чети титилиб кетмаслиги учун тўрт томонига қалин матодан 3—4 *см* ли мағиз тикилади. Тепа томонида бошга илинадиган боғичи бўлади. Ч. ислом дини вужудга келган даврдан мавжуд. Дастлаб Арабистонда, Октябрь рев-ясигача Ўрта Осиё, хусусан Ўзбекистонда ҳам кенг тарқалган. Баъзи мусулмон мамлакатларида Ч. сифатида бошқа восталардан фойдаланилади. Мас., аёллар паранжи ўрнида ўз миллий кийимларига ўраліб юрадиган мамлакатларда юзининг энгагигача тутиладиган калта, қора, харир қора мато Ч. вазифасини ўтайди.

ЧАЧИ Мустафа (1930. 25. 5, ҳозирги Қрим обл. Алушта ш. — 1970. 15. 2, Москва, Тошкент шаҳрида дафн этилган) — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган механизатор (1964), Социалистик Меҳнат Қаҳрамони (1966). 1957 йилдан КПСС аъзоси Тошкент обл. Қуйи Чирчиқ (ҳозирги Ғалаба) р-нидаги «Ўзбекистон 5 йиллиги» с-зида ишчи (1944—46), трактор-чи (1947—57), механик ёрдамчиси (1957—58), трактор-далачилик бригадаси бошлиғи (1958—60), бўлим бошқарувчиси (1961 йилдан). Ч. раҳбарлигида 1140 *га* ернинг ҳар гектаридан 35—40 *ц* пахта етиштирилган (1959—65). Ч. 7-чақириқ СССР Олий Совети депутати. Ленин ордени, Меҳнат Қизил Байроқ ордени ва медаллар б-н мукофотланган.

ЧАШМА — қ. *Булоқлар.*

ЧАШМА — Самарқанд обл. Нурота р-ни Ғозғон қ. С. даги қишлоқ. Р-нининг жануби-ғарбида «Ғозғон» с-зи терр-ясида. Р-н марказидан 23 *км*, яқин т. й. станцияси — Навоий (82 *км*). Аҳолиси 581 киши (1976); қоракўлчилик, ғаллачилик, сабзавотчилик, богдорчилик б-н шуғулланади. Булоқ, артезиан қудуқлари ва Бедаксойдан сув ичади. Ремонт устахонаси, қўйчилик фермаси, ғалла омбори, саккиз йиллик мактаб бор.

ЧАШМАЙ АЙЮБ МАҚБАРАСИ, Чашман Айюб мозори — Бухородаги архитектура ёдгорлиги. С. М. Киров номидаги маданият ва истироҳат паркида. Халқ орасида *Минораи калон* (1127) ва Намозгоҳ масжиди (1119—20) б-н бир даврда Арслонхон томонидан бунёд этилган деган ривоятлар сақланган. Лекин бинонинг қиёфаси 12-аср архитектура ёдгорликларига ўхшамайди, бош гумбаз шакли ёдгорликни қуришда Хоразм усталари иштирок этганини кўрсатади. Бино узоқ даврлар мобайнида (темурийлар даврида ҳам, кейин ҳам) қурилган. Мақбаранинг энг қадимги қисми квадрат тарҳда (4,5×4,5 *м*) ги гўрхона бўлиб, ўз вақтида зиёратчилар учун икки ёнида икки эшиги ҳам бўлган. Олд томонига тоқли бино (4,5×4,5 *м*) туташтирилган, у мақбарага пештоқ бўлиб хизмат қилганга ўхшайди. Гўрхона қўш гумбаз, пештоқ ва кичик гумбаз б-н қопланган, унинг остида қудуқ бор (бинонинг номи шундан). Гўрхона деворида унинг Амир Темур фармойиши б-н 1379 йилда қурилганлиги ёзилган. Кейинчалик унга тақаб гумбазли зал, бурчакларида минорали даҳлиз қурилган. Шундай қилиб, мақбара ғарбдан шарққа томон чўзилган, тўғри тўртбурчак шаклига (19×26 *м* га яқин) кириб, бинонинг қадимги қисми ичкарида қолган. Тўрт бинодан иборат. Ч. А. м.нинг ҳар бинои гумбаз б-н қопланган (гумбазлар бир-бирига ўхшамайди).

ЧАШМАМИРОН — Қашқадарё обл. Деҳқонобод р-ни Оқтош қ. С. даги қишлоқ. «Оқработ» с-зи терр-ясида. Р-н марказидан 59 *км*, яқин т. й. станцияси — Ғузор (105 *км*). Аҳолиси 618 киши (1974); боғдорчилик, ғаллачилик, чорвачилик, ўрмончилик б-н шуғулланади. Қичик Урадарёдан сув ичади. Ўрта мактаб, алоқа бўлими, касалхона, кутубхона бор.

ЧАҚА — Қашқадарё обл. Қосон р-ни Бўлмас қ. С. даги қишлоқ. Ленин номли к-з терр-ясида. Р-н маркази ва яқин т. й. станцияси — Қосон (20 *км*). Аҳолиси 704 киши (1974); нинчка толали пахтачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Қашқадарёдан сув оладиган Бўлмас ариғидан сув ичади. Бошланғич мактаб бор.

«ЧАҚА ҒАЛАЁНӢ» — қ. *Москва қўзғолони.*

ЧАҚАР — Андижон обл. Хўжаобод р-ни Булоқбоши қ. С.даги қишлоқ. Карл Маркс номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 12 *км*, яқин т. й. станцияси — Гуруҳчмозор (22 *км*). Аҳолиси 937 киши (1975); пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Жанубий Фарғона каналидан сув ичади.

ЧАҚАР — Сурхондарё обл. Сариосиё р-ни Жончека қ. С.даги қишлоқ. Калинин номли к-з терр-ясида. Р-н маркази ва яқин т. й. станцияси — Узун (12 *км*); Аҳолиси 1950 киши (1977); пахтачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Жончека ариғидан сув ичади. Ўрта мактаб, медпункт бор.

ЧАҚАР — Қашқадарё обл. Ғузор р-ни Гулшан қ. С.даги қишлоқ. «22-партсъезд» к-зи терр-ясида. Р-н маркази ва яқин т. й. станцияси — Ғузор (5 *км*). Аҳолиси 803 киши (1974); пахтачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Эскибоғ каналидан сув ичади. Ўрта мактаб, медпункт, кутубхона бор.

ЧАҚАР-1 — Самарқанд обл. Иштихон р-ни Митон қ. С.даги қишлоқ. «Янгикент» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 15 *км*, яқин т. й. станцияси — Қаттақўрғон (40 *км*). Аҳолиси 900 киши (1976); пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Янгикент каналидан сув ичади.

ЧАҚАР-2 — Самарқанд обл. Нарпай р-ни, Маркент қ. С. даги қишлоқ. «Узбекистон» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 7 *км*, яқин т. й. станцияси — Зирабулоқ (8 *км*). Аҳолиси 875 киши (1976); пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Нарпай каналидан сув ичади. Ўрта мактаб, клуб, кутубхона бор.

ЧАҚИРИБ ОЛИШ ЕРЛИҒИ — дипломатик вакилни эгаллаб турган вазифасидан чақириб олиш ҳақидаги ҳужжат. Дипломатик вакилни тайинлаган давлат бошлиғи томонидан юборилади. Янги тайинланган дипломатик вакил Ч. о. ённ *ишонч ёрлиги* б-н қўшиб топширади.


ЧАҚИРИМ (чақирмоқ сўзидан) — қадимда Ўрта Осиёда ишлатиб келинган масофа ўлчови бирлиги. Тахм. 1,07 *км* га тенг бўлган.

ЧАҚИҚ ЖИНСЛАР, кластик тоғ жинслари — чўкинди тоғ жинслари; турли тоғ жинслари (магматик, метаморфик ёки чўкинди тоғ жинслари) ҳамда минераллар (кварц, дала шпатлари, слюдалар, баъзан глауконит, вулкан шишаси ва б.) бўлаклари, парчаларидан иборат. Ч. ж. цементлашган, цементлашмаган ва ғовак турларга бўлинади. Цементлашган Ч. ж.да карбонатлар (кальцит, доломит), кремний оксидлари (опал, халцедон, кварц), темир оксидлари (лимонит, гётит ва б.), гилли минераллар ва б. боғловчи материал вазифасини ўтайди. Ч. ж.да кўпинча органик қолдиқлар: моллюскалар чиғаноқлари, дарахтларнинг тана ва шохлари ва б. бўлади.

Ч. ж., асосан, структурал белги — жинс бўлаклари, парчалари, зарралар ўлчамига кўра классификация қилинади: диаметри 1 *мм* дан ортиқ бўлган йирик донадор чақиқ жинслар ёки псефитлар (цементланмаган



Чачи М.



Чашман Айюб мақбараси.



Чебан Т. С.

жинслар: палахсалар, ғўлатошлар, чағир тошлар, майда ва йирик шағаллар, *дресва*; цементланган жинслар: *конгломерат, брекчия*, гравелит ва б.); қум жинслар ёки псаммитлар заррачаларининг диаметри 1—0,05 *мм* (қумлар ва қумтошлар); чангсимон жинслар ёки *алевритлар* заррачаларининг диаметри 0,05—0,005 *мм* (алевритлар ва *алевролитлар*); гилли жинслар ёки пелитлар заррачаларининг диаметри 0,005 *мм* дан кичик (гиллар, аргиллитлар ва б.). Ч. ж.га вулкан жинслари ҳам киради.

Ч. ж. қурилишда, шиша ва металлургия саноатида ишлатилади.

ЧАҚМОҚ — атмосферадаги учқунли электр разряди; булутлар орасида ёки булутлар б-н ер орасида пайдо бўлади (қ. *Яшин*).

ЧАҚМОҚ — Тошкент обл. Ғалаба р-ни Кетмонтепа қ. С. даги қишлоқ. Свердлов номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 14 *км*, яқин т. й. станцияси — 55-разъезд (16 *км*). Аҳолиси 1122 киши (1977); канопчилик, пахтачилик б-н шуғулланади. Ангрен дарёсидан сув ичади. Ўрта мактаб, кутубхона, болалар боғчаси, медпункт бор.

ЧАҚНАШ СПЕКТРИ (Қуёшда) — Қуёш тўла тутилганда, тахм. 1,5 *сек* давомида ютилиш спектри ўрнида кузатиладиган эмиссион спектрал чизиқлар. Ч. с. *хромосфера*га тегишли бўлиб, Қуёш спектридан баъзи чизиқларнинг кучайиши (учқун разрядли чизиқлар), гелийга тегишли спектрал чизиқлар пайдо бўлиши б-н фарқланади. 1947 йилда Митчелл Ч. с. даги кузатиладиган чизиқларнинг рўйхати (3500 та), интенсивлиги ва баландлигини тузиб чиққан.


ЧАҚНОВЧИ ЮЛДУЗ — равшанлиги қисқа вақт ичида минг ва ҳатто миллион марта (5—17-юлдуз катталикка) ортиб, аста-секин эски равшанлик ҳолига қайтадиган юлдузлар. Янги ва ўта янги юлдузлар ҳам дейилади. Ч. ю. лар нормал ҳолатда кўпинча кўзга кўринмайдиган даражада хира бўлади. Улар чақнаганда юлдуз моддаси портлаб, атрофга катта тезлик (секундига бир неча юз *км* дан минглаб *км* гача) б-н тарқалади ва атрофида ҳаддан ташқари катта ўлчамли туманлик ҳосил бўлади. Баъзи Ч. ю. лар бир неча марта чақнаши мумкин.

Мас., Қомпас юлдуз туркумидаги Ч. ю. 1890, 1902, 1920, 1944 ва 1967 йилларда қайта чақнаган. Ҳозиргача юлдуз чақнагандан кейин унинг қолдиғи нейтрон юлдузга айланади, деган фикрлар мавжуд.

ЧАҚҚОН — Андижон обл. Олтинкўл р-ни Сувюлдуз қ. С. даги қишлоқ. Р-н марказидан 8 *км*, яқин т. й. станцияси — Андижон (10 *км*). Аҳолиси 1234 киши (1976); пахтачилик, чорвачилик, пиллачилик, боғдорчилик б-н шуғулланади. Янги ҳаёт канали орқали Катта Фарғона каналидан сув ичади. Мактаб филиали, касалхона, медпункт бор.

ЧАҒАМ — Сурхондарё обл. Денов р-ни Пистамозор қ. С. даги қишлоқ. Жданов номли к-з терр-ясида. Р-н маркази ва яқин т. й. станцияси — Денов (45 *км*). Боботоғ ён бағрида жойлашган. Аҳолиси 536 киши (1977); чорвачилик, ғаллачилик, ўрмончилик б-н шуғулланади. Булоқлардан сув ичади. Ўрта мактаб бор.

ЧАҒОНИЁН — ўрта асрдаги вилоят ва шаҳар (мил. ав. 6-аср — мил. 16-аср). Сурхондарё обл. нинг Шўрчи, Денов, Сариосиё, қисман



Жарқўрғон р-ни терр-ясида. Ч. сўзининг келиб чиқиши номаълум. Инглиз олими И. Марквартнинг фикрича, мўғулча «Цаган» (оқ) сўзидан олинган. Г. А. *Пугаченкова* сак қабиласи этнонимига тааллуқли, дейди. Манбаларда Ч. биринчи марта Хитой сайёҳи Сюань-Цзянь (мил. 630 йилга яқин) асарида «Чинганйен-на» шаклида қайд қилинган. Ч. ни 1959 йили проф. Г. А. Пугаченкова бошлиқ санъатшунослик экспедицияси текширган. Бойсун тоғидан Тешиктош ва Мачай манзилгоҳлари, Боботоғдан неолит даврига оид турли хил буюмлар топилган.

Сўнгги бронза (мил. ав. 2 минг йиллик ўрталари) даврида *Бандихон* ва *Миршоди* воҳаларида ўтроқ деҳқон қабилалари яшаган. Бу қабилаларнинг маданияти Мўлали тепа (майдони—8—9 *га*) манзилгоҳини ва Мўлали қабристонини текшириш жараёнида ўрганилган.

Мил. ав. 1-минг йиллик бошларида воҳанинг моддий маданиятида ўзгаришлар юз берган. Қўлда ишланган нақшдор сопол идишлар пайдо бўлган. Бўйрачи II ва икки қисмдан иборат Бандихон I манзилгоҳлари диққатга сазовор. Бандихон I да тўртбурчак шаклида (90×80 *м*, баландлиги 7 *м*) қурилган арк бўлган.

Воҳа аҳолиси деҳқончилик, чорвачилик ва овчилик б-н шуғулланган. *Ахоманийлар* даври (мил. ав. 6-аср ўрталари — 4-асрнинг охирги чораги)да Ч. нинг маҳаллий маданияти тез ривожланган. Бандихон воҳасида йирик Бандихон II (майдони 13 *га*) манзилгоҳи пайдо бўлган. Манзилгоҳда тўртбурчак (110—100 *м*) шаклидаги минорали қалъа қад кўтарган. Миршоди воҳасидаги *Қизилтепа* манзилгоҳи шаҳар қиёфасига кирган. *Кушан подшолиги*да тоғ ён бағирлари ўзлаштирилган, янги шаҳарлар ва майда қишлоқ манзилгоҳлари барпо этилган. Сунъий суғоришга асосланган деҳқончилик, ҳунармандчилик, қурилиш техникаси, архитектура тараққий этган. Ч. маданияти *Бактрия*

маданияти асосида ташкил топган. Бу жиҳатдан *Холчаён, Далварзин тепа* (қ. *Сурхондарё области* археологияси) ёдгорликлари диққатга сазовор.

Илк ўрта асрда, феодал муносабатлар шаклланаётган даврда Ч. нинг моддий маданияти жиддий ўзгарган. Бой ер эгаларининг қасрлари, қўрғонлари пайдо бўлган. Вилоят маркази қадимги Бедрач (900×800 *м*) шаҳрига кўчган. Бедрачдан ташқари вилоятнинг *Намозгоҳтепа*, Гуразтепа, *Кофир қалъа*, Юлашгантепа ва б. йирик манзилгоҳлари бўлган. Деҳқончилик ва чорвачилик б-н бир қаторда ҳунармандчилик, айниқса, сопол буюм, пишиқ ғишт тайёрлаш тез ривожланган. Металлургия анча тараққий этган. Ч. мўғул истилоси вақтида инқирозга учраган. Ч. нинг ривожланган ўрта аср моддий маданияти яхши ўрганилмаган. Ч. мил. 3-асргача Кушан подшолиги сўнгра 6-аср биринчи ярмигача Эфталитлар давлати таркибида бўлган. Тахм. 6-аср охирида турклар, 8-асрда араблар, 10-асрда Сомонийлар, 11-асрда Ғазнавийлар ва Салжуқийлар, 12-аср биринчи ярмида Бомиён ғурийлари, 13-аср бошларида Хоразмшоҳлар қўлида бўлган. 13-аср ўрталаридан *Чиғатой улуси* таркибига кирган. Ч. нинг бундан кейинги тарихи ҳақида тўлиқ маълумот сақланмаган. Фақат «Бобирнома» (16-аср) да Ч. ва унинг марказий шаҳри тилга олинган.

Ад.: Узбекистон ССР тарихи, 1-т., Т., 1970; Бартольд В. В., Туркестан в эпоху монгольского нашествия, Соч., т. 1, М., 1963; Пугаченкова Г. А., Халчаян, Т., 1966; Пугаченкова Г. А., Новое о Дальварзин-тепе. «Советская археология», 1971, № 4.


ЧАҒИЛЛИТЕПА — *неолит* даври макони (мил. ав. 5-минг йиллик) *Жойтун маданияти*га оид ёдгорликлардан бири. ТуркмССРнинг жанубида, Копетдоғ тоғ олди текислигидаги Меана ва Чаача қ. лари ўртасида. 1962—63 йилларда О. Бердиев бошчилигидаги археологик отряд текширган.

Ч. учта маданий қатламдан иборат бўлиб, юқори қатламда археологик материаллар сақланиб қолмаган. Ўрта ва қуйи қатламларини қазиш вақтида бир хонали уйлар ва хўжалик хоналари очилган. Хоналардан рангли, банқасимон сопол идишлар, тош қуроллар (пичоқ, қирғич, ўроқ ва б.) топилган. Ч. аҳолиси деҳқончилик, чорвачилик ва овчилик б-н шуғулланган.

ЧАҒИРҚАНОТ, оққанот, олақанот (Authya pugoca) — ўрдаклар кенжа оиласига мансуб қуш. Оғирлиги 0,4—0,65 *кг*. Урчиш даврида нари танасининг олдинги қисми ва ёнлари тўқ жигар ранг-сарғиш, томоқ ҳамда қорни оқ, усти тўқ қўнғир. Модаси бир оз одмироқ тусда. Уясини қамишзор кўлларга ясайди. 6—10 (баъзан 15) тухум қўйиб, 25—27 кун босади. Усимлик ва майда ҳашаротлар б-н овқатланади. Ч. Ўрта денгиздан Тибетгача бўлган жойларда тарқалган. СССРда Қора денгиз, Кавказ олд қисмида, Грузия, Ўрта Осиё, Арманистон, Украина, Волгабўйининг ўрта қисми ва б. ерларда учрайди. Хўжалик аҳамияти кам.

ЧЕБАН Тамара Савельевна [1914. 9(22). 10]— молдаван совет хонандаси (сопрано), СССР халқ артисти (1960). 1953 йилдан КПСС аъзоси. Қишинёв ва Саратов консерваторияларида таълим олган (1940—45). 1942 йилдан Қишинёв опера студиясининг, 1944 йилдан молдаван радиосининг солисткаси, 1951 йилдан молдаван филармонияси, шунингдек «Дойна» молдаван хор капелласи, «Флуераш» ансамблида солистка. Асосан халқ қўшиқларини маҳорат б-н ижро этади, ёқимли тембр овози, нафис ижроси б-н машҳур. СССР Давлат мукофоти лауреати (1950). СССРнинг кўпгина шаҳарларида, шу жумладан Узбекистонда, чет эллар (Руминия, Венгрия, Австрия, ГДР)да гастролда бўлган. 3—5-чақириқ СССР Олий Совети депутати.

ЧЕБАРҚЎЛ — РСФСР Челябинск областидаги шаҳар. Чебаркўл бўйида. Т. й. станцияси. 1951 йилдан шаҳар. Металлургия ва металлсозлик саноати маркази. Металлургия, ремонт-механика, балиқ ва крахмал-қиём з-длари бор. Ч. яқинида дам олиш уйлари ва санаторийлар жойлашган.



Чебишев П. Л.

ЧЕБИШЕВ Пафнутий Львович [1821. 14 (26). 5, Қалуга губерниясидаги Окатово қишлоғи — 1894. 26. 11 (8. 12), Петербург] — рус математиги, механиги; адъюнкт (1853), 1856 йилдан экстраординар, Петербург ФА ординар акад. (1859). Бошланғич маълумотни мустақил олган. Москва ун-тини тугатган (1841). Шу ерда магистрлик диссертацияси ёқлади (1846), доктор (1849), проф. (1850). Докторлик диссертацияси шу йили Демидов мукофотига сазовор бўлган. Узоқ йиллар ҳарбий ва маориф ишларида ишлади. 1882 йилда лекция ўқишини тўхтатиб, истеъфога чиқди ва фақат илмий ишлар б-н шуғулланди.


Ч. нинг тадқиқотлари эҳтимоллар назарияси, сонлар назарияси, математик анализ, механизмлар назариясига оид. Математик масалаларни табиатшунослик ва техниканинг принципиал масалалари б-н узвий боғлаб ҳал қилган. Ч. эҳтимоллар назариясига *тасодифий миқдор*ларни систематик равишда киритиб, унга асос солди. Эҳтимоллар назариясининг илмий теоремаларини исботлашнинг янги методи — моментлар методини яратди, катта сонлар қонунини умумий формада исботлади. Сонлар назариясида туб сонларнинг тақсимот қонунини топди. Математик анализ соҳасида дифференциал биномни элементар функцияларда интеграллаш шартларини топди, ортогонал кўпҳадларнинг умумий назариясини яратди. Шарнирли механизмларни (хусусан, Уатт параллелограммини) ўрганиб, функцияларни энг яхши яқинлаштириш масалалари б-н шуғулланди.

Ч. кўпгина чет эл [Берлин (1871), Париж (1874; мухбир аъзо, 1860), Швеция (1893), Болонья (1873)] ФАнинг, илмий жамиятларининг фахрий аъзоси.

Ас.: Полное собр. соч., т. 1—5, М.— Л., 1944—51 (5-томда биографик материаллар берилган); Избранные труды, М., 1955.

Ад.: Научное наследие П. Л. Чебышева, вып. 1—2, М.—Л., 1945.

ЧЕБИШЕВ КЎПҲАДИ — ортогонал кўпҳадлар системаларидан бири. *Чебишев* киритган. Ч. к. $T_n(x) = \cos(n \arccos x)$, $n = 0, 1, 2, \ldots$ формула ёрдамида аниқланади, улар $[-1, +1]$ кесмада $f(x) = \frac{1}{\sqrt{1-x^2}}$ вазний функцияга нисбатан ортогонал кўпҳадлар системасини ташкил қилади. Ч. к. $T_n(x) = 2^{n-1}x^n - \frac{n}{1!}2^{n-3}x^{n-2} + \frac{n(n-3)}{2!}\cdot 2^{n-5}x^{n-4} - \ldots$ кўринишда ёзилиши ҳам мумкин. Жумладан, $T_0(x) = 1, T_1(x) = x$, $T_2(x) = 2x^2 - 1$, $T_3(x) = 4x^3 - 3x$. Ч. к. рекуррент муносабат $T_{n+1}(x) = 2xT_n(x) - T_{n-1}(x)$



Чағирқанот.




Чевренди С. Х.

ва дифференциал тенглама $(1-x^2)y''-xy'++n^2y=0$ ни қаноатлантиради. Ч. к. ажойиб экстремал хусусиятларга эга: $\frac{T_n(x)}{2^{n-1}}$ кўпҳад $[-1,+1]$ кесмада n-даражали барча $x^n+a_1x^{n-1}+\ldots+a_n$ кўпҳадлар ичида нолдан энг кичик четланишга эга.

ЧЕБИШЕВ ПАРАЛЛЕЛОГРАММ, шарнирли механизм — бирор нуқтаси тўғри чизиқ бўйлаб йўналувчи тўрт звеноли механизм. 1868 йилда П. Л. *Чебишев* λ-симон ва кесишган турларини таклиф қилган. Ч. п. звеноларининг узунлиги λ-симон турида $AD=2AB$, $BC=CD==CE=2{,}5\,AB$ (расмга қ.), кесишган турида эса $AB=DC$, $BC=0{,}5\,AB$ ва $AD=0{,}83\,AB$ муносабатларни қаноатлантиради. Бунда E нуқтанинг траекторияси маълум бир оралиқда тўғри чизиққа яқин бўлади. AB ортиши б-н E нуқта траекториясининг тўғри чизиқдан четлашиши ҳам, оралиқнинг узунлиги ҳам ортади.

ЧЕБИШЕВ ТЕНГСИЗЛИКЛАРИ — 1) *тасодифий миқдор*нинг ўз ўрта қийматидан четлашиши берилган бирор сондан катта бўлиши эҳтимоли учун баҳо берадиган тенгсизлик. Агар тасодифий миқдор ξ нинг ўрта қиймати a, дисперсияси σ^2 бўлса, у ҳолда Ч. т. ҳар қандай $\varepsilon>0$ учун $|\xi-a|>\varepsilon\sigma$ бўлишининг эҳтимоли $\frac{1}{\varepsilon^2}$ дан ортиқ эмаслигини тасдиқлайди. Буни П. Л. *Чебишев* 1867 йилда исботлаган; 2) монотон кетма-кетликлар ва монотон функциялар учун асосий тенгсизликлардан бири. Агар $0<a_1<a_2<\ldots<a_n$, $0<b_1<b_2<\ldots<b_n$ бўлса, у ҳолда Ч. т. $\sum_{k=1}^{n}a_k\cdot\sum_{k=1}^{n}b_k<n\sum_{k=1}^{n}a_k\cdot b_k$ кўринишига, агар $f(x)$, $g(x)$ функциялар ўсувчи (ёки камаювчи) ва манфий бўлмаса, у ҳолда Ч. т. $\int_a^b f(x)\,dx\int_a^b g(x)\,dx<(b-a)\int_a^b f(x)\,g(x)\,dx$ кўринишига эга бўлади. Бу тенгсизликларни Чебишев 1882 йилда исботлаган.



Чебишев параллелограмми: *1*— қўзғалмас звено; *2*— кривошип; *3*— шатун; *4*—коромисло; г-г- E нуқта траекторияси.

ЧЕБОКСАРИ (чувашча — Шупашкар) — шаҳар, Чувашия АССР пойтахти. Волга дарёсининг ўнг соҳилида, Чебоксарка дарёсининг Волгага қуйилиш ерида. Т. й. станцияси, автомобиль йўллари узели, аэропорт бор. Йирик дарё порти. Аҳолиси 292 минг киши (1977). Дастлаб, 1469 йил солномасида учрайди. 1555 йилдан Москва давлатининг қалъаси. 1781 йилдан Қозон губерниясининг уезд маркази. 1920 йилдан Чувашия АО маркази, 1925 йилдан Чувашия АССР пойтахти. Етакчи саноат тармоқлари: машинасозлик ва тўқимачилик. Саноат тракторлари, агрегат, машинасозлик, электроаппарат, электр ўлчов асбоблари, кабель, авторемонт, қуйиш механика, металл буюмлар, энергетика эҳтиёт қисмлари, сут з-длари; ип газлама, гўшт к-тлари, пайпоқ-трикотаж, лента тўқув ф-калари, «Рассвет» тикувчилик бирлашмаси, «Промприбор», «Чувашмебель» бирлашмалари бор. Қурилиш материаллари ишлаб чиқарилади. Иссиқлик электр станцияси, ун-т, қ. х., педагогика ин-тлари, Москва Молия ин-тининг экономика ф-ти, 6 техникум, 3 билим юрти, 5 театр, филармония, 4 музей, бадиий галерея бор.

ЧЕВРЕНДИ Софокл Харлампиевич (1911. 28. 8, Трапезунд ш. Туркия) — геоботаник, биология фанлари д-ри (1965), проф. (1966). 1943 йилдан КПСС аъзоси. САГУнинг биология ф-тини тугатган (1937). 1937—40 йиллар УзССР Министрлар Совети ҳузуридаги фан комитетида геоботаник, 1940—41 йиллар Тошкентдаги Табиат музейида ўсимликлар хом ашёси бўлимини ташкил қилган, 1942—46 йиллар Фарҳод ГЭСи қурилишида партия ишида. УзССР ФА Ботаника ин-тида катта илмий ходим (1946—60). 1960 йилдан лаборатория мудири. *Қуртқасоч, торон, анжабор, ерсовун* каби ўсимликларнинг тарқалиши, биологияси ва уларни маданийлаштириш устида ишлади. «Ўрта Осиёнинг дубил ўсимликлари» мавзуида д-рлик диссертацияси ёқлаган. Илмий ишлари дубил моддали ўсимликлар биологиясини ўрганишга бағишланган. Медаллар б-н мукофотланган.

Ас.: Дубильные растения Средней Азии, Т. 1965; Туркестанский мыльный корень, Т., 1965 (К. З. Зокиров ва И. Н. Мотхин б-н биргаликда); Биология гераней приямой и холмовой и введение их в культуру, Т., 1969. (К. З. Зокиров ва Л. П. Ҳаитметов б-н биргаликда).

ЧЕГАРА — қ. *Давлат чегараси.*

ЧЕГАРА — Сурхондарё обл. Термиз р-ни Паттакесар қ. С. даги қишлоқ. Жданов номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 38 *км*, яқин т. й. станцияси — Термиз (3 *км*). Аҳолиси 1377 киши (1977); ингичка толали пахтачилик, полизчилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Ҳаловат ариғидан сув ичади. Ўрта мактаб, медпункт, дорихона бор.

ЧЕГАРА — Тошкент обл. Ўрта Чирчиқ р-ни Ленин қ. С. даги қишлоқ. Свердлов номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 20 *км*, яқин т. й. станцияси — Тошкент (19 *км*). Аҳолиси 551 киши (1977); пахтачилик, чорвачилик, канопчилик, ғаллачилик б-н шуғулланади. Чирчиқ дарёсидан сув ичади. Ўрта мактаб, клуб, болалар боғчаси бор.

ЧЕГАРА ДЕМАРКАЦИЯЛАРИ (халқаро ҳуқуқда) — жойларда давлат чегаралари чизиқларини ўрнатиш. Ч. д. ўтказишда келишган томонлар аралаш комиссия тузади. Комиссия Ч. д. тўғрисидаги шартномага (унда давлат чегара чизиқлари баён қилиниб, махсус карта илова қилинган бўлади) кўра, махсус чегара белгилари (устунлар, тиканли симлар ва ш. к.)ни ўрнатиш б-н жойлардаги чегараларни аниқлайди ва белгилайди. Ч. д. юзасидан бажарилган ҳамма ишлар махсус ҳужжатлар б-н расмийлаштирилади: чегара чизиқлари ўтган ва чегара белгилари ўрнатилган жойлар баён қилинган протокол тузилади (протоколга белгилар тасвири туширилган схемалар ва фотосуратлар илова қилинади). Чегара белгилари ўзбошимчалик б-н ўзгартирилиши мумкин эмас, томонлар уларнинг тегишли даражада бўлишини таъминлашлари лозим. Илгари *демаркация* қилинган чегараларни текшириш ва бузилган чегара белгиларини тиклаш ёки ўзгартириш редемаркация дейилади (яна қ. *Давлат чегараси*).

ЧЕГАРА КОМИССАРЛАРИ — давлат чегарасида бузилган тартибни бартараф этиш, шунингдек чегара тартибларининг бузилиши б-н боғлиқ бўлган можароларни текшириш ва ҳал этиш учун қўшни давлатлардан тайинланган вакиллар. Ч. к. чегара можаросининг юзага келишига сабаб бўлган турли хилдаги тўловлар (келтирилган зарарни қоплаш) ҳақидаги даъволарни текширади ва ҳал этади. Давлат чегараси бузилишига оид жиддий масалалар дипломатик тартибда кўрилади.

Ч. к., одатда, қўшма йиғилиш қайси давлат ташаббуси б-н ўтказилаётган бўлса, шу давлат терр-ясида ишлайди. Ч. к. нинг биргаликда қабул қилган қарори томонлар учун мажбурий бўлиб, узил-кесил ҳал қилинган ҳисобланади. Комиссарлар ва уларнинг ишга алоқадор ҳужжатлари дахлсиздир.

ЧЕГАРА НИЗОЛАРИ — давлат чегарасидаги тартибнинг бузилиши б-н қўшни давлатлар ўртасидаги очиқ тўқнашувга айланиши мумкин бўлган келишмовчилик. Ҳозирги халқаро ҳуқуққа кўра, ҳамма чегара низолари тинч йўл б-н, чегара делимитацияси ва *чегара демаркациялари* тўғрисидаги, давлат чегараси тартиби ва чегара низоларини ҳал қилиш тартиблари тўғрисидаги шартномалар б-н ҳал этилиши лозим (яна қ. *Чегара комиссарлари*).

ЧЕГАРА ҚАТЛАМ (гидроаэромеханикада) — қаттиқ суйри жисм сиртида ҳаракатланаётган суюқлик (газ)нинг ёки тезлиги, т-раси ёнки таркиби турлича бўлган икки суюқлик оқими орасидаги юпқа қатлами. Ч. қ. назариясини 1904 йилда немис олими Л. Прандтль яратган. Ч. қ. да оқимнинг ламинар ҳамда турбулент режими бўлиши мумкин. Оқим режимлари суюқлик (газ)ларнинг қалинлиги, ташқи муҳит характери, суюқлик жойлашган юзанинг силлиқлигига боғлиқ. *Рейнольдс сони* R_e ўзгаришига қараб оқим режими ҳам ўзгаради. R_e нинг катта қийматларида оқимнинг Ч. қ. идан ташқари ҳамма жойида ёпишқоқлик кучи жуда кичик бўлади, шунинг учун оқимнинг Ч. қ. ида ёпишқоқлик кучи ҳисобга олинади, ундан ташқарида эътиборга олинмайди. Ёпишқоқ суюқлик (газ)лар жисм юзасига ёпишиш хусусиятига эга бўлганлиги учун, жисм юзасида ётган заррачаларнинг сирпаниш тезлиги нолга тенг. Нисбий тезликка эга икки оқимнинг қўшилиши натижасида ҳам «Ч. қ.» ҳосил бўлади, бу эркин Ч. қ. дейилади.

Ч. қ. да ички ишқаланиш кучининг қиймати катта бўлади, у қаттиқ жисм юзасидан узоқлашган сари камайиб боради ва маълум оралиқдан кейин бутун оқимга таъсир этаётган бошқа кучлар қийматига нисбатан жуда кичик бўлиб қолади. Шу оралиқ Ч. қ. нинг қалинлиги дейилади. Ч. қ. қалинлиги шартли тушунча бўлиб, аниқ ўзгармас чегара мавжуд эмас. Жисм ҳаракатдаги суюқлик (газ) ичида жойлашган бўлса, унинг олдинги нуқтасида Ч. қ. ламинар (текис) бўлади, ундан ўтгач, турбулент (уюрмали) бўлиши мумкин.

Ламинар Ч. қ. қалинлиги $\delta\sim R_e^{-0,5}$, турбулентда эса $\delta\sim(\lg R_e)^{-2,58}$ формула орқали аниқланади.

Ч. қ. да муҳит зарралари тормозланади, маълум вақтдан кейин уларнинг кинетик энергияси ҳосил бўлган босимни енгиш учун етарли бўлмай қолади, бу вақтда Ч. қ. да тескари оқим ҳосил бўлади. Суюқлик зарралари, дастлаб, жисм юзасига параллел ҳаракат қилади, тескари оқим ҳосил бўлиши б-н жисм юзасидан узоқлашади. Бу ҳодисани Ч. қ. нинг ажралиши дейилади. Ч. қ. да ажралиш қанча олдин рўй берса, жисмнинг қуйруқ қисмида босим шунча кам бўлади. Ч. қ. ажралиши б-н Ч. қ. дан ташқарида суюқлик (газ) оқими тубдан ўзгаради. Бу ўз навбатида жисмга бўлган, мас., самолёт қаноти учун қаршилик кучини кўпайтириб, кўтариш кучини камайтиради. Ч. қ. нинг ҳисоблаш методларини яратишда совет олимларининг ҳиссаси жуда катта. Совет механиклари Н. Е. Кочин, Л. Г. Лойцянскийларнинг Ч. қ. ни ҳисоблаш методларидан кенг фойдаланилмоқда. Ўзбек олимлари Т. Ж. *Жўраев*, М. И. Исмоилов, Ф. А. Алиев ва б. Ч. қ. назариясига оид ишлар олиб боришмоқда.

Ад.: Лойцянский Л. Г., Механика жидкости и газа, 4 изд., М., 1973; Шлихтинг Г., Теория пограничного слоя, Пер. с нем., М., 1974.

ЧЕГАРА ҚЎШИНЛАРИ, чегара қўриқчилари, чегара соқчилари — давлатлар чегараларида туриб уларнинг сиёсий, ҳарбий ва иқтисодий манфаатларини қуролли ҳимоя қилиш учун тузилган қўшинлар.

СССРда Ч. қ. Қуролли Кучларнинг таркибий қисми бўлиб, СССР Министрлар Совети Давлат хавфсизлиги комитетига бўйсунади. Ч. қ. бошлиғи ўз ихтиёридаги штаб, бошқарма ва мустақил бўлимлар орқали қўшинларга бевосита раҳбарлик қилади. Ташкилий жиҳатдан Ч. қ. отрядлар, заставалар, контрол-пропуск пунктлари, денгиз ва авиация қисмлари, инженерлик, алоқа ва б. махсус қисм ва бўлинмаларни ўз ичига олган чегара округларидан иборат. Ч. қ. совет чегарасининг дахлсизлигини таъминлайди, давлат чегарасининг қонунсиз бузилишига қарши курашади. Ч. қ. замонавий ҳарбий техника воситалари б-н қуроллантирилган. Ч. қ. ни асосан чегарачилар ҳарбий олий ўқув юртлари офицер кадрлар б-н таъминлаб туради.

Ч. қ. давлатлар ва улар орасида чегара айириш юзага келган қадимги даврлардаёқ маълум шаклда мавжуд бўлган. Баъзи давлатлар ўз чегараларида мудофаа деворлари барпо этган (қ. *Буюк Хитой девори*, Чим девори, *Пироста девори* ва б.). Мазкур мудофаа деворларининг ҳар жой-ҳар жойида қўшин (чегара гарнизони) турадиган қўрғонлар қурилган. Бу қўшинлар вилоят дарвозаларини қўриқлаш иншоотларини чузатиш, душман ҳужум қилган тақдирда мамлакат ичкарисига бу ҳақда хабар бериш сингари вазифаларни бажарганлар. Россияда Ч. қ. 14- асрнинг 2- ярмида вужудга келган. Улар дастлаб қўриқчи отряд ҳолида бўлган.

Совет Ч. қ. Совет Қуролли Кучлари б-н бир вақтда пайдо бўлди ва ривожланди. 1918 йил 28 майда ХҚСнинг РСФСР чегарасида чегара соқчилигини жорий этиш ҳақидаги декретига В. И. Ленин имзо чекди. Гражданлар уруши даврида Ч. қ. оқ гвардиячиларга қарши жангларда, контрреволюцион исёнларни бостиришда қатнашдилар. 20—30- йилларда Совет давлатининг душманларига, турли агентларга, контрабандистларга, қўшни капиталистик давлатларнинг мунтазам қўшинлари ва чегара соқчиларига қарши курашдилар (қ. *Хасан кўли яқинидаги жанг, Халхин-Гол жанги*).

Улуғ Ватан уруши бошида чегара заставалари жангчилари биринчи бўлиб жангга кирдилар. Айниқса, Брест қалъасининг ҳимоячилари алоҳида матонат кўрсатдилар. Ч. қ. жангчиларидан 18 киши урушдан олдин, 150 киши уруш даврида Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонини олди. 2095 чегарачи урушдан олдин, 13 мингга яқин чегарачи уруш даврида СССР орден ва медаллари б-н мукофотланган.

ЧЕГАРАВИЙ МАСАЛАЛАР — берилган соҳада аниқланган функцияларнинг бирор синфи-



Чеграва.

дан бу соҳанинг чегарасида берилган шартларни қаноатлантирувчи функцияни топиш учун мўлжалланган масалалар. Аниқ ҳодисаларни ифодаловчи функциялар, одатда, математик физика тенгламаларининг ечимларидан иборат бўлади. Математик физика тенгламалари (дифференциал, интеграл, интегро-дифференциал, функционал тенгламалар) чексиз кўп ечимларга эга, шунинг учун ҳам керак бўлган бирдан-бир ечимни аниқлаш учун қўшимча чегаравий шартлар берилади. Мас.:

$$\frac{\partial^2 u}{\partial t^2} - \frac{\partial^2 u}{\partial x^2} = 0 \qquad (1)$$

тенглама чексиз кўп $u(x, t) = f_1(x+t) + f_2(x-t)$ ечимларга эга, бунда f_1, f_2—ихтиёрий икки марта узлуксиз дифференциалланувчи функциялар. Ушбу $0 \leqslant x \leqslant l$, $-a \leqslant t \leqslant a$ тўртбурчакда (1) тенглама қуйидаги чегаравий

$$u(0, t) = 0,\ u(l, t) = 0,\ -a \leqslant t \leqslant a \qquad (2)$$

ва бошланғич

$$u(x, 0) = \varphi(x),\ \left.\frac{\partial u(x, t)}{\partial t}\right|_{t=0} = \psi(x),\quad 0 \leqslant x \leqslant l \qquad (3)$$

шартларни (қ. *Коши масаласи*) қаноатлантирувчи бирдан-бир $u(x,t)$ ечимга эга. Бу ечимни топиш масаласи аралаш масала дейилади. Бундан кўринадики, чегаравий шартлар ечим изланаётган соҳанинг фақат чегаравий нуқталарида берилса, бошланғич шартлар соҳанинг ичидаги аниқ нуқталар тўпламида ҳам берилиши мумкин. Мас., D—$x = (x_1, \ldots, x_n)$ нуқталарнинг *евклид фазосидаги* соҳа, S эса унинг чегараси бўлса, D соҳада

$$\sum_{i,j=1}^{n} A_{ij}(x)\ \frac{\partial^2 u}{\partial x_i\, \partial x_j} + \sum_{i=1}^{n} B_i(x)\ \frac{\partial u}{\partial x_i} + C(x)u = F(x) \qquad (4)$$

тенгламанинг

$$u(x) = \varphi(x),\ x \in S \qquad (5)$$

чегаравий шартни қаноатлантирувчи $u(x)$ ечимини топиш масаласи *Дирихле масаласи* (биринчи чегаравий масала) дейилади. Агар S чегарада (5) шарт ўрнига

$$\sum_{i=1}^{n} p_i(x)\ \frac{\partial u}{\partial x_i} = \varphi(x),\ x \in S \qquad (6)$$

берилган бўлса, (1), (6) масалани эгри ҳосилали масала дейилади. Хусусий ҳолда (p_1, ... , p_n) вектор S га ўтказилган конормал б-н устма-уст тушса, эгри ҳосилали масала *Нейман масаласи* (иккинчи чегаравий масала) дейилади.

$A_{i,j} = \begin{cases} 1, & i=j \\ 0, & i \neq j \end{cases}$ бўлса, Нейман масаласидаги шарт $\frac{\partial u}{\partial \nu} = \varphi(x)$ дан ибсрат бўлади, бунда ν—S га ўтказилган нормал. Текис эллиптик тенгламалар учун, яъни ушбу

$$\kappa_0 \sum_{i=1}^{n} \lambda_i^2 < \sum_{i,j=1}^{n} A_{ij}(x)\ \lambda_i\ \lambda_j < \kappa_1 \sum_{i=1}^{n} \lambda_i^2,$$

$x \in D \cup S$ шарт бажарилганда (бунда λ_1, ... , λ_n — ихтиёрий ҳақиқий параметрлар. κ_0, κ_1 эса аниқ нолдан фарқли бир хил ишорали сонлар) Дирихле ва Нейман масалалари чегараси етарли силлиқ сиртлардан иборат бўлган чегараланган соҳалар учун тўла текширилган. Эллиптик тенгламаларнинг энг содда си $\sum_{i=1}^{n} \frac{\partial^2 u}{\partial x_i^2} = 0$ — Лаплас тенгламаси учун етарли силлиқ чегараланган соҳада Дирихле масаласининг ҳар доим бирдан-бир ечими мавжуд. Айрим ҳолларда бу ечимнинг яққол ифодасини келтириш мумкин. Мас., $n = 3$ да $|x| < R$ шар учун ечим ушбу кўринишга эга бўлади:

$$u(x) = \frac{1}{4\pi R} \iint_S \frac{R^2 - |x|^2}{|x-y|^3}\ \varphi(y)\ dS,$$

бунда S:$|x| = R$, $|x-y| - x$, y нуқталар орасидаги масофа. Агар (4) тенглама эллиптик типга тегишли бўлмаса, D соҳа S чегарасининг маълум бир қисмини чегаравий шартлардан озод қилинмаса (4), (5) ёки (4), (6) Ч. м. мазмунли маънога эга бўлмаслиги мумкин. Мас., параболик тенгламалар учун шундай бўлади. D соҳанинг турли қисмида дифференциал тенглама турли типга тегишли бўлса, яъни аралаш типдаги тенглама бўлса, Ч. м. махсус қўйилади. Ч. м. ни текширишда интеграл тенгламалар, олдиндан баҳолашлар, *чекли айирмалар* методи ва б. методлар кенг қўлланилади.

Ад.: Бицадзе А. В. Краевые задачи для эллиптических уравнений второго порядка, М., 1966; Петровский И. Г., Лекции об уравнениях с частными производными, 3 изд., М., 1961; Владимиров В. С., Уравнения математической физики, М., 1967; Соболев С. Л., Некоторые применения функционального анализа в математической физике, Новосибирск, 1962.

ЧЕГРАВА (Hydroprogne tschegrava) — балиқчилар туркумининг чигиртчилар кенжа оиласига мансуб қуш. Вазни 600—700 *г*. Қанотлари ёйилганда 120—130 *см*. Думи айрисимон. Бошининг усти қора. Усти оч кул ранг, қорни оқ. Тумшуғи бақувват, қизил, оёғи қора. Ч., Жанубий Америкадан бошқа ҳамма жойларда тарқалган. СССРнинг Қора, Азов, Каспий ва Орол денгизларида ҳамда Қозоғистон, Жанубий Сибирдаги йирик кўлларда учрайди. Африкада ва Жанубий Осиёнинг баъзи ерларида қишлайди. Уясини колония бўлиб сув ҳавзаларининг қумтошли қирғоқларига ясайди ва хавф туғилганда ўзини кўпчилиги биргаликда ҳимоя қилади. 1—3 тухум қўяди. Тухумини нари ва модаси навбат б-н 22—25 кун босади. Асосан, балиқлар, шунингдек ҳашаротлар, баъзан қуш тухуми ва болалари б-н овқатланади.

ЧЕДВИК Жеймс (1891. 20. 10, Манчестер — 1974. 24. 7) — инглиз физиги. Лондон Қироллик жамияти аъзоси (1927 йилдан). Э. *Резерфорд* шогирди. Манчестер ва Кембридж ун-тини тугатган. 1935—48 йилларда Ливерпуль ун-ти проф. 1948 йилдан Кембриж ун-тига қарашли Гонвилл ва Киз колледжи директори.

Илмий ишлари атом ядроси физикасига оид. Ч. 1920 йилда α—зарралар таъсирида элементларнинг сунъий ўзгаришини текширди (Э. Резерфорд б-н бирга), 1932 йилда нейтронни кашф қилди, 1934—35 йилларда нейтрон массасининг аниқ қийматини ўлчади. 1943—45 йилларда Лос-Аламос (АҚШ)да атом бомбаси лойиҳаси устида иш олиб бораётган лабораторияни бошқарди. Нобель мукофоти лауреати (1935).

Ад.: Нейтрон. Предыстория, окрытие, последствия, М., 1975.

ЧЕЗАРО ЭРНЕСТО (1859 — Неаполь—1906) — итальян математиги. Неаполь ун-ти проф. Тарқалувчи қаторларни жамлаш методини ишлаб чиққан (1880). «Натурал геометрия»ни яратган. Бу геометрияга кўра эгри чизиқ ва сиртлар координаталар алмашиниши б-н ўзгармайдиган қийматлар орқали аниқланади.

ЧЕК (форс-тож. چک — пул ҳужжати) — жорий ҳисоб, ссуда ёки бошқа счёт эгасининг бирор шахсга муайян суммада пул тўлаш тўғрисида кредит муассасасига йўллаган ёзма ҳужжати; қимматли қоғоз тури. Ч. дан мамлакат ичидаги ва халқаро миқёсдаги ҳисоб-китоб ишларида фойдаланилади. Ч. СССР Давлат банки тасдиқлаган бланкага ёзилади. Унда белгиланган сумманинг тўлаш вақти ва жойи, тўловчи, қайси счётдан тўланаётгани ва б. маълумотлар кўрсатилади; у берилган кунидан ташқари 10 кун мобайнида ўз кучини сақлайди. СССРда Ч. ка тўловлар фақат кредит муассасалари (одатда банк) томонидан амалга оширилади. СССРда Ч. муносабатлари СССР МИК ва ХКС 1929 йил 6 ноябрда тасдиқлаган «Чек тўғрисида низом» б-н тартибга солинади (СССР Қонунлар тўплами, 1929, № 73, 697-бет). СССР хўжалик оборотида пул чеки (нақд пул олинадиган) ва рассчёт чеки (нақд пул б-н тўланмайдиган, счётдан счётга ўтказиладиган) қўлланади. Ч. гражданлар иштирокидаги муносабатларда ҳам жорий этилмоқда (мас., расчёт чеки асосида омонатчининг жорий счётидан коммунал хизмат учун тегишли сумма ўтказилиши мумкин).

Халқаро тўлов оборотидаги Ч. 1931 йилдаги Женева конвенцияси асосида қўлланади. СССР халқаро Ч. битимлари иштирокчиси эмас.

ЧЕК — Андижон обл. Избоскан р-ни Избоскан қ. С. даги қишлоқ. Қалинин номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 13 *км*, яқин т. й. станцияси — Пойтуғ (16 *км*). Аҳолиси 533 киши (1975); пахтачилик, пиллачилик, б-н шуғулланади. Чортоқ сойидан сув ичади.

ЧЕК — Андижон обл. Ленин р-ни. Кужган қ. С. даги қишлоқ. «Правда Востока» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 5 *км*, яқин т. й. станцияси — Асака (8 *км*). Аҳолиси 2413 киши (1975); пахтачилик, пиллачилик, токчилик, сабзавотчилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Чекариқ, Евариқ орқали Шаҳрихонсойдан сув ичади.

ЧЕК — Наманган обл. Норин р-ни Тўда қ. С. даги қишлоқ. Қалинин номли к-з терр-ясида. Р-н маркази ва яқин т. й. станцияси — Ҳаққулобод (19 *км*). Аҳолиси 884 киши (1976); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик, полизчилик, боғдорчилик б-н шуғулланади. Норин дарёсидан сув ичади. Бошланғич мактаб, медпункт бор.

ЧЕК — Наманган обл. Уйчи р-ни Қизилравот қ. С. даги қишлоқ. «Комсомол» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 14 *км*, яқин т. й. станцияси — Чортоқ (20 *км*). Аҳолиси 2075 киши (1976); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик, шоликорлик б-н шуғулланади. Хон ва Баландор ариқларидан сув ичади. К-з правленнеси идораси, клуб, мактаб, кутубхона бор.

ЧЕК — Самарқанд обл. Ургут р-ни Янгиариқ қ. С. даги қишлоқ. Охунбобоев номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 32 *км*, яқин т. й. станцияси — Самарқанд (76 *км*). Аҳолиси 708 киши (1976); тамакичилик, пахтачилик, боғдорчилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Булоқ сувларидан ичади. Ўрта мактаб, медпункт, гараж, устахона бор.

ЧЕК — Фарғона обл. Охунбобоев р-ни Ленин қ. С. даги қишлоқ. Фрунзе номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 34 *км*, яқин т. й. станцияси — Марғилон (56 *км*). Аҳолиси 549 киши (1976); пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Жанубий Фарғона каналидан сув ичади.

ЧЕК — Фарғона обл. Тошлоқ р-ни Бирлик қ. С. даги қишлоқ. Максим Горький номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 21,7 *км*, яқин т. й. станцияси — Охунбобоев (26,7 *км*). Аҳолиси 977 киши (1976); пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Катта Фарғона каналидан сув ичади.

ЧЕК — Фарғона обл. Қува р-ни Байналмилал қ. С. даги қишлоқ. Карл Маркс номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 6,3 *км*, яқин т. й. станцияси — Федченко (6,3 *км*). Аҳолиси 561 киши (1976); пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Жанубий Фарғона каналидан сув ичади.

ЧЕК — Фарғона обл. Қува р-ни Куйбишев қ. С. даги қишлоқ. Охунбобоев номли к-з терр-ясида. Р-н маркази ва яқин т. й. станцияси — Федченко (1,9 *км*). Аҳолиси 691 киши (1976); пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Жанубий Фарғона каналидан сув ичади. К-злараро қурилиш ташкилоти бошқармаси бор.

ЧЕК ЖҮРАБЕК — Фарғона обл. Киров р-ни 20-партсъезд қ. С. даги қишлоқ. «20-партсъезд» с-зи терр-ясида. Р-н марказидан 19 *км*, яқин т. й. станцияси — Рапқон (21 *км*). Аҳолиси 587 киши (1976); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Катта Фарғона каналидан сув ичади.

ЧЕК ЮНУСХЎЖА — Андижон обл. Хўжаобод р-ни Хўжаобод қ. С. даги қишлоқ. Калинин номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 4 *км*, яқин т. й. станцияси — Гуруҳмозор (14 *км*). Аҳолиси 1375 киши (1976); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик, боғдорчилик, полизчилик б-н шуғулланади. Катта Фарғона каналидан сув ичади. Пахта пункти бор.

ЧЕКАНКА — ўсимликни ўсишдан тўхтатиш, ҳосил тўплаш ва етилишини тезлатиш мақсадида ўсимлик ёки новданинг учки қисмини олиб ташлаш; қўшимча агротехника тадбирларидан бири. Асосан, ғўза ва ток новдалари Ч. қилинади. Ғўза Ч. си ҳосил (шона, гул, тугунча)нинг шаклланишига ва озиқ моддалар б-н таъминланишига, тупнинг ётиб қолмаслигига, меваларнинг ортиқча тўкилиб кетмаслигига, кўсак вазнининг ортишига, ҳосилнинг эрта етилиши ва кўпайишига ёрдам беради. Одатда, июлнинг ўрталаридан августнинг биринчи ўн кунлигигача бўлган даврда, яъни ўртача 14—16 мева шохлар ривожланганда Ч. қилиниб, бош поя ва ён ўсиш шохлари учи 1—1,5 *см* чилпиб ташланади. «Пулевка» типидаги ингичка толали совет ғўза навлари (С-6030, 5904-И, Т-7, Т-9) ўртача 18—20-бўғимда мева пайдо бўлганда Ч. қилинади. Ҳозир Ч. машиналар (ЧВХ-4, ЧВХ-3,6, ЧТХ-4Б мосламалари) ёрдамида ўтказилади. Бунда қўл кучи 25—30 марта камаяди. Тупларда ён ўсув шохлари кўплаб пайдо бўлган туплар қўлда Ч. қилинади. Токда новдаларнинг пишиб етилишини тезлаштиради, уларда пластик моддаларнинг тўпланишига ёрдам беради, ҳосил ёруғлик, ҳаво, иссиқликдан яхши баҳра олиб, рангдор

ва ширадор бўлади. Токлар, асосан, августда Ч. қилинади, бунда новдаларнинг $^1/_4$—$^1/_5$ қисми қирқиб ташланади. Ёш токлар Ч. қилинмайди.

ЧЕКЖАЛОЙИР — Фарғона обл. Риштон р-ни Бўстон қ. С. даги қишлоқ. «Правда» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 15 *км*, яқин т. й. станцияси — Фурқат (27 *км*). Аҳолиси 931 киши (1976); пахтачилик, чорвачилик, пиллачилик, токчилик, боғдорчилик б-н шуғулланади. Сўх дарёсидан сув ичади. Бошланғич мактаб бор.

ЧЕКИНИШ — бўлинма, қисм, қўшилмаларни душман зарби остидан олиб чиқиш, шунингдек мудофаага ўтиш ёки қарши ҳужум қилиш учун қулай маррани эгаллаш, вақтдан ютиш ва б. мақсадларда қўлланиладиган қўшин ҳаракатлари. Жангдан чиққан ҳолда ёки душманга дуч келмасдан туриб ҳам Ч. мумкин. Жангдан чиққан ҳолда Ч. махсус ажратилган бўлинмаларнинг пана қилиб туриши ёрдамида амалга оширилади. Бундай бўлинмалар актив ҳаракат қилиб, муваффақиятли Ч. учун шароит яратиб беради. Асосий кучларнинг чекиниши аръергардлар, орқадаги ва ён томондаги поход заставаларининг ҳаракатлари, пистирмалар ташкил этиш, тўсиқлар қуриш, чекиниб ўтилган йўл ва кўприкларни бузиш йўли б-н таъминланади. Ч. фақат катта бошлиқнинг буйруғига биноан амалга оширилади.

ЧЕКИНИШ (астрономияда) — осмон жисмлари ҳақиқий траекторияларининг улар фақат биргина жисм б-н ўзаро таъсирлашгандаги траекторияларидан фарқ қилиши. Мас., *қуёш системаси* жисмларидан бири ёлғиз Қуёш б-н тортишишида Қуёш атрофида *Кеплер қонунлари*га мувофиқ ҳаракатланиши керак. Жисмнинг бундай ҳаракати чекинмаган ҳаракат бўлади. Бироқ, бу жисм аслида Қуёшдан ташқари шу системадаги бошқа жисмлар б-н ҳам ўзаро таъсирда бўлади. Шу туфайли, траекторияси Кеплер қонунларидан четланади. Қуёш системаси жисмларининг чекиниши катта бўлмаса-да, мураккаб табиатлидир. Бу жисмлар массаларининг Қуёш массасига нисбатан анча кичиклиги туфайли Ч. ни аниқлаш қийин. Аср ва даврий Ч. лар бўлади. Қуёш системаси жисмларининг а с р и й чекиниши орбиталарининг ўзаро вазиятига боғлиқ. Бу вазиятлар жуда катта вақт оралиғида ҳам вақтга тўғри пропорционал ва фақат бир йўналишда бўлади.

Орбита элементларининг д а в р и й чекиниши жисмларнинг ўз орбиталаридаги аниқ бир даврда такрорланувчи ҳолатига боғлиқ. Даврий Ч. ишораси даврий ўзгариб туради.

Осмон жисмлари, шунингдек *Ер сунъий йўлдошлари*нинг чекиниши муҳитнинг бу жисмлар ҳаракатига қаршилиги туфайли ҳам юзага келиши мумкин. Осмон жисмларининг Ч. ҳаракати назарияси — осмон механикасининг асосий таркибий қисмидир.

ЧЕКИШ — наркоманиянинг бир тури; никотинизмнинг кенг тарқалган формаси. Ч. дан даво мақсадида (баъзи дори моддаларини қабул қилишда, мас., бронхиал астмада) ҳам фойдаланилади. Тамаки чекканда одам унга ўрганиб, чекмасдан туролмайдиган бўлиб қолади. Тамаки тутунидан тиш эмали шикастланади, *кариес, стоматит, гингивит* каби касалликлар вужудга келади. Никотин таъсиридан меъда шираси ортиқча ажралади, гастрит, яра касалликлари ривожланади, ич қотиши ёки ич кетиши кузатилади, сўлак ажралиши кучаяди. Никотин қон томирларини торайтириши туфайли томирлар деворида трофик ўзгаришлар рўй бериб, атеросклероз ва б. томир касалликлари вужудга келади. Никотиндан киши баъзан бронхиал астмага йўлиқади. Кўп чекувчи кишиларда чекмайдиганларга қараганда 20 марта кўп ўпка раки б-н касалланиш (АҚШда) кузатилган. Чекувчилар орасида сил б-н касалланган беморлар сони чекмайдиганларга нисбатан икки марта кўп. Ҳамма наркотик моддалар сингари тамаки ҳам қисқа *эйфория* стадиясини қўзғатади. Фармаколог Н. П. Кравковнинг кўрсатишича, Ч. туфайли ақлий фаолият қисқа муддатга қўзғалади, бу қўзғалиш фақат никотинга эмас, балки тамаки тутунининг мия томирларига рефлектор таъсир этишига ва нафас йўллари ҳамда оғиз бўшлиғи нервларининг қўзғалишига ҳам боғлиқ. Ҳомиладорлик даврида Ч. айниқса зарарлидир, бунда никотин она қонига ўтиб, ҳомилани заҳарлайди.

Чекувчиларни даволашда психотерапия, психопрофилактика, турли дори-дармон (табекс, лобесил ва б.)дан фойдаланилади.

Ад.: Стойко А. Г., Хронический никотинизм (табакокурение) и его лечение, М., 1958.

ЧЕККА ДЕНГИЗЛАР — материклардан ярим ороллар ёки ороллар орқали ажралган денгизлар. Одатда, шельф ёки *материк* ён бағрида жойлашган бўлади, аҳён-аҳёндагина океаннинг чуқур сувли қисмларини ўз ичига олади. Бу денгизларнинг барча хусусиятлари (туб ётқизиқларнинг тури, иқлими, гидрологик режими, органик дунёси)га материк ҳам, океан ҳам кучли таъсир этиб туради. Баренц, Қара, Лаптевлар, Шарқий Сибирь, Чукотка, Норвегия, Беллинсгаузен денгизлари энг характерли Ч. д. дир.

ЧЕККУПРИК — Фарғона обл. Киров р-ни Октябрь 40 йиллиги қ. С. даги қишлоқ. «Октябрь 40 йиллиги» с-зи терр-ясида. Р-н марказидан 10 *км*, яқин т. й. станцияси — Рапқон (2 *км*). Аҳолиси 719 киши (1976); пахтачилик, пиллачилик, боғдорчилик б-н шуғулланади. Катта Фарғона каналидан сув ичади.

ЧЕКЛИ АЙИРМАЛАР — қ. *Чекли айирмалар ҳисоби.*

ЧЕКЛИ АЙИРМАЛАР ҲИСОБИ — *математика*нинг аргументи дискрет (узлукли) функцияларни ўрганадиган бўлими. Аргументи узлуксиз равишда ўзгаради деб олинадиган дифференциал ҳисоб ва интеграл ҳисобдан шу б-н фарқ қилади. Ч. а. ҳ. ҳисоблаш математикасида (*интерполяция*лаш, сонли дифференциаллаш ва интеграллаш, дифференциал тенгламаларни тақрибий ечиш ва б.)да катта аҳамиятга эга.

Аргументнинг $x_0, x_1, \ldots, x_l, \ldots$ ($x_l = x_0 + ih$, h—доимий сон) кетма-кет қийматларидаги $y(x)$ функциянинг мос равишдаги $y_0 = f(x_0)$, $y_1 = f(x_1), \ldots, y_l = f(x_l)$ кетма-кет қийматларининг «олға» чекли айирмалари қуйидаги формулалар б-н ифодаланади:

$$\Delta^0 y_l = f_l \text{ (0-тартибли айирма)},$$
$$\Delta y_l = f_{l+1} - f_l \text{ (1-тартибли айирма)},$$
$$\Delta^2 y_l = \Delta f_{l+1} - \Delta f_l = f_{l+2} - 2f_{l+1} + f_l$$
(2-тартибли айирма),

$\Delta^m y_l = \Delta^{m-1} f_{l+1} - \Delta^{m-1} f_l$ (m-тартибли айирма). Мос равишда $\Delta^m y_l$ «орқага» чекли айирмалари $\Delta^m y_l = \Delta^m y_{l+m}$ тенгликлар б-н аниқланади.

Интерполяциялашда кўпинча м а р к а з и й а й и р м а л а р деб аталувчи $\delta^m y$ лардан фойдаланиб, улар m тоқ бўлганда $x = x_l + \frac{1}{2}h$ ва m жуфт бўлганда $x = x_l$ нуқталарда қуйидаги формулалар б-н ҳисобланади:

$$\delta y_{l+\frac{1}{2}} = f_{l+1} - f_l,$$
$$\delta^2 y_l = \delta f_{l+\frac{1}{2}} - \delta f_{l-\frac{1}{2}} = f_{l+1} - 2f_l + f_{l-1},$$
$$\ldots\ldots\ldots\ldots\ldots\ldots\ldots\ldots$$
$$\delta^{2n} y_l = \delta^{2n-1} f_{l+\frac{1}{2}} - \delta^{2n-1} f_{l-\frac{1}{2}}.$$

Марказий айирма $\delta^m y$ лар чекли $\Delta^m y_l$ айирмалар б-н қуйидагича боғланган:

$$\delta^{2n} y_l = \Delta^{2n} y_{l-n},$$
$$\delta^{2n-1} y_{l+\frac{1}{2}} = \Delta^{2n-1} y_{l-n+1}.$$

Айрим интерполяцион формулаларда уларнинг арифметик ўртача қийматлари ишлатилади:

$$\mu\delta^0 y_{l+\frac{1}{2}} = \frac{y_l + y_{l+1}}{2},$$
$$\ldots\ldots\ldots\ldots\ldots\ldots\ldots\ldots$$
$$\mu\delta^{2n-1} y_l = \frac{\delta^{2n-1} y_{l-\frac{1}{2}} + \delta^{2n-1} y_{l+\frac{1}{2}}}{2},$$
$$\mu\delta^{2n} y_{l+\frac{1}{2}} = \frac{\delta^{2n} y_l + \delta^{2n} y_{l+1}}{2}.$$

Аргумент қийматлари *арифметик прогрессия* ташкил этмаса, яъни $x_{l+1} - x_l$ доимий миқдорга айний бўлмаса, чекли айирмалар ўрнида кетма-кет аниқланадиган б ў л и н г а н а й и р м а л а р дан фойдаланилади:

$$f(x_1, x_2) = \frac{f(x_2) - f(x_1)}{x_2 - x_1},$$
$$f(x_1, x_2, x_3) = \frac{f(x_2, x_3) - f(x_1, x_2)}{x_3 - x_1},$$
$$\ldots\ldots\ldots\ldots\ldots\ldots\ldots\ldots$$
$$f(x_1, x_2, \ldots, x_{n+1}) = \frac{f(x_2, \ldots, x_{n+1}) - f(x_1, \ldots, x_n)}{x_{n+1} - x_1}.$$

Узлуксиз аргументли функциялар назариясидаги ҳосила б-н дискрет аргументли функция назариясидаги чекли айирма бир-бирига ўхшаш бўлиб, улар орасида қуйидаги муносабат мавжуд:

$$\Delta^n f_l = f^n(\bar{x}_l);\ (x_l < \bar{x}_l < x_{l+n}).$$

Ч. а. ҳ. нинг муҳим бўлими

$$F[x, \Delta f(x), \ldots, \Delta^n f(x)] = 0 \qquad (1)$$

кўринишдаги айирмали тенгламаларни ечишга бағишланган. Бу масала n-тартибли дифференциал тенгламани ечишга ўхшаш. Одатда, (1) тенглама функциясининг мос қийматлари айирмалари орқали ифодаланади:

$$\Phi[x, f(x), f(x_1), \ldots, f(x_n)] = 0.$$

Бундай тенгламаларнинг энг соддаси ўзгармас коэффициентли бир жинсли чизиқли тенгламадир:

$$f(x+n) + a_1 f(x+n-1) + a_n f(x) = 0, \quad (2)$$

бу ерда $a_1, \ldots, a_n$ — доимий сонлар.

(2) тенгламани ечиш учун унинг қуйидаги

$$\lambda^n + a_1 \lambda^{n-1} + \ldots + a_n = 0$$

характеристик тенгламасининг $\lambda_1, \lambda_2, \ldots, \lambda_n$ илдизлари топилади. $\lambda_1, \lambda_2, \ldots, \lambda_n$ бир-биридан фарқли бўлганда (2) тенгламанинг умумий ечими: $f(x) = c_1\lambda_1^x + c_2\lambda_2^x + \ldots + c_n\lambda_n^x$ бўлади, бу ерда $c_1, c_2, \ldots, c_n$ — ихтиёрий доимий сонлар.

Ад.: Бахвалов Н. С., Численные методы, т. 1, М., 1973; Гельфонд А. О., Исчисление конечных разностей, 3 изд., М., 1967.

ЧЕКЛИ МАТЕМАТИКА — математика соҳаларидан бири. Бунда математика ичида ва унинг татбиқларида пайдо бўладиган финит (чекли) характерли структураларнинг хоссалари ўрганилади. Чекли структураларга чекли группалар, чекли графлар ҳамда маълумот алмаштиргичларнинг айрим математик моделлари, чекли автоматлар, Тьюринг машинаси ва б. мисол бўлади. Баъзан Ч. м. ни ихтиёрий дискрет структураларгача кенгайтириб, дискрет математика тушунчасига олиб келинади ва у Ч. м. б-н айнийлаштирилади. Бундай дискрет структураларга айрим алгебраик системалар, чексиз графлар, маълум кўринишдаги ҳисоблаш схемалари ва б. киради. Ч. м. ва «дискрет математика» тушунчалари б-н бир қаторда «дискрет анализ» термини ишлатилади.

Ч. м. математикада муҳим йўналиш ҳисобланади. Текшириш объектлари, метод ва масалалари ўзига хос хусусиятга эга, унда классик математиканинг лимит ва узлуксизлик каби асосий тушунчаларидан фойдаланиб бўлмайди. Ч. м. да текшириш объектлари жуда кўп; тор маънода комбинатор анализ, графлар назарияси, функционал системалар назарияси ва б., кенг маънода математик мантиқ ва алгебра, сонлар назарияси, ҳисоблаш математикаси ҳамда эҳтимоллар назариясининг дискрет характерли қисмлари киради.

Ч. м. нинг элементлари қадим замонларда пайдо бўлиб, математиканинг бошқа бўлимлари б-н бир қаторда ривожлана борган. Қадимги мисрликларнинг натурал сонларни қўшиш ва кўпайтириш алгоритмлари, *Пифагор* мактабида сонларни йиғиш, натурал сонларни бўлиш масалалари сонлар назариясини вужудга келтирди. Кейинчалик (17—18- асрлар) комбинатор анализ ва дискрет эҳтимоллар назарияси элементлари (Б. *Паскаль*, П. *Ферма* ва б.) пайдо бўлди. Математик мулоҳазаларни қатъийлаштириш ва математиканинг ички қуроли бўлган мантиқ асосида математик мантиқ ажралиб чиқди (19—20- аср). Аммо Ч. м. нинг ҳақиқий амалий татбиқи эса математик кибернетика (20- аср) вужудга келганидан кейин бошланди.

Ч. м. да умумий математик характерли мавжудлик масаласидан ташқари, алгоритмик ечиладиган ва конкрет ечувчи алгоритмлар тузиш б-н боғлиқ бўлган масалалар муҳим ўрин эгаллайди. Ч. м. нинг иккинчи хусусияти эса дискрет кўп экстремал деб аталувчи математик кибернетикада тез-тез учраб турадиган масалаларни чуқур текшириш зарурлигини кўрсатади. Бу масалаларни ечишда классик математика яхши натижа бермайди.

Ад.: Дискретный анализ. Сб. трудов. [Новосибирск) 1963; Кемени Дж., Снелл Дж., Томпсон Дж., Введение в конечную математику, Пер. с англ., М., 1965; Яблонский С. В., Обзор некоторых результатов в области дискретной математики, «Информационные материалы», 1970. № 5 (42).

ЧЕКЛИ ОРТТИРМАЛАР ФОРМУЛАСИ — дифференциалланувчи функция орттирмаси б-н унинг ҳосиласи орасидаги боғланишни ифодалайдиган формула. Қуйидаги кўринишга эга: $f(b) - f(a) = f'(c)\cdot(b-a)$, бунда $c \in (a, b)$. $f(x)$ функция ёпиқ $[a, b]$ оралиғида аниқланган узлуксиз бўлиб, ҳеч бўлмаганда очиқ (a, b) оралиғида чекли $f'(x)$ ҳосилага эга бўлса, Ч. о. ф. ҳар доим ўринли бўлади. Ч. о. ф. ни қуйидагича ҳам ёзиш мумкин:

$$\Delta f(x_0) = f(x_0 + \Delta x) - f(x_0) \approx f'(x_0)\cdot\Delta x.$$

Бундан $f(x) \approx f(x_0) + f'(x_0)\cdot(x - x_0)$ бўлиб, бу

кўпгина тақрибий ифодаларни келтириб чиқаришга имкон беради. Мас., $e^x \approx 1 + x$,

$\ln(1+x) \approx x$, $\sin x \approx x$, $\sqrt{1+x} \approx 1 + \frac{1}{2}x$.

ЧЕКЛИЛИК ВА ЧЕКСИЗЛИК (философияда) — объектив дунё ҳодисаларининг қарамақарши томонларини ифодаловчи тушунчалар. Чеклилик — *фазо ва вақтда* ўз ибтидоси ва интиҳоси бўлган аниқ, чегарали объектлар (нарса, жараён, ҳодиса, ҳолат, хусусият ва ш. к.)ни англатади. Чеклилик чегараси объект интиҳосини бошқа объектдан ажратиб туради ва уларни бир-бирига боғлайди. Чеклилик доим ўзгаришда ҳаракатдадир. Воқеликдаги ҳар бир билиш объекти муайян муносабатда, чеклилик сифатда намоён бўлади.

Чексизлик тушунчаси *материя* ва унинг турли хусусиятларига хосдир, у дунёнинг фазо ва вақтда мавжудлигини, барча моддий системаларни яратиб ёки йўқотиб бўлмаслигини ва ш. к. ни англатади. «Чексизлик—зиддият демакдир ва зиддиятларга тўладир. Зиддият худди шундан иборатки, чексизлик фақат охири бўлган миқдордан таркиб топади..., чексизлик худди зиддиятдан иборат бўлганлиги учун ҳам, фазо ва вақтда ниҳоясиз ривожланадиган сўнгсиз процессдир» (Ф. Энгельс, Анти-Дюринг, Т., 1957, 65- бет).


Ч. ва ч. диалектик бирликдадир. Ҳар қандай нарса ва ҳодисалар чеклидир, чунки у бошқа предмет ва ҳодисалардан мустақил ҳолда мавжуд бўлиб, фазо ва вақтда маълум кўламни эгаллайди. Бинобарин, у ўзини қуршаб олган дунё б-н тинимсиз алоқада бўлганлиги учун чексиздир. Шу сабабли ҳар бир объект Ч. ва ч. нинг бирлигидан иборат. Фазо ва вақтда чеклили бўлган муайян объект бошқа объектлар б-н турлича боғланган бўлиб, у материянинг кўпдан-кўп элементларини ўз ичига олади. Ҳар қандай чекли нарса — чексизликнинг юз бериш формасидир. Илм-фан чеклили объектларни билиш орқали чексизликни очиб беришга яқинлашади.

Ад.: Философия естествознания, вып. I, М., 1966; Наан Г. И., Типы бесконечного. «Эйнштейновский сборник» китобида. М., 1967; Туленов Ж., Расулев Х., Диалектика ва илмий билиш, Т., 1977.

ЧЕКМАҲАЛЛА — Андижон обл. Ленин р-ни Зарбдор қ. С. даги қишлоқ. «Коммунизм» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 4 *км*, яқин т. й. станцияси — Асака (8 *км*). Аҳолиси 518 киши (1976); пахтачилик, пиллачилик, боғдорчилик б-н шуғулланади. Шаҳрихонсойдан сув ичади. К-з правлениеси идораси, машина-трактор парки, медпункт, маиший хизмат кўрсатиш пункти бор.

ЧЕКСАРОЙ — Фарғона обл. Бағдод р-ни «Ленинобод» қ. С. даги қишлоқ. «Қизил Ўзбекистон» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 14 *км*, яқин т. й. станцияси — Фурқат (14 *км*). Аҳолиси 862 киши (1976); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик, токчилик, боғдорчилик б-н шуғулланади. Чек ариғидан сув ичади. Бошланғич мактаб, болалар яслиси бор.

ЧЕКСИЗ КАТТА МИҚДОР — ўзгариш процессида абсолют қиймати бўйича аввалдан берилган ҳар қандай сондан катта бўлиб, катталигича қоладиган ўзгарувчи миқдор. Мас., $n \to \infty$ да $x_n = n$ ёки $x_n = 2^n$ миқдорлар Ч. к. м. Агар α_n — Ч. к. м. бўлса, $\frac{1}{\alpha_n}$ — чексиз кичик миқдор. Демак, Ч. м. к. ни ўрганиш чексиз кичик миқдорларни ўрганишга боғлиқ.



Чексиз узоқлашган элементлар.

ЧЕКСИЗ КИЧИК МИҚДОР — лимити нолга тенг бўлган ўзгарувчи миқдор. Мас., $n \to \infty$ да $x_n = \frac{1}{n}$ миқдор Ч. к. м., $x \to 0$ да $f(x) = \sin x$ Ч. к. м., чунки $\lim_{x \to 0} \sin x = 0$. Ўзгарувчи миқдор $f(x)$ $x \to a$ да чекли лимит A га эга бўлса, у ҳолда $f(x) - A = \alpha(x)$ Ч. к. м. бўлади ва аксинча. Демак, ихтиёрий лимитга эга бўлган ўзгарувчи миқдор бирор ўзгармас сон б-н Ч. к. м. йиғиндисидан иборат бўлади. Бу факт лимитлар назариясида муҳим. Ч. к. м. лар α_n ва β_n учун $\lim_{n \to \infty} \frac{\alpha_n}{\beta_n} = c$ $(c \neq 0)$ бўлса, улар бир хил тартиблаги Ч. к. м. дейилади. Хусусан $\lim_{n \to \infty} \frac{\alpha_n}{\beta_n} = 1$ бўлса, бу Ч. к. м. эквивалент дейилади ва $\alpha_n \sim \beta_n$ каби белгиланади. Ч. к. м. α_n ва β_n учун $\lim_{n \to \infty} \frac{\alpha_n}{\beta_n} = 0$ бўлса, α_n Ч. к. м. β_n Ч. к. м. га қараганда юқори тартибли Ч. к. м. дейилади. Мас., $x \to 0$ да $1 - \cos x$ б-н x^2 бир хил тартибли, $\sin x$ б-н x эквивалент Ч. к. м. бўлиб, $1 - \cos x$ Ч. к. м. x Ч. к. м. га қараганда юқори тартибли Ч. к. м. бўлади.

ЧЕКСИЗ КЎПАЙТМА — чексиз сондаги $u_1, u_2, \ldots u_n, \ldots$ лар кўпайтмаси, яъни $u_1 \cdot u_2 \cdot u_3 \ldots u_n \ldots = \prod_{n=1}^{\infty} u_n$. Ч. к. нинг кўпайтувчилари u_k $(k = 1, 2, \ldots)$ сонлардан иборат бўлса, Ч. к. чексиз сонлар кўпайтмаси дейилади. Одатда, $p_n = u_1 \cdot u_2 \ldots u_n$ га Ч. к. нинг қисмий кўпайтмаси, $n \to \infty$ да p_n нинг нолдан фарқли лимити мавжуд бўлса, Ч. к. яқинлашувчи дейилиб, $\lim_{n \to \infty} p_n = p$ га Ч. к. қиймати дейилади ва $p = \prod_{n=1}^{\infty} u_n$ каби ёзилади. Тарихда Ч. к. π сонини ҳисоблаш муносабати б-н учрайди. Мас., инглиз математиги Ж. Валлис (17- аср) π сонини ҳисоблаш учун қуйидаги

$$\frac{2}{1} \cdot \frac{2}{3} \cdot \frac{4}{3} \cdot \frac{4}{5} \cdot \frac{6}{5} \cdot \frac{6}{7} \ldots = \frac{\pi}{2}$$

формулани топган. Ч. к. ёрдамида функцияларни ҳам ифодалаш мумкин. Мас., $\sin z = z \cdot \prod_{n=1}^{\infty} (1 - \frac{z^2}{n^2 \pi^2})$.

Ч. к. $\prod_{n=1}^{\infty} u_n$ нинг яқинлашиши учун $(u_n \neq 0, u_n > 0)$ $\sum_{n=1}^{\infty} \ln u_n$ қаторнинг яқинлашиши зарур ва етарли. Демак, Ч. к. яқинлашишини ўрганиш қаторларнинг яқинлашишини ўрганишга келади.

ЧЕКСИЗ УЗОҚЛАШГАН ЭЛЕМЕНТЛАР — математиканинг баъзи бўлимлари (*проектив геометрия*, комплекс ўзгарувчи функциялари назарияси ва б.)ни *интерпретация* қилиш учун евклид текислиги ёки *евклид фазосини* тўлдирадиган элементлар (нуқталар, тўғри чизиқлар, текисликлар). Евклид текислигида параллел a ва a' тўғри чизиқларни учинчи b тўғри чизиқ M ва M' нуқталарда кесиб ўтган бўлсин. b тўғри чизиқни M' нуқта атрофида a' тўғри чизиқ устига тушадиган йўналишда бурамиз. Натижада b нинг a' га яқинлашгани сари a б-н b кесишган M нуқта чексиз узоқлаша боради (расм, *а*). Бу процесс «параллел тўғри чизиқлар чексиз узоқ нуқтада кесишади» деган иборани аниқ тасаввур қилишга имкон беради.

Юқоридаги аёний мулоҳазалар евклид текислигида икки ўлчамли проектив геометрияни интерпретация қилиш учун асос бўлади (асосида ётади): параллел тўғри чизиқлар чексиз узоқ нуқтада кесишади деб олишга шартлашилади. Бунда a га параллел бўлган a' тўғри чизиқ бирор нуқтада (a тўғри чизиқнинг чексиз узоқ нуқтаси номини олган махсус нуқтада) кесишади. Шунингдек, a тўғри чизиққа параллел барча тўғри чизиқлар битта умумий чексиз узоқ A нуқтага эга дейилади (расм, *б*). Параллел бўлмаган тўғри чизиқларнинг чексиз узоқ нуқталари эса турлича деб ҳисобланади. Шундай қилиб, евклид текислиги чексиз сонли чексиз узоқ нуқталар тўплами б-н тўлдирилади. Текисликнинг бундай чексиз узоқ нуқталари тўплами чексиз узоқ тўғри чизиқ дейилади. Чексиз узоқ нуқталар ва чексиз узоқ тўғри чизиқлар б-н тўлдирилган евклид текислиги эса проектив текислик дейилади. Бу текисликнинг евклид текислигидан фарқ қилувчи хоссаси унда ҳар қандай икки тўғри чизиқ бир-бири б-н кесишишидир. Унда «параллел» тўғри чизиқлар мавжуд эмас.

Евклид текислигини Ч. у. э. б-н бошқа усулда тўлдириш ҳам мумкин. Мас., комплекс сонларни бу текисликда тасвирлаш учун текислик битта чексиз узоқ нуқта б-н тўлдирилади, бундай нуқта битта чексиз катта комплекс сонга тўғри келади.

Ад.: Ефимов Н. В., Высшая геометрия, 4 изд., М., 1961.

ЧЕКСИЗ ҚАТОРЛАР — қ. *Қаторлар.*

ЧЕКСИЗЛИК (математикада) — миқдорлар, катталиклар ва б. математик тушунчаларни кенгайтириш мақсадида киритилган тушунча. Математик анализда чексиз кичик, чексиз катта миқдорлар, геометрияда чексиз узоқлашган элементлар, ҳақиқий сонлар тўпламини иккита «махсус» сон $-\infty$ ва $+\infty$ б-н, тўпламлар назариясида натурал сонлар қатори 1, 2, 3,.... ни *трансфинит сонлар* б-н тўлдириш ва ҳ. к. шундай тушунчадир. Мас., ҳосила тушунчаси чексиз кичик икки миқдор нисбатининг лимити, интеграл эса сони чексиз кўп «чексиз кичик» лар йиғиндисининг лимити бўлиб, бундай «кенгайтириш» математика ва б. фанларда муҳим аҳамиятга эга.

Ўзгарувчан чексиз кичик, чексиз катта миқдорларни ўзгармас чексиз кичик, чексиз катта миқдорлардан фарқ қилиш учун «потенциал» ва «актуал» Ч. терминлари вужудга келган.

Чексиз узоқлашган элементлар сонли системага турли усулларда киритилади. Мас., проектив геометрияда тўғри чизиқнинг оддий нуқталари б-н бирга унда битта чексиз узоқ нуқта мавжуд, деб қаралади ва унинг абциссаси $+\infty$ (ёки $-\infty$) деб ҳисобланади. Комплекс ўзгарувчилар текислигида ҳам битта Ч. мавжуд дейилади. Киритиладиган махсус сон ∞ ишораси б-н ифодаланади ва қуйидаги қондалар ўринли бўлади:

$\infty + a = \infty$, бунда a — чекли миқдор,

$\infty + \infty$ — маъноси йўқ,

$\infty \cdot a = \infty$, бунда $a \neq 0$,

$\infty \cdot 0$ — маъноси йўқ.

ЧЕКСИЗЛИК (философияда) — қ. *Чеклилик ва чексизлик.*

ЧЕК ЧУВУЛДОҚ — Фарғона обл. Бағдод р-ни Ленинобод қ. С. даги қишлоқ. «Ленинград» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 14 *км*, яқин т. й. станцияси — Фурқат (14 *км*). Аҳолиси 518 киши (1976); пахтачилик, пиллачилик, боғдорчилик б-н шуғулланади. Қатта Фарғона каналидан сув ичади.


ЧЕК ЧУВОЛДОҚ — Фарғона обл. Узбекистон р-ни Қўқон қ. С. даги қишлоқ. «Қўқон» с-зи терр-ясида. Р-н марказидан 33 *км*, яқин т. й. станцияси — Яйпан (45 *км*). Аҳолиси 1208 киши (1976); пахтачилик, чорвачилик, пиллачилик, токчилик б-н шуғулланади. Чек Чуволдоқ ариғидан сув ичади. Ўрта мактаб, медпункт бор.

ЧЕЛАК — Самарқанд обл. Пайариқ р-ни Ойтамғали қ. С. даги қишлоқ. Куйбишев номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 8 *км*, яқин т. й. станцияси—Самарқанд (36 *км*). Аҳолиси 5026 киши (1976); чорвачилик, пиллачилик, пахтачилик, боғдорчилик, токчилик б-н шуғулланади. Пайариқ каналидан сув ичади. Пахта тозалаш з-ди, пилла тайёрлаш пункти, ғишт з-ди, маиший хизмат кўрсатиш пунктлари, ўрта мактаб, болалар боғчаси, медпункт, дорихона, алоқа бўлими, кинотеатр, савдо марказлари бор.

ЧЕЛЕКЕН — Каспий денгизининг шарқий қирғоғидаги ярим орол. ТуркмССР терр-ясида. Дастлаб орол бўлган. Каспий денгизи сув сатҳининг пасайиши натижасида 1937 йилда ярим оролга айланган. Майдони 500 *км*². Ер юзаси текислик. Марказий қисмида абсолют баландлиги 100 *м* бўлган Чухрак қирлари жойлашган. Я. о. нинг кўп қисмини шўрхок — тақирлар, дўнг ва бархан қумлар эгаллаган. Иқлими қуруқ, ёзи иссиқ, қиши нисбатан илиқ. Тупроқ-ўсимлик қоплами жиҳатидан типик чўл. Нефть, озокерит конлари; таркибида йод, бром бўлган кўплаб минерал булоқлар бор. Денгиз бўйларида балиқ овланади.

ЧЕЛЕКЕН — Туркманистон ССРдаги шаҳар. Челекен я. о. нинг ғарбий қисмида, Каспий денгизи соҳилида, Красноводскдан 140 *км* жанубда жойлашган. Кимё, сут, қурум, озокерит з-длари бор.

ЧЕЛЕСТА (итал. ва франц. celeste — самовий) — пластинкали урма-клавишли соз. Қичқ пианино шаклида бўлиб, фортепьяно механизми ва хроматик созланган пўлат пластинкалар ёки трубкаларга эга. Ч. ни Париждаги О. Мюстель фирмаси чиқарган (1886) ва тез орада француз, рус композиторлари симфоник оркестрга киритган. Диапазони 1- октава «до¹»дан 4- октава «ля⁴»гача бўлиб, нотадаги партиясидан октава баланд садоланади ва майин куйчан (қўнғироқчасимон) товуши б-н ажралиб туради.


Челеста.


ЧЕЛЛИНИ Бенвенуто (1500. 3. 11 — Флоренция — 1571. 13. 2)— итальян ҳайкалтароши, заргар ва адиб. Италиянинг Флоренция, Рим, Мантуя ш. ларида, Францияда (1537, 1540—45) ишлаган. Декоратив нафис ҳайкаллари («Персей», 1545—54, Флоренцияда), рельеф, портрет, медаль, заргарлик буюмлари («Франциск I туздони», 1539—43, Бадиий-тарихий музей, Вена) б-н машҳур. Асарларида *маньеризм* услуби б-н кўзга ташланди. Француз қироли Франциск I (1494—1547) резиденциясини Леонардо да Винчи б-н биргаликда безаган, умрининг сўнгги 20 йилини Флоренцияда ўт-


Б. Челлини. «Персей». Бронза 1545—54. Лоджия ден Ланци. Флоренция.

казиб, герцог Козимо I Медичи буюртмаларини бажарган. Заргарлик санъати ва ҳайкалтарошлик тўғрисида рисола ёзган (1568 йилда нашр қилинган). Замонасининг муҳим воқеалари ҳақида ҳам маълумот берган автобиографияси машҳур (1728 йилда нашр қилинган).

ЧЕЛЮСКИН Семён Иванович (тахм. 1700—1760 йилдан кейин) — рус денгизчи сайёҳи, 3-ранг капитани. Москва навигация мактабида таҳсил олган. 1733—43 йилларда иккинчи Камчатка экспедициясида ишлаган. 1741 йилнинг баҳорида қуруқликдан юриб Хатанга дарёсидан Пясина дарёсигача етиб борган ва Таймир я. о. нинг ғарбий соҳилини Стерлегов бурнигача тасвирлаб ёзган. 1741—42 йилларнинг қишида Туруханскдан Хатанга дарёсининг этагигача борган, сўнгра Таймир я. о. нинг шарқий соҳилини материкнинг энг шимолий нуқтасигача (бу нуқта кейинчалик Челюскин бурни деб аталди) ва я. о. ғарбий соҳилининг 77°42′ ш. к. гача бўлган қисмини тасвирлаб ёзган. Кейинчалик Болтиқ флотида хизмат қилган.

«ЧЕЛЮСКИН» — совет пароходи. 1933 йилда Данияда қурилган. С. И. *Челюскин* шарафига шундай аталган. Мурманскдан Владивостокка Шимолий денгиз йўли орқали экспедицияга чиққан (1933). 1934 йили Чукотка денгизида чўкиб кетган. Экспедиция аъзолари (111 киши) самолётда қутқазиб олинган.



ЧЕЛЯБИНСК — шаҳар, РСФСР Челябинск области маркази. Совет Иттифоқининг муҳим саноат, маданий ва илмий маркази, йирик транспорт узели. Жанубий Уралнинг шарқий ён бағрида, Миасс дарёси (Обь дарёси ҳавзаси) қирғоқларида. Майдони 375 *км*². 6 шаҳар р-ни бор. Аҳолиси 989 минг киши (1976).

Ч. 1736 йилда бошқирдлар посёлкаси Селяба (Челаби) ўрнида руслар қалъаси сифатида вужудга келган. 1743 йилдан шаҳар.

Ч. — муҳим индустриал марказлардан бири. Асосий саноат тармоқлари: қора металлургия, машинасозлик, озиқ-овқат саноатлари; шаҳар саноат маҳсулотининг $^4/_5$ қисмини шу тармоқлар беради. Йирик з-длари: Челябинск металлургия з-ди, трубопрокат, электролит-рух, трактор, йўл қуриш машиналари, станоксозлик, темирчилик-пресслаш, механика, трактор агрегатлари, автотрактор прицеплари, электр машиналари, иссиқлик приборлари, кир ювиш машиналари, ўлчов асбоблари, электр иситгич приборлари, соат з-длари; электрометаллургия к-ти бор. Қимё саноати лак-бўёқ ва химия-фармацевтика з-дларидан, енгил саноат йигириш-тўқиш, пойабзал, тикувчилик ва трикотаж ф-калари, кўн з-дидан, озиқ-овқат саноати, гўшт к-ти, ун, ёрма з-длари, макарон ва кондитер ф-каларидан иборат. Ч. да қурилиш материаллари саноати ривожланган, бир неча ТЭЦлар бор.

Ч. да ун-т, 5 ин-т, шунингдек 25 га яқин илмий тадқиқот ва лойиҳалаш ин-тлари, 22 ўрта махсус ўқув юрти, 4 театр, филармония, 2 музей, суратлар галереяси бор.

ЧЕЛЯБИНСК ОБЛАСТИ — РСФСР таркибидаги область. 1934 йил 17 январда ташкил топган. Майдони 87,9 минг *км*². Аҳолиси 3345 минг киши (1976). 24 маъмурий р-нга бўлинган, 27 шаҳар, 25 ш. т. п. бор. Маркази — Челябинск ш.

Табиати. Жанубий Уралнинг шарқий ён бағирлари ва Зауралье платоси б-н ёндош терр-яда жойлашган. Фойдали қазилмаларга бой (темир, никель ва мис-рух рудалари, кўмир, боксит, мармар, магнезит, кварц қумлари). Иқлими континентал. Қиши совуқ, ёзи илиқ. Январнинг ўртача т-раси —15° дан —17° гача, июлники 16°—18°. Вегетация даври 130—150 кун. Йиллик ёғин миқдори 350—600 *мм*. Йирик дарёлари — Урал, Миасс. Чучук ва шўр сувли кўллар кўп. Тупроғи оддий ва ювилган қора тупроқ. Шимолида тоғтерак-қайин ва қарағай ўрмонлари, марказий қисмида ўрмонли дашт, жанубда дашт ўсимликлари кенг тарқалган. Ўрмон ва дашт ҳайвонлари учрайди. Ч. о. терр-ясида В. И. Ленин номидаги Ильмень давлат қўриқхонаси жойлашган.

Аҳолиси. Асосан руслар (80%), шунингдек татарлар, украинлар, бошқирдлар ва б. яшайди. 1 *км*² га 37,1 киши тўғри келади. Шаҳар аҳолиси 80,4%. Муҳим шаҳарлари: Челябинск, Златоуст, Копейск, Коркино, Магнитогорск, Миасс, Троицк.

Хўжалиги. Ч. о. СССРнинг саноати юксак даражада ривожланган областларидан. Халқ хўжалиги маҳсулотининг кўп қисмини саноат, асосан, оғир саноат беради. Область қора металл эритиш бўйича мамлакатда олдинги ўринлардан бирида. Районлараро меҳнат тақсимотида кенг миқёсда қора металл прокати, катта диаметрли темир трубалар, рух, саноат тракторлари, юк автомобиллари, тоғ-шахта ускуналари, цемент, шифер, пластмасса, бугдой етказиб беришга ихтисослашган. Асосий саноат тармоқлари: қора ва рангли металлургия, машинасозлик ва металлсозлик, кимё саноати. Обл. энергетикаси қисман маҳаллий ёқилғига асосланади. Челябинск қўнғир кўмир ҳавзасидан кўмир қазиб олинади. Электр энергиясининг кўп қисми маҳаллий электр станцияларда ишлаб чиқарилади (Троицк ГРЭС, Магнитогорск, Челябинск ва Аргаяшдаги ТЭЦлар). Қора ва рангли металлургия саноатининг йирик корхоналари Челябинск, Магнитогорск, Верхний Уфалей, Киштим, Карабаш шаҳарларида жойлашган. Машинасозлик ва металлсозлик (транспорт, қурилиш-йўл, тоғ-шахта ва қ. х. машинасозлиги етакчи ўринда; станоксозлик ва приборсозлик ривожланган) обл. ялпи саноат маҳсулотининг $^1/_3$ қисмини беради. Муҳим саноат марказлари: Челябинск, Миасс, Копейск, Троицк. Қурилиш материаллари Челябинск, Магнитогорск, Коркинода ишлаб чиқарилади. Енгил ва озиқ-овқат саноати нисбатан кам ривожланган.

Ч. о. кўп тармоқли механизациялашган йирик қ. х. га эга. Уралда ишлаб чиқариладиган қ. х. маҳсулотининг $^1/_5$ қисмини Ч. о. беради. Қ. х. да фойдаланиладиган ерлар 5,1 млн. *га* (обл. терр-ясининг 58%). Шундан ҳайдаладиган ерлар 3,1 млн. *га*. Пичанзорлар 0,5 млн. *га*, яйлов ва ўтлоқлар 1,3 млн. *га*. Экинзор 2850 млн. *га*. Чорвачилик сут-гўшт етиштиришга ихтисослашган. 1976 йилда 756 минг қорамол, 456 минг қўй ва эчки, 192 минг чўчқа, 3066 минг парранда бўлган. 1975 йилда давлатга 119 минг *т* гўшт, 561 минг *т* сут топширилган.

Т. й. узунлиги 1,8 минг *км*, қаттиқ қопламали автомобиль йўллари 5,7 минг *км* (1975). Обл. терр-ясидан транзит нефть ва газ қувурлари, авиалиния шохобчалари ўтган. Челябинскда йирик аэропорт бор.

1975/76 ўқув йилида 1567 умумий таълим мактаби, 126 профессионал-техника, 71 ўрта махсус ўқув юрти, 10 олий ўқув юрти бўлган. Ч. о. да 34 илмий тадқиқот ин-ти, 1946 мактабгача тарбия муассасаси, 976 оммавий кутубхона, 13 музей, 7 театр, 1159 клуб, 1473 киноустановка бор.

«Челябинский рабочий» (1917 йилдан), «Комсомолец» (1931 йилдан) обл. газеталари чиқиб туради.

1976 йилда 42,5 минг ўринли 270 касалхона, 7,4 минг врач ишлади.

Ад.: Сысоев А. Д., Очерки физической географии Челябинской области. Челябинск, 1959.

ЧЕЛЯБИНСК ТРАКТОР ЗАВОДИ, В. И. Ленин номидаги Челябинск трактор заводи (ЧТЗ) — СССР қ. х. машинасозлигининг йирик корхонаси. Гусеницали тракторлар ишлаб чиқаради. ЧТЗ 1933 йил 1 июнда ишга туширилган. 1933—37 йиллар ичида қуввати 60 о. к. га тенг бўлган лигроин двигателли С-60 гусеницали трактор ишлаб чиқарди. 1936 йилда суткалик ишлаб чиқариш қуввати 130 тракторни ташкил этди. 3-д 1937 йилдаги дастлабки реконструкциядан сўнг мамлакатда биринчи бўлиб қуввати 65 о. к. га тенг бўлган дизелли тракторлар ишлаб чиқарди.

Улуғ Ватан уруши йилларида з-д фронт учун танклар, танк двигателлари ва ўқ-дорилар ишлаб чиқарди. З-да мамлакат танксозлиги тарихида биринчи марта танкни конвейер усулида йиғиш йўлга қўйилди. Урушдан кейин қуввати 92 о. к. га тенг бўлган С-80 тракторини ишлаб чиқара бошлади. 1958—59 йилларда мелиорация ишлари учун ботқоқликда юрувчи ҳамда осма ва тиркама асбоб-ускуналар б-н ишлайдиган С-100 трактори ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. 1961 йилга келиб қуввати 300 о. к. га тенг бўлган ДЭТ-250 маркали дизель-электр трактор ҳам тайёрлана бошлади. 1975 йилда эса қуввати 160 о. к. га тенг бўлган Т-130 трактори ишлаб чиқарилди.

ЧТЗ ишлаб чиқарган тракторлар универсал бўлиб, уларнинг кўпчилиги қариб 120 хил осма ва тиркама ускуналар б-н ишлайди. Буларнинг 90% и гидротехника иншоотлари, нефть ва газ йўллари, транспорт магистраллари ва б. да ишлатилади. З-д 1970 йилдан бошлаб қайта реконструкция қилинмоқда. ЧТЗ тракторлари Осиё, Африка, Европа ва Америка қитъаларининг 70 дан ортиқ мамлакатида муваффақиятли ишламоқда.

ЧТЗ Ленин ордени (1970), Қизил Юлдуз ордени (1944), 1-даража Кутузов ордени (1945) б-н мукофотланган.

ЧЕМ — Андижон обл. Андижон р-ни Пахтаобод қ. С. даги қишлоқ. Охунбобоев номли с-з терр-ясида. Р-н марказидан 24 *км*, яқин т. й. станцияси — Андижон (42 *км*). Аҳолиси 1342 киши (1976); сабзавотчилик, боғдорчилик б-н шуғулланади. Найдиқ ариғидан сув ичади. Ўрта мактаб, болалар боғча ва яслиси бор.

ЧЕМБЕРЛЕН Невилл (1869. 18. 3, Эжбастон, Бирмингем — 1940. 9. 11, Хекфилд) — Буюк Британия давлат арбоби, Консерваторлар партияси бошлиқларидан бири Жозеф Чемберленнинг ўғли. Бирмингем колледжида таълим олган. Бирмингем ш. нинг лорд-мэри (1915—16). 1918 йил декабридан Консерваторлар партиясидан парламент аъзоси. Почта ишлари министри (1922—23), соғлиқни сақлаш министри (1923, 1924—29 ва 1931), молия министри (1923—24 ва 1931—37). Консерваторлар партиясининг раиси (1930—31), 1937—40-йилларда бош министр. Ч. А. *Гитлер*, Б. *Муссолини*, Э. *Даладье* б-н биргаликда *Мюнхен битими* (1938) ни имзолаган. Ч. яраштириш сиёсатининг барбод бўлиши Буюк Британияни оғир шароитда Иккинчи жаҳон урушига киришга мажбур қилди (1939 йил сентябрь). Ч. ҳукумати Иккинчи жаҳон урушида Германия фашизмининг агрессиясини Шарққа, СССРга қарши қаратишга уринди. Буюк Британиянинг йирик ҳарбий муваффақиятсизликлари шароитида (1940 йил май) Ч. бош министрлик лавозимидан истеъфога чиқишга мажбур бўлди. Черчилль ҳукуматида Ч. ҳукумат Советининг лорд-раиси вазифасини ўтади.

ЧЕМПИОНАТ (инглиз. champion — курашчи) — спортнинг бирор тури бўйича муайян коллективлар, терр-ялар (р-н, шаҳар, обл., республика, мамлакат, қитъа, жаҳон) миқёсида олий даражада ўтказиладиган расмий спорт биринчилик мусобақалари. Ғолиб-чемпион (спортчи ёки команда) ни аниқлаш учун ўтказилади. Айрим ҳолларда Ч. ва биринчилик мусобақалари бир-биридан фарқ қилади (мас., футбол, хоккей бўйича катталар ўртасидаги СССР чемпионати ва спортнинг шу турлари бўйича ёшлар ўртасидаги бутуниттифоқ биринчилиги, спорт жамиятлари биринчилиги).

ЧЕМУЛЬПО — Жанубий Кореядаги *Инчхон* шаҳрининг иккинчи номи.

ЧЕНСТОХОВА — Польшанинг жанубий қисмидаги шаҳар. Ченстохова воеводлигининг маъмурий маркази. Варта дарёси бўйида. Аҳо-




Чепраков К. П.



Червяков А. В.



Катта черага.



Червякли узатма.

лиси 203 минг киши (1976). Транспорт узели. Тўқимачилик (зиғир тола, газлама, мовут) ф-каси, қора металлургия к-ти, ойна, гугурт, қурилиш материаллари, озиқ-овқат саноати корхоналари бор. Ч.— мамлакатдаги темир руда р-нининг маркази. 15—18- асрлар арх. ёдгорликлари сақланган.

ЧЕП — Сурхондарё обл. Шўрчи р-ни Қарлуқ қ. С. даги қишлоқ. «Шарқ Юлдузи» к-зи терр-ясида. Р-н маркази ва яқин т. й. станцияси — Шўрчи (25 *км*). Аҳолиси 699 киши (1977); пахтачилик, чорвачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Ҳазарбоғ каналидан сув ичади. Клуб, кутубхона, ўрта мактаб, медпункт, дорихона, алоқа бўлими бор.

ЧЕПРАКОВ Константин Павлович [1907, сентябрь, Осипенко (ҳозирги Запорожье обл. Бердянск ш.) — 1972. 31. 5, Тошкент] — мойбўёқчи рассом, график. УзССР халқ рассоми (1967). Рассомликни мустақил ўрганган. 1933 йилдан Тошкентда, Урта Осиё газета редакцияларида график рассом. Катта Фарғона канали (1938), Чирчиқ (1940), Чоржўй-Қўнғирот темир йўли (1947) қурилишларида бўлиб, қалам, тушь, кўмир б-н кўп сонли расмлар ишлади, уларда қурувчиларнинг меҳнатини, ижодкор совет кишиларининг мардликларини ифодалади. 1951 йилда Бутуниттифоқ қ. х. кўргазмасида Ўзбекистон павильонини У. *Тансиқбоев*, М. А. *Аринин* б-н ҳамкорликда безади, шундан кейин мойбўёқ б-н картиналар ишлашга киришди. Улар б-н биргаликда Навоий номидаги театр фойеси учун 7 панно яратди. Маиший картиналари («Дам олиш кунида», 1957; «Пенсионерлар», 1964; «Меҳмондорчиликка», 1967) да Ўзбекистон манзаралари фонида бахтиёр ҳаётни ифодалади. Мойбўёқ ва акварелда манзаралар тасвирини ҳам яратди (мас., «Ленинобод атрофи», акварель, 1957; «Чирчиқ йўлида тонг», мойбўёқ б-н матога ишланган картина, 1964).

ЧЕРАГАЛАР (Mergus) — ўрдаксимонлар оиласига мансуб қушларнинг бир уруғи. 7 тури маълум. Тумшуғи узун, ингичка, четида ўткир тишчалари бор. 5 тури Шимолий ярим шарда, 1 тури Жанубий Американинг тропик қисмида ва 1 тури Окленд оролларида яшайди. СССР да 4 тури бор. Шундан катта Ч. гавдаси 80 *см* ча, оғирлиги 1,5—2 *кг*. СССРнинг ғарбий чегарасидан Камчаткагача бўлган жойларидаги ўрмонларда, Урта Осиё тоғлари ва Севан кўлида тарқалган; узун тумшуқ Ч., тангачали Ч. ва ёмон Ч. эса Урта Осиёда фақат қишлаш жойига учиб ўтаётганда учрайди. Ч. уясини ерга, қоя ёки ковакларга ясайди. 8—15 тухум қўяди. Балиқ, сувдаги ҳашаротлар, баъзан моллюскалар б-н овқатланади. Хўжалик аҳамияти кам.

ЧЕРВЕЦЛАР — *кокцидалар* кенжа туркумининг бир неча оиласига мансуб ҳашаротларнинг умумий номи. 2000 дан ортиқ тури маълум. СССРда 350 га яқин тури учрайди. Эркагининг тана узунлиги 0,6—7 *мм*, урғочиси эса 0,5 *мм* — 3,5 *см*. Европа, Осиё ва Американинг жанубида тарқалган. Кўпчилиги зараркунанда. Буларга қарши курашда родолия ва хилокорус хонқизи қўнғизларидан фойдаланилади.

ЧЕРВО́Н (полякча czerwony — тилласимон, қизил) — 1) дастлаб Россияда олтин тангалар номи. Совет ҳокимияти даврида 1922 йил 11 октябрь декретига асосан СССР Давлат банки томонидан) чиқарилган банк билети Ч. деб аталган. Олтин қиймати рев-ягача бўлган 10 сўмлик монетага тенг бўлган. Ч. нинг муомалага киритилиши 1922—24 йиллардаги пул ислоҳотининг муваффақиятли ўтиши учун шарт-шароит яратиб, натижада барқарор совет валютаси юзага келди. 1947 йилги пул ислоҳоти натижасида Ч. ва *хазина билетлари* янги пулларга алмаштирилди ва *сўм*дан иборат ягона пул ҳисоби жорий этилди.


ЧЕРВОНОГРАД (1953 йилгача — Кристанополь) — УССР Львов областидаги шаҳар (1951 йилдан). Буг дарёси бўйида Львов — Ковель линиясидаги темир йўл й. станцияси. Аҳолиси 53 минг киши (1977). Кўмир қазиб олинади. Темир-бетон буюмлар, сут з-длари, ёғочсозлик к-ти, тикувчилик ва пайпоқ ф-калари бор. Ч. да Львов Политехника ин-тининг филиали, кон техникуми мавжуд.


ЧЕРВЯКЛИ УЗАТМА — ўзаро айқаш валлар орасида червяк (винт) ва унга илашган ғилдирак ёрдамида айланма ҳаракат узатувчи механик қурилма. Ҳаракат червякдаги трапецнодал резьба б-н ғилдиракдаги ёйсимон тишлар орасидаги илашиш натижасида узатилади. Одатда, червяк етакчи, ғилдирак эса етакланувчи бўлади. Червяк резьбасининг киримлар сонига қараб бир, икки ва тўрт киримли, резьба ўрами профилига қараб, архимед спирали, ботиқ профилли ва б. хиллари бўлади. Ч. у. да узатиш сони $i=Z_2/Z_1$ га тенг, бунда Z_1 — червякнинг киримлар сони, Z_2 — червяк ғилдираги тишлари сони. Одатда, Ч. у. да узатиш сони 300, баъзан ундан катта бўлади. Узатманинг габарити унча катта бўлмаганда катта узатиш сонини олиш имкони борлиги туфайли, Ч. у. да машиналарни ҳаракатлантиришда, бошқариш қурилмалари ва б. да фойдаланилади. Бошқа узатмалардан афзаллиги текис ва шовқинсиз ишлаши, камчилиги туташувчи элементлар (червяк ўрами б-н ғилдирак тиши)нинг кўпроқ нисбий сирпаниши бўлиб, бу эса деталларнинг қизишига, ёйилишига олиб келади, ф. и. к. ҳам нисбатан паст. Червякли ғилдираклар ейилишни камайтириш учун антифрикцион хоссали материаллар (асосан, бронза)дан, рангли металларни тежаш учун таркибий материаллар (бронза-пўлат, бронза-чўян)дан, кучи кичик узатма ва асбобларда эса текстолит, полиамид ва б. дан тайёрланади. Одатда, червяклар сифати юқори углеродли ёки легирланган пўлатдан тайёрланади

Ч. у. кўтариш-ташиш машиналари, металл кесиш станоклари, транспорт воситалари, металлургия машиналари, гидротехника иншоотлари ва б. да ишлатилади.

ЧЕРВЯКО́В Алексей Васильевич (1887—1919. 19. 1, Тошкент) — *туркистонлик ўн тўрт комиссар*дан бири. Туркистонда Октябрь рев-яси ва Гражданлар уруши қатнашчиси. 1917 йилдан Коммунистик партия аъзоси. Қамбағал деҳқон оиласида туғилган. Туркистондаги 1905—07 йиллар рев-ясида қатнашган. Перовск (ҳозирги Қизил ўрда)да Қизил гвардия ташкилотчиларидан. 1918 йили Перовскдаги партия ва совет ташкилотлари раҳбарларидан бири. 1918 йил ноябрида ТуркАССР Фавқулодда дала судининг раиси. Туркистонда Совет ҳокимиятини мустаҳкамлашда фаол қатнашган. *Осипов исёни*да ўлдирилган. Тошкентдаги кўчалардан бирига Ч. номи берилган.

ЧЕРДАНЦЕВ Глеб Никанорович (1885. 4. 8, Омск — 1958. 5. 12, Москва) — иқтисодчи ва географ олим, иқтисод фанлари д-ри (1936),





ЎзССР ФА акад. (1956). ЎзССРда хизмат кўрсатган фан арбоби (1955). Петербург Политехника ин-тини тугатган (1909). Одессада турли ишларда (1910—15), Туркистон ўлкасининг турли бошқармаларида (1915—17) ишлаган. Октябрь рев-ясидан кейин Туркистон Давлат ун-тининг ташкилотчиларидан бири ва биринчи ректори (1918), декан (1921 йилдан). ТуркАССР Госплани раиси ўринбосари, кейинчалик президиуми аъзоси (1921—23), ХХСР Госплани раиси (1923 йил апрелидан). Москва Геодезия, аэрофотосъёмка ва картография инженерлари ин-тида проф. (1924—58). Ч. ТуркАССР ва ХХСРнинг биринчи халқ хўжалиги планларини тузиш ишларига раҳбарлик қилган. СССР халқ хўжалигининг биринчи беш йиллик плани ва бош планини тузишда актив иштирок этган.

Асосий илмий фаолияти Урта Осиё энергетикаси, молия-савдо ишлари, меҳнат ва транспорт воситаларини ўрганишга, ЎзССРни р-нлаштириш масалаларига қаратилган. Ленин ордени б-н мукофотланган (1951).

Ас.: Среднеазиатские республики, М., 1928; Казахстан, М., 1930; Основы сельскохозяйственной географии, М., 1931.

ЧЕРЕМХОВО — РСФСР Иркутск областидаги шаҳар. Т. й. станцияси. Аҳолиси 88 минг киши (1976). Иркутск кўмир ҳавзасидан кўмир қазиб олувчи марказлардан бири. Машинасозлик, руда ремонти, картон-рубероид, пиво з-длари, сут, гўшт к-тлари, пайпоқ ва тикувчилик ф-калари ишлаб турибди. Иркутск политехника ин-ти филиали, кон техникуми, педагогика ва медицина билим юртлари, драма театри бор.

ЧЕРЕМУХА (Radus) — раънодошлар (атиргуллилар оиласи)га мансуб дарахт ёки бутасимон ўсимликлар туркуми. Бўйи 2—17 (20) *м*, диаметри 40 *см*. Шох-шаббалари кенг, қалин, эгилиб турадиган, пояснинг пўстлоғи кул ранг-қора, ёш новдаларининки очиқ яшил ёки қизил-жигар ранг, ялтироқ. Барги 5—15 *см*. Гуллари хушбўй, ҳидли, 8—12 *см* узунликдаги шингилга тўпланган. Меваси данакли, бир уруғли, шарсимон қора, ялтироқ, ширин резавор. Май-июнь ойларида гуллайди. Барги, пўстлоғи, гули, меваси ва уруғида амигдалин глюкозиди бор. Шимолий Америка, Европа ва Осиёда тарқалган. 20 тури маълум. СССРда табиий ҳолда 7 тури учрайди. Шулардан о д д и й Ч.нинг (R. racemosa) аҳамияти катта. Бу тур СССРнинг Европа қисмидаги ўрмон ва дашт зонасида, Ғарбий Сибирь, Кавказ, Ўрта Осиё ва Қозоғистонда тарқалган. Ўзбекистонда о д д и й Ч. ва в и р г и н Ч. манзарали ўсимлик сифатида ҳам ўстирилади. Пўстлоғидан яшил ва қўнғир бўёқ олинади. Мевасида олма, лимон кислота ва 5% қанд, баргида 280 *мг* витамин С ва эфир мойи прунозин бор. Меваси истеъмол қилинади ва ичимликлар тайёрлашда ишлатилади. Мевасидан дизентерияга қарши дори тайёрланади.

ЧЕРЕНКОВ Павел Алексеевич (1904. 15(28). 7, Воронеж обл.) — совет физиги, СССР ФА акад. (1970; 1964 йилдан мухбир аъзоси). 1946 йилдан КПСС аъзоси. Воронеж ун-тини тугатган (1928), 1930 йилдан СССР ФА Физика ин-тида ишлайди. Москва инженерлик-физика ин-тида проф. 1934 йилда радийнинг ү-нурлари таъсирида тоза суюқликнинг ёруғланишини кузатаётиб, *Черенков—Вавилов нурланиши*ни кашф этган. Черенков — Вавилов нурланиши асосида зарядланган зарраларни қайд қилиш методлари (Ч. счётчиклари) ишлаб чиқилган.



Черданцев Г. Н.

Ч. шунингдек, ядро физикаси, юқори энергияли зарралар физикаси, космик нурларни тадқиқ қилиш, электронларни тезлатиш проблемаларига оид ишлар ҳам қилган. Давлат мукофоти (1946, 1952, 1977) ва Нобель мукофоти (1958) лауреати, 2 марта Ленин ордени, 3 та бошқа орден ва медаллар б-н мукофотланган.

ЧЕРЕНКОВ — ВАВИЛОВ НУРЛАНИШИ, Ч е р е н к о в — В а в и л о в э ф ф е к т и — тез ҳаракатланувчи зарядланган зарралар (электронлар, протонлар, мезонлар ва б.) бирор моддадан ўтганда содир бўладиган ёруғлик нурланиши. Бунинг учун зарралар ёруғликнинг шу моддадаги фазавий тезлиги $u=c/n$ (c — ёруғликнинг вакуумдаги тезлиги, n — модданинг синдириш кўрсаткичи)дан катта тезлик v б-н ҳаракат қилиши лозим. Ч.—В. н. ни 1934 йилда П. А. *Черенков* С. И. *Вавилов* ташаббуси б-н радийнинг ү- нурлари таъсирида тоза суюқликнинг ёруғланишини кузатаётиб кашф этган. Бу ҳодисани 1937 йилда И. Е. *Тамм* ва И. М. *Франк* назарий томондан тушунтириб берганлар. Ч.—В. н. суюқ ва қаттиқ моддаларда газдагидан кўра нисбатан кичик энергияларда ҳам вужудга келади. Зичлиги катта моддадаги электронларнинг нурланиш содир қилиши учун бир неча юз минг *эв* энергия кифоя қилса, протонлар шундай тезликка эришиши учун 100 млн. *эв* энергия керак бўлади (чунки протоннинг массаси электрониникидан анча оғир).

Ч.—В. н. нинг характерли хусусияти унинг йўналганлигидадир. Ёруғлик ҳар томонга нурланмай, балки зарранинг ҳаракат траекториясн б-н ўткир бурчак ҳосил қиладиган йўналиш бўйича нурланади. Нурланиш бурчаги θ қуйидаги муносабатга бўйсунади:

$$\cos\theta=1/\beta^n,\ \beta=\frac{v}{c}.$$

Бурчак θ ни топиб, зарра тезлигини аниқлаш мумкин. Ч.—В. н. тез зарра (электрон, протон, мезон)ларнинг тезлигини ўлчашда ва ҳаракат йўналишини аниқлашда қулай ва аниқ усулдир. П. А. Черенков, И. Е. Тамм ва И. М. Франкларга Ч.—В. н. ни кашф этиб, тушунтириб берганликлари учун 1958 йилда Нобель мукофоти берилган.


ЧЕРЕПАНОВЛАР, Ефим Алексеевич (1774—1842) ва Мирон Ефимович (1803—1849) — отабола, рус ихтирочи механиклари, Заводчи Демидовларнинг крепостнойлари. Ефим Черепанов Нижний Тагиль з-дларида ишлаган. 1833 йилда Ефим Черепанов (ва унинг рафиқаси)га, 1836 йилда эса Мирон Черепановга ихтирочилик фаолияти учун озодлик берилган. Ч. ҳар хил механизмларни, домна, темирчилик, мис эритиш саноатидаги, нодир металларни қазиб олишдаги ишларни такомиллаштириш б-н шуғулланганлар. Ч. нинг э-длар ва транспорт учун зарур бўлган буғ машиналарини яратганлар. 1820 йилдан улар қуввати 2 о. к. дан 60 о. к. гача бўлган буғ машиналари (20 га яқин)ни ясаганлар. 1833—34 йилларда Ч. Россияда биринчи, 1835 йили эса анча кучли бўлган иккинчи паровозни яратганлар.

Лд.: В и р г и н с к и й В. С., Жизнь и деятельность русских механиков Черепановых, М., 1956.

ЧЕРЕПИЦА (рус.) — бино томини ёпиш учун ишлатиладиган материал. Сопол ва цемент-қум қоришмасидан тайёрланган Ч. кенг тар-



Черемуха.



Черкасси областидаги Корсунь-Шевченковский мемориал комплекси шу ердан бошланади.

қалган. Ч. лар нишабли том устига бир-бирига туташтириб териб чиқилади. Сопол Ч. махсус прессла ёрдамида, цемент-қум қоришмасидан иборат Ч. эса механизациялашган прессла ёрдамида тайёрланади.

ЧЕРЕПОВЕЦ — РСФСР Вологда областидаги шаҳар. Волга-Балтика сув йўлида. Т. й. станцияси. Рибинск сум омборидаги порт. Аҳолиси 238 минг киши (1976). Ч. 14-асрдан мавжуд бўлган Воскресенье монастири яқинида слобода сифатида вужудга келган. 1777 йилдан Новгород ноиблигининг шаҳри, 1780 йилдан Новгород губерниясининг уезд шаҳри.

Ч. — қора металлургияннинг муҳим маркази (Череповец металлургия з-ди). Кимё, азот ўғитлари з-длари, фанер-мебель к-ти, кемасозлик-кема ремонти, металл конструкциялар з-длари бор. Қурилиш материаллари саноати бор. Педагогика ин-ти, Шимоли-Ғарб сиртқи политехника ин-тининг филиали, 2 техникум, 2 билим юрти, ўлкашунослик музейи бор. Металлургия, темир прокати, ёғочсозлик з-длари, трикотаж, тикувчилик, пойабзал ф-калари, педагогика ин-ти, ўлкашунослик музейи бор.

ЧЕРИБО́Н, Чиребон — Индонезиядаги шаҳар. Ява о. нинг шимолий соҳилидаги порт. Аҳолиси 158 минг киши (1961). Жакарта-Сурабая т. й. даги муҳим транспорт узели. Тамаки, тўқимачилик, асбоб-ускуналар ишлаб чиқариш корхоналари бор. Фосфорит бойитилади.

ЧЕРИ́К (туркча چریک — қўшин, аскар) — 1) ўрта асрларда Мўғулистон, Дашти қипчоқ ва Ўрта Осиёда ҳарбий юриш вақтида вилоят, ўлка ва улуслардан тўпланадиган номунтазам қўшин. Ч. отлиқ ва пиёда қисмлардан иборат бўлган. Ч. ни тўплаб келиш *тавочилар* зиммасида турган; 2) 1362 йили Туркияда султон Мурод I (1360—89 йилларда ҳокимлик қилган) тарафидан асирга олинган ва махсус тарбияланган христиан ўсмирларидан тузилган алоҳида мунтазам ҳарбий қисм. Тарихда «йени черик» (янги қўшин) номи б-н машҳур (қ. *Яничарлар*).


ЧЕРИКЛА́Р, чориклар — туркий қабилалардан бири. Ч. сўзи Октябрь рев-ясига қадар асосан *қирғизлар*нинг йирик қабилаларидан бирини англатган. Ч. уруғ номи сифатида қирғизларнинг бағиш қабиласи ва ўзбекларнинг қипчоқ қабиласи ҳамда Нуротада яшовчи туркманларнинг таркибида ҳам бўлган. Ўзбеклар орасида яшаб келган Ч. гуруҳлари ўтроқлашиб, деҳқончилик б-н, қирғизлар таркибидаги Ч. нинг катта қисми асосан чорвачилик б-н шуғулланганлар. Социалистик қурилиш йилларида Ч. қабила ва уруғ номларини унутиб, қирғиз ва ўзбек социалистик миллатлари таркибига батамом сингиб кетдилар.

ЧЕРКАСЛАР (ўзларини адиге деб атайдилар) — халқ, РСФСРнинг Қорачой-Черкасия АОнинг шимолий қисмида яшайди. Умумий сони 40 минг киши (1970). *Кабардин-черкас тили*да гаплашади. Диндор Ч. ислом динининг сунна мазҳабига эътиқод қилади. Ч. нинг асосий машғулоти чорвачилик ва деҳқончилик ҳисобланади.

Кенг маънода «Ч.» атамаси ўтмишда тили, келиб чиқиши ва маданияти б-н бир-бирига яқин бўлган Қавказ халқлари — *адигейлар, кабардинлар*ни ва Ч. нинг ўзини англатган. Чет эл адабиётида Ч. этнонимн ҳозирга қадар ҳам шу маънода ишлатилади.

Ад.: Очерки истории Карачаево-Черкессии, т. 1, Ставрополь, 1967; Народы Кавказа, т 1, М., 1960.

ЧЕРКА́СОВ Николай Константинович [1903. 14(27). 7, Петербург — 1966. 14. 9, Ленинград] — рус совет актёри. СССР халқ артисти (1947). 1940 йилдан КПСС аъзоси. 1923—26 йилларда Ленинград Саҳна санъати ин-тида ўқиган. 1926—33 йилларда Ленинград Ёш томошабинлар театрида ишлади. 1933 йилдан Пушкин номидаги Ленинград драма театрининг актёри. Театр саҳнасида яратган Варлаам (А. Пушкин, «Борис Годунов»), Пётр I (А. Толстой, «Пётр I»), Горький (А. Каплер, Т. Злотогорова, «Даҳшатли йил»), Маяковский (В. Катанян, «Улар Маяковскийни билардилар»), Иван Грозний (В. Соловьёв, «Буюк ҳукмдор») каби образлари совет театри санъатида ўчмас из қолдирди. Ч. киноактёр сифатида ҳам катта муваффақиятларга эришган. Профессор Полежаев («Балтика депутати»), Александр Невский («Александр Невский»), Паганели («Капитан Грант болалари»), Дон Кихот («Дон Кихот»), Попов («Александр Попов»), академик Дронов («Ҳамма нарса одамларга қолади») сингари образлари шулар жумласидан. Ленин мукофоти (1964), СССР Давлат мукофоти (1941, 1946, 1950, 1951—2 марта) лауреати, Тинчликни ҳимоя қилиш Совет комитетининг аъзоси бўлган.



ЧЕРКА́ССИ — шаҳар, УССР Черкасси областининг маркази. Кременчуг сув омбори (Днепр дарёси) ўнг соҳилидаги порт. Т. й. ва шоссе йўллар узели. Аҳолиси 221 минг киши (1975). Ч. Литва қўл остида бўлган Киев князлиги таркибида 1394 йилдан маълум. 1941 йил 22 августидан 1943 йил 14 декабригача Ч. ни немис-фашистлари оккупация қилган. 1954 йилдан обл. маркази. Саноатининг муҳим тармоқлари: машинасозлик, кимё, енгил ва озиқ-овқат саноати. Йирик корхоналари: кимё (азотли ўғитлар) к-ти, кимёвий тола, кимёвий реактивлар, шакар-қанд, сут з-длари, консерва, гўшт, тўқимачилик к-тлари, тамаки, тикувчилик, трикотаж ф-калари ва б. Қурилиш материаллари ишлаб чиқарилади. Педагогика ин-ти, Киев Инженерлик-қурилиш ин-тининг умумий ф-ти, 3 техникум, 2 театр, филармония, ўлкашунослик музейи бор.

ЧЕРКА́ССИ ОБЛАСТИ — УССР таркибидаги область. 1954 йил 7 январда ташкил топган. Майдони 20,9 минг *км*². Аҳолиси 1554 минг киши (1976). 20 маъмурий р-нга бўлинган, 15 шаҳар, 19 ш. т. п. бор. Маркази — Черкасси ш.

Табиати. Кременчуг ва Қанев сув омборларининг (Днепр дарёси) ҳар икки соҳилида: ўнг соҳилидаги катта қисми Днепр бўйи қирлари (энг баланд жойи 270 *м*), чап соҳилдаги кичик қисми Днепр бўйи пасттекислигида жойлашган. Иқлими мўътадил континентал. Январининг ўртача т-раси —5°, июлиники 19,5°. Йиллик ёғин миқдори 450—520 *мм*. Вегетация даври 206—212 кун. Йирик дарёси — Днепр. Ўнг соҳилда типик ва подзоллашган қора тупроқ, тепаликларда подзоллашган сур тупроқ, чап соҳилда ўтлоқ ва чимли подзол тупроқлар кенг тарқалган. Обл. терр-ясининг 15,5%и ўрмон. Дашт ўсимликлари кам қолган. Урмон ва дашт ҳайвонлари учрайди.

Аҳолиси. Асосан украинлар; шунингдек руслар, белоруслар ва б. ҳам яшайди. 1 *км*² га ўртача 74,4 киши тўғри келади. Шаҳар аҳолиси 43% (1975). Йирик шаҳарлари: Черкасси, Умань, Смела, Звенигородка, Золотоноша, Қанев, Шпола.

Хўжалиги. Ч. о. саноати асосан қўшни Донбасс-Днепр бўйининг хом ашё ва ёқилғи бойликларига, шунингдек маҳаллий меҳнат ресурслари ва ҳ. к. маҳсулотларига асосланган. Саноат маҳсулоти структурасида озиқ-овқат саноати етакчи ўринда. Қанд ишлаб чиқариш бўйича обл. республикада олдинги ўринлардан бирида. Қанд з-длари 1975 йилда 662 минг *т* шакар ва 239 минг *т* қанд ишлаб чиқарган. Шунингдек, гўшт (Черкасси, Умань, Ватутинодаги гўшт к-тлари), сут, спирт-арақ ва б. ишлаб чиқариш ҳам ривожланган. Машинасозлик ва металлсозлик ривожланмоқда (Черкасси, Корсунь-Шевченковский, Смела, Умань, Каменкадаги корхоналар). Кимё саноати корхоналаридан кимё к-ти, кимёвий тола з-ди, шойи газламалар к-ти (Черкасси), ип газламалар ва гигроскопик пахта ф-калари, тикувчилик бирлашмаси (Черкасси) бор. Энергетиканинг негизини Черкасси ТЭЦ ва Қанев ГЭС ташкил қилади. Қурилиш саноати тез ривожланмоқда (уйсозлик к-ти, гранит карьери, ғишт з-длари).

Қ. х. лавлаги-дон экинлари етиштириш ва гўшт-сут чорвачилигига ихтисослашган. 1976 йилда 412 к-з ва 40 с-з бўлган. Асосий қ. х. ишлари механизациялашган (10,7 минг трактор, 2,9 минг ғалла ва 2,5 минг лавлаги йиғиш комбайнлари). Қ. х. да фойдаланиладиган ерлар обл. терр-ясининг $^2/_3$ қисмини ташкил қилади. Экин майдони 1204,6 минг *га* (1975), шундан дон экинлари 661,9 минг *га*, қанд лавлаги 152,3 минг *га*, картошка 85,2 минг *га*, ем-хашак экинлари 358,6 минг *га*. Боғдорчилик ва сабзавотчилик ривожланган. 1976 йилда 866,3 минг қорамол, 1084,1 минг чўчқа, 288,3 минг қўй ва эчки бўлган. Паррандачилик ривожланган.

Т. й. узунлиги 605 *км*, автомобиль йўллари 6 минг *км*, шундан қаттиқ қопламали йўллар 4,6 минг *км*. Днепр дарёсида кема қатнайди. Ҳаво транспорти ривожланган.

1975/76 ўқув йилида 829 умумий таълим мактабида 245,2 минг ўқувчи, 23 ҳунар-техника ўқув юртида 11,5 минг ўқувчи, 21 ўрта махсус ўқув юртида 17,3 минг ўқувчи, 3 олий ўқув юрти ва Черкассидаги Киев инженерлик-қурилиш ин-тининг умумий техника ф-тида 4,8 минг студент ўқиди.

Ч. о. да 1040 оммавий кутубхона, 7 музей, 2 театр, 959 клуб, 975 киноустановка ишлаб турибди.

Украин тилида «Черкасская правда» (1918 йилдан) ва «Молодёжь Черкащины» (1960 йилдан) газеталари чиқиб туради.

ЧЕРКЕ́З (Salsola richteri Karel) — шўрадошлар (шўрагуллилар оиласи)га мансуб йирик бута ёки дарахтча. Барглари ингичка, деярли ипсимон, узунлиги 4—8 *см*. Гулёнбаргчалари гулларидан қисқа ёки уларга тенг. Гуллари кўримсиз, гулқўргони оддий, беш бўлакли. Июнь — сентябрда гуллаб, мева беради. Ўзбекистоннинг қумли ерларида кенг тарқалган. Ем-хашак ва доривор ўсимлик. Ундан қумларни мустаҳкамлашда ҳам фойдаланилади.

ЧЕРКЕ́ССК (1931 йилгача — Баталпашинская станицаси, 1939 йилгача Баталпашинск ш.) — шаҳар, РСФСР Ставрополь ўлкаси таркибида. Қорачой-Черкасия АО нинг маркази. Кубань дарёси бўйида. Т. й. станцияси. Аҳолиси 80 минг киши (1975).

Ч. 1804 йилда ҳарбий қалъа сифатида вужудга келган. Холодильник машинасозлиги, паст вольтли аппаратлар, техник резина буюмлари, кимё, цемент з-длари ишлаб турибди. Машинасозлик, кимё, электротехника, қурилиш материаллари, озиқ-овқат ва енгил саноат корхоналари, Ставрополь Политехника ин-тининг филиали; автомобиль-йўл техникуми, пед., мед. ва музика билим юртлари, экономика, тарих, тил ва адабиёт илмий тадқиқот ин-ти, драма театри, ўлкашунослик музейи бор.

ЧЕРКО́В (юнон. kyriake — худонинг уйи сўзидан) — 1) христианликдаги махсус диний ташкилот. Ўз диний ақидалари ва диний маросимлари системасига эга. Ч. ни бошқариш иерархик характердадир; Ч. га мансуб кишилар руҳонийлар (клир) ва оддий диндорлар (мирян)га бўлинади. Христианлик Ч. ни «Исонинг илоҳий танаси», унга эътиқод қилувчилар шу тана аъзоларидир, Исо эса шу тананинг боши, деб таълим беради. Йирик христиан Ч. лари: православ черкови (қ. *Православие*), католик черкови (қ. *Католицизм*), арман апостол черкови, протестант черкови (қ. *Протестантизм*), лютеран черкови (қ. *Лютеранлик*), кальвинистик черков (қ. *Кальвинизм*). Барча антагонистик ижтимоий тузумларда Ч. ҳукмрон синфларнинг манфаатларини ҳимоя этиб, муҳим сиёсий, ҳуқуқий, идеологик функцияни бажарган. СССР ва б. социалистик мамлакатларнинг кўпчилигида Ч. давлатдан ажратилган (яна қ. *Христианлик*);


2) христиан динида ибодатхонанинг кенг тарқалган тури, руҳоний ва б. раҳбарлигида ибодат қилиб туриш учун махсус қурилган бино. Меҳробли қисм ва унга туташ зал — диндорлар ибодатга тўпланадиган хонадан иборат бўлади. Христианликнинг кўп асрлик тарихи мобайнида турли халқларда Ч. биноларининг турли типлари вужудга келган.




Черкасов Н. К.



Черкез.





1. Черкасси областида галла ўрими. 2. Золотоноша районидаги Пальмира қанд заводи.



Новгород-Северскийнинг Десна томондан кўриниши.



Чернигов шаҳрида Ю. М. Коцюбинскийга ўрнатилган ҳайкал.

«ЧЕРКОВНИ ДАВЛАТДАН ВА МАКТАБНИ ЧЕРКОВДАН АЖРАТИШ ҲАҚИДА»ГИ ДЕКРЕТ — Совет ҳокимиятининг илк декретларидан бири. 1918 йил 23. 1 (5. 2) да В. И. Ленин имзоси б-н эълон қилинган. Совет давлати бунда *виждон эркинлигини* амалга ошириш юзасидан рев-ядан олдин марксистлар олға сурган фикрларга, ёш Совет ҳукумати эълон қилган ҳужжатларга якун ясади. Декретда дин давлатдан ажратилганлиги, диний жамиятлар давлат ҳокимияти б-н алоқадор бўлмасликлари таъкидланган. Декрет виждон эркинлигини чекловчи ёки гражданларга муайян динга мансублигига қараб қандайдир имтиёзлар берувчи маҳаллий қонун ва қарорлар чиқаришни ман этди. Ҳар бир киши ўзи истаган динга эътиқод қилишга ёки ҳеч қандай динга ишонмасликка имконият очиб берди. Декретда давлат муассасалари ва жамоат ташкилотлари ҳеч қандай диний маросим ва тантаналарни бажармасликлари алоҳида қайд этилди. Черков ва диний жамиятларнинг социалистик жамиятда тутадиган ўрни ва ҳуқуқий вазияти аниқ белгиланди. Черков ер, турар жой ва б. хил турли мулкларга эгалик қилиш ҳуқуқидан маҳрум этилди, ер халқ мулки деб эълон қилинди. Шу б-н бирга декрет ибодат қилиш учун керак бўлган бино ва буюмларни диндорларга текин фойдаланишга беришни кўзда тутди.

Виждон эркинлигини амалга оширишда декретнинг мактабни черковдан ажратиш ҳақидаги моддаси муҳим аҳамиятга эга бўлди. Унга биноан ёшлар илмий-материалистик атеистик рухда таълим-тарбия олишларига имконият туғилди.

Декретнинг асосий қонунлари барча Совет Конституцияларида, хусусан 1977 йилда қабул қилинган СССР Конституциясида (52-модда) ўз ифодасини топди.

ЧЕРНИГОВ — шаҳар, УССР Чернигов областининг маркази. Десна дарёсининг ўнг соҳилида. Дарё порти, т. й. ва шоссе йўллари узели. Аҳолиси 224 минг киши (1976). Қадимий рус шаҳарларидан. Шаҳар биринчи марта 907 йилги солномада тилга олинган. 1802 йилдан Чернигов губернясининг маркази.

1918 йил 19 январ (1 февраль)да Совет ҳокимияти ўрнатилган. 1941 йил 9 сентябрдан 1943 йил 21 сентябргача немис-фашист қўшинлари томонидан оккупация қилиниб, шаҳарга катта талафотлар етказилган.



Чернигов шаҳрининг умумий кўриниши.

Қимё («Химволокно» саноат бирлашмаси), енгил (камволь-мовут к-ти, жунга дастлабки ишлов бериш, тикувчилик, пойабзал ф-калари), озиқ-овқат (гўшт к-ти, сут з-ди, кондитер ва макарон ф-калари ва б.) саноат тармоқлари ривожланган. Автомобиль эҳтиёт қисмлари, ремонт-механика ва махсус қирқиш асбоблари з-длари, уйсозлик к-ти, музика инструментлари (пианино) ф-каси, картон ф-каси ишлаб турибди. Педагогика ин-ти, Киев Политехника ин-тининг филиали, синтетик тола ишлаб чиқарувчи машиналар, Бутуниттифоқ илмий тадқиқот ин-ти, республика Қ. х. микробиологияси илмий тадқиқот ин-ти, 7 ўрта махсус ўқув юрти, музикали драма театри, филармония, 2 музей бор. 11—12—13- аср архитектура ёдгорликлари сақланган.


ЧЕРНИГОВ ОБЛАСТИ — УССР таркибидаги область. 1932 йил 7 октябрда ташкил топган. Майдони 31,9 минг *км*². Аҳолиси 1515,3 минг киши (1976). 22 маъмурий р-нга бўлинган, 15 шаҳар, 31 ш. т. п. бор. Маркази — Чернигов ш.

Табиати. Днепрнинг чап ирмоғи — Десна дарёси ҳавзасида жойлашган. Ер юзаси текислик, шимоли-шарқдан жанубий-ғарбга томон қия. Иқлими мўътадил континентал. Ёзи илиқ. Январнинг ўртача т-раси —6°, —8°; июлники 19—20°. Йиллик ёғин миқдори 500—600 *мм*. Вегетация даври 190—200 кун. Асосий дарёси — Десна; майда кўллар кўп. Шимолий қисмида чимли подзол, қумли, қумоқ, жанубида қора тупроқ кенг тарқалган. Область терр-ясининг $^1/_5$ қисми ўрмон (қарағай, граб, дуб, жўка). Ўрмон ва ўрмонли дашт ҳайвонлари учрайди.

Аҳолиси. Асосан украинлар; руслар, белоруслар ва б. ҳам яшайди. 1 *км*² га ўртача 47,7 киши тўғри келади. Шаҳар аҳолиси 42% (1976). Муҳим шаҳарлари: Чернигов, Прилуки, Нежин.

Хўжалиги. Обл. республикада торф запаси бўйича олдинги ўринлардан бирини эгаллайди. Темир-руда, фосфорит, мергель конлари бор. Бир қанча нефть конлари очилиш муносабати билан нефть, газ, нефтни қайта ишлаш саноат тармоқлари вужудга келди. Енгил саноат биринчи ўринда (1975 йилда саноат маҳсулотининг 39% ини ташкил қилган), ундан кейин тўқимачилик (Чернигов), трикотаж (Прилуки), тикувчилик (Чернигов, Нежин) саноатлари туради. Машинасозлик ва металлсозликда қ. х. машиналари (Нежин, Прилуки), ёнғинга қарши асбоб-ускуналар (Ладан), автомобиль эҳтиёт қисмлари, темир-терсак буюмлар тажриба-эксперимент, махсус қирқиш асбоблари, ремонт з-длари ишлаб турибди. Қимё ва нефть кимёси саноатлари («Химволокно» саноат бирлашмаси, пластмасса, лак ва бўёқ корхоналари) вужудга келган. Мебель корхоналари, музика асбоблари (пианино), техник қоғоз ф-каси бор. Қурилиш корхоналари йиғма темир-бетон конструкциялар, тунука материаллар, ғишт ишлаб чиқаради. Гўшт, мой-сир ва сут, шакар-қанд, пиво, қрахмал-қиём з-длари мавжуд; сабзавотни қайта ишлаш ривожланган.

Қ. х. картошка, дон, қанд лавлаги, узун толали зиғир, сабзавот етиштириш ва сут-гўшт червачилигига ихтисослашган. 1976 йилда 526 к-з ва 47 с-з бўлган. Қ. х. да фойдаланиладиган ерлар обл. терр-ясининг 64% ини ташкил



қилади. Шундан 72,5% и ҳайдаладиган ерлар, яйлов ва пичанзорлар 26,2%. Экин майдони 1580,8 минг *га*, шундан ғалла экинлари 725,4 минг *га*, картошка 201,8 минг *га*, техника экинлари 95,9 минг *га*, ем-хашак экинлари 540 минг *га*. Қ. х. да 155 минг *га* қуритилган ердан фойдаланилади. 1976 йилда 1278,7 минг қорамол (жумладан 500,5 минг сигир), 788,8 минг чўчқа, 254,1 минг қўй ва эчки бўлган.

Т. й. узунлиги 892 *км*. Автомобиль йўллари 12 минг *км*, шундан қаттиқ қопламали йўллар 3,3 минг *км*. Днепр ва Десна дарёларида кема қатнайди. Ҳаво йўли ривожланган.

1975/76 ўқув йилида 1147 умумий таълим мактаби, 16 профессионал-техника ўқув юрти, 16 ўрта махсус ўқув юрти, 2 педагогика ин-ти, Киев Политехника ин-тининг филиали бўлган.

1976 йилда 1103 оммавий кутубхона, 8 музей, 2 театр, 1121 клуб, 1221 киноустановка ишлади.

ЧЕРНИК Степан Семёнович (1894, ҳозирги БССРнинг Гродно обл. Новогрудок р-ни — 1967. 28. 3, Тошкент) — журналист. 1919 йилдан КПСС аъзоси. Ўрта Осиё Коммунистик ун-тида ўқиди (1923—26) ва ишлади (1931 йилгача). Шу даврдан унинг журналистик фаолияти бошланди. «Правда Востока» («Шарқ ҳақиқати») газетаси муҳаррири ўринбосари (1931—34), СССР ХКС ҳузуридаги совет контрол комиссияси вакиллигининг Ўзбекистон бўйича назоратчиси (1934—1937), 1937 йилдан «Правда Востока» газетаси муҳаррири ўринбосари, сўнгра муҳаррири. 1937—40 йилларда «Литература и искусство Узбекистана» («Ўзбекистон адабиёти ва санъати») журнали муҳаррири. 1940 йилдан «Ташкентский канал» («Тошкент канали») газетаси муҳаррири. 1942—43 йилларда Ўзбекистон КП МҚ секретари ёрдамчиси, 1943—44 йилларда Ўзбекистон КП Тошкент ш. комитети секретари, 1944 йилдан «Правда Востока» газетаси масъул муҳаррири ўринбосари, 1950 йилдан масъул муҳаррири, 1960 йилдан «Коммунист Узбекистана» («Ўзбекистон коммунисти») журнали муҳаррири ўринбосари, 1961—66 йилларда муҳаррири. Ўзбекистон КП 2-, 9—17- съездлари делегати; 11—13-, 15—16- съездларда МК аъзоси қилиб сайланган. 3—5- чақириқ УзССР Олий Совети депутати. 1959 йилдан Ўзбекистон Журналистлар союзи Правлениеси раиси ўринбосари, 1958 йилдан Тинчликни ҳимоя қилиш Ўзбекистон комитети Президиуми раиси ўринбосари. 3 марта Меҳнат Қизил Байроқ ордени, 2 та «Ҳурмат Белгиси» ордени б-н мукофотланган.



Чернишевский Н. Г.

ЧЕРНИКА (Vaccinium myrtyllus Z) — эрикадошлар (эрикагуллилар оиласи)га мансуб бута ёки чала бута. Бўйи 8—40 *см*. Гули оқ яшил, гул бандларида якка-якка жойлашади. Майиюнда гуллайди. Меваси июль-августда етилади. Меваси таркибида 12% ошловчи модда, 44 *мг*% витамин С, қанд, лимон ва олма кислота, бўёқ моддалари, сийдик ва қонда қанд моддасини камайтирувчи — неомиртиллин глюкозиди бор. Ч. СССРнинг Европа қисмида, Сибирда, Кавказда, Узоқ Шарқда учрайди. Ҳўл мевасидан кисел, вино, ликёр ва б. тайёрланади. Медицинада Ч. нинг қуритилган меваси ични қотирувчи восита сифатида қўлланилади.

ЧЕРНИШЕВ ТИЗМАСИ — РСФСР Амур областидаги тоғ тизмаси. Нюкжа дарёси (Лена ҳавзаси) б-н Тинда дарёси (Амур ҳавзаси) водийлари оралиғида. Узунлиги 120 *км*, энг баланд нуқтаси 1571 *м* (Лукинда тоғи). Гранит ва кристалли сланецлардан тузилган. Ч. т. нинг пасткі қисми тайга ўсимликлари, юқори қисми қурум тошлар ва ер бағирлаб ўсадиган кедр бутазорларидан иборат.

ЧЕРНИШЕВСКИЙ Николай Гаврилович [1828. 12(24). 7 — Саратов — 1889. 17(29). 10] — рус революционери ва мутафаккири, ёзувчи, экономист, философ, танқидчи. Руҳоний оиласида туғилган. Саратов диний семинариясида ўқиган (1842—45), Петербург ун-тининг тарих-филология бўлимини тугатган (1850). Ч. дунёқараши асосан студентлик йиллари рус крепостной воқелиги ва Европада 1948—49 йиллардаги рев-я таъсирида шаклланди. Унга немис философияси, инглиз сиёсий иқтисоди, француз утопик социализми классиклари (Г. *Гегель*, Л. *Фейербах*, Д. *Рикардо*, Ш. *Фурье* ва б.) ва айниқса В. Г. *Белинский* ва А. И. *Герцен* асарлари таъсир кўрсатган. Ч. ун-тни битириш олдида эътиқодли демократ, революционер, социалист ва материалист бўлиб етишди. 1851—53 йилларда Саратов гимназиясида рус тили ва адабиётидан дарс берди. 1853 йилда Петербургга кўчиб борди ва «*Отечественные записки*», кейинчалик «*Современник*» журналларида ишлай бошлади.

Ч. революцион демократиянинг дунёқараши, программаси ва тактикасини ишлаб чиқишда катта роль ўйнади. У ўзининг кўп қиррали фаолиятини халқ оммасининг манфаатларини ҳимоя қилиш, крепостной тузум ва чоризмга қарши кураш ишига бағишлади. «*Земля и воля*» жамиятини тузувчилардан бири бўлди ва унга ғоявий раҳбарлик қилди.

Философия соҳасида Ч. 18- аср француз материалистлари, Фейербах, Белинский ва Герценнинг материалистик традицияларини давом эттирди ва ривожлантирди. Ч. «Философияда антропологик принцип» (1860) асарида ўзининг фалсафий қарашларини системалаштирди. Диалектик методни табиатшунослик масалаларига қўллаш б-н бирга сиёсий, иқтисодий му-



Черника.



Чернова О.

носабатларга, рев-я масалаларига ҳам татбиқ қилди. Шунинг учун ҳам В. И. Ленин Ч. ни «улуғ рус гегелчиси ва материалисти» деган эди. Ч. сиёсий назария, фалсафий таълимот синфий ва партиявий характерга эга бўлиб революцион кураш воситасидир деб билди. Инсон сезги органларига таъсир қилувчи объектив оламни билишнинг манбаи деб ҳисоблади. *Практика*га катта эътибор бериб, унга ҳақиқат критерийси деб қаради.

Ч. иқтисодий таълимотида буржуа сиёсий иқтисодининг синфий характерини очиб ташлади ҳамда унга ўзининг иқтисодий назарияси —«меҳнаткашлар назарияси»ни қарамақарши қўйди. Бу назарияда мавжуд иқтисодий тузумни коммунистик тузум б-н алмаштириш зарурлигини асослашга ҳаракат қилди. Ч. нинг иқтисодий таълимоти марксизмгача бўлган иқтисодий тафаккурнинг чўққиси ҳисобланади. Ч. Россия тараққиётнинг капиталистик босқичини четлаб, деҳқонлар жамоаси орқали социализмга ўтиши мумкинлиги тўғрисидаги ғояни илгари сурди. Бу ғоя, унинг фикрича, деҳқонлар рев-яси орқали амалга оширилади. Ч. бир қанча асарларида буржуа жамиятининг зиддиятларини очиб ташлади, капиталистик тузумни қаттиқ танқид қилди. Ч. нинг революцион демократик қарашларида миллий масала алоҳида ўрин эгаллайди. У бир миллатнинг иккинчи миллатни эзишга, бир давлатнинг иккинчи давлат терр-ясини тортиб олишга қаратилган снёсатни қаттиқ қоралади. Ч. *народниклик* асосчиларидан бири бўлган. Ч. 1861 йилдаги реформанинг талончилик характерини фош қилди, деҳқонларни қўзғолонга даъват этди. Лекин у капиталистик ишлаб чиқариш усулининг моҳиятини тушунмади. Фақат пролетариат социализм қуришга қодир куч эканлигини билмади. Шунинг учун ҳам унинг таълимоти *утопик социализм* шаклларидан бири бўлиб қолди.

Ч. «Санъатнинг воқеликка эстетик муносабати» темасида магистрлик диссертациясида Россияда материалистик эстетикани ишлаб чиқишга асос солди. Санъатга материалистик нуқтаи назардан қараб, уни воқеликнинг нусхаси деб билди. «Гўзаллик — ҳаётдир» тезисини илгари суриб, «*санъат санъат учун*» назариясига зарба берди. Ч. адабиётда реалистик йўналиш позициясида туриб, адабиётни халқ манфаатларига хизмат қилишини тарғиб қилди. Танқидий мақолаларида Белинскийдан кейин адабиётнинг ғоявийлиги ва халқчиллиги масалаларини ишлаб чиқди; санъатда типиклик масаласини материалистик позициядан туриб ҳал қилди. Ч. рус адабиёти тарихига ва рус ёзувчилари (А. С. Пушкин, Н. В. Гоголь, Н. А. Некрасов, Л. Н. Толстой ва б.) нинг ижодига материалистик эстетика позициясидан туриб баҳо берди. Ч. реализмининг идеали бадиий тасаввурнинг ҳаққонийлигини илғор, революцион фикр б-н бирга қўшишни назарда тутади. Ч. нинг халқ революцион интилишлари б-н узвий боғлиқ асарлари илғор рус жамоатчилигининг фикрларини жалб қила бошлади.

Ч. нинг ўсиб бораётган таъсиридан хавфсираган чор ҳукумати уни таъқиб остига олди. «Современник» журнали тақиқлангандан 8 ой ўтгач, 1862 йил 7 июлда Ч. қамоққа олинди ва Петропавловск қалъасига ташланди. Ч. қамоқхонада «Нима қилмоқ керак?» (1862—63) романини ёзди. Бу асар Ч. ижтимоий-сиёсий, фалсафий ва этик қарашларининг синтези ҳисобланиб, ўз даври илғор ёшлари фаолиятининг амалий программаси бўлиб хизмат қилди. Роман рус жамоатчилигига катта таъсир кўрсатди ва кўп революционерларнинг етишиб чиқишига имкон берди.

1864 йилда Ч. «мавжуд бошқариш тартибларини ағдариб ташлаш»га ундашда айбланиб 7 йилга каторгага ҳукм қилинди. 1871 йилда каторга муддатини ўтаб, Вилюй қамоқхонасига юборилди. Қаторгада «Муқаддима» («Пролог», 1867—69) романини ва б. бир қанча асарларини ёзди. Фақат 1889 йил июнда Саратовда яшашга рухсат берилди.

Ч. асарлари Россияда то 1905—07 йиллар рев-ясигача тақиқланган. К. Маркс ва Ф. Энгельс Ч. асарларини ўрганганлар ва уни «улуғ рус олими ва танқидчиси» деб атаганлар. В. И. Ленин таъкидлашича, Ч. «Герценга нисбатан олға қараб катта қадам ташлади. Чернишевский анча изчил ва жанговар демократ эди. Унинг асарларидан синфий кураш руҳи барқ уриб туради» (Тўла асарлар тўплами, 25-том, 109-бет). Ч. асарлари илғор рус кишиларининг кўп авлодларини тарбиялашга хизмат қилди. У рус ва СССРнинг бошқа халқлари маданияти ва ижтимоий тафаккури ривожланишига катта таъсир кўрсатди. Ч. нинг революцион-демократик ғоялари Урта Осиёга унинг шогирдлари, издошлари, илғор рус интеллигентлари, революционерлари орқали келган ва прогрессив ижтимоий-сиёсий фикр вакиллари дунёқарашига таъсир кўрсатган. Ч. нинг маънавий мероси фақат Октябрь рев-ясидан кейин кенг ўрганилди ва тарғиб қилинди. Унинг «Нима қилмоқ керак?» романи ва бир қанча адабий-танқидий асарлари ўзбек тилида нашр этилган.

Ас.: Соч., т. 1—5, М., 1974; Избр. эконом. произведения, т. 1—3, М., 1948—49; Избр. философские сочинения, т. 1—3, М., 1950—51; Эстетика, М., 1958; Нима қилмоқ керак?, Т., 1968; Танланган адабий-танқидий мақолалар, Т., 1956.

Ад.: Ленин В. И., Россияда ишчилар матбуотининг ўтмишидан. Тўла асарлар тўплами, 25-т.; Чернышевский в воспоминаниях современников, т. 1—2, [Саратов], 1958—59; Н. Г. Чернышевский, Статьи, исследования, материалы т. 1—7, [Саратов], 1958—75; Чернышевская Н. М., Летопись жизни и деятельности Н. Г. Чернышевского. М., 1953; История философии в СССР, т. 3, М., 1968; Пантин И. В., Социалистическая мысль России: переход от утопии к науке, М., 1973; Тамарченко Г. Е., Чернышевский — романист, Л., 1976; Чернышевский Н. Г., Указатель литературы, 1960—1970, [Саратов], 1976.

ЧЕРНИШЕВСКИЙ НОМЛИ НАМУНА ИШ МАКТАБИ — Тошкентдаги илк тажриба-намуна меҳнат мактабларидан. 1918 йили ташкил этилган. Дастлаб Туркистон Маориф халқ комиссарлиги педагогика лабораторияси ҳузурида 1-босқичли мактаб бўлган. 1920 йилдан мустақил тажриба мактабига айланиб, 2-босқичи ҳам ташкил топа бошлади. Мактаб меҳнат ва политехника таълимига асосланган. Ўқувчиларнинг фанни ўзлаштириши меҳнат тарбияси б-н боғланган ҳолда олиб борилган. Ўқувчилар синфдан ва мактабдан ташқи ишларда фаол қатнашган, мактаб ер участкаси ва устахонасида меҳнат малакаларини оширишган, корхона, ишлаб чиқаришларга экскурсиялар уюштирилган, коллекция ва гербарийлар тўпланган, тўгаракларда расм солиш, тикиш-бичиш, макетлар қуриш кенг йўлга қўйилган. Ўқувчиларнинг касб танлаши соҳасида амалий тажрибалар ўтказилган. 1924/25 ўқув йили ўқувчиларнинг алоҳида группалари қ. х. ҳамда маданий-оқартув ишлари соҳасида ихтисослаштирилган, кимё бўйича лаборантлар тайёрланган. Мактабнинг иш тажрибалари бошқа мактабларнинг ўқувчилари учун методика соҳасида катта ёрдам берган. Мактабда Н. П. Архангельский (мудир), А. Н. Милованова, Н. Г. Елкин, Е. Э. Ромонад, Е. В. Сазонова, Н. В. Дегтярева каби машҳур педагоглар ишлаган. 1932 йили ёпилиб, ўқувчилари бошқа мактабларга ўтказилган.

Ад.: Ражабов С., Ўзбекистонда совет мактаби тарихига доир, Т., 1957; Умаров Ю. У., Очерки истории трудового воспитания в школах Узбекистана (1865—1930 гг.), Т., 1969; Бендриков К. Е., Очерки по истории народного образования в Туркестане, М., 1960.

ЧЕРНОВ Дмитрий Константинович (1839—1921) — рус олими, металлург, металлшунослик ва пўлатни термик ишлаш назариясининг асосчиси. Петербургдаги Михайловский Артиллерия академиясининг проф. (1880). Петербургдаги Обухов пўлат қуйиш з-дида ишлаб, пўлатни қаттиқ ҳолатида совитганда ва қиздирганда фазавий ўзгаришини кашф этди (1868), шу жараёнда критик нуқтани аниқлади (пўлатни қиздиришда унинг структураси ва хоссасини таъминлайдиган ички-полиморфик ўзгариш критик нуқтаси металлургияда «Чернов нуқтаси» деб аталади). Бу ва б. муҳим тадқиқотлари ҳозирги замон металлшунослиги ва пўлатни термик ишлашни асослади. 1878 йилда пўлат қуймасининг кристалланиши ва тузилиши назариясини ишлаб чиқди. Ч. нинг металлургия техникасини такомиллаштиришга оид ғоялари катта аҳамиятга эга бўлди.

ЧЕРНОВА Ольга Александровна (1922. 13. 7, ҳозирги Челябинск обл. Троицк қишлоғи) — рус совет режиссёри. УзССР халқ артисти (1974). Тошкент Театр санъати ва рассомлик ин-тининг актёрлик (1949) ва режиссёрлик (1956) ф-тини тугатган. 1957—66 йиллар ва яна 1970 йилдан М. Горький номидаги Тошкент рус драма театрида реж., 1966—70 йиллар Куйбишев обл. театрида реж. Ч. «Океан» (А. Штейн), «Жиноят ва жазо» (Ф. Достоевский), «Қил устида» (Н. Ҳикмат), «Яна севги ҳақида» (С. Радзинский), «Момо ер» (Ч. Айтматов), «Ягона гувоҳ» (Ад. ва П. Тур), «Авлабар бекаси» (А. Цагарели) каби спектаклларни саҳналаштирган.

ЧЕРНОВЦИ (1944 йилгача — Черновци) — шаҳар, УССР Черновци областининг маркази. Карпат тоғлари этагида, Прут дарёси бўйида. Т. й. ва автомбиль йўллари узели. Аҳолиси 199 минг киши (1974). Ғарбий Украинанинг йирик саноат маркази. Саноатининг асосий тармоқлари: енгил (тўқимачилик, трикотаж, пойабзал, тикувчилик корхоналари) ва озиқ-овқат саноати (қанд, ёғ-мой, гўшт, пиво ва вино корхоналари ва б.). Машинасозлик (машинасозлик, нефть аппаратуралари, енгил саноат учун ускуналар; электр приборлар з-длари) ва ёғочсозлик (мебель, ёғочсозлик ва ёғоч) корхоналари барпо қилинган. Ун-т, медицина ин-ти; Киев савдо-иқтисод ин-тининг филиали, республика лойиҳалаш ин-тларининг филиаллари, индустрия, тўқимачилик, т. й., қурилиш ва б. техникумлар, филармония, мусиқали драма театри, 3 та музей бор.

Ч. Киев Руси таркибига кирган қадимий шаҳарлардан. Шаҳарга 1407 йилда асос солинган. У тез-тез қўлдан-қўлга ўтиб турган. Аввал Австрия-Венгрияга, кейин Руминияга қарам бўлган. 1940 йилда Шимолий Буковина таркибида УССРга қўшилган.

ЧЕРНОВЦИ ОБЛАСТИ — УССР таркибидаги область. 1940 йил 7 августда ташкил топган. Майдони 8,1 минг *км*². Аҳолиси 880 минг киши (1976). 10 маъмурий р-нга бўлинган, 10 шаҳар ва 9 ш. т. п. бор. Маркази — Черновци ш.

Табиати. Ч. о. Карпат тоғлари ва шу тоғ этаклари ҳамда Волинь-Подолия қирларининг тармоқларида жойлашган. Иқлими мўътадил континентал. Январининг ўртача т-раси —4,8° дан —10° гача; июлиники 12° дан 19,2° гача. Йиллик ёғин миқдори 500—1000 *мм*. Вегетация даври 206—216 кун. Муҳим дарёлари: Днестр, Прут, Сирет. Текисликда сур тусли ўрмон ва подзоллашган қора тупроқ, тоғларда ва тоғ этакларида подзоллашган қўнғир тупроқ ва чимли қўнғир тупроқлар тарқалган. Терр-ясининг 28% и ўрмон ва бутазорлар (қорақарағай, оққарағай, дуб, қора қайин). Тоғ ва тоғ этаклари табиий пичанзор ва яйловлар б-н қопланган. Ўрмонларда буғу, елик, ёввойи чўчқа, айиқ, силовсин, тулки, сувсар, тийин, ондатра, малла товушқон яшайди. Зубр, лось, норка, қушлардан қирғовул иқлимлаштирилган.


Аҳолиси. Ч. о. да, асосан, украинлар (66,9%), шунингдек молдаванлар, руминлар, руслар ва б. яшайди. 1 *км*² га 108 киши тўғри келади. Шаҳар аҳолиси 36%. Муҳим шаҳарлари: Черновци, Хотин, Сторожинец.


Хўжалиги. 1976 йилда ялпи саноат маҳсулоти 1940 йилдагига қараганда 30 марта ортди. Озиқ-овқат, енгил ва машинасозлик саноатлари ривожланган. Озиқ-овқат саноати 1975 йилда 38,8 минг *т* гўшт, 145,6 минг *т* қандшакар, 60,8 млн. дона шартли банка консерва ишлаб чиқарган. Гўшт, ёғ-мой к-лари, қанд, сабзавот қуритиш ва консерва з-длари (Черновци ш.). Машинасозлик корхоналари нефть саноати учун аппаратуралар, энергетика асбоблари, енгил саноат учун станоклар ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Урмон ва ёғочсозлик саноати ривожланган. Обл. электр энергияни Черновци ТЭЦ дан олади. «Восход» ип йигирув, қўлқоп-трикотаж, пайпоқ ишлаб чиқариш бирлашмалари ишлаб турибди.

Қ. х. ғалла ва техника экинлари етиштириш, сут-гўшт учун қорамол боқишга ихтисослашган. Ч. о. да 1976 йилда 155 к-з ва 30 с-з бўлган. Қ. х. да фойдаланиладиган терр-я



Путила районининг табиат манзаралари.





Черновци Давлат университети.

60%; шундан ²/₃ қисми ҳайдаладиган ерлар. Экин майдони 357,9 минг *га*, шундан ғалла экинлари 164 минг *га*, техника экинлари 41,3 минг *га*, ем-хашак экинлари 111 минг *га* (1974). Боғдорчилик ривожланган. 1975 йилда 434,6 минг қорамол (жумладан, 154,4 минг сигир), 308,2 минг чўчқа, 182,2 минг қўй ва эчки бўлган.

Т. й. узунлиги 466 *км*, автомобиль йўллари 3,2 минг *км*, шундан қаттиқ қопламали йўллар 2,7 минг *км*.


1975/76 ўқув йилида 473 умумий таълим мактаби, 14 профессионал-техника ўқув юрти, 18 ўрта махсус ўқув юрти, 2 олий ўқув юрти бўлган. 1976 йилда 583 оммавий кутубхона, 3 музей, 482 клуб, 504 кўчма киноустановка, 9,6 минг ўринли 79 касалхона, 2,6 минг врач ишлади.



Черновци. Марказий майдон.

ЧЕРНОВЦИ УНИВЕРСИТЕТИ, Черновци Давлат университети — илмий ва педагог кадрлар тайёрлайдиган олий ўқув юрти. УССРнинг Черновци шаҳрида. 1875 йили ташкил қилинган. Ун-тда тарих, филология, чет тиллари, математика, физика, кимё, биология, география ф-тлари, кечки, сиртқи ва тайёрлов бўлими, малака ошириш ф-ти, аспирантура, 51 кафедра, ботаника боғи, биология базаси, экспериментал балиқ з-ди, сейсмик ва метеорология станциялари, 2 проблемали лаборатория, 4 музей, кутубхона (1,7 млн. дан ортиқ асар) бор (1976). 1976/77 ўқув йили 10 мингга яқин студент ўқиди, 500 дан ортиқ ўқитувчи, жумладан 26 проф. ва фан д-ри, 290 дан ортиқ доцент ва фан кандидати ишлади. Совет ҳокимияти йилларида ун-т 21 мингдан ортиқ мутахассис тайёрлади (1977 йилгача). Меҳнат Қизил Байроқ ордени б-н мукофотланган (1975).

ЧЕРНОГОРИЯ (Crna Gora), Черногория Социалистик Республикаси (Socijalistička Republika Crna Gora)—*Югославия* (ЮСФР) таркибидаги республика. Майдони 13,3 минг км². Аҳолиси 575 минг киши (1977), асосан *черногорлар* (70% га яқини), шунингдек босни, серб ва албанлардан иборат. Пойтахти — *Титоград* ш.



Черногория пойтахти Титоградининг марказий қисми.

Табиати. Ч. нинг катта қисми Динара тоғлигида жойлашган (энг баланд жойи 2522 *м*, Дурмитор чўққиси); жануби-ғарбида Черногория карстли платоси бор. Тоғликнинг чекка тизмалари Адриатика денгизига тик ён бағр б-н тушган.

Иқлими мўътадил, континентал, Адриатика денгизи соҳилларида ўрта денгиз иқлими. Йиллик ёғин 1600—1800 *мм*, соҳилларда 3000 *мм* гача. Тоғ ён бағирлари игна баргли ва аралаш ўрмонзор.

Тарихи. Ч. терр-ясида одам палеолит давридан яшаган, бронза ва темир даврларида иллирийлар келиб жойлашган. Мил. 1- асрда Ч. терр-яси (11- асргача Дукля, кейинчалик — Зета, 15- асрдан Ч. деб аталган) *Рим*нинг Далмация провинциясига, 297 йилдан Превалитана провинциясига қўшиб олинди. 493 йилдан Ч. терр-ясининг бир қисми остготлар давлатига, 536 йилдан эса Византия таркибига кирди. 7- асрда Ч. терр-ясига *славянлар* жойлашди. 9- асрда христианлик қарор топди. 1479 йили турк қўшинлари мамлакатнинг текислик қисмини босиб олди. 1499 йилда Ч. терр-ясн Усмонли турк империяси таркибига қўшиб олинди. Туркларга қарши курашган митрополит Данило Петрович Негош (1697—1735 йиллари ҳукмронлик қилган) Негошлар сулоласига асос солди. Ч. нинг денгиз бўйидаги жамоалари Усмонли турк империяси б-н Австрия ва Венеция ўртасидаги уруш (1714—18) дан сўнг 1718 йили Венеция ихтиёрига ўтди. Наполеон урушлари ва сербларнинг мустақиллик учун олиб борган курашларида (1804—15) Ч. Россия ва Сербия томонида бўлди. 1852 йили Ч. меросий князлик деб эълон қилинди.

1878 йили Берлин конгресси қарорига биноан Ч. Туркия зулмидан озод бўлди ва мустақил давлат деб тан олинди.

1903 йилда Ч. ишчиларининг биринчи ташкилоти — Ишчилар союзи тузилди. 1905—07 йиллардаги рус рев-яси таъсирида оппозицион Халқ партияси тузилди. Ч. 1910 йили қиролликкa айланди. Ч. *Болқон урушлари* (1912—13) да қатнашди.

1- жаҳон уруши йиллари (1914—18) да Ч. *Антанта* томонида туриб урушди. 1916 йилнинг январь-февралида Австрия-Венгрия қўшинлари Ч. ни босиб олди.

Ч. 1918 йил 1 декабрда Серб, хорват ва словенлар Қироллиги (1929 йилдан Югославия) таркибига кирди. 1929 йилги давлат тўнтариши ва Югославияда ҳарбий-монархия диктатураси ўрнатилиши б-н Ч. мустақил маъмурий бирлик сифатида барҳам топди.

1941 йил апрелида Ч. терр-яси фашист қўшинлари томонидан босиб олинди. Югославия Компартияси (1919 йил асос солинган) раҳбарлигида 1941 йил 13 июлда Ч. да босқинчиларга қарши қуролли қўзғолон бошланди. 1944 йил 31 декабрда Ч. Югославия Халқ озодлик армияси томонидан тамомила озод этилди. 1945 йил апрелда Ч. Халқ ҳукумати тузилди. 1945 йил 29 ноябрда ЮХФР эълон қилингач, Ч. Югославия таркибидаги олти халқ республикаларидан бири бўлиб қолди. 1963 йилдан социалистик республика.

Хўжалиги. Саноати республика миллий даромадининг ½ энергоғини, қ. х. ⅙ қисмини беради. Саноати минерал хом ашё қазиб олиш ва унга ишлов бериш, қ. х. маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослашган. Боксит, қўрғошин-рух рудалари, қўнғир кўмир, туз қазиб олинади. Зета дарёсида ГЭСлар қурилган. Металлургия (Никшичда), алюминий (Титоградда), ёғочсозлик (Мойковац ва б. шаҳарларда) к-тлари, электротехника з-длари (Цетинда), кема ремонти, тўқимачилик ва тамаки корхоналари бор.

Қ. х. нинг асосий тармоғи — тоғ-яйлов чорвачилиги (асосан, қўйчилик — 0,5 млн. бош). Тоғ яйловлари ва ўтлоқлар Ч. майдонининг 40% ни ташкил этган. Ч. терр-ясининг 6% ишланади. Ғаллакорлик, боғдорчилик муҳим ўринда. Денгиз портлари — Бар ва Котор. Асосий т. й. магистрали Белград—Бар (1976). Титоградда аэропорт бор.

Маданий қурилиши ва соғлиқни сақлаш. 1975 йили аҳолининг 97% саводли бўлган. Мактаблар, асосан, саккиз йиллик (1974—75 ўқув йилида 91,5 минг ўқувчи). Гимназия (9,4 миног ўқувчи)лар тўлиқ ўрта маълумот беради. Титоградда ун-т (1973), Ч. Фанлар ва санъат академияси (1976), Тарих ин-ти, Геология ва кимё тадқиқотлари ин-ти, Гидрометеорология ин-ти, Сейсмология станцияси, Которда Денгиз биологияси ин-ти бор. Титоградда радиостанциялар ва телестудия ишлаб турибди.

Ч. да 1975 йили 46 газета, 15 журнал, 140 номда китоб ва брошюра нашр этилган.

Соғлиқни сақлаш соҳасида 8 касалхона, 94 амбулатория, 52 тиш кабинетлари, 13 силга қарши диспансер, 24 хотин-қизлар консультацияси, 34 болалар поликлиникаси, 31 аптека ишлади (1974).

Адабиёти. Ч. миллий адабиётининг ривожланиши б-н боғлиқ проблемалар Югославия адабиётшунослигида етарли даражада ўрганилмаган. Умуман олганда черногор адабиёти бошқа югослав адабиётлари, айниқса серб адабиёти б-н мустаҳкам алоқада ривожланди.

Янги черногор адабиётининг бошланиши 18- аср охири — 19- асрнинг 1- ярмига тўғри келади. Унинг асосчиси шоир ва давлат арбоби Пётр II Петрович Негошдир (1813—51). 19- асрнинг 2- ярмидан 1- жаҳон уруши (1914—18) гача адабиётда романтик поэзия етакчи ўрин эгаллади.

30- йиллар бошларида Ч. адабиётида, айниқса поэзияда бошқа югослав адабиётларидаги сингари реализмнинг асосий принципларини қабул этган ва революцион идеологияга асосланган «социал реализм» оқими вужудга келди.

Ч. ёзувчиларининг кўпчилиги 1941—45 йилларда Югославия халқ озодлик урушида қатнашдилар. 1946 йилдан «Стваранье», 1951 йилдан «Народна култура» адабий журналлари ва б. чиқа бошлади. 1956 йили Ч. Ёзувчилар жамияти тузилди.

Архитектура ва тасвирий санъати. Ч. терр-ясидан неолит даврига оид сопол идишлар топилган. Иллирийларнинг мустаҳкамланган қўрғон ва некрополлари бронза даври охири ва темир даврининг бошларида барпо қилинган.

Ўрта асрларда Ч. маданияти Италия ва Дальмация, Сербия ва Византия маданиятлари таъсирига учради. Усмонли туркларнинг босқинчилиги ва кўп асрли миллий зулм Ч. маданиятининг ривожига салбий таъсир этди. Тасвирий санъатида деворий расмлар 11—12- асрларда, манзара ва портретлар 17—18- асрларда яратилди. 19- асрнинг 2- ярми — 20- асрнинг 1- чорагида тасвирий санъатида миллий



Титоград. «Подгорица» меҳмонхонаси. 1970- йиллар. Арх. С. Радевич.

йўналиш шаклланди. Ч. да халқ ҳокимиятининг ўрнатилиши б-н маданият тарихида тубдан ўзгариш содир бўлди. 2- жаҳон уруши йилларида харобага айланган Подгорица ш. ўрнида Ч. нинг янги пойтахти Титоград ш. бунёд этилди. Кўп қаватли уйлар, маданият муассасалари қуриш бошланди.

Музикаси 19- аср охиригача Ч. да фақат халқ музика маданияти ривожланди. Ч. да оммавий музика-жамоат ташкилотлари ва ижрочи коллективлар 19- аср охирида вужудга келди. Дастлабки музика мактаби Цетинада очилган (1924—25 ва 1932—41). 2- жаҳон уруши (1939—45) дан сўнг Ч. музика маданияти янада ривожланди.

Театри. Титоградда 1953 йили Ч. Миллий театри ташкил этилди (драма ва опера труппалари). Драматик труппа репертуарида югослав, рус ва чет эл классиклари, совет ва замонавий черногор драматургларининг асарлари ўрин олган (яна қ. *Югославия*).

Ад.: История Югославии, т. 1—2, М., 1963; Писарев Ю. А., Сербия и Черногория в первой мировой войне, М., 1968; Алешина Л. С., Яворская Н. В., Искусство Югославии, М., 1966; Белоусов В. Н., Современная архитектура Югославии, М., 1973; История зарубежного театра, т. 2, М., 1972.

ЧЕРНОГОРЛАР — миллат. Кўпчилик қисми Югославия (*Черногория*)да яшайди. Умумий сони 508,8 минг киши (1971). Серб-хорват тилида гаплашади. Диний эътиқоди бўйича Ч. нинг кўпчилиги православ; католик ва мусулмонлари ҳам бор. 7- асрда ҳозирги Черногория терр-ясида сербларнинг аждодлари б-н яқин муносабатда бўлган қабилалар келиб жойлашган. 9- асрда Ч. христиан динини қабул қилганлар. 20- аср бошларига қадар Ч. турмушида феодализм патриархал-уруғчилик қолдиқлари б-н чирмашиб кетган эди. Қабилавий бўлинишлар ҳозирги кунгача сақланган. Ч. нинг асосий машғулоти — чорвачилик (қўй, эчки), қисман деҳқончилик ҳисобланади. Кўпроқ уй ҳунармандчилиги ривожланган.

Ад.: Народы Зарубежной Европы, т. 1, М., 1964.

ЧЕРНОГОРСК — РСФСР Красноярск ўлкасининг Хакасия автоном областидаги шаҳар. Т. й. станцияси. Аҳолиси 67,7 минг киши (1975). Минусинск кўмир ҳавзасининг кўмир қазиб олиш маркази. Автомобиль ремонти, ғишт, енгил конструкциялар ишлаб чиқарадиган экспериментал, металл қуйиш, темир-бетон конструкциялар з-длари, қурилиш материаллари, уйсозлик, камволь-мовут, сунъий тери к-тлари, тикувчилик, мебель ф-калари; кон ва тўқимачилик техникумлари бор.

ЧЕРНЯЕВ Михаил Григорьевич [1828. 22. 10 (3. 11) — 1898. 4 (16). 8, БССР Могилёв обл.]— рус ҳарбий ва жамоат арбоби, генерал-лейтенант (1882). Могилёв губерняси дворянлари-



Черногор мискари.

дан. Ҳарбий академияни тугатган (1853). Қрим ва Қавказ урушларида қатнашган. Оренбург генерал-губернатори штаби бошлиғи бўлган. 1864—65 йилларда махсус Ғарбий Сибирь отрядига қўмондонлик қилган Ч. қўшинлари, 1865 йили Қўқон хонлигига қарашли Авлиёота, Чимкент ва Тошкентни босиб олган. 1865—66 йилларда Туркистон обл. ҳарбий губернатори, 1882—84 йилларда Туркистон генерал-губернатори, 1884 йилдан ҳарбий совет аъзоси. 1886 йили истеъфога чиққан.

ЧЕРНЯХОВСК (1946 йилгача — Инстербург) — РСФСР Калининград областидаги шаҳар. Инструч ва Анграпа дарёларининг Преголя дарёсига қуйилиш ерида. Т. й. ва автомобиль йўллари узели. Шаҳар армия генерали И. Д. Черняховский номи б-н аталган. «Техмаш», кўн, керамика, автомобиль ремонти з-длари, ёғочсозлик к-ти, саноат хўжалиги ва озиқ-овқат саноати корхоналари, педагогика билим юрти бор.

ЧЕРСКИЙ ТИЗМАСИ — Забайкальедаги тоғ тизмаси (РСФСР Чита области). Олентуй дарёси бош қисмидан Олёкма дарёсигача чўзилган. Узунлиги 400 *км*. Энг баланд жойи 1500 *м*. Асосан гранитлардан, унда-бунда эффузив ва чўкинди жинслардан тузилган. Ён бағирлари тилоғоч ўрмонлари, жанубий-ғарбий қисми кедр, тайга, игна баргли ўрмонлар б-н қопланган.

ЧЕРСКИЙ ТИЗМАСИ — СССР нинг шимолий-шарқидаги тоғлар (Еқутистон АССР ва Магадан обл.). И. Д. *Черский* номи б-н аталган. Шимоли-ғарбдан шарқ-жануби-шарққа 1500 *км* чўзилган. Ч. т. нинг ғарбий қисмида Хараньёа тизмаси (энг баланд нуқтаси 2185 *м*), Тас-Хаяхтах (2356 *м*), Чемалгинский (2547 *м*), Курундя (1919 *м*), Догдо (2272 *м*), Чибагалахский (2449 *м*), Боронг (2681 *м*), Силяпский (2703 *м*) тизмалари жойлашган; Индигирка д. ҳавзаси ва Қолиманинг бош томонида Улахан-Чистай тизмаси (энг баланд нуқтаси Победа тоғи — 3147 *м*) ва Черге тизмаси (2332 *м*) бор.

Ч. т. мезозой бурмаланишида ҳосил бўлган метаморфик палеозойнинг дислокацияланган карбонат жинсларидан, чеккалари эса денгиз ва қуруқлик ётқизиқларидан тузилган, кўпгина жойларда бу жинсларни қалин гранит интрузиялари ва б. магматик нордон жинслар ёриб чиққан. Ч. т. ўртача баландликдаги тоғлардир. Музликнинг умумий майдони 143 *км*².

Иқлими қаттиқ совуқ, кескин континентал. Январнинг ўртача т-раси —34° дан —40° гача (пастликларда — 55°, —60°). Ёзи қисқа ва салқин. Июлнинг ўртача т-раси 3° дан (баланд тоғларда) 12—13° гача. Йилига 300—600—700 *мм* ёғин тушади. Ҳамма жойида тўнгиб ётган ерлар бор.

Дарё водийси тубида терак, шимолий ён бағрининг қуйи қисмида 250—300 *м* баландликда, жанубида 700—1100 *м* баландликда тилоғоч ўсади. Терр-ясининг кўп қисми баланд тоғ минтақаси ўсимликлари б-н қопланган; чўққилари совуқ тошлоқ тоғ саҳросидан иборат.

ЧЕРЧИЛЛ Уинстон Леонард Спенсер (1874. 30. 11, Бленим, Оксфордшир — 1965 24. 1, Лондон) — Буюк Британия давлат арбоби, Консерваторлар партиясининг раҳбари (1940—55). Сандхерст ҳарбий кавалерия мактабини тугатган. 1896—98 йилларда Ҳиндистонда хизмат қилган. 1900 йили Консерваторлар партиясидан парламентга депутат қилиб сайланган. Мустамлака ишлари министри (1906—08). Савдо министри (1908—10), Ички ишлар министри (1910—11), Ҳарбий-денгиз министри (1911), Ҳарбий таъминот министри (1917—18), Ҳарбий министр ва авиация министри (1919—21). Ч. — ёш Совет Республикасига қарши ҳарбий интервенция ташкилотчиларидан бири; В. И. Ленин таъбирича, Совет давлатининг буюк душмани. Мустамлака ишлари министри (1921—22), Молия министри (1924—29). Буюк Британия Иккинчи жаҳон уруши (1939—45) га киргач, 1939 йил сентябрда Н. Чемберлен ҳукуматида Ҳарбий-денгиз министри бўлиб тайинланди. 1940 йили Чемберлен вазифасидан истеъфо бергач, Ч. коалицион ҳукуматнинг бош министри. Ч. ҳукумати гетлерчилар Германиясига қарши биргаликда курашиш тўғрисида СССР б-н имзоланган битим (1941 йил, июль) ва иттифоқчилик тўғрисидаги шартнома (1942 йил, май)га қарамасдан, СССРни кучсизлантириш мақсадида *иккинчи фронт*ни белгиланган муддатда очмади. Ч. СССР, АҚШ, Англия давлат бошлиқларининг Теҳрон (1943), Ялта ва Потсдам (1945) кенгашлари қатнашчиси. 1945 йили парламент сайловларида Консерваторлар партиясининг мағлубиятга учраши туфайли Ч. ҳукумати истеъфога чиқди. 1946 йил мартда АҚШнинг Фултон ш. да нутқ сўзлаб СССР ва халқ демократияси мамлакатларига қарши Англия — АҚШ давлатларини урушга тайёргарлик кўришга чақирди. 1951—55 йилларда яна бош министр. СЕАТО, «Бағдод пакти» каби агрессив блокларнинг тузилишида ташаббус кўрсатган. Ч. 1955 йили бош министрликдан истеъфо берган ва умрининг охиригача вакиллар палатасининг аъзоси бўлган. Бир қанча тарихий-мемуар характердаги асарлар муаллифи. Адабиёт бўйича Нобель мукофоти лауреати (1953).

Ад.: Трухановский В. Г., Уинстон Черчилль, Полит. биография, М., 1968; Ундасынов И. Н., Рузвельт, Черчилль и второй фронт, М., 1965.

ЧЕСКЕ-БУДЕЁВИЦЕ — Чехословакиядаги шаҳар. Чехия Социалистик Республикасида. Жанубий Чехия областида, Влтава дарёси бўйида. Аҳолиси 80 минг киши (1974). Т. й. узели. Қалам ишлаб чиқариш, металлсозлик ва машинасозлик (озиқ-овқат саноати ускуналари, игна ва б.), пиво пиширниш корхоналари, сув стадиони (1971), ишчилар революцион ҳаракати музейи (1975) бор. Ўрта асрлар арх. ёдгорликлари сақланган.

ЧЕСНОКОВКА — РСФСР Олтой ўлкасидаги *Новоалтайск* шаҳрининг 1962 йилгача бўлган номи.

ЧЕТ МАМЛАКАТЛАР БИЛАН ДЎСТЛИК ВА МАДАНИЙ АЛОҚАЛАР СОВЕТ ЖАМИЯТЛАРИ СОЮЗИ — совет жамоат ташкилотларининг оммавий кўнгилли бирлашмаси. Совет Иттифоқи халқларининг чет давлатлар б-н дўстлик ва маданий ҳамкорлигини ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлаш союзнинг асосий мақсадидир. 1958 йилда таъсис этилган (1925—58 йилларда Чет эллар б-н маданий алоқалар Бутуниттифоқ жамияти). Олий органи — Бутуниттифоқ конференцияси. Конференциялар ўртасида раҳбар органи — Совет, ижрочи органи — Президиум.

Союз чет мамлакатлар б-н дўстлик ва маданий алоқалар олиб борувчи 68 ассоциация ва жамиятни, фан ва маданият арбобларининг 13 ассоциацияси ҳамда секциясини, совет ва чет эл шаҳарлари ўртасидаги алоқалар бўйича ассоциацияни, 14 иттифоқдош республика жамиятини (қ. *Чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқалар Ўзбекистон жамияти*), РСФСР шаҳарларидаги 7 бўлимни ўз ичига олади; дўстлик жамиятлари 20 мингдан ортиқ корхона, к-з, с-з, ўқув юртлари, фан ва маданият муассасаларини бирлаштиради. Союз ишида 50 млн. дан ортиқ киши қатнашди (1976).

Фақат иттифоқдош республикалар жамиятларининг ўзи ҳар йили 25 мингга яқин турли тадбирлар ўтказади. Союз 1976 йилда 8 мингга яқин ташкилот, 140 дан зиёд мамлакатнинг жамоат арбоблари, фан ва маданият вакиллари б-н алоқада бўлди. Барча қитъаларда СССР б-н дўстлик алоқалари олиб борувчи жамиятлар, ассоциациялар ва муассасалар (жами 113) мавжуд.

«Московские новости» («Москва янгиликлари») газетаси, «Культура и жизнь» («Маданият ва ҳаёт») журналини нашр этади. Халқлар Дўстлиги ордени б-н мукофотланган (1974).

ЧЕТ МАМЛАКАТЛАР БИЛАН ДЎСТЛИК ВА МАДАНИЙ АЛОҚАЛАР ЎЗБЕКИСТОН ЖАМИЯТИ — оммавий кўнгилли жамоат ташкилоти. Ўзбекистоннинг чет давлатлар б-н дўстлик ва маданий ҳамкорлигини ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлаш б-н шуғулланади. 1958 йили таъсис этилган. Дастлаб Чет эллар б-н маданий алоқалар Бутуниттифоқ жамиятининг Урта Осиё, сўнгра Ўзбекистон бўлими деб номланган (1925—58). Олий органи — Республика конференцияси. Конференциялар ўртасида раҳбар органи — правление, ижрочи органи — Президиум. Жамият 26 республика, обл., шаҳар бўлимларини, жумладан Андижон, Бухоро, Самарқанд, Фарғона обл. бўлимларини, Бутуниттифоқ дўстлик жамиятларининг социалистик мамлакатлар б-н дўстлик алоқалари олиб борувчи 12 бўлими (Совет-Болгария дўстлик жамиятининг 5 бўлимини, Совет-Монголия дўстлик жамиятининг 2 бўлимини, Совет-Вьетнам, Совет-ГДР, Совет-Венгрия, Совет-Руминия)ни ривожланаётган мамлакатлар б-н дўстлик алоқалари олиб борувчи 8 бўлими (Совет-Ҳиндистон, Совет-Покистон, Совет-Бангладеш, Совет-Афғонистон, Совет-Шри Ланка, Совет-Индонезия, Араб мамлакатлари б-н дўстлик ва маданий алоқалар Совет жамиятининг бўлими, Африка халқлари б-н дўстлик Совет уюшмаси бўлими)ни, СССР-АҚШ, СССР-Япония жамиятининг бўлимини, меъморлик ва тасвирий санъат, ҳуқуқ, медицина фани арбоблари секциясини, хотин-қизлар секциясини, республика ёшлари ва эсперантистларининг халқаро алоқалар бўйича комиссиясини ўз ичига олади (1978). Жамият ва унинг бўлимлари 600 га яқин корхона, к-з, с-з, ўқув юрти, фан ва маданият муассасаларини бирлаштиради.

Жамият ҳар йили 350 га яқин тадбирлар ўтказади. 1977 йили 107 мамлакатнинг 4 мингдан зиёд ташкилот ва жамоат арбоблари, фан ва маданият вакиллари б-н алоқа боғлади. Ойлик суратли «Советский Узбекистан сегодня» («Бугунги Совет Узбекистони») бюллетенини нашр этади (рус, инглиз., франц., испан, араб, форс, ҳинд, урду тилларида; бир нашрининг тиражи 15 минг) (1978).

ЧЕТ СЎЗЛАР — бир тилга бошқа тиллардан ўтган ва шу тилда қўлланилаётган сўзлар. Ч. с. ўзлашиш даражасига кўра ўзлашган (*калька* усулида), ғайри сўз ва иборалар, *варваризм*ларга бўлинади. Ч. с., одатда савдо, маданий, сиёсий ва ақтисодий алоқалар натижасида бир тилдан иккинчисига ўтади. Кишилар ва географик жойларнинг номлари, фан-техникага доир терминлар ҳам шулар жумласига киради. Мас., ампер, дизель, маузер, голифе кабилар. Ч. с., она тилига ўзлаштирилганда баъзи унли ва ундош товушлар алмашиши, урғунинг ўрни ўзгариши ва шу тил талаффузига мослаштирилиши мумкин. Баъзи Ч. с. кўчма маънода ишлатилиши ҳам мумкин. Мас., Робинзон, секретарь, каникул кабилар.

Ч. с. дан сўз ясашда кенг фойдаланилади: кризис—критик, секретарь—секретариат кабилар. Ўзбек тилига юнон, латин, форс, араб ва б. тиллардан кириб келган сўзлар Ч. с. ҳисобланади. Ч. с. дан ноўрин ва меъёрсиз фойдаланиш тилни маълум даражада бузади.

Ад.: Юшманов Н. В., Словарь иностранных слов, М., 1937; Виноградов В. В., Очерки по истории русского литературного языка XVII—XIX вв., М., 1938; Крысин Л. П., Иноязычные слова в современном русском языке, М., 1968; Олим Усмон, Интернационал сўзлар луғати, Т., 1962.

ЧЕТ ЭЛЛИКЛАР, ажнабийлар — муайян давлат терр-ясида яшаб туриб, бошқа давлат гражданлигига мансуб бўлган шахслар. Улар ўзлари яшаётган давлатнинг қонунлари ва халқаро шартномаларга риоя қилишга мажбурдирлар. Ч. э. га бериладиган ҳуқуқ, одатда, ҳар икки томон (давлатлар)нинг манфаатдорлигига асосланади.

СССРда Ч. э. сиёсий ҳуқуқ б-н бир қаторда гражданлик эркинликларига: сўз, матбуот, виждон эркинликлари, шахс дахлсизлиги, уйжой дахлсизлиги, ёзишмаларнинг сир сақланиши ва ш. к. га ҳам эга. Улар сайлов ҳуқуқидан фойдаланмайди, ҳарбий хизматга чақирилмайди. «Меҳнаткашларнинг манфаатларини ва тинчлик ишини ҳимоя қилганликлари учун, революцион ва миллий озодлик ҳаракатида қатнашганликлари учун, прогрессив ижтимоий-сиёсий, илмий ёки бошқа ижодий фаолият учун таъқиб қилинаётган ажнабийларга СССР бошпана ҳуқуқини беради» (СССР Конституцияси, 38-модда).

Ч. э. СССРда гражданлик-ҳуқуқий муносабатларда совет гражданлари сингари граждалик ҳуқуқига эга бўлади, суд ва нотариал органларига мурожаат қила олади. Улар совет гражданлари б-н ва ўзаро никоҳ тузишлари, фарзандликка олиш ва олинишлари, уларга васий тайинланиши, ўзлари ҳам васий бўлишлари мумкин. СССР терр-ясида қилган жиноятлари учун СССР жиноят қонунлари асосида жавобгарликка тортиладилар (*дипломатик иммунитет*дан фойдаланадиган шахслар: дипломатик ва консуллик вакиллари ва б. айрим шахслар бундан мустасно). Доимий турар жойга эга бўлган ажнабийлар совет гражданлари қатори медицина ёрдамидан фойдаланишлари мумкин. Баъзи соҳаларда айрим р-ларга бориш, айрим касблар б-н шуғулланиш) Ч. э. ҳуқуқи қонун б-н чекланган.

ЧЕТАН (Sorbus) — раънодошлар (атиргуллилар оиласи)га мансуб ўсимликлар туркуми. Баланд бўйли бута ёки дарахтлардан иборат, барг тўкади. Барглари мураккаб, оддий, бутун ёки патсимон бўлинган. Гуллари икки жинсли, тўғри, гулқўрғони мураккаб, тўпгули қалқонсимон, меваси олмасимон. Ч. нинг 50 (баъзи маълумотларда 100) тури бўлиб, асосан шимолий ярим шарнинг мўътадил минтақасида тарқалган. СССРда оддий Ч., Сибирь Ч. и

ва бор Ч. ўсади. Узбекистонда Ч. нинг 3 ёввойи тури бор. Ч. Узбекистоннинг денгиз сатҳидан 1200—3200 *м* баландликдаги тоғлик районларида учрайди. Ч. манзарали ўсимлик сифатида ва меваси учун ўстирилади. Меваси Медицина ва ароқ-ликёр саноатида ишлатилади.

ЧЕТАРИҚ — Жиззах обл. Зомин р-ни Ғаллакор қ. С. даги қишлоқ. Р-нинг шимоли-шарқида, «Зомин-1» с-зи терр-ясида. Р-н марказидан 7 *км*, яқин т. й. станцияси — Обручево (14 *км*). Аҳолиси 896 киши (1976); чорвачилик, ғаллачилик, йилқичилик, сабзавотчилик, боғдорчилик б-н шуғулланади. Саркисов номли Жанубий Мирзачўл канали орқали Сирдарёдан ва булоқлардан сув ичади. Ем-хашак базаси, сут-товар фермаси, омбор, устахона, саккиз йиллик мактаб, кутубхона бор.

ЧЕТВЕРТАКОВ Александр Михайлович (1898, Петербург — Улуғ Ватан уруши йиллари, Ленинград) — хормейстер, дирижёр, пианиночи-концертмейстер, УзССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1939). Петербург Хор капелласи академиясида таълим олган (1916). Гражданлар уруши йиллари Қизил Армия сафида хизмат қилган. 1924 йилдан Узбекистонда яшаган. Тошкент рус опера театрида дирижёр (1924—26), М. Қориёқубов раҳбарлигидаги Ўзбек давлат концерт-этнографик ансамбли, Узбек давлат музикали театрида пианиночи-концертмейстер, дирижёр, музика раҳбари (1926—36), Узбек давлат филармониясида хормейстер (1936—37). Ч. «Ҳалима» (F. Зафарий), «Уртоқлар» (К. Яшин) каби спектакллардаги ашула ва куйларни гармониялаштирган. Шунингдек, у анчагина ўзбек халқ қўшиқ ва куйларини ҳам ёзиб олган.

ЧЕТГА КАПИТАЛ ЧИҚАРИШ — мунтазам равишда қўшимча қиймат олиш учун, шунингдек сиёсий мақсадларда капитални бир мамлакатдан бошқа мамлакатга кўчириш, хорижий мамлакатда жойлаштириш. Олинган қўшимча қийматнинг бир қисми четга капитал чиқараётган мамлакатга ўтказилади, бир қисми капитал импорт қилинаётган мамлакатга берилади, яъни яна ишлаб чиқаришга қўйилади. Монополистик капитализмгача бўлган шароитда тўла эркин рақобат ҳукмронлиги б-н Ч. к. ч. иккинчи даражали роль ўйнади. Товарларни четга чиқариш халқаро иқтисодий алоқаларнинг бош формаси бўлди, шу асосда жаҳон товар бозори вужудга келди. Монополиялар ҳукмронлиги даврида Ч. к. ч. товарларни четга чиқаришдан фарқ қилиб, *империализм*нинг энг характерли хусусиятларидан бирига айланди. 20- аср бўсағасида капитализм тараққий этган мамлакатларда капиталистларнинг монополистик иттифоқлари ташкил топди, бир нечта бой мамлакатлар капиталга ҳукмронлик қилди, буларда капитал жуда катта ҳажмда тўпланди, «ортиқча капитал» вужудга келди. Бир қанча қолоқ мамлакатлар жаҳон капитализми оборотига тортилганлиги сабабли Ч. к. ч. га шароит туғилди. Бу мамлакатларда фойда юқори, шунга кўра, капиталнинг органик тузилиши паст, иш кучи ва хом ашё арзон, ер баҳоси эса нисбатан паст эди. 1899 йили Буюк Британияда Ч. к. ч. дан келган даромад ташқи савдодан тушган даромаддан 5 марта кўп бўлди. Ч. к. ч. ҳажми умуман ва капиталистик мамлакатлар (мас., АҚШ, Буюк Британия, Франция, Германия)да жуда ўсди.

Ч. к. ч. икки шаклда: соҳибкорлик капиталини четга чиқариш ва ссуда капиталини четга чиқариш формасида бўлади. Соҳибкорлик шаклида Ч. к. ч. капитални саноат, қ. х., транспорт, савдо ва б. муассасаларга жалб этишни билдиради. Ссуда капиталини четга чиқариш қисқа муддатга (1 йилгача) ва узоқ муддатга кредит бериш шаклида юз беради.

Империализмнинг давлат-монополистик хусусияти кучайиши б-н давлатнинг Ч. к. ч. соҳасидаги роли ўзгарди. Давлат энг йирик капитал экспорт қилувчига айланди. Бозор учун кураш кучайган шароитда давлат капиталини четга чиқариш товарларни экспорт қилишга имкон берди. Халқаро давлат кредити муассасаларига, айниқса *халқаро реконструкция ва тараққиёт банки* ва унинг жамиятларига заёмлар шаклида жуда кўп капитал чиқарилди.

2- жаҳон урушигача ва урушдан сўнгги дастлабки йилларда монополистик капиталнинг ривожланаётган мамлакатларга чиқарган маблағи асосан уларнинг экономикасини мустаҳкамлашга сарфланди. Мустамлакачилик империяси ҳалокатга учраган ва ривожланаётган мамлакатларнинг иқтисодий мустақиллик учун кураши кучайган шароитда империалистик давлатлар Ч. к. ч. йўли б-н шу мамлакатларнинг ишлаб берувчи етакчи саноат тармоқларида ўз мавқеларини сақлаб қолишга уринмоқдалар.

Империалистик давлатлардан ривожланаётган мамлакатлар (Осиё, Африка ва Латин Америкаси)га тушаётган асосий маблағ давлат маблағи шаклидаги Ч. к. ч. дир. Бир ривожланаётган мамлакатдан иккинчисига ҳам капитал чиқарилади ва капитални экспорт қилаётган мамлакат монополиялари бундан бозор учун курашда фойдаланади. 2- жаҳон урушидан сўнг бир қатор ривожланаётган мамлакатларда империализм мустамлакачилик системасининг ҳалокати ва чет эл корхоналарининг национализация қилиниши натижасида унинг ҳажми анча ошди.

Империализм даврида бир неча йирик капиталистик мамлакатларда катта пул капитали тўпланди. *Рантье* қатлами ниҳоятда ўсди. Бир бутун давлатлар рантьега айланди.

Буржуа экономистлари Ч. к. ч. ни ривожланаётган мамлакатларга ёрдам деб қарайдилар, лекин фактлар шуни кўрсатдики, рантье мамлакатлар ривожланаётган мамлакатлардан уларга тақдим этганларидан кўпроқ маблағни қайтариб олди. Давлат капиталининг кўплаб четга чиқарилиши ҳозирги шароитда Ч. к. ч. га ҳарбий-полиция хусусиятини беради. Ч. к. ч — империалистик сиёсатнинг, миллитаризм ва агрессия ўсишининг энг муҳим асосларидан биридир.

Ад.: Маркс К., Капитал, 3- т., Т., 1972; Ленин В. И., Империализм капитализмнинг юқори босқичи, Тўла асарлар тўплами, 27- т.; Солодовников В. Г., Вывоз капитала, М., 1957; Бортник М. Ю., Денежное обращение и кредит капиталистических стран. [Учебное пособие], М., 1967.

ЧЕТИРКИН Владимир Михайлович (1892—1958) — совет иқтисодий географи. География фанлари д-ри (1944 йилдан). 1941—48 йилларда САГУ проф., 1948—58 йилларда Ленинград ун-ти иқтисодий география кафедраси мудири. СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг биринчи беш йиллик планини ишлаб чиқишда қатнашган. СССРни, хусусан Урта Осиёни иқтисодий районлаштиришнинг назарий масалаларига доир илмий ишлар қилган.

Ас.: Средняя Азия. Опыт комплексной географической характеристики и районирования, Т., 1960.

ЧЕТҚЎПИР — Хоразм обл. Урганч р-ни Оёқдўрмон қ. С. даги қишлоқ. «22- партсъезд» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 16 *км*, яқин т. й. станцияси — Урганч (20 *км*). Аҳолиси 559 киши (1976); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик, шоликорлик, сабзавотчилик б-н шуғулланади. Дарёлик ариғи орқали Амударёдан сув ичади. Қ-з фермаси, омбори, устахонаси, саккиз йиллик мактаб бор.

ЧЕХ ТИЛИ — *чехлар* тили. ЧССРнинг давлат тилларидан бири (словак тили б-н бир қаторда). ЧССР, АҚШ, Франция ва б. мамлакатларда тарқалган. Ғарбий *славян тиллари* гуруҳига мансуб. Ч. т. да 10 млн. га яқин киши гаплашади (1970).

Ч. т. 4 диалектга бўлинади: 1) асл чех шевалари (маркази Прага бўлган ўрта чех ҳамда жануби-ғарбий, шимоли-шарқий шевалар); 2) ганац шевалари (Марказий Моравия); 3) ляш шевалари (Шимоли-Шарқий Моравия ва Силезия); 4) морав-словак шевалари (Шарқий Моравиядан Словакия чегараларигача тарқалган). Ч. т. нинг грамматик хусусиятлари: учта грамматик жинс категорияси (рус тилидаги сингари), бирлик ва кўплик сони, 7 та келишик мавжуд. Қисқа ва чўзиқ унли товушлар сўз маъноларини ва шаклларини фарқлашга хизмат қилади.

Чех адабий тили ўрта чех шевалари асосида шаклланган. Дастлабки ёзма ёдгорликлари 13- асрдан бошланган. Чех адабий тили тараққиётининг 2- даври гусчилар революцион ҳаракати (15- аср) б-н боғлиқдир. Ян Гус (ва унинг издошлари) умумхалқ тилидан кенг фойдаланиб, асарлар яратди. Ч. т. латин алфавити асосидаги ёзувга эга.

Ад.: Чешский язык, М., 1961.

ЧЕХИЯ (Čechy), Чехия Социалистик Республикаси (ЧСР), Česka Socialisticka Republika, ČSR — *Чехословакия* (ЧССР) таркибида, мамлакатнинг ғарбий қисмида жойлашган. Икки тарихий вилоят — Чехия ва Моравиядан ташкил топган. Майдони 78,9 минг *км*². Аҳолиси 10 млн. киши (1976; ЧССР терр-ясининг 60% и ва аҳолисининг 68% и). Аҳолисининг 94,2% и *чехлар*, 3,6% и *словаклар*. ЧСР ва ЧССР пойтахти — *Прага* ш. Маъмурий жиҳатдан 7 областга бўлинган.

Табиати. Ч. терр-ясининг талайгина қисми *Чехия тоғлари*да жойлашган. Унинг атрофида ўртача баландликдаги Шумава, Чехия ўрмони, Рудали тоғлар, Судет тоғлари (энг баланд жойи 1602 *м*, Снежка чўққиси) ётади. Моравияда тепаликлар ва паст тоғлар кўп. Ч. жанубий ва марказий қисмида Чехия-Моравия қирлари бор. Иқлими мўътадил иқлим; йиллик ёғин текисликларда 450—600 *мм*, тоғларда 1200—1600 *мм*. Тоғ ён бағирларида аралаш ва игна баргли ўрмонлар бор.

Тарихи. Ч. терр-ясида одам илк палеолит давридан бошлаб яшайди. Мил. ав. тахм. 400- йилларда бу ерда кельтлар, мил. ав. 2- асрдан кельт қабилаларининг бойи группаси яшаган (Ч. нинг лат. Bohemia, нем. Böhmen номи ҳам шундан). Мил. бошларида герман қабилалари кельтларга зарба бердилар. 1- минг йиллик ўрталарида Ч. да славян қабилалари кўпчиликни ташкил этди. 7- асрда Ч. терр-яси Само князлиги, 9—10- аср бошларида Буюк Моравия давлати таркибига кирди. 9- асрда Ч. да христианлик тарқалди. 10- асрда пайдо бўлган Прага князлиги илк феодал чех давлатининг ўзаги бўлиб қолди. 1198 йилдан Ч. қиролликка айланди. 1310 йилда Ч. ерлари Люксембурглар мулкига қўшиб олинди. 1346 йилдан Ч. яна мустақил қиролликка айланди (қирол Карл I). 14- аср — 15- аср бошларида феодал эксплуатациянинг кучайиши натижасида чех халқининг руҳоний ва дунёвий феодалларга ҳамда шаҳар амалдорларининг (уларнинг кўпчилиги немислар бўлган) зулмига қарши ҳаракатлари авж олди. Феодализмга қарши ва миллий озодлик ҳаракатларида Ян *Гус* катта роль ўйнади.



Четиркин В. М.

15- асрнинг 1- ярмида Ч. да кучли ижтимоий-революцион, миллий озодлик ҳаракатлари (қ. *Гусчилар революцион ҳаракати*) бўлиб ўтди. 1526 йили Ч. *Габсбурглар* империяси таркибига автоном ҳуқуқлар б-н қўшиб олинди (Ч. ерлари 1918 йилга қадар Габсбурглар сулоласи қўл остида бўлди). Маъмурий ишлар ва савдода немисларнинг мавқеи кучайди. 16- аср бошларида Ч. да *Реформация* ҳаракати авж олди. 1618—48 йиллардаги *Ўттиз йиллик уруш* натижасида Ч. сиёсий мустақиллигини бутунлай йўқотиб Австрия вилоятига айланди. 18- аср охиридан Ч. да капиталистик муносабатларнинг ривожланиши б-н бирга чех буржуа миллати ҳам шакллана бошлади (қ. *Чехлар*). 1878 йили Чехославян социал-демократик ишчи партияси тузилди. 1890- йиллар охирида Ч. да бир қанча янги сиёсий партиялар вужудга келди. 1- жаҳон уруши (1914—18) бошланиши б-н Австрия ҳукумати Ч. да полиция террори режимини ўрнатди, демократик эркинликларни бекор қилди.

1915 йили Парижда тузилган чехия хорижий комитети асосида 1916 йилда Чехословакия миллий кенгаши вужудга келди. Улуғ Октябрь социалистик рев-яси таъсирида Ч. терр-ясида революцион ҳаракат кучайди.


1- жаҳон урушида Австрия-Венгриянинг енгилиши ва парчаланиб кетиши оқибатида 1918 йил 28 октябрда Прагада Миллий комитет (1916 йилда 7 буржуа партияси вакилларидан тузилган) мустақил Чехословакия давлати тузилганлигини эълон қилди. 1918 йил 14 ноябрда Муваққат Миллий мажлис Чехословакияни республика деб эълон қилди. Мамлакатда ҳокимият йирик чех буржуазияси вакиллари қўлига ўтди.

1921 йили *Чехословакия Коммунистик партияси* (ЧКП) ташкил топди. *Мюнхен битими* (1938) га кўра Германия Ч. нинг Судет области деб аталган терр-ясини босиб олди. 1939 йил март ойида қолган барча чех ерлари фашистлар Германиясининг «Богемия ва Моравия протектората» деб эълон қилиниди (уни империя протектори бошқарди). Оккупантлар чех ерларида фашистик режим ўрнатдилар.

2- жаҳон уруши йилларида Ч. нинг барча терр-ясида коммунистлар етакчи бўлган Қар-



Красна Гора қишлоғи манзараси. Урта Чехия области.



Брно. Авлиё Якуб черкови. 13—16- асрлар.

шилик кўрсатиш ҳаракати авж олди. 1945 йил 9 майда Прага Совет Армияси томонидан озод қилинди. Ч. ва Словакия ягона халқ Чехословакияси давлатига уюшди (1945 йил 5 апрель, қ. *Кошице программаси*).

Хўжалиги. ЧСР — юксак тараққий этган индустриал-аграр республика. Иқтисодий актив аҳолисининг 49,5% и саноат ва қурилишда, 12,5% и қ. х. ва ўрмон хўжалигида банд. Ч. да тошкўмир, қўнғир кўмир қазиб олиш, электр энергияси ҳосил қилиш, шиша-ойна, цемент, тўқимачилик, металлургия, машинасозлик, кўн пойабзал саноатлари юксак тараққий этган. Ғалла, лавлаги, картошка, ем-хашак етиштирилади. Гўшт-сут чорвачилиги ва паррандачилик ривожланган.

Маданий қурилиши ва соғлиқни сақлаш. 1975/76 йилларда 5908 тўққиз йиллик мажбурий асосий таълим мактабларида 1,2 млн. га яқин ўқувчи, тўлиқ умумтаълим 4 йиллик ўрта мактаб (гимназиялар)да 72 мингга яқин, профессионал билим юртларида 215 мингдан зиёд ўқувчи, 1975 йилда 23 олий ўқув юртида 92,3 мингдан зиёд студент таълим олди. Прагада ун-т, Фанлар академияси, Брно, Оломоуц, Острава ва б. шаҳарларда ун-т, ин-т, академиялар, музейлар ва кутубхоналар бор. 1975 йили 18 кундалик газета, 186 ҳафталик, 112 икки ҳафталик журнал ва газеталар, 282 ойлик журналлар чиқди; 4310 номда китоб ва брошюралар нашр этилди.

1975 йили 5762 касалхона ва туғруқхона, 615 махсус даволаш ин-тлари, 433 санаторийли шифохоналар, 509 медицина илмий тадқиқот ин-тлари ва б. бўлган, 27896 врач ишлади (362 кишига 1 врач). Курортлари жаҳонга машҳур (Карлови-Вари ва б.).

Адабиёти. 9- асрда пайдо бўлган чех ёзуви дастлаб эски славян тилида ривожланди. 11- аср охирида Рим черкови таъсирининг кучайиши натижасида латин тили эски славян тилини сиқиб чиқарди. 13- аср охиридан чех тилида асарлар пайдо бўлди, дунёвий адабиёт ривожланди. Уйғониш даври ғоялари таъсирида 14- асрда чех адабиёти равнақ топди. Гуслилар ҳаракати ва деҳқонлар уруши йилларида антикатолик руҳдаги ваъзномалар, манифест ва жанговар қўшиқлар тарқалди. 1468 йили Ч. да китоб босиш пайдо бўлди. Ч. ўз мустақиллигини йўқотиши (1620) б-н чех маданияти тушкунликка учради, маданият арбоблари Австрия феодаллари ва Рим черкови қувғинига учради.

Чех миллий уйғониш даврида (18- аср охири — 19- асрнинг 1- ярми) адабиётда славян халқларининг бирлиги, чех тилининг ҳуқуқи, славянлар фольклорига мурожаат, миллий маданиятни яратиш учун кураш ғоялари акс этди. Бу давр адабиётига классицизм ва романтизм белгилари хос эди. 30- йилларда революцион романтизм пайдо бўлди, драматургия ривожланди. 19- асрнинг 2- ярмида реалистик адабиёт етакчи ўринга чиқди.

19- аср охири — 20- аср бошларида реалистик адабиёт б-н бир қаторда модернистик ва декадентлик оқимлари пайдо бўлди. Чех прогрессив адабиётининг ривожига Улуғ Октябрь революцияси катта таъсир кўрсатди.

Архитектураси, тасвирий ва амалий санъати. Ч. да палеолит даври ҳайкалчалари, неолит даврига оид керамика ва б. сақланиб қолган. Католицизм қабул қилингач (865), Византиядаги синглари тошдан черковлар қурилди. 11—13- асрларда *роман услуби* шаклланди. 13- аср ўрталари — 15- асрнинг 1- ярмидан *готика* санъати равнақ топди. Ч. да Габсбурглар сулоласи ҳукмронлиги ўрнатилгач (1526), меъморликда асосан итальян архитекторлари олиб келган Ренессанс услуби кенг ёйилди. 17- асрнинг 2- ярмидан архитектурада янгидан кўтарилиш даври бошланди. Сарой қурилишида *барокко* услуби қарор топди. Ч. да капиталистик тараққиёт даврида шаҳарлар 19- асрга хос эклектика руҳида қурилди. 1920—30- йилларда архитектурада функционализм миллий мактаби шаклланди.

Тасвирий санъатнинг дастлабки намуналари ибтидоий жамоа даврида яратилган. Роман услубидаги ўрта асрлар санъатида китоб миниатюраси ва фрескаларнинг яхши намуналари яратилди. 11—13- асрларда санъатда Германия ва Византия санъати устунлик қилди. 14- асрда Франция, Германия, Италиянинг бадиий анъаналари ижодий ўзлаштирилди. 18- асрда безак ҳайкалтарошлиги, рассомлик ривожланди. 14—15- асрларда миниатюра ва декоратив-амалий санъат (бадиий шишасозлик, зардўзлик, заргарлик, мозаика) равнақ топди. Барокко даври (17—18- асрлар) тасвирий санъатида реалистик ва демократик тенденциялар кучайди (портрет, деворий рассомлик, фреска ва пейзажлар). 18- аср ўрталаридан рококко ва классицизм қарор топди. 1920- йиллар бошида мураккаб ғоявий-бадиий кураш шароитларида тасвирий санъатда реалистик ва демократик тенденциялар мустаҳкамланди.

Музикаси. Ч. музика маданияти бой халқ ижоди асосида ривожланиб келди. 9- асрда христиан черкови музикаси кенг ёйилди. 1256 йилда Прагадаги соборлардан бирида орган ўрнатилди. 15- асрда Ч. да қўшиқчилик маданияти ривожланди. 18- асрда «Европа консерваторияси» деган ном олган Прагада Ғарбий Европа музика санъатига катта ҳисса қўшган йирик музика усталари (Я. Д. Зеленка, Я. Стамиц, И. Мисливечек ва б.) ижод қилганлар.

Прагада опера спектакллари кўрсатиладиган «Театра у Котцу» (1737) ва Ностицкий миллий театри (1783; 1797 йилдан Сословие театри)нинг қурилиши чех операсининг ривожига катта ҳисса қўшди. Б. Сметана ва А. Дворжак чех миллий музика мактабини яратдилар. Прагада консерватория (1811), орган мактаби (1831), Миллий театр (1881), чех филармонияси (1901) ва б. ташкил этилиши Ч. музика ижрочилигини янги босқичга кўтарди. 1920- йиллар бошида классик опера анъаналарини ривожлантирган асарлар б-н бирга модернистик йўналишдаги асарлар ҳам пайдо бўлди.

Театри. Чех тилида ёзилган ва кўрсатилган биринчи мактаб драмаси П. Кирмезернинг «Бой Лазарь ҳақида чех комедияси» дир (1566 йили нашр қилинган). Миллий уйғониш даврида (18- аср охири — 19- аср ўрталари) миллий драматургия ва унинг анъаналари шаклланди. 1883 йили Прагада Миллий театр қурилди (драма, опера, балет труппалари ишлади). 19- аср охирида Ч. театрида турли бадиий оқимлар пайдо бўлди, аммо саҳна реализми етакчи ўринда турди (1918 йилдан кейинги Ч. ҳақида *Чехословакия* мақоласининг тегишли бўлимларига қ.).

Ад.: История Чехословакии, т. 1—3, М., 1956—60; Гуса В., История Чехословакии, Пер. с чеш., Прага, 1963; Неедль З., История чешского народа, т. 1, М., 1952; Очерки истории чешской литературы XIX—XX вв., 1963; Архитектура Чехословакии с древнейших времен до наших дней, Прага, 1965; Бэлза И., История чешской музыкальной культуры, 2 изд., т. 1—2, М., 1959—73; История западноевропейского театра, т. 6, М., 1974.

ЧЕХИЯ ТОҒЛАРИ, Богемия тоғлари — Чехословакиянинг ғарбий қисмидаги ва унинг Польша, ГДР ва Австрия б-н чегарадош р-нларидаги тоғлар. Узунлиги 500 *км*, эни 300 *км* гача. Энг баланд жойи 1602 *м* (Снежка тоғи). Ғарбдан шарққа йўналган. Асосан, қадимги кристалли ва метаморфик жинслардан тузилган. Марказий қисми пастроқ бўлиб, атрофи ўртача баландликдаги тоғлар (Судет, Рудали тоғлар, Чехия ўрмони, Шумава, Чехия-Моравия қирлари) б-н ўралган. Иқлими мўътадил, сернам, марказида континенталроқ. Дарё кўп. Игна баргли ва аралаш ўрмонлар бор. Тупроғи тоғ-подзол ва тоғ-қўнғир тупроқ. 1200—1400 *м* ва ундан баланд қисмлари ўтлоқ ва торфли ерлар. Полиметалл, темир рудалари, кўмир, графит, каолин конлари, минерал булоқлар бор.

ЧЕХЛАР — миллат, Чехословакиядаги Чехия Социалистик Республикасининг асосий аҳолиси [9,38 млн. киши (1974)]. Кўпгина Ч. Австрия, Канада, АҚШ ва б. чет мамлакатларда ҳам яшайди. *Чех тили*да гаплашади. Диндор Ч. нинг кўпчилиги — католиклар, қисман — протестантлар. Ёзма манбаларда айрим чех қабилалари (чех, дудлеб, хорват, лучан, зличан, дечан, пшован, литомержиц, хебан, гломач) нинг номлари сақланиб қолган. Бу қабилаларнинг бирлашишида чех қабиласи ҳал қилувчи роль ўйнаган. Чехия ерлари 9- асрда (895 йилгача) Буюк Моравия давлати таркибига кирган, унинг инқирозидан кейин (10- аср бошида) сиёсий ҳаёт маркази Чехия терр-ясига кўчган. Чехия терр-ясида чех элати шакллана бошлаган. 13- асрдан ўлканинг этник бирлиги немислар колонизацияси туфайли бузилди. Немислар зўравонлигининг ошиши, чех деҳқонларини эксплуатация қилишнинг кучайиши 15- аср биринчи ярмида *гусчилар революцион ҳаракати*ни келтириб чиқарди. 1620 йилда Чехия ўзининг сиёсий мустақиллигини йўқотди ва *Габсбург*ларга бўйсундирилди. Австрия империяси (1867 йилдан — Австрия-Венгрия)нинг ҳукмрон доиралари уч аср давомида немислаштириш сиёсатини олиб борганлар. 18- асрдан бошлаб немис тили маъмурий тил бўлиб қолган. Чехияда 18- аср охири — 19- аср бошида феодал тузумнинг емирилиши ва капиталистик муносабатларнинг пайдо бўлиши шароитида буржуа чех миллатининг бирлиги мустаҳкамланган. 1918 йилда Австрия-Венгрия инқирозидан сўнг чех ва словакларнинг биринчи миллий давлати — Чехословакия буржуа республикаси тузилган. 1938—39 йилларда Чехословакия немис-фашист босқинчилари томонидан босиб олинган. 1945 йилда Чехословакияда халқ ҳукумати ўрнатилгач, мамлакатда иқтисодий ва маданий жиҳатдан туб ўзгаришлар рўй берди, чех социалистик миллати шаклланди. Миллий маданият ўсди (тарихи, экономикаси ва маданияти ҳақида *Чехия* ва *Чехословакия Социалистик Республикаси* мақолаларига қ.).

Ад.: Народы Зарубежной Европы, т. 1, М., 1964; Очерки общей этнографии. Зарубежная Европа, М., 1966; Грацианская Н. Н., Этнографические группы Моравии. К истории этнического развития, М., 1975.

ЧЕХОВ Антон Павлович [1860. 17(29). 1, Таганрог — 1904. 2(15). 7, Баденвейлер, Германия; Москвада дафн этилган] — рус ёзувчиси.



Чехов А. П.

Савдогар оиласида туғилган. Таганрог гимназиясини (1879), Москва ун-ти медицина ф-тини тугатган (1884), врач бўлиб ишлаган. 1882 йилдан Н. А. Лейкининг «Осколки» журналида ҳамкорлик қилди. Россияда ва чет элларда саёҳатда бўлди. 1892—98 йилларда Москва яқинидаги Мелихова қишлоғи (ҳозирги Чехов ш.) да яшаб, маҳаллий деҳқонларга тиббий ёрдам кўрсатди, деҳқон болалари учун мактаблар очди. Сил касали б-н оғриб, 1898 йили Ялтага кўчди. У ерда композитор П. Чайковский, рассом И. Левитан ва ёзувчи Л. Толстой, М. Горький, И. А. Бунин, В Короленко, А. И. Куприн ва б. б-н дўстлашди. Ч. 1900 йилда Россия Фанлар академияси фахрий аъзолигига сайланди, лекин 1902 йилда М. Горькийнинг фахрий академикликка сайланганлигини подшо Николай II бекор қилганига қарши норозилик сифатида академикликдан воз кечди. Саломатлиги ёмонлашгач, 1904 йил июнида Баденвейлер (Германия)га борди ва у ерда вафот этди.

Илк юмористик ҳикояси «Қимга тўлаш керак?» 1878 йилда «Стрекоза» журналида эълон қилинди. Антоша Чехонте, шунингдек Антоша, Талоқсиз киши, Укамнинг акаси каби тахаллуслар б-н турли юмористик журналларда асарлари чиққан. Дастлабки ҳикоялар китоби «Мельпомен эртаклари» 1884 йилда нашр этилган. «Ола-қуроқ ҳикоялар» (1886) тўплами муваффақият қозонгач, Ч. Тургенев ва Некрасовнинг замондоши ёзувчи Д. В. Григоровичнинг маслаҳати б-н майда юмористик асарлардан йирик социал мавзуларга ўтиб, жиддий асарлар яратишга киришди. 1887 йилда унинг «Кечқурунлар» ҳикоялар тўплами босилди. Ф. Корш театрида «Иванов» пьесаси саҳналаштирилди. Ҳикоя ва драмаларида Ч. рус реалистик адабиётининг демократик ва гуманистик традицияларини ривожлантирди, буржуа-демократик рев-яси арафасидаги ижтимоий зиддиятларини гавдалантирди. «Чиновникнинг ўлими», «Семиз ва ориқ» (1883), «Хамелеон» (1884), «Унтер Пришибеев» (1885) каби бир қанча ҳикояларида сиёсий реакция авж олган Россия ижтимоий ҳаётининг типик ҳодисалари кўрсатилди: зулм, жаҳолат, такаббурлик, мешчанлик, бюрократизм каби иллатларни фош этиш социал кескинликда берилди. «Қайғу» (1885), «Ҳасрат» (1886), «Душманлар», «Най», «Бахт» (1887) каби ҳикояларида рус чўли табиати манзараси моҳирона гавдалантирилган. «Саҳро» (1888) қиссасида ёзувчи ижодининг социал-фалсафий мундарижаси янада чуқурлашди, демократик тенденция қатъийлашди. Ч. ижодига хос нозик лиризмнинг ҳазин юмор б-н уйғунлиги асосан шу давр ҳикояларидан бошланади.

Рус интеллигенцияси тақдири масаласига бағишланган «Менинг ҳаётим», «Болохонали уй» (1896), «Уч йил» (1895), «Крижовник» (1898), «Чорбоғда» (1900) ва б. асарларида майда буржуа зиёлиларининг бебурдлиги, халққа хизмат қилишга отланган илғор фикрли зиёлиларнинг ҳаёти акс этди. Сахалин таассуротлари асосида ёзилган «Сахалин ороли» публицистик китобида (1893—94) чор самодержавиеси бюрократик тузумнинг зиддиятлари тўғри талқин этилди, ижодида танқидий реализмнинг чуқурлашганлиги яққол кўринди. «Олтинчи палата» қиссаси (1892) да илғор фикрли кишилар қамоққа олинаётганлиги ва самодержавиенинг дагал кучи уларни азобла-



Чехович О. Д.

ётганлиги тасвирланди. Асар 80-йиллар охири—90-йиллар бошидаги Ч. танқидий реализмининг юқори чўққиси бўлди. «Анна» (1895), «Ионич» (1898) каби асарларида инсонни тубанлаштирувчи мешчанлик муҳити фош этилди, буржуа ахлоқи аёвсиз танқид қилинди. «Ғилоф бандаси» асарида (1898) озодлик руҳини сўндирувчиларга кескин зарба берилди. Асарда мамлакатни турмага айлантирган шароитда ва мустабидлик муҳитида тарбияланган кишининг типик хислатлари мужассамланган. 1890-йилларнинг 2-ярми — 1900 йилларнинг бошларида Ч. ижодида буржуазия ва деҳқонлар тақдири масаласи алоҳида ўрин олди («Уч йил», 1895; «Практикадаги бир воқеа», 1898; кичик трилогияси — «Ғилоф бандаси», «Крижовник», «Севги ҳақида»), «Мужиклар» (1897), «Сойликда» (1900) қиссаларида қишлоқ ҳаётининг реал манзараси, капиталистик муносабатларнинг қишлоққа сингиб бориши акс этди. Ч. ватаннинг қисматини яхшилашни астойдил истаган рус кишилари образини («Уч йил» асаридаги Ярцев ва Костя, «Сойлик»даги Липа, «Мужиклар»даги Ольга, «Қайлиқ»даги Надя ва б.) меҳр б-н яратди.

Реалист ёзувчи сифатида Ч. учун санъатнинг ҳаққонийлиги энг асосий мезондир. Унинг асарлари реализмнинг қудрати, халқчиллиги, сермазмунлиги, ҳаётнинг оддий воқеаларидан катта социал умумлашмалар ҳосил қилинганлиги, аниқлиги ва ихчамлиги, қисқалиги ва лўндалиги, образларининг мукаммаллиги, ифоданинг жонлилиги, манзаралилиги б-н ажралиб туради. Ч. ҳар вақт оддий нарсадаги гўзалликни, ўзига хосликни топа олди. У рус новелла санъатини камолот босқичига кўтарди.

Ч. нинг новаторона ижоди рус ва жаҳон драматургиясида янги саҳифа очди. «Чайка» пьесасида (1896) қаҳрамонларнинг муҳаббат, гўзаллик, санъат ва ҳаёт ҳақидаги ўйлари воситасида уларнинг руҳий дунёси кенг ёритилди. «Ваня тоға» (1897), «Уч опа-сингил» (1900—01) пьесаларида ҳақиқат ва гўзаллик тўғрисидаги орзулар б-н разилликлар тўқнашувини, «Олчазор» пьесасида (1903—04) умри тугаб бораётган эскилик б-н туғилиб келаётган янгилик ўртасидаги ички, психологик курашни кўрсатди ва бунда янгиликнинг муқаррар ғалабасига ишора қилди. Ч. кўпгина пьесаларида драматик ҳолатга қаҳрамонларнинг руҳий ихтилофларини нозик қилиб кўрсатиш, уларнинг қалб драмасини гавдалантириш орқали эришади. У оддий, кундалик ҳаётни, оддий кишиларни саҳнага олиб чиқди ва бу ҳаёт драматизмини ёрқин очиб берди, адабиётни янги мавзулар, янги қаҳрамонлар б-н бойитди. Ч. драмалари ўз мотивининг лирик ва сатирик характери, мураккаб ва такрорланмас диалектикаси б-н ҳам ажралиб туради. А. С. Пушкин, М. Ю. Лермонтов, И. С. Тургенев, Л. Н. Толстой ижоди Ч. талантининг равнақи учун бой манба бўлди. У рус адабиётининг реалистик традицияларини чуқур ўрганди ва ривожлантирди. В. И. Ленин, Л. Н. Толстой Ч. ижодига юксак баҳо бердилар.

Ч. рус ва жаҳон адабиётида проза ҳамда драматургия ривожига кучли таъсир кўрсатди. Еш Горький, Бунин, Куприн прозаси, К. А. Тренёв, А. Н. Арбузов ва б. драматургияси Ч. анъаналари б-н бойиди. Ч. нинг 20-аср санъатидаги роли ҳақида Европа ва Африка ёзувчилари ҳам гапирган эдилар. Инглиз драматурги Б. Шоу 1919 йилда Ч. пьесалари таъсирида «Парчаланган қалблар уйи» драмасининг яратганлигини айтган. Ж. Голсуорси Ч. нинг инглиз адабиётига баракали таъсири ҳақида ёзган. Ч. ижодининг самарали таъсири ҳақида А. Вюрмсер, Ф. Мориак, Э. Триоле, француз режиссёрлари Ж. Л. Барро ва Ж. Вилар ва б. ҳам ёзганлар.

Ч. ижоди ўзбек совет адабиётида новелла ва драматургия ривожида муҳим босқич бўлди. А. Қаҳҳор, Ойдин, Ғ. Ғулом, Саид Аҳмад ва б. Ч. ижодидан унумли фойдаландилар. Ч. асарлари ўзбек тилига таржима қилинган. Кўпчилик асарлари экранлаштирилган, драмалари чет элларда, СССР театрларида, жумладан Ўзбекистонда саҳналаштирилган. Москва, Ялта, Таганрог, Мелихово, Сахалин каби жойларда Ч. музейлари бор.

Ас.: Полн. собр. соч. и писем. т. 1—20, М., 1944—51; Полн. собр. соч. и писем в 30-ти томах, т. 1—4, М., 1974—76 (нашр давом этмоқда); Танланган асарлар. Уч томлик, Т., 1957—58.


Ад.: Луначарский А. В., Чехов и его произведения как общественное явление, унинг «Классики русской литературы, Избр. статьи» китобида, М., 1937; Станиславский К. С., А. П. Чехов в Московском худож. театре, М., 1947; М. Горький и А. П. Чехов. Переписка, статьи высказывания, Сб. М., 1951; Ермилов В., Драматургия Чехова, М., 1954; Чехова М. П., Письма к брату А. П. Чехову. М., 1954; Чехова М. П., Вокруг Чехова, 4 изд. М., 1964; Эренбург И., Перечитывая Чехова, Собр. соч., т. 6, М., 1965; Шах-Азизова Т. К., Чехов и западно-европ. драма его времени, М., 1966; Бунин И. А., О Чехове, Собр. соч., т. 9, М., 1967; Чуковский К., О Чехове, М., 1971; Чудаков А. П., Поэтика Чехова, М., 1971; Книппер-Чехова О. Л., Воспоминания и переписка, ч. 1, М., 1973; Бердников Г. П., Чехов, М., 1974; Раҳимов Н., А. П. Чехов ва ўзбек совет прозаси, «Шарқ Юлдузи», 1960; № 1; Йўлдошев Т., 30-йиллар ўзбек ҳикоячилиги ва Чехов, Тошкент ун-ти, илмий асарлар. Т., 1973.

ЧЕХОВ (1954 йилгача Лопасня) — РСФСР Москва областидаги шаҳар. Москвадан 77 *км* жанубдаги т. й. станцияси. Арматура, регенератор, «Гидросталь конструкция», аралаш ем з-длари, кондитер ф-каси, полиграфия, мебель к-тлари бор. Ч. дан 15 *км* нарида — Мелехово да А. П. Чехов музей-қўриқхонаси жойлашган.

ЧЕХОВИЧ Ольга Дмитриевна (1912. 14. 6, Петербург) — тарих фанлари д-ри (1967). 1951 йилдан КПСС аъзоси. Ленинграддаги Тарих-филология ин-тининг тарих бўлимини тугатган (1932). Тошкентда Тожик педагогика техникумида ўқитувчи (1932—42). 1944 йилдан ЎзССР ФА Шарқшунослик ҳамда Тарих ин-тларида катта илмий ходим. «14-аср Бухоро ҳужжатлари» мавзуида д-рлик диссертацияси ёқлаган. Ч. Ўзбекистон тарихи ва археографияси бўйича аниқ материалларга бой қўл ёзмалар асосида қатор илмий асарлар яратган. Унинг «Самарқанд музейи коллекциясидаги Темур даври вақф ҳужжатлари», (18-аср Бухоро солномаси — Убайдулланома», «16—19-асрларда Бухорода ердан фойдаланиш ҳужжатлари» каби асарлари эълон қилинган.

Ас.: Документы к истории аграрных отношений в Бухарестском ханстве XVII—XIX вв., Т., 1954; Бухарские документы XIV в., Т., 1965; Арк Бухары, Душанбе, 1972 (М. С. Андреев б-н биргаликда).

ЧЕХОСЛОВАКИЯ (Ceskoslovensko), Чехословакия Социалистик Республикаси, ЧССР — Марказий Европадаги социалистик давлат. Дунай, Лаба (Эльба) ва Одер дарёларининг сув айирғичида жойлашган. Шимолда Польша, шимоли-ғарбда ГДР, ғарбда ГФР, жанубда Австрия ва Венгрия, шарқда СССР б-н чегарадош. Майдони 127,9 минг *км*². Аҳолиси 15 млн. киши (1977). Пойтахти — *Прага* ш. Маъмурий жиҳатдан мамлакат





Прага. Карл кўприги.

территорияси 10 обл. (kraj)га, обл. лар р-нларга, р-нлар эса жамоалар (obce) га бўлинган (512-бетда табиий ва иқтисодий карталари берилган).

Давлат тузуми. Ч.— социалистик давлат, федератив республика. Икки тенг ҳуқуқли, суверен социалистик республикалар — *Чехия* Социалистик Республикаси (ЧСР; пойтахти — Прага) ва *Словакия* Социалистик Республикаси (ССР, пойтахти — Братислава) дан ташкил топган. Амалдаги конституцияси 1960 йили (1968 йили Чехословакия федерацияси ҳақидаги конституцион қонунга кўра ўзгартишлар киритилган) қабул қилинган. Давлат ҳокимиятининг олий ва ягона қонун чиқарувчи органи — Халқ палатаси (200 депутат) ва Миллатлар палатаси (150 депутат, ЧСР ва ССРдан 75 тадан депутат) дан иборат икки палатали Федерал Мажлис. Федерал Мажлис ЧССР конституцияси ва б. қонунларни қабул қилади, халқ хўжалигини ривожлантириш давлат плани ва федерация давлат бюджетини тасдиқлайди, ички ва ташқи сиёсатнинг принципиал масалаларини ҳал қилади, ЧССР Президентини (5 йил муддатга) ва ЧССР Олий судини сайлайди, федерал органлар ва б. таъсис этади. Сессиялар ўртасида Федерал Мажлис ваколатини Федерал Мажлис Президиуми амалга оширади.

Давлат бошлиғи — президент, у Федерал Мажлис олдида жавобгар. У халқаро муносабатларда ЧССР номидан иш юритади, халқаро битимларни тузади ва тасдиқлайди. ЧССР ҳукумат аъзоларини тайинлайди ва бўшатади, қуролли кучлар олий бош қўмондони ҳисобланади. Чехия Миллий Кенгаши ва Словакия Миллий Кенгаши, республикаларнинг олий ваколат муассасаси ва уларнинг ягона қонун чиқарувчи органларидир. Миллий Кенгаш Президиуми республика давлат ҳокимияти олий ижроия органи — ҳукуматини тайинлайди ва бўшатади.

Обл., р-н, шаҳар ва жамоаларда давлат ҳокимиятининг маҳаллий органлари — миллий комитетлар бўлиб, улар тегишли терр-яда маданий, хўжалик ва социал тараққиёт масалалари б-н шуғулланади. Давлат ҳокимиятининг барча ваколат органлари 5 йил муддатга, умумий, тўғри ва тенг сайловларда яширин овоз бериб сайланади. 18 ёшга тўлган фуқароларга сайлов ҳуқуқи берилган. Барча ваколат органлари депутатлари қасамёд қабул қиладилар. Суд системаси ЧССР Олий суди, ЧСР Олий суди, ССР Олий суди, обл., р-н ва ҳарбий судлардан ташкил топган. Қонунчиликни назорат қилиб туриш ЧССР Бош прокурорига юклатилган. ЧСР ва ССРда ҳам Бош прокурорлар бор. Республика байроғини *Давлат байроғи* мақоласи жадвалидан кўринг.

Табиати. ЧССР терр-яси ғарбдан шарққа 750 *км*, шимолдан жанубга 150—200 *км* га чўзилган. Ер юзаси қир ва паст тоғлардан, тарбиний ландшафти ўрмон ва ўрмонли даштлардан иборат. Рельефи. Мамлакатнинг ғарбий қисмини *Чехия тоғлари* эгаллаган; Чехия тоғларидан жанубий-шарқда Чехия-Моравия қирлари, мамлакатнинг шарқий қисмида Карпат тоғлари системасига кирувчи тизмалар жойлашган. Татра тоғларидаги Герлаховски-Штит чўққиси (2655 *м*) Ч. ва Карпат тоғларининг энг баланд нуқтасидир. Моравия Краси, Словакия Краси ва б. тизмаларида карст рельеф шакллари кўп учрайди. Карпат тоғларининг жанубий қисмида вулкан тоғлари бор. Ч. терр-ясига жануб томондан *Ўрта Дунай текислиги* икки тармоққа ажралиб (баландлиги 100—200 *м*) кириб борган.

Геологик тузилиши ва фойдали қазилмалари. Ч. нинг ғарбий қисми (Чехия тоғлари) Марказий Европадаги варисцин бурмали заминининг ядросидан иборат (қ. *Герцин бурмаланиши*), шарқий қисми эса (Карпат тоғларининг ғарбий тармоқлари) *Альп бурмаланиши* областига мансуб. Ч. да фойдали қазилмалардан тошкўмир ва қўнғир кўмир, нефть ва газ, темир ва марганец, қўрғошин-рух, мис, қалай ва вольфрам, уран, сурма рудалари, симоб, флюорит, графит, магнезит ва қурилиш материаллари конлари бор. Ч. шифобахш минерал ва термал сувларга бой.


Иқлими мўътадил, шарқида ва ички сойликларда иқлимнинг континенталлиги ортиб боради. Текисликларда январнинг ўртача т-раси —1° дан —4° гача, тоғларда —7° дан —10° гача. Июлда ўртача т-ра текисликларда 19—21°, тоғларда 4—8°. Йиллик ёғин текисликларда 450—700 *мм*, тоғларда 1600—2100 *мм*.

Ички сувлари. Дарёлари аксари қисқа. Мамлакат терр-ясидан *Дунай* дарёси ўрта оқимининг бир қисми ўтган. Дарёлари қишда 1—2 ой музлайди. Дунай, Лаба ва Влтаванинг қуйи қисмида кема қатнайди. Ваг ва Влтава дарёларига ГЭСлар қурилган.

Тупроқлари, асосан, қўнғир ва тоғ қўнғир ўрмон ҳамда тоғ-подзол ва тоғ-ўтлоқ тупроқларидир. Текисликларда қорамтир, дарё водийларида аллювиал тупроқлар тарқалган.

Ўсимликлари. Баландлиги 300 *м* гача бўлган ерлар ҳайдалган. Дашт ва ўрмонли даштлар фақат ноқулай ерларда ва қўриқхоналарда сақланиб қолган. Тоғ ён бағирлари кенг баргли ва игна баргли ўрмон, тоғ тепалари эса ўтлоқ, субальп ва альп ўтлоқларидан иборат. Мамлакат терр-ясининг $^1/_3$ қисми ўрмон.

Ҳайвонот дунёси. Сут эмизувчилардан қўнғир айиқ, бўри, қоплон, тулки, сувсар, оқсичқон, буғу, ёввойи чўчқа, малла қуён, тийин ва б.; қушлардан каркур, каклик, лайлак, сассиқпопишак, бургут ва б. бор. Сув ҳавзаларида гулмойи, карп, лосось, окунь, налим каби балиқлар яшайди. Ч. да қўриқланадиган терр-яларнинг умумий майдони 170 минг *га* (1976). Ч. табиий хусусиятларига кўра Чехия тоғлари, Ғарбий Карпат тоғлари, Дунай бўйи пасттекислиги, Поти пасттекислиги р-ларига бўлинган.



Аҳолиси ҳар бири ўз республикасига эга бўлган икки халқдан: *чехлар* (1977 йилда 9612 минг киши) ва *словаклар* (4526 минг киши) дан иборат. Шунингдек, венгрлар (598 минг киши), немислар, поляклар, украинлар ва руслар ҳам яшайди. Диндорларнинг $^2/_3$ қисми католик. Аҳолисининг сони мунтазам ўсиб бормоқда (табиий ўсиши 1975 йилда ҳар 1000 киши ҳисобига 8 киши). Аҳолисининг ижтимоий таркиби (1976): ишчилар 61%, хизматчилар 28%, қ. х. кооперативлари аъзолари ва ҳунармандлар 10%. 1976 йилда халқ хўжалигида 7476 минг киши банд бўлган. Аҳолисининг ўртача зичлиги 1 *км*² га 117 киши (ЧСР да 129 киши).

Тарихи. 1918 йили *Чехия* ва *Словакия*нинг ягона давлатга бирлашуви натижасида Чехословакия республикасининг ташкил топиши чех ва словак халқларининг ўз мустақиллиги учун олиб борган кўп асрлик курашининг якуни бўлди (Ч. нинг 1918 йилгача бўлган тарихи ҳақида *Чехия* ва *Словакия* мақолаларига қ.). Прагада чех буржуа партиялари ва социал-демократлар партияси вакилларидан тузилган Чехословакия Миллий Комитети 1918 йил 28 октябрда Ч. мустақиллигини эълон қилди. 1918 йил 30 октябрда Словакия Миллий Кенгаши қарорига мувофиқ Словакия Ч. таркибига кирди. 1918 йил 14 ноябрда Ч. Муваққат миллий мажлиси Габсбурглар сулоласининг Чехиядаги барча ҳуқуқларини бекор қилиб, Ч. ни республика деб эълон қилди. Ч. чегаралари Версаль (1919), Сен-Жермен (1919) ва Триано сулҳ шартномалари б-н белгиланди. Закарпатье Украинаси ҳам Хуст ш. да Халқ съездининг Совет Украинаси б-н қўшилиш ҳақидаги чиқарган қарорига (1919 йил янв.) зид равишда Ч. га берилди. Ч. кўп миллатли давлат сифатида шаклланди.

1-жаҳон урушидан кейинги дастлабки йиллар Ч. молия капиталининг жадал ўсиши ва мустаҳкамланиши б-н характерланади. Айни вақтда мамлакат экономикасига чет эл (асосан Франция, Англия ва АҚШ) капиталининг кириб келиши кучайди.

2-жаҳон урушигача бўлган йилларда Ч. да 50 га яқин турли партия ва уюшмалар иш олиб борди. Мамлакатда энг йирик буржуа партияси Аграр партия (1899 йил тузилган) эди. Партиялар ичида Чехословакия социал-демократик ишчилар партияси (ЧСДИП) оммавий партияга айланди.

1920 йил февралда Муваққат миллий мажлис томонидан қабул қилинган конституция буржуа-демократик республика тузумини юридик жиҳатдан расмийлаштирди.

1919 йил апрелда Ч. қўшинлари *Венгрия Совет республикаси*га қарши Антанта ташкил этган қуролли интервенцияда қатнашди. Венгрия Қизил Армияси интервентларни тўхтатди ва қарши ҳужумга ўтиб Шарқий Словакия терр-ясига кирди. 1919 йил 16 июнда Прешов ш. да Словакия Совет республикаси эълон қилинди. Лекин июль бошида Ч. интервенцияси натижасида Словакия Совет республикаси тугатилди.

1921 йил 30 октябрь — 4 ноябрдаги Бирлаштирувчи съездда ягона *Чехословакия Коммунистик партияси* (ЧКП) тузиш ниҳоясига етказилди. Жаҳон иқтисодий кризисининг дастлабки аломатлари Ч. да 1929 йилдан сезила бошлади ва 1933 йил баҳорида кескин тус олди. Саноат ишлаб чиқариши 1929 йилдаги даражадан $^1/_3$ марта камайди. Халқ норозилиги кучайди. Коммунистлар иш ташлаш ва нисизларнинг оммавий ҳаракатларига раҳбарлик қилдилар. Германияда фашистлар ҳокимият тепасига келгач, Ч. да ҳам фашистик ташкилотлар активлашди. 1934 йили Ч. ҳукумати СССРни тўла тан олишга, 1935 йили эса ўзаро ёрдам тўғрисида СССР б-н шартнома тузишга мажбур бўлди. Ч. нинг ҳукмрон доиралари Франция ва Англия ҳукуматлари каби гитлерчилар Германияси агрессияси хавфига етарлича баҳо бермади ва агрессор б-н «келишувчилик» сиёсатини олиб борди. 1938 йил сентябрда Мюнхенда Буюк Британия ва Франция ҳукуматлари Ч. ни бўлиб ташлаш тўғрисида Германия ва Италия б-н битим туздилар (қ. *Мюнхен битими*). 1938 йилнинг октябрь бошларида фашистлар Германияси Ч. нинг Судет областини, 2 октябрда Польша Тешин областини, 2 ноябрда Венгрия 1938 йилги Вена арбитражи асосида Словакиянинг жанубий р-нлари ва Закарпатье Украинасини босиб олди. 1939 йил 15 мартда Германия қўшинлари Чехия областларини эгаллади, босиб олинган терр-ялар Германиянинг «Богемия ва Моравия протекторати»га айлантирилди. Ч. нинг давлат сифатида тугатилишини фақат Совет ҳукуматигина тан олмади. «Протекторат»да қаттиқ оккупацион режим ўрнатилди. Словакиянинг қўғирчоқ ҳукумати, чех буржуазиясининг реакцион доиралари фашистларга хизмат қила бошлади. Буржуа сиёсий арбобларининг бир қисми Ч. нинг собиқ президенти Э. *Бенеш* раҳбарлигида Лондонда 1940 йили Муваққат ҳукумат тузди. 1941 йил июлда СССР бу ҳукуматни тан олиб, 1941 йил 18 июлда у б-н ҳарбий ҳамкорлик ҳақида битим имзолади. СССР терр-ясида Л. *Свобода* қўмондонлигида чех ҳарбий қисмлари тузила бошлади. 1943 йил 12 декабрда Москвада дўстлик, ўзаро ёрдам ва урушдан кейинги ҳамкорлик тўғрисида Совет-Чехословакия шартномаси имзоланди. 1944 йил 29 августда Словакияда коммунистлар раҳбарлигида антифашистик миллий қўзғолон бошланди. Озод қилинган терр-ялардa ҳокимият Словакия миллий Совети (СМС) қўлига ўтди. Бироқ гитлерчилар куч жиҳатдан устунлиги сабабли 27 октябрда қўзғолон бостирилди. 1945 йил мартда Москвада СМС, Лондондаги муҳожирлар вакиллари ва ЧКП раҳбарлари чех ва словакларнинг Миллий фронтини (МФ) тузишга келишиб олдилар. Апрелда Қошице ш. да МФ ҳукумати тузилди ва МФ программаси эълон қилинди. 1945 йил май ойида Чехиянинг бир қанча шаҳарларида босқинчиларга қарши қўзғолон кўтарилди, уларни партизанлар қўллаб-қувватлади. 5 майда Прагада қўзғолон бошланди. Совет Армияси қўзғолончиларга ёрдамга етиб келди ва 9 майда Прагани озод қилди. Ч. немис-фашист босқинчиларидан батамом тозаланди. 1945 йил 21 июндаги президент декрети асосида аграр ислоҳот ўтказишнинг биринчи босқичи бошланди. Немис ва венгр помешчикларига қарашли ер ва б. мулклар мусодара қилинди. 1945 йил 24 октябрда саноатнинг муҳим тармоқлари, барча банк ва хусусий страхование жамиятларини национализация қилиш ҳақида декрет эълон қилинди. 1946 йил май ойида Миллий таъсис мажлиси ва миллий комитетларга ўтказилган сайловларда бошқа сиёсий партиялар орасида ЧКП энг кўп овоз олди. Ч. тарихида биринчи марта ҳукуматни коммунист, ЧКП раиси К. *Готвальд* бошқарди. 1948 йил февралда реакцион буржуазия контрреволюцион тўнтариш ясашга уриниб кўрди, аммо муваффақиятсизликка учради. ЧКПнинг ташаббуси б-н кўрилган чора ва тадбирлар натижасида ҳокимият батамом ишчилар синфи қўлига ўтди. Ч. да миллий-демократик рев-янинг социалистик рев-яга ўсиб ўтиш жараёни якунланди. Ч. да социализм қурилиши бошланди. Аграр реформа ва саноатни национализация қилишнинг 2-босқичи амалга оширилди. 1948 йил 9 майда мамлакат янги Конституцияси қабул қилиниб, Ч. Халқ демократик республикаси деб эълон қилинди, президентликка К. Готвальд сайланди. Янги ҳукуматни А. *Запотоцкий* бошқарди. ЧКПнинг 9-съезди (1949, май) социализм қуриш программасини партиянинг бош йўли сифатида қабул қилди. 1-беш йиллик план (1949—53) ишлаб чиқилди. Айниқса Словакиянинг иқтисодий қолоқлигини тугатишга алоҳида эътибор берилди. Ч. шаҳар ва қишлоқларида социалистик қурилиш кенг авж олдирилди.

К. Готвальд вафотидан сўнг (1953 йил март) А. Запотоцкий Ч. президенти, А. Новотний ЧКП МҚ биринчи секретари (1953 йил сентябрь) қилиб сайланди. 1956 йили қабул қилинган 2-беш йиллик план ҳам муваффақиятли бажарилди. Социалистик сектор барча қ. х. майдонининг 87,4% ини эгаллади. Қ. х. ни кооперативлаштириш амалда ниҳоясига етказилди. Халқнинг моддий аҳволи яхшиланди. 1960 йил 11 июлда Миллий мажлис янги Конституция қабул қилди ва мамлакат Чехословакия Социалистик Республикаси (ЧССР) деб атала бошлади.

Социалистик қурилиш йилларида Ч. меҳнаткашлари ЧКП раҳбарлигида экономика, фан ва маданиятни юксалтириш, халқ фаровонлигини ошириш борасида катта ютуқларга эришди. Аммо жамият эришган тараққиёт даражасига ва унинг маънавий-сиёсий ҳолатига ортиқча баҳо бериш, партия ва мамлакат ҳаётида марксча-ленинча принципларни изчил амалга оширмаслик, айрим муҳим масалаларни ҳал қилишга субъектив ёндашиш ҳоллари рўй берди. Партия ичида идеология ишига етарли аҳамият берилмади. Буржуа идеологияси ва майда буржуача қарашларга қарши кураш бўшашиб кетди, бу нарса партия ичида ревизионистик тенденцияларнинг ёйилишига сабаб бўлди. Айни вақтда буржуа пропагандаси авжга минди, чет эл империалистик кучларининг ЧССРга қарши қўпорувчилик фаолияти кучайди. ЧКПнинг 13-съезди (1966 май-июнь)да қийинчиликларни бартараф этиш йўллари белгиланди. Лекин ўша вақтдаги партия ва давлат раҳбарлари сусткашлик қилдилар. ЧКП МҚ нинг Январь (1968) пленуми партия ва унинг раҳбарлари фаолиятига халақит бераётган барча камчиликларни бартараф этиш, чех ва словаклар иттифоқини мустаҳкамлаш вазифасини илгари сурди. Аммо Пленумда сайланган ЧКП раҳбарлари (МҚ 1-секретари А. Дубчек) орасида ўнг оппортунистлар кўпчиликни ташкил қилди. Улар 13-съезд ва Январь пленуми қарорларини бажаришга ноқобил бўлиб чиқди. Ўнг оппортунистлар б-н антисоциалистик кучлар бирлашиб сиёсий блок ташкил қилдилар ва Ч. да буржуа тузумини қайта тиклаш учун тайёргарлик кўра бошладилар. 1968 йил августга келиб Ч.да кескинлашган контрреволюцион вазият вужудга келди, мамлакатда гражданлар уруши бошланиб кетиш хавфи кучайди. Ана шундай вазиятда минглаб коммунистлар ва партиясиз граждан-лар, ЧКП МҚ ва Словакия Компартияси МҚ нинг кўпгина аъзолари, ҳукумат аъзолари, Миллий мажлис депутатлари ички кучлар б-н контрреволюцияни тўхтатиб бўлмаслигини англаб, қардош социалистик мамлакатдан чехословак халқига социализмни ҳимоя қилиш ишида ёрдам кўрсатишларини сўрадилар. 1968 йил августда иттифоқдош социалистик мамлакатлар (СССР, БХР, ВХР, ГДР, ПХР) томонидан бундай ёрдам берилди. ЧКП МҚ Апрель (1969) пленумидан сўнг партия ва мамлакат ҳаётида туб бурилиш ясалди. Пленумда партиянинг Г. *Гусак* бошлиқ янги раҳбарлари сайланди.

1970 йил 6 майда ЧССР ва Совет Иттифоқи ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида янги шартнома имзоланди. ЧКПнинг 14-съезди (1971, май) Ч. да социализм душманлари устидан эришилган ғалаба съезди, социализм ва пролетар интернационализми тантанаси съезди деб номланди. Съездда халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 5-беш йиллик плани қабул қилинди. 1975 йил майда ЧКП МҚ бош секретари ва Миллий фронт МҚ раиси Г. Гусак ЧССР президентлигига сайланди.

Ч. кўпчилик социалистик давлатлар б-н дўстлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида шартнома тузган. 1955 йилдан Варшава Шартномаси ташкилоти аъзоси, Ўзаро Иқтисодий Ёрдам кенгашига аъзо мамлакатлар б-н мустаҳкам иқтисодий алоқа олиб боради. Ч. б-н СССР ўртасида савдо-сотиқ, илмий-техникавий ҳамкорлик ва маданий алоқа кенг кўламда ривожланмоқда. Ч.— БМТни таъсис этган давлатлардан бири. Ч. халқаро кескинликни юмшатиш ва тинчликни мустаҳкамлаш ишига салмоқли ҳисса қўшмоқда. *Хельсинки кенгаши* (1975) ни тайёрлаш ва муваффақиятли ўтказишда фаол қатнашди.

Ч. капиталистик мамлакатлар б-н муносабатда тинч-тотув яшаш принципига амал қилади. Ч. Осиё, Африка ва Латин Америкасидаги кўпгина ёш давлатлар б-н сиёсий, савдо ва маданий алоқалар боғлаган, уларга иқтисодий ва илмий-техникавий ёрдам бериб келмоқда. Ч. 122 давлат б-н дипломатик (1977 йил декабрь) ва савдо, иқтисодий алоқалар ўрнатган. Ч. 54 дан зиёд халқаро ташкилотларга аъзо.



Готвальдов. «Свит» пойабзал комбинати.

Сиёсий партиялари. Ч. Коммунистик партияси (ЧКП, 1921). 1451 минг аъзоси ва аъзоликка кандидатлари бор (1977 йил ноябрь). Словакия Коммунистик партияси (СКП) — ЧКПнинг Словакиядаги территорнал ташкилоти. Ч. Социалистик партияси (1948). 1897 йилдан мавжуд бўлган Чех миллий социалистик партияси аъзоларининг бир қисми негизида тузилган. Ч. Халқ партияси (1948), деҳқонлар, ҳунармандлар, ишчи ва зиёлиларнинг бир қисмини, илгари майда буржуазияга мансуб аҳолининг баъзи қатламларини бирлаштиради. Унга асосан диндор христианлар кирган. Словакия уйғониш партияси (1948), Словакия шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашларининг оз қисмини бирлаштиради. Словакия озодлик партияси (1946). Собиқ словак майда буржуазияси, хизматчи ёки зиёлиларнинг (асосан католиклар) оз қисмини бирлаштиради. Барча нокоммунистик партиялар ЧКПнинг социализм қуриш программасини қўллаб-қувватлайди ва жамиятдаги раҳбарлик ролини эътироф этади. ЧССР Миллий фронти 1945 йил ЧКП ташаббуси б-н тузилган. Шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашлари синфий иттифоқининг сиёсий ифодаси ҳисобланади. Барча сиёсий партияларни ҳамда Ч. нинг асосий жамоат ташкилотларини бирлаштиради. Революцион касаба союз ҳаракати (1946 йил апрель). 7 млн. га яқин аъзоси бор (1977 йил август). Социалистик ёшлар союзи (1970). 1360 минг аъзоси бор (1977 йил октябрь). Ч. комсомоли (1921) ва Ч. ёшлар союзи (1949) нинг революцион анъаналарини давом эттирмоқда. Чехословакия — совет дўстлиги иттифоқи (1948), 2,5 млн. га яқин аъзоси бор (1977 йил август). Чехословакия хотин-қизлари союзи (1974), 750 мингдан зиёд аъзоси бор (1977).

Хўжалиги. Ч.— саноати ва қ. х. юксак даражада ривожланган мамлакат. Ч. жаҳон бўйича ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотининг 1,5% дан кўпроғини беради. Миллий даромаднинг 68% и саноатдан, 12,9% и қурилишдан, 7,2% и қ. х. ва ўрмон хўжалигидан, 2,7% и транспорт ва алоқадан, 9,2% и савдо ва умумий овқатланиш тармоқларидан келади. Саноат ишлаб чиқариш ҳажми 1949—76 йилларда 10 марта ошди. Қ. х. ишлаб чиқариш унумдорлиги 50% га кўпайди. Ч. экономикаси ривожланган социалистик жамият қуриш даврига қадам қўйди. Халқаро социалистик меҳнат тақсимотида Ч. кенг кўламда иштирок этмоқда. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши (ЎИЁК) доирасида Ч., асосан, машинасозликнинг турли тармоқларига, атом электр станциялари учун ускуналар ишлаб чиқариш ва кимё саноатига ҳамда тўқимачилик машинасозлигига ихтисослашган.

Саноати. Урушдан кейин кимё ва машинасозлик саноатлари тез суръатлар б-н ривожланди. Енгил ва озиқ-овқат саноати тармоқлари тубдан ўзгарди. 1945—70 йилларда ЧССРда 2000 дан зиёд саноат корхонаси ва алоҳида объектлар қурилди.

ЧССРнинг ёқилғи-энергетика ва минерал хом ашё базаси ички эҳтиёжни қопламайди. Энергия ишлаб чиқаришда четдан келтирилган нефть ва табиий газнинг ҳиссаси катта (1976 йилда четдан, асосан СССРдан 17,1 млн. *т* тозаланмаган нефть, 4,5 млрд. $м^3$ табиий газ, 4,6 млрд. *квт-с* электр энергия олинган). Электр станцияларининг умумий қуввати 14,6 *Гвт*, жумладан ГЭС ларники 1,8 *Гвт* (1976). Биринчи АЭС 1972 йилда ишга тушган, 2 та АЭС қурилмоқда (1978), Ч. ягона «Мир» энергетика системасига уланган. ЧССР терр-ясидан атом хом ашёси, магнезит, сурма, каолин, темир рудаси, бир оз мис ва қўрғошин-рух рудаси қазиб олинади.

Қора металлургия саноати маҳаллий кўмир ва асосан четдан келтирилган темир рудаси асосида ишлайди. Сифатли пўлат ишлаб чиқарилади. Рангли металлургия саноатида мис, қўрғошин, алюминий, кобальт ва никель эритилади. Рангли металларнинг анча қисми четдан келтирилади.

Машинасозлик ва металлсозлик — саноатнинг етакчи тармоқлари. Оғир саноат учун ускуналар, транспорт воситалари (тепловоз, электровоз, вагон, трамвай, автомобиль, кема ва ҳ. к.), станоклар, АЭС лар учун жиҳозлар ишлаб чиқарилади. Машинасозликнинг энг йирик марказлари — Прага, Брно, Пльзень.

Кимё саноатида кислоталар, сода, пластмасса, синтетик смолалар, кимёвий толалар, синтетик каучук, минерал ўғитлар ва ҳ. к. ишлаб чиқарилади. Мамлакатда нефтни қайта ишловчи энг йирик корхона Братиславадаги «Словнафт» з-дидир (йиллик қуввати 9 млн. *т* нефть). Қурилиш материалларидан цемент, ўтга чидамли материаллар, керамика буюмлари ишлаб чиқарилади. Ч. саноатининг қадимдан машҳур тармоғи ойна-шиша саноатидир. Ёғочсозлик саноатида мебель, қоғоз, қалам, гугурт ва б. буюмлар ишлаб чиқариш ривожланган. Тўқимачилик саноати—енгил саноатининг етакчи тармоғи; асосан ип газлама, жун, кимёвий толадан шойи, зиғир толасидан газлама ишлаб чиқарилади. Тикувчилик ривожланган.

Қўн пойабзал саноати маҳсулотининг анча қисми экспорт қилинади. Ч. жон бошига пойабзал ишлаб чиқаришда дунёда 1-ўринда. Пойабзалнинг ярмидан кўпроғини Готвальдов ш. даги «Свит» корхонаси беради. Озиқ-овқат саноати асосан маҳаллий хом ашё асосида ишлайди ва ички эҳтиёж учун маҳсулот ишлаб чиқаради. Шакар-қанд тайёрлаш ва пиво пишириш анъанавий тармоқлардир.

Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган барча ернинг 94% дан кўпроғи социалистик секторга қарашли (1975). 1976 йилда 213 давлат хўжалиги ва 2736 барча типдаги ишлаб чиқариш кооперативлари бор эди. Аграр саноат комплексининг турли шакллари мавжуд, қ. х. ни саноат асосида ташкил этишга ўтилмоқда. Қ. х. да банд бўлган аҳоли сони камайгани ҳолда меҳнат самарадорлигини оширириш натижасида қ. х. ялпи маҳсулоти 1976 йилда урушдан илгариги даврга нисбатан 36% га кўпайди. Қ. х. мамлакатнинг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжининг 85% ини қоплайди. Қ. х. га яроқли жами ер 7 млн. *га*, шундан 4,9 млн. *га* ҳайдалади, 360 минг *га* кўп йиллик ўсимликлар, 1,7 млн. *га* табиий ўтлоқ ва яйлов, 4,5 млн *га* ўрмон б-н банд (мамлакат терр-ясининг 35% и). Деҳқончиликда асосан дуккакли дон ҳамда техника экинлари (арпа, қанд лавлаги, зиғир ва б.), картошка ва сабзавот, ем-хашак экинлари экилади. 1976 йилда 209 минг *т* дан зиёд узум ҳосили олинди. Ч. да етиштириладиган қулмоқ (хмель) дунёга машҳур.

Чорвачилик гўшт-сут ва гўшт етиштиришга ихтисослашган. Асосан, қорамол, чўчқа боқилади; паррандачилик саноат асосида ташкил қилинган. 1978 йили 4758 минг қорамол (жумладан 1900 минг сигир), 7510 минг бош чўчқа, 800 минг қўй, 44,7 млн. парранда бўлган. Ўрмон хўжалигида йилига 15 млн. $м^3$ ёғоч тайёрланади.

Транспорти. Т. й. — асосий транспорт воситаси; эксплуатация қилинаётган т. й. узунлиги 13,2 минг *км*, шундан 20% и электрлаштирилган. 1976 йилда т. й. да 276 млн. *т*, автомобиль транспортида 317 млн. *т* юк ташилган. Қаттиқ қопламли автомобиль йўлларининг узунлиги 73,7 минг *км*. Ички сув йўлларининг узунлиги 458 *км*. Ташқи савдо юкларини ташишда Дунайдаги кема қатнови муҳим роль ўйнайди. Денгиз флотининг тоннажи 218 минг *т* (Польшанинг Шчецин портига бириктирилган). Магистрал трубопроводларининг узунлиги 1,5 минг *км* га яқин. Авиалиниялари мамлакатнинг ҳамма йирик шаҳарларини бирлаштирган. Прага ва Братиславада халқаро аэропортлар бор.

Ташқи иқтисодий алоқалари. Четга асосан машина ва ускуналар чиқарилади; четдан нефть, газ, темир рудаси, рангли металлар, пахта толаси ва ҳ. к. келтирилади. 1976 йилда Ч. нинг ташқи савдо оборотида Ўзаро Иқтисодий Ёрдам кенгашига аъзо мамлакатлар ҳиссаси 67,8% ни ташкил этди. Ч. ташқи савдо оборотининг $^1/_3$ қисми СССРга тўғри келади.

Пул бирлиги — крона. СССР / Давлат банки курси бўйича 100 крона 12 сўм 50 тийинга тенг (1978).

Қуролли кучлари. Ч. халқ армияси (ЧХА) қуруқликдаги қўшинлар, Ҳарбий Ҳаво кучлари ва Ҳаво Ҳужумидан мудофаа қўшинларидан иборат. Бош қўмондон — президент; бевосита раҳбарликни Миллий мудофаа министрлиги амалга оширади. ЧХА СССР ва Ч. халқларининг Германия фашизмига қарши биргаликда олиб борган курашида шаклланди.

ЧХА умумий мажбурий ҳарбий хизмат ҳақидаги қонун асосида тўлдирилади. Офицер кадрлари А. Запотоцкий ва К. Готвальд номли ҳарбий академияларда, олий ҳарбий мактабларда ва ҳарбий билим юртларида, СССР ҳарбий-ўқув муассасаларда тайёрланади.

Соғлиқни сақлаш. 1976 йили минг аҳоли ҳисобидан туғилиш 19,2, ўлим 11,4 нафарни ташкил этди. Ўртача умр 70,3 йил (эркакларда 66,9 йил ва аёлларда 73,7 йил). Ўлимнинг асосий сабаблари: юрак-томир касалликлари, хавфли ўсмалар, нафас органлари касалликлари ва б. Юқумли касалликлардан скарлатина, эпидемик гепатит, қизамиқ ва б. учрайди. Сил, бўғма касаллиги кескин камайган, полиомиелит тамоман тугатилган. Ч. да давлат соғлиқни сақлаш системаси жорий қилинган; Медицина ёрдами ва медикаментлар б-н таъминланиш бепул. 1974 йили Ч. да ҳаммаси бўлиб 229 касалхона, 22 сил касаллиги шифохонаси; 3 тиклаш терапия ин-ти ҳамда 36 санаторий, 131 курорт шифохоналари, 21 илмий тадқиқот ин-тлари, 14 тез ёрдам станциялари, 136 санэпидстанциялари бўлган. Медицина муассасаларида жами 183 мингга яқин ўрин (минг аҳолига 12,4 ўрин) мавжуд бўлган (1976).


1976 йили 42,3 минг врач (354 аҳолига 1 врач), 1,1 минг тиш врачи, 6,1 минг фармацевт ва 105,6 минг (1973) ўрта медицина ходими ишлади. Ч. да 10 медицина ва 2 фармацевтика ф-ти, 4 врачлар, фармацевтлар ва ўрта медицина ходимлари малакасини ошириш ин-тлари ҳамда 78 ўрта медицина ходимлари тайёрлайдиган медицина мактаблари бор.

Ч. терр-ясида 60 га яқин курортлар бор. Энг машҳурлари: Карлови-Вари, Марианск-Лазне, Теплице, Подебради ва б. Курортлардаги ўринлар сони 32,5 минг (1976).


Ветеринарияси. Мамлакатда қўйларнинг чечак, манқа, отларнинг юқумли анемияси, қўй ва эчкиларнинг юқумли агалактияси, бруеллёз, қорамолларнинг сил касалликлари тугатилган. 1976 йили мамлакатда Ньюкасль касаллиги, қутуриш, чўчқаларнинг сарамас, ўлат, куйдирги, миксоматоз ва б. касалликлар қайд этилди. Ветеринария хизматига 1969 йилдан ЧСР ва ССР Қ. х. ва озиқ-овқат министрликларининг ветеринария бошқармалари раҳбарлик қилади. Ч. да 1976 йилда 2500 ветеринария врачи ишлади; Брно ва Қошице қ. х. ун-тларида ветеринария ф-тлари бор. 3 ветеринария врачлари малакасини ошириш ин-тлари мавжуд. Ветеринария бўйича илмий тадқиқот ишлари Прага ва Братиславадаги Марказий давлат ветеринария ин-тлари, Брно илмий тадқиқот ин-ти, Прагадаги Марказий давлат диагностика ин-ти ва б. илмий тадқиқот ин-тларида олиб борилади. Ветеринария биопрепаратлари «Биовета» корхоналарида тайёрланади.

Халқ маорифи. Чехия ва Моравияда 10-асрда, Словакияда 12-аср бошида диний мактаблар, 12—13-асрларда дастлабки шаҳар мактаблари пайдо бўлган.






1. Млада Болеслав автомобиль заводининг йиғув цехи. 2. Стракопице шаҳридаги мотоцикл заводи конвейери.





1. «Свободне Двори» совхози (Шимолий Чехия) даги сут соғиш конвейери. 2. Шимолий Чехия (Лоба водийси) даги токзорлар.



Карлови-Вари курортининг умумий кўриниши.

Ҳозирги замон халқ маорифи қуйидаги структурага эга: 5 ёшгача бўлган болалар ясли ва боғчаларда тарбияланади. Мажбурий 8 йиллик асосий мактаблар 6 ёшдан 14 ёшгача бўлган болалар учун 2 босқичли. 1976/77 ўқув йилида 8550 асосий мактабларда 1882 мингдан ортиқ ўқувчи ўқиган. 4 йиллик тўлиқ ўрта мактаблар (гимназиялар)да таълим 2 йўналишда (гуманитар ва табиий илмий фанлар бўйича) олиб борилади. 2—4 йиллик қуйи ҳунар мактабларида ва 3—4 йиллик ўрта ҳунар мактабларида халқ хўжалиги тармоқлари учун малакали ишчи кадрлари тайёрланди.

Олий таълим системасига ун-тлар, ин-тлар, олий мактаблар ва 4—6 йиллик билим юртлари киради. 1976/77 ўқув йили 36 олий ўқув юртларида 168,3 мингдан ортиқ студент ўқиди. Йирик олий ўқув юртлари: Прага, Братислава, Брно, Оломоуц, Қошице шаҳарларидаги ун-тлар; олий техника билим юртлари (Прага, Братислава, Брнода), Олий кимё-технология мактаблари (Прага, Пардубицеда) ва б.; Прагада Музика санъати академияси, Тасвирий санъат академияси ва б. Брнода политехника ин-ти, Музика санъати академияси, Братиславада Тасвирий санъат олий мактаби бор. Йирик кутубхоналари: Чехия Социалистик Республикаси давлат кутубхонаси (1958; 4600 минг асар), Чехословакия ФА кутубхонаси (1952; 700 мингдан зиёд асар), Шаҳар кутубхонаси (1891; 2048 минг асар) ва б. Йирик музейлари: Миллий музей (Прага, Братислава), Миллий галерея (Прага, Братислава); Прагада В. И. Ленин музейи, К. Готвальд музейи; Брнода Моравия музейи ва б.

Фани ва илмий муассасалари. Табиий ва техника фанлари. Ҳозирги Ч. терр-ясида ўрта асрларда ҳунармандчилик, қурилиш, кончилик, металлургия ва б. саноат соҳалари мавжуд бўлган. 14-асрдан Чехияда фаннинг ривожланиши Карл ун-ти (*Прага университети*) б-н боғлиқ. 16—17-асрларда қатор йирик асарлар пайдо бўлди. 16-аср охири — 17-аср бошларида Прагада Европа аҳамиятига эга бўлган илмий марказ шаклланди, бу ерда Тихо Браге ва И. *Кеплер* ишлади. 1554 йили кўпгина мамлакатлар ҳақида маълумот берувчи «Чех космографияси» китоби пайдо бўлди. 1576 йили Оломоуцда ун-т очилди. Чехиянинг сиёсий мустақиллигини йўқотиши фан тараққиётига жиддий зарар етказди. Аммо шунга қарамай 1707 йили Прагада табақа инженерлик мактаби очилди, 1751 йили обсерватория қурилди. 1763—64 йилларда Словакияда Банска-Штявницада жаҳонда биринчи кончилик олий мактаби (1770 йилдан Кончилик академияси) очилди. 1784 йили Прагада Чехия фанлар жамияти (1790 йилдан Қироллик жамияти) тузилди. 19-аср бошида махсус мактаблар, билим юртлари, музейлар ташкил этилди. 18-аср охири — 19-аср бошларида чех олимлари физиология ва медицина соҳасида олдинги марраларга чиқдилар. И. Прохаска рефлектор назариясини яратди, кейинчалик бу назария нейрофизиологияга асос бўлди. Я. Э. Пуркине асарлари цитология, анатомия ва эмбриологиянинг ривожланишига катта таъсир этиб, ҳужайра назариясини яратишда босқич бўлди.

19-асрнинг 2-ярмида фаннинг ривожланишига етарли шароит бўлмаганлиги туфайли олимлар чет элларга кетиб ишлашга мажбур бўлди. 1890 йили Чехия Фан ва санъат академияси ташкил этилди. Геология соҳасида Ф. Б. Пошепни руда конлари ҳақидаги таълимотга асос солганлардан бири бўлди. Ц. Пуркине ва И. В. Данеш Чехия геоморфологиясига асос солдилар. Биология фанларида генетика асосчиси Г. *Мендель* Брно монастирида тажрибалар ўтказди. Я. Янский қон группалари системасини тасвирлаб берди (1907).

Мустақил Ч. давлати пайдо бўлгач, Прагада Геология (1919), Гидрология (1919), Метеорология давлат илмий тадқиқот ин-тлари очилди. Карл ун-ти қошида қатор илмий тадқиқот ин-тлари ва лабораториялар иш бошлаб юборди. Брнода Чехия ун-ти (1919), Братиславада Я. А. Коменский номли Словакия ун-ти (1919) ташкил этилди. Кимё соҳасида бирмунча ютуқлар қўлга киритилди. Я. Гейровский (СССР ФА хорижий аъзоси, 1966) полярография усулини таклиф этди (1922). Шунингдек, Э. Воточекнинг аналитик кимё ва қандлар кимёси ва Я. Дубскийнинг комплекс бирикмалар бўйича тадқиқотлари ва б. машҳур бўлди. Фаннинг бошқа соҳаларида ҳам катта тадқиқот ишлари олиб борилди. Фашистлар оккупацияси йилларида чех илмий муассасалари ва ун-тлар ёпиб қўйилди. Ч. Совет Армияси томонидан озод қилингач (1945), фан олдида социализмнинг моддий-техника базасини яратиш бўйича принципиал янги вазифалар пайдо бўлди. 1952 йили *Чехословакия фанлар академияси*, 1953 йили Словакия Фанлар академияси таъсис этилди. Илмий тадқиқот ва лойиҳалаш-конструкторлик ташкилотлари Прага ва Братиславадан бошқа шаҳар. ва саноат марказлари (Брно, Острава, Готвальдов, Қошице ва б.)да ҳам ташкил этилди. Олий ўқув юртларида илмий тадқиқот ишлари юксалди. 1974 йили Чехословакия Қ. х. фанлари академияси таъсис этилди. 1957 йили Ч. да биринчи ядро реактори (Ржеж ш. да) ишга туширилди. СССР ФА б-н ҳамкорликда плазма физикаси бўйича иш олиб борилмоқда. Кимё соҳасида Я. Гейровский (Нобель мукофоти, 1959; полярография назарияси ва техникаси ва унинг мактаби), геология фанлари соҳасида В. Зоубек (СССР ФА хорижий аъзоси, 1976; тектоника проблемалари) йирик тадқиқотларни амалга оширдилар. ЧССР нинг янги геологик картаси ва ЧССР Миллий атласи нашр қилинди.

Ч. биологлари ўсимликлар физиологияси, геоботаника, палеоботаника, микробиология (Д. Блашкович; СССР ФА хорижий аъзоси, 1966 ва б.), вирусология, молекуляр биология, биофизика ва б. соҳаларда муҳим тадқиқотлар ўтказдилар. Ч. олимларининг неврология (Я. Грбек, СССР Медицина ФА хорижий аъзоси, 1969 ва б.), хирургиянинг айрим тармоқлари (К. Шишка, СССР ФА хорижий аъзоси, 1971; СССР Медицина ФА хорижий аъзоси, 1969 ва б.) соҳасидаги кашфиётлари жаҳон миқёсида эътироф этилган. Қ. х. соҳасида ҳам илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Кейинги йилларда Чехословакия олимлари ва инженерларининг СССР ва б. социалистик мамлакатлар мутахассислари б-н ҳамкорлиги янада кучайди: Ядро тадқиқотлари бирлашган ин-тида «Интеркосмос» программаси доирасида «Интерспутник» космик алоқалари системасини яратиш ва б. 1978 йил 3 мартда биринчи чехословак космонавти, космонавт-тадқиқотчи В. Ремек биринчи халқаро экипаж составида (совет космонавти А. Губарев б-н биргаликда) «Союз-28» космик кемасида космосга парвоз қилди ва «Салют-6» ва «Союз-27» орбитал комплексида (космонавтлар Ю. В. Романенко, Г. М. Гречко б-н бирга) 10 мартга қадар ишлади.

УИЁҚ доирасида машинасозлик, металлургия, энергетика, медицина, соғлиқни сақлаш ва б. соҳаларда илмий техника ҳамкорлик ва кооперация системаси йўлга қўйилган. ЧССР олимлари кўпгина халқаро программаларда (Халқаро сокин Қуёш йили, Халқаро гидрологик ўн йиллик, Халқаро биологик программа. Халқаро Ернинг юқори мантияси проекти ва б.) қатнашчиларидир. Кўпгина халқаро илмий ташкилотлар б-н ҳамкорлик ривожланмоқда.

Ижтимоий фанлар. Фалсафа. Чех фалсафасининг илк даврида схоластика (томизм) ҳукмрон бўлган. 15-асрда антифеодал революцион ҳаракатнинг идеологияси ҳисобланган гусизмнинг (қ. Я. *Гус*) пайдо бўлиши б-н схоластика таълимоти барҳам топди. Ч. фалсафасининг гуманистик традициялари кишига маърифатли ақл ва умумий гармония асосида таълим ва тарбия бериш ғояларини изчил ёқлаган Я. А. Коменский фаолиятида ўзининг энг юқори чўққисига эришди.

18-аср охири ва 19-асрнинг 1-ярмида капиталистик муносабатларнинг ривожланиши натижасида Чехияда танқидий рационал методга асосланган маърифатпарварлик фани бирмунча ривожлана бошлади. Чехия ва Словакия миллий уйғониш идеологияси И. Г. Гердер, Ф. Шеллинг ва Г. Гегелнинг диалектик таълимотидан фойдаланди.

19-асрнинг 2-ярмида Чехия ва Словакияда немис философи И. Ф. Гербарт қарашлари, яъни гербартизм кенг ёйилди, позитивизм, тарқалди, бу оқим буржуа реформизмининг идеологи, марксизм душмани бўлган Т. Г. Масарик дунёқарашига таъсир кўрсатди. 70-йилларда Чехия, 80-йилларда эса Словакия ишчилар ҳаракатига марксистик ғоялар кириб келди. Буржуа республикаси даврида К. *Готвальд* бошчилигидаги Ч. марксистлари марксизм-ленинизм фалсафаси масалалари б-н шуғулландилар. Чехияда З. Неедли, Л. Штолл, Словакияда Л. Санто, А. Сирацкий философия ва социологияда марксистик анъаналарга пойдевор қўйдилар. Ҳозирги замон марксча-ленинча фалсафа ва социология социалистик жамият тараққиёти проблемалари, илмий-техника ревяси, ҳозирги замон фаннинг фалсафий ва мантиқий масалаларини ишлаб чиқмоқда, буржуа идеологияси ва ревизионизмга қарши муросасиз кураш олиб бормоқдалар. Ч. файласуфлари ва социологлари СССР ва б. социалистик мамлакат олимлари б-н ҳамкорлик қилмоқдалар. Фалсафа ва социология соҳасида илмий тадқиқот ишлари Чехословакия ва Словакия ФА ларидаги философия бўлимларида; ЧКП МҚ ҳузуридаги Олий сиёсий мактабда, марксизм-ленинизм ин-тларида, Прага, Братислава ва Брно ун-тлардаги философия ф-тлари кафедраларида олиб борилади. Фалсафа ва социологияга оид журналлар нашр қилинади.

Тарих фани. Чехия ва Словакияда илк феодал тарихий адабиётлар 9-аср охири ва 10-аср бошларида пайдо бўлди. Гусчилар революцион ҳаракати давридаги (15-асрнинг 1-ярми) тарихий манбаларда ижтимоий масалалар ўз аксини топди.

16-аср охири ва 19-асрнинг 1-ярмида капиталистик муносабатларнинг шакллана бошлаши тарих фанининг тез ривожланишига туртки бўлди. Ф. Палацкий 19-асрнинг 1-ярмидаги энг йирик чех тарихчиси эди.

1848—49 йиллардаги революциянинг мағлубияти натижасида Чехия буржуа тарихшунослигида габсбургларга ён босувчи оқим кучайди.

Буржуа Чехословакия республикаси тузилгач, Чехия ва Словакиянинг ўрта аср тарихига оид тадқиқотлар давом эттирилди, олимлар ватан тарихининг янги ва энг янги даврига, айниқса Ч. миллий давлатининг қайта бунёд этилиши б-н боғлиқ бўлган масалаларга катта эътибор бера бошладилар.

1948 йилдан сўнг Ч. да тарих фани ҳақиқий марксистик позицияда кенг ривожлана бошлади. Славянлар этногенезиси, Чехия ва Словакия терр-ясида ибтидоий-жамоа тузуми тарихи, феодализм ва капитализм генезиси, янги даврда миллий озодлик ва ишчилар ҳаракати масалалари тадқиқ этилди. «Чехословакия тарихи атласи», «Чехословакия тарихи очерклари», «Словакия тарихи», ЧКП тарихи очерклари, чех-рус алоқалари ва Чехословакия-Совет Иттифоқи алоқалари ва муносабатларига оид йирик монографик асарлар яратилди.

Тарихга доир илмий тадқиқот ишлари Прага, Братислава, Брно, Оломоуц ва Қошице-Прешов ун-тлари ҳамда Чехословакия ФА нинг Чехословакия Совет ин-ти, Силезия ин-ти, Этнография ва фольклор ин-ти, Археология ин-ти, Шарқшунослик ин-тида; Словакия ФА тарих ин-ти, Европа социалистик мамлакатлар тарихи ин-ти, Этнография ин-ти, Археология ин-ти; Ҳарбий тарих ин-ти (Прага), ЧКП МК Марксизм-ленинизм ин-ти, СКП МК Марксизм-ленинизм ин-тида олиб борилади. Тарих соҳасидаги тадқиқотлар 20 дан ортиқ асосий даврий нашрларда эълон қилинади.

Экономика фани. Чехия ва Словакияда миллий экономика фани Ғарбий Европа мамлакатларига қарағанда кейинроқ ривожланди. 19-асрнинг ўрталарида феодализм муносабатлари емирилиб, капитализмнинг ривожланиши, миллий уйғониш жараёни дастлаб Чехияда миллий экономика фанини ривожлантирди. Чехияда буржуа сиёсий иқтисоди ривожига сиёсий иқтисоддаги немис тарихшунослик мактаби, Австрия вульгар сиёсий иқтисод мактаби таъсир кўрсатди.

Чехия ва Словакияда марксистик иқтисодий назария нисбатан суст тарқалди. Биринчи



Остравадаги З. Неедли номидаги театр биноси.

маркснстик асарлар ва К. Маркс «Капитал»ининг тўлиқ бўлмаган таржимаси 1-жаҳон уруши арафасида чех тилида нашр қилинди.

1948 йилдан сўнг фундаментал ва амалий иқтисодий тадқиқотларнинг ривожланиши учун кенг имкониятлар яратилди. 50-йилларда Ч. экономистларининг тадқиқотлари мамлакатни индустриализациялаш, қ. х. ни кооперативлаштириш ва ҳ. к. проблемаларни ҳал қилишга қаратилди. 60-йилларда Ч. экономика фанида иқтисодий практикада ўз ифодасини топган ўнг ревизионистик оқимлар пайдо бўлди. Ревизионистлар Ч. шароитида бозор социализми зарурлигини тарғиб қилдилар. 70-йиллар бошида ревизионистик қарашлар марксистик нуқтаи назардан ҳар томонлама танқидга учради. Экономика фанининг йирик марказлари: Прагадаги Олий экономика мактаби, Братиславадаги Олий экономика мактаби, Чехословакия ФА нинг Экономика ин-ти, Словакия ФА Экономика ин-ти ва б. 6 журнал ва битта ҳафталик газета чиқади.

Юридик фани. 13—14-асрлар бўсағасида ҳуқуқ (шаҳар, черков ҳуқуқи ва б.) ва юриспруденция айниқса Чехияда юксалди. Прага ун-тининг юридик ф-тида маълумотли юристлар — қонуншунослар тайёрланган. 18-асрда Миллий Уйғониш, маърифатпарвар ва табиий ҳуқуқ ғоялари тарғиб қилинган асарлар пайдо бўлди.

18-аср охири — 19-аср бошларида чех ҳуқуқшунос олимлари Чехия давлати ва ҳуқуқи тарихи масалаларига катта эътибор бердилар. Юридик фани расман 19-асрнинг 60-йилларидан чех буржуа ҳуқуқ фанининг пайдо бўлиши б-н ривожлана бошлади. 19-асрнинг охирида словак юридик терминологияси, 20-аср бошида словак буржуа ҳуқуқ фани пайдо бўлди.

20-аср бошларида расмий юридик фанда позитивизм ва нормативизм ғоялари ҳукмрон йўналиш эди. 30-йиллардан унга фашистик назариялар муайян таъсир кўрсатди.

Ч. да халқ ҳокимияти ўрнатилгач, марксча-ленинча юридик фани шакллана бошлади. Давлат ва ҳуқуқ назарияси, мамлакатнинг конституцион ривожланиши, социалистик халқ вакиллиги, халқаро ҳуқуқ, юридик фан методологияси, буржуа идеологиясининг танқиди ва б. соҳаларда катта ютуқларга эришилди. Юридик фанлари бўйича илмий тадқиқот ишлари Чехословакия ФА нинг Давлат ва ҳуқуқ ин-ти, Словак ФА нинг Давлат ва ҳуқуқ ин-ти, Федерал ҳукумат Президиуми қошидаги Давлат бошқарув ин-ти, ЧССР Бош прокуратураси қошидаги Криминология ин-ти ва б., шунингдек, Прага, Братислава, Брно, Кошице ун-тларининг юридик ф-тларида олиб борилади. Юриспруденциянинг турли масалаларига оид 7 журнал, жумладан «Бюллетень Чехословакского права» (1951 йилдан, рус тилида) ва икки йиллик тўплам чиқади.

Илмий-муассасалари. Илмий, тажриба-конструкторлик ишлари Чехословакия ФА ва Словакия ФА нинг муассасаларида, министрлик ва б. марказий ташкилотлар қарамоғидаги илмий ва илмий-техника ташкилотларида, ишлаб чиқариш-иқтисодий ташкилотлардаги илмий-техника муассасаларида, корхоналарнинг илмий тадқиқот ва тажриба участкаларида, олий ўқув юртларидаги илмий ташкилотларда олиб борилади. Давлат фан ва техника комитети, Техника тараққиёти ва капитал сарфлар Федерал министрлиги, республикалардаги қурилиш ва техника министрликлари илмий тадқиқот ишларини планлаштириш ва координациялаш марказий органлари ҳисобланади.

ЧССР даги барча илмий тадқиқот, конструкторлик, лойиҳалаш ва б. ташкилотларда 165 мингдан ортиқ киши ишлайди, улардан 47700 киши олий маълумотлидир (1976).

Матбуоти, радио ва телевидениеси. 1976 йили умумий тиражи 20 млн. га яқин нусхада 1159 дан зиёд даврий нашрлар босилди. Муҳим кундалик газеталари: *«Руде право»* (1920, 950—980 минг нусха), чех тилида, ЧКП МҚ марказий органи; «Правда» (1920, 295 минг нусха), словак тилида, Братиславада чиқади, СКП МҚ органи; «Праце» (1945, 320 минг нусха), чех тилида, Касаба союзлар марказий совети органи; «Праца» (1946, 168,4 минг нусха), словак тилида, Словакия касаба союзлари советининг органи: «Обрана лиду» (1942, 200 минг нусха), чех тилида ҳафтада чиқади, Миллий мудофаа министрлиги органи ва б. Шунингдек, Озодлик партияси, Ч. Халқ партияси, Ч. Социалистик партияларининг марказий органлари бўлган газеталар чиқади. «Власта» (1947, 700 минг нусха нашр этилади, чех тилида), ҳафталик журнал, Чехия хотин-қизлар союзи органи; «Словенка» (1948, 205 минг нусха, словак тилида, ҳафталик журнал, Словакия хотин-қизлар совети органи).

Чехословакия телеграф агентлиги (ЧТК) 1918 йилдан ишлайди, Прагада. Радиоэшиттиришлар 1923 йилдан бошланган; эшиттиришлар, чех, словак, араб, инглиз, испан, итальян, немис, португал, француз тилларида олиб борилади; телекўрсатувлар 1953 йилдан бошланган, 2 программада олиб борилади. Ч. да 28 телестанция бор. Радиоэшиттириш ва телевидениени ҳукумат ташкилотлари (Ч. радиоси ва Ч. телевидениеси) бошқаради.

Адабиёти чех ва словак тилларида ривожланмоқда. 1918 йилда Ч. буржуа республикаси ташкил топганидан кейин (адабиёти ва санъатининг шу давргача бўлган тарихини *Чехия* ва *Словакия* мақолаларидан ўқинг) чех ва словак адабиётлари Россиядаги Улуғ Октябрь социалистик рев-яси таъсирида мамлакатда авж олган ишчилар ҳаракати туфайли революцион руҳда ривожлана бошлади. Ю. *Фучик* (1901—43), С. К. Нейман (1875—1947), В. Незвал (1900—58), Я. *Гашек* (1883—1923), М. Майерова (1882—1967), К. Чапек (1890—1938) каби адиблар ижодида чех ва словак халқларининг порлоқ келажак учун кураши, орзу-умидлари ўз ифодасини топди. 20-аср ўрталаридан авангардизм, сюрреализм тенденциялари тарқалди. 1935 йилда Вацлавек ташаббуси б-н чех ва словак революцион адибларининг «Блок» уюшмаси ташкил топди. 30-йилларда шеъриятда гражданлик ва антифашистик лирика муҳим ўрин эгаллади (Нейман, Завада, Новомеский ва б. лирикаси). М. *Пуйманова* (1893—1958), Т. Сватоплук каби адиблар прозада социалистик реализм методида асарлар яратди.



Прага кремли.

Ч. нинг гитлерчилар томонидан оккупация қилиниши (1939—45) адабиёт учун катта зарба бўлди: кўпгина адиблар (В. Ванчура, Ю. Фучик ва б.) фашистларнинг қамоқ ва лагерларида ҳалок бўлдилар. Адабиётда фашизмга қарши озодлик учун кураш ғоялари ифодаланди (Ю. Фучик, «Дор остидаги сўз»).

Ч. фашизмдан озод этилгач (1945), адабиётда озодлик учун халқ олиб борган кураш мавзуида кўпгина муҳим асарлар майдонга келди. Ян Дрда (1915—70), И. Марек (1914 йили туғ.) каби адиблар ижодида халоскор совет халқидан миннатдорлик ифодаланди. 1948 йил февралида буржуазия бутунлай тормор этилгач, социалистик адабиёт учун курашнинг янги даври бошланди. 1948 йил апрелида миллий маданият съезди, 1949 йил мартда Ч. Ёзувчиларининг 1-съезди бўлиб ўтди, съездда Ч. Ёзувчилар союзи ташкил этилди. 50-йиллардан социалистик реализм адабиётда асосий йўналишга айланди. Пуйманованинг «Ўт билан ўйнашув» (1943), А. Запотоцкий (1884—1957) нинг романлари, Незвалнинг «Тинчлик қўшиғи» поэмаси (1950) ва б. асарлар Ч. адабиётининг ютуғи сифатида майдонга келди.

1960-йилларнинг ўрталарида Ғарб модернизмининг таъсири, ревизионистик кайфиятлар кўзга ташланди. ЧКП МҚ нинг апрель Пленуми (1969) дан кейин идеология соҳасидаги кризисни бартараф этиш учун кураш авж олди. Словакия Ёзувчилар союзи (1969), Чехия Ёзувчилар союзи (1972) ташкил топди, 70-йилларнинг бошларидан яна социалистик адабиёт равнақ топа бошлади.

Бу даврда Й. Рибак (1904 й. т.), Тауфер, Завада, Плавк, И. Скала (1922 й. т.), М. Руфус, В. Гонс (1938 й. т.) ва б. шеъриятида, Ржига, М. Кратховил (1904 й. т.), Й. Томан (1899—1977), В. Нефф (1909 й. т.), Г. Зелинов ва б. прозада самарали ижод қилдилар. И. Крешенекнинг «Қушлар» (1973), Я. Паппнинг «Келажакни кут» (1974), В. Швенкованинг «Ёнғоқзор» (1974), Э. Дзованикнинг «Кунпая-кун» (1976) каби повесть ва романлари антифашистик мавзуда ёзилган. 1945 йилдан кейинги чехословак қишлоғининг тараққиёт йўли Л. Фуксснинг «Водийлик чўпон» (1977), Я. Ионашнинг «Ун биринчи васият» асарларида акс эттирилган. 1977 йил декабрда Ч. Ёзувчилар союзи ташкил топди.

Архитектураси, тасвирий ва амалий-безак санъати *Чехия* ва *Словакия* бадиий анъаналари асосида ривожланмоқда. Мустақил Ч. давлати вужудга келиши (1918) иккала тарихий областнинг янада яқинлашувини таъминлади. Архитектурада 1920—30-йилларда қисқа вақт неоклассицизм тарқалди, сўнг функционализм миллий мактаби шаклланди. Қурилиш индустриялаштирилди. Шу йилларда тасвирий санъатда реалистик ва демократик йўналишдаги тенденциялар кучайди, турли рассомлар ўз асарларида кубизм, экспрессионизм, фовизмдан фойдаландилар.




Прага шаҳри. Б. Сметана номидаги театр биноси. 19-аср охири.

Фашизм оккупацияси даврида халқ кураши ва истироби ифодаланган асарлар яратилди. Ч. фашизмдан озод этилгач (1945), демократик миллий маданиятнинг энг яхши анъаналари ривож топди. Йирик замонавий корхоналар бунёд этилди, янги саноат шаҳарлари пайдо бўлди (Млада-Болеслав, Острава-Поруба, Гавиржов ва б.). 1940-йиллар охири — 1950-йиллар бошларидаги тасвирий санъатда 20-асрнинг 1-ярмидаги реалистик анъаналар сақланди. Кўпгина рассомларнинг ижоди социалистик мазмун б-н бойиди. 50-йилларда монументал безак санъати кенг ривож топди (айниқса мозаика, фреска). Амалий безак санъати (шиша, мато, керамика, медальерлик) ҳам юксалди. Фашизм устидан ғалаба шарафига ва озодлик учун кураш қурбонлари хотирасига бағишлаб бунёд этилган мемориал комплекслар яратиш соҳасида катта ютуқларга эришилди.

1960-йилларнинг охирида антисоциалистик элементлар Ч. нинг бадиий маданиятига катта зарар келтирди. Формалистик оқимлар (экспрессионизм, неокубизм, сюрреализм, абстракционизм) авж ола бошлади.

1970-йиллар бошидан миллий бадиий маданиятда демократик анъаналарни тиклаш учун кураш олиб борилмоқда.

Музикаси. Ч. музика маданияти *Чехия* ва *Словакия* музика маданиятининг ўзаро таъсири жараёнида ривожланди. Ч. мустақил давлати ташкил этилгандан (1918) кейин миллий музика анъаналарини сақлаб қолиш ва ривожлантириш учун кураш авж олди. Буржуа раҳбарлигининг Ғарбий Европа маданиятига мойиллиги Ч. музикасига модернистик тенденцияларининг кириб келишига йўл очди. 1920 йили замонавий музика союзи ва «Пршитомност» жамияти ташкил қилинди. Айни вақтда кекса авлодга мансуб йирик композиторлар (Л. Яначек, В. Новак ва б.) миллий реалистик анъаналарни давом эттирдилар. Музикашунос ва олим З. Неедли чех классик музикаси анъаналарини ўрганишга катта ҳисса қўшди. Ёш композиторлар (Я. Кубичек, Ф. Ходоушек, Ю. Ирашек, Ю. Новак, Ю. Ходоушек, Ф. Ходоушек, Ф. Ранкова, Ф. Ваврушка ва б.) ижодида замонавий музика техникаси ва усулларидан фойдаланиш билан бирга, халқ музикаси анъаналарига ҳам мурожаат қилинади.



Острава. Янги турар жой массиви.



П. Лада. Я. Чапекнинг «Шоввоз солдат Швейк» асарига ишланган иллюстрация.

ларини ҳимоя қилди, композиторларни Совет Иттифоқи маданияти б-н яқинлашишга ундади. Чех филармонияси оркестри (1894), Чех квартети (1891), Шевчик номидаги квартет (1900), Прага квартети (1920), Ондржичек номидаги квартет (1928), Прага духовой квинтети (1928), Чех нонети (1924) ва б. коллективлар музика маданияти ютуқларини пропаганда қилди 20-аср бошларида профессионал словак музикаси анъаналари ҳам ривожланди.

2-жаҳон уруши даври (1939—45) да Ч. оккупация қилинган йиллари ватанпарварлик руҳидаги музика асарлари яратилди. Фашистлар оккупация йилларида кўпгина прогрессив музика арбоблари, жумладан Р. Карел, Э. Шульгоф, Г. Клейн ва б. ҳалок бўлдилар. Фашизм устидан қозонилган галаба (1945) дан ва Ч. да халқ демократик тузуми ўрнатилгандан кейин музика ривожига чинакам имконият яратилди. Катта опера театри (1948 йилда Миллий театр б-н қўшилди), Нафис санъат академияси (1946) ташкил этилди, Братислава ва Брнода музика олий ўқув юртлари очилди. Словак ва чех композиторлари синдикати асосида Ч. Композиторлари союзи (1949) ташкил этилди. 50-йилларлдаги музика асарларида янги ҳаёт, озод меҳнат, жаҳондаги тинчлик куйланди (кантата, оммавий қўшиқлар). 50-йиллар охири — 70-йилларда И. Пауэрнинг «Зузана Войиржова» (1959), Я. Циккернинг «Тирилиш» (1961), Кориолан» (1973), Т. Френбонинг «Мартин ва қуёш» (1972) опералари муҳим воқеа бўлди. Чехия ва Моравияда 10 опера театри (1954 йилдан), Словакияда 3 опера театрининг очилиши 50—70-йилларда опера санъати ривожига катта ҳисса бўлиб қўшилди. Ч. да (1918 йилгача ташкил этилганлардан ташқари) симфоник оркестрлар, хор коллективлари, Сметана, Яначек, Влаха номларидаги торли квартетлар, Чехословакия халқ ансамбли, Ашула ва рақс ансамбллари ва б. ишлаб турибди. Чех ва словак тилларида бир қатор музика журналлари нашр этилади.

Балети. Ч. буржуа республикаси ташкил топганидан (1918) кейин Братислава, Брно, Острава, Оломоуц шаҳарларида биринчи балет труппалари, шахсий балет мактаблари очилди. Мамлакат немис-фашистларидан озод қилингач (1945), йирик шаҳарларда балет театрлари ташкил қилинди. 1946 йили Прага, Братислава ва Брно консерваториялари қошида хореография бўлимлари очилди. 1949 йили Санъат академияси (Прага) ҳузурида хореография назарияси ва тарихи кафедраси ишлай бошлади. Ч. балети реализм, сценарийнинг драматик жиҳатдан мукаммаллиги, ижрочилик санъатининг таъсирчанлиги б-н характерланади. 1964—70 йилларда хореографик спектакларда рақс ифодавийлигида янги шакл ва воситалардан фойдаланган (Л. Огоун, П. Шмок раҳбарлигида) «Праганинг янги балети» коллективи ишлади (1965—69 ва 1970-йилларда СССРда гастролларда бўлган).

Драма театри *Чехия* ва *Словакия* театр санъати анъаналари асосида ривожланди. Ч. буржуа давлати (1918—39) шароитида театр санъатида кескин синфий кураш акс этди. Бу даврда театрлар сони кўпайтирилди. Прогрессив руҳдаги театр арбоблари инсонийлик ва прогрессни пропаганда қилувчи спектакллар яратдилар.

Ч. нинг фашизм асоратидан озод этилиши б-л чех ва словак театрлари социалистик маданиятни яратишда актив иштирок қилди. Хусусий антрепризлар тугатилди, «Театр ҳақида қонун» қабул қилинди (1948). Реалистик театр» (кейинроқ З. Неедли номидаги театр, Прага), Меҳнаткашлар театри (Готвальдов), «Диск» ўқув театри каби коллективлар ташкил этилди. 1957 йилда Театр ижодий ходимлари союзи тузилди (танаффус б-н ишлаб турди, 1972 йилдан Театр, кино ва телевидение ижодий ходимлари союзи). Ч. нинг йирик коллективларидан бири Словакия Миллий театри (1920 йили ташкил топган) бўлиб, унинг спектакллари ЧССР бадиий маданияти ривожида катта роль ўйнади. Словакияда Янги саҳна ва поэтик саҳна (Братислава), Тайовский номидаги театр (Банска-Бистрица ва Зволинда), Кошице театри, Заборский номидаги театр Прешовда Украин миллий театри ва б. бор. Театр учун кадрлар Прагадаги Санъат академиясида, Братиславадаги Олий театр мактабида тайёрланади.

Цирки. 19-аср охири — 20-аср бошларида шаклланган профессионал цирк 1920-йиллардан Э. Беранек, Ш. Слезак, К. Клудский труппаларида ривож топди. 1951 йилда хусусий циркlар национализация қилинди. 1961 йилдан Прагада Цирк маркази ишлайди. «Прага», «Интернационал», «Умберто» шапито циркlари бор.

Кинои. 1896 йилда Прагада биринчи киносеанс бўлди. 1898 йилдан ҳужжатли ва бадиий фильмлар суратга олина бошлаган. 1-жаҳон уруши арафасида фильмларни мунтазам ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. 1918 йилдан кейин дастлабки доимий киностудия ташкил қилинди, асосан, детектив, саргузашт, фантастик фильмлар ишлаб чиқарила бошлади. Бу фильмларда АҚШ ва немис кино санъатининг таъсири кучли эди. 1930 йилда дастлабки овозли фильм яратилди. («Тоғлар йиғлаганда», немис реж. Ф. Фехер). 1936 йилда биринчи чех-словак фильми «Яношик» (реж. М. Фрич) суратга олинди. 1933 йилда Прага яқинида (Баррандовода) «Баррандов-фильм» студияси қурилди (Европанинг энг йирик студияларидан, уруш арафасида ҳар йили 40 дан ортиқ фильм ишлаб чиқарган).

Халқ-демократик тузуми ўрнатилгач (1945), Ч. кино санъати национализация қилинди. 60-йилларнинг охирларида Ч. да рўй берган мураккаб ғоявий ва сиёсий кураш кино санъатига ҳам таъсир этди. Кино санъатида социалистик позицияни мустаҳкамлаш йўлидаги кураш 70-йилларнинг бошларида ўз самарасини берди. Ч. да «Баррандов-фильм», «Братислава-Коливба» бадиий фильмлар студиялари, Готвальдовда болалар фильмлари студияси, Прагада қисқа метражли фильмлар студияси, Кинохроника студияси, Ч. Халқ армияси студияси ишлаб турибди (1976). 1976 йилда 68 та тўла метражли бадиий фильм ишлаб чиқарилди. Ижодий кадрлар Прага Нафис санъат академиясининг кино ва телевидение ф-тларида (1946) тайёрланади. Илмий тадқиқот ишлари б-н Ч. кино ин-ти шуғулланади. 1958 йилдан Карлови-Варида 2 йилда бир марта халқаро кинофестивал, 1948 йилдан болалар фильмлари кинофестивали ўтказилади. Прага ва Братиславада кино журналлари чиқади.

Ч.-Узбекистон алоқалари. Узбекистон ССР б-н Ч. ўртасида иқтисодий, илмий ва маданий алоқалар мавжуд. Узбекистонда ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотининг бир қисми Ч. га

экспорт қилинади. Ч. нинг тўқимачилик корхоналарида «Таштекстильмаш» з-дида тайёрланган машина, станок ва б. асбоб-ускуналар ўрнатилган. Ч. б-н Узбекистон ўртасида турли соҳаларда ҳамкорлик ривожланмоқда. Ч. б-н УзССР ўртасида маданий, санъат ва туризм соҳасида алоқалар йилдан-йилга ўсмоқда.

Узбекистонда чех ёзувчиларининг асарлари машҳур. Ч. китоблари декадаси ўтказиб турилади (1974, май). Узбекистонлик китобхонлар чех миллий қаҳрамони ёзувчи-журналист Ю. Фучик асарлари б-н яхши таниш. 1974 йили Тошкентда «Юлиус Фучик биз билан» тўпламини нашр этилди. Тошкентда 1930-йилларда Ю. Фучик яшаган уйда уй-музей ташкил этилган.

1972 йили Ч. да Урта Осиё республикалари ва Қозоғистон ССР кунлари ўтказилди. 1974 йили март ойида республика жамоатчилиги чех композитори, дирижёри ва жамоат арбоби Б. Сметана туғилган кунининг 150 йиллигини нишонлади. Чет мамлакатлар б-н дўстлик ва маданий алоқалар Узбекистон жамияти Ч. даги 60 дан ортиқ давлат ва жамоат ташкилотлари, Ч. — Совет дўстлиги жамиятининг Братислава, Брно, Острава, Пльзен шаҳарларидаги бўлимлари ва б. б-н алоқалар олиб боради.

Ад.: Маергойз И. М., Чехословацкая Социалистическая Республика, М., 1964; Советско-чехословацкие отношения 1945—1960 гг., М., 1972; Советско-чехословацкие отношения 1961—1971 гг., М., 1975; Готвальд К., Избр. статьи и речи, [пер. с чеш.], М., 1970; Гусак Г., Избр. статьи и речи, [рус. пер.], М., 1973; Гусак Г., Свидетельство о словацком национальном восстании, Пер. со словац., М., 1972; Свобода Л., От Бузулука до Праги, Пер. с чеш., М., 1960; Уроки кризисного развития в Компартии Чехословакии и обществе после XIV съезда КПЧ, [пер. с чеш.], М., 1971; История Чехословакии, т. 1—3, М., 1956—60; Чехословацкая Социалистическая Республика, М., 1975; Шмераль Я. Б., Образование Чехословацкой Республики в 1918 г., М., 1967; Недорезов А. И., Национально-освободительное движение в Чехословакии, (1938—1945 гг.), М., 1961; За освобождение Чехословакии, М., 1965; Марьина В. В., Мурашко Г. П., Путь Чехословацкого крестьянства к социализму (1948—1960), М., 1972; Суса В., История Чехословакии, [пер. с чеш.], Прага, 1963; Веселы И., Хроника февральских дней 1948 г. в Чехословакии, [пер. с чеш.], М., 1968; История философии, т. 2—5, М., 1957—61; Марксистско-ленинская философия и социология в СССР и европейских социалистических странах, М., 1965; Очерки истории чешской литературы XIX—XX вв., М., 1963; Бернштейн И. А., Литература социалистической Чехословакии, М., 1965; История словацкой литературы, М., 1970; Формирование марксистской литературной критики в зарубежных славянских странах, М., 1972; Новые явления в литературе европейских социалистических стран. Художественная проза 70-х годов, М., 1976; Солнцева Л. П., Театр Чехии и Словакии. в «История зарубежного театра» китобида, ч. 2, М., 1972; Солнцева Л. П., Чешский и словацкий театр. «История западно-европейского театра» китобида, т. 6, М., 1974, Милец Б., Цирк в Чехословакии, «Советский цирк», 1958, № 6(9); Комаров С., Чехословацкое кино, М.,1961.

ЧЕХОСЛОВАКИЯ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ (ЧКП) — 1921 йил майида Чехословакия социал-демократик партиясининг марксистик сўл қаноти негизида ташкил топган. 1921 йил 14—16 майда Прагада бўлиб, ўтган Чехословакия социал-демократик партияси (сўл)нинг съездида ЧКПни тузиш ҳақида қарор қилинди. Бу съезд тарихга ЧКПнинг Таъсис съезди бўлиб кирди. Уни тузишда Б. Шмераль, А. Запотоцкий, К. Крейбих ва б. катта роль ўйнади. ЧКПнинг 2-съезди (1924) демократик централизм принципи асосида партиянинг янги уставини қабул қилди. ЧКПнинг 5-съезди (1929) ўнг оппортунистлар ва ликвидаторларга қарши курашда муҳим аҳамиятга эга бўлди. К. *Готвальд* партия МҚнинг бош секретари қилиб сайланди. ЧКПнинг 7-съезди (1936) Коминтернинг 7-конгресси қарорларига амал қила бориб, фашизмга қарши курашда партиянинг вазифаларини аниқлаб берди. ЧКП *Мюнхен битими*га қарши кескин курашди.

Коммунистлар Чехословакияда антифашистик Қаршилик кўрсатиш ҳаракатининг асосий кучига айланди. Озодлик учун курашларда партия 25 минг коммунистдан ажралди. Қурбонлар орасида Я. Шверма, Ю. *Фучик*, Я. Зика ва б. бор эди. Коммунистлар мамлакатда миллий-демократик рев-яларни бошлаб берган 1944 йилги Словакия миллий қўзғолонига раҳбарлик қилдилар.

Коммунистик партия чехлар ва словаклар Миллий фронти ҳукуматининг программаси — *Кошице программаси*ни ишлаб чиқди. Чехословакия терр-яси фашистлардан озод қилингач, ЧКП мамлакатни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан қайта қуриш ишларини амалга оширишда ишчилар синфига бошчилик қилди. Партиянинг 8-съезди (1946) миллий-демократик рев-янинг янада чуқурлашиб, социалистик рев-яга ўсиб ўтишини таъминлашни мақсад қилиб қўйди. 1946 йил май ойида Таъсис миллий мажлиси ва маҳаллий миллий комитетларга ўтказилган сайловларда ЧКП энг кўп овоз олди. ЧКП раиси К. Готвальд Миллий фронт ҳукумати раҳбарлигига тайинланди. ЧКП бошчилигида меҳнаткашлар 1948 йил февралида контрреволюцион тўнтариш қилишга уринган буржуазияга ҳал қилувчи зарба бердилар ва пролетариат диктатурасини ўрнатдилар. 1948 йил 9 майда ишчилар синфи, барча меҳнаткашларнинг қўлга киритган ютуқларини мустаҳкамлаш мақсадида янги конституция қабул қилинди. ЧКП 9-съезди (1949) мамлакатда социализм қуришни партиянинг бош йўли деб белгилади. 1953 йил 14 мартда К. Готвальд вафот қилди. 1953 йил сентябрда ЧКП МК биринчи секретари қилиб А. Новотний сайланди. ЧКПнинг 10-съезди (1954) 1-беш йиллик план (1949—53) нинг бажарилиши Чехословакияда социалистик жамият қуриш учун мустаҳкам пойдевор қўйганлигини маълум қилди. Съезд ЧКПнинг янги уставини тасдиқлади. ЧКП раҳбарлигида мамлакатда социализмнинг моддий-техника базаси яратилди. Аҳолининг турмуш ва маданий савияси кўтарилди, миллий даромад ўсди, саноат ишлаб чиқариши бирмунча кенгайди. Бироқ социализм қурилиши давомида партия кўпгина қийинчиликларга дуч келди, хатоларга йўл қўйди (баъзан социалистик қонунлар бузилди, партиянинг идеология ишларига зарур эътибор берилмади). ЧКПнинг 13-съезди (1966) қийинчиликларни енгишнинг асосий йўналишларини аниқлаб берди. Бироқ ўша даврдаги ЧКП МК раҳбарлари съезд қарорларини кенг амалга ошириш ишларини кучайтирмади, хато ва камчиликларни ўз вақтида тугатмади, натижада партия ва жамиятда кризис юзага келди. ЧКП МҚнинг январь пленуми (1968) ленинча принципни оғишмай амалга оширишга, социалистик жамиятнинг кейинги тараққиётига халақит бераётган барча камчиликларни тугатишни талаб қилди ва А. Новотнийни ЧКП МҚ биринчи секретарлиги лавозимидан озод қилди. Бироқ январь пленумида сайланган ЧКП МК раҳбарлари (МҚ биринчи секретари — А. Дубчек) илгари сурилган вазифаларни бажаришнинг уддасидан чиқа олмадилар, ўнг оппортунистлар, ўнг ревизионистик ва антисоциалистик кучлар партия ва социалистик ту-



М. Бенка. «Қўзғалган ватан», 1945.

зумга қарши кенг ҳужумга ўтдилар. 1968 йил августда Чехословакияда контрреволюцион вазият вужудга келди. Шундай вазиятда минглаб коммунистлар ва партиясиз гражданлар социализм ишини ҳимоя қилиш учун социалистик мамлакатларга ёрдам сўраб мурожаат қилдилар. 1968 йил 21 августда ёрдам кўрсатилди. ЧКП МКнинг Апрель пленуми (1969) дан кейин сайланган ЧКПнинг янги раҳбарлиги (МК биринчи секретари Г. Гусак бўлди) партия ва мамлакат аҳволининг яхшиланишида тубдан ўзгариш ясади. Партия билетлари алмаштирилди, партия ташкилотлари ревизионист ва мансабпарастлардан тозаланди. ЧКПнинг 14-съезди (1971) ЧКП нинг қайта тикланишида марксизм-ленинизм кучлари ғалаба қилганлигини яққол намойиш қилди. Съезд халқ хўжалигининг 1971—75 йилларга мўлжалланган план Директиваларини тасдиқлади. ЧКПнинг 1975 йил 13—17 апрелда бўлиб ўтган 15-съезди империализмга, фашизмга ва реакцияга қарши бирдамлик Декларацияси текстини маъқуллади. Съезд халқ хўжалигининг 1976—80 йилларга мўлжалланган план Директиваларини тасдиқлади.

ЧКП делегацияси Халқаро коммунистик ва ишчи партияларнинг Кенгаши (1957, 1960, 1969, Москвада) да қатнашган.

ЧКП (1962 йил 12-съездда қабул қилинган устав бўйича) демократик централизм асосида қурилган. ЧКПнинг Олий органи — съезд, съездлар орасида партия фаолиятига МК ва МК таркибидан сайланган Президиум ва Секретариат раҳбарлик қилади. Словакия Коммунистик партияси ЧКП таркибига киради. ЧКП сафида 1382860 аъзо бор (1976). ЧКП МК Бош секретари Г. Гусак, ЧКП МК органи — «Руде право» («Rude pravo») газетаси, назарий ва сиёсий органи — «Нова мисль» («Novo mysl») журнали.

Ад.: Уроки кризисного развития в Компартии Чехословакии и обществе после XIII съезда КПЧ [пер. с чеш.], М., 1970; Материалы XIV съезда Коммунистической партии Чехословакии, [пер с чеш.], М., 1971.

ЧЕХОСЛОВАКИЯ ТЕЛЕГРАФ АГЕНТЛИГИ — ЧССРнинг информация агентлиги. 1918 йил 28 октябрда ташкил қилинган. Прагада жойлашган. Ч. т. а. газета, радио, телевидение, давлат муассасалари учун ички ва халқаро информациянинг асосий манбаи ҳисобланади.

ЧЕХОСЛОВАКИЯ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ — ЧССР ва Чехия Социалистик Республикасининг олий илмий муассасаси. 1952 йилда Чехия Қироллик фанлар жамияти (1790), Чехия фанлар ва санъат академияси (1890) негизида ташкил этилган. Прагада. Академиянинг 150 дан ортиқ аъзоси бор (1976). Унинг таркибида муайян фан соҳалари бўйича 19 илмий коллегия, 135 илмий тадқиқот ин-ти мавжуд. Академия раиси — 1970 йилдан акад. Я. Кожешник (1971 йилдан СССР ФА нинг хорижий аъзоси). Академия Чехословакия фанининг умумий тараққиёт йўлларини, асосий тадқиқотлар бўйича давлат планлари лойиҳасини ишлаб чиқади, бу планларнинг бажарилишини назорат қилади ва илмий ходимлар тайёрлайди. Академияда 13 мингдан ортиқ ходим, жумладан 5,5 мингга яқин олий маълумотли ходим ишлайди.

ЧЕЧАК, чин чечак — одам ва ҳайвонларнинг ўткир юқумли касаллиги. Ўтмишда ер юзидаги барча мамлакатларда кенг тарқалган бўлиб, у ҳақдаги дастлабки маълумотлар Қадимги Миср ва Хитой қўл ёзмаларида учрайди, кейинроқ юнон ва римлик врачларнинг асарларида қайд этилган. Ўрта асрларда *Розий* «Чечак ва қизамиқ ҳақида китоб» («Китоб ал-жударий ва-л-ҳасба») номли асар яратиб, медицина тарихида биринчи марта Ч. ни таърифлаб берди ва Ч. ка қарши эмлаш керак деган фикрга келиб, уни амалда қўллади. Ч. нинг олдини олиш ҳақидаги фикрлар Ибн Сино асарларида ҳам илгари сурилган. 1796 йилга келиб Европада инглиз врачи Э. *Женнер чечакка қарши эмлашни* таклиф этганидан сўнггина Ч. анча камайди. Октябрь рев-ясидан илгари Россияда, айниқса, унинг чекка ўлкалари, хусусан Ўрта Осиёда Ч. эпидемияси тез-тез тарқалиб турарди. 1919 йилда ХҚСнинг В. И. Ленин имзолаган декретига мувофиқ, Ч. ка қарши мажбурий эмлаш жорий этилди. Натижада 1937 йилга келиб СССРда Ч. бутунлай тугатилди.

Ч. ни фильтрланувчи вируслар қўзғатади. Инфекция манбаи — бемор. Вирус ҳаво (чанг, бемор аксирганда, йўталганда) ва бемор буюмлари (кийим-кечак ва ҳ. к.) дан ўтади. Инкубация даври 9—15 кун. Касаллик ўткир бошланади. Гавда т-раси бирдан кўтарилиб, бош оғрийди, эт увишиб кўнгил айнийди ва бел, думғаза атрофида оғриқ пайдо бўлади. Беморнинг пульси тезлашиб, тили қуруқшайди, карашланади. Томоқ, бурун, ҳалқум шиллиқ қаватлари қизариб яллигланади. Шу даврда айрим беморларнинг қорин пасти, соннинг ички тарафига қизамиқ ёки қизилча тошмасига ўхшаш тошмалар тошади. 3—4 кундан сўнг беморнинг аҳволи бирмунча яхшиланиб, кейин яна оғирлашади. Бу даврда пешана, соч, юз, қўл панжасида ҳақиқий Ч. тошмаси — майда доғга ўхшаш тошмалар пайдо бўлади, эртасига улар қизғиш тугунчалар (папула)га айланиб, бутун баданга тарқалади. Кейин тугунчалардан пуфакчалар (везикула) ҳосил бўлади ва йиринг бойлайди. Касалликнинг 10—13-куни йирингли тошмалар қуриб, қорақўтир бўлади. 18—20-куни улар туша бошлайди ва ўрни чандиқлана боради, беморнинг аҳволи бирмунча яхшиланади. Оғир кечадиган аралаш Ч. да тошмалар бир-бирига қўшилиб кетади. Геморрагик Ч. («қора Ч.» ёки Ч. пурпураси) да тўқима ва органларга қон қуйилади. Ч. нинг тошма тошмайдиган, ситмасиз кечадиган формалари ҳам учрайди.

Давоси Ч. ка қарши гамма-глобулин қилинади. Антибиотиклар ва сульфаниламид препаратлари буюрилади. Ч. нинг олдини олиш учун бемор Ч. га қарши эмланади ва б. чоратадбирлар кўрилади.

Ҳайвонларда Ч. ўткир формада кечади. Касал ҳайвоннинг тана ҳарорати кўтарилади, терисида ва шилимшиқ пардаларида тошмалар пайдо бўлади. Чорва молларининг маҳсулдорлиги пасаяди, териси бузилади, айрим ҳайвонлар нобуд бўлади. Диагноз клиник — эпизоотологик ва эпидемиологик маълумотлар, лаборатория текширувлари натижалари асосида қўйилади. Махсус даволаш усули ишлаб чиқилмаган. Касалликнинг олдини олиш учун химиотерапевтик препаратлар қўлланилади. Ч. ка қарши курашишда карантин ҳамда ветеринария-санитария қоидаларига қатъий риоя қилинади.

ЧЕЧАККА ҚАРШИ ЭМЛАШ — *чечак*нинг олдини олиш усули, организмга сунъий равишда чечак вирусини (вакцинасини) киритиб, чечак касаллигини юқтириш. Актив *иммунизация*нинг

бир тури. Қадимда чечакни олдини олиш мақсадида баъзи Шарқ мамлакатлари (Хитой, Ҳиндистон ва б. жойлар)да вариоляция усули қўлланилган. Бунда чечак яраларидан олинган йирингнинг соғ одамнинг тери ости (ёки бурун шиллиқ қавати)га киритилган. Натижада одам чечак б-н енгил касалланиб, унда *иммунитет* ҳосил бўлган. 18-асрга келиб вариоляция Европа мамлакатларида, шунингдек Россияда ҳам кенг тарқалди. Лекин баъзан вариоляциядан сўнг киши инфекция манбаи бўлиб қолиши ёки оғир юқумли касалликка чалиниши ҳам мумкин эди. 1796 йилда инглиз врачи Э. *Женнер* сигир чечаги б-н оғриб тузалган сут согувчилар чечак б-н оғримаслигини кузатди ва одамларни сигир чечаги б-н эмлашни таклиф этди. Бу усул *вакцинация* деб номланди.

Ҳозир бузоқларга чечак вируси юқтирилиб (бузоқларга бир неча марта чечак вирусини эмлаш натижасида сигир чечагининг ҳамма хоссаларига эга бўлган вирус олинди) вакцина тайёрланади. Ч. қ. э. ни кенг қўллаш натижасида 1936—37 йилларга келиб СССРда чечак тамомила тугатилди. Кўп мамлакатларда Ч. қ. э. зарур ҳисобланмайди. СССРда ҳамма болалар 1—2 ёшдан, эпидемия хавфи туғилганда эса ундан ҳам эртароқ чечакка қарши эмланади. Такрор эмлаш 8 ва 16 йилда (медицина, маиший хизмат кўрсатиш соҳаларидаги ходимлар ўртасида ҳар 5 йилда) ўтказилади.

ЧЕЧЁН ТИЛИ — *чеченлар* тили. Асосан Чечен-Ингушия АССРда тарқалган. Иберий-кавказ тилларининг нах (вейнах) гуруҳига мансуб. Текис зона ва тоғли зона диалектларига бўлинади. Ч. т. да 613 минг киши гаплашади (1970). Мураккаб системали *вокализм*, грамматик синфлар категорияси, гапнинг эргатив конструкцияда бўлиши, келишикларнинг кўплиги ва б. хусусиятлар Ч. т. грамматикаси учун характерлидир. Ч. т. қадимда ёзувга эга бўлмаган, лекин халқ оғзаки ижоди анъаналарига бой бўлган. Рус графикаси асосидаги чечен ёзуви 20-йилларнинг 1-ярмида яратилди.

Чечен адабий тили асосан катта чечен шеваларини ўз ичига олган текис зона диалекти асосида шаклланган. Чечен адабий тилининг шаклланиши ва тараққиётида С. Бадуев, М. Мамакаев, Р. Ахматова, Н. Музаев каби ёзувчи ва шоирларнинг роли катта бўлган. Ч. т. лексикасида рус, араб, форс тиллари ва туркий тиллардан ўзлашган сўзлар анчагина учрайди.

Ад.: Дешериев Ю. Д., Современный чеченский литературный язык, ч. 1, Грозный, 1960.

ЧЕЧЕН-ИНГУШИЯ АВТОНОМ СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ, Чечен-Ингушетия, Чечен-Ингушия — РСФСР таркибида. 1934 йил 15 январда АО сифатида ташкил этилган, 1936 йил 5 декабрдан АССР. Катта Кавказ тоғларининг шимолий ён бағри (унинг шарқий қисмида) ва унга туташган Чечен текислиги ҳамда Терек-Кума пасттекислигида жойлашган. Майдони 19,3 минг $км^2$. Аҳолиси 1159 минг киши (1977). Ч.-И. да 14 р-н, 5 шаҳар ва 4 ш. т. п. бор. Пойтахти — *Грозний* ш.

Давлат тузуми. Ч.-И. АССР — ишчилар, деҳқонлар ва интеллигенциянинг социалистик давлати. Амалдаги конституцияси 1978 йили қабул қилинган. Давлат ҳокимиятининг олий органи аҳоли 5 йилга сайлайдиган (6 минг аҳолидан 1 депутат) бир палатали Ч.-И. АССР Олий Совети ва унинг Президиуми. Олий Совет республика ҳукуматини — Министрлар Советини тузади. СССР Олий Советининг Миллатлар Советига Ч.-И. АССРдан 11 депутат сайланади. Давлат ҳокимиятининг маҳаллий органлари — аҳоли 2,5 йил муддатга сайлайдиган халқ депутатларининг шаҳар, р-н, посёлка ва қишлоқ Советлари. Ч.-И. АССР Олий Совети 5 йил муддатга 2 суд коллегиясидан иборат республика Олий суди ва унинг Президиумини сайлайди. Ч.-И. АССР Прокурорини СССР Бош прокурори 5 йилга тайинлайди.

Табиати. Республиканинг жанубий чегараси бўйлаб Ён тизма (Ч.-И. нинг энг баланд жойи — Тебулосмта чўққиси, 4493 *м*), шимолроқда Қояли, Яйлов, Қора тоғ тизмалари жойлашган. Улардан шимолда Чечен текислиги ётади. Шимолда қумли гряда ва тепаликлардан иборат Терек-Кума пасттекислиги, ғарбда Терек ва Сунжа тизмалари орасида Алханчурт водийси бор. Фойдали қазилмалари: нефть, газ, оҳактош, гипс, минерал сувлар ва б.

Иқлими шимолий қисмида континентал иқлим. Январнинг ўртача т-раси —3° дан —4° гача, июлники 24—25°. Йиллик ёғин 300—600 *мм*.

Деярли ҳамма дарёлари *Терек* дарёси ҳавзасига мансуб, дарёлар сувидан суғоришда кенг фойдаланилади.

Тупроқлари. Терек-Кума пасттекислигида каштан, оч каштан, Терек-Сунжа қирларида карбонатли қора тупроқлар, Чечен текислигида ўтлоқи тупроқ, дарё водийларида аллювиал тупроқлар тарқалган.

Терек-Кума пасттекислигида шувоқ ва шўра ўсимликлар, Чечен текислигида дашт ва ўрмонли дашт ўсимликлари ўсади. Тоғ ён бағрилари ўрмон, тоғ тепалари ўтлоқ. Ўрмонлар майдони 361 минг *га* (республика терр-ясининг 18,7%).

Аҳолиси. Республикада *чеченлар* (508,9 минг киши, 1970), *ингушлар* (113,7 минг киши), руслар (366,9 минг киши), Дағистон халқлари (қўмиқ, нўғай, авар, лак ва даргинлар — 19,7 минг киши), арманлар (14,5 минг киши), украинлар (12,7 минг киши), татарлар (5,6 минг киши) ва б. яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 $км^2$ га 60 киши (1977). Тоғ олди текисликларида аҳоли зич жойлашган.





Грозний. Асланбек Шерипов кўчаси. Олдинда Сунжа дарёсига қурилган кўприк.

Тарихи. Ч.-И. терр-ясида палеолит давридаёқ одам яшай бошлаган. Бронза давридан (мил. ав. 2-минг йиллик) деҳқончилик ва чорвачилик б-н шуғулланган қабилалар ёдгорликлари сақланиб қолган. Илк ўрта асрда Ч.-И. нинг аксарият текислик ва тоғ олди р-илари илк феодал давлат бирлашмаси — Алания таркибига кирган. Тоғларда чечен ва ингушларнинг бевосита аждодлари яшаган. 13-асрда Ч.-И. га мўғуллар, 14-аср охирида *Темур* қўшинлари бостириб кирган. Ч.-И. да ишлаб чиқариш кучларининг жуда секинлик б-н ривожланиши ибтидоий жамоа тузуми қолдиқларининг узоқ вақт сақланиб келишига сабаб бўлди.

20-аср бошларигача хун олиш одатлари мавжуд эди. 10-асрда Ч.-И. га Грузиядан христиан дини кириб келди. 16-аср охиридан Дағистон орқали тарқалган ислом дини 19-аср 1-ярмида Ч.-И. да ҳукмрон динга айланди. 16-асрдан феодал муносабатлар шаклланди. 18-аср бошларида нахчо қабилалари чеченлар (Чечен овули номидан), 19-асрнинг 2-ярмидан эса галгай қабилалари ингушлар (Ангуш ёки Ингуш овули номидан) деб аталди. 1722 йили Пётр I бошчилигида рус қўшинларининг Эронга қилган юришидан сўнг текисликларда яшовчи чечен ва ингушларнинг Россия б-н маданий ва иқтисодий алоқаси бошланди, 1810 йили ингушлар ихтиёрий равишда Россия фуқаролигига ўтди. Тоғликларнинг мустамлакачиликка қарши Чечен имомлари (Ғози Муҳаммад, Ҳамзатбек ва Шомил) раҳбарлигида олиб борган миллий озодлик кураши бостирилгач (қ. *Кавказ урушлари*), Чечен ўлкаси бутунлай Россия таркибига қўшилди. Ч.-И. да 19-аср охирида савдо-саноат буржуазияси шаклланди.

90-йиллар бошида Ч.-И. терр-ясидан Владикавказ т. й. ўтказилди. Грознийда нефть саноати тез ривожлана бошлади.

1900 йил бошларида Грознийда дастлабки социал-демократик тўгараклар пайдо бўлди, 1903 йили большевистик ташкилот тузилди. Февраль революциясидан кейин 1917 йил 5(18) мартда Грозний ишчи, солдат ва казаклар депутатлари совети тузилди.

Ч.-И. да Совет ҳокимиятининг ўрнатилиши шиддатли синфий кураш б-н давом этди. 1918 йил 1—18 мартда Пятигорскда бўлиб ўтган Терек халқлари 2-съезди Совет ҳокимиятини эътироф этди ва РСФСР таркибида *Терек Совет республикаси*ни тузди.

1919 йил февралда Ч.-И. ни генерал Деникинниг оқ гвардиячи қўшинлари босиб олди. 1920 йил 17 мартда Қизил Армия қисмлари ва партизан отрядлари Грознийни озод қилди. 1920 йил март охирида Ч.-И. да Совет ҳокимияти узил-кесил ўрнатилди. 1920 йил 17 ноябрда Владикавказда (ҳозирги Оржоникидзе ш.) Терек области халқларининг съездида Тоғли АССР ташкил топганлиги эълон қилинди (ВЦИК нинг 1921 йил 20 январдаги декрети). Чечен ўлкаси ва Ингушия Тоғли АССР таркибига Чечен ва Назран округлари номи б-н кирди. 1922 йил 30 ноябрда Тоғли АССР таркибидаги Чечен округи Чечен АО сифатида РСФСР таркибига ўтди. ВЦИКнинг 1924 йил 7 июль декретига биноан Тоғли АССР тугатилди ва унинг бир қисмида Ингушия АО тузилди.

Ч.-И. да Совет ҳокимиятини ўрнатишда С. М. Киров, Г. К. Оржоникидзе фаол хизмат кўрсатди.

1921—26 йилларда рус ва СССРдаги бошқа қардош халқлар ёрдамида Ч.-И. нинг халқ хўжалиги тикланди. Контрреволюцияга қарши олиб борган қаҳрамонона кураши ва нефть саноатини тиклашда кўрсатган хизматлари учун Грозний пролетариати 1924 йили Қизил Байроқ ордени б-н тақдирланди.

Совет ҳокимияти йилларида республикада шаклан миллий, мазмунан социалистик маданият пайдо бўлди. 1920 йили чеченларнинг 0,8% и, ингушларнинг 3% и саводли эди. 1923—25 йилларда чечен ва ингуш тиллари ёзуви яратилди.

Чечен ва Ингушия автоном областлари 1934 йили 15 январда Чечен-Ингушия АО га бирлаштирилди, 1936 йил 5 декабрдан Ч.-И. АССР.

Улуғ Ватан уруши йиллари (1941—45) да Ч.-И. АССР меҳнаткашлари фронтга актив ёрдам бердилар. 1942 йил кузида немис-фашист қўшинлари автоном республиканинг ғарбий қисмини босиб олди, лекин 1943 йил январидаёқ Ч.-И. АССР Қизил Армия томонидан озод қилинди. Уруш йилларида Ч.-И. фарзандларидан бир неча минг киши орден ва медаллар б-н тақдирланди. 36 кишига Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилди. 1944 йилда Ч.-И. АССР тугатилди; СССР Олий Совети Президиумининг 1957 йил 9 январдаги Фармони б-н чечен ва ингуш халқларининг миллий автономияси тикланди.

1965 йили халқ хўжалигини ривожлантиришдаги эришган ютуқлари учун Ч.-И. АССР Ленин ордени, 1972 йили Октябрь Революцияси ва Халқлар Дўстлиги орденлари б-н мукофотланди.

Хўжалиги. Социалистик қурилиш йилларида Ч.-И. саноати юқори даражада ривожланган ва кўп тармоқли қ. х. га эга республикага айланди. Саноатининг етакчи тармоқлари: нефть қазиб олиш ва уни қайта ишлаш, нефть кимёси ҳамда энергетика, машинасозлик ва металлсозлик саноатлари. Қурилиш материаллари ва озиқ-овқат саноати ҳам анча ривожланган. 1976 йили 7788 минг *т* нефть, 2649 млн. $м^3$ газ қазиб олинди, 747 дона насос, 13858 трактор прицеплари, 538 минг *т* цемент ишлаб чиқарилди, 59 минг $м^3$ ёғоч тайёрланди, 3142 млн. *квт-с* электр энергия ҳосил қилинди. Республика терр-ясида қазиб олинаётган нефть ва газнинг деярли ҳаммаси Грознийдаги корхоналарда қайта ишланади.

Қишлоқ хўжалигида фойдаланилаётган ерлар 11,44 минг *га* (1976), шундан 426,3 минг *га* ҳайдалади (жумладан 98,2 минг *га* суғорилади), 38,1 минг *га* кўп йиллик ўсимликлар б-н банд, 71,6 минг *га* пичанзор, 630,1 минг *га* яйлов. 1977 йил 1 январда республикада 45 колхоз, 100 совхоз, 8135 трактор (физик бирликда, 1976), 1178 дон комбайни, 4707 юк автомобили бўлган. 1976 йили барча экин майдони 467,8 минг *га* бўлиб, шундан 239,3 минг *га* донли экинлар, 26,5 минг *га* техника экинлари, жумладан 15,3 минг *га* кунгабоқар, 9,1 минг *га* қанд лавлаги, 1,7 минг *га* тамаки экилди. Боғдорчилик ва токчилик ҳам ривожланган (1976 йилда 44,6 минг *га*, шундан 23,5 минг *га* токзор).

Республикада майин жунли қўйчилик, гўшт ва сут чорвачилиги, паррандачилик ривожланмоқда. 1977 йили 301,5 минг қорамол, жумладан, 118,1 минг сигир; 148,3 минг чўчқа, 744,8 минг қўй ва эчки, 1323,2 минг парранда бўлган. Тоғли ерларда асаларичилик ривожланган.

Транспорти. Т. й. узунлиги 362 *км* (1976); Ч.-И. терр-ясидан Ростов-Дон—Беслан—Боку магистрали ва Прохладний—Моздок—Астрахань т. й. ўтган. Инрик т. й. узели—Гудермес. Автомобиль йўллари узунлиги 3181 *км* (1976). Ч.-И. терр-ясидан Москва—Боку автотрассаси ўтган. Трубопровод транспорти ривожланган.

Соғлиқни сақлаш. 1977 йил 11,2 минг ўринли (минг аҳолига 9,7 ўрин) 83 касалхона, 556 фельдшер-акушерлик пунктлари, аёллар консультацияси; болалар поликлиникаси, мактабгача болалар муассасалари, 19 санитария-эпидемиология станциялари, 2,7 минг врач (430 аҳолига 1 врач) ва 7,8 минг ўрта медицина ходими ишлади. Сериноводск бальнеологик, Армхи иқлим курортлари, 9 санаторий ва дам олиш уйлари бор.

Халқ маорифи ва маданият-маърифат муассасалари. 1976 йили 315 мактабгача муассасаларда 27,6 минг бола тарбияланди. 1976/77 ўқув йили 569 барча типдаги умумтаълим мактабларда 288 минг ўқувчи, 29 ҳунар-техника мактабларида 65 минг ўқувчи. 12 ўрта махсус ўқув юртларида 15 минг ўқувчи, Грозний ш. даги 2 олий ўқув юртида (*Чечен-Ингушия университети* ва Нефть ин-ти) 11,7 минг студент таълим олди. 1977 йил 1 январда 466 оммавий кутубхона (6,2 млн. нусха китоб ва журналлар); Грознийда Чечен-Ингушия ўлкашунослик музейи ва Тасвирий санъат музейи, 401 клуб муассасалари, 317 стационар кино-установка ишлади.

Илмий муассасалари Совет ҳокимияти йилларида барпо қилинган. Илмий тадқиқот ин-тлари: «Грозгипронефтехим» (1925), СССР Нефтни қайта ишлаш ва нефть саноати министрлигига қарашли «ГрозНИИ» ва Ч.-И. АССР Министрлар Совети қошидаги Тарих, тил ва адабиёт илмий тадқиқот ин-ти (1926) ва б. Илмий ишлар республикадаги олий ўқув юртлари кафедраларида олиб борилади. Республикада 2,2 мингдан кўпроқ илмий ходим, жумладан 470 дан зиёд фан д-ри ва фан кандидати бор (1976).

Матбуоти, радиоси, телевидениеси. Республика газеталари: «Ленинан некъ» («Ленин йўли», чечен тилида, 1923), «Сердало» («Нур», ингуш тилида, 1923), «Грозненский рабочий» (1917), «Комсомольское племя» (1928). Республика радиоэшиттиришлари (11 соат) ва телекўрсатувлари (3 соат) чечен, ингуш ва рус тилларида, Москвадан Бутуниттифоқ радиоси ва «Маяк» радиостанцияси программаси, Марказий телевидение кўрсатувлари (12,9 соат) олиб берилади.



Наур районидаги «Победа» совхозида узилган узумларни жўнатиш.


Адабиёти. Тарихий тақдири ва тилига кўра бир-бирига яқин бўлган ингуш ҳамда чечен адабиётлари ёзма адабиёт тариқасида Октябрь революциясидан кейин шаклланди. З. Малсагов (1894—1935) нинг «Уғирланган қиз» пьесаси (1923) ингуш адабиётидаги биринчи босма асардир. 30-йилларда С. Озиев, Х. Муталиев, Ж. Яндиев каби шоирлар, А. Гойгов, И. Базоркин каби прозаикларнинг асарлари босилиб чиқди. Улуғ Ватан уруши йилларида Яндиев, М. Хашагульгов, Базоркинларнинг ватанпарварлик руҳидаги асарлари муҳим аҳамиятга эга бўлди. 50-йиллардан адабиёт сезиларли даражада бадиий юксакликка кўтарилди, барча жанрларда, айниқса роман жанрида муҳим асарлар яратилди. Ингуш адабиётида биринчи роман «Олтин устунлар» (1966) муаллифи С. Чахкиев (1938 йили туғ.) эскилик сарқитларига қарши курашда коммунистик ахлоқнинг қарор топиши ва маънавий тарбия масалаларига бағишланган. С. Чахкиевнинг «Бўриниг тунлари» романи (1970) тарихий-революцион мавзуда яратилган. Базоркининг «Асрий зулматлар оша» эпопеяси (1968) да халқнинг бир асрлик ҳаёти ўз ифодасини топди.

20-йилларда З. Малсагов ва Х. Муталиев пьесалари б-н ўз йўлини бошлаган ингуш драматургияси 50-йиллар охири ва кейинги ўн йилликларда муҳим ютуқларга эришди. Чечен адабиётининг асосчиси С. Бадуев (1904—43) чечен тилидаги биринчи босма бадиий асар бўлган «Очлик» повести (1925) ни, чечен тилидаги биринчи роман «Потимат» (1930), «Оталар удумн» (1929), «Қизил қалъа» (1930) каби пьесалар яратди. 50-йиллар адабиётда бурилиш даври бўлди. С. Арсанов (1889—1968) нинг «Дўстликнинг шарофати» (рус тилида) тарихий революцион мавзудаги романи чечен прозасининг ютуғи бўлди. 60—70-йилларда поэзия бадиий жиҳатдан анча юксалди, прозада очерк, повесть, роман жанрларида муҳим асарлар яратилди. Адабиёт соҳасида ташкилий-ижодий ишларга Ч.-И. АССР Ёзувчилар ташкилоти раҳбарлик қилади (Грозний ш. да жойлашган).

Архитектураси, тасвирий ва амалий безак санъати. Ч.-И. терр-ясидан мил. ав. 3—1-минг йилликларга оид маданият ёдгорликлари топилган. Ўрта асрларда тошдан мудофаа деворлари, 2—3 қаватли ясси томли турар жойлар, пирамида-зинапоясимон миноралар қурилган. 18—20-аср бошларида тоғларда тош ва ёғочдан, текисликларда синчли ва сомонли лой б-н сувалган уйлар қурилди. 1939 йилда СССР Архитекторлар союзининг Ч.-И. бўлими тузилган.



Н. Д. Бекичев. «Артист А. Х. Ҳамидов». Мармар, 1964.



А. М. Мишин «Кавказ натюрморти». Грознийдаги чечен-ингушлар тасвирий санъати музейи.

Халқ амалий безак санъатида тош ва ёғоч ўймакорлиги, металлни бадиий ишлаш, заргарлик, ёғоч, сопол ва мис идишлар, бурка тикиш, кигиз босиш, зардўзлик, чармни бадиий ишлаш санъати кенг тарқалган. 19-асрнинг 2-чорагида чеченлардан биринчи бўлган дастгоҳли рассомлик устаси П. З. Захаров самарали ижод қилди.

Тасвирий санъатда тарихий ва маиший жанр, портрет ва манзара, ҳайкалтарошлик, китоб графикаси, театр декорацияси санъати ривож топмоқда. 1939 йилда Ч.-И АССР Рассомлар союзи ташкил этилган.

Музикасида чечен ва ингуш халқларининг тарихан яқинлиги, ўзаро таъсири кўзга ташланади. 2—3 овозли хор ва рақс музикаси кенг тарқалган. Халқ куйлари жанрларга бой.

Октябрь рев-ясидан сўнг музика фольклорини ёзиб олишга катта аҳамият берилди. 1918 йилда А. Шериповнинг «Чечен қўшиқларидан намуналар» китоби нашр қилинди. У. А. Бексултоновнинг «Советлар ҳокимияти учун» симфонияси (1967), «Тоғ қиссаси» (1963), «Гомар» (1966) симфоник поэмалари, С. У. Димаев, А. М. Шоҳбулатовларнинг қўшиқлари музика маданияти ривожида муҳим воқеа бўлди. Республика санъатини ривожлантиришда РСФСР да хизмат кўрсатган артистлар М. А. Айдамирова, В. Ш. Дагаев, А. Э. Хамхоев, рақс устаси, СССР халқ артисти М. А. Эсамбоевнинг хизматлари катта.

Филармония (1938), филармониянинг симфоник оркестри (1939), «Вайнах» рақс ансамбли (1939); Халқ ижоди уйи (1938), Музика билим юрти (1936, Грознийда), республика маданий-маърифат билим юрти (1961), 31 музика мактаби бор (1976).

Драма театри. Профессионал театр санъати 1931 йилда Грознийда Чечен театр-студияси ташкил этилишидан бошланди (1933 йилдан Чечен драма театри). 1933 йилда Оржоникидзе ш. да ингуш театри студияси тузилди. 1934 йилда у Чечен драма театри б-н бирлаштирилиб, Чечен-Ингуш драма театри номини олди. 1942 йилда театрга Совет Иттифоқи Қаҳрамони Х. Нуродилов номи берилди. 1944—58 йилларда театр ишламади. Ҳозир республикада мазкур драма театри, Лермонтов номидаги рус драма театри (1938), Қўғирчоқ театри (1936, рус, чечен, ингуш труппалари), 30 га яқин халқ театри, 4500 га яқин бадиий ҳаваскорлек коллективи бор (1977).

Ад.: Очерки истории Чечено-Ингушской АССР, т. 1—2, Грозный, 1967—1972; Крупнов Е. И., Древняя история Северного Кавказа и их связи с Россией, М., 1963; Рыжов В. В., Гребенщиков П. А., Зоев С. О., Чечено-Ингушская АССР, Грозный, 1971; Зоев С. О., Промышленность Чечено-Ингушской АССР за 50 лет, Грозный, 1972; Очерк истории чечено-ингушской литературы, Грозный, 1963; Тамаев В. А., Шабаньяиц Н. Ш., Декоративно-прикладное искусство Чечено-Ингушетии (Альбом), Грозный, 1974; Речменский Н., Музыкальная культура Чечено-Ингушской АССР., М., 1965.

ЧЕЧЕН-ИНГУШИЯ УНИВЕРСИТЕТИ, Чечен-Ингушия Давлат университети — илмий ва педагог кадрлар тайёрлайдиган олий ўқув юрти. 1972 йили Грознийда Педагогика ин-ти (1938) асосида ташкил этилган. Ун-тда физика-математика, биология-кимё, география, тарих, филология, романо-герман филологияси, иқтисод, жисмоний тарбия ф-тлари; кечки, сиртқи ва тайёрлов бўлимлари; аспирантура; 33 кафедра, кутубхона (467 минг асар) бор (1977). 1976/77 ўқув йили ун-тда 5573 студент таълим олди, 304 ўқитувчи, жумладан 12 проф. ва фан д-ри, 125 доцент ва фан кандидати ишлади. Ун-т «Илмий асарлар» нашр этади. 1973—76 йилларда 3600 мутахассис тайёрлади.



Оддий чивин.

ЧЕЧЕНЛАР (ўзларини нахчо деб атайдилар) — халқ. Чечен-Ингушия АССРнинг марказий ва шарқий р-ларида (аҳолининг 48% га яқини) ва Дағистон АССРнинг Хасавьюрт р-нида яшайди. СССРдаги умумий сони 613 минг киши (1970). *Чечен тили*да гаплашади. Диндор Ч. ислом динининг суннa мазҳабига эътиқод қиладилар. Ч. Шимолий Кавказнинг туб аҳолиси ҳисобланади.

Дастлаб Ч. асосан тоғларда яшаб, алоҳида территориал группаларга бўлинган. 15—16-асрларда Ч. Терек дарёси ва унинг ирмоқлари (Сунжи, Аргун) водийсидаги текисликларга келиб жойлашганлар.

Совет ҳокимияти даврида Ч. маданияти тубдан ўзгарди: саводсизлик тугатилди; миллий интеллигенция ўсди, адабиёти ва санъати кенг ривожланди. Ч. нинг асосий машғулоти текисликлар ва тоғолди р-ларида деҳқончилик (маккажўхори, буғдой, арпа, боғдорчилик), тоғ ва тоғ этакларида чорвачилик ва уй ҳунармандчилиги ҳисобланади. Шунингдек, Ч. нинг кўпчилиги саноатда банд (яна қ. *Чечен-Ингушия Автоном Совет Социалистик Республикаси*).

Ад. Народы Кавказа, т. 1. М., 1960; Очерки истории Чечено-Ингушской АССР, т. 1—2, Грозный, 1967—72

ЧЕЧЁТКА (Acanthis flammea) — вьюроклар оиласига мансуб қуш. 7 кенжа тури бор. Оддий Ч. танасининг узунлиги 11—15 *см*. Оғирлиги 10—15 *г*. Нарининг усти қўнғир кул ранг, қорни пушти-қизил, думининг усти қизил. Модаси ва ёш индивидларининг тусида оқ б-н қизил аралаш. Европа, Осиё ва Шимолий Американинг тайга, ўрмон-тундра ва тундра қисмида тарқалган. Уясини чакалакзорлардаги пақана қайинлар ва толларга ясайди. Усимлик уруғи б-н овқатланади. Урта Осиёда ҳам учрайди.

ЧЖАН ЦЗАЙ (1020—77) — хитой философи; янги *конфуцийлик* оқими асосчиларидан бири. Ч. Ц. таълимотига кўра, ҳамма нарса ва ҳодисалар бош материя — ҳаракат ва осойишталик хоссасига эга бўлган «ци»нинг тўпланиши ва тарқалишидан ташкил топган. «Ци»нинг биринчи ҳолатини Ч. Ц. бўшлиқ деб атайди. Бош материянинг ҳаракати қонуний бўлиб, киши иродасига боғлиқ бўлмаган, бир-бирига қарама-қарши ижобий («ян») ва салбий («ли») жараёнларга асосланган. Бу жараёнларни «ци»даги «дао» (йўл) ўзида акс эттиради. Табиатнинг ҳаракат қонуни «ли» б-н белгиланади. Билиш назариясида Ч. Ц. *сенсуализм*ни ривожлантириб, билишнинг асосий манбаи сезги, улар орқали кишилар ташқи олам б-н алоқа боғлайдилар, аммо бош материядаги «дао»ни ҳиссий идрок орқали билиб бўлмайди деб талқин қилади. Ч. Ц. *буддизм*га қарши ғоявий курашда илк конфуцийликнинг этик принципларини ҳамда деҳқонларга баб-баравар ер бўлиб берилиши керак деган ғояни илгари суради. Ч. Ц. философияси янги конфуцийлик ривожланишида катта роль ўйнаган.

ЧЖАН ЦЯНЬ (туғилган йили номаълум — мил. ав. 103 й.) — хитойлик дипломат ва сайёҳ. Мил. ав. 138 йилда Хитой императори У-ди Ч. Ц. ни ғарбга, хунларга қарши юечжи қабиласи б-н битим тузиш учун юборган. Ч. Ц. хунлар томонидан қўлга олинган ва фақат 10 йилдан кейингина у ердан қочишга муваффақ бўлган ва ўз сафарини ғарбга давом эттирган. Қайтишида яна хунлар қўлига тушган, лекин тезда қочган. Мил. ав. 115 йилда Хитой чегарасидан ғарбда кўчиб юрган усунь қабиласи ҳокимига юборилган элчиларга бошчилик қилган ва уни Хитой б-н иттифоқ тузишга кўндирган.

ЧЖАНЦЗЯКОУ, Қалган — Шимолий Хитойдаги шаҳар, Хэбэй провинциясида. Пекиндан шимолга бориладиган қадимги Кяхта савдо йўли устида. Аҳолиси 1 млн. киши (1970). Қора металлургия, машинасозлик (кон саноати ускуналари), озиқ-овқат, ойна-шиша саноати корхоналари, вискоза ф-каси бор. Ч. яқинидан темир рудаси ва тошкўмир қазиб олинади.

ЧЖЭНЧЖОУ — Шимолий Хитойдаги шаҳар. Хэнань провинциясининг маъмурий маркази. Цзишуй дарёси бўйида. Аҳолиси 1 млн. киши (1974). Транспорт узели. Пахта экиладиган р-нинг савдо маркази. Ип газлама, озиқ-овқат, кимё, тўқимачилик машинасозлиги корхоналари, ун-т бор.

ЧЖЭЦЗЯН — Шарқий Хитойдаги провинция. Майдони 100 минг *км*². Аҳолиси 30.2 млн. киши (1976). Маъмурий маркази — Ханчжоу ш.


Ч. экономикасининг етакчи тармоғи — қ. х., ҳайдаладиган ерлар, асосан, суғориб экилади. Экинлардан йилига 2 марта ҳосил олинади. Асосий экини — шоли. Шунингдек, буғдой, маккажўхори, батат, пахта, жут, ер ёнғоқ, шакарқамиш экилади, чой ўстирилади. Ч. чой етиштиришда мамлакатда 1-ўринда. Балиқ овланади. Урмон хўжалиги б-н шуғулланилади. Денгиздан туз олинади. Темир рудаси, пирит, алунит, олтингугурт колчедани, плавик шпат қазиб чиқарилади. Енгил ва озиқ-овқат (ипак, жут, ип газлама, чой) саноатлари ривожланган. Тўқимачилик, қ. х. машинасозлиги, кемасозлик ва станоксозлик корхоналари; чинни ва қоғоз ф-калари бор. Йирик шаҳарлари ва денгиз портлари: Ханчжоу, Цзясин, Чжэньхай, Вэньчжоу.

Ч. терр-ясида қадимда маньқабилалари яшаган. 4—6-асрларда хитойлар кўплаб кўчиб кела бошлаган. Ханчжоу 1127—79 йилларда Жанубий Сун империясининг пойтахти. 12—13-асрларда Ч. терр-яси Цзянчжэ области таркибида. 14-асрдан Ч. области, 17-асрдан Ч. провинцияси. 1930—34 йилларда Ч. нинг ғарбий қисмида советлар ҳаракати базаси бўлган. 1937—45 йилларда японлар қўли остида. 1949—50 йиллар давомида Хитой халқ озодлик армияси Ч. ни гоминьданчилардан озод этган.

ЧИАТУРА — ГрузССРдаги шаҳар (1921 йилдан). Квирила дарёси соҳили бўйлаб жойлашган. Т. й. станцияси. Марганец рудаси қазиб олинади. Руда бойитиш ф-калари, силикатгишт, тош з-длари, чой ф-каси, ўлкашунослик музейи бор.

ЧИВИНЛАР, узун мўйловли икки қанотлилар (Nematocera) — икки қанотли ҳашаротларнинг кенжа туркуми (бошқа кенжа туркумни *пашшалар* ташкил этади). 20 мингдан ортиқ тури, 35 оиласи бор. Ер юзида кўп тарқалган. Кўпчилик Ч. нинг танаси ва оёқлари ингичка, жуда узун. Асосан, *личинка*лик даврида озиқланади. Оғиз аппарати кемирувчи типда. Ч. сувда, нам тупроқда, ўсимликлар тўқимасида ва чириндилар орасида яшайди. Вояга етган Ч. ҳавода ҳаёт кечиради, камдан-кам тури (мас., япон денгиз чивини) нинг барча ривожланиш фазаси сувда ўтади. Ч. ни бир неча группага (баъзан, бир қанча оилалар бирга) ажратилади. Жумладан узуноёқлар, замбуруғ чивинлари, бужғун ҳосил қилувчи Ч., искабтопарлар ва б. Ч. ўсимлик тўқимаси, одам ва ҳайвон қони б-н (бунда юқумли касалликларни тарқатади) озиқланиб зарар, овланадиган балиқларга емиш бўлиб фойда келтиради. Тоғлардаги тез оқар дарёлар қирғоғида эса Blepharoceridae (150 тур) ва Deuterophlebiidae (5 тур) оиласига мансуб Ч. учрайди. Буларда субстратга ёпишишга ёрдам берувчи махсус орган бор.

Ад.: Жизнь животных, т. 3, М., 1969.



Қичик чивинхўр.

ЧИВИНХЎРЛАР (Muscicapidae) — чумчуқсимонлар туркумининг бир оиласи. 330 га яқин тури маълум. Шундан 15 тури СССРда тарқалган. Африка ва Жанубий Осиёда қишлайди. Гавдаси 9—30 *см*. Кенг, мустаҳкам тумшуғи асосида эгик қиллари бор. Уясини дарахтларга ясайди. 4—9 тухум қўйиб, модаси 14 кунча босади. Ҳашаротлар, ўргимчаклар, баъзан мева б-н овқатланади. Ч. тропик ва субтропик мамлакатларда жуда кўп. Бир уруғининг вакиллари фақат Янги Зеландия ва Гавайя оролларида яшайди. Урта Осиёда думпараст, кичик, ола, оқ бўйин Ч. ва б. турлари баҳор ҳамда куз (мавсумий кўчиш даври)да учрайди. Қ. х. зараркунанда ҳашаротларини еб, фойда келтиради.




Ола чивинхўр.

ЧИГИЛ, чикил — қадимги туркий қабилалардан бири. Хитой солномаларида «Чжисы» деб аталган. 9—10-асрларда Ч. лар кучайиб, ўз даврининг сиёсий ҳаётида актив қатнашганлар. Ч. лар Или дарёси (асосан унинг ўрта оқимларида) водийсида ҳамда Иссиққўл атрофларида, айрим группалари эса ҳозирги Талас дарёсининг ўрта оқимларида жойлашган. Маҳмуд Қошғарийнинг ёзишича, Ч. уч хил туркий қабилаларнинг бирлашмаси бўлиб, булар Барсахон ш. нинг қуйи томонида Қуёш (Қиёс) ш. да, Тороз (ҳозирги Жамбул шаҳрининг ўрнида) яқинидаги шаҳарча (бу ш. ча шу қабила номи б-н Чигил деб аталган)да ва Қашқарнинг бир қанча қишлоқларида яшаганлар. Ч. лар *яғмо*лар б-н бирга ислом динига, бир қисми эса христиан динига эътиқод қилишган. Шунингдек, 10-аср охирларида Қорахонийлар давлатининг ташкил топишида *қарлуқ, халаж, яғмо* ва б. туркий қабилалар б-н бир қаторда Ч. лар ҳам фаол қатнашган. 11-аср давомида Ч. ларнинг асосий қисми ҳозирги Ўзбекистон терр-ясига (кўпчилиги Самарқанд атрофидаги қишлоқларда, Бухоро воҳасида яшаганлар) келиб жойлашганлар. Ч. тили *қарлуқ*, халаж, яғмо, *тухси* ва б. қадимий туркий тилларга ўхшаш.

Ч. ларнинг ўтмишда асосий машғулоти чорвачилик бўлган, кейинчалик аста-секин ўтроқлашиб, деҳқончилик б-н шуғулланган ва ўзбек халқи таркибига сингиб кетган.

Ад.: Маҳмуд Кошғарий, Девону луғотит турк, 1-т., Т., 1960, 374-бет; Бартольд В. В., Сочинения, т. II, ч. 1, 2, М., 1963—1964.



Чигирткалар: *1* — қора қанотли чигиртка; *2* — марокаш чигирткаси; *3* — тўқай чигирткаси.

ЧИГИР — Андижон обл. Хўжаобод р-ни Найман қ. С. даги қишлоқ. «Правда» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 12 *км*, яқин т. й. станцияси — Гурунчмозор (25 *км*). Аҳолиси 1028 киши (1976); пахтачилик, чорвачилик, пилла-чилик, сабзавотчилик, боғдорчилик б-н шуғулланади. Жанубий Фарғона каналидан сув ичади. Урта мактаб, клуб бор.

ЧИГИРТКА — тўғри қанотлилар туркумининг *чигирткасимонлар* оиласига мансуб ҳашарот.


Жанубий Европа, Жанубий ва Шарқий Осиё, Африка, Жанубий ва Шимолий Америка, Австралияда учрайди. Ч. якка ва гала бўлиб яшайди. Ч. галаси узоқ жойлардан тўсатдан учиб келиб (суткасига 30 *км* дан ортиқ йўл босиб), учраган барча кўкатни, айниқса, ғалла, ғўза ва б. ни нобуд қилади. Личинка ва катта Ч. лар барг, поя, рўвак, бошоқ, мева ва пўстлоқларни кемиради. Ҳаёти мобайнида ҳар бир Ч. 300 *г* ча кўкат ейди, кунига 20—30 марта озиқланади. СССРда тўқай Ч. сининг 2 кенжа тури (*осиё чигирткаси*, ўрта рус Ч. си), италия, марокаш, турон Ч. лари, шунингдек Эрон ҳамда Афғонистондан учиб келадиган сахро Ч. си жуда хавфли.

Тўқай Ч. си Европа, Осиё, Африка, Австралия шимолида, шунингдек Ҳинд ва Тинч океандаги баъзи оролларда тарқалган, булар бир неча кенжа турга, жумладан, ўрта рус, осиё, африка, шарқ Ч. ларига бўлинади ва деярли барча экинларга зарар етказади, айниқса, ғалла ўсимликларини кўпроқ нобуд қилади. Ўрта рус, тўқай Ч. си СССР Европа қисмининг ўрмон ва ўрмон-дашт зоналарида яшайди.

Марокаш Ч. си йирик, эркагининг бўйи 20—28 *мм*, урғочисиники 28—38 *мм*, қора доғли сариқ, орқа оёқлари қизил ёки оч сариқ. Жанубий Европа, Шимолий Африка, Жанубий Осиё, СССР Европа қисмининг ғарби ва жанубида, Кавказ, Ўрта Осиё, Жанубий Қозоғистонда тарқалган. Ғалла экинлари, ғўза, беда, себарга, полиз ва сабзавот экинларини зараркайди. Личинкалари, одатда, ўсимликнинг ҳамма қисмини ейди, вояга етган Ч. лар пояси тубини кемиради.

Турон Ч. си эркагининг бўйи 13—21 *мм*, урғочисиники 25—32,5 *мм*; Шимолий Хитой, Афғонистон, СССРда Қозоғистоннинг жанубий р-нлари ва Ўрта Осиёнинг баъзи р-нларида тарқалган. Бу Ч. баҳорги ғалла, ғўза ва баъзи ширали ўсимликлар, мас., оққурайни айниқса кўп зарарлайди. Юқоридагилардан ташқари, Ўрта Осиёда отбосар, шоли, қир, воҳа, туркман Ч. лари ва баъзи йиллари айрим р-нларда пайдо бўлиб турадиган соколов, якобсон, катта саксовул ва қора-тарғил Ч. лари экинларга катта зарар етказади.

Кураш чоралари: заҳарли хўраклар сочилади, *инсектицидлар* пуркалади ёки чангланади (катта майдоларда самолётдан фойдаланилади); қўриқ ва бўз ерлар ўзлаштирилади; Ч. манбалари йўқотилади; ўтзорлар барпо этилади; қамишзорлар, тўқай ва ботқоқликлар экинзорга айлантирилади. Шундай тадбирлар ёрдамида Шимолий Кавказда марокаш, РСФСР Европа қисмининг жанубий ва Ўрта Осиё ҳамда Қозоғистоннинг баъзи р-нларида осиё Ч. ларининг кўпгина манбалари барҳам топди.



Чигит муртагининг тузилиши (ёйиқ уруғпаллали муртак): *1* — уруғпалла; *2* — уруғпалла ости бўғими; *3* — илдиз қини.

ЧИГИРТҚАСИМОНЛАР (Acridoidea) — тўғри қанотли ҳашаротлар туркумининг катта оиласи. 10 мингдан ортиқ тури бор. Гавдаси 9 *см* гача. Мўйловлари гавда узунлигининг ярмича. Қанотлари 2 жуфт, баъзиларида ёмон ривожланган, айримларида бутунлай ривожланмаган. Орқа оёқлари сакровчи. Тухумини тупроққа 5—10 *см* чуқурликка кўпинчасимон суюқлик б-н ўраб (суюқлик тупроқ б-н қотиб кўзача ҳосил қилади) қўяди. Одатда, личинкаси тухумдан баҳорда чиқади ва 1—1,5 ойда 4—7 марта пўст ташлаб тараққий этади. Ч. нинг кўпчилиги чириллайди. Бу товуш орқа оёқ ички қисмидаги тиканчаларнинг қанотқалқонга ишқаланишидан вужудга келади. Ч. ер юзида кўп тарқалган. СССРда 500 дан ортиқ тури учрайди. Жумладан, тўқай чигирткаси, марокаш чигирткаси, *саҳро чигирткаси*, *воҳа чигирткаси* ва б. Гала бўлиб ва якка яшовчи Ч. бор. Гала бўлиб яшовчи Ч. қ. х. га катта зарар етказади. Буларга қарши заҳарли кимёвий моддалар сепилади. Кўпгина мамлакатлар (мас., Ҳиндистон, Яқин Шарқ, Африка, Франция ва б.) да чигирткага қарши кураш марказлари ташкил қилинган.

Ад.: Цыпленков Е. П., Вредные саранчовые насекомые в СССР, Л., 1970.

ЧИГИРТЧИЛАР, денгиз қалдирғочлари (Sterninae) — балиқчилар оиласига мансуб қушларнинг кенжа оиласи. 43 турини бирлаштирган 10 уруғи бор. Гавдаси 20—55 *см*. Қаноти узун. Тумшуғи учли. Чаққон учади, сувда яхши сузади. Бармоқлари орасида тери парда бор. Денгиз, кичик дарё ва кўлларнинг саёз жойларига колония бўлиб, баъзилари бута ва дарахтларга уя ясайди. 1—4 тухум қўйиб, 14—22 кун босади. Ер юзида кўп тарқалган. СССРда 10 тури учрайди. Жумладан, Узбекистонда оддий ва кичик Ч. яшайди. Ч. асосан, сувдаги ҳашаротлар ва балиқлар, айримлари калтакесак, чигирткалар б-н овқатланади. Қ. х. зараркунанда ҳашаротларини қириб, фойда келтиради.

ЧИГИТ — ғўза уруғи. Чигитли пахтани қайта ишлаб (тозалаб) олинади. Шакли тухумсимон, бўйи 1,5—15 *мм*, эни (диаметри) 1—8 *мм*, оғирлиги 70—160 *мг*, 1000 донаси ўртача 120—140 *г*; қўнғир, жигар ранг, қаттиқ қобиқ ва мағиз (ядро)дан иборат. Устки қавати (пўсти)дан тола ва момиқ ажратиб олинади; тукли ва туксиз, таркибида 24—29% мой бор. Тола ва туклар кўп кенг қисми халаза, тола ва туклар сийрак уч қисми микропил дейилади. Ч. муртаги 2 та уруғпалла, уруғпалла ости бўғини, илдиз қинидан иборат. Ч. униб чиққач, уруғпаллалар ёпишиб, буйраксимон шаклни олади (расмга қ.). Униб чиқишига қараб 3 классга бўлинади. I класс Ч. унувчанлиги 95—100%; II классники 90—94%, III классники 85—89%. Узбекистон шароитида экиладиган чигит намлиги 10% дан ошмаслиги керак. Бир неча ойдан бир-икки йилгача яхши сақланган Ч. физиологик жиҳатдан пишиб етилган, соғлом ва унувчан бўлади. Бехато ва соғлом униб чиқиши учун ивитилади, дориланади. Ч. дан 45 дан ортиқ маҳсулот тайёрланади (яна қ. *Чигит экиш*).

ЧИГИТ — Фарғона обл. Бағдод р-ни Ленинобод қ. С. даги қишлоқ. «Ленинград» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 8 *км*, яқин т. й. станцияси — Фурқат (8 *км*). Аҳолиси 778 киши (1976); пахтачилик, полизчилик, боғдорчилик б-н шуғулланади. Катта Фарғона каналидан сув ичади. Ўрта мактаб, пахта қабул қилиш пункти бор.

ЧИГИТ СУВИ — экилган чигитни бир текис ундириб олиш учун бериладиган сув. Чигит экилгач, баъзан тупроқнинг чигит экилган устки қатлами қуриб қолиши сабабли уруғ униб чиқмайди. Ч. с. берилганда тупроқ намиқади, чигит бир текис униб чиқади. Ч. с. нинг салбий томонлари: тупроқ зичлашади, ҳарорати пасаяди, маълум вақтгача ёш ниҳоллар яхши ривожланмайди. Ч. с. дан сўнг ёнғарчилик бўлиб, ҳарорат пасайса, ниҳоллар илдиз чириш касаллигига чалиниши мумкин. Шунинг учун куз-қиш ва эрта баҳорда тупроқда кўпроқ нам тўплаш учун яхоб ёки халқоб суви берилади. Чигитни Ч. с. сиз ундириб олиш, фақат зарур вақтдагина Ч. с. бериш керак.

ЧИГИТ ЭКИШ — уруғлик чигитни тупроққа кўмиш; муҳим агротехника тадбирларидан бири. 1930 йилгача чигит омоч, кетмон, капгир ва теша каби қуроллар воситасида қўлда экилган. Ҳозир бу иш механизациялаштирилган. Чигит экишдан олдин намланиб (1 *т* чигит ҳаво ҳароратига қараб 400—800 *л* сув б-н), димланади (6—24 соат), туксизлантирилади, сараланади, сўнг учхлорфенол мис (ТХФМ), гексахлоран ва ТМТД б-н дориланади (1 *т* чигит учун 40 *кг* гексахлоран, 12 *кг* ТМТД сарфланади). Ҳозир бу иш з-дларда қилинмоқда. Ч. э. да суткалик ўртача ҳарорат туксиз чигит учун 13—14°С, туксизи учун 15—16°С бўлиши керак. Узбекистонда чигит қуйидаги муддатларда экилади (жадвалга қ.).

Областлар	экиш муддати
Тошкент	5—15 апрель
Андижон	1—15 «
Самарқанд	5—20 «
Наманган	1—15 «
Фарғона	5—15 «
Бухоро	5—15 «
Сирдарё	1—15 «
Жиззах	1—15 «
Сурхондарё	25 март—15 апр.
Қашқадарё	25 « —15 апр.
Хоразм	10—25 апр.
ҚҚАССР	10—30 апр.

Чигит 90×5—7, 90×10, 90×20 *см*, 60×7, 60×10, 60×12, 60×15, 60×18, 60×20, 60×25 *см* схемаларда оддий қаторлаб сеялкада экилади. Қатор оралари 60 *см* қилиб экилса, бир гектар ерга 90—110 *кг*; 90 *см* қилиб экилса, 60—80 *кг* уруғ сарф бўлади. Дастлаб чигит енгил, тез қизийдиган, сўнг бўз (4—5 *см* чуқурликда) ва ниҳоят механик таркиби оғир тупроқларга (3—4 *см* чуқурликда) экилади. Ч. э. б-н бир вақтда бегона ўтларга қарши *гербицидлар* пуркалади, ўғит солинади.

Ад.: Пахтачилик справочниги, Т., 1967.

ЧИГОРИН Михаил Иванович [1850. 31. 10(12. 11), Гатчина ш.— 1908. 12(25). 1, Люблин ш.] — рус шахматчиси, Россияда шахмат ҳаракатининг ташкилотчиси. Гатчинадаги етимхонада таълим олган. Рус шахматчиларидан биринчи бўлиб, 1881 йилдан халқаро мусобақаларда қатнашган. 1899—1903 йилларда 1—3- Бутун Россия шахмат турнирлари ташкилотчиси ва ғолиби. 1881—1907 йилларда 30 га яқин халқаро турнир ва матчларда қатнашган. Нью-Йорк (1889), Будапешт (1896), Вена (1903) даги халқаро турнирлар ғолиби. Гастингсдаги турнир (1895) да 2- ўринни эгаллаган. Ч. «Шахматный листок» («Шахмат варақаси», 1876—81), «Шахматный вестник» («Шахмат ахбороти», 1885—87), «Шахматы» (1891—92) журналларини нашр этган. Ч. 1884 йилда «Шахмат ўйини ҳаваскорлари Тошкент жамияти» фахрий аъзоси қилиб сайланган. Ч. шарафига турнирлар ўтказилади.

ЧИДАМЛИЛИК (техникада) — буюмларнинг маълум чегара ҳолатгача ишга яроқлигини сақлаш хоссаси. Буюмнинг бундай ҳолати унинг схема-конструктив хусусиятига, иш режимига ва иш шароитига боғлиқ. Ремонт қилинмайдиган буюмлар (мас., ёритиш лампалари, шестернялар ва б.) учун чегара ҳолат уларнинг ишламай қолиши б-н белгиланади. Ремонт қилинадиган буюмларнинг маълум ҳолати уларнинг эскириши ва тез-тез ишламай қолиши ёки ремонт қилишга маблағ сарфлашнинг бефойдалиги б-н аниқланади. Айрим ҳолларда хавфсизлик талабларининг бузилиши (мас., транспортда) ҳам ремонт қилинадиган буюмларнинг чегара ҳолати мезонига киради. Буюмларнинг маълум ҳолати уларнинг маънавий эскириши б-н ҳам белгиланади.

Бино ва иншоотларнинг чидамлилиги деганда, уларнинг талаб этиладиган эксплуатация сифатини сақлаган ҳолдаги хизмат муддати тушунилади. Бундай Ч. маънавий ва физик Ч. ка бўлинади. Бино ва иншоотларнинг ўзгарувчан эксплуатация шартларига ёки технологик процесслар режимлари талабларига жавоб бермай қолгунгача бўлган хизмат муддати маънавий Ч. дейилади. Физик Ч. нагрузка ва физик-кимёвий омиллар таъсирида бўлган асосий юк кўтарувчи конструкция ва элементлар (мас., синч девор, пойдевор ва б.) нинг емирилиши б-н аниқланади. Махсус изоляция материаллари қўллаш, тегишли қисмларни мойлаш ва умуман, бино ва иншоотларни тўғри эксплуатация қилиш йўли б-н Ч. муддати узайтирилади. СССРда қабул қилинган қурилиш нормалари ва қоидаларида конструкцияларнинг қуйидаги даражалари белгиланган I даража — хизмат муддати 100 йилдан кам эмас; II даража — 50 й.; III даража — 20 й.

Умуман, машина ва механизмлар, бино ва иншоотларнинг Ч. хоссаларини ўрганиш, бу хоссаларни яхшилаш чораларини кўриш уларнинг хизмат муддатини оширишда жуда муҳим.

Ад.: Хевиленд Р., Инженерная надежность и расчёт на долговечность, Пер. с англ., М.—Л., 1966; Основные вопросы надежности и долговечности машин, (Сб. статей), М., 1969.


ЧИЁНЕП — ҚҚАССР Тўрткўл р-ни Қалтаминор овул Советидаги қишлоқ. Максим Горький номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 12 *км*, яқин т. й. станцияси — Урганч (42 *км*). Аҳолиси 576 киши (1976); пахтачилик, полизчилик, чорвачилик, сабзавотчилик б-н шуғулланади. Қалтаминор канали орқали Амударёдан сув ичади. К-з фермаси, ремонт устахонаси, саккиз йиллик мактаб, кутубхона бор.

ЧИЖ (Spinus spinus) — чумчуқсимонлар туркумининг саъвалар уруғига мансуб қуш. Вазни 11—14 *г*. Нарининг кўкраги сариқ, бошининг усти қора. Модаси кул ранг қўнғир, доғлари бор. Тумшуғи қисқа. Европа, Ғарбий Осиё, Ғарбий Сибирь ва Узоқ Шарқнинг қайин, қарағай ва б. дарахтлар аралаш ўрмонларида тарқалган. Уясини баланд дарахтларга ясайди. 3—6 тухум қўйиб, 12—14 кун босади. Асосан ўсимлик уруғлари, баъзан ҳашаротлар б-н овқатланади. Яшаш ареалининг жанубий қисмида, ҳатто Шимолий Африка, Ироқ, Жанубий Хитойда қишлайди. Баъзан, Ўрта Осиё (гоҳо Тошкент, Фрунзе, Олмаота каби шаҳарлар)да ҳам учрайди.

ЧИЖОВ Виктор Андреевич (1930. 21. 11, ҳозирги Омск обл., Большеречье р-ни) — кон қазувчи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони (1966). 1962 йилдан КПСС аъзоси. 1948 йилдан колхозчи. Механизация мактабини тугатгач (1950), комбайнчи бўлиб ишлади (1951—53). Совет Армияси сафида (1953—56). 1956 йилдан комсомол йўлланмаси б-н Тошкент обл., Янгиобод ш. га келган: кон қазувчи, 1959 йилдан эса бригадир. Ленин ордени, Меҳнат Қизил Байроқ ордени ва медаллар б-н мукофотланган.


Чижов В. А.


Чиж.



Чизель.

ЧИЗЕЛЛАШ — экин экиш олдидан шудгорни чуқур (12—25 *см*) қилиб юмшатиш. *Чизель* ёрдамида бажарилади. Ч. натижасида тупроқ аэрацияси яхшиланади, бегона ўтлар йўқолади, тузларнинг юқорига кўтарилиши камаяди, солинган ўғитлар тупроққа яхши аралашади.

ЧИЗЕЛЬ (инг л. chisel — кескич) — ерни *чизеллаш* учун ишлатиладиган қ. х. қуроли.

Иш органи: икки томонлама ғозпанжали ёки найзасимон панжали юмшаткичлар. КРХ-3,6 ва КРТ-4 маркали культиваторнинг махсус рамасига Ч. нинг икки ёки уч қатор юмшаткич панжалари маҳкамланади. Агрегатланган Ч. — культиватор 90 *см* ли ғўза қатор ораларини 15 *см* чуқурликкача юмшатади. Иш органлари культиваторнинг ўнг, чап ва орқа қисмидаги махсус рамага ўрнатилади. Бунда ерни чизеллаш учун ораси 35—45 *мм* қилиб ўрнатилган найзасимон панжали, бегона ўтлар илдизини қирқиш учун эса оралари 150 *мм* ли ғозпанжали юмшаткичлардан фойдаланилади. Панжаларнинг ботиш чуқурлиги таянч ғилдираклар ёрдамида созланади. ДТ-54А, ДТ-75, МТЗ-50Х маркали тракторларга тиркаб ишлатилади.

ЧИЗИҚ — (лат. linea) — геометрик тушунча. Унинг аниқ, етарлича тўлиқ умумий таърифини бериш анча қийин, у *геометрия*нинг турли бўлимларида турлича берилади:

1) элементар геометрияда тўғри Ч. лар, Ч. ларнинг кесмалари, кесмалардан тузилган синиқ, баъзи эгри Ч. лар ва бирор хусусиятлари б-н ажралиб турган Ч. лар (мас., *айлана*) қаралади;


2) Ч. ни ҳаракатланувчи нуқта траекторияси сифатида қараш ва параметрик тасвир ғояси асосида унинг таърифини математик жиҳатдан жиддийлаштириш мумкин. Мас., текисликда декарт координаталарини киритиб, маркази координаталар бошида ва радиуси R га тенг бўлган айланани тенгламалар б-н ифодалаш мумкин:

$$x = R\cos t, \quad y = R\sin t,$$

t параметр $0 < t < 2\pi$ кесмада ўзгарса, (x, y) нуқта айлана чиза боради. Умуман, текисликдаги Ч. параметрик тенгламалар б-н ифодаланади:

$$x = \varphi(t), \quad y = \psi(t), \qquad (1)$$

бунда $\varphi(t)$, $\psi(t)$ — ихтиёрий узлуксиз функциялар.



Чизиқлар.
1- расм. Строфоида.

Шунингдек, уч ўлчовли фазода ҳам Ч. қуйидаги параметрик тенгламалар б-н берилади.


$$x = \varphi(t), \quad y = \psi(t), \quad z = \theta(t), \qquad (2)$$

бунда $\varphi(t)$, $\psi(t)$, $\theta(t)$ — ихтиёрий функциялар бўлиб, бирор интервалда узлуксизлик хусусиятига эга. Мас., *винт чизиқ* учун

$$x = a\cos\alpha, \quad y = a\sin\alpha, \quad z = \lambda\alpha.$$

Математика ва механикада Ч. унда ҳаракатланувчи нуқтанинг тартиби б-н бирга қаралади: t_1 га мос келувчи M_1 нуқта t_3 га мос M_3 нуқтадан олдин келса, $t_1 < t_3$ бўлади ва t нинг турли қийматларига тўғри келган нуқталар ҳамиша бир-биридан бошқа деб ҳисобланади. Агар Ч. нуқтадан бир карра ўтса, бундай нуқта оддий, кўп марта ўтса каррали (такрорий) дейилади. Мас.,

$$x = a\frac{t^2-1}{t^2+1}, \quad y = at\frac{t^2-1}{t^2+1}, \quad -\infty < t < \infty \qquad (3)$$



2- расм. Кардиоида.

тенгламалар строфоидани ифода қилиб, у (0, 0) нуқтадан $t = 1$ ва $t = -1$ қийматларга мос ҳолда икки марта ўтади. Демак, бу нуқта икки каррали (1- расм);

3) аналитик геометрияда текисликдаги Ч.

$$F(x, y) = 0 \qquad (4)$$

тенглама б-н, фазодаги Ч. эса иккита

$$F_1(x, y, z) = 0, \quad F_2(x, y, z) = 0 \qquad (5)$$

тенглама б-н ифодаланиши маълум. (4)- тенгламада иштирок этувчи $F(x, y)$ функция $n \geqslant 1$ тартибли кўпҳадликдан иборат бўлса, тегишли Ч. алгебраик дейилади. *Декарт япроғи* (учинчи тартибли), $(x^2+y^2-2ax)^2 = 4a(x^2+y^2)$ тенглама қутб системада $\rho = 2a(1+\cos\varphi)$ б-н ифодаланадиган тўртинчи тартибли Ч. — кардиоида (2- расм), 6- тартибли Ч. — *астроида*, қутб системасидаги тенгламаси $\rho = a\sin^3\varphi$ бўлган Ч. — гуллар (3- расм) ва б. алгебраик Ч. ларга мисол бўлади.

Алгебраик бўлмаган Ч. лар — трансцендент Ч. ларнинг жуда катта синфини ташкил этади. Мас., тригонометрик функциялар графиклари (*синусоида*, *тангенсоида*), логарифмик, гиперболик функциялар, *занжир чизиқ*, *циклоида*, *гипоциклоида*, *эпициклоида*, кохлеоида (тенгламаси: $\rho = a\dfrac{\sin\varphi}{\varphi}$, 4- расм), Si — C спираль (тенгламаси: $x = -\int_t^\infty \frac{\cos u}{u}\,du = \mathrm{ci}(t)$, $y = \int_0^t \frac{\sin u}{u}\,du = \mathrm{si}(t)$, (5- расм) ва б.

Ад.: Маркушевич А. И., Замечательные кривые, 2 изд., М.—Л., 1952; Савелов А. А., Плоские кривые. Систематики, свойства, применения (Справочное руководство), М., 1960; Пархоменко А. С., Что такое линия, М., 1954; Погорелов А. В., Дифференциальная геометрия, 5 изд., М., 1969; Уокер А., Алгебраические кривые, Пер. с англ., М., 1952.

ЧИЗИҚЛИ АЛГЕБРА — математиканинг *чизиқли фазо*лар ва уларнинг чизиқли *акслантиришлар*ини ўрганувчи бўлими. Ч. а. нинг ривожланиши 19- асрда чизиқли тенгламаларнинг умумий назарияси вужудга келиши б-н бошланган. *Чизиқли тенгламалар*ни ўрганиш жараёнида қўллана бошлаган аниқловчи (детерминант), векторлар, матрицалар каби тушунчалар математикада ўзаро қўшиш ва скалярга кўпайтириш мумкин бўлган объектлар алоҳида ўрин тутишини англашга, уларни бошқа конкрет хоссаларидан ажралган ҳолда ўрганишга олиб келди. 19- аср охирида иккинчи тартибли сиртларнинг тенгламаларини каноник (энг содда) кўринишга келтириш масаласи Ч. а. масаласидан иборат эканлиги аниқлангач, Ч. а. кўп ўлчовли фазо аналитик геометрияси б-н қўшилиб кетди ва чизиқли, бичизиқли, квадратик формалар, чизиқли алмаштириш ва акслантириш, *евклид* фазоси, проектив фазо тушунчалари б-н бойиди.

Дифференциал геометрия ва механика эҳтиёжи б-н Ч. а. да векторларни умумлаштирувчи *тензор*лар, чизиқли ва бичизиқли формаларни умумлаштирувчи поличизиқли форма тушунчалари киритилди. Ч. а. нинг тензорлар алгебраси, поличизиқли алгебра каби бўлимлари вужудга келди.

Ч. а. кўп ўлчовли фазо геометрияси сифатида математик программалаш, экономика ва

*ўйинлар назарияси*да татбиқ қилинади. Ч. а. нинг фактларидан чизиқли дифференциал тенгламалар назарияси ва функционал анализда фойдаланилади.

Ад.: Гельфанд И. М., Чизиқли алгебрадан лекциялар, Т., 1961; Искандаров Р. И., Олий алгебра, [Дарслик], 1—2- т., Т., 1963; Курош Г. А., Олий алгебра курси, [Дарслик], Т., 1976.

ЧИЗИҚЛИ БОҒЛАНИШ — уч нуқтанинг бир тўғри чизиқда, тўрт нуқтанинг бир текисликда ётиш шартини умумлаштирувчи тушунча. Объектларни ўзаро қўшиш ва ўзгармас сонга кўпайтириш мумкин бўлса, улар

$$c_1x_1 + c_2x_2 + \ldots + c_nx_n = 0 \qquad (1)$$

кўринишидаги тенгликни қаноатлантирган ҳолда чизиқли боғлиқ, акс ҳолда чизиқли эркли дейилади (бу тенгликда $c_1, c_2 \ldots c_n$ — камида биттаси нолдан фарқли сонлар).

Одатда, Ч. б. тушунчаси *чизиқли фазо* элемент (вектор)ларига нисбатан қўлланади. Бу ҳолда векторларнинг чизиқли боғлиқлиги улардан бири бошқаларининг чизиқли комбинацияси, яъни

$$x_k = \alpha_1x_1 + \ldots + \alpha_{k-1}x_{k-1} + \alpha_{k+1}x_{k+1} + \ldots + \alpha_nx_n$$

шаклда ифодаланишига тенг кучли.

Евклид фазосида $x_1 = \overrightarrow{M_0M_1}$, $x_2 = \overrightarrow{M_0M_2}$ векторларнинг чизиқли боғланганлиги M_0, M_1, M_2 нуқталарнинг бир тўғри чизиқда ётишини билдиради. Текисликда ҳар қандай 3 вектор чизиқли боғлиқ. Умуман, чизиқли фазода n та чизиқли эркли вектор мавжуд, лекин ихтиёрий $n+1$ та вектор чизиқли боғлиқ бўлса, n сони бу фазонинг ўлчови дейилади.

ЧИЗИҚЛИ ПРОГРАММАЛАШ — функциянинг экстремумига доир махсус масалалар б-н шуғулланувчи математик программалаштириш бўлими. Ч. п. да

$$f = c_1x_1 + c_2x_2 + \cdots + c_nx_n \qquad (1)$$

кўринишдаги (яъни чизиқли) функциянинг экстремуми (энг катта ёки энг кичик қиймати, оптимуми)

$$a_{j1}x_1 + a_{j2}x_2 + \cdots + a_{jn}x_n \leqslant b_j \qquad (2)$$

$$x_i \geqslant 0, \; i = 1, 2, \ldots, n, \; j = 1, 2, \ldots, m \qquad (3)$$

шартлар бажариладиган нуқталарда изланади.

Математика, техника, экономиканинг кўплаб масалалари (1), (2) кўринишга келади. Мас., чорвачилик фермасининг кунлик рационини дағал хашак (1 *кг* — 3 тийин), силос (1 *кг* — 2 тийин) ва махсус озуқа (1 *кг* — 5 тийин) дан тузилиб, унда нормага мувофиқ камида 2000 *г* оқсил, 120 *г* кальций, 40 *г* витамин моддалари бўлиши керак. Агар 1 *кг* хашакда 50 *г* оқсил, 6 *г* кальций, 2 *г* витамин, силосда мос равишда 20 *г*, 4 *г*, 1 *г* озуқада 180 *г*, 3 *г*, 1 *г* дан бўлса, энг арзон рацион таркибини аниқлаш керак. x_1 *кг* хашак, x_2 *кг* силос ва x_3 *кг* озуқа олинса, $x_1 \geqslant 0$, $x_2 \geqslant 0$, $x_3 \geqslant 0$ шартлар табиий), масала

$$50x_1 + 20x_2 + 180x_3 \geqslant 2000$$

$$6x_1 + 4x_2 + 3x_3 \geqslant 120$$

$$2x_1 + x_2 + x_3 \geqslant 40$$

шартлар бажарилганда, рацион нархи бўлган $2x_1+3x_2+5x_3$ функциянинг энг кичик қийматини топишга келади.

Ч. п. га оид масалаларни ечиш усулини дастлаб Л. В. Канторович яратган (1938). АҚШ математиги Ж. Данциг топган симплекс методида $x_1, x_2, \ldots, x_n$ қийматлар n ўлчовли *чизиқли фазо*нинг нуқтаси деб талқин қилинади. У ҳолда (2), (3) шартларни қаноатлантирувчи нуқталар тўплами бирор C қаварик кўп ёқлик ҳосил қилади. (1) функция чизиқли бўлгани учун унинг C даги экстремуми C кўп ёқлигининг учида эришади. Симплекс методи C нинг бирор учидан f нинг қиймати катталашадиган (минимумни топишда кичиклашадиган) қўшни учига ўтишдан иборат.

(2) шартлардаги тенгсизликлар ўрнида тенгликлар бўлган Ч. п. масаласи транспорт масаласи дейилади (мас., бир неча складдаги товарни истеъмолчиларга энг қисқа йўл б-н тарқатиш масаласи). Бу хилдаги масалалар планни кетма-кет яхшилаш методи б-н ечилади.

Халқ хўжалигини планлаштириш соҳасидаги масалаларда аргументлар ва (2) шартлар сони одатда жуда катта бўлгани учун Ч. п. да тақрибий методлар ва ЭҲМ қўлланилади.

Ад.: Юдин Д. Б., Гольштейн Е. Г., Линейное программирование, М., 1969; Карменов В. Г., Лекция по математическому программированию, М., 1975.

ЧИЗИҚЛИ ТЕБРАНИШ — қ. *Тебранишлар*.


ЧИЗИҚЛИ ТЕЗЛАТГИЧЛАР — зарядланган зарраларни тўғри чизиққа яқин йўналишда тезлатувчи қурилмалар. Улар электростатик (ёки юқори вольтли) ва чизиқли резонанс тезлатгичдан иборат.

Электростатик тезлатгич тўғри чизиқли вакуум камерасига жойлаштирилган диск ёки ҳалқа кўринишидаги кетма-кет тезлаштирувчи электродлардан иборат. Бу электродлар катта қаршиликли тақсимлагич орқали юқори кучланишли ўзгармас ток манбаига уланади.


Ион манбаидан тезлатгич камерасига кириб зарядланган зарралар электродлар орасидаги ўзгармас электр майдонида тезлашади. Тезлашган зарралар юпқа зар қоғоз орқали ташқарига чиқади.

Юқори вольтли тўғрилагич, Кокрофт-Уолтон каскадли генераторлар, Ван-де-Грааф генератори типидаги электростатик генераторлар ва импульсли трансформаторлар электростатик тезлатгичда кучланиш манбаи бўлиб хизмат қилади. Амалда кўпинча энергияси 5 *Мэв* га етадиган бир зарядли ионлардан иборат электростатик тезлатгичлар қўлланилади.


Чизиқли резонанс тезлатгичнинг ишлаш принципини узун тўлқинли тезлатгич мисолида кўриш мумкин. Резонанс тезлатгичнинг тоқ сонли (1, 3, 5, ...) трубкалари ўзгарувчан ток генераторининг бир қутбига, жуфт сонли (2, 4, 6, ...) лари эса бошқа қутбига уланган. Трубка оралиғидаги электр майдонининг вақтнинг бир моментидаги йўналиши стрелка б-н кўрсатилган. Трубка ичкарисида электр майдон нолга тенг. Тезлаштирилаётган зарралар трубканинг ўқи бўйлаб ҳаракат қилади. Трубкалар узунлиги шундай танланган ки, икки тирқиш орасидаги масофа $\lambda\beta/2$ га тенг, бу ерда λ — генератор тўлқин узунлиги, $\beta = v/c$, v — зарра тезлиги, c — ёруғлик тезлиги. Бу ҳолда зарранинг икки қўшни тирқиш орасидан ўтиш вақти генератор даврининг ярмига тенг. Бу вақтда электр майдон ўз йўналишини ўзгартиришга улгуради. Шунинг учун битта



3- расм. Гуллар.



4- расм. Кохлеоида.



5- расм. Si—C спираль.

тирқишининг тезлатиш майдонига тушган зарра маълум энергия олади ва қолган ҳамма тирқишлар орасида ўз энергиясини ошириб боради. Бир зарядли зарранинг охирги энергияси nV га тенг бўлади, бу ерда n — тезлаштирувчи трубкалар сони, V — генератор кучланиши.

Замонавий чизиқли резонанс тезлаткичларда узун резонатор ёки тўлқин ўтказгичда ҳосил қилинадиган юқори частотали электр майдондан фойдаланилади (яна қ. *Зарядли зарралар тезлаткичлари*).

ЧИЗИҚЛИ ТЕНГЛАМАЛАР — номаълумларнинг фақат биринчи даражалари аниқ коэффициентлар б-н қатнашиб, уларнинг юқори даражалари, ўзаро кўпайтмалари ва мураккаб функциялари қатнашмаган тенгламалар. Мас.,

$$ax+b=0$$

(бир номаълумли чизиқли алгебраик тенглама),

$$a_{11}x_1 + a_{12}x_2 + \ldots + a_{1n}x_n = b_1$$
$$\ldots\ldots\ldots\ldots\ldots \quad (1)$$
$$a_{m1}x_1 + a_{m2}x_2 + \ldots + a_{mn}x_n = b_m$$

(n номаълумли m та чизиқли алгебраик тенгламалар системаси),

$$y' + a(x)\,y = f(x)$$

(биринчи тартибли чизиқли оддий дифференциал тенглама),

$$\frac{\partial^2 z}{\partial x^2} = \frac{\partial^2 z}{\partial y^2} + c(x, y)\,z = f(x, y) \quad (2)$$

(иккинчи тартибли чизиқли хусусий ҳосилали дифференциал тенглама),

$$y(x) + \lambda \int_a^b k(x, s)\,y(s)\,ds = f(x)$$

(чизиқли интеграл тенглама).

Умуман, Ч. т. ни қисқача

$$Lu = f \quad (3)$$

кўринишда ёзиш мумкин. Бу ерда u — номаълум миқдор (алгебраик тенгликларда сон, дифференциал ва интеграл тенгламаларда функция, системаларда вектор ёки вектор-функция), f — берилган (маълум) миқдор, у тенгламанинг **озод ҳади** дейилади, L эса номаълум u устида бажарилган амаллар белгиси, **чизиқли оператор** деб аталади. Мас., (1) системада L коэффицентлардан тузилган матрицадан иборат. Чизиқли *дифференциал тенгламалар* учун L дифференциал оператор (мас., Лаплас оператори, *Гамильтон оператори*, тўлқин оператор), чизиқли *интеграл тенгламалар* учун интеграл оператор дейилади (мас., Фредгольм оператори, Волтерро оператори).

Чизиқли оператор бирор X чизиқли фазонинг Y чизиқли фазога қўйидаги

$$L(u_1 + u_2) = Lu_1 + Lu_2,\ L(\alpha u) = \alpha Lu$$

шартларни қаноатлантирувчи (яъни чизиқли) акслантириши бўлиб, (3) тенгламада Y нинг берилган f элементи бўйича X нинг u элементи изланади.

(3) тенгламанинг ечилиш шартлари f озод ҳад б-н

$$Lu = 0 \quad (4)$$

кўринишдаги **бир жинсли** чизиқли тенглама характерига боғлиқ. L нинг чизиқлилигидан Ч. т. нинг асосий хоссаси келиб чиқади: *а*) (4) тенглама ечимларининг ихтиёрий коэффициентли чизиқли комбинацияси ҳам ечим бўлади; *б*) (3) тенгламанинг ечимлари унинг бирор хусусий ечими б-н (4) нинг ечимлари йиғиндисидан иборат. Айрим ҳолларда бундай хусусий ечимни конкрет кўринишда топиш мумкин (мас., Грин функцияси методлари б-н ўзгармасни вариациялаш).

Ч. т. хоссалари чуқур ўрганилган. Табиатдаги турли жараёнларни Ч. т. б-н маълум аниқликда текшириш мумкин. Мас., физикада Максвелл, Шредингер тенгламалари, механикада кичик тебранишлар, суюқлиқ, газ иссиқлик ҳаракати тенгламалари, экономиканинг математик моделларида учрайдиган тенгламалар, асосан, Ч. т. дир. Табиат ҳодисалари чизиқли бўлмаган тенгламалар б-н ифодаланган ҳолда ҳам махсус **чизиқлаштириш** (*линеаризация*) усуллари қўлланилиб, Ч. т. ни текширишга келтириш мумкин.

Ад.: Курош А. Г. Олий алгебра курси. [Дарслик], Т., 1976; Крейн С. Г., Линейные уравнения в банаховом пространстве, М., 1971.

ЧИЗИҚЛИ ФАЗО — элементлари ўзаро қўшиш ва *скаляр*га кўпайтириш амаллари орқали аниқланадиган тўплам. Ч. ф. кўпинча *вектор* фазо, элементлари эса векторлар деб ҳам юритилади. x, y элементлар йиғиндиси $x+y$, x нинг λ скалярга кўпайтмаси λx б-н белгиланса, қуйидаги шартлар (Ч. ф. *аксиомалари*) бажарилиши керак:

1. $x+y=x,\ y+x,$
2. $(x+y)+z = x+(y+z),$
3. $x+0=x$
4. $\lambda(x+y) = \lambda x+\lambda y,$
5. $(\lambda+\mu)x = \lambda x+\mu x,$
6. $\lambda(\mu x) = (\lambda\mu)x,$
7. $1\cdot x = x.$

Мас., n-ўлчовли векторлар, сонли кетмакетликлар, кўпҳадлар, бир жинсли чизиқли (алгебраик, дифференциал, интеграл ва б.) тенгламалар ечимлари Ч. ф. ташкил қилади. Бу Ч. ф. ларнинг ҳар бирида скаляр сифатида ҳақиқий ёки комплекс сонлар олиниши мумкин. Умуман, скалярлар бирор *майдон* элементи бўлиши керак.

Чекли ўлчовли Ч. ф. лар чизиқли алгебрада, чексиз ўлчовли Ч. ф. лар эса *функционал анализда* ўрганилади. Бунда, кўп ҳолда, юқоридаги икки амалдан ташқари Ч. ф. ларда қўшимча тушунчалар киритилади. Мас., скаляр кўпайтма киритилса Евклид фазоси (мас., *Гильберт фазоси*), *норма* киритилса нормаллашган фазо (мас., *Банах* фазоси), яқинлашиш тушунчаси киритилса топологик Ч. ф., элементларни ўзаро кўпайтириш амали киритилса *алгебра* (мас., Банах алгебраси, Ли алгебраси) келиб чиқади.

Ад.: Колмогоров А. Н., Фомин С. В., Элементы теории функций и функционального анализа, [Учебник], 3 изд., М., 1972.

ЧИЗИҚЛИ ФОРМА — озод ҳади бўлмаган биринчи даражали функция. n та $x_1, x_2, \ldots, x_n$ ўзгарувчилардан ташкил топган Ч. ф. нинг умумий кўриниши қуйидагига тенг:

$$f(x_1, x_2, \ldots, x_n) = a_1x_1 + \cdots + a_nx_n.$$


Бу ерда $a_1, a_2, \ldots, a_n$ — ҳақиқий сонлар. Агар $x_1, x_2, \ldots, x_n$ лар n ўлчовли вектор фазода x векторнинг координаталари бўлса, унда f

$$f(\alpha x + \beta y) = \alpha f(x) + \beta f(y)$$

тенгламани қаноатлантиради (бунда x, y — векторлар, α, β — сонлар).

Бу тенгламани Ч. ф. нинг таърифи сифатида ҳам олиш мумкин.

ЧИЗИҚЛИ ФУНКЦИЯ — ўзининг барча ўзгарувчиларига нисбатан биринчи даражали функция. Хусусий ҳолда $y = kx + b$ кўринишга эга. Ч. ф. нинг асосий хоссаси y функциянинг орттирмаси x аргумент орттирмасига пропорционаллигидир. Ч. ф. графиги тўғри чизиқ бўлиб, унда k тўғри чизиқнинг Ox ўқи ҳосил қилган бурчагининг тангенсига ($k = \operatorname{tg}\varphi$), b эса тўғри чизиқнинг Oy ўқидан ажратган кесмасига тенг (расмга қ.). $b = 0$ да Ч. ф. **бир жинсли** дейилади. Ч. ф. физика ва техникада кенг қўлланилади.



Чизиқли функция графиги.

Ад.: Фихтенгольц Г. М., Математик анализ асослари, [Дарслик], 2- т., Т., 1972.

ЧИЗМА — машина, иншоот, техник мосламалар ва уларнинг қисмларини тайёрлаш, ремонт қилиш ва текшириш учун чизиладиган тасвир. Асосан учга бўлинади: а) сериялаб ва кўплаб ишлаб чиқариш Ч. си; б) якка буюмлар ишлаб чиқариш Ч. си; в) ремонт Ч. си. Тайёрланадиган, ремонт қилинадиган ва текшириладиган буюмнинг ҳамма ўлчамлари, материали, вазифаси, аниқлик класси, тозалик класси ва б. маълумотлар Ч. да тўла-тўкис кўрсатилиши шарт.

Ч. га қўйиладиган талаблар Давлат стандартлари (ГОСТ)да белгилаб қўйилади (яна қ. *Чизмачилик*).

ЧИЗМА ГЕОМЕТРИЯ — *геометрия*нинг фазовий фигураларни текисликда тасвирлаш ва улар ёрдамида фазовий масалаларни ечиш усулларини ўрганадиган бўлими. Ч. г. инсониятнинг амалий фаолиятида аста-секин вужудга келган; у бинолар, иншоотлар ва машиналарни лойиҳалашда, тасвирий санъат ва б. соҳаларда қўлланилади.

Фазовий фигураларни текисликда тасвирлашнинг икки усули бор. I. **Марказий проекциялаш**. Ҳар қандай фигура нуқталар тўпламидир. Шунинг учун нуқтанинг проекциясини топиш б-н чекланиш мумкин. Фазода проекция маркази қўзғалмас S нуқта ва бу нуқтадан ўтмаган проекциялар текислиги P олинади. У ҳолда фазодаги ихтиёрий A нуқтанинг S марказдан проекцияси SA тўғри чизиқ P текислик б-н кесишган a нуқта бўлади (расм, *а*). Нарсаларнинг фотосуратлари ва ёруглик нурларидан жисмларнинг текисликда ҳосил бўлган соялари марказий проекциялашдир. Марказий проекциялаш усули б-н ясалган тасвир *перспектива* деб аталади. Перспективадаги тасвирда фигураниг ҳақиқий шакли ва ўлчамларини аниқлаб бўлмайди.

2. **Параллел проекциялашда** маркази S чексиз узоқда деб фараз қилинади. Параллел проекциялашда проекцияловчи тўғри чизиқларнинг аниқ йўналиши берилиши керак. Қуёш ёки Ой нуридан жисмлар соясининг пайдо бўлиши параллел проекциялашга мисол бўлади.

Параллел проекцияларнинг хоссалари: тўғри чизиқ кесмалари узунликларининг нисбати уларнинг проекциялари узунликлари нисбатига тенг; параллел тўғри чизиқларнинг проекциялари ўзаро параллел; икки параллел тўғри чизиқ кесмалари узунликларининг нисбати уларнинг проекциялари узунликлари нисбатига тенг.

Проекциялаш йўналишининг проекция текислиги б-н ҳосил қилган бурчагига кўра, параллел проекциялаш қийшиқ бурчакли ва тўғри бурчакли хилларга бўлинади.

Фигураларни ўзаро перпендикуляр икки текисликка тўғри бурчакли проекциялаш **ортогонал проекциялаш** деб, ўзаро перпендикуляр текисликлардан бири — **горизонтал** (H), иккинчиси **фронтал** (V) **текислик** деб аталади. A нуқтанинг H текисликдаги горизонтал проекцияси a, V текисликдаги фронтал проекцияси a' нуқтанинг вазиятини тўлиқ аниқлайди (расм, *б*).


Баъзан, чизмани мукаммаллаштириш мақсадида горизонтал ва фронтал текисликларнинг иккаласига ҳам перпендикуляр бўлган W текислиги (**профиль текислиги**)дан фойдаланилади (A нуқтанинг W даги проекцияси a'' б-н белгиланади).


Ортогонал проекциялар воситасида чизмалар осон ясалади, ортогонал проекцияда тасвирланган нарса ўлчамларини (бўйи, эни, баландлиги)ни бевосита аниқлаш мумкин. Лекин бундай чизма оригинал тўғрисида яққол тасаввур бермайди. Ундан айниқса мураккаб фигураларнинг фазовий шаклларини кўз олдига келтириш қийин. Шунинг учун нарсанинг ортогонал проекциялар асосида ясалган тасвири унинг *аксонометрик* проекцияси б-н тўлдирилади.

Инженерлик қурилиш ишларида кўпинча сонлар б-н белгиланган проекциялар деб аталувчи усулдан фойдаланилади. Бунда нуқталар проекциялар текислигига ортогонал проекцияланиб, проекция ёнига нуқтанинг текисликдаги вазиятини ифодаловчи сонлар — баландликлар қўйилади. Бу чизма аёний бўлиши учун бир хил баландликдаги нуқталар орқали баландликлар чизиғи ўтказилади (расм, *в*).

Ад.: Хорунов Р., Чизма геометрия курси, [Дарслик], Т., 1964; Четверухин Н. Ф., Изображения фигур в курсе геометрии, 2 изд., М., 1958.

ЧИЗМАЧИЛИК — турли машиналар, механизмлар, бино, иншоот ва б. чизмаларини, схемалар, карталар ва графикларни чизишга, турли буюмларнинг тасвирларини ясашга оид қонун-қоидалар ва усулларни ўз ичига олган техникавий фан. Ч. нинг асоси — *геометрия, чизма геометрия*. Вазифаси — чизмачилик асбобларидан фойдаланиб ёки қўлда турли буюмларнинг тасвирларини чизишга, чизилган чизмаларни ўқишга ўргатиш ҳамда кишиларда фазовий тасаввурлар ҳосил қилиш ва б. Ч. фанининг мазмуни ва ҳажми унинг фан ва техниканинг қайси соҳаси учун мўлжалланганлигига қараб аниқланади.





Чизма геометрияга оид.

Бўлимлари: геометрик Ч.; проекцион Ч.; машинасозлик чизмачилиги, қурилиш чизмачилиги ва б. **Геометрик** Ч. да чизмачилик асбоблари, чизмаларни расмийлаштириш, геометрик ясашлар, туташмалар ва эгри чизиқлар ўрганилади. **Проекцион** Ч. да нуқта, тўғри чизиқ, текис шакллар, геометрик жисмларнинг тасвирларини ясаш ва уларнинг ўзаро вазиятига оид масалалар, аксонометрик тасвирлар ва б. кўрилади. **Машинасозлик чизмачилигида** чизмаларнинг турлари, кўринишлар, қирқимлар, кесимлар, резьбалар ва б., **қурилиш чизмачилигида** эса бино қисмлари, санитария техникаси буюмларининг шартли белгилари ҳамда бино ва иншоотларнинг чизмалари ўрганилади.

ЧИЗМАЧИЛИК АСБОБЛАРИ — чизма, карта, схемаларни қалам ёки тушда чизиш учун ишлатиладиган асбоб ва буюмлар. Асосийлари: чизмачилик тахтаси ва унга ўрнатилиб, тахтанинг исталган ерида тўғри чизиқлар ўтказиш-



Чикризов Г. С.

га имкон берадиган чизма машиналари; параллел, оғма ва перпендикуляр чизиқлар чизиладиган рейсшина, гўниялар ва турли чизғичлар; *готовальня;* эгри чизиқлар чизиладиган лекалолар, эллипсограф, гиперболограф, коникографлар; ёзувларни бажариш учун мўлжалланган шаблонлар, трафаретлар, махсус перолар, шиша найчалар; *транспортир* ва б. Чизмачилик ишларини енгиллаштирадиган турли автоматик машина ва асбоблар яратиш устида тадқиқот ишлари олиб орилмоқда.

ЧИЗМАЧИЛИК ҚОҒОЗИ — чизмалар қаламда ёки акварелда чизиладиган силлиқ, қалин оқ қоғоз. Ч. қ. рулонларда ёки В ва О маркада (варақ) кўринишида ишлаб чиқарилади. В маркалиси юқори сифатли бўлиб, узоқ вақт сақланадиган, эритилган бўёқларда бўяладиган муҳим чизмалар чизиш учун, О маркалиси оддий қоғоз бўлиб, тушда ҳамда қаламда чизиладиган ҳар қандай чизмаларни чизиш учун мўлжалланган. Қоғознинг силлиқ томонига чизма, ғадир-будур томонига расм чизилади. Миллиметрли квадратларга бўлинган юпқа қоғоз (миллиметровка) ва *калька* ҳам Ч. қ. га киради.

ЧИЗҒИЧ — қ. *Линейка.*

ЧИЙ — қамиш поясидан тўқиладиган маҳаллий қурилиш материали. Асосан, шипга ишлатилади. Шипга қоқилиб, устидан алебастр, ганч ёки бошқа қоришма б-н сувалади. Бундай шип чий лампа деб аталади. Ч. уйрўзғор ва хўжаликнинг бошқа соҳаларида ҳам (мас., ипак қурти боқишда таг тўшама сифатида) ишлатилади.

ЧИЙИЛДОҚ БАЛЧИҚЧИЙ (Actitis hypaleucos) — балчиқчилар туркумининг ржанкалар оиласига мансуб қуш. Гавдаси 20 *см* ча, оғирлиги 43—75 *г*. Усти кул ранг қўнғир, яшил тусда товланади, қорни оқ. Қанотида оқ йўллари бор. Чучук (айниқса, оқар) сув ҳавзаларининг қум-тошли қирғоқларида яшайди. Чийиллаб учиб юради (номи шундан). Уясини ерга ясаб, 4—6 тухум қўяди ва нари ҳамда модаси навбат б-н 21—23 кун босади. Европа, Осиё ва Шимолий Африкада тарқалган. Урта Осиёнинг чўл ва Амударё ҳамда Сирдарё атрофидаги баъзи текисликларидан бошқа ҳамма жойларида учрайди. Асосан, майда умуртқасизлар б-н овқатланади.



Чийилдоқ балчиқчи.

ЧИКОБАВА Арнольд Степанович [1898. 14 (26). 3, Сачикобао (ҳозирги Цхакаев р-ни]— грузин совет тилшуноси, ГрузССР ФА акад. (1941). Тбилиси ун-тини тамомлаган (1922). Шу ун-т проф. (1933), кавказ тиллари кафедраси мудири (1933—60). Ч. иберий-кавказ тиллари ва умумий тилшунослик бўйича мутахассис. «Грузин тилида содда гап проблемаси» (1928), «Чан(лаз) диалектининг текстли таҳлили» (1942), «Иберий-кавказ тилларида эргатив конструкция проблемаси» (1948, 1-қисм; 1961, 2-қисм), «Умумий тилшунослик» (1935, 1-қисм; 1945, 2-қисм), «Иберий-кавказ тилларини ўрганиш тарихи» (1965) ва б. асарлар муаллифи. 8 томлик грузин тили изоҳли луғатининг (1950—64) бош муҳаррири.

Ч. Берлин ун-тининг фахрий д-ри (1960), Британия филология жамиятининг фахрий аъзоси. М. В. Ломоносов номидаги мукофот (1951), ГрузССР Давлат мукофоти (1971) лауреати. 3—6-чақириқ ГрузССР Олий Совети депутати. 3 марта Ленин ордени, 2 та Меҳнат Қизил Байроқ ордени, «Ҳурмат Белгиси» ордени ва медаллар б-н мукофотланган.

Ас.: Введение в языкознание, М., 1953; Проблема языка как предмета языкознания, М., 1959.

ЧИКАГО — АҚШ даги шаҳар. Иллинойс штатида. Мичиган кўлининг жанубий соҳилида, Буюк кўлларни Миссисипи дарёси б-н боғлайдиган Иллинойс сув йўлининг бошланиш жойида. Муҳим т. й. ва автомобиль йўллари узели. Портининг йиллик юк обороти 50 млн. *т* (1974). Майдони 575 *км*². Аҳолиси (1975) 3,2 млн. киши (33% негрлар). Ч.— иқтисодий мавқеи жиҳатидан АҚШда 2- ўриндаги шаҳар. Йирик саноат, савдо-молия ва маданият маркази. Чикаго молия гуруҳи — АҚШдаги монополистик капиталнинг энг йирик гуруҳларидан.

Саноатининг етакчи тармоқлари: қора металлургия, машинасозлик (жумладан, вагонсозлик, локомотивсозлик, қ. х. машиналари, қурилиш ва транспорт саноати учун ускуналар), полиграфия, электротехника, кимё, нефтни қайта ишлаш, озиқ-овқат (айниқса, гўшт-консерва), тикувчилик. Алоқа аппаратлари, электрон приборлар, радиоприёмник ва телевизорлар, автомашина қисмлари ишлаб чиқариш ривожланган. Ч.— чорва, буғдой ва бошқа қ. х. маҳсулотлари б-н савдо қилинадиган йирик бозор.

Ҳозирги Ч. терр-яси қадимдан индеецларнинг ери бўлган. Шаҳар 19- а. бошида Форт-Дирборн ҳарбий пости ёнида қурила бошлаган. 1833 й. шаҳар статусини олган. 19- асрнинг 40-йилларидан Ч. саноати тез ўсиб, 19- а. охирида АҚШда Нью-Йоркдан кейинги энг катта шаҳарга айланди. Ч.— ишчилар ва демократик ҳаракатларнинг йирик маркази. 1870 й. бу ерда 1-Интернационалнинг секциялари тузилган. 1886 йилда шаҳарда иш ташлаган ишчиларнинг намойиши 1-майни халқаро пролетариатнинг бирдамлик куни деб эълон қилиниши б-н боғлиқ. Ч. да 1919 йили АҚШ Коммунистик партияси ташкил топган. 60—70- йилларда Ч. негрларининг гражданлик ҳуқуқи учун кураш марказларидан.

1871 йилги кучли ёнғиндан сўнг шаҳар замонавий архитектура услубида қайта қурилди. Кўчалари тўғри бурчакли. Кўл соҳилида кенг бульвар ва истироҳат боглари бор. Осмонўпар бинолар —100 қаватли Жон Хэнкок билдинг (1971); дунёда энг баланд (442 *м*) 109 қаватли Сирс-билдинг биноси (1970—74) ва б. лар б-н бир қаторда кулбалар, миллий геттолар («Хитой шаҳри», негрлар яшайдиган «Бронза шаҳри») ҳам кўп.

Ч. да ун-тлар (Чикаго ун-ти ва б.), музейлар, Шедда аквариуми, театрлар, бир неча аэропорт бор.

ЧИКРИЗОВ Григорий Степанович (1894. 1. 5, ҳозирги Куйбишев обл. Ветлянка посёлкаси — 1957. 1. 1, Тошкент)— геолог, геология-минералогия фанлари д-ри (1951), проф. (1952). 1949 йилдан КПСС аъзоси. Тошкентда Урта Осиё Геология-разведка ин-тини тугатган (1931). 1928 йилдан Халқ хўжалиги олий кенгашининг Геология комитети Урта Осиё бўлимида ишлаган. Гидрогеологик қидирув ишлари олиб борган (1928—29). Қиштут-Завран (1930—32), Қизилқия, Шўроб, Кўкёнғоқ (1932—34), Тошқўтон (1938—39), Ангрен (1940—42) ва б. кўмир конларида геология-разведка ишларини ўтказган. Урта Осиё Геология-разведка трестида бош инженер (1936—38). Ўзбекистон Геология бошқармасида бош инженер (1943—45). Шунингдек, ЎзДУ (1938—41), САГУ

(1945—51) да разведка ишларидан дарс берган. 1952 йилдан САГУ нинг палеонтология ва регионал геология кафедраси мудири. Ҳаётининг сўнгги йилларида Урта Осиё палеонтологияси б-н шуғулланган. Илмий ишлари асосан кўмир конлари разведкаси, геологик съёмка ва палеогеографияга бағишланган.

Ч.— Оҳангарон кўмир ҳавзасини очишда қатнашганлиги учун Давлат мукофотига сазовор бўлган (1943); Ленин ордени, Меҳнат Қизил Байроқ ордени ва медаллар б-н мукофотланган.

Ас.: Киштут-Зауранское месторождение ископаемых углей. «Геология Средней Азии», вып. 2, Т., 1935; Опыт газовой съёмки для обнаружения залежей ископаемых углей, скрытых на глубине. «Разведка недр», № 7, Т., 1938.

Ад.: Мухина Л. А., Рыскина Х. В., Григорий Степанович Чикрызов. Труды САГУ, Т., 1958.

ЧИЛ (Perdix perdix)— товуқсимонлар туркумининг қирговуллар оиласига мансуб парранда. Танаси 35 *см* ча. Нарининг оғирлиги 500 *г* ча, модаси 350 *г* ча. Нарининг усти кул ранг қўнғир, қора чизиқчалари, қорнида тақасимон жигар ранг доғи бор. Модаси одмироқ тусда. Европа, Осиёда, Жануби-Ғарбий Сибирь ва Урта Осиёнинг шарқий р-ларида тарқалган. Асосан, дашт ҳамда ўрмонли дашт зоналарда, қиш ва кузда тўда, бошқа вақтларда жуфт-жуфт бўлиб яшайди. Уясини ерга ясайди. 12—20 тухум қўйиб, нари ва модаси навбат б-н 24—25 кун босади. Асосан, ўсимлик маҳсулотлари, баъзан ҳашаротлар б-н овқатланади. Гўшти мазали, овланади. Овчилик хўжаликларида кўпайтирилади.

ЧИЛАНГАРЛИК — майда металл буюмлар (устара, қайчи, газан, бигиз, арра, искана каби иш асбоблар)ни ясаш касби. Қишлик жамиятининг энг қадимги даврларида пайдо бўлган. Ч. буюмлари аввал кустарь ҳунармандчилик усулида ишлаб чиқарилган. Чилангарлар асосан, ўчоқ, дам, бозғон, болға, омбур ва б. асбоблардан фойдаланганлар. Улар сартарошлик, этикдўзлик, кавуш-маҳсидўзлик, тикувчилик ва дурадгорлик касбларига керакли, шунингдек биноқорлик учун ҳам иш қуроллари ясаганлар. Ҳозир Ч. маҳсулотлари, асосан, з-дларининг махсус цехларида кўплаб ишлаб чиқарилмоқда.

ЧИЛДИРМА, чирманда — қ. *Доира.*

ЧИЛЖУГУТ — Қашқадарё обл. Чироқчи р-ни Охунбобоев қ. С. даги қишлоқ. «Москва» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 12 *км*, яқин т. й. станцияси — Яккабоғ (24 *км*). Аҳолиси 873 киши (1974); ғаллачилик, пахтачилик, чорвачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Қашқадарёдан сув ичади. К-з сут-товар фермаси, ўрта мактаб, медпункт бор.

ЧИЛИ (Chile), Чили Республикаси (República de Chile)— Жанубий Американинг жануби-ғарбида жойлашган давлат. Шимолда Перу, шарқда Аргентина ва Боливия б-н чегарадош, ғарбда Тинч океанга туташ. Ч. терр-яси таркибига соҳилга яқин бир неча ороллар, Олов ли Ер о. нинг ғарбий қисми ҳамда Тинч океандаги баъзи ороллар (Пасха о. ва б.) киради. Майдони 756,9 минг *км*². Аҳолиси 10,45 млн. киши (1976). Пойтахти — Сантьяго ш. Маъмурий жиҳатдан 12 область, улар эса 40 провинцияга бўлинган.

Давлат тузуми. 1973 йил 11 сентябрдаги ҳарбий тўнтаришдан сўнг мамлакатда фашизм типидаги режим ўрнатилган. Давлат ва ҳукумат тепасида қуролли кучларнинг 3 тури ва карабинерлар корпуси вакилларидан иборат ҳарбий ҳукумат — хунта туради. Хунтанинг 1974 йил 17 декабрь фармонига кўра генерал А. Пиночет республика президенти ҳисобланади (у ижроия ҳокимиятни, хунта эса асосан қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади). Ч. байроғини *Давлат байроғи* мақоласи жадвалидан кўринг.



Чил.

Табиати. Ч. шимолдан жанубга 4300 *км* га чўзилган, Тинч океан соҳили б-н баланд *Анд тоғлари* орасида жойлашган торгина (эни 15 *км* дан 355 *км* гача) терр-яни ташкил этади.

Рельефида 3 бўйлама минтақалари яққол кўринади: шарқда Андинг Бош Кордильера тоғлари, ғарбда Қирғоқ бўйи Кордильера тизмаси ва тоғ оралиғи ботиғида Бўйлама водий бор. Ч. терр-яси Анд (Кордильера) геосинклиналь бурмали минтақасида жойлашган. Ч. терр-ясида кучли зилзилалар бўлиб туради.


Ч. терр-яси турли фойдали қазилмаларга бой: мис (94 млн. *т* дан зиёд) ва селитра запаслари бўйича Ч. жаҳонда (социалистик давлатлардан ташқари) 1-, молибден запаслари бўйича (2 млн. *т*) 2-, соф олтингугурт бўйича (100 млн. *т*) 3- ўринда; темир рудаси, марганец, кўрғошин, рух, барит ҳамда нефть, газ, кўмир конлари бор. Мис рудаларини қайта ишлаш жараёнида кўп миқдорда молибден, кумуш, олтин, нодир ва тарқоқ элементлар олинади.

Иқлими. Ч. нинг шимолий қисмида (28° ж. к. гача) тропик чўл иқлими (йиллик ёғин 50 *мм* дан кам). Субтропик Урта Ч. нинг (42° ж. к. гача) шимолида иқлим қуруқ (йиллик ёғин 100—200 *мм*), марказида Ўрта денгиз типли, қишда ёмғир ёғади (Сантьяго ш. да йиллига 351 *мм*), жанубида нам субтропик иқлим (йиллик ёғин 2000—2500 *мм*). Ўртача ойлик т-ра шимолида 12—16° дан (июлда) 18—22° гача (январда), марказида 8—20°, жанубида 8—15°. Жанубий Ч. да иқлим мўътадил океан иқлими, ёғин кўп ёғади (йиллиги 3000—7000 *мм*).

Ички сувлари. Деярли ҳамма дарёлари жуда қисқа ва Тинч океан ҳавзасига мансуб. Шимолий Ч. да Лоа дарёсидан бошқа оқар сувлар йўқ. Жанубида эса дарёлар йил давомида серсув. Қор чизиғи мамлакат шимолида 6000 *м*, жанубида 500 *м* баландликда, 46°30′ ж. к. да эса музлик океан сатҳи б-н баравар.

Тупроқ ва ўсимликлари. Шимолий Ч. да тупроқ ва ўсимлик қоплами яхши ривожланмаган; Ўрта Ч. нинг шимоли чала чўл; марказида сур жигар ранг ва жигар ранг тупроқларда ксерофил буталар ўсади. Анд тоғларининг ўрта ёнбағирлари қорақайин ўрмонлари б-н қопланган, ундан юқориси тоғ даштлари. Ўрта Ч. нинг жанубидаги қўнғир ўрмон ва ботқоқли тупроқларда қалин ўрмонлар, Анд тоғларида қорақайин-игна барглиўрмонлар ва альп ўтлоқлари бор. 46° ж. к. дан жанубда субантарктика аралаш ўрмонлари; чекка жанубида ботқоқлашган ўтлоқлар ва торфли ерлар бор.

Ҳайвонот дунёси. Шимолий Ч. да агуарачай тулкиси, пума, судралиб юрувчилар; Ч. нинг жанубида пуду ва уэмул буғулари, бадбуй (америка сассиқ кўзани), сувсар, сув бобри; магеллан тулкиси (кульпео) ва б.; қуш кўп, Патагонияда лама-гуанако, кемирувчилар, туяқуш яшайди. Ч. да 5 миллий парк ва Науэльбута қўриқхонаси бор.


Чили
Арауканы
Пуэрто-Монт
Вальдивия
Темуко
Лос-Анджелес
Чильян
Талька
Консепсьон
САНТЬЯГО
Вальпараисо
Винья-дель-Мар
Мендоса
Сан-Антонио
Сан-Фернандо
Рио-Колорадо
Неукен
Талькауано
Лос-Анджелес
Лас-Плумас
Чубут
Пуэрто-Монт
Пуэрто-Десеадо
Сантьяго
Вальпараисо
Мендоса
Консепсьон
Талькауано
Антофагаста
Такна
Арика
Икике
Ла-Серена
Вальенар
Копьяпо
Чаньяраль
Уаско
Калама
Тальтал
Чаньяраль
Вальенар
Копьяпо
Уаско
Серро-Мерседес
Серро-Гуанако
Серро-Сан-Висенте
Серро-Сан-Педро
Серро-Сан-Франсиско
Серро-Сан-Франсиско
Серро-Сан-Висенте
Серро-Сан-Педро
Серро-Гуанако
Серро-Мерседес



Сантьягодаги Социал таъминот министрлиги биноси. Архитектор Р. Гонсалес Кортес, 1930.

запаси 1,2 млрд. $м^3$, 1975 йили 8,2 млн. $м^3$ ғула ёғоч тайёрланди. Ч. балиқ овлашда Латин Америкасида Перудан кейин 2-ўринда (1975 йилда 1,1 млн. *т*).

Транспорти. Мамлакат ичкарисида юк ташишда автомобиль транспорти етакчи ўринда. Автомобиль йўлларининг узунлиги 92 минг *км* га яқин, жумладан 11 минг *км* қаттиқ қопламли (1974). Т. й. узунлиги 9,8 минг *км*. Автопарклари да 393 минг машина, жумладан 236,8 минг енгил машина бор (1975). Ташқи савдо оборотининг 90% и денгиз транспортига тўғри келади. Денгиз савдо флотининг тоннажи 459 минг брутто *рег. т* (1975). Муҳим денгиз портлари (юк оороти млн. *т*. 1972); Уаско (4,2), Вальпарансо (4), Кальдера (1,4), Қокимбо (1,3), Токопилья (1) ва б. Авиатранспорти ривожланган.

Ташқи савдоси. Четга мис, темир рудаси, селитра, йод, целлюлоза ва қоғоз, қ. х. маҳсулотлари чиқарилади; четдан озиқ-овқат маҳсулотлари, машина ва транспорт ускуналари, ёқилғи, кимёвий буюмлар келтирилади. Асосан Япония, ГФР, АҚШ, Буюк Британия, Аргентина, Бразилия, Экуадор б-н савдо қилади.

Пул бирлиги — песо, 19,82 песо 1 АҚШ долларига тенг (1977). Ч. Шимолий, Марказий ва Марказий-Жанубий иқтисодий-географик р-нларга бўлинган.

Қуролли кучлари қуруқликдаги қўшинлар, Ҳарбий-Ҳаво кучлари ва Ҳарбий-Денгиз кучларидан иборат. Олий бош қўмондон — президент, бевосита раҳбарликни ҳарбий хунта амалга оширади. Қуролли кучларнинг умумий сони 85 минг кишидан зиёд (1978), бундан ташқари 30 минг ички қўриқлов қўшинлари (карабинерлар) бор. Армия ҳарбий хизмат ҳақидаги қонун асосида комплектланади, хизмат муддати 12 ой. Офицер кадрлар турли ҳарбий билим юртлари, 3 академия (қўшин турлари бўйича) ва ҳарбий-политехника академиясида тайёрланади. Асосан АҚШ қуроллари б-н қуролланган.

Соғлиқни сақлаш. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра 1974 йили минг аҳоли ҳисобидан туғилиш 25,4, ўлим 7,4 нафарни ташкил этган. Ўртача умр 62,6 ёш.


Ч. да юқумли ва юрак-томир касалликлари, хавфли ўсмалар тарқалган. Соғлиқни сақлаш марказий органи — Соғлиқни сақлаш министрлиги. 1975 йилдан янги Соғлиқни сақлаш хизмати миллий системаси жорий қилинган. Хусусий даволаш практикаси кенг қўлланилади. 1974 йили 37,2 минг ўринли 295 касалхона (минг аҳолига 3,6 ўрин), жумладан 35,4 минг ўринли 256 давлат касалхонаси бўлган. 4,3 минг врач (2,4 минг аҳолига 1 врач), 1,4 минг тиш врачи ва 22 мингдан зиёд медицина ходими ишлаган. Врачлар ун-тларининг 6 медицина ф-тларида тайёрланади.

Ветеринарияси. Ч. да ҳайвонларнинг сил, бруцеллёз, куйдирги, эмфизема карбункули, сальмонеллёзлар, лептоспироз, оқсил, фасциолёз, эхинококкоз, трихинеллёз ва б. қатор юқумли касалликлар тарқалган. Ветеринария мутахассислари Чили ун-тининг ветеринария ф-тида ва хусусий ветеринария мактабида тайёрланади. Мамлакатда 1157 ветеринария врачи (1976, фақат давлат хизматидаги врачлар) бор.

Маорифи. 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган болаларга 8 йиллик мажбурий таълим жорий қилинган. Бошланғич (асосий) мактаб 8 йиллик. Унинг асосида 4 йиллик ўрта умум таълим мактаблари, 4 йиллик ҳунар-техника мактаблари ва 4 йиллик педагогика билим юртлари ишлайди. 1975/76 ўқув йилида асосий мактабларда 2,5 млн. ўқувчи, 1975/76 ўқув йилида барча типдаги ўрта мактабларда 448,9 мингдан зиёд ўқувчи таълим олди. 1975/76 ўқув йили 8 ун-тда (уларнинг 6 таси хусусий) 108 минг студент ўқиди. Йирик ун-тлари: *Чили университети*, Сантьягодаги Давлат техника ун-ти (1947), Сантьягодаги Қатолик ун-ти (1888); 3 олий колледж, консерватория ва Амалий санъат мактаби, 18 кутубхона (энг йириги Ч. миллий кутубхонаси, 2 млн. асар) ва йирик музейлар бор.

Илмий муассасаларининг аксарияти Сантьягода. Мамлакатда фан-техника соҳасида сиёсатни планлаштирувчи давлат муассасаси — фан ва техника бўйича Миллий Комиссиядир (1966; 1969 йилда қайта ташкил этилган). Давлат илмий тадқиқот муассасалари — обсерватория, тармоқларига эга бўлган метеорология хизмати (1884), имлий станциялар, Чили бактериология ин-ти (1929). Ҳарбий география ин-ти (1922), География, геодезия ва геофизика миллий комитети (1955), Ҳарбий-денгиз флоти Гидрография ин-ти (1874), Геология ин-ти (1957), Чили Антарктика ин-ти (1963), Ядро энергиясини тадқиқ этиш Миллий маркази ва б. Хусусий илмий тадқиқот муассасалари—Вальпарансо океанография ин-ти (1945), Лебу илмий ин-ти (1945; арауканлар ва б. тарихи бўйича тадқиқотлар олиб борилади) ва б. илмий тадқиқот ин-тлари ва илмий жамиятлар, Чили академияси (1885), Чили табиий фанлар академияси (1926), Чили тарих академияси (1940), Чили ФА (1964) ва б. бор. Илмий ишлар асосан Чили ун-ти системасида, Ч. Қатолик ун-тида ва б. олиб борилади.

Матбуоти, радио, телевидениеси. 1977 йили Ч. да 70 га яқин кундалик газета (умумий тиражи 800 минг нусха) нашр этилди. 1973 йили ҳарбий хунта ҳокимияти ўрнатилганидан сўнг барча прогрессив газета ва журналлар тақиқланди, радиостанциялар ёпилди. Сантьягода чиқадиган йирик кундалик газеталар: «Меркурио» 1900 йилдан, «Меркурио» газета трести Вальпарансо, Антофагаста ва б. шаҳарларда худди шу номда газеталар, 1931 йилдан «Сегунда» оқшомги, 1902 йилдан «Ультимас нотисиас» газеталарини нашр этади; «Терсера де ла ора» (1950 йилдан), Ҳарбий-Ҳаво кучлари органи «Патрия» (1973 йилдан), ҳарбий хунтанинг расмий органи. «Веа» (1939



Вальпарансо порти.

йилдан) ва «Эрсилья» (1934 йилдан) ҳафталик журналлари, «Ке паса» ҳафталик католик журнали, «Менсахе» ойлик журнали (1944 йилдан) нашр этилади. ЧКП органи «Унидад антифасиста» газетаси, ЧКП МҚ назарий органи «Принсипиос» журнали яширин нашр қилинади; Орбе информацион агентлиги 1953 йили ташкил топган (хусусий). Радиоэшиттиришлар 20-йиллардан, телекўрсатувлар 1959 йилдан бошланган. 1977 йили 20 дан зиёд телестанция ишлади.

Адабиёти. Ч. ни Испания босиб олгандан бери адабиёти испан тилида ривожланмоқда. Испаниялик А. де Эрсилья-и-Суньига (1533—94) нинг «Араукана» поэмаси (1—3 қисмлар, 1569—89) 16-асрда яратилган энг йирик асар ҳисобланади (унда арауканларнинг мустамлакачиларга қарши қаҳрамонона кураши акс эттирилган). Креоллар фольклори испан халқ поэзияси асосида шаклланган. Америкадаги Испания мустамлакаларининг мустақиллик учун кураши (1810—26) даврида публицистика асосий жанр бўлиб қолди. Мустақилликка эришилгач (1818), нисбатан барқарор сиёсий ҳаёт туфайли Латин Америкаси мамлакатларидаги кўпгина адиблар Ч. да яшаб ижод этдилар.

Жамоат арбоби, олим, адиб Х. В. Ластаррия (1817—88) Адабиёт жамияти ташкил этиб (1842), миллий адабиётни яратиш вазифаларини кўрсатиб берди. Ч. да капитализм ривожланиши б-н 19-аср ўрталарида танқидий реализм майдонга келди [А. Блест Гана (1830—1920), «Чили инсоний комедияси» романлар цикли; Д. Баррос Грес (1834—1904) ва Л. Оррего Луко (1886—1948) «Катта уй» романи]. 20-аср бошларида прозада буржуа жамиятининг ижтимоий ва ахлоқий танқидига бағишланган асарлар («шаҳар романи») яратилди. Айни пайтда табиат ва қишлоқ ҳаётини тасвирлашга асосий эътибор берган креолистлар оқими пайдо бўлди. 20-асрнинг 20-йилларида кўпроқ поэзия ривожланди. 30-йилларда йирик шоир П. *Неруда* ижоди чуқур эволюцияни бошидан кечирди.

Халқ фронтининг биринчи ҳукумати давлат тепасига келгач (1938), адабиётда ижтимоий масалаларга эътибор кучайди: Н. Гусман (1914—64) нинг «Қон ва умид» (1943), Д. Муньос (1903 йилда туғ.) нинг «Кўмир» (1953), Г. Сентено (1912—62) нинг «Селитра» (1954) ва б. пролетар ҳаётига бағишланган асарлари яратилди. Халқ бирлиги ҳукумати давридаги синфий кураш акс эттирилган муҳим роман Г. Атиаснинг «Пуллар оқди» (1972) асаридир. 70-йилларда воқеликни ҳужжатли акс эттиришга эътибор ошди. Фашистлар исёни (1973 йил, сентябрь) Ч. адабиётининг ривожини тўхтатиб қўйди, прогрессив адиб ва шоирлар, ноширлар таъқиб остига олинди. Мамлакатни ташлаб кетишга мажбур бўлган адиблар ўз асарларида Ч. фожиасини акс эттирмоқдалар (А. Скармет, «Тушимда ёнаётган қор», 1975).

Архитектураси ва тасвирий санъати. Индеецларнинг, айниқса мамлакатнинг шимолида яшовчи индеецларнинг қадимий маданияти Перунинг ривожланган маданиятлари б-н боғлиқ. Қалъалар ва баланд тош девор б-н ўралган қишлоқлар ҳаробалари, турли шаклларда ясалган ва расм солинган сопол идишлар, металл тақинчоқлар сақланиб қолган. 16-асрдан фортлар, шаҳарлар, черковлар қурилди. Диний мазмундаги деворий расм ва ҳайкалтарошлик асарлари яратилди. 18—19-асрнинг бошларида *барокко* ва *классицизм* услубларида черков ва саройлар бунёд этилди, манзара рассомлиги, ҳайкалтарошлик, портрет, гравюра кенг тарқалди. 20-аср бошларида архитектурада «модерн», 20-аср ўрталаридан замонавий архитектура принциплари қарор топди, рассомлик ва графикада модернистик тенденциялар б-н бир қаторда реалистик санъат ҳам ривожланди. Ҳайкалтарошликда монументал шаклларга аҳамият берилди, қадимий анъаналар тикланди.

Музикаси. Ч. нинг қадимги музика маданиятини туб жой аҳолиси авлодлари (асосан арауканлар) сақлаб келмоқдалар. Креол халқ музикаси аргентин музикасига яқин. Асосий музика асбоблари, гитара, арфа, гиттарон. Профессионал музика санъати мустақиллик учун кураш йилларидан бошлаб ривож топа бошлади. 1827 йилда Сантьягода филармония жамияти ташкил этилди, 1849 йилда музика мактаби (1851 йилдан консерватория) очилди. Музикали спектакларни ҳам намойиш этувчи театр ташкил қилинди («Театро муниципаль», 1857). Асосий музика коллективлари ва муассасалари Сантьягода.


Балети. Ч. балети мустақил санъат тури сифатида 20-асрнинг 40-йилларидан ривожлана бошлади. 1945 йилда балет труппаси (1957 йилдан Ч. Миллий балети) ташкил топди. 1951 йилда биринчи миллий балет «Уйқу остонаси» саҳнага қўйилди. 1949 йилда Сантьягода муниципал театр ҳузурида Замонавий балет санъати труппаси ташкил топди (1965 йилдан Муниципал балет). Муниципал театри қошида балет мактаби (1949), «Пукара» фольклор ансамбли тузилди. 1969 йилда Маориф министрлиги қошида «Навқирон балет» мактаби ва труппаси ташкил қилинди. 1970 йилда Миллий фольклор балети ташкил этилди. Бошқа шаҳарларда ҳам балет труппалари тузилди. Ҳарбий-фашистик тўнтаришдан сўнг кўпгина прогрессив балет арбоблари чет элларга кетди.

Драма театри сарчашмалари Ч. терр-ясида яшаган индеецларнинг рақс ва маросимларидан бошланади. 17—18-асрларда иезуитлар черков байрамларида диний сюжетларда томошалар кўрсатган. 1709 йилда Сантьягода биринчи театр биноси қурилди. 1815 йилда Сантьягода «Колисео» театри очилди. Ч. мустақилликка эришгач (1818) Сантьягода «Рамада» театри ишлай бошлади, миллий драматургия асарлари саҳнага қўйилди. 1842 йилда Ч. ун-ти қошида театр (1857 йилдан Муниципал театр) ташкил этилди. 20—30-йилларда театр санъатида юксалиш кўзга ташланди. 1941 йили Чили ун-тида экспериментал театр (1959 йилдан Театр ин-ти) пайдо бўлди. 1946 йилда профессионал ва ҳаваскорлар труппаларидан К. С. *Станиславский* системасини қўллашга ўтган. Мустақил театр ташкил топди. 1950—60-йилларда Ч. да театр фестиваллари ўтказилиб турилди. Халқ бирлиги ҳукумати давридa ҳаваскорлик театрлари кенг қулоч ёйди (500 га яқин труппа ишлади). Ҳарбий тўнтаришдан сўнг театр санъати инқирозга юз тутди.

Киноси. 1907 йилда биринчи ҳужжатли фильм яратилди. 1910 йилларда Сантьяго ва Вальпарансода 4 та кино фирмаси ишлай бошлади. 1934 йилда Ч. нинг биринчи овозли фильми («Шимол ва Жануб», реж. Х. Делано)



Чили. Сантьягодаги Санго-Доминго черкови. Х. Тоэска-и-Ричи. 19-аср бошлари.



А. Пратга қўйилган ёдгорлик. 1920-йиллар. Сантьяго.



Л. Э. Рекабаррен ҳайкали. С. Роман Рохас. Сантьяго.



Эрмасилья Альварес. «Кекса Тойо». Линолеумга ишланган гравюра. 20-аср ўрталари.

яратилди. 1941 йили «Чиле-фильм» фирмаси қурган киностудияда 1944—46 йилларда йилига 12—14 фильм яратилди. 40-йилларнинг охирларидан Америка фильмлари кўплаб намойиш этила бошлади.

50-йилларнинг охирларидан кино санъати ривожида янги давр бошланди. 1957 йилда Сантьяго ун-ти ҳузурида Кино ин-ти ташкил этилди, унда ҳужжатли фильмлар ишлаб чиқарилди. 1960 йилда экспериментал киномарказ ва синематика ташкил қилинди.

Халқ бирлиги ҳукумати даврида «Чиле-фильм» давлат студияси ишлади. Латин Америкаси киносининг олтин фондига кирган «Уртоқ президент» (1970, реж. М. Литтин), «Овоз ва милтиқ» (1971, реж. Э. Сото), «Гувоҳлар» (1971, реж. К. Эльсессер) каби фильмлар яратилди. Сальвадор Альенде ҳукумати даврида 13 бадиий, 150 ҳужжатли фильм суратга олинди, 310 кинотеатр (3 таси кенг форматли) ишлади. Ҳокимиятни ҳарбий хунта эгаллагач, прогрессив кино арбоблари таъқиб этилди, кўплари чет элларга кетди. Кино экранларини яна АҚШ фильмлари эгаллаб олди.

Ад.: Программные документы коммунистических и рабочих партий стран Америки, М., 1962; Корвалан Л., Путь победы, (Пер. с исп.), М., 1971; Альенде С., История принадлежит нам. Речи и статьи. 1970—1973, (Пер. с исп.), М., 1974; Очерки истории Чили, М., 1967; Кудачкин М. Ф., Чили: борьба за единство и победу левых сил, М., 1973; Кастильо Р., Уроки и перспективы революции в Чили, Прага, 1974; Королев Ю. Н., Чили: революция и контрреволюция, М., 1976; Никитин М. С., Чили некоторые аспекты экономического развития, М., 1972; Алегриа Ф., Горизонты реализма, М., 1974; Художественное своеобразие литератур Латинской Америки, М., 1976; Полевой В. М., Искусство стран Латинской Америки, М., 1967; Культура Чили, М., 1968; Музыкальная культура стран Латинской Америки, М., 1974; Новикова Л. С., Из истории чилийского кино, «Культура Чили» тўпламида, М., 1968.

ЧИЛИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ (ЧКП; Partido Comunista de Chile), Социалистик ишчи партияси (1912 йилда тузилган)нинг Ранкагуа ш. да бўлиб ўтган 4-съезди (1922) да ташкил топган. Партияни тузишда Л. Э. Лафферте муҳим роль ўйнади. ЧКП кейинчалик Халқ фронти (1936—41) ни тузиш ташаббускорларидан бири бўлди. Халқ фронти кандидати П. Агирре Серда 1938 йилги президент сайловларида ғалаба қозонди. 1946 йили коммунистлар ҳукумат таркибига кирдилар, бироқ 1947 йили президент Г. Гонсалес Видела коммунистларни ҳукуматдан чиқариб, 1948 йил сентябрда ЧКП, тараққийпарвар касаба союзлари ва б. демократик ташкилотларни тақиқловчи қонун чиқарди. Яширин шароитда партия бошқа сўл кучлар б-н биргаликда Чили меҳнаткашларининг Бирлашган касаба союзларини (1953), антиимпериалистик платформадаги Коммунистик, Социалистик ва бошқа қатор партияларни бирлаштирган Халқ ҳаракати фронти (ХҲФ)ни тузиш (1956) га муваффақ бўлди. 10-съезд (1956 йил апрель) партия ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Съезд мамлакатни империализм ва йирик маҳаллий капиталдан озод қилишнинг тарихан зарурлигини қайд қилди. ЧКП нинг 12-съезди (1962 йил, март) халқ томонидан сиёсий ҳокимиятни қўлга олиш ва халқ ҳукуматини тузиш шиорини илгари сурди.

1969 йил декабрида ЧКП ва бешта бошқа сўл партия ҳамда ташкилотлар ҳокимиятни қўлга олиш учун биргаликда курашиш, чет эл империализми ҳукмронлигини тугатиш ва кейинчалик социализм қурилишига ўтишни кўзда тутган Халқ бирлиги пактини тузишди. 1970 йилги (сентябрь) президент сайловларида Халқ бирлиги иттифоқининг кандидати социалист *Сальвадор Альенде* ғалаба қилиб, ноябрь ойида президент бўлди ва таркибига компартия вакиллари ҳам кирган ҳукуматни тузди. ЧКП халқ оммасини Альенде ҳукуматини қўллаб-қувватлашга сафарбар қилди. 1973 йилги парламент сайловларида ЧКП вакиллари депутатлар палатасида 25 кишига, сенатда эса 9 кишига кўпайди.

1973 йил 11 сентябрда мамлакатда фашистик диктатура ўрнатилди. ЧКП ва б. барча партиялар (Халқ бирлиги, касаба союз ва б.) тақиқлаб қўйилди. ЧКП Бош секретари Л. Корвалан ва партиянинг бошқа кўпгина раҳбарлари қамоққа олинди. 1977 йил февралида Совет халқи, бошқа социалистик мамлакатлар ва тинчликсевар кучларнинг қатъий талаби б-н Л. Корвалан озод қилинди.

ЧКП делегацияси Халқаро Коммунистик ва ишчи партияларининг Қенгаши (1957, 1960, 1969, Москва)да қатнашган.

ЧКП демократик централизм асосида тузилган. Партиянинг олий органи — съезд, съездлар орасида раҳбарликни Сиёсий комиссия ва Секретариатдан иборат Марказий Комитет олиб боради. ЧКП МК органи — «Сигло» («El Siglo») газетаси, назарий ва сиёсий органи — «Принсипиос» («Principios») журнали.

ЧИЛИ УНИВЕРСИТЕТИ — Чилидаги йирик давлат олий ўқув юрти. Сантьягода. 1738 йили ташкил топган. 1843 йилдан Ч. у. деб аталади.

Халқ бирлиги ҳукумати даври (1970—73) да ун-тни демократлаштириш ишлари олиб борилди. 1973 йили ҳокимиятни ўз қўлига олган ҳарбий хунта Ч. у. нинг тараққийпарвар студентлари ва ўқитувчиларини таъқиб остига олди.

Ун-тда физика ва математика, кимё ва фармацевтика, табиий фанлар, 4 медицина, стоматология, агрономия, ветеринария, ўрмончилик, архитектура, педагогика, музика, гуманитар, нафис санъат, фалсафа ва адабиёт, ҳуқуқ ва ижтимоий фанлар, иқтисод ф-тлари, кутубхона ва б. муассасалари бор (1977). 1976/77 ўқув йили 64 мингга яқин студент таълим олди, 16 минг 800 ўқитувчи ишлади.

ЧИЛИЛАР — миллат, Чилининг асосий аҳолиси. Умумий сони 10 млн. киши (1975). *Испан тили*да гаплашади. Қатолик динига эътиқод қилади. Ч. испан истилочиларининг маҳаллий индеецлар (*арауканлар*, диагитлар, атакаменько ва б.) б-н сингишиб кетиши натижасида таркиб топган (Ч. нинг тарихи, экономикаси ва маданияти ҳақида *Чили* мақоласига қ.).

Ад.: Народы Америки, т. 2, М., 1959.

ЧИЛИМ — тамаки чекиладиган асбоб. Қадимдан Урта Осиёда, шунингдек, Туркия, Эрон, Ҳиндистон, Хитой, Афғонистонда кенг тарқалган. Асосан, қовоқнинг алоҳида навидан, баъзан, металл (мис, бронза, кумуш ва б.) дан тайёрланади, турли усулларда безатилади. Ҳозир кам қўлланилади. Тузилиши: ичига сув солинадиган идиш, унга уланган икки най (қамиш ёки ёғочдан), тик ўрнатилган найча қўйиладиган сархона каби қисмлардан иборат. Ч. чекиш киши соғлиғи учун ўта зарарли (қ. *Чекиш*).

ЧИЛКАКЛИК (Ammoperdix griseogularis) — қирғовуллар оиласига мансуб қуш. Вазни 200 *г* ча. Нари кул ранг сарғиш пушти тусда. Бўкинида жигар ранг ва қора йўллари бор; пешанаси ва кўзининг атрофи ҳам қора. Тумшуғи қизғиш, оёғи бўғиқ сариқ. Модаси одмироқ. Асосан, Покистон, Ироқ, Эрон ва Афғонистонда тарқалган. Урта Осиёда Копет-Доғ ҳамда Туркманистоннинг жанубида, Каспийнинг шарқий қирғоқлари ва Устюртда, Тожикистонда учрайди. Чўл атрофидаги қоятошли жойларда яшайди. Уясини ерга ясайди. 8—16 тухум қўяди. Усимлик уруғи, куртаги, баъзан ҳашаротлар б-н овқатланади. Овланади.

ЧИЛЛА (форс-тож. چله — қирқ) — 1) кишилар ҳаётидаги баъзи ҳодиса-ҳолатларнинг энг оғир, хатарли ёки масъулиятли даврини англатувчи тушунча. Ч., одатда, 40 кун ҳисобланади. Асосан қишнинг энг совуқ (25 декабрь — 5 февраль) ва ёзнинг энг иссиқ (25 июнь — 5 август) пайтларига нисбатан, шунингдек она ва унинг чақалоги ҳаётининг туғруқдан кейинги ва келин-куёв турмушининг никоҳдан кейинги илк даврларига нисбатан қўлланилади. Утмишдаги хурофий одатлар келин-куёвнинг, фарзанд кўрган аёл ва чақалоғининг Ч. сида уларни гўё ғайри табиий кучлар (ёмон руҳ, алвасти, жин, ажина, «ёмон кўз» ва б.) дан сақлашни тақозо қилган. Мас., Ч. ли келинчак учун фарзанд кўрмайдиган аёллар б-н учрашиш хатарли ҳисобланиб, «туғмас аёлнинг қисмати ёш келинга ўтиб қолиши мумкин» деб тушунилган. Фарзанд кўрган аёл ва чақалоғи Ч. даврида турли «инс-жинслар» ва касалликлардан эҳтиёт қилинган. Чақалоқ туғилгач, учинчи куни унга қўйлакча (Ч. кўйлак) тикиб кийгизилган; кўйлакча Ч. ўтмагунча ечилмаган. Ҳозирги замон илмий медицинаси нуқтаи назаридан ҳам, аёл организмининг туғруқдан сўнг тўла аслига қайтиши ва чақалоқнинг нормал физиологик ўсиш йўлига тушиб олиши учун орада 6—8 ҳафта ўтиши лозим (қ. *Чилла даври*); 2) зоҳидларнинг ташқи дунёдан ажралган ҳолда бир жойда қирқ кунгача қиладиган тоат ибодати. Ч. ўтириш, одатда, қурбон ҳайити олдидан бажарилган (қ. *Зоҳидлик*).

ЧИЛЛА ДАВРИ — *туғруқ*дан (йўлдош тушгандан бошлаб) кейинги 6—8 ҳафтагача бўлган давр. Халқ табобатида Ч. д. 40 кун ҳисобланиб, шундан 20 куни кичик чилла, 40 куни катта чилла дейилади. Илмий медицинада туғруқдан сўнг аёл организмининг тўла аслига қайтиши ҳисобга олиниб, нормал Ч. д. учун 56 кун, оғир кечган, асорат б-н ўтган туғруқдан кейинги Ч. д. учун 70 кун белгиланган.

Ч. д. да *ҳомиладорлик*, туғруқ даврида аёл организми (орган ва системалари)да содир бўлган физиологик ўзгаришлар аслига қайтади (*инволюция*). Ч. д. нинг 1—2-куни бачадон туби киндик рўпарасида (қовдан 12 *см* юқорида) туради. Ч. д. нинг 10—12 куни даромида бачадон қисқариб, туби одатдагича қов суяги ортига ўтади. Ч. д. нинг дастлабки кунлари бачадон оғирлиги 1000 *г* бўлса, 8-ҳафта охиригача камайиб, 50—60 *г* га тушади. Бачадон бўйнининг ички тешиги туғруқдан 10 кун кейин, ташқи тешиги 3-ҳафтада беркилади. Бачадон қисқараётган даврида шиллиқ қавати ҳам тикланиб, аста-секин бачадон ички юзасини қоплаб боради. Ч. д. нинг 3-ҳафтасига келиб, бачадоннинг эпителий қавати тўла тикланади. Бу жараён тугаллангунга қадар туғруқ вақтида бачадон ички юзасида ҳосил бўлган кенг жароҳатлардан Ч. д. га хос чиқинди — лохиялар келиб туради. Лохиялар Ч. д. нинг 3—4-куни қойил, қип-қизил бўлиб, кейин оқаради ва камаяди, 5—6 ҳафтага бориб тўхтайди. Ч. д. да қин (дилоқ) тонуси тикланади, ташқи жинсий аъзолар, қин ва бачадон бўйнининг чақаланган, йиртилган, шилинган жароҳатлари битади. Бачадоннинг чўзилган бойламлари секин-аста калталаниб, бачадон найлари ва тухумдонлар одатдаги ҳолига келади.


Ч. д. нинг 2—3-куни *сут безлари*дан сут (туғруқнинг 15—18 кунигача *оғиз сути*, кейин одатдаги сут) ажрала бошлайди (қ. *Лактация*). Нормал ўтаётган Ч. д. да чиллали аёлнинг умумий аҳволи яхши: *пульси* текис, тўла, баъзан сийрак (физиологик брадикардия), артериал босими ва гавда т-раси нормал ёки норма доирасида (гоҳо янги бўшаган аёл т-раси бир оз кўтарилиши ҳам мумкин) бўлади. Ч. д. да ташқи жинсий аъзолар ва сут безларини ҳар куни тозалаб туриш, *асептика, антисептика* қоидаларига қатъий риоя қилиш зарур. Чунки аёл жинсий йўлларидаги туғруқ жароҳатлари, кўкрак сўрғичидаги ёриқлар орқали организмга инфекция кириши ва *чилладаги септик касалликлар* ривожланиши мумкин.

Ч. д. да соғлом аёлларга туғруқнинг 2-куниданоқ организмни бақувватлаш, бачадон қисқаришини тезлаштириш мақсадида махсус гимнастика машғулотлари комплекси белгиланади. Ч. д. нинг 1—2-куни соғлом аёлга осон ҳазм бўладиган овқатлар (сут, манний бўтқаси, қаймоқ, қандли чой, кофе), 3-кундан бошлаб одатдаги калорияли (3000—3200 *кал*) сервитамин овқатлар тавсия қилинади. Ч. д. да аёл аччиқ, шўр, ўткир дориворли ва бадҳазм таомлар истеъмол қилмаслиги, спиртли ичимлик ичмаслиги керак. Нормал кечаётган Ч. д. нинг 6—7-куни туққан аёл туғруқхонадан чиқарилади. Гавда т-раси юқори, шамоллаган, йирингли тери касаллиги ва б. инфекцион касаллиги бор аёллар туғруқхонанинг махсус бўлимига ётқизилади.

Ад.: Коган А. А., Нормальный послеродовой период, «Многотомное руководство по акушерству и гинекологии», т. 2, кн. 2, М., 1963; Бодяжина В. И. Акушерлик, (Дарслик), Т., 1971.

ЧИЛЛА ЯРА — гўдакларда учрайдиган тери касаллиги (қ. *Экзема*).

ЧИЛЛАДАГИ СЕПТИК КАСАЛЛИКЛАР — *чилла даври*да учрайдиган инфекцион касалликлар. Қўпроқ стафилококк, стрептококклар, гоҳо ичак таёқчаси, газли гангрена таёқчалари, гонококк ва ҳ. к. қўзғатади. Қўзғатувчилар жинсий йўлларга аксарият оғир кечган туғруқда (айниқса, операция қилиб туғдиришда) вужудга келган жароҳатлар орқали, шунингдек нормал туғруқ вақтида юзага келган (йўлдош кўчгандан сўнг бачадоннинг ички юзаси, бачадон бўйни, қин ва оралиқнинг шилинган, йиртилган, эзилган жойлари) шикастлардан киради. Микроблар жароҳат юзасига ташқи (экзоген инфекция) ва ички (эндоген инфекция) йўллар б-н (мас., стерилланмаган қўл, парвариш буюмлари, кийим-кечак, ҳаво орқали ҳамда аёл организмида мавжуд микробларнинг ташқи жинсий аъзолардан, шунингдек қон ва лимфа орқали) ўтади. Организмга кирган инфекциянинг таъсири 2—3-кундан кейин намоён бўла бошлайди. Ч. с. к. бошланганда дастлаб жароҳат юзаси яллиғланади. Касалликнинг ривожланиши, авж олиши, микроблнинг кўпайиб тарқалиши аёл организмининг ҳимоя қувватига ҳамда микробларнинг активлигига боғлиқ.



Чилим ва унинг ўтхонаси.



Чилкаклик.

Касалликнинг кечиши ва микробнинг организмда тарқалишига кўра Ч. с. к. нинг 4 босқичи фарқланади. 1-босқичда инфекция фақат туғруқ жароҳати соҳасида чегараланади (чилладаги *эндометрит* ва оралиқ, қин, бачадон бўйнидаги чилла яралар); 2-босқичда (инфекция жароҳат соҳасидан четга чиқади) чаноқ бўшлиғидаги аъзолар зарарланади (*метрит, параметрит,* чаноқ ва сон веналари *тромбофлебити*, бачадон ортиқлари (сальпингоофорит) ва чаноқ пардасининг яллиғланиши (пельвеоперитонит); 3-босқичда сидирға (диффуз) *перитонит* ва авж олувчи тромбофлебит; 4-босқичда септик инфекция бутун организмга тарқалиб умумий септик касалликлар (септицемия ва септикопиемия) (қ. *Сепсис*) пайдо бўлади. Касалликнинг босқичига кўра беморда ланжлик, бош оғриши, пульс тезлашуви, жунжиш, иситмалаш, қалтираш каби аломатлар кузатилади. Баъзи касалликларда туғруқдан сўнг бачадон қисқариши секинлашади ёки бачадондан келадиган суюқлик (лохиялар) тўхтайди ва ҳ. к.

Даво касалликнинг тури ва босқичига қараб белгиланади: антибиотиклар, сульфаниламид ва қувватга киритадиган дори-дармонлар буюрилади. Диффуз перитонит операция қилинади. Олдини олиш тадбирлари аёллар консультацияга учрашгандан бошлаб олиб борилиши керак. Аёллар ҳомиладорликда *аёллар консультациясига* қанча эрта учрашсалар (12 ҳафтагача) септик касаллик шунча кам учрайди. Шунингдек, туғруққоналарда санитария-гигиена режими, асептика ва антисептикага қатъий риоя қилиш, касалликни эрта аниқлаш ҳам Ч. с. к. ни олдини олиш чора-тадбирларидан ҳисобланади.

Ад.: Михайленко Е. Т., Бублик-Дорняк Г. М., Патологическое акушерство. Киев. 1976.

ЧИЛЛАКИ, қизил чиллаки, қора чиллаки, қаршиги — маҳаллий, эртапишар, хўраки узум нави. Тупи ўртача ўсади. Барги кичик (диаметри 10—14 *см*), тўғарак, чуқур кертикли, беш бўлакчали, тўқ яшил, силлиқ. Гули икки жинсли. Узуми июнининг иккинчи ярмида пишади. Узум боши ўртача, 150—250 *г*, конуссимон, тиғиз, ғужуми ўртача, овалсимон, тўқ қизил, эти тиғиз, ўртача ширин, пўсти қалин. Таркибида 14—15% қанд, 3—3,5% кислота бор. Гектаридан 80—100 *ц* ҳосил олинади. Асосан, ҳўллигича ейилади. Замбуруғ касалликларига чидамсиз. Ўрта Осиёда, жумладан Ўзбекистонда Тошкент, Фарғона, Самарқанд областларида кўп учрайди.

ЧИЛЛАШИР (*чилла* ва форс-тож. شیر сут), тропик диарея, спру — тил, меъда, ичак шиллиқ қавати ва кўмикнинг зарарланишидан иборат оғир хроник касаллик. Асосан, субтропик ва тропик иқлимли жойларда учрайди. Ч. ҳаммада, кўпроқ туққан аёлларда *чилла даврида* кузатилади (номи ҳам шундан). Оқсилли моддалар кам, углеводли овқатлар кўп истеъмол қилиниши, иссиқ иқлим шароити ва б. натижасида ичакда турли замбуруғларнинг кўпайиб, бижғиш жараёнининг кучайиши ҳамда витаминлар танқислиги Ч. га сабаб бўлади.

Касаллик секин-аста бошланади (ҳомиладорлик вақтида бошланиши ҳам мумкин). Дастлаб, беморнинг қорни дам бўлиб, оғрийди, қулдирайди, кўп ел чиқади, гавда т-раси нормал ёки баланд, ёхуд паст бўлади. Тўхтовсиз (суткасига 8—10 марта) ич кетади (нажас кўпиксимон, оқ рангда бўлади). Тил қизаради, милк, танглай, оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати ва ютқин яллигланиб, уларда яралар пайдо бўлади. Кўп ич кетиши ичакда сўрилиш жараёнини сусайтиради, ички секреция безлари ва нерв системаси фаолияти ўзгаради, қон ишлаб чиқарилиши бузилиб, камқонлик юзага келади, бемор озади, дармони қурийди.

Давоси: ичак фаолиятини яхшилаш учун юмшатувчи дорилар, В группа витаминлар, табиий меъда шираси, ёғли ва оқсилга бой овқатлар берилади, қон қуйилади. Ч. да беморга анор пўстининг 50% ли эритмасини ичириб, 100—150 *г* пўсти арчилган нон жийда ва 10—15 дона ёнғоқ едириш зарур.

ЧИЛЛИСОЙ — Тошкент обл. даги сой. Узунлиги 35 *км*. Сув сарфи 4 $м^3/сек$. Ч. Бўзсув каналидан бошланадиган Чап Қорасув каналидан сув олади ва Бўка р-нидаги бир неча коллектор (ташлама) сувини қабул қилади. Бўка р-нидаги Свердлов номли, «Ленинобод», «20-партсъезд» к-злари терр-ясидан оқиб ўтади, к-зларнинг экин майдонларини суғоради. Сувининг қолган қисми Сирдарё бўйидаги ботқоқликларга тушади.

ЧИЛОН — Андижон обл. Андижон р-ни Хирабек қ. С. даги қишлоқ. Дзержинский номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 30 *км*, яқин т. й. станцияси — Андижон (48 *км*). Аҳолиси 684 киши (1976); пахтачилик, ғаллачилик, пиллачилик, чорвачилик, боғдорчилик б-н шуғулланади. Қатортол ариғидан сув ичади. Ўрта мактаб, клуб, медпункт бор.

ЧИЛОН — Андижон обл. Марҳамат р-ни Қорабағиш қ. С. даги қишлоқ. Ильич номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 3 *км*, яқин т. й. станцияси — Асака (28 *км*). Аҳолиси 711 киши (1976); пахтачилик, чорвачилик, боғдорчилик б-н шуғулланади. Қирғизариқ, Қаркидон, А. А. Андреев номидаги Жанубий Фарғона каналларидан сув ичади.

ЧИЛОНЖИЙДА, унаби (Zizyphys Mill) — жумрутдошлар (жумрутгуллилар онласи)га мансуб дарахт ёки бута. Осиё, Африка, Шимолий Америка, Австралиянинг тропик ва субтропик р-ларида ўсувчи 40 қа яқин тури маълум; машҳури Хитой Ч. си (Z. jujuba Mill). Экма ҳолда Япония, Покистон, Афғонистон, Хитой ва б. да; СССРда Туркманистон ва Ўзбекистонда учрайди. Кўчати ўтқазилгач, 2—4-йили ҳосилга киради. Дарахти 8—12 *м*, таносининг йўғонлиги 40—60 *см*. Баъзан, 4 *м* ли бута ҳолида ўсади. 100 йилдан ортиқ яшайди. Гектаридан 15—20 *т* ҳосил олинади. Барги тухумсимон, баъзан наштарсимон, ялтироқ, четлари майда арра тишли. Гули ҳидли, икки жинсли, майда, кўкиш. Май-июнда гуллайди. Четдан чангланади. Меваси 1—32 *г* (3—4 *см*), ноксимон ва тухумсимон, қизғиш-жигар ранг, ялтироқ, пўсти қаттиқ. Сентябрь-октябрда пишади. Мағзи оч яшил, оқ, ширин, карсиллайди. Таркибида 20—30% қанд, 0,3—2,5% кислота, 2,8—2,9% оқсил, 1,73% кул моддаси, С, Р ва А витаминлари; илдиз, барг ва пўстида 4—9,5% ошловчи модда бор; шифобахш.

Ч. қурғоқчилик ва совуққа чидамли. Илдиз бачкиларидан, қаламча, пархиш қилиш, пайвандлаш йўли б-н ҳамда уруғидан кўпайтирилади. Меваси ҳўллигича ейилади, қуритилади, консерва қилинади.

Ад.: Тошматов Л., Чилонжийда. Т., 1962; Мирзаев М., Темуров Ш., Боғбонларга эсдалик, Т., 1974.

ЧИЛОНЗОР — Сурхондарё обл. Бойсун р-ни Сайроб қ. С. даги қишлоқ. «Сайроб» с-зи терр-ясида. Адир зонасида, Катта Узбек тракти бўйида жойлашган. Р-н марказидан 52 *км*, яқин т. й. станцияси — Навшаҳар (85 *км*). Аҳолиси 1198 киши (1977); чорвачилик (қоракўлчилик), баҳорикор ғаллачилик б-н шуғулланади. Чилонзор сойидан ва булоқлардан сув ичади. Ўрта мактаб, медпункт бор.

ЧИЛОПЧИН — қўл-бетни ювиш учун ишлатиладиган рўзғор буюми (яна қ. *Дастшўй*).

ЧИЛПИШ, пинцировка — ёш новдалар учини олиб ташлаш. Мевачиликда мевали дарахт (олма, шафтоли, баъзан нок, ўрик) га шакл бериш, новдалар ўсиши ёки дарахтларнинг ҳосил беришини тартибга солиш учун қўлланилади. Ч. да новдада 7—10 барг қолдирилади. Чилпинган новдалар ўсиши вақтинча (15—20 кун) тўхтайди, новдалар яхши пишади, ўсувчи новдалар ҳосил новдаларига айланади. Чилпинган дарахтлар келаси йил баҳорида камроқ буталади.

Эндигина гулга кирган ток новдаларининг учи (1—2 *см*) ҳам чилпинади. Натижада озиқ моддалар шўра ва меваларнинг ривожланишига сарф бўлади. Сабзавотчиликда бодринг (парник ва теплицаларда), бақлажон, брюссель карами, уруғликка экилган лавлаги ва б. ҳам чилпинади.

ЧИЛПИҚ — 6—7-асрларга оид қадимги иншоот қолдиғи. Ч. ни 1940 йили С. П. *Толстов* текширган. Нукус б-н Беруний (Қорақалпоғистон) ш. лари оралиғидаги Султон Увайс тор қоялари устида айлана шаклида қурилган. Атрофи қалин пахса девор б-н ўралган. Бир томонидан кирадиган жой қолдирилган. Харобанинг 6—8 метрча девори сақланган. Ичининг радиуси 12 *м* бўлиб, бутунлай бўш. Харобанинг вужудга келиш тарихи аниқ эмас. Ч. дан ислом дини тарқалмасдан бурунги дафн маросимларига хос ёдгорликлар топилган.

Мутахассисларнинг фикрича, оташпарастлар жасадларни Ч. ичига келтириб ташлаганлар. Маълум вақтдан сўнг жасадларнинг эгалари келиб, суякларни йиғиштириб олиб, махсус хилхоналарга қўйганлар. Ч. оташпарастларнинг дафн маросимига боғлиқ дахма вазифасини ҳам ўтаган.

ЧИЛУЧОР ЧАШМА — *мезолит* даврига оид макон (мил. ав. 8—7-минг йилликлар). ТожССР Шаҳритуз р-нининг ғарбида. 40 дан ортиқ булоқларнинг қўшилиш жойидан топилганлиги учун шу ном б-н аталган. 1953 йили А. П. *Окладников* ўрганган. Ч. ч. маконидан топилган тош қуроллар асосан чақмоқтошдан ясалган бўлиб, учи ўткир тош парракчалар, тўғри тўртбурчак шаклидаги майда тош қуроллар, призма шаклидаги нуклеуслар, қирғичлар ва б. ҳар хил тош парчаларидан иборат. А. П. Окладниковнинг фикрича, Ч. ч. қуроллари *Капса маданиятига* хос қуроллар типига киради.

Ад.: Окладников А. П., Исследования памятников каменного века Таджикистана. «Материалы и исследования по археологии СССР». 1958, № 66. стр.11—77.

ЧИЛШИВУТ — Қашқадарё обл. Чироқчи р-ни Қалқама қ. С. даги қишлоқ. «Восход» с-зи терр-ясида. Р-н марказидан 34 *км*, яқин т. й. станцияси — Яккабоғ (46 *км*). Аҳолиси 1131 киши (1974); чорвачилик б-н шуғулланади. Қудуқлардан сув ичади. Қоракўлчилик фермаси бор.

ЧИЛҲУЖРА (форс-тож. چل حجره — қирқ ва ҳужра) — илк ўрта аср (4-аср охири — 8-аср боши) қўрғони; ТожССР Уратепа р-ни Шаҳристон посёлкасининг жанубида. 1961—66 йилларда қазиш ишлари олиб борилган. Қўрғон тўртбурчак шаклида бўлиб, атрофи қалин девор б-н ўралган, бурчакларга миноралар қурилган, қўрғон ичида *донжон* ва б. иморатлар барпо этилган. Қўрғон пахсадан тикланган. Ч. архитектурасида гумбаз ва равоқлардан фойдаланилган; ички хоналар том б-н *пандус* орқали уланган. Ч. дан деворий расмлар, ёғоч ҳайкаллар, Тожикистон терр-ясидаги энг қадимий музика асбоблари, заргарлик буюмлар, олтин брактеат топилган. Сўғд ёзуви битилган учта тахтача Ч. дан топилган ноёб эпиграфик ёдгорлик бўлиб, у Ч. да ва Ўрта Осиёдаги илк ўрта асрларга оид тарихий область — Усрушонада яшаган аҳолининг тили ва ёзуви тўғрисида қимматли маълумотлар беради.

Ад.: Пулатов У., Чилҳужра. Душ., 1975.

ЧИМ — тупроқнинг кўп йиллик ўт илдизлари, поялари ва илдизпояси ўрами б-н қопланган устки қавати. Таркибида органик модда кўп. Қўриқ ва ўтлоқ ерларда ривожланган бўлиб, нам тўплаш ва шимиш учун хизмат қилади. Ер ҳайдаганда ва мол боқилганда Ч. нобуд бўлса, тупроқ эрозияси рўй беради. Чимли тупроқлар чимқирқар плуг б-н ҳайдалади, дискланади.

ЧИМ — Фарғона обл. Фарғона р-ни Бешбола қ. С. даги қишлоқ. «Москва» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 35 *км*, яқин т. й. станцияси — Фарғона (40 *км*). Аҳолиси 1621 киши (1976); пахтачилик, пиллачилик, сабзавотчилик б-н шуғулланади. Исфайрамсойдан сув ичади. Ўрта мактаб филиали бор.

ЧИМ — Қашқадарё обл. Қамаши р-ни Чим қ. С. даги қишлоқ. «Коммунизм йўли» к-зи терр-ясида. Р-н маркази ва яқин т. й. станцияси — Қамаши (21 *км*). Аҳолиси 1638 киши (1974); пахтачилик, чорвачилик, ғаллачилик б-н шуғулланади. Қ. С. ва к-з правлениеси идоралари бор.

ЧИМ ДЕВОР — Шаҳрисабз, Китоб ш. лари ва улар атрофидаги қалъаларни ўраган қадимги мудофаа деворининг қолдиғи. Чимдан қурилган. Ч. д. харобалари дастлаб 1870, сўнгра 1959 йилларда текширилган. Ч. д. 6-асрда Урта Осиёда феодал муносабатлар таркиб топа бошлаган даврда қурилган, 19-аср ўрталаригача бир неча марта тузатилган. Ч. д. бўйлаб бир қанча истеҳком, работ, бурж ва дарвозалар қурилган. Деворнинг ташқи томонида хандақ қазилган. Ч. д. харобалари сунъий марза ҳолида сақланган, эни 10—12 *м*, баландлиги 3 *м*, узунлиги 93 *км* ча.

ЧИМБИРҒОН — Бухоро обл. Шофиркон р-ни Дўрмон қ. С. даги қишлоқ. Р-нининг жанубишарқида, Жданов номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 8,5 *км*, яқин т. й. станцияси — Қизилтепа (41 *км*). Аҳолиси 885 киши (1976); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик, полизчилик, боғдорчилик б-н шуғулланади. Жилвон ариғи орқали Зарафшон дарёсидан сув ичади. Ўрта мактаб, медпункт, чорвачилик фермаси.

ЧИМБОЙ, Чимбой — ўзбек уруғларидан бири. *Дашти Қипчоқ* чўлларида яшаб, 16-асрларда ўзбек қабилалари таркибида Мовароуннаҳрга келиб ўрнашган ва тез орада ўтроқ ўзбеклар таркибига сингиб кетган. 1924 йилда Шаҳрисабз воҳасидаги Макрид қишлоғида Ч. лардан фақатгина 175 киши рўйхатга олин-

ган. Ч. этнонимни жой номи (топоним) сифатида Қорақалпоғистон (Чимбой ш.) ва Қозоғистон (Чимкент обл.) да учрайди.

ЧИМБОЙ — ҚҚАССРдаги шаҳар, Чимбой р-нининг маъмурий маркази. Амударё дельтасида, Кегейли дарёсининг ҳар иккала соҳилида. Хўжайли т. й. станциясидан 94 *км* шимолда.

Ч. 1710 йилда балиқчилар ва чорвадорлар овули сифатида юзага келган. Биринчи жаҳон уруши даври (1916) да Ч. аҳолиси рус подшо ҳукуматининг *мардикорлик* снёсатига қарши қўзғолон кўтариб, Ч. даги подшо пристави Бабаянцни ўлдиришди. Шу даврдан бошлаб халқ озодлик ҳаракати кучайди. 1919 йилдаги Гражданлар уруши даврида Ч. даги Урал оқ казакларига ва босмачиларга қарши шиддатли жанглар бўлди. Шу йилнинг августида оқ казаклар ва босмачилар устидан ғалаба қозонилиб, Совет ҳокимияти ўрнатилди. Ч. 1927 йилдан посёлка, 1974 йилдан шаҳар. Ч. да пахта тозалаш з-ди, ёғ з-ди, маҳаллий саноат к-ти, маиший хизмат кўрсатиш к-ти, керамика з-ди, асфальт-бетон з-ди, Қорақалпоғистон Қишлоқ хўжалик илмий тадқиқот ин-ти, Давлат наслчилик станцияси, 4 умумий таълим мактаби, педагогика ва қ. х. механизацияси билим юртлари, 5 кинотеатр, пионерлар уйи, 6 кутубхона, 3 клуб, маданият уйи, касалхона, туғруқхона, диспансер бор. Шаҳар кўчалари кўкаламзорлаштирилган, кўп қаватли турар жой ва жамоатчилик бинолари қурилмоқда.

ЧИМБОЙ — Фарғона обл. Киров р-ни Яккатут қ. С. даги қишлоқ. Киров номли с-з терр-ясида. Р-н марказидан 20 *км*, яқин т. й. станцияси — Рапқон (22 *км*). Аҳолиси 1024 киши (1975); пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Катта Фарғона каналидан сув ичади. Ўрта мактаб, медпункт бор.

ЧИМБОЙ РАЙОНИ — ҚҚАССРдаги р-н. 1927 йил 3 июлда ташкил этилган. Шимоли-ғарбдан Мўйноқ, ғарбдан Қўнғирот, жануби-ғарбдан Кегейли, шимоли-шарқдан Қораўзак р-нлари б-н чегарадош. Майдони 3 минг *км*². Аҳолиси 60593 киши (1977). Р-нда 6 овул Совети (Бахтли, Кенас, Комсомол, Май, Олғабос, Тозажўл) бор. Маркази — Чимбой ш.

Табиати. Р-н терр-яси Амударё қуйи оқимининг ўнг соҳилидаги текисликда, Кегейли дарё водийсида жойлашган. Денгиз сатҳидан баландлиги 60—70 *м*. Ғарбий ва шимолий, қисмлари ботқоқлашган тўқайлардан иборат. Шимоли-ғарбидаги қум тепалари секин-аста унча баланд бўлмаган (250 *м*) Қушхона тоғларига туташади. Амударё соҳилида кўлмаклар кўп. Р-н терр-ясида Қозоқдарё ва унинг ирмоғи Эркиндарё оқади. Улардан Тасжарма, Қизилўзак, Қўшқаржиққан каналлари ўтказилган. 1939—40 йилларда қурилган Майжан ва Ободжан каналларидан ҳам экинларни суғоришда фойдаланилган. Лекин кейинги йилларда Амударё ўз ўзанини ўзгартириши натижасида бу текисликлар сув тагида қолиб, 3—4 йилгача ишдан чиқди. Ҳозир бу ерлар қуритилиб, яна экинзорга айлантирилди. Р-н терр-яси орқали Кегейли канали ўтади (р-н терр-ясидаги узунлиги 70 *км*). Қизкетган, Ленинобод, Колхозобод, Уржап каналлари ҳам бор. Қўллардан Қоракўл, Мақпалқўл, Шардарё, Тобонкўл ва б. бор. Улардан ҳам экинларни суғоришда фойдаланилади. Тупроқлари, асосан, оч бўз, қўнғир, ўтлоқи, ботқоқ-ўтлоқи тупроқ; баъзи жойларда шўр тупроқлар ва



тақирлар ҳам бор. Ёввойи ўсимликлар кам: қамиш, қўға, юлғун ва б. ўсади. Ёввойи ҳайвонлардан қуён, бўрсиқ, тулки, ёввойи чўчқа, чиябўри, бўри, типратикан, кўрсичқон, ҳар хил илонлар, калтакесаклар; қушлардан ўрдак, ғоз, бирқозон, қўтон, қизилоёқ, йилқичи, қирғовул, тўрғай, каптар, қирғий, мусича ва б. кўп.

Аҳолиси, асосан, қорақалпоқлар; руслар, ўзбеклар, қозоқлар, татарлар, кореецлар ва б. ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 *км*² га 22,2 киши.

Хўжалиги. Р-н хўжалигида қ. х. асосий ўринни эгаллайди. Пахтачилик ва шоликорлик, чорвачилик ва полизчилик яхши ривожланган.

Р-нда маиший хизмат кўрсатиш к-ти, пахта тозалаш, ёғ, ғишт, қурилиш материаллари, керамика, асфальт-бетон з-длари ва б. бор.

Р-нда 11 с-з бор. 32,7 минг *га* экин майдонининг 14 минг гектарига пахта, 6700 *га* ерга шоли, 700 *га* ерга картошка, сабзавот ва полиз экинлари экилади. 6300 *га* ер ем-хашак экинлари б-н банд (1975). Р-н хўжаликларида 26 минг қорамол (шундан 7800 сигир), 28400 қўй ва эчки, 1100 от бор (1975). Давлатга 30 минг *т* пахта, 28650 *т* шоли, 8400 *т* полиз маҳсулотлари, 12400 *ц* гўшт (тирик вазнда), 2300 *ц* сут, 1043 минг дона тухум, 89 *т* жун, 12 *т* пилла сотилди (1975).

Р-нда совхоз-техникум (280 ўқувчи), 2 профессионал-техника билим юрти (1235 ўқувчи), педагогика билим юрти (380 студент), 10 умумий таълим мактаби (2300 ўқувчи). Ш. Мусаев номидаги Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги илмий тадқиқот ин-ти бор. 6 кутубхона, 8 клуб, 4 маданият уйи, 5 киноустановка, 34 қироатхона, район халқ театри ишлаб турибди. Р-н «Коммунизм нури» газетаси 1957 йилдан бери чиқади (тиражи 6000 нусха). 255 ўринли 5 касалхона, поликлиника, 11 медпункт ва туғруқхонада 70 врач ва 400 ўрта мед. ходими ишламоқда (1976).

Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари Ш. Мусаев, А. Сапарбоева, Е. Бекбовлиевлар шу р-ликдир.

ЧИМБОЙЛИҚ — Тошкент обл. Бўстонлиқ р-ни Угом қ. С. даги қишлоқ. «Хўжакент» с-зи терр-ясида. Р-н марказидан 7 *км*, яқин т. й. станцияси — Хўжакент (11 *км*). Аҳолиси 971 киши (1977); боғдорчилик, сабзавотчилик, пиллачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Булоқлардан сув ичади.

ЧИМБОЙЛИҚ ХАЗИНАСИ — бронза даврига оид ёдгорлик, хазина (мил. ав. 2-минг йилликнинг 2-ярми). Тошкентдан 50 *км* шарқда Чирчиқ ш. нинг ўнг томонида Чимбойлик қишлоғи яқинида хусусий корхона эгаси Н. С. Николаи томонидан олтин қидириш мақсадида ўтказилган разведка ишлари олиб борилаётган пайтда (1898) топилган. Ч. х. дан болта, бигиз, баргсимон пичоқ ва 580 *г*. оғирликдаги қуйма бронза топилган. Ч. х. Чирчиқ ирмоқларидан бири ювиб кетган қабридаги жасад ёнига қўйилган анжомлари бўлса керак деб тахмин қилинади. Ч. х. *катакомба* шаклида бўлиб, *Андроново маданияти*га яқин туради.

Ад.: Воронец М. Э., Браслеты бронзовой эпохи Музея истории АН УзССР. «Труды ин-та истории и археологии АН УзССР», т. 1, 1948, стр. 65—70; Литвинский Б. А., Окладников А. П., Ранов В. А., Древности Кайракумов, Душанбе, 1962.

ЧИМЁН — Андижон обл. Қўрғонтепа р-ни Чимён қ. С. даги қишлоқ. «Тўхтагул» к-зи терр-ясида. Р-н маркази ва яқин т. й. станцияси — Савай (16 *км*). Аҳолиси 1141 киши (1976); пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Андижонсойдан сув ичади. Урта мактаб, медпункт, болалар яслиси бор.

ЧИМЁН — Тошкент обл. Бўстонлиқ р-ни Бўстонлиқ қ. С. даги қишлоқ. Чирчиқ ўрмон хўжалиги ва «Бўстонлиқ» с-зи терр-ясида. Р-н марказидан 33 *км*. Т. й. станцияси. Аҳолиси 2018 киши (1977); асосан, ишчи, хизматчилар. Боғдорчилик, токчилик б-н шуғулланади. 2 даволаш санаторийси, туристик база, 2 пионерлар лагери бор.

ЧИМЁН — Фарғона обл. Фарғона р-нидаги шаҳар посёлкаси. Фарғонадан 28 *км*, яқин т. й. станцияси — Олтиариқдан 24 *км*. Аҳолиси 2000 киши (1975). Ч. да 2 умумий таълим мактаби, нефтчилар маданият саройи, кинотеатр, маиший хизмат кўрсатиш пунктлари бор. Ч. терр-ясида эски нефть кони, кучли сульфид сувлар асосида бальнеологик курорт ишлаб турибди. Курорт минерал суви таркибида водородсульфид (300—500 *мг/л*) ва натрий хлорид асосий ўрин тутади; таркиби жиҳатидан Кавказдаги Сочи-Мацеста минерал сувларига тенглашади. Ч. да юрак-томир, периферия нерв системаси, таянч-ҳаракат аппаратлари, овқат ҳазм қилиш органлари, тери, радикулит, спондилёз, ревматизм ва б. касалликлар даволанади. Курорт терр-яси кўкаламзорлаштирилган.

ЧИМЁН МОЛИБДЕН КОНИ — Чатқол тоғидаги кон. Катта ва кичик Чимён чўққиларининг шимолий ён бағрида жойлашган. 1935 йили Г. В. Шестаков очган. Коннинг геологик тузилишини Э. М. Исамуҳамедов, П. Г. Салов, Е. Я. Орловский, К. Н. Вендланд, Е. К. Тепикин, Л. З. Мирошников, В. М. Петров ва б. ўрганган.

Чимён чўққиларининг юқори қисми оҳактошлардан ташкил топган, баъзи жойларда оҳактошлар тагидаги сланецлар кўриниб ётади. Чўққиларнинг пастки қисмида гранитлар ва гранодиоритлар бўлиб, оҳактошлар б-н туташган. Оҳактошларнинг интрузив жинслар б-н туташган қисми бўйлаб скарилар жойлашган.

Гранат-эпидотли скарнда шеелит топилган. Скарнларда кенг тарқалган майда заррачалар ҳолидаги молибденит амалий аҳамиятга эга. Ч. м. к. да таркибида 70—80% гача волластонит бўлган оҳактош-силикатли роговиклар кенг тарқалган.

ЧИМЁН НЕФТЬ КОНИ — Фарғона областидаги кон. 1904 йили очилган. Кон терр-ясида палеоген ётқизиқлари ер юзасига чиқиб ётади. Бурғилаш воситасида бўр ва юра даврларига мансуб ётқизиқлар очилган. Юра даври жинслари кул ранг қумтош ҳамда гилтошлардан иборат, қалинлиги 500 *м* ча келади. Бўр даври ётқизиқлари конгломерат, қумтош, гилтош, оҳактош, баъзан доломит ва мергелдан таркиб топган, қалинлиги 870 *м*. Палеоген ётқизиқлари эса, оқ рангли гипс, яшил ҳамда қўнғир гилтош, оч кул ранг қумтош ва оҳактошлардан ташкил топган, умумий қалинлиги 520 *м*.

Чимён антиклиналь бурмаси ғарбдан шарққа йўналган, узунлиги 2,5 *км*, эни 0,5 *км*; шимолий қаноти 20°, жанубий қаноти 60—65° бурилган. Чуқурлик ортган сари бурма мураккаблашиб, қанотлари тиккалашиб боради. Бурманинг ўрта қисмидан узунасига бўйлаб тектоник бузилиш (взброс) кесиб ўтган. Тектоник бузилиш натижасида бурманинг шимолий қаноти жанубий қанотига нисбатан 400 *м* кўтарилган. Ч. н. к. да асосан палеоген даврига оид туркистон қатламларининг V горизонти нефтли ҳисобланади. Бу горизонт оҳактошлар, қисман қумтошлардан иборат, умумий қалинлиги 15 *м*, эффектив қалинлиги 10 *м*, ғоваклиги 20—25%, 230—480 *м* чуқурликда жойлашган. Нефть ўртача оғирликда (0,867), 0,1% олтингугурт, 6,16% парафин бор.

ЧИМЁН ТОҒИ — Ғарбий Тяньшань тоғларининг Чатқол тизмасидаги чўққи. Тошкентдан 80 *км* шарқда (қ. *Катта Чимён*).

ЧИМЕНСОЙ — Тошкент обл. Бўстонлиқ р-нидаги сой. Чирчиқ дарёсининг чап ирмоғи. Узунлиги 17 *км*, ҳавзасининг майдони 39,3 *км*², ҳавзасининг ўртача баландлиги 1635 *м*. *Катта Чимён* тоғининг ғарбий ён бағридан 2000 *м* баландликдаги булоқдан бошланади. Юсупхона қишлоғидан қуйироқда Чирчиқ дарёсига қуйилади. Ч. бошланиш қисмида ён бағирлари баланд дарасимон тор водийда тошлоқ ўзанда оқиб, нисбатан кенгроқ Чимён сойлигига чиқади (сойликнинг туби ғовак жинслардан ташкил топган). Қизилжар ирмоғи қўшилган жойдан яна тор водийда оқади. Ирмоқлари: Катта Кўксой, Қизилжар; сойга кўплаб булоқлар қуйилади.

Ч. нинг ўртача йиллик сув сарфи 0,6—0,7 *м*³/*сек*. Асосан, қор ва ер ости сувларидан тўйинади; ер ости сувлари йиллик оқимнинг 70% ини ташкил қилади. Май-июнь ойларида суви кўпаяди, декабрь — февралда камаяди. Сой суви Чимён водийсидаги ерларни суғоришга сарфланади.

Ч. водийсида сил касалликлари санаторийси, пионер лагерлари, пансионатлар жойлашган. Чанғи спорти мусобақалари ўтказиб турилади.


ЧИМИЛДИҚ, чимилдиқ — никоҳ тўйида келин-куёв ўтирадиган хонанинг бурчагига тутиладиган махсус парда (яна қ. *Ғўшанга*).

ЧИМКЕНТ — шаҳар, ҚозССР Чимкент области (1932 йилдан 1962 йилгача Жанубий Қозоғистон обл.) маркази. Тоғ олди текисликларида, Бодом ва Сайрам (Сирдарё ҳавзаси) дарёлари оралиғида. Жамбул, Арис, Лангар т. й. линияларининг узели. Аҳолиси 296 минг киши (1976). Ч. 12-асрда Хитойдан Ўрта Осиёга ва Олд Осиёга ўтган савдо йўли («ипак йўли») устида вужудга келган. 19-аср бошларида Ч. Қўқон хонлиги таркибига кирди. Россияга қўшилгандан кейин Ч. маъмурий

ва ҳарбий таянч пункти. Ч. рев-ягача қолоқ шаҳар эди. Ч. нинг суст ривожланишига т. й. дан узоқлиги ҳам таъсир этган. Фақат 1915 йили Арис — Ч. линияси ш. ни Оренбург — Тошкент магистрали б-н боғлади. 1917 йил ноябрида Ч. да Совет ҳокимияти ўрнатилган. 1924 йилгача Ч. Туркистон республикаси таркибида эди, Ўрта Осиёда миллий чегараланиш ўтказилгандан кейин Сирдарё губерниясининг маъмурий маркази, сўнг округ маркази бўлиб ҚозАССР таркибига кирди. Совет ҳокимияти йилларида Ч. Қозоғистоннинг йирик саноат ва маданият шаҳрига айланди.

Саноати маҳаллий қ. х. хом ашёлари ва фойдали қазилмаларни қайта ишлаш базасида ривожланмоқда. Йирик корхонаси — Қоратов, Жунғария Олатови ва Қорамозор (Шимолий Тожикистон) конлари асосида ишлайдиган қўрғошин з-ди. Пресс-автоматлар, кардан валлар, кимё-фармацевтика, гидролиз, фосфор тузлари з-длари бор; нефтни қайта ишлаш з-длари қурилмоқда (1976). Енгил (ип газлама к-ти, пахта тозалаш ва қорақўл з-длари; пайпоқ-трикотаж, тикувчилик ва кўзгу ф-калари), озиқ-овқат (гўшт к-ти, мой экстракция, сут-консерва, мева консерва, пиво з-длари) ва қурилиш материаллари (цемент, ғишт з-длари, асбошифер к-ти) саноат тармоқлари ишлаб турибди. Ч. да 3 олий ўқув юрти, Олмаота Халқ хўжалиги ин-ти филиали, 5 техникум, 3 билим юрти, 2 театр, ўлкашунослик музейи бор.

ЧИМКЕНТ — Фарғона обл. Охунбобоев р-ни Қорақўшчи қ. С. даги қишлоқ. Қалинин номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 30 *км*, яқин т. й. станцияси — Марғилон (30 *км*). Аҳолиси 671 киши (1976); пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Исфайрамсойдан сув ичади. Машина-ремонт з-ди, медпункт, маиший хизмат кўрсатиш пункти бор.


ЧИМКЕНТ ОБЛАСТИ
0 70км
БЕТПАК АЛАҚ
Арис к.
Ашиқұл
Жуантөбе
Гости
Оқсумбе
Чиили
Олиатов
Созақ
Ақжар
Бессаз т.
2176
Кентов
Сауран
Туркистон
Ұлақкүрған
Асса
Ақкөл
Қорат
Янгикүрғон
Шаульдер
Темирланское
Бадам
Арис
Бериш Воз
Чимкент
Савран
Оланга
Майтобе
Ленинское
Чалкар
Сарыағаш
Чирчик
Тошкент
Ташкент
Кыргызстан
Жиланды
Жорабар
Қуқсуй
Жиланды
Жиланды
Жиланды

ЧИМҚУРҒОН МАКОНИ — чорвачилик ва деҳқончилик б-н шуғулланган қабилалар қароргоҳи (мил. ав. 1-минг йилликнинг бошлари). Қашқадарё обл. даги *Чимқўрғон сув омбори*нинг жанубий қирғоғида. 1970 йили археолог Дуке Хуан топган. 1972 йил апрель-май ойларида текширилган. Маконнинг катта қисми сув остида қолиб бузилган. Тепаликда сақланиб қолган қисмининг узунлиги шарқдан ғарбга 22—24 *м*, эни шимолдан жанубга 7 *м*, баландлиги 1,6 *м*. Ч. м. дан 7 мингга яқин сопол парчалари, ҳайвон суяклари, ёрғучоқ, бронза парчаси ва б. топилган. Топилмалар орасида сопол буюмлар алоҳида ўрин тутади. Уларнинг кўпчилиги қўлда ясалган тувак, товоқ ва товалардан иборат. Баъзи идишларга лой бўлакчалари ёпиштириб безатилган. Баъзиларида мато излари сақланиб қолган. Иккита сопол парчасидаги нақшлар *Андроново маданияти*га хос. Ч. м. нинг сопол буюмлари мил. ав. 1-минг йилликнинг бошлари ва 7-асрларда чорвачилик ва деҳқончилик б-н шуғулланган қабилаларнинг маконлари (мас., *Кучуктепа* ва б.) материалларига ўхшайди. Ч. м. Қашқадарё обл. терр-ясида топилган ибтидоий жамоа даврига оид дастлабки ёдгорликдир.

ЧИМҚУРҒОН СУВ ОМБОРИ — Қашқадарё областидаги сув омбори. Қашқадарё ўзанида. 1959 йилда ишга тушган. Қамаши ва Чироқчи р-нларида жойлашган. Баландлиги 33 *м* ли тўғон б-н тўсилган. Сув юзасининг умумий майдони 49,2 *км*^{2}, узунлиги 17,5 *км*, чуқурлиги 33 *м*. Умумий сув сиғими 500 млн. *м*^{3}, фойдали сув сиғими 450 млн. *м*^{3}. Ч. с. о. нинг ўртача ҳажми 80,8 млн. *м*^{3}, максимал ҳажми 265 млн. *м*^{3}. Ўнг ва чап қирғоқ каналларидан 9 *м*^{3}/*сек* ва 18 *м*^{3}/*сек* сув оқади. Ч. с. о. Қамаши, Қосон, Қарши, Ульянов ва Ғузор р-нлари терр-ясидаги 188 минг *га* экин майдонини сув б-н таъминлайди. Ч. с. о. да балиқ хўжалиги ривожлантирилди. Кейинчалик Зарафшон дарёсидан сув оладиган Эски Ангор канали 43 *км* ўзан орқали Қашқадарёга қуйилди. Ч. с. о. эндиликда Зарафшон дарёси сувини ҳам тўплайди.

ЧИН, Чин Махсус округи — Бирма Иттифоқи Социалистик Республикаси таркибидаги автоном округ. Мамлакатнинг шимолий-ғарбий қисмида. Бангладеш ва Ҳиндистон б-н чегарадош. Майдони 33 минг *км*^{2}. Аҳолиси 354 минг киши (1969), асосан, тоғлик чин қабилалари. Пойтахти — Пхалан (Фалам) ш. Ер юзасининг деярли ҳаммаси тоғли. Иқлими тропик, муссонли иқлим. Йиллик ёғин 1500—3000 *мм*. Терр-ясининг аксари қисми ўрмон. Қ. х. да уруғчилик-қабилачилик тузуми ҳукмрон. Аҳолиси деҳқончилик (шоли, тариқ, маккажўхори етиштириш), чорвачилик, овчилик ва балиқ овлаш б-н шуғулланади. Ёғоч тайёрланади. Нефть ва коксланадиган кўмир конлари топилган.

ЧИН ПАШШАЛАР (Muscidae) — икки қанотлилар туркумига мансуб ҳашаротлар оиласи. 5000 га яқин тури маълум. Ер юзида кўп тарқалган. Қатталиги 2—15 *мм*. Қора, сариқ, металлдек ялтироқ танаси тук (қил) б-н қопланган. Усимлик шарбати (шираси), чириган органик моддалар, гўнг, нажас б-н, баъзилари йиртқичлик қилиб, айримлари эса қон сўриб озиқланади. Кўпчилиги тухум қўйиб (ҳаёти давомида 2 минггача), баъзилари личинка туғиб кўпаяди. Личинкаси чиритган органик моддаларда, гўнгда, баъзилари ўсимлик ва ҳайвонларнинг тирик тўқималарида, айримларининг личинкаси б-н озиқланиб ёки чигирткасимонлар ва б. да паразитлик қилиб ривожланади. 50 дан ортиқ синантроп (одам яшайдиган жойлардаги) турлари юқумли касалликлар (вабо, дизентерия, баъзи кўз касалликлари ва б.) қўзғатувчисини тарқатади, баъзиларининг личинкаси одам ва ҳайвонларда *миазалар*га сабаб бўлади. Усимликхўр Ч. п. маданий ўсимликларга зарар келтиради. Синантроп Ч. п. га қарши курашиш учун аҳоли пунктларида санитария-гигиена қоидаларига риоя қилиш, зарур бўлганда инсектицидлардан фойдаланиш керак.

ЧИНА — дуккакдошлар (дуккаклилар оиласи)га мансуб бир йиллик ўсимлик (қ. *Бурчоқ*).

ЧИНАК — Самарқанд обл. Пастдарғом р-ни Тельман қ. С. даги қишлоқ. «21-партсъезд» к-зи терр-ясида. Р-н маркази ва яқин т. й. станцияси — Жума (6 *км*). Аҳолиси 591 киши (1976); пахтачилик, пиллачилик, боғдорчилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Эски Ангор каналидан сув ичади.

ЧИНГИЗ — Тошкент обл. Ғалаба р-ни Новая жизнь қ. С. даги қишлоқ. Ленин номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 22 *км*, яқин т. й. станцияси — Олмазор (9 *км*). Аҳолиси 700 киши (1977); канопчилик, пахтачилик б-н шуғулланади. Қорасув каналидан сув ичади.

ЧИНГИЗ — шилвидошлар (учқатгуллилар оиласи)га мансуб дарахт ёки бутача (қ. *Бодрезак*).

ЧИНГИЗКЕНТ — Самарқанд обл. Нарпай р-ни Маркент қ. С. даги қишлоқ. Р-н марказидан 13 *км*, яқин т. й. станцияси — Зирабулоқ (14 *км*). Аҳолиси 564 киши (1975); пахтачилик б-н шуғулланади. Нарпай каналидан сув ичади. Медпункт бор.

ЧИНГИЗТОВ — Қозоғистон паст тоғларининг шарқидаги тоғ тизмаси. ҚозССРда. Узунлиги 200 *км*, энг баланд жойи 1305 *м* (Қўсоба тоғи). Палеозойнинг қумтош, сланец, оҳактош, порфиритларидан тузилган. Ён бағирларида дашт ўсимликлари, бутазорлар ва кичик-кичик қайин-тоғтерак ўрмонлари учрайди.

ЧИНГИЗХОН (асл номи Тэмужин, Темучин) (тахм. 1155—1227. 25. 8) — *мўғул феодал империяси* асосчиси, саркарда. Мўғул қабилалари иттифоқи — тайжиутлар бошлиғи Есугей баҳодирнинг ўғли. Отаси вафотидан сўнг орадан анча вақт ўтгач, тахм. 1183—1204 йилларда қабилалар устидан ҳокимликни қўлга киритиш учун курашган. Кўп сонли отлиқ армияга эга бўлган. 1206 йили мўғул хонлари қурултойида «Чингиз» (турк. тенгиз — океан, денгиз) унвони б-н барча қабила, уруғларнинг буюк хони деб эълон этилган. Шундан сўнг Ч. қонунлар тўплами — *ясани* эълон қилган. Сибирдаги бир қатор қабила ва элатларни (1207), Шимолий Хитойни (1211—15), Ўрта Осиёни (1219—21) босиб олган (қ. *Мўғуллар истилоси*). Ч. буйруғи б-н босиб олинган терр-ялар таланган, аҳолиси кўплаб қириб ташланган. Улимидан бир оз олдин империяни ўз ўғиллари (Жўжи, Чиғатой, Уқтой ва Тулу)га бўлиб берган. Шимолий Хитойдаги тангут қабилаларининг Си-ся давлати (10—13-асрлар)га қарши бошлаган юриши даврида ўлган.

ЧИНДОВУЛ — Наманган обл. Косонсой р-ни Терговчи қ. С. даги қишлоқ. Куйбишев номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 10 *км*, яқин т. й. станцияси — Наманган (38 *км*). Аҳолиси 2739 киши (1976); пахтачилик, чорвачилик,

пиллачилик, боғдорчилик, полизчилик б-н шуғулланади. Чиндовул ариғидан сув ичади. Қ-з правлениеси идораси, ўрта мактаб, дорихона, медпункт, болалар яслиси, алоқа бўлими бор.

ЧИНҚ, чинг (қозоқча — шинг) — Ўрта Осиёда эрозион, денудацион ёки тектоник йўл б-н пайдо бўлган ён бағри тик жарлик. Баландлиги 300—350 *м* га етади. Мас., Устюрт платосининг чеккалари Ч. дан иборат.

ЧИННИ (*чин* сўзидан) — *керамика*нинг нафис тури. Сув, газ, электр ўтказмайдиган, ўтга чидамли, жарангдор, асосан, оқ рангли (юпқа тайёрланганида ёруғлик ўтказадиган) маҳсулот бўлиб, махсус тупроқ (Ч. гили), каолин, кварц, дала шпатлари ва б. хом ашёлар аралашмасидан тайёрланади. Ч. дан рўзғор буюмлари (чойнак, пиёла, коса, тарелкалар, лаганлар), безак буюмлари (гулдон, ҳайкалча ва ш. к.), архитектура деталлари, санитария-гигиена буюмлари ишланади, кислоталарга чидамли (плавик кислотадан ташқари) бўлганидан кимё саноатида, электр ўтказмаслиги туфайли радиотехника ва электротехникада фойдаланилади.

Сифати жиҳатдан Ч. 2 турга бўлинади: нафис Ч. (фарфор, форсча — Фағфур; энг яхши Ч. тайёрланган қадимги Хитой вилоятининг номи), дағал Ч. (фаянс, итальянча — Фаэнц; йирик керамика маркази бўлган шаҳарнинг номи). Дағал Ч. нафис Ч. дан серкаваклиги, сувни сингдириши (9—12% гача) б-н фарқ қилади, шунинг учун ҳам у сирланади. Нафис Ч. б-н дағал Ч. бир хил хом ашёдан тайёрланади (таркиби тахм. шундай: оқ гил 45—50%, кварц ёки қум 35—45%, дала шпатлари 2—5%, бўр 10%, шамот 10—15%), фақат пиширш технологияси ҳар хил. Техника ривожи туфайли Ч. нинг қаттиқ ва юмшоқ турлари пайдо бўлди. Қаттиқ-юмшоқлиги уни тайёрлашда фойдаланилган ҳом ашё (масса) таркибига боғлиқ. Идишлар, техника ва саноатда ишлатиладиган Ч. қаттиқ, бадиий ва безак Ч. маҳсулотлари юмшоқ. Қаттиқ Ч. юмшоғига нисбатан чидамли бўлиб, хом ашёси таркибида тупроқ кўпроқ (45—60%) бўлади, шунинг учун ҳам юмшоғига нисбатан қаттиқроқ (юмшоғи 1300° гача, қаттиғи 1450° гача) қиздирилади. Бўр қанча кўп қўшилса, Ч. шунча юмшоқ бўлади.

Ч. маҳсулотлари тайёрлашда дастлаб хом ашё ювилади, қиздирилиб, навларга ажратилади; тегирмонда кукунга айлантирилади; керакли миқдорда олинган хом ашё турлари қориштирилиб, бетон ҳовузларда суюқ лой (шликер) тайёрланади, сўнг элакдан ўтказилиб, шланглар ва электромагнит орқали яна тозаланади, бошқа бетон ҳовузга қуйилади, бу ерда қуюлтирилади (нами 25% гача келтирилади), махсус машиналар ёрдамида таркибидаги ҳаво чиқарилиб, қоронғи хоналарда узоқ (2 ҳафтадан бир неча йилгача) сақланади, шундан кейингина етилган лойдан (қўлда, кулолларк чархида, қолипларда, турли прессларда ёрдамида) керакли шакл ишланади. Шаклга солинган маҳсулот қиздирилади (уч мартагача). Санитария-гигиена, техника мақсадларида қўлланиладиган йирик маҳсулотлар бирданига сирланиб бир марта қиздирилади, бошқалари — қиздирилгач, сирланади ва яна қиздирилади, гул ёки тасвир ишланиб безатилганидан кейин яна бир марта қиздирилади (шаклга солинган маҳсулотлар қиздирилгач, гул, тасвир б-н безатилиб, кейин қиздирилиши, сирлангач, яна қиздирилиши ҳам мумкин, бу — гул, тасвирнинг ўчмаслигини таъминлайди).



Тошкент чинни заводида ишланган чойнак ва пиёлалардан намуна.

Ч. Хитойда 4—6-асрларда вужудга келди, айниқса 7—13-асрларда чиннисозлик санъати юксак даражага кўтарилди. Осиёнинг кўпгина мамлакатларига тарқалгач, Европага ҳам етиб борди. Хитой Ч. си Европа бозорларида беҳад қадрланди. Хитой чиннисозларининг «сири» узоқ вақт европалик кулолларнинг изланишларига сабаб бўлди. 11—14-асрларда Эрон, 16-асрда япон чиниси шуҳрат қозонди. 16-асрда Европада (Флоренция, Франция, Голландия, Англияда) илк Ч. буюмлари пайдо бўлди, Европада дастлабки Ч. з-ди 1710 йилда Мейсенда, 1717—18-йилларда Венада, 1744 йилда Петербургда қурилди. Дания (Копенгаген), Швеция (Марнебург), Голландия (Весп, Гаага), Бельгия (Турне), Швейцария (Цюрих), Чехия (Славков, Клаштерец) бадиий Ч. си шуҳрат қозонди. Технология жараёни яхшиланганига қарамай, 19-асрда Европа Ч. маҳсулотларининг бадиий қиммати пасайди.

Октябрь рев-ясидан кейин Россиядаги Ч. з-длари национализация қилинди, улар олдига маҳаллий хом ашёдан фойдаланиб, кенг оммани зарур Ч. маҳсулотлари б-н таъминлаш вазифаси қўйилди. Россияда биринчи ва Европанинг йирик Ч. корхоналаридан бири бўлган Давлат Ч. з-ди (1925 йилдан М. В. Ломоносов номида) Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидан бошлаб изоляторлар, кимё саноати учун турли маҳсулотлар, рўзғор буюмлари, бадиий Ч. маҳсулотлари ишлаб чиқара бошлади, унда 1931 йилда бадиий Ч. лабораторияси ташкил қилинди, з-дга истеъдодли рассом, ҳайкалтарошлар жалб қилинди. Дмитров Ч. з-ди (Москва обл. да; 1766 йилда Ф. Я. Гарднер асос солган), Дулёво Ч. з-ди (Москва обл. да; 1832 йилда Т. Я. Кузнецов асос солган), Конаково Ч. з-ди (Калинин обл. да; 1809 йилда асос солинган)да, шунингдек, Ярославль обл. даги «Первомайский», Новгород обл. даги «Пролетарий», «Красний фарфорист», Иркутск обл. даги Хайтин Ч. з-дларида, кейинчалик Украинада, Узбекистонда қурилган Ч. з-дларида турли-туман Ч. маҳсулотлари саноат, техника ва халқнинг Ч. маҳсулотларига бўлган талабини қондиришга хизмат қилди.

Ўрта Осиёга Ч. қадимдан Хитой ва Эрондан, кейинчалик Россиядан ҳам келтирилган. Маҳаллий кулоллар (айниқса Риштон кулоллари) сополнинг Ч. га яқин хилларини ишлаганлар. Ўрта Осиё Россияга қўшилгач, рус фабрикантлари бу ерларда хом ашё мўллигини ҳисобга олиб, Ч. з-длари қуришга уринганлар, лекин натижасиз қолган. Совет ҳокимияти йилларидагина Узбекистонда Ч. саноати юзага келди. 1950-йилларнинг бошларида Тошкент Ч. з-ди, 1960—70-йилларда Самарқанд ва Қувасой Ч. з-длари, Ангрен керамика к-ти қурилди (яна қ. *Чинни саноати*).

Лд.: Вестфален Э. Х., Кречетова М. Н., Китайский фарфор. Л., 1947; Кверфельд Э. К., Фарфор, Л., 1940; Западно-европейский фарфор XVIII—XIX вв. (Путеводитель по выставке). М., 1956; Бубнова Е., Старый русский фаянс. М., 1973; Технология фарфорового и фаянсового производства. М., 1975; Аминджанова М., Сайко Э., Керамика, стекло и фарфор в Средней Азии, Т., 1968.

ЧИННИ САНОАТИ — енгил саноатнинг чинни маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган тармоғи. Россияда биринчи чинни з-ди 1744 йилда Петербургда қурилган (ҳозирги М. В. Ломоносов номидаги чинни з-ди). 1915 йилда Россия-



Тошкент чинни заводида ишланган чинни ваза.

СССРда Ч. с. маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсиши (млн. дона)

1913	1940	1950	1970	1975
178,7	221,5	221,2	586,1	992,4

да, асосан, четдан (Германия, Буюк Британиядан) келтириладиган хом ашё б-н ишлайдиган 36 йирик Ч. с. корхонаси бор эди.

СССРда урушдан олдинги беш йилликлар (1929—40) да Ч. с. корхоналари модернизациялаштирилди, ишга-товоқлар, саноат, техника ва санитария-қурилиш чинни маҳсулотлари тайёрловчи янги корхоналар қурилди, Ч. с. учун хом ашё базалари вужудга келди. Улуғ Ватан уруши йилларида Ч. с. нинг кўпгина корхоналари вайрон қилинди. 1946—50 йилларда санитария-техника керамикаси, шунингдек уй-рўзғор ва бадиий чинилар ишлаб чиқарувчи янги корхоналар қурила бошлади. 1951—55 йилларда Ч. с. нинг кўпгина корхоналари мамлакатнинг шарқий ва жанубий-шарқий р-ларида қурилди. 1959—75 йилларда Ч. с. нинг 19 янги корхонаси ишга туширилди, барча ишлаб турган корхоналар реконструкция қилинди. 1975 йилда Ч. с. да 47 корхона бўлиб, 40 таси чинни, бундан 5 таси дағал чинни (фаянс), 3 таси майолика, 2 таси тажриба-экспериментал, 1 таси машинасозлик ва 1 таси керамика бўёқлари ишлаб чиқарувчи корхона эди. Рўзғор буюмлари ва бадиий чинни маҳсулотлари тайёрлайдиган «Правда» номидаги Дулёво, М. В. Ломоносов номидаги Ленинград чинни з-длари мамлакатнинг энг йирик ва муҳим Ч. с. корхоналари сифатида машҳур. Янги техника б-н қайта ускуналаш натижасида 1975 йили Ч. с. да механизациялаш даражаси 68% га етди, автомат линиялари ва чинни буюмлар қиздириладиган тунель печлари сони анча ортди.

Узбекистонда Ч. с., асосан, 50-йиллардан ривожлана бошлади. 1952 йилдан *Тошкент чинни заводи* маҳсулот ишлаб чиқаришга киришди. 1970 йилдан ишлаб чиқариш қуввати йилига 22 млн. дона маҳсулотни ташкил этувчи Самарқанд, 1978 йилдан ишлаб чиқариш қуввати бир йилда 29 млн. дона маҳсулотни ташкил этувчи Қувасой чинни з-длари пиёла чойнак, коса, лаган, тарелка каби чинни буюмлар тайёрлаб бера бошлади. 1967 йилда Ангрен Керамика к-тининг ишга туширилиши б-н Узбекистонда турли хил чинни плиткалар ва б. санитария-қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Узбекистонда 1960 йилда 1,53 млн. дона чинни маҳсулоти тайёрланган бўлса, 1975 йилга келиб 40,54 млн. дона чинни маҳсулоти (жумладан, 440 минг дона санитария-қурилиш чинниси) ишлаб чиқарилди.

Ч. с. ГДР, Польша, Руминия, Чехословакия каби социалистик мамлакатларда кенг ривожланган. ГФРнинг «Розенталь» ва «Хученройтер», Франциянинг «Бернардо» ва «Дюпе», Япониянинг «Норитакэ» фирмалари капиталистик мамлакатлардаги Ч. с. нинг энг йирик фирмаларидир. (320—321-бетлардаги вклейкага қ.).



Чиннигул

Ад.: Технология керамики и огнеупоров, 3 изд., М., 1962; Технология фарфорового и фаянсового производства, М., 1975

ЧИННИГУЛ (Dianthus) — чиннигулдошлар (чиннигуллилар оиласи)га мансуб бир йиллик ва кўп йиллик ўт ва чала буталар туркуми. Пояси бўғимларга бўлинган. Барглари қарама-қарши, бандсиз, тўғри ланцетсимон ёки бигизсимон. Гулёнбаргчаси косачасига яқин жойлашган. Гуллари жуда чиройли, хушбўй. 300 тури маълум. Европа, Осиё ва Африкада тарқалган. СССРда 100 тача тури бўлиб, дашт-ларда, ўтлоқзорларда, қумлоқ ерларда, тошлар орасида ўсади. Кўпчилик Ч. лар — манзарали, кўплаб экилади. Жанубий Европада кенг тарқалган кўп йиллик голланд чиннигул (D. cargophyllus) тури Ч. нинг манзарали нав ва сортларини яратишда асос бўлган. Гули битта тўпгулда, йирик, қалин, қатма-қат, хушбўй ранг-баранг (қизил, пушти, сариқ ёки оқ). Очиқ ерларга экилади. Урта ва жанубий Европада кўп йиллик D. barbatus тури бор. Бунинг гуллари майда қалин тўпгулга йиғилган. Гуллари ҳар хил рангда, оддий қатмақат. Гулчиликда аҳамияти катта. Ч. нинг кўп йиллик D. plumarus бир йиллик D. chinensis ва б. нав ва сортлари бўлиб, улар гулларининг ранги, тузилиши б-н бир-биридан фарқланади.

ЧИННИГУЛДОШЛАР, чиннигуллилар (Cargophyllaceae) — иккипаллали ўсимликлар оиласи. Ўт, чала бута, камдан-кам буталардан иборат. Барглари қарама-қарши жойлашган, бандсиз, текис қиррали. Гуллари тўғри, кўпинча икки жинсли. Меваси кўсакча, баъзан ёнғоқчасимон ёки резавор. Шимолий ярим шарнинг мўътадил минтақасида тарқалган 80 туркуми (2100 тури) бор. СССРда 40 туркумга бирлашган 675 тури ўсади. Эчкимия, тоғчитир ва б. турлари кўпроқ учрайди. Чиннигул, дрема, лихнис, ер-совун ва б. турлари манзарали. Ч. нинг кукол, мокрица, торица, торичник каби турлари бегона ўт. Етмак, совунўт, эчкимия ва б., илдизлари холва ва ҳар хил ичимликлар тайёрлашда ишлатилади. Ч. нинг баъзи турлари атир-упа саноатида ва медицинада қўлланилади.

ЧИННИХОНА — Самарқанддаги Чўпонота тоғининг жануби-ғарбий ён бағридан топилган сарой. 15-асрнинг 40-йилларида Улуғбек фармонига биноан қурилган. Ч. Улуғбек расадхонасига жуда яқин ерда жойлашган. Узоқ самовий кузатувлар, илмий текширишлардан толиққан Улуғбек ва унинг шогирдлари шу ерда ҳордиқ чиқарганлар. Хоналар девори чинни б-н қопланганлиги учун ҳам «Ч.» деб аталган. Археологлардан В. Д. Жуков (1941) ва У. Алимов (1968) лар томонидан Ч. қурилган майдонда археологик қазиш ишлари олиб борилган. Қазишларда бинонинг жанубида айвон бўлганлиги аниқланган. Айвон саҳнига терилган пишиқ ғиштлар (25×25×4,5 *см*) нинг устки қисми силлиқланиб, моҳирлик б-н терилган. Айвон олдида эса саккиз қиррали (айланаси 1,5 *м*) фонтан ўрни, устига олти қиррали пишиқ ғишт терилган супача топилган. Ундан 50 *м* ча ғарбда тузилиши мармар тош ётқизилган айлана шаклидаги иккинчи фонтан ўрни сақланган. Текширишлар шуни кўрсатдики, унга сув ер тагига ётқизилган сопол қувурлар орқали келган. Ч. нинг пештоқли асосий эшиги сайқалланган оқ мармар, *серпантин* ва б. тоғ жинсларидан ишланган. Ч. да олиб борилган қазишлар натижасида нафис кошинли девор қолдиқлари, чинни ва тош тахтачалар, рангли шишалар, чақа пуллар топилган. Тош тахтачаларнинг бирига «Бахтли бўл» деган сўзлар ёзилган.

ЧИННОВА Вера Андреевна (1895. 26. 7, Симбирск губернияси, ҳозирги Ульяновск обл.) — совет педагоги, проф. (1965). УзССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи (1940). Петроградда Хотин-қизлар олий курсини тугатган (1917), сўнгра Туркистон халқ ун-тида бўлим бошлиғи ва ўқитувчи (1917), К. Либкнехт номли наму на иш мактабида ўқув бўлими мудири (1918—29), Тошкент ишчилар ун-ти ўқитувчиси (1929—36), Педагогика фанлари илмий тадқиқот ин-ти ходими (1935—40), Тошкент Педагогика ин-ти (1940—63), Рус тили ва адабиёти ин-ти (1963—74) да кафедра мудири. Ч. илмий-методик монографиялар, мактаб ва олий ўқув юртлари учун программа ва дарсликлар, ўқув-методик ва ўқув-кўрсатмали қўлланмалар ҳамда мақолалар муаллифи. 1941—73 йилларда УзССР Маориф министрлиги Ўқув-методик советида рус тили ва адабиётини ўқитиш методикаси секцияси раҳбари. 1975 йилдан республика миқёсидаги шахсий пенсионер. «Ҳурмат Белгиси» ордени ва медаллар б-н мукофотланган.

Ас.: Вопросы методики словарной работы по русскому языку в узбекской школе, Т., 1951; Из опыта внеклассной работы по русскому языку в узбекской школе, Т., 1959.

ЧИНОБ, Ч е н о б — Ҳиндистон ва Покистондаги дарё. Сатлаж дарёсининг энг катта ўнг ирмоғи. Ҳималай тоғларидан бошланади. Урта ва қуйи оқимлари Панжоб текисликларидан оқади. Узунлиги 1100 *км*, ҳавзасининг майдони 138 минг *км*². Қор, музликлар ва ёмғирдан тўйинади; муссон режимли, июнь—октябрда серсув. Йирик ирмоқлари: Жалам ва Рави. Сув сарфи тоғлар орасидан чиққан жойида, Марала аҳоли пункти ёнида 890 *м*³/*сек*. Ч. дан суғоришда кенг фойдаланилади. Текисликдан оққан қисмида кема қатнайди. Ч. водийсидаги шаҳарлар: Вазиробод, Чиниот, Жангмагҳияна, Аҳмадпур, Мўлтон, Музаффаргарх, Ханғарх (Покистон).

ЧИНОБОД — Андижон обл. Балиқчи р-ни Охунбобоев қ. С. даги қишлоқ. «Ленинград» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 12 *км*, яқин т. й. станцияси — Андижон (30 *км*). Аҳолиси 2805 киши (1976); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик, токчилик б-н шуғулланади. Катта Фарғона каналидан сув ичади. Урта мактаб, болалар боғча ва яслиси, медпункт бор.

ЧИНОБОД — Самарқанд обл. Пайариқ р-ни Ленинизм қ. С. даги қишлоқ. Қалинин номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 7 *км*, яқин т. й. станцияси — Самарқанд (52 *км*). Аҳолиси 704 киши (1976); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик б-н шуғулланади.

ЧИНОБОД — Сурхондарё обл. Термиз р-ни Октябрь қ. С. даги қишлоқ. Ленин номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 13 *км*, яқин т. й. станцияси — Навшаҳар (2 *км*). Аҳолиси 1392 киши (1977); ингичка толали пахтачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Занг каналидан сув ичади. Урта мактаб, к-з трактор парки, медпункт, дорихона бор.

ЧИНОБОД — Тошкент обл. Оржоникидзе р-ни Чинобод қ. С. даги қишлоқ. «Октябрь» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 5 *км*, яқин т. й. станцияси — Қодрия (10 *км*). Аҳолиси 2348 киши (1977); сабзавотчилик, боғдорчилик, чорвачилик б-н шуғулланади.

ЧИНОБОД — Хоразм обл. Хива р-ни Чинобод қ. С. даги қишлоқ. Р-нининг жануби-шарқида, Свердлов номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 7 *км*, яқин т. й. станцияси — Урганч (37 *км*). Аҳолиси 865 киши (1976); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик, сабзавотчилик, боғдорчилик б-н шуғулланади. Полвонёп канали орқали Амударёдан сув ичади. К-з правлениеси идораси, ремонт устахонаси, саккиз йиллик мактаб, гараж, кутубхона, клуб, болалар боғчаси бор.



Чинкова В. А.


ЧИНОЗ (мўғулча б ў р и) — ўзбеклар таркибига кирган қабилалардан бири. *Рашидуддин Фазлуллоҳ* (14-аср)нинг «Жомиъ-ут-таворих» номли тарихий асарида ёзишича, Ч. атамаси мўғулларнинг тайжуит қабиласи таркибидаги уруғлардан бирини англатган. Кейинчалик Ч. лар тайжуитлардан ажралиб, мустақил қабила бўлганлар. 13—14-асрларда Ч. қабиласи ҳам бошқа бир қанча мўғул қабилалари каби *Дашти Қипчоқ*нинг шарқий қисмига келиб ўрнашганлар. Бу ерда Ч. лар мўғул тилларини аста-секин унутиб, туркий тилда гаплаша бошлаганлар. 16—17-асрларда уларнинг бир қисми Қарши чўли (Қарши ш. яқини)га ва Тошкент воҳасига кўчиб келиб, ўзбеклар таркибига сингиб кетган. Дашти Қипчоқда қолган қисми эса қорақалпоқлар таркибига кирган.

ЧИНОЗ — Тошкент областидаги шаҳар. Чиноз р-нининг маъмурий маркази. 1958 йил 8 майда ташкил этилган. Т. й. станцияси ва автомобиль йўллари узели. Чирчиқ дарёсининг ўнг соҳилида, Тошкентдан 50 *км* жанубда. Денгиз сатҳидан баландлиги 278 *км*. Аҳолиси 25 минг киши (1975).

Ш. нинг шимоли-шарқий қисмида қадимги Ч. харобалари сақланиб қолган. Бу ерда биринчи қишлоқ мил. 1-минг йилликнинг бошларида вужудга келган. 1-минг йиллик ўрталарига келиб қишлоқ мудофаа деворлари б-н ўралган ва марказий қисмида арки (баландлиги 8 *м*) бўлган шаҳарга айланган. Кўчманчи чорвадор халқлар б-н алоқалари ва Шарққа борадиган машҳур савдо йўлига жойлашганлиги шаҳарнинг тез ўсишига сабаб бўлган. Ч. 13-аср бошларида мўғуллар истилосидан кейин харобага айланган. Бу ерда ўтказилган археологик қазиш пайтида кўплаб хўжалик буюмлари, безаклар ва тангалар топилган.

Ч. атрофида шағал-қум карьери, шаҳарда пахта тозалаш з-ди, қурилиш конструкциялари к-ти, нон з-ди, маиший хизмат кўрсатиш пунктлари, 7 умумий таълим мактаби, маданият уйи, кинотеатр, кутубхона, аптека, касалхона, поликлиника ва б. бор (1976).

ЧИНОЗ РАЙОНИ — Тошкент областидаги р-н. 1935 йил 9 февралда ташкил этилган. 1962 йил 24 декабрда Янгийўл р-нига қўшилган эди. 1973 йил 12 апрелда қайтадан тузилди. Шимолдан ҚозССР, шарқдан Янгийўл р-ни,



жанубдан Ғалаба р-ни, ғарбдан Сирдарё области б-н чегарадош. Майдони 0,33 минг *км*². Аҳолиси 85 минг киши (1977). 6 қ. С. (Жамбул, Ислоҳат, Ленин, Чиноз, Эски Тошкент, Яллама), 1 шаҳар ва 1 шаҳар посёлкаси бор. Маркази — Чиноз ш.

Табиати. Рельефи, асосан, текисликдан иборат; қир ва адирлар, Қозоғистон чегарасига яқин жойда эса чўл бошланади. Фойдали қазилмалардан Сирдарё б-н Чирчиқ дарёсининг қўшилиш жойида қурилишда ишлатиладиган қум-шағал олинади. Иқлими континентал. Йиллик ўртача т-ра 12,5°. Январнинг ўртача т-раси —3,1°, минимал т ра —33°, июлнинг ўртача т-раси 26,5° максимал т-ра 42°. Вегетация даври 210 кун. Йиллик ёғин миқдори 350 *мм*. Р-н терр-ясидан ўтказилган Бўзсув, Қуркулдак, Шимолий Тошкент, Жўн каналларидан экинларни суғоришда фойдаланилади. Ачиқкўл, Чумчуққўл, Қелес йўлларида Ойликўл кўли бор. Тупроқлари, асосан, бўз, Чирчиқ дарёси ёқасида қорамтир бўз тупроқ. Ёввойи ўсимликлардан семизўт, шўра, итузум, бангидевона, ачамбити, қўйтикон, янтоқ, чучмома ва б. бор. Ёввойи ҳайвонлардан тулки, бўри, чиябўри, ёввойи чўчқа учрайди.

Аҳолиси, асосан, ўзбеклар: руслар, қозоқлар, тожиклар, озарбайжонлар, татарлар ва б. ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 *км*² га 257,8 киши.

Хўжалиги. Р-н экономикаси, асосан, қ. х. ишлаб чиқаришига ихтисослашган. Саноат корхоналаридан авторемонт з-ди, Тошкент кабель з-дининг филиали, қурилиш материаллари ва конструкциялари к-тлари (Чиноз, Олмазор), пахта тозалаш з-ди, Янгийўл мебель ф-касининг филиали, норуда қурилиш материаллари к-ти, «Узсельхозтехника» р-н бирлашмаси, қум-шағал карьери (бойитиш ф-каси б-н бирга) бор. Қ. х. нинг асосий тармоғи — пахтачилик. Шу б-н бир қаторда пиллачилик, сабзавотчилик, полизчилик, боғдорчилик, узумчилик ва чорвачилик ҳам ривожланган. Қ. х. да фойдаланиладиган ерлар 24734 *га*. Шундан 5490 *га* ер баҳорикор ерлар. Р-нда 10 к-з ва 5 с-з бор. 9730 *га* ерга пахта, 500 *га* ерга сабзавот, 700 *га* ерга полиз экинлари, 250 *га* ерга дон экилади, 300 *га* ер боғ ва 100 *га* ер ток б-н банд (1977). Р-н хўжаликларида 10800 қорамол (шундан 3264 сигир), 55459 қўй ва эчки, 15155 парранда бор (1977). Давлатга 36034 *т* пахта, 109,7 *т* пилла, 10 минг *т* сут, 900 минг дона тухум, 2 минг *т* гўшт (тирик вазнда), 11 минг *т* сабзавот, 2250 *т* мева, 2 минг *т* узум сотилди (1976).

Р-ндаги 46 умумий таълим мактаби, санаторий-мактаб-интернатда 19806 бола ўқимоқда. 18 кутубхона, 4 қироатхона, 1 маданият уйи, 7 клуб, 14 киноустановка ишлаб турибди. Р-н «Ленин байроғи» газетаси (тиражи 5000 нусха) 1935 йилдан бери чиқади. 475 ўринли 6 касалхона, 20 медпункт, 2 туғруқхона, 3 поликлиника, 1 диспансерда 73 врач ва 435 ўрта медицина ходими ишламоқда (1977). Охунбобоев ва Киров номли колхозларда дам олиш уйлари бор.

2 марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин мукофоти лауреати Т. Охунова, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари Ж. Умарова, Н. Урозбоев, Э. Додонов, Ю. Мирзааҳмедов, А. Сандаҳмедов, И. Шевченко, А. Ҳошимов, Ф. Бўронбоев, М. Холбоев, К. Азимов, Н. Шуйбеков шу р-нликдир.



Чинорнинг барглн новдаси.

ЧИНОР (Platanus) — чинордошлар (чиноргуллилар оиласи)га мансуб барг тўкувчи ўсимликлар туркуми. Шох-шаббаси қалин, бўйи баланд (50 *м* гача), танаси бақувват (айланаси 18 *м* гача), цилиндрсимон, пўстлоғи яшилкул ранг. Барглари кетма-кет жойлашган, панжасимон, узун бандли, гуллари майда, бир жинсли. Меваси ёнғоқча, 10 тури маълум. 25—30° совуққа ва қурғоқчиликка чидамли. Шимолий Америка (Канададан Мексикагача), Жануби-Шарқий Европа ва Ўрта денгиз бўйи мамлакатларидан Ҳиндихитойгача бўлган терр-яда тарқалган. СССРда шарқ чинори (Қавказ, Қрим, Ўрта Осиёда), ғарб чинори турлари (Жанубий Украина, Қора денгиз соҳиллари, шунингдек Ўрта Осиёда) ўстирилади; Шарқ чинори ёввойи ҳолда ҳам ўсади. Узбекистонда Ч. нинг манзарали 2 тури бор. Бўйи 20—30 *м* га етади. Иккаласи ҳам думалоқ-шарсимон, шох-шаббали, пўстлоғи силлиқ, сарғиш-оқ. Новдалари ва барглари ёшлигида тукли, кейинчалик туксиз. Барги йирик, асосан уч (баъзан етти) бўлакли. Меваси думалоқ, дағал тукли, диаметри 1,5 *см*, мева бандида 2—5 тадан ўрнашган ёнғоқча узоқ вақт тўкилмайди. Апрелда гуллаб, меваси май—сентябрда етилади.

Ч. айниқса ёшлигида тез ўсади. Қулай шароитда 2000 йил ва ундан ҳам кўпроқ яшайди. Эгей денгизидаги Кос оролида 2300 йиллик Ч. лар бор. Сурхондарё, Наманган ва Самарқанд областларида 600—800 ёшли Ч. лар учрайди. Ч. нинг ёғочи енгил ва пишиқ, мебель саноатида жуда қадрланади. Унинг ёғочидан ўзбек меъморлигида қадимдан фойдаланиб келинган.

ЧИНОР — Сурхондарё обл. Денов р-ни Вахшивор қ. С. даги қишлоқ. Карл Маркс номли к-з терр-ясида. Р-н маркази ва яқин т. й. станцияси — Денов (45 *км*). Аҳолиси 985 киши (1977); чорвачилик, боғорикор ғаллачилик, токчилик, боғдорчилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Булоқлардан сув ичади. Урта мактаб, медпункт бор.

ЧИНОР — Тошкент обл. Бўстонлиқ р-ни Угом қ. С. даги қишлоқ. «Хўжакент» с-зи терр-ясида. Р-н марказидан 21 *км*, яқин т. й. станцияси — Хўжакент (3 *км*). Аҳолиси 1318 киши (1977); боғдорчилик, пиллачилик, сабзавотчилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Булоқлардан сув ичади. Шредер номидаги Боғдорчилик ва узумчилик илмий тадқиқот ин-тининг тоғ филиали бор.

ЧИНОР — Тошкент обл. Оҳангарон р-ни Инқилоб қ. С. даги қишлоқ. «Октябрь» с-зи терр-ясида. Р-н марказидан 60 *км*, яқин т. й. станцияси — Ангрен (15 *км*). Аҳолиси 812 киши (1977); чорвачилик, боғдорчилик, ғаллачилик б-н шуғулланади. Оҳангарон дарёсидан сув ичади. Ўрта мактаб, клуб, кутубхона, алоқа бўлими, касалхона бор.

ЧИНОР — Фарғона обл. Узбекистон р-ни Охунбобоев қ. С. даги қишлоқ. «Комсомол» с-зи терр-ясида. Р-н марказидан 11 *км*, яқин т. й. станцияси — Яйпан (23 *км*). Аҳолиси 667 киши (1977); пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Қатта Фарғона каналидан сув ичади.

ЧИПОРҚАНОТЛИЛАР (Zygaenidae ёки Anthroceridae) — капалакларнинг бир оиласи. 1200 га яқин тури маълум. Қанотлари ёйилганда 5 *см* ча. Олдингиси, одатда, ялтироқ, кўк, яшил ёки қора. Қизил, сариқ, оқ доғлари бор. Баъзи

Ч. ранги сидирға бир хилда. Личинкаси ўсимлик (асосан, дуккакдошлар) барги б-н озиқланади. Пилла ичида ғумбакка айланиб, қишлайди. Ер юзида, айниқса, тропикларда кўп тарқалган. СССРда 80 га яқин тури учрайди. Айримлари маданий ўсимликлар зараркунандаси. Мас., ток чипорқанотлиси ток барги ва куртагини зараралайди.

ЧИПҚОН, фурункул — тук халтачаси ва атрофидаги тўқиманинг ўткир йирингли яллиғланиши. Стафилококклар қўзғатади. Терида ёғ ва тер ажралишининг кучайиши, авитаминоз, моддалар алмашинувининг бузилиши б-н кечадиган касалликлар *(диабет)*, тозаликка ва шахсий гигиенага риоя қилмаслик, терининг тирналиши ва чақаланиши Ч. га сабаб бўлади. Ч. терининг тукли қисмида, кўпинча бўйин, юз, бел, думба, сон ва б. ерларда учрайди. Дастлаб терида думалоқ, конуссимон тугунча шаклида қаттиқ яллиғланган *инфильтрат* пайдо бўлиб, безиллаб оғрийди, қизаради. 2—3 кундан сўнг катталашади, тери қизариб яллиғланади, кейин кўкимтир тусга киради, сўнг юпқалашиб, ёрилади, тагида ўйиқли катта яра ҳосил бўлади. 2—3 кундан сўнг яра чандиқланиб битади.

Ч. нинг айни вақтда кўплаб тошиши фурункулёз дейилади. Ч. ни яхши даволамаслик, моддалар алмашинувининг бузилиши, гиповитаминоз фурункулёзга сабаб бўлади. Ч. чиққанда баъзан беморнинг боши оғрийди, иситмаси кўтарилади, дармони қурийди.

Давоси: спиртли компресс, ультрабинафша нурлар, антибиотиклар, сульфаниламид препаратлари ва ҳ. к. буюрилади. Ихтиол малҳами суртилади.

ЧИРИКЖИЛДА — Фарғона обл. Киров р-ни 20-партсъезд қ. С. даги қишлоқ. «20-партсъезд» с-зи терр-ясида. Р-н марказидан 24 *км*, яқин т. й. станцияси — Рапқон (26 *км*). Аҳолиси 1275 киши (1976); пахтачилик, пиллачилик, боғдорчилик, полизчилик б-н шуғулланади. Қатта Фарғона каналидан сув ичади. Урта мактаб, медпункт бор.

ЧИРИКОВ Алексей Ильич (1703—1748, ноябрь, Москва) — рус денгиз сайёҳи, капитан-командор. 1721 йили Петербургдаги Денгиз академиясини тугатган. 1725—30 ва 1733—43 йилларда Биринчи ва Иккинчи Камчатка экспедицияларида В. *Беринг*нинг ёрдамчиси бўлган. 1741 йили мустақил саёҳат қилиб, Шимолий Америка шимоли-ғарбий соҳилининг бир қисмини ва теварак-атрофдаги баъзи бир оролларни, орқага қайтаётганда Алеут архипелагининг баъзи бир оролларини кашф этди. Денгиз академияси Тинч океандаги рус кашфиётлари картасини тузганда Ч. иштирок этган. Аляска қўлтиғидаги орол, Атту оролидаги бурун ва б. Ч. номи б-н аталган.

ЧИРИКРАБОТ — сак қабилаларидан бўлган *опасиаклар* шаҳрининг харобаси. Шаҳар мил. ав. 1-минг йиллик ўрталарига мансуб, *Жангадарё* бўйида (Қизилқумда) жойлашган. 1948—49-йилларда *Хоразм археология-этнография экспедицияси*, 1957—58-йилларда Ю. А. Рапопорт раҳбарлигидаги археологик отряд текширган. Ч. қалъаси тухумсимон тепалик (баландлиги 15 *м*) устига қурилган, майдони 850×600 *м*. Атрофи квадрат шаклидаги ғиштдан (30×30×9 *см* дан 50×50×11 *см* гача катталикда қад кўтарган. Ички ва ташқи деворлар б-н ўралган. Девор ташқарисидан қалъани айлантириб хандақ (кенглиги 40 *м*, чуқурлиги 4,5 *м*) қазилган.

Ч. нинг энг қадимги ёдгорликлари *мозорқўрғон*лардир. Улардан ҳозиргача 6 таси маълум. Мозорқўрғонда ўнга яқин қабр очилган. Қабрларга жасадлар чалқанча, бошлари шимоли-ғарбга қаратиб ётқизилган. Мозорқўрғонни қазиш вақтида мил. ав. 1-минг йиллик ўрталарига оид бир неча сопол бўлаклари, ясси дастали темир қилич, уч қиррали бронза ўқ учлари ва майда олтин буюмлар топилган. Ч. нинг қадимги ёдгорликларидан яна бири шаҳарнинг жанубий-шарқий томонидаги хом ғиштдан қурилган доира шаклидаги мақбара харобаси (диаметри 38,5 *м*, баландлиги 8,4 *м*) бўлиб, квадрат шаклидаги тўртта хона (ҳар бири 5,9×5,9 *м*) дан иборат. Қазиш пайтида мақбарадан темир ханжарлар, пичоқлар, олтин ва кумушдан ясалган қўнғироқчалар, ҳар хил тақинчоқлар топилган. Ч. дан мил. ав. 3—2-асрга оид сопол идишлар, асосан тувaклар, хумлар, товоқлар топилган.

Ад.: Толстов С. П., Қадимги Хоразм маданиятини излаб, Т., 1964; Толстов С. П., По древним дельтам Окса и Яксарта, М., 1962.

ЧИРИЛДОҚЛАР, қора чигирткалар (Grylloidea) — ҳашаротларнинг катта оиласи. 2000 га яқин тури маълум. Шундан 50 га яқини СССРда, жумладан Жанубий Қрим, Қавказ ва Ўрта Осиёда тарқалган. Танаси цилиндрсимон (йириклари 2—2,6 *см*), мўйлови, одатда, гавдасидан узун. Унг қаноти чапини бекитиб туради. Овоз чиқариш аппарати асосан эркак индивидларида бўлиб, у қанотларида жойлашган. Ер ёриқларида, тош остида, чумолилар инида, баъзилари уйларда (мас., уй чирилдоғи) яшайди. Ч. ҳаммахўр. Айримлари (мас., *бузоқбоши*, чўл чирилдоғи) экинларга зарар келтиради. Қарши курашда заҳарли хўраклар сепиш ва агротехника қоидаларига риоя қилиш керак.

ЧИРИСАН, Чисан — Кореядаги тоғлар, Собэк тоғларининг жанубий давоми. Узунлиги 50 *км*. Энг баланд нуқтаси 1915 *м* (Чирисан тоғи, Корея я. о. даги энг баланд чўққи). Ён бағирлари ўрмонлар (дуб, шумтол, қорақарағай, қарағай, тилоғоч) б-н қопланган.

ЧИРҚАЙ — Фарғона обл. Бувайда р-ни Янгиқўрғон қ. С. даги қишлоқ. «Коммуна» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 5 *км*, яқин т. й. станцияси — Фурқат (17 *км*). Аҳолиси 798 киши (1976); пахтачилик, пиллачилик, боғдорчилик б-н шуғулланади. Қатта Фарғона каналидан сув ичади. Саккиз йиллик мактаб, медпункт бор.

ЧИРҚАЙ — Фарғона обл. Киров р-ни 20-партсъезд қ. С. даги қишлоқ. «20-партсъезд» с-зи терр-ясида. Р-н марказидан 17 *км*, яқин т. й. станцияси — Рапқон (19 *км*). Аҳолиси 1177 киши (1976); пахтачилик, пиллачилик, боғдорчилик б-н шуғулланади. Қатта Фарғона каналидан сув ичади. Урта мактаб, медпункт, алоқа бўлими бор.

ЧИРҚАЙ — Қашқадарё обл. Қитоб р-ни Мақрид қ. С. даги қишлоқ. «Шаҳрисабз» с-зи терр-ясида. Р-н марказидан 22 *км*, яқин т. й. станцияси — Қитоб (26 *км*). Аҳолиси 1037 киши (1974); баҳорикор ғаллачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Санганак сойи, булоқлардан сув ичади. Урта мактаб, касалхона, дорихона, алоқа бўлими, с-з машина-трактор парки бор.



Чирчиқ районидаги Чирчиқ қишлоғининг умумий кўриниши.

ЧИРКИН Василий Алексеевич (1894, Свердловск—1960, Москва) — рус совет режиссёри. СССР-да хизмат кўрсатган санъат арбоби (1936). Москва филармониясини ташкил этган (1920). Иванович-Вознесенск, Курск, Брянск, Вильно, Свердловск, Киров шаҳар театрларида режиссёр ва бош режиссёр бўлиб ишлаган. С. М. Горький номидаги Тошкент рус драма театри ташкилотчиларидан ва биринчи бадиий раҳбарларидан (1934—39). Шу театрда саҳналаштирган: «Интервенция» (Л. Славин), «Жанжаллар» (Б. Ромашов), «Фантастлар» (Н. Погодин), «Пётр I» (А. Толстой), «Ғолиблар йўлида» (И. Прейгер), «Фитнанинг ўлими» (П. Балихин), «Отелло» (В. Шекспир) ва б. спектакларни даҳшатли саҳналаштирган. Мўйқалам усталари (Самарқанд) спектаклларни муваффақиятли ташкил этган.

ЧИРКОВ Борис Петрович (1901, 31 Т. Тошкент область.)—рус совет ёзувчиси. СССР ёзувчилари иттифоқи аъзоси (1939). Социалистик Меҳнат Қаҳрамони (1975). 1925 йилдан ВЛКСМ аъзоси. Ленинград Саҳна санъати институтини тугатган (1929). Ленинград Бош драматик театри ва яна ЦТТ да ишлаган. Иккинчи жаҳон урушида (1941—45) ҳарбий корреспондент бўлган. Пушкин номидаги театрда (1950—55) ишлаган. 1955 йилдан Бутун иттифоқ театрлар ишлари Комитети раёсатида ишлаган. Комсомол фаолияти йилларида биринчи асарлари — «Максимнинг қайтиши», «Ёлғиз томоша» пьеси Максим Н. ҳақидаги асарлар ўрин тутган. Степан Лаутин («Синглиқлар»), Махно («Александр Пархоменко»), Ленин («Ленинда») каби ролларни ўз ижодида ўзига хос ҳал қилган. 3-чақириқ СССР Олий Советининг депутати. СССР Давлат мукофоти лауреати (1941, 1947, 1948, 1950). 3 марта Ленин ордени, 2 бошқа орден ва медаллар билан мукофотланган.


ЧИРМОВЧИ — пичоқларига мансуб пичоқ турлари (қ. Пичоқлар).

ЧИРОҚЧИ — Бухоро вил. Қоғиз тоғ Байналмилал к. С. дағи қишлоқ. Карл Маркс номли жамоа хўжалиги. Р-н марказидан 4,5 км, ғарбда т. й. станцияси — Васильево (4,5 км). Аҳолиси 600 киши (1970); пахтачилик, полизчилик, чорвачилик ва шоҳидачилик ривожланган. Ибтидоий мактаб ишлаб турибди.

ЧИРОҚЧИ РАЙОНИ — Қашқадарё областидаги район. 1926 йил 25 сентябрда ташкил этилган. 1962 йилда Ғузордан район олинган. 1964 йил 29 декабрда район тугатилиб, Шаҳрисабз, Китоб, Шаҳрисабз, Яккабоғ, Ғузор, Қамаши, Косон ва жанубий Қарши районлари Қашқадарё областининг Пастдарғом, Самарқанд областининг Пастдарғом, Совет районлари билан бирлаштирилди. Майдони 1100 км². Аҳолиси 58000 киши (1976). 1 ш. с. (Пешқадам, Кўшработ, Сўфидавлат, Мирзо, Чимқо, Чирчиқ, Янги Ҳаёт) бор. Марказ — Чирчиқ қишлоғи.

Табиати. Р-н ҳудуди областнинг шимолий қисмида жойлашган. Рельефи текис ўта қир-адирлардан иборат бўлиб, тоғлари (Ҳўжатоғ тоғи) баландлиги 1000 м дан ошмайди. Денгиз сатҳидан баландлиги текис ўта қисмида 400—500 м, қир-адирларда 700—800 м ва ундан юқори. Р-н ҳудудининг асосини бўз тусли қатламлар ташкил этади. Қадимги ўзанларда 1200—1500 м гача қалинликда шағал ва тебиш ётқизиқлари ётади. Ҳудуди кенг текисликлардан иборат. Ғарбий қисми ўртача 2—3°, шимолий қисми ўртача 3—4°, жанубий қисми ўртача 4—5°, шимолий қисми ўртача 5—6°. Ботқоқлик ерлари 200—300 га. Ер ости сувлари 300 м, шимолий қисмида 400—500 м. Эшитар Қашқадарё, Қуршаб, Сўфидавлат ва Миёна қишлоқ Кенагасида 20 йилдан ортиқ давом этган тажрибалар шуни кўрсатдики, Р-нинг жанубида Чимқўрғон сув омбори бор. Шимолий қисми зонада ўтлоқи, тақирсимон типик бўз тупроқлар, ер ости сувлари, дарё водийларида ўтлоқи-ботқоқ тупроқлар тарқалган. Ёввойи ўсимликлардан ранг, қарағай, қамиш, шувоқ, қарағай, буғдойиқ, янтоқ, қоқиўтпа, қирқбуғум, кўзиқулоқ, оқпрай, тулкидори ва б. ўсади. Ёввойи ҳайвонлардан қуён, сирғанчиқ, кўр, калтакесак, қўшоёқ, сичқонлар, ғанемирлар; қушлардан чирвақ, сўфидавлай, қумчил, чўғирчиқ, зағизғон ва б. бор.

Аҳолиси, асосан, ўзбеклар; руслар, украинлар, татарлар, қозоқлар ва б. ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 45 киши (12 км). Аҳолиси 58100 киши (1977); пахтачилик, полизчилик, боғдорчилик, чорвачилик ва шоҳидачилик ривожланган. Қашқадарёдан сув олинган. Пахта заводи, ғалла ва ем заводлари, кинотеатр, ўрта мактаб бинолари, больница, спорт бўлими, дорихона, маиший хизмат кўрсатиш пунктлари, клуб, кутубхона, механизация, қўй ва механизациялашган колонна, ҳар хил машиналар паркі бор.



Хўжалиги. Р-нда пахта тозалаш з-ди, гилам ф-каси, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш к-ти, «Узсельхозтехника» р-н бирлашмаси, 2 механизациялашган кўчма колонна, босмахона, к-ларараро қурилиш бошқармаси ва б. бор. Қ. х. пахтачилик, ғаллакорлик ва чорвачиликка ихтисослашган. 104491 *га* ҳайдаладиган ернинг 12320 гектари суғорилади. Р-нда 9 к-з, 5 с-з ва к-ларараро бўрдоқичилик хўжалиги бор. 62935 *га* ер яйлов. Чўлда тупроқ эрозиясига қарши 366 *га* ерда иҳота дарахтзорлари барпо қилинди. 10 минг *га* ерга пахта, 71310 *га* ерга кузги, 3000 *га* ерга баҳорги бугдой ва арпа, 1311 *га* ерга маккажўхори, 1080 *га* ерга сабзавот, 70 *га* ерга картошка, 5500 *га* ерга полиз экинлари экилади, 93 *га* ер боғ, 141 *га* ер токзор, 2266 *га* ер бедазор б-н банд (1976). Р-н хўжаликларида 12041 қорамол (шундан 2326 сигир), 81000 қоракўл қўй, 74000 парранда бор (1976). Давлатга 23047 *т* пахта, 10691 *т* ғалла, 1921 *т* сабзавот, 2469 *т* полиз маҳсулотлари, 1895 *т* гўшт (тирик вазнда), 2769 *т* сут, 4 млн. 381 минг дона тухум, 431 *т* жун, 55602 дона қоракўл тери, 710 *ц* пилла сотилди (1975).

64 умумий таълим мактабида 25830 бола ўқимоқда (1975—76). 40 кутубхона (105996 китоб), 3 қироатхона, маданият уйи, 16 клуб, 8 кинотеатр, 34 киноустановка ишлаб турибди. Р-н «Олға» газетаси 1932 йилдан бери чиқиб турибди (1938 йилгача «Коллективлаштириш учун», 1968 йилгача «Колхозчи» номи б-н чиққан). Тиражи 6000 нусха. 600 ўринли 9 касалхона, 34 фельдшер-акушерлик пункти, 5 медпункт, санитария-эпидемиология станцияси ва б. ларда 78 врач ва 354 ўрта медицина ходими ишлаб турибди.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари Б. Сафарова ва Ж. Рўзиев шу р-ликдир.

ЧИРУ, ороиго (Pantholops hodgsoni) — қувушохлилар оиласига мансуб сут эмизувчи ҳайвон. Танаси 120—130 *см*, оғирлиги 25—35 *кг*. Бурун қисми бир оз бўртиб чиққан. Шохи мумсимон, тиниқ. Ч., асосан, Тибет чўлларида тарқалган. Қичик группа, қишда эса пода бўлиб яшайди. Ноябрь-декабрда урчийди. Ч. ларда *полигамия* мавжуд. Бўғозлик даври 6 ой. 1—2 бола туғади. Ўсимликлар б-н озиқланади.

ЧИРЧИҚ — Тошкент областидаги дарё. Сирдарёнинг йирик ўнг ирмоғи. Дарё ҳавзаси жануб ва шарқда Қурама ва Чатқол тоғ тизмалари, шимолда Талас-Олатови ва унинг ғарбий тармоқлари б-н чегараланган. Ғарбий Тяньшань тоғларидаги қор ва музликлардан Чатқол, Қўксув ва Писком дарёлари бошланади. 1971 йилгача Ч. Чорвоқ сойлигида Чатқол ва Писком дарёлари қўшилишидан ҳосил бўлар эди. Эндиликда дарё Чорвоқ сув омборидан бошланади ва Чиноз қишлоғи ёнида Сирдарёга қуйилади. Узунлиги 164 *км*, ҳавзасининг майдони 14240 *км*². Ч. тез оқадиган типик тоғ дарёси; тоғли қисмида чуқур, тор ва нишаб ўзанда тез оқади. Угом дарёси қўшилгандан сўнг Ч. водийси кенгаяди ва серунум ерларга айланади. Ч. дарёсига бир неча ирмоқлар келиб қўшилади. Энг йириклари Угом дарёси ва Оқсоқотасой. Қолган майда ирмоқлари (Қизилсув, Шўробсой, Озодбошсой, Оқтошсой, Товоқсой, Қорангкўлсой, Ғолибасой, Паркентсой, Олтинбексой, Заркентсой, Бошқизилсой ва б.) ёз ва куз ойларида қуриб қолади. Водийнинг текислик қисмида дарёга бир рорта ҳам ирмоқ келиб қўшилмайди. Ч. қор ва музлик сувларидан тўйинади. Сув сарфи Ҳўжакент қишлоғи яқинида 224 *м*³/*сек*, Чиноз қишлоғи яқинида 62 *м*³/*сек*. Максимал сув сарфи (950—890 *м*³/*сек*) июнь-июль ойларида кузатилади. Энг катта максимал сув сарфи 2160 *м*³/*сек* (1959 йил 8 апрель) ва 1452 *м*³/*сек* га (1914 йил 14 май) етган. Бундай катта сув сарфи Ч. дарёси учун характерли эмас. Минимал сув сарфи 52 *м*³/*сек*. Энг минимал сув сарфи 22 *м*³/*сек* бўлган (1956 йил февраль). Ўртача оқим модули 20,7 *л*/*сек км*². Ч. Сирдарёга йилига 164 *м*³/*сек* сув қуяди. Сувининг 52,4% и март—июнь ойларида, 32,1% и июль—сентябрь ва қолган 15,5% и октябрь—февраль ойларида оқади. Январь-февраль ойларида суви камайиб, 52 *м*³/*сек* дан ошмайди. Ч. дарёсида лойқа оқизиқлар кам (ўртача йиллик миқдори 59 *кг*/*сек*). Тоғлардан чиқиб текислик бўйлаб оққанда суви кўплаб ирригацион тармоқлар орқали суғоришга олинади. Захарик, Бўзсув, Қорасув, Шимолий Тошкент каби каналлар Ч. дарёсидан сув олади. Дарёдан гидроэнергетика соҳасида ҳам кенг фойдаланилади. Чирчиқ-Бўзсув каскадида 16 та ГЭС ишламоқда. Қодрия, Товоқсой, Оққовоқ, Оқтепа, Салор ва учта Қуйи Бўзсу, Чорвоқ (қуввати 600 минг *квт* соат), Ғазалкент, Юқори Чирчиқ (Троицкий) ГЭС лар шулар жумласидандир. Ч. дарёси суви Тошкент области ва қисман ҚозССР терр-ясидаги (Хоним ва Захариқлари) экин майдонларини суғоришга сарфланади (Ч.— Бўзсув системаси УзССР терр-ясида 100 минг *га* ва ҚозССРда 40 минг *га* ерни суғоради), шунингдек Тошкент, Чирчиқ, Янгийўл, Ғазалкент шаҳарларини ва кўпдан-кўп қишлоқларни сув б-н таъминлайди.

Ч. дарёси ўрта оқимида унинг ўнг соҳилидаги террасаларда Узбекистоннинг пойтахти — Тошкент шаҳри ўрнашган.

ЧИРЧИҚ — Тошкент областидаги шаҳар. Тошкентдан 30 *км* шимоли-шарқда, Чирчиқ дарёсининг (Сирдарёнинг ўнг ирмоғи) ўнг соҳилида. Тошкент — Чорбоғ т. й. даги станция ва автомобиль йўллари узели. Қоржонтоғининг ён бағрида, денгиз сатҳидан 730 *м* баландликда. Ч. 1932 йилда йирик электрокимё к-ти қурилиши муносабати б-н дарё бўйидаги Қирғизқулоқ, Қипчоқ, Ниёзбек қишлоқлари ўрнида ташкил топди. Аҳолиси 133,5 минг киши (1978).

Қ. х. машинасозлиги (кўрак териш машинаси, сеялка, культиватор ва б.) з-ди, Кимё машинасозлиги з-ди (кимё к-тлари учун асбоб-ускуна ва б. ишлаб чиқарилади), Трансформатор з-ди (трансформатор подстанциялари комплекти), қурилиш материаллари, темирбетон конструкциялари, қийин эрийдиган, ўтга чидамли металлар ва гўшт к-ти, ғишт, асфальт-бетон з-длари, Чирчиқ электр кимё саноати ишлаб чиқариш бирлашмаси («Электрохимпром»), пойабзал ва тикув ф-калари, нон з-ди ва б. корхоналар бор. 160 қурилиши трести бор. Чирчиқ ГЭСлари каскадига қарашли Товоқсой, Логинов номли, Оққовоқ ГЭС лари Ўрта Осиё ягона энергетика системасига уланган.


Саноатнинг тез суръатлар б-н ривожланиши ва аҳоли сонининг ўсиши (1939 й.—15 минг киши, 1959 й.— 65 минг киши, 1970 й.— 107,4 минг киши) натижасида илгариги айрим-айрим бўлиб қурилган ишчилар посёлкалари торлик қила бошлади. 1947 йилда бош план схемаси тузилди (архитектор В. Лихолетов), 1951 йилда бош план қайтадан тузилди (ар-



Чиру.



Чирчиқ. Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлган чирчиқликлар хотирасига ўрнатилган ёдгорлик.



Чирчиқ. 1. Ленин майдони панорамаси. 2. Советлар уйи.

хитекторлардан П. Дуда-Дудинский, Ф. Долгов, Л. Золотухина, Н. Фокина, инж. Т. Зиёев). Бош план ишчилар посёлкаларини бирбирига қўшиш, шаҳарнинг янги марказини аниқлаш, уй-жой, маъмурий биноларни, транспорт қатнайдиган кўчаларни тўғри тақсимлаш, аҳоли учун барча қулайликларни яратиш каби масалаларни ўз ичига олди. Иирик жамоатчилик бинолари, биринчи типовой 310 серияли уй-жойлар шаҳарнинг асосий Ленин кўчасида жойлашган. 1966—67 йиллардан бошлаб 4 қаватли ва ундан баланд йирик панелли бинолар янги микрорайонларда қад кўтармоқда. Жамоатчилик биноларидан 30—40-йилларда қурилган Индустриал техникуми биноси, 50-йилларда қурилган Чирчиқ Электр кимё саноат ишлаб чиқариш бирлашмаси Маданият саройини (арх. А. Петросов), Пионерлар саройини (арх. С. Розенблюм), Навоий номли кинотеатрни (арх. А. Бобохонов), 70-йилларда қурилган Советлар уйини (арх. Е. Видякин) ва б. ни кўрсатиш мумкин. Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлган жангчилар хотирасига ўрнатилган ёдгорлик (арх. С. Сутягин), маданият ва истироҳат боғлари, бульварлар, болалар боғча-яслилари, мактаблар, поликлиника ва касалхоналар, маиший хизмат кўрсатиш муассасалари ва б. бинолар шаҳар ҳуснига ҳусн қўшмоқда. Ч. нинг узунилиги 15 *км*. Чирчиқ дарёсининг водийси, айниқса унинг юқори қисми боғ ва узумзорлардан иборат бўлиб, аҳолининг дам олиш жойига айлантирилган.

Шаҳарда Тошкент Политехника ин-тининг кечки бўлими, медицина билим юрти, индустриал техникум, 2 музика мактаби, 4 спорт мактаби, 23 умумий таълим мактаби (21491 ўқувчи), 3 Маданият саройи, 5 клуб, 13 кинотеатр, ўлкашунослик музейи, 53 боғча ва яслн, пионерлар саройи бор. 1545 ўринли 9 касалхона, 9 поликлиника, аёллар консультацияси, 2 болалар поликлиникаси ва б. да 324 врач ва 1291 ўрта мед. ходими ишламоқда. Шаҳарда «Социалистический Чирчик» (11666 нусха) ва кўп тиражли «Металлург», «Химик», «Машинастроитель», «Сельмашевец» газеталари чиқиб турибди.

ЧИРЧИҚ ВОДИЙСИ — Ғарбий Тяньшандаги водий. Тошкент области терр-ясида. Шимолий-ғарб ва шимолда Қоржонтов ва Угом тизмалари, шимоли-шарқ ва шарқда Талас Олатови, жануби-шарқда эса Чатқол тизмаси б-н чегараланган. Жанубий ва жануби-ғарбий қисмлари текисликка туташган. Узунилиги Чатқол ва Писком дарёлари қўшилган жойдан то Сирдарёгача 174 *км*. Кенглиги водий торайган жойларда 80—100 *м* гача, ўрта қисмларида 7 *км* гача. Водийнинг энг тор жойи (Чорвоқ қисиғи ёки Чорвоқ дарвозаси)га тўғон, сув омбори ва *Чорвоқ ГЭС* қурилган. Чирчиқ дарёсининг қуйи оқими тэмон терраса (кўҳна қайир) поғоналари пасайиб боради ва дарё водийсининг чегараларини аниқ пайқаш қийин.

Ч. в. нинг ҳозирги шакли тектоник ҳаракатлар ҳамда дарё ва сойларнинг емириш фаолиятидан вужудга келган. Писком ва Чатқол дарёлари қўшилган жойдан то Чирчиқ шаҳригача бўлган терр-я Чирчиқ ботиғидан иборат. Палеоген даврида Ч. в. ўрнида денгиз бўлган. Шу давр охиридан бошланган альп бурмаланишида денгиз қайтган, кучли тектоник ҳаракатлар бўлиб ўтган ва водий замини кўтарилган. Чирчиқ дарёсининг бир неча терасалари бунинг далилидир. Бу терр-яда тектоник ҳаракатлар ҳозир ҳам давом этмоқда.

Ч. в. нинг иқлими континентал; ёзи иссиқ, қиши мўътадил. Ўртача т-ра январда 0°, —4°, июлда 24—28°. Йиллик ёғин водийнинг юқори қисмида 900 *мм* бўлса, этак томонида атиги 300 *мм*. Водий тоғлари шимоли-ғарбий намҳаво оқимига рўпара. Шунинг учун тоғ ён бағирларида йиллик ёғин 1300 *мм* га етади. Тоғларда кўпроқ қор, водийнинг ўзида ёмғир ва қор ёғади. Ғазалкент ва Чирчиқ шаҳарлари атрофларида йиллик ёғиннинг 35—40%и баҳор ойларига тўғри келади.

Асосий дарёлари *Чирчиқ* ва унинг ирмоқлари — Угом, Оқсоқотасой ва б. Вақтинча оқар сойлар ҳам кўп. Тоғ ён бағирларида сувнинг емириш фаолияти кучли, сел келади, суриламалар содир бўлади.

Чирчиқ — Бўзсув ГЭСлар каскади шу водийда. Унда 19 та ГЭС ишлайди. Чирчиқ дарёси ва ундан чиқарилган тармоқлар (Зах, Бўзсув, Қорасув, Жўн, Солор ва б.) водийни сув б-н таъминлайди.

Ч. в. нинг тупроқлари турли хил бўз тупроқ, тоғ ён бағирларида жигар ранг, қисман ўрмон қўнғир ва оч қўнғир тупроқлардир. Усимликлари тоғли қисмида баландлик минтақалари бўйича тақсимланган; буғдойиқ, кийикўт, тиканли буталар, ёнғоқ, олча, дўлана, бетага ва б. ўсади. Тоғ ўтлоқлари — яйлов. Текислик қисмини, асосан, маданий ландшафтлар ишғол қилган. Пахта, сабзавот ва б. экинлар экилади. Боғдорчилик ва токчилик ривожланган. Ёввойи ҳайвонлардан тоғ эчки-

си, бўри, тулки, суғур, юмронқозиқ, турли хил қушлар, судралиб юрувчилардан илонлар ва б., сувларда балиқлар бор.


Ч. в. да аҳоли пунктлари зич жойлашган. Саноат ривожланган. Тошкент, Чирчиқ, Янгийўл, Бектемир, Ғазалкент каби шаҳарлар бор. Курортлар, санаторийлар, пионер лагерлари ва б. оромгоҳлар ташкил этилган.

ЧИРЧИҚ ПОЙАБЗАЛ ФАБРИКАСИ — пойабзал саноатининг йирик корхоналаридан бири. Ф-ка 12 ёшгача бўлган болалар пойабзаллари ҳамда болалар, аёллар ва эркаклар учун уй пойабзаллари ишлаб чиқаради. 1942 йил ноябрида пойабзал ремонти устахонаси негизида ташкил этилган. 1949—57 йилларда ф-канинг барча ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаштириш натижасида унинг ишлаб чиқариш қуввати 600 минг жуфтга етказилди. 1958—61 йиллар амалга оширилган реконструкция натижасида ф-ка 12 конвейер линияси б-н жиҳозлантирилди, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми эса 3,5—4 баравар ошди. 1976 йилда ф-када 2418 минг жуфт пойабзал ишлаб чиқарилди. Ҳозир ф-када 18 миллат вакили меҳнат қилмоқда (1978).

ЧИРЧИҚ ТРАНСФОРМАТОР ЗАВОДИ — СССР электротехника саноатининг йирик корхоналаридан бири. 3-дда қуввати 630/10 *ква* дан 2500/10 *ква* гача бўлган комплектли трансформатор подстанциялари, турли йирик трансформаторлар, шунингдек халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилади. 1942 йил 12 апрелда Ленинграддан эвакуация қилинган «Электропульт» з-ди негизида ташкил этилиб, «Электрщчит» деб юритилган. 1962 йилдан эса ҳозирги ном б-н аталади. Дастлаб з-д электр шчитлари ишлаб чиқарган, электр моторлари ва б. электр жиҳозларини ремонт қилиш, созлаш, ишга тушириш каби ишларни ҳам бажарган. 1945 йилда з-д куч трансформаторлари, 1947 йилда эса пайвандлаш аппаратлари ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. 1949 йилдан кўчма трансформатор подстанциялари, 1952 йилдан 6 *кв* қувватли комплектли тақсимлаш қурилмаси, 1958 йилдан ГКТП-180(6)0,4 *кв* деган янги комплектли трансформатор подстанциялари ишлаб чиқарила бошлади. 1961 йили ТМЗ-1000 куч трансформатор б-н ишлайдиган КНТП-1000 типидаги комплектли трансформатор подстанциялари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди, з-д бир неча марта реконструкция қилинди. 1966 йилда янги бинонинг биринчи навбати, 1970 йилда эса иккинчи навбати фойдаланишга топширилди.

З-дда 23 миллат вакили меҳнат қилмоқда (1978).

ЧИРЧИҚ ЭЛЕКТР КИМЁ САНОАТИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ, «Электрохимпром» — СССР кимё саноатининг йирик корхонаси. 1975 йилгача Чирчиқ электр кимё к-ти деб аталган. Аммиак селитраси, карбамид, аммиак суви, суюқ аммиак ва б. ўғитлар, нитрат кислота, аммиак ва метанол синтези катализаторлари, никель-хром катализатори, қуруқ муз ва ш. к. кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқаради. Корхона 1934 йилдан қурила бошланган. 1941 йил ноябрида дастлабки маҳсулот — аммиак селитраси ишлаб чиқарган. 1944 йилда корхонанинг кўмирни газга айлантириш асосида аммиак ишлаб чиқарувчи иккинчи навбати, 1949 йилда катализатор ф-каси, 1964 йилда эса карбамид цехи ишга туширилди. 1961 йилдан бошлаб Бухоро газидан аммиак ишлаб чиқара бошлади.




Чирчиқ трансформатор заводи. Изоляция участкаси.

1975 йилда бирлашмада маҳсулот ишлаб чиқариш 1941 йилдагига нисбатан 30 баравар, меҳнат унумдорлиги янги техника ва технологиянинг жорий қилиниши эвазига 9,5 баравар ошди. Бирлашма маҳсулотларини барча иттифоқчи республикаларга етказиб беради ва 12 чет мамлакатга, жумладан, БХР, ВСР, ВХР, ГДР, КХДР, ЮСФР, РСР, ЧССР, Ҳиндистон ва б. мамлакатларга экспорт қилади. Бирлашмада 36 миллат вакили меҳнат қилмоқда (1978).

Ленин ордени (1971), Меҳнат Қизил Байроқ (1943) ордени б-н мукофотланган.

ЧИРЧИҚ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАШИНАСОЗЛИГИ ЗАВОДИ, Меҳнат Қизил Байроқ орденли Чирчиқ қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводи, «Чирчиксельмаш» — СССР қ. х. машинасозлигининг йирик корхонаси. Усимликларни озиқлантирадиган культиватор, ариқ қазийдиган машиналар, чизел-культиваторлар, кўрак терувчи машиналар, шунингдек, пайвандлаш электродлари, пўлат қуймалар, халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаради. 1942 йилда эвакуация қилинган Ростов қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ва Воронеждаги «Коминтерн» з-дларининг ходимлари ёрдамида ва асбоб-ускуналари асосида ташкил этилган. Уша йилнинг мартида фронт учун дастлабки маҳсулот ишлаб чиқарди, 1944 йилда з-д мудофаа учун зарур буюртмаларни бажариш б-н биргаликда чигит экиш машиналари ишлаб чиқаришни ўзлаштирди, 1945 йилдан бутунлай қ. х. машиналари тайёрлашга ўтди. 1946 йилга келиб з-дда чигит экиш сеялкаси, ғўзапоя йиғиш машинаси, ўғитлаш сеялкаси, ерни юмшатадиган культиватор каби 10 хилдан ортиқ машиналар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. 1953 йилдан ғўза остини юмшатадиган культиватор, 1954—55 йиллардан кўрак териш машинаси ишлаб чиқарила бошлади. 1976 йилда з-днинг маҳсулот ишлаб чиқариши 1941 йилдагига нисбатан 30 баравар, меҳнат унумдор-



1. Чирчиқ «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмасининг умумий кўриниши. 2. Аммиак ишлаб чиқаришни синтезлаш цехи.



Оддий чистик

лиги 12 биравар (9-беш йилликка 28,5%) ошди.

3-д жаҳонгаштаги қардош республикаларга ишқарилиши б-н биргаликда Болгария, Куба, Руминия, Миср, Сурия, Эфиопия каби 30 мамлакатга экспорт қилинмоқда. 3-д ишлаб чиқарган КРХ-4 культиватори 1966 йилда Қ. х. асбоб-ускуналари жаҳон кўргазмаси (Москва)да олтин медалга сазовор бўлган. 3-да 34 хиллат вакили ишламоқда (1977).

Меҳнат Қизил Байроқ (1971) ордени б-н мукофотланган.

ЧИРЧИҚ-БЎЗСУВ ГЭСлари КАСКАДИ — ЎзССРда Чирчиқ дарёси ва Бўзсув канали трактида олдинма-кетин жойлашган ГЭСлар мажмуи. Трактнинг узунлиги 186 *км*. Каскад жами қуввати 1,4 млн. *кет* дан зиёд ва йилига ўртача 4,7 млрд. *кет-с* электр энергияси ҳосил қиладиган 19 та ГЭСдан иборат. 1926 йил майда ишга туширилган *Бўзсув гидроэлектростанцияси* трактда биринчи қурилган.

Трактнинг бошланиш қисмида (Чирчиқ дарёси ўзанида) кетма-кет 3 та станция — *Чорвоқ ГЭС*, *Ҳўжакент ГЭС* ва Ғазалкент ГЭС жойлашган. Ғазалкент ГЭСдан қуйироқдаги, Чирчиқ дарёсининг сувини тартибга солиб турувчи тўғонининг ўнг томонидан *Товоқсой ГЭС*, Логинов номидаги ГЭС ва *Оққовоқ ГЭСлари*, *Қибрай ГЭС*нинг деривация каналлари бошланади. Сўнгги Оққовоқ-2 ГЭСининг сув ташлаш каналидан бошланган Бўзсув ирригация каналида кетма-кет *Қибрай*, *Қодрия ГЭС*, *Салор ГЭС*, Бўзсув ГЭС, *Шайхантаҳур ГЭС*, *Бўржар гидроэлектростанцияси*, *Оқтепа ГЭС*и ва 1-, 2-, 3-, 4- ҳамда 6-қуйи Бўзсув ГЭСлари жойлашган.

Каскаднинг барпо этилиши Чирчиқ дарёси суви ёрдамида электр энергияси ҳосил қилиш б-н бирга ирригация иншоотлари, йирик саноат марказлари, шаҳарлар, саноат корхоналари ва қишлоқларни сув б-н таъминлаш масалаларини ҳам комплекс равишда ҳал қилган.

ЧИРҲАЛИ — Хоразм обл. Шовот р-ни Бешмерган қ. С. даги қишлоқ. Чкалов номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 14 *км*, яқин т. й. станцияси — Шовот (19 *км*). Аҳолиси 603 киши (1976); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик, асаларичилик, сабзавотчилик б-н шуғулланади. Шовот канали орқали Амударёдан сув ичади. К-з фермаси, ремонт устахонаси, саккиз йиллик мактаб бор.

ЧИСТИКЛАР (Alcae ёки Alciformes) — қушларнинг бир туркуми. 20 тури бирлаштирган бир оиласи бор. Шундан СССР да 18 тури учрайди. Вазни 100—1000 *г*. Усти қора, қорни оқ. Иккала жинс бир тусда. Тана тузилиши сувда сузиш ва шўнғишига яхши мослашган. Оёқлари қисқа, олдинги учта бармоғи сузгич парда б-н туташган. Тумшуғи ҳар хил кўринишда. Жуда тез учади. Учишида орқага узатилган панжалари руль вазифасини бажаради. Ерда бесўнақай ва ёмон, сув остида қанотлари ёрдамида ҳаракатланади. Урчиш даврида бошида патли кокиллар, тумшуғида шохсимон пластинка ва ўсмалар пайдо бўлади. Ч. қуруқликка фақат тухум қўйиш учун чиқади. Уясини колония бўлиб қоя ёриқларига ва б. жойларга ясайди. 1—2 тухум қўяди. Тухумини нари ҳамда модаси навбат б-н 24—35 кун босади. Майда балиқ ва сувдаги умуртқасиз ҳайвонлар б-н овқатланади. Шимолий Муз океани, Европа, Осиё ҳамда Американинг Тинч ва Атлантика океанларидаги шимолий қирғоқларида тарқалган. Тухуми ва гўшти озиққа ишлатилади.

ЧИСТОН (форс-тож. چیستان — топишмоқ) — Шарқ поэзиясидаги лирик жанрлардан бири. Ч. қадимий шеърий усуллар каби узоқ тарихга эга. Дастлаб халқ оғзаки ижодида шеърий савол-жавоб, топишмоқ шаклида пайдо бўлган.

Ч. да ўқувчи ёки тингловчига савол ёўли б-н мурожаат этилади. Саволга жавобни ўқувчи ёки тингловчи топиши керак. Шу сабабдан Ч. топишмоқ-шеър деб ҳам аталади. Ч. нинг у н и м а? деган савол б-н бошланишининг сабаби ҳам шунда. Ч. да нарсаларнинг номлари очиқ айтилмайди, балки уларга хос шакл, сифат ва хусусиятлар қайд этилади. Ўқувчи ёки тингловчи Ч. мазмунидан келиб чиқиб, унда яширинган, номи пинҳон тутилган нарсани ўз зеҳни, идроки кучи б-н топиб олади. Ўтмишда шоирлар Ч. яратишда асосан, икки усул — *абжад* ва оддий топишмоқдан фойдаланишган. Ч. лар фард, байт, қитъа, рубоий ва қисман ғазал шаклида ёзилади, икки байтдан ўн байтгача, ҳатто ундан ҳам ортиқ бўлиши мумкин; маърифий, ижтимоий-сиёсий мазмунга эга бўлади.

Ўзбек адабиётида Ч. нинг дастлабки намуналарини Алишер Навоий яратган (мас., «Қалам», «Танга», «Миқроз», «Юмуртқа» ва б. Ч. лар). *Огаҳий*нинг «Танга», *Шавқий Каттақўрғоний*нинг «Самандар қуш», *Увайсий*нинг «Анор» Ч. лари машҳур.

Ул на гумбаздур? Эшиги, туйнугидин йўқ нишон,
Неча гулгун пок қизлар манзил-айладбур, макон.
Туйнугин очиб, аларнинг ҳолидан олсам хабар:
Юзларида парда тортуғлик тураралар бағри қон.
(«Анор», Увайсий).

Ч. б-н м у а м м о ўртасида маълум ўхшашликлар мавжуд. М у а м м о да кўпроқ киши номи, атоқли от ёки бирор сўз сўз ўйини асосида яширинган бўлади. Қитобхон уни м у а м м о қоидаларига мувофиқ топиб олади. Муаммо қоидалари Шарафиддин Али Яздийнинг «Ҳулали мутарраз дар фанни муаммо ва луғз» («Муаммо ва луғз фани тўғрисида безатилган ипак кийимлар»), Абдурраҳмон Жомийнинг «Рисолаи муаммои кабир» («Муаммо ҳақида катта рисола»), «Рисолаи муаммои мутавассит» («Муаммо ҳақида ўртача рисола»), «Рисолаи муаммои сағир» («Муаммо ҳақида кичик рисола»), Алишер Навоийнинг «Рисолаи муфрадот» асарларида атрофлича берилган. Муаммо қоидалари мураккаб ва улар ўз ичида усулларга бўлинади. Мас., Алишер Навоийнинг тубандаги шеърий сатрлари муаммонинг «интиқод» қоидасининг биринчи усулида ёзилган бўлиб, шеърда қаҳрамон номи унинг сифатларини баён этиш йўли б-н муаммо қилиб қўйилган:

Жамолидин кўрингач, фарри шоҳи,
Бу фардин ёруди маҳ то ба моҳи.
Қўюб юз ҳиммату иқболу давлат
Ҳамул фар соясидин топди зийнат.

Бу муаммода фар (нур)нинг соясига «ҳиммат»нинг юзи — «ҳ», «иқбол»нинг юзи — «алиф» ва «давлат»нинг юзи — «д» — ҳарфлари кирса, Фарҳод исми ҳосил бўлади.

Хуллас, классик адабиётда Ч. ҳам, муаммо ҳам муаллифнинг ўз фикрини яширин ифодалаш воситаларидан бўлган. Шу б-н бирга, улар ўқувчининг зеҳнини ўстириш, фикрлаш қобилиятини оширишда муҳим бадиий-эстетик роль ўйнаган.

Лд.: Орзибеков Р., Лирикада кичик жанрлар. Т., 1976; Маматов Н., Увайсий чистонлари, «Шарқ юлдузи», 1961, № 9.

ЧИСТОПОЛЬ — Татаристон АССРдаги шаҳар. Куйбишев сув омборидаги пристань. Қозон шаҳридан 144 *км* жануби-шарқда. Аҳолиси 66,5 минг киши (1976). Соат, кема ремонти, автомобиль ремонти, «Автоспецоборудование», ликёр-арақ з-длари; тикувчилик, трикотаж, пойабзал, мебель ф-калари; совхоз-техникум, мед. ва пед. билим юртлари, ўлкашунослик музейи, халқ театри бор.

ЧИСТЯКОВО — УССР Донецк областидаги *Торез* шаҳрининг 1964 йилгача бўлган номи.

ЧИТ (санскритча читрас — ола-була) — тўқилган енгил мато. Ч. тўқиш Шарқ мамлакатларида қадимдан мавжуд. Арқоғи, ўриш ипининг ҳаммасини пахта ипи ташкил қилади. Сидирға ҳамда гул босилган хиллари бор. Ч. хом сурпга (ишлов берилмаган матога) махсус пардоз бериш (майинлаштириш, дағаллаштириш, босим б-н гул солиш) йўли б-н тайёрланади. Ч. дан хотин-қизлар, болалар ҳамда эркаклар кўйлаклари, кўрпа-кўрпачалар, дарлардалар ва ш. к. тикилади.

ЧИТА — шаҳар, РСФСР Чита области маркази. Чита дарёси Ингода дарёсига қуйиладиган ерда. Транспорт узели. Аэропорт. Аҳолиси 290 минг киши (1976). Ч. Ингодинское зимовье посёлкаси сифатида 1653 йилдан маълум, 1690 йилда бу ерда слобода бўлган, 1706 йилдан у Чита деб атала бошлаган. 1851 йилдан шаҳар. Шаҳар атрофида олтин қазиб олиш ва ўрмон саноати ривожланган.

Ч. Шарқий Сибирнинг муҳим саноат ва маданият маркази. Муҳим корхоналари: автомобиль йиғув, машинасозлик, станоксозлик, паровоз-вагон ремонти з-длари, мебель-ёғочсозлик к-ти, ГРЭС, «Восточная» шахтаси ишлаб турибди (қўнғир кўмир қазиб олинади). Енгил (камволь-мовут ва кўн пойабзал к-тлари, хром тери з-ди, пўстин-мўйна ф-каси), озиқ-овқат (тегирмон, гўшт ва сут к-тлари, «Ингода» озиқ-овқат фирмаси корхоналари) саноатлари ривожланган. 3 олий ўқув юрти, Хабаровск т. й. инженерлари ин-тининг филиали, Иркутск ун-тининг сиртқи юридик ф-ти, 12 ўрта махсус ўқув юрти, драма ва қўғирчоқ театрлари, филармония, ўлкашунослик музейи бор.

ЧИТА ОБЛАСТИ — РСФСР таркибидаги область. 1937 йил 26 сентябрда ташкил топган. Майдони 431,5 минг *км*². Аҳолиси 1215 минг киши (1976). 29 р-н, 10 шаҳар, 42 ш. т. п. бор. *Ага Буряатлари автоном округи*нинг ўз ичига олган. Маркази — Чита ш.



Табиати. Ч. о. Забайкальеда жойлашган. Рельефи тоғлиқ. Яблоновий, Черский, Даурия, Боршовочний, Олёмкинский Становик тоғ тизмалари бор. Энг баланд нуқтаси Кодар тизмасида (2999 *м*). Фойдали қазилмалари: қалай, олтин, полиметалл, мис, молибден, вольфрам, флюорит (плавик шпат), темир рудаси, тошкўмир ва қўнғир кўмир, магнезит, оҳактош.


Иқлими кескин континентал. Январнинг ўртача т-раси —26°, —33°, июлники 17—21°. Йиллик ёғин 250—400 *мм*. Музлик ерлар кўп. Вегетация даври 120—160 кун. Йирик дарёлари: Шилка ва Аргунь (Амурнинг бош қисми), Хилок ва Чикой дарёлари Байкал кўлига қуйилади. Йирик кўллари: Қатта Леприндо, Леприндокан, Ничатка ва б. Тупроқлари тоғ-тайга, подзол, қора тупроқ, каштан, ўтлоқ тупроқлар. Терр-ясининг деярли ярми ўрмонзор. Ўрмонларда соболь, тийин, колонок, оқ сичқон, тулки, қўнғир айиқ, қоплон; туёқлилардан лось, елик, ёввойи чўчқа, шимол буғуси, ўрмонли дашт ва даштларда бўрсиқ, бўри, бурундуқ, қуён, юмронқозиқ яшайди.

Аҳолиси. Асосан руслар (89,6%, 1970) буряатлар (4,5%), украинлар (2,2%), татарлар (1,3%) ва эвенклар яшайди. 1 *км*² га 2,8 киши тўғри келади (1975). Шаҳар аҳолиси 63%. Шаҳарлари: Чита, Петровск-Забайкальский, Борзя, Балей, Нерчинск, Сретенск.

Хўжалигида етакчи ўринни саноат эгаллайди. 1974 йилда 1940 йилга қараганда ялпи саноат маҳсулоти деярли 6 марта ўсди.

Хўжалигининг асосий тармоғи — кон саноати. Обл. да юқори механизациялашган конлар ва кон бойитиш к-тлари барпо қилинган. Олтин (Балей, Вершино-Дарасунский, Ключевское конлари), плавик шпат (Қалангуй, Усуглинское конлари), молибден (Вершино-Шахтаминский, Давенда), қалай (Шерловая Гора к-ти), кўрғошин-рух (Аргунь бўйида, Хапчеранга), вольфрам (Онон д. ҳавзаси) қазиб олинади. Петровск-Забайкальскийда металл қайта ишлаш з-ди ишлаб турибди. Йирик Чита ГРЭС (530 минг *кет*) бор.


Ўрмон саноати ривожланган. Петровск-Забайкальский т. й. бўйлаб то Каримская станциясигача асосий тахта тайёрлаш р-нлари жойлашган. Оленгуй к-тида ёғочсозлик (арраланган тахта, шпал, ёғоч идишлар тайёрланади) ривожланган. Машинасозлик, автомобиль йиғиш, кўчма компрессор қурилмалар, холодильник қурилмалари, пармалаш жиҳозлари,



Чита. В. И. Ленин номидаги майдон.



Чичерин Г. В.



1 — читтаклар; 2 — мўйловдор читтак; 3 — катта читтак.

юк машиналари, металл қирқувчи станоклар, теплоход ва балиқ кемалари, кўприк кранлари, тахта ромлар чиқаришга ихтисослашган. Енгил саноат корхоналаридан камволь-мовут ва кўн пойабзал к-тлари, хром тери, пўстинмўйна ф-каси (Читада), Сретенскда кигиз этик ф-каси бор. Озиқ-овқат саноати (Чита, Борзя, Оловянная, Петровск-Забайкальский Нерчинск, Сретенск, Первомайскда гўшт к-тлари) ривожланган. Бир қанча мой ва сут корхоналари бор. «Дарасун», «Кука», «Молоковко» минерал сувлари бутилкаларга қуйиб чиқарилади.

Қ. х.-нинг асосий тармоғи — чорвачилик; майин ва ярим майин жунли қўйчилик ривожланган. Ч. о. жут ишлаб чиқариш бўйича РСФСРда 4-ўринда (14,4 минг *т*, 1974). Қорамол боқилади; шимолида — буғучилик ривожланган. 4347 минг қўй ва эчки, 690 минг қорамол, 184 минг чўчқа бор (1975).

Қ. х. га яроқли ерлар 8,7 млн. *га* (1974). Ҳайдалган ерлар 24,2%, яйловлар 39%, пичанзорлар 13,9%, бошқа ерлар 22,9%. Ч. о. да 151 к-з ва 91 с-з бор (1974). Экин майдони 1,7 млн. *га* (1974), жумладан ғалла экинлари 1,2 млн. *га*, картошка ва сабзавот 0,04 млн. *га*, ем-хашак экинлари 0,5 млн. *га*. Донли экинлардан буғдой, арпа, сули, гречиха экилади. Т. й. узунлиги 2081 *км* (1975), автомобиль йўли 9224 *км* (1973). Шилка дарёсида кема қатнайди. Авиалиниялар тараққий этган.

1975/76 ўқув йилида 910 умумий таълим мактаби, 35 профессионал-техника ўқув юрти, 21 ўрта махсус ўқув юрти, 3 олий ўқув юрти, Хабаровск т. й. транспорти инженерлари институтининг филиали, Иркутск ун-тининг сиртқи юридик ф-ти, 3 илмий тадқиқот ин-ти бўлган. 4 музей, 2 театр ишлаб турибди. «Забайкальский рабочий» (1905 йилдан) ва «Комсомолец Забайкалья» (1951 йилдан) обл. газеталари чиқиб туради.

Ад.: Российская Федерация. Восточная Сибирь, М., 1969 (серия «Советский Союз»); Природные богатства и перспективы развития экономики Читинской области, Чита, 1960; Природные условия и хозяйство Читинской области, Сб. ст., Чита, 1963.

ЧИТИРАНҒИ (Erysimum) — крестгулдошлар (бутгуллилар оиласи)га мансуб ўсимликлар туркуми. Бир, икки ёки кўп йиллик тукли ўтлардан иборат. Барглари бутун ёки қирқилган. Тожбарглари сариқ, баъзан тўқ пушти, оқ. Меваси қўзоқча. 100 тури бор. СССРда 70 тури бўлиб, асосан Кавказ ва Урта Осиё тоғ этакларида, чўлларда ўсади. Ч. нинг кул ранг Ч. (E. canescens) тури доривор. Унинг ер остки қисмидан юрак-қон томирларини даволашда ишлатиладиган глюкозидлар — эризизин, эризимозид олинади.

ЧИТКАРОН — Бухоро обл. Шофиркон р-ни Чандир қ. С. даги қишлоқ. «Узбекистон» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 6 *км*, яқин т. й. станцияси — Бухоро (37 *км*). Аҳолиси 615 киши (1976); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик, полизчилик, богдорчилик б-н шуғулланади. Шофиркон каналидан сув ичади. Саккиз йиллик мактаб, кутубхона, медпункт бор.

ЧИТТАГОНГ, Чатагам — Бангладешдаги шаҳар, Карнапҳули дарёси бўйидаги порт, Бенгалия қўлтиғидан 15 *км* ичкарида. Читтагонг обл. ва округининг маъмурий маркази. Аҳолиси 416 минг киши (1974). Ч. — мамлакатнинг энг йирик денгиз порти (юк обороти 4,7 млн. т., 1975) ва Даккадан кейинги асосий иқтисодий маркази. Муҳим транспорт узели. Жут, ип газлама, кимё, озиқ-овқат, гугурт, ёғочсозлик, металлсозлик, кемасозлик, цемент саноати корхоналари, металлургия ва нефтни қайта ишлаш з-длари, савдо компаниялари, ун-т бор.

ЧИТТАКЛАР (Paridae) — чумчуқсимонлар туркумининг бир оиласи. 65 турни бирлаштирган 6 уруғи бор. Танаси 7,6—20 *см*, оғирлиги 7—23 *г*. Конуссимон тумшуғи қисқа, бурун тешикларининг атрофи қилсимон пар б-н ўралган. Оёқлари бақувват, тирноғи ичига қайрилган. Нари ва модаси ўхшаш тусда: боши, томоғи қора, кўкраги қора йўлли сариқ, усти, қорни ва ёни сарғиш-кўкимтир. Ч. уясини дарахт ковакларига, шох-шаббаларга ясайди.

Йилда бир (жанубий р-нларда икки) марта 4—16 тухум қўяди. Тухумини модаси 12—13 кун босади. Ч., асосан, ўрмон, паркларда ўтроқ яшаб, ўсимлик зараркунанда ҳашаротлари б-н овқатланади. Евросиё, Африка ҳамда Шимолий Америкада тарқалган, Ўзбекистонда оқ читтак, сариқ томоқ читтак, катта читтак, *вахмакуш* (уясини дарахт новдаларига осилтириб қуради) каби турлари яшайди.

ЧИУАУА — Мексиканинг шимолий қисмидаги шаҳар. Чиуауа штатининг маъмурий маркази. Аҳолиси 364 минг киши (1975). Т. й. ва автомобиль йўллари узели. Рангли ва нодир металл рудалари қазиб чиқариладиган муҳим р-нининг маркази. Озиқ-овқат, тўқимачилик, кимё, металлсозлик корхоналари, шаҳар яқинида қўрғошин ва б. металлар эритиладиган катта з-д бор.

ЧИХАЧЁВ ТИЗМАСИ — Олтойнинг жанубишарқидаги тоғ тизмаси. РСФСР Олтой ўлкасида, қисман СССР б-н ва МХР чегараси бўйлаб чўзилган. Узунлиги 100 *км*, энг баланд жойи 4029 *м*. Асосан қумтош, сланец, оҳактош, кристалли сланец ва кварцитлардан тузилган. Қичик музликлар мавжуд. Ён бағирлари, асосан, шувоқли дашт ўсимликлари б-н қопланган. Тизма рус географи ва геологи П. А. Чихачёв номи б-н аталади.

ЧИЧЕРИН Георгий Васильевич (1872. 12. 11, Тамбов губерняси — 1936. 7. 7, Москва) — совет давлат арбоби, дипломат. 1904 йилдан революцион ҳаракатда. 1918 йилдан Коммунистик партия аъзоси. Петербург ун-тининг тарих-филология ф-тини тугатган (1896). 1897 йилдан Россия Ташқи ишлар министрлигида. 1904 йилдан Германияда муҳожирликда. У ерда 1905 йили РСДРПга аъзо бўлиб кирган. РСДРПнинг 4-съезди (1906) дан сўнг меньшевикларга қўшилган. 1908 йилдан Франция социалистик партияси ишида қатнашган. Биринчи жаҳон уруши даври (1914—18) да интернационалист. 1917 йили Англияда муҳожирларни Россияга қайтариш бўйича «делегатлар комиссияси» секретари сифатида қамалган. Совет ҳукумати Ч. ни қамоқдан озод қилдирган. Ч. Совет Россиясига қайтгандан сўнг Ташқи ишлар халқ комиссарининг ўринбосари бўлиб ишлаган. 1918 йил 3 мартда совет делегацияси составида Германия б-н тузилган *Брест сулҳини* имзолаган. 1918 йил 30 майдан РСФСР, 1923—30 йилларда СССР Ташқи ишлар халқ комиссари. Ч. *Генуя конференцияси* ва *Лозанна конференциясида* совет делегациясига бошчилик қилган ва Совет Россиясининг чет эллар б-н тузган турли шартнома ва битимларини имзолаган. Партия 14—15-съездларида МК аъзоси қилиб сайланган. Бутун Россия ва СССР МИК аъзоси бўлган.

ЧИЯБЎРИ, шақал (Canis aureus) — йиртқичлар туркумининг итсимонлар оиласига мансуб сут эмизувчи ҳайвон. Танаси 71—85 *см*, думи 20—36 *см*, оғирлиги 7—13 *кг*. Қишда хира сарғиш, кул ранг (елкасида қора аралаш), ёзда малла рангда, қораси кам. Думи малла-қўнғир, учи қора. Ч. дарё ва кўл қирғоқларидаги тўқай, бутазорларда яшайди. Ин сифатида бошқа ҳайвонлар уясидан, табиий чуқурчалардан фойдаланади (баъзан ўзи уя қазийди). Март—майда 4—8 бола туғади. Ҳар хил ҳайвон ҳамда ўсимлик маҳсулотлари, ўлимтиклар ва б. б-н овқатланади. Шимолий Африка, Жанубий Осиё, Жануби-Шарқий Европа, Болқон я. о. ва Арабистонда тарқалган. СССРда Қавказ, Урта Осиё, баъзан Молдавияда учрайди. Аҳоли яшайдиган пунктларга яқин жойлардаги Ч. лар ўлимтиклар б-н озиқланиб, баъзи юқумли касаллик қўзғатувчиларини тарқатади ва паррандаларни еб зарар келтиради. Мўйнаси сифатсиз.

ЧИЯНЛАР — Хоразм обл. Ҳазорасп р-ни Юқори Мухаман қ. С. даги қишлоқ. Р-нининг шимоли-шарқида. Карл Маркс номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 8 *км*, яқин т. й. станцияси — Ҳазорасп (10 *км*). Аҳолиси 757 киши (1976); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик, шоликорлик, сабзавотчилик, богдорчилик б-н шуғулланади. Сут-товар фермаси, машина-трактор парки, устахона, омбор, саккиз йиллик мактаб, кутубхона, клуб бор.

ЧИҚАРИШ СИСТЕМАСИ, экскретор система — одам ва ҳайвонлар организмидан ортиқча сув, тузлар, кераксиз ҳамда заҳарли моддаларни ташқарига чиқарувчи органлар мажмуи. Энг содда ҳайвонларда осон эрувчи экскретлар (аммиак, мочевина) диффузия йўли б-н (денгизда яшовчи ва паразит формаларда) ёки қисқарувчи вакуолалар (чучук сувда яшовчи формаларда) ёрдамида чиқарилади. Эволюция процессида махсус Ч. с. вужудга келди. Тубан чувалчанглар, шунингдек приапулидлар, баъзи ҳалқали чувалчанг ва полихетлар ҳамда моллюскалар личинкасининг чиқариш органи — протонефридий (тешиклари ташқарига очилган найчалар системаси). Кўпчилик ҳалқали чувалчанглар Ч. с. — метанефридий (эктодермадан вужудга келган найсимон орган). Моллюскалар чиқариш органи мезодермадан ривожланган ва ҳ. к.

Қуруқликда яшашга ўтиш б-н (бу сувни иқтисод қилишни талаб қилади) аммиак ва мочевина қийин эрувчи гуанин (ўргимчаксимонларда) ёки сийдик кислотаси (кўп оёқлилар ва ҳашаротларда) б-н алмашинди. Қуруқликда яшовчи умуртқасиз ҳайвонларнинг қайтадан сувда яшашга ўтиши (мас., ҳашаротлар личинкаси) уларда асосий чиқариладиган модда яна аммиак бўлишига ва чиқариш органларининг (мальпиги томирлари ва ичак) *осморегуляция*даги роли ортишига олиб келди ва б. Умуртқали ҳайвонларда чиқариш вазифасини *буйрак* бажаради.

Ад.: Беклемишев В. Н., Основы сравнительной анатомии беспозвоночных, 3 изд., т. 1—2, М., 1964; Курс зоологии, 7 изд., т. 1—2, М., 1966.

ЧИҒАНОҚ — кўпгина умуртқасиз ҳайвонлар танасини қоплаб, ҳимоя функциясини бажарувчи скелет тузилма. Одатда, Ч. танага зич ёпишиб турмайди ва ундаги тешикдан организм қисман ташқарига чиқиши мумкин. Асосан, кальций карбонат ёки қум, диатомлар зирҳи, булутлар игнаси ва б. аралашган органик моддалардан иборат. Ч. баъзи содда ҳайвонларга, кўпчилик моллюскаларга, шунингдек бўғим оёқлилар ва елка оёқлиларга хос. Ч. яхлит ёки бир неча камерали бўлади. Қатталиги 50 *мкм* дан (фораминиферада) бир неча *см* гача. Моллюскалар чиғаноғи (Ч. б-н тана оралиғида *мантия* бор) 3 қаватдан иборат: ташқи қават — периостракум органик модда (конхин)дан, ички қават — остракум конхин б-н бириккан ва Ч. юзасига тик жойлашган оҳакли шпат ёки арагонит призмачалардан, ўрта қават — гипостракум (садафли қават) конхин б-н бириккан арагонит (бир-бирига ёпишган) пластинкалардан ташкил топган. Моллюскалар чиғаноғи шакли ҳамда катталиги турлича (тридакна чиғаноғи 1,7 *м* ча, оғирлиги 25 *кг* ча). Зирҳли моллюскалар чиғаноғи бир неча пластинкали ва ҳ. к.

Моллюскалар чиғаноғидан хўжалик ва зийнат буюмлари тайёрланади. Баъзи содда ҳайвонлар чиғаноғи тўпланишидан чўкинди тоғ жинслари, моллюскаларникидан эса оҳак ва б. ҳосил бўлади.

ЧИҒАНОҚЛИ АМЕБАЛАР (Thecamoebina), чиғаноқли илдиз оёқлилар (Testacea) — саркодалилар синфига мансуб содда ҳайвонларнинг туркуми. Бир неча юз тури мавжуд. *Амёбалар*дагги каби цитоплазма, ядро бор, бироқ чиғаноғининг (50—150 *мкм*) бўлиши б-н фарқ қилади. Чиғаноқ (асосан, хитинли) ичида танаси, шунингдек ядроси жойлашган, четидан эса псевдоподиялари чиқиб туради. Жинссиз бўлиниш йўли б-н кўпаяди. Чучук сув ҳавзалари қирғоғида яшайди.

ЧИҒАНОҚЛИЛАР, остракодалар (Ostracoda) — қисқичбақасимонлар синфига мансуб умуртқасиз ҳайвонларнинг кенжа синфи. 2000 га яқин тури маълум. Танаси (0,2—23 *мм*) оҳак б-н тўйинган икки тавақали чиғаноқ ичига жойлашган. 3 жуфт оёғи бор. Кўпчилик Ч. да битта оддий, баъзиларида бир жуфт мураккаб (фасеткали) кўзлари бўлади. Денгиз ва чучук сувлар тубида яшайди. Овланадиган балиқлар учун озиқ. Қазилма Ч. кембрий даври ётқизиқларидан топилган бўлиб, нефть ва газ конларини излаб топишда муҳим омил ҳисобланади. Шунингдек, стратиграфияда катта аҳамиятга эга.


Ад.: Жизнь животных, т. 2, М., 1968.

ЧИҒАТОЙЛАР — *Чиғатой улуси*ни идора этган сулола (1224—1370). Чингизхоннинг иккинчи ўғли Чиғатой (1242 йили вафот этган) номидан келиб чиққан.


Чиғатой улуси хонлари: Чиғатой (1224—42), Хара Ҳалоку (1242—47), Есу Мункэ (1247—52), Хара Ҳалоку (1252, иккинчи марта), Орқина хотун (1252—61), Олғу (1261—66), Муборак (1266), Бароқ (1266—



Чиябўри.



Чиғаноқли амёбалар: *а*) арцелла; *б*) эуглифа. *1* — псевдоподиялар; *2* — ядро.



Турли моллюскалар чиғаноғи.

71), Никпай (1271—72), Туға Темур (1272—91), Дува (1291—1306), Кунчек (1306—08), Талику (1308—09), Кепак (1309), Эсонбуқо I (1309—18), Кепак (1318—26, иккинчи марта), Дува Темур (1326), Алоуддин Тармаширин (1326—34), Чангши (1334), Бузан (1334—38), Есун Темур (1338—42), Муҳаммад (1342—43), Қозон (1343—46), Донишмандча (1346—48), Боёнқули (1348—59), Шоҳ Темур (1359), Туғлуқ Темур (1359—70).

ЧИҒАТОЙ (туғилган йили номаълум —1242)— мўғул хони, *Чингизхон*нинг иккинчи ўғли. Чингизхоннинг аксарият босқинчилик юришлари (Хитой ва Хоразмни босиб олиш)да қатнашган. Чингизхон забт қилган ерларини ўзи ҳаётлигидаёқ ўғиллари ўртасида мулк тарзида тақсимлаб берган. Ғулжа (Шарқий Туркистон)дан Амударёгача бўлган ерлар (*Чиғатой улуси*) Ч. га теккан. Унинг қароргоҳи Или дарёси водийсида бўлган. Узи аксар Уқтой қоон қароргоҳида яшаган. Мўғул хонлари орасида Ч. *яса* қонунларини яхши билган ва уларга қаттиқ риоя қилган. Ч. ўз улусини *Маҳмуд Яловач* ва унинг ўғли Масъудбек орқали идора этган.

ЧИҒАТОЙ — Самарқанд обл. Иштихон р-ни Ҳақиқат қ. С. даги қишлоқ. «Правда» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 15 *км*, яқин т. й. станцияси — Каттақўрғон (40 *км*). Аҳолиси 556 киши (1976); пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Зарафшон дарёсидан сув ичади. Урта мактаб, кутубхона, медпункт, алоқа бўлими бор.

ЧИҒАТОЙ — Самарқанд обл. Каттақўрғон р-ни Чўянчи қ. С. даги қишлоқ. «Ленин йўли» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 9 *км*, яқин т. й. станцияси — Каттақўрғон (14 *км*). Аҳолиси 809 киши (1976); пахтачилик б-н шуғулланади. Оқдарёдан сув ичади. Кутубхона, клуб, медпункт, болалар боғчаси бор.

ЧИҒАТОЙ — Самарқанд обл. Хатирчи р-ни Ленин қ. С. даги қишлоқ. «Москва» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 9 *км*, яқин т. й. станцияси — Зирабулоқ (23 *км*). Аҳолиси 726 киши (1976); пахтачилик, пиллачилик, боғдорчилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Оқдарёдан сув ичади. Урта мактаб, клуб, болалар боғчаси, медпункт, ремонт устахонаси бор.

ЧИҒАТОЙ — Сурхондарё обл. Шеробод р-ни Сеплон қ. С. даги қишлоқ. «22-партсъезд» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 3 *км*, яқин т. й. станцияси — Навшаҳар (45 *км*). Аҳолиси 952 киши (1977); ингичка толали пахтачилик, чорвачилик б-н шуғулланади, Шеробод шаҳрида, пахта з-дида, транспортда, қурилишда, маданий-маиший муассасаларда хизмат қилади. Шерободдарёдан сув ичади. Клуб, кутубхона, медпункт, дорихона, ўрта мактаб, алоқа бўлими бор.

ЧИҒАТОЙ — Тошкент обл. Тошкент р-ни Киров қ. С. даги қишлоқ. Сабзавотчилик илмий тадқиқот ин-ти ва «Тошкент-1» с-зи терр-ясида. Р-н марказидан 14 *км*, яқин т. й. станцияси — Тошкент (8 *км*). Аҳолиси 778 киши (1977); сабзавотчилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Дамариқдан сув ичади.

ЧИҒАТОЙ — Хоразм обл. Боғот р-ни Деҳқонбозор қ. С. даги қишлоқ. Киров номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 13 *км*, яқин т. й. станцияси — Ҳазорасп (15 *км*). Аҳолиси 539 киши (1976); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик, шоликорлик, сабзавотчилик б-н шуғулланади. Полвонёп канали орқали Амударёдан сув ичади. Қ-з фермаси, омбори, устахонаси бор.

ЧИҒАТОЙ — Хоразм обл. Хива р-ни Ўзбекистон қ. С. даги қишлоқ. Р-нининг шимоли-шарқида, Ленин номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 9 *км*, яқин т. й. станцияси — Урганч (39 *км*). Аҳолиси 624 киши (1976); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик, шоликорлик, сабзавотчилик, боғдорчилик б-н шуғулланади. Полвонёп канали орқали Амударёдан сув ичади. Сут-товар фермаси, омбор, саккиз йиллик мактаб, кутубхона бор.

ЧИҒАТОЙ — Хоразм обл. Шовот р-ни Ижтимоиёт қ. С. даги қишлоқ. Р-нининг шимоли-ғарбида, «19-партсъезд» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 21 *км*, яқин т. й. станцияси — Шовот (26 *км*). Аҳолиси 741 киши (1974); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик, шоликорлик, сабзавотчилик, боғдорчилик б-н шуғулланади. Шовот канали орқали Амударёдан сув ичади. Машина-трактор парки, сут-товар фермаси, ремонт устахонаси, саккиз йиллик мактаб, кутубхона бор.

ЧИҒАТОЙ—Қашқадарё обл. Яккабоғ р-ни Самоқ қ. С. даги қишлоқ. «Коммунист» к-зи терр-ясида. Р-н маркази ва яқин т. й. станцияси — Яккабоғ (24 *км*). Аҳолиси 558 киши (1974); пахтачилик, ғаллачилик, боғдорчилик, тамакичилик б-н шуғулланади. Қизилдарёдан сув ичади. Урта мактаб, медпункт бор.

ЧИҒАТОЙ ТИЛИ — 14—16-асрлардаги ўзбек адабий тили ва диалектларига нисбатан шартли равишда қўлланилган термин (қ. *Эски ўзбек тили*).

ЧИҒАТОЙ УЛУСИ — Чингизхон *Чиғатой* ва унинг авлодларига мерос қилиб берган (1224) вилоятларнинг умумий номи. Терр-яси Мовароуннаҳр, Еттисув ва Қашқардан иборат бўлган. Кўчманчи тарзда ҳаёт кечирувчи мўғуллар ўтроқ аҳолини бошқариш учун тажрибага эга эмас эдилар. Шунинг учун Чиғатой ўз улусини бошқаришни хоразмлик *Маҳмуд Яловоч* (1225—38) ва унинг ўғли Масъудбек (1238—89) ка топширган. Узи эса улусдан келадиган даромадларнинг асосий қисмини олиш б-н қаноатланган. Маҳаллий аҳолидан тайинланган ҳоким эса уларнинг маълум қисмини ўзлаштириш ҳамда улус қўшинларига қўмондон тайинлаш ҳуқуқига эга бўлган. Бутун *мўғул феодал империяси*дагидек Ч. у. да ҳам меҳнаткаш халқ икки ёқлама-мўғул *доруға*лари, *босқоқ*лари ва маҳаллий феодал оқсуяклари томонидан эксплуатация қилинган. Деҳқонлар ва ҳунармандлар илгаридан мавжуд бўлган солиқлардан ташқари, мўғуллар жорий қилган янги солиқларни ҳам тўлашга мажбур этилган. Натижада Ч. у. нинг кўп шаҳар ва қишлоқларида мўғуллар ва маҳаллий феодаллардан халқ норозиликлари кучайган, қўзғолонлар кўтарилган (мас., *Маҳмуд Таробий қўзғолони*). Чиғатой вафот этгач (1242), *Мункэ* б-н Ботухон Ч. у. ни мулк сифатида тугатишга қарор қилган. 1251 йили империя Қурултой чақирилиб, Мункэ тахтга ўтиргач, Чиғатой авлодларининг кўпчилиги қатл қилинган. Ч. у. ни эса Мункэ ва Ботухон ўзаро бўлишиб олганлар. Мовароуннаҳр Ботухон қўлига ўтган. 13-аср 60-йилларида Чиғатойнинг набираси Олғу *чиғатойлар* ҳокимиятини тиклаган. Олғу ворислари — Муборак ва Бароқ маҳаллий аҳоли б-н яқинроқ алоқада бўлиш учун ислом динига кирганлар. Хон қароргоҳи ҳамда баъзи мўғул уруғлари Еттисувдан Мовароуннаҳрга кўчириб келтирилган (1266). Бироқ 14-асрнинг 1-ярмида Ч. у. хонларининг мўғул мулкларини бирлаштиришга интилиши, хусусан Кепак (1318—26) ўтказган маъмурий ва молиявий ислоҳот, барибир, феодал тарқоқликка барҳам бера олмади. *Темурийлар давлати* ташкил топиши б-н чиғатойлар ҳокимияти тугади.

Ад.: Бартольд В. В., Соч., т. II, ч. 2, М., 1964; Мерперт Н. Я. (ва б.), Чингисхан и его наследие, «История СССР», 1962, № 5; Ўзбекистон ССР тарихи, 1-т., Т., 1970.

ЧИҒАТОЙЛАР — 1) *Чиғатой улуси* ва ундан сўнг шу терр-ядаги *Темурийлар давлати*нинг туркий аҳолиси; 2) 20-асрнинг бошларига қадар ҳозирги ЎзССРнинг Қашқадарё ва Сурхондарё областларида ва Тожикистоннинг жанубида яшаган ўзбеклар ва тожикларнинг бир қисми номи. Ч. Афғонистоннинг шимолида ва Покистонда ҳам яшайди. Улар учун 2 тилда — туркий ва форс-тожик тилларида сўзлашиш характерли.

ЧИҒАТОЙҚАЛЪА — Хоразм обл. Шовот р-ни Ленинобод қ. С. даги қишлоқ. «Москва» к-зининг марказий қўрғони. Р-н марказидан 8 *км*, яқин т. й. станцияси — Шовот (13 *км*). Аҳолиси 729 киши (1976); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик, сабзавотчилик б-н шуғулланади. Шовот каналидан сув ичади. Қ-з гаражи, ремонт устахонаси, болалар боғчаси, саккиз йиллик мактаб, кутубхона, клуб, медпункт бор.

ЧИҒИР — 1) уй ҳайвони, одам ёки оқар сув кучи б-н ҳаракатга келтириладиган энг оддий гидравлик мослама. Қадимги замонлардаёқ Миср, Ҳиндистон, Хитой, Урта Осиё ва б. ўлкаларининг суғориш системаларида қўлланилиб, оқар сув сатҳи суғориладиган ер сатҳидан паст бўлган жойларда сувни юқорига кўтариб берган. Тарихий маълумотларга кўра, оқар сув кучи б-н ҳаракатланадиган Ч. Урта Осиёда 9—11-асрларда жуда кенг (айниқса Хоразмда) тарқалган. Унинг асосий камчиликлари қувватининг пастлиги, секин айланиши ва жуда катталиги бўлган; 2) ҳаракатланувчи эгилувчан элемент ёрдамида юк кўтарадиган ва силжитадиган машина, лебёдка. Урнатилишига қараб стационар ва кўчма; ҳаракатлантириш турига қараб дастаки ёки машина (электр двигатель, ички ёнув двигатели ва б.) б-н ҳаракатланадиган хиллари бор. Юкларни кўтариш, тушириш, айрим ҳолларда горизонтал йўналиш бўйича ташишда ишлатилади. Ч. ҳаракатга келтирувчи қисм, редуктор, барабан, тормоз ва юк кўтарадиган эгилувчан элемент (канат ёки занжир)дан ташкил топган бўлади. Юк кўтарувчанлиги (250 *кг* куч дан 20 т куч)гача, юк кўтариш тезлиги 0,5—1 *м/сек*. Ч. дан кўтариш-ташиш машинаси ёки мураккаб кранларнинг кўтариш механизми сифатида фойдаланиш мумкин.

ЧИҒИРИҚ — Тошкент обл. Урта Чирчиқ р-нидаги шаҳар посёлкаси. Тошкентдан 32 *км* жанубда. 1957 й. 2 февралда ташкил топган. Тошкент — Оҳангарон — Ангрен т. й. ёнида. Денгиз сатҳидан баландлиги 470 *м*. Аҳолиси 2600 киши (1975). Ч. да темир-бетон буюмлар з-ди, умумий таълим мактаби, клуб, дорихона, болалар боғчаси, поликлиника, алоқа бўлими, кинотеатр, маиший хизмат кўрсатиш пунктлари ва б. бор.

ЧИҒИРЧИ — Хоразм обл. Янгиариқ р-ни Чиғирчи қ. С. даги қишлоқ. Р-нининг жануби-ғарбида, «Москва» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 14 *км*, яқин т. й. станцияси — Урганч (38 *км*). Аҳолиси 874 киши (1976); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик, шоликорлик, асаларичилик, сабзавотчилик, боғдорчилик б-н шуғулланади. Полвонёп канали орқали Амударёдан сув ичади. Ферма, устахона, саккиз йиллик мактаб, кутубхона, клуб бор.

ЧК (рус. чрезвичайная комиссия сўзларининг 1-ҳарфидан) — қ. *Бутун Россия фавқулодда комиссияси*.



Чкалов В. П.

ЧКАЛОВ Валерий Павлович [1904. 20. 1 (2. 2), Василёво қишлоғи, ҳозирги Горький обл. Чкаловск ш.—1938. 15. 12, Москва]— совет учувчиси, Совет Иттифоқи Қаҳрамони (1936. 24. 7), комбриг. 1936 йилдан Компартия аъзоси. 1919 йилдан Совет Армиясида. 1921—24 йилларда Егорьев ва Борисоглебск авиация мактабларида, Москвадаги самолётни олий даражада учириш мактаби, Серпуховодаги Ҳаводда отиш ва бомба ташлаш олий мактабида ўқиган. 1930 йилдан Ҳарбий-Ҳаво Кучлари Илмий тадқиқот ин-тида синовчи-учувчи, 70 хилдан ортиқ самолётни синовдан ўтказган. 1936 йил 20—22 июлда Г. Ф. *Байдуков* ва А. В. *Беляков*лар б-н бирга Москвадан Петропавловск — Камчатка орқали Удд оролигача (9374 *км*), 1937 йил 18—22 июнда Москвадан Шимолий қутб орқали АҚШгача (12 минг *км* дан зиёд) қўнмасдан учиб ўтган ва қўнмай узоқ учиш бўйича жаҳон рекорди ўрнатган. 1-чақириқ СССР Олий Советининг депутати. 2 марта Ленин ордени, Қизил Юлдуз ордени б-н мукофотланган. Янги қирувчи самолётни синашда ҳалок бўлган. Қизил майдонга Кремль девори ёнига дафн қилинган. Кўпгина посёлка, қишлоқлар, з-длар, ўқув юртлари, к-зларга Ч. номи берилган.

Ад.: Беляков А. В., В. Чкалов, М., 1974.


ЧКАЛОВ — Наманган обл. Косонсой р-ни Терговчи қ. С. даги қишлоқ. «Шарқ Юлдузи» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 18 *км*, яқин т. й. станцияси — Наманган (46 *км*). Аҳолиси 661 киши (1976); пахтачилик, чорвачилик, пиллачилик, боғдорчилик, полизчилик б-н шуғулланади. Шимолий Фарғона каналидан сув ичади.

ЧКАЛОВ — Сирдарё обл. Гулистон р-ни Қизилобод қ. С. даги қишлоқ. Свердлов номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 13 *км*, яқин т. й. станцияси — Гулистон (17 *км*). Аҳолиси 568 киши (1976); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик, полизчилик, боғдорчилик б-н шуғулланади. Киров номли каналдан сув ичади.


ЧКАЛОВ — Сурхондарё обл. Сариосиё р-ни Телпакчинор қ. С. даги қишлоқ. «Коммунизм» к-зи терр-ясида. Р-н маркази ва яқин т. й. станцияси — Узун (3 *км*). Аҳолиси 1428 киши (1977); пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Обизаранг дарёсидан сув ичади. Урта мактаб бор.

ЧКАЛОВ — Сурхондарё обл. Термиз р-ни Янгиариқ қ. С. даги қишлоқ. «Октябрь 40 йиллиги» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 42 *км*, яқин т. й. станцияси — Термиз (8 *км*). Аҳолиси 656 киши (1977); ингичка толали пахтачилик, чорвачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Янгиариқдан сув ичади. Саккиз йиллик мактаб, медпункт бор.

ЧКАЛОВ-1 — ҚҚАССР Тўрткўл р-ни Ленинобод овул Советидаги қишлоқ. Р-нининг жанубий-шарқида, «Победа» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 18 *км*, яқин т. й. станцияси — Урганч (48 *км*). Аҳолиси 573 киши (1976); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик, шоликорлик,



Барабанли электр чиғир: *1*— барабан; *2*— редуктор; *3*— электр двигатель.



Чодир.

токчилик, сабзавотчилик, боғдорчилик б-н шуғулланади. Пахтаарна канали орқали Амударёдан сув ичади. Сут-товар фермаси, машина-трактор парки, саккиз йиллик мактаб бор.

ЧКАЛОВ-2 — ҚҚАССР Тўрткўл р-ни Ленинобод овул Советидаги қишлоқ. Р-нининг жануби-шарқида, «Победа» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 17 *км*, яқин т. й. станцияси — Урганч (47 *км*). Аҳолиси 594 киши (1976); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик, шоликорлик, сабзавотчилик, боғдорчилик б-н шуғулланади. Пахтаарна канали орқали Амударёдан сув ичади. Сут-товар фермаси, ремонт устахонаси, омбор, кутубхона бор.

ЧОВ КАНАЛИ — сут эмизувчилар ва одам қорин девори мушаклари бағрида ҳосил бўлган ёриқ. Одамда Ч. к. нинг олдинги, юқори, ости ва орқа деворлари, шунингдек қорин бўшлиғига қараган кириш (ички) ва човнинг қов соҳасига (ёруққа) очиладиган чиқиш (ташқи) тешиги бўлади. Ч. к. нинг узунлиги 4—5 *см*, эни 1—2,5 *см*. Эркакларда Ч. к. орқали уруғ тизимчаси, аёлларда - бачадоннинг юмалоқ бойлами ўтади. Қорин деворининг бўшашиши ва Ч. к. тешикларининг кенгайиши туфайли чов чурраси вужудга келади.

ЧОВДУР — Бухоро обл. Қоракўл р-ни Жумабозор қ. С. даги қишлоқ. «22-партсъезд» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 4 *км*. Аҳолиси — 917 киши (1976); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Аму-Қоракўл каналидан сув ичади. Саккиз йиллик мактаб, ферма, ремонт устахонаси бор.

ЧОВКАЙ — Қашқадарё обл. Ульянов р-ни Човкай қ. С. даги қишлоқ. «24-партсъезд» с-зи терр-ясида. Р-н марказидан 9 *км*, яқин т. й. станцияси — Косон (11 *км*). Аҳолиси 576 киши (1974); пахтачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Обиҳаёт каналидан сув ичади. Қ. С. ва к-з правленнеси идоралари, алоқа бўлими, касалхона бор.

ЧОВҚОН — Андижон обл. Андижон р-ни Шўро қ. С. даги қишлоқ. «Ямбол» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 47 *км*, яқин т. й. станцияси — Андижон (65 *км*). Аҳолиси 1638 киши (1976); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Қорадарёдан сув ичади. Ўрта мактаб, медпункт, болалар боғча ва ясляси бор.

ЧОГОРИ, Годуин-Остен, Дапсанг — Қорақурум тоғларидаги энг баланд чўққи. Баландлиги жиҳатидан ер юзида *Жомолунгма* чўққисидан кейин 2-ўринда (8611 *м*). Гранит ва гнейслардан тузилган. Чўққининг жанубий-шарқий ён бағрида Балторо музлиги (узунлиги 62 *км*) бор. Ч. га биринчи бўлиб 1954 йилда итальян альпинистлари Л. Лачаделли ва А. Компаньони чиққан.

ЧОДАК — Наманган обл. Поп р-ни Чодак қ. С. даги қишлоқ. «Москва» к-зи терр-ясида. Р-н маркази ва яқин т. й. станцияси — Поп (42 *км*). Аҳолиси 7210 киши (1976); чорвачилик, пиллачилик, боғдорчилик, токчилик б-н шуғулланади. Чодаксойдан сув ичади. К-з правленнеси ва қ. С. идоралари, ўрта мактаб, болалар боғчаси, кутубхона, касалхона, пионерлар лагери, дорихона, ремонт устахонаси, маиший хизмат кўрсатиш пунктлари, алоқа бўлими, клуб, кинотеатр бор.

ЧОДАК ОЛТИН КОНИ — Наманган областидаги кон. Қурама тоғининг жануби-шарқида, Чодаксойнинг чап қирғоғида жойлашган. Ч. о. к. да палеозой эрасига мансуб. эффузив — чўкинди жинслар кенг тарқалган, уларни гранитдан иборат отқинди интрузив жинслар ёриб чиққан. Айрим жойларда ўрта палеозой оҳактошлари ва вулканоген жинслари учрайди.

Структурал жиҳатдан бу кон Чодак антиклиналида жойлашган, унинг марказий қисми интрузив жинслардан, қанот қисмлари эффузив жинслардан ташкил топган. Антиклиналь ўқи шимоли-ғарбий томонга йўналган, қанотларининг кенглиги 10 *км*. Дарзликлар рудали майдонни айрим тектоник блокларга ажратади.

Руда кўпинча томирлар б-н боғлиқ бўлиб, скари-полиметалли, флюорит-полиметалли, кварц-олтинли турлари маълум. Бундай томирлар минералогик таркибига кўра, кальцитли, скарн-кальцитли, кварц-кальцит-сульфидли, кварц-гематитли, олтинли, кварц-карбонат-адулярли, кварц-баритли аралаш бўлади. Руда таркибида сульфидлар жуда кам. Пирит таркибидаги олтин миқдори чуқурлик ортган сайин камая боради. Олтинининг асосий қисми кварц ва пирит орасида учрайди.

ЧОДАКСОЙ — Наманган обл. даги сой. Қурама тизмасининг ён бағридан бошланади. Шимолий Фарғона каналига қуйилади. Узунлиги 27 *км*, ҳавзаси майдони 350 *км²*, ўртача баландлиги 2370 *м*. Сув сарфи 3,70 *м³/сек*, вегетация даврида ўртача 7,24 *м³/сек*. Қор ва музликлардан тўйинади. Ч. дан Поп р-нидаги экин майдонларини суғоришда фойдаланилади. Кандагон, Сансалак, Мозор, Олтинкон, Чодак, Хонобод, Тўда қишлоқлари Ч. дан сув ичади.

ЧОДИР — вақтинчалик турар жой. Утмишда кўчманчи халқлар орасида кенг тарқалган. Турли катталикда бўлиб, қалин пишиқ матодан қилинган, кўпинча синчга тортилган. Ч. учида ҳаво алмашиниши; тутун чиқиши учун туйнук ишланган. Ҳозир Ч. дан узоқ сафарда ҳарбийлар, альпинистлар, геологлар ва б. фойдаланади. Архитектурада — шакли чодирсимон (конуссимон ёки қиррали конуссимон) гумбаз ҳам Ч. дейилади.

ЧОДИР ЖАМОЛ — ўзбек халқ қўғирчоқ театрининг тури. Қўғирчоқлар қўлга кийиб ўйнатилади. Шу сабабли у «қўл қўғирчоқ» деб ҳам юритилади. Томошалар, асосан кундузи кўрсатилган. Саҳнаси кўпинча қизил ёки сариқ қаттиқ газламадан халтасимон қилиб тикилиб, чодир дейилади. Қўғирчоқбоз чодир ичига кириб, қуйи қисмини белига боғлаб олади, боши устида турадиган юқори қисми ошиқ-мошиқли болорчўп, остона, иккита ён чўп ва тирговучлар ёрдамида тўртбурчак саҳна тусини олади. Қўғирчоқбоз ўзи кўринмай, чўккалаб ёки тик турган ҳолда, чодир ичига тикилган чўнтакда тахлоғлиқ қўғирчоқлардан иккитадан ўйнатади. Қўғирчоқнинг боши ва қўллари бармоқларга ўрнатилади, бармоқлар ҳаракатлантирилиши орқасида қўғирчоқларга «жон» киради.

Ч. ж. Ўзбекистон терр-ясида тахминан 5-асрда юзага келган. 14-аср ярмидан 16-аср бошигача кенг тараққий этган. У, асосан, ҳаётдаги реал воқеаларни акс эттирган. *Полвон Қачал*—Ч. ж. театрининг бош қаҳрамони. Янги типдаги профессионал ва ҳаваскор қўғирчоқ театрларининг ташкил топишида Ч. ж. муҳим роль ўйнади. Этнограф, фольклористлар М. Ф. Гаврилов, Л. А. Перепелицина ва М. Х. Қодировлар Ч. ж. да ўйналадиган комедияларнинг вариантларини ёзиб олишган.

Ад.: Қодиров М., Халқ қўғирчоқ театри, Т., 1972.

ЧОДИР ХАЕЛ — ўзбек халқ қўғирчоқ театрининг тури. Ч. х. да иплар ёрдамида қўғирчоқлар ҳаракатга келади. Қўғирчоқларнинг ҳамма ери иплар б-н боғланиб, бир учи дастчўпга уланади, қўғирчоқбозлар эса ипларни тортиш орқали уларни ҳаракатга келтиради. Сайилгоҳ, кўча ёки ҳовлида узунлиги 5—6, бўйи 2—2,5 *м* ли рангдор читдан ўртаси кесилган парда (чодир парда) тутилади, унинг ортидаги узунлиги 3—3,5 *м*, бўйи 120—125 *см* ли ички қора чодирнинг ўрта пастки қисмида узунлиги 180 *см*, баландлиги 70—75 *см* да кесилган ўйин жойи бўлади. Ички чодир остона, устун, болор, тирговучлардан иборат мослама б-н тикланиб, унинг ярим метрча ичкарисида қора орқа парда тортилади. Ч. х. томошалари, одатда, кечқурунлари кўрсатилиб, ҳар томошада элликтагача қўғирчоқ ўйнатилган. Ч. х. Ўзбекистон терр-ясида тахминан 6-асрда майдонга келган. 14-аср ўрталаридан 16-асргача кенг тараққий этган. Дастлабки Ч. х. томошалари халқ афсоналари ва мифологик сюжетлардан иборат бўлган. 18—19-асрларга келиб, сарой ҳаёти ва феодал тузумини акс эттирувчи комедиялар ўйналган. Этнографлардан М. Ф. Гаврилов орқали Ч. х. театрининг «Саркардалар» комедияси ва П. А. Комаров тўпламида унинг 47 та қўғирчоғи бизгача етиб келган. Ч. х. спектакли 1937 йили Москвада ўзбек санъати декадасида кўрсатилган. Кейинчалик халқ қўғирчоқбозлари ўртасида Ч. х. ўз аҳамиятини йўқотди.

Ад.: Қодиров М., Халқ қўғирчоқ театри, Т., 1972.

ЧОЙ (Thea)—1) кўп йиллик, доим яшил тропик ўсимликлар туркуми. Баъзи систематиклар Ч. ни *камелия* туркумига киритади. Икки тури хитой ва япон тур хилларига бўлинувчи хитой Ч. и (T. sinensis), (бўйи 3 *м*, бута, Жануби-Шарқий Осиёнинг тоғли р-ларида тарқалган) ва ассам Ч. и. (T. assamica)—бўйи 10—15 *м* гача, Ассам (Ҳиндистон) ўрмонларида ўсади; ассам, лушаи манипури, бирма, хил ва б. турлари бор.

СССРда асосан хитой Ч. ининг, хитой Ч. и тур-хилларининг дурагайларидан ҳосил бўлган маҳаллий навлари (популяциялари) ўстирилади. Ч. нинг Хитойда тарқалган олмагулли Ч. (T. maliflora) тури ҳам бор. СССРда ўстириладиган Хитой Ч. и сершох бута. Барглари овалсимон ёки чўзиқ овалсимон, асосига қараб бир оз торайган, узунлиги 60—70 *мм*, эни 35—40 *мм*, барг пластинкасининг усти тўқ яшил, орқаси оч яшил. Гуллари оқ ёки пушти хушбўй, барг қўлтиғида битта ёки 2—4 жойлашган. Меваси —1—5 уруғлик кўсакча етилганда очилиб кетади. Уруғининг қобиғи қалин, тўқ жигар ранг; 1000 уруғининг оғирлиги 1 *кг* ча.

Ч. иссиқсевар ва намсевар. Қисқа муддатли қорсиз совуққа (—12°С, баъзи турлари —14°С) бардошли. Ч. уруғидан ва вегетатив кўпаяди. 4—5-йили гуллайди. Ч. 100 йилгача яшайди, 10—70 ёшгача яхши ҳосил беради.

Ч. Хитойда 4-асрдан ўстирилган. Япония ва Кореяда 9-асрдан экила бошланди. 19-асрнинг биринчи ярмида Ч. Индонезия (1824), Ҳиндистон (1834) ва Шри Ланкада (1842) ўстирила бошлади. Россияда Ч. ичимлик сифатида 1638 йилдан расм бўлган. Биринчи Ч. кўчати Никитин ботаника богида (Қримда) экилди (1814, ботаник Н. А. Гартвис). Лекин, Қримнинг иқлимида Ч. ўсмади. 1847 й. Грузиянинг Озургет (ҳозирги Махарадзе ш.) тажриба станцияси участкасига экилган Ч. ниҳоллари яхши ўсди. 1864 йилда М. Эристави Бутун Россия кўргазмасида ўзининг участкасидан йиғиб олган грузин чойини намойиш қилди. 1895 йилда А. А. Соловцев Чаквада (Ажария) биринчи Ч. плантациясини барпо этди. 1901 йилдан Ч. Краснодар ўлкасида, 1912 йилдан эса Озарбайжонда ҳам ўстирила бошлади.

Октябрь революциясидан сўнг Ч. экиш кенг йўлга қўйилди. Революциядан илгари Ч. нинг умумий майдони 900 *га* бўлса, ҳозир у 71 минг *га* ни ташкил этади.

СССРда Ч. нинг Грузин-1, Грузин-2, Зимостойкий, сорт-клон Колхида ва б. селекцион навлари яратилган (автор К. Е. Бахтадзе);



Чой бутаси: *1* — мевали шохчаси; *2* — меваси.

2) Ч. дарахтининг баргларидан тайёрланган маҳсулот Ч. (ичимлик чой) тайёрлаш учун ишлатилади. СССРнинг Ч. саноати қадоқланмаган, барглари ўраланган қора Ч., кўк Ч., кўк ва қора тахта Ч. ишлаб чиқаради. Баъзи мамлакатларда (Ҳиндистон, Хитой, Япония) сариқ ва қизил Ч. ҳам тайёрланади. Ч. баргининг чиқиндиларидан кофеин, турли витамин препаратлари ва б. доривор моддалар олинади. Ч. нинг уруғидан олинган мой косметикада, консерва саноатида ва б. ишлатилади. Хитой ва Бирмада янги Ч. барги истеъмол (салат ва ош кўк сифатида) қилинади.

СССРда қора олий нав Ч. тайёрлаш учун чой барги 40—50°С т-рада (сув буғланиб, маҳсулот эластик бўлиши учун) сўлдирилади, кейин барглар ўраланади ва ферментация қилинади. Ферментлар таъсирида таниннинг аччиқ фракциялари оксидланади, натижада ёқимли тахирроқ таъмли танин, хушбўй эфир мойлари ҳосил бўлади. Ч. қуритилгандан сўнг сортировкаланади. Тайёр маҳсулот 25, 50, 75, 100 ва 125 *г* қадоқланади. Кўк Ч. тайёрлаш усули худди қора Ч. никидек, фақат барглар сўлдирилишидан олдин (баргнинг кўк рангини сақлаб қолиш ва ферментларнинг парчаланиши учун) ўткир буғ б-н (100°С) ишланади. Қора тош Ч. олий Ч. навлари тайёрлашдан чиққан чиқитлардан (125—250 *г* прессланиб) тайёрланади. Кўк тош Ч. кузда асосий йиғим компанияси тамом бўлгандан кейин қолган дағал барглардан ёки кўкламда дарахтларни буташ пайтида йиғилган барглардан тайёрланади. Барглар кўк рангини сақлаб қолиш учун, яхшилаб қовурилади, кейин ўралиб бижғиш учун буртларга таҳланади. Тайёр маҳсулот қуритилади ва прессланади. Ч. сортлари ишлаб чиқарилган жойнинг номи б-н аталади. СССРда энг кенг тарқалган Ч. сортлари: «Букет Грузии», «Краснодарский букет», «Грузинский», «Краснодарский» (экстра, биринчи ва иккинчи сортлар); Ҳиндистон ва Шри Ланкадан келтирилган Ч. савдога «Ҳинд чойи», «Цейлон чойи» номи б-н чиқарилади.

Ч. таркибида киши организми учун муҳим аҳамиятга эга бўлган бир қатор алкалоидлар, кофеин, теофилин, витаминлар ҳамда котехин моддаси бор. Чойнинг таниплари бактерицид хусусиятга эга.

Баъзан чой ўрнида ишлатиладиган ўт ва ўтлар аралашмаси ҳам Ч. деб аталади.

Ад.: Чаеводство, под ред. Кварацхелиа, М., 1950; Давиташвили М. Д., Чай наш грузинский, М., 1970; Бахтадзе К. Е., Биологические основы культуры чая, Т., 1971.


ЧОЙ САНОАТИ — озиқ-овқат саноатининг сочма ва прессланган чой ишлаб чиқарувчи тармоғи. Россия терр-яси (Грузия)да чой



Чойбалсан Х.

СССРда навли қадоқланган чой ишлаб чиқариш (минг *т*)

1940	1960	1970	1975
21,95	62,40	87,50	129,14



Чойшаб.



Чойут.

етиштириш 19-асрнинг 40-йилларидан бошланган. 1913 йилда Россиянинг 5 та чой ф-касида 131 *т* сочма (байха) чой ишлаб чиқарилди. Совет ҳокимияти даврида чой саноати, айниқса, ГрузССРда кенг ривожланди. Урушгача бўлган беш йилликларда кўпгина чой ф-калари қурилди. Бу давр ичида қора чойдан ташқари сочма кўк чой ва кўк тош чой ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

СССРда чой баргини дастлабки қайта ишлаш ф-калари РСФСР (Краснодар ўлкаси), ГрузССР ва ОзССРда жойлашган; чой барги ҳосилининг 95%и ГрузССР ҳиссасига тўғри келади (1975). ГрузССРнинг чойга дастлабки ишлов берувчи 84 ф-касида 1975 йили 82,5 минг *т* чой барги қайта ишланди. СССРда 11 чой қадоқлаш ф-каси бўлиб, буларнинг энг йириклари *Самарқанд чой қадоқлаш фабрикаси*, В. И. Ленин номидаги Москва чой қадоқлаш ф-каси, Рязань, Иркутск, Тбилисидаги чой қадоқлаш ф-каларидир.

1975 йилда СССРда 90 минг *т* сочма қора чой, 31,17 минг *т* сочма кўк чой ҳамда 7,97 минг *т* қора тахта чой ва 10 минг *т* кўк тош чой ишлаб чиқарилди. 1975 йилда СССРда ўртача йиллик чой истеъмол қилиш аҳоли жон бошига 580 *г* ни, шу жумладан, навли қадоқланган чой истеъмол қилиш 507 *г* ни ташкил қилди.

СССРда чой баргини қайта ишлаш жараёнларининг 80%и механизациялаштирилган (1975). Чой қадоқлаш ф-каларида янги технологик жараёнлар, юқори унумли автоматлар жорий этилмоқда, бир дамлашга мўлжалланган чой ишлаб чиқариш ўзлаштирилмоқда. 1977 йил бошидан сариқ чой ишлаб чиқарила бошлади. Чой баргини дастлабки қайта ишловчи ҳар бир ф-каниng ўртача йиллик қуввати 5 минг *т* га етди (1975).

Ч. с. Ҳиндистон, Шри Ланка, ХХР, Япония, Кения каби мамлакатларда тараққий этган.

ЧОЙБАЛСАН Хорлогийн (1895. 8. 2—1952. 26. 1)— МХР давлат ва сиёсий арбоби. Цэцэнхан аймоғида камбағал арат оиласида туғилган. Ч. рус тилини мустақил ўрганиб, Ургу (ҳозирги Улан-Батор) таржимонлар мактаби, Иркутскдаги Ўқитувчилар ин-ти қошидаги олий бошланғич билим юртида ўқиган (1914—17). Ч. 1919 йили Ургуга қайтиб, яширин революцион тўгарак тузди. 1920 йили *Сухэ-Батор* ва Ч. тўгараклари бирлашиб, кейинчалик Монголия Халқ Революцион партиясининг асосини ташкил қилди. 1920 йил ёзида Ч. биринчи монгол делегацияси составида Совет Иттифоқига келди. 1920 йил ноябрида Ч. Монголияга қайтиб, партизан отрядлари халқ армиясини тузди. Монголия халқ партияси (МХП) МК нинг 1-съезди аъзоси (1921 йил март). 1921 йилдан Халқ ҳукумати аъзоси. 1924 йилдан Ч. бир неча марта Монголия халқ революцияси партияси МК Президиуми ва сиёсий Бюроси аъзолигига сайланган. 1921—23 йилларда Ч. Монголия халқ армияси бош қўмондонининг ўринбосари. 1923—24 йилларда Ч. Москва ҳарбий академиясида ўқиди. 1924—28 йилларда Ч. Монголия халқ революцион армияси бош қўмондони. 1928—30 йилларда МХР Кичик хурали Президиумининг раиси, Монголия ташқи ишлари министри (1930), 1931—35 йилларда Чорвачилик ва деҳқончилик министри, 1935—39 йиллари Бош министрнинг биринчи ўринбосари, 1939 йилдан эса Бош министр. 1939 ва 1945 йилларда Монголия армияси Ч. қўмондонлигида Япония империалистларининг тор-мор қилишда қатнашди. Ч. га Маршал унвони берилган (1936). 2 марта МХР Қаҳрамони. МХР да бир шаҳарга Ч. номи берилган. Ч. Сухэ-Батор, Жанговар Қизил Байроқ ва Монголиянинг б. орденлари ҳамда 2 марта Ленин ордени ва Совет Иттифоқининг б. орденлари б-н мукофотланган.

ЧОЙБАЛСАН (1921 йилгача — Сан-Бейсе, 1941 йилгача — Баян-Тумен)— МХРнинг шарқий қисмидаги шаҳар. Керулен дарёси бўйида, Шарқий аймоқнинг маъмурий маркази. Аҳолиси 21 минг киши (1975). Т. й. орқали Транс-Сибирь т. й. даги Соловьёвск станцияси (СССР) б-н боғланган; автомобиль йўлларн узели. Қурилиш материаллари, авторемонт корхоналари, ун ва гўшт к-тлари, жун ювиш ф-каси бор. Шаҳар яқинидан (Бэрхэ) қўнғир кўмир ва дала шпати қазиб олинади.

ЧОЙДИШ, чойгум, човгун — рўзғор буюми. Сув қайнатиш, чой дамлашда ишлатилади. Дастали, қопқоқ ва тумшуқли, турли катталикда бўлади. Нақшли ва нақшсиз хиллари бор. Нақшли Ч. лар ҳар хил ўйма нақшлар б-н безатилган бўлади.

ЧОЙДОШЛАР, чойгуллилар (Theaceae)— икки паллали, туташтожбаргли ўсимликлар оиласи. Доим яшил дарахт ёки буталардан иборат. Барглари оддий, четлари текис ёки тишли бирин-кетин жойлашган. Ёнбаргли, баъзан ёнбаргсиз. Гуллари тўғри, икки жинсли ёки айрим жинсли. Косачабарглари 5—7 та, тожбарглари 5 та, баъзан 4 та. Меваси кўсакча ёки камдан-кам резавор. Ҳашаротлар, баъзан шамол ёрдамида чангланади. Ч. нинг 30 туркуми, 400 тури маълум, тропик ва субтропик мамлакатларда ўсади. *Чой* ва *камелия* туркуми катта аҳамиятга эга.

ЧОЙЛИСОЙ — Наманган обл. Поп р-нидаги сой. Оҳангарон дарёсининг чап ирмоғи. Узунлиги 18 *км*. Қурама тоғ тизмасининг шимолий-ғарбий ён бағрида, Оҳангарон платосида (3000 *м*) бир неча булоқларнинг қўшилишидан ҳосил бўлади. Дастлаб Тошлоқсой номи б-н оқади. Товушкуйди ирмоғи қўшилгач, Ч. номини олади. Юқори ва ўрта қисмида кенг, ён бағирлари паст ва ётиқ водийда, қуйи қисмида тор ва чуқур водийда оқади. Қор ва булоқ сувларидан тўйинади. Эрта баҳорда суви кўпаяди. Ч. водийсидан яйлов сифатида фойдаланилади.

ЧОЙНАК — рўзғор буюми. Асосан чой дамлашда ишлатилади. Ч. жуда қадимдан маълум. Ҳозир *чинни*, металл Ч. лар кенг тарқалган. Дастали, оғзи тор, қопқоқли, жўмракли, кичик, ўртача ва катта ҳажмли хиллари бўлиб, турли нақшлар б-н безатилади.

ЧОЙНАК — Самарқанд обл. Нарпай р-ни Киров қ. С. даги қишлоқ. Р-н марказидан 16 *км*, яқин т. й. станцияси — Зирабулоқ (16 *км*). Аҳолиси 547 киши (1976); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Нарпай каналидан сув ичади. Ўрта мактаб филиали, болалар боғчаси, машина-трактор парки бор.

ЧОЙТЕПА — Қашқадарё обл. Шаҳрисабз р-ни Кунчиқар қ. С. даги қишлоқ. Калинин номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 8 *км*, яқин т. й. станцияси — Китоб (13 *км*). Аҳолиси 929 киши (1974); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик, сабзавотчилик б-н шуғулланади. Ташхоз дарёдан сув ичади. Ўрта мактаб, кутубхона, клуб, медпункт, болалар боғчаси, маиший хизмат кўрсатиш пункти, тут кўчатзори бор.


ЧОЙХОНА — чой ичиб ҳордиқ чиқариладиган жамоат жойи. Иссиқ иқлим ва шароит тақозоси б-н Шарқ мамлакатларида, айниқса Ўрта Осиёда кенг тарқалган. Утроқ халқларда қадимдан (араблар истилосидан илгари ҳам) қишки ва ёзги Ч. лар бўлган. Ч. бозор ва маҳаллалардаги хушманзара жойларга қурилган, уларда чойдан ташқари нон, турли ширинлик, таомлар ҳам тайёрланган. Инқилобдан илгари Ч. меҳмонхона вазифасини ҳам ўтаган. Совет ҳокимияти йилларида Ч. агитация-пропаганда, ташкилий ишлар марказига ҳам айлантирилди. К-з, с-зларнинг марказларида, корхоналарда, ш. ва қишлоқ ошхоналари ҳузурида ишлаб турган Ч. лар ўз қизил бурчакларига ҳам эга, бу ерда дам олувчилар газета-журнал ўқиб, шахмат-шашка ўйнаб, радио тинглаб, телевизор кўриб маданий ҳордиқ чиқарадилар. *Клуб* вазифасини ҳам бажарадиган чойхоналар бор. Айниқса 70-йилларда бошлаб намунали Ч. ларнинг (мас., Тошкентдаги «Салом», «Мовий гумбазлар», «Самарқанд»; Самарқанд, Наманган, Қўқондаги бир неча Ч.) биноларини атрофдаги муҳит б-н уйғунлаштириб қуришга, яхши жиҳозлашга аҳамият берила бошлади.

ЧОЙШАБ (форс-тож. جای‌شب — тун чодири, р ў й ж о) — рўзғор буюми. Тахмонга тутиш, тўшак устидан тўшаб қўйиш, ётганда ёпиниш учун ишлатилади. Ч. нинг тўшак устига ёзиладигани оқ суруп ва оқ малла бўздан каштасиз, баъзан кам каштали қилиб, тахмонга тутиладигани эса сатин, шойи, бахмал ва б. матолардан кашта б-н безаб тикилади. Кейинги вақтларда баъзан рўзғорда безакли Ч. дан *сўзана* каби бадний буюм сифатида ҳам фойдаланилади.

ЧОЙУТ — ўсимлик турлари: 1) Ўзбекистонда кенг тарқалган чойўтдошларга мансуб *далачой* (Hypericum) туркуми; 2) Европада, Япон ороллари ва Шимолий Америкaнинг Атлантик океанига яқин жойларда тарқалган наврўзгулдошларга мансуб ўсимлик тури (Lysimachia nummularia). Бу кўп йиллик ўт ер бағирлаб ўсади, барглари юмалоқ, қарама-қарши жойлашган. Гуллари сариқ. Вегетатив кўпаяди. Барг ва гуллари халқ медицинасида ва сунъий чой ўрнида ишлатилган.

ЧОЙУТДОШЛАР, чойўтгуллилар (Hatiferae)— икки паллали ўсимликлар оиласи. Ут, бута, чала бута ва дарахт, баъзан лианалардан иборат. Барглари қарама-қарши ёки ҳалқа бўлиб жойлашган, бутун, ёнбаргсиз. Гуллари икки жинсли, тўғри. Косача ва тожбаргларн 4—5 тадан. Чангчилари кўп, чангчи иплари 3—5 тадан бир-бири б-н қўшилган. Меваси кўсакча ёки резаворсимон. Иккала яримшарнинг тропик, субтропик ва мўътадил иқлимли обл. ларда 8 туркуми (360 тури) тарқалган. СССРда 2 туркуми учрайди. Ўзбекистонда 1 туркум (Hypericum)га онд 3 тури мавжуд.

ЧОК (чеварликда)— тикиш, қирқиш, ямаш, кашта гулларини тикишда ҳосил бўладиган *бахя*лар тизмаси. У газлама, чарм ва б. материалларни тикишда, бирор буюмни безаш, кийим қисмларини бириктиришда қўлланилади. Ч. қўлда (игна, ангишвона илмоқли сўзон игна, бигиз ва б. б-н) ва тикув машинасида тикилади. Ч. текис, пишиқ чиқишида ипнинг сифати катта аҳамиятга эга. Агар ип яхши пишитилган бўлса (косибчиликда мўмланади



Чойхона *мақоласига*. Тошкентдаги «Мовий гумбазлар» чойхонаси.

ҳам), Ч. текис ва зич чиқади, ип хом пишитилган бўлса, таранг тортилмай, Ч. ғадир-будур бўлади. Ч. тикишда табиий (ипак, пахта, жун) ва сунъий (синтетик) толалардан тайёрланган ипдардан фойдаланилади.

19-асргача Ч., асосан, қўлда тикилган. 19-асрнинг 2-ярмида Европа мамлакатларида Ч. ни тикув машинада тикишга ўтилган. Ч. лар тикиш техникаси, расмлар композицияси ва гуллари б-н бир-биридан ажралиб туради. Бадний каштачиликда *палак*, сўзана, *гулкўрпа*, зардевор, *жойнамоз* ва б. бадний буюмлар қадимда турли хил Ч. б-н қўлда тикилган. Ҳозир ҳам қўлда, ҳам махсус попоп машиналарида тикилади. Тикувчиликда кийимкечак қисмларининг ип ёки елим ёрдамида бириктирилган жой кийимнинг чоки ҳисобланади.


Ч. тикишда ишлатиладиган ип номери газлама (ёки бошқа материал) қалинлигига қараб танланади.

Вазифасига кўра, Ч. лар бириктириш, зиҳ ва безак-пардозлаш Ч. ларига бўлинади. Бириктириш Ч. ига бахя, тепчима, ёйма, босма; қайирма, қўйма, қулф, учма-уч Ч. лар киради. Бахя Ч. тикиш учун икки деталь ўнгини ичкарига қилиб қўйилади, четларини текислаб, деталь қирқимидан 0,3—1,5 *см* ичкаридан тикилади. Бу Ч. устма-уст, ёйма, букма қилиб бажарилади. Кийимнинг бичимига, материалнинг турига, Ч. нинг вазифаси ва жойлашувига қараб, эни 0,3—1,5 *см* бўлиши мумкин. Мас., устки кийимда бахя Ч. нинг эни 1 *см* олинади.

Тепчима Ч. бахя Ч. нинг бир хили. У устки ёқани ёқа таглигига, борт остини кийим олдига бириктириш, қопқоқлар, манжет ва ҳ. к. тикиш учун ишлатилади.

Қулф Ч. тикишда икки деталь ўнгини ичкарига қаратиб, пастки детални чиқариб тўшалади. Асосан ич кийим ва астарсиз кийимлар тикишда қўлланилади. Қўйма Ч. бир бахя ёрдамида тикилади. Қирқимлари очиқ ёки бир қирқими очиқ, иккинчиси қайирма бўлади. Қирқимлари очиқ қўйма Ч. тўғри ёки жимжима бахя б-н тикилади. Бу Ч. ни тикиш учун бир деталь иккинчисининг устига 1 *см* чиқариб устма-уст қўйилади. Борт, ёқа қотирмаси бўлакларини бириктириш учун қўлланилади.

Учма-уч Ч. Юпқа газламадан бичилган кийимларнинг борт қотирмаси виточкаларини ва деталларнинг айрим бўлакларини бириктириш учун ишлатилади. У учта бириктирма бахя ёрдамида юпқа газлама бўлаги қўйиб тикилади. Қўйиладиган бўлакнинг эни 1,5—2 *см* бўлади. Олдин икки деталь бу бўлакка оддий



Чок:
1— куппа чокнинг бир тури; *2*— чаман чок; *3*— ироқи чок; *4*— босма чок; *5*— канда хаёл чок; *6*— илмоқ чок (биринчи варианти); *7*— илмоқ чок (иккинчи варианти).

тўғри бахя б-н тикилади, сўнгра газламанинг икки чети жимжима қилиб тикиб чиқилади. Кийим тикишда асосий Ч. ҳисобланади. Зиҳ Ч. деталларнинг четларини йўрмалаш учун қўлланилади. Бунга букма, тепчима, ҳошия Ч. каби Ч. лар киради.

Ҳошия Ч. астарсиз ва ситилувчан газламалардан тикиладиган кийимларнинг деталлари, қирқимларини ишлаш учун қўлланилади. Асосан, борт ости, кийим этаги, ўмизларнинг ички четларини тикишда ишлатилади. Буюмларни бадний безаш учун безак-пардозлаш. Ч. лари ишлатилади. Бу Ч. га ҳошия Ч., бўртма Ч., виточка Ч. ва б. Ч. лар киради. Ҳошия Ч. кўпинча бошқа рангдаги газламадан безаб тикилади. Ҳошия шнурли ёки шнурсиз бўлиши мумкин. Бўртма Ч. аёллар ва болалар кийимларини безаш, кийим деталлари (кийим олди, кокетка, чўнтак, енг ва ҳ. к.) бириктириш учун қўлланилади. Виточка Ч. тикиш учун деталнинг тескари томонига қўшимча лекало ёрдамида бўр чизиқ тортилади. Шу чизиқ бўйича деталь ўнгини ичкарига қаратиб букланади, газлама бўлагини олиб, деталь остига қўйилади ва бирга қўшиб тикилади. Ч. нинг эни кийим моделига қараб олинади, сўнг Ч. лар моделда кўрсатилган чизиқ бўйича йўналтиргичли тепки ёрдамида тикилади. Кийим тикишда кўпгина ёрдамчи Ч. лар ҳам қўлланилади.

Каштачиликда энг кўп тарқалган Ч. лар: куппа, *босма, дурўя* (канда хаёл), чинда хаёл, хомдўзи *йўрма, попур, ироқи*, илмоқ, чамак бахя ва б.

Куппа Ч. ҳар қандай йўналишда тикилади, нина газламага параллель ва қисқа-қисқа қилиб қадалади. Нина орқага қайтарилиб, тикувчининг бир оз ўзига қаратиб санчилади. Асосан, аёллар кўйлагига кашта тикишда, дўппининг устки ва кизак қавиқларини тикишда ишлатилади.

Канда хаёл Ч. босма Ч. турларидан бири. Канда хаёл усулида тикилган каштада матонинг тескари томонидаги гул нусхали иплар кўринмайди, босма Ч. орқасида — қийшиқ кесишувлар ўртасида узун-узун иплар ҳосил бўлади. Босма Ч. б-н тикилган гул нусхаларнинг четига йўрма Ч. тикиб чиқилади, канда хаёл Ч. бошқа Ч. лар б-н ҳошияланмайди. Самарқандда қадимда канда хаёл тўғри чизиқли ҳошияларда (мас., сув нақшида) тикиларди. Ҳозир эса фақат дўппи тикишда қўлланилади. Фарғона, Самарқанд, Тошкентда кенг тарқалган.

Илмоқ Ч. ҳалқасимон Ч. дир. Нина б-н тикилиб, иккига бўлинади: а) як тарафа бир томондан ҳалқа бўлиб, бир-бирига боғланади; б) ду тарафа илмоқ эса ҳар икки томондан ҳалқа тарзида боғланади. Илмоқли Ч. горизонтал йўналишда чапдан қараб тикилади. Илмоқ Ч. Узбекистоннинг барча р-ларида, Бухоро, Шаҳрисабз ва Фарғонада кенг тарқалган.

Хомдўзи Ч., икки ёқлама тикиладиган оддий текис Ч. Дўппи чойшаб ва ҳ. к. тикишда қўлланилади, Самарқанд, Фарғонада кенг тарқалган.

Бахя Ч., оддий Ч. қадимда қўлда, ҳозир тикув машинасида тикилади. Узбекистоннинг барча р-ларида кенг тарқалган. Бахя Ч. кийимларни ҳар хил нақшлар б-н безашда қўлланилади. Ч. лар, асосан, машиналарда тикилади.

Техникада: 1) металл деталларнинг уланган жойи, мас., бур қозони, резервуар, труба ва б. нинг уланиш жойи; 2) қурилишда ғиштлар, блоклар, плиталар орасида бўйлама ёки кўндаланг оралиқ; 3) конструктив Ч.— иншоотларнинг бир қисмини иккинчисидан ажратадиган энсиз оралиқ. Бу оралиқ иншоот қисмлари орасида иссиқлик таъсирида ёки чўкишларидан бўладиган зўриқишларни йўқотиш учун қолдирилади. Бундай Ч. лар деформация, т-ра, кенгайиш ҳамда киришиш Ч. лари дейилади; 4) иш Ч. лари — йирик иншоотларни бетонлашда блок (қисм)ларнинг учмауч уланган жойи.

Хирургия Ч. лари организм ҳужайралари тўқималарини хирургия операцияларида турли Ч. материаллари ёрдамида бириктириш (тикиш) жойи.

ЧОК — 1) анатомияда калла скелети суякларининг ўзаро бирикиш тури. Пастки жағ, эшитув суякчалари, тил ости суягидан ташқари калладаги барча суяклар Ч. орқали бирикади; 2) хирургик операция вақтида кесилган ёки шикастланишлар туфайли ажралган тўқима четларини ўзаро бириктириш усули. Хирургик игна ва чоклаш материали (табиий ипак, лавсан, капрон, кетгут ёки полимерлардан тайёрланган биологик инерт иплар) қўлланилади.

ЧОКАР — хонанда, созанда, бастакор, шоир. УзССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1944) (қ. *Харратов* Матюсуф).

ЧОЛЖИЙН — Сурхондарё обл. Сариосиё р-ни Дашнобод қ. С. даги қишлоқ. «Ленинград» к-зи терр-ясида. Р-н маркази ва яқин т. й. станцияси — Узун (16 *км*). Аҳолиси 1532 киши (1977); пахтачилик, чорвачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Аҳолисининг бир қисми кўмирчилар шаҳри — Шарғунда ишлайди. Тоқчиён сойидан сув ичади. Ўрта мактаб бор.

ЧОЛ-НУҒАЙ — ўзбек уруғларидан бири. Асосан ўзбекларнинг қипчоқ қабиласи таркибида бўлган. Ч.-н. лар 16—17- асрларда *Дашти Қипчоқ*нинг ғарбий қисмида нўғай хонлигининг емирилиши натижасида ҳар хил кўчманчи уруғ ва қабилаларнинг қолдиқларидан ташкил топган. Кейинчалик Ч.-н. лар Дашти Қипчоқ қабилалари таркибига кирганлар. 17- аср охири ва 18- аср бошларида Ч.-н. лар *қипчоқлар*нинг катта бир группаси б-н келиб, Зарафшон водийсига ўрнашганлар. Совет ҳокимияти йилларида Ч.-н. лар бошқа уруғ ва қабилалар қаторида ўзбек социалистик миллати таркибига сингиб кетдилар.

ЧОЛОТА ПОЛИМЕТАЛЛ КОНИ — Қурама тизмасининг шимолий ён бағридаги кон (ТожССР Ленинобод обл.). Кон майдони ўрта палеозой ёшидаги оҳактош қатламларидан таркиб топган. Унинг жанубий қисмидаги оҳактош қатламларини қорамозор гранодиоритлари ёриб чиққан, шимолда эса юқори карбон эффузив жинслари қоплаган. Кон шарқда ва ғарбда шимоли-шарқий йўналишдаги Олтинтопган ва Чолота узилмалари б-н чегараланган.

Полиметалл руда минераллари асосан скарилар ичида ҳосил бўлган. Рудаланиш жараёни кўп босқичли. Лекин кон рудасининг асосий қисми полиметалл босқич маҳсулидир. Бу босқичда ҳосил бўлган руда минераллари орасида галенит ва сфалерит кўп, пирит ва халькопирит эса камроқ. Полиметалл рудалар линзалар, изометрик шакллар, штокверк зоналари ҳосил қилади. Дайкаларнинг устки тўмонида оҳактошлар ичида майда скарилар — руда жисмлари учрайди. Улар қатламсимон шаклда оҳактош қатламларига мос ҳолда жойлашган. Ч. п. к. дан руда қазиб олинмоқда.

ЧОЛТОШ — Тошкент обл. Оҳангарон р-ни Ленинчи қ. С. даги қишлоқ. «Ғаллақудуқ» с-зи терр-ясида. Р-н маркази ва яқин т. й. станцияси — Оҳангарон (13 *км*). Аҳолиси 1063 киши (1977); чўчқачилик, ғаллачилик б-н шуғулланади. Оҳангарон дарёсидан сув ичади.

ЧОЛҒУ ЙЎЛИ — 1) Шашмақом чолғу бўлимларининг умумий ифодаси; 2) турли жанрлардаги ўзбек *чолғу музикаси;* 3) халқ ашула ва қўшиқларининг музика чолғу асбобларида ижро этишга мослаштирилган варианти.

ЧОЛҒУ МУЗИКАСИ — чолғу асбобларида ижро этишга мўлжалланган музика. Ч. м. нинг якканавоз созанда (жўрли ёки жўрсиз), камер-ансамбль ва оркестр чаладиган турлари бор (яна қ. *Чолғу йўли*).

ЧОЛҒУЛАШ, чолғулаштириш — қ. *Оркестрлаш.*

ЧОМОЧ — Фарғона обл. Фрунзе р-ни Жданов қ. С. даги қишлоқ. Жданов номли с-з терр-ясида. Р-н марказидан 16 *км*, яқин т. й. станцияси — Қўқон (24 *км*). Аҳолиси 568 киши (1976); пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Катта Фарғона каналидан сув ичади. Саккиз йиллик мактаб, медпункт бор.

ЧОНЧУЛДОҚЛАР — қ. *Узунтумшуқ балчиқчилар.*

ЧОПАР — отлиқ хабарчи. Ўзбекистонда хонликлар даврида шошилинч хабарларни бир жойдан иккинчи жойга етказган. Ч. ҳукумат, вилоят беклари ёки ҳодиса содир бўлган жойнинг оқсоқоллари томонидан тайинланган. Кўпинча Ч. лар муҳим хабарларни *эстафета* тариқасида етказганлар. Мас., ҳукумат хабарларни узоқ жойларга етказилиши керак бўлганда, ҳукумат ихтиёридаги *работа*да ёки йўл устидаги бекнинг ҳовлисида Ч. учун янги от ёки янги Ч. тайёр турган.

ЧОПИҚ, чопиқ қилиш — сабзавот, полиз, техника экинлари, мевали ва манзарали ўсимликлар қатор ҳамда туп ораларини юмшатиш, ўсимлик тупи атрофига тупроқ уйиш; агротехника усули. Илгари бу иш қўлда-кетмонда қилинар эди; ҳозир *окучник, культиватор* ёрдамида бажарилади (яна қ. *Культивация*).

ЧОПИҚ ҚИЛИНАДИГАН ЭКИНЛАР — нормал ўсиши ва ривожланиши учун қатор ва туп ораларини ишлашни талаб этадиган экинлар. Ч. қ. э. га: донли — маккажўхори, гречиха, тариқ, ловия; техника — қанд лавлаги, ғўза, кунгабоқар, тамаки; сабзавот — карам, помидор, бодринг, лавлаги, сабзи ва б.; ем-хашак, илдизмевали, хашаки карам, картошка экинлари ва б. киради. Буларнинг уруғи ёки кўчати кенг қаторлаб, квадрат ёки квадратуялаб (қатор ораларини 60—90 *см* қилиб) экилади. Ч. қ. э. дан юқори ҳосил олиш учун органик ва минерал ўғитлар қаторлаб экилган б. ўсимликларга нисбатан кўпроқ солинади, суғорилади. Ўсув даврида қатор оралари 2—4 марта юмшатилади, пушталари чопилади, бегона ўтлар йўқотилади ва ҳ. к. Ч. қ. э. экилган ерда тупроқнинг микробиологик активлиги ортади, озиқ моддалар кўп тўпланади. Ч. қ. э. баҳорги донли экинлар, зиғир ва наша учун энг яхши ўтмишдош экин.

ЧОПИҚЛАР — Хоразм обл. Ҳазорасп р-ни Саноат қ. С. даги қишлоқ. Р-н марказининг шимоли-ғарбида, Фрунзе номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 5 *км*, яқин т. й. станцияси — Ҳазорасп (7 *км*). Аҳолиси 1065 киши (1976); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик, шоликорлик, сабзавотчилик, боғдорчилик б-н шуғулланади. Сут-товар фермаси, машина-трактор парки, ремонт устахонаси, гараж, саккиз йиллик мактаб, клуб, кутубхона, болалар боғчаси бор.



Чопқир калтакесак.

ЧОПОВУЛ — ўрта асрларда *чопғун* учун забардаст йигитлардан тузилган ҳарбий отряд. Ч. оз сонли ва кўп сонли бўлиши, баъзан бир қанча гуруҳдан ташкил этилиши ҳам мумкин.

ЧОПҚИР КАЛТАКЕСАКЛАР (Chemidophorus) — тейидлар оиласининг бир уруғи. 40 га яқин тури маълум. Америкада тарқалган. Танаси 16—50 *см*. Ранги яшаш муҳитига мослашган. Боши чўзиқроқ, оёқлари бақувват, думи мўрт. Жуда ҳаракатчан. Фақат орқа оёқлари б-н ҳам югура олади. Тўда бўлиб яшайди. 3—5 тухум қўйиб (айрим турлари йилда 2 марта), баъзилари партеногенетик (қ. *Партеногенез*) йўл б-н кўпаяди. Майда ҳашаротлар б-н озиқланади.

ЧОПҒУН — ўрта асрларда кўпинча ҳарбий юриш вақтида қўшиннинг озиқ-овқати, ем-хашаги ва б. эҳтиёжлари учун, шунингдек қамалда қолган аҳоли ва қўшинларнинг тинкасини қуритиш мақсадида теварак-атрофдаги қишлоқларга қилинган талончилик босқини. Ч. да минглаб отлиқ аскарлар — чоповуллар иштирок этган ва тез фурсат ичида қўлга кирган ҳар бир нарсани ўлжа қилиб олиб келган. Мас., 1502 йили Шайбонийхон Ҳисор ва Чағониён устига қўшин тортиб борганида, Ҳисор қишлоқларини шу тарзда талаган. Унинг чоповуллари 100 минг қўй, 50 минг от, 50 минг қул ва б. нарсаларни олиб келганлар.

«ЧОР ДАРВЕШ» — Шарқ халқлари орасида кенг тарқалган асар. Дастлабки муаллифи номаълум. У мустақил асар ҳамда таржима тарзида кўп жойларда турлича номлар б-н нашр қилинган. «Ч. д.» сюжети асосида ҳинд ёзувчилари — Таҳсин 18- асрнинг охирида урду тилида «Янги нафис услуб», Мир Аммон Деҳлавий 1802 йилда «Боғу баҳор» каби насрий асарлар ёзганлар. Бунингдек, Бомбай, Деҳли, Калькутта, Оллоҳобод, Лакҳнав ш. ларида форс тилида, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Қўқон, Шаҳрисабз ва Китоб ш. ларида ўзбек, тожик, Петербургда рус, Қозонда татар тилларида ҳам «Ч. д.» нашр этилган. 19- асрда хоразмлик шоир Сиддиқнинг насрий, *Хиромий*нинг назмий «Ч. д.» лари машҳур бўлиб, қайта-қайта нашр қилинган. «Ч. д.» мазмунан сеҳрли эртакларга ўхшаб кетса-да, реал ҳодисаларга асосланган. Унда ҳинд мусулмон зодагонларининг турмуш манзаралари тасвирланган, ҳинд халқи ҳаётидан лавҳалар ҳикоя қилинган. Асарда оддий ҳинд фуқаросининг ночор аҳволи ва юқори табақа вакилларининг дабдабали ҳаёт тарзи акс эттирилган. «Ч. д.» қаҳрамонлари шоҳ ва шаҳзода, малика ва савдогарлар бўлса-да, улар ўзи яшаётган муҳит б-н келиша олмайдилар, адолат, бахт, севги йўлида бутун ҳаётларини бахш этадилар.

Асар Октябрь рев-ясидан кейин Москвада «Боғу баҳор» («Сад и весна», 1927, 1957, 1962), Душанба (1951) ва Тошкентда (1960) «Ч. д.» номи б-н нашр қилинган.

Ад.: Қораев Т., Хиромий достонлари, «Ўзбек классик ва совет адабиётининг баъзи масалалари» тўпламида, Т., 1966; Қораев Т., Мавзоно Хиромий, Т., 1975.

ЧОР ДАРД — қ. *Дард тутиши.*

«ЧОР ДЕВОН» — *Алишер Навоий* асари, *«Хазойин ул-маоний»*нинг халқ орасидаги номи.

ЧОР МИНОР — Бухородаги архитектура ёдгорлиги. Бадавлат туркман Халифа Ниёзқул 1807 йил қурдирган мадраса. Композицияси анъанавий ҳовли ва атрофида бир қаватли ҳужралардан иборат. Жануби-ғарбий томондаги бурчакда синчли мачит жойлашган. Бинонинг кириш томонига ишланган дарвозахонаси диққатга сазовор. У квадрат тарҳда бўлиб, тўрт бурчагида тўртта минора жойлашган (номи ҳам шундан), олд томонида пештоқ бор. Бино икки қаватли бўлиб, пастки қавати мадрасага кириш учун йўлак вазифасини бажарса, тепадаги иккинчи қават кутубхона бўлган. Тепаси гумбазли бу хонага жанубий-ғарбий минора ичидаги зинадан чиқилади. Минораларнинг юқори қисми геометрик шаклда кошин б-н нақшланган ва тепаси гумбазча шаклида якунланиб, фируза рангли кошин б-н қопланган.


Ч. м. содда архитектураси ҳамда ажойиб композицияси б-н 19- аср меъморлигида оригинал кўринишга эга.

ЧОРАБОД — Бухоро обл. Ғиждувон р-ни Сармижон қ. С. даги қишлоқ. Энгельс номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 8 *км*, яқин т. й. станцияси — Бухоро (36 *км*). Аҳолиси 540 киши (1976); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик, полизчилик, боғдорчилик б-н шуғулланади. Пирмаст ариғи орқали Зарафшон дарёсидан сув ичади. Саккиз йиллик мактаб бор.

ЧОРАК (форс-тож. چهارك — тўртдан бир) — Урта Осиёдаги эски оғирлик ўлчов бирлиги. Самарқанд ва Бухоро атрофларида бир пуднинг $^1/_4$ қисми —4,1 *кг* катта Ч. дейилган, кичик Ч. 2 *кг* чамасида бўлган. 19- асрда Фарғонада 2 пуд ёки 4 пуд, баъзан эса 4,5 пуд ва ҳатто 5 пуд бир Ч. ҳисобланган. Баъзан *ботмон* ўрнига Ч. сўзи ишлатилган.

ЧОРАКОР (форс-тож. چهارك كار — тўртдан бир га ишловчи) — феодал-бойлар ерини, олинадиган ҳосилнинг маълум қисмини ер эгасига бериш шарти б-н ижарага олиб экувчи, кам ерли, ерсиз ёки от-уловсиз деҳқон. Ҳеч қандай воситаси ёки маблағи бўлмаган Ч. олинган ҳосилнинг $^1/_4$ қисмини ўзлаштирган, от-уловли Ч. эса ҳосилнинг $^1/_2$ қисмини олган.

ЧОРАКОРЛИК — *ер ижараси* турларидан бири. Бунда ер эгаси ўз ерини ижарага бериб, олинадиган ҳосилдан маълум миқдорда улуш ундиради. Ч. феодализмга хос бўлиб, деҳқонни тиричилик учун меҳнат қилишга мажбур этади. Октябрь рев-ясигача Урта Осиёда, айниқса хонлар ҳокимияти даврида кенг тарқалган. Урта Осиёнинг Россия орқали жаҳон капиталистик бозорига тортилиши туфайли бу ерда товар-пул муносабатларининг жадал ривожланиши б-н Ч. янги шароитга мослашган ҳолда янада кенг тарқалди.



Чорбакр. Хонақоҳ ва масжид.

Октябрь рев-яси арафасида Ўзбекистонда Ч. турли социал гуруҳлар ўртасида мавжуд эди. Ч. да капитализм аломатлари пайдо бўла бошласа-да, у ўзининг туб феодал мазмунини кўп жиҳатдан сақлаб қолди. 1917 йили Туркистон ўлкасининг Фарғона обл. ида экиладиган ерларининг 27,5% ида Ч. асосида хўжалик юритилган. Ижарага берилган ерларнинг 53,1% ида ишлаб чиқариш воситасига эга бўлган деҳқонлар тирикчилик қилганлар. Октябрь рев-яси арафасида Ч. секин-аста капиталистик эволюция йўлига туша бошлади.

Ч. нинг улушбай асосда ташкил этилиши Совет давлатининг ундан вақтинча фойдаланишига имкон берди. 1922 йили Ўзбекистонда қ. х. ни ривожлантириш мақсадида давлат чоракорлиги жорий этилди. Совет давлатининг аграр сиёсати Ч. нинг соҳибкорлик, эксплуататорлик томонларини кескин чеклашни, унинг социал-иқтисодий базасига зарба беришни кўзда тутди. Ўзбекистонда 1917—29 йиллар мобайнида ўтказилган аграр ислоҳотлар жараёнида йирик ва ўрта ер мулкдорларининг ер-суви ва от-улови тортиб олиниб, кам ерли, ерсиз ва от-улсэсиз деҳқонларга тақсимланди (қ. *Аграр ислоҳот*). Деҳқонларнинг ўз хўжалигини давлат ёрдамида юрита бошлаши натижасида Ч. ка зарба берилди. 1925—26 йилги ер-сув ислоҳотида Фарғона, Тошкент ва Самарқанд областларида ер б-н таъминланган қишлоқ меҳнаткашларининг 45,9% и чоракорлар эди. Совет давлати деҳқонларни натура ва пул шаклидаги арзон кредит б-н таъминлади. Совет ҳокимияти шароитида Ч. системасида миқдорий ва сифат ўзгаришлари юз берди, бу мавжуд аграр муносабатларнинг социализм томон ривожланиб боришига шароит яратди. Ўзбекистонда қ. х. ни социалистик асосда қайта қуриш жараёнида Ч. системаси барҳам топди.

ЧОРАҒИЛ — Қашқадарё обл. Қарши р-ни Бешкент қ. С. даги қишлоқ. «Москва» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 12 *км*, яқин т. й. станцияси — Қарши (19 *км*). Аҳолиси 602 киши (1974); чорвачилик, пахтачилик б-н шуғулланади. Патрон-Чорғагил каналидан сув ичади. Урта мактаб, к-з сут-товар фермаси бор.

ЧОРБАҚР — Бухородаги архитектура ёдгорлиги. Бухородан 6 *км* ғарбда, Сумитон қишлоғидаги қабристонда. Ч. нинг пайдо бўлиши *Жўйбор хожа*ларидан Абу Бакр Саъд (вафоти 970) номи б-н боғлиқ. Дастлаб, 1559 йилда унинг невараси Муҳаммад Исломнинг авлодлари қабристони этагида *Абдуллохон* II томонидан хонақоҳ, масжид ва мадрасадан иборат ансамбль қурила бошлаган. Кейинги ўн йил давомида атроф ажойиб чорбоғга айланган. Ҳофиз Танишнинг ёзишича, бу боғнинг тўрт тарафи турли мевали дарахтлар, ток, тол, терак, сарв, чинор ва ранг-баранг гуллар б-н безатилган.

Кейинги асрларда (19- асргача) яна қўшимча бинолар қурилиб, комплекс барпо бўлган. Комплекс негизини ташкил этган хонақоҳ (шимолда), мадраса (жанубда) ва намозгоҳ (ғарбда) орасидаги саҳн супа тарзида. 1900 йили бу ерда минора бунёд этилган. Хонақоҳ гумбазли хона (9×15,8 *м*) ва пештоқдан иборат. Ташқи ён фасаднинг қўшқават равоқлари ва пештоқ жозибадор бўлиб, пештоқнинг икки қаноти гулдасталари б-н улуғвор кўринади. Пештоқ безагида кошиндан терилган йирик куфий хатлар диққатни жалб этади.

Гумбазнинг остки конструкцияси анча мураккаб. Хонани икки равоқ кўндалангига боғлаб, гумбаз учун асос бўлган. Мадраса пештоқи кенгроқ, фасадни деярли эгаллаган. Пештоқ даҳанаси уч равоққа бўлинган. Китоба арабий ёзувдан иборат. Дарсхона чортоқли, ўртаси гумбаз б-н беркитилган. Мадрасанинг ён фасадлари қўшқават равоқлар қаторини такрорлайди. Куфий хатлар ва майда кошинлари безаклар маҳорат б-н бажарилган. Гумбаз ташқи кўриниши салобатли. Масжид майдон саҳнининг тўрида жойлашган.

ЧОРБОҒ — Урта Осиёда амал қилган феодал ер эгалиги шаклларидан бири. Ч. термини турли жойларда ва турли даврларда турлича маънони англатган. Мас., XVI асрда Жўйбор хожаларининг ҳужжатларида бой феодалнинг ер-суви ёки ер ўртасидаги қўрғони Ч. дейилган. Ч. ичида муҳташам иморатлар, Ч. атрофида эса токзор, полиз, бедазор ва ғаллазорлар бўлган. Асл Ч. тўрт қисмдан, яъни токзор, мевазор, полиз ва сайилбоғ (парк)дан иборат бўлган (Ч. сўзи ҳам шундан олинган бўлса керак). Бир қанча юридик ҳужжатларда Ч. савдо ва вақф объекти, мустақил мулк сифатида тилга олинган. Давлатга ёки бир ёйинки бир неча шахсга қарашли ер ҳам Ч. деб аталган; кўпинча Ч. деганда турли иншоотлари ва ҳовузлари бўлган боғлар тушунилган; демак, майдони турлича бўлган хилма-хил объектлар Ч. деб аталган.

Шундай қилиб, Ч. ва боғ терминлари бир хил маънода ишлатилган. Амир Темурнинг Самарқанд рабодидаги Боғи Баланд, Боғи Давлатобод, Боғи Дилкушо, Боғи Жаҳоннамо, Боғи Зоғон каби 14 та боғи аслида Ч. лар бўлган. Тўртбурчак шаклидаги бу боғларнинг атрофи баланд деворлар б-н ўралган эди. Боғ ичида қаср, фонтан, ҳовуз, хиёбон бўлган. Боғнинг чор чаман деб аталган тўртбурчак майдончаларига мевали дарахтлар ва хилмахил гуллар экилган эди. Хиёбонлар ва деворлар ёқасида тут, чинор, қайрагоч, тераклар ўсиб ётган. Ана шундай катта Ч. лар билан бирга майдони 5—20 таноб Ч. лар ҳам қайд қилинган. Кейинги асрларда Ч. сўзининг маъноси ўзгариб кетган. Ҳозир гир-атрофи девор б-н ўралган боғ, шунингдек шаҳар чеккасидаги боғ Ч. дейилади.

ЧОРБОҒТУРАНҒИ — Фарғона обл. Киров р-ни Бешариқ қ. С. даги қишлоқ. «Бешариқ» с-зи терр-ясида. Р-н марказидан 11,5 *км*, яқин т. й. станцияси — Рапқон (13,5 *км*). Аҳолиси 782 киши (1976); пахтачилик, чорвачилик, боғдорчилик, токчилик, полизчилик б-н шуғулланади. Катта Фарғона каналидан сув ичади. Урта мактаб филиали, сут-товар фермаси бор.

ЧОРВА — Сурхондарё обл. Сариосиё р-ни Хуфар қ. С. даги қишлоқ. Охунбобоев номли к-з терр-ясида. Р-н маркази ва яқин т. й. станцияси — Узун (21 *км*). Аҳолиси 1443 киши (1977); пахтачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Ҳазорбоғ каналидан сув ичади. Урта мактаб, медпункт, ёзги клуб бор.

ЧОРВАДОР — Сурхондарё обл. Шеробод р-ни Сеплон қ. С. даги қишлоқ. «22- партсъезд» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 12 *км*, яқин т. й. станцияси — Навшаҳар (52 *км*). Аҳолиси 541 киши (1977); ингичка толали пахтачилик, чорвачилик, сабзавотчилик б-н шуғулланади. Жанубий Сурхон сув омборидан сув ичади. Саккиз йиллик мактаб, медпункт бор.

ЧОРВАЧИЛИК — қ. х. нинг чорва маҳсулотлари етиштириш мақсадида чорва моллари урчитиш б-н шуғулланувчи тармоғи. Ч. аҳолини иш ҳайвонлари (от, ҳўкиз, эшак, туя, буғу), озиқ-овқат маҳсулотлари (сут-қатиқ, гўшт, ёғ, тухум ва б.), енгил саноатни хом ашё (жун, тери, мўйна ва ҳ. к.), қ. х. ни органик ўғит (гўнг) б-н таъминлайди. Ч. маҳсулотлари ва чиқиндиларидан айрим озуқалар (ёғи олинган сут, гўшт-суяк уни, суяк уни ва б.), шунингдек, ҳар хил дори-дармон препаратлари (шифобахш сивороткалар, гормонал препаратлар ва б.) олинади. Ч. нинг тараққий этиши ва маҳсулдорлиги *деҳқончилик*нинг ривожланиши, ердан интенсив фойдаланиш б-н чамбарчас боғлиқ. Ч. тармоқлари: *қорамолчилик* (сут, гўшт-сут ва гўшт етиштириш учун боқиладиган қорамол), *чўчқачилик, қўйчилик, эчкичилик, йилқичилик*, туячилик, *паррандачилик, балиқчилик, асаларичилик, қуёнчилик*, даррандачилик (ҳайвонотчилик), буғучилик, эшакчилик, хачирчилик, *итчилик*дан иборат.

Ч. одам ҳайвонларни қўлга ўргатиб, хонакилаштирган ва улардан хўжалик эҳтиёжлари учун фойдалана бошлаган даврда вужудга келган. Одам узоқ вақт мобайнида кўп меҳнат сарфлаб, кўпгина ёввойи ҳайвонлар табиатини ўзгартирди ва маҳсулдорлигини кескин оширди.

Рев-ядан илгарги Россияда Ч. қ. х. нинг энг қолоқ тармоқларидан бири эди. Майда деҳқон хўжаликлари қулоқлар ва катта ер эгаларига қарам бўлиб, Ч. ни ривожлантириш учун иқтисодий имкониятларга эга эмасдилар. Катта ер эгалари ва қулоқларнинг хўжаликларида Ч. жадалроқ тараққий этди. Майда деҳқон хўжаликларида наслчилик ишлари олиб борилмаган. Фақат баъзи р-лардаги йирик хўжаликларда сут учун боқиладиган сигирларнинг холмогори, ярославль, тагил, красностепь, қизил горбат зотлари ва зот группалари халқ селекцияси йўли б-н етиштирилган. Украина Шимолий Кавказ, Волга бўйи, Сибирь ва Қозоғистоннинг дашт р-ларида гўшт учун боқиладиган қорамол Украина кул ранг зоти, қалмоқи ва қозоқи зотлар) урчитилган.

Жанубий Украина ва Шимолий Кавказда мазаев, новокавказ меринослари, кучугуров, михнов, романов, волош қўй зотлари, ҳисори, қоракўл қўйлари ва думбали қўйлар кўп боқилган. Биринчи жаҳон уруши (1914—18) олдидан бу р-нларда бекон ф-калари пайдо бўла бошлади. Йилқичилар отларнинг энг яхши зотлари— йўртоқи, дон, битюг, ахалтака, кабардин, қорабайир ва б. ни етиштирдилар.

Россияда чорва молларининг маҳсулдорлиги Европа ва Америкадаги ривожланган капиталистик мамлакатлардагига қараганда, тахминан, 2,5—3 баравар паст эди. 1913 йили Россияда 5 млн. *т* гўшт (сўйилган вазнда) 9,4 млн. *т* сут, 11,9 млрд. дона тухум етиштирилган. Биринчи жаҳон уруши даврида моллар сони жуда камайиб, маҳсулдорлиги пасайиб кетди.

СССРда Ч. Улуғ Октябрь социалистик ревясининг ғалабаси ва помещчиклар, монастирларга ҳамда давлатга қарашли 150 млн. *га* дан ортиқ унумдор ерларнинг деҳқонлар ихтиёрига бепул берилиши қ. х. нинг, жумладан, Ч. ни ривожлантириш учун йўл очиб берди. 1918 йил июлида В. И. Ленин наслдор Ч. тўғрисидаги декретни имзолади. Бу б-н мамлакатимизда наслчилик ишларини ташкил этишга асос солинди. Деҳқончилик Халқ Комиссариа-

ти зиммасига наслчилик з-длари ташкил қилиш вазифаси юкланди. 1919 йил мартида майин жунли қўйчиликни муҳофаза қилиш ва ривожлантириш тўғрисида декрет чиқарилди. 1920 йилда мамлакатимизда биринчи Москва зоотехника ин-ти очилди ва дастлабки юқори малакали зоотехниклар етишиб чиқа бошлади. Бироқ Гражданлар уруши ва Ҳарбий интервенция (1918—20), 1921 йилдаги қурғоқчилик Ч. ни тиклашга халақит беribгина қолмай, балки вайрон қилиб юборди. Совет давлати камбағал ва ўрта ҳол деҳқон хўжаликларига чорва молларини сотиб олишлари учун катта ёрдам қилди, уларни кучли ем-хашак, ўт уруғлари б-н таъминлади. Чорва молларининг зотини яхшилаш ишларини ташкил этди, камбағал ва ўрта ҳол деҳқонларнинг кооперативларга бирлашувига имкон берди. Бу даврда чорва моллари сони, асосан, камбағал ва ўрта ҳол деҳқон хўжаликларида кўпайди. 1928 йилга келиб, мамлакатимизда чорва моллари асосий турларининг сони ва Ч. маҳсулотлари миқдори рев-ядан олдинги давр даражасига етди. Бироқ майда деҳқон хўжаликлари Ч. ни жадал равишда ривожлантиришга қодир эмасди, фақат қ. х. ни социалистик асосда қайта қуриш йўли б-н Ч. ни тиклаш мумкин бўлди. Коллективлаштириш даври бошларида (1929—30) қулоқлар ҳамда уларга қўшилган ўрта деҳқонларнинг коллективлаштиришга қарши чиқиб, ўз чорва молларини қириб юбориши оқибатида мамлакатимизда мол туёғи яна камайиб кетди. Ч. ни тиклаш ва ривожлантиришда ВКП(б) Марказий Комитетининг июнь (1934) Пленуми қарорлари ғоят катта аҳамиятга эга бўлди, бу қарор асосида к-зларда йирик жамоат чорвачилиги вужудга келди. 1934 йилдан бошлаб к-з Ч. фермалари шохобчалари ва улардаги чорва моллари сони анча кўпайди. 1940 йилларда қудратли жамоат чорвачилиги шаклланди ва Улуғ Ватан уруши (1941—45) даврида армия ва аҳолини озиқ-овқат б-н таъминлашда муҳим роль ўйнади. Бир қатор р-ларни немис-фашистлари босиб олиши натижасида чорвачиликка яна катта зарар етди.

Урушдан кейинги йилларда к-з ва с-злар кучайиши натижасида Ч. жадал суръатлар б-н ривожлана бошлади. 1950 йилдаёқ қорамол ва қўйлар сони урушгача бўлган даврдагидан кўпайди. Гўшт, сут ва жун етиштириш даражаси 1940 йилдагига етди. Мавжуд зотларни такомиллаштириш ва янги зотлар яратиш бўйича наслчилик ишлари анча кенгайди. 1950 йилда чорва молларининг ҳамма турлари ҳар хил зоналарнинг табиий-иқтисодий шароитига мувофиқ равишда районлаштириш плани тасдиқланди. КПСС Марказий Комитетининг Ч. маҳсулотлари тайёрлаш нархини анчагина оширишни кўзда тутган сентябрь (1953) Пленуми ва КПСС Марказий Комитетининг Ч. маҳсулотларини давлатга мажбурий топшириш ўрнига давлат йўли б-н сотиб олишга ўтишни белгилаб берган июль (1958) пленуми қарорлари Ч. ни юксалтиришда муҳим роль ўйнади. КПСС Марказий Комитетининг март (1965), июль (1978) Пленумлари қ. х. ни, жумладан Ч. ни ривожлантиришга қаратилган иқтисодий тадбирларнинг кенг системасини, жумладан чорвачилик маҳсулотларини етиштиришни кўпайтириш, халқнинг озиқ-овқат, саноатнинг хом ашёга бўлган эҳтиёжларини тўлароқ қондириш масалаларини белгилаб берди.

КПСС МҚ нинг июль (1978) Пленуми қ. х. ишлаб чиқаришини ҳар жиҳатдан механизациялаш, химиялаш ва ерларни мелиорациялаш асосида қ. х. ишлаб чиқаришини интенсивлаш ҳозирги босқичда партия аграр сиёсатининг асосий йўналиши эканлигини алоҳида таъкидлади. 10-беш йилликда энг муҳим қ. х. экинларини комплекс механизациялашни тугаллаш ҳамда Ч. ни механизациялашни юқори даражага кўтариш, қўшимча ем-хашакни 7 млн. *т* га етказиш вазифалари қўйилди.

Ч. ни, хусусан, гўшт етиштиришни янада жадал ривожлантиришга, яқин йиллар ичида юксак даражада индустрлаштирилган, ихтисослаштирилган озуқа етиштириш тармоғини вужудга келтиришга даъват этди.

КПСС МК б-н СССР Министрлар Советининг сут, жун, қоракўл, қўй гўшти, картошка, сабзавот айрим турларини етиштиришнинг рентабеллигини кўтариш мақсадида шу маҳсулотларнинг чакана нархларини ўзгартирмасдан харид нархларини ошириш тўғрисидаги қарори Ч. маҳсулотларини кўплаб ва сифатли етиштириш, тармоқнинг иқтисодий самарадорлигини янада оширишнинг асосий омили бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон чорвадорлари КПСС 25-съезди ва Ўзбекистон Компартияси 19-съезди қарорларига биноан Ч. ни фан-техника ютуқлари асосида, саноат негизида ривожлантирмоқдалар. Майда, тарқоқ фермалар ўрнида йирик комплекслар қурилди ва қурилмоқда, чорва моллари зоти яхшиланиб, туёқ сони кўпайтирилмоқда, ишларнинг механизациялаштирилиши меҳнат унумдорлигини оширмоқда. Ч. озуқа базаси яхшиланмоқда, тармоқ омилкор кадрлар б-н мустаҳкамланмоқда.

Ўзбекистон Ч. маҳсулотларини етиштириши кўпайтириш, сорти ва сифатини яхшилашда Бутуниттифоқ миқёсида олдинги ўринларга чиқиб олди. Сирдарё р-нидаги «Малик», Бахмал р-нидаги «Бахмал» ва б. кўплаб хўжаликлар Ч. маҳсулотлари етиштиришда катта ютуқларга эришмоқдалар. Илғор сут соғувчилар ҳар бир сигир ҳисобига 5500—6000 *кг* дан сут соғиб олиб рекорд қўймоқдалар.

Ўзбекистонда Ч. табиий-иқтисодий шароит ва ем-хашак ресурсларига қараб, зоналар бўйича ривожлантирилмоқда. Чўл яйловларида *қоракўлчилик*, тоғ ён бағри, лалмикор ерлар ва тўқайзорларда гўшт қорамолчилиги, гўшт-ёғ қўйчилиги ва эчкичилиги, сугориладиган ерларда гўшт-сут қорамолчилиги, гўшт-ёғ қўйчилиги, чўчқачилик ва паррандачилик ривожлантирилмоқда.

Жайдари молларни ялпи чатиштириш ва республикага кўплаб наслдор моллар олиб келиш натижасида зотдор (красностепь, швиц, қора-ола, бушуев) моллар туёғи кўпайтирилди. Қ-з ва с-зларда зотдор қорамоллар сони 5,1% дан (1939), 88% га (1976), ҳар бир сигирдан соғиб олинган сут 350 *кг* дан (1936) 2040 *кг* га (1976) етди. Ўзбекистонда зотли қорамоллар планлаштирилган районларда: красностепь зоти Бухоро, Хоразм областлари ҳамда ҚҚАССР да; швиц зоти Жиззах, Самарқанд ва Сурхондарё областларининг адир зоналарида; қора-ола зоти Тошкент, Сирдарё, Фарғона ва б. областларда; бушуев зоти Сирдарё области ва ҚҚАССР да боқилмоқда (1-жадвалга қ.).

Республикада сут б-н бир қаторда гўшт етиштирувчи хўжаликлар ҳам ташкил этилмоқда. 27 хўжаликда жайдари моллар гўштдор санта-гертруда, қозоқи оқ бош, абердинангус зотлар б-н чатиштирилиб, сермаҳсул моллар етиштирилмоқда (1978). Мас., Жиззах обл. Бахмал р-нидаги «Бахмал» наслчилик с-зида санта-гертруда зот гўштдор қорамолларни урчитиш яхши натижа бермоқда.

Комплекс тадбирлар амалга оширилиши натижасида республикада гўшт ва сут етиштириш сўнгги йилларда анча кўпайди (2-жадвалга қ.).

Қ-з ва с-зларда ғўза-беда алмашлаб экишнинг кенг жорий қилиниши ем-хашак базасини яратишда бебаҳо омил бўлди. Ч. пичан, маккажўхори ва сенаж сингари ширали озуқа, аралаш ем б-н бир неча баравар ортиқ таъмин этила бошлади. Аралаш ем з-длари 117 минг *т* дан зиёд юқори сифатли маҳсулот бермоқда (1977).

Ем-хашак базасини мустаҳкамлашнинг муҳим тадбири озуқабоп экинлар ҳосилдорлигини кескин ошириш, такрорий, аралаштириб экишни кенг жорий этиш ҳисобига суғориладиган ерлардан интенсив фойдаланиш ва б. дан иборат.

Совет ҳокимияти йилларида қоракўлчилик ғоят ривож топди. 1928 йилда Ўзбекистонда «Муборак» қоракўлчилик с-зи, 1930 йилда «Қорақум», «Қизил чорвадор», Киров номли ва «Оқ қопчиғай» с-злари ташкил этилди. Қоракўл қўйларининг сони 3,8 млн. бошдан ортиқ бўлиб, 88 та ихтисослаштирилган йирик қоракўлчилик с-зи бор (1978). Ихтисослаштириш катта иқтисодий самара келтирди. 1973—78 йилларда Жиззах, Қашқадарё, Бухоро областларининг ихтисослаштирилган қоракўлчилик с-зларида ҳар 100 совлиқдан 115—140 тадан қўзи олинди.

Республикада гўшт-ёғ ва гўшт-жун етиштиришга мўлжалланган қўйчилик, асосан, Тошкент, Сирдарё, Жиззах, Самарқанд, Сурхондарё, Қашқадарё областларининг тоғ ён бағри зоналарида ва Фарғона водийсида ривож топмоқда. Фарғона водийсининг тоғ ва адир қисмида, хусусан, Поп ва Чуст р-ларида жун ва тивит берадиган эчкичилик ривожланмоқда.

Ч. тармоқлари ихтисослаштирилмоқда ва концентрацияланмоқда, улар саноат негизига ўтказилмоқда. Сут етиштириш, қорамол ва чўчқаларни бўрдоқига боқиш бўйича комплекслар қурилмоқда.

Ўзбекистонда ўнинчи беш йилликда 142 минг сигирга мўлжалланган 280 та сутчилик, 80 минг ёш қорамолни сўқимга боқиш учун 8 та гўштчилик комплекси ва 187 минг қорамолни сўқимга боқишга ихтисослашган 12 та очиқ майдонча қурилади.

Ўзбекистонда моллар ва паррандалар сони
(барча категориядаги хўжаликлар бўйича).

1-жадвал.

	1971	1975	1.1.1978
Қорамол, минг бош	2906,6	3218,4	3227,0
Қўй ва эчкилар «	7977,7	8234,5	8092,9
Чўчқа «	296,4	305,4	329,7
От «	115,5	99,8	83,8
Туя «	22,8	23,3	20,9
Эшак ва хачир «	251,8	185,1	158,3
Парранда «	13760,1	16899,9	20090,5
Қуён «	6,9	49,1	62,6

Паррандачилик соҳасида ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва концентрациялаш яхши самара бермоқда. 1960 йилда инкубатор—паррандачилик ф-калари ташкил этилган эди, ҳозир тухум ва бройлер гўшти етиштириш бўйича йирик механизациялаштирилган 19 та комплекс мавжуд (1978). Курка ва ўрдак гўшти етиштириш бўйича ихтисослаштирилган хўжаликлар ва янги комплекслар ташкил этилди.

Тухум ва бройлер гўшти етиштиришга мўлжалланган янги паррандачилик ф-калари қурилиб, ишга туширилмоқда. Янгийўл, Фарғона бройлер ф-каларида 2 млн. дан ортиқ гўштдор жўжа боқилмоқда. Йирик бройлер ф-калари 6 млн. гача жўжа боқишга мўлжалланган.

Ч. ни механизациялаш ва автоматлаштириш ишлари кенг йўлга қўйилган. Кўпгина Ч. фермаларида оғир ишлар механизация ёрдамида бажарилмоқда. Сигирлар, асосан, соғиш залида ПДА-1 ёки «Тандем» қурилмалари ёрдамида соғилади. Пичан тайёрлаш ишлари ҳам механизациялашган. Қудуқлардан электр насослар ёрдамида сув чиқарилади. Қўй жунини қирқишда электромеханик агрегатлар ишлатилади. Жун тойлашда ГП 1-10А прессидан фойдаланилади.

Паррандачилик ф-каларидаги меҳнат комплекс автоматлаштирилган. Паррандачилик учун саноатимиз «Промишленний-1», Промишленний-2» каби комплекс ускуналар, 10 ва 20 минг бош жўжа боқиладиган паррандахоналар учун «Смена-10М» ҳамда «Смена-20М» комплекс машина ва ускуналар ишлаб чиқармоқда. Бройлер паррандахоналарини автоматлаштиришда «Бройлер-10» ва «Бройлер-20» каби махсус ускуналар комплектидан фойдаланилади.

Чорва моллари зотини яхшилаш, маҳсулдор моллар подасини кўпайтириш ва янги зотлар етиштириш мақсадида республикада илмий тадқиқот ин-тлари, наслчилик бошқармалари, станциялари ҳамда наслдор моллар тарқатиш хўжаликлари (рассадниклари) ташкил қилинган.

Ўзбекистон Чорвачилик илмий тадқиқот институти республикада қорамол, қўй (қоракўл қўйларидан ташқари), парранда, чўчқа ва отлар наслчилик ишларига методик раҳбарлик қилади; чорва молларини урчитиш, озиқлантириш, сермаҳсул моллар подаси, онаси, линияси ва зотларини; озуқабоп ўсимликларнинг серҳосил навларини етиштириш устида

Ўзбекистонда чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш
(барча категориядаги хўжаликларда).

2-жадвал.

Кўрсаткичлар	1970		1975		1977	
	етиштирилган маҳсулот	тайёрланган маҳсулот	етиштирилган маҳсулот	тайёрланган маҳсулот	етиштирилган маҳсулот	тайёрланган маҳсулот
Гўшт (тирик вазнда), минг *т*	352,1	156,0	447,9	196,6	451,3	217,9
Сут, минг *т*	1232,9	367,9	1708,2	505,8	1844,1	593,8
Тухум, млн. дона	859,8	306,0	1247,1	557,7	1230,5	723,3
Жун, *т*	22039	21506,8	25422	25001,7	24895	24312
Қоракўл тери, минг дона	1995,6	1946,5	2480,2	2431,2	2098,7	2043,7

илмий тадқиқот ишлари олиб боради. Ин-т олимлари бушуев, қора-ола, швиц зот моллари-нинг маҳаллий шароитга чидамли сермаҳсул подаларини, санта-гертруда, қозоқи оқбош, абердин-ангус гўштдор дурагайларини; гўштдор-сержун, ҳисори зот қўйлар сурувини; сергўшт товуқ ва курка дурагайларини етиштирдилар; наслдор чўчқа фермаларини барпо этдилар. Чорва молларининг биологияси устида назарий ишлар олиб бордилар. Озуқабоп ўсимликларнинг (лавлаги, маккажўхори, арпа, сули каби) серҳосил навларини етиштирдилар.

Ўзбекистон Ветеринария илмий тадқиқот институти ҳайвон касалликларига қарши ишлатиладиган янги вакциналар топиш устида катта ишлар қилмоқда.

Бутуниттифоқ Қоракўлчилик илмий тадқиқот ин-ти қоракўл қўйларининг наслини яхшилаш, юқори сорт қоракўл терилари етиштириш устида назарий ишлар олиб бормоқда.

Республика наслчилик бирлашмаси ҳамда область наслчилик ташкилотлари, станциялари ва рассадниклари чорва моллари наслини яхшилаш ва уларнинг маҳсулдорлигини оширишда Ўзбекистон илмий тадқиқот ин-тлари б-н ҳамкорликда ташкилий ишлар олиб бормоқда.

Наслчилик з-длари, с-злари, фермалари ҳамда отарлари к-з, с-з чорвачилик фермалари ва сурувларида сермаҳсул наслдор моллар етиштириш ва уларнинг туёғини кўпайтириш ишларига ёрдам бермоқда.

Чет элда Ч. Ҳозирги замонда Ч. нинг ривожланиши қ. х. ҳайвонларининг сон жиҳатдан кўпайиши ҳамда уларнинг маҳсулдорлигининг анчагина ортиши б-н характерланади. Дунё бўйича 3544,5 млн. бош қ. х. ҳайвонлари, жумладан 1309,2 млн. қорамол, 1032,7 млн. қўй, 397,9 млн. эчки, 670,6 млн. чўчқа, 64,0 млн. от бор (1974).

Дунёдаги қорамолларнинг тахминан ярми Ҳиндистон, АҚШ, СССР, Бразилия, ХХР, Аргентинада (623,3 млн. 1974). Баъзи мамлакатларда гўшт қорамолчилиги жадал ривожланмоқда. Озуқа базасини ташкил этиш рационлаштирилмоқда, озуқанинг янги хиллари жорий қилинмоқда.

Сўнгги 20—25 йилда дунёда Ч. маҳсулотлари ишлаб чиқариш анча кўпайди. 1974 йилда 43,4 млн. *т* мол ва бузоқ гўшти (буйволлар гўшти б-н бирга), 42,4 млн. *т* чўчқа гўшти, 7 млн. *т* қўй ва қўзи гўшти, 20,7 млн. *т* парранда гўшти, 386,9 млн. *т* сут етиштирилди.

Жон боши ҳамда майдон бирлиги ҳисобига кўплаб мол тўғри келадиган бир қанча мамлакатлар Ч. маҳсулотларининг асосий экспортери ҳисобланади. Мас., Австралия, Янги Зеландия, Ирландия, Франция, Аргентина ва Уругвай 1331,6 млн. *т* мол гўштини экспорт килди (1974). Франция, Мексика, Ирландия, Канада кўплаб қорамол экспорт қилади.

Гўшт ҳамда молларни Италия, АҚШ, Буюк Британия, ГФР четдан кўп олади. АҚШ гўшт етиштириши юқори даражада бўлишига қарамасдан, мол ва мол гўштини б. мамлакатлардан ҳам сотиб олади.

Осиё, Африканинг кўпгина мамлакатларида қорамоллар сони кўп бўлса-да, моллардан, асосан, иш ҳайвони сифатида фойдаланилганлигидан уларнинг маҳсулдорлиги паст.

Ч. маҳсулотлари етиштиришнинг ўсиш даражаси мамлакатларнинг иқтисодий ҳамда социал тараққиёти, қ. х. ишлаб чиқаришининг аҳволи, шунингдек мамлакатлар ва халқларнинг миллий хусусиятларига ҳам боғлиқ.

Ад.: Шчекин В. А., Чорвачилик, Т., 1963; КПСС XXV съезди материаллари, Т., 1976; Скотоводство. М., 1977.

ЧОРВАЧИЛИК — Хоразм обл. Шовот р-ни Ўзбекистон қ. С. даги қишлоқ. Р-нинг шимолий-гарбида, «Правда» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 22 *км*, яқин т. й. станцияси — Шовот (27 *км*). Аҳолиси 759 киши (1976); пахтачилик, чорвачилик, ғаллачилик, сабзавотчилик, боғдорчилик б-н шуғулланади. Шовот канали орқали Амударёдан сув ичади. Сут-товар фермаси, ем-хашак базаси, ремонт устахонаси, саккиз йиллик мактаб бор.

ЧОРВАЧИЛИК СИСТЕМАСИ — *чорвачилик* тармоғининг йўналишини ва чорва молларини урчитиш, боқиш ҳамда асраш усулларини акс эттирувчи ташкилий, зоотехника ва ветеринария тадбирлари комплекси. Бу тадбирлар кам меҳнат ва маблағ сарфлаб, кўп маҳсулот етиштиришга қаратилган. Ч. с. маҳаллий табиий-иқтисодий шароит ва хўжаликнинг ишлаб чиқариш ресурсларига қараб шаклланади.

Ч. с. да: чорвачиликнинг товар маҳсулот структураси (жун, тухум ва б.) б-н характерланадиган айрим тармоқларини ривожлантириш; меҳнат унумдорлиги ва рентабеллик; чорвачилик тармоқларини ривожлантириш талабларига жавоб берадиган ва иқтисодий жиҳатдан қулай қорамол зотлари; наслчилик ишлари методлари; қорамол туёғи зичлиги (100 *га* ерга тўғри келадиган қорамол сони), чорвачиликнинг пода структураси ва подани тўлдириш усуллари, сигирлардан фойдаланиш муддатлари ҳамда жадаллиги ва б. ишлаб чиқариш кўрсаткичлари б-н характерланувчи интенсивлик даражаси; ем-хашак етиштириш системаси; мол боқиш тури; мол асраш усуллари; ишлаб чиқариш воситаларини тузиш, чорвачиликда ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш даражаси, машиналар системаси, чорвачилик бинолари қуриш ва ускуналаш типи; чорвачиликда санитария ҳамда ветеринария хизматини ташкил этиш каби масалалар ҳал қилинади.

Чорва молларини асраш усулига қараб, қуйидаги чорвачилик системалари мавжуд.

Яйловларда мол боқиш системаси — қадимий мол боқиш усули табиий яйловлардан фойдаланишга асосланган. Яйловда мол боқиш системасининг энг қадимги ва тарқоқ усули кўчманчи чорвачиликдир, бунда озуқа қидириб, мол бутун йил давомида узоқ масофаларга ҳайдаб юрилган. Жамият ишлаб чиқарувчи кучлари ва деҳқончилик маданияти ривожланиб борган сари кўчманчи чорвачилик ўрнини яйловда ҳайдаб боқиш системаси ола бошлади, бунда мол мавсумий яйловларга ҳайдаб боқилади, аммо, қишки ноқулай об-ҳавони ва ёзги қурғоқчиликни ҳисобга олиб, қишлов жойларида ем-хашак жамғариб қўйилади. Мол яйловга ҳайдаб боқиладиган р-нларда чорвачиларга турар жой ва маданий-маиший бинолар қуриб берилади. Совет Иттифоқида Ўрта Осиё республикалари, Қозоғистон ва Кавказнинг экин экиш учун яроқсиз ерларида ана шундай Ч. с. қўлланилади.

Яйлов-оғилхонада мол боқиш системаси — яйловда мол боқиш системаси ўрнига самарали усул сифатида кириб келган, бунда қорамол йилнинг кўп қисмида яйловда, қишда эса молхонада боқилади.

Оғилхона-яйловда мол боқиш системаси — қ. х. ишлаб чиқариши самарали (интенсификация қилинган), мустаҳкам ем-хашак базаси яратилган шароитда қўлланилади. Табиий яйловдан ташқари, экма яйловлар ҳам барпо этилади, ем-хашак экинлари экилади ва пичан, кучли, сершира ҳамда кўкат озуқалар тайёрланади. Ўсимликларнинг ўсув даврида табиий ва экма яйловларда мол боқилади, айрим даврларда молга ўриб олинган ўт бериб турилади, йилнинг қолган вақтида эса моллар молхонада боқилади.

Оғилхонада мол боқиш системаси — қ. х. ни интенсификациялаш йўлида қўйилган кейинги қадамни ифодалайди. Бу система табий ва кўп йиллик экма яйловлари бўлмаган, чорвачилиги жуда ривожланган р-нларда қўлланилади. Бунда мол фақат оғилхонада асралади, лекин вақт-вақти б-н очиқ ҳавога чиқариб турилади. Бутун йил мобайнида оғилхонада мол асраш ҳайвонлар организмига зарарли таъсир кўрсатишининг олдини олиш мақсадида ёзги оғилхоналарда мол боқиш системаси кенг қўлланиладиган бўлди, бунда мол ёз даврида махсус ёзги биноларда асралади. Оғилхоналарда ҳам, ёзги биноларда ҳам мол боғлаб ва бошвоқсиз (боғламай) боқилиши мумкин.

Узбекистонда қорамолчилик учта алоҳида зонага ажратилади. Биринчи зона — соф сутчилик зонаси, бунга обикор деҳқончилик б-н шуғулланадиган ва шаҳарлар атрофидаги хўжаликлар киради.

Иккинчи зона — сут-гўшт етиштириш зонаси, бунга обикор ва лалмикор ерлар ҳамда табиий озуқа базаси бўлган чўллар киради. Учинчи зона — ихтисослаштирилган гўштдор қорамолчилик зонаси, бунга табиий яйловлари бўлган ва, асосан, чорвачилик б-н шуғулланадиган хўжаликлар киради.

Қорамолчиликни ихтисослаштириш ва концентрациялаш асосида сутчилик ҳамда гўштчилик комплекслари, ҳар бир зонада зотдор молларни кўпайтириб тарқатувчи наслчилик з-длари ва фермалари ташкил этилган.

Қўйчилик системаси — гўшт-ёғ, гўшт-жун ва қоракўл етиштириш системаларига бўлинади. Қўйлар ҳамма вақт яйловларда боқилади. Қишлов жойларида сунъий қочириш, жун қирқиш, чўмилтириш пунктлари бор. Қоракўл қўйлари қумлик ва ярим чўл яйловларда боқилади.

Паррандачилик системаси — ихтисослаштириш ва концентрациялаш асосида кўплаб тухум ва гўшт етиштиришга қаратилган.

Чўчқачилик системаси — маҳсулдор наслли ва дурагай чўчқалар етиштириш, чўчқа гўштини кўпайтириш ва унинг таннархини камайтиришга қаратилган.

Ад.: Шчекин В. А., Чорвачилик, Т., 1960; Мавлонов Н. О., Қорамолчилик, Т., 1968.

ЧОРВАЧИЛИК ФЕРМАСИ — қ. х. нинг *чорва молларини* урчитиш ва *чорвачилик* маҳсулотлари етиштириш б-н шуғулланадиган тармоғи. Қорамолчилик, *йилқичилик,* қўйчилик, чўчқачилик ва паррандачилик фермалари бўлади. Ч. ф. аҳоли яшайдиган пунктлардан четроқда — ем-хашак экинлари экиладиган майдонларга яқин жойларга қурилади. Ч. ф. терр-ясида чорвачилик бинолари комплекси, қўшимча ишлар учун мўлжалланган бино ва иморатлар, инженерлик-техника иншоотлари, йўл ва коммуникациялар бўлади. Биноларнинг қурилиш характери Ч. ф. нинг катта-кичиклигига ва чорва молларининг муайян тур ҳамда группаларини асраш хусусиятларига боғлиқ. Мас., йирик сутчилик фермасида: сигирхоналар, сут соғиш блоки, сунъий уруғлантириш пункти, сигирлар туғадиган ва бузоқхона — профилакторий, ем-хашак тайёрлаш бўлимлари, силос ва сенаж миноралари ёки траншеялари, ем-хашак сақланадиган бино ва маъмурий-маиший бинолар ва б. бўлади.

Қорамолчилик фермаси сутчилик ва ёш молларни парваришлаш бригадаларидан ташкил топади. Ҳозир чорвачиликни ихтисослаштириш ва концентрациялаш асосида тўлиқ механизациялаштирилган фермалар — комплекслар ташкил этилмоқда.

Қ-з ва с-з қорамолчилик фермаларида 200—600 сигир, 600—1500 бузоқ ва ёш моллар боқилади. Подада сигирлар сони 27—40 та бўлади. Сутчилик комплекслари 400—1200 сигирга мўлжалланган, уларда сигирлар ва 10—20 кунлик бузоқлар сақланади. Гунажинчилик комплекслари (5—6 минг бош) наслдор уруғочи бузоқлар 10—20 кунлигидан 22—26 ойлигигача парвариш қилинади. Бу комплекслардан ғунажинлар туққандан кейин ёки туғишига 2—3 ой қолганда сутчилик комплексларига ўтказилади. Гўштчилик комплексларида эркак бузоқлар (10 минг бош) 10—15 кунлигидан 13—16 ойлигигача гўшт учун боқилади. 10—20 минг бош қорамол бўрдоқига боқиладиган очиқ майдончалар комплекси ҳам бор.

Қорамолчилик фермаларида 100—200 бошга мўлжалланган сигирхоналар, 10 сигирга мўлжалланган туғруқхона ва 95 бузоқ сиғадиган бузоқхоналар, 90—100 мол боқиладиган ғунажинхона ҳамда новвосхоналар, буқахоналар, сунъий қочириш пунктлари, изоляторлар, ем-хашак омборлари, озуқа тайёрлаш цехлари, силос ва сенаж бостириладиган чуқур, траншея, миноралар ва б. бор.


Қорамолчилик комплексларидаги ҳар бир бино 200—400 бош сигирга, 180—360 бош бузоқ ёки ёш молларга мўлжалланган. Узбекистон иқлим шароитида енгил бинолар ва бостирма-айвонлар қурилган очиқ майдончалардан фойдаланиш мумкин.

Фермаларда ем-хашак майдалаш, тарқатиш, мол суғориш, сут соғиш, гўнгдан тозалаш каби оғир ишлар механизациялашган.

Фермалардаги моллар ёши, жинси, маҳсулоти ва физиологик ҳолатига қараб, ҳар хил группаларга ажратилади. Уларга соғувчи, молбоқар ва бузоқбоқарлар тайинланади. Чорва комплексларидаги ишларни операторлар поток усулида бажаради.

Қўйчилик фермаларида она қўйлар, қўчқорлар, қўзи ва тўхлилар группаси мавжуд. Шу группаларга қараб, қўйхона ёки айвонлар 500—600 бош она қўйга мўлжалланган, қўзилар учун илиқ хонали қўйхона-қўтонлар, ёш қўйлар учун 800 ўринли қўйхоналар, совлиқларни сунъий қочириш ва жун қирқиш учун енгил бинолар қурилади. Ҳар бир қўйхона — қўтонга яқин жойда қишга жамғарилган ем-хашак ғарамлари ва яйловлар бўлади. Ҳозир иттифоқимизнинг Европа зонасидаги йирик хўжаликларда қўйчилик комплекслари қурилмоқда.

К-з, с-зларда паррандачилик ва чўчқачилик фермалари комплекслари ҳамда фабрикалари ташкил этилган.




Чорвоқ ГЭСи.

Йилқичилик бинолари 20—40 от, 50 бия, 20—40 бош наслдор айғир ва 100 бош ёш отга мўлжалланган. Отхоналарда айғирлар алоҳида хоналарда сақланади. Урта Осиё шароитида атрофига айвон қурилган саройларда от боқилади. Ҳозир Узбекистонда қимизчилик фермалари ташкил этилмоқда.

ЧОРВОҚ — Тошкент обл. Бўстонлиқ р-нидаги шаҳар посёлкаси. Тошкентдан 80 *км*. Угом тизмасининг ён бағрида, Угом дарёсининг Чирчиқ дарёсига қуйилиш жойидаги ўнг соҳилида, Тошкент—Хўжакент т. й. да жойлашган. Денгиз сатҳидан баландлиги 892 *м*. 1964 й. 25 мартда Чорвоқ сув омбори ва Чорвоқ ГЭС қурилиши муносабати б-н ташкил топган. Аҳолиси 9900 киши (1977). Ч. да умумий таълим мактаби, маданият уйи, аптека, касалхона, поликлиника, кутубхона, радиоузел ва маиший хизмат кўрсатиш пунктлари бор.

ЧОРВОҚ — Самарқанд обл. Хатирчи р-ни Янгийўл қ. С. даги қишлоқ. Р-нининг шимолигарбида, Қуйбишев номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 17 *км*, яқин т. й. станцияси — Зиёвиддин (27 *км*). Аҳолиси 1032 киши (1976); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик, сабзавотчилик, боғдорчилик б-н шуғулланади. Оқдарёдан сув ичади. К-з правлениеси ва қ. С. идоралари, машина-трактор парки, кутубхона, клуб, ўрта мактаб, медпункт бор.

ЧОРВОҚ — Қашқадарё обл. Шаҳрисабз р-ни Қалинин қ. С. даги қишлоқ. «Қизил Юлдуз» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 14 *км*, яқин т. й. станцияси — Қитоб (19 *км*). Аҳолиси 864 киши (1974); пахтачилик, пиллачилик, боғдорчилик б-н шуғулланади. Қашқадарёдан сув ичади. Медпункт, кутубхона, болалар боғчаси, к-з машина-трактор парки, қ. С. идораси бор.



Чорвоқ гидроузелининг плани: *1*— тўғон; *2*— ГЭС биноси; *3*— ГЭС сув қабул қилгичи; *4*— сув тунели; *5* — I ярус сув ташлагичи; *6* — II ярус сув ташлагичи; *7* — шахтали сув ташлагич; *8*— ортиқча сув канали.

ЧОРВОҚ ГЭС — Урта Осиёдаги йирик ГЭС лардан бири. *Чирчиқ — Бўзсув ГЭСлари каскади*нинг бошланиш қисмида жойлашган. ГЭС нинг қуввати 600 минг *квт*. Йилига ўртача 2 млрд. *квт-с* электр энергияси ҳосил қилади.

ГЭС қурилиши 1963 йилда бошланган. Қуввати 150 минг *квт* бўлган биринчи агрегати 1970 йилда, сўнгги, 4-агрегати 1972 йилда ишга туширилган. ГЭСда ҳар бирининг қуввати 150 минг *квт* ли радиал-ўқли турбиналар ўрнатилган. Электр энергияси 220 *квт* кучланишли 2 та электр узатиш линияси орқали Урта Осиё бирлашган энергетика системасига узатилади.

ЧОРВОҚ ГИДРОУЗЕЛИ — Чирчиқ дарёсининг бошланиш қисмига қурилган (1963—75) гидротехника иншооти. Қ. х. ни бир меъёрда сув б-н таъминлаш, сув тошқинларига барҳам бериш ва гидроэнергетика мақсадларида қурилган. Ч. г. тўғон, сув омбори ва ГЭС дан иборат (яна қ. *Чорвоқ ГЭС*). Тўғон Чатқол ва Угом тоғлари орасига қурилган; узунлиги 768 *м*, баландлиги 168 *м*, энг юқори қисмининг эни 12 *м*. Тўғон устига автомобиль йўли қурилган. Тўғонга Чорвоқ ГЭСни сув б-н таъминлаш учун узунлиги 800 *м* ва диаметри 11 *м* бўлган иккита туннель қурилган.

Сув омборининг умумий ҳажми 2000 млн. $м^3$, бундан фойдали сув сиғими 1580 млн. $м^3$, эни айрим жойларда 10 *км* га етади, сув юзининг сатҳи 40,1 $км^2$. Сув омборига Писком, *Кўксув*, Чатқол дарёлари қуйилади.

Сув оқими кўпайиб, ҳалокатли даражага етганда, сувни чиқариб юборувчи шахтали ва иккита (I ва II) ярусли сув ташлагичлар қурилган. Улар битта каналга бирлаштирилган. Бунда шахтали сув ташлагичдан секундига 1200 $м^3$, II ярусдан 450 $м^3$, ГЭС агрегати орқали 500 $м^3$ сув оқиб чиқади. Ч. г. Чирчиқ-Бўзсув ГЭСлар каскадини бир текисда сув б-н таъминлайди. Унинг барпо этилиши б-н сув кам бўлган йиллари Тошкент воҳасидаги 500 минг *га* ерни бир меъёрда сув б-н таъминлаш, Чирчиқ дарёсининг юқори оқимида содир бўладиган сув тошқинларига барҳам бериш имкони туғилди; шунингдек сув омборида балиқчиликни ривожлантириш мумкин.

ЧОРВОҚ СОЙЛИГИ — Тошкент обл. Бўстонлиқ р-нидаги сойлик. Ғарбий Тяньшань тоғлари орасида жойлашган. Неотектоник ҳаракатлар натижасида палеозой даврида Писком ва Чатқол дарёларининг қуйи оқимида вужудга келган. Сойлик шимолдан Угом тизмаси, шимоли-шарқдан Писком тизмаси, Писком водийси, шарқ томонидан Кўксув тизмасининг Отяйлов ва Қўнғирбуқа тоғлари, Кўксув водийси, жанубда Чатқол тизмасининг Катта Чимён, Обиқашқа тоғлари, жанубий-шарқда Чатқол водийси б-н ўралган. Ч. с. нинг ғарб томони очиқ бўлиб, Угом ва Чатқол тоғлари табиий дарбоза ҳосил қилган. Ч. с. га Писком, Кўксув, Чатқол, Наволисой, Сижжаксой, Оқсорсой, Афғонсой, Мозорсой, Бешқайрагочсой каби дарё-сойлар оқиб келади. Шу ерга 1971 йилда баландлиги 160 *м* бўлган сунъий тўғон қурилиб, Чорвоқ сув омбори барпо этилди. Чорвоқ сув омборидан Чирчиқ дарёси оқиб ўтади. Чорвоқ сув омборининг атрофлари дам олиш зонасига айлантирилган, пионер лагерлари, дам олиш уйлари, пансионатлар жойлашган.

ЧОРГОҲ (форс-тож. *чор* — тўрт, *гоҳ* — жой, ўрин)—1) ўтмишда Ун икки мақом системасидаги шўъба номи. Ундаги асосий тетрахорд поғоналарининг оралиғи 1 тон +1 тон +½ тондан иборат бўлган. Урта асрларда Ч. шўъбаси товушқаторига мослаб, кўп бастакорлар амал, қавл, нақш ва пешравлар яратган. Ч. йўллари 13-асрдан бошлаб, то ҳозирги кунгача турли вариантларда яшаб келди. Маълум мақом ва шўъбаларнинг IV поғонаси ҳам Ч., яъни IV парда дейилади. Бастакорлар турли мақом ва шўъбаларга Ч. номли куй ва ашулалар боғлаганлар. Мас., «Чоргоҳи Ажам» («Ажам шўъбасининг чоргоҳи») каби. Бу асар 24 мураккаботнинг бири саналган; 2) Шашмақомнинг Дугоҳ мақомида чолғу қисм ва шўъбалар. Чолғу қисмлар «Мухаммаси Ч.», «Уфари Ч.», шўъбалар «Талқини Ч.», «Насри Ч.», «Савти Ч.» деб аталади. Уларнинг бошланишидаги 4 поғонаси Ун икки мақом Ч. шўъбасига мос келади. Лекин куй ва ашулалар диапазони жуда ҳам кенг. Ч. йўллари жуда ҳам ёқимли, дардли янграйди ва тингловчида лирик кайфият уйғотади. Ч. шўъбаларининг кўп вариантлари яратилган. Чунончи, Тошкент, Фарғонада машҳур Ч. вариантлари, С. *Бобошарифов* яратган «Чоргоҳи Муножот» шулар жумласидан. Тошкент, Фарғонада машҳур Ч. йўллари беш қисмли йирик шаклдаги ашуладан иборат. «Ч.-1» сарахбор доира усулида, «Ч.-2» тарона усулида, «Ч.-3» савт усулида, «Ч.-4» қашқарча усулида, «Ч.-5» уфар усулида ижро этилади; 3) Эрон, озарбайжон ва ўрта асрларда мақом номи. Ч. ларнинг лад тузилиши бир-бирига яқин бўлса-да, куй оҳанглари, усуллари ҳар бир халқ музикасига хосдир.


ЧОРГУЛТЕПА — Сурхондарё обл. Шўрчи р-ни Коммуна қ. С. даги қишлоқ. «23-партсъезд» к-зи терр-ясида. Р-н маркази ва яқин т. й. станцияси — Шўрчи (5 *км*). Аҳолиси 686 киши (1977); пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Қумқўрғон каналидан сув ичади. Урта мактаб, медпункт бор.

ЧОРДАРА — Самарқанд обл. Самарқанд р-ни Қаттақўрғон қ. С. даги қишлоқ. «Москва» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 18 *км*, яқин т. й. станцияси — Самарқанд (22 *км*). Аҳолиси 4065 киши (1976); сабзавотчилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Хишров каналидан сув ичади.

ЧОРДАРА — Фарғона обл. Олтиариқ р-ни Ғайрат қ. С. даги қишлоқ. «Узбекистон» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 7 *км*, яқин т. й. станцияси (11 *км*). Аҳолиси 1352 киши (1975); пахтачилик, пиллачилик, боғдорчилик б-н шуғулланади. Жанубий Фарғона каналидан сув ичади. Урта мактаб филиали, болалар боғча ва яслиси, медпункт бор.

ЧОРДАРА СУВ ОМБОРИ — ҚозССР Чимкент области ва УзССР Жиззах областидаги сув омбори. Сирдарёга Чордара гидроузелининг тўғони қурилиши натижасида барпо қилинган. Майдони 900 $км^2$, сув ҳажми 5,7 $км^3$, узунлиги 70 *км*, энг кенг жойи 20 *км*, ўртача чуқурлиги 6,5 *м*. Суғориш ва Сирдарёнинг қуйи қисмларида тез-тез содир бўлиб турадиган сув тошқинининг олдини олиш мақсадида бунёд этилган. Тўғонда 100000 *квт* қувватли ГЭС қурилган.

ЧОРЖЎЙ—шаҳар, ТуркмССР Чоржўй области маркази. Амударёнинг чап соҳилида. Йирик т. й. узели ва дарё порти. Аҳолиси 107 минг киши (1975). Ч. 19-асрнинг 80-йилларида Бухоро хонлиги терр-ясида руслар қалъаси сифатида вужудга келган. 1886 йилдан шаҳар (Янги



темасидаги шўъба номи. Ундаги асосий тетрахорд поғоналарининг оралиғи 1 тон +1 тон +½ тондан иборат бўлган. Урта асрларда Ч. шўъбаси товушқаторига мослаб, кўп бастакорлар амал, қавл, нақш ва пешравлар яратган. Ч. йўллари 13-асрдан бошлаб, то ҳозирги кунгача турли вариантларда яшаб келди. Маълум мақом ва шўъбаларнинг IV поғонаси ҳам Ч., яъни IV парда дейилади. Бастакорлар турли мақом ва шўъбаларга Ч. номли куй ва ашулалар боғлаганлар. Мас., «Чоргоҳи Ажам» («Ажам шўъбасининг чоргоҳи») каби. Бу асар 24 мураккаботнинг бири саналган; 2) Шашмақомнинг Дугоҳ мақомида чолғу қисм ва шўъбалар. Чолғу қисмлар «Мухаммаси Ч.», «Уфари Ч.», шўъбалар «Талқини Ч.», «Насри Ч.», «Савти Ч.» деб аталади. Уларнинг бошланишидаги 4 поғонаси Ун икки мақом Ч. шўъбасига мос келади. Лекин куй ва ашулалар диапазони жуда ҳам кенг. Ч. йўллари жуда ҳам ёқимли, дардли янграйди ва тингловчида лирик кайфият уйғотади. Ч. шўъбаларининг кўп вариантлари яратилган. Чунончи, Тошкент, Фарғонада машҳур Ч. вариантлари, С. *Бобошарифов* яратган «Чоргоҳи Муножот» шулар жумласидан. Тошкент, Фарғонада машҳур Ч. йўллари беш қисмли йирик шаклдаги ашуладан иборат. «Ч.-1» сарахбор доира усулида, «Ч.-2» тарона усулида, «Ч.-3» савт усулида, «Ч.-4» қашқарча усулида, «Ч.-5» уфар усулида ижро этилади; 3) Эрон, озарбайжон ва ўрта асрларда мақом номи. Ч. ларнинг лад тузилиши бир-бирига яқин бўлса-да, куй оҳанглари, усуллари ҳар бир халқ музикасига хосдир.

ЧОРГУЛТЕПА — Сурхондарё обл. Шўрчи р-ни Коммуна қ. С. даги қишлоқ. «23-партсъезд» к-зи терр-ясида. Р-н маркази ва яқин т. й. станцияси — Шўрчи (5 *км*). Аҳолиси 686 киши (1977); пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Қумқўрғон каналидан сув ичади. Урта мактаб, медпункт бор.

ЧОРДАРА — Самарқанд обл. Самарқанд р-ни Қаттақўрғон қ. С. даги қишлоқ. «Москва» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 18 *км*, яқин т. й. станцияси — Самарқанд (22 *км*). Аҳолиси 4065 киши (1976); сабзавотчилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Хишров каналидан сув ичади.

ЧОРДАРА — Фарғона обл. Олтиариқ р-ни Ғайрат қ. С. даги қишлоқ. «Узбекистон» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 7 *км*, яқин т. й. станцияси (11 *км*). Аҳолиси 1352 киши (1975); пахтачилик, пиллачилик, боғдорчилик б-н шуғулланади. Жанубий Фарғона каналидан сув ичади. Урта мактаб филиали, болалар боғча ва яслиси, медпункт бор.


ЧОРДАРА СУВ ОМБОРИ — ҚозССР Чимкент области ва УзССР Жиззах областидаги сув омбори. Сирдарёга Чордара гидроузелининг тўғони қурилиши натижасида барпо қилинган. Майдони 900 $км^2$, сув ҳажми 5,7 $км^3$, узунлиги 70 *км*, энг кенг жойи 20 *км*, ўртача чуқурлиги 6,5 *м*. Суғориш ва Сирдарёнинг қуйи қисмларида тез-тез содир бўлиб турадиган сув тошқинининг олдини олиш мақсадида бунёд этилган. Тўғонда 100000 *квт* қувватли ГЭС қурилган.

ЧОРЖЎЙ—шаҳар, ТуркмССР Чоржўй области маркази. Амударёнинг чап соҳилида. Йирик т. й. узели ва дарё порти. Аҳолиси 107 минг киши (1975). Ч. 19-асрнинг 80-йилларида Бухоро хонлиги терр-ясида руслар қалъаси сифатида вужудга келган. 1886 йилдан шаҳар (Янги Чоржўй), Урта Осиёнинг савдо ва транспорт маркази (Ч. орқали 1888 йилда Урта Осиё т. й. ўтган). 1918—24 йилларда Туркистон АССР, 1924 йилдан ТуркмССР таркибида. 1937 йилдан Ч. деб аталади. Ч.—1939—63 ва 1970 йилдан обл. маркази. Ипак, гўшт к-тлари, жун йигирув-тўқув, пахта, тикувчилик, пойабзал, мебель ф-калари, қоракўл, пахта тозалаш, сут, вино, қурилиш материаллари, суперфосфат, ремонт з-длари ишлаб турибди. Педагогика ин-ти, тўқимачилик, дарё ва қ. х. техникумлари, мед. ва муз. билим юртлари, тарих-ўлкашунослик музейи; Туркманистон тажриба ипакчилик станцияси, тажриба мелиоратив станцияси бор.

ЧОРЖЎЙ — Сурхондарё обл. Жарқўрғон р-ни Жарқўрғон қ. С. даги қишлоқ. Н. Боймуродов номли к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 6 *км*, яқин т. й. станцияси — Жарқўрғон (8 *км*). Аҳолиси 1196 киши (1977); ингичка толали пахтачилик, чорвачилик, ипакчилик б-н шуғулланади. Қакайди ариғидан сув ичади. Саккиз йиллик мактаб, медпункт бор.

ЧОРЖЎЙ ОБЛАСТИ — ТуркмССРдаги обл. 1970 йил 14 декабрда ташкил топган (1939 йил 21 ноябрдан 1963 йил 10 январгача ҳам бўлган). Республиканинг шарқида. Майдони 93,8 минг $км^2$. Аҳолиси 538 минг киши (1975). 9 р-нга бўлинган, 2 шаҳар ва 22 ш. т. п. бор. Маркази — Чоржўй ш. Ч. о. Ленин ордени б-н мукофотланган (1974 йил 10 янв).

Табиати. Ч. о. Амударё ўрта оқимининг ҳар иккала соҳилида ўрнашган. Чап соҳилнинг шимолий қисми Заунгуз Марказий Қорақуми, жанубий Жанубий-Шарқий Қорақум (бу ерга Қорабел қирларининг шимолий чеккаси кириб келган). Ўнг соҳилнинг шимоли-ғарбида Қизилқум чўлининг чеккаси, марказида Сандиқли қуми, жанубий-шарқида Кўҳитангтов тизмаси (энг баланд нуқтаси 3139 *м*) бор. Иқлими кескин континентал, қуруқ. Ёзи иссиқ, қиши мўътадил совуқ. Июлнинг ўртача т-раси 29,5°,



Чорнев Р.

январиники —4° дан 2° гача. Йиллик ёғин шимолида (Дарғонота) 100 *мм*, жануби-шарқда (Карки) 160 *мм*. Вегетация даври 203—235 кун. Йирик дарёси — Амударё. Тупроғи асосан бўз тупроқ. Чўлларда қум бардидоши, оқ саксовул, қуёнсуяк, қандим ва б. Амударё водийсида тўқай ўсимликлари (турангил терак, тол) ўсади, тоғларда арча ўрмонлари учрайди. Чўлларда жайран, дашт мушуги, тулки, бўри, чиябўри, кемирувчилар (қум сичқон, юмронқозиқ), қушлар (хўжасавдогар, чўл қизилиштони), судралувчилар (илон, калтакесак, тошбақа), Амударё водийсида бухоро буғуси, ёввойи чўчқа яшайди.

Аҳолиси. Ч. о. да туркманлар (68,8%, 1970), руслар (12,5%), ўзбеклар (11,2%), татарлар, украинлар, қозоқлар ва б. яшайди. 1 *км*² га 5,7 киши тўғри келади (1975). Шаҳар аҳолиси 46%. Шаҳарлари: Чоржўй ва Каркн.

Хўжалиги. Хўжаликда асосий ўринни енгил ва озиқ-овқат саноатлари эгаллайди. Ч. о. республикада етиштириладиган пахтанинг ¼ қисмини, қоракўлнинг ⅓ қисмини, пилланинг ½ қисмини беради. Пахта тозалаш, ипак, қоракўл терисига дастлабки ишлов бериш, мой каби саноат тармоқлари айниқса ривожланган. Газ, олтингугурт қазиб олиш, минерал ўғитлар ишлаб чиқариш ривожланмоқда. Асосий корхоналари Чоржўйда; Карки, Каркичи, Московск, Саётда пахта тозалаш з-длари, Каркида гўшт к-ти, гилам ф-каси, қ. х. машиналари ремонти з-ди, Гугурттоғда олтингугурт з-ди бор. Ч. дан шимолда йирик нефть кимё комплекси барпо этилмоқда. Қ. х. да суғориб деҳқончилик қилинади. Суғориб деҳқончилик қилинадиган ерларда асосий экин — пахта (ингичка толали ва ўртача толали навлар) ҳисобланади. Экин майдони 143,3 минг *га* (1973), шу жумладан пахтазорлар 87,2 минг *га*. 1973 йилда 250 минг *т* пахта ҳосили олинди. Пахта ҳосили 29,1 *ц* (*га*), республика бўйича 24,5 *ц* (*га*). Кўп йиллик ўтлар 19,8 минг *га*, ғалла экинлари 13,8 минг *га*, полиз экинлари («гулоби» қовун нави машҳур) 4,7 минг *га*, сабзавот экинлари 2,1 минг *га*. Боғдорчилик ва токчилик ривожланган.

Чўл яйловларида қоракўл қўйлари, Амударёга яқин ерларда қорамол ва чўчқа боқилади. 1006 минг қўй ва эчки, 163 минг қорамол (жумладан 63 минг сигир), 30 минг чўчқа бор (1974). ТуркмССРда асосий ипакчилик р-ни.

Т. й. узунлиги 650 *км* чамасида (1975). Автомобиль йўли 2406 *км*, жумладан қаттиқ қопламали йўллар 1039,4 *км*. Амударё ва Қорақум каналида кема қатнайди. Асосий пристанлари: Каркичи ва Чоржўй. Ч. авиалиния орқали Урта Осиё, Кавказнинг йирик шаҳарлари ва Москва б-н боғланган.

Ўқув юртлари, илмий ва маданий муассасалари. Соғлиқни сақлаш. 1975/76 ўқув йилида 387 умумий таълим мактабида 147,8 минг ўқувчи, 5 профессионал-техника ўқув юртида 3288 ўқувчи, 7 ўрта махсус ўқув юртида 3,8 минг ўқувчи, педагогика ин-тида 5,9 миниг студент ўқиди. 1976 йилда 347 оммавий кутубхона (1721 минг китоб ва журналлар), тарихўлкашунослик музейи, 252 клуб, 215 киноустановка ишлади.

«Ленин ёлы» (туркман тилида, 1931 йилдан), «Чарджоуская Правда» (1938 йилдан) обл. газеталари чиқиб туради.

1976 йилда 5,5 минг ўринли 52 касалхона, 1,2 минг врач (458 кишига 1 врач) ишлади.

Ад.: Туркменистан, М., 1969 (серия «Советский Союз»); Народное хозяйство Туркменской ССР в 1974 г. Статистич. ежегодник, Ашхабад, 1976.

ЧОРЁРЛАР (форс-тож. چاریار — тўрт дўст) — *Муҳаммад* вафотидан кейин араб халифалигида ҳокимият тепасида турган дастлабки тўрт халифа (*Абу Бакр Сиддиқ Абдулло*, 632—634; *Умар*, 634—644; *Усмон*, 644—656; *Али*, 656—661). Бу халифаларни Ч. деб аташ Эрон, Урта Осиёдаги оддий диндорлар орасида расм бўлган. Ч. араб мамлакатларидаги диний манбаларда «тўғри йўлдан борган халифалар» («хулафо ар-рошидин») номи б-н тилга олинади. Ч. халифаликни бошқариш ва кенгайтириш, қўшин ерларни босиб олиш ва талашга раҳнамолик қилган ҳукмдорлардир. Мусулмонлар уларни «пайғамбар ноиблари» ҳисоблаб, кучли эътиқод қиладилар.

ЧОРЗАНА — Бухоро обл. Свердлов р-ни Сепатта қ. С. даги қишлоқ. Киров номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 14 *км*, яқин т. й. станцияси — Шаҳрислом (22 *км*). Аҳолиси 861 киши (1976); пахтачилик, чорвачилик, пилладачилик, сабзавотчилик б-н шуғулланади. Автур каналидан сув ичади. Ремонт устахонаси, ўрта мактаб, медпункт бор.

ЧОРИЕВ Рўзи (1931. 28. 8, ҳозирги Сурхондарё обл., Шеробод р-н, Пашхўрт қишлоғи) — мойбўёқчи рассом, УзССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1975). Ота-онаси вафот этгач, Шеробод болалар уйида тарбияланган. П. П. Беньков номидаги Республика бадиий билим юртида (1950—59) ва И. Е. Репин номидаги Ленинград Рассомлик, ҳайкалтарошлик ва архитектура ин-тида (1959—65) таълим олган. Портретлар («Замондошим», «Дўстимнинг портрети», 1965; «Келин. Шоҳи сўзана», 1967; «Санъатшунос Р. Тоқтош», «Композитор И. Акбаров», 1971, кейинги учтаси УзССР Санъат музейида), маиший ва тарихий-революцион мавзуларда картиналар («Суҳбат», 1964; «Хумсон оқшоми», 1965; «Олтинтопкан кони», 1964—70; «Амирликнинг емирилиши», 1967; «Реквием» триптихи, 1970 ва б.) рассомнинг ҳаёт лавҳаларини ифодалашда, образ яратишда ўзига хос бўёқлар топганини кўрсатди. Акварель, пастель б-н ишланган кўп сонли расмларида ҳам образ тиниқ яратилган. 1966 йилдан Тошкент Педагогика ин-тининг бадиий-графика ф-тида ўқитувчи. Узбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати (1968).

ЧОРИКОР — Афғонистоннинг шарқий қисмидаги шаҳар. Кобул ш. дан шимолроқда. Парвон вилоятининг маъмурий маркази. Аҳолиси 30 мингга яқин киши (1966). Металл ва кўнчарм буюмлар ишлаб чиқариладиган ҳамда шойи тўқиладиган кустарь корхоналар, пилладачилик станциялари бор. Шаҳар атрофи боғ ва токзор.

ЧОРИҚ — содда пойабзал тури. Хом, ҳўл теридан тайёрланган. *Чоракор*, чўпон ҳамда камбағал деҳқонлар кийган. Ч. нинг бир нечта тешиклари бўлиб, улардан иплар ўтказиб оёққа боғлаб қўйилган. Этик, калиш ва б. европача пойабзаллар расм бўлгач, Ч. га эҳтиёж қолмади.

ЧОРҚЕСАР — Наманган обл. Поп р-ни Уйғур қ. С. даги қишлоқ. «Коммунизм» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 72 *км*, яқин т. й. станцияси — Поп (76 *км*). Аҳолиси 1568 киши (1976); пахтачилик, чорвачилик, пиллачилик, боғдорчилик, токчилик б-н шуғулланади. Қанкалсойдан сув ичади. Урта мактаб бор.

ЧОРЛАШ, чақириқ — Урта Осиё халқларида никоҳ тўйидан сўнг ўтказиладиган маросим. Узбекларда келин Ч. (чорлар) тўйдан кейин бир ҳафта ичида келининг ўз ота-онасиникига куёвнинг яқин қариндошлари, қўни-қўшнилари б-н меҳмон бўлиб боришидир (эркаклар иштирок этмайди). Бунда куёвнинг онаси қудасиникига ҳар хил совғалар, миллий таомлар, ширинлик ва б. келтиради. Келининг онаси зиёфат тугагач, аёл қудаларга совға, қизига эса бош-оёқ сарпо қўяди. Шу б-н қудаларнинг расмий қариндошчилиги бошланган ҳисобланади. Куёв Ч. (чақириқ)да биринчи фарзанд кўргунга қадар куёв яқин қариндошуруғлари, маҳалладаги эътиборли кишилар, дўстлари (фақат эркаклар) б-н қайнатасиникига боради. Зиёфат пировардида куёвнинг қайнатаси ўз имкониятига яраша куёвига ва унинг қариндошларига совғалар беради.

ЧОРМИТАН ОЛТИН КОНИ — Шимолий Нурота тоғларининг жанубий ён бағрида жойлашган кон. Конда силур даврига мансуб кварцслюдали, кўмирли-слюдали, слюдали қумтошлар, гилтошлар ва андалузитли сланецлар мавжуд. Улар орасида баъзан карбонат жинслар учрайди. Дайка кўринишидаги гранит, аплит, диорит-порфирлар ҳам бор.

Ч. о. к. нинг бош структураси Қоровулхона — Чормитан дарзликлар зонаси ҳисобланади. У Қўшработ массивининг жанубий чегараси бўйлаб ўтади. Мазкур зона бўйлаб кварцсульфидли томирлар ва улар б-н боғлиқ метасоматик жинслар узун йўлкалар сифатида кенг ривожланган; хол-хол кўринишда жойлашган сульфидлар учрайди. Рудали томирлар кенглиги 2—3 *мм*, айрим жойларда 1—2 ва 5—7 *см*. Сульфидли томирларда кварц б-н бирга карбонат бирикмалар учрайди. Томирлар жойлашган граносиенит альбитланиш, серицитланиш, кварцланиш, хлоритланиш каби жараёнларга учраган. Узгаришларга учраган граносиенитларда олтин б-н бирга вольфрам ҳам тўпланган.

Руда кичик (кенглиги 1—3 *мм*) дарзликларда жойлашган. Дарзликлар бир-бирига яқин ва параллел йўналган. Руда асосан кварц, шунингдек карбонат, арсенопирит, пирит, олтин, шеелит, кумуш, қўрғошин, висмут, сурманинг сульфид бирикмаларидан иборат.

ЧОРРАҲА — Бухоро обл. Бухоро р-ни Галаосиё қ. С. даги қишлоқ. «Янги турмуш» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 8 *км*, яқин т. й. станцияси — Бухоро (17 *км*). Аҳолиси 515 киши (1976); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик, сабзавотчилик б-н шуғулланади. Шоҳруд канали орқали Зарафшон дарёсидан сув ичади.

ЧОРСИ — қ. *Белбоғ*.


ЧОРСУ (форс-тож. چار — тўрт ва سو — томон) — ўрта аср Шарқ шаҳарларида икки йирик кўча кесишган жой. Бундай жойларда одатда савдо расталари, галереялар, косибларнинг дўконлари жойлашган *тоқ*лар бўлган. Ўтмишда Урта Осиёнинг Самарқанд, Бухоро, Хива, Қўқон, Шаҳрисабз, Тошкент ва б. шаҳарларидаги Ч. лар йирик савдо марказлари ҳисобланган. Мас., 16-асрнинг охирларида бунёд этилган Шаҳрисабз Ч. сидаги квадрат тарҳли бинонинг тўрт томонида дарвозахонаси бўлиб, шу дарвозалардан йирик савдо залига кирилган. Бурчакларда дўконлар бўлган.

ЧОРТОҚ — Наманган областидаги шаҳар Янгиқўрғон р-нининг маъмурий маркази, т. й. станцияси. Намангандан 19 *км* шимолда, Чортоқсой водийсида. Ч. да пахта тозалаш з-ди, минерал сув з-ди, тикувчилик ф-каси, маиший хизмат кўрсатиш пунктлари, 8 умумий таълим мактаби, 2 кинотеатр, маданият уйи, 4 кутубхона, 3 касалхона, поликлиника, 5 медпункт, 6 болалар боғча ва яслиси, босмахона ва б. ишлаб турибди.


Ч. дан 7 *км* шимоли-шарқда, денгиз сатҳидан 623 *м* баландликда, Чортоқсой соҳилида Чортоқ бальнеологик курорти жойлашган. *Чортоқ минерал суви* 1946 йилда очилди. Сув 1000—3000 *м* чуқурликдан 43—47° иссиқликда отилиб чиқади. Курортда *полиартрит*, меъда-ичак (ошқозон, овқат ҳазм қилиш органлари), хотин-қизлар касалликлари, тери касалликлари, спондилёз, радикулит ва б. касалликлар даволанади. Курортда йўлланма б-н келадиганлар учун 1000 ўринли санаторий (100 ўрин болалар ва ўсмирлар учун) бор. Бундан ташқари, курсовка б-н келадиганлар учун 250 ўрин ажратилган. 210 ўринли алоҳида болалар санаторийси ҳам ишлаб турибди. Курорт очилгандан бери 100000 дан ортиқ киши шифо топди (1976). Курортда 15 хилдан кўпроқ даволаш усуллари қўлланилмоқда. Даволаш комплексига *физиотерапия*, иқлим б-н даволаш, массаж, парҳез овқатлар ва б. киради. Иқлими континентал. Ези иссиқ, қуруқ, қиши илиқ, қуёш нури кўп. Йиллик қуёш нури Қавказ ва Қрим курортларига нисбатан икки баравар кўп тушади (4800 соат). (Сочида 1980 соат, Нальчикда 1710 соат). Қуёшнинг анча юқори туриши натижасида булутли кунлар кам бўлади ва қуёш радиацияси 144,0 *ккал*/*см*² га етади. Ч. курортида январь, февраль ойларидагина т-ра 0° дан паст бўлади. Январнинг ўртача т-раси —1,4°, минимал т-ра —24°, июлнинг ўртача т-раси 26°, максимал т-ра 39°. Йиллик ёғин миқдори 277 *мм*, совуқ бўлмайдиган давр 200 кундан кўпроқ. Бу шароит курортда аэро ва гелиотерапия усулларида даволаш имконини ҳам бермоқда.

Курортда 400 ўринли қишки клуб, 600 ўринли ёзги кинотеатр, 200 ва 600 ўринли 2 ошхона, магазинлар, фотоателье, почта, телеграф, омонат касса ва б. бор. Курорт терр-яси кўкаламзорлаштирилган парк, мевазор боғ ва ёнғоқзордан иборат.

ЧОРТОҚ — Наманган обл. Поп р-ни Янгиҳаёт қ. С. даги қишлоқ. Жданов номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 5 *км*, яқин т. й. станцияси — Поп (9 *км*). Аҳолиси 758 киши (1976); пахтачилик, чорвачилик, пиллачилик, боғдорчилик б-н шуғулланади. Булоқлардан сув ичади. Бошланғич мактаб бор.



Шаҳрисабз чорсусининг кесими (1) ва тарҳи (2).



Чорсу *мақоласига*. Шаҳрисабз чорсуси.

ЧОРТОҚ (форс-тож. جرتق — тўрт ва *тоқ*)— 1) ўрта асрларда шаҳар атрофига қурилган кузатиш пункти; соқчилар турадиган жой; 2) лашкарбошилар жангининг боришини кузатиб турадиган махсус жой.

ЧОРТОҚ МИНЕРАЛ СУВИ — хлор-натрий-кальций таркибли, паст радиоактивликка эга бўлган сув. Азотли, йодли (30 *мг/л* гача), бромли (20 *мг/л* гача), кучли минерализацияга эга (30—60 *г/л*), гипотермал (t=45—54°С). Фарғона артезиан ҳавзасининг палеоген чўкиндилари орасидаги массагет ётқизиқларидан чиқади. Бир бурғи қудуғидан отилиб чиқадиган сувнинг сарфи (дебити) суткасига 690—730 $м^3$. Сўнгги текширишлар натижасида 800—3000 *м* чуқурликда 7 тагача сувли қатлам (горизонт) борлиги маълум бўлди.

Ч. м. с. дан асосан *Чортоқ* курортида фойдаланилади. Бу сув тери, бод, юрак-томир, ҳаракат органлари, хотин-қизлар касалликларини физиотерапевтик усуллар б-н даволашда айниқса фойдалидир.

ЧОРТОҚСОЙ — ҚирғССР (озроқ қисми) ва Наманган областидаги сой. Чатқол тизмасининг Бўзбиттов тоғи (2875 *м*) ён бағридан бошланиб, асосан Уйчи р-ни терр-ясида тугайди. Кучли сел келган пайтлардагина Сирдарёгача етиб келади. Шимолий Фарғона канали б-н кесишган жойда канал суви Ч. остидан дюкер орқали ўтган. Узунлиги 67 *км*. Ҳавзасининг майдони 715 $км^2$. Ўртача йиллик сув сарфи 2,3 $м^3/сек$. Егин-сочин ва булоқ сувларидан тўйинади.

Ч. Поччаота суғориш системасига киради. 1957 йили Ч. да насос станцияси қурилиб, 6039 *га* ер суғориладиган бўлди ва Поччаота сув системаси яхшиланди. Баҳорги сел ва тошқинларнинг бузиш кучини камайтириш учун Алихон қишлоғи яқинида сел сувини тўплайдиган селхона қурилган. Сой бўйида Чортоқ ш. ва курорти, Бештол, Пешкорон, Алихон, Сарой, Қорабоғ қишлоқлари жойлашган.

ЧОРТУТ — Самарқанд обл. Советобод р-ни Болотош қ. С. даги қишлоқ. Ленин номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 17 *км*, яқин т. й. станцияси — Улуғбек (2 *км*). Аҳолиси 603 киши (1976); пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Даргом каналидан сув ичади. Саккиз йиллик мактаб бор.

ЧОРУХДАЙРОН ВОЛЬФРАМ КОНИ — Тожикистон ССР Ленинобод областидаги кон; Ленинобод ш. нинг шимолида.

Кондан 1942 йилдан бери руда қазиб олинмоқда, ҳозир руда запаси камайиб қолган. Кон рудаси дунёда ягона, ўзига хос «оҳактош» скарнларидан иборат. Бундай скарнлар интрузивлар орасида — карбонат жинслар бўлмаган жойда ҳосил бўлган. Скарнлардан кейин ҳосил бўлган минераллар амфиболлар, альбитлардан иборат. Скаполитлар интенсив тарақкий этган. Минераллар комплекси рудали минераллар (шеелит, халькопирит, магнетит, молибденит, пирит) б-н қопланган. Шеелит асосан гранат, пироксен ва амфиболитлар б-н бирга, коннинг айрим участкаларида альбит-кварц-биотитли жинслар зонасида, баъзан кварц-турмалинли жинслар зонасида учрайди. Кондан шеелит ва молибденит олинади. Чуқурлик ортган сари шеелитли б-н молибденит кўпая боради, шеелитли руда томири торая боради ва, шу б-н бир вақтда, скарнлар қалинлиги ҳам кўпая боради.

ЧОРУХ, Чорох (туркча Çoruh) — СССР ва Туркиядаги дарё. Узунлиги 438 *км*, шундан 26 *км* СССР (Аджария АССР) терр-ясида. Ҳавзасининг майдони 22 минг $км^2$. Гугурттоғ тизмасидан бошланиб, Батуми ш. яқинида Қора денгизга қуйилади. Лозистон ва Чорух тизмалари орасидаги тектоник водийдан оқиб ўтади. Ўртача сув сарфи 285 $м^3/сек$; баҳорда ва ёзда серсув. Суғоришда фойдаланилади; ёғоч оқизилади. Ч. бўйида Байбурт ш. (Туркия) жойлашган.

ЧОРХОНА — Сурхондарё обл. Денов р-ни Пистамозор қ. С. даги қишлоқ. Жданов номли к-з терр-ясида. Р-н маркази ва яқин т. й. станцияси — Денов (8 *км*). Аҳолиси 1029 киши (1977); пахтачилик, чорвачилик, пиллачилик, сабзавотчилик б-н шуғулланади. Қорасув ариғидан сув ичади. Ўрта мактаб, медпункт бор.

ЧОРЧАМАН — Андижон обл. Москва р-ни Ўрта Шаҳрихон қ. С. даги қишлоқ. Ленин номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 5 *км*, яқин т. й. станцияси — Шаҳрихон (5 *км*). Аҳолиси 545 киши (1976); пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Катта Фарғона каналидан сув ичади. Ўрта мактаб, медпункт, маиший хизмат кўрсатиш к-ти бор.

ЧОРШАНБА (форс-тож. چرشنبه тўрт ва *шанба*) — ҳафтанинг учинчи куни (қ. *Ҳафта*).

ЧОРШАНБА — Қашқадарё обл. Шаҳрисабз р-ни Шакартепа қ. С. даги қишлоқ. «Социализм» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 12 *км*, яқин т. й. станцияси — Китоб (17 *км*). Аҳолиси 1596 киши (1974); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик, боғдорчилик б-н шуғулланади. Оқсув дарёсидан сув ичади. Касалхона, қишлоқ механизация билим юрти, алоқа бўлими, маиший хизмат кўрсатиш пунктлари, пахта тайёрлаш пункти, ўрта мактаб, дорихона, кутубхона бор.

ЧОСЕР Жефри (1340— Лондон —1400. 25. 10) — инглиз шоири; инглиз поэзияси ва инглиз адабий тили асосчиларидан. Юз йиллик уруш (1337—1453) да қатнашган. Ч. турли маъмурий лавозимларда ишлаган: Франция ва Италияда дипломатик топшириқларни бажарган; 1386 йилдан парламент аъзоси.

Инглиз классик адабиёти Ч. номи б-н бошланади. Ч. ижоди ни, одатда, уч даврга бўладилар. Биринчи ва иккинчи давр шоирнинг француз (1369—79) ҳамда итальян (1380—86) адабиёти таъсирида бўлган даври, учинчи давр эса унинг «инглизча усул»ни эгаллаган, яъни миллий шоир сифатида шаклланган давридир. Учинчи даврда яратилган «Қушлар парламенти», «Шуҳрат уйи», «Троил ва Хризеида» аллегорик достонларида шоир, асосан, ўз даврининг гуманистик ғояларини илгари сурди, киши психологиясини, табиат манзараларини реалистик тасвирда чуқур ифода этди. «Ажойиб аёллар ҳақида афсона» достони инглиз тилидаги илк йирик поэтик асар бўлди. Инглиз адабиётида Ч. биринчи бўлиб ўз даври ҳаётини реалистик тарзда тасвирлади («Кентерберий ҳикоялари», 1390- йиллар, тугалланмаган). Ч. инглиз адабиётида Уйғониш даври гуманизми ва реализмига замин ҳозирлаган, кейинги давр инглиз адабиёти ривожига йўл кўрсатган шоирдир.

Ад.: История англ. лит-ры, т. 1, вып. 1, М.—Л., 1943; Кашкин И. А., Джефри Чосер, унинг «Для читателя-современника» китобида, М., 1968.

ЧОТТОПАДДҲАЙ Бонкимчондро (1838. 26. 6, Кантальпара —1894. 8. 4, Калькутта) — ҳинд ёзувчиси. Бенгалияда тарихий роман асосчиси. Бенгал тилида ижод қилган. Калькутта ун-тини тугатган (1858). «Бонгодоршон» («Бенгалия кўзгуси», 1872 йилдан), «Прочар» («Тарғибот») журналлари бош муҳаррири. Ч. нинг «Муборакбод этай сени, эй она-Ватан!» шеъри миллий озодлик ҳаракатининг (1905—47) гимнига айланган. Унинг «Қўмондон қизи» (1865), «Копалокундола» (1866) ва «Мриналини» (1869), «Заҳарли дарахт» (1872), «Чондрошекҳор» (1873), «Шодлик маскани» (1882), «Раж Сингҳ» (1893) романлари, «Индира» (1872), «Бир жуфт узук» (1873), «Рожони» (1875) повестлари ва «Халқ ўйинлари» (1874), «Комолаканто» (1875) каби ҳажвий новеллалари тўпламлари мустақиллик учун кураш ғоялари, ҳинд аёлларининг ҳақ-ҳуқуқлари масаласи, ирқчилик ва ижтимоий зулмга қарши кураш пафоси б-н суғорилган.

Ад.: Новикова В. А., Бонкимчондро Чоттопаддхай. Жизнь и творчество, Л.: 1969.

ЧОТТОПАДДҲАЙ Шоротчондро (1876. 15. 9, Бенгалия, Дебанандапур қишлоғи —1938. 16. 1, Калькутта) — ҳинд ёзувчиси. Бенгал тилида ижод қилган. 1903—16 йилларда Бирмада яшаган. 20- йилларда миллий озодлик ҳаракатида қатнашган. Дастлабки асарларида романтизм элементлари бўлса-да, кейинчалик реализм унинг ижодий методи бўлиб қолди. Феодал ва буржуа ахлоқини танқид қилиш, жамиятда аёллар ўрни Ч. ижодининг етакчи мавзусидир. «Йўлдан адашган» (1917), «Ўт кетган уй» (1920), «Қишлоқ жамоаси» (1916) романларида қишлоқ ҳаётининг реалистик тасвирини чизган. «Шриканто» (1—4- қисмлар, 1917—1933) романида ҳинд жамиятининг кўп қиррали картинасини чизган. Ч. ҳинд адабиётидаги биринчи сиёсий роман («Йўл беринглар», 1926) муаллифи. Романда майда буржуа зиёлиларининг мустамлакачиликка қарши кайфиятлари акс этган. «Сўнгги масала» (1931) романида ахлоқий ва диний анъаналарнинг замонавийлик б-н ўзаро муносабати проблемаси кўтарилган.

ЧОЧ — қ. *Тошкент*.

ЧОЧПОПУҚ, сочпопук — аёлларнинг соч ўримлари учига тақадиган безаги. 15—20 та чийратма ип ва ипакдан эшилиб, учлари попукдор қилиб тайёрланади. Ч. ларга кумушдан қуйма қўнғироқчалар, безакли тангачалар тақилади.

ЧОШ — сомондан батамом ажратиб, бир ерга тўплаб қўйилган дон (буғдой, арпа ва б.) уюми. Деҳқонлар томонидан етиштирилган ҳосилни йиғиштириб олиш маросими Ч. боғлаш деб аталган. Бу маросимда деҳқон Ч. даги дондан этакни тўлдириб, бир қисмини Ч. га яқин ерга тўккан, қолган қисмини Ч. атрофидан айлантириб тўкиб чиққан; шу б-н деҳқон гўё «Ч. нинг белидан боғлаган» ҳисобланган. Ч. боғлаш аслида *Бободеҳқон* назар қилиб, Ч. га барака берсин деган мақсадда ўтказилган. Ўрта Осиё хонликларида Ч. бошига подшоҳ маъмурлари (*амлокдор, доруға*) келиб, етиштирилган ҳосилдан давлатга *хирож*, ўзларига эса *капсан* ундириб олмагунларигача, Ч. ни бузиш мумкин бўлмаган. Деҳқон Ч. ни бузиб қўймаслиги учун доруға Ч. нинг тўрт томонини уйиб, ҳар уюмга бир кетмондан тупроқ тўктириб, устига ўз белги-(тамға)сини қўйиб кетган. Келган амлоқдор, доруға, котиб ва б. текинхўрлар капсан ва хирожни ажратиб олганларидан кейин, қолган донни деҳқон олган.

Ч. кўтариш олдидан бериладиган зиёфат чошхўрлик деб аталган. Бунда қўй сўйилиб, турли таомлар пиширилган. Зиёфат тугагач, меҳмонлар келгуси йилда оладиган ҳосилга барака тилаганлар. Сўнгра Ч. бузилиб, ғалла қопларга солинган. Чошхўрликни асосан бадавлат бойлар уюштирганлар. Совет даврида колхоз тузумининг ғалабасидан сўнг бу маросимлар умуман барҳам топди. Ҳозир Узбекистонда хўжалик йилининг охирида етиштирилган ҳосил йиғиб олингандан сўнг ўтказиладиган *ҳосил байрами* айниқса машҳурдир.

ЧОШНИГИР (форс-тож. چاشنیگیر татиб кўрувчи) — қадимда хон ёки подшоҳ саройидаги амалдор шахс, шоҳ онlaси ошхонасининг бошлиғи. Ч. ҳукмдорни заҳарланишдан сақлаш ва таом таъмини билиш мақсадида шоҳга тортиладиган таомларни дастлаб ўзи татиб кўрган. Ч. лар Шарқ давлатлари, жумладан Ўрта Осиё хонликларида бўлган.

ЧОШОТАТЕПА (Чоштепа) — Тошкент обл. Тошкент р-ни Гулистон қ. С. даги қишлоқ. «Узбекистон 50 йиллиги» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 15 *км*, яқин т. й. станцияси — Шумилов (9 *км*). Аҳолиси 3166 киши (1977); сабзавотчилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Қиғириқ ариғидан сув ичади.

ЧОШТЕПА — кўҳна шаҳарча қолдиғи, қадимги маданият ёдгорлиги (мил. ав. 7— мил. 12- асрлар). Тошкент шаҳрининг жанубий-ғарбида, Чирчиқ дарёси б-н Жун канали оралиғида. Ёдгорликни Н. П. Остроумов (1896), Г. В. Григорьев (1934), Н. И. Крашенинникова (1956) текширган. Ч. доира шаклидаги истеҳком (узунлиги 117×102 *м*, баландлиги 19 *м* гача) б-н ўралган бўлиб, майдони 4 *га*. Манзилгоҳининг пастки қатламлари Бурғулук маданияти (мил. ав. 7—5- асрлар)га мансуб. Турар жойлар хом ғиштдан ертўлага ўхшаш қурилган. Кўпгина юмалоқ, таги ясси сопол идишлар, ёрғучоқлар, ўғир дасталари ва б. рўзғор буюмлари, сўнгги бронза даврига хос қуроллар топилган. Диний маросим буюмлари қабиланинг ўтга сиғинганлигини исботлайди. Археологик ёдгорликлар қадимги чоштепаликларнинг деҳқончилик, чорвачилик б-н шуғулланганлигидан далолат беради. Манзилгоҳининг юқори қатламидан топилган 6—7-, қисман 11—12- асрларга оид ёдгорликлар ўрта асрда Тошкент атрофидаги жойлар анча обод бўлганлигини кўрсатади.

Ад.: Крашенинникова Н. И., Археологические наблюдения на Чаштепе, Труды ТашГУ им. В. И. Ленина, вып. 172, Т., 1960, стр. 147—163; Бүряков Ю. Ф., Дадабаев Г., Памятники античного времени в Ташкентском оазисе, История материальной культуры Узбекистана, вып. 10, Т., 1973, стр. 38—51.

ЧОШТЕПА — Қашқадарё обл. Шаҳрисабз р-ни Кунчиқар қ. С. даги қишлоқ. Қалинин номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 8 *км*, яқин т. й. станцияси — Китоб (13 *км*). Аҳолиси 929 киши (1974); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик, сабзавотчилик б-н шуғулланади. Танхоздарёдан сув ичади. Ўрта мактаб, кутубхона, клуб, медпункт, болалар боғчаси, маиший хизмат кўрсатиш пункти, тут кўчатзори бор.

ЧОҚАДАМБУЛОҚ ТЕМИР КОНИ — Тожикистон ССР Ленинобод областидаги кон; Қонсой посёлкасининг жанубий-шарқида.

Чоқадамбулоқ руда майдони юқори девон — қуйи карбон даврларига оид чўкинди жинслар (мармарлашган оҳактош, доломитлашган оҳактош ва доломитлар)дан тузилган. Бу жинсларнинг жанубий қисми юқори палеозой даврига мансуб отқинди жинслар б-н қопланган. Шимолий қисмини эса, юқори карбон даврига оид Қорамозор типидаги гранодиорит интрузияси ёриб чиққан. Руда майдонида аплит, гранодиорит ва гранит-порфир, диабаз ва диорит-порфирит, фельзит-порфир дайкалари ҳам бор. Кон майдонини шимоли-шарқ ва кенглик йўналишидаги дарзликлар (ёриқлар) кесиб ўтган.

Ч. т. к. даги темир (магнетит) рудаси мармарлашган оҳактош б-н Қорамозор типидаги гранодиорит интрузияси оралиғида (контактида) ҳосил бўлган скарнларда жойлашган. Кон бир қатор скарнли участкалар (Шарқий, Марказий ва Ғарбий участкалар)ни ўз ичига олади. Руда таркибида магнетит б-н бирга галенит, сфалерит, халькопирит, арсенопирит ва висмутин каби сульфидлар тарқалган.

ЧОҒДАРИ — Бухоро обл. Ғиждувон р-ни Сармижон қ. С. даги қишлоқ. Энгельс номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 7,5 *км*, яқин т. й. станцияси — Гаждумак (4 *км*). Аҳолиси 1200 киши (1976); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик, полизчилик, боғдорчилик б-н шуғулланади. Қалқонруд ариғи орқали Зарафшон дарёсидан сув ичади. Ремонт устахонаси, пахта пункти, ўрта мактаб, маиший хизмат кўрсатиш уйи бор.

ЧУ — ҚирғССР ва ҚозССР терр-ясидаги дарё. Узунлиги 1067 *км*, ҳавзасининг майдони 62 500 *км*². Тяньшандан бошланган Жувонариқ ва Қўчқор дарёларининг қўшилишидан ҳосил бўлади. Юқори қисмида тор тизмаларини кесиб тор водийда, тармоқларга бўлиниб оқади. Уртатўқай посёлкасидан 2 *км* юқорида Уртатўқай сув омбори қурилган. Тошқин даврида Кутемалди тармоқчаси орқали Иссиққўлга қуйилади. Бўўм дарасида Чўнгкемин ва Кичикемин ирмоқлари б-н қўшилиб Чу водийсига чиқади. Дарё сувидан суғоришда (каналлари: Катта Чу, Шўртепа, Георгиевский, Отбошн, Чўмиш) ва энергетикада кенг фойдаланилади. Қурағати б-н қўшилгач, мўйинқум ва Бетпақдала чўлларига келади. Сирдарёга етмасдан тугайди. Дарё асосан қордан тўйинади. Уртача сув сарфи (тоғлардан чиқаверишида) 130 *м*³/*сек*. Декабрнинг 2- ярмида музлаб (қуйи оқимида), мартнинг бошларида муздан бўшайди. Асосий ирмоқлари: ўнгдан—Чўнгкелин, Иргайти, Қақпатос; чапдан — Аламедин, Оқсув, Қурағати. Ч. бўйида Тўқмоқ, Чу шаҳарлари жойлашган. Ч. водийсидан Фрунзе — Рибачье т. й. ўтган.

ЧУ — ҚозССР Жамбул областидаги шаҳар. Чу дарёсининг чап соҳилида. Т. й. станцияси. Т. й. транспортига хизмат қилувчи корхоналар, шакар-қанд, ремонт-механика з-длари бор.

ЧУ ВОДИЙСИ — Чу дарёси водийсининг бир қисми. Жануби-шарқда Бўўм дарасидан шимоли-ғарбда Мўйинқумнинг шарқий этагигача боради. Узунлиги 200 *км*, эни жануби-шарқида 15 *км*, шимоли-ғарбида 100 *км*. Баландлиги 500—1200 *м*. Иқлими кескин континентал. Йиллик ёғин миқдори 250—400 *мм*. Ч. в. нинг деярли ҳаммаси ҳайдалган ва суғорилган; қўриқ ерларда — бўз тупроқда чала чўл ва қуруқ дашт ўсимликлари ўсади. Ч. в.— ҚирғССР нинг асосий қ. х. р-ни (қанд лавлаги, каноп етиштирилади; боғдорчилик, токчилик, галлачилик ривожланган). Ч. в. жанубида ҚирғССР нинг пойтахти ва асосий саноат маркази Фрунзе ш. жойлашган.

ЧУ ДАШТИ — Олтой тоғ системасининг жанубн-шарқидаги дашт. Чу дарёсининг юқори оқимида, 1750—2000 *м* баландликдаги тоғлар оралиғида жойлашган. Ғарбдан шарққа 70 *км*, шимолдан шарққа 40 *км* чўзилган. Ер юзаси тўлқинсимон текислик. Қиши совуқ бўлиб, ёғин кам (102 *мм*). Чала чўл ўсимликлари, Чу дарёси қайирида ўтзорлар бор. Ч. д. орқали СССРдан МХР га Чу тракти ўтади.

ЧУ-ИЛИ ТОҒЛАРИ — Жанубий Қозоғистондаги емирилган паст тоғли ўлка. Шимолда Товқум чўли, жанубда Қапа дарёси оралиғида. Шарқда Жунғария Олатовининг ғарбий тармоғи Қораўй платоси б-н туташган. Энг баланд жойи 1294 *м*. Ч.-И. т. қадимий тоғ бўлиб, кўпроқ палеозой, мезо-кайнозой ётқизиқларидан: гранит, сланец, оҳактош, гипссимон жинслардан тузилган. Қиши совуқ, ёзи қуруқ ва иссиқ. Уртача т-ра январда —14°, —15°; июлда 23—25°. Ёғин миқдори 200—400 *мм*. Ён бағирлари чўл-дашт ўсимликлари б-н қопланган.

ЧУБРАН — Қашқадарё обл. Яккабоғ р-ни Қайрағоч қ. С. даги қишлоқ. «Авангард» с-зи терр-ясида. Р-н маркази ва яқин т. й. станцияси — Яккабоғ (35 *км*). Аҳолиси 738 киши (1974); ғаллачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Гулдара сойидан сув ичади. Ўрта мактаб филиали бор.

ЧУБАРДАКЛИ — Жиззах обл. Бахмал р-ни Сангзор қ. С. даги қишлоқ. «Сангзор» с-зи терр-ясида. Р-н марказидан 18 *км*, яқин т. й. станцияси — Ғаллаорол (28 *км*). Аҳолиси 765 киши (1976); ғаллачилик, боғдорчилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Сангзор дарёсидан сув ичади. Ўрта мактаб филиали, кутубхона, с-з сут-товар фермаси бор.


ЧУВАЛАЧИ — Фарғона обл. Бағдод р-ни Чувалачи қ. С. даги қишлоқ. «Победа» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 9 *км*, яқин т. й. станцияси — Фурқат (9 *км*). Аҳолиси 986 киши (1976); пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Катта Фарғона каналидан сув ичади.

ЧУВАЛЧАНГЛАР — *ясси чувалчанглар, нематодалар, ҳалқали чувалчанглар, немертинлар* ва б. дан иборат умуртқасиз ҳайвонларнинг умумий номи. Ч. га 46 мингга яқин тур киради. Моллюскалар ва бўғим оёқлилар б-н биргаликда *бирламчи оғизлиларни* ташкил этади. Ч. илгари алоҳида тип ҳисобланган.

ЧУВАШ ТИЛИ — *чувашлар* тили. Чувашия АССР, Татаристон АССР, Бошқирдистон АССР да, РСФСРнинг Ульяновск Куйбишев, Оренбург, Саратов, Пенза обл. ларида тарқалган. *Туркий тиллар* оиласига киради. Ч. т. да 1 млн. 694 минг киши гаплашади (1970). Юқори (вирьял) ва қуйи (анатри) диалектларига бўлинади. Ч. т. ўз тараққиёти давомида дастлаб скиф-сармат, славян ва фин-угор тиллари, кейинчалик эса татар ва бошқирд тиллари таъсирига учраган. Ч. т. а, ӑ, е, ӗ, ё, ы, и, у, ӳ унли фонемаларининг мавжудлиги, а унлисининг бошқа туркий тиллардаги а ёки у унлиси б-н алмашиниши, кўплик от-сон қўшимчаси -лар ўрнига -сем, -сам, -лер -шлатилиши б-н бошқа туркий тиллардан фарқ қилади.

Ч. т. нинг дастлабки грамматикаси ва бу тилдаги таржималар 18- асрда пайдо бўлган. Чуваш адабий тилига қуйи диалекти асос бўлган. Тилшунос И. Я. Яковлев 1871—72 йилларда қуйи диалект ва рус графикаси асосида Ч. т. нинг янги алифбосини яратди.


ЧУВАШИЯ АВТОНОМ СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ (Чаваш Автономилле Советла Социализмла Республики), Чувашия — РСФСР таркибида. 1920 йил 24 июнда Чувашия АО тузилган. 1925 йил 21 апрелдан АССР. Шарқий Европа текислигининг шарқида, Волга дарёсининг Сура ва Свияга ирмоқлари орасида жойлашган. Майдони 18,3 минг *км*². Аҳолиси 1289 минг киши (1978). Ч. да 24 район, 9 шаҳар, 6 ш. т. п. бор. Пойтахти — Чебоксари ш.



1. Чебоксари. Ленин майдони. 2. Чебоксарининг Волга соҳили қисмидаги хиёбон.

Давлат тузуми. Ч. АССР — ишчилар, деҳқонлар ва интеллигенциянинг социалистик давлати, автоном совет социалистик республикаси. Амалдаги конституцияси 1978 йил июнда қабул қилинган. Давлат ҳокимиятининг олий органлари — республиканинг 5 йилга (8 минг аҳолидан 1 депутат) сайланадиган бир палатали Олий Совети ва унинг Президиуми. Олий Совет ҳукуматини — Ч. АССР Министрлар Советини тузади. СССР Олий Советининг Миллатлар Советига Ч. дан 11 депутат сайланади. Давлат ҳокимиятининг маҳаллий органлари —2,5 йил муддатга сайланадиган халқ депутатларининг ш., р-н., посёлка ва қишлоқ Советлари. Ч. Олий Совети 5 йил муддатга Ч. АССР Олий судини ва Олий суд Президиумини сайлайди. Олий суд 2 суд коллегиясидан иборат. Ч. АССР Прокурорини СССР Бош прокурори 5 йилга тайинлайди.

Табиати. Ўнг соҳилда *Волга бўйи қирлари* бор. Шимоли-шарқий қисми Чувашия платоси (баландлиги 175—227 *м*) б-н банд. Платонинг Волгага қараган ён бағри тик тушган, шу қисмида жарликлар кўп. Чап соҳили — Заволжье текислиги (баландлиги 50—70 *м*) да дўнгликлар, ботқоқ ва торфли ерлар бор. Иқлими мўътадил континентал иқлим; қиши совуқроқ, ёзи илиқ. Январнинг ўртача т-раси —12,7°, июлники 19,3°. Йиллик ёғин 450—500 *мм*. Дарёлари Волга ҳавзасига мансуб (Волганинг Ч. терр-ясидан ўтган қисмининг узунлиги 127 *км*). Ч. да чимли подзол ва сур тусли ўрмон (терр-ясининг 70%) тупроқлар ва ишқорсизланган қоратупроқлар (20%) тарқалган. Терр-ясининг катта қисми ўрмонли дашт зонасида, терр-ясининг 32% ўрмон (кўпроқ қарағай, қайин, дуб, жўка ўсади). Ёввойи ҳайвонлардан қўнғир айиқ, бўри, тулки, тийин, ондатра, суғур, лось, енотсимон ит ва б. яшайди.



Аҳолиси, асосан, *чувашлар* (856,2 минг киши, 1970). Руслар (299,2 минг киши), татарлар (36,2 минг киши), мордвалар (21 минг киши), украинлар (4,5 минг киши), марийлар (2,1 минг киши) ва б. ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 *км*² га 70 киши. Шаҳар аҳолиси 45% (1977). Шаҳарлари: Чебоксари (304 минг киши, 1978), Алатирь, Мариинский Посад Инвильск, Ядрин. Совет ҳокимияти йилларида Новочебоксарск, Канаш, Шумерля, Козловка шаҳарлари барпо этилган.

Тарихи. Ч. терр-ясида ўрта *палеолит, мезолит* ва *неолит* даврларига оид тарихий ёдгорликлар сақланиб қолган. Неолит даври охирида Ч. да фин-угор қабилалари яшаган. *Бронза даври* бошлари (мил. ав. 3- минг йиллик охири) да жануби-ғарбдан чорвачилик ва деҳқончилик б-н шуғулланган қабилалар келиб ўрнашди. Илк темир даври (мил. ав. 1- минг йиллик)да ибтидоий жамоа тузуми емирила бошлади, 10- асрда Урта Волга бўйида дастлабки давлат — *Волга-Кама Булғорияси* ташкил топди. Бу давлат 13- асрнинг 30- йилларида мўғуллар томонидан истило қилиниб, 1243 йили *Олтин Урда* таркибига қўшиб олинди. Ч. нинг шимолий р-нларига келиб ўрнашган булғорлар б-н фин-угор аҳолининг аралашуви натижасида 15- асрга келиб чуваш халқи шаклланди. 15- аср бошида Олтин Урда парчаланиб кетди, чувашлар бошқа халқлар б-н бирга 15- аср 1- ярмида вужудга келган *Қозон хонлиги* зулми остида қолиб, татар феодалларига хирож тўлади. 1551 йили чувашлар ихтиёрий равишда Россия таркибига кирдилар. 18- аср ўрталаридан чувашлар мажбуран христиан динига киритилди.

19- аср 1- ярмида Ч. да капиталистик муносабатлар ривожлана бошлади. Улкада чарм, мовут ва б. мануфактуралар, шиша ва мовут ф-калари ишлади.

1902—04 йилларда Ч. да дастлабки марксистик тўгараклар пайдо бўлди. Россиядаги 1905—07 йиллар революцияси даврида Ч. нинг бир қанча пунктларида большевистик группалар иш олиб бордилар. 1917 йил Февраль ревяснидан сўнг Ч. да Чебоксари ва Алатарь шаҳарларида Советлар тузилди. 1917 йил октябрда Чебоксарида Совет ҳокимияти ўрнатилди. 1918 йил 7 мартда Қозон губерния Со-



1. Чебоксари электр ўлчов приборлари заводи цехларидан бири 2. Чебоксари саноат тракторлари заводининг йиғув участкаси.

вети қошида Чувашия масалалари бўйича Комиссариат, май ойида РСФСР Миллатлар халқ комиссарлигининг Чувашия бўлими тузилди. 1920 йил февралда Чуваш коммунистларининг 1-Бутун Россия съездида чуваш халқининг совет автономиясини ташкил этиш масаласи муҳокама қилинди. 1920 йил 24 июнда В. И. Ленин ва М. И. Калинин Бутун Россия МИҚ ва РСФСР ХКС нинг Ч. автоном области (ЧАО) ташкил этиш ҳақидаги декретига имзо чекдилар. ЧАО 1925 йил 21 апрелда Ч. АССРга айлантирилди. 1929—36 йилларда Ч. АССР Нижний Новгород (Горький) ўлкаси таркибида бўлган.

Урушдан илгариги беш йилликларда ленинча миллий сиёсат ҳамда рус ва б. қардош халқларнинг ёрдами б-н Ч. да индустрлаштириш, қ. х. ни коллективлаштириш, маданий рев-я амалга оширилди, Ч. ривожланган ўлкалардан бирига айланди, чуваш халқи социалистик миллатга уюшди. Хўжалик ва маданиятни ривожлантиришда эришган ютуқлари учун ЧАССР 1935 йили Ленин ордени б-н мукофотланди.

Улуғ Ватан уруши йиллари (1941—45) да 75 чувашялик жангчига Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилди, 54 минг киши орден ва медаллар б-н тақдирланди. Урушдан кейинги йилларда Ч. экономикаси ва маданияти юксалди. 58 киши Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонини олди. 1970 йили коммунистик қурилишда эришган ютуқлари учун ва Ч. автономиясининг 50 йиллигида Октябрь Революцияси ордени, 1972 йили СССР ташкил топганлигининг 50 йиллигида Халқлар Дўстлиги ордени б-н мукофотланди.

Хўжалиги. Ч. социалистик қурилиш йилларида қ. х. ривожланган ва кўп тармоқли саноатга эга республикага айланди.

Саноати. 1941—76 йилларда саноат маҳсулоти ҳажми 42 баравар (СССР бўйича 18 баравар) кўпайди. Ялпи ижтимоий маҳсулот структурасида саноатнинг улуши 1975 йили 70% ни ташкил этди. 1976 йили ишлаб берувчи саноатнинг салмоғи 97,9% га етди. Ч. да 200 дан ортиқ саноат корхоналари ишламоқда. 1977 йилда 1256 млн. *квт-с* электр энергияси ҳосил қилинди. Юқори ва паст вольтли электр аппаратуралари, приборлар, автоматизация воситалари, махсус автомобиллар (1976 йилда 3400 дона), трактор ва автомобилларга эҳтиёт қисмлар, ёғоч материаллар ишлаб чиқариш муҳим аҳамиятга эга. Йирик шаҳарларида иссиқлик электр марказлари қурилган. Машинасозлик тармоғининг муҳим марказлари — Чебоксари, Алатирь, Шумерля, Канаш. Кимё саноати заҳарли химикатлар, бўёқлар, лак-бўёқлар, полимер буюмлар ва б. ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Енгил саноатда ип-газлама (111,7 млн. *м*, 1976) к-ти, пайпоқ-трикотаж ф-каси бор. Озиқ-овқат саноати асосан маҳаллий хом ашёни қайта ишлайди. Урмон ва ёғочсозлик саноати, асосан, Сура ва Волга бўйида ривожланган (1977 йилда 367,2 минг $м^3$ арралган ёғоч материаллар тайёрланган).

Қишлоқ хўжалигида деҳқончилик ва чорвачилик ривожланган. Қ. х. га яроқли ерлар 1052,7 минг *га* (1976), шундан 847,1 минг *га* ҳайдалади, 50,6 минг *га* пичанзор, 138,4 минг *га* яйлов; 41,7 минг *га* ер суғорилади. 1977 йил 1 январда 210 колхоз ва 96 совхоз бўлган. Қ. х. да 1976 йилда 10 мингга яқин трактор, 3 мингга яқин дон комбайни, 7,6 минг юк автомобили ишлади. Барча экин майдони 829,3 минг *га*. Қ. х. тобора чорвачиликка ихтисослашмоқда. Ч. да 1978 йили 511,7 минг қорамол (жумладан 218,4 минг сигир), 511 минг чўчқа, 457,2 минг қўй ва эчки бўлган. Ч. да чорвачилик комплекслари, давлат ва колхозлараро аралаш ем з-длари қурилмоқда.

Транспорти. Т. й. узунлиги 429 *км* дан зиёд, автомобиль йўлларининг узунлиги 9,1 минг *км* (1976), шундан 2,1 минг *км* га яқини қаттиқ қопламли. Волга ва Сура дарёларида кема қатнайди. Энг йирик порти — Чебоксари. Ч. терр-ясидан (Ғарбий Сибирь ва Урта Волга бўйидан Марказий ва Шимоли-Ғарбий иқтисодий р-нларга) нефть ва газ қувурлари ўтган.

Соғлиқни сақлаш. 1977 йили 14 минг ўринли 118 касалхона (1 минг аҳолига 10,9 ўрин), 2901 врач (442 кишига 1 врач) ва 11744 ўрта медицина ходими ишлади. Ч. да врачлар Чувашия университетининг медицина ф-тида, ўрта медицина ходимлари 2 медицина билим юртида тайёрланади. Ч. терр-ясида болалар ва катталар учун 6 санаторий бор. Социалистик қурилиш йиллари юқумли касалликлар кескин камайди. Илгари кенг тарқалган трахома, чечак ва б. касалликлар тугатилди.

Халқ маорифи ва маданият-маърифат муассасалари. 1977/78 ўқув йили барча турдаги 787 умумтаълим мактабларда 276,6 минг ўқувчи, 26 ҳунар-техника мактабларида 13,2 мингдан зиёд ўқувчи, 24 ўрта махсус ўқув юртида 23,2 минг ўқувчи, 3 олий ўқув юртида (Чувашия уи-ти, қ. х. ва педагогика ин-тлари) ва Чебоксаридаги Москва Кооператив ин-тининг сиртқи ф-тида 15,7 мингга яқин студент ўқиди. 1978 йили мактабгача болалар муассасаларида 45,1 минг бола тарбияланди. Ч. да 714 оммавий кутубхона (8,4 млн. нусха китоб ва журналлар), 3 музей [Чувашия республика бадиий галереяси, Чувашия республика ўлкашунослик музейи (Чебоксарида) филиаллари б-н, Канаш ўлкашунослик музейи]; 1,1 минг клуб муассасалари; 1,2 мингдан зиёд стационар киноустановкалари, 60 мактабдан ташқи муассасалар ишлади (1977).

Илмий муассасалари. Барча илмий муассасалари Совет ҳокимияти йилларида ташкил қилинган: Ч. АССР Министрлар Совети ҳузуридаги Тил, адабиёт, тарих ва экономика илмий тадқиқот ин-ти (1928), Бутуниттифоқ Релесозлик лойиҳалаш-конструкторлик ва технология илмий тадқиқот ин-ти, РСФСР Маориф министрлиги Миллий мактаблар илмий тадқиқот ин-тининг Чувашия лабораторияси (1972) ва б. Илмий ишлар олий ўқув юртлари кафедраларида ҳам олиб борилади.


Ч. да 1,8 мингдан ортиқ илмий ва илмий-педагогик ходимлар, жумладан 500 дан ортиқ фан доктори ва кандидати ишлайди (1976).

Матбуоти, радио ва телевидениеси. Ч. да «Коммунизм ялавеˇ» («Коммунизм байроғи», чуваш тилида, 1918 йилдан), «Советская Чувашия» (1917 йилдан), «Молодой коммунист» (1925 йилдан), «Пионер сасси» («Пионер овози», чуваш тилида, 1931 йилдан) республика газеталари, журнал нашри, жумладан «Дўстлик» альманахи (1941 йилдан) чиқади. Бутуниттифоқ радиосининг 3 программаси (суткада 60 *соат*), марказий телевидение эшиттиришлари (суткасига 22,6 *соат*) олиб берилади. Маҳаллий радиоэшиттириш суткасига 2,5 *соат* ва телекўрсатувлар (суткасига 3 *соат*) чуваш ва рус тилларида олиб борилади.

Адабиёти 19-асрнинг 2-ярмида вужудга келди. Унгача бой фольклор (эпик қисса, тарихий ва маиший қўшиқлар, эртак, афсоналар) мавжуд эди. Машҳур маърифатпарвар И. Я. Яковлев (1848—1930) 1872 йилда «Чувашлар учун алифбе» яратди. Унинг халқ ижоди асосида яратган асарлари ва рус классиклари асарларидан қилган таржималари чуваш адабиётининг шаклланишида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Улуғ Октябрь социалистик рев-ясидан кейин чуваш адабиёти янги тараққиёт йўлига кирди. М. Ф. Акимов-Аруй (1895—1972) биринчи миллий пьеса «Бевақт ўлим»ни яратди (1918 йилда саҳнага қўйилди). 1924 йилдан адабий-бадиий ва ижтимоий-сиёсий журнал «Сунтал» (1946 йилдан «Ялав») чиқа бошлади. 30-йилларда социалистик реализм методини эгаллашга жиддий киришилди. Я. Г. Ухсай (1911 йили туғ.), Л. Я. Агаков (1910—77), А. Ф. Талвир (1909 йили туғ.), А. А. Эсхель (1914 йили туғ.) ва бошқа истеъдодли адиблар етишди.

Улуғ Ватан уруши йиллари (1941—45) да ватанпарварлик руҳидаги асарлар яратилди (М. Уйпнинг «Солдатнинг онаси» поэмаси, 1943; Агаковнинг «Партизан Мурат» повести, 1943). Урушдан кейинги йилларда чуваш адабиётида совет халқининг жанг майдонидаги ва тинч қурилиш давридаги меҳнат қаҳрамонлиги ўз ифодасини топди. П. П. Хузангайнинг «Горкидаги уй» (1952) ва «Улкан қалб» (1960) поэмалари, Н. Т. Терентьевнинг «Тўлқинлар қирғоққа урилади» (1969) пьесалари Ленинга ва халқлар дўстлиги темасига бағишланган. Чуваш ёзувчиларининг кўпгина асарлари СССР халқлари тилларига ва чет тилларга таржима қилинган. 1934 йилда Чувашия Ёзувчилар союзи ташкил этилган.

Архитектураси, тасвирий ва амалий-безак санъати. Ч. терр-ясидан палеолит даврига мансуб қароргоҳларнинг қолдиқлари, қўрғонларнинг харобалари топилган. 10—12-асрларда Волга бўйи булғорлари яшаган жойлар (Тигашево қишлоғидаги қалъа ва б.) тадқиқ этилган. Ч. Русь давлатига ихтиёрий қўшилгач (16-аср ўрталари) мудофаа пунктлари, Чебоксарида 5 гумбазли Введенский собори қурилди (1657). Қишлоқларда 19-асрнинг 2-ярмидан рус халқ меъморлигининг таъсири кўзга ташланди. Совет ҳокимияти йилларида Канаш (1925), Новочебоксарск (1965) каби шаҳарлар бунёд этилди. Йирик жамоат бинолари қурилди (Советлар уйи, 1940, архитектор М. М. Базилевич; Музикали драма театри биноси, 1961, «Электрик» Маданият саройи,



Чувашия АССРдаги «25-партсъезд» совхозининг чорвачилик комплекси молхоналаридан бири.

1964 ва б.). Халқ санъатида нақш б-н безаб мато тўқиш, каштадўзлик, ёғоч ўймакорлиги, кашта б-н безаб кийим тайёрлаш ривож топган. Тасвирий санъати совет ҳокимияти йилларида пайдо бўлган. Чуваш санъати айниқса 60-йиллардан ривожлана бошлади.

Музикаси. Чуваш халқ қўшиқлари, асосан, бир овозли. Ёзиб олинган халқ музикаси биринчи марта 1893 йилда Қозонда нашр қилинган (В. А. Мошков, «Чуваш қўшиқлари музикаси»). Ч. да профессионал музика санъати Октябрь рев-ясидан кейин вужудга келди. Чуваш композиторлари 30—40-йилларда симфония, сюита, кантаталар яратдилар. Биринчи чуваш симфонияси (1936) ва операси («Нарспи», 1940) ни ленинградлик композитор В. Г. Иванишин яратди. 1959 йилда Чуваш музикали драма театри (1969 йилдан К. В. Иванов номида) ташкил этилди. 1969 йилда у 2 коллективга: музикали театрга ва драма театрига (кейинчалик К. В. Иванов номидаги Чуваш академик драма театри) бўлинди.

Ч. да Чуваш музикали театри, филармония (1936), Ч. АССР ашула ва рақс ансамбли (1924), Чуваш радио ва телевидениесининг хори (1943), Халқ ижоди уйи (1936), Чебоксари музика билим юрти (1929), 40 музика мактаби ишлаб турибди (1977). Ч. АССР Композиторлар союзи 1940 йилда ташкил қилинган.

Драма театри. Профессионал театр Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидаёқ пайдо бўлди. 1918 йилда Қозонда Чуваш кўчма совет театри тузилди. Интервентларга қарши кураш даврида (1919) Симбирск, Уфа, Қозонда чуваш драма театрлари коллективлари ишлади. Чуваш АО ташкил қилингач (1920), театр Қозондан Чебоксарига кўчирилди, 1933 йилда театрга академик унвони берилди. 1922 йилда Ч. да рус драма театри ташкил этилган. Ёш томошабинлар театри (1933), Қўғирчоқ театри (1943) ишлаб турибди.

Ад.: Чувашская АССР. Очерки о природе, Чебоксары, 1952; История Чувашской АССР, т. 1—2, Чебоксары, 1966—67; Каторовский В. Ф., Происхождение чувашского народа, Чеборсары, 1965; Очерки истории Чувашской областной организации КПСС, Чебоксары, 1974; Чувашская АССР в период Великой Отечественной войны (июнь, 1941—1945). Сб. документов и материалов, Чебоксары, 1975; В великом содружестве советских народов. Сб. ст., Чебоксары, 1974; Сидоров П. А., Развитие структуры экономики Чувашской АССР, Чебоксары, 1974; Сироткин М., Очерк истории чувашской советской литературы, Чебоксары, 1956; Хлебников Г., Современная чувашская литература, Чебоксары, 1971; Никитин Г. А., Краткова Т. А., Чувашское народное изобразительное искусство, Чебоксары, 1960; Илюхин Ю. А., Музыкальная культура Чувашской АССР, «Музыкальная культура автономных республик РСФСР» китобида, М., 1957; Романова Ф. А., Чувашский театр. «Исторля советского драматического театра» китобида, т. 1—6, М., 1966—71.



Чуваш кашталаридан намуна (ёстиқ жилди).



Чудная А. И.



Чуйков В. И.



Чуйков С. А.

ЧУВАШЛАР (ўзларини ч а в а ш деб атайдилар)— миллат, Чувашия АССРнинг асосий аҳолиси (856,2 минг киши, 1970). Ч. асосан Татаристон ва Бошқирдистон АССРда, РСФСРнинг Куйбишев, Саратов ва Ульяновск областларида, Сибирда ва Ўрта Осиёда яшайди. Умумий сони 1694,4 минг киши (1970). *Чуваш тилида* гаплашади. Диндор Ч.— православлар.

Қўпчилик тадқиқотчиларнинг фикрича, Ч. этногенезида мил. 1-минг йилликнинг охирги чорагида ўнг қирғоқ Волганинг ўрмонли дашт р-ларига келиб жойлашган ва маҳаллий угорфин қабилалари б-н аралашиб кетган туркий тилли Волга-Кама булғорлари асосий роль ўйнаган. Волга-Кама Булғорияси мўғул-татарлар томонидан тор-мор қилингач, булғор-суварлар 13—14-асрларда ўнг қирғоқ Волгага кўплаб кўчиб келишди, маҳаллий қабилаларнинг эса туркийлашиши кучайди. 15-асрнинг 2-чорагида Ч. ерлари *Қозон хонлиги* таркибига қўшилган. Чуваш халқи асосан 16-асрга келиб шаклланди. Ч. 2 асосий этнографик группа (юқори Ч.— Шимоли-Ғарбий Чувашияда ва қуйи Ч.—Шимоли-Шарқий ва Жанубий Чувашияда)дан иборат. Ч. нинг Рус давлатига бирлашиши (1551) уларни Қозон хонлиги зулмидан озод қилди ва чуваш халқининг кейинги ривожланиши учун катта аҳамиятга эга бўлди. Чоризм ва маҳаллий буржуазиянинг миллий зулми ва зўрлик б-н христианлаштирилишига қарамасдан Ч. ўз тили, ўзига хос маданияти, бой фольклори, музика ва амалий санъатини сақлаб қолган ва ўзларининг бадиий адабиётини яратганлар. Совет ҳокимияти ўрнатилгунга қадар Ч. нинг ижтимоий ва оилавий турмушида патриархал тузум сарқитлари сақланган.

Совет ҳокимияти йилларида Ч. иқтисоди ва маданий ривожланишда катта ютуқларга эришди. Чувашия АССР — мамлакатнинг илғор қ. х. ўлкаси ва муҳим индустриал р-ларидан бирига айланди. Социализмнинг ғалабаси натижасида Ч. социалистик миллат бўлиб таркиб топди, миллий интеллигенция ўсди (*яна қ. Чувашия Автоном Совет Социалистик Республикаси*).

Ад.: Чуваши. Этнографическое исследование, ч. 1, 2. Чебоксары, 1955—70; Народы Европейской части СССР, т. 2, М., 1964; К а х о в с к и й В. Ф., Происхождение чувашского народа. (Чебоксары), 1965.

ЧУВУЛДОҚ — Тошкент обл. Бўка р-ни Ленинобод қ. С. даги қишлоқ. «Ленинобод» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 23 *км*, яқин т. й. станцияси — Тўйтепа (55 *км*). Аҳолиси 613 киши (1977); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Тошкент каналидан сув ичади.

ЧУВУЛЛОҚ — Қашқадарё обл. Чироқчи р-ни Чиёл қ. С. даги қишлоқ. Қарши чўлида, Охунбобоев номли с-з терр-ясида. Р-н марказидан 29 *км*, яқин т. й. станцияси—Яккабоғ (41 *км*). Аҳолиси 1841 киши (1974); пахтачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Қудуқлардан сув ичади. Урта мактаб, медпункт, тегирмон бор.

ЧУГУНТЕПА — Тошкент обл. Урта Чирчиқ р-ни Орджоникидзе қ. С. даги қишлоқ. «Полярная Звезда» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 15 *км*, яқин т. й. станцияси — Киров (9 *км*). Аҳолиси 754 киши (1977); пахтачилик, шолиқорлик, сабзавотчилик б-н шуғулланади. Чирчиқ дарёсидан сув ичади.

ЧУДНАЯ Анастасия Ивановна (1928. 20. 1, ҳозирги Новосибирск обл. Андреев р-ни)— сут согувчи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони (1966). 1962 йилдан КПСС аъзоси. Ўзбекистон Чорвачилик илмий тадқиқот ин-тининг «Красний водопад» тажриба базаси (қорамол фермаси)да сут соғувчи (1952 йилдан). Бир неча йиллар мобайнида 170—200 бош сигирнинг ҳар биридан йилига 3500—4100 *кг* сут соғиб олган. Машинада сут соғиш бўйича ўзига хос мактаб яратган. Бу мактаб Ч. номи б-н аталиб, ин-т тажриба базасида 1966 йилдан ишлаб турибди. Ўзбекистон КП 17-съездида ревизия комиссияси аъзоси, 18-съездда Ўзбекистон КП МҚ аъзоси. 6—7-чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати. СССР Давлат мукофоти лауреати (1976). Ленин ордени, 2 та Меҳнат Қизил Байроқ ордени ва медаллар б-н мукофотланган.

ЧУДЬ-ПСКОВ КУЛИ — РСФСР Псков области ва ЭстССРдаги кўл. Майдони 3550 *км*². Ўртача чуқурлиги 7,1 *м*, энг чуқур жойи 15 *м*. Қирғоқлари асосан паст, тошқин вақтида сув остида қолади. Энг йирик ороли — Пириссар. Декабрда музлаб, майда муздан бўшайди. Кўлдан Нарва дарёси бошланади; кўлга Эмайиги, Желча, Великая дарёлари қуйилади. Кема қатнайди, балиқ озланади.

ЧУЙБТ — Бухоро обл. Навоий р-ни Гигант қ. С. даги қишлоқ. «Гигант» с-зи терр-ясида. Р-н марказидан 17 *км*, яқин т. й. станцияси — Навоий (25 *км*). Аҳолиси 500 киши (1976); пахтачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Конимех каналидан сув ичади.

ЧУЙКОВ Василий Иванович [1900. 31. 1 (12. 2), ҳозирги Москва обл. Серебряние Пруди қишлоғи (ҳозирги ш. т. п.)]— совет ҳарбий арбоби, Совет Иттифоқи Маршали (1955), 2 марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони (1944. 19. 3 ва 1945. 6. 4). 1919 йилдан КПСС аъзоси. 1918 йилдан Совет Армиясида. Граждлар уруши (1918—20)да Жанубий, Шарқий ва Ғарбий фронтларда рота командири, полк командирининг ёрдамчиси ва полк командири. М. В. Фрунзе номидаги Ҳарбий академияни (1925), шу академиянинг шарқ ф-тини (1927), Қизил Армияни моторлаштириш ва механизациялаштириш Ҳарбий академияси ҳузуридаги академик курсни (1936) тугатган. Совет-Финляндия уруши (1939—40) да қатнашган. 1940 йил декабрь—1942 йил мартда Хитойда ҳарбий атташе. Улуғ Ватан урушида 1-(кейинчалик 64-армия деб номланган), 62-ва 8-гвардиячи армияларнинг қўмондони сифатида Сталинград, Дон, Жануби-Ғарбий, 3-Украина ва 1-Белоруссия фронтлари сафида қатнашган. Урушдан сўнг Германиядаги Совет қўшинлари группаси Бош қўмондонининг ўринбосари, 1-ўринбосари ва Бош қўмондони (1945—53), Киев ҳарбий округи қўшинларининг қўмондони (1953—60), қуруқликдаги қўшинларнинг Бош қўмондони, СССР Мудофаа министрининг ўринбосари (1960—64), СССР Граждан мудофаасининг бошлиғи (1964—72), 1972 йилдан СССР Мудофаа министрлиги генерал инспекторлари Группасининг генерал инспектори. 1952 йилдан КПСС МҚ аъзолигига кандидат, 1961 йилдан КПСС МҚ аъзоси. 2—9-чақириқ СССР Олий Советининг депутати. 5 марта Ленин ордени ва 6. 11 та совет ордени, чет давлатларнинг бир қанча орденлари ва медаллар б-н мукофотланган.

Ас.: 180 дней в огне сражений, [М., 1962]; Беспримерный подвиг, М., 1965; Конец третьего рейха, 2 изд., М., 1975; Сражение века, М., 1975.

Ад.: П а д е р и н Н. Г., Земля не терпит робких (о В. И. Чуйкове), М., 1970.

ЧУЙКОВ Семён Афанасьевич [1902. 17 (30). 10, ҳозирги Фрунзе ш.]— рус совет рассоми. СССР халқ рассоми (1963). СССР Бадиий академиясининг ҳақиқий аъзоси (1958 йилдан). Москва Давлат олий бадиий-техника ин-тини тугатган (1930). Москва ва Фрунзеда ишлайди. Қирғизистон ва Ҳиндистон манзаралари, кишилари акс эттирилган картиналари б-н машҳур. «Қирғиз колхоз сюитаси» (1939—48; шу жумладан «Эрталаб», 1947; «Совет Қирғизистонининг қизи», 1948, иккаласи ҳам Третьяков галереясида; «Оқшом», 1948, Қирғизистон тасвирий санъат музейида) ва «Қирғизистонимизда» (1948—73; шу жумладан «Чўпоннинг қизи», 1956, Третьяков галереясида; «Тоғ қишлоғининг қизи», 1963, Дрезден картиналар галереясида; «Қирғиз гўзали», 1971) картиналар цикллари Ч. ни Совет Қирғизистонининг моҳир куйчиси сифатида танитди. Ўзбекистон кишилари, манзараларига бағишланган картиналар ҳам яратган (мас., «Самарқанд. Эски шаҳар», «Эски Самарқанд», 1955, «Самарқанд атрофи», «Зарафшон водийси», «Бухоро оқшоми», 1960; «Эски Бухоро тонги», 1961, Третьяков галереясида). СССР Давлат мукофоти б-н тақдирланган (1948, 1951). Ҳиндистонга бағишланган «Бирodарларимиз» картиналар серияси (1957—60) учун Жавоҳарлал Неру номидаги мукофот б-н тақдирланган (1967).



С. А. Чуйков. «Эрталаб» (1974).

Ас.: Образы Индии, 2 изд., М., 1976.

Ад.: С а р а б ь я н о в Д., Семён Чуйков, 2 изд., М., 1976.

ЧУЙСКИЕ БЕЛКИ — Олтойнинг марказий қисмидаги икки тоғ тизмаси: Ш и м о л и й Ч у я т и з м а с и жанубда Қарагем ва Чаган-Узун дарёларининг водийси б-н шимолда Чуя дарёси водийси орасида. Энг баланд нуқтаси (Маашей-Баш чўққиси) 4173 *м*. Ён бағирлари 2200—2400 *м* баландликкача тилогоч ўрмонлари, ундан юқориси альп ўтлоқлари б-н қопланган. Ж а н у б и й Ч у я т и з м а с и Тоғли Олтой АО да. Сайлюгем тизмасидан Аргут дарёси (Катунь ҳавзаси)гача давом этади. Чўққилари қиррали. Музлик кўп. Ён бағирларн 2200—2400 *м* гача тилогоч ўрмони б-н, ундан юқориси альп ўтлоқлари б-н қопланган.

ЧУКАНИН Николай Николаевич (1930. 2. 1, Москва обл. Серпухов ш.)— педиатр, медицина фанлари д-ри (1973), проф. (1974). 1972 йилдан КПСС аъзоси. 2-Москва медицина ин-тини тугатган (1954), Андижон ш. клиник касалхонасида ординатор (1956—57), Андижон Медицина ин-ти нормал анатомия (1957—59), болалар касалликлари кафедраларида ассистент (1959—64), доцент ва кафедра мудири (1964—74). 1974 йилдан илмий ишлар бўйича проректор

Ч. «Болаларда эритроцитларнинг ҳосил бўлишида қалқонсимон безнинг иммунопатологик таъсири» мавзуида д-рлик диссертацияси ёқлаган. Илмий ишлари болалардаги қон ва ички секреция безлари касалликларини ўрганишга бағишланган.

ЧУКОВСКИЙ Корней Иванович (асл номи Николай Васильевич К о р н е й ч у к о в) [1882. 19 (31). 3, Петербург—1969. 28. 10. Москва]— рус совет ёзувчиси, танқидчи, адабиётшунос, таржимон. Филология фанлари д-ри (1957). Узига замондош бўлган ёзувчилар ҳақидаги очерклари б-н 1901 йилдан матбуотда кўрина бошлади. Бу асарлари кейинчалик «Чеховдан бизгача» (1908), «Чеҳралар ва ниқоблар» (1914) китобларига киритилган ва нашр эттирилган. «Нат Пинкертон ва ҳозирги замон адабиёти» китоби (1908) да буржуа мешчанлик адабиёти танқид қилинган. «Мойдодир», «Суварак» (1923), «Бармалей» (1925), «Айболит» (1929) номли шеърий эртаклари б-н кичик китобхонлар юрагига йўл топган. Болаларнинг ўзига хос тили, психологиясини муттасил ўрганиши натижасида «Жажжи болалар» китоби (1928, 21-нашри, 1970) майдонга келди. Н. А. Некрасовнинг ижодий мероси устида узоқ йиллар илмий иш олиб бориб, «Некрасов маҳорати» (1952; Ленин мукофоти, 1962) номли фундаментал илмий асар яратди. Бир қанча илмий-ёки тарихий-адабий ва мемуар асарларида совет таржимонларининг иш тажрибаларн таҳлил қилинган, рус маданияти арбобларининг жонли портретлари чизилган. Ч. кўп йиллар таржима б-н ҳам шуғулланди. Айрим асарлари ўзбек тилига таржима қилинган. Оксфорд ун-тининг адабиёт бўйича фахрий д-ри (1962). Ленин ордени, 3 та Меҳнат Қизил Байроқ ордени ва медаллар б-н мукофотланган.



Чуканин Н. Н.



Чуковский К. И.

Ас.: Собр. соч., т. 1—6, М., 1965—69; Мойдодир, Т., 1954.

Ад.: П е т р о в с к и й М., Книга о Корнее Чуковском, М., 1966; С л о н и м с к и й М., Корней Чуковский, «Звезда», 1972, № 8.

ЧУҚОТ ТИЛИ, л у о р а в е т л а н т и л и — *чукчалар* тили. Чукотка автоном округида, Қоряк автоном округининг шимоли-шарқий қисмида, Ёқутистон АССРнинг Нижнеколимск р-нида тарқалган. Шимолий тилларнинг *чукот-камчатка тиллари* гуруҳига мансуб, Ч. т. да 11 мингга яқин киши гаплашади (1970). Уэлен (шарқий, адабий тилга асос бўлган), чаун (ғарбий), энмилин, нунлигран ва хатир диалектларига бўлинади. Диалектлар орасидаги фарқ катта эмас.

Ч. т. фонетик системасида 6 унли, 13 ундош мавжуд, унликларда *сингармонизм, ассимиляция, диссимиляция* ҳодисалари ва ундошларнинг алмашиниб келиши кучли. Грамматик қурилиши жиҳатидан *агглютинатив тилларга* киради. Грамматик шакллар ва сўзлар суффикс, олд қўшимчалар орқали ясалади. Бирлик ва кўплик сонларга эга, олмошлар сони 6 тадан 8 тагача. Синтаксиси учун номинатив ва эргатив конструкциялар характерли, содда гаплар кенг тарқалган, қўшма гаплар эса кам ривожланган.



С. А. Чуйков. «Чўпоннинг қизи» (1956).

Чукот адабий тили шарқий шева асо-

сида шаклланган, ёзуви рус графикасида (1931 йилдан).

Ад.: Скорик П. Я., Грамматика чукотского языка. ч. I. М.—Л., 1961; ч. 2. Л.. 1977.

ЧУҚОТКА АВТОНОМ ОКРУГИ — РСФСР Магадан области таркибидаги автоном округ. 1930 йил 10 декабрда ташкил топган. СССР нинг чекка шимоли-шарқида. Чукотка я. о. ва материкнинг бир қисми ҳамда ороллар (Врангель, Айон, Аракамчечен, Ратманов ва б.) да жойлашган. Шарқий Сибирь, Чукотка ва Беринг денгизлари б-н чегарадош. Майдони 737,7 минг *км*². Аҳолиси 125 минг киши (1976). 8 маъмурий р-нга бўлинган; 2 шаҳар ва 18 ш. т. п. бор. Маркази — Анадирь ш.

Табиати. Шарқий Сибирь ва Чукотка денгизларининг қирғоқлари кам ўйилган, йирик қўлтиғи Чаун қўлтиқчаси. Беринг денгизида чуқур фьордлар ва йирик қўлтиқлар бор. Округни ўраб турган денгизлар йилнинг кўп қисмида муз б-н қопланиб ётади. Округнинг марказий қисмида Анадирь пасттекислиги, ундан шимолда Пекульней (энг баланд жойи 1381 *м*) тизмаси ва Чукотка тоғлиги (энг баланд жойи —1843 *м*) бор. Округнинг жанубида Коряк ва Колима тоғликларига кирадиган тизмалар қад кўтарган.

Иқлими қаттиқ совуқ; соҳилларида совуқ, денгиз иқлими, ички р-ларида кескин континентал. Қиши 8—9 ой давом этади. Январнинг ўртача т-раси Беринг денгизи соҳилларида —15° —21°, ички қисмларида —27—39°. Минимал т-ралар —38°, —55°. Қишда кучли шамоллар эсади. Ёзи қисқа, салқин ва серёғин. Июлнинг ўртача т-раси округнинг шимолида 5—8°, Беринг денгизи соҳилларида 9—10°, Анадирь пасттекислигида 13—14°. Йиллик ёғин миқдори 200—500 *мм*. Вегетация даври 75—101 кун.

Дарёлари Шимолий Муз океани ва Тинч океан ҳавзаларига мансуб. Энг йириклари: Колима ва Анадирь. Йирик кўллари: Красное, Эльгигитхин, Пекульней.

Тоғ-тундра тупроқлари, пасттекисликларда глейли, глейли-ботқоқ ва торф глейли тупроқлар; дарё водийларида глейли-подзол тупроқлар.

Тундра ўсимликлари ўсади. Тундра ва тайга ҳайвонлари яшайди.

Аҳолиси. Руслар (70% дан ортиқроғи), украинлар (13%), чукча, эскимос, эвен, корея ва юкагирлар (12%) яшайди. 1 *км*² га ўртача 0,2 киши тўғри келади. Шаҳар аҳолиси 73%. Шаҳарлари: Анадирь, Певек.

Тарихий справка. Ҳозирги Ч. а. о. терр-ясида палеолит давридан одам яшаб келган. 17-асрда Чукотка Россия давлати таркибига киритилган.

19-асрнинг 20-йилларидан америка саноатчилари ва савдогарлари туб аҳолини эзиб экспансия қила бошлади. 1917 йил Октябрь революцияси Ч. а. о. нинг ҳозирги терр-ясидаги халқларни миллий зулм ва эксплуатациядан озод қилди.

Хўжалиги. Округ экономикасида кон саноати (олтин, қалай, симоб) етакчи ўринда. Беринг ва Анадирь конларидан кўмир қазиб олинади. Билибино АЭС, Чаун ва Эгвекинот ТЭС лари ишлаб турибди. Балиқ саноати ривожланган. Қурилиш материаллари саноати ривожланиб бормоқда (Анадирь, Певек, Билибино).

1974 йилда округда 25 с-з ва 3 к-з бўлган. Қ. х. да етакчи тармоқ буғучилик. 511 минг шимол буғуси бор (1975). Балиқ тутиш, мўйнали ҳайвонлар ва денгиз ҳайвонларини овлаш туб аҳолининг традицион касби ҳисобланади. Қ. х. нинг янги тармоқлари: сутга ихтисослашган чорвачилик, чўчқачилик, паррандачилик. 1,7 минг қорамол (1000 га яқин сигир), 3 минг чўчқа бор (1975). Паррандачилик ривожланган; фермаларда оқ тулки, кумуш рангқора тулки кўпайтирилади. Парник-иссиқхона хўжалиги ривожланмоқда.

Асосий транспорт турлари — денгиз ва ҳаво транспортлари. Портлари: Певек, Провидения, Анадирь, Эгвекинот. Анадирь, Великая, Катта ва Кичик Анюй дарёларида кема қатнайди.

Маданий қурилиши. 1976/77 ўқув йилида 78 умумий таълим мактаби, 1 профессионал-техника ўқув юрти, педагогика билим юрти, 108 боғча-ясли бўлган.

1976 йилда 92 оммавий кутубхона, ўлкашунослик музейи, 96 клуб, 170 киноустановка ишлади. Рус ва чукчалар тилида «Советская Чукотка» округ газеталари чиқиб туради.

Адабиёти. Октябрь рев-ясидан кейин чукот ёзувининг пайдо бўлиши натижасида юзага келган. Ч. а. нинг туғилиши ва шаклланишида рус совет ва классик адабиёти катта роль ўйнади. Биринчи чукот ёзувчиси Тинэтэгин (Федор Тинетев, 1920—40) дир.

50—60-йилларда Ч. а. о. да Ю. Ритхэу (1930 йили т.), В. Ятиргин (1919 йили т.), В. Кеулькут (1929—63), А. Кимитваль (1938 йили т.), В. Тимиетувге (1935—65), М. Вальгиргин (1939 йили т.) кабилар етишиб чиқди. Ритхэу асарлари СССРда ва чет элда шуҳрат қозонган. У «Бизнинг соҳил кишилари» ҳикоялар тўплами (1953), «Қорлар эриганда» трилогияси (1958—67), «Айвангу» (1964), «Туман олдидан уйқу» (1969), «Найза отувчи» (1971) ва б. романларида, пьеса ва шеърларида ўз халқининг тарихий тақдирини, Чукоткадаги ижтимоий-сиёсий ўзгаришларни тасвирлади. Кеулькут («Менинг Чукоткам», 1958; «Чукотка устида қуёш», 1966), Кимитваль («Қўнгил қўшиғи», 1960; «Сенга», 1967; «Музикани тинглаб», 1972) каби шоирлар ижоди чукот поэзияси ривожида муҳим ўрин эгалламоқда.

Ад.: Российская Федерация, Дальний Восток, М., 1971 (серия «Советский Союз»).

ЧУҚОТКА ДЕНГИЗИ — Шимолий Муз океанининг чекка денгизи; Осиё б-н Шимолий Америка қирғоқлари яқинида. Ғарбда Лонг бўғози орқали Шарқий Сибирь денгизи, шарқда Бофорт денгизи, жанубда Беринг бўғози орқали Беринг денгизи б-н қўшилиб туради. Майдони 582 минг *км*². Ўртача сув ҳажми 51 минг *км*³. Чуқурлиги деярли ҳамма жойида 200 *м* га яқин. Йирик қўлтиқлари: Колючи (Осиё) ва Коцебу (Шимолий Америка). Йирик ороли — Врангель. Иқлими арктика иқлими. Қишда шимоли-шарқий шамоллар эсиб туради. Ҳаво т-раси —20°, —30°, айрим вақтда т-ра —42—49° гача пасайиб кетади. Ёзда денгизнинг кўпгина қисмида шимолий шамоллар эсади; июндан сентябргача т-ра одатдагидек, 7,13°, соҳилида максимум 26°. Ч. д. очиқ қисмининг юзасида ёзда шўрлик 28,0‰ дан 32,0‰ гача; қирғоқ яқинида 24,0‰ дан 27‰ гача ўзгариб туради. Денгиз тубининг т-раси шарқида 1°, 3°, ғарбида —1°, шўрлик 32,0—33‰. Ч. д. да ҳар ярим суткада 1,5 *м* чамасида сув кўтарилади. Ч. д. да сувўтлар, Беринг денгизидан илиқ сув кўпроқ оқиб келганда айниқса денгиз карами кўп ўсади. Морж, тюлень, нерпа, музларда оқ айиқ яшайди. Балиқлардан харус, навага, голец, қутб трескаси бор. Ёзда қирғоқларига ўрдак, ғоз, гага, чағалай ва б. денгиз қушлари учиб келади. Ч. д. Шимолий денгиз йўли системасига киради. Энг йирик порти — Уэлен посёлкаси (Чукотка я. о.).



ЧУҚОТКА ЯРИМ ОРОЛИ — Осиёнинг шимоли-шарқидаги ярим орол. РСФСР Магадан областида. Американдан Беринг бўғози б-н ажралган, Анадирь қўлтиғи орқали Беринг ва Чукотка денгизлари б-н қўшилган. Қирғоқлари эгри-бугри. Дежнев бурни — СССРнинг энг шарқий нуқтаси. Ботиқлар б-н кесилган гумбазсимон қирлар кўп. Баландлиги 400—500 *м* бўлган тизмалар учрайди. Я. о. нинг энг баланд ери жанубида 1158 *м* (Исходная тоғи). Фойдали қазилмалари: қалай, вольфрам, олтин ва б. Ч. я. о. нинг катта қисми тундра ўсимликлари б-н қопланган.

ЧУҚОТ-КАМЧАТКА ТИЛЛАРИ — айрим тиллар гуруҳи. Чукотка автоном округида, Коряк автоном округида, Ёқутистон АССРнинг Нижнеколимск р-нида тарқалган. Бу гуруҳга чукот, коряк, олютор, керек ва ительмен тиллари киради. Ч.-к. т. да 18 мингга яқин киши гаплашади (1970). Ч.-к. т. шимолий тилларга киради, икки тармоққа бўлинади: чукот-коряк (чукот, коряк, олютор, керек тиллари) ва ительмен тили. *Вокализм*нинг умумийлиги ва унлилар сингармонизми Ч.-к. т. нинг муҳим фонетик, сўзларнинг олд қўшимчалар ва сўнг қўшимчалар (префикслар, аффикслар) ёрдамида ясалиши эса умумий морфологик хусусиятидир. Феълларнинг номинатив ва эргатив тузилиши, гапда сўзларнинг нисбатан эркин келиши Ч.-к. т. нинг характерли синтактик хусусиятидир. Ч.-к. т. Октябрь рев-ясигача ёзувга эга бўлмаган, 1930 йилда чукот, коряк ва ительмен тиллари рус графикасидаги ёзувга ўтган.

Ад.: Языки народов СССР, т. 5, Л., 1968.

ЧУҚЧАЛАР [ўзларини луораветлан (ҳозирги одам) деб атайдилар]— халқ, РСФСРнинг Магадан обл. даги Чукотка автоном округининг туб аҳолиси. Шунингдек, Ёқутистон АССРнинг Нижнеколимск р-ни ва Коряк миллий округининг шимолида яшайди. Ч. нинг умумий сони 13,6 минг киши (1970). *Чукот тили*да гаплашади. Диндор Ч. *шаманизм*га эътиқод қилади. Денгиз бўйи чукчалари ўтроқ ҳаёт кечириб, денгиз ҳайвонларини овлаш б-н, тундра чукчалари эса кўчманчи буғучилик б-н шуғулланади. Совет ҳокимияти йилларида Ч. ҳаёти тубдан ўзгарди: буғучилик ривожланди, йирик с-з ва к-злар тузилди, денгиз ҳайвонларини овлаш замонавий техника б-н таъминланди.

Ад.: Вдовин И. С., Очерки истории и этнографии чукчей, М.—Л., 1965; Гурвич И. С., Этническая история северо-востока Сибири, М., 1966; Очерки истории Чукотки с древнейших времен до наших дней, Новосибирск, 1974.

ЧУЛИМ — РСФСР Красноярск ўлкаси ва Томск областидаги дарё. Обь дарёсининг ўнг ирмоғи. Узунлиги 1799 *км*, ҳавзасининг майдони 134 минг *км*². Кузнецк Олатовидан бошланувчи Белий ва Черний Июс дарёларининг қўшилишидан ҳосил бўлган. Асосан, қордан тўйинади. Ўртача сув сарфи 785 *м*³/*сек*. Октябрь-ноябрда музлаб, апрель-майда муздан бўшайди. Йирик ирмоқлари ўнгдан: Кемчуг, Чичкаюл; чапдан Кия, Сереж, Урюп, Яя. Ёғоч оқизилади. Қуйилиш жойидан 1173 *км* масофада кема қатнайди. Ч. бўйида Назарово, Ачинск, Асино шаҳарлари жойлашган.

ЧУЛИШМАН ЯССИ ТОҒЛИГИ — Шарқий Олтойдаги ясси тоғлик. Жануби-ғарбда Чулишман дарёси водийси ва шимоли-шарқда Шапшаль тизмасининг ғарбий ён бағри оралиғида. Ғарби (ўртача баландлиги 2000—2200 *м*) ва жанубида кристалли сланецлар ва гранитлардан таркиб топган тизмалар (энг баланд жойи 3148 *м*) қад кўтарган. Тизма ён бағирлари 2000 *м* баландликкача тилоғоч тайгаси б-н қопланган, ундан юқорида тошлоқ тундра учрайди.

ЧУЛОН, шулон — революциядан олдин қишлоқ жамоаларида ўтказилган халқ одати. Қишлоқ қарияларининг раҳбарлиги ва уларнинг маслаҳати асосида ўтказилган. Ч. да ўзига тўқ хонадонлардан ун, дон (буғдой, арпа, гуруч, жўхори, мош, тариқ), ёғ ва б. маҳсулотлар тўпланб, пиширилган ва моддий жиҳатдан қийналиб қолган оч-яланғочларга текинга тарқатилган. Улуғ Октябрь инқилобидан сўнг к-з хўжалигининг ташкил этилиши, халқ моддий аҳволининг яхшиланиши туфайли Ч. одати барҳам топган.

ЧУМАКОВ Иван Давидович (1906. 17. 4, ҳозирги ҚозССР, Жамбул обл.)— геология-разведка техникаси соҳасидаги олим. Техника фанлари д-ри (1963), проф. (1969). УзССРда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби (1966). САГУ физика-математика ф-тининг геология-разведка бўлимини битирган (1930). Туркманистонда (1930—31), Ўзбекистонда (1932—33) геология-разведка партияси раҳбари, «Таджикзолото»да бош инженер (1934—45), Тожикистон геология бошқармасининг бош инженери (1945—55), Ўзбекистонда нормативтекширув партияси раҳбари (1955—57), Урта Осиё Геология ва минерал хом ашё илмий текшириш ин-ти директори ўринбосари (1957—62). 1962 йилдан шу ин-тда разведка техникаси раҳбари. Баланд тоғ шароитларида фойдали қазилма конларини разведка қилиш ва буни ташкил этишнинг рационал усулларини ишлаб чиққан. Бир неча ихтиролар автори. «Ҳурмат Белгиси», Меҳнат Қизил Байроқ орденлари ва медаллар б-н тақдирланган.

Ас.: Механизация транспортировки грузов и использование энергии рек при разведке полезных ископаемых в высокогорных условиях, М., 1956. Механизация отбора бороздовых проб отбойным молот-



Чумаков И. Д.







1. Катта чумолихўр. 2. Тамандуа. 3. Кичик чумолихўр.

ком со съемной пробоотборной коронкой. М., 1959; Пути рационализации проведения разведочных выработок. М., 1965.

ЧУМОЛИ КИСЛОТА—бир асосли оддий карбон кислота, HCOOH; ўткир ҳидли рангсиз суюқ модда; суюқланиш т-раси 8,25°С, қайнаш т-раси 100,7°С, зичлиги 1,2126 *г/см*³ (20°С да). Сув, спирт ва эфир б-н яхши аралашади. Баданга тегса куйдиради. Ёғ кислоталарининг ичида энг ўткири. Қорақорағай баргида, баъзи меваларда, асалари ва чумолида бўлади (17-асрда дастлаб чумолидан топилганлигидан Ч. к. номи берилган). Саноатда асосан қаттиқ NaOH б-н CO ни (6—8 атм., 120—150°С да) бир-бирига таъсир эттириб ҳосил бўлган натрий формиат HCOONa ни сульфат кислота б-н парчалаб олинади. Тўқимачилик саноатида, тери ошлашда, катализатор тайёрлашда, мураккаб эфирларни синтезлашда, шарбатларни консерелаш ва б. да ишлатилади.

ЧУМОЛИЛАР (Formicidae)— пардақанотлилар туркумига мансуб ҳашаротларнинг оиласи (баъзан катта оила ҳисобланади). 7000 га яқин тури маълум. Ишчисининг гавдаси 0,8—30 *мм*. Ургочиси булардан бир оз йирик. Ч. қорни кўкрагига 1—2 бўғимдан иборат «бел» орқали ҳаракатчан бириккан. Мўйлови ингичка, қанотлари қисман томирланган (кўпчилигида йўқ). Ч.— иссиқсевар ҳашарот, тропик мамлакатларда жуда кўп тарқалган. Ч. уяси мураккаб, жамоа бўлиб яшайди. Жамоада она (ургочи Ч.), эркак Ч., ишчи Ч. ва баъзи турларда аскар (қоровул) Ч. мавжуд. Қанотли ургочи ҳамда эркак Ч. ҳавода жуфтлашади, эркаги ургочисини уруғлантиргандан сўнг ҳалок бўлади. Ургочиси эса ерга тушиб, қанотини ташлайди ва янги жамоа учун уя қазийди ҳамда тухум (бир неча миниглаб) қўя бошлайди. Тухум тўла *метаморфоз* б-н ривожланади. Уруғланган тухумдан ургочи ва эркак Ч., уруғланмаганидан ишчи ва аскар Ч. тараққий этади. Ч. жамоасидаги индивидлараро алоқа турли-туман ва жуда мураккаб. Ишчи чумоли уя қазийди, озиқ тўплайди ва б., аскар Ч. оилани душмандан сақлайди. Баъзи Ч. ҳаёти маълум ўсимлик тури б-н ўзаро боғлиқ (қ. *Мирмекофилия*), айрим Ч. паразитлик қилиб яшайди (мас., амазонка Ч. бошқа Ч. уясига ҳужум қилиб, улар ғумбагини олиб қочади. Бу *ғумбак*дан ишчи Ч. чиқиб, амазонка Ч. га хизмат қилади. Ўз тухумидан эса фақат аскар Ч. ривожланади).

СССРда Ч. нинг 6 кенжа оилага мансуб 270 га яқин тури, жумладан ўрмон сариқ чумолиси, қўнғир чумоли, қизил чумоли, дарахт тешар қора чумоли, боғ чумолиси, уй чумолиси (қумурсқа) ва б. учрайди. Баъзи Ч. қ. х. га зарар етказадиган ҳашаротларни еб, фойда (мас., ўрмон сариқ чумолиси, шунинг учун муҳофаза қилинади), айримлари ўсимлик битлари б-н *симбиоз* яшаб, гоҳо озиқ-овқат маҳсулотларини ташиб кетиб, қисман зарар келтиради.

ЧУМОЛИХЎРЛАР (Myrmecophagidae)— чала тишлилар туркумига мансуб сут эмизувчилар оиласи. 3 уруққа мансуб 3 тури бор: катта Ч. (гавдаси 100—120 *см*, думи 60—90 *см*, оғирлиги 18—23 *кг*), тамандуа (гавдаси 55 *см* ча, думи 55 *см* ча, оғирлиги 3—5 *кг*), кичик Ч. (гавдаси 18 *см* ча, думи 20 *см* ча, оғирлиги 0,5 *кг* ча). Катта Ч. нинг елкаси ва думидаги туклар жуда узун (40 *см* ча). Тумшуги найсимон, тишлари йўқ. Олдинги оёқларидаги тирноғи мустаҳкам, илмоқсимон қайрилган. Тамандуа ва кичик Ч. думи туксиз. Ч. оқшомда ва тунда актив. Асосан, чумоли ва теритлар уясини бузиб, уларни ёпишқоқ узун (60 *см* ча) тили б-н тутиб ейди. Пилла битта бола туғади. Ч. Мексикадан Боливиягача бўлган жойларда, Бразилия ва Шимолий Аргентинанинг тропик ўрмонлари ҳамда бутазор саванналарида тарқалган. Катта Ч. камайиб кетгани учун муҳофазага олинган.

ЧУМЧУҚКЎЗ (Veronica campylopoda)—сигирқуйруқдошлар (сигирқуйруқгуллилар оиласи)га мансуб бир йиллик майда, жингалак тукли ўсимлик. Бўйи 5—10 *см*, танаси тўғри ёки шохланган. Барглари оддий, чўзиқ — ланцетсимон, юқоридагиларининг четлари текис, пастдагиларининки сал ўйилган. Тўпгули шингилсимон. Гуллари қийшиқроқ, кўк, икки жинсли.

Меваси туклар б-н қопланган икки уялы кўсакча. Ч. мартда гуллайди, апрелдан меваларди. Ч. Ўрта Осиё республикаларининг қарийб барча р-ларида, Закавказье, Афғонистон, Ироқ ва Кичик Осиёда тарқалган. Ўзбекистоннинг чўлларида, тоғ этакларининг майин тупроқли, қумли ва майда тошли ён бағирларида ўсади. Бегона ўт сифатида турли экинлар орасида ҳам учрайди. Ч. баҳорда овқатга ишлатилади.

ЧУМЧУҚЛАР (Passer)—тўқимачилар оиласига мансуб қушларнинг уруғи. 16 тури бор. Нарининг томоғи қора. Ўтроқ, кўчиб юрувчи ёки мавсумий қушлар. Уясини дарахт, бино ва б. га ясайди. Дон б-н озиқланади (боласини дастлаб ҳашаротлар б-н боқади). Африка, Европа ва Осиёда тарқалган (баъзи турлари Америка, Австралия ва Янги Зеландияга олиб келинган). СССРда 7 тури учрайди. Шундан Урта Осиёда уй чумчуқлари, дала чумчуғи, қора томоқ Ч., *саксовулзор чумчуғи* ва б. яшайди. Ч. донли экинларнинг хавфли зараркунандаларидир. Уларга қарши заҳарли хўраклар сепилади.


ЧУМЧУҚЛИ — Самарқанд обл. Самарқанд р-ни Охунбобоев қ. С. даги қишлоқ. «Узбекистон» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 13 *км*, яқин т. й. станцияси — Самарқанд (17 *км*). Аҳолиси 734 киши (1976); сабзавотчилик, боғдорчилик, токчилик б-н шуғулланади. Шовдор ариғидан сув ичади.

ЧУМЧУҚСИМОНЛАР (Passeriformes)— қушларнинг бир туркуми. 5 мингдан ортиқ тури бор. Жумладан СССРда 310 тури учрайди. Ч. танасининг узунлиги 9,5 (королёк, читтакнинг бир тури)— 65 *см* (қузғун). Ч. Ер юзида кўп тарқалган. 3 кенжа туркумга бўлинади: кенг тумшуқли Ч., бир хил товушли Ч. ва сайроқи Ч. Кенг тумшуқли Ч. (14 тур) Африка ва Жануби-Шарқий Осиёда тарқалган. Бир хил товушли Ч. (1000 тур) Жанубий Америка, Африка, Жанубий Осиё, Океания ороллари, Австралия ва Янги Зеландияда яшайди. Сайроқи Ч. нинг (4000 га яқин тур) товуш аппарати ўзига хос тузилган. Булардан *тўрғайлар, қалдирғочлар*, қарқуноқлар, *жибилажибонлар, читтаклар, қораялоқлар* ва б. СССРда учрайди.

Ўтроқ, кўчиб юриб ва мавсумий ҳаёт кечирувчи Ч. бор. Тропик ва субтропик мамлакатларда йилда икки марта 4—6 (баъзилари 16 та) тухум қўяди. Қўпчилиги жиш бола очади (қ. *Жиш бола очувчи қушлар*). Бир ёшда вояга етади. Нари ва модаси бир-биридан катталиги, ранги, сайроқилари овози (нари сайрайди) б-н фарқ қилади. Ч. нинг ҳашаротхўрлар, шунингдек ўсимликхўрлари мавжуд. Баъзи



1. Уй чумчуғи. 2. Дала чумчуғи.



Чуррак (чироқ-свистунок).

турлари (мас., *чумчуқлар*)дан бошқа Ч. зараркунанда ҳашаротларни еб, қ. х. га катта фойда келтиради.

ЧУМҚОР ТОҒИ — Жиззах областининг жанубидаги тоғ. Туркистон тизмасининг Гуралаш (Зомин) довонидан бошланиб, шимоли-ғарбда Ғубдунтоғда тугайди. Узунлиги 70 *км*. Баландлиги 2000—3000 *м*, энг баланд жойи 3405 *м* (Бозорхонум чўққиси); Ч. т. герцин бурмаланишида кўтарилган бўлиб, палеозой эрасининг гилли сланецлари, қум ва оҳактошларидан таркиб топган. Тоғ ён бағри оч тусли ва оддий бўз тупроқ, юқорироқда тўқ бўз тупроқ. Тоғ этаги чўл, юқорироғи адир. Тоғ этагида лалмикор деҳқончилик ва чорвачилик қилинади. 1800 *м* дан баландда арчазорлар учрайди.

ЧУНЦИН, Юйчэн, Басянь — Жануби-Ғарбий Хитойдаги шаҳар. Сичуань провинциясида. Янцзи дарёси бўйидаги порт. Ч.— мамлакатда энг иссиқ ва сернам жойлардан бири; йилнинг анча қисми туман б-н ўтади. Аҳолиси 5 млн. киши (маъмурий тобе р-н б-н бирга; 1974). Транспорт йўлларининг муҳим узели. Аэропорт бор.

Ч. мамлакатнинг муҳим саноат ва савдо-тақсимот пунктларидан бири. Портининг йиллик юк обороти 6 млн. *т*. Металлургия к-ти, машинасозлик (гидротурбина, энергоускуналар, станоксозлик, пневматика ва пармалаш ускуналари, қурилиш машиналари, кемасозлик, қ. х. машиналари ва б.), кимё (пластмасса, синтетик тола ва заҳарли химикатлар, дорилармон), қурилиш материаллари (цемент), ипак ва жун кийимлар тикув, гўшт, консерва, ёғ, чой, ун тортиш корхоналари; ун-т ва б. олий ўқув юртлари бор. Шаҳар атрофидан тошкўмир қазиб чиқарилади. Янцзи дарёсига 1959 йилда катта кўприк қурилган. Ч.— Хитойнинг энг қадимий шаҳарларидан. 1937—1946 йилларда Хитойнинг вақтинча пойтахти бўлган.

ЧУНҚАЙИШ — Самарқанд обл. Советобод р-ни Ўзбекистон қ. С. даги қишлоқ. «Ўзбекистон 40 йиллиги» с-зи терр-ясида. Р-н марказидан 58 *км*, яқин т. й. станцияси — Улус (15 *км*). Аҳолиси 517 киши (1976); чорвачилик б-н шуғулланади. Эски Ангор каналидан сув ичади. Ўрта мактаб, кутубхона, алоқа бўлими, касалхона бор.

ЧУРИНДИ — Фарғона обл. Бағдод р-ни Пахтаобод қ. С. даги қишлоқ. «Большевик» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 2 *км*, яқин т. й. станцияси — Фурқат (2 *км*). Аҳолиси 2105 киши (1976); пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Катта Фарғона каналидан сув ичади. Қ-з правлениеси идораси, маданият саройи, ўрта мактаб, механизациялашган кўчма колонна бор.

ЧУРРАК (Anas cresca)— ўрдаклар кенжа оиласига мансуб парранда. Оғирлиги 200—450 *г*. Оёқ кафти узун, бироқ бармоқлари қисқа. Нарининг усти қўнғир кул ранг, қорни оқ, баъзан сарғиш. Кўкрагида қора думалоқ доғи бор. Боши ва бўйини малла-қизғиш, ёнидан қора-яшил йўл ўтган. Модаси қўнғир, малла ёки кул ранг холли. Ёзги *туллаш*дан сўнг нарининг туси модасига ўхшаш бўлади. Ч. Ғарбий Европада, Эрон, Шимоли-Ғарбий Мўғулистонда, СССРда Ўрта Осиё, Қозоғистон ва б. жойларда тарқалган. Чучук сув ҳавзалари қирғоғига уя ясайди. 8—11 тухум қўяди. Ёзда, асосан, ҳашаротлар, бошқа вақтларда ўсимлик уруғи, куртаги ва б. қисмлари б-н овқатланади. Гўшти мазали, овланади.

ЧУСОВАЯ — РСФСР Челябинск, Свердловск ва Пермь областларидаги дарё. Кама дарёсининг чап ирмоғи. Ўрта Уралдан бошланиб, Кама сув омборига қуйилади. Узунлиги 696 *км*, ҳавзасининг майдони 23 минг *км*². Юқори оқимида водийси кенг; ўрта оқимида тор каньонлардан, қуйи оқимида текисликдан ўтади. Кама ГЭС қурилиши муносабати б-н қуйи қисмини сув босган. Ирмоқлари: ўнгдан Межевая Утка, Койва, Усьва ва чапдан Ревда, Лисьва. Қор ва ёмғир сувларидан тўйинади. Ўртача сув сарфи 222 *м*³/*сек*. Ноябрда музлаб, апрелда муздан бўшайди. Ёғоч оқизилади, кема қатнайди. Ч. бўйида Первоуральск, Чусовой шаҳарлари жойлашган.

ЧУСОВОЙ — РСФСР Пермь областидаги шаҳар. Усьва дарёсининг Чусовая дарёсига қуйилишига яқин жойда. Т. й. узели. Аҳолиси 58 минг киши (1976). Металлургия, темир-бетон конструкциялар, ремонт-механика, металл буюмлар, сут з-длари, озиқ-овқат, уйсозлик к-тлари, т. й. транспорти корхоналари; ўрмон хўжалиги, кечки индустрия техникуми, медицина билим юрти, ўлкашунослик музейи бор.

ЧУСТ — Наманган областидаги шаҳар, Чуст р-нининг маъмурий маркази. Фарғона водийсининг шимолий чеккасида, тоғ этагидаги текисликда, Чустсой дарёси соҳилида. Намангандан 36 *км* ғарбда, Чуст т. й. станциясидан 13 *км* шимолда.

Шаҳар ҳарбий қалъа сифатида 15- аср охири ва 16- аср бошларида вужудга келган. 16-аср бошида бир неча қўрғончадан иборат бўлган. Кейинчалик улар ва ўрда девор б-н ўралган. 1882 йилда қалъа деворлари бузиб ташланди ва шаҳар кенгая борди. Ч. ҳунармандчилик саноати марказларидан бирига айланди. Чустлик темирчилар, тўқувчилар, сопол буюм усталари, заргарларнинг маҳорати шуҳрат қозонди, чуст пичоқлари ва дўппиларининг донғи кенг тарқалди. Узбекистон Россияга қўшилгандан кейин бу ерда янги саноат корхоналари ҳам вужудга келди. 1912 йилда 6 пахта тозалаш з-ди, 1 чарм з-ди бўлган.

Ҳозир Ч. да пахта тозалаш з-ди, бадиий буюмлар ф-каси, кондитер ф-каси, Наманган-даги Крупская номли тикувчилик ф-касининг филиали, Қосонсойдаги атлас ф-касининг филиали, миллий пичоқлар з-ди бор. Бир неча маиший хизмат кўрсатиш пунктлари, 12 умумий таълим мактаби, педагогика, қ. х. ни механизациялаш, ҳисобчилар тайёрлаш билим юртлари, 2 спорт, 2 музика мактаблари, 2 шоферлар тайёрлаш мактаби, 2 пионерлар уйи, маданият уйи, 3 кинотеатр, 2 кутубхона, халқ



Чуст шаҳридаги Шоншуҳрат уйи.



Чустий.

ашула ва рақс ансамбли, Шон-шуҳрат уйи, Жанговар меҳнат музейи, туғруқхона, 2 касалхона, поликлиника, хотин-қизлар ва болалар консультацияси, 6 болалар боғча ва яслиси ишлаб турибди.

Ч. орқали Фарғона ҳалқа автомобиль йўли ўтади ва шаҳарни Наманган, Андижон, Поп, Фарғона, Қосонсой, Ғова, Ворзиқ, Олмос, Ахча ва б. пунктлар б-н боғлайди.

ЧУСТ — Наманган обл. Поп р-ни Маматжон Тошматов қ. С. даги қишлоқ. «Правда» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 15 *км*. Т. й. станцияси. Аҳолиси 891 киши (1976); пахтачилик, чорвачилик, шоликорлик б-н шуғулланади. Шимолий Фарғона каналидан сув ичади. Урта мактаб бор.

ЧУСТ — Наманган обл. Чуст р-нл Ҳисорак қ. С. даги қишлоқ. «Узбекистон» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 12 *км*, т. й. станцияси. Аҳолиси 1315 киши (1976); пахтачилик, чорвачилик, пиллачилик, шоликорлик, токчилик б-н шуғулланади. Шимолий Фарғона каналидан сув ичади. Мактаб, алоқа бўлими, вокзал, дорихона, медпункт, болалар яслиси бор.

ЧУСТ КАНАЛИ — Наманган областидаги қанал. 1943—48 йилларда қурилган. Қосонсой ва Ғовасой дарёларининг ўртасида. Қосонсой сув омборининг қуйи бьефидан сув олади. Узунлиги 42 *км*, сув сарфи 14,0 *м³/сек*. Июнь-июль ойларида Ғовасой системасида сув бўлмай қолганда Қосонсойдан 4 *м³/сек* сув канал орқали унга ташланади. Ч. к. Сумсаройни кесиб ўтади. Жануби-ғарбда Шарғамиш ариғига келиб қуйилади. Ч. к. Узбекистоннинг 7,6 минг *га*, Қирғизистоннинг 1000 *га* экин ерларини сугоради. Қосонсой ва Чуст р-нларидаги Қаркидон, Ворзиқ, Оғасарой, Олмос қишлоқлари Ч. к. дан сув ичади.

ЧУСТ МАДАНИЯТИ — мил. ав. 2-минг йиллик охири —1-минг йиллик бошларида Фарғона водийсида яшаган қабилалар маданияти. Ч. м. га онд биринчи манзилгоҳ Наманган ш. дан 45 *км* ғарбда, *Чуст* ш. дан 2,5 *км* шимолда (Фарғона водийсининг шимоли-ғарбида) жойлашган. Манзилгоҳнинг шимоли-ғарб ва жануби-шарқ томонга чўзилган майдони 5 *га* бўлиб, уч томони сойлик б-н ўралган. Ч. м. 1953—61 йилларда УзССР ФА археологик отряди (М. Э. Воронец, В. И. Спришевский ва б.) томонидан текширилиб, йигирмадан ортиқ ёдгорлик ўрганилган.

Ўтроқ деҳқончилик ҳамда чорвачилик хўжаликининг асосини ташкил этган. Чустда сунъий суғоришнинг энг оддий шакллари қўлланилган. Овчилик, балиқчилик ҳам қадимги чустликларнинг турмушида муҳим ҳисобланган (алқар, жайран, кийик, балиқ суякларининг топилиши буни исботлайди). Ч. м. вакиллари металл (бронза, қўрғошин) қуйиш ва қайта ишлаш, кулолчилик, тўқимачилик (жундан тайёрланган 13 хил мато топилган) б-н шуғулланган. Чуст манзилгоҳидан мудофаа иншоотларининг топилиши сўнгги бронза даврида Фарғона водийсида истеҳкомлар барпо этиш анча ривожланганлигини кўрсатади.

Қадимги чустликлар ўтга эътиқод қилишган. Қабрлардан чап ёнбоши б-н ғужанак қилиб кўмилган эркак ва аёл скелетлари, скелетлар олдида гулхан қолдиқлари ва б. топилган.

Рўзғор буюмлари (маълум белги қўйилган идишлар, муҳр қуядиган қолиплар ва б.) хусусий мулкчилик куртаклари мавжуд бўлганлигидан далолат беради. Ч. м. ёдгорликларига ўхшаш қадимги буюмлар, иншоотларининг Туркманистон, Эрон ва б. жойлардан топилиши Ч. м. га доир қабилалар қўшни халқлар б-н маданий ва иқтисодий алоқада бўлганлигини кўрсатади. Еу ёдгорлик Фарғона водийсида қадимдан бой маданият бўлганлигини исботлайди.


Ад.: Воронец М. Э., Археологические исследования института истории и археологии и Музея истории АН УзССР на территории Ферганы в 1950—1951 годах, «Труды Музея истории Узб. ССР. вып. II, Т., 1954; Заднепровский Ю. А., Древнеземледельческая культура Ферганы, М.—Л., 1962; Спришевский В. И., Раскопки Чустского поселения эпохи бронзы в 1957 г., «Известия АН УзССР», 1958, № 6.

ЧУСТ РАЙОНИ — Наманган областидаги р-н. 1926 йил 29 сентябрда ташкил топган. Шарқдан Тўрақўрғон, Косонсой, жанубдан Задарё, ғарбдан Поп р-нлари ва шимолдан КирғССР б-н чегарадош. Майдони 0,93 минг *км²*. Аҳолиси 96488 киши (1976). Р-нда 7 қ. С. (Варзиқ, Қаркидон, Олмос, Шоёнбоймоқ, Шўркент, Ғова, Ҳисорак) ва 1 шаҳар Совети бор. Маркази — Чуст ш.

Табиати. Р-н терр-яси Чатқол тоғларининг этакларидаги паст-баланд текисликларда жойлашган. Адирлар кўп. Денгиз сатҳидан баландлиги 1000—1200 *м*. Тоғлардан оқиб тушадиган сойлар (Ғовасой, Олмоссой, Шатаксой, Резаксой, Қаркидонсой ва б.) жарликлар ҳосил қилган. Жанубий қисми Сирдарёга туташ бўлиб, текисликдан иборат.

1947 йилдан ишга туширилган Чуст канали Косонсой сув омборининг сувини 58 *км* масофадан Олмос қишлоғигача келтиради. 1973 йилда сув тақсимлайдиган Ғовасой гидроузели қурилди. Жанубий қисмидан Шимолий Фарғона канали оқиб ўтади. 1974 йилда Варзиғон канали қурилди. Ҳозир р-нда 12 млн. *м³* сув сиғадиган Кўксераксой сув омбори ва секундига 8 *м³* сув тортадиган Чуст насос станцияси қурилмоқда (1977). Иқлими континентал. Йиллик ўртача т-ра 11°. Январнинг ўртача т-раси —1,3°, минимал т-ра —26°. Июлнинг ўртача т-раси 25,8°, максимал т-ра 40°. Йиллик ўртача ёғин миқдори 305 *мм*. Вегетация даври 190 кун. Тупроқлари текисликларда бўз, адирлар қум, тош, лёсс, мергель б-н қопланган. Ёввойи ўсимликлардан шувоқ, янтоқ, қамғоқ, дўлана, қизилмия, оқмия, ёввойи пиёз, лола ва


ЧУСТ РАЙОНИ
0 7 км
Ғова
Варзиқ
Чуст канали
Қаркидон
Оғасарой
Шатаксой
Тошқўрғон
Олмос
Ахча
Чуст
Шоён
Теракўрғон
Сариммоқтепа
Шарғамиш канали
Шимолий Фарғона канали
Шарғамиш
Шарғамиш ариғи
Шарғамиш ариғи
Шарғамиш ариғи



Чучук (қирғиттайлар).

жинсли, тўғри ёки сал қийшиқ. Гулкўргони икки доира ҳосил қилиб ўрнашган. Меваси кўсакча. Бу оиланинг асосан, тропик ва субтропик мамлакатларда тарқалган 90 туркуми (1000 тури) маълум. Шундан СССРда 7 туркуми (23 тури), Ўзбекистонда 4 туркуми (8 тури) ўсади. Ч. нинг барча вакиллари манзарали (парклларда, хонадонларда, оранжереяларда ўстирилади). Доривор турлари (мас., *олмахон*) ҳам бор.

ЧУЧУК — Қашқадарё обл. Бузоқ р-ни Гулистон қ. С. даги қишлоқ. «Пахтакор» с-зи терр-ясида. Р-н марказидан 22 *км*, яқин т. й. станцияси — Бузоқ (25 *км*). Аҳолиси 592 киши (1974); чорвачилик, боғдорчилик, паллачилик б-н шуғулланади. Чашмалардан сув ичади. Ўрта мактаб, медпункт, савдо муассасалари бор.

ЧУЧУКМИЯ — *дуккакгуллилар* (*дуккаклилар оиласи*)га мансуб кўп йиллик ўсимлик (қ. *Шўйлимия*).

ЧУЧУКСУВ — Қашқадарё обл. Деҳқонобод р-ни Деҳқонобод қ. С. даги қишлоқ. «Деҳқонобод» с-зи терр-ясида. Р-н марказидан 6 *км*, яқин т. й. станцияси — Бузоқ (55 *км*). Аҳолиси 300 киши (1974); чорвачилик б-н шуғулланади. Кўлларидан сув ичади. Ўрта мактаб, савдо тармоқлари бор.

ЧУЧУК ВОДОПРОВОД КОНИ — Зарафшон тизмасининг ғарбий қисмидаги кон (Самарқанд обл.). Чиғатойда интрузив (граноднорит) массивининг ғарбий ёнбағрида мавжуд. Фанлар академияси Геология институтининг ходимлари Б-н ўрганган (кашф этилган йили 1949). Конни 1949 йили Н. В. Соловьёв очган. Текширишни Ю. В. Голенев, Х. Н. Бобожонов, Ш. Д. Ишоқов, М. С. Нуриддин, Т. М. Мамажонов, М. М. Исомилов ва б. ўрганган. Ч. в. а. да 30 га рудали зонаси жинслар ораси майда (0,1—0,5 *мм*) флюорит ва шеелит ($CaWO_4$) сочма тог жинсларни ораснда майда доначалар, ингичка томирчалар ва уюмлар тарзида жойлашган. Оз миқдорда мис, молибден, қўрғошин, рух, висмут, вольфрам ҳам учрайди.

ЧУЧУҚ, чучук, ёввойи чучук — ўзбек эртакларидан бирн. Ўзбекларнинг меҳнат қабиласи тарихида Қашқадарё обл. нинг юқори оқимида яшашган. 1924 йили ўтказилган аҳоли рўйхатига кўра уларнинг сони 4,5 минг киши бўлган. Ч. ларнинг чегараслар тарихидаги кичик гуруҳлари Зарафшон ва Фарғона водийларида ҳам яшаганлар. Ч. ўзбекларнинг уйғур қабиласи тарихида ҳам бўлган. Ўзбекистон терр-ясида учрайдиган Ч. ёки чучук-чучук қишлоқ номлари уларнинг шу ерларда яшаб, кейинчалик маҳаллий халқларга аралашиб, уларга сингиб кетганлигидан далолат беради.

ЧУЧУҚИ — Қашқадарё обл. Шаҳрисабз р-ни Кутни қ. С. даги қишлоқ. Киров номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 12 *км*, яқин т. й. станцияси — Китоб (17 *км*). Аҳолиси 751 киши (1974); пахтачилик, паллачилик, ғаллачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Чоршанба ариғидан сув ичади. Саккиз йиллик мактаб, медпункт, болалар боғчаси, савдо тармоқлари бор.

ЧУҚУР — Сурхондарё обл. Денов р-ни Хайробод қ. С. даги қишлоқ. «Ғалаба» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 25 *км*, яқин т. й. станцияси — Хайробод (14 *км*). Аҳолиси 892 киши (1977); пахтачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Дайраҳак ариғидан сув ичади. Ўрта мактаб, медпункт бор.

ЧУҚУР — Қашқадарё обл. Шаҳрисабз р-ни Наъматонг қ. С. даги қишлоқ. «Гулистон» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 3 *км*, яқин т. й. станцияси — Китоб (6 *км*). Аҳолиси 517 киши (1974); пахтачилик, паллачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Оқдарёнинг чап ирмоғи — Мўминобод ариғидан сув ичади. К-з сут-товар фермаси, савдо муассасалари бор.

ЧУҚУР БОСМА — полиграфия техникасининг бир тури; бунда нусха босма элементлари чуқурлигига рангли формадан олинади. Ч. б. 15-а. ўрталарига пайдо бўлган. 19-а. ўрталарига босма формалари кўпда ишланган (қ. *Гравюра*). 19-а. охирида тасвирни металл пластинага ўтказиб, кейин босма элементларни кимёвий елдиришнинг фотомеханик усули ишлаб чиқилди. Бундай формалардан босиш ясси кўк станокларида бажарилган. 1910 йилга келиб Ч. б. китобга қўлланилди. Бундай босиш ротацион машиналарда механизациялаштирилди. Машинадаги ранглар очиқ жойлардаги бўёқни чиқариб ташлайди.

Ранглар Ч. б. формасидаги ғовакларга ишқаланиб, фотомеханик усулда тайёрланади. Пигмент ҳолатда аввал растр, кейин репродукция тонга диапазонга ажратилади. Олинган тасвир (нусха) пигмент-желатина қатламли икс пленкалар формага кўчирилади. Сўнг у пигмент ўтказувчи станокда резина валиклн пленкадан босиб айлантирилади ва илиқ сувда очистирилади. Пленкалар сиртида тасвир элементларининг ошланган ясси рельеф кўринишида ўсиб қолади. Икс формаси темир плитка эритмасида олинилиб, унга турли чуқурлик доғлар қилинади. Босма машинасидаги форма чуқурчалари сиёҳ билан тўлдирилади.

Босма икс босма формалари 25—30 минг нусха олинади. Ч. б., асосан, ҳар хил рангдаги иллюстрацияли ва кўп тиражли журналлар, фотоиллюстрацияли альбомлар, плакат, конвертларга ишлайдиган тайёрланади. Ч. б. да пигментли қатламларни фотокопирлаш режимини, программали рельеф ҳосилаш қурилмасини, формани кимёвий елдиришнинг автоматик системасини ва бўёқ ёпишқоқлигини автоматик ростлагичларни яратиш талаблари қўйилади.

ЧУҚУР ЕРИҚЛАР, депрессиялар — тог жинслари ялписига букилган тўғри чизиқли камбар зоналар. Ер пўстининг ўпиб, ер мантиясига кириб боради. Кўлами юзлаб ва минглаб *км* га, чуқурлиги 700 *км* га, кенглиги бир неча юз *м* дан 10 *км* га етади. Ч. ё. ер пўстини ҳаракат характери ва структураси б-н фарқланадиган палеозоналарга ажратади. Узоқ геологик вақт (юзлаб млн., баъзан 1 млрд йил) давомида тараққий этади ва ер пўсти асосий структура элементларининг четарасини белгилайдиган узоқ бузилишларнинг муҳим тини ҳисобланади. Дастлабки Ч. ё. протерозой бошларида (2,5 млн. йилча аввал) пайдо бўлган. Ч. ё. 20-асрнинг 40-йилларида А. П. Карпинский, В. А. Обручев, И. Г. Кузнецов (СССРда), Х. Кроос, Р. Зондер, Х. Штилье ва б. кенг (чет элларда) ишлари натижасида алоҳида категория сифатида ажратилган. 1945 йили А. В. Пейве «Ч. ё.» терминига кенг таъриф берган. Ч. ё. ҳақидаги таълимот геотектониканинг мустақил бўлимига айланди.

Ч. ё. ер пўсти ва юқори мантиянинг ўта ўтказувчан зоналари бўлиб хизмат қилади, бу зоналарда магматик ўчоқлар вужудга келади ва магматик фаолият марказлашади. Ч. ё. да вулкан мантақалари, ультра асосли магма

минтақалари, гранитоид плутонлари ва руда майдонлари бўлади. Континент, денгиз ва океанлар, тоғли ўлкалар, кўпинча, Ч. ё. б-н боғлиқ. Ч. ё. ёнларида чўкиндилар таркиби, фация ва қалинлиги турлича. Ч. ё. геофизик усуллар, айниқса чуқур сейсмик зондлаш ёрдамида аниқланади ва ўрганилади.

ЧУҚУР ҚАЗИГИЧ — мевали, резавор мевали ва манзарали ўсимлик кўчатларини экиш учун чуқур қазийдиган машина. ҚЯУ-100 (расмга қ.) ва КПЯШ-60 маркали Ч. қ. лар кўп ишлатилади. ҚЯУ-100 Ч. қ. «Белорусь», Т-40 ва Т-54В тракторларига ўрнатилиб, чуқурлиги 70 *см* гача, диаметри 80 ҳамда 30, 40, 50, 60 ва 100 *см* ли, КПЯШ-60 Ч. қ. Т-16 ўзиюрар шассига ўрнатилиб, чуқурлиги 50—60 *см* гача, диаметри 30 ва 60 *см* ли чуқурлар қазийди. ҚЯУ-100 Ч. қ. рама, редуктор, карданли узатма, кожух (ғилоф), юқориги тяга, алмаштириладиган иш органи (бурғу) ва қувват узатиш ростлагичидан иборат. Бурғуни тракторнинг қувват олиш вали айлантиради. ҚЯУ-100 б-н соатига 80—100, КПЯШ-60 б-н соатига 100—150 чуқур қазилади.

ЧУҚУРАҚ — Бухоро обл. Шофиркон р-ни Жўйнов қ. С. даги қишлоқ. «Ленинобод» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 10 *км*, яқин т. й. станцияси — Қизилтепа (42 *км*). Аҳолиси 576 киши (1975); пахтачилик, паллачилик, чорвачилик, полизчилик, боғдорчилик б-н шуғулланади. Султонобод ариғи орқали Зарафшон дарёсидан сув ичади. Саккиз йиллик мактаб, ферма бор.

ЧУҚУРБЕКАТ — Тошкент обл. Бўка р-ни Ленинобод қ. С. даги қишлоқ. «Ленинобод» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 26 *км*, яқин т. й. станцияси — Тўйтепа (58 *км*). Аҳолиси 578 киши (1977); пахтачилик, чорвачилик, паллачилик б-н шуғулланади. Тошкент каналидан сув ичади.

ЧУҚУРҚУЛ — Бухоро обл. Коғон р-ни Тўтикунда қ. С. даги қишлоқ. Қалинин номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 6 *км*, яқин т. й. станцияси — Коғон (15 *км*). Аҳолиси 712 киши (1975); пахтачилик, паллачилик, чорвачилик, савбзавотчилик б-н шуғулланади. Аму-Бухоро каналидан сув ичади.

ЧУҚУРҚУЛ — Бухоро обл. Коғон р-ни Тўтикунда қ. С. даги қишлоқ. Қалинин номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 5 *км*, яқин т. й. станцияси — Коғон (13 *км*). Аҳолиси 1125 киши (1975); пахтачилик, паллачилик, чорвачилик, полизчилик, боғдорчилик б-н шуғулланади. Шоҳруд каналидан сув ичади. Ўрта мактаб, дорихона, пахта пункти бор.

ЧУҚУРҚУЧА — Андижон обл. Москва р-ни Ленинобод қ. С. даги қишлоқ. «Коммунизм» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 7 *км*, яқин т. й. станцияси — Шаҳрихон (7 *км*). Аҳолиси 981 киши (1976); пахтачилик, паллачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Қатта Фарғона каналидан сув ичади. Болалар боғчаси бор.

ЧУҚУРҚУЧА — Наманган обл. Уйчи р-ни Уҳаёт қ. С. даги қишлоқ. Ленин номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 7,5 *км*, яқин т. й. станцияси — Чортоқ (13,5 *км*). Аҳолиси 561 киши (1976); пахтачилик, паллачилик, боғдорчилик, чорвачилик, полизчилик, сабзавотчилик б-н шуғулланади. Шимолий Фарғона каналидан сув ичади.

ЧУҚУРЛИҚ УЛЧАГИЧ — сувнинг чуқурлигини ўлчайдиган асбоб (қ. *Лот, Эхолот*).

ЧУҚУРОБШИР — Сурхондарё обл. Шўрчи р-ни Қарлуқ қ. С. даги қишлоқ. Чкалов номли к-з терр-ясида. Р-н маркази ва яқин т. й. станцияси — Шўрчи (35 *км*). Аҳолиси 583 киши (1977); чорвачилик, ғаллачилик б-н шуғулланади. Булоқлардан сув ичади.

ЧУҚУРОҚ — Қашқадарё обл. Китоб р-ни Қишлиқ қ. С. даги қишлоқ. «Қишлиқ» с-зи терр-ясида. Р-н марказидан 24 *км*, яқин т. й. станцияси — Китоб (28 *км*). Аҳолиси 778 киши (1974); токчилик, ғаллачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Қашқадарёдан сув ичади. Саккиз йиллик мактаб, савдо тармоқлари бор.

ЧУҚУРҚИШЛОҚ — Сурхондарё обл. Сариосиё р-ни Дашнобод қ. С. даги қишлоқ. «Ленинград» к-зи терр-ясида. Р-н маркази ва яқин т. й. станцияси — Узун (12 *км*). Аҳолиси 609 киши (1977); пахтачилик, чорвачилик, паллачилик б-н шуғулланади. Клуб, кутубхона, ўрта мактаб, медпункт, дорихона, ремонт устахоналари, маиший хизмат кўрсатиш пунктлари бор.

ЧУҚУРҚИШЛОҚ — Қашқадарё обл. Ғузор р-ни Гулистон қ. С. даги қишлоқ. «ВЛҚСМ 50 йиллиги» с-зи терр-ясида. Р-н маркази ва яқин т. й. станцияси — Ғузор (14 *км*). Аҳолиси 745 киши (1974); пахтачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Чунагар ариғидан сув ичади. Бошланғич мактаб бор.

ЧУҒДУМА — Қашқадарё обл. Қарши р-ни Дашт қ. С. даги қишлоқ. «Коммунизм» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 20 *км*, яқин т. й. станцияси — Қарши (4 *км*). Аҳолиси 877 киши (1974); пахтачилик, паллачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Москва каналидан сув ичади. Ўрта мактаб, кутубхона, медпункт, универмаг, маиший хизмат кўрсатиш пункти бор.

ЧУҒУРЧИҚЛАР, ш а қ ш а қ л а р (Sturnidae) — чумчуқсимонлар туркумининг бир оиласи. 24 уруққа мансуб 104 тури маълум. Гавдаси 18—43 *см*, оғирлиги 100 *г* ча. Оёқлари бақувват, ерда ва дарахтда ҳаракатланишга яхши мослашган. Вояга етганларининг ранги товланиб туради. Кўпчилик турларида нари каттароқ. Асосан, Европа, Осиё, Африка, Австралияда тарқалган (оддий Ч. Шимолий Америкага олиб келинган). Ўрта Осиёда *майна, соч*, бўз шақшақ, қорашақшақ ва б. турлари учрайди. Уясини ковакларга, қоя ёриқларига, бинолар бўғоти ва б. ерларга ясайди. 4—7 (жанубий р-ларда йилда икки марта) тухум қўйиб, нари ва модаси навбат б-н 14—15 кун босади. Ҳашарот ва уларнинг личинкаси б-н озиқланиб фойда, баъзан меваларни еб ва бегона ўтлар уруғини тарқатиб зарар келтиради. Айрим турлари (мас., майна) яхши сайрагани ва баъзи овозларга тақлид этгани учун қафасда боқилади.

ЧУҲРА — хон ҳузурида хизмат қилувчи маҳрам. Шарқда хонларнинг гвардияси (сарой соқчилари) ҳисобланган махсус ҳарбий қисм. Унга зодагон, асслзода ва юқори табақа болаларидан олинган. Улар хон ҳокимиятини сақлаш ва унга содиқ бўлиш руҳида тарбияланган. Ч., асосан, хон қароргоҳини қўриқлаган. Зарур бўлиб қолган тақдирда хоннинг буйруғига кўра Ч. жанг ҳам қилган.

ЧУҲРА ОҚОСИ — хоннинг шахсий сарой соқчилари (чуҳра) бошлиғи; «чуҳра боши» деб ҳам юритилган. Ч. о. хон саройида хизмат қилган, бу лавозим хон эътиборини қозонган шахсгагина берилган. Хонликлар тугатилгач, Ч. о. лавозими ҳам барҳам топган.



КЯУ-100 чуқур қазигичи.

ЧХОНЖИН — КХДРнинг шимоли-шарқий қисмидаги шаҳар. Хамгён-Пукто провинциясининг маъмурий маркази. Япон денгизи соҳилидаги музламайдиган порт. Аҳолиси 290 минг киши (1972). Т. й. ва автомобиль йўллари узели. Қора металлургия, металлсозлик ва машинасозлик, кемасозлик, кимё, тўқимачилик, озиқ-овқат саноати корхоналари бор. Қурилиш материаллари ишлаб чиқарилади. Ч.— КХДР нинг йирик балиқ овлаш портларидан.

ЧЭНДУ — Жануби-Ғарбий Хитойдаги шаҳар, Миньцзян дарёси водийсида. Сичуань провинциясининг маъмурий маркази. Аҳолиси 2,2 млн. киши (1975). Мамлакатнинг муҳим иқтисодий марказларидан. Транспорт йўлларининг йирик узели. Машинасозлик (радиоаппаратура, станоклар, приборлар, қ. х. машиналари ва ҳ. к.), кимё, тўқимачилик, озиқ-овқат, ёғочсозлик корхоналари, ТЭС бор. Бадиий ҳунармандчилик ривожланган. Ун-т, бир неча олий ўқув юртлари, музей, боғ ва парклар мавжуд. Арх. ёдгорликлари сақланган. Мил. ав. 4-асрда бунёд этилган.

ЧЮРЛИОНИС (Чурлёнис) Микалоюс Константинас [1875. 10 (22). 9, Литванинг Вилен губерниясидаги Варен қишлоғи — 1911. 28. 3 (10. 4)]— литва композитори, рассом. Варшава ва Лейпциг консерваторияларида, Варшава бадиий билим юртида таълим олган. 1907 йилдан Вильно (Вильнюс)да яшаган. Литва халқ хорига раҳбарлик қилиб, халқ қўшиқларини қайта ишлаган, торли квартет учун асарлар яратган, халқ тасвирий санъат асарлари (ҳайкал, бадиий мато, ёғоч ўймакорлик асарлари ва б.) ни тўплаган. «Оламнинг яратилиши» (1904—06), «Баҳор сонатаси», «Ёз сонатаси», «Қиш сонатаси», «Қуёш сонатаси» (ҳаммаси 1907), «Денгиз сонатаси» (1908) картиналари Ч. ни символистларнинг йирик вакилига айлантирди. Ч. дунёда инсоннинг ўрнини кўрсатишга интилди. Композитор сифатида халқ ижоди анъаналарини ривожлантирди, асарларини (100 га яқин фортепьяно асари, 60 га яқин қайта ишланган халқ қўшиғи, илк литва симфоник поэмалари ва б.) миллий руҳ б-н суғорилган. Каунасда Ч. музейи бор.



М. Чюрлионис. «Ўқчи». 1907.

ЧУГАРИ — эртапишар қовун нави. Уруғи униб чиққач, 75—85 кунда пишади. Думалоқ, ясси ёки чўзинчоқ, оғирлиги 4—6 *кг*. Сирти сал буришган, тўрсиз, оқиш-сариқ. Эти оқ, қалинлиги 5—5,5 *см*, сершира, нашвати мазасини беради. Таркибида 12,5% қанд бор. Уруғи йирик, сарғиш. Гектаридан 300 *ц* гача ҳосил олинади. Ташишга яроқсиз. Тошкент, Фарғона ва Андижон областларида экилади.

ЧУГИРМА — бош кийим. Жуни қирқилмаган, олий навли қўй терисидан тайёрланади. Қора, оқ ва сарғимтил теридан тикилади. Думалоқ, астарли, ичи пахтали бўлади. Одатда, дўппи устидан кийилади. Туркманистон, Хоразм, Қорақалпоғистонда, қисман Қавказда тарқалган. Ч. бошни қишда совуқдан, ёзда қуёшдан асрайди.

ЧУЖА — Наманган обл. Норин р-ни Учтепа қ. С. даги қишлоқ. «Пахтакор» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 22 *км*, яқин т. й. станцияси — Ҳаққулобод (22 *км*). Андижон — Наманган автомобиль йўли устида. Аҳолиси 3694 киши (1976); пахтачилик, пиллачилик, боғдорчилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Норин ва Қорадарёдан сув ичади. 2 медпункт, ўрта мактаб, алоқа бўлими, клуб, кутубхона, болалар боғчаси, пахта пункти, қурилиш материаллари з-ди, тикувчилик цехи, маиший хизмат кўрсатиш пунктлари, алоқа бўлими, дорихона бор.


ЧУЖАРИҚ — Андижон обл. Москва р-ни Ленинобод қ. С. даги қишлоқ. «22-партсъезд» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 8 *км*, яқин т. й. станцияси — Шаҳрихон (8 *км*). Аҳолиси 675 киши (1976); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Шаҳрихонсойдан сув ичади. Медпункт бор.

ЧУЖАЮЗИЯ — Андижон обл. Москва р-ни Ленинобод қ. С. даги қишлоқ. «22-партсъезд» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 7 *км*, яқин т. й. станцияси — Шаҳрихон (7 *км*). Аҳолиси 987 киши (1976); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Шаҳрихонсойдан сув ичади. К-з правлениеси идораси, кутубхона, алоқа бўлими, медпункт бор.

ЧУЖАҚИШЛОҚ — Андижон обл. Москва р-ни Ленинобод қ. С. даги қишлоқ. «22-партсъезд» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 10 *км*, яқин т. й. станцияси — Шаҳрихон (10 *км*). Аҳолиси 986 киши (1976); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик, боғдорчилик, сабзавотчилик б-н шуғулланади. Шаҳрихонсойдан сув ичади.

ЧЎЗИШ (техникада)— болғаланган ёки прессланган заготовкаларни тешик орқали ўтказиб, тортиб деформациялаш; металларнинг кўндаланг кесим юзини камайтириш ёки аниқ ўлчам ва силлиқ юза ҳосил қилиш. Бунда заготовканинг волокадан ўтказилган ўткирланган учига бирор *P* куч қўйилиб, у махсус қамрагич б-н қамраб олинади (1-расм). Ч. натижасида заготовка волока тешиги шакли ва ўлчамига мос шакл ҳамда ўлчам олади; заготовканинг кўндаланг ўлчамлари камаяди, узунлиги ортади. Ишқаланишни камайтириш учун ишлов бериладиган заготовкалар қуюқ мой б-н мойланади. Трубалар оправкасиз, қўзғалмас оправкали, қўзғалувчан оправкали усулларда чўзилади (2-расм). Оправкасиз Ч. да труба диаметри, қўзғалмас ва қўзғалувчан оправкали Ч. да труба диаметри ва девори камаяди. Ч. кўндаланг кесими ўзгармас ҳамда узун ички металл, симлар, трубалар ва б. ишлаб чиқаришда кенг қўлланилади.

ЧЎЗИШ СТАНИ — металларга чўзиб ишлов берувчи машина. Ч. с. иш асбоби — волока ва ишлов бериладиган металлни волокадан ўтказиб тортувчи қурилмадан иборат. Ч. с. да автоматлаштириш ва механизациялаштириш мосламалари бор. Тортувчи қурилманинг ҳаракатига қараб Ч. с. ишлов бериладиган металл тўғри чизиқ бўйлаб ҳаракатланадиган (чивиқ ва трубалар олишда) ва ишлов бериладиган металл ўраладиган барабанли (сим ва шаклдор профиллар ишлаб чиқаришда) станларга бўлинади.



Кўп марта чўзадиган барабанли чўзиш стани: *1* — волокалар; *2* — оралиқ барабан; *3* — тозалаб ишлов берадиган барабан.

Тўғри чизиқ бўйлаб ҳаракатланадиган станлар занжирли, гидравлик, канатли ва узлуксиз хилларга бўлинади. Чўзишда ҳосил бўладиган куч 0,1 *кн* —2,5 *Мн* (100 *кгк* —250 *тк*). Барабанли чўзиш стани бир марта чўзадиган (битта волокадан ўтказиладиган) ва кўп марта чўзадиган (кўп волокадан ўтказиладиган) ва кўп барабанли (расмга қ.) хилларга бўлинади.

Ад.: Перлин И. Л., Теория волочения, М., 1957; Юхвец И. А., Волочильное производство, 2 изд., М., 1965.

ЧЎЗМА — хамир таом тури. Тайёрлаш усули. Пиёз майда қилиб тўғралади ва бир оз сув қўйиб, мижғиланади. Ҳосил бўлган пиёз сувига хамир қорилади. Хамирдан *юпқа* рецептидагидек қилиб жилд ёйилади ва доғланган фритюрда унча қотирмай пиширилади.

Ч. тайёрлаш учун: 1 *кг* ун, 1 стакан сув, 1 стакан пиёз суви, 2 чой қошиғида туз, 2—3 бош пиёз керак.

ЧЎКИНДИ КОНЛАР — чўкинди ҳосил бўлиш жараёнида дарё ва сув ҳавзалари тубида шаклланган фойдали қазилма ётқизиқлари. Пайдо бўлиш ўрнига кўра дарё, ботқоқ, кўл, денгиз ва океан Ч. к. ига, океан Ч. к. и эса, платформа ва геосинклиналь Ч. к. ига бўлинади. Чўкинди ҳосил бўлиш характерига қараб механик, кимёвий, биокимёвий ва вулканоген-чўкинди конлар ажратилади.

Ч. к. нинг физик-кимёвий ва геологик шароитларда шаклланиши чўкинди тоғ жинсларининг шаклланиши б-н умумий ҳолда боғлиқ (қ. *Литогенез*). Ч. к. чўкинди тоғ жинсларига мувофиқ ҳолда ётади, одатда қатъий маълум бир стратиграфик ҳолатни эгаллайди ва қатлам ёки текис линзалар шаклида бўлади. Бундай конлар баъзан метаморфизм ва тектоник ҳаракатлар натижасида деформацияга учрайди ва анча мураккаб белгилар ҳосил қилади. Айрим қатламлар ўнлаб *км* га чўзилади, уларнинг қалинлиги эса 500 *м* га етади (мас., Соликамск тузлари). Ч. к. да минералларнинг 3 хил группаси учрайди: 1) нураш жараёнига чидамли чақиқ минераллар (кварц, рутил, баъзан дала шпатлари, пироксенлар, амфиболлар, слюдалар ва б.); 2) кимёвий нураш маҳсулотлари (каолинит, монтмориллонит, сувли слюдалар, опал, темир ва марганецнинг сувли оксидлари ва б.); 3) янги чўкинди ҳосилалар (карбонатлар, тузлар, фосфатлар, руда минераллари, кремнийли маҳсулотлар, водород сульфидли бирикмалар ва б.).

Ч. к. йирик саноат аҳамиятига эга. Ч. к. га ҳамма ёнувчи қазилмалар (нефть, газ, кўмир, ёнувчи сланецлар), темир, марганец, алюминий рудаларининг айрим турлари, шунингдек рангли ва нодир металллар (U, Cu, V ва б.) конлари киради. Улар орасида қурилиш материаллари (шағал, қум, гил, сланецлар, оҳактошлар, бўр, доломит, мергель, гипс, яшма, трепел), қазилма тузлар, фосфоритларнинг кўпгина конлари маълум.

ЧЎКИНДИ ТОҒ ЖИНСЛАРИ — модданинг сувда (баъзан ҳаводан тушиб) чўкишидан, шунингдек қуруқлик юзаси, денгиз, океан ҳавзаларида музлар фаолияти натижасида ҳосил бўладиган тоғ жинслари. Чўкиш механик (оғирлик кучи таъсири ва муҳит динамикаси ўзгаришидан), кимёвий (сувли эритмалардан— уларнинг тўйиниш концентрациясига етишидан ва алмашув реакциялари натижасида), биоген йўл б-н (организмлар ҳаёт-фаолияти таъсирида) содир бўлиши мумкин. Ч. т. ж. чўкиш характерига кўра чақиқ, кимёвий ва биоген жинсларга бўлинади.

Ч. т. ж. ни ҳосил қиладиган асосий манбалар: ер пўстидаги магматик, метаморфик ва қадимги чўкинди жинслар, табиий сувларда эриган компонентлар, атмосфера газлари, организмларнинг ҳаёт фаолияти пайтида ҳосил бўладиган маҳсулотлар, вулканоген материал. Ҳозирги замон океан чўкиндилари ва қадимги чўкинди жинсларда космик материал ҳам учрайди. Ч. т. ж. таркибида органик қолдиқлар ҳам бўлади.


Ч. т. ж. шакли ва ҳажми турлича бўлган қатлам, линза ва б. шаклдардаги геологик жисмлар ҳосил қилади. Улар ер пўстида нормал горизонтал, қия ёки мураккаб бурмалар тарзида ётади.

Ч. т. ж. қуйидагича ҳосил бўлади: она тоғ жинслари емирилишидан пайдо бўлган дастлабки маҳсулот сув, шамол, музликлар б-н кўчиб, қуруқлик юзаси ҳамда сув ҳавзаларига чўкади. Натижада турли хил компонентлардан тузилган бўш ва ғовак, сувга тўйинган чўкинди ҳосил бўлади. Бу чўкинди мураккаб ва хилма-хил физик-кимёвий (қисман биологик) системадан иборат бўлиб, вақт ўтиши б-н аста-секин чўкинди жинсга айланади.


Ч. т. ж. таркиби ва генезисига кўра 10 дан ортиқ группага ажратилади: чақиқ жинслар, гиллар, глауконитли, глинозёмли (алюминий оксидли), темирли, марганецли, фосфатли, кремнийли, карбонатли жинслар, тузлар, каустобиолитлар ва б. Асосий группалардан ташқари аралаш таркибли жинслар ҳам бор.

Ч. т. ж. кимёвий таркибига кўра магматик жинслардан фарқланади: жинс ҳосил қилувчи компонентлар таркиби турлича бўлади; таркибида сув, карбонат кислота, органик углерод, кальций, олтингугурт, галоидлар кўп бўлади; темир оксиди б-н темир (II)- оксиди нисбати катта бўлади.

Ч. т. ж. дан гил (гил, аргиллит, гилли сланецлар —50% га яқин), қумтош (қум ва қумтошлар) ва карбонат жинслар (оҳактошлар, доломитлар; 45% ча) кенг тарқалган (қолган турлари 5% ни ташкил этади).



Чўзиш: 1-расм. Чўзиш схемаси: *1* — волока; *2* — заготовка; *3* — заготовканинг учи; *4* — қамрагич.



2-расм. Трубаларни чўзиш схемаси: *1* — оправкасиз; *2* — қўзғалмас оправкали; *3* — қўзғалувчан оправкали.

Ч. т. ж. нинг Ер юзасида ҳосил бўлиши ва жойлашиши асосан иқлим ва тектоник шароитларга боғлиқ. Ч. т. ж. ер пўсти массасининг 10% га яқинини ташкил этиб, Ер юзасининг 75% ини қоплайди. Ч. т. ж. нинг асосий массаси материкларда (500 млн. *км*³) ва континентлар ён бағирларида (190 млн. *км*³) жойлашган, океанлар тубида эса 250 млн. *км*³ ни ташкил этади. Материкларда — Ч. т. ж. нинг 75% га яқини геосинклиналларда ва 25% га яқини платформалардадир. Ердан қазиб олинадиган фойдали қазилмалар (кўмир, нефть, туз, темир, мис, қўрғошин, марганец, алюминий рудалари, олтин ва платина сочмалари, фосфоритлар, каолин, кварц қумлари, қурилиш материаллари ва б.) нинг 75% дан ортиғи Ч. т. ж. орасида учрайди.

Ад.: Логвиненко Н. В., Петрография осадочных пород. 2 изд., М., 1974.

ЧУКИНДИЛАР — денгиз, кўл, дарё, канал ва ариқлар тубида физик, кимёвий ва биологик жараёнлар натижасида ҳосил бўлган ва ҳали тоғ жинсларига айланмаган маҳсулотлар: қум, лой, сапропель, коллоид ҳолидаги темир ва карбонатли гиллар. Ч. фақат сув остидагина чўкмай, шамол, нураш жараёнлари таъсирида қуруқликда ҳам ҳосил бўлади. Мас., қумтепалар, барханлар, гиллар. Қадимги геологик даврлар ётқизиқлари орасида ҳам қум ва гиллар учрайди, бу ҳолда улар тоғ жинслари деб қаралади. Тоғ жинслари (жумладан цементлашган жинслар)ни Ч. деб бўлмайди. Қадимий чўкинди жинслар орасида ҳозирги Ч. га ўхшашлари ҳам кўп. Бу эса қиёсий-литологик ва фациал тадқиқотларда ҳозирги Ч. га оид маълумотдан фойдаланиш имконини беради.

ЧУҚТИРИШ, чўктириш усуллари — 1) кимёда эритмадан бир ёки бир нечта кимёвий компонентларни кам эрийдиган бирикма (чўкма) ҳолида ажратиб олиш. Кимёвий анализда элементларни ажратиб олишда кенг қўлланиладиган методлардан. Сифат ва миқдор анализининг кўпгина методлари Ч. га асосланган. Модда эритмадан тегишли реагент қўшиб чўкмага туширилади. Саноатда (қ. *Гидрометаллургия*) ва аналитика практикасида, хусусан, рангли металларни электролитик Ч. методи қўлланилади. Электролиз йўли б-н металларгина эмас, балки уларнинг оксидлари, мас., қўрғошин қўш оксид ва марганец қўш оксид — анодда, молибден ва уран оксидлари — катодда чўкмага туширилади. Ч. биохимия, санитария-гигиена ва клиника лабораторияларида ҳам қўлланилади; 2) металлшуносликда заготовкаларга босим остида (пресс ва катта болғалар б-н) ишлов бериш; бунда заготовка қисқаради, кўндаланг кесими катталашади.

ЧУЛ — доимий ёки мавсумий иссиқ иқлимли ўлкалардаги фитоценозлари сийрак ва кам ландшафт типи. Тупроғи ва заминига қараб, қадимги аллювиал текисликларнинг говак ётқизиқлари устидаги қумли Ч. лар; гипсли плато ва тоғ этакларидаги текисликларда жойлашган шағалли ва қум-шағалли Ч. лар; плато ва тоғ этакларидаги ёш текисликлар устидаги гипслашган чағир тошли Ч. лар; паст тоғлардаги тошлоқ Ч. лар; кам карбонатли қумоқ тупроқлар устидаги қумоқ Ч. лар; тоғ этаклари текисликларидаги лёсс тупроқли Ч. лар; тоғ этакларидаги текисликлар ва дарёларнинг қадимги дельталари ўрнидаги тақир Ч. лар; шўр мергель ва гил тупроқлардан таркиб топган паст тоғлардаги гил тупроқли бедленд Ч. лар; шўрхок депрессиялар ва денгиз соҳилларидаги шўрхок Ч. ларга таралади.

Ч. лардаги ўсимлик турлари ўзига хос хусусиятга эга. Ч. лар ер юзасининг тузилиши, тупроқ таркибининг турли-туманлиги, намгарчилик шароитининг ўзгариб туришига қараб ўсимлик турлари ҳам Ч. нинг турли жойида турлича. Шу б-н бирга, турли қитъалардаги Ч. ўсимликларининг тарқалиши ва экологиясида ўхшашлик хусусиятлари ҳам бор; ҳамма жойда ўсимлик сийрак, турлари кам бўлиб, катта майдонларда бир хил ўсимликлар ўсади.

Мўътадил минтақаларнинг материк ичкарисидаги Ч. ларда склерофил типидаги ўсимликлар, жумладан баргсиз буталар (саксовул, жузғун, чаканда, шувоқ, шўра ва б.) кўп учрайди. Бу типдаги Ч. ларда эфемерлар ва эфемероидлар муҳим ўрин эгаллайди. Субтропик ва тропик минтақаларнинг материк ичкарисидаги Ч. лари (Африка ва Арабистон)да ҳам ксерофил буталар ва кўп йиллик ўтлар кўпчиликни ташкил этади, лекин бу ерларда суккулентлар ҳам учрайди. Бу Ч. ларда мўътадил минтақалардаги Ч. лардагига қараганда ўсимликлар янада сийрак. Тошлоқ Ч. ларнинг ўсимлик дунёси бирмунча бой, қум-шағалли чўлларда эса ўсимлик айниқса кам бўлади. Барханли ва шўр қатқалоқ босган Ч. ларда ўсимлик бутунлай ўсмайди. Шимолий Америка ва Австралиядаги субтропик Ч. ларнинг ўсимлик дунёси анча бой. Бу жиҳатдан улар Ўрта Осиё чўлларига ўхшаб кетади. Ксерофил бошоқли спинифекслар, шунингдек, кроталяриялар асосий ўсимлик турлари ҳисобланади. Бу ерлардаги қум тепалари орасидаги гилли ботиқларда пакана акация ва эвкалиптлар ўсади; шағал аралаш чағир тошли Ч. ларда шўра ва шўрадошлар учрайди. Океан соҳилларидаги субтропик ва тропик Ч. ларда (ғарбий Саҳрои Кабир, Намибия, Атакама, Калифорния, Мексика) суккулент типидаги ўсимликлар ҳукмрон.

Мўътадил, субтропик ва тропик минтақалардаги шўрхок Ч. ларнинг ўсимлик турлари бир-бирига ўхшаб кетади. Бу ерларда галофил ва суккулент чала бута ва буталар (юлғун, селитрянка ва б.) ва бир йиллик шўра ва шўрадошлар ўсади. Ч. зоналарининг воҳа, тўқай, йирик дарё водийлари ва дельталаридаги ўсимликлар Ч. ўсимликларидан анча фарқ қилади. Осиёнинг мўътадил минтақа чўлларидаги водийларда барг тўкадиган дарахтлар — туранғил терак, тол, жийда; субтропик ва тропик минтақалардаги дарё водийларида доимий яшил ўсимликлар — пальма ва толгуллар ўсади (қ. *Чўл зоналари*).

ЧУЛ АГАМАСИ — қ. *Кунқарғар.*

ЧУЛ ЗОНАЛАРИ — табиий ландшафти асосан чўллардан иборат географик зоналар. Шимолий ярим шарнинг мўътадил минтақасида, Шимолий ва Жанубий ярим шарларнинг субтропик ва тропик минтақаларида тарқалган. Намгарчилик кам (йиллик ёғин миқдори 200 *мм* дан кам, энг қурғоқчил ўлкаларда эса 50 *мм* дан ҳам кам). Рельефи тоғликлар, паст тоғлар, якка тоғлар, текисликлар, қадимги дарё водийлари ва берк кўл ботиқларидан иборат. Эрозия типидаги рельеф шакллари заифлашиб қолган; шамолдан пайдо бўлган шакллари кенг тарқалган. Чўлларнинг кўп қисмида оқар сувлар бўлмайди, баъзан, уларни транзит дарёлар (Сирдарё, Амударё, Нил, Хуанхэ ва б.) кесиб ўтади; ўз чегараларини ва ҳажмини тез-тез ўзгартириб турадиган ва баъзан қуриб қоладиган кўллар (Лобнор, Чад, Эйр) ва вақтли сойлар кўп. Ер ости сувлари кўпинча минераллашган (шўр) бўлади. Тупроқлари яхши ривожланмаган, шўрхок ва шўртоблар б-н қопланган. Усимликлар сийрак бўлиб, ер юзасининг ярмидан камроғини қоплайди, ёғин энг кам ерларда ўсимликлар бутунлай бўлмайди. Ксерофил ва галофил ўсимликлар — Осиё чўлларида саксовул, эфемер ва шувоқдошлар, Шимолий Америкада — кактусдошлар, креозотлар ўсади ва ҳ. к. Ҳайвонот дунёси хилма-хил. Ҳамма жойда кемирувчилар, судралувчилар асосий ўрин тутади. Ч. з. да яйлов чорвачилиги ривожланган, обикор деҳқончилик қилинади (яна қ. *Чўл*).


ЧУЛ ҚУЮҒИ, ҳимоя пўсти — чўл ва даштлардаги тоғ жинслари (қоялар, чақиқ жинслар, шағал тошлар) юзасини қоплаган тўқ қўнғир-қора тусдаги ялтироқ юпқа (0,5—5 *мм*) плёнка ёки қобиқ. Асосан, темир (36% гача) ва марганец (30% гача) оксиди ҳамда бир оз алюминий (9% гача) ва кремний (8,5% гача) оксидидан таркиб топади. Ч. к. арид иқлимли қурғоқчил зоналардаги чўл ва даштлар, тоғ ён бағирларида сутка давомида тоғ жинслари т-расининг кескин ўзгариши натижасида ҳосил бўлади. Бунда тоғ жинслари сиртига ўта майда капиллярлар орқали сув б-н бирга эриган темир, марганец, алюминий, кремний бирикмалари чиқади. Қуёш нури таъсирида сув буғланиб кетади, кимёвий бирикмалар эса куйиб, қобиқ — Ч. к. ҳосил бўлади.

ЧУЛ ТОШБАҚАСИ — *яширинбўйинли тошбақа*ларнинг Ўрта Осиёда кўп тарқалган тури.

ЧУЛБАЙИР — Сурхондарё областидаги тоғ. Ҳисор тоғ тизмасининг жануби-ғарбида. Шимоли-шарқдан жануби-ғарбга 25 *км* чўзилган. Энг баланд нуқтаси 3722 *м*. Тоғ сувайирғич вазифасини ўтайди. Ч. нинг юқори қисми альп ва субальп ўтлоқлари б-н, пастки қисми сийрак ўрмонлар ва бутазорлар б-н қопланган. Терр-ясидан яйлов сифатида фойдаланилади.

«ЧУЛИ ИРОҚ» — Ироқ мақомининг «Сарахбори Ироқ» шўъбаси асосида яратилган йирик шаклдаги чолғу асар. «Ч. И.» нинг усули «Сарахбори Ироқ» усулининг тезроқ суръат б-н чалинадиган вариантидир. У якканавоз созанда ва ансамбллар жўрлигида ижро этилиб келинган. «Ч. И.» танбур, сато, дутор, най, ғижжак, қўшнай каби якка созларда равон чалинади. «Ч. И.» «Сарахбори Ироқ» шўъбасидек мураккаб куй қисмларидан таркиб топган. Аммо чолғу йўли сифатида унга бозгуйлар киритилган. Унинг таркибида *даромад, миёнхат* (2 та), авжида Мухайяри Чоргоҳ намуди учрайди. «Ч. И.» нинг ашула вариантини И. *Икромов* басталаган. Кейинги даврда «Ч. И.» ўзбек халқ чолғу асбоблари оркестри ижросига мосланиб, композитор Д. *Соатқулов* томонидан қайта ишланди ва оркестрлар репертуаридан ўрин эгаллади (яна қ. *Айтиш йўли*).

ЧУЛИГУЛИСТОН — Фарғона обл. Тошлоқ р-ни Октябрь қ. С. даги қишлоқ. «Москва» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 28 *км*, яқин т. й. станцияси — Охунбобоев (33 *км*). Аҳолиси 662 киши (1974); пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Қатта Фарғона каналидан сув ичади. Ўрта мактаб, к-з музейи бор.



Чўл: 1. Марказий Қорақум чўлларида. 2. Помирдаги баланд тоғ чўли.

ЧЎЛПО́Н — Ўрта Осиёнинг баъзи халқлари тилида *Венера* сайёрасининг номи. Уни *Зуҳра* деб ҳам атайдилар.

ЧЎЛПО́Н (тахаллуси; асл номи Абдулҳамид Сулаймон ўғли Юнусов) (1893, Андижон — 1937, Тошкент) — ўзбек шоири, таржимон ва санъатшунос. Дастлаб, мадрасада, сўнгра рустузем мактабида ўқиган. «ТуркРОСТА» газетасида масъул муҳаррир (1919—20), «Иштирокиюн», «Қизил байроқ», «Туркистон», «Бухоро ахбори», «Дарҳон» газеталарида адабий ходим. Ўзбек давлат театри ва труппаси директори, 1924 йилдан Москвада Ўзбек драма студиясида, кейинроқ Ўзбекистонда маориф ва театр соҳаларида ишлаган. «Қизил байналмилал», «Қизил байроқ» (1919), «Поход марши» (1920) каби шеър ва қўшиқлар яратган. Илк лирик шеърлари «Ўзбек ёш шоирлари» тўплами (1922) да босилган.

«Кеча ва кундуз» романи (тугалланмаган, 1-қисм, 1936) да ўзбек халқининг рев-ядан аввалги оғир ҳаёти ва 1916 йилги халқ қўзғолони тасвирланган. «Ёркиной» (1926), «Узун қулоқ бобо», «Ўртоқ Қаршибоев», «Муштумзўр» (1928) ва б. пьесалари, баъзи ҳикоялари ва, шунингдек, шеърлари даврнинг ахлоқий-маданий масалаларини, хотин-қизлар озодлигини, халқ онгида рўй бераётган муҳим ўзгаришларни акс эттиришга бағишланган. Ч. ўзбек адабиёти ва театр санъатига оид қатор мақолалар ҳам ёзган. «Интернационал» (Э. Потье)ни, Пушкин, Горький, Чехов, Тагор, Шекспир, К. Гоцци ва б. нинг баъзи асарларини ўзбек тилига таржима қилган.

Ч. нинг совет даврида яратган баъзи асарларида зиддиятли ва хато фикрлар учрайди, пессимистик ва миллатчилик кайфиятлари сезилади. Кейинчалик у совет воқелигининг тарихий ва ижтимоий моҳиятини тўғри тушунди ва ижодида бурилиш ясади.

ЧЎЛПО́Н — Фарғона обл. Ленинград р-ни Дзержинский қ. С. даги қишлоқ. Ҳамза Ҳакимзода номли с-з терр-ясида. Р-н марказидан 11 *км*, яқин т. й. станцияси — Қўқон (19,5 *км*). Аҳолиси 925 киши (1975); пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Сўх дарёсидан сув ичади. Кутубхона, медпункт бор.

ЧЎЛПОНОТА — КирғССР Иссиққўл областидаги шаҳар (1975 йилдан). 1600 *м* баландликда, Иссиққўлнинг шимолий соҳилида жойлашган. Фрунзедан 255 *км*. Шифобахш балчиқ ва иқлим курорти. Ези мўътадил илиқ (июл-



Оддий чўпхина.

нинг ўртача т-раси 17°), қиши юмшоқ (январнинг ўртача т-раси —3°); йиллик ёғин миқдори 250 *мм*. Иқлим терапия, лойли балчиқ ва Иссиққўлнинг минерал суви бор. Нерв системаси, ҳаракат ва таянч органлари касалланган беморлар даволанади. Болалар ўпка сили касалликлари санаторийси, катталар санаторийси; сув-балчиқ б-н даволаш хоналари, сут к-ти, қозоқ ёзувчиси Мухтор Авезовнинг уй-музейи бор.

ЧУМБОҒИШ — Фарғона обл. Бувайда р-ни Қўйғирот қ. С. даги қишлоқ. «20-партсъезд» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 5 *км*, яқин т. й. станцияси — Фурқат (17 *км*). Аҳолиси 1428 киши (1976); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Қатта Фарғона каналидан сув ичади. Ўрта мактаб, кутубхона, медпункт, болалар боғчаси, маданият саройи, маиший хизмат кўрсатиш пункти бор.

ЧУМИЛИШ — сувнинг актив таъсирига асосланган даво ва профилактик процедура. Табиий сув ҳавзалари (денгизлар, дарёлар, кўллар, лиманлар) ва сунъий сув ҳавзалари (очиқ ва берк бассейнлар)да чўмилинади. Бассейнларда Ч. учун минерал ва денгиз сувларидан фойдаланилади.

Ч. нинг организмга физиологик таъсири сувнинг т-расига, механик ва кимёвий (денгиз, шўр кўллар, минерал сувли бассейнлар) хусусиятларига боғлиқ. Организмни чиниқтиришда Ч. нинг аҳамияти катта. Нерв системаси фаолияти бузилганда, баъзи юрак-томир касалликлари (миокардодистрофия, гипертониянинг биринчи босқичида, нафас органлари касалликлари, моддалар алмашинуви бузилганда, подагра, ёғ босиш ва камқонлик)да Ч. буюрилади. Бунда ҳаво т-раси 20—22° дан, сув т-раси 18—20° дан паст бўлмаслиги керак. Бир кунда 1—3 марта 2—5 минутдан 10—15 минутгача Ч. мумкин. Очиқ сув ҳавзаларида кўпроқ эрталаб (соат 9 дан 12 гача, яъни нонуштадан 1—2,5 соат кейин) ва кечқурун (соат 5 дан 7 гача, яъни тушки овқатдан 2 соат кейин) Ч. мақсадга мувофиқдир. Кела солиб сувга шўнғиш ярамайди. Аввало ҳаракатчан ўйинлар (айиқса, волейбол), югуриш, гимнастика машқлари б-н шуғулланиш даркор. Атеросклероз, юрак-томир ва юрак-ўпка етишмовчилигининг 2—3-босқичларида, силнинг ўткир формалари, яллиғланиш, иситма б-н кечадиган касалликлар ва баъзи тери касалликлари, ҳомиладорликнинг 2-ярмида Ч. мумкин эмас (яна қ. *Организмни чиниқтириш, Сув билан даволаш*).

ЧУМИЧ — Қашқадарё обл. Яккабоғ р-ни Сандал қ. С. даги қишлоқ. «Ленинизм» к-зи терр-ясида. Р-н маркази ва яқин т. й. станцияси — Яккабоғ (1 *км*). Аҳолиси 636 киши (1974); пахтачилик, ғаллачилик, чорвачилик, боғдорчилик б-н шуғулланади. Бешариқ ариғидан сув ичади. Болалар боғчаси, савдо тармоқлари бор.



Чўткадум жайра.

ЧУМИЧЛИ — Қашқадарё обл. Ғузор р-ни Куйбишев қ. С. даги қишлоқ. Ленин номли к-з терр-ясида. Р-н маркази ва яқин т. й. станцияси — Ғузор (12 *км*). Аҳолиси 743 киши (1974); пахтачилик, чорвачилик, ғаллачилик б-н шуғулланади. Датма ариғидан сув ичади. Саккиз йиллик мактаб бор.

ЧУНГБОШ — Наманган обл. Қосонсой р-ни Ленин йўли қ. С. даги қишлоқ. «Коммуна» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 6 *км*, яқин т. й. станцияси — Наманган (34 *км*). Аҳолиси 1111 киши (1976); пахтачилик, чорвачилик, пиллачилик, боғдорчилик, полизчилик б-н шуғулланади. Чуст каналидан сув ичади. К-з правленнеси идораси, ўрта мактаб, клуб, кутубхона, алоқа бўлими, медпункт, болалар боғча ва яслиси бор.

ЧУНГБОҒИШ — Андижон обл. Москва р-ни Ленинобод қ. С. даги қишлоқ. «Коммунизм» к-зи терр-ясида. Р-н маркази ва яқин т. й. станцияси — Шаҳрихон (10 *км*). Аҳолиси 635 киши (1975); пахтачилик, боғдорчилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Шаҳрихонсойдан сув ичади.

ЧУНГБОҒИШ — Андижон обл. Москва р-ни Оразий қ. С. даги қишлоқ. Свердлов номли к-з терр-ясида. Р-н маркази ва яқин т. й. станцияси — Шаҳрихон (14 *км*). Аҳолиси 698 киши (1975); пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Катта Фарғона каналидан сув ичади. Ўрта мактаб, алоқа бўлими бор.

ЧУНГҚИРҒИЗ — Андижон обл. Пахтаобод р-ни Пахтакор қ. С. даги қишлоқ. Еқубов номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 4 *км*, яқин т. й. станцияси — Тентаксой (10 *км*). Аҳолиси 695 киши (1976); пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Пахтаобод каналидан сув ичади.

ЧЎНТАК — Андижон обл. Ленин р-ни Кужгон қ. С. даги қишлоқ. «Правда Востока» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 3 *км*, яқин т. й. станцияси — Асака (6 *км*). Аҳолиси 578 киши (1976); пахтачилик, мевачилик, токчилик, сабзавотчилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Ёвариқ, Исоавлиёариқ, Чекариқ орқали Шаҳрихонсойдан сув ичади.

ЧЎНТАК — Андижон обл. Москва р-ни Пахтаобод қ. С. даги қишлоқ. Охунбобоев номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 18 *км*, яқин т. й. станцияси — Шаҳрихон (18 *км*). Аҳолиси 519 киши (1976); пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Шаҳрихонсойдан сув ичади. Болалар боғчаси бор.

ЧУНТОШ — Сурхондарё обл. Денов р-ни Қуйбишев қ. С. даги қишлоқ. Генерал Собир Раҳимов номли к-з терр-ясида. Р-н маркази ва яқин т. й. станцияси — Денов (18 *км*). Аҳолиси 509 киши (1974); пахтачилик, чорвачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Ҳазорбоғ каналидан сув ичади. Саккиз йиллик мактаб, медпункт бор.

ЧУНҚАЙ СИМОБ КОНИ — Жанубий Фарғона симоб-сурма конларининг Қора Чатир зонасидаги лиственит типидаги кон (ҚирғССР). Ёриқлар зонасидаги бу конда ўрта кембрий гилли сланецлари, қуйи силур сланецлари, оҳактошлари, асосий эффузивлари ва қуйи девон чўкма-вулканоген қатламлари бор. Ёриқлар зонаси бўйлаб серпентинлашган перидотитлар тарқалган. Перидотит интрузияси юқори девон-қуйи карбон ёшида. Асосий руда ёриқлар зонасидаги жинсларининг лиственитланиш жараёнига боғлиқ. Лиственитлар серпентининг контакт зонасига боғлиқ ҳолда узун томирсимон жинслар ҳосил қилади. Лиственитлар серпентинитлар ва б. жинслар контактида, шунингдек кучли тектоник ҳаракатлар содир бўлган жойларда ҳам ҳосил бўлади. Лиственитларнинг бошқа жинслар б-н контакти маълум. Серпентинитлар карбонатланади ва контактдан 10—25 *м* наригача давом этади. Асосан, флексурасимон букилмалардаги ёриқларнинг букилган, бир-бири б-н кесишган ва тўқнашган жойларидаги лиственитларда симоб рудалари бор. Руда пайдо бўлишидаги комплекс минераллар 3 босқич (кварц-карбонатли, сульфидли, карбонатли)га бўлинади. Рудалар нуқтасимон, томирли-нуқтасимон, яхлит тузилган. Кварц, халцедон, доломит, анкерит, кальцит ва б. норуда минераллар учрайди. Киноварь, пирит, оз миқдорда антимонит, галенит, сфалерит, халькопирит, висмутин каби рудали минераллар мавжуд.

ЧУП ПУЛИ — солиқ тури. Қўқон хони *Худоёрхон* жорий қилган (1866). Аҳоли ёқилғи учун тайёрлаган ўтин, ғўзапоя, хашак ва б. юзасидан олинган.

ЧУПОН НАЙ — чўпонлар орасида кенг тарқалган най турларининг умумий номи. Унинг ҳуштак мосламали ва очиқ (мосламасиз) турлари бор. Айрим халқларда тилчали най ҳам Ч. н. деб аталади. Ўзбекларда Ч. н. нинг ҳуштак мосламали тури учрамайди; мосламасиз туридан ғажир най, жез (баъзан, биринж) най, тилчалигидан *сибизға* мавжуд.

ЧУПОН ОТА (15-аср) — Самарқанддаги архитектура ёдгорлиги, мақбара. Ҳозир тепалик ҳам Чўпон ота номи б-н юритилади (Қадимий номи Кўҳак). Бино тарҳи квадрат, тўрт томонида эшик ўрни бор. Бино ташқариси безаксиз, фақат гумбаз фируза рангли кошин б-н қопланган. Бино ичи ва барабан ганч сувоқ б-н шувалган.

Бино конструкцияси алоҳида диққатга сазовор. Бурчаклардан чиққан равоқларга ички гумбаз қўйилган. Ташқи гумбаз эса баланд барабанга, барабан квадрат девор тепасидаги олти қиррали асосга ўрнатилган. Бундай конструктив услуб Ч. о. мақбарасида биринчи бор қўлланилган, кейин *Ишратхона* ва *Оқ сарой*да мукаммаллаштирилган.


ЧУПОНЛАР — Хоразм обл. Ҳазорасп р-ни Юқори Мухаман қ. С. даги қишлоқ. Карл Маркс номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 5 *км*, яқин т. й. станцияси — Ҳазорасп (7 *км*). Аҳолиси 568 киши (1976); пахтачилик, чорвачилик, пиллачилик, шоликорлик, сабзавотчилик б-н шуғулланади. Полвонён канали орқали Амударёдан сув ичади. К-з фермаси, омбори, ремонт устахонаси бор.

ЧУПОНТЕПА — неолит даври макони (мил. ав. 6—5-минг йилликлар). *Жайтун маданияти*га онд ёдгорликлардан бири. ТуркмССР нинг Гўктепе р-ни марказидан 7—8 *км* шарқда жойлашган. 1957 йили топилган. Ч. нинг шакли узунчоқ, баландлиги 5 *м*, майдони 2 *га* дан иборат бўлиб, турар жойлар гуваладан бир хонали қилиб қурилган. Хоналарининг саҳни сомонли лой б-н сувалган. Қазиш пайтида рангли сопол идишлар (четлари тўғри тушган қалин косалар, товоқлар, банкасимон идишлар), 2000 дан ортиқ тош қуроллар (ўроқчалар, қирғичлар), ҳайвон суяклари ва кўмирга айланган дон қолдиқлари топилган. Булар Ч. ликлар деҳқончилик ва чорвачилик б-н шуғулланганликларини кўрсатади.

Ад.: Бердыев О., Чопан-Депе — памятник неолитической Джейтунской культуры. «Материальная культура Туркменистана» тўпламида, Ашхабад, 1971.

ЧУПХИНА, ёввойи хина (Impatiens parviflora) — хинадошлар (хинагуллилар оиласи)га мансуб бир йиллик ўт. Попук илдизли туксиз нозик, чиройли. Пояси тик, бўғинлари йўғон, учи шохланган, бўйи 30—50 *см*. Барглари оддий, қисқа бандли, бутун, тухумсимон ёки элипссимон; четлари тишли. Гуллари сариқ, икки жинсли, майда, чачоқ тўпгул ҳосил этади.

Чангчиси 5, уруғчи тугунчаси 5 чаноқли (уяли) ва беш тумшуқли. Меваси қаламсимон, бўйи 15—20 *мм*, кўп уруғли. Ч. июнда гуллайди, июлдан то сентябргача мевалайди. Тоғ ва адирларнинг нам ва соя ерларида, қояларнинг ёриқларида, дарахтлар тагида ўсади. Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарё обл. ларидаги воҳа ва боғларда бегона ўт сифатида учрайди. Ч. дан бўёқ олинади.



Чўпон ота мақбараси.

ЧУПЧАК, чўрчак — эртакнинг бир кўриниши. Ч. нинг эртак, афсона ва масал ўрнида ишлатилганлиги қадимдан маълум. Алишер Навоийнинг «Хазойин ул-маоний» тазкирасидаги ғазаллардан бирида «чўрчак» сўзи келади: Ҳабибим ҳусни васфини ўйла мухлик айлаким бўлгай, Қошида қиссайи Юсуф бир уйқу келтирур чўрчак.

Ч. кичик ҳикояларни излаб топиш, тўплаш, ҳикоя қилиш маъносини англатгани учун топишмоқ ўрнида ҳам қўлланилган (яна қ. *Эртак*).

ЧУРТАНСИМОНЛАР (Esocidae) — чўртан балиқлар кенжа туркумининг оиласи. 1 уруққа мансуб 5 тури маълум. Ер юзида кўп тарқалган. СССРда Қора, Азов, Каспий, Орол, Болтиқ, Оқ, Баренц ва Охота денгизларида учрайди. Боши катта, тумшуғи чўзиқ, ясси. Оғиз бўшлиғидаги суяклар ва тили майда тишлар б-н қопланган. Тангачаси майда. Типик вакили оддий чўртан балиқ гавдаси 1,5 *м* гача, оғирлиги 35 *кг* дан ортиқ. Усти кул ранг-яшил, кул ранг-сарғиш ёки қўнғир бўлиб, қорни оқ. Кўндалангига ва узунасига ўтган йўллари ва қорамтир холлари бор. Елка, анал ва дум сузгич қаноти қора холли қўнғир, кўкрак ҳамда қорин сузгичи — сарғиш-қизил. Кўлларда, дарёларнинг тинч оқар ва ўсимликка бой жойларида якка-якка яшайди. 17,5—215 минг увилдириқ ташлайди. Эркаги 3—4, ургочиси 5 ёшда вояга етади. Балиқ, бақа, сувдаги қуш ва б. б-н овқатланади. Овланади.


ЧУРТУК — Наманган обл. Уйчи р-ни Ёрқатой қ. С. даги қишлоқ. Свердлов номли к-з терясида. Р-н марказидан 7 *км*, яқин т. й. станцияси — Чортоқ (13 *км*). Аҳолиси 1552 киши (1976); пахтачилик, чорвачилик, шоликорлик, пиллачилик б-н шуғулланади. Норин дарёсидан сув ичади. Мактаб бор.

ЧУТ (рус. счёт сўзидан) — арифметик ҳисоблаш (қўшиш ва айириш, бўлиш, кўпайтириш) учун ишлатиладиган энг содда асбоб. 16-асрда Россияда тахта Ч. расм бўлиб, 18-аср бошларида ҳозирги кўринишини олган. Рус Ч. лари Эронда ҳам ишлатилади. Хитой Ч. лари рус Ч. ларидан олдин яратилган бўлиб, ҳозиргача ҳам ўзларининг 5 бирликли саноғи б-н қадимий тузилишини сақлаб қолган. Улар Ҳиндихитой ва Японияда ҳам ишлатилади.

ЧУТКАДУМ ЖАЙРАЛАР (Atherurus) — жайралар оиласининг бир уруғи. Африка ва Осиёда тарқалган. Ингичка нозик игналар б-н қопланган танаси 40—60 *см*, думи 15—25 *см*. Думида ўзига хос қаттиқ қилсимон туклари бўлиб, хавф туғилганда думини қимирлатса, бу игналар бир-бирига тегиб, товуш чиқади. Дарё, кўл атрофидаги ўрмонлардаги ерга қазиган уясида 2—8 индивиди бирга яшайди. Тунда актив. 1—4 бола туғади. Турли ўсимлик маҳсулотлари б-н овқатланади.

ЧУТКАҚАНОТЛИЛАР — қ. *Патқанотлилар*.

ЧУЧҚА, хонаки чўчқа — жуфт туёқлилар туркумига мансуб сут эмизувчи ҳайвон. Ев-



Чўпон най.

вой аждодлари (тўнғизлар)дан келиб чиққан. Неолит даврида хонакилаштирилган.

Ч. нинг танаси оғир, қўпол, тумшуғи узун, учида ҳаракатчан хартуми бор. Оёқлари 4 бармоқли; елини икки қатор жойлашган 14 эмчакли; танаси сийрак, дағал қил б-н қопланган. Ч. барча чорва моллари ичида энг тез етиладиган ва сермаҳсул ҳайвон; 4—5 ойлигида жинсий етилади; 9—10 ойлигида қочирилади. Бўғозлик даври 113—116 кун, йилига 10—12 ва ундан ортиқ болалайди. Она чўчқа 60—80 *кг* сут беради. 1 ёшли боласининг ўртача тирик вазни 200 *кг*. Бир йил мобайнида битта она чўчқадан умумий тирик вазни 2—3 *т* гача наслчилинади. Чўчқачилик фермаларида она чўчқалардан 5—6 ёшга киргунча фойдаланилади, шу ёшгача улар кўп ва соғлом бола беради. Эркак чўчқалардан 7—8 йил фойдаланилади. Битта эркак чўчқа уруғи б-н 1 йилда 100 дан ортиқ урғочи чўчқа сунъий уруғлантирилади.

Ч. нинг гўшт учун (беконга), гўшт-ёғ учун ва ёғ учун боқиладиган типлари бор. Ч. гўшти ва ёғидан бекон, ветчина, окорок, рулет, колбаса, корейка, шпат ва б. тайёрланади; Ч. терисидан сёк кайиш, эгар-жабдуқ ва б. ишлаб чиқаришда фойдаланилади. Дунёнинг ҳамма мамлакатларида боқилади.

Лит.: Мавлонов Н. О., Чўчқачилик, Т., 1969.

ЧУЧҚАТИКАН — шўрадошлар (шўрагуллилар оиласи)га мансуб ўсимлик (қ. *Исмалоқ*).

ЧУЧҚАЧИЛИК — чорачилигининг бир тармоғи; гўшт, ёғ, тери ва б. маҳсулотлар олиш учун чўчқа урчитиш. Чорачилик маҳсулотларининг 20% дан ортиғи ва барча қ. х. маҳсулотларининг 10% яқин (1974) Ч. беради. Инсон ейдиган жамоа тузумидан бошлаб чўчқа урчитиш б-н шуғулланган. 19-асрда Ғарбий Европадаги кўпгина мамлакатларда чўчқанинг маҳаллий зотларини яхшилаш ва янги зотлар етиштириш устида иш олиб борилди. 19-аср охирларида Украина, Марказий қоратупроқ ва Марказий р-ларда, Шимолий Кавказ ва Болтиқ бўйида чўчқаларнинг яхшиланган зотлари етиштирилди.

Совет ҳокимиятининг наслдор чорачилик, наслдор ҳайвонларни муҳофаза қилиш ва ихтисослаштирилган с-лар тузиш тўғрисидаги декретлари (1918—19) Ч. ни яхшилашга асос бўлди. Коллективлаштириш натижасида к-зларда товар чўчқачилиги фермалари ташкил этила бошлади. Айни бир вақтда с-ларда ҳам Ч. ривож топди. 1966 йилда «Свиновод» бирлашмаси тузилиб, унга 216 минг чўчқаси бўлган 350 с-з кирди. Биринчи беш йиллик даврида Белоруссия, Украина, Шимолий Кавказ, Волга бўйи, Урал ва Қозоғистонда Ч. с-лари айниқса кўп тузилди. Улуғ Ватан уруши (1941—45) даврида жамоат чўчқачилиги хатто зарар кўрди.

Кейинги йилларда Ч. батамом тикланди. Мамлакатимизда, шу жумладан Ўзбекистонда давлат, к-лараро ва с-лараро ихтисослаштирилган Ч. комплекслари барпо этилмоқда. К-з ва с-ларда 6—12 минг бош чўчқани бўрдоқига боқишга мўлжалланган комплекс механизациялаштирилган йирик ферма-фабрикалар қурилмоқда. Чўчқаларни сунъий уруғлантириш усули кенг жорий этилмоқда. СССРда ҳар қайсисида 12 мингдан зиёд чўчқаси бўлган 362 с-з, к-з ва хўжаликлараро корхоналар мавжуд (1975). К-з ва с-ларда чўчқаларнинг 22 сермаҳсул зоти урчитилмоқда.

Ч. фан сифатида қ. х., зоотехника, ветеринария, зооветеринария олий ва ўрта ўқув юртларида ўқитилади. Чорвачилик, хусусан чўчқачилик б-н шуғулланадиган бутуниттифоқ, зонал ва республика илмий тадқиқот ин-тлари, тажриба станциялари ва олий ўқув юртларининг проблема-лабораторияларида Ч. бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ қ. х. фанлари академияси (ВАСХНИЛ) Ч. илмий тадқиқот ишларини координация қилади. Ч. ка оид материаллар «Свиноводство» ва «Животноводство» марказий ойлик журналларида ёритилади.

Лит.: Мавлонов Н. О., Чўчқачилик, Т., 1969; Савич И. А., Свиноводство, М., 1974.

ЧЎЯН — темир б-н углерод қотишмаси. Оддий (легирланмаган) Ч. таркибида 2,14% дан ортиқ углерод ва оз миқдорда доимий қўшимчалар — кремний, марганец, фосфор ва олтингугурт бўлади. Таркибида легирловчи элементлар — хром, никель, молибден, мис, алюминий ва б., шунингдек, 2% дан ортиқ марганец ҳамда 4% дан ортиқ кремний бўлган Ч. легирланган (махсус) Ч. дейилади.

Ч. таркибидаги углерод боғланган ҳолатда — темир карбиди Fe_3C — цементит ҳолида, эркин ҳолатда — графит тарзида ёки ҳам боғланган, ҳам эркин ҳолатда бўлиши мумкин.

Ч. микроскопик тузилишига кўра, кул ранг, оқ ва оралиқ Ч. ларга бўлинади. Кул ранг Ч. да углерод эркин ҳолатда — бодроқсимон, пластинкасимон ёки шарсимон графит тарзида, оқ Ч. да углероднинг ҳаммаси ёки жуда кўп қисми темир карбиди Fe_3C — цемент ҳолида, оралиқ Ч. да эса углероднинг бир қисми цементит ва бир қисми графит ҳолида бўлади.

Кул ранг Ч. таркибидаги графитнинг шаклига кўра, оддий кул ранг Ч., болғаланувчан ва жуда пухта Ч. ларга бўлинади. Оддий кул ранг Ч. да графит пластинка (япроқ) шаклида, болғаланувчан Ч. да — бодроқсимон (паға-паға), жуда пухта Ч. да эса шар шаклида бўлади. Қуймалар олиш учун ишлатиладиган кул ранг Ч. қуймакорлик чўяни деб ҳам аталади. Оқ Ч. қайта ишланувчи Ч. дейилади, чунки у, асосан, пўлат ишлаб чиқаришга кетади. Оқ Ч. термик ишланиб, юмшатиш йўли б-н болғаланувчан чўян ҳосил қилинади. Ишлаб чиқарилиш усулига кўра, Ч. модификацияланмаган ва графитловчи ёки карбид ҳосил қилувчи қўшимчалар б-н модификацияланган Ч. ларга бўлинади. Оддий кул ранг Ч. СЧ ҳарфлари ва икки хонали иккита сон б-н маркаланади, мас., СЧ12—28 да СЧ ҳарфлари (русча серый чугун сўзларининг биринчи ҳарфлари) кул ранг Ч. эканлигини, 12 сони чўяннинг чўзилишдаги, 28 сони эса эгилишдаги мустаҳкамлик чегарасини ($кг/мм^2$) билдиради. Болғаланувчан Ч. КЧ ҳарфлари ва кетма-кет келадиган иккита сон б-н маркаланади, мас, КЧ50—4 да КЧ ҳарфлари (русча ковкий чугун сўзларининг биринчи ҳарфлари) Ч. нинг болғаланувчанлигини, 50 сони чўзилишдаги мустаҳкамлик чегарасини, 4 сони эса нисбий узайишини (% ҳисобида) англатади. Жуда пухта Ч. БЧ ҳарфлари (русча высокопрочный чугун сўзларининг биринчи ҳарфлари) ва иккита сон б-н маркаланади, мас., БЧ45—5 да 45 сони Ч. нинг чўзилишдаги мустаҳкамлик чегарасини; 5 сони эса нисбий узайишини билдиради. Ч. лар темир рудаларни ва полиметалл рудаларидан домна печларида ишлаб чиқарилади. Домна печларида кул ранг ва оқ Ч. лардан ташқари, ферроқотишмалар деб аталадиган Ч. лар ҳам олинади; бундай Ч. лар таркибида кремний ва марганец миқдорлари одатдаги чўянлардагига қараганда анча кўп бўлади.

Машинасозликда Ч. нинг қуйидаги турлари катта аҳамиятга эга. Алюминий Ч.— таркибида алюминий миқдори кўп бўлган Ч., оловбардош ва коррозиябардош, электротехникада магнитавиймас материал сифатида ишлатилади.

Антифрикцион Ч.— ейилишга чидамли Ч., подшипниклар ва б. ишқаланувчи деталлар тайёрлаш учун ишлатилади. Иссиқбардош Ч.— т-ра кўтарилганда мустаҳкамлиги кам пасаядиган Ч., юқори т-рада ишлайдиган арматуралар ва б. буюмлар тайёрлаш учун ишлатилади. Оловбардош Ч.— юқори т-раларда оксидланишга яхши қаршилик кўрсатувчи Ч.; бу хосса унга кўпроқ миқдорда хром қўшиш йўли б-н ҳосил қилинади, 1100°С гача т-рада ишлайдиган деталлар тайёрлаш учун ишлатилади.. Коррозиябардош Ч.— агрессив муҳитлар — кислота, ишқор ва б. кимёвий турғунлиги юқори Ч.; легирланган Ч. лар жумласига киради. Магнийли Ч.— таркибидаги графит шар шаклида бўлган кул ранг (жуда пухта) Ч.; суюқ Ч. га магний ёки унинг қотишмаларидан қўшиш йўли б-н Ч. графити шар шаклига келтирилади, катта нагрузка тушадиган ва ейиладиган деталлар тайёрлаш учун ишлатилади. Магнитавиймас Ч.— асоси *аустенит* бўлган кўп легирланган Ч.; магнитавий киритувчанлиги жуда кичик, электротехникада ишлатилади.

ЧУЯНГАРЛИК — чўяндан турли буюмлар қуйиш касби. Ч. кишилик жамиятининг энг қадимги даврларида пайдо бўлган. Европа ва Осиёда қадимдаёқ касб сифатида шаклланган. Урта асрларда Россияда Ч. тез ривожланган. Чўянгарлар уруш қуроллари, уй-рўзғор буюмларини қуйиб ясаганлар. Ўрта Осиёда 19-асрнинг охирларидан сусая боради. Ҳар хил чўян буюмлари (мас., обдаста, қозон, милтиқ ва б.) нинг Россиядан кўплаб келтирилиб, Ўрта Осиё бозорларида сотилиши маҳаллий косибларни сиқиб чиқара бошлайди. Чўянгарлар чўян ёки илгари қуйиб ишлатилган чўян буюм синиқларини махсус печкаларда эритиб, турли буюмлар ясаганлар. Бу эса оғир қўл меҳнатини талаб қиларди. Октябрь рев-ясидан сўнг чўян эритувчилар артелларга уюшиб, Ч. меҳнати қисман машиналарда бажариладиган бўлди. Ҳозир кустарчилик шаклини йўқотган. Ч. маҳсулотлари, асосан, з-дларда ва уларга қарашли алоҳида цехларда ишлаб чиқарилмоқда (яна қ. *Металлургия, Чўян*).

ЧУЯНЧИ — Самарқанд обл. Қаттақўрғон р-ни Гирдиқўрғон қ. С. даги қишлоқ. Тельман номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 5 *км*, яқин т. й. станцияси — Каттақўрғон (10 *км*). Аҳолиси 740 киши (1975); пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Зарафшон дарёсидан сув ичади. Саккиз йиллик мактаб, трактор парки, сут-товар фермаси, кутубхона, медпункт бор.

ЧУЯНЧИ — Сурхондарё обл. Шеробод р-ни Киров қ. С. даги қишлоқ. Усмон Юсупов номли с-з терр-ясида. Р-н марказидан 3 *км*, яқин т. й. станцияси — Навшаҳар (40 *км*). Аҳолиси 699 киши (1977); ингичка толали пахтачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Шерободдарёдан сув ичади.

ЧУҚЛИ — Хоразм обл. Шовот р-ни Чўқли қ. С. даги қишлоқ. «Правда» к-зининг марказий қўрғони. Р-н марказидан 15 *км*, яқин т. й. станцияси — Шовот (20 *км*). Аҳолиси 507 киши (1974); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик, шоликорлик, сабзавотчилик, богдорчилик б-н шуғулланади. Шовот канали орқали Амударёдан сув ичади. Қ-з правлениеси идораси, устахона, омбор, гараж, саккиз йиллик мактаб, кутубхона, клуб бор.

ЧУҚМОР — қўл жангида ишлатилган оддий қурол (қ. *Гурзи*).

ЧУҚҚИ, тоғ чўққиси — тоғлар, тоғ массиви, тоғ тизмасининг энг баланд жойи. Ч. лар жинсларнинг қаттиқ-юмшоқлиги ва нураш жараёнига қараб ўткир қиррали, ясси ва б. шаклларда бўлади. Дунёдаги энг баланд Ч. лар — Ҳималай тоғларидаги Жомолунгма (8848 *м*), Қорақорумдаги Чогори (8611 *м*), Помирдаги Коммунизм (7495 *м*), Тяньшандаги Ғалаба чўққиларидир (7439 *м*).


ЧУҒЛАНМА ЛАМПА, электр лампа, лампочка — ёруғлик манбаи; қийин эрийдиган ўтказгичдан электр токи ўтганда чўғланиш натижасида электр энергияси ёруғлик энергиясига айланади.

Биринчи марта 1872 йилда А. Н. *Лодыгин* ихтиро қилган. У ҳавоси сўриб олинган кичкина шиша шар ичига кавшарланган иккита ингичка мис сим орасига жойлаштирилган кўмир стержендан электр токи ўтказиб, ёруғлик ҳосил қилган. 1879 йилда Т. А. *Эдисон* Ч. л. нинг кўпга чидамли конструкциясини яратди. Кейинчалик чўғланиш жисми сифатида қийин эрийдиган металлар ишлатила бошланди ва 1909 йилдан бошлаб вольфрам симли Ч. л. лар ишлаб чиқарила бошланди. 1912—13 йилларда ичига азот ва инерт газлари тўлдирилган, чўғланма сими спирал тарзида тайёрланадиган Ч. л. пайдо бўлди. Кейинги ишлар Ч. л. нинг ёруғлик беришини яхшилашга қаратилди.


Типик Ч. л. нинг тузилиши 1-расмда кўрсатилган. Колба ичида шиша ёки металл штенгелга молибден симдан тайёрланган тутқичлар ёрдамида чўғланиш жисми (вольфрам) маҳкамланган. Спиралнинг учлари электродларга маҳкамланган, шиша куракчанинг зич бирикиши учун электроднинг ўрта қисми платина ёки молибдендан ишланади. Лампанинг колбаси сийраклаштирилгандан сўнг, унинг ичига инерт газ тўлдирилади ва штенгель тумшуқчага пайвандланади. Тумшуқча уни ҳимоя қилиш, лампани патронга ўрнатиш учун цоколь б-н жиҳозланган. Цоколь колбага мастика сими ёрдамида бириктирилади.

Ч. л. ишлатиладиган соҳасига, конструкциясига, чўғланиш жисмига, габаритига қараб классификацияланади (2-расм). Ч. л. *в* нинг улушидан юз *в* кучланишли ва ўнлаб *квт* гача қувватли қилиб ишлаб чиқарилади. Ишлаш муддати 5—1000 соат. Ч. л. ларнинг ёруғлик бериши конструкциясига, кучланишига, қувватига ва ишлаш муддатига боғлиқ бўлиб, 10—35 *лм/вт* ни ташкил этади.

Лит.: Ульмишек Л. Г. Производство электрических ламп накаливания, 5 изд., М.—Л., 1966.



1-расм. Чўғланма лампа схемаси: *1* — шиша колба; *2* — чўғланма жисм; *3* — тутқичлар; *4* — штенгель; *5* — электродлар. *б* — куракча; *7* — цоколь мастикаси; *8* — тумшуқча; *9* — цоколь.



2-расм. Чўғланма лампа турлари; *а* — кинопроекцион; *б* — конда ишлатиладиган; *в* — автомобилда ишлатиладиган.

Ш

Ш — ҳозирги ўзбек алифбосининг 26-ҳарфи. Тилолди, сирғалувчи, жарангсиз ундош *фонеми*ни ифодалайди. Қўлланилиши актив, сўзда ҳамма ўринда келади: шамол, кашта, наққош. Сўз ўртасида жуфт ҳолда ҳам учрайди. Мас., пашша.

ШАБА́ (1972 йилгача — Катанга) — Заир Республикасининг жануби-шарқий қисмидаги провинция. Мамлакатнинг иқтисодий жиҳатдан ривожланган муҳим кон саноати р-ни. Майдони 497 минг *км*². Аҳолиси 3,1 млн. киши (1974). Маъмурий маркази ва энг катта шаҳри — Лубумбаши. Ш. нинг жанубий қисмидан мис минтақаси ўтган; кобальт, мис, уран-радий, марганец рудалари, қалайнинг катта конлари бор. Кон саноати корхоналари Луалаба ва Луфира дарёларига қурилган ГЭСлар энергияси б-н ишлайди. Ликаси, Колвези, Лубумбаши, Луилу шаҳарларида рангли металл эритиш корхоналари бор. Тайёр маҳсулотлар Матади, Лобиту (Ангола), Бейра (Мозамбик), Дор ус-Салом (Танзания) портлари орқали четга жўнатилади.

ШАББУ́Й, левкой (Matthiola) — крестгулдошлар (бутгуллилар оиласи)га мансуб бир йиллик ва кўп йиллик ўсимликлар туркуми. Бўйи 15—80 *см*. Барглари ланцетсимон. Оддий ёки қатма-қат, хушбўй, гуллари шингилларга тўпланган. Ранги ҳар хил. Асл ватани Ўрта денгиз р-нлари. Гулчиликда ёзги Ш. ва қишки Ш. турлари экилади. Ёзги турларининг кўпгина навлари бўлиб, гулзорларда ёки тувакларда ўстирилади. Айниқса оқшомда гуллайдиган Ш. нинг (M. dicornis) бир йиллик тури қадрланади.



Хушбўй шаббўй.

ШАБҚУ́РЛИК (форс-тож. شب — тун, кеча), гемералопия — қоронғида кўриш қобилиятининг бузилиши. Туғма, симптоматик ва функционал Ш. фарқланади. Туғма Ш. кўпроқ болалик ва ўсмирлик даврида кузатилиб, аксарият оилавий-ирсий хусусиятга эга бўлади. Симптоматик Ш. кўзнинг турли органик касалликлари (*глаукома*, кўрув нерви атрофияси, хориоретинит ва ҳ. к.) да касалликнинг бир белгиси сифатида учрайди. Функционал Ш. кўпроқ овқат таркибида витамин «А» танқислиги ёки бўлмаслиги натижасида пайдо бўлади. Баъзан жигарнинг айрим касалликлари, хроник алкоголизм, безгакда витамин «А» алмашинувининг бузилиши, узоқ вақт кўзга ўткир нур таъсир этиши, неврастения ва б. да ҳам функционал Ш. кузатилиши мумкин.

Ш. га кўз тўр пардаси таёқча ҳужайралари (қ. *Кўз*) структурасининг органик ўзгаришлари ёки шу ҳужайра таркибига кирувчи кўз пурпури (родопсин)нинг функционал етишмовчилиги сабаб бўлади. Қўз пурпури оқсилининг витамин «А» б-н ҳосил қилган комплекси бўлиб, кўзнинг қоронғиликка мослашувида муҳим роль ўйнайди. У ёруғлик таъсирида (ретинен ва специфик оқсилга) парчаланади, қоронғида эса (бевосита витамин «А» иштирокида) тикланади ва шу б-н таёқча-ҳужайралар функционал қобилиятини таъминлайди. Ш. да бемор ним қоронғи ёки тузук ёритилмаган хоналарда, куннинг ғира-шира пайтларида ва тунда, ёруғдан қоронғига ўтганда кўра олмай қолади (айни вақтда ёруғликда яхши кўради). Кейинроқ ранг ажрата олмаслик аломатлари намоён бўлади, асосан кўриш майдони торайиб, сўнг кўриш ўткирлиги ҳам пасаяди.

Давоси. Ш. нинг ҳамма формаларида сервитамин (айниқса, витамин «А» га бой) овқатлар (сут, сарёғ, балиқ мойи, жигар, сабзи, кўк пиёз ва ҳ. к.) буюрилади; витамин A_1, B_2 ва РР препаратлари берилади, кўзга интермедин томизилади. Симптоматик Ш. да асосий касалликка даво қилинади. Олдини олиш учун Ш. га сабаб бўладиган касалликни ўз вақтида даволаш, тўғри (рационал) овқатланиш зарур.

Ад.: Кацнельсон А. Б., Витамины и авитаминозы в офтальмологии, Челябинск, 1947.

ШАБЛО́Н (нем. schablone — намуна) — 1) бир шаклдаги нарсалар тайёрлаш учун ясалган намуна; 2) айрим тайёр буюмларнинг шаклини текширадиган мослама, асбоб; 3) кўчма маънода — кўр-кўрона тақлид қилишга асосланган намуна (мас., штамп, трафарет); 4) бир қолипдаги, сийқаси чиққан, чайналган гап, фикр, ибора.

ШАВА́РИН Борис Васильевич (1930. 7. 9, Орск) — ортопед-травматолог, медицина фанлари д-ри (1973). ТошМИни тугатгач (1953), Тошкент обл. Оржоникидзе р-нидаги неврологик санаторияда врач (1953—56), Ўзбекистон Травматология ва ортопедия илмий тадқиқот ин-тида кичик илмий ходим (1957—63), катта илмий ходим (1964—74). 1974 йилдан Ўзбекистон социал таъминот министрлигига қарашли Меҳнат қобилиятини экспертиза қилиш ва инвалидлар меҳнатини ташкил этиш Ўзбекистон илмий тадқиқот лабораториясида илмий ишлар бўйича директор ўринбосари ва клиник эксперт бўлимининг раҳбари. «Ўзбекистонда бош мия фалажини комплекс даволаш» мавзуида д-рлик диссертацияси ёқлаган. Илмий ишлари травматология, ортопедия ва меҳнат қобилиятини экспертиза қилишга бағишланган.

ШАВГО́Н — Бухоро обл. Ромитан р-ни Қалайимиришкор қ. С. даги қишлоқ. Навоий номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 21 *км*, яқин т. й. станцияси — Когон (62 *км*). Аҳолиси 810 киши (1971); пахтачилик б-н шуғулланади. Аму-Бухоро каналидан сув ичади. Ўрта мактаб филиали, медпункт бор.

ШАВҚА́Т — ўзбек шоири ва хаттоти (қ. *Сидқий Хондайлиқий*).

ШАВҚАТЛИ ҚАЛАЙ КОНИ — Оҳангарон дарёсининг ўнг қирғоғидаги Боботоғ интрузивида жойлашган кон. 1967 йили М. А. Аҳмедов очган. Кон геологиясини У. Раҳмедов, И. Ҳ. Ҳамрабоев, А. Сотволдиев ва б. ўрганган.

Ш. қ. к. да қуйи триас даврига мансуб кварц-порфир, гранит-порфир ва уларни ёриб чиққан диабаз-порфирлар бор. Кон магматик жинсларининг гидротермал жараёнда ўзгарган (кварцлашган, серицитланган, хлоритланган, гематитланган) 4 та минераллашган зонасидан ташкил топган. Зоналар узунлиги 250—800 *м*, эни 5—40 *м*. Зоналарда микроклин, серицит, кварц, магнетит, хлорит, касситерит, шеелит, гематит, халькопирит ва б. минераллар бор. Қалай минерали — касситерит кварц, серицит, хлорит ва б. минераллар б-н бир вақтда ҳосил бўлиб, қалай б-н бирга учрайди. Зоналардаги қалайнинг миқдори 0,003% дан 3,6% га етади. Конда вольфрам, сийрак ер элементлари ва б. элементлар ҳам бор.

ШАВЛА́ — қуюқ таом тури. Тайёрлаш усули: гўшт лўнда-лўнда қилиб кесилади, сабзи сомон шаклида, пиёз эса паррак-паррак қилиб тўғралади. Жазига помидор ёки томат қўшилади. Сўнгра сув қуйиб қайнатилади, туз ва зираворлар солиб, таъми ростлангач, ювиб тозаланган гуруч солинади. Суви тортилгач оловдан олиб, қопқоғи ёпилган ҳолда 10—15 мин. дам олдирилади. Тайёр Ш. лаганга сузилади ва бетига кўк пиёз сепилади.

ШАВҚИЙ Аҳмад (1868. 16. 10 — Қоҳира — 1932. 14. 10) — араб шоири. «Амир аш-шуаро» («шоирлар амири») унвонини олган. Ижодида француз классицизми ва романтик поэзияси таъсири сезиларли. Парижда «Булон ўрмони» ва «Улуғ Али-бий ёки Мамлуклар давлати» (1893) асарларини нашр қилдирган. Миср халқи ҳаётидан шеърлар («Нил водийсида содир бўлган йирик воқеалар», 1894), шунингдек, тарихий ва фольклор сюжетлари асосида повесть ва ҳикоялар («Ҳинд ҳур қизи», 1897; «Ладияс», 1899; «Мирта барги», 1904), шеърий пьесалар ёзган. Ш. ижодида ватанпарварлик туйғулари («Лев Толстой ўлимига», 1911), антиимпериалистик гоялар кучли («Кромеру», 1907; «Мустафо Комил», 1908 ва б.). «Ҳокимият халққа!», «Ёшларга» каби шеърларида ва «Қизил озодлик» достонида Ш. мустамлакачиликни, империализмни қоралайди, уларга қарши курашда араб халқларини бирликка чорлайди.

Ас.: Стихи поэтов Египта. М., 1956.

Ад.: Крачковский И. Ю., Избр. соч., т. 3, М.—Л., 1956; Соловьев В., Фильштинский И., Юсупов Д., Арабская литература, М., 1964.

ШАВҚИЙ ҚАТТАҚЎРҒОНИЙ (тахаллуси; исми Муҳаммад Шариф) (1785 — ҳозирги Самарқанд обл. Қаттақўрғон ш. яқинидаги Алижон қишлоғи — 1861) — ўзбек шоири. Араб ва тожик тилларида ҳам ижод қилган. Бухородаги Гавкушон мадрасасини тамомлаган (1815). Ш. К. нинг лирик асарларида, чунончи «...айлаб», «...эттим», «...янглиқ» радифли, «Эй қади сарви сиҳий...», «Ёр ҳажрида кўзум қатраси...», «Кело, хўбларни хўби,...», «Десанг зимрими ханнос...» ва б. да инсондаги гўзал маънавий фазилатлар мадҳ этилган, ҳукмдорлар, бойлар ва руҳонийлар инсоф ва адолатга чақирилган. У ўзининг илғор фикрларини фалсафий мушоҳадалар, баъзан идеалистик иллюзиялар ва диний эҳтиросларни пардасига ўраб берган. Бу борада у Бедил, Навоий, Фузулий, Ҳасрат каби шоирларнинг адабий анъаналарини давом эттирган.

Мусулмончилик қонун-қоидаларининг қисқа мажмуаси — «Мухтасар ул-виқоя» (23 минг

мисра) асарини «Миръот ал-мухтасар» номи б-н назмда тожик тилида шархлаган ва унга лугат ҳам тузган (1839—40). Араб грамматикасига оид «Рисолаи қофия ё миръотун наҳв» асарини ёзган. Возеҳ, *Ноқис, Аҳқар, Мирий* каби шоирлар Ш. К. ғазалларига назира, тазмин ва тахмислар боғлашган. Ш. К. девонлари нусхалари УзССР ФА Шарқшунослик ин-ти (инв. № 1899, 174—2) ва ТожССР ФА Шарқшунослик ин-ти (инв. № 4634—II) да сақланади. Унинг шеърлари турли баёзларга ҳам киритилган. 1972 йилда шоирнинг марқади таъмир этилиб, устига янги мақбара тикланган.

Ас.: Танланган шеърлар, Т., 1964.

Ад.: Ўзбек адабиёти, 5 томлик, 5- т., 1- китоб, Т., 1966.

ШАВҚИЙ НАМАНГОНИЙ (тахаллуси; асл номи Мулла Шамси Мулла Ҳусан ўғли) (1805 — ҳозирги Наманган обл., Тўрақўрғон р-н, Қалвак қишлоғи — 1889) — ўзбек шоири. Шоҳанд (ҳозирги «Ўзбекистон» к-зи терр-яси)даги мадрасада ўқиган. Қишлоқда мирзалик қилган. Бўз тўқиб кун кечирган. Ибрат, Сўфизода, Нодим каби шоирлар ҳамда Россиялан келган рус олимлари б-н яқин муносабатда бўлган. Ижодининг катта қисмини лирикаси ташкил этади. У ғазал, мустазод, мусаддас, мувашшаҳлардан иборат девон тузган. «Боғ ўлса сендек дилбари», «Паришонлар», «Бир гули раъно», «Зебо», «Ишқ сайқали» ва б. шеърларида муҳаббат, инсоний ҳис-туйғу ва кечинмалар, орзу-интилишлар ифодаланган. «Ҳомеъ ул-ҳаводис», «Жангномаи Худоёрхон», «Тарихи Ҳўқанд», «Пандномаи Худоёрхон» каби тарихий достонлари *Худоёрхон* давридаги ижтимоий-сиёсий воқеаларни, турли табақа вакилларининг ўзаро муносабатларини ўрганишда аҳамиятлидир.

Ад.: Каримов Ғ., Шавқий поэзиясининг реалистик кучи, «Шарқ юлдузи», 1963, № 2; Аҳмаджонова Ф., Шавқий Наманғоний, «Ўзбек тили ва адабиёти», 1970, № 4.



Шаварин Б. В.

ШАГИНЯ́Н Мариэтта Сергеевна (1888. 21. 3 (2. 4), Москва) — рус совет адибаси. Филология фанлари д-ри (1946), АрмССР ФА мухбир аъзоси (1950). Социалистик Меҳнат Қаҳрамони (1976). 1942 йилдан КПСС аъзоси. Аёллар олий курсининг тарих-философия ф-тини тугатган (1912). А. Шанявский номидаги Халқ университида ва 30-йилларда Планлаштириш академиясида ўқиган. «Т. Г. Шевченко ижоди» мавзуида д-рлик диссертацияси ёқлаган. «Илк учрашувлар» шеърий китоби 1909 йили нашр қилинган. «Тақдирим» романи (1923) интеллигенциянинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида ҳикоя қилади. «Узгариш» қиссасида (1924) Жанубий Россиядаги гражданлар уруши воқеалари акс этган. 1924—25 йилларда «Жамоа аёлларининг саргузаштлари» асарини ва «Жим Доллар» тахаллуси б-н «Месс-Менд» туркум қиссалари («Петроградда янкилар», «Лори Лэн — металлист», «Багдодга йўл») ни яратди.



Шагинян М. С.

Ш. бир қанча йил Арманистоннинг Дзорагэс қурилишида бўлиб, «Гидроцентраль» романини (1930—31) яратди. Асар социалистик қурилишлар тўғрисида, кишилар ўртасида янгича муносабатларнинг пайдо бўлиши ҳақида ҳикоя қилади. «Нева ипи» (1925), «Торнтон фабрикаси» (1925), «Зангезур миси» (1927), «Совет Арманистони бўйлаб саёҳат» (1950; СССР Давлат мукофоти, 1951), «Чет эл мактублари» (1964) каби бир қанча очерклар ёзди. У адабий портретлар (Г. Б. Якулов,



И. Шадр. «Тош — пролетариат қуроли». 1927.

С. В. Рахманинов ва б. кишилар ҳақида), биографик характердаги китоблар («Т. Шевченко», 1941; «И. А. Крилов», 1944; «Низомий ҳақида этюдлар», 1955 ва б.) ҳам яратган. Ш. ижодида Ленин мавзуи алоҳида ўрин тутади. Ш. га «Ульяновлар оиласи» (1957), «Биринчи Бутунроссия» (1965) роман-хроникалари ва бир қанча очерклари учун Ленин мукофоти берилган (1972). 2 марта Ленин ордени, Октябрь Революцияси ва Халқлар дўстлиги орденлари ва б. 7 та орден ва медаллар б-н мукофотланган.

Ас.: Сбор соч., т. 1—5, М., 1971—73; Ульяновлар оиласи, Т., 1969.

Ад.: Маргарян А. И., Мариэтта Шагинян, унинг «Семь портретов» китобида, Ереван, 1956; Гольдина Р., Ленинская тема в творчестве М. Шагинян, Ереван, 1969; Рус. сов. писатели-прозаики. Биобиблиографич. указатель, т. 6, ч. 1, М., 1969; Серебряков К. Б., Уроки жизни, М., 1977.

ШАДР (аслида Иванов) Иван Дмитриевич (1887. 30. 1 (11. 2), Шадринск ш., ҳозирги Курган обл.—1941. 3. 4, Москва)— рус совет ҳайкалтароши. Екатеринбург бадиий саноат мактабида (1902—07), Парижда (1910—11), Римда (1911—12) таҳсил кўрган. Портрет ва мемориал ҳайкаллар устаси. К. Маркс ва К. Либкнехтларнинг горельеф портретлари (гипс, 1921; бронза, 1961, Третьяков галереясида), В. И. Ленин ҳайкали (бронза, тош, 1927, Грузиянинг Земо-Овчальск ГЭСига ўрнатилган), «Тош — пролетариат қуроли» (гипс, 1927, В. И. Ленин Марказий музейида; бронза, 1947, Третьяков галереясида), «Максим Горький. Бўрон қуши» (бронза, 1939, Третьяков галереясида) ҳайкаллари, Москва учун М. Горький ҳайкали лойиҳаси (бронза, 1939, Третьяков галереясида; В. И. Мухина, З. Г. Иванова, Н. Г. Зеленская томонидан амалга оширилган, 1951 йилда ўрнатилган, СССР Давлат мукофоти, 1952), кўп сонли ёдгорлик, ҳайкаллари инсон характерини яратишга моҳирлигини кўрсатди.

ШАДРИНСК — РСФСР Курган областидаги шаҳар. Исеть дарёсининг чап соҳилида (Обь ҳавзаси). Т. й. станцияси. Аҳолиси 82,2 минг киши (1976). Автомобиль агрегати, полиграфия машиналари, металлургия жиҳозлари ремонти, қурилиш металл конструкциялар, темир-бетон буюмлар, керамзит шағал, ғишт, кўн, пиво з-длари; тикувчилик, кўн атторлик, пойабзал, пийма этик ф-калари; парранда гўшти ва спирт-ароқ к-тлари, т. й. транспорти корхоналари; Педагогика ин-ти, 5 техникум, медицина билим юрти, драма театри, ўлкашунослик музейи бор.

ШАЖАРА (араб. **شجرة** — дарахт), генеалогия — кишиларнинг келиб чиқиши, аждодлари ва қон-қариндошлик алоқалари мажмуи. Уни тарих фанининг бир тармоғи — генеалогия фани ўрганади.

Подшоҳлар, ҳукмдорлар, афсонавий қаҳрамонларнинг насл-насабига қизиқиш қадим замонлардаёқ бўлган, лекин ўрта асрларда Ш. имтиёзли табақаларининг пайдо бўлиши ва уларнинг авлод-аждодларини расмийлаштиришга қизиқишининг кучайиши б-н алоҳида аҳамият касб этган.

Бу ўз навбатида 15-асрдан бошлаб Ш. ўртасидаги никоҳ алоқалари ҳақида гувоҳлик берувчиларнинг пайдо бўлишига олиб келган. Шу даврлардан уруғ ёки бир-бирига яқин бир неча уруғ аъзоларининг насл-насаб дафтарлари тузила бошлади.

Ўрта Осиёда Ш. га оид дастлабки йирик асарлар 15—17-асрларда пайдо бўлди. Айниқса, Абулғозий Баҳодирхоннинг *«Шажараи турк»* ва *«Шажараи тарокима»* номли машҳур асарлари 13—17-асрлардаги мўғул ва турк уруғлари ва ўукмдорлари ҳақида қимматли маълумотлар беради. Ўрта Осиёда насаб дафтарларига хўжалар, саидлар ва б. эга бўлиб, бу ҳужжатлар уларнинг пайғамбар, саҳобалар, тарҳон, беклар наслидан келиб чиққанлигини кўрсатувчи далил сифатида, шунингдек солиқ тўлаш, халқ *ҳашар*ларига чиқиш ва б. ишларда алоҳида имтиёзга, умуман жамият ҳаётида юқори мавқега эга бўлиши учун хизмат қилган. Ш. ҳужжатлари дастлаб шахснинг сиёсий мавқеи туфайли катта поралар эвазига ва «гувоҳлар» иштирокида ҳукмдорлар ҳузурида тузилган ва уларнинг муҳри б-н тасдиқланган, кейинчалик ҳукмдорлар аввалги муҳрларни кўриб, тасдиқлаб бераверишган.

Совет даврида ҳам генеалогия масалалари кўп тадқиқотчиларни қизиқтиради. Уларнинг эътибори Ш. нинг манбашунослик ва генеалогик масалаларига қаратилган. Фан, маданият, ижтимоий тафаккур арбоблари генеалогиясини, жумладан В. И. Ленин ва Ульяновлар оиласи Ш. сини ўрганиш бўйича асарлар нашр этилди.

«ШАЖАРАИЙ ТАРОКИМА» (**شجرهء تراكمه** —«Туркманлар шажараси»)— тарихий асар, муаллифи Абулғозий Баҳодирхон. Эски ўзбек тилида ёзилган (1661). Асар туркманлар томонидан яратилган нақл, афсона, мақол ва маталларга бой. «Ш. т.» рус тилида нашр қилинган (яна қ. *Абулғозий Баҳодирхон*).

«ШАЖАРАИЙ ТУРК», «Шажараи турк ва мўғул» **شجرهء ترك** —«Туркий халқлар ва мўғуллар шажараси»)—тарихий асар, муаллифи *Абулғозий Баҳодирхон*. Эски ўзбек тилида ёзилган. «Ш. т.» 13—17-асрлардаги мўғул ва турк ҳукмдорлари ҳақидаги маълумотларни, хусусан Ўрта Осиё хонликлари, жумладан Хива хонлигининг муаллиф яшаган давргача бўлган тарихини ўз ичига олган. «Ш. т.» Абулғозий Баҳодирхоннинг ўлими туфайли ниҳоясига етказилмай қолган бўлса-да, унинг ўғли Ануша Муҳаммадхон (1663—87) топшириғига мувофиқ урганчлик тарихчи Маҳмуд ибн Муҳаммад Замон томонидан баъзи маълумотлар б-н тўлдирилган. Мазкур асар рус, француз ва немис тилларида нашр қилинган (яна қ. *Абулғозий Баҳодирхон*).

ШАЙР, чанр (Ferula schair Borzez)— соябонгулдошлар (соябонгуллилар оиласи)га мансуб кўп йиллик хушбўй ўт. Илдизи йўғон — этдор. Пояси битта, баъзан икки — учта, юқори қисмидан шохланган. Барг пластинкаси патсимон қирқилган. Гуллари сариқ, шохлар учидаги тўпгулга жойлашган. Тўпгули — мураккаб соябон. Май ойида гуллайди, июлда уруғи пишади. Ўзбекистоннинг Нурота тоғи ва Мирзачўл ҳамда Қизилқумдаги паст тоғларнинг тошлоқ ён бағирларида ўсади. Илдизи таркибида камед-смола, крахмал, баргларида эфир мойи бор. Камед-смола халқ табобатида турли жароҳатларни даволашда, илмий медицинада эса қонни тўхтатувчи малҳам тайёрлашда ишлатилади.

ШАЙБА (нем. Scheibe)— гайка ёки винт каллаги остига қўйиладиган текис ҳалқасимон деталь. Гайкани бураб маҳкамлашда деталь сиртини қирилишдан сақлаб, таянч сиртини кенгайтиради. Гайкаларнинг ўз-ўзидан бураліб кетишига йўл қўймаслик учун қирқма-пружинасимон, кертикли, юлдузчасимон ва б. Ш. лар ишлатилади.

ШАЙБОНИЙЛАР — *Шайбонийлар давлати*ни бошқарган сулола (1500—98). Асосчиси Муҳаммад *Шайбонийхон*. Шайбонийхондан сўнг *Абулхайр*хоннинг ўғли Кўчкинчихон ҳокимлик қилди (1510—30). Кўчкинчихон вафоти ва унинг ўғли Абусаид (1530—33) нинг қисқа муддат ҳукмронлигидан сўнг тахтга Шайбонийхоннинг жияни Убайдуллахон чиқди (1533—39). Ш. ўзларини Темурийларнинг қонуний ворислари деб ҳисоблаб, Сафавийлардан Хуросон ва Темурийлар давлатининг иккинчи пойтахти Ҳиротни тортиб олиш учун муттасил урушлар қилди. *Абдуллохон* II (1534—98) Ш. давлатида энг буюк ҳукмдор бўлган. Унинг даври (1557—98) да хон ҳокимияти бирмунча кучайди. Абдуллохон II нинг ўғли Абдулмўмин қатл қилингандан сўнг Ш. сулоласи тугади. Ш. сулоласининг сўнгги вакили Пирмуҳаммад (1598 йили ҳалок бўлган) қўлида давлатнинг кичик бир қисмигина қолди. Ш. дан кейин ҳокимият *Аштархонийлар* (1599—1753) қўлига ўтди.

Ад.: Бартольд В. В., Шейбаниды, Соч., т. II, ч. 2, М., 1964.

ШАЙБОНИЙЛАР ДАВЛАТИ (1500/1501—1598)— Ўрта Осиёдаги феодал давлат. Пойтахти Самарқанд, сўнг Бухоро (1560 йилдан). Сирдарёдан марказий Афғонистонгача бўлган терр-яни, жумладан *Темурийлар*нинг Туркистон ва Хуросондаги ҳамма мулкларини ўз ичига олган. Ш. д. нинг ташкил топиши Мовароуннаҳрнинг *Шайбонийхон* бошлиқ *кўчманчи ўзбеклар* томонидан босиб олиниши б-н боғлиқ (яна қ. *Шайбонийлар*). Шайбонийхон Эрон шоҳи *Исмоил* I Сафавий б-н бўлган жангда ўлдирилгач (1510), Шайбонийлар ўртасида тахт учун узоқ муддатли феодал урушлари бошланиб кетди. Натижада Ш. д. парчаланиб, Хоразмда мустақил *Хива хонлиги* вужудга келди. Ш. д. га тобе Хуросон вилояти ҳам Исмоил I қўл остига ўтди. Шайбонийлар қўлида фақат Мовароуннаҳр сақланиб қолди. Шайбонийлардан Абдуллохон II (1557—98) феодал тарқоқликка қарши кўп урушлар олиб бориб, Ш. д. ни қайта тиклашга муваффақ бўлди. Бироқ Абдуллохон II даврида ўзларининг сепаратчилик интилишларини яшириб келган ҳарбий-феодал зодагонлар унинг вафотидан сўнг Шайбонийлар сулоласининг сўнгги вакили Абдулмўмин (1598 йили тахтга чиқиб, олти ой ҳукмронлик қилган) ни ўлдирдилар. Улар Бухорода истиқомат қилаётган Абдуллохон II нинг поччаси астраханлик шаҳзода Жонибек султонни хон лавозимига кўтаришга қарор қилдилар. Жонибек бундан бош тортгач, унинг катта ўғли Динмуҳаммадни хон қилиб кўтардилар (бу вақтда у Эрон қўшинлари қамал қилган Обивард шаҳрида эди). Бироқ, Динмуҳаммад Бухорога келаётиб, йўлда ҳалок бўлди. Шундан кейин Бухоро амирлари унинг укаси Боқимуҳаммадни тахтга ўтказдилар. Шу тариқа 1599 йилдан Мовароуннаҳрда ҳокимият *Аштархонийлар* сулоласи қўлига ўтди.

Ш. д. дастлаб мулкларга тақсимланган бўлиб, ҳар бир мулк фақат сулола аъзолари томонидан идора қилинди. Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Балх ва Хисор энг йирик мулклардан бўлган. Шайбонийхон ҳокимиятни мустаҳкамлаб олгач, мамлакат ичида хўжалик ҳаётини тартибга солишга киришди. 1502 йилда *Зарафшон сув айирғич кўприги*нинг қурилиши мамлакат хўжалиги ҳаётида катта аҳамиятга эга бўлди. Ер эгалигини тартибга солиш мақсадида *вақф* ишлари текшириб чиқилди, 1507 йилда пул ислоҳоти ўтказилди: давлатдаги ҳамма йирик шаҳарларда вазни бир хил янги кумуш тангалар ҳамда мис чақа пуллар зарб қилина бошлади. Давлат ерлари қайта тақсимланиб, улар *суюрғол* тариқасида сулола аъзолари б-н бирга ўзбек қабила зодагонларига ҳам бериладиган бўлди.

Ш. д. аҳолиси, асосан, деҳқончилик б-н шуғулланган. Донли экинлардан буғдой, арпа, тариқ, шоли, мош, ноҳот, маккажўхори, ловия, техника ўсимликларидан пахта экилган. Сабзавотлардан пиёз, саримсоқ, туруп, шолғом, полиз экинларидан қовун, тарвуз ва қовоқ етиштирилган. Боғдорчилик, чорвачилик ҳам қ. х. нинг асосий тармоқларидан бири бўлган. Ш. д. да деҳқонлар иқтисодий аҳволлари жиҳатидан бир хил эмас эдилар, кўпчилик деҳқонлар ерсиз бўлиб, ижарага ер олиб деҳқончилик қилганлар. Қишлоқдаги сингари, шаҳарда ҳам ер, асосан, феодалларники бўлган.


Ш. д. да Темурийлар давридаёқ тузилган мураккаб солиқ, тўлов ва меҳнат мажбуриятлари системаси мавжуд эди. Аҳолидан 90 дан ортиқ солиқ ва турли тўловлар олинар эди. Бирин-кетин давом қилиб турган ҳарбий юришлар вақтида меҳнаткаш аҳоли кўприклар қуриш ва қўшинларни озиқ-овқат, от-арава б-н таъминлаб туриш мажбуриятини бажарарди. Савдогарлардан закот ва бож олинарди. Давлат солиғининг асосий қисмини феодал ер рентаси ташкил қилиб, натурал, пул ва ишлаб бериш формасида олинарди.

Ш. д. да ҳунармандчилик бирмунча ривожланди. Бухоро, Тошкент ва Самарқандда рудадан темир б-н бир қаторда чўян қуйиш ҳам йўлга қўйилди, қурол-яроғ, мис ва жез идишлар ясаш, тўқимачилик, қоғоз, совун ишлаб чиқариш, ўймакорлик тараққий қилди. Ҳунармандчиликнинг ривожланиши транзит ва ички савдонинг кенгайишига ёрдам берди. Ш. д. юксалган даврида Россия, Бобирийлар империяси ва б. мамлакатлар б-н кенг кўламда савдо-сотиқ ва дипломатик алоқалар олиб борилди.

Ш. д. да адабиёт, тарих фани, меъморчилик ва тасвирий санъат ҳам равнақ топди, Нисорий, Мутрибий, Муҳаммад Солиҳ, Зайниддин Восифий, Камолиддин Биноий, Абдураҳмон Мушфиқий ва б. шоир ва муаррихлар йирик адабий ва тарихий асарлар яратдилар (мас., «Музаккир ул-аҳбоб», «Тазкират ушшуаро», «Таворихи гузида», «Шайбонийнома», «Зубдат ул-асрор» ва б.). Шайбонийлар ҳукмронлиги даврида мамлакатда илгари қурилган баъзи бинолар тикланди, янги савдо расталари, карвонсаройлар, мақбаралар, мадрасалар, масжидлар қурилди, ариқ ва каналлар қазилди. Карвон йўллари бўйлаб сардобалар бунёд этилди, дарёларга кўприклар солинди.

Ад.: Ахмедов Б. А., Государство кочевых узбеков, М., 1965; Давидович Е. А., Денежная реформа Шейбани-хана. Труды АН ТаджССР, т. 12, 1954; Иванов П. П., Очерки по истории Средней Азии (XVI—сер. XIX вв), М., 1958; Бартольд В. В., Соч., т. II, ч. 1, М., 1963.

«ШАЙБОНИЙНОМА» — *Шайбонийлар давлати* тарихига бағишланган асар. Муаллифи Муҳаммад Солиҳ. Назм б-н ёзилган (бу ҳақда *Муҳаммад Солиҳ* мақоласига қ.).



Шайх Қаландарбобо комплекси.

ШАЙБОНИЙХОН, Муҳаммад Шайбонийхон (1451—1510) — *Шайбонийлар* сулоласи асосчиси, *Абулхайрхон*нинг набираси. *Кўчманчи ўзбеклар давлати*ни қайта тиклаш йўлида кураш олиб борган, бироқ «ўзбек-қозоқ» қабилалари томонидан кучли қаршиликка дуч келган (қ. *Дашти Қипчоқ ўзбеклари*). Бу қабилалар Ш. ни қўллаб-қувватлаган қабилаларни аста-секин жанубга томон сиқиб чиқарганлар. 1480-йилларга келиб кўчманчи ўзбеклар давлатини тиклашга муваффақ бўлди. 1499 йилдан Мовароуннаҳрни забт қилишни бошлади. 1500—01 йилларда Темурийлар давлатининг пойтахтларидан бири бўлган Самарқандни босиб олиб, янги давлат — Шайбонийлар давлатига асос солди. Орадан кўп ўтмай қулай сиёсий шароит — ички ўзаро урушлар, экономика инқирози ҳамда синфий қарама-қаршиликлардан фойдаланиб, бутун Мовароуннаҳр ва Хуросонни забт этди (1507). Ш. бундан кейинги ҳарбий юришларида *Сафавийлар давлати* қаршилигига дуч келиб, жанубга томон силжий олмади. У Марв яқинида Эрон шоҳи Исмоил I Сафавий қўшинлари б-н бўлган жангда мағлубиятга учраб, шу жангда ҳалок бўлган.

Ад.: Бартольд В. В., Шейбаниды, Соч., т. 2, ч. 2, М., 1964.

«ШАЙБОНИЙХОН» — тарихий достон. Ўзбек олими Ходи *Зарифов* бахши *Пўлкан*дан 1927 йилда ёзиб олиб, 1928 йилда нашр эттирган.

Достонда тасвирланишича, Шайбоний Бобирининг вазири Жўрабойни урганликда айбланиб, Самарқанддан ҳайдалади. Ғазаблланган Шайбоний турли халқлардан аскар тўплаб, Самарқандни босиб олади. Бобир эса қочади. Достоннинг иккинчи қисмида халқ орасида кенг тарқалган эртак сюжети Шайбонийхон даврига боғланиб баён этиладй. Савдогар Хўжа Шайбонийхон буйруғи б-н бошқа юртга жўнаётиб, қизи Хуршидойни эшон Бастомга қолдириб кетади. Хуршидой фикри бузуқ эшонни обдаста б-н уради. Аламзада эшон туҳмати б-н қиз чўл-биёбонга ташланади. Овга чиққан Қўқон шаҳзодаси Хуршидойни топиб, унга уйланади. Сўнгра Хуршидой бахши қиёфасида Самарқандга келиб, эшондан ўч олади. Достоннинг бу қисми 1965 йилда «Хуршидой» номи б-н Ҳоди Зарифов томонидан нашр эттирилди.

ШАЙДАКОВ Николай Алексеевич (1892, Ставрополь ўлкаси Пятигорск ш.— 1964) — Туркистонда граждалар урушининг қаҳрамони. 1917 йилдан Компартия аъзоси. Москвадаги Ҳарбий-транспорт академиясини тугатган (1934). 1917 йил ноябрдан Дон ва Кубандаги оқ гвардиячи қўшинларига қарши, 1918 йилдан Оренбург фронтида денгизчилар отрядига раҳбарлик қилиб, Дутовга қарши курашган. 1918 йил баҳоридан Чоржўйда уезд ҳарбий комиссари қилиб тайинланган. Июлда Чоржўй гарнизони унинг командирлигида Ашхободдаги оқ гвардиячиларга зарба берган. 1919 йили Жунайдхонга қарши курашган, Чимбой ва Нукусдаги контрреволюцион исённи бостиришга бошчилик қилган. 1919 йил августдан Хивадаги қўшинлар группаси қўмондони. 1921—23 йилларда Туркистон фронти штабида ишлаган. ХХСР нинг ҳарбий комиссари (1923—25), Қорақалпоғистон обл. ҳарбий комиссари, ҳарбий комиссар ўринбосари, сўнг ТуркмССР территориал бошқармасининг бошлиғи, Ашхобод ш. партия комитетининг раиси, савдо бўйича ТуркмССР нинг Эрондаги мухтор вакили (1925—34). 1934—45 йилларда маъмурий хўжалик ишларида. Урушдан сўнг пенсияда. Хоразм Коммунистик партияси МҚнинг аъзоси. 3 та Қизил Байроқ, ЎзССРнинг Меҳнат Қизил Байроқ ордени ва медаллар б-н мукофотланган.

ШАЙТОН (араб. شيطان ; юнон. satanas сўзидан) — ислом, христианлик ва б. диний таълимотларга кўра, барча ёвузликларни ўзида гавдалантирувчи фантастик образ. Бу образ исломга сомий (семит) халқларининг қадимги эътиқодларидан кириб келган. Қуръонда талқин қилинишича, Ш. ни Оллоҳ оловдан яратган, кейинчалик амрига итоат қилмагани учун уни тошбўронга сазовор (арабча ражим) деб лаънатлаган. Лекин Оллоҳ бандаларини синаб кўриш учун Ш. га муҳлат берган. Шунинг учун у барчани йўлдан оздиришга ҳаракат қилади, Ш. йўлига кирган одам диндан чиқади, деб кўрсатилади.

Қуръонда Ш. нинг синоними сифатида Иблис термини ҳам ишлатилган. Оятлар мазмунидан Иблис Ш. лардан бирининг исми деган тасаввур ҳам келиб чиқади. Ш. сўзи фирибгар, айёр маъноларида ҳам ишлатилади.

ШАЙТОН-ҚОБА — палеолит даврига оид ғор. Боқчасарой (Қрим) яқинидаги Бодрак дарёси водийсида. Ш.-Қ. ярим айлана шийпонга ўхшайди (узунлиги 4 *м*, эни 7 *м*, баландлиги 2 *м*, дарё сатҳидан баландлиги 20 *м*). 1928 йилда С. Н. Бибиков топган. Қазиш жараёнида мамонт, каркидон, от, кийик, шимол тулкиси ва б. ҳайвонларнинг суяклари, чақмоқтош ҳамда ҳайвон суякларидан ясалган *мустье даври* найзасимон қуроллари, турли шаклдаги қирғич, кесгичлар, гардишсимон нуклеуслар, ҳар хил тош парракчалар топилган. Шунингдек сўнгги палеолитга оид призматик нуклеуслар, узун чақмоқтошлар ва б. қирғичсимон тош қуроллар учрайди.

Ад.: Бонч-Осмоловский Г. А., Шайтан-Коба. Крымская стоянка типа Абри-Оди, «Бюлл. Комиссии по изучению четвертичного периода АН СССР», 1930, № 2.

ШАЙТОНКОСА — томатдошлар (томатлар оиласи)га мансуб ўсимлик (қ. *Минегдевона*).

ШАЙТОНЛАР — Хоразм обл. Урганч р-ни Ғойиба қ. С. даги қишлоқ. В. И. Ленин номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 8 *км*, яқин т. й. станцияси — Урганч (4 *км*). Аҳолиси 1511 киши (1976); пахтачилик, чорвачилик, пиллачилик, сабзавотчилик, богдорчилик б-н шуғулланади. Урганч саноат корхоналарида, транспортда ишлайди. Шовот каналидан сув ичади. Ўрта мактаб, кутубхона, клуб, медпункт, алоқа бўлими бор.

ШАЙТОНЛАШ — 1) очиқ формадаги *спазмофилия*нинг халқ орасидаги номи; 2) болаларда гавда т-расининг кўтарилиши б-н боғлиқ касаллик ҳолати. Бу ҳолат 6 ойдан 6—7 ёшгача бўлган болаларда грипп, ангина, юқори нафас йўлларининг катари ва ш. к. иситмали касалликларда (гавда т-раси кўтарилаётганда ёки кўтарилгандан сўнг) кузатилади. Ш. вақтида бола бирдан ҳушдан кетади, юзи кўкаради, кўз соққалари юқорига тортилиб қолади, оғзидан кўпик келади, қўл-оёқ мушаклари тортишади, тиришади, сиёиб қўйиши ҳам мумкин. Бола хуруж охирида уйқуга кетади; уйғонгандан сўнг ҳушига келади. Бироқ Ш. да *эпилепсия* (тутқаноқ) дагидан фарқли равишда организм ўзгаришлар содир бўлмайди. Ш. вақтида бош миядаги нерв ҳужайраларининг функционал хусусиятларигина ўзгаради: ҳужайралар тез сув йиғиб, шишади. Ш. қолдиқсиз ўтиб кетади.

ШАЙХ (араб. شيخ — кекса, оқсоқол) — ислом дини тарқалган мамлакатларда йирик билимдон кишилар, олимлар (мас., Ибн Сино шайх ур-раис унвонига эга бўлган), руҳонийлар, уламолар унвони. Арабларда исломдан илгари уруғ, қабила бошлиқлари, катта патриархал оила оқсоқоллари Ш. деб аталган. Мусулмон мамлакатларида ҳозир ҳам Ш. олий диний мактабларнинг мударрислари ва йирик уламоларга нисбатан қўлланилади. Урта Осиёда Ш. кўпинча муқаддаслаштирилган мозорлар ва қадамжойларда садақа ва назр-ниёз ҳисобига яшайдиган руҳонийлар табақасига нисбатан ишлатилган.

ШАЙХ ЗАЙНИДДИН БОБО МАҚБАРАСИ (13—14-асрлар) — Тошкентдаги архитектура ёдгорлиги. Шаҳарнинг Октябрь р-ни терр-ясида, қабристон ўртасидаги баландликка жойлашган гумбазли бино бўлиб, атрофида бошқа ҳар хил бинолар (тобутхона, чиллахона, ошхона, айвонли мачит, чортоқ ва б.) бор. Фасади жануби-шарққа қаратилган, кўчадан унга қўшимча биноларни бирлаштирувчи хиёбон орқали келинади. Тарҳи тўртбурчак (16×18 *м*), баландлиги 20,7 *м*, ҳамма томонлари пештоқли. Мақбара марказида шайх Зайниддин сағанаси, бурчакларида бошқа шахсларнинг қабрлари бор. Мақбаранинг жануби-ғарбий пештоқидаги ёзувга кўра ҳижрий 1339 йилда (милодий 1920—21) таъмир қилиниб, мақбаранинг эски ғиштлари янги ғиштлар (26×12×6 *см*) б-н алмаштирилган, гумбази квадрат (24×24×5 *см*) ғиштдан терилган.

ШАЙХ МУХТОР ВАЛИ МАҚБАРАСИ (14-аср) — Хоразм обл. Янгиариқ р-нидаги архитектура ёдгорлиги. Чапаев номидаги к-з терр-ясида. Кўп хонали мақбара бўлиб, археологик қазишлар, архитектура шаклларининг таҳлили шайх Мухтор Вали вафоти (1287) дан кейин бир ёки икки гумбазли дахма қурилганини, кейинчалик ҳужрали хонақо бунёд этилганини кўрсатади. Шайхнинг хотини ва яқин кишилари учун ҳам мақбаралар қурилган. Катта зал (9×9 *м*) нинг бурчакларидан, шимол ва жануб томонларидан ҳужраларга кирилади. Гумбаз остидаги квадрат тарҳдаги бу катта зални тўрт дарча ёритиб туради. Кичик залнинг ҳам бурчакларида ҳужралар бўлиб, шуларнинг бири зиёратхона. Икки дахма ҳам гумбазли. Мақбара ҳажми ҳар хил квадрат ғиштлардан қурилган. Ёғоч ўймакорлиги б-н нафис безатилган 4 эшик сақланган, буларнинг бирида уни ишлаган устанинг номи ёзилган (усто Зайниддин ибн Одина Муҳаммад). 14—19-асрлар мобайнида бир неча марта (сўнгги марта 1807—28 йилларда) таъмир қилинган.

ШАЙХ УЛ-ИСЛОМ — муайян мамлакатдаги барча ислом ташкилотлари бошлиғи — олий руҳоний унвони. Бухоро хонлиги, Туркия (16 асрдан 1924 йилгача) ва б. давлатларда Ш. у.-и. энг олий диний лавозим. Бундай лавозим ва унвон хорижий Шарқ мамлакатларининг баъзиларида учраб туради. СССР даги ислом ташкилотларидан фақат *шиалик*ка мансуб Закавказье мусулмонлари диний бошқармаси раҳбари Ш. у.-и. унвони б-н иш юритади. *Суннийлик*ка мансуб бошқармаларнинг раҳбарлари *муфтий* унвонига эга.

ШАЙХ ҚАЛАНДАРБОБО КОМПЛЕКСИ (19-аср) — Хивадаги архитектура ёдгорлиги. Комплекс бир қаватли мадраса, минора, мақбарадан иборат. Асосий бино, ривоятларга қараганда, 16-асрда яшаган шайх Қаландарбобонинг мақбараси бўлиб, квадрат бир хона (6,2×6,2 *м*) ли, гумбаз б-н ёпланган. Мадраса 1894 йилда қурилган (тарҳи 32×32 *м*), ҳовлили (15×15 *м*). Минора (асосининг диаметри 6 *м*) юқорига томон ингичкалашиб боради, учида шарафа ишланган.

ШАЙХ ҲАСАН САБРОНИЙ МАҚБАРАСИ (12 аср — 14-асрнинг бошлари) — Хоразм обл. Шовот р-нидаги архитектура ёдгорлиги. Қурилиш тарихи аниқланмаган. Шайх Ҳасан Саброния, ривоятларга қараганда, 12-асрда яшаган. Тадқиқотлар бинонинг 14-аср бошларида бунёд этилганини кўрсатади. Бино ҳозир вайрона ҳолида (гумбази 1937 йилда қулаб тушган). Мақбара квадрат тарҳда бўлган (умумий саҳни 9,1×9,7 *м*, зали 6×6 *м*), шарқий фасадида пештоқ бўлган. Бино қурилишида 23×23×3,5—4 *см* лик ғишт ва ганч қоришмадан фойдаланилган.

ШАЙХАТОЛА — Фарғона обл. Риштон р-ни Сўх қ. С. даги қишлоқ. «Сўх» с-зи терр-ясида. Р-н марказидан 62 *км*, яқин т. й. станцияси — Фурқат (74 *км*). Аҳолиси 1047 киши (1976); чорвачилик, полизчилик, сабзавотчилик б-н шуғулланади. Сўх дарёсидан сув ичади. Урта мактаб, медпункт, болалар яслиси бор.

ШАЙХЗОДА Мақсуд (1908. 25. 10 (7. 11), ОзССР Оқдош ш.—1967. 19. 2, Тошкент) — ўзбек совет ёзувчиси, олим ва педагог. УзССР да хизмат кўрсатган санъат арбоби (1964). 1960 йилдан КПСС аъзоси. Врач оиласида туғилган. 1921—25 йилларда Бокудаги Дорилмуаллимин (педагогика билим юрти)да Абдулла Шоиқ, Ҳусаин Жовид каби машҳур шоирлардан таълим олган. Сўнг Доғистондаги Дарбанд, Бўйнак ш. ларида ўқитувчилик қилган. Боку Педагогика ин-ти сиртқи бўлимини тугатган (1933).

Ш. 1928 йилда Тошкентга кўчиб келиб, умрининг охиригача шу ерда яшади. Наримонов номли мактабда дарс берди, «Шарқ ҳақиқати», «Қизил Ўзбекистон», «Ёш ленинчи» газеталарида ишлади. 1933—35 йилларда УзССР халқ комиссарлари қошидаги Фан комитети аспирантурасида ўқиди. А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт ин-тида илмий ходим (1935—38). 1938—67 йилларда Низомий номидаги Тошкент Педагогика ин-тида ўзбек адабиётидан дарс берди. Ўзбек тилидаги дастлабки «Трактор» шеъри 1929 йилда «Шарқ ҳақиқати» газетасида босилди. Биринчи шеърлар тўплами «Лойиқ соқчи» 1932 йили нашр қилиниди. Сўнг «Ун шеър», «Ундошларим» (1938), «Учинчи китоб» (1934), «Жумҳурият» (1935), «Ун икки», «Янги девон» (1937), «Сайлов қўшиқлари» (1938) шеърий тўпламлари босилди.

Ш. рус классик поэзиясидан, айниқса, В. В. Маяковский ижодидан таъсирланиб, ўзбек шеъриятида эркин вазнни қўллай бошлади. Айни чоқда рус поэзияси анъаналари б-н шарқ поэзияси фазилатларини чамбарчас қўшиб юборишга муваффақ бўлди. Натижада, Ш. поэзиясининг тематик диапазони кенгайди, ҳаёт б-н алоқаси кучайди. Социалистик қурилиш соҳасида эришилаётган оламшумул ютуқлар, ўлкамизнинг гўзал табиати, оддий одамларнинг кундалик турмуши, меҳнати ва муҳаббати. Ш. шеърларидан марказий ўрин ола



Шайхзода.



М. Шайхзода китобларидан намуналар.



Шайхов Э. Т.

бошлади. Ш., айниқса, янги совет кишисининг бой маънавий дунёсини ўзига хос, такрорланмас рангларда очиб беришга интилди. Шеърларида жўшқин публицистик руҳ фалсафий теранлик б-н қўшила бошлади. «Ўртоқ мулк» (1933), «Чироғ» (1936). «Ўртоқ», «Мерос», «Тупроқ ва ҳақ», «Ленинном» каби поэмаларида революцион кунлар романтикаси, социалистик қурилишлар пафоси куйланди. Ш. достонлари 30-йиллар ўзбек совет адабиётида поэма жанри ривожида салмоқли ўрин тутди.

Улуғ Ватан уруши йилларида Ш. нинг «Кураш нечун?» (1942), «Жанг ва қўшиқ», «Кўнгил дейдики» (1943) каби шеърий тўпламлари, «Ўн бирлар», «Женя», «Учинчи ўғил» достонлари эълон қилинди. Бу асарлар чуқур замонавий руҳ б-н суғорилган. Уларда шоир совет кишиларининг юксак ватанпарварлигини, фашист босқинчиларига нафратини, коммунистик партияга садоқатини ифодалади ва ғалабанинг муқаррарлигини куйлади. «Оқсоқол» достони Узбекистоннинг биринчи президенти Йўлдош Охунбобоевга бағишланган. Унда шоир халқ оқсоқолининг ёркин ва ҳаққоний образини чизишга муваффақ бўлган.

Урушдан кейинги йилларда Ш. нинг «Юрт шеърлари» (1948), «Замон торлари», «Олқишларим» (1949), «Йиллар ва йўллар» (1961), «Шеърлар» (1964) каби шеърий тўпламлари босилди. Бу китоблар Ш. ижодида янги ғоявий-бадиий кўтарилиш содир бўлганини кўрсатди. Шоир асарларида Ленин, коммунизм, партия мавзуи марказий ўринлардан бирига чиқди. Ш. нинг «Хиёбон» тўпламига кирган энг яхши шеърлари чуқур фикрларга, теран поэтик умумлашмаларга, нозик-шоирона кузатишларга, самимий ҳис-туйғуларга бой. Ш. лирикасида совет кишисининг ички олами ҳаққоний, бутун мураккаблиги б-н очилган.

«Тошкентнома» (1958) лирик-фалсафий поэмаси қаҳрамони — Тошкент, тошкентликлар ва шоирдир. Асарда лирик қаҳрамон ўз тақдирининг шаҳар тақдири, эл тақдири б-н бирлигини ҳис қилади. Поэма чуқур замонавий руҳ б-н суғорилган. Унда социалистик Тошкентнинг янги қиёфаси ва замондошларимизнинг маънавий дунёси мукаммал очилган.

Ш. поэзиясида ғоявийлик ва бадиийлик бирбири б-н қўшилиб кетган. Жўшқин эҳтирос, оригинал фикрлар, кутилмаган образлар, оташин публицистик руҳ, рус ва шарқ классик поэзияси традицияларидан ижодий ўрганиш, кенг савия, чуқур билим — ҳаммаси қўшилиб, Ш. поэзиясининг ўзига хос, такрорланмас хусусиятларини вужудга келтирди.

Ш. нинг биринчи драмаси «Жалолиддин» (1944) да ўзбек халқининг чет эл босқинчиларига қарши кураши акс этган. Драмада мўғул истилочиларига қарши курашга раҳбарлик қилган Хоразмшоҳ Жалолиддин Мангуберди ва халқ саркардаси Темур Малик образлари марказий ўринда туради. Асарда қаҳрамон дунёқарашидаги чекланишлар, феодал муҳитининг ички зиддиятлари, истилочиларнинг разил қиёфаси тўғри очиб берилган.

Ўзбек драматургиясининг катта ютуғи бўлган «Мирзо Улуғбек» трагедиясида Улуғбек қаётининг сўнгги икки йили тасвирланган. Асарнинг асосий конфликти Улуғбек бошчилигидаги маърифатпарвар прогрессив кучлар б-н Хўжа Аҳрор раҳбарлигидаги реакцион кучлар ўртасидаги аёвсиз курашдир. Бу кураш драмада инсон тафаккури б-н жаҳолат ўртасидаги азалий кураш даражасига кўтарилади. Ш. шу кураш жараёнини тўла ва чуқур оча бориб, ўша давр феодал тузуми устидан ҳукм чиқаради: Улуғбекнинг фожиасини ижтимоий тузумдаги зиддиятдан излайди. Шоҳ олимни, олим шоҳни инкор этадиган замонда ўз шахсида ҳам олимни, ҳам шоҳни бирлаштирмоқчи бўлган инсоннинг фожиасини кўрсатади.

«Мирзо Улуғбек» трагедиясида Шекспир анъаналаридан фойдаланилган бўлса-да, воқеалар ва характерлар заминидаги трагизмнинг ижтимоий моҳиятини атрофлича очиш борасида бу асар Шекспир трагедияларидан кескин фарқ қилади.

Ш. улуғ ўзбек олими Абу Райҳон Беруний ҳақида драматик асар яратишга киришган эди. Лекин асар ниҳоясига етмай, чала қолган. Ш. Алишер Навоий ижоди ҳақида бир қанча йиллар тадқиқот ишлари олиб борди ва бир қатор йирик илмий мақолалар, монографиялар («Навоийда лирик қаҳрамоннинг характеристикасига доир», 1947; «Навоийнинг бадиий услуби ҳақида», 1958; «Устоднинг санъатхонасида», тўрт мақола, 1965—66; «Ғазал мулкининг султони», 1960) яратди. Унинг Бобир, Муқимий, Фурқат ва б. ижоди ҳақидаги илмий тадқиқотлари ҳам диққатга сазовор. Ш. А. С. Пушкиннинг «Моцарт ва Сальери» драмасини, «Мис чавандоз» достонини, М. Ю. Лермонтов ва Н. А. Некрасов шеърларини, В. В. Маяковскийнинг «Владимир Ильич Ленин» ва «Жуда соз» поэмаларини, Ш. Руставели, Низомий, Фузулий, Мирза Фатали Охундов, Шекспир, Байрон, Гёте, Эсхил, Эзоп ва б. нинг айрим асарларини ўзбек тилига таржима қилди.

Ас.: Генial шоир, Т., 1941; Ун беш йилнинг дафтари, Т., 1947; Чорак аср девони, Т., 1958; Хиёбон. Т., 1967; Асарлар, 6 томлик, Т., 1969—74; Избранное М., 1958; Три улыбки. Стихи, Т., 1961; Ласточки на проводах, М., 1967.

Ад.: История узб. совет лит-ры, М., 1967; Зокиров М., Маҳсуд Шайхзода. Адабий-танқидий очерк, Т., 1969; Шомансур Ю., Шайхзода-бунёдкор шоир, Т., 1972; Ғафуров И., Ўртоқ шоир. Маҳсул Шайхзода ижодиёти, Т., 1975; Шарафиддинов О., Шоир қалби дунёни тинглар. «Узбек адабиёти масалалари» китобида, Т., 1962.

ШАЙХИСЛОМ — Андижон обл. Олтинкўл р-ни Қўштепасарой қ. С. даги қишлоқ. «Коммунизм» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 25 *км*, яқин т. й. станцияси — Шаҳрихон (13 *км*). Аҳолиси 503 киши (1976); пахтачилик, сабзавотчилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Шаҳрихонсойдан сув ичади. Саккиз йиллик мактаб, медпункт бор.

ШАЙХОВ Эркин Турдиевич (1927. 13. 11, Тошкент) — совет-партия ходими, проф. (1977). 1947 йилдан КПСС аъзоси. Тошкент Қишлоқ хўжалик ин-тини битирган (1948). УзЛКСМ МҚ аппаратида масъул ходим (1948—51), Узбекистон КП МК қ. х. бўлимида инструктор, УзЛКСМ Тош. обл. комитети секретари (1951—54), Узбекистон КП Тошкент обл. комитетида бўлим бошлиғи ўринбосари (1954—55), Бўка р-н партия комитети иккинчи (1955), биринчи (1955—59) секретари, Тошкент обл. партия комитети секретари (1959—62), обл. Ижроия комитети раиси (1962—71), УзССР Қишлоқ хўжалиги министри (1971—75). 1975 йилдан Тошкент Қишлоқ хўжалиги ин-ти ректори ва қ. х. экономикаси кафедраси мудири. Иқтисод фанлари кандидати (1969). Илмий ишлари, асосан, пахтачилик экономикасига бағишланган. КПСС 24—25-съездлари делегати, Узбекистон КП 17—18-съездларида Узбекистон КП МК аъзоси. 7-чақириқ СССР Олий Совети, 5—9-чақириқ УзССР Олий Совети депутати. Ленин ордени, Октябрь Революцияси ордени, 2 та Меҳнат Қизил Байроқ ордени ва медаллар б-н мукофотланган.

Ас.: Хлопководство Узбекистана за 50 лет, Т., 1973; (Т. Г. Зинин, Г. А. Габриельяну ва б. б-н биргаликда): «Планы развития хлопководства». Проблемы развития народно-хозяйственного хлопкового комплекса китобида, М., 1975.

ШАЙХОЛИ — Қашқадарё обл. Косон р-ни Ленин қ. С. даги қишлоқ. Ленин номли с-з терр-ясида. Р-н марказидан 20 *км*, яқин т. й. станцияси — Қарши (7 *км*). «8-март» ариғидан сув ичади. 1978 йилдан *Қашқадарё* шаҳар посёлкаси.

ШАЙХОНТОВУР (асли — Шайх Хованди Тоҳур) — Тошкентдаги архитектура ёдгорлиги. Ҳозиргача сақланган 3 мақбарадан иборат комплекс. *Юнусхон мақбараси* (15-аср) комплексдаги муҳим ёдгорлик бўлиб, пештоқининг юқори қисми ва гумбази вайрон бўлган. Қалдирғочбий мақбараси ва ёнма-ён икки кичик бинодан (бу бинолар ҳам гумбаз б-н қопланган) иборат бўлган Шайх Хованди Тоҳур мақбараси (19-аср) ҳам анча шикастланган, гумбазлари бузилган. Бу бинолар УзССР Министрлар Советининг Архитектура ишлари бошқармаси ихтиёрида бўлиб, муҳофаза этилмоқда.

ШАЙХОНТОВУР ГЭС — *Чирчиқ-Бўзсув ГЭСлари каскадининг* станцияларидан бири. Тошкент ш. да. ГЭС қурилиши 1951 йилда бошланган. Қуввати 1 минг *квт* дан бўлган 2 та агрегати 1953 йилда ва қуввати 1,6 минг *квт* бўлган учинчи агрегати 1954 йилда ишга туширилган. Агрегатларнинг турбиналари тик радиал-ўқли.

Турбинага сув қабул қилувчи 3 камерадан ва каналнинг чап қирғоғида жойлашган ортиқча сув ташлагичдан иборат босим ҳавзаси, улар оралиғида харсангтош, қум ва соғ-тупроқ қатламларидан қурилган тўғон, станция биноси ва сувни пастки каналга йўналтирувчи иншоотлар ГЭСнинг асосий гидротехника иншоотларидир, ГЭСда ҳосил қилинган электр энергия 35 *квт* кучланишдаги электр узатиш линияси орқали Узбекистон энергетика системасига узатилади.

ШАЙҚАЛА — ҚҚАССР Амударё р-ни Куйбишев овул Советидаги қишлоқ. Ленин номли к-з терр-ясида. Манғит-Қипчоқ автомобиль трассаси бўйида. Р-н марказидан 8 *км*, яқин т. й. станцияси — Тошҳовуз (42 *км*). Аҳолиси 509 киши (1975); пахтачилик, чорвачилик, пиллачилик, богдорчилик, токчилик, сабзавотчилик б-н шуғулланади. Қипчоқарна каналидан сув ичади. Саккиз йиллик мактаб, клуб, кутубхона бор.

ШАКАР (санскритча шаркара) — қ. *Қанд.*

ШАКАР — Фарғона обл. Охунбобоев р-ни Охунбобоев қ. С. даги қишлоқ. Ленин номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 24 *км*, яқин т. й. станцияси — Марғилон (46 *км*). Аҳолиси 817 киши (1975); пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Жанубий Фарғона каналидан сув ичади.

ШАКАР МОДДАСИ — углеводород ҳосилалари; таркибида спирт группалар (карбиноллар) б-н бир альдегид ёки бир кетон группа бўлади, булар альдозалар ва кетозалар дейилади; умумий формуласи: $(CH_2O)_n$, бунда $C_6H_{12}O_6$ — гексозалар ёки монозалар, $C_{12}H_{22}O_6$ — сахаробиозалар, $C_{18}H_{22}O_{16}$ — сахаротриозалар дейилади.

ШАКАРАНГУР — ўртапишар, хўраки ва майизбоп узум нави. Тупи кучли ўсади. Барги ўртача, тўғарак, кертикли, силлиқ. Гули икки жинсли, июлнинг иккинчи ярми — августда пишади. Узум боши катта (бўйи 25—26 *см*, эни 10—13 *см*), цилиндрсимон, ҳовол. Ғужуми ўртача, думалоқ, оқ, пўсти юпқа, серэт, сершира. Таркибида 24—26% қанд, 3,3—4% кислота бор. Гектаридан 100—200 *ц* ҳосил олинади. Узбекистоннинг ҳамма областларида ўстирилади.

ШАКАРБУЛОҚ — Қашқадарё обл. Деҳқонобод р-ни Деҳқонобод қ. С. даги қишлоқ. «Деҳқонобод» с-зи терр-ясида. Р-н марказидан 8 *км*, яқин т. й. станцияси — Ғузор (45 *км*). Аҳолиси 603 киши (1974); чорвачилик, боҳорикор ғаллачилик б-н шуғулланади. Булоқлардан, сойлардан сув ичади. Саккиз йиллик мактаб бор.


ШАКАРЖУЙ — Қашқадарё обл. Ульянов р-ни Муғлон қ. С. даги қишлоқ. «20-партсъезд» с-зи терр-ясида. Р-н марказидан 10 *км*, яқин т. й. станцияси — Косон (30 *км*). Аҳолиси 1160 киши (1971); пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Обиҳаёт каналидан сув ичади. Ўрта мактаб бор.

ШАКАРПАЛАК — ўртапишар қовуи нави. Оқ ва қизил хиллари бор. Оқ Ш. уруғи униб чиққач, 70—80 кунда пишади. Шакли чўзиқ — тухумсимон, ўртача катталикда, оғирлиги 2—4 *кг*. Сирти текис, тўрлари йирик, ўртача дағал, оч яшил. Пўсти қаттиқ, этининг қалинлиги 4—4,5 *см*, оқ, мулойим, карсиллайди. Таркибида 8—14% қанд бор. Уруғи ўртача, оч сариқ. Қизил Ш. уруғи униб чиққач, 80—95 кунда пишади. Шакли чўзиқ тухумсимон ёки цилиндрсимон, оғирлиги 3—4 *кг*. Сирти тўр б-н қопланган. Туси яшил, оқиш лимон ранг. Пўсти қаттиқ. Эти зарғалдоқ, қалинлиги 3,8—4,5 *см*, карсиллайди, таркибида 9—13% қанд бор. Хушхўр. Уруғи ўртача, сарғиш. Гектаридан 200—300 *ц* ҳосил олинади. Фарғона ва Тошкент областларида экилади.

ШАКАРҚАМИШ (Saccharum) — бошоқдошлар (ғаллагуллилар оиласи)га мансуб кўп йиллик, қанд (шакар) моддали ўсимликлар туркуми. Пояси тик, баланд (6 *м* гача). Рўваги йирик, бошоғи узун туклар б-н ўралган, гули икки жинсли. 5 тури бор. Ўрта Осиё, Афғонистон, Покистон, Бирма, Хитой, Япония ва б. жойларда учрайди. Ватани Жанубий-Шарқий Осиё. Асосан, S. officenarum тури экилади. Ҳиндистонда мил. ав. 3-минг йилликда, Яқин Шарқ, Ўрта денгиз мамлакатлари ва Хитойда мил. 6-асрда ўстирилган. 15-асрда Азор ва Қанар оролларига, кейинчалик Испаниядан Куба ва Мексикага келтирилган. СССРда бир йиллик ўсимлик сифатида Тожикистоннинг Вахш водийси, Узбекистоннинг Сурхондарё областида экилади. 1947 йилда Деновда Ш. етиштирадиган махсус с-з тузилган.



Шакарқамиш.



Шайхонтовур ГЭС.



Шакурова М.



Шаландин В. С.



Шаляпин Ф.

Ш.— ёруғ ва намталаб, иссиқсевар ўсимлик; тупроқни танлайди; ботқоқлик ва сизот сувлари юза жойлашган ерларда яхши ўсмайди. Ш. экиладиган ернинг гектарига соф ҳолда 150—250 *кг* азот, 150—200 *кг* фосфор, 60—120 *кг* калий солинади. Ш. қаламчасидан кўпайтирилади. Қаламчаси февраль-мартда, оралиғи 0,9—1,4 *м* ли эгатларга 8—10 *см* чуқурликда экилади. Усув даврида 12—15 марта суғорилади, 4—6 марта культивация, 3—4 марта чопиқ қилинади. Ҳосили октябрнинг иккинчи ярмида йиғилади. Гектаридан 450—500, баъзан 800 *ц* ҳосил олинади. Пояси таркибида 8—10% (баъзиларида 20%) гача қанд бор. Ш. дан ром тайёрланади. Саноат чиқиндиларидан қурилишда ва ёқилғи сифатида фойдаланилади.

Ад.: Поляруш Е. И., Сахарный тростник и его культура на юге Средней Азии, Душанбе, 1959.

ШАКЛ — қ. *Мазмун ва шакл.*

ШАКУРОВА Мансура (1937, Татаристон АССР, Елабуга р-ни)— ишчи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони (1966). 1966 йилдан КПСС аъзоси. 1956 йилдан «Мирзачульсовхозстрой» трестида ишчи, бўёқчи. 1965 йилдан 12-кўчма механизациялашган колоннанинг бўёқчилар бригадаси бошлиғи. Мирзачўлни ўзлаштиришдаги катта хизматлари учун қаҳрамон унвонига сазовор бўлди. Ленин ордени ва медаллар б-н мукофотланган.

ШАЛАНГ (Potamogeton perforatus)— рдестдошлар (рдестгуллилар онласи)га мансуб кўп йиллик ўт. Илдизпояси узун, ўрмаловчи, шохланган, сувга чўккан ҳолда ўсади. Пояси узун, диаметри 0,5 *см*, бўғим оралиғи 2—10 *см*. Барглари яшил, бандсиз, оддий, думалоқ ёки чўзиқ тухумсимон. Ён баргчалари оқимтир, ингичка, калта, тезда тўкилади. Тўпгули бошоқсимон. Гуллари икки жинсли. Чангчи ва уруғчиси 4 тадан. Тугунчаси бир уяли. Майдан октябргача гуллаб мевалайди. Тўпмеваси қийшиқ тескари, тухумсимон. СССРнинг қарийб ҳамма ерида, жумладан Ўзбекистонда чучук сувли кўл, ҳовуз, канал ва ариқларда тарқалган. Уруғи, қисман, барглари сув паррандалари учун озуқа.

ШАЛАНДИН Вальдемар Сергеевич (1924. 14. 12, Тошкент—1943. 6. 6)— гвардиячи лейтенант, Совет Иттифоқи Қаҳрамони (1944. 10. 1, вафотидан сўнг). ВЛКСМ аъзоси. П. С. Рибалко номидаги Тошкент танк қўшинлари олий билим юртини тамомлаган (1942). Улуғ Ватан урушида 1-гвардиячи танк бригадаси 2-танк батальони взводининг командири. Ш. 1943 йили Яковлево қишлоғи (Курск—Белгород йўли яқинида)ги мудофаа жангларида қаҳрамонлик кўрсатган ва ҳалок бўлган. Уша ерда Ш. га ҳайкал ўрнатилган. Тошкентдаги 80-мактаб Ш. номи б-н аталган.

Ад.: Жўраев Т. Ж., Ватаннинг содиқ фарзандлари, Т., 1964; Мардлик-мангулик, Т., 1970.

ШАЛДИРОҚЛАР, чиридоқ пашшалар, гул пашшалари (Syrphidae)— қисқа мўйловли икки қанотлилар кенжа туркумига, мансуб ҳашаротларнинг бир онласи. 4 минггa яқин тури маълум. Шундан СССРда 600 га яқини учрайди. Асосан, тропик мамлакатларда кўп. Катталиги 5—15 (баъзан 25) *мм*. Усимликлар, жумладан маданий экинлар гулини чанглатишда катта аҳамиятга эга. Турли уруғ вакиллари ҳар хил ривожланади. Мас., сирфис уруғи вакиллари ва б. йиртқич Ш. нинг личинкаси ўсимлик битлари б-н озиқланиб фойда, бошқа турлари (пиёз шалдироқлари) пиёзли ўсимлик қисмларини еб зарар келтиради ва ҳ. к.

ШАЛИФ, Водий Шалиф— Жазонирдаги энг катта дарё. Узунлиги Водий Туил дарёси б-н бирга 700 *км* чамасида. Жабал Амур (Саҳрои Кабир Атласи) тоғларидан бошланиб Урта денгизга қуйилади. Ҳавзасининг майдони 35 минг *км*². Дарё ўзани ёзнинг кўп қисмида қуриб ётади. Кузги ва қишки ёмғирлар мавсумида тўлиб оқади. Дарёда бир йилда оққан сувнинг миқдори 120 млн. *м*³. Ш. дарёсига иккита — Гриб, Фодда сув омборлари ва ГЭС қурилган. Дарё сувидан суғоришда кенг фойдаланилади.

ШАЛЯПИН Фёдор Иванович [1873. 1 (13). 2, Қозон — 1938. 12. 4, Париж]— рус хонандаси, опера солисти (бас), рус вокал санъатининг йирик намояндаси. РСФСР халқ артисти (1918). Д. Усатов шогирди. Саҳна фаолиятини Тифлисда бошлаган (1893—94). 1895 йилдан Петербург ва Москва опера театрларида куйлаган. Чиройли ва кучли овоз ҳамда кенг кўламли саҳнавий истеъдодга эга бўлган Ш. рус ва Ғарбий Европа композиторлари операларида образларни ҳаққоний, чуқур психологик тарзда талқин қилган. Мас., Борис, Досифей (М. Мусоргский, «Борис Годунов», «Хованшчина»), Иван Грозний (Н. Римский-Корсаков, «Псковлик қиз»), Мефистофель (Ш. Гуно, «Фауст», А. Бойто, «Мефистофель»), Дон Базилио (Ж. Россини, «Севилия сартароши») ва б. У. М. Горький таъсирида илғор кишилар б-н яқинлашган, ишчиларга концертлар берган, инқилобий қўшиқлар ижро этган. Октябрь рев-ясидан кейин театр-музика маданияти қурилишида қатнашган. У камер асарлар, шунингдек рус халқ қўшиқларининг моҳир ижрочиси сифатида ҳам танилган. Ш. талқинида М. Глинка, А. Даргомижский, П. Чайковский, Р. Шуман, Ф. Шуберт ва б. композиторларнинг романслари ўзининг етук ифодасини топган. Опера режиссёри ҳам бўлган. 1922 йилдан чет элда яшаган. Эмиграцияда яшаган даврида янги саҳнавий образлар яратмаган.

Ад.: Шикулин Л., Федор Шаляпин, М., 1954; Розенфельд С., Повесть о Шаляпине, М., 1957; Федор Иванович Шаляпин. Ред-составитель Е. А. Грошева, т. 1—2. М., 1957—1958.

ШАМ — ёруғлик кучи бирлиги. Халқаро бирликлар системаси (СИ) даги еттита бирликнинг бири. Ҳозирги вақтда кандела деб аталади. Белгиси *кд* (*cd*). (1967 йилда ўлчов ва оғирликлар 13-Бош конференциясида қабул қилинган). Кандела — тўла нурланғич кесимининг 1/600000 *м*² юзасидан шу кесимга перпендикуляр йўналишда платинанинг 101325 *н/м*² босимда қотиш т-раси (2042°К) га тенг т-рада нурланғич чиқарган ёруғлик кучи. 1 халқаро шам = 1,005 кандела.

ШАМАЕВ Эргаш (1927, ҳозирги Сурхондарё обл. Бойсун р-ни Хомкон қишлоғи)— чорвадор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони (1966). 1967 йилдан КПСС аъзоси. Шеробод р-нидаги Ленин номли к-зда (1946—57). Термиз р-нидаги Таллимарон с-зида (1957—58), 1958 йилдан Бойсун р-нидаги «Сайроб» с-зининг 1-фермасида бош чўпон. Отаридаги совлиқларнинг ҳар 100 тасидан 144 (1965), 149,1 (1966) қўзи олган. Ленин ордени, Октябрь Революцияси ордени ва медаллар б-н мукофотланган.

ШАМАЕВА Муҳаббат (асл исми Люба) (1944. 12. 5, Бухоро)— ўзбек ашулачиси, УзССР халқ артисти (1978). 1963—65 йилларда Узбекистон Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетининг мақом ансамбли, 1965 йилдан эстрада симфоник оркестри хонандаси. Ш. репертуарларидан ўзбек оғзаки профессионал («Савти Чоргоҳ», «Чапандози қаландарий» ва б.) ва халқ («Танавор-1, 2», «Фаргонача» ва ҳ. к.) қўшиқлари, бастакор ва композиторлар яратган қўшиқлар («Тошкент наҳори», «Йўлларим», «Кўчалар», «Бухоро»), айниқса, эстрада қўшиқлари («Мирзачўл ёр-ёри», «Моҳигул», «Тонг навоси», «Тошкент метросида» каби) асосий ўрин эгаллаган. У қардош халқлар (тожик, озарбайжон, қозоқ, қримтатар, рус ва ҳ. к.), чет эл (турк, эрон, ҳинд, араб) қўшиқларини ҳам ижро этади. Ш. ижоди ўзига хос услуби б-н ажралиб туради. Чет мамлакатларда гастролларда бўлган.

ШАМАК— бошоқдошлар (ғаллагуллилар онласи)га мансуб бегона ўт (қ. *Курмак*).

ШАМАНИЗМ, шаманлик (эвенк тилида шаман — руҳоний)— ибтидоий диний эътиқод шаклларидан бири. Ёвуз ва эзгу руҳларга, уларнинг инсон ҳаётига таъсир кўрсатишига ишониш Ш. асосини ташкил этади. Ш. да унинг руҳонийлари — шаманлар бевосита ва ҳамманинг ҳузурида руҳлар б-н алоқа боғлай оладиган, бўлажак воқеаларни олдиндан айтиб бера оладиган шахслар деб, уларга сиғинилади.

Махсус кийим кийган, чилдирма ушлаган ва бошқа хилма-хил нарсалар тақинган шаманнинг халқ ўртасида рақс тушиб ва жазавага кириб руҳлар б-н «алоқа боғлаши» ва улардан маълум йўл-йўриқ олиши Ш. нинг асосий маросими ҳисобланади. Шунинг учун бу диний эътиқодда оддий диндорларга белгиланган кенг маросимчилик элементлари ва ибодатхоналар йўқ.

Кенг маънода Ш.— барча халқларда учрайдиган ибтидоий эътиқоднинг мустақил шакли; тор маънода — қадимдан Сибирда яшаган халқларнинг дини. Ҳозир ҳам Сибирь халқларининг маълум қисми орасида ўтмиш сарқити сифатида ўз таъсирини сақлаб келмоқда, бу халқларнинг социалистик қурилишга, фан ва маданиятга кенг жалб этилиши жараёнида Ш. таъсири йўқолиб бормоқда.

ШАМАНҚИРҒИЗ — Қашқадарё обл. Яккабоғ р-ни Қишлик қ. С. даги қишлоқ. «Правда» к-зи терр-ясида. Р-н маркази ва яқин т. й. станцияси — Яккабоғ (8 *км*). Аҳолиси 1014 киши (1974); пахтачилик, боғдорчилик, полизчилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Яккабоғдарёдан сув оладиган Хўжаилгари ариғидан сув ичади. Саккиз йиллик мактаб, медпункт бор.

ШАМАТ — Андижон обл. Марҳамат р-ни Шукурмерган қ. С. даги қишлоқ. Ильич номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 8 *км*, яқин т. й. станцияси — Асака (33 *км*). Аҳолиси 1411 киши (1976); пахтачилик, чорвачилик, полизчилик, шоликорлик б-н шуғулланади. Жанубий Фарғона каналидан сув ичади. Саккиз йиллик мактаб, болалар боғчаси, медпункт бор.

ШАМАТОН — Қашқадарё обл. Шаҳрисабз р-ни Шаматон қ. С. даги қишлоқ. «Ленинград» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 6 *км*, яқин т. й. станцияси — Китоб (12 *км*). Аҳолиси 689 киши (1974); пахтачилик, полизчилик, боғдорчилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Оқдарёдан бошланадиган Мўминобод ариғидан сув ичади. К-з маданият уйи, ўрта мактаб, кутубхона, касалхона, дорихона, алоқа бўлими бор.

ШАМБА — Қашқадарё обл. Шаҳрисабз р-ни Мўминобод қ. С. даги қишлоқ. «Правда 25 йиллиги» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 14 *км*, яқин т. й. станцияси — Китоб (12 *км*). Аҳолиси 617 киши (1974); пахтачилик, полизчилик, боғдорчилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Оқдарёдан сув ичади. Саккиз йиллик мактаб, пионер лагери бор.

ШАМБУЛОҚ — Самарқанд обл. Пастдарғом р-ни Болотош қ. С. даги қишлоқ. Р-нинг шимоли-ғарбида, Ленин номли к-з терр-ясида. Р-н маркази ва яқин т. й. станцияси — Жума (23 *км*). Аҳолиси 778 киши (1974); пахтачилик, полизчилик, сабзавотчилик, боғдорчилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Янгиариқ канали орқали Қорадарёдан сув ичади. Ремонт устахонаси, машина-трактор парки, сут-товар фермаси, саккиз йиллик мактаб бор.

ШАМИЛ АЛЯДИН (Алядинов Шамил Сентович) (1912. 12. 6, Қрим обл. Боқчасарой р-ни Маҳульдур қишлоғи)— татар совет ёзувчиси. УзССРда хизмат кўрсатган маданият ходими (1974). 1941 йилдан КПСС аъзоси. Тошкент Меднорация (1931—33) ва Кечки педагогика (1953—55) ин-тларида ўқиган. Марказий Чирчиқ қурилишида (1934—35) ва Симферополдаги «Ени дунья» («Янги дунё») газетасида (1935—36) ишлаган. Қрим Ёзувчилар союзи правлениеси раиси (1939—41). Улуғ Ватан уруши қатнашчиси (1941—45). 1945 йилдан Ўзбекистон Ёзувчилар союзида қримтатар адабиёти совети раиси. Илк шеърлар тўплами «Ер кулди» 1932 йили Қримда нашр қилинган. 1935 йилда «Қизил казакнинг қўшиғи» шеърлар тўпламини яратди. «Сенмисан, ўғлим» (1937), «Кемада» қиссаларида (1937) Чирчиқстрой ёш ишчилари ҳаёти, Астрахань фронтидаги афсонавий юришлар ҳақида ҳикоя қилинган. «Нарвон» қиссасида (1940) янги, совет интеллигенциясининг эски, буржуа идеологиясига қарши кураши акс этган.

Улуғ Ватан урушидан сўнг «Човуш ўғли» (1957), «Тасалли» (1957), «Уксинманг, Соният!» (1970), «Қор бўрони тингандан сўнг» (1975) каби бир қанча қиссалар яратди. «Агар севсанг» (1959), «Чироқлар тонггача ёнади» (1969) романларида Чирчиқ электрохимия комбинати қурилиши ва ўзбек шахтёрларининг мардонавор меҳнати тасвирланган. «Ҳурмат Белгиси» ордени ва медаллар б-н мукофотланган.

Ад.: Қўшжонов М., Шамил Алядин, Т., 1973.



Шамаев Э.




Шамаева М.



Шамил Алядин.

ШАМОЗИТ [Швейцариядаги Шамозон (Chamoson) қишлоғи номидан]—1) минерал, варақсимон силикатларнинг кичик синфига мансуб темирли *хлорит*. Кимёвий таркиби (Fe, Al, Mg)$_3$ [Si, Al)$_4$O$_{10}$]·(OH)$_2$ (Fe, Mg)$_3$ (O, OH)$_6$. 30% дан ортиқ темир оксиди бор; 2) бертьерин, септешамозит, септехлоритлар гуруҳига мансуб минерал. Кимёвий таркиби (Fe^{2+}, Fe^{3+}, Al, Mg)$_6$[Si, Al)$_4$O$_{10}$] (OH)$_8$. 40—45% темир оксиди бор. Ҳар иккала минерал бирга учраши мумкин ва уларни бир-биридан ажратиш қийин. Ш. оолитлар, тупроқсимон жинслар тарзида бўлади. Ранги яшилсариқ, кўк, кул ранг-қўнғирдан қорагача. Қаттиқлиги 3; с. оғ. 3—3,3. Гиперген. Ш. денгиз қирғоқларида темирга бой чўкиндиларда ҳосил бўлади. Ш. нураш натижасида оксидланади ва темир гидрооксидларини ҳосил қилади. Баъзан катта тўпламлар тарзида учрайди. *Темир рудалари* таркибига киради.



1-расм. Шамол двигатели иш органларининг ташқи кўриниши: *а* — карусель: *б* — ротор; *в* — барабанли.


СССРда — Шимолий Урал ва Шимолий Кавказда, чет элларда — Франция, Буюк Британия, ГДР, ЧССРда Ш. конлари бор.

ШАМОЛ — ҳавонинг атмосферадаги ҳаракати. Одатда, Ш. деганда ҳавонинг горизонтал эсиши тушунилади. Баъзан, вертикал Ш. ҳам бўлади. Вертикал ҳолатдаги кучли Ш. айрим ҳоллардагина, мас., конвекция кучли тараққий этган булутларда ёки тоғларда — ҳаво ён бағир бўйлаб пастга ҳаракат қилгандагина юзага келади. Ш. босим горизонтал нотекис тарқалган пайтда атмосферадаги т-ранинг ҳар хил бўлиши оқибатида пайдо бўлади.

Ш. тезлиги ва йўналиши б-н характерланади. Ер юзасидаги Ш. тезлиги анемометр б-н ўлчанади ва *м/сек*, *км/соат* ёки бурчаклар б-н ифодаланади. Ш. йўналиши флюгер, вимпел, шамол конуси ва б. ёрдамида аниқланади ва шамолнинг қайси томондан эсгани азимут б-н кўрсатилади. Ш. йўналиши градус ёки 16 румбали система бўйича румбалар б-н ифодаланади. Эркин атмосферада Ш. йўналиши ва тезлиги учувчи шарларни теодолит ва радиотеодолит кузатишлар ёрдамида ўлчанади. 5—8 *м/сек* тезликдаги Ш. ўртача, 14 *м/сек* тезликдаги Ш. эса кучли Ш. ҳисобланади; 20—25 *м/сек* тезликдаги Ш. довул (шторм), 30 *м/сек* тезликдаги Ш. бўрон (ураган) дейилади. Ш. нинг бирданига 20 *м/сек* гача кескин кучайиши қасирға (шквал) дейилади. Тропик циклонларда айрим қаттиқ шамоллар тезлиги 100 *м/сек* гача етиши мумкин. Ер юзасида, баъзан, бутунлай шамол бўлмай сукунат (штиль) юз беради. Тропосферада юқори кўтарилган сари Ш. тезлиги кучаяди. 8—10 *км* баландликда 60—70 *м/сек* дан ҳам ошиб кетади.

ШАМОЛ ДВИГАТЕЛИ — шамолнинг кинетик энергиясидан фойдаланиб, механик энергия ҳосил қиладиган *двигатель*. Ш. д. нинг иш органи сифатида ротор, парракли барабан, шамол ғилдираги ва ш. к. дан фойдаланилади.

Иш органининг типига ва унинг шамол оқимига нисбатан вазиятига қараб, Ш. д. карусель (роторли), қанотли ва барабанли хилларга бўлинади (1-расмга қ.). Карусель Ш. д. да иш органининг айланиш ўқи вертикал жойлашган бўлади. Шамол ўқнинг бир томонига жойлашган парраклари босади, қарши томондаги парраклар эса махсус мосламалар ёрдамида шамолга қирраси б-н туриб қолади. Бунда парракнинг айланма тезлиги шамол тезлигидан ошмагани учун самарасизроқ, қўполроқ, шамол энергиясининг 15% механик энергияга айланади. Қанотли Ш. д. да ўқ шамол йўналишига нисбатан горизонтал ва парллел жойлашади (2-расм). Бундай Ш. д. кенг тарқалган, унда шамол энергиясининг 48% механик энергияга айланади. Барабанли Ш. д. да барабан вали шамол оқимига нисбатан горизонтал ва перпендикуляр жойлашган бўлади. Қанотли Ш. д. нинг узатиш механизми пастда ва юқорида (каллакда) жойлашган хиллари бор. Каллак бураладиган таянчга монтаж қилиниб, у шамол оқимига қараб ўққа нисбатан бурила олади. Ш. д. қуввати шамол ғилдирагининг диаметрига, шамолнинг тезлигига боғлиқ. Ш. д. да 0,042—151,1 *квт* гача энергия олиш мумкин. Асосан *шамол энергетика қурилмасида* ишлатилади.



2-расм. Қанотли шамол двигатели (Д-18 типли): *1* — шамол ғилдираги; *2* — юқориги редуктор; *3* — виндраза; *4* — вертикал вал; *5* — пастки редуктор; *6* — иш машиналари.

Ад.: Фатеев Е. М., Ветродвигатели и ветроустановки, 2 изд., М., 1957; Шефтер Я. И., Рождественский И. В., Ветронасосные и ветроэлектрические агрегаты, М., 1967.

ШАМОЛ ОҚИМЛАРИ — шамолнинг сув юзасига таъсири натижасида океан ва денгизларда пайдо бўладиган юза оқимлар (қ. *Дрейф оқим*).

ШАМОЛ ЭЛЕКТР СТАНЦИЯСИ (ШЭС) — шамол оқимининг кинетик энергиясини электр энергияга айлантирувчи қурилма. ШЭС шамол двигатели, электр токи генератори, генератор ва двигателнинг ишини бошқарувчи автоматик қурилма ҳамда улар ўрнатиладиган иншоотлардан иборат. ШЭСдан, кўпинча, шамол оқимининг ўртача йиллик тезлиги юқори (5 *м/сек* дан катта) бўлган ва марказлаштирилган электр таъминот тармоқларидан узоқда жойлашган р-ларда (мас., Урта Осиёда — дашт, чўл ва чала чўлларда) электр энергия манбаи сифатида фойдаланиш мумкин. ШЭС ни иссиқлик электр станцияси б-н биргаликда ишлатиш анча самаралидир (ШЭС ишламайдиган, яъни шамол бўлмаган вақтларда резервдаги иссиқлик энергиясидан фойдаланилади). Дунёда биринчи ШЭС (қуввати 8 *квт*) 1929—30 йилларда СССРда (Курск ш. да) қурилди. 1950 йилларда СССРда 30 *квт* ли бир қанча ШЭС, шунингдек кўп агрегатли 400 *квт* ли ШЭС (Қозоғистонда) барпо этилди. Францияда 640 *квт* ли ШЭС ишлаб турибди. Энг катта қувватли (1,2 *Мвт*) ШЭС АҚШда қурилган. ЮНЕСКО нинг маълумотига кўра, дунёда 70 мингдан ортиқ ШЭС бор (1967).

ШАМОЛ ЭНЕРГЕТИКА ҚУРИЛМАСИ (ШЭҚ) — шамол оқимининг кинетик энергиясини бошқа бирор энергия турига айлантирувчи техник ускуналар комплекси. ШЭҚ шамол агрегати (шамол двигатели ва у б-н битта комплектни ташкил этувчи бир ёки бир неча иш машинаси), аккумуляция ёки разерв қурилмаси (у кўпинча резерв двигатели хизматини ҳам бажаради) ва қурилмани автоматик ростловчи ва бошқарувчи системадан иборат. Аккумулятор сифатида сув тўлдириладиган катта идиш ёки электр кимёвий аккумулятор батареялари қўлланилади. Шамол бўлмаган пайтда ёки шамолнинг тезлиги пасайиб, унинг қуввати камайиб қолган пайтда қўшимча двигателлар (асосан, ички ёнув двигателлари) қўлланилади. Автоматик бошқариш ва ростлаш системаси шамол кучи, режими ва нагрузканинг катта-кичиклигига, аккумулятор зарядига қараб шамол ва иссиқлик двигателлари ишини мувофиқлаштириб туради. ШЭҚнинг назарий қуввати шамол ғилдирагининг диаметри ва шамол тезлигига қараб 100 *вт* дан 1000 *квт* гача бўлади. Унинг турларидан бири *шамол электр станциясидир*.

Ад.: Фатеев Е. М., Ветросиловые установки. М., 1959; Шефтер Я. И., Рождественский И. В., Ветронасосные и ветроэлектрические агрегаты, М., 1967.

ШАМОЛ ЭНЕРГЕТИКАСИ — фан ва техниканинг шамол энергиясидан механик, электр ва иссиқлик энергияси олишда фойдаланиш усулларини, назарий асосларини ишлаб чиқувчи ва халқ хўжалигида шамол энергиясидан фойдаланиш тармоқлари ҳамда йўлларини белгиловчи соҳаси. Шамол энергиясидан Қуёш ва сув энергияси б-н бирга қўшиб фойдаланиш катта аҳамиятга эга. Шамолнинг кучи унинг тезлигига боғлиқ бўлиб, тезлик енгил шабада тезлигидан кучли шамол тезлигигача (60—80 *м/сек*) бўлади. СССРнинг бутун терр-яси бўйича шамол энергиясининг ресурслари 10,7 *Гэт* (млрд. *квт*) га тенг деб чамаланади; у йилига $65 \cdot 10^{18}$ *ж* ($18 \cdot 10^{12}$ *квт. соат*) энергия бериши мумкин. Шу энергиянинг бир неча % игина ишлатилса, мамлакатимизнинг энергияга бўлган анча-мунча талабини қондириш мумкин.

Шамол кўп бўладиган зоналарга қараб турли тип *шамол энергетика қурилмаси* қўлланади. Шамол энергиясининг афзаллиги арзон ва битмас-туганмаслиги бўлса, камчилиги шамол тезлигининг доимо бир хилда бўлмаслигидир.

Ад.: Вопросы ветроэнергетики, (сб. ст.), М., 1959.

ШАМОЛЛАР ГУЛИ (метеорологияда) — маълум жойдаги шамол режими (йўналиши)ни ифодалайдиган график. Одатда, кўп йиллик кузатишлар асосида ойлик, мавсумий ва йиллик қилиб тузилади. Горизонтнинг асосий румбалари (йўналишлари) бўйлаб бир марказдан таралган нур шаклидаги чизиқларнинг узунлиги шу йўналишда эсган шамолларнинг қандайдир қийматига (уларнинг такрорланишига, ўртача тезлигига, шу икки миқдорнинг кўпайтмасига ва ҳ. к. га) пропорционал бўлади. Векторларнинг учлари синиқ чизиқлар ёрдамида бирлаштирилади (расмга қ.).

ШАМОЛЛАШ — организм ёки бирор органнинг совуққа чалиниб касалланиши. Ҳаво ҳароратининг пасайиши, намлигининг ортиши ва б. омиллар Ш. га сабаб бўлади. Ш. кишининг куч-қувватини ва организмнинг микробларга қарши курашиш қобилиятини сусайтиради. Халқда Ш. деганда кўпинча нафас йўли касалликлари: тумов, катар, бронхит, трахеит, зотилжам ва ҳатто грипп кабилар тушунилади. Ш. нинг умумий белгилари: кишининг эти увишади ёки совқотади, аксиради, бурни ачишиб сув келади, иситмаси чиқади, боши оғриб, лоҳас бўлади, дармони қурийди.

Бирор орган шамоллаганда кўпинча унинг нерв томирлари ва мушаклари яллиғланиб оғрийди, мас., радикулит, ишиас, миальгия, невралгия, юз нерви фалажи ва б. Ш. организм сезувчанлигининг ортиши б-н кечадиган (аллергик) касалликлар, мас., бўғим ревматизми, айрим хроник хасталикларга, мас., хроник нефрит ва б. зўриқишига сабаб бўлади.

ШАМОЛЛИ — Сурхондарё обл. Денов р-ни Хайробод қ. С. даги қишлоқ. «Ғалаба» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 16 *км*, яқин т. й. станцияси — Хайробод (2 *км*). Аҳолиси 702 киши (1974); пахтачилик, чорвачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Бошланғич мактаб, трактор парки бор.

ШАМОЛЛИ ОРОЛЛАР, Кариб оролларн — Вест-Индиядаги бир группа вулкан оролларн. Кичик Антил оролларининг шарқий қисми. Кариб денгизини шарқ томондан ўраб туради. Майдони 6 минг $км^2$ чамасида. Аҳолиси 1100 минг киши (1972). Энг йирик ороллари: Гваделупа, Мартиника, Доминика, Сент-Люсия, Сент-Винсент, Гренада, Антигуа; аксари Буюк Британия, Франция ва Нидерландияга қарашли. Йирик ороллариниг рельефи, асосан тоғлик (энг баланд жойи 1586 *м*, Доминика о. даги Дьяблотен вулкани). Оролларда сўнмаган вулканлар бор. Иқлими тропик пассатли, сернам иқлим. Табиий ўсимликлари деярли қолмаган. Шакарқамиш, цитрус ўсимликлар, какао, банан плантациялари бор. Йирикроқ шаҳарлари: Фор-де Франс (Мартиника о.), Пуэнт-а-Питер ва Бас-Тер (Гваделупа о.).

ШАМОЛСИЗ ОРОЛЛАР, Жанубий Антил оролларн — Кариб денгизидаги Кичик Антил оролларининг жанубий қисми. 64° г. у. дан ғарбда жойлашган. Аруба, Кюрасао, Бонайре ороллари Нидерландияга, Авес, Лос-Рокес, Орчила, Бланкилья ва Лос-Эрманос оролларн Венесуэлага қарашли. Майдони 1200 $км^2$ чамасида. Аҳолиси 230 минг киши (1972), аксари негр ва мулатлар. Энг баланд жойи 372 *м*.

Йирик ороллариниг замини метаморфик ва кристалли жинслардан тузилган, усти вулкан ва чўкинди жинслар б-н қопланган. Иқлими субэкваториал иқлим. Йиллик ёғин 500—600 *мм*. Қуруқ ўрмон ва бутазорлар бор. Жўхори, батат экилади, банан ўстирилади; қўй ва эчки боқилади. Энг йирик шаҳри ва порти — Виллемстад. Кюрасао ва Аруба оролларида Венесуэладан келтирилган нефтни қайта ишловчи з-длар бор. Денгиздан марварид олинади.


ШАМОЛХЎЖА — ҚҚАССР Амударё р-ни Крупская овул Советидаги қишлоқ. «Ленинизм» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 20 *км*, яқин т. й. станцияси — Тошҳовуз (23 *км*). Аҳолиси 781 киши (1975); пахтачилик, чорвачилик, пиллачилик, богдорчилик, токчилик б-н шуғулланади. Манғитарна каналидан сув ичади.

ШАМПИНЬОН — пластинкалилар оиласига мансуб хўраки замбуруғ (қ. *Қўзидумба*).


ШАМРАЙ Галина Яковлевна (1931. 5. 10, Тошкент) — спортчи, спорт гимнастикаси бўйича жаҳон чемпиони (кўпкурашда) (1954). Тошкент Педагогика ин-тини тугатган (1952). 1949 йилдан СССР терма командаси сафида мусобақаларда қатнашган. СССР спорт мастери (1949). 1951 йил Берлиндаги ёшлар ўйинида команда мусобақаларида 1-ўринни, 1952 йил СССР биринчилигида кўпкураш бўйича мусобақаларда 3-ўринни, 1953 йил Руминиядаги ёшлар ўйинида кўпкураш бўйича мусобақаларда 2-ўринни ва кўпкурашнинг алоҳида турлари бўйича мусобақаларда 1-ўринни, 15-Олимпиада ўйинлари (1952, Хельсинки) да команда мусобақаларида 1-ўринни эгаллаган. 1953 йили кўпкурашнинг алоҳида тури бўйича мусобақада СССР чемпиони. 1956 йилдан тренерлик ишида.

ШАМС (араб. شمس) — *Қуёш*нинг арабча номи.


ШАМСИДДИН КУЛОЛ МАҚБАРАСИ (14—15-асрлар) — Шаҳрисабздаги архитектура ёдгорлиги. Амир Темурнинг пири шайх Шамсиддин кулол дафн этилган (1370). Мақбара тўғри тўртбурчак тарҳда (12,1×10,6 *м*) қурилган бўлиб, гумбази сақланмаган, кейинчалик ясси том б-н ёпилган. Бино квадрат шаклдаги (26×26,5×5 *см*) пишиқ ғиштдан қурилган, деворлари бир неча марта сувалиб, дастлабки




Иссиклик резерви оўлган Д-20 ярим автоматик шамол электр станцияси.



Шамол гули графиги.



Шамсиддин кулол мақбараси.



Шамсиддинов Ф.

безакларини ҳам, қиёфасини ҳам қисман йўқотган. Сувоқлар тагида *Кўк гумбаз* безагига ўхшайдиган кошин қолдиқлари учрайди. Мақбара ичида тўғри тўртбурчак дахма мармари ўйма нақш б-н жозибадор безатилган.

Ад.: Маньковская Л. Ю., Архитектурные памятники Кашка-Дарьи. Т., 1971.

ШАМСИДДИН САМАРҚАНДИЙ, Шамсуддин Муҳаммад ибн Ашраф ал-Ҳусайний ас-Самарқандий (13-аср)— самарқандлик математик олим, файласуф. Геометрия ва фалсафа илмлари бўйича бир қанча асарлар ёзган. Жумладан, унинг «Ашкол ат-таъсис фи-л-ҳандаса» («Геометрия илмида шакллар асоси», ЎзССР ФА Шарқшунослик ин-тида қўл ёзмаси сақланади, инв. № 3373/III) номли асари *Евклид геометриясининг* бир қанча масалаларига бағишланган; бу асарда *Евклид*нинг «Фигураларнинг бўлиниши ҳақида»ги асаридан 35 та геометрик фигура келтирилган. Мазкур асарга самарқандлик олим *Қозизода Румий* (14-аср) «Шарҳ ашкол ат-таъсис фи-л-ҳандаса» («Ҳандаса илмида шакллар асосига шарҳ») номли шарҳ ёзган. Ш. С.— мантиққа оид «Рисола фи одоб ал-баҳс» («Баҳс одоби ҳақида рисола»), «ал-Қустос» («Тарози») ва «Айн ан-назар фи-л-мантиқ» («Мантиқ илмида узоқни кўриш») номли асарларнинг ҳам муаллифи.



Шамсиддинов Ф. Ш.

ШАМСИДДИНОВ Фазлиддин (1916. 13. 1, Бухоро)— ўзбек дирижёри, ЎзССР (1965) ва ҚҚАССР (1973) халқ артисти. 1961 йилдан КПСС аъзоси. Москва Ўзбек опера студиясини (1941), Тошкент консерваториясини (1956) тугатган. Ўзбек давлат музикали театрида дирижёр ва актёр (1929—32), Янгийўл музикали драма ва комедия (кейинчалик «Тошсовет» номидаги) театрида бош дирижёр ва музика раҳбари (1942—48), Муқимий номидаги Ўзбек давлат музикали театрида бош дирижёр (1948—53), Ўзбек давлат симфоник оркестрида (1953—56), А. Навоий номидаги Опера ва балет театрида (1941—42 ва яна 1956 йилдан) дирижёр (1956—61 йиллари бош дирижёр). Шунингдек, Ш. «Ўзбекфильм»да дирижёр (1955—71), 1958 йилдан Тошкент консерваториясида ўқитувчи (1966 йилдан доцент) ҳамдир. Ш. «Тоҳир ва Зуҳра» (С. Абдулла пьесаси; Т. Жалилов музикаси), «Полтавалик Наталька» (И. Котляревский; Н. Лисенко) каби музикали драмалар, «Лайли ва Мажнун» (Р. Глиэр, Т. Содиқов), «Майсаранинг иши» (С. Юдаков), «Кармен» (Ж. Бизе), «Суғд элининг қоплони» (И. И. Акбаров) сингари опералар, «Момақалдироқ сўқмоқларидан» (Қ. Қораев), «Франческо да Римини» (П. Чайковскийнинг симфоник фантазияси асосида), «Ботайёрлашда фаол қатнашган ва дирижёрлик қилган. У Ўзбекистон композиторлари (М. Бурҳонов, И. И. Акбаров, С. Юдаков, С. Бобоев ва б.) симфоник асарларининг биринчи ижрочисидир. 2 марта Меҳнат Қизил Байроқ ордени, «Ҳурмат Белгиси» ордени ва медаллар б-н мукофотланган.



Шамсиев П.

ШАМСИДДИНОВ Фахриддин Шамсиддинович (1907. 22. 11, Фарғона)— совет-партия ходими, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони (1972), ЎзССР да хизмат кўрсатган ирригатор, 1942 йилдан КПСС аъзоси. Тошкент Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари ин-тини тамомлаган (1935). Фарғонада мактаб ўқитувчиси (1924—29), Фарғона водийсида ирригация ва мелиорация соҳасида турли раҳбарлик лавозимларида ишлаган. «18-партсъезд», Қатта Фарғона каналлари қурилишида актив қатнашган (1936—42). Охунбобоев р-н Ижроия комитети раиси (1942—44), ЎзССР Сув хўжалиги Халқ Комиссари ўринбосари (1944—45), Андижон обл. Марҳамат р-ни партия комитети биринчи секретари (1945—47), ЎзССР Сув хўжалиги министри (1947—51), министр ўринбосари (1951—53). Ўзбекистон КП МК Қишлоқ хўжалиги бўлими мудири ўринбосари (1953—54), Ўзбекистон КП Фарғона обл. комитети секретари, 1965—78 йилларда биринчи секретари), обл. ижроия комитети раиси (1954—60), Ўзбекистон КП Хоразм ва Сурхондарё обл. комитетлари биринчи секретари (1960—65). 1978 й. декабрдан Қатта Фарғона канали директори. КПСС 22—25-съездлари, Ўзбекистон КП 12—19-съездлари делегати. 6—9-чақириқ СССР Олий Совети депутати. 3 марта Ленин ордени, Октябрь Революцияси, 4 та Меҳнат Қизил Байроқ, 2 та «Ҳурмат Белгиси», 2-даража Ватан уруши орденлари ва медаллар б-н мукофотланган.

ШАМСИЕВ Порсо (1897. 10. 2, Бухоро —1972. 21. 3, Тошкент)— ўзбек совет текстолог олими, навоийшунос. Филология фанлари д-ри (1970). УзССРда хизмат кўрсатган фан арбоби (1972). Дастлаб мактаб ва маориф системасида ишлаган. Ўзбекистон Давлат нашриёти (1931—36) ва Уқув-педагогика нашриёти (1936—40) да муҳаррир. Алишер Навоий таваллудининг 500 йиллик юбилейини тайёрлаш комитетида консультант (1940—41). ЎзССР ФА нашриётида катта муҳаррир (1942—45) ва А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт ин-тида катта илмий ходим (1945—72). «Хамса»нинг илмий-танқидий тексти ва уни тайёрлаш принциплари» мавзуида д-рлик диссертацияси ёқлаган. Навоийнинг «Хамса», Бобирнинг «Бобирнома» (Содиқ *Мирзаев* б-н ҳамкорликда) асарларининг академик нашрини тайёрлаган. Навоийнинг «Муҳокамат ул-луғатайн», «Маҳбуб ул-қулуб», «Муншаот», «Хамсат ул-мутаҳайирин», «Ҳолоти Сайид Ҳасан Ардашер», «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад», «Назм ул-жавоҳир», «Насойим ул-муҳаббат» каби бир қанча асарларининг илмий-танқидий текстини ва Навоий асарларининг 15 томлигини нашрга тайёрлашда қатнашган. 1960 йили «Жомий ва Навоий» тўпламини нашр эттирган. Хондамирнинг «Макорим ул-ахлоқ» асарини ўзбек тилига таржима қилган. С. *Иброҳимов* б-н биргаликда «Ўзбек классик адабиёти луғати» (1952) ва «Навоий асарларининг луғати» (1972) ни тузган.

ШАМСИЕВ Сайфи Шамсиевич (1914. 1. 12, Наманган)— педиатр, медицина фанлари д-ри (1951), проф. (1951), ЎзССРда хизмат кўрсатган фан арбоби (1968), СССР Медицина ФАнинг мухбир аъзоси (1974). 1973 йилдан КПСС аъзоси. ТошМИнинг педиатрия ф-тини тугатгач (1936), шу ин-т педиатрия кафедрасида аспирант (1936—40), ассистент (1941—45), СССР Медицина ФА Педиатрия ин-тида докторант (1945—50). ТошМИ болалар касалликлари пропедевтикаси кафедраси мудири (1951—72). 1972 йилдан Урта Осиё Медицина педиатрия ин-ти (СамПИ) факультет педиатрия кафедрасининг мудири. «Болаларда дигиталис дорисини қўллашнинг клиник-экспериментал материаллари» мавзуида д-рлик диссертацияси ёқлаган. Илмий ишлари болаларда нафас, юрак-томир ва ҳазм органлари касалликларини ўрганишга бағишланган. «Ҳурмат Белгиси» ордени ва медаллар б-н мукофотланган.

Ас.: Основы клинической фонокардиографии у детей, Т., 1971; Неотложная терапия в практике детского врача, Т., 1976 (Н. Г. Зернов, М. Б. Кучергер б-н биргаликда); Острая пневмония у детей раннего возраста, Т., 1978 (Н. П. Шабалов б-н биргаликда).

ШАМСИЕВА Саодат (1908, ҚҚАССР Тўрткўл р-ни, Хўжаёп қишлоғи)— ўзбек совет журналисти. 1931 йилдан КПСС аъзоси. Тошкент ўзбек хотин-қизлар педагогика билим юртини тамомлагач (1927), Хоразм обл. хотин-қизлар педагогика техникумида илмий бўлим мудири (1927—28). 1930—33 йилларда Москвадаги Коммунистик журналистика ин-тида ўқиди. Сўнгра Андижон МТС сиёсий бўлими органи — «Юқори ҳосил учун» газетасининг муҳаррири (1933—35), «Қизил Ўзбекистон» газетаси маданият бўлимининг мудири (1935), Ўзбекистон КП МК да матбуот бўлими мудири (1935—37), шунингдек «Ёркин турмуш» журнали муҳаррири (1936—37). 1940—45 йиллар «Ўзбекфильм»да таржимон, «Ўқитувчилар газетаси»да бўлим мудири, 1946—51 йиллар Ўзбекистон телеграф агентлиги, республика радиоэшиттириш комитети ходими. 1951—56 йилларда Оҳангаронда чиқадиган «Ўзбекистон шахтёри» газетасининг масъул котиби ва саноат бўлими мудири. 1956—59 йиллар «Ўзбекистон хотин-қизлари» журнали муҳаррири ўринбосари. Ш. кўплаб публицистик мақола, очерк, лавҳа ва фельетонлар муаллифи. Одобахлоқ мавзуидаги «Оила гўзаллиги» рисоласи нашр этилган (1966). 1959 йилдан республика миқёсидаги шахсий пенсионер.

ШАМСИЯ (араб. شمسي)— Қуёш йили (Қуёш календари)нинг иккинчи номи (қ. *Календарь*).

ШАМҒА — тана т-расида эрийдиган дори. Турли шаклларда чиқарилади. Тўғри ичак ва аёллар жинсий органлари касалликларида қўлланилади (қ. *Суппозиторий*).

ШАМШАРОВ Йўлдош (1907 й. декабрь, Наманган обл. Чуст р-ни)— ўзбек совет ёзувчиси ва журналисти. 1939 йилдан КПСС аъзоси. ЎзССРда хизмат кўрсатган маданият ходими (1970). Совет мактабида савод чиқарган. 1927 йилдан комсомол ишида. 1929—30 йилларда қишлоқ мактабида ўқитувчи. 1933 йили Фарғона педагогика ин-тини тугатган. Сўнгра «Ёш ленинчи» газетаси масъул котиби (1933—34), «Ленин учқуни» газетаси муҳаррири (1934—37), «Қизил Ўзбекистон» газетасида масъул котиб, бўлим мудири (1938—41), Ўзбекистон КП МК матбуот сектори мудири (1941—44), Ўзбекистон давлат нашриёти директори (1944—47), Ўзбекистон КП МК ҳузуридаги партия тарихи ин-тида илмий ходим (1947—52); сўнг Ўзбекистон давлат нашриётида бўлим мудири (1953—54), «Қизил Ўзбекистон» газетасида бўлим мудири, масъул котиб (1955—62), 1963—64 йилларда «Шарқ юлдузи», 1964—69 йилларда «Гулистон» журналида ишлади. 1969 йилдан республика миқёсидаги шахсий пенсионер. «Пахтакайнар» (1959), «Қаҳрамонлик йўли» (1960), «Ғурумсаройликлар» (1962), «Ошиқлар» (1969), «Инсон қалби» (1969) номли очерклар тўпламлари, «Чироқ» романи (1971), «Ҳаёт тақозоси» (1974), «Навбаҳор қиссаси» (1975), «Ишқ ўти» (1978) китоблари муаллифи. И. С. Тургенев, Д. Дефо, Г. Николаева, С. Заречная, Л. Қосмодемьянскаянинг баъзи асарларини ўзбек тилига таржима қилган.



Шамсиев С. Ш.

ШАМШИҚЎЛ — Андижон обл. Балиқчи р-ни Коммунист қ. С. даги қишлоқ. Максим Горький номли с-з терр-ясида. Р-н марказидан 10 *км*, яқин т. й. станцияси — Шаҳрихон (25 *км*). Аҳолиси 700 киши (1976); пахтачилик, чорвачилик, сабзавотчилик б-н шуғулланади. Мазгилсой каналидан сув ичади. Бошланғич мактаб, медпункт бор.

ШАМШИҚЎЛ — Наманган обл. Наманган р-ни Ўзбекистон қ. С. даги қишлоқ. Охунбобоев номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 21 *км*, яқин т. й. станцияси—Тўрақўрғон (31 *км*). Аҳолиси 976 киши (1975); чорвачилик, пилла-чилик, токчилик б-н шуғулланади. Элатон-ариқдан сув ичади.

ШАМШИОБОД — Тошкент обл. Тошкент р-ни Киров қ. С. даги қишлоқ. «Тошкент-1» с-зи терр-ясида. Р-н марказидан 12 *км*, яқин т. й. станцияси — Шумилов (10 *км*). Аҳолиси 2504 киши (1975); сабзавотчилик, чорвачилик б-н шуғулланади.

ШАМШИР (форс. شمشير)— қурол тури (қ. *Қилич*).

ШАМШОД, шамшид (Buxus)— шамшоддошлар оиласига мансуб, доим яшил бута ёки дарахтлар туркуми. Барглари қарама-қарши жойлашган, бутун, четлари текис. Гуллари майда, бир жинсли битта ёки бир нечта ён баргчали бўлиб, каллак-бошоқсимон тўпгулга йиғилган. Меваси уч уяли кўсакча, етилганда кўсакча ёрилиб, қора ялтироқ уруғлари тўкилади. 40 га яқин (баъзи маълумотларда 70) тури Жанубий-Шарқий ва Шарқий Осиёда, Урта денгиз соҳилларида, Европанинг Атлантика океани соҳилларида, Вест-Индияда, Сокотра ва Мадагаскар оролларида ҳамда Африкада тарқалган. СССРда ўрта ва қуйи тоғ минтақасидаги ўрмонларда икки тури: колхида Ш. ва гиркан Ш. ўсади. Ундан ташқари 4 тури интродукцияланган. Ш. нинг қалин, ялтироқ барглари доим яшил тури (B. sempervirens) Ўзбекистонда манзарали дарахт сифатида экилади. Қрим ва Қавказда Ш. нинг Шарқий Осиё, Гарлянда ҳамда балеар турлари ўстирилади. Ш. нинг ёғочи сариқ, жуда пишиқ, мустаҳкам ва қаттиқлигидан қадрланади.



Шамсиева С.

ШАН, Шан давлати — Бирмадаги маъмурий миллий округ. Шан тоғлигида жойлашган. Майдони 158 минг *км*². Аҳолиси 2,7 млн. киши (1970); асосан шанлар. Бош шаҳри — Таунжи ш. Аҳолиси, асосан, қ. х. б-н шуғулланади. Шоли, картошка, кўкнори экилади; ғарбий қисмида цитрус ўсимликлар ўстирилади. Чой плантациялари ҳам бор. Қимматбаҳо ёғоч тайёрланади. Қўрғошин-рух (Бодуин) ва қўнғир кўмир (Лашо) конлари, рангли металлургия, қ. х. хом ашёсини қайта ишлаш корхоналари бор.



Шамшаров Й.

ШАН ТОҒЛИГИ — Бирманинг шарқий қисмидаги тоғлик, давоми (Юньнань тоғлиги) Хитой терр-ясида. Энг баланд жойи 2693 *м*. Ш. т. гнейс, кристалли сланец ва оҳактошлардан тузилган кенг пенеплендан иборат. Карст рельеф шакллари кўп. Ғарбий қисми тўлқинсимон текислик, ўртача баландлиги 900 *м*; шарқий қисми бурмали-палахсали тизмалардан иборат; тизмаларни тор даралар ажратиб туради. Иқлими субэкваториал, муссон иқлим. Ўртача

т-ра январда 18—24°, июлда 30°. Йиллик ёғин 1300—2000 *мм*, асосан ёзда ёғади. Дарёлари серостона, гидроэнергия ресурсларига бой; ёғоч оқизилади, сувидан суғоришда фойдаланилади. Урмонларида тик, сал, магнолий, лавр, бамбук, қарағай ва б. дарахтлар, саванна ўсимликлари ўсади. Ш. т. да Бирмадаги энг катта кўл — Инле жойлашган. Фойдали қазилмалардан қалайи, вольфрам, қўргошин, рух, кумуш ва кобальт конлари бор.


ШАНБА [форс-тож. شنبه —кун; араб. سبت— тинч, осойишта кун; қадимги яҳудийлардаги «шаббот» (диний байрам куни) сўзидан]— ҳозирги *Григорий календари* бўйича *ҳафта*нинг олтинчи куни. Ш. қадимги диний ривоятларга кўра, сомий халқлари тасаввурида гўё худо оламни яратиб бўлгач, дам олган кун ҳисобланган. Қадимги яҳудийлар анъанасида бу кун муқаддаслаштирилиб, диний байрам кунига айлантирилган. Бу тасаввур арабларда ҳам сақланган ва б. халқларга ўтган.

Ш. ҳозир ҳам яҳудийларда (шунингдек, «субботники» деб ном олган христиан сектасида) муқаддас кун ҳисобланади. Руслардаги «суббота» «шаббот»нинг ўзгарган варианти.

Исломдан илгари арабларда ҳам Ш. дастлаб муқаддас кун саналган. Ислом динида жума дам олиш куни деб қабул қилингач, Ш. ҳафтанинг бошланиш куни ҳисобланган. Бошқа кунлар шунга мувофиқ равишда номланган. Мас., якшанба — биринчи кун, душанба — иккинчи кун, сешанба — учинчи кун, чоршанба — тўртинчи кун, пайшанба — бешинчи кун. СССРда 1969 йилдан бошлаб кўп ташкилотлар учун ҳафтада икки дам олиш куни жорий қилингач, Ш. ҳам дам олиш кунига айланган.

ШАНИДАР ҒОРИ — палеолит даври макони. Урмия кўли яқинида, Загрос тоғларининг этагида. 1951—61 йилларда америкалик олим Р. Солецкий раҳбарлигидаги экспедиция текширган. Ғорга кириш жойининг кенглиги 25 *м*, баландлиги 8 *м*. Ш. ғ. нинг 13 *м* ли қалин қатламидан мустье даврига оид тош қуроллар ва *неандерталь одами*нинг 9 жасади топилган. Боланинг скелети ғор юзасидан 8 метр чуқурликда жойлашган. Ғор қатламларидан кўп миқдорда ёввойи чўчқа, қўй, буғу, буқа ва ҳар хил кемирувчи ҳайвонларнинг суяклари, шунингдек, дуб, қайрағоч, ёнғоқ, хурмо дарахтларининг қолдиқлари топилган.

Ад.: Коробков И. И., Новые данные о неандертальских скелетах из пещеры Шанидар (Ирак), «Вопросы антропологии», 1963, вып. 15, стр. 123—138; Иванова И. К., Геологический возраст ископаемого человека, М., 1965.



Шанхай шаҳри. Хуанпу дарёси соҳили.

ШАНКАРА (788, Трипура, Керала штати — 820) — ҳинд мутафаккири, *веданта* диний-фалсафий мактабининг йирик намояндаси. *Буддизм, чарвака* ва *миманса* тарафдорларининг мунозараларида қатнашган. Ш. таълимотича, табиат ва жамиятдаги барча нарсалар асосида олий руҳий ибтидо — браҳман ётади; у абадий, чексиз, шаклсиз бўлиб, нарсалар дунёсига айланмайди. Моддий дунё, табиат браҳманинг хаёли, иллюзия (майя) сидир. Ш. фикрича, дунё, мавжудот реал эмас, балки браҳманинг туши, ҳар бир жон (руҳ) унинг зарра-часидир. Ш. таълимотига кўра, инсон браҳмани тушунишга интилади, бунинг учун у сезги-ҳисларидан воз кечиб, ведантани мутолаа қилиши, ўз жонининг «карма» (сабаб—оқибат) қонунидан халос бўлишига эришмоғи керак, шундагина инсон гўё у б-н қайта қўшилишга муяссар бўла олар эмиш. Ш. нинг фалсафий таълимоти ҳинд идеализмининг энг тугалланган намунаси бўлиб, Ҳиндистондан буддизмнинг сиқиб чиқарилишига ва *ҳиндуизм* дунёқарашининг қарор топишига таъсир кўрсатди. Ш. анъаналари Ҳиндистон идеалистик философияси тарғиботчилари томонидан кенг пропаганда қилинади.

Ад.: Радхакришнан С., Индийская философия, т. 2, М., 1957.

ШАНТАР ОРОЛЛАРИ — Охота денгизининг ғарбий қисмидаги 15 оролдан иборат архипелаг. РСФСР Хабаровск ўлкасида. Майдони 2500 *км²*. Энг йирик ороллари: Катта Шантар, Феклистов, Кичик Шантар ва Беличий. Энг баланд жойи 701 *м*. Аралаш ўрмонлар (оққарағай, даур тилоғочи, аян қорақарағайи) б-н қопланган; дарё бўйлари ўтлоқ.

ШАНХАЙ — ХХРдаги энг катта шаҳар, Цзянсу провинциясида. Дунёдаги энг йирик шаҳарлардан бири. Хуанпу дарёси (Янцзи ирмоғи) бўйида, Шарқий Хитой денгизидан 50 *км* чамаси ичкарида. Майдони 5,8 минг *км²*. Аҳолиси 11 млн. киши (1974). Ш.— марказий ҳокимиятга бўйсинувчи алоҳида маъмурий бирлик. Хитойнинг йирик саноат, транспорт ва савдо маркази, денгиз ва дарё порти (йиллик юк обороти 50 млн. *т*). Ш. орқали мамлакат ташқи савдо юкларининг ярми ўтади.

Ш. Хитой саноати маҳсулотининг 1/7 қисмини беради (1973—74). Машинасозлик ривожланган. Электроэнергетика, нефть, тоғ-кон, полиграфия, қоғоз, тўқимачилик ва озиқ-овқат саноатлари учун ускуналар, электр асбоблар, радио, электрон, кино ва фотоаппаратлар, автомобиль, денгиз кемалари, станоклар, соатлар ва б. ишлаб чиқарилади. Қора ва рангли металлургия, кимё саноати корхоналари келтирилган хом ашёни ишлайди; минерал ўғитлар, заҳарли химикатлар, кислоталар, пластмасса, синтетик смола, кимёвий тола, резина, дори-дармон тайёрланади. Нефть қайта ишланади. Ш. — тўқимачилик саноатининг дунёдаги энг йирик марказларидан; унда Хитойда ишлаб чиқариладиган газламанинг 20% и, жумладан, жун ва ипак газламанинг ярми тайёрланади. Тамаки ва озиқ-овқат корхоналари, 2 ун-т, медицина, педагогика, чет тиллар ин-тлари, илмий тадқиқот муассасалари, музейлар, арх. ёдгорликлари ва б. бор.

Ш. қадимги баликчилар посёлкаси — Хуту ўрнида барпо этилган. 16- асрдан гавжум савдо ва ҳунармандчилик шаҳри. 1842 й. Нанкин шартномасига биноан шаҳар чет эл савдоси учун очиқ деб эълон қилинган. Ш. божхонасини 1854—1937 йилларда Буюк Британия, Франция ва АҚШ бошқарган. Ш. 1919 йилдан Хитойдаги миллий озодлик ва революцион ҳаракатларнинг асосий марказларидан (Шанхай қўзғолони, 1926—27). Ш. да 1921 й. Хитой компартиясининг I съезди бўлди. Шаҳарни 1937—45 йилларда япон қўшинлари босиб олган. 1949 й. 27 майда Хитой Халқ озодлик армияси гоминьданчилардан озод этди.

ШАНЬ, шан (ўзларини тхай-ньо деб атайдилар) — халқ. Асосан Бирманинг шимоли-шарқида — Шань платосида яшайди. 1,8 млн. киши (1970). Шань тилида гаплашади. Буддизмга эътиқод қилади. Бирма терр-ясида Ш. ларнинг аждодлари милоднинг бошларида пайдо бўлган. Мил. 7- асрда Ш. ларнинг давлати (маркази — Муанмау ш.) ташкил топганлиги маълум. Ш. ларнинг асосий машғулоти — мотига б-н ер ҳайдаш ва суғорма деҳқончилик (асосан шоли) ҳисобланади. Ш. ларнинг ҳозирги замон моддий маданияти ва урф-одатлари *бирмаликлар*га яқин бўлса-да, баъзи ўзига хос белгилари б-н уларникидан фарқ қилади.

Ад.: Народы Юго-Восточной Азии, М., 1966.

ШАНЬДУН — Хитойнинг шарқий қисмидаги ярим орол. Сариқ денгиз ичига 350 *км* кириб борган. Қирғоқлари аксари қисмида тик, қоялн; қўлтиқлар б-н қирқилган. Ер юзаси, асосан, бутазорлар б-н қопланган тепалик ва паст тоғлардан иборат Тоғ тизмалари ораларидаги ва соҳилдаги текисликларда аҳоли зич яшайди. Буғдой, ер ёнғоқ, тамаки экилади; мевали боғлар кўп. Тоғлик қисмида чорва боқилади. Йирик порт шаҳарлари: Циндао, Яньтай.

ШАНЬДУН — Шарқий Хитойдаги провинция. Шаньдун я. о. ва Шимолий Хитой текислигининг шарқий қисмида. Сариқ денгиз ва Бохайвань қўлтиғи б-н ўралган. Майдони 150 минг *км²*. Аҳолиси 58 млн. киши (1975). Маъмурий маркази — Цзинань ш. Ер юзаси, асосан, тоғли; энг баланд жойи 1591 *м*. Иқлими мўътадил муссонли иқлим. Энг катта дарёси — Хуанхэ ва Вэйхэ. Ш. терр-ясидан Буюк канал ўтган. Майдонининг 7% и ўрмон.

Ш. Хитойнинг иқтисодий жиҳатдан ривожланган провинцияси, муҳим индустриал р-ни; Кон саноати ривожланган. Тошкўмир, нефть, темир рудаси, боксит, графит қазиб чиқарилади.

Соҳилда туз олинади. Нефтни қайта ишлаш, қора ва рангли металлургия (алюминий), машинасозлик (локомотивлар ва вагонлар, ички ёниш двигателлари, станоклар, электр ускуналар, тўқимачилик ва қ. х. машиналари), кемасозлик, кимё (резина буюмлар, пластмасса, минерал ўғитлар, бўёқ ва ҳ. к.), тўқимачилик (Циндао шаҳри тўқимачилик саноати марказларидан, Хитойда 2- ўринда), озиқ-овқат (гўшт, ун, тамаки, вино) саноати корхоналари бор. Чинни-фаянс саноати умумхитой аҳамиятига эга. Йирик саноат шаҳарлари: Цзинань, Циндао, Цзибо.

Ш. — муҳим қ. х. р-ни. Буғдой, соя, тариқ, шоли, гаолян, маккажўхори, батат, ер ёнғоқ (ХХР провинциялари ичида 1- ўринда), пахта, тамаки, наша экилади. Мевали боғлар ва узумзорлар бор. Оз миқдорда қорамол, эшак, чўчқа, қўй, от, парранда боқилади. Балиқ овланади. Хуанхэ, Сяоцинхэ дарёларида ва Буюк каналда кема қатнайди. Денгиз портлари: Циндао, Яньтай, Вэйхай ва б.

Ш. терр-ясида неолит даври предметлари топилган. Мил. ав. 8—3- асрларда, асосан, Ци ва Лу подшоҳликлари таркибида. Бу ерда қадимги хитой мутафаккирлари *Конфуций* ва Мэнцзи туғилган ва яшаган. Терр-я милоднинг 10- асридан Шаньдун деб аталган. Ш. провинцияси 17- асрда ташкил топган. 1898 йил Цзяочжоу қўлтиқчаси ва Циндао портини Германия, Вэйхайвэй портини Буюк Британия ижарага олган. Ш. ни 1937—45 йилларда япон қўшинлари эгаллаган. 1949 й. Хитой Халқ озодлик армияси гоминьданчилардан озод этган.



Шаповаленко В. И.

ШАНЬСИ — Хитойдаги провинция. Хуанхэ дарёси ўрта оқими ҳавзасида. Майдони 150 минг *км²*. Аҳолиси 12,3 млн. киши (1972). Маъмурий маркази — Тайюань. Ш. терр-яси Шаньси платосида жойлашган. Иқлими мўътадил муссонли иқлим. Ўсимликлари ғарбида чала чўлга хос, шарқида аралаш ўрмонлари бор.

Хўжалигининг етакчи тармоғи — қ. х. Ш.— Хитойнинг қадимий деҳқончилик р-ни. Кўмир, металлургия ва тўқимачилик саноатлари ривожланган. Ш. терр-ясининг 1/3 қисми ҳайдалади. Ерларининг бир қисми суғорилади. Экин майдонининг ярмига донли экинлар экилади. Техника экинларидан пахта, зиғир, кунжут, ер ёнғоқ, қанд лавлаги ва б. экилади. Экинлардан йилига 2 марта ҳосил олинади. Қорамол, эшак, хачир, қўй ва чўчқа боқилади. Йирик саноат шаҳарлари: Тайюань (провинция саноат маҳсулотининг 1/2 қисмини беради), Датун ва Янцюань. Ш. да битумли кўмирнинг катта запаслари мавжуд. Тайюандаги металлургия к-ти чўян, пўлат ва прокат ишлаб чиқаради. Ш. машинасозлик саноати (кон, тўқимачилик, қ. х. машиналари) умумхитой аҳамиятига эга. Кимё ва озиқ-овқат саноати корхоналари ҳам бор. Ҳунармандчиликда металл ва чинни буюмлар тайёрланади, шойи, гилам тўқилади.

Ш. терр-ясида неолит даври предметлари топилган. Мил. ав. 7—5 асрлардан Цзинь ва б. подшоҳликлар ҳамда Хэдун области таркибида. Милоднинг 14- асрида Шаньси области деб аталган. Ш. провинцияси 17- асрда ташкил топган. Уни 1937—45 йилларда япон қўшинлари эгаллаган. 1949 й. апр.-майда Хитой Халқ озодлик армияси гоминьданчилардан озод этган.

ШАНЬТОУ, Сватоу — Хитойнинг жанубий-шарқий қисмидаги шаҳар. Гуандун провинциясида, Ханьцзян дарёсининг Жанубий Хитой денгизига қуйилиш жойида. Аҳолиси 300 минг киши (1970). Транспорт узели, денгиз порти. Машинасозлик (кема, дизель, станоклар, гидрогенераторлар, қ. х. қуроллари), кимё (фотоплёнка, пластмасса ва ҳ. к.), резина, гугурт, тўқимачилик, тамаки, қанд корхоналари бор. Ҳунармандчилик (зонт, елпиғич, бамбукдан турли буюмлар ишлаб чиқариш) ривожланган. Денгиздан балиқ овланади.

ШАПОВАЛЕНКО Валентин Иванович (1923. 8. 12, Ленинобод) — тарих фанлари д-ри (1971), проф. (1976). 1946 йилдан КПСС аъзоси. Улуғ Ватан уруши қатнашчиси (1941—44). Тошкент кечки педагогика ин-тини тугатган (1950). Наманган обл. комсомол комитети лекторлар группаси бошлиғи ҳамда Узбекистон ЛКСМ МК информация сектори мудири (1945—50). Узбекистон КП МК ҳузуридаги Партия тарихи ин-ти (1950—58) ва УзССР ФА Тарих ва археология ин-ти (1958—67) да илмий ходим. 1967 йилдан ТошДУ КПСС тари-




Шапорин Ю. А.

хи кафедрасида ўқитувчи. Илмий асарлари Ўзбекистон компартияси ва Ўзбекистон ишчилар синфи тарихига бағишланган. «Ўзбекистон компартиясининг урушдан кейинги даврда ишчилар синфи ижодий активлигини ошириш йўлидаги фаолияти (1945—55)» мавзуида д-рлик диссертациясини ёқлаган. У «Социалистик Тошкент тарихи» (2-жилд, Т., 1966), «Ўзбекистон касаба союзлари тарихи очерклари» (Т., 1967), «Ўзбекистон ССР тарихи» (4-жилд, Т., 1968), «Ўзбекистон КП тарихи очерклари» (Т., 1974) каби йирик монографик асарлар муаллифларидан. Ш. га «Ўзбекистонда ишчилар синфи тарихи» 3 жилдлик асарининг муаллифларидан бўлгани учун Абу Райҳон Беруний номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти берилган.

Ас.: Ишчилар синфи — коммунизм қурилишининг етакчи кучи, Т., 1977.


ШАПОРИН Юрий Александрович (1887. 8. 11, ҳозирги Суми обл. Глухов ш. — 1966. 9. 12, Москва) — рус совет композитори, педагог, музика жамоат арбоби. СССР халқ артисти (1954). Петербург ун-тининг юридик ф-тини (1913), Петербург консерваториясини (1918) тугатган. Ленинград театрларида музика раҳбари (1919—34). 1936 йилдан Москвада. 1939 йилдан Москва консерваториясининг оркестрлаш ва композиция синфларида дарс берган (1940 йилдан проф.). СССР Композиторлар союзи секретари (1952 йилдан).



1-расм. Шар сегменти.


Ш. ўзининг энг яхши асарларида рус классик композиторларининг анъаналарини ривожлантирган. Ш. — опера («Декабристлар», 1947—53), «Куликово майдонида» симфония-кантатаси (1938); «Рус ери учун жанг қиссаси» (1944) ораторияси, вокал-симфоник асарлар, романслар, драматик спектакль ва фильмларга музика ва б. муаллифи. СССР Давлат мукофоти лауреати (1941, 1946, 1952). Ленин ордени, иккита бошқа орден ва медаллар б-н тақдирланган. Унинг, айниқса, хор ва романслари Ўзбекистонда ижро этилмоқда.

Ад.: Мартынов И., Юрий Александрович Шапорин, М., 1966.



2-расм. Биринчи тур шар сектори.


ШАПОШНИКОВ Борис Михайлович (1882. 20. 9, ҳозирги Челябинск обл. Златоуст ш. — 1945. 26. 3, Москва) — совет ҳарбий арбоби ва ҳарбий назариётчи, Совет Иттифоқи Маршали (1940), проф. (1935). 1930 йилдан Компартия аъзоси. Москва ҳарбий билим юртини (1903), Генштаб академиясини (1910) тугатган. 1915 йил ноябрда 2-Туркистон казак дивизияси штабининг бошлиғи лавозимига тайинланган. Биринчи жаҳон уруши (1914—18) да штаб ходими ва полк командири, 1917 йили дивизияга бошчилик қилган. 1918 йили Қизил Армияга кўнгилли бўлиб кирган. 1919 йилдан Республика Революцион Ҳарбий комитети Дала штаби оператив бўлимининг, сўнг Разведка бошқармасининг бошлиғи. 1921 йилдан Ишчи-Деҳқон Қизил Армияси штаби бошлиғининг биринчи ёрдамчиси, Ленинград, Москва ва Волга бўйи ҳарбий округлари қўшинларининг қўмондони. Ишчи-Деҳқон Қизил Армияси штабининг бошлиғи (1928—31), М. В. Фрунзе номидаги Ҳарбий академиянинг ҳарбий комиссари ва бошлиғи. (1932—35), Генштаб бошлиғи (1937 йил май — 1940 йил август), СССР мудофаа халқ комиссарининг ўринбосари (1940 йил август — 1943 йил июнь), айни вақтда Генштаб бошлиғи (1941 йил август — 1942 йил май). 1943—45 йилларда Олий ҳарбий академиянинг бошлиғи. 1-чақириқ СССР Олий Советининг депутати. 1939 йилдан ВКП(б) МК аъзолигига кандидат. 3 марта Ленин ордени ва б. орден ҳамда медаллар б-н мукофотланган. Ҳоки Кремль деворига қўйилган.



3-расм. Иккинчи тур шар сектори.

Ас.: Конница, М., 1923; На висле, М., 1924; Мозг армии, т. 1—3, М., 1927—29; Воспоминания, Военно-научные труды, М., 1974.

Ад.: Горелик Я. М., Маршал Советского Союза Б. М. Шапошников (Краткий очерк жизни и деятельности), М., 1961; Захаров М. В., Учёный и воин, М., 1974.



4-расм. Шар қатлами.

ШАПШАЛ ТИЗМАСИ — Олтой тоғларининг шарқий қисмидаги тоғ тизмаси (Шарқий Олтойда), Ғарбида Чулишман ясси тоғлиги, шарқида Хемчик дарё ҳавзаси жойлашган. Узунлиги 130 *км*, энг баланд жойи 3507 *м*. Асосан, кристалли сланецлардан тузилган. Иқлими совуқ. Ўртача т-ра январда —17°, —20°; июлники 6—16°. Ёғин миқдори 800—900 *мм*. Ён бағирлари тилоғоч ўрмонлари б-н, чўққилари баланд тоғ тундраси б-н қопланган. Бепоён қор майдонлари, кичик-кичик музликлар бор.

ШАР — доирани диаметри атрофида айлантиришдан ҳосил бўлган геометрик жисм. Ш. фазонинг шундай нуқталари тўпламидан иборатки, улар белгили нуқта (Ш. маркази) дан берилган R кесма (Ш. радиуси) дан ошмайдиган масофада туради. Ш. ҳажми $V=\frac{4}{3}\pi R^3$, Ш. сирти $S=4\pi R^2$ формула б-н топилади.

Ш. ни бирор текислик б-н кесиш натижасида ҳосил қилинган қисми Ш. сегменти дейилади. Ш. сегментининг ҳажми $V=\frac{1}{3}\pi h^2(3R-h)$, сирти $S=2\pi Rh$ га тенг, h — Ш. сегментининг баландлиги (1-расмга қ.)

Ш. сектори — шарни кесмайдиган диаметр атрофида доиравий секторни айлантиришдан ҳосил қилинадиган геометрик жисм. Ш. сектори икки турда бўлади: доиравий секторнинг радиуси айланиш ўқида ётса 1-тур Ш. сектори (2-расм), айланиш ўқи диаметрда ётмаса 2-тур Ш. сектори (3-расм) дейилади. Ш. сектори (1-тур ва 2-тур) нинг ҳажми $V=2\pi R^2h$ га тенг бўлиб, 1-тур Ш. сектори сирти $S_1=\pi R(2h+a)$, 2-тур Ш. сектори сирти $S_2=\pi R(2h+a+b)$ га тенг. Бунда R — сектор радиуси, h — сектор ёйини тортиб турган ватарнинг айланиш ўқидаги проекцияси, a ва b эса ватар учларидан айланиш ўқигача бўлган масофалардир.

Ш. қатлами — уни кесувчи параллел текисликлар орасидаги қисми (4-расм). Ш. қатламининг ҳажми $V=\frac{1}{6}\pi h(3a^2+3b^2+h^2)$ га, ён сирти (камар сирт) эса $S=2\pi Rh$ га тенг. Бунда R Ш. радиуси, h — Ш. қатлами асослари орасидаги масофа, a ва b эса Ш. қатлами асосларининг радиуслари.

Ш. камари — Ш. сиртининг иккита параллел кесувчи текислик орасидаги қисми. Ш. камари зона деб ҳам аталади. Ш. камари Ш. қатламининг ён сиртидан иборатдир.

Ад.: Тешабоева Н. Х., Математик физика методлари, [Дарслик], Т., 1966.

ШАР ФУНКЦИЯЛАРИ — n-даражали бир жинсли қуйидаги гармоник полином:

$$U_n(x,y,z)=\sum_{i+j+\kappa=n} a_{ijk}x^iy^jz^k.$$

x, y, z ларга чизиқли боғлиқ бўлмаган бир жинсли Ш. ф. ларнинг умумий сони $2n+1$ га тенг. Тўғри бурчакли координата (x, y, z) ўрнига (r, φ, ψ) сферик координаталар киритилса, Ш. ф. сферик

функция $v_n(\varphi,\psi)$ орқали ифодаланади: $U_n(x,y,z)=r^nv_n(\varphi,\psi)$. Ш. ф. сферик сирт б-н чегараланган соҳа учун математик физика масалаларидаги *Лаплас тенгламаси*нинг умумий ечимини топишда қўлланилади.

ШАРАБУРКО Яков Сергеевич (1895. Белоруссия ССР, Могилёв обл. Хотимск р-ни) — Туркистонда Гражданлар урушининг фаол иштирокчиси, генерал-майор (1941). 1917 йилдан КПСС аъзоси. Донбассда кўмир қазувчи бўлиб ишлаган (1907—15), Петроградда взвод командири сифатида Қишки саройни штурм қилишда қатнашди, оқ гвардиячи генерал Красновга қарши жанг қилди (1917), 3-Могилёв партизан полкида эскадрон командири (1918), Жанубий фронтда разведка командири (1919). Ш. 3-Туркистон отлиқ аскарлар дивизияси 9-полкида эскадрон командири (1920—21) сифатида Уш, Фарғона, Андижон ва Қўқонни босмачилардан тозалашда қатнашди. 1921 йил ноябрда Қўқон қишлоғида бўлиб ўтган жангда кўрсатган жасорати учун Ш. қисми Бутуниттифоқ МИК Байроғи б-н тақдирланган. Ш. Ленинград отлиқ аскарлар Олий курсида ўқиди (1921—24), шу курсда дивизион командири (1924—25), эскадрон командири ва сиёсий раҳбари (1925—28), М. В. Фрунзе номидаги Ҳарбий академияни битиргач (1928—30), отлиқ аскарлар мактаби курсантлари полкига, отлиқ аскарлар полкига ва Кремльдаги Бутуниттифоқ МИК номли отлиқ аскарлар дивизиясига командир (1931—37). Дивизия командири сифатида Ғарбий Украина ва Бессарабияни озод қилишда қатнашди (1937—41). Улуғ Ватан урушида Ш. Витебск, Ельна, Вязьма, Адриапол, Моздок, Шимолий Кавказ, Болтиқбўйини озод этишда, Одер ва Берлинни эгаллашда фаол қатнашди. 4 марта ярадор бўлган. 2 марта Ленин ордени, 4 та Қизил Байроқ, 2-даража Суворов ордени, ПХР ордени ва медаллар б-н мукофотланган.

ШАРАФА (араб. شرفه — карниз) — биноларда *муқарнасли* қошч Шарқ, хусусан, Ўрта Осиё ва Қавказ меъморлигида кўп қўлланиладиган безак. Уй ичларидаги тахмонлар, меҳробларнинг тепалари, минора, буржларнинг юқори қисмида, бўлакларга бўлинган бино, минораларнинг бўлинган жойларида (мас., *Қутб минор*да) ишланади. *Минораи Калон, Регистон ансамбл*идаги минораларнинг юқори якунловчи қисмларида Ш. ишланган. Ш. б-н безатилган миноралар гулдаста миноралар деб аталади.

ШАРАФИДДИН АЛИ ЯЗДИЙ (туғилган йили номаълум — 1454) — тарихчи ва шоир. Темурийлар даврида яшаб ижод этган. *Шоҳрух* ва унинг ўғли Иброҳим султон саройида истиқомат қилган. Унинг «Зафарнома» (1419—25 йилларда форс тилида Шерозда ёзилган) асари Темур юришлари ҳақидаги расмий маълумотлар, тарихий асарлар ва мазкур юришларнинг шоҳиди бўлган кишилар ҳикояларига асосланган. Бу асар Темур тарихига оид китобларнинг энг мукаммали ҳисобланса-да, унда Темур фаолияти бирмунча идеаллаштирилган.

Асарнинг «Муқаддима»сида чиғатойлар ва Урта Осиёда темурийларга қадар ҳукмронлик қилган туркий хонлар тарихи баён қилинган. «Зафарнома» — Урта Осиё, Эрон ва Афғонистоннинг 14-аср охири — 15-аср бошидаги тарихига бағишланган асосий манбалардан биридир. Унинг асосий қисми форс тилида Калькуттада (1887—88), Теҳронда (1957), Тошкентда (1972) нашр қилинган. Калькутта ва Теҳрон нашрларида «Муқаддима» берилмаган. Ш. А. Я. ўз шеърларидан девон тузган; унинг расмий хатлар тўплами ҳам сақланган.

Ад.: Бартольд В. В., Соч., т. 1, М., 1963.



Шарафиддинов Озод.

ШАРАФИДДИНОВ Озод (1929. 1. 3, Тошкент) — ўзбек совет адабиётшуноси, педагог. 1959 йилдан КПСС аъзоси. САГУнинг филология ф-тини (1951) ва СССР ФА Горький номидаги Жаҳон адабиёти ин-ти аспирантурасини (1954) тугатган. 1955 йилдан ТошДУда ўқитувчи, доцент. «Замонавийлик адабиётнинг қалби», «Келажакка чорловчи повесть», «Лирика ҳақида мулоҳазалар», «Ленин ва адабиёт», «Йиллар ва йўллар», «Коммунизм қурувчиларига муносиб асарлар яратайлик» каби асарларида ўзбек совет адабиётининг турли жанрлари, уларнинг тараққиёт босқичлари ва муаммолари тадқиқ этилган. «Яловбардорлар» (1974), «Истеъдод жилолари» (1976) китобларида кейинги йилларга оид асарлар таҳлил қилинган, баъзи ёзувчиларнинг адабий портретлари яратилган. Москвада чиққан «Ўзбек совет адабиёти тарихи» (1967) китоби муаллифларидан. Беруний номидаги ЎзССР Давлат мукофоти лауреати (1970).

Ас.: Замон, қалб, поэзия, Т., 1962; Адабий этюдлар, Т., 1969.



Шарафиддинов Олим.

ШАРАФИДДИНОВ Олим (тахаллуси Айн) (1903, Тошкент — 1943, Белоруссия ССР) — ўзбек совет адабиётшуноси ва танқидчиси. Ўзбекистон ФА мухбир аъзоси (1943). 1921—24 йилларда Боку педагогика ин-тида ўқиган. Улуғ Ватан уруши қатнашчиси (1941—43). 1925—30 йилларда Тошкентдаги ўзбек билим юртида, Наримонов номли педагогика техникумида, хотин-қизлар педагогика билим юртида ва Алмаий номли намуна иш мактабида ўқитувчилик қилган. Ўзбекистон Давлат илмий текшириш ин-ти, ЎзССР Фанлар комитети Тил ва адабиёт ин-тининг адабиёт бўлими мудири, Ўзбекистон Давлат ун-ти (1931—37) ва Тошкент Педагогика ин-ти ўзбек адабиёти кафедраси мудири (1937—41).

Ш. нинг дастлабки илмий мақолалари матбуотда 20-йилларнинг ўрталаридан кўрина бошлаган. Ўрта мактаблар (5, 6, 7, 9-синфлар) учун дарслик, хрестоматия ва программалар тузган, педагогика ин-тлари студентлари учун «Ўзбек адабиёти тарихи хрестоматияси» (2-т., 1945) ни ёзган. Навоийшуносликка оид ўнлаб асарлар яратган. Ш. адабий меросни баҳолашда ленинча позицияда туриб, вульгар социологларга қарши курашди («Навоий ижодиётини қалбакилаштиришга қарши», «Бир реакцион назария тўғрисида», «Ўзбек адабиёти» ва б.). У Ҳамза, А. Қодирий, С. Айний, А. Лоҳутий, Уйғун, Чўлпон ва б. ижоди ҳақида бир қанча мақолалар ёзган. Улуғ Ватан уруши йилларида Белоруссияда ҳалок бўлган.

Ас.: Навоий ҳаёти ва ижоди, 3-нашри, Т., 1971.



Шарафиддинов Оқилхон.

ШАРАФИДДИНОВ Оқилхон (1898. 7. 3, Тошкент ш.) — ўзбек совет педагоги. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони (1968). ЎзССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи (1936). Дастлаб Тошкентдаги эски мактаблардан бирида, кейинчалик Хўжа Аҳрор мадрасасида таҳсил кўрган, шунингдек мустақил мутолаа қилган. Октябрь арафасигача янги усулдаги мактабларда муаллим. 1918 йили Тошкент уезд маориф бўлими йўлланмаси б-н Тўйтепа қишлоғида мак-

таб очиб, ўқитувчилик қилди. 1921 йилдан Тошкентдаги 19-мактабда, 1924 йилдан то пенсияга чиққунга қадар (1973) 14-мактабда 1-синфларга дарс берди. Ш. яратган «Алифбе» китоби (1938) ўзбек ўқувчиларининг аналитик-синтетик товуш методи асосида савод чиқаришда асосий дарслик бўлиб келди. УзССР мактабларида бошланғич синфларда уч йиллик таълим системасига ўтилиши б-н Ш. 1968 йили Қ. Абдуллаева б-н ҳамкорликда янги «Алифбе» дарслигини тузди. Бу «Алифбе» 1970 йилдан стабил дарслик сифатида қўлланилмоқда. Ш. «Билим ва меҳнат» (1929), «Меҳнат болалари» (1930), «Катталар алифбеси» (1939), «Чиройли ёзув» (1941), «Ўқиш китоби» (1944) каби ўқув қўлланмаларининг ҳам муаллифи. М. Мираҳмедов б-н ҳамкорликда бошланғич мактабларда «Алифбе» ўқитиш бўйича методик қўлланмалар яратган (1938, 1959). Ленин ордени, Меҳнат Қизил Байроқ ордени ва медаллар б-н мукофотланган.

ШАРАҚСОЙ КОРУНД КОНИ — Жиззах обл. даги кон. Жиззах ш. нинг жануби-шарқида Молгузар тоғи ён бағрида жойлашган. Дастлаб, 1942 йили А. С. Федоренко, М. В. Морозовлар очган ва ўрганган. 1948—51 йилларда С. Е. Пряшников, Р. А. Мусин ва б. конда қидирув-разведка ишлари олиб боришган. Корунд рудаси ётқизиқлари бир-бирига яқин 2 та метаморфлашган боксит қатламидан иборат бўлиб, ўрта карбон даври оҳактошлари орасида жойлашган.

Саноат аҳамиятига эга корунд қатламлари узунлиги 220 *м* бўлиб, 40—60 *м* чуқурликкача етади; қалинлиги 0,1—3 *м*, ўртача қалинлиги 0,5 *м*. Руда таркибида корунд (15—85%; ўртача 30%), кальцит (1—35%, ўртача 30%), темир оксид ва темир гидроксид (0,5—40%, ўртача 35%) бўлиб, рутил, диаспор, хлоритоид, алунит, галлуазит, пирит, хлорит, фуксит, барит, магнетит, серицит, кварц каби минераллар 10% ни ташкил этади.

Шарақсой корунди, технологик хусусиятларига кўра, кўп техник мақсадларда қўлланилади.

ШАРБАТ — қ. *Мева шарбати.*

ШАРДЕН Жан Батист Симеон (1699. 2. 11— Париж — 1779. 6. 12) — француз рассоми. 18-аср француз мойбўёқ рассомлигида реалистик йўналишнинг йирик вакили. 1728 йили натюрмортлари учун академикликка сайланган. Лиризм б-н суғорилган маиший картиналарини натурага асосланиб яратиб, уларда оддий меҳнаткаш кишиларнинг фазилатларини, маънавий юксакликларини меҳр б-н кўрсатади, рассомнинг айниқса ҳунармандлар, майда буржуазия ҳаётини синчковлик б-н ўрганган диққатни тортади («Кир ювувчи аёл», тахм. 1737; «Тушки овқат олдидан ибодат», 1744; Эрмитажда; «Ошпаз аёл», 1738; «Меҳнатсевар она», Луврда). Кўпгина асарларида болаларни зўр меҳр б-н тасвирлаган («Пилдироқ ўйнаётган ўғил бола», 1738, Луврда; «Валан ўйнаётган қиз бола», шахсий коллекция, Парижда). Ш. асарлари пухта композицияси, борлиқ реал тасвирлангани б-н муҳим. Ш. маиший жанр ва натюрморт соҳасида ишлаган Европанинг кўпгина рассомлари ижодига самарали таъсир кўрсатган.



Ж. Б. Шарден. «Кир ювувчи аёл» (18-аср ўрталари). Эрмитажда.

ШАРЖ (франц. charge — бўрттириш) — бирор ҳодиса, нарса, айниқса кишини ҳажв ёки ҳазил қилиб карикатура шаклида тасвирлаш. Қишилар, одатда портретига ўхшатиб, бир жиҳати бўрттириб фош этилади, ҳазил қилинади, баъзан нарсаларга, ҳайвон, қушларга ўхшатилади ва ҳ. к. Мойбўёқ, графика, ҳайкалтарошликда Ш. қилинади, айниқса график Ш. кенг тарқалган. Ўртоқлик Ш. лари самимий, яхши ният б-н дўстона ҳазил мазмунида бўлади.

ШАРЖА — Бирлашган Араб Амирликларининг шимоли-шарқий қисмидаги шаҳар. Шаржа амирлигининг маркази. Форс қўлтиғи соҳилидаги порт. Аҳолиси 55 минг киши (1974). Савдо маркази. Кустарчиликда кумуш ва олтиндан турли буюмлар ишлаб чиқарилади, мовут ва гилам тўқилади. Балиқ овланади, марварид олинади. Аэропорти халқаро аҳамиятга эга. Четга, асосан, нефть, шунингдек балиқ, хурмо, марварид чиқарилади. Аёллар пед. ин-ти (1968 йилдан) бор.

ШАРИ — Африкадаги дарё. Марказий Африка Империяси ва Чад терр-яларида. Узунлиги турли маълумотларга кўра (Уам дарёсининг бошланиш жойидан) 1400—1500 *км*. Ҳавзасининг майдони 700 минг *км*². Асосий ирмоқлари — Уам ва Фафанинг қўшилишидан Баҳр Сара дарёси ҳосил бўлади; унга Грибинги дарёси қуйилган жойдан Ш. деб аталади. Энг йирик чап ирмоғи — Логоне дарёси б-н бирга умумий дельта ҳосил қилиб Чад кўлига қуйилади. Езги ёмғирлар мавсумидан бошлаб Ш. ҳавзасидаги дарёларда сув кўпая бориб, бу ҳол бир неча ой давом этади. Сув кўпайиши дарё қуйилиши томонга силжиб боради. Натижада Ш. ва Логоне дарёлари ўрта ва қуйи оқимида кузда тошади. Кучли тошқинлардан вақтинча кўллар ҳосил бўлади. Нигер ҳавзасидаги дарёлар б-н қўшилиб ҳам кетади. Қуйилиш жойидан Батангафо ш. гача (860 *км*) кема қатнайди. Балиқ овланади.

ШАРИАТ (араб. شريعة — тўғри йўл, илоҳий йўл, қонунчилик) — ислом диний ҳуқуқ системаси. Унда соф ҳуқуқий масалалардан ташқари ахлоқий нормалар ва амалий диний талабларга ҳам қонун туси берилган.

Илк исломда жамиятни ҳуқуқий бошқариш *Қуръон* асосида олиб борилган. Феодализм ривожланиши б-н мусулмонларнинг барча ижтимоий-иқтисодий, диний фаолиятини қамраб олувчи қонунлар мажмуасига эҳтиёж туғилган. Ислом илоҳиётчилари 4—5 аср мобайнида Ш. қонунларини ишлаб чиққанлар. Ш. га асос қилиниб Қуръон ва *сунна*, кейинчалик *ижмоъ* ва *қиёс* олинган. Улар *фиқҳ*да Ш. манбалари (усул ал-фиқҳ) деб эътироф этилган.

Ш. диний-ҳуқуқий система сифатида 11—12-асрларда тугал шаклланган.

Исломда *суннийлик* ва *шиалик*дан иборат икки йўналиш мавжуд бўлгани туфайли уларнинг Ш. системасида ҳам тафовут бор. Суннийликда *ҳанафийлар, маликийлар, шафиъийлар* ва *ҳанбалийлар* мазҳабларининг, шиаликда эса *жаъфарийлар мазҳаби*нинг ўзига хос ҳуқуқий системалари мавжуд. Ш. да давлат (халифалик) ҳуқуқи нормалари, мажбурият, мерос, жиноят ва никоҳ-оила ҳуқуқлари, шунингдек суд юритиш, васийлик кўрсатмалари берилган. Ш. хусусий мулкни худо томонидан белгиланган, доимий ва ўзгармас деб ҳисоблайди. Ш. да, шунингдек, *намоз* ўқиш, *рўза* тутиш, *закот* ва ш. к. ҳақида батафсил кўрсатмалар келтирилган. Ш. да барча хатти-ҳаракатлар дастлаб 2 тур — ҳаром ва ҳалолга ажратилган. Кейинчалик Ш. шаклланиб тугалланган даврда 5 категория вужудга келган. Булар: фарз — бажарилиши қатъий мажбурий ҳисобланган хатти-ҳаракатлар; мандуб—мажбурий эмас, лекин маъқул, лозим деб ҳисобланган нормалар; мубоҳ — ихтиёрий нормалар; макруҳ — номаъқул нормалар; ҳаром— қатъий равишда тақиқланган хатти-ҳаракатлар.

Ш. ўрта асрларда жамиятда ҳукмрон роль ўйнаган, эксплуататор синфлар манфаатини ҳимоя қилган, уларнинг ҳукмронлигини, хусусий мулкни, меҳнаткаш халқнинг эксплуатация қилинишини оқлаган ва қонунлаштирган, диндорлар ҳаётининг барча соҳаларини, ҳатто оилавий ҳаёт ва турмушнинг майда икир-чикирларини ҳам ўз таъсирига олган. Бинобарин, Ш. ислом динининг ҳукмронлигини мустаҳкамловчи кучли қурол бўлган.

Октябрь рев-ясидан кейин Совет Шарқи республикаларида Ш. ҳуқуқий ҳаётдан суриб чиқарилиб, социалистик қонунчилик амалга оширилган. Шундай бўлса-да, эски урф-одатлар ва анъаналарда Ш. сарқитлари ислом диний сарқитлари б-н боғлиқ равишда ҳам маълум даражада сақланиб келмоқда.

Осиё ва Африкадаги мусулмон мамлакатларда ҳам Ш. нинг таъсир доираси торайиб бормоқда. Нисбатан ривожланган баъзи Шарқ мамлакатларида 19-аср охири ва 20-аср бошларидан буржуа ҳуқуқ системаси таъсирида Ш. ни ислоҳ қилиш кучайиб, айрим соҳаларда унинг роли пасая бошлаган эди. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг мустақил тараққиёт йўлига ўтган давлатларда бу жараён тезлашди. Баъзи мамлакатларда ҳозир Ш. таъсири диний ва оилавий ҳаёт, турмуш ва урф-одат масалалари б-н чегараланиб қолган, ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг кўп соҳаларида буржуа қонунчилиги амалга киритилган. Бу жараён кам ривожланган мамлакатларда ҳам аста-секин рўй бермоқда. Лекин, шунга қарамасдан кўп мусулмон мамлакатларида, хусусан, оддий диндорлар орасида унинг таъсири ҳали кучли, баъзи кам ривожланган мамлакатларда эса Ш. тўла ҳукмронлигини сақлаб келмоқда.

Ад.: Петрушевский И. П., Ислам в Иране в VII—XV веках, Л., 1966; Мавлютов Р. Р., Ислам, 2 изд., М., 1974; Шарль Р., Мусульманское право, Пер. с франц., М., 1959; Усмонов М. А., Шариат ва ахлоқ, «Атеизм ва дин» китобида, Т., 1974; Керимов Г. М., Шариат и его социальная сущность, М., 1978.

ШАРИЛЛОҚ — Жиззах обл. Жиззах р-ни Хайробод қ. С. даги қишлоқ. «Ўзбекистон» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 9 *км*, яқин т. й. станцияси — Жиззах (6 *км*). Аҳолиси 755 киши (1976; пахтачилик, чорвачилик, пиллачилик, ғаллачилик, сабзавотчилик, узумчилик б-н шуғулланади. Жанубий Мирзачўл каналидан сув ичади. Саккиз йиллик мактаб, кутубхона, ферма бор.

ШАРИПОВ Жуманиёз (1911. 25. 10, Хива) — таржимашунос олим, ўзбек совет ёзувчиси. Филология фанлари д-ри (1968). 1939 йилдан КПСС аъзоси. УзССРда хизмат кўрсатган маданият ходими (1971). Улуғ Ватан уруши қатнашчиси (1941—43). Самарқанддаги Педакадемияни (ҳозирги Ўзбекистон Давлат ун-ти) тугатган (1932). 1932—34 йилларда Маориф халқ комиссарлиги қошидаги Давлат методика илмий советининг масъул раҳбари. Фан комитети қошидаги Тил ва адабиёт ин-ти аспиранти (1935—37). Ўқув педагогика нашриёти директори (1937—40, 1949—52), Ўзбекистон КП МҚ маданият бўлими мудири (1940—41, 1943—45), УзССР Ёзувчилар союзи правлениеси масъул секретари (1945—49), УзССР ФА нашриёти директори (1952—59), УзССР ФА А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт ин-ти катта илмий ходими (1959—70), сектор мудири (1970 йилдан).

Илк шеърлар тўплами «Ёлқинли шеърлар» 1931 йили нашр қилинган. Ш. «Адабиёт дарслиги» (1933), «Максим Горький» поэмаси (1948) ва «Саодат» қиссасини (1958) яратди. «Хоразм» тетралогиясида (1-к., 1960; 2-к., 1970; 3-к., 1974; 4-к., 1979) *Асфандиёрхон* ҳукмронлиги даври (1910—18) даги хоразмликларнинг оғир ҳаёти, босмачиларга қарши кураши ва Хоразмда совет ҳокимиятининг ўрнатилиши воқеалари акс этган. «Ўзбекистонда таржима тарихидан» мавзуида д-рлик диссертациясини ёқлаган. Таржима тарихи ва назариясига оид бир қанча монография ва мақолалар муаллифи. Ш. Руставели, А. С. Пушкин, М. Горький, Маҳтумқули, С. Стальский, Б. Кербобоев ва б. нинг айрим асарларини ўзбек тилига таржима қилган.

Ас.: Бадиий таржиманинг баъзи масалалари, Т., 1957; Некоторые проблемы поэтического перевода с русского на узбекский язык, Т., 1958; Шеърий таржиманинг баъзи масалалари, Т., 1959; Ўзбекистонда таржима тарихидан, Т., 1965; Бадиий таржималар ва моҳир таржимонлар, Т., 1972; Хорезм. 1—3 кн., М., 1968—1976.

ШАРИПОВ Йўлдош (1913, Қўнғирот — 1973. 23. 7, Нукус) — қорақалпоқ совет актёри, режиссёр ва театр арбоби. ҚҚАССР (1949) ва УзССР (1957) халқ артисти. 1943 йилдан КПСС аъзоси. Москва театр санъати ин-тининг қорақалпоқ студиясини тугатган (1939). Саҳна фаолиятини 1930 йили Хоразм театрида бошлади. 1939—73 йиллар К. Станиславский номидаги ҚҚАССР Давлат музикали драма ва комедия театрида ишлади. Бойсара (Н. Довқораев, «Алпомиш»), Макферсон (К. Симонов, «Рус масаласи»), Сухсуров (А. Қаҳҳор, «Тобутдан товуш»), Қамиқбой (Ж. Аймурзаев, «Равшан»), Суртайша (А. Шомуратов ва И. Юсупов, «Қирқ қиз»), Жалекебой (И. Юсупов, «Актриса тақдири») каби образлар Ш. ижодида алоҳида ўрин тутади. «Гулсара» (К. Яшин, М. Муҳамедов), «Ўзингдан чиққан балога...», «Бердақ» (Ж. Аймурзаев), «Камбағаллик айб эмас» (А. Островский) сингари спектакллар Ш. режиссурасига мансуб. Ш. ижоди халқ юморига бойлиги, ўзига хос миллийлиги б-н ажралиб туради.


ШАРИПОВ Мурот (1934, ҳозирги Бухоро обл. Шофиркон р-ни Тезгузар қишлоғи) — чорвадор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони (1970).



Шарипов Ж.



Шарипов Й.



Шарипов М.



Шарифхўжаев М.

1966 йилдан КПСС аъзоси. Бухоро обл. Қоннмех р-нидаги «Шофиркон» қоракўлчилик с-зида чўпон ёрдамчиси (1947—58). 1958 йилдан бош чўпон. Қоракўлчиликни ривожлантиришда хизмати бор. Ленин ордени ва медаллар б-н мукофотланган.

ШАРИПОВ Ошиқбой (1890, ҳозирги Андижон обл. Жалақудуқ р-ни Ойим қишлоғи —1971. 15. 11)— шоликор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони (1950). Охунбобоев р-нидаги Фрунзе номли к-зда колхозчи (1930 йилдан). 5,5 *га* майдоннинг гектаридан 85 *ц* шоли етиштирган (1949). Ленин ордени б-н мукофотланган.

ШАРИПОВ Хусниддин (1933. 10. 2, Наманган ш.) — ўзбек совет шоири. 1957 йилдан КПСС аъзоси. Тошкент Қишлоқ хўжалиги ин-тини тугатган (1954). Наманган ўрмон хўжалигида инженер (1954—56), «Наманган ҳақиқати» (1956—60), «Ўзбекистон маданияти» (1960—62) газеталарида, «Шарқ юлдузи» (1962—69; 1976—77), «Гулистон» (1970) журналларида ишлаган. Илк шеърлар тўплами «Ниҳол» 1956 йили нашр қилинган. «Қуёшга ошиқаман» (1963), «Тупроққа қасида» (1965) шеърлар тўпламлари фалсафий мушоҳадаларга бой. «Ёрнинг қалби» достони (1965), «Мен сизга айтсам» (1968) тўпламларида жамият тараққиёти, шоирнинг Ватанга ва халққа муҳаббати бадиий акс эттирилган. Оҳангининг мусиқийлиги, мисраларнинг сержилолиги ҳамда уларнинг майин юмор б-н уйғунлашуви Ш. ижодининг муҳим хусусиятидир. «Бир савол» шеърий романи (1973) Ўзбекистондаги 20-йилдан 40-йилгача бўлган воқеаларни ўз ичига олади. Колхоз ҳаёти тўғрисидаги «Лирик драма»си (1958), «Ота ўғли» (1965) пьесаси саҳналаштирилган. «Афсона» пьесаси (1975), «Укажонларимга» (1963), «Бу ёғи нима бўлади?» (1973), «Чавандоз (1974) каби асарлар муаллифи.

Ас.: Лирика, Т., 1970; Ильични ўйлайман, Т., 1976.



Шаропов У. Б.

ШАРИФ РИЗО (1910—Қўқон — 1947) — ўзбек совет ёзувчиси, журналист, таржимон. 1928 йилдан Коммунистик партия аъзоси. Фаолиятини «Янги Фарғона» газетасида мухбирликдан бошлаган. 1926—32 йилларда «Янги Фаргона» газетасида адабий ходим, масъул котиб, муҳаррир, 1933—34 йилларда «Колхоз йўли» газетасининг масъул муҳаррири, 1934—35 йилларда «Комсомолец Узбекистана», «Ёш ленинчи» газеталарида муҳаррир, сўнгра «Қизил Узбекистон» газетасида муҳаррир ўринбосари (1936—38). 1938—46 йилларда «Правда», «Известия» газеталарининг Фарғона водийси бўйича мухбири. Кўпгина публицистик мақола, очерк, ҳикоялар яратган. «Қор ёғди, излар босилди» қиссаси (1938) нашр этилган. «Мадди латифалари» (1941) китобларининг тузувчиси. М. Шолоховнинг «Тинч Дон», Чернишевскийнинг «Нима қилмоқ керак» романларини ўзбек тилига таржима қилган.



Шаропова Ч.

Ад.: Едгоров Х., Ҳаёт тўлқинлари, Т., 1976.

ШАРИФМЕРГАН — Наманган обл. Уйчи р-ни к-з терр-ясида. Р-н марказидан 11 *км*, яқин т. й. станцияси — Чортоқ (17 *км*). Аҳолиси 1115 киши (1976); пахтачилик, чорвачилик, пиллачилик, узумчилик б-н шуғулланади. Шимолий Фарғона каналидан сув ичади.

ШАРИФХЎЖАЕВ Мурод (1932. 20. 8, Тошкент ш.) — иқтисодчи олим, иқтисод фанлари д-ри (1976). 1975 йилдан КПСС аъзоси. Тошкент Молия-иқтисод ин-тини тамомлагач (1953), шу ин-тда аспирант (1953—56), ассистент, катта ўқитувчи (1956—63), доцент (1963 йилдан), халқ хўжалигини планлаштириш кафедраси мудири (1967—75), Узбекистон ССР Давлат план комитети қошидаги Иқтисодий илмий тадқиқот ин-тининг директори (1975). 1976 йилдан Тошкент Халқ хўжалиги ин-ти ректори. «Қурилиш материаллари саноати ривожланишининг иқтисодий проблемалари» мавзуида д-рлик диссертацияси ҳимоя қилган. Асосий ишлари Узбекистонда капитал қурилиши, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, халқ хўжалигини планлаштиришни такомиллаштириш масалаларини ёритишга қаратилган.

Ас.: Капитальное строительство в Узбекистане и его материально-техническая база, Т., 1971; Экономические проблемы производства строительных материалов, Т., 1974.

ШАРНИР (лат. cardinis — эшик илгаги) — бир умумий ўқ ёки нуқта атрофида бир-бирига нисбатан эркин айлана оладиган деталлар бирикмаси. Машина ва механизмлар назариясида *кинематик жуфт*лар ҳам Ш. деб аталади. Ш. эшик, дераза ва б. ни очилиб-ёпиладиган қилиб ўрнатишда (бундай Ш. ошиқ-мошиқ деб ҳам аталади), турли машиналарда кенг қўлланилади.

ШАРНИРЛИ МЕХАНИЗМ — звенолари фақат айланма *кинематик жуфт* ҳосил қиладиган механизм. Звеноларининг ҳаракати турига қараб, текис, сферик ва фазовий хилларга бўлинади. Текис Ш. м. да шарнир ўқлари параллел жойлашган бўлиб, звенолари текис параллел ҳаракат қилади (1-расм). Сферик Ш. м. да шарнир ўқлари битта нуқтада кесишади (2-расм). Бу кўп поршенли насосларда ва учиш аппаратларини стабиллаш қурилмаларида қўлланилади. Текис ва сферик Ш. м. да камида 4 та звено бўлади. Фазовий Ш. м. да айланувчи жуфтларнинг ўқлари турлича бурчак остида кесишади. Умумий ҳолда фазовий Ш. м. да камида 7 та звено бўлиши керак. Бироқ звеноларнинг чизиқлари ва бурчак ўлчамлари орасидаги маълум муносабатларни бажаришда звенолар сони 4 тагача камаяди (мас., Беннета механизми). Фазовий Ш. м. қ. х. машиналарида, автомат-машиналар ва б. да ишлатилади (3-расм).

Иш звеносининг талаб этиладиган ҳаракатининг берилиш усулига қараб Ш. м. силжитувчи, йўналтирувчи, узатувчи ва тўхтаб-тўхтаб ишлайдиган хилларга бўлинади. Силжитувчи Ш. м. иш звеносини бир вазиятдан иккинчи вазиятга силжитади. Металлургия машиналарида, озиқ-овқат саноатида ва б. да ишлатилади. Йўналтирувчи Ш. м. қўзғалмас звено (стойка) б-н кинематик жуфт ҳосил қилмайдиган звенонинг битта нуқтасини берилган эгри чизиқ бўйича силжитиш учун мўлжалланган. Узатувчи Ш. м. маълум қонун бўйича айланма ҳаракат ҳосил қилишга мўлжалланган. Ҳисоблаш қурилмаларида математик операциялар (қўшиш, кўпайтириш, даражага ошириш ва б.)ни бажаришда ишлатилади. Тўхтаб-тўхтаб ишлайдиган Ш. м. машина-автоматларда иш органларини ҳарактлантириш приводлари учун ишлатилади. Бунда привод маълум операцияни бажариб, бошқа иш органлари ҳаракатланиб бўлгунга қадар тўхтайди.

Ш. м. техниканинг турли соҳаларида кенг тарқалган, чунки уларни тайёрлаш оддий ва пухта бўлади. Габаритининг нисбатан катталиги ва б. унинг камчилигидир. Бундан ташқари барча талаб этиладиган ҳаракат қонунларини Ш. м. б-н олиб бўлмайди.

ШАРОБОЙ МАДРАСАСИ (18-аср) — Қаршидаги архитектура ёдгорлиги. Ривоятларга қараганда, мударрис Шаробхўжа 18-аср бошларида қурдирган. Пишиқ квадрат ғишт (21×24×3,5—4 *см*) дан тўғри тўртбурчак тарҳда тор ҳовлили қилиб солинган. Ҳовлининг ғарбида ёзги масжид вазифасини ўтаган ёғоч айвон бор. Ҳовли атрофидаги ҳужралар балхи гумбазлар б-н ёпилган.

ШАРОПОВ Уткир Боқихонович (1928. 30. 12, Тошкент) — терапевт, медицина фанлари д-ри (1971), проф. (1974). 1960 йилдан КПСС аъзоси. ТошМИнинг даволаш ф-тини тугатган (1951). Совет Армиясида хизмат қилган (1951—58). СССР Медицина ФА Терапия ин-тида аспирант (1958—61), УзССР Улка медицинаси ин-тида кичик илмий ходим (1961—62), ТошМИ ички касалликлар пропедевтикаси кафедрасида ассистент, доцент (1962—72). 1972 йилдан Урта Осиё Медицина педиатрия ин-ти ички касалликлар пропедевтикаси кафедрасининг мудири. «Юрак порокларида артериал қон босимининг ошиши» мавзуида д-рлик диссертацияси ёқлади. Илмий ишлари асосан юрак-қон томир касалликларига онд.


Ас.: Новые мочегонные средства при недостаточности кровообращения, Т., 1964; Артериальная гипертония при некоторых пороках сердца, Т., 1977.

ШАРОПОВА Чинни (1929, Бухоро обл. Бухоро р-ни) — пахтакор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони (1957). 1953 йилдан КПСС аъзоси. Тошкент Қишлоқ хўжалиги ин-тини тамомлаган (1967). Бухоро р-нидаги «Йўлбошчи» (ҳозирги Ленин номли) к-зида колхозчи (1950 йилгача), звено бошлиғи (1950—54), Қаволамаҳмуд қ. С. (1954—58), Энгельс номли к-з (1958—61), Галаосиё қ. С. (1961—62) раиси. 1967 йилдан Бухоро р-н Ижроия комитети раиси ўринбосари. Ш. раҳбарлигидаги Энгельс номли к-з пахтачиликни ривожлантиришда юқори кўрсаткичларга эришган. 6-чақириқ СССР Олий Совети, 4—5 чақириқ УзССР Олий Совети депутати. Ленин ордени, Меҳнат Қизил Байроқ, 2 та «Ҳурмат Белгиси» орденлари ва медаллар б-н мукофотланган.


ШАРОФОВ Насриддин Алимович (1928. 5. 5, Самарқанд)— тилшунос, филология фанлари д-ри (1976), проф. (1978). УзДУнинг филология ф-тини тугатган (1949). ТожССР Маориф министрлиги қошидаги илмий тадқиқот ин-тида (1950—53), С. Айний номидаги Самарқанд Педагогика ин-тида (1954—57), ТожССР ФА Рудакий номидаги Тил ва адабиёт ин-тида (1958—64) ишлаган. 1965 йилдан шу ин-тда катта илмий ходим ва айни вақтда Самарқанд Педагогика ин-тида проф. «Ҳозирги замон тожик адабий тили лексикасининг бойиш йўллари» мавзуида д-рлик диссертацияси ёқлади. Ш. тожик, ўзбек, рус тиллари лексикасининг ўзаро таъсири проблемалари б-н шуғулланади. «Тожик тили лексикасининг ҳарбий терминлар билан бойиши», «Ҳозирги замон тожик адабий тилида русча-интернационал терминлар», «Маҳмуд Қошғарий ва унинг девони», «Тожик адабий тили лексикасининг ўзбекча сўзлар билан бойишининг баъзи масалалари» ва б. муҳим тадқиқотлари бор.

ШАРТЛИ РЕФЛЕКСЛАР — одам ва ҳайвоннинг индивидуал ҳаёти давомида вужудга келадиган мураккаб мосланиш реакцияси. Маълум шароитда шартли қўзғатгич б-н муваққат алоқанинг вужудга келиши ва бу қўзғатгичнинг шартсиз рефлектор акт б-н мустаҳкамланиши натижасида пайдо бўлади. Буни *марказий нерв системасининг* юксак (олий) бўлимлари — бош мия пўстлоғи ва пўстлоқ ости тузилмалари (*ретикуляр формация*, гиппокамп, *гипоталамус* ва б.) амалга оширади. *Онтогенезда шартсиз рефлекслар* асосида шаклланади. «Ш. р.» терминини фанга И. П. *Павлов* киритган (1903). Бу ҳодисанинг тадқиқ этилиши И. П. Павловнинг одам ҳулқи ва ҳайвон хатти-ҳаракати тўғрисидаги шартли рефлектор назариясининг ҳамда *олий нерв фаолияти* физиологиясининг яратилишига сабаб бўлди.


Рецепторлар қабул қилган ҳар қандай ички ва ташқи таъсиротлар шартли қўзғатгич бўлиши мумкин. Ш. р. пайдо бўлишининг дастлабки босқичида умумий характерга эга бўлиб, кўпгина сигналларга бир хил реакция кўрсатади. Таъсиротнинг такрорланиши натижасида бора-бора фақат бир ёки шунга яқин сигналларгина ўзига хос (адекват) реакция қўзғаш хусусиятига эга бўлиб қолади. Мас., илгари овқатланиш реакциясига ҳеч қандай алоқаси бўлмаган бирорта қўзғатгич (чироқ ёруғи, қўнғироқ товуши ва б.) сўлак ажралишига сабабчи шартли қўзғатгич бўлиши учун уни овқат (шартсиз қўзғатувчи) б-н бирга таъсир эттириш лозим. Бунинг учун тажриба бир неча марта такрорланиши, яъни олдин қўнғироқ чалиб, сўнг ҳайвонга овқат бериш керак. Кейинчалик фақат қўнғироқ товушига сўлак ажрала бошлайди, яъни шартли рефлекс ҳосил бўлади. Агар Ш. р. ҳосил бўлиш шартлари бузилса, у сўнади. Ижобий Ш. р. (мустаҳкамланадиган) ва салбий Ш. р. (мустаҳкамланмайдиган) бор. Ижобий Ш. р. да шартли сигнал организмда *қўзғалиш* ва маълум фаолиятнинг амалга ошишини таъминлайди, салбийда эса ички тормозланишнинг кучайиши оқибатида уни сусайтиради. *Рефлекс* ҳосил қилувчи қўзғатгичлар турига қараб табиий ва сунъий Ш. р. мавжуд. Табиий Ш. р. биологик муносабат аҳамиятига эга бўлган шартсиз қўзғатгичнинг табиий хусусиятлари (мас., овқатнинг кўриниши, ҳиди ва б.), сунъий Ш. р. эса дастлаб мустаҳкамланиш б-н боғлиқ бўлмаган қўзғатгичлар (мас., қўнғироқ товуши, лампа ёруғлиги ва б.) асосида пайдо бўлади. Шартли қўзғатгич структураси, шартли ва шартсиз компонентлар таъсир вақтининг ўзаро нисбати, шунингдек жавоб реакциясининг мустаҳкамланиш хусусиятига қараб, қуйидаги Ш. р. фарқланади: 1) биринчи тартибли Ш. р. (шартсиз қўзғатгич асосида балиқ, сувда ва қуруқда яшовчилар, судралиб юрувчилар, қуш ҳамда сут эмизувчиларда шаклланади); 2) олий (2-, 3- ва ҳ. к.) тартибли Ш. р. [нлгари ишлаб чиқилган муваққат алоқалар базасида ит (5—6 тагача), маймун (10—13 тагача) ва б. да, шунингдек одамда абстракт тафаккур асосида 20 тагача ва ундан ортиқ тартибли Ш. р., мас., турли приборлар б-н ишлашда вужудга келиши мумкин]; 3) тақлидий Ш. р. (бошқа ҳайвон хатти-ҳаракати асосида мустаҳкамланади); 4) қўш Ш. р. (бунда Ш. р. таъсир қуввати тенг икки қўзғатгичнинг бир вақтга тўғри келишидан юз беради); 5) озиқ модда олиши ёки ўзини зарарли таъсиротлар (мас., оғриқ)дан ҳимоя қилишида иштирок этувчи асбоб-анжомлар туфайли ҳосил бўладиган Ш. р. ва б. Ш. р. шаклланиши



1-расм. Тўрт звеноли шарнирли механизм.



2-расм. Тўрт звеноли сферик.



3-расм. Етти звеноли фазовий.

учун олий даражада тараққий этган марказий нерв системаси бўлиши шарт.

Шартли рефлектор фаолият жараёнида ҳамма вақт ташқи ва ички муҳит таъсири анализ ҳамда синтез қилинади. Таъсир анализи сигналларни фарқлаш ва организмга таъсирини дифференциациялашдан, синтез эса мия пўстлоғининг турли қисмларида вужудга келган қўзғалишларни боғлаш, умумлаштириш ва бирлаштиришдан иборат. Анализ ва синтез жараёни ўзаро боғлиқ ҳолда параллел кечиб, бош миянинг асосий функциясини ташкил этади. Ш. р. нинг ҳосил бўлиш механизми бош миядаги бир вақтда қўзғалган икки пунктнинг нерв туташиши жараёнига асосланган. Қўзғалиш шартли сигнални қабул қилган бир группа пўстлоқ ҳужайраларидан бошқасига пўстлоқдаги фақат горизонтал нерв толалари орқали ўтади деб ҳисобланарди. Бироқ совет олимларидан З. А. Асратян, И. С. Бериташвили, А. Б. Коган, М. М. Хананашвили, Н. Ю. Беленковларнинг тадқиқотлари янги функционал алоқа бошқа йўл, яъни пўстлоқ—пўстлоқ ости — пўстлоқ орқали амалга ошиши мумкин эканлигини кўрсатади. Ш. р. нинг вужудга келиши ва мустаҳкамланиши янги рефлектор ёйнинг пайдо бўлиши б-н боғлиқ. Кўпчилик Ш. р. маълум даражада ҳайвонларнинг мураккаб хатти-ҳаракатини белгилайди ва организмнинг ташқи муҳитга мосланишини таъминлайди. Одамдаги Ш. р. *биринчи сигнал системаси* ва *иккинчи сигнал системаси* б-н ҳайвонлар шартли рефлектор фаолиятидан фарқ қилади.

Ад.: Павлов И. П., Полн. собр. соч., т. 3, М.—Л., 1949; Беленков Н. Ю., Условный рефлекс и подкорковые образования мозга, М., 1965; Анохин П. К., Биология и нейрофизиология условного рефлекса, М., 1968; Конорски Ю., Интегративная деятельность мозга, Пер. с англ., М., 1970; Руденко Л. П., Функциональная организация элементарных и сложных форм условно-рефлекторной деятельности, М., 1974; Прибрам К., Языки мозга, Пер. с англ., М., 1975.

ШАРТЛИ ҲУКМ — суд ўз ҳукмида муайян жазо тайинлаб, уни шартли ҳисоблаши ва маълум синов муддатигача ижро этмаслик ҳақида қарор қилиши. Агар суд белгиланган синов муддати (1 йилдан 3 йилгача) мобайнида маҳкум қасддан янги жиноят қилмаса, ана шу муддат ўтгандан кейин у судланмаган деб топилади. Агар синов муддати тугамай туриб, маҳкум янги жиноят қилиб қўйса, суд уни айбига яраша жазолашдан ташқари аввалги жинояти учун тайинланган шартли жазони ҳам қўшиб белгилайди (ЎзССР ЖК, 41-модда). Ш. ҳ. озодликдан маҳрум қилиш ва ахлоқ тузатиш ишлари каби жазолар тайинлангандагина қўлланилиши мумкин. Бундай ҳукм чиқаришда жаримадан бошқа қўшимча жазо тайинланмайди.

Ш. ҳ. қилишда содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги, шунингдек айбдорнинг шахси, унинг кимлиги, илгари жиноят қилганқилмаганлиги ҳисобга олинади. Оғир ва жуда хавфли жиноят қилган шахсларга нисбатан бу ҳукм қўлланилмайди.

Айбдор ишлаётган жойдаги жамоат ташкилотлари ёки меҳнаткашлар коллективи илтимоси б-н суд, лозим топса, Ш. ҳ. қилинган шахсни қайта тарбиялаш ва ахлоқини тузатиш учун тегишли ташкилотга топшириши мумкин. Қонун бўйича, агар синов муддатининг ярми ўтганда, шу ташкилотлар илтимос қилса, суд синов муддатини қисқартиришга ҳақли. Ш. ҳ. этилган шахсларни ҳисобга олиш, уларнинг хулқ-атворини назорат қилиш иши тегишли суд томонидан олиб борилади.

ШАРТНОМА — гражданлар, ташкилотлар ёки давлатлар ўртасида муайян соҳадан ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлар олиб тузиладиган битим. Одатда ёзма равишда тузилади. Келишувлар баёни ёзилган ҳужжатнинг ўзи ҳам Ш. деб аталади (қ. *Халқаро шартномалар, Хўжалик шартномаси, Меҳнат шартномаси*).

ШАРТНОМА (гражданлик ҳуқуқида) — икки ёки ундан кўп шахс (граждан ёки *юридик шахс*) ўртасидаги ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларни белгилаш, уларни ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги битим. Ш. лар иштирокчилар сони ва мазмунига кўра бир томонлама ёки икки томонлама бўлади. Бир томонга ҳуқуқ бериб, иккинчи томонга мажбурият юклайдиган Ш. бир томонлама (мас., қарз Ш. си), ҳар икки томонга ҳам ҳуқуқ бериб, ҳам мажбурият юклайдиган Ш. икки томонлама Ш. (мас., олди-сотди, поставка, *пудрат* ва б. Ш.) ҳисобланади.

Совет гражданлик ҳуқуқида Ш. ҳуқуқий муносабатларда мажбуриятлар юзага келишининг муҳим асосларидан биридир (қ. *Мажбурият ҳуқуқи*). Ш. — совет иқтисодий оборотни иштирокчилари бўлган социалистик корхоналар ва б. ташкилотларнинг ўзаро хўжалик алоқаларини белгилайдиган ва ташкил этадиган восита ҳамдир (қ. *Хўжалик шартномаси*). Ш., шунингдек, СССР гражданлари шахсий мулкини тартибга солишнинг асосий ҳуқуқий шаклларидан ҳисобланади.

Ш. да томонлар бажариши лозим бўлган шартлар ва б. мажбуриятлар кўрсатилади. Баъзи Ш. ларда олинган мажбуриятни бажармаслик натижасида келтириладиган зарарни тўлаш тадбирлари ҳам белгиланади. Томонлар Ш. нинг бутун моддалари бўйича бир битимга келганларидан кейин Ш. тузилган ҳисобланади.

Ш. лар оддий ва нотариал идораларда тасдиқланади. Айрим Ш. лар тегишли давлат органларида қайд этилади (мас., жойларнинг олди-сотди Ш. си нотариал идорада тасдиқланиб, маҳаллий Совет ижроия комитетида қайд этилиши лозим).

Учинчи шахс фойдасига тузиладиган Ш. да Ш. йўриқси уни тузган шахс ёки учинчи шахс томонидан (унинг ўзи ёки бошқа шахс орқали) талаб қилиниши мумкин. Мас., СССРда страхование Ш. сига кўра, страхование қилдирган шахс вафотидан кейин, Ш. кимнинг фойдасига тузилган бўлса, шу шахс страхование суммасини талаб этиш ҳуқуқига эга бўлади. Учинчи шахс фойдасига тузилган Ш. шартлари фақат учинчи шахснинг розилиги б-н ўзгартирилиши мумкин. Учинчи шахс фойдасига ўз ҳаётини страхование қилдирган шахс Ш. си бундан мустасно, у Ш. ни истаган вақтида учинчи шахс розилигини олмай туриб бошқа бир шахс фойдасига ўзгартира олади.

Ш. тузиш тартиби ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг Гражданлик қонунлари асослари (1961) ва ЎзССР ГК (45—66-моддалар)да белгиланган. Социалистик ташкилотлар ўртасида тузиладиган Ш. лар алоҳида қоидалар б-н тартибга солинади. Ш. тузиш давридаги давлат, кооператив (к-злар бундан мустасно) ва жамоат ташкилотлари ўртасидаги ихтилофлар, агар қонунда бошқача ҳол кўзда тутилмаган бўлса, арбитражда ҳал этилади.

ШАРТСИЗ РЕФЛЕКСЛАР — организмнинг ички ва ташқи таъсиротларга *марказий нерв системаси* орқали кўрсатадиган туғма жавоб реакцияси. «Ш. р.» терминини фанга И. П. Павлов *рефлекслар*ни ифодалаш учун киритган. Оғизга овқат тушганда сўлак ажралиши, киши бармоғига игна санчилганда бармоқни тортиб олиши ва б. Ш. р. га мисол бўла олади. Ш. р. *шартли рефлекслар* б-н биргаликда организмнинг ички ва ташқи муҳит ўзгаришига мосланишини таъминлайди. Рефлексларни Ш. р. б-н шартли рефлексларга ажратиш нисбий характерга эга. И. П. *Павлов* фикрича, Ш. р. ҳам шартли рефлекслар каби ҳосил бўлиб, кейинчалик эволюция процессида (қатор авлодларда ҳаёт шароити бир хилда сақланса) мустаҳкамланади ва туғма рефлексларга айланади.


Ш. р. нинг ўта мустаҳкамлиги, ўзгармаслиги тўғрисидаги тушунчалар ўтказилган тажрибаларда тасдиқланмади. Тадқиқотлар Ш. р. нинг кўпгина омиллар (бошқа рефлекслар б-н ўзаро ҳамда гормонал-гуморал таъсирга, организм ва унинг марказий нерв системаси ҳолати)га боғлиқ ҳолда ўзгариб туришини кўрсатди. Бу эса Ш. р. ни классификациялашни қийинлаштиради. И. П. Павлов таъсир қилаётган қўзғатгич хусусияти ва жавоб реакциясининг биологик мазмунига кўра Ш. р. ни қуйидагиларга ажратган: овқатланиш, ҳимоя, жинсий ва мўлжаллаш-текшириш рефлекслари. Мураккаб Ш. р. га *инстинкт*, одам ва ҳайвонлар туғма фаолиятидаги циклик ёки ҳулқий характерга эга бўлган бошқа мураккаб актлар киритилади.

Ад.: Павлов И. П., Лекции о работе больших полушарий головного мозга, М., 1952; Слоним А. Д., Основы общей экологической физиологии млекопитающих, М.—Л., 1961.

ШАРШАЙ — Наманган обл. Поп р-нидаги сой. Чодаксойнинг чап ирмоғи. Узунлиги 19 *км*. Оҳангарон платосининг жануби-шарқий этакларида (3200 *м*) бир неча булоқларнинг қўшилишидан ҳосил бўлади. Қандаган қишлоғидан қуйида (2 *км*) Чодаксойга қуйилади. Юқори қисмида ён бағирлари паст ва ётиқ, қолган қисмида ён бағирлари тик ва тор водийда, нишаби катта тошлоқ ўзанда оқади. Ўрта ва қуйи қисмида Қузғунтош деб аталади. Қор ва булоқ сувларидан тўйинади. Эрта баҳорда суви кўпаяди, қолган даврларда булоқ сувлари оқади. Ш. Чодаксой б-н биргаликда Поп р-ни экин майдонларини суғоришга сарфланади.

ШАРШАР — Қашқадарё обл. Яккабоғ р-ни Яккабоғ қ. С. даги қишлоқ. «Марксизм» к-зи терр-ясида. Р-н маркази ва яқин т. й. станцияси — Яккабоғ (15 *км*). Аҳолиси 1348 киши (1974); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Яккабоғдарёдан сув ичади. Ўрта мактаб, медпункт бор.

ШАРШАР ВОЛЬФРАМ КОНИ — Зирабулоқ тоғларининг шимоли-ғарбидаги кон. Чўкинди тоғ жинсларининг Зирабулоқ интрузиви б-н туташган қисмида жойлашган. 1943 йили М. Х. Гумарова очган. Кейинчалик бу кон геологиясини В. З. Поярков, Н. Д. Ушаков, В. М. Смирнова, М. И. Исмоилов ва б. ўрганган. Ш. в. к. даги скарилар метаморфик сланецлар ичидаги мергелли оҳактошлардан ҳосил бўлиб, линзасимон жисмлар шаклида тузилган. Скарн рудалари пироксен, гранат, эпидот, актинолит, кварц, кальцит, шеелит, пирит, пирротин, контронит, лимонит каби минераллардан таркиб



Шаршара.

топган. Қондаги асосий руда шеелитдир. Шеелит скарида гранат ва кварц б-н бирга майда (2—5 *мм*) доначалар ҳолида, деярли бирдек тарқалган.

Скарнларда пирит кўп. Кварц-сульфид томирчалар, одатда, скарнларда жойлашган, баъзан улар сланецлар ичига ҳам ўтади.

ШАРШАРА — дарё ўзанининг тик қисмидан сувнинг пастга отилиб тушиши. Дарё қаттиқ ва юмшоқ жинслардан таркиб топган жойлардан ўтганда юмшоқ жинсли жойни ўйиб кириб поғона ҳосил қилади ва шу поғоналардан сув пастга отилиб тушади. Сув бир нечта поғоналардан отилиб тушиб қатор Ш. лар (каскад) ҳосил қилади. Ш. поғонаси бетўхтов емирилиб туради ва Ш. оқимининг юқори томонига силжиб боради. Мас., Ниагара шаршараси (Шимолий Америка) ҳар йили 0,7—0,9 *м* га чекинди бормоқда. Поғона тез емирилиб борган жойда Ш. ўрнида остоналар ҳосил бўлади. Тоғлардаги дараларнинг ўпирилиб тушган қоятошлар б-н тўсилиши оқибатида ҳамда текисликларда дарёнинг қаттиқ жисм (трапплар)лардан ҳосил бўлган жойдан ўтишида ҳам Ш. лар пайдо бўлиши мумкин. Ер шаридаги энг баланд Ш. Анхель шаршараси (1054 *м*). Съерра-Невада тоғларидаги Йосемит шаршараси (Калифорния) 727,5 *м* баландликдан отилиб тушади. Замбези дарёсидаги Виктория Ш. си (Жанубий Африка) 120 *м* баландликдан ва 1800 *м* кенгликдан тушади. Ниагара Ш. си энг кўп сув келтирадиган йирик шаршара бўлиб, кенглиги 1100 *м*, баландлиги 51 *м*. СССР да Ш. лар Карелия АССР, Кола я. о., Қавказ, Олтой, Саян ва Сибирнинг тоғли р-нларида тарқалган. Ўрта Осиё дарёларининг тоғли терр-ялардаги ирмоқлари, сойлар баъзи жойларда унча катта бўлмаган Ш. лар ҳосил қилади.

Дарёлардаги Ш. лар кема қатнови ва ёғоч оқизишга халақит беради, лекин бундай дарёларда ГЭСлар қуриш учун катта қулайлик мавжуд. Нарва дарёсидаги Нарва Ш. си ва Суна дарёсидаги Кивач Ш. сининг энергиясидан фойдаланилмоқда.

ШАРҚ, Шарқ нуқтаси — уфқнинг тўрт асосий нуқтасидан бири, шимолга қараб турган кузатувчининг ўнг томонида. Узбек тилидаги карталарда Ш ҳарфи б-н ифодаланади. Кун б-н тун узунлиги бир хил бўлган пайтда Қуёш Ш. нуқтасига яқин ердан чиқади. Осмон гумбазида Ш. нуқтаси ҳақиқий горизонт б-н осмон экватори кесишадиган иккита нуқтанинг биридир.

ШАРҚ МЕҲНАТКАШЛАРИ КОММУНИСТИК УНИВЕРСИТЕТИ — Совет Шарқи республикалари ва обл. лари учун партия ва совет ходимларини тайёрлаган олий партия мактаби. 1921 йил 21 апрелда Бутун Россия МИҚ декретига мувофиқ Москвада РСФСР Маориф

халқ комиссарлиги қошида тузилган, кейинчалик ВКП(б) МК ҳузурида бўлган; 1921 йил 21 октябрда Миллатлар халқ комиссарлиги ҳузуридаги Шарқ курслари негизида ташкил этилган. Турли даврларда унда 73 миллат вакиллари таълим олган. 1922 йилдаёқ Тошкент, Боку, Иркутскда ун-тнинг бўлимлари тузилган эди (ун-тда ўқиш муддати 3 йил бўлган). Ш. м. К. у. Я. М. Свердлов номли *Коммунистик университет* программаси асосида ишлаган. Ун-тда партия ишлари ва сиёсий маориф бўлими, касаба союзлар ҳаракати бўлими, экономика бўлими, маъмурий-ҳуқуқий бўлим каби асосий бўлимлар бўлган. Ш. м. К. у. да А. В. Луначарский, Л. Б. Красин, М. Н. Покровский, А. А. Губер, И. М. Рейснер, Б. З. Шумяцкий ва б. дарс берган. Ун-тда йирик илмий текшириш ишлари олиб борилган. 1927 йили Совет ва Хорижий Шарқ ижтимоий-иқтисодий масалалари ва миллий ҳамда мустамлакачилик масалаларини ўрганиш бўйича илмий текшириш ассоциацияси тузилган. 1927—38 йилларда ун-тнинг босма органи —«Революцион Шарқ» чоп этилган. Студентлар ўқитувчилар раҳбарлигида катта агитация-пропаганда ишлари олиб борганлар. Урта Осиё, Сибирь, Шимолий Кавказдаги миллий республикаларда олий ўқув юртлари тузилгач, 30-йилларнинг охирида Ш. м. К. у. ва унинг бўлимлари фаолияти тугатилди. Ун-т ва унинг бўлимлари Шарқнинг кўпчилик миллатларидан бир неча минг партия, комсомол ва касаба союз ходимларини тайёрлаб берди.

ШАРҚ НОТА ЁЗУВИ — Шарқ халқлари музикасида куйлар ёзиб қолдирилган махсус нота усуллари (қ. *Нота ёзуви*).

ШАРҚ ХАЛҚЛАРИ КОММУНИСТИК ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ СЪЕЗДЛАРИ — ҳаммаси бўлиб 2 съезд ўтказилган. 1-съезд 1918 йил 4 ноябрда Бокуда бўлиб ўтди. Унда Россиядаги «мусулмон» коммунистик ташкилотлардан (Бошқирдистон, Озарбайжон, Татаристон, Туркистон ва б. дан) вакиллар қатнашди. Съезд қишлоқларда партия ячейкаларини ташкил қилиш, мусулмон меҳнаткашлари орасида партиявий иш олиб боришга катта эътибор берди. Съезд Туркистон меҳнаткашларини коммунистик партия сафига жалб қилишда, маҳаллий тилларда сиёсий, оммавий, тарбиявий ишларни кучайтиришда мўҳим роль ўйнади.


2-съезд 1919 йил 22 ноябрь — 3 декабрда Москвада бўлиб ўтди; унда Бухоро, Озарбайжон, Хива, Татаристон, Туркистон, Чувашия, Қирғизистон ва б. коммунистик ташкилотлардан 80 га яқин делегат қатнашди. Съездда В. И. Ленин доклад қилиб, Шарқ халқларининг революцион ҳаракатига юқори баҳо берди. Шарқдаги Коммунистик ташкилотлар олдидаги вазифалар, жумладан революцион кучлар бирлигини вужудга келтириш, Совет Россиясига таянии лозимлиги ҳақида гапирди (В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 33-том).

Съезд қабул қилган Шарқ масаласи бўйича резолюцияда Шарқнинг социал рев-я проблемаларини ҳал қилишдаги ўрни, бу ерда ишлаш учун партия ва совет кадрларини тарбиялаб етиштириш, Қизил Армия тузиш, Шарқ халқлари пролетарларидан командирлар етиштириш, хотин-қизлар ва ёшлар орасида ишлаш каби вазифалар кўрсатилди. Шарқ халқлари коммунистик ташкилотлари Марказий бюроси фаолияти, РКП(б) нинг сиёсати тўла маъқулланди. В. И. Ленининг доклади ва съездинг резолюцияси Шарқдаги коммунистик ташкилотлар учун жанговар программа бўлиб хизмат қилди.

ШАРҚ ХАЛҚЛАРИ САНЪАТИ МУЗЕЙИ — Москвадаги йирик музейлардан. 1918 йилда ташкил қилинган (1918—62 йилларда Шарқ маданияти музейи деб аталган). Хорижий Шарқ мамлакатлари, Урта Осиё, Қозоғистон ва Закавказье совет республикалари халқларининг санъати намуналари тўпланган. Музейда Урта Осиёда яшаб ижод этган Л. Л. Буре (Самарқанд), А. Н. Волков, А. В. Николаев (Усто Мўмин), П. П. Беньков (Тошкент) каби рус рассомлари, Урта Осиё ва Қозоғистон тасвирий санъати вакилларидан Б. *Нурали* (туркман), А. Кастеев (қозоқ), У. *Тансиқбоев* (ўзбек) каби рассомлар, шунингдек халқ санъати анъаналарини давом эттирган ва ривожлантирган усталарнинг амалий санъат асарларидан иборат бой коллекция мавжуд. Бу ерда энг қадимги даврлардан тортиб шу кунгача бўлган санъат асарлари бўлиб, Вьетнам, Индонезия, Монголия, Япония, Хиндистон ва б. мамлакатлар халқлари санъатига бағишланган доимий кўргазмалар бор.

«ШАРҚ ЮЛДУЗИ» — ойлик адабий-бадиий ва ижтимоий-сиёсий журнал. *Ўзбекистон Ёзувчилар союзи* органи. Тошкентда нашр этилади. Дастлабки сони 1934 йил июнь-июлда «Ўзбекистон Шўро адабиёти» номи б-н чиққан. Кейинчалик «Совет адабиёти» (1935, январь), «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» (1935, июль) номи б-н нашр этилди. Улуғ Ватан уруши йилларида вақтинча нашр этилмади. 1946 йил январдан «Ш. Ю.» номи б-н қайта тикланди. Журналда шеърият, наср, драматургия, публицистика, адабий танқид ва санъат бўлимлари бор. Унда, асосан, республиканинг, шунингдек Иттифоқдош республикалар ва чет элларнинг адабий ҳаёти акс эттирилади. Журнал китобхонларни жаҳон тараққийпарвар ёзувчилари (айниқса Осиё ва Африка ёзувчилари) ижоди б-н таништириб боради. Унда адабиёт ва санъатнинг муҳим соҳаларига бағишланган адабий-танқидий мақолалар ҳам чиқиб туради.

30-йиллардан ўзбек совет ёзувчиларидан Ғ. Ғуломнинг «Кўкан» поэмаси, «Тирилган мурда», «Шум бола» қиссалари, Ойбекнинг «Қутлуғ қон», «Навоий» романлари, Ҳ. Олимжоннинг «Зайнаб ва Омон» достони, К. Яшиннинг «Тор-мор», «Номус ва муҳаббат» драма-



Шарқ халқлари санъати музейи. 1. Ўрол Тансиқбоев. Тошканбоев портрети. 1977 (мато, мойбўёқ). 2. А. К. Кастеев. «Ўтов». 1934, қоғоз, акварель).

лари, Уйғуннинг «Жонтемир», «Қалтис ҳазил», «Ҳуррият», «Алишер Навоий» асарлари, Ш. Рашидовнинг «Бўрондан кучли», «Қудратли тўлқин» романлари, Н. Сафаровнинг «Шарқ тонги» драмаси, А. Қаҳҳор, Ғайратий, Ойдин, М. Шайхзода, С. Абдулла, Миртемир, Зулфия ва б. нинг асарлари дастлаб «Ш. Ю.» да чоп этилган. Журналга турли даврларда Ойбек, В. Зоҳидов, Уйғун, А. Мухтор, Ҳ. Ғулом муҳаррирлик қилган; 1971 йилдан муҳаррири — *Мирмуҳсин* Мирсаидов. Тиражи 170 мингга яқин (1979).

«ШАРҚ ҲАҚИҚАТИ»—1928—30 йиллар Тошкентда чиққан газета (қ. *«Тошкент ҳақиқати»*).

ШАРҚИЙ АВСТРАЛИЯ СОЙЛИГИ, Тасман сойлиги — Тинч океаннинг жанубий-ғарбий қисмидаги чуқур жойи. Австралия ва Янги Зеландиянинг материк ён бағри. Тасман денгизидаги сув ости тизмаси ва Австралия-Антарктика кўтарилмаси оралиғида. Тасман денгизининг жанубий қисми ва Тинч океаннинг унга ёндош қисмини эгаллаган. Узунлиги 2400 *км* дан зиёд, эни 1500 *км* чамасида. Энг чуқур жойи 5994 *м*. Грунти қизил гилдан иборат. Ш. А. с. да айрим сув ости тоғлари қад кўтарган.

ШАРҚИЙ АВСТРАЛИЯ ТОҒЛАРИ — Австралиядаги *Катта Сувайирғич тизма*нинг географик адабиётларда тез-тез учраб турадиган иккинчи номи.

ШАРҚИЙ АМЕРИКА ОБЛАСТЧАСИ, Аллеган областчаси — қуруқлик Голарктика зоогеографик областининг бир қисми. Ш. А. о. Шимолий Америкаиинг шарқий қисмини, яъни тахм. 100° шк. у. дан шарқдаги ва Канада областчасидан жанубдаги ерларни ҳамда Флорида я. о. ва Бермуда ороллариии ўз ичига олган. Ш. А. о. нинг ер юзаси аксари қисмида текислик ёки сертепа. Шарқида Аллеган ва Аппалачи тоғлари бор. Иқлими мўътадил, сернам иқлим. Шимолида кенг баргли ва игна баргли ўрмонлар, жанубида субтропик ва тропик ўсимликлар ўсади. Ғарбий қисмида катта-кичик майдонлар дашт.

Ш. А. о. нинг фаунаси бой ва хилма-хил. Неарктикага хос ҳайвонлар бу ерда кўпроқ учрайди. Бироқ эндемик турлари кам. Сутэмизувчилардан ерқазир, кротлар бор. Оцелот, ягуарунди, зирҳлилар фақат шу жойга хос. Қушлардан ёввойи курка, карқур, айри думли бўктарги, рисовка, тўти, қизил ғоз, бирқозон, қўтон ва б., судралиб юрувчилардан аллигатор, тимсоҳ, тошбақалар, калтакесак ва илонлар яшайди. Сувда ва қуруқда яшовчилардан амфиума, сирен, бақалар ва б. учрайди. Реликт балиқлардан зирҳли чўртан балиқ, кураквурун ва ҳ. к. лар бор. Ш. А. о. нинг фауна таркиби инсон фаолияти таъсирида жуда ўзгариб кетган.

Баъзи бир олимлар қуруқликни зоогеографик районлаштиришда Ш. А. о. ни *Сонор областчаси*нинг бир провинцияси деб қарайдилар.

ШАРҚИЙ АФРИКА — Африканинг шарқий қисмида экваториал ва субэкваториал кенгликлардаги ерларни ўз ичига олган табиий ўлка. Шимолдан Эфиопия ясси тоғлиги, ғарбдан Конго ботиғи, жанубдан Замбези дарёсининг қуйи оқими ва шарқдан Ҳинд океани б-н чегараланган. Ш. А. да Кения, Уганда, Руанда, Бурунди, Танзания, Замбия, Мозамбик давлатлари ёки уларнинг айрим қисмлари жойлашган. Ш. А. терр-ясининг аксари қисми баландлиги 1000 *м* дан юқори бўлган Шарқий Африка ясси тоғлигидан иборат. Денгиз бўйи камбар пасттекислик. Ясси тоғлик тектоник ёриқлар натижасида айрим бўлакларга парчаланган. Ш. А. да Африка материгидаги учта энг баланд чўққи — Килиманжаро (5895 *м*), Кения (5199 *м*) ва Рувензори (5109 *м*) жойлашган. Иқлими экваториал муссонли, иссиқ, мавсумий сернам иқлим. Шарқий Африка ясси тоғлиги Нил, Конго, Замбези, Ҳинд океанига қуйиладиган бир неча кичикроқ дарёлар ўртасида сув айирғич вазифасини ўтайди. Ш. А. да дарёлари ташқарига оқиб чиқмайдиган берк терр-ялар ҳам бор. Узилма ботиқларда Танганьика, Ньяса, Рудольф каби йирик кўллар жойлашган. Усимликлари, асосан, саванна ва сийрак ўрмонлардан иборат. Тоғларда ўсимликлар баландлик минтақалари бўйлаб тақсимланган. Ҳайвонот дунёси турларга бой; айниқса йирик сут эмизувчилар кўп. Ҳайвонлари Эфиопия зоогеографик областининг Шарқий Африка областчасига мансуб.

ШАРҚИЙ АФРИКА ОБЛАСТЧАСИ — Эфиопия зоогеографик областининг кичик области. Эфиопия областининг Нигер ва Конго дарёлари ҳавзаларидаги сернам тропик ўрмонли қисмларидан ташқари жойларни ва Африканинг жанубий қисмини ўз ичига олган. Областча ландшафти, асосан, саваннадан иборат. Ш. А. о. фаукасининг аксари қисми эндемик. Туёқлилардан каркидон (2 тури), зебра (3 тури), бегемот, антилопалардан ғизол, канна, сув эчкилари, гну, куду, митти антилопа, шунингдек буйвол (сув сигири) яшайди. Жирафа, фил, найтиш кўп тарқалган. Йиртқичлардан арслон, қоплон, гепард, сиртлон ит, катта қулоқ тулки, чиябўри, сиртлон (4 тури), виверранинг бир неча тури, асалхўр ва б. учрайди. Кемирувчилардан узуноёқ, жайра, қум сичқонлари, сичқонлар ва б. кўп. Маймунлардан мартишкасимонлар ва павианларнинг бир неча тури бор; Ҳашаротхўрлардан ерказирлар, сакроғичлар, олтин кротлар, видрасимон ерказирлар, типратикан жуда кўп. Қушлардан туяқуш, тувдоғ ва булдуруқ, цесаркалар, мирзоқуш, болғабош, қўтон, қизил ғоз, тўқувчи қуш ва ҳ. к. лар бор. Судралиб юрувчилардан тимсоҳлар, заҳарли илонлар, хамелеон, агама, сув тошбақаси ва оддий тошбақа, сувда ва қуруқда яшовчилардан ҳар хил бақалар яшайди. Балиқлардан икки хил нафас олувчи протоптерус ва кўпқанотли балиқлар характерли.

Қишлоқ терр-яларини ўзлаштириш ва ёввойи ҳайвонларни кўплаб, овлаш натижасида Ш. А. о. фаунасига катта зарар етказганлар. Ноёб ҳайвонларни сақлаб қолиш ва кўпайтириш мақсадида Ш. А. о. да миллий парклар, резерватлар ва қўриқхоналар (Найроби, Виктория-Фолс, Килиманжаро ва б.) ташкил этилган.

ШАРҚИЙ АФРИКА УЗИЛМАЛАР ЗОНАСИ — Шарқий Африканинг энг янги кўтарилмаларидаги йирик узилма (сброс)лар ва грабен (рифт)лар системаси. Меридионал йўналишда Қизил денгизининг шимолий чеккасидан Замбези дарёси этагигача чўзилган; шунингдек Қизил денгиз (Сувайш ва Ақоба қўлтиқлари б-н бирга) ва Адан қўлтиғи грабенларини ҳам ўз ичига олади. Бу зона Ақоба қўлтиғининг шимолидан Улик денгиз ва Иордан дарёси воҳаси орқали Тавр тоғлари этагигача (Арабистон я. о. нинг Урта денгиз соҳилига параллел ҳолда) давом этади. Африкада 2 тармоқ-

дан иборат. Эфиопиядаги Афар грабени ва ундан нарироқда Виктория кўлининг шарқроғи, Элгон, Кения, Килиманжаро вулканлари ёни, Рудольф кўли ботиғидан Ньяса кўли томон ўтган грабенлар минтақаси Қизил денгиз грабенининг давоми ҳисобланади. Бу Шарқий рифтга нотекис параллел ҳолда Виктория кўлининг ғарбий томонидан Альберт, Эдуард, Киву, Танганьика, Руква кўллари орқали Ньяса кўлининг шимолий чеккаси томон Ғарбий рифт давом этади. Зона Ньяса кўлидан жанубда Ширя дарёси водийси грабени бўйлаб Замбези дарёси томон боради.

Ш. А. у. з. Африканинг шарқий қисми ва Арабистонда йирик кўтарилмалар ва тоғлар ҳосил бўлиши б-н бир вақтда олигоцен давридан шакллана бошлади. Бунда энг янги узилмалар анча қадимги даврлар (кембрийгача) узилмалари бўйлаб қисман йўналди. Узилмалар бўйлаб ҳаракатлар натижасида кучли вулкан отилишлари содир бўлди; вулкан отилиши айниқса неоген даврида авж олди ва ҳозирги давргача давом этяпти. Африкадаги сўнмаган ҳамма вулканлар (Камерундан ташқари) шу зонада жойлашган. Зонада узилмалар бўйлаб энг янги ҳаракатлар содир бўлиб туради. Ш. А. у. з. жаҳон рифтлари системасига киради ва океан рифтларига кўп томондан ўхшайди. Айрим геологлар фикрича, Ер қаъридан чиқадиган кучли иссиқ оқимларнинг таъсирида юқори мантия пўсти остидаги модаларнинг зичланиши натижасида зонада рифтлар, вулканлар ва сейсмик ҳаракатлар ривожланган; бошқа геологлар эса, бу ҳодисалари ер пўстининг икки ёққа сурилиши оқибати деб ҳисоблайдилар.

Ад.: Дикси Ф., Великие африканские разломы, Пер. с англ., М., 1959; Милановский Е. Е., Основные черты строения и формирования рифтовой системы Восточной Африки и Аравии, «Вестник МГУ. Геология», 1969, вып. 1.

ШАРҚИЙ ВИЛОЯТ (Ал-Ҳаса) — Саудия Арабистонининг шарқий қисмидаги вилоят. Форс қўлтиғи соҳилида. Маъмурий маркази — Даммам ш. Ш. в. — мамлакатнинг нефть қазиб чиқариладиган асосий райони. Нефть конлардан Даммам, Рас-Таннура ва Сайда (Ливан) портларига қувурлар орқали келтирилиб, сўнг четга чиқарилади. Ҳуфуфда хурмога ишлов берувчи ва цемент з-длари бор. Ҳунармандчиликда мовут (Ҳуфуфда), қайиқ ва барка (Рас-Таннурада), зарбоф ва олтин буюмлар тайёрланади. Ал-Ҳаса, Ҳуфуф ва Ал-Қатиф каби сув етарли воҳаларда қ. х. ривожланган. Хурмо ўстирилади, шоли етиштирилади. Чорвачиликда туя, қўй, эшак ва хачир боқилади. Денгиздан марварид олинади, балиқ овланади.

ШАРҚИЙ ГАТ ТОҒЛАРИ, Шарқий Гҳата тоғлари — Ҳиндистондаги *Декан ясси тоғлиги*нинг шарқий чеккасида жойлашган бир неча тарқоқ тоғларнинг умумий номи. Ўртача баландликдаги ва паст тоғлардан иборат. Тоғ ён бағирлари муссонли ўрмонлар б-н қопланган.

ШАРҚИЙ ГРЕНЛАНДИЯ ОҚИМИ — Шимолий Муз океандаги совуқ оқим. Гренландиянинг шарқий қирғоқлари бўйлаб шимолдан жанубга томон йўналган. Тезлиги соатига ўртача 1 *км*. Оқим Арктика ҳавзасидан йил давомида муз парчалари, ёз ойларида эса айсберглар олиб келади. Сувнинг т-раси Гренландия қирғоқлари яқинида 0° дан паст, шарқий чеккасида ёзда 2,4°. Шўрлиги 32—33‰.

ШАРҚИЙ ЕВРОПА ПЛАТФОРМАСИ, Россия платформаси, Европа платформаси — ер пўстининг қадимги (рифейгача бўлган) даврига мансуб, қиёсан турғун йирик платформаларидан бири. Шарқий ва Шимолий Европанинг талайгина қисмини эгаллаб, Скандинавия тоғларидан Уралгача ва Баренц денгизидан Қора ҳамда Каспий денгизларигача ястаниб ётади. Платформа чегараси шимолишарқ ва шимолда Тиман кряжи бўйлаб ҳамда Кола я. о. қирғоқларидан ўтади, жануби-ғарбда эса — Ўрта Европа текислигини Варшава яқинида кесиб ўтиб, шимоли-ғарбда Болтиқ денгизи ва Ютландия я. о.нинг шимолий қисмидан ўтади.

Ш. Е. п. да рифейгача бўлган бурмаланган қадимги кристалли фундамент б-н унинг устида ётган чўкинди жинслар қоплами ажралиб туради. Фундамент платформанинг фақат шимоли-ғарбида (Болтиқ қалқони) ва жанубий-ғарбидагина (Украина қалқони) ер юзасига чиқиб ётади. Қолган катта майдони фундамент чўкинди ётқизиқлари б-н қопланган.

Ш. Е. п. нинг фундаментида кучли метаморфлашган ва бурмаланган чўкинди ҳамда магматик жинслар бўлиб, бу жинслар катта майдонларда гнейслар ва кристалли сланецларга айланган. Платформа фундаментининг аксари қисми (ғарбий чеккаси бундан истисно) юқори протерозой бошларида (1600 млн. йилдан олдинроқ) шаклланган.

Ш. Е. п. тарихида 2 йирик давр ажралиб туради. 1- давр архей, қуйи ва ўрта протерозой давларини (3500—1600 млн. йил) ўз ичига олади, бунда кристалли фундамент шаклланган; 2- даврда (юқори протерозойдан антропогенгача) эса платформанинг ўзи ривожланиб, чўкинди қоплам ва ҳозирги структура ҳосил бўлган.

Фундаментдаги фойдали қазилмалар: темир рудаси (Кривой Рог ҳавзаси, Курск магнит аномалияси, Кируна), никель, мис, титан рудалари, слюдалар, пегматитлар, апатит ва б. Чўкинди қопламда ёнувчи газ ва нефть қатламлари (Волга-Урал антеклизаси, Припять ботиғи), тоштуз ва калий тузи конлари (Кама, Урал олди, Припять ботиғи), қазилма кўмир (Львов, Донец, Москва ёни ҳавзалари), фосфорит, боксит, қурилиш хом ашёси (оҳактош, доломит, гил ва б.) конлари, шунингдек чучук ва минерал сувлар бор.

Ад.: Шатский Н. С., Основные черты строения и развития Восточно-Европейской платформы, «Известия АН СССР. Серия геологическая», 1946, № 1; Наливкин Д. В., Геология СССР, М., 1962.

ШАРҚИЙ ЕВРОПА ТЕКИСЛИГИ, Россия текислиги — Ер шаридаги энг катта текисликлардан бири, асосан Европанинг шарқий қисмида жойлашган. Шимолдан Оқ ва Баренц денгизлари, жанубдан Қора, Азов ва Каспий денгизлари орасида. Шимоли-ғарбда Скандинавия тоғлари, ғарб ва жануби-ғарбда Марказий Европадаги тоғлар ва Карпат тоғлари, жануб ва жануби-шарқда Қрим ва Қавказ тоғлари, шарқда Урал ва Мугожар тоғлари б-н чегарадош.

Геологик тузилишига кўра Ш. Е. т. *Шарқий Европа платформаси*га деярли тўғри келади. Заминида кучли дислокацияга учраган токембрий кристалл жинслари ётади, бундай жинслар Болтиқ ва Украина қалқонларида ер юзасига чиқиб қолган; бошқа терр-яларда эса қалин чўкинди жинслар тагида ётади.

Ўртача баландлиги 170 *м*; энг паст қисми жанубида — Каспий денгизи сатҳи Дунё океани сатҳидан 27,6 *м* паст. Айрим қирлар денгиз сатҳидан 300—350 *м* баланд (Подолия қирларининг энг баланд нуқтаси 471 *м*). Сувайирғичлар водийлардан ўрта ҳисобда 20—60 *м* баланд. Ш. Е. т. терр-ясида СССРнинг Европа қисми (УССРнинг жануби-ғарбидан ташқари), Польшанинг шимоли-ғарбий қисми, Финляндия, Швециянинг катта қисми, Норвегиянинг чекка жанубий-шарқий қисми жойлашган. Текисликда бир қанча қирлар — Манселькя, Суоменселькя, Ғарбий Карелия қирлари (300—600 *м*), Тиман кряжи, Ўрта Россия, Волинь, Подолия, Волга бўйи қирлари, бир қанча пасттекисликлар — Каспий бўйи, Қора денгиз бўйи, Днепр бўйи пасттекисликлари ва б. лар бор. Музлик босган шимолий қисмида дарё оралиқларидаги сувайирғичлар ясси бўлиб, музлик ўйган тепаликлар кўп; жанубида кўплаб жарлар ҳосил бўлган. Текислик терр-ясининг кўпчилик қисми ўрмонлар зонасида, жануброғи ўрмонли дашт ва дашт зоналарида; Каспий бўйи пасттекислигининг шимолий қисми чала чўл, жанубий қисми — чўл зонасида.

ШАРҚИЙ КОРЕЯ ТОҒЛАРИ — Корея я. о. нинг шарқий қисмидаги тоғ системаси. Узунлиги 600 *км* чамасида. Энг баланд жойи 1915 *м* (Чирисан чўққиси). Тоғларни чуқур даралар ажратиб туради. Тоғларнинг Хитой-Корея платформаси қалқонида жойлашган шимолий қисми қадимги кристалли жинслардан, жанубий қисми эса оҳактош, сланец ва қумтошлардан тузилган. Иқлими муссонли, шимолида мўътадил, жанубида субтропик иқлим. Йиллик ёғин 1000 *мм*. Тоғларнинг аксари қисми ўрмон, тоғ тепалари ўтлоқ.

ШАРҚИЙ ОСИЁ — Осиёда тахм. 60—20° ш. к. лар оралиғидаги бир группа табиий ўлкалар. СССР ва Хитойнинг шарқий қисмларини, КХДР, Жанубий Корея ва Японияни ўз ичига олган. Ш. О. га Қамчатка я. о., Курил о. лари, Сахалин о., Приморье ва Амур бўйи, Хитойнинг шимоли-шарқий ва шарқий қисмлари (Тайвань, Хайнань о-ри б-н бирга), Корея я. о. ва Япония о. лари киради. Ш. О. нинг ғарби мезозой даврида таркиб топган ва бурмаланган жинслардан тузилган. Шарқи эса Ғарбий Тинч океан геосинклиналь минтақаси структураларидан иборат бўлиб, ҳозиргача кучли зилзила ва вулкан отилишлари (Қамчатка, Япон о. лари ва б. ерларда) давом этмоқда.

Ш. О. рельефида ўртача баланд ва баланд тоғлар ҳамда тоғликлар б-н бирга аккумулятив текисликлар учрайди. Ш. О. да муссонли иқлим ҳукмрон, ёзи сернам, қиши нисбатан қуруқ. Ёзда ва кузда довуллар бўлиб туради. Худди шу даврда дарёлар сершув бўлиб, кўпинча тошади. Табиий ўсимликлари, асосан, ўрмонлардан иборат. Мўътадил минтақада игна баргли ва кенг баргли дарахтлар, субтропик ва тропик иқлимли жойларида доимий яшил ўсимликлар ўсади. Ёғин кам ерлари ўрмон-дашт ва даштдан иборат. Ш. О. нинг текислик қисмида каттагина майдонлар экинзор.

«ШАРҚИЙ ПАКТ» — гитлерчилар агрессиясига қарши СССР ва буржуа давлатлари — Чехословакия, Польша, Финляндия, Латвия, Эстония, Литва ўртасида ўзаро ёрдам тўғрисидаги шартнома лойиҳаси. «Ш. п.» ҳақидаги ғояни 1934 йил майда Франция ташқи ишлар министри Л. Барту таклиф қилган ва Совет ҳукумати маъқуллаган. 1934 йил май-июнь ойларида СССР ва Франция Совет Иттифоқи *Локарно битимларини*, Франция «Ш. п.» ни гарантиялашини кўзда тутган икки томонлама шартнома тузишга келишдилар. Англия ҳукумати агар Германия фақат ўзаро ёрдам ҳақидаги шартномага эмас, шу б-н бирга Франция — СССР шартномасига ҳам қўшилгандагина «Ш. п.» ни маъқуллашга тайёр эканлигини маълум қилди. Франция ва СССР ҳукуматлари Англия таклифига розилик билдиришди. Бироқ 1934 йил сентябрида Гитлер ҳукумати, унинг кетидан Польша ҳукумати (1934 йил 27 сентябрь) «Ш. п.» га иштирок этишни рад қилди (Польша ҳукумати 1934 йил январда Германия б-н ўзаро ҳужум қилмаслик тўғрисида шартнома имзолаган эди). 1934 йил 9 октябрда гитлерчилар Германияси агентлари Бартуни ўлдиришди. Франция ҳукуматида гитлерчиларнинг агрессив снёсатини маъқулловчи реакцион элементлар кўпчиликни ташкил қилгач, «Ш. п.» лойиҳаси амалга ошмади.

ШАРҚИЙ ПОКИСТОН — Покистоннинг собиқ провинцияси. Ш. П. терр-ясида 1971 йил декабрда Бангладеш Халқ Республикаси ташкил топди.

ШАРҚИЙ ПОНТИЯ ТОҒЛАРИ — Туркиянинг шимолий қисмидаги тоғ тизмалари. Понтия тоғларининг шарқий қисмида. Қора денгиз қирғоғига параллел жойлашган. Ғарбда Мелет дарёсидан шарқда Чорух дарёсигача давом этган. Энг баланд тизмаси — Лазистон (Қўчқор чўққиси — 3937 *м*). Узунлиги 400 *км* чамасида, эни 100 *км* гача. Альп бурмаланиши даврида вужудга келган ва кристалли, мета-



морфик ҳамда вулкан жинслардан тузилган. Тоғларини дарё водийлари бир неча қисмларга бўлган. Шимолий ён бағри (йилига 3000 *мм* гача ёғин ёғади) нам субтропик ва аралаш ўрмонлар б-н қопланган. Жанубий қурғоқчил ён бағрида Ўрта денгиз атрофига хос ўрмон ва бутазорлар бор. 2000 *м* баландликдан юқориси субальп ва альп ўтлоқлари.

ШАРҚИЙ ПРУССИЯ ОПЕРАЦИЯСИ (1945) — *Улуғ Ватан уруши* (1941—45) нинг охирги даври (13 январь — 25 апрель)да совет қўшинлари ўтказган йирик стратегик ҳужум операцияси. Ш. П. о. нинг мақсади Шарқий Пруссия ва Польшанинг шимолий қисмидаги душман группировкаларини тор-мор этишдан иборат бўлган. Ш. П. о. ни 2- (қўмондони — Совет Иттифоқи Маршали К. К. *Рокоссовский*) ва 3- (қўмондони — армия генерали И. Д. Черняховский, 20 февралдан Совет Иттифоқи Маршали А. М. *Василевский*) Белоруссия фронтлари, 1-Болтиқбўйи фронтининг 43- армияси (қўмондони — армия генерали И. Х. *Баграмян*) ва Болтиқ флоти (қўмондони — адмирал В. Ф. Трибуц) иштирокида амалга оширилган. Шарқий Пруссияда душман кучли мудофаа системасини тузган эди. 1945 йил бошларида бу ерда генерал-полковник Г. Рейнхардт (26 январдан генерал-полковник А. Рендулич) қўмондонлигидаги «Марказ» (26 январдан «Шимол») армиялари группаси мудофаада бўлган. Совет Олий Бош қўмондонлиги Мазур кўли шимолидаги Кёнигсберг (ҳозирги Калининград) ва унинг жанубидаги Млаву, Эльбинг (ҳозирги Эльблонг) даги Шарқий Пруссия группировкасини фашистлар Германиясининг қолган кучларидан ажратиш ва уни денгиз томонга сиқиб бориб, тор-мор келтиришни кўзлаган эди. 13 январдан 3-Белоруссия фронти қўшинлари ҳужумни бошлади ва душманнинг қаршилигини енгди, 18 январда Гумбиннен (ҳозирги Гусев) шимолидаги душман мудофаасини ёриб кирдилар. 2-Белоруссия фронти қўшинлари эса 14 январда ҳужумга ўтдилар ва 26 январда Болтиқ денгизига чиқдилар. 22—29 январда эса 3-Белоруссия фронти қўшинлари денгиз соҳилига етиб келди. Душманнинг асосий кучлари (29 дивизия атрофида) бўлиниб кетди; фақат 2-армияси Висла дарёси орқали Померанияга чекинишга улгурди. Денгизга сиқилиб қолган душман кучларини тор-мор этиш 2-Белоруссия фронтининг 4-армияси б-н тўлдирилган 3-Белоруссия фронти қўшинлари зиммасига юклатилган эди. 3-Белоруссия фронти қўшинлари 13 мартда ҳужумга ўтиб, 29 мартда Хельсберг группировкасини тор-мор этдилар. Кёнигсберг операцияси (1945) даврида фашистларнинг Кёнигсберг группировкаси тор-мор этилиб, қолган бир қисми 9 апрелда таслим бўлди. 13—25 апрелда эса Замланд группировкаси ҳам тор-мор этилди. Ш. П. о. да совет қўшинлари ҳужумкорлик ва жасорат кўрсатиб, душманнинг қатор қудратли мудофаасини ёриб ўтдилар. Шарқий Пруссиядаги ғалаба узоқ давом этган оғир жанглардан сўнг қўлга киритилди. Ш. П. о. натижасида совет қўшинлари бутун Шарқий Пруссияни эгалладилар ва герман империализмининг Шарқдаги форпостига барҳам бердилар ва Польшанинг шимолий қисмини фашист босқинчиларидан озод этдилар.


Ад.: История Великой Отечественной войны Советского Союза. 1941—1945, т. 5, М., 1963.

ШАРҚИЙ САМОА — Тинч океандаги Самоа архипелагининг шарқий қисмидаги ўлка. Таркибида Тутуила (майдони 137 *км*²), Мануа, Аунуу ороллари, Розе ва Суэйнс атоллари бор. АҚШга қарашли терр-я. Майдони 197 *км*². Аҳолиси 30 минг киши (1974). Маъмурий маркази — Паго-Паго ш. (Тутуила о. да).

Тутуила о. нинг ер юзаси, асосан, тоғли (энг баланд жойи 652 *м*). Иқлими тропик пассатли иқлим. Ўртача ойлик т-ра 25—27°. Йиллик ёғин 80—450 *мм*. Майдонининг ярмидан кўпроғи ўрмон. Эввойи ҳайвонлардан, асосан, каламуш ва кўршапалаклар яшайди. Денгизда балиқ ва моллюскалар кўп.

Аҳолисининг аксари қисми *самоаликлар*, қолганлари америкалик. Расмий тил — инглиз тили. Экономикасининг етакчи тармоғи — балиқ консервалари ва копра ишлаб чиқариш. Қ. х. га яроқли ерларнинг аксари қисми самоаликлар қўлида. Мамлакат терр-ясининг 40% и ишланади. Кокос пальмаси ўстирилади; банан, таро, ямс, шакарқамиш етиштирилади; чўчқа ва товуқ боқилади. Балиқ ва креветка консервалари з-длари ҳамда консерва банкалари ишлаб чиқарувчи корхоналар бор. 1972 йилда 4,5 минг *т* кокос ёнғоғи ва 300 *т* копра тайёрланган. Туризм ривожланган. Пул бирлиги — АҚШ доллари.

19-аср 2-ярмида Самоа оролларини эгаллаш учун Германия, Буюк Британия ва АҚШ ўртасида авж олган кураш шу давлатларнинг архипелагини ўзаро бўлиб олиши б-н тугади. 171° ғ. у. дан шарқдаги оролларни АҚШ эгаллади. 1899 йилда бу терр-ялар АҚШ мулки деб эълон қилинди. Ш. С. аҳолиси ўзининг сиёсий ҳуқуқларини кенгайтириш учун узлуксиз кураш олиб бормоқда. 1948 йилда АҚШ маъмурияти губернатор қошида икки палатали қонун чиқарувчи маслаҳат органини тузишга мажбур бўлди. 1960 йилда органик (конституцион) акт қабул қилиниб, аҳолининг ҳуқуқлари бир оз кенгайтирилди. 60-йилларда дастлабки сиёсий партиялар тузилди.



ШАРҚИЙ СИБИРЬ ДЕНГИЗИ — Шимолий Муз океанининг чекка денгизи. Новая Сибирь ороллари б-н Врангель ороли оралиғида. Ғарбда Дмитрий Лаптев, Этерикан, Санников бўғозлари орқали Лаптевлар денгизи б-н, шарқда Лонг бўғози ва Врангель ороли орқали Чукотка денгизи б-н чегарадош. Шимолий чегараси 200 *м* изобаталар бўйлаб ўтади. Майдони 936 минг *км*², сув ҳажми 42 минг *км*³, ўртача чуқурлиги 45 *м* (энг чуқур жойи 155 *м*). Қирғоқ чизиғи бир оз қинғир-қийшиқ. Қирғоғида Чаун қўлтиқчаси, Колима қўлтиғи, Омуляха ва Хрома қўлтиқчалари бор. Бир қанча орол тўдалари жойлашган: Новая Сибирь, Медвежий, Айон ва Шалауров ороллари. Ш. С. д. га Колима, Алазея, Индигирка, Хрома дарёлари қуйилади. Иқлими арктика иқлими. Ўртача т-ра ёзда 0—2° (шимолда), 0—4° (жанубда); қишда —28, —30°. Йиллик ёғин миқдори 100—200 *мм*. Қишда муз б-н қопланади. Ёзда ғарбий қирғоғининг бир неча 10 *км* дан бир неча 100 *км* гача терр-яси муздан бўшайди. Сувининг т-раси қишда —1,2—1,8°, ёзда 4—8°, очиқ денгизда 0, —1°. Шўрлиги жанубида 5—10‰ дан 18—20‰ гача, шимолида 30‰. Оқимлар циклонда сув айланиши ҳосил қилади: шимолида оқим ғарбга, жанубида шарққа йўналган. Сув кўтарилиши (5—7 *см* дан 25 *см* гача) ҳар ярим суткада такрорланади. Қирғоқ яқинидаги сувларда қимматли сиг балиқлари (муксун, чир, омуль), сут эмизувчилардан тюлень, морж, оқ айиқ яшайди. Ш. С. д. *Шимолий денгиз йўли*нинг бир қисмини ташкил қилади. Йирик портлари: Певек, Амбарчик. Ш. С. д. 17-асрда рус денгиз сайёҳлари томонидан ўзлаштирила бошланган. 18-асрда дастлабки карталар тузилган, қирғоқ ва ороллар тасвирланган. «Сибиряков» муз ёрари Шимолий денгиз йўлининг у бошидан бу бошига кесиб ўтгандан (1932) кейин савдо кемалари Ш. С. д. да мунтазам қатнамоқда.

ШАРҚИЙ ТИНЧ ОКЕАН ҚУТАРИЛМАСИ — Тинч океаннинг шарқий қисмидаги сув ости тизмаси. Узунлиги 8000—9000 *км* чамасида. Океан сатҳидан энг баланд жойи 539 *м* (Пасха о.). Кўтарилманинг этакларида океаннинг чуқурлиги 3500—4000 *м*.

ШАРҚИЙ ТУРКИСТОН — қ. *Синьцзян — Уйғур автоном райони*даги тарихий область.

ШАРҚИЙ ФРОНТНИНГ ҚАРШИ ҲУЖУМИ (1919) — Гражданлар уруши даври (1918—20)да А. В. Колчакнинг оқ гвардиячи қўшинларига қарши Шарқий фронт (қўмондон — С. С. *Каменев*, 9—25 майда А. А. Самойло, кейин яна С. С. Каменев) қўшинларининг (апрель—июнь) олиб борган ҳужум харакатлари. 1919 йилнинг бошида Колчак АҚШ, Буюк Британия, Франция ва Японияниинг ёрдами б-н кучли армия тузишга эришди. Унинг 143 минг кишилик армияси, 1330 пулемёт ва 210 тўпига қарши совет қўшинлари 100 мингга яқин киши, 1882 пулемёт, 334 тўп б-н ҳаракат қилди. 1919 йил февралда Шарқий фронтнинг 5-, 1- ва Туркистон армиялари Колчак қўшинларини сиқиб боришда давом этди. 15 февралда Колчак 1919 йил баҳорининг охирига мўлжалланган ҳужумга ўтиш учун қулай марраларни эгаллашга буйруқ берди. 4 мартда генерал Р. Гайданнинг Сибирь армияси (48,5 минг киши) Советларнинг 2- ва 3-армиялари (42 минг киши) га қарши ҳужум бошлади ва Оханск ҳамда Осани ишғол қилди. Совет қўшинлари қаттиқ қаршилик кўрсатиб, 7 апрелда Воткинск, 13 апрелда Ижевскни ташлаб чиқиб кетишга ва май ойида Вятка дарёсидан нарига чекинишга мажбур бўлди. 6 мартда генерал М. В. Ханжининг Ғарбий армияси (50 минг киши) Советларнинг тўла комплектланмаган 5-армиясига қарши ҳужумга ўтди ва 14 мартда Уфани эгаллади. Уфанинг жануброфида 1- ва 5-армия томонидан берилган қарши зарба муваффақиятсиз бўлди. Оқ гвардиячилар Белебей (7 апрель), Бугульма (10 апрель) ва Бугуруслан (15 апрель)ни ишғол қилди. Оқ казаклар Урал ва Оренбургдаги совет қўшин группаларига қарши актив ҳаракатлар бошлади. Оқ гвардиячи генерал Г. А. Беловнинг Жанубий группаси (14,5 минг киши) Советларнинг 1- ва 5-армиялари тутатган жойга ҳужум бошлади. Ғарбий армиянинг асосий кучлари Самара ва Симбирскка яқинлашиб қолди. Шарқий фронтда резерв кучлар йўқ эди, натижада хавфли вазият юзага келди.

12 апрелда В. И. Ленин томонидан ёзилган «Шарқий фронтдаги аҳвол муносабати билан РКП(б) Марказий Комитетининг тезислари» эълон қилинди. Бу тезислар мамлакатдаги бутун куч ва воситаларни Колчак қўшинларини тор-мор келтириш учун сафарбар қилиш бўйича партия амалга оширадиган ишларнинг жанговар программаси бўлди. Шарқий фронт қўшинларининг сони 1 майга келиб 143 минг кишигача кўпайди, пулемётлар 2455 ва тўплар 511 тани ташкил этди; кучлар жиҳатидан устунлик Қизил Армия томонига утди.

Шарқий фронт қўмондонлиги апрелнинг бошларида қарши ҳужум планини ишлаб чиқди, бу планда оқларнинг 450 *км* га ёйилиб кетган Ғарбий армиясига жанубдан зарба бериш кўзда тутилган эди. 10 апрелда Советларнинг М. В. *Фрунзе* қўмондонлигидаги Жанубий армиялар группаси (бу группа 5 мартда 4- ва Туркистон армияларидан ташкил топган эди) ихтиёрига 5- ва 1-армиялар берилди. В. И. *Шорин* қўмондонлигидаги Шимолий группага 2- ва 3-армиялар киритилди. 28 апрелда совет қўшинлари қарши ҳужумга ўтди. Асосий зарбани 5-армия (қўмондони — М. Н. Тухачевский)нинг 26- (дивизия бошлиғи Г. Х. Эйхе) ва 25-дивизия (дивизия бошлиғи В. И. *Чапаев*)лари берди. Оқлар мудофаага ўтиб, кейин Бугульма томонга чекина бошлади. 4 майда Бугуруслан, 5 майда Сергиевск, 13 майда Бугульма озод қилинди. Муваффақиятли ҳужум натижасида оқларнинг 6-Урал корпуси тормор қилинди. 3-Уфа ва 2-Урал корпусларига жиддий талафот етказилди. 15—19-майда Туркистон армияси генерал В. О. Каппел корпусини тор-мор қилиб, 17 майда Белебейни озод этди. 2-армия 26 майда Елабугани, 7 июнда Ижевскийни душмандан тозалади. 29 майда В. И. Ленин қишгача Урални озод қилиш вазифасини қўйди. Оқларнинг Ғарбий армияси Белая дарёси бўйида мудофаа марраси ҳосил қилишга уриниб, Урал, Уфа ва Волга қўшин группаларини тузди. 5 июнга ўтар кечаси 5-армия ҳужум бошлаб, Белая дарёсини кечиб ўтди ва 8 июнда Бирскни эгаллади. 8 июнга ўтар кечаси 25-дивизиянинг асосий кучлари Уфадан шимолроқда Белая дарёсидан ўтиб, Уфани озод қилди. 1 июлда Пермь озод қилинди. Колчак қўшинларига ҳал қилувчи зарба берилди. Совет қўшинлари парокандага учраб чекинаётган оқларни изма-из қувиб борди. Натижада Златоуст, Екатеринбург ва



Усть-Каменогорск қўрғошин-рух комбинати цехида.

Челябинск операциялари амалга оширилиб, августгача бутун Урал озод қилинди.

Ад.: История гражданской войны в СССР, т. 4, М., 1959; Эйхе Т. Х., Уфимская авантюра Колчака, М., 1960; Болтин Е. А., Контрнаступление Южной группы Восточного фронта и разгром Колчака (1919), М., 1949.

ШАРҚИЙ ХИТОЙ ДЕНГИЗИ, Дунхай — Тинч океаннинг денгизи. Хитойнинг шарқий қирғоқлари б-н Тайвань о. ва Рюкю ҳамда Кюсю ороллари ўртасида. Шимолда Сариқ денгиз б-н ва Корея бўғози орқали Япон денгизи б-н, жанубда Тайвань бўғози орқали Жанубий Хитой денгизи б-н туташган. Майдони 752 минг *км*². Ўртача чуқурлиги 349 *м*. Сувининг ўртача ҳажми 263 минг *км*². Денгизнинг ғарбий қисми материк саёзлигида жойлашган, чуқурлиги шарққа томон 33—47 *м* дан 150—160 *м* гача ортиб боради. Ш. Х. д. нинг шарқий қисми ботиқ бўлиб, энг чуқур жойи 2717 *м*. Иқлими муссонли. Денгиз устида майдан октябргача 3—4 марта довул бўлади. Ҳавонинг ўртача т-раси февралда шимоли-ғарбида 5°, жануби-шарқида 15°, августда 26°. Йиллик ёғин ғарбида 1146 *мм*, шарқида 2244 *мм*. Денгизнинг шарқий қисмига йил давомида Шимолий Пассат илиқ оқимининг давоми кириб келади. Шўрлиги денгизнинг шарқида 34,5‰, Янцзи дарёси қуйилган жойларда 5—10‰. Сувнинг т-раси юза қисмида қишда 7—16°, ёзда 27—28°. Денгиз ўсимликлари нисбатан кам. Кит, дельфин, акула, денгиз илонлари яшайди. Балиқ кўп. Денгиз ҳайвонлари овланади. Денгиз сувидан туз олинади. Ш. Х. д. орқали муҳим денгиз йўллари ўтган. Соҳилидаги йирик портлар: Шанхай, Цзилун, Ниибо, Вэньчжоу (Хитой), Нагасаки (Япония).


ШАРҚИЙ ҚОЗОҒИСТОН ОБЛАСТИ
30 0 30 км
ҚОЗОҒИСТОН ССР
УСТЬ-КАМЕНОГОРСК
Зыряновск
Серебрянск
Лениногорск
Шемонаиха
Зайсан
Катон-Карагай
Курчум
Маркакуль
Кокпекти
Таврическое
Глубокое
Первомайский
Верхнеберезовский
Белоусовка
Ульба
Бержинка
Куйган
Абай
Кусак
Карагужиха
Ново-Шульба
Шемонаиха
Лиственка
Лесная Речка
Ново-Бухтарма
Бухтарма
Серебрянский
Зыряновский
Октябрьский
Катай
Белогорский
Парамоновка
Большенарымское
Белая
Верх-Парч
Березовка
Бобровка
Самарское
Ленинский
Марьевка
Верх-Курчум
Буровой
Шубинка
Алексеевка
Горное
Калгуты
Прохладное
Жантекей
Кызылбулак
Акжар
Тарлаулы
Покровка
Сарыбаган
Шиликты
Коробиха
Коротал
Хабаз
Чиркуй
Окчий
Кокпекты
Кутемары
Кызылжар
Крутая
Бурчум
Ульгур
Аягуз
Урджар
Беловодное
Подгорное
Маканчи
Жанаталап
Жата
Аркат
Кабанбай
Кайнар
Кара-Кайнар
Кара-Кожа
Кара-Кожа
Кара-Кожа

тадқиқ қилиб, нашр эттиришди. Шарқий Туркистон (Кучон, Турфон)да топилган будда, христиан ва моний адабиётлари жуда кўп маълумотларга эга. В. В. Вельяминов-Зернов, Н. В. Хаников, В. В. Григорьев, Н. И. Веселовский, В. В. *Бартольд* ва б. тадқиқотчилар Ўрта Осиё тарихи ва географиясига оид жуда кўп асарлар яратдилар. Б. А. *Тураев* Қадимги Шарқ тарихи бўйича рус мактабининг асосчисидир. Қозон, Петербург ва Москва ун-тлари, Москвадаги Лазарев Шарқ тиллари ин-ти, Одессадаги Ришелье лицейи, Владивостокдаги Шарқ ин-ти ва б. бир неча ўқув юртларида шарқшунослар тайёрланди. Шарқшуносларнинг тадқиқотлари, асарлари «Азиатский вестник» (1825—27), «Записки Восточного отделения Русского археологического общества» (1887—1921), «Мир ислама» (1912—13) журналларида чоп этилган.

19-аср ўртасида К. Маркс ва Ф. Энгельс тарихни материалистик асосда тушунишни ишлаб чиқдилар. Шуйдан сўнг Ш. биринчи марта илмий методологик асосга эга бўлди. К. Маркс, Ф. Энгельс ва В. И. Ленин асарларида Шарқ мамлакатлари (Ҳиндистон, Хитой ва б.) даги умумий аҳволнинг муҳим характеристикаси ёритиб берилган.

Улуғ Октябрь рев-ясидан сўнг марксистик Ш. кенг ривожланди. СССР ва б. социалистик давлатларининг шарқшунослигида марксизм бирдан-бир асосий йўналиш бўлиб қолди. 1921 йили В. И. Ленин кўрсатмасига кўра, Бутун Россия Ш. илмий ассоциацияси ва Ш. олий ўқув юртлари очилди. Кейинчалик Шарқ меҳнаткашлари коммунистик ун-ти қошида мустамлака ва миллий проблемаларни ўрганиш бўйича илмий тадқиқот ассоциацияси таъсис этилди. Йирик рус шарқшунослари янги очилган Ш. марказларида иш олиб бордилар. Н. Я. Марр, С. Ф. Ольденбург, Ф. И. Щербатской, Б. Я. Владимирцов, В. В. Бартольд, И. Ю. *Крачковский*, В. В. *Струве* ва б. қимматли асарлар яратдилар. 1930 йили Осиё музейи ва б. Ш. ташкилотлари асосида СССР ФА Шарқшунослик ин-ти тузилди. Ҳозирги Шарқ мамлакатлари тарихи, иқтисоди ва адабиётига оид марксистик нуқтаи назардан ёзилган илмий асарлар, Шарқдаги ишчилар ҳаракати, мустамлакачилик тузумининг кризисига оид асарлар пайдо бўлди, олий ўқув юртлари учун Шарқ тиллари бўйича дарсликлар яратилди. Совет фанининг характерли хусусиятларидан бири шуки, Шарқни ўрганишда Совет Шарқининг олимлари ҳам фаол иштирок этдилар. СССР ФА ва республикалар ФА лари системаларида Ш. проблемаларини ўрганувчи янги марказлар (СССР ФА Тинч океани ин-ти, УзССР ФА, ОзССР ФА, ГрузССР ФА, ТожССР ФА Шарқшунослик илмий текшириш ин-тлари, республика Фанлар академияларининг тарих, адабиёт ва тил ин-тлари, шунингдек, бошқа республикалар академияларида Ш. бўлимлари) тузилди.

Ленинград, Тошкент, Душанба, Боку, Ереван, Тбилиси, Қозон ва б. шаҳарларда Шарқ қўл ёзмаларининг бой фондлари тўпланди. 40-йилларда Москва ун-тида Тарих ва филология ф-тида Шарқ бўлими, Ленинград, Ўрта Осиё (Тошкент), Озарбайжон (Боку) ва Тбилиси ун-тларида Шарқ ф-тлари очилди.

1957 йили Москвада «Шарқ адабиёти» (1964 йилдан «Наука») нашриёти тузилди. «Советское востоковедение» (1955; 1959—61 йилларда «Проблемы востоковедения», 1961 йилдан «Народы Азии и Африки») ва «Современный Восток» (1957; 1961 йилдан «Азия—Африка сегодня») журналларига асос солинди. 1957 йили Тошкентда Бутуниттифоқ шарқшуносларнинг 1-конференцияси бўлиб ўтди.

Совет шарқшунослигининг характерли хусусиятларидан бири шундаки, у чет эл Шарқини комплекс—сиёсий, иқтисодий, тарихий ва филологик аспектда ўрганади. СССР ФА академиклари А. А. Гуебр, Е. М. Жуков, И. М. Майский, А. П. Окладников, Г. В. Церетели, А. Н. Кононов, СССР ФА мухбир аъзолари М. Н. Боголюбов, А. К. Боровков ва б. олимлар ҳам қимматли асарлар яратдилар. 50—60-йилларда кўп томли «Всемирная история» («Жаҳон тарихи»)нинг Шарқ тарихи бўлимлари, Ҳиндистон, Хитой, Япония, Жанубий-Шарқий Осиё, араб мамлакатларининг янги ва энг янги тарихи, олий ўқув юртлари учун дарсликлар, мустамлака системасининг кризиси ва инқирози проблемалари ҳамда Шарқдаги мустақил давлатларнинг иқтисодий ривожланиш проблемаларига оид йирик, умумлашган асарлар нашр этилди. Совет шарқшунослигида биринчи марта тарихий воқеаларни ижтимоий, иқтисодий формациялар, синфий муносабатлар анализи ва эзилган халқларнинг социал ва миллий озодлик кураши тўғрисидаги марксистик таълимот асосида Шарқнинг илмий тарихи яратилди. Шарқ мамлакатлари тарихи бўйича И. М. Рейснер, Б. Н. Заходер, Е. А. Беляев, В. Б. Луцкий, А. Л. Гальперин, А. А. Семенов, Ю. В. Ганковский, Л. И. Думан, И. М. Дьяконов, И. П. Петрушевский ва б. йирик асарлар ёзганлар. Шарқ адабиётшунослиги ривожланди. «Литература Востока» («Шарқ адабиёти») сериясини вужудга келди. «История мировой литературы»нинг Шарққа оид қисмлари ёзилди; «Памятники литературы народов Востока» (текст ва таржималар) нашр этилмоқда.

Совет шарқшунослиги Совет Шарқининг маданий тарихини тадқиқ қилишга кўпроқ аҳамият бермоқда. СССР ФА мухбир аъзоси С. П. *Толстов* раҳбарлигида Хоразмга уюштирилган археологик экспедициялар милоддан анча илгариёқ Ўрта Осиё терр-ясида юқори, ўзига хос (мустақил) маданият ва давлат тузуми бўлганлигини исботлади. Тожикистон, Туркманистон, Арманистон, Грузия, шунингдек, чет эллар (МХР, МАР)га уюштирилган археологик экспедицияларнинг натижалари Ш. ка катта ҳисса қўшди.

Совет Шарқи халқлари орасидан ўз халқлари тарихи, моддий ва маънавий маданиятини тадқиқ қилувчи илмий кадрлар етишиб чиқди. ОзССР ФА акад. А. Ализода, СССР ФА акад. Я. А. Манандян, АрмССР ФА акад. С. Т. Еремян, СССР ФА акад. Б. Ғ. Ғофуров, СССР ФА акад. И. А. Жавахишвили, ГрузССР ФА акад. Г. А. Меликишвили, УзССР ФА акад. Я. Ғ. Ғуломов, акад. М. И. Иўлдошев, УзССР ФА мухбир аъзоси У. И. Каримов ва б. олимлар озарбайжон, арман, грузин, қозоқ, тожик, ўзбек ва б. халқлар тарихи бўйича монографик тадқиқотлар олиб бордилар ва асарлар нашр эттирдилар. Шарқ халқлари этнографияси бўйича йирик асарлар яратилди. Шарқлик йирик олим ва ёзувчиларнинг ижоди, тили кенг тадқиқ қилинмоқда.

Совет шарқшунослиги қадимги қўл ёзма ёдгорликларни тадқиқ қилишда катта муваффақият қозонди. Биринчи марта совет даврида бир неча диалектлар тадқиқ қилинди ва турк, кавказ, мўғул, форс, сомий ва б. тиллар бўйича илмий грамматикалар, луғатлар ва уларга оид асарлар яратилди. «Языки зарубежного Востока и Африки» сериясида 80 дан ошиқ тўплам чоп этилди.

Ўзбекистонда Ш. нинг ривожланиши асосан икки Ш. маркази — ТошДУ Шарқ ф-ти ва Ўзбекистон ФА Абу Райҳон Беруний номидаги *Шарқшунослик институти* фаолияти б-н боғлиқ. Шарқ ф-тида шарқшунос кадрлар тайёрлаш б-н бирга Шарқ халқлари адабиётига оид илмий тадқиқот ишлари ҳам олиб борилмоқда. Ш. ин-тининг илмий йўналиши эса ин-т фондида тўпланган ўн минглаб қўл ёзма асарларни чуқур ўрганиш, каталоглар ҳамда Ўрта Осиё ва қўшни Шарқ халқларининг фан ва маданияти тарихига оид нодир ёзма манбаларни нашрга тайёрлаб, уларда мавжуд бўлган тарихий маълумотлар асосида илмий тадқиқот ишлари яратиш, Шарқ халқларининг ўтмишда жаҳон маданияти тараққиётига қўшган салмоқли ҳиссаларини яққол кўрсатишдир. Ин-т фаолиятида асосий ўринни эгаллаган яна бир муҳим масала — Хорижий Шарқ мамлакатларида содир бўлаётган сиёсий-иқтисодий ва маданий воқеаларни чуқур таҳлил қилиш ва Ўрта Осиё халқларининг қўшни Шарқ мамлакатлари б-н олиб борган дўстона муносабатлари тарихи, Шарқ мамлакатларидаги миллий озодлик ҳаракатлари тарихи ва ҳозирги ҳолати, ишчилар ҳаёти ва уларнинг сиёсий, ижтимоий ҳамда иқтисодий курашлари, аграр масалалар, социалистик ва ривожланаётган мамлакатларнинг ўзаро иқтисодий муносабатлари формалари ва самарадорлиги, Шарқ халқлари адабиёти, Улуғ Октябрь социалистик рев-яси ва В. И. Ленин ғояларининг Шарқ халқлари онгига ва сиёсий-иқтисодий курашларига таъсири масалаларига оид илмий тадқиқот ишлари олиб боришдир. Мазкур муҳим проблемалар, жумладан *манбашунослик* ва Шарқ халқларининг ҳозирги ҳаёти бўйича бир неча ўнлаб монографиялар яратилди.

19-аср ўртасидан чет эл шарқшунослигида прогрессив йўналиш мустаҳкамлана бошлади. Шу б-н бирга Ғарбнинг айрим шарқшунослари Шарқ давлатларининг тарихини мустамлакачилик позициясидан туриб ёритдилар. АҚШ ва б. капиталистик давлатлар Ш. дан ўзларининг империалистик мақсадлари йўлида фойдаландилар.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин Шарқ давлатларида бўлган тарихий ўзгаришлар чет эл шарқшунослиги тадқиқотларининг ривожланишига таъсир кўрсатмоқда. Мустамлакачилик системасининг инқирози, эзилган халқларнинг янги ҳаётга бўлган интилиши Шарқ давлатларидаги гуманитар фанларнинг ривожланишига, Ш. да тадқиқотлар тематикасининг актуаллашувига олиб келди. Шарқ давлатларида олиб борилаётган археологик қазиш ишлари Ш. нинг ривожланишига айниқса муҳим ҳисса қўшмоқда.

Қадимги Шарқ тиллари — шумер, хет, урарту, угарит, хатт, элам, тохар тилларида текстларни ўрганиш кенг йўлга қўйилди. Ахоманий текстлари, паҳлавий, сўғд, хўтан, кумрон, тохар тилларида ёзилган матнлар тўпламлари чоп этилди. Ўрта аср адабиёти, фани ва маданиятига оид ёдгорликларни тўплаш, ўрганиш ва нашр этишда катта ишлар қилинди. МХР ва КХДР олимлари ўрта асрнинг историографиясига оид энг муҳим қўл ёзмаларни, 50-йилларда ХХР тарихчилари Хитойнинг янги ва энг янги тарихига оид ҳужжатлар тўпламини нашр этдилар. Тараққийпарвар япон тарихчилари — С. Хаттори, Г. Хани ва б. Япония тарихини тадқиқ қилдилар.

Урушдан олдин ва урушдан кейинги йилликларда Шарқнинг жонли тилларини тадқиқ этиш кучайди. Диалектология, тилларнинг классификацияси ва ривожланишига оид асарлар яратилди.

Шарқшуносларнинг охирги конгресслари, айниқса, 25-конгресси (1960, Москва), 27-конгресси (1967, Анн-Арбор, АҚШ), 28-конгресси (1971, Канберра, Австралия) Шарқнинг ҳозирги замон проблемаларига Ш. нинг қизиқиши анча ортганлигини кўрсатади.

70-йиллар бошида чет элларда 1100 дан ортиқ илмий текшириш марказлари ва ассоциациялари (ун-т ва б. олий ўқув юртлари шарқ ф-тлари б-н бирга) Ш. бўйича тадқиқотлар олиб бориб, шарқшунос кадрлар тайёрлади. 1917 йилдан сўнг Ш. ташкилотларининг сони тахм. 7 марта кўпайди. Чет эллардаги энг йирик Ш. марказлари: Лондон ун-ти Шарқ ва Африка тадқиқоти мактаби, Қироллик Марказий Осиё жамияти (Буюк Британия); Берлиндаги Немис ФА Шарқшунослик ин-ти (ГДР); Вьетнам тарихи ин-ти (ВСР); Умум Ҳиндистон Шарқшунослик конференцияси, Бенгалия-Осиё жамияти (Ҳиндистон); Шарқшунослик ин-ти, Урта ва Узоқ Шарқ ин-ти (Италия); Тарих ин-ти (КХДР); МХР ФА Тарих ин-ти; Яқин Шарқ ин-ти (Голландия); Шарқшунослар жамияти (Польша); Осиё тадқиқотлари ассоциацияси, Эрон санъати ва археологияси халқаро ассоциацияси (АҚШ); Турк тарих жамияти; Финляндия Шарқшунослар жамияти; Франция Узоқ Шарқ мактаби; Германия Шарқшунослик жамияти (ГФР); Шарқшунослик ин-ти (Чехословакия); Шарқ ин-ти (Югославия). Чет элларда Ш. га оид жуда кўп турли даврий нашрлар чоп этилади.

Ад.: Бартольд В. В., История изучения Востока в Европе и России. Л., 1925; Материалы Первой Всесоюзной научной конференции востоковедов в г. Ташкенте, Т., 1958; Кузнецова Н. А., Кулагина Л. М., Из истории советского востоковедения. 1917—1967, М., 1970; Лунин Б. В., Средняя Азия в дореволюционном и Советском востоковедении, Т., 1965; Шамухамедов Ш. М., Развитие востоковедения в Узбекистане, Ученые записки Тартуского государственного университета, вып. 201, Тарту, 1968.)

ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ, СССР ФА Шарқшунослик институти (1960—70 йилларда Осиё халқлари институти) — Шарқ мамлакатлари тарихи, иқтисоди, адабиёти, маданияти, тилини ўрганувчи илмий текшириш муассасаси. СССРдаги барча шарқшуносликка оид ишларни координация қилади. 1930 йили Ленинградда *Осиё музейи*, Шарқшунослар коллегияси, Будда маданияти ин-ти ва Туркшунослик кабинети негизида тузилган. 1950 йили Ш. и. га СССР ФА Тинч океани ин-ти қўшилган. 1950 йилда Москвага кўчирилган. Ленинградда бўлими бор.

Ш. и., асосан, Осиё ва Шимолий Африка давлатларининг миллий озодлик ҳаракатлари, қ. х. масалалари, ишчилар ҳаракатларини тадқиқ қилади. Ин-тда Осиёдаги қатор давлатларнинг социалистик қурилиш тажрибалари ўрганилади; Шарқ мамлакатларининг халқаро-

муносабатлари масалалари ишлаб чиқилади; филологик тадқиқотлар олиб борилади. Ин-т адабий ва тарихий ёдгорликларни нашр этади. Чет эл шарқшунослик марказлари б-н илмий алоқа боғлайди. Ш. и. да С. Ф. Ольденбург, И. Ю. Крачковский, В. М. Алексеев, А. Н. Самойлович, В. А. Гордлевский, А. П. Баранников, В. В. Струве, Е. Э. Бертельс, Н. В. Пигулевская ва б. йирик шарқшунослар ишлаган. Ин-т 1961 йилдан «Народы Азии и Африки», «Азия и Африка сегодня» (1957—61 йиллари «Современный Восток») номли журналларни нашр этади (СССР ФА Африка ин-ти б-н бирга).

Ад.: Кузнецова Н. А., Кулагина Л. М., Из истории советского востоковедения, 1917—1967, М., 1970.

ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ, УзССР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти — Ўзбекистон ва Хорижий Шарқ мамлакатлари тарихи, маданияти, фан тарихи, ишчилар ва миллий озодлик ҳаракатлари тарихи, СССР б-н қўшни Шарқ мамлакатлари ўртасидаги иқтисодий-маданий ҳамкорликни ўрганадиган илмий текшириш ташкилоти. 1944 йили Тошкентда Республика Давлат кутубхонасининг «Шарқ бўлими» негизида «Шарқ қўл ёзмаларини ўрганиш институти» номи б-н тузилган. 1950 йилдан Ш. и. деб аталади, унга 1957 йили Абу Райҳон Беруний номи берилган. Ин-тда А. А. Семёнов, А. Муродов, А. К. Арендс, А. Расулев, С. Мирзаев, М. А. Салье, И. Одилов, уруш даврида Е. Э. Бертельс, И. П. Петрушевский, В. И. Беляев, О. И. Смирнова, Н. Д. Миклухо-Маклай, А. Н. Кононов, Н. В. Дьяконова каби йирик шарқшунослар ишлади.

Ш. и. да 40 мингга яқин алоҳида асарлар-ни ўзига жамлаган 17 мингдан ортиқ қўл ёзма асарлар тўпламлари (9—19-аср бошларига оид) мавжуд. Улар араб, форс-тожик ва тур-



Шарқшунослик институти.

кий тилларда ёзилган бўлиб, бир қанчаси автографлар, шунингдек муаллифлар ҳаёт чоғида кўчирилган. Ин-т фондида Абу Наср Форобий, Абу Али Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Розий, Хоразмий; Фирдавсий, Саъдий Шерозий, Ҳофиз Шерозий, Умар Ҳайём, Алишер Навоий, Абдурраҳмон Жомий ва Бедил асарлари б-н бирга Ўрта Осиё хонликлари даврига тегишли бир неча минг ҳужжатлар, ёрлиқлар, вақф қоғозлари тўпланган. Ин-т олимлари мавжуд қўл ёзмалар ҳақидаги маълумотларни тўплаб, «Собрание восточных рукописей» («Шарқ қўл ёзмалари тўплами») деган номда чиқармоқда (1952—75 йилларда 10 томи нашр этилди). 1950—51 йилларда Абу Али Ибн Синонинг «Қонун фит-тиб» китоби (5 жилд, 6 китобдан иборат, ўзбек ва рус тилида), 1957—75 йилларда Абу Райҳон Берунийнинг асарларидан «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар», «Ҳиндистон», «Геодезия», «Ас-Сайдана», «ат-Тафҳим», «Қонуни Масъудий» ўзбек ва рус тилларида нашр этилди. Тарих, география, адабиётга оид бир қанча қўл ёзмаларнинг танқидий текстлари ва таржималари, Хорижий Шарқ мамлакатларининг янги ва энг янги тарихи, иқтисодий аҳволи, ишчилар ва миллий озодлик ҳаракатлари, адабиёти бўйича қатор монографиялар, илмий мақолалар тўпламлари, илмий оммабоп брошюралар босиб чиқарилди. Ин-тда 10 та бўлим ва фотолаборатория бўлиб, 127 илмий ходим ишлайди.

Ин-т СССРдаги Шарқшунослик ин-тлари б-н ҳамкорлик қилади. Хорижий Шарқ мамлакатларининг илмий марказлари ва кутубхоналари б-н илмий алоқа ўрнатган.

Ад.: Академия наук Узбекской ССР 1976 Справочник, Т., 1976.

ШАРҒУН (1952 йилдан 1971 йилгача — Тоқчиён) — Сурхондарё обл. даги ш. Ҳисор тоғларининг ён бағридаги хушманзара ерда жойлашган. Шаҳар ёнидан Шарғун дарёси ўтади. Ш. да «Шаргунуголь» руда, қурилиш бошқармаси, ғишт з-ди, брикетлаш ф-каси, қурилиш материаллари к-ти ва б. бор. Шаҳардан Шарғун кўмир конигача Ўрта Осиёда ягона осма сим йўл орқали вагонеткаларда ф-кага кўмир ташиб турилади. Ш. да ҳунар-техника билим юрти, 3 ўрта мактаб, музика мактаби, кинотеатр, кутубхона, болалар боғча ва яслиси, маданият ва истироҳат боғи ва жуда кўп замонавий турар жой бинолари бор. Ш. 1973 йилдан шаҳар.

ШАРҒУН ҚУМИР КОНИ — Ҳисор тоғ тизмасининг жанубий-ғарбий тармоғида жойлашган кон (Сурхондарё обл.). 1941 йили А. Е. Репман ва М. К. Скоморохов очган. Конининг геологик тузилишини А. Е. Репман (1942—45), А. С. Гончаренко, Б. А. Полянский (1955), Н. С. Кудряшев (1958—61) ўрганган. Ш. к. к. ўрта ва юқори юра даврига мансуб кўмир ётқизиқлари ичидан топилган. Кон Мачитли антиклиналининг жанубий қанотидан ўрин олган.

Бу структуранинг ўзак қисми кембрий давригача ҳосил бўлган гнейслар, сланецлар ҳамда қуйи палеозой қумтошли сланецларидан таркиб топган. Бу тоғ жинслари эса, ўз навбатида, ордовик, силур, девон ва карбон даврларига оид терриген ва карбонат ётқизиқлар б-н қопланган. Уларнинг устида юра ва бўр ётқизиқлари ётади. Қуйи ҳамда ўрта

юра ётқизиқлари кўмирга бой. Кўмир ётқизиқларининг умумий қалинлиги 26 *м*. Кўмир қатлами (баъзи бир жойларда йўқлигини ҳисобга олмаганда) Гулиоб сойидан Обизаранг сойигача — ғарбдан шарққа 10 *км* га чўзилган. Ш. к. к. энг йирик қатламининг қалинлиги 12,5 *м;* қатламларнинг ўртача қалинлиги 4,6 *м*. Кўмир қатламининг пастки қисми юпқа аргиллит ва алевролит тоғ жинсларидан таркиб топган. Фойдали қатламлар таркибида 5% гача нефть битумлари бўлган турли хил петрографик типдаги кўмирдан иборат.

Ш. к. к. да кўмир қатламининг ётиш бурчаги бўйлаб тектоник ҳаракатлар содир бўлиши натижасида кўп миқдорда майдаланган кўмир учрайди.

Шарғун кўмирининг ёниш қуввати паст — 5980 *ккал;* ўз-ўзидан ёнмайди, ҳажми 1,35 *т/м*³, қаттиқлик жиҳатидан 2-классга мансуб. Кулининг ўртача миқдори 16,95% (5,3% дан 23,2% гача).

ШАРҲ (араб. شرح — изоҳлаш, тушунтириш, баён қилиш) — 1) китоб шарҳи — китоб текстига изоҳ бериш, унинг илмий справочник қисми. Кўпинча танланган, мемуар асарларда, таржима ҳамда ҳужжатли нашрларда текстнинг мазмуни ва моҳиятини оммабоп тарзда очиб бериш учун қўлланилади. Ш. одатда автор томонидан эмас, балки ношир томонидан тайёрланиб, маълум бир асар ёки текстнинг келиб чиқиш тарихи, унинг муайян фанларга мансублиги ва шу соҳага оид адабиётлар тарихидаги ўрни, текстда тилга олинган турли хил воқеалар, факт ва шахслар ҳақидаги маълумотлардан иборат бўлади. Ш. да автор ишора қилган баъзи воқеа ёки фактлар, у ошкора ёзишга журъат этолмаган ёки лозим топмаган нарсалар талқин қилинади, баъзи сўз ва ибораларнинг моҳияти очиб берилади. Ш. қисқа ва фойдаланишга қулай бўлиб, одатда текстдан кейин алоҳида мақола ёки маълумот тариқасида жойлаштирилади. Классик асарларга Ш. лар алоҳида китоб шаклида ҳам берилиши мумкин;

2) оммавий информация воситаси системасида — ижтимоий-сиёсий муҳим воқеа, ҳужжат ва ш. к. ларнинг моҳияти ҳамда аҳамиятини оператив равишда тушунтиришга мўлжалланган пропагандистик материал тури. Ш. дан жамият ҳаётида ижобий роль ўйнайдиган воқеаларни изоҳлаш, илғор тажрибаларни оммалаштириш, шунингдек реакцион идеология ва сиёсат намоён бўладиган фактларни фош этиш мақсадида фойдаланиш мумкин. Ш. да фактларни таҳлил қилиш, таққослаш, фикрни далиллашнинг турли воситаларидан фойдаланиш, умумлаштириш ва хулоса чиқариш методлари қўлланилади. Шу б-н бирга Ш. нинг жўшқинлигини оширадиган ўхшатиш ва метафоралар ҳам ишлатиш мумкин.

ШАРҲЛОВЧИ — газета, журнал, радио ва телевидениеда муайян воқеалар (ижтимоий-сиёсий, спорт ва б.) га бағишланган *шарҳлар* муаллифи. Матбуот органлари аппаратида Ш. вазифасини муайян соҳа бўйича ихтисослашган профессионал журналист бажаради; кўпинча муайян соҳа (қ. х., санъат ва б.) мутахассислари штатдан ташқари Ш. ликка жалб этилади.

ШАССИ (лат. capsa — яшик) — 1) автомобиль, трактор ва б. транспорт воситаларида двигателдан етакчи ғилдиракларга куч узатиш ва уларни бошқариш учун хизмат қиладиган қисм ва механизмлар; 2) самолётнинг қўниш ёки ердан кўтарилиш вақтида ишлатиладиган қурилма. Ш. олд ғилдиракли, орқа қуйруқ ғилдиракли ва б. бўлиши мумкин. Гидросамолётларда корпус ёки чанғилар Ш. бўлиб хизмат қилади; 3) радиоприёмникларда асосий деталлар ўрнатиладиган панель.



Шаталина А. С.

ШАСТРИ Лаъл Баҳодир (1904. 2. 10, Мўғулсарой, Уттар-Прадеш штати — 1966. 11. 1, Тошкент) — Ҳиндистон давлат ва сиёсий арбоби. Банорас ун-тида ўқиган. Ҳиндистон халқининг миллий озодлик курашида фаол қатнашган. М. *Ганди* ва Ж. *Неру* сафдоши. 1935—38 йиллари Ҳиндистон Миллий конгресси (ҲМК) Уттар-Прадеш комитети бош секретари. 1951 йили ҲМК бош секретари. 1952—56 йиллари Темир йўл ва транспорт министри, 1957—58 йиллари Транспорт ва коммуникация министри, 1958—61 йиллари Савдо ва саноат министри. 1961—63 йиллари Ички ишлар министри. 1964 йилдан Бош министр. ҲКМнинг парламентдаги фракциясининг раҳбари. Атом энергияси масалалари бўйича министр. План комиссияси раиси. 1965, 1966 йиллари СССРга расмий визит б-н келган. Ҳиндистон—Покистон можароларини тинч йўл б-н ҳал қилиш мақсадида тузилган Тошкент декларациясини имзолаган (1966). Жасади Ҳиндистонга олиб кетилган.

ШАТАЛИНА Антонина Степановна (1898, Саратов — 1975, Москва) — физиолог, биология фанлари д-ри (1944), проф. (1946). УзССРда хизмат кўрсатган фан арбоби (1968). Саратов ун-тини тугатгач (1924), врач бўлиб ишлаган (1925—29). САГУда одам ва ҳайвонлар физиологияси кафедрасида ассистент (1930), доцент (1934), 1962 йилдан кафедра мудири. «Ўрта Осиё қоракўл қўйлари ва баъзи бошқа ҳайвонлар қонининг солиштирма морфологияси» мавзуида д-рлик диссертацияси ёқлаган. Илмий ишлари қалқонсимон без физиологияси, экспериментал диабетнинг Ўзбекистон шароитидаги ҳолати ва спорт медицинасига оид. Ш. спорт медицинасига бағишланган 13-халқаро конгресс қатнашчиси (Вена, 1960).

Ас.: Питание и водно-питьевой режим альпиниста, Т., 1957.

ШАТАЛОВ Владимир Александрович (1927. 8. 12, Шимолий Қозоғистон обл. Петропавловск ш.) — СССР космонавт-учувчиси, авиация генерал-лейтенанти (1975), 2 марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони (1969. 22. 1 ва 1969. 22. 10). 1953 йилдан КПСС аъзоси. Техника фанлари кандидати (1972). Липецкдаги Ҳарбий-Ҳаво Кучлари махсус мактабини (1945), Качинск ҳарбий-авиация билим юртини (1949) тугатган. Учувчи-инструктор бўлиб ишлаган. Қизил байроқли Ҳарбий-Ҳаво академияси (ҳозир Ю. А. Гагарин номида)ни тугатгач (1956), Совет Армиясининг авиация қисмларида хизматда. 1963 йилдан космонавтлар отрядида. 1969 йил 14—17 январда «Союз-4» космик кемасининг командири сифатида космосга парвоз қилган. Ш. «Союз-4» ни Б. В. *Волинов* командирлигидаги «Союз-5» космик кемаси б-н улашга эришди, космонавтлардан А. С. *Елисеев* ва Е. В. *Хрунов*лар очиқ космос орқали «Союз-4» космик кемасига ўтганлар. Натижада биринчи марта экспериментал космик станция тузилиб, 4 соат 33 мин. 49 сек. давомида учди. Ш. «Союз-5» космик кемасида 71 соат 14 мин. бўлган. 1969 йил 13—18 ок-



Шаталов В. А.



Шаткий Н. С.

тибрда «Союз-5» космик кемасининг командири сифатида (А. С. Елисеев 6-н бирга) парвоз қилиб, космосда 118 соат 21 мин. давомида «Союз-5» ва «Союз-7» космик кемалари 6-н биргаликда учган. 1971 йил 22—25 апрелда «Союз-10» космик кемасининг командири сифатида (А. С. Елисеев ва Н. Н. *Рукавишников* 6-н бирга) учиниқ парвоз қилган. «Союз-10» космик кемаси 47 соат 46 мин. учган ва 1971 йил 19 апрелда учирилган «Салют» орбитал станцияси 6-н уланган. «Союз-10» ва «Салют» бирга-ликда 5 соат 30 мин. учган. Ш. жамиси бўлиб космосда 267 соат 18 мин. учди. 9-чақириқ СССР Олий Советининг депутати, 3 марта Ленин ордени ва медаллар б-н мукофотланган. Ойнинг орқа томонидаги кратерлардан бири Ш. номи б-н аталган.

ШАТРАКУШОН—Жиззах обл. Ғаллаорол р-ни Ленин қ. С. даги қишлоқ. Р-нинг жанубий-шарқида, «Гулистон» к-зи терр-ясида. Р-н маркази ва яқин т. й. станцияси—Ғаллаорол (6 *км*). Аҳолиси 618 киши (1976); пахтачилик, полизчилик, чорвачилик, сабзавотчилик, боғдорчилик б-н шуғулланади. Туяторлар канали орқали Сангзор дарёсидан сув ичади. К-з гаражи, ремонт устахонаси, паррандачилик фермаси, саккиз йиллик мактаб бор.

ШАТРАНЖ (санскритча чатур—тўрт ва анга—қисм сўзларидан)—қ. *Шахмат.*

ШАТРИ—Қашқадарё обл. Китоб р-ни Қуёқбой қ. С. даги қишлоқ. «19-партсъезд» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 19 *км*, яқин т. й. станцияси—Китоб (23 *км*). Аҳолиси 576 киши (1974); боҳорикор ғаллачилик, боғдорчилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Жарсойдан сув ичади.

ШАТСКИЙ Николай Сергеевич [1895. 16 (28). 8—Москва—1950. 1. 8]—совет геологи. СССР ФА акад. (1953; 1943 йилдан мухбир аъзоси). Москва Тоғ-кон академиясини тугатган (1929). 1930 йилдан Москва Геология-разведка ин-тида, айни вақтда Гидропроектда ишлаган. Сўнгра СССР ФА Геология ин-тида ишлаган (1934—55), 1956 йилдан шу ин-т директори.

Ш. тектоникада янги йўналиш яратди: ер пўсти тектоник структураларининг тараққиётини аниқлашда чўкинди қатламлар таркиби ва қалинлигини анализ қилиш, уларнинг шаклланиш тарихини ўрганишга асосланди. А. Д. *Архангельский* 6-н бирга СССР терр-ясидаги тектоник структураларнинг умумий схемасини белгилади (1933); Сибирь платформаси, Ғарбий Сибирь пасттекислиги ва Марказий Қозоғистоннинг тектоник қурилишига оид маълумотлар тўплади. Ш. нинг қатор ишлари Шарқий Европа платформасининг тузилиши ва уни бошқа қадимги платформаларга қиёслашга бағишланган. У қиёсий тектоника методи асосида платформалар тузилишига оид умумий қонуниятларни аниқлади, тектоник структуралар (антеклиза, синеклиза, марзалар) классификацияси асосларини ишлаб чиқди, геосинклиналлар ҳақидаги таълимот тараққиётига ҳисса қўшди. Ер пўсти бурмали структураларининг узоқ вақт тараққий этиши ҳақидаги тасаввурни ривожлантирди. Ш. бошчилигида биринчи марта Евросиё геологик картаси, СССР тектоник картаси (1953, 1956), Европа халқаро тектоник картаси (1964) тузилди. Сўнгги йилларда формациялар ҳақидаги таълимотни ривожлантирди.

Ленин мукофоти (1958), Давлат мукофоти (1946) лауреати, 2 марта Ленин ордени, Меҳнат Қизил Байроқ ордени ва медаллар б-н мукофотланган.

ШАТТ ул-АРАБ—Ироқ терр-ясидаги дарё. Қуйи қисми Ироқ—Эрон чегарасидан оқади. Узунлиги 195 *км*. Ш. ул-А. Дажла ва Фурот дарёларининг умумий қуйи қисмидир. Форс қўлтиғига қуйилади. Ш. ул-А. ва нам томонлар Қорун дарёсининг ўнғайи тармоғи қуйилади. Сув сарфи: кўпи оқинда (апрель) 8000—10000 *м³/сек*, суви камайганда (октябрь—ноябрь) 1000—1700 *м³/сек*. Кема қатнайди. Суғоришда кенг фойдаланилади. Дарёнинг ҳар иккала соҳили курмозор. Ш. ул-А. бўйида Басра (Ироқ), Ободон (Эрон) порт ш. лари бор.

ШАТУН (рус. шатать—чайқалмоқ, тебранмоқ)—*кривошипли механизмнинг* звеноси: машина поршени ёки ползуни ҳаракатини тирсакли валга (кривошипга) узатади. Ш. нинг тирсакли валга бириктириладиган қисми кривошип каллаги, иккинчи қарама-қарши қисми эса поршень (ёки ползун) каллаги деб аталади.

ШАТУРА—РСФСР Москва обл. даги шаҳар (1935 йилдан). Т. й. станцияси. Ш. да В. И. Ленин номли Шатура ГРЭС, «Шатурторф» бирлашмаси, тикувчилик ф-каси, гўшт к-ти, сув з-ди, энергетика техникуми бор.

ШАТУРА ГРЭС, В. И. Ленин номидаги Шатура ГРЭС—ГОЭЛРО плани асосида қурилган дастлабки иссиқлик электростанцияларидан бири. Шатура шаҳрида қурилган. Торф асосида ишлайди. Умумий қуввати 180 минг *квт*, йилига 1 млрд. *квт-с* электр энергияси ишлаб чиқаради. 3 та 16 минг *квт* ли ва 3 та 44 минг *квт* ли агрегат ўрнатилган.

1917 йил декабрида В. И. Ленин ГРЭС қуриш учун тайёргарлик ишларини кўриш тўғрисида кўрсатма берди. 1918 йил 11 декабрида ХКС станцияни қуриш тўғрисида қарор қабул қилди. 1925 йил 6 декабрдан эса ГРЭС ишга туширилди. Кейинги йилларда станция кенгайтирилди. ГРЭС Мосэнергия системаси 6-н боғланган. Электростанция Ленин ордени (1939) ва Меҳнат Қизил Байроқ (1945) ордени б-н мукофотланган.

ШАУМЯН Лев Степанович (1904. 25. 4, Тбилиси—1971. 24. 5 Москва)—совет журналисти, СССРда энциклопедия ишининг ташкилотчиларидан. 1919 йилдан КПСС аъзоси. С. Г. *Шаумян*нинг ўғли. 1922—23 йилларда Я. М. Свердлов номидаги Коммунистик ун-тда ўқиди. 1948 йили ВКП(б) МК ҳузуридаги Олий партия мактабини тугатди. Боку коммунасининг турк интервентларига қарши кураши (1918 йил июнь-июль)да ишчи дружинаси жангчиси. Бокуда Совет ҳокимиятининг вақтинча қулаши б-н 1918 йил сентябрда аксилинқилобчилар томонидан қамоққа олинди ва *Боку комиссарлари* 6-н бирга турмада бўлди. 1919—20 йилларда Боку ва Тифлисда яширин иш олиб борди. 1924—32 йилларда Царицин (ҳозирги Волгоград), Ростов-Донда партия ишида. 1932—46 йилларда газета редакцияларида ишлади. 1949 йилдан «Советская энциклопедия» нашриётида; 1954 йилдан Катта Совет Энциклопедияси (2- ва 3- нашри), Қисқа Совет Энциклопедияси (3- нашри) Бош редакцияси аъзоси ва Бош муҳаррир ўринбосари, 1959 йилдан Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари, Нашриёт илмий-редакцион совети раиси ўринбосари. СССРда энциклопедия ишлаш, соҳа ва республика энциклопедияларини нашр этиш ташкилотчиларидан. Ш. Тошкентда ҳам бўлиб, УзСЭни ташкил этиш ҳамда унга методик ёрдам кўрсатишда катта ҳисса қўшган. Ленин ордени, 2 та бошқа орден ва медаллар б-н мукофотланган.

Ас.: Мужественные борцы за коммунизм, М., 1954; Камо, М., 1959; Двадцать шесть бакинских комиссаров, М., 1968.



Шаумян С. Г.

ШАУМЯН Степан Георгиевич (1878. 1. 10, Тбилиси—1918. 20. 9)—Коммунистик партия ва совет давлат арбоби. *Боку комиссарлари*дан. 1898 йилдан революцион ҳаракатда қатнашган. 1900 йилдан Компартия аъзоси. Шу йили Рига Политехника ин-тига кирган. Революцион фаолияти учун ин-тдан ҳайдалиб, Кавказга сургун қилинган. 1902 йилда Б. М. Кнунянц ва б. б-н биргаликда биринчи арман социал-демократик газетаси —«Пролетариат»ни ташкил қилган. 1902 йил охиридан чет элда муҳожирликда бўлиб, 1905 йили Берлин ун-тини битирди. Бу даврда РСДРП чет эл ташкилотларида катта иш олиб борди. 1905 йилда Тбилисига қайтди ва РСДРП Кавказ союз комитети составига кирди. Ш. «Кавказский рабочий листок», «Бакинский пролетарий» каби большевистик газеталарнинг ташкилотчи ва раҳбарларидан бири. Ш.— фалсафа, адабиёт ва санъатга оид мақолалар муаллифи. РСДРП 4—5- съезди делегати. 1907 йил ёзда Бокуда партия ишига ўтказилди. 1911 йилда Россия ташкилий комиссиясининг аъзоси сифатида РСДРП Бутун Россия (Прага) 6- конференциясини тайёрлашда қатнашди, аммо кўп ўтмай қамоққа олиниб, Астраханга сургун қилинди. Конференцияда сиртдан РСДРП(б) МК аъзолигига кандидат қилиб сайланди. 1914 йил май—июлда Боку нефть корхонаси ишчиларининг ялпи иш ташлашига бошчилик қилди. 1916 йил яна қамоққа олиниб, сургун қилинди. 1917 йил февраль рев-ясидан сўнг сургундан озод бўлди. Боку ишчилари Ш. ни сиртдан Боку ишчи депутатлари совети раиси қилиб сайладилар. РСДРП(б) 6- съездида МК аъзоси қилиб сайланди. 1917 йил 16 (29) декабрда Қавказ ишлари бўйича фавқулодда комиссар. 1918 йил апрелдан Боку ХКС раиси. Инглиз интервентлари ва эсерлар томонидан Боку комиссарлари б-н биргаликда отиб ўлдирилган.

ШАФАҚ—Қуёш ботаётганда ёки унинг чиқиши олдидан атмосферада пайдо бўладиган ранг-баранг нурлар йиғиндиси; Қуёшнинг горизонт чизиғига нисбатан ҳолатига боғлиқ бўлиб, Қуёш горизонтга яқинлашганда ва булут бўлмаганда осмон сариқ ёки тўқ сариқ-қизғиш рангга киради, баъзан қўнғирроқ тус олади. Бу ҳолат қуёш нурлари атмосферада узун қия йўлни босиб ўтаётганда ҳаво ранг ва бинафша нурларнинг ёруғлик тарқалиши туфайли кучсизланиши оқибатида юзага келади, қолган нурлардан ёруғлик олган атмосфера эса сарғиш ва қизғиш рангга киради.

Қуёш ботгандан кейин шарқ томондаги горизонт устида устки қавати кул ранг-зангор тусли Ернинг сояси кўтарила бошлайди. Чунки 15—20 *км* баландликдаги ўтадиган ёруғлик нурлари сариқ нурларни ютиб юборадиган озон атмосфераси қатламига учрайди. Қуёш ботганда ғарб томонда Ш. нури деб аталадиган равшан ва ёруғ доғ пайдо бўлади, шарқда эса Ернинг кўкиш сояси устида қизил ва тўқ сариқ чизиқлар пайдо бўлади, уларнинг ранги секин-аста яшимтир ва кўк тусга кира боради. Қуёш горизонт тагига 2—3° тушгандан кейин эса Ш. нурида пушти доғ пайдо бўлади, бу ранг Қуёш 5° пастга тушгунга қадар тобора равшанлаша бориб, тўқ қизил рангга айланади ва секин-аста сегмент шаклини олади. Бу ранг қизғиш қуёш нурларининг 20 *км* баландликдаги атмосферанинг чангли қатламига учраганида пайдо бўлса керак.

Кейинроқ тўқ қизил ёруғлик ўчади, лекин горизонт устидаги тўқ сариқ ва қизил чизиқлар равшанроқ бўла боради. Ш. нинг оқиш ва кўкиш доғлари эса пастга тушади ва хиралашади. Тўқ қизил ёруғлик ўчиши б-н тезда қоронғи тушади. Қуёш 7° пастга тушгандан кейин сунъий ёруғликсиз ўқиб бўлмай қолади. Ернинг сояси ва унинг ранг-баранг ҳошияси ўчади ва қоронғилашиб бораётган осмонда деярли кўринмай қолади. Қуёш 12° ботгандан кейин ғарб томондаги ранг-баранг чизиқлар яшимтир рангга киради, 18° тушгандан кейин эса бутунлай йўқолади, кичик юлдузлар ҳам кўринади, тун бошланади. Тонг шафағи ҳам худди шундай, лекин тескари тартибда рўй беради.

ШАФИЪИЙЛАР — исломнинг *суннийлик* оқимидаги диний-ҳуқуқ мазҳабларидан бири. Имом Муҳаммад ибн Идрис аш-Шафиъий (820 йилда вафот этган) асос солган. Сурия ва Мисрда шаклланган. Ўрта асрларга келиб Яқин Шарқ мамлакатларида кенг тарқалди. Кейинчалик бу мазҳабнинг таъсир доираси торайиб борди. Ҳозирги вақтда Миср, Индонезия мусулмонлари орасида, Шарқий Африка мамлакатларида, қисман Сурияда ва жанубий араб султонликларида Ш. мазҳаби диний-ҳуқуқ системасига амал қилувчилар анча бор. Ижтимоий тараққиёт натижасида мусулмон мамлакатларида шариатнинг, жумладан Ш. мазҳабининг ҳуқуқий ҳаётдаги таъсири борган сари сусаймоқда.

ШАФТОЛИ (Persica)—раъногулдошлар (атиргуллилар оиласи)га мансуб ўсимликлар туркуми. 5 тури: оддий Ш. (P. Vulgaris), гансун Ш. си (P. Kansuensis), давид Ш. си (P. dawidiana), потанин Ш. си (P. potanini), мир Ш. си (P. mira) маълум. Ватани — Хитой. Барча экиладиган навлари оддий шафтолидан келиб чиққан. Қолган турларидан манзарали ўсимлик ёки пайвандтаг сифатида фойдаланилади. Оддий Ш. нинг бўйи 3—9 *м*, барглари навбат б-н жойлашган, наштарсимон; гуллари қўш жинсли, битта тур хилида йирик, атиргулсимон, бошқа тур хилида майда, қўнғироқсимон; меваси (50—600 *г*) серсув, данакли, ясси, думалоқ, тухумсимон, оқиш-яшилдан тўқ қизилгача, тукли ва туксиз. Эти кўкимтир-оқ, оч пушти, сариқ, тўқ қизил, данагидан ажралади (ажралмайдиганлари ҳам бор), мазаси нордон-ширин, ширин.

Ш. нисбатан ёруғсевар ва иссиққа чидамли. Кўчати ўтқазилгач, 2—3 йилдан то 12—15 йилгача ҳосил беради (дарахти 100—150 *кг* гача).

Меваси таркибида 80—90% сув, 10—14% қанд, 0,08—1,02% олма, вино, лимон кислоталар, 0,56—1,26% пектин, шунингдек азотли ва ошловчи моддалар, А, С, В витаминлар, данаги мағзида 20—60% ёғ, шунингдек амигдалин, оқсил моддалар ва б. бор. Ҳўллигича ейилади, қайта ишланади. СССРда 98, жумла-

дан Узбекистонда 9 (анжир Ш., лола, оқ Ш., золотой юбилей, старт, малиновий, обильний, эльбертта, фарҳод) нави районлаштирилган.

Ш. данагидан ва пайвандлаб кўпайтирилади. Пайвандтаг сифатида оддий Ш. уруғ кўчати, бодом, тоғолча, баъзан ўрикдан фойдаланилади. Ш. экиладиган ер гектарига 20—25 *т* чиригаи гўнг, 60 *кг* дан фосфор ва калий солиб, 25—30 *см* чуқурликда ҳайдалади. Кўчати 5×4, 5×5, 6×3 *м* схемасида экилади. Усув даврида ёш шафтолизор 15—16, ҳосилга киргани 4—5, тошлоқ ерларда 10—12 марта суғорилади. Суғориш нормаси гектарига 800—1000 $м^3$, тошлоқ ерларда 400—500 $м^3$. Ш. га косасимон шакл берилади ва ҳар йили бутаб турилади. Кучли шўрланган, ботқоқлашган ерларда ўсмайди. Зараркунандалари: шафтоли бити (шира), шафтоли куяси; касалликлари: барг бужмайиши, уи шудринг, доғланиш ва б.

АҚШ, Франция, Италия, Япония, Испания, Туркия, Болгария, Венгрия ва Руминияда кенг тарқалган. СССРда Ўрта Осиё, Закавказье, Молдавия, Украина, Доғистон АССР да кўп экилади. Узбекистон (айниқса, Фарғона, Самарқанд, Тошкент ва Бухоро обл. лари) шафтолизорлар майдони бўйича СССРда биринчи ўринда.

Ад.: Рыбаков Л. А., Остроухова С. А., Плодоводство Узбекистана, Т., 1972; Мирзаев М. М., Темуров Ш., Боғбонларга эсдалик, Т., 1974.

ШАФТОЛИ — Наманган обл. Уйчи р-ни Жийдакапа қ. С. даги қишлоқ. Р-н марказидан 13 *км*, яқин т. й. станцияси — Чортоқ (19 *км*). Аҳолиси 1154 киши (1976); чорвачилик, пилла чилик, токчилик, боғдорчилик б-н шуғулланади. Шимолий Фарғона каналидан сув ичади.

ШАФФОФЛИК — модда характеристикаси. Модда сиртига тушаётган нурланиш оқими (ёруғлик оқими)нинг қанча қисми ўз йўналишини ўзгартирмай маълум қалинликдаги модда қатламидан ўтишини кўрсатади. Ш. айни вақтда модда томонидан нурланиш оқимининг ютилишини ва қайтишини ҳам характерлайди. Белгиси Θ. Қалинлиги 1 *см* оптик кварц шаффофлиги 0,999, оптик шишаники ~ 0,99—0,995.

ШАХМАТ (форс. شاه — шоҳ ва араб. مات — ўлди) — 64 (қора ва оқ) катакка бўлинган тўртбурчак тахтада махсус доналар б-н 2 рақиб ўртасида ўйналадиган ўйин. Ижодий тафаккурнинг маҳсули сифатида инсонда ақлий мусобақанинг қизиқроқ турига эҳтиёж туғилишидан пайдо бўлган. Санъат, фан ва спортнинг ўзига хос белгилари мужассамланган. Ш. ўйини мантиқий тафаккурни ривожлантиришга, диққатнинг бир жойга тўпланишига, ғалабага бўлган ишонч ва б. ахлоқий сифатларни тарбиялашга ёрдам беради. Ш. ўйинида киши характери, қобилияти яққол намоён бўлади.

Ш. ўйинида ҳар бир рақибда 16 дона (шоҳ, фарзин, 2 рух, 2 фил, 2 от, 8 пиёда) бўлади. Доналар муайян қоидалар асосида навбат б-н юриб, рақиб доналарини (шоҳдан ташқари) олиши мумкин. Доналарни олиш мажбурий эмас; ҳужумда қолган шоҳни мудофаа қилиш учун бошқа йўл қолмаган ҳолдагина олиш мажбурий.

Ш. тахтасида шоҳ ўз атрофидаги ҳар бир бўш катакка, фарзин вертикал, горизонтал, диагонал, рух вертикал ва горизонтал, фил диагонал йўналишларда юриши мумкин; от эса «Г» ҳарфи (бир катак вертикал ёки горизонтал, иккинчи катакка диагонал) бўйича юради; пиёдалар олдинга вертикал бўйича фақат бир катакка юра олади (биринчи юришдагина икки катакка сурилиш ҳуқуқига эга). Агар доналар ҳаракати йўлида рақиб пиёдаси ёки донаси турган бўлса, у уриб олиниши — тахтадан олиб ташланиши мумкин, уриб олувчи дона эса унинг ўрнига қўйилади. Пиёда б-н бошқа дона олинганда пиёда диагонал бўйича бир катакка сурилади ва бошқа вертикал бўйича ҳаракат қилади. Тахтанинг сўнгги горизонтал қаторига чиққан пиёда ўйинчининг хоҳиши б-н шоҳдан ташқари ҳар қандай дона б-н алмаштирилиши мумкин. Агар пиёда икки катакка сурилиб, рақиб пиёдаси уриши мумкин бўлган катак ёнидан ўтса, у рақиб пиёдаси томонидан диагонал бўйича уриб олиниши мумкин; бунда уриб олган пиёда бошқа вертикал бўйича ҳаракат қилади. Ш. партиясида 1 марта шоҳ ва рух (иккаласи ҳам жойидан қўзғалмаган бўлса ҳамда улар ўртасида бошқа доналар бўлмаса ва шоҳга ҳужум қилинмаётган бўлса) ўрин алмашишлари мумкин (рокировка): шоҳ рухнинг ёнидаги катакка сурилади, рух эса шоҳ устидан ўтиб, унинг ёнига қўйилади. Оқлар ўйин бошлайди. Ўйиндан мақсад рақиб шоҳини «мот» қилиш; ҳужум натижасида шоҳ бошқа катакка ўта олмайди ва ўзини мудофаа қила олмайди. Бу мақсадга турли ўйинлар б-н, кўпинча доналарнинг кўплиги б-н эришиш мумкин. Қуйидаги ҳолларда ўйин дуранг натижа б-н тугайди: агар томонлардан бирининг юриш навбатида юрадиган йўли қолмаса, аммо шоҳга ҳужум ҳам қилинмаётган бўлса (пот ҳолати); томонлардан бирининг шоҳи кетма-кет кишт берилишидан қутула олмаса (доимий кишт). Мусобақа ва турнирларда ўйлаб юриш учун берилган вақт қатъий чегараланиб, соат б-н назорат қилиб борилади.

Ш. ўйини дастлаб чатуранга шаклида милоднинг бошларида Ҳиндистонда пайдо бўлган. Ўйинда тўрт киши қатнашган; ҳар бир ўйинчининг «армия»си тўрт турдаги қўшиндан — филлар, отлар, жанговар аравалар ва пиёдалардан иборат бўлган. Ўйинда рақиб доналарини ютиб олган томон голиб ҳисобланган. Чатуранга ҳақидаги маълумотлар Беруний асарларида ёзиб қолдирилган. Ҳиндистондан ғарб томонда жойлашган мамлакатлар Ш. ўйини б-н 7—8- асрларда танишган. Араб мамлакатларида Ш. нинг янги тури — шатранж шаклига ўтилиши унинг Ўрта денгиз халқлари (испан, итальян) ва Европанинг бошқа халқлари ўртасида тез тарқалишига сабаб бўлди. Шатранж такомиллаша бориб, доналар сони ва тахтага терилиш тартиби жиҳатидан ҳозирги замон Ш. тусига кира бошлади. Кураш 2 киши ўртасида доналар бутунлай қириб ташлангунча эмас, балки рақиб шоҳи мот бўлгунча давом эттириладиган бўлди.

1972 йили Сурхон водийсидаги Далварзин харобасидан Кушон подшолиги даврига оид Ш. доналарининг, 1977 йил қадимги Сўғдиёна пойтахти Афросиёбдан Ш. нинг 7 донаси топилиши, шатранж ҳақидаги маълумотларнинг Ўрта Осиё адабиётида 7- асрдаёқ тилга олиниши, 8—9- асрга келиб унга бағишланган қўл ёзма рисолалар пайдо бўлганлиги Ўрта Осиёда милоднинг 1- минг йиллигидаёқ Ш. кенг ривожланганидан далолат беради. 14—15- асрларда Ўрта Осиёда машҳур шатранж устаси, назариётчилари, жумладан Али Шатранжий етишиб чиққан.

15- аср охири ва 16- аср бошларида Ш. нинг ижодий фикрлаш доираси ҳамда ўйин суръатини кучайтириш мақсадида ўйин қоидаси такомиллаштирилди; фарзин ва фил узоққа юра оладиган бўлди; рокировка қабул қилиниб, пиёда бирданига икки катак сурилиш ҳуқуқига эга бўлди. Шатранж ўрнини Европа шахмати эгаллади. Ш. ни ривожлантиришда француз А. Филидор, немис А. Андерсен, америкалик П. Морфи, рус Ш. чилари А. Петров, М. И. Чигорин ва б. нинг ҳиссаси катта бўлди. Жаҳоннинг биринчи расмий чемпиони прагалик В. Стейниц бўлган (1886—94 йилларда). Германиялик Э. Ласкер 1894—1921- йилларда, кубалик Х. Р. Капабланка 1921—27 йилларда, рус шахматчиси А. А. *Алёхин* 1927—35 ва 1937—46 йилларда, голландиялик М. *Эйве* 1935—37 йилларда жаҳон чемпиони бўлганлар. 1945 йилдан бошлаб совет Ш. чилари Ш. бўйича дунёда етакчи ўринни эгалладилар. 1948 йилдан М. М. *Ботвинник* жаҳон чемпиони бўлди. 1957 йили бу унвонни В. *Смислов* эгаллади, аммо 1958 йилда яна Ботвинник жаҳон чемпионлигини қайтариб олди. 1960—61 йилларда М. Н. *Таль*, 1961—63 йилларда яна М. Ботвинник, 1963—69 йилларда Т. В. *Петросян*, 1969—72 йилларда Б. В. *Спасский*, 1972—75 йилларда Р. *Фишер* (АҚШ) жаҳон чемпиони бўлдилар; 1975 йилдан жаҳон чемпиони А. Карпов (СССР). Аёллар ўртасида Ш. бўйича биринчи жаҳон чемпиони 1927—44 йилларда чех В. Менчик бўлган. Кейинчалик бу унвонни совет шахматчилари: Л. Н. Руденко (1950—53), Е. И. Бикова (1953—56; 1958—62), О. Н. Рубцова (1956—58), Н. Гаприндашвили (1962—78) эгаллади. 1978 йилдан жаҳон чемпиони М. Чибурданидзе.

1924 йили СССРда Бутуниттифоқ Ш. секцияси (1959 йилдан СССР Ш. федерацияси) тузилган. Жаҳон миқёсида Ш. тараққиёти, халқаро мусобақаларни уюштириш б-н Халқаро Ш. федерацияси (1924 йил тузилган, 1978 йили 100 дан ортиқ мамлакатнинг миллий федерацияларини бирлаштирган) шуғулланади. Федерация 23 марта Ш. олимпиадасини ўтказди. Совет Ш. чилари команда ҳисобида 13 марта олимпиада ўйинлари чемпиони, 6 марта Европа чемпиони бўлдилар. Ш. СССРда жуда кенг тарқалган. СССРда Ш. бўйича эркаклар ва аёллар ўртасида мамлакат, иттифоқдош, автоном республикалар, обл., ўлка, шаҳар, спорт жамиятлари чемпионатлари ўтказилади. Ш. бўйича мусобақалар СССР халқлари спартакиадаси программасига киритилган (1959 йилдан).

1977 йили СССРда расмий тўгарак, секция, мусобақаларда қатнашувчи Ш. чиларнинг сони 4 млн.дан ортиқ бўлиб, жумладан 48 гроссмейстер, 642 СССР спорт мастери, 53 халқаро мастер бор; УзССРда эса Ш. чилар сони 200 мингдан ортиқ бўлиб, улар сафида 2 гроссмейстер, 1 халқаро судья, 14 СССР спорт мастери, 120 СССР спорт мастерлигига номзод ҳамда Ш. бўйича 4 Бутуниттифоқ тонфали судья, 1 УзССРда хизмат кўрсатган тренер бор (1978).

Ад.: Муҳитдинов М., Шахмат ва адабиёт, Т., 1969; Муҳитдинов М., Шахмат, Т., 1972; Муҳитдинов М., Катакларда яшнрнган олам, Т., 1976.

ШАХМАТ УСУЛИДА ЭКИШ — экин экиш усулларидан бири. Бу усулда экиладиган уруғнинг ярми майдоннинг узунасига, қолгани энига қараб, сеялкада экилади. Асосан, дон экинлари (буғдой, қора буғдой, сули, арпа ва б.) етиштиришда қўлланилади. Ш. у. э. да қаторлаб экишга қарагаида уруғлар бир текис экилади, майсалар нам, озуқа, ёруғлик ва иссиқликдан яхши фойдаланади. Натижада ўсимлик яхши тўпланади, кўпчилиги ётиб қолмайди, ҳосилдорлик кўпаяди. Аммо бу усулда кўп меҳнат ва ёнилғи сарфланади, экиш муддати чўзилади ва ҳ. к.

ШАХМАТОВ Алексей Алексаидрович — [1864. 5 (17). 6, ЭССР Нарва ш.— 1920. 16. 8, Петроград] — рус тилшуноси, рус *солномалари* тадқиқотчиси. Петербург ФА акад. (1894), Москва ун-тини тамомлаган (1887). Петербург ун-ти проф. (1910 йилдан), Петербург ФА Рус тили, ёзма ва оғзаки ижодиёти бўлими раиси (1906—20).

Ш. 11—16- асрлардаги қадимги рус солномаларини илмий кузатиб, *текстология* фани учун замин яратди. Унинг сўзларнинг грамматик шакли, сўз туркумлари, сўз бирикмаларига типлари, морфология ва синтаксис ўртасидаги боғланиш ҳақидаги таълимоти назарий тилшуносликка қўшилган муҳим ҳисса бўлди, у рус адабий тилини тарихий ўрганишни биринчи бўлиб асослади. Ш. «Рус тили луғати» (1891—1916) акад. нашрининг муҳаррири.

ФА Рус тили, ёзма ва оғзаки ижодиёти бўлими Ш. раҳбарлигида Россияда филологиянинг илмий маркази бўлиб қолди. Бу бўлим кўп томлик «Славян филологияси энциклопедияси»ни тайёрлади, «Рус солномалари кутлиёти»ни нашр этишни янгидан йўлга қўйди. Ш. қадимги славян ва рус тиллари, жаҳон адабиёти ёдгорликлари серияси нашрини уюштирди, рус тили имлоси ислоҳотида катта роль ўйнади.

Ас.: Очерк современного русского литературного языка, 4 изд., М., 1941; Историческая морфология русского языка, М., 1957.

Ад.: Обнорский С. П., Академик А. А. Шахматов, «Вестник АН СССР», 1945, №10—11.

ШАХС — 1) кенг маънода — инсон индивиди; киши; 2) тор маънода — муайян жамият аъзоси бўлган индивиднинг ижтимоий жиҳатдан аҳамиятли, барқарор хислатлари мажмуи. «Ш.» тушунчасини «индивид» — «индивидуум» (биологик зот, ҳар бир киши) ва «индивидуаллик» (инсоннинг такрорланмас ўзига хос хусусияти) тушунчаларидан фарқ қилиш керак. Индивидуум муайян ижтимоий муносабатларнинг ҳомили бўлган тақдирдагина Ш. га айланади. Ш. *онг* ва ўз-ўзини англаш пайдо бўлгандан сўнг вужудга келади. У философия, психология ва социологиянинг ўрганиш объекти ҳисобланади.

Фалсафа тарихида Ш. тушунчаси, Ш. б-н жамият ўртасидаги зиддият турлича талқин этилган. Марксизмгача бўлган философлар, одатда, ё инсондан устун турувчи ҳамда унинг қиладиган хатти-ҳаракатлари ва фикрлари тарзини белгилаб берувчи деб жамиятнинг ролини, ёки гўё ижтимоий муҳитдан қатъи назар ўз хатти-ҳаракатларини белгилай оладиган инсоннинг эркин продасини мутлақ қилиб қўярдилар. Биринчи ҳолда улар худонинг продасини, абсолют ғоянн (объектив идеалистлар) ёки шарт-шароитни (материалистлар) инсоннинг барча хатти-ҳаракатларининг манбаи, деб ҳисоблардилар; иккинчи ҳолда бундай манбани инсон психикасидан, унинг онгидан ёки шуурндан излардилар (субъектив идеалистлар).

Марксча-ленинча философия бу хилдаги қарашларнинг бир ёқламалигини бартараф этиб, Ш. «...барча ижтимоий муносабатларнинг мажмуи...» (К. Маркс и Ф. Энгельс, Соч., 2 изд., т. 3, стр. 3) сифатида жамиятга боғлиқ бўлгани сингари, жамият ҳам кишиларнинг ижодий фаолиятига боғлиқдир, деб кўрсатди. Марксниг таъкидлашича, инсон айни вақтда ҳам тарихнинг маҳсули, ҳам субъектидир.

Тарихий тараққиёт жараёнида Ш. нинг етакчи социал типлари, уларнинг *қадрияти* ўзгарибгина қолмай, Ш. б-н жамият ўртасидаги муносабатнинг ўзи ҳам ўзгаради. Ибтидоий жамиятда айрим киши жамоага муносабатда мустақил эмас эди. Ижтимоий фаолиятнинг мураккаблашуви ва дифференцияланиши Ш. нинг мустақил бўлишига шароит яратди. Бироқ бу жараён жуда зиддиятлидир. Ш. нинг жамиятдан *бегоналашуви* айниқса капитализмда авжига чиқади. Капитализмда кишиларнинг фаолиятини, хатти-ҳаракатини жамият томонидан тартибга солиш кўпинча мажбур қилиш, таъқиб этиш тарзида бўлади. Инсоннинг Ш. лик сифатини йўқотиш, унинг меҳнатини инсонийлик шаънига тўғри келмайдиган ҳолга солиш капитализмга хос тенденциядир. Фақат коммунистик жамиятгина Ш. б-н жамият ўртасидаги зиддиятни бартараф эта олади. Бу жамиятда «ҳар кимнинг эркин ривожланиши барчанинг эркин ривожланишига шароит бўла олади» (К. Маркс и Энгельс Ф., Соч., т. 4, стр. 447).

Ш. нинг психологик хусусиятларига одамнинг *характери*, *темпераменти*, *қобилияти* ҳамда психик жараёнларнинг ўтиш хоссалари киради. Психик ҳолатлар (кечинмалар, хатти-ҳаракат мотивлари ва ш. к.) узлуксиз ўзгарганда Ш. нинг психологик тузилиши ёки қиёфаси маълум даражада доимий бўлиб қолади, бу эса тўрмуш шароитининг нисбий доимийлиги б-н, индивид нерв системасининг психологик хусусиятлари б-н боғлиқ. Ш. психологик тузилишининг ўзгаришлари — инсон турмушида содир бўладиган ўзгаришларнинг, ижтимоий тарбия жараёнининг натижасидир. Ш. инсоннинг ички хислатлари ва хусусиятларининг ўзаро алоқадор мажмуи бўлиб, барча ташқи омиллар мазкур хусусиятлар орқали таъсир кўрсатади. Ш. нинг активлик манбаи — инсоннинг хилма-хил шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларидан иборат. Ш. даги субъективлик (кечинмалар, онг, эҳтиёжлар) инсон б-н теварак-атрофдаги воқеалар ўртасида вужудга келадиган объектив муносабатлардан ажралмасдир.

Кейинги вақтларда психологияда Ш. даги субъективлик асосларини ўрганишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Бинобарин, Ш. нинг нормал камолоти учун унинг онгли фаолияти, шунингдек ўз-ўзини англашидан иборат ички йўналтирувчи механизми муҳим аҳамиятга эга.

Сўнгги йилларда дифференциал психологияда ва айниқса индивидуал тафовутни ўрганувчи дифференциал психофизиологияда катта ютуқларга эришилди. Бу йўналишни яна ҳам ривожлантиришда турли шахсий хусусиятларни ўлчаш методларини такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга.

Ш. ни социологик тадқиқ этишда кишининг муайян социал системадаги ўрни, у бажарадиган социал функциялар ўрганилади. Маркс кишиларнинг ижтимоий муносабатларини таҳлил қилар экан, кишилар ижтимоий муносабатларда «индивидлар сифатида эмас, балки синфлар аъзоси сифатида...» (К. Маркс и Ф. Энгельс, Соч., т. 3, стр. 76) иштирок этишларини таъкидлаган эди.

Айрим буржуа олимлари орасида гўё социология «шахсни йўқотиб юборяпти», унинг ижодий активлигини, тарихдаги ролини камситяпти деган сохта қарашлар ҳам мавжуд. Бундай қарашлар мутлақо асоссиздир. В. И. Ленин народникларни танқид қилар экан, кишилар ўртасидаги муайян ижтимоий муносабатларни ўрганишда материалист-социолог «айни замонда реал ш а х с л а р н и ҳам ўрганган бўлади, чунки бу шахсларнинг ҳаракатларидан бундай муносабатлар ҳосил бўлади» (Тўла асарлар тўплами, I-том, 475-бет), деб қайд қилиб ўтган эди. Дарҳақиқат, социал системаларни ўрганиш Ш. қадриятини, унинг интилишлари, ғоявий йўналишларини тушуниш имкониятини беради. Ш. ҳақидаги марксистик социологияда Ш. нинг озодлиги, унинг камолоти ижтимоий тузум б-н боғлиқлиги алоҳида таъкидланади. Энгельс айтганидек, «жамият ҳар бир айрим кишини озод қила олмасдан туриб, ўзини озод эта олмайди» (К. Маркс и Ф. Энгельс, Соч., т. 20, стр. 305). Коммунистик жамиятнинг олий мақсади инсонни ҳар томонлама ва гармоник ривожлантиришдан иборат. Социализм ва коммунизм даврида шахсий ва ижтимоий манфаатларнинг умумий йўналиши мувофиқ келади. Тўғри, коммунизмнинг биринчи фазасида жамият б-н Ш. ўртасидаги зиддият батамом бартараф қилинмайди; бу зиддият ўтмиш сарқитларининг яшовчанлигида, коллективчилик ижтимоий муносабатлар б-н кишилар онгидаги, ҳаёт тарзидаги индивидуализм қолдиқлари ўртасидаги конфликтда айниқса кескин формада намоён бўлмоқда. Коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтириш, коммунистик ижтимоий муносабатларни шакллантириш, социалистик демократияни янада авж олдириш, халқнинг моддий фаровонлигини муттасил кўтариб бориш жараёнида бундай конфликтлар йўқолиб, шахсий манфаат б-н ижтимоий манфаатнинг тўла уйғунлигига эришилади.

Ад: Ковалев А. Г., Психология личности, М., 1970; Проблема человека в современной философии, М., 1969; С м и р н о в Г. Л., Советский человек, М., 1973; Я р о ш е в с к и й Т. М., Личность и общество, Пер. с польск., М., 1973; Л а п и н а Т. С., Этика социальной активности личности, М., 1974; Коммунистическая нравственность и формирование личности. Материалы Республиканской конференции по вопросам коммунистической нравственности и формирования личности, состоявшейся 15 февраля 1974 г. в Ташкенте. Т., 1975; Проблемы гуманизма в марксистско-ленинской философии, М., 1975; Д е м и н М. В., Проблемы теории личности, М., 1977.

ШАХС (тилшуносликда) — грамматик категория, морфологик кўрсаткич. Уч Ш. мавжуд. Биринчи Ш. сўзловчини, иккинчи Ш. тингловчини, учинчи Ш. ўзгани ифодалайди. Ҳаракат объектининг Ш. и кўп тилларда, жумладан, *туркий тилларда* феъл орқали ифодаланади. Мас., ўзбек тилида — кўрдим — 1-Ш., кўрдинг — 2-Ш., кўрди — 3-Ш., дания тили ва малаялам каби тилларда уч Ш. учун бир хил феъл кўрсаткичи мавжуд, у ёки бу Ш. контекстда англашилади. Ш. кишилик олмошлари учун ҳам характерлидир: мен — 1-Ш., сен — 2-Ш., у — 3-Ш.

ШАХС ДАХЛСИЗЛИГИ — гражданларнинг конституцион шахсий ҳуқуқи ва демократик эркинликларидан бири. Социалистик давлатларнинг конституцияларида Ш. д. эълон қилиниши б-н бирга, қонунда белгилангандан ташқари ҳолларда гражданларни қамоққа олиш қатъиян ман этилган. СССР Конституцияларига кўра, суднинг қароридан ёки прокурорнинг рухсатидан ташқари ҳеч кимнинг қамоққа олиниши мумкин эмас (СССР Конституцияси, 54-модда, УзССР Конституцияси, 52-модда).

Ш. д. буржуа давлатлари конституцияларида ҳам бор, аммо уларнинг кўпчилиги бегуноҳ гражданларни ўзбошимчаликлардан ҳимоя қилишга қодир эмас.

ШАХСГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР — совет жиноят ҳуқуқига кўра, шахснинг ҳаёти, соғлиғи, озодлиги ва қадр-қимматига қарши қаратилган ижтимоий хавфли ҳаракат (ёки ҳаракатсизлик). УзССР ЖКнинг 2-бобида Ш. қ. ж. қилинган тажовузликнинг объектига қараб қуйидагиларга бўлинади: 1) шахснинг ҳаётига қарши қаратилган жиноятлар: одам ўлдириш (80—86-моддалар), ўз-ўзини ўлдириш даражасига етказиш (87-модда); 2) соғлиққа қарши қаратилган жиноятлар: *баданга шикаст етказиш* (88—93-моддалар), таносил касаллигини юқтириш (101-модда); 3) киши ҳаётига ва соғлиғи учун хавфли бўлган жиноятлар: ғайри қонуний ҳолда аборт қилиш (102—103-моддалар), нафақа тўлаш ёки болаларини боқишдан қасддан бош тортиш (104-модда), ота-онага моддий ёрдам беришдан бош тортиш (106-модда), *васийлик* ҳуқуқларини суиистеъмол қилиш (105-модда), хавф остида қолдириш (108-модда), касалга ёрдам кўрсатмаслик (109-модда), кема капитани томонидан ҳалокатга учраганларга ёрдам кўрсатмаслик (110-модда) ва б.; 4) гражданларнинг шахсий озодлигига қарши қаратилган жиноятлар: бировнинг боласини ўғирлаш ёки алмаштириш (107-модда), зўрлик б-н ғайри қонуний ҳолда озодликдан маҳрум қилиш (111-модда) ва б.; 5) жинсий жиноятлар; 6) шахснинг қадр-қимматига қарши қаратилган жиноятлар; *туҳмат* (112-модда), ҳақорат қилиш (113-модда).

ШАХСЕЙ-ВАХСЕЙ — *шиалик*даги мотам маросими. *Муҳаммад* пайғамбарнинг набираси (*Али*нинг ўғли) имом Ҳусайннинг ҳалок бўлгани муносабати б-н ҳар йили муҳаррам ойининг бошида ўтказилади (қ. *Ашуро*).

ШАХСИЙ ГИГИЕНА — *гигиена*нинг бир бўлими. Шахсий ҳаёт ва меҳнат фаолиятида амал қилиниши зарур бўлган гигиеник режим йўли б-н одам соғлиғини сақлаш ва мустаҳкамлаш масалаларини ишлаб чиқади. Ш. г. га бадан (тери, соч, тирноқ, тишлар), пойабзал, кийим-кечак, турар жой гигиенаси, рационал *овқатланиш* қоидалари, *организмни чиниқтириш, жисмоний тарбия* ва ҳ. к. киради. Жинсий органлар ва жинсий ҳаёт гигиена (қ. *Жинсий гигиена*)си масалалари б-н *сексология* шуғулланади. Меҳнат жараёнида Ш. г. ни тўғри ташкил этиш ишини *меҳнат гигиенаси* ўрганади.

ШАХСИЙ ЁРДАМЧИ ХЎЖАЛИК (социализмда) — шахсий меҳнатга асосланган майда хўжалик. Меҳнаткашлар даромадининг қўшимча манбаи бўлиб хизмат қилади. Социализм ривожининг маълум даврида Ш. ё. х. мавжудлигининг иқтисодий сабаби шуки, ижтимоий ишлаб чиқариш жамиятни қ. х. маҳсулотлари б-н тўла таъминлай олмайди.

Ш. ё. х. иккинчи даражали аҳамиятга эга бўлиб, жамоат хўжалигига боғлиқ. Ижтимоий ишлаб чиқариш ривожланган сари қ. х. ялпи маҳсулотида Ш. ё. х. салмоғи камаяди. СССР да томорқадан фойдаланиш ва маҳсулдор молларни сақлаш *Колхознинг намунавий устави* (1969) б-н, ишчи ва хизматчилар учун эса махсус норматив актлар б-н белгиланган. СССР Конституциясида «гражданлар ёрдамчи хўжалик юритиш (шу жумладан мол ва парранда боқиш), боғдорчилик ва сабзавотчилик қилиш учун ... қонунда белгиланган тартибда берилади-ган ер участкаларидан фойдаланишлари мумкин».— деб кўрсатилган (СССР Конституцияси, Т., 1977, 9-бет).

Ш. ё. х. асосан истеъмол характерга эга бўлса-да, меҳнаткашлар ишлаб чиқарган маҳсулотларнинг бир қисмини к-з бозорларида сотадилар, давлатга, матлубот кооперациясига, к-з ва с-зларга ўтказадилар. К-з Ш. ё. х. га ёрдамлашади, томорқаларини ўзининг техникаси б-н ишлаб беради, товар маҳсулотини сотишга кўмаклашади ва ҳ. к. Ш. е. х. даги молларга ижтимоий хўжаликдан ем-хашак ажратилади. Ундан олинаётган даромад ишчи-хизматчилар б-н к-зчилар оилалари умумий даромадида ҳар хил бўлади. Мас., Ўзбекистон шароитида ишчи ва хизматчилар оила даромадида Ш. ё. х. дан олинаётган даромад 5% дан ошмайди, аммо к-зчилар оиласида бу даромад умумий даромаднинг $^1/_4$ қисмини ташкил этади. Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг юқори суръатлар б-н ривожланиши ва унга меҳнатга лаёқатли аҳолининг борган сари кўпроқ жалб қилиниши кейинчалик аҳолининг умумий даромадида Ш. ё. х. улушининг пасайиб боришига олиб келади.

Бошқа социалистик мамлакатларда ҳам меҳнаткашларнинг Ш. ё. х. мавжуд. Бу ердаги Ш. ё. х. нинг салмоғи шу мамлакатлар хўжалигининг социал-иқтисодий характерига кўра турлича бўлади.

Ад.: СССР Конституцияси, Т., 1977; КПСС 25-съездининг материаллари, Т., 1976; Б е л я н о в В. А., Личное подсобное хозяйство при социализме, М., 1970; Ш м е л е в Г. И., Личное подсобное хозяйство и его связи с общественным производством, М., 1971.

ШАХСИЙ МУЛК — социалистик жамият аъзоларининг шахсий истеъмолини қондирувчи меҳнат даромадлари ва жамғармаларига, истеъмол предметлари, шунингдек, шахсий ёрдамчи ва уй хўжалигида фойдаланадиган айрим ишлаб чиқариш воситаларига бўлган якка мулклигининг асосий тури. Ш. м. мамлакат миллий бойлигининг таркибий қисмига киради (қ. *Миллий бойлик*). Социализмда Ш. м. вужудга келишининг бевосита манбалари ишчи ва хизматчиларнинг *иш ҳақи*, к-зчиларнинг пул даромадлари, *ижтимоий истеъмол фонди*дан олинадиган даромадлар (пенсия, нафақа, стипендиялар) ва *шахсий ёрдамчи хўжалик* ҳисобланади.

Пулсиз ва имтиёзли хизматлар (билим бериш; медицина ёрдами ва б.) ҳам Ш. м. структураси ва ҳажмига таъсир этади. Шундай қилиб, Ш. м. ижтимоий мулкдан ҳосил бўлган, у шахсий меҳнатга асосланган ва асосан истеъмол характерига эга, у хусусий капиталистик мулк ва майда товар ишлаб чиқарувчиларнинг хусусий мулкидан тубдан фарқ қилади. Ижтимоий ишлаб чиқариш даражаси қанча юқори бўлса, ходимларнинг реал даромадлари ва Ш. м. и шунчалик кўп бўлади. Ш. м. да меҳнаткашларнинг ижтимоий ва шахсий манфаатлари қўшилиб кетади.

• Ш. м. тарихан ривожланадиган ва ўзгариб турадиган категория. Унинг объект доираси ва вужудга келиш манбалари социализм қурилишининг тарихий шароитларига, ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантириш даражасига, жамият ҳаётининг миллий, маданий ва б. хусусиятларига боғлиқ. К-злар ижтимоий хўжалигининг ўсиши, социалистик ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ривожланиши б-н меҳнаткашлар Ш. м. ининг таркибий қисми ва унинг вужудга келиш манбаларидан бири бўлган шахсий ёрдамчи хўжаликнинг аҳамияти камая боради. Бу даврда ишлаб чиқаришдаги илмий-техника тараққиёти истеъмол маҳсулотлари янги турларининг пайдо бўлишига ва шунга мувофиқ Ш. м. объект доирасининг кенгайишига олиб келади.

• Ш. м. да узоқ муддат фойдаланиладиган ва юқори сифатли истеъмол предметлари, шунингдек кишиларнинг маънавий ва маданий эҳтиёжларини қондирадиган предметлар салмоқли аҳамиятга эга бўлди.

Социалистик жамият коммунизм сари ривожланишида ҳаёт неъматларининг кўп қисми ижтимоий фондлардан шахсий истеъмолга туша боради. Коммунизмда жамият аъзолари ўзига зарур воситаларни ижтимоий фондлардан олади. Социалистик мамлакатларда Ш. м. қонун б-н қўриқланади. Ш. м. ка эгалик ҳуқуқи СССР Конституциясида гражданларнинг асосий ҳуқуқларидан бири деб белгиланган. Мулк эгаси ўз мулкидан қонун б-н белгиланган доирада, ўз ихтиёри бўйича фойдаланади, уни эгаллайди ва тасарруф қилади (мас., сотади, ҳадъя қилади, васият қилади, вақтинча фойдаланиш учун бировга беради ва ҳ. к.). Ш. м. ни суистеъмол қилиш (олиб сотиш, меҳнатсиз даромад олиш) жиноят ҳисобланади. Ҳар бир граждан Ш. м. ҳуқуқининг субъекти бўла олади. К-з хонадони ҳам Ш. м. ҳуқуқининг субъектидир (УзССР ГК, 125-модда).

К-з хонадони к-з уставига мувофиқ ўзи фойдаланадиган томорқада ёрдамчи хўжалик, уй-жойга, маҳсулдор чорва молларига, паррандалар ва майда қ. х. инвентарларига эга бўлиши мумкин. Гражданларнинг Ш. м. и да бўлиши мумкин бўлган чорва моллари сони УзССР Олий Совети Президиумининг 1965 йил 7 январдаги фармонида берилган (УзССР Олий Советининг Ведомостлари, 1965, № 2). Гражданларга тегишли Ш. м. объектларидан бири бўлган уй-жойлар алоҳида аҳамиятга эга. Ш. м. ҳуқуқи тўғрисидаги асосий қоидалар УзССР ГКнинг 118—127-моддаларида кўрсатилган.

Ад.: СССР Конституцияси, Т., 1977; КПСС Программаси, Т., 1971; КПСС 25-съездининг материаллари, Т., 1976; Радаев В. В., Личная собственность в социалистическом обществе, М., 1963.

ШАХСИЙ МУЛККА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР, гражданларнинг шахсий мулкига қарши жиноятлар — совет жиноят ҳуқуқига кўра, СССР Конституцияси (13-модда)да белгиланган гражданларнинг *шахсий мулк* ҳуқуқига қарши қаратилган жиноий қилмишлар. Совет қонуни гражданларнинг ўз меҳнатлари б-н жамғарган шахсий мулкларини ҳар қандай жиноий ҳаракатлардан қўриқлайди. УзССРнинг амалдаги ЖКда гражданларнинг шахсий мулкига қарши қаратилган жиноятлар учун алоҳида боб ажратилган. Гражданларнинг мулки (нарсалар, давлат заёмлари, лотерея билетлари ва пул қийматига эга бўлган бошқа материаллар) ёки мулк эгалиги ҳуқуқи мазкур жиноят объектидир.

УзССР ЖКда кўрсатилган Ш. м. қ. ж. ни 2 группага бўлиш мумкин: биринчи группага гражданларнинг шахсий мулкини ғаразлик ва бойиш мақсадида эгаллаш жиноятлари — *ўғрилик, талончилик, босқинчилик, товламачилик, фирибгарлик, ўзлаштириш ва растратлар;* иккинчи группага шахсий мулкни қонунсиз олиш ва нобуд қилиш ёки уни зарарлантириш жиноятлари — топиб олинган мулкни яшириш, жиноий йўл б-н қўлга киритилган мулкни сотиб олиш ёки сотиш, шахсий мулкни қасддан нобуд қилиш ёки унга зарар етказишлар киради.

Ўғрилик, талончилик, босқинчилик, шахсий мулкни қасддан нобуд қилиш ёки зарарлантириш оғир оқибатларга олиб келганлиги учун 14 (бошқа ҳолларда 16) ёшдан жиноий жавобгарликка тортилади.

ШАХСИЙ ПЕНСИЯ, персонал пенсия — СССРда рев-я, давлат, жамоат ва хўжалик ишларида алоҳида хизмат кўрсатган ёки маданият, фан ва техника соҳасида хизмати катта бўлган шахсларга бериладиган *пенсия.* Бу шахслар вафот этганда Ш. п. уларнинг оила аъзоларига берилади. Ш. п. қилинган хизматига кўра иттифоқ, республика ва маҳаллий аҳамиятга эга бўлган пенсияларга бўлинади. Эркакларга 60 ёшда, аёлларга 55 ёшда, инвалидларга эса ёшидан қатъи назар тайинланаверади. Пенсия ва унинг миқдори шахснинг кўрсатган хизмати, моддий таъминот даражаси ва унинг қарамоғидаги оила аъзоларининг сонига қараб белгиланади. Иттифоқ аҳамиятидаги Ш. п. 250 сўмдан, республика аҳамиятидаги Ш. п. 150 сўмдан, маҳаллий аҳамиятдаги Ш. п. 110 сўмдан ортиқ бўлмаган миқдорда белгиланади.

Шахсий пенсионерлар ва уларнинг оила аъзоларига муайян имтиёзлар (турар жой ҳақи фойдаланилган ёқилғи, газ, электр энергиялари ҳақи 50% тўланади; врач рецепти б-н олинадиган дориларга 80% скидка қилинади, тайёрланган протезлар учун ҳақ олинмайди ва ш. к.) берилган. Шахсий пенсионерлар ишлаган тақдирда ойлигининг умумий суммаси пенсия б-н қўшилганда 350 сўмдан ошмаслиги керак.

Ш. п. аҳамиятига кўра СССР, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Министрлар Советлари, министрликлари ва бошқармалари; халқ депутатлари ўлка, обл., автоном обл., округ ва шаҳар Советларининг ижроия комитетлари, партия органлари, ВЦСПС ва касаба союзларининг марказий комитетлари тавсияси б-н Ш. п. белгилайдиган комиссия томонидан тайинланади.

ШАХСИЙ СТРАХОВАНИЕ — қ. *Давлат страховацияси.*

ШАХСИЙ УНИЯ (лат. unio — бирлашиш) — капиталистик монополияларнинг ўзаро ва давлат б-н бирлашув формаларидан бири. Ш. у. нинг моҳияти В. И. Ленин томонидан «Империализм капитализмнинг юқори босқичи» асарида очиб берилган. У империализм давридаги банкларнинг янги ролини характерлаб шундай ёзади: «... акцияларга эгалик қилиш воситаси билан, банк директорларининг савдо-саноат муассасаларининг назорат кенгашларига (ёки бошқармаларига) аъзо бўлиб ва, аксинча, савдо-саноат муассасалари директорларининг банкларга аъзо бўлишлари воситаси

билан саноат ва савдонинг энг йирик муассасалари билан банкларнинг, айтайлик, шахсий унияси ривож олиб кетади, буларнинг бир-бирларига қўшилишлари ҳам кучайиб кетади. ...Банкларнинг саноат б-н тузган «шахсий унияси» устига яна бирон хил жамиятнинг ҳукумат б-н тузган «шахсий унияси» ҳам бор (Тўла асарлар тўпламы, 27-том, 388—389-бетлар).

Капитализмнинг кейинги ривожланиш йўли Ленининг Ш. у. ҳақидаги хулосаларини тасдиқлади. 60-йилларнинг ўрталарида АҚШнинг 140 етакчи транспорт ва саноат компаниялари 40 энг йирик давлат банки б-н 500 умумий директорга, 20 энг йирик инвестиция банки б-н 80 дан ортиқ умумий директорга, 30 энг йирик страхование жамияти б-н 180 га яқин умумий директорга эга бўлди. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг монополистик банклар қошида иқтисодий кенгашларнинг тузилиши Ш. у. тараққиётида янги ҳодиса бўлди. Бу кенгашларда кўпинча принципиал қарорлар ишлаб чиқилади. Банк ва саноат капитали вакилларининг мазкур кенгашлар вақтидаги учрашув ва йиғилишлари *молия олигархияси* ичидаги алоқаларнинг мустаҳкамланишига имкон беради. АҚШдаги энг йирик 15 банк, 15 страхование ва 20 саноат компанияларидаги 884 раҳбарнинг ярмидан кўпроғи бир вақтнинг ўзида бир неча корпорацияларда директорлик лавозимини эгаллаб турган молия олигархияси вакилларидир (60-йиллар ўртаси). Давлат монополистик капитализми шароитида хусусий монополистик капитал доирасидаги Ш. у. б-н бир қаторда капиталистик монополиялар давлат б-н бирлашиб кетади: молия олигархияси давлатнинг қонунчилик ва ижроия органларида ҳукмронлик қилади. АҚШда 1932—72 йиллар орасида бўлган 9 давлат секретаридан 5 таси, 8 молия министридан 6 таси, 14 ҳарбий министрдан 8 таси корпорация дунёсининг вакилларидир.

Ш. у. халқаро молия капитали ва халқаро молия олигархиясининг ривожланиш формаларидан бири ҳисобланади. Капиталларнинг халқаро чатишиб кетиши натижасида кўпгина капиталистик мамлакатлардаги банк ва саноат монополияларида бошқа давлат монополистлари раҳбарлик қиладилар. Америка молия гуруҳи корпорациясининг директорлари *Морган* ва *Рокфеллер*лар бир қатор Англия ва Франция компанияларининг ҳам директорлари ҳисобланади. Шунинг учун Ш. у. *халқаро монополилар*нинг ривожланишида катта роль ўйнайди.

ШАХСИЙ ХАТО, шахсий тенглама — астрономияда кузатиш ва ўлчаш ишларини олиб бориш жараёнида кузатувчининг шахсий табиатига боғлиқ равишда келиб чиқадиган хатоликларни англатувчи термин. Ш. х. систематик характерга эга: кузатувчининг табиий ҳолати, кузатиш шароити ва ўлчанаётган миқдорни қайд қилиш усулининг ўзгариши таъсири натижасида Ш. х. ўзгариши мумкин. Астрономик кузатиш жараёнида Ш. х. нинг катталиги кузатилаётган ёритқичнинг равшанлиги ва унинг телескопда ҳосил бўлган тасвири ҳаракатининг тезлигига ҳам боғлиқ. Ш. х. дастлаб 18-асрнинг охирида топилиб, унга аҳамият берила бошланган. Ш. х. биринчи марта Ф. В. *Бессель* ва В. Я. *Струве* томонидан тадқиқ қилинган. Ш. х. ни 19-асрнинг 70-йилларидан рус астрономи Н. Я. Цингер ҳар томонлама синчиклаб ўрганди.

ШАХТА (нем. Schacht) — 1) фойдали қазилмаларни ер остидан қазиб олиш ишларини олиб борувчи мустақил кончилик корхонаси. Ш. да ер усти ва ер ости иншоотлари бўлади. Йирик Ш. ларда йилига бир неча млн. *т* гача фойдали қазилма олиш мумкин. Ш. ларнинг чуқурлиги юз *м* дан бир неча *км* га етади. Энг чуқур Ш. лар Жанубий Африка ва Ҳиндистонда бўлиб, уларнинг чуқурлиги 3 *км* дан ошади; 2) айрим конструкциядаги узун вертикал бўшлиқ, мас., шахта печининг ўтхонаси, лифтнинг Ш. си ва б.

ШАХТА ҚУРИЛИШИ — фойдали қазилмаларни (кўмир, рудани) қазиб олиш учун корхоналар барпо этиш. Ш. қ. ер ости тоғ-кон иншоотлари ва ер устида бино ва қурилмалар (копра, кўтаргич машиналари учун бинолар, ремонт-механика устахоналари, совитиш миноралари, компрессорлар ўрнатиладиган хоналар, омборхоналар, т. й. тармоғи ва б.) қуришни ўз ичига олади. Бунда қурилиш-монтаж ишларининг 60% дан кўпроғини ер ости ишлари ташкил қилади.

Октябрь рев-ясигача Россияда Ш. қ., асосан, Донецк кўмир ва Кривой Рог темир руда ҳавзаларида олиб борилган. СССРда урушгача бўлган беш йилликлар (1929—40) давридаДонбасс, Кузбасс ва Қарағандада йирик кўмир шахталари, Кривой Рог ҳавзаси, Пермь обл. ва б. да руда шахталари қурилди. Улуғ Ватан уруши даврида шахталар асосан шарқий р-нларда ривожланди. 1943—50 йиллар орасида вайрон қилинган ва сув бостирилган шахталар тикланди. 50—70-йилларда СССРда жаҳон бўйича энг йирик шахталар — кўмир шахталари (Кузбассда, Донбассда, Печора ҳавзасида), калий конлари (Урал, БССРда), темир руда шахталари (Кривой Рог ҳавзаси, Курск магнит аномалиясида) қурилди.

Ҳозирги шахта ёки конни ишга тушириш учун 40—80 *км* узуниликда ер ости иншоотлари қурилади. СССРда ҳар йили 360 *км* дан кўпроқ шахта иншоотлари, жумладан, 25 *км* тик стволлар бунёд этилмоқда. Бундай иншоотларни қуриш учун бурғилаш қурилмалари, жинсларни юкловчи машиналар ва проҳодка комбайнлари қўлланилади. Ш. қ. ишларини махсус қурилиш ташкилотлари (трестлар) амалга оширади.

Ўзбекистонда Оҳангарон — Олмалиқ кон саноати районида топилган минерал хом ашёлардан фойдаланиш учун Ш. қ. 30-йилларда бошланди. Ангрен кўмир конида 1940 йилдан суткасига 500 *т*, 1941 йилдан суткасига 1000 *т* кўмир қазиб олишга мўлжалланган шахталар қурилди. Улуғ Ватан уруши даврида (1941—45) эса Ангрен кўмир конининг яна 2 та шахтаси ишга туширилди. 1958 йилга келиб Шарғун кўмир кони шахтаси (Сурхондарё обл.) фойдаланишга топширилди. Ўзбекистонда Ш. қ. б-н боғлиқ ишларни «Ўзбекшахтастрой», «Алмалиқсвинецстрой» ташкилотлари олиб боради. Бу ташкилотлар Оҳангарон — Олмалиқ кон саноати районида ва б. жойларда қазилма бойликларни ўзлаштириш ва мавжуд конларни реконструкция қилиш б-н боғлиқ қурилиш-монтаж ишларини бажармоқда.

Социалистик мамлакатлардан ПХР, ГДР да йирик кўмир шахталари, ГДР да калий конлари мавжуд. МХР да полиметалл конлари бунёд этилмоқда. Капиталистик мамлакатларда (АҚШ, ГФР, Бельгия, Буюк Британия,

Франция, Канада) Ш. қ. махсус ихтисослашган фирмалар томонидан олиб борилади.

Ад.: Строительство зданий и сооружений угольных шахт, М., 1964; Гузеев А. Г., Основы проектирования технологии строительства и реконструкции шахт, М., 1972; Эшмуҳамедов А. Э., Ер ости бойликлари халқ хизматида, Т., 1973.

ШАХТЁРСК (1953 йилгача — Катик посёлкаси) — УССР Донецк обл. даги шаҳар. Т. й. станцияси. Аҳолиси 73 минг киши (1977). Кўмир қазиб олинади. 3 бойитиш ф-каси, ремонт-механика з-ди, тикувчилик-трикотаж ф-каси, нон к-ти, пиво з-ди, савдо техникуми, кинотехникум, педагогика билим юрти бор.

ШАХТИ (1921 йилгача — Александровск-Грушевский) — РСФСР Ростов обл. даги шаҳар. Т. й. станцияси. Аҳолиси 223 минг киши (1977). Ш. да 3 шаҳар р-ни бор. Саноатининг асосий тармоғи — енгил саноат (ип газлама к-ти, 2 пойабзал, зиғир тола, тикувчилик ф-каси, керамика к-ти). Кўмир қазиб олинади. Руда бойитиш ф-каси, «Гидропривод», машинасозлик з-длари, озиқ-овқат, қурилиш материаллари саноати корхоналари бор. Маданий-маиший хизмат кўрсатиш технология ин-ти, Новочеркасск политехника ин-тининг филиали, 2 техникум, 2 билим юрти, драма театри, ўлкашунослик музейи мавжуд.

ШАХТИНСК — ҚозССР Қарағанда обл. даги шаҳар. Аҳолиси 52 минг киши (1977). Қарағанда кўмир ҳавзасидан кўмир қазиб олиш маркази. 2 темир-бетон буюмлар з-ди; ностандарт жиҳозлар ва кичик механизация воситалари, синтетик ювиш воситалари з-длари, тикувчилик ф-каси, технология техникуми бор.

ШАХЧА — Сурхондарё обл. Шўрчи р-ни Миршоди қ. С. даги қишлоқ. Карл Маркс номли к-з терр-ясида. Р-н маркази ва яқин т. й. станцияси — Шўрчи (19 *км*). Аҳолиси 1579 киши (1976); пахтачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Хўжаипок дарёсидан ва Ҳазорбоғ каналидан сув ичади. Урта мактаб, савдо тармоқлари бор.

ШАШАКИ — Наманган обл. Наманган р-ни Куйбишев қ. С. даги қишлоқ. Свердлов номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 10 *км*, яқин т. й. станцияси — Тўрақўрғон (20 *км*). Аҳолиси 1283 киши (1976); пахтачилик, чорвачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Янгариқдан сув ичади. Мактаб, медпункт, болалар боғчаси бор.

ШАШКА, дамка — кўп катакли (оқ ва қора) квадрат тахтада икки рақиб ўртасида ўйналадиган ўйин. Махсус думалоқ дона-шашкаларда ўйналади. Ўйин белгиланган қонда бўйича олиб борилади.

Ш. тўғрисидаги дастлабки маълумотлар қадимги Миср ёдгорликларида мавжуд. СССРнинг ҳозирги терр-ясидаги халқларда Ш. 3- асрдан маълум бўлган. Катак, доналар сонига ҳамда ўйин қондасига қараб, рус, инглиз, немис, испан Ш. си (64 катакли тахтада 12 дона), француз, польяк Ш. си (100 катакли тахтада 20 дона), Канада Ш. си (144 катакли тахтада 30 дона) каби турлари мавжуд. 19- асрда бир қанча мамлакатларда Ш. бўйича миллий чемпионатлар ўтказилди. Кўп мамлакатларда кейинчалик халқаро Ш. га айланган 100 катакли француз Ш. си кенг тарқалди.

Ш. ўйинида, қондага биноан, доналар диагонал бўйича қора катаклар бўйлаб олдинга фақат бир катакка сурилади. Рақиб доналарини олдинга ва орқага уриш мумкин. Тахтанинг горизонтал сўнгги қаторига чиққан дона «дамка» ҳисобланади; дамка истаган масофага юриш ҳуқуқига эга. Ўйиндан мақсад рақиб доналарини тугатиш ёки уларни ҳеч қаёққа юра олмайдиган ҳолатга туширишдан иборат.

1894 йилдан 100 катакли Ш. бўйича жаҳон чемпионати [чемпион 1979 йилдан А. А. Гантварг (СССР)] ўтказилмоқда. Жаҳонининг биринчи чемпиони француз И. Вейс бўлган (1894—1912 йилларда). 1947 йили Халқаро Ш. федерацияси тузилди; у 1977 йили 16 мамлакатнинг миллий ташкилотларини бирлаштирган (СССР 1956 йилдан бери аъзо). СССРдан И. И. Куперман (1958—68, 1975—76 йилларда), В. И. Шчеголев (1960—61, 1964—65 йилларда), А. Г. Андрейко (1968—72 йилларда) жаҳон чемпиони бўлдилар. 1965 йилдан эркаклар ўртасида Европа биринчилиги (чемпион 1977 йилдан Р. С. Лешчинский), 1972 йилдан ёшлар ўртасида жаҳон биринчилиги (чемпион 1976 йилдан Е. М. Скляров, СССР), 1974 йилдан аёллар ўртасида жаҳон биринчилиги (чемпион — 1974 йилдан Е. К. Михайловская, СССР) ўтказилмоқда.

СССРда 1924 йилдан рус Ш. си, 1954 йилдан халқаро Ш. бўйича чемпионат ўтказилмоқда. 1924 йили СССР Ш. федерацияси тузилган, 1961 йили Ш. бўйича СССР гроссмейстери унвони таъсис этилган (1977 йили —14 гроссмейстер). 1977 йили СССРда 3 млн. га яқин киши, жумладан 900 га яқин спорт мастери, 1,7 млн. дан ортиқ разрядли спортчи Ш. б-н шуғулланган. УзССРда эса Ш. чилар сони 220 мингдан ортиқ бўлиб, улар сафида 1 халқаро мастер, 19 СССР спорт мастери ҳамда Ш. бўйича 2 Бутуниттифоқ тонфали судья бор (1978). Ҳар йили Ш. бўйича турли мусобақалар ўтказилади.

Ад.: Гиляров В., Стоклеточные шашки, М., 1955; Куперман И., На черных диагоналях, М., 1970.

КАРТАЛАР РЎЙХАТИ

(қавс ичида бетлари кўрсатилган)

Фарғона области, табиий карта (176). Фарғона области, иқтисодий карта (177). Фарғона областининг археологик ёдгорликлари (карта-схема) (32). 19- аср. охири — 20- аср. бошларида ҳозирги Фарғона области терр-ясида яшаган аҳолининг этник таркиби (31). Фарғона райони (35). Федченко музлиги (50). Фижи (71). Фил Суяги Қирғоғи (85). Филиппин (91). Финляндия (108). Фориш райони (143). Франция, табиий карта (160). Франция, иқтисодий карта (161). Фрунзе (198). Фрунзе райони (200). Хабаровск ўлкаси (221). Хакасия автоном области (227). Ханой (283). Хартум (291). Харьков области (297). Хасан кўли ёнидаги жанговар ҳаракатлар (1938 йил 29 июль — 11 август) (293). Халхин-Гол дарёси ёнидаги жанговар ҳаракатлар (1939 йил 20—31 август) (231). Хатирчи райони (295). Хельсинки (299). Херсон области (302). Хива райони (306). Хива хонлиги (307). Хмельницкий области (342). Ховос райони (343). Хонқа райочи (359). Хоразм области, табиий карта (496). Хоразм области, иқтисодий карта (497). 19- аср. охири — 20- аср. бошларида ҳозирги Хоразм области терр-ясида яшаган аҳолининг этчик таркиби (366). Қадимги Хоразмнинг археологик ёдгорликлари (367). Хоразм Халқ Совет республикаси (371). Хўжайли райони (420). Хўжабод райони (429). Целиноград области (435). СССР территориясидаги циклонлар (448). Чад (463). Чағоннён (484). Челябинск области (494). Черкасси области (498). Чернигов области (501). Черновици области (503). Чехословакия, табиий карта (512). Чехословакия, иқтисодий карта (513). Чечен-Ингушия АССР (525). Чили (538). Чимбой райони (546). Чимкент области (548). Чиноз райони (553). Чироқчи райони (556). Чита области (561). Чувашия АССР (585). Чоржўй области (579). Чукотка денгизи (591). Чуст райони (594). Шарқий Прусспя операцияси (1945 й.), Шарқий Сибирь денгизи (634). Шарқий Қозоғистон области (636).

УзСЭ 12- ЖИЛДИ МУАЛЛИФЛАРИ РЎЙХАТИ

АБДЛ-АЛ-РАЗАҚОВ Э. Р.
АБДУАЗИЗОВ А.
АБДУВАЛИЕВ В.
АБДУКАРИМОВ Н.
АБДУЛАҚИМОВ З.
АБДУЛЛАБЕКОВ Қ. Н.
АБДУЛЛАЕВ А.
АБДУЛЛАЕВ АҲМАДЖОН
АБДУЛЛАЕВ В. Т.
АБДУЛЛАЕВ ВОҲИД
АБДУЛЛАЕВ И.
АБДУЛЛАЕВ Р.
АБДУЛЛАЕВ К.
АБДУЛЛАЕВ М.
АБДУЛЛАЕВ М. А.
АБДУЛЛАЕВ О.
АБДУЛЛАЕВ Р. Н.
АБДУЛЛАЕВ Р.
АБДУЛЛАЕВ С. И.
АБДУЛЛАЕВ Т.
АБДУЛЛАЕВ Ф.
АБДУЛЛАЕВА С.
АБДУЛЛАЕВА К.
АБДУРАСУЛОВ М.
АБДУРАҲИМОВ А.
АБДУРАҲМОНОВ С. А.
АБДУРАҲМОНОВ Ш. А.
АБДУРАҲМОНОВА М. Я
АБДУСАМЕДОВ А. Э.
АБДУҒАНИЕВ А.
АБДУҒОФУРОВ А.
АБРОРОВ М.
АБДУЛҚОСИМОВА Х.
АВАЗМАТОВ Х. Б.
АВДЕЕВА Л. А.
АВЕДОВА Н.
АЗАМАТОВ С.
АЗИЗОВ П. Б.
АЗИЗОВ Қ.
АЗИЗОВА Ю. С.
АЗИМОВ П. Т.
АЗИМОВ Т. В.
АЗИМОВ Ш.
АЗЛАРОВ Т. А.
АЙРИЕВА Н. А.
АКБАРОВ Х. И.
АКРАМОВ А.
АКРАМОВ З. М.
АКРАМОВ Ш.
АКРАМХЎЖАЕВ О. М.
АЛИМБЕКОВ М.
АЛИМОВ Қ. А.
АЛИМОВ М. М.
АЛИМОВ С.
АЛИМОВА М.
АЛИМУҲАМЕДОВ С. Н.
АЛЛАНИЁЗОВ Б.
АЛЬБАУМ Л. И.
АМИНОВ М. Н.
АМИНОВ С. Н.
АН Н. А.
АРЗУМЕТОВ Й. С.
АСАНОВ Г. Р.
АСОМИДДИНОВА М.
АСҚАРОВ А.
АСҚАРОВ М.
АШУРБОЕВ З.
АШУРОВ Т.
АШУРОВА М.
АЪЗАМОВ А.
АЪЗАМОВ Р. А.
АЮПОВ А. Т.
АҲМАДЖОНОВ М. О.
АҲМАДЖОНОВ Ғ. А.
АҲМАДХЎЖАЕВ Б.
АҲМЕДОВ Б. А.
АҲМЕДОВ Н. К.
АҲМЕДОВ Т.
АҲМЕДОВ Э. А.
АҲМЕДОВ Ғ. А.
АҲМЕДОВ Ҳ.
АҲРОРОВ И.
АҲРОРОВ С. М.
БАДАЛОВ С. Т.
БАРАТОВ М. Б.
БАРАТОВ П.
БАРАТОВ Х.
БАРАТОВА М. Ч.
БАХРИТДИНОВ Б. А.
БАЯНДИЕВ Т.
БАҚОЕВ М.
БАҲОДИРОВ Р.
БЕГМАТОВ Э.
БЕЗРУКОВА Н. Т.
БЕКБОЕВ Р.
БЕККУЗИН А. А.
БЕКТЕМИРОВ Ҳ.
БИБЛИК С. В.
БОБОБЕКОВ Ҳ.
БОБОЕВ Б. Д.
БОБОЕВ Ж. М.
БОБОЕВ Т.
БОБОЕВ Қ. Л.
БОБОЕВА М.
БОБОЖОНОВ О. А.
БОЗОРБОЕВ А.
БОЗОРОВ Ю. Б.
БОЗОРОВ Ҳ.
БОЙБУВАЕВ Н.
БОЙМУҲАМЕДОВ Ҳ. Н.
БОЛТАЕВ К.
БОРИСОВ О. М.
БОСИТХОНОВ З.
БУРҲОНОВ И. Ғ.
БУРЯКОВ Ю. Ф.
БУРИЕВ А.
БУРИЕВ О.
БУРИХОНОВ Б. У.
ВАЛИЕВ А. К.
ВАЛИЕВА Д.
ВАЛИХОНОВ М.
ВИЛЬЧЕК Б. В.
ВОСИҚОВА М. С.
ВОҲИДОВ С.
ВОҲИДОВ Ҳ. Ф.
ГАДОЕВ Ж. К.
ГАДОЙБОЕВ У.
ГИНТОВТ В. А.
ГЛАДКОВА В. И.
ГОЛЬДФАРБ Б. Я.
ГУЛИЯНЦ Л. И.
ДАДАЖОНОВ И.
ДАВЛАТОВ Ш. Д.
ДАВЛАТОВ Я.
ДАВЛАТШИНА Г.
ДАВЛЕТШИН М. Г.
ДАДАЖОНОВ Н.
ДАЛАБОЕВ У.
ДАЛИЕВ М.
ДОЛИМОВ З. А.
ДОЛИМОВ С. А.
ДОЛИМОВ Т. Н.
ДОНИЛОВА Л. В.
ДОСУМОВ Р. Я.
ДРЕСВЯНСКАЯ Г. Я.
ДУКЕ ХУАН.
ДЬЯЧЕНКО В. П.
ЕСЕМУРАТОВ Г.
ЕДГОРОВ Х.
ЕҚУБОВ Х. Ф.
ЕҚУБОВ С.
ЕҚУБОВА Н.
ЕҚУБХЎЖАЕВ А. Б.
ЖАББАРОВ А. Р.
ЖАЛОЛОВ А.
ЖАМОЛОВ З.
ЖУМАЕВ Т.
ЖУМАМУРОТОВ Х.
ЖУМАНИЁЗОВ Қ.
ЖУМАНИЁЗОВ М.
ЖУМАНИЁЗОВ Р.
ЖЎРАЕВ Ф.
ЖЎРАЕВ Ш.
ЗАПЧЕНКО Г. В.
ЗАРИПОВ Б.
ЗИЕДОВ К.
ЗИЕДОВА Д.
ЗИЕВУДДИНОВА М.
ЗИЕДУЛЛАЕВ С. К.
ЗИЁЕВ Э.
ЗИЁМУҲАМЕДОВ Н.
ЗОҚИРОВ И. Б.
ЗОҚИРОВ И.
ЗОҚИРОВ М. З.
ЗОҚИРОВ Ш.
ЗОҚИРОВ Э. М.
ЗОҚИРОВ Қ. З.
ЗОҲИДОВ АБДУЛЛА
ЗОҲИДОВ А.
ЗОҲИДОВ М. Ш.
ЗОҲИДОВ П. Ш.
ЗОҲИДОВ У.
ЗОҲИДОВА Н.
ЗУЕВ В. И.
ЗУННУНОВ Ф. Ҳ.
ЗУФАРОВ К. А.
ИБОДУЛЛАЕВ С.
ИБРОҲИМОВ Д.
ИБРОҲИМОВ З. С.
ИБРОҲИМОВ П.
ИБРОҲИМОВ Р. Н.
ИБРОҲИМОВ Ф.
ИБРОҲИМОВ Х. З.
ИБРОҲИМОВА Ф.
ИВАНОВ В. А.
ИЗЗАТОВ З. Ҳ.
ИКРОМОВ Л. Т.
ИКРОМОВ М. Х.
ИЛҲОМОВ Ш.
ИМИНОВ Я. Ҳ.
ИМОМОВ К.
ИНОЯТОВ Ҳ. Ш.
ИНОҒОМОВ И.
ИНОҒОМОВ Э.
ИНОҒОМОВА К.
ИСАЕВ П.
ИСАМУҲАМЕДОВ Э. М.
ИСАМУҲАМЕДОВА М.
ИСКАНДАРОВ Э.
ИСЛОМБЕКОВА М.
ИСЛОМЖОНОВА М.
ИСЛОМОВ А. И.
ИСЛОМОВ Б.
ИСМОИЛОВ А.
ИСМОИЛОВ АБДУРАШИД
ИСМОИЛОВ В. А.
ИСМОИЛОВ М. И.
ИСРАИЛОВ М.
ИСҲОҚОВ Е.
ИСҲОҚОВ М. М.
ИСҲОҚОВ Ш.
ИШАЕВ А.
ИШМУҲАМЕДОВ А.
ЙЎЛДОШЕВ А. А.
ЙЎЛДОШЕВ А. М.
ЙЎЛДОШЕВ Ж.
ЙЎЛДОШЕВ К. П.
ЙЎЛЧИБОЕВ А.
КАНЦЕРОВА Ф.
КАРИМОВ И.
КАРИМОВ У.
КАРИМОВ Ш.
КАРИМОВ Э.
КАРИМОВА Н.
КАРМИШЕВА Б. Х.
КАРОМАТОВ Ф. М.
КИБАЛЬЧИЧ О. А.
КИСЕЛЕВА В. С.
КОБЛОВА Н.
КОЛЬЦОВ В. А.
КОМИЛЖОНОВ А.
КОМИЛОВ А.
КОМИЛОВ И. К.
КОНОВАЛОВ П. М.
КОРОБОВА З. Б.
КОСТИЛЕВ Г. В.
ЛАПАСОВ Ж.
ЛАПАСОВ М.
ЛЕ ВИНЬ КУОҚ
ЛОРДКИПАНИДЗЕ Л. Н.
МАВЛОНОВ Ғ. О.
МАЖИДОВ А.
МАЛЛИН Р. Х.
МАМАДАЛИЕВ Қ. М.
МАМАТҚУЛОВ М.
МАНСУРОВ Х.
МАНСУРОВ Ш.
МАНЬКОВСКАЯ Л. Ю.
МАСЛОВ Н. И.
МАТЕҚУБОВ О.
МАТЕҚУБОВ С.
МАТЧОНОВ Ж. М.
МАТЧОНОВ Қ.
МАТҚУРБОНОВ Ж.
МАШРАПОВ Р.
МАЪСУДОВ Х. С.
МАҚСУДОВ З. Ю.
МАҚСУМОВ Қ.
МАҲКАМОВ Н.
МАҲКАМОВА Н. Ж.
МАҲМУДОВ Д. М.
МАҲМУДОВ К.
МАҲМУДОВ К. М.
МАҲМУДОВ М.
МАҲМУДОВ Қ.
МАҲМУДОВА С. М.
МЕЛИҚУЛОВ Р.
МИЛЬГОТИН В. С.
МИРАЗИЗОВ Қ. Ж.
МИРАЪЗАМОВ М. М.
МИРАҲМЕДОВ М.
МИРАҲМЕДОВ У.
МИРБОБОЕВ З. А.
МИРЕҚУБОВ М.
МИРЗААҲМЕДОВА С. М.
МИРЗААҲМЕДОВ М. А.
МИРЗАЁЗ Е. Н.
МИРЗАЕВ М. М.
МИРЗАЕВ Н.
МИРЗАЕВ С. Ш.
МИРЗАЕВ Т. К.
МИРЗАЕВ ТУРА
МИРЗАЕВА М.
МИРОЛИМОВА Н. М.
МИРСАИДОВ М. М.
МИРСОАТОВ А.
МИРСОАТОВ М.
МИРХЎЖАЕВ И. М.
МИРҲОСИЛОВ С. М.
МУЗАФФАРОВ М.
МУИНОВА С.
МУКМИНОВ Ф. Г.
МУРОДОВ Д. М.
МУРОДХЎЖАЕВ Н. Қ.
МУСАБОЕВ И.
МУСАЕВ А.
МУСАЕВ К.
МУСАЕВ Н. У.
МУТАЛОВ Н.
МУХТАРОВ О.
МУҲАММАДЖОНОВ А. Р.
МУҲАММАДИЕВ А.
МУҲАМЕДОВ М. М.
МУҲИТДИНОВ М.
МУҲИТДИНОВ Ф. И.
МУҲИТДИНОВ Э.
МУҲИТДИНОВА Ҳ. Қ.
МЎМИНОВ Н. А.
МЎМИНОВ Н. С.
МЎМИНОВ П.
НАБИЕВ М. М.
НАБИХОНОВ М.
НАЖИМХЎЖАЕВ И.
НАЗАРОВ Б.
НАЗАРОВ К.
НАЗАРОВ Қ. Қ.
НАЗАРОВ М. Х.
НАСРИДДИНОВ Б.
НАСРИДДИНОВ С. С.
НАСРИДДИНОВ Ғ.
НАҲАНОВ О.
НЕЪМАТОВ С.
НЕЪМАТОВ Э.
НИЁЗАЛИЕВ И.
НИЁЗМАТОВ И.
НИЁЗОВ Д.
НИЗОМИДДИНОВ Н. Ғ.
НИШОНБОЕВА М. А.
НИКИТЧЕНКО В. С.
НОЗИЛОВ Д.
НОМОЗОВ Б.
НОРБОЕВ Б.
НОРБОЕВ З.
НОРМУҲАМЕДОВ Н.
НОРҲЎЖАЕВ Ф. Х.
НОРҚУЛОВ Н.
НОСИРОВ П. Р.
НОСИРОВ У.
НОСИРОВА Н.
НУВАЗОВ Д. Л.
НУРИДДИНОВ З. Р.
НУРИЛЛИН Р. А.
НУЪМОНОВА Ш.
ОБИДОВ А. О.
ОБИДОВ М.
ОБИДОВ О. О.
ОБИДОВ Т. Ҳ.
ОДИЛБЕКОВ Т.
ОДИЛОВ Т. О.
ОДИЛОВА З.
ОДИЛХЎЖАЕВ Э.
ОПХЎЖАЕВ С. С.
ОЛИМЖОНОВ Р.
ОЛИМОВ Х. О.
ОРЗИБЕКОВ Р.
ОРИПОВ У. О.
ОРИПОВА Т. У.
ОРИФБОЕВ Д.
ОРИФЖОНОВ Р. А.
ОРИФИЙ Ш.
ОРТИҚОВ АБДУЛЛА
ОРТИҚОВ АБДУРАҲМОН
ОРТИҚОВ А. О.
ОТАМИРЗАЕВА С.
ОТАМУРОДОВ С.
ОТАХЎЖАЕВ Ф.

ОТАҚУЛОВ Б
ОТАҚУЗИЕВ Э. О.
ОХУНЖОНОВ С. С.
ОҚИЛОВ А.
ПАЙЗИЕВА С.
ПАНФИЛОВА Л. А.
ПАРДАЕВ О.
ПАРДАЕВ Ғ. Р.
ПАТТОХОВ А. А.
ПЕТРОВ Н. П.
ПИРМУҲАМЕДОВ Ж.
ПОЛЯҚОВ И. П.
ПОПОВ В. А.
ПОПОВА Л.
ПОШЕНКО А. В.
ПРАТОВ У.
ПРИВАЛОВ А. И.
ПРОТАСОВ П. В.
ПЎЛАТОВ Х. П.
РАЖАБОВ И. Р.
РАЖАБОВ Н.
РАЖАБОВ С. Р.
РАЗЗОҚОВ А.
РАМАЗОНОВА М.
РАССУДОВА Р.
РАСУЛОВ А. А.
РАСУЛОВ А.
РАСУЛОВ А. Р.
РАСУЛЕВ Ф.
РАФИҚОВ А. А.
РАЦЕК В. И.
РАШИДОВА Д.
РАҲИМБЕКОВ Р. У.
РАҲИМБОБОЕВА М.
РАҲИМЖОНОВ А.
РАҲИМОВ А. Р.
РАҲИМОВ А. Ғ.
РАҲИМОВ С. Р.
РАҲИМОВ Э. Р.
РАҲИМОВ Ҳ. Р.
РАҲМАТЖОНОВ Р.
РАҲМАТОВА Д
РАҲМАТУЛЛАЕВ Х.
РАҲМАТУЛЛАЕВ Ю.
РАҲМАТУЛЛАЕВА М.
РАҲМЕДОВ У.
РАҲМАНОВ А. Р.
РАҲМОНОВ В.
РАҲМОНОВА М
РАҲМОНҚУЛОВ Ҳ.
РТВЕЛАДЗЕ Э.
РУСТАМОВ Ҳ.
РЎЗИЕВ А.
РЎЗИЕВ Ш.
САИДАЛИЕВА М. С.
САИДАМИНОВ С.
САИДАҲМЕДОВ О.
САИДКАРИМОВ С.
САИДОВ Ж. К.
САИДОВ М. А.
САИДОВ М. С.
САИДОВА С. Р.
САЙФУЛЛИН Э. Б.
САЛИМОВ З.
САЛИМОВ Ҳ.
САЛИМОВА Ф.
САЛОМАТИНА А. В.
САЛОМОВ Р.
САЛОҲИДДИНОВ М. С.
САМАДОВ К. С.
САМАРХЎЖАЕВ Б.
САМАТОВА Х.
САМИГУЛИНА Р. М.
САНАҚУЛОВ Э. А.
САРИМСОҚОВ Б.
САРИМСОҚОВ Р. К.
САТТОРОВ И.
САТТОРОВ Қ.
САФАРОВ Э.
САФАЕВ О.
САХАЕВ М. С
САҲОБИДДИНОВ С.
СЕЙТКАМОЛОВ П.
СИДДИҚОВ Б
СИДДИҚОВ Ш.
СИРОЖИДДИНОВ С. Ҳ.
СОБИРОВ К. А.
СОБИРОВ М. А.
СОБИРОВ М. К.
СОБИРОВ Қ.
СОБИРОВ Ҳ. Р.
СОБИТОВ Э.
СОДИҚОВ А.
СОДИҚОВ Б. Ғ.
СОДИҚОВ П.
СОДИҚОВ С. П.
СОДИҚОВ С.
СОДИҚОВ Қ.
СОДИҚОВ Ҳ.
СОДИҚОВА Д. С.
СОДИҚОВА М.
СОКОЛОВА А. А.
СОЛИЕВ А.
СОЛИҲОВ Ғ. Н.
СПРИШЕВСКИЙ В. И.
СУВОНҚУЛОВ С
СУЛАЙМОНОВ А.
СУЛАЙМОНОВ И.
СУЛАЙМОНОВ Х.
СУЛАЙМОНОВА Ф.
СУЛТОНМУРОДОВ Ш.
СУЛТОНОВ А. С.
СУЛТОНОВ С. А.
СУЛТОНОВ Ю.
СУЛТОНОВ Ғ. С.
СУЛТОНХЎЖАЕВ А. Н.
СУПИТАЛЕВ В. К.
ТЕМУРОВ Ш. С.
ТЕШАБОЕВ Ж.
ТЕШАБОЕВ Ф.
ТЕШАБОЕВА Н. Х.
ТОЖИБОЕВ Ш. З.
ТОЖИЕВА Ф.
ТОЛИПОВ Р. М.
ТОЛМАЧЕВА С. Г.
ТОШБЕКОВ Э.
ТОШЕВ Х.
ТОШКЕНБОЕВ Н. Х.
ТОШМУҲАМЕДОВ М.
ТОШМУҲАМЕДОВ О. М.
ТОШМУҲАМЕДОВА М.
ТОШХЎЖАЕВА М.
ТОҒАЕВ О.
ТУЛЕНОВ Ж.
ТУРДИЕВ Д.
ТУРИМБЕТОВ Б.
ТУРМУҲАММЕДОВ Н.
ТУРОБОВ Ш.
ТУРСУНБОЕВ С.
ТУРСУНОВ Ю.
ТУРСУНОВ Ҳ. Т.
ТЎЙЧИЕВ Т.
ТЎЙЧИЕВ У.
ТЎЙЧИЕВ Ҳ. Й.
ТУЛАГАНОВ А. Т.
ТУЛАГАНОВА М.
ТЎРАБЕКОВ Ш.
ТЎРАЕВ Н. И
ТЎРАЕВ П.
ТЎРАЕВ Х. Т.
ТЎРАЕВА Г.
ТЎРАХОНОВ А. С.
ТЎРАҚУЛОВ Е. Х.
ТЎРАҚУЛОВА Х.
ТЎХТАЕВ Э. С.
ТЎХТАХЎЖАЕВА И. Х.
УБАЙДУЛЛАЕВ Ғ.
УБАЙДУЛЛАЕВА Р. А.
УЗОҚОВ Ҳ.
УЛОМОВ В. И.
УМАРЖОНОВ Д.
УМАРОВ А. О.
УМАРОВ М.
УМАРОВ М. У.
УМАРОВ Р.
УМАРОВ Ю. У
УМАРОВА О. П.
УМРЗОҚОВА О. П.
УСМОНОВ А. У.
УСМОНОВ М. А.
УСМОНОВ О.
УСМОНОВ Ҳ. У.
УСМОНОВА О. З.
УСМОНХЎЖАЕВ Ҳ. Ҳ.
УТЮШЕВ Г. А.
ФАЙЗИЕВ М.
ФАЙЗИЕВ Н.
ФАЙЗИЕВ О. О.
ФАЙЗИЕВ М.
ФАЙЗИЕВ Т.
ФАЙЗУЛЛАЕВ А.
ФАЙЗУЛЛАЕВ О.
ФАЙЗУЛЛАЕВА Р.
ФАЙЗУЛЛАЕВА Ш.
ФАРМОНОВ Ш. К.
ФАРМОНОВ Қ.
ФАТХУЛЛАЕВ И
ФАХРИДДИНОВ С.
ФОЗИЛОВ И.
ФОЗИЛОВА С.
ФОЗИЛХЎЖАЕВ Қ.
ХАЙРУЛЛАЕВ М. М.
ХАЛИЛОВ С. Х.
ХАЛИЛОВА У. Х.
ХАНБИКОВ И.
ХОЛМАТОВ А. Х.
ХОЛМАТОВ Ҳ. Ҳ.
ХОЛБЕКОВ О.
ХОЛИҚОВ М. Қ.
ХОЛМУРОДОВ Р. С.
ХОЛМУРОДОВ Э.
ХОЛМУХАМЕДОВ К.
ХОЛНАЗАРОВ С. Х.
ХОНАЗАРОВ Қ. Х.
ХОНХЎЖАЕВ Т. Т.
ХУДОЙБЕРДИЕВ Р. Э.
ХУДОЙБЕРДИЕВ С.
ХУДОЙҚУЛОВ К.
ХЎЖАЕВ Б. Н.
ХЎЖАЕВ М. Х.
ХЎЖАЕВ М.
ХЎЖАЕВ Н.
ХЎЖАЕВ С. М.
ХЎЖАЕВ Ш. Х.
ХЎЖАЕВА М.
ЧЕХОВИЧ О. Д.
ЧЕСТНИХ Г.
ЧИЖОВ В. А.
ШАКУРОВА М.
ШОМАҒДИЕВ Ш. А.
ШАМСУДДИНОВ Р.
ШАРАФИДДИНОВ О.
ШАРАФИДДИНОВ С.
ШАРИПОВ А.
ШАРИПОВ Ж.
ШАРИПОВ М.
ШАРИПОВ Т. Т.
ШАРИПОВ Ф.
ШАРИФХЎЖАЕВ М.
ШЕГЛОВ В. П.
ШЕРАЛИЕВ Э.
ШЕРМАТОВ М. Ш.
ШЕРМУҲАМЕДОВ П.
ШЕРМУҲАМЕДОВ С. Ш.
ШЕРМУҲАМЕДОВ Я. Ш.
ШЕРХОНОВ А. П.
ШЛЕЙХЕР А. И.
ШОДМОНОВ Е.
ШОЁҚУБОВ Р. Ш.
ШОҚИРОВ А.
ШОҚИРОВ Н.
ШОҚИРОВ О. Ш
ШОМАНСУРОВ Ш. Ш.
ШОМАТОВ Н.
ШОМАҲМУДОВ А. Л.
ШОМУРОДОВ Х. О.
ШОМУҲАМЕДОВ Ш.
ШОМУҲАМЕДОВА С.
ШОНАЗАРОВ А.
ШОНИЁЗОВ К. Ш.
ШОПУЛАТОВ Ж.
ШОРАҲМЕДОВ Д. А.
ШОРУСТАМОВ А. Ш.
ШОТҒРАЕВ Т.
ШОХНАЗАРОВ Р.
ШУКУРОВА Ҳ. Ш.
ЭГАМБЕРДИЕВ А.
ЭГАМБЕРДИЕВ М.
ЭГАМБЕРДИЕВ Т.
ЭРГАШЕВ А.
ЭРГАШЕВ Н.
ЭРГАШЕВ Ш.
ЭРГАШЕВ Э.
ЭРГАШЕВ Э. Ҳ.
ЭРКИНОВ С.
ЭРМАТОВ Р.
ЭРМАТОВ А.
ЭШБОЕВ Т.
ЭШНАЗАРОВ Н.
ЭШНИЁЗОВ Д. П.
ЭШОНОВ О.
ЭШХЎЖАЕВА Х. М.
ЮНУСОВ И. Х.
ЮНУСОВ М.
ЮНУСОВ Н.
ЮСУПОВ Б.
ЮСУПОВ Қ.
ЮСУПОВ С.
ЮСУПОВ Ю.
ЮСУПОВА Д. Ю.
ЮСУПОВА М. Ю.
ЮСУПОВА Н.
ЮСУПХЎЖАЕВА Ҳ.
ЯНГИБОЕВ М.
ЯҲЕЕВ Ш.
ЎЛМАСОВ А.
ЎРИНБОЕВ А.
ЎРОЛОВ Х.
ЎТКЕЛБОЕВ Н.
ҲАМБАРОВА Ф.
ҲАРЖАУВ Т. К.
ҚАЮМОВ О.
ҚАЮМОВ Э.
ҚАҲҲОРОВ А.
ҚОБИЛОВ Н.
ҚОБИЛОВ Г.
ҚОДИРОВ АБДУЛҲАЙ
ҚОДИРОВ А.
ҚОДИРОВ В. К.
ҚОДИРОВ М. Ҳ.
ҚОДИРОВ МУҲСИН ҲАМИДОВИЧ
ҚОДИРОВ М.
ҚОДИРОВ МУҲАММАД
ҚОДИРОВ Э.
ҚОДИРОВ Э. В.
ҚОДИРОВ А. А.
ҚОДИРОВА Т. Ф.
ҚОРАБОЕВ Қ.
ҚОРАБОЕВ Ҳ.
ҚОРАЕВ С. К.
ҚОРАЕВ Т.
ҚОРАЕВ Э.
ҚОСИМОВ А.
ҚОСИМОВ Б.
ҚОСИМОВ М. Р.
ҚОСИМОВ Н.
ҚОСИМОВ Э.
ҚУРБОНОВ А.
ҚУРБОНОВ З. У.
ҚУРБОНОВ К.
ҚУРБОНОВ Ғ. Қ.
ҚУРТНЕЗИРОВ З.
ҚУТЛУҚОВ М.
ҚУЗИБОЕВ Т
ҚУШЖОНОВ М.
ҚУШМУРОДОВ О. Қ.
ҒАНИЕВ Д. Н
ҒАНИЕВА С.
ҒАФУРОВ Ф.
ҒАФФОРОВ Ф.
ҒИЁСОВ Т.
ҒОЗИЕВ Н.
ҒОФУРБЕКОВ Т. Б.
ҒУЛОМОВ И.
ҒУЛОМОВ П.
ҒУЛОМОВ Т. К.
ҒУЛОМОВ Я. Ғ.
ҒУЛОМОВ Х. Ғ.
ҲАЙДАРОВ К.
ҲАПИТМЕТОВ А.
ҲАКИМОВ З. А.
ҲАКИМОВ И.
ҲАКИМОВ МУРОД
ҲАКИМОВ М.
ҲАКИМОВ Э. Ҳ.
ҲАМИДОВ А. Х.
ҲАМИДОВ А.
ҲАМИДОВА М.
ҲАМРАҚУЛОВ Х.
ҲАМРОАЛИЕВ О. Ҳ.
ҲАМРАБОЕВ И. Ҳ.
ҲАМРОЕВ А.
ҲАМРОЕВ У.
ҲАСАНОВ А. А.
ҲАСАНОВ А. С.
ҲАСАНОВ АСЛИДДИН
ҲАСАНОВ АҲМАД
ҲАСАНОВ БОТИР
ҲАСАНОВ БОРИЙ
ҲАСАНОВ Д.
ҲАСАНОВ Т.
ҲАСАНОВ Ф. С.
ҲАСАНОВ Ш.
ҲАСАНОВ Қ. Ҳ.
ҲАСАНОВ Ҳ. Ҳ.
ҲАҚБЕРДИЕВ М.
ҲАҚҚУЛОВА Р
ҲИКМАТУЛЛАЕВ Б.
ҲИКМАТУЛЛАЕВ Б. С.
ҲИКМАТУЛЛАЕВ Х.
ҲОЖИБОЕВ Н. Н.
ҲОЖИЕВ Ж.
ҲОЖИЕВ Т. Ш.
ҲОЖИЕВ Ш.
ҲОЖИМАТОВ К.
ҲОШИМОВ Ж.
ХУСАИНОВА З.
ХУСАНОВ Х. Ҳ.

ИЛМИЙ СЕКЦИЯЛАР АЪЗОЛАРИНИНГ РЎЙХАТИ*

Адабиёт ва фольклор секцияси. Ёқубов Ҳ. И., Каримов Ғ. К., Мирзаев Т., Шомуҳамедов Ш. М., Юнусов М. Ю., Қаюмов Л. П., Қаюмов О. К., Қўшжонов М. К., Ҳабибуллаев А. Ҳ.

Амалий санъат ва архитектура секцияси. Абдуллаев А. О., Абдуллаев С. Ф., Бобохонов А. Б., Зоҳидов П. Ш., Раҳимов М. К., Саидов М. А., Тошхўжаев Ш. С., Убайдуллаев Х. М., Умаров А. Р., Қодирова Т. К., Қўзибоев Н. М.

Археология, этнография ва антропология секцияси. Асқаров А. А., Буряков Ю. Ф., Дониёров Х. Д., Мирҳосилов С., Муҳаммаджонов А. М., Раҳматуллаев Ю., Тошев Х., Шониёзов К.

Астрономия ва геодезия секцияси. Латипов А. А., Раҳимов А. Ғ., Сатторов И. С., Эшмуҳамедов Х. В., Қодиров А., Қўзибоев Т.

Биология фанлари секцияси. Азизов П. Б., Енилеев Х. Х., Набиев М. М., Саҳобиддинов С. С., Султонов Ғ. С.

География фанлари секцияси. Алимуҳамедов И. Р., Асанов Г. Р., Матмуродов Ж., Мирзалиев Т. М., Нишонов С. А., Раимов Т. Р., Рафиқов А. А., Раҳимбеков Р. У., Саидаҳмедов О., Султонов Ю., Тешабоев М. Т., Умаров М. У., Эгамбердиев Т. Э., Ғуломов П. Н., Ҳисомов А. В.

Геология ва геофизика фанлари секцияси. Аҳмаджонов М. О., Давлатов Ш. Д., Зокиров М. З., Ибодуллаев С. И., Иброҳимов З. С., Мирзаев С. Ш., Мирҳожиев Н. М., Мусин Р. А., Отақўзиев Э. О., Эгамбердиев М. Э., Қўшмуродов О. Қ., Ҳожибоев Н. Н.

Давлат ва ҳуқуқ секцияси. Аҳмедов Ғ. А., Восиқова М. С., Жалилов Т. А., Жалилов И. Ж., Пинхасов Б. И., Раҳмонқулов Х., Самадова Х. С., Ҳакимов М. Ҳ.

Журналистика секцияси. Абдуллаев В. Қ., Абдураҳмонов Р. К., Акбаров А. И., Пидаев Т. Р., Эрназаров Т. Э.

Кимё фанлари секцияси. Иброхимов Ю. И., Йўлдошев Ф. И., Раҳимов Ҳ. Р., Саиднисирова З., Файзиев Х. Ф., Қодиров Р. К.

КПСС тарихи ва ЎзКП тарихи секцияси. Гентшке Л. В., Жўраев Т. Ж., Иброҳимов Й. И., Мусаев М. М., Непомнин В. Я., Нуруллин Р. А., Ҳамидхўжаев А., Ҳасанов К. Х.

Математика фанлари секцияси. Азларов Т. А., Аъзамов А., Мансуров Ҳ., Мирзаахмедов М. А., Муҳаммадхонова Р. Э., Собиров М. А., Солиҳов Ғ. Н., Ҳожиев Ж.

Медицина фанлари секцияси. Абдуллаев Н. Х., Зоҳидов А. З., Мажидова В. М., Махсумов Ж. Н., Мухторов О. М., Орипов Ў. О., Оқилов А. Т., Раҳимжонов А. Р., Ҳусанов Ҳ. Ҳ., Шомаҳмудов А. Л.

Музика, театр ва кино секцияси. Акбаров И. А., Жабборов А. Ҳ., Муҳамедов С. М., Раҳимов Ҳ. Р., Қориев Р. М.

Педагогика, психология ва халқ маорифи секцияси. Воҳидов М., Давлетшин М. Г., Эргошев Ф. Э.

Сув проблемалари ва гидротехника секцияси. Абдуллаев Ҳ., Аҳмедов Ҳ. А., Муҳамедов А. М., Пославский В. В., Тўйчиев Т., Қодиров А. А., Қодиров Б. Н., Ҳамроев Н. Р., Ҳусанхўжаев Э. Ҳ.

Тарих фанлари секцияси. Абдуллаев И., Аҳмедов Б. А., Бекмуҳаммедов Ҳ. Ю., Зиёев Ҳ. З., Камолов С. К., Маннонов Б., Оқилов К., Содиқов О. С., Тошмуҳамедов О. О., Ҳикматуллаев Ҳ.

Техника фанлари секцияси. Исмонлов М. Э., Мўминов Н. А., Орифов М. Н., Солиҳов З. М., Тўрахонов А. С., Хўжаев М. Х.

Тилшунослик секцияси. Азизов О. А., Асқарова М. А., Решетов В. В., Рустамов А., Ғуломов А. Ғ.

Умумий тарих секцияси. Азимов Т. В., Аҳмаджонов Ғ. А., Бобоева М., Рустамов С., Қорабоев С. В., Ҳамроев А. Ҳ., Ҳидоятов Г. А.

Фалсафа ва атеизм секцияси. Абдуллаев М. А., Аюпов А. Т., Содиқов К. С., Усмонов М. А.

Фан тарихи секцияси. Абдураззоқов А., Булатов М., Исломов О. И.

Физика фанлари секцияси. Маллин Р. Х., Саидов М. С., Турсунов С. Т., Тўраев Н. Й., Умаров Ғ. Ё., Ҳожимуҳамедов Х. Х.

Экономика фанлари секцияси. Абдуғаниев А. А., Аҳмедов Э. А., Баратова М. Ч., Муллажонов И. Р., Ортиқов А. О., Собиров Ҳ. Р., Шарифхўжаев М. Ш., Ҳикматов О. Х.

Қишлоқ хўжалиги фанлари секцияси. Акмалхонов Ш. А., Алимуҳамедов С. Н., Жалилов Ҳ. М., Зокирхўжаев Д. З., Каримов Й. Ю., Маннонов Н. М., Мирзаев М. М., Пўлатов С. П., Умаров М. У., Курбонов Ғ. Қ., Шайхов Э. Т., Ғаниев М. С., Ғаниева М. Р.

Ҳарбий иш ва физкультура секцияси. Адҳам Раҳмат., Бозоров Ю. Б., Жабборов Э. Ж., Жалолов А. К., Каримов К. К., Охунжонов С. С., Пўлатов Ғ. П., Рафиев Х. Т., Салоҳиддинов Ж., Тўрахўжаев А. Х., Тўйчиев Х. Й., Узоқов Ҳ. Қ., Хушбеков А., Ҳожибоев А. М.

* Бош таҳрир ҳайъати аъзолари рўйхатга киритилмади.

ЎЗБЕК СОВЕТ ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ БОШ РЕДАКЦИЯСИ

Аҳроров У. А. — масъул секретарнинг ишлаб чиқариш ва хўжалик ишлари бўйича ўринбосари.

Биология, кимё ва медицина илмий редакцияси. Ғуломов Ҳ. Ғ. (редакция мудири), Маткаримова З., Раҳматуллаев И., Файзиева Д. Ю. (катта илмий муҳаррирлар), Рўзиева Н., Рўзимуҳамедова Н. (илмий муҳаррирлар), Иброҳимова С. (кичик муҳаррир).

География, геология ва геофизика илмий редакцияси. Қораев С. Қ. (редакция мудири), Бўриев О., Исломова М., Маҳкамова Н. Ж. (катта илмий муҳаррирлар), Зайнутдинова В., Ҳасанов А. (илмий муҳаррирлар), Ғаффорова М. (кичик муҳаррир).

Илмий ва адабий назорат редакцияси. Умаров Т. У. (редакция мудири), Абдураҳимов А., Носиров А., Шарипова М., Ҳасанов Ф. (катта илмий муҳаррирлар), Зокирова М. (илмий муҳаррир); комплектлаш группаси: Абдумаликова Б., Муҳамедов Ф., Файзиҳўжаев А. (илмий муҳаррирлар), Хамраева Н. (катта библиограф), Низомова Х. (библиограф).

Комплекс мақолалар илмий редакцияси. Холназаров С. Х. (редакция мудири), Исмоилов А. (катта илмий муҳаррир), Абдуллаева М., Ортиқбоева М., (илмий муҳаррирлар), Шамсиева Р. (кичик муҳаррир).

Маданият ва санъат илмий редакцияси. Муҳиддинов Ў. (редакция мудири), Содиқов С. П., Турмуҳаммедов Н. (катта илмий муҳаррирлар), Ашурова М., Юсупова М. Ю. (илмий муҳаррирлар), Бобоева Ш. (кичик муҳаррир).

Матбуот, халқ маорифи ва психология илмий редакцияси. Мажидов А. (редакция мудири), Абдураҳмонова М. (катта илмий муҳаррир), Зуфарова Х., Исломбекова М. К. (илмий муҳаррирлар).

Сиёсий иқтисод ва саноат экономикаси илмий редакцияси. Шерхонов А. (редакция мудири), Мусаева Д. (катта илмий муҳаррир), Алиматова М., Орифжонова Ф. (илмий муҳаррирлар).

СССР тарихи ва КПСС тарихи илмий редакцияси. Зокиров Э. (редакция мудири), Рихсиев К., Саломова О. (илмий муҳаррирлар).

Сўзлик ва алфавит кўрсаткичлари илмий редакцияси. Шерматов Э. (редакция мудири), Жабборов А., Расулзода А. А. (илмий муҳаррирлар), Зуфарова Л. М. (кичик муҳаррир).

Тил, адабиёт ва фольклор илмий редакцияси. Тўраев П. (редакция мудири), Исоқова М., Файзиева Д., Қамбарова Ф. (илмий муҳаррирлар), Каримова А. (кичик муҳаррир).

Умумий тарих, археология ва этнография илмий редакцияси. Шермуҳамедов Я. (редакция мудири), Умаров А. О., Саидмуродов Ж. (катта илмий муҳаррирлар), Мусаев Н. У., Тўрақулова Х. Т. (илмий муҳаррирлар), Ҳакимова О. (кичик муҳаррир).

Физика-математика ва техника фанлари илмий редакцияси. Фозилов Т. (редакция мудири), Иноғомов Э., Мирзаева Ж. Т. (катта илмий муҳаррирлар), Расулова М. (илмий муҳаррир), Йўлдошева Р., Ҳамидова М. (кичик муҳаррирлар).

Философия ва ҳуқуқ илмий редакцияси. Аминов М. Н. (редакция мудири), Муталов Н., Саидаминов С. (катта илмий муҳаррирлар), Йўлдошев А. (илмий муҳаррир), Екубова М., Мирзабекова С. (кичик муҳаррирлар).

ЎзССР тарихи ва ЎзКП тарихи илмий редакцияси. Меликулов Р. (редакция мудири), Ўкаров Р. (катта илмий муҳаррир), Ҳўжаев Б. (илмий муҳаррир), Холназарова С. (кичик илмий муҳаррир).

Қишлоқ хўжалиги, пахтачилик ва қоракўлчилик илмий редакцияси. Темуров Ш. (редакция мудири), Тожиҳўжаев У. (катта илмий муҳаррир), Салимжонова М. (илмий муҳаррир), Азизова Д. (кичик муҳаррир).

Бадиий безаклар ва картография редакцияси. Калентьев Н. Н. (редакция мудири), Бурхонов А. (катта бадиий муҳаррир), Тўхтахўжаев Ф. (бадиий муҳаррир), Ходиев И. Р. (катта муҳаррир, картограф), Раҳимбеков Д. У. (картограф), Абдуллаева И., Сулаймонов А. М. (кичик муҳаррирлар).

Илмий-ишлаб чиқариш бўлими. Сулаймонов А. (бошлиқ), Ғаффоров С. (бошлиқ ўринбосари), Урусова В. М. (катта техник муҳаррир) Домбек Н. И., Холматова З. (техник муҳаррирлар), Абзалова М., Юсупова М., Ҳайдарова З. (катта корректорлар), Абдунабиева М. Азимҳўжаева З., Ғофурова М., Азимова О., Қўшоқова М., Камолиддинова Ф. (корректорлар).

Фотолаборатория. Котулев А. Н. (лаборатория мудири), Королев Г. (лаборант).

Машина бюроси. Шораҳмедова М. (катта машинистка), Алимбобоева Н., Иноғомова М., Муродуллаева Т., Сулаймонова Ф., Муҳамедхонова Х. (машинисткалар).

12- жилдни тайёрлашда Бозоров Э., Сиддиқов Ш., Шодмонов Е. ҳам қатнашдилар.

ЎзСЭ 12-жилди рангли ва оқ-қора безакларини тайёрлашда

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриёти босмахонасининг қуйидаги ходимлари иштирок этди: Шоғуломов И. Ш. (босмахона директори), Войталовский П. М., Ёқубжонова А. П., Жданов С. И., Жданов П. И., Йўлдошев С. Й., Охунжонова Т. Г., Щвец И. А., Шурп Я. А.

Рангли карталарни тайёрлаш ва босмадан чиқаришда СССР Министрлар Совети Геодезия ва картография бош бошқармасига қарашли фабриканинг қуйидаги ходимлари иштирок этди: Райзман Г. П. (фабрика директори), Волина А. С., Григас В. В., Золотухина Г. А., Крамская Е. В., Латипова А. С., Раҳимов А., Семёнов Ю. Ф., Смолич Ю. Г., Смольникова А. А., Стешин С. Н., Тимофеев А. И., Тян Н. С.

Босиш ва муқовалашда

Ўзбекистон ССР Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитети Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмаси Бош корхонасининг қуйидаги ходимлари иштирок этди: Ғойибов М. Қ. («Матбуот» бирлашмаси бош директори), Илиеску С. И., Мажидхўжаев М. К., Бирюкова И. П., Галишев В. Д., Муфтахутдинова Р. Г., Носирхўжаева Р., Усмонов Ш., Жўраев В., Зарипов В. Л., Львова Р. Г., Егорова О. В., Салихова М., Илахунов Ғ., Содиқов М., Шайхов К., Ибрагимов А. Г., Стародумов Е., Паршин В. Ф., Нигманов Ж., Ботирхонов А., Говорухина А., Камолова М., Ниёзов К., Файзиева С., Содиқова Х., Қосимов Ҳ., Курбонов С. А.

Безак ва карталарни тайёрлашда

Рассомлардан: Аъзамов Ж., Ахмаров Ч., Березина Л. В., Бурхонов А. А., Егоров С. А., Исқаков Р., Кажихин В. В., Калентьев Н. Н., Калентьева Н. Н., Кара-Константин А. Д., Карпов И. С., Кушнарёва Э. Г., Лигай А. Д., Махкамов С., Расулев А., Тўхтахўжаев Ф. Т., Ходиев И., Шатрашанов П. В., Шамсутдинов Р., картографлардан: Бессмертная М. А., Норхўжаев Г. Ш., Ходасевич С. Ю., фотографлардан: Давидов С. А., Коган С. А., Котулев А. Н., Мирмуҳамедов М. М., Рацек В. И., Ромеев К., Соколовский А. Ю. иштирок этишди.

ББК 92
УУ 16

Ўзбек Совет Энциклопедияси. 14 томлик.
Бош муҳаррир ЎзССР ФА академиги
К. А. ЗУФАРОВ.
Т., ЎзСЭ Бош редакцияси, 1979.
12-т., Фазо-Шашка. 656 бет.
Тиражи 50000. Узбекская Советская Энциклопедия. т. 12.

ББК 92
03

№ 753—78
Навоий номли ЎзССР
Давлат кутубхонаси.

ЎзСЭ 12-жилдида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг нашриёти босмахонасида тайёрланган 16 та рангли ва 8 та оқ-қора аклейка, Геодезия ва картография Бош бошқармасининг фабрикасида босилган 8 та рангли карта берилган. Текст ичида 52 та карта, 741 та расм ва схема бор. Китоб Ю. Япония номидаги фабрикада тайёрланган махсус 1-номерли босмахона қоғозига босилган.

Теришга берилди 20. IV. 78 й. Босишга рухсат этилди 1. XI. 78 й.

Ўзбек Совет Энциклопедияси Бош редакцияси, 70000. Тошкент — ГСП, Жуковский кўчаси, 52-уй. Р — 15123. 50000 нусхада. Қоғоз формати 84×108¹/₁₆. ҳажми 68,88, шартли б. л. (тексти); 5,04 шартли б. л. (илова наракалари); жами 73,92 шартли б. л., 107,1 нашр. л. Баҳоси 7 сўм.

Ўзбекистон ССР Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитетининг Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмаси Бош корхонаси (Навоий кўчаси 30-уй). Заказ № 3222.

ТУЗАТИШЛАР

бет	устун	қатор	босилган	ўқиш керак
			ЎзСЭнинг 5-томида	
220	1	юқоридан 17	1960	1969
			6-томда	
57	2	юқоридан 4	6,1 млн.	6,1 минг
72	2	пастдан 36	Л. С. Дёнин	Л. С. Дёмин
407	2	юқоридан 22	1913	1813
512	2	портрет остида	Мажидов Ғ.	Ғофурий М.
628	1	юқоридан 20	«Эдисьон сомэл»	«Эдисьон сосиаль»
			7-томда	
295	1	пастдан 28	Вилен	Вильно
346	1	юқоридан 10	МХР	МХП
471	1	юқоридан 1	устидан	остидан
			8-томда	
32	1	пастдан 15	«Проблемы и социализма»	«Проблемы мира и социализма»
100	1	юқоридан 5	8.930 млн	3.930 млн.
137	2	сурат тагида	2. Шимпанзе	Орангутан
			3. Орангутан	Гиббон
			4. Гиббон	Шимпанзе

бет	устун	қатор	босилган	ўқиш керак
			9-томда	
104	2	юқоридан 2	Страсбур	Страсбург
135	1	пастдан 21	Лафоте.	Лафонтен
			10-томда	
22	2	пастдан 7	2,1555000	2.155000
			12-томда	
10	1	пастдан 36	Вопросы противоречия диалектической системы «человек—природа». в кн: «Будущее наука. Естествознания и экология». Дубно, 1974.	Вопросы диалектики динамической системы «человек—природа», в кн: «Будущее науки. Естествознание и экология», Дубна. 1974.
12	2	юқоридан 25	1866	1869
65	2	пастдан 4	1112	1912
230	2	юқоридан 4	1927	1627
292	2	пастдан 32	минг (уч марта)	млн.
307	1	пастдан 10	18-аср	19-аср
308	1	пастдан 36	Эрон Лфгонистони	Эрон, Лфгонистон
351	—	портрет остида	Холмирзаев Ш.	Холмирзаев Н.